

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

МАЪНАВИЯТ

асосий тушунчалар

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2010

Ҳурматли китобхон, эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу луғат одамзод учун бебаҳо бойлик бўлмиш маънавиятнинг маъно-мазмунни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ энг асосий тушунча ва атамаларнинг қисқа изоҳларидан иборат.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, юрдошларимизнинг маънавий оламини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий натижаси бўлган бу китоб, айтиш жоизки, миллий луғатшунослигимизда ўзига хос янгиликдир. Айни пайтда бу луғат ғоят серқирра ва мураккаб маънавият ҳодисасини она тилимизда ифода этадиган тушунчалар, атама ва ибораларни илмий йўсинда, аниқ тизим асосида акс эттириш йўлидаги дастлабки тажрибадир.

Луғат гуманитар соҳага оид масалалар билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар, ўқитувчилар, тадқиқотчи ва талабалар, маънавият мавзусига қизиқадиган кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳқўчаси – 45 уй. Тел. 239-89-00; 232-62-92.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел. 239-88-61; 236-55-79.

МУҚАДДИМА

Ҳаёт ҳақиқати шундан далолат берадики, дунёдаги барча билим ва тажрибалар, сўз, тушунча, тасаввур ҳамда хулосалар бевосита ё билвосита инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, ривожланади, бойиб, такомиллашиб боради ёхуд аксинча – эскириб, умрини ўтаб, заволга юз тутади. Айни пайтда жаҳонда шундай бир буюк ҳодиса борки, у токи одамзоднинг онгли ҳаёти мавжуд экан, ҳеч қачон завол билмайди. Шунинг учун ҳам уни ўта ноёб – феноменал ҳодиса деб атаймиз. Бу – соғлом фикрлайдиган, эзгу орзу-умидлар билан яшайдиган инсон ва жамият томонидан ҳамма замонларда ҳам қадрланиб келган маънавиятдир.

Дарҳақиқат, башарият ўз ақлини таниганидан, руҳ ва вужуднинг фарқини, ҳаёт маъносини, эзгуликнинг моҳиятини англанидан буён маънавият унга доимий ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Бамисоли буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг қаҳрамони Фарҳод афсонавий кўзгуга қараб, ўз тақдирини олдиндан кўра олганидек, инсон ҳам маънавият орқали тарихни, бутунги кунни ва келажagini тасаввур қилиш, баҳолаш ва шу тариқа зарур сабоқ ва хулосалар чиқариш имконига эга бўлади.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида тоталитар тузум манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилиб, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари, маънавий қадриятлари иккинчи даражали тушунчаларга айланиб қолган эди. Ҳолбуки, бундай юзаки ёндашув билан чуқур тарихий, назарий ва амалий асосларга эга бўлган маънавият ҳодисасини бутун мазмун-моҳияти ва кўлами билан англаб, яхлит ва тизимли асосда ўрганиб бўлмаслигини тушуниш қийин эмас.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинди. Ўзбекистонда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш масаласи қанчалик долзарб ва муҳим вазифага айланган бўлса, маънавият ҳақидаги қарашларни ҳам бутунлай ўзгартириш, бу борада замон талаб қилаётган азалий мезонларни, бу ноёб ҳодисанинг асл маъно-мазмуни, ижтимоий аҳамиятини тиклаш ҳам ўткир заруратга айланди. Бундай кенг қамровли масалалар Президент Ислом Каримовнинг асарларида назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур асослаб берилди. Шу боис истиқлол йиллари биз учун ҳаётнинг барча соҳаларидаги янгиланиш ва ўзгаришлар билан бирга, том маънодаги маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди.

Айниқса, маънавият ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларимизнинг илмий-назарий асосларини мустақкамлаш, бу борадаги қараш ва хулосаларни янгिलाш, янада юксак босқичга кўтаришда Юртбошимизнинг 2008 йили нашр этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу китобда маънавият ҳодисаси аввало тарих ва бутунги кун, инсон, халқ ва миллат категориялари, миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар,

анъаналар, ижтимоий институтлар билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур таҳлил қилиниб, унинг тўлақонли таърифи, тушунчалар тизими, асосий тамойиллари концептуал асосда ёритиб берилди. Бу асардаги теран фикр-мулоҳазалар, методологик қарашлар, назарий ва амалий хулосалар туфайли биз бугун маънавиятни башарият ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, замоннинг талаб ва мезонларига қараб янги-янги имкониятлари очилиб, енгилмас кучга айланиб борадиган ноёб ҳодиса, яхлит бир тизим сифатида тасаввур қилмоқдамиз.

Табиийки, буларнинг барчаси ана шу бой назарий-методологик манба асосида маънавиятни тарихий, фалсафий, культурологик нуқтаи назардан атрофлича ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Аввало, бу соҳадаги мавжуд билим ва тушунчалар базасини системалаштириш маънавият соҳасидаги илмий-амалий ишларимиз самарадорлигини оширишнинг асосий шarti ва гарови бўлиши шубҳасиз. Жумладан, илм-фан тажрибаси ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда, бундай муҳим вазифани амалга оширишда зарур сўз, атама, ибора ва тушунчаларни тўплаб, уларнинг маъносини шарҳлаш, яъни махсус луғат яратиш катта аҳамиятга эга. Чунки илм-фанда бирон-бир соҳани ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва англаш биринчи навбатда ҳар қандай тушунчанинг калити бўлган сўз ва атамаларни ўзлаштиришдан бошланади. Бинобарин, сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу “Маънавият” асосий тушунчалар луғати ҳам ана шундай талабларни инобатга олган ҳолда тайёрланди.

Такрор айтиш жоизки, маънавият – серқирра, ғоят кенг ва мураккаб ҳодиса. Унга дахлдор сўз ва тушунчаларнинг барчасини бир луғат доирасида изоҳлашнинг имкони йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам мазкур луғатни тузиш ва тартиб беришда, тегишли сўз, атама ва ибораларни шарҳлашда Президент Ислом Каримов асарларида, хусусан, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китебида баён қилинган концептуал фикрлар, таъриф ва хулосалар асос қилиб олиниб, муаллиф томонидан тилга олинган, таҳлил этилган асосий тушунча ва тамойиллар изоҳига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, ўзбек луғатшунослик мактаби ўзининг қадимий анъаналари, бой тажриба мактабига эга. Айниқса, мустақиллик йилларида, она тилимиз том маънода давлат тили мақомига эга бўлганидан сўнг, бу соҳа ривожига ҳам туб бурилишлар юз берди. Жумладан, 12 жилдлик “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” йирик ҳажмли илмий тадқиқот яратилди. Шу билан бирга, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Фалсафа” қомусий луғати, “Ислом” энциклопедияси, “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, “Мустақиллик” изоҳли луғати, “Миллий истиқлол ғояси” изоҳли луғати каби илмий асарлар нашр қилинди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу луғатни тайёрлашда мазкур манбалардан ва бу борадаги ижобий тажрибалардан фойдаланилди.

Қўлингиздаги ушбу китоб маънавият соҳасидаги дастлабки луғат сифатида тайёрлангани учун унда келгусида янада такомиллаштириш талаб этиладиган жиҳатлар, баҳсли ўринлар, айрим камчиликлар ҳам бўлиши табиий, албатта. Халқимизнинг маънавий савиясини янада юксалтириш йўлида жонқуярлик кўрсатаётган зиёлиларимиз, ушбу соҳада билим ва тажрибага эга бўлган олим ва мутахассислар, кенг жамоатчилик луғат тўғрисида холис фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

а.	—	аср
араб.	—	арабча
б-н	—	билан
ва б.	—	ва бошқа(лар)
ва ҳ.к.	—	ва ҳоказо(лар)
ва ш.к.	—	ва шу каби(лар)
жам-т	—	жамият
ижт-й	—	ижтимоий
иқт-й	—	иқтисодий
илм.тад.	—	илмий тадқиқот
инг.	—	инглиз, инглизча
ин-т	—	институт
лот.	—	лотинча
М.О.	—	Марказий Осиё
мад-й	—	маданий
мад-т	—	маданият
мам-т	—	мамлакат
мас.	—	масалан
маън-й	—	маънавий
маър-й	—	маърифий
маъ-ят	—	маънавият
мил.ав.	—	милоддан аввалги
мун-т	—	муносабат
н.назар	—	нуқтаи назар
наз-й	—	назарий
наз-я	—	назария
рив-ш	—	ривожланиш
рус.	—	русча
т.	—	тушунча
тар-ёт	—	тараққиёт
тахм.	—	тахминан, тахминий
ТВ	—	телевидение
урф-о.	—	урф-одат
ФА	—	Фанлар академияси
фал.	—	фалсафа
фал-й	—	фалсафий
форс-т.	—	форс-тожикча
франц.	—	француз, французча
хус-н	—	хусусан
хус-ят	—	хусусият
ш.саб.	—	шу сабабли
ш.у.	—	шунинг учун
ш-дек	—	шунингдек
юн.	—	юнонча
ЎО.	—	Ўрта Осиё
ўзб.	—	ўзбек, ўзбекча
Ўз-н	—	Ўзбекистон
ЎзР	—	Ўзбекистон Республикаси
қад.	—	қадимги
ҳиж.	—	ҳижрий
ҳоз.	—	ҳозирги



АБАД (араб.) – боқий, мангу, охири, ниҳояси йўқ, макон ва замон таъсиридан холи, доимий барқарор, ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган деган маъноларни англадиган, азалнинг давомийлигини ифода этадиган т. Айрим таълимотларга кўра, азал ва А.да устувор бўлиш фақат худога хос, бошқа ҳамма нарса ўткинчи, яъни улар азалу А. ўртасида мавжуд бўлади. Она тилимизда А. сўзи негизида шаклланган бир қанча т.лар мавжуд. Чунончи, тоабад, обида сўзлари шулар жумласидандир. Мас., халқимизнинг ўлмас салоҳияти б-н яратилган ноёб моддий ва маън-й ёдгорликларга нисбатан айнан обида сўзи қўлланади. Мас., “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Ҳоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутати”. (И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”, 2008 й., 31-бет).

АБАДИЙ ҚАДРИЯТЛАР – инсон, миллат, жам-т ҳаёти ва фаолияти учун доимий равишда зарур бўладиган қадрият шаклларини ифодалайдиган т. Оила, маҳалла, давлат ва жам-т инс-тлари, она тили, дин, авлодлар ўртасидаги вори-сийлик, тарих ва тарихий хотира, тинчлик, барқарорлик, озодлик ва фаровонлик каби инсон учун ҳамма вақт зарур бўладиган. ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган энг юксак т. ва тамойиллар А. қ. сифатида намоён бўлади. Бу қадриятлар а.лар давомида дунёдаги буюк маърифатпарвар аллома ва мутафаккирларнинг эътибор марказида бўлиб келган. Хус-н, халқимизнинг бебаҳо маън-й мероси бўлиши

“Авесто” китобидаги “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойили, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий сингари улуг аждодларимизнинг илмий-маънавий меросида ифода этилган адолатли жам-т, комил инсон, тинчлик ва фаровонлик гоёлари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Ҳамма замонларда ҳам А.қ.ларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга безавол етказиш учун тинимсиз кураш олиб борадиган фидойи инсонлар б-н бирга, бу йўлда тўсиқ бўладиган, А. қ.ларни сохталаштириб, одамзодни асл инсоний қиёфасидан маҳрум этишга уринадиган вайронкор кучлар ҳам албатта бўлади. Президент Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ҳоз. мураккаб глобаллашув замонида А.қ.ни сохталаштиришга қаратилган ана шундай таҳдид ва хатарларнинг моҳиятини, ғаразли мақсадларини ҳар томонлама очиб, уларга қарши курашиш йўллари кўрсатиб беради.

АБСУРД (лот. *absurdus* – сохталик, қалбакилик) – муайян нарса, ҳодиса, фикр ёки хулосанинг бемаъни, нотўғри ва ясама эканини ифода қиладиган т. Мантиқда хулоса ва ҳукмларнинг ҳақиқатга мос келмаслигини, санъат ва адабиётда эса, сохта руҳ ҳамда хус-ятларни акс эттиради. Фан ва фал.да муайян гоёлар, қараш ҳамда таълимотларнинг ғайриилмийлиги, ҳаётга мос келмаслиги, одамларни ҳақиқатдан йироқ мақсадлар томон бошлаши б-н боғлиқ ҳолатларни ифодалаш учун қўлланади. Абсурдизм XX а. жаҳон адабиётида ҳаётнинг айрим томонлари бемаъни ва мантиқсиз эканини тасвирлайдиган оқим сифатида шаклланган. Инглиз драматурги С.Беккет, франц. адиби Альбер Камю унинг энг йирик вакилидир.

АВАНГАРДИЗМ (франц. *avantgarde*) — XX а. мад-тидаги бир қатор йўналишларни ифода этадиган т. сифатида шаклланган. У бадий ижод соҳасидаги мавжуд меъёр ва анъаналарни рад этиб, янгича тасвир ва ифода воситаларини янгилик деб талқин этади. Бадий образ яратишда мумтоз анъаналарни тан олмасдан, асосан шаклга урғу бериш А.нинг асосий хус-ятидир. Модернизм б-н узвий боғлиқ бўлган А. тамойиллари экспрессионизм, кубизм, футуризм, дадаизм, сюрреализм каби оқимларда айниқса яққол намоён бўлади.

“АВЕСТО” — мил. ав. VII–VI а.ларда М.О. ҳудудида, Хоразм воҳасида яратилган ва “Авесто”, яъни “Ҳаёт йўриқномаси” деб номланган китоб; зардуштийлик динини шакллантиришга асос бўлган наз-й манбаларнинг умумий номи ва бу диннинг асосий китоби. М.О. халқларининг қад. даврлардаги моддий ва маън-й ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-о. ва қадриятлари ҳақида маълумот беради. Мил. ав. XIII а.дан то милоднинг IV а.игача бўлган даврдаги тарихий воқеаларни акс эттирган. Унда маън-й юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашга оид фикрлар, эзгу ғоялар, маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялар, дуолар ҳам ўз ифодасини топган. Дуализм, руҳ ва моддий ҳаётнинг ўзаро уйғунлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динига кўра, бутун олам ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари қарама-қарши ҳодисалар ўртасидаги азалий ва абадий кураш асосига қурилган. Бу кураш яхшилик худоси Ахура Мазда б-н ёмонлик тангриси Аҳриман орасидаги доимий олишув тимсолида ҳеч қачон тўхтамайди. Тарихчи Масъудийнинг ёзишича, подшо Доро ибн Доро хазинасида “А.”нинг 12 минг олтин тахтага, Балхийнинг “Форснома” китоби ва Абу Райҳон Беруний асарларида келтирилган маълумотларга кўра эса, 12 мингта мол терисига тилла сувида ёзилган 32 та китобдан иборат нусхаси бўлган. Македониялик Александр мил.ав.

334–329 й.ларда М.О.ни забт этган даврда “А.”нинг кўпгина саҳифалари ёқиб юборилган. Унинг тиббиёт, фалакиёт, фал. ва адабиётга доир бўлимлари эса юн. тилига таржима қилинган. Сосонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган милодий I а.да зардуштийлик динига бўлган қизиқиш кучайган ҳамда Парфиядаги аршакийлар ҳукмдори Вологес томонидан “А.”нинг турли манбаларда сақланиб қолган ёзма ва оғзаки намуналари қайта тўпланган. Подшо Ардашер (226–242) ва унинг ўғли Шопур (242–272) ҳукмронлик қилган даврда зардуштийлик яна давлат динига айланган ва “А.” алоҳида китоб ҳолида тикланган. Шоҳ Хусрав Ануширвон (531–579) ҳатто руҳонийлар ҳам тушуниши қийин бўлган “А.”ни, авестойи тилдан замонасининг адабий тили ҳисобланган паҳлавий тилига таржима қилдирган. Шу даврда китобнинг асосий матнига шарҳлар ёзилиб, изоҳлар берилган. Сосонийлар ҳукмдорлари томонидан қайта тикланган бу китоб “Занд А.” деб аталган. “Занд” баён қилиш ва изоҳлаш дегани. “Занд А.” зардуштийлик дини таълимотини тўлиқ акс эттиролмайди. Чунки, бу тўпламга “А.”нинг фақат кишиларнинг ёдида қолган 12 насхи оғзаки қўшимчалар асосида киритилган бўлиб, китобнинг бешдан уч қисми — 18 насхининг матни маълум бўлмагани учун киритилмай қолган. Иккинчидан, китобни қайта тиклаш жараёнида астрономия, тиббиёт, жуғрофия, этика каби фанларга оид асарлар ҳам унинг матнига қўшиб юборилгани ҳақида тахминлар бор. Айни пайтда “А” асл нусхасининг ҳажми катта бўлгани боис, диндорларнинг ҳар куни фойдаланиши учун айрим қийинчиликлар туғдирган. Бу ҳолатга барҳам бериш учун китоб қисқартирилиб, унинг “Кичик А.” шакли яратилган. Унга асосан танлаб олинган дуо ва мадҳиялар киритилган. VII–VIII а.ларда Ў.О.нинг араблар томонидан истило қилиниши ва исломнинг кенг тарқалиши б-н зардуштийлик ва унинг асосий китоби бўлмиш “А.”ни ўрганиш тақиқланган. Шу сабабли унинг аксарият саҳифалари йўқолиб кетган ва тўлиқ матни ҳозирга қадар топилмаган.

“А.” битиклари қад. юнонлар, римликлар, яҳудийлар, сурияликлар ва б. халқлар томонидан чуқур ўрганилиб, ундаги энг қимматли билимлар, фикр ва гоёлар, амалий тажрибалар ўзлаштириб олинган. Айниқса, “А.” юн. фал.сига ҳал қилувчи таъсир ўтказган. “А.” бўйича а.лар давомида дунёнинг кўпгина мам.-тларида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва бу ишлар бугунги кунга қадар давом этмоқда. 1777 йилда немис олими Кленкер “Занд А.”ни немис тилига ўгириб, Рига шаҳрида чоп эттирган бўлса, даниялик тадқиқотчи Р. Раск XIX а.нинг биринчи чорагида “А.”дан немис тилига бир қатор таржималарни амалга ошириб, 1826 йилда Копенгаген шаҳрида нашр қилдиради. Европалик олим Э. Бюрнуфнинг 1833 йилда “А.”нинг “Ясна” қисмига ёзган шарҳлари ушбу китобни “А.”да янгитдан тушуниш ва кашф этишда муҳим қадам бўлди. XIX а.нинг иккинчи ярмига келиб, Россияда ҳам “А.”га эътибор кучаяди. Рус шарқшуноси К. Коссович 1861 йили биринчилардан бўлиб, “Занд А.”дан 4 бобини таржима қилади. Яна бир рус тадқиқотчиси К. Залеман эса қад. форс адабиёти ҳақидаги очеркларида (1881 й.) “А.” ҳақида маълумот беради. С. Каменский “А.” яшларидан еттитасини рус тилига таржима қилиб, 1900 йили изоҳли лугати б-н чоп эттиради. “А.”нинг кейинги даврдаги тадқиқотчилари ҳақида фикр юритганда, эронлик Иброҳим Пури Довуднинг номи алоҳида тилга олинади. У 1925–1936 йилларда Ҳиндистондаги форс қавми орасида истиқомат қилиб, “А.”нинг тилини мукаммал ўрганиб, китоб ҳақидаги барча материалларни жамлаб, тўққиз жилдан иборат “А.” китобини чоп эттирди. Шу тариқа уч минг йиллар олдин йўқотилган “А.” саҳифаларини тиклаб, уни ҳоз. замон форс тилига ўгирди.

Собиқ совет даврида “А.”нинг илк ватани бўлмиш Ўзбекистонда бу китобни системали равишда ўрганишнинг имкони бўлмади. Қад. аждодларимизнинг эзгу гоёлари, миллий давлатчилик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетини акс эттирган бу китоб фақат мустақиллик йил-

ларида ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилган маън-й меросимизни тиклаш, ҳар томонлама кенг ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги кенг кўламли ишлар доирасида “А.” китоби ҳам янгидан халқимизнинг маън-ий мулкига айланттирилди. Китобнинг халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихи, умум-башарий цивилизация ривожигаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, 2001 йили “А.” яратилганининг 2700 йиллиги юртимизда халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу муносабат б-н китобнинг тўлиқ матни ўзб. тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

АВЛИЁ (араб. валий – дўст) – валий, валоят сўзларидан олинган. Валоят – адоватнинг тескарасидир. Ислом динида мўминлар Аллоҳнинг А.си, Аллоҳ эса уларнинг валийси, яъни дўсти деган ақида мавжуд. Кундалик ҳаётда донишманд, узоқни кўра оладиган, келажакни башорат қила оладиган, маън-й баркамол кишиларга нисбатан қўлланади. Бирон-бир халқнинг маън-й тимсоли даражасига етган инсонлар ҳам шу сўз б-н улуғланади. Мас.: Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида миллий маъятимизнинг буюк намояндаларидан бири – Алишер Навоий сиймоси қуйидагича таърифланади: **“Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дидир”**. (И.Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч”. Т.: “Маънавият”, 2008 й., 47-бет).

АВЛОД (араб. – болалар) – тор маънода алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлган фарзандлар ва уларнинг зурриёдлари, кенг маънода эса миллат, халқ, цивилизация ривожининг муайян босқичида ягона гоё, мақсад ва вазифалар б-н майдонга чиқадиган, тарақ-т жараёнида узвийлик ва давомийликни таъминлаб, ўз даври қиёфасини белгилаб берадиган, ижт-й ҳодиса даражасига кўтариладиган кишилар гуруҳи. А.нинг камолотида аждодлар тажрибаси, урф-о. ва

анъаналари муҳим роль ўйнайди. А. тарихий давлрлар, муҳим ижт-й-сиёсий воқеалар, ижт-й тоифалар, касб-кор ва фаолият соҳасига мансублигига, ёш хус-ятлари, ижт-й хус-ятларига қараб фарқланади. Мас., истиқлол даврида вояга етган баркамол А., Иккинчи жаҳон урушида қатнашган А., ёш А., кекса А., эркин А., ёзувчилар А.и, космонавтлар А.и ва ҳ.к. А. т.си наботот ва ҳайвонот дунёси, инсон меҳнати, ақл-заковати б-н яратилган нарса ҳамда воситаларга нисбатан ҳам кенг қўлланади. Мас., ғўза навларининг кейинги А.и, сут эмизувчилар А.и, янги А. дарсликлари ва ҳ.к.

АВЛОДЛАРАРО ВОРИСИЙЛИК – ажодлар б-н авлодлар ўртасидаги қондошлик алоқалари, мун-т, анъана ва қадриятларнинг давом этишини, наслий, маън-й-ахлоқий яқинликни англатадиган т. Шарқ халқлари ҳаёти жамоавийлик тамойилларига асосланган. Бу мун-тлар ҳар қайси халқ яшаётган заминнинг ўзига хос хус-ятлари б-н бевосита боғлиқ ҳолда шаклланиб, а.лар давомида ажодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, қуйидаги фикрларга эътибор қаратиш лозим: **“Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади. Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган** (И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”, 2008 й., 9-бет). А.в.ни маън-й жиҳатдан таъминлашда анъана ва қадриятларнинг давомийлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳар қайси даврнинг талаби, ундаги ижт-й-иқт-й ва ғоявий-сиёсий омилларнинг таъсири остида анъана ва қадриятлар шакли ривожланиб, ўзгариб боради. Мас., тил, дин, илм-фан, ёзув

ва матнларда тарих, халқ ва миллат ҳақидаги маълумотлар сақланиб, сайқалланиб, а.лар мобайнида ажодлардан авлодларга ўтади. Бу эса А.в.ни таъминлашга хизмат қилади. Ижт-й мулоқот ҳам А.в.ни таъминлашнинг муҳим омилидир. Айниқса, оиланинг бу борадаги аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда А.в.ни таъминлашда замонавий ахборот воситалари, жумладан, радио, ТВ, матбуот, адабиёт ва санъат асарлари маън-й меросни авлодларга етказиш вазифасини бажаради.

АВЛОНИЙ, Абдулла (1878–1934) — XIX а. охири XX а. бошидаги ўзб. миллий мад-тининг машҳур вакилларида бири, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби. XX а. бошларида А. жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, Тошкентдаги жадидларнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб танилди. У янги усулда, янги мактаб очиб, дарс берди ва дарсликлар ёзди. Мактаб-маориф ишларига ёрдам берувчи “Жамияти хайрия” очиб, етим ва боқувчиси йўқ болаларни ўқитди. А. таниқли маърифатпарварлар б-н биргаликда “Нашриёт” (1914), “Мактаб” (1916) ширкатларини тузди. “Хуршид”, “Тужжор”, “Осиё” газеталарининг майдонга келишида бевосита иштирок этди. Ўз муҳаррирлиги остида “Шуҳрат” (1907), кейинчалик “Турон” (1917) газеталарини чиқарди. А. асос солган янги усул мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий илм-фанни болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларни мам-тнинг ижт-й-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятига эга бўлишни таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаби бўлди. Адиб жадид мактаблари учун “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” дарслиklarини тузди. Ахлоқий-дидактик мазмундаги “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” дарслиги (1913) XX а. бошларидаги ўзб. жадид маърифатчилигининг ноёб ҳодисаларидан эди. Унда тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи маротаба XX а.нинг талаб ва эҳтиёжлари н. назаридан таҳлил қилинган. А. хулқларни анъанавий яхши ва

ёмонга ажратар экан, мулоҳазаларини Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий Шерозий, Бедил фикрлари б-н асосланган тарзда замонавийликни асосий мезон қилиб олади. Мутафаккирнинг фикрича, ахлоқ, бу – хулқлар мажмуи. Хулқ эса эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир хулқ эзгулик ва олижанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинадилар. Лекин, булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишдан ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон ёки яхши қилади. Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия “ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидур”. Тарбия туғилган кундан бошланади ва умрнинг охирига қадар давом этади каби гоёни илгари суради. А. тарбия доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ б-н чегаралаб қўймайди. А. масаланинг фал.ий асосига кўчади. Жисм б-н руҳнинг узвий бирлиги ҳақида гап очади: “Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устунни қўюб, астарини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур”. Яна бир ўринда эса “бадан элак каби кўзлукдур” деган ибора учрайди. А. жисм б-н руҳ, шакл б-н мазмуннинг узвий бирлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Ақл жисмнинг пири комили, муршиди ягона-сидир. А. фазилатларни шунчаки қайд этмайди, уларнинг конкрет ҳаётий, амалий аҳамияти устида ҳам тўхтаб ўтади. А.нинг виждон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унингча, виждон – ақл ва тафаккур мезони. Инсон одобини ҳаё ва ифбатсиз тасаввур қилиш қийин. А. ҳаё деганда “ишда, сўзда адабни риоя қилмоқ”ни тушунади, уни инсонийликнинг муҳим белгиси деб билади. А.нинг таъкидлашича, Ватан туйғуси энг

инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди б-н яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у б-н фахрланмоқ керак. Ватан Онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчи. А.нинг фикрича, тилга, мад-тга муҳаббат эса ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатдир: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаси ҳаёти – тил ва адабиётидир”. – деган эди мутафаккир. А. ростлик ва тўғри сўзликни инсоннинг энг инсоний сифатларидан деб ўқтиради. Адолатни, ҳар бир миллатнинг озод ва бахтли бўлиш ҳуқуқини дунёнинг асоси деб билади, бировга “жабр қилувчининг ёқаси ҳеч қачон жазо қўлидан қутула олмас”лигини айтади. Адибнинг қарашларида Навоийнинг инсон ҳақидаги машҳур “инсон – хилқат тожи” н. назари (концепцияси)нинг таъсири яққол сезилиб туради. Унинг фикрича, ақл фақат инсонгагина насиб этган сифатдир, жаҳоннинг зийнати оқил инсонлардир. Инсон ақли эса илм ва тажриба орқали бойиб боради. Дарҳақиқат, илм инсон учун гоёт олий ва муқаддас фазилат эканлиги адиб томонидан атрофлича асослаб берилган. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”да инсонликни белгиловчи дўстлик, садоқат, меҳнатсеварлик, муносилик ва б. фазилатлар ҳам улуғланиб, бу сифатларнинг зидди бўлган жаҳолат, ялқовлик, ғийбат, ҳасад, хасислик, иккиюзламачилик каби иллатлар одамийликнинг душмани сифатида талқин этилган. Ушбу асарнинг аҳамияти фақат мактаб доираси б-н чекланмади. У адабиёт ва ахлоқ ҳаваскори учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилди, ўз даври ижт-й-педагогик фикр тар-ётида алоҳида ўрин эгаллади. Адибнинг бу асарда юз кўрсатган маъ-ятга дахлдор қарашлари унинг шеърлятида, драма ва публицистик мақолаларида давом этди. А.нинг ижт-й-сиёсий, ахлоқий, эстетик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

АВТАРКИЯ (юн. *autarkeia* – мустақиллик, ўз-ўзидан қаноатланиш: *autos* – ўзим ва *arkeo* – мўл-кўлчиликда яшамокдаман) – иқт-й, ижт-й, сиёсий ва маън-й маъноларда қўлланадиган. бирон-бир шахс, гуруҳ, миллат, давлат ва жам-тнинг ўз ҳолича, бошқалардан ажралган ҳолда яшаши учун қаратилган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган т. Сиёсий соҳада А. фақат давлат доирасида, миллий маҳдудлик муҳитида хўжалик ташкил этиш мақсадида мам-тни бошқа мам-тлардан айириб қўйиш сиёсатини англатади. Ҳоз. даврда ҳам А. дунёнинг турли ҳудудларида тенденциялари мавжуд, уларнинг маън-й оқибатлари ҳам кўзга ташланиб туради. Глобаллашув даврида А. жам-тда маън-й биқикликнинг кучайишига, унинг ташқи дунёдан ажралиб қолишига олиб келиши мумкин.

АВТОРИТАРИЗМ (лот. обрў, нуфуз, эътибор) – маън-й соҳадаги кўпгина масалаларда якка шахснинг обрўси, фикр ва қарашларининг устувор бўлишини англатадиган т. Одатда, жам-т ўз тарақ-тининг мураккаб, қалтис ва масъулиятли даврларини бошидан кечираётган пайтларда майдонга чиқади. XX а.нинг биринчи ярмида А. асосан салбий ҳолат сифатида намоён бўлди. Чунки миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритган Биринчи жаҳон уруши, 1929 й.да бошланган жаҳон иқт-й инқирози ва шунинг оқибатида халқаро миқёсда зиддият ҳамда қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви каби қатор омиллар бир қанча мам-тларда айрим авторитар шахсларнинг давлатни ҳарбийлаштириш, зўравонлик йўли б-н ҳокимият тепасига келиши ва мустабид тузумларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ҳоз. даврда А.дан фарқли тарзда, атоқти давлат арбоблари мураккаб тарихий вазиятларда жам-тни тез ўзгартириш, долзарб масалаларни зудлик б-н ҳал этишда муҳим ўрин тутади, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бу борада Франция ва Германияни Иккинчи жаҳон урушидан кейинги инқироз ҳолатидан олиб чиқишда генерал де Голл ва Конрад Аденауэр сингари сиёсатчилар фаолияти мисол қилиб кўрсатилади.

Албатта, ҳар қандай янги мустақил давлат тарақ-тида шу мам-т раҳбарининг обрўси, мавқеи, нуфузи муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тарихидаги қатор давлат арбобларининг ўз юртини ижт-й-сиёсий, иқт-й, мад-й-маън-й тиклашдаги хизматлари бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин. Маън-й соҳада эса А. турғунлик устувор бўлган бирёқлама тафаккур ҳамда турмуш тарзини шакллантиргани боис салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Бунда кўпроқ муайян авторитет ёки субъектнинг мутлақлаштирилиши назарда тутилади.

АВТОРИТАР ОНГ – янгилик ва ижодийликдан маҳрум бўлган бир қолипдаги тафаккур тарзи. А.о. ижодий онгга зид бўлиб, фикр-мулоҳаза юритиш ва уни исботлашда фақат бир тамойилга таянади.

АВТОРИТЕТ (лот. *autoritas* – ҳокимият) – якка шахс ёки бир гуруҳ шахсларни куч ишлатмай, зўравонликсиз ўз иродасига мос фикрлаш ёки ишлашга йўналтиришни англатадиган т. Кенг маънода бир шахс ёки ташкилотнинг ҳаётда ёки жам-тдаги норасмий таъсири (мас., тарбия, илм-фан, санъат, мад-т соҳаларида); тор маънода эса, муайян қонун ва қарорларни амалга оширишнинг бир турини билдиради. Кўп ҳолларда А. қонун-қоида ёки ижт-й меъёрларнинг кўпчилик тарафидан тан олинганини англатади. А.нинг мавжудлиги ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳал қилишнинг мураккаблиги б-н боғлиқ. Бу борада А. эгасининг фикр-мулоҳазалари, ноёб истеъдоди ва салоҳиятига бўлган ишонч муҳим аҳамият касб этади. А. ишлаб чиқаришда, сиёсат ва б. ижт-й жабҳаларда алоҳида индивидлар ҳамда мансабдор шахсларнинг обрў-эътибори, уларнинг раҳбарлигида эришилган ютуқлар б-н белгиланади. А.га эга бўлган шахе ўзи қарор қабул қилиб, унинг ижросини ўзи назорат қилади, бу жараённинг қандай ва қайси жабҳада амалга ошиши жам-тнинг тарихий ривожига ҳам боғлиқ бўлади. Инг. файласуфи Т.Гоббс “Суверен А.” асарида “...жам-т ни анархиядан сақлаш, ҳаммани ҳаммага

қарши курашишдан қутқаришнинг ягона чораси А.дир” деган эди. XIX а. анархистлари эса, ҳар қандай индивиднинг эркинлиги ва шахс эгоизмини А. кўриниши сифатида эътироф этган. Немис социологи М.Вебер томонидан яратилган “А.нинг формал типологияси” ғоясига кўра, А. ҳокимиятга эришишда аниқ бир қоидаларга риоя қилиш ва уларни қўллаш чегарасини белгилайди. Шу б-н бирга, унинг фикрича, А. т.си бирон-бир даҳо инсон шахсияти б-н боғлиқ. Шу маънода, А. фақат авлиёлар, атоқли шахслар, мутафаккирлар ва сиёсий доҳийларга хос фазилатдир. Ҳоз. замон фал.сида А. тўғрисида хилма-хил қарашлар мавжуд бўлиб, уларда асосан инсон, унинг обрў-эътибори, гоҳида эса баъзи шахсларга хос бўлган, бошқаларда учрамайдиган хусиятларини улуғлаш ёки мутлақлаштириш (суперинсон ғояси) каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

АГНОСТИЦИЗМ (юн. *agnostos*: а – инкор, *gnostos* – билиш, билишни инкор этиш) – табиат ва жам-т қонуниятлари моҳиятини билиш имкониятларини рад этиб, билимнинг воқеликка мувофиқ эканини исботлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фал-й таълимот. Антик скептицизм ва ўрта а.лардаги номинализм негизда пайдо бўлган. XIX–XX а.лар ижт-й тафаккурида, айниқса, марксистик фал.да мазкур таълимот сунъий тарзда содаллаштирилиб, унга тўлиқ билишни инкор этувчи таълимот сифатида баҳо берилган. Ваҳоланки, бу таълимот вакиллари объектив борлиқни билиш мумкинлигини бутунлай рад этмайди, билим ва тафаккурнинг чекланганини таъкидлайди, холос. Ҳақиқатан ҳам, дунёни мукамал билиш мумкин эмас, инсон дунёнинг сиру синоатини қанчалик чуқур ўрганмасин, унинг тубига етиб боролмайди, бу оламнинг ҳадди-ҳудуди бўлмагани каби, у ҳақдаги билимлар ҳам чексиздир. Қад. юн. фал.сида скептицизм шаклида пайдо бўлган (Протагор, Пиррон каби файласуфларнинг қарашлари асосида) А. кейинчалик инглиз донишманди Давид Юм ва немис файласуфи Имма-

нуэл Кант ва б. ғарб олимлари томонидан ривожлантирилган. Агностикларнинг фикрича, дунёни яхлит ва бир бутун ҳолда билиб бўлмайди. Инсон унинг бир қисминигина билишга қодир, холос. Улар ўз фикрини оқибатнинг сабабдан фарқ қилиши б-н асослаб беришга уринади. Улар оқибат сабабдан фарқ қилади, ш.у. нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини англаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бу оқим намояндалари объектив равишда мавжуд бўлган сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликни исботлаш мумкин эмаслигига асосланиб, апостериор, яъни тажрибадан олдинги билим воситасида, ш-дек, мантиқ йўли б-н ҳам оқибат ва сабаб ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мумкин эмас, деган ғояни илгари суради. Д.Юмнинг фикрига кўра, табиат мўъжизалар китобини тўлиқ очмайди, бизга объектларнинг айрим ташқи сифатларини ўрганиш имконини беради, холос. XIX а.да А. ғояси турли йўналишларда ривожлантирилди. Мас., И.Мюллернинг А.и (физиологик идеализм), Г.Гельмгольцнинг иероглифлар А.и, вульгар материалистлар (Л.Бюхнер, Я.Молешотт)нинг А.и, А.Пуанкареннинг конвенциализми, XX а.да эса П.Юшкевичнинг “праксеологик” А.и бунга яққол мисол бўла олади.

АГРЕССИВ ХУЛҚ – шахснинг маън-й бузуқликка асосланган, бошқаришнинг ички дунёсига очиқдан-очиқ салбий таъсир ўтказиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайриинсоний хусият. А. х.нинг шаклланиши, кучайиши ва намоён бўлиши кўпинча ижт-й муҳит б-н боғлиқ ҳолда юз беради. Шахснинг ўзига қаратилган тажовузкорлик «аутоагрессия» (бундай ҳолат шахсдаги патологик ўзгаришларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади) деб аталади. Ўз жонига қасд қилиш, ўзига тан жароҳати етказиш аутоагрессиянинг кўринишларидир. Жаҳолатга ботган, жоҳиллик ва зўравонликни мақсадга эришишнинг асосий ва устувор воситаси деб биладиган шахсларда А. х. кучли бўлади. А. х. нафақат алоҳида шахслар, балки бутун-бутун давлатларга ҳам хос бўлиши мумкин. Бинобарин агрессор –

агрессияни содир этган куч якка шахс ёки шахслар гуруҳи, сиёсий-мафкуравий марказлар, давлат ёки бир неча давлатлар бўлиши мумкин. XX а.нинг 30-йилларида фашистлар ҳукмронлик қилган Германия ана шундай тажовузкорлик ҳусиятлари б-н инсониятга катта талофатлар келтирди. Бугунги кунда эса дунёдаги террористик ва экстремистик марказлар агрессия ҳаракатлари б-н одамзод бошига янги-янги фожиалар келтирмоқда. Фарбдаги айрим мафкуравий марказлар эса жаҳондаги ёш, рив-ш йўлига кирган мам-тларга информацион усулларда тазйиқ ўтказиш орқали ўзининг агрессив хулқини намоён этмоқда.

АГРЕССИЯ (лот. *aggressio* – ҳужум) – 1) бирон-бир бузгунчи ғоя, вайронкор мафкурага таяниб амалга ошириладиган информацион-психологик ҳужум, ахборот хуружи, гоёвий террор ёки маън-й-мафкуравий бузгунчилик; 2) сиёсий маънода, бир давлат томонидан ўзга давлатга уни мустақиллигидан, ҳудудий яхлитлигидан ва тар-ётдан маҳрум қилиш, халқини қарам этиб, бойликларини эгаллаш мақсадида ҳарбий куч ёрдамида амалга ошириладиган босқинчилик. Халқаро ҳуқуқда БМТ Низомини очиқчасига бузган ҳолда, бошқа давлатга нисбатан ҳарбий куч ишлатиш А. дейилади. Жиноят ҳуқуқига кўра, ён-атрофдаги одамларга жисмоний зарар ёки руҳий шикаст етказишга қаратилган ҳаракат А. деб баҳоланади. Бу ҳаракатлар ғаразли мақсадлар – бошқаларнинг бойлигига кўз олайтириш, уларни қарам қилиш ниятида содир этилади. А. геноцид, террор, этник ва ғоявий асосдаги қонли можаролар шаклида ҳам намоён бўлади. Бугунги кунда иқтисод соҳасидаги А.га иқт-й А., маъ-ят соҳасидаги А.га эса маън-й А. дейилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқаларга нисбатан биринчи бўлиб ҳарбий куч ишлатиш, тажовузкорликни амалга ошириш А. деб баҳоланади. Турли шаклдаги ташқи ва ички А.га йўл қўймаслик учун аҳоли, айниқса, ёшларни юксак маън-й тамо-йиллар асосида, ҳушёр ва огоҳ этиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБ (араб.) – шахснинг тарбиявий даражаси, ахлоқий қиёфаси, маън-й баркамоллигининг асосий шарти ва мезони, ўзб. тилидаги одоб ва ахлоқ сўзларининг ўзгарган шакли, маънодоши. Киши А. орқали эл-юрт ўртасида обрў-эътибор, иззат-ҳурмат топади. А. халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан муҳим роль ўйнаб келгани учун мун-тларнинг деярли барча шакл ва кўринишларига шу н. назардан ёндашилган. Уларга ном ва баҳо беришда А. асосий мезон бўлган. Шу асосда А.нинг турли даража ва кўринишлари шаклланган: бола А.и, қиз бола А.и, келинлик А.и, куёвлик А.и, шогирдлик А.и, касб-ҳунар А.и, мезбон ва меҳмон А.и, тижорат А.и, санъаткор А.и, спортчи А.и, юриш-туриш А.и., муомала А.и, сиёсат А.и, баҳс А.и ва ҳ.к. Дунёдаги халқларнинг ахлоқ-одоб меъёрлари, уларнинг дунёқараши, анъана ва қадриятларига қараб, бир-бириникидан тубдан фарқ қилади. Мас., Африкада яшайдиган канибал қабилалари (одам гўштини ейдиган ёввойи қабилалар) орасига тушиб қолган одамлар улар ейдиган овқатни емай қўйса, А.сизлик қилган бўлади. Натижада унга “илтифот” кўрсатган жамоа аъзоларининг норозилигига сабаб бўлади, ҳатто жазога тортилиши ҳам мумкин. Ш. у. ҳам тақдир тақозоси б-н бирон-бир халқ ичида яшаб қоладиган одам унинг урф-о. ва А. меъёрларига бўйсунмишга мажбур. Бу – унинг тарбиявий даражасини кўрсатувчи белгилардан бири.

Мустақиллик йилларида халқимиз мустабид тузум даврида топталган асл қадриятлари қатори ота-боболаримиз минг йиллар давомида амал қилиб келган одоб-ахлоқ меъёрларига қайтиш имконига эга бўлди. Она тилимизда А. б-н боғлиқ ҳикматли сўзлар, мақолларнинг жуда кўплиги А. миллий маъ-ятимизнинг устунларидан бири эканини тасдиқлайди. Мас., “Адабни адабсиздан ўрган”, “Адабли бола элга манзур” ва ҳ.к. А.нинг зидди А.сизлик, ҳаёсизлик, маън-й жиҳатдан тубанликка юз тутишдир. Инсон А.и икки йўл б-н шакллантирилади: 1) наслдан наелга ўтади; 2) таълим-тарбия, маъ-й таъсир, ибрат ва намуна, билим ва кўникма

орқали шаклланади. Мавлоно Жалолодин Румий “Ичиндаги ичиндадир” асариди “Барча билимлар ва фанларни ўзлаштириш аслида адабни ўрганишидир” деб таъкидлайди. А. одобнинг эквиваленти сифатида қўллansa-да, айрим ўринларда маъно нозикликлари б-н ундан фарқ қилади. Мас., “Адабини беришади”, “Адабингни ейсан” каби иборалардаги А. сўзи ўрнида одоб сўзини қўллаб бўлмайди. А. этика, эстетика, психология, жамтшунослик, адабиёт сингари фанларнинг асосий мавзуларидан биридир. Адабиёт атамасининг негизини А. сўзи ташкил этиши, бадиий адабиётимизда А. масаласи бош мавзу бўлиб келгани миллий маъ-ят ва тафаккуримиз тарихи, бугунги ва эртанги ривожини белгилайди.

АДАБИЁТ (араб. одоблар йиғиндиси) — умуминсоний маъ-ятнинг таркибий қисми, адабий фаолият натижаси, жам-т ҳаёти ва унинг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этадиган ижод соҳаси. А. икки маънода қўлланади: 1) кенг маънода — барча китоб турлари, газета ва журналларга нисбатан; 2) тор маънода — бадиий А., турли жанрдаги бадиий асарлар мажмуи. Бадиий А. кишилик тар-ётининг маълум бир босқичида юзага келган бўлиб, дастлаб оғзаки ижод намунаси сифатида яратилиб, тилдан тилга ўтиб, бойиб, сайқалланиб борган. Ёзув пайдо бўлиб, одамларда ёзма нутқ, ёзув мадти рив-ши б-н ёзма бадиий А. ҳам шакллана бошлади. Бадиий А. ҳар қайси халқ маъ-ятини алардан аларга олиб ўтадиган асосий воситалардан биридир. Оғзаки ва ёзма А. қайси халққа мансублигига қараб, ўша халқ номи б-н қўшиб юритилади. Мас., ўзб. А.и, грек А.и, немис А.и ва ҳ.к.

АДАБИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС — халқимизнинг авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган ниҳоятда қадимий, бой А.-м.м.и бор. У халқимизнинг урф-о.и, расм-русмлари, байрамлари, қадимий битиклар ва археологик топилмалар, халқ оғзаки ижоди намуналари, ёзма бадиий адабиёт ва фан соҳасида яратилган ноёб асарлар, тасвирий ва амалий санъат ҳамда мусиқа дур-

доналари, бетакрор меъморий обидалардан иборат. Собик иттифоқ даврида юртимиздаги бой А.-м.м.га бутунлай нотўғри, мафкуравий мун-т ҳукмрон бўлди. Истиқлол тугайли бу борадаги мун-т тубдан ўзгарди, А.-м.м.ни тиклаш, асраб-авайлаш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича кенг қўламли ишлар ҳоз. кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

АДАБИЙ ТИЛ — ҳар қайси халқ ва миллат маъ-ятида улкан аҳамият касб этадиган, унинг руҳий оламини моддий шаклда юзага чиқариш ва умумбашарий тар-ёт учун хизмат қилдириш, эл-юртни бирлаштириш, ўзликни англашда муҳим восита бўладиган буюк ижт-й ҳодиса. А. т. умумхалқ тилининг сайқалланган, лексик, фонетик ва грамматик жиҳатдан шу халқ шеваларидаги энг яхши хус-ятларни ўзида мужассам этиб, сайқалланган, ҳамма учун тушунарли ва маъқул меъёрга солинган умуммиллий мулоқот воситасидир. Тарих ва тар-ёт жараёнида А. т. ўзгариб, такомиллашиб боради. Мас., Алишер Навоий давридаги ўзб. адабий тили ҳоз. замон ўзб. адабий тилидан фарқ қилади. Истиқлол даврида А. т.нинг маън-й ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, 1989 йилда ўзб. тилига давлат тили мақомининг берилиши А. т.имиз ривожиди мутлақо янги саҳифа бўлди. Ҳоз. даврда ўзб. А.т. миллий маъ-ятимизнинг ҳақиқий кўзгусига айланиб бормоқда.

АДАПТАЦИЯ (лот. *adaptatio* — мосланмоқ, созланмоқ) — табиат ёки жам-т ҳаётида, инсоннинг маън-й-руҳий оламида кечадиган ўзига хос жараён бўлиб, бирон-бир муҳит ёки шароитга, янгиликка мослашуви англатади. Инсон ҳаётидаги А.нинг самарали кечиши кўп жиҳатдан унинг руҳий, маън-й ҳолатига боғлиқ. Илм-фанда А.нинг қуйидаги турлари мавжуд: сенсор А. (лот. *sensus* — ҳис-туйғу, сезги) — организмнинг турли хил субъектив ўзгаришларга мослашуви; ижт-й А. (лот. *adapto* — мослашаман ва *socialis* — ижт-й) — инсоннинг ижт-й муҳит шароитларига узлуксиз тарзда фаол мослашуви, айна пайтда унинг ушбу жараён

натижаси сифатида камолга етиши. Ижт-й А.нинг муҳим жиҳати одамнинг ижт-й талаб ва тартибларни қабул қилишини англатишдир. Фарбда ижт-й А. муаммоси илм-фаннинг необихевиоризм ва психоанализ йўналишлари асосида ўрганилади.

АДИБ (араб.) – 1) одоб илмидан сабоқ берувчи муаллим, ибратга муносиб инсон, устоз; 2) адабиётчи, ёзувчи, адабий илмлар бўйича олим. Сўз санъаткорлари, адабий-бадиий соҳа ижодкорларига нисбатан кенг маънода ишлатилади. Аҳмад Югнакий “Ҳиббатул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”) асарида А. ва адаб сўзларини қуйидагича қўллайди: “Адиб Аҳмад айтгим адаб-панд сўзим, // Сўзим бунда қолур, борур бу ўзим”. А. т.си тор маънода асосан насрда ижод қилувчи ёзувчиларга нисбатан қўлланади.

АДЛ – адолат, одиллик, ҳаққонийликни ифодалайдиган т. Бу т.ни қуйидагича ҳам изоҳлаш мумкин: 1) Судда инсоф ва адолат юзасидан ҳукм чиқариш. 2) Тўғрини нотўғридан, ростни ёлғондан ажрата билиш, бирон томонга ён босмаслик. 3) Зулмни бартараф этиш, инсоф юзасидан иш кўриш, мазлумни ҳимоя қилиш. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Кимки ҳақиқатни ёлғондан, тўғрини нотўғридан ажрата билса, у ўз адли б-н Фарбу Шарқни ёритган бўлади” деган сатрларида мазкур иборанинг маън-й-маър-й моҳияти мужассамлашган. Тилимизда А. б-н боғлиқ бир талай сўз бирикмалари ҳосил қилинган. Мас., А. мезони деганда, адолат торозуси, яъни қонун асосида ҳақиқатни тиклаган киши. А. қонуни, А. тариқи деганда, шариат низомлари, Д.у дод посбони деганда, адолат ҳимоячиси, одил подшо, ҳақгўй қози, Адлу инсоф деганда, ўртада туриб, ҳақиқатни аниқлаш, тўғрилик, тўғри қарор қабул қилиш назарда тутилади. (Яна қаранг: Адолат.)

АДОВАТ (араб. душманлик) – ўзаро ёвлашиш, узоқ вақт давомидаги кек сақлаш, нафрат ва гина-кудурат асосидаги душманлик. А.нинг асосида аксарият ҳолларда бир хил эҳтиёж ва манфаатга эга

бўлган, иш асосида рақибга айланган одамларнинг тўқнашуви ётади. Рақиблардан бирининг эҳтиёжи қондирилиши иккинчисининг манфаатига зид келиши ва душманликка сабаб бўлиши мумкин. Бунда томонлардан бирининг ичи қоралиги, ғаразли нияти, бадбин ва кўролмаслиги ҳам адоватга сабаб бўлиши мумкин. А. инсоният тарихида А.лар давомида кузатилаётган ҳодиса бўлиб, баъзида даҳшатли уруш ва қирғинларга сабаб бўлган. Турли давлатлар ўртасидаги А.лар одатда бирон ҳудудни эгаллаш, табиий бойликларга эгалик қилиш мақсадида амалга оширилган. Кундалик ҳаётда турли шаклларда намоён бўлади. Улар маълум маънода психологик асосга ҳам эга. Яъни, одамларнинг истезод ва қобилияти, моддий, маън-й имкониятлари ҳар хил бўлиши, шу асосда уларнинг баъзилари ҳаётда кўпроқ, баъзилари эса камроқ муваффақиятга эришиши ҳам уларда бир-бирига нисбатан ҳасад ва адоватнинг уйғонишига сабаб бўлади. Бунда шахснинг қандай тарбия кўргани, ижт-й омил ҳам муҳим роль ўйнайди. Агарда инсон бошқаларнинг ютуғига ҳасад эмас, ҳавас б-н қараб яшашга ўрганган бўлса, табиийки, жам-тдаги кўпгина А.ларнинг олди олинган бўлади. Айниқса, “Ҳасад эмас, ҳавас енгади”, “Ҳасаднинг умри қисқа”, “Ҳавас бор жойда ҳасадга ўрин йўқ”, “Бир кун жанжал бўлган жойда қирқ кун файз-барака бўлмайди” каби ҳикмат ва мақоллар руҳида тарбия топган халқимиз ҳасад ва А.ни қоралаб, меҳр ҳамда ҳавасга асосланган интилишларни қўллаб-қувватлаб келади. Бу эса жам-тимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир.

АДОЛАТ (араб. одиллик, тўғрилик, ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойилларига амал қилиниши) – инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маъ-ят, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъерий категорияларидан бири. Жам-т ҳаётидаги ҳодисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний идеалларга, ҳақиқат мезонларига қанчалик мос эканини аниқлашда ҳамма

замонларда ҳам асосий маън-й мезон бўлиб хизмат қилади. Жам-тнинг шахсга, шахснинг жам-тга ва бир шахснинг иккинчи шахсга мун-тида намоён бўладиган А. тамойили ана шу мун-тларни баҳолашнинг ўзгармас мезонидир. А. юк-сак маън-й қадрият бўлиб, «бахт», «озодлик», «тенглик», «дўстлик», «тинчлик» т.лари каби инсоннинг азалий эзгу интилишлари тимсолидир. А. ҳақидаги илк тасаввурлар жуда олис замонларга бориб боғланади. Қад. давр мутафаккирлари уни универсал қонун сифатида талқин этишган. Мас., Зардушт А.ни “арта” т.си ёрдамида ифода этар экан, уни оламдаги икки қутбдан бири деб ҳисоблайди. Юнон файласуфи Афлотун А. муаммосини тизимли тарзда ўрганиб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг ижт-й-сиёсий концепциясида А. «хукмронлик» ва «имтиёз» т.ларига яқин категория сифатида шарҳланган. Файласуфнинг фикрича, ҳар бир табақа ичида тенглик бўлмоғи, табақалар ўртасида тенглик ҳукм сурмоғи А.дандир. Арасту бу ғояларни ривожлантириб, “тенглаштириш” ва “тақсимлаш А.и” т.ларини қўллаган. Форобий А.ни ижт-й иерархия ва тартибнинг мавжуд бўлиши учун пойдевор яратувчи ҳуқуқий категория деб таърифлаган. XVIII а.га келиб А. ижт-й тенглик б-н боғлиқ ҳолда кун тартибига қўйила бошланди. Ҳоз. замон фал-й адабиётларида А. жам-тдаги барча ижт-й мун-тларни ифода этувчи категория сифатида таърифланмоқда. А. жам-тда олти асосий вазифани бажаради. Биринчидан, жам-тдаги ижт-й мун-тларни мақсадга мувофиқ ташкил этади. Иккинчидан, турли ижт-й гуруҳ ва синфлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туради. Учинчидан, жам-тдаги мулкчилик мун-тларини, ишлаб чиқариш фаоллигини оширади. Тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифатида хизмат қилади. Бешинчидан, воқеликда кенг илдиз отган, лекин ижт-й тар-ётга тўсиқ бўлаётган мун-тларни бар-тараф этишга даъват қилади. Олтинчидан, одамларда келажакка ишонч туйғусини уйғотади ва кучайтиради. А. инсон-

лар ўртасидаги ўзаро мун-тларнинг асосий мезони бўлгани учун доимо ижт-й аҳамият касб этади. У жам-т (социум) ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган социал қадриятдир, ш.саб. “ижт-й А.” т.сидан фойдаланилади. Ижт-й А. жам-тда демократиянинг мавжудлиги, инсоннинг ижт-й ҳимоялангани, барчанинг қонун олдидаги тенглиги, ш-дек, фуқароларнинг иш б-н таъминлангани, тиббий хизмат, уй-жой, таълим, мад-й неъматларга дахлдорлигини англутувчи ижт-й тизимдир. Ижт-й А. реал қадрият бўлиб, бугунги кунда у фуқаролик жам-тининг узвий бир қисми ҳисобланади. Демократия жам-тда кўпчилик учун ўз қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш шароитини яратади. Бу эса ижт-й А. тамойиллари учун катта имкониятларни юзага чиқаради. Ш-дек, *инсоннинг ижт-й ҳимоялангани* ҳам фуқаролик жам-тининг барқарор ривожини таъминлайдиган А. омилдир. Барчанинг *қонун олдидаги тенглиги* ҳам фуқаролик жам-ти ҳаётида муҳим омил сифатида амал қилади. Замонавий фуқаролик жам-тида инсонни инсон қиладиган ижт-й А. асоси — *таълим, тиббий хизмат, уй-жой, меҳнат каби неъматлардан ҳамма учун эркин фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидир*. Инсон доимо жам-т ҳаётида муҳим ўринга эга бўлишга интилиб яшайди, бу — унинг асосий эҳтиёжларидан бири. Фуқаронинг *ҳуқуқ ва бурчларининг мослиги* ҳам фуқаролик жам-тидаги А.ли мун-тларни аниқ изга солувчи омилдир. Бундан нафақат жам-т, балки шахснинг ўзи ҳам катта манфаат кўради. Ана шу мослик туфайлигина инсон бошқалардан ҳурмат ва эътироф кутишга ҳақли. *Жиноятга яраша жазо тизими* бўлмаган шароитда ҳар қандай жам-т тар-ёт борасида қийинчиликларга дуч келиши табиий. Агар жиноятни жазосиз қолдирмайдиган тизим ижт-й мун-тларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш кучига эга бўлса, *меҳнат ва унинг баҳоланиши ўртасидаги мослик* — иқт-й мун-тларни тартибга солади. Бугунги замонавий жам-тни ана шундай мослик қоидасисиз тасаввур этиш мушкул. Бу мослик бутун иқт-й тизимнинг пойдеворини ташкил этади.

А.нинг ўзи бирор-бир қадриятни англлатмайди, лекин қадриятлар ўртасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш хус-ятига эга. Шу боис А. ҳодисасида жам-тни тартибга солувчилик хус-яти бор. А. да икки маън-й жиҳат — ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода ахлоқ соҳасидаги миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб б-н тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозидир. А. бор жойда ижт-й зулм, бебошликка йўл йўқ. Арасту А. хусусида бундай дейди: “Икки хил адолатлилик бор. Бири — қонунга мувофиқлилик. Қонун буюрганини қилиш адолатли иш ҳисобланади. Қонун одамлардан мард, оқил ва фозил бўлишни талаб қилади. Ш.у. ҳам одиллик — энг мукамал фазилат саналади. Модомики, Алилик қонунга мувофиқ яшаш экан, қонун эса барчадан адлу инсоф б-н яшашни талаб қилар экан, қонун асосида иш тутадиган одам — энг фозил одамдир. Алилик энг яхши фазилатдир”. 1991 й. 31 августдан буён мустақил тарақ-т йўлидан қатъият б-н бораётган жам-тимиз тобора демократлашиб, давлат, жам-т ва шахс мун-тларида А. ва гуманизм ғояларига асосланмоқда. Халқимиз ўз ери, мулки, шаъну шарафига, ўз юрти, ўз қадриятларига ўзи эга бўлиб, ўз келажагини ўз қўли б-н барпо этаётгани, бу йўлда қўлга киритилаётган буюк марралар юртимизда А. тамойиллари барча соҳаларда амалий тасдиғини топаётганининг яққол ифодасидир. Президентимиз Исломо Каримов таъкидлаганидек, «Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат ҳалиги рушга интиляпмиз. Адолатга интилиш халқимиз руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида сингиб кетиши, ижтимоий қўмаклашув механизмида ўз аксини топиши лозим».

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бир умр «Куч — адолатдадир» деган ҳикматга амал қилиб яшагани халқимизнинг бу борада етарли билим ва тажриба, анъана ҳамда қадриятларга эга эканини кўрсатади. Ана шундай бой меросга суян-

ган ҳамда юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жам-ти қуриш халқимизнинг асосий мақсадидир. Бу мақсадни амалга оширишда: а) демократиянинг умуминсоний тамойилларига риоя қилинади; б) инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади; в) демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ҳамда қонунлар б-н ҳимоя қилинади; г) барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади. Бугунги кунда А. барчанинг қонун олдида тенглиги ва қонуннинг барчага тенг тегишли эканини англатади. Яъни “Адолат — қонун устуворлигида” деган тамойил асосида юртимизда ижт-й мун-тларни ҳуқуқий негизда ривожлантириш мам-тимизда Исломо Каримов томонидан амалга оширилаётган, адолатли жам-т барпо этишга қаратилган барча ўзгариш ва ислохотларнинг маъно-мазмунини ташкил этади.

АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ — адолат, одиллик, холислик асосида масалага қонун устуворлиги н. назаридан холис ёндашиш, ҳақиқатни бош мезон деб билиш, шу йўлда беминнат хизмат қилиш. А. т.га амал қилиб, мам-тимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини энг олий қадрият сифатида рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Табиийки, бу ўзгаришлар юртимизда ижт-й адолат ва демократия тамойилларини чуқур қарор топтириш б-н узвий ва чамбарчас боғлиқ. А. т. алоҳида инсон ҳатти-ҳаракатидан тортиб мам-тдаги ижт-й-сиёсий ин-тларгача бўлган ўта кенг миқёсдаги мун-тлар тизимида бир хилда ёндашишни тақозо этадиган ноёб ҳодиса — ижт-й ҳодисадир. У баъзан қарама-қарши ва зиддиятли ҳолатларга сабаб бўлади, лекин охир-оқибатда ҳақиқатни юзага чиқаради. А. т. реал ижт-й механизмга эга. Аввало, барқарорлик ва ижт-й ҳамжиҳатликни таъминлашнинг энг муҳим омилдир. А. т. жам-тнинг ўзига хос «асаб толаси» бўлиб, одамларнинг ижт-й кайфиятини яққол ифода этади. Айни пайтда у жам-тдаги эзгу ниятли кучларни ягона мақсад йўлида

бирлаштирадиган таъсирчан ва самарали қадриятдир. Бугунги кундаги жам-тимиз ўзининг ижт-й адолат концепциясига эга бўлиб, бунда халқимизга азалдан хос бўлиб келган адолатга ишонч ва эътиром туйғуси муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётда А. т.нинг асосий қойдаси — *ҳисса ва улуш мутаносиблиги, манфаатлар уйғунлигини* таъминлаш масаласи бўлиб, бунда демократик тамойиллар мувозанатга солувчи во-сита ролини бажаради.

А. т.нинг рационал аҳамиятини ошириш учун аниқ меъёрлар, ўлчовлар талаб этилади. Ҳисса ва улуш бирлиги демократик меъёрларга ҳам мос келадики, бу *иқтисодиётда* — меҳнат ва иш ҳақи; *сиёсатда* — бошқарувдаги иштирок ва бурч; *ҳуқуқда* — эркинлик ва зарурат, ҳуқуқ ва бурч, жиноят ва жазо, *социал* соҳада — инсоннинг жам-т ҳаётидаги ўрни ва нуфузи, ижт-й мақомининг реал меҳнат натижалари, қобилият ва салоҳиятига қанчалик мос эканида намоён бўлади. Адолатнинг бошқа тамойиллари ҳам демократик мазмунга эга. Улар жам-тнинг барча аъзолари учун умумий ва бир хилда татбиқ қилиниши мумкин. Қуйида а.т.ни умумий тарзда таснифлаб ўтамиз: 1) талаб ва таклиф қойдаси; 2) тенг имкониятлар қойдаси; 3) эҳтиёж қойдаси; 4) ижт-й кафолат қойдаси; 5) хизмат кўрсатиш қойдаси; 6) мутаносиблик қойдаси; 7) эквивалентлик қойдаси; 8) рағбатлантириш қойдаси; 9) касбий лаёқатлилик қойдаси; 10) ижт-й фойдалилик қойдаси. Мазкур қойдалар бозор иқтисодиётига асосланган барча демократик жам-тларда кенг қарор топган. Бу қойдалар ҳаётга қанчалик кенг жорий этилса, фуқаролик жам-ти пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади. Айни пайтда мутахассислар бу қойдаларни тўлдирувчи бошқа принциплар ҳақида ҳам фикр юритади. Америкалик социологлар Р.Хьюсман ва Д.Хэтфилд “адолат омили” т.сини асослаб, уни амалга оширишдаги қўл келадиган қойдаларни келтиради. Булар қуйидагилар: 1) инсон ўзгалар б-н мун-тини ўзининг жам-т ишига қўшган ҳиссаси ва шунинг эвазига оладиган улушини таққослаш орқали баҳолайди; 2) ҳисса ва улушнинг

ўзаро мос келмаслиги норозиликка сабаб бўлади; 3) инсон ўзига тегаётган улушдан қониқмаса, ўзича адолатни тиклашга ҳаракат қилади. Хуллас, ижт-й А.нинг мазкур қойдалари жам-тнинг барча аъзолари учун умумийлиги ва бир хилда татбиқ қилиниши б-н аҳамиятлидир. Ш-дек, бу қойдалар ижт-й уйғунликнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Гарчи адолат нисбий т. бўлиб, барча учун бир хилда мавжуд бўлмаса-да, демократик жам-тда уни амалга оширишнинг қатъий қойдалари, меъёрлари таъминланади. Мам-тимизда тар-ёт тадрижий ва босқичма-босқич тарзда амалга оширилаётгани юртдошларимиз манфаатларини ўзаро уйғунлаштиришга, фуқаролик жам-ти асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бундай шароитда А. т.нинг ўзи жам-т ҳаёти учун муҳим маън-й-ҳуқуқий меъёрга айланади. Президент Ислом Каримовнинг “Одамлар ҳамма нарсани кечирishi мумкин, аммо адолатсизликни кечирмайди” деган фикрлари асосида юртимизда ҳар қайси инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

1. АДОЛАТПАРВАРЛИК — одиллик, адолат б-н иш кўриш, қонун асосида, жам-тда шаклланган устувор инсоний мун-тлар доирасида барчага тенг ва холис мун-тда бўлиш. А. этика, эстетика, ҳуқуқшунослик, адабиёт ва жам-тшунослик фанларининг асосий категориясидир. Мам-тимизда фуқаролик жам-ти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ижт-й адолат, демократия, барқарор тар-ёт ва фаровонлик тамойилларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз ўз асарларида **тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келишимиз, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат бериши, она тилимиздаги «бировнинг ҳақи», «қиймат қарз»,**

«пешона тери», «молимардумхўр» деган сўзлар бунинг яққол ифода этишини таъкидлаган эди. Замонавий жам-тда бошқа эзгу мақсадлар каби А. муҳитини таъминлаш учун ҳам кескин инқилобий сакрашлар орқали эмас, балки изчил ислохотлар воситасида эришиш мумкин эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Халқимизнинг тарихан шаклланган қадриятларига кўра, А. жам-т ҳаётида моддий фаровонлик ва маън-й бойлик ўзаро уйғун бўлишини талаб этади. Бугунги кунда жам-т ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ рўёбга чиқарилиши, мулкка эгаллик ҳиссининг, тadbиркорлик ва ишбилармонлик каби фаолият шакллариининг мустақкам қарор топиши, барча фуқароларнинг ўз имконияти ва қобилиятларини намоён қилиши учун етарли имкониятлар яратилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай уйғунликни таъминлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Албатта, фуқаролик жам-ти ҳаётимизда баъзан учраб турадиган айрим адолатсизлик кўринишлари б-н келиша олмайди. Бундай камчиликларга барҳам беришда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув идораларининг А. ва қонун устуворлиги муҳитини жорий этиш борасида яқин ҳамкорликда иш олиб бориши катта аҳамият касб этади. Президентимиз томонидан илгари сурилган ва изчил амалга оширилаётган “Ислохот — ислохот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган принциплал қоида А. тамойилини барча соҳадаги фаолиятимизнинг бош мезонига айлантиришни тақозо этади. Шу боис жам-т ҳаётида ижт-й адолат қоидаларини ҳаётга реал жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган илм. тад.ни кучайтириш; аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоялаш қоидаларига изчил рия этилиши устидан жамоатчилик назоратининг замонавий услубларини янада кенгроқ жорий этиш; сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва ОАВ-нинг турли соҳалардаги ислохотларни янада изчил ва қатъият б-н амалга оширишда фаол бўлиши айниқса муҳимдир.

2. АДОЛАТСИЗЛИК — адолатга зид бўлган ижт-й-маън-й ҳолатни ифода-лайдиган т. Адолат меъёрлари, қонун ва жам-т тамойилларининг бузилиши, маън-й тамойилларга амал қилмаслик А.ни келтириб чиқаради. А. ижт-й, иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий ва б. шаклларда намоён бўлади. У гоҳида бутун жам-тга, баъзан шахслар ёки ижт-й субъектларга (синф, гуруҳ, партия, миллат, давлат ва б.) нисбатан бўлиши мумкин. Тарихда А.нинг хилма-хил кўринишлари учрайди, чунончи. босқинчилик урушлари, колониализм сиёсати, халқларни она юртидан зўрлик б-н кўчириш, муайян халқ ёки миллатга нисбатан геноцид уюштириш, миллий мад-тидан жудо қилишга интилиш, унинг бошига бўҳтонлар ёғдириб, ёмонотлик қилиш, таҳқирлаш ва ш.к.. А. нисбий т. бўлиб, унинг бошқа шакллари ҳам учраб туради. А.нинг баъзи шакллари қуйидагилар: 1. *Протекционизм*. (лот. *protectio* — ҳимоялаш) ижт-й ҳаёт учун хавфли бўлган иллат. Махсус адабиётларда протекционизм юқори мансаб ва мавқега эга бўлган шахс томонидан ўзга шахсининг муаммоларини ҳал қилиш учун ноқонуний ҳомийлик кўрсатиш сифатида талқин этилади. Ш-дек, у ҳокимиятни гаразли мақсад йўлида ноқонуний қўллаш б-н боғлиқ ҳолат тарзида ҳам изоҳланади. 2. *Бюрократизм*. юнон. *byro* — девонхона, *kratos* — куч-қудрат, ҳокимият — ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, тўрачилик, расмиятчилик йўли б-н муаммонинг ечимини атайлаб мураккаблаштиришни англатади. У жам-тнинг демократлашувига нисбатан жиддий тўсиқ ҳисобланади. Бюрократия ҳал этилмаган ижт-й муаммоларнинг янада мураккаблашувига, баъзан ҳатто кескинлашувига олиб келади. Кўпинча, у ўзи учун муайян имтиёзларни ноқонуний равишда жорий этишга уринади. Иш жараёнидаги зўравонлик, ишни яхши билмаслик, мансабдорларга кўр-кўрона итоат этиш, расмиятчилик, сансалорлик, буйруқбозлик, кўзбўямачилик каби иллатлар сохта обрўга интилиш, фисқу фасод, такаббурлик, одамларга беписандлик, ёлғон гаптириш, шароитга мослашиш орқали пардаланади, натижа-

да протекционизм, маҳаллийчилик, буй-руқбозлик каби салбий ҳолатлар юзага келади. 3. Маҳаллийчилик. Президент Ислон Каримов жам-тимиз ҳаётида учрайдиган А. кўринишларидан бири — маҳаллийчилик эканини ўз чиқишларида алоҳида таъкидлаб келади. Маҳаллийчилик бирон-бир ҳудудга мансубликка асосланган салбий ҳолатдир. У жам-т ҳаётининг муҳим соҳаларини ўргимчак тўридек ўраб олиб, соғлом фикр, юксак тар-ёт, умуммиллий бирлик ва ҳамжиҳатлик йўлида гов бўлиши туфайли ўта зарарлидир. 4. *Боқимандалик*. Эски тузумнинг оғир асоратларидан бири бўлиб, бозор механизмларининг тараққий топиши б-н тобора заифлашиб боради. Боқимандалик ўзини ўзи муносиб баҳолай олмаслик, ўз қобиляти ва жам-тдаги ўрнини нотўғри тушуниш оқибатидир. Жам-тда боқимандаликнинг кучайиши икки хил салбий ҳолатга олиб келади. Биринчи ҳолатда шахс ўз хизматларини ортиқча баҳолаб юборади. Натижада у «одамлар менинг олдимда қарздор» қабилдаги сохта тасаввурлар б-н ўзига кўпроқ имтиёзлар талаб қила бошлайди. Иккинчи ҳолатда эса шахс ўз имкониятларини етарли баҳолай олмайди ва шу тариқа ношуд, ташаббусдан йироқ, иродасиз одамга айланиб, “Берсанг — ейман, урсанг — ўламан” деган нақлдаги аянчли ҳолатга тушиб қолади. Боқимандаликнинг илдизлари аввало тарбиядаги нотўғри ёндашув б-н боғлиқ. Иккинчидан, шахснинг ижт-йлашув жараёнида узилиш юз бериши, унинг ижт-й мунтларга тўла жалб этилмаслиги оқибатида келиб чиқади. Бундай кимсалар умрбод «давлат ёки бошқалар мени боқиши керак» деган қайфиятда кун кечиради. Боқимандаликка йўл қўймаслик учун ҳар бир ота-она ўз фарзандини, таълим-тарбия муассасалари (боғча, мактаб, лицей ёки коллеж, ин-т ёки университет) эса ҳар бир ўқувчини, талабани мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ҳуқуқ ва бурчини яши англайдиган, ёшлигидан замонавий касб-ҳунарларни эгаллаган, меҳнаткаш ва фаол, бунёдкор инсон этиб тарбиялаши лозим. Бугунги давр одамлардан доимо

ҳаётга фаол мун-тда бўлиб яшашни талаб этмоқда. Негаки, соғлом рақобат муҳитига асосланган бозор мун-тлари ўз шароитида, куч-қуввати бўла туриб, “олма пиш — оғзимга туш” деб кимнингдир ёрдамига кўз тикиб яшайдиган кимсаларни ҳаётнинг ўзи четга суриб ташлайди. Шундай экан, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ҳар бир фуқаронинг ўзи учун, ўз оиласи учун самарали меҳнат қилиши, ўз имкониятларига таянган ҳолда изланиб, келажакка интилиб яшаши бугунги ҳаёт мезонидир.

АЁЛ — эркакка қарама-қарши жинсдаги шахс, хотин киши; 2) никоҳ мун-тларида турувчи, фарзанд кўрувчи; 3) қизалоқ ёки қиз боладан фарқ қилувчи, баалоғатга етган катта ёшдаги шахс. А.га кўп ҳолларда эркакнинг жуфти, умр йўлдоши, она сифатида қаралади. А.ларни, жам-тдаги ўрни ва аҳамиятига кўра, алоҳида ижт-й гуруҳ сифатида тавсифлаш ҳам мумкин. Президент Ислон Каримов аёл зотини яратганнинг буюк мўъжизаси, деб таърифлайди. Бунда А.лар б-н боғлиқ ижт-й масалалар, уларнинг билим олиши, касб эгаллаши, бандлиги, мавқеи, эркаклар б-н ҳуқуқий тенглиги, болалар тарбияси, оилани мустақамлашдаги ўрни каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилади. Бугунги кунда жам-т ривожидида жисмоний куч ишлатиладиган соҳаларнинг қисқариши А.лар меҳнатидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириб юборди. А.лар анъанавий ишлаб чиқариш соҳаларидан — тўқимачилик, озиқ-овқат, тикувчилик б-н бир қаторда, соғлиқни сақлаш, таълим, мад-т, спорт, савдо-сотик соҳаларида ишлай бошлади. А.ларга хос зукколик ва саранжомлик, тиришқоқлик бўлмаганида, саноатнинг замонавий тармоқлари — радио электроника, прибор-созлик, электротехникани ривожлантириш қийин кечар эди. А.ларнинг ижт-й меҳнатда бандлик даражаси уларнинг иккита муҳим вазифаси — оналик мақоми ва муайян касбга эга ходима сифатидаги куч ҳамда қобилятини баҳолаш б-н белгиланади. Ҳоз. кунда бу икки вазифани

уйғунлаштириш «А.лар масаласи»нинг моҳиятини ташкил этади.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ — аёл жинсига мансуб шахсларнинг ижт-й, иқт-й, маън-й, сиёсий ва б. ҳуқуқлари мажмуи; аёлларнинг умумий инсон ҳуқуқларига мос ҳамда уларнинг ижт-й ва оиладаги мақомига назарда тутадиган ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликларини англатувчи т. 1945 йилдан бошлаб А.Ҳ. халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинувчи муҳим объектлардан бирига айланди. БМТ Низоми эркаклар ва аёллар тенглигини умумий шаклда мустаҳкамлади. Бу ҳуқуқлар 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида эркак ва аёлнинг никоҳ масаласидаги тенглиги ҳақидаги қоидада ўз аксини топди. ЎЗР ушбу декларацияни ратификация қилган ва Конституциянинг 18-моддасига биноан мам-тимиз фуқаролари, жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир. Мам-тимизда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тўлатуқис рўёбга чиқариш, уларнинг эркинликларини таъминлаш давлат ва жамтнинг устувор вазифасига айланган.

АЗАМАТ (халқ) — араб тилидан ўзлашган буюклик, катталик маъноларини англатувчи, фахр, ғурур туйғусини ифодаловчи сўз. Ўзб. тилининг изоҳли луғатида А. сўзининг бир неча маъноси келтирилади. Яъни, ҳайбатли, улкан маъносидан ташқари, куч-қувватга эга, қудратли; ғайрат-шижоатли, ботир, мард; жисмонан етук, забардаст кабилар. Бундан ташқари, бу сўз бирор шахснинг шундай белги-хус-ятини аниқловчи бўлиб ҳам келади. Шу б-н бирга, эркак кишининг исми сифатида ҳам туркий тилларда сўзлашувчи халқлар тилида учрайди. Мазкур т.нинг белги-хус-ят жиҳати ва бевосита нисбат бериб қўлланилиши сўзлашув нутқи б-н бирга поэтик нутқда ҳам кўп қўлланилади. Мас., буюк ўзб. шоири Фафур Фулом — Ватан ҳақидаги шеърида «Сен минглаб азамат, ботирга доя, // Арслон йигитларинг бари сеники» деб, А.

сўзини бевосита йигит маъносида ишлатади.

Айнан шу т.ни халқ б-н боғлаш, хус-н, ўзб. халқига нисбат бериш кейинги йилларда ОАВда, шоир ва адибларнинг асарларида кўп учрамоқда. Айниқса, мам-тимиз Президентининг жуда кўп чиқишларида А. ва халқ сўzlари қўшилиб, яхлит иборага айланиб кетдики, бунда А. халқимизнинг азалий буюклиги, ботиру мардлиги ва бугунги кунга келиб, улкан мам-т ҳудудларини яшнатиб, ғайрату шижоат б-н бунёдкорлик ишларини олиб бораётган улуг халқ экани назарда тугилади.

АЙМОҚ — мўғул ва туркий халқларда қад. йирик уруғлардан ажралиб чиққан, турли-туман ҳудудларда яшаса-да, ўзаро қон-қариндошлик асосида боғланган инсонларнинг ижт-й бирлигини англатувчи т. А. атамаси бугунги кунда Бурятия ва Олтой ўлкаларида кичик маъмурий ҳудудлар — туман маъносида ишлатилади. Бу сўз мўғул тилида ҳам бўлиб, нисбатан каттароқ маъмурий-ҳудудий бирликни билдиради. XV—XVI а.ларда Фарғона водийси ва Қашқадарё воҳасида яшаган туркий қабилалардан бири А.лар деб аталган. Асрлар ўтиши б-н улар миллатимиз таркибига сингиб кетган. Фақат кичик бир бўлаги асримиз бошларигача ўз номини сақлаб келган. 1924 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, ўша вақтда ҳоз. Қашқадарё вилояти ҳудудида яшаган кишилардан 4 мингга яқини ўзини А. уругининг вакили деб кўрсатган. А. атамаси бир қанча қabila ва уруғлар иттифоқи маъносида ҳоз. Афғонистоннинг шимолида яшовчи баъзи кишиларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бу ердаги А.лар таркибига форс тилида сўзлашувчи аҳоли ҳам киради. 1959 йилги аҳоли рўйхатида кўра, Афғонистонда 50 минг, Эронда 30 минг А. уруғига мансуб аҳоли яшаган. Таркибида А. сўзи иштирок этадиган уруғ-аймоқ атамаси оддий мулоқот жараёнида барча қариндош-уруғлар мажмуасини ифода этади. Аммо расмий нутқ ва чиқишларида бирон раҳбарнинг ўз фаолиятида кадрларни қариндошлик, оилавий яқинлик асосида танлаш ва мансабга кўтаришдек салбий ҳолатни билдиради.

АКСИОЛОГИЯ (юн. *axio* — қадрият ва *logos* — фан, таълимот) — қадриятшунослик, маън-ий ҳодисалардан бири бўлган қадриятлар соҳасини ўрганадиган, унинг қонун ва категорияларини тадқиқ қиладиган илм йўналиши, қадриятлар ҳақидаги фан. У XIX а.нинг иккинчи ярмида немис қадриятшуноси Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан илмий истеъмолга киритилган. А. аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, аксиологик билиш, қадрлаш тамойилига таяниб тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар системасидир. Замонавий А.да объектив, субъектив ва плюралистик оқим ҳамда йўналишлар мавжуд. А. “қадр”, “қадрлаш”, “қадриятлар”, “қадриятлар тизими” каби аксиологик категорияларни, уларнинг турли шакллари ўрганади. Қадриятлар тизимининг ижт-й тарётга боғлиқлик қонунини, қадриятлар тизимининг ўзгариши ва такомиллашуви б-н боғлиқ аксиологик қонунлар ҳам А. шуғулланадиган масалалар доирасига киради. Инсоният тарихининг бир босқичидан бошқасига ўтишда, даврлар алмашиб, янги давлатлар вужудга келганида шаклланадиган янги қадриятлар ва қадрият тизимларининг амалиёти масалалари ҳам А. фани ўрганадиган мавзулар ҳисобланади. А. собиқ Иттифоқ даврида аниқ фан даражасига етган илмий система сифатида шаклланмаган эди. XX а.нинг 60-йилларигача юртимизда бу соҳада тадқиқотлар олиб борилмади, 90-йилларгача фал-ий қўлланма ва дарсликларда ҳам у алоҳида мавзу сифатида ўз аксини топмади. Ҳатто университетларнинг ижт-й соҳада мутахассислар тайёрлайдиган бўлимларида ҳам А. бўйича махсус курслар ўқитилмас эди. Мавзуга алоқадор тадқиқот, диссертация, рисола ва китобларда ҳам А. иборасига урғу берилмас, бу масала кичик илмий йўналишга тааллуқли, деб қаралар эди. Ўша даврдаги қадриятлар мавзусига бевосита тегишли бўлган асарларда ҳам А.нинг жуда кўп муҳим масалалари, жумладан, аксиологик қонунлар, аксиологик жараёнлар диалектикаси, аксиологик профилактика, аксиологик прогноз, аксиологик эксперти-

за, аксиологик баҳолаш, аксиологик зиддият қонуни каби илмий муаммоларнинг таҳлили йўқ. Мустақиллик йилларида фал-ий билимлар системасига нафақат миллий, айни вақтда умуминсоний қадриятлар н. назаридан қараш имконияти пайдо бўлгани сабабли А.га нисбатан ижобий мун-т қарор топмоқда. қадриятлар мавзуга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, мам-тимизда изчил давом эттирилаётган янги демократик жам-т қуриш жараёни қадриятлар мавзуини ғоят долзарб қилиб қўймоқда. Бугунги кунда қадриятларни қайта баҳолаш, азалий миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказиш, ислохот ва ўзгаришларнинг халқимиз онгида янги қадриятга айланиб бораётган жиҳатларини аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ана шу қадриятларга мос усулларни қўллаш каби масалалар пайдо бўлди. Уларни ечиш аксиологик мавзуларни кун тартибига муҳим масала қилиб қўя бошлади. Ҳоз. даврга келиб, мам-тимизда қадриятшунослик масалалари кенг ўрганилмоқда, қатор олий ўқув юртларида “Қадриятлар фал.-си” (Аксиология) фани ўқитилмоқда.

АЛИФБЕ (араб алифбосининг дастлабки икки ҳарфи — алиф ва бе дан олинган) — бирор-бир тилнинг ҳарфлар системаси маълум бир тартибда жойлаштирилган ёзув белгилари (мас., араб А.си, лотин А.си) ёки бўғин белгилар (мас., ҳинд А.си — деванагари) мажмуи. А. илк бор мил. ав. 2000 йил охирларида қад. угарит ва финикий ёзувининг товуш тизими асосида шаклланган. Фанда бундан илгари Миср иероглифлари саноқ тизими мавжуд бўлган, деган тахминлар мавжуд. Туркий халқларнинг руний (урхун-энасой) ва уйғур ёзувлари бўлган. Уларни акс эттирган ҳарфлар жадвали товуш белгилари ҳақидаги бошқа манбалардаги маълумотлар ҳамда ана шу ёзув воситасида битиб қолдирилган қадимий ёдгорликлар асосида тузилган. Ҳоз. ҳарфий ва айрим бўғин А.лари финикий А.сидан, оромий (араб. яҳудий), юнон (лотин ва

ҳ.к.) ва б. Алардан келиб чиққан. Араб А.сига — барча араб мам-глари, ш-дек, Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитойнинг Шинжон уйғур автоном тумани ҳудудида яшайдиган халқлар, ш-дек, туркий халқларнинг XIII—XX а. бошларига-ча бўлган ёзув тизимида; лотин А.сига — Америка ва Австралия қитъасидаги барча халқлар, Европанинг кўпчилик халқлари. Осиё ва Африкадаги баъзи халқлар (Индонезия, Туркия ва б.) ёзув тизимида; кирилл А.сига — Европа. Осиёдаги баъзи халқлар ёзув тизимида; ҳинд бўғин А.сига — Ҳиндистондаги кўпгина элатлар ёзув тизимида амал қилинган ва амал қилинади.

АЛКОГОЛИЗМ — ашаддий ичкилик-бозлик, спиртли ичимликларни саломатликка ва меҳнат қобилиятига зарар етказадиган даражада, мунтазам равишда меъридан ортиқ истеъмол қилиш туфайли юзага келадиган ва инсоннинг маън-й қиёфасини издан чиқарадиган касаллик шаклларида бири. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан А. шундай тавсифланади: спиртли ичимликларни истеъмол қилишга мажбурлик, бу ҳолат уларни сурункали ёки вақти-вақти б-н истеъмол қилишда ҳамда алкогольга чидамлилиқнинг ўзгаришида (дастлаб организмнинг қаршилиги ошади, сўнг сусаяди) намоён бўлади. Спиртли ичимликларни ичиш тўхтатилганидан сўнг инсон организмда соматик, вегетатив, неврологик бузилишлар юзага келади, чуқур ва барқарор руҳий ҳамда соматик-неврологик бузилишлар, ш-дек, турли даражадаги ижт-й номутаносибликлар пайдо бўлади. А. инсон организмни ишдан чиқаради, унинг маън-й-руҳий дунёсини бузади. А.га дучор бўлган кишилар ўз ижт-й вазифасини тўлақонли бажара олмай қолади, одамлар ўртасида обрў-этиборини йўқотиб, кўпчилик назаридан қолади. А. ҳодиса сифатида социал касалликлар қаторига киради, чунки у жам-т аъзолари онгидаги ижт-й, иқт-й бузилишлар б-н боғлиқ. А.нинг келиб чиқишига ичимлик таркибидаги алкогольнинг сархушлантирувчи, кайф берувчи кучи

таъсир кўрсатади, яъни алкоголь инсонга гуё яхши кайфият бахш этади, уни дилкаш сўхбатдошга айлантиради, одам-шинаванда, сахий, танти қилади. Лекин буларнинг барчаси ўткинчи ҳолат. А.нинг айрим шахслар ҳаётида касаллик даражасига етишида оилавий, индивидуал-биологик, индивидуал-руҳий омиллар ва микроижт-й муҳит сабаб бўлиши мумкин. А.нинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичлари мавжуд. Касалланиш ҳолатини ҳис этиш киши аъзосининг ҳимояланиш имконияти тугаганда бошланади. Биринчи босқичда организмнинг қаршилик кўрсатиш қобилияти 3—5 марта ошади, ичиш мунтазам бўлиб қолади, қатор кунлар тўхтовсиз ичишга лаёқат пайдо бўлади. Натижада одамда мунтазам ичиб туриш — алкогольга рухан боғланиб қолиш (хумор қилиб туриш) ҳисси пайдо бўлади, гарчи бунга қаршилик қилиш туйғуси тамоман йўқолмаган бўлса-да, уни рад этиш истаги ўқтин-ўқтин уйғонса-да, лекин барибир алкоголь ғолиб чиқади. Кишида алкогольга ўрганиб қолиш оқибатида ичкилик б-н боғлиқ вазиятлар, ҳолатлар — толиқиш, иш қобилиятининг пасайиши, асабийлик, турли касалликларнинг кучайиши пайдо бўлади. Иккинчи босқич алкоголь амнизияси — бир кеча олдин бўлган воқеаларни тўлиқ эслай олмаслик аломати пайдо бўлганда бошланади. Ичкиликка ружу қўйиш бамисоли чанқоқлик, очлик ҳолатлари каби кўриниш касб этади. Ичиш вақти-вақти б-н ёки мунтазам, амалда ҳар куни («бош кўтармай» ичиш) ичиш тусини олади, одамнинг фикру зикри фақат ичишга қаратилади. А.нинг бу босқичида алкоголь таъсирида кучли руҳий нохушлик юз беради. Одамда лоқайдлик, бефарқлик кайфияти авж олади. Учинчи босқичнинг бошланишини алкогольга нисбатан организм қаршилигининг пасайганидан, ичкилик миқдорининг камайганидан билиш мумкин. Унинг бошланишида сурункали ичиш даври қисқаради, буни ичувчилар ижобий ҳол сифатида баҳолайди, аслида, бу спиртли ичимликка нисбатан инсон организмда чидамлилиқнинг пасайгани аломатидир. Бундай ҳолатда кўпин-

ча анча кучсизроқ ичкиликка ўтилади, соматик касалликлар (юрак, жигар, асабларнинг алкогольдан зарарланиши) ортади. Руҳий хасталик белгилари аниқ намоён бўлади. Сурункали алкоголь етказган руҳий нохушлик тез-тез хуруж қилади: галлюцинация, хотиранинг йўқолиши, ақлнинг пасайиши ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Аёллар, болалар ва ўсмирларда А. ғайриодатий ва оғир ўтади. Қайси жойда А.нинг тарқалиши юқори бўлса, ундаги ижт-й вазият шунчалик нохуш бўлиши кузатилади. А.нинг олдини олиш – А.нинг барча турларининг тарқалишига тўсқинлик қилиш, тўю тантаналар, тадбир ва маросимларда алкоголь ичимликларни имкон қадар камайтириш, инсонларни алкогольнинг зарари ҳақида болалигиданоқ огоҳлантириш, уларни соғлом турмуш тарзи тамоийллари ҳақида тарбиялаш б-н боғлиқ. Бу борада спиртли ичимликлар сотиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, уларни сотишни лицензиялаш, тарқатишни чеклаш тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

АЛЛА — 1) инсонни маън-й юксалikka ундайдиган, болани ухлатиш жараёнида яккахонлик усулида айтиладиган кўшиқ. У ўзб., уйғур ва тожик халқлари орасида А. номи б-н юритилади. Одатда оддий куйлар б-н, кўп ҳолларда куй ва чолғусиз, бешик ёки беланчакни тебратиш маромига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртлик шаклида, ижро услуби эркин, бадиҳагўйлик йўлида бўлади. А. онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилаклари б-н бирга, унинг руҳий кечинмаларини ҳам ифода этади; 2) бешик тўйида бешикни олиб кираётган аёллар томонидан айтиладиган кўшиқ. Ижро хус-ятлари байрамона маросим кайфиятига мос; тантанавор доира усули жўрлигида куйланиши мумкин; 3) Ўз-ннинг баъзи ҳудудларида А. номи б-н айтиладиган маросим кўшиқлари. Мас., Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманлари ҳамда Хоразмда дафн маросими жараёнида навбат б-н аёллар (ёки махсус ча-

қирилган А.чи-гўянда, халфа) томонидан бадиҳа усулида айтиладиган кўшиқ ва б. Бугунги кунда А. атамаси деганда кўпроқ юқорида баён этилган биринчи талқин тушунилади. Бунда А.нинг болани ухлатишга қаратилган шакли қўлланади. А.халқимиз маъ-ятининг ноёб ва қадимий ҳодисаси сифатида ғоят қадрлидир.

АЛЛОҲ ТАОЛО (араб. олий даражадаги илоҳ – илоҳий куч, Худо) — ислом динида олий илоҳий куч, худонинг исми. Аллоҳ, Худо, Тангри сўзларига одатда юксак сифат қўшилиб, Аллоҳ таоло, Худойи таоло, Тангри таоло шаклида жуфт қилиб айтилади. Таоло – улуг, олий деган маънони билдиради. Худонинг қайси сифати тилга олинаётганига қараб, бошқа сифатлар ҳам қўшилади: Ҳақ таоло, Аллоҳи карим, Парвардигори олам... Аллоҳ таолонинг Куръони карим ва Ҳадиси шарифда қайд этилган номлари 99 тадир. Тилимизда энг кўп қўлланиувчилари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Ар-Раҳмон – ўта меҳрибон; Ар-Раҳим – жуда раҳмли; Ал-Малик – подшоҳ; Ал-Қуддус – нуқсонлардан холи; Ас-Салом – офат ва балолардан саломат; Ал-Мўъмин – омон ва омонлик берувчи; Ал-Азиз – иззат ва қудрат соҳиби; Ал-Ҳолиқ – яратувчи, халқ этувчи; Ал-Ғаффор – кечиргувчи; Ар-Раззоқ – ризқ берувчи; Ал-Фаттоҳ – ҳукм этувчи; Ал-Қаҳҳор – голиб; Ал-Алийм – билувчи, доно, илм соҳиби; Ал-Азийм – улуг, буюк, катта; Ал-Карим – карамли, саховатли, кечиримли; Ал-Ғаний – бой, эҳтиёжсиз; Ал-Ҳақ – ҳақиқатан мавжуд зот; Ал-Ҳай – тирик; Ал-Воҳид – ягона; Ас-Самад – ҳожатбарор; Ал-Қодир – қудратли; Ал-Ҳодий – йўл кўрсатувчи; Ар-Рашид – барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи; Ал-Ҳофиз – сақлагувчи... Аллоҳнинг мазкур ва б. исмларига абд, яъни қул сўзи қўшилиб, киши отлари ясалади: Абдураҳмон – ўта меҳрибон Аллоҳнинг қули; Абдураҳим – жуда раҳмли Аллоҳнинг қули; Абдулқуддус – нуқсонлардан холи Аллоҳнинг қули; Абдулкарим – карамли, саховатли, кечиримли Аллоҳнинг қули; Абдулғани – бой, эҳтиёжсиз Ал-

лоҳнинг қули; Абдулалим — билувчи, доно, илм соҳиби бўлган Аллоҳнинг қули ва ҳ.к. Фарзандларга бундай исмлар қўйилар экан, уларда шундай улуғ фазилатлар бўлсин, деб ният қилинади. Аллоҳнинг сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Дейлик, Аллоҳни кўрувчи, эшитувчи, билувчи деб таърифлаганимизда, унинг мазкур сифатлари биз таъкидлаганимиздек чегарали эмас. Одам яқинни кўради, яқиндаги товушни эшитади, маълум миқдордаги билимга эга бўлади. А.Т. эса узоқ-яқин масофаларнинг барчаси баробар. У биз ҳали айтиб улгурмаган дилимиздаги гапларни ҳам билади ва эшитади. Одатда кўпгина маълумотлар одамнинг ёдидан кўтарилиб кетади. Аллоҳ эса бирорта катта ёки кичик воқеани унутмайди. Унинг учун бир сония ҳам, миллион йил ҳам баробар. Унинг илми ўзгариб ёки камайиб қолмайди. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс юритиш шаръан ман этилади. Чунки унинг ҳамма сифатлари ўзига хос хус-ятга эга. Уларни билиб, моҳиятига етишга инсон ақли ожизлик қилади. Ш.у. унинг биру борлигига чин иймон келтириб, ожиз ақлни унинг ҳақиқати тўғрисида кўп ўйлаб чарчатишга ҳожат йўқ. Сўфи Оллаёр айтганларидек: “Фаришталар, набийлар етмадилар, // Бўйсундилар-у, фикр этмадилар”. А.Т. бирор инсонни иймонли бўлишга ёки кофир бўлишга мажбур қилмайди, балки унга ақл, идрок, ихтиёр бериб қўйганки, хоҳласа, ўз ихтиёри б-н савобли ишлар қилиб иймонли бўлган ҳолда ҳаёт кечиради ёки гуноҳ ишларга қўл уради. А.Т. бирор нарсага ўхшатишмайди ва бирор нарса ҳам Аллоҳга ўхшатишмайди. Аллоҳ ҳамма жойда ҳозирдир, аммо ўзи бемакондир, яъни коинотнинг бирор жойида маскан тутиб истиқомат қилмайди. Маскан, манзил, макон ва жой махлуқларга, яъни яратилган нарсаларга, жумладан, одамларга хосдир. Тангри таолога вақт, замон ҳам дахлсиздир. Аллоҳ фалон вақтдан бери бор ва фалон вақтгача мавжуд, дейилмайди. У ибтидосиз ва интихосиздир. Туғилиш они, яшаш муддати ва ўлим махлуқлар,

жум-н, одамларга хосдир. Киши кўзига кўринмагани учун Уни инкор этиш ва Биру борлигига шак келтириш ақлсизлик ва шаккокликдир. Чунки биз дунёда кўп нарсаларни кўрмаймиз, лекин борлигига шак ҳам келтирмаймиз. Мас., руҳ, ҳаво, электр токи ва ш.к.ни кўрмасак-да, белги ва аломатларидан борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Тангри таолони ҳам кўз б-н кўролмасак-да, беҳисоб аломатларидан билиб, унга иймон келтирамиз. Еру осмон, ою қуёш, тун ва кун, қиш ва ёз, наботот, ҳайвонот ва инсоният олами — буларнинг барчасини А.Т. яратганини уларнинг ўзи ишботлаб турибди. Фақат уларни идрок этиш учун ибрат кўзи ва иймон нури керак.

АЛОГИЗМ (юн. *α* — инкор қўшимчаси, *logos* — мантиқ, идрок) — инсонга хос ақл ва мантиқнинг ўрни ва аҳамиятини инкор этадиган оқим. А. тарафдорлари табиат ва жам-т тар-ёти ҳеч қандай қонуният, тартиб ва заруратга боғлиқ эмас, балки уларнинг негизига тартибсизлик ҳукмрон, деган қарашга таянади. А. интуиция, ишонч, ақидаларни мантиққа қарама-қарши қўяди ва инсоннинг маън-й камолотига бир томонлама ёндашувга асосланади.

АЛП — ўзб. халқ дostonларида гайри-табиий куч-қудратга эга, мардлиги, жасорати, бунёдкорлиги б-н ажралиб турувчи, тақдири халқ тақдири б-н уйғун оловқалб (пассионар) авлод дарғасининг сифати ва унвони. Айнан ушбу сифатларга эга эпик қаҳрамонни ифодаловчи т. Манбаларда икки қўшин ўртасидаги жанг бошланиши олдидан яккама-якка олишувда иштирок этувчи паҳлавонлар ҳам А. деб юритилган. Ўзб. халқ қаҳрамонлик дostonларида А. бош қаҳрамон ҳисобланади. «Алпомиш», «Гўрўғли» дostonларида халқнинг қадимий А.лик ҳақидаги тасаввурлар мукамал бадиий ифодасини топган. Ушбу тизимга кўра, қаҳрамон туғилмасданоқ «танланган», яъни ҳомий эранлар назарида туради - назаркарда бўлади. Одатда А. халқнинг қуввати сўниб, омма заифлашган бир даврда, уни кучга энди-

рувчи ўзига хос даъваткор сифатида пайдо бўлади. Заиф авлод ичидан passiонар авлод ва унинг дарғаси — А. етишиб чиқади. Оловқалб авлод омманинг ҳаловатини бузади. Бу жараёнсиз этнос қувватга кирмайди, янги сифат босқичига кўтарилди. «Алик дарди» «танланган» — қаҳрамон ва «танловчи» — ҳомий эранлар ўртасида бевосита мулоқот бошланганлигини ҳам билдиради. «Алик дарди» қаҳрамоннинг ерда тугилиб, маълум маънода «ёввойилашган» руҳи ва танининг эранлар иқлимига мослашолмай қаршилик қилишида ўзига хос жиловлаш давридир. Эранлар ўз маконида қаҳрамон жисми — руҳини илоҳий нур ва (сув) шароб б-н тоблаб, эмлаб, дарддан халос этишади. Унга Алик сиру синоатларини ўргатишади. Қаҳрамон ҳомий-эранлар маконида А. сифатида қайта яранади.

Шундан сўнг қаҳрамон чинакам Алик куч-қудратига, жангчилик санъатига, билимларга, мўъжизакор хус-ятлар ва белгиларга эга бўлади. Алпомиш «ўтда куймас, қилич ўтмас, милтиқ ўқи ботмас...», Гўрўғли тимсолида эса ер юзи, ер ости, кўкда ҳам бемалол юра оладиган шахс намоеън бўлади. Кўнглига барча илмлар, тиллар жо бўлади, назари тошни ёриб, эранлар берган оқ-қора патлар б-н турли сувратларга кира олади. Эранлар қаҳрамонга А.лик қурол-аслаҳаларини тортиқ этишади, А. сифатида бажарадиган вазифаси, ер юзидаги бурчи ва тақдири, ҳаётининг ибтидо-интиҳосини баён этишади. Эранларнинг қаҳрамонга ҳамкор қилиб, ўз шериклардан бирини тайинлашлари ҳам «Алик тизимининг» таянч ҳалқаларидандир. Қаҳрамоннинг ўз А.лигини амалда намойиш этиши ва халқ (қавми) томонидан А. (соҳибқирон) сифатида тан олинishi тизимнинг асосида туради. Алпомишнинг А. сифатида тан олинishi дoston аввалида «ёй отиш» мусобақаси орқали тасвирланса, унинг янги салтанат тузиши эса дoston воқелигини ташкил этади. А.нинг ўз юртида янги салтанатга асос солиши, унинг камолини кўриши, умрининг сўнгида эран мақомига эришиб, улар маконига кетиши «А.лик тизими»нинг якуний ҳалқалари-

дир. Айни мотивлар «Гўрўғли» дostonида мукамал тасвирланган. Қаҳрамонга ҳамкор жанговар от ҳам А. босиб ўтган синов ва товланиш жараёнидан бирма-бир ўтади. Даврлар ўтиши, эпоснинг кейинги сайқал топиши жараёнида «Алпомиш» ва «Гўрўғли» дostonдаги А.лик тизимига тегишли бир қатор тамойиллар янгича бadiий талқин этилди. Халқнинг А. ҳақидаги яхлит т.лар негизида идеал қаҳрамон ҳақидаги тасаввурлар мужассам этилган. Эпос талқинига кўра, ер юзида издан чиққан тартибни ўзанига қайтариш оддий хом сут эмган банданинг қўлидан келмайди. Ердаги тартибнинг бузилиши эса ўз навбатида коинот ва ер ости дунёси тартибини ҳам издан чиқаради. Шу сабабли коинот вакиллари — ҳомий эранлар бу жараёнга аралашади ва айни вазифани бажарувчи хос вакил танлашади. Ушбу вакил бутун борлиқ (космос, хаос, ер) кучларининг қуввати пайванд бўлган жойдан униб чиқади. Чунки унинг космос, хаос ҳамда ерда товланган руҳи ва тани бутун олам тартибига халал берувчи кучларнинг ҳар бирини ўз жойида (кўкдагисини кўкда, ердагисини ерда, сувдагисини сувда) ўрнига қўйиш имконини беради. Ш.у. ҳам А. оддий одамлар орасида тугилган хос — танланган киши ҳисобланади. Лекин у чинакам А. сифатида камолга етиш жараёнида лозим бўлган товланиш, синовлар босқичидан ўтади. Алпомиш ва Гўрўғли каби афсонавий қаҳрамонлар ана шундай хус-ятларга, сифатларга эга шахс, ўзида чинакам комиллик қуввати-ни мужассам этган А. тимсоллардир.

АЛПОМИШ — ўзб. халқининг минг йиллар давомида яратилган қаҳрамонлик дostonи. У халқимиз орасида жуда кенг тарқалган ва а.лар давомида бахшилар томонидан куйлаб келинган. Президент Ислоҳ Каримов ибораси б-н айтганда: «Алпомиш» дostonи — бутун ўзб. халқининг маън-й мулкидир». Мустақиллик имкониятларидан бири сифатида миллий ифтихоримиз бўлган «А.» дostonининг тўла равишда халқимизга етказилиши мад-й тар-ётимиздаги улкан воқеадир. Бу

достоннинг катта тўйини кенг нишонлаш тўғрисида Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, Президент эътибори қадриятларимиз борасидаги буюк ишларидан биридир. «А.» достони қон-қардош туркий халқлар, шу жумладан, унинг катта бир бўлаги — ўзб.лар орасида қадим-қадим замонларда халқ донолиги-ю, бахши-шоирлар зукколиги, катта талант-истеъодлари туйфайли яратилган. Достон алар давомида авлод-аждодлар, ёшларнинг маъ-яти, мад-ти, ахлоқ-одоби, улардаги Ватан, миллат туйғуларини ўстириш, ш-дек, дўст-биродарлик, орият, мардлик, баҳодирлик, паҳлавонлик, қатъиятлилик каби фазилатларни шакллантириш ва камолга етказишда муҳим эҳсон, муҳим тарбия воситаси бўлиб келган. «А.», Вазирлар Маҳкамаси Қароридан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ота-боболаримиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги, жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутувчи, мустақил рив-шимиз даврида миллат бирлиги ва маън-й уйғониш, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзидир. Бу достон яратилганлигининг катта тўйини халқаро нуфузли ташкилот — ЮНЕСКО томонидан 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилиб, кенг нишонланган эди. «А.» достони ёш авлодни мардлик, жасурлик, орият, юксак ахлоқ, пок муҳаббат, садоқат, диёнат, имон-эътиқод, меҳнатга иштиёқ, юртсеварлик, халқпарварлик, оилага, Ватанга фидойилик руҳида тарбиялайди. Президент Ислмо Каримов 1999 йил 6 ноябрь куни «А.» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқида таъкидлагандек: “**Қар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодири, севган паҳлавони бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру ғурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган. «Алпомиш» — ўзбекнинг ўзлигини намён этадиган, мард ва танги халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қахрамонлик кўшиғидир. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз то-**

мирида мавжуд илоҳий қудратга муносив бўлмоққа интилиб яшади. Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди. «Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақтўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўсту ёрнимизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”.

АЛТРУИЗМ (лот. *alter* — ўзга) — маън-й хокисорлик. фидолик ва инсонпарварликни ифодалайдиган т. Уни биринчи бўлиб XIX а.да француз файласуфи О. Конт муомалага киритган. Лекин бу маън-й тамойил Шарқда жўмардлик номи б-н анча аввал вужудга келган. Ўрта а.ларда мусулмон Шарқда жўмардлик инсонпарварлик ва ватанпарварликни тарғиб этувчи тасаввуф тариқатларидан бири сифатида ўз фал-й асосига эга бўлган. Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарида бу т.га таъриф берилган. А. (ж.) кишидаги ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат ҳомийлик, хайрия ёки юмакка асосланади. Ўз манфаатидан ўзга манфаатини устун қўйиб яшаш жўмард инсоннинг ҳаёт тарзига айланади. Бу — оддий хайрия ёки ёрдам эмас, балки муҳтожликнинг ҳар қандай кўринишига қарши ўзига хос курашдир. А. (ж.) худбинликнинг зидди сифатида ашаддий прагматизм ғоясига қарши курашда, маън-й муҳитни соғломлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Паҳлавон Маҳмуд миллий тарихимизда А. (ж.) нинг ҳақиқий тимсоли деб эътироф этилган. *Яна қаранг: Жўмардлик.*

АМИР ТЕМУР (1336—1405) — Амир Тарағай Баҳодир ўғли, Мовароуннаҳрни мўғуллар истибодоти ва таназзулдан олиб чиқиб, ташқи ва ички хавф-хатарларга қарши халқни бирлаштира олган, халқаро мун-тларда энг оқил йўлларни топа билган буюк давлат арбоби, енгилмас сар-

карда, ўрта а.лардаги энг катта ва қудратли давлатлардан бирининг бунёдкори, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан жаҳонгир лашкарбони. А.Т. Соҳибқирон. Кўрагон сифатлари б-н ҳам машҳур. Темурийлар сулоласи унга асосланади. У Кеш вилоятининг Хўжайлғор қишлоғида туғилган. А.Т. XIV а.нинг 1370 йилида Мовароуннахрнинг барча вилоятларини бирлаштирган мустақил давлатчиликка асос солди. 1370—1405 йиллар давомида мазкур давлат асосида Осиёнинг 27 мам-тини ўзида бирлаштирган улкан салтанат тузиб, бу давлатнинг ҳар томонлама тар-ёти ва тинчлиги, ш-дек, маън-й мад-тининг юксалиши, гуллаб-яшнаши, ўтмиш даврлар ажойиб анъаналарининг янги тарихий вазиятда қайта тикланиши учун шароит яратди. А.Т. тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, меъморчилик ва тарих фанларини ўзлаштирган, турк, араб ва форс халқлари тарихини, диний, дунёвий ва фал-ий билимлардан яхши хабардор бўлган, бутун умр олиму фузалолар, хунарманду бунёдкорларга ҳомийлик қилган. Президентимиз алоҳида таъкидлагани каби, **Амир Темури давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқ Фарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонда маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурининг маданият ва дин аҳлларига кўргазган чексиз меҳмуруввати, айниқса, ибратлидир. А.Т. Самарқандни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди, атрофидаги қишлоқларга Бағдод, Қоҳира, Дамашқ, Фориш (Париж) каби номларни бериш б-н пойтахтнинг улуғворлик мавқеини оширишга ҳаракат қилди. Амир Темурининг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонлангани ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир. М.О. Уйғониш даври А.Т. ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида мустақкам негизга эга бўлди. А.Т.нинг юртимиз, қолаверса, инсоният равнақи-**

га қўшган мад-й ва маън-й ҳиссасини ихчам тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин: **А.Т. ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган... Унинг “Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим”, деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир; иккинчидан, А.Т. бундан 600 йил аввал ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболли бўлмаслигини теран ва яхши англаган... А.Т. қатор хорижий мам-тлар б-н шу жумладан, Франция, Испания, Генуя, Англия, Хитой б-н дипломатик алоқаларни йўлга қўйди. А.Т. ташқи сиёсатида халқаро иқт-й савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган. XXI асрда сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида А.Т. бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқт-й савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. А.Т.нинг мана бу сўзлари бунга далилдир: “...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим”; учинчидан, Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. А.Т. ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноғи йўқ. А.Т.нинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибиҳоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилқушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради... Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик бери-**

шича, А.Т. “Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди”. Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. А.Т.нинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг “Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт кўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнга кўчат эктирдим”, деган сўзлари фикримизнинг далилидир. А.Т. бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият этиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз “Тузуқлари”да шундай дейди: “Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим”. А.Т.нинг Куръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маъ-ти, иймону диёнати қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради. Маълумки, диний таълимот ва тарбиятнинг жам-т ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта. А.Т.нинг ислом динига бўлган мун-тидаги энг муҳим қирра, бу — мусулмончилик ақидаларининг жам-т осойишталиги, равнақи, ижт-й адолат, иймон бутунлиги, маъ-й поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир. Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва теурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда... Ўтган олти юз йил мобайнида А.Т.га бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади. Буюк жаҳонгир А.Т. Соҳибқирон ўлими олдиан авлодларига шундай васият қилган: “...Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб турунглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар... Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иштутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон за-

минида узоқ вақт сақланади. Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди”. Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бириликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан холи бўлинглар деб, инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, А.Т. шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди.

АМОРАЛИЗМ (лот. *a* — йўқ, *moralis* — ахлоқ) — маън-й ҳаёт ва шахслараро мун-тда ахлоқ меъёрларининг бузилиши ҳамда уларни инкор этиш, умумэтироф этилган хулқ-атвор мезонларига этиборсизлик ва уларга енгил-елпи мун-тда бўлиш. Амалиётда А. алоҳида бир шахснинг маън-й етук эмаслиги ёки жам-тдаги муайян кишиларни маън-й тубанликка олиб келувчи ижт-й ҳолатлар б-н ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. А.нинг тарихи қадимдан бошланган, унинг индивидуал, гуруҳларга хос ва ижт-й шакллари маълум. Якка шахсга мансуб А. бир кишининг ахлоқий бузилиши, унинг хулқ-атворидаги жиддий камчиликлар мажмуи тарзида намоён бўлади. Гуруҳларга хос А. эса жам-тнинг бирон-бир қатлами, ижт-й ҳаракат аъзолари орасида кенг тарқалган иллат (бойликка ружу қўйиш, жамоавий бузғунчилик, наркомания, алкоголизм, фоҳишалик ва фоҳишабозлик ҳамда б.) тарзида кўзга ташланади. Ижт-й А. у ёки бу тарздаги маън-й бузилишнинг бутун жам-тни қамраб олиши ёки уни мажбурлаш тамойилларининг зўрлик б-н амалга оширилиши (мас., атеизм, фашизм, экстремизм, терроризм ғояларининг зўрлик б-н ёйилиши, одамларни шу йўлларга ўтишга оммавий мажбурлаш ёки қад. Помпейдаги оммавий маън-й бузилиш ҳолати) тарзида содир бўлади. А.нинг сиёсий, иқт-й, мад-й, маън-й шакллари ҳам мав-

жуд. XIX а. ўрталарида Фарба анъанавий мад-тнинг инқирози даврида А.нинг бошқача шакли — имморализм голяри ривожлана бошлаган. Бу голярнинг мазмуни шуки, уларда маън-йликнинг тўла сиёсий мақсадларга бўйсундирилиши лозимлиги уқтирилади. А.нинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид, ёвуз шакли фашизм гояси ва амалиётида ўз ифодасини топди. Бунинг энг асосий кўриниши шахсга (фюрер)га сизинишдир.

Бу сизинишда ҳар қандай виждоний мезонлар рад этилади. Тарихий жараёнлар шундан далолат берадики, жам-тда инсонга муҳаббат, ҳурмат, виждон, ахлоқийлик мезонлари бузилиши А.га олиб келади. Ш.саб. унга ва унинг турли кўринишларига қарши кураш таълим-тарбияда муҳим аҳамиятга эга. А. кишиларнинг маън-й бузилиш оқибатида шаклландиган, расман тан олинган ёки амалда мавжуд бўлган ахлоқ меъёрлари, баҳолар, анъаналар, хулқ-атвор намуналари тизимига мос келмайдиган хатти-ҳаракати, хулқидир. А.ни белгилаш мезонлари мутлақ ёки нисбий бўлиши мумкин. Айрим шахс ёки гуруҳларнинг умуминсоний маъ-ят меъёрларига мос келмайдиган хатти-ҳаракати ва хулқи том маънода гайриахлоқий деб баҳоланади. «Ёлгон сўзлама», «ота-онангни хўрлама», «зўравонлик қилма», «бировнинг жонига қасд этма», «ўғрилиқ қилма», «бошқаларга ёмонликни соғинма» каби оддий ахлоқий мезонлар инсоният томонидан а.лар мобайнида асраб-авайлаб келинган, вақт синовидан ўтган ва умумэътироф этилган.

Маън-й мезонларнинг нисбийлиги яхшилик ва ёмонликнинг турли жам-тларда турлича тушунилиши б-н боғлиқ. Маълумки, XX а.нинг иккинчи ярми ва XXI а. бошларида кўпгина Фарб мам-тларида маън-й бузғунчилик (пала-партиш жинсий мун-тлар, гиёҳвандлик, никоҳсиз оила, оммавий беҳаё клиплар, ахлоқсизлик, зулм ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар ва б.) жам-т ҳаётининг барча жабҳаларида яққол намоён бўла бошлади. Америкалик япон миллатига мансуб олим Ф.Фукуяма «Буёқ узилиш» (2003) аса-рида Фарб оғир касалликка йўлиққан,

унинг илк аломатлари 1960 йилларда пайдо бўлган, деган хулосага келади. Ф.Фукуяманинг назариде, унинг асосий аломатлари қуйидагиларда намоён бўлади: 1. Жиноятчиликнинг ўсиши. «Жиноятчиликнинг урушдан кейинги тўлқинининг кўтарилиши тахм. 1963 йилларга тўғри келади, ўша вақтдан бери у янада шиддат б-н тезлашди». 2. Оила инқирози. «Никоҳ ва болалар туғилиши камайиб кетди; ажралишлар сони кўпайди; АҚШдаги ҳар учта боладан биттаси никоҳсиз туғилмоқда, бутун Скандинавияда эса туғилаётган болаларнинг ярмидан кўпини никоҳсиз туғилганлар ташкил этади». 3. Аҳоли сонининг камайиши (депопуляция). Демографик портлаш муаммоси фақат «Учинчи дунё» мам-тларига хосдир, айни пайтда «барча ривожланган мам-тларда умуман қарама-қарши муаммо — улар аҳолисининг қисқариши масаласи кун тартибига турибди», узоқ умр кўриш жам-тнинг нафақахўрлардан иборат бўлиб қолиши ва уларни таъминлаш масаласини келтириб чиқаради. 4. Ижт-й тарқоқлик — шахснинг ҳаётдан ажралиб қолгани, мун-тларнинг кескинлашуви, кишилар ўртасида ёлғиз яшашга мойиллик кучайиши. Ф.Фукуяма Фарб жам-ти дуч келган касалликнинг сабаблари ҳақида тўхталиб, улар оиланинг инқирозга учрагани б-н боғлиқ, деган хулосага келади. Ш-дек, Д.Вилкерсоннинг «Ҳис этиш» китобида Фарб жам-тида «ахлоқий бузуқликнинг кучайиши», кабель ТВси орқали беҳаё фильмларнинг намоёиш этилиши, гомосексуализм, садизм ва мазохизмнинг тарғиб қилиниши тобора кенг ўрин олаётгани таъкидланади. Буларнинг барчаси, аввало, ёшларнинг дунёқарashi, ахлоқ-одоби, маъ-ятига салбий таъсир этиши шубҳасиз. Фарб оммавий мад-ти, фарбона қараш, гайриахлоқий хатти-ҳаракатларни тарғиб этишда йирик киннокорпорациялар, хус-н, Голливуднинг ҳам «хизматлари» йўқ эмас, албатта. Президентимиз Ислон Каримов «оммавий мад-т» ниқоби остида бизнинг юртимизга ҳам кириб келаётган бундай хавф-хатарлардан доимо огоҳлантириб келади.

“Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда”, — дейди Юртбошимиз, — “Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуг аجدларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Отабоболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, Т.: “Маънавият”, 2008 й., 117–118-б.).

АМРИ МАЪРУФ (араб. яхшиликка буюриш) — кишиларни яхшилик қилишга, эзгу интилиш ва мақсадларга чорлашни англатувчи т. Ҳоз. пайтда кишилар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ижт-й ҳамкорлик, яқин кўни-кўшничилик мун-тларни кучайтириш, ёшлар онгида “оммавий мад-т”, ғарбона ҳаёт тарзи, миллийликдан чекиниш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда А.м. доирасидаги ваъз-насиҳатларнинг фойдаси катта. Шу боис, расмий равишда жомеъ масжидларда жума намози олдидан, ТВнинг махсус «Зиё», «Ҳидоят сари» каби кўрсатув ва эшиттиришлари, газета ва журналлардаги айрим рукнларда А.м. доирасидаги насиҳатлар бериб борилаётгани диққатга сазовор. Турли эзгу мақсадлар б-н ўтказиладиган маъракалар, хайру эҳсон шаклидаги диний маросимларда ислом дини қоида-амалларига риоя этишга, савоб-эзгу ишларни бажаришга даъват этиш, чорлаш

мақсадида қилинадиган маъруза ва ваъзлар А.м. нинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

АНАРХИЗМ (юн. *anarchia* — бебошлик, ҳокимиятсизлик) — ҳар қандай давлат ҳокимиятини инкор этувчи таълимот бўлиб, XVIII а.нинг охири ва XIX а.да гоёвий оқим сифатида шаклланган. А.нинг асосчиларидан бири инглиз олими Уильям Годвиндир (1756—1836). У “Сиёсий адолат ҳақида илмий иш” асарида жам-тдаги тенгсизлик ва адолатсизликнинг сабаби хусусий мулк эмас, балки давлат ҳокимиятидир, деб ёзади. А. таълимотининг кенг тарқалишида француз файласуфи П.Прудон ва рус олими М.Бакуниннинг таъсири катта бўлган. М.Бакуниннинг фикрича, давлат кишини киши томонидан эксплуатация қилинишини вужудга келтиради. У, давлатни йўқ қилиш орқали эксплуатацияга сабаб бўлувчи ҳуқуқий асослар ҳам барҳам топади, деган фикрни илгари сурган ҳолда, давлатга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиққан. XX а.да А. гоёларининг ижт-й тар-ётга зид экани аён бўлди. XIX а. охирида А. таъсирида Францияда анархо-синдикализм инқилобий ҳаракати пайдо бўлиб, Италия, Испания ва Лотин Америкаси мам-тларига тарқалади. Унинг доктринаси сиёсий партиялар, ҳокимият ва режалаштиришни бутунлай инкор этишга асосланган бўлиб, ишчилар инқилоби воситасида капитализм тузумини ағдариш гоёсига таянади. Бугунги кунда дунёда бу гоё тарафдорлари кўп эмас.

АНАРХИЯ (юн. *anarchia* — бошбошдоқлик) — давлатда ёки жам-тни бошқаришда ягона раҳбарнинг, ҳамма учун мажбурий қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ меъёрларининг йўқлиги, ҳокимиятга даъвогар турли сиёсий кучларнинг ўзаро кураши кучайиши оқибатида юзага келадиган ҳолат. Бундай ҳолда жам-т аъзолари, халқ ва миллатнинг умумий бирлиги ва яқдиллигини таъминлайдиган маън-й мезонлар ҳам бузилиб кетади, маъ-ят қоидалари ҳамда талаблари қадрсизланади. А., юзаки қараганда, демократиянинг бир кўринишига ўхшайди, аммо у бу-

тунлай бошқа ҳодисадир. А. шароитида сиёсий лидерлар кўпаяди. А. индивидуализм сифатида XIX а.да Франция ва Испанияда кенг тарқалди. М.Штирнер, П.Прудон, М.Бақунин А. лидерларидир. XX а. бошларида А. тарафдорларини ҳар қандай ҳокимиятга қарши, ҳокимиятсизликни ёқловчилар деб тушунар эдилар. А.нинг фал-й асоси индивидуализм — шахсиятпарастлик, субъективизм — ўз қарашларини устун қўйиш, волюнтаризм — ўзбошимчалиқдир. А. тарафдорлари инқилоб, тўнтариш йўли б-н давлатни эгаллашни ҳам қоралайди. А. гоҳида ҳар қандай мустақкам давлат тузумига қарши гоё сифатида ҳам намоён бўлади.

АНДИША (форс. ўй, мулоҳаза, фикр, ор-номус, иффат, шарм-ҳаё, уят, ибо, истиҳола, босиқлик) — юксак маъ-ятга хос, тарбия натижасида шаклландиган маън-й-ахлоқий т. бўлиб, кишидаги хулқ-одоб, тарбия ва маъ-ят б-н боғлиқ сифатларни ифода этади. А. инсон табиатида чуқур илдиз отган, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалладиган, илм ва ҳикматга бой халқнинг тафаккур булоғидан сув ичган маън-й ҳодиса. А. алар мобайнида ардоқланиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтмоқда. А. иффат, шарм-ҳаё, уят, истиҳола, ор-номус каби одоб-ахлоқ т.лари б-н узвий боғлиқ. Али инсон ҳамиша ақл-идрок ва ҳокисорлик б-н иш юрилади, бетгачопарлик қилмайди, ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйлайди. Али киши ҳеч қачон ўзгаларнинг иззат-нафсига тегмайди, ёши улуғларнинг, аёлларнинг ҳурматини жойига қўяди. Қилаётган ҳар бир ишига босиқлик б-н ёндашадди, шошма-шошарлик, ўзибўларчиликка йўл қўймайди. А.али одамларда ўз халқи ва миллати тақдирига нисбатан масъулият ҳисси юқори бўлади. Улар нафақат ўз халқи, миллати, балки бошқа халқ, миллат ва элатларга ҳам ҳурмат б-н қарайди. Бағрикентлик Али одамларга хос хус-ятлардан бири. Али одамлар ножўя ҳаракатлардан ўзини тия олади, ўзгаларга ҳам ножўя ишларни раво кўрмайди. Ҳадисларда айтилганидек, Али инсон «Одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак» деган

ақидага амал қилади. Ҳазрат Алишер Навоий бежиз А., вафо ва ҳаёни ахлоқий фазилатлар ичида биринчи ўринга қўймаганлар. Али одамлар ўз қадр-қимматини ҳамиша юқори тутуди ва б.га ҳам шуни раво кўради. Али, ор-номусли, шарм-ҳаёли одамлар элим-юртим деб яшайди, ўзгаларга мурувват қилишни, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш ва тўғри йўл кўрсатишни ўзи учун инсоний бурч ва масъулият деб билади. Али кишиларда миллий ғурур, миллий ифтихор, орият кучли бўлади. Улар ўз миллати, эл-улуси манфаати ва шарафини ҳимоя қилишни катта бахт деб билади. Али одамлар таъмадан ҳазар қилади, ундан нафратланади, бировларга қилган яхшилигини миннат қилмайди, юзига солмайди. Юртимизда А., одоб-ахлоқ, одабийлик каби хислатларнинг қарор топишида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Усурулмаолий Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Аваз Ўтар, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон сингари сиймоларнинг хизматлари беқийс. Мустақиллик йилларида халқимизга хос бошқа фазилатлар каби А. ҳам миллий маъ-ятимизнинг ажралмас қисмига айланиб, ҳақиқий қадр-қиммат касб этиб бормоқда.

АНЖУМАН (араб. йиғин, жам бўлиш) — кенг доирада ўтказиладиган мажлис, йиғилиш, тадбир, кеча, кенгаш; 2) бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган атоқли шахслар гуруҳи, жам-ти; 3) бир хил касбдаги ҳунармандларнинг бирор маслаҳатли иш юзасидан вақти-вақти б-н ўтказиладиган мажлиси, шогирдларни ишга ўтказиш маросими, зиёфати. А. ҳаётнинг барча соҳасидаги маън-й, мад-й, сиёсий, моддий-иқт-й масалаларни ва илмий муаммоларни ҳал қилиш жараёни, усули ва воситаси ҳамдир.

АНИМИЗМ (лот. *anima* — руҳ, жон) — тирик мавжудотлар, предмет ва ҳодиса-

ларнинг гўё руҳ ҳамда жонга асосланиши ҳақидаги тасаввурларни англатади. А. барча ибтидоий диний тасаввурларнинг негизини ташкил этади. А. да моддий объектлар руҳий мавжудотлар дунёси б-н тўлдирилган бўлади. А. атамаси илк бор немис олими Г.Шталь (1708) томонидан илмий муомалага киритилган. 1871 йилда А. атамаси инглиз олими И.Тэйлор томонидан этнография фанида қўлланади. Г.Шталь А.ни ҳаётнинг бошланиши ҳақидаги таълимот деб тушунган, И.Тэйлор эса уни нафақат жон ва руҳларга ишониш, балки диннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот, танадан жоннинг ажралиб чиқиши, диннинг асоси деб ҳисоблаган. Р.Марретт, Фрезер, Л.Штернберг каби файласуфлар анимистик дунёқарашни жодугарлик, афсунгарлик ҳамда бутун табиатни жонлантириш (аниматизм) ҳақидаги тасаввурлар деб талқин этган. Ибтидоий одамлар инсон вафот этганидан кейин унинг руҳи чақалоққа ўтади, руҳи ўзи яшаган жойда бўлади, деб билган. Абдий руҳ ҳақидаги тасаввур шу даврда пайдо бўлган. А. дин ҳақидаги мифологик ривоятлар негизда вужудга келди. XIX а.нинг 70–80-йилларидан А. кенг ўрганила бошланди. Ўтган а.нинг 90-йилларидан бошлаб айрим католик черкови вакиллари (Шмидт ва б.), Марретт ва Вундт сингари олимларда А.ни чеклаганликда, бир томонлама ҳукм чиқаришда айбловчиларга қарши кураш олиб борди. А. ўз ривожда барча динларга таъсир қилиб, турли мам-тларга тарқалди. А.нинг таъсири М.О. мусулмонлари ҳаётида учраб турадиган айрим маросимларда, жумладан, марҳумлар шаънига турли худойилар, хатми Қуръон, ис чиқариш каби удумларда сақланиб қолган.

АНТАГОНИЗМ (юн. *antagonistos* – қарама-қарши, рақиб, душман) – ижт-й тар-ёт, жам-т ҳаётидаги фарқ, тафовут ва зиддиятни мутлақлаштириш гоёси. А. атамаси фал-й тафаккур тар-ётида қарама-қарши кучларнинг курашини ифодалаш учун қўлланади. Диний қарашларда А. яхшилик ва ёмонлик, жаҳолат ва маърифат ўртасидаги курашда ўз ифодасини

топади. Ўрта а.лар мугафаккирлари табиат, жам-т ва инсон турмушининг барча соҳаларида А. мавжудлиги, уни бартараф этиш зарурати ҳақида фикр юритган. Ислон мусулмонлар ҳаётидаги А.ни ҳал этишнинг маън-й воситаси сифатида эътироф этилади. Советча талқиндаги марксизм фал.сида турли синфлар ўртасидаги А. ижт-й инқилоблар орқалигина ҳал этилиши мумкин, деб таълим берилган. Собиқ совет даврида инқилоблар ижт-й тузумни ўзгартирувчи, барча синф ва қатламлар манфаатларини уйғунлаштирувчи, улар ўртасидаги А.ни бартараф этувчи омил сифатида нотўғри талқин этиб келинди. Жам-тда мулкдорлар, йирик сармоядорларнинг мавжудлиги А.нинг манбаи, деб нотўғри ташвиқот ишлари олиб борилди. Бугунги кунда А. масалалари конфликтология фани доирасида тадқиқ этилмоқда. Бу фан А. ҳақидаги фан сифатида жам-т ҳаётининг барча соҳаларида (жумн, маъ-ят соҳасида) зиддият ва қарама-қаршиликларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўлларини ўрганади.

АНТРОПОГЕНЕЗ (юн. *antropos* ва *genesis* – инсон, келиб чиқиш) – инсоннинг келиб чиқиш ва жисмоний ҳамда маън-й рив-ш жараёни. Бу жараён тўғрисида турлича фикрлар, дунёвий ва диний қарашлар мавжуд. Дунёвий қараш тарафдорлари (Дарвин, Гексли ва Гегель) инсон олий даражада тараққий этган, одамсимон маймунлардан келиб чиққан, деган қарашни илгари суради. Замонавий фан А.нинг ижт-й меҳнат наз-ясини тасдиқламоқда. Онгли ва маъ-ятли инсоннинг пайдо бўлиш ва рив-ши жараёни бир қанча босқичларга бўлинади. Биринчи босқич австралопитекларнинг (инсоннинг энг яқин аجدодлари) ер юзида яшаши, табиий жисмларни қуроллар сифатида ишлатиши, сўнгра бу қуролларни ясай бошлаши б-н изоҳланади. Бу ҳол икки оёқли антропоидларнинг, маъ-ятли инсоннинг ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқишига шарт-шароит туғдирган. Иккинчи босқич, А.нинг бошланғич поғонасидаги вакилларидан – энг қадимги кишилар – питекантроплар ва синант-

роплардан иборат ибтидоий одамлар шаклланиши б-н боғлиқ. Бу даврдаги энг қадимги одамлар маъ-ятли бўлиб, мунтазам суръатда хилма-хил шакллардаги қўпол тош қурооллар ясаган, биргалашиб ҳайвонларни овлаган, оловдан фойдаланган. Уларнинг авлодлари бўлмиш палеантроплар ёки неандерталлар эса анча мураккаб қуроолларни ясаб, дастлабки сунъий иншоотларни (шамол түсиқларни) яратган, оловни ҳосил қилиш йўлини билган. Юзага келган ижт-й ишлаб чиқариш одамда онг ва нутқнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган, инсон гавдасини шакллантирган. Инсоннинг қарор топиши юз минг йиллар давом этган (Жануби-Шарқий, Жанубий, Олдинги Осиё ва Африка). Учинчи босқич — ибтидоий пода шаклидаги одам зотининг жам-тга, неандерталларнинг эса ҳоз. шаклдаги инсонга айланишидан иборат. Диний дунёқарашга кўра, инсонни Тангри тўрт унсурдан яратган. Дунёдаги жамики динларда дастлабки одамнинг яратилиши ва унинг исми бир хилда талқин қилинади.

Хуллас, А., нафақат табиий жараён, балки ижт-й, иқт-й ва маън-й ўзгаришлар ҳамда одам зотининг такомиллашув жараёни ҳамдир. Ҳозирга қадар бу жараён маъ-ят ва унинг ривожини назаридан кам ўрганилган ва бу борада тадқиқ этиладиган масалалар кўплигича қолмоқда.

АНТРОПОЛОГИЗМ (юн. *antropos* — инсон, одам; *logos* — таълимот) — инсон табиат ва жам-тнинг энг олий қадриятдир, деган қарашга асосланган гоя. Унга кўра, одамзод энг етук ва олий мавжудот, бутун борлиқ инсон ва унинг эҳтиёжлари учун яратилган. Жам-тнинг етуқлиги инсонга мун-т, унинг учун яратилган шарт-шароитлар б-н белгиланади. Фал. тарихида А. хилма-хил шаклларда намоён бўлган. Конфуций, Суқрот, Форобий, Беруний ва Навоий сингари мутафаккирлар, XVII—XVIII а. француз маърифатпарварлари, Фейербах ва Ницше каби немис файласуфлари ижодида бу гоялар ўзининг яққол ифодасини топган. Ҳоз. замонда А. ҳаёт фал.си, социал дарвинизм, фрейдизм каби оқимлар вакиллари қарашларида

ривожлантирилмоқда. А. гоясига таянган замонавий антропология фани доирасида олиб борилаётган учта тадқиқот йўналишини ажратиш мумкин: а) табиий антропология; б) ижт-й антропология; в) мад-й антропология. Табиий антропология асосан эволюцион биология, демография ва археологияга таянса, ижт-й ва мад-й антропология одамзод томонидан яратилган мад-т намуналарини тадқиқ этиш б-н шугулланади.

АНТРОПОМОРФИЗМ (юн. *anthropos* — инсон ва *morpheo* — шакл, кўриниш) — инсонга ўхшашлик, тирик бўлмаган табиатнинг ҳодиса ва предметларига инсоний хус-ятлар бериш, худо ёки худоларни инсоний қиёфада тасаввур этиш. А. жам-т рив-шининг илк босқичларида ҳукмронлик қилган мифологик дунёқарашнинг дастлабки шакли сифатида вужудга келди. Антик даврда юнон файласуфи А. Ксенофан томонидан худолар қуйидагича танқид қилинган: “Ҳабашлар худоларини қора танли ва бурунлари пучуқ дейди; фракияликлар эса худоларини кўк кўз ва малла соч деб тасаввур этади”. Таврот, Инжил ва Қуръонда худонинг қиёфаси ҳақида гап бормайди. А.нинг антропологию, психологик А. каби турлари мавжуд. А. образлари шеърятда, халқ оғзаки ижодида кенг қўлланади, у ибтидоий жамоалар даврида яратилган афсоналарда кўп учрайди. А. инсоннинг борлигини, табиат ва жам-тда вужудга келадиган зиддиятларни енгишга қаратилган. Афсонадаги А. илк фикрлаш ҳодисаси бўлиб, инсоннинг ўзини атроф муҳитдан ажратмаслиги, инсоний сифатларни теваракдаги оламда мавжуд нарса ва ҳодисаларига кўчириши натижасида вужудга келган.

АНЪАНА — тарихий жиҳатдан узвийлик ва ворисийликни англатадиган маън-й ҳаёт ҳодисаси, маъ-ятга хос ижт-й категория, аждодларнинг тарихан тўплаган маън-й қадриятларини авлодларга узатиш (бериш) воситаси. А. луғавий маънода мавҳум т. бўлса-да, аслида А.га айланган расм-русумлар, урф-о.лар, маросимлар, удумлар, кўникма, малака, турмуш тарзи ва б. ҳақида фикр юритилганда, у аниқ

маъно касб этади. Миллатлар, халқлар, элатларнинг тарихий хотирасига ҳурмат б-н қараш, аввало, А.га айланган жараёнларда ўз ифодасини топади. А.лар халқларнинг тарихий рив-ши жараёнида шаклланади. Одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли А.ларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Муайян ижт-й тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-о., маросим ва б. А. сифатида намоён бўлади. А.ларни: а) ижт-й-тарихий ҳодиса; б) жам-т ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми; в) кишилар ҳаёти ва фаолиятини белгилаш мезони; г) жам-т ва одамларни бошқаришнинг маън-й омилларидан бири сифатида ҳам тавсифлаш мумкин. А.лар ёшларни тарбиялаш, уларни кекса авлод тажрибаларига ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз А.лари бўлиб, улар вақт ўтиши б-н ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзилари йўқолади, янгилари вужудга келади. Ш-дек, бир замоннинг А.лари кейинги даврга мос келмаслиги мумкин. Давр талабига жавоб бермайдиган А.лар унутилади, ўтмишга айланади.

А. инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади. А.ни асосан икки турга бўлиш мумкин: а) А.га айланган хайрли (бунёдкорлик) маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Бундай А. ижт-й тар-ёт, миллий равнақ ва инсон камолоти учун исслсиз аҳамият касб этади; б) А.га айланиб қолган зарарли (вайронкорлик руҳидаги) маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари эса ҳар доим инсон онги ва руҳини қашшоқлаштириб, унинг маън-й тубан мавжудот бўлиб қолишига сабаб бўлиб, ижт-й тар-ёт ва инсон камолотига заволят еткази. Тарихий жараёнлар, ижт-й тар-ётнинг олдинга боришига, инсоннинг баркамол, соғлом равнақ топишига хизмат қиладиган ҳамда муайян халқ оммасининг туб манфаатларига мувофиқ келадиган маросимлар, расм-русум, урф-о., турмуш ва тафаккур тарзи, меҳнат малакаси ва б. хайрли А.лар таъсирида ривожланади ва қадриятга айланади. Уларнинг А.га айланишининг уч жиҳати бор: 1) А.нинг муайян халқ, миллат ёки инсоният жамоалари

асосий қисми томонидан эътироф этилиб, қадрланиши; 2) муайян жамоа ва жамоатчилик томонидан изчил рағбатлантирилиб, назорат этиб борилиши; 3) белгиланган муайян вақт ва шароитда ўз-ўзидан такрорланиб туриши шарт. Муайян тарихий шароит ва ижт-й муҳитда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда қадрини улуглайдиган, руҳини поклайдиган, ижт-й тар-ёт ва шахс баркамоллиги учун хизмат қиладиган, инсонпарварликни қарор топтиришга ёрдам берадиган А.га айланган барча маросимлар, фаолият йўналишлари қадриятларга мун-тни белгилаш мезони бўла олади. А.га айланган ҳар қандай маросим ёки турмуш тарзининг шакли эмас, балки мазмуни, моҳияти муҳимдир. А.га асосланган барча мун-тлар “анъанавийлик” (традиционализм) дейилади. Мас., А.нинг ролини меъеридан орттириб кўрсатиш одатда анъанавийлик т.си б-н ифодланади. Тушунчалардаги мазмунни, А.вий турмуш ва тафаккур тарзи асосида замон ва макондан ажратган ҳолда, мавҳум идрок этиш ва баъзи А.ларни асосиз мутлақлаштириш кўпинча ақидапарастликни вужудга келтиради. А.га партиявий, синфий, мафкуравий талаблар асосида ёндашиш, мун-тда бўлиш, ш-дек, бир ҳудуд ёки халққа хос А.ларга бошқа ҳудуд ёки халқ н.назаридан баҳо бериш, шу асосда хулоса чиқариш мутлақо нотўғри. Дунёда қанча халқ, миллат, элат бўлса, ҳар бирининг ўзига хос ва ўзига мос А.лари мавжуд. Уларда миллатнинг қиёфаси акс этади. уларни қадрламаслик миллатга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Ҳар бир халқ ўз А.ларининг соҳиби ва асровчисидир. А.лар умуминсоний ҳамда миллий бўлади. Кўп миллатли давлатларда барча миллатларнинг А.ларига эътибор берилади. Миллий А.лар умуминсоний А.ларнинг бир миллат даражасида намоён бўлишидир. Унда миллатга хос хус-ятлар ўз ифодасини топади. Мас., меҳмондўстлик фазилатини оладиган бўлсак, бу фазилат турли миллатларнинг ҳар бирида ўзгача шаклда намоён бўлади. Юртимизда миллий А.ларимизни асраш ва ривожлантириш масаласига доимий равишда устувор аҳамият берилмоқда. Бу

эса халқимизнинг миллий онгини, сиёсий мад-тини юксалтириш, юртдошларимизда миллий ғурурни ўстириш б-н чамбарчас боғлиқ.

АПАТИЯ (юн. *apatheia* — бепарволик) — инсондаги эмоционал пассивлик, бефарқлик, ҳиссий лоқайдлик каби кайфиятнинг ифода этади. Бундай ҳолатда инсон ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз бўлади. ҳеч нарсага қизиқиш билдирмайди, унинг жисмоний, руҳий ва маън-й фаоллиги пасаяди. А. узоқ вақт давом этган руҳий бузилишлар туфайли юзага келади ва кечиш муддатига кўра, узоқ ёки қисқа муддатли бўлади. А. ҳолатини ақлий заифликда ва ҳатто узоқ давом этган муайян касалликнинг асорати сифатида ҳам кузатиш мумкин. А.нинг илк босқичларида қизиқиш, хоҳиш ва интилишнинг бирмунча сусайиши, иштиёқ ва майлнинг пасайиши кузатилади. Кейинги босқичларда эса теварак-атрофдаги воқеаларга нисбатан бефарқлик пайдо бўлади. Кўп ҳолларда А. ҳолатидаги кишининг мимикаси камаяди, эмоциялари совуқлашади, у ҳеч қандай кўнгилочар ишларни қилмайди, ҳаттоки оиласи, фарзандлари, яқинларига ҳам лоқайд бўлиб қолади. А.нинг сўнгги босқичларида эса тўлиқ бефарқлик ҳукмрон бўлади, бу ҳолатдаги киши ҳаттоки ўз ташқи кўриниши ва озодалигига ҳам эътибор бермайди.

А. маън-й тушқунлик ва руҳий толиқиш оқибати бўлиши ҳам мумкин.

АРАЗ (аразламоқ) (араб. намоён бўлмоқ, белги бермоқ) — ҳоз. ўзб. адабий тилида бу ибора бирон-бир шахснинг бошқа бир шахс томонидан айtilган ноҳақ сўзидан (ёлғон сўзи, кўпол ҳазили, камситиши ва ҳ.к.). ўринсиз муомаласидан, нолойиқ хатти-ҳаракатидан норозилигини, ранжишини, хафалигини ифодаловчи нисбатан ўткинчи ҳис-туйғу маъносида ишлатилади. Бундай кайфият баъзан ранжиган кишининг юз ифодасида, баъзи хатти-ҳаракатларида ошқора намоён бўлиши ҳам мумкин. А.лаш гина қилмоқ, ўпкаламоқ каби енгил ранжиш ҳолатини ифода этадиган т.ларни ҳам

англатади. Халқимизда «Араз, гина — уч кунгача», деган ибора бежиз айtilмаган.

АРБОБ — 1) ижт-й-сиёсий ва б. фаолияти б-н халққа танилган, эл-юрт ўрта-сида обрў-эътибор қозонган машҳур шахслар — жамоат ва давлат А.лари; 2) фан ва санъатда ўз ижодий меҳнати, истеъдод ва маҳорати б-н танилган шахслар — фан ва санъат А.лари; 3) мумтоз тилимизда — бошлиқ, раҳбар, қишлоқ оқсоқоли; 4) XVIII а.нинг ўртаси ва XX а. бошларида Бухоро амирлигида қишлоқ миробларининг бошлиғи.

АРГУМЕНТ (лот. *argumentum* — асос, далил) — асос сифатида фикрнинг исботи учун қўлланадиган мантиқий далил. 1) бирор-бир ақида ёки ақидалар тизими, наз-я, қараш ва н. назарнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини исботлаш учун қўлланадиган мантиқий асос; 2) исбот учун зарур бўлган наз-й манба ёки далил. Мантиқда бирон бошқа ҳукмнинг (ёки ҳукмлар тизимининг) ҳақиқатлигини тасдиқлаш учун келтириладиган ҳукм (ёки ҳукмлар тизими); исботнинг асоси ёки далили, баъзан эса бутун исботнинг ўзи А. деб аталади. Математика ва математик логика (мантиқ)да мустақил ўзгарувчи функция бўлиб, муайян функциянинг ёки предикатнинг аҳамияти мазкур ўзгарувчи функциянинг қимматига боғлиқ. А. ҳоз. замон гносеологияси, мантиқ ҳамда табиий фан соҳаларида кенг қўлланади.

АРИСТОКРАТИЯ (юн. *aristokratia* — яхшилар ҳукмронлиги) — 1) илк давлатнинг вужудга келиши ва рив-ши тизимида энг имтиёзли уруғ бошлиқлари ёки бойлар (дворян ёки ер эгаси бўлган юқори табақа вакиллари); 2) иқт-й ҳукмрон синф, зодагонларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳукмронлиги. А. биринчи марта антик даврнинг машҳур мутафаккирлари — Арасту, Афлотун томонидан илк давлат тузумини идора этиш воситаси сифатида ишлаб чиқилган.

АРИСТОТЕЛЬ (*Aristoteles*, мил. ав. 384—322) — қад. Юнонистонда ўзига хос фал-й таълимот яратган буюк мутафаккир. Фракиянинг Стагира шаҳрида тугил-

ган. Шарқ халқлари орасида Арасту номи б-н машҳур бўлган. А. фан тар-ётининг ўзигача бўлган барча ютуқларини умумлаштириб, фанларнинг ягона тизимини яратиш б-н инсоният маъ-ятида ўчмас из қолдирди. Унинг қарашларига кўра, фанлар борлиқни тадқиқ этиш б-н машғул бўлар экан, ўз моҳиятига кўра, наз-й жиҳатдан одамлар дунёқарашини ўзгартириб боради, бу ўзгаришлар ҳам фанларнинг ўзида, ҳам инсонларнинг оламга нисбатан мун-глари, дунёқарашларида, ҳам улар томонидан таъсир кўрсатилган моддий оламдаги ўзгаришларда ўз аксини топади. А. биринчи бўлиб, ахлоқ (этика)ни мустақил фан сифатида илмий-фал-й билимлар тизимига киритган. А.нинг этикаси дунёвий, ҳар бир озод кишини давлат фуқароси руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган. А.нинг фикрича, ахлоқ масаласини кенг ва атрофлича ўрганиш ҳамда унинг тизимини яратишдан аввал бахт-саодат нималигини аниқлаб олиш лозим. Шунга кўра, аллома фаровонлик, эзгулик, ирода эркинлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратади. А. ахлоқ масалаларига бағишланган махсус асари — “Никомах этикаси” — да озчиликка тааллуқли бўлган маън-й идеал таҳлил қилинади. Тарбиядаги ютуқ турмуш тарзига боғлиқ. Энг яхши ҳаёт тарзи ҳақидаги таълимот бевосита давлат тузилиши ва сиёсатнинг мақбул шаклига боғлиқдир. А.га кўра, «эзгулик» т. аниқ мақсад ва унга доимий интилиш б-н боғлиқ. Эзгулик туғма сифат бўлмасдан, балки кишининг ижт-йлашув жараёнида шаклландиган хислатдир. Бошқача айтганда, унга таълим-тарбия ва меҳнат орқали эришилади. А. эзгулик ҳақида умумий мулоҳаза юрийтибгина қолмасдан, балки уни чуқур таҳлил қилишга ҳаракат қилади. наз-й ёндашувни амалий фаолият б-н боғлашга интилади. Мас., унингча, жасурлик — бу эзгулик бўлиб, сохта қаҳрамонлик ва кўрқоқлик ўртасида туради. Чинакам — қаҳрамон шундай кишики, у ўз олдидаги тўсиқларни енгиб, кўрқмай олға боради. Жасоратли киши эса азоб-уқубатга чидайдди. меъёрида ва оқилона ҳаракат қилади. А. ахлоқий фа-

зилатлар ва иллатларни қуйидагича тасниф қилади: 1) фазилатлар: жасурлик, довюраклик, мўтадиллик, сахийлик, савлатлилик, ҳимматлилик, мулойимлик, тўғрилиқ, ҳақгўйлик, дилкашлиқ, меҳрибонлик, одиллик, ҳалоллик, қонунга биноан адолатли бўлишлиқ; 2) иллатлар: кўрқоқлик, ўзини тия билмаслик, эҳтироссизлик, исрофгарчилик, хасислик, тақаббурлик, пасткашлиқ, мақтанчоқлик, ҳимматсизлик, қўполлик, камситишлиқ, масхарабозлик, бемаънилик, тошбағирлик, адолатсизлик. А. этикасида ахлоқий фазилатлар орасида биринчи ўринда адолат туради. А. адолатсизлик деганда қонунни бузувчилар, бошқалардан ортиқроқ оладиган ва барчага тенг мун-тда бўлмайдиган кишиларни тушунади. Қонунга яраша иш қиладиган, барчага баробар қарайдиган кишиларни адолатли деб ҳисоблайди. Унингча, барча кишилар, адолат мутаносиблигига амал қилишга розидир. А.нинг буюк хизмати шундаки, у ижт-й-фал-й тафаккур тарихида илк бор эркинликка интилиш инсонга хос туғма хус-ят экани ва бу ҳол унинг маъ-яти, ўзлигини англаши, юксак мақсадлар ва эзгу амаллар сари хатти-ҳаракатлари б-н узвий боғлиқлигини таъкидлайди. Алломанинг фикрича, инсон ана шу йўлда мутлақ эркин бўлгани боис ўз саъй-ҳаракатларининг оқилоналиги ва оқибатлари учун масъулдир. А. наздида, кишилар эзгулик ва ҳузур-ҳаловат т.ларини ўз ҳаёт тарзларига кўра белгилайди. Қўпол ва илмсиз омма эзгулик ва ҳузур-ҳаловатни кайф-сафода кўради. А.нинг фикрича, ҳақиқий бахт-саодатни маън-й юксак, оқилона фикрлайдиган кишиларгина англашга қодир бўлади. Маън-й баркамол инсон ақл б-н фазилат бирлигига амал қиладиган кишидир. Фақат ақлли ва фазилатли кишигина энг юксак ҳурмат-эътиборга лойиқдир. А.нинг илмий ва маън-й мероси жаҳон мад-ят хазинасидан муносиб ўрин эгаллаб, бугунги кунгача илм-фан, тафаккур ривожини, кишиларнинг маън-й-маър-й такомиллашуви-га хизмат қилиб келмоқда.

АРУЗ (араб. — шеър ўлчови, вазнга солиштириб ўлчаш) — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари шеъриятидаги асосий вазн тури бўлиб, чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг маълум тартибда келишига, яъни мисралардаги ҳижолар миқдори ва сифатига асосланган. Бинобарин, А. вазни бармоқ вазни сингари мисрадаги бўгинларнинг миқдори ёки гуруҳланиб такрорланиши асосида эмас, балки ҳижоларнинг миқдори ва сифатига, яъни қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил бўлади. А. вазнида ундош товушлар б-н тугаган ҳижолар чўзиқ, унлилар б-н тугаган ҳижолар («о» дан ташқари) кўпинча қисқа саналади. Баъзан чўзиқ ҳижо қисқа ҳижо, қисқа ҳижо чўзиқ ҳижо тарзида ўқилиши ҳам мумкин. Бу ҳодиса «имола» деб юритилган. А. вазнида мисранинг ритмик бўлаклари, яъни ҳижоларнинг туроқ типидagi гуруҳлари рукн деб аталади. Рукнлар ҳижоларнинг миқдори ва чўзиқ ёки қисқалигига қараб, саккиз аслга бўлинади ва ҳар бири араб. «фаала» (ҳаракат) сўзидан ясалган махсус ном (қолип) б-н юритилади: 1) фаулун; 2) фоилун; 3) мафойлун; 4) фоилотун; 5) мустафъилун; 6) мафъулоту; 7) мафоилатун; 8) мутафоилун. Бу асллар айрим ўзгаришларга учраб, турли ритмик бўлақларни вужудга келтиради ва шу тарзда вазн рукнлари кўпайиб боради. Рукн бир, икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ ҳижоли бўлиши мумкин. А. вазнининг «рамал», «ражаз», «мутақориб» каби туркумлари бўлиб, бу туркумлар «баҳр» деб аталади («баҳр» араб., «денгиз» маъноси-ни ифодалайди. Шеър денгиздан олинadиган дурга ўхшатилагани учун шундай номланган).

А. вазни Шарқ шеъриятининг асосий турларидан бири сифатида араб поэзиясида вужудга келди, кейинчалик форстожик ва туркий халқлар мумтоз поэзиясининг ҳам асосий вазн тури сифатида шаклланди.

АРХАИЗМ (юн. *archaios* — қадимги, кўҳна) — эскириб, истеъмолдан чиқиб қолган сўз ёки ибора, қоида, талаб, тамойил ва б.ни англатувчи т. Адабиёт соҳасида лек-

сик (аркон, мирзо ва ҳ.к.), фонетик (эrsa, бирлан, эмди ва ҳ.к.), морфологик (билур, турур, бўлгай, бурунги ва ҳ.к.), ш-дек, фразеологик, семантик А.лар мавжуд. А. бадиий адабиёт ва санъатда кўпроқ тарихий каларит ҳамда манзараларини акс эттириш, давр руҳини ифода этишда услубий восита сифатида қўлланади. Маъ-ятда эскилик сарқити, инкор этилган нарса ва ҳодиса сифатида тушунилади.

АСАР (араб. из) — китоб маъносида кенг қўлланадиган сўз (осори атиқа — қадимги, антик А.лар, ёдгорликлар). Бу сўз из, нишон, белги (ундан А. ҳам қолмаган); таъсир (у бизни А. қилди) маъноларида ҳам ишлатилади. Муайян мазмунни тугал ифодалаган бадиий ижод маҳсулоти адабий А. дейилади. А.лар бир неча турга бўлинади: адабий А., рангтаъсир А.и, мусиқа А.и, саҳна А.и ва б. Меъморлик, ҳайкалтарошлик, наққошлик, бадиий дизайн ва б. соҳалардаги ижод намуналарига ҳам А. атамаси қўлланиши мумкин.

АСКЕТИЗМ (юн. *aske* — бирор нарса б-н машғул бўлиш) — зоҳидлик, қаноат қилиб яшаш. моддий бойликлардан имкон қадар камроқ фойдаланиш туйғусига асосланган ғоя. Унинг наз-й асослари ва дастлабки кўринишлари Шарқда, қад. Хитойда, Юнонистон (Спарта давлатида) ва б. ўлкаларда шаклланган. Тибетда ламаизм динига мансуб руҳонийлар, М.О.да таркидунёчилик ва дарवेशликни тарғиб қилувчи оқимлар ўрта а.ларда ўзига хос А. мактабларига асос солинган. Тасаввуф тариқатида ҳам бу ғоя тарафдорлари учрайди. Христиан динида бу дунё роҳатларидан воз кечиb, фақат тоат-ибодатга берилганлар аскет деб аталади. Бу ғоя баъзи ҳолларда бойлик ва мол-дунёга берилганларга қарши яшаш ва умргузаронлик қилиш тарзи сифатида ҳам намоён бўлади. Протестантизмда “бу дунёда аскетизм” тамойили мавжуд. Унга кўра, бу дунёдаги сабр-қаноат нариги дунёда албатта роҳат-фароғат б-н мукофотланади. А.да моддий ва маън-й-руҳий асосларни ажратиb алоҳида кўрсатиш мумкин. Моддий А. одатда мулкдан воз кечиш, оилавий мун-тларни инкор этиш

ёхуд унинг жам-тдаги ўрни ва аҳамиятини чеклаш, эҳтиёжларни табиий ва сунъий турларга ажратган ҳолда, табиий эҳтиёжлар устунлигини таъкидлашда намоён бўлади. Маън-й-руҳий А. эса турли маън-й-мад-й ва интеллектуал эҳтиёжлардан воз кечиш, маън-й қашшоқликни улуглаш, жам-т маън-й-интеллектуал ҳаётида иштирок этишни чеклаш, ҳатто баъзи ҳолларда фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқуқларга амал қилишдан бўйин товлаш каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Айрим фал-й оқимлар вакиллари илгари сурган таълимотларда А. ижт-й эмас, балки индивидуал ҳаёт тарзига хос ҳодиса сифатида талқин этилади. Мас., киниклар барча табиий, ҳиссий эҳтиёжларни чеклаш ва олий маън-й мақсадларга интилиш лозимлигини тарғиб этган. Ана шу оқимнинг ёрқин вакили — тиланчилик б-н кун кечирган ва бочка ичида яшаган Диоген назарида, олий мақсадга эришиш йўлида давлат ҳам, оилавий мун-тлар ҳам, ахлоқий қадриятлар ҳам тўсқинлик қилмаслиги керак. Ўрта а.ларда А. ердаги ҳаётда ўта камтарликни, барча табиий эҳтиёжларни чеклашни, ҳаёт бойликлари ва уни санъатда акс эттиришда вазминлик ҳамда юксак маън-й тимсолларга интилишни тарғиб этади. Христианлик дини назариётчиларидан бири Августиннинг фикрича, егулик ва ичкилик, ҳид ва товушлар, ранг ва шакллардан лаззатланиш ўта хавфлидир. Ш-дек, у диний эътиқодга хизмат қилмайдиган, Яратганга нисбатан ишончга таянмаган воқеликни ўрганишга эҳтирос, борлиқни англаш йўлидаги синчковлик ва қизиқувчанлик қўллаб-қувватланиши мумкин эмас, деб уқтиради. Мазкур т.нинг мазмун-моҳиятини ўрганган италиялик социолог В.Парето А.ни хоҳиш-истакларнинг патологик шакли, ижт-йликни ғайритабиий тарзда ҳис этишга таянишни таъкидлайди. Унинг фикрича, кишилар барча эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмагани сабабли уларнинг аксариятидан воз кечишга мажбур бўлади. Хоҳиш-истакларни чеклашга хизмат қиладиган ҳиссиётлар фойдалидир. Аммо уларнинг ҳаддан ташқари ривож, Парето назарида, А.га олиб келади.

АСКИЯ (араб.) — зийрак, закий, ҳозиржавоб маъноларини англлатувчи т. У ўзб. халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири бўлиб, унда сўз ўйини, қочириқларга асосланган ҳолда икки ва ундан ортиқ киши ёки гуруҳ халқ йиғинлари (сайл, тўй ва байрамлар)да сўз орқали бир-бирини мот қилиш бўйича мусобақалашади. Тарафлар ўз жавобларини қисқа-лўнда, сермаъно, латиф, таъсирли, жозибали ва кулгули чиқаришга ҳаракат қилади. Жавоб қайтаришда қайси тараф мавзу, жанр доирасидан четлашса ёки сўз танлашда пала-партишликка йўл қўйса, енгилган ҳисобланади. А.нинг мазмунли, серзавқ, кулгули чиқишида тарафлардан ҳозиржавоблик, бадиҳағўйлик, ш-дек, мавзуга алоқадор кенг ва чуқур маъноли сўзларни топа билиш, юз, кўз, қўл, тана ҳаракатларидан, товуш ва имо-ишоралардан ўринли фойдалана олиш талаб этилади. А. халқ йиғинлари, оммавий тадбирларда ижро этилгани учун ҳам ўзига хос маън-й таъсир кўрсатиш шаклларидан бўлиб, одамларга эстетик завқ улашиш б-н бирга муайян ҳодисаларга мун-тни ҳам шакллантиради. А. турларини муқаммал эгаллаган, катта давраларда тортиша оладиган кишилар А.чи, А.боз деб аталади. Тарихда бундай кишилар бадиҳағўй номи б-н ҳам юритилган. А.чи халқ тилини, зарофат санъатини пухта эгаллаган, ҳажв усулларида усталик б-н фойдалана оладиган бўлиши лозим. А.нинг пайров, қофия, ўхшатдим, баҳри байт, сафсата, лоф, афсона, лақаб каби турлари бор. А. ўзб. халқи орасида машҳур бўлиб, унинг тарихи энг қадимги даврлардан бошланган. Алоҳида жанр сифатида, айниқса, Фарғона водийси ва Тошкентда кенг ёйилган. XX а.да бу санъат тури янада оммалашди. Мустақиллик йилларида А. ривожланди ва оммавий байрамлар, тантаналарда А.чиларнинг чиқишларига кенг ўрин берилмоқда.

АСОС (субстанция) — мантиқий тафаккурнинг муҳим шакли ҳисобланган ҳулоса чиқаришнинг таркибий қисмларидан бири. Нарса ва ҳодисанинг А.и сабабиёт қонуни орқали намоён бўлади. Табиат

ва жам-т ҳодисаларини ўрганиш, билиш, тадқиқ этиш кўп жиҳатдан А. ва асослаш жараёнига боғлиқ. А.лар илм. тад.нинг табиий маҳсули бўлиб, у одатда ихтиролар, кашфиётлар туфайли қарор топади. Моддий оламдаги А.лар ўзгариб туриш характерига эга бўлади. Бу масаланинг бир томони бўлиб, иккинчи томони моддий А.ларнинг мантиқан яқунланган шаклда намоён бўлиши б-н боғлиқ. Умуман илмда, турмушда, ҳар қандай мунозара ва муҳокамада бирор фикрни исботлаш ёки аниқ хулосага келиш учун фойдаланиладиган фикр А. деб юритилади.

АСОСИЙ ҚОНУН — мазмуни бўйича «Конституция» т.сига мос келади. Маълумки, Конституция нормалари бошқа барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга ягона ҳужжат шаклида амал қилади. А. қ. — конституциявий тузумнинг қадриятлари, инс-тлари ва нормалари расман мустақамлаб қўйиладиган энг олий ҳуқуқий ҳужжат. У инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари эълон қилинадиган, қафолатланадиган, ш-дек, ижт-й тузум асослари, бошқарув шакли ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари тузилишининг асослари, уларнинг ваколатлари, ўзаро мун-тлари, давлат рамзлари ҳамда пойтахти белгилаб қўйиладиган ёзма ҳуқуқий ҳужжат ҳамдир. Мам-тимизда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ тасдиқланган ва ҳаётга жорий этилган Конституция амал қилмоқда. У давлатимизнинг А. қ.и бўлиб, муқаддима, олтита бўлим, йигирма олтита боб ва 128 та моддадан иборат, олий юридик кучга эга, бевосита амал қилади ва Ўзб-ннинг барча ҳудудларида бир хилда қўлланади.

АСОТИР (араб. — афсона) — 1) ибтидоий давр кишилари томонидан коинот, табиат ҳодисаларининг моҳияти, пайдо бўлиш сабабларини ўзларича изоҳлаш мақсадида яратилган оғзаки ҳикоялар; 2) миф, афсона, ривоятларни ўрганувчи фан соҳаси. А. барча халқларнинг ибтидоий даврдаги асосий дунёқараш

шакли бўлиб, ўша давр кишиларининг оламини, ўзини қуршаб олган ташқи дунёни маън-й жиҳатдан ўзлаштиришга бўлган лаёқати, ўзига хос интилишларидан дарак беради. А. табиат кучларига руҳий тус бериш, уларни жонлантириш, аниқ ҳиссий образларга киритиш, тирик мавжудотлар (инсон, ҳайвонлар) образи, шакл-шамойилида тасаввур этиш орқали ҳам ифодаланади. А.да бир хил нарса-ҳодисаларнинг хус-ятлари бошқа хил нарса-ҳодисаларга бемалол ўтказилар экан, бу хаёл парвозига жуда кенг майдон яратиб берадики, унда хаёл сураётган одам, истаган нарсасини тасаввур этиши мумкин. А.нинг тарихий шакллари *фетишизм*, *тотемизм* ва *анимизм*дир. А.нинг асосий шакллари: этимологик — табиат ва борлиқнинг алоҳида жисм-ҳодисалари пайдо бўлишига доир; космогоник — оламининг пайдо бўлишига доир; этногоник — авлодлар ва уларга дахлдор табиий-биологик жараёнларга доир антропологик — одамларнинг пайдо бўлишига доир; эсхатологик — уларнинг келажаги тўғрисидаги қарашларидан иборат. Абстракт тафаккурнинг рив-ши натижасида А. абстракцияси вужудга келадики. Унинг маҳсули — ягона худолар тўғрисидаги тасаввурлар ҳисобланади. М.О. халқларининг қад. аждодлари яратган А.ларда еру осмоннинг ягона ҳукмдори сифатида Ахура Мазда образи шаклланган. А.нинг муҳим қонунларидан бири шундаки, унинг образ ва қахрамонлари эпосларда акс эта бошлайди ва эпик умумлашмага хос янги хус-ятлар касб этади (мас., Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея”си, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, “Гурўғли”, “Алпомиш” каби халқ достонлари ва б.). А. образларисиз жаҳон адабиёти тарихи ва санъатини тасаввур қилиш қийин. Дантенинг “Илоҳий комедия”си, Гётенинг “Фауст”и, Ғарб Уйғониш даврининг тасвирий санъати ва ҳ.к.

АТЕИЗМ (юн. *a* — инкор қўшимчаси, *theos* — худо; худони, динни инкор этиш) — илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш. Бизда у қадимдан “даҳрийлик”, “худосизлик” каби атамалар б-н

юритиб келинган. Жам-тда худо ва илоҳий кучларга ишонч пайдо бўла бошлаган даврлардаёқ айни пайтда бундай ҳақиқатларга ишончсизлик ҳам шаклланган. Шу маънода атеистик қарашлар ҳам, теистик қарашлар каби, тафаккур ривожда ўз ўрнига эга. Аммо баъзи ҳолларда улардан бирининг мутлақлаштирилиши иккинчисининг тарафдорларига қарши курашга, давлат ва жам-тлар ҳаётида моддий ва маън-й йўқотишларга олиб келган. А. илк худосизлик тасаввурлари пайдо бўлган қадимги даврлардан ҳоз. кунгача бир неча босқични босиб ўтган. Ҳатто тасаввурлар туфайли кейинчалик дунёвийлик ҳам А. деб қараладиган бўлиб, А.нинг ўзи эса мутлақлаштирила бошланди. XX а.да большевиклар марксистик А. асосида диндан холи жам-т барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Марксистик А. Ўз-нда ҳам қанчадан-қанча фожиаларига сабаб бўлди. 30-йилларда республикада “Худосизлар” номи б-н ўзб. тилида журнал нашр этилди. Араб алифбоси бекор қилинган, минглаб китоблар ёқиб, кўмиб ташланди, юзлаб масжид ва мадрасалар ёпилди, вайрон қилинди, араб тили ҳамда ислом тарихининг билимдонлари, руҳонийлар, ҳатто оддий мусулмон одамлар ҳам қаттиқ таъқиб ва қувғин остига олинди. Тошкент шаҳрида Бутунитифоқ илмий атеизм ин-тининг республикалараро филиали очилди (1981). Тоталитар тузум қулагач, “илмий А.” фан сифатида бутунлай йўқ бўлди. Ҳоз. даврда АҚШ ва Фарбий Европа мам-тлари аҳолисининг 8–10 фоизи атеист ҳисобланади. Ер юзида майда диний фирқалар кўпайган ва диний экстремизм авж олган бугунги кунда бундай қарашга ўзига хос муайян эътиқод сифатида қараш анъанаси ҳам кўзга ташланмоқда. Кўпгина халқаро ҳужжатларда, мас., Инсон ҳуқуқлари декларациясида: «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир» деб ёзилган. Замонавий демократик жам-тларда, шу жумладан, Ўз-нда ҳам фуқаролар учун ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқи, яъни хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик кон-

ституциявий асосда қафолатланган. Мамтимизда “Дунёвийлик – даҳрийлик эмас” деган тамойилга изчил амал қилинаётгани ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида диний ва дунёвий қадриятларни умуммиллий манфаатларимиз асосида уйғун ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

АТО – Худонинг лутфу марҳамати, инояти, мукофот, саховат, бағишлаш, тухфа маъносида қўлланадиган т. Ато сўзи б-н ясалган жой номлари кўп. Чунончи, Нурато каби. Нурато – Худонинг марҳамати б-н нур порлаган макон демакдир. А. саховат кўрсатиш улуг инсоний фазилат ҳисобланган. Алишер Навоий А.ни қуйидагича таърифлайди: «Улуққа улуқча ато айласа, // Кичикка кичикча сахо айласа».

АТРИБУТ (лот. бағишлайман, хус-ят бераман) – нарса ёки ҳодисанинг туб моҳиятини ифода этадиган, энг муҳим характерли хус-яти, белгиси. Мас., яхшилик, эзгулик, адолат, эркинлик, ҳақиқат каби т.лар юксак маъ-ятнинг доимий А.ларидир. Фал. фанида А. атамаси дастлаб Арасту таълимотида ишлатилган бўлиб, азалий ҳақиқатни, ўткинчи ва тасодифий ҳолатлардан фарқ қилиш учун қўлланган.

АТРОФ МУҲИТНИ АСРАШ – она табиат олдидаги маън-й қарздорлик асосида шаклланадиган туйғу; ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, табиатни сақлаш, қайта тиклаш, атроф муҳитнинг биологик хилма-хиллигини асрашга қаратилган фаолият. А. м. а. табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишни назарда тутиб, табиат ва жам-т ўртасидаги мун-тлар уйғунлигини таъминлаш йўлида олиб бориладиган кенг миқёсдаги ижт-й, иқт-й, маън-й, технологик, ҳуқуқий ва б. тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Ўз-нда А. м. а. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун асосида тартибга солинади.

АФВ ЭТИШ (кечириш) – бағрикенглик, мардлик ва олижаноблик, юксак гуманизм ифодаси бўлган, муҳим тарихий сана ёки умуммиллий воқеалар мун-ти б-н суд ҳукмига кўра жазо тайинланган шахс (маҳкум) ёки шахслар гуруҳининг гуноҳидан кечишга қаратилган сиёсий акт. Ўз-нда А.э. ЎзР Президенти томонидан амалга оширилади. ЎзР Президентининг 1992 й. 17 июлдаги фармонида биноан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тўғрисида»ги низомнинг 1-моддасига кўра, А.э. ҳақидаги қарор ЎзР суд идоралари жазога ҳукм қилган шахсларга нисбатан уларнинг ўзлари томонидан афв сўраб берилган илтимосномага биноан қабул қилинади. А.э. акти маҳкумларни асосий ёки кўшимча жазодан бутунлай ёки қисман озод қилиш; жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо б-н алмаштириш; судланганликни олиб ташлаш кўринишларида амалга оширилади. А.э. масаласи кўриляётганида содир этилган жиноятнинг ижт-й хавфлилик даражаси, маҳкумнинг шахси, унинг хулқи, меҳнатга мун-ти, жазони ўташ жойларидаги ташаббускор ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, етказилган зарарни ўз ихтиёри б-н қоплагани каби ҳолатлар эътиборга олинади. Амалдаги қонунчиликка биноан, афв сўраб берилган илтимоснома рад этилган тақдирда, олти ойдан кейин яна шундай ариза б-н мурожаат қилиш мумкин. Маҳкум афв этилса, бу ҳақда Президент фармони чиқарилади ва ижро этиш учун юборилади.

АФОРИЗМ (юн. *aphorismos* – ҳикматли сўз) – қисқа, лекин чуқур маъноли, муаллифи аниқ гап; ҳикматли сўзлар. А.нинг асосий қондаси сифатида шаклан ихчам, образ ва фикрга бой, ҳис-туйғу, хулоса ва ҳолатни аниқ, мукамал акс эттириш, кучли эмоционал ва интеллектуал таъсир кучига эга бўлиш А.нинг асосий хус-ятидир. А. мавзу жиҳатдан чекланмаган, барча соҳаларга оид масалаларни акс эттириши мумкин. Энг муҳими, у фикрни халқ тилига яқин, унинг руҳига

мос қилиб ифода этади. Ш.у. ҳам халқнинг руҳи ва фикр-қарашларини ифода этадиган А.лар тез оммалашиб, умуммиллий шиорга айланиб кетади. Мас., Президент Ислоҳ Каримов томонидан айтилган “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак”, “Фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” каби А.лар бугунги кунда юртимизда умуммиллий шиорга айланиб, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгидан чуқур жой олган.

АФРОСИЁБ – Самарқанднинг қадимги шаҳар харобаси. Шаҳарнинг мазкур қадимги номи мил.авв. VIII-VII а.ларда Турон давлатини бошқарган ҳарбий саркарда ва машҳур давлат арбоби А. номидан келиб чиққан. Туркий манбаларда у А. Эр Тўнға, форсий манбаларда А. номи б-н тилга олинади. Кўпчилик мутахассислар А.ни ҳозирга қадар афсонавий тимсол сифатида эътироф этади. Аммо Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошгарий, Алишер Навоийнинг асарларида ва яна кўплаб бошқа манбаларда у реал тарихий шахс экани қайд қилинади. А. номи тарихий манбаларда қадимги Самарқандга нисбатан XVII а.дан бошлаб қўлланилади. А. ҳоз. Самарқанднинг шимолий чегарасига туташ кенг тепаликлардан иборат бўлиб, унинг майдони 219 га. Тепаликнинг шимоли Сиёб ариги б-н чегараланган. Жанубий томондан “эски шаҳар” деб аталган қисми Самарқандга қўшилиб кетган. Шаҳарнинг дастлабки тарихи ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар жуда кам учрайди. Асосий маълумотлар кўҳна шаҳарда ўтказилган археологик қазишмалар натижасида қўлга киритилмоқда. Археологик қазишмалар қалин мад-й қатламларнинг қандай бўлганига аниқлик киритиш б-н бирга, бойлар ва камбағалларнинг уйларини, хунармандларнинг устахоналарини, савдогарларнинг дўконларини, кўча ва майдонларни, шоҳона саройлар ва ибодатхона, масжид ва мадрасаларни, мудофаа иншоотларини, шаҳарнинг сув б-н таъминланиш тизими ва ҳ.к.ни аниқлашга ёрдам беради. 1930 йил-

ларга қадар А.да олиб борилган археологик қазишмалар қадимги Самарқанд тарихига оид жуда кам маълумот берган. II жаҳон урушидан кейин ЎзФА Тарих ва археология ин-ти олимлари, А.И.Тереножкин томонидан А.да жиддий дала тадқиқотлари ўтказилди. Натижада унинг энг пастки қатламидан мил.ав VI–V а.ларга тааллуқли буюмлар, уй-жой харобалари топилди. Я.Ф.Фуломов (1967–70) ва В.А.Шишкин (1958–66) раҳбарлигида олиб борилган кенг кўламли археологик қазишлар натижасида қадимги мад-й қатлам намуналари А.нинг бошқа жойларидан ҳам топилди. 1966 йил 13 июлда А.ни археологик жиҳатдан комплекс ўрганишни ташкил этиш мақсадида республика ҳукуматининг махсус қарори қабул қилинди. Унга кўра, А. “археологик қўриқхона” деб эълон қилиниб, уни ўрганиш ишига Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари ҳамда Маданият вазирлигининг Санъатшунослик ин-ти олимлари сафарбар этилди. Аниқ илмий режа асосида бошланган археологик тадқиқотлар туфайли нафақат шаҳарнинг кўп алик ёши, балки унинг ҳар хил даврлардаги тарихий топографияси, шаҳар таркиби, шаҳар ҳаётининг рив-ш босқичлари, босқинлар туфайли юз берган бўҳронлар даври аниқланди. Самарқанд ихшидларининг шоҳона саройи очилди. А.да топилган археологик материаллар Самарқанд мил.авв. VIII–V а.ларда Сугдиёнанинг марказий шаҳри сифатида вужудга келганлигини кўрсатади. Мил.авв. 329 йилда шаҳар Александр Македонский қўшинлари томонидан вайрон этилган, унинг излари ҳозиргача шаҳар мудофаа иншоотларида сақланиб қолган. Мил.авв. III–I а.ларда шаҳар ҳаётида яна юксалиш юз берган. Мил.авв. III а.да шаҳар қўшалок мудофаа девори б-н ўраб олинган. У даврларга оид қалин мад-й қатлам А.нинг шимолида, унинг арки жойлашган қисмида яхши сақланган. Археологик материалларнинг гувоҳлиги ҳамда ёзма манбаларда таъкидланишича, ўша даврда Самарқанд орқали Буюк ипак йўли ўтган, ички ва ташқи савдо, ҳунармандчилик ривож топган. Илк ўрта а.ларда Самар-

қанд Сугдиёнанинг бош шаҳри сифатида нуфузли мавқега эга бўлиб, шаҳарнинг ижт-й ва иқт-й ҳаётида туб ўзгаришлар юз берган. Бадавлат деҳқон хўжаликлари кучайиб, худди шу кезларда уларнинг қасрлари жойлашган А.нинг шимолий қисми мудофаа девори б-н ўраб олинган. Бу ҳолат Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятларда ҳам юз берган. Бу даврда Самарқанд ҳукмдорлари “ихшид” деб аталган. 712 йилда араб саркардаси Қутайба ибн Муслим қўшин тортиб келганда, Самарқанднинг мудофаа деворлари мустаҳкам бўлиб, атрофи сув тўла хандақ б-н ўраб олинган эди. Қутайба Самарқандга Фарғона, Шош ва турклардан ёрдамга келган лашкарларни енггач, кўмаксиз қолган Суғд ҳокими Гурак ноилож у б-н сулҳ тузади, шаҳарнинг ички қисмини (шаҳристон) арабларга бўшатиб беришга мажбур бўлади. Археологик топилмалар исломга зид бўлган ҳайкал ва деворий расмларнинг атайлаб қилич б-н чопилганини исботлайди. IX а.нинг иккинчи чорагидан Мовароуннаҳрда ҳокимият сомонийлар қўлига ўтди. Бухоро уларнинг марказига айланди. Шу даврда Самарқанд иқт-й ва мад-й жиҳатдан тез ривожланди. А.да сомонийлар даврида ўймакор ганч нақшлар б-н безатилган саройлар, бадавлат деҳқон хонадонлари, масжид ва мадрасалар, ҳаммом ва қувурлар, тош кўчалар топилмоқда. Шаҳар аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ҳаётининг дастлабки йилларидаёқ Дарғом томонидан канал қазиб, сув келтирилган. Ана шу канал излари ҳоз. шаҳар ҳиёбонининг жанубида, Алишер Навоий ҳайкали қад кўтариб турган масканда очиб ўрганилди. Бу канал Регистон майдони орқали Ҳазрати Хизр масжиди томон чўзилиб кетган. Тарихий манбаларга кўра, А.га жанубдан кираверишда шаҳарни ўраб турган хандақ устига пишиқ гиштлардан равоқли сувайриғич қурилиб, унинг тепасидан катта ариқ ўтказилган. Бу ариқни “Жуйи арзиз” (“Қўрғошин ариқ”) деб атаганлар. Ариқ шу ерда учга бўлинган ва шаҳар оралаб Сиёб ариғига қадар борган. X а.нинг охирида Мовароуннаҳрда ҳокимият қорахонийлар қўлига

ўтганда ҳам Самарқандда савдо, ҳунармандчилик, ободончилик ишлари давом этади. Шаҳарда ҳунармандчилик ривожланиб, зодагон деҳқон қасрлари энди шаҳар ташқарисида, уларнинг дала ҳовлиларида марказлашади. 1220 йилда Чингизхон қўшинлари “Жуи арзиз” тўғонини бузиб, шаҳарни сувсиз қолдирди. Шаҳар мудофаачилари тенгсиз жангда таслим бўлдилар. Босқинчилар шаҳарнинг девор ва дарвозаларини вайрон қилиб, сарой, масжид ва мадрасаларга, аҳоли хонадонларига ўт қўйдилар. Аҳолининг катта қисми жангда қирилди, ҳунармандлар Мўғилистонга ҳайдаб кетилди. Шаҳарнинг сўнгги мудофаачилари Жоме масжидида яшириниб, қаршиликни давом эттирдилар. Уларнинг оловда ёнган таналари жанг кийимида сақланиб қолган бўлиб, археологик қазилар чоғида топилган. Шундан кейин “Қўрғошин ариқ” қайта тикланмаган. А.да сувсиз қолган аҳоли Сиебдан чархпалакда сув чиқариб, кун кўрган, кейинчалик аҳоли А.ни бутунлай ташлаб кетган. Кимсасиз харобага айланган қадимги Самарқанд авваллари “Ҳисори кўҳна”, “Қалъаи Ҳисор” деб аталиб, XVII а.дан бошлаб аҳоли орасида “Қалъаи Афросиёб” ёки “Афросиёб” деб атала бошлаган. А.да қазилма ишлари айниқса Самарқандда Ўз ФА Археология ин-ти ташкил топгандан кейин кенг кўламда йўлга қўйилди. 1989 йилдан бошлаб А.ни археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ишига француз археологлари – Поль Бернар, Франц Гренэ ва б. жалб этилган. Француз археологик миссияси Ўзбекистон археологлари б-н бирга А.ни ўрганишда қатнашмоқда. Ўзб. ва француз олимларининг ҳамкорликда олиб борган тадқиқот натижалари қадимги Самарқанд тарихига оид қатор масалаларга аниқлик киритди, яъни мил.авв. VI–V а.ларга тааллуқли шаҳар мудофаа деворлари остидан гуваладан қурилган янада қадимги девор қолдиқлари очилиб, Самарқанднинг ёши мил.-авв. VIII а.нинг ўрталарига оид эканлигини исботлади; шаҳарнинг арк қисмидан мил.авв. VIII а.га оид мурабба шаклидаги Самарқанд ихшидларининг

маҳобатли саройи қолдиқлари очилди. А.да археологик тадқиқот ишлари давом этмоқда. А.да археологик қазилмалар натижасида маҳобатли рангтасвирнинг ноёб дастлабки намуналари археолог В.Вяткин томонидан топилган (1913). Кейинги қазилмалар даврида (1965–1968) ўзб. археологлари 30 га яқин сарой хоналарини очишга муваффақ бўлганлар, бу хоналарнинг кўплари деворий расмлар, нақшлар б-н безатилган. Шулардан катта (11x11) ва кичик (7x7) хоналардаги расмларда бир неча эркак ва аёл арк олдида ўтирган ҳолда тасвирланган. Катта хона деворларига ишланган расмлар деталларга бойлиги, суғд ёзувларининг сақланиб қолганлиги б-н аҳамиятга эга. Хона деворларига ишланган расмларда тўй маросими, Суғд ҳукмдорининг хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиши, бу элчиларнинг йўлдаги саргузаштлари, йиртқич ҳайвонлар б-н олишув, ов манзаралари, афсонавий махлуқлар тасвирланган. Сақланиб қолган расмлар таҳлили ўрта а. маҳобатли тасвирий санъатининг ғоявий-бадий йўналиши, мусаввирнинг иш усул ва воситалари ҳақида, тафсилотларга бой маиший саҳналар, этник кўринишлар ўша давр ҳақида фикр юритиш имконини беради. А. деворий расмлари ягона мазмунга бўйсундирилган: марказда Суғд ҳукмдори Вархумон туради, анъанага кўра, рассом уни бошқаларга нисбатан йирик кўринишда (бутун девор баландлигида, 5–6 м) тасвирлаб, ҳукмдорнинг буюклигини эътироф этади, унга абадийлик, қаҳрамонлик бахш этади. А. деворий расмлари Ў.О.да араблар истилосига қадар маҳобатли рангтасвир санъати юксак даражада ривожлангани, Самарқанд эса унинг маркази бўлганидан далолат беради.

АФСОНА — кишиларнинг борлиқ, табиат, жам-т ва ундаги мун-тлар тўғрисидаги хаёлий тасавурларини ифода этадиган т. А. барча халқларнинг ибтидоий даврдаги асосий дунёқараш шакли бўлиб, у ўша давр кишининг оламни, ўзини қуршаб олган ташқи дунёни маън-й жиҳатдан ўзлаштиришга бўлган лаёқати,

ўзига хос интилишидан дарак беради. А. табиат кучларига руҳий тус бериш, уларни жонлантириш, аниқ ҳиссий образларга киритиш, тирик мавжудотлар (инсон, ҳайвонлар) тимсоли, шакл-шамойили орқали тасаввур этиш б-н ҳам ифодаланади. А.да бир хил нарса-ҳодисаларнинг ҳус-ятлари бошқа хил нарса-ҳодисаларга бемалол ўтказилар экан, бу ҳаёл парвозига жуда кенг майдон яратиб берадики, унда ҳаёл сураётган одам, истаган нарчасини тасаввур этиши мумкин. А.нинг асосий шакллари: этимологик — табиат ва борлиқнинг алоҳида жисм-ҳодисаларининг пайдо бўлиши; космогоник — оламнинг пайдо бўлиши; этногоник — авлодлар ва уларга дахлдор табиий-биологик жараёнлар тўғрисидаги антропологик одамзоднинг пайдо бўлиши ва эсхатологик — унинг келажаги тўғрисидаги қарашлардан иборат.

А.нинг муҳим қонуниятларидан бири шундаки, унинг тимсол ва қаҳрамонлари эпосларда ифодаланади ва эпик умумлашмага хос янги ҳус-ятлар касб этади (мас., Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея”си, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, халқ оғзаки ижоди маҳсули “Гурӯғли”, “Алпомиш” дostonлари ва б.). А.вий образларсиз жаҳон адабиёти тарихи ва санъатини тасаввур қилиш қийин (Дантенинг “Илоҳий комедия”си, Гётенинг “Фауст”и, Уйғониш даврининг тасвирий санъати ва ҳ.к.). Дунёқараш сифатида А. илҳом ва ифода шакли сифатида бадиий ижод ва санъатда ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

АФСУС — ўзб. тилида пушаймонлик, қайғу ва изтироб чекиш маъносидан ишлатиладиган атама. Кундалик ҳаётда бир неча маъноларда қўлланади: 1) бирон-бир ҳодисанинг кутилган самарани бермасдан, ўта салбий оқибатларга сабаб бўлишидан, уни ўзгартиришнинг иложи йўқлигидан ўкиниш; 2) муайян ҳодисанинг ўта салбий оқибат б-н тутаганини тан олиш; 3) бирор шахснинг бошига оғир мусибат ва қайғу тушганда унга ҳамдардлик билдириш; 4) шахснинг мақсадлари, эзгу орзу-умидлари, хоҳиш-истаклари рўёбга чиқмаганидан қаттиқ изтироб че-

киш. Баъзида “А.-надомат” тарзида ҳам ишлатиладиган ушбу т. оғир дарду изтироб, ғам-қайғу ҳолатини, баъзан эса тушқунлик кайфиятини ифода этади.

АФФЕКТ (лот. *affectus* — руҳий тўлқинланиш, кучли эҳтирос) — нисбатан тез ва қисқа муддатли, кучли эҳтиросли ва эмоционал ҳолат; шахс учун муҳим ҳаётий вазиятларнинг тез ўзгариши б-н боғлиқ ички туғён ва кескин характерли ўзгариш тарзида намоён бўлади; муайян кишининг ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмай қолишини ифодалайдиган т. Ўта кучли А. ҳолатида шахс феъл-атвори, ўзини тутиши, муомала мун-ти, объектив воқеликни акс эттиришнинг характер ва мазмуни ўзгаради. А. тушқун ва танг вазиятларда юзага келади. А. ҳолатида кишининг онг доираси тораёди, хулқни назорат қилиш қобилияти йўқолади. Тиббиёт амалиётида физиологик ва патологик А. ҳолати кузатилади. Физиологик А.да киши ўз хатти-ҳаракатини идора эта олиши, кейинчалик барча воқеаларни хотирасида сақлаб қолиши мумкин. “Патологик А.” атамасини илк бор немис психиатри Р. Крафт-Ебинг (1840—1903) қўлаган. Патологик А. онг бузилишининг А.ив ҳолатларини ўзида мужассамлаштиради. Патологик А. кўпроқ руҳий касаллик жараёнида, баъзан эса руҳий соғлом одамларда ҳам кузатилади. Патологик А.да барча хатти-ҳаракатлар киши хотирасида сақланмайди, шахснинг хатти-ҳаракатлари онгли равишда назорат қилинмайди. Нохос пайдо бўладиган кучли руҳий ҳаяжонланиш — физиологик А. (карахтлик) бўлиб, бундай ҳолатда субъектнинг онги хушёрликни тўлиқ йўқотмайди. Онгнинг вақтинчалик неопатологик бузилиши, ўта кучли ҳистуйғу таъсири остида «торайиши» ўта фаол интенсив ҳаракатлар ва эндокрин тизимидаги функционал ўзгаришлар туфайли юз беради. А. субъектнинг қийин ҳолатларда кескин ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топа олмаслиги натижасида вужудга келади. Али ҳолат индивиднинг бутун руҳий фаолиятида ҳукмрон бўлади, онгу тафаккуридаги барча

ижобий жараёнларнинг йўлини тўсади, ақлнинг таъсирини камайтиради, хулқнинг «бузилиши» (тажовузкорлик, тутқаноқ тутиши, ўзини йўқотиб қўйиш)га олиб келади. Жиноий ҳуқуқ амалиётида агар жиноят айбланувчининг эмоционал ҳаракатлари натижасида юз берган бўлса, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади ва жазо белгилаш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Яъни, жиноят А. ҳолатида содир этилгани инobatга олиниб, қонунда белгиланган тартибда жазо тайин қилинади.

АХБОРОТ (араб. ахбор — хабарлар, маълумотлар) — муайян воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш, тушуниш ва идрок этишда қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тар-ёти туфайли кейинги вақтда янги, кенг маъно касб этаётган т. ОАВ орқали эълон қилинадиган кўрсатув ва эшиттиришларнинг номи, журналистика соҳасидаги махсус жанр ҳам шундай аталади. Бирон воқеа ҳақидаги батафсил маълумот, давлатлар ўртасидаги музокаралар натижасида тузилган битим ёки шартномалар тўғрисидаги расмий хабар ҳам А. дейилади. Халқаро ҳуқуқда икки ва ундан ортиқ давлат ўртасида олиб бориладиган дипломатик музокаралар натижасида тузилган битимлар, шартномалар ёки қабул қилинган бошқа қарорлар ҳақидаги хабар икки ёки ундан ортиқ давлатлар томонидан эълон қилинади. Икки давлат ўртасида олиб бориладиган музокаралар ҳақидаги А. одатда қўшма А. деб аталади. Кундалик ҳаётда бирор нарса (жараён, иш, ҳодиса) тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун керак бўладиган маълумот ёки янгиликлар ҳам А.дир. Ўтган а.нинг охири ва ҳоз. а. бошида А. воситаларининг жадал рив-ши ХХI а.нинг “Ахборот а.и” деб аталишига сабаб бўлди. Бугунги кунда замонавий А. технологиялари. А.лашган жам-тнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда А. асосида таълим-тарбия жараёни олиб берилмоқда, ижт-й ҳаёт самарали бошқа-

рилмоқда. Ҳоз. кунда ҳаётнинг бирор-бир соҳасини А.сиз тасаввур этиб бўлмайди. А.лар банки (АБ), А. технологиялари кишилик фаолиятининг ажралмас қисмига айланмоқда. А.ларни аниқ мақсадда йиғиш, сақлаш, тизимларга ажратиш ва улардан оммавий тарзда фойдаланишда техник, дастурий, алгоритмик ишлар ва уларнинг ташкилий воситалари беқиёс аҳамиятга эга. А.лаштирилган жам-тнинг ҳар бир бўғинида АБга мурожаат қилинади ва шу асосда замонавий таълим технологиялари яратилади ва таълим-тарбия жараёнларини оптимал бошқариш имконияти вуҷудга келади. А.ли модуль — таълим мақсадини белгилашга қаратилган, режалаштирилган натижалар б-н чегараланган, фанларро ва фан ичидаги боғлиқликни ҳисобга олиб тузилган ҳамда якуний назорат тизимини қамраб оладиган ўқув фани мазмунининг мунтазам ва тугалланган қисмидир. А. ресурслари маълумотлар базалари ва банклари, турли хил архивлар, кутубхоналар, музейлар фонди ва б.ни ўз ичига олади. Ресурс — бирор нарса ёки ҳодисанинг захирасини белгилайди, айни вақтда у А. тизимидаги алоҳида ҳужжатлар ва уларнинг бутун бир мажмуидир. А. ресурс маркази (АРМ) — ихтисослашган муассасада тўпланган ҳамда марказлаштирилган босма ва аудио-визуал материаллар мажмуасидир. АРМ компьютер ва алоқа воситалари ёрдамида қўшимча алоқа манбалари ва матери-алларига кириш имконини беради. АРМ-нинг асосий дастури таълим берувчи ва олувчилар томонидан ўқув дастурига мувофиқ тўпланган аудиовизуал материалларни ўз ичига олади. АРМ дастуридаги индивидуал ва технологик манбалар таълим берувчилар, медиатека мутахассислари ҳамда таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро мунтазам алоқани таъминлайди. АРМ таълим муассасасидаги янгиликларни ёйишда ўқув муассасаси б-н жам-т ўртасидаги асосий алоқа тармоғи бўлиб ҳисобланади ва шу орқали у таълим олувчиларни зарур А.лар б-н таъминлайди. Таълим муассасасининг АРМи учун китоблар, даврий нашрлар, микрофильмлар, слайдлар, грампластинкалар, компь-

ютерли тизимлар, аудио ва видео ёзувлар асосий манбадир. А. тармоги (АТ) — алоқа тизимларида компьютерлар ёрдамида А.лашишга хизмат қилувчи қурилмаларнинг бир-бири б-н боғланган ҳолати. А. технологиялари (АТ) — А.ларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, ифода-лаш, тизимлаш, узатиш, истеъмолчи учун фойдаланишга қулай ҳолга келтириш жараёни компьютер ва телекоммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилдиган, тартибга солинган ва ташкиллаштирилган тизим ва амалий дастурлар мажмуасидир. АТ ва улардан оқилона фойдаланиш туфайли инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти, кундалик мулоқот соҳаси, онгу тафаккури кенгайиб боради. Замонавий ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари асосида А.ларни тўплаш, сақлаш ва керакли манбаларга узатишнинг замонавий компьютерлаштирилган усуллари бугун тобора ривожланиб бормоқда. А. технологияси фани (АТФ) — А.ларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва режалаштирилган мақсадни амалга ошириш учун техник воситалардан фойдаланишни ўргатадиган фан. АТФ таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини А.лаштиришнинг оптимал вариантларини топишда асосий интеллектуал манба бўлиб ҳисобланади.

А.ни факсимил узатиш (АФУ) одамлар ўртасидаги А. алмашинуви бўлиб, унинг ёрдамида матн, газета, оддий кўл-ёзма, графика, фотография каби ҳужжатларни бир объектдан иккинчи объектга асл нусхасидек аниқ етказиб бериш жараёнидир.

А. олиш кафолатлари ва эркинлиги ҳар бир шахснинг ўзи истаган А.ни излаш, олиш ва тарқатишга ҳаққи эканини билдиради. Мустақиллик йилларида юртимизда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. ЎзР Конституциясининг 30-моддасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжат, қарор ва б.хил А.лар б-н танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилган. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «А. олиш кафолатлари ва эр-

кинлиги тўғрисида»ги қонунга кўра, мам-тимиздаги ҳар бир фуқаро ўз манфаатларига дахлдор А.ларни олиш имкониятига эга. Ҳоз. глобаллашув жараёнида А. гоъвий таъсир ўтказиш воситасига айланиб бормоқда. Айрим мафкура полигонлари ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишда А. хуружларидан фойдаланмоқда.

АХБОРОТ НАЗАРИЯСИ — ахборотларни сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва ўзгартириш усулларини ўрганувчи наз-я. У алоқа наз-ясининг муҳандислик муаммолари доирасида юзага келган, сўнг кибернет тизимлар ва бошқариш соҳасига ёйилган. А. н.нинг асосий т.си ахборот ҳисобланади. Фарб олими Росс Эшли ахборотни бундай таърифлайди: “Мавҳумликни бартараф этади ва мавҳумлик миқдори б-н белгиланади”. А.н.да ахборотнинг қанчалик фойдали экани ва мақсадга йўналтирилганига ургу берадиган прагматик жиҳат кучли. Фойдалилик меъёри мавҳумлик меъёрига боғлиқ. Агар хабар олиш жараёнида истеъмолчи онгидаги муайян масала бўйича мавҳумлик ўзгарса, ахборотнинг фойдалилиги хабар олингунгача бўлган ва ундан кейинги мавҳумлик ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ — ҳар бир шахснинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга ҳаққи эканини ифода этади. Мустақиллик даврида юртимизда бу борада катта ишлар амалга оширилди. Аввало, А. о. к. нинг қонуний асослари ишлаб чиқилди ва улар амалиётга жорий этилди.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ — ижт-й-иқт-й рив-ш, энг аввало, ахборотни ишлаб чиқариш, унга “ишлов бериш”, сақлаш ва жам-т аъзоларига етказишга боғлиқ эканини англатадиган т. Жам-тни ахборотлаштириш жараёни ҳоз. кунда глобал хус-ятга эга бўлиб, илмий-техникавий ва ижт-й-иқт-й рив-шнинг ўзагини ташкил этмоқда. А.ж. концепцияси бугунги илм-фанда муҳим аҳамият касб этмоқда. У индустриал (О.Конт, Ж.Милл

ва б.) ва постиндустриал (Р.Арон, У.Ростоу ва б.) жам-т концепцияси ўрнини эгалламоқда. Жам-тни ахборотлаштириш ўз босқичларига эга. Биринчи босқич — жам-тни электронлаштириш. Бу босқич ярим ўтказгичларни амалга жорий этиш б-н боғлиқ соф техник жараёнларни ўз ичига олади. Навбатдаги — жам-тни компьютерлаштириш босқичида энг янги коммуникациялар ёрдамида ахборотлаштиришнинг техник негизи шаклланади. Жам-тни ахборотлаштириш босқичи, ўз моҳиятига кўра, инсон ва жам-т манфатлари йўлида ахборот ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш б-н боғлиқ ижт-й-техник ва ижт-й-мад-й жараёндир. Жам-тни ахборотлаштириш жараёни. бундан ташқари, бир-бири б-н боғлиқ бўлган уч қисмдан таркиб топади: медиатизация (лот. *mediatus* — воситачи) — ахборот тўплаш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни; компьютерлаштириш — ахборот қидириш ва унга ишлов бериш воситаларини такомиллаштириш жараёни; интеллектуализация — ахборот яратиш ва уни идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, яъни жам-тнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, жумладан, сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёни. Жам-тни ахборотлаштиришни умумий тарзда замонавий ахборот-техника воситалари ёрдамида ижт-й тузилмалар ва жараёнларни такомиллаштиришдан иборат, деб талқин қилиш мумкин. Ахборотлаштириш ижт-й интеллектуализация жараёнлари б-н узвий боғлиқ бўлади. Бу эса шахс ва у яшаётган ахборот муҳитининг ижодий салоҳиятини ошириш имконини беради. А. ж. олдинги жам-тлардан моддий омиллар эмас, балки маън-й омиллар — билим ва ахборот биринчи ўринда туриши б-н тубдан фарқ қилади. Ахборот ва билим олиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш жараёнида жам-т аъзоларининг аксарияти банд бўлади. А. ж.да ахборот ишлаб чиқариш моддий ишлаб чиқаришни сиқиб чиқармайди, балки унинг негизида шаклланиб, бу соҳа ривожига туртки беради.

АХБОРОТЛАШТИРИШ — жам-тнинг маън-й ҳаётида рўй бераётган ижт-й-техник ҳодиса бўлиб, замонавий информация-технологик воситалар ёрдамида ижт-й тузилма ва жараёнларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва кескин кучайтиришни англатади. А.ни янги жам-т (ахборот жам-ти)ни барпо этиш йўлидаги интеллектуал-гуманистик жараён сифатида тушунган ҳолда, демократиянинг рив-шига ва умуман сиёсий ҳаётга информатиканинг таъсири тўғрисида сўз юритиш мумкин. А. жараёни зиддиятли хус-ятга эга бўлгани учун уни баҳолашда ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Аксарият ҳолларда унинг ижобий ижт-й оқибатлари тўғрисида сўз юритилади. Жам-тни сиёсий ва ҳатто жисмоний соғломлаштириш йўлини кўпчилик А.да кўради. Аммо бундай қарашларга “компьютер пессимизми” т.си қарши туради. У А.ни одамларга техник турмуш ва фикрлаш тарзини синдириш, инсонпарварлик тамойилларига қарши боришда айблайди. Шундай қилиб, бугунги дунёда А. жараёнлари сиёсий мунозаралар объектига ҳам айланмоқда. А. ижт-й-техник жараён сифатида жам-тнинг сиёсий ҳаёти, энг аввало, уни демократлаштириш б-н чамбарчас боғлиқ. А.нинг кўлами, суръати ва йўналиши жам-тда содир бўлаётган ижт-й-сиёсий ва мад-й жараёнларга, жумладан, фан, таълим, умумий мад-тнинг глобаллашув даражасига ҳам узвий боғлиқ.

АХЛОҚ (араб. хулқнинг кўплиги; лот. *moralis* — хулқ-атвор) — маън-й ҳаёт ҳодисаси, ижт-й онг шаклларида бири, маъ-ят соҳасига оид т. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриштуриши, ижт-й ва шахсий ҳаётдаги ўзаро мун-т, ш-дек, жам-тга бўлган мун-тларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси. “Ахлоқ, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар.

Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, халқ учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди”. А. талаблари кишиларнинг феъл-атвори ва фаолиятида ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-ҳаракат ва хулқ-атворлар А.ий, баъзилари А.сизлик деб баҳоланади. А. — ижт-й онгнинг энг қадимий шаклларида бири. Давр ўзгара боргани сари ҳар қандай ҳодиса каби А. ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маън-й мад-тнинг кўринишларидан бирига айланиб боради. А.ни алоҳида фал-й фан — «Этика» ва «Ахлоқшунослик» ўрганади. Унинг А. б-н алоқадор «бурч», «виждон», «ор-номус» каби қатор категориялари мавжуд. А. ҳодиса сифатида ижт-й фаолиятни тартибга солишнинг бошқа шаклларида ўз талабларининг асосланиши ва амалга оширилиши б-н фарқ қилади. А. меъёрлари ҳамма учун баробардир, лекин улар ҳеч кимнинг буйруғи б-н жорий этилмаган бурч, мажбурият тарзида намоён бўлади. Ижт-й ҳаётнинг турли соҳаларида А.нинг ўзига хос меъёр ва қоидалари (меҳнат А.и, хизмат кўрсатиш А.и, касбий, тadbиркорлик, дипломатия этикаси, маиший турмуш, оила А.и) мавжуд ва улар А.нинг нисбатан мустақил соҳаларини ташкил этади. А. ижт-й онг шаклларида бири ҳисобланиб, ҳар бир кишининг жам-т ва оиладаги юриш-туриши, тартиб-қоидаларининг йиғиндиси сифатида гавдаланади. Демак, жам-тга, оилага, меҳнатга бўлган мун-тда А. белгилари намоён бўлади. Инсон хатти-ҳаракати ва хулқидаги йўналишлар, энг муҳим белгилар мужассамлашиб, шахс фаолиятида, унинг камол топишида А.нинг асоси бўлиб хизмат қилади. Халқимиз ахлоқий тафаккур бобида бой меросга эга. А.қа оид фикрлар “Авесто”да, қад. туркий тош битиклар ва б. ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, халқимиз орасида кенг тарқалган панднома ва одобномаларда, халқ педагогикасида, диний-фал-й ри-

солалар ҳамда алломалар меросида А. масалаларига кенг ўрин берилган.

Жумладан, буюк муҳаддис имом Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик — мана шу тўрт хислатни Аллоҳ таоло сенга берган бўлсин”, деб ёзади. Аллома Воиз Кошифий эса “Инсоннинг қадр-қиммати, унинг мол-мулки ёки ижт-й келиб чиқиши б-н эмас, балки маън-й қиёфаси, А.ий сифатлари б-н ўлчанади”, деб таъкидлайди. Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний А.ни бундай таърифлайди: “Инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни А. дейилур. А. илмини ўқиб, билтуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини билмас, ўз айбини билтуб, иқрор қилтуб, тузатмакга саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур”. Абу Наср Форобий “А.” т.сини кенг маънода талқин қилиб, дини, эътиқоди, ирқи, тилидан қатъи назар, барча инсонларни ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чақиради. Дунёда ягона ва бир бутун инсон жамоасини шакллантиришни, унинг ва барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишини орзу қилади. Бу гоё кейинчалик жаҳондаги кўплаб мутафаккирлар, жумладан, немис файласуфи И.Кант томонидан ҳам илгари сурилган. Бу гоёлар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Форобийнинг фикрича, юксак А.ий фазилатларга риоя қилган ҳолда ривожланаётган ҳар қандай давлат ўз фуқароларини, шак-шубҳасиз, бахту саодат йўлига олиб чиқувчи кучдир. Инсон билимли ва намунали А. эгаси бўлгандагина ижобий хислатлари б-н барчага ўрناق бўла олади.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ – муайян шахсга хос маън-й бузилишга нисбатан қўлланадиган жиноий жазо тури. А. т. и. жазо тайинланган шахсда қонунга итоаткорликни, инсон. жам-т ва меҳнатга, турмуш қоидалари ҳамда анъаналарга ҳурмат ҳиссини шакллантиришдан иборат жараёндр. А. т. и. иш ҳақининг 10 фоиздан 30 фоизгача миқдорини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда, шахсни меҳнатга мажбуран жалб қилишни назарда тутати. А. т. и. фақат асосий жазо сифатида 6 ойдан 3 йилгача, жиноят содир этиш пайтида 18 ёшга тўлмаганларга нисбатан эса – бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади. Қонунда А.т.и.нинг икки тури кўзда тутилган: жазони маҳкумнинг ўз иш жойида ўташ ва жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгиланган бошқа жойда ўташдан иборат. Жазо муддати узлуксиз бўлгани учун бу муддат давомида маҳкумга меҳнат таътили берилмайди, ишланган муддат умумий ва узлуксиз иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ МУАССАСАЛАРИ – маъ-яти бузилган, ахлоқ талабларига риоя қилмаган кишиларга, жиноят йўлига кирган, амалдаги қонунларга итоат этмаган кимсаларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо турларини амалга оширадиган муассасалар. Улар жиноий-ижроия муассасалари таркибига киради, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ тарзидаги жазо чораларини амалга оширишни таъминлайди. А. т. м.нинг қуйидаги тизими мавжуд: ахлоқ тузатиш колонияларининг тўрт тури – тарбия колонияси, қамоқхона ва даволаш-ахлоқ тузатиш муассасаси. Ҳукм қилинганларни сақлаш тартиби қуйидагича: маҳкумларни – ҳукм қилинганларга алоҳида жой ва ўрин-кўрпа бериб, умумётоқхоналарга жойлаштириш; саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигида жамоани меҳнатга жалб этиб, ахлоқ тузатиш; маҳбусларнинг ҳаваскор ташкилотларида фаолият кўрсатиши; жамоавий-тарбиявий тадбирларни амалга ошириш; умумтаълим жараёни, касбга ўргатиш ва б. озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларни ту-

затишга қаратилган. Ахлоқ тузатиш колониясида жазони ўташ табақалаштирилган. Уларда балогатга етган шахслар жинсига қараб (умумий, қаттиқ тартибли ва алоҳида тартибли колонияларда) алоҳида сақланади. Бундан ташқари, битта ахлоқ тузатиш колониясининг ўзида турли тоифадаги жиноятчилар, турли шароитларда – оддий, енгиллаштирилган ва кучли тартибда сақланади. Балогатга етмаган жиноятчиларнинг ҳар икки жинсга мансублари тарбия колонияларида умумий ва кучайтирилган тартибда жазони ўтайди, улар одатдаги, енгиллаштирилган, имтиёзли ва кучли назорат шароитларида сақланади. Умуман, тартибнинг кучлилиги тарбия колонияларида ахлоқ тузатиш колонияларидан фарқ қилади. Қамоқхонада озодликдан маҳрум этилганлик жазосини ўтайдиганлар сони унча кўп бўлмайди. Булар: 1) ахлоқ тузатиш колониясидаги тартибни қасддан бузганлар, жазо тариқасида қамоқ тартибига ўтказилганлар; 2) жуда огир жиноят содир этгани учун беш йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганлар; 3) такрор огир жиноятлар содир этган ва бунинг учун ҳукм қилинган шахслар – алоҳида хавфли жиноятчилар.

Қамоқхона энг хавфли жиноятчиларни сақлаш учун мўлжаллангани туфайли у ерда маҳкумлар алоҳида-алоҳида хоналарга жойлаштирилган ҳолда кучли тартиб остида сақланади. Қамоқхонада ҳам сақлашнинг икки тури мавжуд: умумий ва қаттиқ назоратли. Барча А. т. м.ларида озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг қуйидаги воситаларидан фойдаланилади: тарбиявий (ахлоқий, ҳуқуқий, меҳнат, жисмоний ва б.) ишлар, тартиб (интизом, бажариш ва жазони ўташ шартлари), ижт-й фойдали меҳнат, умумий таълим ва касбий тайёргарлик (биринчи, иккинчи гуруҳ ноғиронлари, нафақа ёшидаги шахслар учун, уларнинг хоҳишига кўра) олиш, жамоатчилик таъсири (жамоатчилик бирлашмаларининг ахлоқ тузатиш жараёнига кўмаклашиши, оталиғи ва ҳ.к.).

АХЛОҚИЙ АҚИДАЛАР – маън-ий ҳаёт талаблари, инсоннинг юриш-туриши, хулқ-атвори, муомаласини тартибга солиб турадиган, бошқариб борадиган ахлоқий т.лар тизими. Ахлоқ ўзининг меъёр ва қоидалари ёрдамида инсон одобини бошқариб боради. Мас., яхшилик ва ёмонлик, бахт, адолат, бурч, виждон, ор-номус, меҳр-оқибат, шаън, уят, меҳнатсеварлик, жамоа руҳи б-н яшаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, тичликсеварлик, комиллик каби т.лар А.а.нинг таркибий элементидир.

АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ахлоқ меъёрларига асосланган хулқнинг юксак даражаси, мукамал ҳолати ҳақидаги тасаввур. У маън-ий ҳодиса бўлиб, ахлоқий меъёрларнинг инсон орзу қилган ва юксак даражада шакллангани б-н боғлиқ тасаввурлар мажмуидир. А. и. инсоннинг реал ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисаларга мунтида акс этган ҳолда, унинг ҳаётда ўз ўрнини топишига, ҳаётини позициясини мустақамлашга асос бўлиб хизмат қилади. У инсонни маън-ий жиҳатдан юксалишга чорлайди, ўтмиш ҳаётини танқидий таҳлил этишга, ҳоз. кунда амалга ошираётган хатти-ҳаракатларини ибрат бўлишга муносиб инсонларники б-н солиштириш, келажакда эса ўз ҳаётини янада мазмунли ташкил этишга хизмат қилади. А. и. инсоннинг амалдаги хулқига нисбатан анча мукамал турмуш тарзидир. Инсон ўз А. и.ини фаол тарғиб қилади. А. и. ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Бундай ахлоқий қадриятлар эса оила муҳити ёки таълим муассасасида, меҳнат, ўқиш, ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. А. и. шахснинг эътиқоди б-н уйғунлашиб кетади ва реал воқеликдаги ҳодисаларни баҳолаш мезони сифатида намоён бўлади. А. и.нинг ўта мавҳумлашиб кетиши инсон учун кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки, идеалнинг реалликдан йироқлашуви ҳамиша зиддиятларга сабаб бўлиб келган. Шахснинг А. и.идаги айрим жиҳатларининг ўта кучайиши атрофдаги одамларга бўлган талабнинг ҳаддан зиёд ошиши, айрим қадриятларга нисбатан мутаассиблик даража-

сидаги мун-ти билан ҳам намоён бўлиши мумкин. Натижада инсон ён-атрофидаги одамлар б-н мурося қилиб яшолмай қолади. ҳаётида низоли вазиятлар кўпроқ юзга кела бошлайди. Шу жиҳатдан А. и. атрофдагиларга бўлган талаб сифатида эмас, балки биринчи навбатда, инсоннинг ўз имкониятлари даражасида ўз олдига қўйган мақсадига айлангани маъқул. Агар инсон ўз А. и.идаги асосий тамойил ва қадриятларга амал қилишда атрофдаги одамларнинг орзу-интилишларини ҳисобга олган ҳолда иш тутса, А. и. унинг учун камолот манбаига айланади.

АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ – жам-тдаги ахлоқнинг юксаклик даражасини, фуқароларнинг ахлоқий савиясини акс эттирувчи т. У шахснинг жам-тдаги асосий ахлоқ меъёрларини эгаллаши ва ўзгалар б-н шу асосда мун-тда бўлиши, ўзини ахлоқий томондан мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. А. м.нинг энг муҳим омилларидан бири – муомала одоби. Инсонлар бир-бири б-н ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, ўзаро таъсир кўрсатмасдан яшаши мумкин эмас. Бинобарин, мулоқот, муомала инсон учун асосий эҳтиёж, зарурат. Муомала одоби ўзгалар кадр-қимматини, ҳурматини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Маъноли ва равон сўзлаш, суҳбатдошни тинглай билиш, нутқ мад-ти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Муомала одобида мулоқотнинг асосий воситаси бўлмиш тил катта аҳамиятга эга. Халқимизда “Сиз” ҳам, “сен” ҳам бир огиздан чиқади” деган доно нақл бор. Шу боис мулоқот пайтида суҳбатдошга ҳурмат ифодаси сифатида ҳар бир сўзни суҳбатдошининг кўнглига, қизиқиши ва кайфиятига қараб, ёшини, касбу кори, ижт-ий ҳамда оилавий аҳволини эътиборга олиб, ҳурматини жойига қўйиб гапирриш, мулоқот жараёнида ўринсиз ҳаракатларга йўл қўймаслик лозим. Муомала одобида кишининг кўз қараши, нигоҳи, сўзсиз (новербал) ҳаракатлари ҳам му-

ҳим роль ўйнайди. Маълумки, одамнинг қарашада, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Шу маънода, муомала одобида кишиларнинг насихат қилмасдан, одоб ўргатмасдан бир-бирига таъсир кўрсатиши ҳам диққатга сазовордир. Ахлоқий етуқлик муомала одобини эгаллашдан бошланади. А. ўзига хос мун-тлар ифодаси — этикетдир. А.м. муайян ҳолат учун фақат бир хилдаги қоидалаштирилган хатти-ҳаракатларни тақозо этади. А.м.нинг қамрови шу қадар кенгки, у оддий инсоний мун-тлардан халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларигача ўз ичига олади. Мас., сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик А.м.и, мезбон этикети ва ҳ.к.. А.м.нинг замонавий кўринишлари б-н бирга, миллий-анъанавий шакллари ҳам бор. уларсиз ҳар қайси халқ ҳаётини тасаввур қилиш қийин. Мас., саломлашиш одобини олиб кўрайлик. А.м. қоидасига кўра, кўчадан ўтиб кетаётган одам гузарда ёки дарвозасининг олдида турган кишиларга салом бериши, бу аснода ўнг қўл чап кўкракда, юракнинг устида туриши, бош эса таъзимга енгил эгилиши лозим. Кўришиш мад-тида эса қўлнинг учини бериб саломлашиш кўришаётган одамга нисбатан одобсизлик ва менсимасликни билдиради. А.м.нинг яна бир жиҳати бор: унда одоб б-н гўзалликнинг уйғунлигини кўришимиз мумкин. Яъни, А.м. орқали одобнинг қатъий қонун-қоидалари чиройли хатти-ҳаракатлар воситасида амалга оширилади. Касбий одоб А.м.нинг юксак шаклларида бўлиб, унинг жам-т ҳаётидаги ўрни беқийсдир. Муаллимлик одоби, санъаткор одоби, журналист одоби, раҳбар одоби сингари касбий одоб турларини бунга мисол бўла олади. Касбий одоб амалий ахлоқ тарзида намоён бўладиган маън-й ҳодисадир.

(Бу ҳақда яна қаранг — адаб).

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ — жам-т маън-й ҳаётидаги муҳим ижт-й ҳодиса бўлиб, одоб-ахлоқ тизимини, ахлоқий фазилатларни замон талаблари асосида ҳар қайси

авлод онгига сингдириш шакли. А. т. адабиёт, психология, этика ва эстетика фанлари ўрганадиган илмий категориядир. А. т. деганда, ўсиб келаётган авлодда хулқ-одоб меъёрларига мос келадиган, замон талабларига жавоб берадиган инсоний сифатларни шакллантиришга қаратилган илмий ва амалий ҳаракатлар тизими тушунилади. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси б-н чамбарчас боғлиқ. Ахлоқ тўғрисидаги фанларнинг асосий вазифаси ахлоқий баркамол инсон ва жам-тни тарбиялашнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб беришдан иборат. А. т. шу йўлдаги узлуксиз амалий жараёндир. Инсон А. т. орқали ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий тажрибалар, кўникма ва фазилатларни шакллантиради, ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар асосида яшашга ўрганади. А. т. инсоният тарихи мобайнида иккита муҳим масалага жавоб излайди: бири — қандай яшамоқ керак, иккинчиси — нима қилиш керагу нима қилмаслик лозим. А. т. — инсонни комилликка элтувчи йўл. Унинг воситалари кўп, бири анъанавий тарбия бўлса, иккинчиси замонавий тарбиядир. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан самарали фойдаланилади. Мактабгача А. т. да эртақ ва ривоятлар, панд-насихатлар руҳидаги, анъанавий тарбия ўйин ва ўйинчоқлар воситасидаги замонавий тарбия б-н ўзаро уйғун ҳолда қўлланади. А. т.нинг энг кучли воситаси — санъат. У аҳолининг барча табақасини — турли ёш ва касбу кордаги инсонларни қамраб олади. А. т.нинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли намунавийлик тамойилидир. А. т.нинг ақлий-маън-й ва жисмоний тарбия б-н қўшиб олиб борилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Шахснинг А.т.си унинг муомала одоби, этикет қоидаларига риоя этиши, касбий одоби ҳамда ўзгаларга нисбатан мун-тнинг барча турларида кўриниши мумкин. Ахлоқий мун-тлар — кишилар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларнинг эзгу, инсоний мун-тларини ифода этади. А. т. тузилмаси — уч омил-асосдан иборат: ахлоқий англаш (ахлоқий онг), ахлоқий ҳис этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий мун-тлар (ахлоқий хатти-ҳаракатлар). А. т.

жараёнида бу омиллар доимо бирга иштирок этиб, бир-бирини тақозо этиб келади. «А.т.» т.сига эзгулик, бурч, виждон, сахийлик, ҳурмат, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик каби категориялар киради. Англаб амалга оширилган ҳар қандай ахлоқий қарор замирида ахлоқий ҳиссиёт ётади.

АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР — инсонни яхшиликка чорлайдиган, ёмонликдан қайтарадиган ахлоқий қарашларнинг доимий одати, амалий фаолиятга айланганини билдирадиган т. У инсоний ахлоқ намуналарини ўзида мужассам этади ва маъ-ятнинг ўзагини ташкил этади. Маълумки, Шарқ халқларининг мад-ти, фал.си, дунёқарашида инсондаги А. ф.и қадимдан улуғлаб келинган. Шу маънода, Шарқ ижт-й фикри ва адабиётини А.ф.лар қомуси дейиш мумкин. Шарқ мутафаккирлари — Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Рудакий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ҳофиз Шерозий, Фузулий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар А.ф.ларни ўз илмий ва ижодий фаолиятларининг етакчи мавзуси деб билганлар. А.ф. орасида адолатлилик, бағрикенглик, босиқлик, вазминлик, вафодорлик, ватанпарварлик, виждонлилик, гузаллик, диёнатлилик, дилбарлик, донолик, жасурлик, жавонмардлик, зийраклик, зеболик, заковатлилик, зукколик, иболилик, илмсеварлик, интизомлилик, ишчанлик, илтифотлилик, ифбатлилик, камтаринлик, камарбасталик, кечиримлилик, латофатлилик, лафзи ҳалоллик, матонатлилик, мурувватлилик, меҳр-оқибатлилик, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мўтадиллик, нафосатлилик, одиллик, орасталилик, олижаноблик, олийҳимматлик, очикқўллик, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилик, сабр-бардошлилик, саховатпешалик, садоқатлилик, самимийлик, тавозелик, теран фикрлилик, талабчанлик, тежамкорлик, улуғворлик, фозиллик, фидойилик, фаросатлилик, хушмуомалалик, хушфезъллик, қаноатлилик, чидам-

лилик, шижоатлилик, ширинсуханлик, ўктамлик, қаноатлилик, ғайратлилик, ғазабни жиловлаш, ҳаққонийлик, ҳалимлилик, ҳалоллик, ҳаёлилик, ҳожатбарорлик каби ҳислатлар инсонни улуғлайди, юксалтиради, жам-тдаги мун-тларни ҳам мукаммаллаштиради. Халқимиз ана шундай А. ф.лар асосида ўзининг бетакрор маън-й қиёфасига эга бўлиб келади. Мустақиллик йилларида бу фазилатлар янгича маъно-мазмун б-н бойиб, юксак маън-й тар-ётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

АХЛОҚИЙ ҚАРАШ — ахлоқий меъёрлар таснифи, маън-й-ахлоқий ёндашув ва шу асосда шаклланган тафаккур категорияси. Тор маънода, фал., социология ва мад-тшунослик фанлари соҳасида умуминсоний ахлоқий тамойилларни ифода этадиган т. Кенг маънода, инсониятга оид барча маън-й ҳодисаларга ахлоқий ёндашувни акс эттиради. А.қ.ларда умуминсоний қадриятлар, қадрлаш мезонлари, ижт-й аҳамиятга эга бўлган маън-й қарашлар, руҳий ҳодисалар акс этади. Оила, қўниқўшничилик одоби, корхона ва жамоа этикаси, фуқаролик бурч-вазифалари ҳамда уларни ўрганувчи мавзу ҳамда масалалар А.қ.га киради. А.қ. жам-т ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маър-й, мад-й ва диний қарашларга таъсир кўрсатувчи тизимдир. А.қ. — оила, жамоа ва жам-тдаги интизомнинг муҳим омилдир, унинг воситасида интизом туйғуси шаклланган киши ўз халқи ва Ватанига садоқат б-н хизмат қилади, ҳар бир ишни ўз вақтида сидқидилдан бажаради. Немис ва японларга хос тартиб ва интизомнинг негизиде ҳам А.қ.ларнинг мустақамлиги мужассам. Бугунги шиддатли глобаллашув жараёнлари бутун дунёни ўргимчак тўридек қамраб, ер шари яхлит ижт-й маконга айланиб бораётган экан, ҳеч бир инсон бу ўзгаришлардан четда қолмайди. Ўз моҳиятига кўра, ҳам ноёб, ҳам мураккаб бўлган бу ҳодиса оддий инсон учун ақл бовар қилмас қулайликлар, кўзни қамаштирар даражадаги имкониятларни юзага чиқариши б-н бирга, талай-

гина муаммолар, ташвиш ва хавотирлар ҳам туғдирмоқда. Уларнинг қаршисида одамзод ожиз қолмоқда. Энг ёмони, инсоннинг дунёқараши, ҳис-туйғулар олами, маъ-яти жиддий хавф остида қолмоқда, баъзан ахлоқ меъёрлари ҳам унутилмоқда. Шундай қалтис вазиятда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юрт, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга қаратиш, ёш авлодни маън-й соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларда А. қ.ни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат уйғоқ қалб, теран нигоҳ ва эзгу фикрли кишиларгина бундай шароитда ички мувозанатни йўқотмасдан, моддий ва маън-й мезонлар уйғунлиги асосида яшай олади. Бошқача айтганда, жам-гда соғлом муҳитни сақлаб қолиш, уни ҳар томонлама мутаносиб ривожлантириш учун ҳам маъ-ят, унинг амалдаги ифодаси бўлган ахлоқ меъёрлари сув б-н ҳаводек зарур. Бу ҳаёт ҳақиқатини тарихий ва ҳаётий далиллар, фал-й мушоҳадалар, инсоний кечинмалар орқали ёшларга англатиш талаб этилади. Азалдан халқимиз табиатида жамоавийлик, ҳам-жиҳатлик, юксак ахлоқ ва одоб меъёрлари ҳамда анъаналари асосида яшаш ҳисси устувор бўлиб келади. Бу халқимиз яшаган дарё бўйлари ва водийлардаги табиий шароитдан келиб чиқади. Халқимиз а.лар давомида қадимий цивилизация ва мад-т асосларини яратиш асносида нафақат чексиз моддий неъматлар, балки беқиёс маън-й мўъжизалар, шарқона ахлоқни ҳам бунёд этган. Шу маънода, қуйидаги фикрлар алоҳида теран мазмунга эга: **“Ўрта Осиё ҳудудид аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари — дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати ва иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади”** (И. Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч”. Т.: «Маънавият», 2008. 9-бет). Таъкидлаш зарурки, ҳар бир инсоннинг А.қ.и ўзига хос тизим бўлиб, улар ўзаро бирикиб, яхлит

ва ягона оламга айланса, бутун бир халқ, миллат ва жам-тнинг А.қ.и бунёд бўлади. Бу А.қ. юксалгани сари халқ ва миллатнинг куч-қудрати ҳам ортиб бораверади. енгилмас кучга айланади.

АҚИДА (араб. ишонч) — шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим бўлган қоида ва талаблар. А. қандай шаклда бўлмасин, муайян ишонч ва эътиқод асосида шаклланади. Кишилар ҳаёти ва турмушининг барқарор ҳодисаси сифатида уларнинг маън-ти, таълим-тарбияси ва хулқ-атвори га таъсир қилади. А.га хос энг муҳим жиҳатлардан бири унинг ижт-й хус-ятга ҳамда индивидуал зоҳирийликка эга эканидир. А. нафақат диний, балки дунёвий асосга, объектив заминга эга бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу унинг объектив ҳақиқат эканини англатмайди. Диний ақидаларнинг асослари муайян динларнинг асосий натижаларида, уларга хос қонун-қоидалар ва талабларда ифодаланган. Мас-н., ислом ақидаларининг асоси Қуръон ва ҳадислардаги меъёр ҳамда кўрсатмалар негизда ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Ислоннинг суннийлик мазҳабида эътироф этиладиган ақидалар еттита: булар Аллоҳнинг ягоналиги, фаришталар, муқаддас китоблар, пайгамбарлар, охират ва тақдирга, инсоннинг қиёмат куни қайта тирилишига ишонишдан иборат. Ислон VII а.да шаклланган бўлса-да, илоҳиёт илмидаги ақидавий таълимотларнинг шаклланишида IX а. охири, X а.нинг биринчи ярми алоҳида аҳамият касб этди. Чунки бу даврда калом илми тар-ётига улкан ҳисса қўшган мотуридия ва ашъария таълимотлари вужудга келган. Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий илмий-маън-й меросида бутун мусулмон оламига хос бўлган умумий қоидалар ўз аксини топган. Бу — аҳли сунна вал-жамоатнинг икки мактаби орасидаги ақидавий масалаларга оид фарқ бўлиб, уларнинг бири *лафзий* (ифодадаги), иккинчиси *маън-й* (мазмуний) тусга эга.

АҚИДАПАРАСТЛИК — кишиларнинг қалби ва онгига мафкуравий таз-

ийқлар асосида синдирилиб, эътиқод даражасига кўтарилган дунёқараш шаклларида бири. А. иккита шаклда намоён бўлади: ақиданинг дунёвий шакли (*эгоизм, шовинизм, коммунизм, большевизм, атеизм, миллатчилик ва б.*); ақиданинг диний шакли, (*вахҳобийлик, “Ҳизб ут-таҳрир”, “Ҳизбуллоҳ”, “Ал-қоида” ва б.*). Ақидаларни замон ва макондан ажратган ҳолда англаб, уларни мутлақ ўзгармас ҳақиқат деб билладиган, шундай бошқа қарашларни тан олмайдиган ғоявий-мафкуравий оқим вакиллари ақидапарастлар деб юритилади. Исломининг суннийлик оқими илоҳиётчилари Куръони Карим ва ҳадиси шарифга асосланиб ишлаб чиққан еттига иймон талабини ақида деб ҳисоблайдилар. Шиалик оқимида бешта ақида имон талаби ҳисобланади. Булар — Аллоҳнинг ягоналигига, пайғамбарларга, имомат (олий ҳокимият имом — пайғамбар авлоди қўлида бўлиши)га, адл (илоҳий тақдирнинг адолатлилиги)га, охира-нинг рўй беришига ишончдан иборат. Бироқ барча динларда, жумладан, исломда иймон талабларидан бошқа қатор т.лар ҳам ақида ҳисобланади. Ҳар бир диний ташкилот (диний конфессия) ва муайян диний жамоа ўзи ҳақиқатнинг охириги нуқтаси сифатида қабул қилган илоҳий т.ларга қатъий равишда ишонч руҳини диндорлар онгига синдириш учун жуда кўп воситалар, услублардан фойдаланади. Эътиқодларига хилоф бўлган ўзгача қарашлар ва мун-тлар қарор топишига иложи борича қаршилик кўрсатади. Ана шу жараёнда қавмларда муайян андозага тушган яхлит дунёқараш, дунёни ҳис этиш шаклланади. Инсон феъл-атвори, фаолияти маълум бир изга туширилади. Шундан келиб чиқиб, табиий ва ижт-й ҳодисаларга мун-т белгиланади. А.ни «фундаментализм», «диний экстремизм» т.лари б-н ҳам айнанлаштириш уларга ноилмий ёндашувларга сабаб бўлади. Бу т.ларда умумий ўхшаш жиҳатлардан ташқари жиддий тафовутлар борлигини ҳам назарда тутган маъқул. Диний билимларни тарихий даврдан ва реал ижт-й воқеликдан ажратиб ўзлаштириб олган, бинобарин, динларнинг асл инсонпарвар-

лик моҳиятини тушунмаган ва тушунишни истамаган шахсларни А.лар дейиш тўғри бўлади. Аммо А. соф диний мазмундан кўра, кенгроқ моҳиятга эга эканини эътиборда тутиш зарур. Яъни, А. нафақат динда, балки илм-фанда, жумладан, фалда ҳам ўзини намоён этиб, ижт-й тар-ёт, миллий истиқлол ва инсон камолоти йўлига ғоявий тўсиқ бўлиши мумкин. Ҳар қандай соҳада чуқурроқ билимга эга бўлмаган ёки дастлабки билимлари б-н чекланиб, ўз устида ишламай кўйган кишилар одатда А.ни рағбатлантирувчи ижт-й куч сифатида майдонга чиқади. А. ўта саёз билимга эга бўлгани сабабли баҳс-мунозарага тиш-тирноғи б-н қарши чиқади. У ижт-й ва миллий маъ-ятни жиловлаб қўйиб, ижт-й тар-ётни турғунликка, ҳатто орқага кетишига сабаб бўлиши б-н ўта хатарлидир.

(Яна қарагиз: *Эътиқод*).

АҚЛ (лот. *rationalis*, юн. *nus, fronesis*; араб. *ал-ақл* — асосланган, мақсадга мувофиқ) — инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англаш ва хотирлаш, хулоса чиқариш имконини берадиган қобилияти, ноёб маън-й ҳодиса. «А.» ва «А.ий фаолият» т.лари қад. юнон фал.сига бориб тақалади. «А.» т.си Афлотун ва Арасту фал.сида кенг ишлатилган. Арасту наз-й ва амалий А.ни нус ва фроне́сис. суест ва фаол шаклларга ажратади. Арасту талқинига кўра, А. авваллига илк моддий негизга ўхшаб шаклсиз бўлган ва воқеликни идрок қилиш жараёнида доимий фаол А. шаклланиб, тараққий этиб борган ҳамда воқеликни англашнинг самарали воситасига айланган. Ўрта а.лардаги Яқин ва Ўрта Шарқ фал-ий тафаккуридаги А. тўғрисидаги таълимотлар Афлотун, Арасту ва Плотиннинг фал-ий меросидан таъсирланган ва шаклланган. А. калом, тасаввуф ва перипатетик фал-ий таълимотларда турлича мақомларга эга бўлган. Калом А.нинг чексиз имкониятларини инкор этмайди, чунки унингча, Аллоҳнинг ўзи олий А. ва донишмандликнинг ягона соҳибидир. Унинг А.и олдида оддий инсоннинг А.и ожиздир. Шундай экан, Аллоҳнинг А.и ва Аллоҳ тўғрисидаги билим бир-бири-

дан тубдан фарқ қилади. Аммо инсон А.нинг мавқеи муҳимдир. А. туйфайли инсон ўз ҳис-туйғуларини, олинган хабарларни муайян тартибга келтиради, уларнинг чин ёки ёлгон эканини аниқлайди, Холиқ томонидан яратилганни (халқни) билиб боради. Лекин киши муаммолар моҳиятига чуқур кириб борар экан, унда А.нинг имкониятларига шубҳа пайдо бўла бошлайди. Бу эса, иймон-этиқод учун хавфлидир. Тасаввуф тариқатлари А.нинг имкониятларини зоҳирий жараёнларни билиш б-н чегаралаб қўяди. Ботинни, Ҳақни англашга фақат қалб, қалбнинг ҳолати даъво қила олади, деб уқтиради тариқат намояндалари. Мас., Ғаззолий Аллоҳ ва илоҳийлик б-н боғлиқ масалаларни тўла-тўқис идрок этишга А. ожиз эканини таъкидлайди. Чунки Аллоҳни, ғайб илмларини фақат нақл ва илоҳий туйғу орқали билиш мумкин. Инсон ўз А.и б-н ҳамма нарсанинг мазмун-моҳиятига етишга имкони бўлганида ваҳий орқали зарур илоҳий кўрсатмалар келишига ҳожат қолмаган бўлар эди. Ғаззолий “Ақл ўзининг ожиз ва нотавонлигини тушуниб етиш учунгина керак холос”, деган хулосага келади. Форобий, ибн Сино, ибн Рушд фал.сида А. т.и муҳим мақомга эга. Уларга кўра, инсон А.и даставвал суст А. кўринишида намоён бўлади. У ашё ва ҳодисаларни билиш жараёнида орттирилган А. соҳибига айланади. Бундай ҳолатда унинг қаршисида ҳеч қандай ғов бўлиши мумкин эмас. Жонли мулоҳаза оддий нарса ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган айрим хосса ва хус-ятлари (акциденция-араз)ни кашф этиш б-н чегараланса, А. эса, аксинча, уларнинг туб моҳиятини англашни мақсад қилиб қўяди. А.нинг қаршисида ўтмиш, ҳоз. давр ва келажак баб-баробардир. А. макон ва замонда чексиздир. Форобийнинг фикрича, эзгу фикр, донишмандларнинг дурдона ғояларига мангулик муҳри босилганидек А. ҳам абадийдир. Алишер Навоий асарларида А. б-н боғлиқ қуйидаги ибораларни учратамиз: А. аҳли — ҳушёр онг эгалари; А. деҳқони — т., ва мулоҳаза эгаси, тажрибали, онгли киши; А. кўйи — А.-идрок йўли; А. мезони — онг, А.нинг

ўлчови, тарозиси; А. муҳандислари — донишмандлар, олимлар, билимдонлар; А. олдида — онгли тушуниш бўйича, А.ан; А. пири — тафаккур устози — фаросатли кишилар; А. саррофи — А. заргари, А.нинг баҳоловчиси; А. уйн — мия, фикру хаёл; А. хирмони — А. мужассамлиги; А. чири — А.нинг кучи, А.нинг қуввати; А. эшиги — А.нинг йўли, онгли йўл; А. ўти — зеҳн ўткирлиги, ҳушёрлик; А. ҳуши — бунга изоҳ ҳожат эмас; А. ҳисоби — онг доираси, чегараси; А.дан бегона — телба; А.и жавоҳиршунос — етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини яхши тушунадиган нозиктаъб кишиларнинг идроклиси; А.и зойил — А.и кетган киши; А.и зулмоний — хира А., ўтмас зеҳн; А.и куни — энг етук А.; А.и маслаҳатбин — маслаҳат кўрсатувчи, тўғри йўл ва тўғри фикрга йўлловчи А.; А.и мушарраф — соф, шарафли А.; А.и мустақим — иккиланмайдиган, тўғри А. эгаси, қатъий фикрли одам; а.и мусоҳиб — фаҳм-фаросатли киши; А.и оз — А.дан адашмоқ; А.и салоҳ — тўғри, соғлом фикр; А.и саркаш — итотсиз, ўжар, қайсар, бўйин товловчи А.; А.и ситамкора — жабр-зулм қилувчи, жафо етказувчи; А.у фаҳми хурдадои — нозик А.-фаҳм; А.и худбин — фақат ўзини ўйлайдиган шахс; А.и хурдабин — ўткир, сезгир, нозик А. ва ҳ.к. Алишер Навоий ўз асарларида А. сўзини 27 ўринда қўллаб, унинг 27 даражаси ва 27 сифатини кўрсатиб берган. Демак, А.нинг ўзи битта, лекин одамларнинг А.ий даражаси кўпдир. Барча одамлар А.га эга эканликлари б-н бир хилдир, лекин улар а.ий даражасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ер юзида қанча одам бўлса, ҳаммаси А. даражаси б-н озгина бўлса-да, бир-биридан фарқ қилади. Дунёда некбин А. эгалари ва худбин А. эгалари бор. Некбин А. эгаларидаги А. инсониятга эзгулик келтиради, худбин А. эгаларидаги А. эса фақат ўз эгасига наф келтиради. А. бобидаги мисолларни бошқа мутафаккир ва алломалар асарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Ўрта а.ларда Шарқ мам-тлари фал.сида «А. ал-фаъол» деган т. қўлланган. У ислом дунёсида ҳозир ҳам муомалада Форобий, ибн Сино, ибн

Рушднинг фал-й таълимотларида А. ал-фаъол оламнинг вужудга келишида — дунёвий А. шаклида биринчи сабаб — Аллоҳдан келиб чиқади. Бу дунёвий А. инсондаги индивидуал А.нинг юзага келиши ва ривожига таъсир этиб туради. Ҳар бир инсон А.и ўз навбатида дунёвий А. б-н бирлашишга интилади. Инсоннинг шахсий А.и оламини борган сари чуқурроқ билиб, бир неча босқичларни босиб ўтади. У мутлақ билимлар, яъни оламнинг ибтидоси ва асоси ҳақидаги билимларни ўзлаштиргандан сўнг дунёвий А. б-н бирлашади, уни бойитади. Шахсий А.ий билим б-н бойиган дунёвий А. яна инсон А.ининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шарқнинг илғор мутафаккирлари А. ал-фаъол таълимоти асосида А.нинг кудратини, унинг объектив мазмунини, олам тар-ётидаги аҳамиятини исботлашга ҳаракат қилади. Дунёвий А. б-н инсон шахсий А.ининг мун-ти ҳақидаги таълимот жам-т маън-й мад-тининг узлуксиз бойиб бориши, инсон А.-заковатининг илм-маърифатга қўшган ҳиссаси б-н мангуликка эришиши, ҳар ким тириклигида келгуси авлодларга илм-мад-т соҳасида мерос қолдириши учун интилиши зарурлиги ҳақидаги фикрларни ифода этади. Ҳоз. замон фал-ий тафаккурида рационализм (А.га ургу бериш) ва сенсуализм (жонли мушоҳадапарастлик) каби йўналишлар бир-биридан фарқ қилади. А. б-н жонли мушоҳадани билиш жараёнининг зарур босқичи ва воситалари сифатида талқин этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳимдир. Бугунги кунда инсон А.ини ўрганиш, у б-н боғлиқ сир-синоатларни тадқиқ этишга ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда. Дунё глобаллашиб бораётган, ахборот оқими муттасил кучаяётган ҳоз. даврда фақат А.-идрок. эзгу гояларга эътиқод ва юксак маъ-ят инсоннинг асл табиатини сақлаб қолиши мумкин экани тобора яққол аён бўлмоқда.

АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ МЕҲНАТ — кишилар ўртасида тарихан таркиб топган меҳнатнинг асосий шакллари. Жисмоний меҳнат кўпроқ кишиларнинг

қўл кучи, жисмоний фаолияти б-н боғлиқ. Жисмоний меҳнатдан фарқ қиладиган ақлий фаолият ҳам тарихий характерга эга бўлиб, жам-тнинг маън-й тар-ётидан бевосита келиб чиқади. Айни пайтда бундай қараш одамзодни иккита катта гуруҳга — моддий ва маън-й бойликларни ишлаб чиқарувчиларга ҳамда жисмоний меҳнат ва ақлий меҳнат кишиларига ажратишга сабаб бўлади, деган нотўғри қарашга келиб қолмаслик лозим. Собиқ СССР даврида устувор бўлган бундай ёндашувларнинг барчаси ҳаётий заминдан ажралган бўлиб, масаланинг асл моҳиятини ифода этади. Аслида тар-ёт натижасида кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий ва жисмоний куч ўзаро уйғун тарзда намоён бўлади, бири иккинчисини тўлдиради ва тақозо қилади. Жам-т равнақ эта боргани сари жисмоний меҳнат ходимларининг билим савияси, малакаси, иш унумдорлиги оша боради, шу б-н бирга, ақлий меҳнат кишиларининг онги ҳам бойиб боради. Чунки зиёлининг ҳам, малакали ишчининг ҳам, фермер ёки деҳқоннинг ҳам туб манфаатлари бир — Ватан равнақи, халқ фаровонлигидир. Уларнинг барчаси бир халқнинг фарзандлари, бир мам-тнинг фуқароларидир. Масаланинг моҳиятига шундай қараган ҳолда фикр юритмоқ зарур. Қолаверса, кишилиқ жам-ти яралибдики, унда ижт-й меҳнат тақсимооти сақланиб келмоқда. Биров деҳқончиликка ёки чорвачиликка, биров савдога ёки саноатга, биров муаллимликка ёки олимликка ва ш.к. бошқа ҳунарларга табиатан мойил. Ҳар ким ўз лаёқати, қўлидан келадиган юмушни бажариш, ўзи танлаган соҳа б-н шуғулланишга интилади. Ҳоз. кунда юртимизда эркин бозор мун-тлари амалда. Ҳар бир фуқаро қонун имкон берган соҳаларда фаолият кўрсатиб, ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшаши, ақлий ёки жисмоний меҳнат б-н шуғулланиши, тадбиркор бўлиши ёки мулкдорлар сафига қўшилиши мумкин. Бу ҳуқуқлардан, тили, дини ва миллатидан қатъий назар, барча фуқароларнинг фойдаланиши учун зарур шароит ва имкониятлар бор.

АҲАД — бир, битта, воҳид, ягона. Аллоҳнинг сифатларидан бири. Худонинг якка-ягоналиги, ҳеч бир шериги йўқлиги, ёлғиз ва тенгсиз эканини англатувчи т.

АҲИЛЛИК — ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-қардошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик натижасида ҳосил бўладиган маън-й яқинлик. А. ҳамма жойда — оилада ҳам, жамоада ҳам, маҳаллада ҳам, қўни-қўшничиликда, одамларнинг ўзаро мун-тларида ҳам ҳаммиша керак. Ш.у. А. т.сини кенг маънода аҳил дўстлар, аҳил оила, аҳил қўни-қўшнилари, аҳил ҳамкасблар, аҳил маҳалла, аҳил ҳамкор мам-тлар каби маъноларда ишлатиш мумкин. А. байналмилаллик, толерантлик, бағрикенглик, маън-й яқдиллик, муайян вазифани кўпчилик ёрдамида бажариш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби олижаноб гоёларга яқин туради. А. халқимизнинг қон-қонига, руҳига, менталитетига сингиб кетган муқаддас туйғу ҳисобланади. Ш.у. у халқимизнинг урф-о.ларида, анъаналарида, оғзаки ижод намуналари ва кундалик турмуш тарзида доимо улуглаб, эъзозлаб келинади. “Аҳил бўлсанг, оламни оласан”, “Жаҳонда дўстликдан қудратли куч йўқ”, “Олтовлон ола бўлса — оғзагини олдирад, тўртовлон тугал бўлса — унмаганни ундирад” каби ҳикматли сўз, афоризм ва мақоллар А. қандай буюк фазилат эканини кўрсатади. А. т.сини бир неча шартли атамаларга бўлиб ўрганиш мумкин: кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва А., оилавий А., жамоавий А., қўни-қўшнилари А.и, қон-қариндошлари А.и, маҳалла А.и, ҳамкасблари А.и, миллий А., халқаро А., қитъалараро А., диний бағрикенглик ва ҳ.к. *Кишилар ўртасидаги А.* — кўпроқ кўча-кўйида, таниш-нотаниш одамлар орасида, тўй-маъракаларда намоён бўладиган инсоний фазилат. *Оилавий А.* — эр-хотин, фарзандлар ўртасидаги, оила аъзоларининг ўзаро муомаласида намоён бўладиган, ота-боболарнинг эътиқоди, ваъз-насиҳатлари, тарбияси, анъана ва урф-о.лари орқали шаклландиган мун-тлар йиғиндиси. Эр-хотин аҳил яшаса,

бир-бирини қанчалик иззат-ҳурмат қилса, ардоқласа, бу албатта, оилада камол топаётган фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир қилади. *Жамоавий А.* — битта корхона, ташкилот ёки муассасада ишлайдиган жамоа аъзоларининг ўзаро мун-тларида намоён бўладиган фазилат. Бунда жамоа аъзолари ишда бир-бирига беғараз, холис ёрдам кўрсатади. Жамоада муайян вазифани бажариш ниятида амалга ошириладиган ижобий хатти-ҳаракатлар унинг аъзолари томонидан маъқулланиши мазкур жамоанинг аҳиллигидан дарак беради. Агар жамоа аҳил бўлмаса, белгиланган режани бажара олмайди. Натижада корхона инқирозга учрайди ёки жамоа раҳбари вазифасидан четлатилади. Одам жам-тда яшаб туриб, ундан четда қола олмайди. Жам-тда яшаш энг аввало А.ни талаб қилади. Айниқса, қўни-қўшничиликда аҳил яшашнинг хосияти жуда улуг. Қўни-қўшни аҳил бўлса, нур устига нур. Бир қўшни мушкул аҳволда қолганида, бошқалари кўмакка келиб, ёрдам қўлини узатса — бу халқ учун ҳам, жам-т, давлатимиз, динимиз учун ҳам фойдадир. Халқимизнинг “Ҳовли олма, қўшни ол”, “Ён қўшни — жон қўшни”, “Қўшнинг тинч — сен тинч” каби ҳикматли ибораларида қўшнилари орасидаги А., олижаноблик, меҳр-оқибат улугланади. *Қон-қариндошлари А.* и инсон ҳаёти мобайнида турли синовлардан ўтади: тўй қилиб, эл олдига дастурхон ёзиши ҳам бир синов; дафн маросими ҳам бир синов; иморат қуриб, уй-жой қилиш ҳам бир синов. Мана шунда қариндош-уруғ, ошна-оғайниларининг ёрдами, маслаҳати, хизмати керак бўлади. Демак, қариндошлари ўртасидаги А. — инсоннинг бутун ҳаётини, яшаш тарзини, унинг қандай инсон эканини синовдан ўтказишда намоён бўладиган энг муҳим ижт-й-маън-й ҳодисадир. Қон-қариндошлари б-н аҳил бўлмаган одамни яшилар қаторига қўшиб бўлмайди. Халқ ш.у. ҳам “Бор товоғим, кел товоғим, бормасанг, келмасанг — ўрта ерда син, товоғим”, “Боришмасанг-келишмасанг — ёт бўларсан, ёт бўлдингми, бир кун ўзинг мот бўларсан”, “Узоқлашган қариндошдан яқинлашган ёт яхши”.

“Косовинг узун бўлса — қўлинг куймас, оғайнинг кўп бўлса — одам тегмас” каби мақолларни бежиз тўқимаган. *Маҳалла А.и* — бу ҳам ижт-й-маън-й аҳамияти жиҳатидан қўни-қўшни, қон-қариндошлар А.и каби т.лардан кам эмас. Маҳалладаги А. бола туғилиши, фарзанд тарбияси, ёшларнинг камолга етиши, турмуш қуришидан тортиб, то одамни сўнгги йўлга кузатиш маросимигача — барча катта-кичик маърака, тўй-томоша, қўйди-чиқди машмашаларини қамраб оладиган ижт-й мун-тларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Халқимизда “Ватан маҳалладан бошланади”, “Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган юксак маън-й-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикматли иборалар бор. Ш.у. маҳалла аҳиллиги халқимиз турмуш тарзида улуғ ахлоқий мезонлар асосида муқаддаслашган. Мазкур т.нинг аҳамияти мустақиллик йилларида янада ошди. *Ҳамкасблар ўртасидаги А.* — бир касб эгаси бўлган инсонларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, дўстона ёрдам бериши, касб сирларини ўртоқлашиши каби мун-тларда намоён бўладиган яқинлик ва самимийлик. *Миллий А.* — битта халқ, битта миллатга мансуб фуқароларнинг ягона мақсад йўлида бир тану бир жон бўлиб яшаши. *Миллий А.* ҳар қайси халқ ёки давлатнинг тарих синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўзининг буюк салоҳиятини намоён этишида беқиёс аҳамият касб этади. *Халқлараро А.* — халқаро миқёсда намоён бўладиган, тинчликпарварлик акциялари чоғидаги А., бирдамлик хатти-ҳаракатлари мажмуи. Ҳоз. глобаллашув шароитида ер юзида тинчликни сақлаб қолишда халқлар ўртасидаги А. жуда катта аҳамият касб этмоқда. *Миллатлараро А.* ҳам тинчликни сақлаб қолиш, миллатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий интилишлар ифодасидир. *Динлараро А.* — турли дин ва конфессиялар ўртасида инсоният тақдирига хавф солаётган умумий глобал таҳдидлар — терроризм ва экстремизм, экологик ва технологик фалокатлар, оммавий қирғин қуроллари, уруш ва низолар, гиёҳвандлик, СПИД каби офатларга қарши курашиш, инсонларни эзгуликка, инсоф-

диёнатга чақиришдек умумий мақсадлар йўлидаги бирдамлиги, тинчликсеварлик фаолияти.

АҲОЛИНИНГ РУҲИ ВА КАЙФИЯТИ — жам-тнинг умумий ирода ва интилишини ифода этадиган т. Аҳолининг руҳи деганда жам-тнинг умумий орзу-интилишлари қандай мақсадлар сари йўналгани, унинг сафарбарлик даражаси тушунилади. Муайян шахслар ва жамоалар вакиллари ўз халқи руҳининг ифодачиси ҳисобланадилар. Мас., Алишер Навоий — ўзб. халқи руҳининг ифодачиси. Аҳолининг руҳи халқнинг тилида, диний қарашлари, маъ-яти ва мад-ти, анъана ва қадриятларида намоён бўлади. А. р. к. узоқ давом этадиган ва ўзига хос тар-ёт натижаси бўлган ҳодисадир. Унга ижт-й-сиёсий ва иқт-й рив-ш, тарихий рив-ш, миллатлараро мун-тлар, мад-й рив-ш ва ш. к. бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. А. р. к. ислохотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

АҲУРА МАЗДА — Авесто таълимотида зулм ва қабоҳат эгаллаган дунёга, шу жум-н, умидсизликка учраган кишилар қалбига ёруғлик, эзгулик нурини таратувчи, кишиларни ўз кучига, келажакка ишончини мустаҳкамлашга ва унга йўналтирувчи қудратли куч сифатида мадҳ қилинади. А. — қудратли, дунёвий ақл маъносини ифода этади. Мил. авв. 2 минг йилликнинг охири ва I минг й.лик бошларида Амударё этакларига келиб ўрнашган қабилаларда монотеистик (яккахудолик) дунёқарашга катта эҳтиёж юзага келади. Турли тотем, санам ёки тангриларга сифинган бу қабилаларнинг эътиқодларини бир ғоя атрофида бирлаштириш, ерли халқ ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш учун воҳадаги барча кишиларнинг дунёқарашларига мос тушадиган, келажак орзу-умидларининг ифодаси сифатида изчил ғоялар тизимининг яратилишига зарурат туғилади. Бундай тизимни бутун оламнинг қудратли ҳукмдори бўлмиш якка худо тимсолини яратиш орқали эришиш мумкин эди. Ана шундай тарихий зарурат туфайли якка

худо — А. тўғрисидаги тасаввурлар шаклланди. А.га эътиқод қилишга даъват этиш пайғамбар Зардушт фаолияти орқали амалга оширилди. Зардушт таълимоти кишиларни ягона тангри атрофида уюшишга чорлаш орқали ерда якка қудратли қавийлар-кайлар (подшолар) салтанати атрофида жипслашишга чақирувчи, улуғ мақсадлар

сари йўналтирувчи ўз даврининг мафкураси бўлиб шаклланди. А.ни Хоразмда — Хурмуз, Эронда Ормозд, юнонларда эса Армузд деб аташ расм бўлган. А. образи ўрта Ер денгизи бўйларида, Эрон империясига қарам бўлган шаҳарларда ҳам кенг тарқалган. Бу тимсолнинг таъсирини ҳатто юнон фал.сида ҳам кузатиш мумкин.



БАДГУМОНЛИК (форс. *бад* — ёмон; гумон; фараз, фикр, шубҳа; *лик* — от ясовчи қўшимча) — шубҳаланиш, ҳадиксираш, ишонмаслик ҳолатини ифодаловчи т. Б. асосан инсон феъли б-н боғлиқ бўлиб, халқимиз тафаккурида одамнинг ёмон феълидан келиб чиқадиган салбий иллат ҳисобланади. Бу ҳолат халқимизнинг “Гумон дўстан ажратар”, “Гумон имондан ажратар”, “Гумондор кўнгилдан гумон аримас” каби мақолларида қораланган. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний Б.ни аҳмоқлик белгиси сифатида қуйидагича таърифлайди: “Ҳамоқат ақл ва маърифатнинг камлигиндан ҳосил бўладургон энг ёмон хулқлардан биридур... Аҳмақ кишиларни(нг) бир ишда ақлий ва нақлий далиллар ила кўндириб бўлмас”. Б. фараз, ғайирлик, кўнгил қоралик, ғийбат, чақимчилик кўринишида ҳам намоён бўлади. Б. кишининг нафсонияти, иффатига тегади, кўнглини чилпарчин қилади. Бу борада Бедил шундай дейди: “Ёмон сўзлар илан дилларга заҳмат бермагил, Бедил, На ерда тошни жинси бўлса, бўлғай шишага душман”. Ўзгаларнинг Б.гига учраган киши руҳий мувозанатини йўқотади, одамларга бўлган ишончи сўнади, ўзини беҳуда ҳақоратланган ҳисоблайди, натижада у жам-тдан ажралиб, одамови бўлиб қолиши, ҳатто атрофдагиларга нисбатан душманлик ҳиссини туя бошлаши мумкин. Ш.у. ҳам беҳуда Б. барча халқларда маъ-ятга зид ёмон иллат сифатида қоралаб келинган.

БАДИЙ АДАБИЁТ — жам-т ва халқ маъ-ятида муҳим ўрин тутадиган оғзаки ёки ёзма шаклдаги бадий сўз санъати. Б.а. қадим-қадимлардан дастлаб халқ оғзаки ва ёзма ижод намуналари тарзида юзага келган, мусиқа ва драматик санъатга хос хус-ятлар: ҳаракат, сўз ва мусиқа б-н алоқада бўлган. Б.а.да инсоннинг меҳнат фаолияти, мифологияси, тарихий, диний қарашларини ифодалаган. “Юсак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлангани каби: “**Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас**”.

Қўшиқнинг аста-секин маросим томошаларидан ва сўзнинг қўшиқдан ажралиб чиқиши, шеър ёки насрий асарни оғзаки ижро этишдан ёзма ҳолатга ўтилиши ва унинг кейинги мукаммаллашуви жам-тнинг турли миллий-тарихий шаклдаги давомли тар-ёти б-н чамбарчас боғлиқ. Ёзувнинг пайдо бўлиши адабиётнинг рив-шида муҳим аҳамият касб этган. Натижада оғзаки ҳикоя ва қўшиқ шаклидаги адабиёт ўқиш, англаш мумкин бўлган ёзма адабиётга айланди. Б.а. киши онгидаги ҳар бир нарсани ифодалашга, уни чексиз масофа ва даврларгача етказа олишга, ҳаётни бир пайтнинг ўзида кўп жиҳатлари б-н қамраб олиш имкониятига эгадир. Ҳаётнинг серқирралиги.

ижт-й мун-тларнинг мураккаб ва чигаллигига қараб Б.а.да уларни тасвирлашнинг эпос, лирика ва драма каби ўзига хос шакллари бўлиб, уларнинг ҳар бири турли жанрларни ўз ичига олади. Б.а. норматив, оғзаки сўзлашув тилини, шева ва касб-хунарга оид тил бирликларини қамраб олади. Ш.у. Б.а. тили адабий тилга қараганда кенг қамровли бўлиб, умумхалқ тилининг рив-шига катта ҳисса қўшади. Б.а. нафақат ҳаётнинг ҳаққоний инъикосини яратади, балки кишиларнинг эстетик туйғу ва тафаккурини тарбиялаш, баркамол инсон бўлиб шаклланишида фаол иштирок этади. Б.а.нинг бош вазифаси эса инсон қалбида эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафратни уйғотишга қаратилади. Хуллас, Б.а. инсоннинг маън-й юксалишига фаол таъсир кўрсатувчи омилдир.

БАДИЙ ИЖОД – адабиёт ва санъат феномени, илҳом б-н боғлиқ маън-й ҳодисалардан бири, эстетик ижод шакли. У тарихий мазмунга эга бўлиб, санъат ва адабиёт турлари йўналишлари б-н боғлиқ. Инсоният тар-ётининг турли даврларида классицизм, романтизм, танқидий реализм, натурализм каби йўналишлар ҳамда шундай Б.и. усуллари шаклланган ва ривож топган.

БАДИЙЛИК – адабиёт фанининг асосий категорияси ҳисобланиб, борлиқни, реалликни акс эттириш, инсоннинг оламга бўлган эстетик мун-тларини ифодалашнинг ўзига хос шакли, воқеликни англаш ва идрок этиш, бадий тимсоллар орқали тасвирлаш усули.

БАДНАФС(ЛИК) – нафсини тия олмаслик, очкўзлик; мол-дунё, бойликка ҳаддан ортиқ ҳирс кўйиш каби маън-й иллатларни англатадиган т. Б. барча замон ва халқларда инсонни тўғри йўлдан оздирадиган ярамас иллат сифатида қораланиб келган. Қад. юнон асотирларидаёқ нафсини тия олмаганларнинг ҳалокатли аҳволи ҳақида ҳикоя қилинади. Мас., мол-дунёга тўймайдиган шоҳ Мидас Б. иллатига дучор бўлади. Очкўз Мидас ўз хизмати учун Дионисдан нимагаки қўл урса олтинга айланишини сўрайди ва Б. туфайли абадий очликка маҳкум этилади.

Нафсни тия олган одамгина юксак мартабага эга бўлиши мумкин. “Нафсини тийган киши султон бўлур, Нафсини тиймаган киши ултон бўлур” дейди халқимиз. Б. инсонни энг ёмон йўлларга бошлайди. Ўзб. халқида Б.нинг ҳалокатли оқибатлари ифодаланган мақоллар кўп. Мас., “Нафснинг сўзига кирма, у хиёнатга йўл очади”, “Олғирлик офат келтиради, Баднафслик – ҳалокат”, “Нафснинг ёмони – балонинг кони” ва ҳ.к. Имом Бухорий, Форобий, Беруний ва Навоий асарларида бу борада ибратли фикрлар кўп. Машҳур италиялик шоир Данте Алигьери “Илоҳий комедия” дostonида Б., еб тўймас мечкайларни дўзахга жойлайди. Рус шоири А.С.Пушкин эса “Олтин балиқча” эртагида Б. қандай оқибатларга олиб келишини тасвирлайди. Унда нафсини тия олмаган очкўз кампир Б. туфайли охир-оқибат ёрилган тоғораси б-н қолади. Ислом динида ҳам Б., очкўзлик қораланган. Мас., саҳиҳ ҳадисларда таъкидланганидек, “Ҳеч ким дини Исломни очкўзлик бузганчалик буза олмайди” (717), “Кишидаги сифатларнинг энг ёмони ўта очкўзлик б-н қаттиқ кўрқоқликдир” (508), “Подага кўйиб юборилган иккита оч бўрининг зарари кишининг молга ва обрўга бўлган ҳирси унинг динига келтирган зарарига тенг эмасдир” (703). Шарқ мутафаккирларининг фикрича, Б. амалдорлар жам-тни издан чиқариб, ўзини ҳам, салтанатни ҳалокатга маҳкум этади. Шайх Саъдий бу хусусда шундай дейди: “Нафс тизгинини нопокликдан қайтарувчилар, ярамас ишлардан сақланувчилар мардлик, баҳодирликда Наримон ва Рустам Золдан юқори турадилар. Чунки нафс б-н курашиш, жанг қилиш – бошқа душманлар б-н жанг қилишдан қийинроқдир. Сен илму адабни қўлга ол, адаб гурзиси б-н душманинг – нафс бошига ур, чунки инсоннинг нафсидан катта душмани йўқдир. Агар сен ақл ва фикр эгаси бўлсанг, ҳадеб нафсинг орзусига йўл берарверма. Агар нафсингнинг ҳамма орзусини бажо этсанг, уни семиртирсанг, у сени бир кун ҳалокат чуқурига ташлайди.

(Қаранг “Нафс”).

БАДФЕЪЛЛИК (бадфеъл) — ёмонлик, жаҳолат ва жоҳиллик, ахлоқ-одоб қоидаларига зид феъл, ахлоқсизликни ифодалайдиган т. Инсоннинг юриш-туриши жам-тда қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишига қараб инсоний сифатлари ҳақида хулоса чиқарилади. Ўз навбатида, Б. инсонларни бирлаштириб турадиган ижт-й мун-тларнинг бузилишига олиб келади. Б. энг ёмон иллат сифатида кишилик жам-тида ҳамиша қоралаб келинган. Буюк мутафаккирлар маън-й қадриятларга зид бўлган Б. иллатидан халос бўлишга даъват этиб келганлар. Мас., Саъдий Шерозий бу ҳақда шундай деганлар: “Бадфеъл одам шундай бир душман қўлига гирифторки, қаерга бормасин, унинг чангалидан халос бўла олмайди, яъни “Бадфеъл одам балодан қочиб, учса осмонга, // Халос бўлмас, ўз феъли чангалида гирён”.

БАЙРАМ(ЛАР) — бирор-бир муҳим ҳодиса, воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик б-н нишонлаш. Б. ҳаётнинг узвий ва муҳим таркибий қисмидир. Б. шахс, оила, жам-т, миллат, давлат, халқаро ҳаётдаги энг муҳим ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этади, уларни нишонлашга имконият яратади. У кишиларнинг ҳаёти, фаолиятида эришган ютуқларини ифодалайдиган ҳодисадир. Ўзб. халқида йирик ишларнинг бошланиши ва яқунланиши одатда Б.га айланиб кетади. Янги мавсумнинг бошланиши ва илк уруғ қадаш жараёни ҳам деҳқонлар ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги боис байрамона кайфиятда ўтади. Б. инсониятнинг босиб ўтган йўлини теран англашга, галабалардан фахрланишга, эртанги кун учун режалар тузишга, келажакка умид боғлашга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам, Б. арафасида кишилар бир-бирларини табриклашади, яхши истаклар билдиришади. Б.лар вақтнинг монотонлигини (бир хиллигини) бузиб, унга муайян «шодлик суръати» бахш этади. Шу сабабли, қадимдан Б.лар вақтнинг ўзига хос ўлчови ҳисобланган. Ҳозир ҳам Б. кунда, мас., «Янги йил» нишонланаётганда муайян вақт, яна бир йил ўтган-

лигини ҳамма сезади, билади. Б.лар вақтнинг қадрига етишга, уни эъозлашга даъват қилади, ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятларини акс эттирадиган «кўзгу» саналади. Чунончи, кишилар Б. чоғида чиройли кийимлар кийишади, лаззатли таомлар тайёрлашади, ўз қобилиятларини намойиш этишади. Ўша кунни ҳамма кўтаринки кайфиятда бўлади. Б.лар эркинлик кунни ҳисобланади. Айниқса, умумхалқ Б.и кунда ҳамма дам олади, ташвишлари, дарду аламларини унутади, ўзини шод-хурсанд кўрсатишга ҳаракат қилади. Б. кунда кишилар ўртасида бошқа кунларга қараганда муайян даражада яқинлик, ҳамкорлик вужудга келади. Қадимда бу кунда ҳамма бир қозондан овқат еган, бир хил томоша кўрган, битта жойдаги сайилгоҳда сайр қилишган. Б. кунни азал-азалдан тинчлик кунни ҳисобланган. Ўша кунни урушлар, низо, можаролар тўхтатилган, кишилар ўртасидаги адоват, гина-кудурат унутилган, ўзаро аразлашганлар ярашган, жам-тда ўзаро ҳамжиҳатлик юзага келган. Б.да вужудга келадиган кўтаринки кайфият кишиларни эртанги кунга умид боғлашга, келажакка ишонч б-н қарашга ундайди. Б. ижт-й-мад-й ҳаёт кўзгуси сифатида ҳар бир халқнинг ижт-й-иқт-й ютуқларини ҳам кенг намойиш қилади. Б. жам-т ҳаётининг таркибий қисми сифатида олдиндан белгиланган, муайян кунда нишонланади. Баъзи Б. кунлари дам олиш кунни, деб эълон қилинади. Ш-дек, муайян касб кунлари ҳам айнан дам олиш — якшанба кунларида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Айрим меҳнат Б.ларида дам олиш кунни деб белгиланмаслиги ҳам мумкин (мас., «Ҳашар», «Чигит қадаш», «Биринчи ҳосил карвони» каби тадбирлар). Б. халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини мужассамлаштирган ҳолда ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутаяди. Б.нинг маъно-моҳияти уларнинг мазмуни ва гоёсига боғлиқ. Мазмун ва гоё ҳар бир Б.нинг негизини ташкил этади. Тарихий жараёнда Б. гоёси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидларини ифода этиб, ўзгариб, ривожланиб келган. Мустабид тузум шароитида миллий қадрият ва анъаналарга асослан-

ган Б.га социалистик ғояларни сингдиришга ҳаракат қилинган. Зўравонлик б-н сингдирилган ғоялар Б. моҳияти, шаклига путур етказган, айримларининг унутилиши ёки йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Мустақиллик даврида халқнинг табиий эҳтиёжини қондирадиган Б. (Наврўз, Ҳосил Б.и) янгича мазмун, янгича ғоя б-н бойиган ҳолда қайта тикланди. Анъаналар, маросимлар, театрлаштирилган концерт ва томошалар, карнаваллар, намоишлар, халқ ўйинлари Б.нинг асосий таркибий қисми саналади. Ўзб. халқининг анъанавий Б.и ғоят рангбарангдир. Уларни шартли равишда табиат ва меҳнат фаолияти б-н боғлиқ мавсумий Б.; кишининг шахсий ҳаёти ҳамда оиласи б-н боғлиқ маросим ва тантаналар; маъ-ят б-н боғлиқ Б.; сиёсий саналар ёки диний Б.га ажратиш мумкин. ЎзРда МКнинг 131-моддасига биноан улар 1 январь — Янги йил, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни, 21 март — Наврўз, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни, 1 сентябрь — Мустақиллик куни, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8 декабрь — Конституция куни, Рўза ҳайити (Ийд ал-фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд Ал-адха) дир. Б. халқ маъ-ятининг таркибий қисми бўлган, инсон ва жамоаларнинг ҳаётида муҳим саналган, кенг нишонланадиган тантанали кунларни ифодалайди. У маън-й кўтаринчилик ва бирдамлик б-н бирга, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг ифодаси ҳамдир. Ўз-нда нишонланадиган Б.да миллий истиқлол ғоясининг асосий т. ва тамойиллари акс этган. Мустақиллик куни ва Конституция куни ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини, Ватан ҳимоячилари куни (14 январь) мардлик ва фидойилик фазилатларини тарбиялашга, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Хотира ва қадрлаш куни авлодлар ўртасидаги боғлиқлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, инсоний эҳтиром ва қадрқимматни мустаҳкамлашга хизмат қиладди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мам-тимизда Рўза ва Қурбон ҳайитлари умуммиллий Б. сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Бу Б. кишиларда

имон-этиқод, шукроналик фазилатларини камол топтиради, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлайди. Наврўз Б.и ҳар йили юртимизда алоҳида тантана б-н нишонланиб, юртдошларимиз қалбига яшариш, яратувчанлик, кўтаринчилик руҳини олиб киради. Ўз-нда халқаро Б. — Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни ва Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунининг (1 июнь) нишонланиши халққимизнинг умуминсоний қадриятларга садоқати рамзидир.

БАЙРОҚ — азалдан ҳар бир давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ифодаладиган, унинг ғурур-ифтихорига айланган рамзлардан бири. Унда халқ ва давлатнинг тарихи, қадриятлари, дунёқараши ўзига хос тарзда мужассам этилган. Ўрта а.ларда туркий халқларда Б. “туғ” деб юритилган. Ўша даврда Ғарбий Европа шаҳарларида табақа, уюшма ва корхоналар ҳам ўз Б.ига эга бўлган. Бугунги кунда “давлат Б.и”, “ҳарбий Б.”, “партия Б.и” каби т.лар кўп ишлатилади. Муайян сиёсий кучлар, армия ва қўшин турлари, баъзи гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳам ўз Б.ига эга бўлиши м-н.

БАРАКА — мўллик, фаровонлик, хайр-эҳсон, Худонинг марҳамати туфайли ноз-неъматнинг кўпайиши, тўқинлик. “Деҳқонлар ҳар ерда қилсалар ҳаракат элга ҳам қут етқарурлар, ҳам баракат” (Навоий). Б.да хушнудлик, файзу футуҳ, зиёдалиқ маънолари ҳам бор. Ш-дек Б. сўзи дуо, оқ фотиҳа, яхши тилак, рози-ризалик, осойишталик, қўллаб-қувватлаш маъноларида ҳам қўлланади.

БАРДОШ — маъ-ятли инсоннинг сифатларидан бири, чидам, сабр, қаноат каби сўзлар б-н ифодаланадиган т. У кўпроқ матонат т.сига яқинроқ. «Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юртуса, мақсудига тинч ва роҳатга боруб етар. Ҳамиша саодатда яшар» (Абдулла Авлоний). Б. инсоннинг ўз ҳаракатларини мақсадга йўналтира билиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш, ҳиссиётларни, жаҳлни назорат қила олиш, қийинчилик ва му-

аммолар б-н тўқнаш келганда қатъият б-н Б. бера олиш каби ҳислатларни англатади. Б. кескин, мураккаб вазиятда юксак маъ-ят ифодасининг руҳий-хулқий шартли сифати намоён бўлади. Б.ли бўлиш инсоннинг шахсий ҳаёти, ўз-ўзини англаши, маън-ий юксалиши, ахлоқий сифатларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Б. т.си маъсулият, чидамлилиқ, ор-номус, қадр-қиммат, келажак сари интилиш каби фазилатларни ифода этиб, инсоннинг маън-ий юксалиб боришига хизмат қилади. Айниқса, бу т. мам-т тар-ётининг бурилиш палласида, янги жам-т қуриш, порлоқ истиқбол сари интилиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **“Руҳан пок, имони бут, иродаси бақувват, виждони уйғоқ инсонларгина ана шундай келажакни, озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишлари мумкин”**.

БАРКАМОЛЛИК — камолот, балоғатга эришган, бекаму кўст, етук, мукамал, комил, маърифатли кишиларга нисбатан қўлланадиган т. У инсоннинг ақлий, маън-ий, ахлоқий жиҳатдан етуқлиги, ўзи танлаган касб-хунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тар-ёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар б-н бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилятига эга бўлишини ҳам англатади. Баркамол инсон бошқаларга ўрнак бўлади, уларни ўз ортидан эргаштиради. Бундай инсонлар қанча кўп бўлса, жам-т шунча баркамол бўлади, илм-фан, мад-т ривож топади. Б. ватанпарварлик, жасорат, ҳиммат, қатъият, ирода мустақамлиги каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган т. дир.

БАРҚАРОРЛИК (ижт-ий, маън-ий) — жам-тда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, бирдамликни асраб-авайлаш ва мустақамлашга асосланган тинч шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижт-ий қатламлар, гуруҳ ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги мустақам ҳамкорлик қарор топганини англатадиган т. Хитой донишманди Конфуций “Фаровонликка эришиш — орзу, ислоҳотлар — унга етиш

воситаси, Б. бу — мақсадга эришишнинг асосий шарт-шароитидир”, дея бежиз таъкидламаган. Фарб олимлари Р.Дарендров ва А.Козер аслида Б. ҳеч қачон мавжуд бўлмайди, у беқарорлик арафасидан кейинги ҳолат, жам-тнинг янги беқарорлик олдидан тин олиш даври, деган фикрни илгари сурган. Бундан фарқли ўлароқ, Т.Парсонс “ижт-ий тизим Б.ги қоидалари”ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ҳар қандай жам-тнинг Б.ги унинг ижт-ий тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолиятининг ўзаро уйғун бўлиши б-н белгиланади. Ана шу уйғунлик доимий Б. омилидир. Бунда давлатнинг вазифаси жам-тнинг энг кичик бўғинлари, жамоалар, ташкилотлар, идоралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустақамлашдан иборат. Тарихдан маълумки, жам-т яхлитлигининг таянчлари бўлмиш иқтисодиёт, сиёсат, ижт-ий мун-тлар ва маън-ий соҳаларда Б.нинг издан чиқиши одатдагидан кўра кучлироқ ижт-ий номуаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бундай салбий жараёнлар маъ-ят соҳасида ҳам содир бўлиши мумкин. Уларнинг сабабларини иқт-ий ёки сиёсий омиллар таъсири б-н изоҳлаб бўлмайди. Гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, инсон зотига ярашмайдиган бошқа хатти-ҳаракатлар ҳам Б.ка салбий таъсир этувчи омиллардир. Б. масалеси 1989 йилда Бразилиянинг Рио де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон Конференциясида илк бор сиёсий концепция даражасига кўтарилган эди. Б. концепциясида сиёсий жабҳанинг яққол устуворлиги кўзга ташланса-да, глобал муаммолар ечимини излаб топиш инсон маън-ий дунёси, ақлий салоҳияти, улкан бунёдкорлик қудратининг тўлиқ сафарбар этилиши б-н узвий боғлиқ. Ўз-н мустақилликка эришгандан кейин Б. жам-т тар-ётининг, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий шартли, маън-ий юксалиш омилига айланди. Юртбошимиз томонидан асослаб берилган миллий тар-ёт модели мам-тни барқарор ва босқичма-босқич тараққий эттириш тамойилига асосланган. Б. бу борадаги барча ислоҳотлар ва тадрижий ўзгаришларни амалга оши-

ришнинг асосий шартини, мам-тимиздаги тинч-тотувликнинг ажралмас ҳамроҳидир. Шу б-н бирга, жам-тимиз Б.ги, халқимиз тинч-тотувлигини а.аш ва мустақамлаш, ҳимоялашга тайёр туриш, бу борада хушёр ва огоҳ бўлиш барчамизнинг маън-й бурчимиздир.

БАТТОЛ(ЛИК) (араб. бекорчи, ишсиз, ёмон) — ёвуз, бераҳм, ваҳший; разил, ярамас; ўзиникини тўғри деб туриб оладиган, тўғри йўл-йўриққа юрмайдиган, ниҳоятда ўжар, қайсар одамга ва хус-ятга нисбатан ишлатиладиган т. лар. Б. жоҳиллик негизида пайдо бўлади. Зеро, жоҳил, илм-маърифатдан йироқ, маъ-ятсиз киши эзгулик ва ёвузлик, одамийлик ва ваҳшийлик, ҳақни ноҳақдан фарқламайди, фақат ўзим ҳақман, деб ҳисоблайди ва ўзгаларнинг фикрига қулоқ тутмайди. Айни шундай кишилар кишилик жамтида Б.нинг кучайишига сабабчи бўлади. Кайковус одамларни тўрт навга бўлади: “Бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдирким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдирким, билур ва билғонин билмас, ул уйқуладир, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдирким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, ул жоҳилдур, ундин қочмоқ керак”. Б.ни тўртинчи — “билмас ва билмағонин билмас”ларга тааллуқли дейиш мумкин. Зеро, Б.га хос ўтакетган ўжарлик, қайсарлик, тўғри йўл-йўриққа кўнмаслик каби хус-ятлар жоҳиллик ва уни англамасликдан келиб чиқади. Абдулла Авлоний назарида, бундай кишилар “жаҳли мурраккаб” маразига мубтало бўлган, улар бир нарсани билмас, билмаганини ҳам билмасдан биламан, деб даъво қилади. “Бизда мундай кишиларга “ўзбошимча” ва “ўзибилармон” исмини берулар”. Халқимиз орасида ўтакетган ўжар кишилар “Б.” деб аталган. Мас., “...Ўжар бўлганда ҳам бориб турганисан. Бекорга “Б.” деб лақаб қўйишган эмас” (Б.Раҳмонов. Юрак сирлари). Тарихда не-не жинойтлар, ёвузлик ва ваҳший ишлар айни Б. оқибатида

содир этилган. Жумладан, “Мен б-н Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи... Б. Ҳомид экан” (Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар). Италиялик шоир Данте Алигьери “Илоҳий комедия” достонида дўзахда азоб чекаётган гуноҳкорлар ҳақида ҳикоя қиларкан, зўравон ва б.ни ўзлари тўккан қонлари ичида ботиб ётган ҳолда тасвирлайди.

БАХИЛ(ЛИК) — бирон-бир шахснинг ўсиши, обрў-эътибори ошиши, ютуғи ва истеъдодини ич-ичидан кўра олмасликни ифодаловчи т. Б. шахсиятпараст, худбин ва кўнгли қора кишиларга хос хус-ят бўлиб, одамлар ўртасидаги ижт-й-ахлоқий мун-тларга салбий таъсир қилади, уларни бузади, жам-тдаги инсонпарварлик ва адолатга путур еткази, жаҳолатни кучайтиради. Б. кишилар бошқаларнинг бахтсизлиги, нотинчлиги, муваффақиятсизлигидан мамнун бўлади. Б. халқ оғзаки ижоди намуналари — ҳикоя, эртак ва дostonларда ҳам энг ярамас одат сифатида тасвирланган. Қуръони карим ва ҳадисларда Б. ҳаром ишлар ва ярамас хулққа етакловчи иллат сифатида қораланган. Б. маъ-яти кемтик, бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган, қизганчик, хасис каби иборалар б-н маънодошдир. Ҳадиси шарифда баён этилишича, “Одамларнинг энг ёмони ўз аҳлига Б. ва қизганчиқлик қиладиганидир”. Б. киши ўз хулқи б-н Ватаннинг гуллаб-яшнашига, жам-тнинг бойишига, унинг маън-й тарётига тўғаноқ бўлади. Б.нинг асосида инсоннинг ўзини бошқалар б-н таққослаши ётади. Агар бирор кимса ўзини муттасил “Мен ўзгалардан кўра ақллироқман”, “Мен доимо ҳақман” деб ўйласа, у ҳолда ўзидан ақли, бахтли одамларни кўрганда ҳасади келиб, уларга нисбатан Б.и ошади. Б. ҳасад ҳисси асосида юзага келади ва доимо у б-н ёнма-ён юради. Ҳасад бу амалга ошмаган Б.дир. Б. эса кўнгилдаги мавжуд ҳасадни амалга чиқаришдир. Ўзгаларнинг ютуғини кўролмаслик оқибатидаги Б. одамларнинг янги марраларни забт этишига тўғаноқ бўлади, яъни Б. кимса ўзи ҳам янгиликка интирмайди, бош-

қаларнинг ҳам фаол бўлишига йўл қўймайди. Агар чинакам эркинлик инсоннинг ўз-ўзини бошқариши б-н белгиланса, кўнглида ҳиссиётлар устун турадиган ва хулқи ҳислари орқали бошқариладиган одам ҳеч қачон озод ва эркин бўла олмайди. Фақат ўзи ва ўз хулқини бошқариш қобилияти орқалигина инсон ҳақиқий эркинлик ва фаровон ҳаётга эришиши мумкин.

БАХТ — маъ-ят категорияси, ахлоқий онг т.си; кишининг ўз турмушидан мамнунлик, мурод-мақсадга етганлик ҳолати, ҳаётининг бекаму кўстлиги ва муайян маъно касб этганидан ҳосил қиладиган қаноати. Б. юксак ижт-й мазмунга, инсонларни муайян мақсадларга (бахтга эришиш) чорлайдиган, ижобий моҳиятга эга бўлган категориядир. Б.нинг зидди Б.сизлик ҳисобланади. Б. кўпинча “Б.-саодат” тарзида ҳам қўлланади ва барча замонлар ҳамда халқларда бир хил маънода қўлланади. Категория сифатида Б.нинг турлари, намоён бўлиш шакллари ва хус-ятлари кўп. Мас., Ватан Б.и, шахс Б.и, меҳнат Б.и, ёр Б.и, оила Б.и, қариллик Б.и ва б. Бу ҳар бир инсон, миллат, жам-тнинг нимага интилаётгани, нимани Б. деб тушунишига, нимадан қаноатланишига боғлиқ. Шу маънода Б. кўпроқ маън-й ва субъектив жиҳатлар устувор бўлган категориядир. Аммо бу унинг объектив асослари йўқ, деган маънони англатмайди. Б. қад. даврда эвдемонизм таълимотининг асосий т.си бўлган. Унинг вакиллари Б.ни ҳаётнинг асосий мақсади, кишилар интиладиган маъмуриликка эришилган ҳолат, шод-хуррам бўлишнинг олий кўриниши сифатида талқин этганлар. Антик файласуф Эпикур Б. т.сини ахлоқнинг негизи деб ҳисоблайди. У этикани ҳаётда яшашнинг мақсади тўғрисидаги, азоб-уқубатлардан халос бўлиш, кишиларга Б. келтирадиган ҳузур-ҳаловатга эришиш йўлларини ўргатадиган таълимот, деб қарайди. Мутафаккир инсоннинг жисмоний азобдан ҳамда руҳий ташвишлардан холи бўлишини, яъни инсонни тамомила қониқтирадиган

ҳолатни Б. деб тушунади. “Б.га интилиш, — деб таъкидлайди Эпикур, — одам учун табиий нарса, унинг ўзи ҳам роҳатланиш, ҳузур-ҳаловат истагидан келиб чиқади”. Эпикур барқарор руҳий ҳузур-ҳаловатни ўткинчи жисмоний роҳатланишдан устун қўяди. Буюк аждодларимиз ижодида ҳам б. т.сини ўзига хос тарзда талқин этилган. Мас., Форобий инсоний хислатларни тўрт турга (наз-й фазилатлар, тафаккур фазилатлари, касб-ҳунар фазилатлари) бўлиб, инсон улар ёрдамида мавжудот оламини ўрганиш, касб-ҳунарни, илмларни ўзлаштириш орқали Б.га эриша олади. Инсоннинг Б.ли бўлиши унинг соғлиги, иродаси, ҳаётининг мазмунли ўтишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Инсон юксак жисмоний камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий комилликка ҳам ҳаракат қилса, шубҳасиз, ўзи интилаётган Б.-саодатга эришади. Б. инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган, унинг фаолияти, турмуши, шароитлари, жам-тдаги ўрнига берилган ахлоқий баҳодир. Б.нинг мазмуни инсоннинг шахсий ҳаёти доираси б-нгина белгиланмайди. Ўз шахсий манфаатини ўйлаган, бошқалар б-н иймон, инсоф, адолат асосида мун-тда бўла олмайдиган одамни Б.ли деб бўлмайди. Б. инсонлар ўртасидаги мун-тлар асосида белгиланади. Кимки жам-тда, инсонлар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, ахлоқ-одоби, бошқалар б-н одилона, ҳалол мун-ти асосида обрў-эътибор орттирса, ўша Б.ли одамдир. Б. ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётига бевосита дахлдор бўлса ҳам, унинг мезонларини жам-т, жамоатчилик белгилайди. Инсон ўзининг қай даражада Б.ли эканини англамоқчи бўлса, ўзининг мол-дунёси, оилавий ҳаётигагина эмас, балки бошқаларнинг унга бўлган мун-тига ҳам таянмоғи лозим, чунки Б.ни қандай маънода тушуниш шахснинг ижт-й ўрнига, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Б. ҳақидаги кишиларнинг тасавурлари ижт-й тузум ва ундаги ижт-й мун-тлар мажмуаси б-н узвий боғлиқ. Чинакам Б.ли бўлиши учун ҳар бир шахс эркин, тенг, ўз истеъдоди ва қатъиятини ҳар томонлама намоён қилиш, моддий ва маън-й

эхтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмоғи зарур. Ш-дек, Б.га эришиш учун ҳар бир шахс жам-тда, оилада ўз ўрнини топган, бурч ва маъсулиятини англаб етган бўлиши лозим. Одам ўз онги, тафаккури, дунёқарашини, хатти-ҳаракатини, хулқи, ақл-заковатини б-н Б.ли бўлиш учун интилиши ва курашиши керак. Инсон ўз тақдирини халқ, Ватан тақдири б-н уйғунлаштиригандагина Б.ли бўлиши мумкин. Б.ли бўлиш орзусида яшаган кишининг қалби пок бўлиши, ўз нафсини тарбиялаши, яхши амалларни бажаришга одат қилиши зарур. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, “Инсоний вужуддан мақсад — энг олий Б.-саодатга эришувдир; аввало у Б.-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига гоё ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди б-н мафтун бўлиши керак. Кейин бу Б.-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса Б.-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади”. “Ўзидан бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларни Б.-саодатга эришув даражасини кўтариш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Кимда-ким бировни Б.-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди”. Қадимда бир донишманддан: “Одамни нима Б.ли қилади, бойликми ёки шон-шухратми?” — деб сўрадилар. “Бойлик ҳам, шон-шухрат ҳам одамни Б.ли қила олмайди. Тани-жони соғ киши ҳар қандай бой одамдан Б.лироқдир”, деб жавоб берибди донишманд. Дарҳақиқат, соғлиғининг мазаси йўқ одам Б.ли бўлолмайди, бетоб одамга ҳеч қандай бойлик ҳам татимайди. Ҳамма нарса б-н туриб, обрўси бўлмаган инсон дунёда энг Б.сиз кишидир. Киши қалбидан жой олиш — энг улўф Б.дир. Б.ни совға қилиб бўлмайди. “Вақтинг кетди — Б.инг кетди”, “Б. кулгу бор уйга кирар”, “Б.ли овчига чўлоқ кийик йўлиқар” каби мақоллар бежиз айтилмаган. Б. — бу севган киши б-н бирга бўлиш, ҳаётнинг барча

ташвишу қувончларини баҳам кўриш, ҳурмат қилиш, ҳар қандай қийинчиликларда ёрдам бериш, керак бўлса жонини фидо қилиш каби олижаноб фазилатлар мажмуи ҳамдир. Б. фақат ўзи учунгина эмас, балки бошқа киши — севгани учун ҳам яшай билиш демакдир. Ҳаётда оиланинг тинч-тотувлиги, фарзандларнинг камоли ҳам катта Б. Шу боис ҳар бир киши учун оила Б.идан улўф Б. бўлмаса керак. Фаровон турмуш, тинч ва осойишта ҳаёт, ўғил-қизларнинг роҳатини кўриш ҳамманинг орзуси. Агар ота-она оиладаги Б. б-н қувонса, фарзандлари ҳам уйдаги ҳар бир нарсага, ҳаётга масъулият б-н қарашга одатланади. Бу эса келажакда болаларнинг Б.ли бўлишига асос бўлади. Оилада эркак кишининг хотини ва фарзандларига доимо меҳр-шафқат кўрсатиши оиланинг тинч-тотув яшашига, Б.ли бўлишига олиб келади. Б.ли бўлишни хоҳлаган одам бе-парво, илтифотсиз бўлмайди, ҳаммаша ўзгаларга яхшилик қилишга интилади. Ҳар бир киши ўзининг келажакини бирон-бир мақсад шаклида олдиндан тасаввур қила олмаса, унинг бунёдкорлик ҳаракати сусаяди, ундай киши бора-бора ўз Б.ини йўқотади.

БАЧКАНА(ЛИК) (форс. болаларча, болаларга хос) — катта ёшдаги кишиларга ярашмаган қилиқлар, болаларча мулоҳаза юритадиган, қисқа ўйлайдиган, юзаки ва хом фикрлайдиган кишини англатадиган т. Одамнинг маън-й қиёфаси унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлар экан, киши ёши, мансаби, мавқеига яраша йўл тутмаса, унинг иши ва қилиқлари ўзгаларнинг гашига тегади. Ш.у. Б. қилган кишиларга “ёшингга қараб иш қилгин”, деб дашном берилади. Б. одамни инсонлик мартабасидан маҳрум этади, бундай кишилар эл ўртасида ҳурматини йўқотади. Абдулла Қаҳҳор “Тўйда аза” ҳикоясида ёшини унутган кишининг фожиасини очиб берган. Элда ҳурмат ва муҳаббатга сазовор бўлган, ёши анчага борган домла ёш жувонга уйланиш фикрига келади ва буткул ўзгаради, Б. қилиқлар қила бошлайди. Домла ёшига яраша иш

қилмагани туфайли ҳатто маҳалланинг ҳам файзи кетгандек бўлади. Хурмат туйғуси ғазабга айланади. “Бу ғазаб одамларнинг кўнглидаги домлага бўлган хурмат ва муҳаббат туйғусини чирита бошлади. Бора-бора домла деганда одамларнинг кўнглига ғашлик тушадиган бўлиб қолди”. Б.ни мутафаккирларимиз одамийликка зид иллат сифатида қоралаб келганлар. Мас., Носир Хусрав назарида “Қирқ ёшда ҳам ақлу одоб бўлмаса, // Бўлади ундайни одам демаса!”, Кайковуснинг фикрича, “Ўзига оро бергон қаридин қочгил, нединким зоҳирин безагон қари жоҳил йигитдан ёмонроқдир...”. “Барча халойиқнинг умри қуёш янглиғдур: йигитларнинг қуёши машриқдадур, қариларнинг қуёши мағрибадур ва мағриба бўлгон қуёш тез ботгусидур. Бу сабабдин қариларга йигитлар феълин қилмоқ номуносибдур”. Алишер Навоий Б. одамни беҳуда оворай саргардонликка мубтало қилишини уқтиради: “Ҳавас бўлса қарига навжувонлик, // Ҳижолат зоҳир айлар саргардонлик”. Хуллас, халқимизда Б. юксак маъ-ятга мос келмайдиган иллат сифатида қораланиб, унга ҳамма замонларда салбий қусур сифатида мун-тда бўлиб келинган.

БАҒРИКЕНГЛИК (толерантлик) — ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенгфеълли бўлган, ана шундай маън-й фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи т. Б. ўзгаларнинг дунёқарашини, диний эътиқодини, миллий ва этник хус-ятлари, анъана-маросимларига хурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-мун-тда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қўйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур т. турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мам-т доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади. Б. айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хус-ят бўлиши мумкин. Б. — ўзб. халқининг энг олижаноб фазилатларидан биридир. Б. миллий ва диний тусда намоён бўлади. *Миллий Б.* —

миллатлараро тотувликни англатса, *диний Б.* — турли диний конфессияларга мансуб кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшашини билдиради. Турли динларга эътиқод қилувчилар б-н ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро хурмат ҳам Б.ка киради. Б. тор мутаассибликка зид т.дир. Умуминсоний қадриятларни қадрлайдиган, юксак маърифатли инсон ҳеч қачон диний ва миллий айирмачилик йўлидан бормайди, балки барчага баробар эҳтиром ва одобда бўлади. Ўз-нда мустақилликнинг илк кунлариданоқ изчил амалга оширилаётган Б. сиёсати миллий тар-ёт, мам-тда қарор топган осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Б. дунёдаги турфа мал-тлар, турли халқлар миллий қадриятлари, анъана ва урф-о.ларини хурмат қилишни англатади. Бундай Б. кенг дунёқараш, самимий мун-т, ҳур фикр, виждон ва эътиқод негизида вужудга келади. Б. фақат маън-й бурчгина эмас, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Б., энг аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол мун-тдир. Бу таъмоийил асослари Конституциямизнинг алоҳида моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Президент Ислом Каримов маъ-ятимизнинг таркибий қисми бўлган ислом динининг инсон ҳаётида тутган ўрни хусусида тўхталиб, бутун дунёда унга нисбатан қизиқиш ва интилишнинг кучайишини динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва Б.и, одамзодни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни ажодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти б-н изоҳлайди.

БАҒРИТОШЛИК — бераҳмлик, шафқатсизликни англатувчи т. Кишилар ўртасидаги инсоний мун-тлар моҳияти, аввало, инсонга эътибор, ўзгаларнинг қадрқиммати, иззат-нафсини хурмат қилиш, одамзод ва табиат ҳақида қайғуришда намоён бўлади. Шундай экан, Б. инсондаги барча олижаноб фазилатларнинг қушан-

даси бўлиб, бундай кишиларга одамгарчилик, юксак ҳис-туйғу, ўзгаларга меҳр-муҳаббат ва шафқат бегонадир. Халқ оғзаки ижоди, бадиий адабиётда Б. салбий хус-ят, инсон маъ-ятидаги кемтиклик, комил инсон қиёфасига мос келмайдиган т. сифатида қораланади.

БЕБУРД(ЛИК) — кишининг салбий психологик хус-яти бўлиб, мазкур ибора лафзсизлик, субутсизлик, қатъиятсизлик сўзлари б-н маънодош т. Б. ижт-й ҳодиса сифатида нафақат инсонни, балки бутун бошли жам-тни таназзулга етакловчи иллат сифатида ифодаланади. Б.нинг аломатлари сўзда турмаслик, ваъдага вафо қилмаслик, қатъиятсизлик ва мунофиқлик кабиларда намоён бўлади. Б. инсон учун оғир дард бўлиб, бошқаларда салбий таассурот уйғотади. Атрофдагиларнинг ишончини йўқотган субутсиз ва мунофиқ кимсалар ўзигидан ҳам маҳрум бўлади. Инсоннинг ички дунёси, ҳаётий тамойиллари, хулқ-атвори, юриш-туришига қараб у мансуб бўлган миллат ва жам-т ҳақида хулоса чиқарилади. Мас., юксак маън-й-ахлоқий жиҳатдан етук, умуминсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, ўз сўзида собит мард ва жасур инсонлар халқ обрў-эътиборига сазовор бўлса, жам-т қонун-қоидаларига риоя қилмайдиган ахлоқсиз, худбин, мунофиқ ва Б. кимсалар эл нафратига дучор бўладилар. Кишининг хулқ-атвори унинг дунёқарашига бевосита боғлиқдир. Ота-онасини эъзозлайдиган, қатъиятли, аҳдига вафодор, жасур ва мард инсонлар буюк ишларга қодир бўлади. Улар ҳеч қачон Ватанга хиёнат қилмайди, миллий раънақи ва юрт фаровонлиги йўлида жонини ҳам аямайди, бор истеъдоди ва салоҳиятини мам-т тар-ётига сафарбар этади. Сўзининг устидан чиқмайдиган, атрофдагиларга бефарқ, қатъиятсиз, бебурд ва мунофиқ кимсалар ўзи туғилиб ўсган Ватанига хиёнат қилишгача бориши мумкин. Мустабид тузум давридаги баъзи Б. амалдорларнинг қатъиятсизлиги ва иродасизлиги, ўз манфаатини халқ манфаатидан, ўз тинчини юрт тақдиридан афзал билгани сабабли мам-тимиз ҳақида

турли хил нохуш тасаввурлар уйғонишига сабаб бўлган эди. Юртбошимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида XVII адан XX а.нинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқликка юз тутгани ҳақида тўхталиб, ўша замон “юрт ҳукмдорлари ва амалдорлари халқнинг тақдири ва келажаги ҳақида қайғуриш ўрнига, ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, жаҳолат ва ғафлатга берилиши оқибатида биз бугун яшаётган минтақа умумбашарий тараққиёт жараёнларидан узилиб, ривожланишдан кескин ортда қолиб кетди”, дея таъкидлаган эди. Шу боис бугунги кунда одамларимиз, жам-тимиз мафқурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи, айниқса, ёшларимизни юксак билимга эга бўлган, ўз сўзида собит турадиган, мард, жасур ва қатъиятли инсонлар этиб тарбиялаш — бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Бундай авлоднинг воҳжа етиштиришнинг давлатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, мам-тимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашининг мустақкам гаровидир.

БЕЗОРИЛИК — маъ-ят талаблари ва ахлоқ қоидаларини бузиш. У менсимаслик, ўзга кишиларга ҳақоратомуз муомала ва шилқимлик қилиш, сўқиниш, яланғоч ҳолда юриш, жониворларга шафқатсиз мун-тда бўлиш, ўсимликларга зарар етказиш ва ҳ.к.ларда ифодаланади. Хулқ-атвор қоидаларига ҳурматсизлик, уриш-дўппослаш, ўзганинг мулкига жиддий зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш б-н боғлиқ хатти-ҳаракатлар ҳам Б. ҳисобланади. Бир сўз б-н айтганда, Б. маъ-ятга зид, ғайриахлоқий ҳодиса сифатида намоён бўлади ва жамоатчилик томонидан қораланади.

БЕМЕҲР(ЛИК) — инсоннинг бошқаларга нисбатан салбий ёки нейтрал тус олган ҳиссий мун-тини ифода этувчи т. Б.ни икки маънода талқин этиш мумкин: биринчидан, у одамларга нисбатан салбий мун-т, тажовуз ва шафқатсизлик-

ни англатса, иккинчидан, бепарқлик, тошбағирлик шакли сифатида намоён бўлади. Б. одамда ўзгаларга нисбатан кўпинча лоқайдлик, бепарқлик яққол намоён бўлади. Мас., касал одамга куюнмаслик, муҳтож одамга ёрдам қўлини чўзмаслик ёхуд ҳалокатли ҳодисани индамай кузатиб туриш Б. аломатидир. Б. маълум маънода инсон қалбининг ҳиссий олами, унда ўзгаларга нисбатан шакланган эмпатия (ўзгалар ҳолатини ҳис этиш)га боғлиқ. Шу маънода, Б. инсоннинг ёшлик давридан оила муҳитида шаклланадиган мун-ти шаклидир. Бу даврда бола тарбиясига эътиборсизлик, қўрс ва қўпол мун-тда бўлиш, камситиш, оилада ота-она ва фарзанд мун-тларидаги ҳиссий гариблик унинг ҳаётида ўзгаларга нисбатан меҳр ҳиссининг етарли даражада шакланмаслигига сабаб бўлади. Яқинларига меҳр-оқибатли бўлган инсон қалбида маҳалладошлари, касбдошлари ва б. кишиларга нисбатан меҳр ҳисси шаклланиши шубҳасиздир. Шу б-н бир қаторда, инсоннинг мақсадга интилиши йўлида ортиқча ҳиссиётларни тизгинлай олиш қобилияти, айрим ҳолларда масалага ҳолис ёндашиш гоят муҳим аҳамият касб этади. Мас., фарзанд тарбиясида болага ҳаддан ташқари меҳр қўйиш унинг талтайиб кетишига, қатъиятсиз, иродаси заиф бўлиб вояга етишига олиб келиши мумкин.

БЕОДОБЛИК — ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган хус-ят, инсоннинг ўз фаолиятида бошқалар б-н бўлган мунтида, иймон, инсоф, андиша, шарму ҳаё, инсонпарварлик каби ахлоқий мезонлар чегарасидан чиқишини англатувчи т. У муайян мақсад йўлида ва мақсадсиз амалга оширилиши мумкин. Бошқа бир тасниф бўйича Б. анланган ва анланмаган кўри-нишларда намоён бўлиши мумкин. Анланган Б.ни одам билиб туриб, ёмон ниятда амалга оширади. Анланмаган Б.га одам ахлоқий мажбуриятни нотўғри тушуниши сабабли йўл қўйиши мумкин. Б. меъёри муайян хатти-ҳаракатнинг мазмунига, унинг амалга оширилишидаги шарт-шароитлар, ш-дек, уни шу ишни қилишга мажбур қилган мотив ва ниятларга

боғлиқ. Б. тугма хус-ят эмас, балки тарбиясизлик маҳсулидир. Ш.у. халқимизда «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деган нақл бор. Сўкут Б., қўполлик ёки ҳасад юзага келтирган ҳар қандай келиш-мовчиликка қарши энг тўғри жавобдир. Бўлган-бўлмаган нарсани такрор-такрор сўрайвериш ҳам Б.дир.

БЕПАРВОЛИК (бепарқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик) — кишидаги ўзгалар ҳаётига, атроф-воқеликка эътиборсизлик, лоқайдликни англатувчи т. Айниқса, давлат ва жам-т ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватан тақдири ҳал бўлаётган паллаларда кишилардан юксак фаоллик, масъулият талаб қилинган шароитдаги бепарқлик нафақат иллат, балки жиноят ҳамдир. Бугунги кунда ҳам Ўз-н келажагини гайратшижоатли, иродаси бақувват, иймон-этиқоди бут, Ватан тақдирига бепарқ бўлмаган инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ш.у. И.А.Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида ҳақли равишда таъкидлаганидек, “**Бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан кўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилиқ чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди. Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданга билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради. Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: “Душманлардан кўрқма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бепарқ одамлардан кўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб тури-**

ши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”. Демак, Б. — иродаси заиф, қатъиятсиз одамларга хос бўлиб, инсонни маъ-ятдан, умуман инсонлик мартабасидан маҳрум этадиган инлатқидир.

БЕРУНИЙ, Абу Райҳон (973–1048 йил) — Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний — буюк қомусий олим ва машҳур мутафаккир. Б. илм-фаннинг деярли барча соҳалари б-н шугулланган алломадир. У Яқин ва Ўрта Шарқнинг бой фан-мад-тини пухта ўрганиб, қад. юн. мумтоз илми б-н ҳам чуқур танишиб, йирик аллома бўлиб етишди. У шоир, адабиётшунос олим ҳам эди. Она тили бўлмиш Хоразм тилидан ташқари яна араб, сўғдий, форсий, сурёний, юнон. қадимги яҳудий ҳамда кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилларини ўрганди. Б. илм-фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод этиб, 162 китоб ва рисоалар қолдирди. Шулардан атиги 28 таси бизгача етиб келган. Ҳоз-и пайтда алломанинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Маъданшунослик», «Масъуд қонуни», «Мунажжимлик санъатидан бошланғич т.лар», Ибн Сино б-н савол-жавоблари нашр этилиб, турли тилларга таржима қилинди. Б.нинг табиий-илмий қарашлари муҳим аҳамиятга эга. У астрономик кузатишлар орқали Ой ва қуёшнинг тутилиши, уларнинг ердаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иқлим, календарь (тақвим), сақлаиш каби ўта мураккаб муаммоларни янги илғор услуб ва тамойиллар кўмагида ҳал этишга эътибор қаратди. Аҳоли манзиллари, маъдан ва металллар солиштирма оғирлигини белгилаш, табиий ва сунъий танланиш ғоялари, оламларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги башоратлар, тажриба, синов, кузатувга изчил мун-т Б. даҳосининг сержило қирралари бўлиб, унинг буюк қомусий олим ва машҳур мутафаккир эканлигини кўрсатиб турибди. Олим кишиларнинг табиатда учрайдиган ҳар қандай ғаройиб ҳодисаларнинг сабабларини уқтириб беришдан қочишлари,

уларни тангри донишмандлиги, кароматига ҳавола қилиш б-нгина чегараланишларидан кулади. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай ёзади: «ҳисоб илмидан хабарсиз киши водий йўлини бир текисда тўғри ёки озгина нишаб деб ўйласа, албатта, у киши айтиб ўтилган ариқни юқорилаб кетади деб ҳаёл қилади. Бундай кишилар ернинг баланд-пастлигини ўлчаш, текислаш, анҳор қазииш ва каналлар ўтқазииш қуролларини ишлатишни яхши билмаганларича уларнинг дилларидан шак-шубҳани кетказииш мумкин эмас». Б.нинг борлиқ тўғрисидаги ғоялари унинг табиий-илмий қарашлари б-н узвий боғланган. Мутафаккирнинг жам-т ва инсон тўғрисидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. Инсон Аллоҳнинг яратувчилик фаолияти туфайли пайдо бўлган. У Аллоҳ буюклиги ва донишмандлигининг нишонасидир. Унга инъом этилган сезги аъзолари, ақл, яъни барча нафсий ва ақлий қувватлар беҳудага берилмаган. Улар орқали инсон Аллоҳнинг амр-фармонини эшитади, ҳис этади, мўъжизаларни мушоҳада қилиб, булар орқали унинг яғоналигидан, қудратли, доно ва меҳрибон эканлигидан хабардор бўлади. Б.нинг таъкидлашича, жуғрофий омил инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Инсон танасининг ранги, ташқи кўриниши, табиий хоссалари ва хус-ятларидаги фарқ унинг келиб чиқишига алоқадор бўлибгина қолмасдан, балки турар жойлардаги тупроқ, сув, ҳаво, жойнинг фарқига ҳам боғлиқдир. Одамларнинг бир-бирлари б-н бирлашиши, жам-тнинг пайдо бўлиши моддий эҳтиёж натижасидир. Инсон ортиқча жисмоний куч ва қудратдан маҳрум эканлиги, унда ўз-ўзини муҳофаза қилиш воситаларининг йўқлиги, б.лар томонидан ташкил этилган хуружларга дуч келиши оқибатида уни ҳимоя қиладиган ва эҳтиёжларини қондиришини таъминлай оладиган нарсага доимий зарурият сезади. Айнан шу зарурият уларни бирлашишга даъват этади. Кишиларнинг эҳтиёжлари кўп ва хилма-хилдир. Бунинг учун улар шаҳарлар қуришга эҳтиёж сезадилар, натижада жам-т вужудга келади. Ҳар бир

инсоннинг ҳақиқий баҳоси унинг ўзи қодир бўлган ҳунар, ишни виждонан юксак маҳорат б-н бажаришидир. Пул муомаласи меҳнатнинг айирбошлаши ривож б-н боғланган. Б.нинг фикрича, пуллар, жумладан, олтин, қумуш ўзича ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас. Улар маҳсулотларни алмаштириш жараёнидагина умумий мезон сифатида аҳамият касб этади, ўз вазифасини бажаради. Пулдан ноўрин фойдаланиш ёмон оқибатга олиб келадиган бойликлар яратди. Натижада пул зўравонликка, мажбурий меҳнатга олиб келди. Б.да ижт-й утопик қарашлар ҳам ривож топган, дейиш мумкин. Унинг идеалига кўра, жам-тни бошқариш ўз моҳиятига қараганда, амалдорлардан ўз ҳузур-ҳаловатидан маълум муддат маҳрум бўлишни, зўравонлардан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини тиклаш, айбдорларни эса жазолашдан иборат бўлмоғи лозимлигини тақозо қилади. Унинг ҳикоя қилишига қараганда, Мағрибда жам-тни б.риш демократик тарзда олиб борилад экан. Жам-тни идора қилиш «юқори тоифа кишилари ва деҳқонлар» орасида навбатма-навбат амалга оширилад экан. Идора қилиш муддати тугагач, ҳукмдор масъулиятли вазифани соғ-саломат ўз зиммасидан соқит қилганлигига атаб фуқароларга зиёфат берар, кишиларга совғалар ҳадя қилар экан. Одил ҳукмдорнинг асосий вазифаси юқори ва қуйи табақа вакиллари ўртасида адолат ўрнатиш, кучли ва ожизлар ўртасидаги тенгликни барқарор этишдан иборатдир. Ш.у. у Ҳиндистонда ҳукмрон бўлган табақачилик (кастачилик) тартибини қоралади. «Тенглик ҳукмронлик қилган жойда қайғу-алам ва очофатлик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади», деган ғояни илгари сурди. Б.нинг таъкидлашича, жам-т ҳаётида деҳқончилик б-н банд аҳолининг ўрни алоҳида эътиборлидир. Ш.у. деҳқонлар ҳол-аҳволдан доимо хабардор бўлиб туриш, уларга ғам-хўрлик қилиш ҳукмдорнинг бош вазифаси бўлмоғи шартдир. Б.нинг ахлоқ-одобга оид ғоялари ҳам беҳад даражада қизиқарли ва фойдадан холи эмас. Шахснинг ахлоқи жам-т олдидаги бурчини сидқидилик б-н бажаришига хизмат қилмоғи ло-

зим. Инсоннинг ташқи қиёфаси табиат инъомидир, уни ўзгартиришнинг имконияти йўқ. Бироқ, ахлоқий қиёфасини ўзгартириш инсоннинг ўз қўлида. Демак, уни ёмон ҳулқдан яхши фазилатлар томон айлантириш имкониятлари чексиз. Бунинг учун шахс ўз ҳулқ-атвори, ҳис-туйғулари устидан ҳукмрон бўлмоғи, руҳини тарбиялаб бориши, уни ахлоқий жарроҳлик воситасида даволаши, ахлоқ-одоб борасидаги китобларда таъкидланган усуллар б-н камчиликларидан қутулмоғи лозим. Ана шундагина, у ўзининг сатбий одатларидан холи бўлиб, юксак ахлоқий фазилатлар соҳибига айланади.

БЕФАРҚЛИК — жам-тга, ҳаётга, атрофдаги одамлар ва ҳодисаларга нисбатан бирор бир қизиқиш ва аниқ маън-й-ҳиссий мун-тнинг намоён бўлмаслигини ифодалайдиган т. Б.ни ўзини қўлда тутиб тура оладиган, вазминлик ҳолатидан фарқлаш лозим. Вазмин одам ўзини идора қила олиш ҳисобига қалбидаги туёнларни босиб тура олади ва ўзининг мустақкам иродасини намоён қилади. Иродаси бақувват киши б-н бефарқ одам ўртасидаги тафовутнинг мазмун-моҳияти, Б.нинг оқибатлари И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида атрофлича баён этилган: “Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин?” — “Уйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради. Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламиз. Ирода — бу аслида мустақкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали ин-

сонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргалликда енгиллашга ҳаракат қилади. Лекин бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиб керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди. Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душмanning кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданга билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради”. Бундай қусурларнинг хатарли жиҳати ҳам шунда. Шу боис б. кўпинча атрофдаги кишиларнинг норозилигига сабаб бўлади, бепарқ одам ўзгаларнинг ғамига, ташвишига шерик бўлолмагани учун аста-секин жам-тдан ажралиб қолиши мумкин.

БЕҒАМЛИК — бепарволик, лоқайдлик маъносини англатади. Бундай кишилар турмушда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечимини излашга интилмайдди, ҳамиша беғам, беташвиш яшашни кўзлайди. Аммо юксак ахлоқли ва одобли инсон одамларга ва жам-тга нисбатан бепарво бўлиши, беғам бўлиши мумкин эмас. Б. кайфияти охир-оқибат теварак-атрофдагиларга, жам-тга моддий ва маън-й зарар келтириши, мавжуд муаммоларнинг янада кескинлашувига олиб келиши мумкин.

БЕҒАРАЗ(ЛИК) — 1) шахснинг маън-й қиёфасига хос хус-ят, камтарлик, бошқаларнинг ҳаётига аралашмаслик, ўзгалар мақсадларига халал бермаслик, хус-ятларига, ҳасад, кўра олмаслик, бахиллик, бузғунчилик, ўғирлик, ғийбатчилик, манфаатпарастлик ва б. ш.к. ил-

латлардан холилиқ сифати; 2) бир инсон томонидан бошқа бир инсонга эзгу, холис ният б-н қилинадиган моддий, маън-й ёки бошқа бирор бир турдаги ёрдам, кўмаги эвазига ҳеч қандай қайтимга умидвор бўлмаслиги, тама қилмаслигини билдирувчи т. Б. халқимиз тарихида азалдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Энг кўҳна бебаҳо ёдгорлигимиз Авестода ифодаланган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилида Б. ғояси тажассум топган. Халқимиз орасида кенг тарқалган Ҳотамтой тимсолида ҳам Б. инсон фазилати намён бўлади. Юртимизда яшаб, ижод этган кўплаб алломаларнинг ҳаёт тарзи, Б.нинг ёрқин тимсолидир. Ўрта а.ларда жуда машҳур бўлган жавонмардлик тариқатида Б., саховатпешалик ғоят муҳим мазмун касб этган. Б. ш-дек, гуруҳ, ташкилот, корхона, жам-т, давлат фаолиятида моддий ёки маън-й ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш орқали намён бўлади. Мас., мустақиллик йилларида мам-тимиз томонидан моддий қийинчиликларни бошидан кечираётган ёки табиий офатдан зарар кўрган қўшни республикаларга моддий ёрдам кўрсатиш, жаҳондаги турли давлатларга БМТ, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, Қизил ярим ой ва б. халқаро ташкилотлар, ш-дек, бошқа давлатлар томонидан моддий ва маън-й кўмак уюштирилиши Б.ка мисол бўла олади. Шу маънода, Б.ни инсонлар ёки жам-тларга хос ижобий сифатларни яхлит ҳолда ифодалайдиган т. сифатида таърифлаш мумкин.

БЕҲБУДИЙ, Маҳмудхўжа (1875–1919) — маърифатпарвар, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси. У янги замон ўзб. мад-тининг асосчиси: янги мактаб ғоясининг назарийчиси ва амалиётчиси, ўзб. драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист. Ўз даври ижт-й-сий ҳаётининг йирик намояндаси сифатида мустақил республика ғоясининг яловбардорларидан саналади. Б. Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида туғилган. Отаси Беҳбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик бўлиб, имом-хатиблик б-н шуғулланган. 1894 й.да ёш Б. ота-

сидан айрилади ва тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ тарбия ва қарамоғида вояга етади. Тоғаси Мулла Одилдан араб тили илмини ўрганади. 18 ёшида қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ўз тиришқоқлиги туфайли қози, кейинчалик, муфтий даражасигача кўтарилади. Ёш Б. дунёқарашининг шаклланишида Россия жадидчилиги ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспиринскийнинг таъсири катта бўлган. 1893 й.да дастлабки янги усул мактабини очишга муваффақ бўлди. 1899—1900 й.ларда Б. ҳаж сафарига боради. Унинг ташаббус ва ғайрати б-н 1903 й.да Самарқанд атрофидаги Ҳалвоий, Ражабамин қишлоқларида янги усул мактаблари ташкил топди. Адиб бу мактаблар учун 1904—1909 йилларда “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китобат ул-ат-фол” “Амалиётни ислом”, “Мухтасар тарихи ислом” каби дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзади. Б. 1903—1904 й.ларда Москва ва Петербургга боради. 1906 й.да Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Хус-н, у Нижний Новгородда 1906 й.нинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва мад-ти муаммоларига бағишланган курултойда туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди. Б. маърифатни ўстириш учун мактаб-маориф соҳасидагина хизмат қилиб қолмасдан, драматургия ва матбуотни ҳам йўлга қўйди. Унинг “Падаркуш” (1913) асари ўзб. драматининг илк намунасидир. Муаллиф “Миллий фожиа” деб атаган 3 парда, 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда эди. Бу асар ўқиманган боланинг бузуқ йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани, нодонлик ва жаҳолат панд бергани ҳақида ҳикоя қилади. “Падаркуш” дастлаб Самарқандда 1914 йилнинг 15 январидида сахнага қўйилди. Авлонийнинг “Турон” театр труппаси томонидан Тошкентда 1914 й.нинг 27 февралда намоиш қилинади. Бой ролини А.Авлоний ижро этади. Ўз машаққатига ўралиб, дунёни унутган миллатдошларга спектакль кучли таъсир кўрсатди. Халқнинг дунёқарашини, миллий онгининг юксалтиришда матбуотнинг ўрни ниҳоятда му-

ҳим эканини билган Б. 1913 й.дан матбуот ишлари шуғуллана бошлайди. У “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналининг нашри этишда бош-қош бўлади. Шу кезларда “Нашриётни Беҳбудия” номи б-н ўз хусусий нашриётини очди. 1914 й.нинг 29 майида Б. иккинчи бор араб мам-тлари бўйлаб саёҳат қилади. Саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлиб, “Ойна” журналининг 1914 й. сонларида чоп этилади. “Ойна” журнали маърифат ва мад-т тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилди. Айниқса, тил масаласи муаллифнинг ҳамшиша диққат марказида турган. Б. Миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисоблайди. Б.нинг публицист сифатидаги фаолияти адиб истеъдодини жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У ўз умри давомида юзлаб мақолалар ёзди. Ўзининг миллат ва ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини мақола ва чиқишларида тирадан ифода этди. Ижт-й-сиёсий мавзудаги бу мақолаларнинг аксарияти ўзб. халқининг янги йўналишдаги миллий тафаккури шаклланишида, ҳаётга, турмушга янгилик қарашлари туғилишида, ҳақ-ҳуқуқларини танишида катта аҳамиятга эга бўлди. “Туркистон идораси”, “Туркистонда мактаб жариди”. “Бухорода усули жадид”, “Ёшларга мурожаат”, “Эҳтиёжи миллат”, “Икки эмас, тўрт тил керак” каби публицистик мақолалари ана шундай хус-ятларга эга. Б.нинг ижт-й-фал-й қарашларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. Б. илму маърифат халқ оmmasи томонидан ўзлаштириб олингандагина ижт-й тар-ётда ҳал қилувчи кучга айланади, деб фикр юритади. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси б-н боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган. Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижт-й адолатни тиклаб бўлмайди деган хулосага келади. Беҳбудий истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этади. Унингча, зўра-

вонлик ғайрияхлоқий, бинобарин, ғайриинсонийдир. Беҳбудий истиқлол олишни Исмоил Гаспирали сингари муроса йўлини танлаб, руслар ёрдамида маърифатга эришиш, маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқларни қўлга киритиш, миллий хус-ятларни тиклашда деб билади. Ватан, мустақиллик тақдири ҳал қилинаётган 1917 йилнинг 16–23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон муслмонларининг ўлка қурултойида ҳаяжонли нутқ сўзлайди. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоққа чақиради. Б. катта умид боғлаган “Туркистон мухторияти” яксон этилгач, миллатни, миллий тар-ётни инкор этган шўролар йўли алдов ва зўравонликка асосланганлиги рўйирост ошкор бўлди. Б. 1919 й.нинг баҳорида Шаҳрисабзда қўлга олиниб, икки ойдан сўнг, Қаршида зиндонга ташланади. Бир неча кундан сўнг, ҳозиргача аниқ бўлмаган маълумотларга кўра Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи б-н зиндон яқинидаги “подшолик чорбоғи” да ўлдирилган. Шўролар ҳукумати амир қўли б-н миллатнинг фидойи фарзандини маҳв этганлиги кейинги тадқиқотларда аён бўлмоқда.

БИДЪАТ (араб. янгилик) — анъанавий диний ақидаларга бирор янгилик киритилишини англатувчи т. Қадимда у динларнинг вужудга келиши ва тар-ёти жараёнида қўшилган урф-о. ва маросимлар, турли ўзгартиришлар киритиш, динни ислоҳ этиш ниқоби остида уни бузишга ҳаракат қилиш, диндорларни чалғитиш, тўғри йўлдан адаштириш тарзида тушунилган. Ҳоз. вақтда эски урф-о., расм-русум сифатида талқин этилади. Маълумки, ислом араб бўлмаган мам-тларга жорий этилганда, маҳаллий халқларнинг урф-олари, дунёқарашига муайян даражада мослаштирилган эди. Чунончи, ажодлар мазорларини зиёрат қилиш, дуои фотиҳа ўқиш савоб иш саналади. Аммо XX а.нинг сўнгги чорагида авж олган ақидапараст оқимлар, мае., ваҳҳобийлик бундай амалларни Б. (гуноҳ) деб ҳисоблайди. Улар тасаввуф ва тариқатни,

умуман, улар назарида Куръон ва Суннатга асосланмаган ҳар бир нарсани Б. деб билади. Бироқ диний уламолар исломга қувват берадиган, унинг маъ-йи такомилга хизмат қиладиган янгиликларни маъқуллаганлар. Шу асосда “жоиз янгилик” ва “ножоиз янгилик” т.лари келиб чиққан. Б. т.си диний фундаментализмнинг таянчларидан биридир.

“БИЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРАМИЗ” — Президент И.А. Каримов асарларининг 7-жилди (Т., «Ўзбекистон», 1999 й.). Ушбу жилдга мам-тимиз раҳбарининг ЎЗР Олий Мажлисининг сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари сессиялари ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган учрашувларда сўзлаган нутқлари ўрин олган. Китобдан жой олган нутқларда мам-т ички сиёсатининг ўзига хос тамойиллари, мам-тни ижт-й, иқт-й ривожлантириш стратегияси, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш ва жам-тни янгилаш, кишилар онги ва тафаккурини тубдан ўзгартириш борасидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари, моҳияти ва мазкур йўналишларни муайян шароитларда рўёбга чиқаришнинг долзарб масалалари теран таҳлил қилиб берилган. Ш-дек, мам-тда ўтказилган турли маън-й, маъ-йи ва мад-й анжуманлар, маросимларда сўзланган нутқлар, мам-т олимлари ва журналистлар б-н бўлган суҳбатлар, савол-жавоблар ҳам ушбу китобда жамланган. “Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин” деб номланган «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавобларда мафқуранинг мазмун-моҳияти, инсоният тарихи ва жам-т ҳаётида тутган ўрни, собиқ Иттифоқ давридаги мафқуравий вазият, миллий мафқурамизнинг ўзига хос хус-ятлари, таълим-тарбия масаласи ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ўзига хос хус-ятлари ва аҳамияти ҳақида батафсил фикр юритилади. Тарихчи олимлар ва журналистлар б-н бўлиб ўтган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деб номланган суҳ-

батда мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, мад-ти, қадриятлари, тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқшининг ортиб бориши, ҳар бир инсон қалбида ўз авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, Ватанининг ўтмишини билишга маън-й эҳтиёжи туғилиши, ҳаққоний тарихни англашда нималарга эътибор бериш лозимлиги ва бунда зиёли-олимларимизнинг ўрни ва вазифалари хусусида ҳар томонлама чуқур фикр-мулоҳазалар баён этилган. Жумладан, суҳбатда ўзб. халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маъ-яти ҳақида сўз кетганда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, ҳар қандай масалада аниқ ёндашувга таяниш, бу борада яхлит концепция яратилиши, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланиши таъкидланади. Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи ва Аҳмад Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимларда сўзланган нутқларда буюк аждодларимиз руҳига, меросига эҳтиром изҳор этилган. Бундай зотлар ёқиб кетган илм машъали янги-дан порлай бошлаши, ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг замонавий илгор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши экани, таълим-тарбия тизими махсус Миллий дастур асосида тубдан ислоҳ қилинаётгани қайд этилади. Китобдаги ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлисида сўзланган нутқда (1998 йил 6 ноябрь), ш-дек, Ўз-н Президентига ЮНЕСКО медалини топшириш маросимида (1998 йил 6 ноябрда) сўзланган нутқда, “Юксак маънавият – жамият тараққиётининг асоси” (Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ, 1998 йил 11 ноябрь), “Ўзбек кураши – жаҳон майдонида” (Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимидаги табрик сўзи, 1999 йил 1 май), “Хотира чироғи ўчмайди” (Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўз, 1999 йил 9 май)

каби маърузаларда ҳам миллий-маън-й меросимиз, буюк аждодларимиз томонидан илгари сурилган ҳаётбахш эзгу ғоялар, уларни ўрганиш ва ҳаётимизга жорий қилиш борасида амалга оширилаётган ва қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз боради.

“БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ”

Президент И.А. Каримов асарларининг 11-жилди (–Т., “Ўзбекистон”, 2003 й.). Китобда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари, маҳаллий кенгашлар сессияларидаги нутқлари, қатор учрашувлардаги маъруза ва табриклари ўрин олган. Уларда республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор тамойиллари, хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, демократик давлат ва фуқаролик жам-ти барпо этишда демократик тар-ёт ва маъ-й дунё б-н ҳамкорлик йўлида дадил олға ҳаракат қилиш ҳамда туб иқт-й, сиёсий ва маън-й ислохотларни амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар атрофлича таҳлил қилинган. Қайд этилган маъруза ва нутқларнинг учта муҳим жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Биринчиси, Ўз-н-да фуқаролик жам-ти ва демократик давлат қуришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, иккинчиси, ички сиёсатимизнинг устувор жиҳатлари – ижт-й-иқт-й, маън-й-маъ-р-й ишларни изчиллик б-н давом эттириш, учинчиси, маъ-р-й дунё б-н ижт-й, иқт-й, хавфсизлик борасида ҳамкорлик қилишдир. “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” номли маърузада мустақилликка қадар ижт-й-сиёсий, маън-й ҳаётимиздаги аҳвол, истиқлолга эришганимиздан кейинги амалий ишлар, уларнинг мазмуни, айниқса, маън-й қадриятларга бўлган эътибор ҳақида сўз боради. Зеро, мустақиллик ўз тақдиримизга эғалик қилиш ҳуқуқи, бой маън-й қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авай-

лаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказишдир. Асарда давлат ва жам-т қурилиши жараёнидаги янги ланишлар, ислохотлар ҳамда уларнинг устувор вазифалари тадқиқ этилган. Ш-дек, Конституция қабул қилинганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган “Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси” номли маърузада ҳам Асосий қонунимизнинг давлат ва жам-т ҳаётидаги ўрни, одамлар онгида қонунга бўлган ҳурмат ҳиссининг ортиб бораётгани, уларда юксак ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш, “Қарияларни қадрлаш йили” якунлари, бу борада амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда “Обод маҳалла йили” да амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақидаги мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Юксак маън-й-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жам-тимизни янгилаш ҳамда жаҳон ҳамжам-ти б-н интеграциялашувга интилаётган мам-тимизнинг янги тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Китобга киритилган “Ислохотлар стратегияси — мам-тимиз иқт-й салоҳиятини юксалтиришдир”, “2003 йилнинг биринчи ярмида мам-тимиз иқтисодиёти ҳамда ижт-й соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида” каби маърузаларда мам-тимизда амалга оширилаётган ижт-й-иқт-й ислохотлар, уларнинг амалий натижаси, кишилар турмуш тарзи ва онгининг ўзгариши, ижт-й секторни кучайтириш, улар юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг ижроси ҳамда бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалаларга оид қимматли тавсия ва хулосалар берилган.

“БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН” — Президент И.А.Каримов асарларининг 2-жилди (—Т., “Ўбекистон”, 1996 й.). Ушбу китобда республикада туб ислохотларни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳамда тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, янгилашиш жараёнига

тўсиқ бўлаётган мураккабликларни бартараф этиш йўллари, Ўз-н ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, маън-й-ахлоқий тарбия, бу ўринда зиёлилар олдида турган муҳим вазифалар хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилган. “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзуида (ЎЗР Олий Кенгаши XIII сессияси, 1993 йил 2 сентябрь) сўзланган нутқда таълим ва мад-тни ривожлантириш ҳамда ислох қилиш, ақлий ва маън-й салоҳиятни мустаҳкамлаш, аҳолини ижт-й ҳимоя қилиш каби масалалар стратегик мақсадлар сифатида эътироф этилади. Яъни чуқур иқт-й ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш муваффақияти, аввало, кадрлар салоҳияти, уларнинг касбий тайёрлиги, ақлий ва мад-й савияси юксаклигини таъминлашга боғлиқ экани уқтирилади. Ушбу жилддан ўрин олган асарлар миллий ғоянинг наз-й манбалари таҳлил этилган талай нутқ ва маърузаларни ўзида мужассам этгани б-н ҳам ғоят қимматлидир. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин” каби асарлар, ш-дек, Юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган маърузалари, айниқса, аҳамиятлидир. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” асарида истиқлол туфайли мам-тимизда мад-т ва фан раванқига берилаётган эътибор, хус-н, бунёд этилаётган мад-т, санъат, маърифат ўчоқлари, кўплаб маиший бинолар қад кўтарётгани таъкидланиб, халқимизга азалдан хос бўлган бунёдкорлик — авлоддан авлодга ўтиб келаётган гўзал фазилат экани айтилади. Жумладан, Ватанимиз пойтахтида бунёд этилган муҳташам “Туркистон” саройи ана шулардан бири бўлиб, бу каби обидалар юрт шаъни ва шуҳрати учун курашувчи, истиқлолни ҳамма нарсадан муқаддас биладиган соғлом авлодни тарбия этувчи масканга айланиши таъкидланади. Боболар меросидан куч олувчи миллий ғоя эзгу ниятларни амалга оширишда халқни руҳлантирадиган куч-қувват манбаи, бу ғоялар тизимининг бош ғояси — озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этиш экани уқтирилади. “Илму фан

тараққийтга хизмат қилсин” асарида Юрт-бошимиз Ўз-н ФАнинг 50 йиллиги мун-ти б-н бўлиб ўтган учрашувда ана шу миллий ғояни шакллантиришда фан ва илмий муассасалар алоҳида ўрин тутишини эътироф этади. Улар бу борада турли илм. тад.ни амалга ошириши, миллий ғоянинг асосларини ҳар томонлама ўрганиши, мафкуравий таҳдидларга қарши изчил кураш чораларини таклиф этиши лозимлиги баён қилинади. “Улуғбек руҳи барҳаёт” (Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўзланган нутқ (1994 йил 15 октябрь), Конституциямизнинг I ва 2 йиллигига бағишланган “Буюк келажагимиз ҳуқуқий кафолати” 1993 йил 7 декабрь, “Асосий Қонунимиз тантанаси” (1994 йил 7 декабрь) нутқлар) каби маърузаларда миллий меросга мун-т, анъаналарга садоқат, унинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш масалалари атрофлича муҳокама этилиб, қимматли мулоҳазалар билдирилган. Ушбу жилдга киритилган БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги маърузада ҳам ўзб. халқининг жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодлар авлоди экани, боболар қолдирган меросдан ифтихор туйғуси таъкидланади. Ушбу маъруза Ўз-н ташқи сиёсатида муҳим таклифларни баён этгани б-н ҳам тарихий аҳамият касб этади. Хус-н, унда Афғонистонда давом этаётган сиёсий можаро дунё олдида жиддий муаммо экани, Ўз-н экстремизм, террорчилик, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақида-парастликни қатъиян қоралаши, М.О. минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарурлиги, М.О.да наркобизнесга қарши БМТнинг минтақавий Комиссиясини тузиш, ш-дек, Орол денгизи фалокати бўйича махсус комиссия ташкил этиш бўйича таклифлар берилган. Асарда истиқлол даврида одамлар руҳиятини ўзгартириш борасидаги ҳаракатлар ижобий самара бераётгани, улар аста-секин боқимандалик кайфиятидан халос бўлаётгани, бу ҳол, айниқса, ёшлар орасида яққол кузатилаётганидан мамнунлик ифода этилади.

БИЗНЕС МАЪНАВИЯТИ — кейинги йилларда маъ-ят соҳасига кириб келган, бизнес б-н шугулланадиган кишиларнинг бутун умри давомида кучига куч қўшишга, ақл, идрок ва заковатини кенгайтириб, мустақкамлашга хизмат қиладиган т. Маъ-ят ва маън-й бойликлар давлат, ташкилот, фирма, корхона ва бизнесменнинг бебаҳо хазинаси ҳамда тар-ёт манбаидир. Бизнес соҳасида маън-й-ахлоқий меъёрларни унчалик менсимайдиган баъзи тадбиркорлар кўпроқ муваффақиятга эришаман деб ўйлайди. Уларнинг назарида агар ахлоқий тамойилларга риоя қилинмаса, ютуқ ёки фойдани тезроқ қўлга киритиш мумкин. Мас., мижозларни ёки шерикларни алдаган бизнесмен ҳалол тадбиркорга қараганда кўпроқ фойда кўриши мумкин. Лекин бу фойда қисқа муддатли, бир ёки икки маротабалик бўлиб, ҳар доим ҳам шу йўл б-н фойда кўриб бўлмайди. Мижозлар ва шериклар бундай бизнесмен томонидан бир-икки марта алдангандан кейин у б-н алоқани узади. Бу эса охир-оқибат унинг банкротликка учрашига сабаб бўлади. Бундан ташқари, бозор мун-тлари ривожланиб борган сари фирибгар ва алдоқчиларнинг имкониятлари камайиб боради. Чунки ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари кучли ҳимоя қилинади, ошкоралик таъминланади. Бу ҳолатлар эса фирибгарлар ва алдоқчилар, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятини чеклаб қўяди. Иккинчи томондан, бозор мун-тларининг юқори даражада рив-ши учун жам-тдаги ахлоқий мун-тлар муайян даражада ривожланган бўлиши керак. Маън-й мун-тлар кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса. Ана шу мураккаб тизимнинг иқт-й мун-тлар б-н бевосита алоқадор бўлган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, адолат, виждонлилик каби жиҳатлари бозор мун-тларининг рив-ш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Бизнес ахлоқи маъ-яти унинг таркибий қисми бўлиши б-н бир вақтда унинг ҳосиласи ҳамдир. Маъ-ят инсон тафаккури, ақл-заковати, бутун фаолиятини тиз-

гинлаб турувчи ҳодисадир. Инсон ақли қанчалик ўткир ва қудратли бўлмасин, унинг маъ-яти тубан бўлса, бу ақл ва заковат вайронкор кучга айланади. Вайронкор куч эса шахснинг атрофидагиларга, жам-тга, оиласи ва ўзига ҳам катта зарар етказди. Соғлом маъ-ят ва унинг таркибидаги умуминсоний қадриятлар инсон ақл-заковати, куч-қудратини бунёдкорлик сари йўналтиради. Юксак маъ-ят ва инсоний ахлоқнинг шу жиҳатлари Б.м. ва хулқида мужассамлашган тақдирдагина у бизнесменнинг ўзига ҳам, фаолият соҳасининг ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

БИЛИМ — ижт-й-тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликни билиш жараёнида эришилган натижа; шу воқеликни инсон онгида тасаввурлар, т.лар, муҳокама ва наз-ялар орқали ифодаланган инъикоси; кишиларнинг табиат ва жам-т ҳодисалари ҳақида тўплаган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши. Воқелик ҳақидаги билган маълумотларимиз Б. даражасига кўтарилиши учун биринчидан, маълумотларнинг воқеликка мутаносиблиги; иккинчидан, етарли даражада ишонарли бўлиши; учинчидан, далиллар б-н асослангани ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ана шу шартларнинг уйғунлиги мавжуд маълумотларни Б. даражасига олиб чиқади. Инсон ижт-й тар-ёт жараёнида билмасликдан билишга, мавҳум Б.лардан мукамал ва аниқ Б.лар ҳосил қилиш томон боради. Кишининг моддий дунё тўғрисидаги Б.и нисбийдир, у узлуксиз ривожланиб, бойиб боради. Б. кундалик тажриба, кузатиш орқали тўпланади. Б.ларни тадқиқ этувчи таълимот — эпистемологияда Б.нинг перцептив (ҳиссий), ҳаётий ва илмий Б. шакллари ажратиб кўрсатилади. Илмий адабиётда Б.ларнинг илмий ва илмдан ташқари шакллари ҳам фарқ қилинади. Илм доирасидан ташқари Б.ларга мад-т, адабиёт, санъат, мифология, дин ва ш.к. соҳаларга оид Б.лар қиради. Одатдаги фан соҳаларида тадқиқ этиладиган Б.лар экзотерик (кўзга таш-

ланувчан) Б.лар деб аталса, астрология, ва ш.к. соҳаларга оид Б.лар эзотерик (пинҳоний) Б.лар дейилади. Экзотерик Б.лар илм-фан қоидаларига зид келмайдиган бўлса, эзотерик Б.лар бундай қоидаларга зид келиши ҳам мумкин.

БИЛИШ — маън-й-руҳий ҳодиса, инсоннинг оламни англаш қобилияти, сараланган, тартибга солинган, муайян усул (метод) ёрдамида олинган, маълум мезонларга (меъёрларга) мувофиқ тартибга солинган, ижт-й аҳамиятга эга бўлган, одамлар ва бутун жам-т томонидан айнан Б. сифатида тан олинадиган ахборот. Мазкур мезонларга биноан Б.ни унинг амал қилиш даражасига кўра икки турга ажратиш мумкин: кундалик ёки одатдаги ва махсус (илмий, диний, фал-й ва б.) Б. Ш-дек, турли соҳаларда намоён бўладиган касбий ва амалий Б. ҳам мавжуд. Бундан ташқари, шахсга доир Б., ақлий Б., ҳиссий Б. каби Б. шаклларини ажратиш мумкин. Фал. доирасида эпистемология ва фносеология, фанлараро даражада — фаншунослик, муайян фанларга доир Б. доирасида — Б. социологияси кабилар мустақил фан соҳаларига айланган. Шу маънода, ҳоз. даврда Б. усул ва услублари тўғрисидаги соҳа — методология ҳам алоҳида мустақил йўналишга айланмоқда. Бугунги кунда мистик Б., “оккульт” Б., “парапсихологик” Б. ва ҳ.к.ларга Б.нинг алоҳида турлари сифатида қарала бошланди. Аслини олганда, буларнинг барчаси инсон маън-й оламининг серқирралиги, унда турли-туман жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради.

БИОЭТИКА — маъ-ят соҳасидаги илм-фан йўналишларидан бири; ҳоз. замон ахлоқшунослигининг муҳим соҳаси. Б.да инсон ҳаёти энг олий ахлоқий қадрият сифатида талқин этилади, инсонлар ва шахслараро мун-тларнинг маън-й-ахлоқий омили, деб қаралади. Инсоннинг табиат б-н узлуксиз алоқасини ахлоқий тамойиллар асосида таҳлил этиш асосида, табиатни муҳофаза қилиш масъулияти Б.нинг мад-й негизини ташкил этади. Б., ижт-й масалалар б-н бир қаторда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб ола-

ди. Б. нинг мақсадларидан бири – инсон хатти-ҳаракати, онги, руҳияти ва ирсиятини ўзгартириш мақсадида ўтказилаётган тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат. Б.га тааллуқли муаммоларнинг турли жиҳатлари файласуфлар, ҳуқуқшунослар, социологлар, тиббиёт ходимлари ва ижт-й ахлоқшунослар илмий изланишларида ўз ифодасини топмоқда. Б. муаммосининг долзарблашуви илмий-техника тар-ёти, биогенетика, ирсият технологияси ва ген инженериясининг рив-ши б-н боғлиқ бўлиб, табиий муҳитни муайян мақсадга мос равишда ўзгартириш имконияти яратилмоқда. Табиий эволюция жараёнлари миллион йиллар мобайнида кечган бўлса, эндиликда инсон учун бу жараёнларни кескин жадаллаштириш имкони туғилди. Мас., ирсият технологияси ва биотехнология усуллари воситасида ирсиятни ўзгартириш, тирик мавжудотлар, янги организмлар, биологик роботлар яратиш масалалари илгари сурилмоқда. Бу ҳол инсоннинг яшаб қолиши ва истиқболи б-н боғлиқ талай муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис ирсиятга қандай ахлоқий мезонлар, мақсад-муддаолар, қайси қадриятларга таянган ҳолда ёндашиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

БИР ЁҚЛАМА ТАФАККУР – тафаккурнинг чеклангани, унинг воқеликни тўлиқ ва ҳолисона ифода эта олмаслигини англатувчи т. Б.ё.т. моҳиятига кўра, инсон, жам-т ва ижт-й воқеликда юз бераётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни асл ҳолича акс эттирмаслик, уни бузиб талқин этиш ёки аксинча, бўрттириб кўрсатиш шаклларида намоён бўлади. Б.ё.т. инсон маъ-ятининг чекланган маҳсули ҳамдир. Зеро, инсон тафаккурга эга мавжудот сифатида дунёни нафақат англаши, балки уни тўғри талқин этиши орқалигина фаолият юритиши мумкин. Шу маънода, Б.ё.т.га эга бўлган кишининг маън-й қиёфаси, инсонларга, оилага, жам-тга нисбатан мун-ти адоват, ётсираш ёки бефарқлик касб этиши мумкин. Б.ё.т. жам-тнинг маълум тарихий даври

(жам-т тар-ётининг аграр, саноатлашган, индустриал, ахборотлашган даврлари), мавжуд ижт-й тузум (ибтидоий, қулдорлик, феодал, капиталистик, коммунистик), ижт-й замон ва макон хус-ятлари б-н ҳам узвий боғлиқдир. Мас., кишиларнинг собиқ тоталитар тузумдаги тафаккури ва ҳоз. мустақиллик давридаги дунёқараши ёки XIX а.даги дунёни англаши ва бугунги тобора глобаллашиб бораётган ахборот а.идаги фикрлаш тарзи ўртасида катта фарқ бор. Б.ё.т. ижт-й воқелик бўлиши б-н бирга индивидуал хус-ятга ҳам эга, яъни алоҳида олинган инсоннинг қарашлари ва тафаккур тарзида ҳам у ёрқин намоён бўлади. Бунда инсоннинг ижт-й келиб чиқиши, жам-тнинг муайян табақасига мансублиги, оилавий шароити, фаолияти, турмуш тарзи, маълумот даражаси, мад-й қадриятларга мун-ти, дўстлари, яшаш даражаси ва сифати каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Азалдан Шарқ мутафаккирлари томонидан инсоннинг Б.ё.т.ини таълим-тарбия, камолот сари интилиш, ўқиш, изланиш орқали бартараф этиш мумкинлиги таъкидланади. Мас., Абу Наср Форобий (“Фозил одамлар шаҳри”), Абу Али ибн Сино (“Тиб қонунлари”), Ғаззолий (“Қимёи саодат”), Алишер Навоий (“Маҳбуб ул-қулуб”) инсон тафаккурини ривожлантиришда нафақат наз-й билим, тажриба ва кўникмаларни шакллантириш, балки машқ қилиш орқали хотирани чархлаш, оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш, қироат ва ҳ.к. ҳам беқиёс аҳамият касб этишини уқтирганлар. Мустақиллик даврида баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар эркин фикрга эга бўлган комил инсонларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Президентимиз таъкидлаганидек, “Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим”. Бугунги кун тафаккури даъватларига, ҳар қайси халқнинг тилида ва дилида бўлган кўпдан-кўп савол-

ларга тўлақонли жавоб бериш, замоннинг асосий хус-ятлари, башариятнинг рив-ш тамойилларини ўзида яққол акс эттириши, энг устувор тенденцияларни ҳар томонлама ёритиши, таҳлил қила билиши зарур. Бу эса эски тузум асорати бўлмиш Б.ё.т.ни тўлиқ бартараф этиш, ижт-й-сиёсий тафаккур ривожини янги босқичга олиб чиқишни талаб этади.

БИРДАМЛИК – кишиларнинг муайян ғояда яқдиллиги, маълум бир фаолиятни амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган маън-й яқинликни англатувчи т. Б. бир гуруҳ кишилар маълумоти, меҳнати, малакаси, касбий маҳорати ва фаолият кўникмаларининг ўзаро мутаносиблигидир. Жам-т учун, умуман кўпчилик учун фойдали бўлган, яъни унум, рағбат, фаровонлик келтирувчи омилларнинг барчаси ҳам Б. тамойилига мос келавермайди. Бунда кишилар фаолият жараёнида умумий Б.га келишлари шарт ҳисобланади. Ш-дек, ижт-й Б.нинг қадр фақатгина моддий неъматлар б-н ўлчанмайди, балки маън-й эҳтиёжларнинг қондирилишида ҳам унинг аҳамияти беқиёсдир. Кенг маънода, ижт-й н.назардан қаралганда ўз вақтида солиқлар тўлаш ёки Ватанни ҳимоя қилиш, касаба уюшмалар фаолияти соҳаларида ҳам тенглик ва ижт-й меъёрларга риоя этиш талаб этилади. Б. айрим ҳолларда ижт-й адолатнинг эквиваленти сифатида қонун-қоидаларга риоя қилиш, муайян ғоя ва режалар бошида ўзаро келишув ва илиқ мун-тлар замирига қурилади. Б.нинг жам-тшунослик фанида ўрганиладиган қоидалари бозор иқтисодиётига эга бўлган барча демократик жам-тларда кенг тарқалган. Б. қоидалари ҳаётга қанчалик мустақкам жорий этилса, фуқаролик жам-тининг иқт-й пойдевори шунчалик мустақкам бўлади. Б. ижт-й барқарорликнинг зарурий асоси ҳисобланади. Б. шакл, қоида ва меъёрларининг ҳаётга тобора кенгроқ жорий этилиши инсон манфаатларини уйғунлаштириш, фуқаролик жам-тини шакллантиришга кўмаклашади. Зеро, Б. демократик жам-тда мувозанатни таъминловчи муҳим механизм бўлгани сабабли ҳам фуқаро-

лик жам-тини барпо этиш жараёнлари бу қадриятга тўла-тўқис таяниши табиийдир. Тадрижий ва барқарор рив-ш йўлига кирган жам-тда ижт-й Б.га тўлароқ эришилади. Гарчи, Б. нисбий т. бўлиб, барча учун бир хил бўлмаса-да, демократик жам-тда уни амалга оширишнинг қатъий қоида ва меъёрлари таъминланади, Б.нинг ўзи жам-т ҳаётининг муҳим меъёрига айланади. Ўз-нда Б. умумий яқдилликни қарор топтириш ва жам-тнинг янги сиёсий тизимини шакллантиришдан иборат ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шarti сифатида ўрта қатламнинг вужудга келиши, унинг демократик қадриятлар учун муҳим ижт-й асосга айланиши, шу тариқа жам-тнинг бойлар ва камбағалларга кескин ажралиб қолишининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Халқимизнинг тарихан шаклланган қадриятларига кўра, ижт-й Б. моддий фаровонлик ва маън-й бойлик уйғунлигини талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, мулкка эгалик ҳиссини мустақкам қарор топтириш, барча фуқароларнинг ўз имкониятлари ва қобилиятларини тўлиқ намоеён қилиши, инсонлар манфаатлари уйғунлигини таъминлаш каби муҳим демократик қадриятларга асосланади. Жам-тимизда Б.ни мустақкамлашда давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг демократик тартибот, қонунчилик муҳитини жорий этишдаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ) – 1945 йилда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тузилган, миллатларнинг умумманфаатини ифода этадиган, дунё давлатларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустақкамлашга хизмат қиладиган энг нуфузли халқаро ташкилот. БМТнинг мақсади – халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, бунинг учун тинчликни бузувчиларга қарши биргалиқда чоралар кўриш; халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белги-

лаш тамойили асосида барча миллатлар ўртасида дўстона мун-тларни шакллантириш ва ривожлантириш; иқт-й, ижт-й, мад-й ва инсоний характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни амалга ошириш. БМТ қароргоҳи — Нью-Йоркда, Женевада эса БМТнинг Европа бўлими жойлашган. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси БМТ иқт-й-ижт-й Кенгашининг ёрдамчи органи бўлиб, унинг таркибига 1946 йилнинг 15 феввалида тузилган иқт-й-ижт-й Кенгаш сессиясида 3 йил муддатга сайланадиган вакиллар киради. Комиссия фаолияти БМТ Низоми тамойилларига қатъий амал қилиш асосида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатлараро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустақкамлашга йўналтирилган. Унинг фаолиятига БМТ иқт-й-ижт-й Кенгаши ва Бош Ассамблеясига инсон ҳуқуқлари ҳимояси масалалари бўйича тавсиялар ва маърузалар тақдим этиш, ш-дек, шу соҳага оид Халқаро конвенциялар лойиҳаларини тайёрлаш киради.

БИХЕВИОРИЗМ (инг. behaviour — хулқ) — 1) психология фани доирасида ривожланаётган илмий йўналишлардан бири. Унинг тадқиқот предмети кузатиш мумкин бўлган хатти-ҳаракат, фаолиятни ўрганишдан иборат; 2) ҳайвонлар хатти-ҳаракатини ўрганиш асосида уларни инсонни тадқиқ этиш ва фаолиятини бошқариш соҳасида қўллашга таянган ёндашув. Б. га XIX а. охири ва XX а. бошида америкалик олим Э. Торндайк томонидан асос солинган. Фал-й асоси — *прагматизм*. Б. вакиллари амалий психология ва унинг интроспектив (ўзини ўзи кузатиш) услубига қарши чиқиб, эмпирикларни субъективизмда айблайди. Бихевиористлар назарида, психология фал.га эмас, балки табиатшунослик фанларига таяниб кузатиш, эксперимент ўтказиши, субъектив услубдан объектив услубга суяниши лозим. Б. тирик мавжудотлар руҳий дунёсини ўрганиш бевосита ҳиссий органлар ёрдами б-н акс этириладиган

нарса ва ҳодисаларга йўналтирилиши керак, деган ғояни илгари суради. Б. наз-ясига кўра, психология фанининг предмети психикани эмас, балки инсон ва ҳайвонлар хатти-ҳаракатини ўрганишга йўналтирилмоғи лозим. Б. вакилларининг фикрича, психологиянинг бош вазифаси фақат ташқи таъсир б-н унга қайтариладиган реакциялар ўртасидаги боғланишларни аниқлашдан иборатдир. Б.нинг маъ-ятга зид жиҳати шундаки, у онгнинг инсон ҳулқида тутган ўрни ва уни илмий жиҳатдан ўрганиш мумкинлигини инкор этади. Ўтган а.нинг бошларида Б. тамойил ва усуллари педагогика соҳасида, хус-н, болаларни тарбиялашда кенг қўлланган. Ҳоз. вақтда айрим Фарб мам-тларда руҳий хаста кишиларни даволашда фойдаланилмоқда.

БОБУР, Заҳридин Муҳаммад (1483—1530) — ўзб. халқининг йирик мутафаккири, давлат арбоби, ўзб. мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакили, тарихчи олим, шоир ва таржимондир. У те-мурийлар авлодидан бўлиб, Ҳиндистонда «Буюк мўғуллар империяси» деб ном олган давлатнинг асосчиси ҳисобланади. Б. Андижонда туғилди. Болалик йиллари шу ерда ўтди. Унинг отаси Умар Шайх те-мурийлар сулоласига мансуб бўлиб, ўша даврда Фарғона вилоятида ҳокимлик қилар эди. Б. сарой муҳитида тарбияланди, ёшлигиданоқ, илм-фанга меҳр қўйди, айниқса, адабиёт ва тарих б-н қизиқа бошлади. Отаси Умар Шайх вафотидан кейин Б. 12 ёшда тахтга ўтириб, давлатни бошқариш б-н машғул бўлди. Б. яшаган давр мураккаб воқеаларга бой бўлиб, тахт учун кураш авжга чиққан эди. У давлатни марказлаштириш ва кучли империя тузиш мақсадида Самарқандга юриш қилади ва бир неча уринишлардан сўнг 1496 йилда Самарқандни эгаллайди. Орадан 100 кун ўтиб шаҳарни ташлаб, Андижонга — унга қарши кўтарилган ғалаённи бостириш учун кетишга мажбур бўлади. Б. Андижонни қўлга киритиш учун катта куч сарфлаб 2 йилдан кейингина уни эгаллайди. Кейин яна Самарқандга юриш қилади ва иккинчи марта ишғол қилади. Лекин бу вақтда, яъни 1500 йилда

Самарқандга Шайбонийхон катта куч б-н бостириб киради. Натижада Б. аскарлари б-н Самарқандни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Б. Самарқандни эгаллаш учун яна бир неча бор ҳаракат қилиб, Шайбонийхон б-н жанг қилади, лекин истаган натижага эриша олмайди. Охири 1504 йилда у 300 дан ортиқ навқари б-н Кобулга қараб йўл олади. XVI а. бошларида Афғонистон тарқоқ эди. Б. турк ва афғон қабилаларини ўзига бўйсундириб, Кобул, Ҳазри шаҳарларини қўлга киритади. 1508 йилда ўзини шу ернинг ҳокими деб эълон қилади. Умуман, Б. Афғонистонда 1504 йилдан 1526 йилгача подшоҳлик қилди. Шу давр ичида тарқоқ қабилаларни бирлаштирди, мам-тни иқт-й ва сиёсий жиҳатдан мустақамлади. У доимо кучли, марказлашган давлат тузиш орзусида бўлди. Б. мам-т ободончилиги, илм-фан ривожига катта эътибор берди, ўзи ҳам рубоий ва ғазаллар битди. Афғонистоннинг хўжалиги ва мад-тига катта эътибор берди, ариқ ва каналлар очди, чорбоғлар солди, йўл, кўприклар қурди, мактаб ва мадрасалар бино қилди, Бухоро олуси, найшакар ва б. хил дарахт кўчатларини келтириб эктирди. Б. маҳаллий аҳолининг диний эътиқодларига, урф-о-ларига эркинлик берди, ерли амалдорларни иззат-ҳурмат қилди. Булар Б.нинг шон-шуҳратини ошириб юборди. Б. ўзининг тобора мустақамланиб бораётган давлатини кенгайтириш мақсадида 1526 йилда Деҳли томон юриш қилади. У 1526 йил 21 апрелда Панипат жангида Деҳли султони Иброҳим Лўдий бошчилик қилган армияни енгиб, Деҳлини эгаллайди. Б.нинг Ҳиндистондаги кейинги фаолияти, унинг иқтисодиёт, мад-т, илм-фан, маърифатпарварлик соҳасида қилган ишлари Ҳиндистон тарихида катта роль ўйнади. Б. бу ерда марказлашган кучли давлат барпо қилди. Унинг даврида Ҳиндистоннинг қўшни мам-тлар, хус-н, Россия ва Ў.О. б-н алоқаси кучайди. У мам-т ободончилигига катта эътибор берди, шаҳарларни ривожлантирди, ирригация иншоотлари қурдирди, боғлар барпо қилди. Б. илм-фанни ривожлантиришга, олим ва шоирларга ҳомийлик қилишга интилди.

У 1530 йилда Аграда вафот қилди. Кейинчалик унинг хоки Кобулга келтирилиб, дафн этилди. Б. ўзб. адабиёти, тарих, география, фал. фанларига улкан ҳисса қўшган мутафаккир. Уни бутун жаҳонга танитган асари «Бобурнома»дир. «Бобурнома» жуда қимматли адабий-тарихий асар бўлиб, у XV а. охири XVI а.нинг 30-йилларигача бўлган мураккаб тарихий даврни ўз ичига олади. Б. ушбу асарда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хурросон ва Ҳиндистонда рўй берган сиёсий воқеаларга батафсил тўхталади. Унда ўзаро урушлар, тахт учун курашлар, халқ аҳволининг ёмонлашуви ва б. воқеалар баён қилинади. Асарда, ш-дек, Б. Андижон, Самарқанд, Кобул ва Деҳлидаги ўз фаолиятига ҳам тўхталади. Бундан ташқари, Б. аруз вази ва қофияга бағишланган «Муфассал» номли асар ёзган, ҳуқуқшуносликка оид унинг «Мубаййин» рисоласи ҳам маълум, мусиқага бағишланган «Мусиқа илми» номли китоб ҳам битган. Ш-дек, Б. Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини форс-тожик тилидан ўзб. тилига таржима қилган. Б. ўзининг лирик асарлари б-н машҳур бўлиб, у ғазал, рубоий, маснавий ва б. шеърларида ўз ўтмишдошлари Умар Хайём, Ҳофиз, Навоийларнинг энг яхши аъёнларини давом эттиради. У гуманист шоир бўлиб, инсонни, унинг эркини, бахтини куйлайди, ишқ-муҳаббат, вафодорлик, меҳру шафқат ҳақида сўз юритади. Б. маърифатни халқ орасига ёйишга, илмни жам-т равақи йўлида хизмат қилдиришга интилди.

БОЗОР — 1) ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган мун-тлар йиғиндиси; ушбу жараён амалга ошадиган жой. Б.да моддий ва маън-й ҳаёт, мад-т ва маъ-ятнинг ўзаро уйғунлиги таъминланади. Б.лар қадимдан кишилар ўртасида турли алоқалар ўрнатиладиган, мад-й тадбирлар ўтказиладиган жой ҳисобланган. Б. мун-тлари кишилардан лафзи ҳалоллик, ўзаро манфаатдорлик ва ҳамкорликни тақозо этади. Б. объекти Б.га, айирбошлаш мун-тларига жалб қилинган

иқт-й фаолият маҳсули, иқт-й захира-лар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлардан ташкил топади. Б. субъектлари Б.нинг, айирбош-лаш мун-тларининг қатнашчилари, яъни ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар), истеъмолчилар (харидорлар) ва воситачилар ҳисобланади. Б. мувозанати Б.даги талаб ҳамда таклифнинг миқдорий ва таркибий жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келишидир. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, Б. мувозанати издан чиқади. Б.нинг ва-зифалари қуйидагилардан иборат: а) ишлаб чиқариш б-н истеъмолнинг ўзаро боғлиқ-лигини таъминлаш; б) Б. ишлаб чиқари-шининг янгилашиб туриши, яъни бу жа-раённинг узлуксиз давом этишига шарт-шароит яратиш; в) иқтисодиётни тартибга солувчи восита сифатида хизмат қилиш; г) турли мам-тлар, миллатлар ва элатлар, ҳудудлар ҳамда алоҳида кишилар ўртасида ўзаро манфаатли иқт-й ва ижт-й, мад-й алоқаларни ўрнатиш.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган иқт-й тизимдир. Б.и. эркин товар-пул мун-тларига асосланади, унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади. Б.и.нинг энг муҳим умумий белгилари қуйидагилардан иборат: мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги; тадбиркорлик ва танлов эркинлиги, рақобат кураши ва муҳитининг мавжудлиги; юқори фойда ва нафга интилиш иқт-й фаолиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи экани; эркин бозор нархларининг талаб ва таклиф, рақобат асосида вужудга келиши; давлатнинг иқтисодиётга аралашу-вининг чеклангани. Б.и.ни тарихан шаклланган икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, классик ёки эркин рақобатга асосланган ҳамда фақат объектив бозор қонунлари ҳамда нарх ва рақобат регуляторлари асосида ўзини-ўзи тартибловчи, кам таъминланган аҳоли қатламлари, ишсизлар, камбағал ва қашшоқ кишилар ижт-й ҳимоя қилинмайдиган соф

Б.и.дир. Соф Б.и. узоқ вақт давомида шаклланиб, ғарбдаги ривожланган мам-тларда XIX а. охиригача амал қилган. Иккинчиси, ҳоз. замон бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солинадиган Б.и. бўлиб. XIX а.нинг охири ва XX а. ўрталаригача бўлган даврда шаклланиб, ҳоз. вақтгача такомиллашиб, ривожланиб келмоқда. Б.и.нинг бу шакли хилма-хил, яъни хусусий, давлат, жамоа ва аралаш мулк шаклларига асосланади, иқтисодиётни тартибга солишда давлат фаол иштирок этади, хўжаликларни юритишда бизнес режаси ва маркетинг, менежмент тизими орқали бошқариш кучаяди, кам таъминланган аҳолини ижт-й ҳимоялаш тизими амал қилади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ — бозор иқтисодиётининг амал қилиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни вужудга келтириш, яратиш давридир. Бозор иқтисодиёти умумбашарий тизим бўлгани учун дунё давлатларининг деярли барчаси шу йўлдан бормоқда. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига инқилобий (революцион) ёки тадрижий (эволюцион) йўл б-н ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислохотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқт-й мун-тларни бирданига ва батамом синдириш, тугатиш асосида замонавий бозор иқтисодиётига ўтишни тақозо этиб, “фалаж даволаш” усули (“шоковая терапия”) деб аталади. Бундай жадал ўзгаришлар аҳолининг кенг қатламлари турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига, кишиларнинг оғир, тушкун ҳолатга тушиб қолишига, ишсизлик, камбағаллик ва қашшоқликнинг кучайишига олиб келади. Тадрижий йўл эски иқт-й мун-тларни босқичма-босқич янги бозор мун-тларига айлантириш орқали замонавий бозор иқтисодиётига ижт-й ларзаларсиз, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишининг олдини олган ҳолда ўтишни таъминлайди. Ўз-н замонавий, ижт-й йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, яъни тадрижий йўл орқали ўтиш моделини танлади. Бу йўл Б.и.ў. борасида тўпланган жаҳон тажриба-

сига, мам-тнинг табиий-моддий бойликлари, аҳолининг тарихий, миллий мад-й анъаналари, юксак қадриятлари ва маъятига асосланган. Президент И.А. Каримов томонидан асослаб берилган замонавий Б.и.ў. йўли илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган ва мустақиллик йилларида ўзининг ижобий натижалари б-н дунё жамоатчилиги томонидан “ўзб. модели” деб эътироф этилган туб ислохотларни амалга ошириш йўлидир.

БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИ — бозор иқтисодиёти ва бозор мун-тларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. Б.и. ўз мазмунига кўра иқт-й ислохот бўлиб, хўжалик юритиш тизимида, иқтисодиётни бошқаришда, иқт-й сиёсатни амалга ошириш йўллари ва усулларида йирик қайта қуришлар, ўзгартиришлар, иқт-й тизимни такомиллаштириш ёки эски тизимлардан янгисига ўтиш мақсадида амалга оширилади. Ислохотлар иқт-й тизимнинг самарадорлиги қониқарсиз бўлган, иқт-й инқироз ва тангликлар юз берган, кишиларнинг эҳтиёжларини етарли даражада қондирмаган ҳолларда мам-т ўз тар-ётида бошқа мам-тлардан орқада қолган шароитларда ўтказилади. Иқт-й ислохотлар ларзаларсиз, аниқ мақсадлар кўзланган ҳолда, парламент қабул қилган қонунларга биноан ва давлат раҳбарлигида амалга оширилади. Ўз-нда амалга ошириляётган Б.и. ижт-й йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган. Унда Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта муҳим тамойил асос қилиб олинган: иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш; ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиши; қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; кучли ижт-й сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ижт-й ночор қатлам ва гуруҳларини ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш; бозор мун-тларини босқичма-босқич қарор топтириш. Бозор мун-тларига ўтишнинг “ўзб. модели” ҳақон тажрибаси, республиканинг

ўзига хос шароитлари ва хус-ятлари, халқимиз анъаналари, урф-о.лари ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтишдаги иқтисодиётни бир ёқлама ривожлантиришнинг оқибатларига барҳам беришга асосланган. У бошқа соҳалар, жумладан, маън-й соҳадаги ислохотлар б-н узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мам-тимизда иқт-й ўнгланиш, иқт-й рив-ш жараёнлари маън-й покланиш, маън-й юксалиш ҳаракатлари б-н тамоиля уйғун равишда ривожлантирилиши давлатимиз ва жам-тимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу саб. Б.и. бошқа соҳадаги ислохотлар каби пировард натижада ягона мақсадга — инсон манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маън-й салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилган.

БОРЛИҚ — олам ва ҳар қандай турдаги мавжудликни ифодалайдиган фал-й категория. Мифология, дин ва натурфал-да мавжудликнинг манбаи нима, деган муаммони ҳал этишга уринишлар кўп бўлган. Собиқ иттифоқда устувор бўлган “Б.” т.си моддийлик б-н айнийлаштирилиб ва мутлақлаштирилиб, “онг” т.сига қарама-қарши қўйилган эди. Янги замон фал.сида Б.нинг тўрт шакли фарқланади: табиий, ижт-й, маън-й, инсон Б.и. Ҳоз. замон фал.сида Б.нинг муқобили — “йўқлик” т.си ҳам атрофлича ўрганилмоқда.

БОТИН (араб. яширин) — асосий фал-й т.лардан бири бўлиб, муайян нарса, воқеа-ҳодиса, жараённинг ички мазмун-моҳияти деганидир. Б. зоҳирнинг зидди, ичкининг муқобилидир. Б. зоҳир каби Аллоҳнинг исмларидан бири бўлиб, ушбу маънода у барча сиру асрор ва яширин нарсаларнинг билгувчиси, барчанинг ваҳму тасаввуридан яшириндир, ҳеч бир кўз уни кўришга ва ҳеч қандай ваҳму хаёл уни қамраб олишга қодир эмас. Б. аҳли илоҳий сиру асрордан воқиф бўлган

орифлардир. Б. илми (илмул ботин): ботиншунослик, инсон қалбининг аҳволини билиб олиш — “тахлия”дан иборат. Ушбу илми тариқат, ҳақиқат ва тасаввуф илми деб ҳам атайдилар. Тахлия, яъни бўшатмоқ, тасаввуф ва фал. атамаси сифатида ботинни (ички дунёни) ёмон ахлоқ ва ёвуз хислатлардан бўшатиб, тангридан бандани узоқлаштирувчи нарсалардан ўзини тийишни англатади. Б. баъзи ҳолларда ақлнинг амалий кучига ишонч, ақл б-н нарса-ҳодисаларнинг асл мазмунини англаб олишни англатади. Баъзи кишилар назарида ҳар бир зоҳирнинг Б.и бор, оламнинг зоҳирий (юзаки) маъносини эмас, балки Б.ий, яъни ички маъносини англаб олиш лозим. Инсон ташқи томондан қандай кўринишидан қатъи назар, унинг Б.ий ҳиссиёти, қалби, кўнгли ниҳоятда нозик ва маън-й жиҳатдан бой бўлиши, ва аксинча, сирдан қараганда, кам-кўстсиз, салобатли кўринган киши ҳиссиётсиз, қалби кўр бўлиши ҳам мумкин. Б. инсонга бахш этилган неъмат, у буюк кишиларнинг зоҳирий фаолиятида ёрқин ифодасини топган.

БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ — бошқарув ва раҳбарлик соҳасида муайян мақсадга эришиш йўлида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган мад-й-маър-й тадбирлар мажмуи ва уларни амалга ошириш жараёнининг намоён бўлишини англатувчи т. Б.м. бошқарилаётган ҳар қандай объектга нисбатан ишлатилади. Ш.у. Б.м.ни жам-тни бошқаришда ҳам, ташкилот ва муассасаларни бошқаришда ҳам кузатишимиз мумкин. Ўз моҳиятига кўра, Б.м. ташкилот фаолиятида иштирок этувчи барча бўлимлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ва ташкилот миқёсида тарбиявий ишларни амалга ошириш функциясини бажаради. Б.м. ходимлар фаолияти, мақсад-муддаолари ва уларнинг қадриятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарувни амалга оширишдир. Оқилона тарзда ташкил этилган Б.м. ташкилотдаги мавжуд инсон ресурсларини жадаллаштириш ва шу орқали меҳнат самарадорлигини янада ошириш имкониятини яратади. Шу б-н бирга, Б.м. қисқа

муддатларда кам харажатли ва салмоқли натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Б.м.ни такомиллаштириш орқали муайян корхона аъзоларининг ички имкониятлари — билими, тажрибаси, ижодий салоҳияти, ходимларнинг ўзини намоён этишга интилиши каби омилларни рўёбга чиқариб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкони туғилади. Шу маънода. Б.м. ташкилот мад-ти, хулқ меъёрлари, ходимлар ўртасидаги ўзаро мулоқот такомиллашуви, меҳнатга бўлган оқилона мун-тнинг шаклланишига хизмат қилади. Жам-т тар-ётининг янги рив-ш поғоналарига кўтарилиб бориши б-н Б.м. ҳам давр талабига мос равишда мукамаллашиб боради. Ҳоз. даврда ташкилот ёки корхонанинг самарадорлиги кўпроқ замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш б-н белгиланади. Бундай шароитда ташкилотнинг Б.м. иложи борица инновацион лойиҳаларни жорий этишга қаратилган бўлиши лозим. Б.м. ташкилот миқёсида маъмурият ва ходимлар, жам-т миқёсида эса ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро мун-тнинг мазмун-моҳиятини ҳам ташкил этади. Шу боис Б.м. ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб, мукамаллашиб борадиган т.дир. Хус-н, жам-т тар-ётининг ҳоз. босқичида Б.м. кўпроқ демократик тамойилларни сингдириб бормоқда. Ташкилот миқёсидаги Б.м. раҳбарнинг кўйидагиларга мунтида намоён бўлади: ходимлар; мавжуд корхонада амал қиладиган фаолият технологиялари; ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт; корхона фаолиятини режалаштириш; ташкилот мақсадига эришиш услублари; ходимларга нисбатан қўлланадиган рабатлантириш ва жазолаш услублари; корхона миқёсида ходимларнинг лавозими бўйича ўсиш кўрсаткичлари ва ҳ.к. Б.м.ни мазкур жам-тдаги мад-тнинг бир кўриниши сифатида ҳам таърифлаш мумкин. Шу жиҳатдан, муайян ташкилот ва муассасадаги Б.м. давлат бошқарувида амал қиляётган мад-тнинг асосий жиҳатларини ўзида акс эттиради. Б.м.нинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишда мазкур жам-т мад-тини белгиловчи асосий омиллар, айниқса, миллий хус-ятларни

ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, иқт-й, ижт-й ва сиёсий мақсадларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай зарурат корхона ёки ташкилот рив-шининг асосий шартидир. Б.м. ижт-й нозорат шакли сифатида мавжуд билимларни амалиётга муттасил татбиқ этиб бориш жараёни бўлиб, узлуксиз рив-ш, мукаммаллашиб бориш хус-ятига эга бўлиши ҳамда фаннинг сўнгги янгилик ва кашфиётларини акс эттириши лозим. Б.м.ни амалга оширувчилар раҳбарлардир. Замонавий раҳбарларни тайёрлашда уларнинг илмий ва мад-й салоҳиятини, Б.м.ни янада юксалтириш энг долзарб масаладир. Ҳоз. даврга келиб жам-т бошқарувида Б.м.нинг уч асосий тури мавжуд: авторитар, демократик ва либерал. Ўз-н ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жам-ти қуриш йўлидан борар экан, жам-т бошқарувида демократик бошқарув тамойиллари етакчи ўринга чиқмоқда ва Б.м. шунга мос тарзда намоён бўлмоқда.

БОШҚАРУВ МАЪНАВИЯТИ — маъ-ят тамойилларининг бошқарув соҳасида намоён бўлиши, раҳбарга хос маън-й фазилатлар, жам-т ва давлат ҳаёти, барча соҳалардаги бошқарувнинг маъ-ят талабларига мос бўлишини англатувчи т. Маълумки, мустабид тузум давридаги бошқарув жараёнида кишилар онгига бир томонлама маъ-ят ягона мафкура доирасида сингдириллар, у воқеликдан йироқ, мавҳум ва алоҳида мавқега эга бўлган жам-т «элитасига хос» Б.м. шаклида намоён бўлар эди. Бу даврга хос бўлган бошқарув тамойилларининг мутлақлаштирилиши оқибатида жам-т манфаати охир-оқибатда шахс манфаатига қарама-қарши қўйила бошлади. Бундай мафкуранинг инсон манфаатларини ифода этмаслиги, унинг миллийлиги ва ўзига хослигининг инкор этилиши жам-т аъзоларининг тарғиб этилаётган гоё ва қадриятлардан, эътиқод ва ишончдан бегоналашувига, иккиюзламачиликка олиб келди. Ваҳоланки, ҳар қандай бошқарув фаолияти муайян ҳудудда истиқомат қилаётган халқ ва миллатнинг маън-й фазилатларини ҳисобга олган

ҳолда амалга оширилиши лозим. Б.м. қандай соҳага тегишли бўлмасин, бу борада фаолият юритаётган инсонларни ёруғ келажак сари етакловчи, уларнинг истиқболини ифодаловчи асосий омилдир. Ш.у. шахс маъ-яти жамоа ҳаёти ва бошқарувида қарор топган қадриятларга мос келмаган ҳолларда ходим ва бошқарув тизими ўртасида зиддият юзага келади. Айнан ш.у. ҳам бошқарув бўғини муайян жам-тда эъзозланувчи қадриятларнинг акс этиши унинг бошқарув самарадорлигининг муҳим омили сифатида эътироф этилади. Юртбошимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида маъ-ятнинг бошқарув ходимлари фаолиятида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, бундай дейди: **“Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида берилган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади”** (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 18-б.). Шу боис мам-тда давлат ва жам-т бошқарувининг барча бўғинларида маън-й қадриятларимиз ва миллий гоёмизга таянган ҳолда раҳбар ходимларнинг янги авлодини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. (*Қаранг: Маънавиятнинг бошқарувда намоён бўлиши, Раҳбар маънавияти*)

БРУНО, Жордано (1548—1600) — италиялик буюк файласуф ва табиатшунос. У 1566—75 йилларда монастир хузурдаги мактабда таълим олган. Диний унвон ва файласуф илмий даражасига эга бўлган. Ўзининг диндорлик фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмаган Б. дин ва черковга қарши чиқишлар қилган. Оқибатда католик черкови томонидан таъқиб остига олинган. Ж.Б. 1575 йилда монахликдан воз кечиб, Римга қайтади, сўнгра Швеция, Франция, Англия ва Германияда яшайди. Университетларда астрономия ва

фалдан маърузалар ўқийди. Ўрта а. схоластик фал, сига, католик черковига қарши асарлар ёзади. 1582 йилда «Ғояларнинг сояси ҳақида» деб номланган биринчи фал-й асарини яратди. 1584 йилда «Кукун устидаги базм», «Ибтидо ва бирламчи сабаб ҳақида», «Коинот ва олам, чекланмаганлик ҳақида», 1585 йилда «Печаснинг сири, Килен эшагининг иловаси б-н», 1591 йилда «Жуда оз ва уч қиррали ўлчов ҳақида», «Сон-саноқсизлик ва ўлчовсизлик ҳақида» каби асарлари нашр этилади. Мутафаккир 1592 йилда Италияга қайтади. Ўша йили ҳукмрон дин қоидаларига хилоф ишлар қилгани учун Венеция инквизициясининг кўрсатмасига мувофиқ қамоққа олинади. Етти йилдан ортиқроқ умрини инквизиция қамоқхоналарида ўтказади. Ундан фал-й, илмий-табиий ғояларидан воз кечишни талаб қиладилар. Б. ўз фал-й эътиқодида собит қолади. Бундан ғазабланган католик черкови Б.ни тириклайин гулханга ташлайди. Б. дин одамлар онгига сингдирилган ва алар мобайнида халқ маъ-ятининг асоси бўлиб келаётган диний анъаналар ва маън-й қарашларга ўз асарлари б-н катта таъсир кўрсатгани сабабли кишилар тафаккурида католиклар ўрнатган диний, сиёсий, мад-й, ҳуқуқий ва иқт-й тартибларга нисбатан норозилик юзага кела бошлаган эди. Мантиқан олиб қараганда, жам-гда диний маъ-ят ҳамда қонунларнинг дунёвий маъ-ят ва қонунлар б-н алмашиниши орқали юзага келган Европа Ренессанси даври Б. каби олимларнинг асарлари ва уларнинг халқ орасида кенг тарқалиши б-н боғланади. Б.нинг фикрига кўра, фал.нинг асосий вазифаси табиат устида турган Худони ёки нариги дунёнинг сирларини эмас, балки табиатнинг ўзини ўрганишдан иборат бўлмоғи зарур. Б. фал.сидаги энг асосий ғоя — илоҳийлик ва табиийлик, моддийлик ва идеаллик, тана ва руҳият, ақлийлик ва ҳиссийлик, коинот ва ердаги ҳаётнинг диалектик алоқадорлиги муаммоларини аниқлаб беришдан иборат. Натурфал. ва космология соҳасида Б. бир қатор ғояларни илгари сурдики, улар тўлалигича ўрта а. илоҳиёти ва схоластикаси

тамоийилларига зид эди. Худди шу ғоялар уни бидъатчиликда айблаш учун инквизицияга асосли дастак бўлди. Б. коинот ва табиат чексиз-чегарасиз, унинг на боши, на охири бор, деган фикрни илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилди. Мутафаккир коинотда мавжуд бўлган турли сайёралар ўртасида ўзаро алоқадорлик ва таъсир борлигини исботлашга уринди. Б. Ренессанс даври анъаналарини давом эттириб, билиш жараёнида ҳар қандай обрў-эътиборга сажда қилишга, уни мутлақлаштиришга қарши чиқди. Б. фай-фларнинг турли баҳс-мунозараларига сабаб бўлган ҳақиқатни аниқлаш жараёни секинлик б-н амалга ошиши тўғрисидаги фикрни илгари сурди. Ушбу жараёнда инсоннинг ҳис-туйғулари, идроки, фаҳм-фаросати, фикр-мулоҳазалари иштирок этади. Б.нинг таъкидлашича, билиш жараёнида ҳиссий босқичнинг аҳамияти унча катта эмас, чунки ҳис-туйғу инсонга ақлни кўзғатиш, унга ички туртки бериш учун керак. Ақлни кўзғатиш, ҳиссиёт қандай такомиллашган бўлишидан қатъи назар, айрим ноаниқликлардан холи эмас. Б. таълимоти янги дунёқараш сари босилган улкан қадам эди.

БУДДИЗМ (*Будда* номидан олинган) — диний-фал-й таълимот, вужудга келиши жиҳатидан илк жаҳон дини. Б. асосчиси — шаҳзода Сиддхартха Гаутама (мил. ав. 567—488 йиллар) вафотидан сўнг “ҳақиқат нажоткори” — “Будда” деб атала бошлаган. Ягона таълимот сифатида шаклланган Б. 18та мактабга бўлиниб кетган. Бир неча бор уни бирлаштиришга уринишлар натижасиз яқунланган. Мил. I а.да б. хинаяна (кичик аравача ёки нажот топишнинг тор йўли) ва махаяна (катта аравача ёки нажот топишнинг кенг йўли) оқимларига бўлиниб кетган. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқда вужудга келган Б. кейинчалик Хитой, Тибет, Жанубий-Шарқий Осиё, Япония, Мўғулистон ва б. давлатларда кенг тарқалган. Кушонийлар даврида Б. М.О.да ҳам давлат дини мақомига эга бўлган. Ҳоз. даврда Б.га 400 млн.дан зиёд эътиқод қилувчилар ва 1 млн. роҳиблар мавжуд. Б. фал.си ведалар

матнлари асосида яратилган. Сиддхартха ўз таълимотининг асосий қоидаларини Банорасдаги тарғиботида “тўрт олий ҳақиқат” шаклида баён этган: 1) азоб-уқубат ҳақидаги таълимот; 2) азоб-уқубат сабаблари ҳақидаги таълимот; 3) азоб-уқубатлардан халос бўлиш ҳақидаги таълимот; 4) азоб-уқубатлардан қутулишнинг нажот йўлларини топиш ҳақидаги таълимот. Бу сўнгги таълимотнинг ечими “Нажотнинг олижаноб саккизлик йўли” да ўз ифодасини топган: тақводорлик эътиқоди, қатъияти, сўзи, иши, турмуш тарзи, тақводорликка интилиш, тақводорликни орзу қилиш, тақводорлик фикру хаёли б-н яшаш. Бу йўлга амал қилган одам оқибатда юксак камолотга эришади, яъни у архатга (чин ҳақиқатни англаб етган авлиёга) айланади ва нирванага ўтади. Б.да нажот бу дунёдан, яъни, сансарадан нирвана (рўшнолик)га ўтишдир. Б.да олам уч босқичли деб таърифланади. Унинг биринчиси энг юқори (арупалока) нирвана. Нирвана мутлақ осойишталик ҳукм сурадиган олам. У ерда инсон барча турмуш ташвишларидан халос бўлади, унинг ҳаётгий истаклари ҳам, туйғулари ҳам, эҳтирослари ҳам бўлмайди. Нирвана – қайта туғилишлар силсиласининг олис қисми, инсоннинг бошқа қиёфаларга киришининг тўхташи (яъни жоннинг кўчиб юриши). Бошқа жаҳон динларидан фарқли ўлароқ, Б. талқинича, жон абадий эмас. Иккинчи олам (рупалока) – бодисатва, рухий мавжудотлар б-н тўлган жаннат. Унда Амитабха (5 олий Будданинг бири, жаннатнинг яратувчиси) ҳукмронлик қилади. Бу оламда руҳ гуноҳидан халос бўлган, лекин энг олий оламга кўтарилмаган авлиёлар яшайди. Оламнинг шу қисмидан кишиларга тўғри йўлни кўрсатиш учун Будда таълимоти юборилади, деб ҳисобланади. Учинчи олам (камолока) – бу энг қуйи оламдир. Унда одамлар ва ҳайвонлар яшайди. Оламнинг бу қисмида руҳ қафасда яшайди. У чангалдан қутулиш ва юқори оламга кўтарилишга ҳаракат қилади. Руҳ юқори оламга ўз-ўзидан эмас, балки одамларнинг савобли ишлари орқалигина кўтарилиши мумкин. Агар одамлар Б.га

этиқод қилсалар, уларнинг жони бир неча бор қайта туғилишдан сўнг жаннатга ва ундан сўнг нирванага кўтарилади. Ёмон кишиларнинг руҳлари эса, қуйи дунёда азобланиб, қафас ичида юраверади, юқори оламга кўтарила олмайди. Агар инсон ҳирсий ҳис-туйғуларга берилиб кетса, ундан қутула олмаса, унинг руҳи бир неча бор қайта туғилишдан сўнг дўзахга тушади. Б. таълимотига кўра, ўлим инсонни ҳаёт азоб-уқубатларидан халос эта олмайди. Сансаранинг оғир азоб-уқубатларидан фақат узоқ қайта туғилишлардан сўнг архат ҳолатига эришган кишиларгина халос бўлиши мумкин. Тирик мавжудот қайта туғилиши натижасида нафақат инсоний, айни пайтда ҳайвон, ўсимлик, ёмон руҳ, худо қиёфасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Лекин, архат ва нирванага фақат инсонгина кўтарила олади. Архат ҳолатига эришиш ва ундан нирванага ўтишнинг ягона йўли – бу “Нажотнинг олижаноб саккизлик йўли” дан инсоннинг ўз кучига таянган ҳолда онгли ҳаракат қилмоғидир. Агар инсоннинг ўзи ҳаракат қилмаса, ҳеч ким ва ҳеч нарса унинг бу дунё азоб-уқубатларидан халос бўлиб нирванага ўтишига ёрдам бера олмайди. Инсон ҳатто худоларга ҳам умид қилмаслиги лозим. Худолар инсонларни халос этолмайди. Зеро, уларнинг ўзлари ҳам бундай азоб-уқубатлардан холи эмас. Худоларнинг ўзлари ҳам сансара қонунларига бўйсунди. Фақатгина Будда ҳақиқий йўлни топгани учун худолардан юқори туради. Бироқ у ҳам одамларни нирванага ўтказма олмайди. У фақатгина инсонларни ҳақиқатдан хабардор қилади, азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг тўғри йўлини кўрсатади, бу йўлда ҳар бир инсон ўзи мустақил равишда бормоғи лозим. Мил. ав. III–I а.ларда Будданинг халос бўлиши ҳақидаги ғоя дхармаларнинг олам ва инсон шахси ҳақидаги таълимотида фал-й жиҳатдан асослаб берилган эди. Уларнинг фикрига кўра, инсоннинг халос бўлиши худо марҳаматига боғлиқ, бунга муқаддас сураларни такрорлаш б-н эришиш мумкин. Бу янги оқим анъанавий мазҳаб хинаянадан фарқли равишда, махаяна, деб ном олган. Ма-

хаяна асосчилари Будда таълимотига жаннат тўғрисидаги таълимотни ҳам қўшганлар. Бу таълимот оддий диндорлар учун нирванага қараганда анча тушунарли эди. Гаутама ягона Будда эмас. Бундай Буддалар махаянада 1000 нафарни ташкил этади. Уларнинг энг машҳурлари Гаутама Сиддартха, яъни, Будданинг асосчиси; Майтерия – келажак Буддаси, у келгусида дунёни бошқараётган Будданинг вориси; Манжушри-Будда – донолик тимсоли; Арибудда – дунёнинг яратувчиси; Ами табҳа (Ами табха) – жаннатнинг яратувчиси ва ҳукмдори. Махаянанинг ҳоз. даврдаги энг муҳим кўриниши – ламаизмдир. У XV а. охири – XVI а. бошларида Тибетда вужудга келган (тибетча лама – энг улуғ, олий Будда роҳиби) Будданинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар ёрдамида нажот топади, гуноҳлардан покланади. V а.да Будданинг алоҳида оқими – важраяна (“*олмос аравача*”) шаклланган. Важраяна фал.сининг характерли жиҳати йога амалиётини ҳисобга олган ҳолда Будданинг барча гоёларини умумлаштиришга интилишдан иборат. Хитойда Б. Дао Ци таълимотига мослашган, *даосизм* б-н ҳамоҳанг ҳолда ривожланган бўлса, Японияда бундай ҳолат *синтоизм* б-н боғлиқ. Ҳоз. даврда Будданинг кўзга кўринган назариётчиси ва файласуфи Сузуки ҳисобланади. Будданинг муқаддас матнлари ва манбалари қуйидагилардир: а) “Лалитавистара” (“Будда ҳаёти”), “Трипитака” (“Уч сават донолик”) ва Винояпитака (ахлоқий меъёрлар); б) Суттапитака (дуолар); в) Абхидхаммапитака (диний-фал-ий масалалар баёни), “Дхаммапада” (Будда фикрлари, гоёлари). Б.да дхармаларнинг нореаллиги ёки шунёт (бўшлик) ҳақидаги таълимот Нагаржуна (2 а.) томонидан асосланган. Нагаржуна рисоалари барча махаяна сураларидан мантиқий исбот қилиниши ва изчиллиги б-н фарқ қилади. Нагаржуна рационалиزمи Будда мантиғи ривожиди муҳим ўрин тутган. Унинг тафаккурнинг нореаллиги ва мутлақ интуитив билим тўғрисидаги таълимоти кейинроқ пайдо бўлган мактаблар (мадхьямика, вижњяванада), айниқса, дзен-Б.

таълимотига асос сифатида хизмат қилган. Дзен-Б. таълимоти VI а.да Хитойда пайдо бўлиб, айниқса, Японияда кенг тарқалган. Будданинг ва барча вужудларнинг ягона моҳияти ҳақидаги табиий йўл б-н барча наз-й усуллардан юқори турадиган дао (йўл, тариқат) тўғрисидаги тасаввур дзен-Б.нинг асосини ташкил этади. Бошқа мактаблардан фарқли ўлароқ, дзен-Б. “йилт этиб кўриниш” тамоийлини тарғиб қилади. Будданинг муҳим таълимотларидан яна бири Калачара (“Вақт ғилдирағи”) ҳисобланади. Унинг моҳияти инсон ва коинотнинг ўзаро алоқадорлигида намоён бўлади. Дастлаб диний маросимларни рад этган Б. ўз тарихий тар-ёти мобайнида уларни тан олишига тўғри келган. Оқибатда сангха (роҳибларнинг меҳнат жамоалари) асосида монастырлар, черковлар, руҳонийлар иерархияси шаклланган. Б. оила, турмуш, байрамларни ҳам қамраб олиб, Б. тарқалган мам-тлар халқлари турмуш тарзига ҳозиргача таъсир кўрсатиб келмоқда. Б.нинг жаҳон мад-ти тар-ётига таъсири ҳам беқийёсдир. Б.га асосланган мад-т ўз фал-си, меъморчилиги, тасвирий санъати, адабиёти, тафаккур шакли б-н ўзига хос руҳият дунёсини вужудга келтирган. 1950 йилда Умумжаҳон Буддистлар биродарлиги ташкил этилган.

БУНЁДКОРЛИК – бунёд этиш, яратувчилик, ижодкорликни англатувчи т. Жам-т тар-ётининг туб бурилиш даврларида, ўзгариш ва ислохотларни амалга ошириш жараёнида Б.нинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар сари сафарбар этиш имкониятларидан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Бугунги истиқлол даври ва мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида Ватанни севиш, юрт тинчлигини асраш, халқ фаровонлиги йўлида курашиш, эзгу амаллар ва савоб ишларни амалга ошириш – мам-тимиздаги Б.нинг маъно-мазмунини белгилайди. Тарих ҳам, бутунги ҳаётимиз ҳам ўз фаразли мақсадларига эришиш учун юксак гоёларнинг жозиба кучидан фойдаланишга уринувчи ёвуз

кучлар ҳамма замонларда бўлишини кўрсатади. Қабиҳ ниятли кучларнинг асл ниятларини фош этишда бунёдкор ғоялар асосидаги эътиқод ва дунёқарашнинг аҳамияти катта. Б. бунёдкор ғоялар таъсирида вужудга келади. Бунёдкор ғоялар таъсирида инсон эзгуликка етишиш, миллатлар ва давлатлар эса озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади, буюк тарихий ғалабаларни қўлга киритади. “Бунёдкор ғоялар” т.си Ислом Каримов томонидан наз-й жиҳатдан асослаб берилган. Бунёдкор ғоялар жам-т ва одамлар, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тар-ёт сари етаклайди, халқни эзгу мақсад йўлида биргалликда ҳаракат қилишга ундайди. Президентимиз таъкидлаганидек, ўзида гуманизм талабларини акс эттирадиган, инсон камолотига, жам-т ривожига, миллат тар-ётига, халқнинг ирода ва интилишларига хизмат қиладиган, уни жипс-лаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар бунёдкор ғоялардир. Улар инсоннинг ички яратувчанлик моҳияти, ижодкорлик табиатидан келиб чиқади, одамларни комиллик ва фозиллик сари ундайди, имон-эътиқодини мустаҳкамлайди, ҳаётига ижобий мазмун бахш этади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди. Соҳибқирон Амур Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мам-тни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган. Ўз-н халқининг миллий мафқураси бунёдкор ғоялар тизимидан иборат. Бу ғоялар соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жам-тда ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича эътиқод ва дунёқараш эгаларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Эркин ва фаровон ҳаёт — одамларнинг юқори даражадаги моддий ва маън-й неъматларга эркин тарзда, ўзларининг бор қобилиятлари ҳамда имкониятлари эвазига эришишидир. Мустақиллик миллий қадриятлар, мад-т ва анъаналар, маъ-ятни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий ғурур ва

ифтихор ҳамда ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Ш-дек, мустақиллигимизнинг ўзига хос мафқурасига айланган миллий ғоя минг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган миллатимиз маъ-яти сарчашмаларидан, бутун инсоният тўплаган тажриба ва қадриятлардан озиқ оладиган Б.ни ўзида ифодалайди. **“Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш. Лекин турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт. Том маънода, мана шундай олижаноб туйғулар миллий ғоямизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор”**.

“БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН” — Президент И.А.Каримов асарларининг 4-жилди (—Т., «Ўзбекистон», 1996 й.). Ушбу жилдада Юртбошимизнинг Олий Мажлисининг учинчи ва тўртинчи сессияларида, ш-дек, вилоятлар халқ депутатлари кенгашлари сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқлари, халқаро миқёсда ўтказилган учрашувларда сўзлаган нутқ ва суҳбатлари жамланган. Унда Ўз-нда миллий давлатчиликнинг маън-й асосларини яратиш, ш-дек, мустақил давлатимизда миллий хавфсизликни таъминлаш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар б-н ҳамкорликни йўлга қўйиш, мустақил давлат сифатида Ўз-ннинг халқаро обрў-эътиборини белгиловчи муҳим омиллардан бўлган ташқи сиёсат стратегияси баён этилган. **“Биз куриш, яратиш йўлидан бораверамиз”** номли маърузада (1995 йил,

30 август кунни ЎзР Олий Мажлиси III сессиясида сўзланган нутқ) юртимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорликни кўз қорачиғидек сақлаш, мулкчилик масаласида кескин ва қатъий ўзгаришлар яшаш зарурати, ҳақиқий мулк эгалари, янги пайдо бўлган мулкдорлар синфи шу давлатни, шу ижт-й тузумни тиклаш учун, равнақ топтириш ва қўриқлаш учун ўзини аямаслигига эътибор қаратилади. Одамларимиз, аввало, фаолларимиз, жамоатчилигимиз тафаккурини ўзгартириш муҳим масала экани айтилиб, жам-тга янги-ча фикрловчи, боқимандалик кайфиятидан халос бўлган, ўзининг кучи, ақлу заковати, мулкига ишониб, ёруғ келажак, муносиб, эркин ҳаёт учун курашишга тайёр бўлган кишиларни тарбиялаш зарурати қайд этилади. Жам-тимиз ва унинг аъзолари мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи кераклиги, миллий гурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи лозимлиги таъкидланади. Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингиши, ҳар бир фуқаро учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, ҳақиқий иймонга айланиши даркорлиги таъкидланган. **“Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамызга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди”**. Тўртинчи жилднинг бош ғоясига айланган ушбу даъват “Ватан мангу қолади” деб номланган Ўз-н мустақиллигининг 4 йиллиги мун-ти б-н 1995 йил 31 августда ўтказилган тантаналарда сўзланган нутқда янада ривожлантирилади. Жумладан, бугунги кундаги энг буюк вазифа ва муқаддас бурч – Ўз-н тарихидан муносиб саҳифа очиш ва уни авлодлар учун ибрат бўладиган олижаноб, савобли ишлар б-н тўлдириш экани қайд этилади. Ватан шон-шухрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун фидокорона меҳнат орқали ҳисса қўшиш авлодларга мерос сифатида қолдириладиган энг буюк нарсадир, деган ғоя “Халқ ташви-

ши билан яшайлик”, “Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик”, “Бунёдкорлик фаровон ҳаёт асоси” каби асарларда ҳам ўз ифодасини топган. И.А.Каримовнинг 1996 йил 24 апрелда Парижда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзлаган “Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди” маърузасида ўз эрки ва мустақиллигини қўлга киритган Ўз-ннинг асосий вазифаси, аввало, жаҳон ҳамжам-тига фаол ва табиий равишда кириб бориш, ўзининг тинчлик, тенг ҳамкорлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, асл умуминсоний қадриятларга содиқлигини кўрсатишдан иборат экани таъкидланади. Ушбу жилдга киритилган асарлар, маъруза ва нутқларда жам-т тарётининг муҳим омили бўлган малакали кадрлар, жумладан, раҳбар кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган. “Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили” деб номланган 1995 йил 3 октябрда ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жам-т қурилиши академиясининг очилиш маросимида сўзланган нутқда давлат ва жам-тни биров асло четдан келиб қуриб бермаслиги, уни тақдири Ватан тақдирига пайванд бўлган шу мам-т фарзандлари бунёд этиши кераклигини таъкидланади. Эскича фикрлашдан холи бўлган ходимлар тайёрлашнинг янги ягона тизими вужудга келтирилгани, шунга мувофиқ ҳолда раҳбар кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш сиёсатида янги тамойилларга асослангани, яъни етакчиларга синфий, фирқавий эмас, миллий ғоя асосида талаблар қўйилгани қайд этилади. Шу боис ҳам етакчилар миллий қадриятларга асосланган ҳолда иш юритиши ва уларнинг маън-й юксалиши учун барча имкониятларнинг яратилиши устувор вазифа сифатида белгиланади. Нутқда илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжиза экани таъкидланиб, маъ-яти юксак комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт

мезонига айлантириш миллий ғоянинг негизини ташкил этиши баён қилинган.

Китобда миллий ғоянинг мад-й-маън-й соҳадаги асосий мақсадларини амалга ошириш воситаси ҳамда омиллари кўрсатиб берилган. Миллий ғоя халқни бирлаштирувчи, миллатни эзгулик сари етакловчи, баркамол авлодни тарбияловчи, буюк мақсадларни белгиловчи, ядро полигонларидан хавфлироқ бўлган мафкура полигонларида ғалабани таъминловчи ғоялар тизими экани ҳар томонлама асослаб берилган.

БҮРЧ — маън-й соҳада юксак масъулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилишни; ҳуқуқий соҳада қонун ҳужжатлари, шартнома, иш бўйича юкланган мажбуриятни англаувчи т. Б. — инсон маъятининг таркибий қисми, маъ-ят фалсининг фундаментал категорияларидан бири. Бу т. шахс зиммасига қўйилган талабларга нисбатан масъулияти ва мажбуриятини бажариш маън-й заруратга айланишини ифодалайди. Маън-й қадрият — Б.нинг манбаи инсон бўлиб, унинг мазмун-моҳияти жам-тга, ижт-й тузилмаларга мун-тида намоён бўлади. Б. категорияси масъулият, ўзликни англаш, виждон, хулқ каби т.лар б-н боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Чунки Б. инсоннинг маън-й қиёфасини тавсифловчи т.дир. Б. ижт-й-индивидуал хус-ят ва субъектив жиҳатларга эга. Аввало, у масъулият, мажбурият каби умуминсоний қадриятларга таянади. Ҳар бир киши учун умумий бўлган оила, ота-она, Ватан, халқ олдидаги умумий Б. б-н бир қаторда, Б.нинг индивидуал даражаси ҳам мавжуд. Б. т.си муайян шахсга хос ваъдага вафо, ўз сўзида туриш, обрў-эътибор ва шаънини сақлаш каби ҳислатларда яққол намоён бўлади. Б.нинг ижт-й-сиёсий ва ҳуқуқий асослари Конституция ва қонунларда ўз аксини топади. Унинг иқт-й асосларини турли шартномаларда яққол кўриш мумкин. Б. эркин, анланган ҳолда танлаб олинган тақдирдагина маън-й-ахлоқий категория сифатида амал қилади. Б.нинг негизларидан бири иймон-эътиқод бўлиб, бундай сифатга эга инсон уни теран ан-

лайди, унга садоқатли бўлади. Инсон маъ-ятида Б.нинг алоҳида аҳамият касб этиши масаласи маъ-ятшуносликнинг долзарб мавзуларидан биридир. Б. виждон, эътиқод, масъулият каби т.лар б-н мустақам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида Б.га садоқат ёки хиёнат ётади. Б.нинг инсонлик Б.и, фуқаролик Б.и, оталик Б.и, оналик Б.и, фарзандлик Б.и сингари барча даврлар учун умумий бўлган т.лари ҳам, журналистлик Б.и, шифокорлик Б.и, олимпик Б.и каби касблар доирасидаги т.лари ҳам мавжуд. Б. т.сининг муҳим жиҳатларидан яна бири унинг маълум вақт мобайнида ва жам-тда ўзига хос тарзда намоён бўлиш хус-ятига эга экандир. Чунончи, бир тузум ё жам-тда ижобий ҳисобланган Б. талаблари бошқаси учун салбий маъно касб этиши мумкин. Ҳарбийлашган ва ўта мафкуравийлашган жам-тларда эса Б. омма ҳамда шахс ҳаётида фожиавий тус олиши ҳам мумкин. Усталик б-н йўлга қўйилган тарғибот натижасида бундай жам-т аъзоларининг кўпчилиги оқни қора, қорани оқ деб қабул қилади. Бу умумбашарий ва миллий қадриятларни оёқости қилган шафқатсиз тоталитар тузумлар мафкураси ва амалиётида яққол намоён бўлди. Тарихда ўз Б.ига садоқатли бўлган кишилар тақдири оғир кечганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мас., Фурқат мустамлакачилар мафкурасига хизмат қилганида ҳаёти роҳат-фароғатда кечиши мумкин эди. Лекин у Ватан ва халқ олдидаги Б.ига содиқ қолиб муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди, Ватанда йироқда вафот этди. Баъзан Б. туфайли кишилар севгисидан, ҳатто ака-укаси, опа-сингисидан ёки фарзандидан кечишга ҳам мажбур бўлади. Конституциямизда белгилаб қўйилган Б.ларни бажариш; қонунларга риоя этиш; бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш; халқимизнинг тарихий, мад-й ва маън-й меросини авайлаб-асраш; табиий муҳитга эҳтиёткорона мун-тда бўлиш; қонун б-н белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш; Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаро-

нинг Б.и экани қайд этилган. Ўз Б.ига содиқлик ҳар бир кишининг ахлоқ-одоби, маън-й қиёфасини ифодаласа, сўзининг устидан чиқмайдиган, ўз Б.ини бажармаган кишилар халқ орасида ҳурмат топмайди. Б. ўз-ўзидан шаклланмайди, у тарбия жараёнида камол топади. Шу маънода, ўз Б.ини яхши англайдиган, ўзига талабчан, иши, билими ва куч-қувватига ишонадиган, ўз қадр-қимматини сақлай оладиган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

БУХОРИЙ, Муҳаммад ибн Исмоил (810–870) – Куръондан кейин турадиган мўътабар манба – ҳадисларни тўплаш ва уларнинг энг ишончлиларини ажратиб бериш орқали шуҳрат қозонган, дунё халқлари орасида энг буюк муҳаддис сифатида эътироф этилган аллома. Асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардазбеҳ ал-Жуъафий ал-Бухорий 810 йил 20 июль (ҳижрий ҳисобда 194 йил шаввол ойининг 13-кун)да Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Б. олимлардан фарқли ўлароқ, Б. туғилган сананинг аниқлигига сабаб шуки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илмий одамларидан бўлиб, ўғлининг туғилган кунини ўз қўли б-н ёзиб кетган. Б.нинг отаси ёшлик чоғида вафот этган бўлиб, у асосан онасининг тарбиясида вояга етади. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш б-н эгаллайди. Манбаларда кўрсатилишича, у ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ровийлардан эшитган ҳадисларни, ш-дек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакий ибн ал-Жарроҳ каби олимларнинг ҳадис тўпламларини ёдлаган, устози Шайх Доҳилий б-н ҳадис ровийлари ҳақидаги қизғин баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар Б. онаси ва акаси Аҳмад б-н Ҳижозга ҳаж ибодатини адо этиш учун йўл олади. Муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилгач, олти йил Ҳижозда яшаб қолади, сўнгра ҳадис илми борасидаги билимини янада ошириш

мақсадида ўша пайтдаги илм-фан марказлари Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшайди. У жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис ва фикҳ илмидан таълим олиб, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади, илм толибларига дарс беради. Б. ҳаётининг кўп қисми мусофирчиликда ўтади. Бу ҳақда унинг ўзи: «Миср, Шом, Месопотамияга икки марта, Басрага тўрт марта борганман. Ҳижозда олти йил яшаганман. Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман», деган экан. У сафар чоғида ҳам, бир шаҳарда муқим турганда ҳам илмини ошириш борасида тинимсиз ишлар, тўплаган ҳадисларини оққа кўчираар эди. Б.нинг ёзишича, Бағдодда истиқомат қилган пайтида кўпинча ой нурида ижод қилиб, қоронғи кечаларда шам ёруғида китоб ёзган. Нишопурлик ал-Ҳокимнинг ёзишича, Б. устозларининг сони тўқсонга атрофида бўлиб, улар орасида Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳаробий, Убайдуллоҳ ибн Мусо ал-Абасий, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ал-Ҳамидий, ибн Роҳвайҳ номи б-н машҳур бўлган Имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадиний каби ўша замоннинг энг пешқадам алломалари ҳам бор эдилар. Ўз навбатида Б. ҳам кўпгина шогирдларга устозлик қилган. Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халаф ибн Қутайб, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Исо Термизий, Муҳаммад ибн Наср Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож каби етук олимлар унинг шогирдларидир. Термизлик машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий И.Б.га ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро мун-тлари ниҳоятда яқин бўлган. Узоқ йиллар давомида Шарқнинг турлитуман мам-тларига сафар қилган Б. умрининг охирларида беш йил (863–868 йиллар) Нишопурда яшаб, мадрасаларда ҳадис илмидан дарс беради. Ўша пайтда Нишопур мусулмон шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машҳур олимлар шу

шаҳарда тўпланган эдилар. Б.нинг Термизий б-н учрашуви ҳам айнан Нишопурда юз бериб, диёримиздан чиққан икки машҳур муҳаддис ўртасида қизгин илмий баҳслар, ижодий учрашувлар бўлиб ўтади. Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни Б. бўлган учрашувларидан олган. Шу б-н бирга Б. ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: «Менинг сендан кўрган фойдам сенинг мендан кўрган фойдангдан ортиқроқ», деб унга нисбатан чуқур ҳурмати-ни билдирган. Араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабий (1274–1347) «Тазкиратул-хуффо» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номли асарида ёзишича, ат-Термизий ўз устозининг вафоти туфайли қаттиқ қайғуга ботиб, кўп йиллаганидан кўзлари кўр бўлиб қолган экан. Б. нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, одамохунлиги, муруввати, ҳиммати ва беқиёс саховати б-н ҳам б.лардан тамомла ажралиб турган. У зехни ўткирлиги ва қувваи ҳофизасининг кучлилиги б-н ҳам халқ орасида шуҳрат қозонган. Манбаларда Б.нинг 600 000 га яқин ҳадисни ёд билгани қайд этилган. Б. хориждан қайтгач, ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш б-н машғул бўлади. Кўпчилик уни ҳурмат қилган, аммо Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухдий б-н Б.нинг алоқаси бузилиб қолади. Бунга сабаб амир олимдан саройга келиб «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «Ат-Тарих» китобларидан унинг фарзандларига сабоқ беришни талаб қилган. Лекин Б. «Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи келсин. Илм бормайди, илмга келинади», деган жавобни айтган эди. Амирга жавоб ёқмай, фитначи, бўхтончи шахсларнинг гапига кириб, Б.га шаҳарни тарк этишни буюради. Шундан кейин имом Б. Самарқандга қараб йўл олади ва бирмунча муддат шаҳар яқинидаги Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош уруғлариникида яшайди, сўнгра оғир касалга чалиниб, 870 йил 31 август (ҳижрий 256 йил)да 60 ёшида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. Б. авлодларга бой қимматли

илмий-маън-ий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-тарих ал-сағир», «Ат-тарих ал-авсат», «Ат-Тарих ал-кабир», «Китаб ал-илал», «Бирр ул-волидайн», «Асмо ус-саҳоба», «Китаб ал-куна» ва б.ни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг муҳим асари шубҳасиз, «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»дир. Бу асар “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи б-н ҳам машҳур бўлиб, унинг гоят аҳамиятли томони шундаки, Б.гача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларни танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Б. эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлган, уларнинг ишончлиларини ажратиб алоҳида китоб яратган. Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, Б.нинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари б-н бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳадислар эса 4000 дан иборат. Б.нинг ушбу йирик асари дунё юзини кўрганига тахминан 1200 йил бўлди, ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Куръондан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келмоқда. Ушбу асарнинг кўплаб нусхалари дунёнинг турли шаҳарларига тарқалган. Ҳатто ўрта а.ларда яшаган баъзи адиб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳам бўлган. Жумладан, таниқли адиб ва тарихчи ан-Нувайрий (1332 йилда вафот этган) Б.нинг ушбу асаридан саккиз нусха кўчириб, ҳар бирини минг дирҳамдан сотгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Асарнинг 1325 йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат бир нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда. «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»га кўпдан-кўп шарҳлар битилган. 1974 йили Ў.О. ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташаббуси б-н жумҳуриятимизда ислом дунёси вакиллари иштирокида алломанинг 1200 йиллик юбилеи нишонланган эди. Унинг шоҳ асарлари ҳисобланмиш «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ва «Ал-адаб ал-муфрад» китобларининг Тошкентда қайтадан нашр қилиниши Б. меросини ўрганишда катта

аҳамиятга эга бўлди. Тошкентдаги диний олий маъҳаднинг Б. номи б-н атай бошлангани ҳам буюк алломага чуқур ҳурмат-эътиборнинг рамзидир. Ўз-н ҳукуматининг қарори б-н 1998 йилнинг кузида Б. таваллудининг 1225 йиллиги (ҳижрий ҳисобда) дунё миқёсида кенг кўламда нишонланди. Президент И.А.Каримовнинг бевосита раҳнамолигида Б.нинг Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган мақбараси замонавий – шарқона услубда батамом қайта қурилиб, мусулмон оламининг энг табарруқ зиёратгоҳларидан бирига айланди.

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ – бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқт-й ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган наз-я ва амалиёт. Хус., XVIII-XIX а.ларда Фарбий Европа ва Россия империясининг ҳукмрон доиралари бошқа давлатларга нисбатан ана шундай сиёсат олиб борганлар. Б.д.ш. Австрия–Венгрия империяси, Туркия султонлиги сиёсатида ҳам кучли бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Германия фашизми ана шундай сиёсат юритиб, немислар “олий” ирққа мансуб миллат сифатида жаҳондаги барча халқлар устидан ҳукмронлик ўрнатиши керак, деб даъво қилган. Урушдан кейинги даврларда ҳам бир қанча мам-тлар томонидан Б.д.ш. сиёсати хилма-хил кўринишда олиб борилмоқда. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида Б.д.ш. ва агрессив миллатчилик хавфсизлигимизга таҳдид солаётган жиддий муаммолардан бири эканини алоҳида таъкидлаб, шундай деган: “Ўтган мустақил ривожланиш йилларида давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда. Бу таҳдид буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шиорларда, билдирилатган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда намоён бўлмоқда”. Б.д.ш. ғайриинсоний хус-ятга эга бўлиб, бошқа халқларни қарам қилиш, иқт-й, сиёсий, мад-й

жаётда уларни камситишнинг ўзига хос шаклидир. Тарихнинг далолат беришича, иқт-й имкониятлари заифлашган, ижт-й тотувлик мустаҳкам бўлмаган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдирдан ўзининг шахсий ва тор гуруҳий манфаатларини устун кўядиган, ҳокимиятга даъвогарлик қилишда ўзаро келиша олмаётган сиёсий кучларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши, ш-дек, маън-й-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик кучайиши натижасида айрим мам-тлар Б.д.ш. таъсирига тушиб қолади. Б.д.ш. ҳамisha куч ишлатишга, ҳарбий, иқт-й, сиёсий, маън-й, мафкуравий тазйиққа, зўравонликка асослангани учун ҳам миллатлар ва давлатлараро мун-тларда ишончсизлик ва душманлик кайфиятларининг чуқур илдиз отишига сабаб бўлади. Унинг салбий оқибатлари фақат шу б-н чекланмайди. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Тарихий тажрибада қайта-қайта тасдиқланганидек, шовинизм авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки, бўйсундирилган ва қарам халқларнигина эмас, балки бир қисми муқаррар равишда бундай сиёсий йўлга қарши чиқадиган ўз аҳолисини ҳам бошқача шароитда итоаткорликда сақлаб туриш мумкин бўлмайди”. Шу тариқа, давлат ички зиддиятлар бўҳронига дучор бўлиб, ҳалокатга юз тутади. Бир сўз б-н айтганда, ўзгаларни қарам қилган халқлар, давлатларнинг ўзлари ҳам ҳеч қачон озод ва эркин бўлолмайди. Бироқ, жаҳоннинг айрим ҳудудларида юз бераётган воқеалар бу тажрибадан дунёдаги айрим сиёсий доиралар ва кучлар ҳали ҳам тегишли хулоса чиқариб олманидан далолат беради. Бугунги кунда шовинистик кучлар, биринчидан, мам-т аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл б-н тазйиқ ўтказиш, иккинчидан, минтақа давлатлари ичида зиддиятларни юзага келтириш, учинчидан, жаҳон афкор оммасида Ўз-н ҳақида воқеликка зид, нотўғри тасаввурларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Бу

йўлда улар хилма-хил усул ва воситалардан фойдаланмоқда. Ш.у. Б.д.ш.ни жаҳолатнинг ўзига хос кўриниши сифатида тавсифлаш мумкин. Унга қарши маърий йўл б-н курашиш мумкин. Бунда халқаро ҳамжам-т, жумладан, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ҳар бир давлат б-н ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шундагина минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига ижобий таъсир этиб, бир-бирини бойитадиган маконга айланади. Ўз-нинг тинчликсевар сиёсати ана шу мақсадга хизмат қилади.

БЮРОКРАТИЯ (франц. бюро – девон. юн. кратос – ҳокимият) – расмиятчиликка асосланган бошқарув ва маъмурият тизими. Б. алоҳида моддий ва маън-ий имтиёзларга эга маъмурлар фаолиятида намоён бўлади. Б.нинг муқобили тўрачилик, қоғозбозликдир.

БҮЛИБ ТАШЛАБ, ҲУҚМРОНЛИК ҚИЛИШ – ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадларга эришишда қўлланадиган усул ва тамойиллардан бири. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий йўли бирон-бир минтақа ёки мам-т ичида ижт-ий парокандаликни келтириб чиқаришдир. Бунда, биринчидан, муайян шаклда мавжуд бўлган ижт-ий-иқт-ий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиш, иккинчидан, ўз ноғорасига ўйнайдиган мухолифатчи кучларни ўзага келтириш йўли б-н сиёсий беқарорликни келтириб чиқариш, учинчидан, “мам-тда сўз, матбуот, сиёсий эркинликлар йўқ” қабилидаги тухматдан иборат мафкуравий тазйиқ ўтказиш усуллари қўлланади. Ўз-н мисолида бундай ҳолат баъзи хорижий ОАВ-нинг мам-тда амалга оширилаётган ижт-ий, иқт-ий, сиёсий, ҳуқуқий, маън-ий ислохотлар ҳақида нотўғри ахборот тарқатиши орқали жаҳон жамоатчилигида ҳақиқатга зид тасаввурни шакллантириш йўлидаги хатти-ҳаракатларида яққол кўринади. Муайян минтақага нисбатан олиб қараганда, мазкур тамойил ушбу ҳудудда ҳуқмронлик қилишга даъво қилаётган давлат

борлигини “асослаш”, таъбир жоиз бўлса, шундай давлат тимсолини яратиш йўлидаги уринишларда намоён бўлади. Бундай ғаразли интилишлар ер юзининг турли нуқталарида ҳар хил кўринишдаги низоларни, давлатлараро мун-тларда эса тангликни юзага келтиради. Натижада, мам-тларнинг моддий-молиявий, маън-ий-интеллектуал салоҳияти жам-т тар-ётига хизмат қилиш ўрнига ана шу “образ” таъсирининг олдини олишга йўналтирилади. Шу тариқа асосий мақсадга, яъни муайян давлатни яққолаш, уни заифлаштириб, ўз “иттифоқчи”сига айлантиришга эришилади. “Б.т.ҳ.қ.” тамойилини амалга оширишнинг яна бир йўли – халқаро майдонда муайян мам-т ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантиришдир. Айни пайтда бу йўлда диний омилдан, яъни гўёки эътиқод эркинлиги бузилаётгани тўғрисидаги сохта маълумотларни тарқатиш усулидан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилмоқда. Буларнинг барчаси “мақсад воситани оқлайди” деган ақида ғаразли геостратегик ғоялар ва манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қондасига айланаётганини кўрсатади.

БҮШ ВАҚТ – вақт шаклларида бири бўлиб, кишининг ишдан ташқари вақтининг бир қисми, унинг жисмоний ёки ақлий меҳнат б-н шуғулланмайдиган, баъзида эса жисмонан ва руҳан ҳордиқ олиш учун ажратадиган вақтни англаувчи т. Б.в. шахснинг ҳар томонлама такомиллашуви, дам олиши, ўқиши, умуман, ўзининг билим даражасини, ишлаб чиқариш малакасини ошириш учун, жамоат иши, жисмоний тарбия, спорт машғулоти ва б. маън-ий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадиган ишдан ташқари вақтидир. Б.в. куч-қувватни тиклашга, жисмоний ва маън-ий тарётга, ш-дек, шахснинг ўз устида ишлашига, мад-ий ҳордиқ чиқаришига, ижт-ий-сиёсий фаоллик кўрсатишига, ҳаваскорлик фаолиятига сарф қилинади. Б.в. пассив ҳордиқ – “ҳеч нарса қилмасликни” ҳам ўз ичига олади. Б.в.нинг ижт-ий қадрият сифатидаги салмоғи унинг ҳажми, тизи-

ми ва мазмуни б-н ўлчанади. Кейинги даврларда Б.в. ҳажми ўсиб бормоқда. Бу ўсиш меҳнатда техникадан кенг фойдаланиш, маиший эҳтиёжларга (йўлга, уй ишларига, болалар тарбиясига ва б.) сарфланадиган вақтнинг қисқариб бораётганлиги б-н белгиланади. Б.в. масаласи соғлом турмуш тарзини қарор топтириш б-н узвий боғлиқ. Мустақиллик йилларида Ўз-нда Б.в.ни самарали ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, мам-тимизда кўплаб театрлар, музейлар, кутубхоналар, турли мад-й-маиший тўғарақлар фаолият юритмоқда. Лекин мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳар бир кишининг ўзига, унинг дунёқарашига боғлиқ. Киши Б.в.га бекорчи вақт деб қарамаслиги, уни фақат маишат, беҳуда кўнгилхушлик б-н ўтказмаслиги лозим. Оилада, авваламбор, Б.в.ни режали ташкил қила билиш керак. Унда мад-й-маиший муассасаларга бориш, китоб мутолаа қилиш, спорт б-н шуғулланишга алоҳида ўрин ажратиш зарур. Ижодий меҳнат қилиш, малака, илмий-мад-й савияни ошириш, адабиёт ва санъат б-н шуғулланиш Б.в.ни мазмунли ўтказишнинг асосий омилдир. Айниқса, оилада болаларнинг Б.в.ини тўғри ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш зарур. Уларнинг Б.в.ини нотўғри ташкил қилиниши турли ижт-й хавф-хатарлар: безорилик, ичкиликбозлик, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келиши мумкин. Болаларни турли тўғарақларга, жамоат ишларига жалб қилиш, қизиқарли, мазмунли ўйинлар б-н банд этиш, бадий китоблар ўқишларига аҳамият бериш лозим. Умуман, Б.в.дан самарали фойдаланиш турмушнинг мазмунли бўлишига хизмат қилади.

БЎШЛИҚ (маън-й соҳада) — бир сис-темадан бошқа бир тизимга ўтиш жараёнида ёки маън-й-маър-й ишларнинг тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида юзага келадиган ҳолат. Шахс онгида Б.нинг пайдо бўлиши унинг жам-тдаги ўрни ва ижт-йлашувининг маромига етмагани, мустақил тафаккурининг шаклланмагани ва фикр қарамлиги, сис-тема эътиқодининг заифлиги, ҳуқуқий мад-й савия-

сининг пастлигида намоён бўлади. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлди, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда ким кўп — ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг гиразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда, улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва гоёлар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда. Бутунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаяётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Энг ёмони, бундай хуржларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 12-б.).

БЎҲТОН (араб. ёлғон, туҳмат) — юксак маъ-ят тамойилларига мос келмайдиган, бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асосиз даъво ёки туҳматни ифодаладиган т. Б. шахс, гуруҳ, миллат, жам-т, давлат обрў-эътиборини тушириш мақсадида шахс ёки гуруҳ томонидан уюштириладиган ёлғон ёки туҳмат, асосиз маълумот тарқатишни англатади. Б. орқали кишилар ўртасидаги мун-тларга дарз кетади, жанжалли ҳолатларда ўзаро душманлик вужудга келади. Бироқ, Б. қилиш шахснинг феъл-атворига хос бахиллик, ҳасадгўйлик, кўра олмаслик, очкўзлик, худбинлик, ман-фаатпарастлик каби иллатлар б-н боғлиқ

ҳолда юзага келиши ҳам мумкин. Ижт-й мун-тларда юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликнинг ўзига хос сабаби бўлгани каби Б.нинг ҳам муайян сабаблари бор. Шу жиҳатдан қараганда, Б.ни бир неча турларга бўлиш мумкин: шахс ёки гуруҳ томонидан амалга оширилаётган ишларни кўра олмаслик, ўзини ўша гуруҳ ёки шахсга қарама-қарши қўйиш оқибатида вужудга келадиган Б. — бундай Б. кўпинча гийбат, фисқу фасод тарқатиш шаклида намоён бўлади. Шахснинг ўзини ҳимоя қилишга интилиши замирида вужудга келадиган Б. жанжалли ҳолларда қарама-қарши томон далилларини исботлаш қийин бўлиб қолган вазиятларда ўзини оқлаш мақсадида тўқиб чиқарилган ёлғон маълумотларга асосланади. Б.нинг бу кўриниши амалиётда, айниқса, судлов жараёнида кўп кузатилади; маълум бир шахс ёки гуруҳ томонидан амалга оширилган ишларни йўққа чиқариш мақсадида қилинадиган ҳужумкор Б. Бундай Б. рақиб томоннинг қилган ишларини салбий н.назардан баҳолаш орқали ўзининг муайян манфаатини қондириш мақсадида амалга оширилади. Б., ш-дек, шахс ёки гуруҳни

қилинмаган амалий хатти-ҳаракатлар ёки айтилмаган мулоҳазалар учун айблаш тарзида намоён бўлиши мумкин. Мас., ўтган а.нинг 30-йилларида шўро ҳукумати томонидан кўплаб ўзб. зиёлиларининг миллатчилик ва айирмачилиқда айбланиши давлатнинг шахсга ёки гуруҳга қарши қаратилган Б.и эди. Гийбат, тухмат, Б. каби маън-й иллатлар ўз мазмун-моҳиятига кўра бир оз фарқланади. Гийбат шахс ёки гуруҳнинг ортидан салбий сифатлашни аналтса, тухмат гумон асосида қилинган ёки қилинмаган иш-ҳаракат, айтилган ё айтилмаган фикр-мулоҳазанинг бировга қаратилишини билдиради. Б. эса умуман қилинмаган иш-ҳаракат ёки мулоҳазада тўғридан-тўғри, бегумон айблашни билдиради. Саъдий Шерозийнинг “Кўли қисқа ҳасадчи қилур гийбат, қилу қол, // Чунки келса рўбарў, тили бўлур гунгу лол”, яъни “... ҳунарсизлар истеъдодли одамларни ёмон кўради, ... шунга ўхшаш, разил одамлар ҳам яхшилик қилишда бирор киши б-н беллаша олмаганларидан кейин, гийбат, Б. қилишга киришади. Фисқу фасод ва Б.ни халқимиз азалдан маъ-ятга зид, инсон номига номуносиб энг ярамас иллат сифатида қоралаб келади.



ВАЗМИНЛИК — ҳар қандай шароитда ҳам оқибатини ўйлаб, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, фикр-мулоҳаза асосида иш юритиш, оғир-босиқлик фазилати. В. ўзини тута билиш, сермулоҳазалилик, шошилиб хулоса чиқармаслик, етти ўлчаб бир кесишни англатади. Сабр-тоқат, чидам, мулоҳазакорлик, андишалик, мардлик ва орият вазмин одамга хос хус-ятлардир. Вазмин одамнинг асаблари мустаҳкам бўлади, у жиззакилик қилмайди. Ўзига ёқмаган бирор ножўя сўз, ёмон муомала, хато қилинган иш, ҳатто ҳақорат ҳам вазмин одамни руҳий мувозанатдан чиқара олмайди. Кўпгина луғатларда “оғир”, “машаққатли”, ва “қийин” сўзлари В. сўзининг маънодоши сифатида кел-

тирилади. “Оғир” сўзи инсонга нисбатан айтилганда салбий маънони ҳам англатиши мумкин. Мас., “феъли оғир” деган иборада салбий маъно мужассам. Оғир-босиқ одам, дейилганида эса ижобий маъно — В. англашилади. Кексаларимиз баъзи бир одамларни: “Фалончи роса оғир карвон-да!” деб таърифлайдилар. Бу иборада ҳам В.ка тааллуқли маънолар мавжуд. Вазмин одам аксарият ҳолларда олижаноб, кечиримли бўлади. Енгилтаклик, шошқалоқлик — В.ка зид ҳолат. Халқимизда “Шошилган ишнинг пушаймони кўп” деган мақол бор. Алишер Навоий: “Ҳар кимсаки, айламас ошиқмоқни хаёл, // Ёфроқни ифак қилур, чечак баргини бол”, деб ёзган. В. икки хил, бири — туғ-

ма, табиат ато қилган В. бўлса, иккинчиси, таълим-тарбия орқали эришилган В.дир. Туғма В. инсоннинг ёшлигидан, ҳатто гўдаклигидан маълум бўлади. Таълим-тарбия орқали эришилган В. эса кейинроқ намоён бўлиши мумкин. Юнон файласуфи ва адиби Плутарх “Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари” номли асарида бундай ёзади: “Файласуф Афинадор қариб қолган пайтида уни (Цезар Августин) уйига келишини илтимос қилган эди, у келди. Хайрлашув чоғида яхши тилаклар б-н Афинадор унга: “Агар Цезар, ғазабланидиган бўлсанг, илтимос, ичингда алифбонинг барча йигирма тўрт ҳарфини айтиб чиқмагунча ҳеч нарса гапирма ҳам, ҳеч нарса дема ҳам”, деб таъкидлади. Шунда Цезар унинг қўлларини маҳкам ушлаб: “Сен менга ҳали кераксан!”, деб хитоб қилади ва унинг деярли яна бир йил умр кўришига ёрдам берди. Цезар “Сукутдадир — энг олий мукофот” деган ҳикматни кўп такрорлар эди. Демак, сукут сақлаш, шошма-шошарлик қилмаслик ҳам В.нинг бир кўринишидир. В. барча халқлар, миллатларда ижобий фазилат сифатида қадрланади.

ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР — бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифода этадиган т. Жам-тни тубанликка етаклаб, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар (ўзининг шахсий ёки ижт-й манфаатларини ўзгалар ҳисобига қондириш, босқинчилик, талончилик ва б.). В.ғ. инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирадиган, жам-тни қарама-қарши қўтбларга ажратиб, бўлиб ташлашга сабаб бўладиган ғоялар мажмуидир. Ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий миллатчилик, фашизм, большевизм, терроризм каби мафқуралар вайронкор ғоялар жумласига киради.

ВАНДАЛИЗМ — замонавий талқинда маън-й бузғунчилик ва вайронкорликни англатувчи т., тарихий жиҳатдан эса мил. 455 йилда Римни забт этиб, кўплаб антик ва насроний мад-т ёдгорликларини вайрон қилган қадимий герман қабиласининг номидан келиб чиққан атама. Бу ибора илмий муомалада мад-й-тарихий ва моддий бойликларни вайрон қилиш тимсоли сифатида қўлланади. Ҳоз. вақтда В. т.си жамоат тартибини бузишнинг айрим турлари, хус-н, жамоат, хусусий ва коммунал мулкка шикаст етказиш, таълим-тарбия масканлари, транспорт воситаларидаги асбоб ва жиҳозларни ишдан чиқариш, деворларга ғайриахлоқий ёзувларни ёзиш, бир сўз б-н айтганда, бузғунчиликка қаратилган ҳаракатларни англатади. В.нинг барча шакл ва кўринишлари статистикада тўлиқ акс этирилмаётган бўлса-да, мавжуд маълумотларнинг ўзиёқ бу иллат баъзи мам-тларда ғоят кенг тарқалганидан далолат беради. Мас., АҚШда бундай хатти-ҳаракатлар оқибатида ҳар йили 200 мингга яқин, жум-н, 15 минг киши атайлаб ёнғин содир этгани учун ҳибсга олинади. Огайо штатидаги 899 оилада ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, улардан 15,5 фоизи бир йилда камида бир марта, 40 фоиздан ортиғи эса икки ва ундан кўпроқ ҳолатларда В. кўринишларига дуч келган. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бундай хатти-ҳаракатлар жам-тга жуда катта молиявий зарар келтиради. А.Хаубернинг ҳисоб-китобларига биноан, Голландияда В.дан келаётган қундалик зарар 4 млн. долларни, А.Гольштейннинг маълумотларига кўра, бутун дунёда бу кўрсаткич 1 млрд. долларни ташкил этади. Мас., 1990 йилда АҚШнинг умумтаълим мактабларида вандаллар етказётган зарарни қоплаш учун 600 млн. доллар сарфланган. Ғарб мам-тлари илмий адабиётида В. жиноятлари онгли ва онгсиз равишда содир этилиши таъкидланса-да, амалда уларни бир-биридан ажратиш қийин. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам улар келтириб чиқарадиган оқибатлар бир хил: моддий ва мад-й ёдгорликлар вайрон этилади, атроф-муҳитдаги мувозанат

издан чиқади ва кўпгина ҳолларда кишиларга жиддий маъ-й зарар етказилади. В. хатти-ҳаракатларининг мазмун-моҳияти, иқт-й-ижт-й, психологик ва б. омилларига доир яхлит илмий асосланган концепция ҳозиргача яратилмаган бўлса-да, унга ундовчи сабаблар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин: 1) моддий манфаатдорлик (мас., рангли металлларга эга асбоб-ускуналарни ишдан чиқариш, ибодатхона ва зиёратгоҳлардан қимматбаҳо буюмлар — тилла ёки қумуш идишлар, иконалар ва ҳ.к.ларни ўғирлаш); 2) бошқа мақсадларда амалга оширилган В. (мас., нархларнинг пасайишига йўл қўймаслик учун маҳсулотнинг бутун партиясини ишдан чиқариш); 3) мафкуравий В. (бунда вандалнинг маълум ижт-й-сиёсий мақсадларни кўзлаган бузғунчи ғояси ва унга асосланган хатти-ҳаракатлари муайян ҳокимият шакли, сиёсий ин-т, ижт-й ва миллий гуруҳга қарши қаратилади); 4) қасос, ўч олиш мақсадида амалга оширилган В. (мас., бошқа кишиларнинг ютуқларига ҳасад ва нафрат б-н боқиш, уларга етказилган азоб-уқубат ва зарардан ҳузурланиш); 5) ўзлигини чек-чегарасиз намоён этиш, ўта шуҳратпарастлик б-н боғлиқ В. Мас., қад. Юнонистонда Артемида ибодатхонасига ўт қўйган Герострат, ўз давлати пойтахти Римни ёқиб юборган император Нерон ёки ҳоз. даврда дунёдаги қатор музейларда сақланаётган бебаҳо санъат асарларига катта зарар етказётган кимсалар В. ғоясининг таъсирига тушган шахслар тимсолидир. Фарб мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур ҳодисанинг ўша ҳудуд ва минтақаларда тобора кенг қўламда намоён бўлиб бораётгани, аввало, маъ-ят ва азалий қадриятларнинг инқирозга юз тутаётганидан далолат беради. Бу ҳодисанинг илмий асосланган концепциясининг яратилиши В.га қарши курашишнинг замонавий усул ҳамда технологияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

ВАРВАРЛИК — маъ-ят талабларига зид ҳолат бўлиб, 1) ижт-й тар-ёт тўғрисидаги баъзи наз-яларда жам-тнинг рив-ш

босқичларидан бири; 2) қад. юнонлар томонидан уларга тили нотаниш бўлган қабилаларга берилган ном; 3) замонавий н.назардан қараганда — нодон, жоҳил ва шафқатсиз одамлар фаолияти каби маъноларни англатувчи т. ЮНЕСКО қарорига биноан инсониятнинг ноёб тарихий обидалари қаторига киритилган Афғонистоннинг Бомийён вилоятидаги қад. Будда ҳайкалининг толибонлар томонидан замбараклар б-н ўққа тутиб, вайрон этилиши В.нинг энг ачинарли кўринишидир.

Илм-фанда бу атама биринчи бор америкалик антрополог Л. Морган томонидан қўлланган. Унинг фикрича В., тарихий маънода, жам-т ривожига ибтидоий жамоа тузумининг ёввойиликдан кейинги ва цивилизациядан олдинги иккинчи даврини ифодалайди. Мазкур т. ҳақида шотландиялик файласуф А. Фергюссон 1767 йили чоп этилган “Фуқаролик жамти тарихи бўйича эссе” китобида фикр юритиб, жам-т тар-ётининг цивилизацияли босқичи ёввойилик ва В. босқичлари негизда вужудга келганини уқтиради. Тажовузкор сиёсат олиб борган давлат ёки уруш тарафдорларига нисбатан ҳам В. атамаси ишлатилади. Мас., Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар томонидан минглаб шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон этилгани, миллионлаб кишиларнинг қириб ташлангани В.нинг шафқатсиз ифодасидир. Бугунги кунда баъзи Фарб мам-тларида ёшлар томонидан содир этилаётган бузғунчи хатти-ҳаракатлар, турли шаҳарларда уйлар, транспорт воситаларининг ёқиб юборилаётгани, тобора кучайиб бораётган одам савдоси кабилар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

БАТАН (араб. туғилиб ўсган жой, она юрт) — кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижт-й муҳит, мам-тни англатувчи т. В. т.си кенг ва тор маънода қўлланади. Кенг маънода — бутун бир халқ, уларнинг аждодлари азалдан истиқомат қилиб келган макон. Тор маънода — киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ. Инсоннинг уйли-жойли, бошпанали бўлиши, унинг оиласи, бола-чақаси ҳам

баъзан В. сўзи орқали ифода этилади. Ш-дек, В. сўзи мумтоз шеърятимизда образ сифатида қўлланиб, кўнгил маъносини ифода этади. В. т.си а.лар давомида ижт-й-иқт-й тар-ёт мун-ти б-н ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб келган. Қадимда муайян қабила яшаган жой унинг В.и саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл, деб аталган. Мас., ўзб. халқ дostonларида Чамбил эли ибораси кўп тилга олинади.

Муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши б-н В. сўзи халқ ва давлат т.ларини ҳам англата бошлаган. Халқнинг тили, мад-ти, иқт-й турмуши, маъ-яти равнақ топиши натижа-сида кишилар ўртасида муштараклик шаклланади.

ЎзР миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу заминда яшаётган барча инсонларнинг В.идир. Бу ўринда давлат ва В. айна бир маънони ифодалайди, яъни ЎзР деганда В.ни тушунамиз, В. деганда Ўз-ни тасаввур этамиз. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «**Ватан**» тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуг бўлмоғи керак» (Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. —Т.: «Ўзбекистон», 1996 й., 35-бет).

Собиқ мустабид тузум даврида ҳукмрон мафкура биз учун асл В. т.сини сохталаштириб, қалбимиз ва онгимизга мавҳум В. т.сини сингдирмоқчи бўлди. Ўзб. учун умрида бориб кўрмаган, минглаб километр узоқликдаги гиёҳ унмайдиган, ойлар давомида қуёш юз кўрсатмайдиган жойлар ҳам гўёки Ўз-н б-н бир қаторда В. эди. Ҳолбуки, В. — тарихан шаклланган, аниқ т. Мустақиллик халқимиз онгида ҳақиқий В. ҳисси, она-юрт т.сини мустаҳкамламоқда. В.ни севиш, уни улуглаш, сарҳадларини дахлсиз сақлаш, шаъну шарафини юксаттириш йўлида фидокорона хизмат қилиш, ёш авлодни В.га муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш бугунги кунда том маънода шон-шараф ишига айланмоқда.

БАТАН МАНФААТИ — юксак маън-й тамойиллардан бири; Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги, унинг ҳудудида яшаётган халқнинг тинчлиги ва осойишталиги. бугунги ва келажак ҳаётини, ҳуқуқ ва манфаатларини, барча миллий бойликларни асраб-авайлаш, бойитиш ва ҳимоя қилиш б-н боғлиқ барча мақсад-вазифаларни ифода этадиган т. В.м. миллий манфаатларнинг айна ифодасидир. Дунёдаги ҳар қайси мустақил давлатнинг манфаати унинг ҳудудида яшаётган халқ учун В.м.дир. Ватан ва унинг фарзанди бўлган инсонларнинг шахсий манфаатлари ўзаро уйғунлашиб кетади. Чунки Ватан бўлмаган тақдирда инсоннинг шахсий манфаатларини таъминлаш — она тилида мулоқот қилиш, миллий қадриятлари б-н фахрланиш, оила қуриш, фарзандлар ўстириш, ажодлар анъанасини муносиб давом эттириш имконсиз бўлиб қолади. Ватанга муҳаббат унинг манфаати йўлида қайғуриш, ажодлар меросига садоқат, миллий маъ-ятдан баҳрамандлик, башариятга ҳурмат, келажак олдида масъулият туйғуларини тарбиялайди. Ҳақиқий ватанпарвар инсонлар ўз манфаатларини Ватаннинг тақдиридан, миллати, халқининг миллий қадриятларидан, орзу-истакларидан айри ҳолда тасаввур қила олмайди. Инсон ўзлигини қандай англаса, Ватанини ҳам шундай англайди. Ўзлигини англамаган одам Ватанни ҳам англамайди, В.м. йўлида бирор эзгу иш қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. У нафақат Ватанни, ҳаттоки миллати, ота-онаси, оиласи, фарзандлари, ёру биродарлари олдидаги бурчини ҳам ҳис этмайди. Инсон ҳақиқий бахтга эришиши учун фақат моддий бойликнинг ўзи етарли эмас. Ҳам моддий, ҳам маън-й бойликни ўзида мужассамлаштирган одамгина чинакам бахтга мушарраф бўлиши мумкин. Ўз манфаатини В.м.дан юқори қўядиган кимсалар бахт-саодатни фақат моддий бойликка эга бўлишда деб билишади. Афсуски, бугунги кунда «Қаерда яшаш яхши бўлса, ўша ер мен учун Ватан» деб юрганлар ҳам топилади. Бундай кимсаларга «Ватан», «В.м.» деган т.лар бегона. Мам-ти-

мизда ўз мустақил фикрига эга бўлган, ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, шахсий манфаати б-н В.м.ни уйғун кўра оладиган шахс маъ-ятини қарор топтириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бу борада Президентимизнинг қўйидаги фикри биз учун асосий мезондир: **«Шу азиз Ватан барчамизники, унинг қудратини ошириш, ёруғ истиқболини таъминлаш ҳар бир инсоннинг қалбида доимо акс-садо бериб туриши керак».**

ВАТАН РАВНАҚИ — миллий истиқлол мафқурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Бу ғоя — ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари б-н уйғунлаштирадиган, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга даъват этадиган бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсадларидан бири бўлмиш барчамиз учун муқаддас саналган Ватанимизнинг равнақини таъминлаш, унинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашига эришишини назарда тутати. **“Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади”** (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 73-б.). В.р. ғоясини амалга ошириш бевосита жам-тнинг ижт-й, сиёсий, иқт-й, маън-й-мад-й рив-шига боғлиқ. Бунда биринчидан, ҳоз. ижт-й барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жам-тни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хус-н, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижт-й ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. Иккинчидан, ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жам-тнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва мад-тини оширишда катта аҳамиятга эга. Учунчидан, бозор мун-тларига хос мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг

таркибий тизимидаги ўзгаришлар, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқт-й алоқаларни кучайтириш бунда муҳим бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг изчил амалга оширилиши, халқаро мад-й алоқаларни кучайтириш ҳам В.р.га хизмат қилади. Бешинчидан, мам-тимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жам-т куриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши — В.р.ни таъминлайдиган шарт-шароитлардир.

“ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ” — Президент Ислом Каримов асарларининг 9-жилди (–Т., “Ўзбекистон”, 2001 й.). Китобда Ислом Каримовнинг ЎзР Олий Мажлиси сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларидаги нутқлари, қатор учрашувлар, хорижий мухбирларга берган интервьюлари ҳамда табриклари ўз аксини топган. Уларда мустақилликни янада мустаҳкамлаш, мам-тимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам мустақил демократик давлат барпо этишнинг тамойиллари ҳамда туб иқт-й, сиёсий ва маън-й ислохотларни амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилган. Айниқса, мазкур жилда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, мам-т ижт-й-иқт-й рив-ши ва иқт-й ислохотларнинг устувор вазифалари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Аждодларимизнинг муқаддас номларини тиклаш, уларнинг хоки пойи ётган табаррук тупроқни обод қилиш, улар қолдирган маън-й меросни асраб-авайлаш борасидаги фикрлар Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги ва Имом Мотуридий таваллудининг 1130

йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқларда атрофлича ўз ифодасини топган. Ш-дек, мазкур жилдан 2000 йил 7 декабрда Ўз-н Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзилган сўзбоши, «Баркамол авлод» спорт мусобақаси қатнашчиларига, матбуот ва ОАВ ходимлари, «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига, магистратура, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг биринчи битирувчиларига йўлланган табриклар ҳам ўрин олган. Китобда Ислон Каримовнинг Россия Федерациясига қилинган давлат ташрифи чоғида, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган (2001 йил июнь) маърузалари ўз аксини топган.

“ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСИР” – Президент Ислон Каримов асарларининг 3-жилди (–Т., «Ўзбекистон», 1996 й.). Бу жилдан мам-тимизда бозор мун-тларини тобора такомиллаштириш, иқт-й ва ижт-й ислохотларни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган асарлар, ЎзР Олий Мажлиси сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ҳамда халқаро миқёсдаги анжуманларда баён қилинган, туб ислохотларни амалга ошириш, минтақавий ва жаҳон муаммоларига бўлган мун-т ҳамда ўтиш даврида кўп миллатли диёримизда миллий ва миллатлараро мун-тларни чуқурлаштириш борасидаги наз-й хулосалар ўрин олган. 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган ЎзР Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги “Ўзбекистоннинг сиёсий, ижт-й ва иқт-й истиқболининг асосий тамойиллари” маърузаси ҳам китобдан ўрин олган. Маърузада мам-тни ижт-й, иқт-й ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари ҳамда янги давлатчиликни шакллантиришда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилган. Ш-дек, жам-тни демократлаштириш орқали янги оғ, тафаккур ва турмуш тарзини шакллантиришнинг ўзига хос тамойиллари ҳам ушбу маърузада ўз

ифодасини топган. 1995 йил 12 мартда Дания пойтахти Копенгагенда бўлиб ўтган халқаро конференцияда сўзланган “Минтақавий муаммолардан – жаҳоншумул муаммоларга” деб номланган маъруза, ш-дек, «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, жилда жам-т ҳаётининг турли соҳаларига оид маъруза, нутқ ва чиқишлар ҳам ўз аксини топган бўлиб, уларда мам-тимизнинг бугунги ва эртанги тар-ёти учун ўта долзарб бўлган фикр-мулоҳазалар, амалий хулосалар келтирилган.

ВАТАНПАРВАРЛИК – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бугун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англадиган т. В. ниҳоятда серқирра т. бўлиб, тарихий, ижт-й, сиёсий, иқт-й тар-ёт жараёнида доимо такомиллашиб, янгича маъно-мазмун б-н бойиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, қадр-қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга муҳаббат туйғуси қанча чуқур англанса, В. туйғуси шунча юксак бўлади. Тарихий, ижт-й-сиёсий, маън-й тар-ётнинг турли босқичларида В.нинг янги-янги қирралари намён бўлиб боради. Ҳақиқий В. Ватанга, она заминга, ўз халқига муҳаббат б-н яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурати туғилганда жонини фидо қилишни назарда тутати. Ҳар жабҳада Ватанимиз эришаётган муваффақиятлардан қувониш, оғир кунларида унинг учун қайғуриш, ўз юрти б-н гурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир гишти ва гиёҳига, қадимий ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларини, моддий ва маън-й бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – буларнинг барчаси В. дир. Ҳоз. пайтда ёшларимизда В. туйғусини камол топтириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга

эга. Инсон ўз юртини қандай бўлса шундайлигича севиши, унинг ривожи учун бор имкониятларини ишга солиши лозим. В. кишиларда асосан уч босқичда намоён бўлади: 1) билиш — Ватан т.сига хос қадриятларни эгаллаш; 2) эътиқод — мазкур қадриятлар тўғрисида олган билимларини эътиқодга айлантириш; 3) ҳаракат — бу эътиқодни амалий ишлар орқали намоён этиш. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “**Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини анлагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган... Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Бу ҳақда гапирар эканмиз, айни вақтда муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтилик, хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийси фарзанди деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримиз мансуб бўлган «мўъжаз Ватан»нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипс-лашувига халақит беради. Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳ-**

да тарбиялашимиз зарур. (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 90—91-б.)

ВАТАНФУРУШЛИК — Ватанга хоинлик қилиш, Ватанни сотишни англа-тувчи т. Бундай ҳаракатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мам-т манфаатларига хиёнат қилиш, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иқт-й, сиёсий ва б. жосуслик фаолияти б-н шуғулланиш, душман томонига ўтиб ўз халқи, мам-тига қарши кураш олиб бориш, қўпоровчилик ишлари б-н машғул бўлиш ва ҳ.к. В.нинг моҳияти ватансизлик, Ватанидан бегоналашиш каби ҳодисалар б-н солиштирилганда янада ёрқин намоён бўлади. В. ўз юртининг тинч ва осойишта ҳаётига, унинг озодлиги ҳамда ободлигига путур етказиш, шаъни ва обрўсини нафақат мам-тда, балки жаҳон миқёсида поймол қилиш б-н баробардир. В. давлат ва жам-тнинг барқарор тар-ётига таҳдид сифатида ҳам пинҳона, ҳам ошқора тарзда намоён бўлиши мумкин. В.нинг кўпгина сабаблари бўлиб, улардан асосийси бойликка, пулга ружу қўйиб, Ватан манфаатларига хиёнат қилишдир. В. ҳар қандай ҳолатда ҳам оғир жиноят ҳисобланади. ЎзРнинг мудофаа салоҳияти, давлат хавфсизлиги ёки ҳудудий дахлсизлиги, суверенитетига зарар етказиш, душман томонга ўтиш, жосуслик қилиш, давлат ва ҳарбий сирларни ошқор этиш, мам-тимизга қарши душманлик фаолиятини олиб бориш — буларнинг барчаси В.нинг кўринишларидир. ЎзР ЖКда бундай жиноятлар давлатга хоинлик сифатида таърифланади.

ВАФО(ДОРЛИК) — юксак маън-й фазилатлардан бири ҳисобланиб, садоқат, ўз аҳду паймонида, сўзда, ваъдада қатъий туришни англатадиган т. Буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг “Турайин, бораин, юрайин, оламни кезайин, оламда В.ли одам бўлса, мен уни қидирайин” деган сўзларида В.нинг инсон учун нақадар буюк қадрият экани ўз аксини топган. В.дор одам тилини ёлғон, ғийбат ва бўҳтон сўзлардан сақлайди. Инсоннинг В.и дилида ва тилида бирдек намоён бўлади. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ши-

рин” достонида В. дўстлик ва садоқат туйғулари юксак даражада улуғланади. Бу фазилатлар, айниқса, Шопур образида яққол ифода этилган. Соҳибқирон Амир Темури В.ни гоёта қадрлаган. Бу ҳақда ул зотнинг ўзи “Темури тузуқлари” асарида бундай ёзади: “Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга В. қилдим, ҳар бир ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим”. В.ли киши олижаноб бўлиб, кишиларни эзгуликка чорлайди, инсонпарварлик йўлига даъват этади, бунинг натижасида бахту саодатга эришади. В.ли инсонлар ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирига содиқ қолади. бир-бири учун жон фидо этишга ҳам тайёр бўлади. В. дунё адабиётининг азалий ва абадий мавзуларидан бири. Яна бир улуғ мутафаккир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур бир рубоийсида В.ни шундай таърифлайди: “Ҳар кимки, В. қилса — В. топқусидир. Ҳар кимки, жафо қилса — жафо топқусидир. Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз, Ҳар кимки, ёмон бўлса — жазо топқусидир”. Ш-дек, халқ мақолларида ҳам В. улуғланади. Чунончи, “Ваъдага — В., В.сизга — жафо”, “Ваъда — В.си б-н гўзал” каби мақоллар шулар жумласидандир.

ВАФОСИЗ(ЛИК) — вафоси йўқ, аҳд, келишувга амал қилмасликни англатадиган хус-т. В. инсонни дину эътиқодидан, ёру биродарларидан ва охир-оқибат ўзлигидан айирувчи ёмон хислатдир. “Ишқи борнинг имони бор”, деб бежиз айтмайди доно халқимиз. Инсон учун энг азиз нарса — оила. Айниқса ўзб. халқи учун “оила” муқаддас т.дир. Оиланинг таянчини эса вафо ташкил этади. Зеро, муҳаббат уйнинг пойдевори бўлса, вафо унинг устунидир. В. оилани барбод этади, ҳаёсизлик, риёсизлик, беандишаликни келтириб чиқаради. В. шаҳват, нафс маҳсули. Уларнинг зидди инсоннинг зийнатли либоси бўлган иффат ва ҳаёдир. Абдулла Авлоний бу борада шундай дейди: “Зотинга зийнат ўлан иффатни дилда сақлагин, // Шаҳвату нафсининг сани

бўлғусидур ақлингга қул. // Ҳар кишининг дунёда йиртилса иффат пардаси. // Нафси шайтондек ани бир кун солур бўйнига гул”. В. одамни дўстларидан ҳам маҳрум этади. “Бевафо дўстан таёқ яхши. Бебаҳра гулдан — япроқ” дейди халқимиз. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари назарида, В. аёлларни иффат ва ҳаёдан маҳрум этса, эрларни оила, дўстларидан ажратади, хиёнат йўлига бошлайди. Мас., Афлотуннинг фикрича, “Хотинларнинг вафоси адаб ва номусини сақлашдадир. Эрларнинг вафоси бутун инсоният адабларига шомилдур”. Дарҳақиқат, эр йигит нафақат оиланинг таянчи, балки юрт ҳимоячиси ҳамдир. Ёзувчи Ойбек “Қутлуг қон” романи қаҳрамонларидан бирининг ибораси б-н айтганда: “Эр йигит ер сотмайди, ер сотган эр бўлмайди”. Ушбу ҳикмат замирида теран маънода ифодаланган. (Яна қаранг: *Вафо(дорлик)*)

ВАҚТ — оламнинг асосий атрибутларидан бири бўлиб, маконнинг замонда кечишининг асосий мезони, бу жараённинг даврийлиги ва давомийлиги, чексизлигини ифода этадиган т. Замон маконда чексиз бўлгани каби, макон ҳам замонда чексиздир. В. ана шу чексизликни аниқлаштириш, уни кун ва тун, эра, а. йил, ой, соат, дақиқа ва сонияларга бўлиб тасаввур этишга хизмат қилади. В. фақат бир томонга, илгарига қараб боради. Унинг қайси нуқтада бўлгани ва қайси нуқтада яқун топиши — номаълум. У объектив жараён бўлиб, уни тўхтатиб ҳам, орқага қайтариб ҳам, тезлаштириб ҳам бўлмайди. В.нинг маъ-ят ҳодисаси учун ҳам узлуксиз ва давомий экани ҳақида Исломи Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида бундай дейилган: “... маънавий юксалишга эришиш — бу бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас. Халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Чунки маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам мутта-

сил пайдо бўлаверади”. В. инсон умрининг мазмунини ҳам ифода этади. В.нинг объектив хус-ятлари инсон маъ-ятининг шаклланишига, унинг ҳаёт ҳақиқатини англашига кучли таъсир кўрсатади. “В. — одил ҳакам”, “Ҳаммасини В. кўрсатади”, “В.нинг ўзи тарбиялаб қўяди”, “В.дан ўзиб бўлмайди” каби ҳикматли сўзлар ҳам В. мезонини инсон ҳаётида қанчалик катта ўрин тутишини кўрсатади. В. инсон учун энг буюк қадриятдир. Жаҳон тарихидаги буюк шоир ва ёзувчилар, алломалар В. инсонга куч-ғайрат, эзгу ишларга сарфлаш, мазмунли умр кечириш учун берилган беқиёс имконият эканини таъкидлаб, унинг ҳар бир дақиқасини қадрлашга даъват этганлар.

ВЕДАЛАР ВА УПАНИШАДЛАР — диний мазмундаги адабиётлар. Баъзи тахминларга кўра, деярли тўққиз а. (мил.ав. 1500—600 й.) давомида Ҳиндистон ярим оролида яшаб келган қад. халқ ва элатлар томонидан яратилган. Аммо ана шу даврдан кейин ҳам В. ва У.га монанд руҳдаги асарлар яратилгани маълум. В. асосан диний мазмунда бўлса-да, уларда қад. халқларнинг маън-й ҳаёти, ижт-й-иқт-й ривож, турмуш тарзи тўғрисида муҳим маълумотлар мавжуд. Анъанавий В. манбаларини шартли равишда бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин. У дастлаб қад. Ригведа, яъни мадҳиялар тўплами шаклида бўлиб, 10 минг шеърдан иборат, 1028 мадҳияни ўзида жамлаган. Бу мадҳияларда диний тасаввурлар, жумладан, политеистик — кўп худоликка оид қарашлар ўз ифодасини топган. Уларда куйланган Индра — момақалдироқ ва орийларни душманлардан ҳимоя қилувчи худо, Сурья — қуёш худоси, Дьяус — фалаклар худоси сифатида гавдаланади. В.нинг Ригведадан кейин шаклланган манбалари Самоведа, Ахчарведа ва Ячкурведадир. В. оламнинг келиб чиқиши, биринчи жавҳар — субстанция, унинг асосида турли жараёнлар, худолар ва бутун оламнинг вужудга келиши ҳақида содда тасаввурларни ифода этади. Бундай жараёнлар мавҳум ижодий куч-қудрат — Праджapati таъсирида рўёбга чиқади. Бундай та-

саввурлар, уларнинг мазмун-моҳияти қандай бўлишидан қатъи назар, кишиларнинг кундалик ҳаётий кузатишлари, тажрибаси ва уларга таянган умумлашмалар натижасидир. У. Веда адабиётининг сўнгги босқичини ташкил қилади. Баъзи ҳинд анъаналарига қараганда, улар сони 108 та. Лекин ҳоз. вақтда уларнинг сони 300 га яқин, деган маълумотлар ҳам мавжуд. У. мил.ав. VII—VI а.ларда шаклланди. Уларда Брихадаранъяка, Чхандогъя, Айтарея, Кена, Кауштаки каби фал-й йўналишларнинг таъсири сезилиб туради. У.да оламнинг бутун бир манзараси тасвирланмаган бўлса-да, қурбонлик, илк асос, руҳий моҳият, ҳаётнинг ўзгариб туриши (самсара), одамларнинг яхши ва ёмон аъмолларига қараб бериладиган насиба (карма), анимистик қарашлар, руҳнинг кўчиб юриши (таносух), ахлоқий меъёр ва мезонлар, инсон тақдири каби қатор масалалар бўйича қарашлар илгари сурилган. У.нинг муаллифлари ақсарият ҳолларда жам-тнинг қўйи табақаларига мансуб кишилар бўлган. Уларнинг ҳинд жамтида юқори мақомни эгаллаб турган брахманларнинг мавқеини сусайтиришга қаратилган ҳаракатлари жасорат ифодаси эди. У. Ҳиндистондаги маън-й-руҳий ва фал-й жараёнларга катта таъсир кўрсатган. Айниқса, самсара ва карма ҳақидаги таълимот кўпгина ғоявий йўналишларнинг асосий мавзусига айланган.

ВЕСТЕРНИЗАЦИЯ (инг. *вестерн* — Фарб) — европацентризм ғоясининг замонавий кўриниши бўлиб, инсоният эришган барча ютуқларни гарблаштириш, Фарб дунёсининг ўзига хос тафаккури ва турмуш тарзи натижаси деб кўрсатишга уриниш, Фарб мам-тларини илғор ва етакчи куч, идеал ҳодиса сифатида тарғиб этишга қаратилган наз-я ва амалиёт. В. т.си XIX а.нинг 50-йилларидан эътиборан, ошқора айтила бошлади. Бугунги кунда В. т.си “космополитизм” (“жаҳон фуқаролиги”), «глобаллашув», «оммавий мад-т» категориялари б-н бир қаторда ишлатилмоқда. Фарбда В. сиёсатини қўллаб-қувватловчилар ҳам, унга мутлақо қарши бўлган гуруҳлар ҳам мавжуд.

XIX а.га келиб жаҳонда мустамлакачилик ҳаракатларининг кенгайиб бориши Осий, Африка, Австралия ва Америкадаги кўплаб янги-янги халқларнинг бўйсундирилишига олиб келди. Забт этилган ҳудудларда «Европа — мад-тлар ўчоғи» деган ақидага асосланган европацентризм ғояси, ирқчилик ва миллатчилик авж олди. Жаҳондаги барча халқлар Фарбнинг дини, маъ-яти, маърифати, урф-олари ва турмуш тарзидан ўрناق олиши лозим, деган ақида мустамлакачиларнинг асосий ғоясига айланди. Европацентризм ғоялари турли ҳудудларда зўравонлик йўли б-н татбиқ этилди. Бу ғоя асосида европалаштириш (фарблаштириш) жараёни авж олди. Фарбча дунёқараш ва турмуш тарзи кенг тарғиб этила бошлади. XIX а.нинг иккинчи ярмида дунё харитаси иқт-й ва ҳарбий жиҳатдан устун мам-тлар ва уларга қарам бўлган, аҳолиси қашшоқ, мустамлака ўлкаларга бўлиниши таъсирида Фарб халқларининг бошқа халқларга нисбатан устунлиги ғояси илгари сурилди. Бу каби интилишлар XX а. ва айниқса, XXI а.нинг бошларига келиб янада авж олиб, Фарбдаги сиёсий куч ва марказлар Шарқ жам-тларига “эркинлик ва демократияни олға силжитиш”, “адолат ва тартиб ўрнатиш”, “цивилизацияга ошно этиш” ва “очиқ жамият барпо этиш” ниқоби остида амалга ошириладиган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадлари, аввало, муайян мам-тларни ўзига тобе этиш, уларнинг ер усти ва ер ости бойликларини эгаллаб олиш, миллий қадриятлари, тарихи ва маъ-ятидан жудо этишга қаратилган.

ВИЖДОН — инсонга хос юксак маън-й фазилат, кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳиссини англаувчи т. В.ли инсон ҳар бир қилган иши, одамлар б-н бўлган мулоқоти, фаолияти ва фикрларини сарҳисоб қилади. Ноҳақликка, адолатсизликка мурасасизлик б-н қаршилик кўрсатади. В.нинг шаклланишида ижт-й муҳит, оила ва жам-тдаги таълим-тарбия, атрофдаги кишиларнинг мад-ти, ахлоқ-одоби,

дунёқараши муҳим аҳамият касб этади. Бу юксак маън-й-ахлоқий фазилат шахсни эзгу мақсад ва амалларга ундаб, ўз фаолиятига ҳолисона, тўғри баҳо беришига хизмат қилади. Тажрибада аслида В.сиз кимсанинг вояга етиб, ўқимишли, катта одам бўлиб етишганидан кейин В.ли бўлиб қолганини учратиш қийин. В. инсоннинг билим даражаси, моддий аҳволи, ижт-й мавқеи б-н белгиланмайди, у юксак маън-йлик, комиллик ва тарбия маҳсулидир. В. маъ-ятдаги таъсир доираси ғоят кенг т.лардан бири. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи муҳит, жам-тга боғлиқлигини ифодаласа, В. унинг ботиний оламини, қалб тугёни, ички руҳий изтиробини намоён этади. Баъзан жам-т талаблари б-н В. ўртасида ихтилофлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда жам-т талабларининг ўткинчилик хус-яти, маълум маънода эскиргани яққол намоён бўлади. Зеро, В. кўзга кўринмас, лекин таъсири ва аҳамияти жиҳатидан улкан маън-й-ахлоқий ҳодисадир. Баъзи ҳолларда, В. т.си ўрнида иймон ибораси қўлланади. Имон аслида диний т. бўлса-да, ҳаётда В. т.сининг синоними тарзида қўлланади. Мас., «иймонли одам» деганда, унинг нафақат диний эътиқоди, балки, аввало, В.ли, ҳалол, ростгўй инсон экани назарда тутилади. Шу маънода, В. ва иймонни бир-бири б-н узвий боғлиқ бўлган эгизак т.лар дейиш мумкин. Диний эътиқодга мун-т «В. эркинлиги» деб юритилиши ҳам бу икки т.нинг ўзаро муштараклигидан далолат беради. Баъзи адабиётларда В. т.сининг «субъектив» ҳодиса сифатида талқин этилиши ҳамда адолат, бурч, номус сингари т.ларнинг унга нисбатан устунлигини асослашга уринишларни учратиш мумкин. Ваҳоланки, В.сиз одамнинг адолатпарвар, садоқатли, ор-номусли инсон бўлиши амри-маҳол. В. энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни теран ҳис этишни тақозо этади. Президентимиз таъкидлаганидек, «**Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай ол-**

майди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини ҳам фидо қилади («Юксак маънавият — енгилмас куч», 27–28-б.).

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ — фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи. В.э. ҳуқуқи БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган 36-55-сонли Резолюциясида белгиланган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ўз-н Конституциясининг 31-моддасида: “Ҳамма учун В.э. кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деб қайд этилган. В.э. демократиянинг ажралмас таркибий қисмидир; у фуқароларнинг динга мун-тларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги, барча диний конфессияларнинг қонун олдида тенглиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка нисбатан ҳеч қандай мажбурият йўқлиги, диний идора ишларига давлатнинг аралашмаслиги, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмаслигини ифода этади. В.э. диндорларнинг диний ҳис-туйғуларини ҳақоратламаган ҳолда диний мутаассиблик, жаҳолатпарастлик, даъват ва низога, экстремизмга, қонуний давлатга қарши диний партия, жамоа, уюшма, ҳаракат ва жамғармалар тузилишига қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш эркинлигини ҳам кафолатлайди. Мазкур қонуннинг 1- ва 4-моддалари фуқаролар ўзларининг динга бўлган мун-тини эркин белгилаш, маросим ва удумларни бажариш ҳамда қонун олдида барчанинг динга бўлган мун-тларидан қатъи назар тенглигига кафолат беради. Ўз-нда дин ва диний ташкилотлар дав-

латдан ажратилган, ш-дек, куч ишлатишни тарғибот қилиш, миллатлар ва диний ташкилотлар орасига низо солиш учун диндан фойдаланиш ва конституциявий тузум асосларига қаратилган ҳаракатлар ман этилади. Расмий (қонуний) мақомга эга диний ташкилотларнинг динни тарғиб этишда ОАВ ва матбуотдан фойдаланиш эркинлиги ҳам қонун доирасида кафолатланади. Мас., Ўз-н мусулмонлари диний идораси ўз газета ва журналларига, нашриёт ва кутубхонасига эга бўлиб, уларни тарқатишда алоқа муассасаларидан бемалол фойдаланмоқда. Ҳоз. даврда мам-тимизда 16 та диний конфессия — уюшма мавжуд бўлиб, буларнинг энг йириклари ислом, православ ва яҳудийликдир. Улар ихтиёрида масжидлар, мадрасалар, синагогалар, черковлар, журнал ва газеталар бор. Бугун Ўз-н мусулмонларидан минглаб фуқаролар ҳаж зиёратига, умра сафарига бемалол бориб келмоқдалар. Барча фуқаролар учун В.э. талаблари ва тамойилларини амалга ошириш имкони тўла таъминланиб, у жам-тимиз маън-й ҳаётининг таркибий қисмига айланган. В.э. ва диний ташкилотлар масаласи ижт-й ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб, унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби ижт-й, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий т.лар туради. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқод эркинлигини таъминлашимиз керак. Биз одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва хайрли ишларни кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлаймиз, улар билан ҳамкорлик қиламиз” («Юксак маънавият — енгилмас куч», 79-б.). БМТ Низомидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, ҳамма мам-тларнинг Конституцияси ва қонунларида В.э. масаласи ўз ифодасини топган. Ўз-н давлатининг дин соҳасидаги сиёсати ана шу декларациянинг асосий тамойилларига мос тушади. Дунёвий давлатимизнинг дин соҳасидаги сиёсати турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги,

давлат б-н дин, диний ташкилотлар б-н давлат ўртасидаги мун-тларнинг амалда ҳуқуқий таъминлигини назарда тутди. Давлат қонунларида диний эътиқод ҳар кимнинг хусусий иши деб белгиланган. Айни вақтда “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди” (61-модда). Асосий қонунимиз Ўз-н фуқаросини миллати, ирқи, жинси ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб биледи, ш-дек ўз эътиқодини эркин намоеън этиш, ибодат қилиш, урф-о. ва миллий анъаналарини давом эттириш ва уларни ҳурмат қилишни кафолатлайди. Конституцияда белгиланган ушбу қоидалар 1998 йилда ЎзР Олий Мажлисининг 11-сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонунда янада кенг-роқ ифодасини топди. Ушбу қонуний ҳужжатларда белгиланган қоидалар дунёвий демократик давлатнинг динга мун-тини акс эттиради. Зеро, Ўз-нда мустақиллик қўлга киритилгандан кейин барпо этилган миллий давлат бу — дунёвий ҳарактердаги давлатдир.

ВИТАЛИЗМ (лот. *vitalis* — ҳаётӣ) — тирик табиатнинг нотирик, жонсиз табиатдан сифат жиҳатидан фарқланиши, ҳаётӣ жараёнларни ноорганик олам кучлари ва қонунлари б-н алмаштириб бўлмаслиги, ҳаётӣ жараёнларнинг тирик мавжудотларга хос бўлган ўзига хос номоддий асос: «ҳаётӣ куч», «руҳ», «энтелехия» ва ҳ.к. белгиланиши тўғрисидаги таълимот. Бундай қарашлар антик даврдаёқ Пифагор, Афлотун, Арасту асарларида илгари сурилган. Фал.да В.га идеалистик ҳамда табиӣ-илмий ёндашувлар мавжуд. В. ҳаётӣ фаолиятни табиӣ-илмий талқин қилиш механизмига қарши бўлиб, тирик мавжудотларнинг тизим сифатида мақсадга мувофиқ бўлмаслиги ва механикага хос бўлмаган тар-ёт ва ҳулқ-атвор жиҳатларига эга эканини этироф этади. В. учун тирик мавжудотлар ўзига хослигини мутлақлаштириш, улар-

даги биологик ва кимёвий қонуниятларни инкор этиш, ҳаётӣ ҳодисаларни табиӣ-илмий асосда талқин этишга имкон берадиган биологик наз-яларга салбий мун-тда бўлиш хосдир. Чунончи, В.нинг йирик вакилларида бири бўлган Дриш Ч. Дарвиннинг эволюцион наз-яси ҳамда Г. Менделнинг ирсият концепциясига кескин қарши чиққан.

ВОЛЮНТАРИЗМ (лот. *voluntas* — ирода) — фал. ва психологиядаги ироданинг устуворлиги ғоясига таянадиган таълимот. В. атамаси 1883 йилда немис файласуфи Ф.Теннис томонидан илмий муомалага киритилган. В.нинг етук вакили А.Шопенгауэр воқеа-ҳодисалар (тасаввурлар) асосида ётган “нарсга ўзида”ни бирламчи, ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган “оламий ирода”дир, деб даъво қилади. Унинг фикрича, барча тирик мавжудотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи — стихияли инстинктив характерга эга бўлган “яшашга интилиш иродаси” б-н белгиланади. Онгли ирода кўр-кўрона, инстинктив индивидуал ирода маҳсулидир. В.га хос қарашлар ўрта а.ларда Августин, Дунс Скотт таълимотларида ҳам яққол ифодаланган. XVIII а. охирлари — XIX а. бошларида Фарб ижт-й-фал-й тафаккури, айниқса, немис фал.си доирасида ирода устунлиги таълимоти яратилди. Мас., Фихтенинг фикрича, ирода дунёнинг мутлақ ижодий инъикосидир. Гартман назарида эса, ирода барча нарсада мавжуд, у ҳар ерда ва ҳамма нарсага таъсир қилади. Унинг таъкидлашича, т. ва атамаларда ироданинг бирлиги намоеън бўлади. Фал.да ирода борлиқнинг олий тамойили деб талқин этиладиган В. атамаси тарихий жараённинг объектив қонуниятлари б-н ҳисоблашмаслик, ақл ва тафаккурга таяниб иш тутишни инкор этиш, ўз шахсий ёки гуруҳий мақсад ва манфатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш ҳолларини ифодалаш учун ҳам қўлланади.

ВОРИСЛИК (араб. ворис — меросхўр, мерос қилиб олувчи) — табиат, жам-т ва инсон ҳаёти ҳамда тафаккурининг доимий ўзгариши, рив-шининг узвий боғлиқлигини ифода этувчи фал-й т. Кўчма маънода В. атамаси ажодлар ва авлодлар

ўртасидаги узвий боғлиқлик, ота-боболар қолдирган меросга эгалик қилиш, уни асраб-авайлаб, бойитиб, келгуси авлодларга етказиб бериш жараёнининг узлуксизлигини англатиб, ўтмиш, бугунги кун ва келажакдаги воқеа-ҳодисалар ўртасидаги зарурий боғлиқликни ифода этувчи умумфал-й т.дир. В. ўтмиш меросига таянган ҳолда жам-ят тар-ётини юксак босқичга кўтариш ва бу жараённинг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Айнан ана шу боғлиқлик жам-ятнинг иқт-й, ижт-й ва маън-й-маър-й тар-ёти, унинг мазмунан такомиллашувини таъминлайди. В. жараёнини теран англаш, фан, мад-т, маъ-ятнинг тар-ёт қонуниятларини таҳлил қилиш, ўтмишга тўғри ва холисона мун-тда бўлиш имконини яратади. Дарҳақиқат, инсон билими ва маъ-ятининг юксалиши жам-т тар-ётининг илк даврларидан ҳоз. кунгача узлуксиз давом этмоқда. Ана шу жараён мобайнида инсон мукаммаллашиб, коинотни забт этди, ахборотлашган жам-тда ўз имкониятларини намоён этиб, унинг мисли кўрилмаган моддий ва маън-й тар-ётини таъминлади. Бу В.нинг ижобий характерини ифодалайди. Шу боис,

жам-т ҳаётининг турли соҳаларини ислоҳ этиш жараёнида В.ни таъминлаш, сақлаш ва унга амал қилиш беқийс аҳамият касб этади. В. ғоят кенг қамровли т. бўлиб, у биринчидан, бир тарихий давр доирасидаги авлодлараро мун-тларга (горизонтал В.) асосланса, иккинчидан, турли тарихий даврларда яратилган моддий бойликлар, маън-й қадриятлар боғлиқлиги ва узлуксизлигини ифодалайди. Мустақиллик йилларида жам-тимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг дастлабки босқичлариданоқ миллий қадриятларимиз, урф-о. ва анъаналаримиз, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси б-н яратилган бебаҳо илмий, мад-й-маър-й меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва бойитиш, авлодлар ва аждодлараро В.ни таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар жам-т маъ-ятининг юксалиши б-н биргаликда замонавий талабларга жавоб берадиган баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш, ворисийлик ришталарининг янада мустақамлашини кўзда тутди.



ГАНДИ, Маҳатма (2.10.1869—30.1.1948) — асл исми Маҳатма Карамчанд Ганди, Ҳиндистонда миллий озодлик кураши раҳбарларидан бири, сиёсатчи атоқли мутафаккир. У “Маҳатма” (“Буюк қалб”) тахаллуси б-н машҳур. Г. номи б-н боғлиқ гандизм таълимоти Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) расмий мафкураси сифатида тан олинган ва у ҳозирга қадар ҳинд халқи тафаккурига ижобий таъсир кўрсатиб келаятган маън-й омил ҳисобланади. Ҳиндистон мустақиллигининг ашаддий рақибларидан бири У.Черчилл Г.га “исёнкор фақир” номини берган эди. Гарчи У.Черчилл мазкур лақаб б-н Г.ни халқаро доирада ерга

уришни кўзлаган бўлса-да, аслида Г.нинг “фақир”лиги, камтарлиги, сабр-матонати бутун ҳинд халқи маъ-ятига таъсир кўрсатган. Мустамлакачиларга қарши курашнинг ўзи асослаган мад-й шаклда бошлаган ва бу йўл бутун дунёда Г.нинг обрў-эътиборини юксак даражага кўтарган. Г. ташкил этган ҳаракат дунёга зулму истибодга қарши куч ишлатмасдан, маън-й омилларга суянган ҳолда курашиш ва галаба қилиш мумкинлигини амалда ишботлаб берган эди. Г. чилик Ҳиндистон тарихидаги бутун бир давр мазмунини ташкил этади. Г. “Сатияграха” (“Қатъийлик ҳақиқатда”, яъни “куч ишлатмасдан курашиш”) ғоясини илгари сурган. Са-

тияграха таълимотида ахлоқий идеализм ва сиёсий прагматизм бир-бири б-н ўзаро боғланиб кетган. Зўрликка қарши сабр-тоқат, чидамни тан олмаса-да, унга қарши барча воситаларни ишга солиш Г.нинг ахлоқий принциплариға мос келмаган. Г. Ҳиндистонни вайронагарчиликлардан, таназзулдан, халқнинг қирилиб кетиши ва кучга асосланган инқилобий ҳаракатлар натижасида юз бериши мумкин бўлган кўплаб фалокатлардан сақлаб қолган эди. Г. ҲМК етакчиларидан фарқли равишда ўз таълимотини халқ орасида тарғиб этган, кишиларда юксак маън-й тафаккурни шакллантиришга интиланган эди. Унинг тарғиботи оддий, содда, барча бирдай тушунадиган ва биладиган, амал қилиш қийин бўлмаган т. ва ҳаракатлардан иборат эди. У қаршилиқ кўрсатишнинг икки шаклини талаб қилган — ҳамкорлик қилмаслик (давлат хизматидан, биринчи навбатда, армия, полицияда хизмат қилишдан бош тортиш, мустамлақчиларнинг “вакиллик органлари”га сайлов ва давлат мактабларини бойкот қилиш, расмий суд муассасаларини хусусий ҳакамлик б-н алмаштириш, давлат мукофотларидан намоийшкорона бош тортиш, чет эл маҳсулотлари ҳамда тижорат фаолиятини бойкот қилиш ва б.) ва фуқаровий бўйсунмаслик, яъни мавжуд қонунларга амал қилишдан бош тортиш. Булар аслида ҳеч бир — на хорижлик золим, на маҳаллий мазлум ҳаётига хавф солмас, айни вақтда истибдодга қарши норозиликни тўла ифодалай олар эди. Ҳиндистон икки давлатга бўлиб юборилгач (1947 йил), Г. умрининг охиригача диний бағрикенглик (толерантлик) учун кураш олиб борди. Чунки Ҳиндистондаги кўп динлилик, аҳолининг турли динларга эътиқод қилиши маън-й бирлашув орқали эришилган галабаларга катта хавф тўғдирарди. Динлар б-н боғлиқ маън-й тафаккурдаги ранг-баранглик, сиёсий-маън-й бирликнинг бузилишининг олдини олиш бу даврда Г. таълимотининг бош йўналишига айланган эди. Г. 1948 йил 30 январидида ҳинд шовинистик-террористик ташкилоти “Раштрия сваям севак сингх” аъзоси Н.Годзе томонидан ўлдирилган.

Ҳиндистон тарихида буюк роль ўйнаган Г. ни бекорга “миллат отаси” деб аташмаган. Унинг сатияграҳаси этник, диний каста, тил, минтақавий ва бир халқ орасидаги турлича маън-й қарашлар б-н боғлиқ ҳар хил тўсиқларни бузиб ташлаган эди. Ҳиндистон бирлиги, истиқлол масаласи Г.нинг ҳаёти мазмунини ташкил этган. Ер юзида “сарвадойя”, яъни (“умумий фаровонлик жам-ти”) қуриш сатияграҳа ғоясининг моҳиятини ташкил этган. Унда демократик ва гуманистик тамойиллар ўз ифодасини топган. Г.нинг “сарвадойя”си мустақиллик учун кураш ғоялари б-н боғланган. Айниқса, халқаро мун-тларда куч ишлатмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, барча муаммоларни музокаралар орқали ҳал этиш, қисқаси тинч-тоғув яшаш тамойилларини англатади. Г. фал.си муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида ҳар қандай урушларни инкор этади. Г. номи бугунги кунда Ҳиндистонда ва бутун дунёда тинчлик, ижт-й ҳамкорлик, динларро бағрикенгликни англатади. Тамаддун келажаги ҳақида фикр билдираётиб, машҳур ингл. тарихчи-социолог А.Тойнби: “Дунёда бир кун келиб урушлар, қирғинлар ҳам барҳам топади, ер юзи халқлари орасидаги кескинликлар бир кун келиб уларни ўз ихтиёрлари б-н фақат бир йўлни танлашларига мажбур қилади. Бу йўл Ганди йўли — тинчлик йўлидир”, деган эди.

ГАЛИЛЕЙ, Галилео (1564—1641) — Италиянинг буюк мутафаккир, фал., математика, физика, астрономия ва санъатшунослик каби фан соҳаларида етук асарлар яратган қомусий олим. Г.нинг дунёқараши куйидаги тамойиллар б-н белгиланади: 1) инсон томонидан уни ўраб турган дунёни қандай бўлса, шундайлигича билиш мумкинлиги; 2) ташқи дунёни инсон сезги аъзоларига татсир ўтказувчи билим манбаи экани; 3) инсоннинг билиш жараёни илоҳий асос ва ўзига хос номоддий жавҳар орқали бошқарилиши тўғрисидаги фикрларнинг ғайримиллийлиги; 4) ҳақиқий билимга фақат ҳис-туйғулар орқали ҳосил қилинган образ — тимсоллар воситасида эришиб

бўлмаслиги бу жараён ақлнинг буюк кучи ва мантиқий фаолияти б-н белгиланиши. Бу тамойиллар ўша давр диний ақидаларига тамоман зид бўлгани, инсоннинг ақлий бунёдкорлик фаолияти улуғлангани учун аллома қаттиқ тазйиққа учраган. Президент И.А.Каримов ибораси б-н айтганда, "...қанчадан-қанча таъна ва маломатларга гирифтор этилган" эди.

ГАРМОНИЯ (юн. *harmoniya* — алоқа, уйғунлик) — маълум тизим элементлари, таркибий қисмлари рив-шининг муайян даврида ўзаро мувофиқ, мутаносиб, узвий боғлиқлик ва алоқадорлик ҳолатини англатувчи т. Г.нинг намоён бўлиш шакллари кўп. Мас., фал.да мазмун ва шакл, бутун ва бўлак, система ва элементлар ўртасидаги мутаносибликка нисбатан ишлатилади; музика санъатида кўпчилик ижро этадиган қўшиқлар (хор) ёки куйлардаги уйғунликни билдиради; оилада эр ва хотин ўртасидаги бир-бирига мослик, баҳамжиҳатлик ва тотувликни англатади; маъ-ятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик асосига қуриладиган барқарорлик ва инсоний мун-тлардаги ўзаро уйғунликни ифодалайди.

ГЕГЕМОНИЗМ (юн. гегемония — етакчилик, бошқариш) — турли соҳаларда, жумладан, маън-й соҳада ҳам устунлик ва ўз ҳукмига буйсундиришни англатувчи т. Г. моҳиятан дунё барқарорлигини таъминлаш ёки уни мустақамлашга қаратилган сиёсатга зид ҳодиса бўлиб, ижт-й тар-ёт, жам-т барқарорлиги ва хавфсизлигини издан чиқаради. Баъзи давлатларнинг барча соҳаларда устунлик қилиш ва дунёни ўз ҳукмига буйсундиришга интилиши инсоният тарихининг турли босқичларида салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Г. бирон-бир қудратли кучнинг манфаатларини устувор даражада, бир томонлама таъминлаш мақсадини кўзлагани сабабли у бошқа томоннинг манфаатларига зид бўлиб, ижт-й, сиёсий ва маън-й рив-шга путур етказди. Бундай адолатсизлик етарли имкониятга эга бўлмаган давлатлар ва миллатларнинг халқаро жараёнларда тўлақонли иштирок эта олмаслигига сабаб бўла-

ди. Натижада, табиий равишда бундай мам-тлар халқларида гегемонликка интилан давлатлар ва халқларга нисбатан нафрат, норозилик кайфияти пайдо бўлади, дунё ҳамжам-тининг барқарор ривожидан давлатлараро мун-тларга салбий таъсир этади.

ГЕДОНИЗМ (қад. юн. *hedone* — завқланиш, роҳатланиш) — инсоннинг бутун ҳаёт мазмуни роҳатланишдан иборат, деган гоёни ифода этадиган т. Г.га биноан роҳатланишга интилиш инсоннинг табиий эҳтиёжи, ҳаётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Г. таълимотининг асосчиси Суқротнинг замондоши Аристиппдир (э.ав. 435—355 й.й.). Аристипп инсон руҳининг икки ҳолатини — роҳатланиш ва оғриқни фарқлайди. Биринчиси га юмшоқлик ва майинлик хос бўлса, иккинчиси кўпол ва руҳиятнинг кучли силкинишларидан иборатдир. Аристипп фикрича, инсон оғриқдан қочиши ва иложи борича роҳатланишга интилиши оқибатида бахтга эришиши мумкин, жисмоний эҳтиёжларни қондириш эса инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу таълимотга биноан, ҳузур-ҳаловат, роҳатланиш бахш этмайдиган ҳаракатга эътибор қаратиш ва куч сарфлаш арзимади. Дарҳақиқат, инсон ҳаётини роҳатланиш ва танага завқ бериш сифатида талқин этиш маълум асосга эга. Роҳатланиш бир қанча омиллар орқали ҳис этилиши ва моҳияти жиҳатдан турлича бўлиши мумкин: а) шахснинг ўз устиди ишлаш натижасида бирон-бир нуқсонни бартараф этиши; б) бировнинг тазйиқи ва таъсиридан қутулиш; в) бирон-бир эзгу ишни амалга ошириш орқали инсоннинг юксаклигини намоён қилиш; г) ўз-ўзини ифода этиш. Роҳатланиш инсоннинг жисмоний ёки руҳий зўриқиш ҳолатининг мўътадиллашуви, зарур ҳаётий функцияларининг тикланишида ифодаланади. Г. роҳатланишнинг айнан ана шу талқини негизида кейинчалик юзага келади. Г.нинг моҳияти йиллар давомида ўзгариб ва ривожланиб борган. Натижада Г. ҳақидаги барча маълумотлар психологик ва ахлоқий-этик Г.га

ажратилган. Г.нинг психологик талқинида инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч бу — завқланиш ва роҳатланишга интилиш, дея эътироф этилади. Ахлоқий-этик Г. эса, инсон ўзининг ёки ўзга кишиларнинг роҳатланиши учун яшаши керак, деган ғояни тарғиб этувчи турли хил фал-й ёндашувларни ўзида мужассамлаштирган. Мас., Г.ни роҳатланиш сифатида тарғиб этувчи ёндашувлардан бирининг асосчиси Эпикур инсоннинг ётсирашдан ва жирканишдан халос бўлиши бу — хоҳиш-истакларни қондириш дея талқин этади. Бу ёндашувда инсон эҳтиёжларининг қондирилиши эмас, балки азоб ва бахтсизликдан халос бўлиш мақсади ифода этилган. Инсон ҳаётини гедонистик ёндашув асосида талқин қилиш фал. тарихида марказий масалалардан бири бўлиб келган ва кўплаб файласуф-мутафаккирлар ижодида ўзига хос тарзда ифода этилган. Франц. файласуфи И.Бентамнинг ёзишича, «Табиат инсонни икки асосий борлик: азоб ва роҳат гирдобига туширган. Улар бугун биз нима қилишимиз ва эртага нима б-н шуғулланишимизни белгилаб беради. Ҳатто ҳақиқат ва ёлғон, сабаб ва оқибат мезонлари ҳам ана шу икки асосий негизга таянади». Г. таълимотида инсоннинг майл ва эҳтиёжлари жам-тда ўрнатилган ижт-й меъёрларга қарама-қарши қўйилади, инсон эркинлигини чекловчи ва унинг ўзига хос хус-ятларини намойиш этишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ижт-й шарт ва меъёрлар инкор этилади. Г. таълимотининг ижобий жиҳати шундаки, у ўрта а.лар фал.сида диний догматизмга, ахлоқни соф диний талқин этилишига қарши чиққан эди. Ҳоз. даврда ҳам инсоннинг ҳаёт мазмуни шахсий эҳтиёжларни қондиришдангина иборат, деган ғояни ёқлаб чиқадиғанлар оз эмас. Улар фақат шахсий эҳтиёжларни қондириш ҳаётининг мазмуни деб билади ва бу йўлда мавжуд ижт-й қонун-қоидаларга беписандлик б-н қараш, ҳатто уларни инкор этишгача боради. Замонавий гедонистларнинг «Ишлагинг келмаса — ишлама, энг яхши нарсага эга бўлмоқчимсан, уни қўлга кирит» шио-

ри уларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Бундай қарашларнинг маън-й қадриятларга зид жиҳати шундаки, гедонистлар ҳар қандай йўл б-н роҳатланишга эришади, бу йўлда бошқалар манфаатини суиистеъмол қилади, жам-т талабларини назар-писанд қилмайди, умрини айш-ишрат б-н ўтказишга интилади. Айниқса, катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларга хос бўлган турмуш тарзи гедонистик қарашларнинг кенг тарқалишига имкон яратади. Айрим олимлар Г.нинг моҳиятини инсоннинг жинсий майллари б-н боғлиқ ҳолда талқин этишга интилади. Уларнинг назарида, жинсий роҳатланиш асосида юзага келадиган ҳиссиётлар жинсий майлни янада кучлироқ қондиришга ундайди ва шу тариқа асосий эътибор фақат роҳатланишга, лаззатланишга қаратилади.

ГЕЛИОЦЕНТРИЗМ, *гелиоцентрик* тизим (юн. *helios* — Қуёш ва лот. *centrum* — марказ) — оламнинг марказида Қуёш туриши тўғрисидаги таълимот. Бу ғоя поляк олими Н. Коперникнинг “Осмон сфераларининг айланиши тўғрисида” номили асарида (1543) илгари сурилган эди. Коперник наз-яси дастлаб геоцентризм элементларидан холи бўлмаган. Мас., сайёраларнинг бир хил доиравий ҳаракати, коинотнинг ягона маркази (Қуёш) мавжудлиги тўғрисидаги Коперник тасаввурлари шундан далолат беради. Кейинчалик Ж. Бруно, И. Кеплер, Г. Галилей ва б. томонидан бу камчиликлар бартараф этилган. Исаак Ньютон асарларида бутун олам тортишиш қонуни ва механика қонунларининг изоҳлаб берилиши туфайли сайёралар ҳаракатининг хус-ятлари тушунтирилиб берилгач, Г. таълимоти ҳар томонлама асослаб берилди, ш-дек, Ернинг ҳаракатига доир ишончли маълумотлар, унинг муайян орбита бўйлаб ҳаракатланиши тўғрисидаги далиллар қўлга киритилди. Г. ва геоцентризм (Ер — коинот маркази, Қуёш ва б. сайёралар унинг атрофида айланади, деб ҳисобловчи таълимот) ўртасидаги баҳс бир неча а. мобайнида фанда дунёқараш ва мафкуравий муаммо бўлиб келди. Хус-н, катто-

лик черкови Г.ни христиан дини ақидаларини инкор этишда айблади ва оқибатда Коперникнинг асари икки а.дан кўпроқ давр мобайнида (1616–1822) таъқиб этилди. Г. ҳоз. замон астрономия фани ривожига улкан туртки берган, кишиларнинг дунёқараши ва тасаввурларида туб бурилиш ясаган эди.

ГЕНДЕР (инг. *gender* — уруф) — инсон жинсининг ижт-й-мад-й ва маън-й жиҳатини ифода этувчи т. Г. ибораси ижт-й фанларда жинс мавзусини ўрганишда янгича ёндашув шаклланган паллада, яъни 1950 йиллардан бошлаб киритилган. Бу давргача “жинс” т.си одамнинг анатомо-физиологик хус-ятини англатган ҳолда инсониятни эркак ва аёл жинсларига ажратишнигина назарда тутарди. Жинс (яъни биологик хус-ятлар) эркак ва аёллар ўртасидаги фарқнинг асоси ва бирламчи сабаби, деб талқин этиларди. Лекин одамлар ўртасида биологик фарқлардан ташқари, уларнинг ижт-й вазифалари, хулқи, руҳияти ва ҳиссиётида ҳам муайян тафовут мавжуд эди. Г. деганда турли жам-тларда яшовчи эркак ва аёллар хулқини белгиловчи ижт-й ва мад-й вазифалар меъёрлари мажмуаси тушунилади. Тадқиқотларда турли жинс вакиллари хулқ-атворидаги фарқ (мас., шахснинг психологик сифатлари, хулқ шакллари, фаолият турлари, эркак ва аёллар шуғулланидиган касблар) биологик асосдан кўра кўпроқ ижт-й-мад-й меъёрлар б-н белгиланиши аниқланган. Г. эркак ва аёлларга хос ижт-й модел сифатида жам-тда шаклланади ва у орқали эркак ва аёлнинг жам-т ва унинг турли ин-тларидаги мавқеи белгиланади (оилада, сиёсий тузилмаларда, иқтисодиётда, мад-т, таълим соҳасида ва ҳ.к.). Эркак ва аёл ҳақидаги умумий тасаввурлар негизда вужудга келган Г. тизими турли жам-тларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Г.нинг асосий моҳияти унинг икки қутблилиги ва ички зиддиятга эгалигидир, яъни Г. ёндашуви асосида жам-тда мавжуд бўлган жинс мавзусига оид зиддиятли ҳолатлар ўрганилади. Г. жам-тдаги ижт-й табақалашув шакли бўлиб, бунда ирқ, миллат, синфлар,

гуруҳлар сингари жинс вакиллари ўртасида ҳам маълум иерархик мун-тлар ўрна-тилади. Туғилганиданоқ инсон Г. тизими таъсирида бўлади. Анъанавий урф-о.лар таъсири кучли бўлган жам-тларда туғилиш б-н боғлиқ бўлган турли удумларга риоя этиш, мас., чақалоққа танланаётган кийимнинг рангидан бошлаб ўйин-чоқларгача эътибор қаратиш — инсонни ёшлик чоғиданоқ Г. тизимига киритади, оилада фарзандларга бўлган мун-тда ҳам Г. фарқлар кўзга ташланади. Г. тадқиқотлари дастлаб аёллар муаммоларини ўрганиш доирасида амалга оширилгани боис ҳозирга қадар айрим одамлар «Г.» сўзини «феминизм» ибораси б-н айнан бир хил маънода талқин этади. Бироқ, «феминизм» соҳасидаги тадқиқотлар аёлларнинг жам-тдаги мавқеи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш каби мавзулар доирасида амалга оширилган бўлса, Г. тадқиқотлари, аввало, эркак ва аёл мавқеининг ўзаро нисбати, уларнинг хатти-ҳаракатини белгиловчи хулқ меъёрлари ҳамда уларга асосланган роллар, ана шу ролларнинг шахс шаклланишига таъсир этишини ўрганишга йўналтирилган. Г. мавзусидаги асосий т.лар доирасига қуйидагилар киради: Г. идентификацияси (муайян жинсга мансуб шахсга хос хулқ шакллари); Г. мафқураси (жам-тда Г. фарқларни асослаб берадиган ғоялар); Г. дифференциацияси (табiiй деб топилган жинсий тафовутларнинг ижт-й мазмун касб этиши), Г. роллари (ижт-й талабларни бажариш). Асрлар давомида шакланган ва инсоннинг фаолият йўналишини белгилаб берадиган ижт-й меъёрлар турли жинс вакиллари ўртасидаги ўзаро мун-тни изга солган ҳолда жам-т аъзолари турмушини енгилаштиради, Г. муаммоларини тезликда ҳал этиш имкониятини яратади, энг асосийси, ҳар бир жинсга хос вазифаларни англаш жараёни миллий, мад-й қадриятларнинг ўзлаштирилишига хизмат қилади.

ГЕНЕТИКА (юн. *genesis* — келиб чиқишга оид) — организм ирсияти, ўзгарувчанлиги қонуниятлари ҳамда уларни

бошқариш усуллари тўғрисидаги таълимот. Г. фан сифатида генлар кашф этилганидан кейин (Мендель, 1866) шакллана бошланган. Ирсиятнинг хромосома наз-ясининг яратилиши (Морган, 1910) ва бу наз-янинг генларнинг хромосомаларда жойлашганлигини кўрсатиб берганлиги биологияда Г.нинг қарор топиши йўлида янги қадам бўлди. Ташқи муҳит омиллари таъсири остида ўзгарувчанлик генларнинг туб хоссасидир. 1944 йилда оқсил эмас, балки нуклеин кислоталар генетик информациянинг муҳим манбаи экани асослаб берилди. ДНК молекулаларининг физикавий, кимёвий ва генетик моҳиятининг Уотсон ва Крик томонидан очиб берилиши (1953) туфайли ҳоз. замон молекуляр Г.си ва молекуляр биологияга асос солинди. 1926 йилда янги йўналиш — популяциялар Г.си вужудга келди. Г. наз-яси ва амалиётининг рив-ш истиқболлари ҳужайралардан ажратилган генларнинг кимёвий синтези борасида олиб бориладиган тадқиқотлар натижаларига боғлиқ. XX а. сўнгги чорагида инсон Г.си соҳасида кенг қўламли изланишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ген муҳандислиги соҳасида олиб борилаётган изланишларда инсон ирсиятини ўзгартириш ҳамда клонлаштиришнинг маън-й-ахлоқий масалаларига эътибор кучайиб бормоқда.

ГЕНОФОНД — генлар захираси; турли ген (ирқ)ларнинг тарқалиши, уларнинг нисбий миқдор ва таркибий сифати; муайян организмларнинг тарқалганлиги. Ирсий белгиларни ўрганиш ва аниқлаш инсон генетикаси, жониворлар ҳамда ўсимликлар генетикаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳоз. вақтда Г.ни сақлаш муаммоси дунёнинг қўлгина мам-тлари учун долзарб масалага айланган. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI а. бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек, табиатга қўпол ва такабурларча мун-тда бўлишга йўл қўйиб бўлмаслиги, бундай мун-тни табиат асло кечирмаслиги, айниқса, инсон — табиатнинг ҳужайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво кўплаб одамлар,

бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди, уларни қирилиб кетиши, Г.нинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди. Шу н.назардан миллат Г.ини сақлаш, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, одамларнинг табиат, атроф-муҳитга мун-тини ўзгартириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади.

ГЕНОЦИД (юн. *genos* — насл-насаб ва лот. *caedere* — ўлдириш, йўқ қилиш) — одам зоти ва инсониятга қарши энг оғир жиноятлардан бирини англатувчи т. Аҳолининг айрим гуруҳларини ирқи, миллати, этник ёки диний белгиларига қараб йўқ қилиш, уларни қасддан буткул ёки қисман қириб ташлашни кўзда тутадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш, ш-дек, болалар туғилишини чеклашга қаратилган чоралар. Г. атамаси 1943 йилда асли келиб чиқиши яҳудий бўлган польшалик юрист Рафаэль Лемкин томонидан киритилган бўлиб, 1948 йилда халқаро ҳуқуқ мақомини олган. 1948 йилдан эътиборан Г. БМТ томонидан халқаро жиноят сифатида тан олинган. Г.ни содир этиш ва унга жазо қўллаш бўйича Конвенцияда у инсон ҳаётига қарши қаратилган оғир жиноят сифатида баҳоланган. ЎЗР ЖКда ҳам тинчлик, инсон хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят сифатида қайд этилган. Г. XVIII-XIX а.ларда айрим Европа давлатларининг мустамлакачилик сиёсатида яққол намоён бўлди. Мас., европаликлар Тасмания ороли аҳолисини қирғин қилганлар, охирги тасманиялик 1843 йилда отиб ўлдирилган. Г. апартеидга хос бўлган айрим хус-ятларни ўз ичига олади. “Г. жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолар тўғрисида”ги Халқаро Конвенциясига биноан (1948) Г.ни содир этишда айбдор деб топилган шахслар жиний жавобгарликка тортилади. XX а.да усмонийлар томонидан арманларни ўлдириш ва қувғин қилиш; II жаҳон уруши даврида нацистлар Германияси томонидан яҳудийларни қириб ташлаш; хорватиялик Павелич режими томонидан сербларни

оммавий қирғин қилиш; 1975–1979 йилларда Камбоджада Пол Пот ва Иенг Сари жаллодлари томонидан 3 млн.дан ортиқ камбоджаликларни ўлдириб ташлаш; 1994 йилда Руандада хуту қабиалари томонидан 800 мингга яқин тутси қабилаларининг қирғинбарот қилиниши Г. жиноятига мисол бўла олади. Собик мустабид тузум даврида ҳам Г. турли халқлар ва миллатларга қарши амалга оширилган, кўплаб оммавий қатағон, қурбонларга олиб келган. Ш.у. Г. қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, дунё жамоатчилиги томонидан инсониятга қарши энг даҳшатли жиноят сифатида қораланади.

ГЕОСИЁСАТ (юн. *geo* – ер, *politika* – худуд ёки давлатни бошқариш санъати) – сиёсий атама бўлиб, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг йўналиши, унинг мақсад ва вазифаларига, хус-н, географик жойлашуви, мавжуд захиралар орқали бошқа худудларга муайян даражада таъсир ўтказиши кабилар б-н боғлиқ т. Бир қарашда, Г. маъ-ят б-н боғлиқ эмасдек туюлади. Аслида эса муайян мам-т Г.ни юқорида тилга олинган омиллардан ташқари ижт-й, мад-й ва маън-й жиҳатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Глобаллашув даври Г.ининг барча имкониятлари инсон раванқи ва хавфсизлигига сафарбар этилиши зарур. Бу, ўз навбатида, кишиларнинг маън-й покланиши, давлатлараро ва инсонлараро мун-тларнинг янги мазмун касб этишига хизмат қилади. Г. атамасини илмий муомалага шведиялик сиёсатшунос олим Р. Челлен олиб кирган. Бу атама I жаҳон уруши арафасида кенг қўлланила бошлади. Ўша даврда яшаган немис олими Ф. Ратцель (1844–1904) давлат сиёсати ва мам-тнинг географик ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликка хизмат қиладиган янги геосиёсий концепциянинг наз-й асосларини ишлаб чиқади. Пухта ўйланган мафкуравий асосга таянган ушбу концепцияда «алоҳида маконни ҳис этиш» ғояси илгари сурилиб, ўз чегараларини ўзгартиришни (кенгайтиришни) мақсад қилган давлатлар саъй-ҳаракатини оқлаш

борасидаги интилиш кўзга ташланади. К.Хаусхофер (1869–1946) Г. т.сини бундай талқин этиш анъанасини давом эттириб, моҳиятан тажовузкорлик табиатига эга бўлган «немис миллати ҳаётий макони» ғоясини илгари суриб, унинг экспансионистик, империалистик концепциясини ишлаб чиқди. Учинчи рейхнинг ўзига хос мафкуравий қуролига айланган Г. наз-ясининг ана шу кўриниши немис мумтоз геосиёсий мактаблари доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларини инкор этиб келди. Америкалик адмирал А.Т. Мэхэн (1840–1914) денгизбўйи ва қуруқликда жойлашган давлатлар ўртасида абадий зиддият мавжудлиги ғоясига таяниб, океан ва денгиз коммуникациялари ҳамда портлари устидан назорат ўрнатилиши муайян мам-тнинг узоқ вақт давомида дунёда геосиёсий устунлигини таъминлаши мумкинлиги таъкидланади. XX а.нинг 80-йилларида жаҳоннинг «биполяр» геосиёсий тузилишининг инқирозга юз тутиши ҳамда тар-ётнинг «кўп векторлик» тенденциясининг яққол намоён бўлиши тамоман янги геосиёсий ёндашувларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига сабаб бўлди. Мас., П. Галлуанинг «Г. қудрат манбалари» (1990) асарида давлатнинг имкониятлари, куч-қудрати, унинг худуди, аҳолиси, географик ҳолати, чегаралари ва захираларига (шу жумладан, энг янги оммавий қирғин қуролларига эга экани) боғлиқлиги эътироф этилади. XX а. охирига келиб дунё сиёсий харитаси ўзгариши б-н бу соҳада ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Аммо дунё бу б-н хавфсизроқ бўлиб қолгани йўқ. Маълумки, дунёдаги йирик давлатлар, хус-н, жуда катта моддий, молиявий имкониятларга эга бўлган турли марказ ва сиёсий доираларнинг пухта ўйланган геосиёсий режалари замирида ривожланган мам-тлар қаторидан ўрин олишга интилаётган янги мустақил давлатларни ўзига тобе қилиш, бўйсундириш, бойликларини эгаллаб олиш, маъ-ятдан жудо этиш мақсадида намоён бўлади. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига

тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 11-б.). Ўз-ннинг ер усти ва ер ости бойликлари, Фарб ва Шарқни ўзаро боғлаб турган макон сифатидаги имкониятлари, аҳолиси, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳияти ҳамда б. жиҳатлари улкан имкониятларга эга, келажаги буюк мам-т эканини тан олган ривожланган мам-тлар ўзининг геосиёсий стратегиясида ана шу омилларни эътиборга олиб, Ўз-н б-н барча соҳаларда ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли алоқаларни янада ривожлантириш заруратини англаб етмоқда. Бу ҳол Ўз-ннинг жаҳон геосиёсий саҳнасида ўзига хос ўрин эгаллаб бораётганидан далолат беради.

ГЕОЦЕНТРИЗМ (юн. *geo* — Ер ва лот. *centrum* — марказ) — ер куррасини коинот маркази деб ҳисоблайдиган таълимот. Птоломейнинг геоцентрик наз-ясига кўра, Ер бутун чексиз коинотнинг маркази ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ, Уйғониш даврининг йирик олими, илмий астрономия асосчиси Николай Коперник (1473—1543) яратган гелиоцентрик таълимотига кўра, коинотнинг маркази — Кўёш экани, Ер ва Кўёш ўз ўқи атрофида айланиши илмий жиҳатдан асослаб берилган.

ГЕРОНТОЛОГИЯ — биология ва тиббиётнинг тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсоннинг қаришига оид қонуниятларни ўрганувчи соҳаси. Г.нинг вазифаси қаришнинг илк аломатларини аниқлаш, организм ҳаёт фаолияти жараёнида уларнинг бир-бири б-н алоқадорлигини белгилаш, тирик мавжудотнинг атроф-муҳитга мослашувининг омили б-н боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этишдан иборат. Г. қарилик жараёнининг моҳияти, ўзига хос хус-ятини ўрганиш унинг ирсий, биологик, ижт-й, маън-й ва ахлоқий жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш имконини яратади. Геронтологик

тадқиқотлар кекса ва қари ёшдаги кишиларга хос бўлган касалликларнинг сабабларини аниқлаш, олдини олишнинг самарали чораларини ишлаб чиқишга йўналтирилган. Г.нинг инсонни ўрганувчи йўналиши — ижт-й Г. соҳасида кекса ёшдагилар учун тинч, осойишта шароит яратиш, ҳаётини мазмунли қилиш уларнинг ҳаётий тажрибасидан ёш авлодни тарбиялаш жараёнида фойдаланиш, кексаларни жам-т ишларига кенг жалб этиш масалалари ўрганилади.

ГИЁҲВАНДЛИК (наркомания) — инсон маъ-ятига зид бўлган, унинг ижт-й-руҳий ҳолатини буткул издан чиқарадиган гоъят хатарли иллат, бедаво хасталик. Унга чалинган кишилар борган сари ҳолдан тояди, ҳиссиётлари кўполлашади, маън-й қиёфасидан маҳрум бўлади, феъл-атворида ахлоқ-одоб меъёрларига бепи-сандлик, хатти-ҳаракатларида тажовуз-корлик намоеън бўлади. Одатда гиёҳвандлар а. вабоси — ОИТС хасталигига йўлиқиб, ҳаётдан эрта кўз юмади. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўса-ғасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида гиёҳванд модда тайёрловчи дунёдаги етакчи давлат — Афғонистондан бу заҳри қотил тобора кўпроқ миқдорда кириб келаётгани ҳақида тўхталиб, унинг бир қисми минтақамизга сингиб кетаётгани жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллат генофондининг айнишига олиб келиши мумкинлигини уқтиради. Ш.у. ёшларни бу бало-қазодан асраб-авайлаш, уларни санъат, адабиёт, спортга ошно қилиб, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

ГИЛОЗОИЗМ (юн. *hyle* — жисм ва *zoe* — ҳаёт) — борликдаги барча нарсаларни жонли деб ҳисоблайдиган таълимот. Биринчи марта 1678 йилда Кедворт томонидан натурфал-й концепцияларда, хус-н, қад. юнон фал.сида, жонли ва жонсиз материя ўртасидаги тафовутни инкор этиш мақсадида қўлланилган. Бу таълимотга кўра, оламдаги барча нарсалар, органик ёки ноорганик бўлишидан қатъи

назар, жонлидир. Фал. тарихида Г.га асосланган ёндашув Фалес, Анаксимандр, Анаксимен таълимотларида ҳам учрайди. Г. таълимотига кўра, борлиқ бу — ҳаёт, йўқлик эса — ўлим демак. Бу т. кейинчалик Уйғониш даври файласуфлари Б. Телезио ва Ж. Бруно асарларида ривожлантирилган. Голландиялик аллома Б. Спиноза тафаккур материянинг атрибути сифатида табиатдаги барча нарсаларга таллуқли экани, франц. файласуфлари Дидро, Робинэ жон ҳар қандай материяга хослигини таъкидлаган.

ГИМНАСТИКА — жисмонан ва маънан баркамол инсонларни тарбиялаш воқитаси, тўғри қоматни шакллантириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, иродавий фазилатларни тарбиялаш, ҳаракатларни моҳирона, энгил ижро этишга ўргатиш жараёни. Г. таълим-тарбиявий ва соғломлаштириш жараёнларининг ажралмас қисмидир. Жисмоний машқларни бажариш — инсон, айниқса, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал қилиш шартларидан биридир. Зеро, кам ҳаракатлилик организмнинг кўпгина функцияларига салбий таъсир этиб, қатор касалликларнинг пайдо бўлиш ва рив-ш омили ҳисобланади. Шундай қилиб, Г. кенг маънода, инсонларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат фаоллигини ошириш, умрини узайтириш, меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилаш, бир сўз б-н айтганда, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган тарбия усулидир. Бу эса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан баркамол ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларни жисмоний тарбия ва спорт б-н фаол шуғулланишга кенг жалб этишга хизмат қилади.

ГЛОБАЛЛАШУВ (лот. *globus* — шар, Ер сайёраси) — XX а.нинг иккинчи ярми — XXI а. бошида жаҳон тар-ётида шакланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга

техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий мад-т намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи т. “Г.” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнесревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди (у йирик трансмилий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини Г. деб атаган). 1985 йилда эса таниқли америкалик олим Р.Робертсон “*Globalization*” иборасини илмий муомалага киритиб, бу т.ни “одамлар онгида сайёрамизнинг тораиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англаниши”ни акс эттириб, “дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайишини” ифода этадиган жараён сифатида талқин этади. Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара ҳамон давом этаётган ҳамда бу борада ягона умумий қараш шаклланмаган, яхлит концепция яратилмаган бўлса-да, гуманитар илмнинг турли соҳаларида, чунончи, ижт-й фанларда ушбу жараённинг ўзига хос хус-ятлари, намоён бўлиш шакллари ҳар томонлама ўрганилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт фанида диққат-эътибор асосан молиявий Г., глобал трансмилий корпорацияларнинг (ТМК) шаклланиши, иқтисодиётнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдонинг жадаллашуви каби масалаларга қаратилган. Тарихий асарларда эса Г. жараёни инсониятнинг кўп а.лик тар-ёт босқичларидан бири сифатида талқин этилади. Сиёсатшуносликда трансмилийлашув жараёнининг тезлашуви, дунё мам-тлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, БМТ ва б. халқаро ташкилотлар иштирокида янги умумсайёравий тартибнинг шаклланиши тадқиқ этилмоқда. Социология соҳаси мутахассислари мад-тнинг универсаллашуви таъсирида турли мам-т ва минтақа халқлари турмуш тарзининг яқинлашуви ҳамда бирхиллашувини тасдиқлайдиган далилларни изламоқда. Баъзи файласуфлар XXI а.да дунёда ягона ахлоқ, умумий маъ-ят, глобал мад-т қарор топи-

шини башорат қилмоқдалар. Бошқалари эса, Кантнинг яхлит абадий дунё ҳамда умумдунёвий ҳукумат ҳақидаги ғоясига таяниб, турли миллат ва халқлар қадриятларининг уйғунлашувини асослашга интиломоқда. Кейинги йилларда илмий адабиётларда турли фан ютуқларини уйғунлаштириш асосида ҳамда инсониятнинг бирлашуви, ижт-й воқеликнинг универсаллашуви ва кишилар дунёқарашининг кенгайиши тенденцияларига таяниб, Г. жараёнининг умумий наз-ясини яратиш борасида интилишлар (мас., А.Валлерстайннинг тизимли ёндашуви ва ҳ.к.) кўзга ташланмоқда. Шу б-н биргалликда, Г. жараёнининг турли давлатлар ва халқларнинг иқт-й, ижт-й, сиёсий, мад-й ва маън-й тар-ётига салбий таъсирини илмий тадқиқ этишга эътибор кучайиб бормоқда. Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида Г. мазмун-моҳияти қуйидагича тавсифланади: “Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. ...Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, қўлаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича

сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши — табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда” («Юксак маънавият — энгилмас куч», 111-112 б.). Мазкур хулосага таянган ҳолда Г. жараёнининг қуйидаги умумий жиҳатларига эътибор қаратиш мумкин: а) Г. — инсоният тамаддуни ривожининг ички эҳтиёжларини ифода этадиган объектив, табиий-тарихий жараён; б) Г. — ижт-й алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашуви оқибатида сайёрамиз миқёсида иқтисодиёт, техника ва технология, ахборот-коммуникация, сиёсат, ҳуқуқ, бошқарув ва б. соҳалардаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиши оқибатида вужудга келган, ўзига хос тузилма ва ин-тларга таянган ҳолда фаолият юритадиган мураккаб тизим; в) Г. жараёнининг тобора кенг қўламда намоён бўлиши жам-т ҳаёти, кишилар турмуш тарзи ва менталитетига (янги эҳтиёжларнинг, коммуникация шарт-шароитлари ва шакллари, қадриятларнинг пайдо бўлиши, оммавий мад-т намуналарини сингдириш орқали) жиддий таъсир кўрсатади; г) Г.нинг замонавий тамаддун ривожининг юқори босқичи сифатида мад-т б-н ўзига хос мун-тлар тизими шаклланиб бормоқда (бир томондан, мад-й фаолиятнинг янги шакл ва усуллари, унинг ботиний моҳиятида туб ўзгаришлар рўй берса, иккинчи томондан, мад-тнинг Г. жараёнига таъсири кучаяди). Ҳоз. даврда Ўз-нда, бир томондан, Г. жараёнининг афзалликларидан (жумладан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини замонавий техника ва технологиялар асосида жиҳозлаш, инвестицияларни кенг жалб этиш, жаҳон бозорига интеграциялашув ва ҳ.к.) оқилона фойдаланиш, иккинчи томондан, унинг салбий таъсирини (дунёнинг етакчи давлатлари ва трансиллий корпорацияларнинг табиий захираларга эгаллик қилишга интилиши, демократияни силжитиш стратегиясининг амалга оширилиши, оммавий мад-т намуналарининг кенг тарқалиши, терроризм ва экстремизмнинг глобал тус олиши ва ҳ.к.) бартараф этиш борасида пишиқ-пухта ўйлан-

ган изчил сиёсат олиб борилмоқда. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «**Ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўтқир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар**» («Юксак маънавият — енгилмас куч», 113-б.). Шу боис Г. жараёнининг ижобий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда унинг ғоявий-мафкуравий таъсиридан огоҳ бўлиш, айтиқса, ёшларимизни бундай хуружлардан асраб-авайлаш ғояси муҳим аҳамият касб этади.

ГНОСТИЦИЗМ (юн. *gnosis* — билиш) — фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсонгина борлиқдаги нарса-ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини билиши мумкинлигини эътироф этувчи фал-й таълимот. Г. табиат, жам-т ҳақидаги билимлар, т.лар, ғоялар борлиқнинг инъикоси эканини, ўз навбатида, улар борлиққа фаол таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлайди. Ушбу таълимот ижт-й борлиқ, инсон ва улар ўртасидаги мун-тларни ўзгартиришга қаратилган бу таъсир инсоннинг наз-й ва амалий фаолияти жараёнида намоён бўлишини эътироф этади.

ГУМАНИЗМ (лот. *humanus* — инсоний) — инсонни улуғловчи фал-й таълимот, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлиги барча тузумлар, давлатлар, жам-тлар учун асосий фаолият мезони бўлиши лозимлигини ифодалайдиган т. Аксарият Фарб мутахассислари Г.нинг “антропоцентризм” (инсон борлиқ моҳиятининг асосига қўйилиши) ғоясига таянишини эътироф этади. Ўрта а.лардаги Г. ривожини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин: 1) илк Г. — XIV а.нинг 30–90-йиллари; 2) Г.нинг юксалиш даври — XIV а.нинг биринчи ярми; 3) бевоқиф гуманистик талқиндаги неоплатонизмнинг таркиб топиши — XV а.нинг иккинчи ярмидан XVI а. бошларигача; 4) Г. ғоялари мазмунидан чекинишлар ва Г. ҳаракатининг сўниш даври — XVI а.нинг иккинчи ярми. Илк гуманистлар

инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига эътибор қаратиб, уни борлиқ марказига қўйган. Бу даврда инсон ҳақидаги илмларга, айтиқса, шеърят ва ахлоқ илмига қизиқиш кучайган. Қад. юнон ва Рим алломалари яратган мерос жиддий ўрганилган. Бу давр мутафаккирлари ердаги моддий ҳаёт фақат инсон учун яратилган, уни эзгулик ва адолатнинг табиий қонунларига мувофиқ равишда тартибга солиш ҳам инсоннинг ўзига боғлиқдир, деган ғояни илгари сурган. XV а. иккинчи ярмидан бошлаб гуманистлар неоплатонизм ғояларини янгича талқин этишга киришган. Неоплатончилар инсоннинг тангрига бўлган мун-тини талқин этишда ибтидоий тасаввурлардан воз кечиб, борлиқни яхлит тизим сифатида тушуниб, табиат ва илоҳий моҳиятнинг ўзаро ички боғлиқлигига эътибор қаратган. Улар ўрта а.ларга хос таркидунёчилик кайфиятидан юз ўгириб, ёруғ дунё гўзаллигини илоҳийлаштирган. Жам-т ижт-й-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар таъсирида инсон шахси борлиқ асосига қўйилиб, уни улуғлашга йўналтирилган қарашлар мажмуи сифатида талқин этила бошланди. Шу маънода, Г. т.си турли тарихий даврлар ва ҳудудларда тарқалган таълимотлар ва дунёқараш тизимларига татбиқан ҳам қўлланади. Ўзб. тилига кенг маънодаги Г. т.си “инсонпарварлик” деб ўгирилган. Кейинчалик фанга “Антик давр Г.и”, “Шарқ Г.и” “Христиан Г.и”, “Исломи Г.и” каби т.лар кириб келган. Г. бугунги кунда маъ-ят талаблари ва тамойилларини амалга ошириш усули ва воситаси сифатида хизмат қилиб келмоқда.

ГУМАНИЗМ ҒОЯЛАРИ — мазмун-моҳиятига кўра, башариятга хос бўлган, инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётини теран маъно-мазмун б-н бойитадиган юксак маън-й-ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этадиган қарашлар ва таълимотларни англатувчи т. Г.ғ.га кўра, ҳар бир инсоннинг асосий фазилати табиий эҳтиёжларини қондириш б-н эмас, балки меҳнат қилиш, ақл-идрок ва тафаккурга эга бўлиш, фикрлай олиш, мад-т

ва маъ-ят соҳиби бўлиш б-н белгиланади. Ҳоз. бозор иқтисодиёти ҳамда глобаллашув жараёни жам-т ҳаётининг барча соҳаларига кириб бораётган шароитда инсон қадр-қиммати масаласи долзарб мавзуга айланиб бормоқда. Маълумки, жам-тдаги иқт-й. ижт-й-сиёсий мун-тлардаги туб ўзгаришлар инсон тафаккури ва фаолиятига таъсир кўрсатиб, уни янада фаолроқ ҳаракат қилишга ундайди, бу эса, ўз навбатида, жам-т тар-ёти механизмларининг такомиллашувига олиб келади. Ана шу жараёнда инсонпарвар ғоялардан самарали фойдаланиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашувнинг шаклланиши узоқ тарихий тажрибалар б-н узвий боғлиқ бўлиб, унинг мазмун-моҳияти Г.ғ.нинг муайян бир даврда жам-т тар-ётига кўрсатадиган таъсирида намоён бўлади. Азалдан Г.ғ. табиий-илмий, фал-й, ахлоқий, эстетик, ижт-й-сиёсий қарашлар б-н мутаносиб равишда ривожлантирилди. Мас., Фарбда Г.ғ. шаклланишида қад. Шарқ фал-й тафаккури ва ҳурфикрлилик анъаналари, юнон ва рим мад-ти, материя ва руҳнинг абадийлиги, ақлнинг фаоллиги, ирода эркинлиги, детерминизм, аверроизм ғояларининг аҳамияти беқиёс бўлган. XIII–XVII а.лар давомида Италияда гуманистик ғоялар ривожда Леонардо да Винчи, Жордано Бруно, Галилей, Макиавелли, Францияда XV–XVI а.ларда яшаб ижод этган Монтень, Раме, Шаррон, Леферд Этапль, Доле, Германияда VI–XVII а.ларда Мюнцер, Рейхлин, Гуттен, С.Франк, Кеплер, Англияда XVI–XVII а.ларда Томас Мор, Ф.Бэкон, Голландияда Роттердамлик Эразм, Польшада Н.Коперник ва унинг издошлари, Швейцарияда Парацелс, Чехияда Н.Компенский каби мутафаккирларнинг гуманистик ғоялари муҳим аҳамият касб этган. Шарқ фал-й тафаккурида Г.ғ. улуг аждодларимизнинг қарашларида ўз аксини топган. Жумладан, Имом Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-муфрад” (“Одоб дурдоналари”), Имом Термизийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) асарларида Г.ғ.нинг мазмун-моҳияти илм эгаллаш, ота-она ва фарзандларнинг бир-бирини ҳурмат

қилиши, таълим-тарбия, хулқ-одоб қоидалари, ҳалоллик, поклик, саҳийлик, адолат, инсоф ва б. инсоний қадриятларда ифодаланади. И.А.Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг “Сунани Термизий” асарлари ўн икки а.дан буён миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури б-н мунаввар этиб, ҳақ ва диённат йўлига чорлаб келаётгани ҳақида тўхталиб, бу улуг зотларнинг “...асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир”, дея таъкидлайди. Форобийнинг таъкидлашича, инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа ҳақиқатан фазилатли, етук, хосиятли жамоадир. Инсоннинг келажаги, унинг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш, қайғу-аламига шерик бўлиш ҳисси ўзгаларда, биринчи навбатда, давлат арбобида шаклланган бўлмоғи лозим. Мутафаккир инсон камолоти муаммосини илм б-н боғлайди. Унинг фикрича, воқелик сир-асроридан бохабар бўлмасдан, Аллоҳ инъом этган ақл неъматидан мавжуд имконият даражасида фойдаланмасдан туриб, етук инсон мартабасига эришиб бўлмайди, чунки инсон дунё тар-ётининг энг мукамал ва етук якунидир. Ибн Синонинг инсон тўғрисидаги қарашларида илм ва ахлоқий фазилат муштараклиги, инсоннинг донишманд ва олижаноб шахс даражасига кўтарилиши мумкинлиги таъкидланади. Ахлоқий равнақ имконияти шубҳасиздир, чунки «тўзалликка ва ахлоқий камолотга интилиш инсонга хос хус-ятдир». Мутафаккирнинг таъкидлашича, кишилар тайёр сифатлар, кўникмалар, фазилат ва иллатлар б-н дунёга келмайди. Улар аслида ҳаётда шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аждодлар анъаналари, таълим-тарбия натижасида шаклланади ва муайян ижт-й мавқега эришади. Маҳмуд Қошғарий эса инсонларга яхшилик қилиш, ўзаро ҳурмат, меҳр-шафқатли бўлиш, ночорларга саховат кўрса-

тиш каби фазилатлар ҳақида сўз юритади. «Халққа яхшилиқ қил, — дейди мутафаккир, — уни сув остига ташласанг-да, уни сув устида кўрасан». Юсуф Хос Ҳожибнинг инсонпарварлик руҳи б-н суғорилган илғор гоёлари кейинги даврларда тафаккур рив-шида муҳим ўрин тутлади. Аҳмад Югнакийнинг ижодий меросида ҳам инсон ва унинг фазилатларига алоҳида эътибор қаратилади. Аллома сахийлик, яхшилиқ, меҳр-шафқат, дўстлик, камтарлик, тавозеъ каби инсоний хислатларни юксак баҳолайди. «Яхши яроқли ошингни кишига едир, яроқли нарса (кийимлик) топсанг, яланғочларнинг йиртилган кийимини бутла», — дейди мутафаккир. Халқимиз маън-й дунёсининг шаклланишига гоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг зот — ҳазрат Алишер Навоийнинг Г.ғ. ривожига қўшган ҳиссаси ҳам беқиёсдир. И.А.Каримов ифтихор б-н таъкидлаганидек: «**Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирлар мутафаккири, шоир десак, шоирлар султони**дир. **Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади**». Улуг бобомизнинг бебаҳо маън-й мероси, унинг оқиллик, одиллик, сахийлик, ифбатлик, шижоатлик, поклик каби туйғуларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, ҳаром-хариш, риёкорлик, ҳазар қилиш ҳақидаги гоёлари халқимизни, жамики инсониятнинг маън-й юксалиши, жамтимизда юксак фазилатларни қарор топтиришда хизмат қилиб келмоқда. Кейинги даврларда яшаб ижод этган мутафаккир ва адиблар ижодида ҳам инсонпарварлик гоёлари ўз давридаги ижт-й-сиёсий ўзгаришлар б-н узвий боғлиқ тарзда ифодаланган. Мас., Юсуф Қорабоғий ижт-й ҳаёт муаммолари, ахлоқ-одоб масалаларига эътибор қаратиб, жам-тдаги адолатсизлик, зўравонлик, ўзбошимчалиқ, шафқатсизлик, инсонга нисбатан беҳурматлик ва манманликни қоралайди, ақл-заковат раъйига қулоқ тутиш, бахт-саодат, жисмоний ва руҳий-маън-й камолот сари

интилишни инсон ҳаётининг мазмуни, деб билади. Бобур, Машраб, Нодира, Анбар Отин асарларида ҳам Г.ғ. б-н уйғунлашган қарашлар илгари сурилган; тенглик, адолат, инсоф, одамгарчилик каби фазилатлар тараннум этилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижт-й-фал-й тафаккур тарихида илгари сурилган инсонпарварлик гоёлари орқали инсон ва жам-тнинг ҳар бир даврга хос мақсад-муддаолари, орзу-умидлари ва дунёқараши ўз ифодасини топган. Мустақиллик йилларида мам-тимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий мақсади — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, инсонпарварлик гоёларини кенг тарғиб этишга қаратилган.

ГҶЗАЛЛИК — эстетика категорияси бўлиб, нарса-ҳодисаларнинг нафислиги ва нафосатини ижт-й-маън-й жиҳатдан баҳоловчи мезон, ижт-й ҳаётда бирон бир нарса ёки кишига хос хус-ятларнинг шаклан ва мазмунон уйғунлигини англатадиган, турли шаклларда намоён бўладиган ва инсонда ёқимли туйғу, завқ, кучли ҳайрат ҳиссини ҳосил қиладиган т. Манбаларда Г.га берилган тавсифлар бу борада яхлит ёндашув, умумэтироф этилган таъриф йўқлигидан далолат беради. Мас., «Хуварноси Аҳура Мазда кўп гўзалдир, гўзалдир жуда» (Зардушт), «Г. — бу гоёлардан иборат гоёнинг гоёси» (Афлотун), «Г. — бу турли мусиқалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир» (Абу Наср Форобий), «Ҳар қандай Г., Г.ни англай олган муҳаббат белгисидир» (Абу Ҳомид Ғаззолий), «Г.га муҳаббат қўйишнинг асосида ҳам ақл, ҳам ҳиссиёт ётади» (Ибн Сино), «Г. барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади» (Умар Ҳайём), «Г. — манфаатсиз мафтунликнинг, муҳаббатнинг объекти» (И.Кант), «Г. — ҳодисага айланган эркинлик» (Ф. Шиллер), «Бизга тааллуқли бўлмаган ҳамма нарса гўзал!» (А. Шопенгауэр) шулар жумласидандир. Одатда Г. Хушнудлик, завқ бахш этувчи ҳодиса сифатида ҳам талқин этилади. Бу

Г.ка нисбатан содда, жўн ва юзаки қарашдир. Аслида Г. ёқимлилик туйғуси б-н узвий боғлиқ бўлган кишиларда эстетик дид, ижт-й-ахлоқий фазилатларнинг шаклланиши ҳамда маън-й эҳтиёжларнинг барқарорлашувига хизмат қилади. Г.нинг яратилиши хусусида икки хил қараш мавжуд. Биринчиси — инсон тафаккури ва меҳнатининг маҳсули натижасида яратиладиган Г. бўлиб, бунда ақл, тафаккур, билим, илҳом ва ҳиссиёт устувордир (санъат ва бадиий ижод намуналари, илмий асарлар ва кашфиётлар, моддий неъматлар, маън-й қадриятлар ва ҳ.к.). Иккинчиси — инсон салоҳиятидан ташқарида юзага келадиган, унинг тафаккури ва билимининг маҳсули бўлмаган Г. бўлиб, унда макон ва замон ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлади (пурвиқор тоғлар, чексиз уммонлар, осмон жисмлари ва ҳ.к.). Инсоний Г. унинг учинчи шаклидир. Бунда нафақат ташқи кўриниш, қиёфа, балки инсоннинг “ички дунёси”, маън-й-ахлоқий фазилатлари ҳам муҳим ўрин тутаети. Инсон табиий Г.ни дастлаб кўриш, сўнг эшитиш, таъм, ҳид билиш ва тана сезгиси орқали ҳис этади. Бироқ, мазкур бешта сезги ҳам Г.нинг моҳиятини тўлиқ англаш учун етарли эмас. Г. уйғунлик, мақсадга мувофиқлик, мутаносиблик, меъёр. тартиблилик, ҳамоҳанглик, мослик, яхлитлик, бирлик, тенглик каби т. — унсурларнинг мавжудлигини ҳам талаб этади. Бу т.лар нарса-ҳодисаларнинг Г.и ва чиройининг турли жиҳатларини ифода этади. Мас., йилнинг ҳар бир фаслида ўзига хос Г. намоён бўлади. Бироқ, фасл хус-ятлари унинг мафтункорлигидаги унсурлар б-н мос, мутаносиб ва ҳамоҳанг бўлмоғини талаб этади (дарахтларнинг уйғониши ва кўклам безаниши — баҳорий Г., қаҳратон совуқ ва борлиқнинг оппоқ қорга бурканиши — қиш чиройи тимсолидир ва ҳ.к.). Мазкур жиҳатлар Г.даги мафтункорлик, фойдалилик, мўъжизавийлик каби сифатларни такомиллаштиради. Бу сифатлар қулайлик, манфаатдорлик, завқланиш, лаззатланиш сингари Г. хус-ятларини белгилайди. Ана шу сифатлар ва хус-ятлар уйғун бўлган нарса-ҳодисалар ўзиде Г.ни намоён эта-

ди ва у инсонларга хуш ёқади. Ш.у. ҳам эстетика — нафосат фал.си фанида Г. энг юксак қадрият сифатида эътироф этилади. Шу маънода, Г. ҳам инсон тафаккури ва меҳнатининг маҳсули, ҳам табиий тарзда вужудга келадиган ҳодиса, ҳам билишнинг маҳсули бўлган фал-й-эстетик т.дир. Г. муаммоси фал., адабиётшунослик, санъатшунослик каби соҳаларда ўрганилади. Г.нинг наз-й ва амалий таҳлили, маън-й ва ахлоқий моҳияти, ижт-й ва сиёсий аҳамиятини очиб беришга қаратилган тадқиқотларни қуйидагича туркумлаш мумкин: 1) Г. т.сининг тамойил, қонуният ва қадрият сифатида эстетик тафаккур тарихида тутган ўрнини ёритиш; 2) Г.ни санъат, адабиёт, мад-т ҳамда бадиий ижод жараёнларига таъсири масалаларини таҳлил этиш; 3) табиат, жам-т ва инсон мун-тларида Г.нинг намоён бўлиш хус-ятларига доир тадқиқотлар; 4) Г.нинг моддий неъматлар яратиш ҳамда техникавий тар-ёт жараёнлари б-н боғлиқ бўлган муаммолар; 5) комил инсонни тарбиялашда Г.нинг амалий аҳамияти б-н боғлиқ бўлган изланишлар; 6) Г.нинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, маън-й жараёнлар б-н боғлиқ аксиологик-фал-й жиҳатларини ўрганиш. Мустақиллик қўлга киритилгач, Г. категориясини миллий-маън-й қадриятлар ва янгича қарашлар негизиде илмий тадқиқ этиш, унинг ижт-й ҳаётга таъсирини ҳолисоне баҳолашга эҳтиёж туғилди. Зотан, инсоннинг жам-т, табиат б-н ўзаро мун-тининг ривожланиб бориши пировардида унинг Г.ка бўлган ёндашуви ва қарашларининг янгиланишига сабаб бўлади. Г. эстетиканинг бошқа категориялари орасиде кенг қамровли хус-ятга эга эканлиги б-н ажралиб турадиган нисбий т. Ҳоз. даврда Г.нинг ижт-й ҳаёт, саноат, телекоммуникация, санъат, ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита ёки билвосита таъсирини кузатиш мумкин. Г. бозор мун-тларида қиймат касб этувчи механизм, ишлаб чиқаришда шакл ва мазмун, техникавий тар-ётда сифат ва қулайлик воситаси, маиший турмушда эса фаровонлик манбаи сифатида такомиллашмоқда. Бугунги кунга келиб, Г. т.си

эстетика фани доирасидан чиқиб, турли соҳаларда кенг қўлланаётганини кузатиш мумкин. У нафақат кўзни қувонтирувчи тимсол, балки ижт-й тар-ётнинг муҳим омили сифатида мутаносиблик, уйғунлик, мослик, мақсадга мувофиқлик, меъёр мавжуд бўлган жойда яққол намоён бўлади. Ҳозирда дунёнинг тараққий этган мам-тларида кўплаб эстетик марказлар ташкил этилган. Бу марказлар эстетика, хус-н, Г.нинг амалий аҳамиятига доир ишларни амалга ошириш, муайян

тадбирлар ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Мазкур марказлар мода, косметология, шейпинг, маникюр, педикюр, макияж эстетикаси б-нигина чекланиб қолмасдан, балки Г.нинг маън-й-тарбиявий аҳамиятини юксалтиришга ҳам эътибор қаратмоғи лозим. Зеро, Г. нарса-ҳодисаларнинг намоён бўлишигина эмас, балки инсоннинг ўша нарса-ҳодисаларга бўлган мун-ти ҳамдир. Уни тадқиқ этиш – инсон ва унинг фаровонлигига оид нарса-ҳодисаларни ўрганиш, Г.нинг янги қирраларини кашф этиш демакдир.



ДАВЛАТ – бутун мам-т миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппарати таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилотни ифодаловчи т. Д. жам-тнинг ҳокимият кучига, ш-дек, ижт-й неъматлар ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми ҳисобланади. Ҳар бир Д. бетакрор ижт-й ҳодисадир. У тарихий ва маън-й тар-ётнинг ҳосиласи, муайян бир халқнинг ўзига хос мад-й ривожининг натижасидир. Д. жам-т ривожининг муайян босқичида юзага келган. Ибтидоий жам-тда оқсоқоллар, уруғ ва қабила бошлиқлари ҳамда диний ҳокимият соҳибларига тегишли бўлган ижт-й ҳокимият аста-секин давлат ҳокимиятига айланган. Д. кенг маъноли т.дир. Д. – жам-т сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синфлар, ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини, ўзаро мун-тини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий ин-т. Д. – ҳокимиятнинг бош ин-ти. Ҳокимият Д. орқали ўз сиёсатини амалга оширади. Д.нинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: 1) Д. ҳокимиятининг (мажбурлаш, бошқариш аппарати) мавжудлиги; 2) аҳолининг ҳудудий жиҳатдан уюшганлиги;

3) суверенитет; 4) ҳуқуқ ижодкорлиги (қонун чиқаришга қодирлик); 5) аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун сарфланадиган солиқларни йиғиш; 6) ҳудудни кўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш. Д. қуйидаги асосий вазифаларни адо этади: хўжалик юмушлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мулк дахлсизлигини муҳофаза этиш, назорат қилиш, мам-т хавфсизлигини таъминлаш, ташқи алоқалар, мад-й-тарбиявий ишлар, ислоҳотларни амалга ошириш ва б. Д. бошқарув шаклига кўра, монархия ва республикага бўлинади. Монархия мутлақ ва чекланган (парламентар) шаклларда бўлади. Республикалар президентлик республикаси ва парламентар республикаларга бўлинади. Д. тузилиш шаклига кўра, унитар, федератив, конфедератив Д.лардан иборат. Д. сиёсий режим шаклига кўра, демократик, антидемократик, фашистик, тоталитар Д.ларга бўлинади. Д. идораларига вакиллик, ижроия, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва конституциявий назорат идоралари ҳамда б. киради.

ДАВЛАТ БАЙРОФИ – ҳар қандай давлатнинг ўтмиши, давлатчилик анъа-

налари, сиёсий тузуми, иқт-й салоҳиятини ифода этадиган рамлاردан бири. Д.б. махсус қонун б-н ёки Конституция асосида расмийлаштирилади. Д.б. – мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахл-сизлигининг аниқ ифодасидир. Д.б. айна шу давлатдаги миллий, ҳарбий ва партиявий бирлик ҳамда уюшмаларнинг ҳам рамзий белгисидир. Д.б. одатда бир рангли ёки кўпрангли матодан иборат бўлиб, унинг бир томони дастага маҳкамланади. Матога баъзан турли эмблема ва белгилар туширилади (мас., Швейцария байроғида оқ рангли хоч, Шри-Ланка байроғида – қилич ушлаган шер, Канада байроғида – заранг дарахтининг япроғи тасвирланган). Давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида Д.б.нинг шаклланиш тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Давлат бошқариш амалиётида давлат раҳбари (подшоҳ, қирол, император, амир, хон ва б.) атрофидагилардан расмий қабул қилинган ва фақат давлат раҳбари кийиши мумкин бўлган либос б-н ажралиб турган. Шу қоидадан давом эттириб, давлат раҳбари яшайдиган ёки ишлайдиган иморат ва бинога, дала шароитида – чодирга, ҳарбий юриш вақтида – бош қўмондон ҳаракат воситасига махсус узун таёқ ёки найзага мустаҳкамлаб қўйилган, кўпинча турли суратлар (шер, бургут ва ш.к.) б-н безатилган мато давлат рамзи ва белгиси сифатида ўрнатилган. Д.б. давлат мустақиллигининг рамзи сифатида давлат раҳбари ишлайдиган жойда, олий қонун чиқарувчи орган, ҳукумат, давлат ташкилотлари, элчихона ва консуллик биноларида, халқаро қатновдаги ҳаво ва денгиз кемаларида ҳамда қонунда белгиланган бошқа вазиятларда кўтарилади. Ўз-н Д.б. ЎзР Олий Кенгаши сессиясида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган. Д.б.ни ҳақорат қилган шахс ЖКга биноан жазога тортилади.

ДАВЛАТ – БОШ ИСЛОҲОТЧИ – Президент И.А.Каримов томонидан асослаб берилган миллий тар-ёт модели тамойилларидан бири, Ўз-нда янги жам-т қуриш, эски тузумдан бозор мун-тларига ўтиш усули. Ушбу тамойилга кўра, бо-

зор мун-тларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи сифатида фаолият юритиб, иқтисодиёт ва ижт-й турмушнинг барча соҳаларини ўзгартириш дастурлари ва режаларини тузади, уларнинг изчиллик б-н амалга оширилишига раҳбарлик қилади. Собиқ иттифоқ парчаланиши натижасида юзага келган мустақил давлатларнинг кўпчилиги демократиянинг ниҳоятда кенг талқин қилинишига йўл қўйиб, давлатнинг ташкилотчилик ролига етарли эътибор бермагани оқибатида уларда янги даврга ўтиш жараёнида тартибсизлик юз берди. Мустақил Ўз-нда ислоҳотларни амалга оширишда давлатнинг етакчилигини таъминлаш ўтиш даврида энг оқил-на йўл экани исботланди. Ҳоз. ўтиш даврида халқ ҳўжалигининг, айтиқса, унинг етакчи тармоқларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, нарх-навони тартибга солиб туриш, солиқ солиш ва қарз беришда маълум табақаларга имтиёзлар яратиш, ш-дек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли б-н муҳим тармоқларга мадад бериш давлатнинг бу борадаги асосий вазифаларидир. Ўтиш даврида ислоҳотлар жараёнида давлатнинг фаол иштироки, унинг ташаббускори бўлиши, ислоҳотларнинг асосий йўналишларини, бозорга ўтишнинг асосий йўналишлари ва стратегиясини ишлаб чиқиш вазифасини ўз зиммасига олиши, энг муҳими, уларни бевосита амалга оширишга бошчилик қилиши Д.б.и. тамойилининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Унга кўра, давлат ислоҳот жараёнининг марказида бўлиши шарт. Чунки фақат давлатгина умуммиллий манфаатларни мужассам ифодалаш ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини умумий мақсадлар йўлида жипслаштиришга қодирдир. Давлат ўз фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос шарт-шароитни вужудга келтиради ва тасдиқлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқт-й эркинликларнинг кафолатчиси бўлади. Шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солиш таъсирини мақбул равишда ўткази олади. Бундай шароитда ислоҳотларнинг йўналишларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белги-

лаш ва уни ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилиш давлат зиммасига юклатилади. Ижт-й муаммоларни ҳал этишда, аҳолини ижт-й ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтиришда давлат катта ўрин тутади. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик тузилмаларининг шаклланиши ҳамда рив-шига кўмаклашиш ҳам давлатнинг бурчидир. Ўз-нинг ўн саккиз йиллик мустақил тар-ёт йўли Д.б.и. бўлиши нақадар тўғри эканлигини яққол тасдиқлайди.

ДАВЛАТ ГЕРБИ — давлат рамзи; давлатнинг миллий, сиёсий, иқт-й, ижт-й хус-ятлари ва давлат тузуми, жўғрофий ва б. белгиларини шартли равишда ифодалайдиган тамға-белги. Герб давлат муҳрида, расмий бланкаларда, фуқаролик паспортларида, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида акс эттирилади. Гербнинг барча хус-ятлари махсус қонун ёки Конституцияда мустақкамлаб кўйилади. Д.г.нинг пайдо бўлиш тарихи мил. ав. уч мингинчи йилларга бориб тақалади. Мас., Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут, қад. Рим давлатиникида бургут расми тасвирланган. Д.г. давлатнинг ўзига бўлган ишончини, ўз мустақиллигини ҳимоя этишга тайёр эканини, бунёдкорлик мақсадларини, давлат ва жам-т ҳаётининг турли жиҳатларини шартли расм, белги тарзида ифодалайди. Ана шу сабабдан турли Д.г.ларида қилич ва қалқон, шер ёки бургут, юлдуз, пахта, буғдой бошоқлари, куёш, дарахт, тоғ ва ҳ.к.лар тасвирини кўриш мумкин. Д.г. ҳукуматнинг юқори бошқарув органлари, Олий суд, ҳарбий трибунал, прокуратура, дипломатик, савдо ваколатхоналари ва консуллик бинолари, сессия ва йиғинлар ўтказиладиган заллар, суд биноси заллари ва чегара устунларида акс эттирилади. Ўз-н Д.г. ЎЗР Олий Кенгаши сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинган. Д.г.ни ҳақорат қилган шахс ЖКга биноан жазога тортилади.

ДАВЛАТ ГИМНИ (юн. мадҳия кўшиғи) — ҳар бир давлатнинг мақсад-муддаолари шеърый матн ва мусиқа

жўрлигида тантанали маросимларда ижро этиладиган, ўзининг қонуний мақомига эга бўлган давлат рамзларидан бири. Д.г. шакли ва маъно-мазмунда муайян давлатда истиқомат қилаётган миллат ва элатлар, ижт-й гуруҳ ва табақалар мақсадлари ҳамда қарашлари акс этади. Д.г. ғоявий йўналиши ва акс эттириш воситалари б-н бошқа мусиқий асарлардан фарқ қилади. Гимн давлат ҳаётининг барча соҳаларида беқийс аҳамият касб этиб, сиёсий ташвиқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Гимнлар тантанали байрамлар, сиёсий чиқишлар, расмий давлат қабуллари, ҳарбий парадлар, муҳим меъморий ёдгорликлар — ҳайкалларнинг очилиши, муҳим аҳамиятга молик митинглар, тарихий саналарга бағишланган йиғинлар, йирик байналмилал ва миллий қадриятларга бағишловлар, турли давлатлар бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш, ҳарбий қасамёд қабул қилиш, халқаро олимпиада мусобақалари, кинофестиваллар ўтказиш чоғида ижро этилади. Д.г.нинг расмий тус олиб, аста-секин халқаро алоқаларнинг таркибий қисми, давлат мустақиллиги ва халқ озодлиги рамзи сифатида эътироф этилиши Буюк француз инқилоби (1789—1793) даврида яратилган ҳамда Франциянинг Д.г.га айланган «Марсельеза» кўшиғи б-н боғлиқ. Ҳоз. вақтда жаҳоннинг деярли барча мам-тлари ўз Д.г.га эга бўлиб, у давлат мустақиллиги ва суверенитети тимсоли ҳисобланади. Ўз-н Д.г. ЎЗР Олий Кенгаши сессиясида 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган. Унинг мусиқасини Мутал Бурҳонов, сўзини Абдулла Орипов ёзган.

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ РАМЗЛАРИ — давлат тимсоллари, яъни унинг суверенитети, миллий ўзига хослиги, иқт-й кўрсаткичлари, ижт-й-сиёсий тузуми, миллий мафкурасини ифода этувчи белгилар, энг муҳим ҳужжатлар, ғоялар ва т.лар. Давлат рамзлари мустақил давлат тимсоллари сифатида давлат байроғи, давлат герби, давлат гимни, мам-т Конституцияси, миллий валютаси, муҳим қарор ва анъаналарида ўз ифодасини топади. Д.м.р. давлат мустақил-

лигини шартли равишда белгилловчи ташқи белги, рамз ёки тимсоллардир. Улар мазкур давлатнинг тузуми, иқт-й асослари, халқ табиати — менталитети ва б. муҳим белгиларини англатади. Давлат рамзлари кўп алик тарихга эга бўлиб, миллий давлат қурилиши ва мад-й рив-ш тарихи б-н боғлиқ. Мас., Амир Темур яратган марказлашган давлат ўзининг герби — уч ҳалқа шаклидаги тамғаси б-н танилган. Соҳибқирон юришларида лашкар олдида унинг туғи — байроғи олиб юрилган. Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўз-ннинг янги давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. И.А.Каримов «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» асарида: «**Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъозлаш ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир**», дея таърифлайди. Республикамизда давлат рамзлари қонун томонидан муҳофаза қилинади. ЎзР Олий Кенгаши томонидан 1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган ва 1995 йилнинг апрелидан кучга кирган ЎзР ЖКга «Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш» деб номланган 215-модда киритилган. Унга кўра, ЎзР ёки Қорақалпоғистон Республикасининг давлат байроғи, давлат герби ёхуд давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилган шахс жиноий жазога тортилиши қайд этилган.

ДАВЛАТ ТИЛИ — ҳар қандай давлатнинг тарихий тар-ёти негизида вужудга келган, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг инъикоси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маън-й боғлиқлик воситаси, мам-тда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар яқдиллигини ифода этадиган, давлат доирасида ва давлатлараро мун-тларда ўзаро мулоқот воситаси ҳисобланган, қонуний мақомга эга бўлган ҳамда қонун б-н ҳимояланган расмий тил. Д.т. одатда уч йўл б-н белгиланади: 1) Тарихий анъана асосида муайян давлат

ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар мавжуд тиллардан бирини умум тил деб тан олади. У, кўпинча, шу давлатдаги энг кўпсонли миллатнинг тили бўлади. 2) Ҳукумат. президент, парламент ёки раҳбар органлар томонидан халқаро ёки жаҳон тилларидан бири давлатнинг расмий тили деб эълон қилинади. Давлат органлари, ҳукумат идоралари ва расмий ташкилотларда ёзишмалар фақат шу тилда қабул қилинади ёки жўнатилади, ш-дек, барча музокара, муҳокама, мажлис, сессия, конференция, конгресс ва ш.к. йиғинлар ана шу расмий тилда ўтказилади. 3) Давлатнинг қонун чиқарувчи органи ёки мам-т президенти томонидан жам-т ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилиши шарт деб эълон қилинган тил. Англия, Канада, Япония, Хитой, АҚШ, Швеция, Норвегия давлатларида ҳеч қайси тил давлат тили деб эълон қилинмаган бўлса-да, лекин уларда азалдан мам-т аҳолисининг кўп қисмини ташкил қилган халқнинг тили давлат тили, расмий тил сифатида тан олинган. Гвинея, Гана, Конго каби собиқ мустамлака давлатларда расмий тил сифатида собиқ мустамлакачилар тили, мас., инглиз ёки француз тили қабул қилинган. Ҳар қандай мам-тда бўлгани каби Ўз-нда ҳам ўзб. тилига давлат мақоми берилиши жараёни осон кечмаган. И.А.Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик арафасида ўзб. тилига Д.т. мақомини бериш масаласида қизгин, баъзида кескин ва муросасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтган эди. Ўшанда айрим сиёсий кучлар ўзининг тор сиёсий манфаатларини кўзлаб илгари сурган бир-бирига бугунлай зид, қарама-қарши фикрлар ғоят хатарли тус олган эди. Президентимизнинг қатъияти ва оқилона саъй-ҳаракатлари туфайли 1989 йил 19 октябрда қарийб бир алик қарамликдан сўнг мам-тда ўзб. тили Д.т. деб эълон қилинди. Шу тариқа, халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. 1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Конституциямизда Д.т.нинг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустаҳкамлаб қўйилди. Шу

тариқа ўзб. тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли б-н ҳимоя қилинадиган муқаддас тим-соллардан бирига айланди.

ДАВР – замон, воқеалар, ижт-й, иқт-й, сиёсий, маън-й, мафкуравий жараёнларни ифодалайдиган вақт оралиғини англатадиган т. У маъ-ят тарихида – жам-тнинг маън-й тар-ёти босқичларининг турли Д.ларини (мас., мустамлакачилик, мутелик, мустақиллик, хурфикрлилик ва ҳ.к.) билдиради. Д. бир томондан, вақт б-н боғлиқ ижт-й-тарихий замонни англатас, иккинчи томондан, инсоният ва шахс фаолияти б-н боғлиқ ижт-й жараённи ифодалайди. Тарихда шундай Д.лар бўлганки, уларнинг инсоният маън-й-маър-й, мад-й тар-ётида туган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган. Мас., мил. ав. X–III а.лар “Авесто Д.и”, VI–I а.лар “Эллинизм Д.и” деб аталса, X–XII а.лар Шарқда “Уйғониш Д.и”, XIV–XVI а.лар Европада “Ренессанс Д.и”, XV–XVI а.лар М.О.да “Темурийлар Д.и” номи б-н аталиб, инсониятнинг иқт-й, ижт-й-сиёсий, мад-й ва маън-й-маър-й тар-ётида улкан аҳамият касб этган. Мас., М.О.да IX–XII а.ларда улкан мад-й кўтарилиш бўлган, илм-фан, фал., адабиёт ривожланган, инсониятни эзгу мақсадларга етаклаган инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган, ақлий ва ижодий тафаккур мислсиз даражада тараққий этган. Бу Д. дунё илмида “Шарқ Ренессанси” ёки “Шарқ Уйғониши” деб юритилади. “Ренессанс” атамаси дастлаб Италияда, кейинчалик бутун Европадаги мад-й-маън-й юксалиш Д.ига (XIV–XVI а.лар) нисбатан қўлланган. Бу Д.да кўплаб илмий кашфиётлар, бебаҳо санъат асарлари, мад-й ёдгорликлар яратилган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбеклар жаҳоншумул кашфиётлар қилган. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафийларнинг асарлари тафаккур хазинасини бойитган. Шеъриятда Абулқо-

сим Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби даҳолар ўлмас асарлар яратганлар. Миниатюра санъати соҳасида мактаблар пайдо бўлиб, унинг ёрқин намояндаси – Камолиддин Бехзод янги ижодий йўналишга асос солган. Ёхуд “Темурийлар Д.и” т.си ўрта а.ларда Соҳибқирон Амир Темури асос солган давлатни идора этган сулолага нисбатан қўлланади. Темурийлар ҳудуди Шимолда Или дарёси ва Орол денгизидан Жанубда Форс қўлтиғигача, Шарқда Хитой ва Ҳиндистондан Ғарбда Қора денгизга қадар улкан майдонни қамраб олган. Амир Темури ва темурийлар мам-т мустақиллиги, эл-юрт осойишталиги ва уни обод этишга катта аҳамият берган. Бу Д.да Чингизхон ҳужуми ва мўғулларнинг бетўхтов босқинлари натижасида вайрон этилган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Банокат (Шохрухия) каби қад. шаҳарлар қайта тикланиб, обод этилган. Темурийлар Д.ида илм-фан, адабиёт, санъат тараққий этган. Самарқанд мадрасаларида Шамсуддин Ҳавофий, Қозизода Румий, Ғиёсуддин Жамшид, Али Қушчилар фаолият юритган. “Д.” т.си бошқа фан соҳаларида ҳам қўлланади. Мас., геологияда – геологик чўкинмалар, қатламлар тизими шаклланган вақт оралиғи (мас., Бўр Д.и, Музлик Д.и); математикада – чексиз Д., ўнли касрда такрорланадиган рақамлар гуруҳи; физикада – миқдор ўзгариши тўлиқ циклини тугатиб, ўзининг асл ҳолатига қайтадиган вақт оралиғи; муסיқада – тугалланган ёки қисман тугалланган муסיқа қаторини ифодалаб, муסיқа асарининг бир қисмини ташкил этади.

ДАДАИЗМ – модернизм йўналишларидан бири. Унга 1916–1921 йиллари Т.Тцар асос солган. Бу оқимда “*dada*” атамаси муҳим ўрин тутади. “Дада” ҳаддан ташқари плюралистик характерга эга бўлгани сабабли аниқ маънога эга эмас. Тцарнинг фикрича, “дада” ҳеч нарсани англатмайди. Д.нинг йирик вакилларида бири бўлган Г.Гросснинг таъкидлашича,

дадаистлар соф нигилистлар бўлиб, ҳамма нарсани инкор қилади, улар учун ҳеч нарса муқаддас эмас. Уларнинг тимсоли Йўқтик, Бўшлиқ, Туйнук ва ҳ.к. Д. гоялари негизда онгнинг эркинликка интилиши б-н унинг эрксизлиги ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади. Д. вакилларининг фикрича, онгнинг эрксизлиги рационал мантиқ ва тилнинг тафаккур устидан ҳукмронлиги оқибатида руй беради. Шу туфайли Д. ақлсиз, мантиқсиз, тилсиз эркин фикрлаш гоясини илгари сурди. Тцарнинг фикрича, “индивиднинг асл моҳияти ақлсиз ҳолатдан кейин қарор топади”. Д. тарафдорлари ҳар қандай позитив сиёсий дастурни инкор этади. Дадаистлар назарида, бадий ижоддагина тил ва мантиқнинг танҳо ҳукмронлигини баргараф этиш, индивидуал онгсизликдан озод бўлиш мумкин, деб ҳисобланади.

ДАОЦИЗМ — қад. Хитойда вужудга келган, мутафаккир *Лао Цзи* асос солган диний-фал-й таълимот. Лао Цзи “Дао”, “Ци” таълимотини ишлаб чиққан. Кейинчалик бу таълимот Д. деб аталган. “Дао” бу — табиий қонун. Жам-тнинг барча аъзолари табиий қонунга (“дао”) қатъий бўйсунуши керак. “Дао” қонуни бузган одам табиат қаҳрига дучор бўлади. “Ци” бу — жисмларнинг илдизи, яъни борлиқни ифода этади. У бешта унсур — ер, сув, олов, ёғоч ва металлдан ташкил топган. Дунёдаги барча жисмлар бешта унсурнинг турлича бирикишидан юзага келган. Лао Цзи таълимоти кейинчалик қад. Хитойдаги Мао Цзи ва Ван Чунлар ижодига таъсир кўрсатган.

ДАРАЖА — турли нарса, воқеа-ҳодисалар ва жараёнлардаги ўзгаришларнинг такомиллик босқичи, рив-ш кўрсаткичи. Моддий оламнинг тузилишига кўра, такомиллик даражалари сифатида жонсиз ва жонли табиатни, моддий ва маън-й ҳодисалар уйғунлиги, жам-т ва инсон такомиллигининг тар-ёт даражасини кўрсатиш мумкин. Оламнинг тузилишига кўра, у микро Д., макро Д. ва мега Д.ларга ажратилади.

ДАҲО(ЛИК) — фавқулодда зеҳн ва заковат, юксак тафаккур, энг юқори ва ҳар тарафлама ривожланган истъёдо

соҳибларига нисбатан қўлланадиган т. Д. истъёдодининг шундай олий чўққиси-ки, у туфайли инсон ҳар қандай шароитда ўзининг хатти-ҳаракатини аниқ ва самарали бошқара олади, энг зарур пайтда энг оқилона фикрни айта билади, энг керакли режани амалга ошира олади. Бу ишларни у ҳеч бир зўриқишсиз, шошилмасдан, босиқлик, илҳом б-н, ички қувонч ва завқ-шавқ б-н бажаради. Инсондаги бундай фавқулодда истъёдо одатда муайян давр талабига мос равишда намоён бўлади. Ш. саб. инсоният тарихида улкан аҳамиятга эга даврлар Д.ларга эҳтиёж сезади ва уларни етиштиради. Мас., Уйғониш даврида иқт-й зарурат, ижт-й ва маън-й эҳтиёж туфайли Ф.Петрарка, Леонардо да Винчи, Микеланжело ва б. кўплаб Д.ларнинг дунёга келишига сабаб бўлган. Ёхуд халқимиз маън-й дунёсининг шаклланишига гоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган Д., халқимиз онги ва тафаккури, бадий мад-ти тарихида бутун даврни ташкил этган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткори — ҳазрат Алишер Навоийнинг бунёдкорлик фаолияти, аждодларга қолдирган бебаҳо мероси бутун инсоният манфаатларига хизмат қилиб, адабиятга дахлдордир.

ДАҲРИЙЛИК (араб. замон, даврга эътиқод қилиш) — илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш замон кишиларини пайдо қилади ва чинакам эътиқодни ўлдиради деган эътиқодда бўлишни англатувчи т. Қадимдан Д. т.си “худосизлик”, кейинчалик “атеизм” каби атама-лар б-н юритилиб келинган. Жам-тда Худо, илоҳий кучларга ишонч пайдо бўла бошлаган даврлардаёқ, улар б-н баробар ҳолда бундай ҳақиқатларга ишончсизлик ҳам шакланган. Аммо Д.нинг мутлақлаштирилиши давлат ва жам-тлар ҳаётида маън-й йўқотиш ва қабоҳатга олиб келган. Д. қадимда илк худосизлик тасаввурлари пайдо бўлган даврдан ҳоз. кунгача бир неча босқични босиб ўтган. Тарихий тар-ёт жараёнида дунёвийлик Д. деб қараладиган,

Д. эса муғлақлаштирилладиган даврлар ҳам бўлган. Мас., XX а.да большевиклар марксистик Д. асосида диндан холи жам-т барпо этишни мақсад қилиб қўйган эди. Ўтган а. 20-30 йилларида амалга оширилган бу сиёсат барча республикалар, шу жумладан, Ўз-нда жиддий салбий оқибатларга, улкан маън-й йўқотишларга олиб келди. Хус-н, республикада “Худосизлар” номи б-н ўзб. тилида журнал нашр этилди. Араб алифбоси бекор қилинган, минглаб ноёб китоб ва қўлёзмалар ёқиб ёки кўмиб ташланди, юзлаб масжид ва мадрасалар ёпилди, араб тили ва ислом тарихининг билимдонлари қувғин остига олинди. Тошкент шаҳрида бутуниттифоқ Илмий атеизм ин-тининг республикалараро филиали очилди (1981). Мустабид тузум қулагач, “илмий атеизм” умуман фан сифатида йўқ бўлди. Айрим манбаларга кўра, ҳоз. даврда АҚШ ва Фарбий Европа мам-тлари аҳолисининг 8–10 фоизи Д. ҳисобланади. Ер юзиде майда диний фирқалар ва диний экстремизм авж олаётган бугунги кунда бундай қарашни ўзига муайян эътиқод сифатида қараш анъанаси ҳам кўзга ташланмоқда. Кўпгина халқаро ҳужжатларда, мас., Инсон ҳуқуқлари декларациясида: «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир» деб ёзилган. Замонавий демократик жам-тларда, шу жумладан, Ўз-нда ҳам фуқаролар учун ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқи, яъни ҳар қандай динни эркин танлаб олиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик конституциявий асосда кафолатланган. Бизнинг мамтимизда бу борада “Дунёвийлик – даҳрийлик эмас” деган тамойилга амал қилинмоқда. *Яна қаранг: АТЕИЗМ.*

ДЕЗИНФОРМАЦИЯ (фран. *des* – салбий ва *information* – ахборот) муайян гуруҳ ва доираларнинг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида сохта маълумотлардан фойдаланиш асосида ижт-й фикрни чалғитиш мақсадида матбуот, радио ва ТВда қўлланадиган усул, восита. Мас., Иккинчи жаҳон уруши даврида у ташвиқотда кенг қўлланган. Д. турлари: а) сохта ахборот, овоза ва шов-шувлар тар-

қатиш; б) конфиденциал маълумотлар “оқиб кетиши”ни ташкил қилиш; в) муайян фактларни бўрттириб ёритиш, зиддиятли хабарларни тарқатиш. Д.нинг тарихи, аввало, ОАВнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши б-н узвий боғлиқ, унинг мазмун-моҳияти асосан сиёсий, ғаразли мақсадларни кўзлаган интилишларда намоён бўлади. И.А. Каримов глобаллашув жараёни мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатига хизмат қилаётганини таъкидлаб, **“бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюлган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши”** мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Биз бундай хатарларга доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз, уларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маън-й тарбия б-н жавоб беришимиз зарур. Ана шундагина аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз воқеликка очиқ кўз б-н қараб, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маън-й таҳдид ва хатарларни, тарқатилаётган турли маълумот ва ахборотларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқ чиқара олади.

ДЕИЗМ (лот. *deus* – худо) – маърифатчилик даврида вужудга келган диний-фал-й таълимот. Асосчиси – лорд Чербер. Унга кўра, Худо оламни яратиб, унда иштирок этмайди ва воқеа-ҳодисаларнинг қонуний жараёнига аралашмайди. Д. инсон ва худо ўртасидаги доимий алоқа мавжудлиги ҳақидаги тасаввурга асосланган теизм, худони табиат б-н айнанлаштирувчи пантеизм ва худонинг мавжудлигини инкор қилувчи атеизмга (даҳрийлик) қарама-қарши туради. Д. табиатни ёки ақлни чеклаш ғоясини илгари суради. Деистлар таълимотига кўра, дин ҳамма

одамлар учун умумийдир. Бу ғоя лорд Чербернинг “Ҳақиқат ҳақида трактат” асарида ўз ифодасини топган. Д. таълимотини турли фал-й йўналишлар вакиллари ёқлаб чиққан. XVII а.нинг биринчи ярми Д.нинг энг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. Хус-н, христианликни фақат ахлоқий таълимот сифатида эътироф этган инглиз олимлари Ж.Толанд, А.Коллиз, М.Тиндал, А.Шефтсбери, Г.Болингброк; америкалик олимлар Т.Жефферсон, Б.Франклин, И.Алленлар деист бўлган. Францияда Д. ғояларини Вольтер, Руссо каби файласуфлар ёқлаб чиққан. Германияда Д. фал-й рационализм негизда ривож топади (Лейбниц, Лессинг). Д. ғоялари Кантнинг “Дин фақат ақл доирасида” асарида илгари сурилган. Ҳоз. замон фал-сида Д. жиддий аҳамиятга эга эмас.

ДЕМАГОГИЯ – кенг жамоатчилик ва халқ оммасига эҳтиросли, жозибадор, бироқ ёлғон ва сохта сиёсий ваъдалар бериш, хушомадгўйлик қилиш ҳамда фактларни бузиб талқин этиш орқали кишиларнинг онги ва қалбига таъсир қилиб, ўз томонига оғдириш йўли, ғоявий ва сиёсий сафсата тизими.

ДЕМОГРАФИЯ (юн. *demos* – халқ ва *grafos* – ёзаман) – ҳар йили турли сабабларга кўра, вафот этган аҳоли ўрнини дунёга келган янги авлод ҳисобига тўлдириб борилиши қонуниятларини ижт-й-тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганадиган фан. Д.нинг пайдо бўлиши асосан XVII а.нинг иккинчи ярмидан англиялик олим Ж.Граунт (1620–1674) тадқиқотлари б-н боғлиқдир. Д. термини 1855 йилда француз олими А. Гийар томонидан илмий муомалага киритилган. 1882 йил Халқаро гигиена ва Д. конгрессининг Женевада бўлиб ўтган сессиясида Д. фан сифатида расман тан олингандан кейин XIX а. охири – XX а.ларга келиб жадал ривожланаётган фанлардан бирига айланди. Ўз-нда бу атама асосан 1960 йиллардан қўлланила бошланган. Д.нинг мақсади муайян ҳудуд, мам-т. дунё аҳолиси ва турли миллатларнинг авлодлар алмашуви, ўлиш ва туғилиш жараёни ва омилларини ўрганиш асосида мавжуд муаммолар ечимини ишлаб чиқиш ва де-

мографик истиқболни кўрсатиб беришдан иборат. Д.нинг вазифалари: демографик жараёнларни (туғилиш, ўлиш, никоҳ ва ажралиш, оиланинг демографик хусиятлари, аҳолининг ёш бўйича жинсий ва оилавий таркиби) ўрганиш; демографик башорат (маълум ҳудуд аҳолисининг сони, ёши, жинсий таркиби ва демографик вазиятини эътиборга олган ҳолда истиқболини илмий жиҳатдан асослаб бериш)ларни ишлаб чиқиш; демографик сиёсатни, аҳолининг миқдорий ўсишини бошқариш, амалга ошириш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Демографик жараёнлар ҳолати ижт-й-иқт-й, биологик ва жўгрофик омиллар б-н узвий боғлиқ. Д. социология, иқтисод, тарих, ҳуқуқ, этнология, социал гигиена, аҳоли географияси, тиббиёт, геронтология, генетика, статистика каби фан соҳалари б-н ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Д.да нуфус тарихи, наз-яси ва амалиётини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилади. Палео даври маълумотларига асосланган ҳолда қадим замонлардан аҳолининг ўсиш динамикаси ҳақидаги билимлар тўплаб келинади. Д. доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар аҳоли ва демографик жараёнларга доир дастлабки маълумотларни тўплаш, аҳолишуносликнинг математик наз-ясини ишлаб чиқиш ва демографик таҳтилдан иборат. Ҳоз. даврда Д. нуфус наз-яси асосида ривожланаётган қатор демографик фанларнинг кенг тармоғи тизимини қамраб олади. Бу ҳолат унинг объекти ва предмети, демографик жараёнлар ва ҳодисалар йўналишини белгилувчи омиллар, шарт-шароитларнинг турли-туманлиги б-н боғлиқ. Ҳоз. даврда жаҳоннинг кўпгина минтақаларида демографик вазиятнинг кескинлашуви, нуфус масаласи глобал тус олаётгани Д.нинг жадал ривожига туртки бермоқда. Мас., ривожланаётган мам-тлардаги аҳолининг кескин ошиб бориши б-н боғлиқ “демографик портлаш”, иқт-й ривожланган мам-тларда эса, аксинча, демографик таназзул, урбанизация ва халқаро миграция муаммоларининг тобора кескин тус олиб бораётгани демографик тадқиқотлар аҳамиятининг ортиб бораётганидан дарак бермоқда.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР – жам-т ҳаётида демократик тамойилларни қарор топтиришга хизмат қиладиган ташкилот ва тузилмалар мажмуи. Тарихий жиҳатдан уларни шартли равишда демократик мазмунга эга бўлган анъанавий ижт-й-сиёсий ин-тлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ОАВ) ҳамда фақат демократик жам-т шароитида фаолият юритадиган махсус ин-тларга, мас., инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминловчи турли нодавлат тузилмаларга ажратиш мумкин. Демократик жам-тда давлат ҳокимияти ўзининг асосий тармоқлари – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органларига ажратилган ҳолда амал қилади. Олий қонун чиқарувчи орган умумдавлат миқёсида қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият доирасида ҳокимиятнинг барча тармоқлари мустақил равишда фаолият кўрсатади. Улар бир-бирини қисман тўлдириб ва тенглаштириб туради. Ижроия ҳокимияти қонун чиқарувчи ва суд идоралари томонидан назорат қилинади. Айни вақтда ижроия ҳокимияти қонунларнинг амал қилинишини таъминлайди. Суд зиммасига эса қонунларнинг Конституцияга мос келишини назорат қилиш, жам-т аъзолари ва ташкилотлар томонидан унга риоя этилишини таъминлаш юкланади. Бу жараёнда кенг ваколатлар доирасига эга бўлган ўз-ўзини бошқаришнинг маҳаллий идоралари ҳам муҳим ўрин тутади. Жам-тнинг энг фаол ва уюшган қисмини, унинг ижт-й қатлам ва гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар демократик жам-тнинг муҳим ин-ти ҳисобланади. Сайловлар сиёсий партиялар рақобатини, уларнинг ҳукумат тизимига таъсири ва ўрнини аниқлаб берувчи бош майдон ҳисобланади. Сиёсий партиялар демократия шароитида жам-тдаги хилма-хил қарашларнинг намоён бўлишига хизмат қилади. Кўп партияли тизим шароитида Д.и.нинг муҳим қисми бўлган сиёсий оппозициянинг мавжудлиги таъминланади. Ижт-й ҳаракат ва ташкилотлар (ижодий уюшмалар, ёшлар ташкилотлари, хайрия жамғармалари каби) демократик жам-тнинг тар-

кибий қисми ҳисобланади. Бу ташкилот ва бирлашмалар турли ижт-й гуруҳларнинг хилма-хил манфаатларини ифода этади, уларнинг ижт-й-сиёсий фаоллигини таъминлайди. Улар ўзларининг реал мавқеидан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамоат ишларида, ижт-й-сиёсий муаммоларни ечишда иштирок этади. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш б-н шуғулланаётган ОАВ ва ташкилотлар борган сари жам-тнинг энг фаол, мустақил демократик ин-тига айланиб бормоқда. ОАВнинг давлат ва жам-т ҳаётидаги муҳим ўрнини ҳисобга олган ҳолда улар “тўртинчи ҳокимият” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига амал қилиниши устидан назоратни таъминлайдиган давлат ва нодавлат ташкилотлари (Омбудсман ин-ти, қонунни ҳимоя қилувчи идоралар) муҳим Д.и. ҳисобланади. Жам-тнинг ижт-й ва маън-й рив-ши, сиёсий, иқт-й, ижт-й муаммоларнинг ҳал этилиши Д.и.нинг қай даражада ривожлангани ва фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР – ҳуқуқий демократик жам-т асосини белгилайдиган демократик қонун-қоидалар мажмуи. Бугунги кунда уларсиз демократияни тасаввур қилиб бўлмайди. Барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги ва халқнинг ҳокимият манбаи бўлиб хизмат қилиши Д.т. асосини, ўзагини ташкил этади. Ҳокимиятни монополлаштиришга йўл қўймайдиган тизимни ташкил этадиган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши демократиянинг яна бир муҳим тамойилидир. Қарорларнинг кўпчилик овоз б-н қабул қилиниши, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунуши ҳам Д.т.дан ҳисобланади. Фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини (шахсий, сиёсий, иқт-й, ижт-й, мад-й) амалга ошириш – демократиянинг яна бир муҳим тамойили бўлиб, у фақат ҳуқуқий давлатдагина тўлиқ намоён бўлади. Ш-дек, фуқароларнинг ижт-й ва сиёсий фаоллиги ҳамда

юксак сиёсий мад-ятини таъминлаш ҳам Д.т. руҳига мос келади. Д.т. сиёсий жараёнларнинг ривожланган шакл ва усулларидан қонун доирасида, ҳар хил тазйиқ ва зўравонликларга йўл қўймаган ҳолда фойдаланиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идораларининг жам-тни демократик ривожлантириш манфаатлари йўлидаги ваколатларини кучайтиришни назарда тутди. Д.т.нинг тўлиқ рўйхати катта. Бундай даражага етиш демократик тар-ёт йўлини танлаган давлатларнинг идеали ҳисобланади. Мустақиллик йилларида демократиянинг асосий тамойилларини изчиллик б-н ҳаётга таъбиқ этиб келаётган Ўз-н ҳам ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга интилиб, бу борада салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

ДЕМОКРАТИЯ (юн. *demos* – халқ ва *kratos* – ҳокимият) – 1) фуқаролар эркинлиги ва тенглиги тамойили асосида Конституция ва қонунларда мустақамланган халқ ҳокимиятининг шакли; 2) амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган эркин, адолатли жам-т ва давлатни англатувчи сиёсий т. Тарихий тар-ёт жараёнида “Д.” т.си шаклан ва мазмунан бойиб, такомиллашиб келган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, Д. энг ривожланган давлатларда ҳам юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига етгани йўқ. Чунки Д. босқичма-босқич ривожланадиган жараён бўлиб, ҳар бир миллат ва жам-т, ҳар бир даврда уни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хос хус-ятлар намоён бўлади. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижт-й мун-тларнинг характери каби омиллар б-н белгиланади. Президент Ислоҳ Каримов алоҳида таъкидлаганидек, **“Ҳаммани бир қолипга солиб бўлмайди. Худди шунингдек, давлатларни ҳам бир қолипга солиш ва бозор муносабатларига ўтиш, демократияни барпо этиш нуқтани назаридан уларга бир хил ёндашувларни қўллаш ярамайди”**. Д. характери белгилувчи умумий мезонлар ҳам бор. Бу Д. тамойилларига риоя қилиниши, демократик қонунларнинг мав-

жудлиги ва улар асосидаги демократик ин-тлар фаолияти б-н боғлиқдир. Д., моҳиятан, инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс б-н жам-т манфаатлари ўртасидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Айни пайтда Д. қабул қилинган қонунлар, амалдаги тартиб-қоидалар ёрдамида шахс ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизм ҳамдир. Бугунги кунда кўплаб мам-тларда Д. жам-тнинг яшаш тарзига айланиб қолган. Одатда, вакиллик Д.си ва бевосита Д. бир-биридан фарқланади. Вакиллик Д.сида фуқаролар қонунчилик, ижроия ва б. функцияларни бажарувчи органларни сайлайди, аммо бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайди. Бевосита Д. шаклида эса фуқаролар турли масалаларни тўғридан-тўғри ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Сайловлар бевосита Д.ни яққол намоён этувчи муҳим сиёсий тадбир саналади. Д. асосида қизиқиш, интилиш ва манфаатларни мувофиқлаштириш, муро-сага келтириш ва келишиш сиёсати ётади. Шу маънода, Д. жам-тдаги кучларни бирлаштиришга, уни мам-т тар-ёти учун сафарбар қилишга хизмат қилади. И.А.Каримов таъкидлаганидек, **“Ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган ҳулосаларга келиш ва ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқ ва куч ишлатишга қарши равишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш – демок-ки, шарқона демократия тамойиллари асосида иш юритишдир”**. Д. инсоният бугунги кунгача қўллаб келган, ижт-й муаммоларни ҳал этишнинг энг оқилона йўли сифатида эътироф этилган. Тарихий жиҳатдан Д.нинг бошланиш нуқтаси ҳам, тугаш нуқтаси ҳам йўқ. Кишилиқ жам-ти пайдо бўлганидан оқ, Д. куртаклари пайдо бўлган, ҳатто, энг тараққий этган мам-тларда ҳам у ўзининг идеал даражасига етгани йўқ. Д.ни бўғиш, унга раҳна солиш мумкин, лекин бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Ҳар қандай даврнинг, ҳар қандай жам-тнинг ва ҳар қандай халқнинг ўзига хос Д.си бўлади. Яъни, де-

мократик тамойилларни белгилашда жам-тнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари асосида шаклланган, халқнинг, миллатнинг ижт-й онги ва психологияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, Д. инсониятнинг мад-ти, маъ-яти, ижт-й онги, менталитети, идроки, билим доираси, ишбилармонлик қобиляти, унинг жам-тда эркин яшаш ва меҳнат қилиш кўникмаси б-н биргаликда шаклланиб, ривожланиб борадиган табиий-тарихий жараён дидир. Д.нинг муҳим хус-яти шундаки, унда халқ ҳокимияти, яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуш тамойили расман эълон қилинади ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқчилиги эътироф этилади. Бу шартлар жам-т ҳамда унинг аъзолари ҳаётининг асосий қонуни — муайян давлатнинг Конституциясида акс эттирилади. Д.нинг асосий тамойиллари — тенг ҳуқуқчилик, эркин ва демократик сайловлар, ҳурфикрчилик, сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, ҳокимиятнинг сайлаб қўйилиши ва халқ олдида ҳисобдорлиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, озчилик фикрининг инобатга олиниши. Д. инсоннинг худди шундай ҳар томонлама баркамол рив-ши учун берилган имкон дидир. Шу б-н биргаликда, Д. шароитида ҳар бир шахснинг шаклланишига ўзига хос «чегара» ҳам қўйилади, яъни Конституцияга оид қоидалар ва қонунлар орқали шахсларнинг ижт-й ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари тартибга солинади. Бундан ташқари, Д. жам-тнинг ахлоқий-психологик иқлимини вужудга келтирадиган шарт-шароитларни ҳам яратади. Мустақиллик Ўз-нда демократик давлат ва фуқаролик жам-тини қуриш имкони ни яратди. Мам-тимиз Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ана шу йўлдан муваффақият б-н илгарилаб бормоқда. Бугунги кунда жам-т ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш, мам-тни модернизациялаш ва либераллаштириш б-н боғлиқ туб ўзгаришлар ва ислохотлар изчиллик б-н амалга оширилмоқда. Ана шу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиш барчамизнинг инсоний бурчимиз дидир.

ДЕМОКРАТИЯ ЭКСПОРТИ — 1) жаҳондаги айрим қудратли давлатлар ёки бўлмаса давлатлар гуруҳи томонидан суверен давлатларнинг ўз тар-ёт моделини ўзи танлаш ҳуқуқига, қолаверса, демократиянинг маъно-мазмунини, пировард мақсадларига зид равишда унинг “ҳаммабоп услуби”ни куч ишлатиш йўли б-н бошқа жам-тларга тиқиштириш амалиётини англатади; 2) ёш мустақил давлатларда демократия танқислигини рўқач қилиб, бу мам-тлардаги демократлаштириш жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга уринаётган айрим кучлар ва сиёсий доираларнинг хатти-ҳаракатларини ифода этувчи т. Д.э.нинг туб моҳияти Юртбошимиз томонидан қуйидагича кўрсатиб берилган: **“Маълум бир мамлакатда, айтилик, “демократия тақчиллиги” мавжуд, ушбу мамлакат халқига ана шу тақчилликдан халос бўлишга ёрдам бериш керак, деб ҳисобланади. Бунинг учун катта маблағлар ажратилиб, тегишли кучлар йўналтирилади. Ва бундан кўзланган мақсад — тўнтариш уюштириш ва ана шундай “тақчиллик”ни вужудга келтирган раҳбариятни йўқотишдан иборат. Мана шундай ҳолатларда “бахмал ўзгариш”лар технологиялари ишга тушади: аввалги ҳокимият нисбатан тинч йўл билан, қурбонларсиз кетиши, унинг ўрнини бошқа, мазкур технологиялар манфаатларига жавоб берадиган кучлар эгаллаши кўзда тутилади”**. Аслида, демократия бошқа мам-т ҳудудига, унинг миллий манфаатлари ва хус-ятларини инобатга олмасдан туриб, экспорт қилиниши мумкин бўлган оддий бир товар эмас. Агар демократияга ҳам экспорт предмети сифатида ёндашилса, у бир тарафнинг бошқа тараф устидан устунликка эришиш воситасига айланади. Ҳолбуки, ҳеч бир халқаро ташкилот ё ҳеч бир давлатга ўзга мам-тда зўравонлик б-н демократия ўрнатиш ваколати ҳеч ким томонидан берилган эмас. Демократияни зўрлик б-н бошқа жойга экспорт қилиш демократия тамойилларига ҳеч қачон мос келмайди. Кейинги йилларда яқиндагина мустақилликка эришган мам-тларда демократлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурли-

ги ҳақида айюҳаннос солаётганларнинг бундай интилишлари ортида қандай геосиёсий, стратегик ва иқт-й мақсад-муддаолар тургани сир эмас. И.А.Каримов таъкидлаганидек, **“Айниқса, бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади”**. Бугунги кунда мустақил давлатлар суверенитетини писанд қилмай, уларнинг ички ишларига аралашаётган «демократия режиссёрлари» аслида дунёга ҳукмронлик қилишга, ўзга мам-тлардаги ер усти ва ер ости бойликларини эгаллаб олиш, муайян минтақалардаги тинч-осуда ҳаётни издан чиқариш, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига ёрдам беришга интилаётгани яққол намоён бўлади. Бир сўз б-н айтганда, Д.э.янги кўринишдаги мустамлакачилик, гегемонизм ва буюк давлатчилик шовинизмига хизмат қиладиган ҳаракатдир. Шу боис Д.э.нинг ғаразли таъсиридан мамтимизни асраш, маън-й қадриятларимиз, давлатчилик анъаналаримиз, демакки, миллий тар-ётимизни издан чиқарувчи бундай таҳдидларга қарши огоҳ ва ҳушёр бўлиш, уларга қарши қатъий ва изчил кураш олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖИХАТЛАРИ – халқнинг ҳокимиятни бошқаришда иштирок этиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, ғоявий, маън-й, маър-й, ташкилий ва амалий шарт-шароитлар ва хус-ятларни англатувчи т. Д.м.м.ж. қуйидагиларни ўз ичига олади: юксак сиёсий тафаккур ва сиёсий мад-т ҳар қандай эҳтирослардан холи, ақл-идроқка таянган фуқаролик позициясига эга бўлиши, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, амалдаги қонунларга қатъий риоя қилиши ва жам-т ривожига ҳамда барқарорлигини таъминлашда масъ-

улиятни англаш ва б. Шу маънода, демократия – юксак маъ-ят, фуқароларнинг ички мад-ти ва интеллектуал имконияти; фуқароларнинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўлиқ риоя этиши, инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, барчани қонунларга бўйсуниб яшашга ундайдиган умуминсоний, ҳуқуқий ва маън-й қадрият ҳисобланади. Демократияни маъятсиз ва маърифатсиз англаб бўлмайди. У инсон ақл-заковатининг маҳсули ва айни пайтда унинг эркин ҳолда фаровон ҳаёт кечиришининг зарурий шартидир. Демократияни ҳаётга жорий қилишда мам-т халқининг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонлари эътиборга олиниши ғоят муҳим аҳамият касб этади. Зеро, барча давлатлар ва халқлар учун демократиянинг бир хил қолипи бўлиши мумкин эмас. И.А.Каримов таъкидлаганидек, **“Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди, яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожiali натижаларга олиб келади”**. Шу б-н биргаликда, **“...биз давлатимиз келажагини ўз қобигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз”** (“Юксак маънавият – енгилмас куч”, 114-б.). Жам-тда демократик қадриятларнинг амал қилиши унда маън-й-маър-й тар-ётнинг кўрсаткичи ҳамдир. Уларнинг уйғунлиги жам-тнинг барқарор тараққий этишига хизмат қилади. Тоталитар тузум-

дан эркин фуқаролик жам-тига ўтилаётган бир шароитда ҳар бир фуқаро демократиянинг моҳияти ва тамойилларини англаб етиши, эркин яшаш ва эркин фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиши ҳамда маън-й-руҳий жиҳатдан демократик яшаш шартларига ўзини тайёрлаб бориши, фикрсизлиқ, қарамлик, танбаллик ва боқимандалик иллатидан халос бўлиши зарур. Демократия аста-секин, босқичма-босқич шаклланиб, ривожланиб борадиган узлуксиз жараён бўлгани сабабли, у ҳар бир инсоннинг маън-й-маъ-р-й салоҳиятининг муттасил юксалиб боришини тақозо этади.

ДЕПУТАТ (лот. *deputatus* — жўнатилган, юборилган) — ваколатли ҳокимият органларига сайланган шахс. Ўз-нда Длар — сиёсий партиялар, ҳокимият органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан вакил қилинган ва улар номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Д.ликка номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби турли мам-тларда турлича бўлиб, махсус қонунлар б-н белгилаб қўйилади. Мам-тимизда уларнинг мақоми, ваколатлари, Д.лик фаолиятининг кафолатлари «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган.

ДЕПУТАТ ЭТИКАСИ — қонун чиқарувчи ҳокимият ва б. вакиллик органларида фаолият юритувчи халқнинг ваколатли мухтор вакили, яъни депутатнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосидаги фаолияти ҳамда унинг маън-й-ахлоқий қиёфасини ифода этадиган т. Депутатлик мақоми ЎзР Конституциясининг 88-моддаси б-н белгиланган депутатлик иммунитетини қоидаларига асосланади. Ушбу қоидага биноан, депутатнинг шаъни ва қадр-қиммати, шахси қонун йўли б-н муҳофаза қилинади. У жиноий жавобгарликка тортилмайди. Д.э. талабларига мувофиқ, у депутатлик даврида тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши мумкин эмас. Депутат жам-тда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя қилиши лозим. У ўз

мақоми ва лавозимини суиистеъмоқ қилиши, бошқа фуқаролар, жам-т ва давлат манфаатларига зарар етказадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги, маъ-ят талаблари ва ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя этиши зарур.

ДИАЛЕКТИКА (юн. *dialektike* — суҳбат, баҳс-мунозара қилиш) — табиат, жам-т ва тафаккур рив-шининг энг умумий қонуниятлари тўғрисидаги таълимот, фал-й ёндашув ва илмий билиш усуллари билан бири. Қадимда Д. суҳбат, баҳс-мунозара воситасида ҳақиқатни очиш йўли ва усули сифатида талқин қилинган. Кейинчалик фал-й тафаккур ривожланиб бориши б-н Д.нинг мазмуни ҳам бойиб борган. Д. борлиқдаги барча нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар мазмун-моҳиятини, уларнинг ўзаро алоқаси, сабаб-оқибат боғланиши, ҳаракати, ўзгариши, татсирлашуви ва рив-ши б-н боғлайдиган таълимот сифатида эътироф этилади. Д. таълимотига кўра, оламдаги барча нарса ва ҳодисалар, ш-дек, улар ҳақидаги т. ва билимлар доимо ўзгаришда, рив-шда бўлади. Табиий ҳодисаларни, ижт-й ҳаёт ва тафаккур жараёнларини диалектик н. назардан таҳлил қилиш уларнинг объектив алоқадорлигини, зарурий боғланишларини, ўзгариш ва рив-ш қонуниятларини очиб бериш, истиқболни аниқлаш, тар-ётга эришишнинг самарали йўллари ва воситаларини ишга солиш имконини яратади.

ДИЁНАТ (араб. диндорлик, тўғрилиқ, инсоф) — маън-й хус-ят, гуноҳ қилмаслик, савоб ишларни амалга ошириш, имон-этиқодли, софдил ва мард бўлиш, қонун-қоидаларга қаттиқ риоя этиш, тақводорлик, виждонлилик, инсофлилик каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган т. Д.ли одам ҳаромдан ҳазар қилади, бировнинг зарарига иш қилмайди, ҳамиятли, номусли, ориятли, тўғрисиўз, ҳақгўй бўлади. Ватанпарварлик, халқпарварлик, фидоийлик каби фазилатлар ҳам «Д.» т.сининг асосий жиҳатларини ифода этади.

ДИЛ (жон, қалб, юрак, кўнгил) — маъ-ятнинг гоят муҳим руҳий-маън-й омили, унсури бўлмиш ушбу т.лар ин-

сон маъ-ятининг туб моҳиятини ифода-
лаш учун хизмат қилади. «Қалб шундай
бир аъзоки, — дейди Форобий, — у ба-
даннинг бошқа ҳеч қандай аъзолари б-н
идора қилинмайди. Ундан кейин мия ке-
лади. У ҳам асосий аъзо саналади. Лекин
унинг ҳукмронлиги иккинчи даражали-
дир. У барча аъзоларни қалб амрига кўра
бошқаради, идора қилади. У фақат қалб-
гагина хизмат қилади». Демак, кишининг
асл моҳиятини ифода этувчи Д. унинг
барча бошқа қувватларининг манбаи экан-
ни аён бўлади. Ш.у. ҳам тасаввуф фал.си-
да комилликка эришмоқ йўли қалб йўли,
дея талқин этилгани бежиз эмас. Зеро,
Д.ни поклаш — маън-й-руҳий жиҳатдан
соғлом бўлиш йўли, деб тушунилган. Д.ни
поклаш иккинчи даражадаги қувват —
қалбга бўйсундириш орқали амалга оши-
рилади. Бу б-н нафс ёки қувватлар уй-
ғунлигига эришилади. Ўзб. тилидаги «қалб»
т.си юн. «анима» ва «псюхе» т.ларига мос
келади. Д. фаолиятини ўрганиш эса, шунга
мувофиқ равишда «психология» деб атал-
ган. Арастунинг «Қалб ҳақида» номли мах-
сус асари бор. Форобий, Ибн Сино
қарашлари Арасту ғояларига ҳамоҳангдир.
Ҳинд фал.сида «қалб» т.си «живо» т.сига
мос келиб, инсон қалби унинг танасига
тутқун деб уқтирилади. Жон ёки қалб-
нинг танадан қутулиш, озод бўлиш йўли
нирвана ҳисобланади. Абу Ҳамид Ғаззо-
лий «Кимёи саодат» асарида «Худони та-
нимоқ подшоҳ Д.нинг сифатидур. Под-
шоҳ Д.ни ва анинг сифатларини тани-
моқ Оллоҳни танимоқ калитидур. Д.
гавҳари азиздур, фаришталар гавҳари
жинсидандур ва Д.нинг мадани асли Дар-
гоҳи Аҳадиятдурким, ул даргоҳдан кел-
гандур, яъни ул даргоҳга қайтгувчидир.
Д. бу олам манзилгоҳида ғарибдурким,
мусофирлик учун келибдур», — дея таъ-
кидлайди. Мавлоно Румий «Кўнгилга таъ-
риф бермоқ — бандасига ғоятда мушкул,
аммо унинг моҳиятини англаган кишига
саодат эшиклари очилади. Шубҳасиз,
Ҳақиқатни англашнинг ўзи — Саодат-
дир», дея таърифлаган. Алломанинг наз-
дида, Д. қанчалик соф бўлса, унинг илму
ҳикмати, жамолининг нури шунчалик
тиниқ намоён бўлади. Дарҳақиқат, ин-

сон ҳалигача кам ўрганилган хилқат,
унинг Д.и, руҳияти — сир-синоатга тўла
мураккаб дунё. Д. ва жон руҳ б-н ҳамна-
фас бўлгани учун халқимизда “Жон —
азиз, Д. — мукаррам”, деган ҳикмат урф
бўлгани бежиз эмас.

ДИЛОЗОРЛИК — кўнгилга озор ет-
казиш, дилтанглик келтирувчи хатти-
ҳаракат, салбий хус-ятни англаувчи т. Д.
қўполлик, жаҳлдорлик оқибатида киши-
ни ранжитувчи сўз ёки хатти-ҳаракат ор-
қали жисмонан ва маънан озор берувчи
ахлоқсизлик кўринишидир. Д. — бадхулқ-
лик, муайян ахлоқ меъёрларидан четла-
ниш туфайли кишига нохушлик етказиш.
Д.нинг одат тусига айланиши инсонни
аста-секин ахлоқан тубанлашувига олиб
келади. Д.ни ўзига касб қилиб олганлар-
нинг кўнгли зулм етказиш, ўзгаларга сал-
бий муомалалада бўлиш орқали ҳузур-ҳало-
ват топади. Д. сабабли кишиларнинг бир-
биридан кўнгли қолади, гина, араз, низо,
ҳасад, ғаразгўйлик каби салбий ҳолатлар
пайдо бўлади. Оила, жамоат жойлари,
умуман, жам-тдаги хатарли муаммолар
синчиклаб ўрганилса, кўпинча уларнинг
келиб чиқиши оқибатини ўйламасдан,
ҳуда-беҳудага ўзгаларни ранжитиш, улар-
га озор беришга бориб тақалади. Дило-
варлик, ҳалимлик, хушмуомалалик, ин-
сонпарварлик каби ижобий хус-ятлар
Д.нинг зиддидир. Чиройли сўз эса яхши
муомала, меҳр-оқибат калитидир. Д. са-
бабли киши ҳеч нарса ютмайди, аксинча
ютқазади, яъни яқин кишилари, кўни-
қўшни, маҳалладошлари ва ҳамкасабала-
рини ўзидан узоқлаштириб, уларнинг
бегоналашувига олиб келади. Д. туфайли
корхонадан файз, хушмуомалалик, оила-
дан эса барака кўтарилади. Д.нинг муо-
лажаси яхши тарбия, бағрикенглик, ваз-
минлик, кечирувчанлик, меҳр-оқибат ва
б. фазилатларни ихтиёр этишдир. Кишида
шундай аъзо борки, у туфайли бутун ву-
жуд пок, соф ёки бузуқ бўлади. Ўша
аъзо инсоннинг қалбидир. Тил эса дил-
нинг ойнасидир. Инсоннинг барча фазил-
латларини биргина Д. барбод қилади. Д.
кўринишлари турли шаклда намоён бўла-
ди: кишиларни сўз орқали ранжитиш,

жисмонан озор бериш, ҳуқуқларини камситиш, ўзгаларни паст кўриш, илтифотсизлик, моддий нарсаларга зарар етказиш ва ҳ.к. Д. кўринишларига Низомулмулкнинг “Сиярул мулк” (“Сиёсатнома”) асарида яхши мисол келтирилган. Халифа Маъмун даврида иккита амири харрос (зиндон бошлиғи) мавжуд бўлиб, уларнинг иши жиноят қилган кишиларни жазолаш эди. Маъмун ўз надими (ходими) орқали уларнинг ишини текшириб шунга амин бўладики, улардан бири ўлимга маҳкум бўлганларга ҳам хушмуомалалик ва адолат б-н мун-тда бўлиб, айбини тан олаётган инсоннинг айбини енгиллаштириш, уларга гуноҳ юкламаслик, ҳатто қатлга маҳкумларга нариги дунёни ҳам чиройли кўрсатиб, маҳбусни хурсандчиликда ўз ихтиёри б-н жон таслим қилишига ёрдамлашади, иккинчиси эса баджаҳл, дилозор, ҳайбатли, кишиларнинг йўқ айбини ҳам бўйнига кўйиб, мажбуран тан олдириб, зиндонбанд қилиб юборадиган кимса бўлади. Унинг дастидан зиндон беайб кишиларга тўлиб кетади. Маъмун уларнинг яхшисини тақдирлаб, мукофотлаб, ёмонини вазифасидан озод этиб ҳайдайди. Низомулмулк ана шу мисол орқали яхши, хушмуомала инсон б-н дилозор кимсанинг фарқини кўрсатган. Д. баъзан инсон ўзи хоҳламаган вазиятда ҳам содир бўлади. Бундай ҳолларда Д. келтирган киши пушаймонлик ва виждон азобини ҳис этади. Агар Д.ни ихтиёр қилган киши ўз қилмишидан пушаймон бўлса, бу инсон феълени тўғри йўлга солиш мумкин. Аксинча, Д. феъл-атворида сингиб кетган инсонни ахлоқий метёрларга солиш, тарбиялаш амримаҳол. Д. кишиларни бир-биридан йироқлаштирибгина қолмай, унинг иш-фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода, Д.ка ҳар қандай вазиятда йўл қўймаслик оқил, фозил, тарбия кўрган кишиларнинг бурчидир.

ДИМОҒДОРЛИК — ўзини бошқалардан юқори кўйиб, ўзгаларни менсимаслик, калондимоғликни англатувчи т. Бундай кишилар ўзини ақлли, доно, би-

лимдон, баобрў деб билади, ўзига ортиқча баҳо беради. Улар нафақат ўзига, балки бошқа кишиларга ҳам наф келтирмайди, аксинча, ўзгаларнинг гашига тегади. Д. ўзб. халқи маъ-ятидаги шарқона ахлоқ-одоб метёрларига зиддир.

ДИН (араб. ишонч, ишонмоқ) — 1) ижт-й-маън-й ҳаёт ҳодисаси, илоҳий кучларга ишонч-эътиқод асосида шаклланган ғоя ва қарашлар тизими; 2) борлиқни яратувчи ва бошқарувчи олий мавжудот, яъни Худога нисбатан мун-т, тасаввур, урф-о. ва маросимлар мажмуи. Ибодат объектига кўра — жониворлар, руҳлар, жин-алвасти, бутлар, турли илоҳлар ва Аллоҳга сиғинувчи Д.ий таълимотлар бир-биридан фарқланади. Генезиси ва тарқалишига кўра, Д.нинг энг қад., миллий ва жаҳон Д.лари каби шакллари мавжуд. Ҳар бир Д. ўзига хос сиғиниш объекти ва расм-русум, ибодат, урф-о. ва ақидаларга эга. Д. ва Д.ий таълимотлар илоҳиётчилар (уламолар), атеистлар (Д.ни инкор этувчилар) ва Д.шунослар томонидан ўрганилган. Фанда Д.нинг пайдо бўлиши тўғрисида ягона фикр йўқ. Ислом Д.и таълимотига кўра, Д. — Аллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилиши зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Табиат ва инсонни яратган, айнаи вақтда инсонга тўғри, ҳақиқий ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимот. Фалда Д. — ижт-й-тарихий ҳодиса, кишилик жам-ти тар-ётининг муайян босқичида пайдо бўлган ижт-й онг шаклларида бири сифатида талқин этилади. Д.нинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод туйғуси ётади. Инсоният тарихида Д. турли шаклларда намоен бўлган. Д.нинг дастлабки кўринишлари *фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик* ва б.дир. Ш-дек, уруғ-қабилла Д.лари, миллий Д.лар (иудаизм, ҳиндуизм, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик), жаҳон Д.лари (буддизм, христианлик, ислом) вужудга келган. Ер куррасида энг кўп тарқалган, жаҳон халқларининг асосий қисми эътиқод қилувчи

жаҳон Д.ларига буддавийлик, христианлик ва ислом киради. Д. инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб ижт-й, маън-й, руҳий вазифаларни бажаради. Хус-н, у кишиларнинг ахлоқий ва маън-й қадриятлар, тарихий ва мад-й меросдан баҳраманд бўлишига хизмат қилади. Айни пайтда ҳар бир Д. турли урфо., маросим ва байрамлар орқали ўз қавми турмушини тартибга солиш, назорат қилиш, кишиларнинг маън-й-ахлоқий тарбиясини йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Ўз-н мустақилликка эришгач, Д.нинг мад-й-маън-й юксалишнинг қудратли омили сифатидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. И.А.Каримов Д. «...қўп асрлардан буён халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаш омили» бўлиб келаётгани, кишилар қалбига инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, раҳм-шафқат сингари фазилатларнинг илдиз отишига ундаётганини таъкидлайди.

ДИН ФАЛСАФАСИ – диннинг мазмун-моҳияти, ижт-й ҳаётдаги ўрнини тушунтиришга йўналтирилган фал-й билим соҳасидир. Дин ҳамиша фал-й таҳлил объекти бўлиб келган. Дин ҳақидаги фал-й қарашлар дастлаб муайян таълимотларда акс эттирилган бўлса, XVIII–XIX а.ларга келиб, дин фал.си алоҳида фан сифатида шаклланди. Бунда Б.Спиноза, Ф.Шеллинг, Г.Гегель, Л.Фейербах каби файласуфлар ҳамда Ф.Шлейермахер, Т.Гиль, С.Кьеркегор каби теологларнинг хизмати катта бўлган. Ҳоз. давр фал-й таълимотларида ҳам Д.ф. ўзига хос тарзда талқин ва таҳлил этилмоқда. Бундай ёндашувларда замонавий Шарқ фал-й таълимотлари, Фарб мактаблари (натурализм, материализм, экзистенциализм, прагматизм, позитивизм, аналитик фал. каби) таъсири катта. Ҳоз. вақтда Д.ф. ўз муаммолари, тадқиқот предмети ва объектига эга бўлган, нисбатан мустақил фал-й билим соҳасига айланди.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижа-

ноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жам-ти равнақи йўлида хизмат қилишини англатадиган т. Ҳоз. вақтда бу эзгу гоя нафақат диндорлар, балки жам-тнинг барча аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни назарда тутлади. Д.б. тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яхудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, мад-т марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари ўртасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу – юртимиз халқларининг Д.б. бора-сида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради. Ҳоз. вақтда мам-тимизда 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мам-т ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўз-н Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Маълумки, дунёдаги динлар асл моҳиятига кўра эзгулик гоясига асосланиди, кишиларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одиллона, оқиллона мун-тда бўлиш, ҳамиша яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатдир. Шундай экан, ҳақиқий диний қарашлар ортида Д.б. ётади. ЮНЕСКО Д.б муаммосига алоҳида эътибор бериб, 1995 йилни БМТнинг бағрикенглик йили деб эълон қилди. Ўша йили 16 ноябрда 185 давлат иштирокида Парижда Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси қабул қилинди. Мустақиллик йилларида мам-тимизда ҳам бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда республикаимизда икки мингдан зиёд ди-

ний ташкилот, шу жумладан, Ўз-н Мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозияти, Тошкент Ислон ин-ти, 10 та мадраса ва 2003 та масжид, Рус православ черкови, Тошкент ва Ў.О. Епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик черкови, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, тўлиқ Инжил христианлар маркази, Христиан семинарияси, Ўз-н Библия жам-ти, 162 та христиан черкови, 8 та яҳудий ва 8 та баҳрий жамоаси, 1 та Кришнани англаш жам-ти, 1 та буддист ибодатхонаси давлат рўйхатидан ўтган.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ — экстремизмнинг диний соҳада намоён бўлиш шакли. Д.э. муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи наз-я ва амалиётни англади. У намоён бўлиш кўламига кўра, ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Бундай қарашлар жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган, барча динлар доирасида ривожланган. Д.э. руҳидаги қарашларни буддизм, христианлик, ислом, католиклар, протестантлар, православлар орасида бирдай учратиш мумкин. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади диний давлатни барпо қилиш бўлиб, бунга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали яъни, қон тўкиш ва зўрлик б-н эришишни кўзлайди. Бу эса, давлат мустақиллигига ҳам, жам-т тар-ётига ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усулларни қўллашдан ҳам тап тортмайди. Бугунги кунга келиб нафақат ислом дунёси, балки бутун жаҳонда Д.э.нинг асл қиёфаси яққол намоён бўлиб бормоқда. Дунёда инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойиллар устувор бўлиб бораётган, қонун ҳамда халқаро ҳуқуқ қоидалари мам-тлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги мун-тларнинг асосий тамойилига айланаётган ҳоз. даврда Д.э.га қарши биргаликда курашиш, уни илдизи б-н кўпориб ташлаш, бу бо-

рада доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш бугунги кундаги энг долзарб вазифадир.

ДИНИЙ ҚАРАШ — илоҳий ва дунёвий т. ва тасаввурлар муштарақлигини ифода этувчи маъ-й қараш. Президент И.А.Каримов «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» тамойили асосида мам-тимиздаги турли диний эътиқод ва маслақдаги фуқаролар учун Ватан ягоналиги ғоясини илгари суради. Зеро, инсон ва маъ-ят, одам ва олам, макон ва замон ўртасидаги мун-тларни уйғунлаштириш замирида жам-тни бирлаштириш, барқарорлаштириш имкониятлари мужас-самдир. Шу тариқа турли эътиқодлар, хилма-хил қарашлар ва мун-тларни уйғунлаштириш концепциясини асослашга йўл очилади. Бунда жам-тни барқарорлаштириш масаласи инсоннинг маън-й-руҳий етуклиги ва комиллиги б-н боғлиқ ҳолда тушунилади. Диний-маъ-й қарашлар жам-т тар-ётининг муҳим омили даражасига кўтарилади.

ДИНИЙ ҒОЯЛАР — диний даъватлар, ақидалар, илоҳий қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуи. Улар турли динларнинг амал қилиш йўлини, мавжудлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Виждон эркинлиги, инсонларнинг ирқи, миллати, дини, насл-насаби, жинсидан қатъи назар, ўзаро тенглиги таъминланган, умуминсоний ғоялар кўплаб давлатлар ҳаётига сингиб бораётган ҳоз. даврда Д.ғ. ўзининг туб моҳиятини сақлаган ҳолда, одамзод ҳаёти, бахту саодати, тарбияси, маърифатида бир сўз б-н айтганда, руҳий покланиш, яхшилик ва эзуликка интилиб яшашда ғоят муҳим ўрин тутди. Диний бағрикенглик ғоясига таянган давлатларда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб, бир заминда яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Бу эса кишиларнинг бир замин, бир Ватан учун, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англади. Қуръони каримда келтирилган “Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз б-н та-

нишишингиз (дўст-биродар бўлишингиз) учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик”, деган калима Д.ғ.даги тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунаси. Ҳоз. замонда бу гоё эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жам-т аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутаяди, тинчлик ва барқарорликни мустақамлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

ДИНЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР — дин асосида юзага келган турли таълимотларга эътиқод қилувчи айрим кишилар, кичик ёки катта гуруҳлар ўртасидаги хилма-хил алоқалар. Бу ижт-й мун-тларнинг алоҳида тури бўлиб, унда динларнинг ўзига хос жиҳатлари: таълимоти, эътиқоди, ташкилотлари ва б. намоён бўлади. Турли динларга хос хус-ятлар, чунончи, ҳудудийлик (синтоизм) — асосан Япония ҳудудида тарқалган, индуизм — Ҳиндистонда, ислом, буддавийлик, христианлик барча қитъаларда; шаклланиш даври (иудаизм 3000 йилдан кўпроқ, христианлик 2000 йилга яқин, ислом ўн беш адан буён мавжуд) б-н боғлиқ жиҳатлар ҳам Д.м.га таъсир кўрсатган. Шахслараро диний мун-тлар кундалик ҳаётини фаолиятда намоён бўлади. Гуруҳий диний мун-тлар турли конфессия вакиллари ўртасидаги музокаралар, диний низолар ва ихтилофларда юзага келади; тинчлик вақтида ҳам муайян мам-т ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар орасида турли эътиқоддаги кишиларнинг, диний раҳбарларнинг тинч-тотув яшаш, ҳар қандай масалани муроса асосида ҳал қилиш борасида ўзаро мулоқот юритиши мумкин. Диний фаолиятнинг турли кўринишлари ўзига хос Д.м.ни юзага келтиради. Мас., ўз диний таълимотини ҳимоя қилиш ва б.ини танқид қилиш, бошқа эътиқоддагиларни ўзига оғдириш учун даъват қилиш жараёнида ҳам Д.м. намоён бўлади.

ДИННИНГ ИЖТИМОЙ ВАЗИФАСИ — диннинг жам-т ижт-й ин-ти сифатидаги таъсири, ўрни, фаолият доирасини ифодаловчи т. Дин жам-т, айрим гуруҳ ва шахслар ҳаётида ранг-баранг вазифаларни бажаради. Инсонга Худони ва

унинг пайғамбарларини танитиш; оламнинг диний манзарасини яратиш; табиат, жам-т ва инсоннинг моҳиятини тушунтириш; ягона эътиқодга эга диний гуруҳлар хатти-ҳаракатларини тартибга солиш; диний биродарликни мустақамлаш ва қўллаб-қувватлаш; турли диний эътиқодга амал қилувчиларнинг бир-биридан фарқларини қиёслаш; диний аҳкомлар, қоидалар, меъёрлар ва қадриятлар асосида онгни бошқариш (бу вазифалар нафақат эътиқод, ибодат соҳасида, балки инсон ҳаётининг бошқа соҳалари — оила, никоҳ, турмуш ва ҳ.к.га ҳам тааллуқлидир); турли диний таъсир этиш воситалари (фатволар, хабарномалар, рағбатлантириш ва жазо тадбирлари) ёрдамида диндошлар онгига фоний дунё ва боқий дунёдаги ҳаётнинг моҳиятини сингдириш; диндор шахс ёки гуруҳларни ўзгарувчан ташқи муҳитга мослаштириш; диний-ахлоқий ва эстетик қадриятларни, меъёрларни шакллантириш, диний гуруҳнинг баҳамжиҳатлигини таъминлаш; диндорларни диний қадриятлар, меъёрлар, кўрсатмалар, ахлоқий намуналар ва муайян динга хос бўлган хислат ва хус-ятларга ўргатиш, уларнинг ўзлаштирилишига эришиш; ёш авлодни аждодлар диний тажрибасидан баҳраманд этиш шулар жумласидандир. Диний ташкилотлар фақат диний вазифаларнигина бажариш б-н чекланиб қолмайди, балки дин азалдан маъ-ятимизнинг таркибий қисми сифатида кишиларни, шу жумладан, ёшларни маън-й-ахлоқий жиҳатдан баркамол, фақат эзгуликка интилиб яшайдиган етук инсон қилиб вояга етказишда беқийс аҳамиятга эгадир.

ДИСКРИМИНАЦИЯ (лот. *diskriminatio* — фарқлаш) — 1) маън-й ёки сиёсий камситишни англатадиган т.; 2) бирон-бир шахс, миллат ёки давлат ҳуқуқларининг бошқа давлат, миллат ёки шахс ҳуқуқларига нисбатан чекланиши. Демократик давлатлар қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда Д.нинг барча шакллари, жумладан, фуқаролар ҳуқуқларини миллати, ирқи, жинси, дини сабабли амалда ёки юридик жиҳатдан камситиш-

га йўл қўйиш тақиқланади. Ўз-н Конституцияси ва давлатимиз қонунларида барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган ва мам-тимизда Д.нинг ҳеч қандай кўринишига йўл қўйилмайди. Тарихда дунёнинг турли минтақаларида мавжуд бўлган Д. ҳолларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мас., АҚШда қулчилик Американинг олтинчи Президенти Авраам Линкольн томонидан бекор қилинганлигига қарамай, қора танли фуқароларни ирқига кўра камситиш ҳоллари ХХ а.нинг 60-йилларидагина барҳам топган. Д. ўз моҳиятига кўра, инсон кадр-қимматининг камситилиши, ҳаётий режаларининг барбод қилиниши туфайли унинг маъ-яти емирилади, муносиб ҳаёт кечирishi хавф остида қолади. Ш.у. ҳам 1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида инсон ҳуқуқларини унинг миллати, дини, жинси ва ирқига кўра камситиш тақиқланган. Бу ҳужжат инсоният учун улкан галаба бўлди, зеро, у тарихнинг кўплаб даврларида юз берган Д.нинг турли шакллари тўлатўкис бартараф этиш, инсон зоти бу жирканч ижт-й иллат туфайли чеккан заҳматларига чек қўйиш эҳтиёжларидан келиб чиққан эди. Ўз-н ҳам жаҳон ҳамжам-тининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ушбу ҳужжатни қабул қилган. Ўз-нда ирқи, жинси, миллати, ёши ва ижт-й келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги қонун б-н қатъий белгилаб қўйилгани мам-тимизда бунёд этилаётган демократик давлат ва фуқаролик жам-тининг инсонпарварлик тамойилларига тўлиқ мос келишини кўрсатади.

ДОГМАТИЗМ, ақидапарастлик (юн. *dogma* – фикр, таълимот) — бирор бир фикр, таълимотга, муайян оқим тарафдорларига, ақидаларга кўр-кўрона ишониш, эскирган, қотиб қолган бир томонлама наз-я ва қонун-қоидаларга, ақидаларга асосланган тафаккур тарзини ифода этади. Муайян ақидани кўр-кўрона қабул қилиш ва унга ишониш Д. тарафдорларининг асосий тамойилидир. Улар амали-

ёт, илм-фан ютуқлари натижасида ҳақиқат тобора ойдинлашиб, муайянлашиб боришини ҳис қилмайди. Уларнинг назарида, т.лар, наз-ялар, гипотезалар, қонунлар ўзгармасдир. Агар биз билишнинг бирор бир томонини мутлақлаштириб, унга ортиқча баҳо берсак, Д. томон йўл тутган бўламиз. Д.ни ёқловчилар ўз фал-й қарашлари б-н билишнинг объективлигини, ҳақиқат билишнинг асоси эканини ҳамда объектив олам тўғрисида билимнинг ривожланиб, кенгайиб боришини инкор этади. Бу б-н нисбий ҳақиқатнинг ролени камситиб, мутлақ ҳақиқатни билишнинг бирдан-бир босқичи деб ҳисоблайди. Д.нинг хилма-хил шакллари мавжуд: сиёсий, илмий, диний ва ҳ.к. Улар ижт-й ҳаётда илм-фан, иқт-й, сиёсий ва маън-й соҳаларда ўзига хос тарзда намоён бўлади, ҳар қандай ҳолатда ҳам муайян ғояни мутлақлаштириб, тар-ётга тўсиқ бўлиб қолаверади. Мас., айрим диний ақидапарастларнинг инсоният тар-ётининг муайян даврида пайдо бўлиб, емирилиб кетган мусулмон халифалигини тиклашга уринишлари Д.нинг энг ашаддий кўринишларидан биридир. Бундай бузғунчи ғояларнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаолари ҳақида тўхталиб, Президент И.А.Каримов бундай деган эди: **«Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало бугун биз ХХI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак... Ахир, ҳаммамизга маълум: тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди-ку! Шу нуқтаи назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ҳеч қандай ақлга сигмайдиган афсона, десак, асло муболага бўлмайди».**

ДОКТРИНА (лот. *doctrina* – таълимот) — муайян тизимга келтирилган (одатда фал-й, сиёсий ёки мафкуравий характердаги) таълимот, таркибий қисмлари бир-бири б-н чамбарчас боғланган концепция, тамойиллар йиғиндиси. Таълимот, концепция ва наз-я т.ларидан фарқли ўлароқ, Д. одатда схоластик ва догматик

характерга эга бўлган қарашлар тизимини ифодалашда қўлланилади. Мас., муайян давлатнинг сиёсий мақсад-муддаоларини, режа ҳамда интилишларини ифодалайдиган наз-й-амалий ёндашув, қарашлар йиғиндиси сиёсий Д. деб юритилади.

ДУАЛИЗМ (лот. *duo* — икки ёклама) — моддий ва маън-й асосларни тенг ҳуқуқли деб ҳисоблайдиган таълимот. Фал. тарихида Д.нинг энг йирик вакиллари дан бири француз файласуфи Р.Декарт эди. У икки асос: моддийлик ва маън-йликнинг ёнма-ён равишда мавжуд бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, чексиз ва абадий бўлган табиат инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади ва ривожланади. Немис файласуфи И.Кант ҳам дуалист бўлиб, унинг фикрича, идеал нарса б-н (инсон онги б-н) бир қаторда ҳодисаларнинг объектив асоси бўлган “нарса ўзида” ҳам мавжуддир, лекин “нарса ўзида”ни билиб бўлмайди. Ҳоз. даврда Д. психофизик параллелизм наз-яси учун манба сифатида хизмат қилмоқда. Ш-дек, Д. гностицизмнинг (билиш наз-яси) асосий йўналиши бўлиб, бу оқим тарафдорлари моддий ва руҳий дунё ўртасида мустаҳкам чегара мавжуд, деб таъкидлайди. Хуллас, Д. қадимий ғоя ва қарашлар мажмуи бўлиб, моддий ва маън-й асослардан бирининг мутлақлаштирилишига қарши таълимот ҳисобланади.

ДУНЁ (араб.) — 1) инсонни қуршаб турган моддий ва маън-й борлиқ; 2) космик фазодаги материянинг барча кўри-нишлари; 3) коинот, юлдузлар олами; 4) Ер, Ер юзи, Ер шари, Ер шарига аҳоли; 5) кишилик жам-ти (жамоа), ижт-й муҳит, инсон фаолият кўрсатадиган макон, тузум; 6) ҳаётнинг, нарса ва ҳодисаларнинг айрим соҳалари, борлиқнинг бирор белгиси б-н бирлашган бўлаги; 7) бутун олам, бутун жаҳон, Д.даги барча одамлар, халқлар; 8) кишининг ички, руҳий ҳаёти ва у б-н боғлиқ ҳодисалар мажмуи; 9) Д.вий, ҳақиқий ҳаёт.

ДУНЁВИЙ ҒОЯ — 1) диний қарашлардан фарқ қиладиган муайян ғояларни ифодалаш учун қўлланадиган т.;

2) жам-т ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуи. Бу ғояларни мазмун-моҳиятига кўра, умуминсоний, илмий, фал-й каби бир неча турларга бўлиш мумкин. Д.ғ.лар маълум бир миллат, давлат, халқ ва жам-т эҳти-ёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатларини амалга ошириш тамойилини ҳам ўзида мужассамлаштиради, дунё мам-тларининг рив-ш йўлини белгилаб олишга доир долзарб ғояларни ташкил этади. Ўз-нда бу ғоялар асосан миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойиллари ва б. ҳаётий ҳақиқатлар сифатида намоён бўлмоқда. Д.ғ.лар адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик руҳини, тар-ёт йўлидаги олижаноб мақсад-муддаоларни ифода этиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Улар ҳурфикрли, мутелик ва жур-атсизликдан холи бўлган, билими ва кучига ишониб яшайдиган, ўзининг мустақил қарашларига эга бўлган кишилар жам-тининг ғояларидир. Ш.у. ҳоз. вақтда демократик, умуминсоний мазмундаги ғоялар, ирқи, миллати ва жинсидан қатъи назар, инсонлар, кўплаб мам-тлар ҳаётига чуқур кириб бориб, уларнинг асосий ғояларига айланиб бормоқда. Демократия асосида шакллантирилган ижт-й бағрикенглик ва адолат ҳам унинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бу ғоялар дунёвий давлатдаги турли миллат ва дин вакиллариининг эркин фаолияти, ҳамжиҳатлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди. Ҳоз. кунда Д.ғ.лар эзгулик йўлида бутун жам-т аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутати, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ДУНЁВИЙЛИК — инсоннинг маън-й мезонларни дунёга нисбатан ўлчаб яшашини англатадиган т. Ҳадиси шарифдаги “Сизларнинг яхшиларингиз дунёни деб охиратни, охиратни деб дунёни унутмаганларингиз” деган ҳикматнинг мазмун-моҳиятини англаб, ҳаётга татбиқ этиши, дунё ва охират ишини уйғунлаштириши, дунё охират эканзори, охират учун амалиёт манбаи эканини тушуниш тамойили мўътадил йўлдир.

ДУНЁВИЙЛИК – ДАҲРИЙЛИК ЭМАС — Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ибора бўлиб, у фоний ва боқий дунёнинг маън-й-руҳий жиҳатдан уйғунлигини ифода этади. Улуғ аждодларимиз азалдан дунё ва охиратнинг ўзаро муштарик ҳолда тасаввур этганлар. Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида таъкидланганидек, “Охиратни ўйлаб дунёни, дунёни ўйлаб охиратни эсдан чиқарманглар”, зеро дунё охират зироатгоҳидир, дунёни обод қилган кишининг охирати ҳам обод бўлади. Шу н. назардан қараганда, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Даст ба кору дил ба Ёр” (Қўлинг ишдаю, қалбинг эса Аллоҳ б-н бўлсин) шиорида ҳам айнан шу мазмун, яъни дунё ва охират ишларини барабар, бирга олиб бориш маъноси мужассам. Даҳрийлик — бу Худонинг борлигига шак келтириш, ишонмасликдир, дунёвийлик эса Аллоҳга имон келтирган ҳолда, уни қалбда сақлаб, Яратган инъом этган ақл-заковат, билим ва тажрибани ишга солиш, эл-юртни обод қилишга ҳисса қўшиш, халқнинг ҳурматини қозонишдир. Зеро, “Халқ рози бўлса, Холиқ рози бўлади”, дейди улуғ мутафаккиримиз Алишер Навоий. Шу каби халқимизнинг “Бекордан Худо безор”, “Сендан ҳаракат — Худодан баракат” деган ажойиб иборалари бор. Шу маънода узлатга чекиниш, назру ниёз ҳисобига кун кўриш, тиланчилик б-н шуғулланиш Худого ёқмайдиган одат. Бу художўйлик эмас, балки текинхўрликдир, Нақшбанд ҳазратлари ибораси б-н айтганда, “бировларга юк бўлишдир”. Ҳолбуки, ҳақиқий диндор, эътиқодли киши одамлар ҳожатини чиқариши, ҳожатмандларнинг юкини енгил қилиши, саховатли бўлиши лозим.

ДУНЁНИНГ ИЛМИЙ МАНЗАРАСИ — дунёнинг ташкил топиши, ўзгариши ва рив-ши масалаларини ўз ичига оладиган илмий, наз-й, фал-й қарашлар, билимлар тизими. У турли фанларнинг ютуқлари асосида шаклланиб, дунёнинг яхлит тимсоли ҳақида тасаввур берадиган илмий билимлар мажмуидир. Дунёнинг фал-й, мифологик, диний ва мум-

тоз, илмий манзараси т.лари ҳам мавжуд. Дунёнинг диний манзараси оламнинг Худо томонидан яратилгани, илоҳий кучлар таъсирида рив-ши ҳамда боқий дунё мавжудлигини эътироф этади. Айрим файласуфлар Д.и.м.ни ҳақиқий билимлар тизими, объект ҳақидаги мукаммал концепция сифатида идрок этади. Гносеологик н.назардан Д.и.м. объектив реалликнинг фан томонидан ўзлаштирилган умумий тимсолидир. Методологик н.назардан Д.и.м. илмий тафаккур рив-шининг муайян босқичида қўлланадиган т.лар тизими, концептуал аппарат сифатида тушунилади. Д.и.м. системалаштирилган билимнинг олий даражаларидан биридир. У барқарор фундаментал тамойиллар ва тасаввурлар йиғиндисини ифода этиб, фан тар-ёти даражасига мос ягона билим тизимини яратади, айна пайтда илмий билим ривожининг якуни ва янги билимлар учун наз-й асос бўлиб хизмат қилади. Д.и.м. моддий оламни ифодаловчи илмий билимлар тизими сифатида намоён бўлади. У икки тамойилга — ягоналик ва тар-ёт тамойилига асосланади. Ягоналик тамойилининг ўзига хос хус-ятлари: 1) Д.и.м. билишнинг наз-й даражасида акс этиб, табиатнинг яхлитлигини ифода этишида намоён бўлади; 2) Д.и.м. яхлит манзараси ва наз-й билимларнинг асосини инсон тажрибаси ва оламнинг объектив бир бутунлиги ташкил қилади; 3) инсон томонидан объектив оламнинг бир бутун, яхлит моделининг яратилиши, унинг фикрлаш фаолияти ва психикаси табиати б-н боғлиқ. Тар-ёт тамойили бўйича, Д.и.м.ни мукаммал ўрганиш бир бутунлик ва тар-ёт тамойилларининг узвий боғлиқлиги маҳсулидир. Д.и.м. ўзига хос билимлар тизими сифатида фаннинг турли соҳаларидаги хусусий, илмий ёндашув ва қарашлар ёрдамида шаклланади ҳамда ривожланади.

ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ — жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро мун-тлари б-н боғлиқ ҳолат, хус-ят ва фаолиятини яхлит тарзда акс эттирувчи

т. Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва давлатлар, миллат ва халқлар тарихий шартшароит, жўғрофий жойлашуви, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга. Ҳоз. давр — дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр. Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлиши шубҳасиз. Жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар мавжуд бўлиб, уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, дин ва диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзаро фарқланадиган, баъзан бир-бирига зид бўлган манфаатларга эга. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижт-й гуруҳлар онгига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради. Бундан кўзланган асосий муддао эса муайян жойдаги кишиларга иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилишдир. Бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадга олиб келмаганда бошқа мам-тларнинг ички ишларига аралаштириш, мавжуд вазиятни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли б-н бўлса ҳам, ижт-й беқарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илгор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тар-ёт, инсон ва жам-т камолотига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир. Шу б-н бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳоз. даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Хус-н,

турли шаклларда намоён бўлаётган террорчилик кучли моддий асосга эга бўлиб, мафкуравий хавфи ортиб бормоқда. Бундан ташқари, эътиқод умумийлигига асосланиш (мас., панисломизм), этник бирликка урғу бериш (мас., панславизм, панэронизм, пантуркизм) ва ягона ижт-й-иқт-й ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқлик асосида (мас., пансоветизм) якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш ва шу йўл б-н жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Лекин булар бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни тўла-тўқис акс эттира олмайди. Чунки глобаллашув шароитида бу жараёнлар янгича тус ва шаклларда намоён бўлиб, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб бормоқда. Бундай таҳдидларнинг хатарли жиҳати шундаки, И.А.Каримов таъбири б-н айтганда, “... агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин”. Ш.у. Д.м.м.да юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини теран англаш, таҳлил этиш ва зарур хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

ДУНЁҚАРАШ — 1) инсон маъ-ятининг муҳим таркибий қисми, олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизимини англатадиган т.; 2) фал-й категория. Д. инсоннинг моҳияти, оламга мунти, дунёдаги ўрни, ҳаёт йўли, ўзлигини англашга хизмат қиладиган қарашлар тизимидир. Маън-й тарбиянинг бош мақсади соғлом ақл, эркин тафаккур ва унинг ривожига мос келадиган Д.ни яратишдир. Барча табиий фанлар дунёнинг илмий манзарасини акс эттирса, ижт-й фанлар воқеликнинг ижт-й-тарихий, ғоявий-мафкуравий манзарасини яратади. Д. “дунёни тушунтириш”, “дунёни ҳис қилиш”, “оламни идрок этиш” каби т.лар б-н маънодошдир. У мафкура б-н узвий алоқадор. Чунки мафкура ўзлигимизни,

муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, жам-тимиз олдидаги олий мақсад ва вазифаларни ифода этади, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларини бирлаштириб, буюк мақсадлар сари чорлайди, ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялайди, уларнинг соғлом Д. ва мустақил иродага эга бўлишига хизмат қилади. Шу маънода, “мафкура”, “маъ-ят” ва “Д.” т.лари бир-бири б-н узвий боғлиқ бўлган, бир-бирини тўлдирадиган т.лардир. Зеро, мустақил фикр, соғлом Д., мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга, маън-й жиҳатдан баркамол инсонгина мам-тимизда эркин, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жам-ти қуриш жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, юртимиз тар-ётига тўсқинлик қилаётган ҳар қандай тазйиқ ва таҳдидларга бардош бериши мумкин.

ДУНЁҚАРАШНИНГ ЎЗГАРИШИ – мустақиллик йилларида жам-тимиз маън-й ҳаётида рўй бераётган ўзгаришни ифода этувчи, кишиларни ягона мафкура таъсиридан, унга асосланган қарашлар ва тамойиллардан халос бўлиши, воқеа ва ҳодисаларга мун-тда фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги асосида англгича ёндашувнинг қарор топишини англлатувчи т. Д.ў. ижт-й-маън-й ҳаётдаги ўзгаришлардан айри ҳолда шаклланмайди. Жам-тнинг бир боқичдан иккинчисига ўтиши нафақат иқт-й, сиёсий, балки ижт-й-маън-й ўзгаришларни ҳам тақозо этади. Мас., мустақиллик йилларида тарихан қисқа вақт ичида мустабид тузум давридаги мафкуравий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчилик асослари яратилди, ҳокимиятнинг замонавий тизими ташкил этилди, ижт-й ва фуқаролик ин-тларининг фаолияти йўлга қўйилди, эркин бозор мун-тлари шакллантирилди, энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг фикрлаш тарзи ва дунёқараши ўзгарди. Истиқлол даврида кишилар дунёқараши ва тафаккурида юз берган ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлади: Ўз-ннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида

қайғуриш; ўзи, ўз халқи, Ватанининг қадр-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш; юксак ғоялар, янги-янги кашфиётлар, эзгу ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этиш ва ҳ.к. И.А.Каримов таъбири б-н айтганда, бу – ўз нонини ҳалол меҳнат б-н топадиган, холис ва эзгу ишлари б-н эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги кун лаззатлари, балки, охират ҳақида, унинг ободлиги ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос қарашлардир. Бошқача айтганда, онгли яшайдиган, мантиқий фикрлашга қодир бўлган, ўз қарашларининг маъно-мазмунини ҳар томонлама асослаб бера оладиган, билим ва дунёқарашини бойитиб борадиган одамгина жам-тимиз олдида турган эзгу мақсадларнинг амалга оширилиши, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этилишига муносиб ҳисса қўша олади.

ДЎЗАХ (форс. жаҳаннам) — жаҳонда тарқалган диний таълимотларга кўра, диний талабларни бажармаган, эътиқоди суст, гуноҳқор бандалар охиратда жазоланадиган жойни англлатувчи т.; жаннатнинг зидди, унга қарама-қарши мазмунни ифодаладиган атама. Қад. динларнинг Д. ҳақидаги тасаввурлари ўша давр одамларининг ҳаётда ёмонлик, ёвузлик қилишдан қайтариб, кўпроқ яхшиликка интилишга чорлаган. Миллий динлар, айниқса, жаҳон динлари: буддавийлик, христианлик ва исломнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши б-н уларнинг таълимотларида “Д.” ва “жаннат” т.лари кенг ва батафсил ўз ифодасини топган. Бу диний таълимотларга эътиқод қилувчилар тасаввурида “Д.” т.си чуқур мазмунга эга бўлиб, диндорларни гуноҳ ишлардан қайтариш, яхши савобли ишларни кўпроқ бажаришга чорлайди.

ДЎСТЛИК – кишилар ўртасида юксак маъ-ят тамойиллари асосида шаклланадиган, ўзаро аҳиллик ва яқинликни англлатувчи т. Д. – умумий манфаатлар, ўзаро ишонч ва чуқур ҳиссий мун-тларга

асосланган туйғу. Д. қадрият сифатида ижт-й ҳаётда ва шахслараро мун-тларда намоён бўлади. Д. мун-тлари норасмий, «ёзилмаган» қоидаларга асосланади. Бундай мун-тлар ҳар бир инсондан самимийлик, очиқлик, ўзаро иншонч, ҳаққонийлик, хайрихоҳлик фазилатларини намоён этишни талаб қилади. Агар ўзаро мун-тлар бундай фазилатларга асосланмаса, Д. ҳақида эмас, балки юзаки мун-тлар ҳақида сўз боради. Д. да беғаразлик, доимо ёрдамга тайёрлик ва ҳамкорлик асосий мун-т шакллари сифатида намоён бўлади. Д. шахс учун қийин ва мураккаб вазиятларда бошқа инсон манфаатларини ўйлаш, ўзига талаб қилишдан кўра бошқаларга беришга мойил бўлишдир. Д. ўз моҳиятига кўра, инсоннинг ижт-й мавқеини кўтаради. Турли ёш ва жинсга мансуб кишилар ўртасидаги Д. ҳисси ўзига хос тарзда намоён бўлади. Хус-н, ўсмирлик, йигитлик даврида ўғил болаларда Д. ҳисси ва Д. ка бўлган эҳтиёж кучаяди, аста-секин, ёш ўтиши ва инсоннинг ижт-й фаолиятга чуқур кириб бориши, оила қуриши ва шахсий ҳаётида бошқа аҳамиятли инсонларнинг пайдо бўлиши оқибатида ундаги Д. ҳисси ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради. Инсонда Д. ҳиссининг шаклланиши ва намоён бўлиши асосида атрофдагилар б-н мулоқотда бўлиш ва ҳамкорлик қилишга мойиллик ётади. Шахснинг бундай хислатлари эса ёшлик давридан, оилавий муҳит таъсирида шаклланади. Шаклланаётган инсон Д. орқали ўз жинс гуруҳига хос бўлган ижт-й меъёрларни, янги мун-т турларини ўзлаштиради. Шу б-н бирга, Д. инсонга маълум жиҳатдан ўзининг ички, шахсий борлигини намоён қилиш имконини беради. Чунки ўз ички дунёсини очиш орқалигина инсон ўз-ўзини англаши ва бунинг оқибатида шахсий комилликка эришиши мумкин. Бошқа томондан эса, Д. мун-тларини ўрнатиш ва ўзаро дўстона мун-тлар орқали инсон ўзида мавжуд бўлмаган айрим томонларини ўз дўстларида кўради, унинг шахсида учрамайдиган айрим хислатларни бошқаларда кузата бошлайди. Шу жиҳатдан қараганда, Д. шахс шаклланишида катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бошқалар йўл қўйган

хатоларни кўра олиш ёки дўстларига хос бўлган ижобий хислатларга тақлид қилиш орқали инсон янада рив-шга асос топа олади. Д. халқимиз, миллатимиз дунёқараши, эътиқоидида мустаҳкам ўрин эгаллаган ижт-й ҳодисадир. Шарқ мутафаккирлари Д.ни, одамлар ўртасидаги яқинликни, “бир ёқадан бош чиқариб, аҳил яшаш”ни доимо тарғиб этиб келганлар. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида турли миллат вакиллари ўртасидаги биродарлик ва Д.ни, ўзб. халқининг азалдан халқпарвар ва дўстпарвар бўлиб келганини юксак маҳорат б-н тасвирлаган. Бу достонда Д. инсонийликнинг асосий белгиларидан бири сифатида талқин этилади. Д., садоқат, севги ва вафо жой ва миллат танламаслиги Фарҳод, Шопур ва Ширин тимсолида акс эттирилади. Фарҳод ва Шопур ўртасидаги абадий Д. уларнинг фикрий ва маън-й муштгараклиги, эл-юрт, Ватанига муҳаббати ва садоқати, тенгсиз жасорати ва мардлигига асосланади. Ҳақиқий Д.ни донишмандлар икки вужуддаги битта қалб, дейишган. Ўртадаги эътиқод ва маслак бирлиги одамни одамга яқинлаштиради. Халқимизда “Дўстсиз киши — қўлсиз киши” нақли кенг тарқалган. Бу ҳикматга амал қилган киши доимо дўст орттириш ва уларга садоқатли бўлишга ҳаракат қилади, дўстлари, тенгдош биродарлари б-н одоб юзасидан муомалада бўлади, Д. ришталарининг узилишига йўл қўймайди. Д. инсоннинг нафақат шахсий ҳаёти, балки ижт-й мавқеини мустаҳкамлашда ҳам асосий омиллардан биридир. Инсонлар ўртасидаги Д. ҳатто ўзаро адоватда бўлган халқларни ҳам яқинлаштиргани тарихдан маълум. Шу жиҳатдан Д. нафақат алоҳида шахслар, балки халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги самимий, беғараз мун-тларнинг ўрнатилиши ва рив-шида беқиёс аҳамият касб этади ва дунёда тинчлик ҳамда ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

ДУЎСЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ — ижт-й мун-тларнинг инсонлараро, давлатлараро ва тамаддунолараро алоқаларда намоён бўладиган, уларнинг узвий-

лиги ва барқарорлигини таъминлайдиган маън-й омил. Дунёдаги кўплаб халқларнинг миллати, диний эътиқоди, дунёқараши, турмуш тарзидаги тафовутларга қарамай, ижт-й тар-ётга эришгани Д.ҳ.р. б-н белгиланади. Шу боис бутунги таҳликали ва қарама-қаршиликларга тўла дунёда ижт-й мун-тларнинг барча жабҳаларида айнан шу азалий омилнинг қарор топишига жиддий эътибор қаратиш зарур. Илмий н.назаридан дўстлик, инсон қалбидан чуқур жой олган туйғу сифатида шахсларо мун-тларнинг барча жабҳаларини қамраб олиши қийин бўлса, ҳамкорлик омили ўз хус-ятига кўра, ижт-й мун-тларнинг барча жабҳаларида ифодаланади. Шу маънода, бу икки

омил бир-бирини тўлдириши, бойитиши, бир-бирининг ўрнини босиши мумкин. Мас., мун-тларнинг барча турларида (шахсларо, гуруҳларо, давлатларо ва б.) дўстлик руҳининг устуворлигига эришиш қийин бўлгани сабабли, кўпинча ўзаро манфаатдорлик маҳсули — ҳамкорлик омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Д.ҳ.р.нинг ўзаро уйғунлашувига эришиш учун ижт-й мун-тлар тизимини такомиллаштириш б-н бирга, уларнинг маън-й қадриятлар тизими б-н муштараклигини таъминлаш лозим. Турли даражадаги ижт-й жараёнлар ва мун-тлар маън-й қадриятлар негизига таянган тақдирдагина Д.ҳ.р.нинг жонланиши, ривож ва такомиллашувига имконият туғилади.



ЕНГИЛТАКЛИК — 1) инсонга хос салбий хус-ят, хислат, хатти-ҳаракат; 2) оқибатини ўйламай иш қилиш; 3) одоб доирасидан чиқиш, одоб-ахлоққа зид қилиқни англатади. **Е.** ҳар қандай жинс ва ёшдаги кишиларга хос хус-ят бўлиши мумкин. Одатда, бирор киши ноҳўя иш қилиб кўйганда “**Е.** қилма”, дея танбеҳ берилади. Киши **Е.**дан тийилсагина бошқа яхши хислатларни ўзида намоён этади. Бунинг учун эса у яхши тарбия олган бўлиши лозим. **Е.** ва энгил ўйлаш оқибатида не-не орзу-умидлар б-н қурилган оилалар бузилиб кетади, бўлғуси касбкорини танлашда **Е.** б-н ёндашган одамлар умр бўйи азият чекади. **Е.** оқибатида ака-ука, қариндош-уруғ, дўстлар ва яқинлар ўртасига совуқчилик тушиши, баъзи одамлар бир умрга ёмон отлик, шарманда, бевурд бўлиб қолиши мумкин. **Е.**ка қарама-қарши бўлган сўз шарм-ҳаёидир. Шарм — ноҳўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадислардан бирида айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак. Чунки ноҳўя қилми-

ши учун ўзидан уялган одамгина бошқаларга ҳам ноҳўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Қад. аждодларимиз азалдан **Е.** хислатини қоралаб, ҳар ишда оғир-вазмин, мушоҳадали бўлиш, ўйлаб иш тутиш лозимлигини таъкидлаб келган. Айниқса, сиёсий соҳада **Е.**, калта ўйлаш жиддий оқибатларни келтириб чиқариши, кўплаб инсонларни азоб-уқубатга дучор этиши мумкинлиги тарихда кўп бор исботланган.

ЕТИМ(ЛИК) — ота-онасиз қолган болалар ҳолатини ифода этадиган иж-й т. **Е.**, яъни ўз оиласидан, яқинларидан вақтинча ёки бутунлай маҳрум бўлган ёхуд муайян сабабларга кўра, ота-онасидан ажралган давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлади. Шарқда азалдан **Е.**-есирларга ғам-хўрлик қилиш, уларнинг бошини қилаш, меҳр-оқибат кўрсатиш юксак қадрият сифатида эъзозлаб келинади. Мустақиллик йилларида яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат каби муқаддас т.лар қарор топиб бораётган давлатимизнинг, кўплаб

ватандошларимизнинг хайрли, савобли ишларида, хус-н, Е. болаларни моддий ва маън-й жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хатна тўйларини ўтказиш, ўқиш ва оила қуришига қўмаклашиш, жам-тда ўз ўрни-

ни топишга ёрдам бериш каби амалларда намоён бўлмоқда. Бу ҳол жам-тимизнинг инсонпарварлашуви, мам-тда инсон ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият эканидан далолатдир.



ЁВУЗЛИК — маъ-ят тамойиллари ва талабларининг бузилишидан ҳосил бўладиган, адолат ва инсонпарварлик тамойиллари ва талабларига қарши жиноятни, фаолият ва хус-ятни англаувчи т. Ўзининг оқибатига кўра, ижт-й ёмонлик, мотивига кўра, ижт-й бузилишни ифодалайдиган жараён ва хатти-ҳаракатдир. Мас., Американинг истило этилиши натижасида туб аҳоли бўлган ҳиндуларнинг қириб юборилиши, кейинроқ африкалик минглаб кишиларнинг қуллик азобига солиниши, Иккинчи жаҳон уруши даврида миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қириб юборилиши, собиқ иттифоқ давридаги қатағон қилиш сиёсати Ё.нинг яққол мисолидир. Ё. эзгуликнинг зидди, ахлоқий бузилиш ва маън-й жаҳолат шаклларида биридир. Ё.нинг мазмуни хилма-хил тарзда намоён бўлиши мумкин: тинч аҳолини қиргин қилиш, бегуноҳ одамларни қириб юбориш, одам савдоси, террорчилик, қотиллик, ўғрилик, алдамчилик, иккиюзламачилик, сотқинлик, мунофиқлик ва б. Уни, одатда, иккига ажратадилар — махсус тайёрланган, яъни ўйлаб қилинган ёки ўйланмаган. Ё. эзгуликни инкор этибгина қолмайди, балки ундан бутунлай фарқ қилади. Улар ўртасидаги мун-т яхшилик ва ёмонликнинг кураши каби абадий кураш сифатида намоён бўлади. “Ё.” т.сининг яна бир ўзига хос томони шундаки, унинг ёрдамида инсоннинг тубанлиги, ғайриахлоқий фаолияти аниқ кўринади. Чунончи, Чингизхон, Гитлер ёки Сталини ёвуз инсонлар дейилиши бежиз эмас. Илм-фанда ҳозирга қадар “Ё.” т.си мезоний т.лар қаторига киритилмаган, у фа-

қат ёмонликка маънодош т. тарзида таҳлил этиб келинган. Ё.нинг кўпгина жиҳатлари ёмонликдан, ёмонликнинг баъзи элементлари Ё.дан жой олишини, “сингиб кетиши”ни инкор этиш қийин. Аммо Ё. ва ёмонлик айнан бир нарса, бир хил т.лар эмас. Улар ўртасида муайян фарқ мавжуд: Ё. ижт-й хус-ятга эга, ёмонлик эса, асосан, шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган салбий ҳодиса. Мас., ёлгончилик ёмонликдир, жаҳолат эса — Ё., чунки ёлгончилик ўткинчи хус-ятга эга. Демак, ёмонликни Ё. б-н айнийлаштириш хато. “Ё.” т.сини англаш кишиларни эзгуликни қадрлашга даъват этади, уларни маън-й баркамолликка ундайди.

ЁЛҒИЗЛИК — инсоннинг узлатдалигини, бошқалардан ажралиб қолганини, жамoadан четлашганини (ўзини ўзи четлатганини) ифодаловчи ҳолат, кечинма, шахсий ҳиссиёт. Бундай вақтда шахс ижт-й алоқа ва мун-тлардан бутунлай ёки қисман четлашади, унинг ички дунёсида бошқалардан узоқлашиш юз беради. “Ё.” т.си кўп маъноли бўлиб, ижт-й-фал-й, руҳий, социологик ифодаларга эга. Психология н.назаридан Ё. турли руҳий ҳолатлар (депрессия, иложеиз қолишлик, издан чиққан хулқ-атвор, тўлақонли эмаслик) туфайли юз беради. Фал-й маънода Ё. ижт-й сабаблар б-н ифодаланади: бегоналашиш, ижт-й адолатсизлик оқибати инсон дунёқараши ва жам-т ҳаётининг зиддиятлилиги натижаси сифатида намоён бўлади. Ёлғиз киши муайян «вазият қурбони», ижт-й ажралганлик натижаси,

шахсий эгоизм ва ўзини бошқалардан устун қўйиш сифатида таърифланиши ҳам мумкин. Ё. муаммосининг социологик талқини ҳам ҳар хил. Ёлғиз киши бирор ижт-й гуруҳ (оила, бошланғич жамоа, у ёки бу гуруҳ)да ўзаро алоқаларнинг сусайгани, мун-тлар мазмуни ўзгаргани ва ҳ.к. натижаси сифатида талқин этилиши мумкин. Умуман, социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ё. муаммосида алоҳида шахс ва ижт-й гуруҳлар алоқасининг бирон-бир шаклдаги тавсифи ўз аксини топади. Инсоннинг истеъдоди, қобилияти ва имконияти ҳисобга олинмаган ёки эътироф этилмаган ҳолларда баъзи кишилар атайлаб ёлғиз бўлишни хоҳлайди ва унга бирон бир тарзда эришишлари ҳам мумкин.

ЁЛҒОН — жам-тда, кишилар ўртасидаги ўзаро мун-тларда намоён бўладиган салбий иллат. Ё. сўз азалдан барча халқлар томонидан туҳмат, бўҳтон, чақимчилик, манманлик, қўрслик, қўрқоқлик, бепарволик сингари ўта жирканч иллатлар сифатда қораланиб келинган. Ё. сўз, Ё. хабар жам-тда ҳам, маҳаллада ҳам, оилада ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши, кишилар орасига нифоқ солиши, оилаларнинг бузилишига, мам-тда парокандаликнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, ахборот-коммуникация воситалари, техника ва технологиялар тараққий этган ҳоз. даврда Ё. хабарнинг қанчалик машъум, бузғунчи роль ўйнаши, халқаро мун-тларда алғов-далғовларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Ё. сўз, Ё.чилик, Ё. хабар ўзининг маъно-мазмуни, моҳияти б-н кишилар ўртасидаги, жам-тдаги ҳамжиҳатликка раҳна солиб, меҳнат жамоалари, оила ва маҳаллада тинчлик-аҳилликни бузишга йўналтирилган бўлади. Шу маънода, Ё. сўз, Ё.чилик — адолат, ҳақиқат, тинчлик-осойишталик, жам-тдаги бунёдкорлик ва яратувчанлик, ташаббускорлик ва тар-ётга тўсқинлик қиладиган маъ-ятга зид иллатдир.

ЁМОН ХУЛҚ — маън-ят рив-шига тўсқинлик қиладиган, кишиларнинг ахлоқий идеалларига, улар эъзозлайдиган

қадриятларга зид келадиган, одамлар орасидаги мун-тларда салбий ҳодиса тарзида намоён бўладиган, инсонийлик талабларига мос келмайдиган хус-ятлар ва хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган т.лар йигиндиси. Одатда, Ё.х. кишига одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган салбий ҳаракатлар, яъни одат, қилиқларда намоён бўлади. Ё.х.ли одам деганда ўзининг феъл-атвори, қилган ишлари б-н атрофдагиларга зарар етказувчи ахлоқанопок кишиларни тушунамиз. А.Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида яхши ва ёмон хулқларни тавсифлаб берган. Асарда газаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат (ахлоқсиз ишларга вақт ва маблағ сарфлаш), ҳамоқат (қайсарлик, ўжарлик), атолат (дангасалик, лоқайдлик, ялқовлик), ҳасосат (таъмагирилик, мол-мулкка ружу қўйиш), раҳоват (боқимандалик, ғайратсизлик), аноният (худбинлик, мутакаббирлик, манманлик), адоват, наминат (чақимчилик, фиску фасод), ғийбат, ҳақорат, жибонат (қўрқоқлик, юраксизлик), ҳасад, нифоқ (иккиюзламачилик), кизб (каззоблик, ёлғончилик), таъма, зулм қабилар Ё.х. белгилари сифатида қайд этилади ва таърифланади.

ЁМОНЛИК — яхшиликнинг зидди бўлиб, шахс, инсон камолига, маъ-ят ривожига ва жам-т тар-ётига тўсқинлик қиладиган иллат; ёлғончилик, пасткашлик, мунофиқлик, беҳаёлик, раҳмсизлик, номардлик, хиёнат қабилар орқали намоён бўладиган т. Ё. инсондаги ихтиёр эркинлигидан нотўғри ва нопок мақсадда фойдаланишнинг оқибатидир. Адабиётларда Ё. инсондаги шайтоний ва ҳайвоний хислатларнинг ифодаси тарзида талқин этилади. Ё. орқали инсон фаолияти баҳоланади. Ё.ни англаш орқали яхшиликнинг қадри билинади. Ё. манфаат ва уни қондириш, ўз мақсадига етишиш йўлидаги ноҳўя хатти-ҳаракатнинг ифодаси ҳамдир. Ё. зарарли иллат бўлиб, жам-т тар-ётга учун тўсқинлик қилади. Инсон ўзи ҳамда оиласи учун раво кўрмайдиган Ё.ни бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги лозим. Ё. бор жойда хиёнат, газаб, кибр, ҳасад, қасд, мунофиқлик каби иллатлар

ёнма-ён юради. Ўзгаларга Ё. истовчилар тубан, кибр-ҳавога берилган, ўзини бошқалардан устун кўйиш туйғуси б-н юрадиган мунофиқ кишилардир. Ё. яхшилик б-н қарама-қарши бўлган, у б-н ёнма-ён юрадиган салбий хислатдир. Бундай хислат ахлоқи, феъл-атвори бузуқ, энг тубан шахсга хос бўлиб, у бошқаларнинг иқболини ўйламайди, лекин ўз манфаати йўлида ҳеч қандай ҳаракат ва тубанликдан тоймайди. Бадхулқ, ўзгаларга Ё. истовчи киши биргина кўнгилсизлик натижасида барча яхшиликларни унутади. Яхшиликка Ё. қайтарадиган кишини чаёнга ўхшатишди. Ҳасад ва иғво бор жойда Ё. бўлади, уни ўзгаларга раво кўрувчи инсоннинг ўзи ҳам обрў-эътибор топмайди. Ё. истовчи киши жамоани бузади, одамлар ўртасига нифоқ солади, таълим-тарбияни издан чиқаради. Ё.нинг ҳар қандай кўриниши келажак авлодни юксак маъ-ят руҳида тарбиялашга тўсиқ бўлади.

ЁШЛАР — жам-тдаги ижт-й-демографик гуруҳ, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хус-ятлар б-н тавсифланадиган т. Ёшлик чегараси беқарор ва аниқ ажратилиши қийин, лекин соҳа мутахассислари кўпинча уни 15–30

йил б-н ўлчайдилар. Ё. баъзи умумий хус-ятлар б-н тавсифланади: улар, одатда замонавий ва билимли; янги касблар ва янгича турмуш тарзига интилувчан; ижт-й жиҳатдан ҳаракатчан қатлам. Ё.да қадриятларни қайта баҳолаш, катталарга нисбатан ўзгачароқ, яъни уларда эҳтиёжлар ва идеаллар, ахлоқий меъёрлар фаол ўзлашади. Мазкур ижт-й гуруҳга шу тоифа ичидаги мулоқотга мўлжал қилиш хосдир. Ё. ўзига хос қадриятларга кўра, мулоқот, меҳнат, истеъмол, ҳордиқ чиқариш каби мун-тлар тизими б-н фарқланади, бу улар мад-тининг рив-шига олиб келади. Жинси, ёши, маълумот даражаси, касбий бандлик соҳаси, мад-й-сиёсий манфаатлари ва б.га боғлиқ ҳолда Ё. турлари фарқланади. Таълим турини танлаш ва уни эгаллаш, меҳнат жараёнига кириш, оилани шакллантириш, касбий жиҳатдан ўсиш ва хизмат бўйича илгарилаш кабилар Ё.нинг асосий муаммолари бўлиб ҳисобланади. Кейинги йилларда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уларнинг касб танлаш, меҳнатига ҳақ тўлаш, иш б-н таъминлаш бўйича қатор долзарб вазифалар юзага чиқди. Ўз-нда бу борада жисмонан соғлом, маънан баркамол Ё.ни тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда.



ЖАВОБГАРЛИК — инсоннинг муайян фаолият ва хатти-ҳаракати учун, уларнинг оқибатига қараб жамоа, жам-т ёки қонунга кўра давлат олдидаги масъуллигини ифодалайдиган т. У мазмун-моҳиятига кўра маън-й, ахлоқий ва ҳуқуқий турларга бўлинади. Маън-й-ахлоқий маънода Ж. инсоннинг эл-юрт, жам-т, давлат ва б. қаршисидаги масъулияти, маън-й қарзи сифатида намоён бўлади. Ваъдага вафо қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, оила, маҳалла, жамоа олдидаги ижт-й бурч туйғуси Ж. ҳиссининг

асосида ётади. Қонун бўйича Ж. интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий турларга бўлинади. Жиноятни содир этган шахс ўз қилмиши учун қонунда белгиланган Ж.ка тортилади. Жиноят учун Ж.ка тортиш ваколати судга берилган ва бундай Ж. жиноий жазони қўллаш б-н амалга оширилади.

ЖАВОНМАРДЛИК (форс. жавонмард — мард йигит) — X–XIII а.ларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалган ижт-й ҳаракат. Ж. борини йўқлар б-н

баҳам кўриш, йўғига шукр қилиб, фақат ўз хунари эвазига кун кўриш, ўзини дўстлар хизматига бағишлаш, бошқаларга беминнат ёрдам кўрсатиш, ҳожатбарорликни ҳаётнинг мазмуни деб билиш, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя қилиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, пок яшашни ағлатадиган т. Унинг уч нишониси бор: вафода хилоф қилмаслик, манфаат талаб қилмаслик, биров сўрашидан олдин ҳозир қилиш. Бундай одамлар тарихда бизнинг халқимиз орасида кўп бўлган. Уларни “фатийлар”, “ахийлар”, “айёрлар” деб ҳам номлаганлар. Жавонмардлар бир-бирлари б-н алоқа боғлаб, биргаликда муайян эзгу мақсадларни амалга оширганлар. Уларнинг ўз устозлари ва низомлари бўлган. Улар ҳақида махсус китоблар ёзилиб, покиза хулқлари намуна қилиб кўрсатилган. Жавонмардлар тасаввуфни ўзлари учун ахлоқ кодекси сифатида қабул қилганлар ва кўплари тариқат пешволарига айланганлар. Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Баҳовуддин Нақшбанд Ж. удумларини давом эттирган зотлардир. Халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, саховатпешалик, ҳимматлилик Ж. анъаналарида ўз ифодасини топган.

ЖАДИДЧИЛИК (араб. янги) – XIX а. охири XX а.нинг биринчи чорагида М.О., Қрим, Кавказ, Волга бўйи ҳудудларида шаклланган, янги замонавий мактаб, матбаа ва тар-ётнинг илғор усул ва йўллари эъқлаб чиққан ижт-й-маъ-й ҳаракат. Ж.ни шакллантиришда кўплаб миллат зиёлилари фаол қатнашган. Жам-тни ўртаасрчилик иллатлари, мад-й қолоқлик ва мустамлака зулмидан, хурофотдан озод қилиш, халқни замонавий тар-ёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлатчилик асосларини бунёд этиш Ж. ҳаракатининг асосий мақсади эди. Туркистондаги Ж. ҳаракатига Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Паҳлавон Ниёз Ҳожи, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” ташкилоти раҳбарлари бошчилик қилишган. Бу ҳаракат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра,

XIX а. бошларида мавжуд бўлган диний ислоҳотчиликдан фарқ қилади. Огаҳий, Нодира, Аҳмад Дониш, Турди, Махмур, Фурқат, Муқимий каби ижодкорлар мансуб бўлган авлоднинг қарашлари асосан маърифатпарварлик тамойилига таянар эди. Жадидлар эса нафақат маърифат, балки жам-т ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан бордилар. Ж. ҳаракати ривожини уч босқичга ажратиш мумкин:

1) XIX а.нинг 80-й. охирида мам-тимизда Ж. ҳаракати пайдо бўлди. Тошкентда – Мунавварқори ва Авлоний; Самарқандда – А.Мунзим, С.Азизий, Мулла қилич; Бухорода – Жўрабой Махсум; Кўқонда – Ҳамза; Наманганда – Сўфизода ва Ибрат каби олим фузалолар мактаб очиб, ноширлик, саводхонликни ошириш борасида муҳим ишларни амалга оширдилар. Бу жараён I жаҳон урушигача давом этди. Бутун мам-т бўйлаб кўплаб жадид мактаблари фаолият олиб борди. Ш-дек, матбаачилик, ноширлик, илм-фан, адабиёт, мад-т, маорифни миллий асосга кўчиришга интилиш кучайди. 2) I жаҳон уруши Россия империясидаги аҳволни янада мураккаблаштириб юборди, унинг ҳудудида сиёсий ҳаракатлар кучайиб кетди. Бу даврда Ж. ўта ижт-й-сиёсий аҳамият касб этиб, унинг ғоялари асосида сиёсий партиялар тузилди. 3) 1917 йил октябрида Россиядаги давлат тўнтаришидан кейин Кўқонда Туркистон Мухторияти тузилди ва орадан бир йил ўтмасдан, большевиклар томонидан зўравонлик б-н йўқ қилинди. Мухторият раҳбарлари, уни эълон қилишда иштирок этган ёки унга хайрихоҳ бўлганлар ҳам бадарға ва қувғин қилинди, қатағонга учради. XIX а. охири – XX а. бошларида ижт-й-тарихий воқелик ва жадид тараққийпарварларнинг сиёсий ва мад-й-маъ-й маслаклари тақозоси б-н жадид адабиёти шаклланди. Бинобарин, ўша даврдаги иқт-й ҳаётда, маориф, матбуот ва турмуш тарзида қарор топаётган ислоҳотчилик кайфияти адабиёт ва санъатни ҳам четлаб ўтмади, анъанавий йўсиндаги адабиёт ўрнига янги, замонавий адабиёт, янги адабий тур ва жанрлар, ҳатто янги ада-

бий тил шакллана бошлади, публицистика, адабий танқид пайдо бўлди, бармоқ вазнидаги ижт-й, маъ-й шеърят, роман, ҳикоя, драматургия майдонга келди. Ж. адабиётининг Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муъин, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Сиддиқий Хондайлиқий, Фитрат, Садриддин Айний, Тавалло, Нозимахоним, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар, Сўфизода, Иброҳим Даврон, Абдулла Бадрий, Нусратулла Қудратулла-Миллий, Хуршид, Чўлпон каби ўнлаб намояндлари етишиб чиқди. Ҳатто анъанавий адабий шаклларда ижод этган Завқий, Нодим, Ибрат, Саидахмад Васлий, Каримбек Камий, Хислат, Мискин, Аваз Ўтар, Баёнийлар ижодида ҳам давр воқелиги, замонавий ғоялар аруз вазнида ўз ифодасини топди. Булар ҳам, тараққийпарвар ёшлар қатори, маърифатпарварлик қарашларини шеърга солиб ёки мақола шаклида матбуот саҳифаларида фаол қатнашдилар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, жадид адабиёти ушбу ҳаракат ғояларини акс эттирувчи бадий ҳодиса бўлибгина қолмади. Балки шу ҳаракат замирида туғилди, унинг мақсад ва вазифалари тақозосига кўра майдонга келди, ўша давр маън-й ҳаётига таъсир кўрсатди. Жадид мактаблари — халққа ҳамма нарсадан бурун маърифат тарқатиш, замонавий илм-фанни сингдириш зарурлиги ҳақидаги фикр жадидларнинг маърифатчилик фаолиятидаги энг асосий мақсад эди. Ж.нинг пойдевори, тамал тоши — усули жадид мактаби эди. Зеро, «янги» маънони берувчи «жадид» истилоҳининг кириб келишининг ўзи айнан янги усулдаги мактаблар б-н боғлиқ. 1895–1910 йиллар орасида Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон каби барча йирик шаҳарларида, қишлоқларида Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида ўнлаб “усули савия” мактаблари очилди. 1903 йиллардан Ж. матбуоти учун махсус дарсликлар тузила бошланди, лекин бу ишлар ғоят қийин кечди. Бироқ мустабинд ҳукумат ва маҳаллий мутаассибларнинг қаршилигига қарамай, жадидларнинг саъй-ҳаракат-

лари б-н «усули жадид» мактабларининг тармоғи кенгайиб борди. Чинакам маърифат ўчоғига айланган, мад-й таназзулдан сақланиш ва жам-т маъ-ятини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этган янги усул мактабларининг сони 1917 йил бошларига келиб 92 тани ташкил этди. Жадидлар маслагининг амалга ошишида мактаблардан кейинги асосий ўринни матбуот эгаллайди. «Бурунги ўзб. вақтли матбуотининг тарихи» мақоласида Абдулла Авлоний 1905–1917 йиллар давомида ўзб. тилида 23 та газета ва 8 та журнал чоп этилгани ҳақида маълумот беради. «Тараққий» (1906 йил, муҳаррири Исмоил Обидий), «Хуршид» (1906 йил, муҳаррири Мунавварқори), «Шуҳрат» (1907 йил, муҳаррири А.Авлоний), «Осиё» (1908 йил, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров), «Самарқанд» (1913 йил, муҳаррири М.Беҳбудий), «Садойи Туркистон» (1914 йил, муҳаррири Убайдуллаҳўжа Асатуллаҳўжа ўғли), «Садои Фарғона» (1914 йил, муҳаррири Обиджон Маҳмудов) каби қатор газеталар ҳамда «Ойна» (1913–1915 йиллар, муҳаррири М.Беҳбудий), «Ал-ислоҳ» (1915–1918 йиллар) каби журналлар шулар жумласидандир. Афсуски, сал ўтмай бу ҳаракат бўғиб қўйилди. Собиқ иттифоқ даврида Ж. ғоявий-мафкуравий жиҳатдан оқланмади, Ж. адабиёти тақиқланди. Гарчи 60-йиллардан кейин бу ҳаракат намояндаларининг айримлари адабий доираларда тилга олина бошлаган бўлса-да, уларга нисбатан умумий тақиқлар ўзгармай қолаверди. Фақат мустақилликдан кейингина бу борада туб ўзгаришлар учун имконият яратилди. Биринчидан, Ж. ижт-й-сиёсий ҳаракат сифатида эътироф этилди, унинг хизматлари тан олинди. Иккинчидан, жадид адабиёти миллий мад-тнинг таркибий қисми сифатида баҳоланиб, ўнлаб китоблар, турли асарлар нашр этила бошланди. Учинчидан, мустақиллик туфайли а.лар давомида орзу қилинган, жадидлар ҳам интилиб келган истиқлол ғоялари амалга ошди, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт, эркин фуқаролик жам-тини бунёд этиш имкони пайдо бўлди.

ЖАЗО — инсоннинг муайян хатти-ҳаракати ва қилмишига нисбатан қўлланадиган чора ёки тадбирни ифода этадиган т. У нафақат ҳуқуқий соҳада, балки маън-й жабҳада ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Халқимиз орасида “Оқпадар”, “Онаси оқ қилган”, “Қарғиш теккан” деган бир қарашда жўн, аммо маън-й жиҳатдан сермазмун иборалар учрайди. Улар бежиз айтилмаган ва бу т.нинг хилма-хил жиҳатлари борлигини англатади. Бирон-бир ноҳўя хатти-ҳаракат оқибатида обрў-эътиборини йўқотиш, шармисор бўлиб қолиш, ўз номига доғ тушириш, назардан қолиш деб баҳоланадиган ҳолатлар ҳам бу борада муайян маъно-мазмунга эга. Қонунга қўра, Ж. жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми б-н қўлланадиган ва маҳқумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чораси. Ж. маҳқумни ахлоқан тузатиш, унинг жиний фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳқум, ш-дек, б. шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш асосий Ж. сифатида қўлланади.

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ (1198–1231) — буюк хоразмшоҳлар давлатининг сўнги вакили, хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг тўнғич фарзанди, мустақиллик учун фидокорона кураши, ажойиб саркардалиқ фаолияти, шахсий жасорати, Ватанга муҳаббати б-н тарихдан муносиб ўрин олган давлат арбоби. Унинг мўғуллар истилосига қарши кураши ўша давр тарихчилари — Ибн ал-Асирнинг “Ал-комил фи-т-тарих” (1230 йили ёзилган), Шиҳобуддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангбурни” ва “Нафсатул масдур” (1234 йили ёзилган), Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушой” (1260 йили ёзилган), Рашидиддин Фаз-

луллоҳнинг “Жомеъ-ут таворих” (1302–1311) асарларида ёритилган. Шиҳобуддин Муҳаммад ан-Насавий “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангбурни” номли асарида Ж.М.ни қуйидагича тасвирлайди: “У бугдойранг, ўрта бўйли, туркий қиёфали ва туркийда гапирадиган одам эди. Шу б-н бирга форсийда ҳам сўзлаша оларди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, юқорида ҳикоя қилганим жанглардаги фаолиятини эслаб ўтиш кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр шер эди, қўрқмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У ювош, мулойим одам эди, жаҳлдор эмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб қўярди, кам гапирарди. У ҳақгўйликни, адолатни улуғларди, аммо у яшаган даврдаги галаёнлар, алғов-далғовлар феъл-атворини ўзгартирди. У қўл остидаги одамларнинг оғир ҳаётини енгилаштиришни хоҳларди, аммо у яшаган давр қонунлари уни зулм қилишга мажбур этарди”. Ж.М. Алоуддин Муҳаммад ва унинг туркман канизаги Ойчечакдан (1198 йили) туғилган. У 1215 йилда Фазна, Бомийн, Фур, Буст, Такинобод, Заминдовар, Шимолий Ҳиндистон ерларига ҳоким ва тахт вориси этиб тайинланган. Момоси Туркон хотун ва қипчоқ амирларининг норозилиги сабабли укаси Қутбиддин Ўзлокшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилди. Алоуддин Муҳаммад фарзандларини 1220 йили тўплаб, ўлими олдида Ж.М.ни Хоразм ҳукмдори деб эълон қилди. Урганч мудофааси учун етиб келган Ж.М. бу ерда Туркон хотуннинг акаси Хумор тегиннинг султон деб эълон қилинганлигини ва унга суиқасд уюштирилаётганини сезиб, уч юзта суворийси б-н Урганчни тарк этиб, Хуросон томонга қараб йўлга чиқади. Нишопур яқинида ўзидан икки баробар кўпроқ бўлган душман қўшинини енгиб, шаҳарга киради. Бу ерда қўшин тўплаб Кандаҳорни қамал қилиб турган мўғуллар устига юриш қилиб, уларни тор-мор этади. 1221 йилда Фазнага етиб келган Ж.М.га олдин қўшилган қайнотаси, Ҳирот волийси Аминалмулкдан ташқари ҳалаж қабиласи бошлиғи Сайфиддин Иғроқ,

Балх волийси Аъзам малик, афгонлар сардори Музаффар малик, қорлуқлар бошлиғи Ҳасан қорлуқ ўз аскарлари б-н қўшидилар. Ж.М. Валиён қалъасини қамал қилаётган кўпсонли мўғуллар устидан биринчи катта ғалабани қўлга киритди. Бу хабарни эшитган Чингизхон Шиқи Хутуҳу бошлиқ 45 000 қўшинини Ж.М.га қарши жўнатади. Фазна яқинидаги Парвон даштда бўлган бу жангда Ж.М. ғалабани қўлга киритган. Лекин ўлжа устидаги жанжал сабаб Аминалмулкдан бошқа саркардалар Ж.М.ни тарк этишади. Бу вазиятдан хабар топган Чингизхоннинг шахсан ўзи Ж.М.га қарши отланади. 1221 йил 25 ноябрда Синд дарёси бўйидаги машъум жангда жасорат ва шижоат б-н курашган Ж.М. мағлуб бўлса ҳам душмани — Чингизхон эътиборига сазовор бўлди. 1224 йилгача шимолий Ҳиндистон ҳудудида давлатни мустақамлаш учун олиб борган курашлари мўғулларнинг Ҳиндистонга йўлини беркитиб турди. Лекин маҳаллий ҳокимларнинг ўринсиз қаршиликлари Ж.М.нинг Ироққа юз тутишига сабаб бўлди. Бу ерда Кирмон, Исфаҳон ҳокимлари ва укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ амирлари Ж.М. ҳокимиятини тан олдилар. 1225—1230-йилларда Ж.М. Озарбайжон, Грузия, Ироқ ҳудудларидаги маҳаллий ҳокимларни бўйсундириб, бу ҳудудга бостириб кирган мўғул қўшинларини бир неча бор (1227—1228—30) тор-мор этди. Кўния султони Алоуддин Кайқубод мухолиф кучларни Ж.М.га қарши бирлаштирди. Бу ҳолат Ж.М.нинг иккита душман орасида қолишига олиб келди. Аҳиллик ва бирликнинг йўқлиги, алдов ва хоинликлар чет эл боқинчиларига қарши озодлик байроғини юксакка кўтарган Ж.М.нинг тинқасини қуритди ва 1231 йилда у Курдистон тоғларида фожиали равишда ҳалок бўлди. 1999 йил ноябрда юртимизда Ж.М. таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди ва Хоразмда халқимизнинг бу қаҳрамон фарзандига улғувор ҳайкал ўрнатилди.

ЖАМИЯТ (араб. умумий) — табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фал-й т.; одам-

лар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб мун-тлар мажмуаси, ўзида моддийлик ва маън-йликни, объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижт-йликни муҷассамлаштирадиган т. Ж. ғоят мураккаб ижт-й тизим бўлиб, у одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқт-й, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳ.к. мун-тларнинг, тарихан таркиб топган оила, жамоа, миллат, дин, давлат, ахлоқ ва ҳ.к.ларнинг мажмуидир. Ж.нинг моддий ва маън-й ҳаётини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, улардан бирини муҳим, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш ҳам бирдай хато, унинг маън-й, иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий соҳалари бир-бири б-н ўзаро боғлиқдир. Уларни бошқариш ва такомиллаштиришда давлат ташкилотлари ва кишиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари муҳим роль ўйнайди. Инсониятнинг улғу мутафаккирлари доимий ўзгариш ва рив-шда бўлган Ж.нинг туб моҳиятини билишга, инсоннинг Ж.даги ўрни ва ролини белгилашга, тар-ёт мантиғини англашга ҳаракат қилганлар. Қад. даврда Ж. моҳияти мифологик, диний таълимотлар орқали изоҳланган. Ж. моҳиятини илмий-фал-й билиш, унинг яхлит илмий манзарасини яратиш инсоният маън-й тар-ётининг буюк ютуғи бўлди. Илмий билимлар ва фал-й тафаккурнинг рив-ши б-н Ж. моҳиятини илмий асосда ўрганиш имконияти вужудга келган. Ватанимиздан етишиб чиққан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий сингари улғу мутафаккирлар Ж.нинг пайдо бўлиши, моҳияти ва истиқболлари тўғрисида илғор илмий қарашларни илгари сурганлар. Бу борада Форобийнинг фозил Ж.ни барпо этиш тўғрисидаги ғоялари, Ибн Синонинг Ж.нинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққанини, меҳнатнинг ижт-й тақсимланиши Ж. тар-ётининг асоси экани ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Беруний биринчи бўлиб цивилизацияларнинг пайдо бўлишида табиий-географик омилнинг ҳал қилувчи роль

ўйнаганини асослашга ҳаракат қилиб, Ж. ҳаётида оила, тил ва мад-тнинг аҳамиятини кўрсатган. Осиёлик мутафаккирларнинг таълимотлари кейинчалик европаллик олимлар томонидан ижодий ривожлантирилди. XIX а. ўрталарига келиб Ж.ни илмий асосда тадқиқ этиш, етилган ижт-й муаммоларни оқилона ҳал этишда фан ютуқларидан фойдаланиш, Ж. истиқболлини олдиндан кўриш ҳаётий заруратга айланди. Фарбий Европанинг Гегель, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, М.Вебер, В.Парето сингари назариётчилари Ж.ни табиий-тарихий жараён, мураккаб ижт-й система сифатида тадқиқ этдилар. Ҳар бир ўзгарган тарихий даврда Ж. моҳиятини янгича идрок этиш, унга янгича ёндашиш зарурат пайдо бўлади. Турли тарихий даврда яратилган Ж. тўғрисидаги таълимотларда давр руҳи, Ж.нинг маън-й салоҳияти ўз аксини топади. Ҳар бир тарихий даврда Ж.нинг маън-й-интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий мадтига мувофиқ равишда сиёсий бошқариш усули шаклланади ва амал қилади. Демократик Ж. бозор мун-глари воситасида бошқарилади, давлат иқт-й мун-тларни такомиллаштиришга ёрдам беради, бунда ижт-й рақобат, манфаатдорлик иқт-й рив-шнинг муҳим қонунияти сифатида амал қилади. Демократик давлат Ж. маън-й ҳаётини такомиллаштириш, Ж.нинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илм-фанни тараққий эттириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилади. Давлат Ж. маъятининг ҳомийси сифатида таълим-тарбия соҳасида туб ислоҳотларни амалга оширади. Ж. таркибини турли синфлар, социал қатламлар ва гуруҳлар ҳам ташкил этади. Бу таркибнинг хилма-хиллиги меҳнатнинг ижт-й тақсимланиши, мулкчилик турли шакллариининг мавжудлиги б-н боғлиқ. Мустақиллик даврида Ўз-нда амалга оширилган ислоҳотлар ва демократик Ж. қуриш тажрибаси Ж. тар-ётини ҳуқуқий давлатсиз тасаввур этиб бўлмаслигидан далолат беради. Бу борада ижт-й фаровонлик ва тотувлик комил инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик Ж.и асосларини яратишга, ҳуқуқий билим ва мад-тни ривожлантиришга боғ-

лиқ жараён эканини кўрсатди. Бугунги кунда иқт-й ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётни эркинлаштириш, фуқаролик Ж.ини барпо этиш, демократик ин-тларни янада ривожлантириш мам-тимиз тар-ётининг устувор йўналишидир.

“ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ — ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ — МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТ-СИН” — Президент И.А.Каримовнинг «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавоблари (Т., «Ўзбекистон», 1998 й.). Асарда жам-тимизнинг маън-й тар-ёти, тарихимиз ва келажагимиз б-н боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган. Унда мафкура ҳар қандай жам-т ҳаётида зарур экани, мафкура бўлмаса одам, жам-т, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррарлиги таъкидланади. Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас. Президент жавобларидаги асосий мақсад — «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»-лигига қаратилган. Шу боис, миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужасамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак? — деган саволларга шундай жавоб берилади: **“Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт. Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсиз-**

лигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — мафкура бўлиши керак. Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор. Тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур. Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак. Шунингдек, мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган фикрини қўп мушоҳада қилман, — дейди Президент мухбир саволига жавобан. Асарда таъкидланганидек, буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари а.имиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳоз. кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жам-тни барпо этиб бўлмайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур асарда миллий истиқлол ғояси ва у асосида шаклланган умуммафкуравий т. ҳамда тамойилларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Мафкуранинг инсон, жам-т ва давлатлар тарихидаги ўрни ҳамда улар тар-ётига таъсири жаҳон ва Ўз-нга оид

мисол ҳамда далиллар асосида таҳлил қилинган. Мазкур асар бу борадаги қўлланма ва дарсликлар учун наз-й-методологик манбадир. Асардаги наз-й хулосалар ва амалий кўрсатмалар ҳоз. даврда мам-тимизда амалга оширилаётган ислохотлар, маън-й соҳадаги ўзгаришлар, таълим-тарбия йўналишидаги фаолиятнинг мазмун-моҳиятини белгилайди.

“ЖАМИЯТИМИЗНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МАЪНАВИЯТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ — БАРЧА ИШЛАРИМИЗНИНГ МЕЗОНИ ВА МАҚСАДИДИР” — Президент И.А.Каримов асарларининг 15-жилди (Т., “Ўзбекистон”, 2007 й.). Жилддан ўрин олган маъруза ва нутқларда мам-тимизнинг мустақил тар-ёт йиллари давомида жам-т ҳаётининг турли соҳаларида эришган ютуқлари, ечилиши лозим бўлган муаммо ва вазифаларни яна бир бор эътироф этиш, тегишли хулосалар чиқариш, айниқса, жам-т маън-й ҳаётига бўлган эътиборни янада жонлантириш, ички сиёсатимизда кузатилаётган айрим муаммолар борасида сўз юритилган. Миллий ифтихоримиз саналган Қарши, Самарқанд каби шаҳарларимизнинг қўп алик тўйлари, бу маконда яшаб ўтган аجدодларимизнинг табаррук номлари ва улар яратган меъморий обидалар, иншоотларни жаҳон аҳлига намойиш қилиш, кишиларимиз қалбида булар б-н яна бир бор фахр-ифтихор туйғусини юзага чиқаришга қаратилган фикрлар билдирилган. Айниқса, И.А.Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида аждодларимиз яратган илм-фан зиёси жаҳон илм-фани раванқига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани, жаҳоннинг минглаб ақл соҳиблари мана шу зиёдан баҳра олиб юзага чиққанлиги эътироф этилади. Мам-тимиз нафақат илм-фан, мад-тнинг, балки муқаддас дини исломнинг ҳам муҳим бешиги эканлиги “Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси” мавзуидаги хал-

қаро илмий-амалий конференция ишти-рокчиларига йўллаган табриги ва конференция иштирокчилари б-н Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда яна бир бор таъкидланади. Ўз-нда ҳуқуқий давлат ва демократик жам-т барпо этиш, бунда демократик кадриятларни қарор топтириш, инсон манфаатларини таъминлаш, ижт-й ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш каби масалаларга бағишланган концептуал мулоҳазалар китобнинг муҳим жиҳатини ташкил қилади. Ушбу жилддан ўрин олган “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижт-й ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир” номли маърузада бугунги фаровон ҳаёт қуриш йўли ва унинг қонунчилик негизлари борасида иккита мезонни келтириб ўтади: Биринчиси – юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосида ҳаётимизни қуриш. Иккинчиси – қадимий ва бой тарихимиз, ота-боболаримиз азалдан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дину диёнатимиз, урф-о., удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзлигимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу аснода тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш. Ушбу жилддан ўрин олган асарларда мам-тимизда мустақиллик даврида амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар, 2006 йилги ижт-й-иқт-й рив-ш натижалари, жам-тимиз тар-ётининг ҳоз. даврдаги устувор йўналишлари тўғрисида атрофлича фикр юритилган. Бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб берилган, уларни амалга ошириш йўллари ва имкониятлари кўрсатилган.

ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ — жам-т ҳаётининг барча соҳаларида ахборот ресурсларини фаол шакллантириш ва улардан кенг миқёсда фойда-

ланиш жараёнини ифодалайдиган т. Ж.а. жараёнида ишлаб чиқаришнинг одатдаги технологик усули ва турмуш тарзи ахборот воситалари ва усулларидан фойдаланишга асосланадиган янги (постиндустриал) шакл-шамойил ва мазмун-моҳият касб этади. Ахборотлашган жам-т концепциясига кўра, Ж.а. цивилизация рив-шининг янги тарихий босқичи бўлиб, унда ахборот ва билим ишлаб чиқаришнинг энг асосий маҳсулларидан бири ҳисобланади. Ахборотлашган жам-тнинг ўзига хос хус-ятлари: а) жам-т ҳаётида ахборот ва билимлар ролининг ортиши; б) ялпи ички маҳсулотда ахборот коммуникациялари, маҳсуллари ва хизматлари улушининг кўпайиши; в) глобал ахборот майдонининг яратилиши. Бу эса, ўз навбатида, одамларнинг самарали информатион ўзаро алоқа қилишини, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишини ҳамда уларнинг ахборот маҳсуллари ва хизматларига бўлган эҳтиёжлари қондирилишини тақозо қилади.

ЖАМОА(ВИЙЛИК) — одамларнинг ўзаро яқинлиги ва ҳамкорлиги асосида шаклланган, дунё халқларида, жумладан, ўзб.ларда азалдан ижт-й бирликни англлатувчи т. Ж. — одамларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамга асосланган ҳаёт кечириш ва турмуш тарзи бўлиб, индивидуализм, шахсий худбинлик, эгоцентризмнинг зидди ҳисобланади. Зеро, оила, меҳнат Ж.лари моддий ва маън-й ишлаб чиқариш жараёнларида кишилар ўзаро бирлашгандагина кўзланган мақсад-муддаоларга эриша олиши мумкинлиги Ж. руҳи шаклланишининг бош омилини ташкил этади. Ж. ижт-й бирлик, маҳалла, элат ва халқларнинг тар-ётини, турмуш тарзининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири бўлиб, тарихий шарт-шароитлар асосида шаклланган ва юксак маън-й кадрият сифатида қарор топган. Одамларнинг Ж. бўлиб яшаш тамойилларига “Авесто”да, қад. манбаларда, Суқрот, Афлотун, Арасту, М.О. мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби алломалар ме-

росида алоҳида аҳамият берилган. Абу Наср Форобий ўз асарларида Ж. бўлиб яшашга табиий мойиллик инсон турмуш тарзининг мазмунини ташкил этганини уқтиради. Форобий бу ҳақда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилган: “Ҳар бир инсон ўз табиати б-н шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга киритолмайди, уларга эга бўлиш учун одамлар Ж.сига эҳтиёж туғилади... Ш.саб. яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етуқликка эришуви мумкин. Бундай Ж. аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуқликка эришуви учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Ш.у. инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон Ж.си вужудга келди”. Ж. одамлар мақсад-манфаатларининг умумийлиги, ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарурлиги, меҳнат ва маиший ҳаётини фаолиятлари йўналганлиги заминидан ўзаро биргалликда ҳаракат қилишларини тақозо этишидан вужудга келади. Одамларнинг фаолият турларига мутаносиб тарзда меҳнат, таълим-тарбия, маиший ҳаёт, бадиий ижод, ҳарбий, жисмоний тарбия, спорт, оила каби доираларда Ж.лар вужудга келиши ва самарали амал қилиши мумкин. Ж.лар мўътадил ёки муваққат уюшмалар тарзида фаолият кўрсатиб, мўлжал қилинган мақсад-манфаатлар ва кўтилган маън-й-ахлоқий қадриятлар яратиш орқали самара келтиради, инсон фаровонлиги, иқт-й ва сиёсий барқарорлиги, истиқбол бахт-саодати йўлида омилкор хизмат қилади. Ж. тамойили турли тарихий даврларда ва тузумларда ўзига хос тарзда талқин ва тарғиб этилган. Мас., шўролар даврида шахс манфаати кўпчилик манфаатига қарама-қарши қўйилган. Аксарият Фарб мам-тларида индивидуализм ва шахсий манфаат устувор аҳамият касб этмоқда. Ж. тамойили алар мобайнида Шарқ халқларининг шакллани-

ши ва рив-шида асосий омиллардан бири сифатида хизмат қилиб келган. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Ж. тамойилининг халқимиз тарихи ва маъят ривожидидаги аҳамияти очиб берилган. Асарда таъкидлангани каби, Шарқ оламида, жумладан, Ў.О. шароитида Ж. бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечирришга замин туғдиради. Эзгу одатимизга айланган Ж. туйғуси замирида жуда теран тарихий, миллий, диний илдишларга эга, бу туйғу инсоннинг инсон б-н, қўшнининг қўшни б-н, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила б-н, энг муҳими, шахснинг жам-т б-н уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англагади. Минтақамизда яшайдиган халқларга хос Ж.нинг тарихий-ижт-й заминига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Атрофи чўл ва саҳролар б-н ўралган, табиат, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитига мослашиш зарурати азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келган элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади. Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган. Бир сўз б-н айтганда, Ж. яъни жамулжам бўлиб яшаш туйғуси халқимиз учун ўзига хос ҳаёт фал.сига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қондасига айланиб кетган. Ушбу туйғу бугунги миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этади ва бизни бошқалардан ажратиб турадиган хусият сифатида намоён бўлади.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ – омманнинг, аҳоли кўпчилик қатламининг воқеа-ҳодисаларга, ижт-й жараёнларга нисбатан мун-тини ифодаловчи фикрлари, гоё, қараш ва тасаввурлари мажмуи-

ни ифода этадиган т. Ж.ф. ижт-й ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши ёки сиёсий ташкилотлар ва мафкуравий муассасаларнинг омма онгига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ ўзгариб бориши мумкин. У ижт-й онгнинг ўзига хос умумлашган ифодаси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади. Ж.ф. ақлий, ҳиссий ва иродавий жиҳатларни узвий бирликда ифодалайди ва турли тарзда намоён бўлади. Биринчидан, воқеаларга маън-й мун-т сифатида. Бунда воқеаларни баҳоловчи фикрлар кенг жамоатчилик томонидан бирор-бир тарзда эътироф этилади. Иккинчидан, ғоявий-амалий мун-т сифатида. Унда ҳиссий ва иродавий истаклар, интилиш ва ниятлар оммалашади, жамоатчиликни амалий фаолиятга ундайди. Учунчидан, амалий мун-т сифатида. Бунда кишилар воқеа ва жараёнларга бўлган мун-тларини ўз ҳаракатлари б-н намоён этадилар. Ж.ф.нинг кўпчиликка таяниши унинг таъсир кучини белгилаб беради. Муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш ва талқин этишга асосланувчи плюрализмнинг мавжудлиги жам-тда Ж.ф. ранг-баранглигидан даллат беради. Бунда баъзи кишилар орасида кенг тарқалган ва муайян аҳамиятга эга бўлган фикрлар бошқалар учун эътиборга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳоз. даврда жам-т аъзоларининг барча қатламларини бирлаштирувчи Ж.ф.ни шакллантириш ва муттасил сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Кенг халқ оммасининг ижобий мун-тини мақсадга мувофиқ равишда шакллантириш, доимий ўрганиш ва ҳисобга олиш тар-ётни таъминлаш ва оқилона қадам қўйишда кучли омил бўлиб хизмат қилади.

ЖАННАТ — диний таълимотларга кўра, дўзах т.сининг зидди, диний эътиқод ва талабларни тўлиқ адо этадиган, эзгулик ишларини қиладиган, меҳр-мурувват кўрсатадиган, бир сўз б-н айтганда, тақводорларнинг вафотидан кейин бахтли ва фаровон яшайдиган маконини англатадиган т. Ибтидоий дин шакллари-

да, уруғ-қабил динларида Ж. ҳақида чуқур мазмунга эга бўлган тасаввурлар шаклланмаган эди. Ж. ҳақидаги тасаввурлар миллий ва жаҳон динлари пайдо бўлиши б-н ўзига хос шаклда изоҳланди. Агар ибтидоий даврдаги одамлар нариги дунё ердаги ҳаётнинг яхшироқ шакли деб тасаввур этган бўлсалар, жаҳон динлари таълимотида Ж. ва дўзахнинг ҳар бирига алоҳида таъриф ва тафсиллар берилган. Диний ақидаларга кўра, диний талаб ва эътиқодларни тўлиқ адо этган, маросим ва урф-о.ларни бекаму кўст бажо келтирган, ёмонликка, хиёнатга қўл урмайдиган, Худони қалби ва юрагида сақлайдиган кишиларгина Ж.га тушиши мумкин. Ж. ҳақидаги тасаввурлар алар давомида кишиларни яхшиликка, ёмон ишлардан ўзини сақлашга чорлаб келмоқда.

ЖАРАЁН — воқеа ва ҳодисалар ривожига узлуксизликни, табиат, жам-т ва инсоният ҳаётидаги муттасил ва доимий ҳаракатни ифодоловчи т. Ж. ижт-й, иқт-й, сиёсий, мад-й, маън-й, илмий ва б. соҳаларда намоён бўлиши мумкин. Миқёсига кўра умумбашарий, минтақавий ва миллий аҳамиятга молик Ж.лар бир-биридан фарқланади. Ижт-й Ж.лар, одатда, уларни белгиловчи омиллар ва манбаларга нисбатан сабаб ва оқибат сифатида намоён бўлади. Демак, ҳар қандай Ж., шу жумладан, ижт-й Ж.лар зоҳирий ва ботиний асосларга эга бўлиб, улар айни чоғда сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодифият т.ларида ўз ифодасини топадиган мун-тларни англатади. Ижт-й тар-ётнинг таркибий қисми бўлган Ж.лар жам-т кайфиятига таъсири н.назаридан салбий ва ижобий тарзда намоён бўлиши мумкин. Ж. инсон омилининг кучи ва қудратига боғлиқ. Уларни бошқариш, мақсад сари йўналтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

ЖАРГОН (фр. *jargon* — сафсата) — бирор ижт-й гуруҳнинг ўзига хос мулоқотида учрайдиган сўзлар ва атамаларни ифодалайдиган т. Ж. муайян ижт-й муҳитда юзага келади, турли шева ҳамда лаҳжалардан фарқ қилади. Кўп ҳолларда, Ж. инсон маъ-ятидаги салбий қусурлардан бири сифатида намоён бўлади. Уни

кучли ривожланган ва аниқ терминларга эга бирор касб тили б-н аралаштирмаслик лозим. Ж. барқарор бўлмайди, у ҳам тил, ҳам услубий жиҳатдан турли-туман ва тезда ўзгарувчан хус-ятга эга. Ёшлар орасида «кетдим» ўрнида «сирпандим», «пул» ўрнида «соққа»; санъаткорлар орасида «хизмат учун ҳақ олмаслик» ўрнида «том сувоқ», «пул» ўрнида «якан» ва ш.к. Ж.лар учрайди. Ж. баъзида бадий ижодда асар қаҳрамони хус-яти, табиатини очиб бериш учун хизмат қилади, Ж.лар турли тилларда сўзлашувчи халқлар вакилларининг бир-бирлари б-н алоқа қилишида ёки турли халқ вакиллари йиғиладиган жойлар (мас., чегара, портлар)да ҳам пайдо бўлади. Ж.лар қайси ижт-й гуруҳ орасида юзага келган бўлса, деярли фақат шу гуруҳ вакиллари учун тушунарли бўлади, шу тоифадагиларнинг вазият, шароит тақозосига кўра б.лардан яширин тутиладиган мақсадларига хизмат қилади.

ЖАСОРАТ — инсоннинг юксак камолотга эришганини кўрсатувчи маън-й-ахлоқий ҳодиса; инсоннинг жам-т ва унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, муайян вазифани адо этишда фидойилиги, бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этишини англатадиган маъ-ят категорияси. Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида жасоратнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хус-ятлари далил ва мисоллар асосида очиб берилган. Асарда таъкидланганидек: **“Менинг назаримда, авваламбор Яратганимизнинг ўзи ҳар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини беради ва онг-тафаккур соҳиби бўлган инсонлар бундан ибрат олиб яшайди... Ҳаётнинг маъноси тинимсиз кураш, қийинчиликларни енгиб ўтиш, доимий жасорат, азму шижоат билан яшайдан иборат... Табиат ва тарих қонунларини, унинг тараққиёт жараёнларини чуқур тушунадиган одамгина ўз ҳаётини маънавий жасорат асосига қуришга қодир бўлади. Ҳар кун, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу**

фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу”. Асардан олинган ушбу хулоса ва мулоҳазалар Ж. т.сининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хус-ятларини таҳлил қилиш учун асос бўлади. Кундалик турмушда турли хавфли вазиятлар ва таҳдидларда эл-юрт манфаатлари учун ихтиёрий равишда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, ҳалокат олдини олиш ҳам Ж. т.сининг мазмунини ифодалайди. Ж. нафақат уруш ва фавқулоддаги ҳолатларда, бирон-бир қутилмаган ҳодиса туфайли ижт-й ҳаёт ёки инсон ҳаётига бўлган таҳдидни бартараф этишда, балки кундалик турмушда ҳам намоён бўлади. Ж. моддий ёки маън-й манфаатдорлик эвазига амалга оширилмайди, балки у инсоннинг ҳаётини, мақсад ва орзу-умидларини халқ ва жам-т учун бағишлаб, амалга оширган ҳокисор фаолиятининг натижаси ҳамдир. Ш.у. Ж. фақат айрим шахслар ва алоҳида кишиларнинг салоҳияти эмас, балки ҳар бир инсон учун ҳам имкони бўлган маън-й фазилатдир. **“Юксак маънавият — енгилмас куч”** асарида Ж.нинг ушбу жиҳати Юртбошимиз томонидан қуйидагича асослаб берилган: **“Шу маънода, шахсан мен заҳматкаш ва бунёдкор халқимизнинг ҳаётини, айниқса қиш қаҳратони ва ёз жазирамасида ҳам, баҳор ва кузнинг ёгин-сочинли кунларида ҳам ердан ризқ ундириш мақсадида кунни кунга, тунни тунга улаб меҳнат қиладиган деҳқонларимиз ҳаётини том маънода жасорат намунаси, деб биламан”** (164–165-бетлар.). Ж.нинг мазмуни кўп ҳолатларда оммавий ҳаракатларнинг бошланишида, умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишда биринчи қадам, биринчи қарорларда ва уларни амалга оширишда ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида миллий истиқлолнинг эълон қилиниши ва мам-тимиз мустақиллигини мустақамлаш йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ана шундай Ж. намунасидир. Ватан ва миллат манфаатларини рўёбга чиқаришда улкан воқеа бўлган бу азму-қарор юксак Ж. намунаси сифатида жам-тимиз аъзо-

лари учун маън-й қадриятга айлангани бежиз эмас.

ЖАҲОЛАТ, жаҳл, жоҳил (араб. билмаслик, нодонлик) — 1) илмсиз, қолоқ, мад-тсиз; 2) жаҳлга эрк берувчи, ўзини идора қилолмайдиган шахсга хос хус-ятларни ифодаловчи салбий ахлоқий сифат. Жоҳил одам — муайян масалани, муаммони ҳал этишда фақат жисмоний кучига таянадиган, жаҳлига эрк берадиган, ўзини идора қилолмайдиган, маън-й тубан шахс. Ж. фозилликнинг зиддидир. Бундай одамлар ўткинчи, юзаки нарсалар, мол-дунё, жисмоний лаззатлар, ҳирсу шаҳват, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, фаровонлик деб уйлайди ва буларнинг ҳар бири унинг назарида ҳаётдан мақсад, бахт-саодат бўлиб кўрилади. Улар обрўпараст бўлиб, ўзаро бир-бирларини мақташ, кўкка кўтаришни яхши кўрадилар, уларни бошқалар сўзда ҳам, ишда ҳам улуғлашларини истайдилар. Жоҳил одам мансабпараст бўлиб, барча одамлар унга бўйсуншини, ўзи ҳеч кимга бўйсунмасликни хоҳлайди, унинг фикри-зикри ғалабалар нашидасини сурешга қаратилгандир. Ж.га қарши маърифат б-н курашиш лозимлиги Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган: “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тусе олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмидан унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, отабобларимизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгига мафкуравий иммунитетни қучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайди-

ган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона гоёлар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 119—120-б.). Ж. — бу ҳиссиётни жиловлай билмаслик оқибатида келиб чиқадиган хатти-ҳаракат, бошқаларга нисбатан бешафқат ва ваҳшиёна мун-тда намоён бўлади. Жаҳл эса инсоннинг ҳис-туйғуга берилиши натижасида юзага келадиган салбий хус-ят сифатида ўзгаларга нисбатан муросаи-мадора қилишга тўсиқ бўлади. Жаҳлга берилиш бошқалар б-н келиша олмаслик, зиддиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Инсон ҳаётида ақл ва жаҳл ёнма-ён туради. Ақл инсоннинг дўсти бўлса, жаҳл эса унинг ашаддий душманидир. Жаҳл инсон табиатининг енгиллигидан далолат беради. Енгил табиатлилик, иродасизлик инсонда жаҳл учун замин яратади, жаҳл ғолиб келса уни фалокатга элтади. Жаҳл шундай зарарли иллатки, у жоҳилнигина эмас, ҳатто унинг атрофидаги кишиларнинг ҳам умрини эговлайди. Жаҳлнинг энг ёмон томони шундаки, у нозик табиатли, пок инсонга ҳам, бадхулқ инсонга ҳам бир хил тарзда йўналтирилиши мумкин. Жаҳлнинг тилдаги ифодаси инсондаги барча эзгу фазилатларни йўққа чиқаради, уни тия билиш эса, жамоатчилик олдида эзгу фазилатларни сақлаб қолиш демакдир. Жаҳл хатога йўл очиб беради, у яқин кишилар ўртасига нифоқ солади, парокандаликка сабаб бўлади.

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ — бутун дунё халқлари мад-ти, инсониятнинг тарихий тар-ёт давомида яратган ва яратаётган моддий ва маън-й бойликлари мажмуини ифода этадиган т. “Мад-т” атамаси жаҳон илмий адабиётларида ранг-баранг маъноларда ифодаланади. Арабда “мад-й”, “шаҳарлик” маъносини англатади, қад. Римда “ҳаётни маън-й жиҳатдан янада яхшилаш ва тозалашга қаратилган ғам-хўрлик” деган мазмунни ифодалаган. Фар-

бий Европада мад-т т.си XVIII а.нинг охиридан бошлаб ҳоз. мазмунини касб этган, жаҳон илмий адабиётларида унга ниҳоятда хилма-хил таърифлар берилган. Турли талқинларга қарамай, мад-т т.си қадимдан то бугунги қунгача ўз моҳиятини йўқотмаган умуминсоний ҳодисадир. Ж.м. моддий ва маън-ий соҳалар — тасвирий ва амалий санъат, театр, кино, мусиқа, рақс, қўшиқчилик, меъморчилик, адабиёт, илм-фан, ахлоқ, дин, сиёсат, мафкура, фал. ва ҳ.к.дан иборат. Ж.м. фанда ибтидоий, анъанавий, ўрта а. ва техноген каби даврларга бўлиб ўрганилади. 1. Ибтидоий давр (тош а.и)да тош қуроллар, содда рўзгор буюмлари яратилди, оддий тураржойлар қурилди, олов кашф этилди, овдан олдинги ва кейинги машқлар жараёнида маросим, театр санъати, мусиқа, рақс, қўшиқчилик, тасвирий санъат, мифология пайдо бўлди. Дин шакллари (тотемизм, анимизм, фетишизм, шаманизм ва ҳ.к.) ҳамда олам ҳақидаги дастлабки тасаввурлар шаклланди. Нутқ, ёзув пайдо бўлди. 2. Анъанавий мад-т қад. Шарқ (М.О., Хитой, Ҳиндистон, Миср, Олд Осиё, Эрон), антик давр (Эгей, Юнон ва Рим) мад-тларини ўз ичига олади. Қад. Шарқ мад-ти кашфиётчи ва асосчи сифатида тарихда қолди. Ёзув ишлаб чиқилди, давлатчилик пойдевори қурилди. Ибтидоий давр маҳсули — мифологик тафаккур кенгайди. Қад. Шарқ мад-тида анъаналарга таяниш устун туради. М.О.да 3—2 мингинчи йилларда йирик шаҳарлар юзага кела бошлайди. Мил. ав. 1 мингинчи йилларда Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто” пайдо бўлади. М.О.нинг илк давлатлари Бақтрия, Сўғд ва Хоразм ҳисобланиб, тадқиқотлар бу давлатларда мураккаб ижт-ий тузилма ва мад-тнинг юқори ривожланганидан дарак беради. Мил. ав. VI а.нинг II ярмида Аҳмонийлар подшолиги таркибига киргач, 200 йил мобайнида унинг таъсирида бўлди. Шаҳарсозлик, туризм равнақ топди. Маҳобатли меъморчилик, ҳайкалтарошлик, кулчилик ривожланди. Мил. ав. IV а.ларда Шарқ эллинистик мад-ти шаклланди. Бўртма тасвирлар б-н безатилган танга

забт этиш йўлга қўйилди. Театр санъати ва мусиқа ривожланди. Юнон-Бақтрия даврида савдо-сотик ишлари, шаҳар қурилиши, тасвирий ва амалий санъат гуллаб-яшнади. Меъморчилик, тасвирий ва амалий санъатда маҳаллий услублар ва юнон санъати намуналари уйғунлашиб кетиши кузатилади. Парфия давлати даврида бу анъаналар янада ривож топади. Юнон-Бақтрия даврида Далварзин тепа, Ёркўргон, Афросиёб, Тахтисангин, Саксанохур ва Ойхонум каби шаҳарлар қурилди. Мил. IV а.и бошларида Кушонлар даврида Буддизм дини кенг тарқалди. Бир қатор шаҳарлар қурилди. Буддизм дини б-н боғлиқ бўлган меъморчилик юзага келди. Металл буюмлар яшаш ва уларнинг юзасини бўртма тасвирлар б-н безаш санъати ривожланди. Қад. Ҳиндистон мад-ти мил.ав. 3-2 мингинчи йиллардан мил. VII а.игача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда математика, тиббиёт, фал. равнақ топди. Нолдан фойдаланиб ўнлик санок тизими яратилди, “сон”, “туб сон”, “синус” каби атамалар пайдо бўлди. Меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик ривожланди. Тош ибодатхоналар қурилди. Ёғоч меъморчилик равнақ топди, йирик шаҳарлар пайдо бўлди. Ҳунармандчилик гуллаб-яшнади. Мил.ав. I минг йилликнинг II ярмида дастлабки давлатлар пайдо бўлди. Брахманизм — жамоани табақалаштириш юзага келди. Буддизм — биринчи жаҳон дини пайдо бўлди. “Веда” яратилди. Драматургия ривожланди, “Маҳобҳорат”, “Рамаяна” достонлари дунёга келди. Қад. Хитой мад-ти мил.ав. 4—3-мингинчи йиллардан мил. III а.игача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр мад-ти бизга кўпроқ кулолчилик буюмлари орқали етиб келган. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ривожланган. Мил.ав. 2-мингинчи йилларда Хуанхэ дарёси воҳасида биринчи давлат пайдо бўлади. Бу давлатни Шан династияси бошқаради. Мил.ав. IV—III а.ларда Буюк Хитой девори қурилган. Конфуцийлик, даоизм ва б. фал-ий таълимотлар юзага келган. Шаҳарлар ва серҳашам мақбаралар қурилган. Қоғоз, чинни, ипак, порох, компос, сейсмограф ихтиро қилинган. Янги

тақвим жорий қилинган. Хитой астрономлари Куёшда доғлар мавжудлигини кузатганлар. Тиббиётда игна уқоли, нуқтали даволаш кашф этилган. Хитой математиклари биринчи бўлиб ҳисобда манфий сонни қўллаганлар. Қад. Мисрда математика ва геометрия, астрономия, тиббиёт, кимё равнақ топган. Нодир санъат намуналари — Эҳромлар юксак дид ва ақл-заковат б-н яратилган. Беқиёс ибодатхоналар қурилган. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик гуллаб-яшнаган. Қад. Миср ёзуви кўплаб ёзувлар учун асос бўлди. Дин ва унга эътиқод юксалган. Мисрликлар худоларга, тирик худо — Фиръавнга сифинишган, жонивор, ўсимлик, тупроқ, сув, Нилни муқаддаслаштиришган. Олд Осиё мад-ти мил.ав. 5—4 мингинчи йиллардан мил. VI а.игача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда Шумер, Аккад, Оссурия, Бобил, Урарту каби давлатлар мавжуд бўлиб, улар Ж.м. ривожига катта ҳисса қўшганлар. Қад. Олд Осиёда маҳобатли меъморчилик ривожланган. Ҳашаматли сарой ва ибодатхоналар қурилган. Деворий сурат ва бўртма тасвирлар яратилган. Мил. ав. XXIV—XXII а.ларда Аккад подшолиги даврида Олд Осиё ерлари ягона давлатга бирлаштирилди. Айни шу даврда Шумер достони “Гильгамеш афсонаси” шаклланди. Тасвирий санъатда реализм устунлик қилди. Аккад даври ҳайкал ва рельефлари ҳаётийлиги б-н характерланади. Қад. Эрон (Аҳмонийлар) мад-ти мил. ав. VI а.дан бошланиб, мил.ав. V а.да гуллаб-яшнайди. Санъат, мад-т равнақ топади. Нафис деворий суратларга эга ҳашаматли саройлар, мустақкам мақбаралар қурилди. Математика ва астрономия ривожланган. 60 бўлакли вақт ва бурчак ўлчови, ой фазаларини бўлиш тизими яратилди. Антик давр мад-ти мил. ав. 3 мингинчи йиллардан мил. V а.игача бўлган даврни ўз ичига олади. У Эгей ёки Крит-микен мад-ти б-н бошланади. Эгей мад-тининг энг гуллаган даври мил. ав. 2-мингинчи йилларга тўғри келади. Маҳобатли меъморчилик, тасвирий ва амалий-декоратив санъат намуналари яратилди. Сарой қурилишида ёғоч устунлардан кенг фойдаланилган.

Тоштарошлик, заргарлик санъати ва кулолчилик ривожланган. Тошдан вазалар, бўртма тасвирлар ишланган. Кулолчилик буюмлари махсус бўёқлар б-н сирланган. Қад. Юнон мад-ти мил. ав. XI а.дан то мил. ав. I а.гача давом этади. Қад. Юнон мад-ти мифология ва диний маросимлар б-н боғлиқ ҳолда ривожланди. Фал. шаклланиб, Суқрот, Геродот, Демокрит каби буюк тарихчи ва файласуфлар етишиб чиқди. Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” достонлари юзага келди. Меъморчилик, маҳобатли ҳайкалтарошлик юксалди. Ҳунармандчилик, кулолчилик равнақ топди. Илмий фикрлар, тиббиёт, астрономия, география, математика, тарих, адабиёт, театр ривожланди, юнон ёзуви пайдо бўлди. Мил. ав. V—IV а.ларда Юнон классикасига асос солинди. Эллинизм даври мад-ти ўзининг серҳашамлиги, даб-дабалилиги, Шарқ ва Ғарб синтези, санъат мактабларининг бир-биридан фарқ қилиши, йўналишларнинг ранг-баранглиги б-н характерланади. Қад. Италия мад-ти мил. ав. 3—2 мингинчи йиллардан мил. V а.игача бўлган даврни ўз ичига олади. Қад. Рим мад-тида меъморчилик етакчи ўрин эгаллайди. Кўпчиликка мўлжалланган биноларнинг қурилиши, бетоннинг ихтиро қилиниши, арк, қубба, эгри равоқнинг кенг қўлланиши Ж.м.да янгилик бўлди. Дастгоҳ санъати, портрет жанри равнақ топди. Савдо-сотик ривожланди. Серҳашам бинолар, мустақкам мудофаа деворлари, кўприklar, осма сув қувурлари, фонтан ва ҳовузлар қурилди. Қад. Римнинг энг катта биноларидан бири Колизей амфитеатридир. 3. Ўрта а.лар мад-ти турли мам-тларда турлича бошланган ва давом этган. У Европанинг айрим мам-тларида IV а.да Константин подшолиги даврида бошланиб XIV а.гача, айримларида эса VII—VIII а.ларда бошланиб XVII а.нинг охиригача давом этган. Шарқ мам-тларида ўрта а.чилик бирмунча эрта бошланган ва XIX—XX а.ларгача давом этган. Ў.О.да шаҳарлар атрофи мудофаа девори б-н ўралиб, ичкараси бетартиб қурилган уйлар ва тор кўчалардан иборат бўлган. Уйлар хом ғишт ва пахсадан қурилган. Кўшклар, қўрғон-қасрлар қурилиши

йўлга қўйилган. Хунармандчилик, санъат, илм-фан ривожланди. Математика, астрономия, фал., тиббиёт, адабиёт тараққий этди. Абу Али ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Фарғоний, Яссавий, Имом ал-Бухорий, Рудакий, Фирдавсий каби алломалар етишиб чиқди. Амир Темур даврида Ў.О.нинг мустақил бир бутун давлат қилиб бирлаштирилиши мам-тнинг мад-й тар-ётига ижобий таъсир кўрсатди. Илм-фан, санъат ва адабиёт, хунармандчилик ва меъморчилик ривожланди. Бу даврда кўплаб йирик ва ҳашаматли иншоотлар қурилди, шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилди. Амалий-декоратив санъат, рангли безак ўзининг чўққисига чиқди. Амир Темур ва Темурийлар даврида Бибиҳоним жомеъ масжиди, Темурийлар мақбараси, Улуғбек мадрасаси, Оқсарой, Аҳмад Яссавий, Занги ота, Шайхонтоҳур, Шоҳизинда меъморлик мажмуалари, Улуғбек расадхонаси қурилди. Ангор канали қазилди. Кулолчилик энг сертармоқ соҳа ҳисобланган, нақш, ҳаттотлик йўлга қўйилган, миниатюра санъати юксалган, шашасозлик ривожланган. Савдо-сотиқ янада кенгайтирилган. Темурийлар даврида Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Лутфий, Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзод, Хондамир, Мирхонд, Мирзо Бобур каби буюқ тарихий шахслар яшаб, ижод қилдилар. Ҳиндистонда илк ўрта а.ларда катта тошларни йўниб ва горларга ибодатхоналар қурганлар. Ибодатхона деворлари бўртма тасвирлар б-н ишланган. Меъморчиликда ҳайкалтарошлик муҳим роль ўйнайди. Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврларда Ҳиндистон мад-ти гуллаб-яшнайди. Ислон дини давлат динига айланади. Янги шаҳарлар (Агра) вужудга келади. Шоҳ Жаҳон даврида Аграда оқ мрамрдан нодир дурдона – Тожмаҳал (1632–1650), Деҳлида Жомеъ масжиди қурилади. Миниатюра санъати ривожланди. Уйғониш даври – Ренессанс мад-ти инсоният тар-ётидаги муҳим босқич саналади. Дунёвий санъат ва мад-т мисли қўрилмаган даражада равнақ топди. Бу даврда гуманистик ғоялар илгари

сурилгани боис “гуманизм а.и” деб аталди. Реалликка, гўзалликка интилиш кучайди. Рангшунослик, ёруғ-соя наз-яси, анатомияда катта ютуқларга эришилди. Кўп қаватли уйлар, янгиша шаклдаги иншоотлар қурилди. Ўрта а.лар кейинги жаҳон халқлари миллий мад-тининг ривожиди муҳим босқич бўлди. Бу даврда Европада дастлаб Варварлар мад-ти вужудга келди. Бинолар ёғочдан қурилиб, ўймакорлик б-н безатилган. Орнаментал-декоратив санъат кенг ёйилган. VIII–IX а.ларда Королинглар мад-ти вужудга келиб, марказий қуббали черковлар қурилиши йўлга қўйилган. Бронзадан ҳайкаллар ишланган. X–XII а.ларда Роман а.и мад-ти вужудга келган. Меъморчилик кенг ривожланган. Бинолар бирмунча паст, деворлари қалин ва мустаҳкам, кўриниши жиддий, улуғвор қилиб қурилган. Улар тошдан яратилиб, ҳайкалтарошлик санъати б-н безатилган. Бино томи гумбаз тарзида ёпилган. Қасрлар қурилиши урф бўлган. Тасвирий санъатда воқелик реал шаклларда, аниқ нисбат ва фазовий кенгликда берилмайди, балки асосий эътибор асар ғоясини томошабинга етказиш ва ритм гўзаллиги қонунига қаратилади. Ўрта а.лар мад-тининг яратувчиси халқ бўлиб, характер жиҳатидан оммавий мад-т ҳисобланади. Мад-т кенг омма ичига синга бошлади. Кўплаб маҳаллий мактаблар пайдо бўлди. Халқ санъати, амалий-декоратив санъат, санъатда синтез масалалари равнақ топди. Меъморчилик композицияларининг табиат б-н уйғунликда ишланиши, ёғоч ва тош ўймакорлиги, ранг ёрқинлиги, металлдан шакл ва буюмлар қўйиш, икона санъати шулар жумласидандир. Ўрта Шарқ мам-тларида ўрта а.чилик мад-ти ривожланди, мачитлар қурилди, кейинчалик маҳаллий меъморчилик анъаналари б-н бойиди. Амалий-декоратив ва миниатюра санъати ривожланди. Минорасимон, гумбазсимон қилиб ишланган мақбаралар қад ростлади. 4. Техноген (замонавий) мад-т даврида илм-фан, техника тар-ёти юксалди, географик кашфиётлар, янги қитъалар, денгиз йўллари-нинг кашф этилиши жаҳон халқларининг ўзаро яқинлашиши ва мад-тнинг

жадал рив-шига олиб келди. Фанда би-лиш, яратиш, ихтиро, лойиха тузиш йўлга қўйилди. Мад-тда янги йўналиш-лар, санъатда янги тур ва жанрлар юзага келди. Ички ва ташқи савдо кенгайди, шаҳарлар кўпайди. Рационализм, маърифатпарварлик пайдо бўлди. XX а. ўртала-ридан бошлаб фан-техниканинг кучли тар-ёти туфайли ОАВ жадал ривожланди. Ҳоз. даврда ахборот технологиялари, универсал коммуникациялар ва интер-нет кабилар Ж.м.нинг таркибий қисми-га айланди.

ЖИНОЯТ — маъ-ят тамойилларига зид бўлган, ҳуқуқий талаблар, қонун-қоидалар, ахлоқий меъёрларга менсимас-дан мун-тда бўлиш оқибатида, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини бузиш натижасида со-дир этилган ҳодиса. Маън-й категория сифатида Ж. т.си кишиларнинг нопок мақсадларни амалга ошириш йўлидаги жиноий хатти-ҳаракатларини акс эти-ради. Башарият тар-ёти давомида жам-т ривожи ва равнақи учун хизмат қилувчи эзгу муддаоларни мақсад қилиб олган-ларга зид равишда, баъзан Ж.лар ҳам со-дир этилади. Бу ҳодисалар инсонлар маъ-яти ва жам-т тар-ётига хизмат қилмай-ди, балки уни таназзулга етаклайди. Шу боис инсоният тарихининг барча бос-қичларида Ж. ҳодисаси қораланиб келади ва унга қарши кураш олиб борилади. Ж.ни келтириб чиқарувчи сабаблар ва мотив-ларни аниқлаш унга қарши курашда ни-ҳоятда муҳим. Зеро, ҳар қандай Ж., ав-вало, ижт-й ҳодиса сифатида тасодифан рўй бермайди. Ҳаттоки, баъзан тасоди-фан рўй берган, Ж. дея талқин этилади-ган ҳодисалар ҳам, аслида муайян ижт-й илдизларга боғлиқ бўлади. Ш.у. Ж.нинг сабабларини аниқламасдан, унга қарши кураш кўзланган самарани бермайди. Агар Ж.га қарши кураш олиб борилмаса, бир Ж.нинг иккинчисини келтириб чиқариш хавфи ортиб боради. Бу эса, жам-т ҳаётида Ж.чилик деб аталмиш ҳодисанинг ил-диз отишига олиб келади, бундай ҳолда жам-тнинг маън-й ҳаётига катта путур етади. Ж.чилик туфайли давлат ва жам-тга катта моддий ва маън-й зарар етиши, ки-шиларнинг тинч-осойишта турмуши из-

дан чиқиши, ҳаётда барқарорлик ўрнига беқарорлик ва тартибсизликлар рўй бе-риши мумкин. Бинобарин, Ж. амалдаги ахлоқий, маън-й, ҳуқуқий тамойилларга ёт ҳодисадир. Ҳуқуқшуносликда Ж. қонунда кўзда тутилган бўлиб, жам-т учун хавфли ҳолат (ҳаракат ёки ҳаракат-сизлик кўринишидаги), ижт-й тузум, мам-т сиёсий ва иқт-й тизими, фуқаро-лар мулки, ҳуқуқи ва эркинлиги, ҳуқуқ-тартиботга таҳдид солиш деб таърифла-нади. Ж. издан чиққан хулқ-атвор, ҳуқуқбузарликнинг энг хавфли тури. Бош-қа ҳуқуқбузарликлардан (фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва б.дан) жам-тга хавфлилиги (Ватанга хоинлик ёки қотиллик фақат жиноий-ҳуқуқий мақом-да бўлиши мумкин) ёки унинг даражаси (маъмурий ва жиноий жазоланадиган бе-зорилик, браконьерлик ва ҳ.к.) б-н аж-ралиб туради. Ҳар қандай Ж.нинг муҳим белгиси (унинг моддий белгиси деб ҳам аталади) унинг хавфлилиги ҳисоблана-ди, яъни жам-т, давлат ва айрим фуқаро-лар манфаатлари учун зарарлилигида кўринади. Ж. тавсифи (сифат жиҳати) ва жам-тга хавфлилик даражаси (миқдорий тавсифи) бўйича бир-биридан фарқла-нади. Ҳар қандай Ж. белгиси ғайриҳуқу-қийлик, яъни олдиндан ман этилганлик тамойилининг қонунда кўзда тутилган-лигидир. У ёки бу ҳаракатни Ж. деб тан олиш учун яна битта белги — айбдорлик талаб этилади, яъни шахснинг ўз хатти-ҳаракатига ва унинг эҳтимоли бўлган оқибатларига мун-тини ҳисобга олиш керак бўлади. Ж., одатда, айбдор шахс учун суд ҳукми бўйича жазоланиш маж-буриятини юклайди. Бироқ Ж. ва жазо-нинг уйғунлиги мутлақ ҳолат эмас, яъни барча мам-тлардаги мавжуд қонунчиликда жиноий жавобгарликдан ёхуд жазони аниқ ўташдан озод қилиш мумкинлиги кўзда тутилган (ҳукм ижросини кечик-тириш, шартли ҳукм қилиш ва б.). Ш.у. хатти-ҳаракатларнинг жазога лойиқлиги барча Ж.лар учун мажбурий жиҳат сифа-тида эмас, балки жиноий-ҳуқуқий таъ-қиб хавфи ва жазонинг белгиланиши си-фатида баҳоланади. Бу, ўз навбатида, алоҳида оғир, катта ижт-й хавф туғдир-

майдиған, кам ахамиятли, ўртача оғир Ж.ларни таснифлаш, уларга хос ҳуқуқий оқибатлар рўйхатини белгилаш ва жазо тайинлашда муҳим амалий ахамиятга эга.

ЖИНСИЙ БУЗУҚЛИКЛАР — инсоннинг жинсий ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатлари б-н боғлиқ маън-й бузилишнинг намоён бўлиш шакллари. Одатда, ҳар қандай жинсий хулқ меъёрининг бузилиши Ж.б. сифатида тушунилади. Афсуски, дунёнинг баъзи мам-тларида Ж.б.нинг айрим шакллари ҳаёт тарзининг таркибий қисмига айланиб бормоқда, ҳаётда уларнинг содир бўлишига одатий ҳол сифатида қараш таомилга кирмоқда. Баъзи ҳолларда бу масаланинг фақат соғлиқ ва тиббиёт б-н боғлиқ жиҳатида эътибор қаратилади. Замонавий тиббиёт н.назаридан, тиббий аралашувга муҳтож ва даволаниши зарур Ж.б. дейилганида, инсоннинг жам-т аъзоси эканига, унинг меҳнат фаолиятига, одатий ижт-й фаоллиги ҳамда атрофдагиларга бўлган мун-тига ҳалақит берадиган ҳолат тушунилади. Одатда, икки хил жинсий оғишлар фарқланади: тиббий жинсий аралашувни зарур деб толувчи парафилиялар ва саломатлик чегарасидан чиқмайдиган ҳолатлар кўринишлари. Жинсий оғишларни касаллик сифатида талқин этишда қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинади ва уларни даволаш лозим деб топилади: а) камида олти ой давомида Ж.б. б-н боғлиқ кечинмаларнинг шахс руҳиятида такрорланиб туриши; б) жинсий хулқ ёки жинсий фантазиялар беморга азоб келтирса, унинг ижт-й нуфузига путур етказса (ишдан бўшатиш, ижт-й нобоп хулқи учун жазо олиш ва ш.к.); в) бузуқликнинг бирламчи сабаби алкоголь ёки гиёҳли модданинг истеъмол қилиниши бўлса; г) ўз хулқини назорат қила олмаслик натижасида Ж.б.га оид ҳаракатлар содир этилса. Агар санаб ўтилган белгилар учрамаса, у ҳолда «парафилия» ташхиси қўйилмайди. Ижт-й меъёрдан оғувчи жинсий хулқ шакли субъектнинг ижт-й нуфузига таъсир этмаса, тиббий аралашув шарт эмас, деб топилади. Бу масаланинг чуқур ижт-й, маън-й жиҳати ва

оқибатлари ҳам бор. Чунки Ж.б. фақат жинсий майл натижаси, беозор табиий ҳодиса эмас, балки инсон маъ-ятига, ахлоқийлик талабларига тўғри келмайдиган ижт-й бузилишдир. Қолаверса, бу ҳодиса фақат олисдаги мам-тларга хос, деган тасаввурлар б-н хотиржамликка берилиш ярамайди. Уларнинг таъсирига қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшлар қалби ва онгига юксак маъ-ят тамойилларини сингдиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу эса маън-й тарбия соҳасида барчамизнинг масъул эканимизни, мазкур соҳадаги вазифаларни бажаришда фаол бўлишимиз зарурлигини англатади.

ЖИНСИЙ ТАРБИЯ — инсонда жинс, жинсий ҳаёт масаласига нисбатан маънан баркамоллик хислатларини, соғлом мун-тларни шакллантиришга йўналтирилган ижт-й-маън-й, тиббий ва тарбиявий таъсир мажмуасидир. Ж.т.нинг вазифаси — улғаяётган авлодни ҳар томонлама маън-й етук инсон қилиб тарбиялашга, ўз жинсига оид хулқни тўлатуқис ўзлаштиришга ва кейинчалик инсоний вазифаларни тўлақонли ижро эта олиш малакасини шакллантиришга, бўлажак никоҳ ва оилавий ҳаётнинг физиологик ва маън-й асосларини шакллантиришга кўмаклашишдир. Ж.т. болаларнинг жинсий балоғатга етишидан анча аввал бошланади ва уни жинсий ҳаёт масаласига оид тарғиботдан фарқлаш лозим. Жинсий ҳаёт масаласи бўйича тарғибот ишлари болаларнинг ўсмирлиги давридан, тахм. 8-синфдан бошланади ва бунда ўсмирлар б-н жинсий ҳаёт, жинс физиологияси, санитария-гигиенаси каби масалалар муҳокама қилинади. Ж.т. таълим-тарбия жараёнининг асосий тамойиллари суянади. Ушбу жараён, авваламбор, таълим-тарбия муассасаси олиб бораётган тарбиявий ишлар доирасида ва боланинг жинси, ёши ва унинг тайёргарлиги асосида олиб борилиши лозим. Ж.т. самарадорлигини белгиловчи асосий шартлардан бири — ота-она, педагог-тарбиячилар ва тиббиёт ходимларини яқдиллик б-н олиб борадиган фаолиятидир. Жинсий

ҳаётга оид масалаларни муҳокама этиш қанчалик мураккаб, нозик бўлмасин, тиббиёт ходимлари, педагоглар, ота-оналар уларни муҳокама қилишдан ўзларини олиб қочмасликлари ва ёшлар қизиққан ҳар бир саволга тўғри ва оқилона жавоб бера олишлари лозим. Ж.т.ни шартли равишда бир нечта босқичларга бўлиш мумкин. Болаларда оддий гигиеник кўникмаларни ва саломатликка оид хулқ кўринишларини шакллантириш лозим. Бадани чиниқтириш, тўғри овқатланиш организм саломатлигини таъминлаган ҳолда боланинг жинсий жиҳатдан соғлом улғайишини таъминлайди. Оилада ўзаро ҳурмат ва муҳаббатга асосланган маън-й муҳитни яратиш ниҳоятда муҳимдир. Кичик ёшдаги болаларнинг Ж.т.сида уларнинг физиологик ва психологик хус-ятларини ҳисобга олиш лозим. Ж.т.ни тўғри йўналтириш ҳамда ўғил ва қиз бола ўртасида ўринли мун-тларни шакллантириш учун болада уятчанлик, ўзини тийиш, доимо ёрдамга тайёрлик каби маън-й фазилатларни шакллантириш лозим. Жинсий улғайиш давридаги Ж.т. ўта мураккаб бўлиб, бунда болага нисбатан эътиборли мун-тда бўлган ҳолда унинг организмидаги ўзгаришларни, болага хос бўлган шахсий сифатларни назарда тутиш лозим. Шу жиҳатдан, болада ўзга жинс вакилларига нисбатан мун-т мад-тини шакллантириш катталар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Катталар фақатгина гигиеник маслаҳатлар б-н чекланиб қолмасдан, балки бола организмида бўлиб ўтаётган ўзгаришлар ҳақида ёшларга кўпроқ маълумот бериб боришлари лозим. Ўсмирлик ёшидаги Ж.т.нинг асосий негизларидан бири ўғил ёки қизда «ҳақиқий эркак» ва «ҳақиқий аёл» ҳақидаги аниқ тасаввурларни шакллантиришдир. Ўсмир бу т.ларнинг нафақат моҳиятини билиши, балки уларни ўз ҳаёт тамойилига айлантириши жуда муҳимдир. Ўсмир Ж.т.сига болани ўраб турган муҳит, китоблар, кино, ТВ ва интернет ҳам таъсир этади. Ушбу омилларни танлашда ҳам ота-оналар турлича йўл тутадилар. Айрим ота-оналар болага ташқи омиллар таъсирини тақиқлаш йўлидан борса, бошқалари эса

болада оқил танлов малакасини шакллантиришга интилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бола ўзини қизиқтирган маълумотга эга бўлади, бу табиий жараёни тўхта-тиб бўлмайди. Лекин, энг асосийси — ота-она ва фарзанд ўртасидаги ишонч муҳитини сақлаб қолиш ва зарур бўлган пайтда фарзанд ота-онасига мурожаат эта оладими ёки йўқми, деган мураккаб савол жавобсиз қолиб кетмаслигидадир. Ўсмирлик ёшида бола қалбида узоқ вақтгача салбий из қолдирувчи кўнгилсизликларнинг юзага келишига йўл қўймаслик лозим. Бундай кўнгилсизликлар инсоннинг нафақат ёшлиги, балки улғайган давридаги ҳаётида, бўлажак оилавий мунозаларида ҳам акс этган ҳолда унинг тақдирига бир умр ўз таъсирини ўтказиши. Оиладаги ўғил болалар сингил ва опаларига бўлган мун-т орқали умуман аёлларга нисбатан мун-т меъёрларини ўзлаштирадилар. Отанинг қиз фарзандларга ва онага бўлган мун-ти ўғил бола учун намуна бўлиб ҳисобланади. Худди ш-дек, онанинг отага ҳурматли мун-ти қизларнинг келажакда ўз турмуш ўртоғига бўлган мун-ти намунаси дир. Айни пайтда, шундай мун-т орқали ўғил фарзанд ҳам оиладаги ўз ўрни ва ролини англаб боради ҳамда шунга мос равишда улғаяди. Айнан шу омил ота-онанинг оилавий ҳаётдаги ва бола Ж.т.сидаги масъулиятлари қанчалик юксаклигини белгилайди.

ЖОН — инсон ва жонзотлар б-н боғлиқ маън-й-руҳий хус-ятни ифодалайдиган т., қад. қарашларга кўра, инсон ва ҳайвон вужудида (баъзи ўсимлик ҳам) яшовчи, ўлим ҳолатида танани тарқ қилувчи алоҳида куч. Ж.нинг кўчиши ҳақидаги таълимотлар ҳам бор. Космоснинг умумий Ж.лиги ҳақидаги қарашлар (гилосоизм, панпсихизм) дунёвий Ж. ҳақидаги ғояларнинг асосидир (Платон, неоплатонизм). Аристотель Ж.ни тирик тананинг фаол ибтидоси сифатида талқин қилади. Динларда инсон Ж.и Худо томонидан яратилган такрорланмас, абадий маън-й ибтидо ҳисобланса, пантеистик авероизмда эса Ж. якка маън-й суб-

станция сифатидаги индивидуалликдир (монопсихизм). Декарт дуалистик метафизикасида Ж. ва тана иккита мустақил субстанция сифатида фарқланади ва уларнинг ўзаро таъсири масаласини психофизик муаммо сифатида муҳокама қилинади. Ислом таълимотига кўра, фаришталарда Ж., руҳ бор-у, лекин тана, яъни жисм йўқ. Шу боис улар кўзга кўринмайди. Ҳайвонларда тана, Ж. бор-у, бироқ руҳ йўқ. Улимидан кейин, яъни танасидан Ж. чиқиб кетгач, ҳайвонлардан ҳеч нарса қолмайди, йўқликка учрайди. Одамда эса тана ҳам, Ж. ҳам, руҳ ҳам мавжуд. Кўпчилик Ж. б-н руҳни бир нарса деб тушуниб келади. Ш-дек, Ж. б-н руҳ сўзлари луғавий жиҳатдан бир-бирига яқиндир. Руҳ араб., Ж. форсча сўз бўлсада, деярли ўн тўрт адан буён тилимизда кенг қўлланиб, ўзлашиб, кўп янги-янги маъноларни англашиб, эндиликда ўз сўзимизга айланиб кетган. Аммо улар айнан бир т.ни билдирмайди. Абу Ҳомид Ғаззолий айтишича, одамда жисмоний Ж. ва қалбий Ж. бўлади, одам вафот этгач, ундаги жисмоний Ж. тугайди, Ж.сиз жасад тупроққа айланиб кетади. Лекин одам шу б-н батамом тугаб, йўқликка учрамайди. Одам жисмонан вафот этади, холос. Ундаги қалбий Ж. жасадни тарк этсада, мангу яшаб қолаверади. Қалбий Ж. бу, юқорида тилга олганимиз, руҳдир.

ЖОСУСЛИК — давлат ва жам-т хавфсизлигига қарши жиноят; давлат сири ҳисобланадиган маълумотларни бошқа давлат ёки сиёсий доираларга етказиш, шу мақсадда бундай маълумотларни қўлга киритиш ёки тўплаш б-н боғлиқ фаолиятни ифода этадиган т. Ж. ўта оғир жиноят ҳисобланиб, кўп мам-тларда бундай хатти-ҳаракат учун жазо белгиланган. Бу қилмишни ЎзР фуқароси содир этса, республика суверенитети, ҳуқуқий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти ёки иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасдан содир этилган қилмиш ҳисобланиб, у давлатга хоинлик қилиш деб баҳоланади. Бу хилдаги жиноят учун қонунчилигимизда тегишли жазо белгиланган. Чет эл разведкаси б-н ҳамкорлик қилишга жалб этилган шахс, башарти, ўзига юклатилган топшириқни бажариш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат содир этмасдан, бу ҳақда ўз ихтиёри б-н ҳокимият органларига хабар берса, ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхташиб ва қилмиши ҳақида ҳокимият органларига маълум қилса, у жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Агар у жиноят очилишига фаол ёрдам берса ва башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан ҳам озод этилади (ЖК, 160-модда).



ЗАКОТ (араб. поклик, покланиш; садақа) — 1) мол-мулк ва даромаддан бериладиган хайр-эҳсон; 2) исломнинг бешта асосий талабларидан бири. Шариятга мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон киши 3. беради. 3. берувчининг маблағи ўзи ва қармоғидагиларининг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Бу маблағга кишининг жамғармаси, дўконда сотиладиган нарсалари, сотаман деб олиб қўйган

нарсалари, бировга берган қарзи киради. У йилда бир марта берилиши шарт бўлган хайр-эҳсон (садақа) қаторига киради ва айни вақтда ибодат ҳисобланади. 3. миқдори маблағларнинг 1/40 улуши (2,5%)га тенг, уни 3. беролмайдиган мусулмонлар олишга ҳақли. 3. аввал қариндошлар орасидаги муҳтожларга, бундай қариндошлар бўлмаса, камбағал, қарздор, мусофирларга берилади. Деҳқонлар ва чорвалдорлардан олинадиган 3. миқдори бир оз

бошқачароқ белгиланган. 3.нинг асл ҳикмати фақир ва муҳтожларнинг ҳожатини чиқармоқдир.

ЗАМАХШАРИЙ. Маҳмуд (1075–1143) — тўлиқ номи Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий бўлиб, тилшунослик, луғатшунослик, жуғрофия, ҳадис, фикҳ, тафсир, мантиқ, аруз фал., ахлоқ ва адабиёт соҳасида баракали ижод қилган. 3.нинг “Навобиг ул-калим” (“Нозик иборалар”), “Атвоқ уз-заҳаб” (“Олтин шодалар”), “Ал-фоиқ фи ғариб ил-ҳадис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар”), “Мақомоти аз-Замахшарий” (“Аз-Замахшарий мақомлари”), “Ал-Кашшоф” («Қуръони Каримга ёзилган тафсир») каби рисоалари бутун мусулмон оламида кенг тарқалган. Ўз-н мустақилликка эришгандан сўнг алломанинг ижодий меросини ўрганишга кенг йўл очилди. Ҳоз. вақтда 3. асарларидаги айрим афоризмлар М.Оқилов, “Навобиг ул-калим” (“Нозик иборалар”) рисоласи эса У.Уватов томонидан араб.-дан ўзб. тилига таржима қилиниб, чоп этилган. 3.нинг инсон маъ-яти ва ахлоқий қарашларининг асосини мўътазила мазҳаби ғоялари ташкил қилади. Алломанинг фикрича, «Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи еру кўк фақат ўз теграси қутблари атрофида айланур». Инсоннинг ўз хатти-ҳаракатида ақл амрига қараб иш тутиши, ақл-идрок ва тафаккурнинг ўрни, айниқса, илмни эгаллаш, таълим-тарбияга оид фикрларида яққол кўзга ташланади. «Ёки илмий бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан)», дейди олим. 3. илмнинг жам-тдаги ўрни, баркамол ва комил инсонларни тарбиялашдаги аҳамиятини очиб берган. 3. рисоаларида нодонлик, жоҳиллик ва саводсизликни қаттиқ танқид қилади, уларни инсоннинг энг тубан иллатлари деб ҳисоблайди. «Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳиллигу нодонлик булоғи

чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади». Донишманд инсоннинг ҳалол меҳнат қилиб, шунинг эвазига кун кўриши лозимлигини уқтиради. Унинг замондоши — машҳур шоир Рашидуддин ал-Ватвот «Ҳатто ўзига зарар бўлса-да, у доимо адолат юзасидан иш тутар эди», деб айтган эди. 3. тилшунос сифатида, нутқ мад-ти ва ўзаро муомала қоидасига катта эътибор беради. Унинг одамларга қўйган биринчи талаби кўп сўзламасликдир, зероки, маҳмадонагарчилик ўзгаларга ёқмайди. 3. тўғрилиқ ва покликни улуғлайди, уларни инсоннинг энг яхши фазилатлари сирасига киритади. У Муҳаммад алайҳиссаломни дунёдаги энг тўғри ва пок инсон деб, кишиларни Аллоҳга ва унга иймон келтиришга ундайди. Ҳалоллик ва поклик инсон хулқини безашини айтиб, улар инсонни камолат сари етаклаши, «ҳалол, покиза киши доимо хотиржам ва тинчликда бўлиши, бировга хиёнатга ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтор»лигини таъкидлайди. 3. саёҳатларда кўп бўлиб, ўзга мам-тларни кезган, яхшию ёмонни кўриб, дўсту душманни ажрата билган. Ш.у. мутафаккир ҳақиқий содиқ дўстни юксак қадрлаган. «Огоҳ бўлингизки, — деб таъкидлайди у, — карим ва ҳурматли, вафодор одамни йўқотиш эр кишига вафотдан ҳам оғирроқдир». Унинг «Навобиг ул-калим» рисоласида илм-ҳунар эгаллаш, гўзал фазилатли хулқ-одобли, баркамол инсонни тарбиялаш тўғрисида фикрлар кўп. У инсондаги салбий иллатларни қоралади. Олимнинг фикрича, одамнинг ботинию зоҳири, дилию тили бир бўлиши керак, шундагина у сахий ва салим бўлади. «Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидаги энг ялқови—пасткашидир», «Такабурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидаги шамолдан б. нарса эмас»,—дейди мутафаккир. Айниқса, 3. нопок, гердайдан, билимсиз, такабур одамларни танқид остига олади. «Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч,

шайтон йўлдан урадиган шошмашошарлик б-н эмас, тафаккур ва идрок б-н иш тут», — деб уларни савоб ва солиҳ ишларни қилишга ундайди.

ЗАМОНАВИЙЛИК — муайян замон ўзгаришлари ва давр даъватини, тар-ёт талабларининг мазмун-моҳиятини чуқур ҳис этиб яшаш; ҳаётда ҳар томонлама ўткир ва долзарб аҳамият касб этаётган масалалар, даврнинг ўзи кун тартибига кескин қилиб бўяётган янги вазифаларни бажариш борасидаги ҳозиржавобликни англададиган т. Ушбу т.нинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримовнинг асарлари, айниқса “Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” (Т., Ўзбекистон, 2009.) номли рисоласида ҳар томонлама далил ва мисоллар б-н очиб берилган. Ушбу асарда таъкидлангани каби, **“Бугун биз янги ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, замоннинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган, умрини ўтаб бўлган баъзи қарашларни тубдан ўзгартиришга, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгича фикрлашга даъват этаётганини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз”** (22-бет.). Ушбу т. бугунги авлоднинг ўзи бошидан кечирётган аниқ тарихий вақт кесими б-н ҳамнафас, ҳамфикр эканини, ўзини ўтмиш, бугунги кун ва қолаверса, келажак олдида масъуллигини англаши, замонавий ҳодисаларни аниқ тасаввур қила олиш қобилиятини ифодалайди. Замоннинг барча талабларини чуқур ҳис этиш, яъни тарихни яхши билиш ва ҳис этиш, бугунги кун хус-ятларини теран англаш ва фаол бўлиш, келажакни яхши тасаввур этиш ва аниқ мақсадга эга бўлиш — буларнинг барчаси шахс маъ-ятининг муҳим кўрсаткичларидир. Демак, айнан шундай салоҳиятга эга бўлган кишиларгина замонавий тафаккурга эга бўлиши ва ўз келажакига чуқур ишонч б-н қарай олиши мумкин.

ЗАРАР (араб. ёмон таъсир ёки зиён, шикаст, заҳмат) — бир шахсга ёки давлатга, жам-тга, жамоага ва б.га иккинчи шахс томонидан етказиладиган зиённи англаувчи т. З. икки хил тарзда еткази-

лиши мумкин: моддий ва маън-й. Моддий З. — мол-мулкка етказилган зиён бўлса, маън-й З. эса — шахснинг ҳаёти ва соғлиғига, обрўсига путур етказишдир. Шахсга етказилган маън-й З. унинг жам-тдаги мавқеи, жамоатчилик ўртасидаги обрўи, ҳурмат-эътиборига салбий таъсир этади. Кек сақлайдиган, фақат ўч олиш нияти б-н яшайдиган дили қора, ҳамиша қалбида бошқаларга З. етказишни ўйлайдиган кишилар охир-оқибат бундай ҳодисаларнинг сабабчисидир. Бошқаларга З. етказадиган кишилар қалби пок, оқ кўнгил инсоннинг қўйнига кириб олиб, уларга З. етказишга ҳаракат қилади. Эл назарига тушган бообрў одамга ҳасад қилиб, унга З. етказишга интиладиган киши нодонни эслатади. Бунда улар ўзларига ифвогарликни қурол қилиб олишади. Ифвогарлар ҳамма ерда ва ҳар қандай вазиятда ўзгаларга зиён етказишга ҳаракат қилишади. Яхшиликни ёмонликдан ажрата олмайдиган кишиларнинг фойдасидан кўра З.и кўпроқ. Билимли, тарбияли киши бошқаларга З. етказмайди. Чунки улар яхшилик ва ёмонликни фарқлай билишади. Ҳар қандай З.ли ишни кўра била туриб, унинг олдини олиш ўрнига, уни қўллаб-қувватлаб турадиганлар жам-т учун энг З.ли кишилардир. Оқил киши нодон б-н вақтини бекорга ўтказмайди, чунки нодоннинг иши ҳам, сўзи ҳам З.ли эканини яхши билади.

ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР — шахс ёки бутун бир миллат, жам-тга тегишли маън-й, мад-й, моддий ўзаро мун-тлар, дунёқараш ва ҳ.к. н.назаридан ғайриинсоний ёки ғайриодатий деб билинадиган хус-ятларни ифодаловчи т. З.о. инсоннинг маъ-ят талабларини яхши англамагани, маън-й тамойилларга риоя қилмагани, нотўғри тарбиялангани оқибатида келиб чиқади. Инсон билим олар экан, ўрганган билимларининг бир қисми бутун ҳаёти давомида унинг доимий амалий кўникмаларига айлана боради. Шунга кўра, З.о. инсон ҳаётининг хоҳлаган вақтида шаклланишини кузатиш мумкин. Бироқ инсон умри болалик ва ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёшлик ва кексаликдан иборат тўрт қисмга бўлиниб (Форобий,

Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий), унинг биринчи икки қисмида кўникмаларнинг ҳосил бўлиши кўпроқ жисмоний, камроқ ақлий характерга эга бўлади. Учинчи ва тўртинчи қисмида эса кўпроқ ақлий, камроқ жисмоний моҳият касб этади. Шунга қарамай, инсон онгининг фаоллашуви 3.о.нинг йўқолиши ёки аксинча, мукаммаллашувини келтириб чиқаради. Шу жиҳатга кўра, инсон умрининг дастлабки икки қисмида унинг тарбиясига катта аҳамият қаратилади. Муайян шахсга тегишли 3.о. индивидуал ёки ижт-й тарзда намоён бўлиши мумкин. Бунда шахснинг 3.о.и унинг ижт-й ҳаётда тутган ўрни б-н боғлиқ бўлади. Мас., шахснинг ижт-й ҳаётдаги ўрни паст даражада бўлса, лоқайдлик, дангасалик, ўғирлик каби 3.о. индивидуал хус-ятга эга бўлади, аксинча, юқори даражада бўлса, 3.о.нинг ижт-й характер касб этишига олиб келиши мумкин. Ана шу жиҳатларига кўра, 3.о. миллий, ижт-й, минтақавий ёки умуминсоний кўринишга эга бўлади. 3.о.нинг шаклланишига турли омиллар сабаб бўлади, бироқ унинг ижт-й даражада илдиз отишида инсоннинг иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий, мад-й, маън-й-руҳий мавқеи муҳим ўрин тутаети. Ш-дек, 3.о. жинс, ирқ, табиат, анъаналарга мун-тларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мас., “Авесто”-да сув, тупроқ, ҳавони ифлослантириш, ҳайвонларни қириш, ўсимликларни йўқ қилиш зарарлиги қайд этилган. 3.о. баъзан жам-т тар-ётига, инсоний мун-тларга салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлар, кўникмалар мажмуи тарзида ҳам намоён бўлади. Мас., маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ҳурматсизлик, лоқайдлик, бепарволик, гиёҳвандлик, мансаб-парастлик, манманлик, чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, қонунларга риоя этмаслик қабилар айнан 3.о.лар ҳисобланади. Ҳасад ва бахиллик, кўрол-маслик туфайли олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар азоб-уқубатларни бошдан кечиргани, соғлиғи, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин. Одамзод ва жам-т ҳаётда оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси, авваламбор, бошқаларни кўрол-

маслик, инсоннинг ютуғидан қувониш ўрнига қандайдир куйиниш, ичи қоралик каби 3.о.лар инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида характерланади. Бундай 3.о.ларга қарши курашиш учун ҳар бир фуқаро тафаккурида юксак маън-й фазилатларни шакллантириш лозим. Бугунги мураккаб ва шиддат б-н ривожланиб бораётган даврда 3.о.ларни атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг аҳолига таъсирини ўрганиш миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган томонларини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маън-й хуружларга қарши собит тура олишга қодир, мустаҳкам иродали ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин.

ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАР – жам-т, миллат, давлат тар-ётини, инсонлар фаолияти, онги ва тафаккурини издан чиқаришга қаратилган уринишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуини ифодалайдиган т. 3.т.нинг замонавий услублари: маън-й таҳдид, ахборот майдонларини эгаллаб олиш, мафкуравий хуруж, бузғунчилик ҳаракатларини қўллаш орқали келажакка ишончсизлик уйғотишга, давлат сиёсатини обрўсизлантиришга, одамларнинг ўзини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортишга ҳаракат қилиш ва ш.к. 3.т. ўтказишни мақсад қилиб олган ёвуз кучлар бирор хусусий мисолни умумлаштириш, ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлаш, кичик хатолардан катта муаммолар мавжудлигини кўрсатиш, ёлғонни такроллаш, шайхонни манфаатларни биринчи ўринга қўйиш, ҳокимиятни халққа ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғуларини уйғотиш, ростни ёлғонга айланттиришга ҳаракат қилади. Муайян давлат, жам-т ёки ҳудуд н.назаридан, аввало, икки хил, яъни ички ва ташқи 3.т.ни ажратиш мумкин. Уларнинг объектив ва субъектив,

тарихий (анъанавий) ва замонавий, ижт-й, иқт-й, сиёсий, маън-й, мафкуравий шакллари ҳам бор. Ҳоз. даврда минтақавий, глобал, техноген З.т. мавжудлиги, уларнинг оқибати тўғрисида хилма-хил фикр ва қарашлар баён қилинмоқда. З.т.нинг маън-й соҳадаги оқибати ва уларнинг олдини олиш, уларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиш масалаларига Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида алоҳида аҳамият қаратилган. Зеро, ҳар қандай жам-т бундай маккор кучларнинг таъсирини энгиши учун ўзида огоҳлик, мафкуравий хавфсизлик, ватанпарварлик, умуммиллий бирлик каби ижт-й сифатларга эга бўлиши лозимлиги тарихий заруратдир.

ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАР — ҳар қандай инсон халқ, жам-т, давлатнинг туб манфаатларига зид бўлган, уларни тар-ётдан қайтариб, ўз измига солиш мақсадида четдан таъйиқ йўли б-н киритиладиган бегона ғоялар йиғиндиси. З.ғ. жам-т таназулига сабаб бўлади, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилади. З.ғ., моҳиятан, ёвуз кучлар фаолияти ҳамда ҳукмронлигини ифодалайди. Бундай ғояларга ирқчилик, фашизм, терроризм, мустамлакачилик мисол бўлади. Бундай ғоялар инсоният тарихида ўта салбий роль ўйнаган, лекин ҳоз. кунда ҳам мавжуд. З.ғ. инсон табиатига зид бўлиб, уни салбий томонга ўзгартиради, унда носоғлом турмуш тарзини шакллантиради, унинг дунёқарашига қарамлик, тобелик, мутелик муҳитини шакллантиради. Миллий тафаккур тарзини ўз негизларидан бегоналаштиради, ёт урф-о. ва анъаналарни тарғиб қилади, уларнинг кириб келишига муҳит яратади, мам-тни, халқни ўз миллий қадриятларидан, охир-оқибат ўз тар-т йўлидан четлаштиради. жам-тда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликка раҳна солиб, парокандаликка олиб келади. Шу маънода, З.ғ.га нисбатан маън-й иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлаш — маъ-яти бой, эркин фикрловчи, фаол ёш авлод тарбиясининг муҳим йўналишидир. Бугунги

кунда инсон маъ-ятига, халқимизнинг турмуш тарзига, руҳиятига нисбатан қилинаётган ғоявий хуржларнинг усуллари тобора фаоллашиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз. З.ғ.ни турли кинофильмлар, ТВ кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари шаклида, газета-журналлар, интернет тармоғи ва б. йўналишларда узлуксиз равишда тикиштириб, миллий қадриятларни барбод этишга, одамларни сохта ғояларнинг таъсири остига олишга мунтазам ҳаркат қилинаётгани сабабли маън-й тарбия ишларини тизимли равишда, мунтазам олиб бориш зарур.

ЗАРДУШТҲИЙЛИК (оташпарастлик, зороастризм) — мил.ав. VIII-VII а. қуйи Амударё ҳудуди ва Марғиёнада вужудга келган яккахудоликни тарғиб этадиган дин. З. Зардушт томонидан ислоҳ қилиниб, такомиллаштирилди. З. таълимоти мил. ав. VII а.да Арийшайона давлатининг инқирозга юз тутган даврида вужудга келди. Бу даврда турли худоларга сажда қилувчи қабилалар ўртасидаги зиддиятлар парчаланиб кетаётган жам-т (давлат-)нинг ички қарама-қаршилигини янада кучайтиришга олиб келган. Мам-т инқирозининг олдини олиш учун қабилалар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериб, умумий манфаатлар муштараклигини тарғиб қилувчи муайян мақсадга қаратилган изчил ғоялар яратиш зарурати пайдо бўлган. Бундай таълимот, биринчидан, жам-тнинг ижт-й барқарорлигини сақлаб қолиш учун хизмат қилиши, иккинчидан, уруғ ва қабил динларидан устун турувчи ҳамда улар манфаатларига мос келадиган эътиқод шаклини яратиши, учинчидан, ҳар қандай қонли уруш ва хунрезликларга қарши халқларни осойишталикка чақириши, тўртинчидан, давлат чегараларидан ташқари кўчманчи чорвадор қабилалар ҳужумига қарши мам-т ичкарасидаги кучларни жипслаштирувчи ғоялар тизимини шакллантириши ва бундай ғоялар тизими ўз даврининг сиёсий мафкурасидан бошқа нарса бўлиши лозим эди. Қабилалар ўртасида муштарак манфаатларни шакллантириш учун қабилаларнинг умумий эътиқодини вужудга

келтириш зарур эди. Қабилалар орасидаги зиддиятларнинг туб сабабчиси кўп худолик эканини тушуниб етган Зардушт одамлар бутун оламнинг қудратли ҳукмдори, жаҳоний ақл (сохиби) Ахура Маздагагина итоат этиши лозим, деган қарорга келган. Зардушт одамларни Ахура Маздага сажда қилишга чақириб, инсоният маъ-яти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўп худоликка (политеизм) қарама-қарши якка худоликка (монотеизм), яъни диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худоларга уларнинг қаҳри, даҳшатли вайрон қилувчи қудрати олдида ожиз бўлиб, кўрқув даҳшати остида сиғинишган бўлса, эндиликда эса 3. одамларни қалби меҳршафқат б-н тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўлимидан кейин мангу фаровон ҳаёт б-н таъминлай оладиган тангри – Ахура Маздага ибодат қилишга чақирди. 3. диний эътиқодда дуализмни (икки худолик) эмас, якка худоликни (монотеизм) тарғиб қилган. 3. таълимотида кўра, дунё – ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, ёлғончилик ва ростгўйлик, ваҳшийлик ва эзгулик, жоҳиллик ва шафқатлилик, аҳмоқлик ва ақллилик, пастлик ва баландлик, олов ва сув, иссиқлик ва совуқлик каби қарши кучлар ўртасида кечадиган аёвсиз кураш майдони сифатида тасаввур қилинади. Оламдаги барча яхшилик, эзгулик, ёруғлик кучларини Ахура Мазда яратади ва бошқаради. Ёмонлик, тубанлик, ёлғончилик ва ҳ.к. кучларнинг ижодкори ва унинг бошқарувчиси қилиб эса Анҳра Манйу тушунилади. Ахура Мазда ўзининг олти-та ёрдамчиси б-н барча ёруғ оламни бошқаради. Бу “мангу яшашга молик муқаддас руҳлар” Ахура Мазда раҳнамолигида мавжудликнинг турли соҳаларини ўзида мужассам этади. Ҳаёт деб аталувчи барча нарсалар: инсонлар, чорва, олов, ер, осмон, сув ва наботот (ўсимликлар) дунёсига ҳомийлик қиладилар. Муқаддас руҳлар (“Авесто” битикларида Амеша Спента дейилади) жами олтига бўлиб, улар Муқаддас руҳ Спента Манйу ёрда-

мида вужудга келтирилади: 1) Воху Ману – эзгу фикр; 2) Аша Вахишта – энг олий ҳақиқат; 3) Спента – муқаддас эътиқод, диёнатга содиқлик (иймон); 4) Хиштра-Варйа – ҳукмронлик хоҳиши; 5) Ҳарватат – яхлитлик; 6) Америкетат – мангулик; Ахура Мазда б-н жами еттита. “Еттита ҳамфикрлар, Еттита ҳамризолар, Еттита ҳамкор ҳукмдор, Фикр ва сўз эгалари, Ҳаммасининг ташвиши бир. Ҳаммаси ҳам бир уруғдан, Ахура Мазда исмли Яратувчи сарбондан” (Авесто. 19-яшт. Гимн Хварно. Душанбе, 1990, 129-бет. Тоҳир Карим таржимаси). 3. таълимотида Анҳра Манйу – барча ёмонлик, зулмат кучларининг тимсоли сифатида тасвирланади, бу кучлар жин, шайтон, иблис, алвасти, жодугар, дев, аждаҳо, илон ва ҳ.к.ни яратадилар ва улар ёрдамида одамлар қалбига кўрқув, даҳшат уруғларини сочиб, ўзларига тобе қилишга уринадилар. Бушйаста – одамларда ялқовлик, дангасаликни кучайтирувчи, одамлар эрта б-н турмоқчи бўлганида ўзининг узун қўллари б-н бошини ёстиққа босиб, яна уйқуга элтувчи иблис қиёфасидаги дев. Гандарва – дарёлар, қўллар, денгиз сувларини бошқарувчи, сув тўфонлари ва тошқинлари, кема ҳалокатларини, Амударёда дағишларни келтириб чиқарувчи қудратли, гавдали, кўрқинчли кўринишдаги, қипқизил кўзи б-н одамлар қалбига даҳшат солувчи иблис қиёфали дев. Мозон девлари узоқ шимол томонда, мангу қаҳратон совуқ ҳукмрон бўлган, олис Урал тоғлари орқасида макон тутган, одамлар ҳаётига аралашиб турадиган, уларнинг тақдирларига таъсир кўрсатувчи девлар ва ҳ.к. Одамлар бу икки қудрат ўртасидаги чегарада ҳаёт кечирадилар. Ахура Мазда ўз ёрдамчилари, маъбуд ва маъбудалари, хур фаришталари б-н етти қават осмонни ўзларига маскан тутадилар. Анҳра Манйу эса ўз салафлари б-н етти қават ер тагини ўзларига маскан тутадилар. Бу икки ҳукмдор салтанатларининг чегаралари ер юзасидан, одамлар қалбидан ўтказилади. Одамларга бу икки қудратдан бирини танлаш имконияти яратилади. Агар киши, кўпроқ бугунги кун ташвиши б-н қорин ғамидан нарисини ўйлай ол-

майдиған, шахсий ғаразли манфаат йўлида ёлғончиликдан ҳазар қилмаса, ўлғанидан кейин нариги дунёга ишонмаса, бундайлар, албатта, Аҳриман таъсирига учраган одамларга ҳисобланган. Таксинча, бу дунё одамларга синов учун берилганига, ҳақиқий ҳаёт ўлғандан кейин, чинвот(қил кўприк)дан кейин бошланишига ишонса, нариги дунёнинг абадий фароғат умр кечирадиган жаннатига интилса, бу дунёда Ахура Мазданинг йўлидан бориши, унга амал қилиши, фақат эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалларга риоя қилиб яшаши зарур бўлади. Ахура Мазда одамларга тўғри йўлни кўрсатиш учун одамлар орасидан энг сарасини — Зардуштни ўзига элчи қилиб танлайди. Зардуштга эзгу фикр ва эзгу сўз тайёр ҳолда дунёвий қудратли ақл — Ахура Маздадан юборилади. Бу юборилган эзгу фикр ва эзгу сўзга сидқидилдан ёндашиб, уларга амал қилиш одамларга вазифа қилиб юклатилади. Анҳра Манийу эса Мазда йўлидан одамларни қайтариш учун инсонлар ичидан бирини танлаб, энг буюк қобилият ато этади. Бу танлаган одами Друғванд («Авесто»да Друж)дир, у ёлғончиликда, бебурдликда, муболага, ваҳимали гапларни қиёмига етказиб одамлар қалбига даҳшат уругини сочишда устаси фаранг бўлиб, 3. таълимотига қарши ташвиқот ишларини олиб боради. Зардушт ўз таълимотида («Авесто»нинг готлар қисмида) чорвачиликка асосланган турмуш тарзига нисбатан ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзини қарама-қарши қўйиб, кўчманчи чорвачиликка асосланган ҳаёт тарзига барча ёвузликларнинг манбаси деб қарайди. Ўз жамтининг фуқароларини чўл халқлари яшаш тарзида кўпроқ Аҳриман иродаси қонунлаштирилганидан огоҳ бўлишга чақиради. 3.да оловга сиғиниш алоҳида аҳамият касб этади. Олов улар учун муқаддас ҳисобланиб, барча ёруғлик, тозалик, эзгуликнинг манбаси сифатида қаралган. Улар Ахура Мазданинг қалби қуёши нуридан чиқарилган (олинган) оловнигина муқаддас ҳисоблаганлар. Олов манбаларини иккита: биринчиси — Қуёш, иккинчиси — Ер ости (жаҳаннам), деб тусунганлар. Қуёш нуридан олинган олов

га яратувчилик, гуноҳлардан тозаловчи, меҳр ёлқини манбаси сифатида, ер қаъридан чиққан оловга эса вулқон, қора булутдан чиққан момақалди роқ, йилдирим (яшин) кўринишидаги одамлар, ҳайвонлар ва наботот оламига қирғин келтирувчи сифатида қараганлар. Ш.у. ҳам йилнинг ўзини ҳам Ормузд даври (яъни Наврўздан то Меҳржон байрамитача) ва Аҳриман даврига Меҳржон байрамидан (21 сентябрдан) Наврўз айёми (21 март)гача вақтларга бўлиб, тасаввур қилганлар. 3. таълимотида кишилик жам-ти жами 12 минг йил умр кўриши келтирилган. Бу даврлар: Ахура Мазда (олтин) даври қаюмарс (Говмард, Гоптшоҳ)дан бошланади. Йима Вивахванд ҳукмронлигининг охириги йилларигача давом этган. Ормузд даврида ижт-й адолат тўла тикланган замонлар бўлиб, бу даврда одамлар туғилади, лекин ўлим бўлмайди, деб ҳисобланади. Мазкур давр Йима Вивахванд (Жамшид) кибр-ҳавога берилиб, ўзини Тангри ўрнига қўйиб, одамлар унга сажда қилишини ва сигир гўштини ейишини буюрганидан кейин Аҳриман таъсирига мубғало бўлгунча давом этади. Ахура Мазда Жамшидни абадий умр кўриш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Аҳриман даври тўла адолатсизликлар авж олган давр бўлиб, у ҳам Ахура Мазда даврига тенг уч минг йил давом этади. 3. замонидан бошлаб Ахура Мазда ва Аҳриман ўртасида ҳаёт-мамонт кураши даври бошланиб, у ҳам уч минг йил давом этади. Зардушт ўлимидан сўнг уч минг йил ўтганидан кейин фаровонлик (Ахура Мазда) даври бошланиб, бу давр яна уч минг йил давом этиши башорат қилинади ва ҳ.к. 3.да ер, сув, ҳаво, олов мавжудликнинг тўртта асоси сифатида улуғланади. Бу таълимот юнон содда материалистлари (Фалес, Анаксимен, Анаксимандр, Гераклит)нинг фал-й таълимотларига чуқур таъсир қилганини кўриш мумкин. Ш-дек, Ахура Мазда (дунёвий ақл) руҳ образида Сукрот ва Афлотун фал.сига, Арасту фал.сига борлиқнинг тўрт асоси (ер, сув, ҳаво, олов) тўғрисидаги таълимотнинг шаклланишига ҳам 3. гоьларининг катта таъсирини сезиш мумкин. Монийлик, мит-

раизм, маздакийлик таълимотлари З.нинг ғоявий меросхўрлари ҳисобланади. Аршакийлар ва Сосонийлар подшоликлари даврида З. яна давлат дини даражасига кўтарилди. Араблар Эрон ва Ў.О.ни босиб олганларидан сўнг энг фидойи зардуштийлар иккинчи марта (биринчисидан Искандар Зулқарнайндан қочиб) Ҳиндистонда паноҳ топдилар. Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳри атрофида ва Гужарат штатида ҳозир ҳам 250–300 минг кишидан иборат Зардуштийлар қавми истиқомат қилади. Эроннинг жанубий тоғлари орасидаги дараларда ҳам кўп минг кишилик Зардуштийлар қавми бор. З. таълимоти ўзидан кейинги янада ривожланган миллий-минтақавий, жаҳон динлари бўлган яҳудийлик, буддавийлик, христианлик ва ислом этиқодининг шаклланишида катта аҳамият касб этди. Хус-н, ҳалол, ҳаром, гуноҳ, савоб, жаннат, дўзах, ҳур, фаришта, иблис, шайтон, дев, етти қават осмон, етти қават ер, етти иқлим, дунёвий ақл, дунёвий руҳ, қиёмат, охир замон, қил кўприк (чинвот), охирги ҳукм ва б. бир қатор т. ва образлар дастлаб З. китоби “Авесто”да ишлаб чиқилган эди.

ЗЕҲН (араб. идрок, фаҳм, хотира) — шахснинг нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларни тушуниш қобилияти. З. шахслараро мун-тларда ўзгаларнинг ҳолати ва мунтини тез ва тўғри пайқаб олиш хус-яти ҳам бўлиб, бошқа шахс томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракат шаклини олдиндан кўра олиш малакасини англатади. З. алоҳида шахснинг имкониятлари ва қобилиятларининг яхлит тизимидир. Бундай тизим сифатида З. инсоннинг кузатувчанлигини, ўзгалар фикри ва ҳиссиётларини мос тарзда акс эттиришни ҳамда шу ҳолатга мувофиқ жавоб бера олиш малакасини назарда тутати. З. тафаккур фаоллигида, нутқ равонлигида, турли одамлар ҳақида тўпланган бой тажрибада намоён бўлади. Шу маънода, тез тушуна оладиган, ақлли, доно кишилар З.и ўткир инсонлар ҳисобланади.

ЗИЁЛИ — маън-й баркамол инсон, илмли, ўқимишли, маърифатли шахс маъноларини англатувчи т. Кундалик ҳаётда З.га нисбатан “интеллигент” ибораси ҳам қўланади. Бунда кўпроқ ўша шахснинг билим доираси, тафаккури, қолаверса, мад-й даражаси назарда тутилади. Зеро, «интеллигент» атамаси «интеллект», яъни ақл б-н боғлиқ ва демакки, аслида ўзб.ларнинг «оқил», «ақл эгаси» деган сўзлари б-н маънодош. Халқимиз тарихида З., маърифатли кишилар кўп бўлганини яхши биламиз. Улар ўртасида ўқитувчи ва мураббийлар, устозларнинг ўрни, аҳамияти катта. Юртбошимиз алоҳида таъкидлагани каби: “**Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимиз яхши тасаввур қиламиз. Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз**” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 130-б.).

Чинакам З. фақат ақл ва билим эмас, қалб ва маъ-ят эгаси ҳам бўлмоғи зарур. Умуман олганда, З. деганда, инсонга, айниқса, ёшларга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатувчи шахслар тушунилиб, улар турли соҳаларга мансуб бўлишлари мумкин. Кўпинча, ҳаётда таълим-тарбия, илмфан, соғлиқни сақлаш, давлат хизмати тизимларида фаолият кўрсатаётган фуқаролар ҳам З. сифатида тушунилади. Ш-дек, З. шахсга нисбатан тарихда ўзига хос талаблар мавжуд бўлган. У оқил, доно ва маърифатли бўлсагина, бутун вужуди, хатти-ҳаракати, ижодий фаолияти б-н зиё ва эзулик тарата олсагина, З. деб аталади. З. инсонлар, ўқитувчи ва мураббий-

лар, маър-йи ва маън-йи масалалар бўйича масъул ходимлар, илм-фан мутахассисларининг ўз вақтида бераётган амалий ёрдамлари, тўғри ва ўринли маслаҳатлари туфайли мам-тимизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бормоқда. Айниқса, ёшларнинг мустақил ҳаётга кириб бориши ва жам-тдан ўзига муносиб ўрин топишида 3.лар фаолиятининг аҳамияти катта бўлмоқда.

ЗИЁЛИ МАСЪУЛИЯТИ — инсоннинг юксак маън-йи талабларга мос хусияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар, фазилатлар, билимларни мужассамлаштирган маърифатли одамнинг ўз соҳаси, оиласи, жамоаси, халқи, Ватани, миллати олдидаги бурчини англаши, ўз ҳаёти ва фаолиятини шу бурчни адо этишга оғишмай сафарбар этишини англатувчи т. 3.м. инсонда эзгу мақсадларга сафарбарлик ҳиссини пайдо қилади. Барча замонларда 3.м.ни сезиш жам-тнинг рив-ши, илм-фан тар-ётига катта таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Бугунги кунда ҳам аҳоли, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги ғояларига садоқат уйғотишда 3.м.ни ошириш б-н боғлиқ масала ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида таъкидлангани каби, “...униб-ўсиб келаётган ёшларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир. Бу борадаги энг долзарб вазифамиз — юқорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат” (124-бет.). Бугунги кунда янги-ча қадриятлар ва демократик тамойиллар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, мам-тимизда барпо этила-

ётган эркин фуқаролик жам-ти талабларига жавоб берадиган мун-тларнинг асосий мезонларидан бирига айланиши даркор. Айниқса, бугунги мураккаб жараёнларни, турли бегона ғоя ва бузғунчи мафкуралар таҳдидини ҳар жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид бўлган хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш б-н боғлиқ вазифалар бугунги 3.м.ни белгиловчи асосий омиллардир. Бу эса фуқароларимизни ўз мустақил фикрига эга, турли маън-йи хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ЗИНО (араб. бузуқлик, фаҳш, бевафолик) — эркак ва аёлнинг никоҳсиз жинсий алоқада бўлишини англатадиган т. бўлиб, катта гуноҳ ҳисобланади. 3. жам-т ва одамлар маъ-ятини бузадиган салбий ҳодиса сифатида қаралади. У халқимиз маън-ятига ёт иллат бўлиб, маън-йи меросимиз, анъана ва урф-о.ларимизда қаттиқ қораланади.

ЗОЛИМ — зулм қилувчи киши, жаҳолат йўлида зўрлик ва зулмини одат қилиб олган шахсга нисбатан қўлланадиган атама. Инсоният тарихида 3.лар доимо қораланган, адабиёт ва санъатда уларнинг тимсоли сифатида кўплаб образлар яратилган. 3.лик нафақат ўзгаларга, балки 3.нинг ўзига нисбатан ҳам мун-тни англатади. “Билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига 3.” деган мақол бежиз айтилмаган. “Авесто” китобидаги зулмат ва зулм худоси Аҳриман, номини абадий қолдириш илинжида Рим шахрини ёқиб юборган император Нерон ана шундай 3. кишилар тимсолидир. Инсоният тарихида рўй берган кўплаб қирғинбарот урушлар, босқинчиликлар, турли халқлар ва мам-тларни истибдодга, азоб-уқубатга солган истилолар 3.лик оқибатидир. Бугунги кунда тер-

рорчилик, одам савдоси, маън-й-мафкуравий таҳдид ва хуружларга сабаб бўлаётганларни ҳам З.лар дейиш мумкин.

ЗУККО (араб. ақлли, зеҳни ўткир; идрокли, донишманд) — донолик, ақллиликни ифодалайдиган инсоний фазилат соҳибини англатувчи т. Аниқ фикрли, теран тафаккурли, зийрак, “етти ўлчаб, бир кесадиган”, чуқур ўйлаб иш кўрадиган кишини З. одам дейишади. З.лик инсонга хос маън-й фазилатлардан бири бўлиб, ибратга лойиқдир. Чунки З. кишилар ҳар бир ишнинг остида яширинган маъноларни, унинг оқибатларини чуқур ҳис этадилар. З.ликнинг озиғи — илму маърифат. Аммо ўз билимларини ҳаётда тўғри қўллай билган фаросат эгасигина З. инсон даражасига кўтарила олади. “Донога илм — илм, нодонга эсиз илм”, дейди халқимиз. Ш.у. ҳам Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида инсон эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар ичида З.ликка алоҳида эътибор қаратган. Ватан ва миллат келажаги ҳақида қайғурган А.Авлоний ҳам келажак З. кишилар қўлида эканини қайта-қайта таъкидлаган: “Ҳушёр ва зийрак кишилар куч ва қувватлари бор вақтида келадурган замонларни тушуниб, пул ва молларини ўринсиз ерларга, тўй ва маъракаларга ҳаддан ортуқча исроф қилмаслар, ўзларининг роҳати, бола-чақаларининг саодати учун керак бўладурган ер ва боғларини сотмаслар, замонага мувофиқ киши қилмак тўғрисида ақчаларини асло қизғонмаслар”. З. киши ҳар бир гапини ўрни, вақти, жойини топиб гапиради, сўзларини беҳуда сарфламайди, ёмон сўз б-н ўзгаларнинг дилини оғритмайди: “Ҳар кишининг фикр, идрокин сўзи билдирғуси. Пистаи бемағз, агар лаб очса, расво бўлғуси” (А. Авлоний). Халқ доимо З. одамларни қадрлаган, уларни ибрат қилиб кўрсатган, З.ликни доноликнинг бош белгиси деб билган. Бунга ўзб. халқининг кўплаб мақоллари, ҳикматлари мисол бўла олади, жумладан: “Доно ҳикмат келтирар, нодон — кулфат”, “Йигитнинг зеҳни бўлгани — адашмай йўлидан юргани” ва ҳ.к. Халқ фаровонлиги ва жам-т барқарорлиги фуқаро ва раҳбарларнинг ақлу фаросати, З.лигига кўп жиҳатдан

боғлиқ. Зеро, зеҳнли, З. одам кенг фикрлайди, ҳар бир ишнинг охирини ўйлаб ҳаракат қилади ва ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида, ақл б-н адо этади.

ЗУЛМ (араб. эзиш, қийнаш) — золимларнинг мазлумларга зўравонлик б-н қилган ёки қиладиган жабри, шафқатсиз эзиш, истибдодни ёки ўзгаларнинг жони, моли, обрўси, насли, маъ-яти қабиларга зиён етказишни ифодаловчи т. З. инсон табиати ва маън-й бузуқлигининг оқибатидир. Ш.у. инсонни комилликка ундовчи барча динларда ҳам З. қаттиқ қораланади. Жумладан, саҳиҳ ҳадислардан бирида Аллоҳ таоло номидан шундай дейилади: “Эй, бандаларим! Мен З. қилмоқни ўзимга ҳаром қилганман ва шу З. қилмоқни сизларга ҳам ҳаром қилганман. Бинобарин, сизлар бир-бирларингизга З. қилмангизлар”. Бу борада халқимиз “Кимки бўлар дилозор, ундан элу юрт безор” ёки «Бир кўнгил иморати — Минг Макка зиёрати», дея сабоқ беради. «Инжил»да ҳам З. дўзахий иллат сифатида қораланган ва нафақат амалда, балки оғизда айтилган ҳақоратли сўзни ҳам З. сифатида талқин этилган: “Қадимгиларга: “Одам ўлдирма; ким одам ўлдирса, жавобгарликка тортилади”, — деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин мен сизларга айтаман: кимки биродарига беҳуда ғазабланса, жавобгарликка тортилади. Кимки биродарига аҳмоқ деса, олий маҳқамада жавоб беради. Кимки биродарига телба деса, жаҳаннам оловида жавоб беради”. Айрим эътиқодларда инсонгагина эмас, ҳар қандай жонзотга, ҳатто қурт-қумурсқаларга ҳам озор етказиш З. ҳисобланган. Хус-н, даосизм, ламаизмга эътиқод қилувчи кишилар беҳосдан йўлдаги бирон қумурсқани босиб кетмаслик учун қадам босаётган ерини супуриб юрганлар. Тарихдан маълумки, адолат ва эзгуликка суянган ҳукмдорлар ўз салтанатларини мустаҳкамлаган ва аксинча, З.ни қурол қилиб олганлар эса юртни инқирозга олиб келган. Бундайлар тарихда ёмон ном қолдиради. Хус-н, қирғинбарот II жаҳон урушини бошлаган Гитлер, қатағонлар сиёсатини юргизган Сталин З.кор инсонлар тимсолидир. XX а.нинг би-

ринчи ярмида Италияда Муссолини бошчилигидаги фашистлар Н. Макиавеллининг “ҳокимиятни сақлаб қолишни истовчи одам золимликка таяниши керак”, деган фикрини қурол қилиб олиб, миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритган уруш ғоясини байроқ қилиб олган эдилар. Мутафаккирлар кўпроқ З.нинг киши табиати, маън-й даражаси б-н боғлиқ сабабларига эътибор қаратишган. Хус-н, бу борада Алишер Навоий шундай дейди: “Улки, зарар шевасин тавр этар, Элга демаким, ўзига жавр этар”. Абдулла Авлоний З.ни ёмон хулқлар қаторида тилга олиб, шундай сабоқ беради: “Адолат оби ҳаёту, ситам эрур зулумот, Бу зулмат ичра кирганларга йўқ ҳаёт ва нажот”. Ёки “Ҳазон замони келса, гулистон йўқ ўлғондек, На ерда ҳукм сурар З., маҳв бўлур баракот”. Ғарб файласуфи Фрэнсис Бэкон шундай дейди: “Фақат нафрат ва кўркүвгина зўравонлик қилишга мажбур этади... Зўравонликка йўғрилган чоралар замирида ёвузлик ётади”. Рожер Бэкон З.нинг асосини жоҳилликка кўради ва “Токи жоҳиллик мавжуд экан, инсон ёвузликка қарши бироқ чора топа олмайди”, дея фикр юри тади. З. унга қўл урган одамни ўзлигидан махрум этади. Зеро, “З. — ўз-ўзига душманлик, тўхтовсиз равишда ўзликдан қочишга ундовчи безовталик ибтидоси”-дир (Якоб Бёме).

ЗЎРЛИК — инсоннинг юксак маъ-ят тамойилларига зид фаолият шакли; давлат ва жам-тни итоатда сақлаб туриш ёки куч б-н ўзгартириш ҳаракатини изоҳлайдиган ҳодиса. Ижт-й фанлар тарихида кўплаб З. наз-ялари яратилган. Уларда одамлар орасида ва ҳаётда учраб туради-

ган оддий З. кўринишидан тортиб, босқинчилик, террор, уруш ва инқилоблар б-н боғлиқ т. ва тамойилларни қамраб олган қарашлар учрайди. З.нинг келиб чиқиши ва асл табиати ҳақидаги илмий-наз-й фикр-мулоҳазалар қадимдан турлича ва улар хилма-хил тарзда талқин этиб келинган. Баъзи бир илоҳиётчилар З.ни илоҳий куч-қудрат рамзи сифатида таърифлаб, бундай куч одамларнинг иродасини маълум чегаралардан чиқиб кетмаслиги учун хизмат қилади, деб уқтирганлар. XIX а.га келиб, бу борадаги турли наз-яларни яратиш авж олди. Чунки ўша даврда ижт-й мун-тларнинг муайян зиддиятли ҳолатини бартараф этиш ёки уни ўзгартириш учун кураш мақсадида З. ишлатиш нисбатан кучайиб кетган эди. З. наз-ясига кўра, ижт-й тенгсизлик, айримларнинг бошқаларга З. қилиши натижасида пайдо бўлган. Чунончи, жам-т-шунос Дюринг турли синфларнинг пайдо бўлиши жам-тнинг бир қисмини бошқа қисмига З. қилиши б-н боғлиқ, деган фикрни олға сурган бўлса, австралиялик социолог Л. Гумпилович З.ни ғолибларнинг мағлублар устидан ўрнатилган ҳукмронлиги деб ҳисоблайди. Баъзи ғарб тарихчилари эса кучлироқ қабилла бошқа қабилаларни асоратга солишини З.нинг пайдо бўлиши учун ҳал қилувчи сабаб деб тушунтирганлар. Тарихда З. наз-ясини мустамлакачи ва милитаристик давлатлар ўзларининг босқинчилик ва зўравонлик сиёсатларини амалга ошириш мақсадида татбиқ этган. Бугун эса, диний-экстремистик ва террорчи кучлар ўз қабиҳ мақсадларини оқлаб кўрсатиш учун турлича З. наз-яларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.



ИБН СИНО, Абу Али (980–1037) — тиббиёт соҳасида жаҳон халқлари эътирофига сазовор бўлган, астрономия, математика, мантиқ, фал., шеърийят ва б. қатор фан соҳаларида етук асарлар ярат-

ган қомусий олим. И.С. Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топган. 999 йилда Бухоро қорахонийлар томонидан босиб олингач, И.С. ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлади. У Хо-

разм пойтахти Урганчдан бошпана топади. Бу ерда машҳур олимлар, жумладан Беруний, Ибн Ироқ ва б. б-н ёнма-ён ижод қилиб, ўз билимини янада ошириш имкониятига эга бўлади. Қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасидаги урушлар ўша даврда Бухородаги илмий-ижодий муҳитни издан чиқарган, нотинчлик аҳолининг кундалик ҳаётига айланиб қолганлиги туфайли И.С. ўз юртига қайта олмайди ва қолган умрини бегона юрларда ўтказди. И.С. 1037 йилда Ҳамадон шаҳрида вафот этади. Ундан фаннинг турли соҳаларига оид 280 дан зиёд асарлар мерос бўлиб қолган. Улардан 50 таси тиббиётга, 40 тадан зиёди табиат ва ижт-й фанларга, 3 та рисола мусиқага, 185 таси фал., мантиқ, психология, ахлоқ ва ижт-й-сиёсий муаммоларга тааллуқлидир. Олимнинг асарлари орасида «Шифо китоби», «Инсоф китоби», «Нажот китоби», «Тиб қонуни», «Билимлар китоби» ва б. гоят даражада эътиборлидир. И.С. таълимотига кўра, барча мавжудотнинг асоси ва ибтидоси «вужуди вожиб»дир, яъни Тангридир. Вужуди вожиб – биринчи моҳият, жавҳар. Унинг мавжудлиги сабабини б. нарсалардан ахтариш ўринсиздир, чунки биринчи сабаб унинг натижаси, оқибати бўлган хилма-хил жараёнларнинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайди. Вужуди вожибнинг мавжудлиги унинг ўзига боғлиқ. У — мустақил моҳият. Бу — моҳият ягона. Аллоҳ зотида камчилик ва нуқсонларнинг учраши имкониятдан ташқарида. Доимий фаоллик биринчи сабабнинг муҳим хус-ятини ташкил қилади. Биринчи сабаб баъзан фаол, баъзан эса фаолликдан холи бўлмоғи мумкин эмас. Унинг яратишдан толиқиши, фаолиятни амалга оширишни исташи ёки истамаслиги моҳиятига зиддир. Истамаслик, маъқул кўрмаслик яратувчининг қодир, раҳмдил каби сифатларига путур етказди. Вужуди вожибнинг оқибати вужуди мумкин дир. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин бир-биридан вақт н. назаридан фарқланмайди. Улар ўртасидаги фарқ аслида нафислик даражаси б-н белгиланади. Бундан ташқари, барча нарса, жараёнлар ифодаси бўлган вужуди мумкиннинг ву-

жуди вожиб томонидан яратилиши ихтиёрий эмас, балки зарурий, мантиққа зид келмайдиган жараён дир. Воқеликни маън-й ўзлаштириш инсонга хослигини И.С. алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг аксарият ҳолларда ўзидан кучли бўлган ҳайвонлардан афзаллиги нимадан иборат? И.С.нинг фикрича, Аллоҳ инсонга шундай куч-қувват ато этганки, шу туфайли у эзгулик («хайр»)ни ёмонлик («шарр»)дан, интеллектуал етуклик, камолот («рашад»)ни ёлғон-яшиқ, адашиш («гумроҳи»)дан фарқ қилади. Инсон ақлли мавжудот эканлигидан табиатда муҳим ўрин эгаллайди. б. мавжудотлардан ажралиб туради. Ақл нуридан баҳрамандлиги сабабли табиатнинг кўр-кўрона тасодифий кучлари таъсиридан бирмунча озод шахсга айланади ҳамда ўзининг амалий ва наз-й фаолиятини «донишмандлик тарозиси» — ақл мезони талабларига мослаштиради. И.С. Арасту ва Форобий анъаналарига таянган ҳолда воқеликни билиш жараёнини инъикос таълимоти б-н боғлайди. Кишиларнинг сезги аъзоларига таъсир эта олмайдиган ҳар қандай нарса, ҳодиса билиш чегарасидан ташқаридадир. Айтиш мумкинки, И.С. билиш жараёнида инъикос ролини чуқур англаган ҳолда нарсаларни танлаб акс эттирилишига аҳамият беради. И.С. меросида илм ва ахлоқ бирлиги муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Ахлоқий равнақ инсонга хосдир, чунки у ақлнинг улкан кучи, тафаккурнинг фаоллигига асосланиб, ҳақиқат б-н ёлғон-яшиқ ўртасидаги чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дўстнинг душмандан фарқини ҳам билиб олади. Агар нарсалар, жараёнларнинг моҳиятини билишда интеллектуал етуклик, олимпик салоҳияти муҳим бўлса, ахлоқий камолотга эришиш учун бу фазилатларнинг ўзи етарли эмас. Илм ва ахлоқий фазилат муштараклиги инсонни донишманд ва олижаноб шахсга айлантиради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, инсон ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлиб туғилмайди. Кишилар тайёр сифатлар, кўникмалар, фазилат ва иллатлар б-н дунёга келмайди. Улар аслида ҳаётда шахсий ва ўзгалар тажрибаси, ажодлар анъаналари, таълим-тар-

бия натижасида шаклланади ва муайян ижт-й мавқега эришади. Таълим-тарбия, б. кишилар таъсири остида инсон ижобий ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантиради ёки ёмон сифатлар, хус-ятлар соҳибига айланади. Бунда одатнинг қуввати қонун кучига эгадир. Ҳар бир инсон томонидан ўзида ижобий маън-й-ахлоқий фазилатларни камол топтириш қанчалик қийин бўлса, салбий сифатлардан қутулиш ундан ҳам мураккаброқдир.

ИДЕАЛ (франц. *ideal*; лот. *idealus* — қиёфа, мукамаллик) — инсон, халқ ва миллат тасавурида барча эзгуликлар тимсолига айланган, улар доимо интилиб яшайдиган муқаддас орзу-аъмол. Кенг маънода, муайян нарса ёки ҳодисанинг энг яхши, гоъят қадрли ва мукамал ҳолатини англатади. Мас., “И. инсон”, “И. жамият” ва ҳ.к., тор маънода, шахс (инсон) қобилиятларини ифода этадиган мезон. Ҳаётда айрим гуруҳ ва инсонлар учун муайян адабий қаҳрамонлар, кино, санъат ёки спорт юлдузлари, бирон буюк шахс, аниқ киши (ота, она, устоз) ҳам И. бўлиши мумкин. И. алоҳида шахс ёки ижт-й гуруҳнинг мукамаллики ва доир сифати, хус-яти, хатти-ҳаракати ва фаолиятини ифода этади. И. ахлоқий (шахсга хос ахлоқий сифатлар), ижт-й-сиёсий (ижт-й тузум, жам-т), эстетик (гўзал инсон) ва ҳ.к. шаклларда намоён бўлади. Ҳоз. вақтда жаҳон миқёсида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жам-ти ижт-й-сиёсий соҳадаги И. бўлиб қолмоқда. Эстетик И. инсоннинг гўзалликка интилишини ифода этадиган тасавурлар асосида шаклланади ва табиий гўзаллик, инсонга хос хулқ-атвор, одоб меъёрлари ва намуналарини акс эттиради. И. инсон ёки ижт-й гуруҳ хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган намуна ва меъёрдир. И. қиёслашга асосланган маън-й т. И. муаммоси фал-й фанлар тарихида муҳим ўрин тутди. Ахлоқ, таълим-тарбия, маън-й баркамоллик, нафосатшунослик, адабиёт, санъат ва ш.к. соҳалар б-н шуғулланган олим ва мутахассисларнинг кўпчилиги бу масалани четлаб ўтмаган. И.га интилиш шахснинг ўз замонасидаги одатий шарт-шароитлардан қониқмасли-

ги, уни тезроқ ўзгартириш учун қилинган хатти-ҳаракати сифатида талқин этилади. И. шахс муайян тарихий прототиплар асосида шаклланиб, замонлар ўтиши б-н афсонавий сифатлар касб этиши, яъни идеаллаштирилиши мумкин. Мас., одил подшо Нўширавон — одиллик, саховатли, жўмард инсон Ҳотам Той эса саховатпешалик тимсолига айланган. Инсон И. сари интилади, унинг асосий мезон ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзи ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига, жам-тдаги ҳукмрон қараш ва мезонларга баҳо беради. И. инсон ҳаётидаги энг олий маън-й-ахлоқий талаб бўлиб, унга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар шахсни камолотга етказди. Албатта, тўлиқ баркамол бўлиш — имкондан ташқари ҳолат. Лекин И.га эришиш йўлидаги интилишнинг ўзи ҳеч нарсага қизиқмай, интилмай яшашдан кўра аълороқдир. Яъни, шунинг ўзи нисбий комилликдир. Муайян тузум талаблари ёки ҳаёт тақозоси б-н ижт-й-ахлоқий И.лар ўзгариши ҳам мумкин. Лекин башарият учун ҳеч қачон ўзгармайдиган И.лар ҳам мавжуд. Булар — адолатли жам-т, тенглик ва дўстлик, дунё миқёсида тинчлик-тотувликнинг ҳукмрон бўлиши, барча халқларнинг ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшashi ва ҳ.к. Бундай И.лар инсоният учун а.лар давомида ёруғ маёқ вазифасини ўтаб, унинг ҳаётига маъномазмун бағишлаб келмоқда. Ислом Қаримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида эзгу идеалларнинг барҳаётлиги ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас: **«Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор гоъси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир (32-бет.) (Яна қаранг: *Маънавий идеал, Ахлоқий идеал, Ижт-й идеал*).**

ИДЕАЛИЗМ (юн. *idea* — ғоя, фикр) — инсоният тафаккур тарихидаги энг қад. ўзига хос фал-й йўналишлардан бири. У онг ва руҳни борлиқнинг ягона асоси деб эътироф этади. И. олам онг, “мутлақ ғоя”, “дунёвий руҳ” ифодаси, гўеки қўланкаси, деб ҳисоблайди. И.га кўра, моддий олам эмас, бизнинг онгимиз реал тарзда мавжуддир. Моддий борлиқ, нарсա-ҳодисалар дунёси, табиат эса онг, сезги, ҳис-туйғу, тасаввур ва т.лар ҳосиласидир. И., ўз моҳиятига кўра, икки — субъектив ва объектив И.га бўлинади. Субъектив И. борлиқнинг асоси сифатида алоҳида индивидуум, субъектнинг онги ва сезгисини тан олади. Унинг асосчиси инглиз файласуфи ва епископи Ж.Берклидир. Олимнинг фикрича, нарсա-ҳодисаларнинг барча сифат ва хоссалари инсон сезгиларининг намоён бўлиши, холос. Яъни, моддий жисмлар бизнинг онгимиздан ташқарида объектив тарзда мавжуд эмас, одамларнинг сезги, ҳис-туйғуларигина реал мавжуддир. Бундай қараш пировард натижада солипсизм деб аталадиган ҳолат — воқеликни акс эттирадиган субъектдан ўзга барча реал нарсա-ҳодисалар, инсон ва инсоният рад этиладиган даражага олиб келади.

Объектив И. эса борлиқнинг асоси сифатида индивидуал онг, сезгини эмас, аксинча, мутлақлаштирилган, илоҳийлаштирилган онгни, “универсал ирода”, “мутлақ ғоя” каби категорияларни қабул қилади. Объектив И. тарафдорларининг фикрича, ҳар қандай инсонда мутлақ ғоя мустақил равишда мавжуд бўлади.

И. қад. замонларда вужудга келган. Афлотун қад. юнон объектив И.ининг ёрқин намояндасидир. Унинг фал-й қарашларида доимо ўзгаришда бўлган моддий дунёга ўзгармас, абадий, ҳар қандай ҳаракатдан холи бўлган “ҳақиқий борлиқ”, руҳий моҳиятлар олами, ғоялар салтанати қарши кўйилади. Афлотун ғоялар оламини барча нарсаларнинг ибтидоси, моддий оламини эса, унинг маҳсули деб билади. Унингча, реал жисмлар ғоялар оламининг аксидир. Мае., дарахт, от, сув у дунёдаги мавжуд дарахт, от, сув тўғрисидаги ғояларнинг нишонаси, ҳосиласи, холос. Афло-

тун қад. юнон фал-й тафаккурида шакланган сенсуалистик таълимотларни рад этади. Унингча, сезгилар ҳақиқий билим манбаи бўла олмайди, чунки улар нарсա-ҳодисалар олаמידан бегоналашмаган. Ҳақиқий билим манбаи инсоннинг ўлмас руҳий хотираларидир. Улар ғоялар оламини идрок этиш оқибатида юзага келади. Афлотун фал.сида диалектика баҳс-мунозара жараёнида ишлатиладиган т.ларни қиёслаш ва таҳлил қилиш санъати сифатида талқин этилади.

И. фал-й тафаккур тарихида материализм б-н мунтазам баҳсга киришиб, турли дунёқарашлар ривожига асос бўлиб келди. И. фал-й тафаккур тарихида платонизм, пифагоризм, реализм, каббизм, спиритуализм, томизм ва неотомизм, кантчилик, тасаввуф, эмпириомонизм, экзистенциализм, иррационализм каби таълимотларда ўз ифодасини топди.

Дунёнинг каттагина ҳудудида марксизм фал.си ҳукмрон бўлган XX а.да идеалистик таълимотлар ва уларнинг вакиллари эришган илмий ютуқлар кўп ҳолларда камситилиб, сохталаштирилди, И. реакцион оқим сифатида баҳоланди ва уни тўлақонли ўрганиш, тарғиб этиш тақиқланди. Бунинг акси ўлароқ, материализм илм-фаннинг чароғон йўли, нурли ғоялар салтанати сифатида талқин қилинар эди. Амалда эса бунинг аксини кўрамиз. Юнон файласуфи Афлотун баҳс-мунозара мад-тида далиллаш — аргументация соҳасида инсон даҳоси қўл урмаган янги жабҳаларни кашф этди; немис файласуфи Гегель инсон тафаккурининг нечоғли мураккаб моҳиятга эга эканини, диалектик тарзда фикр юритиш муҳимлигини таҳлил қилиб берди; веналик психиатр З.Фрейд “либидо” таълимоти (жинсий мойиллик таълимоти) асосида онгдаги онгости қатламида содир бўладиган жараёнларни теран таҳлил этишга муваффақ бўлди.

ИДРОК (араб. ақл воситасида билиш, қабул қилиш) — ақл асосидаги мураккаб билиш жараёни, руҳий-интеллектуал қобилият. Тафаккур — фикрлаш, таҳлил этиш орқали билиш бўлса, И. нарсա-ҳодисаларнинг хосса ва хус-ятларини

умумлаштириш орқали билишдир. И. этиш жараёни қисқа ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин. Апперцепция ҳодисаси туфайли одамлар ўз И.ининг мазмуни б-н бир-биридан муайян даражада фарқ қилади. Яъни, улар айнан бир нарсани, ўз билим савияси, маслағи, позицияси, дунёқараш, ижт-й келиб чиқишига қараб, турлича И. қилади ёки акс эттиради. Мас., “илдиз” т.сини биологлар ўсимликларнинг моддий асоси, математиклар илдиз остидаги сонлар, шифокорлар эса тишнинг илдизи, социологлар қариндош-уруғчилик, умумий ижт-й омиллар тарзида И. этади ва қўллади. Апперцепция барқарор ва беқарор апперцепцияга ажратилади. Барқарор апперцепция шахснинг дунёқараш, қатъий маслағи, идеали, позицияси, мотивацияси, қизиқиши, билим савияси, мад-й даражаси, хулқ-атвори, маъ-яти ва касбий тайёргарлигига боғлиқ ўта мураккаб ҳодисадир. Беқарор апперцепция эса шахснинг И. қилиш жараёнидаги эмоционал ҳолати, яъни унинг кайфияти, ғайрат-шижоати, ҳис-туйғуларида ўз ифодасини топади. И. вақт (замон), ҳаракат, фазо (макон) ёрдамида атроф муҳит, биосфера ва ижт-й турмушнинг моҳиятига дахлдор ахборотларни қабул қилиб туради. Нарса ва ҳодисаларнинг яшаш шакли, узлуксиз ҳаракатда бўлиши, муайян объектив вақт бирлигида ҳукм суриши инсон онгида бевосита акс этади. И. этиш жараёнида унинг феноменлари (юн. *phainomenen* — ноёб, ғайриодатий ҳолат) ҳодисаларни акс эттиришда иштирок этади, мас.: 1) галлюцинация (лот. *hallucinatio* — алаҳлаш, босинқираш, сароб, яъни йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши, эшитилиши, сезилиши); 2) иллюзия (лот. *illysio* — хато, адашиш, янглишиш); 3) аттракция (франц. *attraction* — ўзига тортиш, маҳлиё этиш, жалб қилиш); 4) яққол кўришиш (рус. ясновидение — олдиндан яққол кўриш, ғойибдан аниқ хабар олиш) кабилар шулар жумласидандир. И.нинг предметлиги, яхлитлиги, аниқ таркибий тузилмага эга экани (структуравийлиги), константлиги (ўзгармаслиги), ан-

ланганлиги, танловчанлиги унинг энг муҳим хус-ятларидир. И. муайян турларга, босқичларга (перцепция, апперцепция, антиципация — олдиндан пайқаш; рефлексия — тушуниш, англаш; субсенсор, субцептив, сенсомотор ва ҳ.к.), қонуниятларга, механизмларга эга бўлган билиш жараёнидир.

ИЕРАХИЯ (юн. *hieros* — муқаддас ва *arche* — ҳокимият) — коинотнинг тузилишидан то давлат, жам-т. табиат, турли тизим ва ташкилотларнинг қуйидан юқорига, юқоридан қуйига, оддийдан мураккабга, мураккабдан оддий тузилмаларга қараб йўналган поғоналари, босқич ва даражалари, ўсиш, юксалиш тартиблари. Абу Наср Форобий моддий мавжудотларнинг илоҳий руҳга яқинлик ва узоқлик даражалари ҳақида бундай дейди: “Бу (оламдаги) мавжудотнинг тартиб ва даражалари аввало қуйидан — энг номукаммалликдан бошланади. Сўнг мукаммал бўлгунча ва янада мукаммал ҳолатга етгунга қадар боради. Уларнинг энг қадри пасти (барча табиий нарсалар оламига мансуб) илк моддадир. Унсурлар (сув, тупроқ, ҳаво, олов) бу илк моддадан ҳам қадрироқ саналади”. Табиатда мукаммаллик даражасига кўра, энг қуйидаги маъданлар набобат, ҳайвонот, қушлар олами томон камол топиб боради. Табиатда “Тил ва т. (онг) соҳиби бўлган жонзотдан ортиқ мукаммал бирорта зот йўқ” (*Форобий. “Мадинатул-фозила”*). Шарқ фал.сига кўра, ақлли мавжудотлар орасида жисмга нисбатан руҳ, ақлга нисбатан қалб азизроқ ҳисобланади. Руҳлар ҳам, комиллик даражасига кўра, бир неча поғоналарни ташкил этади. Энг мукаммал руҳ — олий руҳ — Тангри таолодир. Пантеистик таълимотга кўра, олий руҳ аввал биринчи осмонда, сўнг иккинчи, учинчи... ва ниҳоят, тўққизинчи осмонда тажаллий этади (шуъла беради). Бу осмонлардан энг юксаги Тангрига яқин биринчи осмондир. Ибн Синонинг энг мураккаб фал-й асарларидан бўлмиш “Ҳай ибн Яқзон” (“Уйғоқ ўғли Тирик”) қиссасида инсон ахлоқий, маъ-й, маъ-й камолотининг босқичлари мажозий сув-

рат ва тимсолларда тасвирланади. Асарда кимсасиз оролда қаровсиз қолган чақалоқни кийик эмизиб ўстиради. Боланинг ақли кира бошлагач, у атрофдаги табиатни, иқлим шароитини, наботот ва ҳайвонот оламини ўргана бошлайди. У ақлий билимлардан аста-секин руҳий ва метафизик билимларга, кейин эса ладуний, илоҳий илмларни ўрганишга ўтади. Ибн Туфайл ҳам “Ҳай ибн Яқзон” асари ғояларидан илҳомланиб, худди шу номда йирик фал-й асар ёзади. Унда кимсасиз оролда ёлғиз қолган Инсон Худо берган ақл-фаросати ёрдамида оддий билимлардан аста-секин мураккаб, илоҳий илмларни ўрганиш сари бориши ва пировардида азиз-авлиё бўлиб етишиши тасвирланади. Барча замонларда руҳий покланиш ва юксалишни, ҳаққа яқинлашишни истаган одам узлат ва ёлғизликда яшашга интилиши бежиз эмас. Табиат соҳасида И. оддий наботот ва кам ҳужайрали жонзотлар оламинан Инсонга қараб тараққий этишини билдиради. Давлат ва жам-т тузилишида И. иқтисод, ҳўжалик, саноат, мад-т соҳасида, ҳарбий ва ҳуқуқий ташкилотларда тартиб-интизомга амал қилишни билдиради. Давлат ва жам-т бошқарувида қишлоқ фуқаролар йиғинлари туман ҳокимларига, туман ҳокимлари вилоят ҳокимларига, улар ўз навбатида мам-тимиз ҳукуматида, ҳукуватимиз эса парламентимиз ва Президентимизга ҳисобот беради. И. ҳарбий ва диний ташкилотларда катта нуфузга эга. Демократия тамойиллари кучайган сари И. тизимидаги барча бошлиқлар, турли даражадаги кенгаш аъзолари б-н келишган ҳолда иш юритади, бундай жамоавий бошқарув усулининг ижобий жиҳати шундаки, унда кўп хатоларга йўл қўйилмайди, турли табақа ва тоифаларнинг манфаатлари ҳисобга олинади.

ИЖОД (араб. яратиш, кашф этиш, вужудга келтириш) — бадий, илмий, амалий асар ёки моддий бойликни яратиш, вужудга келтириш. И., моҳиятан, яратувчилик фаолияти бўлиб, инсон маъятининг амалдаги кўринишини ифода этади. И. инсон фаолиятининг шундай

ўзига хос турики, бунда ҳис-туйғу, билим ва тафаккур уйғунлиги асосида моддий ёки маън-й бойлик яратилади. Бу жараёнда инсон илм-фан ва ижод оламида шу пайтга қадар маълум бўлмаган қонунларни кашф этиши, янги усул ёки қоида, андоза ёки модель ихтиро қилиши, оригинал илмий, бадий асар яратиши мумкин. И. бадий тафаккур б-н боғлиқ бўлса — бадий И., илмий тафаккурга оид бўлса — илмий И., техник фаолият б-н боғлиқ бўлса — техник И. деб аталади. Яратувчанлик фаолиятининг самараси, яъни инсоннинг бадий, илмий, техник тафаккури маҳсули бўлган илмий ва бадий асарлар, ишланмалар, рационализаторлик ишлари ҳам И. дейилади. И. мураккаб руҳий жараён бўлиб, унда шахс руҳиятининг барча қатламлари иштирок этади. И. — меҳнатнинг юксак шакли бўлиб, инсонлар эҳтиёжини қондирадиган ва ижт-й фойда келтирадиган меҳнатдир. И. эркинлиги — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ажралмас бир қисмидир. У олим ёки И.корнинг хоҳлаган мавзу ва шаклда ижодий асар яратишини, уни ОАВ, ш-дек, театр, кино санъати асарлари кўринишида оммага етказиш имкониятини назарда тутаяди. Муайян халқ ёки миллат томонидан яратилиб, а.лар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб борадиган шеърӣй ва насрий асарлар, мақол ҳамда маталлар, ҳикматли сўзу иборалар, хаттотлик, рақс, мусиқа, кулолчилик, меъморчилик, наққошлик, зардўзлик санъати намуналари халқ И.и деган умумий ном б-н юритилади.

ИЖОДИЙ ТАФАККУР — эркин фикрлаш ва ижодкорлик тамойили устувор бўлган тафаккур шакли. “Тафаккур” араб. «*фикр*» сўзидан ясалган бўлиб, ўйлаш, фикр-мулоҳаза юритиш деган маъноларни билдиради. И.т. эса воқеа-ҳодисаларни қиёслаш, таққослаш, таҳлил этиш асосида фикрни ривожлантириш, унинг янги-янги қирраларини очиш, шу тариқа билим ва тасаввур дунёсини бойитиб боришни англатади. И.т. — инсонга хос энг муҳим хус-ятлардан бири. Бу

хус-ятдан маҳрум бўлган инсон бамисоли ҳамма ишни кўр-кўрона бажарадиган қулга айланиб қолади. Ш.у. Президент Ислом Каримов “Энг даҳшатли қуллик — бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги” деб таъкидлаган. И.т. соҳиби ўз мустақил фикрига эга бўлади. У ҳаётга, одамларга эркин мун-тда бўлиб, ҳар қандай воқеа-ҳодиса юзасидан ўз фикрини эркин ифода қила олади. И.т. — жам-тни маън-й янгилаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, эзгу ғоялар тантанасини таъминлашнинг муҳим шартидир. Ш.у. ҳоз. вақтда мам-тимизда ҳуқуқий демократик жам-т қуриш жараёнида И.т. ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Мутафаккир сўзининг ўзаги ҳам фикрдир. Лекин фикр юритиш қобилятига эга бўлган одамларнинг ҳаммасини ҳам мутафаккир деб бўлмайди. Юксак, теран ва қудратли тафаккур соҳиби бўлиб, миллий ва умумбашарий кадриятлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ижодкорлар, аллома ва азиз-авлиёлар мутафаккир деб аташга муносибдир.

ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ — жам-т, миллат ва халқ, Ватан ёки айрим ижт-й гуруҳлар ҳаётини энг юксак мезонлар асосида ўзгартириш ҳақидаги орзу-умидлар ва шундай даражага етиш йўлларини кўрсатиб берадиган фикр ва таълимотларни акс эттирадиган т. Давлат ва жамоат арбоблари, мутафаккирлар, файласуфлар, илм-фан ёки санъат аҳли И.и.ни ифода этадиган куч бўлиши мумкин. И.и. қайси ижт-й гуруҳ ёки тоифа манфаатларини кўзлаши, ҳаётийлиги ва инсониятга нақадар фойдали эканига қараб, ижобий, тараққийпарвар, миллий ёки умумбашарий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. «Авесто»да эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал устувор бўлган жам-т, қад. юнон фал.сида халқнинг доно вакиллари, донишмандлар бошқарадиган маърифатли давлат, ахлоқий баркамоллик, юнон санъатида эса — жисмоний гўзаллик ва ҳарбий қудрат, қулларни итоатда сақлаш, Шарқ фал.си ва диний-ижт-й таълимотларда адолат, комиллик, тасавуф таълимотида барча иллатлардан пок-

ланиб, фақр ва фано мақомига эришиш И.и. ҳисобланади. Инсоният тарихида умумбашарий И.и.дан ташқари ҳар бир мутафаккир ёки санъаткорнинг ўзига хос қарашлари бўлиши ҳам мумкин. Мас., Шарқ ва Ғарбда Уйғониш даврларида ижод қилган мутафаккирлар Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн Туфайл, Рафаэл, Леонардо да Винчи, Сервантес, Лопе де Вега, Микеланжело ва б.нинг илмий ва бадий асарларидан ўрин олган инсоният бахт-саодати ҳақидаги И.и.лар бутун инсоният учун ҳоз. кунга қадар долзарб бўлиб келмоқда.

Алишер Навоийнинг адолатли жам-т ва комил инсон тўғрисидаги қарашлари ҳам И.и.дир. Бугунги Ўз-нда дунёдаги энг ривожланган давлатлардаги каби тар-ёт ва ҳаёт даражасига эришиш, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамти барпо этиш И.и. бўлиб, халқимиз бу эзгу мақсад сари изчиллик ва қатъият б-н илгарилаб бормоқда.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР — жам-т ҳаётида моддий ва маън-й фаолиятлар натижасида турли субъектлар ўртасида қарор топадиган ўзаро мун-т ва ҳаракат мезонлари. И.м. моддий ва маън-й мун-тларга бўлинади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жам-тнинг яшаши ва рив-шининг асосини ташкил этади. Ш.саб. И.м.дан энг муҳими ишлаб чиқариш ва иқт-й мун-тлардир. Ишлаб чиқариш мун-тлари бошқа ҳамма И.м. — сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва ҳ.к. мун-тларнинг характерини белгилайди. Барча И.м.нинг ишлаб чиқариш мун-тларига боғлиқ эканини тушуниш жам-т тарихий тар-ётининг қонуниятларини илмий равишда изоҳлашга имкон берди.

ИЖТИМОЙ МУҲИТ — инсоннинг ижт-й мавжудот сифатидаги асосий билим, тажриба ва кўникмаларини, хус-ятларини шакллантирадиган моддий ва маън-й шарт-шароитлар мажмуаси. И.м., кенг маънода, ижт-й-иқт-й тизимни, ишлаб чиқариш мун-тлари, ижт-й ин-тлар мажмуи, ижт-й онг шакллари ва жам-т

мад-тини қамраб олади (макромуҳит). Тор маънода, инсон бевосита яшайдиган, меҳнат қиладиган оила ва жамоа, ўқув даргоҳи, мад-т масканларини ўз ичига олади (микромуҳит). И.м. шахс маъ-ятининг шаклланиши ва рив-шига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Қарисан-қартасан — ўз наслинга тортасан” каби мақолларида ана шундай таъсирнинг моҳияти ўз ифодасини топган.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҒОЯЛАР — ҳар бир халқ, бутун башариятнинг орзумидлари, мақсад-муддаоларини ифода этадиган, эркин ҳаёт ва адолатли тузум, давлат ва жам-т қурилиши, миллат ва элатлар келажаги ҳақидаги умуминсоний ғоялар. Озодлик ва мустақиллик, адолат, ҳақиқат, дўстлик, тенглик ва ҳамкорлик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Алар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз бахту саодати, фаровонлиги учун курашга сафарбар этиб келган.

ИЖТИМОЙ ТАРБИЯ — тарбиянинг муҳим бир шакли, бутун жам-т, халқ, миллат ва табақага кўрсатилган мақсадга мувофиқ маън-й таъсирни ифода этадиган т. И.т. шахс онгу тафаккури, маън-й-маъ-й оламини жам-тнинг мақсад ва вазифаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг равишда шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижт-й-икт-й ва мад-й ҳаётда фаол иштирок эттиришга даъват этадиган барча эзгу таъсир ҳамда омиллар мажмуи. И.т. — тарбиявий таъсирнинг аниқ мақсад асосида амалга ошириладиган, оила тарбияси, маҳалла тарбияси, мактаб тарбияси, ўрта махсус ва олий таълим тарбияси, меҳнат жамоаси тарбияси, жамоатчилик тарбияси каби тарбия ин-тларини қамраб оладиган мураккаб маън-й-маъ-й жараёндир. И.т. тизими самарадорлигини ошириш ушбу жараён ташкилотчилари ва тарғиботчиларининг унинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, омил ва воситалари, усул-услуглари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, закон талаблари асо-

сида иш олиб боришига боғлиқ. Мам-тимизда янги жам-т асослари барпо этилаётган ҳоз. шароитда И.т.нинг асосий мақсади фуқароларни инсонпарвар демократик жам-т, ҳуқуқий давлат қуриш ишига сафарбар этиш, ягона умуммиллий ғоя атрофида бирлаштиришдан иборат. Унинг асосий вазифаси эса жисмоний бақувват, маън-й етуқ, руҳан тетик, мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш қобилиятига эга бўлган, замонамизнинг илм-фан, техника-технология ютуқларини, илғор касб-ҳунарларни эгаллаган баркамол инсонни шакллантиришдан иборат. Ҳар бир даврнинг ўзига хос И.т. усуллари ва воситалари бўлади. Қадим замонларда И.т. ёш авлоднинг кекса авлод тажрибаларини ўзлаштириб олишидан иборат бўлган. И.т. асосан меҳнат фаолияти (овчилик, чорвачилик, деҳқончилик каби) жараёнида, турли урф-о. ва маросимларни ўтказиш вақтида амалга оширилган. У асосан жисмоний бақувват бўлишга қаратилган. И.т. жисмоний, ҳарбий, ватанпарварлик, тарихий тарбия, маън-й-маъ-й, эстетик тарбия сингари турларга бўлинади. Жисмоний, ҳарбий, ватанпарварлик тарбиялари моҳиятида муштараклик ҳам, ўзига хослик ҳам борки, улар шахснинг ижт-й-лашувини таъминлайди. Жисмоний тарбияда инсоннинг гавда ва вужуди чиниқтирилади, ҳарбий тарбияда инсонга ҳарбий билим ва малака берилади, ватанпарварлик тарбиясида инсоннинг руҳи тарбияланиб, унда она Ватан тақдири учун масъуллик фазилатлари ривожлантирилади. И.т.лашда ота-она меҳри, Ватан муҳаббати, устоз-шогирдлик анъаналари, миллий қадриятлар, ш-дек, маҳалла ва жамоат назорати ҳам катта таъсир кучига эга бўлиб, ёшлар камолотида муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув даври тарбиянинг бошқа шакллари қатори И.т. тизимини ҳам такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизда самарали И.т. тизими шакллантирилди. Бунда, айниқса, Президентимизнинг оила ва маҳалла ин-тини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, маҳалла оқсоқолларининг диний-маъ-й ишлар бўйича мас-

лаҳатчилари ин-тини жорий этиш, турли ижт-й жамғармалар, давлат ва нодавлат ташкилотларни тузиш, ОАВни ривожлантириш борасидаги фармон ва қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. (*Яна қаранг: Тарбия*).

ИЖТИМОЙИ ФАОЛЛИК — ижт-й субъектлар (жам-т, табақа, гуруҳ ва шахслар)нинг ижт-й-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда мад-й-маъ-й фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши. И.ф. шахснинг жам-тда ўз ўрнини топиши ва ҳуқ-атворини онгли равишда бошқаришининг асосий шартини ҳисобланади. И.ф.нинг уч тури мавжуд: ижт-й-сиёсий жараёнлар ва мад-т, меҳнат ҳамда турмуш соҳасидаги. Меҳнат фаоллиги меҳнат мунозалари соҳасида намоён бўлади ва субъектнинг касбий-ижт-й вазифани бажариши б-н боғлиқ ҳолда юзага чиқади. У И.ф.нинг асосий, белгиловчи тури сифатида эътироф этилади. Унинг шакллари қуйидагича: тежамкорлик, саранжомлик учун ҳаракат, илмий-техникавий ижодда иштирок этиш, рационализаторлик, ихтирочилик ва б. ҳаракатлар. Ижт-й-сиёсий жараёнлар ва мад-т ҳамда турмуш соҳасидаги фаоллик шахснинг ижт-й-сиёсий, мад-й-маъ-й жараёнлардаги, шахсий ҳаётдаги фаолиятида намоён бўлади.

ИЖТИМОЙИ ҚАТЛАМ — умумий хус-ятлари, интилиш ва манфаатлари ҳамда ижт-й қарашларига кўра алоҳида гуруҳни ташкил этадиган кишилар жамоаси. Собиқ шўролар даврида синфлар ўртасидаги фарқлар қатори И.қ.лар орасидаги тафовутларни ҳам йўқотиш гоёси илгари сурилган эди. Лекин бу фарқлар табиий рив-ш натижаси бўлгани учун сақланиб қолаверган. Мустақиллик шароитида янги И.қ.лар пайдо бўлмоқда. Мас., ўрта синф — тадбиркор ва ишбилармон одамлар қатлами бозор мунозалари шароитида жам-т тар-ётида ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда.

ИЖТИМОЙИ ҚОНУНИЯТ — жам-т ҳаётида объектив мавжуд бўлиб, изчил такрорланиб турадиган воқеа-ҳодисалар

ёки тарихий жараён босқичлари ўртасидаги тар-ётни акс эттирадиган барқарор алоқадорлик. И.қ. XVIII а.да француз тарихчилари Тьерри, Менье, Гизо асарларида асослаб берилди. И.қ. категориясининг шаклланишида Гегель қарашлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Маркс ва Энгельс ижт-й тар-ётнинг барча босқичларида қайтарилиб турадиган жараёнларни ҳисобга олиб, ижт-й-иқт-й формация наз-ясини яратди. Бу наз-я капитализм ҳалокатини исботлашга қаратилган эди. Унда, И.қ.га ишчилар синфи манфаатлари н.назаридан ёндашилган эди. Ҳоз. вақтда бу қонуниятлар замон ва тар-ёт талабларига жавоб беролмай қолди.

ИЖТИМОЙИ ҲАМКОРЛИК — турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этадиган атама. И.ҳ. жам-тда тинчлик ва барқарорлик, юксак тар-ётни таъминлашнинг муҳим омилдир. И.ҳ. бўлмаган жам-тда бошбошдоқлик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ишончсизлик ортиб, қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиши, бу эса охир-оқибатда оғир инқирозга олиб келиши мумкин. И.ҳ. гоёсини амалга ошириш йўлида гов бўладиган энг хатарли тўсиқлар ақидапарастлик, терроризм, экстремизм, айирмачилик, маҳаллийчилик, тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли гоёлар таъсирига тушиб қолган жам-т табиий равишда ҳалокатга юз тутди. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мафкуравий курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида И.ҳ.ни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. И.ҳ. масаласи биз учун янги т. бўлмай, ўзининг тарихий илдизларига эга. Матлумки, Ўз-н диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, мад-й қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб, И.ҳ. асосида ривожланиб келган. Юртбошимиз таъкидлаганидек: **“Бу замин Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим**

Ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан биридир". Бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдиэлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қад. даврларига мансуб диний ва фал-й анъаналар шаклланган. Қад. юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фал-й тафаккур бешиги», деб бежиз таърифламаган. Шунн таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизациямиз ўзига хос толерант тафаккурга таянган. Она заминимизда узоқ вақт оташпарастлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик, ислом динлари биргаликда фаолият кўрсатиб, ривожланиб келгани, табиийки, И.х. мевасидир. Бугунги кунда мамтимизда турли миллат ва дин вакиллари манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш асосида И.х.ка эришиш тар-ётнини қал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. ЎзР Конституциясининг 8-моддасида «Ўз-н халқини миллатидан қатъи назар, ЎзРнинг фуқаролари ташкил этади» деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўз-н халқи» т.си мамтимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик асосида жам-тда И.х.нинг таъминланиши учун ҳуқуқий-маън-й пойдевор бўлиб хизмат қилади. Миллий гоямизнинг асосий тамойилларидан бири ҳам И.х.дир. Бугунги кунда ана шу тамойил асосида юртимизда турли миллат, гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш миллий тар-ётимизда тобора устувор аҳамият касб этиб бормоқда.

ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТ — биргаликда, уюшган ҳолда жам-т миқёсида амалга ошириладиган ҳаракат шаклини ифода этадиган т. И.х. ижт-й борлиқнинг атрибутив ва универсал характеристикасидир. И.х. жам-тдаги моддий ва маън-й жараёнларни қамраб олади. Тарихий тар-ётни материализм н.назаридан таҳлил этувчи файласуфлар моддий жараёнларни ифода этадиган И.х.нинг устуворли-

гини қайд этса, уларнинг муҳолифлари бўлмиш идеалистлар маън-й жараёнларни ифода қиладиган И.х.нинг ҳал қилувчи ролини исботлашга уринади. Бироқ моддий ва маън-й жараённи абстракциядагина бир-биридан ажратиш мумкин. Реал воқеликда улар ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда ўзаро алоқадорликда бўлади. Жам-тнинг борлиқ шакли сифатида мавжуд бўлишининг асосий шартн ҳам шундан иборат. Бинобарин, И.х. ҳақида гапирганда, нафақат моддий элементлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳамда идеал реал ўзгаришларни, балки улар орасидаги турли мун-тларни ҳам назарда тутмоқ зарур.

ИЖТИМОЙЛАШУВ — бирон бир воқеа-ҳодиса, шахс ёки ҳаракатнинг ижт-й моҳият касб этиб, қўпчиликка дахлдор бўлиб, ижт-й мун-тлар мужассамига айланиб боришини англатадиган т. И. жараёни ва унинг ўзига хос хус-ятлари фал., социология, ижт-й психология, педагогика, тарих ва этнография фанлари томонидан ўрганилади. И.нинг фал-й талқинига ижт-й психология асосчиси Г.Тард пойдевор яратган. Ш-дек, И. муаммолари З.Фрейднинг классик психоанализида, интеракционизмда, марксизм вакиллари Л.Виготский ва А.Леонтьев ижодида, Т.Парсонсинг таркибий-функционал таҳлилида тадқиқ этилган. Ҳоз. кунда И. жараёнининг ўзига хос хус-ятлари Чикаго ва Айовадаги символик интеракционизм мактаблари ва «психодрама» йўналиши намояндалари томонидан ўрганилмоқда.

И. кишилик мад-ти, хус-н, миллий мад-т анъаналарини ўзлаштириб бориш жараёни сифатида ҳам талқин этилиши мумкин. Мад-й муҳитга мослашиш жараёни сифатида И. инсоннинг бутун умри бўйи давом этади, бироқ бу жараён боланинг 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган даврида бошланади. Мазкур даврда бола мад-й қадриятларни ўрганиш жараёнидан узиб қўйилса, И. жараёни тўхтаб қолади. Инсоннинг мад-й анъаналарни ўзлаштириш жараёни унинг индивидуаллигининг шаклланиши б-н ҳамоҳангдир. Шу боис, И. жараёнининг интиҳосида шахс тарихий типининг индивидуал вариантлари

юзага келади. Ушбу жараён давомида шахс томонидан ижт-й ролларнинг ўзлаштирилиши “лаззатланиш — азобланиш” (Фрейд таъбири) тамойили ёрдамида мувофиқлаштириб борилади.

И. жараёни мураккаб механизмга эга. Бу механизмнинг руҳий ва ижт-й-мад-й жиҳатлари мавжуд. И. механизмнинг руҳий жиҳати индивид томонидан маълум ижт-й ролларнинг қабул қилиниши (ёки қабул қилинмаслиги)да намоён бўлади. Унинг ижт-й-мад-й жиҳати эса инсоннинг тил, санъат, дин, ва ш.к. орқали мад-й қадриятларни ўзлаштириш жараёнини қамраб олади. И. жараёни ўз босқичларига эга. Бу босқичларни аниқлашда турли ёндашувлар асос қилиб олинади. Мас., Ж.Миднинг онтогенетик ёндашуви индивидуал И. босқичларини белгилаб беради. Унинг фикрига кўра, бу босқичлар қуйидагилардан иборат: 1) психогенетик босқичда индивид ўз эҳтиёжларини қондириш йўллариини ўрганади; 2) символик босқичда индивиднинг символлари (образлар, идеаллар ва б.) шаклланади; 3) ақлий-концептуал босқичда индивид символлари тизими унинг фаолиятини бошқарувчи механизмга айланади. Онтогенетик ёндашувдан фарқли ўлароқ, филогенетик ёндашувда (М.Петров) И.нинг тарихий эволюциясига эътибор қаратилади. У қуйидаги босқичларга бўлинади: 1) номинация босқичида исмларнинг аҳамияти катта бўлади; ҳар бир исм ўз мазмунига эга ва маълум фаолият тури б-н боғлиқ бўлади; 2) касбий-қабилавий босқичда маълум мазмунга эга бўлган номлар алоҳида индивидларга эмас, балки бирор фаолият тури б-н машғул бўлган оила, уруф ва қабилаларга берилган бошлайди (мас., қад. Юнонистонда табиблик қилувчилар ўзларини асклепидлар, темирчилик қилувчилар эса гефестидлар деб атаганлар); 3) универсал-мантикий босқичда ижт-й фаолиятнинг ҳар хил турлари шаклланиб, ўзлаштирила бошлайди, махсус таълим ин-тлари вужудга келади. И. жараёнини тадқиқ этишда ҳам онтогенетик, ҳам филогенетик ёндашувларни инобатга олиш зарур. И.нинг ижт-й функциялари қуйидаги-

лардан иборат: 1) ижт-й-тарихий жараён субъектини шакллантиради; 2) мад-т ва цивилизация тар-ётида ворисийликни таъминлайди; 3) индивидни ижт-й муҳитга мослаштириш орқали жам-тнинг тўқнашувларсиз тараққий этишига замин яратади. Бугунги кунда И. муаммоларини ўрганишда фал-й, социологик, ижт-й-психологик ва тарихий-этнографик таҳлил натижасида яратилган услуб ва ёндашувлардан комплекс фойдаланиш тенденцияси юзага келмоқда.

ИЗЗАТ-НАФС (араб. иззати нафс — нафсини улуғловчи, ҳурмат қилувчи) — кишининг ўз қадр-қиммати ва сифатларини қадрлаш ҳисси, мавқеи, обрў-эътиборини сақлаш туйғуси, бошқаларнинг беҳурматлик, менсимаслик каби салбий сифатларидан ҳимояланиш хус-ятини англатувчи т. Бу хислат ёшу қарига хос бўлиб, кишининг маън-й камолоти ва руҳий-иродавий ҳолати ҳамда нафсониятини қадрлаш даражасидан келиб чиқади. Ш-дек, иззат кишининг жам-тдаги даражасини белгиловчи омил сифатида ижт-й мазмун касб этади. Арасту бундай деган экан: “Иззат тиласанг — ифбатли бўл, улуғлик тиласанг — мулойим бўл, зафар тиласанг — адолат йўлини тут, қадр тиласанг — ростгўй бўл, нажот тиласанг — сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг — жидду жаҳд қил”. Арасту таълимоти бўйича ифбатлилик кишида иззатлилик даражасини таъминлаш учун муҳимдир. Ифбатли киши ахлоқан мукамал жиҳатларни ўзида мужассамлантириб, шахсий манфаатни жам-т манфаатларидан устун қўймайди. Шу боис у эл орасида иззат топиб, эҳтиромда бўлади. “Айтишларича, иззат ва улуғликнинг сабаблари бештадир, яъни мазкур бешта сифат кимда бўлса, у одам улуғлик ва иззат отига минади. Улар қуйидагилардир: тўғри сўзлик, сирини яшира билиш, ваъдага вафо, насиҳатни қабул қилиш ва омонатга хиёнат қилмаслик”. Демак, тўғри сўзлик ҳам иззатли кишининг белгисидир. Навоий таъбири б-н айтганда: “Инсонни сўз жудо айлади ҳайвондин, Билгилки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин”.

Демак, шундай экан, сўзнинг улуғлигини идрок этиб, тўғри сўзлик тамойилларига риоя этиш иззатлиликиннг, демаски, инсонийликнинг муҳим белгисидир. Сирини яшира билмаслик. яъни ҳамма жойда ўзлигини намоиш қилавериш ҳам инсон иззатининг пасайишига олиб келади. Ваъдага вафо қилиш ҳам жам-тда шахс иззатининг ошишига хизмат қиладиган омил сифатида эътиборлидир. Миллий менталитетимизда ваъдага вафо қилиш муҳим ҳисобланиб, ваъдабоз кимсалар, яъни ваъдага вафо қилмайдиганлар қаттиқ қораланиб, жам-тда эътиборсиз кимсалар сифатида қаралади. Насиҳатни эшитиб, унга амал қилиш — яхши ахлоқ белгиси. Омонатга хиёнат қилмаслик, уни бус-бутун ҳолида эгасига етказиш ҳам инсонийлик аломатидирки, шахснинг иззатлилики даражаси ана шу омиллар б-н белгиланади.

ИККИЮЗЛАМАЧИ(ЛИК) — маън-ий иллат сифатида унга бошқа, бунга бошқача гапни сўзлайдиган, икки одамга икки хил муомала қиладиган кишига хос мунофиқлик ва риёкорликни ифода этадиган т. И. бир одамга бир хилда, бошқасига бошқа хилда ёлғон сўзлаб, уларни бир-бирига душман қилади, орада низо чиқаради. У қасддан ёмонлик қилмаган ҳолатларда ҳам, муомаласи, тутган йўлининг ўзи бузғунчиликка олиб келади. И., одатда, самимийдек сўзлайди, самимийдек иш юритади, лекин шу тариқа содда одамларни алдаб, тўғри йўлдан адаштиради. И. дўстни дўстан, қариндошни қариндошдан, биродарни биродардан ажратади, уларни бир-бирига бегона қилади. И. риёкор, маккор, мунофиқ, безбет бўлганидан унда уят ҳисси бўлмайди. Имом Бухорий “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”да И. борасида ушбу ҳадисни келтиради: “Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “Қиёмат куни Оллоҳ таолонинг даргоҳида бир одамга бу юзи бирлан, иккинчи одамга эрса бошқа юзи бирлан юзланувчи энг ёмон одамларни — И.ларни учратасан, дедилар” (“Ҳадис”, Т., 1996, 2-жилд, 112–113-бетлар). Ҳадисда

“ёмон одамлар” эмас, “энг ёмон одамлар” И.лардир, дейилмоқда. Демак, И.ларнинг инсонларга, жам-тга келтирадиган зарари бошқа ёмон одамлар келтирадиган зарарлардан кўра кўпроқдир. Ширин сўзлар сўзлаб, баъзида ўзини жуда бечораҳол кўрсатиб, бир ой, икки ойдан кейин қайтараман, деб катта маблағни қарзга олиб, кейин ундан тонадиган одамлар ҳам борки, улар аини И.лардир. Бу йўлга кирган одамнинг ундан чиқиб кетиши борган сари қийинлашади. И. йўқ нарсани бордек, борни эса йўқдек қилиб кўрсатишга уста. У бир маккор ишни амалга ошириб, бошқасига киришади. Айниқса, икки-учта И. бирор нарсада шериклик б-н иш қилса, бир-бирини алдаш борасида мусобақа ўйнаб, охир-оқибатда ҳаммаси чоғга тушади, бир-бирининг оёғидан тортиб, жарга кулайди. И.нинг бадий адабиёт ва сахна санъатидаги кўри-нишлари Шекспирнинг “Отелло” фожиасидаги Яго ролида жуда маҳорат б-н тасвирланган. “Бўхтоннинг эги йўқ, макрнинг — чеки йўқ” деган мақол бор. Мақолдаги “эг” сўзи яхшилик, эзуликни англатади. Яъни, бўхтоннинг ҳеч яхши жойи йўқ, бўхтон энг жирканч нарсадир, макрнинг эса чеки-чегараси йўқдир. И. ҳам макр, ҳам бўхтондан иборат бир феълдир. Яна бир мақолда “Не хилда яшасанг, шу хилда ўйлайсан” дейилади. Маккорнинг туриш-турмуши макр экан, унинг хаёли ҳам макр б-н банддир. И.нинг қилмишлари барибир фош бўлади, шунда ҳамма ҳалол одамлар ундан нари бўлишга интилади. Шеър: Маккорнинг доимо риёди иши, Фақат ёлғон сўзлар мунофиқ киши. Бундай одамлардан бўлмасанг узоқ, Бир куни келади унинг ташвиши.

ИЛЛЮЗИЯ (лот. *illysio* — хато, адашиш, янглишиш) — тана аъзоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларни нотўғри (ноадекват) идрок қилишдан иборат билиш жараёни. Баъзан психологияда нотўғри идрок қилишга олиб келадиган кўзгатувчилар конфигурациясининг (лот. *configuratio* — ташқи тузилишда ўхшашлик, ўзаро ўхшаш,

ёндош жойлашув) ўзи ҳам И. деб аталади. "Адекват" т.си лот. "*adaequatus*", яъни теппа-тенг, мутлақ мос, айнан тўғри демакдир. Ҳоз. даврда кузатишнинг энг самаралиси тасвирларнинг икки ўлчовда ифодаланишидир. И.ларнинг бир туркуми оптик геометрик И.лар бўлиб, улар асосий тасвир б-н уни қуршаб турган фазовий жойлашувида фарқ қилувчи бошқа шакллар ўртасида ўлчов (мезон) мун-тининг бузилишида намоён бўлади. Тасвирлар ёруғ фонда қора фонга нисбатан қорароқ туюлади, яъни улар контраст (франц. *contraste* — кескин қарама-қаршилик) ҳолат маҳсулига айланади. Бошқача айтганда, улар ёруғлик б-н фон ўртасидаги мун-т ифодасидир. "Фон" т.си франц. "*fond*" сўзидан олинган бўлиб, асос, негиз, таг маъносини билдиради. Аксарият И.лар кўринадиган ҳаракатлар б-н боғлиқ, чунончи: 1) қоронғуликда ҳаракатсиз ёруғлик манбаида нурларнинг тартибсиз тарқалиши (ёйилиши); 2) фазовий жиҳатдан яқин жойлашган икки ҳаракатсиз стимулнинг тез суръатлар б-н намоён этиб туриши ҳаракат таассуроти-ни вужудга келтиради (стробоскопик ҳаракат); 3) ҳаракатсиз объектни уни қуршаб турган фонга қарама-қарши йўналишга қўйиш ҳаракат туйғусини пайдо қилади (индукцион ҳаракат). И.га мисол тариқасида темир йўл ўртасида туриб уни кузатсак, ҳар иккала чизик бора-бора бир-бири б-н қўшилиб ёки кесишиб кетгандек туюлади, ваҳоланки, улар ҳеч қачон бир-бири б-н кесишмайдиган параллел чизиклардир. Қуёшнинг ерга нисбатан мун-ти ҳам худди шундай нотўғри идрок қилинади. Сароб ҳодисаси И.нинг яна бир кўринишидир. Идрок ҳодисаси кўрув, эшитув, ҳаракат идроки каби ҳодисаларга хосдир. Мас., осмондаги самолётнинг, узоқдаги автомобилнинг ҳаракатлари инсон томонидан нотўғри идрок қилиниши туфайли жойидан қўзғалмаётгандек туюлади. Аллақандай товуш ва шарпаларнинг эшитилиши эшитиш И.си дейилади. Психологияда кўриш б-н боғлиқ И.нинг олти тури мавжуд экани таърифлаб берилган. И. шахснинг таъсирларга берилувчанлиги, эътиқоди ва мавқеи-

га, ўзини ўзи баҳолаш тизими ҳамда руҳий хасталикка учрашига, юзага келган вазиятга боғлиқ. Ижт-й жойлашув, ассоциация, эҳтиёж, тажриба, эмоциоген омил, трансформация, толиқиш, ахборот кабилар И. манбаидир.

ИЛТИФОТ (араб. ўгириш, буриш, лутф кўрсатиш) — кишига қилинган марҳамат, ҳиммат, диққат-эътибор, яхши мун-тга асосланган инсоний фазилатни ифода этадиган т. И. гўзал инсоний фазилатлардан бири бўлиб, лугатларда кўрсатиб ўтилганидек, кенг ва чуқур маъноларга эга. И. кишилиқ жам-тини безаб, зийнатлаб турувчи, инсонлар ўртасида меҳр ва шафқат туйғуларини пайдо қилувчи, ривожлантирувчи лутфдир. И. юксак мад-т белгиси бўлиб, И.ли одам ҳеч қачон бировга нисбатан безътибор бўлмайди, ҳаммага бир хилда чиройли муомала қилади. И. одамлар ўртасидаги мун-т ва муомаланинг ҳиммат, саховат, марҳамат асосида амалга оширилишидир, хушмуомалалиқдир. Мас., автобусда кекса одам ўрта яшар, қўлида боласи ёки оғир юки бўлган аёлга раҳмдиллик б-н жой берса, бу унинг И.идир. Халқимизда қадимдан хонадонга меҳмон келса, уй эгаси — мезбон уни очик чеҳра б-н кутиб олиб кўришганидан кейин ўтирган ва яна ўрнидан туриб бир-бирига қуллуқ қилган. Бу гўзал И. эди. Агар дўсту ёр ва ошналар, қариндош-уруғлар бир-бирига И.ли ва эътиборли бўлса, уларни боғлаб турган ришталар янада кучаяди. "Навойий асарлари лугати"да лутф сўзига қуйидагича изоҳ берилган: "Мулойимлик, раҳмдиллик, яхши муомала, марҳамат; лутфи олий — олий марҳамат, лутф айламак — яхшилиқ қилмоқ, марҳамат этмоқ". Алишер Навойийнинг "Ҳайратул-аброр" асарида лутф бобида шундай мисол келтирилган: "Шоҳ боқиб кўрди чу ношод ани. Лутф этибон ойнади озод ани". Қадимда лутфнинг қуйидаги турлари бўлган: лутфи таъб — зеҳн ёрқинлиги; лутфи мақол — сўз мулойимлиги; лутфи амийм — зўр марҳамат; лутфи муфрид — юксак марҳамат. Ушбу изоҳлардан маълум бўладики, И.нинг энг юқориси "лутфи олий"-

дир. Олий лутф деганда ўта раҳмдиллик ва марҳамат б-н қилинган яхшилиқни ташунмоқ керак. Бундан ташқари, “И.” сўзида хайрихоҳлик маъноси ҳам бор. Хайрихоҳ инсон бировнинг дарду ташвишига бефарқ қараб турмайди, унга ёрдам беришга ошиқади. Шу б-н бирга, хайрихоҳ инсон бировнинг шодлиги, қувончидан қувонади. Мулойим сўзлик, чеҳраси очқлик, самимий табассумлик кишилар орасида низою жанжал эмас, дўстлик ва меҳр ришталари мавжуд бўлади. Мумтоз адабиётимизда И. сўзининг муқобилларидан яна бири карамдир. Алишер Навоий таъбирича, “Карам бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқармоқдир. Карам бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва у тикан ичидан гулдек очилмоқ ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир”. Демак, И. сўзи ўз фазилатлари б-н ўзгаларга ибрат бўладиган инсонга нисбатан қўлланиб, бундай шахсни баркамол инсон, маъ-яни юксак одам дейиш мумкин.

ИМИЖ (инг. имиж — қиёфа, тасвир) — одамлар онгида муайян шахс, ташкилот ёки бошқа ижт-й объектга нисбатан юзага келадиган, идрок этилаётган объект ҳақидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирган ва ижт-й хулқ-атворга даъват этадиган муайян синтетик образ. И. турлари: *корпоратив* И. (компания, фирма, корхона, муассаса, сиёсий партия, жамоат ташкилоти ва ҳ.к. И.и) ва *индивидуал* И. (сиёсатчи, бизнесмен, артист, раҳбар, ижт-й ҳаракат етакчиси каби алоҳида шахсларнинг И.и)ни фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Иккала ҳолда ҳам, яъни ташкилотга нисбатан ҳам, индивид (шахс)га нисбатан ҳам *ташқи ва ички* И. бўлади. Ташкилотнинг ташқи И.и — бу уни қуршаган муҳитда, мазкур ташкилотнинг мижозлари, истеъмолчилари, рақиблари, ҳокимият органлари, ОАВ, жамоатчилик онгида у ҳақда шаклландиган образ, тасаввур. Индивиднинг ташқи

И.и вербал, визуал, ахлоқий, эстетик ифода усуллари ва хулқ-атворнинг ҳар хил шаклларида таркиб топади, у б-н бевосита ёки билвосита алоқага киришадиган одамлар эса бу И. субъекти ҳисобланади. И. масаласида функционал ёндашув тарафдори бўлган инглиз олими Ф.Жевкинз И.нинг қуйидаги турларини таклиф қилади: 1. *Кўзгусимон* И. — бизнинг ўзимиз ҳақимиздаги тасаввуримизга хос бўлган И. 2. *Жорий* И. — четдан ташланган назарга хос бўлган И. 3. *Мақбул* И. — шахс нимага интилаётганини акс эттирадиган И. 4. *Корпоратив* И. — ташкилотнинг айрим бўлинмалари ёки унинг иш натижалари эмас, балки умуман ташкилот И.и 5. *Кўп солли* И. — ягона корпорация ўрнида бир қанча мустақил тузилмалар мавжуд бўлган ҳолда юзага келадиган И. И. масаласида контекстли ёндашув ҳам бор. У И.нинг мувофиқлаштирилган ҳолда яхлит хус-ят касб этиши, рўёбга чиқариш шарт-шароитларини ҳисобга олиниши, айрим жиҳатлари эса бир-бирига зид бўлмаслиги лозимлигини англатади. Инглиз олимаси Э.Сэмсон шахсий И. тўғрисида сўз юритар экан, ташқи ва ички омиллар уйғунлигига қараб, И.ни уч турга — ўз-ўзининг И.и, идрок этиладиган И. ва талаб қилинадиган И.га ажратади. *Ўз-ўзининг И.и* ўтмиш тажрибасидан келиб чиқади ва ўзига нисбатан ҳурмат, ишончнинг ҳоз. ҳолатини акс эттиради. *Идрок этиладиган И.* — бошқа одамларнинг бизга бўлган мун-тидир. *Талаб қилинадиган И.* айрим касблар (роллар) муайян И. хус-ятларини талаб қилишини англатади. Айрим ҳолларда бунга кийим тури кўмаклашади. Ҳарбий уст-бош, судья мантияси, подшо тожи — буларнинг барчаси шахснинг муайян ролларни бажарувчи эканига ишора қиладиган И. белгиларидир. Баъзи тадқиқотчилар харизматик И.ни мустақил тур сифатида таклиф қилади. «Харизма», «харизмали раҳбар» т.сини илмий муомалалага социология асосчиларидан бири М.Вебер киритган. И. турларига *ёпиқ* И.ни ҳам киритиш мумкин. У собиқ Иттифоқ даврида аксарият давлат раҳбарларига хос эди. Ҳар бир одам

бу И.га ўзи ишонган жиҳатни «юклаши» мумкин эди. Одатда, одамлар муайян шахс ҳақида қанча кам ахборотга эга бўлса, бу шахс уларнинг кўз ўнгига шунча салмоқ касб этади. Инсонга хос фаолият жабҳаларига, И. шаклланадиган турли ижт-й доирага қараб, *сиёсатдаги И. (ва сиёсатчилар И.и), бизнес И.и, ташиқлот И.и, мам-т И.и* каби И. кўринишлари мавжуд бўлиши мумкин. Бу И.лар мазмун жиҳатидан, шаклланиш механизмлари намоён бўлиш шакллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шундай қилиб, И.ни шакллантириш оқилона ижт-й бошқарув тизимига киритилиши мумкин ва лозим, чунки бу масалада фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Ўзини, ўз фирма ва ташиқлотларини контрагентларга, жамоатчиликка таништиришда И.нинг аҳамияти қанчалик муҳим эканини ҳоз. пайтда ҳамма ходим ва раҳбарлар ҳам тўла англаб етгани йўқ, уларнинг аксарияти эскича ишлашда давом этмоқда, шу боис рақобатга асосланган курашда мағлубиятга учрамоқда. Мухтасар айтганда, «И.» т.си энг муҳим гносеологик муаммо бўлиб, бошқа барча наз-й-амалий ва технологик муаммолар кўпроқ шу муаммонинг ечимига боғлиқ.

ИМИЖЕОЛОГИЯ (инг. имиж — қиёфа, тасвир, логия — таълимот, фан) — 1) одамларни ёқимли ва жозибали бўлишга, инсонларга нур ва ёруғлик етказишга ундаш; 2) у инсоннинг муносиб шахс бўлишга қаратилган эҳтиёжини ташқи жиҳатдан намоён этишга ёрдам беради; 3) ҳар бир фуқаронинг олижаноб қиёфаси ҳақидаги орзу ва унга эга бўлиш — демократик ва инсоний жам-т куришнинг зарур шарт; 4) таъсир этиш технологияси. Инглиз адиби Блез Паскаль инсонларга таъсир ўтказишнинг ишонтириш ва ёқиш усули мавжуд бўлиб, иккинчиси энг самарали деб таъкидлар ва бу усулни яхши ўзлаштирмаганидан афсусланади; 5) таълим тизимида ўқитиладиган фан. И. ўзида психология, менежмент, нотиклик, ахлоқ, ишчан этикет каби бир қатор соҳалардаги билимларни синтез қилган

ҳолда мужассам этади. И. фани инсон, ходим, раҳбар, ташиқлот, жамоа, фирма, шаҳар, миллат, давлат каби индивид ва тузилмаларнинг мазмун-моҳияти асосида вужудга келган ташқи кўриниши, қиёфаси, уларнинг шуҳрат ва обрўга эришиши борасидаги тарихий тажрибалари, илмий асослари, шакллари ўрганади. Имижмейкерлик фаолияти ёрдамида уларнинг шуҳратини, нуфузини ошириш имкониятларини очиб беради. У, энг аввало, шахс, раҳбар, ижодкор ва ишбилармон одамнинг қиёфаси, нуфузи, обрўи, фикри, сўзи, ҳаракатлари ва иш фаолиятлари ёрдамида обрў орттириш, ҳурматга сазовор бўлиш, шуҳрат қозониш, инсоннинг энг яхши томонларини очиш ва тарғиб қилиш, ўз даражасига яраша мавқега эга бўлиш каби масалаларни тадқиқ этади. И. инсон, ходим, раҳбардаги ёмон иллатларни йўқотиш, сохта обрў орттираётганларни фош қилиш, инсондаги энг ажойиб ижобий хислатларни умумлаштирган ҳолда гўзал ва баркамол, жозибали, кўркам, истарали, ёқимтой одам бўлишни ўргатади. И. шахс ёки ижт-й тизим ҳақидаги визуал таассуротдир. И. миллий мад-тнинг фундаментал анъаналарига асосланади. Ўз имижи сари интилиш, жозибадор, хушмуомала бўлиш инсон ва жам-т учун ёқимлидир. Ўзимизга ва бошқаларга ёқмаслик туфайли атрофимизда кўпгина муаммоларга дуч келишимиз мумкин. Фарбда имиж прагматик харақатга эга бўлиб, имижмейкер хизматида сиёсий арбоблар ҳам, таниқли санъаткорлар, бошқа касб эгалари ҳам фойдаланади. И. педагог ва тарбиячилар учун асосий манба ҳисобланади. И.нинг ўзига хос хус-ят ва технологияси шундан иборатки, бунда этика, психология ва б. фанлар узвий уйғунликда ўқитилади. И. ҳоз. замон кишисини тарбиялашнинг муҳим таркибий қисми; турли соҳа мутахассислари касбий маҳоратининг муҳим элементи; касбий фаолиятнинг пиар бўйича мутахассис, стилист, имижмейкер каби турларини фарқлаш учун наз-й-услубий асосдир. И.нинг шахсий жозибадорлик технологиясининг энг муҳим вазифаси

турли ёшдаги одамларга имиж ҳақида билимлар бериш, уларга бу билимларни ўзлаштиришда ҳамда шахсларо ва ишга доир мун-тларни йўлга қўйишда бу билимлардан моҳирона фойдаланишда қўмаклашишдан иборат. Биз ўз ижобий имижимизни яратишда қанча кўп муваффақиятга эришсак, хулқ-атворимиз кўлами шунча бой бўлади ва одамларнинг таассуротларини шунча самаралироқ бошқарамиз. Одамлар бир-бирига ёқишга ҳаракат қиладиган мулоқот жабҳаларида жанжал-тўполонлар чиқмайди, бинобарин, уларнинг соғлиғи бузилмайди. Ш.саб. одамларнинг ташқи таровати, мафтункорлиги соғлом турмуш тарзининг муҳим омили, дейиш мумкин. Инсоннинг ҳаётдаги муваффақиятлари ҳам унинг ташқи таровати, жозибаторлиги, бошқа одамларга ёқиш маҳорати б-н узвий боғлиқ. Бунга эришишда И. улкан роль ўйнайди. Ҳамонки шундай экан, И.нинг қуйидаги шнорига сўзсиз риюя этиш мақсадга мувофиқдир: «Токи тирик экансан, одамларга ёқиш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдалан». Буюк мутафаккир Суқрот: «Инсоннинг баркамол ҳаёти – олий санъат», деганида тўла ҳақ эди. «Баркамол ҳаёт» т.си шахснинг муносиб имижини ҳам муҳим элемент сифатида ўз ичига олади. Владимир Даль И.нинг лугавий маъносини образ ва чеҳра тарзида изоҳлайди. Унинг фикрича, образ — мустаҳкам, турғун ҳолат, чеҳра эса — бу шахснинг ўзгарувчан ташқи кўринишини ифода этади. Сочни замонавий турмаклаш, қимматбаҳо либослар кийиш, мад-тли инсон қиёфасида бўлиш — бу ҳали имиж дегани эмас. Маълумки, тadbиркор, одамлар б-н кўпроқ муомалада бўладиган касб эгалари учун бошқаларда яхши таассурот қолдириш муҳим аҳамиятга эга. Одам физиологик жиҳатдан кўримсиз бўлса-да, маън-й фазилатлари кўп бўлса, ўзгаларнинг эътиборини тортади. Ишбилармон киши хушмуомала, кўнгли очиқ бўлиши, суҳбатдоши б-н сўзлашганда ўзининг фикрларини эркин ифода эта олиши лозим. Унинг учун асосий сифатлардан яна бири — эмпатиядир. Бу инсоннинг ички дунёсини ҳис этиш, уни

тушуниш, олдиндан бўладиган музокара-лар ечимини ҳис этиш ёки ўз ҳамсуҳбатининг кайфиятини билиб, мавзуни ўзгартириш қобилиятидир.

ИММУНИТЕТ (лот. *immunillare* — бирон нарсадан халос бўлиш, қутулиш) — организмнинг доимий равишда ўз ички барқарорлигини сақлаши, турли хус-ятларга эга ташқи таъсирлардан, хус-н, инфекциялар кириб келишидан ҳимояланишга қодир бўлган реакциялар мажмуаси. Инсон бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирга жавобан акс садолар сифатида орттирган билим ва малакалари асосида ўзида И. тизимини шакллантиради. Охирги пайтларда мам-тимизда инсон маъ-ятига нисбатан ҳам И. атамасини ишлатилмоқда. Бунда инсон онгу тафаккури, унинг билим савияси б-н боғлиқ ҳолда, И. тизимининг асосий қисмлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилмоқда: 1) воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттирадиган, инсон маъ-ятининг бойиши ва жам-т тарётига хизмат қиладиган билимлар; 2) шундай билимлар замирида шаклланадиган ва мафкуравий тажовулар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиладиган қадриятлар тизими; 3) ижт-й-иқт-й, сиёсий ва мад-й-маъ-й соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар. Мафкуравий И. тизими маън-й баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион ва бузғунчи гоъвий тажовуларга, маън-й таҳдидларга муносиб зарба бера оладиган ёшларни камол топтиришда қўл келади.

ИМОН (араб. ишонч) — 1) худога бўлган ишонч-эътиқод; кўнгилда ишониш ва тилда иқроор қилиш; 2) умуман, ишонч; 3) муайян фикр, олий гоъянинг ҳақиқатлигига комил ишониш, шу ишонч-ни эътиқодга айлантириш. Ш.у. ҳам И. сўзи эътиқод сўзи б-н ёнма-ён келиб, иймон-эътиқод тарзида ишлатилади. И. инсон онги ва руҳиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч, инсон иродасини мустаҳкамлаш воситасидир. И. туфайли одам руҳи эзгулик сари интилади, ижт-й-сиёсий ҳаётнинг инсо-

нийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар қандай ғоя ва дунёқараш инсоннинг И.-эътиқодига айлангандагина ҳаракатлантирувчи моддий ҳамда руҳий куч сифатида намоён бўлади. Умуминсоний ахлоқий қадриятлар — сўз б-н иш (амал), тил ва дил бирлиги, инсоф, диёнат, ҳалоллик-поклик, виждонлилик, садоқат, муҳаббат, ватанпарварлик, ш-лек, оила, жам-т, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш каби фазилатлар И.лилик шартлари ҳисобланади. «Ишонч» б-н «И.» т.лари одатий (кундалик) онгда кўпинча бир маънода қўлланади. Наз-й онгда улар ўртасидаги яқинликдан ташқари тафовут ҳам борлиги эътиборга олинади. Ишонч одамлар ва уларнинг уюшмалари ўртасидаги ахлоқий-руҳий ҳолат сифатида ўзaro мун-тлар инсоний тус олишига хизмат қилади. Ишонч муҳити қарор топган жойда кўп муаммолар осонроқ, беозорроқ ҳал бўлади, одамларнинг кўп вақти ва қуввати беҳуда сарфланмайди. Ишончсизлик ва шубҳа барқарор муҳитда инсон шахс сифатида шаклланиши қийинлашади. И. ишончга нисбатан чуқур фал-й мазмунга эга. У дунёқараш ва эътиқод б-н узвий боғлиқ бўлгани сабабли алоҳида нодир руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Ҳоз. даврда бутун жаҳонда диний дунёқараш б-н бирга илмий-фал-й дунёқараш ҳам мавжуд. Айрим одамларда диний онг устувор бўлиб, уларда И. диний ақидалар ҳақлигига ишонч асосида шаклланади, баъзи кишиларда эса илмий ҳақиқатларга ишонч устувор бўлгани сабабли, уларда И. дунёвий билим, фал-й дунёқараш негизига юзага келади. Қуръони каримда И.ли инсонларнинг белгилари қуйидагича тавсифланади: улар мўмин, ҳалим, итоаткор, сўзи б-н амали бир, поклик ва ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари, шартномаларига риоя этувчи, ибодатига амал қилувчи ва ш.у. жаннат ворислари бўлган кишилардир. Илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда «И.» т.си б-н «эътиқод» т.сини айнан бир нарса деб талқин қилиш ҳолатлари учрайди, ҳатто эътиқодни И.дан устун қўядиган қарашлар ҳам бор. Аслида эътиқод одамнинг онги,

аҳволи, руҳияти б-н боғланиб кетадиган, оламдаги нарса-ҳодиса ва жараёнларга алоҳида мун-тни қарор топтирадиган маън-й-руҳий ҳолатдир. Муайян ғоя ва дунёқарашга ҳис-ҳаяжон асосида ёндашув маъносида эътиқод И.га яқин туради, ш.у. ҳам баъзан эътиқодни «И.» т.сининг маънодоши ёки уни тўлдирадиган т. сифатида қўллайдилар. Собиқ совет фал.сида «И.» т.си тадқиқ этилмас эди. Ҳозирча бизнинг замонавий фал.да ҳам у алоҳида тадқиқот объекти бўлгани йўқ, уни ўрганиш, таҳлил этиш ниҳоятда муҳим. Умуман айтганда, уч нарсанинг бутунлигидан И. ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод — чин дилдан ишониш; иқрор — сўзда буни тан олиш; амал — ишончини яхши ишлар б-н исботлаш. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулб» асарида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ — андин одабийлик келмак имкони йўқ». Яъни И.сиз кимса одам эмас.

Тилимизда И. сўзи кенг қўлланиб, ўта муҳим т.ларни билдиради. Халқимизда «И.сиз» сўздан ортиқ ҳақорат бўлмаса керак. Бу ҳақорат замирида ишонч-эътиқоди йўқ, худодан, диндан қайтган маъноларидан ташқари виждонсиз, ярамас, разил, диёнатсиз деган мазмун ҳам ифодаланади. Инсон эътиқодсиз, фикрлашсиз яшолмайди. Шахснинг эътиқоди масаласи муҳим муаммолардан бўлиб, унинг шаклланиши, И.лилик даражаси кўп жиҳатдан ижт-й омилларга ҳам бевосита боғлиқ. Бугунги кунда бу масалага эътиборнинг ортиб бораётганининг боиси шундаки, инсон, айниқса, ёшлар учун ғоят зарур бўлган мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида ундаги И.-эътиқод муҳим аҳамият касб этади. Агар биз ёшларимизда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқараш асосларини шакллантира олсак, улар маъ-яти бой, мустақил фикрли ва олижаноб шахслар бўлиб камолга етади. Бу борада барчамиз учун Президентимизнинг қуйидаги фикрлари дастуруламал бўлиши лозим: **“Мен имони бақувват одам деганда, аввало, виждонли, ҳалол билан ҳаромнинг фар-**

қига борадиган, бировнинг ҳақидан ҳазар қиладиган, бировга ноҳақ озор бермайдиган инсонларни кўз олдимга келтираман”.

ИМПЕРАТИВ АХЛОҚ (лот. *imperativus* — фармон) — ахлоқшунослик тарихида муайян из қолдирган немис файласуфи И.Кант қарашларида ахлоқий қонунни тавсифлаган асосий т. Кант гносеологияда бўлгани каби ўз фал.сида ҳам инсон фаолияти ва хатти-ҳаракатларини асослайдиган умумий ва зарурий қонуниятларни топишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, И.а. мутлақ, умумий, барча учун аҳамиятли бўлиши шарт, яъни қонун шаклига эга бўлиши керак. Фақат И.а.нинг тамойил ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атвор ахлоқийдир. Кант талқинидаги И.а.нинг мазмуни Конфуций ва Гоббснинг “Ўзингга раво кўрмаган нарсаларни бировга ҳам раво кўрма”, Локкнинг “Ўзингга раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!” деган ҳикматларига ўхшаб кетади. Аслида бундай фикр ва хулосалар бошқа халқлар, даврлар ва мутафаккирлар таълимотларида, жумладан, ислом динининг асосий манбаларидан бўлмиш ҳадисларда ҳам мавжуд.

ИМПЕРИЯ (лот. *imperium* — ҳокимият, ҳукмронлик) — 1) монархияга асосланган давлат бўлиб, унинг тепасида император туради; 2) мустамлака ва қарам мам-тлар халқлари устидан ўз ҳукмронлигини куч б-н ўрнатган ва бу ҳукмронликни қаттиқ зулм ва эксплуатация тизими ёрдамида ушлаб турган мустамлакачи давлат. Айрим йирик монархия давлатлари ўрта а.ларда И. деб аталган. Россияда Пётр Биринчи давридан (1721) большевиклар диктатураси ўрнатилгунига қадар (1917), Францияда Наполеон Биринчи ва Наполеон Иккинчи даврида, Германияда 1871 йилдан то 1818 йилдаги давлат тўнтаришига қадар И. ҳукмронлик қилган. Ш-дек, мустамлакалари бўлган йирик давлатлар, мас., Буюк Британия доминион ва мустамлакалари б-н бирга Британия И.сини ташкил этган.

ИМПЕРИЯЧА ТАФАККУР — чор империяси даврида Россиянинг мустамлакасига айлантирилган ўлкалардаги ма-

ҳаллий халқларга нисбатан расмий маъмурият ва ҳукмрон доиралар томонидан амалга оширилган, манманлик ва калондимоғликка, қарам миллатларни иккинчи даражали элатлар деб қарашга асосланган мун-т бўлиб, бу мун-т шўро йилларида ва ундан кейин ҳам давом эттирилди. Президент Ислом Каримов Россиянинг “Независимая газета”си муҳбирига берган “Бизни империя даврида иккинчи даражали инсонлар ҳисоблар эдилар” номли интервьюсида И.т.нинг маъно-мазмунини таҳлил этиб берган. Мазкур тафаккур шакли жам-т онгига сингиб, маълум даражада, худди табиийдек бир нарсага айланишига Россиянинг мустамлака қарам халқлар устидан ҳукмронлиги, уларга нисбатан баъзида шафқатсиз, баъзида эса маккорона олиб борган сиёсати сабаб бўлди. Собиқ СССР даврида Россия империяси худудидаги юздан ортиқ миллат ва элатлар ўрнига янги тарихий бирлик — “совет халқи”ни шакллантириш бўйича сохта наз-я давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундай сиёсат натижасида миллатлар ва элатларнинг миллий манфаатларига улкан зарар етказилди. 1935—1985 йиллар мобайнида собиқ Иттифоқ мактабларида миллий тилларда ўқитиш даражаси 105 тадан 39 тага тушиб қолди, миллий тилларнинг мавқеи қардош республикалар миқёсида пасайиб борди. Иттифоқ республикалари амалда кўп миллатли улкан давлатнинг оддий маъмурий худудларига айланиб қолди.

ИНДИВИДУАЛИЗМ (лот. *individuum* — бўлинмас) — инсоннинг шахсий ҳаёти жамоага боғлиқ бўлмаган, фақат унинг ўзига тегишли алоҳида бир ҳодиса деб қарайдиган, жам-т манфаатларидан инсон ҳуқуқларини мутлақ устун қўядиган фал-й-ахлоқий таълимот. И.нинг наз-й талқини негизида ҳар қайси шахснинг ягона беқийс эканини, унинг ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади. Аксарият ҳолларда инсон табиатининг ўзида И. мавжуд деб ҳисобланади. И.нинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар шахсни жамоага қарши қўйиш, шахсий манфа-

атларни жам-т манфаатларидан устун кўриш б-н боғлиқ ҳолда қад. замонлардан бошлаб шаклланган. Айрим файласуфлар антик даврлардаёқ шахсий ва жам-т манфаатлари ўртасида кескин зиддият вужудга келиши мумкинлигига эътибор қаратган. Бу зиддият турли фал-й оқим ва мактаблар вакиллари томонидан ўзига хос тарзда талқин этилган. Мас., Афло-тун ва унинг мактабига мансуб файласуфлар шахс манфаатлари жам-т манфаатларига тўлиқ бўйсундирилиши зарурлигини асослашга интиланган. Киниклар эса, аксинча, ижт-й ҳаёт қадриятларини бутунлай инкор этиб, шахс эркинлиги ва манфаатлари устуворлигини ёқлаб келган. Мазкур таълимотга юнон файласуфи Антисфен асос солган бўлса-да, фал-й адабиётда унинг шоғирди, кинизм оқимининг ёрқин вакили — гайриода-тий хатти-ҳаракати ва юриш-туриши б-н шуҳрат қозонган Диоген бу масалада кўпроқ тилга олинади. У бой-бадавлат оилага мансуб бўлишига қарамай, тиланчилик б-н кун кечирган ва бочка ичида яшаган. Унинг қарашлари ўта бирёқлам-лиги б-н ажралиб турган. Диогеннинг фикрича, инсон эркинлиги чексиз бўлиши, давлат ҳам, оила-никоҳ мун-тлари ҳам, ахлоқий қадриятлар ҳам унга тўсқин-лик қилмаслиги керак. Бундай ёндашув жам-тнинг маън-й-ахлоқий асосларини емириб, турли бузғунчиликларга сабаб бўлади. (Бугунги кунда айрим Фарб мам-тларида индивидуал ҳақ-ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш баҳонасида қип-ялан-ғоч бўлиб намоийишга чиқадиган ёшлар, бир жинсдаги одамларнинг никоҳдан ўти-шини қонунлаштиралиши талаб этаётган баъзи гуруҳлар киниклар таълимоти, уларнинг ғоялари ҳамон бошқача шакл-ларда яшаб келаётганидан далолат беради.) Ушбу мактаб вакилларида Антисфен, Си-ноплик Диоген, Кратетнинг фикрича, инсоният тарихи давомида шаклланган барча ижт-й мун-тлар, мад-й кўникма-ларга, жумладан, ахлоқ ва одоб меъёрла-рига ҳам барҳам бериш зарур экан. Гўё-ки, улар инсоннинг асл моҳиятини таш-кил этадиган табиий майл ва интилишларнинг эркин намоён бўлиши-

га тўсқинлик қилар эмиш. Индивид маъ-нан фақат ўзига, ўз вужудидаги табиий эҳтиёжларга таяниши мумкин эмиш. Ҳатто инсон учун энг муқаддас бўлган туйғу — ватанпарварликка зид равишда ўзларини “дунё фуқаролари” — космополитлар деб эълон қилган киниклар ҳар қандай жам-тда инсон ўз билганича, ўз қонунла-ри асосида яшаши керак, деган ғояни илгари суриб, ҳар қандай ахлоқий чегаралар-ни инкор этган. Уйғониш даврида И. ил-мий концепция сифатида шаклланди. Гоббс, Гельвещий, Гольбах каби Европа маърифатпарварлари эса, И.ни инсон фаоллиги, айниқса, тadbиркорлик фао-лиятининг универсал мезони сифатида эътироф этади. Уларнинг фикрича, ҳатто инсон томонидан ўз яқинларига яхши-лик қилиш замирида ҳам ўз манфаатла-рини тўғри англаш ёки “оқилона худ-бинлик” (Гольбах) туйғуси ётади. Кант инсон табиатига хос бўлган худбинликни “ўтакетган бадбахтлик” сифатида баҳо-лаб, бу тоифадаги одамларни фақат ўз фойдаси ва манфаатини кўзлаб яшайдиган “ахлоқий эгоист” деб атайди. Шоп-пенгауэр ҳар бир инсоннинг ўзига хос яшаши учун йўналтирилган ирода-ин-тилишни И.нинг асоси деб ҳисоблаган. Ш-дек, Штирнер, Ницше, Сартр, Берг-сон ва Ясперс сингари Фарб файласуф-ларининг қарашларида ҳам И. масалалари ёрқин ифодасини топган. Кишилар дунё-қарашини бошқариш, уларнинг қалби ва онгига айрим мафкура полигонларининг манфаатларига жавоб берадиган стандарт-ларни сунъий равишда зўрлаб сингдириш йўлидаги уринишлар тобора авж олаётган ва кенг миқёс касб этаётган ҳоз. глобал-лашув даврида Фарб мам-тларида И. ниги-лизм, скептицизм, цинизм, волонти-ризм, анархизм, эгоизм, авторитаризм каби кескин кўринишларда намоён бўл-моқда. Юртбошимиз бу ҳақда фикр юри-тиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: **“Фарбча индивидуализм Шарқ киши-сига ёт. Жамоа тартибида яшаш бизга мос. Маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратила-ётганининг боиси ҳам шунда. Чунки ма-ҳаллада кимнинг қандайлиги, ўз кунини ҳалол ёки қинғир йўллар билан кўраётгани**

кундай аёндыр. Мен Фарб фалсафасида ҳам барча муаммолар ечилган, демоқчи эмасман. Биз кўп масалаларда Фарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур.” (И.А.Каримов. “Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”.)

ИНКВИЗИЦИЯ (лот. *inquisitio* — текширув, қидирув) — католик черкови томонидан эркин фикрли шахсларга, папа ҳокимиятининг ғоявий душманларига қарши курашиш мақсадида XIII а.да тузилган махсус суд муассасаси. У дастлаб бевосита Рим папаси тасарруфида бўлган, 1231 йилдан эътиборан доминиканлар орденига топширилган. И. христианликнинг софлигини сақлаш ғоясини мутлақлаштирган, шу сабабли ақидапарастликка йўл қўйган. И. инсониятнинг ғоявий эркинлигига қарши қатор жиноятларни содир этган, шу маънода у маън-й тубанлик, жаҳолат ва зўравонлик ифодаси сифатида эътироф этилган. Кўплаб олим, ёзувчи ва зиёлилар мавжуд сиёсий тизим ва черков доктринасининг ғоявий мухолифлари сифатида И. қурбони бўлган. Мас., 1600 йилда Ж. Бруно, 1619 йилда Л. Ванини ўтда куйдирилган. Инквизиторлар сўроқ пайтида оғир жазо ва қийноқларни қўллаган. Бу даврда жосуслик, айғоқчилик, ифвогарлик, сотқинлик ниҳоятда авж олган. Жазога тортилганларнинг мол-мулки черковнинг хусусий мулкига айлантирилгани учун И. черковга катта даромад келтириб турган.

И. Фарбий Европанинг жуда кўп мам-тларига, кейинчалик Америкага ёйилган. 1480 йили Испанияда алоҳида И. суд маҳкамаси таъсис этилган. Олий инквизитор Торквемада 18 йиллик хизмати даврида 10 минг 220 кишини оловда ёндиргани ҳақида тарихий маълумотлар бор. Унинг жиноятдан 114 минг оила зарар кўрган. И. ғоявий-сиёсий тизим сифатида XIX а. бошларигача фаолият кўрсатган. И.

судлари фаолияти 1835 йилда папанинг буйруғи б-н тўхтатилган. И.нинг айрим диний ва сиёсий функциялари муқаддас конгрегация зиммасига ўтказилган. У Ватиканда 1965 йилгача Муқаддас диний канцелярия конгрегацияси номидан иш юритиб, черков фаолиятдан норози ғоявий мухолифларни католик черковидан чиқариб юборган. 1965 йилда у Диний таълимот конгрегацияси номи б-н қайта ташкил қилинган.

ИНСОН (араб. унутмоқ) — оламдаги бошқа биологик мавжудотлардан ажралиб турадиган муҳим хус-ятларга, яъни ақл, маъ-ят, мад-т, ахлоқ, тафаккур, тил ва б. жиҳатларга эга бўлган ижт-й вужуд, одам зотини англатувчи т. Президент Ислам Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида И.га куйидагича таръриф беради: “Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-ингилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади” (67-бет).

И. наслига хос барча генетик хус-ятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи хислатлар ажодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлардан И.нинг туб фарқини кўрсатадиган хус-ятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат И.нинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хус-ят, мад-т белгисидир. Ш-дек, И.нинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маън-й бойликларни ишлаб чиқариш ма-

лакасига эга экани ҳам унинг устувор хус-ятларидан бири ҳисобланади. И. ҳаётида меҳнат асосий ўрин тутади. Меҳнат ту-файли И. ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маън-й бойлик-лар яратади, ўзини такомиллаштиради. И. организмнинг соф физиологик функ-циялари, қўл ва оёқларнинг, бош ва юз-нинг, тоғайлар, пайлар, суяк ва мускул-ларнинг рив-ши ҳам бевосита жисмоний меҳнат ва ақлий фаолият б-н боғлиқ. Бундан ташқари, меҳнат И.нинг маън-й, мад-й ривожини учун ҳам асосий шарт-шароит бўлиб хизмат қилади. Меҳнат туфайли И. табиатга таъсир этади, меҳнат қуролла-ри ясаб, уларни узлуксиз такомиллашти-риб боради. Оилавий мун-тлар ва маън-й-ахлоқий нормалар И. учун энг муҳим хус-ятлардан биридир. Оила ва маъ-ят одамнинг ижт-й-тарихий мавжудот бўлиб шаклланигандан далолат берарди. Бугун-ги кунда файласуфлар И.ни ўзаро чам-барчас боғлиқ бўлган учта омил – тана, руҳият ва маъ-ятнинг мажмуи сифатида таърифлашмоқда. И.нинг биологик ҳола-ти деганда унинг танасида содир бўлади-ган морфобиологик, генетик, мияси-да рўй берадиган электро-кимёвий ўзга-ришлар, унинг ёши, ирқи ва жинсини ифода этадиган жиҳатлар тушунилади. И.нинг руҳий ҳолати мисолида унинг ҳис-туйғулари, кайфияти, кечинмалари, иро-даси, темпераменти тушунилади. И.нинг маъ-яти жам-тдаги шарт-шароит ва омил-лар натижасида шаклланиган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, билим, кўник-ма ва малакалар йиғиндиси бўлиб, И.нинг мураккаб, бир бутун биосоциал жонзот эканидан далолат беради. Антик давр фал-й таълимотларида, мас. “Авес-то”да И. коинотдаги олий ақл, яъни Ярат-ган б-н уйғун ҳолда яшаши асосланади. Демокрит таълимотида эса И. “кичик олам”, микрокосм, софист Протагор фикрича, “барча нарсаларнинг мезони” сифатида талқин этилади. Афлотун ва Арасту назарида, И. мазмун-моҳияти бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки асос: руҳ ва жисм бирлигида намоён бўла-ди. Шарқ Уйғониш даврига мансуб Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон

Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг қарашларида И.нинг мазмун-моҳиятига янгича қараш ва ёндашувлар пайдо бўлади. Бу даврда илгари сурилган инсонпарварлик концеп-цияларида И.нинг ўзига хос маън-й ола-ми, камолоти ва ижодий имкониятлари чексиз эканига алоҳида урғу берилади. Бундай ҳолат Фарб Уйғониш даври мута-факкирлари ижоди учун ҳам хосдир. Мас., Пико Делла Мирандола «Инсон фазилат-лари ҳақидаги нутқлар» асарида И.ни мустақил рив-ш, ўз воқелигини эркин шакллантиришга қодир бўлган яккаю ягона мавжудот сифатида таърифлайди. Р.Декарт тафаккур — И. мавжудлигидан далолат берадиган ягона омил эканини қайд этади. И.Кант назарида, “И. ўзи нима?” деган савол ҳал қилувчи бош ма-салага айланиши керак. Бу ўринда фай-ласуфнинг И. масаласига ёндашуви Суқ-ротнинг “Табиат нима?” эмас, “И. нима?” деган саволга жавоб излаш кераклиги ҳақидаги фикрларига ҳамоҳангдек кўри-нади. Маълум даражада бундай ёндашув XVII–XVIII а. немис фал.сидаги эмпи-ризм ва романтизм йўналишлари вакил-лари (Гёте, Гердер, Шиллер, Фихте) то-монидан қайта тикланади ва ривожлан-тирилади. Гёте ва Гердер И. масаласига пантеизм анъанаси руҳида ёндашиб, уни табиатнинг ажралмас қисми, руҳий хус-ят-лари, инстинкт ва ҳаётини кучлари мав-жудот сифатида тасаввур этади. И.нинг тарихийлиги масаласи мантиқий жиҳат-дан пухта ишлаб чиқилган Гегель фал.сида И. фаолиятига «дунёвий онг» объектив-лашувининг олий босқичи сифатида қара-лади. И. масаласига рационалистик кон-цепцияларга қарши бўлган XVIII–XIX а. иррационалистик оқимларида асосий эътибор И.нинг тафаккурдан ташқари-даги хус-ятлари: ҳиссиётлари (Гаман, Якоби), иродаси (Шопенгауэр), интуи-тив ҳис этиш қобилияти (Баадер), ҳаётини куч, майл ва интилишлари (ҳаёт фал.си-нинг натуралистик биологик йўналиши), мавжудлик омилига (Кьеркегор) қара-тилади. Мас., Ницше И.нинг биологик мавжудот сифатида ҳайвонот олами б-н бирлигини таъкидлаб, унинг мазмун-

моҳияти онг ва тафаккур б-н эмас, ҳаётӣ куч ва майлларининг ўйини б-н белгиланишини уқтиради. ХХ а.да И. масаласи персонализм, айниқса, экзистенциализм йўналиши вакилларининг (Хайдеггер, Кьеркегор, Сартр, Мерло Понти) тадқиқот мавзуга айланади. Экзистенциализм фал.сида И. эркинлиги юксак қадрият сифатида баҳоланган бўлса-да, маън-й негизга асосланмагани сабабли, Фарб жам-тида ахлоқсизлик, маишатпарастлик, ғайритабиий шафқатсизлик майлларининг кучайишига тўсқинлик қила олмади. Афсуски, Фарбдаги замонавий фал-й тадқиқотларда ҳам И. масаласига асосан техник-технологик н.назардан ёндашилаётгани, И.нинг мад-й даражаси, маън-й-ахлоқий тақомилига хизмат қиладиган омиллар таҳлиliga етарлича эътибор қаратилмаётгани инсонпарварлик ғояларига зид оқим ва қарашлар, ахлоқсизлик майлларининг намоён бўлишига олиб келмоқда. Бутунги кунда Ўз-нда «И.» т.сининг мазмун-моҳиятини англаш учун бу масалага юксак маъ-ят н.назаридан ёндашиш зарурлиги Президент Ислом Каримов асарларида, айниқса, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинган. Мам-тимизда И. энг олий қадрият экани давлатимиз Конституцияси ва қонунларида ўз аксини топган. Шу боис юртимизда барча ислоҳот ва ўзгаришлар И. учун, унинг манфаатлари учун амалга оширилмоқда.

ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ – инсоннинг ташқи ва ички дунёси, жисмоний ҳамда маън-й хус-ятларининг уйғунлиги асосида намоён бўладиган умумий гўзал қиёфаси. И.г., одатда, унинг муомаласи, хулқи, ахлоқ-одоби, исмининг жисмига мослиги, касбу кори, меҳнаткашлиги, ҳам жисмоний, ҳам маън-й баркамоллиги б-н белгиланади. Инсон пайдо бўлганидан буён унинг моҳияти, камолоти, гўзаллиги хусусидаги баҳслар давом этиб келади. Бу борадаги фикрларнинг хилма-хил эканига муайян сабаблар бор. Маълумки, инсон ўзида жисмоний ва маън-й хус-ятларни уйғунлаштирган мавжудот.

Қачонки, ана шу хус-ятлар уйғунлашиб, Ислом Каримов таъкидлаб айтгани каби бамисоли парвоздаги қуш кўш қанотидек, баравар ҳаракат қилса, шундагина инсон гўзал ва баркамол бўлади. Одатда, инсоннинг ички (ботиний) гўзаллиги б-н ташқи (зоҳирий) гўзаллигига мун-т билдирилганда, аксарият ҳолларда ички гўзаллик ташқи гўзалликка нисбатан устувор аҳамият касб этиши эътироф этилади. Абдурауф Фитрат ташқи гўзаллик б-н ички гўзалликнинг уйғун бўлиши зарурий шарт эканини таъкидлайди ва “зоҳирий жамол” “ботиний (ички) жамол” б-н, “яъни яхши хулқ б-н боғлиқ бўлмаса бир тийинга қиммат. Кимки ўз ихтиёри тизгинини ҳайвоний шаҳват қўлига бермаган экан, доимо ички жамолини ташқи гўзаллиги б-н, яъни ҳусни ахлоқини қора кўзлар ва камон қошлар б-н зийнатлайди”, деган эди. Бу борада буюк донишманд Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида баён этилган мана бу фикрлар диққатга сазовордир: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга ҳуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунёдаги саодат сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ б-н уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси шу бўлади. Бордию, одам ҳам ташқи кўринишдан, ҳам маън-й табиати б-н яхши бўлса, Худо ва одамлар учун сеvimлидир. Гўзал юз тўрт фазилатга эгадир. Улардан бири шуки, гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчиси, ҳаётдан баҳраманд бўлиш онларини ширин қилади, учинчиси, у одамни очиқ кўнгилли ва олижаноб этади, тўртинчиси, бойликни кўпайтиради ва юқори мансаб ато қилади». Алломанинг мазкур фикри шахс камолоти учун И.г. муҳим омил эканини исботлайди. Маълумки, инсон нарсаларнинг зоҳирий гўзаллигини ботиний гўзалликка нисбатан биринчи бўлиб пайқай-

ди. У аввало, кўриниб турган гўзалликни ҳис қилади, сўнгра унинг моҳиятига муурожаат этади. Шу маънода, ташқи гўзалликни муайян объект ёки субъект ҳақида дастлабки тасаввур-маълумотни пайдо қиладиган бирламчи асос, дейиш мумкин. Бироқ, чиройли ҳусн инсоннинг баркамол бўлиши учун кифоя қилмайди. Унинг такомиллашувига кўмак берадиган муайян асослар мавжуд. Булар сирасига ораста кийиниш, ўзгаларга латиф сўзлар б-н муомала қилиш, покиза, озода юриш каби шартлар ҳам киради. Улар нафақат шахснинг ўзига, айти пайтда бошқаларга ҳам кўтаринки кайфият бағишлайди. И.г. учун фақат чиройли қиёфага эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Чиройли табассум, ярашган кийим, хатти-ҳаракатлар И.г. учун зарурий шарт бўлиб, улар шахсни бошқаларга нисбатан чиройли кўрсатади, у ҳақда ёқимли таассурот уйғотади. Албатта, ташқи кўркемлик И.г.нинг мукаммаллашувида ўзига хос аҳамиятга эга. Бироқ, хунукликнинг шундай кўринишлари мавжудки, улар инсон ҳақидаги тасаввурларга салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг юзага келишига кўпроқ шахснинг ўзи сабабчи бўлади: бачканалик, калтабинлик, кўрслик, ҳуснни суистеъмол қилиш, манманлик, риёкорлик сингари иллатлар инсоннинг ташқи гўзаллигига раҳна солувчи хунуклик унсурлари саналади. Яхши сўз, ширин калом, чиройли муомала гўзалликнинг маън-й омиллари ҳисобланади. Аксинча, тили ёмон одам халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат еткази. Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, ш.у. ҳам айтадиларки: «нафаснинг жони бор». Ўзи хунук, гапи бемаъни, овози ёқимсиз одамдан яхшиликни умид қилиш бефойдадир. Бу хусусда Абдулла Авлоний дейдилар: “Зероки, инсоннинг иззати, дунёнинг лаззати яхши сўзларни эшитиб ва кўруб ҳисса олмак, ёмон ва зарарликларини ўқуб, билуб, ўзини тиймак, қўлдан келганча халқ ва миллат фойдасига тиртишмак ва бу фано дунёдан яхшилик отини олиб кетмакдадур». Шу маънода, И.г.нинг маън-й-ахлоқий моҳиятига икки хил

н.назардан ёндашиш мумкин. Биринчиси – мавжудлиги муайян ички ва ташқи таъсирларга, воситаларга боғлиқ бўлмаган гўзаллик. Бунда кўпроқ инсоннинг ташқи қиёфасига дахлдор хус-ятлар назарда тутилади. Иккинчиси – муайян ижобий фаолият, хатти-ҳаракатлар, амаллар, ботиний туйғулар орқали пайдо бўладиган гўзаллик. И.г.ни эзуликдан ажратиб қўйиш, айтиқса, инсоний мун-тларда бу масалага эътиборсиз бўлиш, унинг моҳиятини бир томонлама талқин қилишга сабаб бўлади ва ҳаётда ижобий натижа бермайди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ – ижт-й манфаат шаклларида бири, жам-тдаги ўзгаришлар ва тар-ётнинг асосий мақсадини инсонга йўналтириш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашни англатадиган т. Президентимиз таъкидлаганидек: **“Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”**. И.м. инсон эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, унинг энг катта бойлик сифатида жам-тдаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини таъминлаш, жам-т, давлат ва инсон ўртасидаги ўзаро мун-тларни оқилона йўлга қўйиш тамойилларига таянади. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳақли равишда қайд этилганидек, **“Биз амалга ошириляётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас”**(105–106-бетлар.). **“...Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атро-**

фида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, аини замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди” (77-бет). Маълумки, Президентимиз И.А. Каримов томонидан 1997 йил юртимизда И.м. йили деб эълон қилинди. И.м. йилида инсон омилига янада улкан аҳамият берилди. Кейинги йилларга ном бериш ва мам-тимиз учун устувор йўналишни белгилаб олишда ҳам, аввало, И.м. устувор масала сифатида эътиборга олинмоқда.

ИНСОН МАЪНАВИЯТИ — инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолат ва унинг ижт-йлашган шакллари; миллат, давлат ва жам-т маъ-ятининг таркибий қисми; инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифода этадиган атама сифатида шахснинг ахлоқий, мад-й, фал-й, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. И.м. жам-тда мавжуд бўлган кўп қиррали мун-тлар, ижт-й-иқт-й, сиёсий шарт-шароитлар асосида, турли ин-тлар таъсирида шаклланади. У жам-т аъзоларининг ўзаро мун-тлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида сайқалланиб, ривожланаётган қадриятлар тизими сифатида кундалик ҳаётда муҳим ўрин тутади. Инсон ўз маъ-ятини у ўзини шахс сифатида англаганидан бошлаб, ҳаётининг охиригача шакллантириб, ривожлантириб боради. Инсоннинг ташқи кўринишини қадди-қомати, гавдаси, хатти-ҳаракати ва кийиниши ташкил этса, унинг ички олами фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғулари, эътиқоди, дунёқараши ва мақсад-муддаоларидан иборат. Маълумки, инсон кўп минг йиллик тар-ёт жараёнида ўзини ўраб турган табиатни, турли воқеа-ҳодисалар, реал ҳаётий жараёнларни кузатиб, уларнинг вужудга келиш сабаблари ва рив-ш қонуниятлари тўғрисида мушоҳада қилиши натижасида турфа тасаввур ва т.ларга эга бўлган. И.м. унинг маърифати ва мад-тлийлик даражаси б-н боғлиқ. Чунки у маъ-ятта муттасил ўқиш, уқиш, ўрганиш, идрок

этиш, тажриба ортириш орқалигина эришиши мумкин. И.м. қанчалик мукаммаллашиб борса, у шунча баркамол бўлиб, жам-т равнақиға кўпроқ ҳисса қўшади. Маъ-ятли инсон нима мақсадда яшаётганини аниқ тасаввур этиб, умрини мазмунли ўтказиш йўлини ахтаради, жам-т аъзолари б-н муомала қилиш мад-тини эгаллаб боради. Маъ-ятли инсон ҳар бир масала ва муаммога ақл-идрок, инсоф ва адолат н.назаридан ёндашади, «виждон», «инсоф», «имон», «ор-номус», «тўғрилиқ» ва «ёлғон». «ҳалол» ва «ҳаром» т.лари моҳиятини тушунишга интилади. Шу тариқа у яхшилиққа бошловчи амалларни бажариб, ёмон хатти-ҳаракатлардан ўзини тияди. Она-Ватани, миллати ва халқини севиш, демакки, ватанларварлик, миллатпарварлик ва халқларварлик хислатлари И.м.нинг асосий ижт-й омиларидир. Маъ-ятли инсонлар кўпайган жам-тда ақл, соғлом фикр, яхши хулқ, инсоф ва адолат тантана қилиб, турли салбий иллатлар барҳам топади. Натижада жам-т аъзоларининг келажакка ишончи ортиб, улар ўз фаолиятларини Ватан ва халқ равнақи йўлида сафарбар этади. И.м.ни у мансуб бўлган миллатнинг алар давомида шаклланган илдизлари, ижт-й-мад-й тар-ёти, миллатнинг тарихий-сиёсий тажрибаларидан олинадиган руҳий куч-қувват, ҳар қайси даврнинг илғор янгилик ва анъаналари бойитиб боради. Юртбошимиз таъбири б-н айтганда: “Маънавият, инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”. Ш.саб. мустақил Ўз-нда И.м.ни юксалтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Истиқлол боис ўзб. халқининг кўп алик бой тарихий, илмий, мад-й ва диний мероси тикланиб, улардан И.м.ни юксалтириш йўлида фойдаланилмоқда. И.м.ни юксалтириш, бойитиш, жам-т аъзолари орасида юксак маъ-ят тамойилларини тарғиб қилиш мақсадида Республика “Маъ-ят ва маърифат” кенгаши ташкил этилиб, таълим тизимида “Маъ-ят асослари” фани ўқув дастурига киритилди. Ҳокимликлар, ташкилот ва муассасаларда маъ-ят ишлари бўйича масъул лавозимлар жорий этил-

ган. Бу ҳаракатларнинг барчаси И.м.ни юксалтиришга қаратилган.

“ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ”

– Президент И.А.Каримов асарларининг 14-жилди (Т., “Ўзбекистон”, 2006 й.). Ушбу жилдга Президент Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий кенгашлар йиғилишлари, халқаро учрашувлар ва тантанали маросимлардаги маъруза ва чиқишлари ҳамда табриклари киритилган. Ш-дек, бу китобда мам-тимиз раҳбарининг хорижий давлатларга расмий ташрифлари мун-ти б-н ОАВ учун берган интервьюлари ҳам ўз аксини топган. Тўпламда “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – олий қадрият” шиорининг ҳаётийлигини таъминлашга қаратилган амалий фикр ва қарашлар илгари сурилган. Китобда иқт-й, маън-й ҳаётимиздаги муҳим ўзгаришларнинг таҳлили, бу борада ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муҳим масалалар қатори миллий хавфсизлигимизни янада мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги сиёсатимизнинг устувор йўналиш ва мақсадларини амалга оширишда кўшни мам-тлар ва тинчликни қўллаб-қувватловчи ҳар бир давлат б-н ҳамкорликни йўлга қўйиш б-н боғлиқ долзарб мулоҳазалар билдирилган. Айни пайтда, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва унга аъзо мам-тлар б-н алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш бўйича концептуал хулосалар ҳам баён қилинган. Шу маънода, турли хавф-хатарларга қарши асосий ҳимоя воситаси сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳоли ўртасида маън-й-маър-й фаолиятни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёс экани китобда алоҳида таъкидланади.

ИНСОН ШАЪНИ – шахснинг қонун асосида ҳимоя қилинадиган, ҳар қандай шароитда ҳам дахлсиз ҳисобланадиган, асл инсоний моҳият ифодаси бўлган орномуси, қадр-қиммати ва гурури, шаъну

шарафи бутун маън-й борлигини мужассам этадиган т. И.ш. ўзликни, муқаддас маън-й асосларга, ота-она, ака-ука, опасингил, севиқли ёр, оила, ижт-й гуруҳ, синф, жам-т, Ватан, халқ, миллат ва ҳ.к.га дахлдорликни англаб етиш, ана шу боғлиқлик ришталарини ҳар қандай вазиятда пок сақлаш, уларни мустаҳкамлашга қаратилган юксак ҳис-туйғу, юксак фазилатдир. Ор, орият деганда, ўзи ва ота-боболари, инсон номига, шаънига муносиб деб билган ишларни қилиш, шундай асосда яшаш, шунга тескари бўлган ишдан ҳижолат тортиш, уялиш, номус қилиш тушунилади. Номус деганда кишининг ҳар қандай шароитда, ҳатто азиз жони эвазига ўз обрўсини сақлаши, орият, диёнат, уят-андиша, шарм-ҳаёни ҳар нарсадан юқори қўйиб яшаш тушунилади. Ориятли одам деб, ўз И.ш.-ни қадрлайдиган инсонларга айтилади. Инсоннинг қадр-қимматини ерга уриш, шанини топташ жиноятдир. Чунки инсон шанини сақлаш, яъни ҳақиқий инсон бўлиб қолишга интилиш – бу бутун инсоният улугълайдиган фазилатдир. Бинобарин шундай фазилат эгасини камситиш, ҳақорат қилиш – бутун инсониятга қарши жиноят содир этиш б-н баробар. Ш.у. инсон б-н муомала-мун-тда – у ким бўлишдан қатъи назар унинг шанини ҳурмат қилиш умумбашарий қадриятларнинг асосини ташкил этади. Диёнатли, ориятли бўлиш халқимизга хос миллий ахлоқнинг муҳим тамойилларидан бўлиб, И.ш.-ни сақлашда бу фазилатлар асосий ўрин тутди. Диёнат виждон ва имоннинг асосий шартларидан бири бўлиб, ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ каби эзгу тамойилларга амал қилиб, И.ш. ва бурчига садоқат б-н яшашни англатади. Диёнатли киши ориятли бўлади. Орият, ор-номуслилик миллий гурур, миллий ифтихор туйғуси б-н узвий боғлиқ бўлиб, маън-й етукликнинг муҳим белгисидир. Халқимиз азалдан орномус куччилиги б-н ажралиб келади. Энг оғир ва мураккаб дамларда ҳам ўзлигини сақлаш, ёвларга қарши курашда ота-боболаримизга ор-номус куч-қувват манбаи бўлиб хизмат қилган. Ор-номуссиз кишилар қадр-қимматни билмайди, улар

хиёнатга мойил бўладилар. Борди-ю улар элга бош бўлса, иттифоқ ўрнини нифоқ, адолат ўрнини зулм, дўстлик ўрнини адоват, мурувват ўрнини хасислик, саховат ўрнини бахиллик, муҳаббат ўрнини нафрат, тавозе ўрнини кибр, ҳавас ўрнини ҳасад, шафқат ўрнини бераҳмлиқ, мулойимлик ўрнини қўполлик. ҳурмат ўрнини тухмат, қаноат ўрнини таъна эгаллайди. Натижада, жам-т маън-й таназзулга юз ўгириб, И.ш. топталади. Миллий тарбия жараёнида тўлақонли шахс бўлиб вояга етган индивидлар инсонлик шани учун курашга қодир бўлади. Шахс ўзи мансуб бўлган жамоа, миллати ва халқ манфаатларини ҳамма нарсадан, ҳатто ўз жонидан ҳам азиз ва муқаддас деб билади. Ўз қадрини билган одамларгина ўзгаларни қадрлай олади, чунки бундай шахсларда қадриятли онг шаклланган бўлади. Қадриятли онг соҳибларида ўз халқи, миллати шанини ҳар қандай вазиятда ҳам пок сақлаш, унга доғ туширмаслик фазилатлари устувор бўлади. Тарихга мурожаат қилайлик. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур бутун Европани зир титратган Йилдирим Боязидни нима учун жангу жадалда енгиб, тиз чўктирди. Чунки у Соҳибқироннинг шаънига тегадиган гапларни айтган эди. Шунинг учун Амир Темур, гарчи уни буюк ҳукмдор ва саркарда сифатида ҳурмат қилса-да, ўз шану шарафи учун у билан жанг қилишга мажбур бўлади. Ёки Президентимиз Ислом Каримов ўтган а.нинг 80-йиллари охирларида Марказдан туриб, халқимизнинг шанига қарши ёғдирилган тухмат ва бўҳтонларга қарши мардона бош кўтариб, “ўзбек иши” деб ном олган бу сиёсий кампаниянинг асл мақсадларини фош этган эди. Жам-тда миллат тақдири учун ана шундай масъуллик. фидоилик ҳисси бўлмаса, миллат шаънини улуғлаб бўлмайди. Маълумки, мустамлака йилларида ўзб. тилининг ижт-й нуфузи анча тушиб кетди, натижада баъзи миллатдошларимизда ўз она тилига бепарволик майллари кучайди. Бу эса уларнинг миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларининг сусайишига сабаб бўлди. Президент Ислом Каримов жасорати туйфайли

тилимиз, шунинг баробарида миллий қадр-қимматимиз ҳам тикланди. Халқимиз қадим-қадим замонлардан буён тарихан камтар, камсухан, табиатан мард, меҳнатсевар, оилапарвар, болажон, саховатпеша, меҳмондўст, бағрикентг, қалби пок бўлиб, унинг бу фазилатлари миллатимиз шаънини улуғлашда, ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган. XIX а.да халқимизнинг феъл-атворини ўрганган венгер тадқиқотчиси Герман Вамбери бундай фазилатларни юксак баҳолайди. У бундай ёзади: «Бу халқнинг ижобий, маън-й жиҳатлари энг аввало уларнинг очиқ кўнгил, мард, жиддий, ҳақиқий туркий ҳимматга эга эканида яққол кўзга ташланиб турибди...» Вамбери ўзб.лар бир сўзни ўйлаб, мулоҳаза қилиб айтгунича кўшни халқ вакиллари қанчадан-қанча гапни жавраб ташлашини айтади. «Ўзб. ўйлаброқ сўз қотади, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиладиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукамаллик намунаси деб билади», деб таъкидлайди у. Далада ўзи б-н ўзи бўлиб, индамайгина ибтидоий омончи тортиб юрган оддий, ҳалол деҳқонни кўрган одам уни ўз юртининг халоскори деб тасаввур қилиши қийин эканига эътибор қаратар экан, Вамбери ёзади: «Айнан шу одам бизнинг вақтгача М.О.нинг хўжайини бўлиб келди. Чунки шу оддий омончи тортиб юрган ўзб. керак бўлган пайтда отга ирғиб мина олади ва кўлига қурол олиб, ўзини жанг майдонида кўрсатади». Бу фикрлар миллатимиз вакилларида И.ш. алар давомида юксак бўлиб келганининг холис эътирофидир. Ўзб. аёллари ҳақида гап кетганда, Вамбери улар уят, номус, ҳаё ва ибодат, ифбат, назокат, ширинзабонлик, оилага садоқат, болаларга чексиз муҳаббат, кийинишда, юриш-туришда анъанавий меъёрларига қаттиқ риоя қилиш каби сифатлари б-н ажралиб туришига эътибор қаратади. Бу ҳам ҳеч шубҳасиз миллатдошларимизда И.ш. юксаклигидан далолат беради. Бутунги кунда ўзликни англаган ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида яшаш, замонавий билим ҳамда касб-ҳунарларни эгаллаш, меҳнатда, ҳаётнинг турли со-

ҳаларида ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён этиб, халқи ва юртига сидқидилдан хизмат этиш И.ш.ни юксалтиради. Дейлик, Ўз-нда тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида юксак баҳоланишидан ғурур ва ифтихор туядиган кишилар ёмон, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан ор-номус қилади. Шу тариқа миллатимиз ҳамда мам-тимиз шанини улуғлаган бўлади. Ёки спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда эришаётган муваффақиятларидан фахрланиш ҳислари И.ш.ни юксалтиришга хизмат қиладиган омиллардандир. Миллатлараро ва динлараро мун-тларни инсонпарварлик руҳида қарор топтириш, бугунги глобаллашув жараёнларида ўз миллий қиёфамиз, динимиз ва маъ-ятимизни сақлаб қолишга интилиш миллатимиз шани учун курашнинг бир шакли сифатида намоён бўлмоқдаки, буни ҳар бир юртдошимиз англаб, тушуниб олиши зарур. Ўстиқлол йиллари мам-тимизда И.ш., унинг қадр-қиммати энг олий қадриятлардан бирига айланди.

ИНСОН ҚАДРИ — одам зотининг Аллоҳнинг энг буюк мўъжизаси сифатида улуғланиши, ҳар томонлама муносиб қадр-қиммат топишини англададиган т. Инсон учун қадриятлар мезонини англашда дастлаб оила муҳити, ота-она, қариндош-уруғ, ўқитувчилар муҳим ўрин тутди. Айнан ана шу омиллар негизда инсон камол топиб боради. Инсоннинг бутун умри ўзида шахсий қадриятларни такомиллаштириш, ўз қадрини камолга етказиш, жам-т, замонда содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилишдан иборатдир. Ўзи ва б.нинг қадрини англаб етиш учун инсоннинг маън-й дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижт-й сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Бу маънода, Суқротнинг «Ўз-ўзингни англаб ет!» — деган даъвати гоят катта аҳамият касб этади. Ўз қадрини англашнинг объектив, субъектив, ижт-й ва шахсий жиҳатлари мавжуд бўлиб, доимий равишда ўзаро алоқадорликда яшайди, ин-

сон табиатининг турли жиҳатларини акс эттиради. Ҳар қайси шахснинг қадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижт-й-тарихий шарт-шароитлар кўзгусида намоён бўлади. Муҳит ва даврнинг талаблари шахснинг қадрини шакллантириб, юксалтириб боради. Унинг ўзи ижт-й мун-тлар субъекти сифатида, ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёж ва мақсадлари б-н нақадар боғлиқ эканини тобора кўпроқ англаб боради. Инсон ва унинг қадри муаммоси — фал.нинг азалий мавзуларидан бири. Одам наслининг дунёга келиши, бошқа жонзотлардан фарқи, табиат ва жам-тдаги ўрни, инсоний фазилатлари, шахсий хус-яти тўғрисидаги масалалар ҳамма давр файласуфларининг диққат марказида бўлиб келган. Маълумки, одамнинг жисмоний тузилиши, табиий-биологик хус-ятларини ўрганиш илм-фан оламида ҳамон давом этмоқда. Ижт-й фанларда эса шахс камолоти, унинг ижт-й, маън-й қиёфаси б-н боғлиқ масалалари тадқиқ қилинмоқда. Хуллас, одамзод учун ўзига ўхшаган бошқа кишилар, уларнинг хус-ятлари, жам-тдаги ўрни, қадри, ўтмиши ва келажаги б-н боғлиқ муаммолар қадимдан энг асосий тадқиқот ва кузатиш объекти бўлиб келган. Инсоннинг ўзини қадрият сифатида талқин қилиш б-н унинг қадри ва шахсий даражадаги қадриятлар тизими тўғрисидаги масалалар бир-биридан фарқ қилади. Бу борада уч йўналишда фикр юриштиш мумкин. Биринчидан, ҳар бир инсонни қадрият сифатида қараш мумкин. Бунда инсоннинг ўзи, унинг табиий-тарихий жараёндаги мавжудлиги, тирик жонзотлар орасида ягона ижт-й вужуд экани эътиборга олинади. Бу йўналишдаги таҳлил аниқ инсонга қаратилган бўлиб, уни махсус тадқиқот мавзуи объектига айлантиради. Иккинчидан, инсоннинг қадри, яъни уни ижт-й жараёнлардаги ўрнини, атроф муҳит ва б. кишилар учун аҳамияти, жам-тдаги мавқеи каби масалаларни тадқиқ қилиш ҳам мумкин. Бундай таҳлил инсоннинг ижт-й-тарихий аҳамиятини ўрганишга асосланади. Учунчидан, шахснинг маън-й олами, қиёфаси, қизиқиш дунёси, талаб ва эҳти-

ёжлари, фаолияти б-н боғлиқ қадриятлар тизимини ҳам таҳлил қилиш мумкин. Бунда асосий эътибор қадриятларнинг шахсий (алоҳида, якка) даражада намоён бўлиш шакллари ва хус-ятларига қаратилади. Ҳоз. даврда ҳар қайси одамнинг қадри – аввало, унинг табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга, бу жараёнлардаги ўрни ва фаолиятига, турли ирқ, миллат, ижт-й қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсад ва қадриятларга интиладиган кишиларга, ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жам-тдаги мавқеига нисбатан мун-тида яққол кўринади. Ш-дек, меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт борасидаги жараёнлардаги иштироки, жам-тдаги ижт-й эҳтиёжларни қондириш ва моддий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссаси ҳам инсон қадрини белгилайди. Қолаверса, сиёсий ўзгаришлар, жам-тни демократлаштиришда қатнашиши, бу жараёнда қандай мақсадларни кўзлаётгани ҳамда қадриятлар тизими тез ўзгариб бораётган бугунги кунда қандай позицияни эгаллаши, ўзини қандай тутиши б-н боғлиқ фаолияти ҳам бу борада муайян аҳамият касб этади. Бундан ташқари, қадр-қиммат инсоннинг маън-й ёркамоллиги, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётгани; ўзининг шахсий, миллий, диний, ирқий, синфий ва б. соҳалардаги манфаат ҳамда мақсадлари, талаб-эҳтиёжлари, интилиш ва фаолиятини умуминсоний талабларга мослаштира олгани б-н боғлиқ сифатларда ифодаланади. Бу борада унинг турли бузғунчи оғоялар, вайронкор мафкура ва б. бидъатларнинг моҳиятини тўғри англаб олгани, уларга нисбатан мун-ти ҳам муҳимдир. Ана шу жиҳатларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, инсон қадрини баҳолаш ва шу асосда шахсларнинг типларини аниқлаш мумкин.

ИНСОН ҚАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН КУРАШ — ҳоз. замонда турли усул ва шаклларда кўрсатилаётган гоъвий-мафкуравий таъсирнинг асосий объекти ва мақсадини ифода этадиган ибора. Ғоя ва онг мун-ти ҳақида гап кетар экан, қуйидаги

ҳолатларга эътибор бериш зарур. Биринчидан, муайян ғоя инсон томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Иккинчидан, муайян ғоя шахс онгида фақат ахборот сифатида сақланиб қолиши, яъни кераксиз буюм каби инсон онгининг бир четида “чанг босиб” ётавериши мумкин. Биринчи ҳолатда ғоя инсон онгида ҳеч қандай из қолдирмайди. Иккинчи ҳолатда эса у шахс учун ҳеч қандай ижт-й аҳамиятга эга бўлмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ғоя фақат инсон қалбини эгаллаган, унинг маън-й-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айланган тақдирдагина амалдаги кучга айланади. Ш.у. ҳам бугунги кунда мафкуравий курашнинг бош мақсади инсон қалбини забт этиш орқали унинг онгини эгаллаш бўлиб қолмоқда. Юртбошимиз таъкидлагани каби, бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яқсон қилишга этади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳоз. замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Шу маънода аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламдаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлеизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун

барчамизни ўйлантириши табиий. Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин. Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақлидрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади. “Юксак маънавият — энгилмас куч” асаридан олинган бу фикрлар инсон қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳоз. даврда барчамиз учун дастуриламал бўлмоғи лозим.

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ — одамларнинг инсонлик шану шарафига муносиб тарзда яшаш ва фаолият олиб бориши учун лозим бўладиган ҳақ-ҳуқуқлар мажмуини ифода этадиган т. Бу ҳуқуқлар табиий ҳуқуқлар ва давлат томонидан қонуний асосда кафолатланган ҳуқуқларга бўлинади. Табиий ҳуқуққа яшаш ҳуқуқини мисол қилиб келтириш мумкин. Давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларга сайлов ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, нафақа олиш ҳуқуқи каби инсоний ҳуқуқлар киради. И.ҳ. ҳар бир давлатнинг Конституцияси ҳамда амалдаги қонунларида белгиланиб, улар шахсий, ижт-й-иқт-й ва сиёсий ҳуқуқларга бўлинади. Шахсий ҳуқуқларга: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи, эркин кўчиш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи; сиёсий ҳуқуқларга: давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи, митинглар, йиғинлар ва намойишлар ўтказиш, уларда қатнашиш ҳуқуқи, касаба уюшмаси, сиё-

сий партиялар, оммавий ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқи: ижт-й-иқт-й ҳуқуқларга мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижт-й таъминот хизматлари, тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи киради. И.ҳ. инсоннинг давлат б-н мунтадаги ҳуқуқий мақомини, иқт-й, ижт-й, сиёсий ва мад-й соҳалардаги имкониятлари ҳамда орзу-интилишларини тавсиф этадиган т. сифатида ҳам намоён бўлади. И. ҳ.ни эркин ва самарали тарзда амалга ошириш фуқаролик жам-ти ва ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. И.ҳ.ни мутлақ ва нисбий ҳуқуқларга бўлиш мумкин. Яшаш ҳуқуқи, қийноқларга, зўравонликка, инсон шанини ерга урадиган бошқа муомала ёки жазо турларига дучор этилмаслик ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ва оилавий сирларни сақлаш ҳуқуқи, ўз шаъни ҳамда обрў-эътиборини ҳимоя этиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқи, ш-дек, суд томонидан ҳимоя қилиниш ва одил судлов ҳуқуқи ҳамда шулар б-н боғлиқ энг муҳим процессуал ҳуқуқлар мутлақ И.ҳ. сирасига киради. Қолган барча И.ҳ. нисбий бўлиб, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат тартиби жорий қилинган вазиятда чеклаб ёки тўхтатиб қўйилиши мумкин. Демократик давлатда мутлақ И.ҳ.ни ҳар қандай вазиятда ҳам чеклаш ёки вақтинча тўхтатишга (бекор қилишга) йўл қўйилмайди. ЎзР Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари, жумладан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқт-й ҳамда ижт-й ҳуқуқлари, ш-дек, И.ҳ. ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб берилган (18–52-моддалар). ЎзРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижт-й келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижт-й мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (18-модда). Жумладан, яшаш ҳуқуқи — ҳар бир инсоннинг узвий ва ажралмас ҳуқуқи. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш — энг оғир жиноят ҳисобланади (24-модда). Ҳар ким эркинлик ва

шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолада ҳибсага олиниши ёки қамоқда сақланиши, қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган бошқа тазйиқларга дучор этилиши мумкин эмас (25–26-моддалар). Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимояланиш ва тураржойи дахлсизлиги ҳуқуқига; фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга (27–29-моддалар). Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди (31-модда). Мустақиллик йилларида Ўзнда И.х. ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. мустабид тузумнинг тазйиқ ва зўравонлигидан ҳуқуқий метёрлар сари кескин бурилиш ясалди. Мам-тимиз қонунларини И.х. соҳасидаги халқаро метёр ва андозаларга мувофиқлаштириш, мазкур соҳада миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, И.х.ни ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, И.х.га оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этиб, бу ҳужжатлар бўйича мажбуриятларни бажаришнинг, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар шу ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя қилишининг механизми яратилди. Ўз-н жам-тида И.х. инсон эркинликлари, бурч ва мажбуриятлари б-н боғлиқ қарашларни акс эттирадиган т. сифатида миллий ғоянинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Инсоният ўз тар-ёти жараёнида И.х.га оид бўлган махсус қонунчилик тизимини яратган. Бу тизим ўз тар-ётида учта катта босқични босиб ўтган. Биринчи босқич 1789 йилги Франция инқилоби туфайли “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси” қабул қилинган даврдан бошланиб, Биринчи жаҳон урушигача бўлган (1914) муддатни ўз ичига олади. Бу даврда шахс эр-

кинлиги ва фуқаролар тенглиги, инсон шахсининг дахлсизлиги, хусусий мулкка эгаллик, сайлаш ва сайланиш каби шахсий ҳамда сиёсий ҳуқуқлар б-н боғлиқ масалалар тартибга солинди. Иккинчи босқичда (1914–1950) инсоннинг меҳнат қилиш, дам олиш, ижт-й ёрдам олиш б-н боғлиқ ижт-й-иқт-й ҳуқуқларига оид қонунчилик асослари мустақкамланди. Учинчи босқич XX а.нинг иккинчи ярмидан бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда тинч яшаш, атроф-муҳит тозалигига эришиш, ахборот олиш ҳуқуқи б-н боғлиқ масалалар фаол муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш йўллари қидирилмоқда. Бу даврда И.х. соҳасида халқаро қонунчилик тизими — умумэтироф этилган стандартлар шаклланди. БМТ томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортиқ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан 30 дан кўпроқ И.х.га тааллуқли халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳоз. пайтда И.х. бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд. И.х. Умумжаҳон декларацияси БМТ Низомида эълон қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат дунёдаги барча халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни тўла амалга ошириш, кишилар турмушини яхшилаш, ижт-й тар-ётни ривожлантиришга қўмаклашиш каби шиорларга асосланади. БМТ Бош ассамблеясида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган ушбу декларацияга биноан ҳар бир инсон, миллати, жинси, ирқи, табақаси, динидан қатъи назар, декларацияда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч қандай чекланишсиз фойдаланиши керак. Декларация кириш қисм ва 30 та моддадан иборат. БМТнинг И.х. декларациясига кўра, ҳар бир шахс касб танлаш эркинлиги, меҳнат қилиш ва унга яраша ҳақ олиш, меҳнат шароитларини яхшилашни талаб этиш, ишсизликка қарши курашиш, ногиронлик ва қарилик пенсиялари олиш, дам олиш ва вақтинча нафақа олиш ва б. ҳуқуқларга эга. Декларацияга биноан,

меҳнаткашлар касаба уюшмалари ташкил этишлари ва улардан ўз манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланишлари мумкин. Ш-дек, БМТ доирасида қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактга қўшилган давлатларнинг пакт низомини бажаришини назорат қилиш учун шу пактга доир факультатив протоколга мувофиқ, 1976 йил сентябрда И.ҳ. бўйича Қўмита ташкил этилган бўлиб, у 18 аъзодан иборат. Улар мазкур пактга қўшилган давлатларнинг фуқаролари орасидан танлаб олинган бўлиб, эксперт сифатида фаолият кўрсатади. Қўмитанинг барча қарорлари тавсия хус-ятига эга бўлиб, бирон-бир давлат зиммасига расмий мажбурият юкламайди. Ҳар йили қўмита БМТ Бош ассамблеясига ўз фаолияти ҳақида маъруза тақдим этади. И.ҳ. бўйича ЎЗР миллий маркази И.ҳ. ва эркинликларини муҳофаза қиладиган халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари б-н ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг И.ҳ. бўйича мад-тини ошириш бўйича фаолият олиб боради. Бу ташкилот ЎЗР Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари: миллий ҳаракат режаси, ш-дек, Конституция, қонунлар ва И.ҳ. соҳасида умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қондаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш; И.ҳ. соҳасида ЎЗРнинг халқаро ва миллий ташкилотлар б-н ҳамкорлигини ривожлантириш; И.ҳ.га риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериш фаолиятини амалга ошириш; тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, давлат органларининг И.ҳ.га риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш; И.ҳ.ларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан

тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш каби муҳим фаолиятни амалга оширишдан иборат.

ИНСОНИЙЛИК — инсонлик, одамгарчилик чегарасида қилинадиган ишлар, одамга ярашадиган, унга зеб бўладиган, шахсини улуглайдиган фазилатни, ҳаётга, одамзод тақдирига гуманистик мун-тни англадиган т. И. гоёлари узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ёрқин ифодаси бўлган ижод намуналари, реал далил ва мисоллар халқ оғзаки ижодиётида, бадиий адабиётда, диний ва фал-й таълимотларда, турли халқларнинг тарихи, мад-й меросида алар давомида яшаб келмоқда. Шарқнинг буюк мутафаккирларидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мумтоз сиймоларнинг асарларида инсон эркинлиги, унинг қадр-қиммати, И. гоёлари б-н бирга бир бутун ҳолда илгари сурилади. Хус-н, Алишер Навоий ижодида дунёдаги энг катта бойлик — ҳазрат инсондир, деган гоё бадиий сўз орқали асослаб берилган. Ул зотнинг фикрича, бутун мавжудот, борлиқ инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилиши лозим. “Одамий эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами”. Алишер Навоийнинг биргина шу байтида унинг ижодида И. нақадар етакчи ўринга чиққани яққол кўри-ниб турибди. Миллий тафаккуримизнинг бошқа намояндлари ижодида ҳам бу анъана давом эттирилиб, юксак И. маън-й тар-ётнинг муҳим омили сифатида тараб-анум этилган. Шарқ фал.си ва ижт-й тафаккурида И. гоёлари азалдан кенг тарқалган бўлиб, унинг кўп минг йиллик тарихи б-н чамбарчас боғлиқ. Европада эса И. яхлит дунёқараш тизими сифатида биринчи бор Фарб Уйғониш даврида, яъни XV–XVII а.ларда шаклланган. Ўрта а.ларда худо ва дин номидан камситиб, ҳақоратлаб, минглаб инсонларни инквизиция гулханига ташлаган шафқатсиз диндорлар ва уларни қўллаб-қувватлаган черков ҳокимиятига қарши, Европада И. гоёлари ўзига хос кураш дастури

сифатида намоён бўла бошлади. У ижт-й фикрни кенг қамраб олиб, адабиёт, фал., санъат ва б. соҳалар ривожига янгича мазмун ва руҳ қасб этди. XIV–XVII а.ларда И. гоёлари дастлаб Италияда, кейинчалик эса Европанинг бошқа мам-тларида тарқала бошлади. Шундан кейинги а.лар давомида И. гоёлари катта тарихий йўлни босиб ўтди. Жаҳон илмий, сиёсий ва ижт-й фал.сида И., инсонпарварлик «гуманизм» номи б-н ривожланди. Бу атама илм-фанда биринчи марта XIX а. бошларида ишлатила бошлади ва XX а.нинг ўрталаригача жам-тдаги адолатсизлик ва тенгсизлик кўринишларини танқид қилиш учун гоёвий асос бўлиб хизмат қилди. Инсониятнинг XV а.дан то XX а.нинг ўрталаригача бўлган тарихи аста-секин И. гоёларини ўзлаштиришга сабаб бўлди ва уларни инкор этиш инсониятни қандай катта фожиаларга ундаши мумкин эканини кўрсатди. Шу асосда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда дунё тар-ётида туб ўзгаришлар юз бера бошлади ва ҳақиқий И. томон жиддий қадамлар қўйилди. Бунинг БМТ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро тузилмалар ташкил этилгани, бошқа соҳалар қатори гуманитар масалалар ҳам сиёсий муҳокама мавзусига айланганида кўриш мумкин. И. ўзб. миллий менталитетининг таркибий қисмидир. У халқимиз ҳаётида доим мавжуд бўлган ва унинг мутафаккир фарзандлари ижодида ўз ифодасини топган. Яъни, И. гоёлари юртимиз ва халқимиз онгига ташқаридан киритилган эмас, балки халқимиз тафаккури, ижодкорлик даҳоси меваси сифатида яшаб, юксалиб келмоқда. Бу жараён мустақиллик йилларида янада кенг давом эттирилмоқда. Мустақил Ўз-н барча соҳаларда биринчи галда И. ва инсонпарварликнинг юксак мезони ва талаблари асосида сиёсат олиб бормоқда. Мам-тимиз Конституцияси ва қонунлари, юртимиздаги туб ислоҳотлар, аввало, инсонни улуглаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани, халқимиз маъ-ятига, миллий қадрият ва анъаналаримиз ривожига берилаётган эътибор, бу борадаги кенг кўламли ишлар И.нинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

ИНСОНПАРВАРЛИК — инсоннинг юксак ижт-й мақомини белгилаб, бу борадаги диний ва дунёвий, гоёвий-мафкуравий, миллий ва умумбашарий қарашлар, мезонлар, туйғу ва т.лар, қадриятлар ва анъаналар системаси, фаолият даражасини асослаб берадиган таълимотлар, умуман инсонийликка асосланган фаолият ва хатти-ҳаракатни англатадиган т. Фарбда И. тамойилини дастлаб Европа Уйғониш даври мутафаккирлари илгари сурган, деган қараш мавжуд. Аслида, И. даставвал Шарқда пайдо бўлган. Бундан 3–4 минг йиллар аввал амал қилган қад. сомир мих хатларида инсонийлик, И. деган маъноларни билдирадиган «намлулу» сўзининг учраши, “Авесто”даги “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” гоёси бу фикрни тасдиқлайди. Жаҳон динларининг барчасида И. гоёлари устувордир. Айниқса, муқаддас ислом динининг асоси ва моҳияти И.дан иборат. Чунончи, ҳадиси шарифда «Одамларга раҳмли бўлмаган кишига Аллоҳнинг ҳам раҳми келмайди», деган сўзлар орқали И.га даъват этилади. Собиқ Иттифоқ даврида И. синфийлик н.назаридан талқин этилиб, унинг асл маъноси сохталаштирилди. Мустабид тузум мафкурачиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини халқ қабул қилмади. Истиқлол даврида мам-тимизда И.ни жам-т ҳаётининг асосий тамойилларидан бирига айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ — инсоннинг инсон олдидаги муқаддас бурчидан келиб чиққан ҳолда беғараз кўмак ва ёрдам кўрсатишини англатувчи т. И.ё. ҳоз. кунда асосан гуманитар ҳалокат юз берган ёки юз бериш хавфи ёқасида турган, тар-ётдан орқада қолиб, қашшоқликка юз тутган ҳудудларнинг аҳолиси, ҳарбий тўқнашувлардан азият чеккан қочоқлар, ногирон ва бемор инсонлар ўртасида бепул тарқатиладиган энг зарур кундалик тирикчилик воситалари ҳисобланади. Қуролли можаролар шароитида И.ё. тинч аҳолига озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармонлар етказиб беришни назарда тутаяди, ўқ-дори

ёки жиддий тан жароҳати етказиши ёхуд одам ўлдириш учун ишлатилиши мумкин бўлган қурилмалар, автотранспорт воситалари ва материаллар олиб боришни кўзда тутмайди. И.ё. тезкорлик б-н амалга оширилиши ва турли офатлардан жабрланганларнинг мушқулини осонлаштириш учун қўлланиши б-н бошқа хорижий ёрдамлардан ажралиб туради. Баъзан И.ё. ниқоби остида маҳаллий аҳолини зимдан ўз томонига оғдиришга уринишлар бўлиши ҳам мумкин. Узоқ сақлаш учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, ичимлик суви, иссиқ кийим-кечак ва шахсий фойдаланиш учун керак бўладиган кундалик буюмлар, чодирлар, ёнилғи И.ё.нинг турлари ҳисобланади.

ИНСОФ (араб. адолат, одиллик, бегаразлик) — адолат ва виждон б-н иш тутиш туйғуси, ҳаётда, ишда бошқаларга мун-тда ҳалоллик ва тўғрилиқни англадиган т. И.лилик, очиқкўнгиллик, самимийлик халқимизнинг энг қад. маън-й фазилатларидан ҳисобланади. “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида И.лилик ҳаётнинг асл мазмунини англашга ёрдам беради, бошқалар б-н ўзини бир қаторда тутиш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш комил инсоннинг энг муҳим хус-ятларидан бири экани алоҳида уқтирилгани бежиз эмас. И.лилик — мисоли бир завқ. Уни татиб кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Яъни бу завқнинг нашъасини суриш фидокорликни талаб этади. И. “виждон” т.си б-н боғлиқ, маълум маънода ҳалолликка ўхшаб кетадиган ахлоқий фазилатдир. Лекин ҳалоллик ўз ҳақи ва ҳаққини, яъни моддий ва маън-й ҳуқуқини ўзгаларнинг ҳақи ва ҳаққига хиёнат қилмаган ҳолда ажратиб яшашни англади. И.лилик эса ижобийликда ҳалоллик каби юксак фазилатдир: унда киши ўз ҳалол ҳақидан ўзганинг ҳисобига кечади; «ўзга»нинг шароити ўзиникидан ниҳоятда оғир ва ёмон эканини ҳисобга олиб, ўз қонуний ҳақи ва ҳаққини ёки уларнинг бир қисмини ихтиёрый равишда ўзгага беради, мурувват кўрсатади. И.ли одам олди-бердида ҳам доимо ҳалол, тўғри сўз, тартиб-интизом-

ли, том маънода тўғри ва виждонли бўлади. Имон, диёнат ва И. туйғулари ўзаро узвий боғлиқ. Имонли, диёнатли одамда И. кучли бўлади. Аксинча, имонсиз, диёнатсиз кишида И.дан асар ҳам бўлмайди. И.ли киши эзгулик, яхшилик ва савоб ишга ташна бўлиб яшайди. Бировга яхшилик қилиш, мурувват ва саховат кўрсатиш, ўз ҳаракатидан маън-й баҳра олиш И.ли одамнинг ҳаёт мезони. Шу тариқа мурувват кўрган кишининг кўнгли тоғдек кўтарилади, боши осмонга етади. Инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ортади. И.ли киши олижанобдир. Бундай одамларда мудом яхшилик қилиб яшаш, дўстларидан айб қидирмаслик, бошқаларни тўғри йўлга бошлаш, улар учун синов ва машаққатни ўз елкасига олиш, фақат ўз манфаатини кўзламаслик, очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш, муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш, мулойим бўлиш каби олижаноб фазилатларни кўриш мумкин. Айни пайда И. кўрсатган одамнинг иши ҳам юришади, эл-юрт орасида обрў-эътибори ортади. Ш. у. ҳам халқимиз “Инсоф сари барака”, яъни бараканинг боши инсофдир, дейди. И. маън-й т. сифатида «адолат» т.сига яқин. Агар адолат моҳиятан давлатнинг фуқарога, жам-тнинг шахсга, каттанинг кичикка, раҳбарнинг ходимга, инсоннинг инсонга нисбатан ҳалол ва холис, ҳаққоний мун-ти тарзида намоён бўлса, И. адолат мезонининг амалда сақланиши сифатида кўзга ташланади. У фуқаролар, жам-т аъзолари ўртасида инсонийлик, одамгарчилик мун-тларининг миллий қадрият даражасига кўтарилган ахлоқий меъёридир. И. жам-тда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитининг мустаҳкамланиши, инсонпарварлик руҳининг кучайиши ва миллий қиёфамизни сақлаб қолишга хизмат қилади.

ИНСОФСИЗ(ЛИК) — маъ-ят тамоийилларига зид фаолият, хус-ят ва ҳатти-ҳаракатни, диёнатсизликни ифода этадиган т. Инсофсиз, виждонсиз, диёнатсиз кимсадир. Ундан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин. Кишиларнинг инсофли ёки И. бўлиши аввало, унинг қандай

оилада катта бўлгани, қай даражада таълим-тарбия олганига боғлиқ. Одатда етарлича таълим-тарбия кўрмаган, ҳаётда эзгу мақсади йўқ ёки сароб орзу-умидлар б-н яшайдиган, маърифатсиз, жоҳил одамлар ўртасида И. кўп учрайди. Улар фақат тор шахсий манфаатни ўйлаб яшайди. И. нафс балосига учиб, ҳаддан ошишдир. У ғайрияхлоқий сифат бўлиб, инсофсиз кишилар худбин кимсалардир. Улар ҳар қандай йўл б-н бўлсин жам-тда маълум бир мавқе, куч-қудратга эга бўлишга интилади. Агар улар жам-тдаги мавқе ва мансабидан ажралиб қоладиган бўлса, эътиборсиз, жирканч, ярамас ва ҳамма нарсадан норози кимсага айланади. Ҳаётдан нолиб яшайди. И. «ҳиммат», «олижаноблик» ва «инсоф» т.ларининг зидди ҳисобланиб, бундай феъл ўз эгасини уятли, пушаймонли ҳолатларга солади. И.ни бар-тараф қилишнинг йўли – дунёнинг ўткинчи эканини ҳис этиш, ҳар бир қилинган амалнинг ҳисоб-китоби борлигини билиш, ҳимматли кишилар даврасига яқинлашиш, оптимистик дунёқараш соҳиби бўлиш, имон, инсоф йўлини тутишдан иборат.

ИНСТИНКТ (лот. *instinctus* – кўзғатиш; илҳом) — тилак, майл, тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирларига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғма, мақсадли ҳаракатлари йиғиндиси; рефлекслар. И. мавзуси зоопсихологияда чуқур ўрганилади ва унинг қуйидаги турлари қайд этилади: 1) озуқа топиш ва озикланиш; 2) ҳимояланиш; 3) пода (гала) бўлиб яшаш; 4) насл қолдириш; 5) ўз наслига ғамхўрлик. Дунёдаги ҳар бир жонзот И. асосида яшайди. И.ив хулқда рефлекслар бирин-кетин амалга ошади. Ч.Дарвин «Турларнинг келиб чиқиши» асарида И. мавзусига катта боб бағишлайди. Унга кўра И. «турларнинг танланиш хус-яти асосида вужудга келган, яшаш учун кураш натижасида давом этаётган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси» дир. И. табиий шароитнинг ўзгаришига қараб ўзгариб ва мослашиб бораверади». Ч.Дарвиннинг фикри бўйича, И.лар маълум бир тур учун хулқ-атворнинг сте-

реотип ҳаракатларидир (мас., ариларда уя қуриш). Бундан ташқари, И. ҳайвонни фаолиятга ундовчи импульс, майл вазифасини бажаради. 3.Фрейднинг қарашлари ҳам Дарвин концепциясига ўхшайди. Фрейд инсонларни маълум бир мақсадни кўзлаб яшашга улардаги ички майл ва интилишлар мажбур қилади, деган фикрни ёқлаган. Лекин у И.лар фақат эҳти-ёжларни қондиришга хизмат қилади, деган қарашга қарши чиққан.

ИНТЕЛЛЕКТ (лот. *intellectus* – ақл, идрок, зеҳн) — кенг маънода: кишининг воқеа-ҳодиса моҳиятини тўлалигича билишига асосланган ва у орқали намён бўладиган фаолияти; тор маънода: инсоннинг тафаккур, фикр юритиш салоҳияти. И.кишиларнинг ақл, идрок, заковат. маън-й жиҳатдан етуклик даражасини ҳам билдиради; тасаввур, идрок. синчковлик орқали жамланган материални билиш усуллари (таққослаш, абстракция, т., ҳукм ва.ҳ.к.) орқали асосли билимга эга бўлиш ёки мавжуд билимни танқидий таҳлил этиб чиқиш қобилиятни ҳам англатади. Тафаккур тарихида И. тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар турлича бўлган. Ўрта а.ларда И. иродага бўйсунадими ёки ирода И.гами деган масала бўйича қизгин мунозаралар авжга чиққан. Ўша даврларда И. билишнинг энг юксак – илоҳий усули сифатида инсон тафаккурига қарши қўйилган. Биринчи н. назар тарафдорлари Дунс Скот ва Уильям Оккам бўлса, иккинчи қараш тарафдорларидан бири Фома Аквинский эди. Ҳоз. замон фал.сида И. ҳам, ирода ҳам мавжуд ҳолатга асосланган ҳолда намён бўлади ёки И. маъ-ятга тааллуқли бўлгани учун руҳий ҳолат маҳсули сифатида иродадан устун туради, деган тасаввурлар мавжуд. Интеллектуал ресурс инсонларда билим, ҳаётий тажриба ва идрок ҳамда зеҳн асосида аввало ўз ақлий-омилкорлик салоҳиятини, турмуш тарзини турли йўналиш ва шаклларда янада бойитиш, унинг янги қирраларини очиш, мукаммаллаштириш имкониятидир. Инсон бош мия қобиғида ўн тўрт миллиарддан ошиқ нейронлар мавжуд. Уларнинг вазифаси ин-

сон фаолиятини ҳар томонлама, тўла бошқаришдан иборат. Кишининг қилаётган ҳар бир ҳаракати нейронлар фаолияти маҳсулидир. Бу жаҳон тиббиётида чуқур ўрганилган ва тўла тан олинган ҳақиқатдир. Ш. у. ҳам, айтиш мумкинки, инсоннинг интеллектуал ўзлигини намоён қилишида унинг имкониятлари — ресурсларнинг ўрни беқиёс. Лекин инсон ана шу интеллектуал имкониятлар, яъни ресурсларнинг бор-йўғи 4–4,5 фоиздан фойдаланади. Шундан 4 фоизини 8–11 ёшгача бўлган даврда олади ва қолган ярим фоизини бутун умри давомида қабул қилади. Табиатан иқтидорли кишилар эса ўша қолган ярим фоиз маълумотни 11 ёшдан кейинги умрига тўғри тақсимлай олиш имкониятига эга бўлади. Инсон бош миясининг физиологик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унинг миясидаги интеллектуал куч атом ядросидаги беқиёс кучга тенг бўлар экан. Гап уни қандай ривожлантириш ва қай даражада ишлата билишда. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бешикдаги ҳар бир гўдакда даҳо бўлиш имкони мавжуд. Ҳамма гап ушбу “даҳо”ни талаб даражасида тарбиялай олишда. Бугунги кундаги илм-фан хулосасига кўра, инсоният тарихида атиги 400 га яқин киши даҳолик мақомига сазовор бўлган, холос. Бу эса даҳо инсонларни тарбиялаш қанчалик қийин иш эканини кўрсатади. Гап шундаки, даҳо-ларни тарбиялаб вояга етказишда нафақат бир оила ёки бир халқнинг, балки бутун инсониятнинг маън-й ютуқ ва тажрибаларидан фойдаланиш керак бўлади. И. асосидаги билишни биринчи ўрнига қўядиган ва уни ҳиссий билишдан ҳамда амалиётдан ажратиб ўрганадиган фал-ий таълимот сифатида интеллектуализм антик фал.нинг бир гуруҳ вакиллари (элеатлар, платончилар) интеллектуализм ҳиссий билишнинг ҳақиқатлигини инкор этиб, фақат интеллектуал билишни бирдан-бир ишончли манба деб ҳисоблаган. Янги давр фал.сида интеллектуализм сенсуализмнинг бирёқламалигига қарши чиқади (Декарт, картезианлик, қисман спинозизм). Ҳоз. замон фал.сида эса, интеллектуализм агностизм ва мантиқий

позитивизм таъсирида ривожлантирилмоқда. Умуман олганда, интеллектуализм таълимотининг аҳамияти шундаки, ҳиссий ва интеллектуал билишнинг ўзаро муштараклиги эътироф этилади.

ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ (лот. *intellegere* — билимли бўлиш) — ижт-й тизимда муайян ўринга эга бўлган, асосан ақлий меҳнат фаолияти б-н шуғулланадиган зиёлиларнинг ижт-й табақаси. Ақлий, ижодий меҳнат соҳасини асосий касб тарзида танлаган одамлар гуруҳи қадимдан ижт-й меҳнат тақсимоли натижасида алоҳида ижт-й табақа сифатида шакллана бошлаган ва бу жараён ўрта а.лардан янги даврга ўтиш даврида асосан тугалланган. И.га мансуб одамлар аввал эркин билим олиш орқали ақлий меҳнат фаолиятини бошлаган. Кейинчалик улар ўқув юртларида билим олиш б-н бирга, меҳнат соҳасини муайян тизимга туширишга ҳам эришган. И. вакиллари барча ижт-й гуруҳлардан келиб чиққан бўлиши мумкин. Лекин И. ижт-й табақасининг ўзини ўзи такрорий вужудга келтириш (қайта ишлаб чиқариш) жараёни ҳоз. даврда ўзига хос ҳолат сифатида амал қилмоқда. “Компьютер а.и”, “янги технологиялар а.и”, “ахборот а.и” деган номлар б-н аталаётган бу замонда И.нинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Айниқса, ривожланган мам-тларда ижт-й тизим тобора И.лашиб (зиёлилашиб), унинг миқдор ва сифат даражалари ошиб бораётгани ҳоз. давр жаҳон цивилизациясига хос умумий қонуний сифатида эътироф этилмоқда.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ, байналмилалчилик (лот. *inter* — аро, *natio* — халқ) — турли миллат, ирқдаги кишиларнинг халқаро бирдамлигини ифода этадиган т. И. тарихий тар-ётнинг маълум босқичида, миллатларнинг келиб чиқиши ва миллатлараро мун-тлар натижасида муомалага киритилган т.дир. И.нинг туб моҳиятини инсонпарварлик, толерантлик гоёлари, халқаро ҳамдўстлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби умуминсоний тамойиллар ташкил қилади. И.ни буржуа давлатларининг келиб чиқиши б-н боғлиқ ҳолда изоҳлаш масалага нотўғри ёнда-

шиш демакдир. Тарих сабоқларига кўра, халқаро ҳамдўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари жаҳон халқларининг турмуш тарзида ҳамиша мавжуд бўлган. И. ғояси Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино, Низомий, Навоий ва б. алломаларнинг асарларида атрофлича баён этилган. «И.» т.сини синфий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан таърифлаш унинг умуминсоний моҳиятини сохталаштиришга сабаб бўлади. И. ғоялари ва тамойилларининг узлуксиз ривожланиб бориши умуминсоний демократик қадриятлар таъсирининг кучайиши, жаҳонда халқаро толерантликнинг барқарорлиги б-н боғлиқдир. Бугунги кунда юртимизда 130дан зиёд миллат ва элат вакилларининг ўзаро аҳил, тинч-тотув яшаб келаётгани, Ватан ва мам-тининг гуллаб-яшнаши учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётгани И.нинг амалдаги ҳақиқий ифодасидир.

ИНТЕРНЕТ (лот. *inter* — аро ва *net* (*work*) — тармоқ) — 1) катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғлайдиган бутун жаҳон компьютер тизими, бутун дунё бўйлаб фаолият кўрсатадиган халқаро ахборот алмашувининг глобал компьютер тармоғи; 2) турли-туман масалалар ва соҳалар бўйича маълумотларни қамраб оладиган, узоқ масофалардан туриб алоқани амалга ошириш, электрон тижорат, масофавий таълим, аудио, видео, теле, тасвир айирбошлаш ва умуман, кўпдан-кўп янгилик ва маълумотларни жамлайдиган электрон ахборот воситаси ва дастурини англлатувчи т. И.да географик жой, замон ва макондан қатъи назар, айрим компьютер ва майда тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик унинг глобал информация инфратузилмасини ташкил этади. Кенг кўламдаги янгиликларни турли йўналишларда тарқатиш ва телеконференцияларни ташкил этиш каби муаммолар ечимига амалий ёрдам кўрсатади. Қайдномалар тизими б-н бошқариладиган барча ҳосила тармоқлари ҳамкорликда истеъмолчиларга информацияни сақлаш, эълон қилиш, жўнатиш, қабул қилиш, излаш ва маълум бўлган барча вариантлар (матн, товуш, видео-

тасвир, фотосурат, графика, мусиқа тарзида ва б. кўринишлар)да информация алмашинуви учун имкон яратади. Ўз-нда глобал И. тармоғига уланиш масалаларини ҳал этишга 1997 йилдан бошлаб киришилган эди. Бу тармоққа уланган истеъмолчи ишхонадаги (уйидаги) компьютер орқали хоҳлаган давлатдаги И. тармоғига уланиши мумкин ва улардан ахборотларни матн, сурат, графика, жадвал ёки видеотасвир кўринишида олиши мумкин. Ахборот ресурсларига оид кўп масалаларни мам-тимиздаги йирик кутубхоналар шу соҳадаги интернет тармоқларига суянган ҳолда ҳал қилади. «И.» т.си XX а.нинг 60-йилларидан шакллана бошлаган. 1969 йилда ARPA (Илғор тадқиқот лойиҳалари) агентлиги тўпламлар коммутация қилинадиган экспериментал тармоқ яратиш мақсадида тадқиқот бошлайди. Тармоқ яратилиб, у ғоят оддий ҳамда қисқа ном — ARPANET, яъни агентлик тармоғи номини олади. Тармоқ алоқа тизимида маълумотлар оқимини мустақил узатиш технологияларини ўрганиш учун барпо этилган эди. Тадқиқот лойиҳаси муваффақиятли амалга ошгани боис уни яратишда қатнашган кўпгина ташкилотлар бу тармоқдан ўз кундалик мақсадларида фойдалана бошлайди ва 1975 йилда мазкур эксперимент ишчи тармоққа жорий қилинади. Бунда тармоқ учун жавобгарлик DCA (АҚШ Мудофаа алоқаси агентлиги) зиммасига юкланади. Айни вақтда мутахассислар TCP/IP (Transmission Control Protocol / Internet Protocol — Узатиш жараёнини бошқариш протоколлари) Интернет-протокол асосларини ишлаб чиқишга киришади. Айнан ана шу вақтнинг ўзида “Internet” атамаси (Interconnected Networks — бирлаштирилган тармоқлар сўзларининг қисқартмаси) қўллана бошлайди. Ҳолбуки, бу вақтда ARPANET иккита алоҳида тармоққа: MILNET (Фарбий тармоқ) — Маълумот узатиш мудофаа тармоғининг номахфий қисми (DDN) ва янги (ҳажми кичрайтирилган) ARPANETга бўлинган эди. Ўша вақтда бир йўла ҳар иккала тармоқ, назарда тутилиши керак бўлган ҳолларда эса, Internet атамаси қўлланган. Ўтган

а.нинг 90-йилларда «Жаҳон ўргимчак тўри» — Worldwide Web гиперматн саҳифалари тизими вужудга келади. CERN (Швейцария) компанияси ходими Тим Бернерс-Ли ҳужжатларни гиперматнли чегаралаш тили — HTML тилини ишлаб чиқади. 1993 йилда NCSA (National Center for Supercomputing Application) ходимлари Марк Андрессен ва Эрик Бина илк браузер — «Mosaic X»ни ишлаб чиқишди. Кейинчалик Mosaic Communications И. саҳифалари браузерининг биринчи версияси — Netscape Navigator 1.0 версияси тақдим этади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, 90-йилларда Майкрософт компанияси бутун дастурий таъминот бозорини бошқаради, Netscape Navigator дастури эса ўзининг onlаnу имкониятлари орқали Windows 6-н рақобатлашиши мумкин эди. Шунда Билл Гейтс уларнинг рақобатчи эканини англаб, ходимларига бу компанияни дарҳол “ўйин”дан чиқариш тўғрисида буйруқ беради. Шу тариқа браузерлар қарама-қаршилиги бошланади. 1995 йил 7 декабрда Майкрософт Internet Explorer (IE) браузерини ишлаб чиқади. 1997 йил сентябрь ойида браузерлар қарама-қаршилиги Майкрософт компаниясининг галабаси 6-н тугайди. Ўша вақтда Луис Монье Alta Vista қидирув тизимини ишлаб чиқади. Шу вақтнинг ўзиде эса Сиэтлдаги бўлажак «Интернет-дўконлар қироли» — Amazon иш бошлайди. 90-йиллар охириларига келиб, Comрақ компанияси Alta Vista қидирув тизимини 3 миллион доллар эвазига сотиб олади. Ўшанда дастлабки И. аукционлар, порталлар, ш-дек, И. тармоғида биринчи марта MP3 форматидаги мусиқий файллар пайдо бўлади. Орадан бир йил ўтгач, 1998 йилнинг март ойида Netscape компанияси жаҳон навигаторининг бошланғич кодларини очади ва бутун дунёдаги компьютер ихлосмандлари бирлашиб, Mozilla Organization деб номланган ҳамжам-т — кичик лойиҳага асос солади. Кейинчалик у Mozilla Foundation деб қайта номланади. Ҳоз. кунда И. браузерлар жуда кўпайиб кетган. Улар орасида энг оммалашганлари, албатта — Internet explorer, Flock, Netscape, Mozilla Firefox, Avant browser

ва б.дир. Маълумки, 90-йилларнинг ўрталарида И. тармоғига тижорат н. назаридан қаралмас эди. Аммо 1995 йилнинг охириларида Yahoo компанияси биринчи бўлиб И.да реклама тарғиботини бошлайди ва И. орқали даромад кўриш мумкинлигини тушуниб этади. Тез орада Yahooнинг рақиблари ҳам пайдо бўлади. Уларнинг орасида энг хавфлиси талабалар томонидан яратилган Excite эди. Аммо Yahooга қараганда Excite такомиллаштирилган тизимдан фойдаланар эди. Ўша кезларда кўпроқ даромад топиш мақсадида Yahoo ва Excitedа рекламалар, фойдали маслаҳатлар, почта сервислари ва чатлар тобора кўпайиб, бу қидирув тизимлари кўнгилочар порталларга айлана борди. Yahoo ва Excite ўртасидаги рақобат шафқатсиз эди, аммо қидирув тизимлари ўзларининг дастлабки йўналишлари бўлган маълумот қидиришни унутиб қўйди. Зарур маълумотни топиш лозим бўлганда Yahoo ва Excite кераксиз нарсаларни чиқариб берарди. Баъзан керакли маълумотларни излаб топиш учун бир кунлаб вақт кетарди. Шу боис кескин тарзда фарқланувчи янгилик зарур эди ва бунинг жавоби Стенфорд университетида топилади. Сергей Брин ва Ларри Пейжлар 1998 йилнинг биринчи ярмида янги, истиқболли технологияни ривожлантириб, бу янги қидирув тизимига Google деб ном беришди. Ўша пайтда Стенфорд университетининг ётоқхонасидаги Пейжнинг хонаси маълумотларни қайта ишлаш марказини, Брин хонаси эса ишчан офис вазифасини бажарар эди. Офайнилар ўз ғояларини сотмоқчи бўлишганида муваффақиятсизликка учрайди. Шунда улар бизнес-режа тайёрлаб, ўз компанияларини ташкил этиш учун маблағ излашга тушади. Натижада дастлабки инвестициялар ҳажми 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу пуллар қариндош ва дўстлардан, ш-дек, инвесторлардан тўпланади. Жумладан, Sun Microsystems компанияси ташкилотчиларидан бири Энди Бехтольсхайм ғоя муаллифларига 100 минг АҚШ долларига чек беради. Google қидирув тизими кунига 10 мингта сўровга жавоб беради ва PC Magazine журнали томонидан 1998

йилнинг энг яхши 100 та И. сайти қаторига киритилади. Бугунги кунда Google энг машҳур ва муваффақиятли қидирув тизимларидан бири ҳисобланади, унинг асосчилари Брин ва Пейжнинг даромади эса бир неча миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бугун компьютер технологиялари ҳаётимизда мустақкам ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг савиясини белгилаб берадиган омилга айланиб бормоқда. Эндиликда компьютерда ишлашни билмайдиган ходимни яхши мутахассис дейиш қийин. Агар ўтган а.нинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳоз. кунда эса компьютер ва И. аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва сеvimли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар б-н суҳбатлашиш, маън-й ва мад-й ҳордиқ чиқариш б-н бир қаторда компьютер технологиялари, И.га бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади. Nielsen/Net Ratings компанияси ўтказган сўнгги илмий текширув натижаларига кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмоқда: биргина 2007 йили Европада ёш авлод вакилларининг учдан бир қисми onlayn тизимидан фойдалангани кузатилган. 2008 йили дунё ахборот тармоғида 10 миллион ёш “сайр” қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони аллақачон 13 миллиондан ошиб кетди. Бу кўрсаткич кундан-кунга кўпаймоқда. Бундай onlayn ҳаётда яшайдиган ёшларнинг катта қисми – 4,5 миллиони Буюк Британияга тўғри келади. Улар ҳар куни электрон манзилларини текширади, турли хил сайтлардан маълумот излайди ва чат (глобал тармоқдаги суҳбатхона)лар орқали мулоқотда бўлишади. Германияда ҳозирча 3 миллион, Францияда эса 1,5 миллион ёш вақтини асосан onlayn тизимида ўтказди. Бир йилдан сўнг бу кўрсаткич икки баробарга ошиши кутилмоқда. Ёш авлоднинг компьютер саводхонлиги юқори, бугун ҳатто олти яшар болалар ҳам блу-

тус (bluetooth) ва спам нималигини катталарга нисбатан яхши билади. Дунёнинг ривожланган мам-тларидан бири Канадада ўн етти ёшгача бўлган 6 минг бола ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, И.дан фақат ахборот олиш мақсадида фойдаланилмас экан. Сўровда иштирок этганларнинг 99 фоизи И.дан фойдаланишини, уларнинг ҳар ўнтасидан саккиз нафари уйда уланиш имкониятига эга эканини билдирган. Канада ёшларининг ярмидан кўпи И. ва компьютер технологияларини ота-оналаридан яхшироқ билишини айтган. Уларнинг 80 фоизи мустақил равишда И.га уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган филтрлаш дастурини ўрнатиб қўймагани ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олишди. Умуман олганда, аксарият ота-оналар, аниқроғи, уларнинг 65 фоизи фарзандлари И.дан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрда, ёшлар эса илм олишни энг охириги ўринга кўяр экан. Улар асосан И. орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки қисми И.га янги дўстлар орттириш ва ким б-ндир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи бу мун-тларни кейинчалик реал ҳаётда давом эттирар экан. Мулоқотнинг бу каби шакллари яхши, албатта. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, унга чуқурроқ назар ташлаш лозим. Алоҳида эътибор талаб этадиган жиҳат – И. орқали таъқиб деб номланади. Бугунги кунда вертуал тақиб ниҳоятда оммалашиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлдики, ҳозирда мактаб ёшидаги болалар И.дан тобора эрта фойдаланишга киришмоқда. Мас., бошланғич синф ўқувчилари бемалол мактаб ён-атрофидаги кафе ёки клубга кириб, И.дан фойдаланиши мумкин. Шу боис улар уйда ҳам И.га уланиш имкони бўлишини хоҳлаши табиий. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, ёши ўнга етмаган бола одатда мустақил равишда И.дан фойдаланиш учун зарур бўлган танқидий фикрлаш ва шу асосда маълумот-

ларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, бошқача айтганда, «фильтрлай» олиш қобилиятига эга эмас. Шу сабабли И.дан ёлғиз қолганда ҳам фойдаланиш эҳтимоли бўлган болани қаттиқ назорат остига олиш керак, унга ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларни И. орқали танишган одамларга айтмасликни ўргатиш зарур. Сўнгги пайтларда И. орқали таъкиб этиш ёки илмий тилда айтадиган бўлсак, *грифинг* ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу каби тармоқ безорилигининг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами, хус-н, ўсмирлар ҳисобланади. Бир қарашда беозор туюлган чат хоналар ёки махсус мулоқот дастурлари орқали кечадиган суҳбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни баъзан жинойтгача етаклаб бораётгани ҳаётий ҳақиқат. Грифинг б-н шуғулланадиганлар ёки *грифёрлар* замонавий ёшларнинг қизиқишларидан жуда яхши хабардор бўлиб, onlaup конференция, форум хоналарида исталган мавзуда суҳбат юритиши, ўзларини уларнинг муаммоларини тушунадиган одамлар сифатида кўрсатиши мумкин, бунинг устига, веб тармоқда анонимликни сақлаш хусияти қисқа фурсат ичида ишончга кириб олишга имкон яратади. Грифинг б-н курашишнинг энг оддий усули — компьютерга махсус тақиқлов дастурлари (энг машҳурлари Киберпатруль ёки Кидсконтрол)ни ўрнатиш. Шунда зарарли манбалардан келадиган барча хабарлар автоматик тарзда филтрланади ёки дастурга отаналар томонидан киритилган чеклов туфайли боланинг ўзи қизиқиб ноҳўя ахборотни олмоқчи бўлганда, автоматик тақиқ ишга тушади. Айни пайтда мазкур дастурлар ҳам тўлиқ хавфсизликни кафолатлай олмайди, чунки баъзида улар фойдали ахборотни чеклаб қўйиши ёки кераксизини ўтказиб юбориши мумкин. Ҳоз. кунда кўплаб мам-тларда И.дан фойдаланиш кўникмалари факультатив дарс сифатида мактаб дастурига киритила бошлади. Бунинг ҳам грифингга қарши курашишнинг ўзига хос усули сифатида кўрсатиш мумкин. Негаки, факультатив дарслар орқали болалар И.дан олинadиган маълумотларнинг қанчалик ҳаққоний ва

тўғри эканини текширишга ўргатилади. Бундай дарслар, айниқса, ўсмирлар учун зарур. И.да грифингдан ташқари ўсмир ёшлар учун яна бир қанча хавфлар ҳам бор. Яъни болалар ва И. муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларининг фойдаланишга очиқлиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл қўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайтларга етаклаши, бу веб-саҳифаларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлиғига хавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий. Электрон почта манзиллари орқали олинган хабарлар кучли руҳий таъсир ўтказиб, болаларни И. доирасида ва ундан ташқарида ҳам жинойтга ундаши ҳеч гап эмас. Банк ёки кредит карточкасидаги ҳисоб рақамларни билган болакайлар onlaup савдоларда қатнашиш имкони б-н бирга кичик ўйинчоқдан тортиб то энг сўнгги русумдаги машина сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Бу эса уларни виртуал фирибгарларнинг нишонига айлантиради. Шу сабаб глобал тармоқдан фойдаланувчилар кўп бўлган Белорусда бу каби муаммолар қатор янги касбларнинг вужудга келишига ҳам туртки бўлган. Янги турдаги мазкур мутахассисларнинг вазифаси оилада И.дан фойдаланиш мад-тини жорий этадиган ҳамда болаларга психологик, маън-й ҳамда жисмоний зарар етказмайдиган очик ва хавфсиз ахборот маконини яратишдан иборат. Ш-дек, кўплаб жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва хусусий компаниялар ўз фаолиятини И.нинг болаларга таъсири ва ундан бўладиган зарарнинг олдини олиш усулларини ўрганишга қаратган. Жум-н, И. мазмунини баҳолаш ассоциацияси (ICRA) мустақил халқаро ташкилот бўлиб, асосий вазифаси ота-оналарни уларнинг фарзандларини тармоқда кутаётган кўнгилсизлик ва хавфли мун-тлар ҳақида огоҳлантириш, кибермаконда болаларни нотўғри ахборотлардан ҳимоялаш ва сўз эркинлигини таъминлашдан иборат. Ота-оналарга мавжуд муаммолар юза-

сидан маслаҳат, кўмак берадиган кибер-фаришталар (Cyberangels) — И-тда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган Европадаги илк ташкилотга 1995 йили асос солинди ва айни пайтда унга АҚШ ва Канада каби давлатлар ҳам аъзо-дир. Муаммолар чуқурлашгани сайин бу каби ташкилотлар ҳам кенг кўламда тадқиқотлар ўтказиш ва мавжуд хавф-хатарларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни кучайтирмоқда. Хус-н, Болаларни асрайлик (Save the Children) халқаро ҳуқуқий ташкилоти ўтказган сўровнома-лар натижасида маълум бўлдики, АҚШ-даги 15—17 яшар ўсмирларнинг 85 фоизи, Канада ёшларининг 93 фоизи мунтазам равишда И.дан фойдаланади. Коммуникация воситалари тадқиқоти асо-циацияси (Association for the Research of Communication Media) олган натижа-ларга кўра эса, ўсмирлар катта ёшлиларни 2004 йилдаёқ И.дан фойдаланиш бўйи-ча ортда қолдирган. Испаниянинг Бола-ларни ҳимоя қилиш агентлиги (Child Protection Agency) тадқиқотлари натижа-лари шуни кўрсатдики, И.дан доимий равишда фойдаланувчи болаларнинг 44 %и виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаган-да бир марта, 11 %и эса бир неча бор таъқиб остига олинган. Эътиборли томо-ни шундаки, сўровларда иштирок этган ёшларнинг 14,5 %и И. орқали нотаниш одамлар б-н учрашув белгилаган, 10 %и бундай учрашувларга ёлғиз борган, 7 %и бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Дунё миқёсида эса 38 % болалар зўра-вонлик руҳидаги сайтларни, 26 % бола миллатчилик характеридаги веб-саҳи-фаларни мунтазам кузатиб бориши маълум бўлди. 2008 йилнинг охириги ойларида дунёнинг энг машҳур компанияларидан бири бўлмиш «Майкрософт» (Microsoft) 28 давлатда ўзининг чат хоналарини ёпи-шини эълон қилди. Бу ҳаракат болалар муаммолари б-н шуғулланувчи ҳуқуқ-тартибот ҳамда хайрия ташкилотлари то-монидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, чун-ки эркин ва назоратсиз форум хоналар спам, вирус ва ахлоқсиз ахборотни тар-қатиш манбаига айланиб қолган эди. Шу тариқа MSNнинг текин чатлари Европа,

Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг кўплаб мам-тларида ўз фаолиятини тўхтатди. Уларнинг ўрнига Microsoft Messenger тезкор хабар алма-шиниш тизими жорий қилиндики, эн-диликда бу хизматдан фойдаланиш учун шахсий маълумотларни киритиш асоси-да рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Чунки ўтган йили Буюк Британияда шов-шув-га сабаб бўлган зўравонлар устидан ўтка-зилган суд жараёнларининг камида 26 тасида қурбонга айланган болалар тақиб-чилар б-н виртуал мулоқот орқали та-нишгани аниқланди. Замонавий техноло-гияларнинг тез суръатларда ўсишига қара-май, баъзан одамлар улардан қандай оқилона фойдаланиш кераклигини тўлиқ англаб етмайди. Компьютер ва И.гача бўлган даврда ўсиб-улайган аксарият ота-оналар ва муаллимлар агар бола И.дан фойдалана бошласа, албатта, фойдасидан зарари кўпроқ, деб ўйлайди. Болани компьютер ёки И.дан чалғитиш ҳарака-ти замирида аслида бошқа бир муаммо, яъни катталарнинг бу масалада нисбатан саводсиз экани аниқланди. Бироқ агар улар ўзлари аввал технологиялар савод-сизлиги масаласига жиддийроқ ёндашиб, уни бартараф этишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, саводсизлик масаласи-дан қочиш орқали болани технологиялар-дан ажратиб қўйиш тўғри эмас. Бунинг устига яна бир жиҳат эътиборга лойиқ: болаларда кибернетик дўстга нисбатан мун-т айнан катталарнинг тугган йўли-дан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Шубҳасиз, И. билим ва керакли ахбо-ротни олиш учун улкан имкониятлар яра-тади, бироқ тармоққа жойлаштирилади-ган катта ҳажмдаги ахборотнинг барча-сини ҳам ишончли ва фойдали деб бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотлар-нинг тўғрилигини аниқ ажрата билиши учун танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этиларди. Бунинг учун бо-лаларга И.да хоҳлаган одам ўз саҳифаси-ни очиши, унга ҳар қандай маълумотни жойлаштириши, бу борада унга ҳеч ким тўсқинлик қила олмаслигини вақтида тушунтириш зарур. Болаларни кенг до-ирадаги манбалардан фойдаланишга

йўналтириш жараёнида фактларни фикрлардан фарқлашга, тўғрилиги тасдиқланмаган ахборотдан ҳимояланишга уларни ўрғатиш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

ИНТИЗОМ — қатъий тартиб ва қоидалар асосида изчил ҳаракатни англатадиган т. И.лилик — И.ни маҳкам тутувчи, унга амал қилувчи, бўйсунувчи, тартибни шахсга хос хус-ят. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “И.” сўзига бундай изоҳ берилган: “Тартиб, тартибли тузилиш, изчиллик. Жам-тнинг ёки маълум жамоа аъзоларининг амал қилиши, бўйсунуши лозим бўлган қатъий тартиб, қоида (Мас., ҳарбий И., меҳнат И.и.) “Интизомли лашкар енгилмас» деган мақолда ҳарбий И.нинг қанчалик муҳимлиги қисқа ва оддий баён этилган. И. бўлмаса яхши қуролланган, кўп сонли кўшин ҳам И.ли, озроқ сонли лашкардан енгилуши мумкин, тарихда бунга мисоллар кўп. Луғатда И.га берилган таърифлардан бири “изчиллик”дир. Унга кўра, И. изчил, узлуксиз, мунтазам бўлмоғи керак, шундагина у яхши самара беради. Қатъий И.га ёшлиқдан ўргатилса, бола катта бўлганида ҳам И.ли бўлади. И. инсон фаолиятининг барча турларида албатта бўлмоғи зарур. И. бўлмаган оила, жамоа ва корхона, муассасада иш унумдорлиги ҳамда сифати паст бўлади. И. бўлмаган жойда парокандалик вужудга келади, усиз ҳеч қандай тадбирни амалга ошириб бўлмайди. И. турлича бўлиши мумкин. Катта корхоналарда ички И. қоидалари ишлаб чиқилиб, жамоа томонидан тасдиқланганидан кейин унга риоя қилиш ҳамма учун мажбурийдир. Айниқса, технологик жараёнда И.ли бўлиш гоят зарур. Мас., автомобиллар ишлаб чиқарадиган саноат корхонасида технологик И.га риоя қилинмаса, автомобиль сифатини таъминлаб бўлмайди, корхона тўла қувват б-н ишлашга ожизлик қилиб қолади. Инсон ҳуқуқларининг таъминланишига тўсқинлик қилмайдиган, инсоннинг инсонлик шарафига зид талаблар қўймайдиган И. қоидалари бажарилганида ишчи

ёлловчига ҳам, ишга ёлланувчига ҳам қўлай шароит вужудга келади. И.ли одам вақтдан тўғри фойдаланади, ўз вақтини тўғри тақсимлайди ва мақсадига эришади. И.ли одам сабр-қаноатли бўлади, у нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам вақтини тежайди. И.ли одам аҳдига вафо қилади. И.нинг ўзи ҳам қайсидир маънода одамни тарбиялайди. Мас., аксарият ҳолларда И.ли ўқувчи ёки талаба дарсларни яхши ўзлаштиради, чунки у ўзини назорат қилишни, диққат-этиборини жамлашни билади. Ҳоз. илмий-техникавий тар-ёт И. масаласига ниҳоятда катта эътибор қаратишни тақозо этади. И. бўлмаса, транспортдан фойдаланиш қандай ҳалокатларни келтириб чиқарган бўлар эди. И. тилимиздаги тартиб, қоида каби сўзлар б-н муайян ҳолатларда маънодош бўлиб келади. Мумтоз адабиёти-мизда низом сўзи ҳам И. маъносида қўлланганини кузатиш мумкин. Мас.: “Дунёга келган пайғамбарларнинг ҳар бирлари дин ва шариятларини тартиб ва низом ила юритмишлар. Хус-н, ислом дини мукаммал равишда тартиб ва низомга риоя қилишдир”. Абдулла Авлоний айтганидек, Давлатнинг кони манбаи, тартиб-интизом, // Сарватни пойдори эрур иқтисоди том.// Муҳтожлик юзини кўрар деб гумон қилманг, // Тартиб бирла юрса, кишининг иши мудом.

ИНТУИТИВИЗМ (лот. *intuitio* — диққат б-н кузатмоқ) — моддий ва маън-й борлиқни, тажриба ва тафаккурга таянмаган ҳолда, фақат интуиция ёрдамида билиш мумкин, деб даъво қилувчи фал-й оқим. И. онгни ижт-й амалиёт ва тафаккурга алоқаси бўлмаган алоҳида бир хус-ят, деб ҳисоблайди. И. асосчилари Афлотун, Демокрит, XIX а.дан бошлаб Гегель, Фейербах, З.Фрейд, Ф.Шеллинг, Э.Гартман, XX а.да эса А.Бергсон, Э.Гуссерль ва б.дир. И. тарафдорлари уни мутлақ қимматга, ўзгармас моҳиятга эга, деб талқин этади. Уларнинг назарида, умумий ахлоқий т.лар ўз-ўзидан, исботсиз қабул қилинадиган, интуиция орқали англанадиган ҳолатдир. XX а.да И. ирра-

ционализмнинг бир тури сифатида юзага келди. И. асосан икки шаклда намоён бўлган: 1) интеллектуалликка қарши шаклда, яъни интуиция ва интеллектни қарама-қарши қўйиш; 2) интуиция ва интеллектни бирлаштириш (Н.О.Лосский, С.Л.Франк, Е.Н.Трубецкой, француз неотомистлари Э.Жильсон, Маритен, маълум даражада Э.Гуссерль ва феноменология мактаби вакиллари: М.Шиллер, Н.Гартман ва б.). А.Бергсон таълимотига кўра, интуиция ва мантикий тафаккур бир-бирига зид, чунки интуиция субъект б-н объектнинг қўшилиши натижасида уларнинг ўртасидаги зиддиятнинг ечилиши, бартараф этилишидан келиб чиқади. Экзистенциализм (Марсель) тарафдорларининг фикрига кўра, интуиция ҳиссиёт дунёсини тарқ этиб, маън-й соҳанинг (диний, мистик) “тажриба”сига асосланади. И. гоёлари дастлаб XVII-XVIII а.ларда неоплатончиларнинг (Р.Прайс, Р.Кэдворт, С.Кларк) Кембридж мактаби томонидан системалаштирилди. Сўнгра ушбу таълимот Европа ва АҚШда кенг тарқалади. И. бир гуруҳ ахлоқшунослар томонидан ривожлантирилган. Уларнинг фикрича, энг умумий ахлоқий т.лар (мас., яхшилик ва ёмонлик) “нодир” характерга эга бўлиб, уларга ҳеч қандай б. сифатни нисбат бериб бўлмайди, ҳаттоки улар тўғрисида шубҳаланиш ҳам мумкин эмас, чунки улар “ўз-ўзидан маълум” т.лар деб ҳисобланади. Ушбу таълимотга кўра, ахлоқий т.лар мутлақ характерга эга бўлиб, фан ва ижт-й ҳаёт томонидан исбот қилиниши талаб этилмайди.

ИНТУИЦИЯ (лот. *intuitus* – синчиклаб қарайман) — ҳақиқатни мантикий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб олиш, савқи табиий йўли б-н билиш қобилиятини англатадиган т. Фал. тарихида «И.» т.си турлича ифодаланган. Қад. фал-ий қарашларда И. билишнинг алоҳида шакли деб ҳисобланган. Мас., Афлотун таълимотига кўра, билишнинг объекти — гоёлар дунёсидир, моддий дунё, нарсалар тўғрисидаги тасаввурларимиз эса ҳиссий билиш орқали ҳосил бўлади. Ҳиссий билиш, Афлотуннинг

фикрича, ҳақиқат эмас. чунки у орқали кишилар гоёни эмас. балки моддий нарсаларни сезади, улар тўғрисидаги тасаввурга эга бўлади. Ҳақиқатни билиш, унингча, фақат соф тафаккур орқали амалга ошади. Қад. Шарқ фал.сида И. пайгамбарларга, авлиё зотларга хос бўлган махсус билиш усули сифатида талқин этилган. Декарт таълимотида билишнинг бирдан-бир тўғри йўли рационализмга асосланган дедуктив усулдир. У дин ва схоластик фал. ўрнига киши ақлини, илмий билимни юқори қўяди. Декартнинг фикрича, исботнинг дедуктив шакли аксиомаларга асосланади, аксиомалар эса, ҳеч қандай исботсиз соф интуитив тарзда англанади. Спиноза И.ни билишнинг “учинчи хили”, нарсаларнинг моҳиятини қамраб олувчи энг ишончли билиш деб ҳисоблаган. XX а. фал.сининг айрим вакиллари (Бергсон, Фрейд) И.ни бутун ижодий фаолиятни белгиловчи яширин, қоронғу, онгсиз, бошланғич ижод, деб қарайди. Бу б-н улар И.ни интеллектга қарама-қарши қўйиб, нарсалар моҳиятига кириб бориш асло мумкин эмас, деган гоёни илгари суради. Ҳоз. замон фал.сининг айрим вакиллари И. ни бевосита билим, воситаланган билим б-н диалектик тарзда боғланган жонли мушоҳада сифатида талқин этади ва И.ни ақлдан устун турадиган, мистик билиш қобилияти, деган қарашни рад қилади. И. ҳақиқатни пайқашнинг оддий йўллари-дан принципиал оғиш эмас, у мазкур оддий йўлларнинг юз беришининг мантикий шакли ва амалиёти б-н боғлиқ қонуний шаклидир. Ҳақиқатни гўёки “тўсатдан” пайқаш замирида тўпланган тажриба, илгари ҳосил қилинган билим ётади. И.нинг психологик механизми кам ўрганилган, лекин мавжуд тажрибавий маълумотлар унинг замирида индивидуалнинг атрофидаги муҳит б-н информация, сигналли ўзаро таъсир жараёнида бевосита анланган натижа б-н бир қаторда ёрдамчи (англанмаган) натижани акс эттириш қобилияти бор, деб ҳисоблашга имкон беради. Бироқ, муайян шароитда амалиёт натижасининг мазкур (илгари анланмаган) қисмини индивид томони-

дан англаш имконияти туғилади ва бундай интуитив билиш натижалари вақти келиб амалиётда текшириб кўрилади ҳамда мантиқий равишда исбот қилинади.

ИНЪИКОС — нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришни ифода этадиган т. Бу категория фал.да муҳим ўринга эга бўлиб, онг, тафаккур ва билиш жараёнини тушунтиришга хизмат қилади. И. борлиқнинг барча ҳодисаларига хос умумий хус-ятдир. Зеро, уларнинг барчаси таъсирлашувда ва ўзгаришда. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг бир-бирида акс этиши ҳар хил экани И.нинг турли даражаларини фарқлаш имконини беради. Авваламбор, тирик жонзот б-н жонсиз табиат ҳодисаларидаги И.ни фарқлаш мумкин. Жонсиз нарсаларда б. ҳодисалар таъсирида қолган излар, таъсирга мос ўзгаришлар И.дир. Жонсиз табиатдаги И. ўз навбатида турли кўринишларда намоён бўлади. Мисол сифатида механик таъсир излари (қушга қўйилган қадам изи), физик ўзгаришлар (жисмларнинг иссиқдан кенгайиши ёки совуқдан торайиши), кимёвий реакциялар (занглаш, ёниш, емирилиш каби)ни кўрсатиш мумкин. Булар И. таъсирининг оддий акс этишидир. Тирик табиатдаги И. оддий акс этишдан кескин фарқ қилади. Энг содда организм ва ўсимликлардаги оддий таъсирланишдан тортиб, асаб тизимига эга бўлган организмлардаги сезиш ва идрок этишгача бўлган руҳий И. тирик табиатдаги акс таъсир кўрсатиш, ўзини ҳимоя қилиш ва мослашув каби ҳолатларда намоён бўлади. Тирик табиатдаги олий — ижт-й ҳаёт И.дир. Бундай И. юқори даражада ташкиллашган тизимлар фаоллиги б-н ажралиб туради ҳамда уни биологик модда алмашинувидан тортиб, онгли, ижодий, ўзгартирувчан фаолиятгача кўриш мумкин. Руҳий И. организмларда асаб тизими ҳамда бош миянинг эволюцияси б-н бирга келиб чиққан ва ривожланган. Руҳий И., яъни сезиш ва идрок этиш ёрдамида организм фаолиятини тартибга солиш таъминланади. Руҳий И. (тасаввур, билим)

мазмунни қуйидагилар б-н белгиланади: акс этишнинг нисбийлиги, яъни ниманинг ва қандай И. этилишига мос даражада фарқланиши; акс этилаётган нарса ёки хус-ятларнинг миқдори жиҳати; И. объектининг тузилиши; И. этилаётган ҳодиса б-н унинг акси ўртасидаги мувофиқлик, ўхшашлик тури; ҳиссий образнинг предметлиги, фикрлар предмет маъносининг акс этиши; И.нинг қадрлилиги; акснинг ҳодисага айнанлиги. Руҳий И.нинг шакли муайян нарсага хос мазмунининг мавжудлиги, ифодаланиши ҳамда ўзгариш усули б-н боғлиқ. Руҳий И.объектив ва субъектив жиҳатларга эга. И. мазмунининг моддий белгилари (электр токи, электромагнит тўлқинлари ва ш.к.), хоссалари (узлуксиз сигналлар тебраниши каби), ахборот узатиш услуби (табиий ёки сунъий тиллар ёрдамида) унинг объектив жиҳатларидир. Ғоявий образлар эса И.нинг субъектив жиҳатидир. Инсон билими ана шу образлар, тасаввур, т. ва фикрлардан иборат. Бироқ, инсон билимини психик И.дан сифат жиҳатидан фарқлантирадиган томони ҳам бор. Бу — унинг ижт-йлиги. Айнан ижт-й-мад-й муҳитдаги индивиднинг руҳий инъикоси — ҳис қилиш ва идрок этиши — рационал оқлай билишга, тафаккур қилиш ва англашга айланишини таъминлайди. Ақл И.нинг энг олий шакли бўлиб, унда бевосита ва билвосита, илгари ва айнан шу муддатда акс этган билим намоён бўлади.

ИНҚИЛОБ (араб. ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ) — табиат, жам-т ёки тафаккур ривожига рўй берадиган туб сифат ўзгариши, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш жараёни. И. ижт-й, сиёсий, геологик, илмий-техникавий, мад-й соҳалар моҳиятини англаувчи таянч сифат ўзгаришларини белгилайдиган атама тарзида қўлланади. И. миқдор ўзгаришларининг фал-ий категорияси бўлиб, табиат ва жам-т тар-ётининг босқичма-босқичлиги, тадрижий (эволюцион) рившидаги ҳолатидан кескин сифат ўзгаришларига ўтиш жараёнларини англайди. И.

б-н тадрижийлик ўртасидаги ўзаро нисбатлар масаласи ижт-й тафаккурнинг энг долзарб ва мураккаб муаммоси бўлиб, жуда узоқ муддат давомйда шиддатли содир бўлаётган баҳс-мунозаралар мавзусини ташкил этади. И. ий тар-ёт ўрнига тадрижий рив-шни қўллаб-қувватлаш ҳоз. кунда инсоният тар-ётида амал қилаётган умуминсоний манфаат ва қадриятлар устуворлиги қонуниятни моҳиятидан келиб чиқаётган зарурат бўлиб, улар дунёдан ўзаро қарама-қарши туриш (барбод қилиш)дан қўра ҳар томонлама ҳамкорлик (яратувчанлик)ка асосланган тар-ётнинг нақадар самарали эканини ифода этади. Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган тар-ётнинг ўзб. модели айнан тадрижий тар-ёт тамойилларига асослангани учун бутун дунёда тан олинди ва бутунги кунда мам-тимизни ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан изчил ривожлантиришда беқиёс натижалар бермоқда.

ИНҚИРОЗ (араб. орқага кетиш, пайсайиш, тугаш, охир бўлиш, битиш) — маълум бир воқеликнинг табиат ва жам-т тар-ётининг объектив қонуниятларига зид келиб қолиши, муайян жараёнларнинг вақт ўтиши б-н янгича талабларга жавоб бера олмаслиги туфайли юз берадиган танглик ҳолатини англатадиган т. У жам-т ҳаёти, турмуш тарзининг барча соҳаларини қамраб олиши мумкин. И.ни келтириб чиқарувчи сабаблар турлича бўлади. Айтайлик, маълум бир тузумлар, ижт-й-иқт-й мун-тлар аввалбошданок тар-ётнинг объектив қонуниятларини инкор қилган ҳолда амал қилгани туфайли адилар таназзул ҳолати юз беради. Шу б-н бирга, ўз вақтида илғор саналган тузум ва мун-тлар вақти келиб тар-ётга гов бўлиб қолиши, янгича талабларга жавоб бера олмаслиги мумкин. Бу ҳол ҳам табиий тарзда И. ҳолатларини келтириб чиқаради. Иқт-й И. жам-т объектив қонуниятларига зид бўлган иқт-й фаолият туфайли юз берадиган бўлса, маън-й ва руҳий И.га инсон камолотининг маън-й ва руҳий жиҳатларига номутаносиб бўлган жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар сабаб бўла-

ди Жам-тдаги И. ҳолатларининг олди олинмаси. ч б. соҳаларга ҳам ўз таъсири-ни ўтказиши мумкин.

ИРСДА — одамнинг ички ва ташқи интилишлари, имконият ва салоҳиятини мақсад йўлида сафарбар этиш, қатъият б-н ҳаракат қилиш, синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, ҳар қандай шароитда ҳам руҳий мувозанатни сақлашга асос бўладиган маън-й фазилат. Одам И. туфайли турли ҳавойи, кераксиз ҳою-ҳаваслардан воз кечади, ўз ҳаёт йўлини белгилаб олади. И. инсон маън-й фаолиятининг юксак босқичи бўлиб, унинг ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўз шанига муносиб ҳолда ақл-идрок, ақл-заковат б-н иш тутишга ундайди. И. орқали инсон ўз хоҳиш-истаклари, хатти-ҳаракатларини қатъий назорат қилиб туради, турли маън-й ва моддий қийинчиликларга бардош беради. Президент Ислон Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” аса-рида И. ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган гоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маън-й олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради. Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламиз. Ирода — бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қила-

ди. Лекин бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бета-раф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 123-б.). Дарҳақиқат бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда биз куч-қудратни қаердан оламиз? Энг аввало Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз. Мана шундай вазиятларда бизга метин ирода, сабот-матонат бахш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор. Бу манба — улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир. Бу манба — Имом Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбахш қудратидир. Бу манба — уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи покларидир, деб уқтиради Юртбошимиз. Психологик н.назардан инсоннинг турли қийин ва мураккаб вазиятларда мардлик кўрсатиши ҳам бевосита унинг И.сига боғлиқ. Ш.у. ҳам И.ни тадқиқ этишда психология фанида автогенетик (В.Вундт, Н.Ах, И.Линдворский) ва гетерогенетик наз-я алоҳида ўрин тутади. Баъзи хорижий олимларнинг (И.Ф.Гербарт, К.Эренфельс, Э.Мейман) тадқиқотларида И.нинг тафаккур ва ҳиссиёт б-н чамбарчас боғлиқ экани алоҳида қайд этилади. Фарб илм-фанида немис файласуфи Артур Шопенгауэр И. фал.сининг асосчиси сифатида эътироф қилинади. Ваҳоланки, И. масаласи Шарқда, хус-н, Ў.О.даги мавжуд тарихий манбалар ва буюк алломалар меросида юксак даражада таъриф ва тасниф этилган. Жумладан, «Авесто»да И. тангрининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида талқин қилинган. Ш-дек, исломда илоҳий адолат инсоннинг И. эркинлигини тақозо этиши уқтирилиб, Аллоҳнинг одиллиги унинг фақат «энг яхши» (ал-аслах) нарсаларни қилиш, дунёнинг тартибини ҳеч қачон бузилмас-

лик ҳамда барча учун баробар эканида намоён бўлиши таъкидланади. Деярли бир ярим а. мобайнида адолатсизлик, ўзгалар хоҳиш-И.сининг зўрлаб қабул қилдирилиши б-н боғлиқ хўрлик ва зулм азобларни бошдан кечирган халқимиз мустақилликка эришиб, ўз хоҳиш-И.си б-н яшаш, қонунлар қабул қилиш, ўз парламенти, ҳукумати ва президентини сайлаш бахтига муяссар бўлди. Босиқлик, камтаринлик, камсуқумлик, меҳнаткашлик, бағрикенглик каби халқимизга хос бўлган кўплаб эзгу фазилатлар кўпроқ И. кучи натижасида юзага келади. Элюртимиз бирон бир қарор қабул қилишдан олдин атрофлича ўйлаб, кўпчилик б-н маслаҳатлашиб, халқимиз таъбири б-н айтганда “етти ўлчаб, бир кесиб”, кейин аниқ хулосага келади. Бу эса ҳаётда енгил-елпи гапларга учмасдан, аниқ мақсадларни кўзлаб, қатъият б-н яшашга асос бўлади. Инсон И.сининг юксак маън-й кўриниши мардлик ҳисобланади. Мард киши бошқаларни алдамайди. Унда орият ва гурур кучли бўлади. Чунончи, маърифатпарвар аждодимиз Абдурауф Фитрат “Оила” рисоласида И. масаласига алоҳида тўхталиб, ота-оналарни фарзандини И.ли қилиб тарбиялашга даъват этади. У И. тарбиясининг тўрт банддан иборат босқичини таклиф этади. Болани И.ли қилиб тарбиялашда ота-онанинг назорати ва чеклови эмас, балки болага бериладиган муайян эркинлик муҳим эканини таъкидлайди. Маъ-ят, унинг узвий қисми бўлган И. инсон қалбида камол топиши учун киши қалбан ва виждонан, ақл ва қўл б-н меҳнат қилиши керак. Чунки меҳнат — энг буюк тарбиячи. У И.ни мустаҳкамлайди. Халқимизнинг хотираси Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари фарзандлари И.си бақувват бўлгани учун ўз фаолият соҳаларида мислсиз ютуқларга эришганлар. И.ли одамда мақсад ва фаолият изчиллиги кузатилади. Олдинга қўйилган мақсадга эришишга бўлган ишонч И.нинг

муҳим кучи, бош мезонидир. Қатъий ишонч мақсад йўлидаги қийинчиликларни енгиш учун маън-й асос яратади. Ҳар бир жам-т тар-ёти, унинг илғор ғояларини амалга ошиши мазкур жам-т аъзоларининг И.сига боғлиқ. Ш. у. ҳам халқ ва миллат И.сини шакллантиришга, И. тарбиясига ажодларимиз азалдан катта эътибор қаратган. И.ли бўлиш эътиқодли бўлиш б-н чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳаётда маълум бир қараш ва таълимотлар, эътиқодларнинг ғоявий асосини яратиш беради. Эътиқоднинг заиф ёки мустақкамлиги, умуминсоний ва миллий манфаатларга мос келиши ёки келмаслиги ҳам И.нинг мустақкам бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, даҳо зотлар, умуман ўзини шахс сифатида намоён эта олган барча инсонлар кучли И. эгаси бўлган. Улар ўзида хатти-ҳаракатини онгли равишда тартибга солиш ва кўзланган мақсади йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш лаёқатини шакллантирган. Негаки, бу ҳаётда мен шуни хоҳлайман, деган б-н иш битмайди. И.ли одам шу ишни бажаришим шарт, деб ўз олдига қатъий вазифа қўяди ва уни амалга ошириш учун дадиллик б-н киришади. Ҳоз. кунда одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустақкамлаш, И.сини бақувват қилиб тарбиялаш устувор вазифа ҳисобланади. Бунинг учун эса уларда ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш каби фазилатларини қарор топтириш лозим. Улар кучли И. эгаси бўлиши лозим. Шундагина уларни ҳеч қандай зарарли оқимлар, вайронкор кучлар йўлдан ура олмайди. Шу маънода, И. баркамол авлод ва комил инсоннинг шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.

ИРОДА БАҚУВВАТЛИГИ – инсон иродасига хос маън-й хус-ятлардан бири: 1) муайян мақсадни юзага чиқариш учун кишида бўлган матонат ва қатъият; 2) инсоннинг маълум мақсад йўлидаги ўз хатти-ҳаракатини, ихтиёр ва хоҳишини онгли равишда йўналтириб туриши, шу

йўлдаги қатъияти, мавжуд тўсиқларни енга олишга қодир бўлган руҳий-маън-й салоҳиятини ифода этадиган т. Инсон ички дунёси ва И.б. унинг маъ-ятлилигидан дарак беради. Мас., халқимиз ўз бошидан кечирган мустамлақа даврини кўз олдимизга келтирайлик. Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму мад-ти, обод шаҳар ва қишлоқлари б-н дунёни ҳайратда қолдирган юртимиз ва халқимиз қандай оғир қийинчиликларга дучор бўлганини яхши биламиз. Бироқ ана шундай даҳшатли даврларда ҳам, зулм ва истибодга қарамасдан, халқимиздаги И.б. боис ўзлигини йўқотмади. Тили ва имон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси б-н яшаган ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди. Шу тариқа, эл-юртимизнинг а.лар синовидан янада кучайиб, тобланиб борган мустақкам иродаси нафақат қадимий маъ-ятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга замин бўлди. Япон ва корейс халқлари а.лар давомида шаклланиб, катта бунёдкор кучга айланган ўзига хос миллий маъ-яти орқали ривожлангани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, «япон мўъжизаси» ёки «корейс мўъжизаси» ҳақида гап кетганда, мутахассислар биринчи галда «япон характери», «корейс табиати» деган ибораларни тилга олади. Табиийки, улар бу ўринда, аввало мазкур халқларга мансуб маън-й фазилатларни назарда тутаяди. Яъни, бу халқларнинг ички дунёси, иродаси маъ-ят негизидан янада тобланган, камолга етган. Глобаллашув жараёнининг ўзига хос хус-ятларидан бири шундан иборатки, ҳоз. шароитда у мафкуравий таъсир кўрсатишнинг ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам яхши англайди. Мана шундай вазиятда инсон ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган миллий қадриятларга, соғлом негизда

шаклланган дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўлмаса, турли маън-й таҳдидларга, уларнинг хилма-хил кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Инсон ўз ҳаёти давомида турли муаммоларга, ҳатто кескин вазиятларга дуч келади. Бунда, биринчи навбатда, ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маън-й олами бақувват бўлган инсонгина қийин ҳолатдан чиқиб кета олади. Маън-й бойлик ана шундай пайтда кишига куч ва мадад беради. Шу маънода, инсоннинг маъ-яти юксалиши б-н унинг иродаси ҳам мустақкамланиб, товланиб боради дейиш мумкин. И.б. боис инсон ўзига ишонади, ҳар қандай мураккаб вазифани зиммасига олишдан қўрқмайди. Ш.у. ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай инсонлар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушса, лоқайд қараб туролмайди. Лекин бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган кишилардан қўрқиш керак. Чунки уларда на имон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегонадек қарайди. Машҳур файласуфлардан бири бу ҳақда шундай дейди: «Душманлардан қўрқма, нари борса, сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма, улар нари борса, хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ, улар сени ўлдирмайди, сотмайди ҳам. Лекин уларнинг лоқайдлиги туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади». Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан олинган бу фикрларидан келиб чиқадиган хулоса ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай ҳақиқатларни ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли, иродали қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги бурчимиздир.

ИРОДА ЭРКИНЛИГИ – ҳар бир шахснинг индивидуал эрки, иродавий майли, хоҳиш-истаги ва улар орқали

намоён бўладиган эркин фаолиятини ифода этадиган т. Бу т. фал-й категория сифатида умумий маънода инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини ўз дунёқарашига кўра, мустақил белгилаб олиши, ўз қарорига асосан иш юритишини билдиради. Инсон бирор ишга азму қарор этар экан, яхшилик ва ёмонлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик ўртасидан ўзига йўл танлайди. Бу танлов кишининг ўзига боғлиқ бўлгани учун инсон ахлоқий масъулиятга эгадир, шунга кўра унинг фаолияти қораланади ёки олқишланади. Этика тарихида И.э. муаммоси кўпинча идеалистик талқин этилган. Антик давр мутафаккирларидан бири, Эпикур яхшилик ва ёмонлик фақат инсон ақлидагина мавжуд. ш. у. бизни танлаш эркинлигидан маҳрум қила оладиган куч йўқ, деган хулосага келган. И.э. муаммосига тарихда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, мутафаккирлар бу муаммони нотўғри ҳал этишдаги кескин қарашлар волюнтаризм ёки фатализмга олиб келиши мумкин деб ҳисоблаганлар. Инсоннинг ўзи танлаб олган мақсад асосида амалга оширадиган фаолияти охир-оқибатда табиат ва жам-тнинг рив-ш қонуниятларини, яъни объектив заруратни ифодалайди. Ушбу заруратга кўра, инсонга фақат ташқи ҳодиса деб қарамаслик лозим, чунки фақат инсон фаолияти табиат ва жам-т қонуниятларига асосланади. Ўз навбатида инсон ҳам атроф муҳитга таъсир ўтказиш, уни ўзгартиришга ва шу тариқа эркин бўлиш ва танлаш имкониятига эришади. И.э. давлат ва жам-т қурилишида, сиёсий жараёнларда баркамол авлод тарбиясида, айниқса, фуқароларнинг бурч ва масъулиятини чуқур ҳис қилишида муҳим аҳамият касб этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маърифатли, маъ-ятли кишилар ўз фаолиятида эркин бўлиб, олдига қўйган мақсадга эриша олади. И.э.га эга бўлган шахс ҳар қандай вазиятда эҳтиросларини жиловлайди, собитқадамлик ва қатъият кўрсатиб ақл ва идрокка, қонунга, виждон амрига таянган ҳолда иш кўради. И.э. ҳамиша шахс маъ-яти ва тафаккур тарзининг узвий қисми сифатида намоён бўлади. Шарқда

диний илм. хус-н, калом фал.си ривожланган даврда И.э. мутафаккирлар — Имом Мотуридий ҳамда Имом Ашъарий томонидан қайта таснифлаб ўрганилган ва кўпчилик томонидан маъқулланган. Бу зотлар И.э. борасида турли бузғунчи ғоя ва қарашларга қаттиқ зарба бериб, дин ва унинг ақидавий масалаларини тўғри ҳал этиш йўлларини асослаганлар. Бугунги глобаллашув ва модернизация даврида давлатлараро, қитъалараро ахборот кўламининг мисли кўрилмаган даражада кенгайиши инсоният олдига ҳаёт ва мамот, яшаш учун кураш ва танлов масаласини қўймоқда. Интеллектуал а. ҳисобланган XXI а. мавжуд муаммоларни баргараф этишда барча халқлар, миллат ва шахсларнинг И.э. кучига таянган ҳолда башариятнинг умумий тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб яшашни тақозо этмоқда. Жум-н, бизнинг мам-тимизда ҳам кўзланган эзгу мақсадларга эришишда И. э. тамойили беқиёс аҳамият касб этади. Юртимиз фуқароларининг И.э. дахлсиз бўлиб, қонун муҳофазаси остидадир.

ИРОДАСИЗ(ЛИК) — кишининг ўзини ўзи идора қила билмаслиги, ўз хуққи ва фаолиятини тартибга сола олмаслиги ва ўзини ўзи бошқариш, зарур пайтда ўзини тутишга, жасорат, мардлик, матонат кўрсатишга қурби етмаслиги б-н боғлиқ ҳолатларини ифода этадиган т. Иродасиз инсон озгина муваффақиятсизлик ёки тўсиқдан кўрқиб мақсадидан воз кечади, олдинга юриш ўрнига орқага тисарилади. Вазиятга қараб ўзгараверади. Ўзига, ўзининг куч-имкониятларига ишонмайди. Ш. у. ҳам вазият мураккаблашиши б-н ўзига ҳам, бларга ҳам хиёнат қилади. Лекин вазият ижобий томонга ўзгара бошлаши б-н уят ва ҳамиятни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, яна майдонга чиқмоқчи, ўзини фидойи қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Ш. у. ҳам бундай одамлар жуда хавфлидир. Чунки уларнинг дўст ёки душманлигини тезда билиб бўлмайди. Улар ҳар қандай қабиҳликлар — сотқинлик, фирибгарлик, тухмат ва бўҳтондан ҳам қайтмайди. Халқимиз бун-

дай одамларни “Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юради”, деб таърифлайди. Дарҳақиқат И. одам ҳеч қачон масъулиятни зиммасига олмайди, ташаббус кўрсатмайди, берсанг ейман, урсанг ўламан. деган ақида асосида яшайди. Иродасиз инсоннинг хатти-ҳаракати, хулқи унинг ўзидан кўра бларга кўпроқ зарар келтиради. И. кишида тушқунлик кайфияти устун бўлади. У дунёга ва ҳаётга умидсизлик б-н қарайди, барчанинг фақат салбий, ёмон тарафини кўради. Ўзидаги камчилик ва муваффақиятсизликларнинг сабабчиси ўзгалар деб билади. Замонавий психология фанида И. ҳодисаси кенг ўрганилган. Жумладан, унинг бир тармоғи бўлган патопсихологияда ироданинг ҳар хил даражадаги сусайиш ҳолатлари кузатилади. Мас.. абулия — иродага хос ҳар қандай ҳаракатнинг тўхташи ва барча хоҳиш-истакларнинг йўқолиши б-н боғлиқ ҳолда кечадиган касаллик ҳисобланади. Бунда инсон фақат стереотипга айланган бир хилдаги ҳаракатларни амалга оширади. Пировард натижада, у энг оддий физиологик эҳтиёжларни амалга оширишга қаратилган ишларни ҳам бажара олмай қолади. Гипербулия — иродавий хатти-ҳаракатларнинг камроқ даражада сусайиши бўлиб, унда фаолиятнинг гўё кучайиб кетгандек бўлиб туюлиши кўзга ташланади. Гипербулия ҳаддан ташқари кайфичоғлиқ ҳолати бўлиб, маниакал ҳолатга тушган беморлардагина кузатилади. Буюк аждодларимиз мустақил ирода соҳиблари бўлгани учун И.ни қаттиқ қоралаганлар. Хус-н, улуг мутафаккир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур бундай деб ёзади: «Кўнгли тилаган муродига етса киши, Ё барча муродларни тарк этса киши. Бу икки иш насиб ўлмаса оламда, бошин олиб бир сорига кетса киши». И.га чек қўйиш учун инсонларни ёшлигидан тарбиялаш талаб қилинади. И.га чек қўйишда оиладаги, атрофдаги, жам-тдаги муҳит ва инсонларга бўлган мун-т муҳим ўрин тутаети, чунки атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган мун-тларини кўрган бола шунга қараб шаклланиб боради. Улар аввал катталарга тақлид қилади, сўнг секин-аста

қилаётган ишларининг моҳиятини англайди. Ёшлар иродасини тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маъ-яти, билими, тарбия кўргани муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, спорт, ҳарбий машқлар б-н шуғулланиш, ибратли бадий китоблар ўқиш, кино ва санъат асарларини томоша қилиш, ҳалол меҳнат иродани тоблайти, инсонни маънан чиниқтиради.

ИРРАЦИОНАЛИЗМ (лот. *irrationalis* — онгсиз, ақлга асосланмаган) — XIX а.нинг биринчи ярмида Европадаги тар-ёт фаннинг турли соҳаларида эришилган ютуқ ва кашфиётлар натижаси бўлиб, бу жараён ўз навбатида фал-й тафаккурдаги ноанъанавий ёндашувларнинг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатган. Шундай ёндашувлар асосида фал-й муаммолар доираси кенгайиб, турли оқим ва йўналишлар пайдо бўлишига олиб келган. Ш-дек, бу даврда ижт-й-сиёсий ҳаётда кечган мураккаб жараёнлар таъсирида маърифатпарварлик ғоялари ва қарашлар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётнинг мазмуни, кўрқув, масъулият, яшашдан мақсад, демократия, плюрализм каби масалаларга ўрнини бўшатиб бера бошлайди. Файласуфларнинг баъзилари бундай ўзгаришларни таҳлил қилар экан, анъанавий фал-й ёндашувлардан четга чиқиш кераклигини ва асосий эътиборни инсоннинг иррационал моҳиятига қаратиш лозимлигини исботлаш ва асослашга ҳаркат қилган. Чунки анъанавий фал-й ёндашувларда ақл инсон моҳиятини белгилаб берувчи асос сифатида эътироф этилган бўлса, ноанъанавий ёндашувларда ақл эмас, балки инсоннинг мавжудлиги, иродаси, руҳияти, онгсизлиги унинг моҳиятини билишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай қарашларни ўз ичига олган фал-й йўналиш эса И. номи б-н ривожлантирилди. И. йўналиши ўз навбатида волонтаризм (А. Шопенгауэр) ва экзистенциализм диалектикасида (С. Кьеркегор) ўз ифодасини топди. XX а.даги И.нинг ривож эса фал.даги янги йўналишларнинг шаклланишига олиб келди. Улар жумласига фал-й антропология (М

Шеллер, К. Юнг), феноменология (Э. Гуссерль), руҳий таҳлил (З. Фрейд, К. Юнг), структурализм ва постструктурализм (К. Леви Стросс, Ф. Лаунсбери, Ж. Мердок, М. Фуко, Л. Альтюссер, Ж. Деррида, У. Эко), экзистенциализм (М. Хайдеггер, А. Камю, Ж. Сартр, К. Ясперс, Г. Марсель, Н. Бердяев) каби оқимларни киритиш мумкин. И. ғоялари XX а.нинг бошларидан мафкуравий қарашларга ҳам таъсир кўрсатиб, либерализм таълимотида ҳам маълум даражада намоён бўлган. Лекин И.нинг мафкуравий асослари бир томонлама ёндашув ва қарашлардан иборат бўлган ортодоксал ғоялар мажмуи сифатида неорационализм вакиллари томонидан кескин танқид қилинган. Чунки И. жам-т тар-ётига оид дастурларнинг фан, техника, технология б-н боғлиқ жиҳатларини танқид қилиши истиқболдаги стратегик мафкуравий ислохотларни белгилаб олишда турли муаммоларни юзага келтириши мумкин. Фан, техника, технологиянинг ўрнини тўғри баҳоламаслик, инсонларнинг жам-тдан беғоналашуви, келажак тўғрисида қайғурмаслик, ақлнинг одамзод ҳаётидаги ўрнини камситиш, ҳиссиётга берилиш ва б. шулар сирасидандир. И. билишнинг ноақлий (ёки ақлдан қўйи ёки юқори) босқичлари ҳам мавжудлигини тан олади ва шу босқичлар мазмунининг таҳлилига алоҳида эътибор беради. И. инсон руҳий фаолиятининг рационаллик доирасидан ташқарига чиқувчи хилма-хил жиҳатларини биринчи ўринга сурадиган турли хилдаги фал-й тизим ва йўналишларни бирлаштиради. Мас., иродани (волонтаризм), интуицияни (интуизм), онгсизликни (психоанализ) ва ҳ.к. Барча динларнинг мистик йўналишлари И. (норационал) табиатга эга: ислом динида бу тасаввуф бўлса, Ҳиндистонда шакланган динларда йога, Хитойда эса дзен-буддизмдир. Диний ақида ва унинг расмий жиҳатлари (шакллари) эса рационал табиатга эга. Шу маънода, И. ўз табиатига кўра жуда қадирийдир. Фақат XVII—XVIII а.ларга келиб унинг рационалистик жиҳатлари етакчи ўринга чиқиб, XIX а. охирига қадар

хукмронлик қилиб келди. Ҳоз. давр фани рационалликка асосланган. Билишнинг рационалликдан (интеллектуалликдан) бошқа юқори шакллари мавжудлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар энг қад. ман-балардан бири бўлган ҳинд фал-й меросида батафсил баён этилган. Унда энг олий ҳақиқатга ривож топган ақл ёрдамида ҳам эришиб бўлмаслиги, унга эришиш учун олий реалликка сингиб, у б-н уйғунлашиб кетиш кераклиги каби ғоялар олға сурилган. Бундай сингиб кетиш натижасида инсон онги ёришади, дейилади. Тасаввуфда буни “ишроқ”, яъни Ҳаққа (Аллоҳ висолига) етишиш дейилади. XX а.нинг йирик мистик ҳинд фай.и А.Г-хош ақл инсон табиатини тубдан ўзгартира олмайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ақл турли тизим ва таълимотларни яратишдан нарига ўта олмайди, чунки, бу тизимларда ифода этилган ғояларнинг ўзи тўлиқ эмас, нисбий ҳақиқатдир. Ҳаёт эса ҳеч қандай формула ва тизим доирасига сиғмайди, у инсон интеллектининг иродасига бўйсунмайдиган мураккаб ва чексиз яширин имкониятларга тўлиқ. А.Гхош онг эволюциясининг ақлдан юқори ва ақлдан қуйи кўп поғоналари мавжудлигини ва ҳоз. давр Европа иррационалистик фал-й оқимлари, хус-н, психоанализ онгнинг ақлдан б. шаклларини ўрганиш учун эндигина илк қадамлар қўяётганини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, инсон билиши мумкин бўлган ҳақиқатнинг “қора ярим сферик қисми” ҳам бор. Психоанализ “онгсизлик соҳаси” деб ўрнаётган, одамнинг жинсий қувватларини ифода этадиган, бу соҳадан бошқа ақлдан юқори (супраментал) онг соҳаси мавжудлиги ҳамда унинг ўзи ҳам турли даражаларга бўлиниши ғоясини илгари суради.

ИРФОН (араб. билиш, англаш) — билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш, тушуниш ва билим маъноларида қўлланади. Бу сўзнинг муодили юнонча бўлиб, сирли ва ғайбли деган маъноларни англатади. И. сўзи умумий маънода,

юзак илмга қарши ўлароқ, бир нарса-ни аниқ ва ҳар томонлама билиб олишни ифода этади. Мас., “фалон киши ориф шоирдир” деганда, таърифланаётган одам юзаки билимларга қаноат қилмай, тасаввуф, адабиёт, шеър ва бошқа фанларга оид кўплаб масалаларни пухта ўргангани англашилади. И. илоҳий илмлардан бири сифатида Ҳақнинг зоти, унинг исмлари ва сифатларини ишроқ (кўнгил ёруғлиги) орқали билиб олишга қаратилган илм ҳисобланади. Бошқача айтганда, аҳдуллоҳ (худони қидирувчилар) Ҳақни таниб олиш учун танлаган йўл И. деб аталади. Табарий И.ни қуйидагича таърифлайди: И. инсон ўз нафсини поклаш, риёзат чекиш, сиғиниш, зикр қилиш, хилватда ўтириш ва жазавога берилиш орқали сайру сулук босқичларидан ўтиб, Худо ва табиат ортидаги кучлар б-н алоқа ўрнатиш ва шу йўсинда унинг қалби илҳом ва ишроқ манбаига айлангандан кейин қатъий ва шубҳасиз ҳақиқатга эришишидан иборатдир. Айрим олимларнинг фикрига кўра, тасаввуф И.нинг бир бўлаги, унинг кўринишларидан бири, яъни тасаввуфдан илова бўлиб, бошқача йўл-йўриқ ва мазҳабларни ҳам қамраб олади. Унга биноан бир киши сўфий бўлиб ориф бўлмаслиги ҳам мумкин ёки бир киши юзаки суръатда тасаввуф тариқатида туриб, И.дан ҳеч қандай баҳра олмаслиги мумкин. Баъзан эса ориф сўзи дарвеш ва сўфийга нисбатан юксакроқ маънода ҳам ишлатилган. Баъзилар И.ни тасаввуфнинг илмий ва зеҳний томони, тасаввуфни эса, И.нинг амалий томони деб талқин этган. Сўфий ақидасининг асоси “бир” бўлиши керак: “бир” дейиш, “бир”ни қидириш ва кузатиш асосида, ягона ва мутлақ зотдан бошқа бирон нарса борасида ўйла-маслиги зарур. Тасаввуф ва И. қоидаларига биноан, сўфий, ҳақиқий ориф ва ҳақиқий инсон ўрнида туриши лозим. Инсонларни севиш, уларнинг хизматида бўлиш, айна ҳолда худонинг борлиги ва бирлигини унутмаслик, сўфийларнинг асосий ақидасидир.

ИРҚ (араб. илдиэ) — кишиларнинг ташқи қиёфаси, гавдаси, насли, келиб чиқишидаги ўхшашликларга қараб ажратилган гуруҳлар. Ер юзида яшаётган барча одамлар келиб чиқиши, тадрижий ривши, анатомик тузилиши ва физиологик имкониятлари жиҳатидан ягона биологик тур — ақлли одамга мансубдир. Лекин улар Ер юзида жойлашган минтақалари, иқлим шароитлари, жуғрофий омиллар, озик-овқат истеъмоли хус-ятларига кўра илм-фанда учта йирик И.га — негроид, европид ва монголоидга ажратилади. Бу гуруҳлар тана, кўзларнинг ранги, тузилиши, калла суяклари шакли ва бўлаklarининг узун-қисқалигига қараб ажратилади. Учта йирик И.нинг номлари улар тана рангларига қараб, негроидларни — қора танлилар, европидларни — оқ танлилар, монголоидларни эса сариқ танлилар деб аташ одат бўлиб қолган. Лекин мана шу табиий фарқларни важ қилиб, танасининг ранги бошқача бўлган кишиларни камситиш, жисмоний ва руҳий заифликда айблаш, ҳақоратлаш ирқчилик сифатида қораланади. Аслида И.лар ўртасидаги фарқ ҳар қайси халқнинг Аллоҳ томонидан яратилган бетакрор мўъжиза эканининг далилларидан бири бўлиб, уларнинг юксак тар-ёт даражасига кўтарилиш имкониятлари, инсоний қадри ва ҳақ-ҳуқуқлари бир хил эканини кўрсатади.

ИРҚЧИЛИК — одамлар ўртасидаги ижт-й тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларга мансублиги б-н оқлашни таргиб этадиган ғайриинсоний таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижт-й моҳиятини уларнинг биологик — ирқий белгилари б-н боғлаб, уларни олий ва қўйи, бекаму кўст ва норасо ирқларга ажратади. Унга кўра, олий ирқлар хўжайинлик қилиши, қолганлар эса уларга хизмат қилиши, бўйсунуши шарт. И. таълимоти б. халқларга нисбатан босқинчилик, талончилик, мустамлакачилик сиёсатини асослашга ҳаракат қилади. Фашистлар Германияси айнан мана шундай мафкурага таяниб “олий герман ирқи” ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида Иккинчи

жаҳон урушини бошлагани бунга яққол мисолдир. Ҳоз. ҳам реакцион мафкурага асосланган кайфиятдаги гуруҳлар, уларнинг назариётчилари И. ғояларини таргиб этиб, гўё “қолоқ” халқларнинг мустақил рив-шга руҳий тайёр эмаслиги ҳақидаги пуч даъволар б-н чиқмоқда. Бундай қарашлар халқларнинг озодлигини бўғиш, уларнинг устидан ҳукмронлик ўрнатишга бўлган интилиш натижасида юзага келган. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг империяча фикрлайдиган баъзи назариётчилар қарашларида ҳам И. кайфиятлари пайдо бўлганини кузатиш мумкин. Бундай қарашларнинг қанчалик асоссиз эканини ҳаёт кўрсатмоқда. Тарихий тар-ёт давомида турли ирқ вакилларининг аралашуви, ирқий белгиларнинг ўзгариши каби ҳолатлар ҳам юз бермоқда. Бу ерда барча ирқ вакилларининг мад-й тар-ётга бирдек қобилиятли бўлиб, бирор-бир миллат ёки элатни ирқий жиҳатдан камситиш ҳар томонлама ўринсиз эканини исботламоқда.

И. инсониятга қарши жиноятдир. ЎЗР Конституциясида барча ирқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқчилиги белгилаб қўйилган. Бу қоида жаҳон ҳамжам-тининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига жавоб беради.

ИСБОТ — далил, асос, бирон-бир даъвонинг чинлиги ёки ёлғонлигини асослаб бериш. И. таянадиган ҳукмлар И.нинг далиллари (асослари) деб аталади. Далиллар чин деб қабул қилинади, аммо уларнинг И.и тезисга таянмаслиги лозим, йўқса, И.да мужмаллик деб аталадиган хато келиб чиқади. Тезиснинг чинлигини аниқлаб берадиган И. оддийгина И. деб аталади. Тезиснинг ёлғонлигини аниқлаб берадиган И. эса раддия деб аталади. И. бир қатор хулосалардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бу хулосаларнинг асослари далиллар ёки улардан келиб чиқадиган қоидалар ёки қўшимча фаразлар ёрдамида амалга ошириладиган И.дир. Бу — сўнгги И. қўйидагича тузилади: фаразлар ёрдамида, айрим қоидалар И. этилади, сўнг, бу қоидаларнинг И.и махсус қоидалар ёрдамида ўзгартирилиб (фаразларсиз), дастлабки И.шак-

лига солинади. И.да хатолар бўлиши мумкин, бу хатолар тезисни сохталаштиришдан, асоссиз, ёхуд хато далилларни қабул қилишдан, И.нинг нотўғри усулидан келиб чиқади. Хатоси бўлган И. асоссиз ҳисобланади. Бироқ, И.нинг асоссизлиги ҳали тезис ёлғонлигининг И.и дегани эмас. Тезиснинг чинлигини ишончли далиллар б-н эмас, балки талқин ва эҳтимоллар б-н аниқлаб берадиган И.лар ҳам бўлиши мумкин. И. фаннинг тар-ёт даражасига ҳам боғлиқ. Маълумки, XIX а.нинг охиригача атом борлиқнинг энг кичик бўлинмас заррачаси экани И. қилиб келинган эди. Лекин илм-фаннинг кейинги тар-ёти бундай хулосани рад этди. Борлиқ каби атом ҳам чексиз майда заррачалардан иборат экани, атом ичидаги ҳар қандай майда заррача ҳам янада чексиз майда заррачаларга бўлиниши мумкинлиги И. қилинди. Ш.у. ҳам И. қилишда ўрганилаётган масаланинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб бориш талаб этилади.

ИСЛОМ (араб. бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) — дунёда энг кенг тарқалган динлардан бири. И. динига жаҳонда қарийб 1,5 миллиард киши эътиқод қилади. Муқаддас И. манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда айтилишича, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охириги илоҳий диндир. Қуръони каримга кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, И. батамом янги эътиқод эмас, балки Муҳаммад алайҳиссалом даврида қайта тикланган диндир. И. дининг келиб чиқиш, қайта тикланиш тарихи (генезиси)ни ўрганишда унинг ижт-й, иқт-й, диний ва мад-й ҳаётда муҳим роль ўйнаганини ҳисобга олиш керак. И. дини қайта тикланган VI а. охири ва VII а. бошида Арабистонни бирлаштириб, шу асосда халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган ягона марказлашган давлат тузиш тарихий заруратга айланган эди. Айни пайтда, Арабистон ярим оролидаги қаби-

лаларнинг этник ва мад-й жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёти, умумий тафаккури шаклланиб, диний қарашларида ўзгариш жараёнлари кечаётган эди. Бошқача айтганда, Арабистонда ўзига хос уйғониш даври бошланди. И. умматининг пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга 610 й., яъни 40 ёшида ваҳий келгани илоҳий манбаларда қайд этилган. Аммо бир неча нуфузли кишилар ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг яқин қариндошларини ҳисобга олмаганда, Макканинг кўпчилиги аҳолиси, айниқса, қурайш қабиласи зодагонлари дастлабки пайтларда исломий тарғиботларга очиқдан-очиқ қарши чиқади. Муҳаммад алайҳиссалом ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлади. Аввалига бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчади, сўнг Макка зодагонлари б-н маълум даврдан буён рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги Авс ва Ҳазраж қабилаларининг вакиллари 622 й. мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбар сифатида тан олишга рози бўлади. Мадина ва Макка ўртасида бошланган кураш 8 йил давом этади. 630 йили мусулмонлар Маккани эгаллайди. Макка аҳолиси ёппасига И. динини қабул қилади ва Муҳаммад (с.а.в.)ни Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этади. Ана шундан бошлаб Макка И. динининг марказига, қадимги Каъба ибодатхонаси эса мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланади. Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан сўнг Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб пайғамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қиладилар ва И. динини ёядилар. И.нинг асосий ақидаси — “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули”. И. дини 5 асос ёки устун (аркон ад-дин ал-исломий)га эга: 1) иймон келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақидани — Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охираат кунига, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг ирода-

си б-н бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишига ишонишни ўз ичига олади. И.да ўзига хос диний маросимлар мавжуд. Бундан ташқари, кўпгина ҳолларда маҳаллий халқларда И.гача бўлган урф-о.лар ҳам И. маросимларига уйғунлашиб кетган. Илк И.да динийлик ва дунёвийлик бир-биридан айри бўлмагани боис ғоявий баҳслар диний-сиёсий тус олади. Дастлаб суннийлик ва шиалик йўналишлари вужудга келади. Икки тараф (“сунна” ва “шиа”) ўртасидаги кураш асносида “хорижийлар” деб аталган учинчи йўналиш ҳам пайдо бўлади. Аммо И. тарихи узра “сунна” асосий йўналиш бўлиб келган. Ҳоз. кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлақ кўпчилигини (90 фоиздан ортигини) ташкил этади. И. тарихини илмий-фал-й англаш учун Арабистон ярим оролидаги VII а. бошларигача ҳукм сурган ижт-й-сиёсий, иқт-й ва маън-й ҳаёт тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлган маъқул. Арабистонда уч минг йил муқаддам бой ва мад-й давлатлар бўлган. Минай ва Сабай подшоликларида мил.ав. 800-йилларда Минай ва Сабай ёзувлари бўлгани ҳам ўша давр мад-й ҳаёти ривожланганидан далолатдир. Арабистон ярим оролининг шимоли-ғарбий қирғоғида, Фаластин чегарасида мил.ав. VI—V а.ларда Сурияни ҳам ўз ичига олган Набитай подшолиги бўлган. Мил. III а.ида эса Кимёр давлати шакллангани маълум. Жан. Арабистонда яшаган Лахм, Фассан, Кинда қабилалари шимолга кўчиб, янги цивилизацияга асос солиди ва улар тез ривожлана бошлади. Лахмидларнинг Эрон зардуштийлари б-н иттифоқи уларнинг насронийлик (христианликнинг бир йўналиши)ни қабул қилишларига монелик қилмайди. Фассонийлар эса Византия таъсирида монофизит христианлиги (христианликнинг яна бир йўналиши)ни қабул қилдилар. Марказий Арабистонда Кинда қабиласи ўз подшолигини ўрнатиб, бирлашишга ҳаракат қилади. 25 уругдан иборат ва анча тарқоқ, мурасасиз яшаётган қурайш қабилаларининг бир қисми Маккада бирлашиб, республикага ўхшаш давлат ташкил этишида Қусай алоҳида роль ўйнади. У V а. бошларида Макка шаҳри-

нинг маркази Доруннадвада Қурайш қабилалари оқсоқолларининг маслаҳат кенгашини ташкил этади. Ҳар гал уруш эълон қилинганда бу ерга қурайш қабиласининг байроғи тикилар эди. Мавсумий карвонлар Доруннадвадан йўлга тушар, қайтишда эса келтирилган молларини Қусайнинг ҳовлисига жойлаштиришар эди. Ўғил болалар балоғатга етгач, шу ерда хатна қилинар, қизлар улғайганда эса шу ерда махсус вакил унинг кўйлагини йиртиб қайтарар, шундан сўнг у бегона кўздан ўзини асрамоғи лозим эди. Қусай Маккада маълум тартиб-интизомга асосланган сиғиниш маросимларини тиклайди, ҳукуматнинг доимий қароргоҳи этиб Доруннадвани белгилади. Қурайшлар бойлигининг манбаи — Каъбага ибодатга келувчилар эди. Қусай уларни овқатлантириш, ҳарбий байроқни сақлаш, экспедицияга қўмондонлик қилиш вазифаларини бажарди. Ҳижратгача арабларда, айниқса, бадавийларда қонли қасос олиш одати кенг ёйилган эди. Қад. сомиёлардан қолган бу одат араб қабилалари бирлигининг асоси бўлган оилалар муқаддаслиги, шону шавкатини сақлаш анъанаси ҳисобланган. Шу тариқа И.гача бадавий (кўчманчи) арабларда уруғ руҳи ёки оила дини етакчи бўлган. Бадавийлар араб халқ оғзаки ва ёзма адабиётининг асосчилари эди. Ш. у. жанубий арабларнинг лаҳжа (диалект)лари йўқ бўлиб кетди, аммо шимол арабларининг лаҳжалари сақланиб, у Қуръон тили сифатида ҳамон яшаб келмоқда. VII а. бошигача кўчманчилар яшайдиган саҳроларда кўпхудолик сақланган бўлса, ўтроқ аҳоли яшайдиган жойлар ҳар томонлама ташқи таъсирга учраган эди. Макка шаҳрида бўладиган катта бозорларга савдо-сотиқ учун нафақат кўпхудоликка ишонувчилар, шу б-н бирга христиан ва яҳудий динларидаги яккахудога сиғинувчилар ҳам келишар эди. Бозор пайтларида 4 ой бадалида босқинчилик ва душманлик вақтинча тўхтатиларди. Бу ерга бадавийлар ҳам келишар, бозорларда қизгин шеърый тортишувлар, мусоҳабалар бўлиб, бунда одоб-ахлоқ, яшашдан мақсад-муддао, иймон-эътиқод масалаларига кенг ўрин

бериларди. Макка ва Тоиф бозорларидаги баҳс-мунозаралар Байтуллоҳга сифинининг аҳамияти б-н боғланиб кетарди. Баҳслашувчилар орасида албатта ҳанифлар (ҳақиқат изловчи тақводорлар) ҳам бўларди. Ислом дини шакллангунга қадар улар араблар орасида яккахудога сифинининг (вахдоният) афзаллигини тарғиб қилишарди. Уша пайтда араблар орасида кенг тарқалган ичкиликбозлик, қиморбозлик ва б. шу каби қусурлар ҳам ҳанифлар танқидига учрар эди. Ҳанифлик ғояси араб қабиаларини ягона динга бирлаштириш истагидан иборат бўлсада, аммо Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.)нинг диний ислоҳотига қадар улар муваффақият қозона олмади. Муҳаммад (с.а.в.)га Мусайлима таълимотининг таъсири кучли бўлганига исломшунослар эътиборни қаратади. Ҳанифлар ғоялари маълум даражада Куръони каримда ҳам ўз ифодасини топган. Савдогарчилик Макка қурайшийларининг асосий касби эди. Айни чоғда христиан ва яҳудий жамоалари ҳам савдо-сотик б-н жиддий шуғулланар эди. Христиан жамоаларига нисбатан яҳудий жамоалари анча уюшқоқ, бирлашган эди. Яҳудийлар Макка четида яшар, Ясрибда кўп маблаглари бўларди. Савдо-сотик, пул ва бойлик талвасаси арабларнинг ноаниқ хаёлий диний ишончига путур етказа олмади. Ҳошимнинг ўғли Абдулмуталлибдан Абдуллоҳ дунёга келади. И.нинг пайдо бўлиши, араблар орасида вахдониятга асосланган диннинг қарор топиши, араб қабиаларининг яккахудо – Аллоҳ ғояси атрофида бирлашиши Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад (с.а.в.) номи б-н чамбарчас боғлиқ. Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, VI а.нинг охири ва VII а.нинг бошларида, айниқса, Ҳижоз араблари яккахудоликка ўтишга маълум маънода руҳан тайёр эди. Бироқ, бир қадриятнинг қадрсизланиши, ҳали одамлар онгига тўлиқ сингмаган ғоянинг қадриятга айланиб, уларнинг қалбида ўрин олиши учун ҳаётини шундай эзгу ишга бағишлайдиган жасоратли ва ташкилотчи бир шахс керак эди. Муҳаммад алайҳиссалом (670–632) ана шундай шахс сифатида нафа-

қат араблар дунёсида, балки бутун мусулмон оламида янги цивилизацияга асос солдики, миннатдор башарият бу олижаноб, фидойи инсоннинг номини ҳар доим зўр ҳурмат ва эҳтиром б-н тилга олади. Ул зотнинг жасорати, инсониятни олий бир гоё атрофида бирлаштириб, чинакам маън-й гўзал, ахлоқий пок ҳаёт кечиршига қилган даъвати, мушрикларнинг таъқибларидан қўрқмай, буюк диний ислоҳотни амалга ошира олгани авлодлар учун улкан жасорат мактаби бўлиб қолади. Ота-онасидан жуда эрта жудо бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аввал бобоси Абдулмуталлиб, сўнг амакиси Абу Толибнинг қарамоғида тарбия кўради. 12 ёшида амакиси б-н Сурияга қилган сафари без қолмайди. 21 ёшга етганда бадавлат аёл Ҳадичанинг савдо карвонини бошқариб Дамашқ ва Ҳалаб шаҳарларида бўлади. Ҳалол-покдомон, халқ орасида Ал-амин (ишончли) лақабини олган Муҳаммад (с.а.в.) Ҳадичанинг эътиборини жалб этади. Шу б-н бирга 25 ёшли йигит Муҳаммад Ҳадичага нисбатан улуғ бир муҳаббат ҳисларини сезади ва 595 й.да қариндошларининг розилиги асосида 40 ёшли Ҳадичайи киборога уйланади. Ундан Қосим, Абдуллоҳ исмли ўғиллар, Зайнаб, Фуқайя, Умм-Кулсум ва Фотима исмли фарзандлар кўради. Кунлардан бирида Муҳаммад алайҳиссаломнинг қулоғига қандайдир овоз келади. Бундан қўрқиб кетади ва хотини Ҳадичани бу сирдан воқиф этади. Форга борганида овоз яна такрорланади. Ривоятларда айтилишича, Малоика Жаброил алайҳиссалом Аллоҳдан ваҳий келтиради. Бу эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ваҳданиятни тарғиб қилиш фаолиятининг бошланиши эди. 40 ёшидан бошлаб у Аллоҳдан келган ваҳийларни ўз қабиладошларига етказди. Биринчи бўлиб Биби Ҳадича, кейин амакиваччасининг ўғли Али, Зайд ибн Хориса И.га киради. Абу Бакр, Зубайр, Талха, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурахмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон каби Макка зодагонларининг И.га ўтиб, Аллоҳга иймон келтириши катта аҳамиятга молик бўлади. Бироқ, Маккадаги бошқа қабиладошлари исломий тарғиботларга тиш-

тирноғи б-н қарши чиқади. Муҳаммад (с.а.в.) даставвал мадиналикларни бирлаштириш чораларини излайди ва топади. Мадинадаги иккита асосий қабила – Авс ва Ҳазраж доимо ўзаро олишиб келар эди. Бундай зиддиятнинг давом этиши асло мумкин эмас эди. Муҳаммад (с.а.в.)нинг худди диний руҳи каби тиниқ бўлган сиёсий онги натижасида мусулмон жамоасининг низоми юзага келди. Унга кўра, ансор (мадиналиклар) ва муҳожир (маккаликлар) ягона бир жамоа (уммат) бўлиб, унга ўз эътиқодида қолган ҳолда яҳудий ва мушриклар ҳам кирар эди. Муҳаммад (с.а.в.) ислом умматининг ҳам диний, ҳам дунёвий раҳбари бўлади. Натижада қарама-қаршилик барҳам топиб, барча зиддиятли масалаларни ҳал этиш Аллоҳ ва унинг расули (элчиси) Муҳаммад (с.а.в.) ихтиёрига ўтди. Этник зиддиятларни ҳал этиш йўли топилгач, Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг ваҳийлари орқали янги диннинг расм-русумларини шакллантира бошлади. Аввало, Каъбага ҳаж қилиш, таҳорат олиш, намоз ўқиш, рўза тутиш расм-русумлари ишлаб чиқилади. Биринчи масжид қурилиб, унда мусулмонлар намозни Қуддуси шарифга қараб ўқий бошлайди. Орадан бир ярим йил ўтгач, мусулмонлар қибласи илоҳий ваҳий орқали Маккага ўзгартирилади. Ваҳдониятга ўтиш араб қабилалари ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва уларнинг Аллоҳ ва унинг қудратли ғояси атрофида бирлашиши, жам-тда маъ-ятни қарор топтириш, қудратли ислом давлатини барпо этиш мумкинлигини Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг тарафдорлари равшан тасаввур этсаларда, аммо араб жамоатчилигини бунга ишонтириш учун кенг ташвиқот-тарғибот ишларини йўлга қўйиш б-н бирга, айни чоғда моддий ва ҳарбий қудрат ҳам керак эди. Мадиналиклар ҳам мусулмончиликни аста-секин қабул этади. Маккаликлар учун куч ишлатмасдан бунга эришиш амримаҳол эди. 624 йилда Бадрада, 625 йилда Уҳуд тоғи этагида бўлган жанглар маккаликларни бўйсундириш у ёқда турсин, аксинча, уларнинг ғазабларини ошириб юборади. 626 йилда маккаликлар

мадиналикларга қарши катта куч б-н ҳарбий юриш бошлаб, Мадинани қамал қилади. Бироқ, маккаликлар ўз ниятларига эриша олмай, орқага қайтади. Шундан сўнг диний таълимотнинг обрўйи ошиб, бадавийлар ҳам исломга кира бошлайди. Макка мушриклари эса Муҳаммад (с.а.в.) бошлиқ мусулмонлар б-н тенглик асосида музокара олиб боришга мажбур бўладилар. Худайбия битимига кўра, маккаликлар мадиналикларнинг Каъба зиёратига келишларига тўсқинлик қилмасликка рози бўлади. Мадиналиклар эса Макка савдо қарвонларига ҳужум қилмайдиган бўлади. Тез орада Ҳижоздаги арабларнинг асосий қисми И.ни қабул қилиб, Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад (с.а.в.)га имон келтирадилар. 632 йил Муҳаммад (с.а.в.) оила аъзолари б-н бирга Каъбага биринчи марта ҳаж зиёратига келади ва бу ҳол Макканинг мусулмон оламининг диний маркази сифатидаги мавқеини узил-кесил мустаҳкамлайди. Муҳаммад (с.а.в.)нинг бу зиёрати ўзига хос хайрлашув маросимига ўхшайди. Тарихий манбаларда бу зиёрат “Ҳажжул вадое”, яъни видолашув ҳажи деб номланади. Ҳаждан қайтгач, орадан уч ой ўтиб Муҳаммад (с.а.в.) 632 йил 8 июнда вафот этади. Расуллуллоҳ (с.а.в.) қазо қилгач, Макка ва Мадина уламолари ижмоъ (келишув) йўли б-н мам-т бошлиғи – ҳалифа (Расуллуллоҳнинг ўринбосари)ни белгилаш тамойилига амал қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг яқин сафдоши, дўсти ва қайнотаси Абу Бакр (р.а.)га ҳокимиятни топширадилар. Ундан сўнг ҳазрати Умар (р.а.), ҳазрати Усмон (р.а.) ва ниҳоят пайғамбарнинг қариндоши, куёви Али (р.а.) дастлабки И. давлатини бошқарадилар. Тўрт чориёрнинг фақат биттаси – Абу Бакр (р.а.) ўз ажали б-н ўлди, қолганлари ўлдирилади. Муҳаммад (с.а.в.) даврида бошланган халқларни мусулмончиликка киритиш жараёни ҳалифалар даврида, кейинчалик уммавийлар, аббосийлар ҳукмронлиги замонида бошқа халқларга ҳам И.ни ёйиш шиорлари остида давом этади. Фарбдаги айрим илмий адабиётларда “И. экспансияси” деб нотўғри номланган И.лаштириш жараёнига

тўғри, ҳаққоний, илмий-фал-ий асосда холис баҳо бериш муҳим. Ҳақиқат шуки, ислом ғоялари у тарқалган мам-тлар халқларининг тарихий тажрибаси, турмуш тарзи, дунёни ҳис этишлари, қад. қадрият ва анъаналарига мос келгани туфайли тез қабул қилиниб, уларнинг олий қадриятига айланган. Мас., М. О. халқлари а.лар давомида асосан зардуштийлик динига сиғиниб келишган. Ибодатлари, расм-русум ва маросимларида И.га яқин жиҳатлар бор бўлган. Ш.у. бу ерда араб ҳукмронлигидан кейин ҳам И. равнақ топаверди. Бу шуни кўрсатадики, зўравонлик б-н бирон дин ёки олий ғояни маслакка айлантириш амримаҳол. Испанияни араблар босиб олгач, маҳаллий аҳолини ҳам ислом динига киритиш учун уринишлар бўлади. Аммо испан халқининг тарихий тажрибаси ва анъаналари кўп жиҳатдан бошқача бўлгани учун улар И.дан йироқлигича қолишди. Президент Ислон Каримов асарларида, жумладан, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...”, “Оллоҳ — қалбимизда, юрагимизда”, “Юксак маънавият — енгилмас куч” каби китобларида И. дини — миллий маъ-ятимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетгани, унинг бугунги замонавий тар-ётдаги ўрни ва аҳамияти атрофлича кўрсатиб берилган.

ИСЛОҲОТ (араб. тўғрилаш, ўзгартириш) — 1) мавжуд ижт-й тузум асосларига пугур етказмасдан ижт-й ҳаётнинг бирон-бир соҳасини ёки барча жабҳаларини замон талаблари асосида ўзгартириш, қайта қуриш; 2) илғор янгиликни жорий этиш. И. ижт-й мун-тларни такомиллаштириш, етилган ижт-й-сиёсий, иқт-й муаммоларни ҳал этиш воситасидир.

ИСРОФГАРЧИЛИК (араб. сарф қилиш) — ўринсиз ёки ортиқча сарф-харажат қилиш, нобудгарчиликка йўл қўйишни ифода этадиган т. И. моддий ва маън-й кўринишда бўлиши мумкин. Моддий И., яъни беҳудага пул сарфлаш, бефойда ишга вақт сарфлаш ёки маън-й И. — илмнинг қадрини билмайдиган кишига ўргатиш — соғлом фикр юритувчи одамнинг иши эмас. Исроф қилувчи одам ҳар

қанча бой бўлмасин, охир-оқибат қашшоққа айланади. И. ҳақида сўз кетганда, ҳамиша унинг зидди бўлган тежамкорлик борасида сўз юритилади. Ҳар қандай мам-тда миллий бойлигини беҳуда сарф бўлишига йўл қўймаслик жуда муҳим ҳаётий масаладир. Халқ оғзаки ижодида бу хусусда шундай ҳикматлар бор: “Озни бежа, кўпни тежа”, “Йиғсанг — етасан, совурсанг — кетасан”, “Тежовлиқ иш — бежовлиқ иш”, “Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар”. Машҳур Шарқ алломаси Муҳаммад Зехний “Ўйлаб ҳозирланган оз нарса исроф бўладиган кўп нарсадан афзал” деган. Ҳазрат Алишер Навоий эса “Исроф сахо эмас ва илтифотни маъно аҳли саховат демас”, яъни, исроф қилиш — сахийликдан эмас, ақлли, доно одамлар ноўрин сарф-харажатни саховат демас, деганлар. Яна бир маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний эса иқтисод, тежамкорлик борасида сўз юритиб, унинг акси сифатида исрофни таърифлайди. “Иқтисод деб, пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдур. Аллоҳ таоло исроф қилгувчиларни суймас”.

ИСТЕЪДОД (араб. ҳозирламоқ, тайёрламоқ) — қобилиятнинг юқори даражада ривожланганини ифода этадиган маън-й фазилат. И., одатда, барча қобилиятларнинг эмас, бир ёки бир неча қобилиятнинг юқори даражада ривожланганини англатади. И.нинг борлиги ёки йўқлиги тўғрисида инсон фаолиятининг натижаларига қараб хулоса чиқарилади. И.ли кишиларнинг фаолияти ўзининг мутлақо янгича ёндашуви, оригиналлиги ва самардорлиги б-н ажралиб туради. И. доимо ижод б-н ошно бўлади ва муайян ижт-й эҳтиёжларни ўзида акс эттиради. И.ли одамлар нафақат адабиёт, санъат, балки илм-фан ва б. соҳаларда ҳам ижодий қобилиятини намойиш этади. Мас., косиб, деҳқон, темирчи ёки кўнчи И.ли шахс бўлса, ўз касбига ижодий

ёндашади ва юқори самарага эришади. И. меҳнат ва тиришқоқлик б-н эгизак ҳодиса. Тугма қобилиятли шахс янгиликларни эгаллашга киришмаса, кўп меҳнат қилмаса, ўз И. куртакларини рўёбга чиқара олмайди. И. ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Чунончи, И.: илмий, бадий, техник ижодкорликда, спорт ва касб-кор маҳоратида яққол кўринади. Ш-дек, И. инсон амалий фаолиятининг барча соҳаларида ўзига хос тарзда акс этади. И. ҳар бир соҳа мутахассисида ўзига хос тарзда ривожланган ёки ривожлантирилмаган ҳолатда ҳам акс этиши мумкин. Ш.у. ҳам инсон ўз ҳаётий фаолияти давомида билим ва тажрибасини янада ривожлантириши лозим. И.ли шахсни тарбиялашнинг иқт-й, сиёсий, маън-й омиллари бўлиб, жам-тда бундай кишилар учун шарт-шароит яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида бу ҳақда қуйидагилар алоҳида таъкидланган: “Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, муҳтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қондасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз. Бугунги кунда ўз ҳаётини ана шундай масъулиятли соҳага бағишлаган кўплаб истеъдод соҳиблари юртимизда янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, ҳоз. вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бу аҳволни тубдан ўзгартириш учун юксак бадий маҳорат билан бир қаторда, миллий тафаккур салоҳиятига эга бўлган

истеъдодли ёшларни тарбиялаш ва уларни кўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим”(121–122-бетлар).

ИСТИБДОД — босиб олинган халқ ёки юртни турли йўл ва воситалар б-н тутқунликда сақлаб қолишга қаратилган хатти-ҳаракат ҳамда фаолиятлар тизимини англатадиган т. И. бирон-бир давлат, ўзининг иқт-й, сиёсий, мад-й, геостратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, б. халқ ёки давлатни босиб олишга интилган, босиб олгач, унинг мад-ти, тили, урф-о.ларини йўқ қилишга, барча соҳаларда ўз ҳаётий стандартларини, қарашларини зўрлик б-н жорий этишга ҳаракат қилган тақдирда юзага келади. И. мафкураси босқинчи кучларнинг тафаккур тарзи ва амалиётининг тўғри эканини ҳар томонлама асослашга, тушунтиришга, адолатли деб баҳолашга, кенг халқ оммаси онгига сингдиришга қаратилган бўлади. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, И. ирқчилик, фашизм, шовинизм каби кўринишларда намоён бўлганини кўрамиз. Улар айрим жиҳатларига кўра, бир-биридан фарқ қилса-да, моҳиятан бир хил — босқинчилик, зулм ва зўравонликдан иборат. Афсуски, инсонийликка хилоф бўлган, башариятнинг келажигига, унинг ҳамжиҳат яшашига хавф соладиган бундай мафкура шакллари дунёнинг турли бурчакларида ҳозир ҳам мудҳиш қиёфасини намоён қилмоқда.

“ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ” — Президент Ислом Каримовнинг 1991–1994 йилларда эълон қилинган маъруза ва нутқлари жамланган китоб (Т., «Ўзбекистон», 1994 й.). Бу тўпламда маъ-ятнинг миллат, халқ ва инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Маъ-ят — ўзига хос тар-ёт йўлидан бораётган мам-тимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани илмий-наз-й жиҳатдан асослаб берилган. Маърифат ва маъ-ятнинг рив-ш негизлари, қудрати ва аҳамияти, маън-й камолот йўллари асосли фикрлар б-н кўрсатилган. Ш-дек, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар

ва тадбирлар ҳам белгилаб берилган. Китобда таъкидлангани каби, мам-т ижт-й-икт-й ҳаётини яхшилаш борасида олиб борилаётган ислохотлар б-н биргаликда халқимизда, айниқса, ёшларда миллий гурур туйғусини, Ватанга муҳаббат ҳиссини камол топтириш ва уларда мафкураравий иммунитетни қарор топтириш ҳоз. кунда муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни чуқур таҳлил қилар экан, жам-т ҳаётини янгилашда демократия бош стратегик мақсад экани, иқт-й мун-тларни демократлаштириш ва бозор ислохотларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг амалий жиҳатлари, маън-й юксакликни таъминлашнинг устувор йўналишлари, миллий хавфсизликни таъминлашнинг янги, кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш ва давлатимизни келажақда барқарор тараққий эттиришга қаратилган аниқ наз-й ғоя ва амалий таклифларни илгари сурди. Бу жараёнда жам-тнинг бошқа соҳалари қатори маъ-ят масаласи ҳам алоҳида эътиборга молик эканини таъкидлаб, **«Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Буни ўзи бўларчиликка ташлаб қўйиб бўлмайди»**, деб уқтиради. Маълумки, маъ-ят жам-тдаги ижт-й-икт-й жараёнларни тўғри йўналтирувчи, уларни янада ривожлантирувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Агар иқт-й ислохотлар маъ-ят б-н ўзаро уйғун ҳолда ривожлантирилмаса, кутилган натижани бермайди. Ш.у. ҳам китобда **«Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишни истаймиз»**, деб таъкидланади.

ИТОАТ(КОРЛИК) (араб. бўйсунуш) – итоатгүй сўзининг белги оти. Итоатгүй (И.) – бировга бўйсунувчи, итоат қилувчи, итоатли. Итоатгүй киши бир тарафдан иродаси суст, ҳар қандай шароитда ҳам сўзсиз бўйсунувчи, тобе одамни билдирадиган маъноли сўз одам сифатида изоҳланса, бошқа тарафдан ўз имкониятлари ўта чекланган бўлганидан бошқалар раҳбарлигидагина бирор ишни қилиш-

га қодир, тўғри, софдил шахсни ҳам назарда тутати. Бу маъноларни нисбат беришда инсоннинг тугма табиати ва феъли, ёшлиқда олган тарбияси ҳисобга олинади. Бундай одамларда шижоат, журъат туйғулари суст бўлади, улар хато қилиб қўйишдан қўрқади, масъулиятли ишларни бажариш ҳам улар учун қийин кечади. Улар ижрочиликни яхши кўради, шу боис, улар учун буйруқни бажариш буйруқ беришдан кўра афзал ва осонроқ. Ҳар қандай жам-тда И.нинг қонуний меъёрлари мавжуд. Ҳар қандай муассаса, ташкилот, корхона, жам-т ва жамоаларда умумий қонунчилик ёки ички низом асосида белгиланган И. мезонлари бор. Қонун, низом, тузуқларда ёзилган ёки одат бўйича шакланган бўлиб, бундай мезонларга риоя қилиниши шарт. Лекин бошлиқ қонунга хилоф тарзда талаб қўядиган бўлса, унга И. қилиш нотўғри бўлади. Баъзида бундай И. жиноий ишларга ҳам олиб келиши мумкин. Мас., бошлиқ корхона мулки бўлган бирон-бир ашё ёки дастгоҳни ёки пул сифатидаги маблағни ноқонуний тарзда ўзлаштиришни буюрса ва ишчи-ходим бу буйруқни И. б-н бажарса, улар билиб-билмай жиноятга шерик бўлиб қолади. Қонун бўйича И. қилиш умумий И.ни таъминлашда муҳим бўлиб, ишни тўғри бошқариш ва белгиланган мақсадга эришишда зурур омилдир. Мас., муҳандислар гуруҳи бирон-бир иншоот лойиҳасини тайёрлаш б-н машғул бўлса, турли мутахассислар бош лойиҳачи раҳбарлигида иш олиб боради. Агар гуруҳ аъзолари раҳбарнинг кўрсатмасига И. қилмаса, лойиҳа амалга ошмай қолиши мумкин. Ёки оиладаги мун-тларда И. ва И.сизлик фарзандлар тарбиясига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Сирасини айтганда, И. ўта мураккаб ва нозик масала бўлиб, уларни шарҳлаш, изоҳлаш ҳамда моҳиятини кўрсатиб беришда ҳар бир ҳодиса ва жараённинг хус-ятидан келиб чиқиш лозим.

ИТОАТСИЗЛИК (бўйсунмаслик) – ижт-й-маън-й ҳодиса, муайян шахс, ш-дек, гуруҳ, миллат, халқ, жам-т, давлат

каби ижт-й бирликларга нисбатан бир хилда қўлланадиган, мақсад ёки манфаатларга боғлиқлиги жиҳатидан турлича мазмун-моҳиятга эга бўлган хатти-ҳаракат, хус-ят ва айни вақтда, дунёқарашни ифода этадиган т. И. итоаткорликнинг зидди бўлиб, ундан тубдан фарқ қилади. Баъзи ҳолларда эса И. ниҳоятда тор маънода ишлатилади. Мас., бирор бир динни билмаган ёки уни била туриб амалларини бажармаган шахсларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан қўлланади. И.нинг моҳияти, бир томондан, унинг юзага келишига сабаб бўлган воқеа-ҳодиса, нарсаси ёки жараёнларнинг И. кўрсатаётган томоннинг маън-й қарашларига зидлиги б-н аниқланса, иккинчи тарафдан, И. кўрсатаётган томоннинг салбий дунёқарашига уни тўғри йўлга ундаётган томоннинг таъсир кўрсатишга уриниши б-н аниқланади. Лекин мантиқан ҳар икки ҳолат ҳам И.ни ифода этади. Қуллик, қарамлик, мутелик, босқинчилик каби инсоннинг қадри, ҳақ-ҳуқуқларини поймол этадиган хатти-ҳаракатларга қарши йўналтирилган И. ижобий мазмун касб этади. Кўпчилик томонидан эътироф этилган қонун-қоидалар, тартиб-интизом, қадрият ва анъаналарга бўйсунмаслик эса И.нинг салбий кўриниши ҳисобланади. Одатда ҳар бир кишида ўз эътиқоди, шахсий қарашларига зид келадиган қарор ёки ёндашувга бўйсунмаслик, қўшилмаслик, қаршилик кўрсатиш, қандай бўлмасин ўз манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқи бўлади. Шу ҳуқуқни англаш туйғуси ва шу асосда ўзини қадрлаш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳам бўлади. Бу, ўз навбатида, инсоннинг танлаш ҳуқуқи б-н боғлиқ. Борди-ю ҳимоя қилинаётган манфаатлар бутун бир гуруҳ, миллат, жам-т ёки давлатга тегишли бўлса, бу ҳол ижт-й ёки жамоавий И.ни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, И. жам-т ҳаётига оид айрим соҳалар ривожига б-н уйғун ҳолда, ш-дек, алоҳида кўриниш ёки йўналишда вужудга келиши ҳам мумкин. Мас., сиёсий, ҳуқуқий, иқт-й, мад-й, маън-й, миллий, ирқий, ҳудудий ва ҳ.к. И., ш-дек, жа-

моавий ёки ижт-йлик характерига кўра ички ва ташқи И.ка ҳам бўлинади. Жаҳон тажрибасида бирон-бир мам-тга кўрсатилган ташқи таъйиққа ёки маълум бир мам-т ичида ўз давлат ҳукумати ёки бошқа давлат, нодавлат ташкилотлари қарорлари, қонунлари, фаолияти, тартиб ва талабларига нисбатан юзага келган И. жараёнларини кўплаб кузатиш мумкин. Ташқи таъсир б-н боғлиқ И., айниқса, ҳарбий ва иқт-й келишмовчиликлар борасида яққол намоён бўлади.

ИФЛОСЛИК – 1) ифлос сўзининг белги оти; 2) нопок ва И. хус-ятига эга бўлган иш, хатти-ҳаракат. Ифлос сўзи нопок нарсалар б-н булганган, булганч маъносида қўлланади. Бу сўзнинг кўчма маъноси: ёмон ишга юрадиган, нопок, разил, қабиҳ, ярамас, одобдан ташқари. И. ҳар қандай қадриятга зид бўлгани учун унинг жам-тдаги барча кўринишлари илдизи б-н йўқ қилиш талаб этилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (Т., 2007 й.) бу сўзнинг қашшоқлик, нотавонлик, ҳеч нарсаси қолмаган, омадсизлик каби маънолари ҳам кўрсатиб ўтилган. Одатда, ифлос нарсадан, пасткаш одамдан ҳамма жирканади. Ифлос нарсани ювса тоза бўлади, лекин ифлос, пасткаш одамни тозалаш мушкул. Пасткаш одамнинг қилар иши, тутган йўли ҳам жирканчдир. Бир мақолда “Ножўя ишдан ёш бола ҳам уялади”, дейилади. Чунки разил ва қабиҳ ишнинг ёмонлиги ёш болага ҳам аён. И. қандай кўринишда бўлмасин, барибир ёмон оқибатларга олиб келади. Тозаликнинг акси бўлган нопоклик, кирлик, ахлат тўпланиши турли касалликларга дучор қилиши мумкинлиги ҳаммага маълум. Халқимизда “Ёмоннинг яраси битмас”, “Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ” деган мақоллар борки, улар ёмонлик, И. аслида бедаво дард эканини билдиради. Пасткашликнинг турли-туман кўринишлари эса И.дир. Бировнинг моли ва жонига хиёнат қилиш, хасислик, сотқинлик, омонатга хиёнат — буларнинг барчаси пасткашликдандир. Пасткаш, ифлос одамлар меҳр ва шафқатдан йироқ, улар на дўст, на ота-она, на қариндош-уруғ,

на кўни-кўшнининг қадрига етади. Улар учун одамийлик бегона. Улар шахсий манфаат йўлида ҳатто жиноий ишларга ҳам кўл уради. И. соғлом одамнинг асабини бузади, уни мувозанатдан чиқаради. Пасткашлик — нокаслиқдир. Паҳлавон Маҳмуднинг бир рубойида нокас куйидагича таърифланади: “Ўт ичра тушиб, юз йил гар қоврилсанг, // Айлансангу кулга ҳар тараф соврилсанг. // Нокас ила бир дам ўтиришдан афзал, //Нокас сўзи баттардир ўлимдан билсанг”. Зимдан қилинган ифлос ишни пайқаш, англаш қийин. Бундай пасткашлик кўпроқ разил, қабиҳ одамларга хос бўлади. Аниқ кўришиб турган ифлос ишлар, асосан, бу ҳаддан ортиқ кўп ичиш, муттасил маст-аласт юриш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик б-н боғлиқдир. Ўз эркини бундай балоларга бериб қўйган одам ўзини бошқара олмайди, ким қандай қабиҳлик, нопоклик ва жиноятга бошласа, ўшанга бораверади. Бундай одамлар нафақат ифлос, пасткаш, балки ҳайвоний ҳиссиётларга берилган махлуқдир. Ўзини пок тутаман деган инсонлар бундай одамлардан нари юриши, уларнинг таъсирига тушиб қолишдан сақланиши лозим. Бундай одамларни даволаш, албатта мураккаб иш, лекин бунга ҳаракат қилиш, уриниб кўриш савобдир.

ИФТИХОР (араб. фахрланиш, қувониш) — улуг бир нарсага дахлдорликдан фахрланиш, қувониш, ғурурланиш туйғулари б-н боғлиқ т. Миллий И. ўз миллати, унинг тарихи, миллий қадрият ва анъаналари б-н фахрланиб яшаш туйғусидир. У туфайли тарихий бирлик, қонқардошлик, тил, мад-т, маъ-ят, иқт-й ҳаёт, тақдир ва келажакнинг муштараклиги миллат вакиллариининг қалбидан чуқур ўрин олади. Миллий бирдамлик туйғуси миллий онгнинг негизидир. Мустақил тар-ёт йўлидаги ютуқларимиз кўпайгани сари юртдошларимизда Ватанимиз б-н фахрланиш ҳисси — миллий И. туйғуси ҳам кучайиб бораверади. Бинобарин, миллий И. туйғусининг юксалиши учун барча фуқароларимиз бирдек масъулдир.

ИФФАТ(ЛИЛИК) (араб. соф, покиза, бегубор) — халқимизга хос азалий фазилат бўлиб, маън-й поклик, ор-номус ва ҳаё каби маъноларни англатади. Ифбат ва И. кўпроқ аёлларга хос фазилат бўлиб, бокиралик, шарму ҳаё тимсолидир. Ифбат соҳибаси бировнинг кўзига тик қарашга ҳеч қачон ботинмайди. Ифбат, И. туғма фазилат бўлиб, таълим-тарбия, соғлом муҳит таъсирида кучайиши мумкин. Ифбатли аёлнинг юзидан имон, инсоф, диёнат, оққўнгиллик, номус, ҳаё ва бегуборлик нури ёғилиб туради. Ифбат сўзининг луғавий маъноларидан бири тийилишдир. Яъни, ифбатли инсон ўзини барча нопок, одоб доирасидан ташқарида бўлган хатти-ҳаракатлардан тийишга қодир бўлади. Бундай одамнинг муомаласи ўта андишали бўлиб, у ҳамма вақт беҳуда баҳсларга киришавермайди. Бундай одамлар бошқаларга чиройли ва гўзал мун-тда бўлади, бировнинг нафсониятига тегишдан ўзини сақлайди, ҳаммага бир хилда ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади. Бундай ҳусни хулқ соҳибаси бўлган аёлларнинг малоҳати ва латофати, ибоси ва ҳаёси уларга ўзгача гўзаллик бахш этади, чиройига чирой кўшади. Алишер Навоий асарлари луғатида ифбат сўзига бундай изоҳ ёзилган: поклик, покизалик, номус, ёмонликдан сақланиш. Ифбатли одамга ёмонлик яқинлашмайди, ҳаё, ифбат мисоли бир қалқон бўлиб ёмонликдан асрайди. Дил Ақлдан сўрабди: “Нимадир ифбат?” // Ақл жавоб берибди: “Илоҳий неъмат”. // Дил дебди Ақлга: “Яна не дерсан, айт”, // Ақл дебди: “Пок сурату пок сийрат!”. Абдулла Авлоний ифбат ҳақида шуларни ёзади: “Ифбатли киши ҳар вақт назари ибрат ила ҳаракат қилур. Кеча ва кундуз фикри, зикри ватандошларига, қариндошларига яхшилик, хайрихоҳликдан иборат бўлур. Сўзида, феълда содиқ бўлуб, виждонга терс, инсониятга келишмаган муомаладан ҳазар қилур”. Ифбатли, номусли одам б-н мулоқот қилиш кишига ҳузур бағишлайди. Сухбатдошни мулоийм сўзлашишга ундайди. Агар ифбатли, ҳаёли инсон оқил бўлса, яна олиму ориф бўлса, унинг ички мад-ти ҳам шунга қараб ошаверади. Бундай

одамнинг жам-гда тутган ўрни юксак ва қадрли бўлади.

ИШОНЧ — бирор-бир шахсга унинг сўзи, иши ва хатти-ҳаракатларига хайрихоҳлик ва симпатия б-н қараш, у б-н ҳамкорлик қилиш, яқин мун-ат ўрнатишга асос бўладиган маън-й омил. И. ўзаро тўғрилиқ, адолатлилик, инсофу диёнат, ҳалоллик, самимийлик ва имонига асосланади. Кишилар ўртасидаги мун-тлар аниқ маъно-мазмун касб этиб бориши б-н И. мустақамланади ёки аксинча бузилади. Инсонга асоссиз равишда ишонмаслик маън-й савиянинг етарли эмаслиги б-н боғлиқ. И. — нимагадир, қандайдир гоё ёки мафкурани тўлиқ билиш, унга меҳр-муҳаббат қўйишга қаратилганидан қатъи назар, маън-й интилиш, эътиқод асоси; 2) маън-й, мад-й, ахлоқий, ижт-й, сиёсий ва б. тамойиллар, меъёрлар, анъаналар, қадриятларни онгли равишда ўзлаштириш йўли б-н тарбияланишнинг асосий усуллари, шахсда эътиқодни шакллантириш омили. И. баъзида инсон ҳаракатини олдиндан белгилаб, сабабга айланади. И.нинг шаклланиши турмуш тарзи, ташқи муҳитнинг инсонга таъсири, ижт-йлашув жараёнининг қанчалик самарали эканига, ҳар қайси одамнинг ижт-й ва амалий фаолиятига боғлиқ. И. ижт-й ҳаётнинг барча соҳаларидаги фаолиятнинг, инсон ҳаётининг асосий шarti ва мезони ҳисобланади. У бўлмаса яшашнинг маъноси бўлмайди.

ИҚТИДОР (араб. қодир бўлмоқ, қила олмоқ) — шахснинг ижодий хус-яти ва ақлий фаолиятини англатадиган т. И. шахс фаолиятида турли кўринишларда намоён бўлади. Чунончи, илмий, бадий, техник ижодкорликда, спорт ва касб маҳоратида яққол кўринади. Ш-дек, И. инсон амалий фаолиятидаги барча соҳаларда ўзига хос тарзда акс этади. И. ҳар бир соҳа мутахассисида ўзига хос тарзда ривожланган ёки ривожланмаган бўлиши ҳам мумкин. Ш.у. инсон фаолияти давомида билим ва тажрибасини муттасил ошириб бориши лозим. И. ахлоқий меъёрлар б-н уйғунлашгани сари мукамаллашиб бораверади. Бундай И. соҳиби жам-т

учун, айниқса, зарур бўлади. Чунки И.ли киши ўзига бино қўйиб, калондимоғ ва ўзбошимча бўлса охир-оқибатда И.ини ҳам увол қилади. И. кўпроқ ақл б-н боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Қобилият эса айрим кишилар тоифаси фаолиятида акс этади. И. ва қобилият бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларга эга бўлса-да, лекин улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Шу маънода, И. ва қобилиятнинг уйғун бўлиши маън-й баркамолликнинг асосий шартларидан биридир. И. ва қобилиятни шакллантиришда биофизиологик омиллар (жисмоний соғломлик, мия фаолиятидаги бир маромдаги ўзгаришлар, ҳатто экологик муҳит ва б.), табиий жараёнлар, ижт-й муҳит (зиёлилар, ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар, мутахассислар, оила ва б. ш.к. ижт-й мун-тлар), интуитив фаолият ва маън-й-руҳий поклик ўзига хос ўрин тутди. И., биринчи навбатда, гнесеологик вазифани бажаради. Яъни, инсон И. орқали ўзи яшаётган дунёни билишга, воқеликни яхлит ҳолда идрок қилишга, уни ижобий ўзгартиришга интилади. Бугунги кунда юртимизда ёзувчилар, шоирлар, илм-фан, мад-т ва санъат аҳли, барча ижодкорларни, И.ли ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда Президентимиз бу ҳақда **“Биз жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиятини, табиат ато этган иқтидори ва истеъдодини тўла намоён этиши учун адабиёт, санъат ва умуман эркин ижодий фаолият ривожини учун зарур шароитларни яратишимиз лозим”**, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бу эса аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида И.ли йигит-қизларни топиш, тарбиялаш ва камолга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

ИҚТИСОДИЁТ — 1) кишилар меҳнати воситасида инсон учун зарурий бўлган моддий неъматлар, ҳаёт шароитлари ва воситаларини яратиш орқали тирликчиликни таъминлаш, ш-дек, ҳаётий эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиладиган воситалар, объектлар, жараёнлар мажмуи. И. умумий тарзда ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол

соҳасидаги мун-тларни қамраб олади; 2) муайян мам-тнинг миллий халқ хўжалиги ёки унинг маълум тармоғи (транспорт И.и, қишлоқ хўжалиги И.и ва б.); 3) хўжаликнинг муайян тармоғини, ш-дек минтақа хўжалигини, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг усул ва шакллари, уни бошқаришни ўрғанадиган фанлар йўналишлари (саноат И.и, савдо И.и ва б.). Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, И. моҳиятан инсонларнинг моддий ҳаёти б-н чамбарчас боғлиқ бўлса-да, жам-т маън-й ҳаётини И.дан ажратиш бўлмайди.

ИҚТИСОДНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИРРАЛАРИ

— иқт-й мун-тлар жараёнида шахслар ўртасидаги ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ишончлилик каби фазилатларнинг амал қилишини англаётган т. Маълумки, иқтисодиётнинг ўзига хос объектив қонун-қоидалари, сир-асрорлари борки, улар б-н ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Уларни менсимаслик нафақат иқт-й салоҳиятнинг етишмаслиги, балки маън-й қашшоқлик белгиси ҳисобланади. Иқт-й мун-тларда маъ-ят масалалари, хус-н, инсонийлик талаблари ва метёрлари етарлича ҳисобга олинмаса, технократик қарашлар устунлик қилса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, иқт-й рив-ш бўлишига қарамай, жам-тда ахлоқий мун-тлар таназзулга учрайди, ўзаро ишончсизлик кучаяди. Бу охир-оқибатда ижт-й-иқт-й таназзулга олиб келиши мумкин. Айрим кишилар, эркин бозор иқтисодиёти шароитида маън-й-маър-й ва ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, мад-т ва маъ-ят иккинчи даражали нарсага айланиб қолади, маън-й қашшоқлик авж олади, деб даъво қилишади. Эркин бозор иқтисодиёти б-н маъ-ятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиздир. Аслида, юқорида айтганимиздек, улар бир-бирларини тўлдирди, чунки фақат маън-й соғлом, кучли жам-тгина ислохотларни амалга ошириши мумкин. Мустақиллик йиллари мам-тимизда иқтисодиёт ва маъ-ятнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги ҳамда бир-бирига таъсири қонуниятидан келиб чиққан ҳолда, иқт-й

ва маън-й ҳаётнинг уйғун ҳолда ривожланиб боришига алоҳида аҳамият берилмоқда. “Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, — деб таъкидлайди Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида, — биз иқтисодий ўнглиниш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз”. Истиқлол йилларида иқт-й ва маън-й жараёнларнинг ўзаро мутаносиб уйғун тарзда ривожланиб келаётгани мам-тимизда сиёсий-ижт-й барқарорлик ва тар-ётнинг мустақкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, маъ-ят ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ҳоз. кунда юртимизда иқт-й ислохотларнинг янги, юқори босқичига ўтаётган эканмиш, бу фан, мад-т ва маъ-ят тар-ётига ижобий таъсир кўрсатади. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уларни амалга ошириш борасидаги ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Иқтисод, маъ-ят ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканини ота-боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда улар маъ-яти юксак комил инсон ҳақида бутун бир маън-й талаблар мажмуасини, бошқача айтганда, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Маъ-яти юксак киши бировнинг ҳақиқа, давлат, жамоа мулкига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, элу юрти, халқи учун жонини фидо этишга тайёр туради. Бунинг акси ўлароқ, маъ-яти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, порахўр, ўғри, қаллоб бўлиб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди. Ўз-н келгусида юксак даражада ривожланган иқтисодиёти б-нгина эмас, балки билимдон, маъ-яти етук фарзандлари б-н ҳам жаҳонни ҳайратга солиши мам-тимиздаги ислохотларнинг асосий мақсадидир. Бунга эса иқтисод ва маъ-ят, маърифатни бирга, ўзаро мутаносиб, муштарак рив-шига аҳамият берилгандагина тўла

эришиш мумкин. Цивилизациялашган бозор мун-тлари фақат юксак маъ-ят ва маърифат, ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизида бунёд этилиши мумкин. Бу борада ҳаммамиз масъул эканимизни чуқур англашимиз лозим. Негаки, маъ-ятли ва маърифатли, иймонли кишиларгина

ҳалол меҳнати б-н бойлик яратади, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тадбиркор, эл-юрт дардига малҳам бўладиган ҳақиқий ватанпарварга айланади. Шундай фуқароларга эга бўлган мам-т ва жам-т иқт-й тар-ёт поғоналаридан юқорига узлуксиз кўтарилиб бораверади.



КАЙФИЯТ — инсон руҳий дунёсининг ижобий ёки салбий эмоциялар, ҳис-туйғулар кўринишида юзага чиқадиغان, нисбатан узоқ давом этадиган турғун психик ҳолатни ифода этадиган т. К. куйидаги ўзига хос хус-ятларга эга: Биринчиси — заиф интенсив К. бўлиб, у мамнун К. да ҳам, ғамгин К. ҳам аниқ кўринишга эга бўлмайди. Бундай ҳолатда К. интенсив асаб хуружларига сабаб бўлмайди. Иккинчиси — узоқ муддатли бўлиб, унда К. секин ривожланади ва узоқ вақт давомида ҳис қилинади. Учунчиси — ноаниқ К. бўлиб, маълум К. ни ҳис қилган киши одатда шу К. сабабларини англамайди. Тўртинчиси ўзига хос дифуз характер бўлиб, унда К. одамнинг фикрлари, хатти-ҳаракат ва мун-тларига таъсир кўрсатади. К. ситуатив эмоция ва аффектлардан ҳам фарқ қилади. У маълум ҳодисаларнинг бевосита натижаси ўлароқ юзага чиқадиغان эмоционал реакция бўлмасдан, балки инсоннинг ўз олдида кўйган режалари, қизиқиш ва кутган ишларининг аҳамиятига бўлган эмоционал реакциядир. К. ўз навбатида содир бўлаётган воқеаларга таъсир кўрсатади. Бунда у одамдаги фикрларнинг йўналишини ўзгартириб юбориши мумкин. К. келтириб чиқарувчи сабабларнинг англаниш даражасига боғлиқ ҳолда муайян ноаниқ эмоционал фон кўринишида (кўтаринки К., тушкун К. ва ҳ.) ёки аниқ фарқланган ҳолат (зерикиш, қайғу, соғиниш, кўрқув ёки аксинча — мамнунлик, қувонч, ҳайрат ва ҳ.к.) кўринишида юзага чиқади.

Ўз К. ини назорат қилиш, уни онгли равишда ўзгартира билиш ўзини ўзи тарбиялашнинг муҳим шартларидан биридир. К.нинг сабабсиз ўзгариб туриши патологик ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолат ўта асабийлик, беқарорлик, ўта таъсирчанлик ва ҳ. кўринишларда намоён бўлади. К.га таъсир этувчи омиллар ОАВ, газета ва журналлардаги янгилик-хабарлар, турли фикрлар, маън-й-маър-й билимлардир. Маън-й-маър-й материаллар, улардаги ўзига хослик икки хил мазмунга эга. У, биринчидан, К.га таъсир этиб, ўзига хос таскинлик бўлса, иккинчи томондан, К.нинг ўзи, унинг кўтаринкилиги янги-янги ишларга ундайди.

КАЛОМ (араб. нутқ, жумла, гап, сўз) — исломда муайян мантиқий далилларга таяниб, диний таълимотни асослашга ҳаракат қиладиган назарий илоҳиёт. К. турли диний-сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабрийлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши б-н боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келган ва тараққий этган. “Ҳақ” ислом йўли тизими Х а.га келиб ишлаб чиқилади ва бунини Имом Ашъарий (873–935) ва Имом Мотуридий (870–944) амалга оширадидлар. Шундан сўнг К. ана шу буюк зот асос солган икки мактабни англадиган атамага айланади. Ашъария К.и асосан шофезийлар орасида тарқалган бўлса, мотуридия К.ини ҳанафий мазҳаби кенг қўллаб-қувватлади, хус-н, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланади.

КАМОЛОТ (араб. камол, комил, мукамал — тўқислик, бекаму кўстлик, юксак натижа, етуклик) — инсонлар ўртасида жисмоний ва руҳий етукликнинг юксак даражасини ифода этиш б-н бирга ҳаётдаги ҳар қандай мукамал ҳодиса, иш ва ҳаракатга нисбатан ҳам қўлланадиган т. Шунга кўра, К.ни инсоннинг бир ёки бир неча соҳаларда ёхуд мун-тларда яққол кўзга ташланадиган, бошқаларникидан ижобий жиҳатлари б-н кескин фарқ қиладиган, ўзгалар томонидан юксак эътироф этиладиган маън-й ёки жисмоний етуклик даражаси деб таърифлаш мумкин. Тарихда турли соҳаларда инсоннинг К.га етгани ёки К.га етишини белгилаб берадиган турли мезонлар бўлган. К. шунчаки комилликка эришиш, камол топиш эмас, балки узоқ давом этадиган таълим-тарбия, умр давомида олинадиган билим ва тажриба, шаклланадиган ақл-идрок, ахлоқий фазилатларнинг бир-бирини тўлдириб борадиган бир неча босқичдан иборат тизимидир. Комил инсонни вояга етказишда маън-й тарбия ҳал қилувчи ўрин тутади. Замонавий комил инсон концепциясига асосан, баркамол шахс юксак маъ-ят соҳибидир. К. йўли зиддиятларга, синов ва машаққатларга, ютуқларга, қувончу изтиробларга тўла йўлдир. Инсон ҳеч қачон ўзининг К. даражасига ўзи баҳо беролмайди. Чунки комиллик шахснинг ўзидан кўра ўзгаларга яхшироқ кўринади. Комил инсон ўзининг комиллигини ҳеч қачон пайқай олмайди. Чунки комиллик ахлоқий етуклик мезони сифатида ҳар бир шахснинг ўзгалар б-н бўлган мун-тида кўзга ташланади. Комил инсон бошқалар б-н мун-т жараёнида шаклланади. Инсон К.ида жисмоний гўзаллик, мукамаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижт-й қадриятдир. К.нинг яна бир муҳим шарт-и Ватанга, миллатга, эл-юртга садоқат б-н хизмат қилишдир. Ватанни севмаган, миллати тарихи ва тақдирига лоқайд қарайдиган инсоннинг комиллиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. К. инсоний фазилатларнинг уйғунлигини ифода этади.

Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикри, оқилона сўзи б-н амалий фаолияти, тили б-н дили бир бўлиши К.нинг асосий мезонларидир. К. инсоннинг онгли, ижодий фаол мавжудот сифатидаги туб эҳтиёж ва лаёқатларидан бири, ўз салоҳиятини намоён этиш шакли ҳамдир. К. жараёни инсоннинг жам-т ва мад-т б-н алоқасининг моҳиятини акс эттиради, маън-й рив-шни таъминлайдиган омил ҳисобланади. “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида таъкидлангани каби, “**Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бутунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз**”. Маън-й-маър-й ишлар, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот К.ни шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Таълим муассасалари, тарбия масканлари, маъ-ят ва мад-т ходимлари ҳам комил инсон тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

КАМТАРЛИК — инсоннинг маън-й қиёфасига хос хислат, мақтанишни истамайдиган, ютуқларидан мағрурланиб кетмайдиган кишининг хус-яти, шахснинг ўзига ва атрофдагиларга самимий мун-тини ифода этадиган ахлоқий сифат. У манманликнинг зидди бўлиб, кишининг алоҳида юксак сифатларга, модий ёки маън-й бойликка эга эканини кўз-кўз қилмаслигида намоён бўлади. Бу хислат сўзда ҳам, амалда ҳам кўзга ташланадиган туради. К. шахснинг маън-й оламида сабр-тоқат б-н ёнма-ён туради. Сабр-тоқатсиз одам камтар бўла олмайди. Камтар одам ўзгалардан камчилик ахтармайди, балки ўзининг хатоларига танқидий ёндашади. Камтар инсон шухрат топиш учун эмас, одамлар, оила, жам-т, халқ ва Ва-

тан олдидаги инсоний бурчини бажариш учун ҳаракат қилади. Эл-юрт учун, халқ учун беминнат хизмат қиладиган инсонларни халқ қадрлайди. «Камтарга – камол, манманга – завол» деган мақол бежиз айтилмаган. Халқимиз ва жаҳон тарихида К.нинг буюк тимсолига айланган шахслар кўп бўлган. Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Алишер Навоий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Аҳмад Ясавий, Али Қушчи, Бобораҳим Машраб сингари азиз-авлиё ва алломаларимиз шулар жумласидандир. Ҳазрат Алишер Навоий зикр этганларидек: “Одам бўлган зеби зоҳирдин демас, // Кимки андин фахр этар, одам эмас”. К. зоҳирий ва ботиний бўлиб, уларни фарқлаш зарур. К.ка бир неча маън-й-ахлоқий сифатлар асос бўлади. Маъ-ятсиз, кибрга берилган одамлар камтар бўла олмайди. Маъ-яти бойиган сари одам камтарлашиб бораверади. Ш.у. халқимизда “Бошоқ тўлган сари ерга эгилади”, деб нақл қилинади. К. таълим-тарбия, бадиий адабиёт ва санъат таъсирида шаклланиши ҳам мумкин. Камтар одам андишали ҳам бўлади. Бироқ бу ҳолат К. б-н андишалилик айнан бир нарса, деган фикрни тугдирмаслиги керак.

КАСБ ОДОБИ — жам-т томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосликларига нисбатан татбиқ қиладиган касбий бурч, шан, орномус, қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўриниши. Одоб (араб. адаб сўзининг кўплиги) — жам-тда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маън-й ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н мун-т (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизда ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, ш-дек, мақсадга мувофиқлик ва гўзаллик (эстетика) талаблари мужассам бўлади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, унинг ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозим-

лигига тегишли қоидалар (мас., шарм-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик каби фазилатларни ўз ичига олади. Одоб таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади. (ЎЗМЭ. Т., 2003, 6-жилд, 461-бет). Баъзи луғатларда “К.о.” атамаси “кишилар ўртасидаги касбий фаолият б-н боғлиқ мун-тларга маър-й тус берадиган хулқ-атвор кодексиدير” дея таърифланган. К.о. т.си барча учун бирдек тааллуқли бўлмаган, балки муайян касб-кор эгаларигагина тегишли ижт-й хулқ-атвор қоидалари, меъёрларидир. 1. Педагогинг касбий одоби. Педагог, аввало, нима учун бу касбни танлаганини теран англамоғи, инсонларни қандай тарбиялаш кераклигини тушуниб етмоғи керак. Бу эса педагогик фаолият ва этикетнинг асосий омилдир. Боланинг ички дунёсига кира билиш, ишонган дўсти бўлиш, уни эзгуликка йўналтириш, жам-тга фойдали инсон этиб вояга етказиш, унда масъулият ҳиссини шакллантириш — педагогиканинг бош тамойилдир. К.о. қонун-қоидалари меҳнат фаолияти жараёнида шаклланади, такомиллашиб боради. Касбий омилкорлик, ўз ишини яхши билиш, қайси касб бўлишидан қатъи назар, ахлоқий меъёрларнинг бошланишидир. К.о. меъёрлари айнан воқелик, амалиёт б-н узвий боғлиқлиги боис соҳада, шу жумладан, педагогикада юзага келадиган мураккаб масалалар ечимини топишда ёрдам беради. Илғор педагогларнинг ижодий фаолияти бунга мисолдир. Ўқув-тарбия жараёнидаги асосий тамойиллардан бири — болани ўз кучига ишонадиган, эркин ва мустақил фикрлайдиган инсон этиб тарбиялашдир. 2. Журналист одоби. Журналист одоби ахлоқий-психологик ўзига хослиги жиҳатидан юксак масъулиятни ва маън-й жавобгарликни талаб этади. Чунки, журналист фаолияти ахборот олиш, уни ўрганиш ва етказиб бериш б-н машғул бўлгани боис, у етказилаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги, тўғрилиги ва ҳолислиги учун жавобгардир. Бу эса унинг маън-й қиёфаси, ахлоқий сифатлари б-н узвий боғлиқ. Журналист одоби ундан нафақат ижодий изланиш, ўз устида тинимсиз ишлашни, балки жавобгарликни

теран ҳис қилиш, иродаси мустаҳкам бўлишини талаб қилади. Шу маънода, журналист одоби ўзини назорат қилиш мезонидир. 3. Шифокор одоби. Шифокор одоби қонун-қоидаларида риоя қилиш зарур бўлган қатор муҳим қоидалар ифодаланган. Энг асосий қоидалардан бири — беморга зиён етказмаслик. Яна бир қоидаси — беморнинг касаллигига оид тафсилотларнинг сир сақланишини таъминлашдир. Шифокор қасамёди ҳар қандай вазиятда, ҳатто ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам, беморга ёрдам беришга ундайди. 4. Раҳбар одоби. Раҳбар ўз хулқ-атвори б-н атрофидагиларга ўрнак бўлиши шарт. Турли даражадаги раҳбарлар одоби хушмуомала бўлишни, ўзгаларнинг фикр-мулоҳазаларига бефарқ бўлмаслик, сабр-тоқат ва адолат тамойилларига риоя этиш, айниқса, ўз ходимларига нисбатан эътиборли бўлишни талаб этади.

КАСБ МАЛАКАСИ (араб. касб — бирор нарсани ўрганиш, эгаллаш, фойда, хунар, машғулот). Касб — махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун наз-й билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, шу борада жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминлайдиган инсоний меҳнат фаолиятининг тури. Касб — кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулот, иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат ва тажрибани талаб этади. Касблар ичида меҳнат фаолиятининг энг тор соҳаси б-н ажралиб турадиган ихтисосликлар бор. Масалан, шифокорлик касбига тааллуқли бўлган жарроҳ, офтальмолог, невролог, дерматолог ва б. ихтисосликлар. Касб, одатда, шахснинг асосий тирикчилик манбаи ҳисобланади. К.м. эса касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган тажриба, кўникма ва маҳоратни англатади. К. м. бирон-бир касб-хунарни эгаллашда тажриба орттириш ҳамда тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга ҳар томонлама ёндашиш-

ни тақозо қилади. Шахс касбий шаклланишининг икки томони мавжуд: а) шахснинг ўз индивидуал хус-ятларга боғлиқ бўлган ички томони; б) жам-тининг ижт-й-иқт-й ва тарихий шароитлари ҳамда мақсадлари б-н аниқланадиган ташқи томонлари. Бўлажак мутахассисни касбий меҳнат фаолиятига тайёрлаш, унинг меҳнат бозорида рақобат қила олиш қобилиятини шакллантириш мақсадида ижт-й етук шахсни вояга етказиш ва тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифа инсоннинг талаб ва эҳтиёжи, қобилияти, руҳий-жисмоний имкониятлари ҳамда ижт-й ва этник омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни ҳамда ўқув ишлаб чиқариш фаолияти доирасида дастурлаштирилади ва амалга оширилади. К. м. т.си касбий маҳорат б-н боғлиқ бўлиб, бунда бирор-бир ўқув юртини битирувчининг юқори даражада касбий кўникма ва малакаларни эгаллагани тушунилади. У шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатдошлиги қай даражада эканида намоён бўлади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражадаги мослашувчанлиги, янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитига қисқа муддатда ўта олиши ва фаолият соҳасини мустақил танлаши каби сифатлар б-н белгиланади. Касбий маҳорат ва лаёқат шахснинг шундай сифатларидирки, улар бўлажак мутахассиснинг ҳаётини ҳамда меҳнат муваффақиятларини белгилаб беради. Мустақил ЎзРда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика фанининг асосий вазифаси — жаҳон талаблари даражасида янгилашиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни, маъ-ятимизни юксак даражага кўтарадиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Шу сабабли бугунги кунда барча фан соҳалари, жумладан, касб таълими бўйича янги ўқув дарсликлари, қўлланма ва тавсияларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

КАСБИЙ МАДАНИЯТ — инсоннинг олган билим ва тажрибасига асосланган

малакали ҳаракатлар ёки меҳнат фаолиятининг маҳсулидан бунёд бўлган нарсалар, ўзгаларда завқ уйғота оладиган ижт-й ҳодиса. Шахснинг К.м.и билим, малака, кўникма, қобилият, ахлоқий ва эстетик рив-ш, дунёқараш, одамлар б-н ўзаро мулоқотининг усул ва шакллари, истъ-лодининг рив-ш даражаси каби фаолиятда амалга ошириладиган инсоний куч ва салоҳиятни ўз ичига олади. К.м. инсоннинг меҳнат фаолиятида намоён бўлади.

КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ — инсоннинг ташқи қиёфаси, ш-дек, маън-й дунёси, эстетик диди, ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳиятини ифода этадиган т. Кўҳна битикларда кийим билим, дид, фаросат, уят каби инсоний фазилатлар б-н боғлиқ ҳолда талқин этилган. Кийим — инсон мад-й даражасининг асосий белгиларидан бири. К.м. инсоннинг гўзаллик, нафосат, назокат, одоб борасидаги қарашларини акс эттиради. Ш.у. баъзи халқларда “Кийимга қараб кутиб оладилар”, деган нақл бор. Кишининг кийинишига қараб, унинг нафақат маън-й-мад-й даражаси, балки моддий аҳволи, касби, мавқеи, ҳатто эътиқодини ҳам аниқлаш мумкин. Ўтмишда кўпгина мам-тларда турли тоифа ва табақа вакилларининг ўзига хос кийиниш усули белгилаб қўйилган. Ҳаёт суръати тезлашган, ўзаро мулоқотга жуда оз вақт сарфланаётган ҳоз. замонда киши ўзини, ўз ақлий салоҳиятини тўлиқ намоён этишга имконияти чеклангани туфайли баъзан фақат К.м. орқали жамоатчиликда яхши таассурот қолдириш имкониятига эга бўлиши мумкин. Ш.у. К.м. бугунги кунда алоҳида илмга айланган. Амалий кийимшуносликда имижни яратиш б-н боғлиқ муаммолар ўрганилади. Кийимга нафақат қулай, фойдали жиҳатлари, балки ўзгалар б-н мулоқотда шахснинг ўзлигини намоён этиш н.назаридан ҳам ёндашилади. Имиж бўйича мутахассислар атрофдагиларда яхши таассурот уйғотишнинг асосий воситаси қаторида К.м.ни тилга олишлари бежиз эмас. Киши учун энг яхши визит карточкаси — унинг ташқи қиёфаси, яъни кийимидир. Кийим-бошнинг ҳар бир ун-

сури атрофдагиларда ижобий ёки салбий таассурот уйғотиши мумкин. Мад-тли, маъ-ятли инсон мулоқот чоғида кийиниш одобига ҳам риоя этади. Кишининг қиёфаси, кийим-боши у ҳақда фақат яхши таассурот қолдириши керак. Кийим одамнинг кайфияти ва руҳий ҳолатига таъсир этиб, унинг хатти-ҳаракати, феъл-атворини ҳам ўзгартиришга қодир. К.м.га эътиборсизлик, нотўғри танланган, ташқи кўринишга мос келмаган уст-бош кишини ноқулай аҳволга солиш б-н бирга, ўзига нисбатан ишончсизликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. К.м.га риоя этган киши ўзлигини англаган одамдир. К.м. “мода” т.си б-н боғлиқ. Ҳар бир даврнинг ўз модаси бўлади. Киши модага биноан кийинар экан, замон ва маконга, яъни ўз даври ва жам-тда эътироф этилган урф-о. ҳамда қоидаларга мослигини намоён этиши. Мода талабларига қараб кийинишни асло унинг кетидан қувиш, модапарастликка берилиш сифатида тушунмаслик керак. Акс ҳолда киши ёши, гавдаси, характери ёки иқлим, йил фасли ва борган жойига (театр, тўй, аза, мажлис, хизмат жойи ва ҳ.к.) мос бўлмаган уст-боши б-н кулгили аҳволга тушиши мумкин. К.м. кишининг дидини билдиради. Дид кишининг ўзига ярашадиган ҳамда ўзи ва ўзгаларга ёқадиган кийим танлашда яққол кўринади. Чунки инсон мода учун яшамайди, аксинча, мода инсон учун яратилади. Кишининг диди кийим-бош услубини танлаш қоидаларини қай даражада билишига боғлиқ. Биринчи қоида кимлар б-н мулоқот қилиши ва ўзи ҳақида қандай таассурот уйғотмоқчи экани б-н боғлиқ. К.м. ҳам санъат, маълумки, ҳар қандай одам ўзини, ўзлигини намоён этишга, одамлар қалбига йўл топишга ҳаракат қилади. Мас., расмий учрашув ёки музокара пайтида умумэътироф этилган қоидаларга риоя этиш лозим. Тантанабоп кийимни ишчан мулоқот пайтида кийиш кишининг мад-ти ҳақида салбий фикр уйғотиши мумкин. Худди шундай, “кўча кийими”да театрга бориш ҳам нотўғри. Иккинчи қоида: кийимнинг мақсадга мувофиқлиги. Киши кўзланган мақсадга

яраша кийинган бўлиши лозим. Учинчи қоида: танланган кийим-бош одамнинг ҳақиқий қиёфасига, маън-й дунёсига мос бўлиши керак. Бунинг учун инсон ўзига тўғри, холисона баҳо бера олиши керак. Франц. ёзувчиси Оноре де Бальзак бу борада қуйидагиларни ёзган: “Зиқна бой бўлиб ҳам, исрофгар камбағал бўлиб кўриниш ҳам бир хилда ёмон... Ўта шуҳратпараст бўласизми ёки ўта камтар, сиз бирлик қонунини бузасиз, бунинг оқибатида эса, сизнинг имкониятларингиз б-н ташқи қиёфангиз ўртасидаги мувозанат бузилади”. Хуллас, К.м. инсоннинг маън-й дунёси ва ҳақиқий қадр-қиммати унинг модага мос ва қимматбаҳо кийинишида эмас, аввало, ораста, тоза, тартибли, ўзига ярашадиган кийинишида намоён бўлади.

КИТОБ — 1) билим, маъ-ят ва маърифат манбаи; 2) инсонни улутлайдиган, унда маъ-ят ва маърифат асосларини шакллантирадиган, уни комил қилиб тарбиялайдиган куч, у дунё ва бу дунёни танитиш манбаи. Биз ўзлигимизни, дунёни, олам ва одам мун-тини К. орқали билиб оламиз. Босмаҳоналар вужудга келгунга қадар қадимий Турон заминидан К.лар котиблар томонидан кўчирилган. Юксак маҳоратли халқ мусаввирлари уларни мўъжаз рангтасвир асарлари миниатюралар б-н безатишган. Уларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган санъати беқиёс эди. Аммо йиллаб кўчирилиши сабабли бундай К.лар нархи баланд бўлиб, уларни асосан тор доирадаги сармоядор кишилар сотиб олишар эди. Ўрта а.ларда, К. босиш техникаси ҳали ихтиро этилмаган вақтда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, К. қилинган. Бу ҳунар эгалари тарихда хаттот ёки Катчи номи б-н машҳур бўлган. Бу касб энг шарафли ва муқаддас ҳисобланган. Котибнинг саводли экани унинг қадрини юқори даражага кўтарган. Хаттот К.ни кўчириш жараёнида унинг мазмунини ўзлаштира борган. Натижада котиб ўз замонасининг ўқимишли, илм-маърифат эгалари қаторидан жой олган. Араб ёзувида китобат қилинган қўлёзмалар туфайли биз ота-боболаримиз яратиб

қолдирган мад-й меросдан баҳраманд бўлмоқдамиз. Шу бебаҳо манбалар туфайли М.О. халқлари жаҳон мад-ти тар-ётига муносиб ҳисса қўшган. Маълумки, Бухоро, Хива, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент хаттотлик мактаблари қадимда машҳур бўлган. Фақат XIX а. охири ва XX а. бошларида Бухорода 75, Самарқандда 22, Хивада 47, Тошкентда 25, Фарғонада 38 машҳур ва таниқли хаттот бўлиб, улар халқимиз яратган асл илмий ва маъ-й дурдоналарни бизга китоб ҳолида қолдиришган. Туркистонда нашр ишлари Ў.О. чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг бошланган. Бу давргача ўлкада босмаҳона ҳам, литография (тошбосма) ҳам бўлмаган. Адабиётга бўлган эҳтиёж эса Туркистонга ташқаридан кириб қолган айрим шарқий тошбосма қўлёзмалар б-н қондирилган, холос. Россияда араб, форс ва туркий тиллардаги К.ларни босиш XVIII а.нинг 20-йилларидан бошланди. Мусулмон (араб) ёзувидаги биринчи рус босмаҳонаси 1723 йили Астраҳанда пайдо бўлади, сўнгра Петербург, Москва, Қозон, Қрим, Кавказ минтақаларида ишга туширилади. Шарқда К. нашри Европадагига қараганда, ўзига хос хус-ятга эга бўлиб, асосан тошбосма усулида чоп этилар эди. Босмаҳона усули б-н нашр қилиш эса ҳарф териш, турли шрифтларни, босма машина ва б. техник воситалар сингари ривожланган полиграфик база яратишни талаб қилар эди. Шу б-н бирга, нашр ишлари бўйича мутахассис ходимларни тайёрлаш муаммоси юзага келар, ҳарфларнинг мураккаблиги анчагина қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Ўлкани чор Россияси босиб олганидан кейин босқинчи ҳукуматнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, К. нашри учун зарур моддий-техник база яратилди. Нашр ишларининг бир қадар йўлга қўйилиши К.нинг аҳоли орасига чуқур кириб бориши учун йўл очди, юртимизда матбуот иши рив-шига туртки бўлди, фан ва мад-тдаги илғор ғояларнинг тарқалишига ёрдам берди. Ўлканинг босқинчи маъмурияти нашр, матбуот ишларидан шовинистик мафкура таъсирини кучайтириш, империяни мустаҳкамлаш аҳолининг тур-

ли қатламларига ҳокимият учун мақбул бўлган йўл б-н ғоявий “ишлов бериш” каби мақсадларда фойдаланишга интилади. Ватанпарварлик кайфиятидаги миллий адабиёт ва санъат арбоблари, маърифатчилар, озодлик учун курашчилар ҳокимиятнинг бу мақсадларига қаршилик кўрсатишди. Туркистоннинг табиати, иқтисоди, ишлаб чиқариш кучлари, маҳаллий аҳоли турмуш тарзини тадқиқ этган рус олимларининг К.лари юртимиздаги дастлабки босма нашрлар ҳисобланади. 1868 йили “Заметки о горной стране у вершин Чу и Нарына и о путях следования через нее в Китайский Туркестан” номли К.ча нашр этилади. XIX а.нинг 70-йилларидан бошлаб ўзб. тилида ҳам К.лар чоп қилина бошлади. Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1872 йили нашр этилган “Календарь” номли К.и улардан дастлабкиси эди. У 500 нусхада, 17x13,5 см ўлчамда, муқовасиз чиқарилади. Нашр ишларининг авж олиши босмаҳона ва литография тармоқларининг кенгайишига олиб келади. Хус-н, 1872 йили Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасида босмаҳона очилади. У ҳарбий халқ бошқармаси босмаҳонаси деб номланади. 1877 йили Тошкентда С.И.Лахтиннинг биринчи хусусий босмаҳонаси вужудга келади. Сўнгра О.А.Порцев, И.И.Гейер, П.Д.Немжинов, М.В.Канцельсон, Э.П.Эдельман, Вилиер, Ш.Граевскийнинг босмаҳоналари очилади. Аста-секин ўлқанинг бошқа шаҳарларида ҳам босмаҳоналар пайдо бўлади. 1880 йили Янги Марғилон, 1905 йили Андижон шаҳарларида ҳам босмаҳоналар иш бошлади. Асосан ўзб. ва тожик тилларида чиқарилган К.лар тошбосма усулида чоп этилади. Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи — Феруз (1844–1910) хонлик қилган даврда Хива давлатининг бир оз марказлашуви натижасида бу ерда илм-фан, мад-т ва адабиёт ривожланади. Феруз ташаббуси б-н Хива шаҳрида тошбосма ташкил этилади. Унда Ферузнинг фармони б-н Алишер Навоийнинг “Чор девон”, “Хамса” сингари асарлари илк бор чоп этилади. Бундан ташқари, Мунис, Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо, Аваз Ўтар, Девоний, Ниёзий, Чокар син-

гари шоирларнинг асарлари кўплаб нусхада босилиб чиқди. Хоразм шоирларининг асарларидан ташкил топган баёз, тазкира ва б. халқлар адабиётидан қилинган таржима асарлар ҳам шу матбаада нашр қилинади. Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи ташаббуси б-н сарой кутубхонасида сақланаётган нодир кўлёма асарларни К. шаклида нашр қилиш мақсадида Эрондан тошбосма (литография) анжомлари Хивага келтирилиши катта аҳамиятга эга бўлади. Эронлик махсус матбаачи — мутахассис Иброҳим Султон тошбосма ускуналарини хон саройига ўрнатгач, унга шогирдлик қилган Отажон Абдалов бу касбни моҳирлик б-н эгаллади. Кейинчалик у ҳамюртлари орасида Отажон босма номи б-н машҳур бўлиб кетади. Бу зехни ўткир, ғайратли матбаачи рус, араб ва форс тилларининг билимдони эди. “1876 йилда Отажон Муҳаммад Раҳимхон Иккинчига ноширлик меҳнатининг илк меваси — “Нисобус-сибён” К.ини тақдим этишга мушарраф бўлади. Абдуносир Фарроҳий қаламига мансуб бу асар К. шаклида Хива литографиясида Отажон Абдалов томонидан илк бор нашр қилинган. “Нисобус-сибён” Хивадагина эмас, балки Ў.О. миқёсида биринчи босма К. ҳисобланади”. Шундан сўнг, 1876 йили Абдуносир Фарроҳийнинг “Бола тақдири” К.и нашр этилади. 1880 йили Хоразмда Алишер Навоийнинг “Хамса”, Муниснинг “Девони Мунис”, “Девони рожа” асарлари чоп қилинади. 1883 йили Тошкентда Сўфи Оллоёрнинг “К.и сабот ул-ожи-зин” асари босиб чиқарилади. 1904–1905 йиллари О.Порцев томонидан Алишер Навоийнинг “Хамса” асари нашр этилади. Табиийки, ўзб. халқининг она тилида дастлабки К.лар чиқарилиши миллий зиёлilarнинг қизиқишини уйғотади. XX а. бошларида улардан кўпчилиги К. чиқаришда иштирок этибгина қолмай, ўз тошбосмаларини ҳам очишади. Фулом Ҳасан Орифжонов обрўли миллий ноширлардан бири эди. XX а. бошларида у саҳхоф — муқовачи бўлиб ишлайди. Шу даврда Орифжонов рус ноширлари б-н алоқа боғлади ва тошбосма техникаси б-н танишади. Бироқ хусусий литография очиш

учун чор ҳукумати цензурасидан рухсат олиш керак бўлар, маҳаллий аҳоли вакили учун эса бу айниқса мушкул муаммо эди. Аммо Орифжонов рухсат олишга эришади ва Москвадан Тошкентга тўртта литографик дастгоҳ олиб келади. Орифжоновнинг “Ғуломия” литографияси 1902 йили очилди. Шу б-н бирга Ҳусайн Манаев, Ҳожи Муҳаммад Азимжон Марғилоний ва б. ҳам хусусий литография эгалари бўлишади. Умуман, октябрь тўнтаришигача Туркистонда нашр корхоналарининг кенг тармоғи ишлар эди. Турли пайтларда бу ерда 50 та босмаҳона, 13 та лито-типография ва 8 та литография фаолият юритган. Босмаҳоналарда асосан рус тилидаги К.лар чиқарилар ва улар бадиий адабиёт, илм. тад., маълумотномалар, йўлномалар, ўқув қўлланмаларидан иборат эди. Нашрларнинг кўпчилиги турган гапки, ўлкада босқинчи ҳукуматнинг мавқеини янада мустаҳкамлашга қаратилган эди. Рус тилида нашр этилаётган адабиётларга нисбатан маҳаллий миллий тиллардаги К.лар денгиз олдида қатрадек эди. Миллий адабиётнинг моддий нашр базаси анчагина қашшоқ бўлиб, асосан типо-литография ва литографиядан иборат эди. Шунга қарамай, ўзб. тилидаги К.лар салмоғи ортиб борди. Литография усули б-н ўзб. мумтоз адабиёти асарлари қаторида эски қўлёзма матнлардан олинган назм ва диний асарлар, ўша давр шоирларининг шеърлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, таржима асарлари ҳам турли хилдаги ўқув қўлланмалари ҳам нашр этилди. Мас., Марғилоннинг эски шаҳар қисмида жойлашган Ҳожи Муҳаммад Азимжон Марғилоний босмаҳонасида 1889–1890 йилларда Фаридиддин Атгорнинг “Мантиқут-тайр”, “Таъбирномаи Хорун ар-рашид”, “Фикҳ Кайдони” асарлари нашр этилди. Ф.Орифжонов литографиясида 1908–1913 йиллари Алишер Навоийнинг К.лари 10 мартадан ортиқ чоп қилинди. Наманган уезди Тўрақўрғон қишлоғида Исҳоқхон Ибрат томонидан 1909 йилда очилган “Матбааи Исҳоқия” литографияси “Ибрат лирикаси шеърлар тўплами” (1909) ва “Ёзув тарихи тўплами” (1911) каби

асарларни нашр қилди. Туркистонда ўша пайтда 80 дан ортиқ ноширлар мавжуд бўлган. Юқорида номлари келтирилган ноширлар қаторида Мирзааҳмад бинни Мирза Каримнинг номи ҳам машҳур эди. У 50 номда 30 дан ортиқ К. чоп этади. Ношир ва К.фуруш Сиддиқ Хўждандиннинг номи ҳам таниқли эди. Кўриб турганимиздек, миллий К.ларнинг М.О.да кенг тарқалишида тошбосманинг ўрни беқиёс бўлди. Аммо К. нашри давр талабига жавоб беролмас эди. Статистик маълумотларга қараганда, 1913 йили К. нашри бор-йўғи 56 нусхани, ш-дек, ўзб. тилида 33 нусхани ташкил этган, холос. Уларнинг умумий тиражи 100 минг нусхани, ўзб. тилидагиси атиги 8 минг нусхани ташкил этган. Туркистон шароитида маҳаллий миллат вакилларининг умумий аҳолининг 98 фоизини ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда кам эди. Шундай қилиб, чор ҳукумати, бошқа соҳалардаги каби, нашр ишлари бўйича ҳам ўлкани маън-й тобе қилиш сиёсатини амалга оширишга интилди. Аммо босқинчи ҳукуматнинг мафкуравий ва маъмурий тадбирларига қарамай, кенг халқ оммаси, миллий зиёлилар а.ий анъаналарни асраб қолишга, кўҳна маън-й меросни бойитишга интилишди. Нашр ишларида миллий тар-ёт учун шафқатсиз кураш кетди. Бу эса ўз навбатида Туркистондаги миллий озодлик курашининг кучайишига туртки берди. Хуллас, К.лар Туркистон халқларининг мад-й ҳаётида сезиларли роль ўйнади. Аммо К. нашр этиш йил сайин ошиб боргани б-н тезкор замон талабларига жавоб беролмас эди. Долзарб сиёсий вазибаларни ҳал этиш ва муҳим замонавий масалаларни муҳокама қилиш учун эса кундалик адабиёт газета ва журналлар чиқариш зарурати туғилди. Шу тариқа Туркистонда вақтли матбуот вужудга келди. Ўтган а.нинг иккинчи ярмига қадар бугун Ў.О.да биронта ҳам миллий матбаа корхонаси бўлмаган бўлса, ҳоз. кунда бу минтақада 120дан зиёд босмаҳона фаолият кўрсатмоқда. К., унинг аҳамияти бугунги кунда ҳам асло пасайгани йўқ. Интернет, уяли телефон, мобил техника

каби алоқа воситалари кўпайганига қарамасдан К. ўзига хос жозибаси, кучини сақлаб қолмоқда. Миллий ўзликни англаш, ёшларимизда юксак маъ-ятни шакллантириш, уларни эзгу фазилатлар соҳиб-и этиб тарбиялашда К.нинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

КОМИЛ ИНСОН — миллий гояннинг асосий тамойилларидан бири. К.и. гояси ва уни амалга оширишга бўлган интилиш инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. К.и. ҳақидаги таълимот инсоннинг маън-й, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний н.назаридан етуклик даражасига кўтарилишини кўзда тутди. Юртимизда К.и.ни вояга етказиш масаласига азалдан катта эътибор б-н қаралган. Шунинг натижаси ўлароқ тарихимизда ўзининг маън-й фазилатлари, жисмоний имкониятлари б-н жаҳон аҳлини ҳайратга солган буюк баркамол инсонлар кўплаб етишиб чиққан. Улар қолдирган бой илмий, ижт-й-фал-й, маън-й мерос халқимизнинг бебаҳо мулкига айланган. Мас., Абу Али ибн Сино буюк қомусий олим сифатида тиббиёт, математика, астрономия, физика, кимё, биология, доришунослик, руҳшунослик (психология), физиология, филология, фал., ахлоқ, эстетика ва жисмоний тарбия каби кўплаб фанларнинг етук билимдони бўлган. Унинг асарлари нафақат Ў.О.да, балки бутун Шарқ ҳамда Ғарб мам-тларида ҳам ҳурмат б-н тилга олинган ва мутолаа қилинган. Кўплаб тарихий асарларда қайд этилишича, Ибн Сино 20–25 ёшидаёқ қомусий олим сифатида шуҳрат қозонган. Шу жиҳатдан ёндашиб, бу улуғ аждодларимиз том маънода К.и. бўлган дейиш мумкин. Яна бир буюк аждодимиз Алишер Навоий бир қитъасида “Камол эт касбким” дея даъват қилганида К.и. учун зарур бўлган кўп хус-ятларни эгаллашни назарда тутган. Аллома боболаримиз қайд этганларидек, инсон ўзини ҳирс, таъма, нафс, ғафлат, нодонлик, ёвузлик каби иллатлардан покламаса, у ҳеч қачон К.и. бўла олмайди. Алишер Навоий К.и.ни аҳли маъни кишилар деб билган. Аҳли маъни — фикрли

одамлар, деган маънони англади. Фикр-сиз халойиқнинг онгида маъни чуқурлиги бўлмайди. Фикрлаш ҳақиқатни англашга интилишни ифодалайди. Ҳамма ҳам чуқур ва мантиқли фикрлаш, мустақил мушоҳада юритиш қобилиятига эга эмас, ш.у. барча ҳам К.и. бўла олмайди. К.и.да, аввало ахлоқий онг ривожланади, одам ва олам тақдирига виждон б-н қараш қобилияти шаклланади. К.и.лар гуруҳига оқил ва доно, камтар ва олижаноб, ҳақиқатпарвар ва фидойи зотларни киритиш мумкин. Бундай фазилатларга эга бўлган кишилар юксак даражада мушоҳада юритиш қобилиятига эга бўлади. Уларда ақл оддий сўз ва т.лардан эмас, балки диёнат, адолат, имон, ишқ, дард каби фазилатлар мужассамидан ташкил толади. Алишер Навоий К.и. гоясига ўз асарларида қайта-қайта мурожаат қилган. Унинг “Ҳайратул-аброр” дostonида етук шахснинг маъ-ятидаги эзгулик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, инсоф, адолат, бағрикенглик сингари фазилатлар таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай жам-тда комилликнинг энг асосий белгиси инсоннинг эзгуликка, ижт-й бахт-саодатга, инсонпарварлик гояларига мун-тида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади, яъни жам-тнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатадиган комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жам-тни фаровон қилишдан иборат бўлган. Инсондаги комиллик, энг аввало унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода, буюк юнон файласуфи Суқротнинг “Ўз-ўзингни англа”, деган даъвати ҳам инсоннинг насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. К.и.-нинг моҳияти, аввало, жам-тни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади. К.и. ва жам-т мун-тларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёни

кўриш мумкин. Биринчиси, К.и.нинг жам-т тар-ётига ижобий таъсир қилиши. К.и. гоёсининг мавжудлиги ва у б-н боғлиқ амалиёт жам-т рив-ш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Чунки, биз ҳар қандай жам-тни унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси, жам-тнинг характери, унинг К.и.ни тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган мун-тида намоён бўлади. Яъни, эркинлик, мустақиллик К.и. гоёсини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Ш.у. ҳам Ўз-нда К.и.ни тарбиялаш учун ижт-й, сиёсий, иқт-й, маън-й, ташкилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган. Президентимиз Ислом Каримов К.и.ни тарбиялашга юрт тинчлиги, Ватан тар-ёти ва халқ фаровонлигининг энг муҳим омилларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда. Юртбошимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида К.и.тарбиясига кенг тўхталар экан, куйидагиларни таъкидлайди: “**Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишhini уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Ҳозирги вақтда ахлоқ-сизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда. Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуг аждодларимиз ўз даврида ко-**

мил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанларни эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Ўйлайманки, бундай хулосани инсоният ўз онгли ҳаёти давомида доимо орзу қилиб, интилиб келган юксак маънавий идеалнинг фалсафий ифодаси, мантиқий натижаси сифатида қабул қилиш ўринлидир” (61–62-бетлар).

КОМПЕТЕНТЛИК — маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритишга имкон берадиган билимга эга бўлиш, далил-исботли фикр, кишининг муайян соҳада савиясини ифода этадиган атама. К. шахс хус-ятлари ва ҳолатининг мураккаб мажмуи бўлиб, маълум соҳадаги билим, кўникма ва тажрибани мужассамлаштиради. К. инсонга муайян масалаларда фикр билдириш, маълум қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ёки ўзи қарор қабул қилиш имконини беради. Ҳоз. замон фанида касбий К., илмий, бошқарув, педагогик, дидактик, методик, ижт-й-психологик К.ка оид т.лар кенг қўлланади. Бошқарувга оид К. ана шу соҳага тааллуқли билим ва кўникмаларнинг, раҳбарлик фаолиятида амалий тажрибанинг мавжудлиги б-н белгиланади.

КОМПЬЮТЕР МАДАНИЯТИ — одамнинг ўз фаолиятида ахборот технологиялари мажмуидан тегишли тарзда

фойдалана олиши демакдир. *Компьютер* (инг. *to compute, computer* — ҳисоблаш, ҳисоблагич) — ҳисобларни бажариш, шу жумладан электрон шаклдаги ахборотни олдиндан белгиланган алгоритм бўйича қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлов бериш учун мўлжалланган техник қурилма. Дастлаб инглиз тилида бу сўз механик қурилмани жалб қилиб ёки унинг кўмагисиз арифметик ҳисобларни бажарадиган инсонни англатган. Кейинчалик унинг маъноси ҳисоблаш машиналарига кўчирилди. Бугунги кундаги замонавий компьютерлар математика б-н бевосита боғлиқ бўлмаган кўплаб масалаларни ҳам бажаради. XX а.нинг 90-йилларидан бошлаб, компьютер атамаси электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) атамасини амалда сиқиб чиқарди. Ахборотлашган жам-тда одамлар ноаниқлик шароитида, инқирозли вазиятларда муҳим қарорлар қабул қилишига тўғри келади. Бу масалада ажодлар тажрибаси камлик қилади. Одамлар вазиятни мустақил таҳлил қилиш, қабул қилинаётган қарорларнинг оқибатини олдиндан кўриш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Юксак ижт-й ва ишлаб чиқариш маддасиз компьютер технологияларининг рив-ши мумкин эмас, компьютерлардан кундалик фаолиятда самарали ва оқилона фойдаланиш эса компьютер соҳасида муайян билим ва кўникмаларга эга бўлишни тақозо этади.

КОНВЕНЦИОНАЛИЗМ (лот. *conventio* — битим, шартнома, келишув) — XIX а. охири ва XX а. бошларида шаклланган фал-й-илмий йўналишлардан бири. Илмий соҳада фаолият олиб бораётган олимларнинг ўзаро келишуви ва ҳамкорлигини ташкил этишга асосланган концептуал ёндашувларни ишлаб чиққани б-н бошқа фал-й оқимлардан ажралиб туради. Бу йўналишнинг асосчиси А. Пуанкаре ҳисобланса-да, унинг асосий тамойилларини файласуф олимлар Р.Карнап ва К.Айдукевич ишлаб чиққан. К.нинг айрим ғоялари неопозитивизм, операционализм, прагматизм каби оқимларда ўз аксини топган. К.нинг асосий мақсади —

илмий наз-я ва т.лар объектив дунёнинг акси эмас, балки олимлар ўртасидаги ўзаро келишув маҳсули, деган фикрни асослашга қаратилган эди. К. ғояларининг фаол тарғиботчиси Э. Леруа «Фан ва фал.», «Позитив фан ва фал-й тўплам», «Янги позитивизм», «Ақида ва танқид» каби асарларида бу йўналишнинг наз-й асослари ва категорияларини аниқлаштиришга ҳаракат қилган. Ўз навбатида Пуанкаре ҳам «Фан ва гипотезалар», «Фанлар баҳоси» асарларида К.нинг асосий т. ва тамойилларини илмий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган. Олимнинг фикрича, нарсаларнинг табиатини билиб бўлмайди. Умуман олганда, К. илмий-фал-й йўналиш илмий тамойиллар тизими сифатида XX а.нинг иккинчи ярмида Ғарб фал.си, ш-дек, мантиқ ва фан методологиясидан кенг ўрин олди. Жумладан, илмий-фал-й методология йўналишида тадқиқот олиб борган К.Поппер, И.Лакотос, П.Фейерабанд каби олимларнинг асарларида конвенционалистик қарашлар ўз ифодасини топган. К. маъно-мазмунига кўра, чуқур ва ҳикматга бой фан фал.си сифатида ҳам эътироф этилади. К.да илмий билиш динамикаси чуқур таҳлил қилиниб, илмий фаолиятда тар-ётга нисбатан аниқ мўлжал, мақсадлар бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланади. Мас., К. йўналишининг вакили Динглер шундай хулосага келган.

КОНСЕРВАТИЗМ (лот. *conservatism* — ҳимоя қилмоқ) — луғавий маънода: а) тар-ётга, янгиликка, илғор ғояларга душманлик; б) эскиликни, эски тартиб-қоида ва тамойилларни сақлаб қолиш, тиклашга интилиш; в) мавжуд тартибот муассасалари ва ижт-й-маън-й қадриятларни ҳимоя қилувчи ижт-й-сиёсий таълимот ва сиёсий қарашлар тизимини англатади. Шу маънода, К. радикализмнинг зидди ҳисобланади. Консерватив ғоялар Местр ва Бональд каби мутафаккирларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Одатда, анъана ва янгиликлар ҳақида гап кетганда, консерватор албатта анъаналар тарафдори бўлади. Тадқиқотчилар орасида «консерваторлик» т.си бўйича

умумий қараш йўқ. Анъанавий қарашларга мувофиқ, буюк француз инқилоби даврида жам-тда бўладиган нотинчликдан азият чеккан кишилар қатлами консерватор сифатида баҳоланган. Берк ва Мэл томонидан ривожлантирилган К. ғоялари ҳоз. кунгача ўз таъсирини йўқотмаган. XX а.да К. ғояси Германияда Мюллер Вандер Бург томонидан ривожлантирилди. У собиқ совет жам-тини сақлаб қолиш учун уринган коммунистларни ҳам консерваторлар қаторига қўшади. Бу К.нинг асосий мазмунига бирмунча тўғри келмайди. Негаки, коммунистлар консерватив эмас, балки кўпроқ реакционерлардир. Консерваторлар жам-тда ўзгариш қилишга қарши эмас. Лекин уларни бу ўзгаришлар қай усул б-н амалга оширилиши ташвишлантиради. Э.Берк бу ҳақда бундай дейди: “Ўзгаришга тайёр бўлмаган жам-т ўзини сақлаб қолишга қодир эмас”. К. ғоялари ривожни ҳеч қачон бир текис ва силлиқ кечмаган. Бу ҳақда Э.Берк “Франция инқилоби ҳақида ўйлар” асарида бундай деб ёзади: 1) дин фуқаролик жам-тининг асоси ҳисобланади ва сиёсий-ижт-й фаолиятдан юқори туради; 2) жам-т — тарихий рив-ш маҳсули. Агар жам-т ўзгаришга муҳтож бўлса, бу ўзгаришлар аста-секинлик б-н амалга оширилиши керак; 3) ижт-й ҳаётда одамларнинг ҳис-туйғулари катта аҳамиятга эга; 4) жам-т шахсдан юқори туриши керак. Ш.у. шахснинг ҳуқуқлари унинг бурчлари б-н боғлиқ; 5) ҳар қандай жам-т, энг аввало, ҳар хил қатламлар, гуруҳ ва шахслар иерархиясидан иборат; 6) жам-т ва давлатнинг мавжуд бошқарув усуллари янги, амалда ишлатилмаган усуллардан афзалдир. К. негизида вужудга келган неоконсерватизм ғоялари XX а.нинг 70-йилларида пайдо бўлади. Аммо неоконсерватизмнинг шу кунгача аниқ таърифи йўқ. Немис файласуфи В.Баринднинг фикрича, “Неоконсерватизм турли, баъзан бир-бирини инкор қилувчи ғоялар мажмуасидир”. Неок. уч йўналишдан иборат. Биринчи йўналиш — либертаризм бўлиб, унинг асосини шахснинг ҳар қандай мажбурлашдан озодлиги ғояси ташкил қилади. Иккинчи йўналиш — этноцентризм асо-

сида мад-т ва этнос ўрин олган. Учинчи йўналиш ортодоксал йўналиш ҳисобланади. Унга мувофиқ, ҳар қандай келажак авлод ўзининг консерватив ғояларини ўзи белгилайди. Немис олими Колтенбрунер “Мушкул К.” асарида янги консерватизмнинг моҳияти: ворисийлик; барқарорлик; тартибот; давлатнинг обрў-эътибори, нуфузи; озодлик; тушкунлик каби т.лар б-н белгиланишини таъкидлайди. Ворисийлик — анъана ва маън-й меросни сақлашга хизмат қиладиган моддий-маън-й шарт-шароитлар яратиш заруратини билдиради. Анъаналарни сақлаш неоконсерватор учун восита эмас, балки мақсаддир. Чунки анъаналар жам-т мавжудлигининг муҳим шартидир. Барқарорлик инқилобий ўзгаришлар шароитида миллий қадрият ва анъаналарни сақлашга қаратилган. Тартибот — барқарорлик ва ворисийлик қафолатидир. Чунки, давлатни бошқариш ин-тларининг заифлашуви тартибсизлик ва зўравонликка олиб келади. Давлатнинг обрў-эътибори ва нуфузи — жам-тни бошқариш ва тартиб ўрнатишни таъминлайди. Фақат давлат ҳар хил гуруҳларнинг бузғунчилик ғояларига қарши турадиган куч ҳисобланади. Давлат ҳокимиятини кучайтириш ташқи ва ички ижт-й-иқт-й масалалар б-н боғлиқ. Неоконсерваторларнинг фикрича, одам эркин тугилмайди. У фақат ўз имконияти чегарасини билиб олганидан сўнг эрксизликдан озод бўлади. Ўз эркини англаш объектив ижт-й мун-тларга аралаштиш имконини туғдиради. Неоконсерваторлар назарида, оқилона эркинлик маълум даражада обрў-эътибор ва тартибни талаб қилади. Тушкунлик асосида эса дунёда адолатли жам-т қуриш мумкинлигига ишончсизлик ётади. Жам-тда мутлақ уйғунлик ва адолат бўлиши мумкин эмас. Ш-дек, ёмонликни бутунлай бартараф этиш ҳам мумкин эмас. Ш.у. икки ёмонликдан зарари камроқ бўлганини танлашга тўғри келади.

КОНСТИТУЦИЯ (лот. *constitutio* — ўрнатиш, тузилиш) — давлатга, жам-тга ва инсонга оид энг асосий ҳуқуқий мун-тларни комплекс тартибга соладиган шу борада бошқа қонунлар учун

ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайдиган, олий юридик кучга эга бўлган, қатъий тизимлаштирилган мам-т мустақиллигининг кафолати бўлган асосий қонун. К. қабул қилиш давлат қурилишининг асосий ҳуқ-ятларини аниқ белгилаш имконини яратади, ҳуқуқий ислоҳотларни соддалаштиради. К. ҳуқуқий тартибга солишнинг энг асосий ва мақбул юридик шаклидир. Мустақил Ўзб-ннинг К.и 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. У 128 моддадан иборат. (*Яна қаранг: Асосий қонун, Ўзбекистон Конституцияси*)

КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧ — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жам-ти қуриш ҳамда уларнинг ривожини таъминлаш учун адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа ва мажбуриятлар. Барча ривожланган давлатлар конституциясида фуқароларнинг бурчларига алоҳида ўрин ажратилган. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар ва давлатнинг бурчларини белгилашда миллий тарихий ҳуқ-ятлар, ривожланган мам-тлар тажрибаси инobatта олинган. К.б. Ўз-н давлати ва фуқароларининг Конституцияда белгилаб қўйилган, бажарилиши шарт бўлган мажбуриятларидир. Фуқароларнинг К.б.лари қуйидагилардир: барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариши шарт; ЎзРнинг ҳар бир фуқароси Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир; фуқаролар Ўз-н халқининг тарихий, маън-й ва мад-й меросини асраб-авайлашга мажбурдир; мад-т ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир; фуқаролар атроф-табiiий муҳитга эҳтиёткорона мун-тда бўлишга мажбурдир; фуқаролар қонун б-н белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдир; ЎзРни ҳимоя қилиш — мам-т ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир; фуқаролар, қонунда белгиланган тартибда, ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдир. ЎзР Конституциясида давлатнинг бурчлари ҳам аниқ-равшан белгиланган. Улар қуйидагилардан

иборат: давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, республика ҳудудида истиқомат қиладиган барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-о. ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши ва б. К.блардан ташқари, Конституцияда акс этмаган, лекин амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган бурчлар ҳам бор (мас., ота-онага ҳурмат, фарзандларга ғамхўрлик, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш ва ҳ.к.).

КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ (лот. *constituo* — ўрнатиш) — жам-т ҳаётини қабул қилинган қоида ва қонунларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш жараёнини ифода этувчи таъмоийл. К. ғояси фақат жам-тнинг қонуний-ҳуқуқий асосларига таяниб қолмасдан, балки ижт-й, сиёсий, иқт-й, маън-й, ахлоқий таъмоийлларнинг уйғунлигини ҳам ифода этади. Бошқача айтганда, давлат тузуми, унинг таркибий тузилиши, жам-тдаги умумий қонун-қоида ва талабларнинг иқт-й рив-ш жараёнлари, инсонларнинг маън-й камолоти, юксак ахлоқийлиги б-н уйғунлашган ҳолда мам-тнинг Асосий қонуни — Конституциясида акс этиши К. ғоясининг моҳиятини акс эттиради. Бунда жам-т аъзоларининг К.ни, демократик ўзгартиришларни амалга оширишнинг тарихий заруратини англабгина қолмай, балки уни чинакам эркинлик, мустақиллик ва фаровонлик асоси, деб билишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ғояни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги жам-т аъзоларининг ҳуқуқий мад-т даражасига боғлиқ. Чунки, қабул қилинган қонунлар сони эмас, балки уларнинг ҳеч бир истисносиз ижро этилиши муҳимдир. Ш.у. ҳам, бир томондан, К. ҳуқуқий мад-тнинг намоён бўлиши, иккинчи томондан, ҳуқуқий мад-т ривожини сифатида намоён бўлади. Ҳақиқий К. қонунлар устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, ижт-й-сиёсий кафолатлар характери, уларнинг умуминсоний таъмоийлларга мослиги б-н белгиланади. Чинакам демократияга интилаётган жам-т ўз халқи манфаатларини,

уларнинг ор-номуси, кадр-қиммати ва эркинликларини К. ғояларига асосан муҳофаза қилишга қодир бўлган тақдирдагина кучли, қудратли бўлган давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини ўрнатади. Мустақиллик йилларида Ўз-нда К. ғоясига асосланган давлат тузумининг демократик тамойиллари шаклланди. 1992 йил 8 декабрда ЎзР Конституцияси қабул қилинди. Бозор мун-тларига ўтиш, эркин демократик жам-т қуришнинг ҳоз. босқичида ҳаёт талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш механизмлари вужудга келди.

КОНФОРМИЗМ (лот. *conformis* — ўхшашлик, мос келишлик, мослашувчанлик) — шахснинг хулқ-атвори ва фикр-мулоҳазасини бошқа одамларнинг талабларига, хулқига мувофиқ бўлиши учун уларга мослаштиришга қаратилган мойиллик, унинг мавжуд ҳолатга, ҳукмрон қараш ва фикр-мулоҳазаларга мослашувчанлиги, уларга нисбатан суст мун-тни англатади. Умумий қарорларни қабул қилишда шахснинг фаол иштирок этишини тақозо этадиган, жамоавий қадриятларни сингдириб олиш ва шу туфайли ўз хатти-ҳаракатлари ҳамда манфаатларини жамоа манфаатлари б-н уйғунлаштиришни талаб қиладиган жамоавийликдан фарқли ўлароқ. К. деганда, ўз н. назарига эга бўлмаслик, зўр таъсир кучига эга андозаларга (мас., кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаси, тан олинган эътиборли кишининг н. назари, тарихий анъана ва ҳ.к.) кўр-кўрона эргашиш, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга танқидий мун-тда бўлмаслик тушунилади. Ахлоқий-сиёсий К.ни психологик мослашувчанлик б-н аралаштириб юбормаслик керак. Чунки, муайян меъёрлар, урф-о. ва қадриятларни ўзлаштириш шахс ижт-йлашувининг зарурий жиҳати ҳамда ҳар қандай ижт-й тизим самарали фаолиятининг кафолатларидан биридир. Кундалик ҳаётда К. “мослашувчанлик” маъносида қўлланади. Бунда К.нинг мезони атроф-муҳит талабларига шахснинг мослашувчанлиги б-н айнан бир хил экани тушунилади. Нати-

жада, шахс гуруҳ таъйиқи остида ўзор мун-тларини амалга оширувчи, ташқи кучларга ҳамиша тобе инсон сифатида тасаввур қилинади. Шахслараро мун-тларда унинг мустақил фикрлаши, қарор қабул қилиши, онгли хатти-ҳаракати, дунёқараши, маслаги инобатга олинмайди. Шу боис ҳоз. замон олимлари ташқи таъйиққа нисбатан шахс томонидан уч хил мун-т билдирилиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Улар қаторига шахснинг таъсирланувчанлиги, яъни ҳеч қандай можаросиз (низоларсиз) гуруҳ фикрини қабул қилиш; ичдан норози бўлган ҳолда онгли равишда ташқи кўринишдаги яқдиллик аломати, ифодаси; жамоавий ўзини ўзи аниқлаш (шахснинг жамоа б-н бирдамлиги, унинг қадриятлари, меъёрлари, маслаклари ва идеалларининг шахс томонидан онгли равишда қабул қилиниши) ҳамда фаол ҳимоя қилишни киритиш мумкин.

КОРРУПЦИЯ — уюшган жиноий гуруҳнинг шахсий бойлик орттириш, давлат мулкани тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмига, мам-т иқт-й ресурсларига эга бўлиш мақсадида уруғ-аймоқчилик манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўядиган давлат хизмати амалдорлар жиноят содир этилишини англатадиган т. К. лотинча сўз бўлиб айниш, порага сотилиш маъносини англатади ва мансабдор шахснинг шахсий бойиш мақсадида ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни бевосита суиистеъмол қилишидан иборат жиноят ҳисобланади. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам К. дейилади. К. масаласи б-н БМТ ҳам алоҳида шуғулланиб, махсус қарорлар қабул қилган ҳамда бу т.га қуйидагича таърифлар берилган: 1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкани ўғирлаш, талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш; 2) ноқонуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш; 3) ижт-й бурч ва шахсий тамағирлик, манфаатлар ўртасидаги зиддият. К. жам-т тар-ётига хавф солувчи таҳдид ҳисобланади ва мам-тда ижт-й ларза, иқт-й тангликнинг вужудга келишига сабаб бўлиб,

аҳолининг маън-й кайфиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан Ўзб-н мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ К.га қарши курашга фаол киришиб, тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда. Президентимиз Фармонига биноан, ички ишлар ва прокуратура органлари тизимида К.га қарши кураш бўлимлари тuzилди. К.га қарши курашнинг энг муҳим йўлларида бири давлат бошқаруви органлари раҳбар ходимлари маъ-ятини ошириш, уларни ватанпарварлик, маъсулиятлилик руҳида тарбиялаш бўйича маъ-й ишларни кучайтириш ҳисобланади. Ш-дек, К.га қарши курашда жаҳон ҳамжам-ти б-н биргаликда ҳаракат қилиш лозим бўлади. Шу боисдан ҳам 2008 йил июль ойида ЎЗР БМТнинг К.га қарши кураш конвенциясига қўшилди.

КОПЕРНИК, Николай (1473–1543) — буюк поляк мутафаккири ва астрономи. 1491–1495 йилларда Краков университетиде таҳсил олди. Университетда астрономия ва математика мактаблари шаклланган эди. Н.К. ушбу мактаблар таъсирида ўз илмий интилиш ва қизиқишлари доирасини аниқлаб олади. Н.К. 1495–1504 йилларда Италиянинг Болонья, Падуан, Феррара университетларида астрономия ва фал., тиббиёт ва ҳуқуқ фанларини пухта эгаллайди, қад. юнон тилини ўрганади. 1504 йилда Н.К. Польшага қайтди. “Самовий сфераларнинг айланиши” номли асариде оламнинг гелиоцентрик тизимини асослади. Унинг таъкидлашича, Ер оламнинг ўзгармас маркази эмас, негаки, у ўз ўқи атрофида айланиб туради. Иккинчидан, Ер оламнинг марказиде турган Куёш атрофида айланиб тургани боис кун ва тун алмашинади. Ш-дек, осмондаги биз кўриб турган юлдузларнинг ҳолати ўзгармасдек туюлади (аслида биз уларни нуқталардан кузатаётган бўламыз, холос). Ер Куёш атрофида айланиб тургани учун Куёш б. юлдузларга нисбатан ўз ўрнини ўзгартиргандек (яъни ҳаракатлангандек), сайёралар эса ҳалқасимон ҳаракатланаётгандек кўринади. Биз сайёралар ҳаракатини оламнинг марказиде турган Куёшдан эмас, унинг атрофида айланиб турган Ердан

кузатаётганимыз учун ҳам бу ҳаракат ҳалқасимон шаклда юз бераётгандек туюлади. Ер атрофида эса фақат унинг йўлдоши Ой айланади, деб ҳулоса қилади мутафаккир. Н.К. ўз мулоҳазаларини фал-й таълимот деб атади. Афтидан, бунга мутафаккирнинг қад. юнон пифагорчилари ғоялари б-н танишгани сабаб бўлса керак. Антик дунё фай-фларининг илғор ғоялари ҳам Н.К. эътиборидан четда қолмади. Н.К. асослаб берган гелиоцентризм таълимоти ўрта а. дунёқарашиде кенг илдиз отган геоцентризмга барҳам берди. Н.К. таълимотининг немис астрономи Иоганн Кеплер ва италян фай-и Жордано Бруно томонидан ривожлантирилиши унинг христиан дунёқарашига нақадар зид эканини намоён этди. Натижада 1616 йилда мутафаккирнинг шоҳ асари тақиқланган китоблар қаторига киритилди ва икки а.дан кўпроқ вақт (1822 йилга қадар) эътибордан четда қолиб келди. Шунга қарамай, Н.К. ғоялари олам ҳақидаги янги қарашларнинг шаклланишида наз-й методологик асос вазифасини ўтади.

КОСМОПОЛИТИЗМ (юнон. *kosmopolites* — дунё фуқароси) — дунё фуқаролигини даъво қилиш, ш-дек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, мад-т ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган қараш. К.нинг негизлари антик давр фал.сида вужудга келган. Қад. юнон файласуфи Лаэртийнинг таъкидлашича, “космополит” сўзи илк бор киниклар таълимоти вакили синоптик Диоген томонидан қўлланган. Бошқа бир юнон мутаффакири Плутархнинг фикрига кўра, ушбу т.ни китионалик Зенон киритган. Эпиктет назарида эса К. атамасининг муаллифи Сукрот бўлган. Унинг айтишича, «Агарда файласуфларнинг одам ва Худонинг ўртасиде яқинлик бор, деган фикрлари тўғри бўлса, унда инсоннинг ватани қаер деган саволга Сукротнинг мен афиналик ҳам, карфагенлик ҳам эмасман, мен — космополитман, деган сўзлари б-н жавоб бериш лозим» бўлган. Бундай маълумотлар Цицерон асарларида ҳам учрайди. Айрим тад-

қиқотчиларнинг фикрига кўра, К. голяри софистлар таълимотининг тарафдорлари асарларида ҳам ифодаланган. Антик полисни инқирозига сабаб бўлган Пелопонесс урушлари македониялик Искандар империясининг пайдо бўлиши, кейинчалик эса Рим ҳукмронлигининг кучайиши турли мазмундаги космополитик қарашларни келтириб чиқарган. Македониялик Искандар, Марк Аврелий бу голярни янги ҳудудларни қўлга кириштириш ҳаракатларида кўрган бўлса, стоиклар — Зенон ва Китиона космополитизм идеалини кишиларнинг ҳаётини умумжаҳон қонунлари орқали амалга ошириш имконини берадиган ягона ижт-й шаклини излашда деб билган. Хус-н, киринаикларнинг космополитик гоёяси уларнинг «қаерда яшаш бўлса, ўша жой Ватан» деган иборасида ўз аксини топган. Ўрта а.ларда католик черкови кескин космополитик тенденциялар тарафдори бўлган. Уйғониш даврида дунё фуқаролиги голяри феодал тарқоқликка қарши йўналтирилган эди. Бу голяри Данте Алигъери, Томазо Кампанелла, Петрарка, Пико дела Миранделло, Роттердамлик Эразм, Вивес, Рабле, Монтен каби мутафаккирларнинг асарларида ўз аксини топган. Германияда бундай голяри Лессинг, Гёте, Шиллер, немис мумтоз фал.си вакиллари Кант ва Фихте илгари сурган. Уларнинг К.и ватанпарварлик туйғулари б-н муштарақ бўлиб, миллий бирликка эришиш мақсадида юзага чиққан. Кейинчалик К. кескин характерга эга бўлиб, капиталнинг даромад орқасидан қувиш манфаатларини акс эттира бошлайди. Жон Кеннеди «Тинчлик корпуси»ни ташкил этиб, дунёнинг турли жойларига ушбу ташкилотнинг ёш ходимларини юбора бошлайди, уларнинг мақсади — ҳаммага инглиз тилини ўргатиш эди. Аслида, ҳар қандай миллат, катта-кичиклигидан қатъи назар, инсониятнинг бойлигидир ва шу боис уларнинг тили, мад-й ва б. хус-ятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги миллий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Бу ҳақиқатни асло инкор этиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, АҚШ

Сербияни айнан ушбу мам-т аҳли эътиқод қиладиган православ диний мазҳабда муқаддас ҳайит айёми ҳисобланган кунда бомбардимон қилгани унинг миллий-маън-й анъаналарини назар-писанд қилмаганидан далолат беради. Жаҳон миқёсида юз бераётган ҳоз. жараёнлар миллий давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви, иқт-й, сиёсий, ижт-й, мафкуравий ҳамда мад-й жиҳатдан интеграциялашувини тақозо этмоқда. Ушбу тенденциялар, маълум даражада, К. кўринишида бўлиб, глобаллашув жараёнлари таъсирида янада яққол тус олмақда. Бугунги кунда кишилиқ жам-тининг глобал яқинлашуви, аввало, техник тар-ёт, транспорт воқиталари, алоқа ва коммуникация тармоқлари, микроэлектрониканинг рив-ши б-н боғлиқ. Посткоммунистик маконда мустақил давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва жаҳон хўжалиқ алоқалари тизимига фаол киришиши глобаллашувнинг яна бир кучли омилига айланди. Ҳоз. даврда глобаллашув жараёнининг кенгайишига аҳолининг ижт-й-иқт-й фаоллиги, айниқса, ишчи кучининг миграцияси сезиларли таъсир қилмоқда. Дунёнинг бирорта ҳам давлати миграция жараёнларидан четда қолаётгани йўқ. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Аввало, донор давлатлар, яъни мигрантларни етказиб берадиган мам-тларда аҳолининг тез ўсиши, меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли орасида ишсизлик даражасининг юқорилиги, маошнинг пастлиги, етарли даражада ҳаёт кечириш учун зарур бўлган юқори иш ҳақи тўланадиган иш топиш ва ўз касбий маҳоратини ошириш имкониятининг чеклангани шулар жумласидандир. Реципиент, яъни қабул қилувчи давлатлар учун эса, қўшимча арзон иш кучига, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж, ҳаёт шароитлари ва маошнинг юқори даражаси хос бўлиб, бу эса меҳнат миграцияси учун қўлай шароит яратмоқда. Аҳолининг силжиши, ўз навбатида, объектив ҳодиса бўлиб, маълум маънода халқаро алоқалар ва иқт-й ҳамкорликка кўмаклашадиган жараёнларнинг рив-шига, халқаро транспорт ва коммуникация во-

ситаларининг такомиллашувига, ш-дек, аҳолининг халқаро молиявий тузилмалардан кенг фойдаланишига, ахборот тарқатиш суръатига ижобий таъсир этади. Шу б-н бирга, ҳоз. пайтда аҳоли миграцияси б-н боғлиқ салбий жиҳатлар ҳам намён бўлмоқда. Бу эса ноқонуний миграция тўлқинларининг давлат томонидан доимий равишда назорат қилинишини талаб этмоқда. Муҳожирлар орасида уюшган жиноятчилик, низолар ва б. қонунбузарликларнинг вужудга келиши ҳамда ўсиши кўпгина давлатларнинг барқарорлигига салбий таъсир этаётганини мутахассислар таъкидламоқда. 2005 йил ноябрь ойида Франция, Бельгия ва Германия шаҳарларида бўлиб ўтган тартибсизликлар бунга мисол бўла олади. Президентимиз Ислон Каримов Россиянинг “Независимая газета” сига берган интервьюсида глобаллашув жараёнининг ғоявий-мафкуравий таъсири, нодавлат ноҳукумат ташкилотларнинг бу жараёндаги ўрни ҳақида тўхталиб, қуйидаги ташвишли ҳолатга эътибор қаратган эди: “Сир эмас, бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ҳар доим олижаноб мақсадларни кўзлайвермайди. Айтайлик, “XXI аср лидерлари” каби мавзуларда ўтказиладиган семинарларда улар иқтидорли ёшларни “танлашда ҳокимиятга ёрдам” беради, бироқ бунда улар энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашади. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади, уларда турли симпозиум ва семинарлар давомида бу одамларнинг онгига ғоят усталлик б-н таъсир ўтказилади. Шу тариқа ўзларини “дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тонфаси тайёрланади...” (Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 34-б.)

КРИТИЦИЗМ (лот. *kritike* — фикр, мулоҳаза юритиш маҳорати ёки санъати) — инсоннинг билиш жараёнидаги фаолияти тўғри ёки нотўғри ташкил этилганини эътироф этадиган таълимот ҳисобланади. Ш-дек, бу йўналиш инсоннинг билиш фаолиятини ўзини ўзи танқид

қилиш орқали такомиллаштириш лозимлигини ҳам кўрсатиб ўтадиган мезонларни ишлаб чиққани б-н ҳам алоҳида ажралиб туради. К.нинг илк фундаментал асослари ва методологияси немис файласуфи И. Кантнинг “Соф ақл танқиди” асарида баён этилган. И.Кант ўз даврида инсоннинг билиш қобилиятини илмий-фал-й н.назардан таҳлил қилар экан, унинг билими қамрай оладиган чегараларни танқидий тадқиқ этиш лозимлигини эътироф этади. Кант фаолиятида билиш жараёнини тадқиқ этиш б-н боғлиқ икки давр мавжуд. Яъни, Кант дастлабки пайтда инсон ақли ёрдамида билиш мумкин бўлмаган нарсаларга ҳам эришиш мумкинлигига ишонган ва ўз фикрини қатъий асослашга ҳаракат қилган. У ўз асарларида билиш борасида барча қийинчиликларни аниқ тасаввур қилиб, тушунликка тушмасдан, мақсадга етиш мумкин эканини бир неча бор таъкидлаган. Лекин Кант фаолиятининг танқидий даври деб аталадиган иккинчи даврида унинг қалбида ишонч ўрнини ишончсизлик эгаллайди. Натижада, унинг билиш наз-ясида агностицизм — бизни ўраб олган дунёни тўла-тўқис билиш мумкинлигини инкор этадиган танқидий фикрмулоҳазалар ҳукмронлик қила бошлайди. К.нинг кейинги ривожчи К.Поппер, Ж.Уоткинс, И.Лакатос, Ж.Агасси, Х.Альберт ва П.Фейерабанд, У.Бартли қарашларида давом эттирилган. Ш-дек, К. ғояларини асос қилиб олган оқимлар танқидий рационализм, франкфурт мактаби, танқидий реализм каби йўналишларга оид турли концептуал ёндашувларни ишлаб чиққан. Лекин бу таълимотлар кейинчалик кескин танқидга учраган. Жумладан, Кант қарашларида кўпгина т.лар метафизик маънода акс эттирилган бўлса, Франкфурт мактаби вакиллари таълимоти буржуа жам-тини марксистик ғоялар асосида танқид қилишга асосланган эди. Ш-дек, танқидий рационализм илмий билиш жараёни ва фал-й тафаккурнинг рационал мағзини танқид қилишга асослангани б-н алоҳида ажралиб турган. 1930 йилдан бошлаб К. неопозитивизмни танқид қилиш ва фан тарихининг тадрижий

рив-ш босқичларини ўрганиш асосида янги босқичга олиб чиқилган. Бунда М. Полани, Т. Кун, С. Тулмин каби файласуфларнинг концепциялари муҳим ўрин тутати. К.нинг асосий тамойиллари фал. ва фан тар-ётига фақат ижобий таъсир кўрсатиб қолмасдан, кўпгина янги илмий ғоялар, гипотезалар, парадигмаларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатган. Натижада бундай ёндашувларнинг амалиётда акс эттирилишига чек қўйилган ёки кечроқ ўз тасдиғини топишига олиб келган. Мас., ҳоз. вақтда янги парадигма сифатида эйтироф этилаётган синергетика йўналиши доирасида олиб борилаётган илмий баҳс-мунозараларда бу таълимот, яъни синергетикага “сохта фан” ёки “сохта ғоя” деган ёндашувлар ҳам илгари сурилмоқда. Бу эса К.нинг доғмалашиб бораётгани натижасидир. К.ни жам-тдаги мафкуравий ўзгаришларга бўлган мун-тларда ҳам кўриш мумкин. Жум-н. мустамлакачилик сиёсатидан қутулган ёш мустақил давлатларда янгича мун-тнинг шаклланиши мураккаб кечиши туфайли жам-тнинг баъзи қатламлари орасида эски тузумни қўмсайдиганлар амалга оширилаётган ислохотларни асоссиз танқид қилишга уринади. Бундай ҳолат, ўз навбатида, маън-й ислохотларни олиб боришда турли мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Ш.у. ҳам тафаккурдаги бундай қолипларга қарши курашда миллий ғоянинг улкан бунёдкорлик салоҳияти ва имкониятларига таяниш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

КСЕНОФОБИЯ (юн. *Xenos* — бегона, четдан келган, кўрқув) — иррационал кўрқув ва бегоналарга нафрат маъносини англатадиган т. К.нинг объекти алоҳида гуруҳ, яъни бошқа дин, ирқ, қабила ёки миллат вакиллари, чет элликлар ҳамда барча “бегоналар”дир. Замонавий социология ва социал психологияда таъкидлаб ўтилган ҳолатлар янада аниқроқ атамалар б-н ифодаланади, мас., гуруҳлараро низо, этноцентризм, этник стереотиплар ва социал сабрсизлик ва ш.к.. Бошқа социал-психологик кўринишлар

каби К.нинг ўзаги ҳам умумий ҳамда индивидуал онгга бориб тақалади. Одамлар доимо ҳаётий ҳодисаларни урф-о-лар ва умуман, ижт-й воқеликни ўз гуруҳларининг кадр-қимматига кўра ўлчашга мойил бўлишади. Бундай тавсифда эталон, намуна иборалари етакчи ўринга чиқади ва баҳоланаётган ҳодисалар “бизларники” ва “бегоналарники” деган икки катта туркумга ажратилади. Бундай баҳоланиш оқибатида асосан, ўзимизники “уларники”га (бегоналарникига) қараганда яхшироқ, деган хулосага борилади. Ибтидоий жамоа даврида бегоналарга шубҳа, нафрат кўзи б-н қараш ўз қабиласининг бирлигини шакллантириш, уни қўллаб-қувватлашда зарур шароит бўлиб хизмат қилган. Ҳаётимиз ва мад-тимиз глобаллашиб, миллатлараро мун-тлар ривожланиб бораётганига қарамай К. ҳоз. замонда салбий куч сифатида сақланиб қолмоқда. Бундай салбий ҳолатлар кўп сонли конфессионал, ирқий ва этномад-й муаммоларда, турли куч ишлатиш ҳаракатларида намоён бўлади. К., бир томондан трайболизм, яъни ўзининг ўзакларини ҳар қандай йўл б-н сақлаб қолиш хус-яти бўлса, иккинчи томондан эса специфик идеология ёрдамида кучлилар синфи томонидан, “бегона”лар, яъни, социал жиҳатдан кучеизларни эзиш вазифасини бажаради. К. расизм ёки антисемитизм, фашизм ва миллий экстримизмнинг бир кўринишидир. К. хавфли социал-психологик кўриниш бўлиб, у жабрланувчиларга ҳам, К.ни намоён этувчиларга ҳам жиддий зарар етказиши ва жам-даги мўтадил инсоний мун-тларни бузади. К.ни бартараф этишда ОАВларининг роли беқиёсдир. К.ни енгиш учун, ёшлик чоғиданоқ болани толерантлик руҳида тарбиялаш талаб этилади. Толерантлик эса, ўз навбатида, ўзига нисбатан танқидий ва б.га нисбатан сабрли бўлишни англатади.

КУТУБХОНА — 1) китоб, журнал ва газеталарни тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланишни таъминловчи мад-й-маър-й ва илмий-ёрдамчи муассаса; 2) маълум бир

гуруҳга оид китобхонларга мўлжалланган китоблар туркумининг номи. Ижт-й тар-ётни белгилувчи омиллар орасида китоблар муҳим ўрин эгаллаб, китоб мутолааси жам-т аъзоларининг маън-й юксалишига, тафаккур доирасининг кенгайишига ёрдам берувчи асосий восита ҳисобланади. Машҳур файласуф Дени Дидро “Ким китоб ўқишдан тўхтаса, билингки, у фикрлашдан ҳам тўхтаган бўлади”, деб ёзгани бежиз эмас. Чунки инсониятнинг а.лар давомида тўплаган билим ва тажрибаси, тафаккур олами, маъ-яти, аввало, китобларда акс этади. Ш.у. китоблар азалдан муқаддас ҳисобланиб, улар асраб-авайлаб келинади. Мам-тимизда К.лар қад. даврлардан бошлаб фаолият кўрсатган, жам-т тар-ётига таъсир кўрсатадиган алоҳида мавқега эга бўлган омил сифатида қадрланиб келган. К.ларнинг жам-тдаги ўрни, мақсад ва вазифалари, унинг ижт-й тузилма сифатидаги аҳамияти беқиёсдир. Мустақиллик йилларида маън-й-маър-й муассаса ҳисобланган К.ларнинг мавқеини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, К.лар фондини мунтазам равишда янги адабиётлар б-н тўлдириш, электрон асарлар базаларини яратиш, К.ларга кенг китобхонлар оммасини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки К.лар ижт-й онгни шакллантиришга, айниқса, миллий гоёни ёшлар онгига сингдиришга хизмат қиладиган асосий мад-й маър-й масканлардан бири ҳисобланади. Ш-дек, жаҳон ҳамжам-тидан муносиб ўрин эгаллашда, замонавий илм-фан ютуқларини ўзлаштиришда, илғор ахборот технологияларидан самарали фойдаланишда, ёш авлод маъ-ятини юксалтиришда ҳам К.ларнинг роли катта. Бугунги кунда Ўз-нда 17 мингдан зиёд турли тизим ва қўламдаги К.лар аҳолига зиё ва маърифат тарқатиш йўлида хизмат кўрсатиб келмоқда.

“КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ” – Ўз-нда эркин фуқаролик жам-ти барпо этишнинг Ислам Каримов томонидан асослаб берилган концепцияси. У давлатчилик борасидаги тар-ёт йўлимизни ҳам акс эттиради. Ўз-н

ўз мустақил давлатчилигини қўлга киритганидан сўнг жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва мам-тимизнинг ўзига хос хус-ятларини ҳисобга олган ҳолда, демократик давлат ва эркин фуқаролик жам-ти барпо этишни стратегик вазифа сифатида белгилаб олди. Бу вазифани амалга оширишда кучли давлатдан кучли жам-т сари бориш концепцияси амалий ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Одамларнинг сиёсий онги ва мад-ти, фаоллиги юксалиб борган сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ортиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши кучли жам-т асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жам-тни бошқариш борасидаги вазифа (функция)лар икки йўналишда қайта тақсимлаб борилади. Биринчиси – давлат марказий идораларининг айрим ҳуқуқ ва вазифалари маҳаллий ҳокимиятларга ўтказилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказилади. Иккинчиси – жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва масъулияти оширилиб, давлат ваколатларининг бир қисми улар зиммасига ўтказилади. Мам-тимизда бошқарув, жамоатчилик б-н алоқадор вазифаларни ўз зиммасига оладиган бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар, турли фондлар вужудга келди ҳамда улар жам-т ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалланинг фуқаролик жам-ти асосларини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Мам-тимизда жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролик жам-ти асослари тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

КЎНГИЛЧАНЛИК – инсон табиатидаги мулойимлик, юмшоқ феъллик, раҳм

ва шафқатлилик сифатларини ифода этадиган атама. Кўнгли юмшоқ одам жам-га, зўрлик ва зўравонликка берилмайди. Кўнгличан инсон раҳмдил, хушмуомала, барикенг, марҳаматли бўлади. Улар “ҳалим кишилар” деб аталади. К. ахлоқий фазилатларнинг энг муҳимларидан саналади. Ҳилм ҳақида мумтоз асарларда таъриф сифатлар кўп учрайди. Ҳадисларда “Ҳилм хулқларнинг саййидидур”, “Ҳар бир иш мулоимлик б-н қилинса, рўёбга чиқиши аниқ ва равшандир”, дейилади. Ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” асарида ҳилм, яъни кўнгли юмшоқлик ҳақида махсус тўхталади. “Ҳилм зикрида” деб номланган бобда “Ҳилм инсон вужудининг фавокиҳиғ боғидир; одамийлик оламининг жавоҳирлиғ тоғи. Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошиға нисбат қилса бўлур” (яъни, кўнгли юмшоқлик инсон вужудининг мевали боғи, одамгарчиликнинг асл жавоҳирларга бой тоғи. Кўнгли юмшоқликни ҳодисалар дунёсида кишилик кемасини бошқарувчи лангар чўпи дейиш мумкин ва инсонийликни ўлчовчи, белгилловчи тошга қиёсласа бўлади), дейилади мазкур асарда. Бундай таърифларни ахлоқ-одоб мавзусида яратилган барча мумтоз асарларда учратиш мумкин. Мас., Абдулла Авлоний К.ни инсоннинг энг муҳим фазилати сифатида таъкидлайди: “Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга энг керакли нарсадур. Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг ҳаловати ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомала қилмас. Фикри саломат кишиларнинг қалби ҳалим, таъби карим ўлур”. Айни пайтда К., мулоимлик меъёрида бўлмоғи лозим. У ёмонлик, адолатсизликка нисбатан эътиборсизлик ёки лоқайдликка сабаб бўлмаслиги керак. Акс ҳолда бундай К., анқовлик, журъатсизликка йўйилиб, ножоиз ишларнинг кучайишига, жам-тда маън-й муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК — 1) жам-тда бир неча сиёсий партияларнинг мавжудлиги; 2) жам-тнинг эркинлиги демократлашув ва сиёсий хилма-хиллик даражасининг муҳим кўрсаткичи. Мазкур таъмоийл жам-тда турли партияларнинг эркин фаолияти учун ижт-й-ҳуқуқий шароит яратишни кўзда тутлади. Бундай шароитда партиялар ўз дастур ва сиёсатларини Конституция асосида амалга ошириш имкониятига эга бўлади. К. демократик жам-т ҳаёт тарзининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Муайян мам-тдаги сиёсий эркинлик ва инсон ҳуқуқларининг таъминланганлик даражаси ҳам ана шу таъмоийлга нисбатан аниқланади. Ўз-н мустақилликка эришганидан кейин К. таъмоийлини амалга ошириш учун юртимизда кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Конституциясида, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунда К.нинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган. Мам-тимизда мавжуд бўлган Ўзбекистон халқ демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва Миллий тикланиш партияси ана шу асосда фаолият юритади.

КЎРГАЗМА — моддий ва маън-й соҳадаги фаолият ютуқларини намойиш этиш воситаси. К. орқали инсон ўз меҳнати самарасини кенг оммага кўрсатиш, намойиш қилиш, таништириш ва тарғиб этишга ҳаракат қилади. К.лар асосида катта меҳнат, тажриба ва изланиш ётади. Унга анча олдиндан тайёргарлик кўрилади. Энг сара ишлар (буюм, санъат асарлари ва ҳ.) тайёрланади. К. ўтказиш вақти олдиндан белгиланиб, экспонатлар тартиб ва дид б-н жойлаштириб чиқилади. К.лар мақсадига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) санъат К.лари: уларда тасвирий ва амалий санъат намуналари намойиш қилинади. Улар асосан муаллифларнинг халққа ижодий ҳисоботи тарзида ўтказилади. Санъат К.лари муаллиф ҳамда томошабинларга катта маън-й озиқ бериб, эстетик завқ бағишлайди. 2) савдо К.лари: ўзига хос реклама вазифасини бажаради ва тижорат мақсадида уюштирилади.

Савдо К.ларидида исталган буюм ва ашёлар (транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш моллари ва ҳ.к. намоийиш қилиниши мумкин. 3) маъ-й-тарғибий (информацион) К.лар: бу турдаги К.ларда илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлар намоийиш қилинади. Улар халқни фан-техника соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар б-н таништиради. Бундан ташқари, К.лар: даврий-мунтазам (ҳар йили, икки, уч йилда бир марта ва ҳ.к.) ва номунтазам (юбилейлар, конгресслар ва ҳ.к.); универсал (фан, техника ва мад-т соҳаларидаги ютуқлар ва маҳсулотлар намоийиши) ва ихтисослашган (бир ёки бир неча ёндаш тармоқларни қамраб олувчи); миллий, минтақавий, халқаро ва ҳ.к.ларга бўлинади. К. маълум бир мақсадга қаратилган, хус-н, оламни воқеа-ҳодисаларни чуқур ва ҳар томонлама идрок этишга, англашга қаратилган бўлиши лозим.

КЎРОЛМАСЛИК — ўзгаларнинг муваффақияти, яхши яшашидан куйиниш, уларга ҳасад ва ғараз б-н қарашни ифода этадиган т. Халқимизда бундай инсонлар ҳақида “Бор бўлсанг — кўролмайдим, йўқ бўлсанг — беролмайдим”, “Кўрганнинг кўзи тўқ, кўролмаснинг ороми йўқ” каби мақоллар бор. К. сўзининг жонли тилда ҳамда бадиий асарларда кўп қўллангани маънодоши ҳасаддир. Ҳасад ва ҳасадгўйлик диний дидактик асарларда энг ёмон хулқлардан бири сифатида таърифланади. Ҳадисларда “Ҳасад қилувчилар, сўз юритувчилар, ғайбдан хабар бергувчилар мендан эмас, мен ҳам улардан эмасман”, “Мўмин ҳавас қилур, мунофиқ эса ҳасад қилур”. дейилади. Ҳасад, кўролмаслик — мунофиқ одамларга хос бўлиб, инсон табиатида чуқур илдиз отадиган бадбин ҳодиса. Шунинг назарда тутиб Ҳусайн Воиз Кошифий “Ҳасад балоси улкан фасодлар пайдо қилур. Чунки ҳасад бағоят жирканч хислатдир”, дейди. Қад. юнон файласуфи Арасту “Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадгўйнинг юки оғирдир, чунки у бечора атрофидаги барча одамларнинг қайғусини ўз устига юклаб юради”, деб айтади. Алишер Навоий ҳасадни касаллик, ҳасадгўйни эса дарди бедаво бемор деб

билади: “Ҳасуд бемор, балки муҳлик марза гирифтор”.

Ҳасадгўй одам ҳамкасбларининг муваффақияти ортгани сари, уларга ҳавасланиб изланиш, интилиш ўрнига кўролмаганидан ёмонлик қилишни, зарар етказишни ўйлайди. Нима қилиб бўлса ҳам уларнинг номини булғашга, ғийбат, бўҳтон, фитна-фасод б-н бадном этишга ҳаркат қилади. Абдулла Авлоний “Ҳасад ахлоқи замималарнинг (ярамас хулқларнинг) энг зарарлигидур” деб, унга қуйидагича таъриф беради: “Ҳасад деб бир одамга жаноби Ҳақ тарафидан берилган неъмат ва давлатнинг заволини тиламакни айтилуру. Ғийбат, бўҳтон, суизан (ҳақорат) каби ёмон хулқлар ҳасаддан туғилур”. Демак, ҳасад, кўролмаслик инсон маъ-ятини тубанлаштирувчи, уни жам-тдан ажратувчи, руҳий ва жисмоний хасталикка бошловчи иллатдир.

КЎЧИРМАЧИЛИК (плагиат) — а) маън-й соҳадаги бузилишнинг бир кўриниши; б) бировнинг асари, кашфиёти ва б.ини кўчириб, ўзиники қилиб олиш. Бундай ўғрилиқ муаллиф ижозатисиз илмий, адабий, мусиқий ёки бадиий асарни, китоб, диссертация, рисола ва б.ни ўз номидан тўла ёки қисман бостириб чиқаришдан, кашфиёт ёки ихтирочилик натижаларини ўзиники қилиб олишдан иборат. К. бирон-бир кишидан касб ўрганиш, унга тақдир қилиш, турли ҳунармандчилик, рассомлик, деҳқончилик, чорвачилик ва б.нинг сир-асрорини билиб олиш ҳамда ўз фаолиятида қўллашдан фарқ қилади. У устозлар тажрибасидан фойдаланиш, бирон-бир халқ, давлат ёки жам-тда самара берган тар-ёт йўли ёки тамойилларини ўзида қўллаш ва ҳаётга татбиқ қилишдан ҳам фарқланади. Шу маънода, К. шахс маъ-ятининг бузилиши, унинг қинғир йўлларга киришини англатади. Адабиётда бу ҳодиса “адабий ўғрилиқ” деб ном олган. К. ҳолати аниқланганида кўчирмачини судга бериш, етказилган маън-й зарарни қоплашга мажбур қилиш қонунчилиқда ўз ифодасини топган. Жумладан, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги Қонунда

«хуқуқ эгаси б-н шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар хуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фой-

дани қоплаши шарт» экани кўрсатилган (46-модда). К. илм-фанда ҳам олимлик одоби ва шаънига тўғри келмайдиган фаолият тарзида ниҳоятда қораланади.



ЛАГАНБАРДОР — ўз манфаати учун бирор-бир шахс, асосан, мансабдор олдидан ўзини жуда тубан тутиб, унга хушомад қиладиган пасткаш одам; хушомадгўй. Л.лик шундай кишига хос ҳислат, хатти-ҳаракат, хушомадгўйлик. Л.лик инсон шахсиятини ўлдирадиган, ўзлигидан маҳрум этадиган иллат. Л. ўз манфаати йўлида ҳар қандай тубанликка тайёр бўлади. У мансабдорларга яхши кўриниш ва ундан ўзи истаган неъматларни қўлга киритиш учун ҳар қандай жирканч ишдан қайтмайди. Л. учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Дўстлик, муҳаббат, вафо, садоқат туйғулари унга бегона.

Л. ҳамма нарсани пул б-н ўлчади, атрофидаги одамларга ўз манфаатига хизмат қилиши н.назаридан ёндашади. Мансабдорнинг соясига салом бериб, садоқатини турли йўллар б-н намоёиш этишга уринади, аммо фойдаси тегмай қолган одамдан шу заҳоти юз ўгиради.

ЛАЁҚАТ — инсоннинг анатомик-физиологик хус-яти бўлиб, қобилиятлар ривожининг асосидир. Л. қобилиятнинг наслий мустаҳкамланган омили, қобилият рив-шининг табиий замини. Муайян шароит мавжуд бўлганда Л. қобилиятнинг шаклланиши ва рив-шини таъминлайди. Асаб анализаторларининг айрим тўғма хус-ятлари Л.ни ташкил этади. Асаб тизимининг типологик хус-ятлари ҳам Л. сифатида намоён бўлиши мумкин. Муваққат нерв боғланишларининг таркиб топиш тезлиги, мустаҳкамлиги, диққатни тўплаш кучи, асаб тизимининг чидамлилиги, ақлий иш қобилияти ҳам Л.га боғлиқ. Ш-дек, биринчи ва иккинчи сигналлар тизимининг мун-ти ҳамда тар-т

даражаси ҳам Л. сифатида қаралиши мумкин. Сигналлар тизими ўртасидаги мун-т хус-ятларига қараб, рус олими И.Павлов олий нерв фаолиятининг учта махсус инсоний типини ажратиб кўрсатган. Булар: 1) бадиий тип — биринчи сигнал тизимининг нисбатан устунлиги; 2) фикрловчи тип — иккинчи сигнал тизимининг нисбатан устун бўлиши; 3) аралаш тип — иккала сигналлар тизимининг мувозанати. Бадиий тип кишилари учун бевосита таассуротларнинг ёрқинлиги, идрок ва хотиранинг образлилиги, хаёлнинг бойлиги ва жонлилиги, эмоционаллик характерлилигидир. Фикрловчи типга мансуб кишилар анализ ва системалаштиришга, умумлашган, мавҳум тафаккурга мойил бўлади. Муайян Л. мавжуд бўлганда болада мусиқий, адабий, бадиий-тасвирий, математик қобилият жуда эрта шаклланиши ва тез рив-ши мумкин. Мас., машҳур композитор Моцартда мусиқа қобилияти жуда эрта намоён бўлган. Бундай маълумотлар баъзида қобилиятнинг туғмалиги ҳақида нотўғри хулоса чиқаришга ҳам сабаб бўлади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Л. қобилиятнинг рив-шига кафолат бўлолмайди, у қобилиятнинг шаклланиши учун шароитлардан биридир. Инсонда қанчалик кучли Л. бўлмасин, агарда у муайян фаолият б-н қатъий ва мунтазам шуғулланмаса, ундан таниқли мусиқачи, рассом ёки шоир чиқмайди. Қобилиятга нисбатан Л. поливалентлилиги б-н ажралиб туради, яъни айнан бир хил Л. асосида турли хил қобилиятлар шаклланиши ва рив-ши мумкин. Л. кўп қирралидир, ш.у. ҳар бир қобилиятга муайян Л.и мос келади, деб айтиш

мумкин эмас. Демак, айна бир Л. асосида турли қобилиятлар юзага келиши мумкин. Мас., бадий тип асосида актёрлик, ёзувчилик, рассомлик, музикачилик қобилиятлари таркиб топиши мумкин бўлса, фикрловчи тип заминада эса математика, фал., лингвистикага бўлган қобилият шаклланади. Агар бола ёшлигида ўзини кўрсатмаса, яъни муайян ютуқларга эришмаса, буни Л. сизлик деб қараш керак эмас. Л. инсон рив-шининг турли даврларида ҳам намоён бўлиши мумкин. Демак, Л. шахснинг махсус қобилиятлари таркиб топиши ва рив-ши учун асос бўладиган анатомик-физиологик имкониятдир. Л. инсоннинг, шахснинг маъ-ят ва маърифатга, табиатдаги бетакрорликни ҳис этишга мойиллик ҳамдир. Л. қанча кучли бўлса, инсондаги бурч ва масъулият туйғуси ҳам шунчалик қатъий бўлади. Шу асосда унда юксак маъ-ят ҳамда маърифат шаклланади.

ЛАТИФА (араб. гўзал, ёқимли; кўплиги *латойиф* — латифлар, гўзал сўз ва ҳикоялар) — халқнинг нозик фаҳм б-н айтилган кулгили кичик ҳикояси. Л. баъзан ноира, зарифа ва ажиба деб ҳам юрилган. Л. — халқ оғзаки ижодининг энг оммабоп жанрларидан бири. Халқ Л. ларининг қахрамони Афанди (Насриддин Афанди) бўлиб, у ўз донолиги, ҳозиржавоблиги, тадбиркорлиги, сўзамоллиги б-н салбий характердаги кишиларни мот қилади. Л. кўпинча Афанди деб ҳам юрилади. Афанди турли миллатларда, мас., тожикларда Мушфиқий, туркманларда, қирғиз ва қозоқларда Алдаркўса деб номланади. Замоनावий Л. лар юмористик характерда бўлиб, уларда бюрократлар, амалпарастрлар, боқибегам кишилар енгил кулгу б-н танқид қилинади, эскича ақидалар фош этилади.

ЛАТОФАТ (араб. — жозибаторлик, ёқимлилиқ, мулойимлик) — маън-й фазилат бўлиб, унинг соҳиби ҳар қандай давра ё жамоанинг кўрки, одоби. кийиниш мад-ти, озодлиги, мулойим табиасти, ҳар бир суҳбатдошига илтифот б-н мурожаат этиши каби қатор хислатларини ўзида мужассам этади. Л. қизлар исми сифатида

ҳам кенг тарқалган бўлиб, асосан аёлларга нисбатан қўлланади. Л. ли аёл бу, аввало, гўзал, ёқимли ва жозибатор бўлади. Унинг ўзига жалб этувчанлиги, ўзгаларнинг эътиборли назари, аввало, қиёфасидан, хатти-ҳаракати, ўзини тутишидан сезилади. Ана шу ташқи жозибаторликка нутқи, лафзининг чиройлилиги, мулойимлиги ва маънодорлиги ҳам қўшилса, ижобий таассурот янада кучаяди. Айна чоғда қиёфаси ёқимли, нозик кўринган айрим шахслар, хус-н, аёлларнинг ички қиёфаси гариб, лафзи ва фикри тугуруқсиз, бетайин бўлиши ҳам мумкин. Бундай одамларни одатда халқимиз “усти ялтироқ, ичи қалтироқ”, “ўзини кўру, сўзини кўр” каби ҳикматли иборалар б-н баҳосини беради. Л. сўзи латиф сўзи б-н ўзакдош ва айна пайтда маънодош ҳамдир. Китобий тилда, бадий адабиётда ёқимлилиқ, майинлик, илтифот ва жозибаторликни латиф шаклида ишлатиш кўпроқ учрайди. Айнақса ўта нозик, жуда ёқимли давра ё ҳодисаларни латиф давра, латиф кеча, латиф суҳбат ё латиф манзара дея қўллаш инсоннинг ўша давра ё ҳодисадан бениҳоя қаттиқ таъсирланганини англатади. Тарихий ва бадий адабиётларда шаҳар ва манзилларга, хус-н, Қўқон шаҳрига шундай сифат бериб, Хўқанди латиф деб аталган. Бу Қўқон шаҳрининг азалдан хушманзара, нозик ҳунарларга бой, диди, таъби баланд кишилар манзили бўлганини англатувчи шаҳар эканига ишорадир. Дарҳақиқат, Қўқонда ўнлаб ҳунармандлик соҳаларининг тараққий этгани, халқнинг санъатсеварлиги, кўплаб олиму фузало, шоиру адибларнинг етишгани ва узоқ даврлар ўз адабий муҳити, санъати, гўзаллиги б-н Ў.О. ҳудудида шуҳрат топгани учун у шундай сифатга сазовор бўлган. Демак, “латофат”, “латифлик” т.лари, аввало инсонга, давра-жамоага, шаҳар-манзилга нисбатан ижобий таассурот, яхши мун-т ифодаси сифатида қўлланса, иккинчидан аёл гўзаллиги, унинг ташқи ва ички чиройи жозибаторлиги белгиси ҳисобланади.

ЛАҚМАЛИК — ҳар нарсага дарров ишониш, осон алданиш, калтафаҳмлиқ,

гүллик. Л. — нодон одамга хос қусур, хатти-ҳаракат, у ўзида ёмон феъл-атворни жамламаса-да, лекин салбий маънога эга. Чунки, Л. туфайли феъл эгасига ишониб топширилган иш барбод бўлади. Л. дўстлар орасида ишончсизликни, рақиб томонга ғалаба келтиргани учун ҳам салбий хус-ят касб этади. Мутафаккирлардан бири «инсонга хос камчиликлар ичида кечиримлилиги соддаликдир», деган эди. Соддалиқ иллат эмас. Аммо соддалиқ б-н Л.ни фарқлаш лозим. Л.ни донишмандлар ахлоқлик б-н тенглаштиришган. Абулқосим Фирдавсий бу борада шундай дейди: “Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч қўриқчи: тил, кўз, қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилгувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради”. Л.нинг зарари жуда катта. У нафақат шахс маъ-яти, балки жам-т учун ҳам зарарли иллат. Л.нинг зидди зийраклик, огоҳлик, оқилликдир. Л.ни хушёрлик, ўзини меъёрда тутиш барта-раф қила олади. Лақма одам бўлар-бўлмас гапларни ўйламасдан гапираверади, ўзини тутишни билмайди, натижада хатоларга йўл қўяди. Ш.у. одамлар бундай кимсалардан ўзини олиб қочади. Машҳур рус масалнависи И.Крилов “Тулки б-н қарға” масалида Л.ни танқид қилади. Унда лақма қарға тулкининг мақтовларига ишониб, пишлоқдан маҳрум бўлиб қолади. Абдулла Авлоний бу борада дейди: “Ақл эгаси ҳийлага алданмагай, // Ҳийлагарнинг ҳийласи бошин егай. // Дўст ила душман сўзининг фарқи бор, // Фаҳм этар ҳар кимки, ўлса хушёр”.

ЛИБЕРАЛИЗМ (лот. *liberal* — озод, эркин) — ижт-й-сиёсий таълимот ва ижт-й ҳаракат бўлиб, шахс ва жам-т эркинлиги етарли даражада бўлишини кўзда тутадиган ғоя. Л. Испания Конституция-сини (1812) тузиш даврида пайдо бўлган. Европада Л. инглиз сиёсий иқтисодчилари наз-ялари б-н боғлиқ ҳолда давлат-нинг иқт-й масалаларга ноқонуний ара-лашмаслигини эътироф этади. Либераллар шахснинг ташаббусини, савдо эркинлиги ва ҳақиқий рақобатни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Дастлабки либерал ғоялар

Сукрот даврида пайдо бўлиб, адолатли давлат тузишга қаратилган. Кейинчалик Л. Рим қўмондонлари томонидан ривож-лантирилган. Диний дунёқараш ва бур-жуа инқилоблари (XVII—XVIII а.лар) фе-одал мун-тларнинг емирилиши ва Л.нинг рив-шига олиб келган. Лекин Л. давлат ва инсон озодлигига зарар етказиши мум-кинлиги ҳам назарда тутилган. Л.нинг асосий принципи мутлақ озодлик эмас, балки шахснинг максимал эркинлиги, фикрлаши, фикрни баён қилиш ва ҳар қандай динни эътироф этиш эркинли-гидир. Европа Л.и намояндalари Локк ва Руссоларнинг фикрича, Л. асосан давлат ва шахс эркинлигини ҳимоя қилган. Бу фикрларни Кюи, Кант, Жефферсон, Франклин, Монтескье, Кондори синга-ри файласуфлар қўллаб-қувватлаган. Та-биий ҳуқуқ ғоялари Америка мустақиллик декларациясида (1776), француз шахс ва фуқаролиги декларациясида (1784) ва инсон ҳуқуқлари декларациясида баён қилинган. Эркинлик ғояси асосан одам-ларнинг мулкка бўлган мун-ти б-н боғ-лиқ бўлиб, унинг ижт-й ўрни ва олади-ган неъмат миқдорини кўрсатади. Маз-кур муаммолар Адам Смит томонидан такомиллаштирилиб, “Халқлар бойлиги” асарида баён қилинган. Унинг фикрича, шахснинг табиий эркинлиги, бозор эр-кинлиги ва рақобат жам-т ҳаётини барқ-арорлаштиради. Индивидуаллик тартиб-сизликка, тартибга ва ўсишга олиб кела-ди. Давид Рикардо ҳам Л.ни таърифлаб, иқт-й эркинлик максимал фойданинг манбаи, деб ҳисоблаган. Ж.Бате Сейнинг “Сиёсий иқтисод трактати” (1803) аса-рида бозор қонуниятлари ифода этилган. Бу қонунга асосан иқтисодиётда тақчил-лик ва мўлчилик бўлиши мумкин эмас. Давлат ва иқтисодиётни бошқариб, та-лаб ва таклифни тенглаштириб туради. Л.нинг янги йўналиши — утилитар фал.ни Бентам, Милл ва б. файласуфлар ривож-лантирган. Агар мумтоз Л. давлатнинг иқтисодиётга аралашшига мутлақо қарши бўлса, утилитар фал. баъзан давлат иқти-содиётга таъсир этиши мумкинлигини кўрсатади. Лекин давлат иқт-й эркинлик-ни тақиқ этмасдан, фақат ёрдамлашиши

мумкин. Сиёсий Л. шахсларнинг давлат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини тан олиб, сайловларда қатнашишини шарт деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, сиёсий Л. фуқароларга виждон эркинлиги, сўз ва матбуот эркинлигини, яшаш жойини танлаш ҳуқуқини қафолатлайди. Неоклассик Л. XIX а.да пайдо бўлиб, унинг мазмун-моҳияти Л.Вайлераснинг (1834—1910) соф капиталистик иқтисодиёт концепциясида баён этилган. Вайлерас ижт-й ва сиёсий муаммолардан юқори бўлиб, фақат ишлаб чиқариш ва ресурсларни тақсимлаш муаммоларини кўриб чиқади. Вайлераснинг наз-й концепцияси Иккинчи жаҳон уруши орасидаги иқт-й инқироз сабабларини тушунтириб бера олмайди. Бунга йирик инглиз иқтисодчиси, сиёсий нотиқ Ж.М. Кейнс (1883—1946) таърифлаб беради. Кейнс фикрига кўра, иқтисодиёт капитализм даврида ўсиш ва пасайиш хоссасига эга бўлиб, бунга бар-тараф этиш учун давлат иқтисодиёт ривожини мувофиқлаштириб туриши керак. Давлат эса, Кейнс наз-ясига асосан, молия соҳасида, солиқлар тизимида, давлат қарзи ва уларни сарфлаш борасида фаол иштирок этиши шарт. Кейнс издошлари (Фридманн, Хайек) нолиберал иқт-й концепцияларни яратиб, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш борасидаги ролини тан олди. Уларнинг фикрича, капитализм ўз имкониятларини тўлиқ йўқотмаган ва давлат сўнгги ўн йилликларда иқтисодиётнинг нормал рив-шини таъминлаган. Неолибералчиларнинг фикрича, ҳақиқий капитализм ҳали йўқ, у Л. тўлиқ шаклланган даврда пайдо бўлади. Шундай қилиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иқт-й қонунларга асосланган бўлиши керак. Л. давлат масаласига авторитар марксистик қарашларга қарши бўлиб, жам-т ва иқтисодиётда давлатнинг ролини белгилаб беради. Л. таълимнинг мазмун-моҳияти, асосий гоя ва тамойиллари унинг ғоявий муҳолифлари бўлган концепциялар — консерватизм ва социализм б-н қиёслаганда, айниқса яққол намоён бўлади. Маълумки, инсоният тар-ёти ва ижт-й-фал-й фикр тарихида Л. таълимоти асосан икки ғоявий

оқим — консерватизм ва социализм б-н кескин курашда тобланиди, ҳам ижт-й фал., ҳам сиёсий таълимот, ҳам мафкураравий тизим сифатида афзаллигини намоён этди. У шахс, индивид ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг устуворлиги ғоясига таяниб, инқилобий ларзаларсиз, қонун ва ижт-й шартнома замирида жам-т ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш концепциясини илгари суради. Консерватизм оқими намоёндалари Л.ни ўта радикалликда, яъни кескин чораларни қўллашда айбласа, социалистлар, аксинча, унинг мўътадиллигини, инқилобий услубларни инкор этишини қоралаб келади. Консерватизм таълимнинг асосчиси Э.Берк “Француз инқилоби ҳақида ўйлар” асарида (1790) мавжуд тузум ва қадриятларни ҳимоя қилиб, давлат, жам-т, озодлик, ҳуқуқ, шахс эркинлиги масалаларига доир қарашларини баён этади. Этиборли жиҳати шундаки, унинг ёндашувида консерватив қарашларнинг либерал ғоялар б-н қоришиб кетганини кузатиш мумкин. Жумладан, давлатнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, унинг энг мақбул шакли — инглиз либерал анъаналарининг мумтоз табиий ҳуқуқ наз-яси б-н уйғунлашган, авторитар бошқарув тизими томонидан инсон ҳуқуқлари таъминлаган тузум, дея таъкидлайди. Шу боис Берк қандайдир мавҳум ижт-й тузум лойиҳалари ҳақида эмас, бутун диққат-этиборни мавжуд давлат ва жам-т шакллари-нинг таҳлилига қаратади. Аслида консерватизм эркинлик ғоясига қарши бўлмас-да, мазкур таълимот доирасида у ўзгача маъно-мазмун касб этади. Агар Л. таълимоти инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ғоясини ёқлаб келган бўлса, Берк “умумий эркинлик” т.си инсон табиатида зид экани ва турли халқлар тарихий тар-ёти мобайнида шаклланган муайян эркинликларгина чинакам аҳамият ва қиммат касб этишини таъкидлайди. Л. фал.сида индивидиал эркинликлар ижт-й мун-тлар асосини ташкил этувчи муқаддас қадрият сифатида талқин этилса, консерваторлар назарида, шахс манфаатлари ижт-й мун-тлар тизимига бўйсун-

дирилиши даркор. Зеро, ҳар бир инсон муайян ижт-й қадрият ва манфаатлар тизими доирасида яшайди. Бунда унинг нафақат ижт-й мун-тлари тизимида тутган ўрни, балки шахсиятининг моҳияти ҳам намоён бўлади. Шу маънода, шахс эркинлиги устуворлигининг ёқлаб чиқилиши ёки мутлақлаштирилиши, охиروقибат инсоннинг ижт-й алоқалар тизимидан узилиб қолишига сабаб бўлади. Консерватив таълимот вакиллари назарида, бу ҳол шахснинг яккалашуви, унинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келиши мумкин. Дарҳақиқат, XX а.нинг сўнгги ўн йилликларида аксарият ривожланган мам-тларда инсон табиати ва фаолиятида жузъий ўзгаришлар содир бўлаётгани, хус-н, худпарастлик аломатлари, ёлғиз яшашга интилаётган одамларнинг тобора кўпайиб бораётгани инобатга олинса, консерватив оқим вакилларининг бу борадаги қарашлари ҳақиқатга яқин эканини тан олиш лозим. Таъкидлаш жоизки, Л. таълимотининг айрим таниқли намояндалари, мас., Алексис де Токвиль консерватизм замиридаги соғлом фикрларни инкор этмаган, аксинча, ривожлантиришга интилган. Унинг қадриятлар ва манфаатлар, ижт-й тар-ётда адолат тамойили ва аристократиянинг ўрнига доир қарашлари консерватив ёндашувлардан кескин фарқ қилмайди. Табиийки, консерватизм таълимотининг замонавий талқинларида ҳам либерал ғоя ва қарашлар таъсирини кўриш мумкин. Қарийб икки юз йил мобайнида ижт-й-иқт-й тенглик ғоясини инкор этиб келган мазкур оқим вакиллари Л. замирида шаклланган умумий сайлов ҳуқуқи, фуқароларнинг ижт-й муҳофазаси, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари тамойилларини бугун тан олишга мажбур. Чунончи, XX а.нинг иккинчи ярмида консерватизм таълимоти замирида пайдо бўлган “янги ўнглр” оқими ҳам эркин бозор иқтисодиёти, ижт-й ва сиёсий эркинликларни ёқлаб чиқмоқда. Ҳатто ўта консерватив қарашлари туфайли “Темир хоним” дея эътироф этилган Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Маргарет Тэтчер Кейнс сиёсий иқтисодиёти, “ке-

лишув” анъаналари ҳамда корпоратив ёндашувлардан воз кечиб, давлатни идора этиш, иқтисодиётни ривожлантиришда монетаризм тамойиллари, либерал ғоя ва қарашларга таяниб фаолият юритгани маълум. Умуман олганда, Л. ва консерватизм таълимотлари ғоявий-мафкуравий, иқт-й ҳамда сиёсий қарашлар н.назаридан фарқланса-да, аммо а.лар мобайнида бири-бирдан озиқланиб, бири-бирини бойитиб келган. Л.нинг яна бир асосий муҳолифи — социализм (бу ижт-й-сиёсий таълимот негизида социал-демократик, коммунистик, национал-социалистик йўналишдаги ўнлаб сўл оқимлар вужудга келган) ўртасидаги фундаментал фарқ давлат ва жам-т ҳамда инсон фаолиятининг барча соҳаларига доир масалаларнинг бир-бирига мутлақо қарама-қарши ёндашувлар асосида талқин этилиши ва ҳал этилишида намоён бўлади. Биринчидан, Л. таълимотининг бир неча а.лик тадрижий тар-ёти натижаси ўлароқ, дунёнинг кўпгина мам-тларида инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаган давлат, шахс маън-й камолоти, унинг ботиний ва зоҳирий имкониятларини рўёбга чиқарадиган ривожланган фуқаролик жам-ти вужудга келган бўлса, социалистик ғоя ва қарашлар асосига қурилган тоталитар тузумларда (социалистик тизим мам-тлари, нацистлар Германияси, Муссолини Италияси, Франко Испанияси ва ҳ.к.) давлат олий қадрият, инсон эса унга сўзсиз хизмат қиладиган қул, оддий мурват сифатида қараб келинган. Албатта, бундай ғайриинсоний ғояларга таянган тузумларда инсон ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатлари, ҳатто ҳаётининг ҳам бир чақалик қиммати бўлмаган. Миллионлаб одамларнинг хуни дарё бўлиб оққан, аҳолининг айрим тоифа ва табақалари қириб юборилган, бир қанча миллатлар ватанидан қувғин этилиб, қатағон қилинган XX а.нинг фожиали тарихи шундан далолатдир. Бинобарин, тоталитар тузум ва диктаторлар ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун қурол кучигагина таянмаган, улар ижт-й ҳаётининг барча соҳаларини назорат қилишга, инсон руҳиятига, умуман оммавий онгга

хос муайян хус-ятлардан фойдаланишга интилан. Иккинчидан, Л. таълимоти асосчилари инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият эканини асослаб берган бўлса, унинг ҳаётини қатъий назорат қилишга уриниш қанчалик даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини социалистик гоя ва мафкура асосига қурилган давлатлар мисолида кўриш мумкин. Учунчидан, Л. хусусий мулк, хусусий манфаатнинг дахлсизлигини ёқлаб чиқади ва мукамал қонунлар воситасида унинг ҳуқуқий жиҳатдан мустақам ҳимоя этилишини таъминлайди. Л. наз-ясига кўра, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи — эркин бозор иқтисодиётининг пойдеворигина бўлиб қолмасдан, шахс ва жам-т фаровонлигининг асоси ҳамдир. Социалистик маъмурий-буйруқбозлик тизимида эса мулк тўлиқ давлат томонидан тасарруф этилади, хусусий мулкчилик эса таг-томири б-н суғуриб ташланади. Иқтисодиётни бошқаришда марказлашган режа-тақсимот тамойиллари ҳукмронлик қилади. Тўртинчидан, Л. таълимоти замирида жам-т иқт-й, ижт-й, сиёсий ва маън-й ҳаётини такомиллашувига хизмат қиладиган турли-туман илмий наз-я ва концепцияларнинг пайдо бўлишига имкон яратилса, социалистик гояларга асосланган тузумларда яккаю ягона “ҳаққоний” (аслида ўта мавҳум, утопик ва афсонавий қарашлар мажмуасидан иборат бўлган) таълимотга таянилади. Бешинчидан, Л. давлатни идора этиш демократик тамойиллари, хус-н, ҳокимият турли бўғинлари ваколатларининг бўлиниши, ш-дек, фуқаролик жамтини бошқариш мукамал ин-тларининг шаклланиши ва рив-шига кенг имконият яратса, “социалистик демократия” — давлат, партия ёки номенклатуранинг яккаҳукмронлиги, шахсга сиғиниш, миллатлараро ва гуруҳлараро зиддиятларнинг кучайиши, ахлоқ ҳамда маън-й қадриятлар таназзулининг тимсоли бўлиб қолди. Олтинчидан, Л. қарийб уч алик ривож мобайнида инсониятни тар-ётнинг юксак чўққисига етакловчи, ўзгарувчан, такомиллашиб борадиган таълимот эканини намоён этди. Социализм наз-яси эса

ғоявий-мафкуравий ва ижт-й-сиёсий таълимот сифатида давр талабларига дош бера олмай, инқирозга юз тутди. Бир сўз б-н айтганда, Л. ва социализм ўртасидаги тарихий муҳораба эркинлик таълимоти фойдасига ҳал бўлди. Шу боис социалистик мафкура, тоталитар тузум исканжасидан қутулиб, ижт-й-иқт-й тар-ёт сари интилаётган барча давлатларда, шу жумладан, Ўз-нда, либерализм фал.си ва сиёсий таълимотига таяниб, жам-т ҳаётининг жамики соҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жам-ти ин-тларини шакллантириш, демократик қадриятларни амалиётга татбиқ этиш сиёсати изчил амалга оширилмоқда.

ЛИРИКА (юн. *lyra* — қадимги юнонларда рубобга ўхшаш мусиқа асбоби бўлиб, улар шу асбобни чалиб кўшиқшеър айтганлар; ана шу кўшиқ ва шеърлар Л. дейилган) — бадий адабиётнинг эпос, Л., драма деб номланган уч асосий туридан бири. Л. бирор-бир ҳаётий воқеа-ҳодиса таъсирида туғилган руҳий кечинма, фикр ва туйғулар орқали турмушни акс эттиради. Л.да инсоннинг ички дунёси шу инсоннинг ўзи ҳам, ундаги кайфиятни туғдирган ҳаёт шароитларини ҳам тасаввур қилишга имкон беради. Лирик асар, одатда, кичик ҳажмли бўлади. Лекин, шунга қарамай, у ҳам турмушни бадий, образли акс эттиришнинг барча хус-ят ва белгиларига эга бўлади. Л. асарда конкрет индивидуал кечинмалар орқали типик кечинмалар ифодаланади, бу ҳолат лирик асарда бадий умумлаштиришни вужудга келтиради; шоир Л.да муайян шахснинг бевосита ҳаётий кечинмасини беради, бу б-н асарда характер ва кечинмани индивидуаллаштиради; шоир Л.да ёлғиз ўз фикри, ҳис-туйғусинигина эмас, балки типик кечинмаларни ифодалайди, бу эса ўз навбатида бадий фантазияни талаб этади (бусиз лирик асар шоирнинг фақат шахсий кундалик дафтарига айланар, санъат бўла олмас эди). Демак, бадий фантазия Л. учун ҳам хос хус-ятдир; шоир воқеликни илғор ижт-й идеаллар нури б-н ёритадиган кечинмалар,

фикр ва туйғуларни тараннум этади, на-тижада Л. асар катта гарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Бинобарин, Л.нинг композицион тузилишида уч таркибий қисм мавжуд: биринчи қисмда асосий фикр ифодаланади, иккинчи қисмда ёрдамчи, янги мотивлар б-н мавзу очилади, учинчи қисмда фикр ва туйғулар доираси тугалланади, яқунланади. Буни хотима қисм дейдилар. Хотимада фикрлар, туйғулар мужассам тус олади. Мас., Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда” шеърдаги бош фикр, асосий мотив қуйидаги гўзал мисраларда ёрқин ифодаланган: Мана сенга олам-олам гул, // Этагингга сиққанича ол. // Бунда толе ҳар нарсадан мўл, // То ўлгунча шу ўлкада қол. Шеъринг шакл Л.нинг характерли хус-яти бўлиб, у кишининг ҳис-туйғуга тўла ҳаяжонли нутқини таъсирли ифодалашда қўл келади. Шеъринг шакл Л.да оҳангдорлик ва мусиқийликни вужудга келтиради. Бинобарин, Л. асар, гўё ўқиш учун эмас, балки фақат қуйлаш учун яратилгандай туюлади. Л.нинг энг қадимги турларидан бири — халқ қўшиғи, ашула ва лапарлардир. Шарқ мумтоз Л.си, жумладан, ўзб. мумтоз Л.си ғазал, қасида, мурабба, мухаммас, мусаддас, рубоий, қитъа каби жанрлардан иборат бўлган. Ҳозир Л.ни шеърнинг асосий мазмунига қараб, сиёсий ёки фуқаролик Л.си, фал-й Л., интим (шахсий) Л., табиат ё пейзаж Л.си каби жанрларга ажратадилар. Лекин, уларнинг ҳаммасида ҳам инсон ҳаёти, муҳаббати ва нафрати, севинч ва изтироби ўз лирик ифодасини топади. Чунки ҳар қандай бадиий асарнинг марказида инсон ва унинг ҳаётини кураши, жам-т ва табиат ҳодисаларига маън-й, маън-й мун-ти асосий объект бўлиб туради. Инсонинг хилма-хил ҳаёт ҳодисаларига ва табиатга мун-тидан ранг-баранг Л. лавҳалар, ҳаёт поэзиясининг қаламга олинган турли-туман лирик кўриниши намён бўлади. Чунончи, инсоннинг ижт-й ҳодисаларга мун-ти фуқаролик Л.сида, табиатга қараши пейзаж Л.сида акс этади ва ҳ.к.

ЛОТИН АЛИФБОСИ — инсон, шахс дунёқараши, билим ва кўникмалари, тажрибаларини ёзма баён қилиш усули

сифатида қад. Римнинг Лаций вилоятининг (“лотин” сўзи ҳам шундан), хус-н, унинг марказий шахрининг ёзуви, ҳарфий ёзув; ғарбий юнон ёзуви асосида пайдо бўлган. Мил. ав. IX–VIII а.ларда ҳоз. Италия ҳудудига кириб келган алифболи юнон ёзуви аста-секин ривожланиб, фақат мил. ав. III–IV а.лардагина мустақил Л.а. юзага келган. Ушбу ёзувдаги энг қад. ёдгорликларда (мил. ав. VI–IV а.лар) ёзув йўналиши ҳам ўнгдан чапга, ҳам чапдан ўнгга йўналган бўлган, мил. ав. IV а.дан кейингина чапдан ўнгга қараб ёзиш барқарорлашган. Бу даврдаги ёзувда тиниш белгилари бўлмаган, ҳарфлар бош (катта) ва кичик ҳарфларга ажратилмаган. Л.а.да дастлаб 20 та ҳарф бўлган, мил. ав. I а.дан бошлаб юнон тилидан кирган сўзларни ёзиш учун V, Z ҳарфлари қўллана бошлаган. Бу алифбо ўрта а.ларда кўплаб шакл ўзгаришларига учраган ҳолда рив-шда давом этади. XI а.да W ҳарфи, XVI а.да X ва V ҳарфлари алифбога киритилади. Кейинги рив-ш даврида, китоб босиш ишлари йўлга қўйилганидан кейин тиниш белгилари, диакритик белгилар пайдо бўлди, бош ва кичик ҳарфлар фарқлана бошланди. Ҳоз. Л.а. икки хил типографик шаклга эга: асл лотин ҳарфлари (иккинчи номи — «антиквар») ва гот ёзуви («фрактура» деб ҳам аталади). Уларнинг биринчиси, яъни лотин ҳарфлари энг қад. алифбога яқин бўлиб, ҳоз. амалиётда, асосан, ана шу ҳарфлардан фойдаланилади. Рим империяси қулагач, хус-н, VIII а.дан эътиборан Л.а. Ғарбий Европадаги кўплаб халқларнинг ёзув тизимлари учун асос бўлди. Ҳоз. даврда дунё тилларининг 30–35 фоизи Л.а.дан фойдаланади. Ўзбекистонда ҳам 1929–40 йилларда шу алифбо асосидаги ўзб. ёзуви амалда бўлган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг она тилимизга яна Л.а. жорий этилди. Ҳоз. ёзувимизда лотин ва крилл алифболари баробар ишлатилмоқда. Бу эса миллий тилимиз ривожини учун катта қулайликлар яратиш б-н бирга, юртимизда турли миллат ва элат вакилларининг ёзма мад-тини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий ёзув тизимлари Л.а.га асосланган

халқларнинг алифболаридаги ҳарфлар таркиби, албатта, қад. Л.адан фарқ қилади. Л.а.нинг тегишли фонетик тизимларга мослашуви диакритик белгиларни киритиш орқали амалга оширилади.

ЛОҚАЙДЛИК — инсон, жам-т, миллат ишига бепарво ва совуққонлик б-н ёндашиш, мун-тда бўлишни ифодаловчи маън-й иллат. Муайян кишининг гоҳида ўз ҳаёти, ўзгалар фаолияти, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарқлиги ва лоқайдлигини англатувчи т. Ҳаётий позициянинг аниқ омаслиги, долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиш, эл-юрт, жам-т ва миллат ташвишларидан четда туриш Л. белгиларидир. Президент И.А.Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: “Темур тузуклари”даги “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён...

Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади. Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламиз. Ирода бу аслида мустаҳкам ишонч демақдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади. Лекин бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки куза-

тувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди.

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душмanning кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради. Л.ка қарши кураш, замон даъватларига ҳозиржавоб ва давр б-н ҳамнафас. маънан баркамол кишиларни тарбиялаш бу соҳадаги долзарб вазифадир.

ЛЎТТИБОЗЛИК — 1) Қуръонда зикр этилган пайғамбар Лут (а.с.) қавмининг қилиқларига тегишли одатлар, бола ўйнатувчи, баччабоз; 2) ҳоз. маънода бачканалик, шум, айёрлик, маҳмаданалик; 3) кўчма маънода — фирибгар, ҳийлагар, алдоқчи, найрангбоз маъноларини англатадиган т. Л. аслида “лутий-бозлик” сўзидан ўзлашган. Л. бадиий адабиётда салбий маънода қўлланади. Л. адабиёт, психология, этика ва эстетика фанларининг предметидир. Мазкур категориянинг зидди ростғўйлик, соддалик, одоблилик, ахлоқий комиллик ва ҳ.к. Л.ни ўзига касб қилиб олган одамлар ишончсиз, зарур вақтда ёрдамга келмайдиган, ижт-й ҳаётда қалб амри б-н яшамасдан, аксинча нафс майлларига қулоқ тутадиган кишилар тоифасидир. Л. қиладиган кишилар жам-тда мустақил фикри йўқ, маҳмадана, хатти-ҳаракати бачкана қилиқлардан иборат кимсалардир. Қаерда қалб ва ақл муштараклиги, иймон-ишонч йўқолиб борса, ўша ерда Л. бошланади. Л. иллатини йўқотиш фақат инсоннинг ўзига боғлиқ. Л.нинг давоси тартиб-интизом, таълим-тарбиядир. Абдураҳмон Жомий таъкидлагани каби, “Кўм-қўк бу найрангбоз осмон остида, // Бўлсанг ҳар кимсани синаш қасдида, // Фарқ бўлма сўзларнинг хусн, жамолига. // Нечукдир, назар сол ишин ҳолига...”



МАДАНИЙ АНТРОПОЛОГИЯ — кенг маънода, инсон мад-тининг шаклланиш қонуниятларини унинг антропологияси б-н қиёсий равишда ўрганувчи фанни, тор маънода эса, турли гуманитар фанлар ютуқлари ва маълумотларига таянган ҳолда инсоният мад-й рив-шининг умумий муаммоларини ўрганиш б-н шугулланадиган илм. тад.ни англатади. М.а.нинг асосий объекти инсондир. У инсоннинг абстракт моҳиятини, уни қуршаб турган мад-й муҳит орқали ёритишга ҳаракат қилади. Бу тадқиқот йўналиши XIX а.да В.Дильтейнинг тимсоллар наз-яси таъсирида вужудга келган. 20-а.да Э.Гуссерль томонидан ривожлантирилган ушбу таълимотга мувофиқ, ҳар бир мад-т ўзига хос хус-ятга эга бўлиб, бу ўзига хослик унинг барча таркибий қисмлари ва элементларида акс этади. М.а. шаклланиши ва рив-шига М.Вебер социологияси, Э.Кассирернинг рамзлар ҳақидаги таълимоти, К.Лоренц ва б.нинг жониворлар ва инсон хулқ-атворини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари ҳам туртки берган. М.а. асосий жиҳатларига кўра, АҚШда кенг тарқалган бихевиоризмга ўхшашдир. У шахснинг хулқ-атвори уни қуршаб турган мад-й муҳит таъсирида шаклланади, деган хулосага таянади. Бироқ бихевиоризм вакиллари ҳар бир мад-тни тавсифловчи хус-ятларни аниқлашга эътибор қаратган бўлса, М.а. мад-тга хос бўлган хус-ятлар масаласини кун тартибига қўйди ва асосий диққат-эътибор хулқ-атворни ўрганиш масаласига қаратилди.

Ҳар бир мад-тни унинг ташувчилари томонидан стихияли, бетартиб қарорлар маҳсули сифатида талқин этадиган мад-й релятивизм М.а.нинг асосий хус-яти бўлиб қолмоқда. М.а. тарафдорларининг фикрига кўра, одамлар муайян хулқ-атвор, тафаккур усулини танлар экан, бу б-н бошқа барча хулқ-атвор, маън-й англаш усуллари рад этади. Ш.у. улар мад-т ва

маъ-ятни, бир томондан ютуқ сифатида эътироф этса, бошқа томондан, уларни аллақандай “мавҳум бўшлиқ” тарзида талқин қилади.

МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАР — ажлодлардан авлодларга ворисийлик асосида етиб келган, инсониятнинг бугуни ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган моддий ва маън-й бойликлар, бутун инсоният мулкни ташкил этувчи буюк мад-й ва табиий ёдгорликларни ифода этувчи т. М.б. халқнинг, миллатнинг а.лар мобайнида ёзма манбалар ва халқ оғзаки ижодида ифодаланган, объективлашган ва субъективлашган нарса ва буюмларда акс эттирилган моддий, маън-й фаолият маҳсулидир. Унда билим, тажриба, дунёқараш, маъ-ят ва маърифат уйғун тарзда муҳрланган. ЮНЕСКО ташкилоти 1972 йилда жаҳон мад-й ва табиий ёдгорликларини сақлаш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилган (1975 йилдан кучга кирган). Жаҳон М.б.и рўйхатига жами 721 та мад-й ва табиий ёдгорликлар киритилган. Улар орасида Ўз-ндаги Хива (Ичан қалъа), Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанднинг тарихий марказлари ҳам бор.

МАДАНИЙ ИСЛОҲОТ — мад-й янгиланиш, жам-тнинг бир сифат ҳолатидан юксакроқ янги сифат ҳолатига ўтиш жараёнида иқт-й, ижт-й, сиёсий жабҳалар б-н бир қаторда мад-т ва маъ-ят соҳасида ҳам туб ўзгаришлар ва ислоҳотларни амалга ошириш жараёнини ифода этувчи т. Бунда жам-т ҳаётининг барча жабҳаларида амалга ошириладиган туб ислоҳотлар мад-й ҳаёт ва маъ-ят б-н уйғун ҳолда олиб борилиши объектив тарёт қонунияти сифатида намоён бўлади. Чунки, жам-т иқт-й-ижт-й асосларини ислоҳ этиш объектив равишда мад-т соҳасини ҳам тубдан ўзгартириш ва қайта қуришни тақозо этади. Тарихий тар-ёт

жараёни, цивилизация ривожининг муайян босқичида маърифатпарварлик ҳаракатини (Франция, Англия, АҚШ, Голландия, Белгия, Германия ва б.), М.и., илм-фан, санъат ва адабиётни ривожлантириш орқали миллий озодликка, мустақилликка эришиш йўлидаги савий-ҳаракатлар (гандизм, жадидчилик) М.и. амалиётини жорий этиш босқичлари сифатида баҳолаш мумкин.

Собиқ мустабид тузум даврида “маданий инқилоб” деб аталган, аслида маданият соҳасида зўравонлик ва босқинчиликдан иборат бўлган бузғунчи жараёнлар оқибатида азалий урф-о., анъана ва қадриятларимиз, миллий ғуруримиз топталди, халқимизнинг минглаб асл фарзандлари: давлат арбоблари, олим уламолар, зиёлилари қатагон қилинди, бебаҳо илмий, мад-й-маър-й меросимиз, неча минг йиллик тарихимиз ва мад-тимизга асосланган маън-й ҳаётимизга таъкиб ва тазйиқлар кучайди.

Мустақиллик туфайли мам-тимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори мад-т, маъ-ят соҳасида ҳам амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий ўзликимизни англаш, кўҳна урф-о. ва анъаналаримизни тиклаш, улуғ аждодларимиз қолдирган бой меросни ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг қадамжоларини обод этиш, илм-фан, санъат ва адабиётни ҳар томонлама ривожлантириш борасида беқиёс имкониятларни юзага чиқармоқда.

МАДАНИЙ МЕРОС — авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маън-й-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ мад-ти ва ижодида ифодаланган моддий ҳамда маън-й бойликларни англагучи т. Ҳар бир давр М.и. ривожига ўзига хос ҳисса қўшади. Мас., Қад.юнон мад-ти доирасида фан, адабиёт ва санъати соҳасида яратилган нодир асарлар ва ёдгорликлар ҳозиргача инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ёхуд Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхо-

наларимиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астраномия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қиммабаҳо асарлар, ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради”. Мам-тимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт минг йилдан зиёд моддий-маън-й обида умумжаҳон меросининг намнаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мустақиллик йилларида ана шу бебаҳо М.и.ни тиклаш, уни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, изчиллик б-н давом эттирилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Кўқон, Тошкент, Қарши, Термиз, Хива, Марғилон, Шаҳрисабз каби кўҳна шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, масжиду-мадрасалар, мақбаралар, қадамжолар ҳам М.и.нинг ажралмас қисмидир. Мам-тимиз мустақилликка эришгач, мустабид тузум даврида тақиқлаб қўйилган урф-о., маросим ва анъаналар, исломий қадриятлар, миллий байрамлар қайта тикланди, ўзб. тили давлат тили мақомига эга бўлди, жаҳон ва миллий мад-тимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк сиймоларнинг номлари тикланиб, асарлари ҳар томонлама ўрганилмоқда, қадамжолари обод этилмоқда. Бундай эзгу савий-ҳаракатлар бой М.и.имизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш, келгуси авлодларга безавол етказиб беришда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

МАДАНИЯТ (араб. шаҳарга оид, фаровон маскан, тар-ёт ўчоғи) — табиат ва ўзаро мун-тларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос шаклини ифодалайдиган т. М. алоҳида индивиднинг ҳаётий фаолияти (шахсий М.), ижт-й гуруҳ ёки жам-тнинг фаолият усулини акс эттиради. Дастлаб М. т.си инсоннинг табиатга мақсадга мувофиқ тарзда таъсири (ерга ишлов бериш, табиий бойлик-

лардан фойдаланиш ва ҳ.к.) ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаши ва билим олиш маъносида қўлланган бўлса, кейинчалик турли халқлар М.нинг ўзаро яқинлашуви, мун-тларининг ифодаси ўлароқ жаҳон М.и, тамаддунлар М.и т.лари пайдо бўлди. М. атамаси кенг маънода қўлланиб, жам-тнинг ишлаб чиқариш, ижт-й-маън-й ҳаётида қўлга киритилган ютуқларни, муайян халқ ёки ижт-й гуруҳнинг маълум даврда эришган натижалари, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёилик ва маърифатлилик ҳамда турмушнинг инсон эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари мажмуини ифодалайди. Инсон фаолиятининг икки асосий тури – моддий ва маън-й яратувчанликка кўра, М. моддий ва маън-й М.ларга бўлинади. Моддий М. моддий фаолиятнинг барча соҳалари ҳамда уларнинг ҳар бирида эришилган натижалар – меҳнат қуроллари, тураржой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва ш.к.ни ўз ичига олади. Маън-й М.га ақлий ва маън-й яратувчанлик соҳалари – билим, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фал., дин, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор, асо-тирлар ва ш.к. киради. Уйғониш ва маърифатпарварлик даврларида М. етуқлиги деганда инсон ва жам-т ҳаётида инсон-парварлик, маърифатпарварлик ғоялари устувор ўрин тутиши лозимлиги тушунилган. Жам-тдан ташқарида М. мавжуд эмас. Ижт-й мун-тлардаги ҳар қандай ўзгариш М.га таъсир этади ва унда бу мун-тлар қандай натижаларга олиб келиши ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шу боис М. нафақат ўтмиш ёки бугунги кун, балки келажакка нисбатан мун-тнинг ифодаси ҳамдир. М. инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичи. Инсоният ўзи ҳам пировард натижада М. маҳсулидир. Мад-й муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади. М.нинг ижодкори, энг аввало, халқ. Халқ М.ида ажодлар яратган моддий ва маън-й бойликлар жамланган. Уларни ўзлаштирмай, билмай туриб, М.ли киши бўлиш мумкин эмас. М. ривожда ноёб истеъдод со-

ҳиблари: фан, адабиёт, санъат аҳли ҳам катта ўрин тутати. Улар туфайли М.да янги ёндашув, ижод турлари, бадиий-эстетик қарашлар юзага келади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида кенг тарқалган айрим касб турлари М.нинг алоҳида шакли сифатида эътироф этилади. Мас., китобат М.и, кул-лалчилик М.и, бинокорлик, машинасозлик, темирчилик, ипакчилик М.лари ва ҳ.к. Бундан ташқари, фанда М.нинг барча халқлар ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган турлари ҳам қайд этилади. Мас., қишлоқ хўжалиги М.и, технологик М., минтақавий М. ва ҳ.к. Бу ҳол М. турларини алоҳида-алоҳида ҳамда қиёсий ўрганиш ёндашувининг шаклланиши, фаннинг алоҳида тармоғи сифатида ажратиб чиқишига олиб келди. Ҳоз. вақтда М. ва мад-й ҳодисалар “Маданият-шунослик”, (“Культурология”) фанининг асосий объекти сифатида олий ўқув юртлари доирасида кенг миқёсда ўрганилади. М.нинг мам-тимизнинг ижт-й-маън-й тарақ-тида тутган ўрни беқиёсдир. И.А.Каримов таъкидланганидек, **Ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўндан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. ...Маданият бизнинг умумий тафаккуримизнинг, миллий қадриятларимизнинг асосидир. ... Биз ҳаммавақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганиб олишимиз лозим. Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилганлиги тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятнинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва омалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак.**

МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ ҶОҚЛАРИ – мад-й масканлар, театр, кино, музей, кутубхона, санъат саройи, мад-т ва истироҳат боғлари, маъ-ят ва

маърифат маркази, болалар ва ўсмирлар ижод марказлари, ОАВ, нашриётлар, таълим масканлари мажмуини англатадиган т. Кейинги пайтда улар сафига халқаро ва миллий-мад-й марказлар, халқ амалий санъати б-н шуғулланадиган кичик корхоналар, фирмалар ва хусусий устаноналар, оила, маҳалланинг кўшилиши халқ оммасининг ижт-й-мад-й ҳаётда фаол иштирокини таъминлайди. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...истиқдолгача маданият ва маънавият ўчоқларини, санъат масканларини қуриш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас, бунга худдики даромад бермайдиган бефойда бир иш, иккинчи даражали масала, деб қаралар эди. Бирон бир маданият биноси қурилишини амалга ошириш учун эса бир қанча давлат идораларидан ўтишга, агар унга сарфланадиган маблағ маълум бир миқдордан ошадиган бўлса, Москвадаги қанча-қанча кабинетларда овора бўлишга тўғри келарди. Театр, санъат уйлари каби масканлар халққа маънавий озиқ бериши, маданий савиясини ошириши, унинг юрагига малҳам бўлиши — бу масалалар уларни қизиқтирмасди. Чунки халқнинг маданияти, онгу тафаккури қанчалик паст бўлса, уни бўйсундириш, бамисоли бўйнига калта арқон боғлаб етаклаш шунча осон бўлишини эски мафкура доҳийлари яхши биларди”. Мустақиллик йилларида юртимизда мад-т ва санъат иншоотларини барпо этиш б-н бир қаторда ажодларимиз қолдириб кетган улкан мад-й мерос ва тарихий ёдгорликлар қайтадан тикланмоқда, таъмирланмоқда. Шу мақсадда кўплаб қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ўз ижросини топмоқда. Ушбу ҳужжатлар миллатимиз мад-ти, санъати, қолаверса, миллий маъ-ятимиз тар-ётида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Истиқдол йилларида биргина Тошкент шаҳрида «Туркистон» саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Миллий академик театр биноси ва гоат гўзал, маҳобатли кошона — Ўз-н Давлат консерваториясининг янги биноси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи ва б. кўплаб иншоотлар барпо этилди. Ҳоз. кунда мам-тимиз-

да аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари б-н бевосита шуғулланадиган ЎзР Мад-т ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 5748 та кутубхона, 2143 та клуб муассасаси, 87 та музей, жумладан, 18 та тарихий, 25 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 16 та мемориал ва 18 та бошқа йўналишдаги музей ва 60 дан ортиқ мад-т ва истироҳат боғи ҳамда 37 та профессионал театр жамоаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

МАДАНИЯТ ФАЛСАФАСИ — мад-тининг моҳияти, рив-ш қонуниятлари, тар-ёт босқичлари ва истиқболларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганувчи фал-й фан. М. ф. фан сифатида ажралиб чиққани учун ҳам улар ўртасида узвий боғлиқлик бор. Хус-н, фал-й қонун ва категорияларни билиш мад-т ва унинг рив-ш муаммоларини наз-й-методологик жиҳатдан тўтри ечиш учун замин яратади. Айни пайтда М.ф. мад-тининг хилма-хил кўринишларини таҳлил қилиш асосида фал-ий қонунлар, ва т.ларнинг мазмунан бойиши, фал.нинг ижт-й амалиёт б-н алоқасининг кенгайиши ва чуқурлашуви, у илгари сураётган хулоса ва қоидаларнинг бойиши ва такомиллашувига хизмат қилади. М.ф. ижт-й тар-ётнинг субъектив, яъни кишилар фаолияти б-н боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор беради. М.ф.нинг предмети доираси мад-т масалалари б-н чекланган. Шу боис мад-т т.си кенг талқин қилинган тақдирда ҳам бутун жам-тни қамраб ололмайди. М.ф. бошқа фанлар маълумотларидан фойдаланиш б-н бирга ўзининг эмпирик материалларини йиғди ва таҳлил қилади. М.ф. ижт-й-гуманитар фанлар б-н ўзаро таъсирда бўлиб, уларнинг категорияларидан фаол фойдаланади. Мас., фал. фанидан “фаолият”, “тар-ёт”, “ворислик”, “бошқарув” каби т.ларни ўзлаштириб “мад-й фаолият”, “мад-й тар-ёт”, “мад-й ворислик”, “мад-тни бошқарув” каби категорияларни ишлаб чиқади. М.ф. наз-й таҳлил объекти сифатида жуда қадимий илдизга эга. Шарқда Будда, Конфуций, Зардушт, Фарба антик фал. намояндалари қарашлари бунга мисол бўла олади.

Аммо узоқ вақт мад-тшуносликка оид тадқиқотлар фал., тарих, антропология каби фанларнинг таркибий қисми сифатида ривожланиб келди. XIX–XX а.лар оралигини М.ф.нинг фан сифатида шаклланишида муҳим босқич дейиш мумкин, чунки бу даврда М.ф.га муҳим ижт-й ҳодиса сифатида жиддий эътибор қаратилди. Жум-н, И.Кант учун М.ф. тар-ёти аввало ахлоқ тар-ёти бўлса, Гегель учун фал. тар-ёти асосий ҳисобланади. Умуман олганда, немис мумтоз фал.си доирасида М.ф. жам-т ва индивиднинг маън-й ва сиёсий рив-шининг умумий шакли сифатида талқин этилади ва мад-тнинг турли шакллари инсон мад-й эволюциясининг тарихий босқичлари сифатида таҳлил этилади. Бугунги кунда мад-тнинг моҳиятини таҳлил қилишга йўналтирилган бир қатор ёндашувларни ажратиш мумкин. Натуралистик ёндашувда мад-т инсон табиати рив-шининг табиий маҳсули, инсон табиати эволюциясининг якуний босқичи деб ҳисобланса, мумтоз ёндашувда мад-т инсон ва жам-т маън-й ҳаёти б-н айнанлаштирилади, у табиатдан ташқаридаги, ғайритабиий ҳодиса сифатида талқин қилинади. Аксиологик ёндашувда мад-т т.си фақат қадриятларга нисбатан қўлланадиган мумкинлиги таъкидланса, фаолиятли ёндашув доирасида мад-т инсон ҳаётий фаолиятининг ўзига хос усули, фаолият, унинг манба ва натижаларининг диалектик бирлиги сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, М.ф. семиотик, структуравий, постмодерн, антропологик ёндашувлар н. назаридан ўрганилиши мумкин. Шундай қилиб, М.ф. нинг талқин этилиши борасида турли-туман ёндашувлар мавжуд бўлса-да, бу т. ва ҳодисанинг яхлит умум-эътироф этилган концепциясини ишлаб чиқишга эҳтиёж сақланиб қолмоқда.

МАДАНИЯТСИЗЛИК – инсониятнинг моддий ва маън-й бойликлари, кашфиёт, янгилик, ижод намуналари, майший ва маън-й соҳаларда эришилган ютуқлар, қадриятлар, мад-т ва маъ-ятдан бебахралик ёки мад-й бойликларга

беписандлик, тарбиясизликни ифода этадиган т. М. ни таълим-тарбия, маън-й-мад-й, маър-й тадбирлар воситасида бартараф этиш, кишиларнинг мад-й савиясини ошириш, юксалтириш мумкин. Юртимизда мад-т янгиликларини оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида театр, клуб, музей, кутубхона, марказ ва саройлар, турли хил мад-т ўчоқлари, тарбия ва таълим муассасаларини барпо этиш ва фаолият самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар ана шу мақсадни кўзлайди.

МАДҲИЯ (араб. мақтов, таъриф) — бирор шахс, воқеа ёки нарсанинг мақтовига бағишланган бадиий асар. М. муайян халқ, миллат, давлат ва жам-тнинг орзуинтилишлари, маъ-яти, тарихи, бугуни ва истиқболини ўзига хос тарзда ифода этадиган т. Баъзан асарнинг бир қисми ҳам М.дан иборат бўлиши мумкин. Араб, форс ва ўзб. мумтоз адабиёти анъаналарига кўра, ҳар бир йирик эпик асарнинг бош қисмида (асосан, шеърий) М.лар ўрин олган. Одатда бу М.лар аввало Худога, пайгамбар ва ҳукмдор ва б.га бағишланган. Ш-дек, шоирлар орасида ўзларидан аввал яшаб ижод этган буюк шахсларга М.лар бағишлаш ҳам урф бўлган (мас., Навоий “Хамса” сидаги дostonлар муқаддимасида Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомий мадҳи). М. характеридаги асар турли жанрларда (маснавий, ғазал, мухаммас ва б.) ёзилиши мумкин. Муайян давлатга бағишланган шеърий-муסיқий асар ҳам М. ҳисобланади. (*Яна қаранг: Давлат гимни*)

МАЖБУРИЯТ — инсон зиммасига юкланган вазифа, масъулият, ижт-й ҳаёт иштирокчиларининг ўзаро мун-тларини ифодалайдиган жиҳатларидан бири. Шахс, жам-т, давлат ва индивидларнинг ўзаро алоқаларини тавсифлайди. Ана шу мун-тларни белгиловчи меъёр талаблари доирасида субъект томонидан ўз хулқ-атвори ва унинг оқибатлари, ҳаракат қилиш М.ининг ижт-й аҳамиятини англаш, идрок этишини билдиради. М.нинг ижт-й меъёрлар мазмунига боғлиқ ҳолда маън-й-ахлоқий (ахлоқ меъёрлари), сиёсий (сиёсий меъёрлар), юридик (ҳуқуқий

метёрлар) ва б. турларини келтириш мумкин. Маън-й-ахлоқий М. бурч т.си б-н узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон томонидан жам-т. ўз оиласи, яқинларига нисбатан маън-й бурчини теран ҳис этиш, ахлоқ талабларига қатъий риоя этган ҳолда фаолият юритиш. юрт, Ватан тақдири учун маъсулиятни чуқур англаган ҳолда ҳаракат қилишни англатади. Юртбошимиз инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳаларда фаолият юритаётган кишилар ҳақида тўхталиб, "... ўқитувчи ва мураббийлар, ёзувчи ва журналистлар, кино ва театр аҳли, мусиқачилар ва рассомлар, умуман зиёлиларимиз халқимиз учун янгича воқелик бўлмиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жам-т олдидаги маън-й бурчини чуқур ҳис этган ҳолда, ўз истеъдоди ва маҳоратини аямасдан астойдил меҳант қилмоқда" деб таъкидлайди. Барча юртдошларимизга тааллуқли бўлган ушбу мулоҳазаларда М. т.сининг мазмун-моҳияти, унинг ижт-й аҳамияти мужассамдир.

МАЖБУРЛАШ — муайян фаолият ёки хатти-ҳаракатни мажбурий тарзда, зўрлаб амалга оширишни ифодаловчи т. М. сўзи шахснинг ихтиёридан ташқарида, унинг хоҳиш-иродаси, интилишларига мос келмайдиган тарзда бирор ишни, юмушни, хатти-ҳаракатни бажаришга йўналтиришни англатади. М. сўзи ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўлланиши мумкин. Ижобий маънода у шахсдаги салбий хислатларни М. йўли б-н бар-тараф этишни англатса, (мас., чекишни ташлашга М.), салбий маънода инсоннинг ўзи ва жам-т учун номуносиб ишларни бажаришга ундаш маъносида ишлатилади (мас., ўғирлик қилишга М.).

МАЗОХИЗМ — австриялик романист Леопольд фон Захер Мазох исмидан олинган бўлиб, кенг маънода, шахснинг ўзига нисбатан деструктив, оғриқли ёки ҳақоратли хатти-ҳаракатларга мойиллигини билдиради. М. — маъ-ятсизлик шаклларида биридир. М.нинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, жинсий М. ахлоқсиз ҳаракатдан лаззатланишни билдиради. Ахлоқий М. эса характер кўринишида

бўлади. Психик М. т.си эса шахснинг ўзига нисбатан ҳар қандай кўринишдаги адоват ва деструктив импульсни назарда тутади ҳамда М.нинг энг кўп тарқалган кўриниши ҳисобланади. Оммавий М. катта гуруҳ ёки популяцияларга хос оммавий тарзда ўз-ўзига зиён етказиш шаклидир. З.Фрейд М.ни садизм (ўлим инстинкти) дан келиб чиққан айбдорлик ҳисси таъсиридаги ўз «Мен»ига қарши қаратилган иккиламчи ҳолат деб таърифлайди. Жинсий М. шериги қаршисида ўзини қулдек итоаткор ва унинг ҳукмронлиги қаршисида ўзини ҳимоясиз сезишдан қониқишдир. М. кўпинча ўсмирлик даврида шахснинг қаршилиқ кўрсатишга қурби етмаган вақтдаги сексуал ёки жисмоний зўравонликнинг оқибати сифатида талқин қилинади. Маън-й жиҳатдан инсон тафаккурига ўта ёмон таъсир кўрсатувчи салбий феъл-атвор сифатида қайд этилади.

МАИШИЙ ТУРМУШ — инсоннинг ўз жисмоний қуввати ва меҳнатга қобилиятини тиклаши учун зарур бўлган дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва ҳаётдан завқ олиши б-н боғлиқ ҳаёт тарзини англатувчи т. М.т. даражаси инсон учун қулай шароитни таъминлашга хизмат қиладиган ижт-й инфратузилма ривожини. Кишиларнинг моддий ва маън-й турмушини яхшилаш кўп жиҳатдан маиший-коммунал, жисмоний тарбия ва спорт, мад-т, савдо, жамоат транспорти, алоқа муассасаларининг фаолиятига боғлиқ бўлиб, улар кишиларнинг мад-й савияси ва маън-й қиёфасининг юксалишига таъсир кўрсатади. Мас., жойларда таълим уй-жой, коммунал, тиббий хизматларининг сифати, электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ б-н таъминланиш ҳолати, маиший хизмат, мад-т муассасаларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланиш шароитлари (болалар спорт майдончалари, спорт клублари ва б.), тураржойларнинг ободлиги — буларнинг барчаси М.т. такомиллашувига хизмат қиладиган омиллардир. Мустақиллик йилларида бу борада амалга оширилаётган ҳамда изчил

давом эттирилаётган улкан бунёдкорлик ишлари халқимизнинг М.т. шароитини тубдан яхшилаш, мад-т ва маъ-ятини юксалтиришга қаратилган.

МАИШАТБОЗЛИК — юксак маъ-ят тамойилларига зид т. бўлиб, маишат, айш-ишратта берилишни ифодаловчи иллат. М. атамаси барча замонларда салбий маънода қўллаб келинган. М. фақат ўз манфаатини кўзлаган, бировларнинг ҳисобига айш-ишрат қилишга интилаётган кишилар учун хос хус-ят ҳисобланади. М. покиза оиланинг, фарзандлар тарбиясининг қушандаси ҳисобланади. Чунки М.га ружу қўйган одам оиласи, фарзандлари, ота-онасини унутади, М.ни деб у ҳамма нарсадан кечишга тайёр бўлади. Бу эса жам-т учун хавфлидир. Бундан ташқари, айрим ривожланган мам-тлар ижт-й ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб бораётган истеъмолчилик фал.си, улкан “лаззатланиш, айш-ишрат” индустриясининг яратилгани шарқона маъ-ятга тамоман зид бўлган ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларнинг қонунийлаштирилиши ва энг хатарлиси, бу каби маън-й иллатларни бошқа мам-тларга тиқиштиришга уринишлар М. авж олишига хизмат қилади, айниқса, ёшларимизнинг ахлоқ-одоби, маъ-ятини издан чиқариши мумкин бўлган гоят жиддий таҳдиддир. Ш.у. бундай хавф-хатарларга қарши изчил кураш олиб бориш, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва оқибатларини ёшларимизга тушунтириш М.нинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

“МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА” — Президент И.А. Каримов асарларининг 16-жилди (Т., “Ўзбекистон”, 2008 й.). Ушбу жилддан давлатимиз раҳбарининг 2007-2008 йилларда Ўзбекистон Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари йиғилишлари, турли халқаро анжуманлар, тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари ва маърузалари ҳамда табриклари ўрин олган. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йули” маърузасида мам-тимизнинг мус-

тақиллик йилларида ижт-й, иқт-й, маън-й ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар, келажакда ҳал қилиниши кўзда тутилган масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилади. Мазкур маърузада мустақилликнинг 16 йили шартли равишда 2 та босқичга ажратилади: 1991–2000 йиллар ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш б-н боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олади. 2001–2007 йиллар фаол демократик янгиланишлар ва мам-тни модернизация қилиш давридир. Маърузада собиқ иттифоқ даврида амалга оширилган палапартиш сиёсат, пахта яккаҳоқимлиги ва барча соҳада вужудга келган қолоқлик ва инқирозларнинг сабаб ва оқибатлари, ана шундай вазиятда мам-т иқтисодиётини кўтариш, ижт-й соҳаларни ислоҳ қилиш, одамлар онгини ўзгартириш ҳамда б. соҳаларда амалга оширилган туб ислоҳотлар, қўлга киритилган ютуқ ва келгуси вазибалар баён қилинган. Мазкур жилдга киритилган “Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир” деб номланган маърузада мустақиллик йилларида мам-тимизда жам-т ҳаётининг турли соҳалардаги қўлга киритилган натижалар, эришилган марралар аниқ рақамлар, диллар орқали баён этилади. Маърузада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар, ислоҳотларни жадаллик б-н давом эттириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, фермерлик ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш, давлат ва жам-т қурилишидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жам-тдаги ҳар бир соҳани эркинлаштириш, инсон манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ташқи сиёсат, кадрлар сиёсати, юксак маъ-ятни енгилмас куч ва ҳаётий ҳақиқатга айланттириш ва б. муҳим масалалар ҳақида фикр юритилган. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” деб номланган маърузада мамлакатимизнинг 2007 йил ижт-й-иқт-й рив-ш якуналари баҳоланиб, иқтисодиётда рўй берган таркибий ўзгариш-

лар, киритилган инвестициялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, давлат мулкни хусусийлаштириш, даромадларни ошириш, банк-молия соҳасидаги ислохотлар, аҳоли бандлиги ва саломатлиги, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, солиқ юкини енгиллаштириш каби соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар батафсил баён этилган. Ш-дек, маърузада 2008 йилдаги устувор вазифалар, “Ёшлар йили” давлат дастурининг бажарилиши, таълим тизимини янада такомиллаштириш борасидаги вазифалар, Хоразм, Фаргона, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари кенгашларининг сессияларида сўзланган нутқларда ушбу вилоятлардаги мавжуд аҳвол, йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил этилиб, уларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари белгилаб берилган.

МАНИПУЛЯЦИЯ (лот.*manipulus* — қўл ҳаракати) — 1) қўл машқи, қўл ҳаракати, шу жум-н. қўл маҳоратига таянган фокус намойиш қилиш; 2) махинация, алдов, товламачилик, қаллоблик орқали ғаразли мақсадга эришиш; 3) одамда маълум мотивацион ҳолатларнинг (ҳиссиётлар, аттитюдлар, стереотиплар) фаоллашувига олиб келадиган коммуникацион таъсир. Бу таъсир одамни ҳар қандай хатти-ҳаракатга ундаши мумкин. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, М. — психологик таъсир турларидан бири ҳисобланиб, кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. М.нинг хатарли жиҳати шундаки, у ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, унинг ташқи таъсирга берилиб кетишига сабаб бўлади. Америкалик психолог Р.Чалдини М.нинг бир неча турларини ажратиб кўрсатади: мас., ёрдам сўраш; сотувчининг, рекламанинг харидорга таъсири; сиёсий тарғибот; болаларни тарбиялаш ва ҳ.к. Унинг фикрича турли хил фондлар учун маблағ йиғувчилар; кўчада савдо қилувчилар; ишбилармонлар; бизнесменлар; савдо агентлари; реклама ходимлари ҳам М.дан кенг фойдаланади.

М.нинг таъсири ва оқибатлари айниқса, сохта диний ташкилотлар, ақидапараст гуруҳлар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Бунда аввало одамларнинг онгига таъсир этиб, уларнинг хатти-ҳаракати (индивидуал жисмоний ҳаётни бошқариш, тобелик ва бўйсунувчанликни шакллантириш), олаётган маълумотлар ҳақиқий ҳолатни яшириш ёки бузиб кўрсатиш, танқидий маълумотларни тақиқлаш, тафаккурни (ташкилот ғоясини мажбуран сингдириш, воқеликдаги ҳодиса-воқеаларни ана шу ғоя н.назаридан “яхши” ва “ёмон”га ажратиш, ҳиссиётларини (шахс ҳиссиётларини заифлаштириш, айбдорлик туйғусини сингдириш, гуноҳ, камчилик ва хатоларни расман тан олишга ундаш, қўрқув ҳиссидан фойдаланиш) назорат этиш орқали ҳар қандай вазифа ёки топшириқни бажарадиган, муайян ғоя ва мафкурага тобе этилган, ўзлигидан маҳрум бўлган кимсалар шакллантирилади.

МАНМАНЛИК — ижт-й мун-тларда ўзини ўзгалардан юқори қўйиш, уларга паст назар б-н қараш, бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олмайдиган, фақат ўзини ҳақ деб, ўзгаларни тан олмайдиган кишиларга хос салбий хус-ятни ифодалайдиган атама. Бундай маън-й тубан, дунёқарашни тор ва мад-т-сиз одамлар таълим-тарбиядаги хато ва камчиликлар маҳсулидир. Ўзига ҳаддан ташқари бино қўйган, ўзларини ижт-й ҳаётда ҳамма нарсанинг эгаси, таянчи деб ҳисоблайдиган бундай кишилар вақтида ўзини ўзи тарбия қилиб олмаса, охир-оқибатда ахлоқий таназулга юз тутади. М.нинг иккинчи ижт-й илдизи — моддий аҳволи ёмон одамнинг бирданига катта мол-мулкка эга бўлиши ва ўзини ахлоқий жиҳатдан идора этолмай қолишида намоён бўлади. Шу маънода ҳалқимиз орасида “Кўрмагanning кўргани қурсин”, деган ибора бежиз пайдо бўлмаган. Чунки, ҳар бир инсоннинг ижт-й-иқт-й, маън-й-демографик, сиёсий-мад-й жиҳатдан жам-тда тутган мавқеи бўлиб, унинг маън-й қонун-қоидалари белгилаб берилган. Жум-н, қандай сиёсий-иқт-й мавқе-

га эга бўлмасин, фарзандлар нафақат ота-оналарига, балки маҳалладошларига, ҳам-касбларига ва ҳ.к.га ҳурмат ва эътиборда бўлишлари шарт. М.нинг олдини олишда оила, таълим масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида маън-й тарбияни такомиллаштириш, ҳар бир инсонда камтарлик туйғусини камол топтириш, те-варак-атрофдаги кишиларнинг фикр ва қарашларига сабр-тоқатлилик, феъл-атворидаги камчиликларга танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

МАНСАБПАРАСТЛИК — мансабни яхши кўриш. мансабга интилишни ифода этувчи т. М. деганда ҳокимият тармоғининг бирор жабҳасида, давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат муниципал муассасаларида, ҳарбий тузилмаларда ташкилий, тақсимот, маъмурий, хўжалик функцияларини доимий ёки вақтинча бажарётган мансабдор шахснинг ўз шахсий манфаати йўлида давлат ёки жам-тнинг қонун б-н кўриқланадиган манфаатларига зиён етказиб ёки унга чап бериб, мансаб пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиши тушунилади. Мансабга интиладиган, мансабни яхши кўрадиган, давлат ва жам-т олдидаги масъулиятини ҳис этмайдиган, уни мақсадга эришиш воситаси деб ҳисоблайдиган кишилар мам-т. юрт ва миллат тақдири ҳақида қай-гурмайди, пировардида оёғи ердан узилади. Президент Ислом Каримов раҳбар шахс фаолиятининг ижт-й-маън-й аҳамияти ҳақида тўхталиб, “Энг ёмон нарса — бу одамнинг оёғи ердан узилишидир. Агарда ким қаерда туғилгани, кимнинг фарзанди эканини, қайси замин, қайси тупроқнинг сувини ичиб, тузини тотганини эсидан чиқарса, билингки, у ўзини бутунлай йўқотган бўлади. Бундай одамнинг келажаги бўлмайди”, — деб таъкидлайди. М. айниқса, собиқ мустабид тузум даврида авж олган эди. Мустақиллик йилларида мам-тимизда юксак маъ-ятли кадрларни тайёрлаш масаласига берилаётган эътибор ва замонавий раҳбар кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги механизми

яратилгани ва амалиётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли бундай иллатлар аста-секин барҳам топмоқда.

МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ — инсон томонидан кўриб, эшитиб, билиб, ҳис қилиб ва англаниб турган борлиқ, воқеалик ёки таассуротларнинг бошқалар учун ҳам тушунарли тарзда тафаккур этилишини англатувчи т. Мантиқий фикр юриштиш қобилияти барча соғлом инсонларга хосдир. Инсоннинг билиш фаолияти учун М.ф. универсал характерга эга. Тафаккур кўп қиррали, мураккаб, шу б-н бирга, бир бутунни ташкил этадиган ақлий жараёндир. Мантиқ деганда инсонларнинг кундалик фаолиятида, мун-тларида, тартибли. аниқ, асосли, яъни мантиқий ўйлай олиши тушунилади. Барча инсонларнинг фикрлаш қонуниятлари бир хил бўлганидан турли тиллардаги сўзларнинг маъносини тушуна оламиз. М.ф. инсоннинг илмий ва амалий фаолияти соҳасида муҳим аҳамият касб этади. М.ф.нинг олам ва ундаги воқеа-ҳодисалар, инсон ва табиат ўртасидаги мун-тларнинг моҳиятини теран англаш ва шу асосда ҳаётни тўғри ташкил этиш борасидаги ўрни беқийёсдир. Мантиқийлик — тафаккурнинг, ёзма ва оғзаки нутқда фикрлаш қонунларига амал қилиш жараёндир. Бу жараёнда айният, зиддият, инкорни инкор қонунлари ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлади. Айният қонуни ҳар бир нарсаси ҳодисанинг айнан ўзига тенглигини, фикрда, сўзлашув ва матнларда такрор сўзларни тўғри қўллашни билдиради. Зиддият қонуни бир вақтнинг ўзида ҳар бир воқеа-ҳодисани зидди бўлмаслигини тақозо этади. Инкорни инкор қонуни эса муайян шароитда воқеа-ҳодисалар айнан ўша ҳолатда бўлиши ёки бўлмаслигини билдиради. Инсоннинг нутқи, илмий-педагогик, раҳбарлик фаолияти М. ф. б-н уйғун бўлиши зарур. Шундагина фаолиятнинг барча соҳаларида мантиқий кетма-кетлик, изчиллик ва муайян самарага эришиш мумкин. Мантиқсизлик — М.ф.нинг аксидир. М.ф. маън-й-маър-й соҳада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги фаолиятни мантиқ қонуниятлари

асосида ташкил этиш маън-й-маър-й тадбирларнинг изчиллиги, таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

МАНФААТ (араб. фойда кўрмоқ) — 1) наф, фойда, самара, натижа; 2) индивид ёки ижт-й гуруҳ фаолиятини, ҳуқуқини белгилайдиган асосий омил; 3) зарурат, эҳтиёж. Индивид ёки ижт-й гуруҳ М.и, аввало, уларнинг ижт-й ҳаётдаги, ишлаб чиқаришдаги ўрни ва мавқеи б-н белгиланади. М. жуда мураккаб, кенг қамровли т. бўлиб, турли давр ва вазиятларда унинг ўзига хос кўринишлари намоён бўлади. М. субъектига кўра, шахс, гуруҳ ва жам-т М.лари, эҳтиёж шаклига биноан моддий ва маън-й М.ларга бўлинади. Маън-й М.лар эса ўз навбатида, мад-й, рухий, ахлоқий ва б. турларга бўлинади. М.лар муайян эҳтиёжларни қондириш б-н боғлиқ ҳолда вужудга келади. Субъект ўз М.ларини қанчалик чуқур англаса, уларни рўёбга чиқариш учун шунчалик қулай имконият туғилади. М.ларни чуқур англаб етмаслик шахс ёки гуруҳнинг ўз М.ларига зид фаолият юритишига сабаб бўлиши мумкин. М.ларни англаш даражаси эса шахс ва ижт-й гуруҳнинг маън-й тар-ёт даражасига боғлиқ. М. б-н яқин ва турдош ҳодиса эҳтиёждир. Эҳтиёжсиз М. бўлиши мумкин эмас. Улар ўртасида умумий жиҳатлар б-н бир қаторда, тафовутлар ҳам мавжуд. Эҳтиёжлар бевосита объектга йўналтирилган бўлса, М.лар шу эҳтиёжларни қондириш воситалари, жам-тда амал қилаётган тақсимот тамойилларини ҳам ўз ичига олади. Эҳтиёж ва М. ўртасида зиддият ҳам вужудга келиши мумкин. Мас., гиёҳванд кишининг эҳтиёжини наркотик модда қондиради, аммо бу ҳол унинг М.ларига зиддир. Индивид ва ижт-й гуруҳ фаолиятининг негизида М. ётгани учун ана шу фаолиятни ўрганувчи ахлоқшунослик, ижт-й фал., сиёсатшунослик, иқт-й наз-я каби фанлар М. категориясига мурожаат қилади. М.нинг умумий жиҳатлари, шаклланиш, рив-ш ва қондирилиш қонуниятлари ижт-й фал. фанида ўрганилади. Фал. тарихида М. моҳиятини талқин қилишда тур-

лича ёндашувлар бўлган. XX а.нинг иккинчи ярмида М.нинг онтологик жиҳатларини тушунтиришда икки хил н. назар пайдо бўлди. Улардан бири М.ни объектив ҳодиса, иккинчиси эса субъектив ҳодиса сифатида талқин этади. Биринчи ёндашув вакиллари иккинчисини субъективизмда айбласа, иккинчиси биринчисини вулгарлик ва метафизикада айблайди. Узоқ давом этган бу тортишув айтарли самара бермайди. 90-йилларнинг бошларида М. ҳам объектив, ҳам субъектив воқелик б-н боғлиқ бўлган ҳодиса, деб талқин этила бошланди. Шу маънода индивид ва гуруҳлар фаолияти негизида уларнинг М.лари ётади, деган фал-й қондани бундай фаолият асосида оддий М. эмас, анланган М.лар ётади. М.нинг фаолиятга таъсири унинг англаниш даражасига боғлиқ, деб тўлдириш мақсадга мувофиқ. Шу б-н бирга, субъектлар баъзи ҳолларда ўз М.ларига зид ҳаракат қилишлари ҳам мумкин. Мас., оч юрган она зўрга топган овқатини ўзи емай боласига бериши унинг М.ларига зид бўлса-да, аммо олий инсоний М.ларга мувофиқдир.

МАНҚУРТ(ЛИК) — ўзлигини англашдан маҳрум бўлган жам-тнинг хусяти; кундалик турмушда ўз тарихини билмайдиган, онги паст, инсонийликдан йироқ одамларга нисбатан қўлланадиган т. Мустақил фикрлашдан маҳрум, итоаткор, жисмоний эҳтиёжнинг қулига айланган одамлар М. деб аталади. Маълумки, маъ-ят шахс, жам-т ва миллат равақининг бош омили ва пойдеворидир. Ш.у. ҳам муайян миллатни ўзлигидан маҳрум этиб, қарам қилмоқчи бўлган фотиҳлар аввало, уни тилидан, тарихидан, маън-й қадриятларидан маҳрум этишга уринган. Босқинчилар миллатга ёт бўлган анъаналарни тиқиштириш орқали унинг турмуш тарзини, миллий ўзлигини ўзгартириб юборишни мақсад қилиб қўйган. Ҳоз. даврнинг долзарб муаммоларидан бири — ўзлигини яхши англайдиган, маън-й баркамол авлодни, М.дан холи бўлган замонавий инсонларни тарбиялашдир.

МАРГИНАЛ ВАЗИЯТ (лот. — чегаравий ҳолат) — индивиднинг жам-т, ижт-й гуруҳ ва табақалардан, уларнинг манфаатлари ва мақсад-муддаоларидан йироқлашуви, бегоналашувини ифодалайдиган ҳолат. М.в. ижт-й, этник, касбий ва ҳ.к. кўринишда намоён бўлиши мумкин. Кўпинча М.в. муҳожирлик шароитида юзага келади. М.в.га эътиборсизлик, бир томондан, ижт-й низоларга сабаб бўлса, иккинчи томондан индивидни ижт-й фаолашувидан ва М.в.дан чиқиб кетишга ундаши ҳам мумкин.

МАРГИНАЛ ШАХС (лот. *marginalis* — аросатдаги шахс) — муайян ижт-й гуруҳлар ўртасидаги оралиқ вазиятни эгаллаган индивид ёки бирор табақа, қатламга мансуб бўлмаган индивидни ифодаловчи атама. М.ш. атамаси америкалик социолог Р.Парк томонидан XX а.нинг 20 йилларининг иккинчи ярмида мулатларга нисбатан илк бор қўлланган. Унинг фикрича, жам-тда эгаллаб турган мавқеига кўра ўзига хос хус-ятларга, яъни безовталиқ, тажовузкорлик, шуҳратпарастлик, қизиққонлик, тортинчоқлик ва эгоистик жиҳатларга эга бўлган кишилар М.ш.дир. Маргиналлик ҳолати индивид ёки гуруҳнинг руҳияти, мақоми, жам-тда тутган ўрнига муайян таъсир ўтказиб, уларнинг ижт-й-сиёсий хулқ-атворида яққол намоён бўлади. М.ш. ва маргиналлик кўпроқ қолоқ мам-тлар ижт-й ҳаётига хос ҳодиса бўлиб, айрим ҳолларда жам-т тар-ётига, унинг иқт-й ва сиёсий барқарорлигига хавф туғдиради. Мас., Бангладеш, Бирма, Шри-Ланка сингари Осиё ва бир қатор Африка давлатларида маргинал қатламлар таъсир кучига эга бўлиб, давлат тўнтаришлари, миллий-этник тўқнашув-можаролар, уюшган жиноятчиликнинг авж олиши, яъни ижт-й барқарорлигининг издан чиқишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, М.ш. деганда мам-т аҳолиси маълум бир қисмининг “аросатда қолган”, ўз ижт-й гуруҳидан бегоналашган, бошқа ижт-й гуруҳга қўшилиб, унинг таркибида ўз ижт-й мақомига эга бўлмаган, ҳуқуқий ҳолати ноаниқ ёки ҳақ-ҳуқуқлари аниқ белги-ланмаган гуруҳ ёки шахс тушунилади.

МАРДЛИК — 1) инсоннинг маън-й хислати, номардликнинг зидди, ор-номус, виждон ва салоқатни, шахснинг олижаноблигини ифодалайдиган; 2) мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракатни англатувчи т. М. сўзи халқимиз ўртасида кенг истъомол этиладиган ва миллатимиз учун хос бўлган фазилатни ифода этадиган сўз ҳисобланади. Мард — эр киши, у бир сўзли ва ҳар қандай ишни бегараз бажарувчи ор-номусли одам. М. сўзи жасорат, қўрқмаслик, ботирлик каби сўзлар б-н маънодошир. М. сўзи халқимиз онгида инсоф т.си б-н ҳам уйғунлашиб кетган. Негаки, мард кишидагина инсоф бўлади. Инсоф — бу адолат ва виждон амри б-н иш тутиш туйғуси, кишиларга мун-тда ҳалоллик, тўғрилик, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. М. фазилатига эга бўлган кишигина бу т. замиридаги маъно-мазмунни теран англаб этади, уни қадрлайди. М. нима эканини англаган инсон ожизларни ҳимоя қилади, камбағалларга ёрдам беради, забунларнинг кўнглини кўтаради. Азалдан аждодларимиз М.ни юксак қадрлаб, эъзозлаб келганлар. «Ваъдага вафо — марднинг иши», «Мардни меҳнат енголмас», «Марднинг иши — меҳнат» каби мақолларда М.нинг мазмун-моҳияти мужассамлашган. Негаки, жангларда фақат ботир, фидокор инсонгина М. кўрсата олган, ўз ватанини босқинчилардан ҳимоя қила олган. Мустақиллик йилларида юртдошларимиздаги М. туйғуси айниқса муҳим аҳамият касб этади. Чунки ёш мустақил давлатимиз суверенитети ва худудий яхлитлигини таъминлаш, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қилиш, халқаро террорчилик, экстремизм, диний фундаментализм каби хавф-хатарларга қарши муросасиз кураш олиб бориш, И.А.Каримов таъбири б-н айтганда, “...ҳар кун иш соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий кундалиқ фаолият мезонига айлантириш” зарурати юрт, Ватан тақдири учун қайғурадиган ҳар бир инсондан доимий жасорат, азму шижоат ҳамда М. б-н яшашни талаб этади.

МАРОСИМ — расм-русум, анъанага айланган намоиш; шахс, гуруҳ ва жам-т ҳаётидаги муҳим ҳодисаларни нишонлаш шакли. Дастлаб М. диний тизимлар доирасида вужудга келиб, унда индивиднинг ижт-й тизим б-н алоқалари ифодаланган. Ҳоз. даврда М. асосан, маиший турмуш, сиёсий ва ижт-й тизимлар ҳаётида намоён бўлади. М. таркиби одатда тимсолий ҳаракатларнинг қатъий белгиланган циклик тартибидан иборат бўлиб, рақслар, кўшиқлар, расмлар, предметлар, матнлардан ташкил топади. М.нинг қуйидаги асосий турлари фарқланади: диний М. фуқаролик М.лари, этник М., сиёсий М., дипломатик М. ва ҳ.к. М. турлари кўпинча бир-бири б-н қўшилиб, аралашиб кетади. Улар орасида диний М.лар қадимий бўлиб, М.нинг бошқа турлари аста-секин улардан ажралиб чиққан. М.ни ўтказиш индивид ва гуруҳ ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашдан ташқари, унинг миқёси, унга сарф қилинган харажатлар ҳажми М. субъектининг ижт-й мавқеи, бойлиги, даромади тўғрисида ҳам гувоҳлик беради. Натижада одамлар қадим замонлардан бошлаб М.ни фақат эътиқод ёки зарурат туфайли эмас, ўз мавқеи, бойликларини кўз-кўз қилиш, сохта обрў орттириш мақсадида ҳам бажара бошлаган. Бу ҳол айниқса ўрта а.ларда авж олган. Мас., “Бобурнома”да Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи Оқбегимнинг никоҳ тўйи маросимида олтиндан писталлар ва кумушдан бодомлар ясалиб, меҳмонларга тортиқ қилингани баён қилинади. М.ларни ўтказишда ҳаддан ортиқ дабдабозлик, расмиятчилик ва ш.к. уларнинг қадр-қимматини туширади.

МАРҒИНОНИЙ, Бурҳониддин (1123 йил туғилган) — Шарқ Уйғониш даври қомусий алломаларидан бири, жаҳон мадти ва илм-фанига қўшган ҳиссаси бутун дунёда эътироф этилган буюк сиймо — Абул-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Ришдоний Марғиноний. Уни “Бурҳон уд-дин ва-л-милла” деган ном б-н ҳам аташган. “Милла” олимни улуглаб, уни мусулмон дунёсидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи деб мадҳ этишдан келиб

чиққан. М.нинг туғилган Ватани бутунги Ўзб-ннинг Фарғона водийсидаги Риштон қишлоғи бўлиб, Марғилоннинг Пирсиддиқ маҳалласида ҳам 13 йил яшаган ва шу ерда ўзининг машҳур «Ҳидоя» китобининг биринчи қисмини ёзиб тугатган. Умрининг сўнгги йилларини Самарқандда ўтказиб, ушбу китобни 1178 (ҳижрий 573) йилда ёзиб битирган. Шомий «Радул мухтор»да ёзишча, Б.М. 400 га яқин Муҳаммад номли фақиҳлар дафн этилган Самарқанд шаҳрининг Муҳаммадийлар қабристони (“Турбатул-Муҳаммадийин”) ёнида дафн этилган. М. ёшлик чоғларидаёқ Қуръони каримни ёд олиб, ҳадисларни чуқур ўрганади ва 1149 (ҳижрий 544) йилда муқаддас ҳаж сафарига боради. Илмга қизиқиш М.ни узоқ сафарларга бориб, ўша даврнинг асосий фанлари бўйича етук алломалардан таълим олишга ундаган эди. Ана шу интилиш уни ислом оламининг ҳанафий мазҳаби бўйича буюк фақиҳи ва ҳуқуқшунос алломаси даржасига кўтарган эди. Президент Ислам Каримов таъбири б-н ифода этганда, М. яшаган замон — Шарқ Уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш X–XII асрларда Мовароуннаҳр заминидан илму фан гуркираб ривожланган, жам-т тараққиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижт-й заруратга айланган эди. Бурҳониддин Марғиноний эса ўз асарларида ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган эди. Фиқҳ илми бўйича, у ёзган асарлар, айниқса, «Ҳидоя» китоби, ўша даврда мавжуд ҳамда катта амалий аҳамиятга молик бўлган кўплаб ҳуқуқий муаммоларни ечиб беришга қаратилган ва бу йўналишдаги ўзига хос қулайликлари б-н барчанинг эътирофига сазовор бўлган эди. Котиб Чалабий, Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий, «Ҳидоя»нинг айрим шарҳловчилари, ш-дек «Ислам Қомуси» муаллифлари томонидан берил-

ган маълумотларга кўра, М. фикҳ масалаларига оид яна ўндан зиёд мукаммал асарлар яратган. Унинг бизга қадар қуйидаги асарлари етиб келганлиги манбаларда қайд этилади: «Нашрул мазҳаб» (Мазҳабнинг тарқалиши); «Китоб ал-маносакул-ҳаж» (Ҳаж маросимлари ҳақида китоб); «Китобун-фил-фароиз» (Мерос ҳуқуқи бўйича китоб); «Китоб-аттажний-су вал-мазийд» (Илмни зиёда қилувчи китоб); «Мухторотун навозил» (Мажмуъун-навозил) — (Нозил бўлган нарсалар мажмуаси); «Китоб ул-машойих» (Шайхлар ҳақидаги китоб); «Мазийдун фи фуруъил-ҳанафия» (Ҳанафий мазҳабига қўшимчалар); «Шарҳ ал-Жомий-ал-Кабир Муҳаммад аш-Шайбоний» (аш-Шайбонийнинг «Жомийул-кабийр» асарига шарҳ); «Бидоят ул-мубтадиъ» (Бошловчилар учун дастлабки таълим); «Кифоятул-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»). «Бидоят ул-мубтадиъ» асари учун ёзилган 8 жилдлик шарҳ; «Ҳидоя» («Кифоятул - мунтаҳий» асари учун ёзилган 4-жилдлик шарҳ). Лекин ўрта а. фақиҳларининг кўпгина асарлари каби, Б.М.нинг ҳам асарларининг ҳаммаси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Ўз.Р.ФА Шарқшунослик ин-ти Кўлёмалар хазинасида алломанинг бир қатор асарлари қўлёзма нусхалари бор: «Бидоятул-мубтадиъ» — тартиб рақами 3895, «Мажмаъ мухторот ан-навозил» 4624, «Ҳидоя фи ал-фикҳ» 11497 (4 нусха), «ал-Кифоя фий шарҳ Ҳидоя» 3618, «Ҳидоя фи ал-фуруъ» 11046 (33 нусха). Шарқда «Ҳидоя» номи остида асарлар яратиш анъанаси мавжуд бўлган. «Ал-ҳидоя» араб. сўз бўлиб, «тўғри йўлдан олиб бориш», «ишончли қўлланма» маъносидадир. М. назарда тутган ҳуқуқий масалаларни ёритиш учун фикҳнинг асосий манбалари, ундан кейин Имоми Аъзам Абу Ҳанифа, имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг асарлари, Шайбонийнинг «Зоҳирур-ривоя» деб аталган китоблари («Мабсут», «Зиёdot», «Жомийус-сағийр», «Жомийул-кабийр», «Сияр ус-сағийр», «Сияр ул-кабийр»), Абу Юсуфнинг «Китоб ул-хирож», «Адаб ул-қозий», Абу Ҳанифа ва ибн Лайло орасидаги их-

тилофлар, Авзоъий, Анас ибн Моликнинг айрим ҳуқуқий масалалар бўйича билдирган фикрларга ёзилган рад китоблари, имом Зуфар, Шайхул-ислом ибн Таймия ибнул-Жавзий асарлари, ш-дек улардан кейин ислом ҳуқуқининг асосий соҳаларида, турли мазҳаблар бўйича жуда кўп асарлар ёзган йирик фикҳ илми мутахассис олимлари қолдирган сон-саноксиз китоблар ва тўпламларни варақлаб чиқиб, уларда билдирилган фикру мулоҳазаларни бир-бири б-н солиштириб, энг тўғри, маъқул ҳамда ҳаётга мос келадиган ҳулосаларни чиқариш талаб этилар эди. «Ҳидоя» тўрт жилддан иборат бўлиб, унинг ҳар бир жилди турли муаммоларнинг ҳуқуқий ечимига бағишланган.

“Кўп асрлик тарихимиз шундан далолат берадики, — дея таъкидлайди Президент Ислоҳ Каримов, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг мушкул синовлардан ўтиши, ҳаётнинг турли тўфон ва бўронларига мардона бардош бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч — юксак маънавият ва адолатга интилиш туйғуси бўлган. Бурҳониддин Марғинович асарларининг моҳияти бўлмиш адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этади”. М.нинг “Ҳидоя” асари эса ана шу туйғуларнинг тўғри парвози учун йўл очиб, ўз даврига оид ҳуқуқий масалаларни ихчам, тушунарли, содда ва энг муҳими ҳар қандай табақадаги одамнинг англаши осон бўлган услубда ҳамда жуда кенг миқёсда тадқиқ этиши б-н ажралиб турган. Ҳуқуқий масалалардаги айрим муаммолар бўйича ечимлар бўлмаган ёки уларни ечишнинг мураккаб услублари амал қилган ва бу мураккаблик нафақат оддий аҳоли балки илмдан яхши хабардор одамлар учун ҳам қийинчилик туғдирган бир замонда М.нинг “Ҳидоя” асари барчанинг айни муддаоси сифатида майдонга келган ва жуда тез тарқалган

эди. Шу жиҳатдан ҳам унинг нафақат М.О. балки бутун мусулмон олами маъ-ятининг рив-шига таъсири катта бўлган.

МАСЪУЛИЯТ — маън-й, ижт-й ва маъмурий-ҳуқуқий соҳаларда кенг қўлланиладиган т.; маъ-ят н.назаридан ёндашилганида бурч; ижт-й маънода жам-т ва б. олдидаги маън-й қарздорлик; маъмурий жиҳатдан, ижт-й тартибга солишнинг турли меъёрларини амалга оширишни назарда tutувчи жамоатчилик назоратининг намоён бўлиши; ҳуқуқий ёндашувда эса асосан юридик жавобгарлиқни англатадиган серқирра ва кенг маъноли категория. М. муаммосига фанда азалдан эркинлик ва зарурат категорияларининг ўзаро нисбати, шахс хулқ-атвори ва фаолиятининг маън-й-ахлоқий жиҳати н.назаридан ёндашиб келинади. Шу маънода М. т.си фал-й, ахлоқий, психологик, юридик, ижт-й-иқт-й соҳаларга хос кўплаб масалаларнинг мураккаб мажмуини қамраб олади. Бу ҳол инсон ва ижт-й борлиқ моҳиятининг мураккаблиги ва рангбаранглиги б-н белгиланади. Ҳар қандай одам ўзи учун муҳим бирон бир мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилиш усулини танлашда ўз табиатига кўра эркин эканига қарамай, унинг шахсий ҳаёти бутун жам-т ҳаёти, бошқалар олдидаги М.и б-н узвий боғлиқдир. Жам-т эса ўз-ўзини асраш ва рив-ш учун муайян ички тартибни шакллантириб, ўз аъзоларининг номақбул қилмишларини амалда чеклашга мажбур. Шундай қилиб, одамларнинг хулқ-атвор меъёрлари б-н М.и узвий алоқададир. Бу ҳолат жам-тнинг барча аъзолари бир-бири ва жам-т олдида маълум мажбуриятларни онгли ёки онгсиз равишда қабул қилиши, ш-дек, зарур ҳолларда уларни рўёбга чиқаришга тийёрлигида намоён бўлади. Тарихдан маълумки, ҳокимиятнинг барча бўғинлари барқарор ва М.ли бўлмаса, жам-т изчил рив-ши ва тараққий этиши мумкин эмас. Бу масала ҳоз. дунёда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. М.га ахлоқ ва ҳуқуқ категорияси сифатида таъриф берилганида у шахснинг жам-тга нисбатан ўз маън-й бурчи ва ҳуқуқий меъёрларни бажариши б-н тав-

сифланувчи алоҳида ижт-й ва ахлоқий-ҳуқуқий мун-тни акс эттиради. Шу н.назардан М. бошқарув қарорларини қабул қилишда давлат ҳамда жам-т манфаатларининг англаниш даражасидир. Баъзи бир асарларда М. шахс хулқ-атвори устидан ижт-й назоратни амалга ошириш шакли, пировард натижанинг кўзланган мақсадга, бошқарув субъектининг сиёсий, юридик, ижт-й ва б. мун-тларининг объект б-н мувофиқлиги мезонлари, бажарилган иш учун ташкилот, давлат ва жам-т олдида жавоб бериш қобилияти, раҳбарнинг касбий, шахсий ва ишбилармонлик фазилатлари омили, унинг фаолият услуби, бошқарувни рағбатлантириш ва унинг самарадорлиги омили сифатида таърифланади. Технологик тусга эга талқинда бошқарув жабҳасидаги М. — бу ҳокимият органи, унинг раҳбари ва ходимлари қонуний қабул қилинган хизмат фаолияти, хулқ-атвор меъёрлари, қоидалари ва тартиб-таомилларини тан олиши, уларга риоя қилиши, ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижаси учун жавоб беришини ифодаловчи т.дир. М.нинг асосий функцияларини ёритишда унинг рив-ш жараёни инсоннинг ҳам ички дунёси, ҳам ташқи муҳит б-н боғлиқ эканига эътиборни қаратиш лозим. Инсоннинг ички рив-ши жам-тга ва унинг мўлжалларига мун-тини белгилайди. Ташқи муҳит эса мавжуд одатлар, анъаналар, ахлоқ қоидалари ва давлат мажбурлови ёрдамида унинг хулқ-атворини тартибга солади. Бундай талқинда ижт-й М. судланиш, маъмурий ёки жинойий жазони қўллаш таҳдиди остида ўз хулқ-атворини мавжуд ижт-й меъёрлар, ижт-й мақсадлар ва қонунларга мувофиқлаштириш зарурлигини ихтиёрий (баъзан мажбурий) қабул қилиш тарзида амал қилади. Бу, аввало, инсон жам-т ва унинг қонунларидан ташқарида мавжуд бўла олмаслиги б-н белгиланади. Шахс умумэътироф этилган нормаларни қабул қилмаган ёки бузган тақдирда М. мазкур жам-тнинг яхлитлигини сақлаш мақсадини кўзловчи тартибга солиш омили сифатида хизмат қилади. М.нинг мазкур тартибга солиш функцияси нафақат шахсга, балки ҳар қандай —

расмий ва норасмий ижт-йи тузилмаларга нисбатан ҳам амал қилади. Бундай ташкилотларга нисбатан М. даражаси давлат ва маҳаллий бошқарувнинг амалдаги нормалари, қонун ва қоидаларига риоя этилиши б-н белгиланади. Зотан, жамоатчилик ҳоз. ташкилотлардан нафақат юксак моддий натижаларни намоиш этишни, балки жам-тнинг ижт-йи мақсадлари н.назаридан ҳам катта ютуқларга эришишни талаб қилади. М.нинг яна бир муҳим функцияси — гносеологик ёки билиш-тадқиқ этишдан иборат. У ишончли билимни ҳамда янги технологиялар, фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг жам-т учун ижт-йи муҳим натижаларини таъминлайди. Ижт-йи М.нинг бу функцияси роли келгусида, айниқса, дунё миқёсида давом этаётган жам-тнинг ижт-йи-лашув жараёнлари мун-ти б-н изчил ортиб боради. М.нинг асосан умумдавлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш фаолиятига дахлдор ихтиёрий-бошқарув функцияси гносеологик функция б-н узвий боғлиқ. Бу функция ноаниқ ёки фавқуллодда вазиятда, ш-дек, вақт танқис бўлган шароитда қарор қабул қилиш лозим бўлган ҳолларда алоҳида аҳамият касб этади. М. мураккаб ва кўп даражали ҳодиса бўлиб, у шахс хулқ-атвори устидан ижт-йи назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш шакли сифатида таърифланиши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан М. чораси пировард натижанинг кўзланган мақсад б-н ўзаро нисбати, ш-дек, бошқарув субъектининг объект олдидаги мажбурияти б-н боғлиқ. Айни вақтда, М. — бу ҳар бир кишининг касбий, шахсий ва ишчанлик фазилатлари. унинг фаолият услуби хус-яти, меҳнатининг рағбатлантирувчи ва самарадорлик омилдир. М. шахс мақомининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, у, ўз навбатида, инсоннинг давлат ва жам-тдаги ўрни ва ролини тавсифлайди, унинг давлат ва жам-т б-н ўзаро мун-тларини белгилайди. Бунда шахс фаолиятининг самарадорлиги ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва М.нинг аниқ ва тўлиқ белгиланганига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айни вақтда, бу фаолият натижалари учун М. шахснинг мажбурият-

лари, ҳуқуқлари, унинг ҳаракатлари самарадорлигига баҳо бериш мезонларининг белгиланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси М. инсоннинг бурч ва ҳуқуқлари б-н бевосита боғлиқлигидан далолат беради. Улар бир-бирини тақозо этади ва жамулжам ҳолда ҳар бир инсоннинг жам-тдаги ўрни ва мақомини белгилаб беради. Жам-тнинг турли ин-тлари, уларнинг ижт-йи тартиб ва жам-тнинг яшовчанлигини қонун кучи б-н таъминлашга бурчли бўлган хизматчилари зиммасига юклатилган М. алоҳида ижт-йи аҳамият касб этади. Чунки айнан бошқарув ходимлари жам-тга қараб мўлжал олувчи шахслар сифатида шаклланади. Бунда жам-т ва давлат таъсирида хизматчиларнинг муайян ижт-йи интизоми ва жавобгарлиги (сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий масъулият) шаклланади. Бошқариш тизимида М. муаммоси давлат ва фуқаролик жам-тининг ички жараёнлари б-н узвий боғлиқ. Миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, ислохотларни изчил давом эттириш, жам-тда барқарорликни таъминлаш лозим бўлган ҳоз. шароитда турли жабҳалардаги жараёнларда М.ни оширишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда М., аввало, самарали давлат ва маҳаллий бошқарув ҳамда кадрлар б-н ишлаш сиёсатини олиб боришнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади.

МАТБУОТ — турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, идоралар, ҳаракатлар, бирлашма ва марказлар, ш-дек, ихтисослашган ва ўз лицензиясига эга бўлган хусусий ва юридик шахслар томонидан чоп этиш воситасида обуна ва эркин савдога чиқариш орқали аҳоли ўртасида тарқатиладиган, турли-туман мавзуларни қамраб оладиган ОАВ. Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, ТВ (кабелли, эфиркабелли ТВ) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, ш-дек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва б. оммавий даврий нашрлар шулар жумласидандир. ОАВ қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда иловалар нашр этиши мумкин. М. кенг маънода, барча босма маҳсулотлар мажмуини, тор маънода, даврий нашрлар, асосан, газета ва журналларни ифодалайди. М. ижт-й онгнинг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида кишилик жам-тига доимий ва фаол таъсир кўрсатади, жамоатчилик фикри ва маъ-ятини шакллантиради, омма онгига муайян қарашларни сингдиришнинг қудратли ғоявий омили ҳисобланади. М. жам-т ҳаётини турли (ижт-й-сиёсий, иқт-й-и. ч., илмий-техникавий ва б.) йўналишларда ёритади. М. XV а.нинг ўрталарида Европада таркиб топган. Қарийб 5 а. мобайнида (ОАВнинг бошқа турлари — радиоэшиттириш ва ТВ пайдо бўлгунига қадар) кишилар б-н оммавий мулоқотнинг, билим ва ғоялар тарқатишнинг асосий воситаси саналган. Дастлабки босма нашрлар китоб, рисола ва варақалардан иборат бўлган, XVII а.нинг бошларида газлар, кейинроқ эса жур.лар ташкил топган; XIX а.нинг ўрталарида М. агентликлари вужудга кела бошлаган. XX а.да оммавий ахборотнинг радиоэшиттириш ва ТВ сингари турларининг пайдо бўлиши ва тараққий этишига қарамай, М. ҳамон жам-тдаги ўз ўрни ва мавқеини кенгайтириб, ижт-й-сиёсий ҳаёт ва фаолиятнинг барча соҳаларига доимий ва самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Тарихий рив-ш жараёнида М.нинг хусусий шахслар, ижт-й гуруҳлар (сиёсий оқимлар, партиялар, касаба уюшмалари, мад-й-маъмурий ташкилотлар ва б.), ҳиссадорлик жам-тлари, ҳукумат муассасалари ва б. томонидан таъсис этилган ва уларнинг мақсадларига хизмат қилган қатор турлари вужудга келди. М. қарор топган дастлабки пайтларда Европада черков диний мафкура-ни тарғиб қилишда босма китоблардан, варақалардан кенг фойдаланди. Жам-т маън-й ҳаётига черков таъсирининг тобора чекланиши заминидан дунёвий М. таркиб топди ва кенг ривожлана бошлади. Илғор ижт-й тузум, демократик тартиблар ўрнатиш учун курашда тараққийпарвар М.нинг хизмати катта бўлди. Ўз-нда М. XIX а.нинг 2-ярмида таркиб топди. Тошкентда 1870 йилда ўлкадаги мустам-

лакачи ҳукмронлар ташкил этган “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” М.О.даги М.нинг илк намуналари ҳисобланади. Туркистонда дастлабки тараққийпарвар миллий газ.-лар 1905–07 йиллардан фаолият кўрсата бошлади (“Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат” ва б.). Уларнинг йўлини XX а.нинг 2-ўн йиллигида чоп этилган “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Нажот” газ.лари, “Ойина” жур. давом эттирди. Миллий нашрлар Туркистонни саводли, маърифатли, тар-ётга эришган, обод, мустақил диёрга айлантириш ғояларини тарғиб қилдилар, 1917 йилдан сўнг, собиқ иттифоқ таркибидаги барча иттифоқдош республикаларда бўлганидек, Ўз-нда ҳам янги сиёсий йўналишдаги партия-совет М.ининг кўп тармоқли тизими қарор топди. Умумдемokratик қоидаларга зид рив-шда М.нинг шаклланиши ва рив-ш жараёни яккапартиявийлик — коммунист-тик партиянинг мутлақ яккаҳокимлиги шароитида кечди. Газ., жур.лар, китоблар қиёфаси, йўналиши шу ҳукмрон партия раҳбарияти кўрсатмалари асосида белгиланди. Истиқлол туфайли Ўз-н М.и тар-ёттида ҳам сифат жиҳатидан бутунлай янги — демократик рив-ш босқичи бошланди. Эндиликда ташкилотлар, партиялар, уюшмалар, айрим жамоалар, фуқаролар ҳам М. нашрларини таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлди. Мустақиллик йилларида мам-тда М. эркинлигини таъминлаш борасида кенг имкониятлар яратилди. ОАВнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, уларни нашр этиш ва тарқатиш б-н боғлиқ молиявий ва техник масалаларни ечишда, ижодкорларнинг демократик жараёнда фаол иштирок этиши учун амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ЎзР ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижт-й-сиёсий жамғармаси ташкил қилинди (1996 йил 30 август). Бу жамғарма ОАВ вакилларининг мустақил, ўз-ўзини бошқарувчи, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилоти ҳисобланади. ЎзРнинг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” (1996 йил 30 август), “ОАВ тўғрисида” (1997 йил 26 декабрь), “Журналистлик фаолиятини ҳимоя

қилиш тўғрисида” (1997 йил 24 апрель), “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги (1997 йил 24 апрель) қонунларнинг қабул қилиниши Ўз-н М.и тар-ётида муҳим роль ўйнади. Ўз-н М.и ишига умумий раҳбарлик қилиб келган ЎзР Давлат Матбуот қўмитаси ЎзР Президентининг “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида (2002 йил 3 июль) биноан ЎзР Матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Шунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги, вилоят ҳокимликлари ҳузурда М. ва ахборот ҳудудий бошқармалари тузилди. Мазкур ислоҳот мам-т ижт-й ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, ОАВ, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш йўлида олдинга ташланган катта қадам бўлди. Ўз-н М. маҳсулотлари (босма нашрлар) даврий ва даврий бўлмаган нашрларга бўлинади. Даврий нашрларга газ., жур., журнал типидagi нашрлар (бюллетенлар, илмий ахборотномалар ва б.); даврий бўлмаган нашрларга китоб, рисола, босма график маҳсулотлар ва ш.к. киради. Булар ҳам, ўз навбатида, бир қанча турларга — умумсиёсий ва ихтисослашган; муассислигига кўра — ҳукумат идоралари, халқ ҳаракатлари, партиялар, уюшмалар, жамғармалар, тижорат, диний ташкилотлар ва б.нинг газеталари; ҳудудий йўналишга қараб — марказий (мам-т миқёсида), вилоят, шаҳар, туман, қуйи М. органларига бўлинади. Бозор иқтисодиёти шароитида реклама-тижорат, хусусий газ.лар юзага келди. Жур.лар моҳиятига кўра — ижт-й-сиёсий ва ижт-й-иқт-й, адабий-бадий, табиий-илмий, ва ҳ.к.; йўналишига қараб — болалар, ёшлар, хотин-қизлар ва б. нашрларга бўлинади. Муассислигига кўра — ҳукумат идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусий жур.лар ҳам чиқмоқда. Китоб маҳсулотлари мақсадига кўра — ом-

мавий-сиёсий, бадий, илмий, илмий-оммавий адабиётлар, дарслик, маълумотномалар ва ш.к.га бўлинади. Мам-тда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, кенг оммага зарур бўлган, харидоргир китоблар нашр этадиган нашриётлар тизими вужудга келди. «Тараққий» газетасининг 1-сони чиққан 27 июнь (1906) санаси Ўз-нда М. ва ОАВ ходимлари кунли сифатида нишонланиб келинади (1993 йилдан). Ўз-н М.ига доир масалалар асосан «Ўзбекистон Матбуоти» журналида ёритилади.

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ — сўз, шахс, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, матбуотнинг эркин фаолият кўрсатишини, кишиларнинг матбуотда ўз фикр-мулоҳазаларини тўсиқларсиз ифода эта олишини ифодалайди. М.э. матбуотнинг моҳиятини, унинг жам-т ҳаётидаги ўрнини белгилайди. Сиёсий жиҳатдан М.э. демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. «Эркинлик» сўзи ҳар қандай тўсиқ, монелик ва ш. к.дан холи бўлиш, мустақиллик, озодлик маъносини англатади. Шу б-н бирга, эркинлик — анланган заруратдир: инсон ўз олдида турган тарихий, иқт-й, сиёсий заруратни англаб етгандагина том маънода эркин бўлади, эркин фикрлай олади. М.э. ҳам ана шундай хус-ятга эга, яъни жам-т тар-ётига, унинг қонуниятларига жавоб берадиган матбуотгина эркин матбуотдир. Жам-т тар-ётининг бош масалаларини теран англаб етган ҳолда фаолият юритадиган журналистгина эркиндир. М.э. уч асосга: ижт-й-сиёсий, иқт-й, маън-й негизларга таянади. М.э.нинг ижт-й-сиёсий асоси матбуотнинг қандай ижт-й борлиқ ва тузумда фаолият кўрсатиши, ижт-й онгининг қандай кўриниши экани, қандай мафкура ва ғояларга хизмат қилишида намоён бўлади. М.э.нинг иқт-й асоси эса матбуот нашрлари ва ОАВнинг ким томонидан, қандай маблағ эвазига чиқарилиши б-н боғлиқ. М.э.нинг маън-й асоси эса уни чиқараётган шахс, гуруҳ, унда хизмат қилаётган журналистларнинг руҳияти, дунёқарashi, эътиқоди б-н боғ-

лиқ. Юксак маъ-ятли, эътиқодли, инсоният, жам-т олдидаги маъсуляиятини чуқур англаб олган, умуминсоний ва миллий қадриятларга хизмат қилувчи, эзгуликка интилувчи журналист доимо эркин бўлади. Аксинча, қолоқ, қотиб қолган т.лар, ақидалар асосида ва б. мақсадлар йўлида хизмат қилувчи журналист ҳеч қачон руҳан эркин бўла олмайди. М.э. муаммоси матбуот пайдо бўлганидан буён мавжуд бўлиб, турли жам-тда турлича ҳал этиб келинган. Матбуот вужудга келган илк даврлардаёқ унинг эркинлигини таъминлашга эҳтиёж пайдо бўлган. Тараққийпарвар кучлар ўз фикр ва қарашларини эркин баён этиш учун М. э.ни талаб қила бошлайди. 17–18-а.ларда Франция, Англия каби мам-тларда юз берган инқилобий воқеалар давридаги М.э. учун кураш бунга яққол мисол бўла олади. Англияда яшаб ижод этган Жозеф Аддисон, Ричард Стил, Францияда Камиль Демурлен, Жан Поль Марат ва б. тараққийпарвар журналистлар ўз асарларида халқ оммасининг фикр ва туйғуларини ифода этиб, М.э. учун курашган. XX а. бошида Туркистонда вужудга келган жадид матбуоти намояндалари ҳам мустамлакачи чор ҳукуматининг М.э. борасидаги қаттиқ зулмига қарши чиққан эди. Бу даврда матбуотда ишлаб, публицистика соҳасида ижод қилган Бехбудий, Мунавварқори, Авлоний каби маърифатпарварлар чор Россиясининг сиёсатига қарши чиқиб, эркин миллий матбуотни шакллантириш ва ривожлантириш гоёсини илгари суриб, уни амалиётга жорий этишга ҳаракат қилганлар. Ўз-нда мустабид тузум даврида М.э. «таъмин этилган» бўлса-да, амалда бутун Иттифоқда бўлгани каби, юртимизда ҳам журналистлар фаолияти партиявий назоратнинг қаттиқ исканжасига олинган ва унинг мафқурасига хизмат қилишга мажбур эди. Мустақилликни қўлга киритиб, демократик ва ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жам-тини барпо этиш йўлидан бораётган мам-тда М.э. сиёсий, ҳуқуқий, иқт-й, ижт-й асослари кафолатланган. ЎЗР Конституциясининг 67-моддасида «ОАВ эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди.

Цензурага йўл қўйилмайди», дея қайд этилган. М.э.нинг ижт-й-сиёсий ва ҳуқуқий асослари мам-т Парламенти томонидан қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топган.

МАТОНАТ — белгиланган мақсадга эришиш йўлида учрайдиган қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишда сабр-тоқат, сабот ва бардош б-н қилинган хатти-ҳаракат ва шахс хулқ-атворида хос бўлган кучли иродани ифода этувчи ҳислат. М.ли инсон ҳар қандай мураккаб вазиятда чексиз сабот ва чидам, қатъият б-н муваффақиятсизликдан чўчимасдан, таъна-маломатлар, бошқаларнинг қаршичилигига қарамай, кўзлаган эзгу мақсадига эришиш учун ўзида руҳий ва жисмоний кучни тўлиқ сафарбар эта олади. Жаҳон ва Ватанимиз тарихида қалбида ана шундай жасорат, улкан М. ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Президент И.А.Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат б-н тўлиб тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган ана шундай М.ли инсон — Зулфияхоним ҳақида тўхталиб, айрилиқ ва ҳижрон азобини бошидан кечирган, аммо «ғам-андуҳ ва ҳасратларни матонат б-н енгиб, тоғдек бардоши б-н вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир» дея таъкидлайди. Минглаб ана шундай инсонлар ҳамма замонларда ҳам барчамиз, бутун инсоният учун фидойилик, жасорат ва М. тимсоли бўлиб келган.

МАТРИАРХАТ (лот. *mater* — она ва юн. *arche* — ҳокимият) — оила-уруғчилик мун-тлари ривожининг иккинчи босқичида аёл ҳукмрон мавқега эга бўлиб, мулк ва мансаблар она уруғи тамойили асосида мерос бўлиб ўтган даврни ифодаловчи атама. Никоҳдан сўнг эр-хотин жамоасига ўтиб яшаган ва унга тобе ҳисобланган. М. даврида аёл жамоавий ишлаб

чиқариш, фарзанд тарбияси, ҳўжалик ва оилани юритиш ва ҳ.к. ҳамда жамоанинг ижт-й ҳаёти (унинг ишларини бошқариш, жамоа аъзолари ўзаро мун-тларини тартибга солиш, диний маросимларни ўтказиш ва ш. к.) устувор мавқега эга бўлган. Жануби-Шарқий Осиёдаги минангқабау ва микронезларнинг айрим гуруҳларида ҳозир ҳам М. таъсири сақланиб қолган. М.нинг зидди патриархат, яъни ота уруғининг ҳукмронлигидир.

МАФКУРА (араб. фикрлар мажмуи) — муайян ижт-й гуруҳ, қатлам, миллат, жам-т, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-наз-й қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлар ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида турли-туман М.лар бўлган. Турли халқлар ва ижт-й кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. М. муайян диний, фал-ий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. М.лар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жам-тни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган М. ижт-й-иқт-й тар-тта туртки бўлади, маъ-ятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган М. бунёдкорлик ҳус-ятига эга бўлади. Вайронкор ғоялар асосида шаклланган М.лар эса жам-т тар-ётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай М. ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади. Собих иттифоқ даврида М.га умуминсоний қараш

шаклланмаган, бунга йўл қўйилмаган эди. Унга тўғри ва холисона баҳо бериш имкони мустақиллик туфайли очилди. Президент И.А.Каримовнинг асарлари, жумладан, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири ва “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида М.га чуқур илмий таъриф берилган. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз томонидан халқимизнинг миллий қадриятлари, дунё-қараш ва тафаккури ҳамда умуминсоний ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган миллий М. таълимоти мам-тимизда истиқомат қилаётган барча халқ ва элатларни жипслаштирувчи ҳамда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда.

МАФКУРА ЭВОЛЮЦИЯСИ — муайян мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоявий-наз-й қарашлар тизимининг вужудга келиши, рив-ши ва интиҳога етиши жараёнини ифодаловчи т. Ҳар қандай мафкура жам-тда янги пайдо бўлган ижт-й-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи янги ғоявий тизим сифатида вужудга келади. М.э. даврида миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, мафкурачилари ижт-й онгда орзу-интилиш ва руҳиятда ҳис-туйғуларни бир тизимга соладиган таълимот ва дастурлар яратадилар. Ғоявий тарбия воситалари ва фаоллари орқали бу ғоялар онгга ва руҳиятга сингдирилади. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади. Мафкура, вақти келиб, ўз соҳиблари тарих майдонидан тушсалар ҳам, мафкуравий мерос сифатида янги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолиши мумкин. Бу нафақат эзгуликка хизмат қиладиган, балки ўз моҳиятига кўра ғайриинсоний бўлган мафкура шакллари ҳам тегишлидир.

МАФКУРА ЯККАҲОКИМЛИГИ — муайян давлат, жам-т ёки бир гуруҳ давлатларда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас ақидалар тарзида жам-т ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилиши-

ни ифодалайдиган т. М. я.нинг моҳияти шундаки, бунда бирон-бир мафкуравий тизим ягона илмий, энг адолатли, жам-тдаги барча қатламлар манфаатларини ифода этувчи мафкура деб эълон қилинади. М.я. шундаки, ўзининг моҳияти ёки бирон-бир жиҳати б-н ундан фарқ қилувчи ғоялар, қарашлар, мафкуралар ёт ва душман мафкуралари сифатида қаралади. Оқибатда миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғояларга ҳадиксираб қараш руҳияти шаклланади, жам-тнинг маън-й ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарар етказилади. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, “яккаҳокимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган мафкуранинг истиқболи йўқ. Чунки у яккаҳукмронлик ўрнатиш баробарида, ўзини бойитиб борадиган манба — фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолади. Собиқ иттифоқ даврида етмиш йилдан зиёд яккаҳукмронлик қилган коммунистик мафкуранинг таназзули бунинг яққол исботидир”. (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000. 19-бет). Тарихда М.я.нинг энг кўп тарқалган шакли ақидапарастликдир. Бундай мафкуралар Осиё ва Европа давлатлари тарихида муайян даврларда ҳукмронлик қилган. Ўрта асрларда Фарбдаги ақидапарастлик мафкураси (инквизиция) ҳурфикрлилик ривожига, жам-т тар-ётига тўсқинлик қилиб келди. Юзлаб атломалар, ақл-заковат соҳиблари унинг қурбонига айланди. Бундай салбий анъана коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ҳам давом эттирилди, кўплаб моддий ва маън-й йўқотишларга сабаб бўлди. Фарбда юзага келган фан ва техниканинг янги ютуқлари кўр-кўрона инкор этилди, генетика ва кибернетика, политология, конфликтология, аксиология каби фанлар “реакцион” ва “сохта” деб эълон қилинди. Психология, социология, культурология, семиотика, бионика, информатика наз-яси, эргономика каби фан соҳалари етарли даражада ривожлана олмади. Аксарият миллий қадриятлар, урф-о., анъаналар эскилик сарқити деб эълон

қилинди. Натижада кўплаб мад-т дурдоналари изсиз йўқолиб кетди. XX а.нинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизм ҳам ана шундай ҳукмрон мафкура даражасини эгаллаган эди. Унинг оқибатида дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфатлар ёғилди. Мамтимиз мустақилликка эришгач, миллий ғоямизнинг асосий т. ва тамойиллари, унинг мазмунини ифода этадиган йўналишларни ўз ичига олган ҳар томонлама асосланган таълимот яратилди. Миллий ғоямиз мам-тимизда бирон-бир мафкуранинг мутлақлашуви, яккаҳоким ақидага айланишига йўл қўймади. У фикрлар ранг-баранглигига асосланади, ижт-й ҳаёт, сиёсий ташкилот, мафкураларнинг хилма-хиллигига таянган ҳолда, жам-т ривожига, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

МАФКУРАВИЙ БЕҚАРОРЛИК — кишилик жам-тига хос муайян хус-ятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади. Бу гоҳида ижт-й ҳаётда мафкураларнинг алмашиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. М.б. асосан, муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижт-й-иқт-й тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу н. назардан олганда, М.б.ни — муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат, деб ҳам таърифлаш мумкин. Жам-тнинг янгиланиш босқичларида одатда эски тузум, эски турмуш тарзи б-н биргаликда ўша тузум мафкураси ҳам юз тубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада М.б.ни юзага келтиради. Мафкуравий бўшлиқ ва М.б. ҳамоҳангдир, чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли ғаразли мақсадларни кўзлаган мафкуралар ҳам бош кўтаради. Агарда ана шундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, жам-т ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин. Том маънодаги М.б. ана шунда пайдо бўлади. Юзага чиққан турли бегона, ёт мафкуралар б-н янгидан шаклланаётган миллий маф-

кура ўртасида мурасасиз кураш боради. Бу кураш томонларнинг ўзаро вақтинчалик муваффақиятлари тарзида кечиши мумкин. Бундай беқарорлик ижт-й ҳаётга катта салбий таъсир кўрсатади.

МАФКУРАВИЙ БЎШЛИҚ — жам-т, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижт-й муҳит, тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши. Бундай шароитда фуқаролар онги ва фаолиятида турли миш-мишлар, сафсаталар устуворлик қила бошлайди. Кишилар хатти-ҳаракати ва руҳиятини бўшанглик, лоқайдлик, бепарқлик эгаллаб олади. Қарда шундай ҳолат юз берса, ўша ерда М.б. ҳукмрон бўлади. Президент И.А.Каримов огоҳлантирганидек, "...шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт гоёлар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз" (И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000, 7-бет). Бугун ҳеч кимга сир эмас, фуқаролар хулқ-атворида, хатти-қаракатида "...рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ноҳўй хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар аввало мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда" (И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000, 8-бет). Ш.у. ёшларимизнинг маън-й оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик чоғиданоқ шакллантириб бориш гоят муҳим аҳамият касб этади.

МАФКУРАВИЙ ВАЗИЯТ — муайян минтақа ёхуд мам-т ҳаётида мафкураларнинг ўрни ва мавқеи, улар ўртасидаги мун-тлар б-н боғлиқ жараён ва шарт-шароитлар мажмуи. XX а.нинг 90-йилларига келиб, жаҳонда социализм лагери барҳам топди. Дунё сиёсий харитасида ўзларининг мустақил тар-ёт йўлини белгилаб олган ўнлаб суверен давлатлар пайдо бўлди. Айни пайтда социалистик гоёлар ҳукмрон бўлиб келган ҳудудни мафку-

равий жиҳатдан бўлиб олиш б-н боғлиқ вазият юзага келди. Бу вазият буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидларда намоён бўлмоқда. Бундай вазиятда фақатгина кучли, халқ иродасини ўзида акс эттирган гоёларгина мам-тни, жам-тни ёт гоёлар таъсиридан, мафкуравий тазйиқлардан муҳофаза қила олади. М.в. ўз характери, ҳаракатлангирувчи кучлари ва юзага келиш сабабларига кўра қулай ёки ижобий, ноқулай ёки салбий тусга эга бўлади. Агар мам-тда миллийлик руҳи б-н суғорилган, халқнинг эзгу-мақсадларини ўзида акс эттирадиган, жам-тнинг турли қатламларини бир мақсад томон йўналтирадиган гоёлар ҳукмронлик қилса, у ҳолда бундай мам-тда қулай ёки ижобий М.в. вужудга келган ҳисобланади. Турли хил мафкуралар мавжуд бўлса-да, улар жам-тни ягона умуммиллий мақсадга йўналтирмаса, халқ бегона гоё ва мафкуралар тазйиқидан холи бўлмаса, бу мафкуралар кишиларнинг орзу-истакларини юзаки акс эттирса, у ҳолда мам-тда ноқулай, салбий, таъбир жоиз бўлса, хатарли М.в. вужудга келади. Бундай ҳолларда мам-т парокандаликка учраб, жам-т ўз тар-ёт йўлини йўқотиши ва боши берк кўчага кириб қолиши мумкин. Ёш мустақил давлатлар учун М.в. масаласи жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бундай давлатларнинг келажакги, тар-ёт йўли ана шундай М.в.нинг қандайлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ш-дек, М.в. жам-тда янги мафкуранинг шаклланиши, рив-ши ва халқ онгига сингдирилиши борасида амалга ошириладиган ишларни, муайян ҳудуд ёки минтақадаги хилма-хил мафкураларнинг ҳукмронлик учун бўлган ўзаро курашларини ҳам англашсини унутмаслик зарур. Айни пайтда М.в. янги, шаклланаётган мафкура б-н ўз "вазифа"сини бажариб бўлган ёки адо эта олмаган мафкура ёхуд унинг қолдиқлари ўртасида мурасасиз кураш боришини ҳам ифодалайди.

МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ — гоёвий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида Ер юзининг барча минтақа-

ларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи т. Инсоният тарихининг ҳоз. босқичи ижт-й, сиёсий, иқт-й, маън-й, мад-й ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро мун-тларнинг интеграциялашуви ва жадаллашуви б-н характерланади. Хус-н, алоқа воситаларининг рив-ши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши, ахборот алмашув сабабли ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. М.ж.г.да бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маън-й қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан миллатлар ва давлатларнинг ижт-й, иқт-й, сиёсий, маън-й-мад-й рив-шидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон бир ҳудуд ёки мам-тда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис — яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда. Бу жараённинг энг муҳим хус-ятларидан бири — турли мам-тларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқт-й манфаатлар б-н чирмашиб кетгандир. И.А.Каримов масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратиб, глобаллашув ҳоз. шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўтқир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий

куч ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани, бир қарашда арзимас бўлиб туялган кичкина хабар ҳам улкан зиён етказиши мумкинлигини ўқтиради. М.ж.г. савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган “санъат асарлари”нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий таъйиқ ва тажовузларнинг олдини олиш учун ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиши зарур. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда М.ж.г. ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик ғояларига содиқликнинг камол топишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тар-ётининг муҳим омилига айланади.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ — шахс, ижт-й гуруҳ, миллат, жам-тни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-наз-й қарашлар ва қадриятлар тизими. Иммуни-тет (лот. *immunitas* — озод бўлиш, қутулиш) тиббий т. бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет — киши организмнинг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Инсонда М.и.ни шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хус-ятга эга. Учинчидан, иммунитет тизими шаклландидагина жам-тда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин. М.и. тизимининг асосий ва биринчи элементи бу — билим. Аммо, билимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян “билим”ларга таянади, албатта. Шундай экан, М.и. тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маъ-ятини бойитиши ва жам-т тар-тига хиз-

мат қилиши лозим. Улар ўз моҳият этиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари б-н узвий боғлиқ бўлмоғи керак. М.и. тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илгор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустақкам бўлади. Бир сўз б-н айтганда, қадриятлар тизими М.и.нинг имкониятларини белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустақкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Аммо билимлар ва қадриятлар тизими мавжудлигининг ўзи М.и.нинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент М.и.нинг учинчи муҳим элементи, яъни ижт-й-иқт-й, сиёсий ва мад-й-маър-й соҳалардаги мақсадлар тизими б-н боғлиқ. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жам-т гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона мафкуравий тазйиқларга дучор бўлаверади.

МАФКУРАВИЙ МАРКАЗЛАР — муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалардир. Ўзининг характери, мақсадига қараб маълум партия, гуруҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат М.м. ядросини ташкил этиши мумкин. М.м. ўз ҳаракат дастури, мафкурани тарғиб қилиш воситалари, усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маън-й-руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни сақлаш кабилар муҳим ўрин тутади. М.м. ўз фаолиятларини яширин ва ошкора йўл б-н амалга оширадилар. Жаҳон тажрибасидан маълумки, айрим М.м., мас., фашизм ўз мақсадларини ошкора эълон қилиб, уларни зўравонлик йўли б-н сингдирган. Мафкурани яширин йўл б-н тарғиб қилишда вайрон қилувчи ғоя ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макри б-н омма онгини заҳарлаб, жам-тда ҳукмрон мавқени эгаллаб олишига алоҳида этибор берилган. Бугунги кунда уларга

қарши соғлом мафкурани тарғиб қилишда таълим-тарбия даргоҳлари, илмий, мад-й-маър-й муассасалар, маҳалла, оила, турли жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари фаолияти муҳим ўрин тутади. Бу соҳада фан ва илмий муассасаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар аҳолининг ижт-й-руҳий хус-ятларини ҳисобга олган ҳолда, мафкуравий тарбиянинг самарали йўлларини тадқиқ этиш, турли мафкуравий таҳдидлар хавфининг олдини олишнинг илмий наз-й асосларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Ш-дек, жамоатчилик фикри, аҳоли турли қатламларининг руҳияти, интилишлари, қизиқишлари, қарашларини турли социологик тадқиқотлар, анкета — сўров усуллари орқали ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш ҳам турли зарарли ғояларни тарқатадиган М.м.га қарши курашдаги муҳим воситалардан биридир.

МАФКУРАВИЙ МАҚСАД — ижт-й қатлам, сиёсий гуруҳ, миллат, жам-т манфаатлари, орзу-интилишлари ва хоҳиш иродасини ифода этувчи т. Мазмун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларни ўзида акс эттирадиган, халқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-қувватланадиган ижобий ва ғаразли ниятларни ифодалайдиган салбий, шаклига кўра ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий М.м.ларни фарқлаш лозим. Ўзбекистон халқи миллий мафкурасининг асосий мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Халқ оммасини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, кишиларни маън-й-руҳий жиҳатдан улғувор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этишдан иборат. Пировард натижага эришишнинг йўллари, воситалари ва усуллари ҳам ушбу мақсаддан келиб чиқади. Ташқи ёки геосиёсий М.м.лар ўз мазмун-моҳиятига кўра, давлатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустақкамлашга йўналтирилган бўлиб, бундай мақсадлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса — ижобий, бошқа халқлар ва давлатларга мафкуравий тазйиқ ўтказишга қаратилган бўлса — салбий характер касб этади.

МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР — ғоявий беқарорликка чек қўйиш, маф-

куравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш б-н боғлиқ масалалар мажмуи. Бундай муаммолар жам-т ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида жиддий аҳамият касб этади. Дунёда ранг-баранг дунёқарашлар, турли миллий, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига хос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирларини тақозо этса, айримлари бир-бирига мутлақо зиддир. Ғоялар, мафкуралар кураши натижасида дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қиргинлар, фожиялар юз бераётган бўлса, бошқа ҳудудларда баъзи давлатларнинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай давлат ёки мам-тнинг тақдири кўп жиҳатдан М.м.нинг қандай ҳал қилинишига ҳам боғлиқ. М.м.лар ичида мафкуравий хавф, таҳдидни бартараф этиш муҳим наз-й ва амалий аҳамиятга эга. Ҳоз. кунда жиддий мафкуравий хавф сифатида диний экстремизм, миллатчилик, шовинизм, маън-й қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилишга асосланган ғоявий қарашлар тизими ва амалиётини кўрсатиш мумкин. Бу хавф ва таҳдидларни бартараф этиш масаласи ҳам мафкуравий муаммолар доирасига киради. Жумладан, Ўзбекистон ҳам бугун муайян М.м.ни ҳал қилиш йўлида самарали ишларни олиб бормоқда. Бу, аввало, мустабид мафкура асоратларини бартараф этиш, миллий тар-ётга хизмат қиладиган, халқнинг дунёқарашига мос бўлган соғлом мафкурани шакллантириш б-н боғлиқдир. Зеро, И.А.Каримов уқтиргани каби, «**Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.**»

МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ

(лот. *pluralis* — хилма-хиллик, ранг-баранглик) — ижт-й-сиёсий ҳаётда турли қат-

лам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини англатадиган т. Мам-тда илғор ғоялар, мафкуралар қанча кўп бўлса, яъни М.п. ҳукмрон бўлса, тар-ётнинг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш мафкураларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан бойишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат қилади. М.п. ижт-й тар-тга хизмат қиладиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, турли халқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини умумий тарзда рўёбга чиқишига шароит яратади. У муқаррар суратда кўппартиявийлик тизimini тақозо этади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, интилишлари, орзу-умидларини умумлаштирган ҳолда ўз ҳаракат дастурлари орқали намоён қилади.

МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН — одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг ўзига хос синов майдони. Одатда, “полигон” деганда қурол-аслаҳа ва техникани си-наш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролларининг узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбарақлардан Ер юзининг ҳар қандай нуқтасига беҳато етиб борадиган қитъаларо баллистик ракетааларгача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмас. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари “маъқул” йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва

бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради. Президент И.А.Каримов таъкидлагани каби, ҳоз. давр ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир. Хус-н. мам-тимиз ичида ўзларининг зарарли ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиш, онгини заҳарлаш, улар ёрдамида мам-тни ўз тар-т йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган “ваҳҳобийлар”, “ҳизб-ут таҳрир”чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин. Бутунги кунда М.п.ларда муайян гуруҳлар ва давлатлар ўзларининг гаразли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмоқдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маън-й-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва камхарж усулидир.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – ижт-й ин-тлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маън-й-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. М.п. ғоявий бўшлиқни бар-тараф этиш, мафкуравий парокандаликни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларида фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади. М.п. тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик б-н чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчисида, доимий ва собит қадамлик б-н иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда маън-й таълим-тарбия тизимига таянган М.п.нинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга

таянади. Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими М.п.ни амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижт-й тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Ш-дек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару дostonлар, кўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маън-й-маър-й тадбирлар М.п.ни амалга ошириш шакллари дир. Президент И.А.Каримов тобора кучайиб бораётган турли хавф-хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлигини ўқтириб, **“Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия”** ҳал этувчи аҳамият касб этишини таъкидлайди.

МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ – муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маън-й-мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги таъйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш б-н боғлиқ фаолият мажмуи. М.с.ни мафкуравий вазифаларни амалга ошириш учун бўлган ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазифалар муайян мам-т ёки халқнинг дунё ҳамжам-тида тутган ўрни, нуфузи, халқаро иқт-й, сиёсий, дипломатик алоқалардаги мавқеи, тар-ёт даражаси каби бир қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Мас., ҳоз. даврда миллий мафкурамиз мустақилликни мустаҳкамлаш, мам-тни ҳар томонлама ривожлантириш, эркин ва ёруғ ҳаёт сари олға юришга йўналтириши зарур. Одатда ички ҳамда ташқи М.с. бир-биридан фарқланади. Ички М.с. мам-т, халқнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, тар-ётнинг янги бир босқичга кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазифасини ўтайди. Ташқи М.с., ўз халқи ва мам-тининг халқаро майдонда-

ги нуфузини мустақкамлаш, мустақил тар-тнинг халқаро мун-тлар б-н боғлиқ жиҳатларини таъминлаш ҳамда бегона мафкураларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. М.с.нинг самарадорлиги унинг қандай воситалар, усуллар ва шаклларда юритилишига боғлиқ. Бу ўринда ижт-й тар-ётдаги турли гуруҳлар, синфлар ва қатламлар манфаатларининг ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари омма учун қанчалик яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижт-й-гуманитар фанлар ютуқларига таянган ҳолда ташкил этилса, М.с. шунчалик самарали бўлади.

МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ – муайян миллат, жам-т, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жам-т хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-наз-й қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. М.т. ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон бир мам-тта нисбатан ичқаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижт-й-иқт-й қийинчиликлардан, ш-дек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик б-н фойдаланишга ҳаракат қилади. Бугунги кунда М.т. деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади. Миллий ғоя ўзининг мазмун-моҳияти б-н ана шу каби мафкуравий тажовузларга қарши тура оладиган кишиларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу борада барча фуқароларнинг огоҳлиги, фаоллиги, эзгу ғояларга хизмат қилишга тайёрлиги катта аҳамият касб этади.

МАФКУРАВИЙ ТАМОЙИЛЛАР — ҳар қандай мафкуранинг тарбиявий

қудрати, унинг таъсирчанлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклигига асосланиши б-н белгиланади. Миллий мафкура эса жам-т аъзоларининг миллат манфаатлари, орзу-умидлари, истак-хоҳишларини ўзида мужассамлаштиради. Миллий мафкура, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, қуйидаги тамойилларга асосланади. Биринчидан, мам-тимизнинг бутунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланади. Иккинчидан, миллий тарихимиз ва умумбашарий тар-ёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фозилларнинг илмий меросига асосланади. Учунчидан, жам-т мафкураси шу жам-тнинг фуқароси бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, фуқароларнинг бежавотир, тинч-омон, фаровон яшашини таъминлаш учун куч-ғайрат манбаи бўлмоғи лозим. (И.А.Каримов. Адолатли жамият сари. Тошкент, 1998, 11–13-бетлар). Миллий мафкурамиз юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш, жисмонан бақувват, руҳан-тетик, маън-й етук, замонасининг фан ва техника ютуқларини муқаммал ўзлаштирган илғор касб-кор маҳоратига эга бўлган баркамол инсон шахсини шакллантириш, ижт-й ҳамкорлик ва миллатлараро тотувликка эришиш, диний бағрикенглик каби тамойилларга асосланади (И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000, 19-бет).

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ — инсон, ижт-й гуруҳ, миллат, жам-т дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар б-н қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Жам-тдаги ҳар бир ижт-й куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний

бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. Жам-т, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли гоълар таъсирга тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса М.т.ни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига мутасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Ўз-н шароитида М.т.нинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий мафкурамининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. М.т. жам-тда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юрглари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади. Узлуксиз таълим тизими М.т.ни олиб борувчи асосий бўғиндир, зеро мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, ана шу тизим орқали амалга оширилади.

МАФКУРАВИЙ ТАСАВВУР — мафкуравий таъсирнинг инсон онгидаги инъикоси. Бундай инъикос турли шаклларда ўз ифодасини топади ва инсон хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Ушбу мафкуравий образлар инсоннинг кундалик амалий фаолиятида ўз ифодасини топади. М.т. ижт-й онгнинг муҳим элементи бўлиб, мафкуравий фаолиятнинг маъноси ва мазмунини ижт-й воқеаликнинг ҳаёлий образи б-н боғлайди. Айни пайтда мафкуравий фаолият, ҳаёлий образлар б-н яқиндан иш кўриш, ўзаро алоқадорлик механизмини яратиш имконини беради. М.т. ижт-й муҳитнинг таъсири остида одамлар кўрсатган турли-туман фаолият туфайли ҳосил бўлади. Бундай ҳолат жам-тда ҳамиша маълум бир мақсад томон йўналтирилган мафкуравий тизим мавжуд эканлигидан далолат беради. Ўз

навбатида, худди шу ҳолат М.т. жам-тда мавжуд бўлган мафкуравий тизим: мафкуравий ин-тлар, мафкуравий муассасалар маҳсули эканлигини инкор этмайди. М.т. ҳосил бўлишида жам-тда мавжуд бўлган турли синфлар, табақалар, гуруҳларнинг ижт-й тажрибаси ҳам катта аҳамиятга эга. Айни пайтда М.т. бошқа мафкуравий муассасаларнинг зарарли тарғибот ва ташвиқотларидан ҳимоя қилувчи “буфер” вазифасини ҳам бажаради.

МАФКУРАВИЙ ТАЪСИР — мафкуравий жараённинг энг муҳим структуравий компонентларидан биридир. М.т. икки асосий — тўғри, бевосита ва ўзаро алоқадорликка асосланган билвосита шакллар ёрдамида амалга оширилади. М.т. самарадорлиги унинг объекти ва субъектига боғлиқ бўлади. Чунончи, М.т. самарадорлиги М.т. ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) маълумот даражаси, мад-й савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида М.т. ўтказаятган идоралар, тарбиявий муассасалар, тарғибот ва ташвиқотчилар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафкура ходимларининг профессионал маҳоратига, уларнинг инсоний фазилатлари, хислатларига боғлиқ бўлади. М.т. ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг маълумот даражаси, мад-й, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий савияси қанча баланд бўлса, мафкуравий таъсир самарадорлиги шунча юқори бўлади. Ўз навбатида, М.т. самарадорлиги унинг объекти б-н унинг субъекти орасидаги ўзаро алоқадорлик механизмининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Бундай ўзаро алоқадорлик механизмининг мазмунида бир-бирига ўргатиш, бир-бирдан ўрганиш, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд тамойили ётмоғи даркор. Бундай ҳолатда ҳар бир киши М.т. доирасига тушади ва ўша таъсир асосида фаолият кўрсата бошлайди.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД — ижт-й-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрқитув, зўрлик йўли б-н бошқаларга тикиштириш. М.т. жам-т, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб

турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси. И.А.Каримов таъкидлаганидек, дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида маън-й йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жам-т ҳаёти онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Ўз-н ҳам бундай таҳдидлардан четда қолаётгани йўқ. Мам-тда инсонпарвар, демократик жам-т қурилаётган ҳоз. шароитда фуқаролар онги ва фаолиятига сиёсий экстремизм, диний фундаментализм, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар “оммавий мад-т” тажовузи ва ҳ.к. М.т. шаклида намоён бўлаётир. Айниқса, ўрта а. халифалигини қайта ўрнатиш ғояси ҳамда халқаро террорчилик ва диний экстремизм марказлари орқали моддий-ғоявий таъминланаётган ақидапарастлар мафкураси бугун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик учун катта хавф бўлиб турибди.

МАФКУРАВИЙ ТИЗИМ — мафкуравий ишларни бошқариш, жам-тнинг турли ижт-й ин-тлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, мад-й-маър-й уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари (иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт) ва воситалари (фан, адабиёт, санъат, матбуот, радио, ТВ, кино, музей ва ҳ.к.), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усулларининг (алоҳида, жамоавий, оммавий) яхлит бир бутун уюшмаси. Ш-дек, М.т. мафкуравий таъсир йўналишлари (ақлий, маън-й-ахлоқий, ҳуқуқий) ва унинг асосий соҳаларини (меҳнат, жисмоний, эстетик, экологик, жинсий ва ҳ.к.) ҳам ўзига қамраб олади. М.т. бир бутун яхлит уюшма бўлиб, доимо ўзгариб туради. Ушбу

тизим самарадорлиги мафкуравий таъсир жараёнининг узлуксизлигига, табақалашганлигига, комплекс ёндашувга боғлиқ. Ушбу тизим доирасидаги мафкуравий ишлар таъсирчанлиги, ҳозиржавоблигини оширишда аҳоли турли табақаларининг ўзига хос миллий-психологик, минтақавий, касб-кор, ёш, жинс б-н боғлиқ хус-ятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

МАФКУРАВИЙ ТОЛЕРАНТЛИК (БАҒРИКЕНГЛИК) — хилма-хил қараш, интилиш, ёндашувга эга бўлган ва турли мафкуравий позицияда турувчи кучларнинг жам-т ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишини, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат фаолият юритишини ифодаловчи т. 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКОнинг йигирма саккизинчи сессиясида қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” Ер юзидаги барча мам-тларда мафкуравий бағрикенгликни шакллантиришнинг умумназ-й асосидир. М.т. ғояси жам-тда а.лар давомида шаклланиб келган бунёдкор ғоялар, эзгу ниятлар ва мақсадларнинг рўёбга чиқиши учун замин тайёрлаб беради. Ҳоз. даврда М.т. ғояси жам-тдаги барча қатлам, ижт-й гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутуди ва мам-тда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартини ҳисобланади. Президент Ислом Каримов таъбири б-н айтганда, “Ота-бобларимиз неча асрлар мобайнида шу бепаён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни — бутун Ў.О. халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечирिशга даъват этмоқда”. Ўзбекистон халқи дунёвий давлат, эркин фуқаролик жам-ти қурмоқда. Барпо этилаётган жам-тимизнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган бугунги кунда, эзгу мақсадларга йўналтирилган мафкура фаолияти учун бир хил шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилмоқда.

МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК — шахс, миллат, жам-т, давлатнинг хил-ма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкуравий марказларнинг бузгунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи т. М.х.ни таъминлаш деганда, жам-т маън-й ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади. М.х.ка ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради. Бугунги кунда, турли хил мафкура марказлари ва полигонларининг Ўз-нда янги жам-т қуришга тўсқинлик қилиш учун ғаразли ниятларига эришишда мам-тимиз фуқароларидан “қурол” сифатида фойдаланишга интилишларида М.х. учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрамиз. Ш-дек, қўшни давлатлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий беқарорлик ҳам мам-тимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказди. ЎзРда миллий хавфсизликни таъминловчи ички омил — жам-тнинг сиёсий-ижт-й, ахлоқий ва маън-й салоҳиятидир. Бундан ташқари, М.х. халқимизнинг а.ий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий рив-шига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланади. Ш-дек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, мад-й-маър-й муассасалар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ишлар, маън-й-маър-й тадбирлар тизими М.х.ни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мам-тимиз М.х.ги илмий асосланган ижт-й сиёсатга, ҳуқуқий мад-ятга, жам-тнинг маън-й етуклиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жам-т, давлат ва шахс М.х.ни таъминлаш — давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

МАФКУРАВИЙ ҚУРОЛЛАР — фуқаролар онгига сингдириш омиллари (иш вақти, бўш вақт) ва воситалари (фан,

адабиёт, санъат матбуот, радио, ТВ, кино, музей, тарғибот ва ташвиқот муассасалари ва ҳ.к.), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усуллари (алоҳида, жамоавий, оммавий) мажмуаси. М.қ. геосиёсий мақсадлар, геосиёсатнинг ҳам таъсирчан воситаси эканлигини унутмаслик даркор. Дунёнинг мафкуравий манзараси тубдан ўзгарган, жаҳонда ғоявий-мафкуравий зиддиятлар кескинлашиб бораётган, мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан кучлироқ бўлиб бораётган бир пайтда “...жаҳон ҳам-жам-ти халқаро мун-тлар соҳасида демократик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик тамойилларини қарор топтириш учун курашмоқда. Бундай шароитда зўравонлик қилиш, ҳарбий куч ишлатиш ва ҳатто иқт-й исқанжага олиш қатъий қораланиши аниқ. Лекин ўш ғаразли мақсадларига етишни кўзлаётган турли кучлар геосиёсатнинг энг таъсирчан воситаси сифатида М.қ.дан кенг фойдаланмоқда, одамлар онгига таъсир ўтказишнинг тубан ва маккор усуллари кўлламоқда” (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000, 24-бет). Ш.у. ҳам мафкуравий жараёнларнинг ҳар бир ташкилотчиси, ҳар бир тарғиботчиси М.қ. ёрдамида амалга ошириладиган ижт-й тарбия механизмнинг моҳияти, мазмуни ва шакллари аниқ-тиниқ тасаввур қилиши лозим.

МАФКУРАНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ — миллатлар ва давлатлар, турли ижт-й-сиёсий кучларнинг ўз ғоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақсад-муддаолари ҳамда ўз мафкуралари орқали ҳал қилиши лозим бўлган вазифалари мажмуи. Ҳар қандай мафкура: а) муайян ғояни одамларнинг онгига ва руҳиятига сингдириш; б) аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; в) кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш; г) уларни маън-й-руҳий рағбатлантириш; д) аҳолини, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; е) бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишдек бир қатор вазифаларни

бажаради. Юксак ғояларга асосланган, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этадиган мафкуравий тизимлар ўз соҳибларини тар-ётга элтади. Тор миллий ё синфий талаб-эҳтиёжларни бошқа халқлар ёки гуруҳлар ҳисобига қондиришини ният қилган мафкуралар охиrqоқибат барбод бўлади, ўз тарафдорларини таназзул ва ҳалокатга дучор этади.

МАШВАРАТ (араб. кенгаш, кўрсатма, йўл-йўриқ) — кенгашиш, маслаҳатлашиш асосида амалга ошириладиган иш жараёнини англатувчи т. М. б-н қилинган иш демократиянинг асосини ташкил этади, уни олий кадрият даражасига кўтаради. Унга бўлган мун-т ҳар бир фуқаронинг ички мад-ти, маън-й-ахлоқий қиёфаси, демакки, бутун миллатнинг умуммад-й савиясидан далолат беради. М. асосида жам-т аъзоларининг сиёсий ва ижт-й фаоллиги намоён бўлади. Ҳоз. пайтда М. сўзининг ўрнига кўпроқ кенгаш, маслаҳат сўзлари қўлланади. М. сўзи қадимда, айниқса, буюк саркарда Амир Темур замонида кенг истеъмолда бўлган. Ш.у. ҳам буюк бобомизнинг асарларида мазкур ибора кўп бор қўлланганини кўриш мумкин. Айниқса, Соҳибқирон ҳарбий масалаларни доимий равишда М. б-н, атрофдагиларга маълум қилиб, уларнинг маслаҳати б-н ҳал этганини, давлат ишларининг тўқсон тўққиз фоизини М. б-н, фақатгина бир фоизини қилич б-н ҳал қилганини таъкидлайди. Халқимизнинг “Кенгашли (машваратли) тўй тарқамас” деган доно нақлида М. т.сининг мазмунмоҳияти, унинг миллатимиз сўз бойлиги, маъ-яти б-н узвий боғлиқлиги ифодаланган. Дарҳақиқат, М. б-н амалга оширилган ишнинг пойдевори мустаҳкам бўлади, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ёши улуг донишманд кишилар маслаҳати б-н амалга оширилган ҳар қандай юмуш муваффақият келтириши шубҳасиздир. Шу боис таълим-тарбия жараёнида ёшларимиз онгига ана шу ноёб ибораларни синдириш, ижт-й, маън-й ва ахлоқий аҳамиятини тушунтириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАР — кишилик жам-ти тар-ёти жараёнида кўплаб авлодлар тафаккури ва ақл-заковати б-н яратилган маън-й мерос, М.б., кўҳна тарихий ёдгорликларни ифода этувчи т. Президент И.А.Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида М.б. т.сига қуйидагича таъриф беради: “**Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қад. тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазиналарида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астраномия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир**”. (30–31-б.) Маъ., қарийб уч минг йиллик тарихга эга бебаҳо маън-й обида. “Авесто”, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган “Алпомиш” достони, энг азиз ва мўътабар байрам — Наврўз айёми, маъ-ятмизнинг ажралмас қисми муқаддас динимиз, буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, жадид боболаримизнинг улкан маън-й-маър-й, илмий, ижт-й-фал-й мероси, давлатчилик тажрибаси бугунги кунда ҳам мам-тимизнинг ҳар томонлама тар-ёти, ёруғ истиқболига хизмат қилиб келмоқда.

МАЪНАВИЙ БУЗҒУНЧИЛИК — умуминсоний ва миллий ахлоқ, кадрият, мад-т, дин ва тарбия асосларига зид бўлган, инсон шахсининг тубанлашуви, ижт-й, маън-й-ахлоқий меъёрларга риоя этмаслик, инкор этиш ёхуд уларнинг илдизларини емиришга қаратилган ёвуз хатти-ҳаракатларни англатувчи т. М.б. муайян кучлар, марказлар, шахслар томонидан ўз манфаатларини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таъминлаш, ғаразли мақсадларни кўзлаб, мам-ти ва ўзга давлат халқи, айниқса, ёшларини чалғитиш, уларнинг онгига ғайриинсоний ва ғай-

риахлоқий ғоя ва қарашларни сингдиришга хизмат қиладиган усул ва технологиялардир. Маълумки, XX а.нинг иккинчи ярми ва XXI а. бошларида кўпгина Ғарб мам-тларида М.б. (палапартиш жинсий мун-тлар, гиёҳвандлик, никоҳсиз оила, оммавий беҳаё клиплар, ахлоқсизлик, куч ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар ва б.) жам-т ҳаётининг барча жабҳаларида яққол намоён бўлди. Бу жараённинг чуқурлашуви, даҳшатли тус олаётгани Ғарб олимлари, махсус марказ ҳамда ОАВ томонидан амалга оширилган кўплаб тадқиқот натижаларида акс эттирилган. Мас., бир гуруҳ америкалик олимлар амалга оширган тадқиқот натижасига кўра, тартибсиз жинсий ҳаёт кечириётган ўсмирларнинг 30 фоизи бахтсизлиги. умидсизлиги, ҳаётдан қониқмаслигини тан олган. Уларнинг маълум қисми жинсий хасталикка учраган, бошқалари эса чуқур руҳий тушкунлик ҳолатига тушиб қолган. Ш-дек, тадқиқотда америкалик ўсмирлар ўртасида жинсий-ахлоқий бузғунчилик, автомашиналарни олиб қочиш, ўғирлик, зўравонлик, вандализм каби ҳолатлар кўпайиб бораётгани аниқланган. Америкалик социолог Ф.Фукуяма Ғарб жам-ти дуч келаётган жиддий муаммоларнинг сабаблари ҳақида тўхталиб, улар, аввало, оила ин-тининг инқирозга учрагани б-н боғлиқ, деган хулосага келади. Фукуяма назарида, «оила — ижт-й капиталнинг муҳим манбаи», яъни айнан оилада фуқаролик ахлоқининг асослари яратилади, унинг ўрнини ҳеч қандай қонунчилик актлари б-н тўлдириб бўлмайди». Д.Вилкерсон эса Ғарб жам-тида ахлоқий бузуқлик авж олиб бораётганига сабаб кабель телевиденияси орқали намоёиш этилаётган беҳаё саҳналар, гомосексуализм, садизм ва мазохизм каби ғайриинсоний иллатлар кенг тарғиб этилаётганида деб таъкидлайди. Энг хатарлиси шундаки, Ғарб мам-тлари ўз дунёқарашини, андозаларини ва ҳаёт тарзини турли-туман воситалар, хус-н, ғоявий-мафкуравий таъсир этиш ўзга миллат ва халқлар турмушига тиқиштиришга уринмоқда. Президент И.А. Каримов масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратиб,

“...жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”, дея огоҳлантиради. Шу боис ғоявий-мафкуравий таҳдидларга нисбатан сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш мам-тимиз манфаатлари, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашларнинг мақсад-муддаоларини теран англаш, айниқса, ёшларимизни бу каби хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, маън-й тарбия тизимини янада такомиллаштириш М.б.ка қарши курашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

МАЪНАВИЙ БУРЧ — инсонга хос бўлган юксак маън-й фазилат, унинг ахлоқий майл-истакларининг ҳис-туйғуларда акс этишини ифодаловчи т. М.б. шахсни баъзан хузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан махрум этиши мумкин бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида инсон тафаккурига сингдирилади ёки оилавий, миллий анъаналар тарзида қабул қилинади. Инсоннинг М.б.и унинг маъ-яти, руҳияти, тафаккурига ижобий таъсир кўрсатган, тарбиясида муҳим роль ўйнаган нарса, ҳодиса ва шахсларга нисбатан маън-й қарздорлик туйғусидир. Бурч кишининг жам-т, давлат ва одамларга нисбатан мунти, улар олдидаги мажбуриятини ифодалайди. М.б. атамаси виждон, эътиқод, масъулият каби т.лар б-н узвий боғлиқдир. Мас., И.А.Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таниқли ўзб. олими академик Яҳё Гуломовнинг маън-й жасорати ҳақида тўхталиб, «...адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар одамгина шундай мардликка қодир бўлади», деб таъкидлайди. Умуман, М.б. инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Улуғ мутафаккир Ибн Сино «Бурч тўғрисида рисола»сида бурчни Тангри олдидаги қарздорлик туйғусини бажариш, илоҳий масъулият деб талқин этади. М.б. нафақат масъулиятни, балки ҳар қандай

ишга виждонан ёндашишни, эътиқодда собитликни тақозо этади. Бунинг учун инсон, аввало, ўз бурчини чуқур ҳис этиши, ҳар бир хатти-ҳаракатида ана шу мезонга таяниши лозим. М.б. туйғуси халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи, буюк аждодларимиз, ота-боболаримизнинг амалий тажрибаси негизида шаклланиб сайқал топиб келган. Шу боис бу туйғуни ҳар бир ватандошимиз онги ва қалбига сингдириш орқалигина мам-тимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, Ватанимизнинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнашига эришиш мумкин.

МАЪНАВИЙ ВОРИСЛИК — миллий-маън-й қадриятлар, урф-о., анъана, ғоялар, тажриба, билимларнинг авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиши, маъятнинг узлуксиз жараён сифатидаги ўзгарувчанлиги ва авлодлар ўртасида маън-й ришталарнинг узвий боғлиқлигини ифода этадиган т. Бу жараён инсониятнинг тар-ёти давомида тўпланган маън-й бойликларни яхлит ҳолда авлодларга узатиш, кишиларнинг дунёқараши, мад-й савияси, билими ва маън-тининг бойишига хизмат қилади. Турли соҳаларда ворислик механизми ўзига хос тарзда кечади: санъатдаги мезонлар фандагидан, табиий фанлардаги ҳолат гуманитар фанлардагидан фарқланади. Ворислик (мерос) маҳаллий ёки умумдунёвий шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ворисликнинг маҳаллий шаклида мад-тнинг касбий, миллий, этник ва б. жиҳатлари ифодаланса, жамики инсониятнинг маън-й мулкига айланган маън-й бойликларда М.в.нинг умуминсоний шакли намоён бўлади. Мас., қад. Миср эҳромлари, юнон обидалари, Темур ва темурийлар ёдгорликлари каби моддий ва маън-й мерос намуналари бутун башариятнинг маън-й бойлиги ҳисобланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Аждодларимиз кейинги авлодларга мерос қолдириш учун халқ оғзаки ижоди, санъатнинг барча усулларидан кенг фойдаланганлар. Техника ва технологияларнинг тараққий этиши б-н М.в.нинг янги самарали усуллари: кино тасвири, магнит

лента ёзуви, расмда муҳрлаш, компьютер хотирасига жойлаш ва ҳ.к. вужудга келди. Ижт-й тар-ётнинг турли босқичларида маън-й меросни ворисийлик анъаналари асосида авлоддан авлодга узатиш имкониятлари ижт-й-иқт-й, сиёсий, ғоявий омиллар б-н белгиланган. Мас., собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида турли халқлар, хус-н, халқимиз ҳам ҳақиқий тарихи, миллий ва маън-й меросини ўрганиш, унинг бебаҳо хазинасидан баҳраманд бўлиш, бу маън-й бойликни авлоддан авлодга безавол ўтказиш, ворисийлик анъаналари асосида авлоддан авлодга узатиш ҳуқуқ ва имкониятидан маҳрум этилган эди. Бироқ ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам аждодларимиз ўзлигини, маън-й меросини йўқотмаган, уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб беришга ҳаракат қилган, авлодлараро ришталарнинг сақланиб қолишига эришган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қадриятларимиз, тарихимиз, маъ-яти-миз, улуғ аждодларимиз даҳоси б-н яратилган бебаҳо моддий ва маън-й бойликларни бойитиш ва кенг тарғиб этиш масаласига доимий аҳамият қаратиб келинмоқда. Президент И.А.Каримов таъбири б-н айтганда, «...шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой мад-тимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши зарур». Бу ўз навбатида, ворисийлик анъаналарининг узлуксизлиги ва бардавомлигини таъминлайди.

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ — мазмун-моҳияти, фал-й ифодаси И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида инсоният тарихидаги ёрқин мисоллар орқали очиб берилган т. Мазкур т. ер юзидаги барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтироларни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ва юксак маън-й салоҳиятини ифодалайди. Унда инсоннинг

ўз ҳаётини маъ-ятини ўстириш ва юксалтиришга бағишлаши, кишиларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида ҳар қандай фаолият б-н маън-й жиҳатдан алоҳида намуна кўрсатиши каби ҳислатлар ўз ифодасини топади. Китобда таъкидланишича, “Буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўҳна ва ҳайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори атиқалар ҳақида сўз юритар эканмиз, шу заминда яшаётган барча инсонлар уларни аввало халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига қўйилган муаззам ҳайкаллар, деб қабул қилади. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки янглишмаган бўламиз.

Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу ҳис-туйғулар, муқаддас ва улуғ тушунчалар дунёда ҳануз барқарор бўлиб келмоқда. Бундай беназир зотларнинг барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топиллиши — маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради”.

Мас., неча аллардан буён юксак тафаккур ва ақл-заковат тимсоли бўлиб келаётган юнон файласуфлари Сократ ва Платон, улуғ боболаримиз Абу Райҳон Беруний ва Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Улуғбек, Навоий “...ўрта асрларда астрономия соҳасидаги илмий кашфиётлари учун тазийқ ва таъқибларга учраган Николай Коперник ҳамда кейинчалик унинг изидан бориб, жоҳил ва ақидапараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган Жордано Бруно, қанчадан-қанча таъна ва маломатларга гирифтор этилган Галилео Галилей каби алломаларнинг жасоратида ҳам ҳақиқатга садоқат, эътиқод учун

курашнинг ёрқин намунаси яққол намоеъ бўлганини кўрамиз.

...Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дорилмомон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.

...Мухтасар қилиб айтганда, олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоеъ этади.

Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси дир”. Чунки мустақиллик халқимизга кимдир томонидан инъом қилинмаган, унга осонгина эришилмаган. Балки у Президент Ислом Каримов раҳбарлигида оғир курашлар натижасида, юксак маън-й жасорат туфайли қўлга киритилган. Мустақиллик барча ислоҳот ва ўзгаришлар, халқимиз ҳаётида рўй бераётган буюк бурилиш ва улкан натижаларни бошлаб берган тар-ётимизнинг тамал тошидир. Уни асраш, мустақамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

МАЪНАВИЙ ЗАЙФЛИК — маън-й ҳаёт ҳодисаси, жам-т, давлат ёки халқнинг маън-й масалаларда уюшмагани, маъ-ятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйгани натижасида содир бўладиган ижт-й-ғоявий ожизлик ҳолати. М.з. халқ оммасининг туб манфаатлари ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тар-ёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипс-лаштирадиган миллий ғоянинг, илмий асосда ташкил этилган, пухта ўйланган

ва мунтазам олиб бориладиган маън-й тарбия тизимининг яратилмагани ёки ижт-й ҳаётда амалий ифода топмагани натижасида ҳосил бўлади. Моддий ва маън-й заифлик ўзаро алоқадор т.лар бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади. М.з. кўп ҳолларда маън-й беқарорлик ва парокандаликка олиб келиб, ҳатто жам-т ёки давлатнинг инқирозига сабаб бўлади. М.з. миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказиши, унинг тар-ётини орқага суриб юборади. Мас., Чингизхон босқини, чор Россияси истилоси, большевиклар босқини даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этолмагани ўлкамининг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди. Бундай қарамлик нисбатан маън-й жиҳатдан эзилган ўлкамиз халқини янада заифлаштиришга хизмат қилди. Айниқса, ўлкамининг уч хонликка бўлиниб, яхлит давлатчилик анъаналарининг парчаланиши натижасида халқимиз моддий парокандаликка юз тутдики, ушбу салбий омил жам-тнинг маън-й заифлигини вужудга келтиришда туртки бўлди. Тўғри, чор Россияси истилоси шароитида жам-т маъ-ятидаги заифликларни маърифат ва зиё тарқатиш орқали бартавраф этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган жадид-маърифатпарварларимиз мактаб ва мадрасалар очишга интилдилар. Лекин, бир неча алик бўлинишлар, сиёсий-ҳарбий истилолар натижасида умум-жам-т миқёсида ҳукм сураётган М.з.ни бирданига таг-томири б-н қўпориб ташлашга мавжуд маън-й муҳит ҳам имкон бермасди. Собиқ мустабил тузум шароитида ҳам миллий маъ-ят ва қадриятлар четга суриб қўйилиб, коммунистик мафкура ривожига хизмат қилувчи умумий маъ-ят концепцияси ишлаб чиқилиб, ижт-й ҳаётда тарғиб этила бошланди. Ушбу жиҳат кишиларда эътиқодсизлик, миллий қадриятлардан воз кечиш, миллий тил, урф-о. ва маросимларни менсимаслик каби иллатларни авж олдириб, М.з.нинг ўзига хос қўринишлари сифатида намоён бўлди. Собиқ тоталитар тузум шароитида жам-тда маън-й заиф ҳалқаларни кенгайтириш мақсадида миллий

тиллар имкониятлари чекланди, улар «коммунистик андозаларга номувофиқ тил» сифатида камситилди. Ушбу салбий жиҳатлар миллий маъ-ят ва тафаккурни заифлаштириш учун сунъий равишда қилинаётган ҳаракатлар эди. Демократия шабадалари насими эса бошлаган 80-йиллар охирида ўзб. тилига ҳам давлат тили (1989 йил 21 октябрь) мақоми берилдики, бундан мақсад миллий тилимининг софлигини сақлаган ҳолда халқимизнинг маъ-ятини кўтариш эди. Шу боис, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, мам-тимизда халқ маъ-ятини юксалтириш борасида қатор ишлар қилинаётгани, бир томондан, собиқ тоталитар тузум шароитида жам-т тафаккурида шакланган М.з. жиҳатларини миллий менталитетга хос бўлган маън-й-ахлоқий жиҳатлар б-н тўлдириш бўлса, иккинчи томондан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёшларда М.з.ка йўл бермасдан ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилётганлиги қувонарлидир. Ўз-н халқининг ҳаётбахш ва адолатли гоёларга таянган юксак маъ-яти тушунтириш ва ишонтириш, таълим-тарбия ва маърифат йўли б-н, фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда М.з.ка барҳам берадиган қудратли куч сифатида намоён бўлади.

МАЪНАВИЙ ЗАРАР — инсоннинг ор-номуси, қадр-қиммати ва фаолияти, обрў-эътибори, жам-тдаги урф-о., қадриятлар, турмуш тарзи, умуман эзгу дунёқарашга зид бўлган фаолият, хатти-ҳаракат ва мун-тни ифодаловчи т. М.з инсон онгида шакланган сифат жиҳатидан ижобий характердаги ақлий-руҳий мун-тларга тескари таъсир кўрсатилганда юзага келадиган натижани ифодалайди. Ўз муҳиятига кўра, бу натижа — М.з. инсон дунёқарашини ўзгартириб, маъ-ятсизликка алоқадор хус-ятларнинг намоён бўлишига, руҳий оламига салбий таъсир кўрсатишга ёки маъ-ят асосларига бефарқ бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. М.з. шахс томонидан шахсга ёки жам-тга,

жам-т томонидан шахсга ёки жам-тга етказилиши мумкин бўлган ҳодисадир. М.з.нинг шахс томонидан жам-тга етказилиши маълум бир шахс томонидан тарғиб қилинган, аслида маҳаллий мад-т унсурларига қарши турувчи ва охиروقибатда уларнинг йўқотиб юборилишига олиб келувчи мафкуравий ғояларнинг бошқалар томонидан ҳақиқат, тўғри йўл деб қабул қилиниши ёки шунга мажбур қилинишига асосланади. Бундай М.з.нинг шахс томонидан жам-тга етказилиши айниқса оғир ва ўрнини қоплаб бўлмас йўқотишларни келтириб чиқаради. Президентимиз таъкидлагани каби, «**Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига бево-сита дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мурраккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак**” (“Юк-сак маънавият — энгилмас куч”, 78-б.). Муайян жам-тнинг бошқасига кўрсатилган М.з.и таъсирнинг энг фалокатли кўринишларидан бўлиб, бунинг натижасида бир жам-тда мавжуд ўзига хос маън-й қадриятлар бутунлай барҳам топиши ва унинг ўрнига ўзга жам-т маън-й қадриятлари ҳукмрон мавқега кўтарилиши мумкин. Мас., Европа халқларининг Америка қитъасига кириб бориши нафақат маҳаллий америкалик ҳинду халқларининг, балки уларнинг моддий мад-ти б-н бирга маън-й мад-тининг ҳам йўқолиб кетишига олиб келди. Яшаш учун кураш ҳиндуларни ўз мад-тларидан воз кечишга мажбур қилди ва азалий маън-ятини тубдан ўзгартириб юборди. Жам-тнинг жам-тга, инсоннинг жам-тга ёки жам-тнинг инсонга М.з.и икки хил йўл б-н етказилиши мумкин: жам-т ёки инсон маън-ятига зид М.з. инсон ёки жам-т томонидан ихтиёрий қабул қилиниши ва у натижа бергандагина зарарли эканлиги англаниши мумкин; жам-т ёки инсонга М.з. таъйиқ, тажовуз, умуман, куч ишлатиш

воситасида етказилиши мумкин ва унинг М.з. эканлиги бошидаёқ маълум бўлади. Ш-дек, етказилган маълум бир М.з.ларга қарши курашиш ва уларни бартараф этиш мумкин, лекин баъзи М.з.ларни бартараф қилиш имкониятлари бўлмайдди. Шу каби бугун инсониятнинг тар-ёти натижасида ёки инсон эркинликларини кенг татбиқ этиш ҳаракати воситасида амалга оширилаётган ишларнинг натижалари б-н бирга юзага чиқарадиган М.з.лар тузатиб бўлмас зарарлар сирасига кириб, тузатишга уриниш тар-ётни ортга суриш б-н тенг бўлиши мумкин, бундай вазиятда воз кечилаётган маън-й қадриятларни тиклашга ҳеч қандай имконият қолмайди. Айни вақтда моддий ва М.з.лар ўртасида ажралмас боғлиқлик мавжудки, ш.у. қаерда моддий зарар мавжуд бўлса, ўша ерда М.з. ҳам мавжуд бўлади. Мас., чоризм ва шўро истибдоди даврида юртизмдан жуда кўп моддий ва маън-й бойликлар ташиб кетилди, кўп қисми йўқ қилинди, яна кўплари эса йўқотишга маҳкум қилинди. Халқимизга хос кўплаб маън-й қадриятлар оёқости қилинди, таъқиб остига олинди, миллатимизни тарихий тафаккуридан бегоналаштиришга ҳаракат қилинди ва ҳ.к. Бугунги кунда М.з. бўйича жавобгарлик фуқаролик Кодексига киритилган янгиликлардан ҳисобланади. Бундан асосий мақсад — мас., ЎзР Конституциясига мувофиқ (VII боб), фуқароларга берилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Бу қоидага биноан, М.з. учун жавобгарлик айбли бўлиш тамойилига асосланади. Зарар етказишда айбланувчи шахс бундай зарарни етказишда ўзининг айби йўқлигини исботлаши керак, агар исботлай олмаса, айбдор деб ҳисобланади ва маън-й зарарни қоплашга мажбур бўлади.

МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ — шахс ва жам-т маъ-ятини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи, уни савоб ишлар, бунёдкорликка сафарбар қилувчи эзгу ғоя, орзу-мақсад ва ижобий намуналар мажмуини ифодаловчи т. “Идеал”

т.си франц. *“ideal”*, лот. *“idealus”* сўзларидан келиб чиқиб, “қиёфа”, “мезон”, “мукамаллик” маъноларини англатади. М.и. атама сифатида орзу-интилишларнинг олий мақсадини ифодалайди. У ижт-й аҳамиятга эга бўлган муҳим ахлоқий категория ҳисобланади. Бугунги жам-тимиз ривожи М.и.ни шакллантириш ва уни жам-т маън-й муҳитининг асосий негизи сифатида қабул қилишни тақозо этмоқда. Чунки халқнинг ҳаёти унинг маъ-яти б-н узвий боғлиқ бўлиб, жам-т ахлоқининг илдизи миллат тарихи б-н узвий алоқадор ҳодиса. Инсон ёшлиқдан азалий анъаналар, урф-о.лар оғушида камолга етади. Бу борада оила, маҳалла ва таълим-тарбия даргоҳларидаги маън-й муҳитдаги уйғунлик ва барқарорлик муҳим ўрин тутаети. Ҳеч шубҳа йўқки, М.и. орзуи ажодларимиздан бизга ўтиб келган муқаддас туйғудир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар ақлий етуклик, руҳий поклик, жисмоний баққуватлик ва албатта, ахлоқий камолотга жуда катта эътибор қаратиб, бундай шахсларни идеаллар тимсолида кўрганлар. Олимларнинг тадқиқотларига қараганда, инсоният ўз ахлоқий тар-ёти давомида учта идеалга интилиб келган. Булар эркинлик, тенглик ва қардошлиқдир. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг маън-й тар-ётида эркинлик, тенглик ва қардошлиқ принциплари муҳим ўрин тутаети, улар идеалнинг категориал т.лари бўла олади. Чунки, фикрда, ахлоқда ва фаолиятда эркин бўлган инсонгина ўзлигини англаб етади. Ўзлигини англаган инсон барча кишиларнинг ўзаро тенглигини ҳис эта олади. Бу тенглик принципнинг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирларини ўзаро тенг деб билишлари уларни ягона мақсад сари бирлаштириб, фаол ҳаракатга ундайди, бу қардошлиқ тамойилининг намоён бўлишидир. Бошқача айтганда, ўзлигини англаган киши бошқалар ҳам унга тенг, қардош эканини идрок етади ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзига ҳам катта зарар келтиришини тушунади. Демак, М.и. эзгулик ғоясидан озиқланади. Бу ғоя эса

инсоннинг ўзлигини англаб етишига туртки берувчи асос сифатида М.и.нинг негизини ташкил етади. Ўзликни англаш б-н эса инсоннинг моҳияти кашф қилинади. Ҳоз. кунда М.и.нинг категориялари аниқ-тиниқ белгилаб олинган эмас. Аксарият мутахассисларнинг фикрича, М.и.нинг ахлоқий категориялари қаторига эзгулик, эътиқодлилиқ, эркинлик т.ларини киритиш мумкин. Уларнинг зидди ёвузлик, эътиқодсизлик ва мутелиқдир. М.и. жам-тда соғлом ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва кишилар дунёқарашини бойитиш, тафаккурини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб етади. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президент Ислом Каримов янги жам-тни барпо этишда идеал мақсадларнинг жам-т тар-ёти, унинг маън-й тақомилидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, ана шундай М.и.ни шакллантиришда миллий-тарихий турмуш тарзимиз, халқимиз урф-о.лари ва кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам ана шу уч омилда М.и. нинг муҳим илдизлари ифодаланган. Истиқлол йилларида юртимизда М.и. маън-й ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлгимизга қайтиш, улуғ ажодларимиз яратган меросни асраб-авайлаш, уни замонавий илм-фан, мад-т ютуқлари асосида бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий мад-тини ошириш, озод ва обод Ватан ҳамда фаровон ҳаёт барпо этиш каби эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилиб келмоқда.

МАЪНАВИЙ ИЛЛАТЛАР — жам-тда ўрнатилган ижт-й, маън-й, ахлоқий, ҳуқуқий, мад-й меъёр ва қоидаларга зид бўлган хатти-ҳаракатларни ифодаловчи т. М.и. маън-й соғломликнинг акси бўлиб, маъ-ятсизлик, яъни инсон ижт-йлашувининг заифлашиши, таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида вужудга келадиган маън-й бузилиш ҳодисасидир. М.и. сирасига ёлғончилик, адолатсизлик, ҳурматсизлик, лоқайдлик, бефарқлик, дангасалиқ, бюрок-

ратизм, тухмат, бўхтон, ҳасад, хоинлик, ўғирлик, иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, виждонсизлик, ҳаёсизлик, уятсизлик, орсизлик, номуссизлик ва ҳ.к. иллатларни киритиш мумкин. М.и. жам-т маъ-яти каби тарихий тар-ёт давомида шаклланади, янги-янги кўринишларда намён бўлади. XXI а.да Фарб мам-тларида гиёҳвандлик, бир жинсли никоҳ, бесоқолбозлик, лесбиянлик (яъни аёлнинг аёл б-н турмуш қуриши) ва ҳ.к. М.и. яққол кўзга ташланмоқда. М.и. иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий, мад-й, маън-й ва руҳий омиллар, шарт-шароит таъсирида вужудга келади. Мас., иқт-й сабаблар туфайли ўғирлик, ёлғончилик, ҳаромхўрлик, порахўрлик, тажовузкорлик, ҳақоратгўйлик, лаганбардорлик, қонунларни менсимаслик, уларни ўз манфаатига бўйсундиришга уриниш, ўзгалар ҳуқуқларини поймол қилиш, фахшга берилиш, зўравонлик, манманлик, талончилик каби М.и. пайдо бўлди. Давлат ва жам-т бошқарувидаги бошбошдоқлик ҳам аҳоли турли тоифалари, шу жум-н, раҳбар ходимлар фаолияти, қиёфаси ва феъл-атворида айрим М.и.нинг юзага чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Президент И.А.Каримов истиқлолнинг илк даврида чоп этилган “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” номли китобидан ўрин олган асарлар ва нутқларида раҳбар кадрлар фаолиятида кўзга ташланаётган ва собиқ иттифоқдан мерос бўлиб қолган кўйидаги М.и.га эътибор қаратган эди: ижт-й-сиёсий заифлик, бепарволик, масъулиятсизлик, лавозимни сууистеъмом қилиш, гуруҳбозлик, ҳасад ва тирноқ остидан кир қидириш, қатъиятсизлик, халқ, давлат мулки ва имкониятларидан хусусий манфаатлар йўлида фойдаланиш, ташаббус кўрсатмаслик, ваъдабозлик ва мутелик, тўрачилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва б. Юртбошимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида халқимиз ва давлатимиз тар-ётига тўғаноқ бўлаётган М.и.лар ҳақида тўхталиб, «**Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жам-тимизни бутунлай халос**

этиш тўғрисида ўйлашимиз керак» дея бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимиз, айниқса, зиёлиларимизнинг доимий диққат марказида туриши лозимлигини таъкидлайди. Фарб жам-тида яққол намён бўлаётган инсоннинг иқт-й манфаатлари ва истеъмомчилик майлларининг устуворлиги маън-й қадриятларнинг сақланиши ва келгуси авлодларга мерос тарзида узатилишига тўсқинлик қилиб, уларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатида маъ-ятга зид иллатларнинг авж олишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида моддий жиҳатдан тараққий этган айрим давлатларни маън-й жиҳатдан таназзулга етакламоқда. Тарихдан маълумки, буюк империялар нафақат иқт-й ёки сиёсий, балки аввало маън-й-ахлоқий емирилиш оқибатида тануззулга учраган ва парчаланиб кетган. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида маън-й емирилиш, маън-й бузғунчилик жараёнлари гоят хатарли тус олиб, турли давлатлар ва халқлар маъ-ятига салбий таъсир этмоқда, азалий урф-о. ва анъаналарнинг қадрсизланиши ва оммавий мад-тнинг ёпирилиб кириш хавфини туғдирмоқда. Ш.у. бундай хавфхатар ва маън-й таҳдидларнинг асл мақсад-муддаолари, оқибатларини теран англаш, бу борада ҳушёр ва огоҳ бўлиш, замон б-н ҳамнафас яшаш, айниқса, ёшларимиз қалби ва онгига юксак маън-й қадриятларни сингдириш, уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давр талабидир.

МАЪНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — жам-т ва инсон фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, маън-й бойликлар яратиш, бойликларни ўзлаштириш ва истеъмом қилиш, маън-й қадриятларни ривожлантириш жараёнини англаувчи т. М.и.ч.нинг муҳим белгиларидан бири — унинг борлиқни англаш, идрок этиш, билиш ва айни пайтда янги маън-й қадриятларни яратишга қаратилгандир. Бу жараёнда, бир томондан, инсон онги ривожланиб, бойиб боради, иккинчи томондан эса, кишиларнинг маън-й эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи гоьлар, билимлар, наз-ялар, бадий асар-

лар ва б. маън-й қадриятлар яратилади. М.и.ч. кўлами, ҳаётда тутган ўрни жиҳатидан моддий ишлаб чиқаришдан қолишмайди. Собиқ иттифоқ даврида М.и.ч.ни асосан моддий ишлаб чиқаришнинг ҳосиласи, инъикоси, деб қараб келинган, унинг аҳамияти эътиборга олинмаган. Ҳолбуки, моддий ишлаб чиқаришни маън-й билимлар, малака ва кўникмаларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Ш.у. моддий ва М.и.ч. жараёнларини бир-биридан ажратиш, бир-бирига қарши қўйиш мутлақо нотўғри, ғайриилмий ёндашувдир. Аслида улар бир-бири б-н узвий боғлиқ бўлиб, айнаи бир жараённинг икки томонини ифода этади. И.А. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бу масалага бирёқлама қараш, хус-н «одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инкирозга олиб келиши муқаррар экани» ҳақида огоҳлантиради. Аммо улар ўртасидаги узвий боғлиқлик улар ҳар бири ўзига хос хус-ятларга эга эканини инкор қилмайди. М.и.ч., аввало, инсоннинг руҳияти, ижодий тафаккури илмий, бадий, ахлоқий ва б. қадриятларга асосланади. Халқ оғзаки ижоди намуналари деб юритиладиган бадийи ва мусиқий асарлар халқимиз орасидан етишиб чиққан улкан истеъдод соҳиблари томонидан яратилган бўлиб, М.и.ч.нинг ёрқин тимсолидир. Мас., “Алпомиш” достони эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатларини ифода этиб, барчамизни ҳақгўйликка, Ватанимиз, юртимиз, оиламиз, дўсту ёримиз, ор-номусимиз, отабоболармизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга ўргатади. Жам-т ривожланиб, меҳнат тақсимоти кучайган сари М.и.ч. соҳасида ҳам ихтисослашув жараёни кучайиб, санъат, фал., ахлоқ, фан, дин, ҳуқуқ каби онг шакллари пайдо бўлади, айнаи пайтда уларнинг ҳар бири турли жанр, оқим, йўналишларга бўлина бошлайди. М.и.ч. маҳсулининг яна бир хус-яти шундаки, моддий ишлаб чиқариш натижала-

ри истеъмол жараёнида ўз қийматини йўқотса, М.и.ч. маҳсули истеъмол жараёнида ўз қийматини йўқотмайди, аксинча, ундан қанча кўп одам баҳраманд бўлса, унинг қиймати шу даражада ортиб бораверади. М.и.ч. жараёнида ворисийлик тамойили яққол намоён бўлади. Чунки янги билим ва ғоялар, бадийи асарлар аждодлар қолдирган маън-й мерос ва унинг бевосита давоми сифатида майдонга келади. М.и.ч.да ижодий ёндашув устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Моддий ишлаб чиқаришда ҳам ижод элементи мавжуд, аммо бу жараён эски андозалар, технологиялар, ёндашувлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. М.и.ч.ни эса ижодсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

МАЪНАВИЙ ЙЎҚОТИШЛАР – халқнинг, миллатнинг ўз эрки ва ҳуқуқини қўлдан чиқариши, тили, дини, эътиқоди, урф-о.лари, миллий ғуруридан маҳрум бўлиш, миллий ўзлигини англашга тўсқинлик қилаётган жараёнлар ва хатти-ҳаракатлар мажмуи. М.й. туфайли инсон ўзligидан айрилади, ким ва қандай шахс, кимларнинг авлоди эканини унутади, ғурурини йўқотади. Пировард натижада М.й. сабабли миллат ўз мустақил тар-ёт йўлидан адашади, жам-т ўзининг барқарор рив-ш тамойилларини йўқотиб, таназзулга юз тутади. М.й. шундай салбий ҳодисаки, у туфайли тарихий хотира заифлашади, миллий тил ва урф-о.лар камситилади, миллий тафаккур ўз аҳамиятини йўқотади. Натижада муайян давлат, миллат ҳаёти ижт-й тар-ётдан четда қолиб кетади. М.й. моддий йўқотишдан фарқ қилади, уни аниқ рақамларда ўлчаб бўлмайди. Аммо унинг оқибатлари аянчли бўлиши муқаррардир. Бугун дунёнинг айрим мам-тларида айнан моддий тамойиллар устуворлиги (моддий фетишизм истеъмолчилик майлларининг кучайиши), маъ-ятга эътиборсизлик кўплаб М.й.га сабаб бўлмоқда. Тарихда М.й. босқинчилик ва урушлар оқибатида кўп бор содир бўлгани маълум. Аксарият ҳолларда босқинчилар муайян халқни тобе этиш, унинг бойликларини эгаллаш учун аввало, маън-ятидан маҳрум этишга интилган.

Маън-й оламидан ажралган. қадрият ва урф-о-ларидан жудо бўлган миллат аста-секин ўзлигини, тарихий-этник бирлигини йўқотган. Бу ҳол унинг парчаланиб кетиши, ўз миллий давлатчилик анъаналари, ҳатто тили, турмуш тарзи ва тафаккур услубидан ажралиб қолишига сабаб бўлган. Турли ички ва ташқи хуружлар, миллатнинг бўлинишига олиб келадиган низолар ҳам М.й.га олиб келади. Бундай ҳолларда муайян халқни бирлаштириб турадиган маъ-ят тизимида бузилиш рўй беради, у аста-секин емирилиб, миллатни жипслаштирувчи беқиёс куч ва омил сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Миллатнинг ўз мустақиллигидан жудо бўлиши, миллий давлатини бой бериши М.й.нинг энг аянчли оқибатларига олиб келадиган шаклидир. Шу маънода Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлангани каби, **“...фақат мустақилликкина ҳақиқий маънавий тараққиёт учун йўл очади, бу соҳадаги барча қадриятларни безавол сақлаш, асраб қолиш ва келажак авлодларга етказиш имконини беради”**.

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ – инсоннинг маън-й хус-ят ва хислатлари, жам-тнинг мад-й даражасини акс эттирувчи т. Жам-т ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёни, шахснинг хатти-ҳаракатлари ва қиёфасида маъ-ят тамойиллари қанчалик чуқур сингиб кетганлигини намоён этувчи атама. М.м. «моддий мад-т» т.сидан фарқ қилади, аммо у б-н боғлиқ ва ўзаро алоқада намоён бўлади. Агар маъ-ят т.си барча маън-й нарсалар ва хус-ятларни – инсониятнинг ижодий, илмий, фал-й, ҳуқуқий, бадий, диний, ахлоқий ва ш.к. тасавурлари, т.лари мажмуини англатса, М.м. эса ана шу т., билим ва тажрибаларнинг кундалик ҳаётда қўлланишини англатади. Турли омиллар: ҳаётий тажриба, тарбия, ахлоқий маърифат, санъат, адабиёт ва ҳ.к.нинг таъсири натижасида шахс муайян даражада ўз онги, хулқ-атворида жам-тдаги М.м.ни мужассамлаштиради. Бинобарин, шахс хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган М.м.ни ўта му-

раккаб тузилган дастурга ўхшатиш мумкин, яъни инсон турли вазиятларда ўзини маън-й жиҳатдан қандай тутиши кераклиги борасида кўмаклашувчи тажрибаларни сингдиради. Ш-дек, М.м. инсон онгининг бетиним ижод қилиб турувчи жиҳатлари – ечими мураккаб бўлган қийин вазиятларда муайян бир қарор қабул қилишга ёрдам берадиган маън-й тафаккур. ҳис-туйғу каби омилларга ҳам суянади. М.м. кишининг ҳаракатлари, воқеликни баҳолай олиш салоҳияти, ахлоқий билим ва тажрибалари, улардан фойдалана билиш қобилияти, яхши-ёмон, ижобий-салбий вазиятларни фарқлаш ва ҳ.к. омиллар б-н ҳам боғлиқ. Ҳар қандай шароитда маън-й-ахлоқий меъёрларга содиқ қолиш ўзгалар ташвишига шерик бўлиш, ахлоққа доир тажрибаларни амалда қўллай олиш, шахсларо мулоқотда ижобий фазилатларни намоён эта олиш ҳам М.м. даражасини кўрсатиши мумкин. Зеро, ҳар қандай мураккаб вазиятда инсон номига гард юқтирмайдиган хатти-ҳаракатлар қилган шахснинг ахлоқан етук, маъяти бой инсон дея оламиз. Масаланинг бошқа томони — моддий ва М.м.нинг ўзаро алоқаси, бир-бирини тақозо қилиши б-н боғлиқдир. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва б. мад-т ўчоқлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий шарт-шароитини яхшилаш ҳамда фаолиятини такомиллаштириш ҳам бу борада ижобий натижалар беради. Афсуски, собиқ иттифоқ даврида мад-тга нотўғри мун-тда бўлинди, унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди, натижада халқимиз бу масалада орқада қолиб кетди. Истиқлол давридаги ислохотлар ва барча режаларда мад-т, маърифат, тарбия ва спортни ривожлантириш, бу соҳаларда хизмат қилаётган кадрлар, яъни ўқитувчилар ва шифокорлар, мад-ий-маън-ий муассасалар ва б. соҳаларда меҳнат қилаётган кўплаб мутахассисларни чинакам зиёлилар сифатида тарбиялаш, бир сўз б-н айтганда, маън-й бойликларни яратадиган кишиларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг самарали фаолияти учун барча зарур моддий-маън-й

шароитларни яратиб бериш энг устувор йўналишлардан бирига айланди. Ўсиб келаётган авлодга, унинг мад-ий-маън-й тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси б-н ёндашиш масаласига эътибор кучайиб бормоқда.

МАЪНАВИЙ МЕРОС – маън-й тар-ёт маҳсули, инсон ақл-заковати б-н яратилган, келажак авлодни эзгу тар-ёт сари етаклаш хус-ятига эга бўлган, кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига куч-қувват берадиган аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуини ифодалайдиган т. М.м. аждодлар тажрибаси, қолдирган маън-й бойликларининг келгуси авлодларнинг амалий фаолияти, тафаккур тарзида қандай аҳамият касб этишига кўра, якка шахс, алоҳида гуруҳ ёки муайян миллат вакилларига тегишли бўлиши мумкин. Улар маълум миллий тилда яратилгани, миллий мад-ий-маън-й анъаналар, қарашларни акс эттиришига кўра миллатга, маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи турли миллатларни қамраб олиши хус-ятига кўра жам-тга, маълум бир давлат ҳокимияти амал қилиб турган даврда яратилганига кўра давлатга, инсоният тарихида туган юксак ўрнига кўра цивилизацияга хос бўлиши ҳам мумкин. Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, **“Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади”**. Ш-дек, М.м. бир вақтнинг ўзида миллат, давлат, минтақа ва бутун имкониятга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Мас., Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг диний-маър-й мероси, Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид ёки Мирзо Улуғбекнинг астрономияга доир кашфиётлари, нафақат миллатимиз ва минтақамизда истиқомат қиладиган халқлар, балки жаҳон цивилиза-

цияси, мад-тидан ўрин олган бебаҳо М.м ҳисобланади. М.м. моддий меросдан фарқли равишда оламда ва инсоннинг ички дунёсида рўй берган, бераётган ёки бериши мумкин бўлган интеллектуал ва психологик ҳолатлар, хатти-ҳаракатлар, амалий фаолият ва унинг натижаларини англашга кенг имкониятлар яратиши б-н қадрлидир. Шу б-н биргаликда, М.м.ни моддий меросга қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Чунки бизгача етиб келган моддий мерос инсоннинг онгига таъсири н. назаридан айни вақтда М.м.га айланиши ҳам мумкин. Мас., бизга қадар етиб келган узоқ ўтмишда яратилган тарихий обидалар моддий меросга мансуб бўлса-да, улардаги муҳандислик, безак ишлари, қурилиш тарихи ва унга оид ашёларининг тайёрланиши, бунёдкорлари ва б. жиҳатларига кўра М.м.га айланади. Худди ш-дек, моддий неъматлар ишлаб чиқариш технологиялари ва ускуналари моддий меросга мансуб бўлса-да, бу борадаги анъаналарнинг аждодлардан авлодларга ўтиши М.м. тарзида амалга ошади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, инсониятнинг ёзма манбаларда акс этмаган кўплаб табиий кўникмалари М.м. тарзида аждодлардан авлодларга ўтиб келади. Ёзувнинг пайдо бўлиши М.м.ни сақлаш ва бойитиш йўлидаги инсоният эришган энг катта ютуқ ҳисобланади. Ёзув туфайли ҳоз. илм-фанда инсон тар-ёти, жумладан, М.м.ининг беш минг йилдан ортиқ тарихи, ер ва коинот жисмларининг бир неча миллион йиллик даври ҳақидаги маълумотлар жамланган. Кишилар онги, ички дунёси, тафаккур тарзи, ҳис-туйғуларига таъсир этиб, уларни бойитиш, ривожлантириш, янги ғоявий йўналишларга бошқариш М.м.нинг асл моҳиятини ифодалайди. Ш-дек, бугунги кунда М.м.нинг одамлар ҳаёт тарзига чуқур таъсир этадиган қадрият сифатида аҳамияти тобора яққол намоён бўлмоқда. И.А.Кари-мовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, **«Шарқ оламида, жумладан, Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси гоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни**

бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиршига замин туғдиради. Шу маънода, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шакллланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган хусусиятларни олайлик. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқарши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг, маънавий мероснинг амалий ифодасидир. Мисалан, эзгу ода-тимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало, инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди». Демак, бундай қадриятлар алардан-аларга М.м. сифатида ўтиб келаётгани рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, жам-т тафаккуридаги ғоявий, мафкуравий, маъ-р-й, мад-й, диний ва ахлоқий қадриятлар, дунёқараш, урф-о., анъаналар ва мун-тлар келажак авлоднинг М.м.ини белгилайди. Мад-й қадриятлар ва М.м. минг йиллар мобайнида халқимиз учун қудратли маъ-ят манбаи сифатида хизмат қилиб келган. Узоқ вақт давом этган кучли мафкуравий таъйиққа қарамай, Ўз-н халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва мад-й қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан

қўп а.лар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маън-й ва мад-й меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифага айланди. Ўз-нни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли М.м. н.назаридан тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимиз М.м.ини қайта тиклаш, мустақамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик. Ҳозир Ўз-н деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Милодгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик мад-ти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қад. тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фал., тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маън-й бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бу қадар катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Халқимизнинг ҳақиқий М.м.и бўлмиш иймон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат каби фазилатларини асраб-авайлаб, келажак авлоднинг қон-қонига сингдириш, жам-т кундалик ҳаётида доимо устуворлик касб этиши тўғрисида сўз кетар экан, авваламбор, диндорлар, дин пешволари б-н яқиндан ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш олиб бориш зарурияти ҳисобга олиниши керак бўлади. Ин-

соннинг руҳий покланиши, ахлоқий тарбияси, эл-юрти тинчлигини ўйлаши, осойишта фаолият юритиши ва миллатлар тотувлигини сақлаши б-н боғлиқ қадриятларни ифодаловчи М.м.ни ўзлаштиришда дин билимдонларининг ўрни яққол кўриниб туради. Бундан ташқари, диёримиз халқи қадим замонлардан ўзларига маълум бўлган инсоният б-н ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар. Бунга кўпдан-кўп мисоллар бор. Осиёнинг қаъридан Яқин Шарққа, Европа ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли, бутун мад-й оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуг аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улугворлиги ва гўзаллиги б-н ҳозиргача ҳаммани лол қолдирган М.м.ни етказиб берди. Президент Ислом Каримов аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-о.лари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз, М.м.нинг қайта тикланиши ислохотларнинг муваффақиятга эришиши, мам-тимиз тар-ётининг муҳим омиллари эканини алоҳида таъкидлаган. Маълумки, алар мобайнида халқимизнинг юксак маъ-ят, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фал.си ва ислом дини таълимоти б-н узвий равишда ривожланди. Ўз навбатида, бу фал-й-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Бугун яратилаётган М.м.имиз ана шу фал.га уйғун ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим. Ўз-н халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан М.м. б-н фахрланади. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизининг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад

Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди. Халқнинг тарихий руҳи уйғонмоқда, маъ-ятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий гурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда. Халқимизнинг Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқиргоний, Баҳоуддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолоддин Румий, Абулқосим Али Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирожиддин Саккокий, Мунис, Огаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола бахши, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир сингари ўнлаб ва юзлаб буюк фарзандлари М.м.ининг — абадиятининг халққа қайтарилиши мустақил Ўз-ннинг энг ёрқин ютуқлари қаторидан жой олди. Шунга кўра айтиш мумкинки, бирон-бир жам-т маън-й имкониятлари, одамлар онгида маън-й ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Урф-о.лар, анъаналар, халқ оғзаки ижоди, фан, адабиёт, санъат ва б. ҳам М.м. таркибида муҳим аҳамият касб этади. Истиқлол йилларида М.м.нинг ушбу соҳалардаги таркибий қисмларига нисбатан ҳам мун-т тубдан ўзгарди. Уларнинг ҳар томонлама тар-ёти учун кенг имкониятлар яратиш устувор вазифалардан бирига айланди. *(Яна қаранг: Маданий мерос, Миллий мерос)*

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР — кенг оммани маън-й ва маъ-й жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг умумий маън-й савиясини юксалтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини самарали ўтказишга кўмак берувчи талбирлар тизимини ифодаловчи т. М.м.и. мазмуни, мақсад-муддаolari ҳар бир замон ва маконнинг ижт-й, сиёсий, иқт-й, мад-й-маъ-й, ғоявий, мафкура-

вий хус-ятларига чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади. М.м.и. т.си кенг маънода ўқув муассасалари таълим-тарбия масканлари, клублар, ахборот-ресурс марказлари, мад-т ва истироҳат боғлар фаолиятини қамраб олади. Бунда музей, кинотеатр, театр ва б. мад-й-маър-й муассасалар, ш-дек, ОАВ (газета, журналлар, Интернет, радио, ТВ) муҳим ўрин тутати. Алар ўтиши б-н М.м.и. муассасаларининг кенг тармоғининг ташкил этилиши, уларнинг ўсиши ва такомиллашуви б-н унга раҳбарлик қилиш жараёни ҳам мукамаллашиб борган. Инсон дунёқарашини шакллантириш, маън-й-ахлоқий тарбия, ғоялар тарғиботи, иқт-й билимларнинг илмий-техникавий тарғибот-ташвиқоти, эстетик ва жисмоний тарбия, бадий ҳаваскорлик, мад-й дам олишни ташкил этиш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш М.м.ининг турли йўналишларидир. Эзгулик ва меҳр-оқибат, улғворлик ва гўзаллик, виждонийлик ва меҳр-шафқат, бошқаларга ҳурмат ҳамда табиат б-н уйғунликни сақлаш каби маън-й хислатлар ҳар бир кишига аста-секин, тадрижий равишда М.м.и. орқали сингдириб борилади. М.м.и. жараёнида ўқув ва клуб муассасаларида анъанавий шакллар (суҳбат, мулоқот, маъруза, спектакль, концертлар, шеърхонлик) б-н бирга мавзули кечалар, китобхонлар конференциялари ва б. тадбирлар уюштирилади. М.м.и. бўйича мутахассислар университетлар, педагогика ва мад-т ин-глари, мад-т ва санъат коллежларида тайёрланади. Собиқ Иттифоқ даврида маън-й-маър-й ишлар тоталитар-мафкуравий фаолиятнинг мустақил соҳаси сифатида шаклланган бўлсада, маъ-ят-маърифат масалаларига нотўғри мун-т юритилган, унга сарфланган маблағ доимо бошқа соҳалардан кам бўлган. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва б. маъ-ят ўчоқларини кўпайтириш, улар шароитини яхшилаш масаласига жиддий эътибор берилмаган. Истиқлол даврида миллий ғояни шакллантириш, анъаналарни қадрлаш, урф-о.лар, миллий қадриятларни тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Маъ-ят ва

маърифат соҳаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ва шифокорлар, олимлар ва зиёлилар, мад-й оқартув муассасалари ва б. соҳалардаги мутахассисларнинг ижодий фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди. Шу б-н бирга, Президент И.А.Каримов таъкидланганидек, **“Маънавий-маърифий соҳада истиқболни фақат бу соҳа одамлари яратмайди, балки бу ишни тизим бажаради. Тизим яратилса, иқтидорли ижрочилар энг муҳим жойларга қўйилса – иш юришиб кетаверади. ...Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак”**. Истиқлол йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маън-й-маър-й ишларни янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, мад-т уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, мад-т ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида миллионлаб аҳолига маън-й-маър-й хизмат кўрсатмоқдалар. Республика «Маънавият ва маърифат маркази» (1994) ташкил этилди ва унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маъ-ят ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. ЎзР Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маър-й ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ҳамда таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилдиган “Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази” ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот маркази шакллантирилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маън-й-маър-й ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Республикамиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маън-й-маър-й

ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. М.м.и.ни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди. Республиканинг барча вилоятлари, йирик шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган маън-й-маър-й муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, «Мустақиллик», «Наврўз», «Меҳржон» байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали, хонандалар, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик таъловлари, «Ўз-н Ватаним маним», «Энг улуғ, энг азиз», «Келажак овози» ва б. кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Юртимизда маън-й-маър-й муҳитни янада яхшилаш, минг йиллар мобайнида унинг бағрида сайқалланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни тарғиб-ташвиқ этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилиб, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Бу соҳадаги М.м.и.нинг йўналиши ҳар бир киши онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш, эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, иймон-этиқодни тарбиялашга, маъ-ятнинг миллий-этник асослари ва замонавийликни уйғунлаштиришга қаратилган.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИ — жойларда амалга оширилаётган М.м.т. ва тарбиявий ишлардан кутилган натижага эришилганини ифодалайдиган т. Шу соҳа ходимларининг фаолияти ва тарбиявий салоҳиятидан унумли фойдаланиш даражасининг кўрсаткичи. Бу мақсадга эришиш учун маън-й-маър-й тадбирларни таълим жараёни б-н уйғунлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбия жараёнида М.м.т.с.га таъсир ўтказувчи омилларнинг ҳаракат қилиш механизмлари ва ҳус-ятларини аниқлаш, улардан унумли фойдаланиш, маън-й-маър-й тадбирлар орқали ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ғоят

муҳим аҳамият касб этади. М.м.т.с. юқори бўлиши учун уларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида ёшларда тарбия ва ўзини ўзи тарбиялаш ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш ташкилотчининг диққат марказида бўлиши лозим. Таълим тизимидаги маъруза, амалий машғулотни маън-й-маър-й тадбирлар б-н уйғунлаштириш, бир томондан, таълим самарадорлигини оширса, иккинчи томондан, таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади. Маън-й-маър-й тадбирларни тайёрлаш ҳамда ўтказишга ёшларни кенг жалб қилиш уларда туйғудошлик ҳиссини уйғотади ва бу ҳолат ўтказилган тадбирнинг тарбиявий самарадорлигини янада оширади. Маън-й-маър-й тадбирлардан маън-й-ахлоқий тарбияда самарали фойдаланишнинг муҳим шarti шуки, бунда ҳар бир кишининг ҳус-ятлари, муайян воқеа-ҳодисага нисбатан фикри қай даражада шаклланганини ҳисобга олиш лозим. Таълим муассасаларида маън-й-маър-й тадбирларни режалаштириш, ташкил қилиш, тайёрлаш ва ўтказишга талаба-ёшларни кенг жалб қилиш, айтиқса, мавзу танлаш, режа тузиш, сценарий тайёрлаш, тадбир ўтказиладиган хоналарни жиҳозлаш каби юмушларни талабаларнинг ўзларига топшириш лозим. М.м.т.с.нинг ошиши ўқув юртларида ўтказиладиган маън-й-маър-й тадбирларнинг режа ва сценарийлари профессор-ўқитувчилар ёки ўқув юрти ходимлари томонидан тузилган тақдирда уларни талабалар муҳокамасидан ўтказиш ва муҳокама жараёнида билдирилган фикрларнинг инобатга олинишга ҳам боғлиқ. М.м.т.с.ни ошириш мақсадида ўқув юртларининг маън-й-маър-й муассасалар б-н ҳамкорлигини мустақамлашнинг аҳамияти катта. Бундай ҳамкорлик, бир томондан, мад-й-маър-й муассасаларни аудитория, томошабин б-н таъминлашга, иккинчи томондан, маън-й-маър-й тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Қолаверса, М.м.т.с. тадбирларнинг мазмунан миллий маън-й-ахлоқий қадриятларимиз, миллий ғоя ва мад-тимиз, маън-й меро-

симиз б-н уйғун ҳолда ҳамда замонавий шакллар ва интерактив услублар асосида ташкил этилишига боғлиқ.

МАЪНАВИЙ ПОКЛИК – инсон маъ-ятининг гўзаллиги, бойлиги, теранлиги, покизалигини тақозо этувчи, эзгу маън-й фазилатлар мажмуини ифодалайдиган т. М.п. инсон дунёга келганидан то сўнгги нафасигача маън-й жиҳатдан қандай яшаб ўтиши кераклиги б-н боғлиқ бўлган билимлар, тажрибалар, тасаввурлардан таркиб топади. Халқимиз минг йиллар мобайнида юксак маъ-ят ва эзгу ахлоқ шарт-шароитлари негизида тарбияланиб келгани боис, бизнинг бу борадаги т., тасаввур, билим ва тажрибаларимиз покиза турмуш тарзини белгилаб келган. Зеро, М.п. энг аввало, эзгулик ва маън-й покликдан таълим беради. Кундалик турмуш тарзидаги оддий тозалikka риоя этиш (ҳовли-жой, яшайдиган овқатланадиган, ўтириб-турадиган хоналаримиз озодалиги), ҳар қандай юмушнинг мукамал адо қилинишигача ўтадиган вақт мобайнида бизга поклик-покизалик, озодалик, саранжом-сарипшталик т.си асос бўлади. Шундай экан, бизнинг ташқи озодалигимиз ўз-ўзидан ички (маън-й) озодаликни, покликни тақозо этади. Бинобарин, халқимизнинг покниятли бўлиши, ниятни эзгуликдан бошлаб то якунигача, (мукамал адо қилгунича) покизаликка риоя қилиб келганлиги замирида ҳам тоза, пок ҳаёт нафаси мавжудлиги, ҳар қандай ишда адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, ишонч-эътиқод каби т.ларга таяниши, бошқалардан ҳам шуни талаб қилиши бежиз эмас. Минг афсуски, сўнгги юз-юз эллик йиллар мобайнида юртимиз мустамлака ҳолатига тушиб қолгани, ҳаёт тарзимизда социализм, коммунизм, даҳрийлик каби бузғунчи ғоялар ўрин олгани сабабли, маъ-ятимиздаги минг йиллик тарбиявий омилларга ҳам дарз кетди. Хус-н, покизалик, ҳалоллик, ишонч-эътиқод туйғулари ўз ўрнини ўғрилиқ, ҳаром-ҳариш ишлар, фаҳш ва разолат, ўзаро ишончсизлик, таъмагирлик, порахўрлик каби ғайриинсоний иллатларга бўшатиб бера бошлади. Мам-

тимиз мустақилликка эришганидан сўнггина халқимиз, миллатимиз ўзлигини англаш, аждодларимиз амал қилиб келган маън-й пок, озода ва гўзал турмуш шароитларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Мам-тимизда маън-й қадриятларимизни қайта тиклаш, халқни — халқ, миллатни — миллат қиладиган инсоний фазилатларга қайтиш, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган асл урф-о.лар, фазилатлар, эзгу ғояларга таяниб яшашимиз лозимлиги ҳаётимизнинг асосий тамойилига айланди. Эндиликда ёшлар тарбияси, таълим соҳаси, турмуш тарзимизда эзгулик ва покликка эътибор кучайди. Президент И.А.Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра доно, ақлли, билимдон ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган даъватида ана шундай эзгу ғоялар мужассамлашган. Дарҳақиқат, мустақил Ўз-н жаҳон ҳамжам-тидан ўз ўрнини эгаллаган ҳоз. даврда М.п. б-н боғлиқ азалий қадриятларимиз, миллатимиз гурури ва шаънини тиклаш, халқаро мун-тларда мам-т обрўйини янада баланд кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бунда халқимиз менталитетига хос бўлган эзгу қадрият – М.п. сингари ноёб фазилатларга, – бағрикенглик, тенглик, тинч-тотувлик, биродарлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, покизалик, адолатпарварлик ва ишонч-эътиқод каби асл миллий хислатларга суяниб иш тутиш турмуш тарзимизнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД – муайян миллат, жам-т, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, шахс ва жам-т хавфсизлиги, маън-й, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-наз-й қарашлар ва шунга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайдиган т. Унинг мазмун-моҳияти, зарарли оқибатлари ва М.т.га қарши курашиши зарурлиги Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ҳар томонлама ва ишончли далиллар асосида кўрсатиб берилган. Ушбу асарда таъкид-

ланганидек, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар М.т. ҳисобланади. М.т. вайронкор кучларнинг ўз моддий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мам-тга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган маън-й бузғунчиликнинг муайян шаклидир. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг маън-й-руҳий ҳиссиётлари, миллий туйғулари, ҳар қандай жам-тда мавжуд ижт-й-иқт-й, маън-й муаммолардан, ш-дек, замонавий технология, телекоммуникация, ОАВ, Интернетдан усталик, фирромлик, ноҳолислик б-н фойдаланишга ҳаракат қилади. Ҳоз. даврда М.т. деганда, аҳолининг айрим қатламлари, айниқса, ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, уларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, вайронкорлик, бузғунчилик, ахлоқсизлик ғояларини зимдан тарғиб-ташвиқ этиб синдириш каби ғаразли мақсадлар англанади. Маъ-ятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан мам-т хавфсизлиги, унинг миллий манфаатлари, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охиروқибатда жам-тни инқирозга олиб келиши мумкин. Маън-й тажовузкорлар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар ниқоби ортида иш кўради. Бундай кучлар ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, улар пухта ўйланган ҳамда давомли мақсадларига хизмат қилмоқда. Ҳоз. даврда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маън-й йўқотишлар юз бермоқда, миллатларнинг а.ий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, ахлоқ-одоб, оила ва жам-т ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай маън-й

хуружларнинг пировард мақсади одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан то-нишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилган. Худбинлик ва лоқайдлик, маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, ҳасад, сотқинлик сингари иллатлар ҳам М.т.лар таркибига киради. Президентимиз огоҳлантиргани каби, ҳоз. даврда турли эски ва янги ғоялар кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмақда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда. Бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад – инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мам-т ёки минтақадаги бирор мам-т ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маън-й жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборатдир. Уч минг йилликдан зиёд ўзб. давлатчилиги тарихи шундан далолат берадики, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий манфаатларимизга тажовуз қилиб, мад-т ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл б-н бизни маън-й жиҳатдан заифлаштиришга, кучқудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агар кимда-ким бизнинг мустақил тар-ёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги ҳуқуқий демократик давлат ва жам-т барпо этиш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқарашни шаклланиб улгурмаган ёшларнинг онги ва қалбининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маъ-ятини бузиб, ўзб. халқининг азалий табиати ва муқаддас одатларига мутлақо зид бўлган вайронкор ғоялар жозибаси б-н чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жир-

канч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади. Бугун дунёда глобаллашув жараёни ҳаддан зиёд кучайган ҳоз. даврда бундай марказлар ва кучлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай усулларни ишга солмоқда. Улар бу борада катта куч ва маблағ сарфлаб, одамларнинг миллий, диний ҳиссиётларидан, бизнинг моддий ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткинчи иқт-й-ижт-й қийинчиликлардан фойдаланишга уринмоқда. Бугун тобора такомиллашиб, ҳаётга чуқур кириб бораётган телекоммуникация ва Интернет каби замонавий воситалардан ҳам ўзларининг разил ниятлари йўлида маккорлик б-н фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Шу сабабдан ҳам тарбиявий-ахлоқий масалалар, маън-й ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай маън-й бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор. Чунки, бугунги кунда дунёда бораётган курашлар орасида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, маъ-ят, мафкура майдонларида юз бермоқда. М.т. ва хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик б-н кураш олиб борилмаса, турли зарарли оқимлар Ўз-нга ҳам шиддат б-н ёпирилиб кириши, ёшларни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда улар ота-она, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт б-н яшайдиган эгоист-худбинларга айланиб қолиши мумкин. Бизга маън-й-мафкуравий таҳдид солиши мумкин бўлган айрим ташкилотлар ўрта а.ларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклаш йўлида фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бундан ўн тўрт а. бурунги воқеликни бугун амалда қайта тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти – ягона маън-й-мафкуравий макон барпо этиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдан иборат. Ҳоз. даврда халифалик каби, “эркин демократия” ва турли “очиқ жам-т моделлари”ни экспорт қилиш, жам-т ва давлат қурилишининг

«универсал лойиҳа»ларини ташқаридан импорт қилиш ёки тикиштириш йўлидаги уринишлар ҳам М.т. сифатида баҳоланмоғи лозим. Аслида, инсоният тарихида барчага бирдек маъқул бўладиган бошқарув модели ҳеч қачон бўлмаган. М.т.нинг “оммавий мад-т” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш ва шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маън-й негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган шакллари ҳам мавжуд. Ҳоз. вақтда ахлоқсизликни мад-т деб билиш ва аксинча, асл маън-й қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш б-н боғлиқ ҳолатлар тар-ёт ва ёшлар тарбиясига таъжовуз қилмоқда. М.т. шаклларининг аксарияти информацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатиш орқали юз бермоқда. Бугунги кунда тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маън-й тарбия б-н жавоб бериш мумкин. Ҳоз. даврда ҳар биримиз М.т.ларга нисбатан лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан халос бўлишимиз, ҳар бир фуқаро юртимизда, жаҳонда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараёнлар менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор деб ҳисобламоғи даркор. **“Шу боис ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”** (“Юксак маънавият – энгилмас куч”, 116–117-б.).

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ — юксак маъятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жам-т, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маън-й етуқлик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-

тарбия жараёнини ифодаловчи т. Инсоннинг жам-тда яшаши учун зарур бўлган маън-й хус-ятларни тарбиялаш унинг энг асосий қадрият сифатидаги моҳиятини таъминлайдиган қад. ва абдий қадриятдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, М.т. масаласида ҳушёрлик ва сезгирлик, қатъият ва масъулият йўқотилса, бу ўта муҳим иш ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, муқаддас қадриятларга йўгрилган ва улардан озиқланган минглаб йиллик миллий-этник асосларга эга миллат маъ-яти ва тарихий хотирасидан айрилиб, охир-оқибатда умумбашарий тар-ёт йўлидан четга чиқиб қолиши мумкин. Ўз-ннинг тар-ёт дастури, узоқ ва давомли мақсадларни белгилашда халқнинг моддий ва маън-й олами юксалтириш, ёш авлодни ажодлар қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, қадрлаш б-н бирга, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласи устувор вазифа қилиб олинган. Чунки, эртага катталар ўрнини босадиган ёшлар айнан шундай озиқланган заминда вояга етган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянч ва суянчга, енгилмас маън-й кучга айланиб, жаҳон майдонларида ҳар қандай беллашув ва синовларга тайёр тура оладилар. Инсон ва жам-тнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар М.т. тугайли ажодлардан аста-секин тадрижий равишда авлодларга ўтади. М.т. атамаси кенг маънода инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижт-й, мад-й, маър-й ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маън-й таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда М.т. фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижт-й тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, ТВ, ОАВ ва б. фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ш-дек, кенг маънодаги М.т. т.си таркибига бу соҳада таълим ва маълумот олиш ҳам киради. Тор маънода, М.т. муайян шахснинг маън-й ривожини, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси,

эстетик дидини ўстиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Бундай М.т. оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари доирасида амалга оширилади. Ҳар қандай М.т. таълим б-н чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки, таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг билими кўпайибгина қолмай, балки маън-й-ахлоқий сифатларининг қарор топиши ҳам тезлашади. Шу боис ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим- тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шартини ҳамда гарови деб билганлар. Президентимиз таъкидлагани каби, **“Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омидир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Шу боис бу соҳада юзак, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир... Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Истиқлол йилларида мам-тимизда М.т.ни амалга оширадиган ўқув муассасалари ва умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилмоқда, унинг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш**

2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди. Унга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, охириги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайд.

(“Юксак маънавият – энгилмас куч”. 60–64 б.). Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, М.т. ҳар қандай жам-т ва мам-т ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки унинг ўсиши ва тар-ёти учун моддий ва маън-й бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод ушбу бойликларни яратишда ўз аждодларидан юқори даражага кўтарилмоғи даркор. Жам-т тар-ётининг турли даврларида М.т. турлича изоҳлаб келинган. Собиқ Иттифоқ даврида ҳукмрон мафкура М.т.га синфий ва партиявий ҳодиса сифатида ёндашишни талаб этган, бу жараёнда миллий хус-ятлар деярли ҳисобга олинмаган эди. Ўз-н истиқлолга эришгач, М.т.га боғлиқ жараёнларга янги ҳамда соғлом тафаккурга таянган ҳолда ёндашув қарор топа бошлади. Уни изоҳлашда ғайриилмий синфий-партиявий ёндашувдан воз кечилди. М.т.нинг миллий ва умуминсоний асосларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маън-й ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги Ўз-н учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъийлик б-н давом эттириш мазкур соҳадаги асосий мезонга айланди. Бу борада жам-тни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч – миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қилади-

ган кадриятларни, илғор демократик қоида ва т.ларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шу билим ва кўникмалар б-н тарбиялаш – М.т. соҳасидаги энг устувор вазифа ҳисобланади. Масаланинг бу тарзда қўйилишининг асосий сабаби шундаки, бугунги ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, ТВ, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган шароитда, болалар, ёшлар онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, улар атрофини ахборот даврида темир девор б-н ўраб олиш, замон талабига, жам-т мақсад-муддаоларига ҳам тўғри келмайди. Интернетдан олинаётган хабарлар ёшлар маън-й тарбияси, онгига фақат салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрларга нисбатан «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида таъкидлаган қўйидаги хулосага таяниш лозим: “...содда қилиб айтганда, Интернет бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Масалан, биз бозорга ўзимиз истаган, манфаатимизга хизмат қилувчи буюмни сотиб олгани борамиз. Интернетни ҳам кишилар эҳтиёжи ва манфаати учун хизмат қилувчи ахборот бозори деб англаш керак”. Демак, ёшларни маън-й жиҳатдан шундай тарбиялаш лозимки, улар Интернет – ахборот бозорига кирганда фақат ўзи, эл-юрти учун зарур, фойдали, маън-й асосларга дахл қилмайдиган нарсани олсин. Ёшларга Интернетдан, ахборотдан фойдаланиш, ахборот истеъмоли мад-тини ўргатишда дунёнинг қайси бурчагидан қандай маълумот келмасин, қандай маън-й тажовуз таҳдид солмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам маън-й-руҳий жиҳатдан огоҳ ва хушёр, турли ахборий хуружлардан ўзларини йўқотиб қўймайдиган баркамол шахсларни шакллантириш бу соҳадаги М.т.нинг асосий мезони бўлмоғи лозим. Шу боисдан ҳам ўсиб келаётган авлоднинг М.т.сига жавобгарлик ҳисси б-н

ёндашиш масаласи доимо оила, маҳалла, мактаб ва таълим муассасалари, умуман, барчанинг диққат-марказида турмоғи лозим. Ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маън-й жиҳатдан тўғри тарбиялашда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар бир оилада жорий қилиш айниқса зарур. Ҳар бир оила, ота-она, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши борасида ўзининг масъул эканлигини доимо ҳис этиб туриши ниҳоятда муҳим. Истиқлол йилларида камдан-кам мам-тда мавжуд бўлган ноёб идора – маҳалла ҳам миллий-маън-й қадриятларни асраб-авайлашда, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларнинг М.т.си ва уларни комил инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси б-н ёшларга М.т. ва сабоқ бериб, халқ анъаналари давомийлигини асраб-авайлаб келаётгани ибратлидир. Бунда маҳаллага хос ҳаёт тарзи ва турмуш мадди, кўни-кўшни ва маҳалла-кўй ўртасидаги мун-тларнинг таъсири катта. Хуллас, М.т.нинг қирралари жуда кўп. М.т.да миллий ғоя, миллий гурурни юксалтиришга хизмат қиладиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, буюк аждодлар таваллуд саналарини нишонлаш ҳам маън-й ва тарихий аҳамиятга эга. Бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшлар янги қадриятлар асосида тарбияланади, улар қалбига тарихни англаш ва кадрлаш, ўтмишга ҳурмат б-н ёндашиш, уларни асраб-авайлаш, шу халққа мансублиги б-н ғурурланиш туйғулари сингдирилади. Умуман олганда, маън-й жиҳатдан яхши тарбия олган шахс ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти б-н онгли равишда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жам-тни, улар барпо этган маън-й-руҳий муҳитни, сохта ақидалар, вайронкор ғоялар ва

маън-й тажовузлар б-н бузиш қийин. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри б-н танлаб олган ҳаётий мақсадларидан чалғитиб ҳам бўлмайти. Ҳоз. даврда М.т. йўналишида мам-т олдида турган муҳим вазифаларни бажариш, эл-юртга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбиялаш бу борада хизмат қиладиган зиёли ва хизматчилар, ўқитувчилар ва мутахассислар, умуман, барча маъ-ят ва маърифат соҳаси ходимларининг муқаддас бурчига айланди.

МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ – 1) муайян гуруҳ, миллат, жам-т, ирқ, этник гуруҳ, ҳудуд халқларига маън-й т. ва тамойилларни сингдиришга қаратилган тизимли ва мақсадли маър-й фаолиятни ифодалайдиган жараён; 2) юртимиздаги турли миллат, ижт-й тоифа, касбу корга мансуб бўлган кишиларни маън-й тажовуздан огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган усул ва амалий ҳаракатлар мажмуини англайдиган т. Одамлар қалби ва онгида ана шундай инсоний туйғулар қарор топиши, жам-тда олижаноб фазилатлар устувор бўлишида М.т.т. муҳим аҳамиятга эга. М.т.т. аслида таълим-тарбиянинг муҳим кўринишидир. “Тарғибот” атамасининг ўзагини “рағбат” сўзи ташкил этгани боис, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутати. “Ташвиқот” т.сининг ўзаги эса “шавқ” сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ, ишонч туйғуларини уйғотишга йўналтирилган. Демак, тарғибот-ташвиқотдан кўзланган асосий мақсад – нафақат билим орттириш, балки кишини бирор-бир хатти-ҳаракатга ундашдан иборат. Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янги тафаккур, янги ғояларни сингдириш узоқ давом этадиган жараёндир. М.т.т.нинг икки

анъанавий йўли мавжуд. Биринчиси – инсоний фазилатларни улуглаш, юксак маъ-ятли кишилар ҳаёти ва фаолиятини таърифлаш, уларни ибрат, намуна қилиб кўрсатиш орқали кечадди. Иккинчи йўл эса иллатларни қоралаш, улардан халос бўлишга даъват, тарғиб-ташвиқ орқали амалга ошади. Бу восита биринчисига нисбатан самаралироқ. Ш. саб. ҳам эришилган ютуқларни холисона эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликлар танқидий н.назардан баҳоланиши лозим. Жам-ғни маън-й янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги. Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижт-й ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби қатор муҳим масалалардан иборат. Ушбу бунёдкор ғоялар онги ва қалбига сингдирилган жисмоний ва маън-й соғлом авлодни вояга етказиш эса бир йиллик ёки ўн йиллик иш эмас, бунга ҳатто бир авлод умри ҳам камлик қилади. Буни англаб етмаслик, қандайдир хомхаёллар б-н енгил-елпи тарғибот-ташвиқот юриштиш кўзда тутилган катта мақсадларни обрўсизлантириб қўяди. Баркамол фарзанд соғлом оилавий муҳитда вояга етади. Бунга эришиш учун – биринчи навбатда, маън-й тарғибот-ташвиқот ишларини ота-оналар онги, уларнинг фарзандларига бўлган мун-тини ўзгартиришга йўналтирмоқ лозим. М.т.т.да улуг аждодларимизнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бир ёқламаликка берилмай, тўғри ва ҳаққоний акс эттирмоғимиз даркор. Лекин, бунда фақат ўтмишдаги сиймолар б-н чекланиб қолмай, бугунги кун қахрамонлари, илғор замондошларимиздан ўрнак олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Токи, улар ёшлар учун том маънода ибрат намунаси бўлсин. Чунки, тарғибот-ташвиқотда фақат ўтмишдан мисол келтириш б-н чекланиб қолинса, бу – кечаги кун б-н яшаш бўлади. Маън-й тарғибот-ташвиқот борасида эски даврдан қолган қуруқ, сийқаси чиққан ваъз-хонликдан воз кечиб, юрт бугун бошидан кечираётган мураккаб ва машаққатли ҳаёт ҳақиқатига таяниб, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг замо-

навий, таъсирчан усул-услугларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Ш.саб. ҳам маъ-ят тарғиботчилари, ижт-й соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар миллий ғоянинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун нима, қандай тарғиб қилишни аниқ ва пухта тасаввур этмоқ маън-й озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқмоқ даркор. Маън-й озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга интилишга рағбатлантирилади. Ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Мас., бола гўдаклигидан бирор эзгу фазилатга ўргатилмаса, керак бўлса, мажбур қилинмаса, юз-қўлини ювмаслик, катталар гапини бўлиш сингари қусурлар унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлиб келган андиша, ота-онага ҳурмат, илм-маърифатга интилиш каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. М.т.т. ишларида ҳар бир ихтисос, ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислардан фойдаланиш керак. Шундагина ҳар бир кўрсатув, эшиттириш, маъруза, маън-й-маър-й тадбирлар мазмун-моҳияти б-н одамлар қалбига ва онгига етиб боради. Маъ-ят тарғиботи ўткинчи, мавсумий ҳолга айланиб қолмаслиги ҳам лозим. Бугунги мураккаб маън-й жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганлигини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш. маън-й тажовузлар моҳиятини очиб бериш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фақат ана шундай асосда аҳоли, айниқса, ёшларни ўз фикрига эга, маън-й тажовузларга қарши собит тура олишга қодир, иродали, фидойи, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мум-

кин. Маън-й-маър-й тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жам-т маън-й иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-усулбларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тарғиботчи-ташвиқотчилар учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бу борадаги муҳим вазифалар таркибига киради. М.т.т.да кенг қамровлилик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик, метёрийлик, шахсий ибрат сингари ташкилий тамойилларга амал қилинган тақдирдагина кўзланган самарага эришиш мумкин.

МАЪНАВИЙ ТАЪСИР — муайян киши ёки миллатнинг бошқасига, бир ёки бир неча ҳодисаларнинг бошқаларига таъсирининг турли кўринишларини ифода этувчи т. М.т. кенг қўламли мураккаб т. бўлиб, у ўз ичига маъ-ятнинг кўплаб турлари (ахлоқ, ҳуқуқ, нафосат ва б.) орасидаги ўзаро таъсир масалаларини қамраб олади. М.т. т.сини икки хил талқин этиш мумкин: 1) ҳар қандай инсон, унинг камолоти М.т. маҳсулидир; 2) инсон, халқнинг ўзи ҳам бошқалар учун М.т. манбаидир. Чунки ҳар бир киши ўзидан олдин ўтган замондошлардан таъсирланади. Бу таъсир гоҳ муайян меросни қабул қилиш орқали амалга ошса, гоҳ ундан чекиниш ёки инкор этиш орқали юз беради. Ш.у. ҳам М.т. оддий, доимо ҳам тезда намоён бўладиган, аниқ кўришиб турувчи ҳодиса эмас, балки жуда мураккаб жараён бўлиб, турли одамлар, халқлар, маън-й муҳитлар орасида ҳам, бирор миллат ҳамда қардош халқлар доирасида ҳам ўзаро таъсир тарзида амал қилади. Бироқ М.т.нинг юқоридаги кўринишлари асосида индивидуал таъсир ётади. Мас., шундай одамлар, алломалар, ижодкорлар бўладигани, улар бошқалар учун М.т. манбаига айланган. Бунда бирон-бир инсон ёки давр б-н кейингиси ўртасида индивидуал таъсир юз беради. М.т.нинг маълум бир халқ доирасидаги кўринишига бирор-бир аллома ёки мутафаккир изи-

дан борган шу халқнинг кейинги авлоди ҳаёти ва ижодини кўрсатса бўлади. Мас., Алишер Навоийнинг ўлмас аънаналари таъсири ундан кейин яшаган Оғаҳий, Мунис, Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирлар ижодида намоён бўлди. Кейинроқ Чўлпон, Авлоний, Ҳ.Олимжон, Ф.Фуллом, Ойбек, М.Шайхзода каби ижодкорлар ҳам бу барҳаёт аънаналарни давом эттирганлар ва ривожлантирганлар. М.т.нинг яна бир бошқа кўриниши шундан иборатки, унда бирон-бир олим, ёзувчи ёки ижодкор мавжуд аънанани бус-бутун қабул қилиб олади, уни янги шароитда ривожлантиради, ўз даври талабларига мослайди. Мас., Алишер Навоий ўзидан олдин ўтган Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий аънаналарини давом эттириб, ўзининг бебаҳо «Ҳамса»сини яратган, ҳамсачиликнинг М.т.ини қайта тиклаган ва ўзидан кейингиларга мерос сифатида қолдирган.

МАЪНАВИЙ ТУБАНЛИК — шахснинг тарбиясидаги нуқсон ва иллатларни, маън-й жиҳатдан тарбияланмаганини намоён этувчи салбий хус-ятлар мажмуи. М.т. т.си — инсонларнинг ахлоқий фазилатига қарама-қарши, тескари бўлган хус-ятларни ифодалайди, умуминсоний хулқ-атвор меъёрларидан оғиш натижа-сида келиб чиқадиган нохуш жиҳатларни билдиради. Ўз манфаати, жони ва танининг роҳатини кўзлаб, “ўзим бўлай”-чилик кайфияти б-н ошқора ва махфий равишда йўл қўйиладиган ғайриинсоний хатти-ҳаракат, қилиқ, бадкирдорлик — ҳаром-ҳариш ишлар, фаҳш, нафсхўрлик, бахиллик, қитмирлик, таъмагирлик ва порохўрлик, манманлик ва шуҳратпарастлик, хиёнат ва олчоқлик — М.т. иллатларининг турли хил кўринишларидир. Энг ёмони, бутун инсоният нафрат б-н қарайдиган Ватанга хиёнат қилишдек бадбин иш ҳам маън-й жиҳатдан тубан шахсларга хосдир. Ўз қадрини билмаган шахс учун, Ватани, халқи, она юрти ва ҳаётнинг қадри бўлмайди. Бундай нусхалар ҳар қандай разиллик, ҳаром-ҳариш ишдан қайтмайди. И.А.Каримов М.т. инсонларга хос хусусиятлардан бири — сотқин-

лик ҳақида тўхталиб, «**Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдек кўраман... Эзгулик ва ҳақиқатга садоқатли бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолади деяверинг. Икки одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан мана шундай одамлар бошлаб беради. Шу бонс бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим, дея унинг мазмун-моҳияти ва қанчалик жиддий хавф-хатар эканига эътибор қаратади. Азалдан муқаддас китобларимизда ҳам, халқимиз орасида ҳам бундай инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат ва иллат қаттиқ қоралаб келинади.**

МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАР – инсоннинг маън-й қиёфаси. ижт-й ҳаёт, онг ва мун-тлар б-н боғлиқ бўлган, жам-т тар-ёти ва турмуши таъсирида шаклланган маън-й хус-ят ва хислатларининг умум-инсоний ҳамда миллий феъл-атвор кўринишларини ифодаловчи т. Шахснинг М.ф.и унинг иймон-эътиқоди асосида ҳалол-поклик, меҳр-шафқат, адолат ва ҳақиқатгўйлик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, камтарлик ва ш. к.да намоён бўлади. Шу маънода, М.ф. эркак ва аёл, ота-она ва фарзандларга мос ўзига хослик жиҳатларига ёки касбий хус-ятларга эга бўлиши ҳам мумкин. Шарқ халқларида М.ф.ни тарбиялашнинг муҳим мезони “Ўзингга нима тиласанг, ўзгаларга шуни тилагин” деган ҳикматда мужассамлашган. Улуғ аждодларимиз Имом Бухорий ва Имом Термизий ҳикматларида юксак М.ф. тавсифлаб берилган. Абу Наср Форобий жам-т ҳаётида раҳбарларнинг энг муҳим ўн икки М.ф.и, аҳолининг ҳар бир табақасига хос М.ф.ни таҳлил этилган этган бўлса, Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Қошғарий фуқаронинг одобини, Кайковус эса фарзандларда М.ф.ни шакллантириш йўллари батафсил баён этган. Муқаддас китобларимизда ҳам М.ф.нинг комил инсонни вояга етказиш ҳамда уларнинг жам-т тар-ётида тутган ўрни

таъкидланади. Маън-й қадриятлар ижт-й-тарихий, мад-й тар-ёт натижасида шаклланади, такомиллашиб бойиб боради. Шу тариқа миллий мад-т ривожланади. Бу жараёнда маъ-ят аҳли: алломалар, адиб ва зиёлиларнинг миллий онг, миллий руҳ, миллий ўзига хосликни таъминлаш ва ривожлантиришда тутган ўрни беқиёсдир. Улуғ аждодларимиз Имом Бухорий, Ат-Термизий, Фиждувоний, Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби зотларнинг бизга қолдирган бебаҳо маън-й-маър-й, илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон мад-ти хазинасидан муносиб ўрин олиб, инсониятни эзгулик сари етаклаб, ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиб келмоқда. Бинобарин, юксак М.ф.ни ўзида мужассамлаштирган бу улуғ зотларнинг ўзи ҳам биз учун абадул-абад маън-й етуклик тимсоли бўлиб қолади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “**Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз**”. (Юксак маънавият – энгилмас куч, 48-бет) Халқимиз маън-й тар-ёти жараёнида шаклланиб, сайқал топиб келаётган шарм-ҳаё, ор-номус, андиша, виждон, инсоф каби хислатлар М.ф.нинг энг ноёб кўринишлари сирасига киради. Мас., шарм – бу ноҳўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳиссидир. Жам-тда қабул қилинган маън-й мезонларга мос бўлмаган қилмиши учун ўзидан уялган одам ўзгаларга ҳам ана шундай ноҳўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзида ҳаё туйғуси бўлмаган одам ўзгалардан ҳаёли бўлишни талаб қила олмайди. М.ф. т.лар доирасида ор-номус ҳам муҳим ўрин тутди. Ор-номус бу ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш туйғусидир. Орият бу – ор-номус т.лардан ташқари иззат-нафс, қадр-қиммат туйғула-

рини ҳам ифодалайди. Чунки, ориятли одам ўзи, оиласи, маҳалласи ҳамда Ватанининг манфаатлари ва қадр-қимматини юксак тутади. Номус эса иффат, бокирлик маъноларини мужассам этган ҳолда инсоннинг жам-тда ўз мавқеини сақлаши, кўпчилик манфаатларини ҳурмат қилиш ва ардоқлаш. ноўрин хатти-ҳаракатлардан хижолат тортиш туйғуларини, оила, жамоа ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъноларини ҳам англатади. Андиша ҳам М.ф.дан бири сифатида ижт-й ҳаётда муҳим ўрин эгаллаб, ўзб. миллати вакилларига хос хус-ят сифатида оқибатни ўйлаб иш тутиш, мулоҳаза юриштиш ҳиссидир. Андишали киши фаросат б-н иш тутиб, М.ф. соҳиби эканини намоён этади. М.ф.дан яна бири – виждон кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атворида мужассамлашган оила, маҳалла, жамоа, жам-т, миллат ва Ватан олдида маън-й масъулиятни ҳис этиш туйғусидир. Инсоф эса адолат ва виждон амри б-н фаолият юриштиш туйғуси бўлиб, ўзаро мун-тларда ҳалоллик, тўғрилиқ, тенглик, софдиллик ва тўғрисўзликни ифода этади. Инсоф категорияси Шарқ фал.сида инсоннинг жам-тнинг маън-й-ахлоқий меъёрлари н.назаридан ўз хулқ-одобини назорат қилиши ва уни баҳолай олиши сифатида талқин қилинади. Шу б-н биргалиқда инсоф виждонли кишининг ёки маълум жамоанинг жам-тга ёки бошқа шахсларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун маън-й жавобгарлигини ҳам англатади. М.ф. инсоннинг шахс сифатидаги фаолиятида ҳам, унинг Ватан ва халқ олдидаги масъулиятини ҳис этишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жам-т маън-й тар-ётининг ўзига хос мезони сифатида хизмат қилади.

МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – инсон, халқ ва жам-т аъзоларини маън-й хуружлар, ғоявий таҳдидлардан ҳимояланиш тизимини ифодаловчи т. М.х. миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий манфаатларнинг ҳимоя қилинишга йўналтирилган фаолиятдир. М.х. деганда, миллий манфаатларни таъминлаш эҳтиёжи боис вужудга ке-

ладиган ва жам-т аъзолари маън-й, ғоявий-руҳий ҳаётининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолият ва узлуксиз жараён тушунилади. М.х. маън-й қадриятлар ривожини таъминлаш, уларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилиб, маъ-ятдаги руҳий, психологик, ахлоқий жиҳатларнинг уйғунлигини таъминлайди. Маълумки, инсон маъ-ятига қарши қилинган таҳдид қуроли хуружларга нисбатан кўпроқ таъсир кучига эга бўлиб бормоқда. Шу боис, бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун миллий тар-ётнинг барқарорлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай мам-тда жам-т аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда М.х. масалалари устувор аҳамият касб этади. Ижт-й-тарихий тажрибадан маълумки, муайян мам-тни забт этмоқчи бўлган истилочилар, аввало халқнинг руҳияти, маъ-яти ва қадриятларига болта уришга ҳаракат қилади. Миллий маъ-яти ва қадрияти пароканда этилган миллат ва элатлар ўзлигини йўқотади, ҳукмрон мафкура таъсирига тушиб, унинг манфаатларига хизмат қилишга мажбур бўлади. «**Узоқ тарихимиздан маълумки, — деб ёзади И.А.Каримов, — ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниётларига эришиш учун аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар**». Бугунги кунга келиб бир давлатни бошқа давлат томонидан қурол ёрдамида босиб олиш хавфи камайиб, глобал ахборотлашув таъсирида маън-й омиллар воситасида бошқа халқлар онги, қалби ва руҳиятига таъсир ўтказиш имкониятлари беқиёс даражада ошди. Эндиликда ахборот тарқатиш имкониятлари, турли халқлар маъ-ятига кучли таъсир ўтказиш, М.х.и заиф мам-тларни қарам қилиш хавфининг кўлами кенгаймоқда. Ш.у. жам-тдаги сиёсий, иқт-й, ижт-й хавфсизлик тизимининг маъ-ят б-н узвий боғлиқлиги таъминлангандагина миллий хавфсизликнинг яхлит тизимини шакллантириш мумкин. М.х. бар-

қарорлигини таъминлашда эса маън-й омил етакчи ўрин тутади. М.х.ка ички ва ташқи таҳдидлар таъсир этиши мумкин. Ички таҳдидга маъ-ятимизни заифлаштиришга интилган собиқ тоталитар тузум асоратлари, хус-н айрим шахслар онгидаги эскича фикрлаш андозаларини, зарарли ва ёт таъсирларга берилган баъзи кишиларнинг ғаразли ташвиқотлари, ўтиш даври қийинчиликларидан фойдаланиб қолишга интилаётган нияти бузуқ кимсаларнинг ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қилаётганларини киритиш мумкин. Миллий, диний қадриятларимиз, анъана ва менталитетимизга ҳамда мам-тдаги миллий бирлик, фуқаровий тотувликка раҳна солаётган, аҳоли онги ва қалбига салбий таъсир этувчи наркотик моддаларнинг кириб келиши “демократияни олға силжитиш” ниқоби остидаги саъй-ҳаракатлар ташқи таҳдидлар сифатида кўзга ташланмоқда. Президентимиз “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, **“Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”**. Мам-тимизга турли воситалар орқали мафкуравий таҳдидлар кучаяётган ҳоз. мураккаб даврда М.х.ни таъминлаш мақсадида аҳоли кенг қатламлари ва ёшлар онгида юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли М.х.ини таъминлаш, ёшларда турли таҳдидларга қарши маън-й иммунитетни шакллантириш имконини беради.

МАЪНАВИЙ ЭЪТИЁЖЛАР – давлат, жам-т ва шахснинг барқарор турмушида моддий эҳтиёжлардан бошқа маън-й талаблар, манфаатлар ва эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилишини ифодаловчи т. М.э. ижт-й, сиёсий, фал-й, ил-

мий, ахлоқий диний, ҳуқуқий ва б. йўналишларда аниқ намоён бўлади. Шу боисдан, М.э. ижт-й онг шакллариغا таянадиган фаол ҳаракат асосида таъминланади. М.э.нинг қондирилмаслиги жам-т барқарор ҳаётида турли бузғунчи ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келиши айрим ҳолларда давлат ва жам-т ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Бундай вазиятда М.э. тарзида намоён бўлган талаблар ва манфаатларни босқичма-босқич қондирилиши б-н ижт-й муаммоларни бартараф этиш мумкин. Халқимиз турмуш тарзида М.э. қадр ва қадрлаш мезонлари орқали намоён бўлади. Жам-т ва инсоннинг ижт-й алоқаларида қадр-қиммати, ор-номусига нисбатан қилинган нотўғри мун-т ёки ҳаракат маъ-ят мезонларига зиддир. Шу маънода, “Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман”, деган халқ мақоли унинг маън-й эҳтиёжларини ифодалайди. М.э.нинг моддий эҳтиёжлар б-н ўзаро уйғунлиги ҳар бир даврнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган тарихий зарурат ҳисобланади. Бу борада “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидлангани каби, **“... турмушда ҳамма нарсанинг ўрнини ҳаётгий зарурат белгилайди. Ҳаётгий зарурат бўлмаса, маънавий эҳтиёж бўлмаса, бошланган ишлардан бирон-бир самарали натижалар кутиш амримаҳол”**. Истиқлол йилларида ана шу зарурат ва эҳтиёждан келиб чиқиб, халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқариш, мустақил давлатчилик асосларини бунёд этиш учун кенг имкониятлар яратилди, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, халқимизнинг бой тарихий мероси, анъаналари, ижт-й қадриятлари, давлат қурилиши борасида ривожланган мам-тлар эришган тажрибага таяниб, миллий давлатчилигимиз пойдевори қўйилди. Бугунги кунда мам-тимиз аҳолининг барча моддий ва М.э.ини таъминлашга қаратилган туб ўзгаришлар, инсон манфаатига хизмат қиладиган ислоҳотлар, бозор иқтисодиётига асосланган адолатли жам-т, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бормоқда.

“МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА” — Президент И.А.Каримовнинг истиқлол даврида маън-й камолотга эришиш йўллари, халқнинг бу борадаги орзу-умидлари ва ниятлари, ушбу йўналишдаги долзарб вазифалар, жум-н, маъ-й, таълим-тарбиянинг куч-қудрати ва аҳамиятига оид маърузалари, нутқлари, асарларидан иборат тўплам. (Т., «Ўзбекистон», 1998 й.). Асарда мустақил жам-тгина юксак маъ-ятга эришиши мумкинлиги, халқнинг маън-й, сиёсий, иқт-й билим савияси ушбу йўналишларнинг барчаси б-н чамбарчас боғлиқлиги қайд этилган. Ш-дек, асарда маъ-ят ва тарихий қадриятларни тиклаш масалаларига доимий диққат-эътибор натижасида мам-тда ўз тарихи, маъ-яти, руҳий-мад-й қадриятларни англашга янгича ёндашиш жараёни бошлангани яққол кўрсатиб берилган. Ана шу жараёнларнинг қай даражада кечаётгани ҳам китобнинг асосий мазмунини белгилайди. Унда таъкидланганидек, маъ-ят мустақилликнинг энг муҳим шартларидан биридир. Маъ-ят бўлмаса мустақиллик ҳам, тар-ёт ҳам, бахт-саодат ҳам, иймон-эътиқод ҳам, элда диёнату адолат ҳам, хуллас, одамларда Ватан ва эрк туйғуси ҳам бўлмайди. Дарахт ўз илдизлари б-н заминдан сув, озуқа олиб вояга етганидек, инсон ҳам авлод-аждоқларидан қолган бебаҳо меросдан руҳий озиқ, куч-қувват олади, уларга таянади. Ҳар бир миллат ва элат аждоқларининг билимларидан, тажриба ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз яшай олмайди. Маъ-ят жам-тнинг юксалиши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маъ-ят бойиб борса, жам-т раванқ топади ва аксинча, маъ-ят қашшоқлашса, жам-т бора-бора таназзулга юз туттади. Мустақиллик йилларида юртимизда маъ-ят масалаларига мун-т тубдан ўзгариб, унинг юксалиши ва бойиб боришига доимий эътибор берилаётганининг боиси ҳам шунда.

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ — маъ-ятнинг ўзгариши, рив-ши ва бойиб бори-

ши жараёнини ифодаловчи т. Кишилар ҳаётида, умуман жам-тда юз бераётган воқеа-ҳодисалар шахс онги ва маъ-ятида муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради. Иккинчи томондан, маъ-ят воқеликдаги ўзгаришларнинг келиб чиқиши ва содир бўлишига катта таъсир кўрсатади. Янгиланиш маъ-ятнинг туб моҳияти б-н боғлиқ ҳодиса. Агар маъ-ят янгиланиб, бойиб турмаса, жуда тез орада эскириб, тар-ётга ёрдам бериш у ёқда турсин, унга халақит берадиган, тўсиқ бўладиган ҳодисага айланиб қолар эди. Жам-т тар-ётидаги бурилиш, туб ислохотлар даврида маъ-ятда ҳам жиддий ўзгаришлар юз беради ва айни пайтда маъ-ятнинг жам-тда юз бераётган жараёнларга таъсири кучаяди. Бундай паллаларда М.я. суръатлари ҳам тезлашади. Мас., Ўз-н мустақилликни қўлга киритгандан кейин унутилиб кет-таёзган миллий маън-й қадриятларни тиклаш, уларни ёшлар, аҳоли онига сингдиришга катта эътибор берила бошланди. М.я.га катта эътибор берилиши халқнинг онги, турмуш тарзи, жам-тдаги воқеа-ҳодисаларга мун-тининг ўзгаришига кучли таъсир ўтказди. Маъ-ятни янгилаш соҳасида олиб борилган ва борилаётган ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат мам-тда ижт-й-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Инсоният тарихидан маълумки, М.я. силлиқ ўтадиган жараён эмас. Эски тузум сарқитлари маъ-ятда муайян давргача сақланиб қолади ва кишиларнинг хулқ-атворига, турмушига ўз таъсирини ўтказди. Бундай ҳолат фанда маъ-ят амбивалентлиги, деб аталади. Бу т. маъ-ят таркибида бир пайтнинг ўзида бир-бирига мос келмайдиган, ўзаро зид т. ва тасаввурларнинг маълум бир вақт мобайнида ёнма-ён мавжуд бўлиб туришини англатади. Маъ-ятдаги бундай зиддият оғриқли кечади. Мам-т осойишта тар-ёт даврини бошдан кечираётган пайтда маън-й амбивалентлик деярли бўлмайди ёки жуда паст даражада бўлади. Тар-ётдаги бурилиш паллаларида эса амбивалентлик кўпроқ намоён бўлади. Бу ҳолатни одамлар маъ-яти ва хулқ-атворида янгиликларга ҳозиржавобликни тарбиялаш

асосида бартараф қилиш мумкин. Президентимиз таъкидлагани каби, **“Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди. Таъкидлаш жоизки, бу жараён юртимизда ўта мураккаб шароитда — мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди (“Юксак маънавият — энгилмас куч”, 76–77-б.).** Ҳоз. кунда М.я., аввало, қадриятларнинг янгилиниши шаклида намоён бўлади. Бу борада миллий ўзликни англаш, авлодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш, янги замон қадриятларини кўпчилик онгига етказиш ва сингдириш учун ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу б-н бирга, мазкур йўналишда жаҳон халқлари ютуқларидан фойдаланиш, мам-т ҳаётини эркинлаштириш ва модернизациялаш, маъ-ятни юксалтириш ушбу жараённинг таркибий қисмидир. М.я. суръатлари турмушдаги ижобий ўзгаришлар, жам-тдаги инсонлараро мун-тларнинг такомиллашуви ва маъ-ят соҳасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг самараси б-н белгиланади. Бу жараёнда ОАВ, таълим-тарбия тизими, театр, кино, бадий адабиёт, санъат, фал., ахлоқшунослик ва б. алоҳида ўрин тутади. Улар айна пайтда маъ-ятнинг таркибий қисмлари ҳам ҳисобланади. Жам-т ва халқ маъ-ятида янги ижобий қадриятлар, янги тузум ва янги турмуш гоёлари қанчалик тез қарор

топса, улар қанчалик самарали ва таъсирчан усуллар б-н тарғиб этилса, М.я. шунчалик самарали амалга ошади. М.я. суръатлари кўп жиҳатдан давлат ва жамоат ташкилотлари, шу соҳа ходимларининг иродаси ва амалий ҳаракатларига ҳам боғлиқ бўлиб, бу соҳадаги ўзгаришлар Ўз-нда жам-т тар-ётининг устувор йўналишига айланган.

МАЪНАВИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ —

Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида тарғиб берилган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жам-тини шакллантиришга бел боғлаган халқимиз, айниқса, ёшларда юксак маъ-ятни шакллантириш жараёнининг таркибий қисми. тарихий хотирани тиклаш, ўтмиш авлодларга муносиб бўлиш, улар қолдирган маън-й меросни асраб-авайлаш ва такомиллаштириш омили. М.ў.а. жам-т ижт-й-сиёсий ҳаётини демократлаштириш ва янгилаш, янги тафаккурни шакллантиришнинг асосий воситаларидан биридир. Маълумки, шахсда кўп-лаб ижт-й-инсоний фазилатлар б-н бирга М.ў.а. хус-яти ҳам мужассамдир. Бу гоёт кўп қиррали, мураккаб, айна пайтда, зиддиятли ҳаёт ижт-й ҳодиса бўлгани учун унга комплекс ёндашиш талаб этилади. Аввало, М.ў.а. кенг маънодаги миллий ўзликни англашнинг таркибий қисмидир. Ш.у. маън-й ўзликни англаш миллий тар-ётнинг нафақат белгиси, худди ш-дек, мақсади ҳамдир. Демак, М.ў.а. ижт-й феномен сифатида миллий тар-ёт мақсади б-н уйғунликда талқин этилиши зарур. М.ў.а. субъект (шахс, миллат, халқ)нинг экзистенционал борлиқда ўзининг тарихий-мад-й, ижт-й-ахлоқий диний-руҳий, бадий-эстетик қадриятларига, борлиқни билишда гносеологик тажрибаларига эга эканини идрок этишидир. М.ў.а.да «халқ руҳи», «халқ қалби» деган т.лар муҳим ўрин тутади. Ш.у. ҳам маъ-ят муаммоларини тадқиқ этган мутахассислар «руҳ», «қалб» категорияларига мурожаат қиладилар. М.ў.а., аввало, кишининг ўз руҳи ва қалбини идрок этиши бўлиб, ижт-й даражада у халқнинг ўзига хос руҳий-маън-й бирлигини

ифода этади. Миллий ўзликни англашга тааллуқли ҳодиса сифатида эса М.ў.а. маълум бир миллат вакилларининг қалбига, руҳига яқин умумий бойликлар, қадриятлар, тасаввурлар, анъаналар, руҳий-маън-й ҳолатлар асосида кишиларни халқ, миллат сифатида бирлаштиради, уларга хос умумий белгилар бахш этади. Шу ўринда Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Шу азиз Ватан барчамизники» гоёси нафақат мам-тимизда яшовчи ҳар бир кишини, балки бутун миллат, элатларни биргаликда озод ва обод Ватан барпо этиш йўлида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка ундайди. Одамлар ҳар доим маълум бир ғоялар атрофида бирлашиб, йирик ижт-й кучга, ҳаракатга айланган. Инсон ўзини маън-й-ижт-й куч эканлигини маълум бир қарашлар, ғоялар атрофида бирлашиб намоён қилиши мумкинлигини қадимдаёқ англаб етган. М.ў.а. қанчалик кенг, серқирра, инсон ва жам-т ҳаётининг барча соҳалари б-н боғлиқ бўлмасин, у миллий ғояга асосланади. Демак, миллий ғоя М.ў.а.нинг ўзагидир. М.ў.а. халққа, миллатга оид белгилар орқали ҳам ўз хус-ятини намоён қилади. Дунёда ўзининг маълум бир белгиларига эга бўлмаган халқ, миллат йўқ. Айнан шу белгилар кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, улардаги муштаракликни ёрқин намоён этади. М.ў.а.ни ахлоқ, одоб, инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-мурувват каби инсоний фазилатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода М.ў.а. т.си маъ-ят б-н узвий боғлиқдир. Маъ-ятнинг бош хус-яти ва вазифаси шахсда ахлоқийликни, инсонпарварликни шакллантиришдир. М.ў.а. шахснинг маън-й дунёси ва шаклланиши каби мураккаб, гоҳо зиддиятли кечадиган, ҳар доим ҳам бир мезон, меъёрлар б-н ўлчанавермайдиган ҳодисадир. Унинг намоён бўлиши ва шаклланиши ҳар доим ҳам шахснинг, ҳатто муҳитнинг ҳам ихтиёрида бўлавермайди. Уларга кўзга кўринмас ижт-й мун-тлар, умумий-ахлоқий нормалар, тарихан шаклланган анъаналар, урф-о.лар, халқ-аро вазият, ахборотлар оқими каби омиллар ҳам таъсир этади. М.ў.а. маъ-ятнинг шаклланиш жараёни каби шахснинг бу-

тун умри давомида кечиши мумкин. Аммо бу маъ-ятда ҳам, М.ў.а.да ҳам, шахснинг маълум бир халққа, миллатга тааллуқли эканини англаувчи муқим, хус-ят, белгилар йўқ эканини англабмайди. Халқни халқ, миллатни миллат қилиб турган белгилар унинг а.лар давомида шаклланган муқим, барқарор тарихий-мад-й қадриятлари (тили, турмуш тарзи, анъаналари ва б.) б-н муштаракликда намоён бўлади. М.ў.а.нинг ўзгариши ана шу барқарор миллий-мад-й асоснинг нисбий ўзгариши ифодасидир. Миллий-мад-й асослар маъ-ятда, миллий ўзликни англашда муқим сақланиб қолади, акс ҳолда шахс ҳам, миллат ҳам ўзлигини, ўз хус-ятларини йўқотади. Халқ, миллатнинг шаклланиши б-н бирга М.ў.а. ҳам шаклланиб боради. Миллатсиз М.ў.а. йўқ, М.ў.а.сиз эса миллатнинг бўлиши даргумондир. Улар ўртасидаги диалектик боғлиқликни очиб бериш махсус социал-психологик ёки этнопсихологик тадқиқотлар ўтказишни тақозо қилади. Бу ўринда биз шуни айтишимиз мумкинки, халқнинг, миллатнинг барқарор ижт-й этник birlik сифатида тарих саҳнасидан жой олиши уларнинг М.ў.а.ига ва тарихий-мад-й жараёнларда уни намоён этишига боғлиқдир. М.ў.а. узоқ тарихий рив-ш жараёнида, кўп авлодларнинг маън-й, илмий, ижодий изланишлари маҳсули сифатида пайдо бўлади. Миллат шаклланган сайин, у аниқ кўринишга, маълум бир тамойиллар, меъёрлар, моделлар, қадриятлар тарзига ўтиб, миллий мад-тнинг ўзак қисмига айланади. Мас., ўзб. халқи М.ў.а.ни «Авесто»дан бошлаб, буюк аждодларимиз меросидаги умуминсоний қадриятлардан излаши бежиз эмас. Чунки ушбу бебаҳо меросда халқимизнинг орзу-умидлари, ахлоқ, одоб, эзгулик, адолат, порлоқ ҳаёт ҳақидаги ғоялари мужассамлашган. Айнан ушбу қадриятлар бугун ўзб. халқининг тарихий-мад-й мероси, маън-й мад-тининг ўзаги сифатида ўрганилмоқда. М.ў.а. негизда маън-й камолотга етишга интилиш ётади. Маън-й камолотни назарда тутган киши тинмай ўз устида ишлайди, мукамалликка интилади, маълум бир идеалга етишни мақсад қилиб қўяди.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР — “Юксак маънавият — енгилмас куч” аса-рида ҳар томонлама ва чуқур таърифлаб берилган, инсон маъ-яти ва ахлоқий қиёфасига дахлдор бўлиб, жам-т аъзолари-ни тарбиялашга, уларнинг маън-й бар-камоллигини таъминлашга хизмат қила-диган қадриятлар тизимини ифодаловчи т. М.қ. деганда, инсон тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга, жам-т ва шахс маъ-ятини юксалтирувчи, тафак-кур ривожига беқиёс аҳамият касб эта-диган қадрият шакллари тушунилади. (Мас., урф-о.лар, анъаналар, Ватанни се-виш, ўз халқи ва миллатини ҳурмат қилиш, ота-онасини эъзозлаш, тинчлик ва тотувликни сақлаш ва ҳ.к.). М.қ. му-айян шароитларда шаклланади ва шу маъ-нода миллий муҳит уларни яратиш ҳамда саралашнинг асосий манбаидир. М.қ.ни англаш кишининг ўз миллати, юрти, эли-га тегишли қадриятларни асраб-авайлашга хизмат қилади, ўзига ишонч ва ҳурмат-ни мустақамлайди, Ватан истиқболига катта умид б-н қарашга ундайди. Муайян миллат М.қ.ни қанчалик асраб-авайласа, унинг тар-ётида маън-й ва моддий омил-лар уйғунлиги шунчалик мустақам ва барқарор бўлади. Фанда М.қ.нинг қатор функциялари ўрганилади. Улар аввало, жам-т аъзоларини ўзини ўзи тарбиялаш-га, ажодлардан мерос қолган қадрият-лар ва идеалларга муносиб бўлишга ун-дайди. Бу жараёнда икки хил ҳолат кузатилади. Биринчисида М.қ. жам-т аъзолари томонидан онгли тарзда яратила-ди, яъни одамлар ўзларида мавжуд бўлган маън-й меъёрлар ва мезонлар ҳақидаги т.лар асосида уларга мос кела-диган қадрият ва идеалларни яратади. Бундай саъй-ҳаракатлар жам-т аъзолари-нинг маън-й фаоллигини оширади, из-лаш, изланиш ва яратувчанликка чор-лайди. Иккинчи ҳолатда эса, жам-т аъзо-лари томонидан ўзлаштирилган билим, турли урф-о.лар ёки бошқа мад-й-маър-й тадбирлар жараёнида олган таассуротла-ри ҳам маън-й қадриятларнинг такомил-лашувига хизмат қилади. М.қ.нинг шакл-ланишида ҳар икки ҳолатнинг ҳам таъси-ри кузатилади. М.қ. ижт-й онг

шаклларига мос келадиган мад-й, маър-й, ахлоқий, диний, ҳуқуқий, илмий ва ҳ.к. турларга бўлинади. Улар инсоннинг ақли, камолоти, дунёни билиш мақсади, билимларининг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор иде-ал тарзида ҳам намоён бўлади. М.қ.нинг инсон тарбияси ва жам-тдаги ўрнига доир асосий функцияси ҳам ана шулар б-н боғ-лиқ. М.қ.нинг яна бир муҳим жиҳати шуки, уларнинг баъзилари инсоният та-рихи давомида аста-секин шаклланади ва такомиллашиб боради. Уларнинг миқдо-ри ва сифатининг ортиши жам-т аъзолари-нинг тафаккур даражасининг юксали-ши ҳамда инсоният тар-ёти қанчалик ил-гарилаб кетганининг кўрсаткичи ҳамдир. Дейлик узоқ ўтмишда баъзи қадриятлар, газета, радио, ТВ тўғрисида умуман та-саввур бўлган эмас. Бундай янги М.қ.лар а.лар давомида шаклланиб, такомилла-шиб, бойиб борган. М.қ. ва қадрият мезонлари миллат маъ-яти ва унга мансуб кишиларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтириш функцияси-ни ҳам бажаради. Бундай ўзига хос маън-й бошқаришнинг самарадорлигига эришиш ниҳоятда муҳим. Зеро, М.қ.и бўлмаган миллат йўқ, миллат М.қ.нинг соҳиби, яратувчиси ва асраб-авайлаб сақлаб ту-рувчидир. Агар ҳар бир миллат ўз М.қ.и-ни асрамаса, бу қадриятларнинг сақ-ланиб қолиши қийин. Миллатнинг та-наззули М.қ.нинг таназзулидир. М.қ. миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, буту-ни, келажаги, урф-о. ва анъаналари, уни ташкил этган авлодлар тафаккури, ижт-й қатламлар, миллий онг, тил ҳамда мил-лий мад-т б-н узвий боғлиқ ҳолда намо-ён бўлади. Ўз-ннинг мустақилликка эри-шиши туфайли М.қ.га эътибор кучайди. Зеро, М.қ. мам-тимиз мустақиллиги, хал-қимизнинг иродасини мустақам қила-диган, унга куч бағишлайдиган асосий омиллардан биридир. Халқимизнинг алар-дан-а.ларга мерос қолиб келаётган М.қ.и узоқ тарихий жараёнда шаклланиб, ри-вожланиб келган. Уларни уч минг йилдан ортиқ даврни мужассамлаштирган хал-қимиз цивилизацияси яратган. Бизнинг М.қ.имиз ана шу цивилизацияга узвий

боғлиқ бўлиб, улар миллатимиз шаклланган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша каби кўплаб т.ларда ифодаланади. М.қ.имизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-о.лар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар кўплаб учрайди. Собиқ тизим шароитида М.қ. масаласи кўп ҳолларда эътибордан четда қолиб кетган эди. Мустақиллик туфайли ҳақиқий М.қ.имизни, уларнинг жам-т ижт-й, маън-й-маър-й ҳаётидаги ўрни ва аҳмиятини англаш, улуг аждодларимизнинг маън-й, илмий меросини ўзлаштириш, фарзандларимизни М.қ. асосида тарбиялаб вояга етказиш, ана шу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга бекаму кўст узатиш имконияти яратилди. Бу эса М.қ. боқийлиги ва бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

МАЪНАВИЙ ҚАРАМЛИК — инсон ва жам-т онгу тафаккурининг бўйсундирилиши, қарам этилиши, маън-й тамоийилларнинг заифлашуви, мустақил рив-ш имкониятларининг чеклангани, тар-ётдан ортда қолиш, ўзгаларнинг гоъвий-мафкуравий тазйиқи оқибатида содир бўладиган салбий ҳолат ва жараённи ифодаловчи т. М.қ. т.сини инсон, шахс, фуқаро, оила, миллат, халқ ва мам-тга нисбатан қўллаш мумкин. Ундан қўзланган асосий мақсад устунликка эришиш, ўзгалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдир. Ана шундай хатарли жараённинг юзага келиши оқибатида шахс ўзлигидан, фуқаро мустақил фикр юритиш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш имкониятидан маҳрум бўлиши натижасида, оила, миллат, халқ ва мам-т барбод бўлиши мумкин. М.қ.нинг энг «нозик» жиҳати шундаки, у дунёқараш ва руҳият б-н боғлиқ жараёндр. Ўзга давлатларга маън-й қарамлик ҳолатига тушиб қолган миллат сиёсий мустақилликни қўлга киритганидан кейин ҳам узоқ вақт давомида бу қарамлик асоратларидан қутулиши мураккаб кечади. Бу вазифани амалга ошириш эса жуда ма-

шаққатли бўлиб, вақт ва катта фидоийликни талаб этади. Зеро, қарамлик — бу ўзгалар хоҳиш-иродасига бўйсунуш, уларнинг кўрсатмалари б-н ҳаёт кечириш демакдир. Шу маънода, М.қ. ўзгаларга маънан бўйсунуш, итоат қилиш, фикран ва қалбан мутеликка мубтало бўлишдир. Шахснинг маън-й қарамлиги ботиний салоҳият ва иймон-эътиқоднинг заифлиги, ироданинг мажруҳлигида намоён бўлади. Миллатнинг М.қ.и эса унинг ўзлигини намоён этиш туйғусидан маҳрум бўлишига, охир-оқибатда ўзга миллатларга тобе бўлишига олиб келади. М.қ. миллатни ҳалокатга маҳкум этадиган даҳшатли омил ҳисобланади. Мустабит тузум даврида халқимизнинг кадр-қиммати, шаъни ва номуси поймол этилгани, қўҳна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани, тақдиримиз жар ёқасида турганини асло унутиш мумкин эмас. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънода қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганлигини яхши биламиз”**. Босқинчилар ўзга мам-тлар халқларини ўзига сингдириб юбориш учун ўз мафкураси ва гоъларини мажбуран жорий этиш, мад-тига шикаст етказиш, миллий тили, урф-о.лари ва қадриятларини оёқости қилишни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билган. Мад-т ва маъ-ят, азалий қадриятларга зарба бериш халқларни жиловда ушлаб туришнинг энг самарали воситаси эканини истилочи ва босқинчилар яхши билган. Мад-т, маъ-ят ва маърифати емирилган халқлар имон-эътиқодидан маҳрум бўлиб, оломонлашув, сиёсий манқуртлик, бепарволик, лоқайдлик каби иллатлар авж ола бошлайди ва охир-оқибатда миллий ғурур, ифтихор, миллий қадриятлар аста-секин заифлашади. Ана шу омиллар туфайли муайян мам-т ва унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор қулга

айлантириш осон кечади. Мас., Чингизхон ўлкамизга бостириб келганида ўз саркардаларига “Шаҳарларга нодон, иродасиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни қўллаб-қувватланглар ва кўкларга кўтариб мақтанглар, маҳаллий халқларнинг ақлли, билимли, обрў-этиборли кишиларини йўқ қилинглар” деб фармон берган экан. Тарих шундай гувоҳлик берадики, ҳамма давр, ҳамма ерларда истилочилар босиб олинган мам-тлар ҳудудларида ана шундай сиёсат юритган. Мас., юртимизни тобе этишга уринган босқинчилар, хус-н, чор босқинчилари сиёсати ҳам халқимизни бир неча минг йиллик тарихи, мад-ти, урф-о-ларидан маҳрум қилиш, руҳан, маънан майиб-мажруҳ қилиш кўзланган эди. Бу чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машъум сиёсат эди. Бу сиёсатнинг замирида чор ҳукуматининг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мустамлака халқларни, жум-н, ўзб. халқини миллий ўзлигини англашдан буткул маҳрум қилиб, ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истиқболни кўролмайдиган авомга айлантириш муддаоси турган. Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётидан жудо бўлиш демакдир. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп бора ўз исботини топган.” Тарих, маъ-ят ва маърифат халқнинг ўз ўтмишини билиши ва истиқболни тушуниб етишига ёрдам беради, Ватанни севиш ва у б-н фахрланишга даъват этади, душманларга, босқинчи ва мустамлакачиларга қарши муросасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга ундайди. Тарихдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Мустамлакачилар буни яхши англаганлар. Зеро, тарих — халқ маъ-ятининг асосидир. Халқимиз ўтмишда сиёсий, иқт-й жиҳатдан ўзгаларга қарам бўлди, аммо, қанчалик зўравонлик қилинмасин, маън-й қарам бўлмади. Худди мана шу омил миллатимизнинг мустақиллик-

ни қўлга киритишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзининг чуқур маън-й заминларига эга бўлган миллат руҳан, қалбан сергак бўлиши ва албатта, М.қ.дан ўзини ҳимоя қилишга қодир экани тарихий тажрибада яна бир бор исботланди.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ — шахс, миллат ва жам-тнинг маън-й мун-тлар, жараёнлар, алоқа ва мулоқотлари мажмуи, ижт-й ҳаётнинг муҳим кўринишини ифодаловчи т. Унинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида чуқур ва ҳар томонлама очиб берилган. М.ҳ.га бўлган жиддий эътибор ва уни ўрганиш фақат мам-тимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маън-й қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши в-рив-шида аниқ тарихий табиий ва ижт-й омиллар асос бўлиб, М.ҳ. мезонлари, ахлоқ-одоб қоидалари инсонларга куч-қувват бағишлайди. Аниқроғи, М.ҳ. орқали инсон ва миллат қилинаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб етади, ўз меҳнатини фаровонлик ҳамда тар-ёт омилига айлантиришга ҳаракат қилади. Маъ-й тар-ётга хос бўлган умумий қонуниятлардан бири — инсоннинг тўхтовсиз равишда маън-й жиҳатдан юксалиб бориши б-н белгиланади. М.ҳ. жам-тда амал қилувчи ижт-й меъёрларга асосланади. Лекин бу меъёрлар ўз-ўзидан вужудга келиб ривожланмайди, балки шу жам-т фуқаролари, фаол шахслар иштирокида амалга ошади. Демак, маън-й ҳаётнинг шаклланиб бориши ва яшовчанлиги, авваламбор, шу жам-т фуқаролари зиммасига юклатадиган асосий масъулиятдир. Шахснинг маън-й юксалиши ва жам-тнинг маън-й бойлигини сақлаш бир хил қийматга эга ҳолатлардир. Инсон жам-т олдидаги бурчини тўлақонли равишда ижро этиб борар экан, шу б-н бирга ижт-й меъёрларга риоя қилиш мавжуд анъаналарнинг яшовчанлигини таъминлайди, ўз фаолиятига ижодий ёнда-

шуви орқали эса қадриятларнинг замон талабига биноан янада мукаммаллашишига кўмак беради. Маън-й юксалиш инсон ҳаёт мазмунининг янада бойишига, унинг шахс сифатида янада комилликка эришишига асос бўлади. Шахснинг маън-й дунёси унинг қадриятлари тизими, эътиқоди ва дунёқарашининг мазкур жам-тда амал қилувчи қадриятлар ва анъаналарга қанчалик мос келиши б-н белгиланади. Қадриятларнинг бундай ўзаро мутаносиблиги М.ҳ.нинг янада мукаммаллашиб бориши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шахс М.ҳ.ининг етакчи ўринга чиқиши, авваламбор, жам-т ва давлат бошқаруви-ни инсонлар манфаатига кўпроқ қаратиш-да, жам-т ижт-й ҳаётининг янгича мазмун касб этишида ўз аксини топади.

МАЪНАВИЙЛИК ВА МОДДИЙЛИКНИНГ УЙҒУНЛИГИ — инсон ва жам-т ҳаёти ва фаолиятида моддий ҳамда маън-й асосларнинг бир-бирига нисбатан мослиги, ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини ифодалайди. Унинг мазмун-моҳияти «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида чуқур ва атрофлича очиб берилган. Унда таъкидланганидек, “маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда, бу борада асрлар давомида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Яъни, одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутуши, уларнинг қайси бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва қарашлар мавжуд бўлганини ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётганини кузатиш қийин эмас. Ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида бундай баҳслар соф назарий масала доирасидан чиқиб, маълум бир тузум ёки давлатнинг расмий мафкураси мақомини ҳам олган. Бунинг тасдиғини узоққа бормасдан яқин тарихимизда — шўро замонида материалистик қарашни устун қўйиш натижасида материя бирламчи, онг эса иккиламчи, деган тамойилнинг ҳукмрон дунё-

қараш даражасига қўтарилгани, бунинг оқибатида инсоннинг маънавий қадриятлари, айниқса, унинг миллий ва диний туйғуларига белисанд қараб келингани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу масалага чуқурроқ ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу қўҳна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди. Қолаверса, бу масалага бундай кескин ёндашув, хусусан, одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инкирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп мартаба ишботлаган. Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий олами бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида ингилиб келган орзу-мақсадлари ва замон талабларини, дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятимиз ҳаётида ана шу икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллик нафақат иқтисодий, балки беқиёс маънавий имкониятлар манбаи эканини англаб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий янгилианиш жараёнларини

айнан шу асосда ташкил этишга устувор аҳамият берилди. Истиқлол йилларидаги тажрибадан кўриниб турибдики, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради. Зеро, юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнаан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади. Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан озикланган иқтисодий тараққиёт йўлимиз жамиятимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёрқин ифодасидир. Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустақкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда”.

МАЪНАВИЯТ (араб. маъно, маънолар мажмуаси) — моддий ҳаёт б-н доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жам-т ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ижт-й ҳодиса; замонавий ижт-й тафаккур ривожда биринчи бор Президент Ислон Каримов томонидан илмий-фал-й таърифланиб, наз-й жиҳатдан асослаб берилган т. Юртбошимиз берган таърифга кўра, М. инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. Ҳоз. илм-фанда М. “Маънавиятшунослик”, “Маънавият асослари”, “Маънавият тарихи ва наз-яси”, “Ахлоқшунослик”, “Нафосатшунослик” каби фанларнинг асосий категорияси ҳисобланади.

“М.” т.сининг илмий, фал-й, адабий тафаккурда ёки оддий халқ тилида қўлланиб келаётган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Улар мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладди. Айни ҳол бу т.нинг ўзига хос рив-ш эволюциясини акс эттиради ва унинг кенг маънога эга эканидан далолат бера-

ди. Шу б-н бирга, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу т.га ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг ҳаётий қарашлари, шахсий этиқоди, онгу тафаккури ва дунё-қарашидан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф бериши мумкин. Чунки “... ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 29-бет). Ш.у. ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир. М. т.сининг мазмуни бугунги кунда фақат «маъний», «маъно» деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди. Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти б-н чамбарчас боғланган бу т. ҳар қайси одам, жам-т, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса б-н ўлчаб бўлмайдиган даражада алоҳида аҳамият касб этади.

Собиқ иттифоқ даврида маънавият масаласи эътибордан четда қолган эди. Ўша даврда уни яхлит ҳодиса сифатида талқин эта олмаслик бу тўғрида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини бермас эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг М.га эътибор кучайди, маън-й қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш устувор вазифага айланди. Бу борада кенг қўламли ҳам амалий, ҳам наз-й ишлар амалга оширилди. Мам-тимизда М. соҳасида собиқ иттифоқ давридаги ўта мафкуралашган фанлар ўрнига халқаро андозалар, умуминсоний қадриятлар ва миллий манфаатларимизга мос янги тизим шаклланди. «Фалсафа», «Маданиятшунослик», «Мантиқ», «Ахлоқшунослик», «Нафосатшунослик» б-н бирга «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол гоёси» каби фанлар бу тизимнинг таркибий қисмига айланди.

Айниқса, Президент Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида М. ҳодисасини ўрганишнинг илмий-методологик асослари атрофлича кўрсатиб берилгани бу борадаги вазифа-

ларни ҳар томонлама ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Айнан ана шу асар туфайли М.нинг асл мазмун-моҳиятини теран англаш, унинг ўзига хос хус-ятларини янгича концептуал ёндашувлар асосида ўрганиш имкони пайдо бўлди. Мазкур асарда таъкидлангани каби, бизнинг мамлакатимизда “М.” т.си жам-т ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маъ-й, мад-й, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Ш.у. ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги “М.” т.си орқали ифода этиш мумкин”.

Фарб мам-тлари, жумладан собиқ иттифоқ ўрнида шаклланган баъзи давлатларда М. алоҳида ҳодиса сифатида қаралмайди. У кўпроқ дин ёки ахлоққа алоқадор т. тарзида тушунилади. Гоҳида бу атамалар бир-бири б-н тенглаштирилади, баъзи ҳолларда эса уларнинг иккаласи ҳам М.нинг ўрнини боса олади, деган қарашлари илгари сурилади. Бундан ташқари, М. ахлоқ ёки диннинг таркибига киради, бинобарин, уни ана шу икки қадриятда мавжуд бўлган хус-ятлар мажмуи сифатида тушуниш мумкин, деган фикрлар ҳам учрайди. Айнан ана шундай ёндашувлар бу мам-тларда М. шуносликни алоҳида фанга айланмаганининг энг асосий сабабларидан биридир.

Бизда эса бу борада бутунлай бошқача ҳолат кузатилмоқда, яъни тилимизда фақат М.га доир дунёвий сўзлар, т. ва атамалар ниҳоятда кўп. Халқимизга хос маън-й қадриятлар таркибига кирадиган кўплаб т. ва атамаларни тўғридан-тўғри ўзга тилларга таржима қилиш қийин ва мушкул бир муаммо. Бу миллатимиз маън-й ҳаётининг нақадар бойлигини, халқимизнинг бошқаларга асло ўхшамайдиган бир қатор ўзига хос миллий-этниқ хус-ятлари мавжудлигини, тилимизда эса шу соҳага доир ўхшаши йўқ сўзлар борлигини англади. “Шуни айтиш лозимки, бу т.лар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай т.лар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маън-й ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган,

онгу шууримиздан чуқур жой олган буюқ қадриятларнинг амалий ифодасидир”.

«М.» т.сига турли н. назарлардан ёндашиш мумкин. Лекин шу нарса аниқки, у М. соҳасининг қонун ва талаблари, т. ва тамойиллари, унинг ўзига хос хус-ятлари ва намоён бўлиш шаклларининг мазмун-моҳиятини ифодалайдиган кенг маъноли т. сифатида доимо ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, “... биз маъ-ят ҳақида фикр юритар эканмиз, бу масалани атрофлича ва чуқур таҳлил этишимиз, унинг фақат ўзимизга маъқул, ижобий томонлари б-н чекланиб қолмасдан, ана шундай мураккаб жиҳатларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз лозим”. Бу борада маъ-ятнинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор бериш зарур:

— жам-тдаги ижт-й мун-тлар ва инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солувчи талаб ва қоидалар мажмуи;

— маън-й қадриятлар, урф-о. ва анъаналар, идеаллар, эзгу ғоя ва мақсадлар тизими;

— ахлоқ, мад-т, маърифат, дин ва таълим-тарбия тизимидан иборат яхлит маън-й ҳодисалар мажмуи;

— маън-й жараёнлар, инсоннинг ўзини ва ўзи яшайётган дунёни такомиллаштирувчи ижодий фаолияти ва унинг натижалари;

— инсон камолоти, унинг маън-й қиёфасининг такомиллашув даражаси, шахсий — ахлоқий хус-ятлар ва маъ-й фазилятлар мажмуи;

— жам-тнинг барча соҳалари б-н ўзаро алоқадор маън-й талаблар ва тамойиллар ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи мезонлар тизими.

М. инсоний хус-ят ва фазилятлар мажмуи тарзида яна қуйидаги асосий жиҳатларнинг ўзаро алоқасига асосланади. Аввало М. — тақдирнинг эҳсони эмас, у а.лар давомида узлуксиз тар-ёт натижасида камол топган, халқимизнинг онгу тафаккурида озодлик, мустақиллик, она Ватан, меҳр-оқибат, ор-номус каби эзгу т.лар асосида шаклланган. М. инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити б-н бирга сингади. Табиатга яқинлик, жо-

нажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш м.га озиқ беради, уни кучайтиради. Айни пайтда, М. одамзоднинг ота-онадан табиий тарзда, тўлатўкис ва тўғридан-тўғри ўтмайдиган. Балканининг етук шахс сифатида шаклланиши ва таълим-тарбия жараёнида юзага келадиган ижт-й фазилатлари мажмуи сифатида амал қилади. Бу фазилатлар инсоннинг моддий ва маън-й фаолиятида ҳам, бошқалар б-н мулоқотида ҳам, жам-т ва ўзгаларга мун-тида ҳам намоён бўлади. Яна бир жиҳати — М. инсоннинг яшаш ва фаолият усули, моддий ва мад-й эҳтиёжлари, унинг тафаккури, дунёқараши, ахлокий қиёфаси, ижодининг бутун рангбаранглигини қамраб оладиган ўзига хос ижт-й ҳодиса сифатида амал қилади.

М.га тааллуқли нарса ва ҳодисалар барқарор табиатга ва чуқур тарихий илдишларга эга, кундалик воқеа ва ҳодисалар эса ўзгарувчандир. Шу сабабли маъят бу ҳодисаларга нисбатан муайян асос сифатида намоён бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини, йўналиш ва хус-ятларини белгилайди. У кенг маънода турли ижт-й ўзгаришларни боғловчи бўгин, инсон ва жам-т ҳаётидаги янгиланишларнинг мақбул ёки мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлайдиган умумий мезон вазифасини ҳам бажаради. Бу эса муайян давр ва жам-тдаги ҳолатни, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўла-тўкис аниқлаш учун М. соҳасидаги ўзгаришларни диққат б-н ўрганиш зарурлигини аниқлатади.

“М.” т.сини таснифлашда умумий мезон бўладиган асосларга қараб, унга хос сифатлар мажмуини янада кенгайтириш мумкин. Бу борадаги ёндашувлар орасида илмий-наз-й, фал-й, аксиологик, этнологик, психологик, культурологик, теологик, эстетик, плюралистик қарашлар алоҳида ўрин эгаллайди.

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” — истиқлол йилларида Ўз-ннинг таълим тизимига жорий этилган ўқув фани. У Ўз-н Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида”ги. 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат

жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавияти ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари ва 1998 йил 24 июндаги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўз-ннинг барча олий ўқув юртларида ўқитила бошлади. “М.а.”ни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад юксак маъ-ятга эга бўлган ёш авлодни тарбиялашдан иборат. Бу ўз навбатида мам-тимизда кадрлар тайёрлаш борасида кўйилаётган асосий вазифалардан биридир. Ана шу вазифаларни бажариш жараёнида М.а.га бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эса ушбу соҳага эътиборни янада кучайтирди. Мам-тимизда 2002 йилдан бевосита шу соҳа б-н шуғулланадиган мутахассислар тайёрлаш бошланди, 15дан ортиқ олий ўқув юртида “Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ” асослари йўналиши бўйича мутахассислар етиштириб берадиган бўлимлар очилди. Мактабларнинг 7—8—9-синфларида “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани жорий этилди. “М.а.” фани доирасида маъ-ятнинг мазмун-моҳияти, категория ва т.лари, уларнинг ўзаро мун-тлари ва хус-ятлари, маъ-ятнинг таркибий қисмлари, уларнинг рив-ш хус-ятлари, маъ-ят ва иқтисоднинг ўзаро боғлиқлиги, маъ-ятда миллийлик ва умуминсонийликнинг намоён бўлиши каби масалалар ўрганилади. Шу б-н бирга, Ў.О. фал-й тафаккурида маъ-ят ва маърифат масалалари, Ислом Каримов асарларида маън-й баркамол инсонни тарбиялаш ғоялари, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат мезонлари, имон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик каби фазилатлар, миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш каби ҳам “М.а.”нинг асосий мавзулари ҳисобланади. “М.а.” фани доирасида маън-й саводхонлик, қонунга

итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат, фуқаролик бурчига садоқат каби мавзулар, шахс маъ-ятини ривожлантириш омиллари ва воситаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Бугунги кунда “М.а.”ни ўргатишда Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарда мазкур ўқув фанига доир барча мавзуларнинг мазмун-моҳияти ва наз-й асослари кўплаб далиллар ва мисолларга таяниб чуқур ва ҳар томонлама кўрсатиб берилган. Асардаги хулоса ва мулоҳазалар, ғоя ва қарашларни маън-й йўналишдаги адабиётлар, жумладан, “М.а.” бўйича дарслик ва қўлланмаларга сингдириш, таълим-тарбия жараёнида қўллаш бу соҳадаги барча ходимлар ва мутахассислар учун устувор вазифага айланди.

МАЪНАВИЯТ ВА ДИН – маъ-ят мезонларидан бири бўлган, инсоннинг имон ва тафаккурини камол топтириш, мустаҳкам эътиқод ва дунёқарашини шакллантиришига хизмат қиладиган диний қадриятлар кишиларнинг юксак маън-й идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонлари б-н узвий боғлиқ тарзда ривожланади. Дин маъ-ят тақомилида, миллий мад-т ва турмуш тарзи, урф-о. ва қадриятлар, анъаналарнинг безавол сақланиши ҳамда а.лар мобайнида халқ қалбига чуқур ўрнашишида маън-й омил бўлиб келган. Инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, қаноат, саховат, меҳр-шафқат каби фазилятлар кўплаб бошқа омиллар қатори диний қадриятлар таъсирида ҳам ривожланади. Шу боис ҳам И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида дин маъ-ят мезонларининг бири сифатида олиб қаралган. Асарда таъкидлангани каби, “Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қондалар шаклида мустаҳкамлаб келаёт-

ган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилятлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади”. Ислом динининг илмий асосларини ўрганиш, унинг маър-й-маън-й ғояларини ривожлантириш, мўътадил эътиқод негизларини ишлаб чиқишда Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуг аждодларимизнинг хизмати сингган. Уларнинг мероси бебаҳо маън-й бойлигимиздир. Муқаддас динимизни пок сақлаш, унга қарши қаратилган ҳар хил хуружларга зарба бериш, диндан нопок, ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринаётган мутаассиб шахсларга қарши курашиш ҳам бизнинг маън-й бурчимиздир. Бу борада “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги қуйидаги хулоса барчамизнинг фаолиятимиз учун асосий мезондир: “Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Ва халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди, деб ўйлайман. Шу нуқтан назардан қараганда, муқад-

дас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил гаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”.

МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОД – жам-тнинг иқт-й тар-ёти б-н боғлиқ мун-тларда маъ-ят масалалари, хус-н, инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари ҳисобга олиниши лозимлиги тарихий ҳақиқатдир. Бу маъ-ятнинг ишлаб чиқариш, иқт-й рив-ш б-н узвий боғлиқлигини кўрсатади. Акс ҳолда, жам-тда инсоний ахлоқий мун-тлар таназзулга учрайди, инсонлар ўртасида бегоналашиш кучаяди. Бу эса охир-оқибатда ижт-й-иқт-й таназзулга олиб келиши мумкин. Айрим кишилар эркин бозор иқтисодиёти шароитида маън-й-маър-й ва ахлоқий қадриятлар қадрсизланади, мад-т ва маъ-ят иккинчи даражали нарсага айланади, маън-й қашшоқлик авж олади, деб даъво қилади. Эркин бозор иқтисодиёти б-н маъ-ятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиз, аксинча, юқорида айтганимиздек, улар бир-бирларини тўлдиради, чунки фақат маън-й соғлом, кучли жам-тгина иқт-й ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин. Мустақиллик йилларида мам-тимизда иқтисодиёт ва маъ-ятнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири қонуниятидан келиб чиққан ҳолда иқт-й ва маън-й ҳаётнинг уйғун ҳолда ривожланиб боришига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. **“Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, – деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, – биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз.”** Истиқлол даврида иқт-й ва маън-й жараёнларнинг ўзаро мутаносиб уйғун тарзда рив-шига эришилаётгани мам-тимизда

сиёсий-ижт-й барқарорлик ва тар-ётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, маъ-ят ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ҳозирда иқт-й ислоҳотларнинг янги, юқори босқичга ўтиш жараёнида юртимизда ишлаб чиқариш тармоқлари жадал ривожланиб, иқт-й юксалишига хизмат қилади. Бу эса фан, мад-т ва маъ-ят тар-ётига ижобий таъсир қилади. Иқтисод, маъ-ят ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканини ота-боболаримиз теран тушуниб етган. Шунга таянган ҳолда улар маъ-яти юксак, комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини ишлаб чиққанлар. Ундаги асосий ўзак, жиҳат киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасизлик, бозор мун-тларида инсоф ва диёнат, харидорга мун-тда самимийлик, юмшоқ муомала каби хус-ятлар бўлиши зарурлиги асос қилиб олинган. Маъ-яти юксак киши бировнинг ҳақиға, давлат, жамоа мулкига хиёнат қилмайди, эл-юртига, оиласига садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун ҳатто жонини ҳам аямайди. Бунинг акси ўлароқ, маъ-яти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, порахўр, ўғри, қаллоб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди. Келажакда Ўз-н юксак даражада ривожланган иқтисодиёти б-нгина эмас, балки билимдон, маъ-яти етук фарзандлари б-н ҳам жаҳонни ҳайратга солиши учун ҳаракат қилинаётган экан, бунга эса иқтисод ва маъ-ят, маърифатни бирга, ўзаро мутаносиб, муштарак рив-шига аҳамият берилганидагина эришиш мумкин. Маъ-ятли ва маър-тли, иймонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати б-н бойлик яратадиган, изланувчан, инсофли, меҳнатсевар, тadbиркор, эл-юрт дардига малҳам бўладиган ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Шундай фуқароларга эга бўлган мам-т, жам-т иқт-й тар-ёт поғоналарида узлуксиз юқорига кўтарилиб боради. Юртимиз мақсад қилиб олган цивилизациялашган бозор мун-тлари фақат юксак маъ-ят ва маърифат, юксак ахлоқийлик

ва ватанпарварлик негизларида бунёд этилиши мумкин. Буни ҳаммамиз теран англаб олишимиз лозим.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ УЙҒУНЛИГИ — 1) маъ-ятнинг маъ-й жараёнлар б-н узвий алоқадорлигини, инсон маъ-ятининг у томонидан ўзлаштирилаётган билимлар, амалий тажриба ва кўникмалар ҳосил қилиниши, шахснинг илмий-ижодий камолоти б-н боғлиқлигини ифодаловчи т.; 2) муйаян шахс, ижт-й гуруҳ, жам-т ва давлат ҳаётига хос фаолиятда, урф-о. ва анъаналарида, таълим-тарбия тизимида маън-й омилларнинг билим ва тафаккур ривожига б-н муштараклигини ифодаловчи т. М.м.у. ўзб. халқининг кўп минг йиллик тарихи даврида доимо унинг энг кучли ўзига хос хус-яти бўлиб келган. Чунки, қадим-қадимдан Ўз-н цивилизациясининг асоси, пойдеворини маъ-ят. маърифат ва ахлоқ қадриятлари ташкил этган ва бу т.ларни бири-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмади. М.м.у. жам-т, халқ камолотининг бош омилларидан бири ҳисобланади. Маърифат ҳам ўз навбатида мад-т, маъ-ят т.лари б-н чамбарчас боғлиқ, улар уйғун равишда қўлланади. Чунки, маърифат — маъ-ятга олиб келадиган йўл, уни шакллантирувчи воситадир. М.м.у. тарихи жам-т тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис Президент И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Илм-маърифатга қизиқиши султ миллатнинг келажаги ҳам бўлмади”. М.м.у. маън-й қарамликни баргараф этувчи куч, у инсонга ақлий, руҳий қувват бахш этадиган омил сифатида намоён бўлади. У кишиларни жаҳолат чангалидан қутқаради, бузуқ, ёмон, гуноҳ ишлардан қайтаради, эзгу хулқ ва одоб эгаси бўлишга кўмаклашади. Фақатгина чинакам М.м.у.га эришган одам инсон қадри, миллат қадриятлари, бир сўз б-н айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жам-тда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжам-тида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик б-н курашиши мумкин. Шу сабабга кўра,

маърифатли кишилардан ташкил топган жам-т равнақ топади, келажаги порлоқ бўлади. Мас., соҳибқирон Амир Темур замонида халқимиз маъ-ят-маърифат борасида жаҳонда донг таратгани бежиз эмас. Маъ-ят сермазмон т. бўлиб, маориф уни ёйиш, кишилар онги ва қалбига синдириш воситасидир. Маъ-ятни ҳаётга синдириш фақат маориф орқалигина эмас, маърифат ўчоқлари, турли ижодий уюшмалар, ташкилот, муассасалар, ОАВ ва б. тизимлар орқали амалга оширилади. Бу эса М.м.у.ни таъминлайди, халқ маъ-яти ва маърифатининг юксалишига имкон беради. М.м.у. йўлида ҳар ким ўз иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интилишига яраша маълум бир даражага эришади. Аммо, маън-й камолот жам-тда фақат тор доирада қолиб кетса, маън-й-маъ-й даража умумижт-й ижобий, илғор ҳаракатларга чорловчи ўзгаришларга олиб келмаса, ҳаёт уйғунлиги, мувозанати бузилади. Шу сабабга кўра маърифат тарқатиш йўли б-н сиёсат ва иқтисод соҳаларида умумижт-й ўзгаришлар содир бўлишига эришиш маъ-ят аҳлининг масъулияти, маъ-ят, маърифатни тарғиб-ташвиқ этиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Чунки чинакам маърифатли инсонларгина ўз юртини тараққий топтиришга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, дунёда ўзига муносиб ўрин эгаллашга қодир бўлади. Бу эса устоз ва мураббийлар, оналар, бутун жам-т зиммасига катта масъулият юклайди. Ёшларга таълим-тарбия берадиган, уларни маъ-ят-маърифатга чорлайдиган устозлар ҳурматини жойига қўйиш, уларга муносиб шароит яратиб бериш — энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Шу б-н бирга, бу соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас. Шўро замони асоратлари, ўша давр тарбияси ҳамон мияси, онгу шуурида сақланиб келаётган айрим амалдорлар фаолияти ижт-й, сиёсий, иқт-й соҳалардаги ислохотларга тўсиқ бўлмоқда. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: “**Маърифатдан йироқ амалдор ҳеч қачон халқ дилидаги ни англашга қодир бўлолмайди. Қолаверса, у бунга интилмайди ҳам. Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагига маъри-**

фатсиз раҳбарларни йиғиш б-н машғул бўлади. Чунки, унинг ягона мақсади ўз амалини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам у ғайратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қилади, уларнинг ютуғидан азобланади”. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний: “... Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фунундан ва мад-тдан маҳрум бўлган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, аъфоли замирида ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшата олмас... Зероки, жаҳолат ва кўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатли бир мусибатдир”, деган эди. Афсуски, собиқ Иттифоқ замонида халқимиз ана шундай гирдобга тушиб қолган эди. Мустахлак тузуми қолдирган оғир асоратларни бартараф этишнинг асосий шартларидан бири жам-тда М.м.у.га эришишдир. Чунки, М.м.у. – қуллик тафаккурининг кушандаси, у маън-й қарамлик, кўркув ва ҳадикни бартараф қилади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият ато этади. “Иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминогини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маън-й ислоҳотлар, қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ”. Юртбошимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ илгари сурилган бу фикр халқимизни маъ-й уйғоқликка чорлаш йўлидаги даъват сифатида янграган эди. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жам-тимиз озод ва эркин истиқбол сари юз тутди, маъ-ят ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Чунки, инсоннинг, халқнинг, жам-тнинг ва давлатнинг куч-қудрати фуқароларнинг маън-й-маъ-р-й даражаси б-н баҳоланади. Президентимиз ўзб. халқининг уч минг йиллик шонли, маън-й-маъ-р-й тарихи, маъ-ятнинг миллий-эт-

ник асослари, миллий қадриятлар, халқнинг салоҳиятига таянган ҳолда “Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман”, дея ишонч билдирган эди. Бу ишончни оқлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳар бир Ўз-н фуқаросининг зиммасидаги юксак масъулият ҳисобланади.

МАЪНАВИЯТ ВА СИЁСАТ — жам-т ҳаётининг икки таркибий қисми бўлган маъ-ят ва сиёсатнинг ўзаро мун-тлари, боғлиқлиги, узвий алоқадорлиги, бири-бирига нисбатан аҳамиятини ифодаловчи т. Сиёсатнинг маъ-ят б-н боғлиқлиги шунда намоён бўладики, юксак маъ-ят асосига қурилган сиёсат жам-т рив-ши ва унда барқарорлик таъминланишига олиб келади. Бирон-бир мам-тда фақат муайян гуруҳ ва кучлар ҳукмронлигини таъминлашга, халқ оммаси манфаатларига зид ва шу асосда тор доирадаги манфаатларни ҳимоя қилувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат — адолатсиз, маъ-ятдан холи бўлган бошқарув усули ва воситасидир. Бу сиёсатнинг жам-т ва мам-т миқёсидаги ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, моддий ва маън-й бойликларнинг талон-тарож қилинишига, зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, ўз мансабидан фаразли ниятда фойдаланиш, порахўрлик каби маън-й қашшоқлашув шакллари вужудга келишига сабаб бўлади. Юксак маън-й қадриятлар асосига қурилган сиёсат эса, энг аввало, инсон зотини улуғлаш, унинг моддий ва маън-й манфаатларини ҳимоя қилиш, мам-тда тинчлик, барқарорликни таъминлашга қаратилгандир. Илм, маърифат, мад-т, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билим эгаллашларига кенг йўл очиш ва улар ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган сиёсат юксак маън-й қадриятларга асосланган бошқарув ҳисобланади. Бундай сиёсатнинг маъ-ят б-н боғлиқ жиҳати шундаки, у мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳар қандай ғайриқонуний тўполон ва бебошликнинг олдини олишга, энг

мураккаб мунозарали муаммоларни ҳам музокаралар, томонларнинг консенсуси орқали ҳал қилишга ёрдам беради. Сиёсатдаги маън-й қашшоқлик жоҳиллик, адолатсизлик ва зўравонликда ўз ифодасини топади, юксак маъ-ят эса тар-ёт ва барқарорликка эришишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши. Ҳар қандай сиёсатнинг мазмун-моҳиятида жам-т, халқ ва инсоннинг мад-й, маън-й фаолияти, интилиши акс этсагина, у халқ томонидан қўллаб-қувватланади. Чунки унда умумхалқ эҳтиёж ва манфаатлари мужассамлашган бўлади. Давлатимизнинг бу борада амалга ошираётган оқилона сиёсати шундан далолат беради. Демак, қайси мам-тда маъ-ятни юксак даражага кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мам-тда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва мад-т ривожланади. Бу ўз навбатида, мам-т олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни маън-й маъ-й йўллар б-н ҳал этиш имконини яратади. Мустақиллик йилларида мам-тимизда инсонга энг олий қадрият сифатида қараб, ички ва ташқи сиёсатда унинг тинч ва фаровон яшаш ҳуқуқини таъминлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Сиёсатнинг маън-й ҳаётга реал таъсири маърифатни, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш борасидаги амалий ишларда намоён бўлади. Ўз навбатида, фуқароларнинг юксак маъ-ятга ва маърифатга эга бўлиши мам-тнинг ҳар томонлама рив-шига ижобий таъсир кўрсатади. Тарихнинг бу ҳақиқати, яъни маъ-ят ва сиёсатнинг уйғунлиги, ўзаро алоқаси ва боғлиқлиги инсон, миллат, жам-т ва давлат ривожига энг муҳим омиллардан бири экани жам-тимиз тар-ётининг бугунги босқичида ўз ифодасини топмоқда.

МАЪНАВИЯТ КАТЕГОРИЯЛАРИ – инсон камолоти ва жам-т тар-ётининг асосини ташкил этадиган маън-й мезонлар ва тамойилларни, шу соҳага хос нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнларни акс эттирадиган энг муҳим ва умумий т.лар тизими. Бу т.лар маъ-ятнинг маз-

мун-моҳиятини, унинг бошқа соҳалардан фарқини, ўзига хос хус-ятлари ва намоён бўлиш шакллари яққол ифодалайди. Улар шу соҳадаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида жиҳатларини эмас, балки умуман инсоннинг маън-й ва руҳий оламига. ғоя, ахлоқ, маърифат, мад-т, дин ва б.га хос умумий белгилар, алоқалар ва мун-тларни ҳам акс эттиради. М.к. маън-ий ҳаётни чуқур ва мукамал ифодалаши, унинг барча соҳаларида амал қилиши б-н бу борадаги оддий т.лардан фарқ қилади. Шу туфайли ушбу соҳага алоқадор ҳар бир аниқ т.нинг хус-яти ва белгиларини англашда М.к.га асос ва мезон сифатида мурожаат этилади. Категорияларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш ва уларни таснифлаш, ҳар бир фан, қолаверса, инсоният ҳаёти ва ижт-й тафаккур ривожини учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, категорияларни тарихда биринчи бўлиб, Аристотель таърифлаб берган ва бу ижт-й фикр тар-ётинида муҳим роль ўйнаган. Ўша даврдан бошлаб фал. ўз қонунлари, тамойиллари, категория ва т.ларига эга бўлган фанга айланган. Бу масалага кўплаб мутафаккирлар ва атоқли файласуфлар ҳам катта аҳамият берганлар. Мас-н, Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида инсонга хос хислат ва фазилатларни “Яхши хулқлар” ва “Ёмон хулқлар”га ажратган, уларни миллий педогогика н. назаридан тавсифлаган.

Аммо маъ-ятшунослик ҳозиргача алоҳида фанга айланмагани учун унга хос қонун ва категориялар, т. ва тамойиллар умумий тизимга келтирилмаган эди. Ҳоз. замон илм-фанида бу масала Президент Ислоҳ Каримов томонидан «Юксак маънавият – энгилмас куч» асари ёзилиши натижасида ҳал қилинди. Ушбу асар туфайли М.к.нинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хус-ятлари ва шакллари муайян тизим сифатида тавсифлаш учун наз-й методологик асослар яратилди. Мазкур китобдаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб айтганда, М.к.нинг ҳар бири узоқ тарихий жараёнлар натижасида шакланган ва инсоният ҳаёти ҳамда жам-т тар-

ёти учун муҳим аҳамият касб этган кенг маъноли т.лардир. Маъ-ят, гоя, мафкура, мад-т. маърифат, дин, ахлоқ, нафосат бу соҳадаги асосий категориялар тизимини ташкил қилади. Ш-дек, инсонга хос руҳият, унинг қалби ва онги, маън-й қиёфаси, ҳис-туйғулари ва кечинмалари мажмуи ҳам ана шу тизим доирасига киради. Ушбу категориялар инсоният тарихи ва жам-т тар-ёти жараёнида бирданига ва бир йўла шаклланиб қолмаган. Шубҳасиз, инсоният узоқ давом этган тарихий жараёнда маън-й ҳодиса ва нарсаларга хос хус-ятлар ва белгиларни чуқурроқ англаб, улардаги жузъий ва умумий томонларини муттасил ўрганиб борган. Ана шу асосда эзгулик, яхшилик, адолат, дўстлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, садоқат, вафо, эътиқод, иймон каби кўплаб т.лар шаклланган. Улар инсон камолоти, жам-тнинг маън-й ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бораверган. Шу маънода М.к. инсоннинг ҳаёт ҳодисалари ва улар б-н боғлиқ воқеликнинг моҳиятини, умрнинг мазмуни ва маъносини, ўзининг жам-тдаги ўрни ва қадр-қимматини муттасил англаб бориши натижасида шаклланган т.лардир.

Тарихий рив-ш жараёнида (объектив тарзда), жам-т ва кишиларнинг талаб-эҳтиёжлари натижасида (субъектив тарзда) М.к. шаклларида гоҳ бири, гоҳ бошқаси умумий тизимнинг марказига, ҳаётнинг олдинги поғонасига чиқади: юртда душманлар ҳукмронлик қилганида — озодлик, мустақиллик, диктатура даврида — эркинлик, Ватан мустақиллигига хавф туғилганида — ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш ва миллий уйғониш даврида — тарихий ва мад-й меросни ўрганишга интилиш, уруш шароитида тинчлик ва барқарорликка эҳтиёж кучайиб боради. Шу тариқа ижт-й жараёнлар ривожда М.к. маълум бир шаклининг долзарблиги, бошқасининг зарурлигини бир қадар хиралаштиргандай, уларнинг айримлари юксак маъ-ятга яқинлашгандай, бошқалари эса ундан узоқлашгандай бўлиб туюлади.

М.к.нинг намоён бўлиш шакллари орасида ўз аҳамиятини, ижобийлик ҳамда фойдалилик хус-ятларини доимо сақлаб

қоладиганлари ҳам бор: инсон вужудининг тириклиги, унинг умри ва ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, соғлом насл ва авлодлар ворислиги, ижт-й фаолияти ва мун-тлари, меҳнати, билими, муомаласи ва б. Булар инсон ва жам-т бор экан ўзининг ижт-й аҳамиятини сақлаб қолаверади, уларнинг қарама-қаршиси бўлган ўлим, касаллик, маъносиз ҳаёт кечириш, билимсизлик ва б. ҳам тарихий жараёнларнинг доимий ҳамроҳидир. Тар-ётга интилиш бор экан — таназзул ва б. иллатлар инсониятни доимо таъқиб қилади. Юқоридаги ижобий категорияларнинг аҳамияти ҳам уларга тескари бўлган жиҳатларга нисбатан солиштириб аниқланади. М.к.нинг энг олий шакллари идеал-категориялар сифатида қаралади. Жам-т тарихининг ҳамма даврларида одамлар эзгу идеалларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайди. Кундалик ҳаётда ва илмий адабиётларда энг олий идеал-категорияларга нисбатан бир қатор ибора ва т.лар кенг қўлланади: маън-й ва ахлоқий покликнинг умумий белгиси — яхшилик; нафосат белгиси — гўзаллик; билимларимиз ва фан ютуқларининг амалиётга мослиги — ҳақиқат, инсон ҳуқуқларининг олий ифодалари — эркинлик ва тенглик; сиёсатнинг тўғрилиги — адолат, одамлар ўртасидаги ижобий мун-тлар — дўстлик; энг хокисор ва беғараз туйғулар асосидаги қалбларнинг боғланганлиги — муҳаббат, орзу-умидларга эришганлик — бахт-саодат, ўз юртини севмоқ ва ардоқлаш — ватанпарварлик ва ҳ.к. Ушбу идеал-категориялар ва уларга нисбатан тескари маънони англадиган ёмонлик, жаҳолат, ёлғон, эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик, душманлик, нафрат, хиёнат ва б. ҳаётда муайян тарзда намоён бўлади.

М.к. тизимини тавсифлашда ахлоқ, мад-т, гоя, мафкура, маърифат ва дин б-н боғлиқ бошқа кўплаб хусусий т.ларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Улар М.к. тизимининг таркибий қисми бўлиб, М.к. ушбу т.лар учун умумий мезон ва зифасини бажаради. М.к. бир томондан, инсон тафаккури муҳсули, иккинчи томондан, маън-й воқеа ва ҳодисаларнинг

инсон миясида акс этиш натижаси, учинчидан эса инсон онгини воқеликка яқинлашиши ва дунёни билиш воситасидир. М.к. маън-й ҳаёт ҳодисаларини англашда наз-й ва методологик аҳамият касб этади. Бунда М.к.лар биринчидан, инсоннинг жам-тдаги ҳодисалар моҳияти ва мазмунини, уларга хос қонуниятларни англаш жараёнида эришган билимларининг натижаси, иккинчидан, ҳаётни яна ҳам чуқурроқ билиш ва унинг сирлари ҳамда қонуниятларини очишда қўлланиладиган муҳим илмий воситалар ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиб ёки мутлақлаштириб юбориш нотўғри. Чунки, маъ-ятнинг ўзи бир бутун, яхлит ва кўп қиррали ижт-й ҳодиса бўлганидек, М.к. ҳам ўзаро алоқадорликда намоён бўлади. Илм-фаннинг вазифаси уларни бир-биридан фарқлай олиш ҳамда умумий алоқадорлик ва бир бутунликда тадқиқ этиб, маън-ятнинг хус-ят ва белгиларини очиш, амалиётда унинг имкониятларидан ижодий фойдаланишга кўмаклашишдан иборатдир. Илмий-наз-й ва методологик н. назардан олганда, М.к. объектив мазмунга эга бўлиб, маън-ий ҳодисалар ва жараёнлар туфайли рўёбга чиқади, намоён бўлади, ҳаётнинг ўзига хос хус-ятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи воқелик сифатида инсон тафаккурида акс этади. Уларнинг ҳар бири маъ-ят йўналишидаги барча фанлар учун илмий-методологик аҳамиятга эга бўлган умумий категориялар ҳисобланади.

Хуллас, М.к. моддий оламдан, унинг т.ларидан тубдан фарқ қилади. Кўп ҳолларда уларнинг баҳоси ва қийматини аниқ рақамларда ифодалаш қийин, уларга хос хус-ят ва қадрли жиҳатларни муайян фоизлар ва кўрсаткичлар б-н ўлчаб бўлмайди. Бу борада ушбу т.ларнинг қадри, инсон ва жам-тга таъсири муҳим аҳамият касб этади. Аслини олганда М.к.нинг аниқ формуласи, конкрет тимсолини топиш қийин, уларнинг мазмун-моҳияти, қадри ва аҳамиятини кўпроқ қиёслаш ва таққослаш орқали билиб олиш мумкин. Шу маънода М.к. инсон ҳаётининг ажралмас қисми, жам-тда амалга ошаётган ўзгаришлар ва жараёнларнинг ҳақиқий мезони,

башарият доимо интилиб яшайдиган мақсад ва идеаллар мажмуи, ҳамма замонлар учун уларнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган энг муҳим умуминсоний қадриятларнинг ифодаси бўлиб қолаверадди.

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ –

маъ-ят соҳасидаги янгиликлар ва ахборотларни тарқатувчи, кишиларни эзгуликка даъват этувчи, маън-й ҳаётнинг барча соҳаларидаги илғор жараён ва воқеаларни мунтазам равишда таҳлил этиб, бу борадаги долзарб муаммолар ечимини топиш бўйича хабар, маълумот, таклифларни оммага тарқатувчи шахсни ифодалайдиган т.. М.т. кенг маънода, ижт-й фаолиятнинг алоҳида тури, яъни маъ-ят б-н шуғулланади ва ижт-й-сиёсий, ғоявий, ахлоқий қадриятларни тарғиб қилади. Тор маънода эса у фаолияти маъ-ят, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган шахсни англатади. М.т. илмийлик, конкретлик, объективлик, ижт-й ҳаёт б-н чамбарчас боғлиқлик тамойилларга асосланиши, илмий, наз-й, амалий-ташқилий жиҳатдан етук киши бўлиши лозим. У шахс, жам-т ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар манфаатларини ифода этиб, адолатли жам-т қуриш ҳақидаги бунёдкор ғояларни омма орасида ёйиш, кишиларга маън-й, ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатиш субъектидир. М.т. ўзи англаган, ўрганган, юрагидан ўтказган, тўғрилигига ишонган маълумотларнинг серқирралиги, янгилиги б-н аҳолини маън-й, сиёсий, иқт-й, ижт-й жараёнларда фаолликка чорлайди. Учинчи минг йиллик ибтидосида дунё миқёсидаги глобаллашув жараёни тезлашгани, маън-й-мафкуравий курашнинг авж олиши, тажовуз ва таҳдидларнинг янги шакллари пайдо бўлиши тарғиботни ўзига хос маън-й-сиёсий таъсир қуролига айлантирмоқда. Ҳоз. даврда мустақил Ўз-нда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жам-ти барпо этишдек улғувор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, энг аввало, таълим-тарбия, маъ-ят-маърифат, тарғибот-ташвиқот масаласига бориб тақалади. Истиклол йилларида ушбу

Ўта муҳим масалага кенг жамоатчилик диққат-эътибори жалб қилинмоқда. Матбуот, ТВ, радио, халқ таълими. олий ва касб-хунар таълим тизимлари орқали одамларда маърифатпарварлик гоъларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик каби эзгу хус-ятлар кучайтирилмоқда. Ш.у. ҳам маън-й-маър-й ишларни амалга ошириш чоғида барча бир ёқадан бош чиқариб, кўпроқ эришилган ютуқларни фақатгина мақташ, уларга маҳлиё бўлиш ва шу маррада, шу босқичда депсиниб туриш эмас, балки юрт тар-ётига гоъ бўлаётган, унга зарар етказётган муаммоларни очиб ташлаш ва уларни бартараф этишга М.т.нинг бутун кучгайрати, билими, иқтидори, истеъдоди. қобилиятини жалб этиш даркор. М.т.ларини тарбиячи-устоз деб ҳисоблаш мумкин. Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маъ-ят зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб тайёрлаш учун, энг аввало, тарғиботчининг ўзи ана шу юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Шарқ маъ-яти тарғибот-ташвиқотида азалдан илм-фанга, соғлом фикр, мантиққа таяниб келинган. Халқни рўшноликка чиқаришнинг асосий йўли — уни саводли қилиш, ортиқча сарф-харажатлар талаб қиладиган маросимларга қарши курашда деган қарашлар устувор бўлган. Ҳоз. даврда ҳам ҳар бир маърифатли, виждонли инсон ақидапарастлик балосига қарши курашиши, халқнинг кўзини очиб, уларга бор ҳақиқатни ташунтириб бериши, одамлар руҳини, онгу тафаккурини, умуман, маъ-ятини ҳимоя қилиши зарур. Элга маън-й т.ларни тарғиб қиладиган, аҳолига тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифатни тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган муътабар жой — мактаблар ва уларда ишлайдиганлар ҳам маъ-ят тарғиботчиларидир. Юксак маъ-ят ёшлар онги ва қалбига сингиши, давлат ва жам-т мақсад-муддаоларини жамоатчилик қўллаб-қувватлашига эришмоқ учун тарғибот-ташвиқот узлуксиз бўлмоғи лозим. Шу

маънода, М.т. янгилекларни англашга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидойи бўлиши лозим. Бундай хус-ятлар эса, тарихдан, аждодлар тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади. Маҳалла — ўзб. жам-тида алоҳида маън-й тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос демократия мактабидир. Бу ноёб тажриба — аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мам-тларида кам учрайди. Ш.у. ҳам инсонни жам-т б-н бирга яшашга ўргатадиган, унинг маъ-ятини тарбиялайдиган бирламчи макон — бу маҳалладир. Миллий урф-о.лар, маросимлар тарғиботи чоғида ҳам, бутун инсоният манфаатлари н.назарини, шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятлар мажмуини яхлит уйғунлигини ёдда тутмоқ лозим. Маъ-ят ҳар бир инсон, жумладан, тарғиботчининг ҳар бир хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топади. Унинг яшаш тарзи, қилган ишлари, яратган асарлари, меҳнатининг натижалари, атроф воқеликка мун-ти — барча-барчаси маъ-ятнинг кўзгусидир. Олимнинг кашфиёти, мусаввирнинг картинаси, ёзувчининг романи, шоирнинг шеъри, ўқитувчининг, воизнинг маърузаси, бастакорнинг мусиқаси маън-й дунё даракчиларидир, ўзига хос маън-й тарғиботдир. Эзгулик даракчиси, яхшилик тарғиботчиси, энг аввало, ёвузликнинг моҳияти, унинг оқибатларини аудиторияга аниқ-равшан, содда ҳолда изоҳлаб, ундан қайтмоқликка даъват этмоғи даркор. Ўзб. давлатчилиги илк даври маъ-яти, мафкурасини ўзида ифода этган “Авесто” замонидан бошлаб эл-юрт ғамини еган минглаб аждодларимиз, гарчи махсус маош олмасалар-да, миллат, жам-т тар-ётини кўзлаган ҳолда ёвузликка қарши курашиб келгани бежиз эмас. Бугунги кунда ҳам жаҳолатга қарши маърифат қуролини ишга солиш М.т. зиммасига катта масъулият юклайди. Оилада ва мактабда таълим-тарбияни тегишли даражада ташкил этишга, маън-й тарбия, тарғиботнинг самарали бўлишини таъминлашга, ота-она, белгиланган ўқитувчилар, амалда, бутун

жам-т масъул. Маъ-ят ва маърифатни тарғиб-ташвиқ этиш эса ҳар бир ўзини зиёли деб билган, жам-т азъоси деб ҳисоблаган шахсларнинг виждон иши ҳисобланади. Маъ-ят тарғиботида кўп китоб ўқийдиган, маълумотли зиёлиларга мўлжалланган бироз мураккаброқ ахборотлар б-н тадбиркорлар кайфиятига таъсир этиб бўлмайди. Ш-дек, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда талабаларга ҳам, фермерларга ҳам бир хил мун-тда бўлиш, бир хил усуллардан фойдаланиш кутилган самарани бермайди. Чунки, турли ижт-й гуруҳ вакилларининг дунёқараши, манфаатлари, ва қадриятлари бир-биридан фарқ қилади. М.т. томонидан ҳар бир гуруҳ, табақа, тоифа хус-ятларини ҳисобга олиш кўпроқ самара бериши мумкин. М.т.ларининг ўзлари ҳам эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри б-н йўл топадиган ҳалол инсонлар, яъни бунга маън-й ҳуқуқи бор киши бўлиши лозим. Демак, М.т. “Авесто”даги “эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилига мос шахс бўлмоғи зарур. Маъ-ят тарғиботида ҳиссиётларга кучли таъсир қилиш, жозибалилик, ноанъанавий усулларни қўллаш, ошкоралик, миллий қадриятлар доирасидан чиқмаслик, оммабол ва тушунарли ифодалаш кўпроқ самара беради. Бугунги ғоят мураккаб, таҳликали дунёда ёшлар маъ-ятини янада юксалтириш, уларни миллий анъана ва қадриятларга ёт бўлган бузғунчи ғоялар, зарарли оқимлар таъсиридан асраш вазифаси М.т. бу соҳада фаолият юритадиган турли ташкилот ва муассаса зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу вазифани амалга ошириш мақсадида ташкилотлар, ижодий уюшмалар, таълим-тарбия муассасалари ва б. жамоат бирлашмаларининг ўзаро уйғун ҳолда фаолият юритишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Жум-н, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўз-н хотин-қизлари қўмитаси, республика “Маҳалла” хайрия жамғарма-

си, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Ўз-н ёшларининг “Камолот” ижт-й ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган “Энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танлови ҳам шу мақсадга йўналтирилган. Бу каби тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида М.т.лари орасидан энг моҳир ва тажрибали М.т.ларини аниқлаш, бу ишни мам-т миқёсида янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилади.

МАЪНАВИЯТ ҚОНУНЛАРИ — маън-й соҳага хос нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнлар ўртасидаги доимий ва такрорланиб турувчи узвий алоқадорликни, инсоннинг жам-тдаги ўрни ва аҳамиятини, ҳаётнинг маъно-мазмунини белгилаб берувчи йўл-йўриқлар, қонун ва қоидалар мажмуини англатувчи т. Президент Ислон Каримов томонидан “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида ҳар томонлама асослаб берилган мазкур қонунлар хилма-хил тарзда, турли шаклларда намоён бўлса-да, жам-тдаги талаблар, яшашнинг қонун-қоидалари, инсон умрининг мазмуни ва ҳаёт мезони сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверади. Бу борада маън-й ва моддий ҳаёт уйғунлиги, маъ-ятнинг инсон ва жам-т б-н узвий алоқадорлиги, маън-й ҳаётнинг ижт-й тар-ётга боғлиқлиги қонунлари муҳим аҳамиятга эга.

Маън-й ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонунининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хус-ятларига “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида алоҳида эътибор берилган. Китобда моддий ва маън-й оламнинг уйғунлиги бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсланиб, жам-тдаги ҳар қандай тараққиёт, ўсиш ва ўзгаришларнинг заминида ана шу икки омилнинг узвий алоқадорлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги мисол ва далиллар асосида кўрсатиб берилган. Маълумки, инсон ва жам-т ҳаётида моддий ва маън-й асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устиворлиги тўғрисида хил-

ма-хил қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Ҳозиргача баъзилар руҳий оламни, маъ-ятни бирламчи деб билсалар, бошқалар эса моддийликни асосий ўринга қўядилар ва шу асосда материализм ва идеализм каби оқимлар ҳам шаклланган. Аслида моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламга қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билиш, бошқасини эътиборга олмаслик масалага бир ёқлама қарашнинг яққол ифодасидир. Бундай бир ёқлама ёндашув ҳаёт талабига жавоб бермайди, албатта. Маън-й ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонуни эса бундан фарқ қилади, у биз яшаётган ҳаётни ягона ва яхлит воқелик сифатида тушуниш имконини яратади.

Маъ-ятнинг инсон ва жам-т б-н узвий алоқадорлиги қонуни ҳам юқорида қайд қилинган асарда асослаб берилган. Ушбу қонун муайян миллат, жам-т ва давлат ҳар бир тар-ёт босқичида шу даврга хос иқт-й, ижт-й, сиёсий рив-ш тамойилларига эга бўлгани сингари, ўзига мос келадиган маън-й, маър-й ва ахлоқий тартиблар ҳамда тамойиллар тизимига эга бўлишининг тарихий зарурат эканини ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам, инсон ва жам-т ҳаётини маъ-ятсиз тасаввур этиб бўлмагани каби, маъ-ятни ҳам инсон ва жам-тдан ажратиб бўлмайди. Жам-тдаги ўзгаришлар муқаррар равишда маъ-ятга, маъ-ятдаги ўзгаришлар эса жам-тга ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз. Инсоният тарихи ва тар-ётига мазкур қонун н. назаридан қараш ҳар бир даврнинг тузилишига муайян маън-й қадриятлар тизими мос келишини ва бу тизим ижт-й воқеа-ҳодисалар б-н боғлиқ тарзда намоён бўлишини кўрсатади. Ҳаявий, ахлоқий, мад-й, маър-й ва б. соҳаларга алоқадор т. ва тамойиллар ҳам ушбу тизимда ўзига хос ўринни эгаллайди, улар орасидаги фарқ, тафовут ва мун-тлар эса тизимдаги умумий ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Маън-й ҳаётнинг ижт-й тар-ётга боғлиқлиги қонуни ҳодисанинг ўтмишдан келажакка томон рив-ш жараёнидаги тарихийлик ва замонавийлик, инкор, ворислик ва янгилашнининг узлуксизлиги ва

давомийлиги б-н боғлиқ тамойилларининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Мазкур қонуният Президент Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” аса-рида қўйидагича асослаб берилган: “...маънавият қотиб қолган ақидалар йи-гиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракат-даги узлуксиз жараён бўлиб, тар-ёт да-вом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маън-й ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўла-веради”. Ушбу қонуниятга кўра, тар-ёт жараёнида бир рив-ш босқичидан бош-қасига ўтилганида иқт-й, сиёсий ва мад-й соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари, маъ-ят соҳасида ҳам янгилашни рўй беради. Бунда барча маън-й мезонлар бутунлай йўқо-либ кетмайди, балки янги даврнинг ижт-й тузилишига ва замон талабларига мос кел-ладиган, эскидан фарқ қиладиган янги маъ-ят тизими шаклланиши заруратга айланади. Бундай ҳолатларнинг узлуксиз такрорланиши эса маъ-ятнинг ижт-й во-қелик ва тар-ёт б-н боғлиқлигини ифо-далайдиган қўйидаги муҳим хулосага кел-лиш имконини беради: муайян ижт-й воқеликка (яъни, инсоният тар-ётининг бирон бир даврига, жам-тнинг рив-ш бос-қичига ёки давлат шаклига) муайян маън-й т. ва тамойиллар тизими мос кел-ганидек, ўзгарган ижт-й воқеликка ҳам ўзгача маъ-ят тизими мос келади. Ижт-й воқелик ёки маън-й ҳаётдаги ўзгариш-лар бир-бирдан қисман илгарилаб кет-тиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин, ammo бу мазкур қониданинг бутунлай бу-зилиши, дегани эмас. Ана шу қонид маън-й ҳаётнинг ижт-й тар-ёт б-н боғ-лиқлик қонунининг асосий мазмун-мо-ҳиятини ифодалайди.

Ш-дек, маън-й ҳаётнинг ғоя, маф-кура, ахлоқ, мад-т, маърифат ва б. б-н боғлиқ хусусий соҳаларга доир бир қатор қонун ва тамойиллари ҳам бор. Улар юқорида кўрсатилган қонунлар б-н бир-га маъ-ятга хос қонун-қонидалар тизими-ни ташкил қилади ҳамда шу соҳадаги нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнлар орқали намоён бўлади. Мазкур тизимни ҳоз. замондаги ўзгаришлар б-н боғлаб ўрганиш нафақат наз-й, балки амалий

жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу айниқса ҳоз. даврда жаҳонда ва Ўз-нда рӯй бераётган ўзгаришларнинг маъ-ят соҳасидаги хус-ятларини билиб олиш, қўлга киритилган илмий далилларни тажрибада қўллаш, мазкур йўналишдаги вазифаларни аниқлаш, зарур чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН МЕЗОНЛАР — инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши, тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган. жам-т, миллатга хос маън-й, мад-й ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашларни умумлаштирувчи т. Ушбу т.нинг мазмун-моҳияти Президентимиз И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида чуқур ва ҳар томонлама асослаб берилган. Мазкур асарга таянган ҳолда М.ш.м.ни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ миллат, халқ, давлатчилик, мад-т, меъморий ёдгорликлар ва б. ш. к.ни қамраб олувчи тарихни, минг йиллар давомида ривожланиб келаётган қишлоқ ва сув хўжалиги б-н боғлиқ аграр мад-й анъаналарни, географик шарт-шароитга алоқадор тарихий мун-тни ва б.ни ифодаловчи моддий мерос; иккинчи гуруҳ халққимизга хос бир неча минг йиллик диний эътиқод, таълим-тарбия, ш-дек, барча илм-фан соҳалари ва улар ривожига муҳим ўрин тутган мутафаккирлар ва уларнинг асарлари, халқ ижодини қамраб олувчи мад-й мерос; учинчи гуруҳ халққимизга хос анъаналар, урф-о.лар, маросимлар, байрамлар, турмуш тарзи б-н боғлиқ бошқа мад-й омилар; тўртинчи гуруҳ халқ қадриятлари, тафаккур тарзи, мафкураси, халққа хос маън-й хус-ятлар, ғоялар, руҳият ва ўзаро ижт-й мунтлар; бешинчи гуруҳ ҳоз. жам-тимизда бевосита амалий фаолият юритаётган, инсон тарбиясида катта таъсирга эга, умуман, маън-й дунёқараш шаклланишида бош роль ўйнайдиган таълим-тарбия масканлари, ОАВ, кутубхона, театр, санъат

саройлари ва ш.к. бошқа маън-й таълим воситаларини ўз ичига олади. Маъ-ятни юксалтириш масаласи ҳар бир давр ва жам-тга хос бўлиб, бунда давлат ва жам-т олдида маъ-ятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш мақсади ҳам ётади. Ҳар қайси халқ ёки миллатни унинг тарихи, ўзига хос урф-о. ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайд. Бу борада, табиийки, маън-й мерос, мад-й бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омилар сифатида хизмат қилади. Мас., шу заминдан етишиб чиққан буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар, умумбашарий цивилизация ва мад-тнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини б-н боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари катта. Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва хунармандчилик мад-ти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради ва мам-тимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маън-й обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк мад-т мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради ва табиийки, инсоннинг маън-й дунёсини шакллантиришда қандай кучли таъсирга эга бўлганига эътиборимизни жалб қилади. Миллий маъ-ятимизда халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутиб, у миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, уни авлодлардан авлодларга ўтказиб, тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқариб, ўзлигини доимо сақлаб келаётган эл-юртимизнинг

да таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор қаратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустақкамлашга эътиборни кучайтириш кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланган эди. Ҳоз. кунда истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрларида таҳсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирда икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрлар мисолида маъ-ятнинг юксалишини кузатиш мумкин ва табиийки, бундай шароитда М.ш.м. ҳам даврга мувофиқлашиб боради. “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида М.ш.м.нинг юқорида зикр этилган мезонларидан ташқари, маъ-ятнинг тарихийлиги ва замонавийлиги, моддий ва мад-й мерос, миллий маън-й обидалар, мам-тимиздан етишиб чиққан донишмандлару мутафаккирлар, халқ қаҳрамонлари, илмий-ижодий кашфиётлар, давлат ва жам-т арбоблари, маън-й тарбиянинг тарихий ва замонавий ўчоқлари, уларнинг маъ-ятга таъсири б-н боғлиқ теран фикр-мулоҳазалари илгари сурилади. (Қаранг: “Юксак маънавият – энгилмас куч”, 31–55-бетлар).

МАЪНАВИЯТНИНГ АНЪАНАВИЙЛИГИ ВА ТАДРИЖИЙЛИГИ – ажодларнинг а.лар мобайнида тўплаган маън-й қадриятларини ворисийлик асосида авлодларга узатиш, маън-й меросда тарихий мезонлар ва ижт-й ҳаёт талабларига мувофиқ тадрижий равишда мунтазам бойиб ёки янгиланиб борадиган жараёнларнинг намоён бўлишини ифодаловчи т. Президент И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: “**Маънавият – узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек,**

уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгиланишда бўлади”. М.а.т. маън-й тафаккурнинг босқичма-босқич, даражама-даража ўсиши, анъанавийлик, яъни ворисийлик касб этиши сифатида вужудга келади. Халқнинг тарихий хотираси, маъ-ятга ҳурмат б-н қараш, аввало, маъ-ятга айланган анъана ва маросимларда ўз ифодасини топади. Одамлар турмуш тарзи, моддий ва маън-й ҳаёти рив-ш жараёнида муайян ижт-й тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урфо., маросим ва б. анъана сифатида ўзини намоён этади. М.а.т.ни: а) ижт-й-тарихий ҳодиса; б) жам-т ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми; в) кишиларнинг моддий, маън-й ҳаёти ва фаолиятини белгилаш мезони; г) жам-т ва одамларни бошқаришнинг омилларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин. Шу маънода М.а.т. ёшларни тарбиялаш, уларга кекса авлод ҳаётий тажрибаларини ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз маъ-ят тизими бўлиб, у вақт ўтиши б-н ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзи шакллари трансформацияга учрайди, айримлари йўқолади, янгилари шаклланади. Бу жараёнлар бирданига эмас, аста-секин, тадрижий равишда юз беради. Ш-дек, бир замоннинг маъ-яти иккинчисига мос келмаслиги ҳам мумкин. Улуғ ажодларимизнинг зардуштийлик ёки буддавийлик негизида шаклланган маъ-ятдан ислом негизида шаклланган маъ-яти муайян даражада фарқ қилади. Халқимизнинг бугунги кундаги маъ-яти эса шўро тузуми давридаги маъ-ятдан ажралиб туради. Истиқлол туфайли маън-й меросни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш, маън-й қадриятларга янги мазмун бағишлаб, қайта тиклашдан кўзланган мақсад ўтмишга сиғиниш эмас, балки маъ-ятнинг миллий-этник асосларига суяниб, ундан фойдаланиб олға силжиш, тар-ётнинг янги босқичига чиқишдир. Бугун халқимиз мад-й меросига умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзлаштириш, маъ-ятни юксалтиришга фойдаси тегувчи маън-й бойлик сифатида, халқнинг а.ий маън-й тажрибаси, анъаналарини билиш, тадрижий давом эттириш, ривожлантириш

н. назаридан ёндашилмоқда. М.а.т.га илмий ёндашувнинг мезонлари — ўтмиш қадриятларига ҳурмат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқчилик, тараққийпарварликдан иборат бўлиб, улар умуминсоний характерга эга. Одатда, давр талабига жавоб бера олмай қолган удум, расм-русум ва анъаналар унутилиб, ўтмишга айланади. М.а.т инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади. Бу борада маън-й ҳодисаларни асосан икки турга бўлиш мумкин: а) анъанага айланган хайрли (бунёдкор) маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Бундай маън-ят шакллари ижт-й тар-ёт, миллий равнақ ва инсон камолоти учун муҳим аҳамиятга моликдир; б) ўтмишдан мерос қолган зарарли маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Булар ҳар доим инсон онги ва руҳини қашшоқлаштириб, унинг маън-й такомиллашувига, ижт-й тар-ёт ва инсон камолотига тўсқинлик қилади. Тарихий жараёнлар, ижт-й тар-ётнинг олға боришига, соғлом авлод равнақига хизмат қиладиган ҳамда муайян халқ оммасининг туб манфаатларига мувофиқ келадиган маросимлар, урф-о., турмуш ва тафаккур тарзи хайрли, эзгу анъанавийлик воситасида ривожланади ва қадриятга айланади. Шу тариқа маън-й тар-ёт тадрижийлик қонунига мувофиқ содир бўлади. Ҳеч бир давр маън-й мероси бутунча, тақлид тарзида бошқа даврга кўчмайди. Уни ҳар бир авлод ўз ҳаёти тажрибаси б-н бойитади ёки янгилайди. Аммо, халқ руҳи, маъ-яти, турмуш тарзида шундай маън-й асослар борки, уларни турли ижт-й тўнтарилар ҳам йўқ қилолмайди. Мас., ўзб. халқда оилага садоқат, кексаларни иззат-ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, андишалилик, бағрикенглик фазилатлари шулар жумласидандир. Қадимдан юртимизда зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маъ-ят марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда ибодатхона, масжид, черков, синагогалар ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этганлар, турли

байрамларни биргаликда нишонлаганлар. Ўз-н тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда можаролар бўлмаган. Бу — халқимизнинг бағрикенглик борасида қатта тажрибага эга бўлганидан далолат беради. Бу улкан маън-й анъана тадрижий равишда ривожланиб, истиқлол даврида ҳам тар-ёт ва барқарорликка хизмат қилмоқда. Демак, маън-й меросда минг йиллар қаърига бориб тақаладиган миллий-этник асос, тарихий-маън-й ўзак ва ижт-й ҳаёт талабларига мувофиқ тадрижий равишда доим бойиб ёки янгиланиб борадиган устки қатламлар мавжуд. Худди ш-дек, мад-й меросда ўз даври учун фойдали, қолган давр талабларига тўғри келмайдиган жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Аслида тарихийлик б-н замонавийлик, эскилик б-н янгиллик, инкор б-н ворислик ўртасидаги очиқ ёки яширин жараёнлар ижт-й тар-ётнинг асосини ташкил этади. Зиддиятни инкор этиш, тар-ётни ҳам инкор этишдир. Бу зиддиятни батамом бартараф этиш мумкин эмас, аммо уни тадрижий равишда маън-й тар-ётга йўналтириш мумкин. Собиқ Иттифоқ даврида маън-й меросга нисбатан бир томонлама ёндашилди, унга синфий ва партиявий н. назардан баҳо бериб, маън-й мероснинг минглаб дурдоналари ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб-ташвиқ қилиш тақиқланди, юзлаб маъ-ят дарғалари миллатчилик, миллий биқиқликда, диндорликда айбланиб, қатағон қилинди. И.А. Каримов фикрича, **“Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди”**. Эндиликда халқимиз маъ-ятининг асл илдизлари, миллий-этник асосларига ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда тадрижий тар-ёт жараёни давом этмоқда. М.а.т. ўзини шахс, ижт-й гуруҳ, элат, миллатнинг кундалик ҳаёти, яъни турмуш тарзида ҳам ифода этади. Турмуш тарзининг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари кишиларнинг моддий ва маън-й ҳаёти, меҳнати, соғлиги, хулқ-атвори б-н белгиланади. Муайян элат ва миллатнинг моддий

ва маън-й ҳаёти уларнинг яшаш жойлари б-н боғлиқ ҳолда шаклланади ва даврлар мобайнида янгилашиб, тадрижий равишда ўзгариб боради. Халқимиз қадим-қадимдан ўз ҳаёти ва фаолиятида катталарга ҳурмат, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, софдиллик сингари фазилатлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Бундай фазилатлар миллий урф-о. ва анъаналарда, кундалик ҳаёт тарзи, миллатлараро, динлараро мун-тларда, умуман олганда маъ-ятда акс этади. Халқимиз ҳаётида одоб-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-р.лар, одатлар ва анъаналарнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Ўзб. халқи азалдан жамоа бўлиб яшаб, маҳалла, қўшничилик удумига қатъий риоя қилиб келмоқда. Оилада туғилган ҳар бир чақалоққа эзгу ният б-н исм қўйилган, саводини чиқариш, маъ-ятини ўстириш учун устоз-муаллим қўлига топширилган. Фарзандларини юксак маъ-ятли, ҳунарли ва уй-жойли қилиш ота-оналар фаолиятининг энг муҳим вазифасига айланган. Одамлар, хус-н, ёшлар юриш-туриши, улар амал қиладиган тамойиллар ҳамиша жамоа диққат-эътибори, назарида бўлган. Азалдан келаётган мана шу тамойиллар М.а.т.нинг асосий мезонлари сифатида бугунги кунда ҳам жам-тимизнинг маън-й юксалиши, юртимизда истиқомат қиляётган барча миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаши ва меҳнат қилиши, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

МАЪНАВИЯТНИНГ ИНДИВИДУАЛ ШАКЛЛАРИ — ҳар бир инсоннинг қадри, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги, бурчи, масъулияти, ижт-й, иқт-й ва сиёсий жараёнлардаги ўрнини, унинг жам-т, атроф-муҳит ва б. кишиларга таъсири, ҳаётдаги мавқеи, ахлоқий қиёфаси, қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари б-н боғлиқ маъ-ят шаклларининг шахсий (алоҳида, якка) даражада намоён бўлиш хусусиятларини ифодалайдиган т. Муайян кишининг М.и.ш қатор кўринишларда ва хилма-хил тарзда намоён бўлади. Бу аввало, унинг табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга нисбатан мун-ти, ушбу жа-

раёнлардаги ўрни ва фаолиятида, турли ирқ, миллат, ижт-й қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва маъ-ятга интиладиган кишиларга мун-тида яққол намоён бўлади. М.и.ш. ҳар бир шахснинг ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жам-тдаги ўрнига нисбатан мун-тида, жам-тда моддий ва маън-й бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссасида ҳам кўзга ташланади. Шу б-н бирга шахснинг сиёсий ўзгаришлар, жам-тни демократиялаштиришда қатнашиши, қандай эзгу мақсадларни кўзлаётганлиги б-н боғлиқ фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳоз. даврдаги юксак технологиялар, ишлаб чиқариш ва бошқариш воситаларининг замонавий талабларга ҳозиржавоблиги, бу борадаги шахс малакаси, қобилияти ва кўникмаларини такомиллаштиришга интилиши ҳам М.и.ш.нинг асосий кўрсаткичларидир. Инсонга хос табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик, иқт-й талаб ва эҳтиёжларни ахлоқий камолоти ва амалий фаолияти б-н уйғунлаштира олиши, нафосати, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётгани ҳам М.и.ш.нинг даражасини белгилайди. М.и.ш. тизимида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) ҳар бир инсоннинг табиий-тарихий қадриятлари; б) ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги; в) меҳнати ва иқт-й мад-ти; г) индивидуал камолоти ва ижт-й мавқеи; д) қобилияти ва истеъдоди; е) дини, эътиқоди, ҳис-туйғулари. Инсон маъ-ятининг табиий-тарихий жиҳати унинг биологик жонзот, тиррик вужуд сифатидаги яшаши, сиҳат-саломатлиги, ҳаёт кечириш даврлари, болалик, ўсмирлик, етуклик, қарилик онлари б-н боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бундай табиийлик ҳар бир тиррик вужуд каби одам зотининг ҳар қандай авлоди, қавми, миллат ва элатига тегишлидир. Инсоннинг ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги б-н боғлиқ маъ-ят шакллари ўзаро уйғунликда намоён бўлади, улар умуминсонийликнинг шахс қиёфаси б-н боғлиқ индивидуал даражасини ифодалайди. Ахлоқий қиёфа, нафосат ва гўзал-

лик б-н боғлиқ шахсий маъ-ятнинг ҳар бир шакли, кишиларнинг жам-тдаги бирор типини ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиши мумкин. Бу шакллар эса ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади: шахс умри ва ҳаётининг маъноси, яъни яшашдан мақсад, хотира, мерос, ворислик, орзу-умид, бахт-саодат ва б.; шахснинг атроф-муҳит, ватан, давр, оила ва турмуши, севги-муҳаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзаллиги ва б. б-н боғлиқ маъ-ят шакллари; шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эътиқод, ахборот олиш, мулкка эгаллик қилиш, яшаш, дахлсизлиги б-н боғлиқ маъ-ят; шахсий масъулият, яъни ижт-й заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб-интизоми, ор-номуси, бурчи, виждони, қадр-қиммати ва б.; шахснинг нафосати, маън-й гўзаллиги, эстетик туйғуси, диди, мад-ти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташқи муҳитга нисбатан мун-тига алоқадор маъ-ят шакллари. Маъ-ятнинг шахсий даражада намоеън бўлиши нисбий хус-ятга эга бўлсада, аммо у алоҳида кишилар, уларнинг ҳаёти, фаолияти, жам-тдаги мавқеи ва ўрнини белгилашда катта аҳамият касб этади.

МАЪНАВИЯТНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ — муайян миллат, элатнинг ўзига хос хус-ятлари, анъана ва урф-олари, қадриятлари, дунёқараши, тафаккур тарзини шакллантирадиган маън-й асосларини ифодаловчи т. М.м.а. миллатнинг тарихи, тар-ёти ва бугунги рив-ш даражасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Ўз-н халқи ўз маъ-ятининг миллий-этник асосларини, тарихий ва мад-й қадриятлари ва ўзига хос ижобий анъаналарини минг йиллар мобайнида асраб-авайлаб, бойитиб келмоқда. Кўп минг йиллик тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг мураккаб синовлардан ўтиши, ҳаётнинг турли тўфон ва бўронларига мардона дош бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч — юксак маъ-ят ва адолатга интилиш туйғуси бўлган. Халқимиз ҳаёт

йўлини, меросини ўрганар эканмиз, ана шу икки ҳақиқат бу жараённинг бош мезони бўлиб келганига ишонч ҳосил қиламиз. Адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу т.лар бугунги кунда ҳам маън-й ҳаёт асосларини ташкил этади. Турли этнос вакилларига хурмат, улар б-н баҳамжиҳат яшаш, динлараро бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқлар илғор тажрибалари ва мад-тини ўрганиш каби хус-ятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам. Шу б-н бирга, миллий характерга хос бўлган мурувват, андиша, орномус, шарму ҳаё, иб-иффат каби фазилатлар, халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган меҳмондўстлик, бағрикенглик, оққўнгилик хус-ятлари ўзб.она М.м.а.ни ташкил этади. Қадимдан Ўз-н ҳудудида а.лар давомида турли мад-т ва цивилизациялар ёнма-ён яшаб келган, бу эса тинчликсеварлик, саховат, меҳр-оқибатлилиқ фазилатлари б-н ажралиб турадиган ўзига хос менталитетнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Бу нафақат ноёб ўзига хослик, балки аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан бебаҳо бўлган гоят катта бойлиқдир. Бир томондан, халқнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини сақлаш учун, бошқа тарафдан, тарихан шаклланган қадимий миллий мад-тлар, санъат ва халқ ижодиёти, минг йиллар мобайнида таркиб топган миллий анъана ва урф-о.ларнинг ўзаро яқинлашуви ҳамда бир-бирини бойитишида Ўз-нда яшаётган турли миллат, элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва хурмат муҳитини қарор топтириш учун очилаётган имкониятлар юксак аҳамиятга эга. Инсонлар ўртасидаги ана шу ўзаро хурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, Ўз-н деб аталган ягона Ватанда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз-н тарихининг турли саҳифалари кўздан кечирилганда, ўзб. халқи маъ-яти б-н боғлиқ шундай маълумотларга дуч

келиш мумкинки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик сингари туйғулар этносга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. “Бировнинг ҳақи”, “Қиёмат қарз”, “Пешона тери”, деган т.лар бунинг яққол ифодасидир. Мас., “Бобурнома”да темурий ҳукмдор Умаршайх Мирзонинг нақадар адолатли ва ҳалол инсон бўлганлигини кўрсатувчи бир маълумот келтирилган. Бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилиқ карвон Ўш тоғларида қор кўчкиси остида қолиб ҳалок бўлган. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карвоннинг юкларини назорат остига олдирган. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлаган. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карвон эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтирган ва уларни ўз мам-тига қақиртириб, молларини тўлалигича қўлларига топширган. Ҳоз. даврда ҳам ҳаётимизда шундай эзгу т.лар барқарор ва устувор. Бундай мисоллар М.м.а. мустаҳкам эканидан далолат беради. Ҳар қандай этнос маъ-ятини унинг тарихи, ўзига хос урф-о. ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада маън-й мерос, мад-й бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омил ва манба сифатида хизмат қилади. Шундай манбалардан бири — халқимизнинг милоддан олдинги даврдаги ҳаёти, дунёқараши, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-о. ва маън-й қадриятлари, ғоялари, диний қарашлари ҳақида маълумот берувчи “Авесто” ҳисобланади. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: **“Ушбу нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бутун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида авлод-аждоғларимиз учун маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган”**. “Авесто” бўйича олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари ҳодисаларнинг азалий ва абадий

курашидан иборат. Бу таълимотда эзгулик учун қадам қўйган одам уч асосий тамойил, яъни ниятнинг эзгулиги, сўз ва шартларнинг бутунлиги, амалларнинг инсонийлигига таянсагина мақсадга етиши таъкидланган. Булар инсон ва жам-т ҳаётида ўта муҳим қадриятлар ҳисобланган. М.м.а. инсонни ерга ва унинг бойликларига бўлган мун-тини ҳам ўз ичига олади. Одамларни дарёларнинг мусаффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келгани тасодифий эмас. Бошқа таълимотлар — буддавийлик ва монийлик ҳам табиатни асраб-авайлаш идеал жам-тга олиб борадиган энг муҳим йўллардан бири эканини тарғиб қилган. М.м.а. шаклланишига ижт-й-иқт-й, географик-худудий, иқлимий омиллар ҳам таъсир кўрсатган. Мам-тимизнинг асосан текислик ва чўллардан иборат кескин континентал иқлимли географик худудда жойлашгани, қаҳратон қишнинг жазирама иссиқ ёз б-н алмашилиши, баҳор б-н кузининг шиддат б-н келиши ва кетиши ўзб. халқи феъл-атворида аниқлик ва ҳалимлик, қайноқ меҳр, меҳмондўстлик ва андишага ўхшайди. М.м.а.нинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири жам-т ҳаётининг, одамлар турмуш тарзининг кўпроқ анъана, урф-о.лар орқали бошқарилишидир. Қадимдан, Шарқда, жумладан халқимиз турмуш тарзида кўпгина анъаналар қонунлар даражасига кўтарилган. Барча маросимларда маҳалла аҳли иштирок этган. Минг йиллар мобайнида маҳаллалар чинакам миллий қадриятлар маскани, маъ-ят мактаби вазифасини адо этиб келмоқда. Ўзаро аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик б-н бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш сингари анъаналар маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Шу б-н бирга, ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган баъзи удумлар борки, уларни маъ-ятнинг миллий-этник асослари, халқимизга хос азалий қадриятлар қаторига киритиб

бўлмайди. М.м.а.ни сохталаштиришга олиб келаётган, урф-о.лар ниқоби ос-тида тўй-ҳашам ва маърака-маросимлар-ни катта дабдаба, базми жамшидларга айлантириш ҳолатлари ҳам учраб тура-ди. Бунинг негизида баъзи бир кимса-ларга хос бўлган шуҳратпарастлик, дабдабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш, но-пок йўллар б-н топган пули ва бойлиги-ни сиғдира олмаслик каби иллатлар ва эски асоратлар намоён бўлади. Халқи-миз учун жамоа, маҳалла-қўй б-н бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, улар қаторидан чиқмаслик деган т. ниҳоятда қадрли. Сохта урф-о.лар одамлар елкасига ма-шаққатли бир юк, аниқроғи, оғир маж-бурият бўлиб тушади. Шу боисдан ҳам ҳоз. даврда улардан воз кечиш зарурати туғилмоқда. Бундан ташқари ҳоз. мурак-каб дунёда Ўз-ни ўз таъсир доирасига тортишга уринувчи кучлар амалда бизни қадимий илдизларимиздан узиб ташлаш-га йўналтирилган маън-й тажовуларни кучайтирмоқдалар. Бундай кучлар биз-нинг маҳаллий шароитимиз, анъана ва қадриятларимиз, минг йиллик тарихимиз-ни, маъ-ятимизнинг миллий-этник асос-ларини билмасдан туриб, ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай ин-тилишлар негизида, албатта кимларнин-гдир манфаати туради. Жаҳон тарихи шундан далолат берадики, ўз миллий анъ-аналари, қадриятлари, томирлари ва асос-ларидан узилмаган, ўз қадр-қиммати ва гурурини сақлай оладиган давлат ва мил-лат ўз мурод-мақсадига етади. Шу сабаб-дан ҳам истиқлол йилларида маън-й тик-ланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳи-ятини кучайтиришга қаратилган режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Ушбу дастур-лар қайта тикланаётган маън-й меросга хо-лис ёндашишга, энг муҳим, умуминсо-ний қадриятларни бойитадиган ҳамда жам-тни янгилаш талабларига жавоб бе-радиган, маън-й жиҳатдан ижобий аҳами-ятга эга урф-о., маросим, анъаналарни танлаб олиш заруратига асосланган.

МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ИЛ-ДИЗЛАРИ — халқимизнинг маън-й тар-ёти, миллий тафаккур пойдевори, халқимиз маъ-ятининг шаклланиши ва та-

комиллашуви жараёнини ифодаловчи т. Мазкур мавзунинг мазмун-моҳияти Пре-зидент Ислам Каримовнинг «Юксак маъ-навият — энгилмас куч» асарида қуйида-гича асослаб берилган: **“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъ-аналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”**. Халқи-миз маъ-ятининг тарихий илдизлари за-минимизда яратилган қад. тош битиклар, ривоятлар, афсоналар, ҳикоятлар ва дос-тонларга, яъни халқ оғзаки ижодига бо-риб тақалади. Спитамен, Алпомиш, Гўрўгли, Тўмарис ва Широқ тўғрисида-ги ривоят ва дostonларда ватанпарварлик, мардлик, дўстлик, садоқат, вафо, халқ ва юрт озодлиги учун фидоийлик руҳи бадиий тасвирланган. М.т.и. мавзуси ди-ний дунёқарашлар ва уларнинг энг қад. шаклларида ҳам ўз аксини топган, ҳар бир дин ўзига хос маъ-ят тизимини ярат-ган. Ана шу динларнинг асосий китоб-ларида муайян маън-й тизимлар ўз ифо-дасини топган. М.т.и. такомиллашиб бор-гани сари, улардаги маън-й т.лар тизими ҳам янги қирраларини намоён қилиб бо-раверган. **“Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашла-рини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳуду-дида яратилган, «Авесто» деб аталган бе-баҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутад-ди”** (“Юксак маънавият — энгилмас куч”, 31-б.). Аждодларимизнинг қад. китоби «Авесто»да халқимизнинг ўша даврдаги маъ-яти, мад-ти, урф-о.лари ва қадри-ятлари ёритиб берилган. «Авесто» зар-душтийликнинг асосий китоби бўлгани сабабли унда бу диннинг маън-й т.лар тизими ҳам ўз ифодасини топган. Асарда эзгулик, яхшилик, маън-й барқамоллик, ҳурфикрлик, инсонпарварлик каби хис-латлар Ахурамазда қиёфаси орқали кўрса-тилган. **«Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам бе-ҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини**

кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир (“Юк-сак маънавият — энгилмас куч”, 32-б.). «Авесто»да юртимиз заминиде яшаган халқларнинг исломгача бўлган даврдаги табиий-илмий қарашлари, айниқса, ахлоқи ва маъ-ятининг рив-ши тарихига оид ғоят муҳим манбалар бор.

«Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган атоқли инсонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд маънавий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл инсонлар этиб тарбиялаб келган. Шу маънода, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, «Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган. Шу боис «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўргонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг энгилмас баҳодир — Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз — бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўрамиз (“Юк-сак маънавият — энгилмас куч”, 33-

34-б.). Кўҳна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўғри келади. Яъни, ота-боболаримиз руҳий оламнинг томир-илдизлари айнан юқориде зикр этилган маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосиде шаклланган (“Юк-сак маънавият — энгилмас куч”, 35-б.).

М.О.де маъ-ят тўғрисидаги қарашлар ривожиде VIII—XII а.лар катта аҳамиятга эга. Бу даврда ижт-й-сиёсий ҳаётда муайян тинчлик ҳукм сураётган, ислом дини кўпгина шарқ халқларининг умумий динига айланган эди. Қуръонда таърифлаб берилган маъ-ят тизими халқларимиз тарихи ва мад-тига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳроқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади (“Юк-сак маънавият — энгилмас куч”, 36-б.). Юртимизда яшаб ўтган ҳар бир мутафаккир, аллома ижодида ислом дини таъсири яққол сезилиб туради. Шу б-н бирга, исломнинг юртимизда тарқалиши давридаги истило оқибатида миллий маъ-ятимизнинг кўп қадриятлари мусулмон маъ-ятига ўрин бўшатгани тўғрисида Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзиб қолдирган.

Халқимиз маъ-яти ислом тарқалган халқлар мад-тининг ривожига ҳам катта таъсир кўрсатган. Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккирлар, ал-Бухорий, ат-Термизий, Марғиноний, Замахшарий, Насафий, Нажмиддин Кубро, Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Навоий, Бобур, Бедил каби зотларнинг бой меросининг жаҳон цивилизациясига таъсири катта бўлган. За-

монавий ислом илоҳиётчиларининг Имом Бухорий асарларини Қуръондан кейинги муқаддас китоблар сифатида тан олаётгани, Имом Термизий ва Нақшбанд қабрлари муқаддас қадамжоларга айлангани бежиз эмас. **Вағандошимиз — Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг қўллаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир** (“Юксак маънавият — энгилмас куч”, 39-б.).

Милоднинг VIII–IX а.ларига келиб ички урушлар нисбатан барҳам топган, ижт-й ҳаётда нисбатан барқарорлик ҳукм сураётган эди. Бу даврда мал-й рив-ш, илм-фан ҳамда адабиётнинг тар-ёти учун имконият пайдо бўлди. **Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо — Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради** (“Юксак маънавият — энгилмас куч”, 39-б.). Ўша даврнинг буюк мутафаккирларидан бири Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783–850) халифа Маъмун ташкил қилган «Байтул ҳикма»да катта мавқега эга бўлган. У илгари сурган ғояларда маъ-ятнинг умуминсоний жиҳатлари ифодаланган. Хоразмий олимнинг маъ-ятини таърифлар экан, қуйидагича ёзади: «Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқларида асарлар ёзиш б-н ўзларидан кейинги келадиганларни назарда тутардилар. Улардан бири ўзидан аввалгилардан қолган ишларни амалга оширишда бошқалардан

ўзиб кетади, уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдиради, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу б-н қийинчиликларни осонлаштиради... ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди». Бу сўзлар бутун шарқ олимлари учун умумий талаб, камолот мезони, ҳоз. интеллектуал мулк эгалари маън-й қиёфасининг асосий хус-яти сифатида намоён бўлади. Шарқ мад-ти тарихида муҳим ўрин тутган аллома Абу Наср Форобий (873–959) ҳам маъ-ятга катта эътибор берган. Форобийнинг маъ-ятга оид қарашлари «Мадина тул фозила» таълимотида ўз ифодасини топган. Аллома фозил жам-т тўғрисидаги таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижт-й мун-тлар қарор топган даврда вужудга келадиган маън-й-ахлоқий хус-ятларнинг умумий тизимини изоҳлаб берган. Форобий бундай жам-тда диний маъ-ят ҳам муайян аҳамиятга эга бўлишини, аммо унда калом (теология) ва фикҳ (ҳуқуқшунослик) вакиллари кишиларнинг маън-й-ахлоқий камолоти учун жавоб берадиган соҳаларни бошқаришлари, ижт-й мун-тларнинг асосий соҳалари эса файласуф-ҳукмдорлар томонидан бошқариб борилишини таъкидлайди. Мутафаккир диний қарашлар ғоявий соҳада энг асосий аҳамият касб этган ўша даврда, нафақат Аллоҳ ғоясини, балки инсон, жам-т ва илм-фан маъ-ятини фал-й билимларнинг асосий мавзуларидан бири сифатида талқин этган дастлабки Шарқ файласуфларидандир. Маъ-ят мавзусини Абу Райҳон Беруний (973–1048) ҳам четлаб ўтмаган. Унинг фикрича, маъ-ятнинг вужудга келиши ижт-й мун-тлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари б-н узвий боғланган. Мас., кишилар ўртасидаги ҳамкорлик одамларнинг бирлашиш эҳтиёжлари кўплиги, ҳимоя қилиш қуроллари камлиги ва душманлардан ўзини ҳимоя қилиш зарурати туфайли вужудга келган. Беруний ҳунар, савдо-сотик, мам-тлараро мад-й-илмий алоқаларни кучайтириш, ижт-й ҳаётда илм-фанни ривожлантириш,

унинг ролини оширишнинг тарафдори эди. Шу б-н бирга, у босқинчиларнинг юртимизга мад-й ёдгорликларини йўқотиш соҳасидаги сиёсатини қоралайди, мад-й тар-ётда ворисликнинг аҳамиятини таъкидлайди. **Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулхалиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улугъ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни «Баҳоуддини Балогардон» деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъномоҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди.** Маъ-ят масаласи Абу Али ибн Синонинг (980–1037) ҳам диққат марказида турган. Алломанинг маъ-ятга оид қарашлари «Донишнома», «Соломон ва Ибсол» каби асарларида ўз ифодасини топган. Унинг назарида, ўз ибтидосини Аллоҳдан олган борлиқ ва табиат инсонни ўраб турувчи абадий макондир. Шу жиҳатдан унинг қадри беқиёс, инсон эса ҳамма бойликларни табиатдан олади, ундан ўзига даво топади. Ибн Сино инсон, уни ўз-ўзини идора қилиши ҳақидаги фанларнинг аҳамиятини юксак баҳолайди. Ибн Синонинг фикрича, одамнинг қадри бошқалар б-н ҳамкорлиги, яхши ахлоқий фазилатларга эга бўлишга интилиши, донолиги, бошқаларга яхшилик қила олиши б-н белгиланади. **Агарки мана шу муқаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан нафақат тарихда, айна вақтда башариятнинг бутунги тараққиёт саҳифаларида ҳам ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз-авлиёларимизни таърифлашда давом этадиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада узоқ гапириш мумкин.**

Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улугъ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқи-

мизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир («Юксак маънавият — энгилмас куч», 43-б.). М.т.и.нинг юртимизга тегишли фал-й-тарихий таҳлили Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Синолар мероси б-нгина чегараланиб қолмайди. Унинг ал-Бухорий, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Нақшбандий каби забардаст намояндалари бўлган тасаввуф таълимотига ҳам тўғридан-тўғри алоқаси бор. Шу б-н бирга, жаҳон мад-тига бебаҳо ҳисса қўшган Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий каби зотларнинг бу борадаги қарашлари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг бутун жаҳонга машҳур бўлган «Саодатнома», «Гулистон» ва «Бўстон», «Баҳористон», «Хамса» каби бебаҳо асарлари жаҳон мад-ти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Дунёда уларга қиёслайдиган, маън-й-ахлоқий маъ-ятнинг умумий тизимлари изоҳланган китоблар бармоқ б-н санарли. Ушбу анъана юртимиз мад-ти тарихида асло тўхтаб қолгани йўқ ва бу борада А. Донишнинг «Ўғилларга насиҳат» (XIX а. охири), А. Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» (XIX а. бошлари) асарларини эслаш кифоя. Алломалардан бири Аҳмад Яссавий (1105–1166) диний, маън-й-ахлоқий маъ-ятнинг ўша замонга мос келадиган тизимининг намоеън бўлиши ва амал қилиш шартларини ислом дини н.назаридан таърифлаб берган. «Девони ҳикмат» мажмуасида Яссавий маъ-ятнинг асосий шакллари — имон, ҳалоллик, поклик, ҳаё, бардош ва сабрқаноат, чидам, беозорлик, ҳокисорлик каби хислатларга таъриф берган. Собиқ шўро даврида Яссавий қарашлари танқид қилинар эди. Аслида, Яссавий тариқати Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, мад-й меросимизга жуда катта таъсир кўрсатган. Маън-й меросимизда нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (1388 йилда вафот этган), Хўжа Аҳрор (1409–1492) ва Ҳусайн Воиз Кошифий каби илоҳиёт илми алломалари илгари сурган гоё ҳамда қарашларнинг ҳам ўз ўрни бор. Нақшбандия тариқати мусулмон Шарқида кенг ёйилган, Жо-

мий, Навоий ва б. мутафаккирларнинг хурмат-эъзозига сазовор бўлган. Ҳазрат Навоий «Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд» номли асар ҳам ёзган. Нақшбандийликнинг вужудга келишида Яссавий таълимотининг таъсири сезилиб туради. Аммо нақшбандлик тариқати ўзининг кўпгина жиҳатлари б-н бошқа оқимлардан фарқ қилади. Нақшбандияда Аллоҳ висолига етиш учун дунёдан воз кечиш ёки таркидунё қилиш эмас, балки «қўл ишда, кўнгил Аллоҳда» бўлмоғи, поклик, ҳаё, камтаринлик комил инсонга хос асосий фазилатлар экани уқтирилади. Ўрта а.лар маъ-ятида Амир Темур ва темурийлар даврининг, умумбашарий маъ-ятнинг илмий таҳлилида Улуғбек ва у раҳбарлик қилган олимлар мероси катта ўрин тутади. Подшоҳлар, ҳукмдор ва сиёсий арбобларнинг маъ-яти, хулқи, ахлоқ-одоб талаблари, давлат ва сиёсат юритиш санъати баён қилинган «Темур тузуклари»да ижт-й-сиёсий масалалар б-н бирга маъ-ят масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Ушбу асар Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган, кўп марта чоп этилган. Унда сиёсатдоннинг юриш-туриши, сиёсат бобидаги фаолияти, халқ, кўшин, уламолар, аркони давлат ва б.га мун-ти учун асосий мезон бўладиган маъ-ят тамойиллари ўша замон н.назаридан баён қилинган. Амир Темурнинг тарихимиздаги ўрни ва мам-тни озод қилишдаги хизмати катта. Унинг моҳир давлат арбоби, тажрибали сиёсатдон сифатидаги ўғит ва насиҳатлари кейинги даврнинг сиёсий арбоблари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилгани шубҳасиз. «Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар» деган мақолга ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир («Юксак маънавият – энгилмас куч», 45-б.). Умумбашарий маъ-ят таҳлилида Мирзо Улуғбек (1394–1449)нинг фикрлари ҳам ўзига хос ўрин тутади. У ўз атрофига Қозизода Румий, Али Қушчи каби мутафаккирларни тўплади, улар б-н бирга умумбашарий маъ-ят, коинот сирлари,

унда рўй бераётган жараёнларнинг аҳамиятини ўрганиш борасида ўз замонасидан илгарилаб кетди. Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маъ-ятининг асосларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади. «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган Улуғбекнинг астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани фикримизнинг яққол исботидир («Юксак маънавият – энгилмас куч», 46-б.). Сирасини айтганда, улар нафақат умумбашарий маъ-ятни тадқиқ этдилар, балки илм-маърифат, ҳақиқат, зиёлилик, фозиллик каби умуминсоний маън-й тамойилларнинг ҳус-ятларини ҳам изоҳлаб берганлар. Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири — бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз («Юксак маънавият – энгилмас куч», 47-б.). Алишер Навоийнинг одил жам-т тўғрисидаги қарашларида умумижт-й маъ-ят тизими, комил инсон таълимотида эса энг етук инсон қиёфасига хос шахсий маъ-ят тизими таърифланиб, улар ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлади. Мутафаккирнинг бу борадаги ғоялари бугунги мустақиллик шароитида жам-т маъ-ятини юксалтириш, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Аммо Алишер Навоий вафотидан беш-олти йил ўтар-ўтмас, мам-тда ҳукмронлик қилган темурийлар давлати таназзулга учраб, парчаланиб кетди. Аввал Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги, сўнгра Қўқон хонлиги вужудга келди. Уч юз йилдан ошиқроқ даврни ўз ичига олган бу жараён хонлик, амирлик, турли сулолалар, уруғлар ўртасидаги урушлар, тинимсиз зиддиятлар орқали кечди. Яхлит цивилизациямизнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган умумий маъ-ят тизими дарз кетди. XIX а.нинг ўрталари-

га келиб, амирлик ва хонликларга бўлинганлигига қарамасдан, мустақил яшаган Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олинди, юртимиз империянинг мустамлакаси бўлиб қолди. Бу даврга келиб Аҳмад Дониш (1827–1900), Сатторхон (1843–1906), Фурқат (1858–1909), Муқимий (1859–1903) каби адиблар маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилдилар. Мас., А.Донишнинг «Ўғилларга насиҳат» асариди маън-й мад-т, ахлоқ талаблари ва зиёлиликнинг инсон камолоти учун аҳамияти баён қилинган. Хуллас, **“тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин”** («Юксак маънавият — энгилмас куч», 49-б.). Хус-н, XIX а.нинг охирлари ва XX а. бошларида юртимизда «жадидлар» оқими вужудга келди. Ҳаётда рўй бераётган турли ўзгаришларни ўрганиш, умуммиллий маъяти-мизни жаҳон тар-ёти талаблари н.назаридан таҳлил қилиш борасида М.Бехбудий, Сўфизода, Саидрасул Азизий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби маърифатпарварларнинг хизматлари беқиёсдир. Чунончи, А.Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида ўзига хос маъ-ят тизими таърифлаб берилган. Асарда фатонат, назофат, ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни севмоқ, ҳаққоният, назари ибрат, ифқат, ҳаё, идрок, зако, лафз, иқтисод, виқор, итоат, садоқат, адолат, муҳаббат, авф каби — «яхши хулқлар», ғазаб, жаҳолат, разолат, адоват, ҳасосат, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, зулм сингари «Ёмон хулқлар» теран таҳлил этилган. Афсуски, қатағон йилларида халқимиз маъ-яти хазинасидан муносиб ўрин олган бу каби асарлар тақиқланди. Буюк маърифатпарвар боболаримизнинг бой меросини ўрганиш, уларни тарғиб-ташвиқ этиш чеклаб қўйилди. Фақат республикамиз мустақил бўлганидан кейингина ана шундай асарларни чоп этиш, халқимизни маърифатпарвар аж-

долларимизнинг эзгу ғояларидан баҳраманд этиш имкони туғилди.

МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙЛИГИ ВА ЗАМОНАВИЙЛИГИ — 1) маъ-ятнинг шаклланиши, тарихий тар-ёт жараёнида тадрижий тарзда такомиллашуви, инсоният ҳаёти ва ижт-й мун-тларида қарор топиб бориши ва намоён бўлиши; 2) маъ-ятнинг ҳар бир давр ва шароитда ижт-й турмуш талаб-эҳтиёжларини ўзида ифода этган ғоявий куч сифатида янгила-ниб, ижт-й тар-ётнинг кундалик талаб-ларига мослашган ҳолда намоён бўлишини ифодаловчи т. Кишилиқ жам-ти тарихида маъ-ятнинг замонавийлашуви “modern” дейилади. Жам-т ижт-й тар-ётида юз берувчи узлуксиз ўзгаришлар М.т.з.нинг асосий манбаи ва гаровидир. Шу маънода, маъ-ят инсоннинг ўзлигини англаши б-н бошланган ва доимо содир бўладиган маъ-й комиллик сари интилишидир. Бу ҳол ҳар бир тарихий даврда халқ ва миллатнинг ўзига хос маъ-ятининг шаклланишига олиб келади. Маъ-ятнинг тадрижий тар-ётини мутахассислар томонидан даврлаштиришнинг қуйидаги умумий тамойили қабул қилинган: 1. Қад. маън-й тар-ёт. 2. Ўрта а.лар даври маъ-яти. 3. Янги давр маъ-яти. 4. Бугунги истиқлол давридаги маън-й жараёнлар ва ўзгаришлар бу соҳадаги замонавийликни ифодалайди. Маъ-ятнинг такомил босқичлари шартли бўлса-да, улар орасида ўзаро алоқадорлик ва в.р.сийлик мавжудки, ҳар бир даврда маъ-ят кишилиқ жам-ти тар-ётини таъминлашга хизмат қилган ва авлоддан авлодга энг илғор ғоя ва одат, маросимларни мерос қолдирган “Авесто” ва зардуштийлик даври қад. одамлар маъ-ятида анимизм, фе-тишизм, тотемизм, магия каби қабилавий динларга хос жиҳатларни ўзида мужас-сам этади. Ўша замон қадриятлари халқ оғзаки ижоди, афсона ва ривоятларда, деҳқончилик ва чорвачилик анъанала-рида, урф-о. ва расм-русумларида ўз ак-сини топган маъ-ят шакллари тарзида намоён бўлади. Бу давр маъ-яти кейин-роқ миллий ва жаҳон динлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожини учун асос бўлган. Бу эса кейинроқ янги давр жаҳон

маъ-ятининг юксак тар-ётини таъминлади. Шу тариқа М.т.з. жараёнлари вужудга келдики, ушбу жиҳат бугунги миллий маъ-ятимизнинг шаклланишида ҳамда унинг такомил босқичида аждоларимиз меросининг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади. М.т.з. б-н боғлиқ қонуният шундан иборатки, ижт-й-тарихий тар-ёт натижасида маъ-ятнинг шакллари муайян халқ томонидан яратилиб, тарихнинг ҳар бир босқичида аждолар қўлга киритган муваффақиятларнинг ижобий қирралари б-н бойитилиб, авлоддан авлодга узатилувчи қадриятлар тизимини ташкил қилади. Мас., ўрта а.ларда Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий сингари буюк даҳолар томонидан яратилган маъ-ят намуналари, ш-дек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломаларнинг исломий қадриятлар мағзи б-н йўғрилган маън-й мерослари минтақа халқлари тафаккурининг шаклланиши ва рив-шида тар-ётимиз пойдеворига муҳим манба бўлди. Халқимиз кўп минг йиллик тарихий тар-ёт жараёнида бугун биз яшаётган заминда аста-секин тақдирнинг залворли синовларига дош бериб, ўз маън-й борлигини намоён эта олган. Унинг шаклланиш жараёни инсониятнинг энг қадимий даврига бориб тақалади. Бу борадаги М.т.з. шундаки, унинг ўзига хос тарихий илдишлари бўлиб, Амударё ва Сирдарё оралиғида маън-й-мад-й омилларнинг устуворлиги халқимизнинг ушбу ҳудудда маън-й мад-тини ривожлантиришга, шу б-н бир қаторда, тарихнинг муайян босқичида қудратли давлатчиликни шакллантириб, минтақада ижт-й сиёсий ин-тларни қарор топтиришга олиб келди. Миллий маъ-ятдаги такрорланмас хус-ятлар ҳам халқимизнинг ушбу заминда қадимий илдишларга эга эканлигидан далолатдир. Дарҳақиқат, тарихий тажриба асосида мушоҳада этадиган бўлсак, ушбу заминда миллатимизнинг илдишлари чуқур ва бақувват бўлмаса эди, тарихнинг сиёсий саҳнасида йирик давлатлар тузиб, аҳолини маън-й юксалиш сари йўналтира олмас эди. Машҳур не-

мис файласуфи Гегель ибораси б-н айтганда, «Ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий-маън-й меҳнатининг маҳсули, унинг ўзлигини намоён этиш ва маън-й онглилик даражаси ривожининг пиллапоясидир». Миллий давлатчилик б-н боғлиқ ана шу тамойил маъ-ятнинг тадрижий характерга эга эканлигини белгиловчи омиллардан биридир. Мас., Соҳибқирон Амир Темур томонидан асос солинган буюк империя – бир томондан, миллий давлатчиликнинг реал ҳаётдаги ифодаси бўлса, иккинчи томондан, у юксак маъ-ят ривожини таъминлади. Бундай бунёдкорлик тамойили маъ-ятнинг тарихийлигини таъминлаб, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётганлиги қувонарлидир. Маълумки, эзгу ғояларга, маън-й меросга, анъаналар ва замонавий талабларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа боролмайди. Шу б-н бирга, у муайян вақт талаб этадиган, аста-секинлик б-н шаклланиб борадиган мураккаб тарихий жараёндир. Йиллар мобайнида тарихчилар халқимизнинг миллий давлатчилик б-н боғлиқ анъаналарини турлича баҳолашди. Собиқ тизим мафкурачилари ушбу тарихни деярли инкор этар эдилар. Ҳақиқий илмга алоқаси бўлмаган, ғаразли сиёсий мақсадга бўйсундрилган бундай н.назар бугун бир минтақа тар-ётига асос бўлган, унга замин яратган, шарт-шароит туғдириб берган давлатчилик тажрибаларини, миллий маъ-ятимизнинг тарихий илдишларини атайлаб тан олмас эди. Аслида эса қадимдан Шарқ миллий давлатчилигида ахлоқ, маъ-ят, комиллик ва адолат асосий мезон қилиб олинган. Инсонпарварлик, эзгуликни ҳимоя қилиш, мад-тни ривожлантириш ҳаммавақт, ҳар қандай шароитда ҳам муҳим соҳа сифатида қаралган. Ш.у. ҳам айнан ана шу заминда инсоният тарихида бурилиш ясаган ва катта аҳамиятга эга бўлган улкан маъ-ят яратилиб, авлоддан авлодга узатилиб, бойитиб ва такомиллаштириб келинган. Ўзб. давлатчилиги ва қонунчилиги тарихи жуда бой ва қадимий бўлиб, у мил. ав. 3–4 мингинчи йиллардаёқ шаклланган. Табиийки, давлатчилик қарор топган жойда унинг ўзига хос

эҳтиёжларидан келиб чиққан қонунчилиги, тартиб ва тамойиллари ҳам вужудга келади. Бу жараён ижт-й тар-ётнинг турли даврларида халқ дунёқараши, маън-й-руҳий эҳтиёжи б-н бирга мавжуд ахлоқий қоидалар, демакки, маън-й тамойиллар б-н уйғунлашиб кетган. Мас., Имом Бурҳониддин Марғинонийнинг 53 китобдан иборат «Ҳидоя» асари маъ-ятимизнинг тарихий асослари орасида алоҳида ўрин тутати. Мазкур асардан ўрин олган фикр илми — ҳуқуқшуносликка доир қатор кўрсатмалар, қонунлар, ҳулосалар ва фикрлар бу фикрни яққол исботлайди. Кейинроқ бутун Шарқ давлатчилиги айни шу қонуниятларга таяниб, бошқарув усуллари жорий қилганлиги ҳам халқимиз маъ-ятининг тарихийлигини кўрсатувчи омилдир. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ана шундай анъанавийлик асосида ўз давлатида ниҳоятда аниқ ва ҳаётий қонунчиликни жорий этиб, маън-й масалаларга асосий эътибор қаратгани бежиз эмас. Амир Темурнинг марказлашган давлат ва миллат кудратини юксалтириш учун маъ-ят ва адолатга асосланган салтанатга асос солиши, Мирзо Улуғбекнинг фан ва мад-т равнақи, Алишер Навоийнинг адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳририддин Муҳаммад Бобур ва б. теурийзодаларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, инсонпарвар жам-тни вужудга келтириш йўлидаги тажрибалари бугунги кунда фахр ҳиссини уйғотади. Буюк аждодларимиз яшаган бу кўҳна заминда қадим-қадимдан буён ҳур фикр қадрланганлиги, фан ва мад-т, адабиёт ва санъатнинг нақадар раванк топганида М.т.з.ни яққол кўриш мумкин. Фикр эркинлиги туфайли буюк аждодларимиз жаҳоншумул асарлар яратганлар. Улар қолдирган мерос, жам-т аъзолари маъ-ятини юксалтириш б-н боғлиқ интилиш ва ҳаракатлар тарихий тар-ёт жараёнида авлоддан авлодга ўтиб келган. Булар албатта, маъ-ятнинг тарихий характерга эга эканлигини кўрсатади. Ана шу тарихий асосларни назарда тутиб Президент Ислон Каримов: **“Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пай-**

до бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қуришга татбиқ этмоғимиз керак”, — деган ғояни илгари сурган эди. Табиийки, ушбу ғоя бугунги тар-ётимизнинг бош мазмунини белгилайдики, бунда маън-й омилларнинг устуворлиги ҳамда унинг тарихийлиги ва замонавийлиги тамойиллари етакчи ўрин эгаллайди. XX а.нинг сўнгги ўн йилликларида жаҳон ҳамжам-ти рив-шнинг янги босқичига қадам қўйди. Техник тар-ётнинг янада юксалиши бошқа соҳалар қатори маън-й соҳага ҳам ўзининг чуқур таъсирини кўрсатди. Ахборот олиш ва узатиш воситаларининг замонавийлашиб бориши маъ-ят соҳасида ҳам бугун XX а. анъаналари б-н яшаб бўлмаглигига шароит ҳозирламоқда. Ўтган а. бошларида шахс дунёқарашига ҳар бир халққа хос умумий маън-й қадриятлардан ташқари китоблар, газета ва журналлар катта таъсир кўрсатган бўлса, а. ўрталарига келиб маъ-ятга таъсир кўрсатишда ТВ ва радио муҳим роль ўйнай бошлади. А. сўнггида эса компьютер, Интернет ва б. электрон ахборот узатиш воситалари бу таъсирни янги босқичга олиб чиқди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон эркини таъминлаш ғоялари замирида кенг тарқалган демократлаштириш жараёнлари қатор маън-й унсурларнинг ўз тарихий шаклларини ўзгартиришига, замонга мувофиқлашишига ва интеграциялашувига сабаб бўлмоқда. Бутун дунё аҳлини қамраб олган глобал иқт-й жараёнлар ҳам тарихий маън-й мун-тларнинг унга мувофиқ ҳолда янгиланиб боришига асос бўлмоқда. Маъ-ятга таъсир этувчи ушбу омилларнинг кучайиб бориши, инсон тар-ёти б-н бирга унинг тарихий асосларига таҳдид ва тажовузларни ҳам вужудга келтирмоқдаки, бу таҳдид ва тажовузлар охир-оқибатда алоҳида миллий бирликларга хос мад-т, маъ-ят, ҳар бир миллатнинг ўзига хос маън-й кўринишига барҳам бериш йўлидан ривожланмоқда. Президентимиз

И.А.Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида маъ-ятнинг тарихи, бугунги куни, келажагига алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас. Чунки тарихий маъ-ятни сақлаб қолган ҳолда уни замонавийлаштиришни қандай ташкил этиш, маъ-ятимизга таҳдид солаётган бугунги хавф-хатарларга қандай қарши курашиш, маън-й таълим-тарбияни замонавий н.назардан қандай йўлга қўйиш, бу маън-й меросни қандай қилиб келажак авлодга етказиб бериш бугунги маъ-ят соҳасидаги долзарб масалалар бўлиб, улар нафақат бизнинг, балки бутун дунё ҳамжам-тига дахлдор муҳим муаммо экани таъкидланади. Ш-дек, асарда тарихий маъ-ятимизнинг баъзи мумтоз анъаналари таҳлил қилинар экан, маъ-ятни замонавийлаштиришга ёндашишнинг энг мақбул йўллари кўрсатилади. Дарҳақиқат, миллатга хос маъ-ят унинг а.лар давомида орттирган тажрибаларининг маҳсули экан, ундан воз кечиш ўзинини йўқотиш б-н баробардир ва аксинча, уни замонга мувофиқ тарзда ривожлантириш тарихий эволюцион тар-ёт тамойилларига мос келади. Шундагина маъ-ят ҳар бир даврда ўзининг тарихийлиги ва навқиронлигини сақлай олади. Янги а.га ўтиш арафасида дунё халқлари маъ-ятидаги кўплаб тарихий анъаналар, урф-о.лар, умуман, мад-й унсурлар ўрнини техник тар-ёт б-н боғлиқ равишда вужудга келган замонавий анъаналар эгаллади. Ҳатто, баъзи ривожланган мам-тларда тарихий асослардан узилиб қолган бундай анъаналарни экспорт қилиш даражасига бориб етилди ва бу маън-й жараёнларнинг глобаллашуви б-н боғлиқ салбий кўринишлардаги ҳодисаларни вужудга келтирмоқда.

МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК — Президент Ислоҳ Каримов томонидан асослаб берилган фан соҳаси, Ўзбекистон таълим тизимида ХХ а.нинг 90-йилларида шаклланган янги йўналишлардан бири. М.нинг махсус билим соҳасига айланиши мам-тимиз ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар, кишиларнинг онги ва тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар, дунёқарашнинг янгиланиши б-н боғлиқ жараённинг

таркибий қисмидир. «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси», “Маданиятшунослик, «Этика» ва «Эстетика» каби йўналишлар учун умумий асос бўлган бу фан қамраб оладиган билимларнинг шаклланиш жараёни инсониятнинг ўзи каби қадимий эканлиги шубҳасиз.

Маъ-ятни ташкил этувчи ахлоқ, нафосат, руҳият, ғоя, мафкура, мад-т ва маъ-р-т каби соҳалар б-н боғлиқ масалалар таҳлили қадим замонлардан бошланган. Лекин, кўпчилик шу пайтга қадар ана шу жузъий соҳаларнинг ўзи ҳам маъ-ятни тўла-тўқис акс эттиради, унинг нима эканини улар тимсолида билиб олиш мумкин, бинобарин бу кенг миқёсли т.ни махсус фан доирасида тадқиқ этиш шарт эмас, деган бир ёқлама қараш б-н кифояланиб юрар эди. М.нинг алоҳида ва махсус ўқув фанлари тизимида айланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги тасаввур ва т. ҳам ана шундай қарашларнинг натижаси эди. Бу эса собиқ иттифоқ даврида юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг бир-бири б-н узвий алоқадорлигига етарли эътибор берилмаслиги, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида фанлар ўқитилишига сабаб бўлди.

Маъ-ятни яхлит ҳодиса сифатида талқин эта олмаслик, у тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш, умумий дунёқараш ва тафаккурни шакллантириш имконини бермас эди. Бугунги кунга келиб аҳвол тубдан ўзгарди, истиқлол йилларида бу соҳа жадал ривожланди, алоҳида илмий-маъ-й йўналишга айланди. Мазкур йўналишнинг мустақил илм. тад. соҳаси ва ўқув фани сифатида ўз ўрнини топаётгани унинг тадқиқот объекти, мавзулари ва т.ларининг умумий тизими тобора яққолроқ аниқлашаётганидан далолат беради. Айни ҳолда М.нинг «Маъ-ят» т.сидан бошқа “Ахлоқ”, “Маданият”, “Қадрият”, “Маърифат”, “Ғоя”, “Мафкура” каби асосий универсал категорияларини мазкур йўналиш н. назаридан илмий тавсифлаш йўлидаги изланишлар давом этаётганини қайд этиш мумкин.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида ушбу ма-

салани ечишнинг илмий-методологик асослари кўрсатиб берилгани бу борадаги вазифаларни ҳал қилиш учун асос бўлди. Зеро, М.нинг баҳс мавзулари ва асосий категориялари тизимини аниқлаш учун “Маъ-ят” т.сининг мазмуни ҳақида яхлит илмий-наз-й тасаввурга эга бўлиш лозим эдики, бунга ана шу асар яратилганидан кейингина эришилди.

Ҳоз. даврда кўпчилик аксарият фанларнинг номлари четдан кириб келишига ўрганиб қолган. Аммо “М.” б-н боғлиқ бугунги амалиёт бундан кескин фарқ қилади. Бизнинг мам-тимизда бу соҳада мустақил фаннинг шаклланиши учун барча наз-й ва методологик асослар яратилган. Юртбошимизнинг асарлари, айниқса “Юксак маънавият – энгилмас куч” китоби бу борадаги асосий манба ҳисобланади.

Мам-тимизда ушбу йўналишдаги фанларни таълим тизимига жорий этиш бўйича муайян тажриба тўпланди. Юқорида таъкидлангани каби, ўтган а.нинг 90-йилларидан бошлаб “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Маънавият асослари” каби фанлар таълим тизимига жорий этилди, “Миллий истиқлол ғояси” фани яратилди. Бу соҳада бакалаврлар ва магистрлар тайёрланмоқда, қатор олий ўқув юртларида кафедралар ташкил қилинган. Бугунги кунда ушбу фанлар бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар нашр қилинмоқда. Мазкур соҳа илм. тад.нинг махсус йўналишга айланмоқда.

М. фанлари тизимининг таркибий қисмлари сифатида ғояшунослик (идеология), кадриятшунослик (аксиология), ахлоқшунослик (этика), нафосатшунослик (эстетика), мад-й ва ижт-й руҳшунослик, диншунослик ва мад-тшунослик (культурология) кабиларни кўрсатиш мумкин. Аммо бундан М. ана шу соҳаларни ўрганувчи хилма-хил фанлар йиғиндисидан иборат деган хулосага келиш масалани оддий ва жўн тушунишдир.

Аввало, М. – бу маъ-ят тарихи, наз-яси, амалиёти, фал.си ва социологиясининг умумий мажмуидир. Унинг негизини ташкил этувчи соҳа ва йўналишлардан қатъи назар, бу ерда гап М.нинг интегратив, яъни умумлаштирувчи фан сифатидаги

мураккаб тизими ҳақида бормоқда. Шу б-н бирга, жам-тдаги ахлоқ талаблари, урф-о.лар ва анъаналар, уларнинг амалиёти, одамларнинг ҳаёт кечириши ва турмуш тарзини белгилайдиган маън-й тамойиллар ва мезонлар ҳам М.нинг асосий мавзулари қаторига киради. М.га доир билимларнинг инсонни англаш б-н боғлиқ ана шу жиҳати айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у таълим ва маориф тизимида бу фанга нисбатан талаб ва эҳтиёжни белгилайди.

Мам-тимиз таълим муассасаларида ўқитиладиган М. бўйича ўқув фанлари кўплаб муҳим вазифаларни бажаради. Улар жам-т ва инсоният ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни маъ-ят н. назаридан баҳолаш, шу соҳадаги қонун-қоидалар, т. ва тамойилларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш имконини яратади.

Мазкур фанларнинг муҳим хус-ятларидан бири ҳоз. замондаги ижт-й жараёнлар, даврнинг ўзи кун тартибига қўяётган янги вазифалар ва маън-й муаммоларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, бу соҳадаги билимларни ҳосил қилишга қаратилган. Ушбу фаннинг муҳим муаммоларини, маъ-ятнинг ўзига хос хус-ятлари ва рив-ш босқичларини, намоён бўлиш шаклларини чуқур билиб олиш бу соҳада илмий дунёқарашнинг вужудга келишига, ёшларнинг бугунги амалиёт учун зарур бўлган қобилиятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. М.га доир турли ёндашувларни ранг-баранг ҳодисалар ва ижт-й жараёнларни билишнинг самарали воситаларидан бири сифатида ўзлаштириш жам-тни демократлаштириш ва янгилашга хизмат қиладиган маъ-й тадбирлар ва маън-й тарбия б-н боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишга қўмаклашади.

Хуллас, «М.» т.сига турли н. назарлардан ёндашиш мумкин. Лекин шу нарса аниқки, у доимо инсон ва жам-тга дахлдор бўлган умумижт-й ҳодиса – маъ-ят соҳасининг қонун ва талаблари, т. ва тамойиллари, унинг ўзига хос хус-ятлари ва намоён бўлиш шаклларининг мазмун-моҳиятини ифодалайдиган фан ва илмий йўналиш сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверади.

МАЪРИФАТ (араб. — билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш) — табиат, жам-т ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия ва маориф тизими мажмуини ифодаловчи т. Тор маънода М. билимли, маълумотли, маъ-ятли инсонга нисбатан қўлланади. Кенг маънода, кишиларнинг билими, мад-тини оширишга қаратилган маориф ва таълим-тарбияга ҳам М. деб қаралади. Бу сўз илму-ирфон маъносида ҳам ишлатилади. М. т.си билим ва мад-тни ёйиш ҳамда юксаттиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини қамраб олади. “Авесто”да М. эзгуликнинг намоён бўлиши, эзгу фикр ва эзгу сўзнинг амалга ошиши тарзида талқин қилинган. Қад. Юнон-рим фал-сида М. сўзи тафаккур ва соф билим дея ифодаланган. Аристотель билимни инсоннинг энг лаззатли ва эзгу фаолияти деб таърифлаган. Платоннинг: “Мукамал билимнинг, яъни мен эгаллаган билимнинг бирдан бир тури мен ўзим билмаган нарсаларни билишимдир”, деган қарашлари замирида ўрганишнинг, билимларнинг чексизлигини англатувчи ҳақиқат ётади. Буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар ўзларининг беқиёс М.лари б-н умуминсоний мад-тларнинг рив-шига улкан ҳисса қўшганлар. Ҳаким Термизий “Китоб байан-ал-илм” номли рисоласида М.ни нур, ёруғликка қиёслаган. Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ва Бобур боболаримиз М.ни илм, амал, одоб т.лари ўзаро боғлиқ хислатлар деб ҳисоблаганлар. Уларнинг н.назарларига кўра кишининг одоби, хулқи унинг М.и, билимдонлиги б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик М.ли бўлса, унинг хулқи шунчалик яхши ва мукамал ҳисобланган. Мае., Роғиб Исфажонийнинг фикрича, илм, амал, адаб юксак унвонга, олижаноб насабга ва бойликка тенгдир. Бу учта унсурга Шарқда ҳам, Фарбда ҳам катта эътибор қаратилганини ҳисобга олсак, М.нинг салоҳияти, унинг моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш

мумкин. Фарбда М. деганда ижт-й тафаккурнинг XVII–XVIII а.ларга келиб капитал устувор бўлган мун-тлар даври б-н боғлиқ мад-й-мафкуравий ва фал-й ҳаракатлар тушунилган. Бунда саноатлашув йўлига кираётган ҳар қандай давлатнинг мад-й рив-шида М. қонуний босқич саналади. М.нинг муайян мам-тда намоён бўлиши, унинг миллий хус-ятларидан қатъи назар, бир қанча умумий хус-ятлар б-н ажралиб туради. Бу хус-ятлар сирасига жам-тнинг кенг қатламларини мад-т ва билимга ошно этиш зарурияти б-н боғлиқ бўлган демократизмни; инсон ақлининг чексиз имкониятларига бўлган ишончни англатадиган рационализмни; тарихий оптимизмни; фан ва жам-т тар-ётига, тарихий рив-шнинг ягона мақсадларига бўлган ишончни кири-тиш мумкин. Ана шу маънодаги М. илк бор Францияда вужудга келган. XVIII а.нинг бошларида вужудга келган М. 1789 йилги Француз инқилоби бошланиб, абсолютизм кучли инқирозга учраган шароитда ривожланди. Франциядаги М. даврининг етакчи намоёндалари орасида Вольтер, Монтескье, Ж.Мелье бор. XVIII а.нинг 40-йилларидан Ламетри, Дидро, Кондильяк, Руссо, Тюрго, Гельвеций ва Гольбах каби мутафаккирлар М.ни ривожлантирдилар. Франц. М.чи файласуфларининг илғор қарашлари умуман М.чилик тафаккурининг мазмуини кўп жиҳатдан белгилади ва фал.нинг кейинги рив-шига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Нисбатан кечроқ – XVIII а. ўрталаридан бошлаб М. йўлига Германия кирди. Бу даврда Германияда Виланд, Лессинг, Гердер, Клопшток, Гёте, Шиллер каби атоқли мутафаккирлар яшаб ижод қилди. Улар Кант, Фихте, Шеллинг ва Гегелнинг фал-й қарашларига кучли таъсир кўрсатди ва моҳият эътибори б-н уларга замин ҳозирлади. М. т.си б-н боғлиқ М.чилик Фарбда XVIII а.да яхлит оқим сифатида шаклланган бўлса, М. атамаси машҳур немис файласуфи Иммануэл Кантнинг “Маърифат нима?” номли мақоласидан (1784) сўнг илм-фанда узил-кесил қарор топган. Фарб тарихий ва фал-й фанида М. деганда инсон

ақл-идрокининг куч ва билимлари тантанасига чексиз ишонч англашилган. Янги даврда Туркистонда маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши Гулханий, Аҳмад Дониш, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Анбар отин, Муқимий, Фурқат каби ижодкорлар номи б-н боғлиқ. Миллий уйғониш даври бўлиб тарихга кирган XX а. бошларида жадидчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Бу ҳаракатнинг илғор вакиллари саналган Бехбудий, Авлоний, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирий Чўлпон сингари ёзувчи ва шоирлар халқнинг ижт-й онгини М. асосида тарбиялаш учун фидойилик кўрсатдилар. Жадидларнинг олиб борган барча ишлари — матбуотнинг йўлга қўйилиши, “усули жадид” мактаби назияси ва амалиёти, театрчилик — ҳамма-ҳаммаси М. чиликка хизмат қилди. Мам-тимиз истиқлолга эришгандан сўнг ҳақиқий М.ни тиклаш ва тараққий эттириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда халқимиз М.ини янада ошириш, юксак маъ-ят тамойиллари асосида М.ли ёш авлодни тарбиялаш бу соҳадаги энг устувор вазифага айланди. Илм-фан, маориф, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар, қарорлар ва фармонлар ижросини таъминлаш мам-тимизни мазкур йўналишда жаҳоннинг илғор мам-тлари сафига қўшилишига хизмат қилмоқда.

МАЪРИФАТЛИ ИНСОН — ўқимишли киши, зиёли, илмли, ориф, фозил, олим, муаллим, устоз, мураббий, ахлоқан комил инсон. М.и. кўпроқ маориф соҳасида қўлланади. Бироқ, М.и. сўзи ўзагида ориф сўзи ҳам борлиги учун бу бирикмани нафақат таълимда, балки барча соҳалардаги илмларни эгаллаган ва барча ахлоқ меъёрларини ўзлаштирган одоб-ахлоқли кишиларга нисбатан қўлласа бўлади. М.и.нинг зидди жоҳил, саводсиз, беадаб инсондир. М.и. комил инсон б-н тенглаштирилади. Маъ-ят таянчи — М.и.лардир. Жам-тни М.и.ларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жам-т элитасини, афкор оммасини М.и.лар белгилайди.

МАЪРИФАТПАРВАРЛИК — жам-т ҳаёти, унинг маън-й-маър-й соҳаларида намоён бўладиган жаҳолатга, ижт-й-сиёсий жоҳилликка зид бўлган ижт-й-фал-ий ва оммавий — демократик ҳаракатларни ифодаловчи т. Унинг мақсади муайян жам-т ҳаётини ғоявий жоҳиллик ва мафкуравий зўравонликдан, жаҳолатпарастликдан озод этиб, эркин тафаккур, илғор маър-й фаолият орқали тар-ётнинг барча зарур моддий ва маън-й ютуқларига эриштириш. Фарба XVIII а.га келиб М. ҳаракатининг Францияда бошланиши жам-тнинг туб ўзгаришлар учун етилганидан далолат беради. Фарба “М.” атамаси биринчи бор XVIII а.да инг. шоири Ж.Милтоннинг “Йўқотилган жаннат” достонида қўлланган бўлса ҳам, у мутлақ қироллик тартиботлари мутлақлашган Франция заминиде амалиётга киритилди. Ш.у. ҳам М. ҳаракатининг тарихий чегаралари “Давлат бу — мен” дейишгача бориб етган Людовик XIV давридан бошлаб, франц. буржуа инқилобигача (1789) бўлган тарихий даврни қамраб олади. Демак, “М.” атамаси худди шу даврга нисбатан қўлланади. М. ғоясининг фал-й асоси ҳис-туйғу (сенсуализм) ва иккиаслик (дуализм) қарашларидан иборат бўлиб, биринчиси М. ҳаракатининг бошланиш даврида, иккинчиси кейинги йиллардаги рив-ш жа-раёнларида кўпроқ аҳамият касб этган. М. ҳаракатига Де Сент-Эвремонт, А.Буленвиле, Бейл, Мелье каби таниқли алломалар асос солган бўлиб, кейинчалик Вольтер, Монтескье, Кондильяк, Ламетри, Гольбах, Дидро, Гелвений, Руссо, Бюффон каби забардаст тафаккур эгалари томонидан ривожлантирилган. Улар М. тамойилларини бутун Европа бўйлаб кенг тарқалишига ва оммалашувига муваффақ бўлди. М. ғоялари “маърифат а.и”дан кейин ҳам кенг тарқалиб, ижт-й-сиёсий, миллий-озодлик ҳаракатларининг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. XIX а. охири ва XX а. бошларида М.О. халқларининг миллий ҳаракатларини ғоявий-маър-й тайёрлаб берган ва уларни руҳлантириб турган маърифатпарварлар орасида Завқий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли,

Аҳмад Дониш, М.Бехбудий, Мунавварқори, А.Фитрат, А.Чўлпон, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Тавалло каби сиймоларни эътироф этиш лозим. Ўз-нда миллат озодлиги ва юрт фаровонлиги йўлида мардона курашган, бу йўлда кўп қурбонлар берган жадидлар ҳаракати М.нинг ёрқин ифодаси эди. Ш-дек, М. инсониятнинг бир жам-тдан иккинчи жам-тга, бир тарихий даврдан бошқа тарихий даврга ўтиши муҳим аҳамият касб этади. Замонанинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим деб, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маъ-ятли сиймолари М. б-н шуғулланади. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жам-тнинг бугуни ва келажаги учун муҳим бўлган гоёларни кўтариб чиқади ва шу гоёни амалга ошириш учун изчил кураш олиб боради. Ҳар бир даврнинг ўз маърифатпарварлари бўлади. Мас., Аҳмад Дониш 1869 йилда, яъни юрти вассалга айлантирилган даврда «Биз — ўзб.лар қачонгача ғафлат уйқусида ётамиз, қачон қоқоқликдан қутуламиз», дея фикр юритган. Бу қоқоқликдан қутулиш йўлини у маърифатда кўради, халқни маърифатли бўлишга чорлайди. Кейинроқ бошқа маърифатпарварлар ҳам шу гоёни ўз асарларида илгари сурганлар. XIX а.нинг охири ва XX а.нинг бошида вужудга келган жадидчилик ҳаракати вакиллари бу борада ибратли ишларни амалга оширганлар. Улар 1906 йилдан бошлаб, Туркистонда «Тараққий», «Хуршид», «Тужжор», «Самарқанд», «Ойина», «Бухоройи Шариф», «Умид» каби газета ва журналлар чиқарганлар, босмаҳона ва нашриётлар, кутубхоналар, театрлар, янгича мактаблар очганлар, хайрия жам-тларини тузганлар, ўтмиш мад-тимизни, тарихимизни тарғиб қилиш б-н бирга оламшумул янгиликларни ҳам оммага етказишга ҳаракат қилиб, дунёвий билимларни ҳам чуқур эгаллашга даъват этганлар. Маърифатчилар халқни миллий уйғонишга даъват этиб, «Нажот — илму ирфонда» деб билганлар, халқни маъ-ят йўлига бошлашга ҳаракат қилганлар. Аммо чор истилочилари ва собиқ иттифоқ даври бунга имкон бермади. Мам-тимизда М.нинг кенг

қулоч ёйиши учун фақат истиқлол йилларида кенг имконият яратилди. Мустақилликка эришиш мун-ти б-н Ўз-нда М.нинг янги даври бошланди. Халқимиз тарихидаги М.ка йўналган ҳаракатлар истиқлол даврида Президентимиз ташаббуси б-н бу борадаги сиёсатнинг бош гоёсига айланди. Энг аввало, тарихий-мад-й меросимиз, унинг асосини ташкил этган юрт ва миллат равнақи, ифтихори учун хизмат қилган, мустабид тузум даврида номи қораланган анъаналаримиз, моддий, мад-й ва маън-й ёдгорликларимиз, юртимиздан етишиб чиққан ва нафақат Ўз-н, балки бутун дунёга доврў таратган илм-фан, давлат ва дин намоёндалари, уларнинг Ватанимизга кўрсатган хизматларини халқ онига сингдиришга эътибор берилди. Шу қабиларни тарғиб қилиш воситасида ватанпарварлик, халқпарварлик, истиқлолга садоқат, қийинчиликларга сабр-тоқатлилиқ, тар-ётга интилиш, замон талабларига мувофиқлик, турли-туман таҳдидларга бардошлилик туйғуларини жонлантириш, халқни мустабид тузумнинг қуллик тафаккуридан халос қилишга катта аҳамият қаратилди. XX а. бошларидаги М.ка йўналтирилган индивидуал ҳаракатлар а. сўнггида Президентимиз ташаббуси б-н давлат ва ҳукумат фаолиятининг бош гоёсига айланди. Мустақиллик даври М.ининг иккинчи босқичи XX а.нинг 90-йиллари ўрталарида маърифат воситалари ва ўчоқларини ҳар томонлама замонавийлаштиришга қаратилган қонунлар ва дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга татбиқ этилиши б-н бошланди. Мазкур қонунлар ва дастурлар асосида жам-тнинг мад-й кўринишида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Биргина таълим тизимини ислоҳ қилиш ва барча соҳаларда билимли, илғор замонавий мутахассисларни тайёрлаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. М.ни юксалтиришнинг учинчи, энг оғир ва давомли босқичи янги а. бошларига тўғри келади. Бу даврда давлат ва ҳукумат томонидан мустақил мам-тга мос тарзда шаклланиб бўлган маъ-й дунёқараш, унинг ҳуқуқий асослари ва амалий воситаларини давомли

равишда модернизациялашга кенг эътибор қаратилди. Буни бутунги кунда таълим тизимини илғор технологиялар б-н бойитиш, замонавий иншоотлар б-н таъминлаш, илм-фан манбаларини доимий янгилашиб бориши, ижодий, илмий салоҳиятни намоён қилишга кенг имкониятлар яратилиши, тадбиркорлик ва ташаббускорликнинг ривожлантирилишига ҳар томонлама шароитларнинг кенгайтирилиши кабиларда яққол кўриш мумкин. М.ни истиқлол даври, миллий ғоя унинг асосий т. ва тамойиллари орқали шакллантириш борасида маън-й-мад-й ҳаётнинг барча соҳаларида а.ларга татиғулик ишлар амалга оширилди. Илм-фан, мад-т ва санъат соҳасида илм. тад. ишлари б-н бир қаторда истиқлол даври, унинг кенг имкониятларини, моҳиятини акс эттирадиган, давр ва миллат қаҳрамони, унинг хус-ятларини кўрсатувчи асарлар яратилди. Ўзб. тилига давлат тили мақоми берилиши зиёлиларга — илм-фан, адабиёт ва санъат намояндаларига эркин ижод қилиш, халқ руҳини чуқур ҳис этиш орқали юксак савияда асарлар ёзиш имконини берди. Мустақиллик даври М.ининг муҳим хус-яти шундаки, унда бунёдкорлик, эзгу ишлар, Ватан равнақи юрт тинчлиги, диний бағрикенглик т.лари нафақат наз-й, айни пайтда, амалий жиҳатдан яхлит тарзда ўз ифодасини топмоқда. М. турли поғона ва даражаларда, тамойиллар асосида юксалиб бормоқда.

МАҚСАД — инсон амалий фаолиятининг аввалдан ўйлаб тайёрланган режаси ва натижаси. М. инсонлар маъ-ятида энг муҳим ўрин тутувчи ақлий-тафаккурий ҳодиса бўлиб, уни келажакнинг лойиҳаси, деб таърифлаш мумкин. Эҳтиёж, манфаат, мотив индивид ёки ижт-й гуруҳ хулқ-атвори, фаолиятининг муҳим таркибий қисмлари бўлса, М. фаолият йўналишини белгиловчи омилдир. М.нинг шаклланишига субъектнинг эҳтиёж ва манфаатлари кучли таъсир кўрсатади. М.нинг реал ва нореал, қисқа муддатли ва узоқ муддатга мўлжалланган, асосий ва иккинчи даражали ва б. турлари бор.

Реал М.лар субъектнинг имкониятлари, атроф-муҳитнинг ҳолати, мад-ти ва маъ-яти ва объектив қонуниятларини ҳисобга олса, нореал М.лар фақатгина субъектнинг орзу-истакларини ифодалайди, атрофдаги вазиятни ҳисобга олмайди. М.сизлик — бу мўлжалсиз, шунчаки бесамар хатти-ҳаракатдир. М.сиз яшаш — маъносиз, моҳиятсиз мавжудликдир. М.сизлик инсонни орзу ҳавасини, қаерга кетаётганини истиқболда нималар кутаётганига бефарқликдир. М.сиз одам б-н мўлжалланган манзилга бориб бўлмаганидек, ундай кишининг хатти-ҳаракатлари “бўйсунувчан, тобеликдан”, лоқайдликдан ёки маъносиз «саркашлик»дан иборат бўлади. М.сиз, ғоясиз, ҳар қандай одам турли-туман ғоявий-мафкуравий тажовузларга чалинувчан бўлади. Бундай кишилар маън-й қиёфасининг чеклангани б-н ажралиб туради. Жам-т ҳаётида жуда кўп жинойтлар ҳаётда аниқ М.га эга бўлмаслик оқибатида содир этилади. М.сизлик кўп ҳолларда ўсмирлик ва балоғат ёшидаги ёшлар орасида кўзга ташланади.

МАҚОЛ — қисқа, чуқур маъноли, нутқда кенг қўлланадиган, барқарор шаклга эга халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири. М.лар халқнинг, миллатнинг интеллектуал, мад-й, маъ-й, маън-й савиясини қисқа ва лўнда фикрларда ифода этиш даражасидир. М.лар халқнинг кўп алик ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади. М.лар хилма-хил мавзуларда бўлиб, турмушнинг турли масалаларини қамраб олади. М. нутқ жараёнида муайян вазиятда фикрни лўнда, таъсирчан, образли тарзда ифодалашда жуда ҳам қўл келади. Кўпинча ўғит, насиҳат мазмунида бўлади. М. ўз табиатига кўра, нутқда кўчма ёки ўз маъносида қўлланади, яъни айрим М.лар фақат кўчма (“Қуш уясида кўрганни қилади”), баъзан ўз маъносида (“Дехқон бўлсанг, шудгор қил”) ишлатилади.

МАҲАЛЛА (араб. жой, ўрин, макон) — 1) шаҳарнинг маълум бир ҳудудини ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бир-

лашган, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ижт-й-ҳудудий бўлаги; 2) айти бир ҳудудда яшовчилар, М. аъзолари; 3) М. кенгаши ва у ўрнашган бино, М. гузари. М. тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепада 8 та оила яшаган. Кейинчалик, уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини оқсоқоллар бошқарган, улар эса ўз навбатида, оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Демак, М. қадимда маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. М.ларда тарихан шаклланган миллий ва маън-й қадриятларни ҳар томонлама ўрганиш, ёзозлаш ва изчил тарғиб қилиш имкониятлари кенгдир. Шу боис, Ўз-нда мустақилликнинг илк даврларидан бошлабоқ, М. интига катта аҳамият берилди. Президентимиз томонидан 1992 йил 12 сентябрда республика “Маҳалла” жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон ва 1993 йил сентябрь ойида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” қонун қабул қилинди. М. ўз аҳлининг маън-й, руҳий дунёси, мафкуравий онги ва тафаккури, инсонларнинг ўзаро алоқалари, оилавий мун-тларини шакллантирувчи, қўни-қўшничилик, қуда-андачилик каби муаммо ва масалаларни ҳал этувчи нодавлат ташкилотдир. У жам-т ҳаётида тинчлик ва осойишталикни, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни сақлашда меҳр-оқибатлилик, шафқат ва мурувват каби усуллар б-н ҳар қандай мавжуд муаммоларнинг ечимини топа оладиган ижт-й ҳодисадир. “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидланганидек, **Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш** каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи

бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз. Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқаруви бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчилигидан далолат беради. Айти пайтда у юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. (“Юксак маънавият – энгилмас куч”, 58–60–б.). М., аввало, соғлом ижт-й муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри М. аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро мун-тларини адолат ва маън-й мезонлар асосида тартибга солиб туради. М.да кенг жамоатчилик ўртасида маън-й ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айтиқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида М.нинг ўрни беқиёс. М. доирасида амалга ошириладиган таълим ва саводхонлик курсларини ташкил этиш, анъанавий байрам ва тадбирлар пайтида муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, аёллар нуфузини ошириш, турли адолатсизликларнинг олдини олиш, ОАВ имкониятларидан фойдаланиш, бошқа муассасалар б-н ўзаро алоқани яхшилаш, ҳам-

корликда тадбирлар уюштириш, турли авлод вакиллари ўртасидаги мун-тларни такомиллаштириш орқали тарғибот ўзига хос тарзда амалга оширилади. Яъни бунда ҳам таъсир воситалари сифатида ижт-й реклама, турли курслар ташкил этиш, оилаларга психологик хизматни йўлга қўйиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оталар насиҳатлари асосида ёшларни тарбиялаш ишида кенг фойдаланиш. ОАВ орқали берилётган маълумотларнинг психоллингвистик таҳлилини амалга ошириш, ижт-й фикрнинг М.лар бўйича мониторингини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунда М. фуқаролар, биринчи навбатда, ёшларни миллий гоё руҳида тарбиялашнинг чинакам таъсирчан ўчоғига айланади.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК — маҳаллий манфаатларни кўзлаб иш тутиш; миллий ва умумдавлат манфаатларини ҳисобга олмай, уларга зарар келтирувчи, тор маҳаллий манфаатлар доирасида фаолият юритиш. М. аслида қад. ва ўрта а.даги миллий тарқоқлик даврига хос бўлса-да, муайян шаклларда ҳоз. замон жам-тларида, айниқса, миллий манфаатларининг устунлигини тўлиқ англаб етмаган, бирликка эришмаган халқларда кўпроқ сақланиб қолган. Собик иттифоқдаги ҳукмрон мафкура М. илдиз отиши учун қулай шароит яратди. Мустабид тузум парчаланиб, асоратга тушган халқлар эндиликда ўз миллий давлатларини тузиб, янги жам-т қуришга киришдилар. Мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топмоқда, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш устувор ва долзарб бўлиб қолди. Ана шундай шароитда М. ўзининг бутун салбий хус-ятлари б-н яққол намоён бўлади. М. этник-минтақавий фикр юритишнинг кўриниши бўлиб, миллий ўзликни англашдан минтақавий ўзликни англаш устунлик қилган шароитларда илдиз отади. М. тамойилининг кучайиши минтақаларнинг ўзини ўзи чегаралаб қўйишга, таркиб топган хўжалик алоқаларининг кучсизланиши ва парчаланишига, бинобарин, минтақанинг иқт-й жиҳатдан таназзулига олиб келиши мумкин. М. давлатнинг яхлитлигига

реал хавф туғдиради. Мустақил Ўз-нда ҳуқуқий, демократик жам-т асослари мустақамланиб, турли соҳа, тармоқдаги субъектларнинг эркинлиги ошиб борган сари М. ҳам барҳам топиб боради. Тарихий тар-ёт янги жам-тни қуриш учун, аввало, одамлар тафаккурини ўзгартириш, мустақил фикрлайдиган авлодни тарбиялаш зарурлигини яққол кўрсатди. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Авваламбор, сохта обрў топишга уриниш, уруғчилик, гуруҳчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс балосидан халос бўлиб, барча куч-қувватимизни, саъй-ҳаракатимизни, худо ато этган ақл-заковатимизни юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашга жалб қилайлик”**. Айни вақтда келажаги буюк давлат қуришга тўсиқ бўлаётган М. иллатидан халос бўлиш ва ягона мақсад атрофида, яъни адолатли, демократик жам-т барпо этиш йўлида бирлашиш долзарб вазифа ҳисобланади. Маълумки, халқимизда оила ва қариндошлик мун-тлари маън-й қадриятларнинг муҳим манбаи саналади. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғам-хўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қондалари бўлиб келган. Афсуски, бу қадриятларга ҳам совет даврида жиддий путур етди. Мазкур тузум хусусий тадбиркорликни тақиқлаб, «яқинларини қўллаш»га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Натижада бу кўникмалар ва ахлоқий меъёрлар тўсиққа учради. Уруғаймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижт-й бузуқ шакллари юзага кела бошлади. Шу б-н бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жам-т тар-ётини секинлаштирадиган таниш-билишчилик, М.ка айланиб кетди. Истиқлол йилларида бу каби салбий иллатларнинг янги жам-т қуришнинг демократик мезонларига зид экани англаб етилди. Бугунги кунда халқимизнинг мақсад-муддаоларига тўғри келмайдиган салбий қусурлардан халос бўлиш чоралари кўрилоқда. Айниқса, бу борада соғлом демок-

ратик жараёнлар муҳим ўрин тутмоқда. Демак, ёш авлодни турли маън-й тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуглайдиган юксак фазилатлар, ш-дек, унинг рившига салбий таъсир кўрсатаётган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатларни бартараф этиш зарурлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бу борада, биринчи навбатда, қариндош-уруғчилик, М. ва манфаатпарастлик каби иллатлардан жам-тимизни тозалаш ўта муҳим масала бўлиб, у кенг жамоатчилигимиз, айниқса, зиёлилар, олим ва адиблар, санъат ва мад-т аҳли, ўз фаолиятини маъ-ят соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг диққат марказида туриши ва масъулиятига айланиши зарур.

МЕДИТАЦИЯ (лот. *meditatio* – фикрлаш) — ақлий фаолиятни муайян бир нарсада тўлиқ жамлаш ҳолати. Бу жараён мууроқаба деб ҳам аталади. Ақл инсоннинг барча ҳис-туйғулари фаолиятини бошқариб турувчи субстанция ҳисобланади. Агар инсоннинг ақли муайян нарса (объект) ҳақидаги ўйлар б-н машғул бўлса, ақл бошқараётган ҳис-туйғулар ҳам, ўзларининг бошқа ҳаракатларини тарк этиб, шу жараён б-н банд бўлади. Мууроқаба жараёнида инсон ўзининг ҳиссиётлари орқали тасаввур қилиш мумкин бўлган объект (қиёфа) бўлиши шарт. Мууроқабага тасаввудда, сўфийлар таълимотида муршид ва мурид киришади. М. б-н асосан йоғлар шуғулланади. Мууроқаба қилиш объектлари, яъни йоғ олдиға қўйган мақсадларига мувофиқ жараён ҳар хил бўлади: дхян-йога, карма-йога бхакти-йога ва ҳ.к.

МЕНТАЛИТЕТ (лот. *mens* – ақл, ид-рок) — жам-т, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маън-й салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян, ижт-й шароитларда шаклланган ақлий қобиляти, руҳий қувватини ифода этувчи т. Жам-т, миллат ёки шахснинг М.и уларнинг ўзига хос миллий анъаналари, расм-русумлари, урф-олари, диний эътиқод ва қарашларини

ҳам қамраб олади. Жам-тнинг, миллатнинг, маълум бир жам-тнинг ёки шахснинг М.ини ўрганиш унга жиддий ёндашишни талаб қилади. Бунинг учун жуда кўп омиллар: ушбу миллат яшаб турган шарт-шароит, тарихий давр, унинг ўтмиши, миллатнинг руҳияти ва б. бир қатор жиҳатлар инобатга олинishi, бошқа миллатлар б-н қиёсий таҳлил этилиши лозим. Ўзб. миллати М.тининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Алар давомида ўзб. халқи муҳим савдо-сотиқ, илм-фан, меъморчилик, ҳунармандчилик марказлари, халқлар ва мам-тларни бир-бири б-н боғлаб турган йўллар чорраҳасида яшагани сабабли, унинг М.и тараққий этиб борган. Оламни идрок этишнинг ижт-й-мад-й ва этник жиҳатлари М.ни шакллантиради ва унда сайқал топади. Дунёнинг турли чеккасида истиқомат қилувчи кишилар учун турлича М. хосдир. Уни фикрлаш, ҳис этиш ва ишонишнинг чуқур манбаи сифатида тушуниш мумкин. М. тилда, анъаналарда, одатларда, онгнинг ўз-ўзини бошқаришида намоён бўлади ва шу маънода у ижт-й онгнинг индивидуал онгдан юқори даражаси ҳисобланиб, кўпинча муайян индивид томонидан идрок этилмайди ва таҳлил қилинмайди, лекин унинг иродасидан холи тарзда хулқ-атворида ва ибораларида ўз аксини топади. М. даражасида ўтмиш мад-ти ўз сирларини гўё «ошкор этади». Тил М.и оламни тил орқали тасаввур этиш усули. Оддий кишилар ва олий зотлар М.и шўролар тизими давридаги ва ундан олдинги М. авторитар, қишлоқ хўжалик ходими ва бюрократ М.и ҳақида гапириш мумкин. Ҳар бир миллатнинг М.и турфа хил ва ўзига хосдир. Бу ҳол ўз этник мансублигини идрок этишга ёрдам беради, ижт-й ҳамда ахлоқий тажриба миллий шаклларининг авлоддан авлодга ўтишида восита вазифасини ўтайди. М. маълум даражада муайян мам-т, сиёсий ҳаёт, этник ва мад-й анъаналар, ижт-й алоқаларга боғлиқдир. М. нисбатан муқим, барқарор ҳодиса бўлса-да, оммавий онгда иқтисодиёт ва руҳиятдаги мулоқот, силжишлар ва ҳокимият шаклига боғлиқ ҳолда М.да ўзга-

ришлар юз бериши мумкин. М. илдизлари қанчалик чуқур экани айниқса фольклор мад-тида намоён бўлади. М. ижт-й тарихнинг ажралмас жиҳати сифатида кишиларнинг т. ва тасаввурлари орқали ифодаланadi. Бу т. ва тасаввурлар эса тил, ижт-й мун-т, дин, мад-т орқали кишилар онгига сингдирилади.

МЕРОС — ижт-й, иқт-й, маън-й ва ҳуқуқий жиҳатдан хилма-хил мазмунга эга бўлган сермаъно т. 1. Ижт-й маънода, ажодлардан авлодларга ворисийлик асосида ўтиб келаётган, инсоният томонидан ўтмишда яратилган барча моддий ва маън-й бойликларни ифодалайди. Улар озгаки ва ёзма шаклларда ҳамда ўтмишда яратилган ва бугунги кунда ҳам ўз мавқеини, қадрини сақлаб қолган ҳамда сақланиб келаётган осори-атиқалар, барча моддий ва маън-й ҳаётда эришилган ютуқлар; билим ва кўникмалар, тажрибаларни билдиради. М. мансублилигига кўра алоҳида шахс, оила, гуруҳ, жамоа, ҳудуд, миллат, давлат, умуминсоний даражаларга бўлиниши мумкин. М. мад-й, тарихий, моддий ва маън-й турларга ҳам ажратилади. Бу турлар ҳам ўз навбатида алоҳида қисмларга эга бўлиб, мас., мад-й мерос объектив ва индивидуал, анъанавий ва замонавий кўринишларда намоён бўлади. 2. Ҳуқуқий маънода, фуқаронинг вафот этиши ёки унинг вафоти суд-ҳуқуқ органлари томонидан қайд қилиниши б-н унинг ворисларига бериладиган мол-мулкни англатади.

МЕХАНИЦИЗМ — объектив воқеликдаги барча нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзгариши ва рив-шини механика қонунлари б-н изоҳловчи дунёқараш. XVIII а.ларда мумтоз механика шаклланиши, рив-ши ҳамда механика қонунларининг мутлақлаштирилиши таъсирида оламнинг механик манзараси вужудга келади. М. таълимотига кўра, табиатдаги барча нарсалар, атомлардан тортиб сайёраларгача ўзгармас унсурлардан таркиб топган механик тизимдан иборат ва бу унсурларнинг ҳаракати механика қонунлари б-н белгиланади.

МЕЪЁР — объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодалайдиган фал-й т. М. т.си дастлаб Қад. Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистондаги фал-ий қарашларда ўз ифодасини топган. М.О. мутафаккирлари (Ибн Сино, Беруний ва ш.к) асарларида ҳам М. т.си таҳлил этилган. Улар ўз асарларида табиий ва маън-й-руҳий М.га оид фикр-мулоҳазаларни билдирганлар. М. фал-ий категория сифатида Гегель фал.-сида атрофлича таҳлил этилган. Ҳар қандай объектнинг сифати муайян миқдор (моддий тизимларнинг хус-ятлари, унсурлари, сони ва ҳ.к.) б-н узвий боғлиқлиги б-н белгиланади. Уларнинг талабларига риоя қилиш кундалик турмушимизда ҳамда билиш жараёнида кўзланган мақсадга эришишимизга имкон беради. Мас., “Таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак”, деган қоидага риоя этиш т.га бериладиган таърифнинг мантиқан тўғри бўлишини таъминлайдиган шартлардан биридир. Агар бу қоида талаби бузилса, таъриф ҳаддан ташқари кенг (мас., “Фан — билимлар тизими”) ёки ҳаддан ташқари тор (мас., “Фан — гоёларда ифода этилган билимлар тизими”) бўлиб қолади. Гапда ифодаланган М.лар ҳукми (мулоҳазани) ифода қилиши ҳам, қилмаслиги ҳам мумкин. Мас., “Урушни тарғиб қилиш қатъиян ман қилинади”, деган гап М.ий фикр, ҳукми (мулоҳазани) ифода этмайди. “Саидов Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга”, деган фикр эса М. (М.ий қоида) ҳақидаги ҳукм (мулоҳаза) ҳисобланади; бунда М. “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари меҳнат қилиш ҳуқуқига эга”, деган фикрдан иборат”; ш.у. ҳам у мантиқий қийматга эга, яъни чин фикрни ифода этади. Демак, М. ҳақидаги ҳукмлар (М.ий ҳукмлар) бошқа ҳукмлар сингари мантиқий қийматга эга, яъни тўғри ёки хато фикрни ифода этади. М.лар илмий билишда қоидаларни, услубларни, ҳуқуқий соҳада — ҳуқуқий М.ий ҳужжатларни (мас., қонунлар, кодекслар,

буйруқлар ва ш. к.ни), ахлоқ-одоб М.ларини ва б. соҳалардаги норматив фикрларни ифодалайди. Уларнинг билишдаги ва амалиётдаги аҳамияти ана шу б-н белгиланади. М. доирасида миқдор ўзгаришларининг чегараси мавжуд. Ушбу чегарадан (миқдор ўзгаришлари, унсурларининг катта-кичиклиги, дискретлиги, даврийлиги, боғланиш тартиби, тузилиши, ҳаракати ва ҳ.к) ҳатлаб ўтилганда, объект бошқа шаклда намоён бўлиши мумкин. М. объектнинг сифат ўзгаришлари, ўз навбатида, миқдорий ўзгаришларга олиб келади. М. мусиқада ритм, гармония, архитектурада ансамбль ва ҳ.к. асосини ташкил этади. Жам-гда М. категорияси муҳим илмий-наз-й ва амалий аҳамиятга эга.

МЕҲМОН – ўзга хонадон, маҳалла, юртга самимий ришталарни боғлаш, эзгу ният ва ишларни амалга ошириш мақсадида ташриф буюрувчи киши ёки кишиларни ифодаловчи т. М. келишини халқимиз эзгулик, яхшилик рамзи деб ҳисоблайди. Маълумки, ҳар қандай жам-гда яшаётган кишилар бир-бирлари б-н моддий ва маън-й мун-тларга киришади. Маън-й алоқаларнинг бир қиррасини меҳмон-меzbонлик мун-тлари ташкил этади. Одамларнинг бир-бири б-н борди-келди қилиши, мулоқотда бўлиши, бир-бирига меҳр-оқибат, мурувват кўрсатиши, М.лик ва меzbонлик алоқаларини боғлашлари инсоний фазилат ҳисобланади. Меҳмондўстлик ўзб. халқининг минг йиллар мобайнида таркиб топиб, тажрибасидан ўтиб барчага манзур бўлган прогрессив ва демократик характердаги анъанасидир. М. кутиш юксак одоб, ахлоқ, нафосат, умуман олганда, маъ-ят мактаби ҳисобланади. Меҳмондўстлик орқали дўстлик, ўртоқлик, одамгарчилик, инсонпарварлик туйғулари шакллантирилади.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ОДОБИ (қоидалари) – инсонларнинг юксак инсоний ва самимий фазилатлари асосида қурилган меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш борасидаги ўзаро мулоқоти ва мун-тларида амал қилинадиган одоб-ахлоқ талаблари, муайян тартиб-қоида ва удумларни ифодалайдиган т. М.о.халқ турмуш

тарзининг ғоятда нозик, юксак мад-ти ва маън-й қадрияти ҳисобланади. М.о.ни билиш, унга амал қилиш маъ-ятлилик белгисидир. Халқимизга хос меҳмондорчиликда қайси уйга меҳмон келса, дарҳол дастурхон ёзилиб, нон ушатилади. М.о. борасида ҳар бир минтақанинг ўзига хос хус-ятлари ҳам мавжуд. Фарғона водийси ва Самарқандда меҳмонга даставвал иссиқ кўк чой берилади. Тошкентда эса хушбўй фамилчой дамлаш одат тусига кирган. Келган меҳмонга дарҳол қатиқ таклиф этиш ёки нонуштасига албатта қатиқ бериш Наманганда яхши одат тусини олган. Сурхондарёликларга меҳмонга борилса, хушбўй кўк чой б-н бирга арча ўтинида пиширилган тандир кабоб келтирилиб, меҳмон хурмати жойига қўйилади. Хоразмликлар меҳмонни маҳсус тайёрланган палов б-н сийлайдилар. Қорақалпоқларнинг балиқ кабоби б-н кулчатоийни еган меҳмон у ёқдан яхши таассуротлар б-н қайтади. Фарғона ва Андижонда меҳмон келган хонадонга қўшнилар хурмат юзасидан дастурхон чиқарадилар... Меҳмоннинг муҳими ва номуҳими, каттаси ёки кичиги бўлмайди. Меҳмонга сарпо кийдириш одатининг икки маъноси бор. Бири – ўзининг яқин кишисига, қариндошига сарпо кийдирганда узоқлашмаслик, бегоналашмаслик, ҳамжиҳатлик истаги билдирилади. Иккинчиси – бегонага сарпо кийдириш у б-н дўстлашганлик, қариндошга айланганлик ёки қадрон бўлиб қолганликнинг рамзий ифодаси ҳисобланади. Ш.саб. хориждан келиб, эл-юрт меҳмони бўлган кишиларга ҳам миллий уст-бош кийдириш анъанага айланиб кетган. Меҳмондорчилик қоидаларидан бири шуки, меҳмон келган уйда бақариб гаплашиш, шовқин солиш, унинг ҳузурда ади-бади айтишиш, уришиб қолиш у ёқда турсин, ҳатто кесатиб гапириб ҳам бўлмайди. Меҳмонга озор бермасликка интилиш эса одамларни қовуштириб, меҳр-оқибатли қилади, дўстлик ва биродарликни келтириб чиқаради, оилада бир-бирига меҳр-муҳаббат, ҳамжиҳатлик, хотиржамликни янада кучайтиради. М.о. аввало, одамларни меҳмонга таклиф этишдан бошлана-

ди. Таклиф этиладиган кишининг вақти бор-йўқлиги билиб олинганидан кейингина уни меҳмонга чақириш мумкин. Меҳмонлар келадиган пайтда дарвоза очиқ туриши керак. Уларни эшик олдида самимият ва очиқкўнгиллик б-н кутиб олиш лозим. Совға олиб келганларга ҳам, самимий саломи б-н келганларга ҳам баб-баравар миннатдорлик билдирилади. Сўнг меҳмоннинг ечинишига ёрдамлашиш ва қўл ювганда сочиқ тутиш зарур. Меҳмон келиши олдидан болаларни ювинтириб, яхши кийинтириб қўйиш жуда муҳим. Бу нарса болаларда ҳам меҳмондорчилик аҳамиятини англаш ҳиссини уйғотади. Меҳмон ҳузурда болалар шўхлик қилса, уларга танбеҳ бермаслик керак, чунки бу ҳолат меҳмоннинг иззат-нафсига тегиши мумкин. Меҳмондорчиликни уюштиришда ҳисобга олинадиган жиҳатлар кўп. Қишлоқдан шаҳарга келган меҳмон шаҳар айлангиси, дўконларга киргиси, театрда боргиси келади. Шаҳардан қишлоққа борган меҳмон эса табиатдан баҳра олишни хоҳлайди. Мезбон ана шу ҳолатларни ҳисобга олиши ва диққатга сазовор жойларни азиз меҳмонга таништириши лозим бўлади. М.о.га кўра, дастурхонни чиройли безатиш ва меҳмонни рисоладагидай кутиб олиш ҳам бир санъатдир. Меҳмон учун тузаладиган дастурхон оила аъзолари учун ясатиладиган дастурхондан фарқ қилади. Тўйларда дастурхон бошқача безалади, байрам дастурхони ўзгача бўлади. Дастурхон тузашда икки қоида бор: бири – моддий шароитларни, иккинчиси эса маън-ий шароитларни таъминлашдир. Дастурхонга қўйиладиган таомлар хилма-хиллиги, миқдори ва сифати, овқатланиш асбобларининг етарли миқдорда мавжудлиги, дастурхон тузаладиган жой покиза, қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши – буларнинг ҳаммаси моддий шароитларга киради. Маън-ий шароитга меҳмонларни эъзозлаб кутиб олиш, дўстлик ва самимийлик кўрсатиб, уларга сидқидилдан хизмат қилиш киради. М.о. қоидаларидан яна бири шундаки, бу санъатга оилада ўғил ва қизлар ёшлигиданоқ ўргатиб борилади, токи улар

вояга етганларида турли таомларни тайёрлай билсин, уйига келадиган кишиларни кўнгилдагидек кутиб оладиган меҳмондўст бўлиб етишсин. Қоидага кўра, мезбон учун барча меҳмон бирдек қадрли, бироқ у кексаларга, жамоат орасида обрў қозонган, меҳнати ва билими, истеъдоди ва санъати б-н машҳур кишиларга, умуман, эл-юртга хизмат кўрсатган инсонларга алоҳида эътибор бериши зарур. Уларга яхши илтифот, ширин тақаллуф кўрсатиш орқали барча меҳмонлар ҳурмат қилинган бўлади. Бундай инсонлар ўз юриш-туриши, билими, инсонпарварлиги, юксак маъ-яти б-н мезбон ва барча меҳмонларга ибрат бўлади. Бу эса меҳмондорчиликнинг оддий бордикелди воситасига эмас, балки ўзига хос одоб-ахлоқ, маъ-ят-маърифат мактабига айланишига сабаб бўлади.

МЕҲМОНДЎСТЛИК – маън-ий фазилат сифатида меҳмоннавозлик, меҳмон кутишни одатга айлантиришни ифодалайдиган т. М. барча миллатларга ва элатларга хос. Бироқ, бу хус-ят турли миллатларда турли даражада намоён бўлади. М. хус-ятининг муайян халқда рив-ши ўша халқнинг ўтмиши, тарихи б-н боғлиқ. Савдо б-н кўпроқ шугулланган халқларда бу хус-ят уқорироқ даражада ривожланган. Мас., Буюк Ипак йўлида жойлашган халқларда, жум-н, ўзб.ларда бу хус-ят азалдан юксак даражада ривожланиб, сайқал топиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири шундаки, меҳмонхоналар ривожланмаган қад. даврда савдогарлар йўл-йўлакай турли хонадонларда, хусусий уйларда тўхташига тўғри келган. Меҳмондўст бўлмаган қишлоқлар, овулларни савдогарлар четлаб ўтган. Оқибатда савдогарларга М. кўрсатмаган қишлоқ ва овуллар тар-ётдан ортда қолган. М.нинг рив-шига адабиёт ва санъатнинг таъсири ҳам беқиёс. М. онгида, менталитетида жамоавийлик тамойили устун бўлган миллатлар учун кўпроқ хос. Индивидуализм устувор бўлган мам-тларда М. иккинчи, учинчи даражали аҳамият касб этади. Чунки индивидуализм жамоавийликнинг ва айни пайтда М.нинг зидди бўлиб, шах-

снинг ички, индивидуал сифатларини олдинги ўринга, унинг ташқи муҳит б-н боғлиқ сифатларини кейинги ўринга қўядиган таълимот ва қарашдир. М.нинг туб моҳияти инсонни улуғлаш, унга ҳурмат кўрсатиш б-н боғлиқ. Ш.у. ҳам Шарқ фал.си ва адабиётида М. ва меҳмоннавозликка алоҳида эътибор қаратилган. “Уйларига меҳмон қўнмайдиган кишилар ёмон одамлардирлар”, дейилади ҳадислардан бирида. М.ка алоҳида ҳурмат б-н қаралиши меҳмон кутиш одоби, расм-русумларига катта эътибор берилишида ҳам намоён бўлади. Бунда меҳмонни кутиб олишдан қузатгунга қадар, мезбон ўзини қандай тутиши кераклиги ва қоидалари батафсил ишлаб чиқилган. М.да меҳмонни очиқ юз б-н кутиб олиш ва қузатиш жуда муҳим экани кўп мақоллар, ҳикматлар ва бадий асарларда алоҳида таъкидланади.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ — шахснинг меҳнат жараёнида амал қилиши шарт қилиб белгиланган, давлат қонунлари, ташкилот меъёрий ҳужжатлари ва қонунларда акс этмаган, лекин шахс маън-й, ахлоқий мун-тларидан келиб чиқадиган тартиб-қоидалар, меҳнат ваколоти, бурч ва эркинликларни қамраб олувчи т. М.и.ни йўлга қўйишда ҳар бир жам-тдаги қадриятлар, урф-о.лар, маъ-ят, мад-т, меҳнатга мун-т, мафкура каби омиллар эътиборга олинади. Ўз-н мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ М.и. мам-тимизда фуқаролик жам-ти ва ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги стратегик мақсадларнинг таркибий қисмларидан бирига айланди. Ш.у. бевосита демократик тарётнинг барча тамойилларига риоя қилган ҳолда М.и. масаласида давлат томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва бажаришда жамоатчилик фикридан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Бу борада жам-тнинг барча тизимида, аввало ҳокимият муассасаларида самарали иш олиб борувчи меҳнат жамоаларининг роли ғоят муҳимдир. М.и. б-н боғлиқ ташаббускорлик, ташкилотчилик ишлари раҳбар хо-

димларнинг эътиборида туриши М.и.нинг таъминланишида муҳим ўрин тутаяди. Бу эса раҳбар бошқараётган жамоанинг маън-й иқлимига боғлиқ бўлиб, одамлардаги меҳнатга бўлган мун-т ва саъй-ҳаракатларнинг фаоллашувига катта ёрдам беради. М.и.ни мустаҳкамлашда ҳар бир ходимнинг маън-й жиҳатдан юксаклиги, ишга ҳалол мун-тда бўлиши, ишлаб чиқаришни рив-ши ва соғлом муҳитни вужудга келтиришида муҳим роль ўйнайди. Президент Ислом Каримовнинг қатор маъруза ва чиқишларида интизом ва мустаҳкам жамоат тартиби бўлмаса, демократик тамойилларни амалга ошириб бўлмайди, деб таъкидланади. Ички тартиб қоидаларининг талаби шундан иборатки, ташкилот учун ўзининг бор имконияти ва билими б-н виждонан ишловчи ходимларни тақдирлаш ва интизомини бузувчиларни жазолаш вазифаси ҳам юклатилади. Меҳнат қонунчилигида турли касбда фаолият юритувчи жамоаларнинг ходимлари меҳнат бурчларини намунали бажаргани, меҳнат унумдорлигини оширгани, узоқ вақт ва бенуқсон ишлагани, хизматда ташаббускорлиги учун уларни моддий ва маън-й тақдирлаб бориш назарда тутилади. Мас., ижт-й соҳада меҳнат жамоа маъмурияти касаба уюшмаси меҳнат фаоллари б-н келишилган ҳолда раҳматнома эълон қилиш, бир йўла мукофотлар ва қимматбаҳо совғалар бериш, ходимларни Фахрий ёрлик б-н мукофотлаш, меҳнат дафтарига ва ҳурмат тахтасига ёзиш ҳуқуқига эга. Социал-мад-й ва уй-жой маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги имтиёзлар, мас., уй-жой шароитини яхшилаш, соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар бериш ва ҳ.к.лар ҳам ходимларни рағбатлантиришнинг энг самарали усуллариандир. Бу тадбирлардан тўғри фойдаланиш муассаса раҳбарлари ва мутахассисларига бевосита боғлиқ. Қолаверса, М.и.нинг бундай рағбатлантириб борилиши шахснинг маъ-ятини шакллантириш ва М.и.нинг табиий эҳтиёжга айланишига хизмат қилади. Бироқ, ижт-й муассасалар раҳбарлари фаолиятида фақат яхши ходимларни тақдирлашга эътиборни қаратиб келмоқ-

да. Меҳнат интизомини бузувчи кишиларни принципиал ва қатъий жазолаш, уларга нисбатан ижт-й таъсир ва интизомий жазо чораларини қўллаш ҳам муҳимдир. М.и.нинг ҳуқуқий асосларини бузувчиларга нисбатан маъмурият ички меҳнат тартиб қоидаларига ва амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий жазо чораларини қўллаши, ш-дек, ижт-й таъсир чораларини кўриши мумкин. Бундай жазоларга танбеҳ, ҳайфсан, қатъий ҳайфсан, уч ойгача кам иш ҳақи тўланадиган ишга ўтказиб қўйиш ёки шу муддат давомида қуйи вазифага тушириш, М.и.ни мунтазам бузиб келгани ёки узрсиз сабаблар б-н ишга келмагани учун ишдан бўшатиш чораларини кўриши мумкин. Шу б-н бирга, маъмурият интизом жазосини қўллаш ўрнига М.и.ни бузганлик тўғрисидаги масалани жамоатчилик муҳокамасига қўйиши ёки жамоат ташкилотларининг муҳокамасига беришга ҳам ҳақлидир. Интизомий ёки ижт-й жазо чораларининг қўлланишидан қатъи назар, интизомни жиддий равишда бузган ходимлар қўшимча имтиёзлардан, мукофот пулидан ёки соғломлаштириш оромгоҳлари учун йўлланмалардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этилиши мумкин. Интизомий жазо чоралари тўғри қўлланилган ва суиистеъмол қилинмаган ҳамда меҳнат қонунларига ва белгиланган қоидаларга риоя қилинган жойда бу чораларнинг самарадорлиги, одатда, юқори бўлади. Фақат шундай ҳоллардагина интизомий жазо чораларининг нафақат жазоловчи таъсири, балки тарбиявий роли ҳам таъминланади. М.и. б-н боғлиқ жазо чораларини асосан раҳбар қўллар экан, у бунга ҳаддан ортиқ берилиб кетмаслиги керак. Зеро, бундай ёндашув ижт-й-маън-й муҳитнинг бузилишига, жамоада раҳбарнинг обрў-этиборининг пасайишига олиб келиши мумкин. Дарҳақиқат, жазо чоралари пухта ўйлаб кўрилмай бўлар-бўлмасга қўлланаверса, жазонинг таъсирчанлиги, меҳнатга оқилона мун-т бўлишига путур етади. Кўп ҳолларда айрим ходимлар интизомий жазо чораларига маънан ҳошлади ёки кўникиб қолади ва ҳатто М.и.ни ашаддий бузувчилар ҳам жазо чо-

раларини ўзларининг ноҳўя ҳаракатларининг натижаси деб эмас, балки раҳбар феъл-атвори б-н боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Ш.у. баъзан интизомий жазога тортиш ўрнига М.и.ни бузганлик тўғрисидаги масалани жамоат ташкилотлари, бутун жамоа ёки ўртоқлик суди муҳокамасига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Хуллас, ҳар бир жамоада фаолият кўрсатётган раҳбарнинг шахсий, ўзига хос индивидуал сифатлари, маън-й фазилатлари янги замон шароитида шаклланиётган экан, ўзгараётган ижт-й маън-й муҳит М.и.ни янги ҳақ ҳуқуқий талаблар асосида таъминлаш, умуман бошқарув тизимини ҳам янги технологиялар талабига биноан ислоҳ қилиш, янги дунёқарашга эга бўлган раҳбар кадрларни тарбиялашни тақозо этмоқда.

МЕҲНАТ ЭСТЕТИКАСИ — эстетик категория сифатида инсоннинг ижт-й ва индивидуал ишлаб чиқариш жараёнида гўзалликка нисбатан мун-тини ифодалайди. Инсон меҳнатининг эстетик хус-ятлари илк бор Сукрот суҳбатларида, Аристотельнинг “Поэтика”си, Витрувининг “Меъморилик ҳақида ўн китоб” асарларида тадқиқ этилган. Европанинг индустриал тар-ёт даврига хос М. э. муаммолари И.Кант томонидан фал-ий таҳлил этилган. Шу б-н бирга, мумтоз эстетикада ишлаб чиқариш эстетикаси амалиёт б-н узвий боғлиқ алоҳида йўналиш сифатида қарор топган. М. э. жам-т моддий неъматларини ишлаб чиқариш шароитлари ва унинг натижаларини эстетик ўзлаштириш жараёнини англатади. Илмий-техника тар-ёти ишлаб чиқариш жараёнларини эстетик таъминлаш заруратини вужудга келтирди. Натижада М. э.да янги тармоқ — дизайн (безак санъати) ажралиб чиқди. М.э. моддий-бадий мад-тнинг конкрет шакли, меҳнатни нафосат қонунлари асосида ташкил этишдир. М.э. ишлаб чиқариш жараёнларида ходимларнинг иш муҳитини эстетик безаш, меҳнат маҳсулотларини бадий жиҳозлаш, гўзаллик тамойиллари асосида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган фаолиятни ўз ичига олади. М.э.

санъат наз-яси б-н диалектик боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида гўзаллик қонуниятларини қарор топишига, эстетик дид ва туйғуни шакллантиришга хизмат қилади. М.э. жам-т маъятининг ажралмас қисми сифатида инсонни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида зарур тарбиявий восита ҳамдир.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК — маън-й фазилат сифатида шахснинг ишчанлиги, меҳнатни, ишни хуш кўриши ва умуман, инсоннинг меҳнатга мун-тини ифодаловчи т. Унинг натижалари эришилган ютуқ, кўлга киритилган ҳосил ёки маҳсулотнинг миқдори ва сифати б-н ўлчанади. М.нинг зидди ялқовлик, дангасалик, танбаллик, боқиманадалиқдир. Ҳар қандай жам-тда ёшларни М. руҳида тарбиялашга ҳаракат қилинади. Чунки меҳнат қилмайдиган одам бошқалар ҳисобига кун кечиради, у оила, жамоа ва жам-т тар-ётига халақит беради. М. меҳнатнинг ҳар қандай турига нисбатан намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. Мас., айрим кишилар ақлий меҳнатни ёқтирмаслиги, жисмоний меҳнат б-н эса жон-дили б-н шугулланиши, бошқалар эса жисмоний меҳнатни ёқтирмаслиги мумкин. М.нинг шаклланиши фақат шахснинг ички сифатларига эмас, жам-тда мавжуд ижт-й мун-тлар, меҳнат ва маҳсулот тақсимоти тамойилларига ҳам боғлиқ. Мас., шахс ўз ерида унумли ва чин кўнгилдан меҳнат қилиши, бошқаларнинг ерида эса мажбуран, номигагина меҳнат қилиши мумкин. Меҳнат натижаларидан баҳраманд бўлиш имконияти М.нинг кенгроқ ва чуқурроқ ёйилишига хизмат қилади. Меҳнат натижаларидан баҳраманд бўлиш имконияти пасайиб кетса, М. миқёси ва даражаси ҳам камаёди. М.нинг қай даражада ёйилиши, унинг ижт-й қадриятга айланиши кўп жиҳатдан меҳнатнинг хус-ятларига боғлиқ. Мустахлама мам-тларда меҳнат кўпинча мажбурий бўлган. Унинг меваларидан асосан мустабид давлат кўпроқ баҳраманд бўлган. Бундай муҳитда М.нинг кенг ёйилиши мантиққа зид бўлади. Бундай шароитда меҳнат ихтиёрий ва яхши кайфият б-н

бажарилган фаолият тури эмас, мажбуран бажарилган кўнгилсиз фаолиятга айланади. М.нинг жам-тда ёйилиш миқёси ижт-й тар-ётга бевосита таъсир ўтказадди, боқиманадалиқнинг авж олиши эса мам-тни инқирозга олиб келади. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асариде деҳқончиликни тавсифлар экан, меҳнатнинг ижт-й ҳаётдаги ролини шундай таърифлайди: «Оламнинг ободлиги деҳқонлардан, меҳнат аҳли шодонлиги улардан. Деҳқон ҳар қандай экин экишга қилса ҳаракат — элга ҳам озиқ-овқат етказур, ҳам барокат». М. шахс ва жам-т маъ-яти таркибидаги муҳим сифатлардан бири ҳисобланади. Маъ-ятнинг шаклланиши ва ривожидан ҳам кўп жиҳатдан М.нинг мавжудлигига боғлиқ. М. бўлмаганда маъ-ят ҳам бўлмас эди. М.нинг бир қатор хус-ятлари фақат эркин, ижт-й меҳнат жараёнида шаклланади ва намоён бўлади. Улар жумласига шижоат, ғайрат кабиларни киритиш мумкин. М. шунчаки ишда эмас, шижоат ва ғайрат б-н қилинаётган меҳнат жараёнида яққолроқ намоён бўлади. Бундай меҳнат жам-т аъзоларида М.ни шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

МЕҲР — холис ва таъмасиз яхши кўриш, севги-муҳаббатнинг теранлашган шаклини ифодаловчи т. М. кишилиқ жамтининг маън-й тар-ётида шаклланган ахлоқий фазилат бўлиб, индивидуаллик хус-ятига эгадир. М. кишилар шахсий, оилавий ҳамда этник бирлигини, мақсад ва манфаатларни амалга оширишда эзгулик йўлидаги ижт-й мун-тидир. Баъзи олимлар М. қад. даврда табиат кучларига қарши туриш, инсоннинг ижт-й ҳамкорлиги зарурияти натижасида вужудга келган ижобий ҳис-туйғудир, дейдилар. Бироқ М. туйғусини даврийлаштириш унчалик ҳам тўғри эмас, чунки, у инсон яратилганидан буён унинг табиатиға хос хислатдир. Абу Наср Форобий М. деганда фозил одамларға хосликни тушунса, Абу Райҳон Беруний назарида инсоннинг олий фазилати ўзгалар ҳақида ғамхўрлик, айниқса, камбағалларға меҳр-мурувват

кўрсатишида намоён бўлади. Ўрта а. Европасида эса одамларнинг ижт-й ҳаётда ўзаро бир-бирига ёрдам бериш, ўзгаларнинг моддий ва маън-й аҳволига эътибор б-н қарашнинг ижт-й меъёри сифатида қарор топган. Жам-т тар-ётида М. шахснинг ўзгалар б-н биргаликда турмуш кечиришидаги ижт-й ҳамкорлик, етим-есир, бева-бечораларга бегараз моддий ва маън-й ёрдам кўрсатишга қобиллик, аниқроғи, сахийлик мад-ти сифатида шаклланган. Ўз-нда жам-тни янада демократлаштиришда М. комил инсоннинг фазилати, миллий ғоянинг тарихий-фал-й, ахлоқий-ғоявий манбаидир. Жам-тни модернизациялаш жараёнида М. миллатни озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт куришда ўзаро бирлашувида ўзгалар ороми учун ўз оромидан кечирди. М. инсоннинг давлат ва жам-т мун-гларида турли миллат ва динга мансуб кишилар б-н бунёдкорлик ишида ўзгаларга фойда келтириш қобилиятидир. М. инсонга хос барқарор туйғу бўлиб, шахснинг келажак авлодлар бахт-саодати йўлидаги бегараз фаол ҳатти-ҳаракати ҳисобланади. М. ўз моҳиятига кўра, ахлоқий т. бўлиб, муҳаббатга нисбатан жамоавий бирликни таъминлашдаги ўзаро алоқаларнинг мураккаб қисмини англатади. Чунки, М. шахснинг ўзгаларга бегараз ёрдами, ўзгалар ғамташвишига ҳамдардлигини аңлатади. М. ижт-й бирдамлик ифодаси сифатида кишилик жам-ти учун жуда зарурдир. Азалдан одамлар икки тоифа “қон-қариндош” ва “бегона”га бўлиниб яшаб келади. Бунда М. баъзан маън-й мезон бўлади. М. ижт-й яқинликнинг муҳим ахлоқий жиҳатидир. Жам-т тар-ётида қон-қариндошлик бир оила, маҳалла, қишлоқ, туман, вилоят ва миллат доирасида намоён бўлади. М.О. халқлари турмуш тарзида деҳқончилик табиат б-н бевосита боғлиқ бўлиб, жамоавий меҳнатни тақозо этган. Бу ҳол одамлар орасида ўзаро ички қалб бирлиги туйғусини ўстирган. Шу боисдан М. оқибат икки жиҳатни, яъни шахснинг ўз қавми аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш б-н бирга, уларнинг маън-й ғамташвишларига ҳамдардлик қилишга тайёр туриш фазилатини мужассам этган.

Диний таълимотларда М. ғояси асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. М. турли мад-т ва динларга эга бўлган миллатни бир-бирига яқинлаштиради, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда янада мустаҳкамланади. Унинг ижт-й илдизи оила бўлиб, М. ота-она ва фарзандларнинг маън-й алоқаларида мужассамлашади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, фарзандлар феъл-атвори, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас т.ларнинг пойдевори оила шароитида қарор топади.

МЕҲРИБОНЛИК — кишиларнинг ўзаро мун-гларида меҳр-оқибат кўрсатиш, бир-бирига қайишиш, ёрдамлашиш, хушфеъллик, ёрдамга муҳтож бўлган одамларга кўмак кўрсатиш б-н боғлиқ эзгу ҳатти-ҳаракатларни қамраб оладиган фазилат. Маъно-мазмунига кўра, М. — шафқат, эзгулик, олижаноблик, саховат, инсонийлик каби ҳис-туйғуларга яқин туради. М. — халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилатлардан бири. Чунки ўзб. халқи азалдан меҳрибон, болажон, ҳеч кимдан ёрдами, кўмак-далдасини аямайдиган халқ сифатида танилган. Халқимиз орасида меҳр-оқибатлилик, бир-бирига далда бўлиш, оғир дамларда муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳатто етти ёт бегонадан ҳам меҳр-шафқатни дариф тутмаслик каби хислатлар ниҳоятда улуғланиб, менталитетимизда бош фазилатлардан ҳисобланади. Мустақиллик даврига келиб, М. фазилатининг ўзб. халқи тимсолида обрўи янада ошди, қадр-қиммати теранлашди, янги-янги жиҳатлари кашф этила бошлади. Чунончи, байрам кунларида кўпчилик бўлиб қариялар, бева-бечоралар, етим-есирлар, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиб бериш, мактаб-интернатларда етим болаларнинг хатна маросимларини ўтказиш, ёлғиз қолган ва кўмакка муҳтож кишиларга байрам мун-ти б-н совға-салом улашиш каби олижа-

ноб хатти-ҳаракатлар халқимизнинг оқ-кўнгил, саховатпеша, мард, инсоний туйғуларга бой халқ эканидан дарак беради. Мустақиллик йилларида қариялар уйи қайта номланиб, “Меҳрибонлик уйи” деб аталаётгани ҳам, бу ерда яшайдиган сўққабош, ёлғиз кишиларга меҳр-шафқат кўрсатилаётгани ҳам, бу муассасаларнинг иш фаолиятида халқимиз кўнглидаги М., ширинсўзлик, хушфетўлик каби фазилатлар тобора чуқур ўрин эгаллаётгани ҳам диққатга сазовордир. Чунки, ўзб.лар минг йиллар мобайнида ислом дини анъаналари руҳида тарбия топиб келаётган халқ. Ўзб. халқи ўзининг узоқ йиллик тарихида бахтли-саодатли, шод-хуррам чоғларни ҳам, ташвишли-таҳликали йилларни ҳам, мустамлака даврининг азоб-укубатлари-ю, табиий офатлар келтирган қулфатларни ҳам кўп кўрди. Ш.у. халқимиз меҳр-оқибат, М. нима эканини жуда яхши билади, бу каби олий инсоний туйғуларни эъзозлаб-ардоқлайди, қўлидан келган ёрдамни бошқалардан асло аямайди. Ўзб. халқининг бу каби олий фазилатлари бошқа мамтларда турли табиий офатлар рўй берганида, биринчилар қаторида кўрсатган бегараз ва инсонпарварлик ёрдами, М. сабъ-ҳаракатлари ўзб. халқининг миллий хус-ятига айланиб кетгани — халқимизнинг халқаро обрў-эътибори ошишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

МИЛЛАТ — тил, маъ-ят, миллий ўзликнинг англаш руҳияти, урф-о.лар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқт-й алоқалар б-н боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маън-й бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги. М. маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тар-ёт давомида ривожланиб, кишиларнинг маън-й-руҳий салоҳият ягоналиги асосида шаклланади. У фақатгина “капиталистик жам-тнинг муқаррар маҳсули” эмас, балки инсониятнинг дунёга келиши ва тар-ётнинг маҳсулидир. М.нинг шаклланиши ва рив-шида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади, аммо улар М. абадийлигини таъ-

минлашнинг охириги имконияти эмас. Улар М. тар-ёти учун зарурий шарт ҳисобланади. М.нинг абадийлиги, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилли унинг ички маън-й-руҳий салоҳиятидир. М.ларнинг ички-руҳий салоҳияти, яратувчилик қобилияти, матонати, тинимсиз меҳнати, тadbиркорлиги ва ўзига хослигини ривожлантириш асосида ҳоз. замон цивилизацияси юзага келган. Мутахассисларнинг фикрича, Ер юзида уч минга яқин миллат бўлиб, инсониятнинг ўрта ҳисоб б-н 96 фоизини бирлаштиради. Қолган 4 фоиз элат ва қабилалардир. Ҳар бир М. аҳолиси бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгача боради. М.лар беш йирик гуруҳга бўлинади: 1. (Буюк М.лар) хитойликлар, аҳоли сони 1 млрд. икки юз эллик млн.дан ортиқ, ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар — ҳар бири юз млн.дан уч юз млн.гача аҳолига эга. 2. Катта миллатлар — 50 млн.дан 100 млн.гача — инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар ва б. 3. Йирик миллатлар — 10 млн.дан 50 млн.гача — ўзб.лар, португаллар, поляклар, эфиоплар ва б. 4. Ўрта миллатлар — бир млн.дан ўн млн.гача. 5. Кичик М. бир неча ўн мингдан бир млн.гача. Жаҳондаги 27 М. ер юзи аҳолисининг қарийб 75 фоизини ташкил қилади. Аввало, “М.” т.сига масъулият б-н ёндашиш зарур. Ўринли-ўринсиз ишлатиб, ўқувчи ёки тингловчини чалғитиб қўйиши ҳам мумкин. Мас., “Миллат” атамасини диний маънода ишлатиб, мусулмон М.и, ислом М.и дегувчилар ҳам бўлган ва ҳозир ҳам бор. Бутун Ер юзидаги бир ярим миллиардга яқин ислом динига эътиқод қилувчилар бир М. вакилларида иборат эмас, улар орасида араблар, туркий ва форсий халқлар б-н бирга Фарбда инглиз, фаранг, олмонлардан тортиб, Шарқда япон, индонезиялик, малайзияликларгача, африкалик негрлар ҳам бор. Ислом дунё динларидан бири, унга эътиқод қилувчилар ирқий жиҳатдан ҳам турличадир. Мусулмонларни ягона ислом М.и деб эмас, балки Биру Бор Аллоҳ таолонинг бандалари, ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари, деб тушунмоқ жоиз. Мусул-

мончилик — умматлар бирлиги. Айни пайтда нуфуси 200 миллиондан ошиб кетган барча туркий халқларни ягона турк М.и деб ҳисоблаш ҳам ғайриилмийдир. Буларнинг барини ўқ томири бир қардош ва тилдош халқлар дейиш ҳақиқатга яқинроқдир. Ягона ўқилдиздан тарқалган халқларнинг бир-бирларидан йироқлашиш жараёнлари қанчалик узоқ давом этган бўлса, уларнинг бирлашиш жараёни ҳам шунча давом этиши мумкин. Бу жараённи сунъий йўл б-н тезлаштириб бўлмайди. Лекин кишилик жам-тининг ҳоз. тар-ёт босқичида масофалар «қисқарди», сайёрамиз «“кичрайиб» қолди, ўрта а.ларда б ой юриладиган манзилга ҳозир б соатда етиш мумкин. Барча соҳаларда узлуксиз борди-келди қилиш имкониятлари беқиёс даражада кенгайди. Туркий халқларнинг мад-т, санъат, адабиёт, илм-фан, савдо-сотиқ ва б. соҳалардаги ўзаро алоқаларининг кучайиши улар ўртасида қардошлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. М. масаласига янада ойдинлик киритиш мақсадида турли қитъа ва мам-тларда яшовчи М.лар ва халқларга оид мисолларга мурожаат этиш мумкин. Мас., корейс халқининг икки мустақил давлати — Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси мавжуд. Ваҳоланки, иккала давлатда ҳам корейс М.и яшайди. Австрияда олмон миллати яшаса ҳам, ўзларини австрияликлар деб ҳисоблашади. Швейцарияда асосан уч М. вакиллари — олмон, фаранг ва итальянлар яшайди, шу сабабли бу давлат конфедерация деб аталади. Яқин-яқингача икки Олмония — ГДР ва ГФР мавжуд бўлиб, сиёсий тузумига кўра икки хил давлат эди. Шўро сиёсатчилари шарқий олмонларни социалистик М., ғарбий олмонларни капиталистик М., деб тушунтирар эди. Ҳолбуки, иккала давлатда ҳам ягона бир М. — олмон М.и яшарди. Кейинги воқеалар ривожини — икки олмон давлатининг бирлашуви ўша синфийликка асосланган сохта наз-янинг пучлигини исботлаб берди. Демак, М. т.си, синфий т. эмас. Чунки, бой ҳам, ўртаҳол ҳам, йўқсил ҳам бир М.га мансуб бўлиш ҳуқуқига эга. Шу маънода

собиқ мустабит тузум мафкурачилари ҳар бир М.да икки М., ҳар бир мад-тда икки хил мад-т бор, деган наз-ялари фақат уйдирмадан иборат экани шубҳасиздир. М. кишиларнинг тарихий яхлитлиги, умумиқт-й турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, мад-т, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир. Ўз давлатисиз ўз қиёфасига эга М. йўқ. М.нинг метиндек жипслиги давлатнинг қудратига боғлиқ. Ва аксинча, миллатнинг жипслиги давлатнинг куч-қудрати даражасини белгилайди. Давлатни тузишда, демакки, М.ни шакллантиришда тарихий шахснинг — йўлбошчининг ўрни ва роли беқиёсдир. Қачонки халқ метиндек бирлашиб ва жипслашган бўлса, ўшанда у ўзининг буюк давлатини барпо этган. Тарихда бунга мисоллар кўп. Мас., Амир Темур XIV а.да тарих саҳнасига чиқиб, ана шундай бирлаштирувчилик вазифасини адо этиб, буюк Темурийлар давлатини тузди. Аждодларимиз, ўша давр ибораси б-н айтганда, туркий қавм тарқоқликка барҳам бериб, яхлит М. бўлиб шаклланди. М.нинг жипслик даражаси ўзгариб туради. Турли омиллар таъсирида у гоҳ мустаҳкамланади, гоҳ заифлашади. Темурийлардан кейин миллатимиз жипслиги анча заифлашди, ягона Туркистон парчаланиб кетди. Шимолий, Шарқий ва Жанубий Туркистон ҳудудлари ўзгалар томонидан истило қилинди. Марказий Туркистон ҳудудида бир-бири б-н иттифоқ учта давлат пайдо бўлди. Натижада улар таназзул ёқасига келиб қолиб, охир-оқибатда чоризм истилосига дучор бўлди. Демак, миллат тақдирида давлат, давлат қисматида М. ҳал қилувчи омил ҳисобланади. М. фақат бир халқ вакилларидагана иборат тарзда шаклланмайди. Ҳоз. ўзб. М.ининг таркиб топишида барча туркий қабил ва уруғлар, олис ўтмишдан Туронзаминда яшаб келаётган аждодларимиз, ш-дек, қадим Суғд эли, Хоразм эли ва б. ҳам иштирок этганлар. Бу ҳол тилимиз, дилимиз, қиёфамиз, урф-о.ларимиз, турмуш тарзимиз, мад-тимиз, санъатимиз, адабиётимиз ва меъморчилигимизда, ҳатто, меҳнат қуролларимизда мужассамлашган. Маълумки, ўзб. халқи келиб чиқиш жи-

ҳатидан туркийдир. Илк ёзма манбаларимиз Урхон ҳоқон Онасой бўйларида давлат қургани ҳақида битилган бўлса, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиблар ёзма адабий тилимизнинг тамал тошини қўйганлар. Ягона миллий адабий тилимиз XII а.даёқ шаклланиб бўлган эди. Бунга Туркистон пири Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»лари яққол исбот бўла олади. «Ҳикмат» тили XVI а. фарзанди Бобур тилига ҳам, XX а. адиблари Абдулла Қодирий ва Чўлпон тилига ҳам ўхшашдир. Ягона миллий тилимизни Хоразмда Қутб Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Мовароуннаҳрда Саккокий, Ҳиндистонда Ҳофиз Хоразмий, Рум элида Жалолиддин Румий, Насимий, Озарбайжонда Ҳоқоний қўллаган ва бойитган. Алишер Навоий ягона адабий тилимизнинг шухратини шу қадар баланд кўтардики, бу тил қуёши ёғдуларидан Чиндан Румоғача, Ҳиндистондан Сибир, Олтой ва Итил бўйларигача нафақат туркий, балки, барча элу элатлар баҳраманд бўлди, М.имиз доврўғи оламга ёйилди.

МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ — шахснинг бошқа халқларга уларнинг вакиллари б-н билвосита ёки бевосита мулоқот тарзида намоён бўладиган одоб-ахлоқ мажмуи. М.м.м. инсоннинг умумий мад-тининг таркибий қисмидир. М.м.м. миллатлараро мун-т жараёнида намоён бўлади. Бу жараёнда ўз миллатининг вакили сифатида у муайян ижт-й вазифани бажаради. Натижада шахс ижт-йлашув жараёнида ўз халқи узоқ тарихий рив-ш жараёнида тўплаган маън-й қадриятлар, одоб-ахлоқ, муомала мад-ти, мезонларини ўзлаштиради. Икки миллат икки мад-т, икки тилга мансуб кишилар ўртасидаги мулоқотда ана шу фарқлар намоён бўлади. Бу — объектив ҳолат. Агарда суҳбатдошлар бир-бирига яқин, фаол борди-келди қилиб келаётган халқлар вакилларида иборат (мас., ўзб. тожик, қозоқ, кирғиз, туркман ва ҳ.к.) бўлса, фарқ асосан тилда намоён бўлади. Бир-биридан жуғрофий жиҳатдан узоқ масофада яшаётган миллатлар вакиллари ўрта-

сидаги мулоқотда бир-бирини англаш мураккаброқ кечади. Улар нафақат бир-бирининг тилига тушунмайди, балки имо-ишораларнинг ўзига хослиги туфайли бир-бирининг хатти-ҳаракатларини ҳам тўғри талқин эта олмайди. Бу эса баъзан ноўрин кудуратларга, тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Мас., Лотин америкаликлар ва Европа халқлари вакиллари мулоқот пайтида суҳбатдошининг кўзларига тик қараб туради, Осиёда эса суҳбатдошнинг кўзига тик қараб туриш беадаблик ҳисобланади. Шу боис турли миллатларга хос мансуб кишиларнинг бир-бирининг урф-о., анъана ва қадриятларини билиши, уларга нисбатан юксак ҳурмат-эҳтиром М.м.м.нинг ривожини ва такомиллашувида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — миллатлараро аҳиллик, халқаро дўстлик; миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакиллари баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи т. Ер юзидаги 1600дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда М.т.ни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижт-й ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси М.т.ни таъминлашга бирёқлама, юзакки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Хус-н, давлатга ўз номини берган миллат б-н ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари ўртасидаги мун-тлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, жам-т ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала бизнинг мам-тимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўз-н ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида алар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалдан бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро мун-тларда уйғунлик вужудга келган мам-тларда кўп миллатлилик жам-тнинг сиёсий-ижт-й рив-

шига самарали таъсир этади. М.т. ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тар-ётини белгилайди. шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ер юзиде 6 млрддан зиёд аҳоли мавжуд. Ўз-н ҳудудиде эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Ҳар бир миллат Яратганнинг мўъжизаси бўлиб, ўз тили, дини, маслағи, қадриятлари, анъаналарига эга. Шу боис мазкур маън-й омилларнинг амал қилиши М.т.нинг муҳим шартларидан саналади. Давлатлар бу борада кўп миллатли (полиэтник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги б-н бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир мам-тда турли миллат вакиллариининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари б-н бирга ўзига хос қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мам-тдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Ўз-н каби полиэтник мам-тда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тар-ётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мам-тларнинг тар-ёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар б-н ҳам боғлиқдир. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мам-тларда ёнма-ён яшаётган этнослар ўртасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқли мун-т бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди. Шу б-н бирга, бир мам-т доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. М.т. ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя — бир жам-тда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳат-

ликнинг маън-й асосидир. Бу ғоя — ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Мам-тимизда ушбу ғояни амалга оширишга қатта эътибор берилмоқда. Президент И.А.Каримов Ўз-ннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, таъкидлаганидек: **«Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир»**. Бундай муҳит миллатлараро мун-тларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бермоқдаки, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. ЎзР Конституциясининг 8-моддасида **«Ўз-н халқини миллатидан қатъи назар, ЎзРнинг фуқаролари ташкил этади»**, деб аниқ белгилаб қўйилган. **«Ўзбекистон халқи»** т.си мам-тимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маън-й асос бўлиб хизмат қилади. Юртимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллий-мад-й марказлар ишлаб турибди. Уларнинг турли йўналишлардаги фаолияти, биринчидан, ўз вакиллариини миллий тарих, урф-о. ва анъаналардан хабардор қилишга, иккинчидан, халқнинг ўз-ўзини англашига таъсир этиб, М.т.нинг мустақамланишига хизмат қилмоқда.

МИЛЛАТНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ — муайян ҳудудда истиқомат қиладиган этноижт-й бирликнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, мад-ти, маъ-яти, яшаш тарзи, расм-русумлари, урф-о.лари, диний эътиқодларини ўз ичига олувчи т. Миллат ёки мам-т аҳолисининг ижт-й аҳолини акс эттирар экан, у миллий тар-ёт кучларини ҳаракатга ундовчи муҳим омил ҳисобланади. М.қ.қ. инсоннинг ўз миллатига бўлган мун-тини ҳам англатади. Ш-дек, М.қ.қ.ни қандай тушуниш, унга қандай мун-тда бўлиш ҳар бир инсоннинг маъ-яти даражасига боғлиқ. М.қ.қ. миллий эҳтиёжларни қондиришда, бутун дунёдаги миллатлар тар-ёти йўлидаги бевосита алоқаларни мустақамлашга ҳам ёрдам беради. М.қ.қ.ни ўрганиш, унга мун-т ниҳоятда эҳтиёткорлик ҳамда жиддий ёндашувни талаб қилади. М.қ.қ., яъни миллат тарихи, урф-о.и, анъаналари, маъ-яти ва мад-тининг бузиб кўрсатилиши жиддий хатоларга олиб келиши, мудҳиш ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Мустақиллик миллий қадр-қимматни ошириб, маъ-ят юксалишига, аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этишга хизмат қилади. М.қ.қ. миллат тарихининг азалий ҳамроҳи, ўтмишдан ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келаётган жам-т ҳаётининг асоси ҳисобланади.

МИЛЛАТПАРВАРЛИК — инсоннинг ҳаёти ва фаолияти давомида ўз миллатининг ўзига хос жиҳатларига ҳурмат ва садоқат руҳида қараши, миллий менталитет, урф-о., тафаккур тарзини чуқур ҳис этган ҳолда, миллатнинг ҳар томонлама тараққий топишига хизмат қилиши ва у б-н боғлиқ дунёқарашнинг намоён бўлишини ифодаловчи т. М., маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро, миллатни севиш, кенг маънода, Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши, унинг расмана эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас. Бироқ М.ни миллатчилик б-н қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб

олиб, унга “буюк”лик мақомини беришга интилиш бўлса, М. бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун курашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. Чунки ўз миллатини чин дилдан севамаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди. Асл М. миллий ўзлигини англаб етган инсондир, у ўз миллати б-н фахрланади, у б-н бутун жаҳонда фахрланишни истайди. М. тамойили асосида миллий ғоя ётади, у миллатни севиш амалиётининг илмий-наз-й асоси сифатида майдонга чиқади. М. инсоният тар-ётида миллатларнинг ўрни ва аҳамиятини тўғри тушуниш, Ер юзининг ҳар бир бурчагида мавжуд миллатларни тили, турмуш тарзи, ирқи, ташқи қиёфаси, урф-о.лари, дини, мад-тининг ўзига хос томонларидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, уларнинг озодлиги, тенглиги, гуллаб-яшнаши учун шарт-шароитлар яратиб бериш тарафдори бўлишдир. М. ҳар бир кишидан миллатлар ва миллий мун-тлар соҳасида чуқур билимли бўлишни, улар инсоният тарихида, унинг моддий ва маън-й мад-тининг шаклланишида, ҳоз. замон цивилизациясининг рив-шида жиддий мавқега эга эканлигини билишни тақозо этади. М. барча миллатларга баробар ҳурмат б-н қараш демакдир. Ўз миллатини бошқалардан афзал кўриб, унга имтиёзлар беришни талаб қилиш ёки аксинча, ўзиникини улуғлаб, ўзганинг тили ва мад-тига бефарқ қараш М. қоидаларига зиддир. Шу б-н бирга, М. барча миллатларни, уларнинг фарқ ва тафовутларини ҳисобга олмай туриб тенглаштиришни инкор этади. Ҳар бир миллатга бўлган мун-т уларнинг истиқомат қилиб турган муайян шароитлари, тарихи ва шу асосда бошқа миллатлар б-н ўзаро мун-тларига боғлиқ. Миллатлар ҳам инсонлардек хилма-хил ва турли-туман бўлганлиги боис, ҳар бир миллатга нисбатан мун-тларда ниҳоятда эҳтиёткорлик, муомала мад-ти ва эътибор талаб қилинади. Ҳар бир инсоннинг М.и, авваламбор, унинг ўз миллатига, тилига, мад-тига, анъаналари, урф-о.лари ва расм-русумларига бўлган мун-тида намоён бўлади. Лекин, М. бу

доирада чекланиб қолмайди, бошқа миллатларни ўз миллати б-н тенг кўради. Мустақил Ўз-ннинг юксалиши ҳар бир инсоннинг М.лик тамойилига содиқ бўлишига ҳам боғлиқ. Чунки, давлатимизнинг келажаги, биринчи навбатда, халқимизнинг уюшқоқлиги, гурури, тadbиркорлиги ҳамда ҳудудимизда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг миллати, дини, тили ва эътиқодидан қатъи назар, умуммиллий ғоя атрофида жипслашувига боғлиқдир. Ўз-нда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ана шундай йўлдан бормоқдалар. Шу маънода, мустақиллик йилларида миллатлараро ҳамкорликнинг мустаҳкамланиб бориши мам-тимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жам-ти қуриш б-н бир қаторда М.лик туйғусини янада такомиллашувига хизмат қилади.

МИЛЛАТЧИЛИК — миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб, бошқаларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, уларни ерга уришни англаувчи т. М. миллий маҳдудлик ва мумтозликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллатига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик руҳи б-н йўғрилган наз-я ва амалиёт. «М.» т.сига юқоридаги каби тус бериш кенг тарқалган бўлса-да, унинг қамров доирасини турлича талқин қилиш ҳоллари мавжудлигини таъкидлаш зарур. Мас., собиқ иттифоқ даврида М. т.си атайин сохталаштирилган ва миллийликнинг ҳар қандай кўриниши М. сифатида баҳоланган эди. Ҳоз. даврда айрим тадқиқотларда “миллатпарастлик”, “миллатпарварлик” ва “М.” т.ларини мазмунан фарқлаш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Хус-н, М. миллатларнинг тенглигини инкор этиш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун кўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, ўз миллатига сажда қилиш, унга холис баҳо бермаслик, камчилик ва нуқсонларини сезмаслик, миллатпарварлик эса миллатларнинг тенглигини тан олиш, барча ирқ ва миллатларга нисбатан тенг мун-тда бўлиш. ўз милла-

тига, унинг тили, мад-тига бефарқ бўлмаслик тарзида талқин қилинади. М. хилма-хил мазмун ва шаклда намоён бўлиши мумкин. Хус-н, катта ёки кичик миллатларнинг М.ини бошқа миллатларни ассимиляция қилишга қаратилган ёки миллий маҳдудликка йўналтирилган М.дан фарқлаш лозим. Ш-дек, миллий келишмовчиликлар ва низолар келиб чиқишига сабаб бўлувчи тажовузкор М. б-н бир қаторда ундан ҳам хавфлироқ бўлган яширин, нозиклашган М. ҳам мавжуд. Орий қавмига мансуб бўлмаган халқларни жисмонан йўқ қилиб ташлаш мақсадини кўзлаган национал-социализмда (фашизм) ўзининг энг мудҳиш қиёфасини намоён этган ҳолда М. ирқчилик б-н кўшилиб кетганини кўрамыз. М.нинг турли ижт-й қатламларга тортилиши мумкин бўлган энг содда кўриниши маиший М.дир. Ўзига хос этноижт-й бирлик бўлган миллат ва улар ўртасидаги мун-тлар мавжуд бўлар экан, маиший М. муайян даражада сақланиб қолаверади. Қандай шаклда бўлмасин, М. ортида моҳият эътибори жиҳатдан ўзга халқлар ва мад-тларни камситиш, уларга менсимаслик б-н мун-тда бўлиш туйғулари ётади. Бундай қарашлар, аксарият ҳолларда, миллатнинг тарихий рив-ши давомида рўй берган (баъзан рўй бермаган) адолатсизликларда ҳам муайян халқларни айбдор қилишга уринишлар б-н омихта ҳолда юзага чиқади. Умуман олганда, М. бир томондан, бошқа миллатлар б-н турли соҳалардаги ўзаро фойдали мун-тлардан маҳрум қилиб, миллатнинг маън-й қашшоқлашувига сабаб бўлса, иккинчи томондан, жиддий келишмовчиликларга замин яратади. М. туйғулари бутун миллатни қамраб олган ва давлат тузилмалари томонидан қўллаб-қувватланган ҳолларда эса у миллатлараро мун-тларнинг таранг ҳолатда сақланишига, ўзаро ишончсизлик туйғуларининг илдиз отишига, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг чўзилиб кетишига ва доимий беқарорлик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади. М. — шахс ёки этнос онгининг ўзига хос ҳолати ва ижт-й-руҳий жиҳатдан йўналтирилган оқим. Ана шу омиллар замини-

да М. наз-яси, мафкураси ва амалиёти вужудга келади. Ш.у. ҳар бир муайян ҳолатда М. тўғрисида сўз юритилар экан, гап майший турмушдаги М. ёки М. мафкураси тўғрисида бораётганини фарқлаш лозим. Майший турмушдаги М. миллат пайдо бўлганидан буён Шарқда ҳам, Фарбда ҳам мавжуд. М. мафкурасининг моҳиятини ўз миллатининг бошқа миллатлардан устунлигини эътироф этиш ва тарғиб қилиш ташкил этади. Ш.у. босқинчилар М.и б-н мазлумлар М.ини фарқлаш лозим. Мустамлакачилар ва босқинчилар М.и бошқа халқларни асоратга солиш учун хизмат қилса, мазлум халқлар М.и уларни озодликка олиб чиқиш учун йўналтирилади. М. экспансионизм, изоляционизм, шовинизм, нацизм кўринишларида намоён бўлиши мумкин. М. бир мам-т доирасида турли қарама-қаршилиқни келтириб чиқаради, халқаро миқёсда эса, турли мам-тлар халқлари ўртасига нифоқ солади. Халқаро қонунчиликка кўра, М. инсон ҳуқуқларини чеклаш ва сиёсий жиноят сифатида баҳоланади.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР — миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган т.лар, белгилар. хус-ятлар, қадриятлар, фаолият турлари, одатлар ва ҳислатларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи т. М.а. умуминсоний анъаналарнинг бир миллат даражасида намоён бўлишидир. Улар орқали ҳар бир миллатнинг муайян даврдаги ўзига хос хус-ят, ҳаёт тарзи, мад-ти, фани, адабиёти ва б. соҳалардаги эришилган натижалар ва ютуқлари бошқа даврда яшаётган авлодларга етказилади. М.а. ранг-барангдир. Уларда ҳар бир миллатга хос хус-ятлар намоён бўлади. Мас., бутун дунё халқларига хос меҳмондўстлик анъанаси ўзб.ларда русларникидан, грузинларники инглизларникидан фарқ қилади. М.а. миллатни бирлаштириш авлодлараро ворисликни таъминлаш воқитасидир. Муайян М.а.ни бажаришда кишилар ижт-й келиб чиқишидан қатъи назар, бир хилда ҳаракат қилади. М.а.да миллатнинг бетакрорлиги, миллат ҳаёти-

нинг ўзига хослиги, ворисликнинг муҳим миллий жиҳатлари намоён бўлади. Ҳар бир халқ ўз М.а.ининг соҳиби, уларнинг сақловчисидир. Миллатнинг ҳар бир авлоди М.а.ни ўтмишдан келажакка етказиб берувчи инсонлар руҳида тарбияланиши керак. Миллатнинг таназзули М.а.нинг ҳам таназзулидир. Собиқ иттифоқдаги мафкуравий таъйиқлар миллатлар ва М.а.га ҳам салбий таъсир кўрсатган эди. М.а.нинг айримлари «ўтмиш қолдиқлари» сифатида баҳоланар, уларнинг барҳам топиши тўғрисидаги ғайримиллий ва ғайриилмий ақидалар тарғиб қилинар эди. Ўз-н мустақилликка эришгандан сўнг М.а.га эътибор кучайди. Улар мустақилликни мустақамлашнинг муҳим воқитаси, кишиларни маън-й камолотга етказишнинг омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда. М.а.нинг жам-тдаги аҳамияти ва миллат истиқболига таъсири, айниқса, мустақиллик шароитида билинади. Мустақилликнинг вазифаларидан бири — тегишли давлатга ном берган миллатни юксалтириш, дунёга танитиш, миллатнинг кучини, салоҳиятини, қобилиятини, шижоатини ва унинг мустақилликка молик эканини намоён қилишдир. Бундай олижаноб фаолият эса М.а.ни тиклаш, такомиллаштириш ва бойитишсиз мумкин эмас. Чунки, бу — айни миллатнинг авлоддан авлодга ўтиб борадиган ва жамоатчилик фикри б-н муҳофаза қилинадиган ижт-й ахлоқ, ижт-й мун-тларнинг меъёри ҳамда қоидаларидир. Шу маънода, М.а. миллатнинг тарихини, ақлзаковатини, дидини, ижт-й воқеалар ва ҳодисаларга бўлган мун-тинини, турмуш тарзини ҳам ифода этади. М.а. барча миллатларда мавжуд, аммо, улар ҳар бир миллатда ўзига хос ва бетакрордир. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда М.а.ни инobatга олиш бу соҳадаги муваффақият гаровидир. Мас., Япония. Германия ва б. бир қанча мам-тлар шу омилдан самарали фойдаланиб, юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар. Шундай экан, М.а. масаласида жаҳоннинг илғор тажрибасини ўрганиш ўта муҳимдир. Бугунги кунда алар мобайнида шакл-

ланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган М.а. б-н бирга Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби байрам ва маросимларимиздан жам-т ҳаётига замонавий маъно-мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур. М.а.имизни ўрганиш, тарғиб этиш б-н бир қаторда, тўй-маъракаларни, уларнинг таркибий қисми бўлган одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор. Кишилар қалбига ишонч руҳини бахш этишга хизмат қиладиган М.а. аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва умумбашарий қадриятларга таяниши, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашга ундаши, мам-тимизнинг дунё ҳамжам-тига интеграциялашувини таъминлашга ёрдам берадиган маън-й омилга айланишига ҳаракат қилиш лозим. Ана шундагина М.а. сабртоқат, меҳр-оқибат, андиша, урф-о.ларга ҳурмат, яхшиларга эргашиш, ёмондан қочиб қаби халқимиз фазилатларининг янада сайқал топишига хизмат қилади. Шу тариқа, а.лар мобайнида шаклланган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган М.а.имиз мам-тимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омилига айланди ва миллий ғоя б-н уйғунлашиб, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига хизмат қилмоқда.

МИЛЛИЙ БИҚИҚЛИК, миллий маҳдудлик — ўз миллатини ўзга миллатлардан узоқлаштириш, унинг ўзига хослигини ҳимоя этишни тор тушуниб, миллий худбинликни жорий қилиш, ўз миллатининг ўзга миллатлар б-н эркин алоқада бўлишига путур етказиш. М.б. ҳоз. замондаги иқт-й, сиёсий ва мад-й-маън-й алоқаларнинг моҳиятини тушунмаслик ва уни юзаки талқин этиш маҳсулидир. Ҳоз. замон тар-ёти шундайки, миллатлар, минтақалар, қитъалар, мам-тлар ва халқлар ўзаро мун-тларга киришиб, ҳар томонлама яқинлашмасдан ривожлана олмайди. Ана шундай яқинлашиш ва б. мам-тлар ҳамда халқларнинг энг яхши ютуқларини ўзлаштириш ҳар бир миллат гуллаб-

яшнашининг зарурий шартидир. Барча ривожланган давлатлар ва миллатлар шу йўлдан бормоқдалар. Аммо бундай ўзлаштириб олиш ижодий равишда амалга оширилмоғи ва ўзлаштираётган миллатнинг ўзига хослиги, унинг тили, мад-ти ва анъаналарига путур етказмаслиги керак. Ш-дек, М.б. миллатларнинг ўзаро тенглигини, миллий мад-тларнинг бир-бирини тўлдириб келишини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун кўриб, бошқа миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, мад-ти ва маъ-ятини ўзлаштириш ҳисобига ўзининг миллатига улкан имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал кўриш, ўз миллатига сажда қилиб, унга ҳамду санолар ўқиш, кўкларга кўтариб, унга холисона баҳо беролмаслик, мавжуд камчиликлар ва нуқсонларини сезмаслик ва кўрмасликдир. М.б. ҳам миллатпарастлик сингари миллатнинг ўсиши, гуллаб-яшнаши учун энг кўп қийинчиликлар туғдирувчи, унинг ривожига тўсиқ бўлувчи омиллардан биридир. М.б. руҳи б-н суғорилган киши гўёки ўзича ўз миллатига жон-жаҳди б-н хизмат қилаётгандек кўринади, лекин у миллат таназзули учун хизмат қилаётганлигини ўзи ҳам гоҳида сезмайди. Чунки, у ўзининг қарама-қарши фикрлари ҳамда ножоиз хатти-ҳаракатлари б-н ўз миллатини бошқа миллатлардан, жаҳон ҳамжам-тидан узоқлаштиради, миллатнинг ривожини сустлаштиради. Ҳоз. замон фани, техника ва технологияси шундай суръатлар б-н ривожланмоқдаки, бундай шароитда ўз миллати учун самарали хизмат қилмоқ учун М.б. қобидан чиқиб, барча миллатлар б-н яқиндан мун-тда бўлиш, улардаги фан-техника, ижт-й ҳаётни ташкил қилишнинг самарали янгиликларини қабул қилиб олиш зарур. Ўз миллати учун жон кўйдирувчи киши миллатининг ютуқ ва тарихий хизматларидан фахрланади, аммо ҳар қадамда унга танқидий кўз б-н боқиб, доғларни тозалашга, нуқсонларни бартараф қилишга интилади, бу жараёнда фаол қатнашиб, шу орқали ўз миллатининг рив-шини тез-

лаштиради. М.б.ка интилиш ўтган а.ларда жаҳоннинг мустамлакалар ва метрополилар, қолоқ ўлкалар ва илғор давлатлар, озод халқлар ва мустабидлик исканжасидаги халқларга бўлиниб кетиши шароитида ғоя ва амалиёт сифатида ривожланиб, умумижт-й тар-ётнинг регрессив ҳолатини таъминлади. М.б. иллатига дучор бўлганлар демократик, маърифат-парвар ҳамда инсонпарвар кучлардан фарқли ўлароқ, ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчилардир. Истибод даврида ҳукрон бўлган мафкура М.б. ҳамда миллатчиликка қарши кураш ниқоби остида гегамонликка даъво қилувчи миллат вакилларининг айримларида М.б. хус-ятларини ривожлантирди, ушбу жиҳат ижт-й-мад-й ҳаётимизга ёт бўлган маън-й-мад-й таъсирлар хуружини кучайтирди. Ушбу жиҳатларни миллий тил ва мад-тимизнинг камситилганини, урф-о. ва анъаналар эскилик сарқити сифатида четга суриб қўйилгани, динга афъюн сифатида қаралиб, жам-т аъзолари қалбидан юлиб ташлаш учун қилинган ҳаракатларда намоён бўлди. М.б.ка интилиш жам-тда ўз миллати ҳамда унинг имкониятларини юқори қўйиш ўтиш даври қарама-қаршиликлари шароитида кўзга ташланади. Умуммиллий тар-ётдаги ушбу масъулиятли паллада ўзаро тинчлик, тотувлик, миллий ва диний бағрикенгликни тарғиб этиш кўзланган мақсадга етиш йўлидаги энг самарали усулдир. Мустақил Ўз-ннинг гуллаб-яшнашини истайдиган ҳар бир фуқаро мам-тимизнинг барча ривожланган давлатлар б-н мун-тларининг ҳар томонлама кенгайиши ва чуқурлашиши юртимизда миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи лозим. Миллатларнинг ўзаро ҳамжиҳат фаолияти кенгайиб бораётгани, миллатпарварлик ғоялари ўз ўрнини топаётгани жам-тимизда ижт-й ҳамкорлик янада кучайиб бораётганини англатади.

МИЛЛИЙ БОЙЛИК — мавжуд ёки муайян давр мобайнида мам-тда тўпланган ёхуд яратилган моддий, мад-й-маън-й

мерос, неъматлар ва табиий бойликларнинг мажмуасини ифодаловчи т. М.б. булардан ташқари тўпланган билимлар, касбий малака ва тажрибани қамраб олади. М.б. бу айрим миллат ёки элат бойлиги эмас, балки муайян мам-тнинг умумий бойлигидир. У ўзининг шаклига кўра меҳнат орқали яратилган бойлик ва табиат инъом этган бойликдан иборат. Меҳнат орқали яратилган бойлик деганда ишлаб чиқариш жараёнида узлуксиз жамғарилиб келинган хомашё, ёқилғи, мавжуд машина-ускуна, бино-иншоотлар, аҳолига узоқ муддат хизмат қиладиган буюмлар назарда тутилади. М.б. моддий кўринишга эга бўлса-да, у моддий ва номоддий соҳада фойдаланилади. Моддий соҳадаги бойлик капитал шаклига эга бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлари, машина ва механизмлар, транспорт воситалари, йўллар, каналлар, сув омборлари шулар жумласидандир. Номоддий ёки маън-й соҳадаги бойликка ижт-й хизмат кўрсатиш соҳаларидаги таълим, мад-т, санъат, соғлиқни сақлаш, қадриятлар, урф-о.лар ва б. шу кабилар киради. М.б.нинг алоҳида тури бу — интеллектуал бойлик бўлиб, улар адабиёт ва санъат асарлари, мад-й анъаналар воситасида тўпланган билимлардан иборат. Бойлик аввал яратилади, сўнгра ишлатилади ва ниҳоят ишлаб чиқариш ҳисобидан тўлдирилиб борилади. Маълумки, яратилган маҳсулотнинг бир қисми жорий истеъмол натижасида йўқ бўлиб кетса, бошқа қисми жамғарилади. Жамғарилган маҳсулотлар, биринчидан, ишлатилган бойликнинг ўрнини тўлдирса, иккинчидан, унинг миқдоран ўсиб боришини таъминлайди. Демак, М.б.нинг айланиб туриши унинг сарфланиши, тикланиши ва ўсишдан иборат. М.б. ҳаракати эса йиллар, ҳатто а.лар оша давом этади. Табиий бойликларнинг бир қисми (Мас., тупроқ ҳосилдорлиги, сув, ўрмон бойлиги ва ҳ.к.) инсон иштирокида тикланиб туради, бошқа қисми эса (Мас., нефть, газ, кўмир, руда захираси ва ҳ.к.) тикланмайди, улар ишлатилиб бўлгач, йўқ бўлиб кетади ёки бошқача бойлик шаклига ки-

ради (Мас., руда тугагач, у темир-терсак шаклига киради ва қайтадан ишлатилади).

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК – муайян миллатнинг ижт-й-иқт-й, сиёсий, маън-й қадриятларига, манфаатларига асосланган, жам-т ижт-й-тарихий тар-ёти натижасида шаклланган давлатнинг шакли. Бирор ҳудудда мутлақ кўпчиликни ташкил қилган миллий этник гуруҳлар ижт-й ҳаётни ташкил қилиш учун бирлашиб, ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатни ташкил қилган миллатнинг дунёқарашига, анъаналарига, руҳиятига мос келади. Давлатчилик тарихан таркиб топган ҳодиса бўлиб, халқнинг ижт-й ҳаёти, тақдири б-н узвий боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, давлатчилигидан маҳрум бўлган миллат ривожидида миллий емирилиш, парокандалик жараёнлари авж олади. У ўзининг миллий давлатини тиклашга эришсагина ижт-й ва миллий тар-ётнинг истиқболини аниқ белгилаш имконига эга бўлади. Миллат ўз қадриятларини сақлаб қолишни хоҳлар экан, М.д. учун курашади. Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати натижасида М.О. халқлари миллий давлатларидан маҳрум бўлдилар. Уларнинг миллий манфаатларига зид бўлган босқинчи давлат минтақа халқларининг М.д. анъаналарини оёқости қилгани, шўро даврида эса миллатларни аралаштириб йўқ қилиб юбориш сиёсати юритилгани оқибатида маҳаллий халқлар ўзларининг миллий қадриятларидан узоқлашди, бегоналашди. Ўзбекистон халқи мустақиллик шарофати б-н М.д.ни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятини қўлга киритди. Бу миллатимиз тақдирида ҳал қилувчи тарихий ҳодиса бўлди. Минг йиллар давомида шаклланган, халқимиз менталитетига мос бўлган М.д. анъаналарига асосланиб, мустақил миллий давлат пойдевори барпо этилди. Истиқлол йилларида мам-тимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида давлатимиз бош ислоҳотчи сифатида олдимизда турган буюк мақсад-

ларга эришиш йўлида етакчилик қилиб келмоқда. Бу бир томондан М.д. анъаналаримизнинг такомиллашувига, иккинчи томондан, юртимизда озод ва обод Ватан ҳамда фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ – миллат ва давлатнинг мустақил рив-шини таъминлашга қаратилган гоявий-наз-й қарашлар тизими. Миллий гоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг а.лар мобайнида интилиб келган орзу идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Халқимиз а.лар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Бу жараён халқимизнинг манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий гояни англаш б-н боғлиқ ҳолда кечади. Ватан манфаати ҳар бир фуқаро манфаатлари б-н узвий боғланган. Чунки, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлигига боғлиқ. Фуқароси бадавлат мам-тгина моддий ва маън-й тўқис бўлади. Шундай экан, миллий гоянинг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа эса М.и.м.нинг моҳиятини ташкил этади. М.и.м. ҳар бир кишининг жам-т ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурчи ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маън-й мезон ҳамдир. М.и.м. қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озикланади: қонун устуворлиги; инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлик; турли миллат

вакиллариға ҳурмат ва улар б-н баҳамжиҳат яшаш; диний бағрикенглик; дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик; ўзга халқларнинг илғор тажрибаси ва мад-тини ўрганиш. М.и.м.нинг наз-й асослари Президент И.А.Каримовнинг асарларида атрофлича ёритиб берилган. М.и.м. Ўз-ннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, наз-й, фал-й, тарихий, қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маън-й омил ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўз-ннинг мустақилликка эришишини тарихий муқаррар жараёнлигини кўрсатиш; янги Конституцияда қонунан мақсад қилиб қўйилган адолатли демократик, фуқаролик жам-ти ҳақида илмий-наз-й қоидаларни ишлаб чиқиш зарур. Шўролар замонида мафкура фақат синфий бўлади, у миллий бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобланар эди. Миллий мафкура хусусида ҳатто сўз ҳам юритилмас эди. Бунинг натижасида ўзб. миллатининг миллий онги, дунёқараши, миллий гурури, ифтихори анчагина сустлаштириб юборилган эди. Миллий мустақилликка эришилгач, Ўз-н ҳуқумати томонидан М.и.м.нинг наз-й жиҳатдан ишлаб чиқилиши, уни халқ орасида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, ҳар бир фуқаро онгига мустақиллик мафкурасининг мазмун-моҳиятини сингдириш, истиқлол йўлига мос ва хос ўзб. миллий мафкурасини илмий асосда яратиш каби ўта муҳим ва шарафли масалалар пайдо бўлди. Миллий М.и.м. юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро халқимизнинг юксак маъ-яти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч-эътиқодини акс эттиради. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Жам-т аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўз-ннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этади. Миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларимизнинг қалби-

да она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маъ-й йўл б-н сингдирилади. Миллий М.и.м.нинг асосий тамойиллари қўйидагиларда намоён бўлади: мам-тининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга ёрдам бериш; қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик; миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш; халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиш. М.и.м.нинг асосий сифатлари — унинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда намоён бўлиш хус-ятларида ўз аксини топади. Ўзаро узвий алоқадорликда намоён бўладиган бу талаблар қўйидагилардан иборат: тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиш; халқимизни туб мақсадлари ифодаси ва жам-т аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўташ; инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган т. ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш; ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришига имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш; миллат, халқ ва жам-ни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқодни манбаи бўлиш; Ўз-нда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижт-й қатлам ва дин вакиллариға бирдай тааллуқли бўлиш; мам-тимиз аҳолиси онги ва қалбида “Ўзбекистон — ягона Ватан” деган туйғуни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиш; турли миллат, қатлам, дин вакиллари, сиёсий партия ва ижт-й гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен — ижт-й ҳодиса мазмунига эга бўлиш; бирон-бир дунёқарашни мутлақлаштирмаслик ёки бирон-бир куч, партия ёки гуруҳ қўлида сиёсий қуролга айланмаслик; ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириш ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиш; субъективизм,

волонтеризм каби иллатлардан холи ва жамоатчиликнинг холис фикрига таянувчи объектив мафкура бўлиш; сўз б-н ишни, наз-я б-н ҳаётни бирлаштира олиш; давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган гоя, манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиш, яъни янгича вазиятга тез мослашадиган ҳозир-жавоб ва ижодий бўлиш. М.и.м. ана шу қайд этилган сифатларга эга бўлган тақдирдагина жам-т ҳаётида етакчи маън-й-маър-й омилга айланиши ва қутилаётган муҳим вазифаларни бажара олиши мумкин. М.и.м.нинг асосий тамойиллари — унинг амал қилиши жараёнида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бунда унинг мафкура сифатидаги умумий ва хусусий тамойилларини кўрсатиш мумкин. М.и.м.нинг умуман мафкура т.сига хос хус-ятлари, мақсад ва вазифалари, амал қилиш тамойиллари бўлиши табиий. Бу борада унга ижт-й воқеликнинг инъикоси экани, жам-т тар-ётининг муайян босқичига мос келиш, ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш, амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот тизими сифатида намоён бўлиш каби умумий тамойиллар хосдир. Шу б-н бирга, М.и.м. Ўз-нда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умуммиллий ҳодиса сифатида қуйидаги бир қатор ўзига хос амал қилиш тамойилларига ҳам эга: мам-тнинг мустақиллигини мустақамлашга хизмат қилиш; давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш; қонун устуворлигини таъминлаш; демократия ва ўзини ўзи бошқаришнинг ҳаётда мустақам ўрин эгаллашига асосланиш; миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш; халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиш; иқт-й плюрализм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш; давлатнинг бош ислоҳотчи экани ва мам-тда ижт-й барқарорликнинг таъминланганига таяниш; виждон эркинлиги ва фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш; ўтиш даврида аҳолининг ижт-й ҳимояланганлиги, жам-т ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви,

ислоҳотларнинг тадрижийлиги жараёнларига хизмат қилиши. Мазкур тамойилларнинг барчаси бир-бири б-н чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг республика-мизда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатларини, халқимизнинг а.лар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этиши б-н белгиланади. М.и.м.нинг асосий хус-ятлари — Президент Ислом Каримов томонидан кўрсатиб берилган бўлиб, “Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қисқа ва мухтасар тарзда баён қилинган. Уларнинг энг асосий жиҳати — бу хус-ятларнинг умуминсоний мазмун-моҳиятида тўла-тўқис ўз аксини топгани б-н белгиланади. Шу маънода М.и.м.: ЎзР Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэтироф этилган талабларга, умумбашарий тамойилларга ва миллий манфаатларга мос келади; халқимизнинг а.лар давомида шаклланган юксак маъ-яти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг чуқур тарихий ва бой маън-й асосга эга эканидан далолат беради; адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик гоёлари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ гоёлар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади; Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жам-т аъзоларини аниқ мақсад сари сафарбар қилувчи, уларни бу йўлда уюштирувчи маън-й омил сифатида моҳиятга эга эканини ифодалайди; жам-т аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўз-ннинг буюк келажигини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимиз, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир; миллати ва ди-

нидан қатъи назар, мам-тимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида ҳар бир фуқаро онгига Ватаннинг муқаддаслигини сингдиришга хизмат қилади; жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги каби демократик тамойилларга риоя қилган ҳолда маъ-й йўл б-н сингдирилади. М.и.м. яхлит тизим бўлганидан унинг барча хус-ятлари ўзаро алоқадорликда ва узвий боғлиқликда намоён бўлади. М.и.м.нинг асосий ғоялари — халқимизнинг мустақил тар-ёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқадиган ва ўзининг маъно-моҳияти, фал.си, жозибаси б-н уни тўлдириб, фуқароларимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган бунёдкор ғоялардир. Ушбу ғояларнинг мазмун-моҳияти ва асосий хус-ятлари Президент Ислоҳ Каримов асарларида ўз ифодасини топган. Булар қуйидагилардир: Ватан равнақи; юрт тинчлиги; халқ фаровонлиги; комил инсон; ижт-й ҳамкорлик; миллатлараро ҳамжиҳатлик; диний бағрикенглик. М.и.м.нинг асосий ғоялари маърифатли дунёда этироф этилган умумий қонун-қоидалар ва халқаро андозалар, умуминсоний тамойиллар ва қадриятларнинг устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай амал қилиш, демократия ва гуманизм каби тамойилларнинг талабларига тўла-тўқис мос келади. М.и.м.нинг бош ва асосий ғоялари — турли сиёсий партия ва ижт-й гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен, ижт-й ҳодисадир. Бу мафкурада бирон-бир ғоя мутлақлаштирилмайди ёки мавжуд ҳокимиятни мустақамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайди. М.и.м.нинг бош ғояси ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўз-нинг ижт-й-сиёсий тар-тига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг — бутун халқнинг умумий манфаатларини ифодалайди. Ўзбекистон халқининг миллий тар-ёт йўлидаги бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқнинг азалий эзгу интилишлари, бунёд-

корлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. М.и.м.нинг бош ғоясида озодлик т.си устувор ва етакчи ўринда, Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишлар, амалий фаолият ва ёруғ келажак асоси эканлигидан далолат беради. Ватан равнақига хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўлолмайди. Жам-тда тадбиркорлик, эркин иқт-й фаолият кенг ривожланаётгани, давлат иқт-й қудрати ортаётгани, халқ маъ-яти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлади. Ватан равнақи, аввало унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир шахсни ўзининг маън-й камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари б-н уйғунлаштириб яшашга даъват этади: юрт тинчлиги — бебаҳо неъмат, улуг саодатдир, у барқарор тар-ёт гарови. Тинчликка қарши кучлар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, уруш ва қирғинлар домига тортиб келган. М.и.м.-нинг бош ва асосий ғоясининг асосий мақсади — ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдир. Комил инсон эса чуқур билимли, озод, эркин фикр қилувчи маълумотга эга киши; ижт-й ҳамкорлик хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жам-тда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тар-тининг мустақам кафолати вужудга келади. Жам-тни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни келтириб чиқарадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, ижт-й ҳамкорлик ғояси бу табиий ранг-барангликни миллий тар-ёт манфаатларига буйсундиради; миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тар-ётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя бир жам-тда яшаб ягона

мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маън-й асосидир; динлараро бағрикенглик (толерантлик) ғояси — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Қадим-қадимдан дин аксарият маън-й қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, ўзаро бир-бирини англаш, бағрикенгликка даъват этади. Ҳоз. замонда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жам-т аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутди. М.и.м.нинг бош ғояси — Президент Ислом Каримовнинг асарларида асослаб берилган бўлиб, мам-тимиз тар-ётининг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайди. Улар “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қуйидагича таърифланган: “Ўзбекистон халқининг миллий тар-ёт йўлидаги бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишидир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган Мустақиллик, Озодлик, Ватан ободлиги, шахснинг эркинлиги ва фаровон ҳаёт т.лари, юксак қадриятларни ўзида мужассам этади. Миллий истиқлол мафкураси бош ғоясида озодлик сўзининг устувор ва етакчи ўринда туриши мустақиллик барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкураси бош ғояси узвий равишда унинг маъно-моҳиятини тўлдирадиган, халқимиз, жам-тимиз ҳаётида ҳақиқий байроқ бўлишига хизмат қиладиган, жам-тимизнинг бутунги тақдири ва келажагига боғлиқ бўлган туб манфаатларимизни акс эттирадиган бир қанча ғояларни тақозо қилади”. М.и.м.нинг ижт-й-иқт-й асослари — мам-тимиз-

да рўй бераётган туб ўзгаришлар, ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар б-н узвий боғлиқдир. М.и.м. ижт-й-иқт-й асослари “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қисқа ва мухтасар тарзда баён этилган: бу мафкура оила ва фуқарони муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаётга эришишга чорлайди; ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти б-н шуғулланмасин, ўз манфаатини халқ ва Ватан манфаатлари б-н уйғун ҳолда кўришга даъват этади; “мулкдор одамлар жам-т ичида, халқ орасида фақат бойлиги б-н эмас, балки юксак маън-й фазилатлари б-н ҳам ажралиб туриши зарурлиги, шахсий ва оилавий фаровонликка эришиш имконияти ҳар кимнинг ўз қўлида”, деган ҳаёт ҳақиқатини замонавий дунёқараш сифатида шакллантиради; “ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги — бутун жам-тнинг фаровонлиги” ғоясини илгари суради.

Булардан ташқари, мулкнинг хилма-хиллиги, иқт-й ҳаётни эркинлаштириш, бу соҳадаги плюрализмни ва соғлом рақобатни янада юксак даражада ривожлантириш ҳам М.и.м. ижт-й иқт-й асослари қаторига киради. Шу б-н бирга, миллий истиқлол мафкураси бу соҳаларда ана шу тамойилларнинг қадрланиши ва мустаҳкамланиши, ҳамда фуқароларимиз ҳаётининг таркибий қисмига айланиши учун хизмат қилади. М.и.м.нинг мақсад ва вазифалари — ҳар қандай мафкура муайян мақсадларга хизмат қилади, бу йўлда хилма-хил вазифаларни бажаради. Бу мақсад ва вазифалар пировард натижага эришишнинг йўллари, восита ва усулларини белгилайди. Маълумки, мафкуранинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади: одамларни муайян ғояга ишонтириш; шу ғоя атрофида уюштириш; ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш; кишиларни маън-й-руҳий жиҳатдан рағбатлантириш; ғоявий тарбиялаш; ғоявий иммунитетни шакллантириш; ҳаракат дастури бўлиш. Ана шу умумий жиҳатлардан ташқари, М.и.м.нинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ўзига хос мақсад ва вазифалари ҳам бор. Пре-

зидент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир”. Ушбу мақсад бир-бири б-н ўзаро боғлиқликда намоён бўладиган бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо қилади. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири мустақил ва эркин тафаккурни шакллантиришдир. “**Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқлардан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлмайди**”. М.и.м.нинг яна бир вазифаси жам-тда соғлом маън-й муҳит яратишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, хурфикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи инсонни тарбиялаш вазифаси б-н боғлиқ. Фақат хурфикрли, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонгина мутелик ва журъатсизликдан холи бўлади. Ана шундай инсонгина озод ва обод Ватанни барпо этади, эркин ва фаровон ҳаётни ярата олади. М.и.м.нинг умумбашарий тамойиллари — унинг умуминсоний мазмунидан келиб чиқади. Президент Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисола-сида мафкурамиз таянадиган қуйидаги умумбашарий тамойил ва қоидалар кўрсатилган: қонун устуворлиги; инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва хурфикрлилик; турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар б-н баҳамжиҳат яшаш; диний бағрикенглик; дунёвий билимларга интилиш, маърифат-парварлик; ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва мад-тини ўрганиш ва ҳ.к. Ушбу қадриятлар асосида шаклланган истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойиллари-

га мос келади, уларни миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади. Шу б-н бирга, у мам-тимизда яшаётган барча миллат ва элат, дин ва қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди, халқимиз ўтмиши ва келажagini бир-бири б-н боғлайди, унинг а.ий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Бу эса мазкур мафкуранинг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади.

“МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ — ХАЛҚ ЭЪТИҚОДИ ВА БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧДИР” — Президент И.А.Каримовнинг «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари (Т., «Ўзбекистон», 2000 й.). Китобда миллий ғоянинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари б-н боғлиқ масалалар баён этилган. Унда таъкидланганидек, бугунги дунё инсонлар ва халқларнинг онги ҳамда қалбини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдонига айланиб қолди. Дарҳақиқат, ҳоз. даврда ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олиб, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бормоқда. Хус-н, ёшларни чалғитиш, йўлдан уриш, онгини заҳарлаш каби зарарли ғояларни тарқатишга ҳаракат қилиб, уларнинг таъсирчан қалби ва шуурини эгаллаш орқали мам-тни ўз тар-ёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутаяётган кучларнинг ёвуз фаолиятини айнан шундай баҳолаш мумкин. Асарда бугунги кунда мафкура полигонларида муайян давлатлар ва гуруҳлар ўзларининг ғаразли манфаатларини ифода этувчи турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмоқдалар, дея таъкидланади. Бу борада уларнинг ниятлари битта, энг аввало, кишиларни маън-й-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард натижада эса буткул қарам қилиб олиб, улар устидан ҳукмронлик қилиш мақсади ётади. Бу усул катта-катта ҳудудларни, айниқса, бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олишда энг

қулай ва камҳарж ҳисобланади. Бундай хавф-хатарлардан миллатни, айниқса, ёшларимизни асраш учун уларни ушбу ғояларнинг асл мақсадларини тўғри англайдиган ва уларга муносиб жавоб берадиган қилиб тарбиялаш учун бой тарихий мерос ва анъаналаримиз асосида, илмий асосланган ғоявий билимлар б-н озиқлантириб, қуроллантириб туриш лозим.

Китобда илгари сурилган фикрлардан яна бири шуки, миллий ғояни халқимиз, айниқса, ёшларимиз онги ва қалбига сингдириш оилада, боғчада, мактабда, коллежда, олий ўқув юртида, меҳнат жамоаларида, маҳаллада изчил тарзда бир-бирини тўлдириб, босқичма-босқич юксалиб боришини таъминлаб борадиган тизим асосида ишлаш керак. Ш-дек, китобда жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси б-н сингиши, шу боис, бой ва гўзал она тилимиз б-н узвий боғлиқ ҳолда ўлмас миллий қадриятларимиз ҳам мафкуравий тарбиямизнинг муҳим бир қисми бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланади. Маълумки, ота-боболаримиз тилида ўринли ишлатилиб келинган сўзлар, иборалар фарзандларини меҳроқибатли, элпарвар, ватанпарвар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлган. Ҳозирда эса айрим хонадонларда халқимиз учун меҳроқибатни ифодаловчи “лаббай”, “раҳмат”, “ташаккур”, “марҳамат”, “марҳабо”, “биродар”, “меҳрибон”, “устоз”, “тасаддуқ”, “қуллуқ” каби сўзлар умуман муомаладан тушиб қолмоқда. Ўзбекиона лутф-карам, инсоннинг инсонга алоҳида эътиборини ифодалайдиган ибораларни ўрнида ишлатиш орқали бир-биримизга, ёшларимизнинг катта ва улугларимизга ҳурматини изҳор этишга ўрганиб боришни йўлга қўйиш даври келди. Президентимиз таъкидлагани каби, она тилимизнинг ҳаётимизда асл ўрнини эгаллашга ташқи мафкуравий таъсирлар б-н бирга ўзимизнинг эътиборсизлигимиз, тилимиз софлиги учун куйинмаслигимиз ҳам сабаб бўлаётганлигини тан олишимиз лозим. Она тилимизни пухта эгаллаш учун тарих ва адабиётимизни кўпроқ ўқишни одат қилишимиз шарт. Айрим

ёшларимиз ва катталаримиз ҳам бир-икки хорижий тилни эгаллаб, ўз она тилига эътиборни сусайтириб қўйиши миллатга, халқига ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас, деб қараш лозим. Буюк болаларимиз Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино 5-8 тилни билса-да, ўз она тилини унутмаганлар. Биз она тилимизни мумтоз, бой адабий меросимиз ҳисобига яна тиклашимиз ва дунё халқларини бир-бири б-н боғловчи илм-фан, мад-т, ахлоқдаги мун-тларини акс эттирувчи умумжаҳон тилларининг сайқал топган иборалари ҳисобига бойитишимиз зарур. Президентимизнинг мазкур асарини ўрганиш орқали Ўз-н мустақиллигининг шарт-шароитлари, тарихий аҳамияти, миллий ғоянинг жам-т ва шахснинг маън-й юксалиш манбаи эканини, унинг илмий-наз-й, амалий аҳамиятига молик масалаларни мукамал библи олиш мумкин. Бу эса миллий ғоя тўғрисидаги билимларни иқт-й, сиёсий, маън-й асослар б-н янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

МИЛЛИЙ ИФТИХОР — миллатга хос моддий ёки маън-й ютуқ, муваффақият б-н фахрланиш туйғусини ифодалайдиган т. У инсон маън-й камолотининг қирраларидан бирини намоён этади. М.и. ўз халқининг а.лар давомида яратиб келган барча моддий ва маън-й бойликлари, тарихий мероси, урф-о.лари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маъ-яти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз б-н мун-тда бўлиш, авайлаб-асрашни ифодаловчи т.дир. Миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат б-н фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай инсонларни маън-й жиҳатдан камол топган баркамол инсонлар дея олмаймиз. М.и.ни тиклаш ва ўстириш маън-й ҳаётимиздаги устувор вазифалардан биридир. Инсон табиатига ўзини муайян ижт-й гуруҳ, қатлам, тоифа, миллат, давлат, минтақа,

давр ёки сулола б-н боғлаш хосдир. Шу боис шахс ўз қавми, миллати ва давлатининг эришган ютуқларидан қувониш, уни янада бойитиш ва келажак авлодларга қолдиришга интилиши табиий маън-й ҳодисадир. Халқлар, миллатлар тарихий тар-ётининг туб бурилиш даврларида жам-тининг янгиланиши туфайли М.и.ни тиклаш ва ўстириш миллий давлатчилик қурилиши б-н бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Миллий маън-й-мад-й қадриятларни атрофлича ва батафсил ёшлар онги, қалбига етказиш, уларни аждоқлар яратган маън-й бойликлар б-н озиқлантириш М.и.ни тиклаш ва ўстириш омилдир. Бу миллат тарихини ўрганиш, англаш, қадрлаш орқали амалга оширилади. Ўзб. халқи ҳаётида М.и. ўз миллатининг буюк шахслари ҳаёти ва тақдирини ўрганиш б-н янада юксалади. Президент Ислам Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида таъкидлагани каби: “Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир”. М.и.нинг яна бир вазифаси халқни, миллатни бирлаштиради, юксак мақсадлар сари олға бошлайди. Бу ҳақда Президентимиз мисол келтиради: “Мана, Германияни, Японияни олинг. Бундан 50–60 йил олдин улар бугун эришган тараққиётни фараз қилиши ҳам қийин эди. Нима ҳисобидан улар жаҳон майдонига чиқди, бутун дунё ҳурмат қиладиган етакчи давлатлар қаторидан ўрин олди? Бу давлатларда, авваламбор, халқ бирлашди. Миллий гурур, миллий ифтихор, эртанги кунга мустақкам ишонч пайдо бўлди. Ўз олдига қўйган марраларга эришиш учун зарур дастурлар ишлаб чиқилди, одамлар, бутун миллат бир тану бир жон бўлиб, майли, беш йил, ўн йил бўлсаям, йигирма йил бўлсаям қаттиқ ишлаймиз, лекин шу даражага етамиз, деган ятона мақсад би-

лан яшади (И.А.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. 258-бет.). Эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш, авваламбор, ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур тушуниб олишини тақозо қилади. Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқт-й омиллар қаторида М.и. туйғуси ҳам ўта муҳим мезон ҳисобланади. М.и. шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва б.нинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган. “Шу маънода, – дейди Президент, – соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч-қудрат соҳибимиз» деган даъваткор сўзлари барчамизни ўз қадр-қимматимизни англашга, дунёда яккаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетақрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди. Биз миллий гурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айти пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор”. Одамларимиз онги ва жам-тимиз мафкурасида юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоялари етакчи ўрин тутишига ҳаркат қилинаётгани бежиз эмас. Миллий гурур, М.и. барча ишларимизнинг пойдевори бўлмоғи керак. Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянч ва ишончга, ҳақиқий маслакка айланиши лозим.

МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР — Ўз-нда яшовчи муайян бир миллат вакилларининг миллий-мад-й эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлари. Мам-тимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари республика ижт-й, маън-й-маър-й ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш М.м.м. фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Конституциямизда «ЎЗР ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-олари ва анъаналарини ҳурмат қилишини таъминлайди, уларнинг рив-ши учун шароит яратди», деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хус-н, 1992 йилдаёқ миллий-мад-й марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида ЎЗР «Байналминал маданият маркази» ташкил этилгани бунга мисол бўлади. Ўшанда 12 та миллий-мад-й марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 130дан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди. Мам-тимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, мактаблар ва олий ўқув юртлари бунга амал қилаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир. М.м.м. турли жам-т, халқ, миллатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик маъ-ятини шакллантириш, халқларнинг ўзаро ишонч ва ҳурматини ошириш мақсадларига хизмат қилади. Шу жиҳатдан улар томонидан олиб бориладиган ишлар кўпроқ мад-й ва маън-й йўналишда бўлиб, бу жаҳон халқлари, турли мад-тлар интеграциясида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР — миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижт-й, иқт-й, сиёсий ва мад-й мун-тлар, миллий эҳтиёжлар, миллий онг ва тафаккур, анъана ва қадриятларини асраш б-н боғлиқ интилишлар тизими-

ни ифодалайдиган т. М.м. эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар б-н бирга, уларни яратиш, таъминлашни белгиловчи ижт-й тизимга, мун-тлар ва таъмоийилларга асосланади. Улар муайян миллат ва халққа мансуб алоҳида кишилар ёки бирор бир давлат фуқароси бўлган одамларнинг шахсий манфаатлари б-н узвий боғлиқ бўлиб, ушбу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода у умуммиллий манфаатлар мажмуидир. М.м.нинг қатор шакллари бор. Моддий ва маън-й манфаатлар ҳар қандай М.м. тизимида асосий ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, жам-тнинг тузилиши ва унинг ҳаётидаги устувор йўналишлар б-н боғлиқ иқт-й, ижт-й, сиёсий, миллий, синфий, партиявий ва б. манфаат шакллари ҳам мавжуд. Ички ва ташқи сиёсат, жам-тдаги туб ўзгаришлар, ислохотлар самарасини таъминлаш, мам-т ҳаётини демократлаштириш, модернизация қилиш жараёнида ҳам М.м. ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бугунги кунда инсон манфаатларини таъминлаш М.м.ни қарор топтиришнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Манфаатлар халқлар ўртасидаги ҳар қандай фаолият ва мун-тлар, кураш, рақобат ёки ҳамкорликнинг асосидир. Унинг таъсирчанлик қудрати ҳам шунда. Миллат ёки мам-т аҳолисининг ижт-й аҳволини инъикос этар экан, у миллий тар-ёт кучларини ҳаракатга ундовчи муҳим омил вазифасини бажаради. М.м.нинг намоён бўлишида унинг умуминсоний манфаатлар б-н уйғунлигига эришишга ёрдам берувчи ижт-й механизмда умумбашарий қадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. У миллий эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдорлик б-н бутун дунёдаги инсон тар-ёти йўлидаги мақсадлар орасидаги бевосита алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беради. Моддий дунё одамларда ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига кўра мавжуд моддий манфаатлар бирлигини ва улар меҳнат фаолиятини ҳамжиҳатликда амалга ошириш учун жамоаларга бирлашувини таъминловчи асосий ташқи омил ҳисобланади. Инсон ўз манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнида нафақат моддий

неъматлар, балки маън-й бойликлар, ташкилий-бошқарув тузилмалари, жам-тда мавжуд турли мун-тларни, яъни бутун ижт-й ҳаётни ҳам яратади. Ҳамонки бу ҳаёт инсон фаолиятининг маҳсули экан, унга инсон борлигининг моддий ифодаси сифатида қараш мумкин. Шундай қилиб, моддий омил катта аҳамиятга эга, у ижт-й ва шахсий манфаатларнинг бирлашуви учун замин яратади. Маълумки, инсон нафақат ўз эҳтиёжлари, балки манфаатларини ҳам яхши англайди. У ёки жам-т ва давлатнинг ташқи сиёсати кўп сонли омиллар. Шу жумладан, мам-тнинг ижт-й-иқт-й ва ижт-й-сиёсий рив-ш даражаси, унинг жуғрофий ўрни, миллий-тарихий анъаналари, ўз суверенитети ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари ва эҳтиёжлари б-н белгиланади. Уларнинг барчаси ташқи сиёсат соҳасида М.м.ни таъминлаш б-н боғлиқ фаолиятда мужассамлашади. Шу нарса диққатга сазоворки, ҳоз. замон халқаро-сиёсий тафаккурининг етакчи йўналишларидан бири – сиёсий реализм вакиллари М.м.га ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг бош омили сифатида қарайдилар. Уларнинг фикрича, М.м. халқаро сиёсат соҳасида тўғри йўлни топишга ёрдам беради. М.м.га асосланган ташқи сиёсат қандайдир универсал маън-й тамойиллардан руҳланган ташқи сиёсатдан кўп жиҳатдан устун туради, деб таъкидлайди. М.м. муаммосига қизиқиш Иккинчи жаҳон урушидан кейин айниқса ошди. Унинг атрофида авж олган мунозараларни Г.Моргентау «янги буюк баҳслар» деб номлади. Бу концепцияни у 1948 йилда нашр этилган «Миллий манфаат ҳимоясига» деб номланган китобида таърифлаб берди. М.м. концепциясини ривожлантиришга Америка томонидан Ж.Кеннан, У.Липпман, К.Уолтц, Э.Фернисс, Ж.Розенау каби олимлар катта ҳисса қўшдилар. М.м. муаммоси франц. тадқиқотчилари Р.Арон, П.Ренвун, Ж.Б.Дюрозел, Ф.Брайар, Р.Дебре ва б. томонидан ўзига хос тарзда талқин қилинди. М.м. – бир қарашда мавҳум т., чунки унинг мезонлари муайян жам-т ва давлатда ҳукм сурувчи дунёнинг манзараси ва қадриятлар тизими б-н белгила-

нади. М.м.нинг моҳияти уни амалга ошириш жараёнида аниқланади. Бу эса ирода ва фаолият омиллари, ш-дек, давлат томонидан қўйилган мақсадларни рўёбга чиқариш воситаларининг мавжудлигини назарда тутаяди. Кўпинча, давлат манфаатлари миллий ва ижт-й манфаатлар (фуқаролик жам-ти манфаатлари)га қарама-қарши қўйилади. Баъзан уларнинг ўзаро алоқаси тан олинаиб, уларни «миллий манфаат – давлат манфаати», «давлат манфаати – жам-т манфаати» дихотомияси доирасида белгилаш мақсадга мувофиқ, деб топилади. Бироқ, масаланинг бундай қўйилишини унчалик тўғри деб бўлмайди. Бунда халқаро мун-тларнинг ҳақиқий омили сифатидаги миллий давлат ёки миллат-давлат тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бу ҳолда М.м. ва давлат манфаатлари синонимлар сифатида эмас, балки ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи т.лар сифатида намоён бўлади. Зотан, М.м. суверен ҳудудий давлат ва фуқаролик жам-тининг бирлиги сифатидаги миллат манфаатидир. Давлат манфаати ва фуқаролик жам-ти манфаатларига келсак, улар миллий манфаат т.си б-н нафақат мазмунан боғланган, балки унинг таркибини кўп жиҳатдан белгилайди. Халқаро майдонда миллат номидан давлат иш кўради. Ш.у. ҳам халқаро сиёсат лексиконида миллий манфаат тўғрисида сўз юритганда, одатда, давлат манфаати назарда тутилади ва аксинча, давлат манфаати деганда М.м. тушунилади. Суверенитет, ҳудудий яхлитлик, ички ишларга аралашмаслик принципи ва ҳ.к.га дахлдор ҳақиқий, объектив миллий ёки давлат манфаатлари давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти ҳамда халқаро мун-тларни амалга оширишнинг бош омили ҳисобланади. М.м.нинг шаклланиши аста-секин ва узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, у жамулжам ҳолда мазкур халқ ёки мам-тнинг миллий-тарихий тажрибаси мазмуни ва хус-ятини белгиловчи иқт-й, ижт-й, миллий-психологик ва б. омилларнинг мураккаб алоқалари воситасида амалга оширилади. Бундай сифатда М.м. ижт-й-тарихий ҳодиса ҳисобланади ва

уларнинг ифодачилари онгидан мустақил мавжуд бўлиши мумкин эмас. Улар муайян миллатнинг ўзига хос хус-ятлари б-н узвий боғлиқдир. М.м.нинг замирида муҳим мезълар ва гоаяр ётади. Бу сохта тушунилган ва таърифланган миллий манфаатларда айниқса ёрқин намён бўлади. М.м. ва давлат манфаатларини таърифлаш ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган ташқи сиёсий стратегияни шакллантиришда давлат арбобларининг қадриятлар ва мўлжаллар тизими, уларнинг принциплари ва эътиқодлари — ўзини қуршаган дунёга мун-ти ва жаҳон ҳамжамтини ташкил этувчи бошқа давлатлар орасида ўз мам-тининг ўрнини қандай тушуниши муҳим роль ўйнайди. Сиёсатнинг глобаллашуви шароитида кўпгина саволлар туғилади. Универсаллашув жараёнларини фаоллашайтган ва халқаро ташкилотларнинг роли кучайиб бораётган шароитда М.м. ўз аҳамиятини сақлаб қоладими? Минтақавий ва гуруҳий манфаатлар биринчи ўринга чиққанида М.м. қандай кўриниш касб этади? Айрим мутахассислар ҳоз. дунёда М.м. муаммосининг муҳимлигига шубҳа билдираётганини ҳисобга олсак, бу ва б. саволлар туғилиши табиий бир ҳолдир. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати халқаро мун-тлар тизимида иштирок этувчи бошқа томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тузилган тақдирдагина оқилона бўлади. Бу ҳар қандай давлатнинг М.м.ини белгилаш бошқа давлатларнинг, баъзи бир масалаларда эса — бутун жаҳон ҳамжам-тининг манфаатларини ҳисобга олишни назарда тутадиган ҳоз. дунёда алоҳида аҳамият касб этади. Табиийки, ташқи дунёга татбиқ этилган М.м. ўз аҳамиятига ва халқаро майдондаги нуфузига кўра фарқ қилади. Бу белгига кўра, ҳаётий муҳим ёки бош манфаатлар ва иккинчи даражали, доимий ва ўзгарувчан, узоқ муддатли ва конъюнктуравий манфаатлар фарқланади. Бош ва доимий М.м. муҳим геосиёсий мезонлар: мазкур давлатнинг давлатлараро мун-тлар тизимидаги ўрни ва роли, унинг обрўси ва ҳарбий қудрати, ўз суверенитетини ҳимоя қилиш ва ўз иттифоқчиларининг хавф-

сизлигини кафолатлаш қобилияти ва ҳ.к.лар б-н белгиланади. Ҳар бир давлат ўзи кўзлайтган мақсадларнинг муҳимлигини ўзича баҳолайди. Давлатнинг ўз мақсадларини рўёбга чиқариш қобилияти жуда кўп омиллар, чунончи: унинг геосиёсий ўрни, тарихи, мад-ти, сиёсий тизими, раҳбарияти, бошқа давлатлар б-н ўзаро мун-тлари ва ҳ.к.га боғлиқ бўлади. Давлат ўз манфаатларини ўз ихтиёрида мавжуд барча воситалар: сиёсий, мафкуравий, иқт-й, дипломатик, ҳарбий воситалар б-н таъминлайди. Ҳарбий куч ишлатиш б-н таҳдид қилиш ёки бу кучни амалда ишлатиш энг сўнгги чора ҳисобланади. Иккинчи даражали ва ўзгарувчи манфаатлар юқорида зикр этилган энг муҳим ва доимий манфаатлардан келиб чиқади. Улар ташқи сиёсий омилларга қараб ўзгариб, давлатнинг бош ва доимий манфаатларини амалга оширишда муайян омил бўлиши мумкин. Бироқ, кўпинча, давлатнинг хавфсизлиги ва ўз-ўзини сақлаши б-н боғлиқ энг муҳим М.м.ни ёлғиз, бошқа давлатлар б-н иттифоқ тузмасдан амалга ошириш қийин. Бу мақсадга нафақат амалий ҳаракатларни биргаликда амалга оширишнинг оқилона стратегияси ишлаб чиқирилиши, балки уни амалга ошириш учун қудратли моддий-маън-й асос яратилиши натижасида эришилади. Давлат ташқи сиёсатининг муваффақияти М.м.нинг қай даражада аниқлиги, бу манфаатларни амалга ошириш йўллари ва воситалари қай даражада аниқ тушунирилиши б-н белгиланади. М.м. халқаро майдондаги устувор мақсадлари орасида мам-т хавфсизлиги ёки миллий хавфсизликни таъминлаш биринчи ўринда туради. Миллий хавфсизлик муаммоси халқаро-сиёсий адабиётларда М.м. муаммоси каби кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади, аммо ҳар қандай ҳолда ҳам ўз устуворлигини сақлаб қолаверади.

МИЛЛИЙ МАСАЛА — миллий зулм ва зўравонликнинг тугатилиши, миллатлар ўртасида тенг ҳуқуқли мун-тларнинг ўрнатилиши, уларнинг эркин, ҳар томон-

лама рив-ши учун шароитнинг яратилиши б-н боғлиқ муаммолар йиғиндиси. М.м. миллатларнинг шаклланиши б-н пайдо бўлган ҳамда турли давр ва шароитлар таъсирида ўзгариб борган. Ҳар қандай миллат қанчалик кичик бўлмасин, у инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай этник бирликнинг ўзига хос хус-ятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги мад-й ва генетик фондга салбий таъсир этади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб кишиларнинг ва ҳар бир алоҳида давлатнинг энг муҳим вазифасидир. Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёж ва манфаатларини бошқа миллат ва халқлар вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. М.м. миллатлараро тизимда ҳам, давлат ичидаги миллий мун-тларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Ҳар иккала кўринишда ҳам ижт-й тар-ёт жараёнида вужудга келадиган иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий, мад-й, мафкуравий ва б. соҳалардаги барча мураккаб масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилади. Миллий давлатнинг қарор топиши М.м.нинг ҳал қилиниши б-н бир қаторда ички (полиэтик давлатларда) ва ташқи мун-тларда янги вазифаларни келтириб чиқарган. Ўрта а.ларда ва янги даврда М.м. миллатларни миллий зулмдан қутқариш масаласи б-н боғлиқ бўлган бўлса, кейинроқ миллий мустақилликка эришиш муаммосига айланди. Маълумки, XX а. бошларида бутун дунё Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Испания, Германия, Португалия, Россия ва б. йирик колониал давлатлар ўртасида бўлиб олинган эди. Мустамаккачилик тизимининг емирилиши б-н М.м.нинг мазмуни муайян даражада ўзгарди, миллатлар ўртасида тенг ҳуқуқли мун-тлар ўрнатиш учун сиёсий асос яратилди. М.м.нинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниш миллатнинг моҳиятини тушунишни тақозо қилади. Миллат маълум руҳий бирликка эга, ўз-ўзини англаган гуруҳнинг тарихан шаклланган ижт-й-иқт-й ва маън-й бирлиги бўлиб, дунёни ўзига хос қабул қилиш асосида миллий қадриятлар яратган, уларни ўзига хос шаклда ифодаланган. Бу миллий қад-

риятлар ижт-й ҳаётнинг серқирралигини, сермазмунлигини акс эттириб, инсониятнинг бойлиги сифатида ривожланиб бориши керак. Бу жараёнга тўсиқ бўлувчи барча нарса М.м.ни вужудга келтиради. М.м. ҳал қилиш борасидаги уринишларнинг бир қанча йўллари инсоният тажрибасида синаб кўрилган. Мас., XVI–XIX а.ларда колониализмга қарши миллий-озодлик ҳаракати авж олган даврда миллийлик тамойили масалани ҳал қилишнинг асоси деб ҳисобланган. Бу ёндашув ҳар қандай шароитда ҳар бир миллат ўз мустақил давлатига эга бўлиши б-н М.м. ҳал бўлади деган қарашга таянган. Миллийлик тамойили тарқоқлик ва миллий зулмга қарши курашда ижобий роль ўйнади. Кейинчалик М.м. халқаро масалага айланди. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи М.м.ни ҳал қилишнинг умумэтироф этилган тамойили дея этироф этилди. Бу бошқа миллатлар б-н мун-т шаклининг танланишини (ягона давлат таркибини ихтиёрий кўшилиш, автономия, федерация ва суверен давлат ташкил қилиш), ш-дек сиёсий тузум, бошқариш шакллари б-н боғлиқ барча масалаларни мустақил тарзда ҳал қилишни англатади. Ўз-н 1991 й. мустақилликка эришди. Унга тоталитар тузумдан М.м.да ҳам оғир мерос қолди. Кўп миллатли Ўз-ннинг ички ҳаётида ҳам маъ-ят ва б. муаммолар б-н боғлиқ ҳал қилиниши зарур М.м. йиғилиб қолган эди. Ўз-н давлати бу масалани жаҳон тан олган демократия тамойилларининг устуворлигига таянган ҳолда ҳал этмоқда ва бу тамойилларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Юртимизда тинчлик ва хотиржамлик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани шундан далолатдир.

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (лот. *mens* — ақл, тафаккур, фикрлаш тарзи) — миллий онг ва фаолият характерини ифодаловчи т. М.м. миллатнинг анъаналари, мад-ти, ижт-й тузилмаси ва турмуш тарзи асосида шаклланади ва ўз навбатида миллий анъаналар, мад-т ҳамда турмуш тарзига акс таъсир кўрсатади. М.м.ни ташкил этувчи компонентлар онгсиз равиш-

да шаклланади ҳамда аждодлардан авлодларга ўтиб боради. Унинг икки томони мавжуд: М.м.нинг консерватив томони аждодлардан авлодларга ўзгаришсиз ўтиб боради ва миллий анъаналарнинг мустаҳкамлигини таъминлайди; М.м.нинг ўзгарувчан томони эса миллий тар-тининг асосини ташкил этади. М.м. ижт-й ин-тлар ва ижт-й-иқт-й муҳитга қараганда нисбатан секинроқ ўзгаради. Шу боис айрим ҳолларда ижт-й-сиёсий янгиланиш жараёнига тўсиқ сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин. М.м.нинг ўзгартирилиши миллат ривож учун замин яратади, бу борадаги янгиланганларни миллий онг ва тафаккурга киритади.

МИЛЛИЙ МЕРОС — тарихий тар-ётнинг ўтмишга айланган босқичида муайян миллатнинг аждодлари ақл-заковати, қобилияти ва меҳнати б-н яратилган барча моддий ва маън-й бойликлар мажмуини ифодаловчи т. Ҳар бир миллатнинг М.м.и ўша миллат томонидан яратилган моддий, маън-й ва б. барча турдаги меросни қамраб олади. Уларнинг айримлари умумжаҳон характерига эга бўлса, баъзилари шу миллат эътиборидаги мерос саналади. М.м. миллатнинг тафаккури, даҳоси, дунёқараши, яратувчанлик салоҳиятининг маҳсулидир. Уларсиз яратилган ҳар қандай турдаги мавжудлик М.м. даражасига кўтарила олмайди ва тарихий давр давомида йўқ бўлиб кетади. М.м. миллат тар-ётининг турли тарихий босқичларида вужудга келиб, миллатнинг бевосита ўзи б-н боғлиқ бўлган бойлик ҳисобланади. Ш.у. ҳам у миллатнинг ўз келажagini яратишда таянч ва тажриба манбаи бўлиб хизмат қилади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: **“Биз ... аждодларимиздан қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқийс бойликни янада бойитиб-ривожлантириб, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажакимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиз-**

дир”. М.м. қуйидагиларда ўз ифодасини топади: 1) миллий урф-о., анъана, маросим, қадриятлар; 2) дунёқараш; 3) турли расм-русумлар; 4) дунё аҳамиятига эга бўлган кашфиётлар; 5) миллатдан етишиб чиққан алломалар ва улар яратган асарлар; 6) давлатчилик; 7) миллий-мад-й бойликлар, тарихий ёдгорликлар ва ҳ.к. Уларнинг ҳар бири миллат вакиллари саъй-ҳаракатлари б-н алар давомида шакллантирилади ва кейинги авлодга мерос сифатида қолдирилади. Миллий урф-о., анъана ва қадриятлар миллат ҳаётининг муайян даврида унинг кундалик турмушида юзага келади. Улар авлоддан авлодга ўтиб, кундалик ҳаётда такрорланиб, миллат вакилларининг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори ва кўникмаларида ўз ифодасини топади. Миллий анъаналар миллатнинг кўп алик ҳаётида юз берадиган турли табиий ва ижт-й жараёнлар, этносларнинг ижт-й-маън-й эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти негизида атроф-муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан авлодга ўтиб тараққий этган ва алараро аждодлар тафаккури, орзу-ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва б. қадриятларини муҳасамалаштирган бебаҳо ижт-й-мад-й меросга айланган. Миллий урф-о. ва анъаналарнинг узоқ муддат давомида нисбатан сақланувчанлиги ва айни пайтда, кундалик турмуш ҳаётида такрорланувчанлиги М.м.нинг таркибий қисми бўлишини таъминлайди. Уларнинг нисбатан узоқ вақт амал қилиши, кундалик турмуш ва ҳаётда кўп иштирок қилиши миллат бирлигини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади. Улар орқали миллат вакиллари ўзаро маън-й яқинлашиб боради ҳамда бошқа миллатларга хос бўлмаган, фақат ўзларига хос бўлган, ўз замонида мос келадиган янги-янги урф-о. ва анъаналарни шакллантириб боради. Миллий қадриятлар миллат эҳтиёжи, манфаатлари, мақсадларига хизмат қиладиган моддий ва маън-й неъматлар мажмуасини ташкил қилади ва М.м.нинг таркибий қисми ҳисобланади. М.м.да миллатга хос бўлган расм-русумлар ҳам

муҳим ўрин эгаллаб, улар миллат тарбиясининг маълум тизимида аниқ урф-о., анъана ва қадриятларни шакллантиришга қаратилган муайян, рамзий, маъзулиятли ҳаракат ҳисобланади. Расм-русумлар — миллат феъл-атворининг аниқ мақсадини кўзловчи нормаларни шакллантиришнинг энг муҳим воситасидир. Уларнинг характерли хус-яти шундаки, у аниқ мақсадни амалга ошириш томон қилинадиган ҳаракат бўлиб, урф-о., анъана ва қадриятлар каби шаклланган эмас, балки шакллантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар мажмуасини ташкил қилади. М.м.нинг дунё аҳамиятига эга муҳим қисми, фан, мад-т, фал., техника, технология ва б. соҳаларда амалга оширилган кашфиётлар, ғоялар, асарлар, юксак интеллектуал маън-й салоҳият соҳиблари бўлган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби аждодларимиз томонидан яратилган. Бу кашфиётлар, энг аввало, ўзб. миллатининг М.м.идир. Дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлар, уларда мужассам бўлган тарихий обидалар, ёдгорликлар, миллий ҳунармандчилик, шаҳарсозлик, кийим-кечак намуналари ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Шунга кўра, М.м. миллат тарихи салоҳияти, куч-қудрати ва айниқса, келажагининг ўзга миллатлар ва жаҳон халқлари кўзгусида акс эттирувчи асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР — миллатлараро мун-тларни англаувчи т. Маълумки, бугун жаҳонда мавжуд 200дан зиёд мам-тда икки мингга яқин миллат, элат ва қабила яшайди. Улар 5 ярим мингдан ортиқ тилда сўзлашади. Бу тилларнинг 2000 тасидан кўпроғи ўз ёзувига эга эмас. Миллий жараёнларнинг энг характерли томони шундаки, инсоният ақл-заковати юксалгани сайин миллатлар ўзаро ассимиляциялашиш томон эмас, балки ўзларининг “мен”ини намойиш қилиш, тасдиқлаш сари жадал суръатлар б-н ҳаракат қилмоқда. Ҳали жаҳонда мавжуд бирорта миллат ёки элат ихтиёрий

равишда бошқа миллатлар билан қўшилиб кетган эмас, аксинча айрим миллатлар қашшоқликнинг огир кулфатларини бошидан кечиришга мажбур бўлсалар-да, озодлик, эркинлик каби қадриятлардан воз кечмаганлар. Улар озод, мустақил яшаб, ўз урф-о., анъана ва қадриятларини муқаддас билиб, фидойилик кўрсатиб келганлар. М.м. деганда турли миллат ва элатларнинг иқт-й-сиёсий ва мад-й-маър-й соҳаларда содир бўладиган ўзаро алоқалар мажмуини тушунмоқ керак. Бундай алоқалар кўп миллатлар яшайдиган айрим бир мам-т ички ҳаётида ёхуд турли мам-тларда яшайдиган миллатлар ўртасида амалга ошади. Бугунги кунда жаҳонда аҳолисининг таркиби фақат биргина миллатдан таркиб топган мам-тни ёки давлатни топиш қийин. Худди ш.у. ҳам мам-тлар, давлатлар ўртасида амалга ошириладиган турли соҳалардаги алоқаларда уларда яшаётган миллатларнинг дўстона мун-тлари ҳар қандай давлат тар-ётининг муҳим омили ҳисобланади. Ана шу омил қанчалик мустаҳкам бўлса, давлатлар ўртасида олиб бориладиган турли соҳалардаги алоқалар ҳам шу даражада мустаҳкам бўлади ва ҳар икки томон кутаётган натижаларни беради. Кўп миллатли давлатларда М.м.ни уйғунлаштириш шу мам-тда барқарорлик ва тар-ётнинг кафолати, унинг истиқболини таъминловчи асосий омилдир. Чунки ҳар қандай давлатда миллий низолар ва зиддиятлар ўша давлатда барқарорликнинг барбод бўлишига ва охир-оқибатда унинг емирилишига олиб келади. Ш.у. ҳам ҳар қандай мам-тда М.м.ни уйғунлаштириб бориш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Собиқ шўролар тузумининг фожиаси шунда эдики, у ўз манфаатларини миллий манфаатлар ҳисобига амалга ошириб келди. Яъни, миллий омилнинг кучи-қудратини назар-писанд қилмади ва синфий манфаатларни қондириш орқали ўз ҳукронлигини абадийлаштирмоқчи бўлди. Улар зўравонлик б-н турли миллатларни “яқинлаштириш” орқали “ягона совет халқи”ни вужудга келтириш ва кейинги босқичда бутун ер юзиде “юксак” мил-

латларни шакллантириш ҳамда уларнинг ҳукмронлигини таъминлашни мақсад қилган эди. Уларнинг сохта ғоя ва пуч мафкурага асосланган бундай хатти-ҳаракатлари собиқ шўро давлатини емирди ва бугун бир тузумнинг барбод бўлишини тезлаштирди. Ўз-н мустақилликни қўлга киритгач, миллий мун-тларни, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўзаро тотувлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

МИЛЛИЙ МАФКУРА — ижт-й мафкура шаклларида бири, муайян миллатнинг этносоциал бирлик сифатида мавжудлиги ва рив-ши, эркин ва озод тарётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий-наз-й қарашлар тизими. М.м.ни фақат бир миллат ёки халқнинг мафкураси деб тушуниш тўғри эмас. У муайян давлат ёки жам-тнинг умумий мафкураси ҳам бўлиши мумкин. «Миллий» т.си нафақат муайян этник бирлик, балки “давлат” маъносини ҳам ифодалаш учун хизмат қилади. Мас., “миллий даромад”, “миллий қуроли кучлар” бирикмаларида у “давлат” сўзининг маънодоши сифатида қўлланилади. Миллат ҳудудий, иқт-й, сиёсий ва этник алоқалар (мад-т, тил, ўз-ўзини англаш) умумийлиги замирида юзага келадиган этносоциал бирликдир. Ш.у. ҳам М.м.нинг таърифида ана шу хус-ят ўз ифодасини топган. М.м.нинг мазмун-моҳияти, хус-ят ва асосий тамойиллари Президент И.А.Каримов асарларида ҳар томонлама таҳлил этиб берилган. Айниқса, Юртбошимизнинг мафкуравий таҳдидлар моҳияти ва оқибатлари юзасидан билдирган мулоҳазалари ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки, зўравон тузумни ёки янги бир қўринишдаги собиқ Иттифоқни тиклаш, тарихимизни сохталаштириш, турли ғайриилмий талқинлар ёрдамида алоҳида ўзб. миллати йўқ деган қарашни сингдиришга ҳаракат қилаётган мафкуралар айнан бизнинг миллат сифатида мавжудлигимиз, рив-шимиз, жаҳон халқлари ўртасида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўлишимизга қарши қаратилгандир. “**Лекин, биз ўзи-**

мизни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор”, — деб ёзади И.А.Каримов. (И.А. Каримов. Ўз келажимиз билан кўрмоқдамиз. Т., Ўзбекистон, 1999, 15-бет). Президентимиз томонидан яратилган миллий истиқлол ғояси таълимоти мам-тимиз М.м.сининг асосини ташкил қилади.

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ — Президент И.А.Каримов томонидан яратилган муайян миллат ҳаётида тарихий тар-ётнинг маълум босқичига келиб мустақилликни қўлга киритиш асосида маъ-ят соҳасида бой берилган имкониятлардан қайта фойдаланиш, маън-й мерос, урф-о.лар, анъаналар, қадриятларнинг тикланиши, миллий ўзликни англаш, ўтмишда яратилган барча моддий ва маън-й бойликларни миллат рившига йўналтирилган умуммиллий ҳаракат, фаолият ва жараёнларни наз-й ва амалий жиҳатдан асослаб берадиган концепцияни англаувчи т. Юртбошимиз “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида мустақил Ўз-нни ривожлантиришнинг маън-й-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади» — деб кўрсатади: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маън-й меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик. Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Ислом Каримов шундай ёзади: «**Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил-қўшничлик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур**

шарт-шароитлар яратишдир». Кўриниб турибдики, юқорида зикр этилган асарда маъ-ятимизни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган. Муаллиф халқимизнинг маън-й илдиэлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун б-н бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, давлатимиз раҳбарининг кейинги асарларида ҳам М.м.т. ғояси ижодий ривожлантирилган ва унинг миллатимиз маън-й тар-ётига хизмат қиладиган асосий йўналишлари белгилаб берилган. М.м.т. миллатнинг қарамлик ҳолатига тушиб қолиши оқибатида ўзининг мавжуд миллий маън-й салохиятидан фойдалана олмаслиги ва ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида улардан фойдаланишга қаратилган фаолият б-н боғлиқ эҳтиёж сифатида юзага келадиган жараён ҳисобланади. Худди ана шу жараён ўзб. миллати ҳаётида юз берди. Мустақилликни қўлга киритишимиз шарофати б-н мустабид тузум даврида топталиб келинган миллий урф-о., анъана, қадриятларимиз яна қайта тикланиб, бугунги М.м.т.га хизмат қилмоқда. «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «**Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мафкуравий қарашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англар эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқаддини ўйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди. Барча-**

мизга маълумки, миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади. (81-б.) Президентимиз маъ-ятнинг миллий тар-ётдаги ўрни ва аҳамияти, уни ўзлаштириш зарурлиги ҳақида тўхталиб, таъкидлаганидек: «**Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади**». Бу концептуал ғоя бугунги кунда миллий маъ-ятни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда. Мам-тимизда М.м.т. ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа экани қуйидаги концептуал ғояда ҳам яққол ифодаланган: «**Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди...**». Бу ғоянинг наз-й ва амалий аҳамияти шундаки биринчидан, бу б-н муаллиф собиқ шўролар даврида маъ-ятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижт-й-сиёсий, иқт-й ва б. сабабларини кўрсатиб берган. Иккинчидан, маъ-ятни ривожлантирмасдан, шахснинг маън-й руҳиятини ўзгартирмасдан туриб, жам-тда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. М.м.т. ғояси маъ-ят шахс баркамоллигининг энг муҳим мезони ва шунинг б-н бирга, уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омилдир.

М.м.т. концепциясида ватанпарварлик шахс маъ-ятининг ажралмас қисми экани асосланган. Ҳақиқатан ҳам, ўз Ватанини севмаган, унинг тар-ёти учун жон куйдирмайдиган, бепарво ва лоқайд инсон маън-й жиҳатдан баркамол бўлиши мумкин эмас. Шу ўринда «миллий тараққиёт» ва «миллий тикланиш» т.лари-

нинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Аслида улар бир-бирини инкор қилувчи т.лар эмас. Амринча, мероси, тарихий хотираси ва заминни мустаҳкам миллатлар учун бу т.ларнинг ўзаро уйғунлиги миллат камолотини таъминлайди. Миллий тар-ёт – эволюцион характерга эга жараёндир. У миллатнинг шаклланиши, такомиллашуви ва юксалиши каби узлуксиз жараён сифатида намоён бўлади. Миллий тикланиш эса, миллат тар-ёти тарихининг муайян босқичида маълум объектив ва субъектив сабаблар туфайли бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тар-ётига йўналтириш б-н боғлиқ бўлган жараёндир. Бу борадаги вазифалар Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижт-й ва иқт-й истиқболининг асосий тамойиллари», «Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин», «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». «Миллий мафқура – келажак пойдевори», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман», “Юксак маънавият – энгилмас куч” каби асарларида ўз ифодасини топган. Ушбу асарларда илгари сурилган миллий давлатчиликни тиклаш ва мустақилликни мустаҳкамлаш, маън-й мерос ва қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий урф-о.лар ва анъаналарни тиклаш ва такомиллаштириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик б-н мустаҳкамлаш ғоялари М.м.т.да муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш, миллий ғояни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, таъ-

лим тизимини ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни тарбиялаш бу жараённинг таркибий қисмидир. Шу б-н бирга, миллий-маън-й салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маъ-ят, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳоз. замон умумжаҳон маъ-яти тизими ривожига ҳисса қўшиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш, инсониятнинг а.лар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган бой меросидан ижодий фойдаланиш ҳам бугунги М.м.т.нинг асосий йўналишларидан биридир. Аждодларимиздан қолган мерос М.м.т. ва мам-т истиқболи учун фидоийлик ва илҳом манбаи ҳисобланади. “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидланганидек, «**Бизнинг қадимий ва ғўзал дёғримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олим уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқийс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди**”. Мам-тимиз бугунги кунда мустабид тузум асоратларидан халос бўлиб, демократик жам-т қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, бир босқичдан иккинчисига ўтиш, айниқса, зўравонлик асосида қурилган жам-тдан маърифатли, инсон манфаатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жам-тга ўтиш осон кечмайди. Балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидоийлик б-н меҳнат қилишини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маън-й эътиқод ва сабр-тоқат б-н одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жам-

т тафаккурини шакллантириш, эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни вояга етказиш, унинг жисмонан ва маънан бақувват, юксак маъ-ят, билим ва замонавий тафаккур эгаси бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, қайси мам-т ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мам-т тар-ётига қўшадиган ҳиссаси шунчалик самарали бўлади, маъ-ят юксалади ва мам-тнинг М.м.т.и ҳоз. замон жаҳон цивилизацияси тизимига уйғунлашуви тезлашади. Мам-тимизда ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлаш учун ҳар биримизнинг фаол ва фидойи бўлишимиз бугунги тез суръатлар б-н ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор мад-т ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшаш, бу бойликларни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тар-ёти ютуқлари б-н озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилади.

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚИЁФА – жам-тдаги турли этнос, халқ, миллатга хос умумий миллий хус-ятлар (негизлар) асосида тарихан шаклланган, уларнинг турмуш тарзи, тили, урф-о. ва анъаналари, қадриятларига хос ва мос бўлган умумий миллий-маън-й хус-ятлар, фазилатлар мажмуасидир. М.м.қ. ҳар бир жам-тга хос бўлган муҳим тарихий, фал-й, ижт-й-сиёсий хус-ят саналади. М.м.қ. тарихан таркиб топган миллий анъана, урф-о., расм-русум, таомилларни ўзида мужассам этади. М.м.қ. айнан бир халққа тегишлилиги боис ҳам унинг турмуш тарзи, тарихи, фал.си, ижт-й ҳаётини ифодалаш б-н биргаликда жам-тнинг ўзига хос интеллектуал салоҳиятини белгилайди. Ўзининг М.м.қ.сини йўқотмаган, асл ҳолича сақлаган халқ ўзлигини, ўз миллийлигини қадрлаган ҳисобланади. М.м.қ. халқларни бир-биридан ажратиб турувчи ўзига хос муҳим хус-ят ҳамдир. Дунёда қанча халқ бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос, бетакрор М.м.қ.га эга. Ўзб. халқи-

нинг М.м.қ.си бағрикенглик, тантилик, меҳмондўстлик, болажонлилик, кечиримлилик, соддалик, меҳнаткашлик, андишалилик, қаноатлилик, одоблилик, савхovatпешалик, ориятглилик, неқбинлик, эътиқодлилик, оқибатлилик сингари фазилатларда мужассамлашган. Мазкур фазилатлар авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб, халқимизнинг М.м.қ.сининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ – муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижт-й рив-ш жараёнида яратган моддий ва маън-й бойликлари, у яшаётган ҳудуд, мад-й мерос, миллий мад-т, тил, миллий онг, миллат тарихи, ўтмиши, турмуши ва яшаш тарзи, ҳаётининг тартиб-қоидалари ҳамда бу б-н боғлиқ миллий хус-ятлар мажмуини ифодалайдиган т. У умуминсоний қадриятлар тизимида миллатга хос энг умумий жиҳатларни акс эттиради. Бу масаланинг мазмун-моҳияти “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида батафсил таҳлил этилган. Ушбу китобга таянган ҳолда, М.м. тизимининг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1. Миллатнинг генофонди, табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижт-й ранг-баранглиги. 2. Миллат тарихи, ўтмиши, келажаги ва маън-й мероси. 3. Миллий ҳудуд, жам-т ва ундаги жараёнлар, моддий ва мад-й яшаш шароитлари, иқт-й асос ва ижт-й устқурма б-н боғлиқ жиҳатлар. 4. Урф-о., анъана, маросимлар, турмуш тарзи ва б.даги миллийлик, улар б-н боғлиқ ўзига хос хус-ятлар. 5. Миллий тил, миллий мад-т ва маъ-ят, миллий онг ва миллий руҳ, миллий туйғулар ва гоёлар. Бу қадриятлар муайян миллат кишилари учун умумий бўлиб ҳисобланади. М.м. муайян миллатга мансуб қадриятларни умуминсоний қадриятлар б-н боғловчи халқалардан биридир. Муайян киши ёки шахс умуминсоний қадриятларни англашда ўз фаолиятини ушбу қадриятлар мезонига мослаштиришда М.м. б-н боғлиқ жиҳатларни назарда тутаяди. Миллат – ҳар қандай

М.м.нинг эгаси, М.м. тизими таянадиган ижт-й асосдир. Миллатнинг таназзули – М.м.нинг таназзулидир! Инсоният тарихида Бобил, Византия, Майя империяларини вужудга келтирган халқлар бўлгани маълум, «буюк цивилизациялар» деб юритиладиган бу этнослар кейинчалик турли халқлар, миллатлар, элатлар б-н қоришиб, ўзларининг умумий-тарихий бирлигини йўқотган ёки тарихий таназзул жараёнлари, уруш ва низолар оқибатида қирилиб кетган. Амазонка бўйлари ва Мексика ўрмонларида ҳозиргача вайроналари сақланиб қолган майя халқи тўғрисида шундай хулоса қилиш мумкин. Қад. даврнинг энг буюк мад-тларидан бирини яратган бу халқ таназзулга учраган, унинг ёзуви унутилган, 100 га яқин шаҳарлари вайронага айланган ва шу тариха буюк тамаддун бешикларидан бирининг чироғи сўнган. Ҳар бир миллат ўз қадриятларининг яратувчисигина эмас, балки уни асраб-авайловчи ва келажакка етказувчиси ҳамдир. Миллий қадриятларнинг сақланиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи масъулдир. Ҳатто бирор империя ёки давлатга қарам бўлган миллатнинг М.м.ни сақлаш туйғуси йўқолиб кетмайди. Миллатни М.м.нинг объекти ва субъекти сифатида тушуниш, у б-н боғлиқ М.м. тизимини илмий таҳлил қилишга ижт-й қадрият сифатида қараш имконини беради. Бу эса М.м.нинг намоён бўлиши, унинг тарихий рив-ш жараёнида ўтмишдан келажакка томон ҳаракатини таҳлил қилишга имкон яратади. М.м. кишиларнинг табиий, тарихий ва ижт-й бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда, турли шаклларда намоён бўлади, кишининг онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос тарзда таъсир қилади. М.м. кишиларнинг ўзаро муносабатларида, ижт-й фаолиятида кўзга ташланади ҳамда ана шу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маън-й асос бўлади. М.м. ва уларнинг алоқадорлиги ифодаси бўлган қадриятлар тизими, миллатнинг ўзи б-н бирга тарих силсиласи, замона зайли, ижт-й ва сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланади ва ривожланади. Бу қадриятлар кўпроқ мил-

латнинг этник хус-ятлари ва этник макони б-н боғлиқ. Халқларнинг ижт-й тарҳи эса уларнинг миллий-этник қадриятлари раванқи б-н узвий алоқадорликда давом этади. М.м., ўз табиатиға кўра, тор доирада сақланиб қолмайди, балки турмуш жараёнида муттасил янгилашиб, бошқа халқлар қадриятлари ютуқлари б-н бойиб боради. Умуминсонийлик туйғуси фақат ўз халқи қадриятини ардоқлаш, тарғиб-ташвиқ этиш б-н чекланмайди, балки у ҳар бир халқ, элат, уруғ қадриятларини қандай ҳолатда бўлса, шундайлигича қабул қилиб, уларни ҳурмат қилишни тақозо этади. Ҳар бир миллатнинг ўзи қадрайидиган мад-ти, тили, анъаналари, урф-о.лари, маросимлари ва одоб меъёрлари бор. Дунёда аҳолиси сон жиҳатидан кўп ёки камроқ халқ бўлиши мумкин, аммо мад-й ва маън-й соҳада бир-биридан кам ёки ортиқ миллат йўқ. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўтмиши, мад-й ва маън-й қадриятлари, миллий қаҳрамонлари бор. Бир миллатнинг ўзга миллат фаолиятини баҳоловчи ҳакам бўлишга ҳаққи йўқ. Бирор-бир таълимот давлат шакли ёки яшаш усулини қабул қила олмагани учун муайян миллатни айблаб бўлмайди. Шу маънода, умуминсонийлик туйғуси фақат бир миллат қадриятларини бутун оламга ёйиш йўли б-н эмас, балки барча миллат ва элатлар қадриятларини асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш ва оламдаги миллий ранг-барангликнинг табиий ранг-баранглик б-н узвий алоқада эканлигини англаш йўли орқали бойиб боради. М.м. миллатнинг табиий-тарихий ривожини, ижт-й турмушини, яшаш тарзини, ўтмишини, келажакни, мад-ти, маъ-яни, урф-о.лари, анъаналарини, тили, у вужудга келган ҳудуд ва б. б-н узвий боғланган. Улар хилма-хил шаклларда, бир-бири б-н узвий алоқада намоён бўлади, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қилади. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар – қонқардошлик, мад-й-маън-й яқинлик, ўтмиш ва маън-й мерос, она юрт туйғуси ва б. нисбатан барқарор бўлиб ҳисобланади. Миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижт-й жараён-

да ўзгариб бориши б-н боғлиқ энг асосий қадрияти унинг генофондидир. Генофонд — фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, хус-ятлар, ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўзида ифодалайди. Ш.у. бирор халқ, миллат, элатни йўқотиш учун қилинган тажовузнинг «геноцид» деб аталиши бежиз эмас. Миллатнинг генофонди унинг энг асосий тарихий, М.м.идан биридир. Бу т. муайян табиий-тарихий ёки биологик бирликнинг маълум бир ҳудудда узоқ яшаши натижасида шаклланган ва авлодлардан авлодларга ўтадиган табиий, биологик хус-ятлари ҳамда жиҳатларининг йиғиндисини ифодалайди. «Генофонд» т.си айниқса, қон-қариндош миллатлардан таркиб топган халқларнинг тарихий бирлик сифатида ижт-й тар-ётнинг нисбатан узоқ даврида мавжуд бўлиши мумкинлигини акс эттиради. Миллат тарихий ўзгаришлар, уруш ва қирғинлар натижасида аста-секин ўзгариши, камайиб кетиши мумкин. Аммо унинг генофонди ўзгариши миллатнинг ниҳоятда тез ўзгаришига, авлодларидан мерос қолган табиий-тарихий хислатларининг тез йўқолиб кетишига олиб келади. Собиқ Йттифоқ даврида миллатларнинг генофондини сақлаш муаммолари тўғрисидаги масала б-н боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмади. Бу даврда «социалистик эксперимент»лар жараёнида одамлар бошига тушган турли хил қатағонлар, урушлар, бутун-бутун миллатларнинг ўз тарихий ватанидан кўчирилиб юборилиши, сохта шиорлар б-н «юз мингчилар», «саксон мингчилар» ва б. ҳаракатлар натижасида аҳоли катта қисмининг кўчиб юриши, экологик тангликлар ва б. мам-тдаги халқлар, миллат ва элатларнинг генофондига салбий таъсир қилмай қолмади. Ўз-нда ҳоз. даврга келиб бу масалага алоҳида жиддий эътибор берилмаётгани, соғлом авлодни тарбиялаш, миллат генофондини соғломлаштириш умумдават миқёсидаги вазифага айлангани бежиз эмас. Чунки миллатнинг генофонди унинг бетакрорлигини англатади, бу бетакрорлик эса ушбу миллат тарихий рив-шнинг муайян даврлари б-н боғлан-

ганлигини кўрсатади. Бу бетакрорликни умуминсонийлик жиҳатидан баҳолаш — ўз миллати қадриятларини холисона тарғиб қилиш, ўзга миллатнинг қадриятларига путур етказмасликка асосланади. **Миллий макон ва маъ-ят.** М.м. кишиларнинг яшаш жойлари, турмуш шароитлари б-н боғлиқликда шаклланади. Ана шундай маън-й қадриятларнинг энг асосийси туғилган Ватан ва она юртини севиш туйғусидир. Ватанни севиш туйғуси — инсон туғилиб вояга етган, у мансуб бўлган тарихий бирликнинг ўтмиши б-н боғланган ижт-й, иқт-й, мад-й муҳитга ва ҳудудга нисбатан бўлган муҳаббатдир. Бу бутун инсониятга хос умумий туйғудир. Ватан туйғусида кишиларнинг ўзи мансуб бўлган тарихий бирлик шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатган ҳудудга нисбатан маън-й қарздорлиги, бурч ва масъулияти б-н боғлиқ ижт-й туйғулари намоён бўлади. **Миллий тил ва маъ-ят.** М.м. энг асосий белгиларидан бири — миллат учун умумий муомала воситаси бўлган миллий тилдир. Мутахассислар жаҳонда 5000 га яқин тил борлигини қайд этади, уларни 15 та катта оилага бўлиб ўрганади, тилларнинг такомиллашуви б-н бирга, улар тарқалган ҳудуднинг майдони ҳам ўзгариб боришини таъкидлайди. Мас., VII а.гача Арабистон ярим оролининг бир қисмида тарқалган араб тили, ундан кейинги бир неча а. мобайнида Африка ва Осиёнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалади. Худди шундай туркий тиллар ҳам Кичик Осиёдан Шарқий Сибиргача бўлган кенг ҳудудда тарқалган. Шу б-н бирга, қадимда Осиёда кенг тарқалган хеттлар тили эса бутунлай йўқолиб кетган. Туркий халқларнинг тили биз учун умуммиллий қадриятдир. Истиқлол йилларида Юртбошимиз таъкидлаганидек, “халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди, ... давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънода миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган

улкан ишлар амалга оширилди”. **Миллий маъ-ят ва қадриятлар.** Миллатларнинг маън-й мероси, анъаналари, урф-о-лари, миллий адабиёти, санъати ва б. б-н умуминсоний қадриятларнинг миллий даражадаги намоён бўлиш шакллари боғланган. Уларнинг асосида ҳар бир миллат, халқ ёки элатнинг тарихий рив-ш жараёнида авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган мад-й хус-ятлари ва жиҳатлари ётади. Миллат фақат муайян ҳудудда яшайдиган ва бир хил тилда сўзлашадиган кишилардангина иборат эмас, балки умумий мад-й-маън-й жиҳат ва хус-ятлар асосида мавжуд бўлиб турган тарихий-ижт-й бирлик ҳамдир. Мад-т инсоният тарихининг илк даврларидан буён унинг ажралмас ҳамроҳи, инсоннинг ўзи каби қадимийдир. Ҳар бир халқнинг мад-ти ўзига хос ва бетакрор бўлиб, у ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу айниқса қон-қардош халқлар б-н боғлиқ мад-й қадриятлар ривожига катта аҳамият касб этади. Мад-й-маън-й соҳа б-н боғлиқ М.м.ларнинг амал қилишида учта жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) кишиларнинг ижт-й онги б-н боғлиқлик; б) кишиларнинг мун-ти ва фаолияти орқали амалга ошиш; в) моддий ва маън-й соҳада бирор натижа, ютуқ, бойлик ва б. тарзида намоён бўлиш. М.м. макон ва замонда мад-й соҳадаги бирор кашфиёт, ютуқ, натижа ёки маън-й бойлик тарзида намоён бўлиши мумкин. Халқнинг даҳоси, маън-й-ақлий етуқлиги, билимлари, илм-фанда эришган ютуқлари ана шу натижаларда намоён бўлади (Мас., Миср эҳромлари, Буюк Хитой девори, Рим ва Афина, Самарқанд ва Бухородаги ёдгорликлар, аллома ва мутафаккирларнинг кашфиётлари ва ш.к.). Ҳар қандай миллат каби халқимиз ҳам ўзига хос, бетакрор М.м.ни яратади. М.м.нинг эгаси сифатида халқимиз ўз қадриятларини асраб-авайлаб, ривожлантириб ва такомиллаштириб келмоқда. Бу борада республикамизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик фаолияти Президент И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида кўплаб далил ва мисоллар орқали яққол кўрсатиб берилган.

МИЛЛИЙ ОНГ — ҳар бир миллат ёки элатнинг узоқ тарихий тар-ёти, турмуш тарзи, маън-й-диний эътиқоди, мад-й ривож жараёнида шаклланган дунёқараши, тафаккури, эътиқод ва ишонч туйғуларини ифодаловчи т. Миллат кишиларнинг барқарор тарихий бирлиги бўлиб, умумий турмуш, тил, мад-т, онг ва руҳиятнинг бирлиги, ўзига хослиги негизида қарор топган. М.о. ижт-й ишлаб чиқариш фаолияти, бошқа миллатлар б-н мулоқоти жараёнида пайдо бўлади. У тил б-н узвий боғлиқ. Тилда ифода этилган буюм, ҳодиса ва рақамлар М.о.да ўз ифодасини топади ва субъектив образлар тарқиқасида билимга айланади. Ш.у. миллат шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичлариданоқ, аждодлар яратган мерос, ғоя ва т.ларни тил орқали ўзлаштириб, онгига сингдириб боради. М.о. алоҳида миллий муҳитда содир бўлади. Унинг шаклланишига тўпланган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, санъат ва мад-т ютуқлари, ахлоқ, дин ва ижт-й руҳият, умуман, жам-т онги таъсир кўрсатади. М.о. тарихий тажрибани, аждодлар қолдирган билимлар ва тафаккур-мантиқ усулларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни ўзлаштиради, вазифаларни ўртага қўяди, келажак лойиҳаларини тузади, миллатнинг бутун амалий фаолиятини белгилайди. М.о. ижт-й фаолият жараёнида шакллантирилади, М.о. ҳам ўз навбатида унга бевосита таъсир ўтказиши, уни белгилайди ва тартибга солиши. Миллат, ўз орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш жараёнида табиатни, жам-тни ва ўзини ўзгартиради. Собиқ тузум даврида М.о. ғайримиллий сиёсат туйғули чекланган эди. Миллатларнинг онгини, руҳини мустақамлаш ва равнақ топтириш ғоясини ишлаб чиққан шахслар миллатчи сифатида қораланган. Мустақиллик даврида М.о. аждодларимиз қолдирган маън-й-мад-й меросга ва қадриятларимизга таяниб, миллий гуруҳ ва ифтихорни барчанинг қалбига сингдириш омилига айланди. М.о. миллий маъ-ятнинг таркибий қисми сифатида муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир. М.о. маз-

мун-моҳияти миллатнинг ўз-ўзини англаш даражаси б-н белгиланади. Бошқа миллатларнинг тарихи, мад-ти, миллий хус-ятлари ва манфаатларига ҳолисона баҳо бера олиши учун миллат, авваламбор, ўз-ўзини англамоғи, тарихи, келажаги, манфаатларини чуқур тушуниб етмоғи лозим. Чунки ўзлигини англаган, М.о.и камол топаётган миллатгина бошқа миллат манфаатларига тўғри мун-тда бўлиб, уларга ҳолисона баҳо бера олади. М.о. миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси шаклланишининг асосидир. М.о.-нинг бу хус-яти мустақиллик шароитида ёшларни тарбиялашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Миллий бирлик, бирдамлик — М.о.нинг белгиси сифатида миллатпарварликни англатади. М.о.нинг ана шу хус-яти туфайли инсонда масъулият туйғуси шаклланади. У ўзининг маълум миллат вакили эканини ҳис этган ҳолда, унинг манфаатларини онгли равишда ҳимоя қилади ва шу йўлда фидойилик намуналарини кўрсатади. Миллатпарварлик ва масъулият туйғуси кучли бўлган инсонгина миллатнинг равнақи ва истиқболи йўлидаги эзгу мақсадларига эришади. Ана шундай хус-ятларга эга инсонларга эҳтиёж кучайган ҳоз. даврда М.о. аҳоли, айниқса, ёшларда миллатпарварлик ва масъулият туйғусини янада камол топтиришга имкон берадиган асосий омиллардан бирига айланмоқда.

МИЛЛИЙ РУҲ — миллатнинг ички руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маън-й дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслағи ҳамда кайфиятини ифодаловчи т. Ер юзидаги ҳар бир миллат ўзига хос иродаси, ҳис-туйғу, дид, хулқ, феъл-атвордан иборат маън-й оламига эга. М.р. узоқ тарихий давр мобайнида шаклланадиган жараён бўлиб, у миллат тарётида ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилади. Миллат тар-ётида маън-й ва моддий омиллар қанчалик зарур ва шарт бўлса, М.р. шунчалик ҳам муҳим аҳамиятга эга. М.р.нинг ўзига хос хус-ятларини билиш айни вақтда жам-тда мавжуд бўлган қатор муаммоларни ҳал қилишга, миллат ижт-й-сиёсий ҳаёти жараёнларини ўзига ҳосли-

гини аниқлаш ва уларга тўғри мун-тда бўлишга имкон яратади. М.р. тарихан, объектив ва субъектив омиллар таъсирида секин-аста шаклланади. Объектив омиллар жумласига миллат яшаётган ҳудуднинг майдони ва ҳаёт кечирришга қулайлиги, табиий шарт-шароитлар, ер ости ва ер усти бойликларининг мавжудлиги, аҳолининг сони, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги, сув манбаларининг кўплиги, қуёшли кунларнинг миқдори ва ҳ.к.ни киритиш мумкин. Субъектив омиллар эса аҳолининг саводхонлик даражаси, одамларнинг бир-бири б-н ўзаро манфаатли мун-тлар ўрната олиши, мам-т ичида барча миллатлар, динлар, ижт-й гуруҳлар ва б. табақалар вакилларининг ҳамжиҳатлиги, иноқлиги, ҳамкорлиги ва б.ни қамраб олади. Объектив омиллар мавжуд бўлса-да, лекин халқ тарқоқ, уюшмаган бўлса, мам-т ва давлат қолоқ ва қашшоқ бўлиб қолаверади. Ҳоз. замон ривожланган давлатлар ва миллатларнинг тар-ётга эришгани объектив ва субъектив омилларнинг уйғунлашгани ҳамда ишчанлик, ташаббускорлик, тadbиркорлик, топқирлик б-н ишга солингани, ҳаёт суръати ва М.р. юқори даражада бўлгани б-н изоҳланади. Айни вақтда, жам-т тараққий этган сари субъектив омилларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ривожланган давлатлар замонавий илм-фан, техника ютуқларига таянган ҳолда Ер қуррасининг табиий жиҳатдан ноқулай ҳудудларида ҳам мўъжизакор ишларни амалга оширмоқда. Мас., шимолий кутбга яқин жойлашган Исландияда ер остидан чиқадиган қайноқ гейзер сувларидан фойдаланиш натижасида субтропик мевалар етиштирилмоқда. Ёки ўз ер ости бойликларига эга бўлмаган Япония энг илғор саноат, техника, технология ва амалий фанни юзага келтирди, жаҳонда энг рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу натижалар бошқа омиллар қаторида тар-ётга йўналтирилган миллий дунёқарашнинг асоси бўлган М.р.нинг кучли-лигидан далолат беради. XVII—XIX а.лар давомидаги миллий бошбошдоқлик, 1865—1917 йиллардаги мустамлақачилик сиёсати ва, айниқса, 1917—1990 йиллардаги ис-

тибдод тузуми ўзб. халқи М.р.ининг ўсишини сустратиштирди, ўлканинг кўп жиҳатдан орқада қолиб кетишига сабабчи бўлди, кишиларимизда ўз миллати ва М.о.га нисбатан бефарқлик ҳис-туйғуларига эга шахсларни шакллантирди. Мустақиллик даврида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришлар туфайли халқимизга хос М.р. инсон ва жам-т тар-ётида ҳал қилувчи кучга айланди. Мам-тимиз ҳаётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга М.р.ни янги поғонага кўтариш мустақилликнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир.

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР — миллатнинг турмуш тарзига сингиб кетган, унинг шаклланиши ва ривожига хизмат қиладиган ижт-й-маданий ҳаётида ўз аксини топган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари ва кўникмалар кўринишидир. М.у.-о.лар бизнинг халқимизда ўзига хос ўзб.она тарихий хус-ятларга эга бўлиб, анъанавий ва замонавий кўринишларда намоён бўлади. М.у.-о. алоҳида олинган шахс ва миллат доирасида шаклланиб боради. Мас., ўзб.ларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, меҳмонларга алоҳида иззат-икром кўрсатиш, байрам арафасида бетоб ва қийналганлар, ёрдамга муҳтожлар, қариялар ҳолидан хабар олиш шулар жумласидандир. Мустақил тузум даврида кўплаб урф-о.ларимиз эскилик сарқити деб паймол қилинди, бу эса ёшлар таълим-тарбиясига миллий ўзликни асраб-авайлашга ва шу орқали ўзб. миллатининг маън-й ривожига салбий таъсир кўрсатди. М.у.-о. миллат ва элатнинг тарихи, анъаналари, халқ оғзаки ижоди, санъат ва адабиёти, турмуш тарзи ва б. омиллар таъсирида шаклланиб, такомиллашиб боради. М.у.-о. миллатнинг, элат ва этник гуруҳларнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хус-ят. Мас., миллатимизга хос бўлган қудачилик урф-о.лари муҳим аҳамият касб этади. Мас., шўролар даврида “Бешик тўйи” эскилик сарқити, деб таҳқирланган эди. Ваҳоланки, бешик, у

б-н боғлиқ урф-о.лар миллий мад-тимизнинг таркибий қисми бўлиб келган. М.у.-о. ва анъаналар ҳар бир миллатда ўзига хос тизимни ташкил этади, халқ томонидан турмуш тарзининг зарурий шартлари деб қабул қилинади. М.у.о.га бефарқлик кишини, миллатни ўзлигидан узоқлаштиради. М.у.о.ларда ватанга, миллатга бўлган ҳурмат-эътибор ва садоқат тажасум топади. Мам-тимизда истиқлол туфайли 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари урф-о. ва анъаналарини асраб-авайлаш, такомиллаштириш учун барча имкониятлар яратилган. Бу ҳол миллатлараро мун-тларнинг ривожини, ўзаро дўстлик ва тотувлик ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИК — шахс фаолиятида муҳим ўрин тутиб, шахс ва жам-тнинг маън-й камолотида, фуқаролик жам-тининг моддий-маън-й асосларини мустаҳкамлашда улкан аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов жам-тдаги руҳий-маън-й жараёнларга баҳо бериб: **“Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда”**, — деган эди. Дарҳақиқат, жам-тдаги маън-й тикланиш миллий ўзликнинг сифатий жиҳатлари б-н чамбарчас боғлиқ. Зеро, ўзликни англаш туфайли инсон ўтмишини хотирлайди, бугуни б-н таққослайди, хулоса чиқаради ва шу асосда келажакка нигоҳ ташлайди. Яъни ўзликни англаш инсонни шахс даражасига кўтариб, маън-й камолот сари етаклайдиган руҳий кучдир. Ана шу жиҳатлар бевосита жам-тнинг маън-й ривожига ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. “Шахс миллий ўзлигини англаши” т.сининг таркибий қисмлари қуйидагилардир: миллатга (этносга) мансубликни, унинг инсоният тар-ётидаги тарихий ўрнини англаш; миллий гоя ва қадриятларга садоқат; миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини англаш, унинг рив-ш йўлларини билиш; миллий тар-ётга хизмат қилиб, жам-тда фуқаро-

вий бирликни таъминлашга ҳисса қўшиш. М. ўз.ни — муайян этносга хослик, ўз аждодларининг ижобий фаолиятдан фахрланиш, ўтмишга, миллий қадрият ва урф-о.ларга ҳурмат-эҳтиром, ўз миллати ва юртдошларининг ютуқларидан руҳланиш, ўз фаолиятини миллат ва инсоният тамаддуни ривожига қаратиш, ушбу жиҳатларни ҳар томонлама тарғиб этишдир. Демак, М. ўз.ни англаш ижт-й-тарихий шаклланиш жараёнига ижобий мун-тда бўлиш, ўз этник гуруҳининг ўзга этник гуруҳлар б-н умумий жиҳатлари ва ўзига хос этноспецифик хус-ятларини чуқур идрок этиш б-н бир қаторда, ўз этник гуруҳининг ўзга этнослар доирасидаги ўрни, мавқеи, манфаат ва ғоялари ҳамда миллий-тарихий қадриятларига ижобий мун-тда бўлиш; ҳар бир этнос миллий менталитетининг шаклланиши ва рившида тарихий-мад-й омиллар таъсирини идрок этиш, ўзликни англаб, ўзга этник гуруҳ вакиллари тарихи, мад-ти, урф-о. ва анъаналарига ҳурмат б-н қараш; ўз миллий-худудий бирлигида истиқомат қилувчи миллатдошлари тақдири, уларнинг ўтмиши ва келажагига, юртининг равнақига масъулиятни чуқур ҳис этиш б-н бир қаторда, бошқа мам-тларда яшовчи миллатдошларининг ҳам тақдирига бефарқ бўлмаслик каби жиҳатларда ўз ифодасини топади. Миллий ўзликни англаш халқнинг рив-ш йўналишини унинг халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик ва бирдамлиги ҳамда умумий фуқаролик менталитетининг шаклланишида Ўзбекистон жам-тини янги сифатий босқичдаги ҳамжиҳатликка йўналтиради. Ушбу мақсадни туб миллат манфаати б-н бир қаторда жам-тдаги барча гуруҳлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда изчиллик б-н амалга ошириб бориш миллий тар-ётни таъминловчи асосий омилдир.

МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН — муайян миллатга, халққа мансуб бўлган шахснинг ўша миллат манфаатлари учун фидойилик намуналарини кўрсатиши маъноси ни англатади. Агар “қаҳрамон”, “қаҳра-

монлик” т.лари мардлик, довюраклик б-н бирор юмушни бажариб, ҳамма одамлар ҳам қила олмайдиган ишни уддасидан чиқа олиш, бошқаларга нисбатан алоҳида иқтидор ва имкониятларни намоён эта билиш бўлса, М.Қ. сўзи миллат манфаати учун амалга оширилган улкан иш маъносини ифодалайди. Демак, «М.қ.» т.си бир миллатга мансуб бўлган ҳолда ана шу миллатнинг ободлиги, ҳурлиги, равнақи, шон-шухрати, фаровонлиги ва истиқболи йўлида алоҳида ва фавқулодда катта хизматлар кўрсатган, ҳатто ўз халқи учун жонини фидо қила олган шахсларга нисбатан қўлланадиган ибора. Тарихий жиҳатдан олиб қаралса, кўпгина халқларнинг ўтмишида ўз юрти учун фидойилик намуналарини кўрсатган кўплаб сиймолар учрайди. Хус-н, мам-тни, халқни ташқи тажовузлардан сақлаган довюрак лашкарбоши, жасур жангчилар, буюк илмий кашфиётлари ёки беқиёс бадиий санъат, адабиёт намуналарини яратиб, ўзи мансуб бўлган халқ ё мам-т шухратини оламга ёйган, унинг сиёсий, иқт-й ва маън-й-мад-й салоҳиятининг мустақамланишига ва ривожига жуда муҳим ҳисса қўшган улуғ саркардалар, алломалар, адибу санъаткорлар бор. Улар ҳам ўз юрти, халқи ва инсоният тар-ётига алоҳида хизмат кўрсатган фидойилар, қаҳрамонлардир. Бироқ буларнинг аксарияти тарихга халқ қаҳрамонлари, буюк олимлар, улуғ ёзувчи, шоир, санъаткорлар сифатида кирган сиймолардир.

М.қ.лик эса халқлар, миллатлар тарихида камдан-кам учрайдиган фавқулодда ноёб маън-й ҳодиса бўлиб, бунда таърифланадиган нисбатан ниҳоятда катта масъулият ва ҳар томонлама идрок этилган мун-тни тақозо этади.

Халқлар, уруғ ва элатлар ҳали этник бирлик даражасига кўтарилмаган паллада, уларнинг ҳарбий, иқт-й ва маън-й-мад-й имкониятлари етарли даражада шаклланмаган ёки ривож топмаган бир пайтда халқни бирлаштириб, маълум ғоя ва олий мақсадлар йўлида жипслаштириб, ҳар томонлама салоҳият, қудрат касб этишга сафарбар эта оладиган етакчи шахс — М.қ.дир. Мас., улкан худудларни бирлаштириб,

буюк давлат қурган ва унинг моддий ва мад-й қудратини беқиёс даражада кучайтирган Александр Македонский, Франция бирлиги ва равнақи, шону шавкати учун буюк хизмат қилган Наполеон Бонапарт, Шарль де Голь, русларда Россия мисолида худди шундай ишларни амалга оширган Петр биринчи ёки рус миллий адабий тили ва бадий тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшган А.С. Пушкинни ўз халқининг М.қ.и деб англаш анъанага айланган. Ҳиндистон озодлиги ва бирлиги учун умрини фидо этган Махатма Ганди ҳинд халқи ўртасида М.қ. ҳисобланади. Ўзб. миллати тарихида уч буюк шахс миллий қаҳрамон сифатида халқимизнинг яқдил эътирофига сазовор бўлган. Булар ягона ва буюк давлат барпо этган улуғ аждодимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари, миллий адабий тилимиз ва юксак миллий бадий тафаккур асосчиси ҳазрат Алишер Навоий ҳамда мустамлака асоратида қарийб 130 йил яшаб келган ўзб. халқининг миллий мустақиллигини эълон қилиб, уни йиллар оша ижт-й-сиёсий, моддий ва маън-й тар-ёт сари олға бошлаётган улкан давлат арбоби Ислоҳ Каримовдир. Айнан И.Каримов Амир Темурдан сўнг объектив ва субъектив сабабларга кўра парчаланиб кетган миллий давлатчилик асосларини тиклади ва тарихан янги, мустақкам сиёсий, ҳуқуқий, моддий ва маън-й негизга қурилган Ўзбекистон Республикасини барпо этди. Айни чоғда Юртбошимиз давлатимиз мустақиллигига тажовуз қилган қора кучларни бартараф этишда, рўй бериши мумкин бўлган турли хатарларнинг олдини олишда, мам-т ва миллат бирлигини сақлаб қолишда қатъий ирода ва собитлик кўрсатмоқда. Халқнинг миллат сифатида ўзлигини англаши, миллий-маън-й қадриятларини тиклаши, умумжаҳон ҳамжам-тида ўз ўрнини топиши ва “ўзбек модели” деган ҳам миллий, ҳам умуминсоний ижт-й-иқт-й тар-ёт моделини ишлаб чиқиб, изчил амалга оширишда Президентимизнинг шахси ва улкан бунёдкорлик фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

МИЛЛИЙ ҒОЯ — 1) миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тар-ётга хизмат қиладиган ижт-й ғоя шакли. 2) Мустақиллик йилларида шаклланган, ўзига хос фал-й асоси, илмий-наз-й ва тарихий илдишларга эга яхлит таълимот. Президент И.А.Каримов томонидан яратилган ушбу таълимот мам-т тар-ётининг объектив зарурати, миллий рив-шнинг қонуний ҳосиласи сифатида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган халқимизнинг мақсад-муддаолари ва орзу-интилишларини ифодалайди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз томонидан М.ғ.нинг асосий т. ва тамойиллари, мезон ва хус-ятлари белгилаб олинди. Хус-н, «М.ғ.» т.сига Президентимиз қуйидагича таъриф беради: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”. Инсоният тар-ёти бирон-бир жам-тнинг эзгу ғоялар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқлаб келмоқда. М.ғ. ҳар бир жам-т ижт-й-сиёсий тар-ётини таъминловчи миллий омил сифатида намоён бўлади. Аждодларимиз жам-тнинг барча босқичларида жам-т аъзолари тафаккурига эзгуликка ва бунёдкорликка чорловчи ғояларни синдириб келганлар. Мае., зардуштийлик динининг «Авесто» китобидаги ғоявий концепция — «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» тамойили бунинг ёрқин далилидир. М.ғ. ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941—1945 йилларда) фашистлар босиб олган Францияда “қаршилиқ кўрсатиш” ғоясининг М.ғ. даражасига кўтарилгани

ва бу мам-т озод этилиши б-н ўз аҳамиятини йўқотгани фикримизга далил бўла олади. Муайян ғоянинг М.ғ. сифатида майдонга чиқиши миллатнинг мавжуд ҳолати б-н бевосита боғлиқдир. Чунки, ана шу негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узоқ вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввало мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижт-й ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади. Мам-тимиз учун М.ғ. ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз янги жам-т қуриш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Айнан шундай пайтда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи хилма-хил қарашлар шаклланиши мумкин. Бундай шароитда миллат ва жам-тнинг пароканда бўлиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда сиёсий, ҳуқуқий, иқт-й ислохотлар ўз аҳамиятини йўқотади, мустақиллик йўлида ғовлар пайдо бўлади. Баъзи собиқ иттифоқ давлатларида жам-тнинг бир-бирига қарама-қарши турувчи кучларга бўлиниб кетгани ёки айрим қўшни мам-тларда маҳаллийчилик заминидан жам-тни бўлиб юборишга уринишлар бўлаётгани ҳам ана шунинг оқибатидир. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек: «**Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғоялар хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафқурани шакллантиришни тақозо этмоқда**». Мам-тимизда эркин, ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жам-ти асосларини мустаҳкамлаш, М.ғ.ни жам-тимиз аъзолари онгига синдиришда мад-й-маър-й муассасаларнинг ўрни беқийсдир. Ушбу ташкилотлар орқали М.ғ.да устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилган қадриятлар

тарғиботига эътибор қаратиш, ушбу жиҳат халқимизнинг миллий ўзлигини англаб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига камарбаста бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ғоя, яъни мақсад кўп ҳолларда амалиётдан илгари юради. Аввал муайян ғоя жам-т аъзоларининг умумий мақсади сифатида илгари сурилиб, сўнг ушбу мақсадни бажариш учун амалий фаолият бошланади. Шу жиҳатдан ҳам М.ғ. ўзлигимизни англаб ижт-й тар-ёт ва барқарорликни таъминлашимиз йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қиладики, ушбу ишларни амалга оширишда маъ-ят соҳаси ходимларининг фаолияти муҳим ўрин тутди. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридан таъкидланган қуйидаги фикр мазкур йўналишдаги фаолият учун асосий мезондир: «**Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа — ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат**».

МИЛЛИЙ ҒУРУР — 1) шахс, ижт-й гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш ҳисси. Бу туйғу ўзини-ўзи англаш шаклларида бири бўлиб, аждодлар қолдирган моддий, маън-й мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодалайди. У шахс ва ижт-й гуруҳ хулқ-атворини муайян тарзда йўналтиради, тартибга солади. М.ғ. қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори б-н фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маън-й меросини ас-

раб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва тақомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён этиш. М.ғ. маъ-ят таркибида муҳим ўрин тутаети. М.ғ. миллатнинг ўтмишда фан, адабиёт, санъат ривожига қўшган ҳиссаси, буюк алломалари, атоқли саркардалари фаолияти б-н боғлиқ бўлади. М.ғ.и бўлмаган кимса бошқа миллатларга бош эгувчи космополитга, ман-қуртга айланади. М.ғ.нинг предмети ва мазмуни, яъни қандай шахслар, қандай воқеа-ҳодисалар б-н фахрланаётгани шу миллатнинг мазкур даврдаги маън-й қиёфасини кўрсатади. Халқлар тарихида шундай даврлар бўлиши мумкинки, унда миллатчилик, шовинистик, ҳатто фашизм ғоялари устуворлик қила бошлайди. Бундай даврларда М.ғ. предмети салбий ҳодисалар: мақтанчоқлик, бошқа миллатларни пастга уриш, ўз миллатининг бошқа миллатларга нисбатан устунлигини тарғиб этиш каби иллатларда намоён бўлади. Бундай ҳоллар миллат ўзига-ўзи танқидий кўз б-н қарай олмай қолган вазиятларда юз беради. М.ғ. адабиёт ва санъатда ўз ифодасини топади. Алишер Навоийнинг қуйидаги ҳикмати М.ғ.нинг гўзал ифодасидир: “Менга қилса минг жафо, бир марта фарёд айлабон, // Элга қилса бир жафо, минг марта фарёд айларам”.

Соғлом М.ғ. ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо этади. Бундай туйғуга эга маън-й етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий М.ғ.ни миллатпарастликдан фарқлай олади, бошқа миллат вакилларининг иззат-нафси ва ғурурини камситмайди. Мустабид тузум даврида М.ғ.ни ифодалаш миллатчилик б-н тенглаштириллар, муайян миллатга мансублик б-н эмас, балки иттифоқ фуқаролиги б-н фахрланиш талаб этилар, кўпгина миллатларнинг М.ғ.и топталар ва камситилар эди. Мустақиллик кишилар М.ғ.ини ошириб, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун б-н бойитмоқда. Бундай шароитда миллий мустақиллигимиздан фахрланиш, мам-тимизда озод ва обод

Ватан, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжам-ти ютуқлари, замонавий технологиялардан фойдаланиш М.ғ.ни оширадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларда соғлом М.ғ. туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.

МИЛЛИЙ ҲИС-ТУЙҒУ — муайян мамлакат фуқароларининг ижт-й воқеликда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳис этиш, унга бўлган мун-т б-н боғлиқ руҳий-психологик кечинмалар кўриниш ва шакллари мажмуини ифода этувчи т. У миллий руҳият, мад-й-маън-й мерос, урф-о. ва анъаналар, тарихий тажриба б-н боғлиқ ҳолда миллат менталитетида яққол намоён бўлади. Турли халқлар ва миллатларда бундай ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиш шакллари ўзига хосдир. Бу талай объектив ва субъектив омиллар б-н белгиланади. Жам-тдаги турли қатламларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Мас., ёшлар М. ҳ.-т.да рационаллик б-н бирга ҳиссий ўзгарувчанлик, максимализм, онгсиз-руҳий ҳаракатларга мойиллик сезилса, ҳар қандай масалага холислик, вазминлик ва мушоҳада б-н оқилона ёндашиш ҳисси ёши улугларга хос сифатлардир. Мавжуд шарт-шароит, ҳар бир кишига хос темперамент хус-ятлари, миллий-мад-й мерос, қадриятларга бўлган мун-т ҳам М.ҳ.т.га таъсир кўрсатади. Ортиқча эҳтиросларга берилмаслик, босиқлик, ақлга таяниб иш кўриш М.ҳ.т.ни ифодаловчи муҳим жиҳатларидир. М.ҳ.т.га мавжуд шарт-шароит б-н ҳисоблашмасдан ҳаддан ташқари эрк бериш воқеа-ҳодисаларнинг ноҳолис баҳоланишига сабаб бўлиши мумкин. Умуман олганда, М.ҳ.т. муайян миллатнинг узоқ давр мобайнида шаклланадиган ва ўзгариб борадиган ўзига хос хус-яти бўлиб, уни эътиборга олиш воқеа-ҳодисаларни баҳолашда, уларга мун-т билдиришда ўзига хосликни яққол намоён этади.

МИЛЛИЙЛИК — муайян халққа, миллатга хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хус-ятлар мажмуи. М. миллатнинг тарихи, қадриятлари; анъаналари, мад-ти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади. М.ни билиш ва англаш учун миллатлар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни ўрганиш б-н биргаликда, уларни яқинлаштирувчи жиҳатларга жиддий эътибор бериш зарур. Чунки бошқа миллатларнинг ютуқ ва ижобий тажрибасини ўрганиш, уларни ўзлаштириш М.ни бойитади ва ривожлантиради. Инсоният тарихида ХХ а. М.нинг ўсиши, миллий давлатчилик тамойили устуворлик касб этгани б-н характерланади. Бу а.да мустамакачилик тизими барбод бўлди. ўнлаб янги мустақил давлатлар шаклланди. Ана шу а. сўнгида Ўз-н ҳам мустақилликни қўлга киритиб, ўз миллий давлатчилик анъаналарини, урф-о.ларини тиклади. Мам-тимизда маън-й тарёт умуминсонийликнинг устуворлиги ва миллий қадриятларга садоқат тамойилларининг уйғунлигига асосланади. Бунда Президент И.А. Каримов томонидан асослаб берилган миллий рив-шнинг ўзимизга хос ва мос йўли — тар-ётнинг ўзб. моделини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқнинг маън-й руҳини мустақамлаш ва ривожлантириш Ўз-нда давлат ва жам-тнинг энг муҳим вазифасидир. Жам-тимизнинг маън-й қиёфасини белгилаб берадиган барча меҳнат соҳалари қонун ҳимоясида бўлиши керак. Халқнинг маън-й-руҳий тикланиши иқт-й ислохотларнинг ижт-й негизидир. Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маън-й-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз даркор. Ана шу жараёнда халқимизнинг М. қиёфаси, руҳияти, дунёқарashi, қадриятлари, бир сўз б-н айтганда, М.лиги яққол намоён бўлади.

МИСТИЦИЗМ (юн. *mystika* — сирли маросимлар, сирли) — одамларнинг ғайритабиий кучлар ва ҳодисалар б-н руҳий алоқада бўлиш, турли хил воситалар орқали борлиқнинг яширин сир-асоридан

воқиф бўлиш ғоясини ифода этувчи т. У оламни осонликча билиб олиш, табиий ҳодисалар ва руҳий жараёнларнинг инсон томонидан бошқарилиши мушкул экани ҳақидаги ёндашувга асосланади. Натижада моддий ва руҳий ҳодисалар яширин моҳиятнинг рамзи, тимсоли деб талқин этилади. Ҳатто муайян тарихий шароитларда яратилган ҳарфларга, табиатда учрайдиган зоҳирий ўхшашликка, мас., салибнинг баъзи ашёларда учрашишига, бутларнинг “ийглаши” кабиларга ғайритабиий тус бериш, уларни илоҳийлаштириш шулар жумласидандир. М. О. илк ўрта асрлар даврининг мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино фолбинлик, азайимхонлик, сеҳргарлик, астрология, алхимияни фирибгарликнинг ёрқин намунаси деб баҳолаганлар, уларни қўллаб-қувватлаганларни танқид қилиб, табиат сир-асорини тажриба ва кузатувнинг кудратли воситаси орқалигина очиб бериш мумкинлини таъкидлаганлар. Астрономия, математика, мусиқа ривожига ўз даврида самарали таъсир этган қад. юнон файласуфи Пифагор (мил.ав.тахм. 580—500 йиллар) ва пифагорчилар таълимоти ҳам М.дан холи эмас эди. Унда барча нарсалар сонларга қиёсланиб, уларнинг хосса ва хус-ятларидан гармоник нисбатлар келтириб чиқарилади, сонлар унсурлари нараса-ашёлар асоси, деб уқтирилади. Сонлар мистификацияси, уларга ғайритабиий мақом ато этиш Пифагор фал.сига хос хус-ятдир. Илм-фан юксак тараққий этган бугунги кунда ҳам М.нинг айрим кўринишларига (мас., руҳлар б-н “суҳбат”, айрим буюм ва нарсалар ғайритабиий кучга эга эканини тарғиб этиш ва ш.к.) дуч келиш мумкин.

МИФ (юн. *mifhos* — афсона, ривоят, асотир) — ибтидоий давр кишилари онги ва т.сида инсон, табиат, жам-т ва коинотнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ воқеалар, ш-дек, табиат ва жам-т ҳодисаларининг акс этиши. Ибтидоий инсонлар табиат ва жам-тда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларнинг асл сабабларини тўғри англаб етмаган ва уларга қандайдир ташқи

қудрат ифодаси деб қараган. Мас., яшин ва момақалдироқ, ёнғин, тўфон, довул, зилзилалар, қуёш ва ойнинг тутилиши, думли юлдузнинг учиши ва ш. к. ибтидоий одамлар тасавурида ғайритабиий таассурот қолдирган. Ибтидоий кишиларнинг табиат кучлари олдидаги бундай ожизлиги, уларнинг сир-асрорларини билмасликлари оқибатида Ой, қуёш ва юлдузларга, айрим ҳолларда олов, сув, қушлар ва ҳайвонларга, тоғ-тош ва ҳ.к.га жонли, муқаддас нарсалар деб қараш, уларга сифиниш, топиниш ҳоллари урфга айланган. Бундай ҳодисаларни ибтидоий кишилар, одатда икки тоифага, яъни дўст ва душман кучларга, яхши-ёмонга, оқ ва қорага бўлиб тасаввур этганлар. Ана шундай тасаввурлар маҳсули бўлган М.да табиат ва жам-т ҳодисалари, ш-дек, ғайритабиий ҳодисалар афсонавий қаҳрамонлар, девлар, аждаҳо, қушлар, баҳайбат ҳайвонлар, жин, пари ва ҳ.к.нинг тимсолида умумлаштирилиб тасвирланган. Бундан ташқари, уларда ибтидоий инсоннинг ўзига хос ожиз томонлари б-н бирга, улкан жасорати ва қаҳрамонлиги, айниқса, яхшилиқ ва эзуликнинг ёмонлик ва ёвузлик устидан, ёруғликнинг зулмат устидан галабасига бўлган чуқур ишонч туйғуси, олижаноб мақсад ва интилишлари ўз ифодасини топган. Ўзининг ғоявий-бадий мукамаллиги ва чуқур инсонпарварлик йўналишлари б-н муҳим ва қимматли мад-й-маъ-й қадриятлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган М. намуналари мавжуд. Улар қадимги шумераккадларнинг “Гилгамиш” ҳақидаги эпоси, Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея”, ҳиндларнинг “Маҳобҳорат”, “Рамайна” “Панча-тантра” (“Калила ва Димна”), тибет-мўғулларнинг “Гэсэр”, М.О. халқларининг “Гуруғли”, “Алпомиш”, “Манас”, “Қирқ қиз” ҳамда Гершасп Элибек, Каюмарс, Жамшид, Эрхубби, Тўмарис, Широқ, Сиёвуш, Рустам ва б. ҳақидаги афсоналари, қалмиқларнинг “Жангар”, қадимги исландларнинг “Эдда”, грузинларнинг “Амираниани” ва б. кўплаб фольклор асарлардир. Мифология — М.ларни ўрганувчи фан сифатида ижт-й

онг шаклларидан бири ва кишиларнинг табиий ва ижт-й ҳодисаларнинг моҳиятини англашда илк босқич ҳисобланади. Ибтидоий жамоа даврида дунё асосан мифологик образлар орқали тасаввур қилинган. Бу жараён дунёнинг ибтидоси ва интиҳоси тўғрисидаги тасаввурларни қамраб олишни мақсад қилиб қўймайди. Бундай тасаввурларнинг туб асосида кишиларнинг теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларининг ўта саёзлиги ва табиий муҳитдан ажратган ҳолда тасаввур этмагани ётади. Мифологик тасаввурлар дунёни мифологик образлар орқали англаш жараёни сифатида объект б-н субъект ўртасида, ижт-йлик б-н табиийлик ўртасидаги мун-тларнинг ўта содда ифодаси бўлиб, ўз навбатида тотемизм, фетимизм, анимизм, шомонизм, афсунгарлик ва б. қатор шаклларда намоён бўлади. М.лар ва маросимлар ибтидоий мад-тнинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланиб, улар ўз навбатида наз-й қарашлар б-н амалий тажрибаларнинг яхлитлигини ўзида мужасамлаштиради. М.лар дунёни ғайритабиий образлар орқали тасаввур этадиган диний дунёқарашнинг ҳам дастлабки кўриниши бўлиб, у кишиларда абстракт тафаккурнинг, фантазиянинг шаклланаётганидан дарак беради. Дунёни М. образлари орқали англаш жараёнида иккита ёндашувни учратиш мумкин. Мас, XVIII а. франц. маърифатпарварлари Б.Фонтенел, Вольтер, Дидро, Монтескье ва б. М.ни кишиларнинг ваҳшийлик, ёввойилик даври б-н боғлиқ ҳолда тушунтиришга интилган. Улар М.ларнинг инсоният маъяти ривожигаги муҳим ролини инкор этишга уринган. М.ларга халқларнинг маън-й тар-ёти учун асос сифатида баҳо берувчи романтизм руҳидаги қарашлар Гердер томонидан асос солинган илмий концепцияда ўз ифодасини топган. М.нинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олмаган. XX а. бадий адабиётида мифологик образлардан унумли фойдаланиш орқали халқларнинг муайян даврдаги ҳолати, ички дунёси, маън-й такомил босқичларини тўлароқ баён қилишга интилиш кучайди. Ўзбек халқи ҳам ўзининг қадимий мифологик образлари ор-

қали дунёни англаш жараёнидаги ўзига хослик миллий тафаккуримизнинг шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Энг қадимги мифологик образлар Пархат, Ардахива, Франхрасийон (Афросиёб) образлари б-н боғлиқ асотирлар бутунги кунда ҳам миллий ўзлигимизни англашда муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиздир. (*Яна қаранг: Асотир; Афсона.*)

МОНОТЕИЗМ (юн. *monas* — якка, *theos* — худо) — якка худолик. Дастлаб руҳлар, фетишлар, тотемлар ва ҳ.к.ларга эътиқод ва сифиниш кўринишида намоён бўлган бу динлар кишилик жамти тарихида миллатлар шаклланаётган даврда илоҳларга сифиниш кўринишини ола бошлаган. Дастлаб табиат ва жам-тда содир бўладиган ҳодисаларнинг ҳар бири ўз илоҳлари томонидан бошқарилишига ишонч-эътиқод вужудга келган (мас., қад. юнонларда, ҳиндларда ва ҳ.к.). Кейинчалик барча худоларга хос бўлган хус-ятлар яккахудога нисбат берилди бошлаган ва натижада ягона худо ёки илоҳга эътиқод шаклланган. Кишилик жамти ривожининг энг қадимги даврида политеистик, яъни кўпхудоликка эътиқод пайдо бўлган эди. Инсоният, жам-т ривожлангани сайин кишиларнинг диний тасавурлари ҳам ўзгариб, яккахудолик таълимотига асосланган монотеистик динлар вужудга келган. Милоддан олдинги VII а.да шаклланган буддизм, VI—V а.ларда М.О.да шаклланган зардуштийлик, эрамининг I а.ида шаклланган христианлик ҳамда VII а.да пайдо бўлган ислом дини яккахудолик динларига мисол бўлади. Бу диний таълимотларда олам ва одам ибтидоси, борлиқдаги барча нарсаларнинг, яъни, табиат, жам-т, инсон, уларнинг мавжудлиги ва ўзгариши, инсон онги ва тақдири бизни ўраб турган моддий оламдан ташқарида бўлган ягона қудратли куч — Худога боғлаб талқин этилади.

МОТАМСАРО ОНА ҲАЙКАЛИ — иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчилар хотирасига бағишлаб Тошкент шаҳрида 1999 йилда бунёд

этилган, “Хотира ва қадрлаш” майдонида ўрнатилган ҳайкал. Унда фарзанд(лар)и урушдан қайтмаган мотамсаро она қиёфаси акс эттирилган. Онанинг юзларини ажин босган, қадди букилган, гамга тўла нигоҳлари ерга қадалган. У икки кўлини ўнг тиззаси устига қўйганча чуқур ўйга ботган. Онанинг бошини қуйи солганча, ўйчан ўтириши халқимиз менталитетидан келиб чиқиб ишланган. Ўзб. аёлига хос сабр-тоқат, эртанги кунга ишонч, ҳар қандай гам-ғуссада ҳам ўзини йўқотмаслик, кучли ирода она сиймосида моҳирлик б-н акс эттирилган. Ваҳоланки, она учун фарзанд доғидан ҳам ортиқ аламли азоб йўқ. Айниқса, фарзандининг хоки бегона жойларда қолиб кетган ёки тақдири номаълум бўлса. М.о.ҳ. оғир жудоликка чидай олмай дод-фарёд қилаётган онанинг эмас, балки ана шу гамни ичига ютган, ички изтиробларини юзага чиқармай, чуқур қайғуда ўтирган ҳақиқий ўзб. онасининг тимсолидир. М.о.ҳ.нинг либослари ҳам моҳирона ишланган. Она енглари кенг ва узун шарқона қўйлақда, бошига катта рўмол ташлаб қўйилган ҳолда акс эттирилган. Либослар онага ўзига хос улғуворлик бахш этиб турибди. Шу б-н бирга, мазкур либосда она образи муқаддас, беғуборлик ва фариштасифатлик касб этган. Юртбошимиз ташаббуси б-н бунёд этилган М.о.ҳ. фарзанди Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган минглаб ўз-нлик оналарнинг тимсолидир. «Хотира ва қадрлаш» майдонида айвонлар ҳам қурилган бўлиб, мазкур айвонлар токчаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча ўз-нлик жангчиларнинг исм-шарифи б-н битилган варақланадиган бронза китоблар ўрнатилган. Бутунги кунда янги турмуш қураётган ёшларнинг М.о.ҳ. пойига гулдасталар қўйиши анъанага айланган. Хотира ва қадрлаш куни, турли байрам ва маросимларда ҳам ушбу майдонда турли тадбирлар уюштирилади. Хотира ва қадрлаш майдони ҳаммиша одамлар б-н гавжум.

МОТУРИДИЙ, Абу Мансур (870—944) — Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилган, ўрта а.ларда кенг тарқал-

ган калом илмининг мусулмон оламидаги машхур назарийтчиларидан бири, йирик фақиҳ (мусулмон қонуншуноси) ва муфассир (Қуръони Карим тафсирчиси), ислом оламида кенг танилган илоҳийтчи мутафаккир. Тарихий асарларда алломанинг исми тўлиқ тарзда лақаби ва нисбаси б-н биргаликда Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Абу Мансур Мотуридий тарзида қайд этилади. М. Абу Ҳанифанинг содиқ издоши сифатида унинг қарашларини ривожлантирган. Абу Ҳанифа амал мазҳабини, М. эса эътиқод мазҳабини ишлаб чиққан. М. фақатгина мутакаллим (қалом, яъни Қуръони Карим маъноларини талқин қилувчи) бўлиб қолмади, балки йирик фақиҳ ва муфассир сифатида ҳам танилди. М.нинг тафсир (Қуръон шарҳи) ва таъвил (Қуръондаги яширин маъноларни ёритиш)га оид (Мас., “Таъвилоту Аби Мансур Мотуридий фит-тафсир” ёки “Таъвилот-ал Қуръон”), «Мо аҳаз аш-шароифа» («Шариат асослари манбаси»), «Китаб ал-жадал» («Диалектика ҳақида китоб») каби асарлари машхур. Булардан ташқари, «Китаб ал-усул» («Диний таълимот усули китоби») асари борлиги ҳам маълум.

М. «Таъвилот ал-Қуръон» асарида Абу Ҳанифанинг қарашларига суяниб, ўша вақтларда ислом оламида кенг тарқалган турли бузғунчи ғоялар, таълимотлар ва ҳаракатларнинг моҳиятини илмий асосда рад қилиш б-н бутун мусулмон дунёси эътирофига сазовор бўлди. М. замонасининг машхур алломаларидан таълим олган. Тарихчилар улардан қуйидаги тўрт нафар алломани алоҳида ажратиб кўрсатганлар: Абу Наср ал-Иёзий ас-Самарқандий, Абу Бакр Аҳмад Жужжоний, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий, Нусайр ибн Яҳё ал-Балхийил. М.нинг барча устозлари фикҳда Абу Ҳанифага таяндилар, бу охир-оқибатда ҳанафий мазҳабига оид турли фикҳий мактаблар вужудга келишига сабаб бўлди. М.нинг шогирдлари йирик олимлар, ўз даврининг етук шайхлари ҳамда мотуридийна Самарқанд қалом илми мактабининг вакиллари бўлишган ва ислом оламининг илмий, мад-й, маън-й тар-ёти учун хизмат қилган эди. Исҳоқ ибн Муҳаммад Исмоил

ибн Иброҳим ибн Зайд, Абу Қосим қози, Ҳаким ас-Самарқандий, Абдуллоҳ ибн Саҳл аз-Зоҳид Амр ибн Осим ал-Марвазийлар М.дан фикҳ ўрганганлар. Исҳоқ ибн Муҳаммад узоқ вақт Самарқанд қозилигидан бош тортган, “ал-Ҳаким” унвонини олган; Абдул Карим ибн Мусо ибн Йисо Абу Муҳаммад ал-Фақиҳ ал-Паздавий, ан-Насафий; Абу Абдурахмон ибн Абуллайс ал-Бухорий, Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Маъруф М.дан калом ва фикҳ илмларидан сабоқ олишган. М.нинг тенгдошлари ҳам аллома илмий салоҳияти ва меросини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Али ибн Саъид, Абул Ҳасан ар-Рустуғфаний, Муҳаммад ибн Аслам ибн Муслима ибн Абдуллоҳ ибн Муғийра Амр ибн ал-Аздийларнинг М. ҳақидаги хотира ва мулоҳазалари сақланиб қолган.

2000 йилда буюк мутафаккирнинг 1130 йиллик юбилеи кенг нишонланди. Мазкур юбилейда Президент И.А.Каримов нутқ сўзлаб, аллома юртдошимизнинг инсоният маъ-ятига қўшган ҳиссаси тўғрисида жумладан, қуйидагича мулоҳазаларни баён қилган эди: “Аллома бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва таъсирини йўқотмаган ҳаётбахш куч, яъни ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танилади ва умрининг охирига қадар шу йўлда собит қолди. У жоҳил кучларнинг таҳдид ва тажовузларидан кўрқмай, ҳидоят йўлини йўқотган фирқаларга қарши кескин раддиялар битди. Ҳазрат Мотуридийнинг асарларидаги илмий асос ва мантик қудрати шу қадар кучли эдики, уни ҳатто алломанинг муҳолифлари ҳам охир-оқибатда тан олишга мажбур бўлдилар. Шунинг учун ҳам Мотуридий бобомиз ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлди. Мана шу маънода, бу мўътабар зот ўзининг теран илми, пок эътиқоди, сабот ва матонати билан ислом динининг софлиги учун курашар экан, келажак авлодлар манфаатини, ...ҳимоя қилган, деб ишонч билан айтишга ҳақлимиз. Буюк бобомизнинг бутун ислом олами, ўз халқи, ўз Ватани олдидаги яна бир улкан хизмати шундан иборатки, улғу ва-

тандошимиз эътиқод илми — муқаддас динимизни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш таълимотини янада ривожлантирди. Исло динининг инсонпарварлик моҳиятини халқнинг миллий урф-одатлари, асрий анъаналари билан уйғунлаштирди. Ҳазрати Мотуриддиннинг ўнинчи асрадаёқ диний гоёларни ғаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассиблик ва жоҳиллик ботқоғига ботиб қолиш қанчалик хатарли эканини асослаб бергани биз учун, айниқса муҳимдир. Аллома бобомиз: “Дин йўлидаги барча адашувларнинг бош сабаби — риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдадир”, деган эди. Бу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканини, ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини бугун дунёда рўй бераётган юзлаб воқеалар мисолида яққол кўриб турибмиз”.

МУАЛЛИМ (араб. таълим берувчи) — турли йўналиш ва даражадаги таълим тизимида ўқувчига амалий таълим-тарбия бериш ишларини амалга оширадиган мутахассис. Ш-дек, М.ларга нисбатан “домла”, “устоз”, “ўқитувчи” ёки “педагог” атамалари ҳам қўлланилади. М.лик энг қадимий касблардан бири ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, инсон фақат таълим-тарбия туфайли ижт-й метёр ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўзлаштиради, маън-й-маър-й жиҳатдан ривожланади ва такомиллашади. Тамаддунинг Оссурия, Бобил, Миср, Туркистон, Ҳиндистон, Хитой сингари қадимий ўчоқларида топилган тарихий-мад-й обидалар гувоҳлик беришича, бу ўлкаларда М.лик бошқа соҳаларга қараганда катта имтиёзларга эга касб ҳисобланган. Қад. Юнонистонда фақат озод кишиларгина М.лик қилишга ҳақли бўлган. Мас., Рим империясидаги ўқув даргоҳларида М.лар император номидан тайинланадиган давлат амалдорлари саналган. Ўрта а.ларга келиб, Ғарб мам-тларида М.лик б-н асосан черков ходимлари шуғулланган, шаҳарларда дунёвий мактаблар ташкил топгач, ҳунармандчилик цехлари ва савдогарлар гилдиялари томонидан таклиф этилган ёлланма М.лар пайдо бўлган. Техника та-

раққий этиб, илм-фан кўлами кенгайиши б-н М.лик энг оммавий касблардан бирига айланди. Чунки таълим олмаган одам техника воситаларидан фойдалана олмас эди. Шу боис кўплаб мактабларни ташкил этиш ва М.ларни тайёрлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Айни пайтда XVIII-XIX а.ларда бой-бадавлат оилаларда мураббий, гувернер сингари уй М.ларидан фойдаланиш урф бўлди. Шарқ мам-тлари, жум-н, Туркистон ўлкасида ҳам М.лик энг қадрли ва обрўли касб ҳисобланиб, бу соҳа эгалари “устоз” дея эъзозланган. Ўлкага ислом дини кириб келиши б-н ҳар бир маҳаллада масжид ва деярли ҳар бир масжид қошида мактаб ташкил этилган. XIX а.нинг охиридан, яъни ўлкада маърифатчилик ҳаракати пайдо бўлиши б-н М.ликнинг савиясига эътибор кучайди. Туркистонда анъанавий М.лар б-н бирга, Европа мам-тларидан ўзлаштирилган усулларда дарс берадиган янги М.лар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу ҳол, айниқса, жадидчилик ҳаракати авж олган кезларда анча кенг ёйилди. М.лар савиясининг ошганлиги миллат руҳиятида уйғониш юзага келишига, тар-тнинг бир қадар тезлашувига олиб келди. Ўз-н мустақилликка эришгач, мам-тда М.лар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўз-нда М. университетлар, педогогика ўқув юртларида тайёрланади. Мам-тда ўқитувчилар малакасини ошириш тизими жорий этилган, ҳар бир М.га ўқитувчилар малакасини ошириш ин-тларида бепул педагогик ва методик ёрдам олиш имконияти яратилган. Мам-тда ҳар йили 1 октябрь “Ўқитувчилар ва мураббийлар” кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” сингари фахрий унвонларининг жорий этилиши М.-устозларга нисбатан юксак-эҳтиромдан далолат беради.

МУАЛЛИФ(ЛИК) (араб. тузувчи, ёзувчи) — 1) муайян бадиий, илмий ёки публицистик асар, лойиҳа, ихтиро соҳи-

би ва б. ижодкорлар; 2) ижодий фаолият б-н шуғулланувчи шахснинг ўз фаолияти маҳсулига нисбатан М.лигини ҳамма томонидан тан олиншини талаб қилиш ҳуқуқи; 3) фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий меъёрлар мажмуи. Мам-тимизда М.лик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қатор қонунлар қабул қилинган; М. ЎзР қонунчилиги бўйича, асар ёки кашфиёт кимнинг ижодий меҳнати б-н яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар М.и, деб эътироф этилади. Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади. Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқт-й, ташкилий ва ш.к. ечимларини) амалий қўлланиш асардан М.лик ҳуқуқи маъносида фойдаланганликни англатмайди. М. ёки ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан, очиқ савдода тузилган шартномага бинонан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқуқларни ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши) мумкин. Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади. Ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома бериши мумкин. Ундай рухсатнома асардан уни дастлабки шаклида фойдаланиш учун ҳам, қайта ишланган шаклида, хус-н таржима, нусха кўчириш, аранжировка тарзида ва ш.к. усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади. Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади. М.лик ҳуқуқи ижодий фаолият натижасига нисбатан, унинг мақсади, кадр-қиммати, ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади. Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. М.лик ҳуқуқи эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этил-

ган) асарларга нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. М.лик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, тамойиллар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди.

МУАММО —мавжуд билимда ўз ечимини топмаган ва ҳал этиш усули номаълум бўлган масала. Ш. у. ҳам М.ни қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимлар доирасидан четга чиқишни, ечимининг янгича усули ва услубларини қидиришни тақозо этади. Қандай М.ларни илгари суриш, уни муҳокама қилиш характерини амалий фаолият ва билишга бўлган эҳтиёжлар белгилаб беради. М.ни муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Машҳур немис олими В.Гейзенберг айтганидек, тўғри қўйилган савол М.ни ечишнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. М.ни тўғри қўйиш учун М.ли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун М.ни ҳал қилишнинг турли хил усул ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак. М.ларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва иқтидори муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ш.у. ҳам одатда кўп ҳолларда янги М.лар илмий билиш муайян соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлар томонидан илгари сурилади ҳамда кўпгина ҳолларда узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. М.ни танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналиши ва хус-ятларини белгилаб беради. Албатта М.нинг илгари сурилиши аввало амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлиқ. Чунки фақат амалий фаолиятда кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари б-н уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади. Шу асосда билиш олдига аниқ вазибалар қўйилади. Илмий М. одатда, маълум бир наз-я доирасида вужудга келади. Наз-я кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган М.ни уму-

мий ҳолда белгилаш ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Ш-дек, ҳар бир М. маълум бир наз-я ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда, М. мавжуд наз-яни янгилаш, М.ни ечишга мослаштиришни талаб қилади. М.ни ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Улар қуйидагилардан иборат: а) мавжуд наз-ялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш; б) М.ни ҳал қилиш ғоя ва методологиясини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш; в) М.ни ҳал қилиш шакли, мақсади ва олинган натижани текшириш йўллари белгилаш; г) М.нинг негизи б-н уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хус-ятларини кўрсатиш. Бу дастлабки ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин М.ни ечишга бевосита киришилади. М.нинг ечилиши нисбий характерга эга. Бошқача айтганда, ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмаслиги боис М.нинг мутлақ тўлиқ ечимини топиш қийин. Ш.у. ҳам илмий изланиш давомида янги М.лар вужудга келиши ва у мавжуд М.ни бошқача талқин қилишни тақозо этиши мумкин. Мас., И.Ньютон бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, фақат ўзаро тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларни аниқлаганини уқтирган эди. А.Эйнштейннинг нисбийлик наз-яси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қилади ва бу муаммо ҳақидаги тасавурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради. Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргача тўла очиб берилмаган. Баъзи ҳолларда М.ларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Мас., саратон хасталигининг сабабини ўрганиш б-н боғлиқ М. ҳозиргача ўз ечимини топмаган. Бу ҳол бу каби М.лар ечиб бўлмаслигини эмас, балки уларни мавжуд услуб ва воситалар ёрдамида ҳал этиб бўлмаслигини англатади ва шу тариқа М. ечимининг янги воситаларини излашга ундайди. Демак, М. ҳал қилинмагунча илмий изланишлар давом этади.

МУЗЕЙ — тарихий моддий ва маън-й ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илм.-тад., мад-й-маър-й муассаса. Унинг асосий вазифаси инсонларни маън-й, эстетик, мад-й, илмий, сиёсий, иқт-й ва ҳ.к. эҳтиёжларини қондиришдан иборат. М.лар соҳалар бўйича адабиёт, тарих, мад-т, санъатшунослик, табиатшунослик, қишлоқ хўжалиги, техникага оид ва б.га бўлинади. Ижт-й вазифасига кўра эса маън-й-мад-й, илм.-тад. ва ўқув М.ларига бўлинади. М.лар ўз экспонатлари (санъат дурдоналари, моддий ва маън-й ёдгорликлар) орқали инсонларни маън-й-мад-й эҳтиёжини қондиради, уларга эстетик завқ бағишлайди, тарихий ҳақиқатни ошкор этади, дунёқараш ва дидни ўстиради. М.да илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади: қад. моддий ва маън-й ёдгорликларни, айниқса, қўлёзмаларни, тўпламларни бутлаш ва ўрганиш; илмий ҳужжатларни тайёрлаш, М. ашёларини сақлаш ва таъмирлаш тартибини яратиш, адабиётлар нашр этиш шулар жумласидандир. М.лар кишиларни тарихдан боҳабар этиб, ўзига хос сабоқ беради. Ўқув масканлари ва б. муассасаларда ташкил этилган М.лар уларнинг тарихи ва фаолиятини ўзида акс эттиради. Замонавий М.лар тадқиқот, таълим-тарбия ва маън-й-маър-й тарғибот ишларини ўзаро уйғун ҳолда амалга оширадиган мад-т ўчоғидир.

МУНОФИҚ(ЛИК) (араб. иккиюзламачи; муғомбир, ўртага низо солувчи) — юксак маън-й фазилатларга зид, тили бошқа, дили бошқа, сўзи ва иши бирибирига тўғри келмайдиган шахсга хос салбий хислатни ифодаловчи т. Халқимизда ана шундай иккиюзламачи шахс, оила, жамоа, миллат, халқ олдида ўзини дўст кўрсатиб, орқасидан ёмонлик қиладиган ёки ёмонлик тилайдиган кишилар М. деб аталади. М.нинг хавfli жиҳати шундаки, бундай иллатга чалинган кишилар дўст ниқобига кириб, барча сир-асрорлардан хабар топади ва вақти келганда бундан ўз фойдаси ва ғаразли ниятда фойдаланади. Улар душмандан ҳам ёмонроқдир. Чунки, киши ўз душманини яхши

билади ва у б-н алоқада эҳтиёткорлик б-н иш тутади, масофада туриб муомала қилади, унга ўз сирлари ва режалаштираётган ишларини ошкор қилмайди. М.ни эса ўзига дўст деб билгани боис, унга ўз сир-асрорларини ишониб айтади ва қутилмаганда унинг хиёнатига дуч келади. Бундай ҳолларда кўрилган моддий зарар эмас, балки маън-й зарар кишини кўпроқ изтиробга солади. М. ислом таълимотида қораланиб, динни юзаки қабул қилиб, ўзи эса аввалги қабилавий эътиқодига сифинишни давом эттирган одамларга нисбатан қўлланган. Шу маънода, дилида иймони йўқ, аммо бирор мақсади йўлида мусулмонлар орасида ўзини иймонли, диндор кўрсатиб юрадиган киши М. ҳисобланади. Ҳадисларда таъкидланганидек, «Мунофиқнинг намоз ўқиб, рўза тутгани, «мусулмонман» деб даъво қилгани б-н уч илллати бўлади: ёлғон гапиради, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади». Тарихдан маълумки, М.лар, иккиюзламачиларнинг қилмишлари охир-оқибат фош бўлади ва халқ улардан юз ўтиради. М.лик маън-й-ахлоқий категория, муайян инсон фаолиятида қатъий ахлоқий тамойилларнинг шаклланимагани, унинг маън-й-руҳий жиҳатдан беқарорлиги, феъл-атворида ижобий ахлоқий метёрлар камол топмагани ва амалий фаолиятида ўзига хос номутаносиблик мавжудлигидан далолат беради. М.ликни келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири таълим-тарбиядаги нуқсонлар, ёшлар тарбиясига бўлган эътиборсизликдир. Халқимиз М.га нисбатан “Дили бошқа-ю, тили бошқа” деган нақлни бежиз қўлламайди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, мустақилликни қўлга киритиб, эндигина оёққа тура бошлаган мам-тларга нисбатан баъзи давлатлар ёрдам қўлини чўзса, бошқалари эса ўзини гўё дўст қилиб кўрсатса-да, турли ёлғон ва бўҳтонлар тарқатиб, унинг тикланишига қаршилик қилиш, оёғидан чалиш пайига тушади. Кейинги пайтларда бизнинг мам-тимиз аҳолисига нисбатан ҳам ана шундай “дўст”лар пайдо бўлиб қолди. Ўзб. халқининг манфаатлари тўғрисида

“бош қотираётган” ва “ғамхўрлик қилаётган” турли радиостанция ва телеканаллар, газета ва журналлар, интернетдаги баъзи сайтлар ўзларини қўй оғзидан чўп олмагандай қилиб кўрсатишга, ҳаётда гўё ўзб. халқи манфаатларини ҳимоя қилишдан бошқа ҳеч қандай мақсади йўқдай қилиб кўрсатишга уринмоқда. Аслида эса улар турли найранглар б-н одамлар ишончига кириб олгандан кейин асосий мақсадга, яъни конституцион тузумга қарши фаолият олиб бормоқчи, халқ б-н ҳокимият орасига нифоқ солмоқчи бўлади. Бундай қабиҳ ҳаракатлар остида халқимиз орасига ҳар қандай йўл б-н бўлса ҳам раҳна солишга интилиш ётади. Демак, ёлғончилик, М.лик нафақат инсонлар, балки мам-тлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мун-тларига ҳам нифоқ солувчи салбий иллат сифатида намоён бўлади.

МУЛОҲАЗА — кишининг нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар ҳақидаги фикри ёки ҳукми. Фикр ёки ҳукм — ақлий фаолият тури, одам мияси ва онгининг маҳсули. Бироқ, М., онгининг ён-атрофга, борлиққа мун-ти натижасида вужудга келади. Ш. у. М.нинг тўғри ёки нотўғрилиги унинг мавжудликни, борлиқни қандай акс эттириши орқали аниқланади. М. интуиция б-н ҳам боғлиқ. Интуицияда инсон нарса, воқеа-ҳодиса ва ҳолатларнинг қандай кечишини олдиндан билиши, фаҳмлаши мумкин. Бироқ, унинг тагида ижт-й амалиёт, қатта ҳаётий тажриба ётади. Ш. у. интуиция ҳам, худди онг каби, кишининг узоқ йиллик изланишлари ва амалий тажрибаси маҳсули сифатида, М.ни юзага келтиради. Мантиқшуносликда М. қуйидагича тасниф қилинади: 1) тасдиқловчи ёки инкор этувчи М. 2) якка, жузъий ва умумий М.; 3) шартли, фарқловчи ва қатъий М.; 4) эҳтимолий, мавжудий ва зарурий М. Агар фикр ҳолатнинг, нарсанинг маълум бир сифатларини тан олишга қаратилган бўлса, у тасдиқловчи М., агар фикр бу сифатларни рад этишга йўналтирилган бўлса, инкор қилувчи М. дейилади. Нарса, воқеа ва ҳолатлар ўзларининг якка, жузъий ва умумий хус-ятларига эга. Якка

хус-ят айнан шу нарсага тааллуқли, айнан шу ҳолатда намоён бўлади. Агар бу хус-ят бошқа нарсаларга воқеа-ҳодиса ва ҳолатларга ҳам тааллуқли бўлса, у гуруҳга, тоифага, туркумга хос бўлган жузъий хус-ятларни юзага келтиради. Агар бу хус-ят бир гуруҳ, тоифа, туркум доирасидан чиқиб, бошқа гуруҳ, тоифа ва туркумларга ҳам тааллуқли бўлса, у ҳар хил доираларга оид умумий хус-ятга айланади. Бу хус-ятлар ўз кўринишларига мос М.ни уйғотади. Шартли М. фикрни бирор нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар б-н шартли тарзда боғланиб келишидан ҳосил бўлади. Мас., “у истаган ин-тга кириши мумкин эди, деган М. воқеа-ҳодисаларни бўлакларга ажратиш натижасида ҳосил бўлади, у зўр билими ёки яхши хотираси туфайли аъло баҳо олган қабилдаги қатъий М. нарса, воқеа-ҳодиса ва ҳолатлар ҳақида чиқариладиган якуний фикр, ҳукм ҳисобланади. Эҳтимолий М. нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатларнинг ёки улардаги маълум бир хус-ятларнинг бўлиш ёки бўлмаслик эҳтимолидан келиб чиқиб билдириладиган фикр бўлса, мавжудий М. эса ана шу нарса ва ҳолатларнинг ёки улардаги маълум бир хус-ятларнинг борлиги тан олинган фикрдир. Зарурий М. улардаги маълум бир хус-ятларнинг ҳар қандай ҳолатда сақланишини эътироф этадиган фикр ҳисобланади. М., субъектив н. назардан, шахсий, гуруҳий, кўриниши жиҳатидан субъектив ва объектив, мавзулари бўйича илмий, бадий, диний, фал-й ва б. турларга бўлинади. М. фал.нинг билиш наз-яси ва матншунослик соҳаларида кенг тадқиқ этилади.

МУОМАЛА — кишилар б-н мун-т, сўзлашув ва ш-дек, иш, хизмат ва б. барча соҳалар б-н боғлиқ алоқаларни ифода этувчи т. Энг гўзал М. лутф-карамдир. Навоий бобомиз бундай М.ни “муомала-пардоз” деб атаган. Халқимизда одамлар б-н тўғри, оқилона М. қила билиш мад-т, олижаноблик аломати, деб ҳисобланади. М. мад-тида халқимизга хос кўплаб гўзал фазилатлар намоён бўлади.

МУОМАЛА ОДОБИ — инсонлараро мулоқотда намоён бўладиган одоб-ахлоқ

белгиси бўлиб, сўзлашув мад-тини тартибга соладиган ҳамда шахс хулқи гўзаллигини акс эттирадиган маън-й-ахлоқий хус-ятни ифодаловчи т. М.о.да хушфеллик, хушмуомалалик, ҳаё-иболилик, безорлик, ширинсўзлик, очиқкўнгиллик сингари ахлоқий меъёрлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ўзида юксак мад-тни мужассам этган кишилар муомаласида ҳаё, андиша ва иболилик яққол кўзга ташланади. Маърифатли, комил инсонлар ҳаёли ва вафодор кишилардир. Вафосизнинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг шаллақилиги, бетгачопарлиги, беандишалиги ҳам шунча озор келтиради. Бундан ташқари, мулойимлик ҳам М.о.нинг муҳим сифатларидан саналади. Муомаланинг асосий манбаини сўз ташкил этади. М.о.га кўра, яхши-ёмон сўз инсоннинг руҳиятига бевосита таъсир кўрсатади: яхши сўз б-н муомала қилинса — яхшилиқ топилади, ёмон сўз б-н муомала қилинса — ёмонлик. Мад-йликнинг энг муҳим унсурларидан бири М.о.дир. У моҳиятан, ўзаро ҳамкорликнинг шаклларида бири. Инсон зоти бир-бири б-н ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан яшаши қийин. Муомала — одам учун эҳтиёж, заруратдир. М.о. бошқа кишилар қадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъерий талабларни бажаришни тақозо этади. Унинг энг ёрқин, сермазмун ва ифодали тарзда намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш мад-ти М.о.нинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис М.о. энг аввало, ширинсуханлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеллик сингари ахлоқий меъёрларда намоён бўлади. Ахлоқий комилликка эришиш М.о.ни эгаллашдан бошланади. М.о.нинг яна бир “кўзгуси”, бу — инсоний қараш, нигоҳ, сўзсиз ҳаракатлар. Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг тил орқали ифодаланмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш — муомаладаги мад-тсизликни англатади. Баъзан

қараб күйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Умуман олганда, М.о. кишиларнинг бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия этиш воситаси сифатида шахслараро мун-тларда муҳим аҳамият касб этади. Ш.саб. ёшларимизда М.о.ни шакллантириш ҳоз. кунда жам-тимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда ота-она, маҳалла-кўй, таълим-тарбия соҳаси ходимларининг таъсири катта.

МУРОЖААТ — мулоқот бошланиши б-н боғлиқ нутқий одоб унсури. Суҳбатдошга номини, фамилиясини, отасининг исмини, лавозимини ёки касбий белгисини тилга олиб, юзланишда намоён бўлади. М. 1) самимийликнинг одатдаги ифодаси ва суҳбатдошга билдирилган ҳурмат; 2) муайян хабар кимга аталганини, мазкур муурожаат кимга йўналтирилганини кўрсатиш; 3) муайян кишига ошқора эътибор, муурожаат этувчининг шахсга иш юзасидан ёки бошқа мақсадда субъект сифатида қизиққани; 4) суҳбатдошда ижобий ҳиссийёт ва ундан қаноатланиш туйғусини уйғотиш; 5) ўзаро ҳурмат ҳиссини ифодалайди. Шунга кўра, М. нутқ одоби, самимийлик бурчига амал қилишгина эмас, балки мулоқотни бошқаришнинг психологик йўсини ҳамдир. Исми, отасининг исмини айтиб қилинган М. (Д.Карнеги таъкидлашича, ўз исмини эшитиш инсон қулоғи учун энг ёқимли мусиқани тинглаш б-н баробардир) ишга алоқадор ишончли муҳитни вужудга келтиради.

МУРОСА (араб. бир-бирдан розилик, ўзаро келишиш) — сулҳ, масалани қулай, тинч йўл б-н ҳал этиш, шахснинг низоли ва зиддиятли вазиятда келишувга бора олиш қобилиятини ифодаловчи т. М., одатда, инсоннинг беш хил ҳаракат услубидан бири ҳисобланади. Низоли вазиятда у ана шу услублардан бирини танлашга мойиллик билдиради. Бу ҳаракат услублари қуйидагилар: 1) *рақобат* — масала айнан бир томон айтганидай ҳал бўлиши керак; 2) *ён бериш* — бир томон иккинчи томон таъкидлаётган ечимни қабул қилади; 3) *компромисс ёки муроса* — масала иккала томонни ҳам қисман қониқтира-

диган ечим орқали ҳал этилади, лекин асосий манфаатлар қондирилмайди; 4) масалани муҳокама қилишдан *қочиш*, яъни турли баҳона б-н масалани ҳал этувчи узил-кесил ечим қабул қилмайди; 5) *ҳамкорлик* — иккала томонни қониқтирувчи ечим изланади ва бу изланиш давомида бир томон иккинчи томоннинг манфаати ҳақида қайғуради, иккинчи томон ҳам жамоа ва ташкилот манфаатини назарда тутган ҳолда ўз муаммоси ечимини излайди. Рақобатда биринчи навбатда шахснинг ўз хоҳишини қониқтириш, ўз манфаатини кўзлаб иш тутиш, бир томонлама ютуққа интилиш асосий мақсад этиб олинади. М.да эса иккала томон ҳам бирор нарсадан воз кечиб, ўзаро келишув битимини тузатишлар ва иккала томон учун маъқул бўлма-са ҳам бир тўхтамга келадилар. Ҳаётда, одатда, низоли вазиятдаги горизонтал низолар асоратсиз кечади. Чунки горизонтал низоларда бирор бир хус-ятига қараб, ўзаро тенг бўлган инсонлар, мас., бир корхонадаги ходимлар, бир оила фарзандлари, ёши тенг кишилар, бир синф ўқувчилари ўртасидаги низолар кўринади. Бу тоифа низоларни ҳал этишда М.га келиш осонроқ кечади. Лекин вертикал низоларда М.га келиш анча мушкул, чунки бу низоларда икки киши орасидаги ижт-й мавқе даражаси турлича бўлади. Мас., корхонада раҳбар ва ходим, оилада ота-она ва фарзанд, мактабда ўқитувчи ва ўқувчи мун-тларида бир томондаги мавқе ва тажрибанинг, ёш кўрсаткичининг юқорилиги туфайли М.га келишдан кўра, бир томоннинг бошқасига ён бериши, низодан қочиш каби ҳаракат услублари самаралироқ амалга ошади. Ш-дек низоларнинг моҳияти ва ҳал қилиш йўлига кўра, конструктив низоларда инсонлар орасидаги мун-тларнинг тўғри ва рационал ҳал этилишида М.га келиш кузатилади. Чунки бу низоларнинг оқибатида муаммо ижобий ҳал бўлади. Лекин деструктив низоларда ўзаро мун-тларнинг таранглашуви, катта жанжалларга айланиши М.га келиш имконини йўққа чиқаради. Низоларнинг юзага келишининг дастлабки босқичида М.га келиш вазия-

ти кўпинча амалга ошса, низонинг низоли хатти-ҳаракатлар бошқичида М.га келиш қийин бўлади. Кўп миллатли мам-тда миллатлараро М. муҳитини яратиш катта ижт-й-сиёсий аҳамиятга эга. Айниқса, Ўз-н каби 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб турли дунёқараш ва турмуш тарзига эга бўлган аҳоли яшайдиган, 15 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган мам-тда ижт-й М. муҳитини яратиш фавқуллодда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммо мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Президент И.А.Каримов мам-тда юртинчилигини таъминлаш ва барқарор муҳитни яратишда миллатлараро мун-тларни мувофиқлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқди ва амалиётга фаоллик б-н жорий этди. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида белгиланиб, бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жум-н, Ўз-н «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция», «Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция», «Халқларнинг тинчликка доир ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция», «Дин ва эътиқод асосидаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларация», «Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция» ва б. халқаро ҳужжатларга қўшилди. Бу эса жам-тдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижт-й М. тамойилларини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. М. мад-ти одамларнинг турмуш тарзи, дунёқараш, онги, фикрлаш тарзи б-н боғлиқ бўлган мураккаб ҳодисадир. Ўтиш даврида ижт-й-сиёсий ҳодисалар моҳиятини тўғри ва теран англаш, ундаги ўзгаришлар жараёнини холисона баҳолаш, мантикий ёндашувларни амалга ошириб бориш М. мад-тини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Тарихдан маълумки, жам-т аъзолари умумий мақсад йўлидаги ғояларни бевосита ўз тақдири б-н боғлиқ ҳолда

англаса, ҳар бир фуқаро ўз тақдирини мам-т тақдири б-н боғлиқ ҳолда тушунса аҳолиси ўртасида яхлит М. мад-ти вужудга келади. Ана шундай маън-й-руҳий яқдиллик ва М. тамойиллари жам-тда умумий ижт-й-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

МУРУВВАТ — инсонпарварлик, бирор кишига қилинган холисона инсоний ёрдам, яхшилик, саховат, лутф. М. саховат б-н уйғун сифат, инсоний фазилат бўлиб, халқимизга хос маън-й хус-ят, миллий қадриятдир. М.ли - М. кўрсатувчи, яхшилик қилувчи, саховатпеша. киши. М. саховатли, меҳр-муҳаббатли, оқибатли инсонларнинг нафақат ўз ташвиши б-н, балки ўзгалар ташвиши б-н ҳам яшашида, уларнинг кимгадир моддий ва маън-й кўмаклашиши, хайру эҳсон қилиш, кўнглини кўтариш сингари инсоний хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Бундай инсонлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган муҳтожларга, ногиронларга, етимларга моддий ёрдам бериш б-н бирга, бу каби эзгу амалларни бажаришни ўз инсоний бурчи, деб билади. Меҳр-мурувват, саховат кўрсатувчи инсонлар ҳамиша эл ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб, халқимизнинг дуосини олиб келган. Алишер Навоий бир шеърда М. ҳақида қуйидагича ёзади: “Мурувват — барча бермакдур, емак йўқ, // Футувват — барча қилмоқдур, демак йўқ”. Шоир наздида М. одамгарчилик юзасидан қилинган яхшилик, саховат, ҳимматдир, ўзида бор нарсаларни муҳтожларга бериш, емай едириш, киймай кийдириш М. саналади. Футувват эса барчага яхшилик кўрсатиш, аммо эвазига ҳеч нарса талаб, таъма қилмасликдир. Шарқ донишмандлари ҳикматларида ифодаланишича, тўрт нарса кишининг М.идан саналади: тилининг ростгўйлиги, биродарларининг хато-камчиликларини кечириши, аҳли замонининг таниқли кишиларига саховат қилиши, таниш ва қўшниларга озор беришдан тийилиши (*Ҳасан Басрий*); Кимнинг ҳимматию М.и қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўлади, ҳамдардлик билдиради

(Абулқосим Замаҳшиарий). Юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан халқимизнинг азалий анъана ва қадриятларига асосланадиган, кўпчилик манфаатлари инобатга олинадиган эзгу тадбир — ҳар йилни муайян ном б-н аташ анъанага айланган. Чунончи, 2004 йилнинг “Меҳр-мурувват йили” деб эълон қилиниши юртимизда бундай умуминсоний қадриятлар ҳамisha устувор бўлиб қолишини яна бир бор тасдиқлайди. Меҳр ва мурувват бирикмаси таркибидаги “М.” сўзи сахийлик, одамгарчилик ва саховат маъноларини билдиради. Аслида, бу маънолар ўзаро жуда яқин ва муштарак. Мас., инсонда сахийлик бўлмаса, одамгарчилик, саховат ҳам бўлмайди. Фақат мард инсонгина ожиз ва муҳтожларга ёрдам бериши, пешона тери б-н топган бойлигини бошқалар б-н баҳам кўриши мумкин. Бинобарин, М. — инсондаги энг яхши фазилатлар ифодаси, жўмардлик белгиси. Таъкидлаш лозимки, М. турли шаклларда намён бўлади. Мас., гариб ва ожиз кимсанинг кўнглини кўтариш ҳам М. белгиси. Етим-есирлар, кекса ва ногиронларнинг бошини силаш, топган бойлигидан бир қисмини ногиронларга улашиш — бу ҳам М. Демак, М. моддий ёрдамдангина иборат эмас. Аслида мардлик ва олижанобликнинг ҳар қандай кўриниши — М. дир. Билмасдан нотўғри иш қилган одамни кечириб, ёшларнинг хатокамчилигини билиб-билмасликка олиш, аммо мавриди келганда, буни нозик ишоралар б-н тушунтириб қўйиш — бу ҳам М.нинг бир кўринишидир.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК — кучли давлатлар томонидан зўрлик б-н эгалланган мам-т ёки ҳудудни сиёсий ва иқт-й мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилиш ғояси асосидаги ўзга халқ ёки мам-тларни босиб олиш, талаш сиёсати. Тарихдан М. империяларнинг шаклланиши ва ўзга давлатларни босиб олиши б-н боғлиқ экани маълум. 20-а. бошига келиб, деярли бутун дунё йирик мустамлакачи давлатлар (Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Испания, Нидерландия, Португалия, АҚШ, Япония, Россия) томо-

нидан босиб олинган эди. Мустамлака мам-тлар б-н бир қаторда, иқт-й ва сиёсий жиҳатдан заиф ва қарам бўлган ярим мустамлакалар ҳам мавжуд эди. Ҳукмрон кучлар ва уларнинг монополистик бирлашмалари мустамлака ва қарам мам-тлардан хомашё манбаи, даромад олиш бозори, сармоя қўйиш соҳаси, ш-дек, ҳарбий ҳаракатлар ҳамда янги жойларни эгаллаб олиш учун таянч майдони сифатида фойдаланиб келди. Мустамлака ва қарам ўлкаларнинг халқларини эксплуатация қилиш ва эзиш ҳисобига мустамлакачилар катта даромадга эга бўлди. Қарам ўлкалар эса аграр хомашё етиштириладиган бир томонлама ишлаб чиқаришга асосланган қолюқ иқтисодиёт б-н қолаверди. Мустамлакачи давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олишга бўлган интилиши 1914—1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушига олиб келди. Уруш оғриқларидан азият чекаётган халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатлари кучайиб борди. Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945)дан сўнг эса, жаҳон мустамлакачилик тизимининг тез емирилиши ва қулаши бошланди. Мас., “Африка йили” деб ном олган 1961 йилда Африканинг 21 та давлати мустақилликка эришди. Ўтган даврда мустамлакачиларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, кўплаб мустамлака ва қарам давлатлар озодликни қўлга киритиб, ўзларининг сиёсий ҳамда иқт-й мустақиллигини мустаҳкамлаб бормоқда. М. барҳам топган ҳоз. шароитда, реакцион мустамлакачи кучлар ҳали ҳам турли усуллар ва шаклларда ўзларининг иқт-й ва сиёсий мавқеларини сақлаб қолишга интиломоқда. Ўзб. халқи ҳам ўз бошидан М.нинг аянчли даврини ўтказди. Аввал Россия империяси, сўнг собиқ совет империясининг М. сиёсати мам-тимиз тар-ёти учун тўсиқ бўлиб келди. Ўз-н давлат мустақиллигига эришган бўлса-да, қўлга киритилган истиқлолни ҳар томонлама мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Зеро, ўз таъсир доирасини сақлаб қолмоқчи ёки қарам қилишни орзу қилаётган мустамлакачи кайфиятдаги сиёсий кучлар ватанимиз бойликларига, халқимиз озодлигига кўз олайтиришни

қўймаптилар. Ўз манфаатларига эришиш йўлида ҳар қандай усул ва найранглардан фойдаланувчи, М. гоялари б-н қуролланган кучларнинг асл қиёфасини очиб ташлаш, уларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришда миллий гоянинг имкониятларидан тўла фойдаланиш давр талабидир.

МУСТАҚИЛ ФИКР – бошқаларнинг фикридан мустақил ва ўзга таъсирлардан холи хулоса, ҳукм ва мулоҳазалар. инсоннинг дунёқараши ва ақлий салоҳиятини ифодалайдиган т. М.ф. инсонда дастлаб оилада шакллана бошлайди. Шахснинг улғая бориши натижасида у ижт-й ин-тлар томонидан мавжуд барқарор восита ва усуллар орқали тўлиқ шакллантирилади. М.ф. миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий гурур, миллий маъ-ят т.лари таъсирида шаклланади. Ҳар бир жам-т ўз аъзолари онгида М.ф.ни шакллантиришдан манфаатдор бўлади. М.ф.ли кишилар ўзи яшаётган жам-т б-н фаол ижт-й-сиёсий мун-тга кириша олади, ўзининг жам-т олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини теран англаб, уни амалга оширишга лаёқатли бўлади. М.ф. индивидлар, гуруҳлар ва жам-тнинг барча аъзоларига хос хус-ят саналади. Жам-тда бундай шахсларнинг кўпайиши унинг тар-ётига хизмат қилади. М.ф.га эга одам ўз дунёқараши, ақлий салоҳияти орқали жам-тнинг асосий мақсадини чуқур англаб, ўз фаолиятини шу асосда йўналтиради. Бундай шахс теварак-атрофидаги ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли мун-тда бўлади. У ҳар бир ҳаракатини мулоҳаза б-н амалга оширишга ўрганади. М.ф.га эга шахсни турли мақсадларда ўз измига бўйсундириш мумкин бўлмайди. Чунки, у ўзининг қатъий ҳаётий позицияси ва мушоҳадасига эга. Фикр қарамлиги унинг учун ёт нарса. М.ф.ли баркамол шахсни тарбиялаш, энг аввало, оиладан бошланади. Бу ҳар бир ота ва онанинг шахсий ибрати, таълим-тарбия жараёнида мустақил фикрлашга ўргатиб бориши жуда муҳим. Бу ҳар бир ота-онадан юксак маъ-ят ва мад-т, кенг дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади. Кейинчалик бу жараён

ўқув юртда ўқитувчи-мураббийлар фаолияти орқали такомиллашиб боради. Инсонда соғлом фикрни ва ақлий мувофиқликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг самарали йўли теран ақлидрокка эрк беришдир. М.ф. ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки М.ф.га эга бўлган шахснинг иродаси кучли, эътиқоди собит бўлади, у ҳар қандай алдов ва игволарга кўнмайди, пуч ва ҳавойи фикрларга берилмайди. М.ф.ли шахсда юксак маъ-ят ва маърифат уйғунлашган бўлади. М.ф. шаклланишида билим ва кўникмалар муҳим аҳамият касб этади. Бугунги Ўз-н таълим тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳам М.ф.ли шахсларни тарбиялашдир.

МУСТАҚИЛЛИК (араб. тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик) – инсоннинг эркин ва озод равишда, ўз ихтиёри б-н бошқаларга бўйсунмасдан иш юрита олиши, миллат, давлат ва жам-т ҳаёти, уларнинг тар-ётини, устувор мақсад ва вазифаларини мустақил тарзда амалга оширишини англатадиган т. М. барча жабҳалардаги ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини эмин-эркин ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради. М. ҳар бир халқнинг, миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг ўз истеъдоди ва имкониятларини эркин тарзда намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўл очади. М. шахс, оила, гуруҳ, жамоа, миллат, худуд, давлат, умуминсониятга мансуб даражаларга бўлинади. XVIII–XX а.лар инсоният тарихида мустамлакачилар асоратига тушиб қолган халқларнинг мустақил давлатлар тузиш учун курашлари даври бўлди. Шимолий Америка аҳолисининг мустақиллик учун кураши 1776 йилнинг июлида “Мустақиллик декларацияси”ни қабул қилиш б-н якунланди. XVIII а.нинг 90-йилларидан бошлаб XIX а.нинг би-

ринчи чорагигача бўлган даврда Лотин Америкаси халқлари испан, португал, француз мустамлакачиларига қарши курашиб, бирин-кетин ўзларининг мустақил давлатларини барпо этди. 1830 йилда Юнонистон усмонли турклар империясидан ажралиб, ўз М.лигига эришди. XVIII–XIX а.ларда дунёнинг қарийб ярмини ўз мустамлакаларига айлантирган Буюк Британия истибдодига қарши олиб борилган курашлар натижасида 1876 йилда Канада, 1901 йилда Австралия, 1910 йилда Жанубий Африка, 1921 йилда Ирландия, 1947 йилда Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўз М.ини қўлга киритди. Жаҳон тарихида 1917 йилда пайдо бўлиб, зўравонлик тизимини юзага келтирган собиқ иттифоқ 1991 йилгача сақланиб келди. Шу йили халқимизнинг азалий орсуси ушалди: 1991 йилда Ўз-н ўз мустақиллигини қўлга киритди ва миллий давлатчилигини тиклади. М. халқимизнинг иродаси, ўзб. миллати ҳақ-ҳуқуқи, унинг цивилизацияга қўшган ва қўшаётган бетакрор ҳиссасини жаҳон ҳамжамти томонидан эътироф этилиши ҳамдир. У бизни жаҳоннинг эркин мам-тлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамти барпо этишга, халқимизнинг моддий, мад-й ва маън-й салоҳиятини мустаҳкамлашга, юртимиз шон-шухратини дунёга ёйишга имкониятлар яратувчи энг асосий омил бўлиб хизмат қилади. М. мам-т сиёсий тизимида салмоқли ва жиддий ўзгаришларга олиб келди. Халқимиз тарихида биринчи бор ҳақиқий мустақил давлатга хос юксак демократик талабларига монанд Асосий қонун – Конституция ва шу асосда кўплаб қонунлар қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди. Кўппартиявийлик асосида Ўз-н парламенти шакллантирилди, давлат ва жам-т ҳаётининг муҳим ҳуқуқий пойдевори яратилди. М. ижт-й, иқт-й, сиёсий, мад-й соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш имконини яратди. Иқт-й, сиёсий, мад-й ва маън-й соҳаларнинг эркинлаштирилиши туфайли мам-тимизда бозор мун-тлари босқичма-босқич амалга оши-

рила бошлади. М. туфайли мулкка эгаллик ва унинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва чуқур ислоҳ қилинди. М. халқимизни мам-тимиз худудидаги табиий ресурс ва бойликларининг ҳақиқий эгасига айлантирди. Халқимизнинг азалий ҳаёт тарзидан чуқур ўрин олган урф-олари, анъаналари, байрамлари М. туфайли қайта жонланди. Ўзб. тилига давлат тили мақоми берилди. Маън-й меросимизнинг дурдоналари она тилимизда нашр этила бошланди. Халқимизнинг тарихи қайта тикланиб, улуғ аجدодларимиз қолдирган бой ва бебаҳо мерос нафақат халқимиз, балки ўзга халқлар томонидан ҳам кенг ўрганила бошланди, ўзлигимизни англаш ва жаҳон афкор оmmasига танитиш йўлида улкан қадамлар қўйилди. М. йилларида юртимизда миллий ва диний қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинди. 1 сентябрь юртимиз, халқимизнинг М. куни байрами деб эълон қилинмоқда. Ш-дек “Наврўз”, “Рамазон ҳайити”, “Ийд ҳайити” каби миллий ва диний байрамларимиз анъанавий тарзда нишонланиб келинмоқда. М. туфайли Ўз-нни дунё таниди ва ўз навбатида мам-тимиз дунё мам-тлари томонидан мустақил давлат сифатида тан олинди. Ҳар бир миллат ва элат, этник гуруҳлар. уларнинг урф-о. ва анъаналари хурмат қилиниши сабабли юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар тенг ҳуқуқлик асосда умргузаронлик қилмоқда. М. шарофати б-н Юртбошимиз раҳбарлигида Ўз-ннинг истиқлол ва тар-ёт йўли танланди, бозор мун-тларига босқичма-босқич ўтилмоқда; истиқлол маъ-ятини шакллантириш ва соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. М. даврида Ўз-н БМТга (1992 йил 2 март), Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби ўнлаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, деярли барча нуфузли минтақавий уюшмаларга қабул қилинди, дунёдаги кўплаб давлатлар (130 дан ортиқ) б-н дипломатик алоқалар ўрнатилди, ўзаро ҳамкорлик мун-тлари йўлга қўйилди. М. даврида мам-тда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, дунё ва минтақа давлатлари ўртасида тинч-

ликпарвар ташқи сиёсат юритилмоқда. М. йиллари улкан қурилишлар ва бунёдкорлик ишлари учун кенг ва катта имкониятлар даври бўлди. М. даврида шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси, аҳолининг онги ва тафаккури, турмуш тарзи тубдан ўзгармоқда.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ — мустақиллик кунини нишонлаш. М. ҳар бир халқнинг азалий ва муқаддас орзуси. Ш.у. М. куни барча озод, эркин, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжам-тида ўз қонуний ўрнига эга бўлган халқлар томонидан энг улуғ миллий байрам сифатида нишонланади. ЎзР 1991 йил 31 августда ўз давлат мустақиллигини қўлга киритди. 1 сентябрь Мустақиллик куни — М.б. деб эълон қилинди. Бугун у Ўз-тонда энг муқаддас, энг улуғ миллий байрам. М.б. ЎзРнинг 1992 й. 3 июлда қабул қилинган “Байрам кунлари ҳақида”ги қонунига ва ЎзР Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилган ЎзР Меҳнат кодексининг 131-моддасига мувофиқ мам-тимиз ҳудудида нишонланадиган байрам (дам олиш) кунлари қаторидан ўрин олди. М.б. бутун халқимиз томонидан катта хурсандчилик ва кўтаринки руҳ б-н кенг нишонланади. Айни шу куни эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинади, келажак сари дадил одимлар белгиланади, давлатимизнинг олий мукофотлари топширилади.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ — халқимизнинг узоқ йиллар кутган орзу-армонлари ва эзгу мақсадларини ифодалайдиган рамз, истиқлолнинг дастлабки йилларида Мустақиллик майдонида бунёд этилган Мустақиллик тимсоли. Унда ЎзР харитасининг тасвири акс эттирилган. 2005 йилнинг декабрь ойида Мустақиллик монументи мажмуасига туташ ҳолда қўлида фарзандини ушлаб ўтирган бахтиёр она ҳайкали — Эзгулик монументи ўрнатилди. Юртбошимиз ташаббуси б-н дунёга келган бу икки меъморий-бадий мажмуага М.э.м. деб ном берилди. М.э.м. халқимизга хос бўлган эзгу фазилатлар — тинчликсеварлик, бағрикенглик, болажонлилик, меҳр-

оқибат, самимийлик ва одамийлик хусиятларини намоён қилади. Мустақиллик майдонига кираверишда М.э.м. б-н яхлит ансамблни ташкил этувчи Эзгулик аркаси бунёд этилди. М.э.м. ҳамда Эзгулик аркаси оқ рангдаги узун ва кенг йўлак б-н туташган бўлиб, бу рамзий маънода оқ поёндозни билдиради. Эзгулик аркасининг узунлиги 150 м., асосий пештоқларининг баландлиги 12 м., ён томондаги устунларининг баландлиги 10 м. бўлиб, жами 16 та оқ мрамрдан ишланган устунлардан иборат. Мазкур баланд ва бақувват устунлар мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдеворидан дарак беради. Марказий устунда Ер шари тасвири ўрнатилган, ер шари устида эса кўкка интилаётган турналар ишланган. Ер шари узра парвоз қилаётган турналар тинчлик ва эзгулик, бахт-саодат рамзини ифода этади. Бугунги кунда давлат миқёсидаги байрам ва тантаналарда, умумхалқ сайларида ва янги ҳаётга қадам қўйиш олдидан (келин-куёвлар) монумент пойига гул қўйиш анъанага айланган.

МУТАФАККИР (араб. фикрловчи) — илм эгаси, бир ёки бир нечта фан соҳасини эгаллаган, янги йўналишлар, кашфиётлар яратган олим, фавқуллодда зеҳн ва заковат, энг юқори ва ҳар тарафлама ривожланган, чуқур фикрлайдиган истеъдод соҳибини англатувчи атама. Унинг иш қобилияти ва фаолияти бениҳоя юқори даражада бўлади, ўлмас ва улкан мерос қолдиради. М. кўп соҳаларда янги даврни бошлаб беради, улар яратган маън-й бойликлар тарихда бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади. М.ларнинг бутун фаолияти ва яратган асарларидан дунёдаги барча халқлар манфаат кўради. Уларнинг номлари боқийдир, токи инсоният бор экан, улар халқлар хотирасида яшайверади. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва б. шулар жумласидандир.

МУТЛАҚ (АБСОЛЮТ) РУҲ ВА МУТЛАҚ ҒОЯ — инсоннинг руҳий олами ва маъ-ятини мутлақлаштириш асосида Гегель томонидан таърифланган асосий т.лар. Гегельнинг фикрича, маън-й жараёнларни тўла қамраб олган бу т.лар ўз тарақ-ти давомида объектив руҳ, субъектив руҳ, мутлақ билим каби босқичлардан ўтиб, такомилга етади. М.р.м.ғ. ҳоз. даврда Ғарбда янги гегелчилар (неогегелизм) қарашларида муҳим т.лар сифатида эътироф этилади.

МУТТАҲАМ(ЛИК) (араб. айбланувчи; шубҳага олинган, айбланган) — ўзаро мун-тлар ва олди-берди масалаларида нопок; фирибгар, қаллоб, муттаҳам одамни англатадиган т. М.сўзи айрим кишилар характериға ўрнашиб қолган салбий сифатни англатади ва ушбу ибора азалдан қўллаб келинади. Бу сўз б-н ифодаланган шахслар халқнинг назаридан қолган, барчанинг иззат-нафсига теккан киши ҳисобланади. Ш.у. ҳам бу сўзга нисбатан халқда салбий мун-т шаклланган, инсоф ва ифбат сўзлари унга антоним ҳисобланади. Негаки, бу сўзлар бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини, оила ва ажодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ҳам ифодалайди. Одатда номусли одам маън-й қадриятини баланд тутади. «Қонун тақиқлай олмаган нарсаларни гоҳо номус тақиқлай олади», деган нақл ҳам бор халқимизда. М.лик хус-ятига эга бўлган киши эса на қонунни назар-писанд қилади ва на номусни билади, унинг учун фақат шахсий манфаат устун туради. Ўзига ортиқча бино қўймоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ, димоғдорлик, такаббурликни англатиб ва М.ликка яқин т. ҳисобланади. “Манманлик заволга, камтарлик камолга етаклайди”, деган нақл шунга ишора бўлса керак. Барча жам-тларда жум-н халқимизда ҳам инсофли, диёнатли ҳалол инсонлар улуғлаб келинган. М.лар эса қораланган. М. сўзи фақат миллатимиз орасида эмас, балки барча халқларда қадимдан қўллаб келинганини қад. юнон файласуфи Арастуниг қуйидаги сўзлари тасдиқлайди: «Муттаҳамнинг виждо-

нини қўзғатмоқ учун унга тарсаки тушириш керак». Арастуниг фикридан М. бўлган кишига шафқат қилмаслик керак, уни фақат мажбурий йўл б-нгина тарбиялаш мумкин, деган маъно уқилади.

МУҚАДДАСЛИК (араб. қуддус — илоҳий пок, тоза, азиз, муборак, табаррук) — кишилар тасаввурида илоҳият б-н боғлиқ бўлган, мумтоз, шарафли, олижаноб. айб ва нуқсонлардан холиликни ифодалайдиган т. М., асосан, шаҳар, илоҳий китоблар, маълум авлиё-ю анбиё, пиру валийларга бағишлаб тикланган мақбаралар, умуман олганда, халқ маъ-ятида катта из қолдирган ва улуғ обрў-эътиборга сазовор бўлган жой ва шахс номларига нисбатан қўлланади. Ш-дек мазкур т. алоҳида халқларга хос айрим қадриятлар, анъанавий, маън-й тамойиллар, тафаккур тарзи, урф-о.лар, касб-кор кабиларга нисбатан ҳам қўлланиб, уларнинг маън-й жиҳатдан инсон учун катта аҳамиятга эгалигини таъкидлашга хизмат қилади. Мас., муқаддас Ватан, муқаддас она (аёл), муқаддас иш, муқаддас орзу ва б. худди ана шу маънода ишлатилади.

МУҲАББАТ — одамлар ўртасидаги ишқ, севги, суйиш, ёқтириш, яхши кўриш, меҳр қўйиш кабилар б-н боғлиқ маън-й неъматни ифодаловчи т. М. маъят, фал., этика, эстетика каби фанларнинг муҳим категориясидир. Инсондаги энг олий фазилатлар М. б-н боғлиқдир. Инсонга М., Ватанга М., онага М., ёрга М., фарзандга М., касбга М., санъатга М. — буларнинг бари М.нинг кўринишларидир. М. ва маъ-ят узвий алоқадор, чунки, маъятнинг таркибига кирувчи қадриятлар, ахлоқ, санъат, дин ва б. М.га таянади. Айтайлик, ахлоқ яхшилик пойдеворига қурилади, яхшилик одамларга, халққа М. туйфайли вужудга келади, санъат атрофдаги воқеликка, табиатга, жам-тга М. туйфайли шаклланади. Дин эса илоҳга М.ни тақозо этади. “ М.” т.си кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Тор маънода бу сўз халққа М., Ватанга М., ёрга М., касбга М. кабиларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ифодалайди. Кенг маънода у ана шу мун-тларнинг барчасида мавжуд бўлган хус-ятлар-

ни ўзида жамлайди. Инсон ўзини М. орқали намоён қилади. М. бўлмаса, инсон ҳақиқий актёр ёки шоир, ўқитувчи ёки ишчи, наққош ёки ёзувчи бўла олмайди. касбига меҳр қўймаган киши том маънодаги мутахассис бўлиши қийин. М. одамларни ўзаро ҳамкорликка, дўстликка чорлайди. М.нинг зидди эса нафрат бўлиб, у одамлар орасига нифоқ солади, жанжаллар, душманлик ва урушларни келтириб чиқаради. Жам-гда М. устувор бўлганда барқарорлик, осойишталик, тинчлик ҳукм суради. Нафрат кучайганда, аксинча одамлар ўртасида ихтилоф пайдо бўлади, халқлар ўртасида қуролли низо ва урушларга сабаб бўлади. XX а.да юз берган икки жаҳон уруши, ўнлаб, фуқаролик урушлари, минтақавий низолар шундан далолат беради. Бу хунрезликлар фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган, бошқаларга М. б-н эмас, нафрат б-н қарайдиган кимсалар, ёвуз кучлар ҳокимият тепасига келиб қолгани натижасидир. Иккинчи жаҳон урушига Гитлер ва унинг ваҳший тўдаси томонидан Германияда ҳокимиятнинг қўлга олиниши сабаб бўлди. Улар тарғиб этган ғоя — фашизм фақат ўз ирқини севиб, бошқа барча инсониятга нафрат б-н қарашдан иборат эди. М. ўрнини нафрат эгаллай бошлаганда ва бу туйғу М.дан устун бўлганида инсон ўзининг инсонийлигини йўқотади, унда гайриинсоний, ҳайвонларга хос тажовузкорлик кучаяди. Адабиёт, мусиқа, санъат, дин ёки фал. каби тафаккур шакллари М. туфайли ва инсонларда М. туйғусини уйғотиш ва қарор топтиришга хизмат қилади. Маъ-ятнинг негизини Ватанга, халққа, инсониятга, табиатга мун-тлар ташкил этар экан, бу мун-тларни шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки, адабиёт ва санъатнинг асосий мақсади М.ни бадийий бўёқларда ифодалашдир. Адабиёт ва санъат инсонлар ўртасидаги М. туфайли ва шу М.ни куйлаш учун дунёга келган. М. адабиёт ва санъатнинг абадий мавзуси бўлиб қолди. Адабиёт ва санъатнинг М.ни ифодалашдаги ўзига хослик томони шундаки, уларда муайян инсоннинг, шахснинг М.и ифодаланади. Лекин М.нинг шундай қирралари ҳам бор-

ки, уни алоҳида бир шахснинг туйғуси орқали ифодалаб бўлмайди. Ҳар бир тарихий даврда М. ўзига хос хус-ятларга ҳам эга бўлган. Бу хус-ятларни бир ёки бир неча образлар орқали ифодалаш анча қийин. Бундай хус-ятларни англаш учун тарих, мад-тшунослик, фал., ахлоқшунослик каби фанларнинг ёрдами керак бўлади. М. фақат инсонга хос хус-ятдир. Ҳайвонлар ўртасида ҳам М.га ўхшаган туйғу бор. Мас., оққушлар ва б. бир қатор парранда ва даррандалар ўз жуфтлари б-н умрбод оила қуради. Лекин, бу туйғуни М. деб бўлмайди. Бу муайян шароитда яшаётган турнинг атрофмуҳит тақозоси б-н вужудга келган инстинктидир. Ҳайвонларда онг йўқ. Уларда хатти-ҳаракат рефлекслар ва инстинктлар орқали бошқарилади. М. энг юксак инсоний туйғудир. М. ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, мардлик, жасорат сингари кўплаб ижобий ва шу маънода, у маъ-ятнинг энг асосий устунларидан бири, инсонни эзгу мақсадларга етаклайдиган қудратли куч сифатида хизмат қилади.

МЎЪТАДИЛЛИК (араб. қадди-қомати келишганлик, расолик; мутаносиблик; ўртачалик, ўртаимёналик) — ўртача, ҳаммага маъқул вазият, ҳолатни англатади. М. ибораси ижт-й маънода қўлланганда инсоф, диёнат т.сига мос келади. Хус-н у Шарқ фал.сида шундай талқин этилади. Бу маънода М. — кишининг муайян жам-тнинг ахлоқ меъёри н.назаридан ўз хулқ-одобини назорат қилиши ва холисона баҳолашидир. М. — виждонли одамнинг, жамоанинг жам-тта ёки бошқа кишиларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун маън-й жавобгарлик ҳисси ҳамдир. Агар киши бирор ишни тўғри бажарса, унда ички қоникўш пайдо бўлади, виждони пок бўлади, атайин нотўғри бажарса, М.дан чиққан бўлади. М. кишини бирор ишни қилишга ундаса ёки қилишдан тортса, бунда у қалб амри тарзида бўлади. Юқоридаги хислатларга эга бўлган киши албатта мўътадил ҳаёт кечиради ва М.ка эга бўлади. М. атамаси таббий-ижт-й воқеа-ҳодисалар, мас., об-ҳавога нисбатан ҳам М. атамаси қўлланади. Об-ҳавоси М. минтақа деганда иссиғи ҳам, совуғи ҳам кишини қийнамайдиган, унинг танасига хуш ёқадиган жой, ҳудуд тушунилади.



НАВОИЙ, Алишер (1441.09.02.–1501.03.01. Ҳирот) – улуг ўзб. шоири, мутафаккири, давлат арбоби. Асл исми Алишер Ғиёсиддин ўғли, замондошлари Низомиддин, Мир, Мир Алишер каби номлар б-н атаганлар. Н.нинг ота томондан бобоси Амир Темурнинг Умар Шайх исмли ўғли б-н кўкалдош (эмикдош) бўлиб, кейинчалик Умар Шайх ва Шоҳрухнинг хизматида бўлган. Отаси Ғиёсиддин Баҳодир эса Абулқосим Бобурнинг яқинларидан; мам-тни идора этишда иштирок этган. Онаси Салимабиби – Кобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангнинг қизи. Н.нинг болалиги Шоҳрух ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келган. У темурийзодалар, хус-н, бўлажак подшоҳ Ҳусайн Бойқаро б-н бирга тарбияланган. 4 ёшидан мактабда савод чиқариб, туркий ва форсий тилдаги шеърларни ўқиб, ёд ола бошлаган. Ўзб. тили б-н бир қаторда форсий тилни ҳам мукамал эгаллаган. Тоғалари Мирсаид – Қобулий, Муҳаммад Али – Ғарибий етук шоир бўлиб, Н.лар уйида тез-тез мушоира қилишар, адабиёт ва санъат ҳақида суҳбатлашар эдилар. Н. 10–12 ёшларидан шеър ёза бошлаган, 15 ёшида шоир сифатида кенг танилган. Шеърларини Навоий тахаллуси б-н туркий ва Фоний тахаллуси б-н форсий тилларида ёзган. Н. Бойқаро саройида муҳрдор (1469–1472), бош вазир (1472–1476) лавозимларида хизмат қилди, Астрободга ҳокимлик қилди (1487–1488). Н. бу лавозимларда экан, аввало, бутун кучини мам-тда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратди. Вақф ишларини тартибга солишга киришди. Шаҳарларда савдо-сотиқни, ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Н. саъй-ҳаракати б-н қишлоқларда деҳқончилик мад-яти ўсди. Шаҳарлар, хус-н, Ҳирот янада обод бўлди. Н. ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши курашди, амалдорлар-

нинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишларини ва таъмагирликларини фош этди, ожиз, муҳтож кишиларни ўз ҳимоясига олди. Н. мад-т ва санъатнинг чинакам ҳомийси сифатида танилади. Унинг фаолиятида жам-тдаги барча ижт-й қатламларга, барча қавмларга бир хил мун-тда бўлиш, ҳеч қайси бирини камситмаслик, ҳамманинг манфаатига баробар хизмат қиладиган жамоат биноларини қуришга алоҳида эътибор берди. Хондамирнинг қайд қилишича, 80-йиллар давомида Н. ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мам-тнинг б. шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган ёки таъмирлатган. Улар орасида Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» шифохонаси, Қуръон тиловатхонаси бўлган «Дорулхуфғоз» биноси, “Жомеъ масжиди”, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дорулхуфғоз» хайрия биноси ва б. ноёб меъморлик ёдгорликлари бор. Бобур қайд этганидек, Навоийдан бўлак ҳеч ким бу қадар хайрли бинолар яратишга мушарраф бўлмаган эди. Н.нинг ўзб. тилидаги дастлабки йирик асарларидан «Ҳилолия» қасидаси Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бўлса, форсий тилдаги биринчи йирик асари «Тухфат ул-афкор» (1476) қасидаси Жомийга бағишланган эди. 1472–1476 йилларда Н. ўзининг ўзб. тилида ёзган шеърларидан иборат илк девони – «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»)ни тузди. Мазкур девонда 777 ғазал, 85 рубойи, 52 муаммо, 46 қитъа, 53 фард, 10 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 мухаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддас мавжуд. «Бадоеъ ул-бидоя»дан кейин ўзб.ча шеърлари асосида 1476–1483 йилларда «Наводир ун-нихоя» («Беҳад нодирликлар») девонини тузди. 1481–1482 йилларда Н. «Чихл ҳадис» («Қирқ ҳадис ёки «Арба-

ин») асарини ёзади. Бунда Муҳаммад (с.а.-в.)нинг қирқ ҳадиси тўртликлар шаклида шеърӣ тарзда ифодалаб берилган. Н. 1485 йил муаммо ёзиш қоидалари ҳақида махсус «Муфрадот» асарини яратди. Н. ўзб. тилида «Хамса» — беш дoston яратиш мақсадини 1483—1485 йилларда амалга оширди. Асар ўзб. адабиёти шуҳратини оламга ёйиб, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирига айланди. 1485 йил ўзининг машҳур «Назм ул-жавоҳир» асарини ёзди. Н. доим Ҳусайн Бойқарони адолатли ва маърифатли ҳукмдор қиёфасида кўриш орзуси б-н яшади. Мас., Астрободдан Ҳусайн Бойқарога, шаҳзодаларга ва б. амалдорларга ёзган мактубларига уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислохотлар ўтказишга ундар эди. Астрободда Навоий б-н Ҳусайн Бойқаро мун-тларига путур етказувчи гаплар юзага келгач, ҳукмдор Н.нинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради. Ҳусайн Бойқаро Навоийга бир нечта юксак лавозимларни таклиф қилади. Н. рози бўлмагач, унга «Муқарраби ҳазрати султоний» («Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган расмий унвон берилади. 1488 йил Саййид Ҳасан Ардашер, 1492 йил Жомий, 1493 йил олим ва шоир Паҳлавон Муҳаммад ҳаётдан кўз юмдилар. Навоий ўзи учун қадрдон бўлган бу инсонлар хотирасини абадийлаштириш, уларга ўз ҳурматини изҳор этиш учун «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Хамсаг ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат»), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли рисолаларини ёзди. Астрободда ёза бошлаган «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи») асарини тугаллади (1489). 1490 йил «Мажолис ун-нафоис» («Нафислар мажмуаси») тазкирасини тузишга киришиб, 1492 йилда тугаллади. Шу вақтнинг ўзиде Н. ўзб. тилида шеърӣят наз-яси, аниқроғи, аруз вазни қоидалари ҳақида «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») илмий қўлланмасини яратди. 1494 йилда туркий тилдаги мактубларини тўплаб «Муншаот» («Мактублар») мажмуасини тузди. 1495 йил Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарини

«Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») номи б-н таржима қилиб, уни қайта ишлаб, туркий машойихлар ҳақидаги янги маълумотлар б-н бойитди. Шу боис «Насойим ул-муҳаббат»ни мустақил асар сифатида қараш мумкин. Н. 1492 йиллардан бошлаб туркий тилда ёзилган ҳамма шеърларидан янги, йигма девон тузишга киришди ва бу иш 1498 йилда ниҳоясига етди. Девоннинг умумий номи «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») бўлиб, 4 қисмдан иборат бўлганлиги учун «Чор девон» деб ҳам аталган. Тахм. шу йилларда шоир «Девони Фоний» («Фоний девони»)ни тузди. Н.нинг шеърӣ даҳоси 15-а. охирларига келиб яна жўш урди. У 2 йил мобайнида 2 та йирик асар — «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили») достони (1498) ва «Муҳокамат ул-луғатин» («Икки тил муҳокамаси») номли илмий асарини (1499) яратди. Н.нинг сўнги буюк асарларидан яна бири 1500 йилда насрий панднома йўсинида ёзилган «Маҳбубул-қулуб» («Қалблар севгани») асаридир. Н. адабий ва илмий меросини 4 фаслга бўлиш мумкин: 1. Девонлари. 2. Достонлари. 3. Форсий тилдаги шеърӣ мероси. 4. Илмий-филологик, насрий ва тарихий асарлари. Н.нинг ўзб. тилида яратган шеърӣ мероси, асосан, 1492—1498 йилларда тартиб қилинган «Хазойин ул-маоний» девонига жамланган. Асар 4 қисмдан иборат. Девоннинг биринчи қисмига «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик ғаройиботлари»), иккинчи қисмига «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари»), учинчи қисмига «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёш бадиалари») ва ниҳоят, тўртинчи қисмига «Фавойид ул-кибор» («Кексалик фойдалари») деган номлар берилди. «Хазойин ул-маоний» мингларча шеър ва ўнларча шеър турларини ўз ичига олган мажмуа бўлиб, Шарқ адабиёти тарихида ноёб ҳодисадир. Н. «Хазойин ул-маоний»га қадар «Илк девон» (1465), «Бадоеъ ул-бидоя» (1472—1476 йиллар орасида) ва «Наводир ун-ниҳоя» (1476—1483 йилларда) девонлар тузилган. «Хазойин ул-маоний» ана шу 3 девон ва кейин ёзилган шеърлар асосида юзага келган. «Хазойин ул-маоний»даги 4 де-

воннинг ҳар бирида 650 тадан 2600 ғазал, умуман, 4 девонда 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржебанд, 4 мустазол, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома мавжуд бўлиб, Шарқ шеърятининг 16 тури намоёндр. Н. ишқий образлар талқинида рамзийликка кўп ўрин беради. «Ёр» – бу дунё гўзаллигигина эмас, унингча, бу – бутун борлиқни яратган ва ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турган Аллоҳ ҳамдир. Шоир ўзининг тасаввуфий шеърларида ёрнинг қоши, кўзи, зулфи, сочи (ва ш.к.) деганда Аллоҳнинг куч-қудрати, меҳри, олий даражадаги гўзалликларини кўзда тутди. Улуғ шоир ижодининг шоҳ асари «Хамса» (1483–1485) 5 достондан иборат. Булар «Ҳайрат ул-аброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёр» («Етти сайёра»), «Садди Искандарий» («Искандар девори») достонларидир. Форс адабиётидаги ҳамсачиликка жавоб сифатида ўзб. тилида биринчи мартаба яратилган Н. «Хамса»си бу тилнинг чексиз имкониятларини амалда исбот этди. 52 минг мисрадан иборат бу бешлик 15-а. ислом тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жам-т, ахлоқ ва камолот ҳақидаги ўзига хос қомуси эди. Шоир воқеаларни қадим Шарқ тарихининг Хусрав, Баҳром, Искандар каби номлари афсоналар б-н чулганган шахслар, Лайли ва Мажнун каби ошиқлар ҳаётидан олди. Уларга янги мазмун берди, туркона руҳ киритди. Даврнинг дардли масалаларини, авлодларнинг орзу ва армонларини кўтариб чиқди. «Хамса» замондошларига ниҳоятда зўр таъсир кўрсатди. Абдурахмон Жомий уни ҳаяжон б-н олқишлади. Султон Ҳусайн эса шоирни ўзининг оқ отига миндириб, жиловдорлик қилди. Н.нинг сўнгги достони «Лисон ут-тайр»дир. Бу асарини шоир «Фоний» таҳаллуси б-н ёзган. Мазкур асар болалигида севиб ўқигани – Фариддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қушлар тили») достонига жавоб тарзида. шоирнинг ўз таъбири б-н айтганда, «таржима расми била» юзага келтирган шеър

мўъжизаси эди. Достондаги бош ғоя, бош муаммо тасаввуфдаги имон, эътиқод ва маъ-ят масалаларидир. Н.нинг нияти оддий инсонларга инсонийликнинг илоҳий моҳиятини тушунтириб бериш, уларни оғир синовлардан ўтказиб, комил инсон даражасида кўриш. Шоир асарда қушлар тимсолида тасаввуф йўлига кирган ва Аллоҳни кўришга, унга етишишга астойдил киришган солиҳ инсонларни тасвирлайди. Асардаги тимсоллар орқали Н. ўзининг тасаввуф таълимоти б-н боғлиқ ғояларини, Аллоҳнинг ҳамма нарсанинг ташқарисида эмас, балки ичида, ўзида эканини кўрсатиш ва исботлашга ҳаракат қилади. Инсоннинг улуғворлигини мажозий услуб б-н таъсирли қилиб, реал ижт-й, ахлоқий ҳодисалар б-н боғлаб тасвирлаган. Тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд наз-яси ҳам шу тарзда ўзининг бадиий инъикосини топган. Н. илм. тад.и ва изланишларининг катта қисми, табиийки, тил ва адабиёт масалалари б-н боғланган. «Мажолисун-нафоис» тазкирасида ўзб. ва форсий тилларда ижод қилган 359 шоирнинг ҳаёти ва ёзган асарлари ҳақида ноёб маълумотлар берилган. «Муншаот» асари катта адабий ва тарихий аҳамиятга эга. Унда Н.нинг туркий тилда ўз замондошлари – подшоҳлар ва шахзодалар, илм ва адабиёт аҳиллари б-н олиб борган ёзишмалари жамланган бўлиб, асар мактуб жанрининг мукамал намунасидир. Н.нинг энг муҳим асарларидан бири «Вақфия» бўлиб, бир қарашда, шоир ва буюк давлат арбобининг ўзи қурган иморатларига вақфи, яъни расмий ҳужжатидек кўринса ҳам, аслида унда Султон Ҳусайн Бойқаро даври давлат тизими, Н.нинг бу давлатни бошқаришдаги ўрни, унинг таржимаи ҳоли, ижт-й-сиёсий ва ахлоқий қарашлари катта билимдонлик ва аниқлик б-н ёритилган. Асарда муаллифнинг айрим фикрлари шеърый шаклда учрасада, бу асар навоийшуносликда Н. насрининг ажойиб намунаси ҳисобланади. Н.нинг адабиёт наз-ясига оид «Муфродот» («Рисолаи муаммо») асари форсий тилда ёзилган, муаммо ёзиш ва ечиш қоидаларини илмий изоҳлашга бағишланган. Н.нинг «Мезон ул-авзон» («Вазнлар

ўлчови») ва «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») асарлари умумтуркий аҳамиятга эга ва б. туркий халқларнинг шеърляти ва тилларини ўрганишга ҳам хизмат қилиб келмоқда. «Мезон ул-авзон» аруз вазни бўйича ўзб. тилидаги биринчи илмий асар бўлиб, унда арузнинг асосий рукнлари ва б. унсурлари, 19 баҳрининг тузилиши, рубоий вазнлари таърифланган, туркий шеърлий мисоллар орқали асослаб, изоҳлаб берилган. Ш-дек, аруз вазнига тушмайдиган шеърлий вазнлар — туюқ, чинга, мустазод, арузворий, буди-будой каби туркий шеърлий вазнларга ҳам изоҳ ва талқинлар берилган. «Муҳокамат ул-луғатайн»да туркий (ўзб.) тилининг ижт-й-сиёсий ва мад-й ҳаётдаги ўрни, унинг грамматик мукамаллиги, сўзларга бойлиги форсий тил қоидаларига қиёсланган ҳолда чуқур ва аниқ мисоллар орқали таҳлил этилган. Унинг б. тиллардан қолишмаслиги, ҳатто устун жиҳатларга эга эканлиги исботлаб берилган. «Маҳбуб ул-қулуб» насрий асарида муаллиф ўзи яшаган даврдаги ҳар бир табақа вакилларининг яхши ишлари ҳақида ҳам, айб ва нуқсонлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритиб, одамийликни тарғиб қилади, инсонларни яхшиликка чорлайди. Асарда Н.нинг инсон ахлоқига ва тарбиясига доир қарашларини, энг ноёб панд ва насиҳатларини халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари, ш-дек, байт, қитъа, маснавий, рубоий каби шеърлий шакллар б-н беаган. «Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» Н. Султон Ҳусайн Бойқаро даври ижт-й-сиёсий тарихига бағишлаб ёзмақчи бўлган асарининг бошланғич бўлакларидир. Улуғ шоир “Тилинг бирла кўнглингни бир тут” дер экан, ўзи ҳаминша бунга риоя қилди. Тил ва дил, сўз ва амал бирлиги Н. даҳосининг мумтоз хислатларидандир. Ўлмас асарлари б-н “сўз мулкининг султони” сифатида шуҳрат топган шоир ўз бунёдкорлик ишлари, эзгу амаллари б-н ҳам авлодлар учун маън-ятнинг буюк сиймоси, инсонийлик намунаси бўлиб қолди. Н. вафот этганидан кейин ўтган давр мобайнида унинг асарлари форсий, туркий ва б. халқлар орасида кенг ёйилди. Ке-

йинроқ Европа халқларида Н. даҳоси ва ижодига қизиқиш, уни ўрганиш кучайди. Асарлари немис, француз ва голланд ва б. ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинди. Ўзб. адабиётшунослик соҳаси юзага келди. Бу соҳада олимлар ва адиблардан Фитрат, Ойбек, О.Шарафиддинов, С. Айний, В.Зоҳидов, Иззат Султон, А.Қаюмов, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов, Н.Маллаев, С.Фаниева, А.Ҳайитметов, А.Абдугафуров, А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, С.Олимов ва б. салмоқли ишлар қилдилар. Мустақиллик бизга барча қадриятларимиз қатори Н. меросини ўрганишнинг кенг уфқларини очди. Эндиликда унинг ижодини аслича, туб моҳиятини тушуниб ўрганиш имконияти юзага келди. 1991 йилда Н. таваллудининг 550 йиллиги тантанали нишонланди. Н. номли Давлат мукофоти таъсис этилди. Президент Исмоил Қаримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида Тошкентда Н. номидаги Ўз-н Миллий боғи барпо этилди ва бу боғ ўртасида шоирнинг салобатли ҳайкали қад кўтарди. Алломанинг 20 жилдли мукамал асарлар тўплами нашр этилди. Мам-тимизда Н. хотираси юксак даражада эъзозланади. Бир вилоят, шаҳар, олий ўқув юрти (Самарқанд давлат университети), Тошкентдаги Давлат кутубхонаси, ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти, Адабиёт музейи, Тошкентдаги Катта академик опера ва балет театри, Санъат саройи, Тошкентдаги метро бекати, ўнлаб кўчалар ва жой номлари унинг номи б-н аталган. Н. ҳаёти ва ижодига бағишлаб адиблар, ҳайкалтарошлар, рассомлар ва ба-стакорлар, кино ижодкорлари кўплаб асарлар яратишган. Ҳар йили Н. туғилган кун — 9 февраль мам-т миқёсида кенг нишонланади, турли адабий-бадий кечалар, соҳа ижодкорлари б-н учрашувлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилинади. Илмий-анъанавий анжуман ўтказилиб, Н. меросини ўрганиш бўйича қилинган йиллик ишларга яқун ясалади.

НАВРЎЗ (форс. янги кун) — Ў.О. ва Шарқ мам-тлари халқларининг қадимий анъанавий байрами. “Юксак маънавият —

енгилмас куч” асарида таъкидлангани каби: “Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам — шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида, айниқса, ёрқин намоеън бўлади. Барчамиз доимо орзиқиб қутадиған ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, янгилиниш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одабийлик, меҳроқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озикланиб келгани, ажодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний гоълардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол тоғанининг яна бир тасдигидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмади. Кўҳна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўғри келади. Яъни, ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосида шаклланган”. Н. байрамнинг сарчашмалари қад. ажодларимизнинг коинот, Қуёш, Ерга бўлган эътиқодлари асосида вужудга келган. Бундан 4—5 минг йил илгари ажодларимиз Қуёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи деб билишган, унга атаб махсус маросимлар ўтказишган. Шу йўсинда митраизм — қуёшпарастлик, унинг заминиде эса оташпарастлик шаклланган. Зардуштийлар оловни қуёшнинг ердаги зарраси — фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимларда катта гулханлар ёқиб, қиш совуғини “ҳайдашган” ва кўкламни “чақиришган”. Айтиш мумкинки, бундай маросимлар қад. халқларда бўлган, кейинчалик улар дунёнинг барча ҳудудларига ёйилиб, турли анъаналар б-н бойитилган. Маросимлар катта байрамга айланиб, “йил

боши” вазифасини ҳам ўтаган. Н. коинот ва табиат қонунлари, қуёшнинг ҳамал буржиге кириши, кеча ва кундузнинг тенглашиши, кундузнинг узая бориши, табиатнинг жонланиши, баҳорнинг келиши б-н боғлиқ. Ў.О., жумладан, Ўз-н ҳудудиде Н. алар давомида мазмунан чуқурлашиб, шаклан бойиб борган. Н. байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган. Дастлаб, Н. байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-оига айланган. Алар ўтиши б-н турли халқларда Н. байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашган. Тарихий манбаларга кўра, Н.ни байрам қилиш Аҳмонийлар давридан бошланган ва Ў.О., Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Н. байрамга тайёргарлик ишлари анча олдиндан бошланган, уй-жой, кўча ва ариқлар тозаланган, кўчатлар экилган, беморлар, кексалар ва бева-бечоралар ҳолидан хабар олинган. Н. халқ ҳаётидаги энг муҳим кун ҳисобланган, чунончи: 1) Н. шундай руҳий кайфиятни вужудга келтирадигани, унда (йилнинг бошқа кунларига нисбатан) ҳамма хурсанд, шод ва бахтиёр бўлади; 2) қадимдан байрамлар (маълум вақтда такрорланиб тургани учун) ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Шу жумладан, Н. ҳам вақт ўлчови сифатида хизмат қилган, яъни йил бошини нишонлаш вақти келганда, одамлар яна бир йил ўтганини ҳис қилишган. Демак, Н. вақтни чуқур ҳис қилиш. эъозлаш, қадрига етиш учун шароит яратган; 3) Н. ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгү бўлиб келган. Ушбу кун кишилар энг яхши одатларни намойиш қилиб, чиройли либос ва кийимлар кийишган, лаззатли таомлар тайёрлашган, ўз қобилиятларини намойиш этишган, кўтаринки кайфиятда бўлишган. Нақл қилишларича, Н. кунни ёмонлар — яхши, хасислар — сахий, хунуклар — гўзал, гўзаллар янада гўзал бўлиб кетар экан; 4) Н. жисмоний ва

ақлий меҳнатдан озодлик ҳамда турли мажбуриятлардан эркинлик куни ҳисобланиб, одамлар кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишлардан озод бўлган. Байрам кунлари барча қийинчиликлар, дарду аламлар унутилган, кишилар шоду хурсандликда бўлишган. Бу куни одобсизлик, ўғирлик, зўравонлик, фисқу фасод каби ярамас одатлар унутилган; 5) Н. кунда тенглик ҳукм сурган. Ҳамма бир қозондан овқат еб, бир хил томоша кўрган, биргаликда сайилғоҳларга чиқиб, сайр қилишган; 6) Н. куни — тинчлик куни ҳисобланган, урушлар тўхтатилган. Халқ одатларига кўра, бу куни хафачиликлар унутилиб, ўзаро аразлашганлар ярашган, танишлар дўстлашган, ҳамжиҳатлик, дўстлик руҳи барқарор бўлган; 7) Н. кунда вужудга келган руҳий кўтаринчилик кишиларни эртанги кунга умид боғлашга, келажакка ишонч б-н қарашга, ҳаётни янада гўзал қилишга ундаган. Тарихий тар-ёт жараёнида босқинчилар халқнинг энг сеvimли Н. байрами орқали ўз ғояларини сингдиришга кўп ҳаракат қилишган. Ўлкага ислом дини киритилганидан кейин Н. байрами ман қилинсада, аммо халқ сеvimли байрамини нишонлашда давом этган. Ў.О. ва Эрон халқлари араб халифалиги ҳукмронлигидан қутулган даврдан (IX–X а.лар) бошлаб, Н. байрамини ўтказиш яна расмий тус олган. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида Н.нинг ахволи аянчли бўлди. Халқнинг миллий анъаналари шўролар мақсадига хизмат қилмагани учун, унга қарши расмий ва норасмий кураш олиб борилди. Бироқ Н.ни нишонлаш тўхтамади. Анъаналар учун кураш миллат равнақи учун, миллат равнақи учун кураш эса мустақилликка эришиш учун курашга айланди. 1989 йил 28 февралда Президент И.А.Каримовнинг Фармони б-н Ўз-нда Н.ни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йилдан эса 21 март «Н.» миллий халқ байрами куни деб эълон қилинди. Мустақиллик шароитида қайта тикланиб, истиқлол ғоялари б-н суғорилиб, мазмунан ва шаклан бойиган Н. б-н бирга янгиланиш, руҳий покланиш, табиий ва

мад-й бойликларни сақлашга чорлаш, атроф муҳитни (маҳалла, қишлоқ, шаҳар кўчалари, маъмурий бинолар, боғлар) тартибга солиш, ободонлаштириш, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, дўстлик, аҳиллик, биродарликни мустаҳкамлаш, миллатлараро ҳамжиҳатлик, тотувликни ривожлантириш омиллари ҳам кучайди. Н. халқимиз учун покланиш, руҳланиш, янгиланиш ва маън-й қамол топиш байрами бўлиб қолмоқда. Қад. Н. ўзининг асл моҳиятини сақлаб, янги ғоялар б-н бойиб, аҳиллик, тотувлик, халқлар бирдамлиги ва дўстлиги байрамига ҳам айланган.

НАЗМ (араб. назм(ун) — дурни ипга териш, тартибга солиш; юн. *poiesis* — ижодиёт) — кенг маънода: сўз санъати. шеърийят, насрий асарлардан фарқли ўлароқ, шеърий шаклдаги асарлар (мас., поэма, ғазал, рубоий, кўшиқ ва б.). Гарчи Н. лирик шаклда табиатни ифодаласа-да, Н.нинг объекти инсон, унинг ижт-й ҳаёти ва курашидир. “Бутун олам, — деган эди В.Г.Белинский, — барча ранглар, бўёқлар ва садолар, бутун табиат ва ҳаёт формалари Н. ҳодисалари бўла олади”. Н. кўчма маънода бирор ҳаётий ҳодисанинг нашъаси. мафтун этишини ифодалайди. Ўзб. мумтоз адабиётида Н. етакчи бўлган, наср нисбатан кам ривожланган эди. Н. шакли насрдан устун қўйилган. Чунки, Н. иррационал ҳодиса (илҳом орқали ёзиладиган) бўлиб, жуда кам инсонларда учрайдиган нодир воқелиқдир, насрни эса меҳнат, изланиш орқали ёзиш мумкин.

НАФРАТ — маън-й-руҳий хус-ят бўлиб, эҳтиёж, хоҳиш, қадриятларга нисбатан салбий мун-тни ифода этувчи туйғу. Н.нинг шаклланишига воқеаларнинг ноқулай кечиши туфайли юзага келган норозилик ёки салбий кечинмалар асос бўлади. Тарбия амалиётида Н.нинг шаклланишини назорат қилиш учун маъқул бўлмаган воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти ва сабабларини очиш зарур. Н. шахсга, фаолиятга, вазиятга қаратилган ҳамда шахсий, гуруҳий, миллий ва б. турларга бўлинади. Н.нинг шахсга қаратилган тури инсоннинг барча ҳаракатлари,

фазилатларини инкор этишда, уни доимий равишда танқид қилиш, шахсий хислатларига ижобий жиҳатларини кўра билмасликда намоён бўлади. Н.нинг фаолиятга қаратилган турида шахснинг муайян фаолият туридан завқланмаслиги, бирор фаолият б-н банд бўлишни истамаслиги, умуман, ушбу фаолиятни тан олмаслиги кузатилади. Ҳатто муайян фаолиятни амалга ошириш б-н боғлиқ ютуқлар ҳам. Н. мавжуд бўлса, кўзга ташланмайди ва уларни тан олмаслик хоҳиши устун бўлади. Вазиятга қаратилган Н. инсон шаъни, ҳаётига таҳдид солувчи ҳолатларга нисбатан салбий мун-тда намоён бўлади. Н. шахснинг эҳтиёжлари, қадриятларига мос келмаган тақдирда унинг феъл-атворида акс этади. Муайян гуруҳдаги ўзгарувчан жараён ва қонуниятларга мос келмаган хоҳиш-истак таъсирида гуруҳий Н. юзага чиқади. Н.нинг шахсга боғлиқ турида темпераментнинг таъсири кузатилади. Холерик тоифадаги шахсда у кескин, шиддатли, ўзини бошқара билмаслик, жанжалкашлик тарзида очиқ-ошқора намоён бўлади. Флегматик тоифадаги шахснинг Н.ида ички мулоҳаза кучли бўлгани учун ташқи аломатлари яққол ифодаланмайди, унда ақлий мулоҳазага таянган Н. кузатилади. Агар холерик ва сангвиник тоифадаги шахсларнинг бирор вазият, шароитда Н.ини ошқора билдириши одатий ҳол бўлса, флегматик ва меланхолик тоифадаги шахсларда Н. ичидан пухта ўйланган, режалаштирилган ҳаракатларнинг маҳсули сифатида намоён бўлади. Ш.у. Н.нинг шахс темпераменти тоифасига мос таъсирини билиш керак. Н. инсон шаъни, мақсади, бахти учун курашда ҳам яққол ифодланади. Агар инсоннинг муҳим ҳаётий қадриятларига тажовуз, ҳужум амалга оширилса, унинг Н.и ошқор бўлиши мумкин. Бундай Н. орқали у ўз шаъни, бахтини онгли равишда ҳимоя қилишга интилади. Ҳар бир инсон Н.нинг руҳий таъсирини билиши керак. Мунтазам равишда Н.ланиш киши асаб тизимининг заифлашувига, унинг серзарда бўлишига, меҳнат самарадорлигининг пасайиши-

га, ўзи б-н ўзи овора бўлиб қолишига олиб келади. Ш.у. руҳий машқлар орқали Н.ни ўйламаслик, уни йўқотишнинг хилма-хил усулларини билиш ҳар бир одам учун муҳим ҳисобланади.

НАФС (араб. қалб, кўнғил; инсон; мақсад, интилиш; ғурур, мағрурлик) — 1) ейиш-ичиш ва мол-дунёга бўлган эҳтирос; 2) шахвоний ҳирс. Н. инсоннинг моддий ўзлиги, “мен”идир. Тилимизда унинг муқобили мавжуд эмас. Н. изидан эргашадиган инсон унинг қулига айланади. Инсон Н.ни вақтида жиловлай олмаса, моддий ва маън-й хатоларга йўл қўяди, охир-оқибат аянчли аҳволга тушиб қолади. Н.ни тийишнинг асосий омили маън-й тарбиядир. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...маънавият ҳақида фикр юритар эканмиз, бу масалани атрофлича ва чуқур таҳлил этишимиз, унинг фақат ўзимизга маъқул, ижобий томонлари билан чекланиб қолмасдан, ана шундай мураккаб жиҳатларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз лозим, лўнда қилиб айтганда, бу ўринда гап бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил қараш ҳақида бормоқда. Биринчиси — ўз номини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар. Иккинчиси — бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндашув, яъни ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бошқотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари. Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни ўйлантириб, қийнаб келади». (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 23-б.). Дарҳақиқат, Н. инсоннинг ўзи ёки ўзига яқин инсонларнинг манфаатини деб кўпчилик ман-

фаатини эътиборга олмаслиги, бу йўлда ўз Н.и ортидан кетиши ёки бошқа бир манфаатдор томон б-н тил бириктириши, кўпчилик зарари ҳисобига моддий бойлик ёхуд мавқе орттирадиган қарор қабул қилиши каби ҳолларда намоён бўлади. Шарқ мутафаккирларининг эътирофича, шахсий манфаат б-н жам-т манфаати уйғунлигига эриша олмаган инсон халқ ва давлат хизматида узоқ вақт қола олмайди. Фуқаролар назари. жамоат фикри уни бу шарафли, айна пайтда, гоят масъулиятли фаолиятга нолойиқ эканини ошқор этмай қўймайди. Ш.у. масъул шахслар, етакчилар, энг аввало, Н. тарбияси мактабини ўтаган бўлиши керак. Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзган: “Чун менга лутф этти шаҳ девонда муҳр. Бу эди элдин куйи муҳр урмоғим. // Ким гурури нафси саркаш маънига, Барчадин бўлғай қуйи ўлтурмоғим. // Чун шикасти нафс ҳосил ўлмади, // Мундин ўлди муҳрни синдурмоғим.” Шоир назарида инсон Н.ини жиловлай олмас экан, таъма уни ёлғон ва очкўзликка ундайверади. Ш.у. ҳар бир инсон, энг авваламбор, таъмадан узоқ бўлиши керак. Шоҳ девонда муҳр уришни топширган инсон давраларнинг тўрини эмас, пойгагини кўзлаб, Н.ини ўша пойгакда туришга ўргатиши керак. Агар Н.идан голиб бўлолмас экан, “муҳрни синдурмоғи” афзалдир. Н. инсоннинг моҳиятига ярашмайдиган қилиқдир. Зеро, таъма учун тубанлашиш, ўзини сувга-ўтга уриш ярамайди. Доно халқимиз Н. қулига айланган, ўз манфаатига бошқалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан Худонинг ўзи асрасин, дейди. Бағрикенг, ҳалол, виждонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғаму ташвиши б-н яшайдиган кишиларни бошига кўтаради.

НАЦИЗМ — I Жаҳон урушидан кейин Германияда ташкил топган национал-социалистик ишчи партияси б-н боғлиқ бўлган доктрина ва сиёсий ҳаракат, кейинчалик Адольф Гитлер ва унинг тарафдорлари томонидан тарғиб қилинган таълимот. Шарқий Европа мам-тларида

марксизм б-н боғлиқ таълимотнинг кенг ёйилиши ва шу асосда коммунистик партияларнинг ташкил топиши, хус-н, Россия империяси ва унинг мустамлакалари. атрофидаги мам-тларда коммунистик ҳаракатнинг ғалаба қозониши, оқибатда давлат бошқаруви тизими, жам-т қатламларига мун-тнинг кескин ўзгариши ва бу воқеалар таъсири Фарбий Европа мам-тларида ҳам сезила бошлаши жам-тлар, халқлар, улар тепасида турган сиёсий тизимлар ўртасидаги келишмовчиликларни борган сари кескинлаштирди. Айна вақтда I Жаҳон уруши оқибатида юзага келган иқт-й инқироз Фарбий Европа халқларининг қуйи табақаларига оғир таъсир кўрсатиши бу мам-тларда “коммунистик хавф”нинг янада авж олишига сабаб бўлди. Ишчи-деҳқонлар томонидан билдирила бошланган очиқ норозиликлар давлат ҳукуматларини ларзага келтириб, ташкил этилган намоийишлар инқилобий тус ола бошлади. I Жаҳон урушидан оғир йўқотишлар б-н чиққан Германия бундай ҳаракатларнинг марказига айланиб қолган эди. Мана шундай ҳолат ва жараёнлардан унумли фойдалана олган Гитлер ҳамда унинг партияси ўнгллар ва сўллар, Шарқ б-н Фарб ўртасида ўзига хос учинчи позицияни эгаллашга ҳаракат қилди. Партия етакчилари томонидан олиб борилган айёрона ҳаракат натижа-сида ўнгллар ва сўллар, антикоммунистлар ва социалистлар томонидан илгари сурилган ғоялар национал-социалистлар партияси ғоялари сифатида кенг тарғиб қилиниши тез орада бу партиянинг ҳам буржуазия, ҳам ҳарбий табақа, ҳам ишчи-деҳқон синфининг бир қисмини ўзига оғдириб олишига имкон берди. Партия ғоялари ва ҳаракатларининг ушбу табақалар томонидан қўллаб-қувватланиши тез орада унинг мам-т бошқарув тизими-ни қўлга олишига имконият яратди. Н. етакчилари томонидан коммунистик ғоялар немис халқининг бўлиниб кетиши ва охир-оқибатда миллатни барбод қилиши мумкинлиги, бу хавфларга қарши немис миллати жипелиги ва қудратини намоён этиши лозимлиги ғоялари Н.нинг асосий ғоялари сифатида тар-

ғиб қилинди. Гитлер ҳукумати вужудга келган қулай имкониятдан фойдаланиб, кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган ва бунда немис миллатини энг улуг, танланган, орий миллат экани, барча миллатлар ундан паст туриши ва унга хизмат қилиши лозимлиги ғоясини илгари сурган эди. Бу ғоя Н.нинг асосини ташкил этиб, нацистлар уни илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган эди. Мас., Арастунинг юнонлар олий халқ ва барча қолган халқлар варварлардир, улар юнонларга бўйсуниб яшашлари керак, Ницшенинг ҳаётда энг кучлиларгина яшашга ҳақли ва улар ўзга халқлар устидан ҳукмрон бўлиши лозимлиги ёхуд Г.Карл Юнгнинг христианликнинг обрў-эътиборини кучайтириш ва ундаги бўшлиқни ғоявий маън-й ва мафқуравий жиҳатдан тўлдириш зарурлиги ҳақидаги қарашларига таяниб, А.Гитлер кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиб, ўта кескин ва тажовузкорона Н.ни ишлаб чиқди ва амалиётга жорий эта бошлади. Н.нинг агрессив сиёсати XX а. ўрталарида юз берган ва жаҳон халқларига оғир талафотлар етказган II Жаҳон урушини келтириб чиқарди. Н. ғояларининг амалда намоён бўлиши ушбу уруш оқибатларида кенг даражада кўзга ташланади ва шунга кўра, Н. жаҳон халқлари томонидан инсон эркинлигини бўғиш, уни хўрлаш, унга нисбатан ёвузларча мун-тда бўлиш, халқларни менсимаслик, инсон ор-номусини топташ, миллатлараро ихтилофларни келтириб чиқарувчи, тажовузкор характерга эга таълимот сифатида эътироф этилади. Шу жиҳатдан, Н. ғайриинсоний таълимот ҳисобланади. Нацистларнинг ўзларини миллат учун курашувчилар, миллат фидойилари деб кўрсатишлари улар томонидан илгари суриладиган ғоялар, амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ўзга халқларни камситиш ёки айблаш ҳисобидан амалга оширилиши б-н кўзга ташланиб туради. Ш-дек, ўзга барча халқларга, уларнинг қадриятларига нафрат б-н қарашни бутун миллат маъ-ятига синдириш, миллат тафаккурига айлантиришга уриниш Н.нинг ғайриинсоний моҳия-

тини яққол намоён этади. Н.нинг давлат даражасидаги тизимларда асосий ақидага айланиши инсоният учун ўта хавfli экани тарихда ўз исботини топганига қарамай, баъзи сиёсий доираларда ҳоз. вақтда ҳам нацистик қарашларнинг пайдо бўлиши ва авж олишини кузатиш мумкин. XXI а.да Н. ва фашизм жабр-ситамларини тортган бир қанча мам-тларда, шу жумладан, Германиянинг ўзида ҳам, неофашизм ёшлар ўртасида яна қайта бош кўтара бошлади. Европанинг қатор мам-тлари ва собиқ совет ҳудудининг Россия. Украина ва Болтиқбўйи давлатларида содир бўлаётган воқеалар бунга мисол бўла олади. Фашизм ва Н.нинг инсоният бошига солган қулфатлари Нюрнберг суд жараёнида ҳар томонлама ўз баҳосини олган эди. Жаҳонда уларнинг қайта бош кўтармаслиги учун барча давлатлар биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олди. Аммо тарихдан сабоқ ва хулоса чиқара олмаган кучлар улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринмоқда. Дунё халқлари II Жаҳон уруши иштирокчилари ва фахрийлари б-н биргаликда ҳар йили 9 май куни фашистлар қўлида ҳалок бўлган, концлагерлар азобуқубатларини тортган кишилар руҳини ёдлаб ва хотирлаб, ёшларни Н. ва фашизм балосидан огоҳлантиради.

НАҚШБАНД, Баҳоуддин (1318–1389) — ислом тасаввуф илми ва амалиётида юксак мавқега эришган буюк мутафаккир. Асл исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий бўлиб, халқ орасида Баҳоуддин, Хожа Баҳоуддин, Баҳоуддин Балогардон ёки Шоҳ Нақшбанд номлари ҳам кенг тарқалган машҳур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси. У туғилган қишлоқ Қасри Ҳиндувон (кейинчалик Н. шарафига Қасри Орифон) деб аталган. Унинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида маълумотлар йўқ. Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Нақшбанд лақаби унинг отамерос касбидан олинган. Н.нинг биринчи пири (устози) Хожа Муҳаммад Самосий бўлиб, тасаввуф тариқатини ўрганишида Самосийнинг шогирди Амир

Сайид Кулолнинг ҳам ўрни катта бўлган. Манбаларда Н. яссавия тариқатининг машҳур вакили Қусам Шайхдан ҳам таълим олгани қайд этилади. Лекин Н.тўғри-сида яратилган кўплаб манбаларда унинг асосий устози машҳур тасаввуф алломаси Абдуҳолиқ Фиждувоний бўлганлиги айтиб ўтилган. Икки марта ҳаж қилган. Иккинчи бор ҳажга отланганда шогирдлари Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Актор б-н бирга Хуросон, Эрон, Ироқ йўналишида сафарга чиқиб. Балх, Марв, Ҳирот, Нишопур, Бағдод. Дамашқ каби ўнлаб шаҳарларда бўлади ва ўтмишдаги машҳур сўфий алломалар қадамжоларини зиёрат қилади, ўнлаб тариқатлар шайхлари ва уламолари б-н учрашиб суҳбатлар уюштиради. Мазкур сафар унинг ҳаётида 10 йиллик саёҳат сифатида тилга олинади. Сўнг Бухорога қайтган Н. умри охиригача шу ерда яшаб қолади. Н. ҳаёти давомида умуман бойликка интилмаётган, оддий ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати — кимхобга нақш солиш б-н кун кўрган эди. Ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолиқ Фиждувоний наз-яларига асосланган. Таълимотининг асосида “Дил ба ёр-у, даст ба кор” (Кўнгил Худога, қўл ишда) деган шиор ётади. Н. тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ талабларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнгил б-н амалга ошиши керак. Қўл эса иш б-н банд бўлаверсин. Н.нинг таркидунёчилик қилмай ҳам Аллоҳга етишиш мумкинлиги ҳақидаги гоёси мусулмон оламида тасаввуфнинг кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Н. вафотидан кейин нақшбандия тариқати кенг ёйилди. XV ада Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий бу тариқатнинг энг йирик раҳнамоси сифатида майдонга чиқди. Жомий, Навоий, Бобур, Машраб каби шоирлар ҳам нақшбандия тариқатида эдилар. Улар ижодида нақшбандия гоёлари кенг ва атрофлича тарғиб этилди. Н., унинг таълимоти хусусида, нақшбандий шайхлар ҳақида талай асарлар яратилган. Биргина, ЎзР ФА ШИ

қўлёзмалар хазинасининг ўзида 195 китоб мавжуд. Жумладан, Н.нинг суюкли халифаси Хожа Муҳаммад Порсо ёзиб қолдирган бир неча асар орқали валийликнинг таърифи, Н.нинг тариқатдаги илк даври, унинг суҳбат ва ҳикматли сўзлари б-н танишиш, ислом ақидаси, ибодат, шариат ва тариқат аҳкомларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Нақшбандия тариқати “Хожагон” тасаввуфий-фал-й таълимоти номи б-н ҳам машҳур бўлиб, бу ном Абдуҳолиқ Фиждувоний (1220 йилда вафот этган) таълимоти б-н чамбарчас боғлиқдир. Нақшбандия тариқати чуқур бунёдкорлик руҳи б-н суғорилган, бу таълимот “Дил ба ёр-у, даст ба кор” шиорини ўзига қоида қилиб олган. Унда нафақат иймон-этиқод, илоҳий қоидалар, балки дунёвий гоёлар, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб қоидалари мужассамлашган. Мустақиллик йилларида Н. шахсияти ва унинг бой маън-й меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўз-нда 1993 йилда аллома таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди, шу мун-т б-н Бухоро Давлат университети ҳузурида “Нақшбандия” илмий маркази иш бошлади. Бу ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Бухоро давлат музей-қўриқхонасида ҳам “Нақшбандия” маркази тузилди. Маъ-яғимизни юксалтиришда нақшбандийликда илгари сурилган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, софдиллик, ўзгаларга ёрдам бериш, саҳийлик, иймон-этиқодли бўлиш, меҳр-шафқат каби хулқ-одоб қоидалари, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга.

НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ — давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1. Аҳолининг айрим ёки муайян йирик тоифаларининг ижт-й манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган, ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар жумласига «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар

қўмитаси, Ногиронлар уюшмаси. «Камолот» ёшлар ижт-й ҳаракати киради. 2. Ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар. Уларга «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Амир Темури», «Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш», «Оролни қўтқариш» жамғармалари, «М.О. мам-тлари мад-т ва фан арбоблари анжумани» каби ташкилотлар киради. 3. Ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар. Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жам-ти кабилар ушбу гуруҳни ташкил этади. 4. Ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари, мас., ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, кинематографчилар, ш-дек, судьялар ва адвокатларнинг жамоат ташкилотлари. 5. Миллий мад-т марказлари. Улар Ўз-нда яшовчи миллий жамоалар вакилларининг мад-ти, маъ-яти, урф-о-ларини сақлаб қолиш мақсадида тузилган ташкилотлар ҳисобланади. 6. Умум-миллий жам-тлар ва жамғармалар. Болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижт-й ҳимоя қилиш, Талабалар жамғармалари шулар жумласидандир. 7. Ижт-й аҳамият касб этадиган ва ижодий қизиқишлар б-н боғлиқ, асосан, экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар. Уларга сайёҳлик ва бадиий ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари киради. 8. Жамоат муассасалари. Бу гуруҳга «Ижт-й фикр» жамоатчилики маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилики маркази каби ташкилотлар, ш-дек, Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатиш б-н шуғулланувчи «Сабр» ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижт-й муассасалар киради. Қисман ҳукуматга қарашли ҳолда (давлатнинг ташкилий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлаши ёрдамида) тузилган қатор жамғарма, марказ ва жам-тларнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга айланишини тенденция сифатида эътироф этиш мумкин. Бу Ўз-нда Н.ж.т. ҳаракатининг шаклланишига хос хус-ятдир.

НОМУС — бурч ва қадр-қиммат т.ла-ри б-н боғлиқ бўлган ҳиссиёт, шахснинг ўз қадр-қимматини англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жам-т томонидан тан олинishi ёки олинмаслигига бўладиган мун-ти б-н белгиланадиган туйғу. Бироқ, бу улар бир хил маънога эга, дегани эмас. Чунки, Н. ўз қадр-қимматини билишдан ташқари, ҳар бир шахснинг жам-тда эгаллаган ўзига хос мавқеи ва унга доғ туширмай сақлаш-сақламаслиги б-н боғлиқ. Мавқе эса, шахснинг ижт-й ҳаётдаги ўрни, касби, ёши ва унга нисбатан бериладиган ахлоқий даража б-н муайянлашади. Мас., мардикор б-н машҳур бинокор-устанинг, вазир б-н котибининг, бобо б-н набиранинг Н.ни тушуниши бир хил эмас. Шу маънода, қадр-қимматни Н. т.сининг дастлабки босқичи, ибтидо-си деб айтиш мумкин. Гоҳида Н.ни “ор” т.си б-н чалкаштириш ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин, аслида, Н.га нисбатан ор анча тор қамровли, нисбатан залворсиз т. Чунончи, ориятли одам деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган муруватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам — ўз шаънига айтилган гапларга парво қилмай, ишини бажариб кетаверадиган, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган сурбет киши. Н.нинг эса “тоши оғир” — у ижт-йлик хус-ятига эга, кенг қамровли. Н. йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз Н.и, оила Н.и, миллат Н.и деб курашади. Бу ҳақда кўплаб бадиий асарлар, панд-ўғитлар яратилган. Меҳнат, спорт сингари соҳаларда жамоа Н.и ҳам алоҳида аҳамиятга эга, бунда Н. “обрў” т.си б-н боғланиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ўзини ҳурмат қилиш, ўзига нисбатан атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссидан келиб чиқади. Н.сизлик инсонни пасткаш, тубан, алдамчи кимсага айлантириб қўяди, ундай одамдан қариндош-уруғлар ҳам, жамоа ҳам нафратланади. Ш.саб. ўзини англаб етган ҳар бир шахс ҳеч қачон Н.сизликка йўл қўймайди. Н. иффат, бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш,

хижолат тортиш туйғуларини, оила ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ҳам ифодалайди. Одатда, Н.ли одам маън-й қадриятни моддий бойликка алишишни ўзига эп кўрмайди. “Қонун тақққлай олмаган нарсаларни гоҳо Н. тақққлай олади”, деган нақлга амал қилади. Аксарият ҳолларда “ор-Н.” атамаси ҳам Н. маъносида қўлланади. Н. кенг ва теран маъноли ахлоқий ижт-й т. бўлиб, индивиднинг тўғрилиқ, адолат, ҳаққонийлик, олижаноблик, қадр-қиммат каби ҳислатларига бериладиган баҳо б-н боғлиқ. Ҳоз. маънодаги Н. т.си бу борада илгари шаклланган қарашлардан тубдан фарқ қилади. Мас., қад. Римда Н. т.си фуқаро тенг ҳуқуқлилиги гоёси б-н аралашиб кетган. Инсон фуқаролик ҳуқуқларидан фойдалангани учунгина Н. унга дахлдор (тегишли) бўлар эди. Рим фуқароси бўлмаганлар Н.дан фойдалана олмаган. Н. борасидаги бу ёндашув немисларда буткул қарама-қарши урф бўлган субъектив ёндашув моҳиятан ҳоз. қарашларига яқин келади. Н. инсоннинг давлатда тутган мавқеидан қатъи назар, ҳар бир шахсга хос ахлоқий қадрият эканини, аммо унинг жам-тда муайян синфга мансублигига кўра, турли даражада бўлишини эътироф этади. Мас., рицар учун уят саналган бир ҳолат шаҳарлик учун ҳар доим ҳам уят ҳисобланавермаган. Н. қадрияти ҳамма халқларда бор. Ўзб. халқида бу т. “ор”, “орият”, “ҳаё”, “ибо”, “иффат”, “уят”, “поклик”, “поқдомонлик” каби сўзлар б-н маънодош бўлиб, юксак инсоний қадриятлардан бири саналади. Шу боис “беномус”, “уятсиз”, “беҳаё”, “нопок” деган сўзлар жуда огир ҳақорат ҳисобланади. “Етти номус – бир ўлим”, “Йигитнинг хуни – юз танга, ор-номуси – минг танга” каби кескин, аммо инсоннинг энг мардона фазилатларини улугловчи нақллар бежиз айтилмаган.

НОПИСАНДЛИК (форс. маъқулласлик, маъқул кўрмаслик) — кишининг атрофдагиларга нисбатан менсимаслик, назар қилмаслик иллати. Н. ўзини бошқалардан устун қўйиш, худбинлик, атрофдагиларни менсимаслик сабабларидан

келиб чиқади. Н. оқибатида киши ўз устида ишламай қўяди, малака ва тажрибасини оширмайди, манманликка берилиб кетади. Алишер Навоий Н.ни “Маҳбубул қулуб” асарига “Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши. Мутакаббир тенгри дўстлари олида магъун ва тенгри қошида мардуд ва магъун”, дея таърифлайди. Н. халқимиз орасида салбий хус-ят сифатида қоралаб келинади.

НОТИҚЛИК (араб. — “гапирувчи”, “нутқ қилувчи”) — риториканинг асосий категорияси ҳисобланиб, нутқ сўзловчининг ўз фикрини лўнда, чиройли, аниқ ва жарангли ифодалаш санъати. Узоқ даврлардан буён кишиларнинг ўзаро мунтида, бир-бирини тушунишида, фикр алмашишида нутқ, нутқий мун-тлар ҳаммаша муҳим аҳамият касб этиб келган. Н.нинг нодир намуналарини яратишда ёзувчи, шоир, санъаткор ва б. мад-й-маър-й соҳа вакилларининг хизматлари катта. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Шайхзода каби алломаларнинг айрим нутқлари теран мазмуни, ижт-й салмоғи, эмоционал кўтаринкилиги б-н маъ-ятимиз тарихида чуқур из қолдирган. Н. нафақат чиройли сўзларни қўллай олиш, балки фикр орқали мақсадни англаштиш, таъсирли сўз топиш ва унинг ижт-й аҳамиятига эътибор беришни ҳам ўз ичига олади. Зеро, сўзланган нутқнинг нечоғли аҳамиятга эга экани нотиқнинг савияси, иқтидори, салоҳияти б-н белгиланади. Айрим нутқлар бадиий тафаккур ривожига таъсир кўрсатибгина қолмай, балки ижт-й тар-ётнинг муҳим омилига айланиши ҳам мумкин. Бу баъзан қисқагина бир нутқ, минбардан айтилган сўз юракдан отилиб чиқса, бошқа одамлар қалбида ҳам унутилмас из қолдириши мумкинлигини исботлайди. Н.нинг муқобили бу маъвиза, ваъзхонлик, суҳандонлик, сўзга чечанлик ва ҳ.к.дир. Нутқнинг моҳияти унинг мад-йлиги, оммавийлиги ва ижт-й қиммати б-н белгиланади. «Мад-й нутқ», «нутқ мад-ти», «Н.» каби риторик т.лар нутқ этикасидан келиб чиқади. Нутқнинг характери ана шуларнинг мо-

ҳиятини билиш б-н изоҳланади. Н.нинг лингвистик бирлик сифатида ўз хус-ятлари мавжуд бўлиб, уларни инсонларнинг ўзаро фикр алмашишдаги нутқий жараён шакллари дейиш мумкин. Мазкур шакллар тўғри нутқ, нутқ мад-ти ва Н.дан иборат.

НУТҚ — инсон томонидан ижт-й-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни. Н. ахборот, хабар, маълумот ва янги билим бериш, ақлий топшириқларни ечиш фаолиятидан иборат. Агар тил алоқа воситаси бўлса, Н. айнан шу алоқа жараёнларининг амалга оширилишидир. Н. рив-ши даврлари қуйидагича: 1) 2 ойдан 11 ойгача; 2) 11 ойдан 19 ойгача; 3) 19 ойдан 3 ёшгача. Н. вербал ва новербал туркумдан иборат. Новербал Н. турли имо-ишора, мимика, пантомимика, эҳологик, сигнификация, дактилогик (бармоқ Н.и) кўринишларга эга. Вербал Н. оғзаки, ёзма, монологик, диалогик, полилогик, ташқи, ички, экспрессив, импрессив, лаконик (йиғиқ), эпик (ёйиқ), аффектив турларга бўлинади. Тилнинг (орфографик, фонетик, морфологик, синтаксистик, орфоэпик, лингвистик, флексив ва б.) қонуниятларига асосланган ҳолда мазмун-моҳиятни узлуксиз, тадрижий равишда ахборотга айлантирувчи Н. тури ёзма Н. дейилади. Пауза, мантиқий урғу, темп, тембр, частота, ритмика ва б. ташкилий қисмлар ҳамда механизмларни ўзида мужассамлаштирган, тилнинг барча қоидалари, қонунлари шартли белгилар сифатида хизмат қилишга асосланувчи Н. тури оғзаки Н. деб аталади. Оғзаки Н. жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулайлиги, узатишдаги ихчамлиги, толиқишнинг олдини олиш имконияти мавжудлиги каби хус-ятлари б-н ажралиб туради. Миллат мад-ти, маъ-яти, фан ва техникаси ютуқлари, санъати ва адабий меросини авлодларга етказиб беришда, миллатлараро

алоқа ўрнатишда ёзма Н.нинг аҳамияти беқиёсдир.

НУТҚ МАДАНИЯТИ — нутқнинг адабий тил меъёр-мезонларига асосланган, мантиқ илми талабларига бўйсунган ҳолда намоён бўлиши. Нутқ тафаккур ва фикрлашда ўзаро мулоқот ёрдамида фикр алмашиш воситасининг ҳар бир кишига хос шакли, кўринишидир. Н.м.нинг асосий хус-яти уни илмий, сермазмун, аниқ-равшан, равон, тўғри, таъсирли, бадиий, мантиқий, жарангдор, жозибали баён этишдан иборат. Бунинг учун нутқ, аввало, адабий тил қонун-қоидаларига тўлиқ жавоб бериши лозим. Н.м. якка шахслар, чунончи, маърузачи, педагог, суҳандон, давлат ва жамоат арбоби, журналист, муҳбир ва ш.к.нинг нутқлари орқали намоён бўладиган ижт-й ҳодисадир. Инсоннинг интеллектуал савияси, миллатнинг менталитети, маън-й бойлиги ортиб боргани сайин Н.м. ҳам юксалиб боради. Н.м. нутқ сўзлаш, маъруза қилиш, ўзаро мулоқот, савол-жавоб, давра суҳбатларида ўзб. адабий тили бойлигидан самарали фойдаланиш; гоъвий, мафкуравий, маън-й, тарбиявий жиҳатларни сингдириш; халқ оғзаки ижоди, ҳикматли сўзлар, мақоллар, катталар ўгитларидан ўз ўрнида, меъёрида фойдаланиш; нутқнинг қисқа, аниқ-равшан, теран мазмунли, кенг қамровли бўлишига эътибор бериш; нутқ, маъруза, суҳбат охирида қисқа хулосалар чиқариш; зарурат туғилганда тингловчилар, суҳбатдошлар б-н одоб доирасида, вазминлик асосида баҳслашиш, мунозара юритиш каби хус-ятларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Н.м. нотиқнинг олдига ҳам муайян талаблар қўяди: нотиқ нутқ сўзлашга ўз ёши, иши, лавозими, мавқеи кабиларни ҳисобга олган ҳолда, камтарона кийиниб чиқиши; нутқни бошлашдан олдин тингловчилар б-н самимий саломлашиши; нутқ мавзуига оид саволларга лўнда, аниқ-равшан, қисқа жавоб бериши, билмаганларига уэр сўраши; нутқ мавзуига доир бўлмаган саволларга жавоб бермас-

лиги; тингловчилар нафсониятига тегмаслиги, турли ноўрин хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим. Юксак Н.м. кишининг умумий мад-ти, фикрлаш мад-ти, тилга нисбатан онгли меҳр-муҳаббатини намоеъ қилади. Н.м. наз-ясининг асосий т.си тил меъеридир. Н.м.нинг асосий вазифаси ижт-й тил амалиётига фаол таъсир кўрсатиш мақсадида объектив тил меъёрларини уларнинг барқарорлашган шаклларида, зиддиятларида, тамойиллари ва б.да ўрганишдир. Замонавий Н.м. наз-й ва амалий фан бўлиб, у тил амалиётига таъсир этиш мақсадида адабий тил тарихи, грамматика, услубшунослик ва тилшунослик бўлимларининг ютуқлари ҳамда хулосаларини умумлаштиради. Н.м. наз-ясида адабий тил миллий тилнинг олий шакли сифатида эътироф этилади ва ўзининг энг яхши намуналари б-н халқнинг мад-т соҳасидаги ютуқлари ва анъаналарини мустаҳкамлайди ҳамда бойитади. Н.м. ижт-й ҳодиса бўлиб, у жам-т, фан-техника, мад-й ва адабий ҳаёт ривожини б-н узвий боғлиқ ҳолда тараққий этади. Жам-т аъзоларининг мад-й савияси ортган сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, Н.м. қоидалари ва меъёрларига мувофиқ ҳолда такомиллашиб боради. Н.м.нинг шаклланиши ва рив-шида адабиёт, санъат, радио, ТВ ва даврий матбуотнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, адабий тилни меъёрлаштириш ва Н.м. наз-ясини ривожлантиришда лексикография, хус-н, изоҳли, имло, талаффуз, ўқув ва б. махсус луғатлар муҳим аҳамиятга эга. XV а.даёқ ўзб. адабий тилининг Н.м. ва унинг ўзига хос меъёрлари бўлган. Алишер Навоий ҳаётий ва ижодий фаолияти б-н ўз даври Н.м.га, нутқ одобига улкан ҳисса қўшган бўлса, кейинчалик Бобур, Гулханий, Нодира, Огаҳий, Фурқат, Муқимий каби шоирларнинг асарлари тилида ҳам ўша давр Н.м. ўз ифодасини топган. «Яхши сўз — жон озиғи», «Бугдой нонинг бўлмаса ҳам бугдой сўзинг бўлсин», «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», «Олдига келганни емак — ҳайвон-

нинг иши, оғзига келганни демак — ноннинг иши» каби мақол ва ҳикматли сўзларнинг пайдо бўлиши ҳам ўзб. халқида Н.м. га азалдан эътибор кучли бўлганидан дарак беради.

НУТҚ ОДОБИ — нутқий мулоқот қоидалари, тамойиллари ва шакллари-нинг йиғиндиси, муомала мад-ти синоними, ижт-й фаолият соҳалари б-н боғлиқ мад-й меъёрлар мажмуи. Н.о. қатор татабларга жавоб бериши керак. Ижобий натижага йўналганлик, низо ва баҳсли ҳолатларни ечишга интилиш, келишиш, битимга эришишга ҳаракат қилиш Н.о.-нинг ижобий услубидир. Н.о.га риоя қилмаслик салбий жиҳат бўлиб, бундай мулоқот низога, тарафкашликка, шахслараро зиддиятга олиб келиши мумкин. Ишга алоқадор мулоқотда объектив мезонлар асосида масалани баҳолаш, вазиятни холис экспертиза қилиш, хулосани аниқ ифодалаш, тенглик, муросасозлик тамойилларидан келиб чиқиш, ўз шахсий фикрига қарши томоннинг ҳуқуқини тан олиш муҳим аҳамият касб этади. Ш-дек. бу жараён холислик, суҳбатдошига ҳурмат б-н мун-тда бўлиш, мурожаат қилишда, мулоҳаза юритиш ва фикрни ифодалашда мулоқотнинг умуммад-й меъёрларидан фойдаланишни тақозо этади. Н.о.да суҳбат, музокара, мулоқотнинг муайян технологияси (йўриғи) мавжуд. У танишиш, мурожаат қилиш, саломлашиш, хайрлашишнинг муайян шакли б-н боғлиқ. Н.о.-нинг мад-й меъёрлари миннатдорчилик, тилак билдириш, кечирим сўраш, илтимос қилиш, таклиф қилиш, маслаҳат беришнинг тартибланган бўлишини назарда тутати. Ишга алоқадор суҳбатнинг мазмуни, аниқ амалий масалаларни муҳокама қилишдан ташқари, юпатиш, ҳамдардлик билдириш, ш-дек, мулозамат, қўллаб-қувватлаш, қўшилмаслик усулларини ҳам одоб доирасида ифода этиш ва баён қилиш муҳим ўрин тутати. Ёш авлодда Н.о.ни тарбиялаш бугунги кундаги маън-й-маър-й, таълим-тарбия соҳасидаги долзарб вазифалардан биридир.



ОБРЎ — маън-й т., инсоннинг маън-й сифатлари, меҳнат фаолияти, насл-насаби, билими ёки касбий маҳоратига ўзгалар томонидан берилган юксак баҳо. Бошқача айтганда, О. инсоннинг рухий-психологик, интеллектуал ва амалий хатти-ҳаракатларининг кўпчилик томонидан эътироф этилиши. О. маъ-ятга бевоқиф тааллуқли бўлишига қарамай, унинг пасайиши ёки ошиши кўп омиллар б-н белгиланади. Эзгу мақсадларни кўзлаб амалга оширилган ишлар инсон О.сининг ўсишига, бузғунчи, ёвуз мақсадлар эса унинг О.си пасайишига замин ҳозирлайди. Катта-кичиклигига кўра, О. ўзига хос даражаларга бўлинади ва унинг шаклланиши шахснинг ўз олдига қўйган мақсадларига бориб тақалади. Шахс мақсадлари ва амалга оширадиган ишлари гуруҳ б-н боғлиқ бўлса, олинадиган О. ҳам шу гуруҳ даражасида, жам-тга тегишли бўлса жам-т, давлатга тегишли бўлса давлат, тамаддунга тегишли бўлса тамаддун даражасида бўлиши мумкин. Ш-дек, О. алоҳида ёки бир неча соҳаларга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Мас., тиббиётда ортирилган О., асосан, шу ва шунга яқин соҳа вакиллари ўртасида намоён бўлади. Мас., Нобель мукофотини олганлар орасида кўплаб соҳа вакиллари бор. Лекин уларни ҳамма ҳам билмайди, улар маълум соҳа мутахассислари ўртасидагина юксак О.га эга. Бироқ, айрим машҳур шахслар муайян соҳада жаҳон илм-фани ва мад-тига қўшган улкан ҳиссаси туфайли бутун инсониятнинг О.-эътиборига сазовор бўлади, уларни барча яхши билди ва ҳурмат қилади. Мас., Мирзо Улугбекнинг астрономия соҳасидаги кашфиётлари, Алишер Навоийнинг адабиёт, хус-н, шеърятдаги ижоди уларнинг жаҳон миқёсида улкан О. қозонишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, О. гуруҳ, жам-т, давлат, минтақа, шаҳар даражасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Мас., тарихда

Бухоро “Кувватул дин вал ислом”, Самарқанд “Сайқали руйи замин”, Шаҳрисабз “Қуббатул илм вал адаб” дея эъзозланган бўлса, Хоразм меъморчилик ва санъат, Тошкент қуролсозлик, Фарғона деҳқончилик мад-ти б-н О. қозонган. Ў.О. эса мад-тлар туташган минтақа сифатида маълум ва машҳур бўлган. О. “ном қозонди”, “оти чиқди”, “довруғ таратди”, “ҳурмат-эътибор топди”, “шон-шарафга эришди”. “тилларда дoston бўлди” каби атамалар орқали ҳам ифодаланади. О. — инсон хизмати тан олинганини ифодаловчи ўзига хос мезон. Ҳоз. Фарбда, одатда, зоҳирий О. кўрсаткичлари сифатида шахснинг моддий фаровонлиги, тураржойи, автомобиль маркаси, матбуотда тилга олиниши, оилавий шифокори ва руҳшуносининг мавжудлиги, касбий муваффақияти ва б.га эгаллиги эътиборга олинади. Шарқда эса бундан фарқли ўлароқ, шахснинг эл-юрт олдидagi хизмати, маън-й ютуқлари ёки халқ орасида топган эътибори, одамларга кўрсатадиган тарбиявий таъсири кабилар О.нинг асоси бўлиб хизмат қилади.

ОБЪЕКТИВИЗМ — ташқи оламдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни фал-й таҳлил қилиш, билиш жараёнида субъект хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда баён этиш. О. ташқи олам нарса ва ҳодисалари қандай бўлса, шундай баён қилишни англатади. Фанда холисликни ёқлаб чиқувчи қарашлар билиш жараёнининг мураккаблигидан келиб чиқадиган, ҳар қандай чекланиш ёки бир ёқламаликни инкор этишга қаратилган. Айниқса, ижт-й воқеликни билишнинг ўзига хослиги бу масалани фал-й муаммо даражасига кўтарди. Ижт-й воқеликни билишда субъектнинг ижт-й-иқт-й манфаатлар б-н боғланиб қолиши билишнинг объективлигига путур етказди. Марксча дунёқарашда О. даражасини синфий ман-

фаатларга мослик даражаси б-н айнийлаштириб, бу масалага ҳам синфий ёндашиш талаб этилган эди. Ижт-й воқеликни билишда объективлик масаласини неопозитивизм намояндалари, хус-н, Б.Рассел умуминсоний манфаатларга мос келиш даражаси б-н ўлчаб, уни мезон қилиб олди. Бундай қарашлар ХХ а.нинг ўрталарида ижт-й воқеликка янгича ёндашиш кераклигини ижт-й заруратга айлантди ва “янгича фал-й тафаккур” ҳамда “янгича сиёсий тафаккур” услубининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Табиий ва ижт-й воқеликни билиш жараёнида субъектнинг билим, қобилият ва имкониятлари, хоҳиш-иродаси ҳамда у ҳимоя қилинаётган муайян ижт-й қатлам ва ғуруҳлар манфаатлари бевосита намоён бўлади. Уларсиз билиш жараёни амалга ошмайди. Объективлик даражаси тадқиқотчи субъектнинг воқеликни акс эттириш жараёнида кимлар номидан қатнашиши ҳамда у ҳимоя қилаётган манфаатлар доирасининг кўламига қараб белгиланади.

ОГОҲЛИК — инсон ва миллат манфаатларининг асраб-авайланиши, жам-тдаги ижт-й-сиёсий қоидаларга риоя қилиниши, мам-тдаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳушёрликни англатадиган т. Ушбу т.нинг мазмун-моҳияти, ижт-й, сиёсий аҳамияти ва ҳоз. даврда намоён бўлиш хус-ятлари Президент И.А.Каримов асарларида ҳар томонлама асослаб берилган. Жам-тда мавжуд ижт-й-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши ва асралиши бевосита инсон онги, тафаккури б-н чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир шахс халқ, жам-т, ўз жамоаси, оиласи олдидаги бурч ва масъулияти ҳамда моддий-маън-й неъматларга эғалик ҳуқуқи мавжудлигини англаб, идрок этиши унда О. туйғусини шакллантиради. О. жам-т ҳар бир аъзосидан унинг тинч ва осойишта ҳаётдан ҳар томонлама манфаатдорлик туйғуси шаклланишида намоён бўлади. Ушбу манфаатдорликни англаган инсон жам-тда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қараб тура олмайди, лоқайдлик қандай оқибатларга олиб келишини тушунади. О. лоқайдликнинг аксидир. Маз-

кур т.лар мазмун-моҳиятига кўра, муҳим аҳамият касб этади. О. тинчлик ва осойишталик, барқарорликни таъминлашнинг шарти сифатида намоён бўлса, лоқайдлик эса жам-т таназуулига замин яратади. Кенг қамровли сиёсий-ижт-й ислоҳотларни бошдан кечираётган, сиёсий барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритаётган мам-тларда О.га амал қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки лоқайдлик туфайли бой берилган О. давлат, жам-т ва миллат учун қимматга тушиши мумкин. О. туйғуси миллий ўзликни чуқур англаш ва уни эъзозлашга интилишдир. Маълумки, ҳар бир халқ, миллат ўзига хос руҳий ва маън-й феъл-атворга эга. Ш.у. ҳам турли минтақаларда яшаётган халқларнинг яшаш тарзи, қадрият ва урф-о.лари ўзаро фарқланган. Жумладан, ўзб.лар, умуман, Шарқ халқларида О. ҳам «ор-номус», «шарм-ҳаё» т.лари каби ҳаётнинг барча жабҳаларида муҳим аҳамият касб этиб келган. Жам-тдаги мавжуд қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирган, ўз хатти-ҳаракатини маълум қонун-қоидаларга таянган ҳолда амалга оширадиган, юксак ақл-идрок, одоб-ахлоқ ҳамда О.ни ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида намоён қиладиган халқ равнақ топади, жам-т маъ-яти юксалади, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёти таъминланади. Шу маънода, ҳоз. таҳликали дунёда “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Огоҳ бўлинг, одамлар!” деган даъватлар кишиларни теварак атрофга очиқ кўз б-н қарашга, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашга чорлайди. Бутунги кунда О. бебаҳо қадриятларимиз, мустақиллигимиз, тинчлигимиз, ижт-й барқарорлик, тадрижий тар-ёт, жам-тда миллатлар ва фуқаролар хавфсизлиги учун хизмат қилмоқда.

ОДАМГАРЧИЛИК — юксак маън-й фазилатлардан бири бўлиб, беғараз ёрдам кўрсатиш, беминнат хизмат қилиш, инсоний бурчни адо этиш б-н боғлиқ хус-ятни ифодалайдиган т. Ш-дек, О. ўзаро мун-тларда меҳр-оқибат, шафқат, инсонпарварлик тамойилларининг намоён бўлишини англатадиган ахлоқий сифат

ҳамдир. О. қадимий маън-й қадриятлардан бири, у азалдан ўзаро меҳр-шафқат, бегараз ёрдам, хайрия ишлари, саховат каби туйғуларда ёрқин намоён бўлиб келган. Бироқ О. жам-т ва давлат манфаатларига зид, ноқонуний хатти-ҳаракатларга олиб келмаслиги керак. О. шахслар хатти-ҳаракатида, турмуш тарзида, кундалик воқеа-ҳодисалар асносида кўринадиган фазилатлар — хайрихоҳлик, ҳурмат-эҳтиром, ҳамдардлик, ишонч билдириш, олижаноблик ва саховат кўрсатиш, ҳиммат, ўзгалар учун ҳаловатдан кеча олиш каби хус-ятларнинг мужассам ҳолатда намоён бўлишидан ташкил топади. Кишиларда О. хус-яти аста-секин, босқичма-босқич шаклланади. Одамийликни, О.ни ҳар қандай шахс, ҳар бир одам ўз хатти-ҳаракати, қилаётган иши, бажарётган вазифаси орқали ҳар куни, ҳар дақиқа намоён этиши мумкин. Бундай ибратомуз хатти-ҳаракатлар, ижт-й мун-тлар О. деб аталмиш улуг туйғуга уланади ва Ватан, эл-юрт, халқ манфаати, башариётнинг эзгулиги йўлида қилинаётган олижаноб ҳамда беминнат хизматлар қаторидан жой олади. Ш.у. ҳазрат Алишер Навоий бобомиз: “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ гамидин гами”, деб О. туйғусининг кадр-қимматини юксак эҳтирос б-н қуйлаган. О. фазилати жаҳолат, бағритошлик, шафқатсизлик, лоқайдлик каби иллатларга зид т. сифатида талқин қилинади. Инсонийлик қиёфасини йўқотган, ножўя юриштириши, ахлоқсизлиги туфайли назардан қолган кимсалар ш.у. «одамгарчиликдан чиқди» деб баҳоланади, уятга қолади.

ОДАТ — маън-й ҳаёт ҳодисаси, инсонга хос хус-ят, кишилар фаолияти ва ҳулқ-атворини ижт-й тартибга солишнинг тарихан қарор топган шакли. Кўпинча жам-тдаги ижт-й ҳаётда ўхшаш вазиятларнинг такрорланиши О.лар шакли, ҳулқ-атвор стереотипларининг (бир қолипдаги меъёрлар) юзага чиқишига олиб келади. Булар О. тарзида кейинги авлодга мерос бўлиб ўтади. Жам-тнинг саноатлашувига қадар О. индивиднинг ижт-йлашув воситаси бўлган. О. техно-

логик, ижт-й ва мад-й тажрибанинг авлоддан авлодга ўтишида муҳим аҳамият касб этади. О. ижт-й назорат, гуруҳий жипсликнинг муайян шаклини мустаҳкамлайди, диний, этник ва умумий барқарорликни таъминлайди. Технологик ва ишлаб чиқариш малакалари (тегишли йўриқномада қайд этилмаганлари), ижт-й-сиёсий фаолият шакллари, оиланикоҳ, турмуш тарзи, одамларнинг ўзаро мун-тлари, диний удум, маросимлар ҳам О. ҳисобланади. Жам-т рив-ши жараёнида янгича О.лар шаклланиб, айрим эски О.ларни четга суриши ёки уларга зид тарзда мавжуд бўлиши мумкин. Ҳоз. шароитда О.нинг таъсир доираси торайган, чунки ижт-й мун-тларни тартибга солиш омиллари сифатида ижт-й ин-тлар (давлат, ҳуқуқ, фан, ОАВ, таълим ва ҳ.к.) асосий ўрин эгалламоқда. О. эса ахлоқ, турмуш, фуқаровий удумлар, этник мад-т соҳасида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Психологияда О. индивид учун ўрганиш бўлиб қолган ва муайян вазиятда бажариш эҳтиёжига айланган хатти-ҳаракатдир. О. стихияли тарзда шаклланиши, муайян тарбия маҳсули, феъл-атворнинг барқарор хус-ятига айланиши мумкин. О.нинг физиологик асоси динамик стереотип, яъни бош мия катта ярим шари пўстлогигаги асаб тизимидир. О. фаолиятнинг турли соҳаларида (меҳнат, ўқув, спорт ва б.) вужудга келиб, инсон хатти-ҳаракатининг барча томонларини (ахлоқ, билиш жараёни, мад-й-маиший турмуш ва б.)ни қамраб олади. О. фойдали (мас., эрталабки бадан тарбия) ва зарарли (мас., чекиш) бўлиши мумкин. Фойдали О.лар шахс ижобий хислатларининг шаклланишига хизмат қилади. Мас., меҳнат қилиш О.и меҳнатсеварликни ривожлантиради. Аксинча, зарарли О.лар салбий хус-ятларни, мас., вақтни беҳуда ўтказиш О.и дангасаликни, ишни охирига етказмаслик О.и иродасизликни келтириб чиқаради. О. тусини олган хатти-ҳаракатлар кишига мустаҳкам сингиб, табиатининг фазилати ёки иллатига айланади. Ёшлиқдан ижобий О.ларни таркиб топтириб, салбий О.ларга қарши курашиш таълим-тарбиянинг муҳим вазифасидир.

ОДДИЙЛИК (араб. одатдагидек, одатга айланганлик; кундалик, меъёрийлик; соддалик) — 1) одатийлик, ҳар кунни рўй берадиган, ўрганиш бўлиб қолганлик; 2) осонлик, унча мураккаб бўлмаганлик; жўнлик; 3) кўп қаторидан, бошқалардан алоҳида ажралиб турмаслик; 4) камтарлик, камсуқумлик белгиси. Халқимиз О.ни ҳамиша қадрлаб келган. У жам-тнинг барча табақа вакилларига хос хус-ят. Кишининг О.ига қараб, унга баҳо берилган. Баъзан О.ни тўпорилик б-н аралаштириб юбориш ҳоллари учрайди. Тўпорилик ҳам О. каби баъзан ижобий хус-ят касб этади, лекин у айрим ҳолларда гўллик деб ҳам тушунилади. О. кишининг энг яхши хус-яти сифатида улуғланади. Баъзан О. “ҳамият” т.си б-н муштарак ибора сифатида талқин этилади. Оддий одамда ҳамият бутун бўлиши табиий. Ҳамият — ўзининг ва ўзига қарашли кишиларнинг ор-номусини бошқаларнинг тажовузидан ҳимоя қилишга бўлган интилиш, ор-номусни пок сақлаш туйғуси. Бундай интилиш ва туйғуга эга бўлган киши ҳамиятли, оддий одам дейилади. Улар нопокликка бефарқ қараб туролмайди. Аждодларимиз ҳам О.ни юксак хус-ят сифатида улуғлашганлар. Улар бошқалардан ажралиб турмаслик мақсадида оддий турмуш тарзини танлашган. Айниқса, суфийлар ва суфий шоирлар О.ни маъқул кўришган. Ш.у. халқимиз орасида “Буюклик — О.дадир” деган ҳикматли сўз пайдо бўлгани бежиз эмас. О. камтарлик ибораси б-н ҳам ўзаро муштарак. Камтар одам ўзининг оддий юриш-туриши, муомаласи, кийиниши, ўзини тутиши б-н бирга, бошқаларни ҳам О.га чорлайди.

ОДОБ (араб. “адаб” сўзининг кўплиги) — жам-тда эътироф этилган хулқ меъёри. У шахс маън-й ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалаб, ўзаро мун-тда, оила, меҳнат жамоасида намоён бўлади. О. асосини ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик даражаси ва эстетик идеал талаблари ташкил этади. О. кишининг жамоада ўзини тутиши, одамлар б-н муомала қилиши, турмуш тарзи, бўш вақтини ташкил этиши, ички ва ташқи ола-

ми қандай бўлиши лозимлигига оид қоидаларни (мас., ор-номус, шарм-ҳаё, ифбат, камтарлик, хушмуомалалик.) ўз ичига олади. Инсоннинг диний эътиқоди унинг О.ли бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутади. О., биринчи навбатда, оила муҳитида, қолаверса, таълим-тарбия, ижт-й-фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади. О. — инсонни маън-й камолотга етказувчи жараён, у болаликдан шаклланади. Ёши улғайган сайин инсоннинг О. даражаси кенгайиб боради. У киши фаолиятини, маън-й етуқлиги, маъ-ятини белгилайдиган мезон. О. “тарбияли” маъносини ҳам англатади. У таълим-тарбия маҳсули, ақл суянчиги, барча фазилатлар ибтидоси ҳисобланади. Доно халқимизда “Адаб бозорда сотилмас”, “О. ақлли киши учун улуглик ва фазилатдир”, “О.и йўқнинг ақли йўқ”, “О.сиз ақл, ақлсиз О. йўқ”, “О.нинг миллати йўқ”, “О.лига имон ҳамроҳ” каби нақлларнинг кенг тарқалиши бежиз эмас. Шундай экан, ақл ва О. бир-бирига боғлиқ, муштарак т.лардир. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у камол топади. “Ҳикматнома”да “Адаб икки хилдир: ҳикмат адаби ва хизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказиши”, дейилади. Энд依ликда ота-боболаримизнинг О.-ахлоқ ҳақидаги ўғитлари, нақл ва ривоятлари ёшлар қалбига маън-й қадриятларни сингдиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, О.лилик ва ахлоқийлик, эзгулик, инсонийлик каби маън-й қадриятлар шахс камолотида дастуруламал вазифасини ўтайди. Ота-онанинг яхши О.и фарзандларга ижобий таъсир қилади. Уларда ватанпарварлик, фидокорлик, садоқат, мардлик, жасурлик, чидамлилик, вазминлик, қадр-қиммат, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантиради. О.ли бўлиш эл ўртасида О. сақлаш, насиҳатларга амал қилиш, инсоф, имонли бўлишнинг асосий омилдир. О. илм эгаллаш, бадий, ахлоқий, шеърий асарларни мутолаа қилиш асосида шаклланади. О.ли киши яхши амалларни одат қилади, кўни-кўшни, дўст-биродарлар, ота-оналар ҳурматини жойига қўяди,

соф виждонли бўлади. Демак, тилини О. б-н қуроллантирган, кўлини тўғрилиқка одатлантирган кишигина камолотга етиши мумкин.

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ — миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси. Инсоннинг ижт-й-сиёсий моҳияти фақат озодлик ва эркинлик шароитидагина тўла-тўқис намоён бўлади. Ш.у. ҳам Ўз-н халқининг миллий тар-ёт йўлидаги асосий мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, бу ғоя миллатимизнинг азалий орзу-умидларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини ифодалайди. Тарихга назар ташласак, сиёсий жиҳатдан озод ва эркин бўлган даврларда юртимизнинг ижт-й, иқт-й, мад-й ҳаёти гуллаб-яшнаганини, мустақиллик шароитида эса у чуқур инқирозга юз тутта бошлаганини кўрамиз. Мустақиллик миллий қадриятлар, мад-т ва анъаналарни, маъ-ятни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихорни, озод ва обод Ватан туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида “мустақиллик”, “озодлик”, “эркинлик” т.ларининг устувор ва етакчи ўринида туриши, Ватан озодлиги барча орзу-интилиш, истиқлолни мустақамлашга доир амалий фаолият кўлами ва йўналишлари учун асос эканидан далолат беради. Зеро, биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки ҳаётимизни ўз иродамиз б-н миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз кўлимиз б-н қуриш ҳуқуқидир. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ғояси: биринчидан, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган, киндик қонимиз тўкилган муқаддас заминнинг дахлсизлигини, хавфсизлигини таъминлаш; иккинчидан, маън-й-руҳий жиҳатдан миллий ўзлигимизни англаш ва унинг ифодаси бўлган қадриятларни сақлаш, бойитиш ва авлодларга мерос қолдириш; учинчидан, эркесвар халқимизнинг асрий орзу-умиди бўлган мустақилликни мус-

таҳкамлашга барчани сафарбар этиш; тўртинчидан, ҳар бир кишининг фаровонлиги давлат, миллат фаровонлигининг пойдевори эканини англаган ҳолда ташаббускорлик, тadbиркорлик б-н фидокорона меҳнат қилишга асосланади; бешинчидан, бу ғоя келажакка қаратилган бўлиб, халқни жипслаштириш вазифасини бажаради; олтинчидан, ушбу ғояда мам-тимизда яшаётган барча миллат вакилларининг пировард мақсадлари ифодаланган бўлиб, у кишиларни келажакка чорловчи улғувор ва жозибали шиор тарзида намоён бўлади. Бу ғояни халқимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш мустақилликни мустақамлаш, буюк келажак қуриш, Ўз-ннинг илғор давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишининг муҳим омилдир. Биз она деганда Ватанни, Ватан деганда онани тушунамиз. Аёлни, онани улғулаш эса Ватанни, юртни улғулашдир. Ҳақиқатан ҳам Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Унинг буюк келажаги ва фаровонлиги учун, халқимизнинг тотувлиги, миллатлараро жипслиги ва ҳамжиҳатлиги учун курашиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳоз. энг муҳим вазифамиз — жам-тимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келадиган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан ташқари, халқимиз эркин ва фаровон турмуш кечириши учун барча шарт-шароитларни яратиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

“ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ” — Президент И.А. Каримов асарларининг 8-жилди. (Т.. «Ўзбекистон», 2000 й.). Китобда И.А.Каримовнинг Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг сессияларида қилган маърузалари ўрин олган. Ушбу маърузаларда Ватанимизнинг озод ва обод бўлишини таъминлаш ва фаровон ҳаёт қуришга дадил ин-

тилаётган халқимиз ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар, ислохотларни амалга оширишни янада чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш масалалари ҳамда адолатли ва маърифатли демократик жам-т барпо этиш борасидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари, моҳияти ва мазкур йўналишларни рўёбга чиқаришнинг долзарб масалалари теран таҳлил қилиб берилган. Ш-дек, китобда халқаро миқёсда ўтказилган сиёсий анжуманлар, яъни Афғонистон муаммоларига доир «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви (1999 йил 19 июль) ҳамда Европада: Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбул саммитида (1999 йил 18 ноябрь) сўзланган нутқлар ҳам ўрин олган. Ушбу нутқларда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи ҳамда сўнгги пайтларда Яқин Шарқ мам-тларида кучайиб бораётган халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш ва уларга қарши курашда Ўз-ннинг мун-ти ўз ифодасини топган.

Маълумки, жам-тнинг маън-й қиёфаси миллатнинг аждодларига мун-ти, уларнинг маън-й меросига ҳурмат-эътибори ва миллий қадриятларни қай даражада эъозлаши б-н белгиланади. Ўз-нда бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ушбу китобга киритилган мам-тнинг турли ҳудудларида ўтказилган тантанали маросимлар, анжуманлар ва барча вилоятлар аҳолиси, сайловчилар вакиллари ҳамда миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари б-н учрашувларда сўзланган нутқларда ҳамда журналистлар б-н суҳбатларда ўз ифодасини топган. Мас., «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқда (1999 йил 6 ноябрь) давлатимиз раҳбари «Алпомиш» достони ўзб. халқининг маън-й мулки экани, достон тўйининг нега бу заминда ўтаётгани ҳақида тўхталар экан, Сурхон воҳаси, аввало, «Алпомиш» достони туғилган қутлуғ маскан бўлганига, Алпомиш мана шу бепоён яйловларда, баланд тоғ дараларида гум-

бурлатиб от чопгани, шу юртнинг зилол кўлларида сув ичгани, шу мағрур элга муносиб паҳлавон бўлиб етишгани учун ҳам Барчиной душманларга қарата ғурур б-н: «Менинг ёрим билсанг Бойсун султони», деб айтганига эътибор қаратади. Дарҳақиқат, Сурхон жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари — мил. ав. Кушон ва Бақтрия давлатларига замин бўлгани б-н оламга машҳур. Воҳадаги Далварзинтепа, Холчаён, Тиллатепа, Зарутсой, Тешиктош, Фаёзтепа сингари кўҳна маконлар, у ерларда топилган археологик ашёлар кўп минг йиллик тарихимизнинг ноёб ёдгорликларидир. Бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи б-н йўғрилган. Имом ат-Термизий, авлиё Ҳаким ота каби улғ зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўғитлари баркамол авлодларни вояга етказди.

Ушбу жилдга кирган нутқ ва маърузалар орасида И.А.Каримовнинг Оқсарой қароргоҳида бир гуруҳ зиёлилар, олим ва мутахассислар б-н бўлган йиғилишдаги маърузаси алоҳида ўрин тутади. Бу маърузанинг аҳамияти шундаки, унда миллий гояннинг наз-й асослари белгилаб берилган. Ўз давлатчилигига эга бўлишини кўзлаган ҳар бир халқ мақсад-муддаоларига олиб борадиган гоё ва мафкурани белгилаб олишга ҳаракат қилиши, зеро, бусиз бирор жам-т, давлат тар-ётга эриша олмаслиги қайд этилган. Бу ўринда И.А.Каримов олимлар, илмий ва ижодий жамоатчилик эътиборини миллий гоё масаласига қаратади. Тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маън-й ҳаётда, миллий манфаатларга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслик учун ҳеч қандай бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркорлиги, **гоёга қарши — гоё, фикрга қарши — фикр, жаҳолатга қарши — фақат маърифат билан баҳсга киришиш мумкин**, деган машҳур ибора ҳам ана шу учрашув чоғида янграган эди. И.А.Каримов миллий гояннинг мақсадларини ҳам шу учрашувда баён этган. Миллий гоё халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дини, руҳияти, миллий қадриятлари, дунёқараши ва тафаккурига асосланиши, шу б-н бирга,

замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзида қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркорлиги таъкидланган. И.А. Каримов озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маън-й куч-қувват манбаи, илмий асос — миллий ғоя, миллий мафкура эканини асослаб, мустақил тар-ёт йўлидаги аниқ марраларни белгилаб берди. Келгусида миллий истиқлол мафкураси концепцияси устида ишлаш ва уни тайёрлаш жараёнидаги амалий масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги, миллий ғоя, миллий мафкура борасидаги пухта ўйламай босилган қадам мутлақо тескари натижа бериши мумкинлиги таъкидланади.

ОЗОДЛИК — инсониятнинг азалдан эркин, ҳур ва мустақил яшаш орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этадиган т. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша О. ва ҳурриятга интилиб яшайди. У доимо ўзини эркин ҳис қилишга, таҳликасиз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Ш.у. ҳам инсоният тарихининг турли даврларида жаҳоннинг барча минтақаларида О. учун курашнинг шаклан турлича, моҳиятчан ўхшаш бўлган ҳурриятга интилиш ҳодисалари мавжуд бўлган. Мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадамдир. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнгги бир ярим а. мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик дунёга келади. Жам-т ҳаётида шундай ҳодисалар юз бериши мумкинки, улар аста-секинлик б-н кундалик турмуш мавжларидан қудратли тўлқинларга, майин шабадалардан бўронлару шиддатли довулларга айланади. Бир юз ўттиз йиллик мустамлакачилик даврида ўзлигини йўқотиб, ўтмишини унута бошлаган халқимиз руҳиятида бора-бора кучли пўртана рўй берди. Маъ-ятнинг беқиёс мўъжизаси шундаки, у макон этган ҳар қандай юрак

фақат эзгуликка интилиб яшайди. Мустақилликнинг маън-й қадрияти, тарихий қиймати айнан шу мезон б-н ўлчанса, унинг қадри янада ошади. Унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни яна ҳам қимматлироқ бўлади. Зотан, истиқлол даврида одамлар т.си, тафаккури тубдан ўзгарди. “Юрт”, “Ватан”, “Миллат”, “Мустақиллик” т.лари тобора улкан мазмун касб этди. XX а. интихосида дунёнинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди. Социализм деб аталган тоталитар тузум, коммунистик мафкура таназзулга учради. Жаҳонга. Ер юзига ҳоқими мутлақликни даъво этган собиқ иттифоқ жам-т сифатида ҳам, давлат сифатида ҳам қулади. Унинг таркибига кирган иттифоқдош республикалар том маънодаги О. мақомига эришди. О. ғоясининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро мун-тлари, мам-тлар ва давлатлараро мун-тларни меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим-тавозега чек қўяди. О. ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини қадрлаш асосида мам-т фуқароларининг ўзаро мун-тида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, умумий мезонлар асосида яшаш демакдир. О. — жам-тдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири б-н боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлаш. О. — эркин дунёқараш. эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳияти. Озод яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам зиддиятларни осонлик б-н енгади, бу дунёнинг шиддатли муаммолар бўҳрони қаршида довдираб қолмайди. Ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни давлат мустақиллигига ҳам қиёслаш мумкин. О. мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тўсиқ ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда О. жаҳон тар-ётининг илғор тажрибалари асосида ўз равнақининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш б-н бирга, ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний

манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демакдир. О. гоёси — мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қўллик ва қарамликнинг ҳар қандай қўринишини инкор этадиган умуминсоний гоё. Бу гоё инсоният тарихининг азалий йўлдоши, ўтмишдан ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келаётган эзгу қадриятни ифодалайди. Унинг мазмун-моҳиятини бир неча йўналишда талқин ва таҳлил қилиш мумкин. У ижт-й маънода — жам-т ҳаётининг қандайлиги ва қай тарзда ташкил этилганини, сиёсий маънода — мустақил ва эмин-эркин яшашни, иқт-й маънода — мулк ва моддий бойликларга барчанинг тенг эга бўлиш имкониятини, маън-й маънода — инсон ва жам-тнинг турли тазйиқлардан холислиги, фикр, эътиқод ва сўз эркинлигини англатади. О. гоёси инсоният тарихида ўчмас ном қолдирган кўпгина алломалар, мутафаккирлар ҳаёти ва ижодининг мазмунини ташкил этади. Алишер Навоийнинг куйидаги рубойиси бу гоёнинг асл моҳиятини акс эттиради: «Фурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш. Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. // Олтин кафас ичра гар қизил гул битса, Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш». О. гоёсини умуминсоний, миллий ва шахсий н.назарлардан ҳам талқин қилиш мумкин. Умуминсоний жиҳатдан, бу гоё бутун ер юзида тар-ёт ва эркинлик учун курашаётган кишиларнинг музаффар байроғи, демократик жам-т ва давлатлар ҳаётининг устувор тамойилларидан бирини ифодалайди. Миллий жиҳатдан, у ҳар бир миллат ва халқнинг ўз мустақил тар-ёт йўли, ўз тақдирини ўзи белгилай олиши, миллий давлатчилигига эга бўлишини англатади. Шахсий даражада О. — инсон ҳақ-ҳуқуқларининг рўёбга чиқиши, унинг ижт-й-маън-й жиҳатдан эркинлигини билдиради. Бу гоё миллий истиқлол мафкурасининг асосий т.ларидан бири «Озод ва обод Ватан» иборасида ўз ифодасини топган.

ОИЛА — эр-хотинлик иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва

болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобобувилар ва б. қариндошлар ўртасидаги мун-тларга асосланадиган кичик ижт-й гуруҳ, жам-тнинг асоси, давлат қудратининг манбаи. О.нинг ҳаёти моддий (биологик, хўжалик) ва маън-й (ахлоқий, ҳуқуқий, психологик) жараёнлар б-н характерланади. О.нинг маън-й олами серқирра ҳодиса бўлиб, наинки О.нинг жам-тдаги сиёсий-ижт-й мавқеини, балки тарихий тар-ётга хос хус-ятлари, ш-дек, иқт-й имкониятлари, демографик ва этнографик, этнопедагогик ва этнопсихологик анъаналарни ҳам қамраб олади. О.нинг инсон маън-й камолотида тутган ўрни ҳам беқийсдир. Шу маънода, И.А.Каримов таъкидлаганидек, **“Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади”**. О. — тарихий категория. Унинг шакл ва функциялари мавжуд ижт-й мун-тлар характери, ш-дек, жам-тнинг мад-й тар-ёти даражасига боғлиқ. Айни вақтда, О. жам-т ҳаётига ҳам кучли таъсир этиб, қатор функцияларни (бола туғиш, уй-рўзғорда меҳнат қилиш, хўжалик юритиш, ўз аъзоларининг жисмоний эҳтиёжларини қондириш, ёш авлодни тарбиялаш, маън-й ва ахлоқий-эстетик камолотига таъсир кўрсатиш) бажаради. Тадқиқотчилар энг қад. даврда тартибсиз жинсий мун-тлар ҳукм сурган, О. ҳали шаклланмаган, бу алоқалар ўрнини гуруҳий никоҳ эгаллаган, кўп жуфтли О. пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. Моногамиянинг (бир никоҳли оила) қарор топиши б-н аёллар эркаклар томонидан назоратга олиниб, патриархал давр бошланган. Аёл аста-секин ўз эри — хўжайинининг мулкига, қулига айланган. Бойлик орттириш ва уни қонуний ворисларга бериш О.нинг асосий мақсади бўлиб қолган. М.О.да кенг тарқалган қадимий зардуштийликда О. ва никоҳ масаласига муҳим аҳамият берилган. О. ва никоҳ Яратувчининг талабига мос келгани боис уни бузиш тақиқланган. Агар О.да эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик содир этса, ундай кишилар

жазоланган. Шу орқали О. мустаҳкам-лиги учун курашилган. Шарқда О. қадимдан муқаддас ватан ҳисобланган. Унинг мустаҳкамлиги дарз кетишига йўл қўйилмаган. Мас., “Авесто” да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қариндош-уруғ, ака-уканинг қуда-анда бўлиши қораланган. ЎзР мустақилликка эришгач, О.га бўлган эътибор янада ошди. О. жам-т, давлатнинг энг муҳим ҳужайраси, зарраси, бўғини. О. уч жиҳатни: никоҳни, О.вий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни ҳамда болалар тарбиясини ўз ичига олади. Қонунга биноан, никоҳ тузиш шартларида энг муҳими — никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганлиги ҳисобланади. О. поклик ва софлик, икки томонлама муҳаббат, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. О. мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жам-тда барқарорлик вуҷудга келади. Унинг мустаҳкамлиги О.даги тинчлик-хотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий мун-т, О. аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Маълумки, хулқ-одоб инсон маън-й қиёфасини ифода этади. О. хулқ-одоб қадриятларини шакллантиришдаги асосий мезон бўлиб, бу жараёнда О., мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятларининг уйғунликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. О. инсоният узлуксизлиги ҳамда қадриятлар, урф-о. ва анъаналарни, қолаверса, бутун бир халқ мад-й, маън-й меросини авлоддан авлодга ўтишини таъминловчи омилдир. Айнан О.да инсонларга хос маън-й, ахлоқий қадриятлар: ўзаро ҳурмат, иззат, ишонч, мулозамат, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғулари яққол намён бўлади. О.даги энг асосий мезон — икки томоннинг бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлаши, оғир ва қувончли дамларда бир-бирига ҳамдард-ҳамнафас бўлишини таъминловчи ҳаракат уйғунлигидир. О.нинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уларни юксак маъ-ятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш, жам-тда ўз ўрнини мустақил

топишига шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир. Фарзанд тарбиясида О.даги маън-й муҳитнинг тўғри йўлга қўйилиши, ота-онанинг ибрати ва масъулияти ҳар қачонгидан муҳимдир. О. мун-тлари, асосан, ота-она ва фарзандлар ўртасида кечгани боис ота О.нинг сарбони ҳисобланади. Турли муаммоларни ҳал қилишда отанинг фикри ҳамда маслаҳати муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, фарзанд тарбиясида матонатли, фидойи, сабр-тоқатли, баъзан қаттиққўл, тежамкор отанинг ҳам, меҳридарё, бағрикенг юмшоққўнгил онанинг ҳам ўз ўрни бор. О.даги соғлом муҳит, ота-она тарбияси орқали нафақат жам-тнинг бутунги куни, балки унинг истиқболи, авлодлар ворисийлиги ҳам белгиланади. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир”**

ОИЛА АХЛОҚИ — оила мад-ти ва маъ-ятини ифода этувчи ибора. О.а. миллий ахлоқий қадриятларнинг муҳим жиҳатларидан бири. Халқимиз жуда қадим замонларданоқ оилани муқаддас ҳисоблаб келган. Оилавий мун-тларга асос бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари диний меъёрлардан аввал шаклланган. О.а. ҳозир мавжуд бўлган ахлоқ меъёрларининг энг қадимийси ва энг муҳими. О.а. фақат эр ва хотин ўртасидаги мун-тни ифодалаб қолмай, балки фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезонидир. Бинобарин, маън-й бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилади. Инсонга бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар — эзгулик, яхшилик, яратувчанлик, фидоийлик, садоқат, мардлик оиладан бошланади. Ўзб.она оила ўз анъана ва тарихига биноан фарзандларини миллий фаросат ва нафосат сарчашмаларидан баҳраманд қилиб тарбиялаб келади. Мас., Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги асосий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, муомала мад-тидаги назокат, меҳр-оқибатлилик, меҳмондўстлик, иймонлилик,

этиқодлилиқ, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар ўзб. она миллий оилада шаклланади. Оила ёшларни ахлоқ-одобли, ростгўйи, меҳнатсевар, ҳалол бўлиб вояга етиши учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси фарзанднинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутади. “Юксак маънавият — енгилмас куч” аса-рида таъкидланганидек, “**Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оила-парварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлиқ чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.**

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдикки, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳаминша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди... Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-этиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бугун жамиятнинг энг катта бойлигидир” (55–56-бетлар.). Демак, бола оилада жам-тнинг, миллатнинг қиёфасини кўради, шу муҳитда унинг табиати, дунёқарашини ва миллий ахлоқий қиёфасини шаклланади ҳамда камол топади. Бола учун оиладаги соғлом ижт-й-руҳий муҳит умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар манбаидир. Мустақиллик йилларида оилада ахлоқий фазилатларни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1998 йилнинг “Оила йили”

деб эълон қилиниши ҳамда ҳоз. даврда ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматимизнинг қарор ва тадбирлари шундан далolat беради. О.а. ҳар бир оила аъзосининг маън-й қиёфаси орқали бир-бирини тушунишидир. О.а. оиланинг шону шарафи, гурури, бурч ва вазифаларини кўрсатиб берувчи мезондир. Оилада покиза насл-насаб туйғуси ва у б-н фахрланиш — пировард оқибатида ватанпарварлик, халқпарварлик ифтихорини юзага келтиради. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...“насл” ва “насиба” деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий боғлиқлик бордек туюлади. Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриётини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслик зарур.” Шарқона қадриятлар, ахлоққа асосланган ўзб. оилаларида ўз шахсий фаровонлигидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош-уруғ ва яқин одамларга, қўни-қўшниларга ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйиши — олий даражадаги қадрият бўлиб, оилани ташқи муҳит б-н боғлашга ва мустақамлигини таъминлашга хизмат қилади. О.а. ва маъ-яти қанчалик бой ва теран бўлса, жам-т ҳам шу қадар бой бўлади, оила маъ-ятида жам-т маън-й олами тажаллий топади. Муайян халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги ҳам унинг маъ-ятида жилоланиб туради. О.а. — миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу, турмушнинг миллий асоси. О.а.нинг юксак маън-й жиҳатдан шаклланиши мам-тимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жам-т қуриш гаровидир.

ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАР — оилада бола-чақа, хонадон, уруғ, авлодлар, эрхотин, уларнинг наслдан наслга ўтувчи, ҳаётда қарор топган (топаётган) удум, урф-о. ва б. амаллар мажмуасини ифодаловчи т. Инсониятнинг қадимий мад-й-маън-й қадриятларини ўрганишда О.а. алоҳида аҳамият касб этади. Оиладаги тур-

муш тарзи, урф-о. ва маросимлар маҳалла б-н боғланган бўлиб, улар ҳар бир оила аъзосининг жамоа б-н мун-тларида, жамоанинг ижт-й вазифалари, ахлоқий қонун-қоидаларида намоён бўлиб келган. Оилавий маросим ва тадбирлар муайян этник бирлик ҳамда қариндошлар гуруҳидан ташкил топган, маҳалла аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, шахсий ва жамоа манфаатига молик муаммоларни ҳал қилишда алоҳида ўрин тутди. Бундай анъаналар жамоа орқали баркамол шахсларни вояга етказиш, уларнинг онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, эзгу ишларга даъват этишда қудратли восита вазифасини бажариб, жамоанинг ижт-й барқарорлигини таъминлайди. Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, «**Ўзаро меҳр-оқибат, аҳилилик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-тамоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз**”. Этнографик кузатишларга қараганда, Ўзбекистоннинг деярли барча минтақаларида оилавий маросимларни бошқаришда жамоавий мун-тлар — оила, қариндошчилик, никоҳ, жамоага уюшиб меҳнат қилиш қабиларни тартибга солишда эркаклар, айниқса, оқсоқоллар алоҳида ўрин тутган. Ана шундай бошқарув шаклларида бири турли кўринишдаги оила-жамоавий йиғинлар — маслаҳат кенгаши ҳисобланган. Бу ўлкамизнинг айрим туманларида “Қорақозон” деб аталган. Қорақозон оилавий маслаҳатдан каттароқ йиғин бўлиб, унда маълум уруф-жамоага мансуб қариндошлар ҳам

қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Оила, уруф бошлиқлари, оқсоқоллар оила, маҳалла, қишлоқ миқёсидаги йиғинларда ҳал қилувчи имкониятга эга бўлган. Маҳалладаги тўй-маъракалар, байрам тадбирлари, сайллар, дафн ва таъзия маросимларига эркаклар орасидан сайлаб қўйилган оқсоқоллар бошчилик қилган. Оиланинг бошқарилиши аввало ёши улур кишилар, бобо ёки ота-оналар томонидан амалга оширилган. Улар оилада вазифаларни тақсимлаш, молиявий масалалар, тартиб ва ахлоқий муҳитни йўлга қўйиш қабилар б-н шуғулланганлар. Оилада белгиланган тартиб-қоидалар, урф-о.ларга барча оила аъзолари бўйсунган. Оиласига эътибор бермаган ва бундай талабни бурч сифатида қабул қилмаган шахс — эркак маҳалла йиғинларида муҳокама қилиниб, тартибга чақирилган. Оила бошқаруви ва ижт-й-маиший турмушда, хус-н, оилавий маросим ва маъракаларни ташкил қилишда аёлларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Улар нафақат фарзанд тарбияси ёки уй-рўзгор юмушлари, балки маросим ва тадбирларда бошқош бўлиб оила ва жамоанинг шаъни, нуфузини кўтаришга хизмат қилганлар. О.а.дан бири бўлган никоҳ маросимлари — насл қолдирилиши учун тузилган иттифоқ ҳисобланиб, у Шариат ҳукми бўйича соф, тоза бўлиши талаб этилган. Ўзб. оиласида азалдан фарзанд тарбиясига, фарзандларнинг саводли, имон-этиқодли бўлишига, илм ва ҳунар ўрганишига алоҳида эътибор қаратилган. “Авесто”да келтирилган маълумотларга қараганда, қадимги аждоқларимиз болаларни бенуқсон туғилишига ва чақалоқлигиданоқ нафақат жисмоний тарбиясига, балки унинг ақлан етук бўлишига, ҳикмат ўрганишига, ахлоқий фазилатларни эгаллашларига ҳам алоҳида ғамхўрлик қилишган. Аждоқларимизнинг ўша даврдаёқ ўз авлодини етук, жам-тга, Ватанга фидокор, меҳнатсевар инсон қилиб тарбиялаш чоратадбирларини амалга оширилганлигининг усулларини ўрганиш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Азалий туркий удумга кўра, ота-онага қараганда, бобо ва момолар бола тарбиясида муҳим

ўрин тутган. Бундай О.а. буюк шахслар ва ашломалар ҳаётида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Жум-н, Темурий шахзодаларнинг тарбияси асосан уларнинг момолари зиммасида бўлган. Сароймулкхоним Шохруҳ Мирзо, суюкли набиралари Муҳаммадсултон Мирзо, Ҳалилсултон Мирзо ва Улутбек Мирзолар тарбияси б-н шугулланган. Оила жам-тнинг алоҳида, шу б-н бирга, узвий қисмидир. Ш.у. ҳам ундаги ўзгаришлар айнан жам-тдаги ўзгаришларнинг акси бўлиб ҳисобланади. Оила манфаатлари эзгулик сари интилаётган мам-т, халқ, миллат манфаатларидан таркиб топади. “Мухтасар айтганда, ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир”. (Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч.) Аждодларимиздан бизга мерос қилиб қолдирилган муқаддас анъаналаримиз, гўзал урф-о-ларимиз юрти-миздаги ҳар бир оила учун дастуриламал сифатида эъзозланиши, янгила-ниши ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказилиши мавжуд қадриятларимиз жи-лосини Ватанга, аждодларимизга бўлган ҳурмат-эътиборини янада ошириши шуб-ҳасиздир.

ОИЛАВИЙ МУҲИТ — оилавий мун-тлар, тарбиявий жараёнлар кечади-ган ижт-й-маън-й, ахлоқий муҳитни ифо-даловчи т. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маъ-яти, дунёқарashi, тасаввур ва эътиқо-дини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқийсдир. Ин-сон қалби ва онгидаги энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий т. ва тасаввурлар, энг аввало, оила бағрида шаклланади. Оила — ҳақиқий маъ-ят ўчоғи, мафкура-вий тарбия омили ва муҳити. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “... айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздор-лик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсон-га хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оила-нинг маънавий оламини ташкил этади.

Кўп йиллик илмий кузатиш ва тад-қиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз

умри давомида оладиган барча инфор-мациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги асосан 5—7 ёшда шакл-ланишини инобатга оладиган бўлсак, ай-нан ана шу даврда унинг қалбида оилада-ги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк қуртаклари намоён бўла бошлайди. “Хал-қимизнинг куш уясида кўрганини қилади”, деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.

Одамзод учун бир умр зарур бўлади-ган табиий кўникма ва хусусиятлар, ма-салан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одам-лар билан муомаласи, тенгдошлари ора-сида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки бўлмаслиги, керак бўлса дунёқарashi — буларнинг бар-часи аввало унинг туғма табиати, шу би-лан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради” (Юксак маънавият — енгилмас куч, 52—53-бет-лар). Айнан мана шу даврда бола яхши б-н ёмон ўртасидаги фарқни англай бошлай-ди, оиладаги, ён-атрофдаги воқеа-ҳоди-салар хусусидаги таассуротлар унинг он-гига сингиб боради. О.м.нинг соғломли-ги — ота-она ва б. яқинлари ўртасидаги мун-тларнинг мақсадга мувофиқлиги бо-лада соғлом фикр, ижобий фазилат ва интеллектуал сифатларнинг намоён бўли-шига замин яратади. Халқимизга хос ус-тувор фазилатлар асосан О.м.да, ота-она, яқин қариндошларнинг бевосита арала-шувида шаклланиб боради. Бу ҳол катта-ларни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзоз-лаш, меҳнатга тўғри мун-тда бўлиш, урф-о. ва қадриятларни муқаддас билиш каби-ларда ўз аксини топади. Бундай сифат-ларни ўзлаштириб борган ҳар бир ўғил-қизда оилапарварлик, юртпарварлик каби олижаноб фазилатлар камол топади. О.м.-нинг носоғломлиги, оила аъзолари ўрта-сидаги келишмовчиликлар, ўзаро тил то-пиша олмаслик каби ҳолатлар бола маън-й оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Унинг феъл-атворида ёлғончилик, хиёнаткорлик, бевафолик каби салбий иллатлар намоён бўлади. Бун-

дай ҳолат жам-тда ўз ўрнини топа олмаган, эътиқодсиз, диёнатсиз, мақсад-маслаксиз инсонларнинг пайдо бўлишига олиб келади. «**Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш аини муддао бўлур эди**» (Юксак маънавият — энгилмас куч, 55-бет). О.м. шахс гоёвий барқарорлигини шакллантирувчи омилдир. Соғлом О.м. нафақат эр-хотиннинг характерли хус-яти, балки шу оилага бевосита таъсир кўрсатувчи қариялар, катта авлодлар томонидан сақланиб келган анъаналар асосида ҳам шаклланади. Ҳар бир оила жам-т талаблари асосида яшайди ва замон талабига мос фарзандни тарбиялашда фаол иштирок этади. Эр-хотин томонидан ўзидан олдин ўтган авлод вакиллари эслаш, болалик даври ўтган оилага хос анъаналарни янги ҳаётга олиб кириш О.м.да ва вояга етаётган фарзанд хулқида ўз аксини топади. Ана шундай муҳитда шаклланган шахс индивидуал тажриба б-н бирга ижт-й муҳит талабларини ҳам ўзлаштириб боради. Бундай мақбул тизимни шакллантиришда ота-онадан билим, уқув, ақлий салоҳият ва зукколик татаб қилинади. О.м.да уччала таркибий қисмни уйғунлаштириш ва ўзаро мувофиқлаштириш катта маҳоратни талаб қилади. О.м.даги яна бир жиҳат фарзандлар сони ва улар орасидаги мун-т мазмунидир. Ўзб. оилалари аксарият ҳолларда кўп фарзандли бўлиб, бундай шароит бола улғайиши, унинг дунёқараши шаклланишида ўз изини қолдиради. Тарбия жараёнида қадриятларнинг шаклланиши, эътиқод ривожини учун мақбул шароит яратиш ҳамма оилаларда турлича бўлиши мумкин. Бу жараёнга таъсир этувчи асосий омиллар оиладаги болалар сони, улар ёши ўртасидаги фарқ, ўғил ёки қиз фарзандлар нисбати ва б. кўрсаткичлардир. Бола руҳиятида гоёвий барқарорликни шакллантиришда шахснинг ўзига хослиги, унинг ички интилиши ва фаоллиги муҳим ўрин тутаети. Ҳар бир инсон ўз тар-ёт йўлига, ҳаёт йўналишига эга. Бола улғайиб, турли жамоаларга аъзо бўлар экан,

нафақат расмий қоидалар, балки очиқ-ойдин эътироф этилмайдиган хулқ меъёрларини ҳам ўзлаштириб боради. Салбий хулқ меъёрларини ўзлаштириш О.м.даги нохушликлар ҳамда организмдаги физиологик жараёнлар таъсирида амалга ошади. Тенгқурлари гуруҳига қўшилиш, турли жамоаларга аъзолик муқаррар жараён бўлиб, хулқдан огдирувчи ҳар қандай таъсирга берилиш ёки берилмаслик О.м.даги тарбияга боғлиқ.

ОИЛАВИЙ НИЗО — оила ҳаётида намоён бўладиган психологик ва ижт-й кескин вазият. Турли оилавий гуруҳлар (биринчи навбатда эр-хотин, ота-она ва болалар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, баъзи ҳолларда қариндошлар) ўртасида юзага келади. Оила турли ёш ва жинсдаги кишилардан таркиб топгани сабабли улар ўртасида низо чиқиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Бундай низо ва зиддиятлар ўзаро мун-тларда бир-бирини тушунмаслик ёки тушунишга ҳаракат қилмаслик туфайли юзага чиқиши мумкин. Болалар ва ота-оналар ўртасидаги низо фарзандларнинг катталар таъсиридан қутулишга интилиши ёки ўзини ёлғиз ҳис этиши ва б. сабаблар таъсирида пайдо бўлади. О.н. кескинлашувига йўл қўймаслик, уларнинг бир-бирини тушуниш, муросяю мадора воситасида оқилона ҳат этишга интилиш оила мустақамлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартидир. Шаҳарларда ўта кескин О.н.ни маҳаллалар қошида тузилган яраштирув комиссиялари, ҳуқуқшунос ва руҳшунослар маслаҳатига таянган ҳолда ҳал этиш урф бўлмақда.

ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ — бола рив-ши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган, уни ижт-й ҳаётга тайёрлашга, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган оила фаолияти. О.т. боланинг туғилган куниданоқ бошланади, унинг тўлиқ мустақил шахс сифатида вояга етгунга қадар ўзгалар назоратида давом этади. О.т.да муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан оилада ҳам ота, ҳам онанинг бўлиши, уларнинг тарбия бобида ўзаро бирдамлиги ва

тенглиги, баҳамжиҳатлик б-н ҳаракат қилишига боғлиқ. О.т. ҳис-туйғулар асосига қурилади, чунки тарбиячилар боланинг энг яқин кишиларидир. О.т.нинг асосий йўналишларидан бири — болани хушхулқ бўлишга ўргатиш. О.т.ни мажбурлаш асосига қуриб бўлмайди, муҳими, бола ундан сўралаётганини ўз хоҳиши б-н бажариши лозим. Ҳақиқий тарбиячи болани «тизгинламайди», балки эркин кўяди; камситмайди, аксинча, рағбатлантиради; уни «ясамайди», балки шакллантиради; амр этмайди, балки ўргатади; талаб қилмайди, балки сўрайди. О.т.жараёнида болани шахс сифатида шакллантириш асосан икки йўл б-н амалга оширилади: оила турмуш тарзининг таъсири остида ва ота-оналарнинг махсус тарбиявий таъсир ўтказиши натижасида. О.т.да ота-оналарнинг обрўйи катта аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун улар, аввало, ўзлари тарбияланган бўлиши, комиллик сари интилиши, ўзгаларга меҳрибонлик кўрсатишлари талаб этилади. Болаларда тақлид қилишга рағбатни уйғотувчи катта ёшдаги оила аъзоларининг намунаси О.т.даги энг таъсирчан омиллардан биридир. О.т.дан кўзланган мақсад — боланинг одам ва олам ҳақидаги билимларини кенгайтириш, ш-дек, унда ўзига хос феъл-атворни шакллантириш, иродасини чиниқтириш, қобилиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, маън-й комилликка эриштиришдан иборат. О.т.-нинг тугал мақсади комил инсонни вояга етказишдан иборат. Бу эса жисмоний, ахлоқий-маън-й, меҳнат ва эстетик тарбиянинг ўзаро уйғун тарзда амалга оширилишини тақозо этади.

ОККУЛЬТИЗМ (лот. *occultus* — сирли, яширин, ботиний) — махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар натижасида айрим инсонларгина била оладиган коинотдаги сирли кучлар мавжудлигини эътироф этадиган таълимот. О. *гилюзионизм* ва *пантеизмга* яқин туради. О.нинг мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқиши сўнгги антик даврдаги эллинлар дини — синкретизм б-н боғлиқ. I—IV а.ларда Александрияда О.нинг афсонавий асос-

чиси Регмас Трисмегиста номи б-н боғлиқ адабиётлар тўплами вужудга келади. Шу даврда герметик фанлар ҳисобланмиш алхимия, астрология пайдо бўлади. О.да инсоннинг иродавий хатти-ҳаракатларига оламга тўғридан-тўғри таъсир эта олиши мумкин бўлган ўзига хос табиат кучлари сифатида қаралади. Христианликнинг ҳукмрон динга айланиши б-н О. таъқиб остига олинган ва яширин фаолиятга ўтган. Европадаги Уйғониш даврида О. дунёнинг ўрта а.лар манзарасининг емирилишига, схоластиканинг заифлашуви ва табиатшуносликнинг ривожига таъсир кўрсатди. XVII а.ларда табиий фанларнинг ривожига эса О.га бўлган ишонччи маълум маънода йўққа чиқарди. Дунёвий О. жам-тлари шакллана бошлади. Мас., Т. Компанелланинг “Қуёш шаҳри”, Ф. Бэконнинг “Янги Атлантида” каби асарларида социал утопия О. аъналари б-н боғлиқ. XIX а. охиридан турли даврлар ва халқлар оккультив ва диний-фал-й таълимотларни бирлаштириш асосида янги “универсал” динни яратишга уришилар бўлган. Ҳоз. ҳам О. замонавий мунажжимлар, фолбинлар ва ҳ.к. фаолиятида намоён бўлади.

ОЛАМ — инсонни ўраб турган дунё ҳақидаги кенг қамровли т., маълум маънода воқеликнинг ифодаси. Мас., “элементар заррачалар олами” т.си одамга маълум бўлган ва ҳали маълум бўлмаган барча элементар заррачаларни қамраб олади. Агар биз яшаётган бутун коинотни элементар заррачалардан ташкил топган деб ҳисобласак, бу т. бутун коинотни ҳам акс эттириши мумкин. Мас., ўсимликлар О.ига фақатгина ўсимликлар киради, бошқа тирик мавжудотлар: ҳайвонлар ва одамлар бу О.дан четда қолади. Шу н.назардан О. т.си нисбийдир. Баъзида О. деганда барча нарсалар, жисмлар, воқеа-ҳодисаларни қамраб олувчи умумий тизим тушунилади. Бу маънода О. космологик О. т.сига мос келади. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз, бошқалар эса коинот маъносидаги О.ни чекланган объект сифатида талқин этади. “Чексизлик” ва “чегарасизлик” т.лари нисбий маънога

эга, бир тизимда чексиз ҳисобланган объект бошқа тизимда чекланган бўлиши мумкин ва аксинча. О.нинг намоён бўлиш шакллари хилма-хил. Фақат моддий жисмларни ўзига қамраб олган *О. моддий О.* дейилади. Айримлар уни жисмоний, яъни *физик О.* деб атайди. Одамнинг маън-й, руҳий дунёсини қамраб олувчи дунё маън-й *О.* деб юритилади. О.нинг мавжудлиги шубҳасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми *реал О.дир.* Келажакда мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган *О. виртуал О.* (лот. *virtualis* — эҳтимолдаги), аниқ маълумотга эга бўлган *О. конкрет О.,* ҳаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги *О. абстракт О.* дейилади. Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум, тан олинган ҳаёти реал *О.га* мансуб бўлса, унинг ҳаёлий режалари виртуал *О.га,* унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет *О.га,* келажакка йўналган орзу-умидлари эса абстракт *О.га* мансубдир. Одам ўз режаларини реал *О.га* асосланиб тузса, потенциал *О.ининг* конкрет реалликка айланиш эҳтимоллиги ошади. Одам *О.да* бошқалардан ажралиб, якка бўлиб эмас, балки ижт-й ҳаёт кечиради ва жамоа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жам-т-ни, уларнинг ўзаро мун-ти, фаолияти, ўй-хаёллари, идеаллари, мақсад ва маслақлари б-н биргаликда *ижт-й О.ни* ташкил этади. Одамнинг жам-тдаги бошқа одамлар б-н биргаликда ижт-й фаолият олиб бориши уларнинг ҳар бирига хос бўлган тақдорланмас *индивидуал О.лари*га боғлиқ. Индивидуал *О.,* айна пайтда, ташқи *О.ни* ҳам, ижт-й *О.ни* ҳам ўзида акс эттиради, ифодалайди.

ОЛИФТА(ЛИК), олифтагарчилик — амалиётда ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўлланадиган ибора. Ижобий маънода *О.* замонавий модага мос равишда кийинган озода, ораста кишига, салбий маънода эса яхши кийинган, лекин ўзини тута олмайдиган, қилиғи хунук шахсга нисбатан қўлланади. Салбий маънодаги *О.* ижобий хус-ятларнинг акси ҳисобланади. *О.га* “ор” ва “орият” т.лари антоним сифатида қўлланади. Ор ўзига муносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарса-

дан хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш туйғусидир. Орият ор-номусдан ташқари, иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда, ориятли одамлар ўзи ва оиласининг қадрини юксак тутати, ўзгаларни ҳам қадрлайди. Салбий маънодаги *О.* эса юқоридаги хус-ятлардан бутунлай мосуво бўлган шахслар ҳисобланади. *О.* миллат доирасида чекланиб қолган хус-ят эмас.

“ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА” — Президент И.А.Каримовнинг “Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари (Т., «Ўзбекистон», 1999 й.). Ушбу асарда 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган портлашларнинг жаҳон ОАВда турлича шарҳланиб, ҳар хил фикр ва фаразларнинг пайдо бўлгани таҳлил қилинган. Юртбошимиз муқаддас динимиз мазмун-моҳияти ҳақида тўхталар экан, нафақат бизнинг матбуотимиз, балки хорижий матбуотнинг турли ноаниқ, мужмал ахборотларида ўз мун-тини билдиради: **«Бу эътиқоиди юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлигим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади».** И.А.Каримов диний қадриятлар, исломий т.ларнинг ҳаётимизга сингиб кетгани, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот б-н чиқариб бўлмаслигини таъкидлаб, **Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда,** деган гоёни илгари суради. Тошкентдаги мудҳиш воқеаларнинг ташкилотчилари ислом ниқоби остида иш олиб бораётган экстремист террорчилар экани маълум бўлди. Ўз-н матбуотида ушбу воқеалар таҳлил этилган қатор мақолалар эълон қилинди, оддий деҳқонлар, хунармандлар, тижорат аҳли, зиёлилар чиқишларида муқаддас ислом динини ниқоб қилган бузғунчи тўдаларнинг ёвуз ниятлари қораланди. Шу б-н бирга, бу воқеалар дунё ОАВ эътиборини тортди. Турлича фикрлар билдирилди, тахминлар қилинди. “Ўз-н ҳукуматининг динга бўлган сиёсати ўзгаради”, “Диндорлар таъқиб остига олинади”, “Диний ташкилотлар сиқувга учрайди” қабилидаги гаплар тарқала бошлади. Бу ўринда И.А.Каримов муқаддас ислом дини хал-

қимизнинг руҳияти, юрагига сингиб кетгани, у миллий ўзлигимиз, фитратимиз, ислатимизнинг белгисига айлангани, бунинг моҳиятини тўлиқ англамасдан, тушуниб етмасдан сўзлайдиганлар адашишини уқтиради. Дарҳақиқат, кишилар қалбидан чуқур жой олган диний туйғуларни салкам бир алик атеистик тарғибот сиқиб чиқара олмади. Одамларимиз ўз аждодлари руҳи, миллий анъаналари, тарихий хотирасига қандай эҳтиром б-н қараган бўлса, дину диёнатимизга ҳам шундай мун-тда бўлиб келди. Истиқлолнинг дастлабки йилидан бошлаб, ислом дини ва исломий қадриятлар қайтадан тикланди. Мазкур интервьюда ислом динининг инсонпарварлик ғоялари ёш авлод юрагидан жой олиши, дунёвий билликлар б-н бир қаторда, диний ҳикматлар асосида тарбия топиши тўғрисидаги самимий ва асосли фикрлар ҳам ўз ифодасини топган. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «**Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз**». Истиқлол йилларида улуг шоиру аллома мутафаккирларимизнинг мероси халқимизга қайтарилди. Имом Бухорий, Имом Исо Термизий, Маҳмуд Замаҳшарий, Имом Абу Мансур Мотурудий, Шайх Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби улуг олимлар, тариқат пешволари, азизу авлиёларнинг номлари тикланди, асарлари ўрганилди, таржима қилинди. Шу орқали ислом фалси, жумладан, тасаввуф таълимоти тадқиқ этилиб, катта маън-й хазина кашф этилди. Қуръони карим, Имом Бухорий ва Имом Термизийларнинг ҳадис китоблари, Имом Ғаззолий асарлари таржима қилинди. Самарқанд, Бухоро ҳадисшунослик ва фикҳ мактаблари, М.О.да шакланган тариқатлар ҳақида қатор тадқиқотлар дунёга келди. Буларнинг барчаси халқимизнинг билими, маърифатини ошириш б-н бирга, жонажон Ватанимизнинг улугвор, шарафли ўтмиши, дунёга

маърифат, илм нурина таратган аждодларимиз хизматини чуқурроқ англашга ёрдам бермоқда.

ОММАВИЙ ЖАМИЯТ — ҳоз. замон жам-тининг ўзига хос қатор томонларини ифодаловчи т. Жам-т барча соҳаларининг кенг оммавийлашув жараёни тубдан янги меҳнат қуроли — машиналарнинг пайдо бўлишидан бошланган эди. Оммавийлашув иқтисодиёт соҳасида бошланиб, аста-секин жам-тнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олди. О.ж. наз-яси илдизлари ўрта а.лардаги анъанавий ижт-й мун-тларга зид равишда шакланган янги мун-тларга қарши консерватив ғоялар б-н боғлиқ (Э.Берк, Ж. Де Местр, А.Бональд). Янги тартибларнинг муқаррарлигини англаган француз мутафаккири А.Токвиль (1805—1859) янги жам-тни ундаги эркинлик ва тенглик мун-тлари н.назаридан тавсифлайди. У “Демократия — Америкада” асарида: “Менинг диққатимни жалб қилган янгиликлар ичида ҳеч қайсиси шароитларнинг умумий тенглиги каби ҳайратлангир эмас”, деб ёзади. У демократияни гоҳ жам-т барча томонларини тенглаштиришга интилиш, гоҳ “халқ”, гоҳ бевосита бошқариш шакли сифатида талқин қилди, тенгликни амалга ошириш учун марказлаштириш ва бюрократлаштириш ижт-й ҳаётнинг барча соҳалари устидан буржуа назоратини ўрнатишга олиб келишини кўрсатди. II Жаҳон урушидан сўнг О.ж. концепцияларининг асосий йўналиши авторитар тенденцияларни танқид қилишга қаратилди. О.ж.ни янгича талқин қилиш ҳоз. замон жамтидаги муҳим жараёнларни тўғри тушуниш имконини беради. Оммавийлашув жараёни жам-тнинг барча соҳаларида катта имкониятлар очиб бериши б-н бир қаторда маъ-ят соҳасида муайян муаммоларни келтириб чиқаргани туфайли О.ж. концепциялари ҳам кўпдир. Жам-т ҳаётининг турли соҳаларида кечаётган оммавийлашув жараёнлари мазмун-моҳияти, миқёси ва намоён бўлиш шаклига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Номоддий ишлаб чиқаришнинг турли кўриниш-

ларида маълум даражада оммавий фаолиятнинг технологик, ташкилий ва б. таркибий қисмини яратади. Мас., ҳоз. замон фани минглаб одамларни бирлаштирган йирик ташкилотларни қамраб олади. Бу ҳақиқатан ҳам ахборот (билимни)ни оммавий, индустриал шаклда ишлаб чиқаришдир. Истеъмол, инсоний мун-тлар, маиший соҳаларда эса оммавийлашув кишилар фаолиятини қатъий расмий ташкил этишни талаб қилмайди. Лекин бунда ҳам ўзига хос кўринишда оммавий фаолият мавжуддир: иштирок этадиган индивидларнинг кўплиги, улар фаолиятининг ўхшашлиги, фаолиятни танлаш имконияти н.назаридан эркинлиги ва б. Оммавийлашув жараёнининг ҳар жиҳатдан чуқурлашиб бориши жам-т тарётида қонуний, зарурий ҳодиса бўлиб, келгуси жам-т ва инсон қиёфасини белгилашда турли имкониятлар яратади.

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ — мад-тнинг мураккаб, ҳаммавақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. О.м.ни Фарб мад-ти б-н боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, ш-дек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Айни пайтда, фольклор, халқ мад-ти ҳам О.м. кўринишлари сифатида талқин қилинади. О.м. чуқур ижт-й ва мад-й илдизларга эга. О.м. пайдо бўлишининг ижт-й-иқт-й илдизлари йирик саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. Йирик саноат ривожини ёлланма ишчиларга заруратни туғдирган бўлса, феодал жам-тнинг анъанавий ижт-й тузилмасининг емирилиши одатий меҳнатдан айрилган кишилар оммасини вужудга келтириб, ана шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилди. О.м.нинг шаклланиши ана шу жараённинг инъикоси эди. Зеро, у янги ижт-й қатламларнинг (ёлланма ишчилар ва хизматчиларнинг) ўзларигагина хос бўлган мад-т кўринишини яратишга бўлган интилишнинг натижаси ўлароқ шаклланди. О.м.нинг юзага келиши ва рив-ши айни пайтда ижт-й қадриятларни содда, барча учун тушунарли бўлган тилга кўчириш, оммавий саводхонликнинг ўсиши, нашр маҳ-

сулотларининг пайдо бўлиши ҳамдир. Узоқ вақт давомида дунёқараш ва хулқ меъёрлари устоздан шогирдларга якка тартибда ўтиб келган. Тарихий тар-ёт, ижт-й тажриба ва дастурлар узатиш меҳанизмининг универсаллашуви уларни янада кенгроқ доирага олиб чиқди. Бунга ҳам О.м. шаклланишининг муҳим кўри-ниши сифатида қараш лозим. Бу жараённинг бугунги кундаги ўзига хос натижасини боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнининг универсаллаштирилган — ягона андоза ва дастурлар асосида ташкил этилганида кўришимиз мумкин. Бундай универсаллаштириш ҳозирда глобал миқёс касб этмоқда. XX а.да радио, кино, ТВ, видео, компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида О.м. ривожининг янги босқичига қадам кўйилди. Бу босқич кўпчилик учун мақбул бўлган қарашлар ва қадриятларни шакллантириш имкониятлари кескин даражада ўсгани б-н характерланади. Таъсир этишнинг нозик ва қудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситалар ёрдамида оммавий истеъмол мад-тини, интеллектуал фаолият жисмоний меҳнатни ҳар соҳадан сиқиб чиқариш кучайган бир пайтда жисмоний соғлом бўлишга хизмат қиладиган ҳар хил спорт турларини фаол тарғиб қилиш йўли б-н жисмоний баркамол шахсни шакллантиришга уриниш ҳам ана шу жараённинг натижасидир. О.м. халқ мад-тидан фарқли ўлароқ, нафақат миллий, балки миллатлараро, байналмилал хус-ят касб этиши, айни пайтда, умуман, миллийликдан узоқ бўлиши ҳам мумкин. Кўпгина ҳолларда О.м.нинг муайян намунасининг миллий мансублигини фақат унинг тили ёки ижрочисига қараб ажратиш мумкин. Элитар мад-т кўпчиликка мўлжалланмагани, тушунар-сиз бўлгани б-н ажралиб турар экан, бу унинг ташувчиларини жам-тда алоҳида мавқега эга бўлишларига хизмат қилган. О.м. эса кенг халқ ўртасида машҳур бўлган ўзининг аниқ муаллифлари б-н ажралиб туради. Халқ мад-ти ҳамма вақт муайян макон б-н боғланган. О.м.да эса бундай локаллик кузатилмайди. У аввал бошданок кенг аудиторияга мўлжаллан-

ган бўлади. Унда инсонга хос бўлган ҳиссиётлар — муҳаббат, қўрқув, муваффақиятга эришишга бўлган интилиш, фаройиботга ишонч ва ш.к.га асосланиш устуворлик қилади. Шу йўл б-н О.м. реал ҳаётга қайсидир жиҳатлари б-н ўхшаш, аммо айна пайтда ундан бирмунча узоқ бўлган ҳаёт манзарасини яратади, қарашлар ва қадриятлар тизимини, хулқ моделини шакллантиришга хизмат қилади. О.м. ўзининг мана шу хус-ятлари б-н инсоннинг идеалга бўлган табиий эҳтиёжини қондиришга интилади. О.м олим ва мутахассислар томонидан турлича талқин этилмоқда. Уларни умумлаштирган ҳолда куйидагича ифодалаш мумкин: 1. О.м. — халқ мад-ти, урф-о.лари, маросимлари, санъати ва ш.к.ни ифодаловчи т. 2. О.м. ОАВ ривож б-н боғлиқ ҳодиса. 3. Оммавий ишлаб чиқариш, “кўнгилочар индустрия” томонидан яратилган, омма истеъмولىга мўлжалланган мад-тнинг сийқалаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодиса. Бугунги кунда О.м. мад-й-мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли кўролларида бирига айланган. Истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган О.м. асл кишилик мад-тига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охир-оқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзот, ҳайвон даражасига туширадиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир. Бугунги кунда ОАВ, ТВ мад-тни оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, аввало, одамларнинг қайғу ва хурсандчилигини ифодалаган, уларни қизиқтирган ҳар қандай муаммони товарга, бир қолипга солинган кўнгилхушликка айлантирилишида намоён бўлади. Глобаллашув жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган О.м. экспансияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган туб ўзгаришлар “ижт-й мавжудот” ҳисобланган инсонда муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради, инсон ва жам-т маън-й-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилади, жам-т инқирозга учрайди. Шу маънода, И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...коммунистик мафкура ва ахлоқ

нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоъвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “Оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак... Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун, авваламбор, эзгу инсоний гоълар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт”. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикр-мулоҳазаларида О.м.нинг мазмун-моҳияти, оқибатлари ҳамда унга қарши курашишнинг изчил восита ва омиллари аниқ баён этилган.

ОНА — 1) фарзандни дунёга келтирган шахсга нисбатан қўлланадиган т.; 2) фарзандни дунёга келтирмаган бўлса-да, уни тарбиялаган ёки тарбиялашда муҳим ҳисса қўшган аёлга нисбатан қўлланадиган т.; 3) ўзб. халқи мад-тида кекса аёлга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида қўлланадиган атама; 4) инсон маъ-ятининг илк шаклланиш давларида катта таъсир кўрсатувчи ва авлод дунёқарашининг маълум йўналиш олишида муҳим ўрин тутувчи оила аъзоси. Фарзанд тугилгач, у парваришга муҳтож бўлади, биринчи навбатда, О.нинг меҳр-муруввати б-н тарбияланади, вояга етгач меҳнат қилади, ўзи ҳам фарзандли бўлиб, уларни улғайтириш жараёнида кексаёди. Бу ҳодиса ин-

соният тарихида узлуксиз жараён бўлиб, О.ларга фарзандини тарбиялаш, билим бериш ҳамда уларга ўз моддий ва маън-й бойликларини етказиш имкониятини берган. О.лар оила, қўшнилари давраси, маҳалла ва ижт-й ҳаётнинг барча шаклларида авлодга бебаҳо тажриба етказишади. Улар ёш авлодга ўз ҳаётлари мисолида ибрат кўрсатади. О.ларга ҳурмат ва уларга ғамхўрлик ҳамма ерда ва ҳаммавақт инсоният тар-ётининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб келган. У инсониятнинг яшаб қолиши ва тар-ёти учун шартшароит яратган, ўзини сақлаб қолишга интилиш ва жам-тни сақлаш ўртасидаги асосий ўзаро боғлиқлик ҳамда уйғунликни акс эттирган. О.лар учун ўз оиласи, фарзандлари ва яқинларига, жам-тга кераклиги, улар учун суюкли эканини ҳис этиб яшаш энг юксак бахт ҳисобланади. О.лар фарзандлари оила ва халқ олдидаги бурч ва масъулиятини англаб, уларнинг ҳаётий режаларига камарбаста бўлиб яшаши ва бунинг ортидан эътибор топишини орзу қилиб яшайди. О.ларнинг беминнат хизматида бир умр содиқ бўлиш, уларнинг дуоларини олиш, насиҳатларига қўлоқ тутиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Шарқда О.ларни қадрлаш миллий менталитет даражасига кўтарилган, жумладан, уларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ўзб.она миллий қадрият бўлиб, бу ахлоқий фазилат ҳар бир болага ёшлигидан оила даврасида сингдириб борилади. Ўз навбатида, кўчани кўрган, ҳаёт мураккабликларини енгган, қийинчиликда чиниққан, ақли расо О.лар ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ва кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча таомил, урф-о.ларни ёшларга ўргатади. Шу тарзда, бир томондан, О. ва фарзанд ўзаро мун-тларининг узвийлиги таъминланса, иккинчи томондан, фарзандларда юксак ахлоқий ва маън-й фазилатлар шаклланиб боришига эришилади. Фарзанд О.дан намуна олиб, ҳаётда ўзидан бирор из, яхши ном қолдиришга интилади. Уларда О. туй-файли ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик, бунёдкорлик ҳисси шаклланади. О.лар фарзандига сирдош, суянчиқ, устоз, ҳам-

дard бўлиши маъ-ятимиздаги асосий воқелиқдир. Уларнинг ҳаёт тажрибаси, меҳр-муҳаббати, ақл-заковати ёшлардаги кучгайратни, жўшқинликни, ташаббускорликни тўғри йўлга солишга, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасликка даъват этади. О. умр бўйи ахлоқ-одоб, тарбия, насиҳат б-н камол топиб, энди бошқаларга, авваламбор, фарзандларига маслаҳат бера оладиган, уларга ибрат бўла оладиган ҳаёт донишманди, мураббий, устоз ҳисобланади. О.лар ҳаёт тарзи кўпинча фарзандларнинг “мустақиллик”, “озодлик”, “эркинлик” т.ларини чин қалбдан ҳис этишига олиб келади. О.лар ҳаётнинг пасту баландини, огир-енгилини, кам-кўстини бошдан кечириб, оқни қорадан, яхшини ёмондан, гуноҳни савобдан, дўстни душмандан, адолатни разолатдан, шукроналикни кўрнамакликдан ажрата олади. Ўзб.ларда О.лар фарзандларини оилали, уй-жойли ва албатта, баркамол, бахтли қилиш ташвиши б-н яшайди. Бу улар ҳаётининг мазмунига айланган. Халқимизда азал-азалдан катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларнинг сўзларини икки қилмаслик каби фазилатлар мавжуд. Чунки, ёшлар О.ларнинг ўғитидан, доно насиҳатларидан, ибратли ҳаётидан хулоса чиқаради. Ҳар бир ўзб. оиласида фарзанд ота-О.нинг ҳолидан хабар олиш, уларга зарур шароит яратиб беришни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Ҳадисларда О.га яхшилик қилишнинг қайта-қайта таъкидланиши бежиз эмас. Чунки, О. том маънода фарзандни комиллик даражасига етказишади. Шу боис, О.ларни иззат-ҳурмат қилиш, улар учун зарур шароит яратиб бериш фарзандларнинг инсоний бурчидир. Шу боис ЎЗР Конституциясида ҳам миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-О.лари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда), деб қайд этилган. Ўз навбатида, катта ҳаётий тажрибага эга, турмуш синовларида чиниққан О. ўтмиш мероси, урф-о.лар ва анъаналарни фарзандлар қалбига жо этиб, бир томондан, авлодлараро мун-тларнинг узвийлигини таъминласа, иккинчи томондан, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилади.

ОНАЛИК БАХТИ – аёлнинг фарзанд кўриш, уни тарбиялаш ва камолга етказиш б-н боғлиқ қувонч ҳисси, табиий туйғу; ҳар бир нозик хилқат вакилининг бир умрлик орзуси. О.б. ўзига яраша масъулият ҳамдир. Чунки инсоният тарихининг ҳамма босқичларида оналар табиий тарбиячи вазифасини бажариб келган. Илк тарбия, ахлоқ меъёрлари, миллий менталитетимизга хос анъана ва қадриятлар она орқали фарзандларга синдириб борилади. Онадаги камтарлик, андиша, ҳаё-ибо, тартиб-интизом, сабр-қаноат каби ахлоқий фазилатлар наслдан-наслга ўтади. Бу Шарқ хотин-қизларига хос юксак ахлоқий фазилатларда яққол намоён бўлади. Серфарзанд миллат аёли ўзининг кўпсонли болаларини оиласидаги катта ёшли кишилар кўмагида тарбиялайди. Тажрибадан маълумки, оталар тарбия жараёнида бевосита иштирок этмайди. Лекин аёлларимизнинг оқилалиги ва удабуронлиги сабабли оталар кўпинча тарбия жараёнининг марказида бўлади. Чунончи, хонадонларимизда боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати мумкин ёки мумкин эмаслиги б-н эмас, балки шу иш отасига ёқиш ёки ёқмаслиги б-н ўлчанади. Ш.у. ҳам ёмон иш қилган болани оналар деярли жазоламайди. Улар бундай чоғда: “Отанг ишдан келсин, айтиб бераман”, деган пўписа б-н болаларга таъсир ўтказиши. “Отанг билиб қолмасин”, “Отанг билиб қолсан, уялиб қолсан”, “Ундай қилма, даданг хафа бўлади” каби огоҳлантирувчи танбеҳлар аёлларимизнинг тарбия жараёнида кунда такрор ишлатадиган ибораларидир. Она соғлом ва бақувват фарзандлар дунёга келтириши б-н бирга, уларни ота кўмагида одоб-ахлоқли, юксак маъ-ят соҳиби этиб тарбиялашга ҳам масъулдир. Демак О.б.га муяссар бўлган аёлнинг масъулияти ҳам Ватани, ҳам оиласи олдида бениҳоя каттадир. Ана шу вазифани бекаму кўст бажариши учун у ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши керак. Зеро, она қандай хислат ва фазилатларга эга бўлса, фарзанд ҳам шундай руҳда тарбия топади. Шу маънода, ҳар қандай давлат ва жам-тнинг бугунги куни ҳам, келажаги ҳам айнан онага бўлган

мун-т б-н ўлчанади. Ислом дини ҳар бир аёл зиммасига турмуш ўртоғи, ота-онаси, жам-тта нисбатан бурчлар юклаган. Аллоҳ имонда, солиҳлик ва тақвода олий даражадаги аёлларни инсониятга ўрнак қилиб қўйди. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) завжаи муттоҳаралари Ойша (р.а.) ҳамда қизлари Фотима (р.а.), Исо (а.с.) оналари Биби Марям шулар жумласидандир. Ислом аёлни беҳурмат қилиш, обрўйини тўқиш, уни фисқ учун йўлдан уриш каби салбий ҳолатларни ҳаминша қоралаб келади. О.б.га муяссар бўлган хотин-қизлар янада кўпроқ ўқиб-ўрганишлари, бутун меҳри, қалб кўрини фарзанд тарбиясига қаратишлари даркор.

ОНГ – ақл-тафаккурни ифода этадиган асосий фал-й категориялардан бири. О. кўп қиррали ва мураккаб бўлгани туфайли фал., психология, психиатрия, физиология, кибернетика, информатика сингари турли фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. О. диний талқинда илоҳий ҳодиса, Худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилинади. Кўпгина динларда инсон О.и буюк илоҳий ақлнинг митти акси, унинг намоён бўлиши шакли тарзида таърифланади. Инсон танасидаги руҳ бизнинг истак ва фикрларимиз ташувчисидир. Жон ўлиши б-н О. ҳам ўлади. Бундай қарашларнинг илдизи жуда қадимий бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, О. одам ва унинг яратилиши масаласи б-н бевосита боғлиқ. Кимда-ким олам ва одам яратилганини тан олар экан, О. ҳам Яратганнинг қудрати эканини тан олиши табиий. О. моддийликнинг мияда инсон танаси фаолияти б-н боғлиқ ҳолда талқин қилинади. XVIII а.га келиб, О.ни бевосита инсон мияси фаолияти б-н боғлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. Айни пайтда, материалистик йўналишдаги бундай ёндашувлар доирасида О.нинг моҳиятини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам учраган. Фал. тарихида “Вульгар материализм” деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади. Уларнинг фикрича,

худди жигар сафро ишлаб чиқарганидек, мия ҳам О.ни ишлаб чиқаради. Бундай ёндашув натижасида О. идеал эмас, балки моддий ҳодиса, деган хулоса келиб чиқади. Ваҳоланки, сафрони кўриш мумкин, аммо О.ни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди. О. тарихи инсоннинг инсон сифатида шакллана бошлаши тарихи б-н боғлиқ. Узоқ вақт давомида инсон О.и планетар, яъни Ер шари даражасидаги ҳодиса сифатида қараб келинди. Ҳоз. замон фани мазкур масалага кенгроқ ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, фан далиллари инсон пайдо бўлишини фақат Ерда кечган жараёнлар б-н чеклаб қўйиш тўғри эмаслиги, у коинот эволюциясининг табиий ҳосиласи эканини тобора чуқурроқ исботламоқда. Инсон биологик ва ижт-й ҳаракатнинг ташувчиси экан, унинг шакллари ўртасидаги узвий алоқадорликни, юқори шакллари қўйи шаклларга боғлиқлигини, таянишини, улардан пайдо бўлишини унутмаслик лозим. Бошқача айтганда, улар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. О. тарихи қуёш тизими ва унда миллионлаб йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлардан айрича олиб қаралиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, О.нинг шаклланишини космик ҳодиса сифатида талқин этиш мумкин. О. инъикоснинг олий шакли бўлиб, инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Бунинг учун эса, ҳеч бўлмаса, иккита объект ва улар ўртасида ўзаро таъсир мавжуд бўлиши лозим. Бунда функционал фаолият кўрсатувчи мия соҳиби ижт-й мун-тларга тортилган бўлиши шарт. О. руҳияти инъикосининг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу ҳол руҳият ва О. т.ларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Негаки, руҳият ҳайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон руҳияти ҳақида кетганда ҳам, у О. т.сига нисбатан кенг қамровли экани эътиборга олинishi лозим. З.Фрейднинг фикрича, руҳият О.сизлик, О.ости ҳодисалари ва О.нинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида О. б-н бир қаторда О.сизлик ва О.ости ҳодисалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Психологлар фикрича, инсон

рив-ш жараёнида кўплаб функциялар О. назорати остидан чиқиб, автоматик характер касб этиши кузатилади. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда ёки суратга олаётганимизда деярли барча ҳаракатларимиз О.нинг қаттиқ назоратида бўлади. Вақт ўтиши б-н эса кўпгина ҳаракатларни О.сиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз. Бундай ҳолат инсон фаолиятининг хилма-хил соҳалари, йўналишларига О.нинг фаол тарзда аралашшини, ҳолатни яна қайта ўз назоратига олиши мумкинлигини инкор этмайди. Хатти-ҳаракатларнинг О.сизлик соҳасига кўчиши, бир томондан, О. “юки”нинг энгиллашишига хизмат қилса, бошқа томондан, О.нинг асосий куч-қувватини, “диққати”ни инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга қаратилишига имконият яратади. О.сизлик доирасига О. назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ҳодисалар ҳам киради. Ана шу хус-ятларни инобатга олинса, О.сизлик О. мавжудлиги ва рив-шининг табиий шarti, дейиш мумкин. О.ости ҳодисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўғинидир. З.Фрейд фикрича, улар О.сизлик б-н О. ўртасидаги чегаравий соҳадир. “Гап тагида гап бор, коса тагида — ним коса” нақлида О.остига хос бўлган хус-ятлар ифодаланган, дейиш мумкин. Негаки, ҳар қандай фаолиятимизда айни вақтда биз учун аҳамияти бўлмаган ҳолатлар содир бўлади. Аммо, бу улар кузатишдан, назоратдан четда қолади, дегани эмас. Биз учун аҳамиятли характер касб этганда, улар О.остидан О. доирасига кўчиши мумкин. Мас., бирор жойга бораётганда асосан мақсад томон ҳаракат қилинади, аммо йўлда учраган бошқа нарса ва ҳодисалар ҳам кузатилади, эса қолади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, О.ости инсон О.ли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси сифатида намоён бўлади. О., онтологик маънода, юқори даражада уюшган (ривожланган) материянинг хоссаси, субъектив борлиқ сифатида, гносеологик маънода — идеал шакл сифатида тушунилади. Агар объектив реаллик моддий тизимларнинг турли иерархик, яъни

оддий, майда бўлақлардан тортиб, то био-сфера ва метagalactika даражалардаги воқелик саналса, унда субъектив реаллик идеал тизимларнинг турли иерархик даражалари, яъни сезги, идрок, тасаввур, т.е. ҳукм, хулоса, гипотеза, концепция, наз-я, фан, санъат, фал., дин, мифология кабилардан иборат реалликдир. О. таркиби қуйидаги унсурлардан ташкил топади: сезги, идрок, тасаввур, фикр, ҳис-ҳаяжон, ирода. Улар бир бутунликни ташкил этиб, бундан ташқарида, бирга мавжуд бўлмайди. О. ўзaro алоқада бўлган турли унсурлардан (элемент) ташкил топган мураккаб маън-ий ахборотга эга. О. инъикоснинг ўзига хос шакли экан, аввало, унда акс эттирилладиган объект ҳақидаги муайян билимлар ҳиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, билим О. тузилишининг асосий унсуридир. Ш.у. ҳам билимларнинг бойиб, чуқурлашиб бориши О. рив-шини характерлайдиган муҳим белги сифатида юзага чиқади. О. тузилишининг яна бир унсури хилма-хил кўри-нишларда намоён бўладиган кечинмалардир. Уларда инъикос объектига мун-т гавдаланади. Билимларимизнинг чуқурлиги ва кўлами, ҳиссийларимизнинг намоён бўлиши ёки бўлмаслиги интилишимиз — иродамизга боғлиқ. Ирода кучи оламни англаш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларни энгиб ўтишга, кўзлаган мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилишга йўл очади. Ирода табиат инъоми эмас, уни тарбиялаш, камол топтириш шахс ҳаётида, унинг жам-тдаги ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, иродасизлик энг улуг ният ва мақсадларни барбод қилибгина қолмай, инсоннинг тўғри йўлдан тойишига ва жиддий салбий оқибатларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. О. туфайли билиш ва ҳодисаларни баҳолаш мун-тлари амалга оширилади ва бундан О.нинг асосий билиш ва ҳис-ҳаяжон уйғотувчилик вазифалари келиб чиқади. О. мазмунини, аввало, инсон тажрибаси давомида ҳамиша тасдиқланиб ва ривожланиб борувчи билимлар тизими ташкил этади. Лекин О. б-н билим бир нарса эмас.

Агар билим инсон тажрибаси тасдиғидан ўтган воқелик инъикоси бўлса, О., албатта, воқеликнинг сўзсиз исботланган, ҳақиқий инъикоси бўлмайди. Чунки О. таркибида тахмин, адашиш, алданиш ҳоллари ҳам учрайди. О. таркибида ҳиссий ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Билиш жараёнида ҳақиқатни билиш ҳиссий б-н боғлиқ, ш.у. ҳам фанда фақат ақлий тафаккур б-н қаноатланиб бўлмайди. О.нинг ҳиссий компонентларини қуйидаги даражаларда тасаввур этиш мумкин: а) турли таъсирларга акс таъсир б-н боғлиқ оддий ҳиссийлар — очлик, чанқаш ва ҳ.к; б) инстинктив-аффектив ҳолатлар — олдиндан сезиш, кайфият, руҳий зўриқиш, галлюцинация ва ҳ.к; в) ҳиссий — сезги, ёқтириш, ёқтирмаслик, нафрат. Инсонда ҳайвонлар б-н умумий бўлган ҳиссийлардан ташқари, ижт-ий сабабият б-н боғлиқ ҳиссий ҳам мавжуд. Агар О.нинг воқеликни билиш фаолиятдан мақсад — объектни тўғри англаш бўлса, ҳиссий орқали инсоннинг объектга, ўз фаолияти ва ўзга инсонларга мун-ти турли ҳиссий шаклларда намоён бўлади. Инсоннинг нафақат нарса ва ҳодисалар, уларнинг хус-ятларини англаб етиши, балки уларнинг қимматини ҳам баҳолаши О.нинг аксиологик жиҳатни ўз ичига олганидан далолатдир. О.нинг субъектив дунёсида объектив реаллик нафақат қайта ишланади, балки унда инсоннинг фаол амалий фаолиятига тайёргарлик: режалаштириш, танлаш, мақсадга интилиш каби ҳаракатлар ҳам бўлади. Бундан ташқари, О. субъектнинг ўз фикри, ҳиссийи, фаолиятини назорат қилиб, маън-ий дунёсида ва уни ўраб турган объектив реалликда нималар юз бераётгани ҳақида ўзига ҳисобот беришни тақозо этади. Шундай қилиб, инсон О. нафақат воқелик объектларига, балки жам-т қадриятларига, ўз-ўзига мун-тни ҳам, ўз-ўзини англашни ҳам ўз ичига олади. О. инсонда алоқалар, мун-тлар, объектив дунё қонуниятлари тўғрисида умумий билимлар шаклланишига асос бўлади. О. инсонга мақсад ва режалар тузиш, унинг табиат ва ижт-ий муҳитдаги фаолиятини бошқариш, ундаги борлиққа нисбатан эмоцио-

нал (ҳиссий), рационал (ақлий) ва амалий мун-тларни бошқариш ва назорат қилишда ёрдам беради. О. сўзи тилимизда ақл сўзига нисбатан камроқ ишлатилади, лекин ўз ўрнида ва ўз маъносида қўлланади. Одамнинг фикрлаш қобилияти назарда тутилганда, О. ва ақл атамалари маъноси бир-бирига мос келади: О. ҳам, ақл ҳам одам миясининг маҳсулидир. Одам англайди, яъни, ақл юритади, фикрлайди. Одамнинг ижт-й ҳаётни тушуниши, сезиши, унга мун-ти унинг О.ида юз беради. Сиёсий О., ижт-й О. иборалари ана шундан келиб чиққан. Воқеликнинг киши миясида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналтирилган ҳолда акс этиши О.нинг зуҳуридир. О., ш-дек, кишининг руҳий, сиёсий, фал-й н.назари, диний, бадий қарашларининг ҳам мажмуи ҳисобланади. Ижт-й онг деганда ана шулар назарда тутилади. О.ли киши деганда О.га эга, ақл-идрокли одам тушунилса, О.ли ҳаёт иборасида эса бир мақсадга йўналтирилган турмуш ифодаланади. Воқеликни, ижт-й ҳаётни, ўзининг мавқеи ҳамда тарихий ва фуқаролик бурчини тушунадиган, О.и юксак одамга нисбатан О.ли ибораси жуда тўғри келади. Муайян т.га эга, билимли, мад-тли кишига нисбатан ҳам О.ли ибораси ишлатилади. О.ли равишда фикр юритиш — бу О., ақл-идрок б-н иш тутишдир. Одам атайин, кўра-била туриб ҳам, яъни О.ли равишда бирор ёмон ишга қўл уриши мумкин. Бу унинг қилмиши дейилади. Одамнинг заковат даражаси — фаҳми, идроки, зеҳни, донолиги, етуклиги унинг ақлига боғлиқ. Ақли расо деганда, мияси бутун киши тушунилади. Ақли қисқа ёки калта деганда, фаҳм-фаросати йўқ одам назарда тутилади. Бу сўз эс-ҳуш маъносини ҳам билдиради, мулоҳаза, маслаҳат маъноларини ҳам ифодалаши мумкин. Мас., ақл б-н иш тутди, десак, мулоҳаза б-н, уйлаб иш қилингани маълум бўлади. Хуллас, О. воқеликни, яъни борлиқдаги барча нарса ва ҳодисаларни акс эттиришининг юксак, фақат одамга хос шакли. О. тил б-н боғлиқ. Тилда у ўзининг моддий ифодаларидан бирини топади. О. тилда

моддийлашгач, унинг фаолияти самараси авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади.

ОНГСИЗЛИК — онгнинг ирсият н.назаридан талқини; онглилик хус-ятининг зидди. Маълумки, инсон онгининг юксак шакллари узоқ ижт-й-тарихий тарётнинг кейинги даврида вужудга келган. Шу боис онгнинг пайдо бўлиши тўғрисида мулоҳаза юритганда ижт-й борлиқ, ижт-й тар-ёт, уларга нисбатан мун-т асосий услубий мезон вазифасини бажариб келган ва ҳозир ҳам шундай. Психологик талқинга кўра, О.: 1) воқеликдаги ҳодисалар б-н шартланган руҳий жараёнлар, актлар ва ҳолатлар мажмуаси; 2) ташқи ва ички таъсирларга нисбатан субъектнинг ўзига ҳеч қандай ҳисобот бермаслиги; 3) психик акс эттиришининг шакли, яъни воқеликнинг образи, тасвири, тисоли ва унга нисбатан субъектнинг мун-ти, мушоҳаданинг махсус предмети сифатида вужудга келмаслиги; 4) қисмларга ажралмайдиган яхлит тузилишга эга экани ва ҳ.к. О.нинг онглиликдан фарқи шуки, у акс эттирадиган воқелик субъектнинг кечинмалари, унинг борлиққа мун-ти б-н уйғунлашиб кетади. Ш.у. О.да субъект томонидан амалга оширилувчи хатти-ҳаракатлар натижасини ихтиёрий равишда назорат қилиш ва баҳолаш имконияти мавжуд эмас. О. воқелик субъект томонидан ўхшашлик, айният сингари мантиқий шаклларга асосланиб акс эттирилади. Бу ҳолда бевосита эмоционал ҳис қилиш, эмоционал юқиш ва идентификациялашга дахлдорлик туйғуси орқали турлича ҳодисалар ўзининг тузилиши, моҳияти жиҳатидан ўзига хосликдан қатъи назар, бир тизимга бирлаштирилади, психологик объектлар ўртасидаги муайян хус-ятлар ўртасидаги тафовутлар, мантиқий қарама-қаршилиқлар яққол намоён бўлади. О.да ўтмиш б-н келажак кўпинча бир даврда ҳукм сураётгандек, гўёки улар бирон-бир психик актга бевосита бирлашган тарзда акс эттирилади. О. борлиқни инсон томонидан билишнинг илк шаклларида, ибтидоий тафаккурда, интуицияда, аффектив ҳолатларда, саросимага тушишда, гипноз ҳолати-

да, туш кўришда, одатий ҳаракатларда, ш-дек, интилишлар, ҳиссиёт, хулқ-атворда ўз ифодасини топади. Бунинг сабаблари ва оқибатлари шахс томонидан англандамайди. З.Фрейд О. деб, ижт-й меъёрлар талаби б-н низоли ҳолат, қарама-қаршилик туфайли онгга кира олмаган, амалга ошмай қолган майллар қисилиш механизми ёрдами б-н бегоналашиб, индивид янглиш айтган сўзида, туш кўришида ва б.да акс этишини тушунади. Фрейднинг психоанализида ва унинг издошлари қарашларида О.нинг юзага келиши тор, чекланган маънода тушунилади ва унинг ўзгарувчан хоссаларининг шаклланиши бир ёқлама таҳлил этилади.

ОПТИМИЗМ (лот. *optimus* — энг яхши) — кечаётган воқеа-ҳодисалар жараёнига нисбатан билдирилган икки хил қарама-қарши фикрлар ёки мун-тларни яшилиққа йўйиш. О. кечаётган воқеа ёки ҳодисанинг порлоқ истиқболига, эзгуликнинг қабоҳат, яхшилиқнинг ёмонлик, адолатнинг адолатсизлик, ёруғликнинг қоронғулик, хурликнинг зулм устидан албатта ғалаба қилишига кучли ишонишдир. Фал. тарихида оптимистик қарашларни билим соҳиблари турлича ифодалаб, тарғиб қилиб келганлар. Бунга ўрта а. Шарқ ва Европа Уйғониш даври инсонпарварлик ғоялари вакиллари, XVIII а. франц. маърифатпарварлари илгари сурган таълимотлар, XIX а. охири — XX а. бошларида яшаб ижод этган Фурқат, Аҳмад Дониш, Муқимий, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар ватандошларимиз фаолиятини мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларнинг қарашлари оптимистик руҳ б-н йўғрилган бўлиб, истиқболли келажакка фақат инсон ақлининг эзгу ишларга қодир ишончи орқалигина эришиш мумкин, деган ғоя ифодаланган. Шу н.назардан келиб чиқиб, улар халқ оммасини ҳаётни севишга, инсон ақл-идрокини қадрлашга, илм-маърифатни эгаллашга чорлаган. Тарихий тар-ёт жараёнида оптимистик қарашлар ва уларнинг йўналишлари давр тақозоси ҳамда талабига кўра турлича кўринишларга эга бўлган. Жумладан, диний О., хаёлий О.,

абстракт О., жам-т тар-ётининг эҳтиёжига кўра сиёсий О., бугунги кунда Ўз-нга хос бўлган мустақиллик О.и шулар жумласидан бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда ижт-й О. деб ифодалаш мумкин. Ижт-й О. кишиларнинг мавжуд тарихий жараённинг айна вазиятида зарурий рив-ш қонуниятлари талабларига мос келадиган, жам-тнинг ижт-й онгини ифодаловчи хоҳиш-иродага эга бўлган аксарият аъзоларнинг маърифатпарвар, инсонпарвар қарашларини намоён этувчи қисмининг ёрқин келажакка умид-ишончини, умумий мақсадлари, қарашларини рўёбга чиқариш йўлида ижобий-яратувчилик ҳаракатига чорловчи, етакловчи ҳис-туйғулардир. Ҳар қандай тарихий жараённинг асосий белгиларидан бири, ш-дек, унинг минтақавий ва миллий рив-шида жуда катта аҳамиятга эга бўлган О. ижт-й онг мулки сифатида, ҳар бир шахсга ўзининг шу жам-тга, шу миллий муҳитга, мавжуд ижт-й сиёсат ва иқтисодийга мансублигини англаб етишга бевосита таъсир этади. Ш.у. у фақат табиий-биологик асосга эга бўлган инстинкт сифатида эмас, балки ижт-й воқелик сифатида шаклланади ва фаолият кўрсатади. Шу боис, оммавий кундалик онг илгари сурилган янги реалистик, оптимистик ғоя ва мафкуравий ҳиссиётлар б-н бойиб боради. *Хаёлий О.* — амалга ошиши мумкин бўлмаган бесамар орзу, ўй-хаёл, интилишдир (мас., алхимиклар фаолияти, ширакайф кўкнори хаёллари). *Диний О.* эса бу дунёнинг бевафолиги тўғрисида пессимистик фикрлаш б-н бирга, фақат нариги дунё боқий эканига кишиларни ишонтиради ва у дунё роҳати, жаннати умиди б-н фоний дунёда ҳаёт кечиршига ундайди. *Реал О.* муайян ижт-й тар-ётнинг кишилар фаровонлиги йўлида олдига қўйган мақсад-муродининг амалий ижоботи. Мас., Ўз-ннинг мустақил тар-ёт йўлида олиб борилаётган ижт-й ислохотларнинг бугунги кундаги ижобий натижалари бунинг ёрқин ифодасидир. Бугунги кунда Ўз-н халқларининг ҳаётбахш кайфиятининг асосида мустақиллик О.и ётади ва бу туйғу инсон ҳаёти фаровонлиги учун

зарур бўлган барча жабҳаларда юз бераётган ислохотларнинг ижобий натижаларида, улар амалиётининг кўлами ва фуқароларнинг миллий ўзлигини эркин намоён этиш имкониятларининг мавжудлигида кўринмоқда, ифода этилмоқда.

ОРИЯТ — инсон маън-й қиёфасига хос иззат-нафс, қадр туйғуларини ифодаловчи т. О. инсоний хус-ят бўлиб. О.ли инсон ўзи ва оиласи, миллати ва Ватанининг иззат-нафсини, қадрини юксак тутади. У ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қадрлай билади. О. инсоннинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши ва муомаласида ифодаланади. Инсон О.и оиласи ва бутун миллатнинг О.ини ифода этади. Ўзгалар қадрқиммати, шаънини ўз қадр-қиммати, шаъни даражасида кўрадиган О.ли инсон юқори обрўга эга бўлади. У ҳамиша адолат учун курашади, бунда унинг энг асосий кўмакчиси пок виждонидир. О. шахсни — шахс, миллатни — миллат, давлатни — давлат сифатида сақлаб қолишга хизмат қилади. О. инсонни нотўғри, ножўя хатти-ҳаракатлардан асрайди. Чунки бунга унинг виждони, О.и йўл кўймайди. О.ли инсон муваффақиятсизликка учраса ҳам, ҳеч қачон тушкунликка тушмайди, мақсадига эришиш учун барча қийинчиликларни енгиб ўтишга интилади. Чунки унда О., виждон устун туради.

ОРФЕИЗМ — қад. Юнонистоннинг мистик шоири Орфейга тегишли деб ҳисобланадиган ақидалар, тамойилларни ифода этувчи т. Орфей қалб, руҳнинг илоҳийлигини, тананинг нопоклигини таъкидлаган. О.да ўлим озод бўлиш сифатида талқин этилади. Унда келажакдаги ҳаёт масаласи марказий ўрин эгаллайди. Бу мистик таълимот кўплаб адабий асарларда, хус-н, орфеик лирикада из қолдирган. Унинг таъсирини *пифагоризмда* ҳам кўриш мумкин. Антик даврнинг сўнги давригача унинг ахлоқий таъсири сақланиб қолди. ҳатто Афлотунда биз О.га хос бўлган ҳаётдаги бегоналашувни, келажак ҳаётни орзу қилишни кўришимиз мумкин. Сукрот ҳам ҳоз. ҳаёт бу ўлим,

ўлим эса ҳаётнинг бошланиши бўлиши мумкин, деган тарзда фикр юритгани О.нинг таъсиридан дарак беради.

ОСТОНА — уйга, ҳовлига кириш жойи, дарвозанинг тагига ўрнатилган ёғоч; муайян чегара, белгиланган масканни англатувчи т. Халқимизда уй О.си, ҳовли О.си, эшик О.си, дарвоза О.си, кўшнининг О.си каби иборалар ишлатилади. Баъзан О. сўзи ўрнида яшаш мажмуаси назарда тугилади. Совчиликка борган киши “О.нгизга бош уриб келдик”, “О.нгизни йўқлаб келдик”, “О.нгизга қуллик учун келдик”, “О.нгизни супуриш учун келдик” каби ибораларни қўллайди. Буларнинг барчаси О. уй, хонадон маъносида қўлланган. О. — одамнинг шакл-шамойили, буй-басти, кўриниши, жуссаси, юриш-туриши, овози, таровати, хуллас, ички ва ташқи дунёси, у таваллуд топган, униб-ўсган ва камолотга етган жойга монанд бўлади. Маълумки, етти иқлим кишилари етти хилдир. Олис шимолий ўлкаларнинг аҳолиси сайёрамининг белбоғи бўлмиш ер экватори минтақаларида яшовчилардан фарқланади. Демак, одам ўз Ватанининг бир зарраси. Ҳар бир халқнинг О.си ўзига хос ва ҳар бир халқ ўз О.сини ўзича қадрлайди. Бу б-н мазкур сўзнинг миллийлик хус-яти намоён бўлса, ҳар бир халқнинг О.си бўлиши унинг умуммиллий хус-ятини кўрсатади. Шаҳар, қишлоқ ёки мам-т миқёсида О. ана шу ижт-й бирликларнинг пойи, бўсағаси, кириш жойини англатади.

ОТА — 1) оила бошлиги, алоҳида бир оилага мансуб фарзандларни дунёга келтирган шахслардан бири; 2) ўзб. халқи мад-тида ўзаро мун-тларда бегона бўлсада, ўзидан бир неча ўн ёш катта эркак шахсга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида ёшлар томонидан қўлланадиган атама; 3) инсон маъ-ятининг илк шаклланиш даврларида катта таъсир кўрсатувчи ва авлод дунёқарашининг маълум йўналиш олишида муҳим ўрин тутувчи алоҳида оила аъзоси; 4) тарихда кўплаб инсонларга маън-й таъсир ўтказиб, ҳурматини қозонган шахслар, улуг инсонлар, азиз-авлиёлар, маън-й пирларга нисбатан қўллан-

ган атама. (Мас., ҳоз. Занги Ота, Ўғлон-жон Ота, Шайхонтоҳур Ота, Чўпон Ота, Ҳаким Ота кабилар шулар жумласидандир.) О. ўзб. оиласида асосий ҳолларда бошқарувчи, ҳимоячи, ўз оиласи ва фарзандлари учун барча нарсага тайёр шахс ҳисобланади. Одатда, маън-й жиҳатдан етуқ О.лар бутун куч-қувватини фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялашга, оила турмуши, ижт-й, иқт-й-маиший ҳолатини фаровонлаштиришга сарфлайди. Миллий маъ-ятимизда фарзанд О.сига қандай мун-тда бўлса, ўзига ҳам фарзандларидан шундай мун-т қайтади, деган ақида мавжуд. Ҳадисларда “Кимки О.-онасини рози қилса, Аллоҳ унинг умрини зиёда қилади”, дея одамларни бири-бирига яхшилик қилишга буюрилади. Ибратли маън-й-ахлоқий меросдан ўз ижодида унумли фойдаланган Алишер Навоий “Ҳайрат-ул-аброр”, “Садди Искандарий” ва б. қатор асарлари ҳамда мактубларида О. б-н ўғил мун-тини фал-й таҳлил қилади. Улуғ мутафаккир Султон Бадиуззамон номига йўллаган мактубида: “Аллоҳнинг ризоси — О.нинг ризосига, Тангри таоло ғазоби — О. ғазобига вобастадир, О. фарзанд учун парвардигордир. Чунки Аллоҳ йўқликдан борлиққа фарзандини келтирар экан, сабабчиси қилиб О.ни танлади”, деб ёзади. О.нинг ёши улғайиб, кексайган сари билим, ақл доираси, ҳаётий дунёқараши кенгайиб боради, ҳаёт тажрибаси ортади. Маълумки, Шарқ халқлари ҳаёти оилавий турмуш тарзига асосланган. Фарзанд б-н О. ўртасидаги мун-тлар турли вазиятда турлича кечади. Оиладаги ўзаро мун-тларнинг барча учун мақбул бўлиши О.ларнинг вазмин, мулоҳазали, одилона қарорига боғлиқ. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий “Падарқуш” драмасида ўз қадриятини, ўзлигини унутган фарзанд, ҳатто О.сининг қотилига айланиши ҳам мумкинлигини таъкидлаган. Ислом динига биноан, фарзанд дунёга келгач, О. қуйидаги бурч ва вазифаларни бажариши лозим: 1) фарзандини ҳалол ризқ б-н боқиши; 2) болага чиройли ва

маъноли исм қўйиши; 3) имкони бўлса, ақиқа қилиши (зиёфат бериш); 4) ўғил бола бўлса, суннат қилиши; 5) ҳамма фарзандларини бир хилда кўриши; 6) фарзандларини яхши кишилар б-н дўст бўлишига эътибор бериши; 7) болани одобли қилиб тарбиялаши; 8) яхши ва ёмонни ажратишга ўргатиши; 9) касб-ҳунар ва билим эгаллашга ўргатиши; 10) уйланиш ёки турмушга чиқиш ёшига етганида, фарзандларини оилали қилиши.

Халқимизда азат-азалдан катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларнинг маслаҳатларига амал қилиш каби фазилатлар мавжуд. Ёшлар О.лар ўғити, доно насихатлари, ибратли ҳаётидан хулоса чиқаради. Зеро, «Қарияли уй мактабдир», деб бежиз айтилмаган. Халқда “Қария қариндошлар мойтуғидир”, дейилади. Мойтуғ «туғ» сўздан олинган бўлиб, «байроқ ўрнатиладиган жой», яъни қариндош-уруғлар тўпланадиган маскан, деган маънони англатади. Дарҳақиқат, ҳар бир ўзб. оиласида фарзандлар кўпинча О.-оналар яшайдиган уйда тўпланади, уларнинг дуоларини олишга интилади. Мам-тимизда эл-улус орасидаги оқил, зукко, ҳушмуомала ҳамда тадбиркор, барчанинг эътибори ва ишончини қозонган О. кўпинча ўз маҳалласи тадбирларини бошқаради. Оқсоқол О. маҳалла ҳаётининг барча жабҳаларига фаол аралашади. Хус-н, маҳалла ёшларининг оилавий ва ўзаро мун-тлари, дўконлар, ошхона, чойхона ва бозорларда савдо қоидаларига риоя этилиши, атроф-муҳитнинг тоза-озодалиги, ободлиги, фуқароларга мад-й хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда О.лар, кексаларнинг ўрни катта. Ўзб. маҳаллаларида оқсоқол О. учун “бегона” хонадон ёки “нотаниш” одам бўлмайди. Ш.у. ҳам у исталган хонадонга бемалол эшик қоқиб кираверади, маҳалладошлар б-н сирдош, ҳамфикр бўла олади. Оқсоқоллар жамоатчилик орасида О.-бола, қайнона-келин мун-тларини, бирор хонадондаги носоғлом муҳитни, ҳуллас, оиланинг оддий икир-чикирларигача ўрганиб, ўз мун-тини билдиради, мавжуд келиш-

мовчиликларни бартараф этишга уринади. Қадимдан маҳалла оқсоқолининг ҳақ-хуқуқлари шу тарзда шаклланиб келган. Оилада О.нинг ўрни ва роли қай даражада бўлса, маҳалла О.си — оқсоқолнинг ҳам мазкур маскандаги нуфузи, мартабаси шундай юқори туради.

ОЧИҚҚЎЛЛИК — инсон маън-й қиё-фасига хос хус-ят, сахийлик, қўли очиқлик, хотамтойлик маъноларини англатадиган т. О. ҳар кимга ҳам насиб қилаверадиган хус-ят эмас. Бундай хус-ят айрим одамлардагина учрайди, ш-дек, у бойларга ҳам, камбағал одамларга ҳам хос бўлиши мумкин. О. хус-ятига эга бой-бадавлат кишилар кам таъминланган, кўп болали, иқт-й жиҳатдан қийналиб қолган оилаларга савоб учун доимий равишда ёрдам кўрсатиб келади. Баъзан ўртаҳол кишиларда ҳам О. хус-яти бўлади. Бу уларга ажодларидан ўтган бўлиши мумкин. Кўринадики, О. сўзи маъ-ятга бевосита тегишли, негаки, маън-й етук кишигина О. бўлиши мумкин. Ўзб. халқига О. хус-яти азалдан хос, унинг бу хус-яти, айниқса, II Жаҳон уруши давридаги оғир дамларда синалган ва б. халқлар томонидан тан олинган. Ш.у. О. халқимиз маъ-ятдан чуқур ўрин олган, миллий менталитетимизга хос хус-ят сифатида қадрланади. Ўзб. халқининг О. хус-яти ёзувчи Раҳмат Файзийнинг “Ҳазрати инсон” романи ва шу роман асосида ишланган “Сен етим эмассан” фильмида ёрқин ифода этилган.

ОҚҚЎНГИЛ(ЛИК) — юмшоқ кўнгиллилик, раҳмдиллик, кўнгилчанлик мазмунини англатадиган т. О. кишилардаги энг яхши ижобий хислатларни ифодалайди. О. “раҳмдиллик” сўзи б-н маънодош. Раҳмдил инсон ўзгалар ташвишини ўз ташвиши, хурсандчилигини ўз хурсандчилигидек қабул қилади. Ҳар бир инсонга қўлидан келганича ёрдам беради, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Ш-дек, О. “кўнгилчанлик” иборасининг синоними ҳисобланади. Кўнгилчанлик кишига

баъзан яхшилик келтирса, баъзан салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Яхши инсонга қилинган кўнгилчанлик одамга обрў келтиради. Ёмон одамга кўнгилчанлик қилинса, баъзан яхшилик эвазига ёмонлик қайтиши ҳам мумкин. О. — ўзб. халқига хос ижобий фазилат.

ОҚПАДАР — жуда катта гуноҳи, но-жўя хатти-ҳаракати учун ота-она томонидан оқ қилинган, лаънатланган, ота-онадан юз ўтирган фарзандга нисбатан қўлланадиган т. О. салбий маъно касб этиб, маълум гуноҳлари туфайли оиладан ажратиб юборилган шахсни англатади. Олик — фарзанд учун фожа. Ота-онанинг қарғишига учраган О. фарзанд Ватанига ҳам вафо қилмайди. Баъзан фарзандга О. тамғаси тушишига оилавий тарбия ҳам сабаб бўлади. Оилада эрнинг хотин, хотиннинг эр олдидаги, улар икковининг фарзандлари, фарзандларнинг ота-оналари олдидаги масъулияти ва бурчининг тўғри бажарилмаслиги ана шундай салбий ҳолатларга олиб келади. Оилавий, маън-й мун-тларда эр-хотин, ота-она ва фарзанд ўртасидаги меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, меҳр-оқибат каби инсоний туйғуларнинг ўрни ва аҳамияти беқийс. Оила аъзолари бир-бирлари б-н умумий турмуш, ўзаро иқт-й, мулкӣ, ҳуқуқӣ, ахлоқӣ, руҳӣ алоқалар б-н боғланади. Оиланинг биринчи вазифаси ўз наст-насабини давом эттириш, жисмонан ва маънан баркамол фарзандларни тарбиялаш, оилавий муҳитни қарор топдириш, ҳалол меҳнат қилиб, жам-тга фойда келтиришдан иборат. Мазкур тизимнинг бирор мурватига путур етганда, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ижт-й мун-т бузилади ва фарзанднинг О. бўлишига асос пайдо бўлади. Халқимизда О.лар қадимдан қоралаб келинган. Негаки, ўзб. халқига хос муҳим фазилатлардан бири — ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш. Ушбу т. маъ-ятга бевосита алоқадор бўлиб, у ёшларни ота-она, катталар ва Ватанга нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлиб, бундай тамгадан холи бўлишга ундайди.



ПАДАРКУШ — ўз отасини ўлдирган қотилга нисбатан қўлланадиган т. П. “онгсиз”, “калтабин”, “манкурт” сўзларига синоним ҳисобланади. Негаки, П. ўз қилмишини онгсизлик, калтабинлик, манкуртлик асосида бажаради. Тарихдан буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулатифнинг отасига нисбатан П.лик қилгани маълум. Бундай жирканч ишга қўл урган кимсалар абадул-абад тавқи ланатга дучор бўлган. Жам-т тар-ётининг маълум бир даврида унда кучли ижт-ийсиёсий ўзгаришлар бўлиши табиий. Бундай шароитда муайян ғояга кучли эҳтиёж сезилади. Хус-н, XX а. бошларида ўзб. халқининг маърифатга бўлган интилиши кучайиб, бу ҳол айниқса, маърифатпарвар-жадидларнинг саъй-ҳаракатларида яққол намоён бўлди. Маърифати юксак одамнинг маъ-яти ҳам юксак бўлади. деган гап ўша пайтларда ўзини оқлади. Маърифатсиз одам маън-й жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ҳатто ўз отасини ўлдириш даражасигача боришини маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш” драмасида ҳаққоний тасвирлаб берди.

ПАЙҒАМБАР (форс. хабар берувчи, муржа келтирувчи; араб. набий, расул) — Аллоҳнинг хоҳиш-иродасини, динини бандаларига етказувчи, Аллоҳнинг ўзи танлаган вакили. П. Аллоҳ б-н бандалари ўртасидаги элчи. П.ларнинг биринчиси Одам (а.с.) бўлса, охиргиси Муҳаммад (с.а.в.)дир. П. б-н бир қаторда кўпинча “расул” атамасидан ҳам фойдаланилади. Аммо “расул” сўзи ўзига хос маънога эга. Расул (араб. элчи) — ислом анъанасига кўра, Аллоҳ томонидан танлаб олиниб, вакил қилинган, тарғибот, даъват қилиш вазифаси топширилган, илоҳий китоб нозил қилинган тўрт П.га (Мусо а.с., Довуд а.с., Исо а.с., Муҳаммад с.а.в.)га нисбатан қўлланадиган т. Набий китоб нозил қилинмаган П., шу боис ҳамма

набий П.дирлар, аммо набийларни расул деб бўлмайти. Ақидага кўра, 124 минг П. яшаб ўтган. Қуръони каримда 25 нафар П.нинг исми зикр этилган.

ПАНТЕИЗМ (юн. *pan* — ҳамма, *theos* — Худо) — Худо б-н оламни айнийлаштирувчи фал-й таълимот. “П.” атамасини биринчи бўлиб инглиз файласуфи Ж.Толанд (1705), сўнгра нидерланд илоҳиётчиси Й.Фай (1709) қўллаган. П. турли тарихий даврларда моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган фал-й тизимлар ва хилма-хил қарашларни ўзида акс эттириб келди. П.ни Шарқ ва Ғарб П.ига бўлиш анъанаси мавжуд. Абу Наср Форобийнинг борлиқ ва унинг вужудга келиши ҳақидаги таълимоти пантеистик характерга эга. Унинг қарашларида моддий ибтидо ўзини тангри орқали намоён қилади. Тангрида моддий ибтидо гўёки очиқ-ойдин ифода этилмаган муайян шаклда мавжуд бўлади. Кейинчалик у ноаниқлик шаклидан ўзини озод қилади, куч-қувватига яраша намоён бўлиб боради. Мутафаккир бу жараёни жўжанинг тухумдан чиқишига қиёслайти. Унинг таъкидлашича, “яратилиш жараёни нарса мавжудлигини сақлашдан иборатдир”. Машҳур араб файласуфи Ибн Рушд (1126—1198) Абу Наср Форобийнинг пантеистик қарашларини ривожлантириб, Яратганни шаҳар ҳокимига қиёслайти. У “Раддиянинг раддияси” асарида “Коинотни бошқариш шаҳарни бошқаришга ўхшайди. Унда ҳар қандай бошқарув марказдан туриб амалга оширилади. Лекин ҳамма нарса ҳам бевосита ҳукмдор томонидан бажарилавермайди”, деб ёзади. Э.Ренаннинг таъкидлашича, Форобий талқинидаги худо “ғилдиракнинг марказига ўхшаб, унинг сиртқи қисмларини ўз ҳолича айланишига монелик қилмайди”. Ибн Сино Форобийнинг анъаналарини давом эттириб, “вужуди вожиб” ва “вужуди

мумкин”нинг ўзаро мун-тида неоплатоник эманация (нурланиш) таълимотига алоҳида эътибор беради. Мутафаккир нурланиш таълимотига мурожаат қилар экан, уни Яқин Шарқ анъаналарига хос диний-натуралистик тасаввурлар б-н биргаликда ўрганишга ҳаракат қилади. Бунда коинот, фалакнинг табиат ва инсон ҳаётини таъминлашдаги роли алломанинг диққат марказида туради. Аллома назарида, ёруглик манбаи моҳиятан барча мавжуд ва билиниши зарур ашёларнинг бевосита идрок этилиши мумкин бўлмаган ботиний, яширин, сирли сабабини ташкил этади. Бундай қарашлар тизими пантеистик кайфиятларнинг янада кучайишига олиб келди. Пантеистик анъаналар Фарбада Иоанн Скот Эриугена (тахм. 810–877), Давид Динанский, лотин авероизми вакили Сигер Брабантский (тахм. 1240–1281), кейинроқ эса Мейстер Экхарт ва б. томонидан ривожлантирилди. Эриугена схоластик христиан фал.сида биринчилардан бўлиб Худо ва оламнинг ўзаро мун-ти муаммосига мурожаат қилди. Унинг таъкидлашича, воқеликни билишга жазм қилган инсон ақли рўпасида турган энг муҳим муаммо борлиқ масаласидир. Борлиқ юнонлар томонидан “фидис” (табиат) деб номланган бўлса, лот. “натура” деб аталган. Борлиқ натура экан, демак, Худо ҳам у б-н айнандир. Оламдаги барча ўзгаришлар жараёнида у нарсаларнинг “ибтидоси, оралиги ва интиҳоси” вазифасини адо этади. Эриугена “Худо ҳамма нарсалардадир... у барча нарсалар моҳияти сифатида барҳаётдир”, деган хулосага келади. Мейстер Экхартнинг (1260–1327) фикрича, Худо ўзга нарсаларга нисбатан ўзига хос универсал ижодий фаоллик сифатида намоён бўлади. Унинг таълимотида Худо ва борлиқ, Яратувчи ва табиат айнанлаштирилади, оламнинг яратилиши аниқ муддатдан ноаниқ абадийликка кўчирилади. Худо барча нарсалар б-н бирга бўлсада, лекин бирон-бир нарса унинг ўзида мавжуд эканини англаб бўлмайди. Бундай хус-ят инсон зотига берилган, холос. “Менинг руҳимда шундай куч борки, у Худони идрок эта олади. Худодан бошқа

ҳеч қандай нарса менга бунчалик даражада яқин эмас. Худо менинг ўзимга яқинлигимдан кўра яқинроқдир”, дейди Экхарт. Худо б-н инсон руҳи ўртасидаги теран ва ички алоқа ҳар қандай инсоннинг Худо б-н боғланишига имкон яратиб беради. Бунинг учун эса образ-тимсол ва т.ларга таяниб, иш кўрадиган оддий билишнинг ўзи етарли эмас. Лекин уни мутлақ илоҳийлик сифатида уқиб, бунга мистик интуиция кўмагида эришилади. П.нинг хилма-хил кўринишлари фал-й тафаккур ривожига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Айниқса, ҳоз. вақтда унинг персонализм фал.сидаги мавқеи сезиларлидир.

ПАТЕРНАЛИЗМ (лот. *paternus* — отага тааллуқли) — 1) дастлаб Италияда пайдо бўлган, каттанинг кичикка, қариндошнинг қариндошга, устознинг шогирдга, яқинларга нисбатан гамхўрлиги асосида фаолият юритишни ифодалаган атама; 2) ижт-й мун-тларга киришаётган томонлар ўртасидаги мавжуд ишлаб чиқариш мун-тларини уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришга маън-й омил таъсирини ифодалайдиган т. Илк италянча П. т.си асосида иш берувчи б-н иш бажарувчилар ўртасидаги ўзаро мун-тларда иш берувчилар меҳнат тақсимоти, меҳнат муҳофазаси ва меҳнатга ҳақ тўлашда маҳаллий иш бажарувчиларга нисбатан ўз ҳамюртларига имтиёз бераётгани туфайли иш бажарувчилар ҳам меҳнатга эл-юрт манфаатларини кўзлаб мун-тда бўлишлари лозим, деган қараш ётади. Демак, иш берувчиларнинг ўз ҳамюртларига хилма-хил моддий ва маън-й рағбатлантириш воситаларини қўллаётгани учун иш бажарувчилар ҳам муросага келиб, ижт-й тенгсизлик ва ижт-й адолатсизликка қарши бош кўтармасликлари ватан равнақини таъминлайди. П. гоёсига кўра, жам-тда ўрнатилган ва ҳукм сураётган меҳнат тақсимоти доирасида иш бажарувчилар кўп, улар арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш б-н жаҳон бозорига тез кириб бориб, ватан шон-шарафини оширишга қаратилган “патерналистик” мун-тлар таллабларига жавоб берадиган тартиб-қоидаларга бўйсунтирилган.

П. гоёси кейинчалик Италия доирасидан чиқиб, бошқа ривожланган мам-тлар ижт-й ҳаётига ҳам татбиқ этилди. Ҳоз. цивилизациялашган бозор иқтисодиёти мун-тлари шароитида П. гоёси ривожланаётган мам-тларнинг ижт-й ишлаб чиқариш мун-тларида ҳам намоён бўлмоқда.

ПАРОКАНДАЛИК — тарқоқлик, тартибсизликни ифодаловчи т. П. ибораси тартиб, интизом сўзларининг антоними ҳисобланади. П. қад. саркарда аждодларимиз томонидан ҳам қораланган. Чунки лашкарлар сафидаги П. бутун давлатнинг йўқ бўлишига, кўплаб одамларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган. Душман кўшинига П. солиш йўли б-н ғалабага эришилган. П. яроқли бўла туриб ишсиз юриш, зинкорлик, ота-онага оқ бўлиш, фолчилар сўзига ишониниш, сеҳр-жоду б-н шуғулланиш, ирим қилиш, савдо-сотиқда фирромлик қилиш, бировнинг ҳақиқа, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғирлик, қароқчилик, майхўрлик, бировни масхара қилиш, ғийбат, тухмат, бўхтон, бадгумонлик, жосуслик, чақимчилик, ёлгончилик, обрўни тўкиш, қотиллик, порахўрлик, бевафолик каби қўпгина салбий хус-ятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. П. кенг ёки тор миқёсда рўй бериши мумкин. Кенг миқёсда П. дейилганда, жам-т, давлат миқёсидаги П. тушунилади. Бунда бутун бир халқ, давлат азият чекиши мумкин. Тор миқёсда П. эса бир оила, жамоа ёки муайян гуруҳ доирасида рўй беради. Лекин оила жам-тнинг таркибий қисми ҳисоблангани учун бундай П.дан жам-т ҳам албатта азият чекади. Кўринадики, ҳар қандай тор доирадаги П. ҳам кенг миқёсда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ПАЦИФИЗМ (лот. *pacificum* — яраштирамоқ, битиштирмамоқ) — ҳар қандай урушларга, уларнинг характери ва мақсадларидан қатъи назар, жумладан, адолатли, озодлик урушларига ҳам қарши курашувчи кишилар ҳаракати. Улар кишиларни қурбон қилишга олиб келадиган ҳар қандай қуролли ҳаракатларни, уларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, мақсадлари инсон ахлоқига зид деб қарайди ва қоралайди.

ПЕДАГОГИКА (юн. *país* — бола, *agogos* — раҳбар) — тарбия ҳақидаги таълимот, фан; тарбиялаш санъати. П. тарбия ва таълим соҳасига тегишли билимлар йиғиндиси. У тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва қонуниятларини, унинг жам-т ҳаёти ва шахс тар-ётидаги ролини, таълим жараёнини ўрганайди. У тарбия наз-яси, дидактикани ўз ичига олади. П. фал., психология, одам анатомияси ва физиологияси сингари соҳалар б-н боғланган. Бугунги кунда П. кўплаб тармоқларга бўлинган илм-фан соҳасига айланган. Болалар П.си, профессионал таълим П.си, оилавий тарбия П.си, олий ўқув юртлари П.си, ҳарбий П., мад-й-оқартув ишлар П.си, дефектология, П. тарихи ва б. шулар жумласидандир.

ПЛАТОН (мил.ав. 427—347, Афина) — юнонистонлик буюк файл. Аттика қирол сулоласи вакили Кодра оиласида туғилган. Онаси Периктиона ҳам ўз даврининг таниқли одамлари—машҳур қонуншунос Солон ва ҳукмдор Критийлар сулоласидан. Маълумотларга кўра, Критий П.нинг Суқротдан таълим олишига сабабчи бўлган. Устози Суқротнинг фожияли ўлимидан (399) сўнг П. Афинани тарк этади. Авваламбор, у Мисрнинг Гелиопол шаҳрида математика, жам-тшунослик, иқт-ёт ва б. фанларда эришилган ютуқлар б-н яқиндан танишади, сўнгра Жанубий Италияга ва Сицилия оролига боради ва илмий фаолиятини давом эттиради. Унинг фал-ий қарашлари “Тимей”, “Катта Гиппий”, “Федон”, “Базм”, “Филеб”, “Федр”, мантиқий таълимоти — “Софист”, “Театет”, “Менон”, сиёсий қарашлари эса — “Сиёсат”, “Қонунлар”, “Критий”, “Давлат” ва б. асарларида баён этилган. П. фал.сида “Ғоялар дунёси ва соялар дунёси” асосий ўрин эгаллайди. Унинг таълимотида кўра, “Ғоялар дунёси” бирламчи, “соялар дунёси” эса, иккиламчидир. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқни ифодалайди, соялар — яъни оламда мавжуд нарса, ҳодисалар — ўзгарувчан бўлгани боис ҳақиқий бўла олмайди. Чунки ҳақиқий тар-ёт ғоялар дунёсига хос. Ҳақиқий ўзгариш ва тар-ётни ҳамма ҳам

билмайди, чунки уларни билиш учун инсон катта ақл, соф тафаккур эгаси бўлиши керак. ўзгарувчан соялар дунёсини билиш учун эса инсонга ҳиссиёт ва идрок етарлидир. “Ғоялар дунёси” замон ва маконга боғлиқ бўлмай, мангу, абадий ва ўзгармасдир, ш.у. ҳам у ҳақиқий дунёдир. П. таълимотида ижт-й фал., жам-т ва давлат масалалари муҳим аҳамиятга эга. Унинг сиёсий, педагогик ва ахлоқий қарашлари ҳам “ғоя” таълимоти б-н узвий боғлиқ. Унингча, давлат аристократия қўлида бўлиши ва халқни итоат этишга мажбур қилиши лозим. П. ўзининг “идеал давлат” наз-ясида жам-тни уч табақага: давлат арбоблари – файл.лар; соқчилар (ҳарбийлар); деҳқонлар ва ҳунармандларга бўлади. Бундай давлатда донолик, жасорат, меъёр ва адолат каби тўрт тамойил устувордир. Давлатни бошқарувчи шахслар, авваламбор, ана шундай сифатларга эга бўлишлари керак. Унинг ахлоқий қарашлари ҳам ушбу принципларни атрофлича исботлашга қаратилган. П.нинг ахлоқий қарашларига кўра, маън-йликнинг манбаи инсон ва жам-тдан ташқарида туради. Маън-й сифатлар (эзгуликлар) индивидга азалдан берилган, эзгулик туғмадир. Олий фазилат оқиллик – жоннинг оқил қисмининг намоён бўлишидир. Бу донишманд файласуфларга хос фазилатдир. Мардлик (қаҳрамонлик ёки руҳнинг кучи) соқчи-ҳарбийлар учун туғма бўлиб, давлатни ҳимоя қилишга қаратилган. П. таълимотида, оқиллик ва мардлик ижобий, фаол фазилатлар. Жоннинг ҳирсий қисмининг мўтадиллик б-н боғлиқлиги ҳунармандларга, деҳқонларга. яъни халққа хос бўлиб, улар давлатдаги икки юқори табақага бўйсунилари лозим. Фазилатлар пиллапоясининг куйи қисмида қуллар туради. Улар умуман ахлоқдан ташқарида турадилар ва бирон-бир фазилатга эга эмас, чунки уларда жоннинг мавжудлиги мавҳумдир, дейди файласуф. П.нинг фикрича, одиллик шахсий фазилат бўлмасдан, балки давлат фазилатидир. Идеал давлат мажбурий идорадир. Барча ижт-й ҳаёт олий тамойилга, яъни давлат ердаги ҳаётнинг олий шакли сифатида тарбиявий аҳами-

ятга эга бўлиб, кишиларни янги фазилатларга, фазовий ҳаётга тайёрлайди. У ўз вазифасини адо этгач, Худонинг ердаги маконига айланади. Файласуф ўзининг сўнгги асари «Қонунлар»да давлат тўғрисида фикр юритиб, маън-й тарбияга катта эътибор қаратади ва қонунчиликни ахлоқий жиҳатдан мустақамлаш тўғрисида гапиради. Файласуф бу асарида маън-й сифатларни (фазилатларни) туғма деб таъкидлайди. Тарбия фақат азалдан инсонга берилган фазилатларни шакллантиради, юзага чиқаради, холос. Бордию, тарбия нотўғри берилса, у ҳолда инсондаги азалий фазилатлар ўзгариши ёки йўқ бўлиши мумкин. Унингча, ахлоқнинг асосини, маън-йликнинг намунасини илоҳият ташкил этади. П. фикрича, маън-й тарбиянинг асосий масаласи бу қонунларга ихтиёрий равишда бўйсунилга эришишдир. Унинг таълимоти ўзининг аҳамиятини йўқотмаган ва бугунги кунда ҳам ижт-й-маън-й, илмий-маър-й ҳаётнинг турли соҳаларида инсоният тафаккурининг мумтоз намуналари сифатида амал қилиб келмоқда.

ПЛЮРАЛИЗМ (лот. *pluralus* – кўплик, кўп хиллик, кўп сонлик) — монизмга бутунлай зид бўлган фал-й таълимот. П. атамаси биринчи бўлиб немис файласуфи Х.Вольф томонидан 1712 йили илмий муомалага киритилган. П. ижт-й-сиёсий ҳаётда турли ижт-й гуруҳлар ва улар манфаатларини ҳимоя этувчи сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, диний ва б. ташкилотлар эркинлигини, ўзаро рақобатни ифодалайди; ҳоз. замон реформизмининг асосий ғояларидан бири. П. бутун борлиқ асосига ёлғиз материяни (материалистик монизм) ёки фақат руҳ, ғояни кўядиган (идеалистик монизм) фикрга қарши т.дир. П. намояндалари XVIII-XIX а.ларнинг бошқа анъанавий фал-й таълимотларидан фарқли равишда ўз таълимотларига кенгроқ дунёқараш тусини берадилар. Онтологик П. ижт-й ҳаётда хилма-хил — иқт-й, жуғрофий, сиёсий, маън-й ва б. омиллар бир хил аҳамиятга эга экани тўғрисидаги ғояни илгари суради. Шу боис, П. мантиқ ва

билиш наз-яси (гносеология) соҳасига ҳам ўтди. Бу эса бир-бирига зид бўлган барча тадқиқот услубларининг тенг эканини эътироф этишга, яъни релятивизм ва конвенционализмга олиб келди. Ахлоқий-ҳуқуқий соҳада П. барча ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга тенг қимматга эга экани эътироф этилди, айримларининг устунроқ қўйилиши эркин танлаш оқибати деб ҳисобланди. Ижт-й-сиёсий соҳада П. кўппартиялик, барча сиёсий-ижт-й гуруҳлар манфаат ва қарашларининг ўзига хослигини билдиради. Сиёсий П. ҳоз. замон демократик жам-тининг муҳим ҳус-ятларидан бири саналади. Сиёсий П.нинг асосий белгилари: а) ижт-й қадриятларнинг ҳар хиллиги; б) рақобатчилик ва муҳолифатга йўл бериш орқали ҳаёт ранг-баранглигини таъминлаш; в) жам-т таркибий қисмларининг ўзаро тенглиги ва мустақиллиги; г) диктатура ва зўравонликдан воз кечиш, қарама-қаршилик ва можароларни қонун йўли б-н, тинч ҳал қилиш кабиларда намоён бўлади. П. тамойиллари ижт-й ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин, шу боис “иқт-й П.”, “ижт-й П.”, “сиёсий П.” т.лари мавжуд. Сиёсий П.сиз иқт-й ва ижт-й ҳаётда П. бўлмаслиги табиий. Ўз навбатида, сиёсий П. маън-й П.сиз — эски қолип ва ўлчовлардан воз кечиш-сиз ривожланмайди. Сиёсий П.нинг муҳим кўриниши кўппартиявийликдир. П. ҳоз. замон цивилизациясининг муҳим ютуқларидан биридир.

ПОЗИТИВИЗМ — Фарб мам-тларида кенг тарқалган фал-й тафаккурнинг бир кўриниши бўлиб, унинг диққат марказида фал. ва фаннинг ўзаро мун-ти муаммоси туради. XIX а.нинг 30-40 йилларида марксизм фал.си ўзини ягона илмий дунёқараш деб даъво қилиб чиққанидан бир оз олдинроқ Францияда О.Конт эски фал-й анъаналардан узил-кесил воз кечиш ва янги илмий фал. яратиш зарурлигини таъкидлаб, П. фал.сига асос солди. О.Контнинг фикрича, фал.-нинг фан б-н ўзаро “даъвогарлик” тарихи шундан далолат берадики, “метафизик”, яъни фал-й муаммоларни илмий-

лик руҳига мослаштиришга бўлган барча уринишлар беҳуда. Ҳар қандай фан унга ўз ҳукмини ўтказишга жазм қиладиган фал.га муҳтож эмас. У ҳар қандай таянч-ни фақат ўзида топиши мумкин. Анъанавий фал. муаммоларини илмий н.на-зардан, яъни тажриба ва ақлий муҳокама кўмагида ҳал қилиб бўлмайди. Метафизика сарқитларини фандан сиқиб чиқариш зарур. Бундай сарқитлардан бири — фаннинг ҳодисаларни сабаб-оқибат тамойили асосида таҳлил қилиши ва уларнинг моҳиятига кириб боришга даъвосидир. Фаннинг вазифаси ҳодисаларнинг “нима учун” эканини ўқтириш эмас, балки уларнинг “қандай экан”ини ёритиб беришдан иборат. П. рив-ши жараёнида фандан дунёқарашга бевосита тааллуқли муаммолар бирин-кетин олиб ташланади. Буни XIX а. П.ининг йирик вакиллари Ж.С. Милл ва Г. Спенсер қарашларида яққол кўрамаиз. П. вакиллари таъкидлашчи, билиш, тажриба, субъект-объект мун-ти, нарса, субстанция, воқеликнинг унсурлари, физиологик ва психологик жараёнларнинг ўзаро алоқдорлиги масалалари соф метафизик муаммолар бўлиб, улардан воз кечиш мақсадга мувофиқ. П. негизда мантиқий П., неоП. ва постП. оқимлари вужудга келган.

ПОКЛИК — маън-й-эстетик категория сифатида энг муҳим маън-й-ахлоқий талаблардан бири бўлиб, самимийлик, садоқат, ишонч ва табиийликни ўз ичига олган. Инсон қалбининг П.и унинг садоқати, ишончи, табиийлиги, самимийлигида билинади. Пок — а) ифлосликдан ҳоли; тоза (пок жой, пок кийим); б) (кўчма) ҳалол, тўғри (пок инсон). Нопок — а) тоза, озода эмас, ифлос (нопок кийим); б) ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган, қабих, ярамас (нопок одам); в) ёмон, жирканч (нопок иш). П. инсон маъ-ятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Чунки П. мазмунида оқиллик ва эътиқодлилик, шарм-ҳаё ва ор-номус, зийраклик ва фаросатлилик, ўз ёрига муҳаббатли бўлиш, ҳалоллик, меҳрибонлик каби ижобий хислатлар мужассамлашган. П. — улуғлик. П. турмушда, меҳнатда ва

кишилар б-н ўзаро мун-тда намоён бўлиб, у зехн ва идрок тиниқлигидир. Маън-й П. ахлоқ зиёсидир. Унда руҳ шаффофлиги, сезги туйғулари юксак. Маън-й П. инсонни айб ва камчиликлардан тозалайди, руҳан ҳаётга рағбатлантиради. Инсоннинг пок, озода бўлиши, озодаликни сақлаши ва унга ҳамиша амал қилиши соғлом турмушнинг асосий омилдир. Пок одам уст-боши, юз-қўллари, уй-жойларини тоза тутати, фарзандларини ҳам шунга ўргатади. Киши ҳаётида ахлоқий П. биринчи даражали вазифадир. Ахлоқий П. таъма ва молпарастликка мутлақо зид. Ишларнинг поки — чиройли ва ҳалол бажарилганида, эътиқодларнинг поки — қатъийликда, таомларнинг поки — ҳалолликда. Демак, пок нарса фақат П.ни келтиради. Пок инсон ширин гапиради, фақат эзгу ишларни бажаради. Алишер Навоий маърифатга эришган ҳар бир киши ахлоқ жиҳатдан пок, кўнгли оқ, лафзи ҳалол бўлиши шартдир, деб таъкидлаган. У Фарҳодни шундай таърифлайди: “Демакки, кўнгли поку ҳам сўзи пок, Тили поку, ўзи пок”. Инсон ўз феълини яхшилаши, хулқини поклаши, қалбини мусаффо қила олиши унинг ўзига, интилишига боғлиқ. Агар бунга амал қилмаса, ёмон ишларга ўрганиб, разолат ботқоғига ботиши мумкин. П. виждонлик кўринишларидан бўлиб, унинг зидди ёлғончилик, ўғрилиқ, хоинлик ва мунофиқликдир. П. — инсоннинг маън-й гўзаллигини белгилайдиган мезон. Инсоннинг П.и, аввало, виждони П.и б-н белгиланади. Пок виждонли инсон инсоф ва фаҳм-фаросат каби маън-й фазилатларга эга бўлади. Инсоннинг бошқалар ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиши, аҳдига вафодор бўлиши, садоқатли, шарм-ҳаёли ва ор-номусли бўлиши, уятли ишларга дуч келганда ҳижолат тортиши, жам-тда қабул қилинган турмуш тарзи мад-тига риоя қилиши, ҳар бир иш учун масъулиятни ҳис қилиши ... булар унинг пок ва бегубор инсон эканини кўрсатади. Пок инсон ҳар доим яхшиликка, яхшилик қилишга интилади, бошқалар б-н самимий, илтифотли муомалада бўлади. П. ҳар бир давр, ҳар бир замоннинг талаби

бўлган. Покланиш — тозаланиш, руҳий ҳаловат топиш демакдир. П. категорияси жисмоний ва маън-й (руҳий), ички (ботиний) ва ташқи (зоҳирий) каби ўзак т.ларга негиз бўлиб келади.

ПОРАХЎР(ЛИК) — ... шахсий манфаат, ғаразли мақсад йўлида ҳар қанча товламачилик қилишга ҳозир нозир маън-й қашшоқ кимсага хос иллат. П. учун бошқалар, халқ ва жам-т манфаатлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. П. учун, энг аввало, ахлоқий нопоклик, хушомадгўйлик, таъмагирлик, товламачилик характерлидир. П.да виждон, инсоф туйғулари бўлмайди, у ўзгалар ҳақи — пора олиш учун виждонини сотади. Таъмагирлик, фирибгарлик, алдамчилик б-н олинган пора ҳаромдир. Куръони каримда бошқаларнинг ҳақини ейиш, пора олиш — ҳаром амал ва гуноҳ экани уқтирилиб, бундай гуноҳ ишларни қилмаслик буюрилган: “Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар б-н емангиз! (Яъни, бир-бирингизнинг ҳақингизни еманг!). Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл б-н ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!”. П.нинг моддий танг аҳволда яшаётган кишиларга нисбатан таъмагирлиги қабиҳликдир. П. пора олиш, ўз ғаразли мақсадини амалга ошириш учун турли йўллар қидиради, у мавжуд қонунларни, тартиб-қоидаларни бузади, ҳақиқатни поймол қилади, эгрини тўғри дейди, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланади ва ҳ.к. П. — ижт-й ҳодиса бўлиб, энг ёвуз иллатлардан саналади. Ш-дек, у — жиноят, ҳуқуқбузарликнинг бир кўриниши. П.нинг ижт-й зарари жам-т рившига, мам-т мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига тажовуз сифатида баҳоланиши лозим. П.нинг энг хавфли кўриниши ... давлат муассасаларида ишлаётган, вазифаси инсонлар тақдири б-н боғлиқ, юқори мансабда ўтирган раҳбар шахс томонидан содир этилганидир. П. раҳбар хизмат лавозимини шахсий бойлик орттириш манбаига айлантиради, у нима яхши-ю нима ёмонлигини яхши била ту-

риб, онгли равишда пора олади. Ҳақиқий инсонпарвар, адолатпарвар, иймонли, ҳалол раҳбар ҳеч қачон П. б-н шуғулланмайди. Пора — бир кимсанинг бошқа кимсадан унинг ёки ўзининг муайян ишини битириб бериши эвазига, халқ ва давлат манфаатларига зарар келтирган ва мансабини суиистеъмол қилган ҳолда пул ёки бошқа мол-мулк тарзида оладиган улуши. Пора талаб қилиш товламачилик ҳисобланади. П.га назоратсизлик, интизомсизлик, буйруқбозлик, ўта расмиatchилик, одамлардаги лоқайдлик каби тартибсизликлар йўл очиб беради. Бундай одамлар ва иллатларнинг кучайишига меҳнат жамоалари, ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий тартиб-интизомнинг сусайиб кетгани, айрим шахсларнинг шахсий бойлик орттириш йўлида ўз нафсини тия олмаслиги, кишилардаги ижт-й фанолик, шахсий жасоратнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Бу зарарли иллатга қарши курашилмаса, П. текин бойлик ҳисобига гаштини сураверади. П. б-н маълумотли ҳам, маълумотсиз ҳам, хуллас, турли лавозим ва мансабда ишлаётган кимсалар шуғулланади. П. қинғир ишларини пинҳона тарзда амалга оширишга ҳаракат қилади. Жам-тда П. иллатини тутатиш, ундан халос бўлишнинг мақбул йўлларида бири — ижт-й ҳаётда ошқораликни ошириш, меҳнат жамоаларида назоратни кучайтириш, бу борадаги қонун устуворлигига қатъий риоя қилиш талабини оширишдир. П.нинг авж олиши жам-тни маън-й инқирозга олиб келувчи сабаблардан биридир.

ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ — ижт-й фал. ва социология фанлари доирасида тарихий жараёнга цивилизация ёндашувни ҳамда цивилизация тар-ётининг ҳоз. босқичини ифодалаш учун қўлланадиган т. П.ж. атамаси биринчи бўлиб америкалик социолог, футуролог Даниел Белл (1919 й. туғилган) томонидан илмий муомалага киритилган. Белл дастлаб бу т. орқали таълимоти номини (“П.ж.нинг вужудга келиши. Ижт-й башоратчиликдаги авантюра”, 1973), кейинчалик эса цивилизация реал ривож-

даги конкрет босқични ифодалаган. Унинг фикрича, тарих цивилизацияон ташкилотларнинг бири ўрнини бошқаси изчил равишда эгаллайдиган уч босқичли жараён (анъанавий жам-т, индустриал жам-т ва П.ж.) сифатида намоён бўлади. П.ж.га хос хус-ятлар қўйидагилардан иборат: иқтисодиётнинг товар ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қараб йўналтирилиши ҳамда саноатда илмфанга асосланган соҳаларнинг устуворлигида; назорат қилинадиган технологик тар-ёт истиқболларини режалаштирувчи метатехнологияларни яратиш имкониятини берадиган янгича технологик соҳанинг ташкил этилишида; жам-тнинг ижт-й структурасидаги мун-тларнинг тубдан ўзгаришида, индустриализм давридаги синфий бўлиниш ўрнига касб-хунарга қараб бўлинишнинг устунлиги, мулкчилик мун-тлари аҳамиятининг ўзгариши оқибатида аввал асосий бўлган меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддият ўрнини ишни билмаслик ва касбий маҳорат ўртасидаги зиддият (конфликт) эгаллайди; жам-тнинг муассаса ва ташкилотлари таркибида туб сифатий ўзгаришларнинг юз беришида, илмнинг янги технологик жараёнларнинг асоси, ш-дек, ижт-й ихтилофларнинг бош сабаби сифатида намоён бўлиши; ижт-й ташкилотлар доирасида семантик ва аксиологик урғунинг ўзгариши — анъанавий жам-тда “армия ва черков”, индустриал жам-тда — “фирма ва корпорация” устунлик қилган бўлса, П.ж.га келиб, бу жам-тнинг асосий ҳодисаси бўлган илмни вужудга келтирувчи муассаса — университетлар устунлик қилади; мад-т соҳасининг қайта ташкил этилишида унинг ташқи шаклий томонини компьютерлаштириш ташкил этса, ички мазмунини, биринчи навбатда, интеллектуализм ҳамда шу аснода ҳар бир киши томонидан ўзини илм индустрияси сифатида ташкил этиши белгилайди. Д.Белл томонидан яратилган П.ж.нинг асосий концепцияси кейинчалик бошқа социолог ва футурологлар томонидан икки йўналишда ривожлантирилди: П.ж. концепциясининг европача моделини ишлаб чиқишга асосланган радикал йўналиш (Ж. Фурастье,

Турен); П.ж.нинг америкача моделини яратишга йўналтирилган либерал йўналиш (Гэлбрейт, К.Э.Боулдинг, Г.Кан, О.Тоффлер). Радикал йўналиши юқори гоъвийлиги ва ижт-й-мад-й муаммоларга махсус қизиқиши б-н характерланса, либерал йўналиш асосий эътиборни амалий тадқиқотларга ҳамда ҳокимият, уруш, бошқарув муассасалари, оила, оммавий коммуникация каби П.ж. доирасида ривожланадиган ижт-й-сиёсий структуравий ташкилий характердаги ҳодисаларнинг сценар моделларини яратишга қаратади.

ПОСТПОЗИТИВИЗМ – XX а.нинг 50–70-йилларида неопозитивизм гоъларини танқид қилиш жараёнида юзага келган Фарб фал.сининг қатор концепцияларини ифодаловчи истилоҳ. Ушбу концепциялар моҳиятан мантиқий эмпиризм б-н ҳамоҳанг. П.нинг асосий йўналишларига К.Поппернинг танқидий рационализи, У.Куайн ва М.Уайтларнинг прагматик таҳлили, Д.Армстронг ва Ж.Ж.Смартларнинг илмий материализми, П.Фейерабенд ва Р.Рорти концепциялари, ҳоз. замон фал-й реализмининг турли кўринишлари қиради. Айни пайтда, П. атамаси аниқ таърифга эга эмас. Баъзи файласуфлар уни таҳлилий фал. б-н боғласа, бошқалари унга тор доирада таъриф беради. Неопозитивизм ривожлангани сайин унинг фал.ни тубдан ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ижобий натижа бермаслиги маълум бўлади. Шунга асосланиб, П. намояндалари метафизика б-н фан т.лари орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди, деган хулосага келади. П.нинг таъкидлашича, позитивизмнинг асосий камчилиги шундан иборатки, у эмпиризм тамойилининг аҳамиятига, ҳиссийликнинг ролига ортиқча баҳо беради. Билишнинг дастлабки нуқтаси бевосита қабул қилинган элементлар ёки кузатиш б-н эмас, балки наз-я б-н боғлиқ, чунки наз-ядан илгари ва ундан ташқарида билишнинг бўлиши мумкин эмас. Ушбу тамойиллар К.Поппернинг танқидий рационализида ўз ифодасини топди. П. тарафдорлари мантиқий позитивизмнинг қатъий талаблари-

дан (мас., эмпирик верификация наз-ядан, фал.ни фаннинг мантиқий методологик таҳлилга айлантириш гоъсидан) воз кечиб, физикализм гоълари, илмий реализм концепцияси, редукционистик методология ва ягона фан наз-ясини ривожлантиришга интилади. Бунинг учун неопозитивизмнинг таҳлил қилиш усули ва муаммоларга лингвистик ёндашувидан фойдаланилади. Бу борада Куайн ижоди алоҳида аҳамият касб этади. У онтологияни фанларнинг ўзига хос проекцияси сифатида таърифлайди. Илмий материализм эса руҳийлик ва жисмонийликнинг айнан мослиги ҳақидаги тезисни ёқлайди. Онтологияни фан б-н, реалликни эса тил б-н тенглаштириш тенденцияси бутун П. га хос хус-ятдир.

ПОСТСТРУКТУРАЛИЗМ (неоструктурализм) — структурализм негизида вужудга келган ва уни қайта кўриб чиқишга қаратилган фал-й таълимот. Лингвистик структурализм асосчиси Ф.Соссюр ва структурализмнинг йирик вакили Клод Леви-Строслар фикрича, анъанавий фал-й усул ва лингвистик қоидалар ва б. ижт-й наз-ялар б-н дунёни изоҳлаб бўлмайди. Уларни тубдан қайта кўриб чиқиш керак. П. структурализм намояндалари Ж.Деррида, Фуко ва Лакон таълимотларига суяниб, илгариги лингвистик наз-яни “қайта конструкция қилиш асосида феноменология соҳасини, Соссюрнинг лингвистик қарашлари, структурализм ва Лаканнинг руҳий таҳлилинини танқидий таҳлил қилган. Соссюр лингвистик белгиларни термин ва товушда ифодалашнинг бир-биридан фарқини кўрсатган бўлса, П. вакиллари бу терминларнинг бир бутунлиги, бир хиллиги мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. Бу т.лар турли маънога эга бўлгани учун уларга мукамал таъриф бериш мумкин эмас, деб таъкидлайди. Умуман олганда, П. структурани бутунлай рад этмайди, балки унга янгича мун-тда бўлишни талаб этади.

ПРАГМАТИЗМ (юн. *pragma* — иш, амал, ҳаракат) — XIX а.да АҚШда вужудга келган фал-й оқим. П.нинг асосий гоълари Ч.Пирс томонидан ишлаб чиқил-

ди. Бу таълимот XX а.да Фарб мам-тлариди кенг ёйилиб, ижт-й-маън-й ҳаётга кучли таъсир кўрсатди. П. асосида И.Кантнинг “Софокл танқиди” асарида илгари сурилган “прагматик ишонч” ғояси ётади. Ч.Пирс П.ни “ҳақиқат қадрини манфаатдорлик б-н белгиловчи таълимот” деб таърифлайди. П.нинг асосий ғоялари Ч.Пирснинг “Ишончни мустаҳкамлаш” (1877) ва “Ғояларимизни қандай қилиб равшанлантириш мумкин” (1878) мақолаларида баён этилган. XIX а. охиригача “прагматик тамойил” файласуфлар ва жамоатчиликнинг эътиборини ўзига жалб эта олмади, чунки Пирс таълимотнинг гносеологик масалаларини ёритиб, унинг амалий-услубий жиҳатларини таҳлил этмаган эди. Бу вазифани У.Жеймс амалга оширди ва П.ни америкаликларнинг миллий фал.си даражасига кўтарди. У. Жеймс ибораси б-н айтганда, П. АҚШнинг жаҳон миқёсида иқт-й, сиёсий ва мад-й соҳаларда устунликка эришиши учун наз-й асос яратган эди. П. ҳақиқатни наз-й (гносеологик) масала сифатида тан олмайди. Унингча, ҳақиқат ва амалиёт яхлит ҳолда намоён бўлсагина, бирор маънога эга бўлади. Дьюи таъкидлаганидек, ҳақиқат ва амалиёт бирлиги индивид манфаатида акс этади. “Манфаат” т.си эса, ўз навбатида, индивиднинг субъектив қизиқишларини қондирувчи нарсани англатади. П. социологияси “буюк шахслар”га сифиниш (Джеймс), буржуа демократиясини мақтаб, илоҳийлаштириш (Дьюи), ирқчилик, миллатчилик, ҳатто фашистик ижт-й мунтларни ҳимоя қилиш(Шиллер)гача ўзгариб борди. П.нинг динга нисбатан мунтида ҳам манфаат “тажрибаси” асосий ўрин эгаллайди. Мас., Дьюининг “инструментализм”ида анъанавий диний т.лар рад этилади, улар “натуралистик” т.ларга қарама-қарши кўйилади, натижада инсон назоратидан ташқаридаги кучлар таъсирида пайдо бўладиган тобелик тажрибаси уни “художўйлик”ка олиб келади. Демак, “назоратдан ташқаридаги кучлар” — бу Худонинг инсонга кўрсатадиган доимий таъсирининг ўзгинаси. Этикада П. мелиоризмга (ҳаётдаги устувор қоидалар, қонунларнинг такомиллашиб боришига

ишониш) таянади. П. Жаҳон урушидан сўнг Фарб мам-тларида П. таълимотининг таъсири сусая бошлади.

ПРАГМАТИЗМ ЭСТЕТИКАСИ —

Фарб эстетикасида XX а.нинг биринчи ярмида юзага келган ва прагматизм фал.сига асосланган йўналиш. Прагматизм асосчиси Ч.Пирс (1839—1914) т.лар мазмунини унинг амалиётдаги қўлланиши б-н айнийлаштириб кўрсатишга уринган. Ч.Пирс ғоялари эстетик белгиларни тасвирий санъатга киритишга, санъатни қадриятлар тизими сифатида тушунишга, семиотик эстетиканинг кейинги рившига таъсир кўрсатган. Прагматизм фал.сининг йирик намояндаси У.Джеймс (1842—1919) томонидан илгари сурилган “онг оқими” тўғрисидаги таълимот модернизм санъатида кенг қўлланилди. У П.э.нинг асосий тамойилини шундай ифодалайди: инсоннинг ҳар қандай фаолиятининг мақсади “ижобий тажриба”га, яъни ёруғ ва кучли ҳаётий кечинмаларга эришишдан иборат. Шундай экан, ижобий тажриба ахлоқий, диний ва эстетик қадриятларни қамраб олиши керак. П.э.нинг кейинги босқичида Ж.Дьюи (1859—1952) ва унинг издошлари қадриятлар тўғрисидаги таълимотга аниқ ифодаланган эстетик асосни татбиқ этишга ҳаракат қилишди. Улар эстетикани диний, илмий, ахлоқий қадриятларни мужассамлаштирган энг олий қадрият, гўзалликни эса ички боғлиқлик ва бир бутунликка эришган тажрибанинг сифат кўриниши тарзида талқин этади. Эстетик тажрибада табиийлик ва ижт-йлик ўртасидаги алоқани аниқлашга интилган прагматизм тарафдорлари санъатнинг ижт-й вазифаларини мад-й-интегратив воқеа, ижт-й ахборот воситаси сифатида талқин қилади. Европа позитивизмидан фарқли ўлароқ, П.э.да субъектнинг фаоллигига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, уларнинг фикрича, эстетик билиш жараёнида субъект (томошабин, ўқувчи, тингловчи) ҳар сафар муаллиф ёки ижрочи томонидан ҳавола этилаётган асарни ўз тажрибаси б-н солиштириш, бирлаштириш йўли б-н уни англайди ва

ўзлаштиради. Шу маънода, у субъект мад-й савиясининг юксалиши ва маън-й камолотига хизмат қилади.

ПСИХОАНАЛИЗ — руҳий хасталикни даволаш усули ва психологик таълимот. У XX а. бошларида таниқли немис олими Зигмунд Фрейд (1856–1939) томонидан ишлаб чиқилган. П. асосини инсон хулқининг негизини лаззат олишга интилиш (либидо), айниқса, илк болаликда пайдо бўлган жинсий майл ташкил этади, одам хулқини онглилик эмас, балки онгсизлик бошқаради, деган гоё ташкил этади. З.Фрейд даставвал онглилик, ёлғончилик ва онгсизликдан иборат психиканинг уч босқичини тадқиқ этди. Олдинги икки босқичдан фарқ қилувчи психик даражани (лот. *instantia* — бевосита яқинлик) *цензура* деб атади. Одатда, цензура иккита функцияни бажаради: 1) инсон томонидан ўзининг шахсий ҳис-туйғулари, мулоҳазалари ва хоҳишларини муҳокама қилади, уларни онгсизлик ҳолатидан сиқиб чиқаради; 2) онгга ёриб киришга интилувчи фаол онгсизликка қаршилик кўрсатади. З.Фрейд шахс тузилишининг янги наз-ясини таклиф этди. Бу наз-я уч хил психик инстанциянинг ҳукм суриши тўғрисидаги фаразни асослашга қаратилди: “У” — лаззатланиш, роҳатланиш тамойилига боғлиқ бўлган инстинктив майлларни қамраб олади; “Мен” (*Ego*) — ташқи олам б-н билвосита алоқага киритувчи психологик инстанция; “Мендан юқори” (*super-Ego*) ўз ичига ижт-й тақиқлар, қонун тусига кирган мажбурий тартиб-қоида ва идеалларни қамраб олади. Унинг фикрича, “Мен” (Эго) реаллик тамойилига асосланган ҳолда инсон психикасида ҳаракатланувчи қарама-қарши кучларни мувофиқлаштириш функциясини бажаради. Фрейднинг кўрсатишича, инсон фаоллиги қад. авлод-аждодларидан наслий йўл орқали ўтган инстинктив майллар таъсири б-н белгиланади. Инстинктив майллар, даставвал, жинсий инстинкт ва ўзини ҳимоя қилишга интилиш инстинкти тарзида юзага келади. Лекин жам-т шахсни кўп жиҳатдан чеклаб қўяди, унинг инс-

тинкт ва майлларини “цензура”дан ўтказилади. Натижада шахс аксарият инстинкт ва майлларини жиловлашга, тақиқлашга мажбур бўлади. Инстинктив майллар унинг шахсиятига зид бўлган руҳий ҳолат сифатида онгли ҳаётдан сиқиб чиқарилса-да, йўқолиб кетмайди, балки онгсизлик соҳасига ўтказиб юборилади. П. таълимотининг вазифаларидан бири — онгсизлик соҳасидаги “комплекс”ларни аниқлаш ва уларни англашга ёрдамлашишдан иборат. П. намояндатари шахсдаги ички зиддиятларни очиб бериш ва тушунтириш учун “Эдип комплекси” т.сини яратди. Унга кўра, ўғил боланинг ўз онасига нисбатан жинсий майли ва отасининг ўлимини исташи (“Эдип комплекси”), яқин қариндоши б-н жинсий алоқа қилишга майллиги жазоланишдан кўрқиб ҳисси б-н тўқнашади. П. вакиллари шахснинг бундан кейинги тар-ётини онгсизлик ҳолатига сиқиб чиқарилган инстинктив майлларнинг турлича комплекслар б-н тўқнашуви ташкил этади; инстинктив майллар ўз қуввати ва фаоллигини сақлаган ҳолда инсоният мад-ти ва инсон фаолияти маҳсулининг ҳар хил шаклларига ўтиб (“сублимациялашиб”), онгсизлик ҳолатида шахснинг хулқ-атворини бошқаришда давом этади, деган хулосага келади. П.да онгсизлик б-н онглилик ўртасидаги қарама-қарши мун-тни мутлақлаштириш ҳолатлари учрайди, бунинг натижасида уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш имконияти рад этилади.

ПСИХОЛОГИЗМ — XX а. охирларида Фарб социологиясида вужудга келган оқим. Эмпириокритицизм тарафдорларининг таъкидлашича, психологиянинг, ш-дек, бошқа барча фанларнинг ҳам объекти маълум усуллар орқали библинган сезгилар ва сезгилар мажмуаларидан иборат. П.нинг таниқли вакиллари: Г.Тард, Ч.Кули, Ж.Мид, У.Мак-Дугаллар неофрейдизм, структуравий функционал мактаб каби оқим вакиллари ижт-й мун-тлар ва ижт-й тузилма моҳиятини психик фактлар асосида тушунтиришга ҳаракат қилади. П.нинг дастлабки ибтидоий шаклларида ирсий

омилларнинг роли ҳаддан ташқари бўрттирилади, ижт-й хулқ-атворнинг гўё инсон психикасига азалдан хос бўлган жинсий мойиллик, ваҳшийлик, эффе́ктивлик, ўлимга мойиллик ва ҳ.к. б-н боғлиқлиги таъкидланади. П. вакиллари шахс хус-ятлари ёки миллий характери́ни урушлар, ирқий ва синфий конфликтлар сингари ижт-й ҳодисалар б-н боғлашга интилади. Кейинчалик улар ирсий ғоялардан воз кечиб, жам-т. ижт-й тизим ва ташкилот сингари ижт-й ҳодисаларнинг реал мавжудлигини инкор этиш йўлидан боради. П. тарафдорлари кишиларнинг бевосита ўзаро таъсирини таҳлил қилиш доирасидан ташқарига чиқмайди, кўпроқ “бевосита қузатиладиган хулқ-атвор” т.си б-н чекланади. П. таҳлил услублари кичик ижт-й гуруҳ ва жамоаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳоз. замон Фарб социологиясида П.нинг бирёқлама тамойилларини бартараф этишга уринишлар кўзга ташланмоқда. Т. Парсонснинг тузилмавий функционал таҳлил наз-яси бунга мисол бўлиши мумкин. П. Дюркгеймнинг “социологизм”и, М. Вебернинг “институционализм”и таъсирида жиддий ўзгаришларга учраб, ҳоз. вақтга келиб П. социологиядаги методологик принцип сифатида намоён бўлмоқда. Бинобарин, мазкур ёндашув шахс маъ-яти, ахлоқий хатти-ҳаракатларига ички руҳий омиллар таъсирини ўрганишда қўлланиши мумкин.

ПСИХОЛОГИЯ (юн. *psyche* — жон, *logos* — таълимот) — “жон”, “руҳ” ҳақидаги фан, таълимот. Бироқ ҳоз. даврда “жон” т.си ўрнига “психика”, “руҳият” ибораси қўлланмоқда. Ушбу маънода “жон” ва “психика” т.лари айнан бир хил мазмунни билдиради. П. фанининг кейинги даврдаги тар-ёти улар ўртасида талай тафовутларни келтириб чиқарди. Психика тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун, даставвал, психик ҳодисалар моҳияти б-н танишиш керак. Одатда, психик ҳодисалар деганда, ички, субъектив тажриба далилларининг (воқеликнинг) намоён бўлиши тушунилади. Психика ҳаётнинг сезги, идрок, хаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида олинган

яққол шакллари́дан иборат. Ички субъектив тажрибанинг ўзи, инсондаги қувонч ёки зериканиш туйғулари нималарнидир унинг эсига тушириши, бирон бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш ҳисларининг барчаси шахснинг ички дунёси таркибий қисмлари, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив психик ҳодисалар ҳисобланади. Субъектив ҳодисаларнинг асосий хус-яти уларнинг бевосита субъектга тааллуқли эканлигидир. Агар инсон идрок қилса, сезса, фикрласа, эсласа, хоҳиш билдирса, албатта, ана шу ҳодисаларни бир даврнинг ўзида тушуниб (қузатиб) ҳам туради. Инсон интилса, иккиланса, қарорга келса, биз уларнинг барчасини содир бўлаётганлигини англаб турамиз. Ш.у. психик ҳодисалар бизнинг руҳиятимизда содир бўлишидан ташқари, улар бевосита кўз ўнгимизда намоён бўлиб туради. Образли қилиб айтганда, одамнинг ички дунёсида турли ҳодисалар вужудга келади, кечади, одатда, шахс бундай ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда уларнинг томошабини ҳисобланади. Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан, психик жарёнлар, англашилмаган ҳолатлар, хулқ-атвор, психосоматик ҳодисалар, инсон ақл-заковатининг мўъжизакорлиги моддий ва маън-й мад-т маҳсулини яратади. Ҳар қандай воқеликда, ҳодисаларда, маҳсулларда психика намоён бўлади, ўз хус-ятларини ажратади, фақат улар орқалигина психикани ўрганиш мумкин. Психологик воқелик — субъектнинг ички кечинмаларининг таркибий қисмлари б-н бир қаторда, уларни объектив шакллари (хулқ-атвор, фаолият маҳсули, ижт-й-мад-й ҳодисалар) орқали психиканинг хус-ятлари, ҳолатлари, қонуниятларини ўрганиш тушунилади. Яъни, инсон онгидан ташқари унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳукм сурувчи объектив борлиқ (атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар, муҳит, шароит) ва б.нинг психикада акс этиши психологик воқелик деб аталади. Бугунги кунда нафақат П., балки унинг алоҳида соҳалари бўйича ҳам бой илмий материаллар тўплан-

ган. Жаҳон П. фани тажрибасида қатор соҳалар, жумладан, меҳнат П.си (муҳандис П.си, авиация П.си, космик П.си), педагогик П., тиббиёт П.си, саломатлик П.си, махсус П., юридик П., ҳарбий П.си,

савдо П.си, спорт П.си, умр даврлари П.си, қиёсий П., социал П., психофизиология, экспериментал ва амалий П. кабилар П.нинг муस्ताқил тадқиқот предметиға айланган.



РАДИКАЛИЗМ (лот. *radix* — илдиз) — сиёсий тузум ва ижт-й ин-тларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатларни ифодаловчи сиёсий, диний оқим. Р. умумэйтироф этилган анъаналарга бутунлай зид мун-тда бўлиб, кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқади. Тарихда бу атама мўътадил ислоҳотлар тарафдорларига нисбатан ҳам қўлланган. Мас., Буюк Британияда (1832) “Ислоҳотлар тўғрисидаги Билл”нинг муҳолифларига нисбатан Р. атамаси қўлланган. Кейинроқ эса утилитаризм асосчиларидан И.Бентам ва унинг издошлари “фал-й радикаллар” деб аталди. Ҳозир қатор сўл сиёсий партияларга нисбатан ҳам Р. т.си қўлланади. Ўрта а.лар сўнгги ва Янги давр бошида Р. демократия шиорлари б-н чиқди. Унинг тарафдорлари (Локк, Руссо ва б.) нотабий ижт-й мун-тлар ва шароитларни радикал тарзда оқилона тартиблар б-н алмаштириш ғоясини илгари сурди. Анархистлар эса жам-тдаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг ортиқчилиги, инсон эркини тубдан кенгайтириш лозимлигини ёқлаб чиқди. Уларнинг ғоявий раҳнамоси У.Годвин инсон ақл-заковат ва эркинлик рамзидир, ш.у. унинг эркини чеклаш керак эмас, деган ғояни илгари сурди. Ҳоз. давр Р.га хос бўлган хус-ятлардан бири ижт-й ҳаётнинг ҳам наз-й, ҳам амалий муаммоларини ҳал қилишда зўрлик усулидан фойдаланишга мойилликдир. Тинч йўл б-н ҳал қилиш мумкин бўлган оддий муаммоларни ечишда улар куч, зўравонликдан фойдаланишга интилади. Тарихнинг бурилиш нуқталарида, танглик юз берган ҳолатларда Р. авж олади. Ҳоз. Р. экстремизмнинг наз-й манбаи

бўлиб, ижт-й муаммоларни ҳал қилишда зўрлик усуллари ва воситаларидан фойдаланмоқда. Ҳоз. пайтда радикал кайфиятлар ва қарашлар ақлий меҳнат б-н шуғулланувчилар орасида, люмпенлашув кучайган мам-тларда кўпроқ кузатилмоқда. XX а.да юз берган илмий-техник тар-ёт туфайли ақлий меҳнат вакиллари миқдорининг кескин ошиши ҳар доим ҳам уларнинг моддий турмуш даражасининг кўтарилиши ва ижт-й мавқеининг ортиши б-н бирга кечмайди. Айниқса, ижт-й инқироз ва танглик даврларида зиёлиларнинг люмпенлашуви кучаяди. Бу эса улар орасида радикал кайфиятнинг авж олишига сабаб бўлади. Тарихий тар-ёт шундан гувоҳлик берадики, радикаллар ҳокимият тепасига келган тақдирда ҳам уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этмайди. Етмиш йилдан ортиқроқ ҳукмронликдан кейин большевиклар тарих саҳнасидан улоқтириб ташланди. Собиқ шўролар тузumi ўрнида ташкил топган муस्ताқил давлатлар худудида рив-шнинг дастлабки босқичида радикал оқимлар пайдо бўла бошлади. Бу оқимлар баъзи мам-тларда фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Унинг кўпчилигида сиёсий Р. диний ниқоб остида намоён бўлди. Улар ислом давлати қуриш, халифаликни қайта тиклаш шиорлари б-н чиқиб, жам-тнинг сиёсий, ижт-й-иқт-й ва маън-й-маър-й ривожини тўхтатишга, бу жараённи орта – ўрта а.ларга қайтаришга интилаётгани ўта хатарлидир. Диний ақидапарастлик ҳам Р.нинг бир кўриниши ҳисобланади. Диний Р.нинг мазмун-моҳияти Р.нинг бошқа кўринишлари каби ўзига мос келмайдиган бошқа ҳар қандай оқим ва

қарашларга нисбатан мурасасизликда, жам-т тар-ётига зид, ғайриинсоний ғоя ва қарашларни илгари суришда намоён бўлади.

РАМАЗОН (араб. рамиз(д)а — қийинчиликни енгиш) — 1) ҳиж. йил ҳисобининг тўққизинчи ойи, Аллоҳ Муҳаммадга (с.а.в.) Қуръонни ваҳий қилиб, Жаброил (а.с.) орқали нозил этган; 2) Р. ойида болалар шу номда шеърлар тўқиб, эшикма-эшик, уйма-уй юриб айтадилар; 3) Р. ойида туғилган эркаклар исми. Ш.у. бу ой муқаддас ой ҳисобланиб, бир ой давомида рўза тутиш буюрилган. Р. ойида мусулмон халқлари маъятига кўра, халқ, миллат, шахслар орасидаги ҳар қандай низо, келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар тўхтатилган. Кишилар орасида аввалдан мавжуд қарама-қаршиликлар Р. ойида ярашув б-н барҳам топиши савобли иш экани исломда кенг талқин этилади. Бундан ташқари, Р. ойида тутиладиган рўза инсонга ҳам жисмоний, ҳам маън-й фойдалилиги масаласига динда катта аҳамият қаратилади. Рўза (форс. кундузги иш, савм, бирор нарсадан ўзини тийиш) — ислом динида фарз бўлган учинчи рукн бўлиб, ҳар йили Р. ойида бир ой давомида эрта саҳардан шомгача ҳеч қандай овқат емаслик, ичмаслик, чўмилмаслик, чекмаслик, жинсий алоқа қилмаслик талаб этилади. Ш-дек, рўза тутмаслик беморларга, ҳомиладор ва эмизикли фарзанди бор аёлларга, сафарда юрганларга кейин қазосини адо этиш эвазига руҳсат берилган. Рўза давомида инсон жисмоний иллатлардан тозаланиш б-н бирга, маън-й жиҳатдан покланишга эришиши, ахлоқсиз мун-тлардан тийилиши лозимлиги илоҳий талаблар сифатида талқин қилинади. Ш.к. жиҳатларига кўра, рўза маъ-ятга ўз ҳиссасини қўшувчи диний урф-о.лардан ҳисобланади. Рўзанинг фарз, вожиб, нафл, макруҳ турлари мавжуд. Ўз-нда Р. ойининг сўнгги куни — Р. ҳайити байрам сифатида нишонланади.

РАЦИОНАЛИЗМ (лот. *rationalis*, *ratio* — ақл) — ақл инсоннинг билиши ва ҳулқининг асоси, деб қарайдиган фал-й йўналиш. Р. атамаси XIX а. ўрталарида фал.га кириб келди. Р. анъаналари қад. юнон файласуфларига бориб тақалади. Мас., Парменид билимни ақл воситасида олинган “ҳақиқий” билимга ва сезгилар орқали олинган билимларга ажратди; ақлни ҳақиқатнинг мезони сифатида талқин этди. Янги давр табиатшунослигининг тар-ёти натижасида Р. гносеологик қарашлар таркибига кирди. XVII–XVIII а. мумтоз Р. ўрта а. схоластикаси ва диний догматизмга зид равишда (Декарт, Спиноза, Лейбниц) бутун оламнинг сабабий боғланганлиги ғоясини илгари суради. XVII–XVIII а.да Р. инсон фаолияти ва билишда ақлнинг бирламчилиги ғоясини илгари суриб, жам-тнинг мафкурасига айланди. Ақлни улуглаш, мадҳ этиш тенденцияси XVIII а. француз материалистларига (Ламетри, Гельвеций, Дидро, Гольбах) ҳам хос эди. Р. сенсуализмга қарама-қарши ҳолда ҳақиқий илмий билимни ҳақиқатнинг асоси ва мезони сифатида намоён бўладиган ақл орқали ҳосил қилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Р. илмий билишнинг ягона асосини ақлда деб билади ва бунда ҳиссиётлардан холи (Лейбниц) фикрлаш қобилияти ёки туғма ғоялар (Декарт) мавжудлигини таъкидлайди. Дунёни билишда ҳиссий идрок ролининг инкор этилиши объектив реалликни билишда фикрлар тарқоқлигига олиб келди. Мас., XVIII а.да яшаб ижод этган кўплаб рационалистлар оламнинг моҳияти ёки ибтидосини билиш мумкин эмаслигини (Кантнинг “нарса ўзида”сини) тан олган. Билиш жараёни (Гегелдаги каби) ақлнинг ўз-ўзини билишга қаратилиши, объектив оламнинг рив-ши эса соф мантиқий, рационалистик жараён сифатида талқин этилади. XIX–XX а. Фарб фал.сида ақлнинг чексиз кучига бўлган ишонч сусайиб (позитивизм, неопозитивизм ва б.), инсоннинг ҳеч нарса б-н чекланмаган ақлий фаолияти ва ақлнинг куч-қудрати каби идеалларни ҳимоя қилувчи мумтоз Р. кескин танқид қилинди. Бу танқид иррациона-

лизм (фрейдизм, интуитивизм, прагматизм ва экзистенциализм) томонидан ҳамда “чекланган” Р. руҳида олиб борилди. Кейинги вақтларда объектив оламни билишда ақлий ва ҳиссий билишни яхлит диалектик жараён сифатида тан олиш, бу жараённи таҳлил қилишда Р. ва сенсуализм ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишга уринишлар кўзга ташланмоқда.

РАҲБАР(ЛИК) (форс. Йўлбошчи-(лик) – ўз фаолияти соҳасида юксак кўрсаткичларга (натижаларга) эришган (В.Парето); харизматик (М.Вебер); бошқалардан интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан устун бўлган (Дюверже); сиёсий мун-тларда энг фаол, ҳокимият учун интилаётган (Миллс); жам-тнинг ташкиллашган озчилиги (Г.Моска); биологик ва ирсий келиб чиқиши сабабли жам-тда юқори даражага эришган (Ницше); жам-тда юксак даражани эгаллагани боис ижт-й тар-ётга таъсир этувчи (Дюпре); жам-тда юқори мақом ва обрў-эътиборга эга бўлган кишилар. Мутахассисларнинг фикрича, раҳбарлик ташкилот расман мавжуд жойда қарор топади, лидерлик эса психологик мун-тлар асосида вужудга келади. Р. лидерликдан қонуний ўлчовларга эгаллиги, расмий ташкилот б-н юзага келиши, ҳуқуқ асосида функцияга киришуви б-н фарқ қилади. Р. ижт-й назорат ва ҳокимият воситачиси бўлса, лидер гуруҳга бирлашган субъектлар меъёр ва мақсадларининг фавқулодда юзага чиқиши б-н боғлиқ психологик мун-тлар ҳосиласидир. Р.нинг фаолияти ҳуқуқий меъёрлар б-н таъминланади, лидернинг фаолияти эса ҳамкорликдаги алоқалар ва мун-тларнинг маън-й-руҳий меъёрлари б-н кафолатланади. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг муайян мақсад йўлида бирлашуви ёки бирлаштирилиши гуруҳни ташкил этади. Гуруҳ мавжуд жойда эса Р. фаолият кўрсатади. Жам-т ичида энг кичик гуруҳ сифатида оилани олсак, унинг таркибида, албатта, раҳнамо ва эргашувчилар мавжуд. Оила Р.и унинг тар-ёт йўналиши, мақсад ва режаларини белгиловчи ҳамда мувофиқлаштирувчи асосий

шахсдир. Ш-дек, оилани бошқариш, тартибга солиш, таъминлаш чораларини кўриш каби турли-туман муаммолар унинг зиммасида бўлади. Булар Р.нинг қандай шахс экани, оила муаммоларини қай даражада англай олиши, дунёқароши, тафаккури, қобиляти, тadbиркорлиги каби қатор хус-ятларига боғлиқки, Р. шахсиятини таҳлил қилиш, уни танлаш ва баҳолашни алоҳида тадқиқ этиш Р.шуносликнинг муҳим тадқиқот объекти сифатида майдонга чиқади. Ш-дек, таълим-тарбия берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, устоз ёки илмий фаолиятда мураббий, дин-илоҳиёт б-н боғлиқ фаолиятда муршид шахсларга нисбатан ҳам Р. атамасидан фойдаланилади. Р. ҳар қандай гуруҳ ёки ташкилотда умумий ва чекланган мақсад, вазифалар олдидаги масъулиятдир. Р. деганда, Р. томонидан амалга оширилган ва оширилаётган ҳамда амалга оширилиши кўзда тутилган фаолият, хатти-ҳаракатлар назарда тутилади. Шунга кўра, Р. бошқарувнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бошқарувнинг инсониятга маълум учта асосий тури мавжуд: инсон ақл-заковати ёрдамида а.лар давомида тартиблаштирилиб, мад-й анъаналарга сингдирилган, яъни, табиийлаштирилган, ёзилмаган қонун-қоидалар ёрдамидаги бошқарув; бевосита тайинланган масъул шахслар ёрдамидаги бошқарув; қонунлар, қўлланмалар, қоидалар каби ёзма, ҳужжатлар ёрдамидаги бошқарув. Ҳоз. вақтда Р.ка фақат касбий фаолият сифатида қараш анъанаси кучайган ва у мансабдор ҳамда мансабдорликни ўрганиш соҳаси сифатида ихтисослашган. Сўнгги йилларда мазкур соҳа мутахассислари узоқ тортишувлардан сўнг ушбу т.ларни “мансабдор шахс ва бошқарув функциясини бажарувчи шахс” тарзида талқин қилмоқда. Раҳбарият – бошқарув тизими асосида фаолият кўрсатувчи, энг кичик, кўп тармоқли ташкилот ва уюшмалардан тартиб, давлат ва жам-т доирасида йирик тузилмаларгача барча идораларга хос Р.лардан иборат яхлит гуруҳни ифодалайди. Унда Р. ва раҳбариятдан фарқли равишда бир-бирига бўйсунувчи ёки параллел иш олиб борувчи тармоқлар ва

уларни бирлаштирувчи тузилмалар фаолияти асосий масала бўлиб, кўпчилик шахслардан ташкил топган бундай тизимда бир кишининг эмас, балки бутун бир тузилманинг хус-ятлари ҳамда фаолияти бош масала ҳисобланади. Раҳбарият гуруҳлашган идоранинг ташкилий тузилиши б-н бирга, мақсадга кўра тармоқланиш хус-ятлари, ишлаш жараёни, принциплари ва қонуниятлари соҳалар бўйича алоқадорлиги ҳамда мувофиқлиги, шарт-шароитлари ҳамда ш.к. бошқа масалаларни қамраб олади. Раҳбарият масалаларини тадқиқ этиш бугунги кунда, асосан, давлат бошқаруви, персонал бошқаруви, давлат хизмати ва унинг тармоғи бўлган хизмат ҳуқуқи фанлари доирасида амалга оширилади. Лекин раҳбарият қандай ва қанча тармоқга бўлинмасин, ягона тизим бўлганлиги туфайли унинг маълум қонуниятлар, методлар ҳамда принципларга асосланган мақсад ва вазифалари ҳам мавжуд. Уларни ўрганиш, таҳлил этиш, баҳолаш, тадқиқ этишнинг ўзи яхлит йўналишдир. Шуларга кўра, раҳбариятнинг моҳиятини ҳар томонлама ўрганиш Р.шунослик доирасида амалга ошириладиган иш ҳисобланади. Р.шунослик Р., раҳбарият, Р.лик б-н боғлиқ масалаларни тадқиқ этувчи фаннинг ўзига хос йўналишидир. Унинг диққат марказида: 1) бевосита ёки билвосита Р.шуносликка доир тарихий, замонавий ёзма манбалар, уларнинг ижодкорлари, Р.шунослик б-н боғлиқ тарихий ва замонавий воқеа-ҳодисалар, амалий жараёнлар, Р.шунослик объектларининг ўзига хос хус-ятларини ўрганиш; 2) фан ва амалий жараёндаги масалаларни бир бутунликда олиб, уларнинг рив-ш шарт-шароитлари, асослари, йўналишлари, татбиқ этиш объекти, вазифалари ва б.ни илмий текшириш, мувофиқлаштириш ва қиёсий таҳлил қилиш; 3) соҳага оид қонуниятларни кашф қилиш ва тараққий эттириш, шу мақсадда муайян давр ҳамда келажак учун муҳим ҳулосалар тақдим этишни тизимлаштириш каби масалалар туради. Р.шунослик фанининг бош вазифаси ўз объектларига доир барча масалаларни илмий, амалий ва наз-й жи-

ҳатдан теран ўрганиш воситасида: жам-т тар-ёти учун хизмат қиладиган муҳим ҳулосалар тақдим этиш; эришилган натижаларнинг аҳамияти, татбиқ этиш даври, ўрни ва мақсадларини аниқлаган ҳолда қўллаш учун тавсиялар, дастурлар, тизимлар, функционал механизмларни тақдим этиш, жам-тга хизмат кўрсатиш самарадорлигини асослаш; амалий жараёнларда бошқарувни замонавий билимлар б-н қуроллантириб бориш; Р. ходимлар учун вужудга келиши мумкин бўлган янги шарт-шароит ҳамда вазиятда зарур хус-ятлар, тартиблар, қоидалар ва б. талабларни башорат қилиш, энг илғор сифатлар, самарали фаолият шакллари, ташкилий механизмлар ҳамда услубларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат. Р.шунослик фанининг ижт-й аҳамияти шундан иборатки, унинг объектилари жам-т ва унинг фаолияти, халқ турмуш тарзи ва тар-ёт ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади. Р. ҳар қандай ижт-й гуруҳда тар-ётга интилишнинг сиёсий жиҳатдан стратегик, тактик йўналишларини, ҳуқуқий жиҳатдан фаолият имкониятлари ва чегараларини, иқт-й жиҳатдан шарт-шароитлари, моддий асослари ва маҳсулотларини, маън-й жиҳатдан эса тарбиявий, маър-й ва мад-й даражасини шакллантиришда етакчи ўрин тутади. Бу эса Р.дан юксак ақл-заковат, кенг дунёқараш, Р.шунослик фани доирасида эришилган барча ютуқлардан, замонавий маълумотлардан хабардор бўлишни талаб этади. Акс ҳолда гуруҳ, ташкилот, жам-т, давлат фаолиятида жуда чалқаш, ечимини топиш қийин, салбий вазиятларни келтириб чиқарувчи мураккабликлар авж олиб кетиши мумкин. Чунки бошқарувда Р.нинг ҳуқуқий меъёрларга таянган, теран социологик ва психологик таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган, яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган аниқ стратегик йўналишга эга бўлмаслиги жам-тнинг тартибсиз бошқарилиши оқибатида ечимини топмаган муаммоларнинг кескин кўпайишига ва жам-тдаги турли тоифаларнинг норозилигига олиб келади. Шу маънода, Р. шуносликнинг алоҳида фан сифатида ўрганилиши ташкилот, жам-тнинг тар-ёт

сари тез ва илғор ғоялар асосида илгариллашига катта таъсир кўрсатади ҳамда юқорида зикр этилган муаммоларни англаш ва ўз вақтида ҳал этишга, демакки, Р. фаолиятининг изчиллиги, сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

РАҲБАР МАДАНИЯТИ — раҳбар ходимлар, етакчилар, йўлбошчиларга хос маън-ий қиёфа, ахлоқ-одоб, муомала ва бошқарув мад-тини ифодаловчи сўз бирикмаси. Мад-т, аввало, маън-ий бойлик ҳосиласи. Сиёсий мад-ти юксак раҳбар миллат, давлат, халқ манфаати н.назаридан иш тутади, умумманфаатни ўз шахсий эҳтиёж ва манфаатларидан устун қўяди. Раҳбар ва раҳбарликка даъвогар шахс алоҳида хулқ-атворга, маъ-ят ва мад-тга эга бўлиши, уни доимий равишда такомиллаштириб бориши лозим. Бунинг учун сиёсий ҳаётдан хабардор бўлиш ёки иқт-ий ва касбий билимларни ўзлаштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Улар жаҳон тажрибалари асосида шаклланган илғор бошқарув малакаларини ҳам ўзлаштирган бўлишлари керак. Бугунги раҳбар бунга зиммасидаги вазифаларга юксак масъулият б-н ёндашиш, ўзига нисбатан талабчанлик орқали эришади. Мас., у ҳар кунги газета-журналлар ўқиши, радио ва ойнаи жаҳон янгиликларидан хабардор бўлиш орқали ҳам маълум даражада билим олиши мумкин. Сиёсат, иқтисод ва маъ-ятга дахлдор китоблар, мумтоз адабиёт, тарихий жараёнларни чуқур мушоҳада қилиш ҳам унинг дунёқарашини кенгайтиради. Агар ақл-заковати, тафаккури, маън-ий камолоти, мад-ти б-н раҳбар мустақил фикрлашдан, мушоҳада қилишдан, кундалик воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил этиб боришдан узоқлаша, раҳбарлик талаб этган маъ-ятдан узоқлашиб боради. Раҳбар ўзининг маън-ий фаолиятини фикрлаш орқали шакллантириб боради. Мушоҳада эса мушоҳададан қувват олади. Америкалик машҳур олим ва ихтирочи Томас Эдисон «Тар-ётнинг буюк вазифаси одамни фикрлашга ўргатишдир», деган эди. Вужуд ялқовлиги фикрлаш ялқовлигидан бошланади, фикрлаш тўхтаган жойда раҳбарнинг маъ-яти

ҳам, мад-ти ҳам заифлашиб боради. Раҳбар маъ-ят ва мад-тнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиши, бошқарув тизимидаги ижт-ий мун-тларни инсонпарварлик ғоялари асосида ривожлантириб бориши даркор. Раҳбарнинг танқиди одамларга катта ва асосий таъсир кўрсатувчи воситадир. Ш.у. ҳам уни керакли вазиятда ниҳоятда эҳтиёткорлик б-н ишлатиш керак. Зеро, раҳбарлик услуби бошқариш мад-тининг маълум элементларига эга бўлишни тақозо этади. Бошқариш мад-тининг кўри-нишлари тегишли меъёрлар б-н белгиладиган мад-т қоидаларини ўз ичига олади. Раҳбарлар б-н оддий одамлар ўртасидаги мун-тлар мад-тлик қоидаларига асосланмоғи керак. Бу қоидалар ижт-ий бурчни юксак даражада англаш, кишилар ўртасида инсонпарварлик мун-тлари, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва биродарлик кабилардан иборат. Раҳбарлик мад-тини такомиллаштириш унинг барча элементларига эътиборни кучайтириш демакдир. Буларнинг барчаси раҳбар мад-ий савиясининг ўсиб боришига ва сиёсий мад-тининг такомиллашувига катта ёрдам беради. Чунки чекланган тафаккур, чала билим, паст мад-т б-н дунёда рўй бераётган мураккаб жараёнларни теран англаш, масъулиятли вазифа ва мансабни эгаллаб бўлмайди. Бинобарин, демократик асосда шаклланиб бораётган жам-тимиз талаби шуки, сиёсий етук, ақлан ва маънан баркамол, пухта билимга эга бўлган теран тафаккурли кишиларгина раҳбар бўлишга ҳақлидир.

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ — раҳбар мад-тининг асосий белгиларидан бири бўлиб, унинг маълум соҳага жавобгарлигини ифода этади. У алоҳида шахс, ходим масъулиятидан фарқ қилиб, кўлами кенглиги б-н ажралиб туради. Шу боис, Р.м. ҳамиша муҳим саналган. Масъулият, аввало, ҳар бир кишининг виждони, иймони, қолаверса, жамоа, жам-т, Ватан, миллат олдидаги бурчини теран англашдир. Умуман, масъулият раҳбарнинг зиммасидаги вазифасига нисбатан жавобгарлик туйғусидир. Масъулиятли раҳбар, энг аввало, ўзига, ўзгаларга нисбатан талаб-

чан бўлади. Раҳбар фаолиятидаги барча салбий ҳодисалар масъулият ҳиссининг сустигидан келиб чиқади. Масъулиятсизликнинг энг салбий кўриниши сиёсий масъулиятсизликдир. Сиёсий масъулиятсизлик — сиёсий калтабинлик, сафсатабозлик, найрангбозлик, қаллоблик каби салбий иллатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бинобарин, раҳбарлик лавозимидаги кишидан юксак онг ва тафаккур, ҳушёр идрок талаб этилади. Тарихий тафаккур ва сиёсий онгнинг қай даражада шаклланиши эса, аввало, жам-тар-ёти, ундаги ички ва ташқи шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда кечади. Бугунги кунда раҳбар кадрлар олдига қўйилаётган, қолаверса, ҳаёт тақозо этаётган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: 1. Раҳбар кўнгли очиқ, қалби ва кўнгли тоза, ақл-заковат соҳиби, маън-й шакланган бўлиши керак. 2. Раҳбар ўзини тарбия қилган, ишонч билдириб, юксак мартабага муносиб кўрган эл-юртига ҳалол хизмат қилиши, зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб яшамоғи лозим. 3. Раҳбар ақлли, тажрибали, ўз ишининг билимдони бўлган мутахассисларга таянмоғи, уларнинг фикрига қулоқ солмоғи, шунга асосланиб хулоса чиқармоғи керак. Унинг қуйи поғонадаги раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаши жуда муҳим. 4. Раҳбарнинг барча ишлари халқ ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоғи шарт. Кимларгадир яхши кўриниш, мақтаниш учун қилинган иш раҳбарнинг келгусидаги фаолиятида салбий из қолдириши мумкин. 5. Раҳбарда халқи ва Ватанига фидойилик, ташаббускорлик, қатъият ва талабчанлик бўлмоғи шарт. Талабчанликни зўравонликка, қатъиятни манманликка айлантириш ўта калтабинликдир. Манманлик, зўравонлик, ўзгалар фикрига қулоқ солмаслик раҳбар кадрларни яхши мутахассислар, меҳнаткаш, содда ва самимий одамлардан узоқлаштириб қўяди. Раҳбарнинг қўлостидаги ходим ва мутахассисларни кўпчилик олдига шахсига тегиб, ҳақоратлаши унинг ожизлиги, ўз вазифасига нолойиқлиги аломатидир. 6. Раҳбар ҳеч қачон майда гаплар, фисқу фасод, майшатбозликка берилмаслиги ке-

рак. 7. Катта раҳбарларнинг кичик раҳбарларни маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, шахсий садоқатига қараб танлаши ўта калтабинлик. Айниқса, янги раҳбар ўзидан олдин фаолият кўрсатган раҳбар даврида ишлаган яхши мутахассисларни ишдан бўшатиши, ўзига рақиб билиши ачинарли ҳол бўлиб, бу умумдавлат манфаатига жиддий зарар етказди. 8. Раҳбар мақтовдан боши айланиб, «доҳий»лик касалига чалиниб қолмаслиги керак. Бундай раҳбарлар атрофида фақат ўз манфаатини ўйловчи «маслаҳатгўйлар», амалпараст, лаганбардор, порахўр, оддий одамларга зуғум ўтказувчи кимсалар тўпланиб қолади. Бунинг оқибатида эса халқ ва давлат манфаатларига жиддий зиён етади. 9. Раҳбар нафс балосига қарши турмоғи, ўзидан кичик раҳбарларни ҳам бу балодан асрамоғи керак. 10. Раҳбар адолатсизликка асло йўл қўймаслиги лозим. 11. Раҳбар ўз шахсий ҳаёти, турмуш кечиришида ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоғи керак. 12. Раҳбарнинг барча ишлари очиқ ва ошқора бўлиши лозим. Вақти-вақти б-н халқ олдига ҳисобот бериб туриши уларга обрў келтиради. 13. Раҳбар ўз ғояси, фикри, ҳаракат дастурига эга бўлиши б-н бирга, барчани юрт тар-ёти, халқ тинч-тотувлиги, фаровонлиги йўлида ягона ғоя атрофида жипслаштириши шарт. Раҳбарлик ақл-фаросат, куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлашни, тадбиркорликни талаб қилади. “Раҳбар” т.сининг қуйидаги жиҳатлари аҳамиятлидир: 1) раҳбар ижт-й шахс сифатида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириб, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини бошқарувчи сифатида омилкорлик б-н иш юритувчи шахс; 2) раҳбар ҳар қандай ишни амалга ошириш учун, аввало, мустақил қарор қабул қилади. Бу қарор раҳбарнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти мақсадларини белгилайди; 3) раҳбар ўз соҳасига янги ғоя, янги ташаббус, янги технологияларни жорий этувчи тадбиркор шахс ҳисобланади; 4) раҳбар меҳнати, айни вақтда, тадбиркорликка асосланган машаққатли фаолиятдир.

Унга сарфланган куч, маблаг баъзан вақтинча фойда эмас, зарар келтириши, бунда жамоа фойда ўрнига зарар ҳам кўриши мумкин. У бундай ҳолатларни олдиндан кўра олиши ва бунга тайёр туриши, зарур бўлганда, фаолиятини қайта бошлаши, ўзида бунга куч-ғайрат топа билиши лозим. Ушбу жиҳатлар раҳбарлик фаолиятининг маълум жиҳатларини намоён этади. Масаланинг иккинчи томони раҳбарлик фаолияти б-н шуғулланувчи кишининг шахси б-н боғлиқ юксак инсоний фазилатлардан иборат. Раҳбар ҳалол-пок, виждонли, иймонли, қаттиққўл, диёнатли, меҳр-шафқатли бўлиши керак. Раҳбарликка эгри йўл, эгри кўл, эгри мақсад б-н эришиб бўлмайди. Фельатвориди эгрилик бор киши раҳбарлик лавозимида узоқ фаолият юритолмайди. Раҳбар мустақил бўлиши, ижт-й фаолиятининг қонуний тақиқланмаган ҳамма соҳаси б-н шуғуллана олиши лозим. Шу б-н бирга, у ўзи бошқараётган жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлиши зарур. Раҳбар фаол бўлмаса, жам-тда ижт-й фаоллик шаклланмайди. Каттами, кичикми, қандай мансабда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар олдида «ўз ишимга талаб даражасида ёндашишим учун нималарни билишим, қандай фазилатларга эга бўлишим керак?» деган савол ҳамиша кўндаланг туради. Бошқарувда тажриба, кўникма, маҳорат, билим, ақл ва идрокнинг роли катта. Аммо, энг аввало, бошқарув — санъат, аниқроқ айтганда, ижоддир. Раҳбарликка ҳам, санъаткор учун зарур бўлганидек, иқтидор ва истеъдод лозим. Кўринадики, ҳар кимдан санъаткор чиқмаганидек, истаган одамдан ҳам яхши раҳбар чиқавермайди. Раҳбар ўз қобилияти, истеъдодини ишга солиб изланади, шу мақсадда ҳаётни, одамларни чуқур ўрганади. Натижада тўплаган билимлари, тажрибаларини бошқарувнинг умумий қонуниятлари асосида шакллантириб, ўзининг раҳбарлик усулини яратади. У ўз бошқарув усулларини шакллантиришда мутлақо эркин шахсдир, аммо унинг раҳбарлик усули ижобий натижа бериши керак. Раҳбарлик фаолиятининг самарадорлиги раҳбар шахснинг тафаккури, ақл-идрокига

ҳам бевосита боғлиқ. Тафаккур раҳбарга кенг ва чуқур фикрлай олиш. яхшини ёмондан, фойдани зарардан, муҳимни номуҳимдан бехато ажрата олиш имконини беради. Бу — ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган юксак фазилат. Агар раҳбарда мазкур хислатлар шаклланган бўлса, бундай раҳбар бошқарувнинг сир-асрорларини муқаммал эгаллаб олади, ўз жамоаси ўртасида обрў ва ишонч қозонади. Демак, ҳар қандай раҳбар кенг ва чуқур фикрлай олиши б-н бирга, чаққон ва уддабурон, ҳаракатчан ва шижоатли бўлиши ҳам керак. Ш.у. раҳбарлик фаолиятини тафаккур ва ҳаракат бирлиги дейиш мумкин. Раҳбардаги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик ҳамда масъулият жамоа аъзоларида ҳам жавобгарлик ҳиссининг шаклланишига сабаб бўлади. Малакали раҳбар кадрлар тизимини муваффақиятли шакллантириш учун ижт-й психология, раҳбар психологияси, бошқарув психологияси каби фанларни яхши ўзлаштириши керак. Раҳбарлик лавозимини эгаллайдиган ҳар бир раҳбар маън-й баркамол бўлмоғи, ўз юрти ва миллати б-н ғурурланмоғи, юксак ахлоқийлик, маън-й етуклик б-н уйғунлашмоғи даркор. Ана шундай раҳбар жам-т, Ватан олдидаги масъулиятини, бурчини теран ҳис қилади, ижт-й ҳаётда инсон манфаатларининг устуворлигини ҳаётий эҳтиёж сифатида қабул қилади.

РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ — раҳбарнинг шаклланган (ички) руҳий қуввати. Унинг маън-й-психологик мад-ти ажодлар ибратига асосланиб, қадрият даражасида қадрланадиган, шахс маън-й оламини тартибга соладиган, кўникма даражасига етган ҳиссий билимлар мажмуидир. Раҳбар ўз раҳбарлик салоҳиятини такомиллаштириши учун маън-й оламини бойитувчи билимларни эгаллаши, ташаббускорлик қобилиятини ошириши зарур. Раҳбарнинг маън-й мулкига айланган билим унга хоҳиш-истакларини чегаралай билиш, ўзини ташқи тазйиқ ва таъсирлардан ҳимоя қилишга восита бўлади. Яъни, маън-й жиҳатдан баркамол раҳ-

бар бўлиш ҳар қандай ижт-й-психологик муҳитда ўзини тута билиб, ўзи раҳбарлик қилаётган жамоада ҳамда кенг жамоатчилик орасида соғлом муҳит яратиш ва инсонларга самимий мун-тда бўлишдан қониқиб яшайди. Маъ-яти юксак раҳбар жам-тдаги ёмонлик, адолатсизлик, қонунбузарлик, Ватан манфаатларига зид ҳаракатларга қарши курашда ирода, шижоат ва фаоллик кўрсата олади. Раҳбарларни маън-й-психологик мад-ти даражаси н.назаридан бир неча тоифага бўлиши мумкин: 1. Маън-й савияси нисбатан паст шаклланган раҳбарлар. Бундай раҳбарлар оддий ахлоқий-руҳий фазилатлардан маҳрум, жам-т маън-й меъёрларини тушуниб етмайдиган ва уларни менсимайдиган шахслардир. 2. Маън-й мад-ти, ахлоқий даражаси паст бўлиши б-н бирга, жамоат фикри, оила, халқ анъаналари ва б. қадриятлар б-н боғлиқ психологик муҳитни бузувчи раҳбарлар. 3. Ахлоқий меъёрларни ҳаётий зарурат сифатида ички ишонч ва туйғу б-н ўзлаштирамай, уларни кўр-кўрона қабул қилувчи раҳбарлар. Бундай раҳбарлар наз-й жиҳатдан юқори билимга эга бўлади, амалда эса бу билимларни қўллай олмайди ёки уларда ташкилотчилик қобилияти етишмайди. 4. Руҳан заиф, маън-й мад-яти анча юқори бўлса-да, адолатсизликни ўткир ҳиссиёт б-н қабул қиладиган раҳбарлар. Уларда ахлоқий билимлар етарли, аммо уларни намоён қилиш учун ташаббускорлик, мустақиллик ва шижоат етишмайди. 5. Маън-й мад-т ва сиёсий-психологик билимларни етарли даражада эгаллаган, ташаббускор, шижоатли раҳбарлар. Улар чуқур билим, теран тафаккур ва ўткир мушоҳада, маън-й ҳиссиётларга бой бўлади. Психологик билимларни атрофлича ўзлаштирган раҳбар ўзида юқори даражадаги мад-т, хулқ, ахлоқ меъёрларини мужассамлаштиради. Бу эса раҳбар ўзида индивидуал ва интеллектуал савияни ҳар томонлама такомиллаштириб боришини тақозо қилади. Раҳбарларнинг шахсий эътиқоди ва маън-й қиёфасини тубдан ўзгартиришга мустақил тар-ёт йўлида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги ўзб. модели дея эътироф этган ўзимизга

хос ва мос тар-ёт йўли, келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгаришлар ва янгиликлар катта ёрдам берди. Ўзининг раҳбарлик фаолиятини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, келажак учун қайғурадиган раҳбар ҳеч бир даврда миллий ғоя ва маън-й мафкурасиз камол топиши мумкин эмас. Маън-й қиёфаси, маън-й мафкураси бўлмаган ҳар қандай раҳбар ўз йўлидан адашадди. Қайси жам-т маън-й баркамол раҳбарга кўпроқ эга бўлса, ана шу жам-тдаги тарихий тар-ёт, тикланиш кескин сиёсий «ларзалар»сиз, ижт-й «оғриқлар»сиз ва иқт-й «ўпирилишлар»сиз кечади. Маън-й н.назардан юксак, онги тийрак раҳбар учун кадрлар б-н катта йўлга чиқиш, халқ, миллат олдида турган барча муаммоларни ижобий ҳал этиш осон кечади. Раҳбар маъ-ятининг шаклланиши ва ривож, одатда, уч таркибий бўғинда намоён бўлади. Мафкура кўринишидаги биринчи бўғин – маълумот, ахборот тўплаш, асосан сўз, мулоҳаза, ибрат, ғоя ва наз-ялар даражасида ифодаланади. Раҳбар маън-й мерос, қадриятлар б-н танишади, уларни ўзлаштиради, янгиликни дунёқарашига сингдиради. Бу ишонч бўғинидир. Иккинчи бўғин – инсонга ёшлигидан сингдирилган мад-й-маън-й қарашлар, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулар. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати б-н бирлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу бўғин – имон бўғини. Шу боисдан ҳам аждодларимиз «Ватанни севмоқ иймондандир» ғоясини илгари сурганлар. Учинчи бўғин билим, ижодий изланиш, фаҳм-фаросат б-н ифодаланади. У тафаккуримизда маърифат, дунёвий маъ-ят тимсолида намоён бўлади. Буюк алломаларимиз ана шу дунёвий маъ-ятни илоҳий маъ-ят б-н узвийликда камолга етказганлар. Агар биринчи бўғин янгиликларни қабул қилиш, иккинчиси қадриятларга, аждодлар руҳига таяниш бўлса, учинчи бўғин янгиликларнинг ижодий равнақидир. У аждодлар меросига ҳақиқий ворис

бўлиб, уларнинг қадриятга айланган қисмини ижодий ривожлантиришни назарда тутати. И.А.Каримовнинг **миллий қадриятларни тиклаш, боболар қолдирган маънавиятни улуглаш, ундан ибрат олиш, ўзликни англаш лозимлиги** ҳақидаги фикрлари муҳимдир. Зеро, маъ-яти қашшоқ, ўзининг мустақил дунёқараши, фикрига эга бўлмаган одамга ҳар қандай вайронкор ғоя ўз таъсирини ўтказа олади. Чунки, Президентимиз таъкидлаганидек, **«Ўзбекистонимизнинг эртанги куни маънавий-маданий баркамол, руҳан тетик, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос касб-хунар маҳоратини ўзида мужассам этган, гурури баланд, иймони бутун, иродаси бақувват, чинакам ватанпарвар, инсофли ва ориятли инсонлар қўлида...»**.

РАҲБАР МАҲОРАТИ — раҳбарнинг бошқарув санъати сирларини билиши, ходимларни танлашдан тортиб, улар б-н боғлиқ зиддиятли вазиятларда оқилона ечим топа олиши, ўзи масъул жабҳада юксак меҳнат самарадорлигига эришиш учун жамоанинг бунёдкорлик кучларини сафарбар эта олиши, ташкилотчилик қобилиятининг намоён бўлишини англа-тувчи т. Р. м.нинг муҳим жиҳати унинг муомала мад-тида акс этади. Самимият, адолат, муомала, ишбилармонлик, асосий муаммо б-н иккинчи даражали вазифаларни ўз вақтида фарқлай билиш, ташаббускорлик, оптимизм Р.м.ни ташкил этувчи омиллардир. Раҳбарнинг узоқни кўра билиши, пировард мақсад ва вазифаларни теран англаши, ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган мураккаб вазиятларда ўзини йўқотмасдан ноанъанавий, қутилмаган ечимлар ўйлаб топиши, жамоадаги ҳар бир ходим, ишчи кўнглига йўл топа билиши Р.м.нинг намоён бўлиши ҳисобланади. Яъни, жамоада ҳақиқий раҳбар руҳий кўтаринки кайфият б-н иш олиб бормоғи ва яшамоғи лозим. Раҳбар ҳамиша жамоа аъзоларининг қувонч ва ташвишлари б-н яшаши керак, чунки ҳаётининг кўпгина унутил-

мас лаҳзалари жамоа муҳитида шаклланади, тарбияланади. Шу тарзда раҳбарнинг энг яхши ташкилотчилик, тadbиркорлик фазилатлари шаклланиб, мукамаллашиб боради. Бошқариш, энг аввало, кишилар б-н ишлашдир. Раҳбар нотиқлик маҳоратига эга бўлиши, тушунарли, ифодали ва таъсирчан, ишонарли ва даъваткор руҳда гапиришга ўрганиши керак. Раҳбарнинг тинглаш маҳорати бугунги кунда долзарб вазифага айланган. Немис файласуфи А. Шопенгауэр «Одамларнинг ўзингиз тўғринида яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг» деган эди. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, руҳлантиради. Шу тариқа янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит туғилади. Раҳбар қалби тоза, шижоатли, ишбилармон, ўз мустақил фикрига эга, руҳан тетик, давр талабини онгли ҳис этадиган, раҳбарлик фаолиятида дуч келган ҳар бир салбий ёки ижобий хатти-ҳаракатларга ўзида шаклланган сатоҳият кучи б-н жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

РАҲМАТ (араб. шафқат, марҳамат, меҳрибонлик; ачиниш) — 1) ташаккур ва миннатдорлик, шукроналикни ифодаловчи т.; 2) марҳамат, лутф, эҳсон; 3) эркаклар исми: Р. (Раҳматулла). Р. кўп маъноли сўз. Яхши бажарилган эзгу ишлар учун кишилар Р. орқали ўз миннатдорчилигини билдиради. Р. олган киши катта савобга эга бўлади. Бу сўз б-н бажарилган меҳнатга баҳо берилади. Кимдир кимгадир яхшилик, савоб иш қилган чоғида ўз хурсандчилигини ифодалаш учун Р. айтилади. Баъзан бу сўз кесатиқ маъносини ҳам англатиши мумкин. Р. инсоний мун-тлар орқали рўёбга чиқадиган сўз бўлиб, яхши муомалани ҳам англатади. Энг гўзал муомала лутф-карамдир. Алишер Навоий буни муомала-пардоз, деб атаган. Халқимиз инсоний муомала қила билишни мад-т, олижаноблик аломати, деб тушунади. Ота-оналар учун фарзандлари ҳақида мақтов, эл-юртдан “Отангга Р.!” деган олқиш эшитиш энг катта саодат-

дир. Эзгу ишлар қилиш Р.га лойиқдир. Киши яхши иш қилса фақат ўзига эмас, балки ота-онасига ҳам Р. келтиради, одамлар Р. эшитиш учун фақат эзгу ишлар қилишга интилади. Р. сўзи б-н кўрсатилган марҳамат, иноят ҳам ифодаланади. Мас. ёмғир, қор Яратганнинг Р.и дейилади.

РАҲМДИЛИК — ўзгаларга нисбатан меҳр-шафқат, меҳрибонлик, инсопарварлик туйғусини ифодаловчи т. Р.нинг туб моҳияти инсонни ҳурмат қилиш, қадр-қимматини билиш ҳамда уларга меҳрибонлик кўрсатишдан иборатдир. Р. ўзгаларга меҳр-шафқат кўрсатиш, амалий кўмак бериш каби инсоний фазилатларда намоён бўлади. Инсондаги Р. ва меҳрибонлик унинг маън-й гўзаллигидан, нозик табиат эгаси эканидан далолат беради. Ш-дек, Р. ижобий фазилатлар б-н бойитиб борилади. Раҳмдил киши эзгу ишлар қилишга мойил, қалби дарё инсондир. Улар ўзгаларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлади. Раҳмдил инсон яхшиликдан куч олиб, эл манфаатини кўзлайди, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди. Инсонда ачиниш ҳиссининг мавжудлиги унинг Р.идан далолат беради. Раҳмдил инсоннинг нияти холис, ёрдами беғараз бўлади, ўзгаларга маън-й озуқа беради. Олийқиммат, раҳмдил, сазий инсон тўлиб-тошиб оқаётган дарёга ўхшайди, у ўзидаги илм-маърифатдан, эзгу ишлардан ҳаммани баҳраманд қилгиси келади. Ҳадиси шарифда келтирилишича, “Аллоҳ таоло ўз раҳматини юз бўлак қилди. Тўқсон тўққиз бўлагини Ўзида олиб қолди ва қолган бир бўлагини ер юзига туширди. (Мана шу бир бўлак раҳм бутун мавжудотларга тақсимланди). Урғочи отнинг ўз боласини босиб олмаслик учун оёғини тортиши ҳам мана шундандир”.

РЕАЛИЗМ (лот. *realis* — воқеий нарсалар) — санъат ва адабиётдаги асосий ижодий услублардан бири. Санъат ва адабиётнинг икки асосий ижодий услуби бор: Р. ва романтизм. В.Г. Белинский “Рус повестлари ва Гоголь повестлари ҳақида” мақоласида романтизм ва Р. ижодий ус-

лубларини кўзда тутиб, поэзияни “идеал ва реалистик поэзия”га ажратган эди. Р.нинг бош принципи турмушни рост-гўйлик б-н тасвирлаш, ҳаёт ҳақиқатини тўғри ёритишдир. Типиклик реалистик санъат ва адабиётнинг негизидир. Типик характерларни типик шароитда тасвирлаш ҳаёт ҳақиқати ва унинг қонуниятини тўлароқ ҳамда ёрқинроқ ёритишга, мужассамлаштиришга хизмат қилади. Образлар типиклаштирилмаса, мукамал реалистик асар даражасига кўтарилмайдди. Реалист санъаткор ҳаётнинг энг муҳим ва характерли воқеа-ҳодисаларини тасвир объекти қилиб олади, ҳаёт воқеликларини саралаб тўплайди, уларни бадиий умумлаштиради ва индивидуаллаштирилган типик образларда мужассамлаштиради. Р. элементлари, воқеликни реалистик тасвирлаш тенденциялари, кўпинча, романтизм б-н ёнма-ён ёки аралаш ҳолда намоён бўлади. Шарт-шароит, мавзу ва ёзувчи кўзлаган ижт-й-эстетик мақсаднинг моҳиятига қараб, алоҳида олинган бадиий асарларда романтика ёки романтик тамойиллар етакчи бўлади. Шу б-н бирга, таъкидлаш лозимки, реалистик асарда романтизм элементларининг, романтик асарда Р. элементларининг бўлиши ҳам табиий ҳолдир. Р. ижодий услуби конкрет, тарихийдир. У бир нуқтада туриб қолмади, унинг моҳияти ва ижт-й-эстетик вазифаси ўсиб, ўзгариб борди. Бинобарин, адабиётшуносликда баъзан Р.ни тасниф этиб, “антик Р.”, “илк Р.” каби иборалар ҳам қўлланилади. Ўзб. мумтоз адабиётидаги Р. тенденцияларининг рив-шида мумтоз йўналиш (айниқса, Навоий ижоди), демократик тенденциядаги адабиёт (Турди, Махмур, Гулханий ва б. ижоди) муҳим роль ўйнайди. Муқимий, Фурқат, Заҳқий ва Аваз Ўтар каби демократ, маърифатпарвар шоирлар ижоди б-н ўзб. адабиётидаги Р. ўз тар-ётининг янги босқичига кўтарилди.

РЕДУКЦИОНАЛИЗМ (лот. *reductio* — орқага силжиш, олдинги ҳолатга қайтиш, тўхтаб қолиш) — фал.ги методологик тамойил. Унга кўра, материянинг юқори шакллари қуйи шакллари хос бўлган

қонуниятлар асосида тўлиқ тушунтириб берилиши ёки қуйи шаклларга келтирилиши мумкин. Мае., физик ва кимёвий қонунлар ёрдамида биологик ҳодисалар, биологик қонунлар ёрдамида эса ижт-й ҳодисаларни тушуниш мумкин. Р. психологияда бихевиоризм кўринишида, физикада физикани “математикалаштириш”, лингвистикада товуш редукцияси ва б. кўринишларда намоён бўлади. Р. ижт-й психология, биология ва б. фанларда ҳам учрайди. Р.нинг социологик концепцияларининг хатарли жиҳати шундаки, улар инсон турмуш тарзидан ижодий фаолиятнинг барча шаклларини чиқариб ташлашга олиб келади ва унинг ижодий фаолияти ҳамда имкониятларини рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилади. Психологик Р. ёндашуви психологиянинг мустақил фан сифатидаги мавқеини пасайтиради, унинг қонуниятлари ва категорияларини инкор этади. Шу б-н бирга, Р. редукционалистик ёндашув илмий билимларнинг бирлиги масаласига ойдинлик киритмаган бўлса-да, у илмда янги белгиларни воситаларни яратишга, сунъий расмий тилларни лойиҳалаштиришга қизиқиш уйғотиб, компьютер мантиги, кибернетика ва б. соҳаларнинг пайдо бўлиши ҳамда рив-шига замин яратди. Мас., муҳандислик йўналишида билимларнинг рив-ши ва компьютерлаштиришнинг кенг ёйилиши натижасида Р. асосида янги фан соҳаси — синергетика вужудга келди.

РЕНЕССАНС (франц. *renaissance* — уйғониш) — инсоният маън-й тар-ётидаги уйғониш даври. XIII а.дан эътиборан Европада Р. даври бошланди. Табиийки, ушбу ижт-й-тарихий жараён Европанинг турли мам-тларида турлича кечди. Р. даври Европада уч асосий босқични: илк босқич (XIV а.), етуклик босқичи (XV а.) ва охирига қолган сўнгги босқич (XVI а.)ни босиб ўтди. Р. ўзининг илк босқичида бутун Европани эмас, балки унинг энг ривожланган мам-тларини қамраб олди. Р. даврининг илк босқичи излари қад. Италияга бориб тақалади. Р. ғоялари қад. Италияда XII а.даёқ вужудга келган эди. Худди ш.у. ҳам Р. ўзининг илк

босқичида соф “итальянча воқеа” эди. Ўз тар-ёгининг етук босқичида у бутун Европага хос хус-ят касб этди. Бу пайтда Европанинг қатор ривожланган мам-тларида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг тез рив-ши бошланди. Кишиларнинг шаҳар томон интилишлари ошиб кетди. Жам-т ҳаётида шаҳарларнинг ўрни ва аҳамияти узлуксиз кучайди. Янги иқт-й мун-тлар қарор топа бошлади. Кишиларнинг турмуш тарзида муҳим ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Р. даври ўзига хос янги мад-тни яратди. Ушбу мад-т нафақат динга, балки илм ва фаннинг илғор ютуқларига таяна бошлади. Илк Р. даврида фаннинг буюк қудратли қадриятлари улуғланди ва янада бойиди. Оқибатда Р. даврида Европанинг ривожланган мам-тларида инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, бу даврга келиб биринчи китоб нашр этилди, Колумб томонидан Америка кашф этилди, Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очди, Магеллан ўзининг узоқ давом этган саёҳатида асосланиб, Ер қуррасининг шарсимон эканлигини исботлади, география ва геодезия фан сифатида эътироф этилди. Математикада символик белгилар қабул қилинди, илмий анатомия ва физиология асосларини фан сифатида ўрганиш бошланди, кимё ва астрономияда катта ютуқларга эришилди. Р. даврига келиб христиан дини ўзининг мафкуравий ҳукмронлик мавқеини йўқота бошлади, ижт-й турмушнинг барча соҳаларида дин ва черковнинг зўравонлик таъсири барҳам топди. Бундай кескин бурилиш фақат фан, фал. санъат ва адабиётдагина эмас, балки христиан динининг ўз қобиғида ҳам рўй берди. Яъни Европанинг бир қатор мам-тларида секуляризация жараёни бошланди. Секуляризация (дин, черков таъсиридан холи бўлиш) жараёни кишилар дунёқарашида диннинг таъсирини камайтириб юборди. Ш-дек, бу жараён ижт-й турмушнинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Оқибатда кишиларнинг фикрлаш мад-тида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Табиийки, фикрлаш мад-тидаги бундай кескин ўзгариш ўрта а. те-

ократизмига қарши кураш заминидан вужудга келди ва ривожлана бошлади. Эндиликда кишиларнинг фикрлаш мад-тида гуманистик қарашлар устуворлик қила бошлади. Табиий ижт-й муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларга инсоннинг интеллектуал ақлий имкониятлари н.назаридан қараш қарор топа бошлади. Кишиларнинг фикрлаш мад-тида гуманистик тамойилларнинг устуворлиги уларнинг антик мад-й меросга бўлган қизиқишларини кучайтирди. Қад. юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту фал.си қайта таҳлил қилина бошланди. Неоплатонизм, стоиклар фал.си Эпикур ва Цицерон қарашларига қизиқиш кучайди. Р., энг аввало, антик замоннинг мад-й ва фал-й мероси ҳақида эркин фикр юритиш, ҳар қандай қоидаларни ўзгармас, мутлақ ҳақиқат деб қарашдан воз кечиш, инсон бисотида мавжуд бўлган қобилият ва истедодни эркин намойиш қилиш учун вужудга келган имконият эди. Худди ш.у. барча ижод аҳли “эпик мактаблар” намояндалари эмас, балки мустақил тадқиқотчи сифатида ҳаракат қила бошлади. Ҳар бир тадқиқотчининг ўзига хос баён қилиш, илмий-фал-й асарларни ўзига хос талқин қилиш, воқеликни реал тасвирлаш услублари вужудга келди. Р. мад-тининг асосий тарғиботчилари ва ташвиқотчилари шаҳар аҳолисининг юқори табақалари — йирик ишбилармонлар, мешчанлар, юқори маълумотга эга бўлган зиёлилар эди. Р. даври мад-ти инсонпарварлик ғоялари б-н йўғрилган ва фал.си инсонни энг олий қадрият эканини ҳар томонлама исботлашга уринди. Худди шу даврга келиб, ижт-й мун-тларни баҳолашнинг янги инсонийлик мезони вужудга келди. Инсонийлик ажодлар яратган мад-й-маън-й меросни ўзлаштириш қобилияти б-н белгиланди, оламни теоцентриқ тушунишдан антропоцентриқ тушунишга ўтилди. Бундай инқилобий ўзгариш, шубҳасиз, ўта мураккаб жараён бўлиб, турли зиддиятларга тўла эди. Р. даври инсоният босиб ўтган тарихий тар-ёт йўлининг энг муҳим даврларидан биридир. Бу давр жаҳон цивилизацияси тар-ётига улкан ҳисса қўшди. Р. даврида гуманистик ғояларни

улуғлаган Данте Алигъери (1265–1321), падуялик Марсилиий (1278–1348), Франческо Петрарка (1304–1374), Джованни Бокаччо (1313–1375), Марсилио Фичино (1422–1495), Пико Делло Мирандола (1463–1495) каби буюк зотларнинг катта бир сулоласи етишиб чиқди. Илм-фанга эътибор кучайди, амалиёт б-н фан орасидаги чегара ҳам ўзгара бошлади. Муҳандис ва рассом нафақат ўрта а. замонасидагидек “санъаткор”, “техник”, балки чинакам ижодкор, яратувчи даражасига кўтарилди. Кеплер, Галилей, Ковальери сингари ижодкорлар Худо томонидан содир этилган табиий ҳодисаларни ички тузилишидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини билишга интидилар. Инсон тўғрисидаги қарашлар Р. даврида янада юксакликка кўтарилди бошлади. Эндиликда инсоннинг қадр-қиммати ҳар томонлама оша бошлади. Ўрта а.ларда мавжуд бўлган инсон — Худо орасидаги иттифоққа ва у ҳақдаги қарашларга дарз кетди. Инсон Худодан ажралиб, мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлди. Энди у фалакиётдан эмас, балки ўзидан, ўзининг теранлашиб бораётган ақл-фаросатидан, гўзаллашиб бораётган танасининг имкониятларидан нажот излай бошлади. Худди шу боис Р. даври антропоцентризмада гўзалликни улуғлаш тамойили устувор мавқега кўтарилди. Тасвирларда инсон гўзаллигини, айниқса, унинг қиёфасидаги латофатни тасвирлаш ўша давр санъатининг бош мавзусига айланди. Бундай ҳолатни Р. даврининг машҳур мусавирлари — Боттичелли, Леонардо да Винчи, Рафаэл асарларида кўриш мумкин.

РИВОЖЛАНИШ — тар-ёт, такомиллашув, оламдаги илгариланма ҳаракатни, объектлардаги сифатий ўзгаришларни, борлиқдаги янги шаклларнинг вужудга келишини ифодаловчи фал-й категория. Р., энг аввало, ўзгариш б-н боғлиқ, бироқ ҳар қандай ўзгаришни ҳам Р. деб бўлмайдди. Фақат эскидан кейин янги сифатнинг юзага келиши б-н боғлиқ ўзгаришгина Р. бўлиши мумкин. Р. оламнинг умумий тавсифи эмас, балки оламдаги моддий ва маън-й системаларнинг хус-яти-

дир. Конкрет системалардан ташқарида Р. йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу боис олам ҳақида ган борганида ундаги конкрет системаларнинг чексиз тар-ёти назарда тутилади. Антик фалда Р. гоёлари учрамайди. Чунки Р.нинг муҳим томони шундаки, у замон б-н боғлиқ. Зеро, ҳар қандай Р. маълум вақт давомида содир бўлади. Антик фал. эса замонни цикли жараён сифатида тасаввур этарди. Ушбу тасаввурга мувофиқ, барча ҳодисалар такрорланиб туради, борлиқ ўзининг маълум бир ҳолатига қайтаверади. Албатта, бундай тасаввур Р. гоёларига ўрин қолдирмасди. Христиан динининг вужудга келиши вақтнинг келажакка қараб йўналганлиги ҳақидаги тасаввурларни вужудга келтирди. Фаннинг тараққий этиши эса ушбу тасаввурларни табиат ва жам-тдаги ўзгаришларнинг йўналганлиги ва қайтмаслиги ҳақидаги мулоҳазалар б-н бойитди. Бунинг натижасида Р.га доир қатор концепциялар юзага келди. Г.Спенсер Р.ни бутун табиатнинг тадрижий эволюцияси б-н боғлади. Унинг фикрича, Р. бир хилликдан кўп хилликка, оддийликдан мураккабга қараб борувчи жараёндир. XIX а.нинг иккинчи ярмидан Р.нинг натуралистик концепцияси шакллана бошлади. Ч.Дарвин Р.ни универсал методологик принцип сифатида эмас, жузъий илмий т. сифатида талқин этди. Р.нинг антропологик концепциясига кўра, Р.ни “инсон — табиат” ва “инсон — инсон” мун-тларидан изламоқ лозим. Р.нинг яна бир концепцияси — ижодий эволюционизмда (эмергентизм) Р. янги сифатнинг вужудга келиши тарзида тасаввур этилади. Бу концепция тарафдорларидан бири бўлган Л.Морган ўзининг 1922 йилда чоп этилган “Эмергент эволюция” номли асарида янги сифат системанинг ички ижодий қудрати шарофати б-н вужудга келишини асослаб берди. XX а.да эса Р.нинг янги концепциялари ривожланди. Улардан бири — мувозанат наз-ясида Р. қуйидаги принциплар асосида содир бўлиши баён этилади: 1) Р. “мувозанат — бузилиш — мувозанат” тарзида содир бўлади; 2) мувозанатнинг энг асосий хус-яти унда зиддиятларнинг йўқлигидир; 3)

мувозанат ташқи таъсир остида бузилади; 4) мувозанат ташқи таъсирга мослашиш орқали тикланади; 5) мувозанат мутлақ, бузилиш эса нисбийдир. Бу концепция. асосан, Л.Ф.Уорд ва Ле Дантектлар томонидан ривожлангирлиди. Конфликт наз-ясида Р.нинг асосий манбаи кишилар, авлодлар, ижт-й гуруҳлар ва миллатлар ўртасида содир бўладиган конфликт б-н боғланади. Ушбу конфликтнинг бартараф этилиши Р.га олиб келади, деб ҳисобланади. Р.нинг энг муҳим концепцияси диалектикадир. Унга кўра, Р.сифатий ўзгариш б-н боғлиқ бўлиб, унинг уч асосий хус-яти мавжуд: 1) Р. орқага қайтмайди; 2) Р. фақат келажакка йўналгандир; 3) Р. зарурийлик б-н боғлиқ. Ушбу уч хус-ят мавжуд бўлганидагина ўзгариш Р. даражасига кўтарилади. Биринчи хус-ят бўлмаса, ўзгариш ҳар қандай фаолият бўлса, ворисийлик ва алоқадорликка эга бўлмаган жараён б-н, иккинчи хус-ят кўрсатиш жараёни б-н, учинчи хус-ят бўлмаса — тасодифий жараён б-н чекланиб қолади. Р. системаларда мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши жараёнида, миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришига айланиши, янги сифат томонидан эски сифатнинг инкор этилиши орқали юз беради. Ушбу жараённинг биринчи хус-яти диалектик зиддият қонунида, иккинчи хус-яти миқдорнинг сифатга ўтиши қонунида, учинчи хус-яти диалектик инкор қонунида ўз ифодасини топади. Р. давомида янги сифатнинг вужудга келиши аста-секинлик б-н тадрижий равишда ёки бирдан, қисқа муддатда юз бериши мумкин. Р.нинг биринчи типи эволюцион Р., иккинчи типи революцион Р. дейилади. Р.нинг ҳар қандай типиди ижобий, прогрессив сифатлар жамланиб боради. Бироқ айрим ҳолларда янги вужудга келган сифат регрессив характерда бўлиши ҳам мумкин. шунга қарамадан Р.да умумий прогрессив йўналиш сақланиб қолади.

РИЁЗАТ (араб. қийналиш, азоб чекиш) — 1) тасаввуфда тариқат шартларидан бири, дарвеш, мурид, сўфийнинг нафс истагидан воз кечиш, бу йўлда қийна-

лиши, азоб-укубатларга чидаши, суфийнинг бутун вужудини Р. супургиси б-н супуриб, кўнтил эгаси ўтирадиган пок манзилга айлангиришдаги машаққатларини англагувчи т.; 2) Математика, алгебра ва астрономия каби фанларнинг ўрта ада номланиши. Р. инсоннинг маън-й юксалиш мақсади йўлида дуч келадиган ҳар қандай қийинчиликларни бардош б-н енгиб ўтишига қаратилган ҳаракатини англатган. Р. жисмоний ва маън-й, моддий ва ижт-й қийинчиликларга чидашни ҳам қамраб олган. Р. тариқатда инсон босиб ўтиши керак бўлган бир қанча мақом-даражаларда муҳим роль ўйнаган. Унда энг муҳими инсон маъ-яги синовдан ўтказилган. Маън-й жиҳатдан кучсиз бўлганлар Р. талабларига бардош бера олмаган ва ўз-ўзидан маън-й юксаклик даражасига кўтарилишдан маҳрум бўлганлар. Р. ҳар қандай турдаги бойликдан воз кечишни тарғиб қилса-да, бу таркидунёчилик ҳисобланмаган. Бу маънони Баҳодудин Нақшбанд «Дил ба ёру даст ба кор» деган шиорида ифодаладики, бу инсон Ҳаққа, маън-й юксакликка эришиши учун тўғри, пок яшаб, ҳалол меҳнат қилиши, айна вақтда Худони, унинг бу ишларни кўриб турганини мудом ёдида тутиши лозимлигини англатган. Шу жиҳатдан олганда, Р. маън-й моҳиятига кўра, дунёдан воз кечишни эмас, балки унга интилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган салбий хус-ят ва ҳаракатлардан тийилишга ундаган дейиш мумкин.

РОМАНТИЗМ — бадий адабиёт ва санъатдаги ижодий ёндашув ва услублардан бири. Р., реализм, танқидий реализмнинг ҳар бири адабий тар-ёт жараёнининг маълум босқичида тарихий зарурат сифатида юзага келган, бири иккинчисининг тўғилишига замин ҳозирлаган. Ш.у. бу ижодий услубларнинг бир-биридан фарқли белгиларини, ҳар бирига хос хус-ятларни билиб олиш муайян тарихий даврда яратилган асарларнинг қандай йўналишда яратилганини аниқлашга ёрдам беради. Ёзувчи ўз даври учун характерли ҳодиса ва ҳаётий воқеликларни ажратиб олиб, уларни ўз асарида умумлаштириб

тасвирлар экан, уларга нисбатан ўз мунтини билдиради, эстетик жиҳатдан баҳолайди. Ёзувчининг худди ана шу мунти ва баҳосида унинг тасвирлаш принципи, ижодий ёндашуви ўз ифодасини топади. Р. ҳаётнинг ўзидан кўра кўпроқ турмуш ҳақидаги орзу-умидларни тасвирлаш таъмоилига асосланади. Ш.у. Р. услуби асосида яратилган асарларда воқеликка нисбатан ижодкорнинг эркин ёндашуви яққол намоён бўлади, яъни тасвирда ҳаётий фактга қараганда бадий тўқима устунлик қилади. фантазия, рамзийлик ва бадий муболағага кенг ўрин берилади, юксак тимсолларни тасвирлаш устувор аҳамият касб этади. Романтик асарларда ёзувчи орзу қилган нарсаларни бўрттириб тасвирлайди, ўзи яшаб турган ҳаётдан норозилигини ифода этади. Ш.у. бундай асарларда ёзувчи яшаган давр, ижт-й мун-тлар ифодаланиши б-н бирга, асар қаҳрамони ҳукмрон гуруҳларга қарши кўйилади. Романтик ёзувчилар яратган образлар ҳаёт ҳақиқатини йироқ, ундан бутунлай ажралиб қолмаган бўлса-да, бу тимсоллар бевосита ҳаётий ҳақиқатнинг бадий ҳақиқатга айланган образи бўлмай, балки улар орзу қилган ҳаётнинг инъикосидан иборат. Р. услуби асосида яратилган асарлардаги образлар романтик образлар дейилади. Мас., Алишер Навоий асарларидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун ва б. тимсоллар Р.га йўғрилган бўлиб, буюк мутафаккир шоир улар орқали ўзининг илғор қарашлари, жумладан, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, яхши ва ёмон амаллар ҳақидаги ғояларини ғоят таъсирчан романтик тасвирлар воситасида ифода этган ҳамда инсонларни юксак маън-й амаллар сари етаклаган.

РОСТГҶЙ(ЛИК) — тўғрисўзлик ёки инсоннинг ҳақиқатга интилиши б-н боғлиқ хатти-ҳаракатини ифодаловчи маън-й фазилатни англагувчи т. Ҳақиқат доимо синфийлик, партиявийлик, мафкуравийлик, тарихийлик ва даврийликдан юқори туради. Р. ҳақиқатни ифода этиш шаклларида биридир. Р. — инсоннинг сўзи, онги, руҳига сингдирган, ижт-й-ҳаётий,

даврий-тажрибавий хус-ят эмас. балки унинг моҳиятини ифодаловчи фазилат. Мас., тили чиққан ёш гўдакка нима десангиз ишонади, ўзи нимаики деса – рост гапирди. Гўдакнинг соддалиги, ишонувчанлиги, тўғриси айтишидан биз – катталар куламиз, лекин ҳақиқат устидан, Р. устидан кулаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Гўдак улғайиб, «ақли кириб» боргани сари атроф муҳитда ёлгон мавжудлигини, баъзи бир ўринда рост гапирса ё кулги бўлиши, ё жазо олиши мумкинлигини англаб етади ва аста-секин ёлгонга ўргана бошлайди, дастлабки маиший ёлгон ижт-й босқичга кўтарилади. Лекин бу ижт-й ҳаёт ёлгонга тўла, деган тасаввур бермайди. Рост ёки ёлгонни ишлатиш тарбия олишига ҳам боғлиқ. Энди у тарбияси, идеали ва характерига кўра, хусусий ёки гуруҳий манфаатдорликни таъминловчи ёлгон атрофдаги воқеликнинг ҳамроҳига айланади. Инсонни бу йўлдан фақат юксак маъ-ят, биринчи галда, ахлоқий тарбия қутқаради. Эзгулик, номус, қадр-қиммат, инсонпарварлик, ҳалоллик, инсоф нима эканини тушуниб етган кишигина Р. бўла олади. Р. инсондан сабр-тоқат, матонат ва жасоратни талаб қилади. Р. инсон кўрқувдан фориғ бўлади, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонига қарши бормайди, кимларнингдир кўзига қараб иш тутмайди, яқинлари ёки ҳамкасабаларини хафа қилишдан, ўз моддий манфаатдорлигига зарар етказишдан чўчимайди. Р. инсон азият чекиши, таъна-дашномларга қолиши мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси бир одамга ёки муайян гуруҳга воқеликни асл ҳолида етказганидан, уларни нотўғри йўлга солиб юбормаганидан қалбда пайдо бўлган маън-й қониқиш ҳисси, хотиржамлик ва ором туфайли ювилиб кетади, ички қувонч унга баланд руҳ бағишлайди. “Тўғри сўзли киши барчанинг эътиборини қозонади. Яхши ишидан янада улғуроқ мартабаларга тавсия этилади. Қадр-қиммати ортади, ҳар ерда сўзи мақбул бўлади. Ёлгончи эса бу фазилатларнинг барчасидан маҳрум бўлиб, унинг орқасидан одамлар нафрат б-н қарашади. Ёлгончи ёлгон сўзи б-н ўзгаларнинг об-

рўсини тўқмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг ёлгон сўзлари ўзи учун зиён бўлиб чиқади” (Хаёлиддин ал-Ҳасаний). Донишмандлар ёлгончиликни энг катта ёвузлик, ёлгончиларни энг разил кишилар сирасига киритишган. Чунки ёлгончи киши ёлгон нарсаларни нақл қилиб, одамлар орасига нифоқ солади. Ўзгалар ҳақида бўлмағур гапларни тарқатади. Бўлган ёки бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида нотўғри ахборот бериб, одамларни адаштиради. Кимнингдир ёлғони туфайли одамлар ишончга лойиқ нарсаларга ишониш, ишончсизликка сазовор нарсаларга ишонмаслик имконидан маҳрум бўлади ва нотўғри қарорлар қабул қилади. Умуман, Р. инсондаги виждон, адолатпарварлик каби хислатлар б-н боғлиқ. Дин-диёнатда ҳам, инсонийлик мартабасида ҳам Р. юксак шарафланади. “Оқил чиндан ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас” дея ибрат беради ҳазрат Навоий. Зотан, турмушда эзгуликка хизмат қиладиган ёлгон ишлатиладики, бу айб, гуноҳ саналмайди. Хаста кишини кўргани борилганда, тузуксиз, деб кўнгил олинади. Табиатан хунук ёки ногирон кишиларнинг нуқсонига ҳақидаги рост сўзлар зарурат чоғида ҳам улар ҳузурда айтилмайди. Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асарида шундай ибратли ҳикоят бор: “Бир султон бир асирни ўлдирмоққа буюрди. Шундай нақл бор: “Ҳар ким жонидан қўл ювса, кўнглида борини тилига келтирар”. У бечора тирикликдан умидини узиб, султонни сўқди. Султон: “У ўлимли киши нима деяпти?” – деб сўради. Вазирлар ичида бир оқили бор эди. У айтдики: “Султонимизнинг умри узоқ бўлсин! Бу бечора “Вал-козимиал-ғайза вал-офина анинноси валлоҳу йуҳибб-ул-муҳсинина” (Маъноси: “Жаннат ғазабни ютқувчиларникидир ва одамлар гуноҳин кечирувчиларникидир”) демоқда”. Султон бунга эшитиб, асирнинг гуноҳидан кечириб, озод қилди. Аммо оқил вазирнинг душмани – бошқа бир вазир: “Султон хизматида ёлгон сўзламоқ бизнинг мартабамизга лойиқ иш эмас. У гуноҳдор султонни ярамас сўзлар б-н сўқди” деб, сир-

ни очади. Султон у вазирдан ранжиб: “Унинг ёлгон сўзи сенинг тўғри сўзингдан яхшироқдир. Негаки, унинг сўзининг биноси маслаҳатга, сеники эса гийбат устига қурилган”, деди. “Одамлар б-н муомала қилаётганда эҳтиёт бўлмоқ, рост б-н ёлгон сўзни фарқлай билмоқ керак. Ёлгонга суянган хушомад сўзни кўп айтадиганлар кўп бўлганидек, рост сўзни чин дилдан эшитадиганлар ҳам камдир. Бу борада ибрат кўзини очиб, фаросат б-н иш тутмоқ лозим.” (Абулбарокот Қодирий.)

РУҲ — объектив дунёнинг фаол инъикосини англатувчи т. Борлиқни акс эттириш фақат инсонга эмас, жониворлар, ўсимликлар, ҳатто ноорганик дунёга ҳам хос. Модда тар-ётининг турли босқичларида инъикос ҳам турлича бўлади. Мас., сув ёки кўзгуда атроф борлиқнинг акс этиши физик инъикос бўлиб, унда фаоллик йўқ. Ўсимликлар рив-шида атроф муҳитнинг акс этиши (ёруғлик, ҳарорат ва ҳ.к.) биологик инъикос бўлиб, унда куйи даражадаги фаоллик намоён бўлади. Ҳайвон ва жониворларнинг рив-шида, хулқ-атворида атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг акс этиши физиологик ва маълум даражада руҳий инъикос бўлиб (инстинктлар, рефлекслар), улардаги фаоллик ўсимлик дунёсидаги инъикосга нисбатан жуда юқори даражада. Лекин, том маънодаги фаол инъикос инсонга хос бўлиб, бу инъикос Р. деб аталади. Р.нинг фаоллиги шунда кўринадики, у воқеликни қандай бўлса, шундайлигича эмас, балки тартибга солган ҳолда акс эттиради. Ҳоз. воқеалар, ўтмишда бўлган ва келажакда бўладиган воқеалар инсон Р.ида муайян тартиб ҳамда кетма-кетликда ифодаланади. Ҳолбуки, ўтмишда бўлган ва келажакда юз берадиган воқеа-ҳодисалар ҳоз. кунда мавжуд эмас, бироқ у Р.да акс этади. Инсон Р.ининг ҳайвонлар Р.идан асосий фарқи шундаки, инсон ўз хатти-ҳаракатларини англайди ва режалаштиради. Инсон ва ҳайвонлар Р.ида воқеликнинг акс этиши улар томонидан ўз хулқ-атворини назорат қилиш имконини беради. Воқелик ҳайвонлар Р.ида тўғри акс этмаса, улар ўлимга маҳкум бўлади.

Ҳайвонлар ўз хулқ-атворларини индивидуал тажриба ёрдамида назорат қилишади. Инсон эса ўз хатти-ҳаракатларининг тўғри ёки нотўғрилигини фақат ўз тажрибаларига эмас, ижт-й амалиётга қиёслаб ҳам назорат қила олади. Р. ҳақидаги дастлабки тасаввурлар ибтидоий тузумда вужудга келган. Улар уйқу, туш, ўлим сингари ҳодисаларни ўзларича талқин қилган. Бу тасаввурларга кўра, Р. танада мустақил ҳодиса бўлиб, одам ухлаганда ҳамда вафот этганда, у танадан чиқиб кетади, уйғонганда эса танага яна қайтиб киради. Антик даврда Р. ҳақида содда илмий тасаввур вужудга келган. Луқмони ҳаким (Алкмеон) талқинича, Р. инсоннинг бош миясида жойлашган. Лекин бу даврдаги тасаввурларга кўра, Р. модданинг бир кўринишидир. Мас., Гераклит ва Демокрит Р.ни олов, Анаксимен ҳаво, Эмпедокл эса тўрт унсурнинг қоринмаси сифатида талқин қилган. Ўрта асрларга келиб, Р. тўғрисидаги таълимот анча ривожланди. Абу Али ибн Сино таълимотида кўра, Р.ни танадан ажратиш бўлмайти. Мана шу қоидадан келиб чиқиб, у танадаги касалликни даволаш учун руҳиятдан фойдаланиш услубларини ишлаб чиқди. Янги даврга келиб, Декарт томонидан рефлекслар наз-яси яратилди. Бу Р. тўғрисидаги таълимотлар тарихида олға томон яна бир сезиларли силжиш эди. Иккинчи сигнал системаси тўғрисидаги наз-янинг яратилиши Р. ҳақидаги тасаввурларнинг илмий асосга кўчиши учун катта туртки берди. Р.га энг яқин бўлган т.лардан бири “онг” т.сидир. Онг ва Р. ўзаро боғлиқ т.лар бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Р.га алоқадор бўлган тафаккур, хотира, тасаввур сингари ҳодисалар айни пайтда онгга ҳам тегишлидир. Р. ҳақидаги фан — психологиянинг “рефлекс”, “инстинкт” сингари категориялари онгости деб аталиши ҳам Р. б-н онгнинг қанчалик боғлиқ эканини кўрсатади.

РУҲИЙ ОЛАМ — шахс ички дунёсига алоқадор ҳодисалар ва жараёнлар. Улар ўзаро боғлиқ, хилма-хил ва мураккаб бўлиб, таркибига ташқи оламни би-лиш ва мад-т, санъат ҳамда бошқа фао-

лият воситалари орқали ўзини намоён этиш каби руҳий ва маън-й эҳтиёжлари, қизиқишлари; табиат, жам-т, инсон ва ўзи ҳақидаги тасаввурлари ҳамда билимлари; ҳис-туйғулари; қобилияти, мақсадлари, қизиқишлари, дунёқараши, эътиқоди ва қадриятлари киради. Инсоннинг Р.о.даги асосий таркибий қисмларидан бири шахсда шаклланидиган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш, узоқ ва яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Мақсад ва режасиз инсон — ўз келажакига ишонмайдиган, маъ-ятсиз пессимистдир. Бу мақсадлар доимо ўзининг анланганлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги б-н характерланади. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнашишида маълум маънода идеаллар ҳам роль ўйнайди. Идеаллар — шахснинг ҳоз. реал имкониятлари чегарасидан ташқаридаги орзу-умидлари, улар онгда бор, лекин ҳар доим ҳам амалга ошмайди. Чунки уларнинг пайдо бўлишига сабаб бевосита ташқи муҳит бўлиб, ўша идеаллар объекти б-н шахс имкониятлари ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Бу орзуга яқин келажакда эришиб бўлмаса-да, айнан ана шундай идеаллар одамга мақсадлар қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгиш учун иродани сафарбар қилишга ёрдам беради. Инсон Р.о.нинг белгиловчи жиҳатлари сифатида унинг қизиқишлари ва дунёқарашини алоҳида ажратиш мумкин. Қизиқишлар ҳам анланган мотивлардан бўлиб, улар шахснинг атрофида рўй бераётган барча ҳодисалар, оламлар, уларнинг ўзаро мун-тлари, янгиликлар борасида фактлар тўплаш, уларни ўрганишга имкон берувчи омилдир. Қизиқишлар мазмунан кенг ёки тор, мақсад жиҳатидан профессионал, бевосита ёки билвосита бўлиши, вақт жиҳатдан барқарор, доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Қизиқишларнинг энг муҳим томони шундаки, улар шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришга асос бўлади. Чунки эътиқод шахснинг шундай онгли йўналишики, унга ўз қарашлари, принциплари ва дунёқарашига мос тарзда

яшашга имкон беради. Халқ доимо эътиқодли инсонларни ҳурмат қилади. Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин: Ватан, дин, фан, касб, ахлоқий меъёрлар, оила, гўзаллик ва ш.к.га эътиқод. Эътиқод ва қизиқишлар ҳар биримиз Р.о.имизнинг муҳим жиҳати бўлган дунёқарашни шакллантиради. Дунёқараш — одамнинг теварак-атрофдаги оламга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келиб чиққан тизим, унинг фал-й, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлари йиғиндиси. Дунёқараш — тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жам-тда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди. Мустақиллик даврида шаклланаётган янги дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз яқинларига меҳрибон ва танлаган йўлига — касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутлади. Янги фикрлаш ва янги тафаккур айнан мустақиллик мафқураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир. Р.о. шахс ва жам-т ўртасидаги узвий боғланишни ҳосил қилади. Инсон ҳаётга қадам ташлар экан, унинг шахс сифатидаги камолоти, Р.о.и шаклланиши ва рив-ши айнан жам-тда содир бўлади.

РҶШНОЛИК (форс. ёритиш, ёруғлик, равшанлик) — бахтли, фаровон ҳаёт, ёруғликни ифодаловчи т. Халқимиз қадимдан бахтли, фаровон турмуш кечиргани орзу қилиб келган, лекин ҳақиқий Р.га Мустақиллик давридагина эришди. Р., ш-дек, “эзгулик”, “равшанлик” сўзларига синоним тарзда қўлланади. Ш.у. ҳам илмий ва бадий адабиётларда ҳамда кундалик муомалада “Р.га чиқди”, “Р. кўрди” сўз бирикмалари кўп учрайди. Р. “ҳалоллик” ва “ҳаром” т.лари б-н узвий боғлиқ. Ҳалоллик б-нгина Р.га эришиш мумкин. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар ва қилинадиган ишлар ҳалол, ижо-

зат этилмаган нарсалар ва ишлар эса ҳаромдир. Аллоҳ таоло ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёматда, албатта, жазо беради. Ҳеч ким қилмиши учун жазодан қочиб қутула олмайди. Инсон ҳамиша Р.га интилади. Кенг маънода Р. сўзи мустақиллик сўзи

б-н ҳам уйғунлашиб кетади. Демак, Р. сўзи ҳам “мустақиллик” т.сидек кишилар интиладиган маррадир. Тор маънода Р. одамлар бир-биридан кутадиган яхшиликдир. Хус-н, Р. ўзаро яқин қавм-қариндош, ҳамкасблар б-н корхонадаги мун-тлар доирасида юзага келади.



САБР (араб. аччиқ, чидам, бардош) — инсон маъ-ятининг таркибий қисми бўлиб, ошиқмасдан қутиш ёки ўзини тия олиш, тоқат, чидам-бардош, ирода ва қаноат қилиш маъносини англатади. С. кишиларнинг турли-туман зиддиятли воқеа-ҳодисаларга бардош қила олишини ҳам ифодалайди. С. — юксак маъ-ят т.си, ақл ва мад-т белгиси, бошқаларнинг фикри ва этиқоидига ҳурмат ифодаси ҳисобланади. Мураккаб ижт-й, иқт-й, маън-й муаммоларга нисбатан бағрикенглик б-н мун-т билдириш ва хатти-ҳаракатдаги ҳолислик шахснинг С.и, маъ-яти юксаклигидан далолат беради. У зоқ йиллар мобайнида оила, жамоа, ижт-й шароит, мавжуд анъаналар таъсирида шаклланади. С. исталган даражадаги раҳбар учун фавқуллода муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсоннинг турли вазиятдаги ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларни фарқлаш уқуви, адолатли баҳо бериш лаёқати жамоада соғлом ижт-й-руҳий муҳитни таъминлайди. С. фақат айрим шахсга хос хус-ят сифатида эмас, балки айрим кишилар, ғоялар, вазиятларга мун-тда намоён бўладиган жамоага хос хус-ят сифатида ҳам қаралади. “С. таги – сариқ олтин”, “С.лига ош, С.сизга тош”, “С. қилсанг, ғўрадан ҳалво битар”, “С. дори каби аччиқ, оқибати шириндир” каби соф ўзб.она мақоллар замирида не-не улуг донишмандларнинг, неча-неча аларнинг хулосалари мужассамлашган. Отабоболаримиз бундай ҳикматларга ишониб, уларга амал қилиб яшаган. Яъни, С. чи-

дамли бўлиш, оғир ҳолатлар юз берганда, инсон уларга бардош қилиб, ўзини йўқотмаслиги, ножўя сўзлардан, ўринсиз ҳаракатлардан ўзини тийишидир. Зеро, бу дунё имтиҳонлар оламидир. Инсон ҳаётда турли ҳолатларга дуч келади. Баъзи ҳодисалар кишини шодлантирса, бошқалари ғамга солади. С.сизлик ҳаётда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Ишнинг баракаси ҳам С. б-н боғлиқ. Кўпинча тилимизда таҳлил этилаётган т. “С.-қаноат” тарзида биргаликда ишлатилади. Бу бежиз эмас. Чунки С. учун қаноат, қаноат учун С. керак. Бироқ С. б-н қаноатни бир нарсга деб тушунмаслик лозим. Қаноат асосан, борлик-йўқликка кўниш, оз нарсга б-н тирикчилик ўтказишни англатса, С. бошга тушган кулфат, ғам-ғусса, азоб-уқубатга чидашни, ҳар қандай ҳодисанинг натижасини кута олишни билдиради.

САВОБ (араб. яхшилик, эзгулик, ажр) — инсон ва жам-т манфаатига йўналтирилган эзгу ҳаракат: хайрихоҳлик, сахийлик, бошқа кишиларни тушуниш, унинг тақдирига ачиниш, оғирини енгил қилиш, яхшилик келтириш, ўзгаларга беғараз кўмаклашиш, уларнинг бахтини ўйлаш ва унга эришишда кўмаклашишни англатадиган т. Бинобарин, С. сўзи барча яхши ва эзгу ишларга нисбатан ишлатилади. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “**Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак**”. С. ҳам ахлоқий, ҳам диний т. Халқимиз маъ-яти-

да ахлоқ ва диний эътиқод масалаларининг кўпчилиги алар оша намоён бўлиб келмоқда. Исломда С.га катта эътибор қаратилади. Диний эътиқодга кўра, С. Яратганга ёқадиган барча эзгу ва яхши ниятли ишлардир. Инсоннинг яхшилик ва ёмонликдан иборат хатти-ҳаракати, фаолияти исломда С. ёки гуноҳ деб аталади. Диний кўрсатмаларни бажариш, инсон манфаати йўлида фаолият кўрсатиш С. ҳисобланади. диний тасаввурга кўра, инсоннинг иш китоби (номаи аъмоли) фаришта воситаси б-н ёзиб борилади. Охирида инсонларнинг С. ва гуноҳлари тарзида тортилиб, натижалар Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этилади. Ҳадиси шарифда таъкидланишича, инсоннинг барча С. ишлари жаннатга киргандан кейин эришиладиган даражалар учун керак бўлади. С. иш қилганда хурсанд, гуноҳ иш қилганда хафа бўлган инсон ҳақиқий мўмин саналади.

САВОДСИЗЛИК — муайян билим, саводга эга эмаслик, саводи йўқликни ифодаловчи т. “Саводлилик” сўзи унга антоним сифатида қўлланади. “Омилик”. “билимсизлик”, “ўқимаганлик” каби сўзлар С. сўзига маънодошидир. Инсон бошқа мавжудотлардан фарқ қилиб, онга, ўз-ўзини англаш қобилиятига эгадир. Шу туфайли илмга интилиш, ўз ҳаётининг мақсад ва мазмунини билишга тиришиш, гўзаллик яратишга, ҳар томонлама баркамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига хос бўлган умуминсоний, боқий фазилатлардир. Бу умуман инсон моҳиятига хос нарса бўлиб, у бу ёруғ оламда нима учун яшаётганини англашга, келажагига замин ҳозирлашга интилади. Ҳар бир соғлом фикрли одам, инсониятнинг умрбоқийлигини идрок этади ва ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириб кетишни истайди. Шундан келиб чиқиб, умрининг мақсади ва мазмунини белгилайди. Худди шу нарса унинг эътиқодини ифодалайди, саводлилик даражасини белгилайди. Агар инсонда ёшлиқдан китобга, билимга меҳр шакланмаган, билими саёз, т.лари тор бўлса, у дунёвийликни даҳ-

рийликдан, зиёни жаҳолатдан фарқлай олмайди. Демак, уни ҳар томонлама С. сўзи б-н англашиладиган маънода ифода-лаш мумкин. Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида С.ни оми эшакка қиёслайди: “У нима, бир оми эшак-да... — дедим мен. Тараққий қилган эмас... газет ўқимайди.” Бу ерда эшак сўзига боғлиниб келган “оми” ибораси ўринли ишлатилган. У кўчма маънода “ўта саводсиз”, “дунёдан хабарсиз” каби маъноларни англатади.

САДОҚАТ (араб. дўстлик, бирдамлик; самимийлик) — инсонга хос энг эзгу маън-ий-ахлоқий хислатни ифодаловчи т. С. “самимийлик”, “вафодорлик”, “содиқлик”, “дўстлик” сўзларига маънодош ҳисобланади. Мас., машҳур француз сайёҳи Кусто бутун умрини уммон ва денгизлар ҳаёти ва ундаги сир-синаотлар, сув остидаги наботот ва ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлади. Унинг ўз ишига бўлган С.ини бутун дунёдаги соғлом фикрловчи ҳар бир инсон юксак қадрлайди. Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” достонида икки вафодор ёрнинг бир-бирига С.и улуғланади: Ҳиндистонда олиб борилган қаттиқ жангда Амир Темур душманларнинг барчаси динсиз бўлгани учун уларни қиличдан ўтказишни буюради. Шу пайт икки севишган ногоҳ қотилларга дуч келади. Шоҳнинг жазосидан омон қолиш учун аскарлардан бири севишганларнинг бирини чопмоқчи бўлиб отидан тушади. Уни ўлдириш учун аскар ёнидан тифини чиқарган ҳам эдики, иккинчиси ўз шеригини тиф остида кўриб, уни ҳимоя қилиш учун қотилга бошини тутди. “Агар сенинг мақсадинг бош олиш бўлса, уни қўй, унинг ўрнига бу бошни ола қол!” — дейди у. Аскар унинг бошини олмоқчи бўлган ҳам эдики, униси ҳам худди шу сўзни айтади. У қайси бирини ўлдиришга ошиқса, иккинчиси тоқатсизлик б-н дер эди: “Тез бўл, олдин мени ўлдира қол, то мен ўлгунча лоақал у тирик турсин!” Шу тариқа улар бир-бирига нисбатан чексиз С.и туфайли жонини беришга ҳам тайёр туради. Бир-бири учун жонидан кечишга тайёр икки ёрни кўрган шоҳ ҳам халқнинг гуноҳидан ўтади. Улар чина-

кам С. туйғуларини намоёйиш қилиб, элни ҳам, ўзларини ҳам халос қилади. Маълумки, мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга С.ни, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонлик, танлаган касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутди.

САЛОМ, саломлашиш (араб. тинчлик, саломатлик; кўриниш) — кишиларнинг ўзаро учрашган пайтларида урф-о.га кўра бир-бирига нисбатан илиқ мун-тини англатадиган т. С.нинг келинчакни тўйдан кейинги кун эрта б-н олиб чиқиб, куёвнинг ота-оналарига, қариндош-уруғларига таъзим қилдириш маросими ва умуман келинчаклар таъзими, яъни келинсалом ва саҳнада ўйин-томоша майдонларида актёрларнинг томошабинларга таъзими каби шакллари ҳам бор. Нутқий одобда суҳбатдошлар бир-бири б-н таниш ёки нотанишлигидан қатъи назар, нутқий мурожаатнинг ҳар қандай тури С.дан бошланади. “Ассалому алайкум” араб. сўз бўлиб, “Сизга саломатлик, омонлик тилайман”, деган маънони билдиради. С.га жавобан “Ваалайкум ассалом”, яъни “Сизга ҳам соғлик, омонлик тилайман”, деб алик олинади. С. бериш тартиби қуйидагича: ёши кичик — ёши каттага; отлик — пиёдага; пиёда — ўтирган кишига; ташқаридан кирган киши — хона ичидагиларга; озчилик — кўпчиликка С. беради. Шеригини ким биринчи бўлиб пайқаган бўлса, унинг С. бериши С.нинг «олтин қойдаси» ҳисобланади. Тарбия кўрганлик ва ахлоқий одоб С.даги олдинма-кетинликка бошқанинг қадрини пасайтириш ё кўтариш сифатида қарамайди. Лекин халқ орасида юзага келган тартибга кўра, таниш, ёши катта ёки мақоми юқори бўлган шахсни учратганда биринчи бўлиб кичик ёшдагиси каттага С. бериши мақсадга мувофиқдир. Сўз шаклидаги «Ассалому алайкум», «яxшимисиз» бир оз таъзим ёки ўнг қўлни чап кўкрак устига қўйиш б-н тўлдирилиши мумкин. Бунда ёши ёки мақоми бўйича кичик бўлган киши биринчи бўлиб қўл узатишга ҳаракат қилмаслиги керак. Бундай ҳолат-

да қўл узатиш каттанинг ихтиёрида. Хонага кирганда С. берувчи бир киши б-н қўл бериб сўрашдимми, қолганлар б-н ҳам шундай қилиши зарур (чунки жамоа орасидан биттани ажратиб қўйиш нотўғри). Агар хонада ёки гуруҳда нотаниш одам бўлса, албатта, С. қисқа танишув б-н кифояланиши жоиз. Қўл бериб кўришганда, албатта, қўл узатганининг кўзига қараб С. бериш керак. Бундай вақтда чап қўлни узатиш одобдан эмас, агар ўнг қўл банд бўлса, албатта, уни бўшатиш лозим. Келувчи хонага кирганда у ердагиларга биринчи бўлиб С. беради. Бу қоида унинг ёши ёки лавозимидан қатъи назар, барчага бирдек тааллуқли. Агар киши бирон-бир муҳим иш б-н банд бўлса, келувчининг умумий С.ига бош қимирлатиб қўйиш б-н кифояланиши мумкин. Бу унинг келувчини пайқагани ва С.ини қабул қилганига ишора бўлади. С.га нисбатан эътиборсизлик қилиш одоб доирасига кирмайди, С. берувчига нисбатан ҳурматсизлик, унинг қадрини пастга уриш, нутқ одоби талабини бажармаслик иш б-н боғлиқ муомаладаги ёмон кўрсаткич ҳисобланади. Қўл бериб сўрашиш одоб доирасидаги, жам-т аъзолари орасидаги С. шаклидир. С.нинг яна ўпишиб кўришиш шакли ҳам мавжуд бўлиб, бу айниқса эркаклар ва ўғил болалар ўртасидаги кўпчилик томонидан маъқулланмайдиган С. шаклидир. Ислом одобида С.нинг энг мақбул ҳамда одоб доирасидаги шакли С. берувчининг ўнг қўлини чап кўксига қўйиб, бошини бир оз эгган ҳолда «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотуху» дейиш ҳисобланади. Бу С.нинг сўздаги тўлиқ ифодаси. Бундан қисқароғи «Ассалому алайкум» ҳисобланади. «С.» ёки «Саломалай-кум» ёхуд «Сомалайкум» тарзида С. одобсизлик ёки фаросатсизлик ҳисобланади. Қуръони каримнинг «Ан-Нисо» сураси 86-оятда С. одоби ҳақида шундай дейилади: «Сизга С. берилса, сиз ундан яхшироқ ёки ўшандай алик олинг». С.нинг инсон ва жам-т ҳаётидаги аҳамияти жуда катта. Икки инсон учрашганда мулоқот бир-бирига яхшилик тилашдан бошланса, бу уларнинг ҳар иккисининг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Яхши кайфият эса иш унумининг ошишига, яхшиланишига олиб келади, кишининг ижодий қобилиятининг ўсишига туртки бўлади. С. кишиларни бир-бирига яқинлаштиради. Мас., катта корхонанинг ҳамма ишчи ва ходимлари ҳам бир-бирини танимаса-да, аммо корхона ичида С.-алик қилиб юришади. Йиллар мобайнида бирор марта мулоқотда бўлмаган бўлсалар ҳам, ўзларини бир-бирлари б-н қадронлардек ҳис қилади ва бирор тасодиф туфайли кўча-кўйда учрашиб қолишса, эски танишлардек суҳбатлашади. С.нинг яна бир жиҳати – хафалашиб қолганларни яраштириш, аразларни аритишдир. Бир-бири б-н уришиб, хафалашиб қолган инсонлар С. орқали тезда ярашиб кетиши ҳеч кимга сир эмас.

САЛОҲИЯТ – истъдоднинг бир тури бўлиб, инсоннинг муайян тарзда ўз илҳомини қабул қилишга тайёрлангандан сўнг юз берадиган сифат. Юксак ақл, истъдод эгалари С.ли кишилар дейилади. С. сўзи киши ёки миллатнинг ички имкониятлари, тўла намоён бўлмаган куч-қуввати маъносида ҳам ишлатилади. Мас., миллий С. – миллат, халқ, мам-т, жам-т куч-қуввати, унинг мавжуд ички, ботиний, вақти-соати келганда намоён бўладиган иқт-й, илмий, мад-й, маън-й ва б. имкониятларидир. Миллий С. объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Объектив омиллар: миллат яшаётган ҳудуднинг кўлами ва ҳаёт кечиришга қулайлиги, табиий шарт-шароитлар, ер усти ва ер ости бойликларининг мавжудлиги, аҳолининг сони, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги, сув манбаларининг сероблиги, қуёшли кунларнинг кўплиги ва ҳ.к. Субъектив омиллар: аҳолининг саводхонлик даражаси, халқнинг қўшни давлатлар б-н манфаатли мун-тлар ўрната олиши, мам-т ичидаги барча миллатлар, динлар, ижт-й синфлар ва б. табақа вакилларининг ҳамжиҳатлиги. Объектив омиллар мавжуд бўлса-да, лекин халқ тарқоқ, уюшмаган бўлса, мам-т, давлат қолақтигича қола-

веради. Аксинча, субъектив омиллар табиий шароит ноқулай бўлса, натижа бермайди. Ҳоз. замон ривожланган давлатлари ва миллатлари ш.у. юксак натижаларга эришганларки, уларда объектив ва субъектив омиллар уйғунлашган ҳамда ишчанлик, ташаббускорлик, тadbиркорлик, топқирлик б-н ишга солинган, ҳаёт суръати доим юқори. Айни вақтда, жам-т тараққий этган сари субъектив омилларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ривожланган давлатлар замонавий техника ютуқлари ва фан ихтироларига суянган ҳолда Ер қуррасининг табиий жиҳатдан ноқулай қисмларида ҳам мўъжизакор ишларни амалга оширмоқдалар. Мас., Шимолий қутбда жойлашган Исландияда ер остидан чиқадиган қайноқ гейзер сувлардан фойдаланиш натижасида субтропик мевалар етиштирилмоқда. Ёки ўз ер ости бойликларига эга бўлмаган Япония энг илғор саноат, техника-технология ва амалий фанни юзага келтириб, жаҳонда энг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мустақилликка эришгач, Ўз-нда табиий, иқт-й, ижт-й-сиёсий, маън-й-мад-й ҳамда интеллектуал С.га таянган ҳолда жам-т ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш борасида улкан ютуқлар кўлга киритилмоқда.

САМИМИЙЛИК – бошқаларнинг гапини тинглаш, ҳамфикр бўла олиш, хабардор бўлиш деган маънони англатувчи т. С. – тўғрилигига ишонган, бу ҳақда ўзига ва б. иқрор бўла оладиган нарсаларни қиладиган одамнинг маън-й ижобий сифати. *Самимий* – самимият б-н иш тутувчи, муомала қилувчи шахс, сидқидиллик б-н чин қалбдан билдирилган мун-т. *Самимият* кишиларга қалбан хайрихоҳлик билдириш, покдиллик, сидқидилликдир. С. инсондаги энг яхши ҳислат, олий инсоний фазилатлардан бири бўлиб, ахлоқнинг муҳим меъёрларидан ҳисобланади. С. олдиндан тайёргарликсиз, очиқ кўнгиллик б-н беғараз, чин қалбдан қилинган табиий муомаладир.

Сўз б-н ишнинг бирлиги С.нинг мукамал кўриниши ҳисобланади. Йўл қўйилган нуқсон учун эмас, уни тузатиш ва қайта такрорламаслик учун қойиш, камчиликни холисона кўрсатиш, тўғри йўлга солиш С.нинг муҳим жиҳатидир. С. тўғрилиқ, поклик, оққўнгиллик, бағрикенглик, билимлилик, яхшилик сингари инсоний фазилатлар асосида шаклланади ва ривожланади. С. инсонларнинг ўзаро мун-ти ва мулоқотида, тўғри сўзи ва шунинг амалдаги исботида намоён бўлади. Самимий муомаланинг тескариси такаллуф — сунъий муомаладир. Бу ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисраларида ифодасини топган: “Такаллуф эрур анга фарсудалик, // Анинг таркидур жонга фарсудалик”. (Маъноси: Такаллуф — сунъий муомала танга нотинчлик, чарчоқ келтиради. Уни тарк этиш эса осудалик, осойишталик бағишлайди). Самимий мун-т соф мун-т маъносини англатади. С.ка тескари т. — носамимийлик салбий ҳислат ҳисобланади. Кишининг бетамизлиги, ноҳақлиги, лаганбардорлиги, ўзини катта олиши, кимларнидир писанда қилиш, қўполлиги, менсимаслиги, кеккайиши, худбинлиги, бойлик хирси ва мансабпарастлигида С. кўринмайди. Бир кишининг носамимийлиги давра тотувлигини бузади, инсонларнинг кўнгли хира бўлишига, дили озор чекишига олиб келади. Бу, аввало, ўша кишининг ўзига самимий бўла олмаслиги оқибатидир. Носамимийликка жам-тдаги турли ташкилот, корхона, муассасаларда, меҳнат жамоалари, тўй-маросимлар, катта-ю кичик йиғилишларда ҳам дуч келиш мумкин. Бу нотўғри тарбиянинг натижасидир, унинг кўриниши сўз б-н ишнинг бир бўлмаслиги б-н белгиланади. Кишининг сўзи б-н ишининг бир ердан чиқмаслиги шубҳа ва ишончсизликка, жамоада носоғлом муҳит пайдо бўлишига сабаб бўлади.

САНЪАТ — ижт-й онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. С. инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури б-н яратилган ижод маҳсулидир. С. асарида шахсининг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. С. инсоният маън-й мад-тининг тарки-

бий қисми, дунёни маън-й англашнинг махсус туридир. “С.” т.си кенг маънода, бадий қадриятлар, уларни яратиш (бадий ижод қилиш) ва истеъмол (бадий идрок этиш) жараёнларини қамраб олади. С. ҳоз. даврга қадар инсоният тар-ёти б-н боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. “С.” сўзи жонли тилимизда нечоғли кенг маънода қўлланмасин, табиийки, бизни унинг луғавий эмас, балки истилоҳий маъноси қизиқтиради. Истилоҳий маънода “С.” деганда инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосида борлиқни бадий ўзлаштириш (ва ўзгартириш)га қаратилган яратувчилик фаолияти ҳамда унинг натижаси ўлароқ вужудга келган жами нарсалар тушунилади. Яъни, гўзаллик қонунлари асосида маҳорат ва дид б-н яратилган нарсаларнинг ҳаммаси С.га алоқадордир. С.нинг қуйидаги икки тури фарқланади: амалий ва бадий (нафис). Амалий С. турларига қўлолчилик, наққошлиқ, каштачилик, зардўзлик, либос яратиш каби соҳалар кирса, бадий С. турларига рассомлик, мусиқа, ҳайкалтарошлиқ, кино, театр, бадий адабиёт кабилар мансуб. III-дек, ифодали ва тасвирий С. турлари фарқланади. Баъзи С. турлари тасвирласа, бошқалари ифодалайди. Айтайлик, мусиқа — ифода С.и. композитор оҳанглар орқали кечинмаларни ифодалайди ва шу оҳанглар руҳиятимизда муайян бир кайфият ҳосил қилади. Рассомлик б-н ҳайкалтарошлиқ тасвирий С. турлари бўлиб, унда бирор манзара, ҳолат мусаввир қалбини жунбишга келтириб, қалбида муайян кечинмаларни қўзғатади ва мусаввир ўша манзарани ранг-тасвирга муҳрлайди. Шу тариқа С. асарлари руҳиятимизга озиқ беради. С.нинг турли кўринишлари воқеликни, ундаги ҳодиса, нарса ва ҳолатларни ўзига хос усуллар ёрдамида акс эттиради. Мас., мусиқада товушлар, уларнинг ўзаро боғланиши, уйғунлиги орқали; бадий адабиётда сўз, образлар орқали; тасвирий С.да бўёқлар ёрдамида муайян ҳиссий образ гавдалантирилади; театрда пьеса қаҳрамонларининг сиймоси актёрлар орқали намоён бўлади. Мавжуд С. турлари орасида бадий адабиёт етакчи ўрин ту-

тади. Чунки бадиий адабиёт универсал билиш ва ифода воситаси бўлмиш сўз б-н иш кўради. С. ижт-й ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, жам-тнинг барча томонларига таъсир ўтказди. ижт-й онгнинг ҳамма шакллари б-н алоқага киришади. С. воқеликни бадиий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. С. учун инсон бош мавзу бўлиб хизмат қилади. С.да инсон ҳаммавақт ҳам бевосита ифодаланмайди. С. нарсалардан, табиат ҳодисаларидан инсон учун аҳамиятли бўлган маънони излайди, инсон қалбини поклайди, унинг ҳар томонлама камол топишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. С. қадимий тарихга эга бўлиб, у жам-т тар-ётининг илк босқичларида меҳнат жараёни, ш-дек, кишилар ижт-й фаолиятининг рив-ши б-н боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган. Ибтидоий С.нинг дастлабки илдизлари сўнгги полеолит даврига, тахм. мил. ав. 40–20 минг йилликка бориб тақалади. С.га доир маълумотлар дастлаб Юнонистонда қадимдан ўрганила бошлангани маълум. Арасту, Афлотун каби ўша даврнинг йирик файласуфлари Юнонистонда С. тарихи б-н ҳам шуғуллангани тўғрисида маълумотлар сақланган. Қад. Римда юнон С.ига катта эътибор б-н қаралган. Мил. дастлабки а.ларда Ў.О. мам-тларида меъморчилик ва С.га оид рисоалар яратилган. Ўрта а.ларда Европада С. илоҳиётнинг (теология) бир қисми бўлиб қолди. Ўрта а. С.шунослари С.ни нариги дунёнинг бу дунёдаги моддий образи деб баҳолаган. Уйғониш даври С. ривожига муҳим давр бўлиб тарихга кирди. XIV–XVI а.ларда инсонпарварлик ва реализм ғоялари б-н бир қаторда С.ни черков таъсиридан ажратишга интилиш кучайди ва уни илмий тавсифлаш йўлида муҳим қадам қўйилди. Бу даврда С., унинг наз-яси ва тарихи бўйича қимматли асарлар вужудга келди. Леонардо да Винчининг расомликнинг илмий асослари ва имкониётлари, тасвирий С.да инсон маън-й ҳаётининг акс эттирилиши каби муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлари, XVI а.да Германияда А.Дюрернинг пропорциялар ҳақидаги илмий фикрлари, Венецияда

П.Аретинонинг борлиқни тўғри акс эттириш бўйича расомлар олдига қўйган талаблари С.га муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. XVII а.дан бошлаб Германияда Г.Е.Лессинг реализм назарийёчиси сифатида “тасвирий С.” атамасини фанга киритди. XIX а.да С.нинг илмий-тарихий асослари мустақамланди, С. фан сифатида шаклланиб такомилга етди, ўз услубийётига эга бўлди. Францияда Стендаль, Г.Курбе, Германияда И.Гёте ва Г.Гейнеининг асарлари С.шунослик фанида катта роль ўйнади. Айнан шу даврда археологик тадқиқотлар кўлами кенгайди, бадиий музейлар очилди. Айниқса, Буюк француз инқилоби ғоялари, И.Кант, А.Шопенгауэр, Г.Ф.Гегель эстетик қарашлари, Россияда эса В.В.Стасов, И.Н.Крамской, И.Е.Репин ва б.нинг С.нинг ҳаётий бўлиши ва ижод эркинлиги хусусидаги қимматли фикрлари, В.Г.Белинский, А.И.Герцен ғоялари С.нинг реалистик йўналиши ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ш-дек, бу даврда С. дин б-н ҳам мустақам алоқада ривожланди. Жаҳон С.и дурдоналари – буюк архитектура иншоотлари, Вергилий, Данте, Милтон, Леонардо да Винчи, Рафаэл, Микеланжело тасвирлари, И.С.Бах, И.Гайдн, В.А.Моцарт мусиқалари, Шарқда эса Ф.Аттор, Ж.Румий, А.Жомий, А.Навоий асарлари диний манбалардан илҳом олиб яралган эди. С. одамларнинг эстетик талабларини қондириш б-н бирга, ўз тар-ётининг турли даврларида жам-т аъзоларини маълум руҳда тарбиялаш, уларни ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилиб келган, уларнинг турли мақсад, ҳис-туйғу, манфаат, идеалларини ифода этган. С. ижт-й онгнинг бошқа шаклларида ўзининг предмети, мазмуни, воқеликни ифода этиш усули ва услуги, ижт-й ҳаётда тутган ўрни ҳамда вазифалари жиҳатидан фарқ қилади. С. инсоннинг моддий ва маън-й фаолиятидаги билими, тажрибаси, маҳорати ва қобилиятларини намоён этувчи бадиий ижодиёт маҳсулидир. Эстетик тафаккур тарихида С. нарса ва ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигича акс эттириш ва ҳаётни гўзаллик қонунлари

асосида бадиий ифодалаш гојлари сари юксалиб борди. Табиат, жам-т ва инсоннинг ижт-й, маън-й, миллий дунёси С. предмети ҳисобланади. Воқелик қайси шаклда бадиий ифода этилмасин, ижодкор унга маълум ижт-й-эстетик идеал н.назардан мун-т билдиради ва ўз эстетик баҳосини беради. С. инсон учун эстетик завқ-шавқ манбаи; инсон ҳаётига гўзаллик бахш этади; одамларда воқеликка нисбатан ҳиссий мун-тни шакллантиради; ҳаётни кузатиш, ўрганиш ва билиш воситаси; ҳаётни инсон орзу қилган томонга ўзгартиришда ёрдам беради; тарбия воситаси сифатида хизмат қилади; ҳаётдаги гўзалликдан илҳомланишга, хунукликдан нафратланишга чорлайди; одамлар орасидаги маън-й кўприк, мулоқот воситаси; одамларнинг бадиий-эстетик дидини тарбиялайди, уларда маълум дунёқарашни шакллантиради ва ҳ.к. С. жам-т маън-й ҳаётининг бошқа ҳодисалари (фан, мафкура, ахлоқ) б-н маълум даражада боғлиқдир. С.нинг мақсади дунёни бадиий ўзлаштириш, одамга лаззат бахш эта оладиган, уни маън-й бойи-та оладиган асарлар яратиш йўли б-н кишиларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришдан иборат. С. асарларининг диққат марказида инсонлар, уларнинг ижт-й алоқаси ва ўзаро мун-тлари, муайян тарихий шароитлардаги ҳаёти, фаолияти туради. Ш.у. ҳам С. асарлари берадиган маън-й билим муайян мам-т, миллат ёки маълум бир тарихий давр ва шахслар ҳақидаги илмий асарлардан олинган маълумотлардан фарқ қилади. С.нинг тарбиявий кучи унда ифода этилган кечинма ва образларнинг ҳар бир ўқувчи, томошабиннинг қалбига кириб бориши, уларда эстетик завқ уйғотишидадир. С. барча ижт-й онг шакллари сингари ўз тар-ёт қонуниятларига эга. Бу қонуниятлар С.нинг ўз ички хус-ятларидан келиб чиқса-да, ижт-й тар-ёт б-н боғлиқ бўлган халқ, миллат, элат, мам-т ва жаҳон цивилизацияси даражаси бу қонуниятларда ўз ифодасини топади. С. қонуниятларини эстетика, С.шунослик фани ўрганади. С.ни тушуниш, унинг кишилар ҳаётидаги ролини аниқлаш масаласи бутун мад-

т тарихи давомида кескин баҳс, тортишувларга сабаб бўлиб келган. Мас., баъзи С.кор ва С.шунослар уни “табиатнинг тақлиди” ёки “воқеликнинг акс эттирилиши” деб ҳисобласа, бошқалари “С.корнинг соф шахсий ижодий маҳсули”, “ўз-ўзини изҳор этиш” сифатида талқин этади. Бу С. предметининг мураккаблиги, унинг хус-ятлари ва шакллари, мужас-самлаштириш усулларининг хилма-хиллиги ҳамда турли даврларда С. назарий-чиларининг синфий ва гојвий фикрлари ўртасидаги тафовутлар б-н изоҳланади. С.да гўзаллик категорияси муҳим аҳамият касб этади. Эстетика фани — гўзаллик С.нинг зарур шартли эканлигини, гўзалликсиз С.нинг йўқлиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслигини уқтиради. С.да мазмун ва шаклни бир-биридан ажратиб бўлмайди. С.нинг ўзига хос хус-яти унинг воқеликни илғор гојвий н.назардан туриб бадиий образлар орқали акс эттиришдир. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш жараёнида С. алоҳида ўрин тутаети. Чунки С. юксак ижт-й гојларни тарғиб этувчи, инсон маън-й дунёқарашини кенгайтирувчи, уни шахс сифатида тарбияловчи воситалардан биридир. С. инсониятнинг эзгулик томон ҳаракати учун зарур бўлган ўзаро мулоқотлар воситаси сифатида турли қитъалар ва давлатларни ўзаро боғлайди. Зотан, инсон С.дан эстетик завқ, битмас-туганмас ижодий куч-қудрат олади ва шу маънода С. маън-й юксалишнинг энг таъсирчан қуролига айланади.

САНЪАТШУНОСЛИК — санъатни ўрганадиган ижт-й фанлар мажмуи бўлиб, санъатнинг алоҳида турлари, уларнинг вужудга келиши ва тар-ёт қонуниятлари, ўзига хослиги ва воқеликка мун-тини ўрганади. С. рақс, мусиқа, қўшиқ, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат каби-ларни ўз ичига олади. Пластик санъатлар доирасида С.нинг санъат наз-яси, санъат тарихи ва бадиий танқид каби турлари мавжуд. Улар ўзаро узвий алоқада бўлиб, ҳар бири ўзининг махсус вазифасига эга. Санъат наз-яси нафис санъатга нисбатан

гойвий мазмун, бадий шакл, услуб, ифода воситалари, санъатнинг тур ва жанрларига хос махсус хус-ятлари ва б. масалаларни уларнинг ўзаро алоқасида ўрганади; ш-дек, умумий қонуниятларни, санъат тар-ётининг объектив мантиқи, унинг жам-т б-н мун-ти, жамоа ва шахсга нисбатан таъсирини кўриб чиқади. Санъат тарихи эса санъатнинг умумий тар-ёти («умумсанъат тарихи»)ни бирор мам-т ёки алоҳида даврда ўрганади ва тадқиқ қилади, санъатнинг бирор тур ёки жанри, оқими, йўналиши ривож, айрим расомларнинг ижодий услубини таҳлил қилади. Бадий танқид замонавий бадий ҳаётни таҳлил қилади, унинг йўналиши, тур ва жанрлари, айрим санъат услубларининг ижоди ва уларнинг алоҳида бадий асарларини текширади ва баҳолайди: санъат ҳодисаларини ҳаёт ва ижт-й давр идеали б-н қиёслайди. С.нинг илмий фаолияти кенг ва хилма-хил: ўрганилаётган соҳа бўйича аниқ далилларни тўплаш, уларни атрофлича ўрганиш ва умумлаштириш; санъат ёдгорликларини экспедициялар ёрдамида очиш, таъмирлаш турлари; ёдгорликларни аниқлаш, рўйхатга олиш ва тартибга солиш; расом ва унинг асарлари ҳақида маълумот тўплаш, илмий музейлар каталогини тузиш, биографик ва б. маълумотномалар яратиш кабилар қиради. С.нинг ижт-й аҳамияти унинг хулоса ва яқунларининг илмий аҳамияти б-н бирга санъатни оммалаштириш ва ташвиқ қилиш ҳамда уни тушунтириши б-н белгиланади.

САХИЙЛИК — ҳеч кимдан нарсасини, яхшилигини аямаслик; ҳотамлик ҳислатини англатувчи т. Унинг маъно-мазмунни “Очкўзда бўлса ҳам — йўқ, сахийда йўқ бўлса ҳам — тўқ”, “Сахий б-н бахил бир қудуқдан сув ичмас”, “Сахий топса, барча ер, бахил топса, босиб ер” каби ўзб. халқ мақолларида ўз ифодасини топган. С. қўлидан келганча инсонларга яхшилик, мурувват кўрсатиш хус-ятини ўзида мужассам этадиган фазилатдир. Навоий “Ҳайратул-аброр” достонида С.ни улуғлайди: “Эй хушёр одам, сен шундай одамни сахий деб билки. бахт-давлат унинг

бошини юқори кўтариб, аҳволи яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам бировдан молу амал таъма қилмаса”. Сахий одам қандай мулоҳаза юритмасин. қўлида бор нарса б-н қўли қисқа одамни хурсанд қилади. Денгизнинг олдида турса ҳам, ундан бир томчи сув сўрамайди; бировнинг ярасини кўрса, малҳамни аямайди. Муҳтож одам бир нарса сўраса, қўлидан келганча унга хайр беради. У сўрамаса ҳам, унинг аҳволини тушуниб, эҳтиёжи ва камбағаллигини эътиборга олади. Эҳсон ва саховат кўрсатиш вақтида бахил бўлмай, танти бўлиш лозим. Чунки бахиллик инсонга хос тубан иллат, лекин С. эса энг нафис жавоҳирдир. Кимки С. қилишга қодир экан, пул улашишга муносиб экан, ном чиқариш учун гавҳарни ҳовучлаб сочиш, мақтаниш учун этақлаб пул бериш ақлли иш, деб ҳисоблашдан йироқдир. Бундай саховатдан бахиллик яхшироқдир. Қуръонда “Енглар, ичинглар! Лекин исроф қилманглар.” дейилади. Демак, эҳсон беришда ҳам исрофгарчиликка йўл қўймасдан, меъёрни эътиборга олган ҳолда одамнинг эҳсонга қанчалик муҳтож эканлигини ҳисобга олиш лозим. Хайру эҳсон йўлида сарф-харажат қилиш ҳақиқий ҳадядир. Бериш учун олиш ишидан йироқ бўлиш, бераман деб олмай кўя қолиш яхшироқдир. С. қилиб, ночорларга ёрдам қўлини узатган одам, яхшилик йўлида қадр топади. С. кишининг кўрки, унинг зийнатидир.

САХОВАТ (араб. қўли очиқлик, олий ҳимматлилик, сахийлик) — 1) баланд-ҳимматлилик, сахийлик; ҳиммат қилиш; ёрдам қўлини узатиш; ҳиммат б-н эҳсонуну инъомлар улашиш; 2) кўчма маънода табиий бойлик; мўл ҳосил; тўкинлик, мўлкўллик. С. сўзи қўли очиқлик, мурувватлиликни англатади. С.лилик инсонга хос бўлган хус-ятларнинг энг олижанобидир. Чунки ҳамма инсонлар ҳам С.ли бўлиш шарафига муяссар бўла олмайди. Ҳазрат Навоий таъкидлашича, “Қандай инъом бўлмасин уни очиқ юз б-н бериш, аччиқ бодани ширин сўз б-н тутиш керак. С. кўрсатган киши муомалада ҳам хато қилмаса, у бир йўла иккита инъом

берган бўлади. Кишилар қўлидан сўз б-н наф етказиш келмаса, лоақал кўнглидаги андишаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандлигидан шод бўлиши лозим. Лекин биров сенга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз б-н сенга жон бағишламоқчи бўлса-ю, аммо гап б-н буни ифодамай олмаса, яхшиликни тилга олганининг ўзи киши таъбига осойиш бағишлайди. Худо сени шундай нодир қилиб, дунёдаги одамларга наф келтирувчи қилиб яратди. Кимки унинг шу амрига мансуб бўлса, барча кишилар кўнглига ҳам ёққан бўлади. Бу сифатдан яхши сифатни таниш қийин. Лекин бундан ҳам яхши бир иш бор. Бу – бировга бир нарса бериб, ундан олишни одат қилмаслик; наф келтиришу, лекин бировдан наф қидирмаслик; бериш ишини доим хотирда сақлаб, бериб, бир нарса олишни ўйламасликдир. Бундай одамни инсонларнинг инсони деб, ҳақиқий одамларнинг энг яхшиси деб бил. Уни одамгарчиликни тўла эгаллаган, юз кишининг одамгарчилиги қўлидан келадиган деб тунун!” Кўринадики, С.лилик сидқидилдан қилинган яхшилик бўлиб, у беминнатликнинг нишонасидир. Шарқда ҳимматли ва С.ли кишиларнинг пешвоси сифатида Ҳотамтой маълум ва машҳурдир. Ҳар бир шахснинг воқеликни идрок этиши, уни қабул қилиши, маълум билимлар тизимига эга бўлиши ижт-й тар-ёт б-н изоҳланса-да, унинг ўзига хос томонлари мавжуд. Буни кишиларнинг билими, хулқи, одоби, С.и ва б. хус-ят ҳамда фазилатларининг турфа хиллигида намоён бўлади. Ўз навбатида, индивидуал онг ижт-й ҳаётни таҳлил қилишда, тарихда шахснинг роли ва ўрнини аниқлашда, таълим-тарбия масалаларини тўғри ҳал қилишда катта аҳамиятга моликдир. С. очиқ ва самимий кўнгли мевасидир. Аксинча, бахиллик, хасислик, тор кўнглилик, кўролмасликнинг оқибатидан бошқа нарса эмас.

САҲИҲ (араб. соғлом, тўғри, хатосиз, дуруст) — энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис сифати, ривоят қилувчилар силсиласи то охиригача муҳаддисга қадар узилиб

қолмаган. санаднинг бирор табақасидаги ровийнинг маън-й нуқсони бўлмаган, санаднинг бирор табақасида ровий ёлғизланиб қолмаган ва барча санадаги ровийларнинг ишончилиги элга машҳур бўлган кишиларнинг ривояти. С. ҳадислар жамланган китобларнинг олтитаси машҳур. Мана шулар ичида Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари энг мукаммал ва ишончли ҳисобланади.

СЕВГИ — маън-й жиҳатдан ижобий мун-тнинг юксак даражадаги кўриниши бўлиб, бир инсоннинг бошқа бировга кўнгли қўйиши, кучли ҳиссиётини англадиган т. С.да бир шахс бошқа инсоннинг ҳаётида ўзлигини бутунлай намоён қилиш ва бу орқали унда ўзига нисбатан худди шундай ҳисларни уйғотиш ниятида бўлади. Бу ҳислар ҳам ўзиники сингари тургун, кучли бўлишини хоҳлайди. С. ҳисси ўта интим мазмунга эга. У баъзи зарурий ёки тасодифан вужудга келадиган ва ўзгарувчан ҳиссиётларда ўзини намоён этади: мулоимлик, ҳайрат, рашк ва ҳ.к. С. эҳтиросли ҳиссиёт сифатида ўзининг намоён бўлишига кўра шахснинг шахсий сифати ва хус-ятларига ҳам боглиқ. Худди ш-дек, С.ни юзага келтирувчи илк ҳиссиётлар ҳам турлича бўлади. Бу оддийгина ижобий мун-тдан (симпатия) бошлаб, то кучли эҳтирос сифатида намоён бўлувчи турли-туман ҳиссиётларда ўз аксини топади. С. ўз табиатига кўра, табиий майл ва юксак инсоний ҳисларда ўзини намоён этади. Мутахассислар С.нинг асл моҳиятини гоҳида физиологик майл сифатида, гоҳида маън-й юксак туйғу сифатида таърифлайди. Шу мун-т б-н, С. таърифида шахс жинсий майлларининг ижт-й шаклланган сифатга эгаллиги етакчи ўринга чиқади. Бу эса С. туйғусини илмий жиҳатдан тадқиқ этувчи ижт-й фанлар олдига янги талабларни қўядики, ушбу ҳиссиётни турли хус-ятлардан келиб чиқиб ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг шаклланишида С.нинг аҳамияти беқиёсдир. Инсон ўз С.си йўлида дуч келган фрустрация (иккиланиш) ҳолатлари унинг ёдида бир умрга қолади, узоқ вақтгача

уни тўлқинлантиради, турли жараёнларнинг юзага келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. С. инсон ҳиссиётларининг энг кучли ва сирлиси, сержило ва сеҳрлиси сифатида “муҳаббат” т.сига яқин туради. Инсоният бор эканки, С.-муҳаббат одами сирли туйғулар оламига етаклаган, уни енгиб бўлмас говлардан ўтишга ва чўққиларни забт этишга ундаган, уни рағбатлантирган, унга бахтиёр онларни ҳадя этган. Ҳатто ўлим тўшагида ётган кишига ҳам умид бағишлаб ҳаёт нашъасини суришга, унинг атроф-муҳитни ҳамда ўзлигини идрок этишга туртки бўлган. С. туйғули инсон руҳиятида ҳатто ўзига ҳам номаълум бўлган қудрат кашф этилган. Кўҳна ва ҳамиша навқирон ҳисобланган бу туйғу азиз ва муқаддасдир. Шуниси таассуфлики, шу кунга қадар “муҳаббат” т.сига ягона илмий таъриф-тавсиф берилмаган, бевосита унга бағишланган илмий асарлар ниҳоятда танқис. Кишилар онгида бўлгани сингари бадиий асарларда ҳам муҳаббат ҳақидаги турлича, кўпинча бир-бирига зид фикр ва таърифларни учратиш мумкин. Баъзи муаллифлар муҳаббат ҳисларини соф руҳият ҳодисаси сифатида баён этиб, ундаги табиий-физиологик жиҳатни инкор этади. Физиологик компонент ҳайвонларга хос бўлган органик эҳтиёжларни қондиришдан иборат инстинктнинг ифодаланиши сифатида идрок этилади. Ш.саб. ҳам одам ҳайвоний хирсдан, жинсий интилишлардан озод бўлиши керак, деб ҳисоблашади ва муҳаббат ҳисларига бир ёқлама ёндашишади. Мумтоз асарларда, жумладан, қад. ҳинд трактатида муҳаббатга бирмунча тўлиқ таъриф берилади: “Ақл майли хурматни туғдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хоҳишни туғдиради. Ақл, қалб ва тана бир бўлиб, С.-муҳаббатни яратади”. Вольтер “С.-муҳаббат – бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танага бир вақтнинг ўзида ҳужум қиладиган энг кучли, завкли ҳистуйғулардан биридир”, деб таъриф беради. Бу таърифларни ўзаро таққослаш ва таҳлил қилиш С.-муҳаббатда зарурий руҳий жиҳат б-н бирга физиологик хус-ят ҳам мавжудлигини кўрсатади. С. – инсон маън-й ва жисмоний интилиши эҳти-

ёжлари ўзаро узвий бирикиб кетган юксак ахлоқий эстетик туйғудир. У инсон ҳаётида энг катта ва қувончли воқеа бўлиб, кишига олам-олам қувонч бағишлайди, унинг меҳнат ва ижт-й фаолиятига ижобий таъсир қилади. С. инсонга бахт ато қилади, бахт эса инсонда мавжуд бўлган ҳиссиётларнинг бутун бойлигини уйғотади; сахийлик, садоқат, фидойилик, жасорат пайдо бўлади. Ҳақиқий С.да худбинлик бўлмайди. Кимнидир севган ва унинг С.сига сазовор бўлган инсон бой маън-й ҳаёт б-н яшайди, у ўзидаги нуқсон ва камчиликлардан халос бўлишга интилади, ўз-ўзига талабчан бўлади, унда олижаноб, яхши хус-ятлар намоён бўлади, ижодий куч-қуввати ортади. С. инсонни юксак даражадаги маън-й камолотга ундайди, ўз хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун масъулиятини оширади. Инсон бор экан, у ҳар доим С.-муҳаббатни улуғлайди, энг мўтабар туйғу сифатида юксакларга кўтаради.

СЕНСУАЛИЗМ (лот. *sensus* – ҳис, сезги) — олами англаш ва идрок этишда ҳиссий билишнинг аҳамиятини мутлақлаштирадиган таълимот. Инсоннинг сезгилар (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, бадан сезгиси) воситасида билиши нарса ва ҳодисаларга хос бўлган ташқи хус-ят, белгиларни фарқлаш, табиий муҳитга мослашиш ва ҳимояланиш учун ёрдам беради. Ҳиссий билиш маълум даражада бошқа мавжудотларга ҳам хос хус-ят. Лекин, инсоннинг ҳиссий билишини улардаги ҳиссий билиш б-н тенглаштириб бўлмайди. Инсоннинг ҳиссий билиши деганда биз ундаги сезгиларни, идрокни, тасаввурни тушунамиз. Инсон билишининг куйи даражаси бўлган ҳиссий билишнинг бу шакллари нарса ва ҳодисалар, уларнинг маъно-мазмун ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. С.нинг айрим элементлари қад. дунё фал.сида, хус-н, чарвако, моизм, софистика, эпикуреизм, стоицизм, Протагор таълимотларидаёқ яққол ифода этилган. Бу таълимотларда ҳиссий билим негизда олинган маълумотлар нафақат ташқи

объектлар, балки субъект ҳолати ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Кейинчалик софистлар, Суқрот, Афлотун ва Арасту таълимотларида С. т.си рационал (ақл орқали) билишнинг зидди тарзида талқин этилади. Уйғониш ва Янги давр фал.сида С. ибораси эмпиризм б-н узвий боглиқ ҳолда, баъзан бутунлай айнанлаштирилган тарзда таҳлил қилинади. Бундай ёндашув Ф. Бэкон, Т. Гоббс, П. Гассенди, П. Гольбах, Д. Дидро қарашларида яққол ифодаланган. Мас., Гоббс «Даставвал инсон ҳиссиётида тўлиқ ёки қисман акс этмаган бирорта ҳам т. унинг онгида мавжуд эмас», Гельвещий эса «инсон ҳиссиётлари орқали идрок этиб бўлмайдиган нарсани унинг онги б-н англаб бўлмайди» дея ана шу ёндашувнинг мазмун-моҳиятини ифода этган. Кант, Гегель ва айниқса, трансцендентализм фал.сида С. буткул инкор этмаган ҳолда, асосий урғу рационал билишга қаратилади. Аммо позитивизмда (айниқса, физикализм, мантикий позитивизм ва эмпиризмда) ва неореализмда (мас., «ҳиссий маълумотлар», «бевосита реализм» концепцияларида) С.нинг қатор ғоялари, шу жумладан, маън-й-ахлоқий ҳамда ижт-й-педагогик жиҳатлари ривожлантирилади. Постмодернизм фал.сида С. анъанавий метафизикага хос ҳодиса сифатида кескин танқид қилинади. Аммо уларнинг қарашларида ҳам сенсуалистик ёндашув таъсирини кўриш мумкин. Мас., бу ҳол постмодернистлар томонидан ўз қарашлар тизимини «постмодернистик ҳиссийлик»ка асосланганини тан олишида кўрилади. Демак, С. билиш ҳақидаги чекланган таълимотдир.

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ (франц. *sentimental* — сезувчан сўзидан) — ўрта а.ларда Ғарбда зодагонларнинг бузуқ ахлоқига қарши норозилик кайфияти ифодаланган оқим. Мазкур оқим намояндаларининг қарашларида хунармандлар, савдогарлар ва деҳқонлар ҳаёти зодагонлар хулқ-атворида қарама-қарши қилиб қўйилди ҳамда оддий кишиларга нисбатан ачиниш ҳислари ифодаланди. С. адабий оқим сифатида классицизмга ва маз-

кур йўналишдаги асарларга хос мавҳум қоидаларга қарши кураш олиб борган. С. учун шахннинг руҳиятини тасвирлаш асосий мезондир. С. устувори бўлган асарлар инсон ҳиссиёти юксак даражада бўрттириб тасвирланиши б-н ажралиб туради.

СИЁСАТ (юн. *politik* — давлатни бошқариш санъати) — давлат ва жам-тни идора этиш воситаси. С. ўз табиати, мақсади ва амалга ошириш услублари, манфаатларни ифода этиш даражаси б-н фарқланади. “Миллий С.”, “демократик С.”, “тоталитар С.”, “халис С.” ёки “нохалис С.” каби қатор кўринишларда намён бўлади. Улар халқлар тар-ётига ҳар хил таъсир кўрсатади. Ш-дек, С.нинг ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкинлигини собиқ мустабид тузум тажрибасидан ва айрим давлатлар ҳаётидан билиб олиш мумкин. С. турли ижт-й гуруҳлар, кучлар манфаатини ўзаро уйғунлаштириш б-н боглиқ ҳолда кечади. Акс ҳолда, сиёсий ҳаётда бошбошдоқлик, парокандалик, сиёсий таназзул ҳолати юзага келиши ҳам мумкин.

СИЁСАТШУНОСЛИК — сиёсий ҳокимият ва унинг амал қилиш қонуниятлари, категориялари, т.лари, сиёсий ҳаёт оқими, бошқарувчилар б-н бошқариладиганлар ўртасидаги сиёсий мун-тлар, бетўхтов содир бўладиган сиёсий жараёнлар моҳияти, мазмуни, асосий йўналишлари, жам-тни сиёсий бошқариш маҳорати, ички ва ташқи сиёсат юритишнинг наз-й-амалий асослари ҳақидаги фан ва билим соҳаси. Сиёсат б-н шуғулланиш жараёнлари давлат ҳокимияти механизмининг шаклланиши б-н бошланган бўлиб, ибтидоий даврлардан бошлаб амал қила бошлаган. Кейинчалик Шарқ давлатчилиги (Миср, Бобил, Шумер, Ақкад, Мидия, Форслар давлати, Ассирия, Урарту), Юнон полислари, Рим республикаси, Бақтрия, Хунлар давлати, Парфия, Кушон давлатларида амал қилган ҳокимиятлар сиёсатини ўрганиш, улар ечимини топишга интилиш, сиёсий билимларнинг наз-й-методологик асосларини яратиш зарурияти вужудга келди. Жам-тни сиёсий бошқариш маҳорати ҳамда санъати тўғрисидаги дастлабки сиё-

сий ғоялар ва таълимотлар, қонун-қоидалар мажмуи яратилиб, амалиётга киритила бошланди. “Авесто”да ифода этилган жам-т сиёсий ҳаётининг тартиб-қоидалари, Хамураппи қонунлари, Ману қонунлари, Ликург, Драконт, Солон қонунлари, Конфуций, Сукрот, Афлотун, Арасту сиёсий таълимотлари, Юстиниан кодекслари, Темур тузуклари, сиёсий ар-бобларнинг қарашлари ва Ер куррасининг турли ҳудудларида вужудга келган сиёсий фикр-мулоҳазалар, ғоялар, таълимотлар мажмуи ҳозирда шаклланиб, кенг кўламда амал қилаётган С. соҳасига манба бўлиб хизмат қилди. С. даставвал сиёсий фал. бағрида, кейин эса сиёсий социология таркибида, қисман, сиёсий тарих, сиёсий таълимотлар тарихи, юриспруденция таркибий қисмлари сифатида тадқиқ ҳамда таҳлил этилиб, ўрганилди ва ўқитилди. Лекин ер узида ижт-й ишлаб чиқаришнинг умумлашуви, ижт-й-сиёсий мун-тларнинг уйғунлашуви натижасида ривожланган мам-тлар шароитида С.ни алоҳида билим соҳаси сифатида ажратиб ўрганиш ва ўқитишга эҳтиёж сезилди. Ш.у. ҳам XIX а.нинг охиридан АҚШда, кейинчалик Франция, Италия, Германия, Белгия, Голландия каби мам-тларда бу фан ва билим соҳасига алоҳида эътибор берилиб, унинг илмий мактаблари ва илм. тад. марказлари вужудга кела бошлади. БМТ қошида 1949 йилда Сиёсий фанлар халқаро уюшмаси таъсис этилди. Мазкур уюшманинг дастур ва низомини имзолаган ҳар бир БМТ аъзоси бўлган давлат ўзида С. фанини ўқув юртларида ёшларга ўқитиш, журнал ва ўқув қўлланмалар нашр қилиш, илм. тад. марказларини ташкил этиш мажбуриятини олган эди. Ҳоз. кунда БМТга аъзо бўлган барча ривожланган мам-тлар ўқув юртларида С. энг нуфузли ва обрўли ижт-й фанлардан бири сифатида кенг ўқитилади ва тарғиб этилади. С. бўйича журналлар, рисоалар, монографиялар нашр қилинади, илм. тад. марказлари ишлаб турибди. С.нинг категориялари, т.лари, қонуниятлари мазмуни, моҳияти, сиёсий таълим тизими, илм. тад. услублари кенг, ранг-баранг кўри-

ниш ва шаклларда турли мам-тларнинг олимлари томонидан тадқиқ этилмоқда. С. фани Ўз-нда мустақилликка эришилгандан сўнг олий таълим тизимига киритилди. Шу туфайли, мам-тимизнинг барча олий ўқув юртларида С. фани кенг ўқитилиб, янгидан нашр этилаётган ўқув қўлланмалар ва дарсликлар воситасида ёш авлод сиёсий билимларини ошириш, сиёсий онг даражаси ва сифатини замон талаблари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор берилляпти.

СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ — сиёсий ҳамда маън-й жиҳатдан мутлақо салбий ҳодиса бўлиб, асосий мақсади сиёсат ҳамда маъ-ят бағрида мавжуд беқиёс кенг имкониятлардан ўз вайронкор ғоя ва режаларини амалга ошириш учун интилишда намоён бўлади. Ижт-й ҳаётнинг барча жабҳаларига экстремизмнинг ўз тарафдорлари орқали кириб бориш эҳтимоли кучли. Бу, бир томондан, дунё аҳлининг ҳанузгача экстремизм ҳақида аниқ т.га эга эмаслиги, иккинчи томондан, ақл-заковатга зид йўл б-н ҳокимиятга интилувчи унсурлар мавжудлигига бориб тақалади. Ҳоз. мураккаб даврда экстремизмнинг инсон барҳаётлиги таянчлари бўлмиш сиёсат ва маъ-ятга кириб бориши салбий оқибатларни келтириб чиқариши, ҳаттоки, афгор омма кўз ўнгида сиёсат ва маъ-ятга путур етказиши мумкин. У сиёсатда ақидапарастлик, сиёсий радикализм, ирқчилик, шовинизм, милитаризм, глобал ҳукмронликка даъво қилиш ва айниқса, “демократия экспорти” ва б. кўринишларда намоён бўлса, маъ-ятда унинг моҳиятига ёт ақидапарастлик, “оммавий мад-т”, ватангадолик каби турли маън-й бузуқликларда намоён булиши мумкин. Дунёнинг бутунги ҳолатига сиёсат ва маъ-ят номидан иш юритувчиларнинг таъсири ҳақида сўз юритилар экан, бир пайтлар сиёсий экстремизмнинг тарихий кўринишларидан бўлган нацизм, фашизм ва тоталитар коммунизмнинг инсониятни қай ҳолатга туширганлигини эслаш kifоя. Бугунги кунда эса С.м.э. маън-й юксалишнинг ул-

кан марраларидан ҳисобланган жаҳон динларидан (буддизм, христианлик ва ислом) экстремистларнинг маккорона фойдаланишга интилишида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Сиёсий ва маън-й жабҳада содир бўлаётган экстремистик хуружлардан ҳар бир давлат ва дунё ҳамжам-ти жиддий талофат кўрмоқда. С.м.э. бугунги қаттис вазиятда инсонлар, гуруҳлар, элатлар, давлатлар ва ниҳоят мад-тлар ўртасига кескин душманлик уруғини сочиб, ҳеч қандай мулоқот, мурасага ўрин қолдирмайди, уларни ўзаро қирғинбаротга ундайди. Бугунги кунда унинг олдини олиш, унга қарши курашиш вазифаси долзарблашиб бормоқда.

СИМВОЛ (юн. *symbolon* — рамз, шартли белги, тамға ёки нишон) — ўз табиатига кўра, моддий ёки маън-й ҳодиса бўлиб, муайян ғоя ёки т.ни образли — тимсол тарзида ифода этади. С. оддий ёзма ёки товушли тил белгиларидан фарқли ўлароқ, оламнинг муайян ҳодисаси эмас, балки билвосита — ҳиссий ёки мантикий образ воситасида инсон учун бирор мавҳум т. шаклида акс эттиради. С.ларнинг номи у ифода этувчи т. ёки мазмунга нисбатан барқарор бўлиб, фақат муайян ғоя ёки маънони англатиш учунгина фойдаланилади. С.лар, гоҳида, бутун бир сўз, гапни ҳам ифода этиши мумкин. Бу С.ларнинг такомиллашган кўриниши — иероглифларда ифодаланган. Мас., Хитой иероглифлари шулар жумласига кирази. Инсоният тарихида пиктография ёки расмни хат ҳам муҳим ўрин тутди. С.ларнинг нарса-ҳодисаларни қулай ва тежамли ифодалаш хус-яти қад. Рим ва Юнонистонда илк бор илмий тадқиқ этилган бўлиб, бунда стоицизм оқимининг намояндалари — Луций Анней Сенека, Зенон. Хриссипп ва айниқса, Аристотелнинг ҳиссаси беқиёс бўлган. Шарқ илм-фанида Насириддин Тусий, Абу Али Ибн Сино ва б.. С. ва белгиларнинг гносеологик имкониятлари хусусида қимматли фикрлар билдиришган. С. белги масаласи, XIX а.нинг иккинчи ярмига келиб, яна кун тартибига қўйила бошланди. Бу жараён, айниқса, математик ёки С.ик логика фанининг шаклла-

ниши б-н бирмунча тезлашди. Математика С.ларининг имкониятлари илмий тафаккур, фан ва техникани тараққий эттириш, инсон билиши чегараларини кенгайтириш вазифаларини ҳал қилиш учун бениҳоя қўл келади. Прагматизмнинг асосчиларидан бири — Чарльз Сандерс Пирс ва бихевиоризм фал.сининг намояндалари Чарльз Моррис, Ричердс ва Огденларнинг С.лар ва белгиларнинг умумий наз-яси — семиотикага асос солганликлари фан тарихида муҳим ўрин тутди. С.ларнинг чексиз имкониятларидан компьютерлаштириш, роботлаштириш, автоматик бошқарув тизимларини вужудга келтириш, оммавий ахборот тизимлари фаолиятини такомиллаштиришда кенг фойдаланилади.

СИМВОЛИЗМ (юн. *symbolisme* — белги, рамз, тимсол ёки уларнинг мажмуи) — XIX а. охири — XX а. бошларида вужудга келган адабий-фал-й оқим. С. дастлаб Францияда, ижт-й ҳаракатлардаги тушкунлик оқибатида вужудга келди (П.Верман, А.Рембо, П.Фор ва б.) ва кейинчалик Европанинг б. мам-тларига ёйилди (К.Бельмонт, Д.Мережковский, З.Гиппус, Ф.Сологуб, А.Белий, қисман А.Блок, В. Брюсов, М.Врубель ва б. ижодида кўзга ташланади). Символистлар бирор т.ни, ҳодисани ифодаловчи ёки эслатувчи шартли белгини бадий ижод асоси ҳисоблаб, у мавжуд оламни билиш, тушунишнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади, деб ҳисоблайди. С. оқими объектив ҳақиқатни билиш мумкин эмас, деб ҳисобловчи А.Шопенгауэр, Э.Мах ва неокантчилар фал.сига асосланади. С. индивидуализмни, мистицизмни ташвиқ қилади, ҳаёт кўринишларини “нариги дунё”нинг символлари сифатида талқин этади, бу олам “ҳақиқий дунё”нинг ёлғон акси, деб ҳисоблайди. Кўпчилик символист адибларнинг асарлари киноя ва имо-ишораларга тўлиб-тошган, символист шоирлар шаклбозликка берилиб, чуқур мазмунга эга бўлмаган, тушуниш қийин бўлган асарлар, шартли ва умумлаштирилган образларни, шеъриятнинг махсус тилини яратишга уринган. С. т.сини да-

стлаб француз шоири Жон Мереас (1856–1910) қўллаган ва наз-й жиҳатдан асослаб берган. С. доктринасига кўра, ҳар бир нарсада гоя яширинган, уни санъат, аввало, мусиқа, мусиқали шеъриятгина тунгунтира олади. Шеърят билимнинг энг олий шакли бўлиб, динга яқин, унинг ижодкори эса илоҳий қудратга эга, оламда ҳамма нарсанинг мазмуни символ орқали англанади, шоир бунда таржимонлик вазифасини ўтайди. С. тасвирий санъатда модерн услуби б-н узвий боғлиқ бўлиб, символист рассом, ҳайкалтарошлар асарларида билиб бўлмайдиган, ақл бовар қилмайдиган дунёнинг гайритабиийлигини ифодалайди. XX а.да турли-туман бадий оқимларда (эмпрессионизм, сюрреализм, футуризм ва б.) С.нинг таъсири бўлди. Символист театр арбоблари шакл-бозликка берилиб, мавҳум, схематик образлар орқали инсонни тақдир ва ўлим олдида ожиз қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Умуман, символистлар санъатни ҳаётдан узоқлаштиришга, ҳаётини ҳақиқатдан кўз юмишга интилади, бадий асарларни реал борлиққа қарама-қарши қўяди.

СИНТОИЗМ (япон. *синто* — худолар йўли) — Японияда кенг тарқалган миллий дин. XVIII а.да С.ни буддизмдан фарқлаш учун “Синто” атамаси қўлланилган. У буддизмдан кўплаб маросим ва тасавурларни мерос қилиб олган. С. 1868 йилда расман давлат дини деб эълон қилинади ва у 1945 йилгача шундай мақомга эга бўлади. С. асосини жуда кўп руҳларга сиғиниш ташкил этади. С.га кўра, илоҳий б-н одамлар ўртасидаги мун-тлар Амаэрасунинг (Күёш маъбудаси) авлоди ва унинг Ердаги вакили — император (Микадо) орқали амалга ошади. Микадо барча японларнинг яратувчиси — отаси ҳисобланади ва у илоҳийлаштирилади. Япония II жаҳон урушида мағлубиятга учраганидан сўнг Микадонинг илоҳийлиги инкор қилина бошлади. XIX–XX а.да бир қанча синтоицизмга зид секталар пайдо бўлиб, улар буддизмни рад этади. С. бир неча қатламлардан иборат: Күёш маъбудаси Амаэрасудан тарқалган император оиласи аъзолари ўз саройида

амал қиладиган сулолавий императорларни илоҳийлаштирувчи С., турли маҳаллий ва умумяпон худоларига топинувчи ибодатхона С.и, маъбуда Амаэрасуга топинувчи уй-рўзгор С.и, давлат тизимига кирмаган табиат объектлари тимсолида гавдаланувчи маҳаллий худолар ва руҳларга топинувчи халқ С.и ва б. Синтоистларнинг муқаддас китоби бўлмаган, аммо диний афсоналар учраб туради. VIII а.да оғзаки диний афсоналар асосида “Кодзики” (“Қад. ишлар тўғрисида ёзувлар”) номли диний китоб пайдо бўлди. С. дини 1964 йилда давлатдан ажратилди. Ибодатхона С.и ташкилий жиҳатдан айрим ибодатхоналар ва уларнинг уюшмаларига бўлиниб кетди.

СКЕПТИЦИЗМ (юн. *skeptikos* — қайта кўриб чиқиш, шубҳаланиш) — IV а.да Юнонистонда юзага келган, Пиррон асос солган фал-й оқим. У ўз таълимоти-ни Суқрот сингари оғзаки баён қилган: бирон-бир асар ёзиб қолдирмаган. У ҳақда шогирди Томмоннинг асарларида маълумот берилган. Скептиклар антик диалектикадек қудратли қуролга эга эдилар. Улар ўз ўтмишдошлари бўлмиш Гераклит, элейликлар, софистлар, Суқрот, Афлотун. Арастулар диалектикасини ўзларича талқин этганлар. Скептиклар фикрича, ҳақиқат субъективдир. Ш.у. улар ҳақиқатни эҳтимол деб атайдилар. Фал-й йўналишларнинг ҳар бири ўз йўли б-н эзгуликка эришишга олиб боради. Гарчанд С. таълимоти кўп жиҳатдан билиш жараёнининг мураккаб муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилган бўлса-да, лекин объектив билишга нисбатан умидсизлик б-н қараш ва рад этиши агностицизмга олиб борди.

СОЛИПСИЗМ (лот. *solus* — якка, ягона, *ipse* — ўзим, ўзи) — субъектив-идеалистик наз-я. Унга кўра, фақат инсон ва унинг онги мавжуддир; объектив олам, шу жумладан, одамлар ҳам фақат инсоннинг (субъектнинг) онгидагина мавжуд. Умуман олганда, ҳар қандай субъектив — идеалистик таълимот муқаррар равишда С.га келади. Беркли, Фихте, Брюне, айниқса, Шупне, Р.Шупнерт-

Золдерн каби файласуфлар бу наз-яга анча яқинлашган эди. С. инсон фаолияти ва илм-фанни ҳар қандай маъно-мазмундан маҳрум этади. Ш.саб. субъектив-идеалист файласуфлар ўта С.дан қочишга уриниб, бунинг учун улар ғайрисубъектив, илоҳий онгнинг мавжудлигини асосий қоида қилиб олмоқдалар. С. ҳиссий билишни мутлақлаштиришнинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

СОТҚИНЛИК — инсон учун умумий бўлган тамойилларга, миллий манфаатларга садоқатни бузиб, душман томонга ўтиш, унга сирни ошкор этиш. С. хиёнатнинг бир кўринишидир. С. азалдан маън-й жиноят ҳисобланган. Кўчма маънода “сотмоқ” т.си пул эвазига бермоқ, пулга айирбошламоқ маъносини ҳам англатади. Бундан ташқари, сотмоқ — Ватани, давлати сирларини, халқни бойлигини душманга ошкор қилиш, бериш эвазига ўз жонини, ҳаётини сақлаб қолишни ҳам ифодалайди. Сотқин ўз виждони, Ватани, оиласини даромад эвазига пуллаган, душман томонга ўтган, сотилган хоин, хиёнаткор. С.да ор-номус, имон ва виждон туйғулари бўлмайди. Унинг салбий хус-ятлари “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида қаттиқ танқид қилинган ва жам-т ҳамда инсонга хос маън-йлик тамойилларига зид т. сифатида кўрсатилган. Китобда таъкидланганидек, “**Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Агар тева-рак-атрофимиздаги бирорта кишида шундай аломатлар сезилаётган бўлса, уларни дарҳол тарбиямизга олиб, тўғри йўлга бошлашимиз керак.**

Шу муносабат билан тарихда кўп марта ўз тасдиғини топган, мен ҳам ўз тажрибамда синаган ҳаётий бир ҳақиқатни яна

бир бор такрорлашни зарур деб ҳисоблайман: **агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди»** (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 122-б.). Сотқин ўз фарзандининг келажagini ҳам кўра олмайди, у сотқинлиги б-н оиласи шаънини оёқости қилиб, эл-юрт ўртасида шарманда бўлади. Ҳар бир инсон эл бошига кулфат тушганда, душманга нисбатан мун-тлар жараёнида си-налади. Бундай ҳолларда турли салбий қусурлар, иллатларга эга, жоҳил, ёвуз, нопок, фирибгар, кўрқоқ, маън-й қашшоқ ва тубан шахслар томонидан С., Ватанига, халқига хиёнат содир этиш ҳолатлари ҳаётда учрайди. Бундай шахслар халқнинг газоби ва нафратига дучор бўлади. Сотқин ўз Ватани душманлари б-н тил бириктиради, давлат хазинасини душманга талатади, халқини душман ўқига тутиб беради, эл бошига фалокат устига фалокат келтиради. Диёнатли, ҳалол яшайдиган, маън-й баркамол одам ҳеч қачон С. йўлини тутмайди. *(Яна қаранг: Хиёнат).*

СОХТА ҒОЯ — ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган, давлат, жам-т, миллат манфаатларига зид бўлган, тар-ётга таҳдид соладиган ғоялар мажмуини ифодалайди. У жам-тни тубанликка етаклаб, одамларини ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайди, халқлар ва давлатларни таназзулга, ҳалокатга маҳкум этади. Бундай ғоялар турлича бўлса-да, аслида уларнинг мақсад ва интилишлари битта — ҳокимиятни қўлга киритиш, тинч-осойишта халқ орасида нифоқ ва ихтилофлар чиқариш. Энг ачинарли томони — бундай ёвузликни амалга оширишни мақсад қилиб олган кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларни ўз тузоғига илинтириб, С.ғ.ларига ишонтирган ҳолда, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишидир. Ш-дек, С.ғ.лар инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун кўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қиргин қилишга

чақирадиган. жам-гни тарафкашларга ажратиб, бўлиб ташлашга хизмат қиладиган ғоялар мажмуидан ҳам иборатдир. Бундай ғояга мисол сифатида “Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил” деган ғаразли ғояни келтириш мумкин. Бу ғоя, асосан, геосиёсий ва геостратегик мақсадларга эришишда қўлланади. Уни амалга оширишнинг асосий йўли бирон бир минтақа ёки мам-т ичида ижт-й парокандаликни келтириб чиқариш б-н белгиланади. Бунда, биринчидан, муайян шаклда мавжуд бўлган ижт-й-иқт-й қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиш, иккинчидан, ўз ноғорасига ўйнайдиган муҳолифатчи кучларни юзага келтириш йўли б-н сиёсий беқарорликни келтириб чиқариш, учинчидан, “мам-тда сўз, матбуот, сиёсий эркинликлар йўқ”. қабилдаги тўхматдан иборат мафкуравий тазийқ ўтказиш усуллари қўлланади. Ўз-н мисолида оладиган бўлса, бундай ҳолат баъзи хорижий ОАВнинг мам-тимизда амалга оширилаётган ижт-й, иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар ҳақида нотўғри ахборот тарқатиш орқали жаҳон жамоатчилигида ҳақиқатга зид тасаввурни шакллантириш йўлидаги хатти-ҳаракатларида яққол кўринади. С.ғ.ни амалга оширишнинг бу йўли — халқаро майдонда муайян мам-т ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантиришдир. Айни пайтда бу йўлда диний, миллий ва б. омиллардан, яъни гўёки инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги бузилаётгани тўғрисидаги сохта маълумотларни тарқатиш усулидан, фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилаётир. Буларнинг барчаси “Мақсад воситани оқлайди” деган ақида ғаразли ғоялар ва манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қондасига айланаётганидан далолат беради. Бу эса С.ғ.ларга нисбатан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш лозимлигини англатади.

СОХТАЛИК — қалбакилик, юзакилик, ясамалик, сохта иш, хатти-ҳаракат ва қаллоблик каби маън-й иллатларни ифодаловчи т. Халқимизда “Одамнинг олasi ичида, нарсанинг олasi сиртида” деган ҳикматли сўз бор. Ҳазрат Навоий

С.ни шундай таърифлайди: “Меванинг мағзи бўлгандан кейин унинг пўсти ҳам бўлади; одамнинг душмани ҳам бўлади, дўсти ҳам. Жаҳон яхши ва ёмондан холи эмас, лекин ёмон юзада бўлади, яхши яширин. Кимки тўғрилиқ йўлини билмоқчи бўлса, билсинки, бу икки хил бўлади. Бири шуки, кишининг сўзи тўғри бўлса, унинг сўзи б-н бирга ўзи ҳам тўғри бўлиши керак. Яна бири шуки, ёлғон гапни баъзилар таассуф б-н, уялганидан “Тўғри!” дейди. Олдингиси ҳеч шубҳасиз, яхши, лекин иккинчиси ҳам ёмон эмас. Киши ёлғонни гапирса ҳам кам гапирса! Ёлғон эгриликдан, тўғрилиқ ҳақиқатдан иборатдир. Шам ўз тўғрилиги б-н хурсанд, бошдан-оёқ куйса ҳам, у нурга айланади. Яшин эгриликни одат қилган бўлиб, ҳамма ёқни ёритса-да, ернинг остига киради”. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, “ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзалдир”. “Дилинг Оллоҳда, қўлинг ишда бўлса”, яъни инсоннинг суврати ва сийрати муштарак бўлган одам С., юзакилик, ясамалилик каби разил иллатлардан мутлақо йироқ бўлади. Муайян шахснинг шахсий ёки ижт-й хулқ-атворида учрайдиган ҳар қандай С., ҳар қандай мунофиқлик жамоа томонидан қаттиқ қораланади.

СОҒЛОМ АВЛОД — жисмонан соғ, маънан баркамол, зарарли таъсирлардан, салбий хислат, иллат ва ш.к.дан холи, тоза, пок, соғлом фикрли авлод. С.а. — соғлом насли, жисмоний бақувват, руҳи тетик, фикри тиниқ, иймон-этиқодли, маъ-ятли, мард ва жасур, ватанпарвар шахс. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, ота-онанинг соғлигига боғлиқ. Соғлом оила бўлмаса, баркамол авлод ҳам, истиқболи порлоқ миллат ҳам бўлмайди. Мам-тимизда бу масалага ниҳоятда катта эътибор бериб келинмоқда. 1993 йил 4 мартда Ўз-н Президенти Ислам Каримовнинг махсус Фармонида асосан Ўз-нда биринчи олий давлат нишони — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. 1993 йил 3 июнда “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг асосий вазифаларидан

бири, мам-тимизда ёш авлодни соғломлаштириш миллий дастурининг она саломатлигини муҳофаза қилиш қисмини амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан иборат. Президентимиз томонидан 1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, деб эълон қилинди. 1998 йил 30 апрелда эса Олий Мажлис «Оила кодекси»ни қабул қилди. ЎзР Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика «Оила» илмий-амалий маркази тузилди. 2000 йил 15 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод давлат дастури тўғрисида» Қарори қабул қилинди. 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши мун-ти б-н ва ЎзР Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги 1306-сонли фармойишига мувофиқ, 2001 йил 5 февралда Вазирлар Маҳкамаси «Она ва бола» давлат дастури тўғрисида Қарор қабул қилди. Асосий мақсад – соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат. Ҳоз. кунда ҳам мам-тимизда С.а.ни вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб номланиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу борада қабул қилинган давлат дастури нафақат бугун, балки келажакда ҳам С.а.ни тарбиялаш борсидаги устувор йўналишлар ва долзарб вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

СОҒЛОМ МАФКУРА – умуминсонийликнинг устуворлиги тамойилига таянадиган, ижт-й тар-ётни таъминловчи эзгу ва бунёдкор гоёлар тизимига асосланган мафкура шакли. Жам-т тар-ётига салбий таъсир кўрсатадиган, одатда унинг таназзули, ҳалокатига сабаб бўладиган фашизм, коммунизм, диний экстремизм каби носоғлом мафкура шаклларида фарқли ўлароқ, С.м. инсоният тар-ётини тезлаштиради. Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Ватан равнақига имкон яратади. Президент И.А. Каримов таъкид-

лаганидек, С.м. жам-тимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва гоёлар, эркин қарашлардан, тоифа ва гуруҳларнинг интилиш ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона гоёдир. С.м. жам-тдаги мулккий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, кўппартиявийлик шароитига мос келади. У давлат доктринаси эмас, балки муайян жам-тнинг ҳаёти ва тар-ётини таъминлайдиган умумий тамойилларни ифодалайди. Бундай шароитда давлат ана шу тамойилларга барча фуқароларнинг амал қилишини ҳуқуқий кафолатлайди. С.м.га эҳтиёж бугунги кунда тарихий заруратга айланди. Зеро, бундай мафкурасиз жам-т самарали тараққий эта олмайди. Маълумки, кишилар онгига ўрнашиб қолган эскича мафкуравий қарашлар қолипидан чиқиш мураккаб руҳий жараён дир. Ўтиш даврига хос бўлган қийинчиликлардан бири ҳам одамлар тафаккури, руҳиятида туб ўзгаришларга эришишидир. Зеро, эски мустабид тузум даврида кишилар онгига фақатгина бир мафкура “абдий”, “ўзгармас”, “мутлақ” деб сингдирилган эди. Бугунги кунга келиб ана шундай мафкуравий яккаҳокимликка барҳам берадиган, умумхалқ манфаатларига мос келадиган, аҳолининг барча табақалари, қатламларининг талаб-эҳтиёжлари, мақсад ва интилишлари, орзу-истакларини қондирадиган С.м. пайдо бўлди. Миллий истиқлол гоёси ана шу заруратнинг натижаси сифатида вужудга келди. Шунга кўра, эндиги вазифа мустақил Ўз-н ёшларини С.м., миллий тарбия асосида вояга етказиш ҳисобланади. Бунда фарзандларимизнинг гоёвий-сиёсий, меҳнат ва эстетик тарбиясига истиқлол гоёлари н.назаридан ёндашиш талаб этилади. Ёш авлод вакиллари мустақиллик, миллатпарварлик, байналмилаллик гоёларига асосланган С.м. б-н қуроллансагина, улар Ватан ва халқ, инсон, она юрт қадрига етадиган фуқаролар бўлиб улғаяди. Мустақил

Ўз-н ёшларининг С.м. асосида ватанпарвар, халққа қайишадиган, фидойи, отабоболар ишига, истиқлол ғояларига садоқатли қилиб тарбиялашда миллий-адабий қаҳрамонларимиз, Ватан озодлиги, юрт ободлиги, фаровон ҳаёт йўлида жон фидо этган ботирларимиз сиймолари, уларнинг жасорати ибрат, намуна ролини ўйнамоғи мақсадга мувофиқдир. Ботир Широқ, ватанпарвар Тўмарис, мард ва ёвқур Жалолиддин Мангуберди, фидойи Нажмиддин Кубро, мустақил ва марказлашган давлат қуриш йўлида ақл-идроқини, қудратини сарфлаган Соҳибқирон Амир Темур каби жасур боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганмоғимиз даркор.

СОҲИБҚИРОН (араб. саодатли, зафарли, голиб) — илми нужум (астрология) ва афсоналарда қуёш тизимидаги катта сайёралардан иккитаси — Зухро ва Муштарий сайёраларининг маълум бир даражада уйғун келиши вақтида (қирон буржи) туғилган буюк давлат арбобларига нисбатан қўлланадиган т. Одатда, С.нинг бахтли, улуғ мартабали бўлиши олдиндан башорат қилинган. С. сўзининг асл маъноси “қудратли подшоҳ” демакдир. Ривоятларга қараганда, Амир Темур икки шарофатли қилдуз — Зухро ва Муштарий сайёралари бир-бирига яқинлашган пайтда туғилган экан. Астрономия фани мазкур сайёраларнинг ҳар 800 йилда тўқнаш келишини исботлаган.

СУБЪЕКТИВИЗМ — оламдаги барча нарса-ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ўзгариб боришини фақат инсоннинг руҳиятига боғлаб тушунтирувчи таълимот. С. инсоннинг наз-й ва амалий фаолиятини мутлақлаштириб, табиат ва жам-тдаги нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзига хос хусиятлари ва рив-ш қонуниятлари объектив тарзда мавжуд эканини тан олмайди.

СУВЕРЕНИТЕТ (франц. *souverainite* — олий ҳокимият) — давлатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тўла мустақиллиги. Давлат суверенитети ҳақидаги ғоя XVI а.да франц. олими Жан Боден томонидан илгари сурилган. У суверен бўлмаган дав-

латни давлат деб ҳисобламаган. Ж.Боден бунда давлатнинг олий ҳокимиятини назарда тутган. С. халқнинг тўла ҳукмронлиги ёки халқ бошқаруви тўла-тўқис таъминланган ҳолатдир. Давлат С.и мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш; қонунларни қабул қилиш; уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш; суд ҳокимиятини амалга ошириш; мансабдор шахсларни тайинлаш; мустақил валютага эга бўлиш кабиларни тақозо қилади. Халқаро ҳуқуқнинг ривожига жараёнида давлат С.и ҳақидаги ғоя муттасил такомиллашиб, мазмунан бойиб борди. Кўплаб халқаро ташкилотлар, айниқса, БМТ ҳужжатлари, давлатлар конституцияларида бу ғоя ўз ифодасини топган. Республикаизмнинг мустақиллиги давлат С.ининг асосидир. ЎзР Конституцияси 1-моддасида “Ўз-н — суверен демократик республика” эканлиги белгилаб қўйилган. Халқ С.и ғояси XVI а.да яшаган европалик олим Мирсилиий Падуанский томонидан илгари сурилган. Кейинчалик бу ғояни ҳуқуқшунос олим Иоганн Алтузи (1557–1638) “Сиёсат”, француз мутафаккири Жан Жак Руссо “Ижт-й шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари” асарларида ривожлантирган. Бу ғоя XVIII а.даги Буюк француз инқилобидан сўнг, “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси” (1889 йил) қабул қилиниши б-н янада катта аҳамият касб этди. Бу таъсир натижасида қабул қилинган Франция Республикаси Конституциясининг 3-моддасида “Миллий С. халқники бўлиб, халқ уни ўз вакиллари ва референдум орқали амалга оширади”, дея эътироф этилган. Бу тамойил жаҳондаги аксарият мам-тлар Конституцияларида ҳам ўз ифодасини топган. Хус-н, ЎзР Конституцияси 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. ЎзРда давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва ЎзР Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади”, дейилган. Халқ С.и ғояси тамойиллари қуйидагилардир: а) ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқдир; б) барча

қонунлар халқ томонидан қабул қилиниши лозим; в) ҳукумат халқ томонидан сайланиши ва халқ назорати остида ўз фаолиятини амалга ошириши зарур. Шарқда С.нинг мазмун-моҳияти мустақиллик т.си орқали ифодаланadi. Истиқлол даврида республикамиз ўз суверен ҳуқуқларига тўла-тўқис эга бўлган мустақил мам-тга айланди.

СУДХЎРЛИК (араб. рибо) — фойда кўришга ружу қўйиш, берилган қарз эвазига устама фоиз олишга асосланган маън-й иллатни ифодаловчи т. “Суд” — фойда, “С.” — пул қарз бериб, фойда кўриш маъносини англатади. Бу маън-й иллат аслида қатъиян тақиқланган бўлиб, тижоратда бунинг авж олгани ва кўп одамлар қарзларини тўлай олмай, хонавайрон бўлгани учун ислом динида ҳаром, деб эълон қилинган. Аммо ҳозирда банклар тизимида муайян фойда олиш кўзда тутилган. Кредиторларга қарз берганда уларнинг имкониятига қараб олинadиган фойда мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

СУННИЙЛИК (араб. аҳли сунна вал-жамоат) — ислом динидаги тўғри йўлда юрувчи оқимни ифодаловчи атама. Муҳаммад (С.А.В.) мусулмонларнинг келажакда бир неча фирқаларга бўлиниб кетишидан ташвишланиб, улардан биттасини — “фирқаи ножиъа” (нажотга эришувчи фирқа) деб атаган. Имом Абу Исо ат-Термизий Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (Р.А.)дан ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар (С.А.В.) шундай дейди: “Аниққи, Бани Исроил қавмига келган ҳодисанинг айни ўзи менинг умматимга ҳам келади. Бани Исроил қавми етмиш икки фирқага бўлиниб кетган эди, менинг умматим яқин келажакда етмиш уч фирқага бўлиниб кетади. Барчаси залолатга боради, илло биттаси нажотга. Саҳобалар: “Жаннатга борадиган битта фирқа қайси?”, — деб сўрадилар. Расулulloҳ (С.А.В.): “Мен ва саҳобаларим тутган йўлдагиси”, — деб жавоб берди. Юқорида келтирилган ҳадисларнинг мазмуни шундан далолат қиладики, пайгамбар (С.А.В.) баён этган ва нажотига башорат берган ягона фирқа — бу “аҳли сунна вал-жамоа” яъни

С. фирқаси. Бу фирқа аҳли ислом динининг ихлосли, эътиқодли бўйсунувчилари бўлиб, ўзларини Иброҳим (А.С.) қавмидан деб ҳисоблайдилар. Пайгамбар (С.А.В.)нинг шариатига итоат қиладилар. Абдулқоҳир ибн Тоҳир ал-Бағдодий ат-Тамимийнинг “Ал-фарқ байнал-фирақ” китобида “аҳли сунна вал-жамоа” фирқасидан ҳисобланувчи турли тоифа илм аҳллари ҳақида тўлиқ маълумот берилган. “Аҳли сунна вал-жамоа” мазҳаби бўйича шаръий далиллар тўртта: Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёс. Ўз-н мусулмонлари ҳам С. эътиқодига амал қиладилар ва фуқаролик бурчларини бажарадилар.

СУҚРОТ (мил.ав. 469—Афина—399) — қад. юнон мумтоз фал.сининг асосчиси, афиналик биринчи файласуф. С. ҳайкалтарош ҳам бўлган. Афинанинг ижт-й ҳаётида фаол иштирок этган. У ўз даврида ҳукмронлик қилиб келаётган Афина демократик тузумига қарши чиқиб, янги худо ҳақидаги ўз фикрини баён қилгани учун Афина руҳонийлари уни даҳрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблаб, уни судга тортилишини талаб қилиб чиққанлар. С.га қўйилган айб сиёсий бўлсада, лекин уни динга қарши чиққанликда айблашган. Айтишларича, С.нинг шоғирдлари уни зиндондан озод қилиш ва қочириб юбориш чорасини топганлар. Аммо С. “Афина қонунларини танқид қилсамда, уларни етук эмас деб билсам-да, аммо бу қонунларни афиналиклар қабул қилган экан, уларга бўйсунмасликка ҳаққим йўқ. Ёшим бир жойга борганида уларни бузиб, авлодларнинг тавқи-лаънатига қолмай”, — деган фикр б-н зиндондан қочиб кетмаган. С. ўз устидан чиқарилган ҳукмга эътироз билдирмасдан, ўлимни ихтиёрий равишда танлаб, қадаҳга қўшилган заҳардан ҳалок бўлади. **Файласуф Ксенофонтнинг ёзишича, С. Афина демократиясининг “буюк ютуғи” дея таърифланган — раҳбарларни қуръа ташлаш йўли б-н сайлаш тамойилини кескин қоралаб, давлат мансабдорларини ловия (оқ ва қора ловияларни қопдан олиб ташлаш йўли б-н муайян лавозимга сайлов ўтказиш) воситасида сайлашнинг бемаънилиги ҳа-**

қида сўзлаб, шогирдлари кўнглида мавжуд қонун-қоидаларга нисбатан нафрат уйғотган. Унинг бу қарашлари давлатга эмас, балки тартиботга қарши бўлган. С. ўз таълимотини оғзаки равишда кўчакўйда, майдонларда, хиёбонларда ўз шогирдлари ва издошлари б-н суҳбатларда баён қилган, лекин биронта ҳам асар ёзмаган. Унинг фал-й, ахлоқий таълимотини шогирдлари Ксенофонт, Аристофан ва Платонларнинг асарлари орқали билиб олишимиз мумкин. Ксенофонт “Суқрот ҳақида эсдаликлар” асарида ўз устози ҳақида илиқ сўзлар айтиб, уни олижаноб устоз, ахлоқ-одоб борасида ҳаққоний фикр юритган, инсоний фазилатларни қадрлашга даъват этган киши сифатида тасвирлайди. Ёшларнинг ахлоқини бузганлиги тўғрисидаги фикрлар сохта ва бўҳтон эканлигини таъкидлайди. Платон ўз устозини чуқур мулоҳазали, инсонни улугловчи донишманд сифатида гавдалантириб, ўз фал-й қарашларини “Суқрот” номидаги асарларида баён этган. С. ўзига қадар ўтган ва ўз давридаги файлларнинг табиат борлиқнинг асоси, унинг қонуниятларини ўрганиш керак, деган фикрларига қарши чиқиб, инсон муаммосига, унинг ижт-й ҳаётдаги ўрни, маън-й фазилатлари, ахлоқ-одобга, илмнинг моҳияти масалаларига эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради. С. таълимотича, ахлоқ масалалари фал.нинг марказида турмоғи лозим. Жам-т равнақи, тинч ва осойишталикка, фаровон ҳаёт эса ахлоқ-одоб юксак бўлишига боғлиқ. С. инсон билимининг чексизлиги, ҳақиқатнинг нисбийлиги, оламнинг бепоёнлигини теран англаган. Унинг “Куч–билимда”, “Қанча кўп билсам, шунча кўп билмаслигимни билдим”, “Ўз-ўзингни англа” каби фикрлари жаҳон халқларининг ҳикматли сўзлари хазинасидан жой олган. С. қарашлари инсониятнинг маън-й тарётига сезиларли таъсир кўрсатди. С. Перикл хонадони тўғарагида (табиатшунос Архелай, файл. Анаксагор, софизм таъминоти асосчиси Протагор, апориялар муаллифи, парадоксал фикрловчи Зенон, меъмор Фидий ва б. файл.лар иштирок этадиган тўгарак) “Жам-т ҳаҳолатдан ха-

лос бўлиб, маън-й-маър-й такомиллик сари бориши, инсон эркинлик неъматидан оқилона фойдалана олиши мумкинми?” деган саволни ўртага ташлаган ва умрининг охиригача жавоб излаган. Бу саволга эса ҳозирга қадар жавоб изланади.

СХОЛАСТИКА (юн. мактаб) — Европада христианлик эътиқодини ёйиш, унинг мазмунини тушунтириш ва ақидаларини асослашни мақсад қилган диний-фал-й оқим. Схолостик фикрлаш баъзан кишиларни маълум ақидалар асосида яшашга ундайдиган, ҳатто бузгунчи ғояларга ишонтириш ва вайронкор хатти-ҳаракатларга даъват этадиган тарғибот шакли сифатида ҳам намоён бўлиб келган. IX а.да яшаб ижод қилган Иоан Скотт Эриугена схолостик фал.нинг мустақил ғоявий-наз-й тизими ва ўз муаммолари доирасига эга бўлган илм соҳаси сифатида шаклланишига асос солган. Иқтисодиёти мустаҳкамланиб, ижт-й-сиёсий ҳуқуқи кенгайиб бораётган шаҳарларда ҳуқуқ, тиббиёт, меъморчилик, риёзиёт, механика, бошқарувчиликка оид илмларга, шу соҳалар бўйича мутахассисларга талаб ва эҳтиёж ортган. Фал.да эса ҳурфикрчиликка интилиш кучайган. С. фал.си IX а.дан бери муҳокама қилиб келинаётган мавзулар (“Инжил”да келтирилган сўзлар маъносини тушуниш ва тушунтириш, эътиқод ва илм ўртасидаги мун-т, инсон билимининг табиати ва б.) яна баҳс доирасига тортилган. Айниқса, эътиқоднинг илмга, яратилганнинг Яратувчига, яқкаликнинг умумийликка мунти муаммосига доир баҳс икки ўзаро қарама-қарши фал-й йўналиш — реализм ва номинализмни келтириб чиқарган. Реализм ва номинализм кўп а.лар давомида Ғарб тафаккури тарихида гоҳ мустақил, гоҳ бошқа таълимотлар доирасида ривожланган. С. фал.си йўналишларидир. Бу йўналишлар ўрта а.лар маъ-яти ва фан тар-ётига жуда катта таъсир кўрсатган.

СЦИЕНТИЗМ (лот. *scientia* — билим, фан) — илмий билим инсоннинг энг олий қадрияти, деган тасаввур берувчи йўналиш. С. учун илм-фанни мутлақлаштириш, уни ҳаётнинг бошқа

шаклларига қарама-қарши қилиб қўйиш ва унга барча муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида ёндашишдир. С. икки хил кўринишга эга: 1) аксиологик кўринишда илм-фан мад-тнинг энг юксак қадрияти деб тушунилади, инсон ўз фаолиятида мад-тнинг фақат шу шаклига таяниши лозим, деган ғоя илгари сурилади. Бу ёндашувга кўра, ижт-й ва мад-й тар-ёт илм-фан рив-ши маҳсулидир; 2) методологик С. бўлиб, аниқ ва табиий фанларни мутлақлаштириб, уларнинг услубларини универсал, деб ҳисоблайди ва улар бошқа соҳалар, жумладан, гуманитар фанлар учун ҳам асос сифатида хизмат қилиши лозим, деган фикрни илгари суради. Ҳоз. даврда илм-фаннинг жадал рив-ши, ишлаб чиқаришга янги технологиялар, компьютер техникаларининг кириб келиши сциентистик дунёқарашнинг кучайишига сабаб бўлди.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ — шахснинг ўз фикрини билдириш, айтиш эркинлиги. ЎзР Конституциясида С.э. ва виждон эркинлиги мустақкам кафолатланган. С.э. ахборот маконининг очиқлиги йўлидан бориб, айнан мана шу йўл демократиянинг рив-ши, давлатнинг иқт-й салоҳи-

ятининг мустақкамланиши, мавжуд ижт-й иллатларнинг бартаф этилишига олиб боради, деган қарашлар ҳам бор. Жам-гда турли фикр ва мун-тларни ифода этишга талаб катта. ОАВ эса аҳолининг кайфиятини акс эттиради. Бугунги дунёда С.э.-нинг иккинчи томони ҳам мавжуд. У нафақат ишонтириш, балки йўлдан уриши, нафақат маърифат улашиб, балки адаштириши ҳам мумкин. Аммо буларнинг барчаси том маънодаги С.э.ни ифода этмайди. Зеро, сўз ва фактларни манипуляция қилиш бошқаларнинг эркин бўла олмаслигига сабаб бўлади. Баъзи мам-тларда истисно ҳолатлар ҳам мавжуд ва бунда матбуот манфаатлари унданда муҳимроқ, мас., иғводан ҳимояланиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, инсонларнинг хусусий ҳаётини репортёрларнинг аралашувидан холи қилиш манфаатларига бўйсунуши лозим бўлади. ОАВга нисбатан уларнинг қанча ҳуқуқлари бўлса, яна шунча мажбуриятлари ҳам мавжуд. Бу эса матбуот, радио ва ТВнинг С.э. б-н боғлиқ имкониятлари кенглигидан далолат беради. ЎзРнинг ОАВ тўғрисидаги қонунларида бу борадаги барча тамойиллар ўз ифодасини топган.



ТАБИАТ — ғоят хилма-хил шакллари, таркибий қисмлари б-н инсониятни қуршаб турган органик ва аорганик олам, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Инсоният унинг бир қисми бўлгани боис, унинг моҳияти бир томондан, табиий (биологик), иккинчи томондан, ижт-йдир. Т. т.си кўпроқ кенг ва қисман тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода Т. бутун объектив борлиқ, реал воқелик, турли-туман кўринишлардаги олам. Тор маънода Т. фан, асосан, табиий фанлар, табиатшунослик ўрганадиган объектдир. Т. даражалари 2 хил: бирламчи Т., иккиламчи Т.дир. Буларнинг биринчиси, ин-

сониятдан холи, мустасно тарзда, соф табиий ҳолда мавжуд бўлган Т.дир; иккинчиси, инсоният иштирокида ҳосил этилган табиий неъматлар — тупроқ, сув ҳавзалари ва каналлар, дарахтзорлар, экинзору мевазорлар, аҳоли масканлари — шаҳар, қишлоқ ва б. Т. т.си инсоният жам-тининг ҳаёт фаолияти юз берадиган табиий шароитлар мажмуи сифатида ҳам ишлатилади, ўрганилади. Чунки бу маънодаги Т. т.си шунчаки (оддий) фан объекти (предмети) сифатида эмас, инсон ва жам-тнинг тарихан ижт-й мун-тлар тизимида тугган ўрни ва бажарадиган функцияси б-н тавсифланади. Демак, Т. т.си биринчи таби-

ий шароитларни эмас, балки ижт-й-фойдали меҳнат жараёнида бунёд этиладиган моддий неъматларни ҳам ифодалайди. Бу жиҳатдан у шартли равишда иккиламчи ёки аксарият ҳолларда иккинчи Т. деб аталади. Бинобарин, инсоннинг ҳаёт фаолияти Т.га нисбатан ўрнатиладиган фаолиятининг реал пойдевори (негизи)ни ташкил қилади. Шу боисдан жам-т тарёти жараёнида Т.га бўлган мун-тнинг ўзгариб бориши инсоният ҳаёт фаолиятининг хус-яти, миқёси (кўлами) ва йўналишларини белгилайди. Булар оқилона йўлдан борса, Т. б-н инсоният ораси бузилмайди ва аксинча. Инсоният фаолияти турларининг такомиллашуви Т.га бўлган фал-й, яъни наз-й, маън-й, мад-й мун-тни белгилайди. Инсониятнинг Т.га нисбатан мун-ти доим ўзгариб, ривожланиб, гоҳ яхшиланиб, гоҳ ёмонлашиб келмоқда. Мас., ибтидоий жамоа тузумида одамлар Т.ни танти деб ҳисоблашган. Бу ҳол анимизм деб ном олган динда ўз ифодасини топган. У даврда инсон б-н Т. бирибирига қарама-қарши қўйилмаган, ибтидоий динларда Т. руҳий ибтидонинг оддий гавдаланиши, ундаги ҳамма нарса ўткинчи деб исботланган. Европада XV–XVI а.лардаги Уйғониш (Ренессанс) даврида Т. табиийлик, уйғунлик ва мукамалликнинг намоён бўлиши сифатида талқин этилган. Бу мавқе кейинчалик табиий ҳуқуқ наз-ясида ўз ифодасини топган. Аслини олганда, Т.даги уйғунлик ва мукамаллик мутлақ эмас, нисбийдир. Т.нинг ўз қонунлари бор. Булар ўзининг таъсири, умумийлик даражаси, хус-ятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Мас., яшаш учун кураш қонуни ҳайвонлардан бир-бирининг кушандаси сифатида юз беради; Т.даги қонунлар уч категорияга бўлинади. Қонунларнинг биринчи тури хусусий тор доирадаги қонунлардир; буларга доимий атмосферада босим б-н газ ҳажмининг ўзаро алоқадорлиги, элементларнинг эркин, муайян турдаги тирик организмлар популяциясининг миқдори ва б. киради. Популяциянинг иккинчи тури умумий қонунлардир. Буларга механиканинг ҳаммага маълум 3 қонуни: электромагни-

тизм, табиий танланиш қонунлари киради. Бу қонунларнинг учинчи тури энг умумий қонунлар бўлиб, булар қаторига энергиянинг сақланиш қонуни, бутун оламнинг тортилиш қонуни, информацияни ўртача ва ўзгартириш қонуни ва б. киради. Т.дан самарали фойдаланиш учун юқоридаги қонунларни яхши билиш ва уларга амал қилиш тақозо этилади.

ТАБИЙ БОРЛИҚ — инсонни ўраб турган бутун оламнинг намоён бўлиши, хилма-хил шакл ва кўринишдаги борлиқни англагуччи фал-й т. Т.б. тузилиши миқёсий ва ташкилий тузилиш даражаларига ажратилади. Т.б. объектлар миқёси б-н фарқ қилувчи 3 та миқёсий тузилиш даражаларига бўлинади. Улар: микродунё, макродунё ва мегадунё. Т.б.нинг тузилмавий шаклини унинг сифат жиҳатдан рив-ши н.назаридан олиб қаралса, моддий олам бу ҳолда ҳам 3та даражага ажратилади: аорганик дунё (нотирик табиат), органик дунё (тирик табиат) ва ижт-й дунё (жам-т). Улар бир-биридан хилма-хиллиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги б-н фарқ қилади. Умуман олганда, Т.б.ни даражаларга ажратиш нисбий бўлиб, гносеологик аҳамият касб этади.

ТАБУ (полинезча *тапу* — тақиқлаш) — диний эътиқод, ирим, қўрқиш ва ш.к. таъсирида маълум сўз, хатти-ҳаракатлардан тийилиш, уларни чекланган, ман этилган сўз, нарса, ҳаракат деб қарашни англагуччи т. Бу сўз аслида Полинезияда пайдо бўлиб, дастлаб машхур инглиз денгиз сайёҳи Ж.Кук (1828–1879) томонидан Европага маълум қилинган. Полинезия халқлари диний эътиқодига кўра, ҳар бир инсон туғилиши б-н қудратли гайритабиий ёвуз куч — “мана”га эга бўлади. У табақага мансубликка кўра, ҳар хил даражада намоён бўлади, деб ҳисобланади. Мас., қулларда “мана” йўқ, аксинча, буюк сардорлар қудратли “мана” эгаси деб қаралади. “Мана” т.си “Т.” сўзи б-н бевосита боғлиқ. Нимаики “мана” эгаси бўлса, ўша нарса хавфли, яъни унга тегиш ман қилинган — Т. қўйилган. Полинезия халқларида жуда кенг тарқалган

Т. тизимини ким бузса, риоя қилмаса, қабила бошлиқлари, зодагонлар томонидан қаттиқ жазоланган. Ш-дек, ўша давр тасаввурларига кўра, Т.ни бузган одамнинг ғайритабиий кучлар, руҳлар, худолар касаллик ёки ўлим б-н жазолайди, деб тушунилган. Ороллиқларда худо ва руҳга, коҳин ва қабила бошлиқларига алоқадор бўлган ҳамма нарса Т.лаштирилган. Т. одамларнинг дунёқараши ва айниқса, маъ-ятини бошқаришда катта роль ўйнаган. Айни вақтда Т. тизими жам-тда табақаланишни ифодалаган. Т. объектлари — буюмлар, сўзлар, ҳайвонлар ва б. бўлиши мумкин. Аксарият Т.лар моддий буюмлар ва маън-й т.ларга тааллуқли бўлади. Т. инсоният жам-ти шаклланаётган даврда индивид хатти-ҳаракати, дунёқарашини жамоа манфаатларига бўйсундириш эҳтиёжи б-н боғлиқ равишда келиб чиққан бўлиши мумкин. Т. уруғчилик жам-тида инсон ҳаётининг муҳим томонларини, аввало, экзогамия никоҳи меъёрларига риоя қилиниши (мас., уруғ ичида жинсий алоқаларнинг тарқалиши)ни тартибга солган. Жам-т маън-й жиҳатдан тараққий этгани сари Т.нинг баъзи қисмлари одатий ҳуқуқий меъёрга айланган, кўпчилиги эса диний ва дунёвий маъ-ятга тақиб сифатида киритилиб, уни бузиш гуноҳ ҳисобланган. Т.нинг бугунги кунда ҳам барча халқларда учрайдиган ўзига хос турлари мавжуд. Унинг, мас., оилавий, наслий, миллий, худудий, минтақавий ва б. турларини санаш мумкин. Этиборлиси шундаки, бугунги Т. на давлат қонунларида, на диний қонунларда акс этган, одамлар ўз ихтиёрларига кўра амал қиладиган маън-й дунёқарашга айланган.

ТАВҲИД (араб. яккахудолик) — яккахудолик ҳақидаги таълимот. Аллоҳнинг бирлигига ишониш, Уни ягона деб билиш, Аллоҳнинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, феълида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилиш. Т. уч қисмдан иборат: сифатлар Т.и, роббилик Т.и, илоҳийлик Т.и. Олимлар назарида Т. эътиқодга тааллуқли бўлса, сўфийлар учун у мақсад, мвшоҳада, маърифат ҳисоблана-

ди. Биринчиси — билиш ва тасдиқ этишга асосланса, иккинчиси — идрокдан завқ олишга суянади. Диний адабиётда Т. — Т.и имоний, Т.и илмий, Т.и ҳолий, Т.и илоҳий каби турларга ажратилади. Ислом динида Т. алоҳида илм сифатида кенг ўрганилган. Ўрта а.ларда ушбу масалага бағишланган кўплаб диний-фал-й асарлар яратилган бўлиб, уларнинг мазмуни асосан инсон эътиқодини мустаҳкамлаш, дунёқарашида мавжуд шубҳа-гумонларни бартараф этиш, одамларнинг маън-й жиҳатдан қудратли бўлишига қаратилган.

ТАЖРИБА — 1) синов, эксперимент; 2) малака, маҳорат, бирор хислатни, иш-ҳаракатни синаб кўриш ёки олинган натижа, хулосани ифодаловчи т. Муайян мақсадда амалга ошириладиган ёки оширилган, билиш, аниқлаш ва синаш кабиларга асосланган иш, фаолият. Т. кўриш ёки орттириш деганда, амалий ишда, ҳаётда билим, малака, уқув орттириш, ўрганиш, билиш тушунилади. Ш-дек, Т. объектив дунёни, воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий эмпирик билиш жараёни; объектив дунё ва ижт-й амалиёт қонунларининг киши онгидаги инъикоси ҳисобланади. Т. бир йўналишда дастлабки тарздаги иш, ҳаракат ва унинг маҳсули сифатида ҳам қадрланади. Т. инсон манфаати ва мақсадини белгилашда муҳим роль ўйнайдиган маън-й омиллардан ҳисобланади. Инсон Т.дан, аввало, маън-й т. ҳосил қилади ва шундай т.лар воситасида унинг дунёқарашини шаклланади. Ўз навбатида, дунёқараш инсон маъ-ятининг сифатини белгилаб беради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, тафаккур тарзи, иш-фаолият, хатти-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва б. нарсаларга асосланса-да, инсон маъ-ятини шакллантириш асосларидан бири бўлиб қолади.

ТАЖРИБАСИЗЛИК — тажрибага эга эмаслик, тажриба кўрмаганлик, гўрлик, хомликни англатувчи т. Кишини доимий равишда тарбиялаш орқали Т. қусуридан халос этиш, салоҳиятини кучайтириш мумкин. Салоҳият эса инсон ўзини муайян тарзда унга келадиган илҳомни қабул қилишга тайёрлангандан сўнг пайдо бўладиган сифатдир. Салоҳият сўзи Т. сўзи-

нинг антоними бўлиб, киши ёки жам-тнинг ички имкониятлари, ҳали тўла намоён бўлмаган куч-қуввати маъносида ҳам ишлатилади. Мазкур сўз асосан ёшликда қилинган хато, адашиш, тўғри йўл топа олмаслик маъноларини англатади. Халқимизда “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” мақоли бежиз келтирилмайди. Одатда, ҳар бир киши, яъни ёшлар бирор касб ёки ҳунар эгаси бўлиши учун албатта тажрибали инсонларнинг маслаҳатларига, йўл-йўриқларига муҳтож бўлади. Навоий “Ҳайратул-аброр” дostonида худонинг умр кунларини белгилаб қўйгани, унинг ҳар бир фурсати бир ишга мўлжалланганини қўйидагича тасвирлайди: “Ўн ёшгача одам оёғи бойлоқ, гафлатда бўлади; йигирмагача умр билимсизлик, мастлик б-н ўтади. Ўттиз б-н қирқнинг ораси хурсандчилик давридир. Элликка киргандан киши тараққий топмаса, олтмишга етгандан унинг иши таназзулдан иборат. Етмишгача киши оёқ устида тура билиши керак. Саксонда унинг ўлтириши фарздир. Тўқсонга киргандан кейин йиқилиши, юзга тўлгандан сўнг жонни тарк этиши керак. Кишининг мақсади табиий яшаш бўлса, истак билдириб, ҳаммаёққа бориши, кўриши лозим”. Демак, инсон ўзига берилган ҳар бир фурсатдан унумли ва ўринли фойдаланиши лозим. Яъни инсонда ёшлигидан бирор бир касб эгаси бўлиш ёки илм олиш истаги шаклланиб боради. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги “Ҳунарни асрабон неткумдир ахир, олиб туфроққами кетгумдир охир” мисраларидан аён бўладики, инсон эгаллаган ҳунари, билими ва тажрибасини ўзидан кейинги авлодга ўргатиб кетиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

ТАКАББУРЛИК (араб. *кибр* – бошқаларни менсимаслик, ўзини катта олиш) – 1) кибрли бўлиш; 2) кибрли одамларга хос хатти-ҳаракат. Т. салбий ахлоқий сифат бўлиб, бошқаларга кибр-ҳаво б-н мун-тда бўлиш, уларни менсимаслик, ўз шахси б-н мағрурланишни англатувчи т. Т. манманликнинг бир кўриниши бўлиб, кишининг ўз имкониятларига ортиқча

ишониши асосида бошқаларга нисбатан беҳурматликни ифодаловчи салбий ахлоқий сифат. Т. кибр. манманлик, мағрурлик, мақтанчоқлик, кеккайиш, калтабинлик, жамоадан ўзини юқори қўйиш, бошқалардан устунлигини намоён этиш каби иллатлар йиғиндисидан иборат. Ахлоқ ҳақидаги таълимотлар тарихида кибр-ҳавони кўкларга кўтариб мақтайдиган қарашлар ҳам мавжуд бўлган. Мас., А. Бергсон таълимотида барча одамлар икки гуруҳга: оломон ва элитага бўлинади. Бу таълимотга кўра, оломон юксак ахлоқий сифатларга эга эмас. Қаҳрамонлик, олижаноблик каби сифатлар фақат сараланган элитага хос. Тарих муайян давр ва ҳолатларда катта-катта гуруҳлар, кенг халқ оммаси қаҳрамонликлар кўрсатганидан гувоҳлик беради. Шарқ донишмандлари, мутафаккирлари асарларида ҳаётда камтар, ҳокисор одамлар иззат-эҳтиромга сазовор бўлиб келгани, кибр, манманлик, дилозорлик ботқоғига ботганлар эса хору зорликка, фалокатга, ўзгалар нафратига, эл орасида беқадру безътибор бўлишга, беҳаловат ҳаёт кечиришга, ҳалокатга дучор бўлгани ҳақида ёзиб қолдиришган. Мас.: Агар бахт-саодат истасанг, гурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик б-н тингла, такаббурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайғу-аламлар устингга ҳужум этсалар, бу ҳужумларга ўз адабсизлигинг сабабчидир (*Жалолиддин Румий*); тўрт нарса – яъни, бадфеъллик, бадқовоқлик, Т. ва дилозорлик кишига хору зорлик келтиради (*Жавфар Содик*); Ўлим қанчадан-қанча такаббур одамларнинг бошларини чуқурга, яъни қабрга улоқтирган; Т.ни қанчалик хурсандлигу шодликка томон айлантиришга уринсанг ҳам, асли лой бўлганидан кейин кулол сингари, яъни тупроққа (лой ишларига) қайтиши муқаррар (*Абулқосим аз-Замахшарий*); Т. калтабинлар ва инсонийлик тариқидан чиққанларнинг хислатидир; такаббурга салом берма, саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга оғир туюлади (*Ҳусайн Воиз Кошифий*); инсоннинг қалбига кирган кибр қанча бўлса, ақли ҳам шунча камчиликка эга

бўлади. Кибр ва гурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, беқадру беэътибор қилади. (*Муҳаммад ибн Хусайн*); яхшилиқ уйининг калити – камтарликдир, ёмонлик уйининг калити – Т.дир (*Юсуф ар-Розий*). Т.лик инсоннинг тарбиясизлиги, маън-й қашшоқлиги, мад-тсизлигининг белгисидир. Қуръони каримнинг “Луқмон” сураси 18-оятда одамларга кибр-ҳаво қилмаслик лозимлиги уқтирилади: “Одамлардан (мутакаббирлик б-н) юзингни ўгирмагин ва ерда кибру-ҳаво б-н юрмагин. Чунки Оллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас.” Т. фақат алоҳида шахсларга эмас, катта ижт-й гуруҳлар, этнос ва миллатга хос бўлиши ҳам мумкин. Мас., мустамлака сиёсати юритган давлатларнинг фуқаролари мазлум халқларни менсимай, уларни пастга уриш мун-тида бўлган, уларни одам ўрнида ҳам кўрмаган. Америка ерлик аҳолисининг кўпчилиги мустабид давлатлар томонидан қириб ташланган. Инсоннинг Т.лиги, бошқа иллатлар қаторида, унинг маън-й қашшоқ ва мад-тсизлигини билдирувчи белгидир. Бундан ташқари, Т. юксак маъ-ятга мутлақо зид бўлиб, инсонни юксакликка эмас, тубанликка етаклайди. Маъ-ят ва мад-т эса, аксинча, инсонни эзгуликка чорлайдиган, уни барқарорлик ва тинчликни асрашга ундайдиган муҳим омилдир.

ТАКАЛЛУФ – маън-й қадрият, инсонга хос ахлоқий мад-тнинг кўриниши. Бошқаларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, мулозамат шакли. Т. асосида бир шахснинг иккинчи шахсга нисбатан мақтовли муомаласи ва ёқимли мун-ти ётади. Инсонларнинг бир-бирига Т. қилиши ўзига хос маън-йлик белгисидир. Т. шаклан миллий, мазмунан ахлоқий бўлгандагина инсон учун ёқимли ҳисобланади. Гарчанд, Т.да баъзан самимийлик устувор бўлмаса-да, бироқ унда ёвузлик, ғараз, хоинлик каби иллатлар бўлмайди. Зеро, ўрнида билдирилган ва топиб айтилган Т. кишига доимо ҳузур бағишлайди. Т.да меъёрнинг бузилиши бачканаликка олиб

келади. Т. мун-тнинг энг маъқул жиҳатларини топишга шароит яратиб, ўзаро мун-тга киришиш, яъни суҳбатдошларнинг ўзаро муомаласига тегишли муҳитни вужудга келтиради. Т. кишининг бир томондан, муайян масофани сақлашини англатса, иккинчи томондан, қизиқиши ва самимийлигини кўрсатади. Т. ҳақида маън-й меросимизда кўплаб фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиб, асосан, одоб-ахлоқ қоидалари сифатида баён қилинган. Мас., Кайковуснинг ёзишича, “Халойиқнинг орасида бир кишининг қулоғига сўз айтиш яхши эмасдур. Агар бу сўз гарчанд яхши сўз бўлса ҳам, ташқарисиндан уни ёмон сўз деб гумон қиладилар ва кўп одамлар бир-бирларидан даргумон бўладилар”. Т. ва яхши муомала қоидаларига оид қўлланмалар ўрта а.ларда пайдо бўлган. “Испан каби такаллуфли”, деган ибора ўша даврлардан қолган. Чунки араблар томонидан Андалусиянинг забт этилиши оқибатида кириб келган ислом мад-ти испанлар ҳаёти ва турмуш тарзига ижобий таъсир этгани боис, улар бу борада бошқа Ғарб халқларидан илгарилаб кетган. Мас., хулқ-атвор ҳақидаги дастлабки трактат 1204 йилда испан руҳонийси Педро Альфонсо томонидан нашр қилингани ҳам шундан далолат беради. Ушбу асар асосида этикет бўйича талай китоблар ёзилиб, уларда хорижий меҳмонларни кутиб олиш, ш-дек, дастурхон атрофида ўзини тутиш қоидалари, суҳбатлашиш одоби, меҳмон кутиш сирсиноатлари баён қилинган. Замонавий этикетга оид китобларда Т.нинг қатор элемент ва қоидалари кўрсатиб берилган. Чунончи, иш юзасидан суҳбатдошига Т. қилиш учун инсон руҳий жиҳатдан хотиржам бўлсагина яхши таассурот қолдиради. Т. қилишда масофа сақлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Суҳбат жараёнида ҳар бир одам ўз шахсий ҳис-туйғуларига боғлиқ ҳолда муайян ҳолатга мос масофани танлайди. Мас., ҳиссиётга берилувчан кишилар ҳамфикрга ўхшайди ва уларнинг ўзаро Т.и кўпинча ижобий самара беради. Камтар, вазмин кишилар эса, одатда, суҳбатдошини ўзидан «узоқлаштиради», унга Т. қила олмайди. Қошлар-

нинг ҳаракати, кўзларнинг қисилиши, табассум, табиий оҳанг ва эркин ҳолат масофанинг қисқараётганидан дарак беради. Масофани узоқлаштириш учун суҳбатдошнинг исми-шарифи айтиб мурожаат қилинади. Т. қилиш мулойимлик ва хушмуомалаликни талаб этади. Ш-дек, суҳбатдошнинг ёши, жинси, хизмат ёки ижт-й мавқеини назарга олиш, ўз «мен»ига урғу бермаслик. ўз-ўзини баҳолашда камтарлик зарур. Т.нинг яна бир қоидаси – уни тўғри қабул қилиш, суҳбатдошини тинглай олишдир. Мулоқот чоғида унинг гапини бўлиш, бошқа ишлар б-н шуғулланиш, мас., қоғозларни заруратсиз қидириш, бандлигини кўрсатиш, соатга қарайвериш, учинчи киши б-н суҳбатлашиш, ҳужжатларни имзолаш, телефонда суҳбатлашиш ножоиздир. Мулоқот жараёнида самимийлик, табиийлик, овознинг паст-баландлиги, нутқ суръати, оҳанги, талаффузнинг аниқлиги ҳам суҳбатдошга руҳий таъсир этувчи омиллар бўлиб, Т. қилаётган кимсага нисбатан унинг ҳурматини ошириши ёки аксинча, салбий ҳиссиётларини кучайтириши мумкин. Баланд овоз ҳам, ҳаддан ташқари паст овоз ҳам кишининг гашига тегади, чарчатади ҳамда унга салбий таъсир этади. Кишининг бир меъёрдаги нутқ оҳанги, шошмасдан, талаффуз б-н сўзлари эшитган гапларини ўйлаб мушоҳада юритаётганидан далолат беради. Т.га Т. б-н жавоб бериш лозим.

ТАЛОНЧИЛИК – бирон бир кишига тегишли мол-мулк, миллат ёки давлат худудини талон-тарож қилишни ифодаловчи, салбий маънога эга бўлган т. Маъят тамойилларидан маҳрум бўлган кишигина Т.ни ўзига касб қилиб олиши мумкин. Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” дostonида: “Қилган хатоларинг ҳисоблаб чиқилганидан кейин ҳар биттасига юз азоб тортасан. Агар бировдан тортиб олганинг синиқ игна бўлса ҳам, у ерда олмос ханжар бўлиб бағрингга қадалади”. деб Т., ўғрилиқ б-н инсонларга жабр-зулм кўрсатувчи кимсаларни яхшиликка, инсоф ва диёнатга чорлайди. Т. “ўғирлик” сўзи б-н маънодош ҳисобланади. Талончи, яъни ўғрида ҳеч қандай меҳнат қилмасдан

бировнинг шахсий мулкига кўз олайтириш, “тайёрга айёр” қабилида, мулкка бир зумда, дарров эгалик қилиш иштиёқи юқори бўлади. Ш.у. ҳам бундай хус-ятга эга бўлган инсонлардан мумкин қадар узоқроқ юришади. Чунки улар ўғрилиқ қилиб, кишилар “юрагига ваҳима солиб” туришади. Т. кишидан пухта, пишиқ бўлишни талаб қилади. Ш.у. ҳам халқимизда “Ўзингга пухта бўл, кўшнингни ўғри тутма” деган нақл бежиз айтилмаган. Инсон пишиқ-пухта, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиши лозим. Шу тариқа Т. ва ўғрилиқка барҳам бериш мумкин.

ТАЛҚИН – жаҳон адабиётшунослигида мавжуд матнни тушуниш ва тушунтириш жараёнини ифодаловчи т. Рус тилида “*толкование*”, лот. “*интерпретация*” сўзлари мазмунига мос келади. Файласуфлар Т.ни герменевтиканинг энг муҳим фал-й т.ларидан бири ҳисоблайдилар. Герменевтика Фарбада дастлаб қад. юнон шоирларининг асарларини, кейинчалик “Инжил”ни Т. қилиш таълимоти сифатида майдонга келган. Шарқдаги мавжуд “Илми тафсир”, “Илми шарҳ”га шарқона герменевтиканинг, матнни муайян тизим асосида Т. қилиш намунаси сифатида қараш мумкин. Т. сўзини ҳар соҳа олимлари ўзларига мос равишда қўллайди. Муסיқашуно исжро этилаётган куйни, актёр драматик образларни, театршунос саҳнани, таржимон фикрларни, математик олим формулаларни Т. этади. Шу маънода, мазкур истилоҳнинг истеъмол доираси қатъий чегаралаб қўйилган эмас.

ТАМОЙИЛ – бирор бир таълимот, дунёқарашнинг асосий, бирламчи қоидаси, устувор ғоялари, амалий фаолиятнинг асосий йўналиши. Ш-дек, инсоннинг борлиққа мун-ти, унинг хатти-ҳаракати ва фаолияти меъёрларини белгиловчи ички омил ҳам Т. ҳисобланади.

ТАНАЗЗУЛ – тамаддун ва умумижт-й тар-ётнинг зидди, табиий-ижт-й ўзгаришларнинг беқарорлашуви, инсон ва жамтнинг заифлашиб, муаммолар ичида қолганини англатувчи т. Одатда, Т.нинг табиий-цивилизациявий, ижт-й, иқт-й,

сийсий, ижодий, психологик турлари ажратиб ўрганилади. Бундан маълум бўладики. Т.нинг турли томонлари, босқичлари, унинг муайян хус-ятлари турли фан вакиллари томонидан ўрганилиб, уларнинг ҳар бири ўзининг соҳасига оид алоҳида наз-яларини ишлаб чиқади ва мукамаллаштириб боради. Ўз навбатида, бу фанларнинг ҳар бири Т.нинг у ёки бу сифатий ўзгаришларини характерлайди. Т. айниқса, кейинги пайтларда жам-тда юз бераётган ўзгаришлар таҳликали тенденциялар, ҳалокатлар хавфи бўлган жараёнларни ҳам ўз ичига олаётгани равшан бўлмоқда. Бу жараёнларни тўғри тушуниб олиш ва уларга тўғри ёндашиб, оқилона хулосалар чиқариш ҳар бир инсондан янгича фикрлашни талаб этади. Мас., одамзоднинг табиат бойликларидан талон-тарожлик б-н фойдаланиб келиши оқибатида бугунги кунга келиб глобал экологик инқироз хавфи пайдо бўлди. Ш.у. табиат ва жам-тда юз бераётган ҳоз. жараёнларнинг таҳлили рив-ш категориясини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бунга сабаб Т. вақтида турли хил ўзгаришларнинг зиддиятли характерлари намоён бўлаётганлигидир. Т. мустақиллик даврида нашр этилган илмий, илмий-оммабоп мақолаларда пайдо бўлиб, анъанавий муомаладаги “кризис” ва уни бир-бири б-н қиёслаш асносида улар ўзаро мутлақ айнан эмаслиги, мазмунан фарқланиши кўзга ташланади. Мас., “маън-й Т.” т.си айнан маъ-ят оламида рўй берадиган емирилиш жараёнини ифода этади. Сийсий Т.да жам-т сийсий асослари, иқт-й Т.да унинг ишлаб чиқариш кучлари ва мун-тларида кескин вазият, ўта хатарли жараёнлар вужудга келганини англатади. Яккаҳоқимлик, тоталитаризм, терроризм, экстремизм, сепаратизм кабиларни ҳам Т. б-н боғлиқ ҳолда таҳлил этиш мумкин. Т. юн. “инқироз”, “янгилиниш” маъносини англатишини эътиборга олиб, тар-ётнинг муайян даврида ижт-й мун-тларнинг эскиргани, замон талабидан ортда қолгани, энг муҳими, унинг замирида янгиланиш бошланаётгани сифатида талқин этиш, бошқача айтганда, Т.ни жам-т ҳаётининг

турли соҳаларида вужудга келган инқирознинг энг кескин палласи, янгиланишга эҳтиёж туғилган ҳолат сифатида ҳам тушуниш мумкин. Шу маънода, бутун дунёда рўй бераётган молиявий-иқт-й инқироз бугунги кундаги Т.нинг намоён бўлиш шаклларида биридир, дейиш мумкин.

ТАНАТОЛОГИЯ (юн. тана — ўлим ва логия — таълимот) — ўлим ҳақидаги таълимот, унинг сабабини ўрганувчи, ушбу жараённинг содир бўлишини (танатогенез), организм тўқималаридаги ўлиш ва у б-н боғлиқ ўзгаришларни ўрганувчи фанлардан бири. У: 1) организмнинг қайта жонланиши (реанимация); қон йўқотиш, асфиксия (инсон қони ва тўқималарида кислород етишмаслиги сабабли бўғилиш) — тасодифий сабаблардан ўлишда қайта тикланиш, шок ва ҳ.к.да ҳаётга қобил организм функцияларининг сўна бориши; 2) касалнинг ўлим олди азобларини енгиллаштириш (эвтаназия) ҳодисаларини ўрганади. Т. атама сифатида рус олими И.И. Мечников томонидан муомалага киритилган. Ҳоз. даврда муттасил ривожланиб, мазмунан кенгайиб бораётган илмий йўналишидир.

ТАНБАЛЛИК — ишёқмаслик, дангасалик каби маън-й иллатларни ифодаловчи т. Т. инсонлардаги салбий хус-ят ҳисобланади. Танбал киши ёлчителиб меҳнат қилмаса-да, яхши яшашни хоҳлайди, бировларнинг меҳнати эвазига кун кечирибдан асло уялмайди. Т. т.си маълум маънода сурбетликка ўхшаб кетади. Т. турли ёшдаги ҳар бир инсонга нисбатан қўлланиши мумкин. Чунки айрим инсонлар борки, бугун ҳаёти давомида “тирик товон”, яъни ўлик-тиригини ҳам бошқа кишининг зиммасига юклаб қўяди. Ҳолбуки, бу инсон “тўрт мучаси соғ”, жисмонан бақувват. ҳатто “ақлли” ҳам. Айёрлик, меҳнат қилмай кун кўриш каби салбий хус-ятларга эга бўлади. Т. “меҳнатсеварлик”, “ишчанлик” каби сўзлар б-н қарама-қарши маънода келади. Меҳнатсевар кишилар ҳалоллик, пешона тери эвазига кун кўради. Танбаллар эса бунинг акси ҳисобланади, танбаллар бора-бора одамлар нафратига учрайди.

ТАНИШИШ — аввал бир-бирини танимаган кишилар ўртасидаги мулоқотда ўзаро ўзини танитиш, суҳбатдоши ҳақида маълумотга эга бўлишни англатувчи т. Мулоқот ва нутқ одоби таркибий қисми сифатида Т. бир неча мақсадларга қаратилди: 1) суҳбатдошга ўз исми, фамилияси, отасининг исми ҳақида маълумот бериш (ёки ундан маълумот олиш). Мулоқотнинг турли ҳоллари ўзаро танишувга муайян чекловлар қўяди. Хизматга оид. маъмурий Т. тўлиқ таништиришни талаб этади, маиший алоқа эса, зарур бўлган маълумот б-н чекланиши мумкин; 2) суҳбатдошни уни қизиқтираётган масалалар бўйича хабардор қилиш. Т. вазиятида эксплицит (ошкора) ва имплицит (яширин) жиҳатлар мавжуд. Ошкоралик аниқ тарзда қўйилган саволларга жавобдан иборат бўлади. Яширин ҳолатдаги Т. нафақат аввалдан келишилган маълумотни ўзаро алмашиш, балки инсоннинг қиёфаси, табиати, обрўси ҳақидаги тасавурларни ҳосил қилиш жараёни ҳамдир. Ш.у. Т. жараёнида мулоқотнинг барча унсурлари — кийиниш тарзи, фаҳм-фаросат, вазият ва ҳолатга мувофиқлик, хулқий тажриба, сўзлашув одоби, ўзини тутатишлик муҳим аҳамият касб этади. Т. саломлашишдан бошланади. Саломлашишнинг расмий ёки норасмий тарзи Т. жараёнининг қай йўсинда боришини белгилайди. Биринчи ҳолда бир суҳбатдошнинг бошқасига шахсий қизиқиши йўқлиги маълум бўлади. Бунда бир-бирлари ҳақида ортиқча маълумот алмашмайди. Иккинчи ҳолдаги Т. да норасмий маълумотлар б-н кенг алмашиш мумкин. Т. вақтида эркак кишига аёл таништирилади. Аёл ўз исмини айтади ва замонавий одатга кўра, қўл узатиши мумкин. Биринчи бўлиб келувчи (агар у керакли жойга мурожаат этаётганига аниқ ишонса) ўзини танитиради. Т. жараёнида муайян мун-тни ойдинлаштирмайдиган ортиқча саволларни бериш, шилқимлик ва б. ҳолатлар мулоқот ҳамда Т. одобининг бузилиши тарзида қабул қилиниши мумкин.

ТАНОСУХ — маън-й оламга хос ҳодиса сифатида талқин этиладиган ва қадимда руҳнинг бир жисм (ўлик)дан бошқа жисм (ўсимлик, ҳайвон, инсон)га ўтиши ҳақида-

ги таълимот. Бу ақида брахманизм, буддизм, монизм, орфизм, пифагоризм, платонизм ва б. таълимотларда мавжуд бўлган. Т. ҳақидаги қарашларга кўра, инсоннинг руҳи ўлимидан кейин қилган амалларига яраша бошқа бир яхшироқ (агар у тўғри ҳаёт кечирган бўлса) ёхуд аксинча, ёмонроқ бир жисмга ўтади. Т. ё айирувчи, ё бирлаштирувчи бўлади. Бирлаштирувчи Т. маъданлар оламидан бошланиб, ўсимлик ва ҳайвонот орқали комил инсон руҳигача тадрижий руҳий ривш босқичларини босиб ўтади. Айирувчи Т. ўз навбатида, насх (инсон руҳининг бир танадан бошқа танага ўтувчи), масх (руҳнинг танасидан ҳайвон жисмига кўчиши), расх (инсонларга кўчиши)га бўлинади. Исломи таълимотида Т. наз-яси рад этилса-да, аммо буддизм ва зардуштийлик динлари таъсирида бўлган мусулмон мам-тлари аҳолиси қарашларида, имомия, нусайрия каби шиъа оқимларида унинг айрим унсурлари кўзга ташланади.

ТАНҚИД — бирор нарсага баҳо бериш мақсадида уни таҳлил қилиш, муҳокама этиш, у ҳақида салбий фикр билдириш, камчиликларини атрофлича асослаш ва ҳал этиш мақсадида билдириладиган фикр-мулоҳазалар мажмуи. Т. асосли бўлса, уни эътиборга олиш мавжуд камчиликларнинг олдини олишга, тар-ётга ижобий таъсир этишга олиб келади. Т.га шу боис тар-ёт омили сифатида қаралади. Манфаатлар уйғунлиги асосида амалга оширилган танқидий мулоҳазалар кескинлик ва адоватни келтириб чиқармайди. Т. айрим ҳолларда арзимас камчиликларни бўрттириб кўрсатиш, эркин фикр билдириш имконини суиистеъмол қилиш эвазига мавжуд муҳитда кескинликни юзага келтириши ҳам мумкин. Т. айрим шахс, гуруҳ, жамоага, аниқроғи, улар фаолиятининг натижаларига қаратилган бўлиши мумкин. Бунда шахсий манфаатлар б-н миллий манфаатлар уйғунлиги таъминланганлиги Т.ий фикрларни умумманфаат н.назаридан тўлақонли таҳлил қилишга имкон яратади.

ТАРБИЯ — авлодлараро ижт-й-тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қиладиган, оила, таълим муассасала-

ри. ижт-й, сиёсий ва б. ташкилотлар, ОАВ ва б. таъсири остида жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнини англа-тувчи т. Т. инсонга индивидуал ва ижт-й, онгли ва онгсиз таъсирларнинг йиғинди-сини мужассамлаштиради. якка кишига, маълум бир жамоага, халқ ёки миллатга қаратилган бўлиб. давлат ва жам-т қури-лиши ҳамда рив-шида муҳим аҳамиятга эга. Турли жамоат ташкилотлари, фан, техника, адабиёт, санъат, ОАВ, радио ва ТВ, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам ижт-й Т.га кучли таъсир кўрсатади. Ёш авлодни тиббий кўриқдан ўтказиш, жисмоний чиниқтириш ҳам Т.га киради. Маълум-ки, Т.нинг асосий турлари иккита: оила-вий ва ижт-й. Оила Т.си оилада ота-она-лар, бобо ва бувилар, умуман катта ёшли қариндошлар томонидан болаларни тар-биялашдир. Азалий ўзб. удумига бино-ан ота-оналар б-н бирга бобо-бувилар-нинг Т.вий таъсири кучли. Чунки ҳаёт-ликларидида бобо ва бувилар оиланинг маън-й раҳбарлари бўлишган. Амир Те-мур, темурийлар хонадонидида ўрнатилган тартибга кўра, шаҳзодалар Т.си б-н улар-нинг оналари эмас, бувилари шуғуллан-нишган. Шаҳзодалар кўкракдан ажрати-либ, эсини таниб, ўз-ўзини эплай бош-лагач, бувилари измига ўтказилган. Мас., Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбе-гим бўлса-да, унинг оилавий Т.си б-н Са-роймулкхоним шуғулланган. Амир Темур-нинг ўзи ҳам фарзандлари ва неваралари Т.сига жиддий аҳамият бериб, доимо на-зорат қилиб турган. Оилавий тартиб, яъни оила аъзоларининг бир-бирларига мун-ти, ота-она ва б. катта ёшли қарин-дошларининг хулқ-атвори, мад-й ва сиё-сий савияси, муомала мад-ти, оила даро-мади, яшаш шароити ва ш.к. омиллар оила Т.сининг асосидир. Оила қанчалик тар-тибли, яхши хулқ-атворли, аъзоларининг ўзаро мун-глари самимий бўлса, оилавий Т. ҳам шунчалик самарали бўлади. Т. тизимида асосий ўринлардан бирини умумий таълим мактаблари эгаллайди, чунки, эндигина оила таъсирида бўлган ёш ниҳол, умумий таълим мактабларининг режалаштирилган Т.вий таъсир доираси-

га киради. Ўша кундан эътиборан, мур-ак қалб фаолиятини жам-т, миллат ман-фаати томон буриш учун дастлабки қадам ташланади. Умумий таълим мактаблари-да амалга оширилаётган Т.вий ишлар жам-тнинг бошқа ижт-й ин-глари, оила, мак-табгача Т. муассасалари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, турли жамоат ташкилотлари, мад-й-маър-й муассасалар, уюшмалар амалга ошира-ётган бир бутун. Т.вий таъсир доирасида бўлиб, бу борадаги мақсадли фаолиятнинг таркибий қисмидир. Баркамол шахс Т.си, уни тўғри амалга ошириш, ижт-й, маън-й ва мад-й ҳаётга тайёрлашдан иборат. Т. мураккаб жараён бўлиши б-н бирга, ҳар бир мам-т ва миллат учун ғоят долзарб масала ҳисобланади. “Юксак маънавият — енгилмас куч” асаридида Т. масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Унда маъ-рифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний-нинг “Т. биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган фикри бежиз келти-рилмаган. Т. асосан икки негизга — ахлоқ ва оқилликка таянмоғи лозим: бирин-чиси — яхши фазилатларни ўстирса, ик-кинчиси — ўзгалар иллатидан ҳимоя қилади (А. Шамфар). Т. ажодларимиз тўплаган яхши фазилат ва ҳислатлар, қад-риятлар, ш-дек, улар тўплаган тарихий ижт-й тажриба, барча билим ва илмлар-ни билиш манбаидир. Т. Т. берувчининг профессионал маҳоратини ифодалайди. Шу боисдан, Т. маҳорат, баъзан санъат сифатида талқин қилинади. У инсонни мустақил шахс бўлиб камол топишида ҳал қилувчи омил, жам-т амалга оширган Т.вий ишларнинг натижаси, деб ҳам ҳисобланади. Т. муайян мақсадга қара-тилган, аниқ дастур, режа асосида амалга ошириладиган онгли амалий фаолиятдир. Бундай Т.вий таъсир инсон фаолиятини маълум бир ижт-й гуруҳ, табақа, шахс ёки миллат манфаати томон йўналтира-ди. Инсон шахси ҳаммавақт ҳам фақат онгли, режали Т.вий таъсирнинг маҳсу-ли эмас. Инсон шахсининг камолотида ҳеч қандай дастурсиз, режасиз, стихия-ли тарзда амалга ошириладиган таъсир-нинг (дўсту биродарлар, ҳамкасблар,

қариндош-уруғлар суҳбати, бозор ёки чойхонадаги гурунғ ёхуд аждодларимиздан мерос бўлиб қолган меъморий ёдгорликлар, табиат манзараларининг таъсири ва б.) ҳам аҳамияти беқийсдир. Т.нинг оммавий, гуруҳий ва шахсий шакллари мавжуд. Истиқлол туфайли мам-тимизда таълим ва Т.га бўлган мун-т ўзгарди. Мустабид тузумга хос синфий, партиявий қарашларга барҳам берилиб, баркамол авлод, ҳар томонлама камол топган комил инсонни, шахсни тарбиялашга эътибор кучайтирилди. Шу жиҳатдан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ёш авлодни эзгу ғояларга садоқат руҳида Т.лаш, аждодларимиз меросига таяниш, оила муқаддаслигини сақлаш, фарзандларимизни юртпарвар ва элпарвар, юксак эътиқодли, одоб-ахлоқли ва баркамол этиб Т.лаш барчамизнинг зиммамиздаги асосий, масъулиятли вазифадир.

ТАРИХ — табиат ва жам-тдаги ҳар қандай ўзгариш ва рив-ш жараёнини ифодаловчи атама; инсоният ва унинг ҳаёти, авлодлар алмашуви, цивилизациялар, жам-т ва давлатлар шаклланиши, ўтмиши ва тар-ёти б-н боғлиқ жараёнларни ўрганувчи фан. Президент И.А.Каримов Т.нинг маъ-ятда тутган ўрнига юксак баҳо берган: “**Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак... Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустақкамлайди. Инсон учун Тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир... Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”.**

Т. фани — инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жам-т ҳаётида содир бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни яхлит тарзда ўрганади. Бу фан ижт-й-гуманитар фанлар (фал., сиёсатшунослик, социология,

иқтисод, психология, санъатшунослик ва б.) тизимининг таркибий қисмига киради. Турли ижт-й ва гуманитар фанлар инсон ва жам-т ҳаётининг алоҳида жиҳатларини ўрганса, Т.нинг тадқиқот мавзуи — аҳоли, жам-т, мам-т, давлат ҳаётининг ўтмиши ва ҳоз. даври хусусидаги далил ва маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, тўпланган билимларни маълум бир тизимга солиш ва наз-й жиҳатдан умумлаштиришдир. Т. фани мозийда содир бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илди-зи, Т.ни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради. Қачон, қаерда, қандай сабабга кўра қандай воқеа-ҳодиса юз берган, оқибати нима б-н яқунланган, унинг бизга, ҳоз. замонга қандай дахли, аҳамияти бор, деган саволларга жавоб топиш орқали биз Т.дан сабоқ оламиз, уни англаймиз. Инсон, жам-т ва давлатни таназзулга олиб келадиган йўллардан эса воз кечамиз. Ижт-й ва гуманитар фанлар ҳам, табиий билим соҳалари ҳам Т. тадқиқотлари натижасига таянади. Ҳоз. замон Т. фани алоҳида бўлим ва соҳалардан ташкил топган билимлар мажмуасидир. Ихтисослашиш даражасига қараб, уларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни жам-тнинг (жаҳон Т.и) бутун ва алоҳида томонларини ўрганувчи бўлим ва соҳалар ташкил этади. Жаҳон Т.и, ибтидоий жам-т Т.и, қад. дунё Т.и, ўрта а.лар Т.и, янги ва энг янги Т. шулар жумласидандир. Ҳудудий-географик тамойилга кўра, тарихан бир-бири б-н боғлиқ йирик минтақалар (Европа ва дунёнинг бошқа қисмлари, Қад. Шарқ, М.О.нинг баъзи минтақалари), алоҳида мам-тлар ва халқлар Т.ига ажратилади. Мажмуавий муаммоларни тадқиқ этиш ҳар бир гуруҳ мам-тлар ва халқлар Т.ини (Уйғониш даври, Реформация Т.и ва б.) ўрганиш зурриятидан келиб чиқади. Жаҳон Т.ига глобал ёндашув б-н бир қаторда микро Т. (шаҳар ва қишлоқлар, алоҳида шахслар, кундалик маиший турмуш) ҳам ўрганилади. Т.нинг алоҳида томонларини ўрганиш Т. фанининг алоҳида соҳаларини ажратишни тақозо этади (мас., ҳарбий,

сиёсий, иқт-й, ижт-й, дин, фан, мад-т, санъат, интеллектуал, дипломатия Т.и ва б.). Иккинчи гуруҳни ёрдамчи ва махсус Т. фанлари ташкил этади. Уларни алоҳида фанларга ажратилиши ва рив-ши Т. фанининг хусусий тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш заруратидан келиб чиқади. Бунда антропология, археология, этнология мустақил ўринга эга. Ёрдамчи Т. фанларига — манбашунослик, археография, палеография, геральдика, хронология, метрология ва нумизматика киради. Махсус гуруҳ — бошқа фанлар эҳтиёжидан келиб чиқади (мас., табиий фанлар Т.и, техника Т.и, давлат ва ҳуқуқ Т.и). Т. фанининг Т.ини эса Т.шунослик ўрганади. Т. фани алар мобайнида қўлёзма асарларда ифодаланган ҳаёт, воқеа-ҳодисалар, Т.ий шахслар ҳақида ҳикоя қилишдек оддий баёнчиликдан, муайян цивилизация ҳаётининг шаклланиш босқичлари ва умумий қонуниятларини аниқлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва наз-й ҳулосалар чиқариш каби мураккаб илмий йўлни босиб ўтган. Энг қадимий Т.имиз хусусида мад-й ёдгорликлар ва археологик топилмалар маълумот беради. Асрлар давомида сиёсий, иқт-й, маън-й-маър-й ҳаёт Т.и ҳақида маълумотлар, Сарой йилномалари, Т.чилар, хонлар, подшоҳлар томонидан битилган қўлёзма манбалар шаклида жамлана борган. Ўрта а.лар Т.шунослигида Амир Темур ва теурийлар Т.и айниқса муфассал ёритилган. Нодир қўлёзма манбаларда Ў.О. мам-тларининг географик ҳолати, йирик шаҳарлари ва аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи ва машғулотлари, карвон йўллари, урушлар, ғалаёнлар, ижт-й-иқт-й, сиёсий, маън-й-маър-й ҳаётига доир турли маълумотлар баён этилган. Ў.О. Россия мустамлақасига айлантирилгач, истибод тузуми тартиботлари Т. соҳасидаги илм. тад. кўлами ва мавзусига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ўша давр Т.чиларининг Ў.О., жумладан, Ўз-н Т.ига оид асарларининг аксарияти ўзининг бир ёқламалиги, метропология манфаатларига хизмат қилишга мўлжаллангани б-н ажралиб туради. XX а. бошларида миллий даврий матбуот саҳифаларида Т. муаммоларига оид мақо-

лалар эълон қилина бошлаган. Жадидчилик ҳаракати намоёндалари мам-т ривожига, миллат тар-ёти, ўзликни англашда Т. фанига алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий комил инсон тарбияси маъ-ят-маърифат тар-ёти, жамт-ни бошқаришда Т. фанининг ўрни беқийслигини таъкидлаб, асарларида фақатгина Ватан Т.ини эмас, Европа ва жаҳон мам-тлари Т.ини билиш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирган. Унинг «Мозий истиқболнинг тарозисидир», деган ғояси Т. тажрибасида ўзининг ҳақлигини тўла исботлади. Октябрь тўнтариши амалга оширилгач, совет тузумининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, унга хос бўлган илм. тад.ни ташкил этишнинг шакл ва усуллари, мақсад ва вазифалари, методологиясини ишлаб чиқиш масаласи илгари сурилди. Коммунистик мафкура томонидан асосий эътибор партия Т.и йўналишига қаратилди, Т.ий изланиш мактаблари йўқ қилиб ташланди. Т. фанини жадаллик б-н сиёсийлаштириш ва ғоялаштириш жараёни юз берди, услубиётда «синфийлик», «партиявийлик» тамойили юзага келиб, «Т.ни синфнинг ўзи яратади» деган қоида қарор топди. Тоталитар тузум зиддиятларига қарамай, ўта мураккаб шароитда олий таълим тизимида Т. таълимининг вужудга келиши б-н мутахассис Т.чи кадрлар тайёрлана бошлади. Т. фанининг ташкилий асослари мустақамланди. Ў.О. Давлат университети, Самарқанддаги Олий педагогика ин-тида қўлёзма китоблар, вақфнома ва васиқалар йиғилиб, илмий таҳлил қилинди. 1943 йилда Т. ин-тининг ташкил этилиши Т. фани ривожига муайян босқич бўлди, тадқиқотларни маълум илмий йўналишлар ва режа асосида амалга ошириш йўлга қўйилди. Кейинчалик Т. ва археология ин-ти Т.ий тадқиқотлар буйича илмий марказга айланди. Аммо Т. фани ниҳоятда сиёсийлаштирилиб, илмий-Т.ий тафаккур ҳукмрон идеология қаттиқ назорати остида бўлгани туфайли жуда кўп масалаларнинг асл моҳиятини кўрсатиб, ёритиб бериш имкони бўлмади. Ўз-н мустақилликка эришгач, Т. фани собиқ мафкура-

дан озод бўлди. Жам-т ҳаётида амалга ошаётган муҳим ижт-й жараёнлар Т. фани олдига ўзб. халқининг ҳаққоний Т.ини яратиш, унинг тар-ёт ва жаҳон ҳамжам-тидаги ўрни ва ролини аниқлаш, Т.ий билимларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш орқали миллатнинг маън-й-ахлоқий кадриялари, мад-ти, қад. анъаналарини тиклаш имконини яратди. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ин-ти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 июль қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Ўзб. халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» концепцияси ишлаб чиқилди. Мам-тда Т. фани соҳасида илм. тад. ушбу концепция доирасида амалга оширилмоқда. Бу борада Ислом Каримовнинг Т.чи олимлар ва журналистлар б-н учрашувида баён этилган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асариди илгари сурилган бунёдкор ғоялар муҳим роль ўйнади. Унда Президент томонидан: **«...тарихчилар миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих — халқ маънавиятининг асосидир; ... биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуролантиришимиз зарур»**лиги таъкидланиб, Т.чилар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Илгариги даврда ўрганиш тақиқланган, нотўғри талқин этилган мавзулар, жараёнлар Т.ийлик тамойили, илмий холислик асосида — миллий мустақиллик асосида қайтадан ўрганилди. Махсус «Ўз-н Т.и» журнали чоп этила бошланди (1998). «Ўзб. халқи ва унинг давлатчилиги Т.и» республика мунтазам илмий семинари ташкил этилди. ЎзР Т.чилар жам-ти тузилди (1999). ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жам-т қурилиши академияси қошида “Ўз-ннинг янги Т.хи маркази” ташкил этилди (1996). Илк маротаба «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га биноан Т. фанининг таълим тизимидаги ўрни ва аҳамияти янада ортди. Мустақиллик йилларида Т.чиларнинг халқаро илмий ҳамкорлигининг кенг имкониятлари вужудга келди. Ўз-н Т. фанининг долзарб муаммолари

бўйича халқаро илмий анжуманлар ўтказилган марказга айланиб бормоқда.

ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР — тарихий тар-ёт жараёнида вужудга келадиган, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар мад-й ҳаётига таъсир ўтказадиган маън-й ҳодисаларни англатувчи т. Т.а. ўзига хос ижт-й қоида сифатида кишилар онгига (халқ ёки маълум гуруҳ шуурига) сингиб кетган тартиб ва қоидалар мажмуи ҳисобланади. Т.а. ҳаётнинг турли жиҳатларини ўзида акс эттириб, кўпроқ урф-о. ва маросимларда намоён бўлади. Бундай анъаналар миллат ва элат ижт-й ҳаётида тарихий ворислик асосида ҳар бир даврда сайқалланиб, кейинги авлодларга узатиб келинади. Т.а.нинг ворисийлиги миллат ва халқнинг муайян даврдаги ўзига хос хус-яти, ҳаёт тарзи, мад-ти, фани, адабиёти ва б. соҳаларда эришилган натижа ва ютуқларини кейинги авлодларга бекаму кўст етиб боришини таъминлайди. Т.а. турли-туман бўлиб, уларда ҳар бир даврга хос хус-ятлар мужассам бўлади. Т.а. қайси даврда яратилишидан қатъи назар, мад-й ҳамда маън-й-ахлоқий хус-ятларни ўзида мужассам этади. Т.а. миллат ёки халқни бирлаштириш, авлодларни ўзаро боғлаш, жам-тда умумий бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш воситасидир. Т.а.да ахлоқий ва мад-й қирраларнинг бетакрорлиги, муайян халқ, миллат ёки элат ҳаётининг ўзига хослиги, ворисийликнинг муҳим жиҳатлари намоён бўлади. Ҳар бир халқ ўз Т.а.ининг соҳиби, уларнинг сақловчиси, ривожлантирувчиси ҳамда келажак авлодларга узатувчиси. Муайян даврда бу борадаги узилишлар миллий маъ-ятда кўплаб йўқотишларга сабаб бўлади. Собиқ мустабид тузум шароитидаги мафқуравий тазйиқлар миллий кадриялар б-н бир қаторда Т.а.ни сақлашга ҳам салбий таъсир кўрсатган эди. Мас., Наврўз байрамини нишонлаш қораланиб, уни халқнинг онгидан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинди. Шу тариқа, Т.а.нинг аксарияти «ўтмиш қолдиқлари» сифатида баҳоланиб, янгича мад-т ва янгича анъаналар шароитида уларнинг барҳам то-

пиши тўғрисидаги сохта ақидалар тарғиб қилинар эди. Ўз-н мустақилликка эришганидан сўнг Т.а.ни тиклашга эътибор кучайди. Улар мустақилликни мустаққамлашнинг муҳим воситаси, кишиларни маън-й камолотга етказиш омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Т.а.нинг жам-тдаги аҳамияти, миллат ва ҳар бир инсонга таъсири, айниқса, ҳоз. даврда яққол намоён бўлмоқда. Истиқлол Т.а.ни янада тўлароқ ва кенгроқ ўрганиб, ижобий жиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш, уларни асраб-авайлаш ва келажакка омон-эсон етказиш учун кенг имкониятлар яратди.

ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК (юн. *historia* — ўтмиш воқеалар ҳақида ҳикоя, бўлган ҳодисалар; лот. *realis* — ҳақиқий мавжуд, реаллик) — тарихда содир бўлган бирор ҳодиса ёки воқеаларни акс эттирувчи жараённи англатувчи т. Т.в. — аслида ўзгармас т., яъни ўтмишни, инсоният босиб ўтган тарихий йўлни, бу жараёндаги воқеа-ҳодисаларни ҳеч қачон ўзгартириб бўлмайди. Чунки, тарих аллақачонлар рўй берган ва у орқага қайтмайди, яъни ҳеч қачон қайтадан содир бўлмайди. Т.в. маън-й н.назардан инсонларнинг бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариши масаласида катта аҳамият касб этади. Асосийси уни қай тарзда ўрганиш, ўзлаштириш ва талқин қилишдадир. Бу борада холислик, ҳаққонийлик, илмийлик асосий мезон ҳисобланади.

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР — халқлар ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, жам-т ва давлат тар-ёти ҳамда тарихий шахслар, ш-дек, фан, техника, мад-т ва халқларнинг маиший турмуши тар-ёти б-н боғлиқ бинолар, иншоотлар, тарихий жойлар ва буюмлар. Умумий хус-ятларига кўра, Т.ё. археологик, меъморий ва маҳобатли санъат ёдгорликларига бўлинади, ш-дек, тарихий бадий қимматга эга бўлган ёзма ёдгорликлар ҳам унга тааллуқлидир. Т.ё.нинг турлари ниҳоятда хилма-хил. Уларнинг қадимгилари археология ёдгорликлари жумласига мансуб бўлиб, булар — кўҳна шаҳарлар харобалари, қўрғонлар, манзилгоҳлар, мудофаа

иншоотларининг қолдиқлари, анҳорлар, йўллар, тош ҳайкалчалар, тош битик ва суратлар, буюмлар, аҳоли масканларининг тарихий мад-й қатламлари ва б. Т.ё.лар мам-т, халқ тарихий-мад-й меросининг бир бўлаги ҳисобланади. Унинг таркибига музейларда намоёиш этиладиган тарихий ва мад-й ёдгорликлар ҳамда қўзғалмас ёдгорликлар ҳам киради. Ш-дек, маълум сана, воқеа ва шахсларни абадийлаштириш мақсадида яратилган санъат асарлари: ҳайкал, мақбара, қабртоши, эҳром, зафар тоқи ва ҳ.к. лар ҳам Т.ё. сирасига киради. Мад-й ва Т.ё.ни сақлаш вазифаси умумдават аҳамиятига эга бўлиб, у маън-й тарбиянинг асосий қисмини ташкил қилади. Мад-й ва Т.ё. муҳофазаси — инсоният мад-й меросини сақлаш ва муҳофаза қилиш йўлидаги халқаро, давлат ва жамоатчилик тadbирлари тизимидан иборат. Т.ё., меъморий обидалар, адабиёт, тасвирий ва амалий санъат асарлари, археологик топилмалар, миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган мажмуалар ва б. давлат томонидан муҳофаза этилади. Мад-й ва Т.ё. муҳофазаси, асосан, Уйғониш давридан бошланган. Буюк француз инқилоби даврида шахсий коллекциялар национализация қилинган ҳамда 1793 йили Лувр музейини ташкил этиш тўғрисида декрет қабул қилинган. XIX-XX а. бошларида кўпгина Европа давлатларида Т.ё. давлат муҳофазасига олинган. II жаҳон урушидан сўнг ЮНЕСКО ташаббуси б-н 1954 йилги Гаага конференциясида Халқаро конвенция ва “Қуроли конфликтлар рўй берганда мад-т бойликларини ҳимоя қилиш тўғрисида” баённома имзоланган. Мад-й ва Т.ё. муҳофазаси б-н Халқаро музейлар кенгаши (1946), Мад-т бойликларини муҳофаза этиш ва реставрация қилиш халқаро тadbирот маркази (1959), Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни муҳофаза этиш бўйича халқаро кенгаш (1965) шугулланади. Ўз-н ҳудудларида Т.ё.ни сақлаш ишига ўрта аларда ҳам эътибор берилган. Хус-н, Амир Темур, Шоҳрух, Абдуллахон сингари ҳукмдорлар янги тарихий иншоотлар барпо этиш б-н бирга, илгари барпо этилган тарихий обидалари-

ни таъмирлаш ишларига ҳам аҳамият беришган. Ш-дек, ноёб Т.ё. ҳамда нодир қўлэзма асарлар саройга тўпланиб, махсус муҳофаза этилган. Аммо тез-тез рўй бериб турган босқинчилик ва ўзаро урушлар туфайли Т.ё.нинг аксарияти талон-тарожга учраган ҳамда мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетилган. Айниқса чор Россияси томонидан Ў.О.нинг босиб олиниши чоғида ва мустамлака йилларида кўплаб Т.ё. метрополияга ташиб кетилган. Шундан кейин Ўзбекистонда Т.ё.ни давлат йўли б-н муҳофаза этиш, асосан, XX а.нинг 20-йилларидан бошланган. 1920 йили Маориф халқ комиссарлиги қошида музейлар, санъат асарлари ва қадимги ёдгорикларни муҳофаза қилиш Туркистон қўмитаси — Турккомстарис тузилган, кейинчалик Ў.О.да миллий ҳудудий чегараланишдан сўнг бу ташкилот “Средазкомстарис” деб қайта номланган. Лекин шунга қарамасдан Совет ҳокимияти йилларида Ў-ндаги Т.ё., хус-н, тарихий обидалар муҳофазаси қониқарли бўлган деб бўлмайти. Аҳолини ўз тарихидан узиб қўйиш ва эътиқодидан маҳрум қилиш мақсадида олиб борилган махсус сиёсат оқибатида Т.ё.ларнинг асосий қисми XX а.да вайрона ҳолига келиб қолди ва маълум қисми бутунлай йўқотилди. Пахтачиликни ривожлантириш шиори остида кўплаб археологик аҳамиятга эга тепалар, мад-й қатламлар шудгор остида қолиб кетди. Т.ё.ни асраб-авайлаш, уларни кейинги авлодларга мерос қолдириш ишига том маънода Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин киришилди. Ҳозир тарихий Т.ё.ни муҳофаза қилиш иши б-н ЎзР Мад-т ишлари вазирлиги ҳузуридаги мад-й мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси шуғулланмоқда. Республика ҳудудида ва чет мам-тларда сақланаётган ноёб қўлэзмалар, мад-й, Т.ё., хунармандчилик, халқ оғзаки ижоди намуналари, санъат ва бадиий асарлар, театр-мусиқа, қадимги давлатчилик тарихига оид ҳужжатлар, қадимги чолғу асбобларини йиғиш, сақлаш ва б. б-н шуғулланиш мақ-

садида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси тузилган (1999 йил 12 октябрь).

ТАРИХИЙ МАНБАЛАР — ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни ўрганиш учун асос бўладиган манбалар мажмуи. Т.м. асосан икки турга: моддий ва маън-й манбаларга бўлинади. Моддий манбаларга қадим-қадим замонларда одамлар истиқомат қилган манзилгоҳлар, уларнинг мозорлари, кўҳна шаҳарлар, мудофаа иншоотлари, қасрлар ва уларнинг қолдиқлари, ўша жойлардан топилган меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, зеб-зийнат ашёлари, олтин, қумуш ва мис танга-чақалар, қад. суғориш иншоотларининг қолдиқлари, ш-дек, ибтидоий одамлар ва ҳайвонларнинг қоя тошларга ўйиб ишланган суратлари, тош ва б. қаттиқ предметлардаги битик ва ёзувлар киради. Маън-й манбалар туркумига эса узоқ ўтмишдан қолган қўлэзма асарлар ҳамда одамларнинг турмуши ва урф-о.ларини ўзида акс эттирувчи турли-туман ашёлар, ш-дек, одамлар онгида сақланиб қолган урф-о., маросим ва анъаналар киради. Табиат ва жам-т ўтмиши б-н боғлиқ ҳар бир нарса Т.м. ҳисобланади. Бу манбаларсиз, уларни топиб, тадқиқ этиб, атрофлича таҳлил қилмай туриб, тарихий жараёнларни тўғри ва холисона англаб бўлмайти.

ТАРИХИЙ ХОТИРА — Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган, ажлодлар яратган моддий ва маън-й бойликларни кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланишини ифодаловчи т. Инсон ўзининг Т.х.сига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида содир бўлаётган ижт-й ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етолмайти, ўз келажагини тасаввур қила олмайти. Шу сабабдан ҳам “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т.х. юксак маъ-ят тамойилларининг шаклланиши ва рив-ши учун асосий манба вазифасини бажаради. Худди ш.у. ҳам, ҳамма замонларда халқнинг, миллатнинг Т.х.сини мустаҳкамлаш юртнинг буюк алломалари, давлат арбоблари диққат-эътиборида бўлган. Инсоният авлодларининг

ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келган қадриятлар, яъни аждодлар ва авлодларнинг маън-й мероси умуминсоний мад-й мерос хазинасига қўшилади ва аста-секин Т.х.га айланиб боради. Бошқача айтганда, Т.х. инсониятнинг барча аждодларининг фикрлари, ғоя ва эътиқодлари, орзу-истакларини ўзида мужассамлаштиради. Ш.у. ҳам, инсоннинг маън-й етуклиги унинг Т.х.си б-н белгиланади, яъни тарих инсон учун буюк хотира вазифасини бажаради. Президент И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари бу борада асосий илмий-наз-й манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур асарда ўзлигини билишга интилган, келажакка умид б-н қараган одам, албатта, ўз тарихини ва ўзининг кимларнинг насли ва авлодлари эканини билишга қизиқиши тўғрисида шундай дейилган эди: **“Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — продали инсон. Такрор айтаман, продали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”**. Т.х.нинг муҳим вазифаси кишиларда ўзликни англаш туйғусини тарбиялаш натижасида миллий ғурур ва ифтихорни вужудга келтиришдир. Миллий ғурур ва ифтихор Т.х. асосида шаклланар экан, у аждодлардан қолган моддий ва маън-й мероснинг бошқалар олдида нечоғлик улкан аҳамият касб этишини англашдан келиб чиқади ва кишида фахр туйғусини пайдо қилади, аждодларидан, уларнинг инсоният тарихидаги хизматидан ғурурланади. Ҳақиқатан ҳам, тарихни билиш ва ундан ибрат олиб яшаш кишини ҳаёт қийинчиликлари ва турмуш машаққатларига чидамли қилади, унинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди, матонатини оширади ҳамда орзу-умидлар рўёби сари муҳим маън-й далда бўлиб хизмат қилади. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади ва ўзли-

гини чуқур англаган миллатдагина Т.х. устувор бўлади. Бизнинг юртимиз дунёдаги энг қад. тамаддунлар қарор топган ҳудудлардан бири ҳисобланади, халқимиз ҳам қад. Миср, Месопотамия мад-ти каби қадимий мад-т ўчоқларидан бирига эга. Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шахрисабз. Қўқон, Марғилон каби бир қатор шаҳарларга хос узоқ ўтмиш ва тарихий осори-атиқалар буни исботлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси халқимиз нечоғли қадимий Т.х.га эга эканидан дарак беради. Халқимизнинг бебаҳо ёдгорлиги бўлмиш “Авесто”нинг 2700 йиллиги республикамиз миқёсида кенг нишонланди. Унда битилган “эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амал” ғоялари ёшларимизни Ватанга садоқат, халқига меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда маън-й асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шубҳасиз, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўзини шу миллат фарзанди деб ҳисоблар экан, аждодларим кимлар бўлган, халқимнинг ибтидоси қаерда, унинг тикланиши, миллат бўлиб шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллатнинг ҳаёти доим ҳам бир маромда кечмади? Бу халқ нега XVII а.дан бошлаб эришган юксалиш даражасидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч а. мобайнида бошимиз қолюқликдан чиқмай қолди? Нима учун яна Амир Темур, Улуғбек, Навоий каби зотларни бу даврлар кўрмади. Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолюқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан? Бу қолюқлигимизнинг сабаблари баъзиларнинг Ватан, халқ манфаатидан кўра шахсий манфаатларини, ўз оилаларининг тинчлигини, ҳузур-ҳаловатларини ўйлашлари сабаб бўлмадими? каби саволлар ҳам табиий. Буларнинг оқибатида эса халқимиздан мерос бўлиб қолган барча маън-й меросимизни унутмайдик ва унга эътиборсиз бўлдики, оқибатда эр-

кимиздан, еру сувимиздан, барча бойликларимиздан ва бора-бора эса ўзлигимиздан маҳрум бўлдик. Мана шу каби саволлар қаршисида инсон хотирага, Т.х.га мурожаат қилади ва ундан керакли хулосаларни чиқариб олади. Юртбошимиз хотирлашни таърифлар экан, уни қуйидагича тавсифлайди: **“Биз хотирлаш деганда жуда катта маънони тушунамиз. Аввало, хотирасиз келажак йўқ. Ўзингиз ўйланг, инсоннинг хотираси бўлмаса, у ўз келажagini қандай тасаввур қилади? Агар хотира бўлмаса, ота-боболаримиз тўплаган керакли билим ва тажрибаларни билмасдан, ҳар кунни, ҳар қадамда янги-янги муаммо ва ғов-тўсиқларга дучор бўлар эдик. Жумладан, даҳшатли урушларга бошқа қайтмаслик, умуман, бундай қирғин-баротларни одамзод тарихидан ўчириб ташлаш учун нима қилиш керак, деган масалани ўз олдимизга асосий масала қилиб қўядиган бўлсак, уни ҳал этишда бизга аввало хотира ёрдам беради”**. Ш.саб. ҳам Мустақилликнинг илк кунлариданоқ маъ-ят соҳасига алоҳида эътибор қаратилди ва кишиларимизни ҳақиқий тарихимиздан боҳабар қилиш куннинг долзарб масаласига айлантирилди. Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маъ-ятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Ўз маъ-ятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, Т.х. керак. Демак Т.х. бу — аввало, ўз халқи ва юрти тарихини чуқур билиш, уни тинимсиз ўрганиш натижаси, ўздан илгари ўтган аждодларини хотирлаш, уларнинг савобли ишларини унутмаслик, бой меросини асраб-авайлаш туйғуси, ўтмишдан сабоқ чиқариш, тарихда рўй берган воқеа-ҳодисаларни ҳолисона баҳолаш, уларнинг оқибатини тўғри тушунтиришга асосланган маън-ий т.дир. Т.х. келажак олдидаги қарздорлик, кейинги авлодлар қаршисида ўз бурчини бажариш масъулиятини шакллантирадиган тарбия омили бўлиб, ҳар бир киши учун яшаш мезони, яъни ўз фаолияти ва ижт-ий жараёнлар натижаларини ўтмиш б-н қиёслаш, маън-ий дунёси, ҳис-туйғулари, мақсад ва интилишларини ҳолисона ба-

ҳолаш учун асос бўладиган ҳаёт тамоийллари мажмуидир. Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўтмиши бор. Истиқлол йилларида халқимизнинг Т.х.сини тиклаш мақсадида улуг аждодларимизнинг туйларини ўтказиш, кўҳна ва навқирон шаҳарларимизни обод қилиш, юртимизни дунёга танитиш учун турли йўналишда улкан бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу каби тадбирлардан кўзланган мақсадлар, аждодларимизнинг қанчалар буюк шахслар бўлгани, жаҳон илм-фани тар-ётига беқиёс ҳисса қўшгани, минтақамиз жаҳон цивилизациясининг йирик қадимий ўчоқларидан бири эканини олам аҳлига билдиришдан иборат. Ш-дек, бу боболаримизнинг ғайратшижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлик ва элпарварликлари б-н халқимизга, айниқса, ўсиб келатган ёш авлодга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолади. Шўролар даврида Амир Темурнинг буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни, ёвузликда айблашган эди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум бўлиб келди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ б-н ўчирилди, унутишга маҳқум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзб. халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини, асл фарзандларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади. Бугунги кунда бу улуг аждодимизнинг улкан хизматлари эътироф этилмоқда. 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, 2000 йилда ислом оламининг фикҳ илми даҳолари ҳисобланган аждодларимиз Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги кенг нишонланди. 1999 йилда халқимизнинг мард ва жасур ўғлони, миллатнинг жасорат тимсоли Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги нишонланиб, Ургенч шаҳрида унга монументал ҳайкал ўрнатилди. 2000 йилда қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг

2700 йилликлари нишонланди. ЮНЕСКО томонидан юртимизда туғилиб ўсган, ўз ижоди б-н жаҳон илм-фани, мад-ти ва санъати равнақига улкан ҳисса қўшган ўнлаб даҳоларимиз эътироф этилган. 4000 дан ортиқ тарихий обидаларимиз рўйхатга олинган. Жаҳон аҳлининг мам-тимизга, қадимий Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон каби шаҳарларига бўлган қизиқишлари бежиз эмас. Улуг аждодларимизнинг илмий ютуқлари ва кашфиётларини тан олиш б-н бирга халқимизнинг бунёдкорлик намуналари бўлган обидалари б-н бирга мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий бинолар қаторида Имом Бухорий мажмуаси, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлиги, Ҳазрати Имом мажмуаси яратилди. Хуллас, истиқлол йилларида халқимизнинг Т.х.сини тиклаш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Бу борада ҳоз. даврда юртимиз келажagini ўйлаб заҳмат чеккан, Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлоднинг зиммасидаги энг катта вазифасидир. Зеро, Т.х. ҳар биримизга куч-қудрат бағишлайди, ҳаётнинг оғир синовларини муносиб енгиб ўтишга, тара-ётга эришишга ёрдам беради.

“ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ” — Ўз-н Президенти И.А.Каримовнинг республика тарихчи олимлари ва журналистларига қарата сўзлаган нутқи (1998 йил 26 июнь) ўз ифодасини топган китоб (Т., «Шарқ», 1998 й.). Унда мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, мад-ти, қадриятлари, тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бораётгани таъкидланади. Одамзоднинг ўз авлод-аждоди кимлигини, насл-насаби, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билиш истагининг доимий маън-й эҳтиёж экани, бу

эҳтиёжни тарих қондириши кенг ёритилади. Мам-тимизда коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бугун маъ-ятимиз, миллий қадриятларимиз, мад-й меросимиз топталгани, давлатчилигимиз тарихи атайин бузиб кўрсатилганлиги таъкидланиб, етмиш йилдан ортиқ даврда халқимиз бошидан қандай маън-й, мад-й тазйиқ, хўрликлар кечгани, тил, адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография б-н боғлиқ аянчли кечмишларга эътибор қаратилади ва кўпинча улар бузиб шарҳлангани, талқин этилгани баён қилинади. Ушбу нуқсонлар ва қарашларга қарши тарихчиларимиз томонидан мустақилликнинг ўтган йиллари давомида аниқ бир фикрга келинмагани, а.лар давомида юртимизда кечган давлатчилик тарёти, унинг ижт-й-сиёсий, иқт-й, мад-й ҳаёти атрофлича таҳлил этилган биронта илм. тад. ҳали яратилмагани таъкидлаб ўтилади. Ш-дек, «Ўзб. давлатчилиги қайси а.да пайдо бўлди? У қандай босқ-ичларни босиб ўтди?» деган саволларга жавоб топиш ва тарихимизни бугунги кун н.назаридан ўрганиш, яратиш орқали тарихий хотирани тиклаш лозимлиги тарихчиларимиз олдига муҳим вазифа қилиб қўйилади. Ушбу нутқда ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозимлиги тўғрисида мулоҳазалар билдирилган. Кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепцияси, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги салоҳият, кадрлар масаласини аниқлаб олиш лозимлиги, бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлиши, босқичлари белгиланган аниқ дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилиши тўғрисида билдирилган таклифлар янги а.да катта амалий ишларнинг юзага келишига замин ҳозирлади. Асарда ўзб. халқининг тарихий илдизларини аниқлайдиган, миллий гурурини юксалтирадиган янги йўналишларни яратиш мақсадига эришиш имкониятлари, бу борадаги самарали йўллардан фойдаланиш зарурлиги кўрса-

тилган. Бир сўз б-н айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозимлиги асарнинг асосий моҳиятини ташкил қилади.

ТАРИХИЙЛИК — ўтмишда содир бўлган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараённи конкрет тарихий вазиятда, муайян шарт-шароит, аввалги ва бўлажак воқеалар б-н узвий алоқада тадқиқ этиш, ўрганиш, англаш ва ундан тўғри хулоса чиқаришни талаб этадиган илмий тамойилни ифодаловчи атама. Т. ўтмишда ва бугунги кунда содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг одамлар онгида қандай акс этиши, тарихий адабиётлар орқали ижт-й-тарихий рив-ш жараёнини кузатиш, жам-т ривожининг турли босқичларида тарихий билимларнинг ўсиб бориш жараёнини кузатиш имконини беради. Т. маълум босқич ёки даврда ижт-й-сиёсий, мафкуравий муҳитнинг ҳаётга таъсирини, у ёки бу йўналишдаги рив-ш ва таназзулга юз тутиш сабабларини аниқлайди. Т. тадқиқотларнинг қатор таҳлилий усулларида ўз аксини топади. Қиёсий тарихий усул турли тарихий даврларда тарихий маълумотлар қандай пайдо бўлиши, ҳаракатланиши, ўзгариши ва рив-ши масалаларини ўрганишда қўл келади. Бу усул жам-т тар-ётида тарихий фикрларнинг пайдо бўлиши ва рив-ш жараёнини аниқлашда қўлланади. Аниқ таҳлилий усул воқеа-ҳодисалар тафсилотининг келиб чиқиш сабаблари, рив-ш жараёнини наз-й ва фактик материалларнинг ўзаро алоқасида таҳлил қилади, уларнинг фанда қандай ёритилганлигини ўрганади. Мантикий таҳлилий усуллар тарихий жараёнлар, муаммоларнинг ўзига хос хус-ятлари, тузилиши, бошқа тарихий ҳодисалар б-н боғлиқлигини ўрганишда қўлланади. Бошқача ифодалаганда, бу усул маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жам-т тар-ётининг асосий йўналиши б-н боғлиқликда ифодалайди. Хронологик усул воқеа, ҳодиса, жараёнлар ҳақида турли босқич

ёки даврда тўпланган тарихий факт ва далилларни ўзаро боғлиқликда ўрганишда қўлланади. Бу эса турли замонда илмий фикрларнинг ҳаракати, муаммога ёндашувда концепциялар, қарашлар, ғояларнинг ўзгариб боришини хронологик тартибда такрорий ёки хилма-хил жиҳатларини очиб беради. Даврийлаштириш усулида маълум бир тарихий-даврий чегарада тарих фанининг сифат, услуб ва хус-ятларининг ўзгаришига ижт-й-иқт-й мун-тларнинг таъсири, ҳар бир янги босқичда вужудга келган илмий ғояларни ҳаракатлантирувчи омил ва йўналишлари аниқланади. Ретроспектив таҳлил ҳар бир илмий адабиёт ўз даврига тааллуқли бўлиб, унинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ўзида акс эттиришини ҳисобга олади. Бу усулдан фойдаланган тарихчининг вазифаси ўзидан аввалги босқичларда яратилган илмий асарларни замонавий билимлар н.назаридан ўрганиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилишдан иборат. Собиқ иттифоқ даврида тарих фани ҳам буюк давлатчилик, миллатчилик, партиявийлик, синфийлик ғоялари ва тамойилларининг қурбонига айланганди. Т. ва холислик тамойилига бир ёқлама салбий асосда ёндашилди. Мустақиллик даврида моддий ва маън-й меросни замон. Т., холислик талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш, хулосалардан, сабоқлардан халқни баҳраманд қилиш масаласига Ўз-н раҳбарияти томонидан алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўз-н Президентининг қуйидаги фикри Т.ни янада теранроқ англашга хизмат қилади: «Ўтмишга, ўтган давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша давр арбобларига нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очиқ акс эттириш керак. Бу нарса ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўч олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан, аввало, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қилади». Тарихда из қолдирган шахслар хизматлари тўғрисида улар ҳоз. давр талабларига жавоб берадиган янгиликларни бермаганлиги

қараб эмас, балки улар ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар яратганлигига қараб хулоса чиқариш Т. тамойилига хос хус-ятдир. Т.ни вақтдан ажратиб бўлмайди. У вақт, муддат ва замонда юз берган ва маълум бир маконда вужудга келган воқеа, ҳодиса, жараёнлар бирлигини, ана шу замон ва маконда шаклланган анъаналар, турлича қарашлар, маън-й-руҳий ҳодисалар, ижт-й мун-тлар замирида ётган маълум мақсад ва интилишларни ўзида мужжасам этади. Нохолслик, синфийлик, партиявийлик тамойиллари асосида ёритилган, сохталаштирилган «тарих» кишиларни чалғитади, йўлдан уради. Т., илмийлик, холислик тамойилига асосланган тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Хушёр, иродаси мустаҳкам, комил инсонларгина озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш жараёнининг фидойиларига айланади.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ — тарихда юз берган бирор ҳодиса ёки воқеаларнинг қачон, қандай объектив ва субъектив шарт-шароитлар асосида юз берганлигини илмий манбалар асосида аниқ акс эттирган билимларни англаувчи атама. Т.ҳ.нинг бузилиши тарих саҳифаларида “оқ доғлар” ва “қора доғлар”нинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса тарихнинг нотўғри ёзилишига сабаб бўлиб, ўтмишдаги тарихий воқеа ва ҳодисаларни билишда нотўғри ёки бир томонлама қарашларнинг қарор топишига сабаб бўлади.

ТАРИХНИ АНГЛАШ ВА ҚАДРЛАШ — юксак маъ-ят туйғусини шакллантиришга қаратилган, тарих сабоқларини, эл-юрт келажаги йўлида умр кечирган инсонлар, буюк алломалар фаолиятини англаш, хотирлаш, уларга юксак эҳтиром кўрсатиш, шу тарихни яратган халқ шаънини ҳимоя қилиш орқали бугунги кун ва келажакни қадрлашни ифодаловчи т. Президент И.А.Каримов асарларида асослаб берилган бу т.да ифодаланган гоё мустақиллик даври ва ҳоз. авлод учун ўзига хос маън-й қадриятга

айланмоқда. Одамзод ўзининг кечаги кунини хотирлай олсагина, тарихдан зарур хулоса ва сабоқ чиқариб, уни англаб ва қадрлаб, онгли ҳаёт кечириши мумкин. Ш.у. ҳам хотира, англаш ва қадрлаш доимо ёнма-ён турадиган, ўзаро узвий боғлиқ т.лардир. Юртбошимиз шу маънода «**Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ибботгалаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсатига айланиши зарур**»лигини таъкидлаш орқали ҳоз. пайтда, туб ислохотларни тадрижий равишда давом эттириш шароитида ҳар бир инсонни ўзлигини англашга даъват этмоқда. Айни чоғда ўзликни англаш инсоннинг ўз ўтмиши ва аждодлари тарихини билиш ва қадрлашдан бошланишини уқтирмақда. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аждодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нималар б-н шуғуллангани ва қандай умр кечирганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари, қадриятга айланиб кетган моддий ва маън-й мерослари б-н фахрланиб яшайди. Ўз наслу насабини билиш, келиб чиқишини ўрганиш ҳар бир кишининг бу ҳаётда омонат ёки тасодифий эмаслигини англашга имкон беради. Инсон тарихни қанчалик кенг ва чуқур англаса, инсоният оламига шунчалик кўпроқ қизиқади, уни тушуниш ва мазмун-моҳиятини англашга, инсон ва ҳаёт, инсоният ва мавжудот ўртасидаги мунтларни ўрганишга, хуллас, инсоният тарихи б-н қизиқишга ҳаракат қилади. Аксинча, у ўз тарихини қанчалик унутса, ўзлигини шунчалик унутади. Бундай ҳодиса башарият тарихида — турли макон ва замонда, турли ҳолатларда юз берган. У одамзодни ҳаётни тушуниш, қонуниятларини билиб олиш, оламни англаш ва ўзини олий мавжудот сифатидаги қадриятини идрок этиш орқали бутун инсоният тарихини англашга даъват этади. Бундай ноёб маън-й-руҳий эҳтиёж комиллик ва етукликка интилиш туйғусини уйғотади. Ана шу ички туйғу инсоннинг ўз ўтмиши, аждодлари, улардан қадрият сифатида қолган моддий ва маън-й меросга қизиқиш б-н қарашни тақозо эта-

ди. Бундай маън-й-руҳий эҳтиёж унинг тарихий хотираси теранлашишига, тарихий фал.сининг шаклланишига, шу фал. ва тафаккур орқали ўзининг ҳаётдаги ўрнини аниқ белгилаб олишига имконият яратади, истиқболини кўра олишга рағбатлантиради. Тарихни билмаган, англамаган, уни қадрламаган, тарихдан сабоқ олмаган одам нафақат олис ва яқин аждодлари қандай яшагани, ўзи мансуб бўлган миллат қандай шаклланигани, балки ўз келажагини ҳам тасаввур қила олмайди. Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният б-н қарамаганмиз ва б.дан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз. Лекин, бу борада ҳам бизга қарши қаратилган маън-й таҳдидлар давом этмоқда. Мафкура соҳасида юрт равнақиға салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маън-й тажовуз — бу ўзб. миллати тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар б-н бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Бундай шароитда барчамиз халқимиз ва юртимизни, мустақилликни асрамоғимиз лозим, бунинг учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш лозим. Қадрлаш дегани — бу ал.лар давомида она юртимизни, халқимиз озодлиги ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат б-н ҳимоя қилган фидойи ватандошларни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир. Ш.саб. ҳам маъ-ятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган тарих фани истиқлол йилларида ўзининг ҳақиқий вазифасини адо этишга — халқнинг ўзлигини англаштишга хизмат қилишга киришди. Тарихий хотирасиз келажак йўқлиги, тарих миллат учун руҳий озиқ эканлиги, ҳаққоний тарихни тиклаш, унинг ривожини учун барча зарурий шарт-шароит, имкониятлар яратилди. Кун тартибига ҳаққоний тарихни бирламчи манбалар асосида яратиш, уни ҳолисона талқин этиш, баҳс-мунозаралар асосида тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифаси қўйилди. Тарих ва ҳоз. замон воқеликлариға мурожаат қилиш бизнинг ижт-й тафаккуримиздан ҳаётни идрок

этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтишни, мустақил фикр юритиш ва содир бўлаётган жараёнларни ҳолисона баҳолай олиш қобилиятини талаб этади. Қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш — тарих ва ўтмишдан воз кечиш дегани эмас. Кечаги ҳаётдан, тарихдан ҳеч қачон воз кечиб бўлмайди. Тарих қандай бўлмасин, биз учун ҳаётдан сабоқ ва хулосалар чиқариш учун хизмат қилади. Эл-юрт тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, халқ ва миллат ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугун ва келажакка онгли қарашни шакллантириш эл-юрт учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Юртнинг, тарихнинг муқаддаслиги нима б-н белгиланади? Бугун умрини имон ва эътиқод, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай аждодлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади. Ш.саб. ҳам тарихий ёдгорликларни тиклаш — бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки, биринчи галда, илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, маън-й покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир. Ислоҳ Каримов таъбири б-н айтганда: «Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча орадан шитоб билан йиллар ўтиб кетади. Тарихини, ўзлигини англаб етган, қалбига қулоқ солган ҳар бир инсон ўзига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим этади, деган саволни бериши керак. Ана шу савол инсон қалбини тозартиради, уни савобли, эзгу ишларга чорлайди. Хуллас, маънавиятда инсоннинг иймон-эътиқоди, ахлоқи, тарих, ҳаёт маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, тарих, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон — ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётдан рози кетади. Тарихий қадриятларга, уларни элга қайтариш, танитишга ҳаракатлардан кўзда тутилган мақсад шуки, ҳар

бир инсон ўз умрини табаррук зотлар кечирган ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми, деган савол ўтсин. Улар шу қадар буюк мерос қолдирибди, мендан нима қолади, деган туйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин». Айнан юқоридаги сабабларга кўра, тарихни билиш ва қадрлаш миллий ўзликни англаш ҳамда маъ-ят юксалиши б-н ўзвий боғлиқ масала ҳисобланади.

ТАРҒИБОТ (араб. қизиқтириш, тарқатиш) — 1) кенг маънода, ижт-й фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижт-й-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадий, ижт-й-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Т. жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади; 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Т. илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижт-й ҳаёт б-н чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим. Т. давлат ва жам-т манфаатларини ифода этиб, адолатли жам-т қуриш ҳақидаги ғоялар ва мафкураларни омма орасида ёйиш, кишиларга ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатиш воситасидир. Т.нинг энг муҳим вазифаси халқро ва мам-т ичида юз бераётган ҳаётнинг барча соҳаларидаги илгор тенденция ва воқеаларни мунтазам равишда таҳлил этиш, жам-т тар-ётидаги долзарб муаммолар ечимини топиш, тар-ёт кафолатларини белгиловчи тамойилларни аҳоли қалби ва онгига сингдиришдан иборат. Т. маълумотларнинг серқирралиги, янгилиги б-н аҳолини ислохотларни амалга оширишга чорлайди. Ҳоз. даврда мафкуравий курашнинг авж олиши Т.ни ғоявий-сиёсий таъсир қуролига айлантирмоқда. Т. жам-т ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олса-да, аслида аҳолининг айрим табақалари учунгина мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин. Мам-т миқёсида инсонпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқий поклик, илмий дунёқараш, диний бағрикентлик каби фа-

зилатларни шакллантиришда Т. муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаси Т. фақат ижобий (позитив) т. экан деган ҳулосага келиш тўғри эмаслигидан далолат беради. Чунки Т. жараёнида аҳолини чалғитувчи маълумотлар берилиши, далиллар келтирилиши, ахборотлар тарқатилиши ҳам мумкин. Бу кенг жамоатчиликни саросимага солиб қўяди. Ш.у. ҳам Т.ни позитив (конструктив) ва негатив жиҳатлари алоҳида қайд этилади. Позитив Т. шахс дунёқараши, жам-т барқарорлиги, давлат тинчлиги ва охир-оқибат ҳар бир мам-тнинг маън-й, сиёсий, иқт-й, мад-й юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Т. жараёнида турли ғояларни фарқлаш, яхшиларини ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги, тафаккури ва маъ-яти ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Негатив Т. эса инсонларни чалғитувчи турли маълумот, далилларни тарқатишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Негатив Т.да абстракт, тушунарсиз фикрлаш; бирон-бир маълумот, ахборот, далилни фақат ўз фойдасига бўлган қисмини етказиш; реал фактларни хомаки, воқеликка зид ҳулосалар б-н яқунлаш; ўз вақтида жавоб бермасдан долзарб муаммони “совутиш” ва ҳ.к. акс этади. Ҳоз. замонда бутун дунёда Т.нинг қуйидаги турлари қайд этилади: аҳоли орасида эзгу ғояларни ёйишга хизмат қиладиган Т., ижт-й онгни турли зарарли фикрлардан тозаловчи Т., жамоатчилик фикрини чалғитувчи Т., турли бузғунчи ғояларни тарғиб қилувчи Т. ва ҳ.к. Одатда, Т.чилар бир воқеани, битта далилни шундай талқин қила оладикки, ундан кенг омма ижобий ёки салбий ҳулоса чиқариши мумкин. Шундай экан, Т.чиларнинг холислик, ҳақиқат тамойиллари асосида иш олиб боришлари жам-т барқарорлигини таъминлаш ва маън-й юксалишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бугун мам-тимизда эзгу ғояларга хизмат қилувчи Т.нинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

ТАСАВВУР — оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларига таъсир қилиб, мияда сақланган ҳосилалари асо-

сида қайта тикланган образи, ш-дек, излаш, изланиш, тадқиқот, хаёл суриш кабилар натижасида пайдо бўладиган ҳистуйгулар мажмуини ифодаловчи т. Бир нарсa ёки ҳодисани ўйлаб, уни зеҳнда гавдалантириш, хаёлга келтириш ҳам Т. бўлади. Т. ҳиссий билишнинг олий босқичи бўлиб, ундаги образлар умумлашган тарзда намoён бўлади. Т. сезги ва идрок б-н узвий боғлиқ, лекин улардан фарқ қилади. Сезги ва идрок айнан ҳоз. ҳолатга тегишли бўлса, Т. айни вақтда ҳозирга ҳолатга ҳам, ўтмишга ҳам тааллуқлидир. Бу, айниқса, бадиий ижод табиати ва ижодкорлар фаолиятига хосдир. Зеро, олис-олис замонларни Т. қилмай туриб, ўтмиш ҳақида асар ёзиб бўлмас эди. Т.нинг ўзига хос хус-ятларидан яна бири шуки, у барқарор эмас, онгда узоқ вақт сақланмай, бошқа янги Т.лар б-н алмашилиб, ўзгариб туради. Унинг шу хус-ятини фаҳмлаган одамзод уни сақлаб қолиш мақсадида ёзувни ва қозони ихтиро этган. Ёзилган, қозога туширилган Т.нинг излари сақланиб қолади ва маън-й мулкка айланади.

ТАСАВВУФ (араб. *суф* – сўфийлик) – исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, уни руҳий-ахлоқий жиҳатдан комиллик сари етакловчи таълимот; диний эътиқод, сўфийлик оқими. «Мистицизм», «мистика» сўзлари қад. юнон тилидаги *mystikos* – «яширин», «сирли» сўзидан олинган бўлиб, илоҳият б-н бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимот инсоннинг Худо б-н ақл ва ҳиссиётдан юқори бўлган сирли алоқаси бўлиб, унинг натижасида инсон онгида Худони билиш ҳосил бўлади. Қад. Шарқ ва юнон динларида ҳам инсонни ғайритабиий кучлар б-н боғлайдиган урф-о.лар (*мистериялар*) – мистицизм элементлари бор эди. Яккахудолик динларининг барчасида мистицизмга хос унсурлар мавжуд. Ҳаётнинг барча соҳалари диний эътиқод б-н боғлиқ бўлган ўрта а.ларда Т.нинг роли катта бўлди. Т., «сўфий» ёки «мутасаввуф» сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Сўфийлик муаллифлари кўпинча унинг келиб чиқишини «суф» («соф

бўлмоқ») ўзагидан ёки «аҳл ас-суффа» (Пайғамбарнинг Мадинадаги уйи яқинидаги суффага йиғилувчи зоҳид кишилар)га тегишли деб таъкидлайдилар. Фарбий Европа тадқиқотчилари то XX а.га қадар унинг келиб чиқишини юн. «*sophia*» (*ҳикмат*) сўзидан келиб чиққан деган фикрга мойил бўлишган. Ўрта а. мусулмон олимлари бу сўзнинг «суф» (жун чопон) сўзидан келиб чиққанини таъкидлаганлар. Сўфийларнинг ўша даврдаги асосий белгилари уларнинг дағал жундан кийим кийишлари эди. Бу борада Ибн Халдуннинг фикри ҳақиқатга яқин деб эътироф этилади. Қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Бу б-н улар башанг кийиниб юрувчи аҳли дунёлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намoён этганлар. Т. ва сўфий сўзлари IX а.нинг бошларида яшаган Абу Ҳошим Суфийдан бошлаб жорий этилган. Ундан олдинги даврларда бу атама ўрнида «зуҳд» (зоҳидлик, таркидунёчилик), «тақводорлик», «парҳезкорлик» каби иборалар ишлатилган. Мисрлик лим Иброҳим Басюний «Исломда Т.нинг пайдо бўлиши» номли китобида ҳиж. III-IV а.ларда яшаб ўтган олимларнинг Т. ҳақидаги 40та таърифини келтиради. Шу тариқа, Т. ислом шариасти талабларини ихлос б-н бажарган ҳолда зуҳд, тақво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли б-н комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Ислом ҳуқуқшунослигида, шаръий кўрсатмаларни амалга татбиқ этишда 4 та йўналиш бўлганидек, Т.да ҳам бир неча тариқатлар шаклланган. Машҳурлари – тайфурия, жунайдия, ҳакимия, қодирия, яссавийя, маломатийя, кубровийя, мавлавия, нақшбандия тариқатларидир. Истиқбол йилларида мам-гимизда ўтмиш меъросимизни ўрганиш, унга доир асарларни таржима қилиш, атоқли машойихларнинг мақбараларини қайта қуриш ва таъмирлашга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Хо-

ванди Тоҳурларнинг ҳаёти ва ижодларини чуқур ўрганиш, уларнинг бебаҳо меросидан халқимизни баҳраманд этиш борасида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

ТАФАККУР (араб. фикрлаш, ақлий билиш) — инсон маъ-ятининг таркибий қисми, билишнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хус-ятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс эттирадиган ақлий босқичи. Т. ибораси араб. «*фикр*» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўйлаш, муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини билдиради. Т. қўйидаги асосий хус-ятларга эга: 1) унда воқелик умумлашган ҳолда акс этади. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, Т. бизга нарса ва ҳодисанинг номуҳим, иккинчи даражали (бу, одатда, билиш олдида турган вазифа б-н белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавҳумлашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хус-ят ва мун-тларига қаратишимизга имкон беради; 2) Т. борлиқни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади; 3) Т. инсоннинг ижодий фаолиятдан иборат, бунда нарса ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хус-ятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади; 4) Т. тил б-н узвий алоқада мавжуд бўлади, яъни фикр маън-й ҳодисадир. У фақат тил орқали, моддий ҳодиса (товуш тўлқинларида, график чизиқлар) тарзида реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир. Психологларнинг таъбирича, фикрлаш, яъни Т. мияда содир бўладиган жараён бўлиб, сезги органлари ожизлик қилган ўринларда

одам ва оламнинг хус-яти Т. орқали ўрганилади. Т. ақлий фаолият, онгли хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб, теварак атроф, ижт-й муҳит ҳамда борлиқни билиш асоси. инсон фаолиятини оқилона, самарали ташкил қилишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Киши фикрлаш жараёнида ўзи кўрган, идрок қилган, сезган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлиги ҳамда борлиққа мун-тини англайди. Т. одам ва олам сирларини ўрганишда ҳосил бўлган қараш, т. ва фаразлар мажмуи, у орқали инсон хулоса ҳамда мулоҳазаларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билиб олади. Бу жараёнда у мулоҳаза юритиб, мазкур жараён ва ҳодисалар ўртасидаги мун-тларни, ўзига хос хус-ятларни, уларни бири бири б-н боғлаб ёки ажратиб турган жиҳатлари ҳамда фаолиятини ўрганади. Т. жараёни фақат инсоннинг мияси б-н эмас, балки қалби ва руҳияти б-н ҳам узвий боғлиқликда кечади. Фикрловчининг ички дунёси қанчалик бой бўлса, унинг фикрлаш савияси ҳам, хатти-ҳаракати ҳам шунга яраша бўлади. Инсон фикрининг теранлиги, тиниқлиги, мантиқийлиги, эркинлиги, мустақиллиги, бадийлиги, ижодийлиги Т.нинг сифатлари ҳисобланади. Инсон дунёни Т.нинг айнан шу шакллари орқали англайди, уни ўзига хос тарзда тасвирлайди, хулосалар чиқаради. Руҳияти уйғоқ, қалби беҳаловат одам бирор нарсага меҳр қўяди, ўзида яратиш, ижод қилиш, кашфиёт очишга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж эса уни ҳаракатга ундайди, маън-й камолот сари етаклайди. Инсон борки, у фикр юритиш қобилиятига эга. Мутафаккир иборасининг ўзаги ҳам фикрдир. Лекин ҳар бир фикр юрита оладиган кишига нисбатан мутафаккир иборасини қўллаб бўлмайди. Юксак, теран ва атрофлича фикр юрита оладиган, ижт-й фаолиятдан эл-юртига катта наф тегадиган тарихий шахслар, атоқли сиймоларнигина мутафаккир дейиш мумкин. Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимлар, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яс-

савий. Жалолиддин Румий, Алишер Навоий сингари улуғ адиб ва шоирлар, имом Бухорий, имом Термизий. Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби уламолар айни пайтда мутафаккирлар ҳисобланади. Соҳибқирон Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Заҳририддин Муҳаммад Бобур каби темурийлар мутафаккир зотлар эди. Амир Темури, Ҳусайн Бойқаро ва Бобур фаолиятида давлат Т.и устунлик қилган бўлса, Улуғбек фаолиятида илмий Т. етакчи эди. XX а.нинг биринчи чорагида ўзб. жам-тида етакчи ғоя жадидчилик эди. Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар ҳам халқимизнинг мутафаккир фарзандлари эдилар. Инсон Т.и турларига хос хус-ятларни текшириш ва таҳлил қилиш натижасида мустақил фикрлаш инсон олдида турган муаммолари, мақсад ва вазифалари белгиланган ҳолда ўз билими, дунёқарashi ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл ва усул, воситалари ёрдамида ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятдир. Киши Т.и мустақиллиги белгиларидан бири — ташаббускорлик бўлиб, у инсоннинг ўз олдига аниқ мақсад, яққол вазифалар қўйиш, уларни амалга ошириш йўлидаги муаммолар ечимини топиш, ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган усул ва воситаларни ўзи белгилашида намоён бўлади. Бу фаолиятнинг аниқлиги, вазифаларни бажариш жараёнида янги усул ва воситаларни тез топиш, саралаш ҳамда қўллаш натижанинг салмоғида кўринади. Т. мустақиллигининг танқидийлиги эса мустақил фикрловчини воқеа-ҳодисаларга мун-ти, унинг хус-ятлари, муҳим-номуҳим жиҳатларини ажрата билишида сезилади. Мустақил Т.га эга бўлмаган кишилар тайёр қарашлар асирига айланади ва уларда Т.нинг ўсиши ўзининг табиий даражасидан орқада қолади. Т. қарамлиги, қўллиги жам-т ривожига, миллат тар-ётига тўсиқ бўлади. Зеро, И.А.Каримов таъкидлаганидек, «**Тафаккур ўзгармаса турмуш ҳам ўзгармайди**». Ш.у. ҳам

фикрнинг мустақиллиги унинг сермаҳсуллиги, самарадорлигини таъминлайди. Қай бир инсон томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсиялар яратилган, наз-й ва амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай кишининг Т.и сермаҳсул, самарали саналади. Демак, муайян вақт оралиғида мустақил равишда бажарилган иш кўлами ва сифати (Т.ининг кенглиги, чуқурлиги, танқидийлиги асосида) Т. мустақиллигининг ўлчови бўлиб хизмат қилади. Зеро, Т. мустақиллигига эришиш, яъни мустақил фикр соҳибларини тарбиялаш ва шакллантириш бугунги ўзб. тар-ётининг муҳим маън-й омилларидан бири ҳисобланади.

ТАФАККУР ТАРЗИ — маън-й ҳаёт ҳодисаси, нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хус-ятлари, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, қонуний боғланишларни акс эттирадиган билиш шаклини англатувчи атама. Инсон нимани амалга оширмасин, қандай мақсадни илгари сурмасин, албатта уни тафаккур чиғиригидан ўтказади. Зеро, А. Навоий айтганидек: „Ҳар не ишни қилмиш одамзод тафаккур бирла қилмиш одамзод“. Т.т.нинг ўзгариши ҳар бир жам-тнинг иқт-й, сиёсий, мад-й, маън-й ҳаётидан, ундаги ўзгаришлардан келиб чиқади. Мустабид тузум шароитида жам-т, миллат, шахснинг Т.т. ўша даврда ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик, яккаҳоқимлик ҳукмронлигидан келиб чиққан эди. Истиқлол туфайли демократик тар-ёт йўли ва машҳур беш тамойилнинг танлаб олиниши кишилар онги, тафаккурида ўзгаришларни амалга ошириш имкониятини берди. Плюрализм ҳар бир нарса ва ҳодиса, жараёнларга турфа қарашлар н.назаридан ёндашиш, Т.т.нинг шарқона қадриятлар асосида ўзгаришига олиб келди. Мам-тимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятига миллий ғоя ва ўзб.она қадриятлар, урф-о.ларимиз асосида ёндашилиш туфайли, инсон ўзлиги, миллий ғурури, Ватанини янада чуқурроқ англай бошлади. Муста-

қил ва демократик Т.т. миллатни, мам-тни ҳалққа, жаҳонга танитиб, тенглар ичра тенг бўлиши орқали миллий ўзлигимизни қайта тиклаш. шунинг баробарида уни ҳар қандай хуруж ва «оммавий мад-т» кўринишидан асраб-авайлашга хизмат қилмоқда. Эркинлик ва демократия, сўз ва иш бирлиги жаҳонда кечаётган глобаллашув ва модернизациялаш жараёни б-н уйғунликда Т.т.да ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, давлат ва жам-т қурилишида янгича Т.т. намоён бўлмоқда. Т.т. фал., мантиқ ва психология фанларида ҳозиргача тўлиқ ўрганмаган т.лар қаторига киради. Т.т. одатда воқеликни идрок этиш ва унга нисбатан ўз мун-тини ифода этишга тўла рационал (ақлга, мантиққа асосланган) ва иррационал (ақл ва мантиқ доирасидан чиқадиган, уларга зид ёки ботиний ишончга, ғайришуурий, мистик омилларга таянадиган) бўлади.

ТАШАББУС — бирор ишни бошлаш, даъват этиш б-н боғлиқ хатти-ҳаракат, ғайратни англатувчи т. Инсон маълум бир мақсадларга интилиш б-н ҳаёт кечирар экан, турли шароитларда иш олиб боради. Ана шундай шароитларда кўзланган мақсадни англаб этиш ва унга эришишнинг илғор йўллари топишга интилиш Т.ни келтириб чиқаради. Маън-й н.назардан Т. инсон дунёқарашининг тетиклиги, соғломлигини, қийинчиликларни энгиб ўтишга қодирлигини ифодалаб, ҳаётга қўтаринки руҳ ва ижобий кайфиятда мун-тда бўлишни англатади. Т. ҳар бир инсонга, гуруҳга, миллат ва халққа тегишли бўлиши, расмий, норасмий, объектив ва субъектив, яширин ва очиқ, функционал ва нофункционал, наз-й ва амалий, ижобий ёки салбий каби кўринишларда рўй бериши мумкин. Т.нинг инсон маъ-ятига таъсири одамларни хайрли ва эзгу ишларга сарфарбар қилиш, уюштириш хус-ятида яққол кўзга ташланади.

ТАШАББУСКОРЛИК — фаолият жараёнида бирор ишни бошлаш, даъват этиш. ижодий ёндашишда намоён бўладиган шахс хус-ятини англатувчи т. Т. белгиланган мақсад ёки иш, ҳаракатни

амалга оширишда ўзига хос услубдан фойдаланиш ва уни шу мақсад ёки ишга алоқадор барча кишилар томонидан қўллаб-қувватланишига эришишни ҳам ифодалайди. Т. касбга, соҳага, индивидуал ёки ижт-й масала кабиларга қаратилган бўлиши. моддий, маън-й, ҳуқуқий, сиёсий, иқт-й, мад-й ва ҳ.к. мақсадларни ифодалаши мумкин. Ёшлар маъ-ятида Т.ни шакллантириш замон талабидир. Бу соҳадаги адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, мас., бола шахсининг Т.и, ижодий имкониятлари юқори бўлиши бир-бири б-н узвий алоқадор бўлган бир қатор омилларга боғлиқ. Бола ирсияти, асаб тизими, темпераменти ва билиш жараёнлари хус-ятлари б-н бирга, унинг шахси шаклланаётган ижт-й психологик муҳит хус-ятлари, атрофдаги кишиларнинг (оила, синфдошлар, педагоглар ва б.) интеллектуал даражаси, таълим-тарбия жараёни ижодий қобилиятларнинг рившига қай даражада мувофиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мутахассислар фикрича, оилада болага меҳрли мун-т, уларда ижодий иқтидор ва тафаккурни ривожлантириш ижодий, мустақил фикрлаш қобилияти ва Т.нинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим-тарбия жараёнининг ёшларда Т.ни ривожлантиришга мос бўлиши барча таълим муассаларида (боғча, мактаб, лицей, коллеж, университет) таълим берувчи ва таълим олувчилар мун-тларини демократлаштириш, ўқитувчининг мавқеига нисбатан қарашни, таълим шакли, маъмуни ва технологияларига янгича, яъни инновацион ёндашувни жорий қилишни тақозо этади. Бундай янгича ёндашув, энг аввало, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги маън-й мун-тни тубдан ўзгартиришни талаб этади. Кўп ҳолларда, мактаблардаги жараёнларда ўқитувчи ҳукмрон бўлиб, улар ўзларини асосан билим, маълумот узатувчи ва ёшларнинг хулқ-атвори бўйича ўз фикрлари, маслаҳатлари, кўрсатмаларини билдирувчи сифатида тутадилар. Бундай ҳолат таълим олувчиларда ижодий, эркин фикрлаш қобилиятини, Т.ни ривожлантиришга эмас, балки тайёр билимлар захирасини пассив ўзлаштириш, мажбурий итоаткорликни

шакллантиришга мосдир. Таълим шакллари ва анъанавий таълим технологиялари асосан ўқитувчи фаоллигига таянади. Бугунги кунда жорий қилинаётган таълимга янгича ёндашув, инновацион таълим технологиялари кўпроқ таълим олувчилар фаоллигига асосланади, уларда мустақил ўрганиш эҳтиёжи ва кўникмаларини шакллантиради.

ТАШКИЛИЙ МАДАНИЯТ — муайян ташкилот, жамоа, ишчи гуруҳ орасида иш фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш мад-тини ифодаловчи т. Бу борада “ишлаб чиқариш мад-ти”, “тадбиркорлик мад-ти”, “ташкилотнинг ички мад-ти” сингари атамалардан фойдаланилмоқда. Т.м. т.си ХХ а.нинг 2-ярмидан бошлаб қўллана бошланди. Лекин бу мазкур мад-тнинг ХХ а. ўрталарида пайдо бўлганини англамайди. Моддий ва маън-й ишлаб чиқариш вужудга келибдики, Т.м. элементлари мавжуд бўлган. “Т.м.” т.си жуда мураккаб ва кўп қиррали т.дир. У жуда кўп ўзаро узвий боғланган, бир-бирини тўлдирадиган ва ташкилотнинг фаолият юритиши учун асос бўладиган ҳодисаларни қамраб олади. Т.м. мазкур ташкилот аъзолари томонидан эътироф этиладиган қарашлар, ғоялар ва қадриятларнинг йиғиндисидан иборат. Ҳоз. кунда Т.м. негизини қадриятлар ташкил этади, деган қараш кенг тарқалган. Қадриятлар ташкилот аъзоларининг хулқ-атвори, мотивация даражаси, фаоллигини белгилайдиган ҳодисадир. Баъзан Т.м. деганда, ташқи белгилар — махсус иш кийими, ташкилот тимсоли кабиларга эътибор қаратилади. Аслида эса бу белгилар Т.м.нинг фақатгина ташқи жиҳатларини ифодалайди, холос. Т.м. т.си дастлаб XIX а.нинг охиридан қўлланилган. Немис генерал-фельдмаршали Хелмут фон Молтке армияни муайян тамойил асосида ташкил этиш зарурлигини асослаш учун Т.м. атамасини қўллади. Кейинчалик бу атама sanoatchilar томонидан ҳам қўллана бошланди. Турли ташкилотларнинг вакиллари ўзига хос кийимлари, белгилари, тимсолларига эга бўлган ҳоллар кўп учрайди. Мас., ҳоз. кунгача Оксфорд ва

Кембриж университетларининг талабалари муайян рангдаги галстук тақишади, Гарту университетининг талабалари эса ўзига хос бош кийим кийиб юришади. Т.м. асосий белгиларига қараб турлича тасниф қилинади. Ҳоз. кунда Ф. Харрис ва Р. Моран таснифлари кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда. Бу олимлар Т.м.ни ўнта асосий сифатига қараб таснифлашади: 1. Ташкилотдаги ўз ўрни ва ролини англаш (баъзи мад-тларда вазминлик, ўзини тута билиш, ўзининг ички кайфияти ва муаммоларини сиртга чиқармаслик рағбатлантирилса, бошқаларида очиқлик, ҳис-туйғуларни очиқ намоён қилиш сингари ҳолатлар маъқулланади). 2. Коммуникация тизими ва мулоқот тили (оғзаки, ёзма, новербал коммуникациялар, «телефон ҳуқуқи»дан фойдаланиш турли ташкилотларда турлича намоён бўлади; турли соҳалар, турли ҳудуддаги ташкилотларнинг касбий жаргонлари, имо-ишора тили, аббревиатуралари ўзига хос кўриниш ва хус-ятларга эга бўлади). 3. Ташқи кўриниш, кийим-кечак ва ўзини ишда қандай ҳис қилиши (униформалар, иш услублари, косметика ва тақинчоқлардан фойдаланишнинг турли-туманлиги турлича микромад-тлар мавжудлигидан далолат беради). 4. Овқатланиш, дам олиш б-н боғлиқ бўлган расм-русум ва анъаналар (ташкилот ходимларининг овқатланиши қандай ташкил этилгани, ташкилот ходимлар овқатланишига маблағ ажратиши ёки ажратмаслиги, турли ташкилий мавқега эга бўлган ходимларнинг биргаликда ёки алоҳида овқатланиши ва ҳ.к.). 5. Вақтга мун-т, уни англаш ва ундан фойдаланиш (вақтдан унумли фойдаланиш ёки уни бекор ўтказиш, ташкилот фаолиятидаги вақт кўрсаткичларига бўйсунуш ёки уни мунтазам равишда бузиш). 6. Ходимлар ўртасидаги ўзаро мун-тлар (шахслараро мун-тларга ёш, жинс, миллат, мавқе, маълумот даражаси, тажриба, билимлар ҳажми ва б.нинг тасир қилиши; шахслараро мун-тларнинг расмийлашиш даражаси, низоларни ҳал қилишнинг қабул қилинган шакллари). 7. Қадриятлар ва меъёрлар (қадриятлар яхши ва ёмон нарсалар тўғрисидаги тасаввур-

лар йиғиндиси бўлса, меъёрлар муайян шароитда ўзини қандай тутишга доир қоидалар йиғиндиси). 8. Дунёқараш (эътиқод мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, адолат, муваффақият, ўз кучи ва раҳбариятга ишонч, ўзаро ёрдамга мун-т, ёмонликнинг жазоланиши ва яхшиликнинг қарор топишига ишониш ва ҳ.к.). 9. Ходимнинг рив-ши ва ўзини намоён этишига шароит яратилиши (топшириқни чуқур англамасдан бажариш ёки унга онгли мун-тда бўлиш, ақл ёки кучга таяниш, ташкилотда ахборотнинг эркин ёки чекланган ҳолда айланиб юриши, ижодий вазият ёки қатъий тартиб ўрнатилгани ва б.). 10. Меҳнат этикаси ва мотивация (ишга қадрият ёки мажбурият сифатида қараш, ўз меҳнати натижаларига бефарқлик ёки масъулиятлилиқ, меҳнат фаолиятининг сифат хус-ятлари, ходимнинг умумий натижадаги улушига қараб тақдирланишида адолатлилиқ ёки адолатсизлик; ташкилотда ходимнинг касбий ўсишини режалаштиришнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги). Т.м.нинг муҳим элементларидан бири ишга янги қабул қилинган ходимларга мун-тда намоён бўлади. Аввало, янги ходимларни Т.м. элементлари б-н таништириш, шу мад-тга мослаштириш, бошқа ходимлар б-н ўзаро мун-тда қандай қоида ва меъёрларга амал қилинишини ўргатиш лозим. Янги ходимларнинг Т.м.га мослашиш даври уларнинг шу корхонадаги фаолиятида энг мураккаб давр ҳисобланади. Шу б-н бирга, янги келган ходим ўзи б-н бирга аввал ишлаган корхоналаридаги Т.м. элементларини ҳам олиб келади. Ана шундай элементлар ва б. таъсирлар натижасида Т.м. ўзгариб, ривожланиб боради.

ТАШҚИ КЎРИНИШ — инсоннинг ким ва қандай эканлиги ҳақида дастлабки маълумот берувчи, унинг турмуш тарзи ва ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ташқи ҳолати. Аксарият ҳолларда инсоннинг ташқи гўзаллигига нисбатан юзаки мун-т билдирилади; ташқи гўзаллик шахснинг чинакам ўзлигини намоён қилишига тўсқинлик қилувчи, ўтқинчи

ҳодиса сифатида қаралади. Ҳоз. давр бундай фикрларни қисман рад этади. Чунки, инсоннинг ташқи гўзаллиги нафақат ўзига, балки бошқаларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, Т.к.: 1. Одамнинг ўтаётган кунини сермазмун ва хайрли қилади, кайфиятини кўтаради. 2. Инсоннинг ҳаётдан баҳраманд бўлиш онларини ширин қилади ва унга завқ бағишлайди. 3. Одамни очиқ кўнгилли, сертакаллуф ва олижаноб этади. 4. Инсоннинг ҳурматини оширади ва унинг келажакини белгилайди. Инсон ўзининг Т.к.ига кўпроқ эътибор қаратади. Бу, одатда, чиройли кийиниш, ўзига оро бериш орқали намоён бўлади. Инсоннинг бундай интилишлари унинг ўз хоҳиш-истаги ва ихтиёри б-н амалга ошириладигани боис объектив ёки субъектив таъсирлар бу фаолиятга кескин қаршилик қила олмайди. Мода ҳам аслида инсоннинг ўз Т.к.ини такомиллаштириш зарурати натижасида юзга келади, дейиш мумкин. Инсоннинг муомала одоби унинг Т.к.и учун устувор бўлмаса-да, лекин уни бир қадар юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам Т.к.да меъёр асосий ўринни эгалламоғи лозим. Ташқи гўзалликни такомиллаштириш ботиний гўзалликни поймол этиш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак. Акс ҳолда, Т.к.ни такомиллаштиришга нисбатан бундай ёндашув инсон гўзаллигининг мукаммаллашувига салбий таъсир кўрсатади. Ҳоз. пайтда Т.к.ни такомиллаштиришнинг биологик ва тиббий воситалари мавжуд. Ш-дек, дунёнинг тараққий этган мам-тларида кўплаб эстетик марказлар ташкил этилган бўлиб, бу марказлар Т.к. борасида амалий аҳамиятга доир тадбирлар ишлаб чиқиб, Т.к.нинг анъанавий усулларини замон талаблари б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

ТАЪМАГИР(ЛИК) — манфаатпарастликнинг кўриниши бўлиб, бутун хатти-ҳаракатини шахсий манфаат олишга қаратган шахснинг хулқ-атворини таърифлайдиган салбий маън-й сифат. Ушбу т.лар хирс, очкўзлик маъноларини ҳам

билдиради. Ўзб. тилида бу сўзнинг маъноси бировдан бирор нарса ундириб қолиш, ўзиники қилиб олишни, шу мақсад илинжида амалга оширилган хатти-ҳаракатларни ифодалайди. Т. қилиш – бировдан бирор нарса ундиришга умидланиш, шунга интилиш, кўз тутишни англатса, ижт-й мун-тларда бу сўз маъноси янада кенгайиб, моддий манфаат кўриш, очкўзлик, мол-дунё орттириш йўлидаги ғаразли ниятлар б-н боғлиқ хатти-ҳаракатларни ҳам билдиради. Шу тариқа, Т. эндиликда киши хулқ-атворидаги энг жирканч ва нафратга лойиқ ҳолатларни ифода қилувчи, бировдан бирор нима ундиришга ружу қўйган, шахсий бойлик орттиришга муккасидан кетган бешафқат, золим кишиларнинг кирдикорларини англатувчи сўзга айланди. Бировнинг молидан Т. қилиш энг ёмон иллатдир. Алишер Навоий “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида Т. ҳақида шундай ёзади: “Тамаъ мазаллатға далил ва ғаний томеъ хору залил... тамаъ аҳли лаим, Хорлиғлар боши тамаъ билгил, доимо азза ман қанаъ билгил.” Яъни, Т. тубанликка далил, бойиган Т. одам хор ва пасткаш, хасис кимса, хорликлар Т.дан бошланади, қаноат қилган азиздир. Т. замон ўзгариши, давр тараққий этиши б-н янги-янги кўринишларда ўзини намоён этиб келаётганини кўриш мумкин. Бировнинг ҳалол тер тўкиб, меҳнат б-н топган мол-давлатидан улуш олишга интилиш – одамнинг жам-тдаги обрў-эътиборини туширадиган, худбинлигини ошкор қиладиган ҳолат эканлигини мам-тимиз Президенти ўз чиқишларида, нутқларида кўп маротаба такрорлаганлар. Бинобарин, Т. шахсни фаровонликка тўғаноқ бўладиган пасткаш, тубан, қаноатсиз кимсалар қаторига киритиш мумкин. Ҳатто, ҳуқуқ фанида жиноят мотивларидан бири сифатида тилга олинадиган бу иллатни намоён этган шахслар ЎзР ЖКнинг 56-моддаси «к» бандида ғаразли ва б. тубан ниятларда жиноят содир этиши, бу эса жазони аниқлаштирувчи ҳолат экани белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, бировнинг молидан Т. қилиш кундалик ҳаётда шахс намоён қиладиган энг ёмон иллатлардан ҳисоб-

ланади. Чунки бу хил иллатга гирифтор бўлган шахслар жам-т тар-ётига ғов бўлибгина қолмай, давлат ишига, ўз лавозимига иснод келтириши шубҳасиздир.

ТАҚВО — ислом маъ-ятининг таркибий қисми, Аллоҳдан кўрқиш, ёмон нарсалардан сақланишни англатувчи т. Шундай фазилат эгалари Т.дор ҳисобланадилар. Ҳадисда айтилишича: «Аллоҳдан кўрқишлик — ҳамма ҳикматнинг боши». Аллоҳдан кўрқувчи, унга итоат этувчи банда оилада ҳам, жам-тда ҳам ҳалол яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратда жавоб беришини ўйлаб, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмайди, деб қаралади.

ТАҚДИР, қисмат (араб. олдиндан белгиланган ҳаёт йўли) — инсон ҳаёти ва фаолиятини ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни якка-ягона яратувчи амрига боғловчи диний тасаввур. У исломнинг суннийлик ва шиалик мазҳабларида расман эътироф этилган. Т. ислом ва христианликда яратувчи худонинг ўзига хос қудрати сифатида намоён бўлади. Исломдаги Т. (“тақдири азал”) каломда кенг талқин этилган. Калом таълимотининг асосчиси ал-Ашъарий “Т.и азал”ни инсон ирода эркинлиги б-н келиштиришга ҳаракат қилган. Фал.да Т. т.си асосида фатализм оқими шаклланган.

ТАҚЛИД — бошқаларнинг хулқига эргашиш ёки уларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳислатлари, нутқ хус-ятларини маълум даражада ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда такрорлашдан иборат хулқ шаклини англатувчи т. Т.нинг физиологик асоси “Т. рефлeksi” бўлиб, унинг ёрдамида болаликдан бошлаб мураккаб индивидуал ва ижт-й хулқ таркиб топади ҳамда ҳосил қилинади.

ТАҲДИД — инсон, жам-т ва давлат ҳаёти ҳамда фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсадга йўналтирилган маҳаллий, худудий, минтақавий ва умумсайёравий салбий омилларнинг тажовузи туфайли аниқ макон ва замонда вужудга келадиган хавф-хатар шакли, муайян беқарор сиёсий-ижт-й ва

тарихий вазиятни ифодаловчи т. Ушбу т.нинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари ва хус-ятлари Президент Исом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида кўрсатиб берилган. Т.лар турли-туман: ички, ташқи, макон н.назаридан эса узоқ ва яқин бўлиши мумкин. Сўнгги йиллардаги воқеалар шундан гувоҳлик берадики, уларни иқт-й, ижт-й, сиёсий, экологик, демографик, маън-й, мафкуравий, ҳарбий, табиий-иқлимий Т.ларга ажратиб, таҳлил этиш мумкин. Ер юзининг турли минтақаларида содир бўлаётган, бутун инсониятга хавф солиб турган турли нохуш ҳодисаларни таҳлил қилган сари, уларнинг барчасида инсон омили бош сабабчи экани ойдинлашади. XXI а. бошидаги тарихий тажриба шундан далолат берадики, муайян давлат ва миллат хавфсизлиги, барқарорлиги, тар-ёти ҳамда истиқбол кўп жиҳатдан мазкур миллатга хавф солаётган хавф-хатар ва Т.ларни англаб этиш салоҳияти ва қобилияти даражасига боғлиқдир. Т.га нисбатан бефарқлик, лоқайдлик оқибатида таназзулга учраган давлатлар ҳам бўлган. Аксинча, боқийликка дахлдор миллатлар ҳам борки, улар муваффақиятининг асосий омили бўлғуси Т.ни олдиндан сезиб, унга ўз вақтида жавоб қайтаргани б-н белгиланади. Т.ли ижт-й-сиёсий вазиятни вужудга келтирадиган турли хавф-хатарлар ҳамда уларни бартараф этиш муаммоси буюк ажодларимизнинг сиёсат илмига доир фикр ва хулосаларида ўз аксини топган. Т.ни юзага келтирадиган манбаларни илдиз отмасдан бартараф қилиш, унга нисбатан доимо огоҳ, хушёр бўлиш, ғофилликка йўл қўймаслик ҳақидаги фикрлар аллома ажодларимизнинг сиёсий тафаккурдан кенг ўрин олган муҳим жиҳатлардир. Бу борада мутафаккир Абу Наср Форобийнинг «Давлатни ақл-идрок б-н бошқариш — халқ бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир», деган ҳикматли фикрларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз (Форобий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. Т.,

1993.). Буюк ажодларимиз наздида, юртга бўладиган ички ва ташқи хавф-хатарларга нисбатан огоҳ бўлиш муҳим тамойил даражасига кўтарилган ҳамда уларнинг олдини олишнинг асосий шартларидан бири бўлган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида таъкидланганидек, «Беклик муқаддаслик ва покликни талаб этади. Ҳушёрлик, сергаклик у қўйган талаблар қаторининг бошида туради. Бек соғ, хушёр, сергак бўлиши лозим. Улар ғофил бўлса, бало ёндашади. Қайси бек хушёр бўлса, элини мустаҳкамлайди, ёв бўйнини янчиб, унинг устига балолар ёғдиради. Ёв бўйнини янчиб ташлашни истаган киши тунда ҳам, кундузи ҳам қулоғини соғ-хушёр тутиши лозим. Хушёрлик туфайлигина ёвни енгиш мумкин, ғофиллик беклик боғини бузади» (Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Т., Фан, 1971.). Жалолиддин Давоний эса, юрт хавфсизлигини асрашни давлат сиёсатининг бош йўналишига айлантириш ғоясини илгари суради. Улуғ ўтмишдошларимиз мам-тга бўладиган турли хавф-хатарларнинг ижт-й ҳодиса эканлигидан келиб чиқиб, салтанат бошлиқларини давлатнинг хавф-хатарга доимо жавоб беришга тайёрлигини уни идора этишдаги мукамаллик белгиси деб ҳисоблаб, Т.га нисбатан, давлат бошқаруви тизимида ялпи бохабарлик ҳолатини қарор топтириш масаласига катта эътибор берган (Ў.О. мутафаккирлари, алломалари. Т., Фан, 2001.). Жумладан, Амир Темур ўз салтанатини идора этишда барча воқеа-ҳодисалар, ижт-й-сиёсий жараёнлардан етарли даражада бохабар бўлиб туриш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Реал хавф-хатарларни олдиндан кўра билиш, унинг хавфлилик даражасини аниқлаш мақсадида Соҳибқирон мунтазам, узлуксиз ишлайдиган, ўз даври даражасидаги ахборот тизимини шакллантиришни бош вазифа қилиб қўйган. «Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мам-т аҳволи, сипоҳу раиятнинг кайфиятини, туриш-турмушини, қилмиш-қидирмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларини ёзиб менга билдириб туриш учун диёнатли, тўғри

қадамли кишилардан воқеанавислар белгиладим», дейилади «Темур тузуклари»-да (Темур тузуклари. Т., 1996.). Амир Темур мам-т ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам юз бераётган каттаю кичик воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар беришларини талаб қилган ва буни давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим чораси деб ҳисоблаган ҳамда салтанат барқарорлигига қаратилган чора-тадбирларни кўришда маблағни аямасликка даъват қилган. Буюк ажлодларимиз жам-тга нисбатан давр ўртага қўйган талаблар моҳиятини англаб етишга интилиб келган. Бунда Т.ли вазиятнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган ички омиллар таҳлили, чиқарилган хулосалар уларнинг фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, давлат сиёсатидаги соғлом фикрлилик, унинг давр муддаоси б-н ҳамнафас бўлишига доир масалага ҳам эътибор берилган. Бунда салтанат раҳбари томонидан ўз зиммасига юкланган бурч ва масъулиятни чуқур англаш, раият тинчлиги, омонлигини сақлаш учун мураккаб жараёнлар тизгинини қўлдан бермасликка интилиш, давлат раҳбарининг бутун фикру зикри жам-тда тинчлик ва осойишталикни сақлашга хизмат қиладиган воситаларни излаб топишга қаратилмоғи керак, деган хулосага келинган. Маълумки, жаҳонда вужудга келган мураккаб вазият туфайли ҳоз. даврнинг маън-й-мафкуравий Т.лари тузилиши янада кенгайтиб кетди. Замоनावий мафкуравий Т. омили сиёсий, иқт-й, ижт-й, мад-й ва маън-й соҳаларни, яъни кишилик жам-ти ҳамда ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Айни пайтда маън-й-мафкуравий Т. орқали кўзланган мақсадларга эришишда маъ-ят омилдан асосий механизм сифатида фойдаланилмоқда. Мазкур ҳолат маън-й таҳдидларга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун кўплаб наз-й муаммоларни ҳал қилишни ҳам ниҳоятда долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Бу масалага “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида алоҳида эътибор қаратилган. Маън-й Т. ўз моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, инсон онги, тафаккури ва хулқ-атворида хавф-хатар солмоқда. Инсон онги ва қал-

бини вайронкор ва бузғунчи ғоялар б-н издан чиқаришга ҳаракат қилиш унинг энг асосий мазмун-моҳиятини белгилайди. Мафкуравий Т. эса муайян жам-т аъзоларини ягона мақсад ва муддаолардан чалғитиб, миллий менталитетга мос келмайдиган бегона ғоя, фикр, мақсад ва қарашларни четдан туриб экспорт қилиш жараёнида ўзини янада аниқроқ намоён қилади. Мафкуравий Т.нинг ўта хавфли жиҳати шундан иборатки, у биринчи навбатда, жам-тнинг маън-й соҳасини барбод қилишга йўналтирилган. Чунки айнан маън-й соҳа ҳар қандай жам-тнинг мавжудлиги, яшовчанлигини таъминлайдиган асосий ўзак ҳисобланади. Бугун маън-й-мафкуравий Т.ларнинг турли хил усул ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Киши ҳаёлига келмайдиган оддий гугурт қутисидан тортиб, устимиздаги кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кинофильмларнинг ҳар бирида муайян тарзда катта ёки кичик бўлса-да, маън-й-мафкуравий Т. мавжуд. Бунинг хатарли томони шундаки, маън-й-мафкуравий Т. тарғиботчилари ўз мақсадлари йўлида жуда катта миқдорда маблағ сарфлашмоқда. Мас., бугун АҚШда таълим соҳасига нисбатан рекламага 1,5 марта кўп маблағ сарфланмоқда. Маълумки, ҳар қандай миллатнинг, жам-тнинг инқирозга юз тутишига, биринчи навбатда, маъ-ят омилнинг сусайиши сабаб бўлади. Зеро, И.А.Каримов томонидан такрор ва такрор таъкидланганидек, бирон-бир жам-т маън-й имкониятларини, одамлар онгида маън-й ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Демак, бугунги кундаги маън-й Т. табиий равишда жам-т учун «маън-й хавфсизлик» муаммосини келтириб чиқарди. Жумладан, бизнинг жам-тимиз учун ҳам ушбу масала ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳоз. вақтда турли тоифадаги душманларимизнинг маъ-ятимизга нисбатан хуружи қўидаги кўринишларда юз бермоқда: экстремистик руҳдаги диний ғояларни тиқштиришга интилиш; миллий тар-ёт моделига аҳоли ўртасида ишончсизлик уйғотиш; демократия қад-

риятлари ва демократик тар-ёт имкониятларига нисбатан шубҳа б-н қараш ҳолатини вужудга келтириш; одамлар онгини эзгу ғоялардан чалғитиш; Фарбга хос бўлган дунёқараш ва хулқ-атвор нормаларини тиқиштиришга ҳаракат қилиш; жамоапарварлик, ижт-й ҳамкорлик руҳини инкор этиб, индивидуализм ғояларини сунъий равишда тиқиштириш; хаёлий фаровон турмуш тарзини ваъда қилиш; жам-тний фикрсизликка ундаш; жам-т аъзолари, айниқса, ёшлар тафаккурида миллий қадриятларга содиқлик туйғуларини заифлаштириш, халқимиз урф-олари, миллий менталитетига бегона одатларни киритишга интилиш. Фаразли мақсадларни қўзловчи сиёсий кучлар мафкуравий хуружларни амалга оширишда энг замонавий ахборот тармоқлари, санъат, адабиёт, реклама, ОАВдан иборат яхлит бир тизимдан фойдаланмоқда. Шу боис жам-тимизда маън-й хавфсизликни таъминлаш масаласига кенг қамровли, сифат жиҳатидан бутунлай янги асосларда ёндашиш давримизнинг энг асосий муддаосини ташкил этади. Чунки ўз маън-й хавфсизлигини таъминлай олган жам-тнинггина умри боқий бўлади. Хавфсизликни таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Маън-й хавфсизликни таъминлашда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ: миллий маън-й қадриятларни асраб-авайлаш; ёшларни миллий руҳда тарбиялаш; хорижий санъат намуналарини мунтазам эксперт қилиб бориш; маън-й дахлсизлик масаласини қонунлаштириб қўйиш; инсон иродасини чиниқштириб бориш; тарғибот ишларини замонавийлаштириб бориш. Зеро, “маън-й хавфсизлик” т.си жам-т аъзоларининг миллий, инсоний ва шахсий туйғулари, қарашлари, турмуш-тарзи, қадриятлари ҳамда урф-оларини дахлсиз сақлашни англатади. Бугунги давр воқелиги ҳар бир масалада янги таъвоиллар асосида ҳам ёндашишни тақозо этмоқда. Муайян т., ғоя ёки таъвоилларни англаб олиш ишнинг бир қисми, холос. Шу маънода, маън-й Тларга қарши курашда амалий ишларга эътибор бериш асосий масаладир. Бунинг учун жам-т аъзоларида

маън-й иммунитетни ҳосил қилиш керак. Президент И.А. Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашимиз, истиқлол берган эрк ва озодликни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёда бўлаётган турли хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга бевосита боғлиқ, деган теран маъноли фикрни олға суради. Агар бу фикрни таҳлил қиладиган бўлсак, биринчидан, биз яшаб турган дунё мустақиллигимиз ва тар-ётимиз учун турли хил таҳликаларга тўлиб-тошганлигини англаб етиш қийин эмас. Иккинчидан, кўп жиҳатдан бизнинг хоҳиш-иродамизга бўйсунмайдиган ижт-й, умумжаҳон рив-ш жараёнлари мам-тимиз фуқаролари олдига ғоят масъулиятли талаблар қўяётгани боис, турли Тларнинг олдини олиш ва барқарорликка эришиш йўлидаги чоратадбирларни амалга ошириш ҳар биримизнинг маън-й оламимизга боғлиқ экани тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўламиз. Демак, халқаро ахборотлашув мам-тлар ўртасидаги алоқаларни тезлаштириш б-н бир қаторда, афсуски, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликка нисбатан янги Тларни вужудга келтирмоқда. Мазкур Тлар олимларнинг Халқаро Федерацияси томонидан ХХІ а.даги инсониятга нисбатан бўлган энг етакчи хавф-хатар омили деб эътироф қилиниши ҳам бежиз эмас. Хулоса шундан иборатки, халқаро хавфсизлик ҳам, алоҳида олинган мам-тларнинг тинчлиги ҳам Т.бардош жам-т яратишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Жам-тнинг ахборот хавфсизлиги, ўз навбатида, тўғридан-тўғри турли Тларнинг олдини олиш, уларга қарши иммунитет ҳосил қилишни англатади. Мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни асрашга алоҳида эътибор бериш ҳар биримиз учун долзарб масала эканини англаб олиш лозим.

ТЕКИНХЎРЛИК — меҳнат қилмай еб-ичиш, кун кўриш, танбаллик, бировларнинг ҳисобига ҳаёт кечиришни англатувчи маън-й иллат. Т. “ишқўмаслик”,

“дангасалик” сўзларига маънодош, салбий маънога эга бўлган т. ҳисобланади. Инсон ҳеч қандай меҳнат қилмасдан, бировларнинг ҳисобига яшаб, кун кўрса, бу унинг худбинлиги аломатидир. Халқимизда тўрт мучаси соғ одам кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлса, кимнингдир сояси остида ундан умидвор бўлиб яшаса, “уят” иш, яъни Т. деб ҳисобланади. Чунки соғлом инсон ўзи меҳнат қилиши ва ўз ризқини ўзи териб ейиши зарур. Т. ва қорин ғамида тобе ҳамда муте бўлиб яшаш хору зорликка олиб келади.

ТЕНГЛИК — кишиларнинг жам-тда тутган ўрни ва ҳаёт шароитларидан қатъи назар, маън-й-ахлоқий талаблар ҳаммага бир хил бўлишига асосланадиган маън-й-ахлоқий тамойилни ифодаловчи т., маъятнинг ижт-й-ҳуқуқий соҳадаги асосий тамойилларидан бири, жам-тдаги барча кишилар, қатлам, партия ва ш.к.нинг қонун олдидаги умумий масъулияти ва имкониятларининг бараварлигини англадиган т. Т. таъминланган жам-тда унинг барча аъзолари яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, мулкдор бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда ижт-й таъминот олиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларга эга бўлади. Т.нинг мантиқий маъноси айният б-н мос келади. Формал мантиқдаги айният қонунига кўра, агар фикрлар бир хил ҳажмга эга бўлса тенг фикрлардир, агар билдирилган фикрлар мазмун жиҳатидан ўзгармай қолса ҳам, тенг фикрлардир. Т. деганда, мам-тимиз халқларининг барча соҳалардаги амалий Т.и ҳам тушунилади. Т. йўқ жойда самимий дўстлик ҳам бўлмайди. Ҳаётда одамларнинг чин дўст бўлишлари учун, аввало, улар ўзларини бир-бирларига тенг ва муносиб кўришлари керак. Мустақкам дўстлик эса ҳам моддий, ҳам маън-й соҳалардаги Т. ва ўзаро мутаносиблик пойдеворига қурилади. Мустақилликни мустақкамлаш йўлида миллий мун-тлардаги амалий Т. масаласи ҳам катта аҳамиятга эга. Кичик миллатларга паст назар б-н қараш, улар-

га ишонмаслик ва уларни катта миллатларга муте қилиб қўйиш каби адолатсизликлар тенгсизлик кўринишларидир. Т. инсонларнинг бир жам-тда яшашлари жараёнида ўзаро бир-бирига тенг меҳр-муҳаббатли, раҳм-шафқатли, қадр-қимматини жойига қўйиш, ҳурмат-илтифот кўрсатиш, ор-номусини ҳимоя қилиш, нафсониятини поймол қилмаслик ва ш.к. барчага баравар тарзда инсоний, самимий муомала-мун-тлари б-н изоҳланади. Т.нинг тўлақонли, барқарор бўлиши инсонлар, миллатлар ўртасида тўла тенгҳуқуқлиликка эришишда ҳам ифодаланади. Т. бўлмаган жам-тда адолатсизлик ҳукм суради. Ҳар бир миллат а.лар давомида яратган миллий мад-тлари, қадриятлари орқали мам-тимизнинг маън-й бирлигини озиқлантиради. Чунки, миллий илдизга эга бўлган маъ-ятгина бошқа миллатларни бойитадиган мад-й озиқ беради. Ҳар бир халқда ўз миллий маъ-яти ва қадриятларини яхши биладиган, уларни адабиёт, санъат, фан, матбуот воситасида бошқа халқларга етказиб бера оладиган фозил одамлар бор. Ўз халқининг ноёб қадриятлари, маън-й меросини эъзозлаб, бошқа халқларга ҳам етказиб бера оладиган бундай фозил кишилар миллатларнинг ўзаро яқинлашувига, улар ўртасидаги маън-й Т.нинг мустақкамланиши ва давомийлигини таъминлашга хизмат қилади. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, миллат, элат бор экан, унинг шаъни ва шавкатини ҳимоя қилиш, шу жараёнда жаҳон ҳамжам-тида ҳар бир миллат ўз муносиб ўрнига эга бўлиши учун курашувчи фидойи инсонлар майдонга чиқади. Бундай инсонларнинг саъй-ҳаракати, жасорати туфайли миллат ўз мустақиллигига эга бўлиб, тенглар ичида тенг яшаш имкониятини қўлга киритади. Т. бўлмаган жойда инсоннинг ноҳақ кулфат чекиши, бадном бўлиши, соғлигини йўқотиши, оила аъзоларининг беҳисоб машаққатларга дучор бўлиши, адолатга ишончининг сўниши, руҳий тушкунликка, келажақдан умидсизланиш каби изтиробли ҳолатларнинг юзага келиши шубҳасиздир. Оилада ота-она фарзандларининг барчасига моддий ва

маън-й жиҳатдан тенг муомала-мун-тда бўлмаслиги охир-оқибат фарзандлар ўрта-сида аҳиллик. оилада эса тинчлик, осойишталикнинг бузилишига олиб келади. Ота-она фарзандларининг тарбияси жараёнида уларнинг ҳаммасига барабар-тенг тарзда маън-й-руҳий озуқа, яъни меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, ҳамдардлик кўрсатишлари, уларни тушунишга ҳаракат қилишлари ҳам тўғри тарбиялаш мезонларига киради. Жамоада раҳбарнинг ходимларга нисбатан Т. мун-ти уларнинг моддий ва маън-й тенг ҳуқуқлиликлари-ни таъминлаши, барчага тенг иш шароитлари яратиши, ошна-оғайнигарчилик б-н ўзига яқин одамларга алоҳида эътибор қаратмасдан, балки барчага барабар инсоний муомала қилиши, касб ахлоқи, жам-тда қабул қилинган қонунлар ва адолат устуворлигига риоя этишида намоён бўлади. Қуръони каримда шундай баён қилинган: «Ким бирон ёмонлик қилса, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробарида жазо берилиши аниқдир. Ва эркакми, аёлми ким мўмин бўлгани ҳолида бирон яхшилик қилса, ана ўшалар жаннатга дохил бўлувлар (ва) у жойда уларга беҳисоб ризқ берилур». Яхши амаллар қилган инсонга кўрсатиладиган марҳаматлар, моддий ва маън-й рағбатлар, ҳадялар, албатта, ёмон амаллар қилган инсонга раво кўрилмаслиги – бу Т.нинг бузилиши ҳисобланмайди. Зеро, ёмон амаллар қилгувчи киши б-н яхшиликлар қилгувчи кишига бир хилда марҳамат кўрсатилмаслиги адолатдандир.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” — Амир Темурга нисбат бериладиган, халқимизга хос кўплаб маън-й тамойиллар акс этган тарихий-сиёсий рисола. Ушбу рисола XIV–XV а.лар тарихига оид қимматли манба бўлиб, унда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни мўғуллардан халос қилиши, ҳокимиятни қўлга киритиши, мустақил ва марказлашган давлат тузиши ҳамда Соҳибқирон олиб борган ижт-й-сиёсий ва мад-й фаолият ҳақида сўз юритилади. Мазкур асарга Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида

катта баҳо берилган, унинг бугунги кун учун аҳамияти алоҳида таъкидланган. “Т.т.” она тилимизда ёзилган. кейинчалик бошқа тилларга, хус-н. форс тилига ўтирилган, яна бошқа кўп тилларга, хус-н. француз, инглиз, урду ва рус тилларига таржима қилинган. Унинг нусхалари жаҳоннинг кўпгина кутубхоналарида сақланади. “Т.т.”нинг тўлиқ таржимасини машҳур олим А.Соғуний ва шарқшунос олим Ҳ.Кароматов амалга оширганлар. Уни мустақиллик даврида чоп этиш имкони яратилди. “Т.т.” икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда салтанатни қўлга киритиш учун олиб борган курашлари ва бу борада ўз яқинлари б-н ўтказган кенгашлари, амирлар б-н олиб борган музокаралари акс этган. “Т.т.”да буюк Соҳибқироннинг кучли марказлашган давлат тузиш ва миллий давлатчиликни тиклаш борасидаги фаолияти ҳақида муфассал сўз юритилади. “Т.т.”да ёзилишича, Амир Темур салтанатни бошқаришда 12 та қоидага асосланган. Давлатни бошқаришда у ислом дини ва шариатга, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларнинг ҳурматини жойига қўяди. Энг аввало, олим-фузалар, саййидлар, шайхлар ва фозилларга таянади, уларни ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи, деб билади. Булардан ташқари, “Т.т.”да маъ-ят, ахлоқ ва ҳуқуққа оид қимматли фикрлар баён қилинган. Унда дўстлик, вафодорлик, инсоф, адолат, иймон ва эътиқод, илм-маърифат, касб-ҳунар ва б. инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикр юритилади. Рисолада, айниқса, фуқароларнинг шариатга ва қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсунуши лозимлиги масаласига катта эътибор берилади. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳар бир вилоятда қозилар қонунларнинг тўла амал қилиниши, тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини қаттиқ назорат қилиб турганлар, тартиббузарларни жазолаганлар. “Т.т.”да юқоридагилардан ташқари, сипоҳийлар ва аскарларни сақлаш, уларга озиқ-овқат, маош тўлаш қоидаси, вазирлар ва улар-

нинг вазибалари, амирлар, сипоҳлар ва б.ни тақдирлаш тартиблари, уларнинг бир-бирига муомаласи, бошқа ижт-й-сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича муфассал маълумот берилади. Асардаги ушбу фикрлар ҳоз. даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, улардан давлат ва жам-т қурилишини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

ТЕОЛОГИЯ (лот. *theo* — худо, *logos* — таълимот) — Худо тўғрисидаги фан, таълимот. Худо, унинг сифатлари. белги ва хус-ятлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаш ва ҳимоя қилиш тизими. Т.га муайян дин томонидан белгиланган ақидаларнинг ҳақиқатлигини исботлаш б-н бирга, диндорларнинг ҳаёт тарзи ва меъёрлари мажмуи ҳам киради. Ўрта а.ларда Т. мафкура сифатида давлат ва жам-тни бошқариш ишларида иштирок этган, ш.саб. давлат бошқарувининг теократия шакли ҳам вужудга келган. Т. ўрта а.мад-тининг барча турларини, илм-фан, фал. ҳамда ахлоқни ўзида мужассамлаштирган ягона тизим шаклида намоён бўлади. Т.ни теософия фани ҳам ўрғанади. Унга кўра, барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти уларнинг танасини бошқариб турувчи илоҳий жон, руҳнинг фаолияти б-н боғлиқ. Инсон ўзининг юксак заковати ёрдамида аслида ўзининг илоҳий жон эканини, шу жон б-н табиати бир бўлган Худонинг табиатини англаб етиш имкониятига эга бўлган. Худо — ўзининг қуввати б-н бутун борлиқда мавжуд бўлган энг кичик тирик заррачанинг ҳам, энг катта тирик мавжудотнинг ҳам ичида алоҳида мавжуд бўла оладиган, айни пайтда бутун борлиқни назорат қилиб бошқариб турадиган, чексиз қудратга эга бўлган Олий Руҳдир. Жон эса Худо қувватининг ажралмас бўлаги ҳисобланган руҳдир. Алоҳида руҳнинг мавжуд эмаслигига қараб, борлиқ тирик ёки ўлик, жонли ёки жонсиз мавжудотларга бўлинади. Т. илмига асосан, Худо — ягона мутлақ манба; унинг табиати уч турли кўринишда намоён бўлади: бутун борлиқ Худонинг ички ва ташқи қувватидан таркиб топган; бутун оламни ана шу икки қувватдан таркиб топган икки оламга бўлиш

мумкин: руҳий ва моддий. Худонинг ички қуввати олий, руҳий қувват, ташқи қуввати эса қуйи, моддий қуввати ҳисобланади. Руҳий қувват моддий қувватдан устун ва уни бошқариб туради. Руҳ ўз хоҳиши б-н руҳий оламда ёки моддий оламда яшаши мумкин. Руҳларнинг моддий оламни бошқариш фаолияти аралаш қувват, яъни руҳнинг моддий ҳаётидир. Руҳнинг моддий оламдаги, бир танадан иккинчи танага ўтиб, рив-ш фаолияти руҳнинг эволюцияси, деб аталади. Инсон тирик мавжудотлар ичида ривожланган онгга эга, ш.саб. руҳ ва модданинг бир-биридан фарқини англаб етишга қодир мавжудот. Инсонни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турувчи ягона хислати ўзининг руҳ эканини англаб етиши ва ҳаётда ана шу илми асосида яшай олиш қобилиятига эғалигидан иборат. Инсоният тарихида фақат инсонлар жам-тидагина мавжуд бўлган турли диний-фалъ таълимотлар замон, макон ва шароитга мос равишда асосан ана шу ягона таълимот, руҳ ва тананинг бир-биридан фарқ қилишини ўрғанади. Худди ш.у. ҳам жаҳоннинг бир қатор мам-глари ўқув юртларида дунёвий илмлар б-н бирга илоҳиёт ҳам ўқитилади. Ш-дек, жаҳоннинг баъзи мам-гларида, жумладан, Миср Араб Республикасида Ал-Азхар, Тунида Зайтуна, Ҳиндистонда Алигарх, Покистонда Панжоб, Туркияда Анқара диний университетлари фаолият кўрсатиб, Т. асосларини кенг тарғиб қилмоқда. Мустақилликдан сўнг Ўз-нда миллий маъ-ятимизнинг таркибий қисми бўлган ислом маъ-ятининг тикланиши натижасида Тошкентда Ислом Университети очилди. Бу илм даргоҳида ислом дини б-н бир қаторда барча дунёвий илмлар, хорижий тиллар, компьютер асослари ўргатилади.

ТЕРМИЗИЙ, Абу Исо Муҳаммад — мусулмон оламида машҳур олти муҳаддисдан бири. Машҳур олим ва тарихчи Абу Саад Абдулкарим ас-Самъоний «Ал-Ансоб» номли асарида ёзишича, Т. Буғ (ҳоз. Шеробод тумани хижрий 279 йил) қишлоғида вафот этганлиги учун унинг номига кейинчалик ал-Буғий тахаллуси

ҳам қўшилган. Алломанинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Болалигидан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги ва ноёб қобилияти б-н тенгқурларидан ажралиб турган Т. диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини эгаллаган. Бу борадаги ўз билимларини янада ошириш мақсадида кўпгина Шарқ мам-тларида бўлиб, турли алломалар билимидан баҳраманд бўлган. Ш мун-т б-н у узоқ йиллар Ироқ, Исфохон, Хуросон, Макка ва Мадина шаҳарларида яшаган. Кўп йиллар давом этган сафарлари чоғида Т. илм ал-қироат, илм ал-баён, фикҳ, тарих, айниқса, ҳадис илми бўйича ўз даврининг йирик олимлари — машҳур муҳаддислардан таълим олади. Унинг устозларидан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ҳайлон ва б. машҳур муҳаддисларни кўрсатиш мумкин. Т. қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. «Ал-Жомеъ», «Аш-Шамоил ан-набавия», «Алилал фил-ҳадис», «Рисола фи-хилоф вал-жадал», «Ат-тарих», «Китоб аз-зуҳд», «Китоб ул-асмо вал-куна» каби асарлар шулар жумласига киради. Т.нинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, «Ал-жомеъ» бўлиб, олтига ишончли ҳадислар тўпламларидан биридир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «Жомеъ ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» номи б-н ҳам аталиб, Пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манбалардан ҳисобланади. Т.нинг машҳур асарларидан яна бири «Аш-шамоил ан-набавия» бўлиб, баъзи манбаларда «Аш-шамоил ан-набий саллоллоҳу алайҳи вассаллам» номи б-н ҳам келтирилади. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу асар Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахеий ҳаётлари, у кишининг сурат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни қамраб олган манбадир. Шуни таъкидлаш керакки, Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш б-н жуда кўп муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги

ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин Т. асарининг афзаллиги шундаки, у ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга солган ва яқлит бир китоб ҳолига келтирган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётига доир муҳим манба сифатида «Аш-шамоил ан-набавий» азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. «Аш-шамоил ан-набавий»нинг XVI а.га оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Ўз-н Мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда. 1980 йилда Тошкентда мусулмонлар диний идораси буюртмаси б-н «Аш-шамоил ан-набавий»нинг ушбу қўлёзмаси офсет тариқасида нашр этилиб, унга Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон томонидан қисқача сўзбоши ёзилган. «Аш-шамоил ан-набавий» сўнгги йилларда ҳам Тошкентда бир неча бор нашр этилди. Бундан ташқари, алломанинг 1200 йиллик юбилеи (1990 йил) мун-ти б-н газета-журналларда асар ва унинг муаллифи ҳақида кўплаб мақолалар, ш-дек, мустақиллик йилларида алломанинг «Сунан ат-Термизий» асарининг биринчи жилди ўзб. тилида нашр этилди.

ТЕРРОРИЗМ (лот. *terror* — қўрқув, даҳшат) — юксак маън-й тамойилларга зид равишда ёвуз мақсадлар йўлида куч ишлатиб, одамларни гаровга олиш, ўлдириш, ижт-й объектларни портлатиш, халқни қўрқув ва ваҳимага солишга асосланган зўравонлик усулини англатувчи т. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш Т.га хосдир. У сиёсий, иқт-й, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий ва индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўторувчилик ва қотиллик Т.нинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хус-ят бўлиб, буларнинг барчаси инсонпарварлик ғоялари, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Ш.у. Т. қандай ниқоб остида амалга оширилмасин, моҳиятан, инсониятга, тар-ётга, эзгуликка қарши жиноятдир. Т.га ҳоз. кунда аниқ,

ҳамма учун тушунарли ва мукаммал таъриф бериш осон эмас. Чунки у ўта мураккаб феномендир. Бундан ташқари, террорчи кучларга бўлган турлича мун-т унга аниқ таъриф беришни ҳам қийинлаштирмоқда. Террор усулларидан консерватив, инқилобий, диний, миллатчи руҳдаги кучлар ҳам фойдаланиши мумкин, лекин уларнинг асосий моҳияти ва мақсад-муддаолари сиёсий тусга эгадир. Т.нинг умумий жиҳатлари ва асосий кўринишларини ўрганишда, авваламбор, унинг таърифини, нисбий бўлса ҳам, аниқлаштириб олиш керак. Т. муайян гуруҳнинг руҳсат этилмаган ҳолатда онгли равишда куч ишлатишидир. Бунда террорчилар аниқ мақсадни кўзлайди ва ўзини тўла ҳақ деб билади. Бундан шу нарса аниқ бўладики, террорчилардаги мавжуд куч мақсадни амалга оширишда ижт-й-сиёсий муҳит б-н бевосита алоқадорликда бўлади. Ш.у. бирон-бир сабабга асосланган ёвуз мақсад Т.га олиб боради. Т. кўп ҳолатларда кенг миқёсдаги ҳарбий кучлар б-н алоқадор бўлади ва бундай мисоллар тарихда бир неча бор кузатилган. Бундан ташқари, у баъзи давлатларнинг ўзи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда икки хил шаклда куч ишлатилади: жазо бериш органлари ёки ҳарбий кучлар томонидан. Бунда террор сиёсий мақсадларни амалга ошириш ёки аниқ бир режимни жорий қилиш учун амалга оширилади. «Т.» т.си ҳамиша террористик ҳаракатнинг тез суръатда амалга оширилишини билдиради. Бундай ҳодиса сиёсий, этник, диний ва б. кўринишларда намоён бўлади. Ғоявий Т. сиёсий етакчилар томонидан яратилади. Бунга расмий тор доирадаги истисно қилинган ички сабаблар кўрсатилади. Этник Т. субъекти ғоявий бўлмасдан, жам-тнинг миллий ва этник жиҳатлари б-н узвий боғлиқдир. Диний Т. муайян бир диний секта ёки гуруҳ таълимотининг жам-тда мутлақлаштирилиши оқибатида пайдо бўлади. Бунда ушбу ғоя тарафдорлари бошқалар фикри ва ғояларини кескин танқид остига олиб, рад этади ва ғоявий-мафкуравий парокандаликни келтириб чиқаради. Диний Т.нинг хатарли жиҳати

у қўллайдиган амалий чораларда кўринади. Чунки диний Т. тарафдорлари аксарият ҳолларда кўлида қурол ва баъзан ҳарбий гуруҳларга таяниб ҳаракат қилади. Бугунги кунда ядровий, биологик, бактериологик қуролларнинг террорчилар қўлига тушиб қолиши эҳтимоли энг катта хавфдир. Ҳоз. таҳликали замонда кишилар бошига мислсиз қулфат солаётган ва уларнинг ҳаёти, фарзандлари, мол-мулкига таҳдид қилаётган жиноий Т. кундан-кунга кучайиб бормоқда ва жаҳон ҳамжам-тида жиддий хавотир уйғотмоқда. Иқт-й манфаатларни кўзлайдиган ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган бу Т. коррупция каби катта жиноий тизим б-н узвий боғланиб кетган. Унда рақиблари ёки уларнинг яқинларини ўлдириш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз б-н кўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, мол-мулкни ўзлаштириб олиш йўлларида фойдаланилади. Бунинг яна бир томони — баъзан бу террор сиёсий, этник, баъзан эса диний характер касб этмоқда. Мана шундай вазиятда террорчиларнинг мақсади ҳокимиятни эгаллашга ҳам қаратилиб, пирамидасимон характерга эга бўлиб бормоқда. Индивидуал Т.нинг субъекти, бошқа Т. ҳаракатларидан фарқли ўлароқ, жамоа эмас, ягона шахсдир. Индивидуал террор ҳам ўта хавфли куч ҳисобланади, негаки у жам-тнинг бошқа аъзоларига таъсир қилиши ва бунинг оқибатида террорнинг оммавий турларини келтириб чиқариши мумкин. У ўз ғояларини синдириш орқали бошқаларни ҳам жам-тга қарши қўйиши мумкин. Кейинги йилларда ҳатто оммавий ахборот соҳасида ҳам Т. элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонлар тарқатаётган ахборотлардаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телеэкранлар орқали узлуксиз намоёиш этилаётган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчи ғоялар асосида яратилган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган вируслар тарқатиш шулар жумласидандир. Ўзининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни кўзлайдиган кучларнинг зўравонлиги

ва қўпоровчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Сиёсий Т. нафақат жинойтчи гуруҳлар, ҳатто баъзи тажовузкор руҳдаги расмий реакцион сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин. Чоризм империясининг колониал ва шовинистик сиёсати, совет империясининг ғоявий қатағонлари халқимизга қарши ўзига хос террор эди. Бугунги кунда ҳам мустақил рив-ш йўлидан бораётган мам-тимизга нисбатан ғараз ният б-н қаровчи ёвуз кучлар Т. йўли б-н тар-ёт йўлимиздан чалғитишга, бизни яна қарамлик ва асоратга солишга уринмоқда. Улар ватанфуруш хоинлардан ҳам, Т.ни касб қилиб олган, буюртма бўйича қўпоровчилик ва босқинчилик б-н шуғулланадиган ёлланма халқаро террорчи, жинойтчи гуруҳлардан ҳам фойдаланмоқда. Бугун жаҳон ҳамжам-ти бу балоқазоларнинг ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Президент Ислон Қаримов бу борада шундай деган эди: **“Мен маданият ва маърифат дунёни жаҳолат ва ваҳшийликдан, диний ва миллий экстремизмдан, этник қарама-қаршилик, минтақавий можаро ва урушлардан сақлай олишига ишонаман”**. Т.га қарши кураш ҳоз. даврда муҳим вазифа, тинчлик ва барқарорликни сақлаш омилига айланди.

ТЕХНОКРАТИЯ (юн. техника ҳукронлиги, ҳокимияти) — 1) техник ходимлар ва мутахассисларнинг сиёсий ҳокимияти зарурлигини тан олувчи социологик концепция; 2) XX а.нинг 30-йилларида АҚШдаги ижт-й ҳаракатнинг номланиши. Т. наз-яси дастлаб Веблен томонидан қўлланган. У “Технологик детерминизмга” эътиборни қаратган ҳолда, техник мутахассисларни ишлаб чиқариш ва ижт-й тар-ётга содиқ хизмат қилувчилар, деб билган. Бунинг учун улар бирлашиб, мам-т саноат ишлаб чиқаришида муҳим бошқарув лавозимларини эгаллаши кераклигини эътироф этган. А.Берл, А.Фриш кабилар Т. концепциясининг янада рив-шига ҳисса қўшганлар. Айниқса, Ж.Голбрайтнинг “Янги индустриал жам-т”, “Иқт-й наз-ялар ва жам-тнинг

мақсади” каби китобларида Т. ғояси атрофлича асослаб берилган. Кейинги йилларда бу т. техник тамойилларни устувор билувчи сиёсий доираларга нисбатан ҳам ишлатилмоқда.

ТИЛ — инсонлар орасидаги алоқа воситаси, жам-т аъзоларининг фикрни ифодалаш ва ўзаро фикр алмашиши учун хизмат қиладиган восита. Т.нинг табиий-илмий, диний-дунёвий талқинлари бор. Диний талқинга кўра, Т. илоҳий куч томонидан яратилган ва ҳоз. ҳолича инсонга берилган. Дунёвий талқинига кўра, Т. ҳоз. кўриниши даражасига етгунча жуда узоқ эволюцион жараёнларни, яъни инсоннинг ўзининг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнлари б-н тенг даврни босиб ўтган. Илм-фан инсон Т.ининг тарихий тар-ёт босқичларини ўрганиши натижасида шундай хулосага келдики, Т. алоқа воситаси, нутқ сифатида, шубҳасиз, фақат инсон миясининг маҳсулидир. Айрим бошқа жониворлар, мас., шимпанзе, тўтиқуш, чуғурчиқлар ҳам инсонга хос товушлар чиқариб «гаплашади», ҳатто, айрим ҳолларда жумла ва ибораларни такрорлайди. Бироқ, улар инсон каби гаплашишга қодир эмас. Оғзаки нутққа ўрганиш — инсониятнинг эволюцион тарётида ҳал қилувчи қадам бўлди. Нутқ қобилияти унга инсон цивилизацияси асосларини қуриш имкониятини яратди. Дастлабки инсон жамоалари оғзаки нутқни биргаликда ҳаракат қилиш, мудофаа, умуман фаолиятнинг ҳамма турларида ҳамжиҳатлик кўрсатиш, ҳамкорлик қилиш, буйруқларни ифодалаш мақсадига қаратганлар ва бундан узоқ вақт самарали фойдаланганлар. У пайтлардаги инсон Т.ининг сўз бойликлари кўп миқдорда бўлмаса-да, давр ўтиши б-н, айниқса, кишилар, жамоалар бир-бирининг Т.ини бойитиш имкониятлари туфайли у тобора бойиб, такомиллашиб борди. Чинакам оммавий нутқ юзага келтирувчи ҳар бир кишининг нутқий тажрибаси жуда қисқа ва ўткинчи бўлган, яъни вафот этиши б-н унинг тажрибаси ҳам ўлган. Бир кишининг нутқи инсониятнинг умумий муштарак нутқий тажрибаси сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, аввал

оғзаки, кейинчалик ёзма кўринишини касб этгунча жуда узоқ замонлар ўтган. Бироқ, Т. оғзаки ва ёзма нутқ сифатида тўла шакллангач, у инсоннинг ҳам жисман, ҳам ижт-й жиҳатдан жуда тез тараққий этишини таъминлади. Т. туфайли инсониятнинг ижт-й ҳаёти, унинг наслининг миқдорий жиҳатдан ўсиши ҳам ақл бовар қилмас даражада илгарилаб кетди. Бир вақтлар тропик ўрмонларда оддий тирикчилик учун жон бериб, жон олиб юрган одамзод нутқ шарофати б-н заминнинг яккаю ягона эгасига айланди. Миқдорий жиҳатдан ҳам ўсди. Ибтидоий одамларнинг дастлабки муомала воситалари ва сўзларидан тортиб, Т.нинг бугунги даражасига етгунча инсоният 3 млн. йилдан камроқ масофани босиб ўтди. Шаклланиш, тараққий этиш ва тақомиллашиш жараёнларида Т.лар, дастлаб, кўпроқ муштараклик ва умумлаштирувчилик вазифасини бажарган, яъни бугунги кунда турли Т.ларда гаплашаётган миллат ва элатлар, авваллари бир-бирини тушунадиган бир Т.да гаплашган, вақт ўтиши б-н, турли-туман объектив сабаблар туфайли, улар бир-бирларидан узоқлашиб, Т.лари ўзаро фарқланадиган шаклга келган. Т.ларнинг бундай ажралиш жараёни (дифференциация) натижасида кўпчилик учун муштарак алоқа воситаси бўлган бир Т.дан кейинчалик бир неча Т. юзага келган. Ҳоз. Т.шуносликда туркий Т.лар деб юритилаётган Т.лар бириридан нафақат узоқлашиш, ажралиш хус-ятига, балки бир-бирига яқинлашиш, бир-бирини бойитиш хус-ятига ҳам эгадир. Турли Т.ларнинг бир-бирига таъсири ва ўзаро яқинлашуви натижасида янги Т.лар вужудга келиши ҳам мумкин. Шу б-н бирга, бирон-бир халқнинг фикр алмашиш воситаси бўлишдан тўхтаган ва унда гаплашувчиларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки бошқа тарихий, ижт-й, мад-й сабабларга кўра, муомаладан чиққан Т.лар ҳам мавжуд. Бундай Т.ларни ўлик Т.лар дейилади. Мас., шумер, лотин, қад. юнон, санскрит шулар жумласидандир. Т.нинг келиб чиқиши ва эволюция босқичлари ҳақида қад. мисрликлар ва хоразмликлар, юнонлар ва ҳиндлар, хитойликлар

ва форслар турли хил илмий фаразларни илгари сурганлар. Улардан айримлари, Т.товуш Т.и сифатида юзага келган деса, бошқалари Т. дастлаб имо-ишора Т.и кўринишида бўлган дейди. Т. одамлар орасида алоқа воситаси сифатида эҳтиёж туфайли табиий суратда вужудга келган (Афлотун), ўзаро алоқа қилиш учун Т.ни одамларнинг ўзлари яратганлар (Демокрит), Т. илоҳиёт тортиғи (“Инжил”, “Қуръон”) каби қарашлар ҳам бўлган. Т., шубҳасиз, жам-гда ижт-й меҳнат, ижт-й ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган муайян жамоа, одамлар гуруҳи ёки алоҳида шахс фаолиятини мувофиқлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Физиологик асосига кўра, Т. икки сигнал тизими вазифасида намоён бўлишини И.П.Павлов кашф этди ва уни инсон психикасига ўзига хос қўшимча деб атади. Т. ва тафаккур ўзаро ажралмас, чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Лекин уларнинг иккови бир нарса эмас. Т. тафаккурнинг ифода шакли ва яшаш тарзи сифатида инсон онгининг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Онг Т. қобигидан ташқарида қарор топиши мумкин эмас. Т. белгилари, ўз табиатига кўра, шартли бўлса-да, у реал воқеликни билиш жараёни шартларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан Т. муомала воситаси бўлишдан ташқари, билиш воситаси вазифасини ҳам бажаради. Шу б-н бирга, у тўпланган билимларни, тажрибаларни қайд қилиш, сақлаш ва авлодан авлодга ўтказиш воситаси ҳам саналади. Абстракт тафаккур Т. туфайлигина воқе бўлади. Т.нинг мавжудлиги тафаккурнинг умумлаштирувчи фаолиятининг энг зарурий шартидир, Т.сиз бу ҳол мавжуд бўлмас эди. Чунки сўз умумлаштирувчи хус-ятга эга. Т. ўзига хос қонуниятларга эга ва бу қонуниятлар тафаккур қонунларидан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, Т.нинг нисбатан мустақил ҳодиса эканини кўрсатади. Т. б-н сўз, мулоҳаза б-н гап айнан бир нарса эмас. Т. ўзининг ички ташкилий томонларига, ўзига хос тизими, тузилмасига эга. Бу тизимдан ташқарида унинг табиати ва белгиларининг моҳиятини тўғри тушуниб бўлмади. Табиий

Т.дан ташқари сунъий Т.лар ҳам бўлади. Сунъий Т.нинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби одатда, сунъий равишда ишлаб чиқилади. Буни биринчи бўлиб 1629 йилда Р. Декарт ишлаб чиққан. Ҳоз. кунда кенг тарқалган халқаро сунъий Т. Л.Л. Заменгор тузган эсперанто Т.идир. Бу сунъий Т.да 5 млн.дан ортиқ одам гаплашади, юзга яқин журналлар нашр этилади. Сунъий Т. деганда, бу тизимга кирадиган ва машина таржимасида ишлатиладиган воситачининг ахборот Т.и ва б. ҳам тушунилади. Кейинги йилларда сунъий, формаллашган Т.ларнинг қонуниятлари, уларнинг мантиқий синтаксиси ва семантикасини ўрганишга қизиқиш кучайди. Шу мун-т б-н Т. фақат Т.шуносликнинг тадқиқот объектигина бўлиб қолмай, балки мантиқ ва семантиканинг ҳам тадқиқот майдонига айланиши кузатилади. Ер юзида қанча миллат, халқ, элат, қабилла бўлса, шунча Т. бор. Т.сиз халқ йўқ. Халқсиз эса Т. ҳам бўлмайди. Булар эгизак т.лар бўлиб, бирдан бирини айириб бўлмайди, улар айириб қўйилса, иккиси ҳам ўзлигини йўқотади. Халқ бошқа бир халққа қўшилиб кетса-да, унинг Т.и ўлик Т.га айланади. Кези келганда шунга айтиб ўтиш лозимки, биргина “Т.” сўзи мисолида ҳам Т.имизнинг нақадар бой ва сержило эканини яққол кўриш мумкин. Т. ривожининг ҳоз. ҳолати ўз соҳиби бўлган миллат ёки элатнинг тадрижий раўнақи, босиб ўтган тарихий йўли, жам-тнинг қайси бир тар-ёт босқичида экани, иқтисоди, мад-ти, фани ва маъ-яти каби омилларга боғлиқ. Биз учун эса ўз она Т.имиз бўлмиш ўзб. Т.и азизу мўтабар экани шубҳасиз. Бу эса барчамизнинг Т.имиз софлиги, уни асраб-авайлаш ва такомиллаштириш учун масъул эканимизни англатади.

ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ — инсонлар, миллатлар, давлатлар ва б. орасидаги муроса ва ўзаро ҳамкорликка асосланган турмуш тарзи. У турли ижт-й тузумга мансуб мам-тлар ўртасидаги хилма-хил мун-тларда урушдан воз кечишни, низоли масалаларни уруш воситаси б-н эмас, балки музокаралар йўли б-н, уларнинг

ички ишларига аралашмасдан, бир-бирларининг ўзаро қонуний манфаатларини ҳисобга олиб иш тутишни тақозо қилади. Бу т. халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари мустақил ҳал этишлари, давлатлар суверенитети ва ҳудудий дахлсизлиги ҳамда уларнинг чегаралари мустаҳкамлигини қатъиян ҳурмат қилишни, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорликни англатади. Т.т.я. умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ ва шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни ҳалол бажаришни тақозо этади. Булар эса, ўз навбатида, алоҳида халқлар маъ-ятида Т.т.я. эҳтиёжи, руҳиятининг қандай даражада аҳамият касб этиши б-н белгиланади. Т.т.я. жаҳондаги барча одамлар, давлатлар ва халқлар манфаатларига жавоб беради, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг рив-ши учун, фан ва техника янгиликлари, мад-й ва маън-й қадриятлар б-н ўртоқлашиш учун шароит яратади. Бундай яшаш тарзи халқларни ташқи хавф-хатардан қўриқлаб, миллий ва ижт-й тар-ёт йўлидан мустақил рив-шини таъминлайди, жуда кўп имкониятлар ва кишилар меҳнатидан бунёдкорлик мақсадларини кўзлаб, глобал муаммоларни ҳал қилиш учун шароит яратиб беради. Т.т.я. йўли давлатлар ўртасидаги мун-тларда энг мақбул йўл эканини ҳаёт тобора теран исбот қилиб бормоқда.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — урушларга йўл қўймаслик, давлатлараро низо ва можароларни сиёсий воситалар б-н ҳал этиш, мам-т ичидаги келишмовчиликларни тинч йўл б-н бартараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш тамойилларини ифодаловчи т.лар. Инсоният тарихида барча миллат ва элатлар ирқи, мад-й бойликлари, урф-о.ларига чексиз ҳурмат б-н қараб келинган. Бугунги замонда маън-й бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, Т.Б., тотувликни қарор топтириш, мад-й ме-рос, осори-атиқалар, урф-о.ларни асраб-авайлаш, дунё халқларининг илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарур. Т.Б.да: 1) озодлик, адо-

лат ва демократия тамойилларига асосланган дўстона ва иттифоқ мад-ти; 2) зўравонликни қайтарувчи ва низолар пайдо бўлган заҳоти уни бартираф этишга чорлайдиган, муаммоларни мулоқот ва музокаралар йўли б-н ҳал этувчи мад-т; 3) ўз жам-тининг ички ривожидан унинг барча ҳуқуқлари, ҳар бир кишининг ўз имкониятларини амалга оширишда тўлиқ иштирокини таъминловчи мад-тга эришиш ғояси асос қилиб олинishi керак. Т.Б. — бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тар-ётининг барча босқичларида, аввало, тинч-тотувликка интилиб келган, у — барқарор тар-ёт гаровидир. Ўзб. халқи Т.Б.ни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати деб билади. Ш.у. доимо Яратгандан Т.Б. ҳамда омонлик тилайди. Лекин, афсуски, ҳаётда бу эзгу тилакларнинг ижобат бўлишига доимо қаршилик қиладиган кучлар ҳам бор. Улар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, уруш ва қирғинлар домига тортиб келади. Инсоният тарихига назар ташланса, кейинги беш минг йил мобайнида одамзод ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошидан кечирганини кўриш мумкин. Бу — уруш ва Т., хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳанузгача инсоният олдидаги энг оламшумул муаммо бўлиб қолаётганидан далолатдир. Ҳолбуки, башарият фақат Т. ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маън-й юксакликка кўтарилади. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг набираси Мирзо Улугбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган 40 йил мобайнида мам-тда Т.Б. устувор бўлгани сабабли илм-фан, мад-т юксак тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб-яшнаган. Аксинча, уруш ва низолар инсонни одамийлик қиёфасидан айиради, жам-тни буткул таназул ботқоғига ботиради. Ўттиз йилдан буён ўзаро ҳарбий можаролар туфайли цивилизациядан батамом узилиб, дунёнинг энг қолюқ мам-тларидан бирига айланиб қолган Афғонистон — бунинг

яққол далилидир. Бу мам-т худудининг хавф-хатар ўчоғига айланиб қолгани юртимиздаги Т.Б.га, тар-ёт йўлидаги эзгу мақсадларимизни амалга оширишга ҳалақит бермоқда. Бу — дунёда ялпи Т.Б.ка эришиш учун, аввало, ҳар бир мам-т ва ҳар бир минтақада Т.Б.ни таъминлаш зарур, деган қарашнинг бутунти кунда ғоятда долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан далолат беради. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ биз юрт тинчлигини энг асосий бойлик сифатида асраб келмоқдамиз. Бутунти ва кейинги насллар ҳам кўп меҳнат ва машаққатлар эвазига қўлга киритилган мана шу бебаҳо неъматни асраб-авайлаши зарур. Шундагина улар халқимизнинг асл орзу-интилишларига, истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимиз руҳига муносиб ворис бўла олади. Т.Б. Ватан озодлиги ва мустақиллиги б-н чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Ш.у. ҳам мустақиллик ва Т.ни асраш, мам-тимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маъ-ят, сиёсий мад-т, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуқлиги Т.Б.ни сақлашнинг муҳим омилдир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жам-тдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга ҳамда шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фақат Т.-хотиржамлик, Б., ўзаро аҳиллик бизга муносиб ҳаёт бахшида этади, ўзимизни, фарзандларимизни барча мусибатлардан асрайди. Т., хотиржамлик ва тотувлик — булар ҳаётбахш чашмалар бўлиб, ҳоз. кунда ҳаёт кечираётганларнинг фарзандлари ва авлодларида эртанги кунга, порлоқ келажакка умид ва ишонч уйғотади. Б. эса энг катта бойлигимиз ва муваффақиятли рив-шимиз кафолатидир.

ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК — инсонларнинг тинч-хотиржам, яратувчанлик, бунёдкорлик, ижод қилиш, яратган ижод маҳсуллариининг узоқ йиллар мобайнида халқи, эл-юрти, Ватани ва умуман, инсониятга хизмат қилишига ишонч-эйти-

қод, ҳаётнинг қадрига етиш, тирикликни улуглаш руҳидаги фаолияти ва ҳатти-ҳаракатлари б-н боғлиқ тарбиявий йўналиш, хус-ят. Т. хус-яти ўзб. халқининг турмуш тарзи, қўшиқлари, алла ва эртаклари, дostonларида ҳам ифодаланади. Чунки халқимиз тинч-тотув яшашни, бунёдкорлик, яратувчанликни афзал кўрадиган тинчликпарвар, меҳнатқаш, болажон халқ. Халқимизнинг эзгу ниятли, очиқ кўнгилли, ҳаммага яхшиликни раво кўриб яшайдиган халқ эканини кўпчилик чет эллик сайёҳлар, олимлар ҳам таъкидлаган. Мас., машҳур венгер олими Герман Вамбери (1832–1913) ўз асарларида туркийларнинг меҳмондўст, тинчликсевар, сабр-қаноатли, оғир-босиқ халқ эканини таъкидлайди. Т. хус-яти киши хулқ-атворида, характерида тарбия орқали, кўп йиллик ҳаётий тажриба воситасида таркиб топадиган хус-ят. Одатда, бу каби хус-ят, ҳислат ёки фазилатлар кишиларнинг онг-тафаккурида шакллана бориб, бутун бир халқнинг характери, маъ-яти, миллий хус-ятини белгиладиган омилга айланади. Ўзб. халқи ҳам дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, бунёдкорликни ардоқлаб, шу каби ноёб ҳислатлари б-н умуминсоният тар-ётига ҳисса қўшиб келаётган халқ. Т. халқимиз менталитети, орзу-ниятлари, хулқ-атворидаги бош фазилатлардан ҳисобланади. Бу хус-ят халқимизга хос бўлган маҳалла бўлиб яшаш, бева-бечораларга ёрдам бериш, уларга қайишиш, ҳашар ва хайр-эҳсон уюштириш, яхши кўшничилик, саховатпешалик каби қатор олижаноб анъана ва урф-о.ларда, тарбия йўсинларида ҳам кўринади. Халқимиз муросаи мадора, қўшни ҳақи, халқ мулки, яхшилик нима-ю, ёмонлик нима эканлигини жуда яхши билади. Унга хос “Бир кун уруш-жанжал бўлган ердан қирқ кун барака қочади”, “Ён кўшни – жон кўшни”, “Кўшнинг тинч – сен тинч”, “Тирикликнинг боши бирликда” каби сермаъно мақоллар тинчлик, аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг асл мазмун-моҳиятини акс эттириб, тарбиявий аҳамиятини таъкидлайди. Мам-тимизнинг ҳоз. ташқи сиёсати ҳам айнан халқимизнинг Т.и, яхши кўшничи-

лик ибрати, беғараз ва соф ниятли халқ эканидан далолатдир.

ТОБЕЛИК — қарамлик, бировга боғлиқлик ҳолати ёки тобе шахс хус-ятини билдирувчи т. Иқт-й, сиёсий (мас., баъзи давлатларга қарам мустамлака мам-тлар), руҳий (мас., гиёҳвандликка боғланиб қолиш) ва б. Тларни ажратиш мумкин. Ички ташаббус, гайрат ва шахсий шижоатни намоён эта олмаслик хус-яти ҳам Т.да ифодаланади. Вазиятни бошқариш ва ҳатто ўз тақдирини ҳал этиш ваколатини бошқаларга топшириш ҳам Т.нинг бир шаклидир. Аслида Т. инсон маъ-яти, дунёқарашининг шаклланиш даражасига қараб белгиланади.

ТОКСИКОМАНИЯ (юн. *заҳар, ақлсизлик, иштиёқ, берилиш*) — ижт-й-маън-й бузилиш шаклларида бири, интоксикация табиатидаги руҳий касалликлар гуруҳи, психотроп кайф бериш самарасига эга табиий ёки сунъий моддаларга одатланиш, уларни мунтазам ёки вақти-вақти б-н истеъмол қилиш. Т. ижт-й касалликлар тоифасига киради ва инсоннинг ўзи учун ҳам, жам-т ва қонунчилик учун ҳам хавfli ҳисобланади. Намоён бўлиши уч синдром б-н тавсифланади: 1) наркотик таъсири, меъёри ошиб кетганида, қаршилик қилиш белгиларининг ўзгарганлик синдроми (модда киритилганда юзнинг буришиб-тиришиб кетиши, барбитларни истеъмол қилганда қайт қилиш ва ҳ.к.), бу — гиёҳвандликда, мас., бошланғич меъёрдан бир неча юз баробар ошиши, истеъмол шаклининг ўзгариши (токсик меъёрнинг ҳар куни қабул қилиниши — мас., бир кунда наркотик модданинг бир неча марта организмга киритилиши ёки барбитларни сурункали қабул қилиш), маст бўлиш шаклининг ўзгариши (кайфнинг бошланғич сархуш қилувчи самарасининг тезда йўқолиши, токсикоманнинг руҳий ва жисмоний ночор ҳамда ногиронлашган аҳволга кириши); 2) руҳий боғланиб қолганлик синдроми (бунинг таркибига наркотик модда ҳумори устунлик қилган ҳолда у б-н бир вақтда бу истакка қарши руҳий кураш

хоҳиши ҳам мавжуд бўлиши), руҳий хушнудлик ҳолати, бу интоксикация туфайли юз беради, у бўлмаганда нохуш руҳий ҳолат намоён бўлади; 3) табиий боғланиб қолганлик синдроми (бунда очлик ёки чанқоқлик сингари, лекин унга қарши ҳеч қандай курашсиз, бутун диққат-этиборини наркотик топиш ва қабул қилишга қаратиш), метёр устидан назоратни йўқотиш баъзан қисман, баъзан ўлимга олиб келувчи миқдорда метёрни ошириб юбориш, хумор синдроми, интоксикация ҳолатидаги жисмоний тетиклик — фақат шундагина мижоз ўзини озми-кўпми яхши, яъни Т. бошлангунгача бўлган ҳолатга яқин сезади, у тарқалгандан сўнг ўзини тушкун. мажруҳдек ҳис этади. Т. сўзсиз руҳий хасталик ва шахснинг таназзулига олиб келади, умрни ўртача 20–35 йилга қисқартиради. Жиноий ишларга аралашиш хавфини кескин оширади. Т. инсоннинг маън-й дунёқараши издан чиққанлиги ёки пастлигини ҳам билдиради. Т.га берилган шахслар на дунёвий, на диний жиҳатдан уни қораловчи манбаларга этиборсиз, демакки, маън-й жиҳатдан қилаётган ишининг моҳиятини тушунишдан йироқ бўладилар. Бундай шахсларни йўлдан қайтаришда дори-дармон воситаси б-н бир қаторда маън-й-руҳий тушгунтириш ишлари ҳам йўлга қўйилади ва кўп ҳолларда маън-й тарбия, тушгунтиришдан яхши натижа олинади.

ТОТАЛИТАРИЗМ (лот. *totalis* — куч, барча) — марказлаштирилган ҳокимиятнинг ижт-й-иқт-й ва маън-й ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борадиган, уларни тўлиқ назорат остига оладиган сиёсий бошқарув шаклини ифодаловчи т. Немис олимларидан бири Т.нинг асосий хусиятларини қуйидагича ифода этган: 1) Т. мафкурасининг ҳукмронлиги; 2) мазкур мафкурага содиқ ва одатда яққа шахс томонидан бошқариладиган ягона партиянинг мавжудлиги; 3) мукамал ривожлантирилган яширин полиция тизими; 4) давлатнинг ОАВ, барча иқт-й, ижт-й, мад-й ин-тлари, қурол-яроғ, зўравонлик воситаларини тўлиқ назорат этиши. Шундай қилиб, Т. шароитида давлат бошқарувининг махсус шакли (тоталитар дав-

лат) сифатида жам-т ҳаёти, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, муҳолифат гуруҳлар давлатнинг қатъий назоратида бўлади. Т.да фақат битта партия ёки ягона сиёсий куч мам-т аҳолисининг хоҳиш-иродасини ҳимоя қилиши таъкидланади, аслида эса ҳокимиятни эгаллаб олган ва чексиз ваколатларга эга бир гуруҳ маслақдош кишилар диктатураси ўрнатилади. Т.нинг ёрқин кўринишини XX а. биринчи ярмидаги Италия, Германия, иккинчи ярмидаги Испания, Чили ва собиқ иттифоқнинг коммунистик тартиботида кўриш мумкин. Жумладан, Т. XX а.нинг 20-йилларида Германия ва Италиянинг расмий идеологияси сифатида амал қилган. Т. ғояси сиёсий н.назардан этатизм (давлатнинг мам-т иқт-й ва сиёсий ҳаётига фаол аралашуви), авторитаризм (бир кишининг мам-тни мутлақ тарзда ўзи бошқариши) каби т.лар орқали ифодаланади. Тоталитар тузум қурбонларини собиқ иттифоқда социализм қурилиши жараёнида мулкдор ва ер эгаларининг бойликларини тортиб олиш, ўзларини сургун қилиш ёки қириб ташлаш тўғрисидаги 1918 йилдаги декрет мисолида кўрамиз. Бу декретга биноан 2 млн. қулоқ оилалари, яъни 10 млн.дан ортиқ киши “фуқаролар уруши”, Ў.О.да “босмачилик ҳаракати” иштирокчилари сифатида қириб ташланган. II жаҳон урушида икки қарама-қарши тоталитар тузумнинг бир-бирини йўқотишга интилиши оқибатида 50 млн.дан ортиқ бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди. Бу урушда собиқ иттифоқ аҳолисидан 27 млн.дан ортиқ киши, жумладан, 7 млн. аскар ва ҳарбийлар, 20 млн. фуқаро концлагерларда қийноқ ва оммавий қирғин, бомбардимонлар оқибатида ҳалок бўлган. Мавжуд маълумотларга кўра, собиқ иттифоқда 1917–1991 йиллар мобайнида 60 млн.дан ортиқ киши совет тоталитар тузуми қурбони бўлган. Т. қуйидагиларга таянади: 1) жам-т ҳаётидан норози бўлган энг тубан кишилар; 2) мам-тдаги сиёсий ва иқт-й инқирозни бартараф этиб, янги тартиб ўрнатишни мақсад қилиб қўйган, мутаассибликка берилган, сиёсий ғояларга кўр-кўрона эргашадиган кишилар; 3) ҳукмрон, ния-

ти бузуқ гуруҳлар манфаати йўлида халқ оммасига таъсир этиш мақсадида тўқиб чиқарилган вольгар-ижт-й афсоналар; 4) ҳокимият битта сиёсий партия томонидан тўлиқ эгалланиб, унинг етакчиси шахсига (“дохий”, “дуче”, “фюрер” ва б.) сифинилади; 5) сиёсат тепасида турганлар томонидан қонунлар б-н чекланмаган, ҳокимиятнинг иқт-й ва сиёсий ваколатлари эгаллаб олинади; 6) жам-тнинг барча ваколатлари давлат ва маъмурият кўлига тўлиқ ўтади; 7) иқтисодиёт ва ижт-й ҳаёт ҳарбийлаштирилади; 8) махфий полиция зўравонлик ва террор, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишнинг ягона таянчига айланади. Тоталитар тузумда, айниқса, миллий маъ-ят ҳар жиҳатдан камситилади. Миллий тил, қадриятлар, мад-т, маън-й мерос, миллий гуруҳ ва ватанпарварликни ўстиришга йўл берилмайди. Т.нинг ҳукмрон мафкураси ҳар бир миллатнинг ўз маъ-ятини чуқур англаши, миллий ишонччи мустақамлаш, эътиқоди ва қадр ҳиссини бойитишини тақиқлайди.

ТОТЕМИЗМ (инг. *totemis*; ҳиндуца атотем — унинг уруғи, насли) — ибтидоий жам-тнинг илк динларидан бири. У кишиларнинг маълум гуруҳи б-н ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари ўртасида ғайритабиий алоқа, қон-қардошлик бор, деган эътиқодга асосланади. “Т.” ибораси инглиз саёҳатчиси Дж.Лонг томонидан 1791 йилда илмий муомалага киритилган. Т. XIX–XX а.ларда Дж.Мак Лена, У.Б.Робертсон-Смит, Фрезер ва б. томонидан тадқиқ қилинган. Т.ни тушунтириш ва тадқиқ қилиш хилма-хил анъана ва тамойилларга асосланади. Улар ичида энг оммавийлари — Т.ни диннинг илк шакли деб баён этиш (Дюркгейм ва б.) ҳамда Т.ни содда ақлий тасниф тизими деб аташ (Леви-Строс ва б.)дир. Рухшунослик тамойиллари ичида машҳури З.Фрейднинг руҳий аналитик тахмини ҳисобланади. Фрейд ибтидоий жам-тнинг илк дини бўлмиш Т. ахлоқий (мад-й) чекланишларни — ўлдиришни тақиқлашни, ўзаро яқин кишиларнинг қон алмашини (инцест) ишлаб чиқиб, шундан мад-тни яратиш бошланди, деб қайд

қилган. Т.да уруғ, қабиланинг ҳар бир аъзоси ҳаёти ва фаровонлиги айнан шу уруғнинг аждоди бўлган тотемга — ўсимлик ва ҳайвонга боғлиқ, деб қаралган. Ўша даврларда ғорлардаги ҳайвон ва ўсимликнинг сурати тотем руҳларининг макони, табиий суратдаги нарса уруғнинг ҳомийси тарзида қабул қилинган. Шунга кўра, улар тотемнинг ёрдамига муҳтож бўлган, унга сеҳр ёрдамида таъсир қилишга уринган. Бу б-н тотемнинг янги авлодига “пок йўл” б-н тотем ўтиб қолишига, сеҳр-жоду б-н тотемга таъсир қилиб, муқаддаслашган ҳайвон, ўсимликнинг сонини кўпайтиришга, уруғ-қабила фаровонлигини оширишга, тотем кучи б-н уруғ-қабилага келаётган ҳалокатнинг олдини олишга интилганлар. Дастлаб тотем сифатида ҳайвонлар, кўпроқ ов ҳайвонлари эъзозланган. Кейинроқ эса, қариндошлик мун-тлари бошқа ҳайвонларга ҳам ўтган, баъзан ўсимликлар, табиат ҳодисалари бўлган ёмғир, қуёш, шамол ва б.га ҳам тарқалган. Тотемистик эътиқод ва маросимлар муайян кўринишда кўп халқларда, айниқса, Австралиядаги қабилаларда сақланиб қолган. Уларнинг одатлари бўйича, тотем уруғи аъзолари ўртасида ўзаро никоҳ мумкин эмас эди. Австралия миллий аҳолисининг ҳар бир қабиласи ҳайвон ёки ўсимлик номи оланган уруғларга бўлинади. Уруғ аъзолари ўз тотемини қариндоши, отаси, акаси, дўсти, деб ҳисоблайди. М.О.да кенг тарқалган мучал ҳам Т. б-н боғлиқ. Одатда, одамларнинг туғилган йиллари мучал б-н айтилади: муш(сичқон), мор(илон), асп(от) ва ҳ.к. Қадимда муқаддаслаштирилган тотемларни ўлдириш, отиш тақиқланган. Мас., ҳиндлар сигир, илон, маймун, фил ва б.ни эъзозласа, бошқа халқларда арча, мурч, исирик, мусича, қалдирғоч, муллатўрғай ва б. эъзозланади. Т. унсурлари жаҳон динлари бўлмиш буддавийлик, христиан ва ислом динида ҳам учрайди.

ТОТУВЛИК — тор маънода, одамлар, оила, маҳалла ёки гуруҳ аъзолари орасидаги ўзаро маън-й-муросавий мун-т; кенг маънода, фуқароларнинг маън-й-ахлоқий мезонлари, хатти-ҳаракатлари,

ҳаётга мун-тларида кўзга ташланадиган маън-й ҳодисани англатувчи т. Т. жам-тда турли хил ижт-й қатлам ва гуруҳларнинг турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишиларнинг ўзаро алоқаларида, уларнинг муайян давлат сиёсатида бўлган мун-тларида ҳамфикрлик тамойили ва у асосидаги ҳамкорликни англатувчи т. ҳамдир. Т. ижт-й тар-ётда муҳим аҳамият касб этиб, ўзаро бирлик, ҳамжиҳатликни таъминлаш, манфаатли бирликнинг вужудга келишида ҳам асосий омилдир. Шу боис инсоният тарихида ижт-й-миллий тар-ёт учун курашган кучларнинг асосий эзгу гояларидан бири жам-т аҳли ўртасида Т.ка эришиши бўлиб, ушбу омил тантана қилган тақдирдагина умумий муваффақият қўлга киритилган. Шу боис инсоният онгли жамтининг илк кунларидан бошлаб, бутунги кунгача ушбу гоянинг амалий ифодасига асосий эътибор бериб келинмоқда. Т.ка эришган жам-тда кишилар ўртасида самимият, меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, аҳиллик каби мун-тлар устувор бўлади. Давлат бошқарувида барча фуқароларнинг манфаатини кўзлаб иш юриши, табиийки, ижт-й ҳаётда Т. қарор топинининг муҳим омилдир. Т. тинчлик, барқарорлик, ягона мақсад йўлида миллий бирлашувнинг энг муҳим шартидир. Фуқароларнинг маън-й-ахлоқий етуклик даражаси миллатлараро мун-тлар орқали, турли миллат вакилларининг умумий мақсад йўлидаги бирлашуви б-н ҳам боғлиқ. Президент И.А. Каримовнинг «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган ҳикматли даъватлари ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Ушбу гоя замирида миллати ва элатидан қатъи назар, умумий хонадон — Ўз-н тақдири учун жавобгарлик туйғуси ётади ва у ҳар бир фуқаронинг сиёсий масъуллик ва маън-й дахлдорлик ҳисси б-н бевосита боғлиқ. Турли дин ва эътиқоддаги инсонларнинг бир-бирига нисбатан муросаи мадорада бўлишлари ҳам жам-тда Т. таъминланишининг муҳим шартидир. Диний Т.

турли дин вакилларининг ўзаро мун-тларида ҳамкорлик, ҳамдўстлик ва тенг ҳуқуқчилик тамойилларига риоя этишдир. Мустақил Ўз-нда умумжам-т манфаатларидан келиб чиқиб диний Т.ка эътибор берилмоқда. Аҳолининг асосий қисми ислом дини ва христианликнинг православие мазҳабида эътиқод қилса-да, улар б-н бир қаторда католик ва протестантлар, бошқа мазҳаб вакиллари ҳам ўз мазҳабларига эътиқод қилаётганлари, барча дин вакиллари орасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик мам-тимизда диний Т.нинг таъминланганидан далолатдир. Кўп миллатли жам-тларда ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш мақсадида миллатлараро Т.ка эришиш зарурий омиллардан бири ҳисобланади. Миллатлараро Т.ка Ўз-н жам-тида миллий гоянинг асосий тамойилларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, миллий Т. муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи т. Ер юзидаги 1600дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200га яқини ўз миллий давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро Т.ни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, ингилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижт-й ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси миллатлараро Т.ни таъминлашга бирёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқаришини кўрсатди. Хус-н, давлатга ўз номини берган (ти-тул) миллат б-н ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари орасидаги мун-тлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, жам-т ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала бизнинг мам-тимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўз-н ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида а.лар давомида миллий мувозанатнинг сақланиб келгани халқимизнинг азалий бағрикенглигидан далолатдир. Миллатлараро мун-тларда уйғунлик вужудга келган мам-тларда кўп миллатлик жам-тнинг сиёсий-иқт-й рив-шига самарали таъсир кўрсатади. Мам-тимиз

Конституциясида «Ўз-н халқини миллатидан қатъи назар, ЎзРнинг фуқаролари ташкил этади» деб таъкидланиши, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда эса барча фуқароларга ижт-й келиб чиқиши, ижт-й ва мулкый мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга мун-ти, машғулотининг тури ва хус-ятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқининг берилиши белгилаб қўйилгани ана шу баг-рикенгликнинг замонавий сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир. «ЎЗР ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-олари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди. уларнинг рив-ши учун шароит яратади». Конституциямизда белгилаб қўйилган ушбу қоида ҳам ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топганлиги ижобий ҳолдир. Республикамизда миллий-мад-й эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим механизмига айланган 140га яқин миллий-мад-й марказлар фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир. Бундан буён ҳам қўлга киритилган ютуқларни янада мустақамлаш, мам-тимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасидаги ўзаро Т.ни мустақамлаш миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир.

ТУБАНЛИК — 1) паст ҳолатга эгалик, пасткашлик; 2) кўчма маънода. тубан шахсга хос ҳолат — хус-ят; тубан хатти-ҳаракат, разолат. Т.ка бориш ёки Т.ка кетиш — тубан ҳолат, хус-ят касб этишни, тубанлашишни англатади. “Т.” сўзи салбий хислат бўлгани “пастлик”, “пасткашлик” сўзлари б-н уйғунлашиб кетади. “Пасткаш одамлардан ҳақ сўзни эшитиб бўлмайди. Таги ёмон одам эътиборга нолойиқдир. У ҳеч қачон яхшини эътиборга олмайди. Ўзининг ёмон феълени яхши кўрган пасткаш, муқаррарки, халқ орасидаги яхшиларни ёқтирмайди. Одамларнинг қилмишларидан айб ахтарган одамнинг ўзи айбсиз бўлиши мумкин эмас. Кишининг барча хаёллари бузуқ бўлса, тўғри фикрдаги одамларнинг ҳаммасига ҳасадчи бўлади. Одамларнинг хур-

сандчиликдан ичган майини қон деб билалди, таажжубки, ўзи ҳам ичкиси келиб ҳасрат б-н қон ютади. Нақд бойликнинг офати ўғри бўлганидек, яхшилар ҳасадгўй одамлардан доим озор тортишади”, — дейди Алишер Навоий. Инсонга олий фазилатлардан яна бири босиқлик, ҳалимликдир. Аксинча, ёмонлик, Т., юзсизлик энг ярамас хислатларга киради (М.Қошғарий. Девон).

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — мам-т аҳолиси, ижт-й гуруҳлар, оилалар, инсоннинг моддий, маън-й ва ижт-й эҳтиёжларини қондириш даражаси (меъёри)ни тавсифловчи т. Т.д. кишилар эҳтиёжининг таркиби ва рив-ши б-н боғлиқ. Шу б-н бирга, уларни қаноатлантириш учун фойдаланиладиган турмуш неъматлари ва хизматлар миқдори ҳамда сифати б-н ҳам алоқадор бўлиб, у жам-тнинг иқт-й, ижт-й ва сиёсий тузилиши б-н белгиланади. Т.д. фақат жорий ишлаб чиқариш б-нгина эмас, балки миллий бойлик ва кишиларнинг шахсий (хусусий) тўплаган мулки миқдори б-н ҳам боғлиқ, Унга ижт-й-тарихий, табиий иқлим, миллий, этник шароитлар ва омиллар ўз таъсирини ўтказида. Т.д. миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизимида ифодаланади: истеъмол этилаётган моддий неъматлар ва хизматлар умумий ҳажми, аҳолининг реал даромади, озик-овқат маҳсулотлари ва хизматлар итеъмоли миқдори, пул даромадлари миқдори, меҳнат шароити ва тавсифи, иш ва бўш вақтнинг давомийлиги, тураржой шароити ва қиймати, маиший хизмат, ижт-й хизматлар (соғлиқни сақлаш, мад-й, алоқа, транспорт ва ҳ.к.) б-н ифодаланади. Аҳоли Т.д.ни тавсифлашда кишилар эҳтиёжларини қондиришнинг белгиланган даражаси катта аҳамиятга эга. У оқилона истеъмол меъёрлари б-н моддий ва маън-й неъматларни амалдаги истеъмол кўрсаткичларини таққослаш йўли б-н ўлчанади, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда эришилган миқёс, табиий иқлим шароити, ёш, оила таркиби, муайян маҳсулотлар, неъматлар, хизматлар шаклидан фойдаланишнинг илмий асосланган меъёрлари ҳисобга олинади. Т.д. т.сидан социологияда ҳаёт сифати, ҳаёт услуби, ҳаёт тарзи ва б. б-н қиёсий фойдаланилади.

ТУҲМАТ – бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган, асосиз даъво, бўҳтон, кишини бошқа гуноҳларга етакловчи иллатни англаувчи т. Т. хоинликнинг бир кўриниши бўлиб, алоҳида бир киши, гуруҳнинг бирор нарса, ҳодисага ўз (шахсий, гуруҳий) манфаати туфайли қасддан қилинган ёки ёмон феъли (ҳасад, нафс, бахиллик, пасткашлик) туфайли содир бўладиган хатти-ҳаракатдир. Бошқача айтганда, Т. бўҳтон, уйдирма, ёлғонлигини билатуриб, бошқа шахсни иззалайдиган (изза қиладиган), шарманда қиладиган сўзларни тарқатиш, киши лафзидан, ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидан содир бўладиган салбий ҳодиса. Т. бир шахсга унинг ўзида бўлмаган иллатни тўнкашни англаб, аксинча, шахснинг ўзида бўлган иллатни (ортидан) тўнкаш ғийбат ҳисобланади. Т. биринчи марта содир этилса, маъмурий жазо чораси кўрилади (МЖТК, 40-модда), яна қайтарилган Т. учун жиноий жавобгарлик белгиланган (ЖК, 139-модда). Т. нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд ОАВдан фойдаланиб амалга оширилса, жиддий жазоланади. Т. оғир ёки ўта оғир жиноятларда айблаш б-н боғлиқ, оғир оқибатларга сабаб бўлса ёки хавфли рецидивист томонидан, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилса, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш б-н жазоланади. Т. мунофиқлик ва хиёнат кўринишларидан бири бўлиб, алоҳида шахс ёки гуруҳга уларга қилмаган гуноҳ ёки жиноятни, иллат ёки кусурни тўнкашдир. Т. – бир киши ёки гуруҳнинг ортидан уларда бўлмаган ва улар содир қилмаган айблари учун уларга нисбат бериш, ҳақиқага бўҳтон қилишдир. Т.чи – Т. қилувчи кимса. Т. шахс ёки гуруҳнинг обрўсини тўкиш мақсадида қилинади. Т. инсонлар ўртасида ўзаро душманлик, носоғлом рақобат ва шубҳали ҳолатларда кузатилади. Т. жамтда хусусий мулк пайдо бўлган пайтда манфаатларнинг кучли тўқнашувидан юзага келган. Т. диний т.га кўра, тажрид оламида эмас, аксинча, сабаблар оламида кузатилади. Абу Наср Форобий фикрича, “Т. ва қатъийлик (мулиҳ)ка келсак, уларнинг таъсирида тарафлардан

бири бутунлай аниқ нарсаларни инкор этади ва ўз моҳияти бўйича тушунарли ва равшан ҳолатларга шубҳа билдира бошлайди. Бу ҳолат то бошқа тараф адашиб, ҳақиқий нарсанинг борлигига шаҳодат берувчи далилларни ҳамда маълум нарсалар ва ҳақиқийлиги аён нарсалар ҳақида хато тасаввур ҳосил қилмагунча давом этаверади. Бу субстанция софистик санъатнинг усулларида биридир. Ш.у. бу санъатнинг мақсади ҳақиқатга ва аниқ далиллар ёрдамида бирор нарсага эришишга тўсқинлик қилишдан иборатдир”. (Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. 118-бет). Форобий Т.ни энг ёмон руҳий сифатлар қаторига киритиб, унга субстанция санъати воситасида эришилишини таъкидлайди. Қуръони каримда “Кимки бирон хато ёки гуноҳни қилиб қўйиб, сўнг уни бир пок одамга Т. қилиб отса, муҳаққақки, у бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз зиммасига олибди” дейилган. Ш-дек, унда бўҳтончи учун ҳалокат ва жазо муқаррарлиги ўқтирилган. Пайгамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Т. зинодан ёмон” (ат-туҳмати шаррил минал зина) деган ҳадислари ҳам Т.нинг жирканч иллат эканига мисол бўла олади. Шарқ мутафаккири Мажидиддин Хавофий фикрича, “Подшоҳга яқин кишилар Т.чи ва ғийбатчи бўлсалар, давлат инқирозга юз тутиб, подшоҳ алмашгусидир. Т.чида ҳақиқат ва инсоф йўқ, Т. б-н ёлғончи ўртасидаги чегарани аниқлаш жуда қийин, чунки Т.чининг қуроли ёлғончиликдир. Т. балосига йўлиққан одамнинг чеккан изтироби гоят оғир, лекин у гуноҳсиз бўлса, Т.чи фош бўлади, албатта. Ифвогар, Т.чи ўз нишонига покдил, виждонли, оқил кишиларни олади, чунки у ўзида етишмаган ана шундай сифатлар учун уларга ҳасад қилади.” Т. нафақат шахсий мун-тларга, балки жамтнинг соғлом турмуш тарзига ҳам раҳна солади. Т.га қарши курашнинг оқилона усули кишилар ўртасида самимий мун-тлар ўрнатиш, ҳатто мухолиф инсонларга ҳам марҳамат кўрсатиш, ҳаммага бирдек яхшилик қилиш, холислик, Т.ни пайдо бўлиб қолиш эҳтимоли бор жойлардан четланиш кабилардир.

УЙ ТУТИШ ОДОБИ (рўзғор одоби) — уй-рўзғор ва оила мун-тларининг маън-й тамойилларига асосланадиган тарихий ва мад-й анъаналардан бири. Мад-тга эга бўлган ҳар бир халқ уйни қуришдан тортиб, уни безашгача алоҳида эътибор б-н қарайди. Чунки уй тутиш инсоннинг мавқеи, дид-фаросати, имконияти ва ш.к. жиҳатларини белгилайдиган хус-ятдир. Бу хус-ят ўзб. халқи учун ҳам бегона эмас ва у мад-тимизнинг гўзал бир қисмига айланган. Алломаларнинг бу ҳақда билдирган фикрлари, ибратли мулоҳазалари кўп. Мас., XIX а.да ижод этган фозила аёл Олима ул-Банот ўзининг “Муошарат одоби” рисоласида уй тутиш поклик ва озодаликка асосланишини, покиза турмуш қуриш б-н бирга покиза уй тутиш лозимлигини таъкидлаб, бу хусусда бир қатор тавсияларни беради: “уй ва хоналарни чўп-хаслардан, чанг-тупроқлардан супуриб туриш», “ўргимчак уяларини олмоқ ва уй атрофларини соф тутмоқ”, “яшайтурган ўринларни, хус-н, уйларнинг ичкариларини ювиб қуритмоқ, ис ва ш.к. нарсалардан соф этмоқ”, “фурсати б-н деразаларни очиб, уйнинг ҳавосини алмаштириш” ва б. ишлар У.т.о.нинг зийнатларидандир”. Яшайдиган уйимизнинг ички ва ташқи кўриниши, табиийки, ўзимизнинг дидимиздан келиб чиқиб шакллантирилади. Бунда энг асосийси, уйда оила аъзолари ўзини қулай ва эркин ҳис қилишлари учун зарур бўладиган жиҳатларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бунинг учун, аввало, уйни ортиқча, яроқсиз нарсалар б-н тўлдириб ташламаслик керак, бу уйдаги нарсаларнинг жойлашувини бузади. Уйни безатиш ва саранжомлашда деразаларга алоҳида эътибор қилиш мақсадга мувофиқ. Деразалар хонани кенгайтириб ёки кичрайтириб кўрсатиши ҳам мумкин, ammo деразаларни жонли расмга айлантириш ёки мусаввирлик маҳорати б-н бошқача кўриниш бериб беркитиш ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам деразалар инсонни ташқи олам б-н боғлаб тургани ва уй ичига имкони борича кўпроқ тоза ҳаво киритиб тургани маъқул. Ш-дек, уй жиҳозларини жойлаштиришда

уйда ёш болалар бўлишини ҳам эътиборга олиш зарур, чунки жойлаштирилган буюмлар уларнинг бемалол ҳаракат қилишлари учун халақит бермаслиги керак. Танишларни уйдаги қимматбаҳо ва ҳашаматли жиҳозлар б-н мақтаниб, ҳайратга солиш манманлик белгисидир. Шундай хонадонлар борки, соҳиб ва соҳибанинг дидсизлиги натижасида хона қиммат бўлса-да, кераксиз нарсалар б-н тўлдириб юборилади. Бу уйда, бир сўз б-н айтганда, файз йўқ, ўтирган одамнинг нафаси бўғилади, кишини асабийлаштиради. Ошхона ва зарурат хоналарини алоҳида тозаликда сақлаш кишини ноқулай вазиятга тушиб қолишдан асрайди. Гулларсиз уйни тасаввур этиш мумкин эмас. Гуллар уйга гўзаллик бахш этади, айниқса, янги узилган, чиройли гулдасталар ёки қуритилган ўт ва гуллар мажмуаси кишининг кайфиятини кўтаради, образли ифодаларни шакллантиради. Бироқ, гуллар бошқа барча нарсалар каби уйда озодалик, эътибор ва парваришни талаб қилади. Уйда тирик табиатни шакллантириш — тўти, каклик, бедана, канарейка сингари сайроқи қушлар, товус, қирғовул каби чиройли қушларни парвариш қилиш, балиқ, қуён каби чиройли жониворларни боқиш ҳам инсонларнинг табиатга нисбатан мун-тини ўзгартиради, унга нисбатан меҳр пайдо қилади. Ш-дек, бу ҳолат хонадонда соғлом муҳитни мустаҳкамлайди, тарбия жараёнини барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

УЙҒОНИШ ДАВРИ — инсоният тарихидаги ижт-й-маън-й юксалиш, илм-фан ривожини ифодалаш учун XVIII а. маърифатпарвар файласуфлари томонидан илмий муомалага киритилган т. Ўрта а.ларда инсон тафаккури, ижодий куч-қудрати, яратувчанлик имкониятларини одамзод бахт-саодати, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши, жам-тнинг гуллаб-яшнаши томон интилишини ифодалайдиган маън-й-ижт-й ҳаракат жараёни. Шарқда У.д. VIII а.дан бошланган бўлиб, мўғул истилоси ва ҳукмронлиги туфайли XIII–XIV а.ларда тўхтатилган ва Амир Темур салта-

натида XIV–XV а.ларда янги равнақ босқичида давом этган. Амир Темур давлати парокандаликка учраганлиги сабабли у ҳам XVI а.дан бошлаб инқирозга юз тута бошлади. Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Саъдий, Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Уллубек, Алишер Навоий, Муҳаммад Бобур каби Шарқ У.д.нинг буюк сиймолари жаҳон цивилизациясига беназир улуш қўшганлар. Улар умуминсоний қадриятлар тарихида мустақкам ва абадий ном қолдириб, Фарб У. д.га замин бўлиб хизмат қилдилар. Фарб У. д. XIII а.да Италияда (Данте, Жотте) бошланган бўлиб, XIV–XVI а.ларда Фарбий ва Марказий Европа мам-тларида кенг тарқалган. Бу даврда фан-техника, адабиёт, санъат, таълим-тарбия соҳаларида инсоният истиқбол тар-ётига улкан таъсир кўрсатган ва унинг маън-й ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк ижодкорлар яшаган. Рафаэл, Леонардо да Винчи, Микеланджело, Коперник, Эразм, Роттердамский, Галилей, Бруно, Рабле, Тициан, Веронезе, Петрарка, Бокаччо, Сервантес, Шекспир, Ариосто, Тассо, Дюрар, Ян ван Эйк, Фуке ва б. Европа У.д.нинг атоқли намояндалари сифатида умуминсоний маъ-ят тарихида абадий ўрин эгаллаганлар.

УЛУҒВОРЛИК — табиат, жам-т, инсон ва унинг фаолияти маҳсулотларида намоён бўладиган маън-й-ахлоқий т. У. белгисига эга бўлган барча нарса ва ҳодисаларга хос умумийлик — меъёрий баркамолликдир. Табиатда У. баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мавж ураётган денгизлар, тубсиз осмон ва ш.к. тимсолида намоён бўлади. Бу ердаги умумийлик — уларнинг кенг қўламлиги, улканлиги, буюклиги ва тутанмаслигидир. Табиатдаги У. инсонда ўзидаги заифликни эмас, балки табиат б-н қўшилиб кетишга интилиш ҳиссини уйғотади ва кучли таъсир этади. У. ҳисси ўз-ўзидан қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан

бериш туйғуларини ўз ичига қамраб олади, руҳий кўтаринкилик бағишлайди. Буларга баъзида кўрқув ҳам қўшилади, лекин у инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгиб ўтишга туртки беради. У. ҳисси умуминсоний, умумий белгилари б-н бирга ижт-й шартланган, аниқ тарихий табиатга ҳам молик қаҳрамонликда, алоҳида нафосат ва ахлоқий бирликда тўлиқ ҳамда бевосита намоён бўлади. Халқ фидойилари, эл-юрт жонкуярларининг фаолияти, қилган ишлари бир вақтнинг ўзида ҳам У., ҳам мардоналик намунаси бўла олади. Қаҳрамонлик кўпчилик омма т.сида одатдан ташқари, ноёб, кам учрайдиган ҳодисадир. Лекин у кундалик ҳаётда, оддий шароитда энг содда, ҳамма амал қиладиган ахлоқий қоидалар доирасида ҳам содир бўлиши мумкин ва бунинг ўзи инсонлар назарида улуғвор аҳамият касб этади. Табиат б-н ҳамоҳанг бўлиш, ижт-й фаол, ташаббускор, матонатли, Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатадиган шахсни шакллантириш бугунги кундаги У. орзусининг асосий мазмунини ташкил этади. Чунки улуғвор ишларни улуғвор шахслар яратади ва бутун бир халқлар тақдирига ижобий таъсир этади. Улуғ ишнинг тағзамини эсаниятнинг, мақсаднинг У.идир. Мас., Амир Темурнинг мақсади Ватанини мўғул босқинчиларидан озод этиш, илм-фан, санъат ва мад-ти ривожланган, халқни осойишта ҳаёт кечирадиган салтанат барпо этиш эди. У буюк ҳарбий истеъдоди, ақл-заковатини ишга солиб, бу ниятни амалга оширди. Амир Темур сиймосида тенгсиз сарқардалик маҳорати, матонат ва жасорат, давлатчилик ғояларининг У.и мужасамланган эди. Соҳибқирон шахси, ишлари, сўзлари биз учун ибрат, у инсоният тарихининг нодир сиймоларидан бири бўлиб, бутун бир давр унинг номи б-н боғлиқдир. Амир Темур улуғ салтанат қуриш соҳасида У. намунасини кўрсатган бўлса, Низомиддин Мир Алишер Навоий туркий тилда жаҳоншумул бадиий асарлар ёзиб, ўз халқининг маън-й оламини юксакликка кўтарди, она тилининг қудратини баралла намоёйиш эта олди. Шу каби илмий кашфиётлари б-н жа-

ҳонга номи кетган Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийлар ҳам У. шоҳсупасидан ўрин олган. Бу зотлар илму фан, ҳикмат ва ижод паҳлавонлари, Шарқ Уйғониш даврининг буюк сиймолари сифатида ҳозир ҳам бизга ибратдир. У. ўзини ҳар томонлама ижодий ифодасини санъатда топади, унинг барча тур, хил ва кўринишлари учун У. мавзулари асосий тасвир объектларидан бири бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг турли кўринишлари У.ни тасвирлашнинг хилма-хил имкониятларидан фойдаланади. Санъатдаги У. бадиий мазмун ва шакл имкониятлари воситасида ифодаланади, лекин бунда ҳал ҳилувчи ролни гоё уйнайди. Гоё мукамал шаклнинг зурурлигини юзага келтириб, санъат асарининг буюклик даражасини белгилаб беради, бу ҳолат ҳаётий ҳақиқатдан қочишга эмас, унга хизмат қилишга даъват этади. Қаҳрамонлик дostonлари, лирик дostonлар, қаҳрамонлик фожиаси, қаҳрамонлик асарлари, симфония, нотиқлик, меъморчилик ва ёдгорлик санъати кўринишлари У. мавзусини бадиий ўзлаштириш жараёнида вужудга келган. Чунончи, “Алпомиш” дostonи, Навоий “Хамса”си, Бобурнинг “Бобурнома”си мана шундай муаззам бадиий обидалардир. Навоий яратган беш дostonдан иборат “Хамса” ҳам мазмун-маъноси, улуғвор тафаккур меваси, ҳажми, бетакрор бадиий санъат намунаси экани б-н ҳам ҳайратланарлидир. Ёки “Бобурнома”ни олайлик. Бобур ҳаётининг ўзи бир жасорат намунасидир. У буюк салтанат бунёд этди, ана шу юриш ва урушлар тарихини, турли тақдирлар, қарашларни ёзиб қолдиришга имкон топди. “Бобурнома” нафақат Мовароуннаҳр, балки Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи, одамлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ёритувчи қомусий асардир. Бу асарнинг дунё тилларига 3–4 мартадан таржима қилингани ҳам унинг аҳамияти нақадар буюклигидан далолат беради. Мусиқа соҳасида эса “Шашмақом” У.нинг ёрқин намунаси бўла олади. Мазмун ва маъносининг чуқурлиги, оҳанглар ранг-баранглиги, ҳиссиётлар қамровининг кенглиги, салобат ва жозоба мақомларнинг аба-

дийлигини таъминлаган. Мақомлар буюк шеърятимизнинг қанотлари, аждодлар дарди ва умидлари, ноласи ва фарахбахш руҳининг ифодасидир. У. меъморчиликда алоҳида аҳамият касб этади. Миср пирамидалари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг меъморчилик обидалари, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Колизейи, ўрта а. готик бош черковлари ўзининг салобати, У.и б-н кишини ҳайратда қолдиради. У. туйғусига фақат миқёс ўлчови б-н эришилмайди. Агар айрим обидалар, мас., Бобил минораси, Минораи Калон, Миср эҳромлари ва ш.к. ўзларининг миқёс кўлами б-н ҳайрон қолдирса, бошқалари ўзининг нафислиги, нозик ифодали ранглар, қисмлар ҳамоханглиги, атроф муҳит б-н узвий қўшилиб кетганлиги б-н алоҳида аҳамият касб этган (Гўри Амир, Шоҳзанда, Мустақиллик майдони, Ичанқалъа, Регистон майдони, Мир Араб мадрасаси, Исмоил Сомоний мақбараси ва б.). Истиқлол йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли У. касб этаётган обидалар жаҳонга юз тутмоқда. Мам-тимизда Амир Темур, Улуғбек, Навоий каби аждодларимизга ҳайкаллар қўйилди. Шу каби Мустақиллик майдони, унда қад кўтарган рамзлар, Бахтиёр она ҳайкали ҳам У.ка мисолдир. Демак, У. тарих, халқ, миллат, озодлик, мардлик, фидойилик т.лари б-н ҳамохангдир. У инсоннинг орзу-армонлари, идеалларини акс эттиради ва ривожлантиради, буюк ишларни амалга оширишга чорлайди, яратувчанлик ва ижодкорликка илҳомлантиради, ҳаётга маъно-мазмун бағишлайди, инсон зотининг маън-й камолотига хизмат қилади.

УМИД(ВОРЛИК) (форс. — ишонч; орзу, тилак, истак) — бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч; ишонч б-н кутиш; эътиқод. 2. Бирор нарса қилишга, бирор нарсага эришишга бўлган интилиш, ички ҳиссиёт; истак, орзу, ният. Бирор нарсага умид боғламоқ, орзу қилган нарсанинг амалга ошишига, бунда бировнинг кўмагига умид б-н қарамоқ. Умидвор ҳолат, умидли ҳолатда бўлиш,

умид б-н қараш. Бугун мам-тимизда амалга оширилаётган сиёсий-ижт-й ислохотлар жараёнида У. туйғуси б-н яшаш ва меҳнат қилиш айниқса, муҳим аҳамият касб этади Бу эса, энг аввало, келажакимиз пойдевори бўлган — ёшлар онгида ижт-й онг, янгича тафаккурни шакллантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва уни фаолиятнинг ҳар қандай соҳаларида амалга ошириш учун имкониятлар яратиб бериш, ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашни йўлга қўйишни тақозо этади. Шубҳасиз бу жараён ўз-ўзидан зиддиятларсиз, шахс онги ва турмушига акс таъсир этувчи омилларнинг фаоллашувисиз содир бўлмайди. Бунинг олдини олиш учун эса жам-тда демократик тартибларни, янгича турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган қонунлар қабул қилиш б-н бирга, ҳар бир шахсда юксак мақсадлар б-н яшаш кўникмасини ҳосил қилиш, уларда ҳаётга меҳр-муҳаббат, порлоқ келажакка умид-ишонч туйғуларини уйғотиб бориш талаб этилади Ўз аҳдига содиқ, яшашдан мақсади нима эканлигини аниқ билган кишигина, машҳур руҳшунос С.Л.Рубинштейн айтганидек, “ҳаёт субъекти бўла олади”. Ҳаётий мақсад шахсни, хус-н ёшларни ҳаётдаги режаларини аниқлаб олишга ва шу режа асосида яшашга, ўз жамоаси, юрти, Ватани ҳаётига бефарқ қарамасдан, муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишга, ижт-й-тарихий жараёнлар, ислохотлар субъекти бўлишга; янги мун-тларни шакллантиришга, миллий қадриятларни тиклашга; ўзини-ўзи тарбиялашга, бутун салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланишга; атрофдагиларни ҳам фаол яшашга ундашга, ҳаётни маъноли, ижт-й фойдали ва мақсадли қилишга етаклайди. Бундай тоифадаги кишилар жам-т ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга сергак нигоҳ ташлайди, уларга онгли мун-т билдира олади, зарарли фикр ва ғояларга эргашиб кетавермайди. Уларнинг ҳаёти жўшқин, фаолияти юксак, меҳнати унумли ва фойдали бўлади, ғойибона руҳий мадад, истиқболли янги ғоявий фикрлар уларни амалий-ижодий йўлларга чорлайди.

Ёшлардаги бундай эзгу фазилатларни авайлаб-асраш, уларнинг ҳаётга умид ва ишонч туйғуларига завол етказмаслик комил инсонни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Комилликка интилиш эса ҳар бир инсоннинг муқаддас орзусидир.

УМИДСИЗЛИК (пессимизм) — дунёда ёмонлик устун, келажак одамга яхшилик келтирмайди, у азоб-уқубатга маҳкум, келажак ҳаётда бахт-саодатга, мақсадга эришиб бўлмайди, деган тамойилларга асосланадиган пессимистик т. У. кишининг келажакка ишончининг сусайиб кетгани, дунёда ёмон одамлар кўплиги, ўз олдига қўйган орзу-мақсадларига эришишга иродаси кучсизлик қилиши, ҳаётда яшашнинг қийинлигидан нолиш, ҳаётга қизиқишининг сусайиши, ҳаётнинг азобу машаққатлардан, тўсиқлардан иборат эканлиги, муаммоларини ечиш ва муваффақиятларга эришиш учун ҳеч қандай илож-имконият йўқлиги, руҳий тушкунлик ҳолатида намоён бўлади. Инсонлар орасида жаҳолат, ғафлат, худбинлик, танбаллик, порахўрлик, таъмагирлик, такаббурлик, мансабпарастлик, шухратпарастлик каби иллатларга мубтало бўлган баъзи бир шахслар бор. Айнан мана шу ҳолат кўпчиликнинг У.ка тушишига сабабчи бўлади. Чунки мана шундай шахслар ўз шахсий манфаати, нафси, ҳирсини қондириш, шухрат қозониш, бойлик орттириш каби мақсадларини амалга ошириш учун маъ-ятга, ахлоққа зид бўлган турли хил тубан ишларга қўл уради. Бундай шахслар б-н бирга ишлаш жараёнида ҳалол меҳнат қилаётган ходимнинг ҳафсаласи пир бўлади, адолатпарварлик, инсонпарварликка ишончи йўқолади, ҳамма жойда ёмонлик устун, уни енгиб бўлмайди деб ўйлайди, орзу-мақсадларига эришиш сароб бўлиб туюлади, белгилаган эзгу мақсадлари ва режалари амалга ошмагач, умидсизликка тушиб, фаол ҳаётдан узоқлаша бошлайди, ўзига ишончни йўқотади. Ҳаётидаги турли кўнгилсизликлар оқибатида ҳам инсон У.ка тушиб қолади. Мас., турмуш ўртоғидан ажралиш, яқинларининг вафоти, корхонанинг

тугатилиши ва б. бунга сабаб бўлиши мумкин. Япон олимлари (Тохоку университети профессори Итиро Цудзи бошчилигидаги тадқиқотчилар) илм. тад.и натижалари айнан аниқ мақсадга эга бўлмаслик ёки эзгу орзуларига эришишига ишонмаслик, фаол ҳаётдан узоқ туриш оқибатида инсоннинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўп учрашини таъкидлайди. Худбин, шахсий манфаатини миллат ва халқ манфаатидан устун қўядиган, бойлик ва шуҳрат орттиришга ружу қўйган, бошқаларни писанд қилмайдиган, манман, такаббур, адолат ва инсонларварликка зид равишда бошқаларнинг орзу-умидлари ва мақсадларига, рив-шига, ҳаётда уларнинг мавқеи, ўрнини эгаллашига бефарқ, беписанд қарайдиган кимсалар томонидан ор-номуси, қадр-қиммати, шаъни топилган, оёқости қилинган инсон ҳам У.ка тушади. Унда келажакка ишончсизлик, У. пайдо бўлиб, бундай ҳолатда у иродасининг суслиги туфайли ўз жонига қасд қилиши ҳолатлари ҳам ҳаётда учраб туради. У. руҳий тушкунлик ҳолати бўлиб, бунда киши руҳан сиқилади, асабийлашади, стресс ҳолатларни бошидан ўтказди. Бунинг натижасида унинг танасида турли хил касалликлар пайдо бўла бошлайди. Сукрот айтганидек, “Руҳни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди”. Демак, У.ка тушган одамнинг, аввало, руҳини даволаш лозим бўлади. У.ка тушган одамга, ундаги тушкунлик ўткинчи бир ҳолат экани ва вақти келиб ўтиб кетишини; руҳий тушкунлик ҳолати ҳар кимнинг бошига тушиши мумкинлигини тушунтириш, ундаги ижобий жиҳатларга, ирода, ақл, билимга эътиборни қаратиш, унинг оиласи, яқин қариндошлари, дўстларига кераклигини ҳис қилдириш, яшаш учун берилган ҳуқуқдан, имкониятдан бахт яратиш учун фойдаланиш зарурлигини ўқтириш орқали ҳам унда келажакка ишонч, умид уйғотиш мумкин. У.ка тушган одамнинг қалбига қулоқ солиш, уни ёлғизлатиб қўймаслик ва тушунишга ҳаракат қилиш, яхши сўзларни гапириш, унинг ҳаяжони, дардларини сабр б-н тинглаш, унга эътиборли, меҳрибон ва ҳамдард бўлиш,

очиққўнғиллик б-н самимий муомала қилиш, келажакка ишонтириш ҳамда уни қийнаётган муаммоларни ечишга амалий ёрдам бериш, ғамхўрлик, маън-й ва моддий кўмак кўрсатиш орқали уни ҳаётга қайтариш мумкин. У. ҳолатидан чиқариш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим: яъни, У.ка тушган кишига меҳрибонлик кўрсатиш ва ҳамдард бўлиш, ундаги ижобий ўзгаришларни олқишлаш, унинг аҳволдан атрофидаги дўсту биродарларини хабардор қилиш, ёлғизлатиб қўймаслик, янги дўст топиши учун ёрдам бериш, унинг атрофида хурсандлик муҳитини яратиш, аҳволи ёмонлашса, психологик ва тиббий ёрдам чораларини кўришга интилиш зарур. Бу тадбирларнинг барчаси одамдаги руҳий тушкунлик кайфиятини йўқотишга, уни умидли, мазмунли ҳаётга қайтаришга ёрдам беради.

УМР ЙЎЛДОШЛАРНИНГ МУНОСИБЛИГИ — умр йўлдошларнинг биологик, психологик, психофизиологик ҳолати, хус-ятлари, диди, мад-ти, хулқий ва б. жиҳатларининг мос келишини ифодаловчи ибора. У.й.м. оила қурган икки кишига хос жиҳатларнинг уйғунлиги ва ўхшашлигини тақозо этади. Инсон зоти (генетикаси) н.назаридан кишилар 16 хил жуфтликни ташкил этади. Умр йўлдошлари бир-бирига муносиб бўлмаганида, иммуногенетик мос эмасликлари туфайли фарзанд кўрмаганликлари сабаб бўлиши мумкин. Бошқача жуфтликда наслий касалликларнинг тақрорланиш хавфи кучаяди (энг асосийси — она ва ҳомиланинг резус номутаносиблиги ва жуфтликнинг ота-оналари). Шифокорларнинг таъкидлашича, кишиларнинг 10 фоизи умуман генетик тўлақонли эмас ва никоҳдан ўтмасликлари керак. Энг мақбул жуфтликка психологик темпераментларнинг қутбилигида эришилади. Бундан ташқари, интеллект даражаси ҳам тенг келиши лозим. Никоҳга энг кўп мослашувчанлар очиқ характердаги, ҳаётдан завқланувчи, ўзаро мун-тларда меҳрибон кишилар ҳисобланади. Лекин бу сифатлар ҳаддан зиёд ёки жуда юқори даражада бўлса, унда бундайлар оила тузишга

ноқобил бўладилар. Серфикр, эзма кишилар, ўз қадр-қимматларини юқори тутувчи, жисмоний ёки интеллектуал камчилиги бор кишилар оилавий ҳаёт учун тўғри келмайди. Амалдаги ажралишларда умр йўлдошларнинг бир-бирига мос эмасликлари ётади. Бугунги кунда фаолият юритаётган оила маслаҳати, оила хизмати бўлимлари психологик ва б. усуллар ёрдамида, кўпгина кишиларни номутаносиб умр йўлдошлик азобидан сақлаб қолишлари ва муваффақиятли оила қуришга қўмаклашишлари мумкин.

УМУМИНСОНИЙ МАЪНАВИЯТ – ҳар бир инсон, жам-т ва барча тоифадаги кишилар учун энг олий қадрият сифатида эъзозланадиган ва умумбашарий аҳамиятга эга бўлган маън-й ҳодисалар, мад-й бойликлар, адабиёт, фан, санъат ютуқлари, дин, сиёсат, ҳуқуқ соҳасидаги натижаларни англатувчи т. У.м.нинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида мисол ва далиллар б-н атрофлича тушунтириб берилган. Мутахассислар бу т.га хос бўлган кундалик тасаввур б-н унинг маън-й мазмун-моҳияти ўртасидаги фарққа эътибор бериш лозим, деб ҳисоблайдилар. Кундалик ҳаётда кишилар умумбашарий аҳамиятга молик маън-й бойликлар, кашфиётлар, қадриятлар, дин, фан, адабиёт, мад-т б-н боғлиқ хусиятлар, жиҳатлар, жараёнларнинг ўзини У.м. сифатида тушунади. Маън-й мазмун касб этадиган нарса ва ҳодисаларга нисбатан ишлатиладиган У.м. ҳар қандай халқ, жам-т ва давлат ҳаёт тарзининг асосий мезони бўлиб ҳисобланади. «У.м.» т.сида маъ-ятни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одам зотининг ҳаёти ва камолоти ҳамда тарихий, сиёсий ва б. бириклар (ижт-й субъектлар) учун аҳамияти ҳам ўз аксини топади. У.м.нинг намоён бўлиш шакллари орасида ўз аҳамиятини, ижобийлик ҳамда фойдалилик хус-иятларини доимо сақлаб қоладиганлари ҳам бор, уларга инсон вужудининг тириклиги, унинг ижт-йлиги, инсон умри ва ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, ижт-й фаолияти ва мун-тлари, меҳнати,

билими, муомаласи ва ш.к. киради. Улар инсон ва жам-т бор экан, ўзининг ижт-й аҳамиятини сақлаб қолади, уларнинг қарама-қаршиси бўлган ўлим, касаллик, маъносиз ҳаёт кечириш, билимсизлик ва б. ҳам тарихий жараёнларнинг доимий ҳамроҳидир. У.м.нинг энг олий шакллари маън-й идеал сифатида қаралади. Жам-т тарихининг ҳамма даврларида одамлар ана шу идеалларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайди. Кундалик ҳаётда ва илмий адабиётда энг олий идеаллар бир қатор ибора ва т.лар орқали ифодланади: маън-й ва ахлоқий покликнинг умумий белгиси – яхшилик; нафосат белгиси – гўзаллик; билимларимиз ва фан ютуқларининг амалиётга мослиги – ҳақиқат; инсон ҳуқуқларининг олий ифодаси – эркинлик ва тенглик; сиёсатнинг тўғрилиги – адолат, одамлар ўртасидаги ижобий мун-тлар – дўстлик; энг хокисор ва бегараз туйғулар асосидаги қалбларнинг муштараклиги – муҳаббат, орзу-умидларга эришиш – бахт-саодат, ўз юртини севиш ва ардоқлаш – ватанпарварлик ва ҳ.к. Воқеликда ушбу идеаллар б-н бирга, уларнинг зидди – ёвузлик, ёмонлик, хунуклик, ёлгон, эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик, душманлик, нафрат, хиёнат кабилар ҳам муайян тарзда намоён бўлади. Тарихий тарёт жараёнида У.м.ни барқарорлаштириш йўллари ва усулларининг бу борадаги мақсадлар б-н уйғунлаштирилиши ижт-й-сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш даврида ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бу ўринда уч асосий жиҳатга эътибор бериш лозим: 1. Кишиларнинг У.м. ва уларга эришиш йўллари ҳақидаги қарашларида ўтмиш авлодлардан мерос қолган орзу-умидлар, тасаввурларнинг ҳам аҳамияти беқийсдир. Зеро, ҳар бир авлод У.м.ни барқарорлаштириш ва олий мақсадларга эришиш борасида ўтмиш авлодларнинг тасаввур ва хулосаларини мерос қилиб олади, ўз фаолияти, замонасидаги ўзгариш ва жараёнларга ҳам ана шу н.назардан ёндашади. 2. Ҳар бир авлоднинг ўтмишдошларидан мерос бўлиб келган У.м. тўғрисидаги тасаввур ва орзу-умидларидан ташқари, ўзи тўплаган тажриба,

ана шу тажриба асосида вужудга келган қарашлар ҳам бор. Демак, ҳар қандай даврда маън-й идеалга эришиш йўлида ҳаракатлар бошланганда, уларни амалга оширишнинг режа ва дастурлари тузилаётганда, кишиларнинг руҳий-маън-й тайёргарлиги, бу борадаги мақсад, қизиқиш, эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олиш зарур. 3. У.м. тўғрисидаги тасаввурлар, эҳтиёжлар ва интилишлар асосида вужудга келган турли режа ва дастурларда кўпроқ бу борадаги фаолиятнинг наз-й, умумий жиҳатларига эътибор берилади. Бу ҳол, айниқса, жам-т тар-ётида туб бурилиш ва чуқур ўзгаришлар юз бераётган даврда яққол намоён бўлади. Аммо бу борадаги режалардан амалиётга ўтилганида, тажрибада мақсадларга эришиш учун бевосита ҳаракат бошланганида қутилмаган ҳолатлар юзга чиқа бошлайди. Булар эса, ўз навбатида, бош мақсадга эришиш (стратегия) борасидаги кундалик фаолиятда турли хил йўллар, усуллардан (тактика) фойдаланишни талаб қилади. У.м.нинг баъзи шакллари б-н боғлиқ яна бир масала бор: уларнинг ҳаётда қарор топиши муайян тўсиқ ва қийинчиликлар орқали кечади. Натижада, идеал мутлақ, тўла-тўқис амалга ошмайди, унинг баъзи бир жиҳатлари ҳаётга татбиқ этилади, бошқалари эса келажак авлодларга мерос бўлиб қолади. Одамзод эса идеалсиз, унга интилмасдан, келажакка умид кўзларини тикмасдан яшай олмайди. Аммо инсон ҳаётда фақат идеаллар, уларга эришиш тўғрисидаги орзулар б-н қаноатланиб қолмайди. У ўз идеалларига эришиш, уларни барқарор қилиш йўлида бошқа эҳтиёж, талаб ва қизиқишларини қондириши, ўзга кишилар б-н мун-тда бўлиши, жам-т талабларини бажариши, ўз бурчини адо этиши ва б. соҳаларда фаолият юритиши лозим. Шу маънода, кишилар доимо идеалга интилиб, реал ҳаётдаги вазифаларни бажариб, орзу-умидлар б-н реал воқелик орасида умр ўтказадилар. Идеалларга интилиш орзуси б-н реал ҳаётда яшаш зарурати ўртасидаги муайян зиддият одамзодни яшашга ундайдиган, умрининг энг қийин, мураккаб даврларида ҳам умид учқунлари сақланиб қолиши

учун асос бўладиган умргузаронликнинг асосий тамал тоши, инсон ҳаётининг мазмуни, маъноси ва қадрини белгилайдиган объектив жараёндр. У.м. (айниқса, унинг идеал шакллари) омилкор фаолиятга чорловчи оптимистик ғоялар, шиорлар ролини ўйнаши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар кишини амалий ишлар қилишга ундайдиган, унинг фаолиятига маъно ва мазмун бағишлайдиган, мақсадини аниқлаш имконини берадиган, бирор жараёнга, жам-тда амалга оширилаётган вазифаларга нисбатан шахс ёки ижт-й субъектларнинг қандай мун-тда бўлаётганини ойдинлаштириш имконини берадиган маън-й мезонга айланади. Инсоннинг яшаш жойи, ўтмиш авлодларининг хоки яширинган замин, ўзи туғилган юрти б-н боғлиқ умуминсониятга хос бокира туйғулари бор. Бу туйғулар туғилган уйдан, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, кўчасидан тарбиялана бошлайди, киши мансуб бўлган тарихий бирлик, унинг ўтмиши б-н боғланган ижт-й ҳудудга нисбатан мун-тда намоён бўлади. Ҳар бир киши Ер сайёрасининг фарзанди эканини, ўзи учун суюкли ҳудуд, сайёранинг таркибий қисми бўлган Ватанини англаганида, ундаги бу туйғу уни умуминсонийлик талабига мос келадиган инсон даражасига кўтаради. Сайёрамиз кишиларига хос У.м.нинг шаклланиши ва такомиллашуви учун Ер юзида тирикликнинг вужудга келиши, рив-ши, одам зотининг онгли фаолияти, меҳнати, мад-й ва маън-й камолотга эришиш босқичлари, табиат ва жам-тда амалга оширган ишлари б-н боғлиқ жараёнларни ифодалайдиган тарих ҳам ўз аҳамиятига эга. Тарих – одам зотининг вужудга келган илк даврдан бизнинг кунларимизгача яратилган моддий ва маън-й бойликларини, инсоният ҳаётида рўй берган ўзгаришларни ҳоз. авлод ва келажакка етказиб беришга хизмат қилади. У авлодлар руҳи олдидаги қарздорлик туйғусини кўзгаган, ўтмиш воқеаларини ўрганиш зарурати туғилган ва келажак режаларини тузиш жараёнида рив-шнинг аниқ йўл ва усуллари танлаб олинаётган даврларда юксак маъ-ят мезонига айланади. Бугунги кунда мам-тимиз-

да тарихий хотирани тиклаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, аҳоли қалби ва онгида миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳини сингдиришга қатта аҳамият бериллаётгани бежиз эмас. Бу эса, ўз навбатида, халқимизга хос миллий маъ-ятнинг У.м. хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, юртимизда юксак маъ-ят тамойилларининг устуворлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР — жаҳондаги барча одамлар, халқлар ва давлатлар учун умумий қадрлаш мезони ҳособланган, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар тизимини ифода этадиган т. У.қ. ниҳоятда кенг қўламли ва серқирра т.дир. У озодлик, эркинлик, тинчлик, бахт-саодат каби умумижт-й маъно-мазмун касб этадиган т.лардангина иборат эмас. Уни фақат мад-й бойликлар сифатида тушунишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб бўлмайди. Шу б-н бирга, муайян миллий, этник ва б. хусусий қадрият тизимлари ҳам У.қ.нинг ўрнини боса олмайди. У.қ. тизими ва унинг намоён бўлиш шакллари таҳлил қилиш, аслида, таркибий қисмлари бир-бири б-н диалектик тарзда боғланган умумий тизимни, унинг асосий қисмлари ўртасидаги мун-тларни тадқиқ қилишдир. У.қ. жам-т тар-ётининг муайян даврида яшаётган барча кишилар учун умумий бўлган тизимни ҳосил қилади, бошқа тамойиллар б-н узлуксиз алоқада, зарурий боғланишда намоён бўлади. У.қ.нинг намоён бўлиш шакллари нисбий хус-ятга эга, аммо бу нисбийлик доимо ҳам кўзга ташланавермайди. Тарихий рив-ш жараёнида (объектив тарзда), жам-т ва кишиларнинг талаб, эҳтиёжлари натижасида (субъектив тарзда) У.қ. шаклларида гоҳ бири, гоҳ бошқаси умумий тизимнинг марказига, ҳаётнинг олдинги поғонасига чиқиб олади, мас., юртда душманлар ҳукмронлик қилганида — озодлик, мустақиллик; юрт мустақиллигига хавф туғилганида — ватанпарварлик; миллий ўзликни англаш ва миллий уйғониш даврида — тарихий ва

мад-й меросни ўрганишга интилиш; уруш шароитида тинчлик ва барқарорликка эҳтиёж кучайиб боради. Шу тариқа ижт-й жараёнлар ривожига У.қ.нинг маълум бир шаклининг долзарблиги, бошқасининг зарурлигини бир қадар хиралаштиргандай, уларнинг айримлари идеал ҳолатга яқинлашгандек, бошқалари эса улардан узоқлашгандек бўлиб туюлади. Бугунги кунда У.қ.лар барча учун умумий мезон бўлиб қолганининг бир қатор сабаблари бор: а) сайёрамизнинг дунёдаги барча кишилар учун, уларнинг ирқи, миллати, этниқоди ва б. табиий-тарихий ҳамда ижт-й белгиларидан қатъи назар, энг умумий ва шу б-н бирга, чексиз коинотдаги мўъжазгина макон экани тобора яққолроқ ҳис этила бошлангани; б) дунёдаги ижт-й хилма-хиллик, сиёсий ва мафкураравий ранг-баранглик, турли хил эҳтиёж, қизиқиш, мақсад, интилиш, хатти-ҳаракат, фаолиятнинг тар-ёт талабларига мос келадиган энг умумий маън-й мезонларига муҳтожлик сезила бошлангани; в) даҳшатли қирғин қуроллари, ядро уруши, экологик бўҳрон ва маън-й таназул каби таҳдидлар б-н юзма-юз келиш натижасида инсоният келажаги, сайёрамиз аҳолиси умумий генофондининг тақдири хавф остида қолгани, инсониятнинг ҳоз. авлоди мансуб бўлган тамаддунларни сақлаб қолиш ўта муҳим аҳамият касб этаётгани; г) кишиларнинг қандай ижт-й тузум ва давлатларда яшашидан қатъи назар, ҳамма жойда энг асосий мақсад инсон, унинг ҳаёти, манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари, одамлар учун мазмунли, тўкин ва фаровон турмушни таъминлашда бутун жаҳон аҳамиятига молик универсал технологиялар, илм-фан ютуқлари ҳамда уларни барча ҳаракатларда қўллаш имкониятларининг умумийлиги, бу имкониятларни рўёбга чиқариш учун умумсайёравий ҳамкорлик зарурлиги тобора кўпроқ англаб олинаётгани б-н изоҳланади. Одамлар ўзлари ва атрофдагиларнинг амалий фаолиятини, бирор соҳадаги хатти-ҳаракатларини У.қ. мезони б-н солиштириб, мулоҳаза юритади, хулоса чиқаради, баҳо беради. Ижт-й тар-ёт жараёнида У.қ.нинг усту-

ворлиги талаблари ҳар бир тарихий бирликнинг тарихий рив-ш маҳсули экани, барча инсонларнинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари, орзу-умидлари ҳисобга олиниши даркорлигини кўрсатади. Бу инсоннинг табиий-тарихий ҳақ-ҳуқуқлари унинг яшаш ва умр кечириш ҳуқуқининг табиийлиги ва муқаддаслигини тўлиқ эътироф қилинишини англатади. Ана шу сабабга кўра, истиқлол йилларида мам-тимизда У.қ.нинг устуворлиги тамойилига ниҳоятда катта эътибор берилмоқда. Бу қадриятлар жам-тимизда амалга ошири-лаётган ислохотлар ва туб ўзгаришларнинг асосий мезонига айлангани бежиз эмас.

УМУМИНСОНИЙЛИК — инсон, жам-т, давлат ва б. учун умумийлик касб этувчи ҳаёт мезонлари, тар-ёт тамойиллари ва қонуниятлари. умумий қоида ва тартибларни ифодаловчи т. Мазкур т. ҳаётнинг турли жиҳатлари, хилма-хил ижт-й сифат ва ҳус-ятларнинг умуминсоний характерга эга эканини англатади. Бу т. турли соҳаларда намоён бўладиган халқ-аро андозалар, бутун жаҳон аҳамиятига молик жараёнлар. дунёнинг барча ҳудудларига хос воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланади. Бир сўз б-н айтганда, “У.” одамлар учун умумий бўлган мезонлар, объектив ҳолатлар, ҳус-ятлар, шарт-шароитлар ва б.ни ўзида акс эттирадиган т. сифатида ишлатилади. У. одамзоднинг яшashi, умргузаронлиги, амалий фаолияти, инсоният ҳаётининг энг умумий соҳаларига тегишли бўлган маън-й тамойиллар, талаб ва ҳодисалар башариятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини, яшашнинг йўналишлари, қонун-қоидалари, талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий орзу-умидлари ва идеалларини ўзида акс эттиради. У. жам-т аъзоларининг барчаси учун умумий аҳамият касб этади, инсоният ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, кишиларнинг амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга мун-ти ҳам ушбу мезонга мос келиши ёки мос келмаслигига қараб баҳоланади. Мам-тимиз тар-ётининг ҳоз. даврида У. жам-т ва давлат қурилишини ислоҳ қилиш, ҳаёт-

нинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг энг асосий тамойили сифатида намоён бўлмоқда.

УНИВЕРСИТЕТ (лот. *universitas* — мажмуа, йиғинди) — олий ўқув юрти; илмий муассаса; турли соҳалар учун мутахассисларни тайёрлаш, айна вақтда илм. тад., кашфиётлар амалга ошириладиган олий таълим муассасасини англатувчи атама. Дастлабки У.лар мадрасалар шаклида ислом мам-тларида пайдо бўлган эди. Универсал таълим ва илмий кашфиётлар борасида IX-X а.лар ва умуман ўрта а.ларда Бағдод, Балх, Басра, Дамашқ, Қоҳира, Амадон, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Насаф, Гурганж, Кеш, Шош шаҳарларидаги мадрасалар ниҳоятда машҳур бўлган ва уларда етишган алломалар Европа мам-тларида ҳам яхши танилганлар. Бу мадрасаларда яратилган кўплаб илмий асарлардан ўрта а.лар Европаси У.ларида асосий дарсликлар сифатида фойдаланилар эди. Ҳоз. шаклдаги У.ларга асос бўлган илм даргоҳлари эса XII–XIII а.ларда Италия, Испания, Франция ва Англияда пайдо бўлган. Улар асосан маъ-ят, дин, ҳуқуқ, тарих, география, математика, астрономия, табобатга оид фанларни умумлаштирган эди. XVIII–XIX а.дан бошлабгина бу таркибга ижт-й ва техник фанлар ҳам киритила бошлади. Ўз-нда дастлабки шундай У. 1920 йилда Тошкентдаги Халқ У.и асосида яратилди. 1923 йилда у Ў.О. университети деб аталди. 1960 йилдан Тошкент давлат университетига айланди. 2000 йилдан бошлаб Ўз-н Миллий университети деб атала бошланди. Ҳоз. вақтда Ўз-нда турли соҳалар бўйича етук мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган 61 та У. фаолият олиб боради. Улар бурунгиларидан ёш авлод тарбияси, билими ва маъ-ятига юксак аҳамият қаратилгани, кашфиётлар учун кенг имкониятлар яратилгани б-н фарқланадилар.

УРУШ — қуролли кучлар асосий ҳал қилувчи восита сифатида қўлланадиган қуролли курашни англатувчи атама. Бундан ташқари, У.да иқт-й, дипломатик, мафкуравий ва б. барча воситалар ишга

солинади. Мам-т ичида ҳам турли ижт-й қатламлар ўртасида ҳокимият учун кураш келиб чиқиши мумкинки, бу *фуқаролар У.и* дейилади. У.лар, ш-дек, адолатли ва адолатсиз турларга бўлинади. Ўз мам-тининг мустақиллиги ва озодлиги учун олиб бориладиган У. адолатли, бошқа халқ ва мам-тларни ғаразли ниятларда босиб олишга қаратилган У.лар адолатсиз У.лар ҳисобланади. XX а.да юз берган икки жаҳон У.и асосан ер юзини тақсимлаш ва қайта тақсимлашга қаратилган адолатсиз У.лар эди ва уларда ўн миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Ўз-н ўз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ тинч-тоғув яшаш, бошқаларнинг ишига аралашмаслик, мам-тлараро зиддиятларни тинч йўл б-н ҳал қилиш сиёсатини изчил равишда олиб бормоқда. Бутун тарих давомида У. сиёсатни куч ишлатиш орқали давом эттириш тамойили бўлиб келди. Бугунги кунда ядро ва б. ҳарбий қуроллар мислсиз ривожлангани туфайли У. мам-тларнинг иқт-й, сиёсий, мафкуравий ва б. мақсадларига эришиш воситаси сифатида ҳеч бир мазмунга эга бўлмай қолса-да, дунёнинг турли бурчакларида У. ҳаракатлари ва қуролли тўқнашувлар, ҳарбий можаролар тўхтаётгани йўқ. Замонавий воқелик шундайки, кенг миқёсдаги бирор-бир У. бутун инсоният ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин. Шу маънода, Ўз-н яхлит халқаро хавфсизлик тизимини яратиш, тинч-тоғув яшаш учун янги ташаббуслар б-н чиқмоқда.

УРУФ (ижт-й бирлик) — қон-қариндош кишиларнинг ижт-й-маън-й уюшуви натижасида шаклланган жамоа. У.чилик инсоният тарихининг қад. даврига хос бўлиб, яшаш учун кураш ва ташқи душманлардан сақланиш мақсадида кишиларнинг қариндошчилик асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлган. Шу йўл б-н кишиларнинг тенг ҳуқуқчилиги, асосий ишлаб чиқариш қуролларининг умумий мулкчилиги, жамоа меҳнати ва истеъмол қилишнинг умумийлиги таъминланган, никоҳ ва диний маросимлар тартибга солиб турилган, жорий урф-о.лар бузилганда, айбдорлар жазоланган. Зардуштий-

лик ҳукмрон бўлган даврларда ҳар бир У.га Ўтоға етакчилик қилган, унинг зиммасига ибодатхонадаги доимо ёниб турувчи ўтнинг сўниб қолмаслиги масъулияти ҳам юкланган. ҳозир бу сўз «ўтоғаси» шаклида тилимизда учраб туради. Қадимда ўзб.ларда 92 та У. бўлган: қўнғирот, манғит, минг, барлос, жалоир, найман, қурама, қипчоқ ва б. Ҳар бир кишининг ўз аждодлари кимлар бўлганини билиш мақсадида қайси У.дан эканини аниқлаши айб эмас. Аммо У.чиликка муқкасидан беришиб, фақат ўз У.и манфаатини кўзлаб, бошқаларни камситиш, атрофига ўз яқинларини тўплаб, қариндош-У.чилик қилиш ягона миллат бирлигига хавф туғдиради. Бу миллатни жипслаштирмайди, балки заифлаштиради, тар-ётта тўсиқ бўлади. Ривожланган миллатларда бундай иллатларга аллақачон барҳам берилган ва одамнинг қайси У.дан келиб чиққанига қараб эмас, қандай фазилатлари борлигига қараб баҳо берилади, қадрланади.

УРУФ-АЙМОҚЧИЛИК — қаранг: этноцентризм.

УРФ-ОДАТ — маън-й ҳаёт ҳодисаси; анъаналар сифатида умумхалқ томонидан қабул қилинган, тарихан таркиб топган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил. (Мас., ўзб.ларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга муҳтожларга ҳашарга бориш ва б.). У.о. ва расм-русумлар бир-бири б-н узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисининг таркибий қисми ҳисобланади. У.о. ва расм-русумлар ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, турмуш тарзи ва б. омиллар таъсирида шаклланади ҳамда уларнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хус-ятлардан биридир. Мас., ўзб.ларда қудачилик ниҳоятда катта эътиборни талаб қилади. “Куёвни пайғамбарлар сийлаган”, дейилади ва шунга яраша куёвга ҳурмат-эҳтиром билдирилади. Ўтмишда ота қизи келин бўлиб тушган маҳалладан отдан тушиб, пиёда ўтган. У.о. ва расм-русумлар мил-

лий анъаналар, миллий тил ва миллий рух б-н бир қаторда миллий маъ-ят ва мад-тнинг муҳим қиррасини ташкил қилади. У.о. ва расм-русумлар ҳар бир миллатда ўзига хос тизимни ташкил қилади, миллат томонидан турмуш тарзининг зарурий шарти деб қабул қилинади. У.о. ва расм-русумларга бефарқ киши миллатидан узоқлашиб, узилиб қолади. У.о. ва расм-русумларга ҳурмат ўз миллатига ҳурматнинг таркибий қисмлари, кўп миллатли давлатда ўз миллатининг У.о.ларига риоя қилиш ҳамда бошқа миллатлар б-н бўлган дўстона мун-тларига путур етказмаслиги керак. Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний минг йил аввал яратган “Ҳиндистон” асарида шундай деб ёзган: “Бирон халқнинг у ёки бу удумларига баҳо беришда буниси менга ёқади, униси ёқмайди, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, негаки, ҳар бир халқ удумлари, анъаналари минг йиллар давомида шаклланган ва ўша миллатнинг ҳаёт тарзига айланган”. Шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, ўз қадриятларимизни улуглаб, бошқаларникини камситиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос удумлари бор. Бироқ Шарқ б-н Ғарб дунёқараши орасида анчагина жиддий тафовутлар борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Одатлар — халқ табиатининг кўзгусидир. Ҳеч бир халқнинг ҳеч бир одати айрим одамларнинг хоҳиш-истаги, шунчаки ҳаваси б-н дунёга келган эмас. Улар эзгу ниятларнинг ифодаси сифатида, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати намоёнлиги сифатида туғилади. Улар аслида халқ донишмандлигининг бир кўриниши бўлиб, айнан ш.у. ҳам узоқ яшайди. Ҳатто замонлар ўтиб, баъзи одатлар янгича ҳаёт талабларига мос келмай қолганда ҳам бир неча ўн йиллар давомида яшаб келаверади. Ўзб. У.о.ларининг шахс маъ-яти, унинг тасаввур дунёси, борлиқни қабул қилиш, рад этиш, англаш, тушуниш қуртагини пайдо этиш йўсинига кўрсатган таъсири ортиб бормоқда. Инсоннинг болалик давридаги илк тасаввур, атрофга нисбатан мун-ти, кузатувчанлиги ҳам У.о.лар тарзида шаклланади. Кейинчалик У.о.лар, анъана-удумлар,

маросимлар яхлит ҳолда халқ мад-тининг яхлит тимсолига айланади. Шунга кўра, улар ҳар бир халқнинг ижт-й-иқт-й, мад-й-сиёсий, маън-й онг даражасидан дарак беради. У.о. турмуш тарзи, мавжуд шарт-шароит негизида шаклланиб, бир қанча ижт-й тузумлар алмашганига қарамай, ҳануз яшаб келмоқда, айримлари янгича мазмун касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуглаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини олгани барчамизни мамнун этади. Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари бунинг тасдиғидир. Ана шу ҳашарлар пайтида маҳалла ва гузарлар, йўллар ва майдонлар, боғу роғларни тартибга келтириш, дов-дарахтлар ўтқозиш, кам таъминланган, муҳтож оилалар, ёлғиз ва қаровчисиз кексаларга амалий ёрдам кўрсатиш, ҳеч шубҳасиз, жамият тафаккурининг янгилаштиришга кучли таъсир қилмоқда” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 96—97-б.). Буларнинг барчаси ҳар бир инсон, миллат, жам-т ва давлат ҳаётида У.о. нақадар беқийёс аҳамият касб этишидан далолат беради.

УТИЛИТАРИЗМ (лот. *utilitas* — фойда, наф) — Ғарб маъ-ятига оид наз-я. У. ҳар қандай фаолият ва хатти-ҳаракатнинг фойдалилигини маъ-ят ва ахлоқ-одоб мезони деб билади. Мазкур наз-я XIX а.да Англияда пайдо бўлган ва либерал буржуа қатлами манфаатини ифодалаган. Бентам асос солган У.нинг асосий тамойили шахсий манфаатларни қондириш воқеаси б-н “энг кўп сонли кишиларга энг кўп бахт таъминлаб беришдан” иборат. Шу б-н бирга, У.га кўра, хатти-ҳаракатнинг маън-йлиги ва ахлоқийлиги, унинг

натижасида ҳосил қилинган ҳузур-ҳаловат ва азоб-уқубатларнинг ўзаро мувозанатини математик тарзда ҳисоблаб чиқиш мумкин. У. ибораси илк бор инглиз файласуфи Дж. С. Милль томонидан илмий муомалага киритилган. Унинг асосий ахлоқий-фал-йи асари “У.” деб аталган. Айнан Милль туфайли У. таълимоти фойдалилик тамойилига асосланган ахлоқий наз-янинг алоҳида йўналиши сифатида этика тарихига киритилган. Дж. С. Милль У.га ҳузур-ҳаловатни сифат жиҳатидан баҳолаш тамойили. маън-й-руҳий лаззатларни жисмоний лаззатлардан афзал кўриш талабини киритган. У. баъзи ҳолларда давлат ва ҳуқуқ функцияларини тушунишга ҳам асос қилиб қўйилади. “Фойдалилик” тамойилининг билиш наз-ясига татбиқ этилиши прагматизмнинг пайдо бўлишига туртки беради. Дастлабки ёки мумтоз У. наз-ясининг асосчиси Дж.Бентам француз материалистлари сингари бевосита антропологияга таянган ахлоқий қарашларни илгари суради. Унинг назарида, ҳузур-ҳаловат ва азоб-уқубат — инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган асосий табиий тамойиллардир. Шу маънода, ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам, давлат ҳам ана шу табиий асос негизида шакллантирилмоғи зарур. Дж.Бентам умумлаштирилган ҳолда ушбу асосни фойдалилик тамойили, чексиз бахт ва фаровонлик манбаи, дея атайди. Бу тамойил файласуф учун шунчаки ахлоқнинг маъно-мазмунини тушунтириб берувчи восита эмас, балки хатти-ҳаракатни баҳолаш мезонларини белгилаб берувчи ҳал қилувчи ахлоқий-меъёрий асос ҳисобланади. Дж.С.Милль устозининг таълимотини ривожлантириб, Арасту ва Эпикур қарашларига таянган ҳолда, ахлоқнинг мазмун-моҳиятини инсоннинг олий мақсад-муддаolari б-н боғлаб талқин этади. У умумманфаатни ахлоқнинг олий тамойили дея эълон қилиб, инсон ҳеч бўлмаса, ўзининг хусусий манфаатларини қондиришга, биринчи галда, касбий ва ижт-й мақсадларини рўёбга чиқаришга интилиши кераклигини таъкидлайди. Дж.С.Милль У. наз-ясининг танқидчилари б-н баҳс-мунозарага киришиб, фой-

далилик тамойилига аниқлик киритишга ҳаракат қилади. Унинг назарида, бу тамойил, аввало, “бахт” т.си орқали ифодаланади. Бахт деганда, у шахсий бахтни эмас, умумий бахтни назарда тутати: хусн, шахс бахтли бўлишга интилмасдан, ўзга кишиларнинг бахтли бўлишига ҳаракат қилмоғи даркор. У. наз-яси Г.Спенсер, Э.Дюркгейм қарашларига таъсир этган адолат концепциясининг шаклланишига хизмат қилган. “Фойдалилик” тамойили У. асосчилари томонидан турлича талқин этилгани боис ҳоз. замон наз-й тадқиқотларида бу т.га янада аниқлик киритишга уринишлар, гедонистик қарашлар, чунончи, “ҳузур-ҳаловат” т.сини сиқиб чиқариш, “танлаш имконияти”ни кенгайтириш, У. ўрнига “ахлоқий мулоҳазаларни таҳлил қилиш” (эмотивизм, этикада мантиқий позитивизм) наз-ясига қарши қўйиш тенденцияси кўзга ташланмоқда.

УТОПИЗМ (юн. *utopos* — хаёлий, мавжуд бўлмаган жой) — луғавий маънода инсон, давлат ёки жам-тнинг келажакдаги мукамал (идеал) шакли ҳақидаги таълимот. У. ўйлаб топилган, ҳаёлан тасаввур этилган жам-т ёки орзудаги тузум сифатида қадимдан кўп мутафаккирларга хос бўлган. Ўрта аларда эса бу оқим мавжуд тузумни илоҳийлаштириш, унинг идеал ва абадийлигини уқтиришга хизмат қилган. Бу борадаги қарашлар англиялик Томас Морнинг (1478—1535) “Утопия”, италиялик олим Томазо Компанелланнинг (1568—1639) “Қуёш шаҳри”, Ф.Бэконнинг “Янги атлантида” каби асарларида ўз ифодасини топган. Уларнинг идеал жам-т ҳақидаги таълимоти Шарқ мутафаккирларининг бу тўғридаги қарашларидан фарқ қилади. Бу, аввало, шунда кўринадик, Ф.Бэкон, Т.Компанелла ва Т.Мор орзу қилган идеал жам-т Европадан олисдаги хаёлий жойда барпо қилинади. Шарқ мутафаккирлари, улардан фарқли ўлароқ, ўзлари яшаб турган жам-тни идеал даражага кўтарилишини орзу қилганлар. У. таълимотлари инсоният тарихида амалга ошмаган қарашлар сифатида шаклланган ва намоён бўлган.

УЯТ — инсоннинг умумэътироф этилган талаблар ва одатларга зид хатти-ҳаракати натижасида юзага келадиган, ўзаро мун-тларда бирор киши ёки кўпчилик олдида ўз қилмишидан ўнғайсизланиши, унинг ахлоққа, умуман, маъ-ятга зид эканидан афсус чекишини англатадиган т. У., одатда, ҳаёнинг маънодоши тарзида қўлланса-да, лекин аслида бу икки маън-й т. бир-биридан фарқ қилади: ҳаё фақат бировларнинг ёки ташқи воқеа-ҳодисалар олдида ўнғайсизлик ҳолатини англатса, У. кишининг қилиб қўйган хатти-ҳаракатидан нафақат бошқалар, балки ўз олдида ҳам ноқулай сезиши б-н ажралиб туради. Ш.саб. У.ни маълум маънода виждон азоби б-н боғлиқ маън-й-ахлоқий ҳодиса деб айтиш мумкин. Фарқи шундаки, У. ҳисси маълум бир вақт мобайнида воқе бўлиб, кейинчалик сустлашади ва аста-секин йўқолиб боради, виждон азоби эса инсонни то умрининг охиригача тарк этмайди. Мас., киши ўзи билмасдан қўпол муомала қилган одам б-н бир неча бор қайта учрашганидан кейин уни изтиробга солган У. ҳисси аста-секин йўқолади. Лекин ўткинчи ҳисларга берилиб, дўсти, яқин кишиси, Ватани,

севгилисига хиёнат қилган кишини виждон азоби бутун умр қийнайди. Шу маънода, У. виждон азобининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. У. фақат инсонга хос ҳодиса: “У. фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон У. пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлаша олмади, лекин инсон У.ини йўқотиб, ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин” (А.Қаҳҳор). Бир донишманд У.ни “виждоннинг сиртқи кўриниши” деб таърифлаган эди. У. энг шафқатсиз қонундан ҳам кучлироқ, қудратлироқдир. Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин У.га чап бериб бўлмайди, чунки қонун одамдан ташқарида, У. эса одамнинг қалбида бўлади. Бинобарин, уяладиган одамга ҳалол яшаш хосдир. Дунёдаги ҳар қайси халқ ёки миллатга хос туйғулар йиллар, алар давомида шаклланади, гоҳ сайқал топади. “У. ўлимдан қаттиқ”, “Эр кишининг уялгани ўлгани” каби ўзб. мақоллари ҳам қадимдан бу туйғунинг халқимиз ҳаётида нечоғлиқ юксак маън-й қадрият эканини кўрсатади. Ушбу қадриятни авайлаб-асраш, баркамол авлодни тарбиялашга ёрдам беради, жам-тнинг маън-й баркамоллигини таъминлайди.



ФАН (араб. *илм, билим, маҳорат*) — дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими; уни маълум мақсадлар йўлида ўзгартиришга хизмат қиладиган табиат ва жам-т ҳаётини акс эттирувчи ижт-й онг шакли. Жам-тнинг ижт-й ин-тларидан бири бўлган Ф. қадриятлар тизимида ўзига хос ўринга эга. У катта илмий салоҳиятни, ижодий куч-қувватни бирлаштиради, миллат дунёқарашини шакллантиради, таълим-тарбия, ахлоқ меъёрларини вужудга келтиради, маън-й баркамол инсонни тарбиялайди, мам-тда қудратли илмий салоҳиятни яратишга хизмат қилади. Ш.у. Ўз-н зиёлилари Ф. ва техникани, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, долзарб

мавзуларда тадқиқотлар олиб бормоқдалар, мас., табиий ва ижт-й жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси, эҳтимоллар наз-яси, геологик жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиш, молекуляр-генетик, ген-ҳужайра соҳасидаги, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, энергиянинг ноанъанавий турларини яратиш, қуёш энергиясини комплекс ва самарали суратда бошқа турдаги энергияга айлантириш ва б. Ўз-нда мустақиллик йилларида Ф. соҳасидаги ислохотларга катта аҳамият берилмоқда. Мас., 2002 йилда Республика Фан ва техника давлат қўмитасининг Ўз-н Фан ва технологиялар марказига айлантирилиши, 2006

ийлда эса бу соҳада яна бир тизимли ўзгар-ишнинг амалга оширилиши кабилар шулар жумласидандир.

ФАНАТИЗМ (лот. *fanaticus*) – муайян ғоя, эътиқодга кўр-кўрона ва кучли ишонишни англатувчи т. Турли даврларда жоҳиллик, ашаддий хурофотчилик, мутаассиблик, жазавакорлик, дарғазаблик, телба-тескари иш тутиш маъносида қўлланган. Умуман, Ф.нинг қуйидаги шаклларини кўрсатиб ўтиш мумкин: 1) истеъмолчилик Ф.и, яъни муайян моддий-маън-й неъматларни ўзлаштиришга кучли мойиллик; 2) диний Ф. — диний фундаментализм ва экстремизмнинг радикал шакли; 3) сиёсий-ғоявий Ф.; 4) этник, миллий ва ирқий Ф. Диний-фал-й, миллий ва сиёсий жабҳаларда Ф. кўпроқ учрайди. Ф. бу — идеал деб олинган предметга нисбатан завқ-шавқ, кучли иштиёқ б-н талпиниш ҳамда унга нисбатан танқидий мун-тнинг мутлақо йўқлиги б-н характерланади. У. Черчил ибораси б-н айтганда, «фанатик шундай инсонки, у предметни ҳам, ўз фикрини ҳам ўзгартирмайди». Ф.га берилган инсон турли моҳиятга эга бўлган қарама-қарши икки йўлдан бирини танлаб ўтирмайди, у фақатгина ўзининг маълум бир эътиқодини ҳимоя қилади, холос. Унга мос келмайдиган барча қараш ва ғоялар Ф. назарида Яратганга нисбатан шаккоклик, маъ-ятга, инсон қадр-қиммати ва адолат тамойилига зид, дея талқин этилади. Ўз эътиқодига кўр-кўрона ишонадиган фанатик шахс қарашларининг тўғри-нотўғрилиги, асосланган-асосланмагани ҳақида ўйлаб ўтирмайди, унинг учун қурбон бўлишга шай туради, ўзгалар фикрини эътиборга олмайди. Бундан ташқари, ғояси йўлида тўғаноқ бўладиган ахлоқий меъёрларни инкор этади, уларни бидъат дея эълон қилади. Ўз ғоясига эришиш йўлида ҳеч қандай тўсиқлардан кўрқмайди. Ф. т.сининг ўзидаёқ унинг торлиги, чеклангани, мутаассиблик яққол намоён бўлади. Амалиётда ўзини фанатик-мутаассиб деб атаган кишиларни учратиш қийин, аммо уларнинг аксарияти эътиқодига зид қарашларини илгари сураёт-

ган кишиларга шундай тамға қўяди. Мас., насронийлар назарида ўз динига эътиқодли бўлган мажусийлар ўтакетган мутаассиб ҳисобланган. Шу б-н бирга, насронийларнинг ўзи ҳам Рим ҳукмдорлари томонидан мутаассибликда айбланган. Ёки муқаддас инквизиция мутаассибликда барча ташкилотларни ортида қолдириб кетган бўлса-да, насроний ақидаларга зид ғояларни илгари сурганларга бидъатчи деган тамға қўйиб, шафқатсиз жазога маҳкум этган. Ф. диний соҳадан ташқари, сиёсий жабҳада ҳам кенг тарқалган. Мас., француз инқилоби даврида сиёсий партиядан кўра кўпроқ ўзига хос сиёсий мазҳабга ўхшаб кетадиган якобинчилар сиёсий мутаассибликка ёрқин мисол бўла олади. Ф.нинг хатарли жиҳати шундаки, унга йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жам-тда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўлади. Оммавийлик унсурини эса муайян бир хатти-ҳаракатлар учун шахсий жавобгарлик ҳиссини йўқотиб юборади, ҳаракатга оммавий тус беради. Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга — зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги б-н ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина минтақаларида ижт-й-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга уринаётган, қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётган ўтакетган мутаассибларнинг экстремистик хатти-ҳаракати тобора хатарли тус олаётгани барча давлатларнинг бу иллатга қарши биргаликда кураш олиши бориши, кишиларнинг мад-й даражасини юксалтириш, шахсга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш борасида саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этмоқда.

ФАОЛЛИК (араб. тез, шиддатли ҳаракат) — шахснинг ҳаётда маълум бир мақсад йўлидаги илғор ва интилувчан хатти-ҳаракатларни намоён этишини англатувчи т. Жам-тнинг тар-ёт б-н доимий мун-тини ушлаб турувчи, инсоннинг ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини маън-й фаоли-

ятига мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хус-ят — бу унинг **Ф.идир**. Жам-тдаги ўзгаришларга айнан **Ф.га** инсонларнинг таъсири катта бўлади. Ш.у. ҳам шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари — унинг **Ф.и**, у ёки бу фаолият турларидаги иштироки ва уни уйдлаши каби бир-бири б-н алоқадор сифатлари орқали баён этилади. Фанда инсон **Ф.ининг** асосан икки тури фарқланади: а) *ташқи* **Ф.** — бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатлар, мушакларнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган **Ф.**; б) ички **Ф.** — бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда, иккинчи томондан, бевосита руҳий жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечирилишига таъсир кўрсатувчи маън-й омилларни ўз ичига олади. Мисол учун, узоқ айрилиқдан сўнг она ўз фарзанди б-н учрашди. Уларда қандайдир ўзига хос фаол маън-й ички жараён кузатилади. Ташқи жиҳатдан эса, **Ф.ни** биз онанинг боласига интилиши, уни қучоқлаши, юзларини силаши, кўзларидан оққан севинч ёшларида кўрамиз. Ташқи **Ф.** хатти-ҳаракатларда кўринаётган бўлса, ички **Ф.** кўз б-н илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Бир қарашда ҳар бир шахс ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб туюлган бундай **Ф.** турлари аслида ижт-й характерга эга бўлиб, шахснинг жам-т б-н бўладиган мураккаб ҳамда ўзаро моддий ва маън-й мун-тларининг оқибати ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, шахс **Ф.ининг** манбаи унинг турли-туман эҳтиёжларидир. Эҳтиёж — бу индивиднинг рив-ши ҳамда жисмоний ва маън-й жиҳатдан ўзини фаол даражада намоён қилишининг табиий ва ижт-й шароитларга боғлиқ бўлган омилдир.

ФАРЗАНД (форс. бола, ўғил, қиз, насл) — ота-онанинг ўзларидан кейин қолдирадиган зурриёти. **Ф.** оила қувончи, ҳаётнинг, ажодлар моддий-маън-й ҳаётининг давомийлигини таъминловчи воси-

тадир. Маън-й жиҳатдан кимнинг боласи бўлишидан қатъи назар, ёш жиҳатдан улғу инсонлар — ажодлар, ёш жиҳатдан кичик инсонлар — авлодларга нисбатан қўлланадиган т. **Ф.** т.си, ш-дек, инсон томонидан амалга оширилган ишларнинг улғулигини ифодалаш ва унда инсон меҳнатининг ўрнини кўрсатиш маъносига ҳам ишлатилади ва бу меҳнатнинг халқ, миллат, тамаддун, коинот, ер сайёрасига тегишлилигини ҳам ифодалайди. Мас., “Ер **Ф.и**”, “халқ (миллат) **Ф.и**”, “Коинот **Ф.и**” ва ҳ.к. Жумладан, миллатимиз, халқимиз ичидан етишиб чиққан жуда кўп инсонлар дунё халқлари томонидан ана шундай атама б-н тилга олинади. Айни вақтда атама ўзидан кичикка нисбатан иззат, умуминсоний маънода эса чуқур ҳурмат маъноларини англаувчи т.дир.

ФАРИШТА (форс. малак., хур, гилмон) — нурдан яратилган, нафс ва хоҳишга эга бўлмаган, Аллоҳ амрини бажарувчи, кўзга кўринмайдиган махлуқот. Мазкур атама баъзан инсонга нисбатан қўлланиб, одамнинг турли гуноҳлар, ёвуз ниятлар, ахлоқсизлик, бузғунчилик ва б. иллатлардан поклигини, маън-й юксаклиги, безарар ва аксинча, ҳаммага фойдаси тегиши, донишмандлиги, ҳаётда юз берадиган воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини кўрган-кечирган тажрибалари воситасида тушунтириб бера олиши, эътиқодлилигини ифодалайди. Шунга кўра, баъзан яхши бир инсон ҳақида гап кетганда, “**Ф.** одам”, “**Ф.** сифат одам” каби сифатлашлардан фойдаланилади. Аксинча, салбий хус-яти сезилиб турадиган шахс, жойга нисбатан “**Ф.сиз**” иборасидан фойдаланилади: “**Ф.сиз** одам”, “**Ф.сиз** уй” ва ҳ.к.

ФАРҒОНИЙ, Аҳмад — VIII–IX яшаб ижод этган, нафақат Осие мам-глари, балки бутун дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир. Тарихий манбаларда унинг номи Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний тарзида қайд этилади. Фарғонада туғилиб ўсган, вояга етган, ўша замоннинг Шарқдагина эмас, балки бутун дунёда илм-маърифат маркази бўлган Бағдод шаҳридаги «Байт ул-ҳикма»

илмгоҳида фаолият кўрсатган. «Байт ул-ҳикма» аслида мусулмон дунёсининг Ф. вазифасини бажарган. Ф.нинг туғилган йили номаълум, лекин у ал-Хоразмийдан 11 йил кейин, 861 йили оламдан ўтган. Ф.нинг илмий асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, алар оша турли мам-тларда нашр этилган. Ф.нинг асосан ол-тита китоби дунёга маълум ва машхур. «Китоб фи усул илм ан-нужум», яъни «Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб». Рисоланинг асл қўлёзмалари матни бир хил бўлса-да, беш ном остида сақланмоқда, яъни: «Ал-мажистийга бағишланган фалакиёт рисоласи», «Фалак сфералари сабабияти», «Алмажистий» (Птоломейнинг «Алмагест» асари), «Илм ал-хайъа» “Фалакиёт илми” деб ҳам аталади. Бу қўлёзмалар Англия, Франция, АҚШ, Марокаш, Миср ва Санкт-Петербургда сақланмоқда ва тадқиқотчилар диққат-эътиборидадир. Асар 1145 йили Иоанн Севил. 1175 йили Ҳерард Кремон томонидан лотин тилига таржима қилинган ва 1193, 1422, 1537, 1590, 1910 йилларда Гоол, Региомонтон, Шёнер, Христаман, Кампани каби олимлар томонидан Европанинг турли мам-тларида чоп этилган. **Фарғоналик бу фозил зотнинг «Астрономия асослари» номли шоҳ асари ўн иккинчи асраёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди. Европада китоб нашр этиш бошланган XV асра эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилинган унинг нақадар юксак аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган. «Ал-Фарғоний жадваллари» асарининг қўлёзмаси Ҳиндистонда, «Ой Ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи»нинг қўлёзмаси Қоҳирада сақланмоқда. «Устурлоб б-н амал қилиш ҳақидаги китоб»ни хинд олимлари сақлаб келишмоқда. «Етти иқлим ҳисоби» асарининг қўлёзмаси Германияда, «Устурлоб ясаш ҳақидаги китоб» қўлёзмасининг**

тўртта нусхасини Берлин ва Париждан топиш мумкин. Уни 1919 йили Видеман немис тилида нашр этган. Илмий асарлар, одатда, адабий асарларга қараганда тезроқ эскиради, ҳатто замонамизда яратилган илмий китобларнинг баъзилари эскириб қолганлиги сир эмас. Улар тарихий-илмий қимматга эга бўлиб қолишган-у, лекин қайта нашр қилиниши тақозо этилмайди. Аммо Ф. китоблари XII, XVI ва XX а.ларда қайта-қайта чоп этилгани, уларнинг ниҳоятда ўлмас асарлар эканлигидан далолат беради. **Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгаллиги борасидаги қарашларини ордан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машхур сайёҳ Христофор Колумб Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.** Гелиоцентризм наз-ясининг пайдо бўлишидан анча илгари Ф. Ер энг кичик юлдуздан ҳам кичикдир, деган фикр б-н майдонга чиқади ва буни Ер радиусининг осмон радиусига қараганда кичик экани б-н изоҳлайди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз – Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади. Ф. Ер ёйининг қайси узунлиги I даражага тўғри келишини ўлчаб, бу миқдорни аниқлади ва уни 360 га кўпайтириб, 40 минг 800 километрни ҳосил қилди. Ер меридианининг ҳоз. замон илмий асбоблари ёрдамида ўлчанган узунлиги 40 минг 8 километр чамасидир. Ўртадаги хато ниҳоятда камлиги бугунги кунга қадар жаҳон илм-фан аҳлининг Ф. даҳосига тасанно айтиб келишига сабаб, дейиш мумкин.

Қад. замон ва ўрта а.ларда Қуёш ҳамда Ой йиллари, ш-дек, мусулмон мам-тларида Шамсий ва Қамарий йил ҳисоблари, кабиса йилини чиқариш, йиллар, эрлар бошланишини белгилаш масалалари фақат Қуёш, Ой ва Ер ҳаракатларидаги ўзаро табиий – ижт-й ҳодисалар, чунончи, пайғамбар ва подшоҳлар ҳаётидаги воқеаларга ҳам боғлиқ бўлган. Аммо бир сутка ва бир йилда оламнинг чархпалак

айланишини рақамлар б-н ифодалашда йилни сутка б-н рационал, бутун сон ёрдамида ўлчаш ҳануз муаммолигича қолмоқда. Ер Қуёш атрофида 365 кун 6 соат 48 дақиқа 46 сонияда бир марта айланиб чиқса, 6 соатдан ҳар тўрт йилда 1 кун чиқариб, бу кабиса йилни 366 кун деб осонлаштирилади, лекин барибир ўша 48 дақиқаю 46 сония муаммолигича қоляпти. Бу масала Ф. замонидан то бугунгача ҳам илм-фанда ҳали ечимини топмаган. Умуман, тақвим муаммосини ижобий ҳал этиш учун БМТда махсус комиссия бир неча йилдан бери ишлашига қарамай, ҳали бирор натижага келингани йўқ. Самовий жисмлар ҳаракатини Ньютон ва Лаплас масса ҳаракатининг динамикаси шаклида, Кеплер геометрик-кинематик йўсинда баён этишган бўлса, Ф. жадваллар тарзида изоҳлаган. Азимутлар, юлдузлар, алмукантаратлар, параллеллар, радиуслар, эклиптика, сферик фалакиёт ва сферик тригонометрия жадваллари шу жумладандир. Ўша вақтларда олам манзараси келгусида қандай бўлиши, яъни Ой ва Қуёш тутилишларини олдиндан айтиб беришнинг ягона усули мана шу жадваллар эди. Жадвалнинг фазилати унинг жонли мушоҳадага ундовчи табиатидир. Қонуниятнинг юқорида тилга олинган шаклларига график, статистик, интуитив, мантиқий усуллар ҳам қўшилади. Шундай бўлса ҳам Ф. кашф этган қонуниятнинг жадвал усули тобора ривожланмоқда.

Маълумки, осмон гумбазида мавҳум тарзда жойлаштирилган меридиан, экватор, эклиптика, азимут, координата ўқлари тизимлари, бурчаклар, нуқталарнинг проекцияларини доира асбобга тушириш анча қулайлик туғдиради. Бу асбоб наз-ясини ҳам Ф. кашф этди. Горизонтал, экваториал ва эклиптик координата тизимларини қабул қилиш, уларни жойлаштириш, сайёраларнинг эпицикл деб аталувчи чизиқлар бўйича, уларнинг марказлари Ер атрофида дерефент номли чизиқлар бўйича ҳаракат қилиши қоидалаштирилди. Аллома бунинг учун сферик учбурчак тригонометрия ёрдамида сферик фалакиётга ва сферик геодезияга ўтди. Косинуслар ва тан-

генслар сферик теоремаларини яратди. Ф. илмий асарларининг XII адаёқ лотин тилига таржима қилиниши ва бутун Европа тарқалиши Европа Уйғониш даврининг илмий-ижт-й омилларида бири бўлди. Унинг кашфиётлари жаҳонда тинмай ўрганилди, китобларидан фалакиёт соҳасида асосий қўлланма сифатида фойдаланилди. Улар янги-янги илмий кашфиётларга сабаб бўлди.

ФАТАЛИЗМ (лот. *fatalis* — тақдирига оид, муқаррар) — ҳар бир ҳодиса ҳамда инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини тақдирга боғлиқ, деб қаровчи дунёқараш. Фал. тарихида Ф.ни ирода эркинлиги қандай ҳал қилинганига қараб икки асосий турга ажратиш мумкин: мифологик Ф. — иродани ақдан ташқарида, “қоронғи тақдир” деб қарайди; теологик Ф. — тақдир Худо қудратига боғлиқ, инсон туғилишидан олдин унинг ким бўлиши, унинг ҳаётида нималар бўлиши пешанасига ёзиб қўйилган, деб ҳисоблайди. Бу наз-я калом фал.сининг энг муҳим ақидаларидан ҳисобланади. Рационалистик Ф. (механистик детерминизм б-н қўшилувчи) тасодифни ва инсон иродасини азалий тақдирнинг зарур шарти, деб талқин этади. Унинг намояндalари (пифагорчилар, Демокрит, Ницше ва б.) доиравий айланишнинг муайян босқичида воқеа-ҳодисаларнинг муқаррар равишда такрорланишини таъкидлайди.

ФАШИЗМ (итал. *fascismo, fascio* — боғлам, алоқа, боғлиқлик) — мустабидлик руҳидаги сиёсий ҳаракатлар, партия ва режимларни билдиради. Бу оқим I жаҳон урушидан кейин Европа мам-тларидаги тажовузкор таълимотлар асосида пайдо бўлди. Ф. пайдо бўлишининг асосий сабаби — жам-тдаги барча ижт-й қатламларни қамраб олган узоқ муддатли глобал инқироз б-н боғлиқ эди. Ф. мафкура-си ва амалиёти ана шу инқироздан тез ва нисбатан самарали чиқишга уриниш сифатида намоён бўлади. Ф. миллий сафарбарлик ва бирдамликка асосланган мафкура бўлиб, I жаҳон урушида мағлубиятга учраган давлатларни бирлаштиришни

назарда тутган эди. Бу — жам-т тузилиши ва тизимини янгича ташкил этишга қаратилган миллатчилик ва ирқчилик шаклларининг йиғиндисидир. У жам-тни мажбурий тарзда «бизникилар» ва «бегоналар»га ажратиб, ирқчилик, милитаризм ғоялари асосида «бегоналар»ни йўқ қилишни тарғиб этади. Ф. — оммавий сиёсий ҳаракат бўлиб, улкан тарғибот-ташвиқот аппарати асосида омманинг хулқ-атвори ва дунёқарашини бошқарадиган ғоявий мафкуравий технологик мажмуадир. Ф.нинг бошқа реакцион диктатуралардан фарқи шундаки, у жам-т ижт-й гуруҳларининг каттагина қисми томонидан қўллаб-қувватланади. Фашистик ҳаракат ва тузумларнинг ижт-й асоси турли мам-тларда нисбатан турлича бўлиб, улар, биринчи навбатда, инқироздан зарар кўрган ўрта ва қўйи қатлам вакиллари ҳисобланади. Баъзи мутахассислар ўрта синфнинг индустриалштириш давридаги хусусий манфаатларининг чеклаб қўйилиши сабабли пайдо бўлди деса, бошқалари Ф.нинг ижт-й асосини ўрта синфнинг экстремистик қисми ташкил этади, деган фикрни илгари суради. Ф. ўзига хос тоталитар ёки авторитар сиёсий мад-тнинг шундай турини яратадики, у инсонларнинг оила, кундалик турмуш, ишлаб чиқариш ва б. соҳалардаги мун-тларига, яъни ижт-й ҳаётнинг барча жабҳаларига бевосита таъсир ўтказди. Ф. сиёсий ҳаракат ва тузум сифатида турли кўринишларда — монархистик (Испанияда Франко бошчилигида), ҳарбий-фашистик (Чилида Пиночет бошчилигида) тузумлар шаклида намён бўлиши мумкин.

ФАҲМ-ФАРОСАТ — оддий турмуш ҳодисаларида ҳам, мураккаб ҳаётий мун-тларда ҳам муайян ҳолатни, вазиятни идрок ёрдамида тез англай билиш. Ф-ф. сўзлари халқ орасида одатда қўшма сўзлар шаклида қўлланади. Лекин аслида илмда Фаҳм Фаросатдан фарқланади. Фаҳм — ақл, идрок б-н боғлиқ ҳодиса. Уни Ибн Сино инсоний ақлнинг интуитив кўриниши, мураккаб нарса-ҳодисаларни зудлик б-н илғаб олиш учун ато

этилган қобилият деб таърифлайди. Фаросат эса инсонга кўпроқ оддий кундалик турмушдаги воқеликни идрок этишда кўмаклашадиган қобилият бўлиб, у одоб б-н боғлиқ ахлоқий ҳодиса. Мас., осмонни қора булут тўла қоплаб олганини кўриб, йўлга ёмғиртўшсиз ва соябонсиз чиққан одамни бефаҳм ёки фаҳмсиз, чанг, лой пойафзалини ечмай, гиламни босиб, ичкарига кирган одамни фаросатсиз ёки бефаросат деймиз. Кўп ҳолларда фаҳмсиз одам айна пайтда фаросатсиз ҳам бўлади. Бу икки маъ-ят т.си кўпинча ёнма-ён қўлланиши ҳам мумкин. Ф.ф. — ботиний сезги, ҳис, қалб кўзи б-н кўриш. Тасаввуфда басират кўзи б-н айбни кўриш, пинҳоний кашф айлаш, бошқача айтганда, руҳнинг илоҳий қувват б-н англаб тафаккур этиши туфайли ғайбий маъноларни билишдирки, бунга фаросати ақлия, кашфия ва илоҳия дейилган. Бу Ф.да хато ёки янглишлик бўлмайди. Фаросат соҳибларининг мартабалари тўрт асосий рунга ажратилади: 1. Имон — авом савиясидаги мўминларнинг ҳоли. Бу мартаба дарахтларнинг баргита ўхшаш. 2. Валоят — хос мўминларнинг ҳоли. Бу эҳсон мартабаси ҳам дейилади, дарахтларнинг меваси кабидир. 3. Нубувват — ахвас ул-хос. Бу меванинг айнан ўзи. 4. Рисолат — хулосаи ахвас, яъни ўзининг ўзидир. Фаросатнинг биринчи ва иккинчи мартабаси касбий бўлиб, жаҳд ва ғайрат б-н қўлга киритилади. Кейинги иккитаси ваҳбий, яъни Аллоҳнинг лутфидир. Ш-дек, Ф. ва Ф.сизлик инсонлар ақлий қобилиятларини ўзaro солиштириш учун ҳам қўлланилади. Ҳар бир масалада тўғри муҳокама юритиш орқали хулоса чиқариш ва мустақил шаклланган мантиқий фикрлаш жараёнига эга бўлиш фаросатдир. Воқеа-ҳодисаларнинг илдизлари ва сабабларини англаш, умумлаштириш ва тўғри хулосаларга кела олиш қобилияти эса ақлдир. Ф.сизлик эса юқоридаги қобилиятларга эга бўлмаслик, моҳиятни англамаслик ва кузатувчида салбий хулоса уйғотувчи кўплаб ҳолатлар мажмуасидир. Мантиқий фикрлаш қобилияти суэт ёки паст бўлган суҳбатдошни кўпинча фаросатсизликда айбла-

шади. Интеллектуал машғулотлар (турли интеллектуал ўйинлар, савол-жавоблар) орқали ақлий қобилиятни ривожлантириш, Ф.сизликни бартараф этиш мумкин. Ф.сиз инсон б-н ўтган дақиқалар зерикарли туюлади. Ф.сизлик остида ирсий омил ётса, уни даволаш анча мушкуллашади. Рухшунос олимлар тадқиқотлари Ф.сизликни келтириб чиқарувчи сабаблар кўлами жуда кенглигини тасдиқлаган. Ф.ли одам тарбия кўрган одамдир. Бундай одамда, аксинча, мулоҳазакорлик, босиқлик хислатлари жам бўлади. Ф. шу каби инсон табиатининг нозиклиги, хушмуомалалиги б-н ажралиб туради. Ф. ф.ли одам кўполлик қилмайди, ҳуда-беҳудага орага суқилмайди. Суҳбат пайтида кимга нима дейиш кераклигини обдон ўйлаб кўради. Мас., икки киши суҳбатлашганда, тўсатдан қўшилиб, гап қистириш, ўзига алоқаси бўлмаган ишларга аралаштиш ёки суҳбат чоғида ноўрин ва номақбул қилиқлар қилиш, нохуш сўз айтиш бефаросатликдир. Шу боис Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий “Гулистон” асарининг охириги бобини “Суҳбат одобида” деб номлаб, ибратли фикрларни баён этган. Чунончи: “Қаерда қандай гап гапиришни ўрган, айтар гапни ўз пайтида айт, айтиб бўлмас гапдан қайт”. Ҳусайн Воиз Кошифий эса “Ахлоқи Муҳсиний” номли асарида Ф.ни подшоларнинг хислати сифатида таъриф этган. Яъни ёлғонни ростдан ажратиш, ёмонни яхшидан фарқлаш, ҳодисалар моҳиятини, одамларнинг ниятини тез идрок этиш, зеҳни ўткирлик маъносидатушунтиради. Олмон мумтоз файласуфи Гегелга кўра “Ф.ф. бир бутун яхлит объектларнинг бўлакларга бўлинишидир”. Бутунни бўлакларга бўлиш жараёнида Ф.ф.нинг қуввати, бутунни бўлакларга ажрата олиш қобилияти, ўша бўлакларнинг бирининг иккинчиси б-н боғлиқлиги, алоқадорлиги яққол намоён бўлади. Ф.ф.нинг ақлдан фарқи шундаки, у энг аввало умумийликни ўзида мужассамлаштиради, сўнгра ўзига хос фарқни ифодалайди.” Гегель қарашларининг мазмун-моҳияти Кьервегор фикрича, “умумий моҳиятга қаратилган, бунда ўзига хос

мавжудлик, индивидуаллик тан олинмаган эди”. Ф.ф. ва ақл (интеллект)ни ўзаро алоқадорлиги хусусида олмон файласуфи И.Г.Фихте фикр юритиб, Ф.ф.нинг индивидуал хус-ятга эга экани ҳақидаги гоёни танқид қилади. У ақл (интеллект) инсон инсонийлигининг энг олий нуқта-си, ундаги ижт-йликнинг асоси эканини таъкидлайди. Ф-ф. мантиқий жиҳатдан тафаккурнинг дастлабки босқичи ёки ўзига хос усули бўлиб, бунда у кўпинча предмет ёки ҳодиса тўғрисида тўғри муҳокама юритиш, хулоса чиқариш, фикрлар изчиллигини таъминлаш каби вазифани бажаради. Ф.ф. ва ақл (интеллект)ни ажратиб талқин қилиш Суқротдан бошлаб, Афлотун, Арасту ва кейинчалик Кант, Гегель фал.сида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Кант фикрича, Ф.ф. ҳиссий аъзолар орқали олинган ахборотларни маълум бир шаклга солади ва бу жараёнда у предмет-ҳодисани кўпроқ ташқи хус-ятларини ўзида акс эттиради, холос. Ақл эса айнан шу ахборотларни анализ ва синтез қилиш натижасида “нарса ўзида” ни билишга интилади. Лекин охир-оқибатда у ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар гирдобига тушиб қолади. Ф.ф. тафаккур учун етарли эмас, ш.у. ҳам ундаги мавҳумликни бартараф этган ҳолда аниқ мулоҳазалар орқали уни янада ривожлантириш лозим. Шу маънода Гегель “Ф.ф.ли тафаккур етарли эмас, у юқори, оқилона билиш шаклларига кўтарилишга имкон берадиган зарур босқичдир, холос”, деган эди.

ФЕМИНИЗМ (фран. *feministe*, лот. *femina* — аёл) — аёлларни камситишлардан халос этишни тарғиб қиладиган, ҳуқуқ ва бурчларини жам-тдаги ижт-й воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганадиган оқим. Ф. Франция буржуа инқилоби даврида вужудга келган бўлиб, хотин-қизларнинг иқт-й, ижт-й-сиёсий ва мад-й соҳаларда эркаклар б-н тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун кураши, ш-дек, ижт-й-сиёсий курашда иштирок этишини тарғиб этади. Тарихдан маълумки, аёллар ҳукмронлиги давридан эркаклар ҳукмронлиги даврига ўтиш аёлларнинг жам-тда тут-

ган ўрнини ўзгартирди, уларнинг ижт-й ҳаётдаги иштирокини чеклаб, фаолиятини оила доирасига тушириб қўйди. Шу даврдан бошлаб жам-т ва оилани бошқариш эркаклар қўлига ўтди, аёллар эса фарзандларни дунёга келтириш, тарбиялаш, оила бекасига айланиб, эркакларга моддий ва маън-й жиҳатдан қарам бўлиб қолди. Лекин тар-ёт жараёнида ижт-й-сиёсий мун-тларда юз берган ўзгаришлар кишиларнинг ҳаётга мун-ти ўзгаришига олиб келди. Ижт-й ҳаётда адолат, озодлик, инсон қадр-қимматини эътироф этиш ғояси аста-секин етила бошлади. Айни пайтда sanoatning рив-ши, урбанизация жараёнининг жадаллашуви арзон ишчи кучига эҳтиёжни кучайтирди. Натижада аёллар арзон ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришда қатнаша бошлади. Бир томондан, озодлик ғоясининг вужудга келиши, иккинчи томондан, уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашуви ва эркаклар каби эркин яшашга ҳақли экани ҳамда жам-т тар-ётига ўз улушини қўша олиш ғоясининг вужудга келишига замин ҳозирлади. 1789 йилда француз файласуфи Ж.Кондорсе «Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш ҳақида» деб номланган мақоласини чоп эттирди ва унда аёлларнинг жам-т аъзоси эканини таъкидлаб, миллатнинг бир қисми сифатида уларга нисбатан мун-тни тубдан ўзгартариш керак, деган қарашни илгари сурди. 1791 йили Олимпия де Гуж «Фуқаролик ва аёл ҳуқуқи декларацияси»ни тайёрлади ҳамда аёлларнинг эркин фикрлаш ва ўз фикрини эркин эълон қилиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлади. Бу декларация аёллар ҳаракатининг биринчи манифести ҳисобланади. Ш.у. ана шу вақтдан бошлаб де Гуж ҳамда унинг тарафдорлари феминистлар, уларнинг ҳаракати эса Ф. деб атала бошлади. Ҳозирда Ф. қад. ва янги босқичларга бўлиб ўрганилади. Қад. Ф. XVIII а.да вужудга келган бўлиб, XIX а. охиригача ўз таъсирини сақлаб қолди. Бу даврда хотин-қизлар барча йирик ижт-й ҳаракатларда иштирок эта бошлади. Францияда хотин-қизларнинг тенглик учун курашига бағишланган биринчи журнал чоп этилди. Дастлаб хотин-қиз-

ларнинг инқилобий клублари пайдо бўлди ва улар сиёсий курашларда фаол қатнашди. Бу даврдаги асосий саъй-ҳаракатлар хотин-қизларнинг оиладаги тутқунлигига қарши қаратилган бўлиб, уларнинг эркаклар б-н сиёсий тенг ҳуқуққа эга бўлишига эришишга йўналтирилган эди. Бунинг учун улар маълумот олиши, эркаклар б-н баробар ишлаши ва ҳақ олишини ёқлаб чиқиш талаб қилинар эди. Буни амалга ошириш ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, XX а.да АҚШ Конституцияси таҳлил этилиб, унда аёлларнинг сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга экани эълон қилинди. Бу ҳолат Ф. ғоясининг янада кенг миқёсда тарқалишига ҳамда янги, хилма-хил феминистик оқимларнинг вужудга келишига шароит яратди. Янги Ф. аёллар тенглиги учун кураш ғоясини қад. Ф.дан мерос қилиб олиш б-н бирга, ўзига хос бўлган хус-ятларга ҳам эга эди. Янги феминистик оқимнинг йўналишларини шартли равишда тўртга бўлиб ўрганиш мумкин. Булардан ташқари, консерватив ғояга эга бўлган антифеминистик йўналишлар ҳам мавжуд. Консерватив йўналиш намояндalари Зигмунд Фрейд наз-ясига асосланиб, аёллар оила ва оналик вазифасини бажариши лозимлигини мутлақлаштиради ҳамда аёлларнинг камситилишини инкор қилади. Аёлларнинг жам-т ва оилада юқори мавқени эгаллаши, уларнинг асосий иши — фарзанд кўриш, уни парвариш қилиш ва тарбиялаш экани эътироф этилиб, ишлаб чиқаришда қатнашиш эса уларнинг фаолият доирасига кирмади, деган ғоя илгари сурилади. Либерал Ф. жам-тдаги ижт-й-иқт-й ислохотлар орқали аёллар б-н эркакларнинг тенг ҳуқуқлигига эришиш мумкин, деган фикрни ёқлаб чиқади. Бу оқим намояндalари М. Уолтонкрафт, Г. Милль, Ж. Милль каби инг. феминист олимларининг аёлларни тенглиги ҳақидаги наз-яларига таянади ҳамда шу асосда аёлларнинг эркакларга ҳуқуқий, иқт-й ва ижт-й қарамлигига барҳам бериш учун аёллар билим олиши, уни доимий равишда такомиллаштириб бориши, эркинлигини таъминлаш учун имкониятларга эга бўлиши; бозор иқтисодиёти шароитида меҳ-

нат жараёнида тенг иштирок этиши; бозор шароитларига мослашув жараёнини тезлаштиришда аёлларнинг нуфузини оширадиган қонунлар қабул қилиш зарурлиги каби ғоялар ўртага ташланади. Радикал Ф. XX а.нинг 60-йилларида вужудга келган. У ўзининг кўпгина ғоялари б-н либерал Ф.дан фарқ қилади. Унинг эътибор марказида аёлларнинг табиий хус-ятлари ётади. Радикал Ф. аёллар б-н эркаклар тенглиги ғоясини инкор этиб, барча эзилувчиларни озод қилишни тарғиб этади. Улар қуйидаги ғояни илгари суради: аёллар қадимдан биринчи эзилувчи гуруҳни ташкил этади; аёлларни эзиш жаҳонда кенг тарқалган ижт-й ҳодиса бўлиб, таҳқирлашнинг шафқатсиз шаклидир. Радикал Ф. нафақат жам-т тизимини ўзгартиришни, балки фарзандлар тарбиясини ҳам ўзгартиришни талаб қилади. Радикал Ф. намояндалари америкалик олимлар Фиресто «Жинслар диалектикаси». О. Брайн «Репродуктив сиёсат» номли асарларида тиббиёт, дин, урф-оғалар, зурриёт қолдириш, ирқчилик, экология ҳамда сиёсий наз-яларни таҳлил қилиб, эркаклар устунлигини таъминлайдиган асосларни илмий жиҳатдан ифода-лаб беришга ҳаракат қилган. Радикал Ф. эркаклар ҳукмронлиги аёлларга зуғум ўтказиш манбаи эканини исботлайдиган оқим сифатида машҳур. Улар аёлларнинг жинсий аъзоларини стерилизация қилиш, ҳомилани сунъий йўл б-н тушириш, контрацептив воситалардан фойдаланиш ҳақидаги қонун ва б. меъёрий ҳужжатларни доимий равишда назоратга олиш лозимлигини таъкидлайди. Социалистик Ф. аёлларни мустабид тузум тазйиқидан халос этишни тарғиб этадиган ва биологик омилни ҳисобга олмаган ҳолда уларнинг мавқеини жам-тдаги ижт-й воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганайдиган оқим. Бу наз-я собиқ совет даврида амалга оширилиши натижасида минтақаларда умумий саводхонлик, ўрта ва олий таълим бўйича маълумот даражаси ортди (хотин-қизлар орасида ҳам), тиббий хизмат ва ижт-й ёрдам тармоғи ривожланди, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги (сиёсий тенглик, бир хил меҳнат қилиш, бир

хил маош олиш каби) қонун б-н мустақамланди. Совет ҳукумати хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда юқори даражада иштирок этишини таъминлади, натижада, улар учун уйдан ташқарида эркаклар б-н баробар ишлаш имконияти, яъни аёллар учун муҳит яратилди, аммо уй-рўзгор ишларининг оғир юки аёллар зиммасида қолаверди. Аслида расмий ҳуқуқ тенглиги б-н яширинган имкониятларнинг реал тенгсизлиги бутунги кунда ҳам мавжудлиги, айрим олима, сиёсатчи, санъаткор аёлларнинг эришган ютуқларига қарамай, хотин-қизларнинг камситилиши ҳозир ҳам давом этаётганини кўпчилик тан олишни истамайди. Мустақиллик шароитида юртимизда аёлларнинг жам-тдаги нуфузини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани қўллаб-қувватлаш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида тўпланган халқаро тажрибалардан фойдаланиб, тегишли миллий дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

ФЕНОМЕНАЛИЗМ (юн. *phainomenon* — юз берувчи) — ноёб, камёб, кам учрайдиган ҳолат ёки инсон, ҳис-туйғу тажрибаси б-н пайқаладиган, ёрқин ҳодисани англатувчи т. б-н боғлиқ бўлган фал-й таълимот. Бунда фақат ҳодисаларгина (феномен) билишнинг объекти ҳисобланади. Ф. рив-ши натижасида оламни ғоялар ёки “сезги комплекслари” мажмуи, деб билувчи (Ж. Беркли) ҳамда сезгилар замирида нима борлигини билиш мумкин эмас, дейдиган агностицистик (Д. Юм) ёндашувлар пайдо бўлади. Ф. ҳодисалар оламида ташқаридаги мавжудликни (“ғоя”, “моҳият”, “нарсга ўзида”ни) эътироф этиб, уни қандай бўлса шундайлигича, “охиригача” билиб бўлмайди деб таътим беради. Ф.даги бундай қараш скептицизм ва агностицизм (И. Кант, О. Конт, Г. Спенсер ва б.) таълимотларига хосдир. Ҳоз. замон позитивизмида Ф. лингвистик шаклда намоён бўлмоқда. Унинг асосий тезиси тажрибани “объектив” ёки “феноменистик” тилда ифо-

далаш мумкинлигидан иборат. Илгарилари нарсалар ҳақидаги мулоҳазаларни онгнинг мазмуни ҳақидаги қарашлардан иборат қилиб қўйиш батамом мумкинлигини эътироф қилган баъзи неопозитивистлар сўнгги вақтда бу уринишларнинг беҳудалигини англай бошлади. Ҳақиқий фал-й н.назардан қараганда, Ф.нинг бошланғич тезиси асоссиздир, чунки унда билиш воқелик ва амалиётдан ажратиб қўйилган.

ФЕТИШИЗМ (франц. *fetishisme* — тилсим, бут) — табиатдаги нарса ва ҳодисаларга эътиқод қилувчи диний тасаввурлар мажмуи. Этнографияда Ф.нинг тавсифи хилма-хилдир. Дж.Левбок Ф.ни ибтидоий динда инсон хоҳишини худо бажара олиш имконияти, деб асослаган бўлса, Тэйлор, Спенсер Ф. анимизмнинг бир шакли, деб қайд қилган. Ф. жаҳон динлари таркибида ҳам сақланиб қолган. Жумладан, христианликда икона ва чиримай сақланиб қолган мурдани муқаддаслаштириш, буддизмда “муқаддас ховонча ўғир”, исломда “муқаддас жойлар”, “қора тош” илоҳийлаштирилган. Кишилик тарихи шуни кўрсатадики, ҳар қандай предмет фетиш бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мас., ғаройиб шаклдаги тош, ёғочнинг бўлаги, ҳайвоннинг тиши, яхшилаб ишланган шакл, заргарлик буюми. Бундай предметлар даволаш, душмандан асраш ва б. хус-ятларга эга деб тушунилган. Агар бирон киши шундай предметга мурожаат этиб, кейин ютуққа эга бўлса, бунга ўша фетиш ёрдам берди, деб эъзозланган, аксинча муваффақиятсиз чиқса, бундай фетиш ташлаб юборилган ёки бошқаси б-н алмаштирилган, дея талқин этилган. Ибтидоий одам тасаввурларида фетишларда буюк куч бор, буюмлар эса жонли, деб тушунилади. Мас., “шамол келмоқда”, “шамол ухламоқда” ва б. Фетишлар давр ўтиши б-н мураккаблашиб, кейинчалик тумор, санам (бут) ва б.га мурожаат этишган. Ф.нинг асл ватани Ғарбий Африка бўлса-да, у бошқа юрларга ҳам тарқалган. Ф. жам-тда меҳнат маҳсулотларини тақсимлаш, айниқса, қий-

мат ва б.нинг ўз-ўзидан рив-ш жараёнида ҳам юзага келди. Жам-тда Ф. предметларнинг табиий хус-ятлари, функциялари ёки инсон фаолиятининг маҳсулини, ш-дек, индивиднинг табиий хус-ятларини илоҳийлаштириш б-н характерланади.

ФИДОЙИЛИК — бошқалар манфаати йўлида ўз қонуний манфаатларини, ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр турган, жам-т учун умумий бўлган олий мақсад ва идеалларни деб ўзидан кеча оладиган кишилар ҳатти-ҳаракатларини ифодаловчи маън-й т. Ф. тамойилининг мазмуни турли тарихий давр ва ижт-й жараёнларда ўзига хос тарзда намоён бўлади: у маълум бир даврларда оммавийлашиши ёки камайиши мумкин. Чунончи, мустақилликка эришганимиздан сўнг дастлабки пайтларда ўтиш даврига хос бўлган Ф.ка нисбатан худбинлик тамойилининг кучайгани кўзга ташланган бўлса, ҳоз. вақтда эса, аксинча, жам-тимизда Ф. тамойили устувор аҳамият касб этмоқда. «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган шиор асосида яшаётган кишилар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ана шу маън-й жараён қанчалик тезлашса, янги қурилаётган давлатнинг шакл-шамойили шунчалик муайянлик касб этади. Шу б-н бирга, Ф. маън-й қадриятлардан бири бўлиб, Ватан манфаатлари йўлида Ф. намуналарини кўрсатишга ҳозир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишилар қалбидан чуқур ўрин олади ҳамда фаолиятига таъсир қилиб, уларни масъулиятли вазифаларни бажаришга сарфарбар этади. Ф. ўз тақдирини Ватан, миллат тақдири б-н боғлаган барча кишиларга хос фазилатдир. Ф. сўзда эмас, балки амалий ишларда намоён бўлгандагина тар-ётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин. Мураккаб шароитларда мустақиллигимизнинг иқт-й, сиёсий, ижт-й, маън-й асослари мустақамланиётган ҳоз. кунда ватанпарварлик эътиқоди амалий ишларда фуқароларнинг кундалик фаолиятида намоён бўлиши катта

аҳамиятга эга. “Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намоён қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуг зотлар фидойилик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда ҳозир ҳам кўплаб топилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади. Ҳамма гап ана шундай инсонларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашда. Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилг этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қондасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 121–122-б.).

ФИКР (араб. ғоя, ақл, ўй, мулоҳаза) — жонли тил ва матнда ўзига хос турли маъноларни ифодалайдиган бирор нарса, киши ҳақидаги ўй ёки хаёл. Мас., «фалончининг Ф.и бошқа ёқларда кезди» десак, унинг хаёлини назарда тутган бўламиз. «Ф.га толди» — қаттиқ ўйланиб қолди; «Ф. юритди» — бирор хулосага келиш учун нарса ва ҳодисаларни таққослади; ўйлади; мулоҳаза қилди; разм солди. Ф. бирор иш юзасидан қилинадиган таклиф ёки маслаҳат маъноларида ҳам қўлланади. «Бу иш юзасидан қандай Ф. берасиз» десак, таклиф айтинг ёки маслаҳат беринг, деганимиз бўлади. Ф. ният, мақсад маъноларини ҳам билдиради. «Фалончи бу Ф.идан қайтди» — демак, ниятидан воз кечибди. «Ф.ига тушди» ибораси бирор нарсага эришишга, бирор ишни амалга оширишга бел боғлаш, жазм қилиш, курашиш, пайига тушиш маъноларини ифодалайди. Ф. сўзида якун, хулоса, тўхтам ва қарор маънолари ҳам ифодаланиши мумкин. «Фалончи шундай Ф.га

келди» — демак, шундай хулосага келибди. Ф. т., билим, онг ва ақл маъноларини ҳам англатади. Мас., «одам Ф.ни китобдан олади» дейилганда, бу сўз билим ўрнида қўлланилмоқда. Ҳаёт, жам-т ва табиатни тушуниш йўсини, дунёқараш ва маслакка нисбатан ҳам Ф. сўзи ишлатилиши мумкин. Мас., «Ўткан кунлар» романининг қаҳрамонларидан Отабек Марғилонда бўлган бир суҳбатда «Отамнинг ҳам, ўзининг ҳам қандай Ф. ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмоқчи бўламан», дейди. Янги Ф. ёки эски Ф. дейилганда эса дунёқараш кўзда тутилади.

ФИКР ҚАРАМЛИГИ — кишилар фикри, тафаккури устидан муайян ғояларни ҳукмрон мавқега эгалигини, инсоннинг содир бўлаётган воқеалар, ижт-й-сиёсий жараёнларни мустақил баҳолаш имкониятидан маҳрум бўлганини ифодаловчи т. Инсоният доимо мустақиллик, озодлик ва эркинликка интилиб яшаган. Ижт-й мун-тлар шаклларига мос равишда иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий, маън-й эркинликлар, энг аввало, фикр эркинлиги тарзида намоён бўлган. Ш.у. бошқа миллатлар, давлатлар устидан ҳукмронлик қилган мам-тлар сиёсати ҳамиша босиб олинган халқларни тафаккур қуллигига маҳқум этишга қаратилган. Инсоннинг муайян мафқурага, сиёсатга фикрий қарамлиги мустамлакачилик сиёсатининг энг машъум кўринишидир. Чунки Ф.қ. инсонни ўз-ўзини англашдан маҳрум қилиб, ундаги ижт-й масъулият ҳиссини сўндиришга, сиёсий воқеликка нисбатан лоқайдлик кайфиятининг кучайишига олиб келади. Айни пайтда, бошқача қарашлар б-н ҳисоблашмайдиган мутаассиблар, манқуртлар пайдо бўлишига замин яратади. Тафаккур қуллигидан озод бўлиб, фикрлар хилма-хиллигига, плюрализмга эришиш тар-ётнинг оқилона йўлини танлаш имкониятини беради. Ш.у. ҳам ислохотларнинг дастлабки босқичиданоқ кишиларнинг тафаккурини уйғотиш, ташаббускорлиги, сиёсий фаллигини ошириш маън-й ўзгаришларнинг марказига қўйилди. Чунки собиқ мустабид тузум, бир томондан, тафаккур

қарамлигини рағбатлантирувчи, иккинчи томондан, эркин фикрловчи кишиларни жазолаш, жисмонан йўқ қилишнинг мукамал мафкуравий механизми яратган эди. Шунинг оқибатида кишилар онгида сақланиб қолган юқоридан кўрсатма, буйруқ ва қарорлар кутиш каби Ф.қ. кўринишлари, айтиш мумкинки, ислохотларни амалга оширишдаги қийинчиликларга сабаб бўлди. Демократик тамойилларга кўра ривожланаётган мам-тларда фикрлар эркинлиги жам-т тар-ётининг омили бўлганини тарихий тажриба кўрсатиб турибди.

ФИТНА (араб. йўлдан оздириш, ғалаён) — бир ёки бир неча шахс томонидан ўзга шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан ҳақиқий мақсадни ниқоблаб амалга ошириладиган душманлик ҳаракатларини англатувчи т. Ф. сиёсат, кундалик маиший турмуш, дин, ҳарбий соҳа ва б. жабҳаларда намён бўлиши мумкин. Тарих ва сиёсатшунослик фанларида Флар наз-яси мавжуд. Баъзи тарихчи ва сиёсатшунослар инсоният тарихини Флар тарихи деб талқин қилади. Уларнинг фикрига кўра, инсоният тарихида юз берган барча йирик ҳодисалар Флар натижасидир. Тарихдаги энг катта Флар мисоли сифатида массонлар Ф.си. большевиклар Ф.си, мондиал Флар, мазҳаблар Флар келтирилади. Шу б-н бирга, Флар наз-яси тарафдорларининг қарашларига кўра, инсоният тарихида глобал Флар, минтақавий Флар, кичик Флар мавжуд бўлган. Бу наз-я тарафдорлари сиёсатшунослик фанининг “конспирология” бўлими вакиллари орасида кўпроқ учрайди. Ф. ва Ф.чилик терроризм ва экстремизм б-н узвий боғлиқ. Террорист ва экстремистлар кўпинча Флар уюштириш йўлидан боришади. Флар наз-ясининг энг асосий камчиликларидан бири шундаки, у жам-т тар-ётидаги қонуниятларни инкор қилади. Унга кўра, жам-т тар-ёти муайян детерминистик қонуниятларга эмас, балки Ф.чиларнинг қобилиятлари, мақсадлари ва уюшганлик даражасига боғлиқ тарзда амалга ошади. Шу б-н бирга, сиёсий Флар

давлатлар ва мам-тлар ҳаётига, ҳарбий Флар урушларнинг натижаларига, молиявий, иқт-й Флар аҳоли фаровонлигига, оилавий Флар оилалар, минтақалар ҳаётига жиддий таъсир ўтказиши мумкин.

ФИСКУ ФАСОД — инсон ёки бирор воқеа-ҳодиса ҳақида ҳақиқатдан йироқ, ёлгон-яшиқ гап тарқатиш, ижобий сифатларни салбий сифатлар сифатида кўрсатишга уриниш, кичик хато ёки камчиликларни катта қусурлар сифатида тасвирлаш, асоси йўқ гапларни бўрттириб, салбий кўринишда, миш-миш сифатида ёйиш, бирор шахс ёки кўпчилик ҳақида бошқаларда нафрат уйғотишга интилишни билдирувчи т. Инсон ахлоқининг салбий кўринишларидан бири бўлган Ф.ф. дунёвий билимлар доирасида ҳам, диний билимлар доирасида ҳам қораланадиган маъ-ятсизлик кўринишидир. Ф.ф. аслида ғийбат ва ҳасад орасидаги иллатдир. Ғийбат ислом динида катта гуноҳлардан саналади. Хужурот сурасида Аллоҳ: “Айримларингиз айримларингизни ғийбат қилмасин” (12-оят), деб марҳамат қилади. Муҳаммад алайҳиссалом: “Ким биродарини ғийбат қилса, унинг гўштини ебди”, — деганлар. Имом Бохилийдан келтирилган ривоятда “Қиёмат кунида банда ўзи қилмаган савобларни кўриб яратгандан уларни қаердан келиб қолганини сўрайди. Шунда Аллоҳ: “Эй бандам, бу амаллар одамлар сени ғийбат қилганда етган, аммо бу нарсаларни сезмагансан” — дейди.” дейилган. (Абу Лайс Самарқандий, Танбеҳ ул ғофилийн. 154-бет.) Ҳоз. замон ахлоқшунослигида ҳам Ф.ф. қораланади. Чунки Ф.ф.дан ҳеч кимга наф йўқ. Бу иш б-н шугулланувчи одам нафратга учрайди. Ундан ўзини тийган одам эса ўша биродари ва жамоа олдида юзи қора бўлиб қолмайди. Ф.ф.нинг иккинчи қисми ҳасад бўлиб, у ҳақда ҳадисларда “Душманлик ва ҳасад яхшиликларни ёнғин ўтинни егандек ейди” дейилган. Ҳасан Басрий айтадики, қалбида мусулмонларга адовати ва ҳасади бўлган кишининг дуолари қабул бўлмайди. Чунки ҳасад қилувчи Аллоҳ ҳукмига қарши турувчидир. Ф.ф. туфайли одамлар ҳасадгўйга айланади.

Бировни ўзи йўқ вақтида ёмонотликқа чиқариш ёки ўзи гувоҳ бўлмаган сифатлар б-н таърифлаб, салбий хулосалар ясаш, ниҳоят, бировдан эшитганига чиппа-чин ишониб, уни тарқатиб юриш каби иллатлар мажмуаси Ф.ф. дея қаралади. Ф.ф. туфайли одамлар ораси бузилади, қариндошлик ришталари узилади. Ундан иккала томонга ҳам манфаат йўқ. Ш-дек, Ф.ф. туфайли одамлар орасида кўнгил қолишлар, мун-тлар бузилиши пайдо бўлади. У жам-тда доимо кишилар орасида маъ-ятсизлик, ёмонликнинг сабабчиси бўлган. Бунинг олдини олиш учун маън-й юксакликка, маърифатликка интилиш лозим. Кишилар ўртасида юксак мад-й, маън-й мулоқотни шакллантириш орқали Ф.ф. кўринишларига барҳам бериш лозим.

ФИТРАТ, Абдурауф (1886. Бухоро – 1938,04,10, Тошкент) – ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби. Асл исми Абдурауф Абдурахим ўғли. Биринчи ўзб. проф. (1926). “Мир Араб” мадрасасида таҳсил кўрган. 1402–03 йилларда ҳаж сафари мун-ти б-н Туркия, Ҳиндистон ва Арабистон мам-тларида, тахм. 1906–08 йилларда эса Марказий Россиянинг Москва, Петербург сингари шаҳарларида бўлган. Шундан кейин Ф. ўқишни давом эттириш истагида 1909–13 йилларда Истанбулда яшаган.

1917 йил февраль воқеаларидан кейин жадидларнинг Бухоро амирлигидаги аҳволи мураккаблашгач, Ф. Самарқандга кўчиб бориб, “Хуррият” газетасида муҳаррир бўлиб ишлади (1917–18). Айрим маълумотларга кўра Ф. шу йилларда «Иттиҳоди тараққий» ташкилотининг Эски Бухоро бўлими раиси ҳам бўлган. Колесов воқеаси (1918 йил март)дан кейин эса Тошкентга кўчиб келган. 1919–21 йилларда Афғонистоннинг Тошкентдаги ваколатхонасида таржимонлик қилган. «Чигатой гурунги» маън-й-адабий уюшмасини, ш-дек, “Тонг” журналинини ташкил этиб, ёш зиёлилар авлодини миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга киришган. БХСР ташкил

топиши б-н Ф. 1921 йилда маориф, 1922 йилда хорижия – Ташқи ишлар ноziри, Халқ хўжалиги кенгаши раиси, МИҚ ва Халқ нозирлари шўроси раисининг ўринбосари ва б. лавозимларда хизмат қилди. У шу даврда БХСР маблағи ҳисобига 70 нафар туркистонлик истиқболли ёшларнинг Германияга бориб ўқишида, Бухорода Шарқ мусиқа мактабининг ташкил этилишида, фан ва мад-т тарихига доир халқ кўлида сочилиб ётган ноёб қўлёзмаларни тўплашда ташаббускор бўлди. Ф.нинг саъй-ҳаракати б-н Бухоро жумҳуриятида туркий (ўзб.) тили давлат тили деб эълон қилинди. Ф.нинг адабий мероси бой ва ранг-баранг бўлиб, бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратибгина қолмай, ўзб. адабиётининг янги жанр ва турлар б-н бойиши, шеър тузилишининг ислоҳ этилиши, реализмнинг теранлашиши, давр, жам-т ва халқ ҳаёти б-н боғлиқ муҳим ижт-й муаммоларнинг ўзб. адабиётида бадиий талқин этилишига улкан ҳисса қўшди. Ф. зуллисонайн шоир бўлиб, адабий фаолиятининг дастлабки даврида асосан форс тилида ижод қилган. Ф.нинг ўзб. тилидаги шеърлари 1917 йил ва ундан кейинги даврга оид. Маълумки, Февраль инқилобидан кейин Туркистон халқларининг мустақилликка эришишлари учун бирдан-бир тарихий имконият туғилган. Ф. шу даврда халқни мустамлакачилик кишанларини парчалаб, истиқлол учун курашга даъват этувчи шеърлар ёзишга киришган. Аммо анъанавий аруз вазни, унинг назарида, бундай замонавий гоёни ифодалаш, халқни сифарбар этиш кучига эга эмас эди. Ш.у. ҳам Ф. турк ва татар шеърлятида шаклланган, ўзб. халқ оғзаки шеърлятида айрим унсурлари бўлган сочмани миллий адабиётимизга олиб кирди. Шоир «Юрт қайғуси» деб номланган бир шеър ва 4 та сочма ёзди. У «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) шеърый мажмуасининг тузувчиси ва асосий муаллифи. Унинг саҳна асари сифатида намойиш этилган «Мунозара» Ф.нинг насрдаги илк асаридир. «Мунозара» ҳам, «Сайёҳи ҳинди» ҳам Ф. публицистикасининг ёрқин намуналаридан. 1930 йилда қайта ишланган «Қиёмат» ха-

ёлий ҳикояси ҳоз. ўзб. адабиётида фантастиканинг туғилиши ва шаклланишига асос бўлди. Ф. 1916 йилдан бошлаб театр учун кўплаб драматик асарлар яратди. Аммо унинг нафақат 1916–18 йилларда ёзган «Бегижон», «Қон», «Або Муслим», «Темур сағанаси», «Ўғизхон» сингари пьесалари, ҳатто 30-йилларда ёзган «Тўлқин» опера либреттоси (1934) ҳам бизгача етиб келмаган. «Темур сағанаси» пьесасида муаллифнинг «Юрт қайғуси (Темур олдинда)» сочмасидаги истиқлол учун кураш ғояси бадиий ифодаланган. Ф. ижодининг шу даврдаги етакчи мотиви – большевизмга қарши истиқлол учун кураш ғояси «Чин севиш» (1920) ва «Ҳинд ихтилолчилари» (1923) пьесаларида, айниқса, ёрқин акс этган. Ф. Москвадалик пайтида «Абулфайзхон» ва «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924), она юртига қайтганидан кейин эса «Арслон» (1926), «Шўриши Восе» («Восе қўзғолони», 1927). «Тўлқин» пьесаларини ёзди. У 1914–16 йиллардаёқ «Раҳбари нажот» («Нажот йўли»), «Оила» ва «Мавлуди шариф ёки Муръоти хайр ул-башар», 1917 – 20 йилларда «Ўқу» («Ўқи»), «Шарқ сиёсати» ва «Йиғла, ислом», 1925 йилда эса «Мухтасар ислом тарихи» асарини эълон қилди. Ф.нинг мактаб ўқувчиларига мўлжалланган «Ўқу» («Ўқи», 1917 йил, Боку) қўлланмаси Ватан, дунё, табиёт, тиббиёт ва гигиена сингари масалалар, ш-дек, ўтмишда яшаган алломалар ҳақида тасаввур беради. 1921 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Тил ва имло курултойида Ф. ўзб. тилининг софлигини таъминлаш ва ривожлантириш масалаларини ўртага ташлади. У «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарф» (Морфология) (1925), «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Наҳв» (Синтаксис) (1926) дарсликларини яратди ва бу дарсликлар 1930 йилга қадар бир неча марта нашр этилди. Ф. «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927), «Ўзб. адабиёти намуналари» (1-ж., 1928) асарларида адабий меросимизнинг энг қад. даврдан сўнгги даврларга қадар яратилган намуналарини тўплаб, муайян тизимга солди. «Қутадғу билиг» сингари ноёб ёдгорлик-

нинг Наманган нусхаси Ф. туфайли қўлга киритилди. «Шеър ва шоирлик» (1919), «Адабиёт қоидалари» (1926), «Санъатнинг маншай» (1927), «Аруз ҳақида» (1936) сингари мақола ва рисолалари б-н адабиёт наз-яси фанига асос солди. Ф. 1921 йилда Шарқ мусиқа мактабини ташкил этиб, унинг биринчи директори бўлган. У шу вақтдан бошлаб «Шашмақом» куйларини тўплаш ва нотага ёзиб олиш ишларига раҳбарлик қилди. Ф. ташаббуси б-н Ота Жалол ва ота Ғиёсдан Бухоро шашмақоми В. Успенский томонидан илк бор нотага олиниб нашр этилди (Шесть музыкальных поэм (мақом). Бухара–М., 1924). Ф. «Шашмақом», «Ўзбек мусиқаси тўғрисида» мақолалари ва «Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи» (1927) рисоласи б-н 20-а. ўзб. мусиқашунослик фанини бошлаб берди. 1930 йилдан Ф.га сиёсий айб қўйила бошланди. У аксилшўровий фаолият юритишда айбланиб, 1937 йили ҳибсга олинди. Бир ярим йиллик қийноқлардан сўнг “халқ душмани”, “аксил-нқилобчи” каби айбловлар б-н СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан суд қилинди ва 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ўлдирилди. Ўз-н мустақилликка эришгач, 1991 йил 25 сентябрда Ф.га (вафотидан кейин) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти берилди. Бухоро шаҳрида Ф. боғи ва уй-музейи ташкил этилди, ҳайкали ўрнатилди. Республикадаги бир неча мактаб, кўча ва хўжаликлар Ф. номи б-н аталади.

ФИҚҲ (араб. билим, т., мусулмон ҳуқуқи) — ислом ҳуқуқшунослиги, фақиҳ мусулмон ҳуқуқшуносидир. Юртимиздан кўплаб буюк ҳуқуқшунослар етишиб чиққан. Абу Мансур Моғуридий Самарқандий, ал-Ҳаким ал-Бухорий, Абул Лайс Самарқандий, Абу Бақр Хоразмий, ан-Нисовий, Абу Зайд Абдуллоҳ Дабусий, Абу Наср Исфижобий, Паздавий Самарқандий, Абу Муъин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Абдуллоҳ Ҳисомиддин Аҳсикатий Фарғоний ва б. ҳуқуқшуносликка оид нодир асарлар яратганлар. Уларнинг исмларидаги

нисбатлар ҳоз. Ўз-нинг деярли ҳамма йирик худудларида ҳуқуқшунослик фани равнақ этганини кўрсатади.

ФОЖИАЛИЛИК – воқеликнинг энг муҳим, чуқур зиддият ва тўқнашувлари: ҳаёт ва ўлим, озодлик ва мутелик, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижт-й мун-тларни ўзига хос тарзда ифода этувчи фал-й т. Санъатдаги Ф. ҳақида фикр юритганда санъат асарларидаги фожиали оҳанглар, Ф. санъати ва ниҳоят, Ф. санъат тури каби муаммолар алоҳида мушоҳада қилиниши лозим. Деярли барча буюк ижодкорлар яратган асарларда фожиали оҳанглар мавжуд. Ҳар қандай фожиа замирида муайян фожиали тўқнашув, зиддият ётади. Гегель Ф.ни моҳиятли кучлар тўқнашувининг натижаси сифатида бежиз таърифламаган. Чунки, бу тўқнашувлар кураши қандай якун топиши б-н инсоният истиқболи, ахлоқий тарёғ узвий боғлиқдир. Бу ҳол фожиани санъатнинг фал-й жиҳатдан энг муҳим турига айлантирадики, у ижодкорга инсониятни бутун тарихи давомида ҳаяжонлантирадиган туб ҳаётий масалаларни ўз олдига қўйиб, ҳал қилиш имкониятини яратди. Фожиа қаҳрамони кўпинча ижобий тусда тасвирланади, у ўз даврининг илғор орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улугвор шахс сифатида намоён бўлади. Лекин фожиа тўқимасида бошқа турдаги қаҳрамонлар ҳам акс эттирилган бўлиб, Шекспирнинг Макбет ва Ричард, Б.Брехтнинг Куражонага ўхшаш қаҳрамонлари ўз тақдирлари б-н томошабинда ўта зиддиятли ҳис-туйғулар уйғотади. Улар содир қилаётган мудҳиш кирдикорликлар қатъий норозилик, жирканиш, шу б-н бирга, ачиниш туйғусини уйғотади. Одатда, фожиа мазмунида қаҳрамоннинг мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартиришга фаол интилиши намоён бўлади. Фожианинг тарихий шакли қад. дунё фожиаси (Эсхил, Софокл, Эврипид) эски патриархал тартиботлар емирилиб, тарихда илк синфий жам-т шаклланиши жараёнида вужудга келди. Унга хос бўлган “қисмат оҳанги” табиий ва ижт-й қонун-

лар ҳақидаги тасаввурларни акс эттирди. Ўрта а.ларда Фарб христиан мафкуриси фожиа руҳига бутунлай қарши чиққани боис бу даврда бирор-бир арзигулик санъат асари яратилмагани маълум. Фожиа ривожининг янги босқичи Уйғониш даврига тўғри келди. Шекспир асарларида Ф. бутун ҳаёт, ижт-й алоқалар ва мун-тларни қамраб олади. Унинг фожиавий асарларида кучли, жасоратли, ғурурли, эркин инсон тимсоли яратилди. Шекспир ўз қаҳрамонларининг ўзлигини англашга, инсон руҳини синдириб ҳалокатга етаклаётган тузум шароитида озодликка интилишини ифодалайди. М.Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” драмаси ҳам асосий бадиий оҳанги, ундаги эҳтиросли тўқнашувлар руҳи, улкан ҳиссий таъсир кучи, қаҳрамонларнинг тақдири жиҳатидан ўта фожиавий асардир. Унда ўша даврдаги илдиз отган ижт-й, маън-й-ахлоқий муаммолар қаламга олинади. Асар қаҳрамони фожиали драматик жараённинг асосий субъекти сифатида намоён бўлади. Унинг фаоллиги, ўз орзу-армонлари, ҳатто ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам, давлатда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришга интилиши фаолиятининг моҳиятини белгилайди. Санъатда намоён бўладиган Ф. тўқнашувлар, қиёфалар, вазиятларни тўла ва чуқур бадиий инъикос этиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Софокл фожиалари Шекспирникидан, Шекспир асарлари Расинникидан қанчалик фарқланмасин, улар ўртасида ўзига хос муштараклик, умумий жиҳат кўзга ташланади. Ҳар қандай фожиа замирида кенг кўламли, ижт-й аҳамият касб этадиган муайян фожиали тўқнашув ётади. Ф. санъатда турлича талқин этилиши мумкин. Бу ҳол мазкур жанрга хос умумий хус-ятларни инкор этмайди. Фожиа услубининг умумий белгилари қаторига кенг умумлашмаларга интилиш, тафаккур бойлиги, соддалик ва яхлитлик, ҳаяжон ва эҳтиросларнинг юксаклиги кабилар киради. Фожиа тарихий даврнинг бурилиш пайтларида, эски ижт-й алоқалар ва мун-тлар барбод бўлиб, қарашлар, эстетик ва ахлоқий ақида-қоидалар қайта баҳоланаётган шароитда равнақ топади.

ФОРМАЛИЗМ (лот. *formalis* — форма, шакл) — борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг шакли ва ташқи кўринишини уларнинг мазмунидан устун қўядиган фал-й йўналиш. Борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар мазмун ва шаклга эга бўлиб, улар бир-бири б-н диалектик боғлиқдир. Бу боғлиқликда мазмун доимо бирламчи бўлиб, шакл эса нарса ёки ҳодиса мазмунининг намоён бўлиш усулидан иборат. Мазмун ва шакл мутаносиб бўлганда, ҳар қандай нарса ва ҳодиса ўз маъно-мазмунига эга бўлади. Мас., инсоннинг моҳиятини белгилувчи муҳим хус-ятлар унинг фикрлаш қобилияти, мақсадга мувофиқ меҳнат қилиш қобилияти, меҳнати жараёнида ўзи ва жам-т учун зарур бўлган турли хил неъматлар яратиши ва энг муҳими олижаноб инсоний фазилатларидан иборатдир. Барча кишиларнинг инсонийлик қиёфасида мужассамлашган мазмуни юқоридаги белгиларга қараб баҳоланади. Башанг кийинган, қалди-қомаги келишган ҳар қандай одамни ташқи кўриниши, қиёфаси, яъни шаклига қараб олижаноб инсон дейиш нотўғри. Зеро, ҳар бир кишининг инсонийлик мазмуни ташқи кўринишида эмас, балки ички инсонийлик фазилатлари б-н белгиланади. Жам-тда **Ф.**, яъни шаклбозликни мутлақлаштириш кўпинча салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Жам-тни бошқаришда **Ф.** бюрократизм, тўрачиликда намоён бўлади. Санъат тарихида **Ф.** саноат ва воқеликни қарама-қарши қўйиш, бадиий шаклни гоёвий мазмундан ажратиш, санъат асарида шаклнинг алоҳидалиги ва устунлигини таъкидлашдан иборатдир. Албатта, бундай ёндашув ва талқин кўпинча ҳаётий ҳақиқатга зид келади. Мас., айрим жангари, инсон маъ-яти ва ахлоқ-одобига ёт бўлган бузғунчи фильмлар шаклан “жозибали” бўлса-да, мазмунан саёз ёки инсон ва жам-т ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вайронкор гоёвий мазмунга эгадир.

ФОРОБИЙ, **Абу Наср** (873—950) — тўлиқ исм-шарифи Абу Наср Ибн Муҳаммад Ибн Узлуғ Тархон бўлиб, Форобий унинг нисбасидир. Ўрта а.лар мусул-

мон Шарқнинг машҳур мутафаккири, қад. юнон фал.нинг энг йирик давомчиси ва тарғиботчиси. Қад. юнон илм-фанининг билимдони сифатида Аристотелнинг “Метафизика”, “Физика”, “Метеорология” ва мантиқ соҳасига оид китобларига, Птолемей, Александр Афродезийский ва б.нинг ахлоқ-одоб, психя. табиий фанлар бўйича яратган илмий рисоаларига шарҳлар ёзган. (“Икки файласуф — Арасту ва Галеннинг барча фикрлари тўғрисида китоб”, “Арасту ва Гален ўртасида воситачилик” ва б.). Айниқса, Аристотель фал.сини талқин этиш ва мантиқ соҳасидаги ишлари унинг, дунёда “Ал-муаллими соний” (“Иккинчи муаллим”) ва “Шарқ Аристотели” каби номлар б-н шуҳрат қозонишига сабаб бўлди. Ш-дек, **Ф.** илм-фаннинг турли соҳаларига тааллуқли мумтоз асарлар муаллифи ҳамдир. У биринчилардан бўлиб, ўз даври илмларининг таснифини бериб, инсон маъ-ятининг юксалишига улкан ҳисса қўшган. Унинг мусиқага оид асарлари мусиқа наз-ясини бойитди. Шарқда кенг тарқалган най, ноғора, чанг, рубоб каби мусиқа асбобларини таърифлаб, уларнинг кишилар маън-й ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб берган. **Ф.** математика, тиббиёт, араб тили грамматикаси, мантиқ илмларига оид кўплаб қимматли асарлар ҳам яратган. Борлиқ муаммосини ҳал этишда унинг кейинчалик мусулмон фал-й илмлари йўналишини асослаган “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин”нинг ўзаро нисбатига мурожаат қилиш анъанаси **Ф.** даҳоси маҳсулидир. **Ф.** ту-файли мусулмон Шарқи фал-ий тафаккурида мантиқ илми чуқур илдиз отди. У билишда мантиққа мурожаат қилмаган кимсани қоронғуда ўтин ёрган одамга ўхшатади. **Ф.**нинг ижт-й-ахлоқий, сиёсий қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа — фазилатли, етук хосиятли жамоа, чунки инсоннинг ўзи дунё тар-ётининг энг мукамал ва етук якунидир. Инсон бахт-саодатга эришишда олам асослари ҳақидаги илми, табиий жисмларнинг тузилишини, осмон, жонли табиат — ўсимлик ва ҳайвонот олами тўғрисидаги барча би-

лимларни ўзлаштириб олиши лозим. Шундан сўнг у инсонни ўрганишга киришиши ва унинг камолотга эришуви сабаблари бўлмиш хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларга диққатни жалб этиши зарур. Ф.нинг адолатли, фазилатли жам-т, давлатни талаб ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг орзусидаги адолатли жам-тда кишиларнинг самарали меҳнатига, илм соҳибларига, уларнинг ақл-заковатига, фазилатли ахлоқ-одобига, ҳаётий тажрибасига юксак баҳо берилади. Диний адоват, ўзга динларга эътиқод қилувчиларга нафрат каби сифатлар қораланади. Унинг учун энг муҳими — кишиларнинг шундай динга эътиқод қилиши эмас, балки маърифатнинг тантанаси, илм-фаннинг иқболи, инсон камолоти, бахт-саодат, эзгуликнинг қарор топиши, инсонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигидир. Бундай жам-тда касб-хунар, илмни эгаллашга кенг йўл очиб берилади. Жам-тда тенгхуқуқлик ва эркинлик салтанати ҳукмронлик қилади, якка ҳокимликка барҳам берилади. Давлат бошлиқларини фуқароларнинг ўзлари сайлайди. Сайланган бошлиқлар халқ манфаатларига зид ҳаракат қилса, улар ўз амалмансабларидан четлаштирилади. Орзудаги давлат арбоблари ўз фаолиятларида адолат, тенгхуқуқлик, фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутадилар. Ф.нинг ундан кейинги авлод зиёлилари, машҳур олим ва мутафаккирлари дунёқарашининг шаклланиши ҳамда ривожига таъсири самарали бўлган. Бундан ташқари, бутун Европу Ф. ва б. орқали антик олам мад-ти, жумладан, табиий-илмий ва ижт-й-фал-й ғояларидан хабардор ва баҳраманд бўлди. Алломанинг асосий асарлари “Субстанция ҳақида сўз” (“Калом фил-жавҳар”), “Қонунлар ҳақида китоб” (“Китоб фи-н-навомис”), “Масалалар манбаи” (“Уюн-ул-масоил”), “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” (“Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф”), “Мантиққа кириш китоби” (“Китоб ал-мадхал ила-л мантиқ”), “Фалсафа” т.сининг маъноси ҳақида сўз” (“Калом фи маъони исм ал-

фалсафа”), “Фазилатли хулқлар” (“Ас-сифат ал-фазила”) ва б.дан иборат.

ФОҲИША(БОЗ)ЛИК — ўз танасини (асосан, аёллар) сотиш б-н шуғулланиш. Ф. инсон маън-й-руҳий оламидаги бузилишнинг амалий ифодаси бўлса, Ф.бозлик шу ишни ўзига эрмак, кўнгилхушлик, роҳатланиш воситасига айлантиришга одатланишни англатади. Ш-дек, ахлоқи бузуқ кимсаларни уюштириб, фахш ишларни ташкил қилиш ортидан кун кўрувчилар ҳам Ф.бозлар деб аталади. Ф. аслида антик дунёда пайдо бўлган. Ҳозир баъзи мам-тларда тақиқланган ёки чеклаб қўйилган бўлса, айримларида расман руҳсат этилган. Жиноят қонунчилигида зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки алдаш йўли б-н Ф.ка жалб қилганлиги учун жавобгарлик белгиланади. ЎзР ЖКнинг 131-моддасига кўра, фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, ш-дек, гаразли ёки бошқа тубан ниятларда қўшмачилик қилишга нисбатан жиноий жазо қўлланади. Ф. маъ-ятсизлик кўриниши сифатида ҳар қандай жам-тда қораланган. Ислом ва б. дунёвий динларда бундай салбий ҳолат лаънатланган.

ФУЗАЛО (араб. донишмандлар, зиёллар) — фазилат, билим ва маърифатда устувор бўлган етуқлик, камолот эгаларига нисбатан қўлланилган т. Фозил ва иқтидорли кишилар, Ҳақ таолодан етувчи файз сабаб фазилат, лутфга етишиш. У Шарқда икки қисмга ажратилган: бири — файзи ақдас, яъни илм-мартаба орқали эришилса, иккинчиси файзи муқаддас — унга ҳақиқат ва олий моҳият туфайли эришилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам Ф.лар ўзларида юксак маъ-ят, маърифатни мужассам этган шахслар ҳисобланиб, улар давлат ва жам-т тар-ётига, унинг рив-шига, фаровонлигига катта таъсир кўрсатган. Хус-н, халқни, миллатни танишда, дунёга танитишда, кишилар орасида меҳр-муҳаббат, эзгулик, одамийликни шакллантиришда уларнинг маъ-яти, маърифати муҳим аҳамият касб этади.

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ — бирор таълимот ақидаларининг, илоҳий китоблар-

даги т.ларнинг дастлабки, соф ҳолатини сақлаб қолишни астойдил ҳимоя қиладиган, уларни мажозий маънода талқин этишни рад қиладиган ижт-й, мафкуравий, диний қарашлар мажмуини англаувчи т. Фанда бу атама илк бор Янги давр фал.си вакиллари Ф.Бекон, Р.Декарт ва Ж.Локк сингари файласуфлар асарларида қўлланган. Улар билиш масаласида, агностик фал.ни тушунтиришда Ф.ни келтириб ўтган. Бу т. сиёсий мақсадларда илк бор XX а. бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳи томонидан қўллана бошланди. Улар христианликнинг фундаментал ақидаларини соф асосда қайта тиклаш ва бунда муайян эътиқод б-н боғлиқ наз-яларни қабул қилиш ҳамда бошқаларидан тамомила воз кечишни талаб қилиб чиқади. 70-йиллардан бошлаб бу атама Фарб тадқиқотчилари томонидан ислом оламига нисбатан ҳам қўлланилмоқда. Кейинги вақтда жаҳон матбуотида мутаассиб ислом жангариларини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. Аммо диний Ф. ҳамма динларда мавжуд бўлиб, улар ягона умумий хус-ятни ўзида мужассам этади. Протестант Ф.и, проваслав Ф.и, иудаизм Ф.и каби атамалар бугунги кунда кенг ишлатилмоқда. Баъзи мам-тларда диний Ф. сиёсий саҳнада ўз мавқеига эга. Мас., иудаизм тарафдорлари Исроил парламентининг салкам учдан бир қисмини ташкил қилади. Сўнгги пайтларда айрим минтақаларда ислом Ф.ининг кучайиши кузатилмоқда. Бу атама Куръон ва ҳадисни кўр-кўрона талқин этадиган, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни кенг тарғиб қиладиган, диний-консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилади. Ислом Ф.и турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар б-н қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзини намоён этса, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, ОАВга кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш б-н шуғулланади. Ис-

лом Ф.и учун умумий мақсад — гўёки динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларига суиқасд қилиш ва исломда «ширк»ка (бутпарастликка) барҳам бериш. Транспорт ва коммуникация воситалари шиддат б-н ривожланиб бораётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳоз. даврда ислом Ф.и вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқда. Кейинги вақтда рўй бераётган террорчилик ҳаракатлари бу ҳодисанинг нақадар хавfli экани ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозимлигини яққол кўрсатмоқда. «Ф.» т.сини кенг шарҳлаганда, жам-т ҳаётининг нафақат диний, балки сиёсий, иқт-й, мад-й ва маън-й ҳаётида рўй бераётган шундай хус-ятга эга бўлган ҳодисаларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Баъзи тадқиқотчилар бундай ҳодисаларни «сиёсий Ф.», «иқт-й Ф.», «мад-й Ф.» т.лари тарзида изоҳлашга уринмоқда. Муайян сиёсий таълимотнинг жам-т ҳаётига тўла татбиқ қилинишига уриниш ёки бундай таълимотнинг мутлақлаштирилиши сиёсий Ф.ни келтириб чиқаради. Мас., собиқ иттифоқ даврида ягона коммунистик мафкуранинг мутлақлаштирилиши натижасида жам-тнинг ҳар бир соҳаси мана шу мафкура асосида бошқарилди, фан, санъат, мад-т шу мафкура манфаатларига бўйсундирилди. Ёки фашизм ғоясининг замирида ҳам мана шундай мақсадлар мавжуд бўлган эди. Жам-т ҳаётида кенг миқёсда мад-й ўзгаришлар содир этилаётган ёки мад-тлар ўрин алмашаётган вазиятда мад-й Ф. вужудга келади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида собиқ Иттифоқ заминида халқларнинг ўзаро муштарак мад-тлардан чекиниб, янги мад-тга юз тута бошлаган даврни келтириш мумкин. Бунда миллатчилик руҳидаги низолар, муайян маконда ўзига хос мад-тни шакллантиришга бўлган уринишлар натижасида турли даражада кўнгилсизликлар келиб чиққан эди. Бундай ҳолатлар этник Ф. б-н алоқадорликда ҳам келиб чиқиши мумкин. Умуман олганда, мазкур атаманинг хус-ятлари ҳамда қайси замон ва маконда пайдо бўлиши, йўналиш ва функциялари, мақсадларига қараб ижобий ёки салбий

жиҳатларини аниқлаш мумкин. Мас., фандаги Ф.нинг мақсади билиш бўлса, диний ёки сиёсий Ф.нинг мақсади ҳокимиятни эгаллаш ёки жам-гда ўз тартиб-қоидаларини мустақкам ўрнатилдан иборат. Инсоният тарихи мана шундай мижозлар ва уларга қарши кураш б-н ўтган, бундан кейин ҳам бу жараён тўхтаб қолмайди. Бу каби вазиятларда фақат эзгуликка интилиш б-н фожияларнинг олди олинган. Зеро, халқ тафаккурида юксак ахлоқий-маън-й қадриятларни қарор топтириш орқали уни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш мумкин.

ФУТУРИЗМ (футурология) (лот. *futurum* — келажак ва *logos* — таълимот) — кенг маънода, инсоният келажиги, умум-башарий муаммолар, уларни бартараф қилиш ҳақидаги умумий концепция ёки тасаввурлар мажмуаси; тор маънода, ижт-й жараёнлар ҳамда илмий-техника тар-ётига оид соҳалардаги жараёнларни изчилликда ўрганиш ва келажигини башорат қилиш, ш-дек, статистик ва б. маълумотларни қайта ишлашнинг математик усулларини ишлаб чиқиш асосида иқт-й, илмий-техника, ижт-й-сиёсий соҳаларни режалаштириш ва истиқболларини белгилаш имкониятини берадиган фан соҳаси. Ф. атамаси 1943 йилда немис социологи О.Флехтейм томонидан қўлланган бўлиб, у мавжуд барча ижт-й жараёнларнинг истиқболини башорат қилишга йўналтирилган “келажак ҳақидаги фан”, 1960 йилларнинг охирига келиб эса, ижт-й фанларнинг келажакни башорат қилиш қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида ижт-й башоратчиликни англата бошлади. XX а.нинг охирига келиб, футурологлар икки йўналишга ажралишди: улардан бири — “экологик пессимизм” бўлиб, унинг тарафдорлари Форрестер, Медоуз, Р. Хейл Бронерлар инсоният ривожининг салбий оқибатларини башорат қилсалар, иккинчиси — “илмий-техникавий оптимизм” намояндлари Тоффлер, Месарович, Пасло, Песталь, Фрименлар эса технологик тар-ётнинг ижобий имкониятларидан фойдаланиб, инсоният тамаддуини сақлаб қолиш

мумкинлиги ғоясини асослашга ҳаракат қиладилар. Маъ-ят масаласи ҳам бутунги Ф.нинг махсус ва жуда кўпчиликни қизиқтираётган тадқиқот объектларидан бирига айланмоқда. Жаҳон халқлари орасида келажакни қандай тушуниш ва унда яшашга маън-й жиҳатдан қандай тайёргарлик кўриш долзарб мавзу бўлиб бормоқда.

ФУҚАРО (араб. фақир сўзининг кўплик шакли) — муайян давлат Конституцияси ва қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана оладиган, қонунларда кўрсатиб ўтилган бурчларни бажариш шарт бўлган шахс. Ўтмишда Ф. ўрнида кўпинча табаа, раият сўзлари ишлатилган, мас., Алишер Навоий асарларида раият сўзи кўп учрайди. Хус-н, “Тарихи мулуки ажам” асарига «Дерларким, етти йил раиятдан хирож олмайди» деб ёзган. Шўролар замонига бу сўз ўрнида асли лот. бўлмиш граждандан ибораси ишлатилган, мустақилликка эришилгач, атама сифатида Ф. жорий этилди. Ҳуқуқий ўрни қонун б-н мустақкамланган шахснинг давлат ичкараси ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, маълум бир давлатга қарашлигига Ф.лик дейилади, бундай ҳуқуққа эга шахс Ф. деб аталади. Ўз-н Ф.си Республикамиз Конституцияси ва қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана олади, у қонунларда кўрсатиб ўтилган бурчларни бажариши шарт. Ўз-н Ф.лари миллати, ирқи, жинси, касб-кори, ижт-й келиб чиқишидан қатъи назар, Ф. сифатида қонун олдида ҳуқуқан тенгдирлар. Ф.ларнинг ўз Ф.лик ҳуқуқларини билиб олишлари ва ҳимоя қилишлари ҳамда бурчларини чуқур англаб етишлари учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаб бориш галдаги зарур вазифалардан биридир. Бу жараён Ф.лар учун маън-й камолот манбаи бўлиши б-н бирга, таълим-тарбия тизими учун ҳам доимий амалий фаолиятдир.

ФУҚАРО МАДАНИЯТИ — фуқаронинг инсоний ривожланганлик даражаси, унинг ижодий кучи, маъ-яти, маърифати ва қобилиятининг амалга ошиш имкониятлари бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш-

да, бошқалар б-н мун-тларини белгилашда, фаолияти йўналишларида кўзга ташланади. Ф.м. инсоннинг маън-й ҳаёти б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзида инсонларнинг предметли фаолияти натижалари, ш-дек, инсон имкониятлари ва қобилиятларини акс эттиради. Ф.м. нафақат жам-т, унинг тинч-осудалиги, фаровонлигига, балки шу б-н бирга алоҳида шахснинг маън-й баркамоллигига ҳам таъсир кўрсатади. Ф.м. оғзаки ижод, санъат, адабиёт ва тарихий меросда акс этиши мумкин. Ф.м. кўп қиррали т.. унда инсоният томонидан моддий, маън-й ҳаётда қўлга киритилган, билим, тафаккур, тажриба, урф-о. ва анъаналар уйғун фаолият тарзида намоён бўлади. Давлат ва жам-т тар-ёти, унинг рив-ш тамойиллари Ф.м. б-н узвий боғлиқ.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – жам-т тар-ётининг аввалги босқичларида давлат ҳокимияти органлари бажариб келган талай вазифаларнинг жамоат ташкилотлари зиммасига ўтиши, давлат фаолияти устидан ижт-й назорат ўрнатилиши. Ф.ж. шаклланиш суръатлари бир қатор омилларга боғлиқ. Сиёсий, ҳуқуқий омиллар Ф.ж. сари боришнинг сиёсий-ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилса, бу жараённинг суръати эса кўп жиҳатдан ташкилий, мад-й ва руҳий омилларга боғлиқ. Фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий мад-ти Ф.ж. қуришнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Бу омиллар қанчалик ривожланган, етук бўлса, жам-т ривожи учун шунчалик мустақкам пойдевор яратилади. Аммо Ф.ж. барпо этиш жараёнининг изчиллиги ва суръатлари жам-т ҳамда фуқароларнинг мад-ти, маъ-яти ва руҳияти б-н белгиланади. Шарқ ва Ғарб алломалари асарларида Ф.ж. масаласи катта ўрин тутаети. Қад. даврда бу муаммо б-н Суқрот, Афлотун, Арасту, Ўрта а.ларда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Янги даврда Ф.Бэкон, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Вольтер, И.Кант, Гегель сингари алломалар шугулланишган. Ф.ж. масаласига Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асар-

ларида алоҳида эътибор қаратилган. Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан Ф.ж.га турлича таърифлар берилган. Улар ўртасида умумий жиҳатлар б-н бир қаторда муайян тафовутлар ҳам мавжуд. Бу таърифларни шартли равишда учта асосий туркумга ажратиш мумкин. Мас., Гегельнинг таърифига кўра, Ф.ж. ... оила ва давлатнинг муқобили ва айни пайтда улар б-н боғлиқ тизим бўлиб, унда ҳар бир индивид ўз мақсадларига интилади. Лекин, ўзгаларнинг мақсадларини ҳам ҳисобга олмаса, у ўз мақсадларига етиша олмайди; бунда давлат сиёсий-маън-й бирлик ва умумий манфаатларни таъминлашга ҳаракат қилади. Маркс таърифига кўра, Ф.ж. хусусий мулкчиликка асосланган жам-т бўлиб, унда ижт-й мун-тлар синфий антогонизмлар шаклида бўлади, бу мун-тлар давлатнинг пайдо бўлиши ва рив-шини белгилайди. Учинчи туркумга оид таърифга кўра, Ф.ж. индивидларнинг ихтиёрий тарзда ўзларини намоён қилиши, уюшма ва ташкилотларга бирлашиши, давлат ҳокимияти органлари тазйиқидан ҳимояланадиган жам-т бўлиши мумкин. Бу таъриф ҳоз. вақтда кўпчилик томонидан маъқуullanмоқда. Мазкур таърифда Ф.ж.нинг давлатга муқобил бўлиши ва айни пайтда унга боғлиқ экани; ҳар бир фуқаро ўз мақсадларига интилиши йўлида ўзгаларнинг ҳам мақсадларини ҳисобга олиши зарурлиги; фуқароларнинг уюшма ва ташкилотларга ихтиёрий равишда бирлашиши; давлатга фақатгина сиёсий-маън-й бирик ва умумий манфаатларни таъминлаш функцияси юклангани каби жиҳатлар ўз ифодасини топган. Ўз-нда фуқароларнинг уюшма ва ташкилотларга ихтиёрий равишда бирлашиши масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганининг сабаби шундаки, ана шу уюшма ва ташкилотларнинг ривожи Ф.ж. шаклланишининг бош омилдир. Уларнинг тараққий этиши эса, кўп жиҳатдан, фуқароларда корпоратив мад-тнинг шаклланиш даражаси б-н белгиланади. Ҳар бир фуқаро жам-тга тўғридан-тўғри эмас, балки турли жамоа, уюшма ва ташкилотларнинг аъзоси сифатида бирлашади. Ф.ж. шаклланишида маън-й ва мад-й

омиллар жуда муҳим роль ўйнайди. Жам-т жамоа ва гуруҳлардан, жамоа ва гуруҳлар эса алоҳида фуқаролардан ташкил топади. Инсонлар турли-туман бўлгани сингари, жамоа ва гуруҳлар ҳам ташкилий, мад-ий ва руҳий жиҳатларга кўра турфа хилдир. Ф.ж.нинг шаклланиши турли мам-тларда умумий қонуниятлар асосида ва ўзига хос шаклларда юз беради. Ўз-нда Ф.ж. шаклланишининг хус-яти шунда намён бўладики, мам-тимиз ижт-й тар-ётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаган. Ф.ж. шаклланишидаги хус-ятлар мам-тимиз тарихи, миллий мад-ти ва маъ-яти ҳамда турмуш тарзидаги ўзига хослик б-н белгиланади. Мас., мам-тимиз аҳолиси турмуш тарзининг ўзига хослиги маҳалла ин-тининг мавжудлиги б-н изоҳланади. Бу ноёб ижт-й ин-тнинг вужудга келиши Ўз-н ҳудудида шаҳарларнинг рив-ши б-н боғлиқ ҳолда кечган. Чорвачилик б-н шуғулланиб келган уруғ ва қабилалар деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик б-н шуғуллана бошлагандан, яъни ўтроқлаша бошлаганидан кейин, кичик-кичик қишлоқлар пайдо бўла бошлаган. Қишлоқлар ўтроқлашган уруғ ва қабилалар номи б-н аталган. Мас., Кўнғирот. Найман. Унгут. Қангли. Қипчоқ. Баҳрин. Қиёт, Уйшин сингари топонимлар шулар жумласидандир. Уруғ ва қабилаларнинг ўтроқлашуви натижасида вужудга келган қишлоқларда деҳқончилик б-н бир қаторда ҳунармандчилик ҳам ривожлана бошлади. Ҳунармандчиликнинг рив-ши эса меҳнат тақсиротининг чуқурлашуви б-н бирга майда товар ишлаб чиқариш ҳам ривожлана бошлаганини англатар эди. Шаҳарларнинг вужудга келиши айнан мана шу майда товар ишлаб чиқариш, яъни ҳунармандчиликнинг рив-ши б-н боғлиқ эди. Ўз-н ҳудудида ҳунармандчиликнинг рив-шидаги ўзига хос хус-ятлардан бири шунда эдики, у ёки бу касб б-н шуғулланувчи ҳунармандлар кўпинча бир ҳудудда тупланиб истиқомат қилишар, уларнинг устахоналари ва дўконлари ҳам шу ҳудудда жойлашган эди. Муайян касб эгалари жамланиб истиқомат қиладиган ҳудудлар шу касблар номлари б-н атала бошлаган. Мас., Темирчи, Та-

қачи, Йилқичи, Кигизчи, Жевачи, Совунгар, Аравачи, Гиламдўз каби касб номлари б-н аталадиган маҳаллалар айни пайтда касбий уюшмалар ҳам эди. Бир ҳудудда бир касб эгаларининг истиқомат қилиши ва иш фаолиятини юритиши бир қатор қулайликлар туғдирар, мас., хомашё, тайёр маҳсулот нарх-навоси, солиқлар, янги асбоб-ускуналар ва б. янгиликлар туғрисида тезкор ахборот алмашишга имкон берарди. Бундан ташқари, улар баъзи ускуна ва дастгоҳлардан жамоа бўлиб фойдаланиши ҳам мумкин эди. Қолаверса, муайян касб эгаларининг жамоа бўлиб муайян ҳудудда турмуш кечирishi, иқт-й тангликлар юз берганда, уларнинг салбий оқибатларини биргаликда бартараф қилиш имконини туғдирар эди. Маҳаллалар фақат касбий уюшма эмас, айни пайтда ўзини-ўзи бошқариш органи ҳам эканини назардан қочирмаслик керак. Маҳалланинг асосий негизини ташкил қиладиган касб эгалари даҳа, туман, шаҳар ва вилоят миқёсидаги турли йиғин ва машваратларга ўз вакиллари юборар ва шу орқали ижт-й ҳаётга таъсир ўтказар эди. Маҳаллада истиқомат қиладиган касб эгаларининг жамоа сифатида уюшгани маъмурий идоралар ва ҳокимият вакиллари б-н мулоқот қилишга ҳамда мавжуд масалаларнинг ҳал этилишига хизмат қилган. Ф.ж.ни шакллантиришда нафақат иқт-й, сиёсий ва ҳуқуқий негизлар, балки маън-й асос ҳам гоят муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган Фарб мам-тлари тажрибаси шундан далолат берадики, жам-тнинг фақат муайян, хус-н, иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий ривожига эътибор қаратилиши, унинг маън-й-ахлоқий асосларининг емирилишига, таназзулга юз тутишига олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, мулкчилик шакли ўзгариши б-н ёки тегишли қонунлар қабул қилиниши б-н Ф.ж. шаклланиб қолмайди. Мазкур масалага эътиборсизлик қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигига талай Фарб мам-тлари воқелиги, мад-й-маън-й ҳаёти мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, **“Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракат-**

лар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин” (“Юксак маънавият – энгилмас куч”, 12–13-б.). Ф.ж.нинг энг муҳим вазифаларидан бири одамлар онгини, маъ-ятини ўзгартиришдир. Шу боис фал. тар-ётининг турли даврларида адолатли ва маърифатли жам-т барпо этиш масаласини таҳлил этган алломалар (Сукрот, Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино, Навоий ва б.) бундай жам-тни фақат моддий негизларга таяниб, маън-й қадриятларни эътиборга олмасдан барпо этиб бўлмастлигини асослаб берганлар (мас., Сукрот Афина демократияси ҳақида фикр юритиб, унинг манбаи фақат ҳокимият ва моддий неъмат эмас, у ҳар бир фуқародан улкан масъулият, тинимсиз машаққатли меҳнат, юксак маъ-ят ва билим талаб этишини уқтиради. Алломанинг бу қарашларига муштарак ғоялар Форобий, Ибн Сино, Уйғониш ва маърифатпарварлик даври мутафаккирлари асарларида ўз ифодасини топган). Ўз-нда мустақилликнинг дастлабки босқичлари-

даноқ ҳуқуқий-демократик давлат ҳамда замонавий Ф.ж.ни барпо этиш йўлида ижт-й-иқт-й ҳаёт, сиёсат, ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар маън-й-маър-й жабҳадаги ислохотлар б-н уйғун ҳолда амалга оширилмоқда. Шунга кўра, миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, маън-й-ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларига, миллий ўзликка қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий мад-тини ошириш, Ф.ж.нинг етакчи ин-тлари – нодавлат, ноҳуқумат ташкилотлар, жамоат уюшмалари, ОАВ, маҳалла фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни замонда моддий ва маън-й жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани, сиёсий-ижт-й барқарорлик, тар-ётнинг мустаҳкам гарови бўлиб, “кучли давлатдан – кучли жам-т сари” тамойилининг амалиётга изчил татбиқ этилишига хизмат қилмоқда. Ф.ж. ривожланиб, такомиллашиб боргани сари ўзб. халқига хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат, мустаҳкам ирода ва иймон-эътиқод каби азалий маън-й қадриятларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.



ХАВФСИЗЛИК – устувор даражада сиёсат, геосиёсат маконига нисбатан қўлланадиган, том маънода маъ-ят, инсонлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро мурувватнинг ифодаси бўлган т. Х. глобал маън-йлашувнинг яққол кўриниши сифатида ижт-й соҳаларнинг барчасидан ўрин олган тақдирдагина, ҳақиқий Х. муҳити вужудга келганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. ХХI а.га келиб, Х.да маън-й жиҳатнинг ўрни кучайишига бўлган эҳти-ёж ортиб бормоқда. Олий хилқат сифатида инсоннинг ўзи улут бурчини тўлақонли ҳис этиши, миллионлаб юртдош-

лари, замондошлари тақдири учун жавобгарликни англаши Х.ка бўлган талаб б-н уйғунлашиб бормоқда. Зарур даражада Х. таъминланиши учун бугунги кунда шахснинг ўз номидан ёхуд ўз манфаатларидан келиб чиқиб жараёнда иштирок этиши, ўз Х.и учун фақат ўзи қайғуриши камлик қилади. Яъни ҳар бир фуқаро ўз юртдошлари ва шубҳасиз, дунёдаги барча инсонлар Х.и учун куйиниши, яъни ўзгалар, замондошлар номидан иш кўриши лозим. Зеро, ХХI а.даги кескин ўзгаришлар оқибатида бир шахснинг Х.и бошқаларнинг Х.ига дахлдорликка айланди.

Шу н.назардан Президент Ислом Каримовнинг “ҳадсиз-худудсизлик” ҳолатида Х.ни глобал контекстда идрок этиш шартлиги ҳақидаги фикри айни ҳақиқатни англатади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган а.ларда Х. асосан сиёсий чора-тадбирлар, қарорлар ва фаолият орқали таъминланиб турилган. Унинг замирида эса ўша пайтлардаги муайян вазият, халқаро мун-тлар шакли ётган. Бугун эса Х. тобора маън-й жиҳат касб этиб бормоқдаки, инсоннинг яшашга, авлод қолдиришга бўлган ҳақ-ҳуқуқини асраши, унинг ўзидаги интеллектуал, маън-й ва илоҳий салоҳиятни, куч-қудратни рўёбга чиқариши пайсалга солиб бўлмайдиган глобал мақсадга айланмоқда. Х.ни маъ-ят н.назаридан таҳлил қилиш, унинг олам бир бутунлиги, яхлитлигининг таянчи эканини эътироф этишга олиб келади. Х. инсоннинг, миллатнинг моддий-маън-й имкониятларини, билими, тафаккурини рўёбга чиқариш имкониятидир.

ХАЁЛ (араб. ўйлаш, тасаввур қилиш) — маън-й ҳодиса, тафаккур сингари билиш жараёнларидан бири. У инсоннинг руҳий фаолиятида, муайян даражага эга бўлган муаммоли вазият вужудга келишида ҳамда унинг ҳал қилинишида иштирок этади. Бинобарин, Х. ҳам руҳий фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. У ҳаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ҳамда ўйдаги ҳолатларнинг вужудга келишидан таркиб топади. Х. муайян ҳиссий тимсолларга ёки борлиқнинг аниқ андозаларига таянади. Х. учун замон ва макон борасида чегара йўқ. Х. ҳамиша воқеликдан олдинда юради ва уни олға етаклайди. Кашфиётга олиб келувчи гумон, фараз ва сезги ҳам Х.сиз бўлмайди. Бошқача айтганда, Х. воқеликни моҳиятига кўра умумлашган ҳолда идрок этиш ҳодисасидир. Амалий фаолият бошланмасдан туриб, унинг маҳсулини олдиндан тасаввур қилиш ва уларни тимсоллар тариқасида вужудга келтириш Х.нинг асосий вазифаси ҳисобланади. Х. билиш жараёнлари б-н узвий боғлиқликда ҳукм суради, уларни акс эттириш имкониятининг тўлароқ рўёбга чиқишига ёрдам беради. Пси-

хологияда сул (пассив), фаол (актив), ихтиёрий, ихтиёрсиз, тикловчи ва ижодий Х. турлари тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд. Х.нинг аналитик ва синтетик хус-яти бўйича икки тенденция мавжуд. Аналитик ҳолат Х.нинг мазмунини, предметини тубдан янги образлар, тимсоллар асосида яратишдан, атроф муҳитнинг ифодаси янги, безакли, жилоли эканини қайд қилишдан иборатлигини тан олишдир. Иккинчи тенденция биосфера, ноосфера тўғрисидаги маълумотлар, тасаввурлар, таъсирланиш, тажрибалар ижт-й-тарихий тар-ёт давомида қайтадан тикланиш орқали Х. маҳсули сифатида сақланиб келади. деган ғояга асосланади. Ҳар иккала тенденция уйғунлашуви орқали ижодий ва тикловчи Х. фарқланади. Халқимизда “Х.нинг учкур оти” деган ибора бор. Бу отга миниб, бир зумда олис Амир Темур замонида бўлиш, Навоий ҳазратлари давридаги Ҳиротни кўз олдига келтириш ёки келажакка сафар қилиш мумкин. Кишилар қадим замонларда табиат ҳодисаларининг қудратини эътироф этиб, Қуёш, Сув, Олов каби буюк кучларни Х. орқали инсонлар, ҳайвонлар, қушлар қиёфасида тасаввур қилганлар. Х.даги т. ва тимсолларни бутунлай асоссиз, ҳақиқатга ҳилоф, дейиш мумкин эмас. Чунки инсон қадимдан то ҳозиргача Х. орқали воқеликнинг турли қирраларини ўрганиб келмоқда. Х. оламини билишнинг, воқеа-ҳодисалар моҳиятини, ички хус-ятларини ўрганишнинг кучли қуролидир. У инсонга реал ҳаёт ҳодисалари заминидаги моҳиятни, ички алоқадорликни тушунишга, келажакни олдиндан кўришга, юксак идеаллар учун курашишга ҳамда эҳтимол тutilган фалокатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Ва аксинча, шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик зарурки, реал замондан, реал шароитдан ажралган, юксак идеалларга зид Х. инсониятни янглиштириши, тўғри йўлдан чалғитиши мумкин. Буни хом Х. деса бўлади. Фашизм ана шундай хом Х.дан келиб чиқиб немис халқи бошига, умуман, инсониятга катта талофот етказди. Худди шундай коммунистик утопия ҳам кишилик жам-тига нақадар фалокат келтиргани ва ҳамон келтираётгани кўпчиликка аён дир.

ХАЙРИХОҲЛИК (араб. хайр — яхшилик, эзгулик; форс. хоҳиш-истак, тилак) — 1) маън-й мун-тларнинг ўзига хос алоҳида шакли; 2) ўзга кишиларга бағрикенглик ва меҳрибонлик асосида мун-тда бўлиш; 3) яхши мақсадлардаги ишларни, эзгу хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни англатувчи т. Хайрихоҳ кишилар бир-бири б-н оилавий ва қон-қариндошлик ришталари б-н боғланган, ижт-й мавқеи, моддий таъминлангани бўйича бир-бирларидан фарқланадиган инсонларнинг биродарлиги ҳақидаги умуминсоний ғоялар ва яқинларга меҳр-мурувватли бўлиш тарафдорларидир. Х. — ахлоқий бегараз ҳаракат соҳаси, инсониятнинг ўзи каби қадимий хулқдир. Исломда Х. инсонпарварлик мақсадларида ҳамда гуноҳдан фориг бўлиш б-н боғлиқ (гуноҳнинг афв этилиши, жаннатга дохил бўлиш ва ҳ.к.) эзгу амал сифатида талқин этилади. Хайрия ташкилотлари ва уларнинг фаолияти замонавий давлатчилик, жамоатчилик тизимида муҳим ўрин тутади. Х. фаолияти аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қисмига моддий ёрдам кўрсатишнигина назарда тутмайди. У ижт-й фаоллик, меҳр-оқибат кўрсатиш ва маън-й жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш йўналиши ҳамдир. Бизнинг замонамизга келиб, тилимиздаги бу т. яхшилик йўлида бирор кимсага ён босиш, эзгулик йўлида тарафдор бўлиш, шундай ишларда ҳомийлик қилиш маъноларини ҳам англата бошлади. Дарҳақиқат, Х. инсон кўнглидаги эзгуликлардан, яхши орзу-ниятлардан, унинг маъ-ятидан дарак бериб, яхшиликка умид билдирган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган ҳолатларни ифодалайди. Шундан келиб чиқиб, Х.ни кишининг ички гўзаллигини намоён этадиган, яхшиликка йўғрилган истаклар “барометри” деб таърифлаш ҳам мумкин. Хайрихоҳ одамлар жам-тнинг кўрки, ифтихори деб саналишга лойиқ. Зеро, халқ манфаати, Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги эзгу ишлар, ташаббуслар ҳам айнан хайрихоҳ инсонларнинг орзу-ниятлари туфайли амалга ошади, вожиб бўлади. Бу эса халқ хотирасида боқий амалларга асос солади,

унинг пойдеворини мустаҳкамлайди. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида тоғни ёриб, ариқ қазиган Фарҳоднинг жасорати, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Отабекнинг миллатимиз қадриятларининг рамзи сифатида тасвирланиши ёки мустақиллик йилларида халқимизнинг озод ва обод келажаги йўлида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг барчасини кўнгилдаги инжа ва покиза туйғу — Х. учқунларидан яралган мўъжизавий ишлар, дейиш мумкин. Бинобарин, хайрихоҳ инсонларнинг эзгу саъй-ҳаракатлари туфайли ХХI а.да ҳам ўзб. халқи оламшумул воқеликларга гувоҳ бўлиши шубҳасиз.

ХАЙРЛАШИШ — маън-й тамойилларга асосланадиган хатти-ҳаракат шакли, нутқ одоби унсури. Ҳар қандай нутқий мулоқот тури Х. б-н яқунланади. Худди саломлашишдаги сингари хонани тарк этувчи ёки ким учун мақбул бўлса, ўша шахс биринчи бўлиб хайрлашади. Х. шакллари ҳам саломлашиш шакллари сингари сўз (вербал) воситасида («хайр», «кўришгунча», «яхши қолинг») ва новербал — айтилган сўзга қўшимча тарзда энгил таъзим, қўл ҳаракати ва ҳ.к. орқали намоён бўлиши мумкин. Худди шундай талаб қўл бериб Х.га ҳам тааллуқли: катта биринчи бўлиб кичикка қўл узатади. Ташриф буюрувчининг хизмат хонасидан бирор ишга алоқадор масала ҳал этилгандан кейин чиқиб кетиши олдидан суҳбатдошига стол устидан қўл узатиши ножоиз ҳисобланади. Ёши ўзидан катта шахс ёки аёл б-н суҳбатлашган ижт-й ходим учун энг яхши йўл куйидагилар ҳисобланади: ташриф буюрган, Х. учун ўрнидан туриб кетишга чоғланганда ўриндан туриш, кексайган, айниқса, ногирон киши кетаётганда уни эшиккача кузатиш одобдан бўлади. Суҳбатнинг якуни сифатида Х. бир қатор ўзига хос вазифаларни ўтайди: биринчидан, бу одатдаги одобга риоя этиш; иккинчидан, коммуникатив алоқани яқунловчи бир ҳаракат. Х. б-н суҳбат якунига етади ва бўлиб ўтган суҳбат кейинчалик эътибор-

да қолишига муайян кафолат беради. Ўзб.ларга хос Х. одобининг миллий қадриятлар тизимидаги ўрни катта. Урфо-имизга кўра, тўғри Х. усулларига амал қилган одам юксак мад-тли, маъ-ятли инсон (шахс) саналади. Чунки кишиларнинг ахлоқ-одоби ҳақидаги дастлабки таассурот саломлашиш, мулоқот (суҳбат) Х. вақтида пайдо бўлади. Х. одоби инсонда болаликдан шакллантирилади. Бунда боланинг ахлоқий гўзаллиги ортади. У таълим-тарбия меваси, инсоний фазилат бўлиб, кишининг ички дунёсини намоён этувчи ахлоқий сифатнинг бир қиррасидир. Саломлашганда ёки хайрлашганда айтиладиган “Ассалому алайкум”, “Саломат бўлинг” деган сўзларда инсонларнинг бир-бирига ҳурмат-эҳтироми, хайрихоҳлик изҳори б-н бирга теран мазмун ва мулоҳаза мужассамлашган. Булар мулозаматни, инсонларга бўлган камоли эҳтиромни билдиради. Х. инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати ифодаси сифатида туғилади ва халқимиз донишмандлигининг тимсолиларидан ҳисобланади.

ХАЙРИЯ (араб. яхшилик қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш) — ҳислат ва фойдали ҳаракат, бошқаларга яхшилик қилиш, камбағалларга ёрдамлашиш; якка шахслар ва ташкилотлар (умуман, давлат, хус-н, корхоналар, фирмалар, жамғармалар ва б.)нинг камбағаллар, кам таъминланганларга раҳм-шафқат юзасидан моддий ёрдам кўрсатишини ифодаловчи т. Ислом ақидаларига кўра, Х. ислом пайдо бўлганидан бошлаб тарғиб этилади. Х. имкони бор ҳар бир мўмин-мусулмоннинг шарафли бурчидир. Ислом дунёсида масжидлар муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ишида, ш-дек, хайрия қилишда (камбағал, кам таъминланган, бева-бечораларга моддий ёрдам кўрсатишда), беморлар, етим-есирлар, ногиронлар ва кексалар ҳолидан хабар олишда фаол қатнашиб келган ҳамда фуқароларни бунга даъват этган. Аста-секин Х. фақат диний эмас, балки дунёвий кўриниш касб эта бошлади. Тарихий манбаларда келтирилишича, кўпгина ҳукмдорлар, амалдорлар орасида ҳам саховатпешалар бўлган. Хус-н, Со-

ҳибқирон Амир Темур, унинг набираси Улуғбек шундай ҳукмдорлардан саналади. Алишер Навоий, Ҳожа Аҳрор Валий ўз замондошлари орасида энг саховатли кишилардан ҳисобланганлар. Ўз-нда мустақиллик йилларида Х. ишлари ва махсус Х. жамғармалари таъсис этиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Х. ҳашарлари, “Маҳалла”, “Сен ёлғиз емассан” ва б. Х. жамғармалари шулар жумласидандир.

ХАЛҚ (араб. яратилган жонзот, одамлар) — кенг маънода. муайян мам-тнинг барча аҳолиси, тор маънода, тарихий-этноижт-й бирликларнинг турли шакллари, чунончи, миллат, элат, этник birlik, уруғ ва ҳ.к.ни ифода этувчи т. Шу маънода, Ўз-н Х.и деганда миллати, дини, тилидан қатъи назар, мам-тнинг барча фуқаролари ҳамда шу юртда доимий равишда истиқомат қилаётган аҳоли тушунилади. Илмий адабиётда Х. атамасини баъзан “этнос” т.сига синоним сифатида қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Юн. “этнос” т.си луғавий маънода Х., қабила, кишилар гуруҳини англатади. Юнон тилидаги “*демос*” ибораси ҳам «Х.» т.си-ни англатади. Лекин бу ибора кишилар гуруҳининг муайян ижт-й-сиёсий жараёнларда фаол қатнашувчи қисмини англатса, “этнос” т.си муайян жой, яъни ҳудудда яшаб, этногенетик ва тилнинг умумийлиги, моддий ва маън-й мад-тнинг муштараклигига асосланувчи Х.нинг локал гуруҳини англатади. Ҳоз. пайтда этнос атамаси фақат илмий доира ва илмий адабиётлардагина қўлланса, “Х.” атамаси эса илмий истефода б-н бирга кундалик ҳаётнинг ижт-й-сиёсий, мад-й, иқт-й ва маън-й жабҳаларида фаол қўлланади. Шу жиҳатдан «этнос» ва «Х.» т.лари маълум маънода бир-бирига яқин бўлса-да, аммо мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқ қилади. Тор маънода, ушбу атамалар эл, элат, миллат, аҳоли, халойиқ, оломон, муайян гуруҳ вакиллари англатади. Х. сўзи муайян локал ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолига нисбатан ҳам қўлланилади. Мас., қишлоқ Х.и, шаҳар Х.и ва ҳ.к. Касб, муайян машғулот ёки маълум табақага мансуб бўлган кишиларга

нисбатан ўқитувчи Х.и, савдогар Х.и, деҳқон Х.и каби сўзлар ишлатилиши учрайдди. Замонавий халқаро ҳуқуқда ҳам Х. атамаси кенг қўлланади. Х. биринчи марта халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида «Х.ларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш» тамойилининг мустаҳкамланиши натижасида тан олинган. Ҳоз. вақтда халқаро ҳуқуқда Х.лар ҳуқуқи турли конвенция ва декларацияларда ўз аксини топган. Шу б-н бирга, халқаро ҳамжам-т томонидан умумий тан олинган ягона «Х.» т.си ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган, фақат халқаро ҳуқуқда эмас, балки этнографик адабиётда ҳам «Х.» т.сига оид баҳс-мунозаралар XIX а.дан буён давом этиб келмоқда. Х. сўзига берилган кўпгина тавсифлардан келиб чиқиб (халқаро ҳуқуқ доктринасида 100 дан ортиқ тавсифлар мавжуд) шундай таърифлаш мумкин: Х. маълум бир давлат фуқароларининг умумий бирлигини англатиши б-н бир қаторда, муайян ҳудудда тарихан таркиб топган, бошқа гуруҳлардан ўз тили, руҳий-психологик ҳолати ва мад-ти, ш-дек, умумий онги ва номланиши б-н фарқ қилувчи сиёсий ёки этноижт-й birlik йиғиндисиدير. Х. атамаси гоҳида «миллат» т.сига синоним сифатида ҳам ишлатилади. Ўзб. Х.ининг тарихий шаклланиш жараёни этнотарихий макон б-н чамбарчас боғланган бўлиб, ушбу заминда Х. сифатида ривожланиб келаётган этник birlikдир. Ўз-н Президенти И.А.Каримовнинг «**Биз жаҳон майдонида куни-кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминид**а «**Авесто**» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади», деган фикрлари ўзб. миллати вакиллариининг ушбу ҳудуд Х.и сифатида этнотарихий илдизининг теранлигидан далолатдир. Дарҳақиқат, тарихий илдизлари мустаҳкам бўлмаган Х. этносиёсий майдонда йирик, қудратли бир давлатчиликни шакллантириб, келажак авлодларга миллий давлатчилик негизларини, осмонўпар мад-й ёдгорликларни мерос сифатида қолдира олмас эди. Шу жиҳатдан ҳам ўзб. Х.ининг шаклланиш жараёни

ва рив-ш босқичлари ушбу замин б-н мустаҳкам боғлиқликда бўлиб, қадимийдир.

ХАЛҚ ДАҲОСИ – халқ истеъдоди, тафаккури, ақл-идроки, иқтидори, салоҳияти, илм-фан ва иқтисодиётдаги куч-қудратининг маълум бир тарихий даврларда юксалишини намоён қилувчи хус-ятни англатувчи т. Жаҳон халқлари тарихи, ижт-й-иқт-й ҳаёти ва тар-ётига таъсир қилувчи бу хус-ят баъзан бир вақтининг ўзида бир қанча илм-фан соҳаларида ўзини кўрсата бошлайди. Мас., бундан минг йиллар муқаддам Мисрда бунёд этилган муҳташам эҳромлар; Хитойдаги тиббиёт ва фал., жам-тни бошқариш соҳаларида эришилган ютуқлар; Ҳиндистондаги ҳайкалтарошлик, мусиқа санъати ва диний тар-ёт; Зардушт пайгамбар (Авесто) даврида Хоразмда бунёд этилган шаҳарсозлик, сувдан фойдаланиш иншоотлари; Мексика ва Перудаги осори атиқалар; туркий халқларнинг ҳарбу зарб (жанг) санъати – буларнинг бари Х.д. замирида дунёга келган ижод намуналаридир. Х.д. туфайли яралган ютуқлар, ижод намуналари натижасида инсоният тар-ёт сари қадам-бақадам илгарилаб боради, ижт-й мун-тларда, иқт-й ҳаётда, мад-й ва маън-й тар-ётда маълум ютуқларга эришади ва ҳ.к. Агар битта одамнинг истеъдоди бевосита бирон-бир кашфиёт ёки ихтиро б-н боғлиқ ҳолда намоён бўлса, Х.д., халқ истеъдоди ана шундай ихтиро ва кашфиётларни жамулжам ҳолда амалга ошириш, турмушда қўллаш орқали амалиётда намоён бўлади. Ш.у. ҳам Х.д. яратган тар-ёт намуналари, турмуш афзалликлари, илм-фан ютуқлари тарихий даврлар манзарасида кўпроқ идрок қилинади. Ўзб. халқи ҳам ўзининг кўп минг йиллик тарихи мобайнида кишилик жам-ти ривожига хизмат қилаётган, инсоният хотирасида унутилмас оламшумул ютуқларни намоён этиб келаётган халқ ҳисобланади. Халқимизнинг ватансеварлик, ҳарбу зарб, ташқи душманлардан ҳимояланиш соҳасидаги истеъдоди Тўмарис, Широқ, Алпомиш, Жалолиддин каби тарихий-афсонавий сиймолар-

да ўз тажассумини топди. Жаҳон илму фани тар-ётига мислсиз улуш бўлиб қўшилган Маъмун академияси (Хоразм, Кўҳна Урганч, 997–1017 йиллар) намояндалари яратган асарлар кейинчалик математика, фал., тиббиёт, кимё, фалакшунослик, тил ва адабиёт фанлари соҳасида мўътабар манбалар бўлиб қолди (Ибн Хаммор, ал-Журжоний, ал-Беруний, Ибн Сино, ас-Саҳрий, Ҳамид ал-Хоразмийлар). Халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, дипломатия, адолатли жам-т барпо этишдаги салоҳияти ўрта а.ларда Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида, унинг ҳарбий даҳосида ўз тажассумини топган бўлса, кейинчалик бундай истеъдод унинг набираси Бобуршоҳ тимсолида Ҳинд заминида яна бир бор буй кўрсатди. Халқимизнинг дин ва маън-й-маър-й соҳадаги иқтидори Имом Бухорий, Имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, аз-Замашарий каби даҳолар фаолияти орқали намоён бўлса, бадиий адабиёт, илм-фандаги юксак тафаккури ва истеъдоди Мусо ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Рабғузий, Абулғози Баҳодирхон, кейинчалик эса жадидчилик ҳаракати намояндалари фаолиятида, асарларида акс этди. Натижада халқимиз даҳоси туфайли яралган ижод намуналари, кашфиёт ва ихтиролар башарият тафаккури ва хотирасининг олтин хазинасига бебаҳо улуш бўлиб қўшилди. Дарҳақиқат, мам-тимиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, **“Бизнинг қадимий ва бой тарихимизни, улуг аждодларимиз ва улар қолдирган беқиёс маданий мерос башарият маданияти ва ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилганини бутун жаҳон тан олади”** (Каримов И.А. Бунёдкорлик йулидан. 4-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 1996. 15-б.). Афсуски, мустабид тузум даврида халқимизнинг даҳоси, аждодларимизнинг ақл-заковати туфайли дунёга келган буюк кашфиёт ва ихтиролар, жаҳон илм-фани ва мад-тига қўшган улкан ҳиссани эътироф этмаслик, баъзан эса нотўғри талқин қилинганига гувоҳ бўлдик. Мустақиллик туфайли буюк аж-

додларимизнинг илмий, бадиий, маън-й-маър-й мероси, улкан давлатчилик тажрибаси нафақат мам-тимиз миқёсида, балки бутун дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда, кенг тарғиб қилинмоқда, буюк мутафаккирларимиз ва саркардаларимизнинг юбилейлари дунё миқёсида муносиб нишонланмоқда. Эндиликда ёш авлод вакиллари илм-фан, мад-т чўққиларини забт этиб, ўтмишдаги аждодлар эришган ютуқларни янада бойитиб, ўзларининг қандай тафаккур соҳибларига ворис эканликларини исботлашлари керак. Бунинг учун мам-тимизда барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Қолаверса, давлатимиз раҳбарияти юритаётган сиёсат ҳам ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, доно, билимли, ўткир ақл-тафаккур соҳиблари бўлиб вояга етишини назарда тутди.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ – жам-т фаолияти ва ҳукмини белгилайдиган асосий омил сифатида халқнинг мақсадларини ифодаловчи т. Х.м., аввало, унинг жам-т ижт-й ҳаётидаги, ишлаб чиқаришдаги ўрни ва мавқеи б-н белгиланади. Х.м. моддий ва маън-й манфаатларга бўлинади. Уларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Зеро, маън-й манфаатлар моддий манфаатларни, унинг хус-ятларини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“...биз айрим мамлакатлардан моддий жиҳатдан орқада бўлсак-да, аммо юксак ва бой тарихий мерос ва кадриятларимиз орқали маънавий жиҳатдан юқори эканлигимизни эътироф этишимиз лозим”**. Халқ манфаати б-н яқин ва турдош т. халқ эҳтиёжидир. Эҳтиёжсиз манфаат бўлиши мумкин эмас. Улар ўртасида кўп ўхшашлик ва умумийлик б-н бир қаторда тафовутлар ҳам мавжуд. Эҳтиёжлар бевосита объектга йўналтирилган бўлса, манфаатлар шу эҳтиёжни қондириш воситасидир. Жумладан, маъ-ят ҳам, эҳтиёж ҳам манфаат сифатида Х.м.ининг ажралмас қисмидир. Ш-дек, маъ-яти манфаатига уйғун бўлган жам-т ривожланувчан жам-т ҳисобланади.

ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИ — халқ ёки миллат қадриятларининг муайян тартибда, даражада ва йўсинда тизим ҳолига келиши. Ҳар бир Х.м. муайян қадриятлар йиғиндисидан ташкил топади. Бу тизим таркибида озодлик, тинчлик, хотиржамлик, иймон, инсоф, лафз, орият, фаровонлик, катталарга ҳурмат, ҳамкорлик, адолат, меҳмондўстлик сингари умуминсоний қадриятлар муҳим роль ўйнайди. Лекин, айтиб бериш керакки, ҳар хил қадриятлардан ташкил топишига қарамай, турли халқлар маъ-ятининг ўзига хос бўлиши боиси шуки, ўша айтиб бериш керакки, ҳар хил қадриятлар маъ-ятда ўзига хос йўсинда акс этади. Мас., бир Х.м.да меҳмондўстлик устувор бўлса, бошқа Х.м.да жасурлик устун бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айтиб бериш керакки, тар-ёттидаги бир босқичда ўша меҳмондўстлик ёки катталарга ҳурмат катта ўрин тутса, кейинги босқичда жасорат ёки адолат энг устувор қадрият бўлиб қолиши мумкин. Ш.у. айтиш мумкинки, барча миллатлар маъ-ятида деярли бир хил қадриятларнинг жамланиши миллий маъ-ятларнинг умуминсоний асосини ифодаласа, уларнинг ҳар биридаги ҳар бир қадрият турли даражада ривожлангани ва ўзаро турли йўсинда боғланиши миллийликни ифодалайди. Қадриятлар бирикишидан маъ-ят ҳосил бўлса, маъ-ят негизда мафкура вужудга келади. Мафкура тур жиҳатидан хилма-хил бўлиши мумкин: оила мафкураси, ижт-й гуруҳлар мафкураси, сиёсий мафкуралар, диний мафкура ва б. Бу мафкураларнинг барчаси ҳам бир миллий маъ-ят негизда шаклланса-да, уларга шу маъ-ятнинг муайян жиҳатлари асос қилиб олинади. Ижт-й гуруҳларнинг мафкураларида бутун халқ ва миллат манфаатларига, орзумид ва интилишларига мос бўлган қадриятлар ифодаланса, улар негизда миллий мафкуралар вужудга келиши мумкин. Лекин миллий мафкуралар сиёсий партияларга уюшмаган ижт-й гуруҳ ва қатламларнинг орзу-умидларини ҳам ифодалайди. Миллий мафкура миллий қадриятлар орасида устувор бўлганларини жамласа, миллий ғоя улар ичидаги энг устувор қадриятни ифодалайди. Х.м.да эса ана шу

ижт-й гуруҳ, қатлам ва партиялар қадриятлари орасида халқ учун энг мақбул бўлганлари жамланади. Аслида, халқ қадриятларни ижт-й гуруҳ ва партиялардан олмайди, аксинча, бу гуруҳ ва қатламлар халқ қадриятлари орасидан ўзлари учун маъқул бўлганларини танлаб оладилар.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — халққа муносиб турмуш шароити яратишни ифодаловчи т. Ўз-нда барпо этилаётган жам-тнинг иқт-й асоси ижт-й йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги кунда дунёдаги барча мам-тлар айнан шу йўлдан тараққий этиб, ўз халқининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга эришмоқда. Ўз-н ҳам шундай йўлни танлаган. Ҳозирда амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, айнан инсон учун, унинг ҳақ-хуқуқи ва эркинликлари ҳамда фаровон ҳаётини таъминлаш учун хизмат қилади. Собиқ шўро тузуми одамлар онгига барча фалокатларнинг сабаби хусусий мулкда, деган ғояни сингдириб, сохта тенгликни қарор топтирмакчи эди. Оқибатда ишламаган одам ишлаган одамдан яхшироқ яшай бошлаган эди. Ҳатто совет кишининг ўзи ҳам давлат машинасининг мурватига айлантирилган эди. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик боқимандалик кайфиятини, ишлаб чиқаришдаги исрофгарчиликни, ташмачиликни кучайтирди. Одатда, мустабид тузумлар Х.ф.дан, унинг бойиб кетишидан манфаатдор бўлмайди. Ўз-н истиқлолга эришган дастлабки кунларданок яқка давлат мулки ҳукмронлигига барҳам берилиб, мулк шаклларининг хилма-хиллигига, жумладан, хусусий мулкка кенг йўл очди. Бугунги кунда мам-тда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Бозор иқтисодиёти жам-тни маълум маънодаги табақаланишга олиб келиши табиий. Х.ф.ни кўзлаган давлат халқнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриб, бу борада ўзига хос кучли ижт-й сиёсат юритади. Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз

вақтида қўллаб-қувватлаш Х.ф. йўлида амалга ошириладиган ислохотлар муваффақияти кафолатидир. Ўз-нда ижт-й ҳимоя чоралари аҳолининг асосан ҳақиқий муҳтож ва эҳтиёжманд қатламларига йўналтирилмоқда. Бу борада давлат манбалари б-н бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ҳам ишга солинмоқда. Бугунги кунда фаровон турмуш асоси эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорликдир. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, ҳуқуқий ва иқт-й шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратилиши зарур. Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эгаллик ҳиссини тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим аҳамият касб этади. Табиий бойликлар, ер ресурслари, мам-т иқт-й салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий омилларидир. Бугунги кунда Ўз-нда амалга ошириладиган барча ислохот ва бунёдкорлик ишлари Х.ф.ни оширишга қаратилган.

ХАЛҚЧИЛЛИК — халқона, муайян халққа хос хус-ятларни ўзида мужассам этган адабиёт ва санъат асари ёки воқеликнинг халққа яқин ва халқ томонидан осон қабул қилинадиган содда, ҳаётий ифодасини англатувчи т. Х. санъат ва адабиётда асосий тамойиллардан бири сифатида намоён бўлади. Х. халқнинг бадиий-ижодий ва ҳаваскорлик фаолиятида, оғзаки бадиий ижодда (фольклор), халқ мусиқасида (мусиқа фольклори), халқ театрида (томоша санъати), халқ ўйинларида (дорбоз, рақс, турфа томошалар), халқ тасвирий, амалий ҳамда безак санъатида ўз ифодасини топиши мумкин. Халқчил бадиий асарлар мазмун-моҳиятида халқнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, руҳияти, орзу-армонлари, идеаллари, ижт-й ва маиший ҳаёти, меҳнат фаолияти, табиат ва жам-тга қарашлари, эъти-

қоди ва диний тасаввурлари, теварак-атрофга мун-ти, ўй-фикрлари мужассам бўлади. Айниқса, халқ оғзаки бадиий ижоди миллий мад-тнинг таркибий қисми сифатида Х.ни ўзида кўпроқ мужассам этгани боис жуда катта ижт-й аҳамият касб этади. Унда Х.ни мужассам этган халқ бадиий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик мун-т, гўзаллик, бадиий сўз қадри, миллий тил имкониятлари ўз ифодасини топган бўлади. Инсоният ижт-й-мад-й тар-ётида Х. муайян миллатнинг ўзлигини англашда, тарихий-мад-й қадриятларига ижобий мун-т муҳитини шакллантиришда, халқнинг руҳини кўтаришда муҳим ўрин тутган. Жам-тда халқчил асарларнинг қиммати халқ қалбидан қай даражада ўрин олгани б-н белгиланади. Шу жиҳатдан ҳам халқчил асарларни яратиш миллий қадриятлар ривожига ва тарғиботига хизмат қилиб, жам-т аъзолари, хус-н, ёшларни Ватан ва халққа садоқат руҳида тарбиялашда муҳимдир.

ХАРАКТЕР (юн. *charaktir* — белги, ажратувчи сифат, хислат) — ижт-й муҳитда таркиб топадиган, шахснинг теварак-атрофдаги воқеликда ва ўз-ўзига мун-тларида ифодаланмагани, унинг муайян вазият ва шароитда намоён бўлувчи хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган барқарор, турғун руҳий хус-ятларининг мажмуаси. Х. хус-ятлари келиб чиқишининг физиологик шароитларидан бири — бу кўчиш механизми асосида турли динамик стереотипларнинг ҳосил бўлишидир. Темперамент типи Х.нинг индивидуал ўзига хос хус-ятларининг пайдо бўлишидаги муҳим психологик шароитлардан бири. Инсон Х.ининг айрим хус-ятларининг ўзаро боғлиқ, бир-бирига тобе яхлит организми унинг тузилмаси (структураси) дейилади. Руҳий хус-ятларнинг ўзаро боғланган тизими симптомокомплекслар ёки факторлар деб аталади. Х. хус-ятларининг 4 та тизими мавжуд: 1) жамоага, гуруҳга, айрим инсонга нисбатан мун-тларни ифодаловчи хус-ятлар (яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, тақабурлик ва б.); 2) меҳнат фаолиятига нисбатан мун-тни акс эттирувчи хус-ятлар

(меҳнатсеварлик, ялқовлик, виждонлик, меҳнатга масъулият ёки масъулиятсизлик б-н мун-тда бўлиш ва б.); 3) нарса ва ашёларга нисбатан мун-тни ифодаловчи хус-ятлар (озодалик ёки ифлослик, нарсаларга аяб ёки аямасдан ёндашиш ва б.); 4) инсоннинг ўз-ўзига нисбатан мун-тларини ифодаловчи хус-ятлар (иззатнафслилик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, димоғдорлик, камтаринлик ва б.). Х. тузилишининг хус-ятларига уларнинг чуқурлик даражаси; фаоллиги, кучи; барқарорлиги, ўзгармаслиги; маълум даражада пластиклиги кабилар киради. Х.ни ташкил қилувчи хус-ятлар унинг хислатлари деб номланиб, маън-й ва иродавий туркумлардан иборат. Хус-ят тугма, ўзгармайдиган бўлмайти, ш.у. у инсоннинг турмуш шароитига боғлиқ ҳолда таркиб топиб, ўзгарувчан ва тарбияланувчандир. Модомики шундай экан, психиканинг индивидуал сифат хус-ятлари шахснинг ижт-й типик мун-тлари б-н бирга қўшилгандагина Х. хислатларини белгилаш имкониятига эга бўлади. Х. ирсият б-н бево-сита алоқага кирмайди, чунки у ижт-й қонуниятлар б-н белгиланади. Х. б-н темпераментнинг ўзаро мун-ти уларнинг физиологик асослари б-н тавсифланади. Х.нинг шаклланишида бир неча турли психологик механизмлар мавжуд бўлиб, уларнинг изида одатлар муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Х. умумба-шарий сифатлар б-н чекланиб қолмасдан, у миллий ва этнопсихологик хус-ятларга ҳам эга. Шу боисдан ўзб.ларнинг ўзига хос миллий Х. ва хислатлари мавжуд. Истиқлолдан кейин миллий маъ-ят ва қадриятларнинг тикланиши туфайли Х.нинг соф фазилатлари барқарорлашиб бормоқда. Х.нинг моҳияти, тузилиши ва турларини психологиянинг махсус соҳаси — характерология ўрганади.

ХАРИЗМА (ёки *харизматик легитим-лик*) — бирор шахснинг бошқаларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада устун хус-ятларга эгаллиги ва ана шу устунлик ёрдамида халқни бошқаришга ҳақли эканини ифодалайдиган т. Х. т.си илк бор италиялик руҳоний Ст.Паул томонидан

муъжизавий қобилиятга эга бўлган пайгамбарга нисбатан ишлатилган. Аммо илмий т. сифатида Х. асосан немис социологи М.Вебер томонидан чуқур тадқиқ қилиниб, “*gnadengabe*” — “эҳсон” дея номланган. М.Вебернинг фикрича, Х. Худо томонидан берилган эҳсондир. Инг. олим Ч. Андриан эса бундай шахсий, яъни харизматик устунликни “*grace*”, яъни “қобилият” деб номлаган. Унинг фикрича ҳам, бу — тангри томонидан берилган қобилиятдир. Х.га асосланган сиёсий ҳокимиятни эса Ч. Андриан “эҳсон этилган қобилият ҳокимияти” деб атайди. Қад. даврларда фақат илоҳий мазмунга эга бўлган ушбу т. вақт ўтиши б-н олимлар томонидан реал ҳаётга татбиқ этила бориб, илоҳий қобилиятга эга бўлмаган, аммо устун хус-ятларга, юксак фазилатларга эга бўлган етакчи тарихий шахсларга нисбатан ҳам ишлатила бошлаган.

ХИЁНАТ(КОРЛИК) (араб. мақр, хийла, хоинлик) — шахснинг маън-й-ахлоқий жиҳатдан ўзини назорат ва идора қилиш қобилиятининг йўқлиги, ахлоқий бурчларини мустақил равишда шакллантира ва бажара олмаслиги ҳамда ўз қилган ишларига баҳо бера олмаслиги, аҳдлашилган аҳду паймонни бузиши, умумий танланган иш, фуқаролик, дўстлик, севи ва биродарликка содиқ қолмаслик, бевафолик ҳолатини ифодаловчи т. Бировнинг омонати, моли, жони, тинч яшаш ҳуқуқига, етимлар ва аёллар ҳақиқа, миллат, Ватан, Ватан ғоялари, эл-юрт мақсад ва манфаатларига Х. қилиш маъ-ятсизликдан далолат беради. Х., мусулмон қонун-қоидаларига кўра, инсонга тақибланган ва ҳалол бўлмаган фаолият б-н шуғулланувчи, ҳаром ишларга қўл урувчи, ҳаром йўллар б-н кун кечирадиган, алдов йўли б-н турли фирибгарлик ишларини қилувчи, нафси ва ҳирсини тия билмайдиган, мунофиқ, разил, иймонсиз, виждонсиз, маън-й-ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган шахслар томонидан қилинади. Кишини ғийбат ва тухмат қилиш ҳам унга нисбатан қилинган Х. ҳисобланади. Одатда, Х. ва бундай аксилмаън-й ҳодисалар маън-й тубан шахслар томонидан содир этилади. Х. қилувчи шахс

ўз ҳаёти, нафси, шахсий манфаатини дўсти, ёру биродарлари, халқи ва Ватани манфаатларидан устун қўяди, уларга вафосизлик қилади, уларнинг моддий ва маън-й ҳақларини суиистеъмол қилади. Қуръони каримда, аҳду паймонни бузиб Х. қилгувчилар энг ёмон кимсалар – золимлар, кофирлар, иймонсизлар экани, улар Аллоҳдан қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррарлиги ўқтирилган. Бундан ташқари, унда одамлар ўртасида Х. содир этилганда қандай йўл тутиш ва чора кўриш лозимлиги ҳақида маслаҳат қилинган ва тўғри йўл кўрсатилган: “Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирор қавм томонидан Х.ни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг (яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин). Албатта, Аллоҳ Х.кор кимсаларни севмас.” Сўз б-н иш бирлигига амал қиладиган, ваъдасига вафодор, ҳалоллик қонун-қоидаларига амал қиладиган иймонли, инсофли, виждонли инсон ҳеч қачон Х. қилмайди.

ХОКИСОРЛИК (форс. чанг, тўзон; ўта камтарлик) – ниҳоят даражада камтар, содда, итоаткорлик, ўзини камтар, бошқалардан паст тутишини англатувчи т. Бу маън-й т.ни алоҳида шахс ва миллат ўзида мужассам этиши мумкин. Шунинг б-н бир қаторда Х.ни меъёр даражасида билмоқ ва кўрмоқ лозим. Хокисор киши ҳаддан ташқари ўзини паст даражада кўрсатмаслиги керак. Ўз қадр-қимматини билиши лозим. Х. камтарлик белгиси бўлиши б-н бирга у шахсинг маън-й-руҳий, маърий ожизлигини билдирмаслиги керак.

ХОЛИСЛИК (араб. тоза, соф, самимий, холи) – инсоний фазилатлардан бири бўлиб, атрофдагиларга беғараз, чин дилдан, самимий яхшилик қилишни англатувчи т. Х. – ҳаммага бир хил назарда бўлиш, бирор манфаат юзасидан, бирор воқеага ноҳақларча ён босмайдиган, воқеа-ҳодисага адолат юзасидан самимий, таъмасиз ёндашиш. Бирор амални Х. б-н бажариш юксак олижаноблик нишонасидир. Х. фазилати аксарият ҳолларда муҳлис инсонларда мавжуд бўлади. Шарқ-

нинг буюк алломаси аз-Замаҳшарий Х. қилувчи холис, ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликда яшагини, бировга хиёнатга ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтор бўлишини таъкидлаган. Шу маънода, Х. қилган инсон дунёдаги энг адолатли инсондир. Фариддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” асарида ёзилишича, шайхлардан бирига бир киши ҳада келтирса олмабди (ваҳоланки, шариятга кўра, ҳада яни рад этиб бўлмайди), шайх шундай шарияти машъру (шариятга мувофиқ узр айтибди) келтирибди: “Ҳада яни қабул қила олмайман. чунки, сенинг дўстинг мендан таълим олмоқда, агар ҳада яни олсам, шу молинг сабаб бўлиб дўстингга нисбатан майлим ортгай”, дейди. Бу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкинки, ҳаммага Х. б-н бирдек дарс ўтаётган мударрис бир кишининг ҳада яни сабабли унинг дўстига майли ортади, уни бошқаларга нисбатан яхшироқ ўқита бошлайди ва шу жойда ноҳолислик пайдо бўлади. Чунки, Х.ни сақлаб қолувчи омил таъмасизликдир. Агар бирор ишга манфаатдорлик, таъма аралашса, у ердан Х. кўтарилади. Демак, Х.нинг зидди миннат юклаш, ноҳолислик, фарзгўйлик, таъмагирликдир. Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” асарида Х.ни энг юксак инсоний фазилат сифатида санайди.

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ – XI а.да хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмун II ташаббуси б-н Хоразм пойтахти Гурганжда (Қуйи Урганч) Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, табиб Абу Ҳасан Ҳаммор, тарихчи Ибн Мискавайҳ каби машҳур мутафаккир олимларнинг бевоита маслаҳатлари асосида «Дорул-ҳикма ва маърифат» номи б-н ташкил этилган йирик илмий маскан. XI а.нинг 1017 йилига қадар фаолият юритган ушбу илмий масканда даврнинг долзарб муаммолари устида илмий изланишлар олиб борилган. Х.М.А. Ў.О.да, хус-н, юртимизда шаклланган илмий-маърий аъёналарни янада ривожлантирди ва дунё фани рив-шида муҳим ўрин эгаллади.

“Дорул ҳикма ва маърифат” олимларининг фаолияти жаҳоннинг кўплаб олимлари-шарқшуносларида катта қизиқиш уйғотган эди. Европалик Эдуард Захаю, рус шарқшунослари академик С.П.Толстов, И.Ю.Крачковский, А.Ю.Якубовский, П.Г.Булгаков, А.М.Белицкий, А.А.Семёнов, ўзб. олимлари академик Я.Фуломов, И.Мўминов, М.Хайруллаев, А.Аҳмедов ва б. ўз тадқиқотларида бу илмий маскан фаолиятини чуқур ўрганиб, унинг ўша давр Академияси сифатидаги аҳамиятини асослаб бердилар. Бугунги кунда у “Маъмур академияси” номи б-н юритилади. Қадимги ва Ўрта а.ларда жаҳонда 4 та академия мавжуд бўлганлиги қайд этилади. Булар Платон (Афлотун) академияси (мил.ав. IV а.), Богдод шаҳрида «Байтул ҳикма» (IX а.), 1004–1017 йилларда Журжония (Кўҳна Урганч)да Маъмур академияси ва орадан беш а. ўтиб, Самарқандда Мирзо Улугбек таъсис этган академиялардир. Маърифатпарвар ҳукмдор Абу Аббос Маъмур II мад-й-маъ-й ишларнинг рив-ши учун бор кучини ишга солди. Саройда кутубхона қурилиб, Шарқнинг турли шаҳарларидан ноёб кўлёмалар келтирилди. Саройда қурилган мадрасада эса қобилиятли ёшлар диний ва дунёвий илмларга ўргатилди. Айнан шу даврда Хоразмда илмий фикр ўзининг юқори ривожига эришди. Хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмур II Абу Райҳон Берунийни ўзининг бош маслаҳатчиси этиб тайинлади ва чет эллар б-н дипломатик алоқаларни бошқаришни унга топширди. 1004 йил Абу Аббос Маъмур II буйруғига кўра, Шарқдаги энг йирик мад-й-маъ-й марказ — «Дорул ҳикма ва маърифат» ёки Х.М.А. ташкил этилди ва Беруний ушбу илмий масканга раҳбар этиб тайинланди. Шарқнинг турли давлатларига таниқли олимларни марказга таклиф қилиб чопарлар юборилди. Хоразмликлардан ташқари Х.м.а.да юздан ортиқ олимлар, ҳуқуқшунослар, адабиётчилар, дин пешволари фаолият кўрсатар эдилар. Улар Бухоро, Самарқанд, Жанд, Марв, Нишопур, Балх, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Сурия, Миср ва б. мам-тлардан келган эдилар. Хоразмшоҳлар сулоласининг

ўша даври вакиллари илм ва маърифатнинг баҳосини билар эдилар. Улар олимларга раҳнамолик кўрсатар, фаолиятлари учун барча шароитларни яратиб беришар эди. Х.м.а.нинг шаклланиши ва рив-ши учун маҳаллий илм-фан ютуқлари б-н боғлиқ омиллардан ташқари, қадимги грек олимларининг ишлари ҳамда бизнинг буюк аجدодларимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ал-Марвазий, Аббос ал-Жавҳарийларнинг илмий ютуқлари ҳам катта роль ўйнади. Ушбу олимлар IX а.да Бағдоддаги «Байтул ҳикма»да фаолият юритганлар, уларнинг маън-й мероси бутун дунёга машҳур бўлган. Х.М.А. олимларининг илмий ишлари улар илмий меросини мантиқий давом эттирган, бойитган ва ривожлантиришга ҳисса қўшган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, X–XV а.лар давомида дунёнинг бирор мам-тида «Мажлиси уламо ва орифин» каби илм-фан маркази бўлган эмас. Бу табарруқ марказда 21 аллома ва 40 дан зиёд толиблар илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича қатор изланишлар олиб бориб, ўз фаолиятлари б-н жаҳон фани ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Бунда хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмур II нинг катта эътибори ҳам муҳим аҳамият касб этган эди. Мас., Абу Фазл Байҳақийнинг “Тарихи Масъуд” (“Масъуд тарихи”) китобида Абу Райҳон Берунийнинг “Машоҳири Хоразм” (“Хоразмнинг машҳур кишилари”) номли (бизгача етиб келмаган) асаридан парчалар келтирилган бўлиб, унда Беруний хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмур II нинг яхши фазилатларини тавсифлаб, унинг саройида етти йил хизмат қилганини ҳикоя қилиши айтилади. Маъмур II саройидаги юксак ҳурмат ва мавқе Берунийга камёб металлар ва қимматбаҳо тошлар устида энг мураккаб кузатиш ва тажрибалар ўтказиш имконини берган ва бу кейинчалик «Минералогия» асарининг юзага келишига замин ҳозирлаган эди. Бундан ташқари Берунийнинг Ибн Сино б-н илмий-фал-й баҳслари натижасида юзага келган фал-й қарашларини қамраб олувчи ёзишмалари (улардан бизга қадар фақат 18 таси етиб келган) ҳам худди

шу Х.М.А.да ишлаган йилларига тўғри келади. Бунда Беруний Аристотелнинг ақл б-н ҳис этиш масаласидаги хулосаларига ўзининг кузатиш ва тажриба орқали аниқлаган хулосаларини қарши қўйгани, Ибн Сино эса Аристотелни ҳимоя қилгани маълум бўлади. Абу Али Ибн Синонинг қатор асарлари, шу жумладан, «Тиб қонунлари» ҳам айни Х.М.А.да ишлаб юрган кезларида шакллана бошлаган. Абу Саҳл ал-Масиҳий ал-Журжоний, Абу Ҳасан Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Ибн Мискаваийҳ, Умар Исфаконий, Абу Али Ҳасан ибн Ҳорис Хоразмий Ҳубубий, Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим ал-Найсабурий, Абу Наср ибн Ироқ ал-Ҳамадоний, Муҳаммад ас Саолибий, Маҳмуд ибн Хидр, Абу Хайр ал-Ҳасан ибн Сивор Бехном, Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Иброҳим ат-Табари ан-Натили, Абу Фазл Аҳмад ибн Муҳаммад Саҳрий, Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳусайн Саҳлий (Суҳайлий) Хоразмий каби ўнлаб етук алломалар Х.М.А.даги фаолиятлари б-н жаҳон илм тар-ётига улкан улуш қўша олдилар. Юқориди қайд этилган номлар ҳоз. кунгача аниқланган Х.М.А.да фаолият юритган олимларнинг нотўлиқ рўйхатини кўрсатади, аммо бу қатордаги номларнинг аксарияти ватандошларимизга тегишлилиги аниқ. Олимлар фаннинг астрономия, математика, кимё, физика, минерология, картография, жуғрофия, геометрия, табиатшунослик, тиббиёт, фал., тарих, араб тили, мантиқ, адабиёт, ислом ҳуқуқшунослиги ва б. соҳаларида жиддий тадқиқотларни амалга оширдилар. Улар араб, форс, ҳинд, лотин, грек ва туркий тилларни мукамал билар эдилар. Грек олимлари Афлотун, Аристотель, Птоломей, Евклид, Пифагор ва Галенларнинг илмий ишларини чуқур таҳлил қилиб, уларга муносиб шарҳлар ёздилар ва янги гоёлар б-н бойитдилар. Таълим астрономия бўйича Беруний, Маҳмуд ибн Хидр, Абу Хайр ал-Ҳасан, математика бўйича Абу Наср ибн Ироқ ал-Ҳамадоний, кимё бўйича Абу Ҳасан Ҳаммор томонидан амалга оширилгани маълум. Шу даврга келиб Гурганж мадрасалари ва мак-

таблари ҳақиқий илм масканларига айланган эди. Х.М.А. минтақада фанни ривожлантирибгина қолмай, балки турли давлатлар ўртасидаги мад-й алоқаларни ҳам мустаҳкамлади, турли халқлар, эътиқодларни бирлаштирувчи дўстлик риштаси бўлиб, тарих саҳифасига ёзилди. Бу илмий жамоада гипотеза тарзида олга сурилган гоёлар илм-фаннинг кейинги 500 йили ривожиди гоёт муҳим ўрин тутган. Х.М.А. олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий ва танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтардилар. Абу Наср ибн Ироқ (Берунийнинг устози) астрономияга доир илмий асарлари туфайли «Батлимуси соний» («Иккинчи Птоломей») деган фаҳрий ном олган. Абу Ҳасан ибн Ҳаммор мантиқ, фал.да, айниқса, табобатда жуда машҳур бўлгани учун «Букроти соний» («Иккинчи Гиппократ») лақабига сазовор бўлган. Х.М.А. 1017 йилда Маҳмуд Фазнавий томонидан Хоразмнинг босиб олиниши б-н ўз фаолиятини тўхтатса-да, бу илм масканида ўртага қўйилган илмий гоёлар, муаммолар атрофида мунозаралар давом этди ва ривожлантирилди. 1997 йил 11 ноябрда Президент И.А.Каримовнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ўшандан буён Хива шаҳрига кираверишдаги тарихий обида – қўша дарвоза б-н ёнма-ён жойлашган салобатли, муҳташам бинода Х.М.А. қайтадан тикланиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Х.М.А. таркибида «Археология, тарих ва фал.», «Тил ва адабиёт», «Биология муаммолари» бўлимлари ташкил қилиниб, 9 илмий мавзу бўйича 26 илмий ходим, шу жумладан, 5 фан доктори ва 9 фан номзодлари илм. тад. олиб боришмоқда. 2004 йил 9 ноябрда Ўз-н Вазирлар Маҳкамаси жаҳон илм фани ва мад-тига улкан ҳисса қўшган Х.М.А.нинг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва мам-тимиз тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтириш мақсадида «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Қарор қабул

қилди. Президент И.А. Каримов 2005 йил 22 сентябрда Х.М.А.да бўлиб, унинг илмий фаолиятини қайта кўриб чиқиш лозимлиги ҳақида тўхталиб, “**Замонавий Маъмун академиясининг олимлари тарихимизнинг номаълум саҳифаларини очиб беришлари керак. Айнан шу ердан туриб олимлар ўлканинг экологияси, ер ости сувлари ва тупроғининг минераллашуви муаммолари, Хоразмни бошқа минтақалардан ажратиб турадиган ўзига хос жиҳатлар ҳақида дунёга ўзларининг илмий тадқиқотлар б-н тасдиқланган сўзларини айтиши керак**”лигини таъкидлади. Шундан сўнг 2005 йил 11 ноябрда Ўз-н Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг 1000 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 228-сонли Қарори қабул қилинди. Вилоятдаги барча ташкилот, корхоналар, ўқув юртлиари ва илмий муассасалар ушбу масала юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқдилар ва уни амалга оширдилар. Янги жиҳозлар, ўқув қўлланмалар, кўргазмалар воситалар, музей яратилди, унга дунёнинг етакчи кутубхоналари ва музейларида сақланаётган қўлёзма ва ҳужжатлардан нусхалар олинди, компьютерлар б-н жиҳозланди. Юбилейга бағишланган китоблар, буклетлар, плакатлар чоп этилди. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти, Урганч Давлат университети ҳамда ЮНЕСКО халқаро жам-ти б-н ҳамкорликда қатор илмий анжуманлар ўтказилди.

ХОРАЗМИЙ, Мусо (783. Хоразм — 850. Бағдод) — тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Маъжусий бўлиб, математик билимлар тар-ётида ўчмас из қолдирган буюк аллома. Х. дастлабки билимларини Хоразмда олган. Отаси сарой аъёнларидан бўлганлиги, халифа Ҳорун ар-Рашид (хукмронлик даври 786—809 йил)нинг ўғли Маъмуннинг Хоразмга (802—805 йил) ноиб этиб тайинланганлиги ва ўзига тенгдош Х.ни яқин сафдошлари сафига қўшганлиги бўлажак олимнинг кейинги

тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади. 805 йилда Маъмуннинг Бағдод халифалигининг энг қудратли ўлкаси бўлган Хоросонга ҳоким этиб тайинланиши (пойтахти Марв шаҳри) Х.нинг ҳаётида муҳим давр эди. Маъмун Бағдодда “Байт ул-ҳикма” (илмлар уйи)га асос солиб, ўз даврининг етук олимлари, таржимонлари, шоиру фузалоларига ҳомийлик қила бошлади. “Байт ул-ҳикма”га дўсти Х.ни бошлиқ қилиб тайинлади. Х. бу лавозимда умрининг охиригача фаолият олиб борди. Олимга дастлабки буюк шуҳратни “Ҳисоб ал-Ҳинд” (“Ҳинд ҳисоби”) номли рисо-ласи олиб келди. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта ўнлик позицион система ва унинг амалий аҳамияти ҳақида сўз борди. Х.нинг ўнлик позицион системаси инсониятга чексиз қулай имкониятлар яратиб берди. Агар мазкур санок системаси бўлмаганида илмий тафаккур бу даражада такомил топиши амримаҳол бўларди. Мас: 1180 703 051 492 863 рақами ўрта а. ислом олами ва Европада “Минг минг минг минг минг беш марта ва минг минг минг минг тўрт марта ва саксон минг минг минг минг тўртта ва етти юз минг минг минг уч марта ва уч минг минг минг уч марта ва эллик бир минг минг икки марта ва тўрт юз минг ва тўқсон икки минг ва саккиз юз олтмиш уч” деб ўқилган ва ёзилган. Сонларни бу тахлитда ўқиш ва ёзиш математика фанининг, қолаверса, математика б-н боғлиқ, барча фанларнинг рив-шига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Х. тўққиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик б-н ифодаловчи санок системасини кашф этди. Ҳиндларнинг тўққиз белгидан иборат рақамлар тизими мукам-мал санок тизимига айланиши учун “0” (“цифр”) кашф этилиб, ўз ўрнига қўйилиши керак эди. Х. томонидан “0” (нул-сифр)нинг кашф этилиши инсоният ил-мий тафаккурининг беқиёс улкан ютуқ-ларидан биридир. Х. томонидан ёзилган “Ҳисоб ал-Ҳинд” китобида энг муҳим олти арифметик амаллар — қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш ка-

билар ишлаб чиқилган ва уларнинг услуб ҳамда қонуниятлари кашф этилган эди. Х.нинг яна бир буюк хизмати алгебра фанини кашф этганидир. Алгебранинг мустақил фан сифатида вужудга келиши ва рив-ши бевосита Х. фаолияти б-н боғлиқ. “Алгебра” атамасининг ўзи Х. томонидан ёзилган “Ал-китоб вал мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ваал муқобала” (“Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”) номли рисоладаги “ал-жабр” сўзининг лотинча талаффуз ифодасидан келиб чиққан. Бу асар бир неча ўнлаб лотин ва б. Европа тилларига таржима қилинган. Алгоритмлар наз-ясини ҳам Х. номи б-н боғланганлиги, ҳатто, “Алгоритм” атамаси ҳам лотинчада ифода этилган “Dixi Algorithmus” (“дедикс ал-Хоразмий”) сўздан келиб чиққанлигини ҳеч ким инкор этолмайди. «Алгоритм» т.си ҳоз. замон кибернетика, ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) ва ҳоз. замон информатсион технология ҳамда жараёнларнинг асосий категориясига айланди. Х.нинг жуғрофия, тарих, астрономия фанлари соҳалари бўйича қилган хизматлари беқиёс. Халифа Маъмун олимлар олдига Осмон ва Ернинг тўлиқ харитасини тузишни вазифа қилиб белгилаган. Х. бу ишларга бевосита раҳбарлик қилган. Хариталар “Мажмуи ал-Маъмун”, “Дунё харитаси” номи б-н юритилган ва у 840 йиллар атрофида ниҳоясига етказилган. Шумун-т б-н Х. жуғрофияга оид “Китоби сурат ал-арз” номли асар яратган. Бу асарнинг ягона нусхаси (қўлёзма ҳолида) Қоҳирадан топилган. Баъзи манбаларда кўрсатилган 22 та харитадан фақат 4 таси сақланиб қолган. Х. ер юзини “Авесто” таълимоти бўйича 7 иқлимга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Х.нинг юлдузлар жадвали фанда “Хоразмий зиж” номи б-н машҳур. Мазкур жадвалнинг таҳминан учдан бир қисми ал-Фарғоний зижда тўлиқ берилган бўлиб, Фарғоний асарлари орқали Европага кенг тарқалган. Унинг тарихга оид асарлари, хус-н, “Хоразмнинг машҳур кишилари” номли асар ёзганлиги ва бу асардан Абу Райҳон Беруний тўртта кўчирма олганлиги маълум. Х. ўрта а.ларда етишган ўзб. мад-ти

классиги, ўзб. фанининг илк тамал тошини қўйган энг буюк аждодларимиздандир. “Хоразмий ўз асарлари б-н Шарқ ва кейинроқ Европа риёзиёт илмига асос солди”. (С.Толстов). Америкалик машҳур шарқшунос олим Д.Сартон “Хоразмий барча замонларнинг энг улуғ математикларидан биридир... Жаҳон фани тарихининг IX а. биринчи ярмини ҳеч муболағасиз Х. даври деб аташимиз лозим”, – деган эди.

ХОТИРА (араб. фикр, тафаккур; гоё; хаёл) – 1) бирор киши ёки нарса ҳақидаги ёдда, эсда сақланган таассурот; 2) эсдалиқ, ёдгорлик; 3) хотин-қизлар исми. Кишининг бошқа одам ёки нарса ҳақидаги бирор таассуротни эсда сақлаш, эслаб қолиш қобилиятига Х. дейилади. Инсоннинг ўйлаш, фикрлаш қобилияти ҳам Х.га киради. Бирор киши учун қилинадиган иззат-хурмат ҳам Х. ҳисобланади. Марҳумлар хотирланса, арвоҳ шод бўлади, дейилади. Хаёли сочилган, фикри тарқоқ кишига нисбатан “паришонхотир” ибораси қўлланади. Х. инсон аввал ўзлаштирган, ҳис қилган, бажарган, ўйлаган нарсаларни бош мияда сақлаш ва зарур бўлганда тиклаш қобилиятидир. Х. боис кишилар тўплаган тажрибалари, билимларини эсда олиб қолади, қўллайди, келажак авлодга қолдиради. Кўпчилик умуман барча нарсани унутмасликни истайди. Бироқ бу инсонга жуда оғирлик қилади. Яхши Х. эсда қолиши зарур воқеа-ҳодисаларни эсда сақлашгина эмас, балки керак бўлмаган нарсаларни унута билиш ҳамдир. Ш.у. ҳам яхши эслаб қолишнинг асосий шarti – ўйлаш. Нималарни эслаб қолганини ўйлаш, ёдда қолаётган нарсани аввалдан маълум нарса б-н боғлаш, эслаб қолаётган нарсаларни фикран кўра билиш лозим. Энг муҳими, эслаб қолаётган нарса қачон ва нима учун зарур бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаш керак. Х. узоқ давр билишнинг умумий муаммолари б-н узвий боғлиқ равишда асосан фал.да ўрганилди. Х. ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар Шарқ мутафаккирлари ва юнон файласуфлари таълимотларида учрайди. Хус-

н, Форобий Х.ни билишдаги ақлий жараённинг таркибий қисми сифатида қараб, унинг фақат инсонга эмас, ҳайвонга ҳам хос хус-ят эканини алоҳида таъкидлаган. Замонавий психологияда Х. атроф муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантикий ва механик йўл б-н акс эттирган ҳолда эсда олиб қолиш, эсга тушириш, унутиш ҳамда таниш, эшашдан иборат руҳий жараён сифатида талқин қилинади. Ихтиёрий Х.да муайян материални эсда олиб қолиш олдиндан мақсад қилиб қўйилади. Ихтиёрсиз Х. да бундай мақсад бўлмайди ва у бирор-бир фаолиятда (мас., меҳнат жараёнида ёки ким б-ндир суҳбат пайтида) ўз-ўзидан эсда сақлаб қолинади. Барқарорлиги жиҳатдан ихтиёрий Х. ихтиёрсиз Х. дан самаралироқ. Шу б-н бирга, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижт-й ҳодиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган Х. мавжуд. Х.ни қуйидаги муҳим мезонларга мувофиқ турларга ажратиш мумкин: 1. Руҳий фаолият фаоллигига кўра: а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат Х.си; б) образли Х.; в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт Х.си; г) сўз-мантиқ Х.си. Булардан сўз-мантиқ Х.си етакчи ўрин тутди. Х. нинг барча тури бир-бири б-н боғлиқ ҳолда кечади. 2. Руҳий фаолият мақсадига биноан: а) ихтиёрсиз; б) ихтиёрий; в) механик Х. 3. Руҳий фаолият давомийлигига кўра: а) қисқа муддатли; б) узоқ муддатли; в) оператив Х. Қундалик ҳаётда Х. асосан икки турга — узоқ муддатли ва қисқа муддатли Х.ларга бўлинади. Қисқа муддатли Х.лар ҳатто бир сония ичида гавдаланиб, шу ондаёқ эсдан кўтарилиши мумкин. У аста-секин узоқ муддатли Х.га айланади. Узоқ муддатли Х.лар эса киши ёдида бир умр сақланиб қолиши мумкин. У инсоннинг ҳаёт тажрибасидаги муштарақлик, уйғунлик ва барқарорликдан далолат беради. Х. руҳиятнинг ўтмиш ҳолати б-н ҳоз. ва келгусидаги ҳолатларга тайёрлаш жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади. Бошқа психик ҳодисалар каби Х. ҳам

шахс хус-ятлари, унинг эҳтиёжи, қизиқишлари, одати, феъл-атвори б-н бевосита боғлиқ. Инсоннинг ўзлиги унинг Х.лари мажмуида мужассам бўлади. Инсон Х.си б-н инсондир. Х.сиз киши эса одамийликдан чиқади. Президент И.А.Каримов Х.нинг ижт-й ва маън-й маъно-мазмунни ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: “Биз хотирлаш деганда катта маънони тушунамиз. Аввало хотирасиз келажак йўқ. Ўзингиз ўйланг, инсоннинг хотираси бўлмаса, у ўз келажagini қандай тасаввур қилади? Агар хотира бўлмаса, ота-боболаримиз тўплаган керакли билим ва тажрибаларни билмасдан, ҳар кун, ҳар қадамда янги-янги муаммо ва вогтўсиқларга дучор бўлар эдик... Одамзод ўзининг кечаги кунини хотирлай олсагина, ўтмишдан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб, онгли ҳаёт кечириши мумкин” (Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 2005. 291–292-б).

ХОТИРА КИТОБИ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 мартдаги Фармони асосида, собиқ Иттифоқ давлатлари орасида биринчи бўлиб, 1941–1945 йиллардаги II жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида нашр этилган. Ўзнинг барча вилоят ва туманлари бўйича алифбо тартибида урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган кишилар рўйхатини ўз ичига олган 34 жилддан иборат мажмуа. Мам-тимизда ҳар йили 9 май Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонлаб келинмоқда. 1995 йили уруш тутаганининг 50 йиллиги мун-ти б-н нашр этилган мазкур 34 жилдлик Х.к.да 1941 йил 22 июндан 1945 йил 3 сентябргача бўлган даврда урушда ҳалок бўлган, ҳарбий госпиталлар ва фашистлар концентрацион лагерларида вафот этган ҳамда бедарак йўқолган 431 мингдан ортиқ ўзбекистонлик жангчилар ҳақида маълумотлар киритилган. Х.к.да Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан фронтга чақирилган, 1941–1945

йиллари Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳамда бедарак йўқолган ватандошларимизнинг муборак номлари зикр этилган. Андижон вилояти Х.к. 3 жилд (40 мингдан зиёд киши), Бухоро вилоятига ажратилган 2 жилд (25000 киши), Жиззах вилоятига бағишланган Х.к.да 6780 дан ортиқ киши ҳақида, Навоий вилоятига бағишланган Х.к. 1 жилддан иборат (8000 га яқин киши) Наманган вилоятига бағишланган Х.к. икки китобдан иборат бўлиб, унда тахминан 27000 дан ортиқ киши ҳақида, Самарқанд вилоятига бағишланган Х.к. 3 китобдан, Сирдарё вилоятига бағишланган Х.к. 1 жилддан иборат бўлиб, унда 3942 киши ҳақида, Сурхондарё вилоятига бағишланган Х.к. икки жилддан иборат бўлиб, уларда тахминан 23000 дан ортиқ киши ҳақида, Тошкент вилоятига бағишланган Х.к. икки жилддан иборат бўлиб, унда тахминан 30.000 киши ҳақида, Фарғона вилоятига бағишланган Х.к. 4 китобдан иборат бўлиб, уларда 50000 киши ҳақида, Хоразм вилоятига бағишланган Х.к. икки китобдан иборат бўлиб, уларда тахминан 15000 киши ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари, ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган жангчиларнинг туғилган йили, ойи ва жойи, қайси қисмда хизмат қилгани, ҳарбий унвони, қачон ва қаерда ҳалок бўлгани ёки бедарак йўқолган жойи, аниқ бўлса қаерга дафн этилганлиги кўрсатилган. Қашқадарё вилоятига бағишланган Х.к. икки китобдан иборат бўлиб, уларда 20722 киши ҳақида маълумот берилган. Тошкент шаҳрига бағишланган Х.к. 4 жилддан иборат бўлиб, унда 52000 киши ҳақида маълумот берилган. Ушбу барча Х.к.лари вилоят ва шаҳар меҳнаткашларининг 1941–1945 йиллардаги уруш даври фаолияти акс этган тарихий очерк б-н бошланади. Китобларнинг асосий қисмида урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган кишиларнинг фамилиялари, исми ва отасининг исми, вилояти, шаҳар туманлари ҳоз. аталиши буйича алифбо тартибда берилган. Китоб охирида берилган иловага эса армия сафига вилоят ёки шаҳарнинг қайси ту-

манидан чақирилганлиги номаълум бўлган жангчилар ҳамда китоб босмага тушиб кетганидан кейин келган материаллар киритилган. Ўтган давр ичида Ўз-н фахрийларини ижт-й қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимларига мурожаат этган фуқароларнинг ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги илтимосларини инobatга олиб, Мудофаа вазирлигининг жойлардаги бўлимлари б-н биргаликда, 1995 йили нашр этилган Х.к.га кирмай қолган 15590 нафардан ортиқ юртдошларимиз номи излаб топилди ва Х.к.нинг қўшимча яна бир жилди юзага келди. Афсуски, 65 йилга яқин вақт ўтган бўлишига қарамай, урушга кетган айрим кишилар тақдири ҳанузгача номаълум. Шу туфайли ва б. айрим сабабларга кўра, баъзи фамилиялар бу китобга кирмай қолган бўлиши мумкин. Уларни қидириш ҳануз давом этмоқда.

ХУДБИНЛИК — юксак маъ-ят тамо-йилларига зид ижт-й ҳодиса, шахсий ёки индивидуал хус-ят ва қадриятларни мутлақлаштириш, бошқаларни менсимаслик натижасида намоён бўладиган ҳаётий та-мойил ва ахлоқий сифат, индивидуализм кўринишларидан бири. Х. индивидуал эҳтиёжларни ҳамма нарсадан юқори кўядиган ахлоқий сифат, иллатни, маъ-ятсизликни англатувчи т. бўлиб, бирор-бир инсоннинг моддий-маиший манфаатларининг бошқаларникидан устун қўйилишини билдирувчи манфаатпарастликдан ва ўз шахсини мутлақлаштиришга қаратилган шахсиятпарастликнинг баъзи унсурларидан иборат салбий хатти-ҳаракатлар мажмуидир. Ш-дек, «Х.» т.си маън-й жиҳатдан инсонни унинг жам-тга ва б. кишиларга мун-ти н. назаридан тавсифлайди. Худбин киши ўз хатти-ҳаракатида фақат ўз манфаатларини кўзлаб иш кўради, жам-т ва теварак-атрофдагиларнинг манфаатлари б-н ҳисоблашмайди. Ахлоқий сифат тариқасида Х. инсоният ахлоқий онги тарихида доимо салбий баҳоланиб келган. Х.ни тарғиб қилувчи наз-ялар гайриижт-й, реакцион мазмун касб эт-

ган, сохта ахлоқий тамойил сифатида Х.га онгли ихлосмандлик эса аморализмга айланиб кетган. Шахс даражасида Х. эгоизм ва индивидуализмга, миллий даражада эса миллатчилик ва буюк миллатчилик шовинизмига олиб келиши м-н. “Х. инсонга заволлик келтиради. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Эй азиз, агар сен инсон бўлай десанг худбин бўлма, йўқса сен ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар сен улуғликни хоҳласанг, камтарлик йўлини тут”, — деган эди донишманд Муҳаммад Жавҳар Заминдор. Х. шарқона жўмардлик ахлоқий тамойили ва инсофлилик меъерининг акси: агар жўмардлик, бирор шахс, жамоа ёки жам-т бахти, фаровонлиги йўлида кишининг ҳатто ўзига энг зарур бўлган нарсалардан ҳам воз кечишига тайёр туришини англаб, Х. ўз манфаатлари йўлида, ҳеч кимни, ҳеч бир жамоани, ҳеч қандай жам-тни тан олмайдиган салбий меъёр эгасининг яққол кўзга ташланадиган хус-яти. Х. ни инсон шахсининг ўзига бўлган муҳаббати б-н айнанлаштирмаслик лозим. Х. муҳаббат ҳиссига эмас, нафс, ҳирс, ружуга асосланиб, адолатсизлик, инсофсизлик ва бераҳмлиқ хислатларида намоён бўлади. Бинобарин, ҳамманинг ҳам қўлидан жўмардлик келвермайди, лекин инсоннинг ўзига бўлган муҳаббати, бошқаларнинг ҳам ўзига шундай муҳаббати борлигини инкор этмаслиги керак. Шу қоида бузилган жойдан Х. бошланади. Х. жиноят эмас, худбин одам қонунни бузмайди, аксинча, ҳаммиша қонун олдида «тоза», «фақат қонуний ҳақи»ни ҳар қандай шароитда, ҳатто бировларнинг фожиаси, ўлими эвазига ундириб олади, холос. Унинг ақидаси: «Ўзал бино қуласа қулайверсин, мен ўзимга тегишли юзта гиштни суғуриб олишим керак!» Х. бизнинг жам-тда ҳам учраб туради. Чунки, қонуннинг мустақамланиб бориши худбин одамлар учун қулайлик туғдиради: улар қонуннинг руҳини — моҳиятини бир четга суриб қўйиб, унинг шаклидан фойдаланишга интилади. Аввалги анъанавий урф-о.лар ҳукмрон бўлган даврларда худбин одам жазоланиши — бир четга чиқариб

қўйилиши, жамоадан, маҳалладан ҳайдалиши мумкин эди. Эндиликда бундай мун-т эркин шахс ҳуқуқларини поймол қилиш, ноқонуний ёндашув деб ҳисобланади. Демак, Х.га барҳам беришнинг ягона бир йўли — жам-тда маън-й-ахлоқий тарбияни замон талаблари даражасида ривожлантириш ва кенг жорий этиш. Бунинг учун ижт-й-сиёсий жараёнларда, мад-й-маън-й ҳаётда, жамоат ташкилотлари фаолиятида, таълим тизимида, оила ва маҳаллада миллий ғоя ва “мафкуравий иммунитет”ни шакллантиришга оид изчил ҳамда самарали тадбирлар ўтказишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Айниқса, фарзандларни маън-й-ахлоқий тарбиялаш жараёни оила, мактаб ва маҳаллада кўпроқ кечгани боис улар ўртасидаги фаолиятнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, айниқса, таълим-тарбия соатларида Х. кўринишлари, унинг жам-т ва кишилар ҳаётига салбий таъсирини бартараф этиш йўллари ўргатилмоғи даркор. Ш-дек, жамоавийлик хус-ятларини, ўртоқ-биродарликни тараннум этувчи санъат асарлари, бадий адабиётлар орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

ХУДО — диний сиғиниш ва эътиқод қилишнинг объекти сифатида намоён бўладиган буюк қудрат, азалийлик ва абадийлик, яратувчанликнинг тимсоли. Х. турли таълимотларда турлича талқин этилган. Хус-н, Шарқда кенг тарқалган пантеизм (вужудиюн)да Х. табиат (борлиқ)нинг ўзида, Х. ва табиат бир бутунликни ташкил этади, дейилади. Қад. зардуштийлик динида икки Х. образи: ёруғлик Х.си (марҳаматли Х.) Ахура Мазда ва қоронғилик Х.си (шафқатсиз, ёвуз Х.) Анҳраману (Ахриман) бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Қад. Шарқ динлари ва б. политеистик динларда Х.лар жуда кўп бўлиб, улардан бири энг асосий, энг қудратли ҳисобланган (мас., қад. бобилликларда Мардук, юнонларда Зевс, славянларда Перун), монотеистик динларда (*қаранг: Монотеизм*), хус-н, исломда ягона ва қудратли Х.га эътиқод қилиш — асосий диний ақидадир. Х. тасавури та-

рихий тар-ётнинг усулидир. бошқача айтганда. Х.лар одамларни эмас, одамлар Х.ларни яратган. Қад. диний эътиқодларда Х.ларга сизиниш бўлмай, жонсиз нарсаларга топинилган ёки руҳ, ажина ва б. фантастик образларга эътиқод қилинган. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб, бирлашмалар ривожланаётган, синфлар вужудга келаётган шароитда қабила Х.сининг образи келиб чиқди. Бу образ, аввало, бир қабила бошлигининг бошқа қабила ва унинг Х.сига қарши курашдаги образи бўлган. Кўпгина ўтроқ халқларда шаҳар- давлатларнинг ташкил этилиши б-н қабила Х.лари шаҳар Х. ҳомийларига айланган. Бир неча қабила ёки шаҳарларнинг бирлашиши б-н энг кучли қабила ёки шаҳар-давлатларнинг Х.лари умумдавлат, миллий Х.ларга айланган. Бўйсунган қабила ва шаҳар Х.лари политейстик ибодатхонада иккинчи даражали ўрин эгаллаган. Қад. яҳудийларда Яхве дастлаб қабила Х.си ва маҳаллий Х. бўлган, қад. яҳудий қабилаларининг бирлашиши ва Иудея давлатининг ташкил этилиши б-н умумяҳудийларнинг Х.сига, кейинчалик эса қудратли ягона Х.га айланган. Христиан динида Х. образи милонинг I а.ида шаклланган. Унинг асосини яҳудийлар Х.си Яхве (ота Х.) ташкил этади, лекин бу Х. тимсолига ўғил Х. (Иисус Христос) ва муқаддас руҳ Х. образлари ҳам сингиб кетган. Буддизмда, дастлаб, Х.ларга сизиниш инкор этилган бўлсада, кейинчалик будданинг ўзи Х. деб танилган, бу динда у б-н бир қаторда б. Х.лар ҳам бор. Ислон динида эътиқод қилинадиган якка Х. Аллоҳ деб аталади. Бу Х. Маккада яшаган қад. қурайш қабиласи Х.си бўлиб, Муҳаммаднинг (с.а.в.) тарғиботи б-н VII а.да ислон дини Х.сига айланган. Маккадаги қад. ибодатхона — Каъба Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи) деб аталиб, мусулмонларнинг бош саждагоҳи бўлиб қолган. Асосий монотейстик динлар шаклланиши тарихий жараёни тугалланиши б-н диний-фал-й таълимотлар вужудга келди. Х. фақат эътиқод ва сизиниш объекти бўлмай, идеалистик фал-нинг т.сига ҳам айланди. Х. тўғрисидаги тасаввур ва унинг турли шакллари нис-

батан турлича қарашлар бор. Уни мутлақлаштириш асосида “теизм”, рад этиш оқибатида эса “атеизм” иборалари шаклланган.

ХУЛҚ (араб. феъл-атвор, табиат; кайфият) — кишининг муомала ва руҳий хус-ятлари мажмуи; феъл-характер; инсоннинг маън-й қиёфаси ва фаолиятига хос бўлган ахлоқий т. Х. — эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, Х. эзгулик ва олижаноблик ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинади. Лекин булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Инсонлар туғилишидан ёмон бўлиб дунёга келмайди. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак, инсон Х.и, аввало, тарбияга боғлиқ. Маърифатпарвар ватандошимиз Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деб бежиз таъкидламаган. Х. шахс ҳаёт тарзининг ўзига хослигини, унинг фаолиятида ахлоқий қадриятлар тамойиллари нечоғли ўзлаштирилгани, одоб меъёрлари қай тарзда амалий аҳамият касб этганини ва аксинча, одоб-ахлоққа зид бўлган хислатлар мавжудлигини кўрсатиб туради. Бошқача айтганда, Х. шахс ахлоқий фаолиятининг ўлчами, кўрсаткичидир. Шахснинг гўзал ахлоқий фазилатлар б-н йўғрилган фаолият тарзи яхши Х. намунаси бўлиб хизмат қилса, табиати ва фаолиятида ахлоқий қадриятларга зид амалларнинг намоён бўлиши ёмон Х.га мисол бўла олади. Инсон Х.и унинг маън-й-ахлоқий дунёсининг ўзига хос кўзгусидир. Шахс маън-й-руҳий кечинмалари айни вақтда унинг Х.и орқали амалий аҳамият касб этиб, ўзига хос бўлган фаолият меъёрларини шакллантиради. Х. — кишининг феъли, характери б-н боғлиқ маън-й ҳодиса, инсон табиатининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши. Инсоннинг ахлоқийлик доирасидаги хатти-ҳаракати Х.дан ташқари одоб ва ах-

лоқни ҳам ўз ичига олади. Одоб кундалик турмуш масалаларида воқе бўлса, ахлоқ шахснинг жам-тга, давлатга, инсониятга бўлган мун-тларида ўз аксини топади. Х. одобга нисбатан кенг. ахлоққа нисбатан тор қамровлидир. Х. оила, меҳнат жамоаси, маҳалла-қўй доирасида яққол кўзга ташланади ҳамда яхшилик ва ёмонлик, жўмардлик, меҳмондўстлик каби маън-й-ахлоқий тамойилларни ўзида намоён этади. ХушХ. инсон ўзгаларга мулойимлик, назокат, ширинсуханлик, меҳрибонлик сингари маън-й қадриятларга таяниб мун-т қилса, бадХ. одам, қўпол, ҳақоратгўй, бемехр, маъ-ятсиз кимса ҳисобланади. ХушХ.лиликни Х.нинг гўзаллиги тарзида эстетика фани ҳам ўрганади. Ҳадисларда айтилганидек, “Банданинг савоб тарозусида яхши Х.дан оғирроқ иш йўқдир. Унинг даражаси ҳатто намоз ва рўзанинг даражаси б-н баробардир” ёки “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқ одобидан буюкроқ мерос беролмайди”.

ХУЛҚ-АТВОР МАДАНИЯТИ – инсон кундалик ҳаётидаги хулқ-атвор шаклларидаги йигиндиси. Унда шу хулқ-атворга хос маън-й-ахлоқий ва эстетик меъёрларнинг ифодаси акс этади. Яъни Х.а.м. шахсда шаклланган ижт-й муҳим сифатлар, унинг жам-тдаги маъ-ят, ахлоқ ва эстетик мад-т меъёрларига асосланган кундалик хатти-ҳаракатларининг йигиндидир. Агар маън-й-ахлоқий меъёрлар кишилар хатти-ҳаракатининг мазмунини белгилаб, уларни муайян вазиятларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги ҳақида огоҳлантирса, эстетик меъёрлар киши ўз хулқ-атворида ахлоқ талабларини қай кўринишда амалга ошириши, қандай қилиб бу меъёрлар унинг турмуш тарзи б-н табиий равишда уйғунлашиб кетиши, шахснинг кундалик ҳаётини қоидаларига айланиб кетишини белгилайди. Мас., кишиларга бўлган ҳурмат талаби кундалик ҳаётдаги хулқ-атворга қўллansa, у хушмуомалалилик, назокатлилик, сергаклик, бошқалар вақтини беҳудага кетказмаслик кабиларда акс этади. Ўз зим-

масидаги мажбуриятларга садоқат талаби Х.а.м. н.назаридан берилган ваъдаларни амалга оширишдаги аниқлик, келишилган вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш, омонатни қайтариш кабилар орқали намоён бўлади. Ростгўйлик эса ўзининг намоён бўлиш шаклига кўра, тўғрилик, софдиллик, адолатпарварлик, ҳаққа хиёнат қилмасликда ўз ифодасини топади. Киши хулқ-атвори этиология, психология, социология каби фанлар томонидан ўрганилади. Ушбу ҳодисанинг табиатини аниқлаштиришда унинг бирламчи – “барча тирик жонзотларга хос, уларга атроф-муҳит б-н ўзаро алоқага киришишида зарур бўлган, ҳаракат фаоллигини ишга солувчи ва йўналтирувчи ҳодиса” сифатидаги таърифидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. У табиий фаолият бўлиши б-н бирга, моҳиятан ижт-й эҳтиёжларга йўналтирилган, кишиларнинг биргаликда умр кечириш меъёрлари ва қоидалари доирасида, табиий ва ижт-й муҳит омилларининг ўзаро ҳаракати натижасида рўй берадиган ҳодисадир. Х.а.м.га инсон мад-ти ички ва ташқи соҳаларининг барчаси киради: этикет, саломлашиш, кишилар б-н мулоқот ва жамоатчилик жойларида ўзини тутиш қоидалари, шахсий эҳтиёж ва манфаатлар характерини ўз ичига олган турмуш мад-ти, ишлаш мад-ти ва ишдан ташқари ўзаро мун-тлар, бўш ва шахсий вақтни ташкил қилиш мад-ти (яъни ундан оқилона ва унумли фойдаланиш, вақтни зое кетказмаслик), нутқ мад-ти (фикрини аниқ-равшан ва чиройли ифодалаш), гигиена ва умуман, истеъмол нарсаларини танлашда ўзига хос эстетик дидга эга бўлиш (кийиниш мад-ти, дастурхон тузатиш, уй-жой ясатиш ва б.), инсонга хос мимика ва пантомимиканинг эстетик хусиятлари, тана ҳаракатлари ва ҳ.к. Маълум маънода, Х.а.м.га меҳнат мад-ти, иш вақти ва жойини тўғри ташкил қилиш қобилияти, имкон қадар фойдали натижаларга эришиш ва самарали қарорлар қабул қилиш, мақсадга мувофиқ усул ва хатти-ҳаракатларни излаш ҳамда қўллашни ҳам киритиш мумкин. Умуман, Х.а.м. ички дунё ва ташқи қиёфадаги барча маън-й-

ахлоқий ҳамда эстетик хус-ятларнинг органик бирлиги сифатида талқин қилинади. Баъзан бу хус-ятларга эга бўлиш кишининг жам-тдаги ўрни, мавқеини оширадиган восита сифатида қўлланишига гувоҳ бўламиз. Инсоннинг ички ва ташқи дунёси бир-бирига уйғун бўлсагина, унинг хулқ-атворидаги мад-т яққол намоён бўлади. Лекин ташқи қиёфаси ички дунёсига тўғри келмайдиган инсонларни ҳам учратиш мумкин. Бундайларда хушмуомалалик ва умуман, жам-тда муайян этикетга риоя қилиш худбинлик тамойилларига асосланган бўлиб, кўпинча унинг замирида кишиларга нисбатан бепарволик, лоқайдлик, бегоналик, ҳатто эҳтиёткорлик (гумонсираш) ва ғазаб мунтлари яширинган бўлади. Х.а.м.нинг бундай расмий тарзда намоён бўлиши инсоннинг асл қиёфасини очиб беролмайди. У бир вақтнинг ўзида инсоннинг ҳам маън-й, ҳам ахлоқий, ҳам эстетик қиёфасини акс эттириши, киши башариятнинг мад-й ютуқларини ўзида қанчалик тўғри ва чуқур ўзлаштиргани, шу б-н бирга, ўзининг ютуғи нималардан иборат эканини кўрсатади. Шу маънода, Х.а.м. жам-т мад-тининг ажралмас қисмидир. Ҳоз. кунда жам-тда тарбияли, хушхулқ, тил ва дил бирлигига эришган, ички ва ташқи олами бирдай гўзал инсонларни кўплаб учратиш мумкин. Аммо кишилар, айниқса, ёшлар орасида тинимсиз ўқиш, изланиш ва жам-тга наф келтириш каби буюк мақсадларни қўйиш ва уларга эришиш, ички дунёсини бойитиш, Х.а.м.ни юксалтиришга интилишдан кўра эътиборини кўпроқ кийиниш, ўзига оро бериш, ташқи қиёфасига қаратаётганлар ҳам йўқ эмас. Машҳур рус адаби А. Чехов ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши лозим: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ва ҳатто, фикри ҳам... Мен гўзал юзли, чиройли кийимли кишиларни жуда кўп кўраман, бундай гўзалликдан бошинг айланади, бироқ қалби ва хаёллари... Эй, Худо! Баъзан чиройликкина қобиққа шунчалик қора кўнгиш жойлашиб оладики, уни ҳеч бир сиёҳ б-н ўчиролмайсан”. Шундай қилиб, Х.а.м. меъёрларда, қоидаларда, тамойил

ва идеалларда мустақамланган жам-т ахлоқий талабларини ифодалайди. Улар шахсий тажриба б-н уйғунлашиб, қўйидагиларда намоён бўлади: шахснинг ташқи кўриниши; бошқалар олдида ўзини қандай тута билиши; қайси йўлни танлаши; ўз ҳаёт тарзи ва кишилар б-н мулоқотини қай йўсинда ташкил қилиши ва ривожлантириши. Болага ёшлик чоғлариданоқ Ватани, эли, яқинларига меҳр-муҳаббатли ва яхши мун-тда бўлишни сингдириш, унга шахсий намуна бўлиш ҳар бир ота-онанинг биринчи галдаги вазифаси. Кейинги қадам ўз-ўзини тарбиялашдир. Бу — ўз характерини шакллантириш, ўзида чинакам инсоний сифатларни онгли равишда ривожлантириш йўлидир. Бугунги кунда ўқиш, ўрганиш ва ўз-ўзини тарбиялаш учун талай восита ва имкониятлар мавжуд: мактаблар, махсус курслар, ўқув юртлари, кутубхоналар, кино-театр, ТВ ва б. Улардан нафақат ташқи қиёфа ва эстетик дидни шакллантиришда, балки ички дунёни бойитиш, маъ-ятни юксалтириш, гўзалликни қалбдан ҳис этиш, қабул қилиш ва ўрнида ишлата билиш йўлида ҳам фойдаланиш лозим. Бунинг учун инсон тинимсиз ўқиб-ўрганиши, изланиши зарур. Инсон мад-тининг бир қаноти эстетик дид бўлса, иккинчи қаноти унинг ахлоқи, хулқидир. Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек: “Киши чиройига ички дунёси эшидир, Юз кўрки б-н унинг феъл-атвори тенгдир”. Зеро, инсонни гўзал қилиб кўрсатадиган унинг чиройи эмас, балки чиройли хулқидир. Хушхулқлик хунук кишини ҳам чиройли қилиб кўрсатади. Чиройли хулқ чиройли кишиларда мавжуд бўлса, нур устига аъло нурдир. Хулқ-атвор қоидаларига риоя этиш, уни ўз ички дунёсига сингдириш, Х.а.м.нинг энг юксак чўққиларига кўтарилиш кишидан ўз устида ҳар кун ишлашнинг талаб қилади. Бу унинг келажакда ҳар жиҳатдан камол топиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

ХУЛҚ ГҶЗАЛЛИГИ — ҳусни хулқ, ибратли феъл-атвор, шахснинг характери ва хатти-ҳаракати орқали ўзгаларга на-

муна бўла оладиган фазилатлари б-н ижобий ва ёқимли таассурот уйғотувчи ахлоқий камолот белгисини ифодаловчи т. Х.г. инсоннинг ички (ботиний) ва ташқи (зоҳирий) олами уйғунлигига асосланади. Инсоннинг ботиний гўзаллиги унинг одоб, хулқ ва ахлоқий фазилатлари б-н белгиланади. Бу нафосат илмида Х.г. деб аталади. Ботиний гўзаллик бевосита ахлоқий фазилатлар ва мун-тлар б-н боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бундан ташқари, “хулқ” т.си ахлоқнинг таркибий қисми сифатида инсон камолотида асосий омил ҳисобланади. Инсоннинг Х.г. эстетик ва ахлоқий мазмун касб этади. Эстетик мазмуни шундаки, у “гўзаллик”, “улуғворлик”, “қизиқарлилик”, “туғёнийлик”, “ҳайрат” каби эстетик т.лар орқали намоён бўлса, “эзгулик”, “бағрикенглик”, “ҳалоллик”, “виждонлилик” каби ахлоқий т.лар б-н барқарорлашади. Эзгуликнинг гўзаллик б-н уйғунлашуви Х.г.ни юзага келтиради. Х.г.ни намоён этувчи сифатлар ва фазилатлар нисбий характерга эга. Улар даврлар ўтиши б-н ўзгаради, сайқаллашади ва бир қатор ахлоқий меъёрлар ҳамда мезоний т.лар орқали такомиллашиб боради. “Иймон”, “муҳаббат”, “эзгулик” каби фал-й-ахлоқий т.лар, “ният”, “хавотир”, “масъулият” каби мезоний т.лар инсонда Х.г. мазмунини бойитади. Бу т.лар хусусийлик табиатига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолатларда Х.г.нинг муайян жиҳатларини акс эттиради. Бироқ, инсоннинг ахлоқий-эстетик мун-тларида булар бир-бири б-н узвий боғлангандагина чинакам гўзалликка айланади. Инсоннинг амалий хатти-ҳаракати, ахлоқийлиги, нафосатга мун-ти айни пайтда унинг ботиний туйғуларига, қатъ кечинмаларига боғлиқ. Бу кечинмалар, одатда, шахс фаолиятидаги яхши аъмолларга кўра — фазилатлар, ёмон қилмишларига кўра — иллатлар деб аталади. Фазилатлар инсонни ижт-й мавжудот сифатида маъ-ятли, баркамол зот эканини кўрсатса, иллатлар унда ҳайвоний табиатнинг мавжудлигидан далолат беради. Хулқ икки кўринишда намоён бўлади. Биринчиси — яхши,

чиройли хулқ. У ҳалоллик, ифбат, диёнат, ор-номус, нафсни тийиш, виждон, шижоат, сабр, илмлилик, ғайрат, риёзат, қаноат, сабр, интизом, мунислик, ҳақиқатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик ва ш.к. ижобий туйғуларда намоён бўлади. Бу фазилатлар инсонда Х.г.ни намоён этиб, уни ахлоқий жиҳатдан камолот сари етаклайди. Иккинчиси — ёмон, хунук хулқ. Бу худбинлик, ҳасадгўйлик, таъмагирлик, иккиюзламачилик, фирибгарлик, игвогарлик, тухматчилик, баднафслик, бадниятлик, дилозорлик, андишасизлик, бевафолик, бераҳмлик, товламачилик, беҳаёлик сингари иллатларда ифодаланади. Улар инсонни тубанлик сари етаклайди ва маън-й жиҳатдан қашшоқлашувига олиб келади. Мазкур иллатларни одат қилган кишилар умумтасаввурда жирканч таассурот қолдиради. Х.г.нинг мукамал бўлишида инсон хатти-ҳаракатининг сабаби бўлган ниятнинг алоҳида ўрни бор. Ният бу — инсонни фаолиятга, ҳаракатга ундовчи, ҳали ҳақиқатга айланмаган, аммо айланиш эҳтимоли бўлган ахлоқий-эстетик кечинма. Ният инсоннинг қалбида пайдо бўлиб, аста-секин ҳаракат орқали воқеликка айланади. Шарқ ҳикматлари дурдоналарида Х.г.нинг унта белгиси алоҳида кўрсатилади. Булар: 1) бўлар-бўлмасга одамлар б-н жанжаллашмаслик; 2) инсофлилик; 3) бировдан айб қидирмаслик; 4) бирор киши нолайиқ иш содир этган бўлса, уни яхшилик йўлига солиб юбориш; 5) кечиримлилик; 6) муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш; 7) бошқаларга ёрдам кўлини чўзиш; 8) нафсини тия билиш; 9) бошқаларга очиқ чеҳра б-н муомала қилиш; 10) доимо яхши сўзлаш. Ушбу белгилардан учтаси, яъни «бўлар-бўлмасга одамлар б-н жанжаллашмаслик», «бошқаларга очиқ чеҳра б-н муомала қилишлик», «доимо яхши сўзлаш» инсоннинг хатти-ҳаракати б-н эмас, балки чиройли, ширин сўзи натижасида амалга ошадиган ахлоқий ҳодисалардир.

ХУНУКЛИК — эстетика категорияси, гўзалликнинг акси, инсон гўзалли-

ги, шаъни, қадр-қиммати, табиатининг сахийлиги ва идеал тасаввурларга хилоф келадиган хус-ят, нарса-ҳодисаларни ифодалайдиган т. Х.ни идрок этиш киши қалбида турли хил салбий ҳис-туйғу, кайфият қўзғатади. Х. гўзалликка қисман бир жиҳатдангина терс бўлса, у кишида баъзан таассуф, ғазаб, турли характердаги кулги (қувноқ, аччиқ, заҳарханда) уйғотади; гўзалликка батамом зид келса, жирканчли, ҳатто даҳшатли ҳодисага айланиб, кишида шунга яраша нафратли ҳиссий мун-тни ҳосил қилади.

ХУРОФОТ (араб. уйдирма, беҳуда сўзлар, таги йўқ гаплар) — дев, пари каби ғайритабиий кучларга ишониш ва сифиниш туфайли юзага келган урф-о., ирим-сиримлар. Х. маън-й-руҳий ва маърий жиҳатдан кишининг табиат ва жам-т, инсон тафаккуридаги сир-асрорларини, нарса ва ҳодисаларни билишдаги ожизлигидир. Х. индивидуал ва ижт-й кўринишда намоён бўладиган иллатлар мажмуасини ифодалаб, миллий, мад-й, маън-й, маиший ҳаётда мавжуд урф-о.лар б-н аралаш тарзда шаклланади. Х.нинг келиб чиқиши, рив-ши ва давомийлигига хилма-хил воситалар сабаб бўлиши мумкин. Бироқ бу воситаларнинг остида борлиқни тушунмаслик, билимсизлик, бидъат ва мутаассиблик каби қусурлар ётади.

ХУСУСИЯТ — шахснинг ўзига хос барқарор жиҳатларининг мажмуи. Х. фаолият ва мулоқотда юзага келади ҳамда намоён бўлади, шахснинг ўзигагина хос бўлган одатий хулқ-атворни англатади. Индивид Х.ини англаш унинг хулқ-атворини олдиндан билиш эҳтимолини анча оширади ва бу б-н кутилаётган хатти-ҳаракати ва хулқини тўғрилаш мумкин бўлади. Х.ни шахснинг ижт-й турмуши белгилайди, ижт-й тажрибани ўзлаштириш эса Х.нинг одатдаги жиҳатини юзага чиқаради. Ижт-й-одатий борлиқда Х. субъектнинг индивидуал ўзига хослиги сифатида намоён бўлади, буни турли-туман такрорланмайдиган вазиятлар пайдо қилади, буларда субъектнинг ижт-йлашу-

ви, унинг тарбияланиши ва шу б-н бирга, табиий омилларга боғлиқ ҳолда индивидуаллигининг рив-ши (кўникмалари, жўшқинлиги, олий асаб фаолияти) бўлади. Индивиднинг қўплаб жиҳатлари орасида айримлари етакчи ҳисобланса, айримлари етакчи хислатларнинг рив-ши б-н боғлиқ иккинчи даражали ҳисобланади. Х. инсоннинг атроф-борлиққа мун-тлари тизимида намоён бўлади: бошқа кишиларга мун-тда (киришимлилик ёки биқиқлик, ростгўйлик ёки ёлгончилик, одоблилик ёки тўпорилик ва ҳ.к.); ишга мун-тда (масъулиятлилик ёки виждонсизлик, меҳнатсеварлик ёки ялқовлик ва ҳ.к.); ўз-ўзига мун-тда (камтарлик ёки ўз-ўзига маҳлиёлик, ўз-ўзига танқидийлик ёки ўз-ўзига ишонганлик, кеккайганлик ёки камсуқумлик); мулкка мун-тда (сахийлик ёки бахиллик, тежамлилик ёки исрофга йўл қўйишлик, саришталлик ёки палапартишлик). Х. инсоннинг дунёқарashi, эътиқоди ва ахлоқий тамойилларига боғлиқликда унинг ўз ижт-й-тарихий табиатини кўрсатади. Х. жиҳатининг нисбатан барқарорлиги унинг мослашувчанлигини инкор этмайди. Х. шаклланишида ижт-й тарбия, шахснинг жамоага қўшилиб кетганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

ХУШМУОМАЛАЛИК — муҳим аҳамиятга эга бўлган мулоқот шакли бўлиб, у юксак инсоний фазилатлардан бири ҳисобланади. Х. ижт-й аҳамиятига кўра, хушфезлликка нисбатан кенг қамровлидир. У инсоннинг ҳам хатти-ҳаракати, ҳам мулоқоти натижасида вужудга келади. Х. ўз ичига мулойимлик, муро-саи-мадора, оҳисталик, тагдорлик каби сифатларни қамраб олади. Ш-дек, Х. қатъий тартибга асосланган ахлоқий меъёр ҳисобланади: у ўзгани ранжитмаслик, бировга ёмон сўз айтмаслик, баҳс-мунозарага киришганда муҳолифни ҳурмат қилиш, кўрслик ва чапаниликдан холи бўлиш ҳамда суҳбатлашганда эҳтиросларга берилмасликни талаб этади. Х. ҳам маън-й бойлик сифатида шахснинг мад-тли ва чиройли хулқ эгаси эканини билдиради. Х. суҳбатдошларнинг дилини равшан қилиш, кайфиятини хушнуд этиш,

кўнгилга таскин бериш учун хизмат қилади. Х. самимийликнинг ифодаси бўлиб, ҳазрат Навоий таъбири б-н айтганда, “Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар. Ҳар нечани ағёр дурур ёр айлар”. Оилада ёки жам-тда содир бўладиган катта-кичик жанжаллар диққат б-н кузатилса, барчасининг сабаби кўпинча қўпол сўз ёки ёмон муомалага бориб тақалиши аён бўлади. Бир киши ўйламасдан гапириб қўйса, бошқасига шу гап ёқмайди ва натижада ўринсиз жанжал келиб чиқади. Х. — кўпгина муваффақиятларнинг омили, ҳатто тараққий этган жам-т барпо этишнинг асосларидан. Ш.у. ҳам турли даврларда яшаб ижод этган алломалар хушмуомала бўлиш масаласига катта аҳамият бериб келганлар. Улар доимо бошқаларга яхши сўзларни айтиш, мулойим гапларни танлашга ундаганлар. Яхши. мулойим гап инсоннинг обрўйини орттиради, дўстларини кўпайтиради, у барчанинг ҳурматига сазовор бўлади. Кўплаб адабий-тарихий ёдгорликларимизнинг ҳар бир зарварағида ажодларимиздан мерос бўлган ибратли сўзларга дуч келамиз. Чунки турмуш тажрибалари асосида шаклланган ширинсўзлик, суҳбат одоби ва тарбия масалалари барча замонларда муҳим ўрин тутган. Жумладан, Амир Хусрав Деҳлавий суҳбат одобига кўп эътибор қаратган. Шоир ёмон ниятли, фикри бузуқ, совуқ муомала одамлардан йироқ юришни маслаҳат беради: унинг фикрича, Х. б-н амалга оширилган ҳар қандай иш, тadbир, мулоқот, кенгаш пировардида ўзининг ижобий самарасини берган. Аксинча, кўрслик, жиззакилик, баджаҳллик каби Х.га зид бўлган иллатлар шахснинг ахлоқсизлигини кўрсатади. Чинакам Х.ка айнан бурч сифатида қаралмоғи жоиз. Х. инсон номини улуғлайдиган муҳим омиллардан биридир. Муомала мад-ти — ижт-й ва шахсий ҳаётда кишиларнинг моддий-маън-й эҳтиёжларини қондириш ва б. кўпгина ҳаётий муаммоларнинг ечимини топиш калити ҳисобланади. Бу калит — майин ва ширин тилдир. Тил кишиларнинг бир-бирига мун-тлари, муомалаларида ўта нозик ва бағоят муҳим восита. Кишининг кўрки юз, кўз бўлга-

нидек, тилнинг кўрки сўздир. Сўз эса ақл-заковатнинг кўрки. Бунинг маъноси шуки, кишининг ақл-идроқи, ахлоқи, билими, мад-й-маър-й савияси маълум даражада унинг муомаласида акс этади. Демак, муомала мад-тининг муваффақияти ўз ўрнида ишлатиладиган оқилона, ширин сўзлар б-н изоҳланади. “Темур тузуклари”да ёзилишича, Соҳибқирон ўз ҳарбий юришларида қуролни ишга солишга шошилмаган. Муҳолифига вазминлик б-н илиқ муомала қилган, сўнг мақсади хайрли эканини далиллаган. У юз минг қўшин кучи б-н ишғол қилиши мумкин бўлган айрим шаҳар, қалъаларни ҳам илиқ ва асосли дипломатик муомала-мулоқотлар туфайли қўлга киритган. Х. — инсон кўрки, инсонга бўлган самимий меҳр-мурувват мезони. Бу мезонга изчил амал қилиш одамларни бир-бирига яқинлаштиради, ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Муомала мад-ти аслида “Ассалому алайкум”, “Ваалайкум асалом” калималаридан бошланади. Бу сўзлар таниш ёки нотанишликдан қатъи назар, ўзаро мун-тларимизда бир-биримизга бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромни ифодалайди. Саломга алик олмаслик ёки унга лоқайдлик б-н қараш такаббурлик белгисидир. Ўзбекона Х.нинг зийнати фақат самимий саломлашишдагина эмас, айни вақтда бир-биримизга сизлаб мурожаат қилишда ҳам тажассум топади. Шарқ мад-ти ва анъаналари руҳида тарбияланган оилаларда бешикдаги болакайга ҳам сизлаб мурожаат қилишади. Х. бўлиш, уни тасдиқлайдиган сўзларни ишлатишнинг ўзи б-н чекланмайди. Х. хўжа-кўрсинга бўлмаслиги керак. Балки ҳар бир кишининг бошқаларга бўлган ҳақиқий мун-тини акс эттириши, ўзаро алоқани оқилона ва гўзал қилиб кўрсатишга хизмат қилмоғи лозим. Х. турмушда учраб турадиган майда-чуйда кўнгилсизлик, ноқулайлик ва таъби хирачиликдан сақлайди. Чунки ҳаётда киши битта ўзи яшамайди, одамлар б-н доимо ўзаро мун-тда бўлади. Шунга кўра, инсон ўзи осойишталиги бошқаларнинг осойишталиги б-н боғлиқлигини ҳисобга олмоғи зарур. Айниқ-

са, ёши ўзидан катта бўлган кишиларга ҳурмат, яъни кексаларга йўл бериш, жой кўрсатиш, транспортга чиқишда ёрдамлашиш, учрашганда биринчи бўлиб саломлашиш, суҳбатда сўзини бўлмаслик, ўзлари сўрамасалар уларга маслаҳат бермаслик каби қоидалар Х. белгиларидир. Шуни таъкидлаш керакки, Х. ҳаётда ва ишдаги камчиликларни очиб ташлаш ва танқид қилишни, ножўя хатти-ҳаракатлар қилаётган кишиларга нисбатан принципиал мун-тда бўлишни рад этмайди. Х. хотин-қизларга бўлган мун-тда ҳам яққол кўрилади. Аёл киши кўлидан оғир юкни олиш, транспортга чиқиши ва тушишида ёрдам бериш, бир сўз б-н айтганда, ғамхўрлик қилиш, ҳурмат кўрсатиш ҳар бир эрканинг бурчи. Хушмуомала киши бировларни ранжитмайди, дилига озор етказмайди. У бошқаларга кўнгилсизлик келтирадиган, уни хижолатга кўядиган нарсалар ҳақида ҳеч қачон гапирмайди, бошқаларга ўзининг тажарбалиги ва хафагарчилигини билдирмайди. Хушмуомала ҳар бир киши инсон шахсини бениҳоя ҳурмат қилади, унга доимо мурувватли, манзиратли, мулозим ва кўнгилчан бўлади.

ХУШОМАДЎЙЛИК — лаганбардорликка хос хислат, хатти-ҳаракатни ифодаловчи т. Х. кишилардаги салбий иллатлардан бири ҳисобланади. Х. замирида, албатта, муайян манфаат ётади. Чунки амал, мол-мулк ёки бирон нарсага эгаллик истаги, одатда, ноқонуний йўл б-н қондириладиган бўлса, хушомадўйликка зўр берилади. Х. мун-ти сохталикни, юзакиликни келтириб чиқаради. Инсонга инсоннинг хушомад қилиши ўша инсонни йўлдан чиқаришга, бузишга олиб келади. Юртбошимиз Х.га шундай таъриф беради: **“Ҳаёт мураккаб. Кўп ҳолларда хушомад қилиб, мансаб курсисидан ўтирганларни ўзимиз бузиб қўямиз. Натижада амалдор гўдаиб кетади, ҳамма менга эътибор беради, демак мен ҳаммадан ақллиман, деб ўйлай бошлайди. Мувозанатни жойига қўядиган, амалдорнинг популини пасайтирадиган тизим тузиб олишимиз керак. Бу тизимнинг негизи, авва-**

ло, жамоатчилик бўлади. Яна бир бор айтмоқчиман: манмансираш иллатидан тезроқ, бутунлай қутулишимиз зарур, акс ҳолда ҳаммаси эскича қолаверади, жамиятимиз олга юрмайди”.

ХУШФЕЪЛЛИК — инсоннинг бир қанча маън-й-ахлоқий сифатлари, ана шу сифатларга уйғун хатти-ҳаракатлари, бу сифатлар ва хатти-ҳаракатларга мувофиқ дунёқараш. тафаккур тарзини қамраб олувчи хус-ятини ифодаловчи т. Инсондаги Х. кўпинча унинг амалий ҳаёт-фаолияти давомида кўпчилик орасида ўзини тутиши, муомаладаги юмшоқлигига қараб, жамоанинг умумий фикри асосида эътироф этилади ва инсоний сифат даражасига олиб чиқилади. Бунда мазкур сифатга лойиқ шахснинг: биринчидан, бошқалар б-н мун-тдаги юмшоқлиги, камгаплиги, ахлоқли сўзлаши каби муомаладаги одобига; иккинчидан, босиқлиги, камтарлиги, ростгўйлиги, яхшиликка мойиллиги каби амалий ҳаракатларига; учинчидан, эзгу фикрлаши, беғаразлиги, дунёқараш кенглиги каби тафаккур тарзига оид белгиларига аҳамият қаратилади. Баъзан қайд этилган уч йўналишдан биттасига оид сифатларга эга инсонларга ҳам Х. нисбати берилади, лекин бу нисбат фақат маълум бир гуруҳ ичидагина эътироф этилган бўлади. Х.нинг барча йўналишидаги сифатларнинг кўпчилигига эга бўлган инсонлар, одатда, халқнинг фахрли, ибратли вакили сифатида шуҳрат қозонадилар. Мас., Абдуҳолиқ Фиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида устози Юсуф Ҳамадонийнинг Х. б-н боғлиқ юздан ортиқ сифатларини таърифлаб келтиради ва бу сифатлар у туфайли халқ орасида кенг тарқалганини, нафақат сўфийлар, балки оддий халқ ҳам уларга риоя этишга ҳаракат қилганини таъкидлайди. Х.га эга инсон атрофдаги ахлоқий муҳитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўтаринки қайфият, турли-туман омадсизликларнинг ўткинчилигини англаувчи ҳаётбахш бир умид бағишлайди. Жам-т доимо ана шундай одамларни ҳурмат қилади ва улардан ўрнак олишга интилади. Инсоннинг сўзда

ҳам, ҳаракатда ҳам, фикрлашда ҳам ўз ғазабини боса билиши, норозилигини билдирмаслиги; салбий вазиятларда ёмон сўз, ҳаракат қилиш ёки фикр билдиришга ундовчи истакни тўхтата олиши кучли иродани талаб қилади. Шу боис муомалалик, босиқлик, камтарлик тамойили асосида иш кўрган шахслар оқил, хушфеъл одамлар саналади ва улар жам-тда ҳам намунавийлик мақомига ноил бўладилар. Х. алоҳида намоён бўлишига кўра хус-ят, қай даражада (яхши, олий) намоён бўлишига кўра эса сифат шаклида амал қилади. Алломалар, донишмандларимиздан кўпчилигининг қайд этишича, Х. болаликдан ўзгармас шаклда намоён бўлса, у руҳга мансуб бўлади ва хус-ят ҳисобланади, ўзгарувчан бўлса, тажриба орқали ўзлаштирилган, ақлга мансуб бўлади ва сифат ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ақл даражаси Х.нинг сифат даражасини ҳам белгилайди, ундаги ўзгариш сифат ўзгаришига олиб келади, дейиш мумкин. Жам-тда Х.ни инсоннинг ҳаёт тарзига хулқ-атвори ва мад-тидан талаб қилинадиган энг оддий қоида, бурч сифатида сингдиришга ҳаракат қилинади. Ён-атрофдагилар, кўни-кўшнилар, оила аъзолари, маҳалладошлари, касбдошлари ва жамоат жойларидаги ҳамроҳларига диққат-эътиборлилик, ҳаммага ва ҳамма нарсага яхшилик н.назаридан қараш, ёрдамга муҳтож бўлиб турган ҳар қандай одамга таянч-далда бўлиш, унга яхши сўз топиб бера олиш, яхши муомала қилиш – буларнинг барчаси одамнинг Х.ини, мад-тини кўрсатувчи сифатга хос жиҳатлардир. Бу ахлоқий сифат ана шу жиҳатлари б-н кўполлик, жоҳиллик, бадбинлик, тўпорилик каби салбий сифатларга тесқари ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир жам-тнинг мад-ийлик даражаси ундаги фуқароларнинг ўзаро мун-тлари мад-тининг юксаклиги б-н белгиланади. Зеро, Х., инсоннинг инсонлигини, тарбиясини, ҳатто жамоадаги ўрнини ҳам аниқ кўрсатиб бера оладиган кўзгудир. Киши шу оддий сифат – Х. б-н бошқаларга кўтаринки кайфият бағишлайди, яшашга бўлган ишти-

ёқни орттиради, намуна ва ибрат кўрсатади. Ш.у. одамлар хушфеъл кишини доимо иззат-ҳурмат қиладилар, унинг шаънига олқиш ва раҳматлар айтиб, ундан ўрнак олишга ҳаракат қиладилар.

ХҲҮРЛИК – иззат-нафснинг поймол бўлиши, таҳқирланишни англатувчи т. Х. сўзи ташқаридан зоҳир бўлмайдиган, балки одамийлик қадрни топталганидан ичидан эзилиш, зил кетиш ҳолатини ҳам англади. Х. кўрган одам фаолиятининг барча турлари ва ҳар қандай меҳнат кишидан кучли иродани талаб қилади. Чунки ирода кишиларнинг ҳаракат мақсадини белгилаш, унга эришиш восита ва йўл-йўриқларини олдиндан аниқлаб, маълум қарорга келиши ҳамда бу азму қарорни амалга оширишда намоён бўлади. Одамда ироданинг қатъийлиги Х. ҳолатига тушиб қолганда ундан қай тарзда халос бўлишида кўринади. Х. сўзи “итдек хор бўлмоқ”, “ит куни бошига тушмоқ” каби иборалар б-н маънодош ҳисобланади. Х. азобланишнинг энг аянчли кўриниши бўлиб, инсон оғир машаққат ва таҳқирлашни бошидан кечириётганини англади. Инсон бутун умри давомида бошдан кечирган ҳис-туйғуларини унутиб юбориши мумкин, бироқ ҳеч қачон Х.ни унутмайди. Чунки хўрланиш дилозорлик, киши кўнглига қаттиқ ботадиган сўзларни ўзида мужассам этадиган, салбий маънога эга бўлган ҳолатни ифодалайди. Халқимизда “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир” мақоли бежиз келтирилмайди. Ҳар бир инсон чуқур мушоҳада қилиб, ўйлаб гапириши лозим. Токи, унинг сўзидан ҳеч кимнинг кўнгли озор чекмасин, хўрланмасин. Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг: “Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Онча борқим, Каъба вайрон бўлса обод айлағай” мисраларини келтириш жоиздир. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон “юз ўйлаб, бир сўзлаши”, яъни ўз фикр-мулоҳазасини ниҳоятда эҳтиёткорлик б-н билдириши лозим. Шунда у кишини хўрламасдан, унинг кайфиятини шод қилади, кўнглини вайрон қилмасдан уни обод қилади.



ЧАҚИМЧИЛИК — барча даврларда қораланиб келинган, бирор ғаразли мақсадни кўзлаб, биров ҳақида бошқа бировга хабар беришдек иллатни ифодаловчи т. Ч. ёлғон, фисқу фасод, кўролмаслик, ғийбатчилик, аламзадалик каби иллатларнинг шоҳ томиридир. У ёлғон маълумот б-н дўстни душманга, фисқу фасод б-н обод уйни вайронага айлантиради, ғийбат ёрдамида хиёнатни амалга оширади. Ч., моҳиятан, бирор бир инсонни маънан ёки жисмонан бадном этишга қаратилган разилликдир. Чунки чақимчи ҳар қандай ҳолатда ўз фойдаси ва манфаатини кўзлаб иш тутади. Ш.у. азалдан чақимчи ва Ч. исломда кескин қораланиб, бу хусусда Расулulloҳ (с.а.в.) «Чақимчилар жаннатга кирмайдилар», деб узил-кесил ҳукм чиқарганлар. Чунки Ч. ҳар доим ўз қилмиши б-н ака-ука, ёру биродар, қўни-қўшни, эру хотин, фарзандлар ва ҳатто маҳаллалар, мам-тлар, миллатлар орасини бузади. Аксинча, хафалашиб қолган кишиларни яраштириш, хушмуомалалик б-н узилган ришталарни боғлаш ислом динида катта савоб саналади. Ч. жам-тда кишилар орасида рўй бериб турадиган салбий хулқ-атвор, хусятлар ичида инсон шаънига энг кўп иснод ва нуқсон етказадиган манфий кўринишдаги иллатлардан бири. Чақим, чақув. Ч., чақмачақарлик (гап ташувчилик илллати), юмалоқ хат ёзиш, шикоятбозлик, аризабозлик каби ёмон таассурот қолдирадиган бундай иллатлар турли шарт-шароит, кўринишларда содир бўлиб, киши кайфиятида ҳамиша нохуш из қолдиради. Чақимчи одам (чақмачақар) ўз кирдикорларини билмасдан, тасодиф туфайли эмас, балки онгли равишда амалга оширади. Ш-дек, бундай тубан ишга у бошқаларга ҳасад қилиш, кўролмаслик, ғаламислик, ўч олиш, по-

пугини пасайтириш, ўзгаларга ёмонликни раво кўриш ва ш.к. ғаразли ниятларда киришади. Баъзан эса чақимчи одам шундай йўл тугажаги ҳақида рақиб томонга шипшитиб ҳам қўяди ёки ўртага ультиматум (ғаразли шартларни) қўйиб, ҳукмини ўтказмоқчи бўлади. Халқимиз ш.у. ҳам гап ташийдиган, чақимчи, айғоқчи, ғийбатчи, тухматчию чақмачақар одамларни ёппасига ёмон кўради, уларнинг қилиқ ва ножўя ишларидан ҳазар қилади, уларни қоралайди, ҳатто баъзи ҳолларда маҳалладан кўчириб юбориш каби ҳукмлар б-н жазолайди. Ч.нинг энг мудҳиш оқибатларини халқимиз яқин олтамиш-етмиш йиллар ичида мустабид шўролар ҳокимияти даврида бошдан кечирган эди. Ўтган а.нинг 30-йилларида собиқ Иттифоқда рўй берган сталинча қатағон сисёсатининг машўм оқибатлари натижасида халқимиз ўзининг қанчадан-қанча улўф ва миллатпарвар, зиёли ва аллома фарзандларидан айрилди. Улар “тройка” деб аталмиш кўмиталарда ўйлаб топилган куракда турмас Ч. туфайли жаҳолат ва қатағон қурбонларига айланди. Афсуски, ҳоз. вақтда ҳам одамлар орасида, жамоада, иш жойида, маҳаллада чақмачақарлик, шикоятбозлик учраб туради. Бу иллатлар ўтмиш сарқити, таг-туғи б-н суғуриб ташланадиган ҳолатлар сифатида қораланади.

ЧИДАМЛИЛИК — инсонга хос сабрбардош, матонат, сабр-тоқат, ташқи таъсирлар натижасида ўзгармаслик фазилатини ифодаловчи т. Ч. мазмун-моҳиятига кўра: 1. Руҳий ёки жисмоний қийинчиликларнинг тугашини сабр-тоқат б-н кутмоқ, уларга сабр-бардош бермоқ (мас., оғриққа чидамоқ, совуққа чидамоқ, очликка чидамоқ ва ҳ.к.). 2. Маънй-руҳий ҳолат ва шароитга сабр-бардош-

ли бўлмоқ. (мас., танқидга чидамоқ, ёлғизликка чидамоқ, ҳақоратга чидамоқ ва ҳ.к.). 3. Нарса ва буюмларнинг Ч.и: кўп ёки кам муддатга чидашини англа-тади. Ч. мафкуравий соҳада **тахдидбар-дошлик**, иқтисодиётда **рақобатбардошлик**, тиббиётда **иммунитет** иборалари б-н маъ-нодошдир. Маъ-ятда «Ч». т.си руҳий ёки жисмоний қийинчиликларнинг тугаши-ни сабр-тоқат б-н кутмоқ. танқид ва тур-ли тазйиқларга чидамоқ. бардош бермоқ маъносидида қўлланади. Ч.нинг зидди чи-дамсизлик, мўртлик, бушлик ёки бушан-глик, сабрсизлик, бетоқатлик, заифлик, масъулиятсизлик ва ҳ.к.лардир. Инсон-ларнинг жисмоний ёки маън-й иродаси Ч.га қараб белгиланади. Нарса, жиҳоз ва буюмларда Ч. уларнинг баҳосини ошир-гани сингари инсонлар орасида ҳам Ч. фазилатига эга кишилар алоҳида қадр-қимматга, ҳурматга эга бўлади. Ч. халқ-имизда кўплаб мақол ва нақлларда ўз ифодасини топган. (мас., “қирқига чида-ган, қирқ бирига чидамади”, “чидаганга чиқарган” ва ҳ.к.) Ч. кишилик жам-тида муҳим ижт-й аҳамият касб этиб, нарса-лар ўзгаришига таъсир қилмаса-да, улар-нинг сифатини ифодалайди. Ч.нинг хос-саси нарса ва ҳодисаларнинг зарурий эканлигига қараб истифода этилади. Ч. маълум бир ташқи таъсир орқали аниқ-ланади. Ч. инсоннинг индивидуал сало-ҳияти, имкониятлари орқали юзага ке-либ, бошқа сифат кўрсаткичларидан кес-кин равишда фарқланади. Чунки, бардошлилик бирор бир ташқи таъсир на-тижасида аниқланса, Ч. ҳам ташқи таъ-сир, ҳам жонли ва жонсиз жисмнинг тех-нологик, психологик ва физиологик ту-зилишининг хус-ятини намоён этади. «Ч.» т.сига ёндош ва турдош атамалар қатори-га кўникма ҳамда малака ибораларини киритиш мумкин. Аксарият илмий ман-баларда моҳирлик Ч. б-н айнанлаштири-лади. Ч. инсон томонидан кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради.

ЧИРОЙЛИЛИК — нарсаларнинг таш-қи кўринишини, ҳолатини. бажарилган

иш ёки қилинган ҳаракатдаги ўзаро ҳамо-ҳанглик натижасида инсонларда ёқимли таассурот уйғотувчи нарса-ҳодисалар маж-муини ифодаловчи т. Кундалик мулоқот-да тез-тез тилга олиннадиган “гўзаллик”-ка маънодош. Ч. эстетик т. сифатида гўзал-ликнинг такомиллашувидаги зарурий шарт бўлиб, у инсонларда завқланиш ҳосил қилади. Ч. эстетика ҳамда нафосат фал.си фанида кам ўрганилган мезоний т. ҳисобланади. Унга одатда гўзалликка мун-т каби ёндашилади. Аслида Ч. гўзал-ликдан фарқ қилади. Ч. гўзалликдаги хус-ятни тўлақонли акс эттира олмайди. Тўғри, Ч. ҳам гўзаллик сингари инсоний мун-тларга, табиат ҳодисалари ва ҳайво-нот оламига нисбатан ишлатилади. Мас., чиройли одоб, чиройли гул, чиройли оху ва ҳ.к. Бироқ кўзимизга кўринган ва чи-ройли деб ҳис қилган нарса-ҳодисалар-нинг ҳаммаси ҳам ёқимли бўлавермайди. Биз учун капалақлар чиройли ҳашарот, аммо ботаника илмида уларга ўсимлик-лар зараркунандаси сифатида қаратади. Ёки сув ўсимлиги ҳисобланган расписка чиройи б-н ҳашаротларни ўзига жалб эта-ди. Бироқ гулга кўнгандан сўнг ҳашарот-лар унинг озуқасига айланади. Инсонда ҳам худди шундай, чиройли ҳаракатлар натижаси ҳар доим ҳам ёқимли бўлавер-майди. Шунга кўра, Ч. нарса-ҳодисанинг шакли ёки мазмунидаги эстетик хус-яти орқали кишиларда ёқимли тасаввур, хуш кайфият пайдо қилади. Ч. нарса-ҳодиса-ларнинг фақат бир томонидаги (ташқи ёки ички) ёқимли ҳолатни акс эттира-ди, холос. Шакл чиройли бўлган пайтда мазмун, мазмун чиройли бўлган ҳолатда шакл тўлақонли бўлмаслиги мумкин. Гўзаллик эса бундан мустасно, у нарса-ҳодисаларнинг фақат бир томонини акс эттирмайди, аксинча, у мазмун б-н шакл-нинг уйғунлиги, мослиги, ҳамоҳангли-ги, мақсадга мувофиқлиги асосида юза-га келади. Шу маънода, гўзаллик ҳам объектив, ҳам субъектив хус-ятга эга. Табиат гўзаллиги эса объект (инсон) ва субъектнинг (ўсимлик ва ҳайвонот дунё-си) тартиби ҳамда уйғунлигига асосла-нади. Гўзалликдаги уйғунлик ва тартиб-

нинг бузилиши эса инсон, табиат, жам-т мун-гларида хунук оқибатларни юзага келтиради. Шу жиҳатдан қараганда, ёқимли бўлган барча нарсаларни «ғўзаллик», «ғўзал» деб билиш инсонни воқеликни эстетик тарзда ўзлаштиришдаги холислик, ишончлик ва ҳаққонийликдан чалғитади.

«ЧИҒАТОЙ ГУРУНГИ» — Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган мад-й-маър-й ва илмий-адабий ташкилот (1919–1921). Фитрат бошчилигида Тошкентда тузилган. Туркистон мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши ва Колесов воқеаси (1918 йил февраль-март)дан кейин асосан Тошкентда фаолият кўрсатётган жадидлар тактик мақсадларни кўзлаб, совет ҳокимияти б-н яқинлашишга мажбур бўлдилар. Фитрат совет ҳокимиятидан сиёсий ташкилот тузиш учун рухсат ололмагач, мад-й қурилишга хизмат қиладиган миллатпарвар ташкилот тузишга интилган. Туркистон АССР миллий ишлар халқ комиссарлиги томонидан «сиёсатга аралашмаслик шарти б-н» «Ч.г.» тузилишига расмий рухсат берилган. Ушбу ташкилот номланиши XIII–XIV а.ларда мавжуд бўлган Чиғатой улуси ва XIV–XVI а.ларда эски ўзб. тили маъносида қўлланган чиғатой тили каби атама ва истилоҳлар б-н боғлиқ. Фитрат ташкилотга ном танлашда Туркистон ҳудудида яшаган туркий халқларга дахлдор меросни ўрганишга эътибор қаратган. «Ч.г.» туркий халқлар мад-ти, санъати, адабиёти, тарихи, тил ва имлоси каби соҳаларни жиддий ўрганишга киришган. «Гурунг» аъзолари ўзб. тилининг софлиги учун курашиш б-н бир қаторда янги ўзб. миллий мад-тини барпо этишга интилганлар. Ўша даврда мавжуд бўлган «Темур», «Турон», «Турон тўдаси», «Изчи» каби гуруҳ ва уюшмаларга нисбатан «Ч.г.» самарали фаолият кўрсатган. «Ч.г.» низомида ёзилишича, у бир нечта шўъбалардан иборат бўлган. Бу шўъбалар «Тил ва имло тўдаси», «Адабиёт тўдаси», «Санъат ва театр тўдаси» деб номланган. «Тил ва имло тўдаси»га дастлаб Чўлпон, сўнгра

Элбек раҳбарлик қилган. Фитратнинг «Тилимиз» (1919) мақоласида ушбу тўданинг дастурий йўналиши белгилаб берилган бўлиб, Элбек, Шорасул Зуннун, Шокир-жон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Ғози Олим Юнусов каби олимларнинг тилшуносликка оид ишлари ушбу дастурга биноан ба-жарилган. «Гурунғчилар» томонидан 1919 йилда араб алифбосини ислоҳ қилган ҳолда янги алифбо яратилган. Тил ва имло қурултойи (1921 йил, январь) бевосита «Ч.г.» ташкилотчилигида ўтган. «Ч.г.» тарих соҳасидаги ишни манбашуносликдан бошлаган. Туркистон ўлкаси Мусулмонлар бюроси 1919 йилда Фитрат, Назир Тўрақулов ва Лазиз Азиззодадан иборат ҳайъат тузиб, тарихий меросни ўрганиш зарурлигига эътибор қаратган эди. Уларнинг Бухоро, Самарқанд ва Фарғона водийсига қилган илмий сафарлари натижасида кўплаб тарихий асарларнинг қўлёзмалари топилди ва Тошкентга олиб келинди. «Ч.г.» адабиёт ва санъат соҳасида муҳим ишларни амалга оширган. «Ўзб. ёш шоирлари» (1922) тўплами, Фитратнинг «Темур сағанаси», «Ўғузхон», «Або Муслим» ва «Қон» сингари драматик асарларининг эл орасида кенг ёйилиши бунга мисолдир. «Ч.г.» аъзолари ўз ғояларини «Янги Шарқ», «Учқун» газеталари ва «Тонг» журнали орқали ифодалашган. Ташкилотнинг «Ч.г.» номли махсус журналининг 1-сони чоп қилинган, у тақиқланган. 1921 йил бошларида «Ч.г.» ташкилоти фаолияти Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан тўхтатилган.

ЧЎЛПОН, Абдулҳамид (1898, Андижон — 1938.04.10, Тошкент) — тахаллуси; асл исми Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов. Шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби. Дастлаб мадрасада (1908–12), сўнгра рус-тузем мактабида (1912–14) ўқиган. Ч. 1914 йил «Садои Туркистон» газетаси б-н ҳамкорлик қилган. «Чиғатой гурунги» номли адабий-маър-й, илмий-мад-й ташкилотнинг фаол аъзоси (1919–1920), «Янги Шарқ», «Иштирокиюн» (1920 йилдан

«Қизил байроқ», 1922 йилдан «Туркистон») газетасида адабий ходим (1919–23). Халқ маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш (1921 йилдан Ўлка ўзб. билмий ҳайъати, 1922 йилдан Илмий ҳайъат)да раис (1920–23), «Бухоро ахбори» газетасида муҳаррир (1921–22), «Турон» театрида директор (1921; 1922–23), «Муштум» журнал ва «Дархон» газетасида техник муҳаррир, адабий ходим (1922–23), Ўзб. драма студияси (Москва. 1924–27) ва Ўзб. давлат драма театрида адабий эмакдош (1927–31), СССР ХКС ва Шарқ халқлари марказий нашриётида таржимон (Москва, 1931–34), «Муштум» ва «Гулистон» журналлари ҳамда «Театру» газетасида адабий ходим (жамоатчилик асосида, 1935–37). 1914 йил Тошкентда М.Абдурашидхонов ва У.Хўжаев б-н танишиш Ч.нинг миллий уйғониш ҳаракати намояндаси сифатида шаклланишида муҳим омил бўлган. Ч. «Садои Туркистон» газетасида дастлабки «Туркистонли қардошларимизга» шеъри, «Қурбони жаҳолат», «Дўхтир Муҳаммадёр» ҳикоялари ва «Адабиёт надир» мақоласини эълон қилиб (1914), шу давр адабиёти намояндalари сафидан ўрин эгаллаган. Туркистон аҳолисининг иқт-й, ижт-й ва мад-й қоқоқлик шароитида яшаётганининг асосий сабабини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатида кўрган Ч., б. жадидлар қатори, ўз асарлари б-н халқнинг мад-й ва маъ-й савиясини кўтаришга киришган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Ч. Туркистон мухторият ҳукуматининг барпо этилишида фаол иштирок этиб, мухториятни шарафловчи шеърини ёзди ва бу шеър ўзб. давлатчилиги тарихида илк мадҳия бўлди. Ч. бу даврда З.Валидий чорлови б-н Оренбургга бориб, Бошқирдистон мухторият ҳукуматининг ташкил этилишида ҳам иштирок этди. Туркистон мухторияти тугатилгач, Ч. «Илмий кенгаш», «Чигатой гурунги», «Нашри маориф» ташкилотлари ва «Турон» театрида адабий, илмий-маъ-й ишлар б-н машғул бўлди. Республика мад-т ходимларининг 2-қурултойи (1927)дан кейин Ч.га қарши бошланган кураш уни сиёсий фаолиятдан узоқлашишга, ҳатто 1931–35 йилларда Москвага қочиб бориб,

мусофирликда яшашга мажбур этди. Ч. 1937 йил 14 июль куни ҳибсга олиниб, кўп ўтмай, отиб ташланди.

Ч.нинг адабий мероси шеърят, наср, драматургия, публицистик ва адабий-танқидий мақолалар ҳамда таржимадан иборат. Ч.нинг шеърый асарлари «Ўзбек ёш шоирлари», «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926) ва «Соз» (1935) тўпламларида, ш-дек, турли газета ва журналларда эълон қилинган. Улар ғоявий-тематик йўналишига кўра 2 гуруҳга ажралади: соф лирика ва ижт-й-сиёсий лирика. Ч. шеърияти жаҳон лирик шеърятининг мумтоз вакиллари даражасига кўтарилган. «Гўзал», «Сезги», «Сирлардан», «Мен шоирми?» сингари шеърлари б-н 20-йилларнинг бошларидаёқ бармоқ вазнига асосланган янги ўзб. шеърятини юксак тар-ёт босқичига олиб чиқди. Унинг 20-йилларда ёзган «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» сингари ҳикоялари ўзб. адабиётидаги наср жанрининг дастлабки мумтоз намуналаридир. Ч. бу ҳикояларида ўзб. хотин-қизларининг аянчли тақдирини турли бадий режада тадқиқ этди. Умуман, ўзб. хотин-қизларининг мустамлакачилик шароитидаги тақдири тасвири Ч. шеърый ижодининг ҳам, кичик эпик асарларининг ҳам, «Кеча ва кундуз» (1936) романининг ҳам асосий ғоявий йўналишини белгилаб берган. Ч. насрий ижодининг муҳим қисмини публицистика ташкил этади. У «Йўл эсдалиги», «Вайронлар орасидан» каби қатор очерк ва публицистик мақолаларида 20-йиллардаги мустамлака ўлка ҳаётининг мудҳиш манзараларини тасвирлаган. Ч. Абдулла Қодирий б-н бирга ўзб. адабиётида реалистик роман ва ҳикоя жанрларининг тар-ёт тамойилларини белгилаб берди. Ч.нинг драматургия соҳасидаги дастлабки изланишлари 1919 йилга оид. У шу йили «Темирчи», «Гуноҳ», «Чўрининг исёни» сингари кичик саҳна асарларини ёзди. 20-йилларнинг бошларида эса Ч.нинг «Ёрқиной», «Халил фаранг», «Ўлдирувчи» (1921), «Севги ва салтанат», «Чўпон севгиси» (1922) пьесалари майдонга келди (бу асарларнинг аксари бизгача етиб келмаган). Ч. «Турон» театрига директор-

лик қилган йилларида саҳна санъати ва драматургия сирларини, ш-дек, рус тилини пухта эгаллагани туфайли 1924 йил Москвада ташкил этилган ўзб. драма студиясига адабий эмакдош этиб юборилди. Ўзи ҳам студиячилар учун саҳна асарлари («Ёрқиной», «Яна уйланаман». «Қоровул уйқуси» (Л.Свердлин б-н ҳамкорликда), «Узун кулоқ бобо»)ни ёзди. Рус ва Европа драматургларида К.Гоццининг «Маликаи Турондот», Н.В.Гоголнинг «Терговчи», В.Н.Билль-Белоцерковскийнинг «Лаббай», Мольернинг «Хасис» пьесаларини ўзб. тилига таржима қилиб берди. Ч. 1927 йилда Москва ва Боку драма студиялари қатнашчилари базасида Ўзб. давлат намуна труппаси (1929 йилдан Ўзб. давлат театри) ташкил этилгач, мазкур труппа (театр)нинг адабий эмакдоши сифатида фаолият олиб борди. Шу даврда унинг кишилар ва жам-т ҳаётидаги нуқсонларни ҳажв этувчи «Муштумзўр», «Хужум» (В.Ян б-н ҳамкорликда, 1928), «Ўртоқ Қаршибоев» (1929) каби пьесалари саҳна юзини кўрди. Ч. айна пайтда театр таржимони сифатида ҳам самарали ижод қилиб К.Гольдонининг «Икки бойга бир қарол», Лопе де Вега-нинг «Кўзи булоқ», У.Шекспирнинг «Ҳамлет», Ф.Шиллернинг «Босмачилар», Билль-Белоцерковскийнинг «Пўртана», С.Леви-

тинанинг «Хукм», А.Файконинг «Портфелли киши», В.Трегьяковнинг «Наърангни торг, Хитой!», В.Ивановнинг «14–69 рақамли зирҳли поезд» пьесаларини ўзб. тилига ўғирди. Ч. адабий эмакдош, драматург ва таржимон сифатида М.Уйғур б-н бирга профессионал ўзб. театрининг тамал тошини қўйди. Ч. адабий меросининг салмоқли қисмини таржима асарлар ташкил этади. Ч. А.С.Пушкин («Борис Годунов», «Дубровский»), Н.В.Гоголь («Терговчи»), И.С.Тургенев («Чўри қиз»), И.Франко («Миллион», «Феруза»), Л.Андреев («Губернатор», «Осилган етти кишининг ҳикояси»). А.П.Чехов («Қочоқ»). А.М.Горький («Илгаклар», «Она») сингари рус ва б. халқлар адабиётининг мумтоз асарларини ҳам катта маҳорат б-н таржима қилиб, замонавий миллий таржима мактабига асос солди. Ч. таржимасидаги В.Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси ўзб. таржима санъатининг шоҳ намунаси дир.

Ч.га Алишер Навоий номидаги Ўз-н Р-си Давлат мукофоти (1991) ва «Мустақиллик» ордени (1999) берилди. 1997 йил Ч.нинг 100 йиллиги кенг нишонланиб, Андижонда Ч. уй-музейи ташкил этилди, вилоятдаги Тиллар пед. ин-ти, ш-дек, лицейлардан бири Ч. номи б-н аталади.



ШАЙТОН (араб. олий даргоҳдан ҳайдалган Азозил номли фариштага берилган ном) — Аллоҳ иродасига бўйсунмайдиган жин, инс, ҳайвон, инсон ва б. маҳлуқларни саркашлик йўлига бошловчи, биз кўролмайдиган, лекин мавжудлиги муқаддас китобларда билдирилган маҳлуқ. Мас., Қуръонда талқин қилинишича, Ш.ни Аллоҳ оловдан яратган, кейинчалик амрига итоат қилмагани учун олий даргоҳдан қувилган, ражим деб лаъ-

натлаган. Лекин Аллоҳ бандаларини си-наб кўриш учун Ш.га муҳлат берган. Ш.у. у барчани йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Қуръонда Ш. сўзининг синоними сифатида Иблис ибораси ҳам ишлатилган. Одамлар томонидан эътироф этилган маън-й қадриятларга, диний ва дунёвий, жисмоний ва руҳий мун-тларга тўғри келмайдиган, ахлоқ нормаларини бузувчи қўпол, одамларга нисбатан ҳам Ш., Ш.нинг малайи каби сифатлар ишлатилади. “Аниқ-

ки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглар” (Фотир-б), дея огоҳлан-тирилган. Ш. инсоннинг, айниқса, мўминларнинг очиқ душмандир. Ш. измидагиларнинг бой-фақир, ёш-қари, эркак-аёл, чиройли-хунуклигига қарамай, йўлдан оғдириш пайида бўлади. Ш. инсонларга барча ёмон нарсаларни чиройли қилиб кўрсатади, уларнинг қалбларига васваса уруғини сочиб ихтилофлар, келишмовчиликлар пайдо қилади. Мас., ичкилик, гиёҳвандлик, зино, ўғирлик кабиларни чиройли қилиб кўрсатади. Ш. измидаги киши деганда, одам боласига хос бўлмаган номақбул йўлларда юрадиган, ўз келажаги, оила тинчлиги, жам-т фаровонлигини ўйламайдиган, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, барча инсоний туйғуларидан маҳрум бўлган маън-й қашшоқ киши тушунилади.

ШАНТАЖ (франц.) — ўз мақсадига эришиш, бирон фойда кўриш учун қилинадиган иғво, дўқ уриш, кўрқитиш каби ёмон ниятдаги хатти-ҳаракатни англатувчи т. ЎзР жиноят ҳуқуқига кўра, Ш. алоҳида жиноят эмас, балки бошқа жиноятларни амалга ошириш воситасидир. Ш. инсон маъ-яти ва руҳиятига чуқур салбий таъсир кўрсатувчи ҳаракат бўлиб, кўпинча инсонларни ахлоқий меъёрлардан чиқишга олиб боради.

ШАРИАТ (араб. остона ва сув ичиш жойи; йўл; мусулмон оламида қонунчилик) — исломда Аллоҳ жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси, шунга асосан, Ш. фикҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг барчасидаги амалий қисм Ш. деб аталади. Ислом Ш.и ҳукмлари Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсдан олинади. Ислом Ш.ининг мақсадлари дин, жон, ақл, насл ва молни асрашдан иборат. Ш.да ушбу нарсаларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган барча чоралар кўрилган. Ш.нинг ҳожатлилик мақсадлари эса, кишиларга қулайлик туғдириш ҳамда улардан қийинчилик ва машаққатни аритишга қаратилган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) раҳбарлигида ташкил топган давлатнинг асосий қонунлари бўлган ва жам-т ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Кейинчалик 4 халифа, уммавийлар, аб-

босийлар ва усмонийлар давлатлари вақтида ҳам Ш. давлатнинг қонуни бўлиб келган. Аммо вақт ўтиши б-н турли омилларга кўра, мусулмонлар Ш. ҳукмларидан узоқлаша борганлар. Ҳозирга келиб фақат Саудия Арабистони давлати ўз Ш.ига амал қилади. Бошқа ислом давлатларида оилавий никоҳ, талоқ, нафақа каби масалаларда ва мерос хусусида Ш.га тўлиқ ёки қисман амал қилинади.

ШАРМ-ҲАЁ — қаранг: *ҲАЁ*; *УЯТ*.

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ — Шарқ маън-й-маър-й, мад-й ҳаётидаги Уйғониш, яъни Шарқ халқлари ривожининг юксалиш даврлари. Ш.р.ни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчиси — М.О.да мўғуллар истилосигача бўлган давр, у ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби қомусий олимлар, астроном ал-Фарғоний, Бухоро тарихчиси Наршахий, мутафаккирлар Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва б. номлари ва ижодлари б-н боғлиқ. Бу даврда яшаган мутафаккирларнинг деярли барчаларига қуйидаги хус-ятлар хос: мад-тнинг ўтмишда эришган ютуқларини, хус-н, қад. юнон, ҳинд, Хитой меросини чуқур ўрганиш ва уни ижодий ривожлантириш; табиатни ўрганишга қизиқишнинг ортиши ва табиий фанлар тар-ёти (астрономия, жуғрофия, математика, риёзиёт, тиббиёт ва Ҳ.К.); рационализм, яъни ақлни ҳақиқат мезони сифатида тан олиш ва бунинг натижасида мантиқни ривожлантириш; ақидапарастликни рад этиш ва ҳурфикрлиликнинг рив-ши; инсонпарварликни улуғлаш, инсоннинг ахлоқий, маън-й гўзаллигини, камолотини Аллоҳнинг юксак инъоми сифатида талқин этилиши; сўз санъатига муҳаббат; илмий асарнинг бадиий шаклига алоҳида эътибор берилиши; қомусий билимларга эга бўлишлик. Бу даврда яшаган мутафаккирлар фан ва санъатнинг кўп соҳаларини чуқур билган алломалар бўлган. Бу даврда Яқин Шарқда ал-Маъмун халифалик қилган вақтда (813—833) давлат илм-маърифатнинг ўсишига ёрдам берди. Бағдодда, сўнгра Дамашқда астрономик обсерваториялар қурилди. Бағдодда “Байт ул-

ҳикма” (“Донишмандлик уйи”) ташкил этилди. Бу илм даргоҳларида Ў.О.лик олимлар фаол иштирок этдилар. XI а. бошларида Хоразмда машҳур “Маъмур академияси” ташкил қилинди. Бу ерда Беруний атрофига ўша замоннинг бир гуруҳ олимлари, жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Наср бин Ироқ, ш-дек, файласуф Абу Саҳл Масиҳий, табиб Абулхайр Ҳаммор ва б. олимлар жам бўлиб, кўплаб илмий изланишлар олиб бордилар. Бу даврда табиийёт илми, пантеистик фал. б-н бирга ислом илоҳиёти ҳам кенг ривожланди. Муҳаддис сифатида бутун мусулмон оламида машҳур Имом Бухорий, Имом Термизий, калом таълимотининг асосчилари Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний ва Абу Ҳомид Муҳаммад Фаззолийлар ислом дини ривожига катта ҳисса қўшдилар. Иккинчи Ренессанс Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган (XIV–XVI а.лар) даврга тўғри келади. Бу даврда яшаб, ижод этган олим ва мутафаккирлар Саъиддин Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Фиёсиддин Жамшид ал-Коший, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий, машҳур тарихчилар Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд ва Хондамир, рассомлар Камолиддин Беҳзод ва шоҳ Музаффарларнинг номлари дунёга машҳур бўлган. Бу даврда давлатни бошқаришда дин ва тасаввуф қоидаларига алоҳида эътибор берилган. Аҳмад Яссавий ва Баҳроуддин Нақшбанд таълимотлари маъ-ят ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илм-фан ривожланди, меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темур Кўксарой масжиди, Шоҳизинда, Биби-хоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шаҳрисабз) Оқсарой барпо этилди. Мирзо Улуғбек даврида Регистонда, кейинчалик Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар, Биби-хоним масжиди, Ғўри Амир мақбараси, Улуғбекнинг фалакиёт расадхонаси қурилди. Илм-фан, хус-н, фал., ман-

тиқ илми ривожига катта эътибор берилди. Бунинг натижасида XIV–XV а.дан бошлаб ислом мадрасаларида мантиқ илмини ўқитиш ҳуқуқ ва тилшунослик фанлари б-н боғлиқ ҳолда олиб борилди. Буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва б. соҳаларда илм. тад. олиб борди. Унинг энг машҳур асари “Зижи жадиди Кўрагоний” да 1118 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Улуғбек Қуёш ва Ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиш вақтларини тўғри ҳисоблаб чиққан. У атрофига иқтидорли ёшларни тўплаб, ўзининг илмий мактабини яратди. Ш.Р. II даврида яратилган фал-й, бадиий тафаккур ривожининг ёрқин намунаси Алишер Навоий ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Мустақиллигимиз туфайлигина миллатимиз ва жаҳон мад-ти ривожига улкан ҳисса қўшган Шарқ Уйғониш даврини илмий, холис ўрганиш, баҳолаш имкони пайдо бўлди.

ШАРҚОНА АХЛОҚ — Шарқ халқлари томонидан инсоннинг инсонга, табиат, дин ва дунё, моддий ва мад-й неъматларга, руҳий ва жисмоний хиссиётларга мун-тида маълум тартибга солинган меъ-ёрларни ифодаловчи т. Хулқ-атвор, юриштириш, тарбия, устозларга ҳурмат-эҳтиром, ота-онага, устозларга ҳурмат-эҳтиром, ҳушмуомалалик, очиқ юзлилик, вазминлик, камтарлик, ваъдага вафодорлик, тўғрисиўзлик ва ш.к. маън-й т.ларнинг Шарқнинг турли-туман халқлари мад-тида яққол кўзга ташланиб туриши Ғарб дунёсида «Ш.а.» т.сининг шаклланишига олиб келган. Ш-дек, Шарқ халқлари тарихини турли томондан ўрганувчи мутахассислар ҳам Шарқда ахлоқ масаласига қадимдан жуда катта эътибор қаратилгани ва а.лар мобайнида бу соҳада эришилган натижалар бутун инсоният тар-ётига катта ҳисса қўшганини таъкидлайдилар.

ШАРҚОНА МАДАНИЯТ — Шарқнинг турли минтақаларида яшовчи жуда кўп миллатларнинг мазмунан ўхшаш ва

бир-бирига сингиб кетган, ш-дек, ўзига хос оригиналлиги б-н ажралиб турадиган кўҳна ва замонавий, моддий ва маън-й мад-тлар мажмуини ифодаловчи т. Мас., меъморчилик соҳасида Япон, Хитой, Корея услублари, Эронда ўзига хос зинасимон қурилиш услуби, буддизм таъсирида шаклланган Ҳиндистон биношунослиги, Ў.О.нинг ислом мад-ти б-н қоришиб кетган шаҳарсозлик услублари Шарқни бошқа минтақалардан ажратиб туради. Осиёнинг турк, кавказ каби халқларининг меъморчилик ва шаҳарсозлигига Европа услублари ўз таъсирини ўтказган. Шарқда ўзига хос тарзда, мустақил ривожланган маън-й мад-т Европа мад-ти шаклланишига ҳам сезиларли таъсир ўтказган. Ш.м. ва маъ-ятнинг юксалишига, айниқса, ислом дини катта таъсир кўрсатди. Натижада, Ў.О., Эрон, Миср халқлари мад-тлари кучли ривожланиб, ўз навбатида, бу Фарб халқлари мад-тининг рив-шига туртки берди. Ш.м.нинг бу даврида Дамашқ, Халаб, Рей, Самарқанд, Бухоро, Марв, Шош каби қад. шаҳарлар юксалди ва Басра, Куфа, Фустат (Қоҳира), Фаластинда Рамли, Ироқда Боғдод, Восий каби шаҳарлар қурилди. Бухоро, Журжон, Самарқанд, Фазна, Балх, Халаб, Қоҳира, Кордова, Севилья, Валенсия, Боғдод, Басра, Дамашқ каби илм-фан ва мад-т марказлари собиқ араб халифалиги ҳудудларида тараққий топди. Ислом илмлари (“улум ал ислом”) қаторида дунёвий илмлар ҳам ривожланиб, математика (риёзиёт), геометрия (ҳандаса), астрономия (фалакиёт) фанлари; фал. ва тарих, ижтимоиёт ёки жам-тшунослик ҳам юксак чўққиларга кўтарилди. Шарқ мад-ти кўп қиррали ва кўп йўналишли жараёнларни бошидан ўтказган. Тадқиқотчилар Ш.м.нинг маъ-ятга қўшган ҳиссасига юксак баҳо берсалар, фал. тадқиқотчилари уни “Шарқ тилсими” деб ўзига хос номлаганлар. Ш.м. Шарқ халқлари ҳаёти, турмуш тарзида ўхшаш ҳолда намоён бўладиган мун-тларни англлатувчи т. Адолат. тинчлик. аҳиллик, инсонпарварлик, маън-й меросга ҳурмат. ватанпарварлик, инсофлилик, ҳалоллик, фидойилик, зиёилик, меҳ-

натсеварлик, мардлик, меҳмондўстлик кўпчилик Шарқ халқларининг юксак фазилатларидир.

ШАФҚАТ — кишининг ўзига алоқадор одамга, айбдор, гуноҳкор, ижт-й, иқт-й ва ҳуқуқий жазоланишга лойиқ кимсага кечиримлилик орқали инсонпарварлик кўрсатишини англлатувчи т. Ш. ўзб. халқига хос бўлган юксак маън-й фазилатлардан бўлиб, ўзгаларнинг дардини англаш, муҳтож одамларга кўмак ва мурувват кўрсатиш, уларнинг инсон эканини ёдда тутган ҳолда ёрдам, раҳмдиллик кўрсатиш, ҳиммат қилишни билдиради. Одамларнинг ўзаро кундалик ижт-й мун-тларида намоён бўладиган фазилатларини, жам-тдаги онг ва ахлоқнинг юксаклигини белгилловчи инсонийлик таъминидан бўлган бу хислатни жам-т ва кишилар фаолиятининг барча жабҳаларида кузатиш мумкин. Ш. ҳисси — Ш.га муҳтож киши ўрнига хаёлан ўзини қўйиб фикр юритиш орқали вужудга келадиган, ўзга инсон изтиробларини енгиллатишга қаратилган маън-й-ахлоқий ҳодиса. Фазаб инсондаги ҳайвоний хислат бўлса, Ш. инсонийлик белгиларидан биридир. Мас., бева-бечоралар, иқт-й ноқор оилалар аҳволдан бохабар бўлиб туриш, кичик ёшдагиларга иззат-ҳурмат, кексаларга мурувват кўрсатиш, гуноҳ ёки айб иш қилиб қўйган кишиларнинг айбидан ўтиш, маҳкум ва маҳбусларга раҳмдиллик, ёрдамга муҳтож кишиларга ҳиммат қўлини чўзиш — халқимизнинг қонқонига сингиб кетган мурувват ва Ш.пешалик фазилатлари ҳисобланади. Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ҳатто урушда мағлуб бўлган, асир бўлиб тушган душманларга, ғайридинларга ҳам мурувват, Ш. кўрсатишга даъват қилинади. Мўътабар динимизда тилга олинган бундай бағрикенглик (толерантлик) бугунги кунга келиб, дунёнинг турли халқлари турмуш тарзига, тафаккурига сингдирилмоқда. Унинг акси бўлган салбий хусиятлар қаторида — қаҳр-ғазаб, нафрат, жоҳиллик, адолатсизлик, бефарқлик, лоқайдлик каби қусур ва нуқсонларни

кўрсатиш мумкин. Ш. олдингизда жавобгар, жазога лойиқ одамни, унинг инсоний ҳуқуқи ва табиятини ҳисобга олиб кечиришдир. Ш. универсал табиятга эга бўлиб, у нафақат инсоннинг инсонга, балки ҳайвонга бўлган мун-тида ҳам намоён бўлади, зеро, ҳайвонга Ш. сизлик қилган одам инсонга ҳам Ш. қилмайди. Бугунги кунда «Ш.» т.си инсон ҳаётини олий қадрият деб эътироф этиш, унинг яшашга бўлган ҳуқуқини ҳимоя остига олиш н.назаридан долзарб аҳамият касб этмоқда. Диний ақидапарастлик, экстремистик гоялар ва мафкуравий курашлар Ш. сизликка асосланганини ҳисобга олсак, «Ш.» т.сининг аҳамияти янада ортиб бораётганини, унинг XXI а. жам-ти учун энг муҳим маън-й-ахлоқий ҳодисага айланганини кўриш мумкин.

Мустақиллик даврига келиб, озод ва эркин яшаб, демократик ҳуқуқий давлат бунёд этишга киришган халқимиз онгида бозор сиёсати ва ислохотлар жараёнида Ш., меҳр-мурувват, раҳмдиллик каби фазилатларнинг аҳамияти янада ортиб, маъно-мазмун кенгайиб, теранлашиб бормоқда. Эндиликда инсоннинг жам-тдаги манфаатларини ҳимоя қиладиган, хатти-ҳаракатларини шарафлайдиган бундай фазилатларнинг янги-янги қирралари кашф этилмоқда. Шу ўринда байрамларда, кундалик ҳаётда беморлар ҳолидан хабар олиш, бадавлат кишилар томонидан эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, меҳрибонлик уйларидаги болакайларнинг хатна тўйларини ўтказиш, тadbиркор ва фермерлар томонидан халқ манфаатини кўзлаб қилинаётган ободонлаштириш ишларини тилга олиб ўтиш мумкин. Шу маънода, янги демократик ҳаётга тамал тоши қўяётган халқимиз вакиллари орасида меҳр-мурувватли, Ш.ли инсонлар кўпаяётгани ҳам ҳаётимизнинг муҳим ютуқларидандир. Қолаверса, қонунчилик соҳасида давлатимиз томонидан жиноят қилиб, озодликка чиққан инсонларга, янги ҳаёт бошлаётган одамларга кўрсатилаётган ёрдам, уларга яратилаётган шарт-шароит жам-тимизда соғлом маън-й муҳит шаклланаётгани, меҳр-мурувват ва Ш. туйғулари тобора муҳим аҳамият касб

этиб бораётганидан далолатдир. Зеро, раҳм-Ш. чек-чегара билмагани каби, ундан келадиган ажру савоблар ҳам ҳаммаша бардавомдир.

ШАФҚАТСИЗЛИК — маън-й тамоийиллар бузилиши оқибатида рўй берадиган, инсонлар ёки жониворларга азоб бериш, уларни қийнаш ёки шуларни амалга оширишга интилишда намоён бўладиган руҳий ҳолатни англатувчи т. Ш. онгли ёки онсиз тарзда, олдиндан тўйлаб қилинган ёки қизиққонлик оқибати бўлиши мумкин. У хатти-ҳаракат (қийнаш), азоб бериш ёки ҳаракатсизлик шаклида намоён бўлади. Ҳаракатсиз Ш. инсоннинг азобланишини оғирлаштиради, у сўз воқитасида азоб ва изтироб етказиш тарзида амалга оширилади. Ш. кишиларга ҳам, ҳайвонларга нисбатан ҳам бўлиши мумкин. Ш. қонуний (болаларни камситиш ва қаттиқ жазолаш, оиладаги кучсизлар таъзирини бериш, ожизларга нисбатан зўравонлик) ва жинсий бўлиши мумкин. Бошқаларга нисбатан ҳам жисмоний, ҳам жинсий қийнаш б-н қўшиб амалга оширилган Ш. садизм тусини олади. Қуръони қаримда Ш.нинг барча кўринишлари қаттиқ қораланади. “Ўзларингизни ўзларингиз ўлдирмангиз..” (Нисо, 29). Аллоҳ таоло инсонларни ўз жонига қасд қилмасликка, ш-дек, ўзгаларнинг қонини ҳам ноҳақ тўкмасликка буюради. Ҳадиси шарифда “Ҳар ким ўзини-ўзи бирор нарса б-н ўлдирса, қиёмат куни дўзахда унга ўша нарса б-н азоб берилади” дейилади. Ш. руҳий хасталардагина эмас, руҳий соғлом кишиларда ҳам учрайди. Ш.нинг олдини олиш учун инсонлараро мун-тларни ривожлантириш, фарзандлар қалбида меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, оила аъзолари ва қўни-қўшнилар б-н самимий мун-т ўрнатиш, улар б-н шафқатсиз муомалада бўлмаслик, ёшликданок спиртли ичимликлар ичишга йўл қўймаслик, болаларнинг ғайриижт-й тўдаларга қўшилишига йўл бермаслик, жам-тни инсонпарварлаштириш лозим. Тажовузкорлик бошқа шахсни тўлиқ ёки қисман маҳв этишга йўналтирилади, душманлик мун-

тидан иборат бўлади, инсонга зарар етказиш ёки уни изтиробга солишга қаратилади. Ш.дан фарқли ўлароқ, тажовузкорликдаги зарар етказиш, қийноқ ва изтиробга солиш айни мақсад ҳисобланмайди. Кўпинча, тажовузкорлик қизиққонлик, ўз мавқеига ишончсизлик, ҳар нарсага шубҳа б-н қараш, четдан бўладиган хавфни ҳис этиш, безовталиқ кабиларни акс эттиради. Баъзан ижт-й ва педагогик эътиборсизлик ёки эгоистик хус-ятлар б-н боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Ҳоз. замонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари таъсирида Ш.нинг кўринишлари бўлган ғоявий тажовузнинг шакл ва йўналишлари ҳам ўзгариб бормоқда. Ҳарбий қурол кучи б-н ўз ғаразли мақсадига эришиш имкониятларидан маҳрум бўлган экстремист ва террорчи гуруҳлар тобора Ш. йўлига ўтмоқда, унинг замонавий хавфли усул ва воситаларидан фойдаланмоқда. Бундай тажовузга фақат умуминсоний ғоялар ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафкура б-н қарши тура олиш мумкинлиги тобора аён бўлиб қолмоқда. Ш.ни бартавраф этишнинг ягона йўли — ёш авлод онги ва қалбига юксак маън-й ва маър-й қадриятларни сингдиришдан иборат.

ШАХС — ижт-й-маън-й, ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган одамни англатувчи т. Бу т. барча ижт-й-гуманитар фанларда ўз предмети н. назаридан қўлланади, шу асосда хилма-хил талқин этилади. Ш. биофизиологик, ижт-й, маън-й, ахлоқий, эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда мун-тлар тизими б-н қамраб олинишидир. Ш.нинг шаклланиши қўйидаги омиллар б-н боғлиқ: 1) биологик (насл); 2) табиий муҳит; 3) мад-й муҳит; 4) ижт-й тажриба; 5) одамлар б-н мун-т. Ш.нинг биофизиологик жиҳати — овқатланиш, жойлашиш, жинсий алоқага киришиш, фарзанд туғилиши каби индивидуал фаолият б-н боғлиқ ҳодисалардир. Ш. мад-йлашган жонзот сифатида ижт-й-тарихий тажрибага эга бўлган муайян авлод вакили, инсонлараро мун-тлар

субъекти бўлиши ҳам мумкин. Бу уч омил ҳам ш. ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Ш. — жам-тдаги алоҳида бир киши, одам. Лекин ҳар бир одамга нисбатан “шахс” сўзини қўллаб бўлмайди. Ш. такрорланмас тарихий ҳодисадир. Ш. ни-маси б-ндир ажралиб турувчи, ўз маън-й қиёфасига эга одамдир. Бир миллатга мансуб ш.лар қиёфасидан миллат қиёфаси шаклланади. Лекин Ш.лар миллат тақдирида салбий ёки ижобий ўрин тутиши ҳам мумкин. Бу уларнинг мад-й даражаси, маъ-ятига боғлиқ. Ш.га нисбатан ижт-й мун-тлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги инсон, индивидни жам-т аъзоси сифатида тавсифловчи ижт-й қимматли хус-ятларнинг барқарор тизими каби тавсифлар ҳам мавжуд. Индивид ижт-й функцияларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини англашни ривожлантириш жараёнида Ш. бўлиб етишади. Ижт-й умумийликка қўшилиш (у б-н уйғунлашиш)га интилиш ва шу б-н бирга ижодий индивидуаллик намоён қилиш Ш.ни ижт-й мун-тлар маҳсули ва субъектига айлантиради. Ш.нинг шаклланиши индивидларнинг ижт-йлашуви жараёнида амалга ошади.

ШАХС МАДАНИЯТИ — муайян индивидга тааллуқли, унинг ақли ва қўли б-н яратилган моддий ва маън-й бойликлар мажмуаси, унинг ҳаёти давомида инсонийлик ва маън-й-ахлоқий талабларга риоя қилиши б-н боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни англатувчи т. Ш.м. у яратган бунёдкорлик ғоялари, миллий мад-т, маън-й-ахлоқий қадриятларга амал қилишида намоён бўлади. Ш.м. унинг маън-й тарбияланганлик даражасини белгилайдиган мезондир. Ш.м. белгилари қўйидаги маън-й-ахлоқий сифатлар, инсоний мун-тлар, фазилатларни ўзлаштиргани б-н ҳам ифодаланади: иймонли, виждонли, эътиқодли ва диёнатли, хушмуомала ва интизомли бўлиш, ўқиш ва ишга сабабсиз кечикмаслик, билим ва дунёқарашни бойитишга интилиш, ваъдага вафо қилиш, одамларга ёмонлик қилмаслик, яхшилик қилиш ва уни миннат қилмаслик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, кексалар, аёллар ва

болаларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, бошқаларга хайрихоҳ, илиқ мун-тда бўлиш, камтарлик, бошқаларга лақаб қўймаслик, одамларнинг камчилиги устидан кулмаслик, масҳара қилмаслик, ожизларни камситмаслик, атрофдаги одамларнинг меҳнат қилиши ва дам олишига халақит бермаслик, меҳмондўстлик, ўзининг ички ва ташқи дунёсига эътибор бериш, нутқ мадтига риоя қилиш, жамоатчилик мулкани асраб-авайлаш, жисмонан ва руҳан поклик ва ҳ.к. Ш.м. уни жамоа б-н бирлаштиради, кўп дўст орттиришига имконият туғдиради. Ш.м. мукаммал бўлиши учун маън-й-ахлоқий фазилатларни бойитиб бориш, ўзини ўзи тарбиялаш, назорат қилиш ва бошқара олиш, ўзига ўзи танқидий ёндаша билиш, дунёқарашни кенгайтириб, мад-й савиясини юксалтириб бориши керак. Абу Наср Форобий бу борада Афлотуннинг қарашларига тўхталиб, шундай ёзади: “Афлотун ахлоқий фазилатларни қандай ўзлаштириш мумкинлигини тушунтиради. Бундай яхши одатлар вақтинча ўзлашган бўлади, чунки жам-тлар ва барча одамларда одатлар узоқ муддат ўзлаштирилади. Адолатли, пок, жасур бўлишга одат қилиш, шу б-н бирга, ёмон қилиқлардан қутулиш учун ҳам маълум муддат ўтиши керак. Бу вақт давомида инсон ўзининг ёмон қилиқларидан воз кеча олади. Агар одамда туғма, кучли гурур туйғуси бўлмаса, у руҳини машқ ила тарбиялаши зарур, чунки ўзи севган инсоннинг кўп иллатларини сезмаслик инсоннинг туғма хислатидир. Шундай экан, шахвоний хоҳишларга эрк бермаслик учун, албатта, кучли гурур бўлиши керак. Инсонни ҳалокатга олиб борадиган нарсаларни руҳига раво кўрмаслик учун бундай ҳолларда ғазабдан ҳам ижобий фойдалана билиш ва руҳни доимо ўзидан кўнгли тўлмасликка ўргатиш керак. Тарбияли одамлар ўз руҳларини доимо қувониш, ортиқча кулиш, қаттиқ хафа бўлиш, ортиқча қайғуриш каби ҳолатларда мўътадиллик доирасидан чиқмасликка мажбур қила олишлари керак. Одамлар маън-й фазилатларга эришишни истаб, илтижо қилиб, уларни ўзлаштиришга эътибор беришлари керак, токи ахлоқ

қонуний, мақтовларга сазовор ва илоҳий бўлиб қолсин”.

ШАХС МАСЪУЛИЯТИ — жам-тнинг ахлоқий талабларини бажариши н.назаридан шахсни таърифловчи ахлоқ категорияси. Бу т. шахс ва ижт-й гуруҳларнинг ахлоқий камолотида ҳам, ижт-й мун-тларни такомиллаштиришда ҳам қатнашиш даражасини ифодалайди. Ахлоқий талабларни қўллаб билиш, уларга риоя этиш ёки этмаслик, инсон қай даражада айбдор эканини Ш.м. белгилаб беради. Шу маънода, Ш.м. ахлоқий мад-тнинг бурчга мутаносиблигини ифода этади. Бинобарин, Ш.м. инсонга қўйилаётган талабларни бажаришга қодирлиги; уларни қай даражада англаши; фаолият доирасининг кенглиги; талаб қилинаётган натижага эришиш ва ташқи омиллар таъсиридаги ҳаракатларнинг оқибати учун инсоннинг жавобгарлиги; бу оқибатларни олдиндан кўра билиши каби масалаларни қамраб олади. Ушбу масалаларнинг барчаси ахлоқ наз-ячилари томонидан ўзлари яшаган жам-тда инсоннинг ҳақиқатдаги аҳволини қай тарзда намоён эта олганларига кўра ҳал қилинган. Ш.м. ҳақида сўз кетганда, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро муш-тарақлиги, индивид ёки одамлар гуруҳи ижт-й мун-тлар тизимида қандай ўрин эгаллаши ҳам ҳисобга олиниши зарур. Индивидларнинг ижт-й ваколат ва имкониятлари қанчалик кенг бўлса, уларнинг масъулият даражаси шу қадар юқоридир. Ш.м. охир-оқибатда инсоннинг чинакам ахлоқий эркинлиги ҳақидаги масала бўлиб, шахснинг барча хус-ятлари уйғунликда ривожланган ҳолдагина тўлиқ амалга ошади. Мутафаккир олим Абдурауф Фитрат масъулиятни шахснинг “маън-й хатти-ҳаракатлари мажмуи” сифатида талқин этади. Натижада Ш.м. маън-й фаолият асоси сифатида унда вужуд поклиги, мустақкам ирода, мақбул феъл-атворнинг юксалишига хизмат қилади. Бундай уйғунлик шахснинг ижт-й-ахлоқий муҳитда юксак мад-тли, маъятли ва ҳақ-ҳуқуқини танийдиган киши

сифатида намоён этади. Ш.м. бугунги кун воқелигида ҳаётимизда мам-тимизнинг ижт-й-сиёсий, маън-й ҳаётига дахлдор бўлган ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси бўлишини туйиб яшаш б-н белгиланади. Бу ҳол шахсининг истиқлол, она-Ватан учун қайғуриши, унинг куч-қудратини мустақкамлаш, ўқишда, меҳнат фаолиятида олдинги сафда бўлиш. “Мен мустақилликка нима бердим, шу азиз Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун қандай ҳисса қўшдим?” деган саволларга жавоб беришни тақозо этади. Ш.м. миллий ғоя ва маъ-ятнинг асосий т. ҳамда тамойиллари б-н ҳамоҳанг тарзда баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини амалга ошириш имконини беради, чунки масъулиятни ҳис этган, уни виждон амри, чинакам этиқодига айлантирган шахсина Ватанга, оилага, ота-онага содиқ фарзанд бўла олади. Шундай қилиб, Ш.м. ҳар бир ватандошимиз зиммасига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жам-т қуришда фаол иштирок этиш, маън-й даражасини муттасил юксалтириб бориш масъулиятини юклайди.

ШАХС МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИ — ўзликни англаш, Ватан, юрт, жам-т ҳаётига дахлдорлик, ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, фуқаролик бурчига садоқат кабиларнинг инсон фаолияти орқали намоён бўлишини ифодалайди. Инсон шахс бўлиб тугилмайди. У ижт-й мун-тлар жараёнида шахс сифатида шаклланади. баркамоллик даражасига кўтарилади. Ш.м.б.м.дан бири — ўзини ўзи англаш ҳисобланади. Чунки ўзлигини англамаган инсон баркамол шахс даражасига кўтарила олмайди. У ўзини англагандагина ўзгаларни англаши ва ижт-й мун-тларда «мен»ини намоён этиши мумкин. Демак, ўзликни англаш шахс маън-й баркамоллигининг асосий мезонидир. Миллий ўзлигини англамаган шахс маън-й жиҳатдан қашшоқдир. Зеро, миллий ўзликни англаш унга маън-й куч-қудрат бағишлайди. Шу маънода, мазкур омил шахс маън-й такомилнинг муҳим мезо-

ни ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш омилининг аҳамияти куйидаги ҳолларда яққол намоён бўлади: биринчидан, миллий ўзликни англаш ривожланган бўлса, миллат манфаатлари, шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ғурури поймол этилишига қаратилган ҳаракатлар юзага келган вазиятларда, унинг барча вакиллари ўзаро жипслашади; иккинчидан, миллий ўзликни англаш руҳий ҳис-ҳаяжон, эҳтирос омилдир. Мазкур ҳолат ташқаридан қараганда сезилмайди. Уни миллатнинг хатти-ҳаракатлари, интилишлари ва мақсадларини амалга ошириш жараёнида намоён бўладиган салоҳияти орқали билиш мумкин. Руҳий ҳис-ҳаяжон ва эҳтиросларнинг “портлаши” миллатнинг характери, хус-ятлари, миллий ғояни яратувчи, унинг тар-ётида олдинги сафда турувчи зиёлиларнинг салоҳиятига боғлиқ; учинчидан, миллий ўзликни англаш омили фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш б-н чекланмайди, балки миллий тар-ёт жараёнида юзага келадиган ички муаммоларни ҳал қилиш ҳамда миллатни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи вазифани ҳам бажаради. Бу муаммолар мам-тда иқт-й, ижт-й-сиёсий, мад-й-маър-й соҳаларда содир бўлиши мумкин; тўртинчидан, миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси сифатида, фақат унинг манфаатларини ифодалаш ёки ҳимоя қилиш б-н чекланмайди, балки унинг абадийлигини таъминлаб турувчи мустақкам кўрғон ҳамдир. Ш.м.б.м.дан яна бири — ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий мад-тга эга бўлиш ҳисобланади. Ҳуқуқий мад-т бу — қонунларни тушуниш, билиш, ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш, ҳар бир шахс, фуқаронинг ижт-й ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқарадиган мезондир. Ҳуқуқий мад-т эгаси бўлган киши жам-т талаблари ва қоидаларига ҳурмат б-н қарайди, жам-тни бошқаришда ҳуқуқий малака ва билимларига таянган ҳолда фаол иштирок этади. Ш.у. ҳуқуқий саводхонликка эга бўлган шахсни тарбиялаш ғоят муҳим ижт-й вазифа ҳисобланади. «**Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қудратига таяниб яшайдиган, атрофи-**

да рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш даркор» (И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 йил, 12-б.). Шахс маъ-ятининг мезонларидан яна бири қонунларга итоаткорлик ҳисобланади. Маълумки, қонунлар халқнинг бевосита ёки билвосита иштироки асосида қабул қилинади. Уларнинг қабул қилинишида мам-т фуқароларининг аксарияти, учдан икки қисмининг розилиги асос бўлади. Бу ҳол қабул қилинадиган қонунларнинг легитимлигини таъминлайди. Ш.у. ҳам қонунларга итоат қилиш, қонун асосида яшаш ва меҳнат қилиш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи ҳисобланади. Аммо ҳаётда маън-й жиҳатдан қашшоқ инсонлар билиб-билмасдан, гоҳида эса атайлаб қонунларни бузиши, улардан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай салбий ҳолатларнинг оммавий тус олиши мам-т тар-ётига таҳдид солиши, жам-тнинг ичдан емирилишига сабаб бўлиши мумкин. Қонунларга итоат қилиб яшаётган кишилар қанча кўп бўлса, мам-т ижт-й-сиёсий барқарорлиги шу қадар мустаҳкам бўлади ва унинг тар-ёти жадаллашади. Улар шахс ҳуқуқий мад-тининг қай даражада ривожланганига боғлиқ. Ҳуқуқий мад-ти ва саводхонлик даражаси юксак бўлган кишилар мам-т фуқароларининг кўпчилик қисмини ташкил этиши, жам-тнинг ижт-й-иқт-й, сиёсий, маън-й-маър-й тар-ётини ҳал қилувчи омиллардандир.

ШАХС МАЪНАВИЯТИ — ҳар бир кишининг ўзини инсоният фарзанди, муайян миллат вакили, давлат фуқароси деб билгани ҳолда ўз Ватани тупроғи, суви, ҳавоси — жамики бойликларини кўз қорачигидай асраш, унинг ободлиги, равнақи, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, иззатини жойига қўйиш йўлида чин виждон, ий-

мон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довжурлик, беғаразлик, ҳурмат, катта фидойилик ва ақлий теранлик б-н фаолият олиб боришга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуини англаувчи т. Ш.м. жам-тда ижт-й ҳаётда шахсининг бахтли яшаши учун тўғри фикрлаш, сўз ва амалнинг бирлиги, рост сўзлаш, ҳалол меҳнат қилиш, хуш ахлоққа эга бўлишдан иборатдир. Ш.м. даражаси унинг кишилиқ жам-тининг юксак ахлоқий қадриятларига қай даражада риоя қилиб яшаши б-н белгиланади. Ахлоқ инсон маъ-ятининг муҳим мезонларидан бири бўлгани боис Ш.м. деганда, авваламбор, унинг ахлоқан баркамоллиги, ўз фаолиятида маън-й қадриятларга, чунончи, адолат, гўзаллик ва эзгулик ғояларига таяниб иш кўриши назарда тутилади. У инсонни бунёдкорлик фаолиятига, эзгу амалларга етаклайдиган, жам-т ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маър-й, мад-й, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўлиқ мужассам этадиган куч сифатида намоён бўлади. Ш.м. деганда халқимиз узоқ тарихи давомида турли синовлардан ўтиб сайқал топиб келаётган ва фақат ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган маън-й-ахлоқий қадриятлар тушунилади. Ш.м. халқимизнинг турмуш тарзи, урф-о-лари ҳамда анъаналарига, унинг бой оғзаки ва ёзма ижоди, мумтоз адабиёти ва санъатига сингиб кетган бўлиб, инсон маън-й такомиллида беқиёс аҳамият касб этади. “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Ўзингга раво кўрмаганни бошқага ҳам раво кўрма”, “Ёмон ўз ғамида, яхши — эл ғамида” сингари ҳикматларда ҳам аждоқларимиз ардоқлаб келган юксак маън-й фазилатлар ифодаланган.

ШАХС ЭРКИНЛИГИ — юксак маъ-ят тамойилларига мос ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг озод шахс сифатида меҳнат қилиши, билим олиши, ўзи истаган касб-ҳунар, диний эътиқод ва б.ни ихтиёрий танлашини ифода этувчи т. Қадимдан эркинлик, озодлик, тенгликни барча инсонларнинг ижт-й мавқеи,

дини, ирқи, жинси, миллатидан қатъи назар, қонунлар олдида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши одамзоднинг асосий мақсади бўлиб келган. Ш.э.нинг таркибий қисмлари шахснинг дахлсизлиги, қадр-қиммати, диний эътиқод, виждон, сўз, ижод эркинлиги, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи ва б.дан иборат. Шахснинг дахлсизлиги қоидалари қад. ва ўрта а.ларда чеклаб келинган. Инсоният тарихида Ш.э.ни рўёбга чиқаришда АҚШда XVIII а. охирида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Билл” ва буюк француз инқилоби даврида қабул қилинган “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси” муҳим ўрин тутди. Бу борада БМТ 1948 йилда қабул қилган ва унинг Низомига киритилган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси” катта аҳамият касб этади. Ҳоз. даврдаги илғор, демократик жам-тларнинг қонунларида, хус-н, ЎЗР Конституциясида ҳам Ш.э. кафолатланган. Ш.э.га дахл қилиб, моддий ва маън-й зарар етказган, жабрзулм қилган шахслар қонуний жазога тортилади. Собиқ шўролар даврида сўз, диний эътиқод эркинлиги, шахснинг миллий туйғулари таъқиб қилинар, миллатпарвар одамлар «миллатчи» деб жазога тортилар эди. Наз-й-фал-й жиҳатдан Ш.э ҳар бир даврда нисбий маънода амал қилади. Таназзулга учраётган жам-тларда турли зўравонлик, ноҳақликлар оқибатида Ш.э. бузилиши, инсонларнинг қадр-қиммати йўқолиб боришига сабаб бўлади. Исло таълимоти бўйича, инсон ўз ҳаётида яхшилик ёки ёмонлик, савоб ёки гуноҳ ишларга қўл уриши унинг ўз ихтиёрида, Худои таоло бандаларга ёмонлик қил, деб буюрмагани учун улар гуноҳларни ўз ихтиёрига кўра қилдилар ва бунинг учун масъулиятлидилар. Бошқа тарафдан Ш.э. Ватан, халқ, жам-т олдидаги инсоний бурч ва масъулиятни инкор қилмаслиги керак. Бурч ва масъулият Ш.э.ни оқилона бошқариб туради. Бурчини, масъулиятини яхши билган одамларнинг эл-юрт олдида обрўйи, қадр-қиммати ҳам ошиб боради. Бундай кишиларни халқ эъзозлайди. Ш.э.ни юзаки, биреқлама тушунган

одамлар барча ишларда фақат ўз манфаатини ўйлаб, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топташга уринади. Давлат, қонун томонидан инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши фуқароларнинг илм олиш, меҳнат қилиш, жам-т ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида эркин сўзлаш, ижобий ёки танқидий фикрни айтиш, ҳалол меҳнат б-н топилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқларидан фойдаланишга имкон беради. Мустақил Ўз-н Конституциясида Ш.э.ни юзага чиқарувчи барча ҳуқуқлар кафолатланган. Бугун Ўз-нда Ш.э., инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижт-й муҳофаза ва б. имкониятлар қонун б-н ҳимоя қилинган. Бугунги мураккаб ва зиддиятли даврда, мам-тимиз сарҳадларига яқин жойларда уруш оқибатида беғуноҳ одамлар кўрбон бўлиб, сарсон-саргардон кишилар қўпайиб бораётган бир шароитда Ўз-нда инсон учун энг олий неъмат — яшаш ҳуқуқи ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқи тўлиқ таъмин этилган.

ШАХСГА СИҒИНИШ — маън-й бузилиш оқибатида шаклланадиган ва муайян шахс ролини илоҳийлаштириш, унга сигиниш, хизматларини ҳаддан ташқари улуглашни ифодалайдиган т. Бунда гўё тарихий жараён объектив қонунларга мувофиқ эмас, балки муайян шахснинг хоҳиш-иродаси б-н белгиланади. Қад. замонларда императорлар, дин пешволари — папа, қоҳинлар ва ҳ.к.нинг ҳокимиятлари илоҳийлаштирилган: фиръавнларни — Мисрда, хонларни — Хитойда, қиролларни — Европада, шоҳ, амирларни — Осиёда ва б. Ш-дек, Гегель буюк шахслар “илоҳий руҳ” соҳиби, қироли, Шеллинг, Карлейль — “даҳо ибодати”, Б. Бауэр — “танқидий шахслар” наз-яларининг ижодкорлари эдилар. Маркс, Энгельс, Ленин таълимоти издошларида, айниқса, Сталин фаолиятида Ш.с. авжига чиқди. Бу эса жаҳон миқёсида салбий оқибатларга олиб келди. Ҳоз. шароитда Ш.с. — шахс мавқеини меҳнаткашлар оммасига тарихнинг

яратувчиси деб таъкидлашга уринишлар сифатида намоён бўлмоқда. Ш.с. замонавий қарашларга тамонила зиддир. Мас., замонавий тарих методологияси шахс роли ва ўрнини тарихий жараён б-н чамбарчас боғлиқ деб тан олиб, у шахсий намуна ва халқнинг ижодий фаолияти орқали намоён бўлади, дея таъкидлайди.

ШАХСИЙ ЕТУКЛИК — инсоннинг ижт-й ва маън-й-ахлоқий баркамоллигини англатувчи т. Ҳар бир кишининг ўз ўрнини билиши, одоб-ахлоқ талабларига риоя қилиши, ўзгалар ҳурматини жойига қўйиб, ўз шаъни, қадр-қиммати ва орномусини сақлаши, муомала ва билим-қўникмаларини юксак даражада эгаллаб олгани Ш.е. белгиларидир. Ш.е. муаммоларни самарали ечиш ва жам-т мад-й ҳамда моддий қадриятларини яратишга имкон беради. Ш.е. инсон ўзини қуршаб олган оламни тасаввур ёки адашишлардан холи тарзда тўғри тушуниши, ўз хатти-ҳаракати учун масъулиятни зиммасига олишга тайёрлигини олдиндан кўра билишга лаёқатлилики назарда тутати. Ш.е. инсон ўз олдига қўйган мақсадига қандай эришиш кераклигини билади; ўзининг ким экани, жам-тда ўз ўрнини билган ҳолда, кучли ва заиф томонлари ҳақида ўзига ҳисоб бера олади. Бундай инсон ўзини ҳурмат қилиш асосида бошқа кишиларни ҳам ҳурмат қилади, уларнинг манфаатларини ҳисобга олиб ҳаракат қилади. Ш.е. кишининг маън-й қадриятлари доирасида индивидуал эҳтиёжларидан ташқари ижт-й масъулият ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ш.е.га психологияда тарбияланганлик ҳолати сифатида қаралади, ҳар бир катта ёшдаги киши унга эришиши лозим, деб ҳисобланади. Ш.е. жисмоний, ахлоқий, маън-й жиҳатдан комил бўлишини назарда тутати. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида “оммавий мад-т” шарқона урф-о., қадриятларимизга салбий таъсир кўрсатаётган бир даврда шахснинг ўзлигини англаши, турли тазйиқлар, истеъмолчилик кайфиятларига берилмаслик, маън-й-мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш Ш.е. даражаси б-н белгила-

нади. Ш.е.нинг такомиллашувига таъсир кўрсатувчи омиллар тил, тарихий хотира, авлодлар мероси ва қадриятларнинг ворисийлигидир. Ш-дек, шахснинг қизиқиши, қатъий ишонч ва эҳтиқод уйғунлиги, ОАВ ҳамда ижт-й-сиёсий, мад-й жараёнлардаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ш.е. шахснинг ўзида юксак маън-й-ахлоқий қадриятларни, чуқур билим ва авлодлар тажрибасини мужассам этишига хизмат қилади. Мам-тимизда катта куч ҳисобланган (умумий аҳолининг 64%) ёшларимиз Ш.е. субъекти саналади. Зеро, бугунги баркамол ёшлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани туфайли улар муқаддас ва азиз Ватанимизни фан ва санъат, спорт соҳасида дунёга танитмоқда. Ш.е. ёшларимиз нафақат мам-тимизнинг бугунги фахри, ифтихори, балки ёрқин келажакги, порлоқ Ватанимизнинг авлодларидир. Ф.Ғулومнинг «Аъло Ватаннинг аъло фарзанди, билиб қўйки сени Ватан кутади» сатрларида айнан Ш.е.га интилган ёшларимизнинг маън-й ва мад-й қиёфаси намоён бўлади.

ШАХСИЙ НАМУНА — шахс маъятининг намоён бўлиш шакли ва даражаларидан бири; тақлид қилиш учун намуна вазифасини ўтовчи инсон, ижт-й гуруҳ, жамоанинг ижобий ёки салбий ҳаракати, бир киши ёки гуруҳнинг хатти-ҳаракати бошқалар учун намуна бўлувчи тарбия усулларидан бирини англатувчи т. Ш.н. ижт-й интизом, ўзаро тарбия, анъаналарни асраб-авайлаш ва хулқ-атворни такомиллаштириш воситаларидан бири. Намуна кучи катта аҳамиятга эга. Унинг таъсирчанлиги ижт-й шарт-шароитлар ва имкониятларга боғлиқ. Ш.н.га бўлган эҳтиёж бир ижт-й-иқт-й тузумдан иккинчисига ўтиш, кескин бурилиш даврларида сезиларли даражада ошади. Ш.н. тарбия воситаси сифатида оила, ўқувчи ёшлар, тарбияси оғир кишилар ва б. ижт-й гуруҳлар доирасида қўлланади, гўдаклик ва болалик ёшида эса таълим-тарбиянинг асосий усули ҳисоблана-

ди. Ш.н., асосан, оилада — ота-она тарбияси, шахсий ибрати орқали амалга ошади. Қариялар панд-насиҳати, ота ибрати, онанинг ширин сўзи фарзанд тарбиясида, унинг комил шахс сифатида шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Ш.н. воситали ва воситасиз усулларга эга. Ш.н.нинг воситали усулида тарбиявий жараён, таъсир оилада ота-она ва қариялар, мактабда ўқитувчи ва устоз, жамоада раҳбар, маҳалла, кўча-куйда обрўли кишилар ёрдамида амалга оширилади. Воситасиз Ш.н. шахснинг мустақил ўқиб, ўрганиши, ўз-ўзини тарбиялаб, такомиллаштириши (ОАВ, китоб, санъат асарлари), яъни синергетик тарзда намоён бўлади. А. Рудакий айтганидек: «Агар ҳар ким ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим». Ш.н. инсон маън-й-ахлоқий қиёфасининг олий кўриниши ҳисобланади. Инсоннинг чеҳраси, сўзи, хулқ-атвори, муомала мад-ти ташқи томондан кўрса ҳавас қилгудай даражада бўлади. Ш.н. баркамоллик ва етуклик уйғунлигидир. Унда шахснинг нафақат зукколиги ёки маърифатлилиги, айни пайтда ён-атрофдагиларнинг ҳол-аҳволини тушунган ҳолда ижобий томонга ўзгартириш фаолиятини ҳам назарда тутати. Ш.н. юксак бурч ва масъулият, маъ-ят уйғунлигини ифодаловчи фаолият йиғиндиси б-н белгиланади. Ш.н. ўқиш ва ишда, оилавий ҳаёт ва меҳнат жамоалари фаолиятида кузатилади. Мам-тимизда амалга ошириладиган ижт-й, иқт-й, маън-й ислохотлар, ўзгаришлар, стратегик мақсад ва вазифаларни амалга оширишда Ш.н.нинг ўрни катта. Ш.н. бу — ижт-й фаол шахс тимсолида намоён бўлиб, бундай кишилар обод, эркин ва фаровон жам-т барпо этиш жараёнида асосий куч сифатида майдонга чиқади.

ШАХСНИНГ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИ — индивид томонидан ахлоқий онг орқали жам-т мад-тини идрок этиш даражаси; ахлоқ талаблари инсон хатти-ҳаракатлари жам-тнинг шакллантирувчи таъсири остида қай даражада чуқур ва уйғун эканлиги кўрсаткичидир. Ш.а.м. турли омиллар таъсирида: ҳаётий тажриба ва тарбия; билим ва санъат воситасида

шахс жам-тнинг ахлоқий мад-ти ютуқларини турли даражада ўз онги ва хатти-ҳаракатларида жамлайди. Ш.а.м. мураккаб ҳодиса бўлиб, унга кўра инсон кундалик фаолиятда ахлоқ талаблари асосида иш юритади, онгнинг ижодий элементлари — ахлоқий ақл, интуиция ёрдамида кескин вазиятларда оқилона ахлоқий қарорлар қабул қилиш тажрибасини қамраб олади. Ш.а.м.ни шакллантиришдан мақсад — анъанавий ва ижодий элементларнинг уйғунлигига эришиш, шахс тажрибасини жамоа ахлоқий мероси б-н бирлаштиришидир. Ш.а.м. унсурларининг яхлит тизими мавжуд бўлиб, бу ахлоқий фикрлаш мад-ти (ахлоқий мулоҳаза юритиш қобилияти, этик билимлардан фойдалана олиш, яхшилик ва ёмонликни ажратиш, юзага келган вазиятнинг ўзига хос хус-ятларига ахлоқий меъёрларни қўллай билиш ва ҳ.к.)ни қамраб олади. Ш.а.м. туйғулар мад-ти, инсоннинг “ахлоқий резонансга” қобиллиги, ҳамдардлиги ва жонкуярлигини; ахлоқий тажрибада ҳис-туйғу ва ўйларнинг амалга оширилиш шаклини, уларнинг кундалик ҳаётда хатти-ҳаракат меъёрига айланиб бориш даражасини характерловчи хулқ-атвор мад-ти; шаклларни белгилаб берадиган қоидаларга амал қилиш одобини, мулоқотда шахснинг ўзини тута билишини ўз ичига олади. Ш.а.м. — умумий ахлоқий тамоийларни билиш, уларни чуқур ҳис этилган қарашларга айлантириш, хатти-ҳаракатларнинг энг оқилона шаклини қўллай билишидир. Унинг ҳар бир элементини ўзлаштириш Ш.а.м.ни шакллантириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради. Ш.а.м. олий даражасини “ахлоқий донолик” сифатида ахлоқий фаолиятининг оптималлиги ва уйғунлигини таъминлаб бера олиш, ҳар қандай вазиятда ҳам муносиб хатти-ҳаракат қила олиш деб таърифлаш мумкин. Ш.а.м. масаласи Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари, мас., Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, ал-Форобий, Ибн Сино, А.Навой, Ж.Румий, Бобур, Н.Хисрав, Фитрат, А.Авлоний, Беҳбудий, Суқрот, Афлотун, Арасту, Гоббс, Дидро, Ламетри, Рассел, Гегель, М.Кант, Фейербах, В.Соловьёв, Н.Бердяевларнинг илмий-фал-й

қарашларида кенг ёритиб берилган. Ш.а.м. жуда кенг қиррали т. бўлиб, шахснинг моддий ва маън-й ҳаётдаги эзгу интилишлари, ташқи кўриниши, хулқ-атвори, туриш-турмуши, ўзини тута билиши, кийиниши, овқатланиш мад-ти, умуман, бошқалар учун ибратли фазилатларини ифода этади. Қуръони каримда Аллоҳ хуш-хулқларни севади, бир-бирларингиз б-н гўзал муомалада бўлинг, дея даъват этилади. Ш.а.м. мураккаб серқирра жараён ва ҳодиса ҳисобланиб, давлат ва жам-т тарёти, цивилизация жараёнлари б-н боғлиқ ҳолда кечади, миллий ва умумбашарий қадриятларда намоён бўлади. Чунки шахс турфа кўринишларга эга бўлиб, у ўзида шарқона ва ғарбона ахлоқий мад-тни мужассам этади. Глобаллашув жараёнида дунё миқёсида ахборот оқимининг кучайиши ва қадриятларнинг оммалашуви, айниқса, Ғарб оламида кўзга ташланаётган маън-й инқироз ғарбона турмуш тарзи ва қадриятларни, “оммавий мад-т” намуналарини тарғиб этиш орқали ахлоқий мад-й ва маън-й қадриятларимизга, ёшларимизнинг онг-шуурига таъсир кўрсатмоқда. Шу боис фарзандларимизни миллий урф-о., анъаналаримиз, бой шарқона меросимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юксак маъ-ят туйғуларини шакллантириш орқали ҳар томонлама баркамол авлодни, шахсни вояга етказиш лозим.

ШАҲАР — аҳолиси нисбатан зич, асо-сан, саноат, савдо, ш-дек, хизмат кўрса-тиш, бошқарув, фан ва мад-т соҳаларида банд бўлган йирик маъмурий, мад-й манзилгоҳ, бевосита қишлоқ хўжалиги б-н банд бўлмаган аҳоли яшаш жойи. «Ш.» т.сида социология фани н.назаридан жам-т мавжудлигининг тарихий-муайян, ижт-й маконий шакли, аҳолининг яшаш шароитидан тортиб меҳнат ўринларига қадар инсонлар учун яратилган шарт-шароитлар тушунилади. Ш. ўз атрофидаги туманлар учун маъмурий ва мад-й марказгина эмас, балки уларнинг жойлашиши ва ўсишига катта таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир. Ш.лар ибтидоий жамоа давридан синфий жам-тга ўтишда, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ деҳқончиликдан

ажралиб чиқиш даврида пайдо бўлган. Ҳунарманд ва савдогарлар муқим истиқомат қила бошлаган жойлар гавжумлашиб, Ш.ларга айлана борган. Аҳоли пунктларига Ш. мақоми берилиши учун аҳоли сони, бажарадиган функцияси: саноат ишлаб чиқариш, ташкилий-хўжалик, мад-й-сиёсий, маъмурий ва ҳ.к. бош мезон ҳисобланади. Аҳоли манзилгоҳларини Ш. тоифасига ўтказиш маълум қонуний тартибда амалга оширилади ва чегараси белгиланади. Ш. мақомини беришда кўпгина мам-тлар ўз иқт-й, ижт-й-мад-й ва жуғрофий жойлашувига қараб ўз мезонларини ишлаб чиққан. Ўз-нда Ш. мақоми берилиши учун, маълум манзил аҳолисининг сони 7 мингдан юқори бўлиши талаб этилади. Аҳоли сонига кўра, Ш.лар кичик (50минггача), ўрта (50–100 минг) ва катта (100 мингдан ортиқ) бўлади. Ўз-нда 120 Ш., 113 та Ш.ча бор. Шундан 17 таси катта Ш.лар (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Нукус, Қарши, Урганч, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Навоий, Марғилон, Термиз, Жиззах), 16 таси ўрта ва қолганлари кичик Ш.лар. Ш.лар бажарадиган вазифаларига кўра, пойтахт, саноат, транспорт, туризм, дин, фан ва мад-т ҳамда илм. тад. марказларига бўлинади. Ш-дек, республикага бўйсунувчи, мухтор республика, вилоят, туманларга бўйсунувчи Ш.ларга ажратилади. Ш.лар инсонларнинг мад-й ва маън-й ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

ШАҲАРСОЗЛИК — меъморчиликнинг йирик соҳаси; шаҳар бунёд этиш наз-яси ва амалиёти — аҳоли яшайдиган ҳудудлар (турар жойлар)ни лойиҳа асосида режалаштириш. Ш. ижт-й-иқт-й, санитария-гигиена, қурилиш-техника, бадий-меъморий масалалар мажмуини қамраб олади. Ш. мажмуи меъморчилик ва қурилиш бунёдкорлиги, жам-тнинг ижт-й тизими ва ишлаб чиқариш кучларининг тар-ёт даражаси, мад-ти, табиий иқлим шароитлари ва миллий ўзига хослиги б-н белгиланади. Ш., ўз навбатида, қишлоқ аҳолиси тураржойларини режалаш, ландшафт меъморчилиги, боғ бар-

по этиш, туманларни режалаш, саноат корхоналари, дам олиш минтақаларини оқилона жойлаштириш, экология масалалари каби бир неча тармоқларга бўлинган. Ш.да турар-жойларнинг нафақат меъморий-бадий қиёфаси, эстетик жиҳатларига, балки ободонлаштириш — йўллар, айниқса, автомобиль йўлларига, инфра-тузилма (оқава сув — канализация, газ, электр ва б. муҳандислик таъминотлари)га катта эътибор берилди. Ш.да янги шаҳар, шаҳарча, қишлоқларни қуриш, қад. шаҳарларни муҳофаза қилиш (реконструкция қилиш), меъморий мажмуалар (кўпроқ турар-жой мавзелари)ни бунёд этиш бош режа асосида амалга оширилди. Ш. қадимий тарихга эга. Мил. ав. 3–2-минг йилликларда кент манзилларини қуришда мунтазам режалаштиришдан фойдаланилган (қад. Хитой, Миср, Эрон ва б.). Юнонистонда шаҳарлар сиёсий ва диний марказларни ажратган ҳолда режалаштирилган бўлса (Акрополь ва б.), Қад. Римда шаҳарларни тўғри бурчакли даҳаларга бўлиш услуби қўлланган (Помпей, Остия ва б.). Ўрта а.лар Европасига шаҳарларни стихияли, қалъа деворлари атрофида чизикли ва айлана-ҳалқали режалаштириш хос бўлган (Германияда Нёрдтиген, Польшада Краков, Чехияда Прага ва б.). Россияда шаҳарлар тепаликларда, дарёлар қуйиладиган жойларда бунёд этилган (Киев, Чернигов, Новгород, Псков ва б.), ҳамма кўча (йўл)лар шаҳар дарвозасига ёки шаҳар савдо майдонларига олиб борган. Айлана-ҳалқали режалаш — Ш.нинг мумтоз намунаси ўрта а.лардаги Москва шаҳридир.

Ўз-н ҳудудида дастлабки шаҳарлар (Сополлитепа, Жарқўтон, Узунқир) мил. ав. II минг йилликнинг биринчи ярмида жанубий ҳудудларда пайдо бўлган. Ёзма манбаларда эса шаҳар ҳақидаги маълумотлар дастлаб «Авесто»да учрайди. Баъзи шаҳарларнинг (Қарши — Ерқўрғон; Ҳазорасп — Хумбустепа кабилар) шаклланишини тадқиқотчилар мил.ав. X–VIII а.лар б-н боғлайдилар. Фарғонадаги энг қад. шаҳарлар (Ашқолтепа, Далварзинтепа кабилар) илк темир даврига оид Чуст мад-тига мансубдир. Аҳамонийлар даврида

шаҳар қуриш жадаллашган (Хоразмдаги Қалъалиқир, Кўзалиқир ва б.). Ўрта а.ларда шаҳарлар тузилиши мураккаб бўлган, уларнинг таркибига арк, бир ёки бир неча шаҳристон, работ (шаҳристон атрофлари) кирган. Уларнинг ҳар бири алоҳида қалъа девори б-н ўралган. Афросиёб (Самарқанд), Бухоро, Бинкат (Тошкент) Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бўлган. Бундай шаҳарларни ва улар атрофидаги кичик шаҳар ҳамда қишлоқларни узун деворлар муҳофаза қилган (Бухоро, Тошкент теварагидаги “Канпир девор”лар, Самарқанд теварагидаги “Девори қиёмат” ва б.). Темурийлар даврида вайронагарчиликларни бартараф этиш, мам-т ободончилигини таъминлашда катта Ш. ишлари олиб борилган. Амир Темурнинг Самарқанд ва унинг атрофи, Шаҳрисабз, Банокат (Шоҳрухия), Шоҳрухнинг Машҳад, Марв ва Ҳирот шаҳарларида амалга оширган ишлари, Улуғбек томонидан Самарқанд Регистонида барпо этилган иморатлар бунинг ёрқин намунасидир. Шайбонийлар даврида ҳам бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, айниқса, пойтахт Бухорога катта эътибор берилган. Ривоятларга кўра, Абдуллахон II мингта работ қурдирган. Кўп мажмуаларнинг шаклланиши айнан шу даврга тўғри келади (Бухородаги Лабиҳовуз ансамбли, Пойи калон, Кўш мадраса, Чор Бакр меъморий мажмуаси, Қаршидаги Регистон майдони ва б.). XIX а.да Кўқон хонлари томонидан Сирдарё бўйлаб бир нечта шаҳар-қалъалар қурилиб, кучли мудофаа тизими яратилди, Пишпак (Қирғизистон), Шаҳрихон шаҳарлари пайдо бўлди. Кейинги даврларда, жумладан, XX а.да ҳам Ш. ишлари жадал олиб борилди. Мустақиллик йилларида Ўз-нда Ш. кенг миқёсда ривож топиб, замонавий меъморчилик ечимлари асосида шаҳарларнинг қиёфаси кундан кунга чирой очиб бормоқда. Шу жиҳатлардан олиб қараганда, Ш. инсон мад-ти ва маъ-ятини ривожлантирувчи омиллардан бири бўлиб қолади.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ МАЙДОНИ — Ўз-н мустақилликка эришгач, XX

а. бошларида юртимизда рўй берган қатағонлар натижасида қурбон бўлган халқимиз фарзандларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган меъморий мажмуа. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига мувофиқ мустахлақчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ташкил этилди ва “Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси” тuzилди. Ўз-н Р-си Президентининг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги 2001 йил 1 май фармони ҳам мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг хотирасини тиклашга қаратилган бўлиб, Ўз-н Р-си Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 ноябрдаги Қарорига мувофиқ, ЎзР ФА “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи мустақил ил.-тад. муассаси сифатида ташкил этилди. Эркесвар аждодларимиз қатл қилинган Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйидаги масканда 2000 йилда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси қад ростлади. 2002 йилдан бошлаб Президент И.А.Каримовнинг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақида”ги Фармонига кўра, халқимиз ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида эрк учун шаҳид бўлган аждодларимиз хотирасига ўз ҳурматини изҳор этиб келмоқда. Мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, қадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг ҳурмати ва хотирасини эъзозлаш, ёш авлоднинг она-Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини кучайтириш борасида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг муҳим аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, Ўз-н Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 5 майдаги Қарорига биноан “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолияти янада такомиллаштирилди. Ўз-н мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ тарихий адолатни тиклаш, Ватан озодлиги ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодлар хотирасини ёд этиш ишига катта эътибор берилди. Республикамизда Файзулла Хўжа-

ев, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода сингари давлат ва мад-т арбобларининг юбилейлари ўтказилиб, университет, мактаб, кўчаларга уларнинг номлари берилди. Абдулла Қодирий ва Чўлпон вафотларидан кейин «Мустақиллик» ордени б-н тақдирландилар. Қатағонга учраган адабиёт ва санъатимизнинг етук намояндлари эса «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотландилар. Ўтган а.нинг 80-йиллари бошларида шўроларнинг қатағон қиличи юртимиз узра яна қайралди. Бу гал пахта иши ниқоби остида ўз ишининг билимдони бўлган, ер илмини яхши билган деҳқонлар, пахтакорлар ва етук мутахассислар жинойи жавобгарликка тортилдилар. 25 минг одам қамалди. Уларнинг бир қисми айбсиз ҳолда қамоқхоналарда ҳаёт б-н видолашдилар. Ноҳақ ҳукм б-н отилдилар. Қатағонга учраган бу жабрдийдаларни ҳибсхоналардан озод қилиш, уларни эркин ҳаёт қўйнига қайтариш ҳам мамтимиз Президенти И.А.Каримов фаолияти б-н чамбарчас боғлиқдир. У 80-йилларнинг охирида республикамизга раҳбарлик қила бошлагандан кейин ижт-й-сиёсий ҳаётда туб бурилишлар рўй берди. Пахта иши бўйича жинойи жавобгарликка тортилганларнинг иши Ўз-ннинг ўзида кўриб чиқилди ва адолат б-н ҳал қилинди. Бегуноҳ инсонлар оилалари бағрига қайтарилиб, ҳақиқат қарор топди.

ШЕВА (форс. ҳаракат тарзи, тарз, усул) — умумхалқ тилининг маълум ҳудудга хос тармоғи, маҳаллий тилни англаувчи т. Ш. бошқа Ш. тизимларидан фонетик, грамматик, сўз ясалиши ва лугавий белгиларига кўра фарқланувчи лисоний тизим сифатида мавжуд. Мас., қипчоқ лаҳжасининг манғит ёки сарой Ш.си, қарлуқ лаҳжасига мансуб марғилон Ш.си ва б. ўзб. тилининг энг кичик ҳудудий кўринишлари. Алоҳида Ш.лар бирикиб, лаҳжани ташкил этади. Ш.лар тизимининг мураккаблик даражаси, асосан, экстралингвистик омиллар: Ш.нинг алоҳидаланиш (ажралиб қолиш) даражаси, муайян Ш. вакилларининг бошқа Ш.лар ва тилларнинг вакиллари б-н

алоқа қилиш даражаси, адабий тилнинг Ш.га таъсири ва ш.к.га боғлиқ. Алоқида ажралиб қолган Ш.ларда унинг вакиллари б-н атрофдаги аҳоли ўртасида алоқаларнинг йўқлиги (жуғрофий ёки сиёсий сабаблар, атрофдаги аҳолининг тил, мад-т, диний эътиқод жиҳатдан айни Ш. вакилларида кескин фарқланиши туфайли), Ш. вакилларининг анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолишга астойдил интилиши оқибаотида Ш. жуда секинлик б-н ўзгаради, катта ва кичик ёшдагилар тилидаги фарқ жуда кам даражада бўлади. Адабий тил ёки бошқа Ш.нинг кучли таъсири остида бўлган Ш.да аҳолининг турли гуруҳлари нутқиға хос бўлган, бир-бирига қарама-қарши қўйилган ва турли даражада фарқланадиган анъанавий (қад.) ва янги қатламлар ажралиб туради. Ана шу эски ва янги қатламлар Ш. доирасидаги аҳолининг ўзига хос маън-й-мад-й белгиларини ёрқин акс эттириб боради. Ш.га қараб уруг ёки аймақни белгилаш, уруг ёки аймаққа қараб инсоннинг феъл-атворини тушуниш тарихда кенг қўлланган. «Миллий тил» т.сининг ҳажми ва қўлланиш доираси кенг бўлиб, ўз ичига лаҳжа ва Ш.ларни ҳам қамраб олади. Ш.лар тилнинг қуйи шакли ва тармоқлари ҳисобланиб, адабий тилни бойитиш учун хизмат қилади. Адабий тил меъёрларининг такомиллашуви, фан ва мад-т тар-ёти, шаҳар б-н қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг камайиб бориши каби экстралингвистик омиллар туфайли Ш.лар ҳам аста-секин ўз хус-ятларини йўқота боради. Ш.лар тилшуносликнинг диалектология бўлимида ўрганилади.

ШИЖОАТКОРЛИК (араб. қўрқмас, ботир; форс-т. касб қилиш) — кескин ва мураккаб вазиятда инсон хатти-ҳаракатида намоён бўладиган ғайрат, қатъият, мардлик, жасорат хислатларини англатувчи т. Ш. бирор қийин ишни бажаришга қаратилган кўр-кўрона интилиш эмас, балки оқилона қарорнинг бир шахс томонидан ёки кўпчиликнинг иродаси б-н бажарилиши мумкин бўлган ижт-й-маън-й

ҳодисадир. Мас., бир олимнинг ҳеч ким қўл урмаган илмий муаммони ҳал қилиш борасидаги шижоати ёки кўпчиликнинг шижоати б-н уруш йиллари Фарҳод ГЭСининг қурилгани ва ҳ.к. Ш. ғайрат б-н ишлаш, қатъиятли бўлиш, фидокорона меҳнат қилишга ундайди. Дангаса, танбал одамлар ҳеч қачон шижоатли бўла олмайди, Ш. уларга бегона. Асосиз таваккал қилиб, бирор ишга киришиш б-н ҳам баъзида яхши натижаларга эришиш мумкиндир, лекин бу Ш. ҳисобланмайди. Зеро, Ш. — пухта ўйланган чора-тадбирлар асосида амалга ошириладиган саъй-ҳаракат, ғайрат. Ш. инсон фаолиятининг барча жабҳаларида: турмушда, меҳнат фаолиятида, ҳарбий соҳада намоён бўлиши мумкин. Чунки танланган йўлдан тоймасдан, мақсад сари мардонавор интилиш шижоатли инсонга хос хус-ятдир. Ш. деганда фақат эзгу, яхши, савоб ишларни бажаришга бел боғлаган жасоратли, доворак кишиларга хос хислат назарда тутилади. Ғайрат ва Ш.нинг мазмун-моҳияти Мирзо Абдулқодир Бедилнинг қуйидаги рубойида шундай ифода этилган: “Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши, Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши, Нотавон, бечора бўлмагил зинҳор, Ғайратда, ҳимматда бўл порлоқ яхши”.

ШИРИНСЎЗЛИК — ширин, ёқимли сўз айтиш, шундай хислатга эгаликни англатувчи ахлоқий сифатлардан бири. Ш. муурожаат, мун-т, сўзлашув ва умуман мулоқот жараёнида амал қиладиган инсоний фазилатдир. Ш. инсон чиройининг ўзига хос сифатларидан бири ҳисобланади. Ш. амал қиладиган қуйидаги талаблар бор: 1) сўзни чиройли талаффуз қилиш, уни қўллаш ва маромини билиш; 2) ширин сўзни ўрнида гапириш; 3) ширин сўзнинг масъулиятини ҳис этиш ва англаш. Мулоим, майин ва овозни пастлатиб гапириш ҳам Ш. шартларидан бири бўлиб, бунда сўзнинг оҳанги, айтилиши, таъсирчанлигига жиддий эътибор бериш лозим. Зеро, «азизим», «меҳрибоним», «сунъичигим», «бўталогим» каби эркалаш, юпатишга хос сўзлар баланд овозда айтилса, бундай сўз ўзининг хус-ятини

йўқотади. Қуръони каримда овозни пастроқ қилиб гапириш лозимлиги уқтирилиб, қаттиқ, бақриб гапириш эшакнинг ҳанграшига ўхшатилади: «Сўзлаганда овозингни пастроқ туширгин, зеро, энг ёмон овоз — эшакнинг овозидир», дейилади. Бундан ташқари, хуштабассумли бўлиш ҳам Ш. шартларидан ҳисобланади. Яъни бошқалар тасаввурида яхши таассурот қолдириш учун мулоқот жараёнида очиқ чехра б-н сўзлашиш лозим. Бу борада аллома Юсуф Хос Ҳожиб шундай деган эди: «Ўзинг сени сезувчилар кўпроқ бўлишини истасанг, туз ва нон едир, чехрангни очиқ қил... Одамни мафтун қилувчи мана шу икки қилиқдир, мен булардан бўлагини топмадим, топилса сен уни иста». Ширынсўз бўлиш учун инсон багрикенг, самимий, сафоли одамлар б-н кўпроқ суҳбат қуриши керак, вафо аҳлидан бўлган кишиларнинг этакларини ушлаши керак, деб уқтирган улўф шоир Амир Хусрав. У «Матлаъул анвор» достонининг тўққизинчи мақолотида «боли такаббур» калласини тўлдирган кимсаларнинг кўпини кўрдим, улар вайсаб-вайсаб ўтиб кетдилар, дейди. Бу б-н шоир бир томондан, яхши хулқ-одобни, эзуликни тарғиб этади, яхши ҳислатларни эгаллашга даъват қилади. Бошқаларга лутф кўрсатиш баробарида ўз яқинлари — ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, хуллас, барчага меҳрибон бўлиш Ш.нинг зарурий асоси экани эътироф қилинган. Ш. фақат чиройли гап б-нгина белгиланмайди, айни пайтда ҳар қандай чиройли сўз ва эркин фикрда ҳам инсон зийнати намоён бўлавермайди. Гоҳида чиройли сўзларга ўралган ёлғонлар, эркин фикрга асосланган риёлар ҳам мавжудлигини унутмаслик зарур. Зеро, сўз илоҳий таъсирга эга. Бир огиз сўз кишига қанот бағишлаши, уни юксакларга кўтариши, мушкул муаммоларни ҳал қилишга йўл очиши, ҳатто умрига умр, обрўсига обрў қўшиши мумкин. Аксинча, бир оғиз айтилган ноўрин сўз б-н ота боладан, ака укадан ажраб кетиши, орага совуқлик тушиб, дўст-биродарларни душманга айлантириши, қисқаси, киши дилини вайрон қилиши, руҳини тушириши, кайфияти, хулқ-атво-

ри ва саломатлигига қаттиқ таъсир этиши мумкин. “Сўз б-н тешилган жойни бигиз б-н теша олмайсан” деб бежиз айтилмаган. Маълумки, қутилмаганда оғир руҳий эзилиш, изтироб чекиш кишининг ҳатто ташқи кўринишини ҳам ўзгартириб юборади. Тиббиёт фанининг гувоҳлик беришича, сўз асаб ва юрак қон-томир ўзгаришларининг энг характерли сабабчиси дир. Чунки бош мия марказий нуқталарига таъсир этиш юрак қон-томир тизимининг ҳолатида акс этади. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ўзининг нодир асарларида кўп йиллик тажрибаларини хулосалаб, шундай таъкидлайди: “Инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ранжитмаслиги, дилини вайрон қилмаслиги ҳамда ўзи ҳам хуштабиатли бўлмағи лозим.” Ш.у. ҳам халқимизда “Хайру эҳсони б-н мушқулини осон қилмаса ҳам ширин сўзи б-н кўнгилни тоғдек кўтарди”, деган ибора ишлатилади. Ҳар бир инсон ўз нутқининг оҳангига ҳам эътибор бериши лозим. Зеро, бир жумланинг ўзи қандай оҳангда айтилишига қараб, турлича, баъзан, қарама-қарши маъно касб этиши мумкин. Кибрли, дағал оҳанг кишининг ихлосини қайтаради, кўнглини оғритади, газабини кўзгайди. Шу боис ҳаминша бамайлихотир, ишонарли, вазмин тарзда, эркин ва табиий оҳангда гапиришга ҳаракат қилиш керак. Бахт, саодат, толе ҳам ширин сўз б-н насиб этади. Бобур бир рубоийсида: “Не хулқ эди, яна кўнглум олдинг сўз ила, Ширин сўзу яхши хулқунгга банд бўлай”, дейди. Ширин сўз, яхши хулқ ана шундай бебаҳо неъматдир. Бундай фазилатларга эга бўлган инсоннинг иқболи баланд, юзи ёруғ бўлади. Ҳусни хулқ ва Ш. бир-бири б-н боғлиқ ҳислатлар. Инсоннинг одоби қанчалик гўзал, мукаммал бўлса, унинг муомаласи ҳам шунчалик гўзал, сўзи ширин бўлади. Бир сўз б-н айтганда, Ш. ниҳолининг илдизи инсон қалбида, меваси эса унинг сўзидадир.

ШИРК (араб. бир нечта худо бор, деб ширк келтириш, политеизм) — шериклик,

Аллоҳнинг шериги бор деб эътиқод қилиш, Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишлари ва ҳукмларида шериги бор, деб залолатга кетиш. Ибодат, дуо ва ҳукмда, ризқ, яратилиш, итоат ва саждада, ёрдам сўраш, ҳалол-ҳаромни ажратиш ва қурбонлик қилишда, қасам ичиш, ҳаж ёки зиёрат қилиш ҳамда ном қўйишда ширк келтириш мусулмон халқлари маъ-ятида кечирилмас гуноҳ ҳисобланади.

ШОВИНИЗМ (франц. *chauvinisme*, Наполеон I босқинчилик сиёсатининг мухлиси, франц. аскарлари Н.Шовен (*Chauvion*) номи б-н боғлиқ) — бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-наз-ий қарашлар тизими ва амалиёти. Бу атама XIX а.нинг 30-йилларида Францияда пайдо бўлди. Моҳиятан, Ш. миллатчиликнинг ўзига хос шакли бўлиб, бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, бугунги кунда кишилик жам-ти ривожини таъминлашдаги маъқеи, маъ-ий-мад-ий ҳаётининг ўзига хос томонларини менсимасликка интилишда яққол кўринади. Ш. кўп сонли халқларнинг кўп миллатли давлат доирасида, ш-дек, уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлиши мумкин.

ШОМОНИЗМ (тунгус. шамон — ўта ҳаяжонланган, жазавага тушган киши) — Сибирдаги туркий халқларда “шамон” сўзи “қам” деб юритилган. Шомон қабила руҳонийси бўлиб, улар илоҳий кучга эга деб ҳисобланган. Шомонлар урф-о.ларини бажаришни томошага айлантирган. Одатда, шомон ўйинлари кечкурун амалга оширилган. Ўйин охирида шомон беҳол бўлиб йиқилади. Уларга кўра, шомонлар руҳлар б-н пичирлашиб гаплашган. Гўё талвасага тушиб беморларни даволаган. Шомон қабила, уруғ ҳомийси, кўриқчиси, руҳи ҳисобланган. М.О.да ҳам Ш. унсурлари мавжуд. Жумладан, Сурхондарёда гўёки “қора босди”, “қора босибди” каби касалликлардан беморни халос қилиш учун қўшночлар талвасага тушиб, ўзини у ёқдан бу ёққа отиб, бемор та-

насидаги касални қувмоқчи бўлади. Руҳонийлар бу ҳолатда инсондан касалликларни дуо ва қамчи б-н уриб чиқармоқчи бўлади, ҳатто улар шу жараёнда милтиқдан, унинг овозидан, кучли шовқиндан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу жараёнда бир эмас, бир неча қўшночлар қатнашиши ҳам мумкин.

ШУҲРАТПАРАСТЛИК (араб. маш-хур бўлишни севиш) — маъ-ят тамойилларининг бузилиши оқибатида намоён бўладиган шахсий хус-ят; фазилатларини пеш қилиб, шон-шуҳрат кетидан қувиш, юқори мартабага интилишни ҳаёт мазмунига айланттиришни англатувчи т. Ш. киши руҳиятидаги номақбул ўзгариш натижасидир. Ш-дек, Ш. шон-шуҳрат кетидан қувиш йўлида ҳар қандай ахлоқ-сизликдан қайтмайдиган инсонлар тоифасининг хус-яти. Шуҳратпараст одам доимо атрофидагилар ва жам-т диққат марказида туришга, машхурлик, шов-шув, мақтовга ички эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж охир-оқибат уни жам-тнинг ахлоқий-ижт-ий талаблари б-н ҳам, индивид сифатида биологик ва маъ-ий-интеллектуал имкониятлари б-н ҳам мутлақо ҳисоблашмайдиган нафс бандасига айланттириб қўяди. Ш. инсонга хос “мен”лик туйғусининг манманлик б-н туташганида юзага келади. Инсон ўзини бошқалардан кам эмас, ортиқ эканини исботлашга уринар экан, бу “мен”лик туйғусининг меъёридан ортиб кетиши уни инсониятга зид хатти-ҳаракатга ундаши мумкин. Ш.у. халқимиз Ш.ни оқламайди, балки унга камтарликнинг зидди сифатида салбий хус-ят, деб қарайди. Ш.нинг ахлоқий иллат сифатидаги хатарли жиҳати шундаки, у рив-ш хус-ятига эга: даставвал киши ўз «мен»ининг бошқа «мен»лардан кам бўлмаслигини талаб қилади, кейин аста-секин унинг баланд туришини хоҳлаб қолади ва нима қилиб бўлса ҳам шу хоҳишни амалга оширишга интилади. Натижада у мавжуд воқеликни, атрофдагиларнинг унга нисбатан мун-тини ҳаққоний баҳолай олмайди; қаерда уни «кўтар-кўтар» қилиб мақташса, ўша ерга ўзини уради, ҳаётда инсоний вазифаси-

ни бажаришдан чалғийди, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўяди. Мас., Ш.нинг ёрқин тимсолига айланган Герострат абадий шухрат қозониш учун дунёнинг етти мўъжизасидан бири – Эфес шаҳридаги Артемида ибодатхонасига ўт қўйган. Унинг номи ҳозиргача таажжуб, ҳайрат ва айни пайтда, нафрат, лаънат б-н тилга олинади. Ш. ҳам худди худбинлик каби замонавий жам-тда авж олган иллатлардан ҳисобланади. Агар худбинликнинг кенг ёйилишига маълум маънода шахс эркинлигининг қонуний муҳофазаси, баъзи демократик тамойиллар йўл очиб берса, замонавий ОАВ Ш.нинг оммалашувига хизмат қилмоқда. Нишче айтганидек, ҳоз. пайтда ҳар қандай кичкинагина «мен» йўлини топиб, саҳнадан, саҳифадан ёки экрандан ўзи ҳақида жаҳонга жар солиш ҳуқуқи ва имконига эга. Матбуот ва сўз эркинлигидан

ғаразли мақсадларда фойдаланадиган, “машхур”лар ҳақида шов-шув тарқатаётган кўплаб нашрлар, кўрсатув ва эшиттиришлар Ш.нинг оммалашувини таъминламоқда. Бу жараёнга, айниқса, Ғарб “оммавий мад-ти”нинг салбий намуналари рекламаларда ўзини кўз-кўз қилиш, уй-жой, қимматбаҳо машина ва ш.к. орқали сохта “имиж” яратувчилар ҳақидаги кўрсатувлар ижт-й онгга таъсир қилмоқда. Шарқона урф-о. ва қадриятларимизга хос бўлган камтарлик, самимийликни йўқотмаслик ҳамда мол-дунё, бойликларни ўткинчи эканини ҳис қилиб, уларни асосий омил, мақсад деб билмаслик, ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонийликни сақлаб қолиш керак. Бу эса аждодлар қолдирган маън-й-маър-й меросга таяниб, юксак маън-й идеалларни шакллантириш борасида ташвиқот-тарғибот ишларини узлуксиз олиб боришни тақозо этади.



ЭВДЕМОНИЗМ (юн. *eudaimonia* – бахт-саодат, роҳат-фароғат) — бахт-саодат, роҳат-фароғатни кишилар ҳаётининг олий мақсади деб ҳисоблайдиган ахлоқий йўналиш. Бу ибора этимологик жиҳатдан, биринчидан, қониқиш ҳиссининг субъектив ҳолатини, иккинчидан, қониқишга хизмат қиладиган объектив шароит, яъни ташқи неъматларни англатади. Бу икки жиҳат узвий боғлиқ бўлса-да, баъзан улар бир-биридан фарқ қилиши, мас., барча моддий неъматларга эга одам бахтсиз бўлиши ва аксинча, қашшоқ, устбоши юпун инсон ўзини бахтли ҳис этиши мумкин. Э. юнон этикасининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, у Суқротнинг шахс ички эркинлиги, инсоннинг ташқи дунёга қарам эмаслиги тўғрисидаги ғояси б-н узвий боғлиқ. Э. бахт-саодатни жисмоний ва маън-й ҳузур, лаззат б-н тенглаштирамайди, балки уни кенг маънода, барча жисмоний ва маън-

й (кўпинча фуқароликка ҳам оид) қадриятларнинг мажмуи тарзида тушунади. Бу таълимотга кўра, ўз шахсиятида ана шу қадриятларни мужассамлантира олган кишигина чинакам бахт-саодат соҳибидир, шундай бахтгина инсонга ҳақиқий лаззат, фароғат бахш этади. Қад. юнон алломалари Демокрит ва Эпикур Э.нинг ёрқин намояндаларидир. Юнон мутафаккирларининг қарашларида “бахт” тор, индивидуал ахлоқ доирасида (хус-н, бахт инсон ижоди б-н бевосита боғлиқ ҳолда) талқин этилган бўлса, насроний ахлоқда бахт ҳақидаги ахлоқий меъёр ва т.лар онгдан ташқарида бўлган диний тасаввурлар б-н боғлиқлиги асосланади. Бошқача айтганда, инсон ахлоқи ва маъ-ятининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган чинакам бахтга қадр-қиммат ва унинг маҳсули бўлган бахт ўртасида зиддият бўлмаган дунёдагина эришиш мумкин. Янги даврда Э. кўплаб файласуфлар

томонидан ривожлантирилган. Мас., Б.Спиноза ва П. Гассенди оқилона бишлиш ва ҳиссий эҳтирослар ўртасидаги зиддиятларга эътибор қаратиб, ҳузур-ҳаловатни ақл воситасида англаш масаласини ўртага ташлайди. Француз материалистлари (Гельвеций, Гольбах, Вольтер ва б.) “бахт” т.сига ошқора гедонистик тус беради. Улар бахтга интилишни табиий жараён ва шу б-н бирга, асосий ахлоқий тамойил, ҳар қандай жам-т ва инсон фаолиятининг бош мақсади, дея талқин этади. Бу ёндашув имкон борича кўпроқ кишиларнинг бахтли бўлиши тамойилини илгари сурган инглиз утилитаризми вакиллари томонидан янада ривожлантирилади. XX а. Фарб фал.си ва ахлоқшунослигининг йирик вакиллари Дрейк, Сантаяна, Рассел, Дж.Маккей, М.Шлик, О.Нейрат асарларида ҳам бахт — инсоннинг табиий интилиши маҳсули, ахлоқ эса — унга эришиш йўллари ҳақидаги фан сифатида талқин этилади. Бироқ айрим файласуфлар, чунончи, Нейрат қарашларида “бахт” т.си норматив мазмунга эга бўлмагани боис маънисизлик намоён бўлади: хус-н, унинг назарида, кишилар қандай мақсадларни кўзлаётгани ва қандай натижаларга эришаётгани муҳим эмас, бахтни ҳис этишгина ҳат қилувчи аҳамият касб этади. Бу ўринда ахлоқнинг асосий вазифаси — кишилар онгига таъсир этиш, ана шу ҳиссиётни кишилар онгига сингдириш усуллари ҳақидаги фандан иборатдир.

ЭВОЛЮЦИЯ (юн. *evolutio* — авж олдириш, ривожлантириш) — революция (инқилоб)га ва инқилобий йўлга қарши бўлган тадрижий рив-ш усули тўғрисидаги фал-й таълимот. Замонавий эволюцион наз-я бутун борлиқни рив-шда, деб қарайди. Эволюцион наз-я XIX а.да пайдо бўлди. Ч.Дарвин ўзининг турларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги таълимотида органик оламнинг тадрижий рив-ш қонуниятларини кўрсатиб берди. XX а. охирида табиатшуносликда “катта портлаш наз-яси” пайдо бўлиши б-н коинотнинг кейинги Э.сига қатор аниқликлар киритилди. Ҳоз. замон табиатшунослиги “ҳар

қандай мавжудот Э. натижаси”дир, деган ғояга асосланади. Дунёнинг замонавий манзараси Э.нинг умумий характерга эгаллигини исботламоқда. Фанлараро соҳа ҳисобланган кибернетика Э. механизмини ўргана бошлади. XX а. 70-йилларида бу соҳа ҳар қандай объект Э.сини ҳаракатга келтирувчи кучни таҳлил қилишга киришди. Улуғ мутафаккирлар инқилоб вайронагарчиликка асосланган, одамларнинг моддий ва маън-й асосларига зарар етказадиган, қадриятларни йўқ қиладиган ижт-й ҳодиса эканини кўрсатганлар. П.Сорокиннинг фикрича, инқилоб жам-тни ижт-йлаштирмайди, одамлар аҳволини ёмонлаштириб, эркинликни бўғайди. Жам-т ўз тар-ёти йўлида келган инқирозларни ислохотлар орқали ҳал этади. Жам-тнинг босқичли рив-ши ҳақидаги наз-яларда ҳам бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда туб ўзгаришнинг юз бериши айтилади. Бироқ, моҳиятан, бу ижт-й инқилобдан тубдан фарқ қиладди. Ижт-й инқилоб деб сиёсий тизимни зўрлик б-н ва вазиятни ҳисобга олмай ағдариб ташлаш назарда тутилади. Бу эса, жам-т ҳаётини издан чиқаради, халққа кулфат келтиради. Эволюцион ўтиш эса, ҳоз. даврда технологик ўзгаришлар, моддий ва маън-й равақ, таълим тизимини ислох қилиш орқали рўй бермоқда. Ўз-нинг мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик жам-т қуриш ва бозор мун-тларига босқима-босқич ўтиш йўли жаҳон мам-тлари тадрижий тар-ётининг илғор ютуқларига асосланган. Бу борада амалга оширилаётган тар-ётнинг ўзб. модели ана шу мезонларга жавоб беради.

ЭГОИЗМ (франц. *egoisme*; лот. *ego* — мен) — ижт-й борлиқда шахсий манфаатларнинг инсон фаолиятининг бош мақсади ҳамда жам-т ва атрофдагиларга мун-тни баҳолашнинг асосий мезонига айланганини ифода этувчи ҳаётий фаолият принципини англатувчи атама. Э. вужудга келиши қулдорлик жам-тининг емирилиши ва хусусий мулкнинг вужудга келиши б-н пайдо бўлган ва жам-тнинг бўлиниши, унинг таркибида фаолияти ўз ижт-й мақомини сақлаш ва мустаҳкам-

лашга қаратилган индивидлар ва ёпиқ гуруҳларнинг шаклланиши б-н узвий боғлиқдир. Товар хўжалиги, айниқса, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг ривожига Э. тамойилини турли ахлоқий концепцияларга асосланган инсон фаоллигининг универсал мезонига айлантиради. Оммавий ахлоқий онгда чекланмаган Э. ҳаммаша қораланиб, альтруизм тамойили унга қарши қўйиб келинган. Э. оид концепцияларни фал-й-натуралистик ва ахлоқий-меъриий гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи ёндашув замирида инсон — ўзи табиатан худпараст экани ва унга хос шон-шухрат, бахт ва ҳузур-ҳаловатга туғма интилишга таяниб, ўз манфаатлари учун ҳаракат қилиши мумкинлиги ғояси мужассам этилган. Бундай талқин н.назаридан ахлоқий талаблар унинг манфаатларига мос келсагина, инсон уларга риоя этиши мумкин. Иккинчи ёндашув — “оқилона анланган Э.” инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги, мунофиқлик ва иккиюзмачиликка барҳам берадиган чинакам ахлоқий тамойил ғоясини илгари суради. Э. мазмун-моҳиятига оид бу икки ёндашувга тегишли қарашлар антик давр алломалари Демокрит, Эпикур, айрим софистлар таълимотларида ўз ифодасини топган. Э. Уйғониш, айниқса, Маърифатпарварлик даврида яшаб ижод этган Спиноза, Вольтер, Руссо, Дидро, Гольбах каби мутафаккирлар таълимотларида акс эттирилиб, моҳиятан, дунёвий неъматлардан воз кечиш ва индивиднинг черков-феодал иерархиясига бўйсундирилиши ғоясига таянган насроний ахлоққа қарши қаратилган эди. Зеро, тарихий жиҳатдан прогрессив аҳамият касб этган бундай қарашларда ижт-й фойдали фаолиятида нафақат моддий, балки маън-й манфаат тамойилига суянадиган инсонгина жам-т тар-ёти ва фаровонлигига хизмат қилиши мумкин, деган фикр илгари сурилар эди. Психологик н. назардан Э. инсоннинг ўз «Мен»ига қаратилган шахс фаоллиги бўлиб, манманлик, ўзини, ўз манфаатларини ўзгалар манфаатидан устун қўйишда ифодаланadi. Э.да инсон шахсий қизиқишларининг қондирилиши энг юқори даражада тура-

ди. Э. қизиқишлар тўқнашган зиддиятли вазиятларда намоён бўлади. Бундай ҳолларда шахс истакларининг қондирилиши бошқалар қизиқишига зид равишда амалга ошади. Шахслараро мун-тларда “Э.” т.си турли хил кўринишларда намоён бўлади. Биринчидан, бу «диктаторлик Э.и», яъни инсонда «ҳамма менинг манфаатимга хизмат қилиши керак», деган ишонч ҳиссида намоён бўлади. Иккинчидан, «шахсий нодирлик Э.и» — «агарда менга қулай бўлмаса, барча риоя қиладиган ахлоқий тамойилларга мен риоя қилмайман» каби қарашларда ифодаланadi. Учунчидан, «анархик Э.» — «ҳар бир одам ўз манфаати йўлида қўнглига келган ишни қилиши мумкин», деган фикрга таянади. Айрим психологларнинг фикрича, Э. ижобий ёки салбий бўлмайди, у феъл-атворнинг қай даражада ривожланганини англатади ва маълум даражада руҳий соғлом одамларга ҳам хос бўлган хус-ятдир. Демак, инсоннинг, айниқса, ёшларнинг маън-й камолоти кўп жиҳатдан улардаги эгоистик майлларни тизгинлаш, шахсий манфаатларини ўзга кишилар ва жам-т манфаатлари б-н уйғунлаштиришга интилишига боғлиқ. Бу эса таълим-тарбия тизимини қуйидан юқори босқичигача такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этади.

ЭГОЦЕНТРИЗМ (лот. *ego* — мен ва *centrism* — марказ) — эгоизмнинг ўта кескин шакли бўлиб, индивид шахсий манфаатларининг устувор аҳамият касб этиши оқибатида унинг бошқа объект, кишилар фикр-мулоҳазаси ёки тасаввурларига нисбатан мун-тини ўзгартиришга қодир эмаслигини англатади. Э. илдизлари субъект томонидан ўзгача, ҳатто қарама-қарши н.назарлар ҳам бўлиши мумкинлиги анланмаслиги, ўзга кишиларнинг психологик хус-ятлари уники б-н айнан мос эканига ишонишига асосланган. Э., айниқса, 12–14 ёшлар атрофидати болаларда яққол намоён бўлсада, баъзи кишиларнинг кексайган чоғида эгоцентрик майлларнинг кучайиш ҳоллари ҳам кузатилади. Илм. тад.да Э.нинг бир неча турлари қўлланади: билиш Э.и — қабул қилиш ва тафаккур қилиш жара-

ёнларини акс эттиради; ахлоқий Э.и — муайян индивиднинг ўзга кишиларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини қабул қилишга қодир эмаслигидан далолат беради; коммуникатив Э. — субъект томонидан бошқа кишиларга маълумот етказиш жараёнида кузатилади. Бу ҳол т.ларнинг мантиқий ўзагини тан олмасликда, ўзгалар н.назарини менсимасликда намоён бўлади. «Э.» т.си фанга илк бор таниқли француз олими Жан Пиаже томонидан киритилган. Пиаже Э.ни бола ақлий ривожининг бир неча босқичларида ўзлигини ва дунёни англаш жараёнида тутган йўли ва н.назари сифатида талқин этади. Э.нинг илмий ва турмушда қўлланадиган т.лари ўртасида катта фарқ мавжудлиги боис, унинг пайдо бўлиши талай тушунмовчиликларга сабаб бўлган эди. Кейинчалик «Э.» т.си фанда кенг маънода талқин этила бошлагани, бир томондан, ривожланаётган фан учун табиий ҳол бўлса, иккинчи томондан, тадқиқот ишларида муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди. Э.да индивид бошқалар фикрига зид равишда ўзининг шахсий фикрини ягона маъқул вариант сифатида энг олдинги даражага қўяди. Бундай кишилар учун фақатгина ўз н.назари муҳим. Ш.саб. у бошқаларнинг далил-исботларини қабул қилмаслиги, хомхаёлларга берилиб, воқеа ва ҳодисалар юзасидан хато хулосалар чиқариши мумкин. Шу ўринда «Э.» ва «эгоизм» т.ларини фарқлаш лозим. Эгоист инсон шахсий истакларига мувофиқ фаолият юритиб, ўзгаларнинг қизиқишларини менсимайди ва бундай хулқ шахснинг ахлоқий н.назарига, ўзига хос ҳаётий фал.сига айланади. Э. эса инсоннинг бевосита билиш жараёнлари б-н боғлиқ ҳодисадир. Эгоцентрик инсон бошқалар фикрининг мақсад-муддаоларини, уларнинг манфаатлари нимага асосланганини тушунишга қодир бўлмайди. Бундан ташқари, Э. шизофрения, жазавас, васваса каби руҳий касалликларга чалинган кишилар орасида ҳам учрайди. Агар эгоцентрик хус-ятга эга бўлган икки инсоннинг суҳбатини кузатадиган бўлсак, бундай вазиятда ҳам-суҳбатлик ҳисси йўқолганининг гувоҳи

бўламиз, яъни улар бир-бирини эшитмасдан, суҳбатдошининг фикрини идрок қилмасдан, фақатгина ўз фикрини баён этиш ва тасдиқлаш б-н овора бўлади. Э. муаммоси б-н Ж.Пиажедан ташқари Л.С.Виготский, Ш.Бюпер, В.Штерн, Г.Айзенк каби олимлар ҳам шуғулланган.

ЭЗГУЛИК — маън-й-ахлоқий кагориялар орасидаги энг муҳим т.лардан бири. Э. инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади, Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” ғояси «Авесто»дан тортиб барча муқаддас китобларда етакчи ўрин эгаллаши ҳам шундан. Э. инсонга энг кучли маън-й лаззат бағишлайдиган, уни ижт-й шахсга айланттириб, чинакам бахт сари етакловчи фазилат; шахсни комилликка, жам-тни эса юксак тар-ётга етказувчи юксак қадрият. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёхуд партиявийлик қобифига ўраш мумкин эмас. Чунончи, “синфий душман”-ни, яъни бирор бир шахсни ёки гуруҳни фақат бошқа синфга мансуб бўлгани учун жисмонан йўқотиш, қанчалик бўяб-бежалмасин, Э. бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Тоталитар тузумлар мафкура-сида Э.ни бундай талқин этишнинг ноилмийлиги, сохталиги ҳоз. кунда ҳаммага аён. Э. ва ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари б-н ўлчанмайди, улар ҳам “муҳаббат” ва “нафрат” т.лари сингари қамровлилик ва ижт-йлик хус-ятига эга. Э.нинг ахлоқий идеал б-н боғлиқлиги шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичига олади. “Муҳаббат” ва “нафрат” жуфт т.сида улар бир-бирини инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, Э. ва ёвузлик жуфтлигида ҳар икки т. бир-бирини тамомила инкор этибгина қолмай, улар ўртасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу абдий кечадиган жараён сифатида оламни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида намоён бўлади. Э. ва ёвузликнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бу

жуфт т. инсон фаолиятини баҳолаш хус-ятига эга. Уларни инсон табиатидаги Э. ва тубанликни ўлчайдиган ўзига хос тарозига ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жам-тнинг маън-й такомилга эришган-эришмагани шу мезон б-н ўлчанади. **“Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу гоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли гоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз (“Юксак маънавият — энгилмас куч”, 112-б.). Чунончи, Ленин, Сталин, Гитлер, Пол Потларни ёвузлик тимсоллари, собиқ шўролар иттифоқини эса “Ёвузлик салтанати” деб баҳоланиши бунинг ёрқин мисолидир. Э. ахлоқ категорияси бўлиб, ахлоқий баҳонинг энг умумий шаклидир. Э. ўзида ижобий нарса, воқеа-ҳодисалар, жараён ва вазият ҳамда фазилатларни мужассам этади. “Авесто” китобида зардуштийлик илоҳи Ахура Мазда Э., яхшилик, ҳаёт, ёруғлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Э. ҳақидаги тасаввурлар халқдан халққа, а.дан а.га, авлоддан авлодга ўтиб шаклланиб келган. Э.нинг маъно-моҳияти ёвузликка қарши курашда ўз ифодасини топади. Ёвузлик ҳамиша ҳам яққол намоён бўлмайди, баъзан у Э. ниқобида ҳам кўриниши мумкин. Бунинг англаб етиш кишидан огоҳлик ва ҳушёрлик, зийраклик ва лоқайд бўлмасликни талаб этади. Э. ахлоқий баркамоллик негизидир. У олижаноблик, меҳроқибат, самимийлик, сахийлик, бегараз туйғуларда ўз ифодасини топади. Умуман олганда, Э. ижт-й, шахсий хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатни маън-й жиҳатдан баҳолашнинг муҳим мезонидир.**

ЭЗГУ ИНТИЛИШ — кундалик ҳаётда давлат ва жам-т ҳаётида ижт-й ҳаётнинг барча соҳаларида озод ва обод Ватан, эл-юрт фаровонлиги, тинчлиги, осойишта-

лиги, миллатлараро ва элатлараро дўстлик, диний бағрикентлик йўлида бунёдкор ишларни амалга ошириш, маън-й-маър-й жиҳатдан юксалиш сари интилишдир. Э.и. инсоний баркамоллик, Ватан ифтихори ва нуфузини, туйғусини юксалтиришга бўлган ҳаракат, фикрлаш ва ташаббус кўрсатишдан иборат фаолият туридир. Халқимиз азалдан меҳнаткашлиги, буюк яратувчилик қувватига эгалиги, ҳамиша эзгуликка интилиб яшаши, инсоний мун-тнинг гоёат ибратли жиҳатларини турмуш тарзига айлантиргани б-н ажралиб туради. Инсон эзгуликка интилар экан, ўз тақдирини қўшнисининг тақдирини, қолаверса, маҳалла ва туман аҳли б-н боғлиқ ҳолда тушунади. Меҳнати натижасини фахру ифтихор б-н умумий меҳнат натижаси деб билади. Э.и. туйғуси — ўз миллий мансублигидан фахрланиш, миллатининг бой тарихи, мад-й ва маън-й меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш имконияти. Э.и. туйғуси — ўзлигини англаш ва ўзгаларни тушунишга даъват этадиган қудратли куч. Бу туйғу ҳар бир миллатга мансуб ўта нозик ва айни пайтда жуда мураккаб ҳолатдир. Киши, зарур бўлганда, ҳаётидаги жамики неъматлардан ҳеч огринмасдан воз кечиши мумкин. Бироқ ҳеч ким, ҳеч қачон Э.и.дан тонолмайди. Чунки, Э.и. ҳисси инсоннинг қон-қонига сингиб кетган. У миллатимизнинг энг юксак қадриятларидан саналади. Жумладан, “Шу азиз Ватан барчамизники”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак” каби даъватлар Э.и. туйғуларининг маъно-мазмунини ифодалайди. Ана шу н.назардан қараганда, мам-тимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида Э.и. гоёиси мужассам этилган.

ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ (лот. *existentia* — мавжудлик) — XX а. бошларида Россияда (Бердяев, Шестов), Германияда (Хайдеггер, Ясперс) ҳамда II жаҳон уруши арафасида Францияда (Сартр, Мерло-Понти, Камю ва ҳ.к.) пайдо бўлган фал-й йўналишлардан бири. Э. мавзу доираси

жиҳатидан соф фалдан йироқ бўлиб, асосан, инсоннинг мавжудлиги, тақдир, имон-этиқоди, ҳаётининг мазмуни ва мақсадлари сингари масалалар таҳлилга эътибор қаратгани боис, у кўпроқ табиий ижодкорлар орасида кенг тарқалади. Бошқа томондан, экзистенциалистларнинг ўзи ҳам (мас., Сартр, Камю, Марсель ва б.) ўз асарларида санъат ва бадиий адабиёт воситаларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилган. Э.нинг ижт-й таълимоти «шахс» ва «эркинлик» т.лари орқали таҳлил этилади. Э.га кўра, шахс — бош мақсад, жамоа эса унинг моддий мавжудлигини таъминлашга хизмат қиладиган воситадир. Э. намояндалари жам-т. унинг ҳар бир аъзосининг эркин маън-й рив-шини таъминлаши, шахс эркинлигига тўсқинлик қилувчи омилларга барҳам берадиган ҳуқуқий тартибни кафолатлаши зарур. Экзистенциалистлар эркинликни икки турга ажратади: а) иқт-й ва сиёсий; 2) руҳий-маън-й эркинлик. Улар назарида, чинакам эркинлик кишилар ишлаб чиқарувчилар сифатида ўзаро тўқнашадиган моддий соҳасида эмас, улар экзистенция сифатида намоён бўладиган руҳий-маън-й оламдагина бошланишини таъкидлайди. Э. фал.си инсон борлигини бир неча қатламлардан иборат, деб ҳисоблайди: 1) табиий, яъни унинг биологик, физиологик ва психологик табиати. Бу қатлам табиатшунослик фанлари томонидан ўрганилади; 2) ижт-й (социологиянинг тадқиқот йўналиши); 3) тарих, фал., санъатшунослик ва б. фанлар томонидан тадқиқ этиладиган маън-й қатлам. Э. намояндалари Кантнинг ахлоқий императив, ш-дек, ҳақ ва ҳақиқат, эркинлик ва эркин ирода, дин ва маъ-ят ҳамда виждон категорияларини янгича талқин этиб, фал. ривожига салмоқли ҳисса қўшган, санъат ва бадиий адабиётда Э. гоёлари сингишига туртки берган. Э. таълимоти II жаҳон урушининг дастлабки йилларида саросимага тушиб қолган кишиларни мардлик, жасоратта чорлаб, француз қаршилик ҳаракатининг маън-й-руҳий манбаи сифатида хизмат қилди. Шунга қарамай, Э. вакиллариининг ижт-й-сиёсий қарашларида жиддий та-

фовутлар бўлган. Мас., К. Ясперс ва француз экзистенциалистлари демократик эркинликларни ҳимоя қиладиган либераллар сифатида майдонга чиққан бўлса, Э.нинг айрим вакиллари национал-социалистлар (фашистлар) б-н ҳамкорлик қилиб келган. Э. таълимотининг муайян даражада чекланганини таъкидлаган ҳолда, у ўз даврининг маън-й-руҳий ҳолати ва зиддиятларини фош этиб, инсон бахти, эркинлиги ва қадр-қимматини юксак маън-й амал даражасига кўтаришга интилганини эътироф этиш мумкин. Мас., қатор пьеса, роман ва фал-й эсселарда инсон ижт-й ҳаётининг зиддиятлари, шахс онги ва эркин фаолиятининг гоёт муҳим хус-ятларини теран таҳлил этган Ж.П.Сартр ва А.Камюлар авлодлар виждони дея эътироф этилгани бежиз эмас.

ЭКОЛОГИЯ (юн. *oikos* — яшаш жойи, макон, *logos* — таълимот) — тирик организмларнинг ўраб турган тирик ва нотирик табиат б-н мун-тлари тизимида антропоген омил ролини ўрганувчи фан. Э. атамасини машҳур немис зоологи Эрнест Геккель (1834–1919) “Организмларнинг умумий морфологияси” (1866) ва “Дунё яратилишининг табиий тарихи” (1868) асарларида биринчи бўлиб фанга киритган. Табиатни табиат учун муҳофаза қилишга зарурият йўқ. Унинг фақат инсон учун муҳофаза қилиниши Э.нинг ижт-й моҳиятини намоён қилади. Э.нинг йўналишлари кўп: умумий Э., био Э., зоо Э., гео Э., тиббий Э., муҳандислик Э., инсон Э.си ва б. хусусий Э.лар. Ш-дек, онг шакллариининг Э.лашиши тенденцияси кучайиб, иқт-й Э., экоэтика, экоэстетика, экотехнология, экологик ҳуқуқ, экологик сиёсат ва ҳ.к. йўналишлар вужудга келмоқда. Табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг наз-й, амалий ва услубий жиҳатларини жаҳон цивилизацияси манфаатлари асосида муштарак-муҷассам ўрганувчи фал-й фан ижт-й Э.дир. Ҳозир ижт-й Э. ўзининг рив-ш боқичига кирмоқда ва нафақат инсонни ўраб турган табиатни муҳофаза қилиш, балки ижт-й му-

хитни ҳам муҳофаза қилишнинг фунда-
ментал наз-яларини ишлаб чиқмоқда.

ЭКСПАНСИЯ (лот. *expansio* — кен-
гайтириш, ёйиш, тарқатиш) — кучли дав-
латларнинг дипломатик, иқт-й ва ҳарбий
усуллар б-н ўз таъсир доирасини бошқа
мам-тларга ёйишга қаратилган сиёсатини
ифодаловчи т. Кўп ҳолларда таъсир дои-
расини кучайтириш давлат сиёсати даража-
сига кўтарилади. Тарихда ва ҳозирда ҳам
баъзи бир кучли давлатлар бошқа мам-тлар-
ни асоратга солиш, янги территориялар-
ни товарлар сотадиган ва капитал сарф-
лайдиган соҳаларни, хомашё манбаларини
ўзиники қилиб олиш йўллари б-н бундай
сиёсатни амалга оширадилар.

ЭКСТРЕМИЗМ (лот. *extremus* — ашад-
дий) — сиёсатда ашаддий қараш ва чора-
ларга мойиллик. Э.ни вужудга келтиради-
ган омиллар кўп ва хилма-хил. Улар ора-
сида бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш
даврида юз берадиган ижт-й тузилмалар-
нинг бузилиши, аҳоли катта гуруҳлари-
нинг қашшоқлашуви, иқт-й ва ижт-й танг-
лик каби омилларни кўрсатиш мумкин.
Бу омиллар аҳоли турмуш шароитлари-
нинг ёмонлашувига олиб келади. Давлат
ҳокимиятининг заифлашуви, давлат
органларининг обрўсизланиши, ижро ин-
тизомининг пасайиб кетиши, қадриятлар
тизимининг емирилиши, аксилижт-й кай-
фият ва ҳаракатларнинг кучайиб бориши
ҳам Э.ни вужудга келтирадиган сабаблар-
дан ҳисобланади. Э. аҳолининг сиёсий ва
ижт-й кайфиятидан мавжуд ижт-й тузил-
маларни вайрон қилиш мақсадида фойда-
ланади. Экстремистик ташкилотлар Кон-
ституция ва б. қонуний ҳужжатларга зид
тарзда фаолият юритади. Шу маънода, Э.
— ҳуқуқий нигилизмнинг бир кўриниши
ҳисобланади. XX а.нинг 80–90-йилларида
сиёсий Э.нинг намоён бўлиш қўлами кен-
гайди. Бу даврда одамларни гаровга олиш,
сиёсий қотилликлар, сиёсий партиялар
аъзоларига қуролли ҳужумлар уюштириш,
анархистик, шовинистик ва неофашист гу-
руҳларнинг фаоллашуви кузатилди. Э. сиё-
сий, психологик, маиший ва б. кўриниш-

ларда бўлиши мумкин. Сиёсий Э.нинг
ашаддий кўриниши — терроризмдир.
Экстремистлар одамларга қийинчиликлар-
ни тезда бартараф қилиш, тартибни ка-
фолатлаш, ижт-й таъминотни яхшилаш
сингари ваъдалар беради. Сиёсий Э. “сўл”
ва “ўнг” кўринишларга эга. Сўл экстре-
мистлар марксизм-ленинизм, сўл радика-
лизм, анархизм ва ш.к. мафқуралар бай-
роғи остида ҳаракат қилади. Сўл Э.га ми-
сол тариқасида Италиядаги “Қизил
бригадалар”, Кампучиядаги полпотчилар,
Россия Федерациясидаги Э. Лимонов бош-
чилик қилаётган национал-большевиклар
сингари оқимларни келтириш мумкин. Ўнг
экстремистлар аксилкоммунизм, автори-
таризм, миллатчилик ва шовинизм руҳи-
да ҳаракат қилади. Ўнг экстремистлар қатор
халқаро ташкилотлар — Европа ишчи
партияси, Европа ўнг кучлари, Қора Ин-
тернационал, Франциядаги “Миллий
фронт” кабиларга бирлашган. Ўнг ва сўл
экстремистлар олиб бораётган фаолият
вакиллик демократияси манфаатларига
зиддир. Ш.у. ҳам Фарб сиёсатшунослигида
“Ягона Э.”, “Икки Э.” ва “Уч Э.” кон-
цепциялари мавжуд. “Ягона Э.” концеп-
цияси коммунистик ва фашистик дикта-
тураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.
“Уч Э.” концепциясига кўра, фашизм —
центристар Э.и, коммунизм — сўллар Э.и,
голлизм эса — ўнгллар Э.идир. Португалия-
даги Салазар режими ўнгллар режими ҳисоб-
ланади. Диний асосларда вужудга келган
экстремистик гуруҳ ва оқимлар Фарбда ҳам,
Шарқда ҳам мавжуд. Ў.О. мам-тларида, жум-
ладан, Ўз-нда “Ҳизб ут-таҳрир”, «Акро-
мия», «Нурчилар» сингари диний-экстре-
мистик оқимлар вакиллари қонунга зид
ҳолда фаолият олиб боришга уринмоқда.

ЭЛ — қадимий туркий сўз. Э. муайян
жой, вилоят ёки ҳудудда истиқомат қила-
диган одамлар маъносини англатади. Мас.,
Хоразм Э.и, Қашқар Э.и. Э. сўзи бир қаби-
лага мансуб кишиларга нисбатан қўлла-
нади. Мас., қипчоқ Э.и, манғит Э.и. Маз-
кур т. миллат, халқ маъносини ҳам ифо-
далайди, ш-дек, юрт, мам-т маъноларида
ҳам қўлланади.

ЭЛАТ — кишиларнинг тил, ҳудуд, иқт-й ва мад-й жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги. Э.га кўп жиҳатдан бири-бирига яқин қабилалар бирлашади. Қадимда кишиларнинг Э. бўлиб, бир ҳудудда яшашлари улар орасида умумий манфаатдорлик, қон-қариндошлик ҳис-туйғуларини кучайтирган. Э.лар кучли қабилаларнинг кучсиз қабилаларни ўзига бўйсундириши ва улар б-н аралашиб кетиши натижасида ҳам шаклланган. Э. ўз қиёфасини сақлаб қолиши, ривожланиб, миллат даражасига кўтарилиши учун ўз давлатига эга бўлиши керак. Умумий манфаатдорлик ҳисси ва уни ҳимоя қилиш масъулияти Э.ни вужудга келтирган. Нисбатан марказлашган дастлабки давлатлар Қад. Миср, Қад. Бобил, Қад. Турон ва б. жойларда пайдо бўлган. Сайёрамизнинг бошқа жойларида, жумладан, Ғарбий ва Шарқий Европада Э.лар ўрта а.ларда шаклланган. Дунёда бундай жараёнлар давом этаётган мам-тлар ҳозир ҳам бор. Ш.у. жонли сўзлашув тилида миллат ва элатлар деган иборалар ишлатиб турилади. Кўпинча, Э. деганда, камсонли, мад-й-маър-й, иқт-й-сиёсий жиҳатдан нисбатан кам ривожланган халқлар ҳам тушунилади. Собиқ Иттифоқда 1926 йилда аниқланган аҳоли рўйхатида 230 дан ортиқ миллат ва Э. яшайди, дейилган бўлса, 1959 йилги аҳоли рўйхатида бу рақам 129 тага тушиб қолган. Демак, 100 дан ортиқ Э., асосан, кам сонли халқлар ўз миллий қиёфаларини йўқотиб, кўп сонли халқнинг миқдорини оширган. Шўровий мафкура “ўз рив-шига кўра орқада қолган кўпгина Э.лар, асосан, майда Э.лар, миллатга айланмаслиги ҳам мумкин. Улар вақт ўтиши б-н иқт-й ва мад-й жиҳатдан юксалган бошқа Э. ва миллатлар б-н яқиндан алоқа қилишга ўтиши натижасида илғор халқнинг мад-ти, тилини ўзлаштиради ва аста-секин ўша миллатнинг таркибига сингиб кетади”, деб уқтирарди. (Бу кўчирма Ўзб. Совет Энциклопедиясининг 13-жилдидан келтирилди). Бундан кўринадики, Чор Россиясида XVI а.нинг ўрталаридан бошланган бундай сиёсат шўро даврида ҳам пинҳона давом эттирилди. Шуниси қизиқки, қаердаки

миллий уйғониш юз бериб, миллий мустақиллик талаб этилса, шу халқни, шу халқ раҳбарларини сепаратизмда айблаш мустамлакачиларга хос усулдир. “Сепаратизм” лот.дан олинган атама ҳисобланиб, ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш маъносини билдиради. Мас., бир бутун мам-тнинг бир вилояти ажралиб чиқишни истаса — бу сепаратизм бўлади, бу ҳаракатнинг тепасида турганларни сепаратчи дейиш мумкин. Бундай интилишларни соғлом фикрли ҳеч бир киши оқламайди ва ёқламайди. Бу мам-тнинг яхлитлигига раҳна солади, бутун бир халқни пароканда қилади. Лекин тили, дини, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган, ўз ватанига эга бир халқнинг мустақиллигини истаб, ҳукмрон тузум исканжасидан ажралиб чиқиши сепаратизм эмас, балки миллий давлатчиликни тиклаш йўлидир. Ўз-нинг мустақилликка эришиши ана шу тамойил мазмунига мос келади.

ЭЛЕКТОРАТ (лот. *electorates* — сайловчи, сайлайдиган) — сиёсий партиялар н.назаридан Парламент, Президент ёки давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларда муайян сиёсий партия, партияларнинг сайловолди блоки ёки мустақил номзодлар бирлашмалари томонидан кўрсатилган номзодлар учун овоз берувчи сайловчилар гуруҳи. Сайловчилар томонидан у ёки бу сиёсий партия номзодларининг қўллаб-қувватланиши уларнинг манфаатлари муайян партия ёки унинг номзодлари дастурларида, сайловолди ҳужжатлари ва фаолиятида ўз аксини топгани б-н изоҳланади. Ҳоз. замон халқаро сиёсат майдонида гарчи “Э.” атамаси янги ибора бўлмаса-да, бу атама Ўз-н ижт-й-сиёсий ҳаётига мустақилликка эришилгандан сўнг, хус-н, мам-тимизда демократик жам-тни барпо этиш жараёнида кўппартиявийлик тизими вужудга келиб, ҳақиқий демократик сайловлар ўтказилиши мун-ти б-н жадал кириб келди. Амалга оширилган парламент ислоҳоти ва икки палатали Олий

Мажлисга ўтказилган сайловларда сиёсий партиялар ўртасида сиёсий рақобатнинг кучайиши туфайли Э. масаласи ўта долзарблик касб этди. Мазкур масала сиёсий партиялар учун нафақат наз-й, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга. Чунки, ўз Э.ини билмайдиган, у тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлмаган, унинг ижт-й таркиби, манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганмаган сиёсий партия ўз мақсад-муддаосини белгилай олмайди. истиқболдаги ва жорий вазифаларини аниқлашда қийналади. Бундай партия кимларга таянишини, ким учун фаолият кўрсатиши ва кимлар ўртасида ишлашини, бир сўз б-н айтганда, кимларни ўз ордидан эргаштириши кераклигини билмайди. Табиийки, бу партия узоқ мавжуд бўлмайди. Э. вакиллари у ёки бу сиёсий партияга муайян қатламларга мансуб бўлганлиги ёки сиёсий партия дастурида уларнинг манфаатлари у ёки бу тарзда акс эттирилгани учун эмас, балки мазкур сиёсий партия уларнинг манфаатларини нечоғли чуқур ўргангани, билиши ва ижт-й-иқт-й ўзгаришига мувофиқ дастурий ҳужжатларида инобатга олганига қараб мойиллик билдиради. Энг муҳими, сайловчи сиёсий партиянинг амалий ишларига қараб, уни ташвишлантираётган муаммоларини ҳал қилиши ёки ҳал эта олмаслигига қараб баҳо беради ва қўллаб-қувватлайди.

Э. манфаатлари хилма-хил бўлади. Ушбу масалага сиёсий партияларнинг фаолияти н.назаридан ёндашилганда, сиёсий манфаатлар биринчи ўринда туриши, шубҳасиз. Зеро, ҳар қандай партия учун давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув идораларида, уларни шакллантириш ва фаолият юритишига сиёсий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўз-нда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ўз Э.ига эга бўлган партиялардир. Э. орасида мунтазам иш олиб бориш, унинг манфаатларини ифода ва ҳимоя этиш йўлида доимий ҳаракат қилиш сиёсий партияларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Фақат ана шу йўл б-нгина сиёсий партиялар ўз дастурларида белгиланган

стратегик мақсадларга эришишлари мумкин. Ҳар бир партия Э.ининг ўз партияси гоёлари б-н боғлиқ маън-й мезонлари мавжуд бўлади. Ана шу маън-й яқинлик одамларни ягона Э. доирасида бирлаштириб туради. Ш-дек, Э. маъ-яти партияларнинг айрим масалаларни умумхалқ муҳокамасига қўйиши масаласини белгилаб беради. Партиялар илгари сурадиган гоёлар шу жиҳатдан Э. маъ-ятини кўрсатиб туради.

ЭЛИТА (франц. *elite* – энг сара) — ҳар қандай ижт-й тузилманинг бошқарув, мад-т ва фанни ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатлами. Э. ҳақидаги наз-ялар даставвал Платон, Ницше қарашларида баён қилинган бўлиб, XX а. бошларида В.Парето, Г.Моско, Михельс таълимотида системали равишда тадқиқ этилган. Ҳоз. Фарб социологиясида Э.нинг турли мезонлари ва хус-ятлари ўрганилмоқда. Бунда Э. таркибига ҳокимиятга интилаётган ва сиёсий жиҳатдан фаол одамлар (Моско), жам-тда энг кўп обрў ва мақомга, бойликка, оммага нисбатан ақлий ва ахлоқий устунликка эга бўлган одамлар (Ортега Х Гассет), жам-тнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қилувчи иждодий қисми (Тойнби), энг малакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидаги хизматчилари (технологик детерминация) киритилади. Ҳоз. замон социологиясининг Э. наз-яси Миллс, Рисмен, Белл каби олимлар қарашларида ҳам ўз ифодасини топган.

ЭЛЧИ — тарихда шоҳ томонидан бирор топшириқ б-н юборилган киши; ҳозирда бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги дипломатик вакиллариининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. Мазкур мартаба дипломатия ваколатхоналари очаётган давлатлар ўртасидаги битимлар б-н белгиланади. Бунинг учун халқаро урф-о.да эътироф этилган ва 1961 йилдаги Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясида ўз тасдиғини топган қоидаларга кўра, дипломатия ваколатхонаси раҳбари турли тоифалар ора-

сидан танлаб олинади. Э. давлат бошлиғи томонидан тайинланади ва ўша давлат бошлиғи томонидан эътироф этилади. Э. деганда, тегишли ваколатхона раҳбари лавозими ҳам тушунилади, аксарият мам-тларда бу олий дипломатия мартабасидир. ЎзР Конституциясида кўзда тутилганидек, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардаги Э.ларни ва б. дипломатия вакиллариини ЎзР Президенти тайинлайди ва чақириб олади (93-модда, 6-банд). Президенти, ш-дек, чет эл дипломатия вакилларииндан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олади (93-модда, 5-банд), яъни ЎзР Президенти чет эл давлати бошлиғидан ЎзР раҳбарига ёзилган расмий мактубларни қабул қилиб олади, ушбу мактубларда дипломатия вакилини тайинлаш ёки чақириб олиш қоидалари баён этилади. ЎзРнинг 1992 йил 3 июлдаги «ЎзРнинг чет эл давлатларидаги дипломатия вакиллариини тайинлаш ва уларни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонунида 1961 йилдаги Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган тамойиллари ва нормаларига биноан ЎзРнинг Э.сини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби белгиланган. Э.хона — бир давлатнинг иккинчи давлатдаги доимий дипломатия ваколатхонаси бўлиб, унга Э. бошчилик қилади. Доимий Э.хоналар XVII—XVIII а.ларда ташкил топган. Ҳоз. вақтда Э.хона мақомини белгилаб берадиган халқаро ҳуқуқий нормалар 1961 йилдаги Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясида акс этган. Ўз-н Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига 1992 йилнинг 15 январидеда қўшилган. Халқаро мун-тларда Э. ва Э.хоналар асосида иш олиб бориш жаҳон халқларининг бугунги юксак маън-й ютуғи ҳисобланиб, дипломатик мун-тларнинг бундай ташкил этилиши жаҳон халқлари орасида ўзаро ишонч ва тенг ҳамкорлик мун-тлари асосида иш олиб боришда қулай имкониятлар яратиш учун хизмат қилади.

ЭЛШУНОСЛИК (этнология, этнография) — элат ва халқларнинг келиб чиқиши ва жойлашиши, ўзаро ўхшаш ва фарқли хус-ятлари, мад-й-маиший ҳаёти, ижт-й ва оилавий турмуш тарзи, маън-й дунёси каби муаммоларни ўрганувчи фан соҳаси. Ш-дек, этносларнинг ибтидоий даврлардан то шу кунгача ўзлиги, урф-о., маросим, маъ-ят ва анъанавий турмуш тарзи, ҳоз. кундаги энг муҳим этнослараро мун-тлар, умуминсоний ва умумэтник жараёнлар, этник гуруҳ ва ирқларнинг ўзаро алоқалари, этник онг стереотипи ва этник психология каби масалаларни тадқиқ қилади. Кейинги вақтда этнология фани кўпроқ наз-й муаммоларни, этнография эса амалий масалаларни ўрганишга ихтисослашмоқда. Этнография (юн. *ethnos* — халқ, *grafos* — ёзма) фанининг замонавий европача наз-й асослари халқлар тўғрисидаги мустақил фан сифатида XIX а. ўрталарида шаклланган. «Этнос» сўзи илк бор қад. юнон тилидаги манбаларда учрайди. “Этнография” атамаси фанга илк маротаба 1784 йилда А.Шаванн томонидан олиб кирилган. Француз олими Жан Жак Ампер томонидан 1830 йилда “антропологик” (ижт-й) фанларнинг умумий таснифини ишлаб чиқишда халқлар ва уларнинг мад-ти тўғрисидаги янги фаннинг номланиши тарзида махсус изоҳ сифатида қўлланган. Кейинчалик мазкур атама Европа давлатларига жуда тезлик б-н ёйилган. Умуман, этнология мустақил фан сифатида бир қатор этнологлар жам-тлари (1839 йил Парижда Франция этнологлари жам-ти, 1848 йил АҚШда Америка этнологлари жам-ти)нинг тузилиши б-н расман тасдиқланган. Кейинчалик Э.нинг наз-й қисми ҳам ривожланиб бориб, унинг асосида этнология фани вужудга келган. Этнология ҳам “халқ тўғрисидаги фан” деган маънони билдиради. Фан соҳаси сифатида Э. (этнография, этнология) XIX а.нинг ўрталарида истеъмолга кирди. Расмий равишда мустақил фан сифатида 1839 йили “Париж этнология жам-ти”га асос солинган даврдан бошлаб тан олинган. Э. дастлаб фактик билимларни тўплайди, кейин уларни таҳ-

лил этиш орқали моҳиятини тушуниб олиб, наз-й хулосалар чиқаради. Э. ўз тадқиқотларини археология, антропология, мад-тшунослик, лингвистика, социология, санъатшунослик каби фан соҳалари б-н боғлиқ ҳолда амалга оширади. Мазкур фанларнинг ўзаро алоқаси туфайли кейинги йилларда қўшалок илмий соҳалар: этник антропология, этномад-т, этнолингвистика, этносоциология, этнопсихология ва б. юзага келди. XIX а. иккинчи ярмида Европадаги бошқа йирик давлатлар сингари Франция сиёсий доиралари томонидан мустамлакачилик сиёсатининг кучайиши ва мустамлакаларни бошқариш механизмнинг мураккаблашуви, ўз-ўзидан қарам халқлар тўғрисида кенгроқ маълумотларга эга бўлиш, уларнинг миллий хус-ятлари, тарихи, турмуш тарзи, мад-ти, маъ-яти ва анъаналари ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлишни талаб қила бошлаган. Шу боисдан ҳам Э. бу давлатда “этнография” деб юритилган. Францияда мазкур атама XIX а. охиригача илмий истеъмол доирасида бўлган. Этнография жаҳондаги барча халқларнинг, этник уюшманинг турли шакллари, уларнинг келиб чиқиши (этногенези), турмуш тарзи, урф-олари, моддий ва маън-й тар-ёт даражаси, уларнинг ўзаро тафовути, умумийлиги ёки ўхшашлигини, этносларнинг ўзига хос хус-ятларини ўрганувчи махсус фан соҳаси ҳисобланади. Э. ҳоз. этносларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, жойлашиши ва этник тузилиши, урф-олари, маън-й мад-ти ва миллий хус-ятларини тарихий жараён б-н боғлиқ тарзда ўрганади. Тарихий Э. йўқолиб кетган халқ ва элатлар, ўтмишдаги этник жараёнлар, майший турмуш ва маън-й мад-т хус-ятларини тадқиқ қилади. Э. фани асосий этиборни ҳоз. халқларга қаратгани ҳолда, ўтмишда мавжуд бўлган барча этник бирликларни илмий ўрганишга ҳам қаратади. Э.нинг фан сифатидаги асосий объекти халқ ва халқларнинг ўзига хослиги ҳисобланади. Э. фанида турли халқлар этногенези ва этник тарихи, анъанавий ва этник-мад-й жараёнлар, моддий ва маън-й мад-т муаммолари ҳамда этнослараро

жараёнлар тадқиқ этилади. XX а. бошларида француз тадқиқотчилари этнографияга тарихий ва наз-й материалларни жалб этган ҳолда изланишлар олиб боришлари натижасида Э. этнологияга айланган ва ҳозирда француз олимлари томонидан асосан этнологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. XX а.нинг сўнгги чорагидан бошлаб Германияда Макс Планк номидаги Этнология ва антропология илм. тад. ин-ти томонидан олиб борилаётган изланишлар алоҳида этиборга сазовордир. Аввало, инглиз забон мам-тларда халқлар тўғрисидаги фан антропологиянинг бир қисми сифатида ўрганилган. Америкада дастлабки элшунослар жам-ти 1848 йилда тузилган бўлса-да, Э. мактаблари Европанинг бошқа мам-тларига қараганда амалда бирмунча кечроқ шаклланган. Негаки, қитъа аҳолисининг этник ранг-баранглиги ва узоқ йиллар мобайнида мазкур қитъада давом этган ирқчилик сиёсати натижасида жисмоний антропологиянинг ирқий ва мад-й фарқларигина ўрганиб келинган. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш керакки, мазкур йўналишга машҳур олим Генри Льюс Морган томонидан асос солинган. Унинг ибтидоий жам-тда уруғчилик, оила-никоҳ мун-тлари типлари таснифи, инсоният тарихини даврлаштириш мавзуларидаги содда тадқиқотлари бир неча ўн йиллар мобайнида Америка элшунослари учун муҳим изланиш йўналишлари сифатида қилган. Россияда 1846 йил “Рус география жам-ти”нинг тузилиши натижасида Э. йўналишидаги дастлабки тадқиқотларга асос солинган. Рус этнографияси мактабининг шаклланишида машҳур сайёҳ ва тадқиқотчи олим Миклухо Маклайнинг хизмати беқиёсдир. Ў.О. халқлари, шу жумладан, ўзб. халқи элшунослиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар археологик ёдгорликлар, илк ёзма манбалар ва турли қадимий тарихга оид материаллардан маълум. Қад. даврларда ва Ўрта алларда Амударё ва Сирдарё бўйларида яшаган халқлар ҳаётини ўрганишда зардуштийлик динининг муқаддас китоби — “Авесто”, қад. туркий битиклар ва сўгдий ёзувлар, Абу Райҳон Берунийнинг “Қад. халқлардан

қолган ёдгорликлар”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк”, Абу Бакр Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” ҳамда “Насабномаи ўзб.”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” каби асарлари катта аҳамиятга эга. 1870 йилда Самарқанд, Бухоро, Урганч бўйича уюштирилган илмий экспедиция (Н.Н.Каразин, Н.Е.Симанов)лар ўз даври учун муҳим маълумотларни тўплаш имконини берган. Ў.О. Россия империяси томонидан босиб олинган, ўзб. халқи Э.ини ўрганишга жиддий эътибор қаратила бошланган. Айниқса, 1895 йилда Тошкентда Археология ҳаваскорлари Туркистон тўғарагининг ташкил этилиши натижасида ўзб. халқи этнографиясига оид илмий материаллар йиғила бошланди. Ш-дек, Сатторхон Абдуғафоров, Мирзо Барот, Мулла Қосимов, Муҳаммад Вафо, Г. Арандренко, Л.С. Берг, ВЛ. Вяткин, М.Ф. Гаврилов, А.Д. Гребенкин, А.А. Диваев, И.И. Иброҳимов, А.В. Каулбарс, П.Е. Кузнецов, Д.Н. Логофет, Н.А. Маев, А.Е. Снесарев, М.С. Андреев, А.А. Семенов, А.Ф. Петровский, А.П. Шишов, В.Н. Наливкин, Н.П. Маллицкийларнинг тадқиқотларида ўзб. халқининг этник тарихи, ижт-й-иқт-й ҳаёти, геосиёсий жойлашуви, ўзаро ички ва ташқи алоқалари, анъанавий турмуш тарзи ва мад-тига доир кўплаб илмий материаллар тўпланган. 1881 йилда маҳаллий ҳокимият томонидан ўз даврининг машҳур элшунос олимларидан ташкил топган “Туркистон туб аҳолисининг маиший турмушини ўрганиш илмий комиссияси” фаолият юритган. Айнан шу комиссия иштирокида машҳур элшунос тадқиқотчи олим А.А.Диваев раҳбарлигида Сирдарё вилояти ва Ў.О. халқлари этнографиясининг билимдонларидан бири М.С.Андреев бошчилигида Самарқанд вилоятида яшовчи эл-улуслар этнографияси ва бой фольклор — халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш бўйича этнофольклористик экспедициялар уюштирилган.

1930 йилларда йирик ўзб. фольклоршунослари Ҳоли Олим Юнусов ва Ҳоди Зариповлар ҳамда машҳур рус этнографи Л.П. Потапов томонидан ўзб. халқи мадти, этнографияси ва фольклорини ўрганиш борасида уюштирилган махсус экспедициялар жараёнида ҳам маҳаллий аҳолининг ўзига хослиги юзасидан жуда бой материаллар тўпланган. XX а.нинг 20–30-йилларига қадар Э. муаммолари б-н кўпроқ русийзабон олимлар шуғулланган бўлса, 30-йиллар охирига келиб, М.А.-Бикжанова, Ш.Иноғомов, Т.Мирғиёсов, М.Юсупов, Ҳ.Ҳусанбоев, Г.Алимов, А.Болтаев, М.Саиджонов каби маҳаллий мутахассис-этнографларнинг янги авлоди шакланган. Бу даврда яратилган тадқиқотлар музейлар ва илмий марказларда бажарилган бўлиб, уларнинг асосий илмий натижалари асосан турли журналларда мақолалар тарзидагина эълон қилинган. 1943 йил ЎзФА Тарих ва археология ин-ти таркибида Этнография бўлимининг ташкил этилиши республикада этнографик илмий изланишларни янада жонлантириб юборди, деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда тадқиқотчилар томонидан асосан тарихий ва замонавий этнография ҳамда ўзб.ларнинг этник муаммолари юзасидан илмий изланишлар олиб борилди. XX а.нинг 70-йилларидан бошлаб Ўз-ннинг айрим минтақалари аҳолисининг этник таркибидаги ўзгаришлар ҳақида ҳудудий маълумот берувчи этнографик хариталар тайёрланди (Ш.И. Иноғомов, К.Шониёзов, Х.Тошев, Б.Аминов ва б.). Олий ўқув юртлари учун “Этнология” фанидан махсус дарслик (И.Жабборов “Ўзб. халқи этнографияси”, Т., 1994), ўқув-услубий қўлланмалар (О.Бўриев, Б.Исҳоқов), “Этнология атамалари луғати” (О.Бўриев) чоп этилди. Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин Э. фани ҳам янги босқичга кўтарилди. Айниқса, этногенез ва этник тарих муаммолари бўйича қатор тадқиқотлар яратилди. Бугунги кунда мам-тимиз илмий муассасаларида Э. фанининг долзарб муаммолари кенг ўрганилмоқда. 2000–2001 йилларда Термиз ва Қаршида этнологик тадқиқотлар маркази ташкил

этилди. Мам-тимиз этнологлари АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, М.О. республикалари этнологлари б-н илмий-амалий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишган. Россия ФА Этнология ва антропология инти б-н ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундай илмий алоқалар юртимизда Э. (этнология, этнография) жаҳон илми б-н ўзаро уйғун ривожланаётганлигидан далолат беради.

ЭМАНСИПАЦИЯ (лот. *emancipatio*) — 1) жабр-зулм, қарамлик, тутқунлик, турли бидъатлардан қутулиш (мас., хотин-қизлар Э.си); 2) тобелик, эскилик сарқити, ақидапарастликдан холи бўлиш; 3) вояга етмаган кишини муомалага лаёқатли деб эълон қилиш. ЎзРнинг фуқаролик ҳуқуқида Э. қоидалари ФКга биринчи марта киритилди. Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги б-н вазийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори б-н амалга оширилади. Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий Э. қилинган вояга етмаган шахснинг мажбуриятлари бўйича, хус-н, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

ЭМОТИВИЗМ (инг. *emotive* — ҳиссиётни келтириб чиқарувчи, кўзгалтирувчи) — мантикий позитивизмнинг гоялари ва методологияси асосида вужудга келган ахлоқий наз-я. Мазкур наз-яга кўра, ахлоқий ҳукмлар, атамалар ҳақиқий ҳам, ёлғон ҳам эмас, билиш мазмунидан маҳрумлиги боис уларни тажриба йўли б-н текшириб бўлмайди. Уларнинг аҳамиятли томони ахлоқий ҳиссиётларни намоён қилишга хизмат қилишдангина иборат. Э. ахлоқий тасаввурларни ўз-ўзидан вужудга келади деб ҳисоблайди. Э. XX а.нинг 20-40-йилларида Буюк Британия, Австрия, АҚШда кенг тарқалади. Айер, Рассел, Карнап, Рейхенбах кабилар Э.нинг етакчи вакиллари ҳисобланади.

ЭМОЦИЯ (лот. *emovco* — ҳаяжонлантираман, изтироблайман) — маън-й-руҳий ҳодиса, шахснинг муайян воқеликка нисбатан ўз мун-тини ҳис қилишидан келиб чиқадиغان. унинг эҳтиёжи ва қизиқиши, нарса ва ҳодисалар б-н боғлиқ бўлган турли даража, мазмун ва шаклдаги ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларининг мажмуаси. Э. атамаси «ҳиссиёт» т.си б-н бир маънода ишлатилади. Лекин «ҳиссиёт» б-н “Э.” т.сини айнан бир ҳисоблаш мумкин эмас. Белгилари, хус-н, яққол намоён бўладиган ҳиссиётларни ичдан кечиритишдан иборат руҳий жараён вужудга келишининг аниқ шаклинигина Э. деб аташ тўғри бўлади. Бироқ ватанпарварлик, жавобгарлик, виждон азоби, масъулият, бурч, онанинг болага нисбатан меҳр-муҳаббати ҳисларини Э. деб аташ мумкин эмас. Ш-дек, уларни кескин чегаралаш ҳам баъзи бир камчиликларга олиб келади. Э. инсон психикасининг ўзига хос соҳаси бўлиб, шахс фаолиятининг айрим жиҳати сифатида ҳаракатдаги ва ўз миёсида теварак атрофдаги оламни акс эттираётган одам томонидан турли тарзда ичдан кечирилади. Э. борлиқда содир бўлаётган ҳодиса ва нарсалардан шахс учун аҳамиятли жиҳатлари ҳақида дарак берувчи сигналлар тизими ҳисобланади. Унинг худди шу сигнал функцияси психологияда Э.нинг импрессив томони дейилади (лот. *impressio* — таассурот). Э. ва у кечишининг турли шакллари фақат сигнал функциясини эмас, балки бошқарувчилик функциясини ҳам бажаради. Мослашиш давридаги ихтиёрсиз ва онгли ҳаракатлар психологияда эмоционал ҳолатларнинг экспрессив томони деб аталади (лот. *expressio* — ифодалаш). Шахс эмоционал соҳасининг таркибий қисмлари: эмоционал тус (тон), эмоционал ҳолатлар (актив, пассив, астеник, стеник), аффект, стресс, кайфият. Эмоционал ҳолатлар ҳиссий кечинмаларнинг одатдаги ва ўзига хос шаклидан иборатдир. Инсон фаолиятининг қайси бир тури ёки қайси бир соҳаси ҳислардан қайси бириники устувор. юксак ҳис эканига қараб муайян туркумларга ажратилади: 1) меҳнат фаолиятида кечириладиган ҳислар, яъни праксик ҳислар (юн.

praxis — иш, фаолият, юмуш); 2) интеллектуал ҳислар (лот. *intellectus* — тушуниш, ақл); 3) ахлоқий ҳислар (лот. *morallis* — ахлоқий); 4) эстетик ҳислар (юн. *aistesis* — ҳиссий идрок).

“ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН — ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ АКС ЭТТИРИШ” – Ўз-н Президенти И.А.Каримовнинг бугунги кунда замон ўзгаришлари б-н маън-й ҳаётимизда ҳар томонлама ўткир ва долзарб аҳамият касб этаётган муаммолар, ҳоз. пайтда маън-й-маър-й тарбия ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, хус-н. миллий ўзлгимизни англаш, бебаҳо маън-й меросимизни асраб-авайлаш ва халқимизга етказишда ОАВнинг ўрни ва тобора ортиб бораётган аҳамияти таҳлил этилган рисоласи (Т., “Ўзбекистон”, 2009 й.). Рисолада бу мураккаб масалаларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини англаб етиш, айни вақтда ушбу соҳадаги мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича даврнинг ўзи кун тартибига кескин қилиб қўяётган янги вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилади. Ш-дек, асарда баён этилган фикрларда бугунги кунда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш б-н бирга, мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир қуролига айланиб, турли сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани, айниқса, «оммавий мад-т» ниқоби остида аҳолининг кенг қатламлари, биринчи навбатда, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган уринишлар, ошқора ва пинҳона ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётганига эътибор қаратилади. Бунда ОАВ олдида турган долзарб вазифалар, уларга қўйилган талаблар кўп бўлишига қарамасдан, энг асосий талаб — ҳақиқатни, ҳаётнинг тўлақонли акс эттирилиши ОАВ ходимлари ва журналистларнинг билим ва тажрибаси, профессионал маҳорати, фуқаролик позициясига боғлиқ экани таъкидланади. Шиддатли ахборот оқимида бизга ёт ва ёвуз мақсад ҳам яққол намоён бўлаётгани боис, ОАВ ва уларнинг ходимлари ҳали

ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган, онгу тафаккури, ахлоқий қарашлари эндигина шаклланиб келаётган ёшларимизни бундай хуружлардан авайлаб-асраш, уларни маън-й жиҳатдан бу ғояларга қарши қуроллантиришда жонбозлик кўрсатиши ҳаётини заруратга айланди. Чунончи, ОАВ дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини ҳаққоний, таъсирчан мисоллар орқали тушунтириш воситасида униб-ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлашга ўрганишига кўмаклашиши зарур. Рисолада ёт қарашлар, бузғунчи кучларнинг турли усуллардаги ташвиқотлари таъсирига тушишнинг олдини олиш, айни вақтда маън-й-маър-й тарғибот ишларини кучайтиришга янада кенгроқ эътибор қаратилиши таъкидланади. Шу б-н бирга, ОАВ бугун мам-тимизда амалга оширилаётган ижт-й-иқт-й сиёсатни, янгилаш ва ўзгаришлар жараёнларини ҳар томонлама чуқур, таъсирчан усуллар б-н ёритиб бориши, бу масалада офаринбозликдан қутулиши, бюрократия, манфаатпарастлик, порахўрлик, маҳаллийчилик, лоқайдлик каби салбий иллатларни фош қилиши зарурлиги рисолада кўрсатиб берилган. Мустақилликни мустаҳкамлаш, эзгу ғояларга садоқат руҳини ёшларимизга сингдиришда ОАВ ўз имкониятларини тўла намоён қилиши лозимлиги; буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти, жаҳон мад-тидаги ўрни ва аҳамияти, бугунги ҳаётга таъсири ҳақида жамоатчилигимизга, ёш авлодга узлуксиз маълумот етказиб бериш, айни вақтда фақат уларнинг номларини зикр этиш, ўтмишга маҳлиё бўлиб қолишни бартараф этиш масалаларини ҳар томонлама чуқур очиб беришга қаратилган илмий-оммабоп ва маър-й кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар, мақола ва рисоалар яратиш жараёнини доимий равишда ёритиб бориши уқтирилади. Мазкур рисола кенг жамоатчилик, ижодкор зиёлилар, ОАВ ходимларига мўлжалланган бўлиб, ундан ш-дек, олий ўқув юртларининг фал., тарих, сиёсатшунослик, журналистика, миллий ғоя ва б. ижт-й соҳа мутахассисликлари бўйича махсус курс ва машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ — “Энг буюк жасорат — бу маън-й жасоратдир” (И.А.Каримов). Ҳаёт доимий синов майдони сифатида таърифланади. Унинг асл маъноси эса ана шу майдондаги тинимсиз кураш, қийинчиликларни енгиб, инсонга хос улугворлик, покликни асраб ўта олишдан иборат. Оддий ўт-ўлан ҳаёт учун курашиб, тош қотган ер бағрини ёриб чиқади, ҳар бир жонзот ўз наслини сақлаш учун курашади. Жасорат намуналарини кўрсатади. Инсон ҳаёти ҳам ана шундай тинимсиз курашдан иборат. Аммо инсонга б. жонзотлардан фарқли ўлароқ буюк неъмат — ақл ато этилган, руҳият берилган. У нафақат жисми, балки кўпроқ руҳияти талаблари б-н яшайди, онгли ҳаёт кечириш учун ички дунёси, маън-й оламига суянади. Айни маън-й тамойиллар асосида одамзод қадим-қадимдан дунёни диалектик идрок этиб, икки куч — ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги доимий кураш сифатида талқин этиб келган, эзгуликка интилиб яшаган. Дунёдаги кўп халқларнинг эртагу ривоятларида қахрамонлар айри-чорраҳа йўлга рўбарў келадилар ва дунё неъматларини, нафси талаб этган нарсаларни ваъда қилган йўлни эмас, балки фақат “борса-келмас” йўлини танлайдилар. Бунга адолат ва эзгулик рамзи сингдирилиб, шу йўлга кирган инсоннинг маън-й қудратини, ўзидан, ҳузур-ҳаловатидан кеча олишини англатади. Жаҳон цивилизацияси, ана шу Э.Б.Ж., азму шижоат, маън-й жасорат соҳибларини улуглаб, шарафлаб келган. **“Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қахрамонлик аслида мана шу”**. Яқинлар учун, ўзгалар учун, инсоният учун, бутун борлиқ учун жон куйдириш ёки азиз жонини фидо қилиш учун инсон метин продали, буюк қалб эгаси бўлиши керак. Юнон афсоналаридаги Икар каби ҳалок бўлишини била туриб, қуёшга, ёруғликка, буюк орзулар сари парвоз қилиш ҳаманинг ҳам қўлидан келавермайди. Аммо

инсоният тар-ётини ҳар доим айнан ана шундай одамлар йўлга қўйганлар. шулар тарих гилдирагини олға силжитганлар. Улардаги Э.Б.Ж. одамлар учун ибрат мактаби бўлган. Эрк ва озодлик йўлида Э.Б.Ж. кўрсатган миллий қахрамонларимиз Тўмарис, Широқ, Спитамен биз учун ибрат бўла олади. Инсоният тар-ёт йўллариини белгилаган буюк кашфиётлар, одамларни руҳан покланиш, қалбан улғайишга даъват этган фан, мад-т, санъат ва адабиёт ва б. бунёдкорлик дурдоналари ана шундай маън-й жасорат меваларидир. Суқрот яратган илм, унинг инсон ва жам-тга доир фал.си мана қарийб 2,5 минг йил мобайнида Шарқу Фарб алломаларини руҳлантириб келмоқда. Унинг ҳаёти ва ўлими тарихи инсон руҳий қувватининг чинакам рамзига айланган. Одоб ва ахлоқни фал-йи теран тадқиқ қилган Суқрот ҳокимият томонидан айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилади. Шогирдлари унга қамоқдан қочиб жонини сақлаб қолишни таклиф этишганда, у бундан воз кечади. Суқрот учун қамоқдан қочиш ўзи тарғиб қилган ва ўзи бутун умр риоя этган қоидаларга, Ватанга хиёнат бўлар эди. Зеро, унинг қатъий фикрича, ҳар қандай, ҳатто энг юксак ва адолатли мақсад ҳам, унга эришмоқ йўлидаги паст ва жиний воситаларни оқламайди. Шарқу Фарб илмининг ривожига кучли таъсир ўтказган, Шарқ илм-фанида “устода аввал” (биринчи муаллим) деган шарафли ном олган Афлотун нафақат илм-фан, балки маън-й жасорат бобида ҳам Суқротнинг муносиб шогирди бўлди.

Инсониятнинг бугунги тар-ёт даражасини Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей, Кампанелла каби олимларнинг кашфиётларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ваҳоланки, мас., черков таъйиқларига учраган Ж.Бруно жонини сақлаб қолиш учун ўз кашфиётидан воз кечса, тавба қилса бас эди. Аммо у бундай қилмади ва ўтда куйдирилди. Худди шундай, ўнлаб Европа алломалари жаҳолат қурбонлари бўлишди. М.О.да ҳам юзлаб ана шундай Э.Б.Ж. соҳибларини санаб ўтиш мумкин. Хус-н, Хоразм Маъмун академиясида фаолият кўрсатган Абу Наср

ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби алломаларнинг фидойилиги туфайли Шарқ зиё масканига айланди. Уларнинг илмий кашфиётлари, машаққатли меҳнат ортида яратган асарлари жаҳон илм-фанининг ривожига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилди. Илоҳий ишқ йўлида Э.Б.Ж. кўрсатган Мансур Ҳаллож, Насимий, Машраб кабиларни бугунги авлод ёдидан чиқармайди. Эл-юрт мустақиллиги йўлида ўз жонини фидо қилган Нажмиддин Кубро ёки Жалолиддин Мангубердиларнинг жасоратисиз, мам-тни ривожлантириш, давлатни мустақамлашга умрини бахшида этган Амир Темурсиз, халқ фаровонлиги, жам-т барқарорлиги ҳақида қайғурган Алишер Навоийсиз, Ватан ишқи б-н буюк салтанатни яратган Заҳриддин Муҳаммад Бобурсиз ўзб. халқининг тарихи ва буюк келажагини тасаввур этиш мумкин эмас. XX а.нинг кўп халқлар учун қайгули тарихида ҳам бундай улуғ сиймолар кўп. Мас., Ҳиндистонда миллий озодлик кураши унинг раҳбарларидан бири, атоқли мутафаккир, файл. “Маҳатма” (“Буюк қалб”) таҳаллуси орқали машҳур бўлган Ганди номи б-н боғлиқ. Ганди муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида ҳар қандай урушларни инкор этган. Ш.у. Ганди номи бугунги кунда нафақат Ҳиндистонда, балки бутун дунёда тинчлик, ижт-й ҳамкорлик, динларо бағрикентлик гояларининг рамзига айланган. Ўлка тарихига қайтилса, Ўз-н мустақиллигининг илк тамал тошларини қўйган истиқлол фидойилари — жадидларнинг маън-й жасорати ибрат мактаби бўлди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарварлар Туркистон ўлкасини Чор мустамлакачилигидан халос этиш, юртни тараққий топтириш йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечдилар, керак бўлса азиз жонларини қурбон қилдилар. Тарихдан маълумки, Чор ҳукумати-нинг мустамлака ўлкалардаги сиёсатини шўролар давом эттирди. Бу сиёсатнинг асл

моҳияти халқларни, хус-н ўзб. халқини тарихдан айириш, ўзлигини йўқотиш, ўлкани хомашё базасига айлантиришдан иборат эди. Ш. у. халқнинг миллий тарихи, орияти, мад-тини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган ҳар қандай инсонга “халқ душмани”, “ватан хоини” каби тамғалар босилиб, қатағон қилинди. Шундай таҳликали даврда ҳам ўзб. зиёлилари халқнинг орияти ҳимоясига отланиб, фидойилик кўрсатишди, бу йўлдаги қийинчилик ва таъқиблардан руҳан букилмай дадил туришди. Шундай шахслар қаторида Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукрулло сингари шоир ва ёзувчилар, Яҳё Фуломов, Иброҳим Мўминов каби унлаб, юзлаб олимларнинг номларини келтириш мумкин. Мас., археолог олим Яҳё Фуломов собиқ Иттифоқ даврида Ўз-нни яхлит пахта даласига айлантириш сиёсати туфайли қаърида тарихий обида ва ёдгорликлар яширинган тепаликлар текисланишига қарши чиқади. Шу туфайли тазйиққа учраганда ҳам олим ўз ҳаётий ва илмий қарашларидан воз кечмади. Тарих ва келажак олдида масъулиятини ҳис этиб тизимга, унинг бемаъни сиёсатига мардона қаршилиқ кўрсатган шундай инсонлар туфайли ўзб. халқининг бой тарихий мероси келажак авлодлар учун сақланиб қолинди. Инсон ҳаётида шундай дамлар бўладики, шахсий дард-аламлар юки уни эзиб ташлайди, руҳий ёки жисмоний дарддан дунё қоронғу бўлиб кетади. Бундай пайтларда фақат катта юрак, букилмас ирода эгаларигина ўзини унутишга қодир бўлади. Атоқли ўзб. шоираси Зулфия, ҳассос олим Озод Шарафиддинов ана шундай маън-й жасорат соҳибларидандир. Умр йўлдоши, ҳаётидаги суянчиғини бевақт йўқотган Зулфия айрилиқ ва ҳижрон азобларига бардош берди, ғам-андуҳ ва ҳасратларини матонат б-н енгди, ўз ижоди, шеърияти орқали энг эзгу туйғуларни одамларга улашди. Умрини таълим-тарбия, илм-фанга бахшида этган Озод Шарафиддинов эса умрининг сўнгги йилларида касалликка дучор бўлди, бир неча оғир операцияларни бошидан ўтказганига қарамай, тушкунликка тушмади, ўз дарди б-н ўралашиб

қолмади ва ижодий фаолиятини бир зумга ҳам тўхтатмади. Халқ келажаги, Ватан истиқболи учун курашиб, ёниб яшаган ана шундай қаҳрамонлар Э.Б.Ж. тимсолидир.

ЭНТУЗИАЗМ (юн. *entusiasmos* — илоҳий завқ-шавқ, жонбозлик) — бирор бир гоя, идеал ёки мақсадга завқ-шавқ б-н, жон-дилдан берилишни. олий қадриятларга интилишни ифодаловчи т. Антик даврда Э., энг аввало, шоир ва рассомлар ижодида илоҳий қувват асосида жонбозлик б-н нодир санъат асарларини яратишда намоён бўлган. Э. адабиёт ва санъат сирларини ўрганиш ва ижод йўлларини тадқиқ қилишни ҳам қамраб олган. Антик давр файласуфлари илоҳий гўзалликка етиш ниятида жонбозлик б-н қилинган меҳнатни Э. деб таърифлаган. Э. фал-й-ахлоқий ҳодиса сифатида инсон фаолиятини белгиловчи ва йўналтирувчи маън-й мезон ролини ҳам ўйнайди. Э. ижт-й фаллиқ даражасини ифодаловчи мезон бўлиб, шахс фазилатлари ва характерини шакллантирувчи муҳим ахлоқий тамойиллардан биридир.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ (юн., франц. *enciklopedie* — билимлар доираси, қомус) — маълум қоидалар асосида тартибга солинган билимлар тўплами, илмий ёки илмий-оммабоп нашр. Эларнинг юзага келиши деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Илк Элар Қад. М.О., Миср ва Хитойда пайдо бўлган. Ундан кейин қомусий мазмун ва тусдаги асарлар Қад. Юнонистонда Арасту томонидан яратилган. М.О.да Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Бобур қомусчилик тарихига ҳисса қўшганлар. Биринчи ҳақиқий Э. 1751—1780 йилларда 35 жилдда Д.Дидро бошчилигида, франц. олимлари Монтескье, Вольтер, Руссо ва Д.Аламбер томонидан тайёрланиб, чоп этилди. 1917 йилгача Россияда Брокгауз ва Ефрон ҳамда Гранд Э.си маълум эди. Собиқ шўро даврида унинг мафкураси акс этган Катта Совет Э.си 3 марта нашр этилди. Ш-дек,

бир қанча соҳа Элари (фал., тарих, техника, жуғрофия, кимё ва б.) ва республикалар Элари тайёрлаб чоп этилди. “Ўзб. Совет Э.си” 1971—1980 йилларда 14 жилдан иборат ҳолда чоп этилди. Унга 40 мингдан ортиқ атама-мақолалар киритилди, 10 минг сурат ва 800 та харита илова қилинди. Афсуски, “Ўзб. Совет Э.си” мазмунида яқин ўтмишдаги ҳукмрон мафқуранинг жиддий салбий таъсири бор эди. 1981 йилдан бошлаб, ўзб. қомусчилари 2 жилдли “Энциклопедик луғат”, тиббиёт, пазандачилик, болалар учун ва б. Элар чиқардилар. 1997 йилда бир жилдли “ЎзР Э.си” чоп этилди. Президент И.А.Қаримов Э. ишига алоҳида эътибор бериб, 1997 йил 20 мартда «Ўз-н миллий Э.си» давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида” ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорига имзо чекди ва у матбуотда эълон қилинди. Мазкур қарор мамтимизда Э. ишини янги поғонага кўтарди, ўзб. тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини, соҳа Эларини, кўптилли луғатлар ва маълумотларни чоп этиш кенг миқёсда ва тартиб-режа асосида мунтазам олиб бориш истиқболини очди. “Ўзб. миллий Э.си”нинг 12 жилдли нашри амалга оширилди. Давримизнинг илғор мам-тларидеги энциклопедик иш амалиёти шуни кўрсатадики, уларда энциклопедик луғатлар ва умуман маълумотлар чоп этиш айланма (конвейер) саноати йўлга қўйилган бўлиб, турли энциклопедик луғатлар, маълумотномаларда ҳаётдаги илмий, техникавий, луғавий ва б. ўзгаришларни инобатга олиб, тезкор акс эттириш имкониятини беради. Бундан ташқари, ўтмишдаги кўп жилдли Э. луғатидан фойдаланиш, уни ўзи б-н олиб юриш, ундан турли соҳа бўйича маълумотлар олиш ва айнаи вақтда шу тилдаги ҳар бир сўзнинг маъноси, тарихи, таълаффузи ҳақида қисқа, лекин етарли маълумот олиш, турли халқаро иборалар, қисқартмалар, ўлчов бирликлари ҳақида саволларга ҳам жавоб олиш имконини беради.

ЭПОС (гр. *epos* — сўз, нутқ, ҳикоя) — 1) кенг маънода, воқеабанд бадий асар, бадий адабиётнинг баён тарзидаги бир

тури; 2) тор маънода, халқ Э.и — оғзаки яратилган ва бирор чолгу асбоби жўрлигида ижро этиладиган, халқнинг қахрамонона ўтмиши, орзу-умидларини ифодаловчи катта эпик асарлар. Э. қад. қабилла ёки уруғнинг маиший ҳаётини ҳикоя қилувчи оғзаки ва ёзма шаклдаги бадиий асар ҳамдир. Бу асарлар секин-аста тараққий қилиб, шегърий ва насрий йўлда мукаммал бадиий асарларга айланади. Бу жараёнда эпик асарлар тақомиллашади, турлича композицион восита ва усулларга эга бўлади, ўзига хос бадиий тил хус-ятларини касб этади. Э., дастлаб воқеликни ўз ҳолича объектив тарзда акс эттирган бўлса, кейинчалик бу нарса тамоман бузилди, яъни объектив воқелик баёни ё муаллиф томонидан, ё шартли ҳикоячи томонидан ёхуд асар қахрамони томонидан олиб бориладиган бўлди. Бундан ташқари, Э.да баён шакли ва усуллари бойиди. Бу шакл ва усуллар эса оддий тафсиллий баён, диалог, монолог, муаллиф чекиниши, ўйлаш, ички нутқ кабилардан иборат. Э. воқеликни акс эттириш, инсон руҳий оламини чуқур ёритишнинг чексиз имкониятларига эга. Агар лирикада воқелик лирик қахрамон, бирор субъект ёки ижодкорнинг ҳис-ҳаяжони, руҳий кечинмалари орқали акс этса, Э.да воқелик ижодкор идеали, дунёқарashi доирасида объектив тасвирланади. Халқ Э.и турли халқларда турли шакл, ҳажм ва номда юритилади. Мас-н, ўзб. халқ достонлари, рус билиналари, украин думалари ва б. Халқ Э.и ўз халқига кўра, бир неча турларга бўлинади, мае., қахрамонлик Э.и, романтик Э., тарихий Э., жангнома ва ҳ.к. Э.да халқ, мам-т тақдири учун олиб борилган қахрамонона курашлар тасвирланса, у қахрамонлик Э.и ҳисобланади. Қахрамонлик Э.и турли халқларда турли даврларда юзага келган. Бироқ ҳамма ҳолларда ҳам у халқ тақдири ҳал бўладиган ижт-й тузумларнинг ўзгариши даврларида юзага келади. Мас., ўзб. қахрамонлик Э.и — “Алпомиш” достони бунга мисол бўла олади. Э.да халқнинг яхшилик, соф муҳаббат, вафо, ботирлик ва мардлик ҳақидаги орзу-умидлари тасвирланса, у романтик Э. саналади.

Ўзб. халқ Э.идаги «Гўрўгли», «Рустамхон» циклидаги достонлар романтик Э.лардир. Ш-дек, тарих ҳамда жангнома характерлидаги Э. ҳам ўзига хос хус-ят ва белгиларга эга. Халқ Э.и фольклорнинг бошқа жанрларидан ўзига хос хус-ятлари б-н ажралиб туради, булар: сюжетнинг кенглиги ва кўпинча, кетма-кет композиция асосига қурилиши, драматизмнинг кучлилиги, барқарор тизимга эга бўлиши, баёнда эпик салмоқнинг етакчилик қилиши, анъанавий типик ўринларга эга бўлиши, бутун воқеаларнинг ягона қахрамон б-н боғлиқ ҳолда тасвирланиши ва ниҳоят, ўзига хос бадиий тилнинг мавжудлиги ва ҳ.к. Халқ Э.ининг энг қад. намуналари ибтидоий жамоа тузуми даврларида пайдо бўлган бўлиб, уларнинг асосий мазмуни инсоннинг меҳнат жараёни ва қабилаларнинг ўзаро тўқнашувларини акс эттириши б-н характерланган. Бу нарса ҳозир кўпгина археологик қазилмалар натижасида топилган ов тасвири, тош қурол, ўқ-ёй ёки қилич ва б. қуроллар воситасида жанг қилаётган кишилар тасвирини Э.даги ана шундай тасвирга қиёслаш орқали тасдиқланади. Кейинчалик қад. инсонга хос барча қарашлар тизими бўлган мифология халқ Э.ига материал берди. Қад. ҳинд, юнон Э.и намуналари бунинг тасдиғидир. Умуман олганда, халқ Э.и жуда узоқ тарихий тарётни босиб ўтди. Ҳар бир халқнинг Э.и ўзига хос миллий ва маън-й хус-ятларга эга. Чунки уларда шу Э.ни яратган халқнинг қахрамонона ўтмиши, мад-ти, маъ-яти, маиший ва сиёсий ҳаёти, тили ва урф-о.лари, орзу-умидлари акс этади. Халқ Э.и ҳаммавақт умумхалқ ижоди, халқнинг миллий ифтихори, «кишиликнинг бахтли болалиги»ни куйловчи миллий мад-й бойлик ҳисобланади. Ш.у. ҳам халқ Э.и ҳаммавақт катта таълим-тарбиявий аҳамият касб этади.

ЭРКИНЛИК — этика, эстетика, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик каби ижт-й гуманитар билим соҳаларида кенг ишлатиладиган фал-й т. Луғавий маънода кишининг ўз истаги бўйича иш ту-

тишини англатади. «Э.» т.си жам-тнинг турли соҳалари б-н боғлиқ ҳолда муайян т.лар орқали талқин этилади. Мас., виждон Э.и, фуқаролар Э.и, ирода Э.и, фикр Э.и, сўз Э.и, матбуот Э.и ва ҳ.к. Э. ҳақидаги илк фал-й қарашлар Шарқда, “Авесто” замонларидаёқ шаклланган. Э.ни ҳимоя қилувчи сиёсий ин-тлар (Спарта ва Афина демократияси, Солон ва Перикл ислохотлари, Рим ҳуқуқи) тизими Фарбада, аниқроғи, Қад. Юнонистон заминидан ҳам аста-секин вужудга келган. Антик даврда Э. борасида илгари сурилган таълимотлар унинг замонавий концепцияларидан тубдан фарқ қилади. Мас., замонавий гарбона концепцияларда асосий ургу шахнинг сиёсий-иқт-й назорат ва аралашувдан Э.ига қаратилган бўлса, юнонлар эса зўравонликка таянмаган. қонун асосида амалга ошириладиган ҳокимиятни табиий деб билган ва жам-тнинг шахс устидан ҳукмронлигини тан олган. Бироқ антик даврдаёқ айрим файласуфлар шахсий Э.га интилиш ва жам-т манфаат-эҳтиёжлари ўртасида кескин зиддият вужудга келиши мумкинлигига эътибор қаратган. Бу зиддият турли фал-й оқим ва мактаблар вакиллари томонидан ўзига хос тарзда ҳал этилган. Мас., Афлотун ва унинг мактабига мансуб файласуфлар шахс манфаатлари жам-т манфаатларига тўлиқ бўйсундирилиши зарурлигини асослашга интилган. Чунончи. Афлотун “Қонунлар” асаридан “Воқелик сен учун эмас, сен воқелик учун вужудга келасан” деб ёзади. Киниклар эса, аксинча, ижт-й ҳаёт қадриятларини бутунлай инкор этиб, шахс манфаатлари, унинг Э.и устуворлигини ёқлаб келган. Мазкур таълимотни юнон файласуфи Антисфен яратган бўлса-да, фал-й адабиётда унинг шогирди, кинизм оқимининг ёрқин вакили — гайриодатий хатти-ҳаракати ва юриш-туриши б-н шуҳрат қозонган Диоген кўпроқ тилга олинади. Унинг Э. масаласига оид қарашлари ўта бирёқламалиги б-н ажралиб турган. Диогеннинг фикрича, инсон Э.и чек-чегарасиз бўлиши, давлат ҳам, оила-никоҳ мун-тлари ҳам, ахлоқий қадриятлар ҳам унга тўсқинлик қилмаслиги керак. Бун-

дай талқиндаги Э. жам-т маън-й-ахлоқий асосларини емириб, ёвуз, бузгунчи куч сифатида намоён бўлади. Экзистенциализм вакиллариининг фикрига кўра, Э. инсоннинг ҳаётдаги масъулияти, ҳамма қилган ишлари учун жавобгар бўлишидир. Теварак-атрофда қилинаётган ҳамма ишлар учун айбни сезиш — бу эркин инсонга хос ҳиссиётдир. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”нинг I-моддасида: «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқлари бўйича эркин ва тенг бўлиб тугиладилар...». 18-моддасида эса: «... ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин Э.и ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш Э.ини ва таълим олиш, тоат-ибодат қилиш ҳамда диний расм-русм ва маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, ш-дек, бошқалар б-н бирга амал қилиш Э.ини ўз ичига олади», деб таъкидланади. ЎзРда барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва Э.ларга эгалиги Конституция б-н кафолатланади. Эътиқод Э.и инсоннинг бирор-бир динга эътиқод қилишида ўз ихтиёри б-н иш тутишини ифодалайди. У инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва Э.лари ичида марказий ўринда турувчи қадриятлардан бири ҳисобланади. Эътиқод Э.и сиёсий, ахлоқий, илмий, диний ва ш.к. хилма-хил турларга бўлинади. Инсон ўз ҳаётида шу турлардан бирига алоҳида ихлос қўйиши, шу турни ўз турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари, орзу-мақсадлари, интилишларини белгилувчи тамойил сифатида қабул қилиши мумкин. Виждон Э.и эса муайян кишининг бирор динга, ғояга эътиқод қилиши ёки эътиқод қилмаслигини англатади. У дунёвий ёки диний билимлар тарафдори бўлиши мумкин. Кимнинг нимага эътиқод қилиши ўзининг ихтиёрида. Бироқ, бу тамойил жам-тдаги бошқа умуминсоний талаблар ва фуқаролик бурчларини тан олмаслик, турли ақидаларни мутлақлаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимасликни билдирмайди. Миллий истиқлол мафкураси шахс Э.и ғоясига таянади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, айни пайтда ўз манфаатларини мам-т ва халқ манфаатлари б-н уй-

ғунлаштирадиган инсонгина миллий ғоямиз тамойилларини тўғри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жам-т ҳаётининг асосий мезонига айланади.

ЭСТЕТИКА (юн. *aisthetikos* — ҳиссий идрок, сезги) — 1) воқеликни ҳиссий таъсирчан, эмоционал ўзлаштириш; 2) эстетик фаолият қонуниятлари тўғрисидаги фан, нафосатшунослик. Э.га оид дастлабки таълимотлар мил. ав. 2—3 минг йил муқаддам Қад. Миср, Ҳиндистон, Хитойда вужудга келиб, Қад. Юнонистонда Афлотун, Арасту, римлик Лукреций, Гораций сингари мутафаккирларнинг асарларида ҳар томонлама ривожланди. Ўрта а.ларда Яқин Шарқ ва М.О.да ҳам ўзига хос эстетик ғоялар вужудга келди. Низомий, Саъдий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Беҳзод каби санъаткорлар ижодида гўзаллик ва эзгуликнинг уйғунлигини тараннум этувчи эстетик тасаввурлар таркиб топди. Ш-дек, тасаввуфона қарашлар кенг ёйилди. Ўрта а.лар Европасида “илоҳий гўзаллик” (Аврелий Августин, Фома Аквинский) ҳақидаги тасаввурлар кенг ёйилди. Уйғониш даври арбоблари (Леонардо да Винчи, Л.Альберти, М.Монтень, В.Шекспир, М.Сервантес) табиат б-н жам-т моҳиятан гўзалдир, санъаткор эса, табиат ва инсоннинг гўзаллигини куйлаши керак, деган эстетик тамойилни қўллаб-қувватладилар. Немис мутафаккирларидан Лессинг, Гердер, ш-дек, Гёте, Шиллер санъатда ҳаққонийлик ғоясини илгари сурдилар; Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель каби донишмандлар эстетик тафаккур тар-ётига самарали ҳисса қўшдилар. Чунончи, Гегель Э. предмети нафис санъатдаги гўзалликдан иборатдир, деган ғояни илгари сурди. XVIII а. ўрталарида немис маърифатпарвари Александр Готлиб Баумгартен (1714—1762) “Поэтик асарга доир баъзи масалалар хусусида фал-й мулоҳазалар” (1735) асарида Э.ни алоҳида фан деб ҳисоблади ва унинг санъатда ёрқин намоён бўли-

шини кўрсатди. Шўро даврида коммунистик мафкуранинг ҳукмронлиги оқибатида эстетик фикрлар соҳасида ноилмий концепциялар вужудга келди (дунёқараш масаласида материалистик қарашнинг якка ҳукмронлиги; эстетик ҳодиса ҳисобланмиш санъатда партиявийлик, синфийлик тамойили; эстетик меросга синфий ёндашиш ва ҳ.к.). Тафаккур тарихини чуқур ўрганиш Э.ни фан сифатида эътироф этиш имконини берди. Э. фан сифатида эстетик тафаккур тарихи, Э.нинг наз-й-методологик муаммолари ва эстетик тарбия масалаларини ўз ичига олади. Э. фал., миллий истиқлол ғояси, социология, санъатшунослик, психология, педагогика каби фанлар б-н узвий боғланган, айни вақтда, уларнинг умумэстетик мад-тни шакллантиришдаги функцияларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Бозор мун-тларига ўтиш жараёнида умумэстетик эҳтиёжларнинг ортиши, уларни қондиришга қаратилган фаолиятнинг чуқурлашиб бориши, комил инсонни тарбиялаш вазифаларининг чуқурлашуви, ш-дек, ижт-й ҳаётда миллий санъатимиз ролининг ортиб бориши жараёнида Э.ни ўрганиш ва ривожлантиришнинг аҳамияти янада кучайди.

ЭСТЕТИК ДИД — воқеа-ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиш ва баҳолаш жараёнида олинадиган қониқиш ёки қониқмаслик туйғуси, эстетик мезон. Э.д. инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, моддий ва маън-й ижод маҳсулотларида ўз ифодасини топади. Э.д. заминда гўзалликни хунукликдан ажрата билиш ва ундан беғараз шодланиш ҳамда лаззатланиш қобилияти ётади. Э.д. одамларнинг дунёқарашидан, айниқса, эстетик қарашларидан ажралмаган ҳолда амал қилади. Эстетик билимлар ва қарашлар дидда ифодаланиши учун улар шахснинг ички дунёсига, идрок қилиш жараёнининг ўзига сингиб кетиши, шахснинг мустаҳкам эътиқодига айланиши лозим. Э.д. ўзида бевосита ва билвосита, ҳиссий ва ақлий, якка одам ва жам-т Э.д.и қарама-қарши-

ликлари бирлигини мужассамлаштиради. Э.д.нинг зиддиятли табиати ҳақида дастлаб Кант мун-т билдирган эди. Кант назарида дид якка одамга хос бўлган инсоннинг туғма қобилиятидир. Дид шу қадар якка тартибда ифода топадики, уни ҳеч қандай далиллар б-н инкор этиб бўлмайди. Дид мулоҳазаси ниҳоятда шахсий табиатга моликдир. Шу боисдан ҳам “дид тўғрисида баҳслашмайдилар”. Лаззатланиш объекти бўлган ҳиссийлик, нафосат барча учун баробар даражада аҳамиятлидир, у фақат мазкур шахснинг ўзигагина эмас, балки ҳаммага ёқади. Инсон ўзига ёққан нарсаларни бошқаларга ҳам ёқади деб ўйлайди. Демак, дидлар учун умумий ҳисобланадиган томонлари ҳам бор. Ш.саб. дид тўғрисида баҳслашиш асослидир. Кант иккала мулоҳазани антиномия сифатида таърифлайди. Инсон амалиётининг бой ва хилма-хиллиги маън-й мун-тларнинг ҳам бой ва хилма-хил бўлишига олиб келади, дид эса, уларнинг энг муҳим намоён бўладиган туйғуларидан ҳисобланади. Алоҳида шахснинг Э.д.и унинг бетакрор ҳаётий тажрибаси заминиди шаклланади. Табиийки, алоҳида тарбия шароитлари, ҳаётий тажриба, табиати ва эҳгириси таъсири остида у ёки бу эстетик қадриятлар табиат ҳодисалари, инсон моддий фаолияти маҳсулотлари, бадий қийматларга кўпроқ мойиллик вужудга келади. Эстетик онг б-н бадий онгни тенглаштириб бўлмаганидек, Э.д. б-н бадий дидни ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Э.д. бадий дид б-н боғлиқ бўлиб, кўп жиҳатдан унинг устига қурилади, лекин у б-н қўшилиб кетмайди. Бадий ва Э.д. ўртасидаги тафовут уларнинг турлича идрок этиш объектларига эга бўлиши б-н боғлиқдир. Икки дид ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш б-н бирга, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик лозим. Бадий дид ҳаммавақт Э.д.га асосланади, ундан келиб чиқади.

ЭСТЕТИК МУНОСАБАТ — субъект б-н объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсирнинг махсус турини англатувчи фал-й т. Э.м. нафосатли объектдир. Аслини олганда, нафосатли бўлмаган нар-

саларнинг ўзи йўқ. Муайян шарт-шароитда ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодиса нафосатли табиатга эга бўлиб, Э.м. ва нафосатли баҳо объектга айланиши мумкин. Лекин улар маълум талабларга жавоб беришлари керак: биринчидан, аниқ ҳис-туйғу, сезги-идрок қобилияти ва имкониятига эга бўлиши, иккинчидан, у ёки бу воқеа-ҳодиса инсоний алоқалар ва мун-тларга киришиб, ижт-й аҳамият касб этиши керак. Шундагина муайян воқеа-ҳодиса Э.м. объектга айланади, яъни у ўз қадрини топади, баҳолаш эса воқеа-ҳодисаларнинг қадри ёки ижт-й аҳамиятини англашнинг махсус шаклидир. Инсоннинг воқеликка нафосатли мун-т аслида воқеликка баҳо беришнинг алоҳида тури, воқеа-ҳодисаларни нафосатли қадрлаш усулидир. Шундай қилиб, нафосатли объект одамларнинг нафосатли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишларида ўз ифодасини топади. Нафосатли объектнинг зарур томони Э.м. субъектидир. Э.м. субъекти ўз таркибда жам-тнинг зарур бўлақларини бириктирган, турли соҳаларда моддий-маън-й фаолият олиб борадиган ижт-й гуруҳлар ҳамда айрим шахслардан иборат жуда мураккаб ижт-й ҳодисадир. Э.м.да ҳис-ҳаяжон махсус ўрин эгаллайди. Ҳис-ҳаяжон Э.м.нинг барча поғоналарида амал қилиб, лаззатланиш, ҳаяжонланиш ҳолати б-н якунланади.

ЭСТЕТИК ОНГ — оламни эстетик англаш, дунёга инсон мун-тининг субъектив томони. У ижт-й онг шаклларида бири сифатида ахлоқий онг, сиёсий онг, ҳуқуқий онг, диний онг, фал-й онг каби ижт-й ҳодисалар б-н бир қаторда туради. Э.о. маън-й-руҳий воқеа-ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижт-й ҳаёт заминиди вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, фикр, орзу-қараш наз-й тизимини англатади. Э.о. ахлоқий онг б-н баробар тарзда, ижт-й онгнинг бошқа шаклларида олдинроқ вужудга келган. Дастлабки пайтларда эстетик ҳис-туйғу, кечинмалар одамларнинг бевосита моддий ва маън-й фаолиятига чирмашиб кетган бўлиб, табиатни ижт-й тар-ётнинг бу пал-

ласида эстетик ҳис-туйғу, кечинма ва мулоҳазалар вужудга келиши ҳамда рив-ши моддий асослар б-н чамбарчас боғланиб кетганида яққол кўза ташланади. Тарихий рив-ш эстетик ҳис-туйғулар шаклланиши, уларнинг амал қилиш суръатларига эстетик қарашлар ва гоялар мазмунига кучли таъсир ўтказиб борган. Ш-дек, Э.о. ривожига санъат таъсир кучининг тобора ортиб боришини ҳам таъкидлаш керак. Э.о. ижт-й онгнинг махсус шакли сифатида эстетик фаолият б-н узвий боғлиқ бўлиб, эстетик фаолият жараёнида шаклланади ва қарор топади. Э.о. бадий онг б-н ҳам чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирига яқин т.лар бўлса-да, айнан бир маънони англатмайди. Э.о. воқеликни бир бутунлигича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадий онг воқелик ёрдамида санъатни яратиш ва идрок этиш натижасидир. Бадий онг бадий асарлар тизимида ифодаланса, Э.о.нинг акс этиш кўлами анча кенгдир: у одамларнинг меҳнат фаолияти, унинг натижалари, моддий ва маън-й қадриятларида ўз ифодасини топади.

ЭСТЕТИК ҲИС-ТУЙҒУЛАР — оламни эстетик англаш асосида шаклланган ҳис-туйғулар. Улар инсон онгининг ажралмас томони бўлиб, нафосатли онг соҳасида махсус ўрин тутади. Улар эстетик онгнинг алоҳида қатлами, унинг пойдеворини ташкил қилади. Э.ҳ.т. эстетик онгнинг барча жабҳаларига сайқал беради ва бойитади. Руҳий ҳаётнинг бошқа бўлаклари сингари Э.ҳ.т. ҳам воқелик инъикосини англатади, лекин бу тарздаги инъикос этиш алоҳида тусда қарор топади. Уларда билиш, кечинмалар ўзаро чирмашиб кетган бўлади. Ҳис-туйғулар ҳаммавақт инсоннинг ўз эҳтиёжлари қондирилиши ёки қондирилмаслигига бўлган мун-ти б-н боғлиқ ҳолда вужудга келади. Ўз моҳиятига кўра, ижт-й табиатли маън-й ҳосилани ташкил этган нафосатли ҳис-туйғулар маълум физиологик асослар ва шарт-шароитларга ҳам эга. Улар биринчи ва иккинчи огоҳлантириш (сигнал) системаларининг амал қилиши б-н боғлиқ бўлиб, уларни физиологик ҳамда руҳий-

физиологик жиҳатлардан ҳам ўрганиш имкониятини яратади. Э.ҳ.т. ўз шакли, ўзининг намоён бўлиши ва амал қилиши жиҳатидан субъектив табиатга молик бўлиб, инсон ички дунёсининг бир қисми ва субъектив воқеликнинг бир бўлагини ташкил этади. Лекин нафосатли ҳис-туйғуларнинг конкрет мазмуни бир мақсад томон йўналтирилган инсон фаолиятида ўз ифодасини топади. Энг мураккаб ва турғун Э.ҳ.т. қаторига гўзаллик, олижаноблик, фожиалилик ва кулгилилик ҳислари киради. Бу қаторда марказий ўринни эстетик ҳис эгаллайди. Э.ҳ.т. кечинмалардан ажралган ҳолда намоён бўла олмайди, нафосатли ҳис-туйғунинг ўзи алоҳида кўринишдаги кечинмалар жараёни сифатида содир бўлади. Унинг ўзига хос белгиси субъект б-н объектнинг қўшилиб кетишида намоён бўлади. Эстетик кечинма энгиллик, ҳузурланиш, эстетик объектига нисбатан ишончли мун-тда бўлиш каби белгиларни ўз ичига олади. У субъектнинг алоҳида фаоллиги, ҳус-н, хаёл, тасаввур қила билиш кучи б-н белгиланади.

ЭТИКЕТ (франц. *etiquette* — маълум жойда ўрнатилган тартиб-қоида) — инсон ва жам-т ташқи мад-тининг асосий қисми бўлиб, унинг қатъий русум тусини олган талаблари алар давомида, гўзаллик, интизом, ақл ва идрокнинг муштараклиги асосида шаклланган эстетик меъёрлар мажмуи. Ушбу ибора “этика” атамасига яқинроқ бўлиб, “одоб-ахлоқ”, “одат”, “маросим” каби т.ларни англатади. Уларнинг мажмуи умумқабул қилинган одатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари, маросимлар ўтказиш тартиби ҳақидаги қоидаларни ўзида мужассам этган фан орқали ўрганилади. Э. айрим адабиётларда одоб-ахлоқ, мулозамат ва муомала мадти сифатида талқин қилинади. Э. такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган мун-т ҳодисаси ҳамдир. Айни пайтда Э. инсоннинг мад-й даражасини белгиловчи, уни ахлоқий меъёрлар сари етакловчи, комилликка интилишга рағбатлантирувчи муҳим тарбиявий жи-

хатларни ҳам қамраб олади. Э.нинг қамрови кенг бўлиб, у маълум маънода халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ҳам назарда тутаети. У кўпроқ инсоннинг ташқи мад-ти, ўзаро мун-тларда ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Муомала жараёнида инсон ўз мун-тларига ижодий ёндашиб, ҳар хил вазиятларда ўзига хос тарзда муомала қилиш имконига эга бўлса, Э. муайян ҳолат учун фақат бир хил тусда қоидалаштирилган хатти-ҳаракатни тақозо этади. Бундай ҳолларда инсон ўзини қандай тутиши, қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига мувофиқ ёки бу қоидаларга хилоф хатти-ҳаракат қилиши кераклигини маълум даражада мустақил ҳал қилади ва ўз ҳаракатларига ўзи баҳо беради. Иш юзасидан мулоқот — инсон ҳаётининг зарурий қисми, ижт-й мун-тларнинг муҳим туридир. Ахлоқий нормалар бундай мун-тларни мувофиқлаштирувчи омил сифатида инсоннинг яхшилиқ ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, тўғрилиқ ва эгриликка йўналтирилган фаолиятини бошқаради. Алар мобайнида бой миллий маън-й меросимизда ўз аксини топган анъана, қадрият ва талаблар ахлоқий қирраларни ўзида мужассам этиб, жам-т аъзолари кундалиқ хулқ-атворларини мувофиқлаштириб, шахс маъ-яти ҳамда мад-тининг ажралмас қисмига айланган. Ш-дек, умуминсоний қадриятлар, қоида ва талаблар уйғунлиги асосида Э. нормалари ишлаб чиқилганки, буларнинг замирида ҳам ахлоқий меъёр ва тамойиллар ётади. Замонавий Э. — шахсда ички ва ташқи мад-т уйғунлигини таъминлаб, ундан юксак ахлоқий хатти-ҳаракатни талаб қилади. Инсоннинг ташқи ахлоқий-мад-й хислатларини қамраб олган Э. унинг ички маън-й-руҳий даражасига асосланади. Э. қоидаларига амал қилган инсон интизоми ва тартиблилиги б-н ажралиб туриши шарт. Бундай фазилатларга эга бўлган инсон бошқаларга кўполлик қилмайди, ноўрин, ноҳўя сўзлар б-н ўзга кишилар кўнглини огритмайди. Э., энг аввало, муомала ва урф-о.лар орқали шаклланади. Иш юзасидан бўладиган ахлоқий мун-тлар

доирасида Э.нинг кўп қиррали (универсал) эканини таъкидлаш жоиздир. Э., биринчи навбатда, инсон шахсияти, индивидуаллигини ҳурмат қилишга ундайди. Замонавий Э. меъёрлари кишилар ўртасидаги мулоқотда мураккаблиқ ва жимжимадорликдан воз кечиб оддий, самимий, табиий ҳамда ақл-идрокка асосланган мун-т ўрнатиш, бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилишга хизмат қилади. Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимизда, инсоний мун-тларимизда тарихан шаклланган, авлоддан авлодга ворисийлик асосида ўтадиган Э. қоида ва меъёрлари муомала мад-тимизда ўз аксини топади. Ш-дек, барча амал қилиши лозим бўлган Э. қоида ва талабларидан ташқари касбий Э. меъёрлари ҳам алоҳида ўрин тутади. У барча ходимлар томонидан касбий функцияларни ахлоқий нормалар асосида бажаришга қаратилган мун-тларнинг шаклланишига хизмат қилади.

ЭТНИК ГУРУҲ — умумий этник ўзлиқни англаш қобилияти, умумий ном ва мад-т белгиларига эга бўлган ҳамда бошқа жамоалар б-н мунтазам алоқаларга киришувчи инсонлар гуруҳини англаувчи т. Э.г. этнографик гуруҳдан фарқ қилиб, анча кенг ва мавҳум т. ҳисобланади ва кўпинча бир-бирлари б-н ўзаро яқин бир неча халқлар гуруҳини (мае., туркийлар, славянлар ва ҳ.к.) англатади. Э.г.ни анча тор доирада тушунувчи қарашлар ҳам мавжуд. Уларга кўра, Э.г. бирор-бир халқ (қабилалар уюшмаси, элат)-нинг парчаланиб, алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келади. Этнографик гуруҳдан Э.г.нинг фарқини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўз халқи (қабилла, элат)дан ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалиқ фаолияти, урф-о.лари, турмуш тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзини шу халқ номи б-н атайдиган бўлиб қолади. Аммо шу б-н бир қаторда, бу гуруҳ ўз этник номини ўтмишида қайси қабилла, элатга мансуб бўлганини, баъзи анъаналарини сақлаб қолган бўлади. Мас.,

қипчоқлар XIX а. иккинчи ярми XX а. бошларида ўзб. халқ таркибида (ўз лаҳжалари, турмуш тарзи, мад-й ҳаётидаги баъзи хус-ятларини сақлаб қолганликлари туфайли) этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва б. халқлар таркибида улар (қипчоқлар) Э.г. ҳисобланган. Шунга ўхшаш, қанғли, уйшун ва б. уруғлар ҳам юқорида номи қайд этилган халқлар таркибида мавжуд бўлган. Булар ўз этник номларини қайси халқ орасида яшасалар, ўша халқ (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва б.) номлари б-н аташган. Ажралиб чиққан этник қисм, бошқа этносларга қўшилмасдан ўзи мустақил Э.г. бўлиб қолиши ҳам мумкин. Вақт ўтиши б-н унинг таркибига айрим бошқа Э.г.лар қўшилиб, йирик қабила иттифоқини ташкил қилади. Бунга XIII-XIV а.ларда Дашти қипчоқда яшаган қипчоқ Э.г.и мисол бўла олади. Э.г.ларнинг узоқ яшаб қолишида улар урф-о.лари б-н бирга маъ-ятларига тегишли элементларнинг кучлилиги ҳам муҳим роль ўйнаган. Тарихда кичик бир Э.г.нинг ўз маън-й бойлиги б-н катта-катта инсоний бирликларни ўзига сингдириб юборганини исботловчи далиллар ҳам кўп учрайди. Баъзан маълум бир Э.г.га мансуб маън-й қадриятларнинг бир бутун халқлар қадриятларига айланганини кўриш мумкин.

ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР – у ёки бу этнос (этник бирлик) б-н боғлиқликда кечадиган барча ўзгаришларни ифодаловчи т. Э.ж. кенг қамровли т. бўлиб, этнос б-н боғлиқ генетик, лингвистик, психологик, ҳўжалик-иқт-й, мад-й ва маън-й ўзгаришларни ўз ичига қамраб олади. Э.ж. икки хил вазиятда: бўлиниб кетишга ҳамда бирлашишга мойил вазиятларда намоён бўлади. Э.ж.нинг биринчи кўриниши учун илгари бўлинмасдан келган этнодан бир неча этник гуруҳларнинг ёки унинг маълум бир бўлагининг ажралиб чиқиши натижасида алоҳида мустақил этноснинг ташкил топиши характерлидир. Бирлаштирувчи Э.ж. эса аксинча, турли мустақил этносларнинг ўзаро яқин-

лашуви, бирикиши ва аралашиб, қоришиб кетиши ҳолатларида намоён бўлади. Мутахассислар фикрича, Э.ж.нинг бу кўриниши мазмун-моҳияти б-н турли мустақил этнослар орасидаги мун-тлардан иборат, шундай экан, бу жараёнларни яхлит ҳолда этнослараро жараёнлар сифатида ҳам тушуниш мумкин. Демак, этнослараро жараёнлар Э.ж.нинг ўзига хос бирлаштирувчи кўринишидир.

ЭТНОГЕНЕЗ – муайян халқнинг келиб чиқиши, насл-насаби, пайдо бўлишини англатувчи т. Ҳар бир халқнинг тарихи унинг Э.и ва этник тарихи б-н узвий боғлиқдир. Э. этник тарихнинг маълум босқичларида вужудга келиб, маълум бир этноснинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврида давом этадиган тарихий ва этномад-й жараёндир. Одатда, бирор-бир халқнинг Э.ини, унинг этник қатламлари таркибини аниқламай туриб, у халқ ҳақида, у таркиб топган ҳудуд ва унинг давлатчилиги ҳақида бирор илмий тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Э. жараёнида этносни белгилловчи ҳудудий омиллар: тил ва этник ном бирлиги, этномад-й бирлик, ижт-й-иқт-й ва ҳўжалик, этник ном (этноним) ҳамда ўзликни англаш, хус-ят, фазилатлар бирлиги, сиёсий уюшма бирлиги, дин умумийлиги ва б. қатор этник аломатлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу этник аломатлар ва белгиларнинг барчаси содир бўлгандагина этнос – халқ шаклланади, яъни Э. жараёни якунланади. Аммо амалда бу этник аломатлар барчаси Э. жараёнида, яъни муайян бир вақтда ҳозир бўлиши ёки бир даврда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлмаган. Жумладан, маълум бир халқнинг ташкил топишида тил бирлиги бош роль ўйнаган бўлса, бошқа бир элатнинг шаклланиш жараёнида ҳўжалик, учинчисида эса моддий мад-т етакчи белги бўлган. Илмий адабиётларда Э. жараёнининг 2 усули ажратиб кўрсатилади: 1) туб (автохтон) этник компонентларнинг ўзаро яқинлашуви, уларнинг қўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориши; 2) шаклланган ёки шаклланаётган этник бирликка

бошқа ҳудудлардан кўчиб келган компонентларнинг қўшилиши. Одатда, янги этноснинг шаклланиши жараёнида, яъни Э. босқичида ва ундан кейин ҳам бир хил тарихий ҳамда ижт-й-иқт-й сабабларга кўра, унинг таркибига янги этник қатламлар қўшилиб боради, янги этноснинг вужудга келиши олдинги этник компонентларнинг ўзаро қўшилиб, бир-бирига сингиб кетиши натижаси ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги этник бирликнинг шаклланиши жараёнининг охирига етиши б-н ҳам этник жараён тўхтаб қолмайди. Шакланган этник бирликка турли даврларда янги-янги компонентларнинг қўшилиши ёки ундан ажралиб чиқиб кетиш ҳоллари этник бирлик шакллангандан кейин ҳам давом этиши мумкин. Соҳа мутахассисларининг фикрича, халқларнинг Э.ини ўрганишда қуйидаги муҳим жиҳатларни эътиборда тутиш лозим: а) ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи кўп қиррали жараён бўлиб, у ўз ичига шу халқнинг мад-ти ва ижт-й тузилмаси, унинг биологик хус-ятлари, ўзининг жам-тда тутган ўрнини тушуниши, тили, ўзлигини англаш жараёнлари ва хус-ятларини қамраб олади; б) Э. масаласига бир томонлама қараб, уни соддалаштирмасдан, шу халқнинг келиб чиқиши тарихида маълум аҳамият касб этган барча таркибий қисмлар, ҳар бир ҳолат эътиборга олинishi лозим; в) Э. мураккаб ва узоқ давом этувчи жараён бўлиб, мазкур жараёни босқичма-босқич тиклаш мақсадга мувофиқдир. Шундагина айрим халқлар Э.ига оид муаммоларни илмий н. назардан тўғри ва ҳаққоний очиб бериш мумкин бўлади.

ЭТНОМАДАНИЯТ — социология, антропология, мад-тшунослик, фал., этнопсихология сингари қатор фанлар томонидан ўрганиладиган ҳар бир халқнинг муайян тарихий жараёнда шаклланидиган мад-ти. Э. умуминсоний қадриятлар, мад-й ва ахлоқий анъаналарнинг битмас-туганмас манбаидир. Ҳар бир халқ мад-ти уч таркибий қисмдан иборат бўлади: 1. Жаҳон мад-тининг таркибий қисми

бўлган умуммиллий мад-т. 2. Миллат таркибидаги турли ижт-й гуруҳлар, ҳудудлар, мад-тларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланган мад-т. 3. Турли ижт-й гуруҳлар ва ҳудудлар мад-ти. Ўзб. Э.и жаҳон мад-тининг таркибий қисмидир. Айни пайтда унинг таркибида турли ҳудудлар Э.и мавжуд. Мас., Хоразм Э.и, Фаргона водийси Э.и, Қашқадарё ва Сурхондарё Э.и ва ҳ.к. Э.нинг асосини қадриятлар ташкил этади. П. Сорокин таъбири б-н айтганда, «Қадриятлар ҳар қандай мад-тнинг асоси ва пойдеворидир». Этник қадриятларнинг аксариятида умуминсоний қадриятлар ҳам акс этади. Мас., ўзб. учун хос бўлган меҳмондўстлик қадриятида умуминсоний қадрият ҳам акс этган. Фарқи шундаки, меҳмондўстлик турли миллатларда турли даража ва шаклларда намоён бўлади. Э. бир томондан, социумнинг таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан, этнос яшайдиган табиат б-н бевосита алоқадор. Ш.у. ҳам шимол халқлари фольклорида музикалар, бепоён ўрмонлар акс этса, жануб халқлари оғзаки ижодида саҳролар, чўллар, қуёш тафти тараннум этилади. Э.нинг вужудга келиши этногенез б-н параллел ва боғлиқ тарзда юз беради. Этносининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тадрижи Э.да акс этади. Ҳар бир халқнинг этногенези ўзига хос шакл ва усулда юз бергани учун унинг Э.и ҳам ўзига хос бўлади. Ҳар қандай этнос бошқа этнослар таъсирида ва улар б-н ўзаро алоқада шаклланади. Ҳатто оролларда яшовчи қабила ва халқлар ҳам ташқи дунёдан мутлақо ажралган ҳолда ривожланмайди. Бу қабила ва халқлар, аввало, ўзаро, қолаверса, ташқи дунё таъсирида ривожланади. Худди ш-дек, Э. ҳам полиэтник муҳитда, яъни кўп ва турли этнослар мад-ти таъсирида шаклланади ва ривожланади. Э. мавжудлиги ва рив-ши ворислик орқали таъминланади. Лекин бу ворислик ирсий йўл б-н эмас, ижт-й тар-ёт жараёнида, кекса авлод томонидан мад-й анъаналарни ёш авлодга сингдириш, узатиш орқали шаклланади. Э. этник стереотипларда, анъана ва қадриятларда, фольклорда намоён бўла-

ди. Этник ўзини ўзи англаш Э. асосида юз беради. Бу ҳол Э.нинг халқлар ва миллатлар рив-шида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолатдир. Э. бўлмаса, миллий ўзлиқни англаш мумкин эмас, демак, миллат ёки бошқа этнос мустақил этнос сифатида мавжуд бўла олмайди ва б. этнос мад-тига сингиб кетади. Миллий ўзига хослик, миллий характер, миллий менталитет негизда Э. ётади.

ЭТНОЦЕНТРИЗМ (юн. *этнос* — гуруҳ, қабила, халқ ва лат. *центрум* — марказ, жамланиш) — этник онгнинг воқеликдаги ҳодисаларни ўз этник гуруҳи анъана ва қадриятлари н.назаридан баҳоланишини англатади. Э. ижт-й ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда этник стереотип ва қадриятлар асос қилиб олинишини билдиради. Бу атама XX а. бошларида америкалик психолог Самнер томонидан илмий муомалага киритилган. Унинг фикрича, гуруҳ ва қабила ичидаги мун-тлар унинг ташқарисидаги мун-тлардан жиддий фарқланади. Э., бир томондан, этнос доирасидаги бирлик ва бирдамликни билдирса, иккинчи томондан, шу этноснинг бошқа этносларга нисбатан шубҳа ва душманлик б-н қарашини англатади. Э. миллатчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилачилик шаклларида намоён бўлади. Миллатчилик ўз миллатини бошқалардан устун қўйиш, бошқа миллатларга менсимай қараш, уларга ишонмаслик кўринишларида мавжуд. Миллатчилик буюк давлатчилик шовинизми ва мазлум миллат миллатчилиги шаклларида бўлиши мумкин. Шовинистик сиёсат юритадиган давлатлар миллий манфаатлар ниқоби остида бошқа давлатлар, уларда яшайдиган миллатлар манфаатларини камситади. Мазлум миллатлар миллатчилиги эса мустабид тузумга, ҳукмрон миллатга қарши қаратилган бўлади. Шўролар тузуми доҳийси Ленин мазлум миллатлар миллатчилигини ижобий ҳодиса сифатида баҳолаган эди. Аслида бу миллатчилик фақатгина мустамлакачи давлатнинг миллатчилигига нисбатан прогрессивроқдир. Аслида эса, мазлумлар мил-

латчилиги ҳам салбий ҳодиса бўлиб, у ҳукмрон миллатга эмас, ҳукмрон давлат сиёсий тузумига қарши қаратилади. Бунда у миллатчилик хус-яти, яъни этник хус-ятини йўқотиб, соф сиёсий ҳодисага айланарди. Уруғчилик Э.нинг кўринишларидан бири бўлиб, уруғнинг бошқа уруғлардан устунлигини эътироф этиш, унинг манфаатларини бошқа уруғ ва этник бирликлар манфаатларидан устун қўйиш шаклида намоён бўлади. Қабилачилик эса қабила манфаатларини бошқа қабилалар ва этник бирликлар манфаатларидан устун қўйишни билдиради. Уруғчилик ва қабилачилик, айниқса, феодализм тузуми шароитида авж олади. Мас., Чингизхон давлатида ўзи мансуб бўлган қиёт уруғи, унинг амакиваччаси ва лашкарбошиси — Қорачор нўён мансуб бўлган барлос уруғи вакиллари катта имтиёзлар берилган эди. Мингбоши ва ундан юқорироқ лавозимларга фақат шу уруғларнинг вакиллари қўйилар, сипоҳсолор — лашкарбоши лавозимига эса фақат барлос уруғи вакиллари тайинланар эди. Бошқа уруғларнинг имтиёзлари йўқ ёки чекланган эди. Мас., салжиутлар ва қирайтларнинг ҳуқуқлари чекланган бўлиб, уларнинг вакиллари ўнбошилик лавозимидан юқорироқ лавозимларга қўйилмас эди. XXI а. бошларида Э. ҳодисаси ривожланаётган ва ривожланган мам-тларда намоён бўлмоқда. Ривожланаётган мам-тлардаги Э.га Африка қитъасидаги Руанда давлатида хуту ва тутсилар ўртасида юз берган қонли тўқнашувларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу тўқнашувларда юз минглаб одамлар фақат муайян қабила вакили бўлгани учун ўлдириб юборилди. Айрим ривожланган давлатлар томонидан дунёнинг турли бурчакларида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ниқоби остида амалга оширилаётган ўзбошимчиликда Э. юз бераётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Э.нинг зарарли оқибатларидан яна бири шундаки, у нафақат сиёсат ва давлатлараро мун-тларда, балки кўпмиллатли ва кўп элатли мам-тларда шахслараро мун-тлар, илм-фан, санъат вакиллари ўртасидаги мун-тларда ҳам зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлиши

мумкин. Ҳоз. глобаллашув жараёни этник чергаралардан ўтиб, мад-й хилма-хилликни келтириб чиқараётган бўлса, иккинчи томондан, бошқа мад-тлар таъсирига қаршилик кўрсатиш мақсадида Э.нинг кучайиши кўзга ташланмоқда. Шунга қарамай, глобаллашув шароитида мад-тлараро мулоқотнинг кучайиши, мад-тларнинг байналмиллашуви Э.нинг негизларига зарба беради ва унинг сусайишига олиб келади.

ЭЪТИҚОД (араб. ишонч, иймон) — муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур тарзини ифода этувчи т. Илмий-фал-й адабиётда «Э.» т.си турлича талқин этилади, жумладан, Э.нинг вужудга келиши учун билим энг муҳим асос вазифасини бажаради. Лекин Э. ва билим айнан бир хил т.лар эмас. Албатта, билимларнинг чинлиги Э.ни мустаҳкам бўлишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аммо, ҳар қандай билим эмас, балки инсон онгида қайта ишлаб чиқилган, яъни тажриба чиғиригидан ўтган, иккинчи марта қайта ҳосил бўлган билимларгина (ғоялар, наз-ялар) Э.нинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Инсоният тар-ёти жараёнида яратилган билимлар инсоннинг ўзи учун, унинг эҳтиёжлари учун қайта кашф этилгандагина, чинакам Э. даражасига кўтарилади. Билим Э.га айланиши учун бир неча босқичларни босиб ўтади. Чунончи, билим ўз тар-ётининг дастлабки босқичида англаш ҳолатини босиб ўтади. Англаб олинган билим, ўз тар-ётининг иккинчи босқичида тушуниш ҳолатига киради. Инсон, билимларнинг маъно-моҳиятини тушуниб етгач, унинг тўғрилигига (ёки нотўғрилигига) ишонч ҳосил қилади. Тажибадан маълумки, фақат мустаҳкам Э.га айланган билим (ғоя, наз-я) инсон амалий фаолиятининг такомиллашувига хизмат қилади. Инсон Э.и нафақат турли ҳақиқатларни ўзида акс эттирган билимлар, балки ўша билимларга берган баҳоси, унга бўлган мун-тига ҳам боғлиқдир. Ш.у. ҳам билим (ғоя, наз-я)нинг Э.га айланиши жараёнини таҳлил этганда, у ижт-й амалиёт маҳсули, инсоннинг би-

лиш борасидаги фаолиятининг маҳсули эканини унутмаслик даркор. Э. қуйидаги уч ҳолатни босиб ўтади: а) билим, ғоя, наз-я (яъни ақлий ҳолат); б) билимга берилган баҳо, мун-т (яъни баҳолаш ҳолати); в) ўзлаштирилган билимларни ўз фаолиятига татбиқ этиш, улар асосида ўз хатти-ҳаракатини тартибга солиш (хоҳиш-ирода б-н бошқариш ҳолати). Инсон дунёқарашининг асосий компоненти сифатида Э. билиш, баҳолаш, бошқариш каби функцияларни бажаради. Билиш функциясининг асосида оламдаги турли воқеа-ҳодисалар, жараёнлар содир бўлишига доир билимлар ётса, баҳолаш функцияси ўзлаштириб олинган билимларга таяниб, содир бўлаётган ўзгаришлар маъно-моҳиятини тушуниб олиш б-н боғлиқдир. Бошқариш функцияси эса, инсоннинг ўз хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига кўрсатаётган таъсири, уни аниқ мақсад сари йўналтира олиш қобилияти, маънаси б-н боғлиқдир. Демак, билим, ғоя, наз-я инсоннинг амалий фаолияти чиғиригидан ўтгач, ишонч-эътиқодга айланади. Ишонч инсоннинг онглиги, хулқ-атворини характерласа, иймон кишининг хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Э. инсон хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатининг бирлиги ҳолатини ифодаловчи интегратив т.дир. Ўз навбатида, Э. инсон хатти-ҳаракати йўналишини белгилувчи асосий детерминантдир. Хоҳиш-ирода, истак каби унсурлар Э.нинг инсон амалий фаолиятида намоён бўлиши учун ҳал қилувчи туртки беради. Амалий фаолият эса Э.ни инсон ҳаётининг позициясига айлантиради. Шундай қилиб, Э. инсон дунёқарашининг энг барқарор компоненти. Худди шу компонент инсоннинг онгли фаолияти, сўзи б-н иши бирлигини таъминловчи мустаҳкам, ишончли кўприқдир. Лекин Э. ўз мазмуни, характерига кўра хилма-хил тарзда (гуманистик, фашистик, коммунистик, ирқий ва б.) намоён бўлиши мумкин. Авторитаризм ёки зўравонлик, маъмурий буйруқбозлик ёки ирқчиликка асосланган ҳар қандай Э. шахс мустақиллигини емиради, инсонни буйруқни бажарувчи қўғирчоққа айлантиради. Аниқроғи, дунёқарашида фашистик ёки

гайриинсоний, ирқчилик, буюк давлатчилик шовинизми ёки диний фанатизм устуворлик қилган Э.га асосланган ҳар қандай инсон, ҳеч қачон мустақил шахс даражасига кўтарила олмайди. Дунёқарашда бундай Э. устуворлик қилган киши мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш, мустақил яшаш мад-тидан маҳрум бўлади. Чинакам билим, ишончга таянган, турмуш синовларидан ўтган илмий гоё ва наз-яга асосланмаган Э. гайриилмий Эдир. Ш-дек, Э. — психологик ҳамда ижт-й-психологик т. бўлиб, одамнинг муайян қараш, таълимот-наз-я, ҳаётий ақида, қадрият ёки фаолият тамойилларини эмоционал-ҳиссий қабул қилиш жараёнида шаклланган собит фикр ва тасаввурлар мажмуи ҳамдир. Бошқача айтганда, Э. маълум қадриятлар, диний ёки дунёвий маслак, мун-тларнинг инсон қалбида яшаш фал.си, фаолият дастури сифатида қабул қилинишидир. Агар шу жараённинг оқибати ўлароқ одамда диний ёки дунёвий маслак, ишонч каби турғун мун-тлар шаклланган бўлса, биз уни Э.ли одам деб атаймиз. Инсоннинг инсонлиги, унинг жам-тдаги ўрни ва нуфузи ҳам маълум маънода унинг Э.и б-н белгиланади. Айрим инсонлар бутун умри мобайнида фақат битта нарсага Э. қилади. Мас., франциялик машҳур сайёҳ Кусто ва унинг масалақдошлари бир қарашда, бутун умрини денгиз ҳаёти ва ундаги сирли воқеалар, ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлагандек кўринади. Денгиздан жуда узоқда яшайдиган, ундан манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадқиқотчиларнинг ҳаёти ва фаолияти кераксиз нарсадек туюлади. Лекин Кустонинг ўз ишига садоқати, Э.и шу даражада кучлики, уни бутун дунё, соғлом фикрловчи ҳар бир инсон жуда юксак қадрлайди. Бу каби одамларнинг бошқа соҳалардаги хизмати кам бўлиши мумкин, аммо башарият уни юксак Э.и учун ҳурмат қилади. Демак, Э.сизликдан кўрқиш керак, агар ҳеч нарсага ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кишини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги Э.сизлик нафақат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради. Э.ли одам, аввало,

фойдали иш б-н шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. У ҳамisha лафзига амал қилади, яъни бир нарсага қиламан, деб аҳд этса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилиб, уни албатта бажаради, бошлаган ишини охирига етказиши. Э.ли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий Э. эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади. яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий Э. соҳиби ўздан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Ш.у. ҳам Э., шахсдаги журъат, мардлик, фидоийлик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар б-н боғлиқдир.

ЭҲТИЁЖ — инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хус-ят; унинг жонли мавжудот сифатида онгли ҳаёт кечиришининг муайян шарт-шароитларга тобелигини ифода этувчи т. Инсоннинг фаоллиги бошқа мавжудотлардан ҳам моҳиятан, ҳам шаклан фарқланиб, юзага келган Эларнинг турли вазиятларда қондирилишида ўз ифодасини топади. Мавжудотлар (ҳайвонлар) Элари мақсадга мувофиқ равишда кечгани, уларни қуршаб олган яшаш муҳитига осонлик б-н мослашувини таъминлайди. Лекин инсонларнинг фаоллиги манбаи ҳисобланган Э.лар биологик шартланганидан ташқари, моддий ва маън-й маъно-моҳият касб этади. Одамнинг Э.и унга таълим ва тарбия бериш жараёнида шаклланади, яъни инсоният томонидан яратилган ижт-й тарбия, кўникма, малака, одат, маъ-ят, қадриятлар б-н яқиндан танишиш, уларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Инсон бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ, ижт-й-тарихий тар-ёт даврининг хусусий Э.ларига хизмат қилувчи муайян буюмни заруратга биноан қайта ўзгартиришга, такомиллаштиришга қодир онгли мавжудотдир. Ш.саб. одамнинг ўз Эларини қондириш жараёни ижт-й-тарихий

тар-ёт даражаси б-н ўлчанадиган фаолият шакли ва турини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилгани, маълум режага асосланган ижодий кўриниш сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Инсон бир даврнинг ўзида ҳам индивидуаллик, ҳам ижт-йликни акс эттиргани сабабли унинг Э.лари шахсий ва ижт-й хус-ятга эгадир. Одатда, келиб чиқиш хус-ятларига кўра, Э.лар табиий ва мад-й турга ажратилади. Табиий Э.лар таркибига овқатланиш, ташналикни қондириш, жинсий мойиллик, ухлаш, иссиқ ва совуқдан асраш, мусаффо ҳавога интилиш, тана аъзоларига дам бериш кабилар киради. Мад-й Э.лар объектига табиий Э.ларни қондирувчи уй-рўзгор буюмлари, меҳнат фаолияти орқали бошқа кишилар б-н боғланиш воситалари, мад-й алоқалар ўрнатиш усуллари, шахслараро муомалага киришиш услублари, ижт-й турмуш заруратига айланган нарсалар, ўқиш ва тажриба орттириш йўллари киради. Психология фанида Э.лар ўз предметининг хус-ятига кўра, моддий ва маън-й турларга ажратилади, уларни келтириб чиқарувчи механизмлар манбаи турлича экани эътироф этилади.

ЭҲТИРОС — маън-й ҳодиса, руҳий жараён бўлиб, кучли ва нисбатан қисқа муддатли эмоционал ҳолат; инсон учун ҳаётий муҳим вазиятларнинг тез ўзгариши б-н боғлиқ, ички туғён ва кескин ифодаланган ҳолат тарзида кечади. Э. содир бўлган воқеага жавоб кўринишида

пайдо бўлади. Э.нинг асосида ички руҳий ҳолатнинг ҳис қилиниши ётади. Инсоннинг майллари, интилишлари, истаклари ёки ўз олдига қўйган талаблари б-н алоқадорликда юзага келиши мумкин бўлган Э. қўйидаги ўзига хос хус-ятларга эга бўлади: 1. Э.ли кечинмаларнинг отилиб юзага чиқиши. Э. вақтида одам атрофдагиларни сезмаслиги, содир бўлаётган воқеаларда ўзининг шахсий ҳаракатларига ҳисоб бермаслиги ҳам мумкин. 2. Э.ли кечинмаларнинг қисқа муддатлиги. Э. тез кечадиган жараён бўлгани учун узоқ вақт давом этмайди ва тезда сўнади. 3. Э.ли кечинмаларнинг маълум даражада назорат қилинмаслиги. Э. кучига кўра бундай назоратсизлик катта ва кичик бўлиши мумкин. Одам Э. ҳолатида ўз хатти-ҳаракатларини онгли назорат қила олмайди, бошқара олмайди, баъзида нима қилаётганини тушунмайди, ўзини қўлга ола билмайди. Э.ли кечинмалар томонидан бошқарилаётган одам бу кечинмаларнинг характери ва аҳамиятини заиф англайди. 4. Э.ли кечинмаларнинг кескин ифодаланиши. Кучли Э. инсонни бутунлай қамраб олади ва унинг ҳаётий муҳим чегараларигача етиб боради. Айниқса, Э. ҳолатида онг фаолиятида кескин ўзгаришлар кузатилади: ақлнинг таъсири тораяди ва кечинмалар б-н узвий боғлиқ бўлган тасаввур ва белгиларнинг миқдори кескин камаяди. Э.ли киши бошқалардан Э.ли кечинмалари ва туйғуларининг кучлилиги б-н ажралиб туради.



ЮЗСИЗЛИК — инсоний одоб қоидаларига амал қилмаслик, ўзидаги салбий хус-ят ва камчиликлардан уялмаслик, уларни ошқора намоиш қилган ҳолда амалга оширилган хатти-ҳаракатни ифодаловчи т. “Ю.” салбий маънодаги ибора бўлиб, “ҳаёли”, “иболи” каби сўзларга қарши қўйилади. Ўзида ҳаё туйғуси

бўлмаган одам ўзгандан ҳаёли бўлишни талаб қила олмайди ва бундай талаб туйғуси унда бўлмайди ҳам. Оила одобига кўра, Ю. т.сига тескари бўлган хислатга эга катта ёшлилар болаларга, балоғатга етган фарзандлар, келинлар катталарга очиқ-сочиқ ҳолда кўринмайди, бачкана қилиқ қилмайди, бепарда сўзларни айт-

майди, улар учун сизсираш ҳурмат белгиси ҳисобланади. Бундай одамлар кўчага уй кийимида чиқмайди, сўраб келган кишини кўча эшик олдида маҳтал қилиб қўймайди, дарҳол уйга таклиф қилади. Меҳмон кутилганда болаларга покиза кийимлар кийдирилади, ҳовли-кўчалар озода сақланади, хунук кўринган нарсалар кўздан четга олиб қўйилади. Бундай хислатлардан маҳрум бўлиш Ю.га олиб келиши табиий. Ю. сўзи “сурбетлик”, “безбетлик” т.ларига маънодош ҳисобланади. “Юзсиз”, “сурбет”, “безбет” т.си ахлоқсиз, ёмон хулқли, тартибсиз, андишасиз ва бетгачопар кишиларга нисбатан қўлланади. “Юзсиз” сўзи “юзи қора” иборасига ҳам маънодош ҳисобланади. Юзсизлар, яъни юзи қоралар ноҳўя хатти-ҳаракатлари б-н иззат-обрўсини йўқотган, эл-юрт дашномига учраган кишилардир.

“ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” — Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмунини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилган асари (—Т., “Маънавият”, 2008. 176-б.). Унда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган. “Муқаддима”, 4 боб ва “Хулоса”дан иборат ушбу китобда бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, асарда маънавият соҳасидаги долзарб муаммолар ва вазифалар теран таҳлил этилиб, халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун

бор куч ва имкониятларни сафарбар қилиш ҳамда бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этиши қайд қилинган.

Асарда ер юзида турфа миллатлар, турли элатлар, халқлар, давлатлар бўлгани каби, инсонларнинг табиати ва хусусияти ҳам турфа экани, уларнинг бири-бирдан фарқли ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, маданияти борлиги ва уларнинг барчаси ранг-баранг маънавиятларни шакллантиришга хизмат қилиши ҳаётини мисоллар орқали таҳлил этилган. Бу дунёда ҳаёт бор экан, турфа хил одамлар, уларнинг онгу тафаккуридаги ўзаро тафовут ва зиддиятлар сақланиб қолавериши, турли дунёқарашлар, оқим ва йўналишлар мавжудлигини табиий бир ҳол деб қабул қилиш зарурлиги атрофлича асослаб берилган.

Муаллиф маънавиятни шакллантирадиган асосий мезон бўлган маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларнинг ўрни ва аҳамияти, инсон ва жамият тараққиёти учун муҳим омил ҳисобланган маънавий ва моддий ҳаёт муштараклиги, айнан ушбу тамойиллар бири-бирини инкор этмаслиги, аксинча, бири-бирини тўлдириши ҳамда мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг мустақам гарови бўлиб хизмат қилишини асослаб берган. Китобда маънавиятни шакллантирадиган, унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонлар чуқур таҳлил қилинган. Ҳар қайси халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётини қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслиги исботланган.

Асарда маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, бу борада асрлар давомида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган муҳим масалалар, масалан, одамларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятидаги моддий ҳамда маън-й асослар бири-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ўрганилган. Миллий ғоя ва маънавият, мафкуравий жараёнлар ва

маън-й ҳаёт ўртасидаги диалектик боғлиқлик, ўзаро ҳамоҳанглик, давлат ва жамиятнинг олий мақсади халқнинг, инсонларнинг ҳар томонлама фаровон ҳаёт кечиришдан иборат экани билан боғлиқ долзарб вазифалар таҳлил қилинган.

Айни патда китобда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи ғоят долзарб аҳамиятга эга экани, глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашишнинг аҳамияти, ҳоз. дунёнинг геополитик, иқтисодий-ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасидаги ўзгаришлар ҳар томонлама таҳлил этилган. Муаллифнинг кўп йиллик кузатишлари, фикр ва мулоҳазалари маҳсули бўлган, ҳар томонлама теран илмий ва ҳаётий қарашларга асосланган ушбу китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, унда маънавият соҳасига оид қонун ва категориялар яхлит бир тизим сифатида таҳлил этилган ва шу асосда маънавиятнинг мазмун-моҳияти, унинг инсон ва жамият, миллат ва давлат тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида яхлит илмий-фалсафий, назарий-методологик таълимот яратилган.

Асарнинг “Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир” деб номланган биринчи бобида “маънавият” тушунчасининг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилган. Мазкур тушунчага илмий-назарий жиҳатдан асосли таъриф берилган. Бу таърифда инсониятнинг маънавий тараққиёти жараёнида вужудга келган илғор умумбашарий қарашлар, жумладан, буюк аждодларимизнинг ғоя ва таълимотлари билан бирга, бугунги шиддатли давр воқелигига хос тамойил ва мезонлар ҳам ўз ифодасини топган.

Китобнинг “Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш” деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги тараққиёти, мил-

лий ғоянинг маъно-мазмуни, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, маънавий ҳаёт билан боғлиқ диалектик боғлиқлиги, жамиятимиз ҳаётини эркинлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида маънавиятнинг ўрни ҳам улкан тафаккур соҳиби, ҳам ҳаёт синовларида тобланган йирик давлат арбоби нигоҳи орқали кўрсатиб ўтилади. Юртимизда маданият, таълим, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини тараққий эттириш борасида амалга ошириладиган ва келгусида қилинажак ишлар атрофлича таҳлил этилиб, бу борадаги мақсад ҳамда вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди.

Китобнинг “Маънавиятга таҳдид – ўзлгимиз ва келажагимизга таҳдид” деб номланган кейинги бобида глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, хусусан, бугунги кунда мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида айрим сиёсий кучлар манфаатига хизмат қилаётгани, ушбу жараён орқали миллий қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар ёпирилиб кираётгани ва улар эртага қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳаётий мисоллар орқали баён этилади.

Китобнинг “Ватанимиз тараққиётининг мустақкам пойдевори” номли бобида юксак маъ-ятни шакллантиришда инсон қалбига йўл очадиган омиллар тўғрисида фикр юритилади. Бунда таълим-тарбия, ТВ ва ОАВ, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомчилик ва ҳайкалтарошлик, яъни инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳалардаги фаолиятни замон талаблари асосида ривожлантиришнинг амалий масалаларига эътибор қаратилади. Юксак маънавият соҳиблари бўлган алломалар, олим ва зиёлилар ҳаётидан ибратли мисоллар келтирилади.

Мазкур китобда ижтимоий фанлар тарихида илк бор маънавиятнинг тарихий тараққиёт билан боғлиқ қуйидаги умумий қонуният асослаб берилган: яъни, жамият ҳаётининг ҳар қайси даври ёки ривожланиш босқичига маънавиятнинг маълум бир тамойиллари ва маънавий қадриятлар

тизими мос келади. Агар давр ўзгарса, жамият ўзгача тараққиёт босқичига ўтса, маънавий мезон ва қадриятлар тизими ҳам ўзгаради, аста-секин янги замонга мос янги тизим ҳосил бўлади. Инсоният ва миллат, давлат ва жамият бор экан, ушбу жараён тўхтовсиз давом этаверади.

Асарда бу қонуният мустақил мамлакатимизнинг истиқлол йилларида маънавият соҳасида қўлга киритилган ютуқлари мисолида ёрқин ифодалаб берилган. Ҳозиргача бу йўналишда чоп этилган бошқа китобларнинг биронтасида мазкур қонуният, унинг умумбашарий, минтақавий ва миллий жиҳатлари ҳамда амалиётда намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида фикр юритилмаган эди. Бу эса тавсифланаётган асарнинг илмий-назарий аҳамиятини янада оширади. Шу маънода, мазкур китоб барча ижтимоий фанлар учун методологик манба, маънавиятшунослик йўналишидаги мутахассис ва тадқиқотчилар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Асарнинг бир қатор хорижий тилларга таржима қилинаётгани унга жаҳон халқларининг қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

“Юксак маънавият — енгилмас куч” китобининг маъно-мазмунни, унинг назарий ва амалий аҳамияти, концептуал хусусиятлари мам-тимиздаги таниқли сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, маънавиятшунос олимлар, шоир, ёзувчилар, маънавият номояндлари томонидан ёзилган “Маънавий юксалиш йўлида” тўпламида (–Т., “Маънавият”, 2008) атрофлича таҳлил қилинган.

“ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ” — Ўз-н Президенти И.А.Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилиқ маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари б-н учрашувда сўзлаган нутқи (1996 йил 4 сентябрь).

Маърузада одамлар қалбида юксак маън-й фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой мад-й меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари хусусида сўз бора-

ди. Мустақиллик йилларида одамларда мад-т ва маъ-ят юксалиб, ўзлигини англаш туйғулари кучаймоқда, «Ўз-н — менинг Ватаним» деган муқаддас т. ҳар бир ватандошимиз онгига теран кириб бормоқда. Агар 1990-1991 йиллардаги қалтис вазият ёдга олиниб, шу н.назардан бугунги кунга баҳо берилса, жам-тда тинчлик, осойишталик, тотувлик муҳити ҳукм сурган тақдирдагина, хоҳ иқт-й, хоҳ ижт-й бўлсин, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин. Бунинг кейинги йиллардаги тажрибалар исботлаб турибди. Нутқда маъ-ят ва маърифат масаласи тарихий қадриятларимиз б-н узвий боғлиқ экани, нафақат ўлтишимизни ёритувчи омил, балки келажагимизни ҳам белгилаб берувчи асос экани айтиб ўтилади. Чунки қадриятлар халқнинг кўп йиллик тарихий-мад-й тажрибаси сифатида шаклланган турмуш тарзи, тафаккури маҳсули сифатида дунёга келади. Халқимизнинг азалий удумлари, урф-о. ва анъаналари инсоний ҳамда миллий мансублик ифодасидир. Ш.у. учун Президент миллий-маън-й қадриятларимиз тимсоли ҳисобланган Соҳибқирон Амир Темур шахсияти ва фаолияти, ш-дек, маъ-яти-миз даҳолари Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг юксак маън-й-ахлоқий фазилатлари ва сабоқлари маъ-яти-мизнинг асоси эканига урғу беради. Истиқлол йилларида номлари зикр этилган алломаларимизнинг қадамжолари қайтадан тикланди, уларнинг бой меросидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди. Президентимиз буюк аждодларимиз меросига таяниб, **“Мен маърифатли жамият қурмоқчиман”**, дея таъкидлайди. Маърифатли жам-тда эса инсон, маъ-ят, ахлоқ, тафаккур мезонлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ш.у. давлатимиз раҳбари **“Маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларга тайёр бўлади”**, деб таъкидлайди. Ўтиш давридаги қатор иқт-й қийинчиликлар сезилаётган бир пайтда маън-й ҳаётимизга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиши инсоний ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Умуман олганда, миллий маъ-ят

ва миллий ғоя халқни — халқ, миллатни — миллат қилишда ўзимизга хос менталитетимиз асосида ўзлимизни ва миллий ғуруримизни англашда ўта муҳим аҳамиятга эга. Ш.у. ҳам маъ-ят ва маърифатимиз асоси ҳисобланган тарихий, диний, миллий қадриятларимиз, урф-о. ва анъаналаримизни асраб-авайлаш б-н бир қаторда, уларни янада юксалтириш, тараққий эттириш, келажак авлодга бекамму кўст етказиб беришга ҳаракат қилмоғимиз шарт. Бу эса миллий ғоянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Юксак маъ-ят истиқлолни асраб-авайлаш, мам-тимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш, буюк келажакни қуришнинг асосий омилдир. Шуниси эътиборга сазоворки, бу хайрли ишларга адабиёт ва санъат намояндалари, мад-т арбоблари муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг меҳнати самарасини, иқт-й кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, бирон мезон б-н ўлчаб бўлмайди. Уни фақат одамлар қалбида уйғонган ғурурдан, чеҳраси очиқлигидан англаш, ҳис этиш мумкин. Миллий ғурур ҳақида гапирганда, уни улуғлаганда ҳеч ким ўз миллатини бошқалардан устун қўймаслиги керак. Дунёда катта ёки кичик миллат йўқ, балки ҳар бир миллатнинг ўз ғурури бор. Уни камситишга эса ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шу маънода, ўз кучига, салоҳиятига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Бундай миллат кучли, айни дамда вазмин, босиқ бўлмоғи керак. У ўзининг иқт-й ютуқлари, маъ-й юксаклиги б-н бошқаларда ҳавас уйғотсин. Юртдошларимизни ана шу руҳда тарбиялаш, аввало, маърифат ва маъ-ят намояндаларининг энг асосий, муқаддас бурчидир. Чунки, маъ-ят ишларини йўлга қўймасдан туриб иқт-й юксалишларга эришиш қийин. Зеро, юксак маъ-яти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқдир.

ЮНЕСКО — БМТнинг маориф, фан ва мад-т масалалари б-н шуғулланувчи ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилоти, 1946 йилда тузилган. Мазкур ташкилотга дунёнинг 170 дан ортиқ мам-тлари, жумладан, Ўз-н ҳам аъзо. Ташкилотнинг асо-

сий мақсади маориф ва мад-т соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, мад-й ва илмий-техникавий ахборотларни тарқатиш, ш-дек, таълим масаласида турли чеклаш ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ҳамда миллий мад-тни ҳимоя қилиш ва б. Низомга мувофиқ, ташкилотга аъзо давлатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича махсус миллий ҳайъат фаолият кўрсатади. Ташкилотнинг олий органи — унинг бош конференцияси ҳисобланади. Ташкилотнинг штаб-квартираси Париж шаҳрида жойлашган.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири, мам-т барқарор тар-ётининг асосий шарти. Тинчлик — инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилдир. Ҳар бир инсон учун Ю.т. бебаҳо неъмат, улуг саодатдир. Башарият ўз тар-ётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустақкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тар-ётининг барча босқичларида жам-тнинг асосий масалалари, биринчи навбатда, тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боисдан ҳам Ю.т. — барқарор тар-ёт гаровидир. Тинчликни сақлаш муаммосини кишиларнинг шунчаки хоҳиши-истаги, орзу-умидлари б-н ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган. Ўзб. халқи тинчликни юксак қадрлайди ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадлари рўёбга чиқишининг кафолати, деб билади. Шу боисдан ҳам бобо-момолар дуога қўл очганида, даставвал, Яратгандан тинчлик-омонлик тилайди. Халқимиз орасида ҳам «тинчлик бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин», деган т. кенг тарқалган. Лекин тарих сабоқлари шундан далолат бермоқдаки, орзу-ниятнинг ўзи б-нгина узоққа бориш қийин. Ю.т. дунё ва минтақалар тинчлиги б-н чамбарчас боғлиқ. Давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик мун-тлари тобора чуқурлашиб бориши ҳоз. шароитда тинчликнинг ни-

ҳоятда муҳим омили сифатида катта аҳамият ва чуқур маъно касб этмоқда. Халқаро майдонда рӯй бераётган туб сиёсий ўзгаришлар ҳам тинчлик учун курашнинг аҳамиятини янада ошириб юборди. Кўпгина мам-тлар халқларининг миллий истиқлол, демократик эркинликларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўз юрти ва минтақаларидаги тинчлик ва барқарорликка боғлиқ экани равшан. «Кўшнинг тинч — сен тинч» мақолининг туб маъносини дунё ҳам, биз ҳам янада тараққий этган англамоқдамиз. Кўҳна тарихга назар ташласак, айнан юрт тинч, эл омонликда яшаган даврлардагина халқимиз моддий ва маън-й ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Хус-н, Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган 40 йил мобайнида мам-тда тинчлик-барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, мад-т тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб-яшнаган. Ўзб. халқи тинчликни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаolari рўёбга чиқишининг шартини деб билди. Ш.у. ҳам доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди. Шарқ мам-тларининг қаерига борманг, одамлар бир-бири б-н учрашганда, авваламбор, “Ассалому алайкум” дейишади. Ушбу калом арабдан олинган бўлиб, “Сизга тинчлик ёр бўлсин” деган маънони англатади. “Салом”, яъни “тинчлик” сўзи Қуръони каримда 40 марта учрайди. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: “Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида “тинчлик” сўзи айтилуру”. Бироқ, инсоният тарихида, кейинги беш минг йилда тахм. 15 мингдан ортиқроқ катта-кичик урушлар бўлган экан. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маън-й жиҳатдан юксалади. Ю.т. энг азиз неъмат эканига бутун жаҳон амин бўлмоқда. Дунёнинг кўп мам-тларида рӯй бераётган террорчилик ҳаракати бу борада ҳали кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Мам-тимиз

мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ Ю.т.ни сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўз-н дунёда биринчи бўлиб М.О.ни ядро қуролдан холи майдонга айлантириш, халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ва б. тинчликсевар таклифлар б-н чиқди. Чунки ислохотларнинг натижалари айнан шу ғояни амалга оширишга бевосита боғлиқ эди. Ш.у. ҳам миллий истиқлол мафкурасида Ю.т.ни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Ю.т. — Ватан озодлиги ва мустақиллиги б-н чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Ш.у. ҳам мустақиллик ва тинчликни асрашимиз, мам-тимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маъ-ят, мад-т, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги Ю.т.ни сақлашнинг муҳим шартидир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жам-тдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга, шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустақамлашга хизмат қилади. И.А.Каримов **“Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда”** деб бежиз таъкидламаган. Ўз-ндаги ижт-й ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик Ю.т.ни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса мам-тимизда ички барқарорликни таъминлаш, хорижий давлатлар б-н тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш, жам-т ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократиялаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, белгиланган режа ва мақсадларга эришиш, бир сўз б-н айтганда, бунёдкорлик фаолиятига хизмат қилмоқда.



ЯНГИ ТАФАККУР — оламга хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур кўзи б-н қарашни, виждон уйғоқлиги, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат б-н курашмоқни, фидойликни, ўзини буюк мақсадлар сари сафарбар этиб, эзгуликни кундалик фаолият мезонига айлантира олишни англаувчи т. Истиқлолга эришганимиздан кейин кишилар онгида халқимизнинг, юртимизнинг улут тарихи ва бетакрор мад-ти б-н, шу муқаддас заминда яшаётганимиз б-н фахрланиш туйғуси ортиб бормоқда. Я.т. фаровон келажак, муносиб ҳаёт, мустақил давлатчилик ва адолатли жам-т барпо этиш каби улутвор мақсадларга эришиш йўлида халқимизнинг руҳини кўтарадиган миллий мафкура асосида шаклланимоқда. И.А.Каримов таъкидлаганидек, **“Бизда «аввало иқтисод, кейин сиёсат» деган тушунча бор. Лекин иқтисодни англаш, тўғри бошқариш учун нима керак? Сиёсат керак, ақл-заковат керак, маънавият керак”.** Шу боис ислохотларнинг дастлабки босқичида миллий қадриятларни тиклаш, одамлар тафаккуридаги қўллик кишинини йўқотиш, уларда ўзларига ишончни мустақамлашга алоҳида эътибор берилди. Албатта, ислохотлар — Я.т., янгича изланишлар меваси. Бироқ ҳар қандай ислохот ҳам, аввало, инсон манфаатига, унинг ҳаёт синовидан ўтган тажрибаларига ва янги жам-тнинг эҳтиёжларига асосланиши лозим. Тубдан янгиланиш даврида анъаналарга таяниб иш тутиш, улардан янги ўзгаришларга мос ҳолда оқилона фойдаланиш ислохотларнинг изчил ва собитқадамлик б-н амалга ошишига ҳамда жам-т барқарорлигига хизмат қилади. Жам-тни демократиялаштиришнинг иккинчи муҳим шarti одамларнинг тафаккури ва ижт-й савияси б-н демократик ўзгаришлар даражаси ва суръ-

атлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир. Шу маънода, кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришининг аҳамияти беқиёсдир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қўлликдан қутулмаса, инсон том маънода озод ва эркин бўла олмайди. Тар-ёт тақдирини маън-й жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маън-й баркамоллик б-н, мустақил тафаккур б-н уйғун ҳолда ривожланиб бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маън-й салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир. Ш.у. Я.т. деганда: 1) Ўз-нинг бутуни ва эртаси ҳақида қай-ғуриш; 2) шахснинг халқ ва Ватан қадр-қиммати, ор-номуси ва манфаатларини англаши, уни ҳимоя қилиши; 3) юксак ғоялар, кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этиш назарда тутилади.

ЯНГИЛАНИШ — ижт-й ҳаёт соҳаларида жам-т амал қилиб келган мун-тлар, қарашлар ва ёндашувлар, тамойилларнинг янгича идрок этилиши, мустақиллик ва унинг талабларига мос равишда такомиллаштириш, қайта ташкил этиш, ўзгаришларни амалга оширишдир. Я. — янгича қараш, мустақиллик тафаккури тамойиллари асосида жам-тнинг ижт-й-иқт-й, сиёсий, маън-й соҳаларини тубдан ислох этилиши б-н боғлиқ. Илгари амал қилиб келган ғоявий-мафкуравий тамойилларнинг ўрнида янги фикр, ғоя ва мафкуралар, мақсад ҳамда вазифаларнинг белгилаб олиниши ҳаётнинг стратегик йўналишлари, унинг миллий-маън-й негизлари, умуммиллий тамойиллардаги янгича мезонларни ўзида ифода этади. «Я.» кенг т. бўлиб, у жам-т миқёсида амал қилиши ёки

унинг бирон-бир соҳасини қамраб олиши, ҳатто минтақа, дунё миқёсидаги кўламга эга бўлиши мумкин. Мас., жам-тнинг Я.и; иқтисодийнинг Я.и; онг ва тафаккур Я.и; маън-й ҳаёт, қадриятларнинг Я.и ва ҳ.к. Я. табиат, жам-т ва инсон тафаккури тар-ётининг ажралмас қисмидир. Я.нинг тар-ётдан фарқи шундаки, тар-ёт кўпроқ миқдорий кўрсаткичлар б-н ифодаланса, Я. унинг сифат белгиларини ифодалайди. Мас., тар-ёт қанчалик ижобий ва кенг қамровли бўлса, илм, фан, техника, иқтисод ва б. соҳаларнинг Я.и шунчалик кенг ва самарали бўлади. Я. табиатда эволюцион қонунлар асосида бевосита ва узлуксиз равишда амалга ошади, жам-тда эса, у илм-фан, маън-й, иқт-й, сиёсий ва б. қадриятлар таъсирида билвосита содир бўлади. Жам-т иқт-й, сиёсий ва ҳуқуқий соҳада қанча эркин бўлса, ижт-й тар-ёт шунчалик тезкор ва самарали бўлиб, ижт-й Я.ни мунтазам таъминлаб туради. Агар жам-т ўз эркини йўқотиб, мустамлака сиёсат таъсирига тушиб қолган бўлса ёки мустақилликни мустаҳкамлаш б-н боғлиқ ўтиш даврини бошдан кечираётган бўлса, бундай шароитда жам-тнинг Я.и ўтиш даври вазифаларини ҳал қилишни тақозо қилади. Я. ҳам тар-ёт маҳсули, ҳам унинг ривожлантирувчи кучи сифатида хизмат қилади. Маълумки, XVII-XVIII а.ларда илм-фан, фал. соҳаларида Европада рўй берган ижт-й Я. Англия, Нидерландия, Францияда юз берган саноат инқилобининг таъсири эди. Бу инқилоб илм-фаннинг жадал рив-шига замин ҳозирлади. Радиоэлектроника, атом энергиясидан фойдаланиш, кимё, сунъий моддалар ишлаб чиқариш ва б. соҳаларда эришилган ютуқлар бугунги кунда ижт-й тар-ётнинг тубдан Я.ига олиб келди. Жумладан, бозор мун-тлари иқт-й тар-ётнинг ҳал қилувчи омили сифатида жаҳон миқёсида тан олиниши, тоталитар тузумнинг инкор қилиниши, демократия халқро мун-тлар тамойилларига айланиб бораётгани Я.нинг универсал хус-ятларидан келиб чиқади. «Я.» — жам-т ижт-й ҳаёти ва инсон тафаккурида юз беради-

ган ўзгаришлар мажмуаси. Я. одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маъ-ятга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Я.да моддий жиҳатдан таъминланиш б-н ки-фояланиш — онгсиз ва руҳсиз махлуқларга хосдир. Я.га интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамга хос фазилатдир. Шу маънода, Я. — инсон руҳий ва ақлий оламининг мажмуи саналади. Я. — жам-т, миллат ёки алоҳида индивиднинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни мужассамлантирувчи т. бўлмай, у бутун бир жам-т учун ҳам хосдир. Я. инсон ва жам-т мад-тининг негизи, инсон ва жам-т ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир. У муайян иқт-й, ижт-й ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Я. кенгайиб, амалиётга изчил сингдириб борилса, жам-т равнақ топади, ва аксинча, Я.лар тўлиқ бўлмаса, жам-т бора-бора таназзулга юз тутиши мумкин. Мустақиллик йилларида Я. масалаларига мун-т тубдан ўзгариб, унинг бойиб боришига кучли эътибор берилаётганининг боиси ҳам шунда. Тўлақонли Я.ларсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Я. жам-т ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир. Шу маънода, Я. ва ижт-й тар-ётнинг биз танлаган йўли — республика ҳаётининг иқт-й, сиёсий, ижт-й, маън-й-мад-й ва б. барча соҳаларини қамраб олади. Ўз-ни янгилаш ва ривожлантириш тўрт асосий негизга асосланади. Бу негизлар: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маън-й меросини асраб-авайлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ватанпарварликдир.

“ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ ДАВР ТАЛАБИ” — Ўз-н Президенти И.А.Каримов асарларининг 5-жилди (Т., «Ўзбекистон», 1997 й.). Ушбу жилддан И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгаши сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида сўзлаган нутқлари ўрин ол-

ган бўлиб, уларда республикадаги ижт-й-икт-й вазият теран таҳлил этилиши б-н бир вақтда мам-т маън-й ҳаёти, халқимиз онги ва тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида батафсил фикр юритилган. Жилдан ўрин олган муҳим асарлардан бири “Юксак маънавиятсиз келажак йўқ” деб аталади. Мазкур китобга киритилган “Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир” номли 1996 йил 18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқда Тошкентда халқимизнинг ардоқли фарзанди, шаън-шавқатимиз, турмуш тарзимиз ва халқимиз даҳосининг тимсоли, маън-й қудратимиз, табаррук ва улуғ Амир Темур номини тиклаш, руҳи покени шод этишнинг амалий исботи сифатида очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейининг маън-й-маър-й аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Нутқда Соҳибқироннинг «Миллат дардларига дармон бўлиш», «Адолат кучда эмас, куч адолатдадир», «Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» деган доно ўғитлари барча эзгу ишларимиз учун ҳамроҳ, ҳамнафас. Амир Темур шахси эса Ватан ва миллат тимсоли экани таъкидланган. Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида бу буюк зот руҳи бизга ҳамроҳ-ҳамнафас бўлиб бормоқда. Умрининг мазмунини «Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат» деб билган халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзанди Амир Темур ҳақидаги теран мулоҳазалар Юртбошимизнинг Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросими ҳамда Самарқанд шаҳрини «Амир Темур» ордени б-н тақдирлаш тантаналарида сўзланган “Азалий буюклик маскани” номли нутқда ўз ифодасини топган. Зеро, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демек, Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига қуқур илдиз отган томирларимизга, мад-гимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демекдир. “Соҳибқирон камолга етган юрт” номли (Шаҳри-

сабз шаҳрида 1996 йил 18 октябрда Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросимида сўзланган нутқ) маърузада Амир Темурнинг «Кимки бизнинг шон-шухратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин», «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», «Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб кетса, зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим», деган фикрлари таҳлил этилади, уларнинг маън-й-тарбиявий аҳамияти хусусида сўз боради. Ушбу жилддан “Адолат ва қудрат тимсоли” — Ўз-н Миллий ахборот агентлиги мухбирининг Президент Ислом Каримовдан Амир Темур образининг бадиий талқинлари ҳақидаги таассуротлари тўғрисидаги саволига жавоби, “Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз” — Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маърузаси ҳам ўрин олган. Ушбу асарларда Амир Темур даври ва бу буюк шахс маън-й меросининг ҳоз. замондаги аҳамияти хусусида фикр юритилади. Миллий меросдан бебаҳралик инсонни бефарқлик сари етаклайди, ўз қобилигига ўралашиб қолган нафс бандасига айлантиради, ғурурсиз, ориятсиз қилиб қўяди. Ислом Каримов “Ислоҳот — аввало одамлар онгидаги ўзгаришлардир” асарида бизни шу ғафлатдан огоҳ этади. Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан яхшилик кутиб бўлмаслигини таъкидлаб, ҳар бир шахс ўз миллий маданиятининг ташувчиси бўлиши лозимлигига даъват этади.

ЯХШИЛИК — асосий маън-й-ахлоқий т. бўлиб, эзгуликнинг синоними тарзида қўлланса-да, моҳиятан, бир-биридан фарқ қилади. Хус-н, эзгулик чексизликда, Я. эса муайян чегара доирасида намоён бўлади. Эзгулик ижт-йлик хус-ятига эга бўлса, Я., асосан, шахсининг одоби, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса; унда мардлик, очикқўнгиллик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум

топади. Бироқ унга асос бўлган амалий хатти-ҳаракатлар қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби ахлоқий тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мас., ҳазрат Алишер Навоий бутун умрини ижодий меҳнатга бағишлади, халқимиз, инсоният учун «Хазойин ул-маоний», «Хамса»дек буюк асарлар яратиб, эзгулик тимсолига айланди. Эзгулик маълум маънода абадийлик хус-ятига эга, чунки Навоий асарлари миллионлаб одамларга алар мобайнида завқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, Навоийнинг ўзи бевосита кўплаб Я.лар қилди – муҳтож одамларни кўллаб-қувватлади, аҳолининг солиқларини ўз ҳисобидан тўлади, халқ учун ўнлаб иншоотлар қурдирди ва ҳ.к. Унинг бу Я.лари ҳар қанча ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик табиатига эга. Демак, эзгулик, асосан, билвосита амалга ошириладиган, узоқ келажакка мўлжалланган, яъни стратегик аҳамиятга молик ахлоқий хатти-ҳаракатлар мажмуи; Я. эса, одатда, бевосита муайян давр учун долзарблик хус-ятига эга ахлоқий фаолиятдир. Шундай қилиб, Я.ни юксак ижт-й-маън-й ҳодиса – эзгулик б-н айнанлаштириш тўғри эмас. Бу фазилатларнинг яна бир фарқи шундаки, шахс ва жам-т ҳаётида воқе бўлган эзгулик ҳеч қачон ёмонликка айланмайди Я.да эса бундай эмас: бирор объектга қилинган Я. бошқа бир объект учун ёки Я. қилган субъект учун ёмонликка айланиши мумкин. Ахлоқ ва ахлоқсизлик, маъ-ят ва маъ-ятсизликни фарқлашда Я. муҳим роль ўйнайди. Кенг маънода барча ижобий ахлоқий-маън-й сифатлар Я. б-н боғлиқдир. Мас., қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик ижобий ахлоқий сифатлар сирасига киради ва Я. б-н узвий боғлиқ. Ёки бўлмаса, маъ-ят тизимидаги «муҳаббат» Я.нинг ибтидоси сифатида талқин қилиниши мумкин. Муҳаббатнинг акси бўлган нафрат ўз объекти учун Я.га асос бўла олмайди. Я. инсонларнинг моддий ёки маън-й манфаатлари б-н боғлиқ тарзда намоён бўлади. Одамлар ўзларининг манфаатларига зид

бўлган ҳаракатларни Я. сифатида баҳоламайди. Бу фикрдан Я. ва манфаатлар ўртасида айнанлик мавжуд, улар орасига тенглик белгисини қўйиш мумкин, деган хулоса келиб чиқмайди. Баъзан одамлар ўз манфаатларига зид бўлган ҳодисаларни ҳам Я. сифатида баҳолаши мумкин. Мас., раҳбар томонидан ходимга берилган адолатли жазо адолатпарвар берилган томонидан Я. сифатида баҳоланиши мумкин. Фал., фан тарихида Я. объектига нисбатан турлича талқинлар мавжуд. Я.ни ҳар ким қилиши керак, Я.ни ҳар қуни қилиши керак, деган ёндашув б-н бир қаторда, Я.ни ҳаммага қилиши керак, деган ғоя ҳам илгари сурилган. Я. одамларга ахлоқий баҳо беришда асосий мезонлардан бири сифатида хизмат қилади. Ахлоқий баҳо уларнинг сўзларига эмас, амалларига қараб берилар экан, уларнинг фаолияти жам-тга, кишиларга нисбатан Я.га йўналтирилганми ёки ёмонликка йўналтирилгани ҳақида хулоса қилишга асос бўлади. Мас., Навоийнинг: “Одами эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ гамидингами”, деган мисраларида одамийликка Я. н.назаридан баҳо берилади. Кундалик ҳаётда бу мезондан четга чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Одамларни баҳолашда баъзан уларнинг амалларига эмас, сўзлари, хушомадлари, лаганбардорлигига эътибор берилади. Я. т.си муглақ хус-ятга эга эмас. Я.нинг нисбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Айни пайтда Я. т.сидаги нисбий жиҳатларни муглақлаштириш ҳам тўғри эмас. Я. т.си таркибида нисбий жиҳатлар б-н бир қаторда, барқарор хус-ятлар ҳам мавжуд. Я. таркибидаги нисбийлик айнан бир ҳодисага турли шахслар ёки турли даврларда турлича баҳо берилишида кўринади. Я. кўпайиб, ёмонлик камайиб бораётган жам-т маън-й юксаклик, фаровонликка тезроқ эришади. Дунёда Я. б-н ёмонлик ёнма-ён юрганидек, бу т.лар фанда жуфт категориялар ҳисобланади. «Я.» т.си нафақат ахлоқий ҳодисаларга, балки ижт-й-сиёсий ҳодисаларга нисбатан ҳам кўлланиши мумкин.



ЎЖАРЛИК — ўз сўзида қайсарлик б-н туриб олиш, ўз мақсади ва муддаосидан қайтмаслик, жам-тда шаклланган ижт-й меъёр ва қоидаларга ўз хулқ-атворини бўйсундирмасликнинг турғун шаклини англатувчи т. Бундай хулқ-атвор ҳаётда ўз ўрнини топиш мотиви б-н шартланган, ш-дек, Ў. характернинг салбий хус-ятларини шакллантирувчи омил сифатида намоён бўлиши мумкин. Одатда, Ў. интеллект даражаси паст бўлган одамларга хосдир. Ў.нинг келиб чиқиш сабаблари болалик ва ўсмирлик даврларидаги нотўғри тарбияга бориб тақалади. Бу нарса кўполликда, болага асоссиз талаблар қўйишда, беҳуда ва ҳаддан зиёд ғамхўрликда ёки боланинг мустақилликка бўлган ҳаққини поймол қилишда намоён бўлади. Кўпинча Ў. болаларда 1-3 ёшларда пайдо бўлади. Унинг психологик негизи «Мен» ҳиссининг шаклланишидир. Бола барча нарсани ўзи бажаришга интилади ва унинг имкониятларини чеклашларига қарши туради. Бола мустақиллиги ва фаоллигининг тараққий этиши, ўзини назорат қила олиши унинг «Мен»и шаклланишининг ирода б-н боғлиқ жиҳатини билдиради. Ў.нинг келиб чиқишини ягона сабаб б-н боғлаб бўлмайди, фақат шуни таъкидлаш мумкинки, ота-она ва фарзандлар ўртасида мун-тларнинг бузилиши Ў. негизининг асосий шартларидан биридир. Боладаги «Мен» ҳисси, унинг ирода, эмоция ва темпераментини ота-она томонидан ноадекват баҳолаши бола хулқида маълум муаммоларни юзага келтиради ва Ў. шаклланишидаги омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. У инсоннинг маън-й юксалишига кўпинча салбий таъсир кўрсатади. Ў.нинг муқобили сурлик, қайсарлик каби иллатлардир.

“ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ” — Президент И.А.Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоб-

лари (Т., «Ўзбекистон», 1999 й.). Президент Ислом Каримов ушбу суҳбатда мустақиллик мафқураси, миллий ғоя, миллий гурур, маъ-ят масалаларига эътиборни қаратиш б-н бирга, ёшларга хавф солиши мумкин бўлган қатор мафқуравий таҳдидларга, ёвуз интилишларга асло йўл қўймаслик зарурлигини уқтиради. Асарда таъкидланганидек, бугун дунё батамом янги таҳдид — диний экстремизм ва фундаментализм б-н юзлашмоқда. Бу хавфнинг кўлами унинг инсоният мақсад-манфаатларига зид эканлиги б-н белгиланади. Диний мутаассиблик б-н кураш одамзод учун ҳаёт-мамот масаласи эканини англаш вақти етди. Тарих чархпалагини ортга қайтариб, инсоният тар-ётини ўрта аларга улоқтириш ва ислом халифалигини тиклашни мақсад қилиб олган бу кучлар учун иймон, эътиқод, исломий илм, дин тар-ёти, диний маърифат муҳим эмас. Исломи номидан гапирётган бу кучларнинг асл мақсади — дунёвий давлатни ағдариб, ҳокимиятни қўлга олиш ва барча инсонларни зулм б-н жаҳолат домига тортишдир. Мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлган халқ Ўз-н суверенитетига нисбатан бундай писандсизлик б-н қарашга, табиийки, йўл қўймайди.

Асардаги хулосалардан бири шуки, токи дунё бор экан, одамзод бу дунё неъматларига эгаллик қилиш қўтқусидан қутулмас экан, бирон бир халқ тинчлик-хотиржамликка абадий эга бўлолмайди. Яъни, миллий мустақилликни қўлга киритиш, унга эга бўлиш миллат олий мақсадининг бир қаноти бўлса, унинг иккинчи қаноти — бу буюк неъматни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилиш, уни тобора мустаҳкамлаб боришдир.

Маърузада эркин фуқаролик жам-тининг маъ-ятини шакллантиришда бу борада XXI а.га мўлжалланган ҳаракат дастурининг шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тар-ёт уфқлари

белгиланиб, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш жам-тшунос олимлар ва барча зиёлиларимизнинг вазифаси экани ҳам кўрсатиб берилган. Аслида, маъ-ят мустақилликнинг энг муҳим шартларидан биридир, зеро, дарахт ўз илдизи б-н заминдан сув, озуқа олиб вояга етганидек, инсон ҳам авлод-аждождларидан қолган бебаҳо меросдан руҳий озиқ, куч-қувват олади, уларга таянади. Ҳар бир миллат ва элат аждождлари билимлари, тажрибаси ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғит ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз яшай олмайди. Ш.у. ҳам тарихда муайян миллатни ўзлигидан маҳрум этмоқчи бўлган фотиҳлар, аввало, миллатни тилидан, тарихидан ҳамда маън-й қадриятларидан маҳрум этишга уринган. Босқинчилар миллатга бегона ва ёт бўлган анъаналарни тиқиштириш орқали унинг турмуш тарзини ўзгартириб юбориш мақсадини кўзлаган. Шўролар сиёсатининг энг зарarli томони шунда бўлдики, миллий-мад-й меросимизга паст назар б-н қаралди, осори-атиқалар қаровсиз қолди. Шу тариқа, «совет халқи» деб аталмиш жам-тда миллат ва элатларга, улар мад-ти, хус-н, миллий мад-тимизга ўрин қолмади. Маъ-ят йўқ жойда мустақиллик ҳам бўлмаслиги айни ҳақиқатдир. Чунки, **“Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ, маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда, авваламбор, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан”**. Юртбошимиз халқимизнинг миллий қадриятлари, анъаналари ва мад-тини тиклашнинг ташаббускори бўлди. Зеро, ҳар бир авлод миллий маъ-ятни бутунлай янгидан яратмайди, балки аждождлар томонидан яратилган мад-й бойликларни қабул қилиб олади ва такомиллаштиради. Китобда тарихий ворислик — жам-т ва унинг мад-ти равнақининг асосий шарти экани асослаб берилган.

Ўзлигини англамаган инсон мустақил бўлолмагани каби миллий қадриятларини унутган миллат ҳам ҳурликка эриша олмайди, дея таъкидланган. Асарда тарихнинг гувоҳлик беришича, ўзлигини англаган, ўз аждождлари тарихини, урф-олари, анъаналарини эъозлаган ва уларга таяниб яшган миллатнинг келажаги буюк бўлади, деган ишонч руҳи устувордир.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ — маъ-ятнинг кенг миқёсли вазифаларидан бири сифатида ҳар бир шахс ва бутун жам-тни тўғри йўлга солиш учун хизмат қилади. Ахлоқий маънодаги Ў.ў.б. одамлардаги нафсни жиловлаш, салбий оқибатларга олиб келадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, индивиднинг Ў.ў.б.и, ахлоқнинг инсонпарвар меъёрларини ҳаётга татбиқ этиш каби масалаларни ҳал этишга қаратилгани б-н муҳимдир. Бунда одамларнинг ахлоқи ва ўзаро мун-тлари жам-т фикри ҳамда шахснинг ахлоқий ўз-ўзини баҳолаши асосида маъқуллаш ёки танбеҳ бериш ёрдамида бошқарилади. Ў.ў.б. илдизлари қад. даврларга бориб тақалади. Қад. Римдаёқ бу бошқариш тури мустақил фаолият сифатида тан олинган. Ў.ў.б., аввало, қон-қардош жамоа — оилада шаклланади. Ў.ў.б. маън-й ҳаётда ҳам кенг тарқалган бўлиб, маҳаллий Ў.ў.б., шахс Ў.ў.б.и, оила Ў.ў.б.и ва ҳ.к. мавжуд. Ў.ў.б. халқ турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Сиёсий жиҳатдан Ў.ў.б. эса турли жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлари фаолиятида ўз ифодасини топади. Ў.ў.б. — бу ижт-й ишлар юзасидан йиғилишда келишиб ёки сайланган вакиллар ёрдамида қарорлар қабул қилишдир. Ш-дек, мам-тимизда маҳалла Ў.ў.б. тузилмаси сифатида оиладан фуқаролик жам-тига ўтиш учун ахлоқий кўприк вазифасини ўтайди. Бундай тузилма, ўзига хос ноёб ижт-й ин-т Ғарб оламида йўқ. Бу ҳол мам-тимизда фуқаролик жам-тига ўтиш жараёнининг жадаллашуви ва осон кечишига хизмат қилади. Шу маънода, маҳаллани Ў.ў.б. мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин.

ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРБИЯЛАШ — шахснинг камолотга интилиши ва ўзини назорат қилиши шакли. Ў.ў.т. шахснинг ўз ижобий сифатларини мақсадга йўналтирилган тарзда ривожлантириш, салбий сифатлардан халос бўлишига қаратилган фаолияти бўлиб, уни амалга ошириш учун муайян ирода талаб қилинади. Иродасиз одам ўзини ўзи тарбиялай олмайди. Ў.ў.т. учун шахс маъ-ятида ҳалоллик, виждон, тўғрилиқ, жасорат сингари сифатлар мавжуд бўлиши лозимки, шулар асосида киши Ў.ў.т.и зарурлигига ўзини ишонтиради ва шу йўлда ҳаракат қила бошлайди. Ў.ў.т.да муваффақиятга эришишнинг муҳим шартларидан бири ўзига нисбатан танқидий мун-тнинг мавжудлиги. Ўзининг хатти-ҳаракатларига, хулқ-атвори, бошқаларга бўлган мун-тига танқидий ёндашувнинг йўқлиги Ў.ў.т.ни бошлашга имкон бермайди, аксинча ўзига бино қўйиш, манманлик каби иллатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ў.ў.т.нинг муваффақиятини таъминловчи ҳолатлардан бири ўз-ўзини чеклашдир. Ўз-ўзини чеклай олмайдиган одам охир-оқибат салбий сифатларга ботиб қолади. Ў.ў.т.ни фақат салбий сифатлари мавжуд одамларгина эмас, ижобий фазилатлари кўп кишилар ҳам амалга ошириши керак. Чунки мукамалликнинг чеки бўлмайди. Лекин ҳаётда шахснинг салбий хус-ятлари қанча кўп бўлса, Ў.ў.т.га шунча кам ҳаракат қилади ва аксинча, ижобий фазилатлари кўп шахслар Ў.ў.т.га шунча кўп эътибор қаратади. Ў.ў.т.га қанча эрта киришилса, унинг самараси шунча салмоқли бўлади. Зеро, вақт ўтган сайин киши ёмон хислатларга мослаша бошлайди. Хожа Самандар Термизий таъкидлаганидек: “Гўдакликдан ёмон феълга ўрганса, юз меҳнатла уни кам қилиб бўлмас. Яхши йўлга солай дебон уринма, ўсиб қотган шохни хом қилиб бўлмас”. Ў.ў.т.нинг зарурлигини одамлар қадим замонлардаёқ англаб етганлар. Лекин у пайтларда Ў.ў.т. индивиднинг кучли, чидамли, чаққон бўлиши сингари шахсий сифатларини ривожлантиришга қаратилган бўлса, кейинчалик

шахснинг халққа, жам-тга кўпроқ фойда келтириши зарурлиги англанди. Ҳазрат Алишер Навоий зикр этганидек: “Даврон элининг жисмида жон бўлгил, Ҳам жонларига мояки дармон бўлгил”. Ў.ў.т. мақсадини белгилашда шахсда қандай маън-й-ахлоқий идеал шаклланиши муҳим аҳамият касб этади. Шахс идеалларининг шаклланиши эса унинг қандай жам-тда, қандай муҳитда яшаётгани б-н белгиланади. Педагогикага оид адабиётларда Ў.ў.т.ни фақат ижобий фазилатларни шакллантириш вазифаси сифатида талқин қилиш ҳоллари учрайди. Ҳаётда эса, Ў.ў.т. салбий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган ҳолат ҳам учрайди. Мас., ўғри ўзининг ўғрилиқ маҳоратини Ў.ў.т. орқали такомиллаштиради, қаллоб эса ўзида одамларга панд беришнинг самарали усулларини Ў.ў.т. орқали шакллантиради.

ЎЗБЕК ТАБИАТИ (ХАРАКТЕРИ) — ўзб. миллати вакиллари хос бўлган кўплаб маън-й-ахлоқий сифатларни ўзида мужассам этувчи т. Ҳар бир халқнинг миллий тафаккурида шу халққа хос ва мос бўлган, ижт-й-тарихий шароитлар таъсири натижасида шаклланиган жиҳатлар мавжудки, у шу халқнинг руҳияти, менталитети, характери ни ифодалайди, ижт-й-мад-й тар-ёти ривожини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Иймон ва эътиқодлиқ, андишалиқ, оилага муҳаббат, болажонлиқ, ҳалоллиқ, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслиқ, фарзандларнинг ота-оналари, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларига меҳрибонлиги, диний қадриятларни ҳурмат қилиш, саводхонлиқ, саховатлиқ, хушфеъллиқ, ширинсўзлик, мардлиқ, одиллиқ, ҳаёлиқ, меҳнатсеварлиқ каби хислатлар шулар жумласидандир. Ў.т.нинг яна бир муҳим жиҳати — ота-она, қариндош-уруғларнинг ҳурматини жойига қўйиш, оила муқаддаслиги туйғуларининг баркамол бўлишига эришиш, ўзаро мун-тларда ёнма-ён яшаётган ўзга миллат ва элат вакиллариининг манфаатларини ҳисобга олишдир. Ў.т.га хос бўлган меҳр-оқибат,

мурувват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар, бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўн-гиллик хус-ятлари ҳам халқимиз феъл-атворини ифода этувчи ажойиб хислатлардир. Ўзб. миллати вакилларига хос хус-ятлар миллатнинг кундалик турмуш тарзида намоён бўлиб, унинг ўзига хослигини таъминлайди. Характернинг ўзига хослиги шу б-н изоҳланадики, миллат маълум ҳудудда, ташқи ва ички омиллар, муайян шарт-шароитлар таъсирида шаклланади ва бу ҳол миллатнинг хулқ-атворида ўз ифодасини топади. Муайян шарт-шароит бир халқдан мулоҳазали, андишали бўлишни талаб этса, бошқа бир халқнинг шаклланиб, рив-ш шароити ундан жаҳлдорликка мойилликни талаб этади, акс ҳолда у ўз этник қиёфасини йўқотади. Турфа характерли кишиларни ҳар бир миллат орасида учратиш мумкин, лекин яхлит миллий характер мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Миллатлар доирасида кечаётган табиий жараёнлар, яъни уларнинг феъл-атворидаги ўзига хос жиҳатлар, миллий характердаги мураккаб воқеа-ҳодисалар ўрганилмас, улар б-н тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали мун-т ўрнатилмас экан, миллатлараро мун-тлар ривожини таъминлаш амримаҳол. Собиқ мустабид тузум шароитида миллий хулқ-атвор деярли инкор қилинди, ягона социалистик ахлоқ кодекси ишлаб чиқилиб, уни миллатлар кундалик ҳаёти ва турмуш тарзига, уларнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор бермасдан жорий этишга ҳаракат қилинди. Бундай сиёсат табиий равишда миллатлар орасидаги тафовут ва кескинликни кучайтирди. Ўзб. характеридаги андишалилик ва унинг замирида пайдо бўлган “етти ўлчаб бир кес” каби ибратли ўғитлар миллатимизга хос хус-ятдир. Герман Вамберининг 1885 йилда Лейпцигда нашр этилган “Туркий халқлар” асарида қайд этилишича, “Ўзб.лар ўзларининг диндош биродарларидек мутаассиб эмас, уларнинг ўртасида муғомбирлик, мунофиқлик камдан-кам учрайди”. Ана шу хус-ятлар миллатнинг тинчликсеварлиги, ҳар қандай вазиятда ҳам андишали бўлишини билдириб, бошқа-

ларни ҳам шунга ундайди. Миллатимизнинг ўзига хос характери этник тар-ёт, ш-дек, миллий давлатчилик ривожини таъминлашда асосий омилдир. Шу маънода, у ўзб. халқининг миллий бирлигидир. Ўз-ннинг бутунги ва истиқболдаги тар-ёти миллий характернинг ўзига хослиги, унинг ривожини ва такомилни б-н белгиланади.

ЎЗБЕК ТИЛИ — туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳига мансуб тиллардан; янги уйғур тили б-н биргаликда қарлуқ-хоразм гуруҳчасини ташкил этади. ЎзРнинг давлат тили. 1989 йил 21 октябрдаги «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга мувофиқ Ў.т.га давлат тили мақоми берилган. Президент Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида тилимизнинг жам-т маъ-ятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ў.т. асосан, Ўз-нда, ш-дек, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, РФ, Туркия, Саудия Арабистони, Хитой, АҚШ, Германия ва б. мам-тларда тарқалган. Ў.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 26 млн. кишидан ортиқ (Ўз-ннинг ўзида 20 млн.дан, Тожикистонда 1,2 млн.дан зиёдроқ, Афғонистонда эса, турли манбаларга кўра, 2,3 млн.дан 4 млн.гача, Қирғизистон ва Саудия Арабистонида 550-600 мингдан ортиқ, Қозоғистон ва Туркменистонда 320—330 мингдан ортиқ) кишини ташкил этади (2000 й.). Ў.т. қипчоқ, ўғуз, қарлуқ-чигил-уйғур каби 3 та тил бирлиги сифатида шаклланиб, мураккаб диалектал таркиби б-н ажралиб туради. Унда 3 та асосий лаҳжа бор, булар: 1) қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси; 2) қипчоқ лаҳжаси; 3) ўғуз лаҳжаси. Бу лаҳжалар таркибидаги кўплаб шевалар фонетик, лексик ва қисман морфологик жиҳатдан ўзаро фарқланса-да, уларнинг барчаси ҳам миллий Ў.т.нинг, адабий Ў.т.нинг шаклланишида муайян даражада иштирок этган. Ў.т.нинг лаҳжалари орасида, одатда, қарлуқ-чигил лаҳжаси ҳамда унинг таркибига кирувчи шевалар (Тошкент, Андижон, Фарғона, Наман-

ган, Қўқон, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон, Бухоро, Қарши, Ўш, Марғилон, Жалолобод ва б. шаҳарларнинг шевалари) ўзб. адабий тилининг таянч шевалари ҳисобланади. Ўзб. адабий тилининг меъёрларини белгилашда Тошкент шеваси фонетик жиҳатдан, Фарғона, Андижон шевалари эса морфологик жиҳатдан таянч шевалар деб олинган. Туркий халқлар учун муштарак обида ҳисобланган Ўрхун-Енисей тош битиклари, Ў.О. туркий халқларининг умумий адабий тили намуналари бўлган «Девону луготит турк», «Қутадуғу билиг» каби ўлмас асарлар ўзб. халқининг дастлабки ёзма ёдгорликлари ҳисобланади. Эски ўзб. адабий тилининг шаклланиши XIV а. охирлари ва XV а.га тўғри келади. Бу давр адабий тилининг шаклланиши ва рив-шида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ўзб. адабий тили Лутфий, Саккокий, Навоий, Бобур ижоди б-н бошланиб, Огаҳий, Фурқат, Муқимийлар ижодида ривожланди, сайқал топди. Шўро даврида олиб борилган нотўғри тил сиёсати ва турли тазйиқлар оқибатида Ў.т.нинг турли соҳалардаги вазифалари ниҳоятда чекланиб қолган эди. Ў.т.га давлат тили мақоми берилгандан кейин, айниқса, Ўз-н мустақилликка эришгач, Ў.т. шаклланишининг янги даври бошланди: Ў.т. хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида тўлиқ амал қиладиган полифункционал тил сифатида ривожланмоқда. Ўзб.ларнинг аждодлари, барча туркий халқлар қатори, V—X а.ларда Ўрхун-Енисей ёзувидан ва б. қадимий ёзувлардан фойдаланганлар. XI а.дан 1929 йилгача араб графикаси асосидаги, 1929—40 йилларда лотин графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланилган. 1940 йилдан рус графикаси асосидаги ёзув жорий этилган. 1993 йил 2 сентябрда ЎЗР Олий Кенгаши «Лотин ёзувига асосланган ўзб. алифбосини жорий этиш тўғрисида» Қонун қабул қилди. Ушбу қонун 1995 йил 6 майда ЎЗР Олий Мажлиси томонидан тегишли ўзгартишлар б-н қайта қабул қилинди ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонун б-н бир қаторда, унинг давоми сифатида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. “Юк-

сак маънавийт — енгилмас куч” асарида таъкидлангани каби, “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан айтганда, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур»... Мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш масаласида ниҳоятда қизғин, баъзида кескин ва мурасасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтгани беихтиёр ёдимизга тушади...

...Ниҳоят, 1989 йилнинг 19 октябрь куни бу ўта муҳим масала Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига кўйилди. Ва қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди.

Қабул қилинган қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилган эди. Бу қонун ўша пайтда бошқа республикаларда қабул қилинган тилга оид ҳужжатлардан ўзининг демократик моҳияти билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, мазкур қонун давлат идораларида ишлаш, таълим олиш, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиш, фуқаролик сингари масалаларда одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситадиган турли шартлар ва «ценз»лардан холи экани билан жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган талаб ва қоидаларга тўлиқ жавоб берар

эди. Шунинг учун ҳам у кўпмиллатли халқимиз томонидан ижобий кутиб олингани бежиз эмас.

1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустақамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди.

Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Айниқса, давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Хусусан, хорижий мамлакатлар раҳбарлари билан бўладиган учрашув ва суҳбатлар, музокаралар, тегишли ҳужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳаммамизга гурур-ифтихор бағишлайди.

Шу борада ўзбек тилининг компьютер ва Интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт каби махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари нечоғли катта эканини кўрсатади.

Ҳолбуки, бундан йигирма йил олдин оддийгина ариза ёки маълумотномани ҳам ўзбек тилида ёзишнинг имкони йўқ эди. Бугун бу ҳақда гапирсангиз, кўпчилик ёшларнинг ишониши қийин. Чунки ҳозирги пайтда олий ҳокимият идораларидан тортиб маҳаллий бошқарув идораларига-

ча иш юритиш она тилимизда амалга оширилмоқда.

Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз” (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 83–87-б.).

“ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ” — Президент И.А.Каримов асарларининг 13-жилди (Т., “Ўзбекистон”, 2005 й.). Китобда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашлар йигилишлари, халқаро учрашув, анжуман ва тантанали маросимлардаги маъруза ҳамда табриклари, мам-тимиз раҳбарининг хорижий давлатларга расмий ташрифлари мун-ти б-н ОАВ учун берган интервьюлар ўрин олган. Ш-дек, Президентимиз томонидан Андижон шаҳрида 12–13 май кунлари рўй берган воқеалар бўйича маҳаллий ва хорижий ОАВ мухбирлари б-н бўлган учрашувда, 2005 йил 17 майда ЎзР Бош прокуратурасида мам-тимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжумани ва баёноти, Тошкент аэропортида мухбирлар саволларига берилган жавоблар ҳамда ШХТ саммитида сўзланган нутқда Андижон воқеалари ривожига қандай бўлгани, бу ишларнинг ортида қандай кучлар тургани, уларнинг режалари ҳақида аниқ маълумотларни журналистлар ва кенг афкор омма эътиборига ҳавола қилинди. Мазкур воқеаларнинг турлича талқин қилин-

гани, мас., Россия ТВси орқали Андижонда жиний ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан “қўзғолон кўтарганлар” деган ибора ишлатилганини, бундай воқеаларни одамларга етказишда журналистнинг масъулияти, билимдонлиги, “игнадан туя ясамаслиги”, вазиятни аниқ ва пухта ўрганиб, сўнг ахборот бериши лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилган. Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда қилинган маърузаларда ички сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларнинг жам-т ҳаётидаги самарали жиҳатлари ҳақида сўз боради. Ҳар бир соҳада адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, сиёсий ва иқт-й мустақилликни янада мустаҳкамлаш, халқро майдондаги обрў-эътиборимизни ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, маън-й-мад-й қадриятларимизни тиклаш, демократик тамойилларни қарор топтириш ҳамда ислохотларнинг изчиллик б-н амалга оширилаётгани эътироф этилади. Асарда Президентимиз мам-тимиз рив-ш стратегияси, ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларини, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни ўзида ифода этган 2005 йил 28 январдаги ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган “Бизнинг бош мақсадимиз — жам-тни демократлаштириш ва янгилаш, мам-тни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли маъруза ҳам кетирилган. Мазкур нутқ ва интервьюларда яна бир бор Ўз-ннинг хавфсизлик ва ташқи сиёсати борасидаги позицияси ифодалаб берилган.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ УМУМИЙ МАНФААТЛАРИ — ўзб. халқи ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижт-й мун-тлар, миллий эҳтиёжлар, халқнинг тафаккур даражаси, маън-й салоҳияти, руҳияти, анъана ва қадриятлари тизимидир. Миллий манфаатлар эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар б-н бирга, уларни яратиш, таъминлашни белгиловчи ижт-й тизимга, мун-тлар ва тамойилларга асосланган бўлади. Улар ўзб. мил-

лати ва халқига мансуб алоҳида кишилар ёки бирор бир давлат фуқароси бўлган одамларнинг шахсий манфаатлари б-н узвий боғлиқ бўлиб, бу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода, у умумий манфаатлар мажмуидир. Ў.х.у.м. қуйидагилардан иборат: мам-т мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларнинг дахлсизлиги; юрт тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқт-й, ғоявий, экологик, информацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши; Ватан равнақи, мам-тда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижт-й барқарорлик муҳитини яратиш; ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлиги; жам-тда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойилларининг қарор топиши ва ҳ.к. Мам-т аҳолисининг ижт-й аҳволини инъикос этар экан, Ў.х.у.м. миллий тар-ёт кучларини ҳаракатга ундовчи муҳим омил вазифасини бажаради. Умумий манфаатларнинг намоён бўлишида унинг умуминсоний манфаатлар б-н уйғунлигига эришишга ёрдам берувчи ижт-й механизмда умумбашарий қадриятлар муҳим ўрин эгаллайди. Ў.х.у.м. миллий эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдорлик орқали бутун дунёда инсон тар-ёти йўлидаги эзгу ва муштарак мақсадлар орасидаги бевосита алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беришга қаратилган.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий қонуни) — 1992 йилнинг 8 декабрида 12-чақириқ ЎзР Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган. У 6 бўлим 26 боб, 128 моддадан иборат. Ў.К. ўзб. халқининг тарихи, мад-й мероси, миллий анъаналари, қадриятлари, азалий удумлари, илдизларига таянилган жаҳон тажрибаси, умумэътироф этилган халқро ҳуқуқий нормалар, қоидалар б-н ҳамоҳанг тарзда яратилган. У эркин ва озод шахсни, баркамол инсонни истиқлол ғояси асосида камол топтиришнинг, ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг, жам-т ва шахс, улар орасидаги уйғунлик, мутаносибликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосидир. Ў.К.нинг моҳияти унинг асосига қўйилган қуйидаги тамойилларда ёрқин намоён бўлади. 1. Давлат суверенитети та-

мойили. Ҳокимият суверенитети (мустиқиллиги), биринчидан, унинг устуворлиги ва мам-т ичкарасидаги мустиқиллигини, иккинчидан, ушбу ҳокимиятнинг ташқи сиёсий фаолиятда, бошқа давлатлар б-н ўзаро муносабатларда мустиқиллигини билдиради. 2. Ҳокимият халқчиллиги тамойили. Халқчил ҳокимият ғояси Конституциянинг бутун мазмунига сингдирилган. У бутун ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлалигича халққа тегишли эканлигини, халқ ҳокимиятини ҳам бевосита, ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширишини англатади. 3. Инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги тамойили. Ўз-н Конституциявий амалиётида биринчи бор республикамиз ҳар бир фуқаросининг яшаш ҳуқуқи; инсоннинг жисмоний ва маън-й дахлсизлиги; инсоннинг шахсий ҳаёт ҳуқуқи; фикр ва эътиқодлар эркинлиги ҳуқуқи; ахборот олиш ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, суд ҳимояси ҳуқуқи, соғлом атроф-муҳитга эга бўлишдек табиий ва давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили. Бу тамойил ЎзРда давлат ҳокимиятининг уч тармоғи (қонунчилик, ижроия, ва суд ҳокимияти) мавжудлигини, улар ўз вазифаларини мустиқил адо этишларини кафолатлайди. 5. Сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик тамойили. У қонун б-н тақиқланган ҳолатлардан ташқари ҳар қандай жамоат бирлашмалари фаолиятига руҳсат этилишида, “Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” лигида намоён бўлади. 6. Демократизм — ЎзР янги Конституциясининг асосий тамойилларидан биридир. Конституциянинг муқаддима-масидаёқ Ўз-н халқининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва ижт-й адолат ғояларига содиқлиги эълон қилинган. ЎзРда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва б. дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши кафолатланган. 7. Давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти тамойили Конституцияда ЎзР фуқароси ва давлатнинг бир-бирига

нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари б-н ўзаро боғлиқлиги қонуний мустиқкамланганида ўз ифодасини топган. Суверен Ўз-ннинг Конституцияси — давлатимизнинг Асосий қонуни, миллий маъ-ятимизнинг ҳуқуқий асосидир.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ —

Ўз-ндаги тарихий-мад-й ёдгорликлар, урф-о.лар, маросим-байрамлар, маън-й қадриятлар, илм-фан, ахлоқ, санъат ва дин, моддий ва маън-й бойликлар. Ў.м. узоқ тарихга бориб тақалади. Ўз-н қадимий тамаддун ўчоқларидан бири бўлиб, унинг ҳудудида минглаб археология, мад-т ва санъат ёдгорликлари мавжуд. Ш.саб. уни бир неча тарихий даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: Биринчи давр — эраизгача II минг йиллик. Қуйи палеолит — илк тош а.и (1 миллион — 150 минг йил аввал) ашел мад-ятига оид тош қуролларни Фарғона водийси (Норин ва Бақирган сой атрофи)да топилиши бу масканда ибтидоий одамлар истиқомат қилганидан гувоҳлик беради. Сел Унгур ғорида бундан 400—700 минг йил илгари одамлар яшагани ҳақида маълумотлар бор. Урта палеолит — Мустье даври (150—130 минг йил аввал)даги Тешиктош (Сурхондарё)дан топилган жуда қўп тош қуроллар, турли ҳайвон суяклари, ҳамда неандертал боланинг скелети ғорда яшовчи одамларда ўзига хос содда мад-т асослари вужудга кела бошлаганидан далолат беради. Ибтидоий тешиктошликлар оловдан самарали фойдалана олган. 9 ёшли неандертал бола дафн этилган қабрдан ҳар хил буюмлар ва тоғ эчкиси шохининг топилиши ўша даврларда диний тасаввурлар пайдо бўлганини тасдиқлайди. Тешиктошликлар эътиқоди бўйича тош ва шох мурдани ҳимоя қилган. Омонқўтон ғори (Самарқанд), Обираҳмат ва Кўлбулоқ (Тошкент), Қаллачи ва Сўх (Фарғона водийси), Учтут (Навоий)га оид топилмалар (150—130 минг йил олдин), одамлар тўда бўлиб яшаб овчилик б-н ҳаёт кечиргани, ов қуролларидан фойдалана бошлангани, шу б-н бирга овчилик ўйинлари (овга тайёргарлик кўриш машқла-

ри) ҳам пайдо бўлгани ҳақида маълумотлар беради. Қоя ва ғор деворларида ибтидоий одамлар чизган тасвир-расмлардан маълум бўладики, бу даврдан бошлаб одамлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тушунишга ҳаракат қилганлар, уларнинг онги, ҳаракатлари, маросимларида фетишизм — одам учун керакли нарсалар (мас., ёғоч ва тош қуроллар)ни муқаддаслигига ишониш; анимизм — бу табиатдаги барча ҳодисалар, жисмлар, ҳайвонларнинг жони борлиги ва руҳга ишониш, уларнинг илоҳий кучига сиғиниш; тотемизм — ҳайвон ва ўсимликлар б-н келиб чиқишимиз бир, деб уларни муқаддаслаштириш ва сиғиниш; магия (жодугарлик) — илоҳий куч ёрдамида атрофдаги барча нарса ва ҳодисалар, жонзотларга таъсир ғояси пайдо бўлган. Сўнги полеолит (30–12 минг йил аввал) даврида Самарқанд макони, Красноводск (Туркменистон), Учтут устахонаси (Навойй), Оҳангарондан топилган ёдгорликлар (меҳнат қуроллари)да эса, санъат (бадий безак) белгилари кўзга ташланади. Тадқиқотлар кўрсатишича, шу даврдан бошлаб аёллар уруғи ҳукмронлиги (матриархат) бошланган бўлиб, улар катта мавқега эга бўлган. Мансаб, насл (авлод) ва мулк она уруғи бўйича мерос бўлиб ўтган. Эркаклар аёлларга бўйсунган. Матриархат даврида аёллар турмушига хос мад-т устувор бўлган. Шу б-н бирга, ўша даврлардан бошлаб бола тарбиялаш, рўзғор юритиш, таом тайёрлаш каби вазифаларни бажаришда аёллар асосий ўрин тутган. Ов қилиш эркаклар вазифаси бўлса-да, овдан кейинги барча тадбирларда аёллар бош роль ўйнаган. Аёллар бошчилигида овчи-эркаклар иштирокида овга, ҳайвонларга бағишланган маҳсус маросимлар, томошалар уюштирилган. Мезолит даври (мил. ав. 10–6 минг йилликлар) Мачай ғори (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси)га оид мад-й топилмалар диққатга сазовордир. Бу даврда ов ва меҳнат қуроллари такомиллашиб, камон ва ёйдан самарали фойдаланилган, теримчилик, овчилик, балиқчилик б-н шуғулланиш равнақ топди ва бу машғулотларга оид одатлар пайдо бўлди. Нео-

лит — «янги тош» даври (мил.ав. 6–3 минг йилликлар)да М.О. халқлари ҳаёти ва мад-тида «неолитик инқилобий» ўзгаришлар содир бўлди. Қабилалар теримчилик, овчилик, балиқчилик каби ўзлаштирувчи хўжаликда банд бўлиши б-н бир қаторда ишлаб чиқариш хўжалигига ҳам ўтди: ҳайвонлар хонакилаштирилди, содда деҳқончилик пайдо бўлди. Мазкур даврдаги Калтаминор мад-ти алоҳида аҳамиятга эгадир. Узукўл, Тайлоқкўл (Фарғона водийси), Жонбасқалъа (Қорақалпоғистон), Тузкон (Бухоро) ва б. жойлардаги ёдгорликлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда икки дарё ораллигида одамларнинг турмуш тарзи анча тараққий этиб, ривож топди, тўқимачилик, кемачилик пайдо бўлди, содда деҳқончилик шаклланди, қабилла уюшмалари вужудга келди. Жез даври (мил. ав. 3 минг йиллик — 1 минг йиллик боши) ёдгорликлари: Замонбобо (Бухоро), Сувёрган (Қорақалпоғистон), Чуст (Наманган), Амиробод (Хоразм), Сополлитепа (Сурхондарё) топилмалари бу даврга келиб Ў.О. халқлари ҳаётида қатор ўзгаришлар бўлганидан, жумладан, одамларни турмуш тарзи ва мад-ти равнақ топганидан гувоҳлик беради. Бу даврда чорвачилик ривожланади, ўтроқ деҳқончилик шаклланади, сунъий суғоришга асосланган ерлар ўзлаштирилади, буғдой, арпа, тарик, сули кабилар экилади. Иккинчи давр — эрамизгача 1 минг йилликнинг биринчи ярми. Мил. ав. VII–IV а.ларда Ў.О.да янги типдаги шаҳар мад-ти шакллана бошлади. Жумладан, Сополлитепа, Жарқўтон (Сурхондарё); Анов, Намозгоҳ, Олтинтепа (Туркменистон); Хоразм, Мароканда, Киросота каби жойларда қалъа — шаҳарларнинг вужудга келиши ўша даврга хос юксак мад-т манзилгоҳларини вужудга келтирди. Қалъалар атрофининг ўралиши, шаҳарларда ўзига хос меъморчиликнинг бунёд этилиши, ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши, турли касб-ҳунарларнинг равнақ топиши, содда савдо-сотиқнинг тараққий этиши, бозор атрофида турли мад-й-маиший масканлар, томошагоҳларнинг пайдо бўлиши, аҳолининг уй-рўзғор, кийинишга алоҳида

эътибор бериши — буларнинг ҳаммаси шаҳар мад-тининг камол топишига жиддий замин яратди. Мил. ав. II а.да Ў.О.дан йирик қарвон йўллари ўта бошлайди, кейинчалик у «Буюк Ипак йўли» деб ном олди. Бунинг натижасида дашт-чўл йўлларида сарбадорлар, шаҳарларда мусофирхона (меҳмонхона), қарвонсаройлар қад кўтара бошлайди. М.О. халқларида қадимдан мавжуд бўлган турли диний қарашлар (тотемистик, политеистик, жодугарлик кабилар) замирида зардуштийлик дини кенг тарқалди. Бу диннинг муқаддас китоби «Авесто» ўша даврнинг муҳим манбасига айланди. Олд Осиёда пайдо бўлган Оромий ёзуви таъсирида Хоразм, Сўғд ва Бақтрия ёзувлари пайдо бўлди. Халқ ижоди (бахшичилик, дostonчилик, эртақхонлик), амалий ижод турлари, халқ ўйинлари, санъат турлари (томоша, рақс, мусиқа), мавсумий маросим-байрамлар кенг ривож топди. М.О. тарихидаги сиёсий-иқт-й ўзгаришлар, бу ҳудуддаги мад-й тар-ётга ҳам жиддий таъсир қилди. Мил. ав. IV—III а.лар давомида Ў.О. ерларининг кўпчилиги қисмида эронлик Аҳамонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Бу қад. эрон мад-тининг маҳаллий мад-тга таъсирини кучайтирди. Бу даврдан бошлаб Ў.О.да қадимий эрон тили, одатлари, эътиқодлари кенг тарқалди. Учинчи давр — эрамизгача IV а. охири — эрамизнинг IV а.и. Мил. ав. 329—327 йилларда Ў.О. жанубий-ғарбий қисмини Александр Македонский босиб олди ва юнон-македон ҳукмдорлиги 150 йил давом этди. Юнон-македонлар ҳам Ў.О. мад-тига ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, бу ҳудудда ҳам юнон архитектураси, ҳайкалтарошлик санъати, театр томошалари пайдо бўлди. Бу таъсирни Ў.О. жанубида пайдо бўлган Юнон-Бақтрия давлатида яққол сезса бўлади. Натижада, жанубда юнон ва бақтрия мад-тлари уйғунлашди. Милодий а. бошланиши арафасида Кушон подшолиги (I—IV а.лар) вужудга келади ва у борган сари кенгайиб (Ў.О., Афғонистон, Шимолий Ҳиндистонни ўз ичига олиб), ўша даврда дунёдаги 3та йирик империялар қаторига қўшилади. Кушон даври мад-ти инсоният тарихида ўзининг

муносиб ўрнига эга. Меъморчилик, ҳайкалтарошлик, деворий ранг-тасвир, темир, тош, суякдан юксак бадиий савиядаги асарларни яратиш Кушон мад-тининг таркибий қисмига айланди. V—VI а.ларда туркий жанговор кўчманчи қабилалар бирлашмаси асосида вужудга келган Эфталитлар давлатида деҳқончилик ва ҳунармандчилик мад-тига алоҳида эътибор берилган, улкан меъморчилик иншоотлари бунёд қилинган, рангли шишадан турли идиш ва санъат асарлари яратилган, танга пул зарб этиш юқори даражага кўтарилган. Тўртинчи давр — VII—VIII а.лар. Бу а.ларда араблар Ў.О.ни босиб олгандан сўнг бу ерга исломий мад-т — араб ёзуви, ислом дини, одатлари ва байрамлари олиб келинди. Мад-й обидалар (масжид, мадраса, мақбара, намозгоҳ кабилар) қурилди ва уларда маън-й-маър-й фаолиятлар олиб бориш тажрибаси ва усуллари йўлга қўйилди. Исломига мавжуд бўлган мад-т ёдгорликлари, оташпарастилик ва б. динлар б-н боғлиқ ақидаларга қарши кураш олиб борилди. Мад-т араблар келгунга қадар юқори даражада ривожланган бўлса-да, бироқ, бу улкан ҳудуд аҳолисини бирлаштирадиган ягона ҳокимият ва ягона мафкура етишмас эди. Исломи М.О. халқларини маън-й бирлаштириб, бу ҳудудда янги дунёвий мад-т раванқ топишига асос солди. Бешинчи давр — IX—XII а.лар. Бу даврда Мовароуннаҳр (икки дарё оралиги)да илму фан тараққий этди, жаҳонга машҳур тасавуф илми вужудга келди. Яссавия, Нақшбандия, Кубровия, Бектошия, Увайсия, Қадария, Равшания каби тариқатлар кенг тарқалди. IX—XII а.лар мобайнида маън-й мад-т гуллаб-яшнади. Фал., риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия), жуғрофия (география), тиббиёт (медицина) каби фанлар раванқ топди. Юртимизда дунёвий кашфиётлар (алгебра — ал-жабр асослари, ернинг шарсимонлиги, тиббиёт қонунлари кабилар) яратилди. Буюк математик, астроном ва географ, алгебра илмининг отаси — Муҳаммад ал-Хоразмий, «Шайх ур-раис», «Донишмандлар султони», «Табиблар шоҳи» каби буюк ва

мўтабар номларга сазовор Абу Али ибн Сино, қомусий билимлар соҳиби, умумжаҳон фани ва мад-тига бебаҳо ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, иккинчи Арасту номи б-н машҳур, жаҳон фал., мусиқа ва математика илмлари пойдеворини тиклаган Форобий, Навоий таъбири б-н айтганда, кўзи олдида осмон паст бўлган Мирзо Улуғбек, ислом мад-ти ва фани иқлимида жуда катта ўрин тутган Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, туркий адабиёт султони ҳазрат Алишер Навоий, ҳам қалам, ҳам жанг майдонида кўрсатган жасорати б-н машҳур Бобур Мирзо шу тупроқ фарзандларидир. Олтинчи давр — XIV–XVI а. боши. XIV–XVI а.лар — Темурийлар даврида М.О.да юксак дунёвий мад-т вужудга келди. Темур ёрдами б-н «Карвон йўллари»нинг тикланиши ҳамда Самарқандда оламга машҳур олим-фузалолар, ёзувчи, шоирлар, меъмор-руҳнарсонлар тўпланиши натижасида юртимиз жаҳон мад-й марказларидан бирига айланди. Темур даврида меъморчилик, наққошлик, заргарлик, ўймакорлик, кулолчилик, ойнасозлик, хаттотлик, адабиёт ҳамда илму фан ривож топди. Самарқанд ва унинг атрофида жаҳонга машҳур боғлар вужудга келди. Кутубхона, расадхона, мадраса ва мақбаралар қурилди. Улуғбек яратган «Юлдузлар харитаси» жаҳон фалакиёт илмига қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Улуғбек обсерваторияси эса дунёдаги энг илғор илмий иншоотларнинг бирига айланди. Улуғ мутафаккир — шоир Алишер Навоийнинг ижоди ва фаолияти ўзб. адабий тилининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Еттинчи давр — XVII–XIX а. боши. Хонликлар даврида санъат, адабиёт ва илм-фан жадал ривожланди. Ҳар бир хонлик мад-ти ўзига хос кўриниш ва шаклларда ривожланди. Кўқон хонлигида кенг адабий муҳитнинг яратилгани кўплаб жаҳонга машҳур шоир ва шоираларнинг етишиб чиқишига замин яратди. Бу даврда ўзб. театр санъатининг асосий турлари: масхарабозлик, қизиқчилик, қўғирчоқбозлик ва дорбозлик камол топди. Рақс санъати соҳасида Фарғона, Хоразм ва Бухоронинг ўзига хос услублари яратилди. Айниқса, Фарғонада

«Катта ўйин», «Ўт ўйин», Бухоро ва Самарқандда «Чавки» кабилар халқ орасида кенг шухрат қозонган. Ўзб. мусиқа санъатининг майшии, маросим ва тарихга оид турлари кенг тарқалди. Муайян вақтда ижро этиладиган тўй («ёр-ёр»), меҳнат («майда», «ёзи»), мотам («йиғи», «садр») қўшиқлари ҳамда исталган вақтда куйланадиган терма, қўшиқ, лапар, алла, ашула, ялла кабилар халқ орасида машҳур бўлган. Хоразм, Бухоро, Фарғона, Тошкент мақомлари юқори мумтоз санъат турига айланди. Халқ чолғу асбоблари ичида гижжак, сато, қўбиз, дўмбира, дуттор, танбур, рубоб, ганч, сибизга, гажир, най, қўшнаи, сурнай, қарнай, доира, ноғора, сароил кабилар ижрочилик мусиқа санъатининг равнақ топишида асосий ўрин тутди. Саккизинчи давр — XIX а. охири ва XX а. бошлари. Бу даврда Россия томонидан Ў.О.нинг босиб олиниши ўзб. мад-тига жиддий таъсир кўрсатди. Истилочилар ўз мад-тини жорий этишга интилдилар. Бироқ, бу ҳодисага нисбатан маҳаллий зиёлилар орасида турли қарашлар, сиёсий-мад-й оқимлар пайдо бўлди. Дин арбоблари соф ислом анъаналари ва қадриятларини бошқа мад-т таъсиридан сақлашга ва Европа мад-тига қарши курашга интилдилар. Маҳаллий зиёлилар орасида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати намояндалари мад-т ва маърифат усулларини янгилаш ва бойитишга ҳаракат қилдилар. Рус истилочилари ичидан чиққан нигилистик қарашга эга вакиллар «пролеткульт» оқимини вужудга келтирди. Пролеткультчилар миллий мад-тни тағ-томири б-н кўпориб, мутлақо янги мад-т барпо этиш ғоясини илгари сурдилар. XIX а. охири XX а.нинг биринчи ярмида Ў.м.га қатор янгиликлар кириб келди. Европага хос клуб, музей, театр, цирк, опера, балет, хор, оркестр, эстрада каби шакллар маҳаллий мад-й ҳаётда ўз ўрнини топа бошлади. Жойларда кўп жанрли ҳаваскорлик ижоди тараққий этди. Мад-т ва санъатни тарғиб қилишда ОАВ — радио, матбуот, ТВ муҳим ўрин эгаллай бошлади. Шўро ҳокимияти даврида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ миллий

онг, халқ анъаналари, маън-й қадриятларга қарши норасмий кураш олиб берилди. Натижада, ўзб. халқ анъанавий мад-ти ўз «томирлари»дан керакли куч оломай, яхши тараққий эта олмади. Тўққизинчи давр — 1991 йилдан то бугунги кунгача. Ўз-н мустақилликни қўлга киритгандан сўнг аждодларимиз томонидан минг йилликлар ичида яратилган бебаҳо мерос — халқ анъанавий мад-тини тиклаш, сақлаш ва тараққий эттириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Ўз-н БМТга (1992 й.), ЮНЕСКОга (1993 й.) аъзо бўлди. Бугунги кунда юртимиздаги 4000 дан ортиқ мад-й қадриятлар ЮНЕСКО рўйхатига олинган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Марғилоннинг 2000 йиллиги кенг нишонланди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини тантанали нишонлашга қарор қилинди. Миллий байрамлар, урф-о.лар ва диний қадриятлар қайта тикланмоқда, заминимиздан етишиб чиққан буюк тарихий шахслар ва мутафаккирларнинг мерослари ўрганилиб, номлари эъзозланмоқда. Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Навоий каби мутафаккирларнинг юбилейлари ўтказилди. Янги маън-й-ғоявий йўналишлар шаклланди. Бу ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадий тафаккур ривожининг янада жадаллашишига олиб келмоқда. Тарихий-мад-й, маън-й, ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгилаш таъйинлари меъморлик, тасвирий ва амалий безак соҳаларида, мусиқа ва томоша санъатларида, бадий ва ҳужжатли кино, ТВ тизимида яққол намоён бўлмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА» — Президент И.А. Каримов асарларининг 1-жилди. (Т., «Ўзбекистон», 1996 й.) Китобда мам-тимиз Президентининг

истикқолнинг илк йилларидаги ижт-й, иқт-й, сиёсий ва маън-й тар-ётни белгилаб берган асарлари. ЎзР Олий Мажлиси сессияларидаги нутқлари, қатор учрашувлар ва хорижий мухбирларга берган интервьюлари жой олган. Уларда истикқолга эришган республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам мустақил демократик давлат барпо этиш таъйинлари ҳамда туб иқт-й, сиёсий ва маън-й ислохотларни амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилган. Ушбу жилнинг ғоя аҳамиятли жиҳати шундаки, унда маъ-ят мам-т тар-ётининг энг муҳим шартларидан бири сифатида эътироф этилади. Шу боис Ўз-н ўз тар-ёт йўлида минг йиллардан буён ота-боболаримиздан бебаҳо мерос бўлиб келган анъаналарга, миллий ўзига хослик, маъ-ятга доимий эътибор бериш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қайд этилади.

Китобда миллий давлатчилигимиз демократия ва ижт-й адолат таъйинларига асосланиши, унда миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат, ижт-й йўналтирилган бозор иқтисодиётини йўлга қўйиш, мустақил Ўз-нни ривожлантиришнинг маън-й-ахлоқий негизларини қамраб олган ички сиёсат ҳақидаги ғоялар илгари сурилган. Ш-дек, мам-тимизнинг улкан имкониятлари, моддий ва маън-й салоҳияти борасидаги қарашлар ва фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Китобдан ўрин олган «Истикқол йўли: муаммолар ва режалар» номли маърузада мустақилликдан кейинги ички ва ташқи сиёсат, ижт-й, иқт-й ва б. соҳаларда кечаётган жараёнларда давлатнинг стратегиясини аниқ белгилаб олиш ўша даврдаги қийин вазиятдан чиқиб кетиш омили экани, атрофимизда рўй бераётган воқеалардан сабоқ чиқариш каби серқирра масалалар кўриб чиқилади. Ш-дек, иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг омилкор жиҳатларини ишга солиш, айниқса, соҳанинг барча бўғинларини эркинлаштириш, галла мустақиллигига эришиш каби вазифалар тўғрисида сўз боради.

Асар жам-т ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишда Ўз-ннинг истиқболдаги тар-ётти дастурини ўзида мужассам этганлиги б-н ғоят аҳамиятлидир. Хус-н, унда бозор иқтисодиётига ўтиш бирданига рўй берадиган ҳодиса эмас, босқичма-босқич амалга ошириладиган узлуксиз жараён экани қайд этилган. Мустақилликни мустақкамлаш, уни кўз қорачиғидек асраш халқни бирлаштирувчи эзгу ғоя сифатида, устувор вазифа сифатида этироф этилган. Ушбу жилда истиқлол йўли белгиланар экан, аввало, унинг туб моҳиятини англаш, «мустақиллик», «хуррият» сўзларининг бунёдкор жозибасини тушуниб етиш баробарида ўтмиш тоталитар тузумининг таназзули сабаблари ҳам кўрсатиб берилади. Ягона мафкуранинг плюрализмга тоқат қилолмаслиги, бу жам-тга хизмат қиладиган янги ғоя ва фикрлар, ташаббускорликни сўндириши, охиروقибатда дунёда юз бераётган ўзгаришларга тегишли мун-т билдира олмаслик уни янгилашга қодир бўлмаган ҳолга келтириб, таназзулга рўбарў этиши таъкидланган. Шу боис, Ўз-н турли қараш ва тар-ёт йўлини баён этган кўппартиявийлик тизимини танлади. Асарда кўппартиявийлик ижобий ҳол сифатида баҳоланар экан, аини пайтда халқ соғлиғи, маъ-ятига тажовуз қилувчи, ш-дек, ҳарбийлашган, миллий ва диний руҳдаги партия ва жамоат бирлашмалари тузилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги қатъий белгилаб берилган.

Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари ҳам ушбу жилдан ўрин олган. Китобнинг «Ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари», «Ўзбекистон — демократия ва ижт-й адолат жам-ти», «Миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат», «Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш — мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи», «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маън-й-ахлоқий негизлари» каби бобларида инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик, тар-ёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қуриш йўллари баён қилинади. Ўз-ни

ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, республиканинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш тамойиллари, маън-й ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ёритиб берилган. Ушбу китобда билдирилган фикрлар илгари ўртага қўйилган масалалар ва ғояларни умумлаштирибгина қолмай, шу б-н бирга, республика ва б. мам-тларда ижт-й-иқт-й ва маън-й соҳаларни ислоҳ қилиш борасида тўпланган амалий тажрибага асосланган ҳолда ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифаларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. “Элни Ватан манфаати бирлаштиради” асарида миллий ғояни ишлаб чиқиш, ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни яратиши, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш йўлидаги ҳаракатлар лозимлиги баён қилинган. Асарда халқ маъ-ятини юксалтириш, ўзлигини танитиш борасида зиёлилар амалга ошириши лозим бўлган ишлар, бу борада ижодкорлар олдида турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, ёзувчиларнинг жам-тдаги ўрни, халқ олдидаги бурчи ҳақида фикр-мулоҳазалар ҳам келтирилган.

“Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик” (ЎЗР Олий Кенгашининг XII сессияси, 1993 йил 6—7 майда сўзланган нутқ) асарида халқимизнинг таянчи — аждодларимиз қолдирган маън-й меросни асраш, миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш, миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дили, руҳиятига асосланиб ишлаб чиқилиши, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши, шу б-н бирга, бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжам-тидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи кераклиги таъкидланади. “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асари ҳам ушбу

жилддан ўрин олган бўлиб, у “Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислохотлар зарурияти”, “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгилаб берувчи шартшароитлар”, “Иқтисодийetni мафкурадан холи этиш — демократик ва бозор ўзгартиришларининг асоси”, “Давлат -- иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси”, “Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш — иқтисодий ислохотлар йўлининг негизи”, “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш”, “Кучли ижтимоий сиёсат — иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати”, “Ташқи иқтисодий фаолият — жаҳон иқтисодиётига яқинлашув йўлида”, “Иқтисодий ислохотнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари” деб номланган тўққиз бобдан иборат. Китобда Республикада ислохотларни ўтказишга тубдан янгича ёндашиш, бунда сифат жиҳатдан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобга олиш, асосан ўз кучига таянишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётгани таъкидланади. Ижт-й йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусиятларини ҳисобга оладиган, Ўз-ннинг ўтмиши, ҳоз. кун ва келгуси тар-ётига тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги тамойилларнинг ишлаб чиқилгани ва уларни амалиётда қўллаш йўл-йўриқларининг кўрсатиб берилгани ҳам мазкур китобнинг асосий мазмуни ва ғоясини ташкил этади. Президентимизнинг 1993 йил 31 августда Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида яқингача тарихимиз саҳифаларидан кўплаб номлар қора буюк б-н ўчирилгани, халқнинг уларни унутишга маҳкум этилгани, бундан мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш бўлгани, лекин ўзб. халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмагани, ҳамisha юрагида, қалб тўрида сақлаб келгани таъкидланади. Уларнинг руҳини шод қилиш борасидаги савобли ишлар ва вазифалар ҳақида фикр юритилади. «Ўзбекистоннинг

ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асари мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган кенг кўламли ишлар туб ўзгаришларнинг илк бор сарҳисоб қилингани, стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳулосалар баён этилгани б-н ғоят қимматлидир. Хус-н, унда барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жам-ти барпо этиш пировард мақсад экани таъкидланади. Жам-тдаги ижт-й гуруҳлар ўртасидаги кескин мун-тларга барҳам бериши б-н улар эътиборини жам-тни янгилаш, ўзгартиришга, бунёдкорлик кайфиятларига ундаш, бу ўринда меҳнатни рағбатлантириш омилларини эътиборда тутиш муҳимлиги уқтирилган. Ушбу асар Ўз-ннинг ўзига хос ва ўзига мос тар-ёт модели ҳар томонлама асослаб берилгани б-н беқиёс аҳамият касб этади. Унда ҳалихануз ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳамда тар-ётнинг мустақкам таянчи вазифасини ўтаётган негизлар ҳам кўрсатиб берилган. Ушбу негизлар: умминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маън-й-мад-й қадриятларини мустақкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониётларини тўла намоён қилиши; ватанпарварлик кабилардир. Шу ўринда ушбу асар Ўз-н давлати янгилашиш сиёсатидаги икки йўналиш қайд этилгани б-н ҳам эътиборлидир. Бу, биринчидан, давлат сиёсати “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам” ғоясини уйғунлаштиришга ҳаракат қилаётгани, иккинчидан, янгиликларнинг миллий анъаналар ва менталитетга мос келишига эътибор қаратилаётганида намоён бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ — ўзб. халқи маъ-ятининг асоси, юртимиз босиб ўтган тарихий йўл, авлод-аждодларимиз ва мам-тимиз тарихи. 27 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Ўз-н географик жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам М.О.нинг ўзагини ташкил этади, таъбир жоиз бўлса, юраги ҳисобланади. Дунёдаги энг қад. цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Қад. замонларда Буюк Ипак йўли шу ердан ўтган. Ўзб. хал-

қи давлатчилиги тарихи ўз илдизлари б-н а.лар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Президентимиз алоҳида таъкидлагани каби, «Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, саркардалар, сиёсатчилар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу пайтгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осору атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганлигидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин». Истиқлол йилларида Ўз-н ақл-заковат салоҳиятини ривожлантиришга, халқаро илмий-мад-й алоқаларни кенгайтиришга жам-тшунос олимлар, биринчи навбатда, тарихчилар, археологлар, манбашунослар ва этнологлар катта ҳисса қўшдилар. Ўзб. халқининг этногенезини ўрганиш ва унинг ҳолисона тарихини қайта яратиш, анъаналари, турмуш тарзи ва мад-тини ўрганиш б-н боғлиқ ишлар жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳақиқатан ҳам, дунёда ўзб.нинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Қозоқнинг буюк оқини Абай эътирофини ҳеч ким инкор эта олмайди: «Ўзб.лар етиштирмайдиган, мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида

ўзб. савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзб.лар уддалай олмаган ишнинг ўзи йўқ... Ўткир зеҳн, маҳорат, ажирлик ва тадбиркорлик — буларнинг ҳаммаси ўзб.ларга хос хус-ятдир». Қалмиқ адиби Давид Кугултинов юқоридаги фикрга тан бериб, шундай ёзган эди: «Худо ўзб.ларга сахий ва туганмас хазина мисол замин, ана шу замин сингари сахий ва мурувватли маъ-ят, гўзал тил ва жаҳонга татиғулик буюк мад-т берди. Бунчалик катта меросга эгалик қилиш ер юзидаги ҳеч бир халққа насиб этмаган». Тарихда «Турон», «Туркистон», «Мовароуннаҳр» номи б-н машҳур бўлган М.О., айниқса, Ўз-н ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак мад-т гуллаб-яшнаган, қудратли давлатлар мавжуд бўлган. Улар инсоният тарихида, жаҳон маъ-ятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган. Шу сабабдан ҳам дунёда М.О. бўйича тадқиқотлар олиб борувчи 40дан зиёд ин-тлар, марказлар, университетлар олимлари ва жам-тлар фаолият кўрсатмоқда (2008). Ҳоз. Ўз-н ерларининг табиати кишилиқ тарихининг қўйи палеолит (мил. ав. 3 млн. йил — 100-мингинчи йиллик) босқичидаёқ бу ерларда одамзод яшаши учун қулай бўлган. Фарғона водийсининг Сўх сойи соҳилидаги Селунгур горида ва Оҳангарон водийсининг Кўлбулоқ маконида топиб ўрганилган илк тош даври ёдгорликларига қараганда, қад. Турон ерларида бундан қарийб 700 минг — 1,5 млн. йил муқаддам ибтидоий одамлар яшаган. Ўрта палеолит (мил. ав. 100–40- минг йилликлар) даврига оид Тешиктош ғоридан топилган 8–9 ёшли болага тегишли суяк қолдиқлари фан оламида жиддий кашфиёт бўлди. Одам суяклари атрофига тегиб чиқилган архар ва Бухоро буғуси шохларининг топилиши дафн маросимларининг ибтидоий кўринишлари б-н боғлиқ. Марҳумни қабрга турли буюмлар б-н бирга кўмиш дастлабки диний тасаввурларнинг вужудга кела бошлаганини кўрсатади. Юқори палеолит (мил. ав. 40–12-минг йиллик) босқичида ҳоз. замон одами (кроманьон) шаклланган. Ўша давр одамлари фанда «Homo sapiens» — идрокили одам деб номланади. Ҳоз. замон

одамининг 3 ирқи — европоид, негроид, монголоид қиёфалари ҳам ўша вақтда вужудга келган. Одам тўдалари қон-қариндош бўлиб яшай бошлаган. Она томондан қариндошлик мустақамланиб, матриархат пайдо бўлган. Тасвирий ва амалий санъатнинг ибтидоси ҳам ўша даврдан бошланган. Мезолит (мил. ав. 12–7-минг йилликлар)да ўқ-ёй кашф этилган, бу ўша давр одамлари ҳаётида буюк бурилиш ясаган. Ҳайвонларни қўлга ўргатиш бошланган. Мезолит даврида унгулар деворига ўйиб чизилган ёки рангли бўёқлар б-н тасвирланган ибтидоий санъат пайдо бўлган. Булар тотемистик эътиқод б-н боғлиқ бўлиб, улардан бири Сурхондарёнинг Зараутсой дарасида топиб ўрганилган. Неолит, яъни янги тош даври (мил. ав. 6–4-минг йиллик)да овчи жамоалар ертўла, чайла ёки капалар бино қилиб, ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтганлар. Бу даврда оила тарихининг дастлабки босқичи — жуфт никоҳ урф бўлган. Энеолит (мис-тош) даврининг (мил. ав. 4–3-минг йиллик) нодир ёдгорлиги Зарафшон водийсида жойлашган Саразм бўлиб, у ердан сиртига рангдор нақшлар берилган сопол бўлаклари, мис кўзгу, олтин ва қумушдан ясалган мунчоқлар топилган. Жез даврида (мил. ав. 3–2-минг йилликлар) овчилик ва теримчилик ижт-й ва иқт-й ҳаётда ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотган. От, эшак, туя ва ҳўкиздан транспорт воситаси сифатида фойдаланилган, аравалар вужудга келган. Бу даврда ривожланган Бақтрия (Амударё бўйи) деҳқончилик мад-ти шакланган. Илк шаҳарлар пайдо бўлган. Темир даври (мил. ав. IX а.дан) ёдгорликлари Хоразм, Бақтрия, Сўғд, Чоч ерлари ва Фарғона водийсида ўрганилган. Бу даврда ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Меҳнат унумдорлиги ўсиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарила бошланган. Бу эса ибтидоий жамоа тузумининг емирилишига олиб келган. Аҳоли қоҳинлар, жангчилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар тоифаларига бўлинган. Қабилалар ўртасида ҳарбий иттифоқлар тузилган. Кучли лашкарбошилар «қовий», (кучли, забардаст) унвонлари б-н атала бошлаган. Қовийлик

ҳокимияти меросий бўлган. Улар эл-юртни ташқи ёв босқинларидан мудофаа этар, дарёлардан катта-катта каналлар чиқариш ва янги ерларни ўзлаштиришда жамоа ишлари — ҳашарларни ташкил қилардилар. Илк давлатчилик юзага келиши б-н чорвачилик ва ҳунармандчилик ҳам ривожланиб, савдо-сотиқ жонланган. «Авесто»дан маълум бўлишича, мил. ав. IX–VIII а.ларда Ў.О.да жам-т асосини катта патриархал оила ташкил этган. Оила, уй ва хонадон «нмана», оила бошлиғи «нманапати» деб аталган. Бир-бирига қариндош оилалар уруф-жамоаси «вис»ни ташкил этган. Вис уруғдан ташқари қишлоқни ҳам англаган. Уруғ ёки қишлоқ оқсоқоли «виспати» номи б-н юритилган. Уларнинг вазифаси кент бўлиб, бир йўла уруғ бошлиғи, қози, диний устоз ва раҳнамо ҳисобланган. «Авесто» маълумотлари ва археологик тадқиқотлар натижалари шундан далолат берадики, мил. ав. VII–VI а.ларда Қад. Хоразм ва Қад. Бақтрия давлатлари мавжуд эди. Мил. ав. VI–IV а.ларда Сўғдиёна, Марғиёна, Уструшона, Фарғона ва Парфия каби вилоятлар М.О. ижт-й-иқт-й, маън-й ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Мил. ав. VI а.да М.О. форс босқинчилари томонидан истило қилинган, Аҳамонийлар ҳукмронлиги икки а.дан кўпроқ давом этган. Бу даврда М.О. аҳолиси илк бор зарб этилган танга пуллар б-н муомала қила бошлаган. М.О. халқлари тақдири Қад. Шарқнинг тадрижий тар-ёти б-н узвий боғланиб, унинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Мил. ав. 329 йилда македониялик Александр қўшинлари юртимизга бостириб келган. Маҳаллий аҳоли озодлик ва мустақиллик учун курашга кўтарилган. Босқинчиларга қарши қўзғолонга бошчилик қилган Спитамен номи а.лар оша яшаб мардлик ва жасорат тимсоли сифатида авлодларга маън-й-руҳий мадад бериб келган. Александр вафотидан сўнг, унинг салтанати Миср, Македония ва Салавкийлар давлатларига парчаланиб кетган. Мил. ав. III а. ўрталарида Салавкийлардан Юнон-Бақтрия давлати ажралиб чиққан. Бу даврда Бақтрия, Сўғдиёна ва Марғиёнада кўплаб шаҳарлар қурилган.

Кулолчилик, темирчилик, заргарлик ва бинокорлик ривож топиб, қўшни давлатлар б-н савдо-сотиқ ва мад-й алоқалар кенгайган. Натижада, М.О., Юнон, Ҳинд ва Эрон мад-тларининг илгор анъаналари омухталаниб, ўзига хос қад. юксак маъ-ят шаклланган. Мил. ав. III а. бошларида Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда Қанғ давлати ташкил топган. Қанғ юртлари Шарқда Қад. Фарғона — Даван давлати б-н чегараланган. Қанғ давлати Хитой, Кушон, Парфия, Рим ва Кавказ орти мам-тлари б-н иқт-й, сиёсий ва мад-й алоқада бўлган. Унинг ҳудудидан Буюк Ипак йўли кесиб ўтгани сабабли ташқи савдо алоқаларида сарбонликни қўлда сақлаб туришга интиланган. Мил. ав. 165-йилда Юнон-Бақтрия давлатига барҳам берган юечжилар тарихда Кушон подшолиги номи б-н шуҳрат қозонган салтанатга асос солганлар. Қад. Чағониён вилоятида жойлашган Далварзин унинг пойтахтига айлантирилган. Кужула Қадфиз ҳокимлиги даврида «ябғу», «шоҳлар шоҳи» ва «буюк халоскор» каби жарангдор унвонлар битилган, тангалар зарб этилган. Канишка I (мил. 78—123) даврида пойтахт ҳоз. Пешовар шаҳрига кўчирилган. Кушон подшолигининг Хань давлати ва Рим салтанати б-н иқт-й, элчилик мун-тлари юксак даражага кўтарилган. Шубҳасиз, бунда Буюк Ипак йўлининг аҳамияти беқиёс бўлган. Қад. Турон ҳудудида илк ўрта а.ларда аҳоли ижт-й-иқт-й, сиёсий ва маън-й ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берган. Дехқончилик воҳаларида шаҳарлар сони кўпайиб, улар ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, мад-й ҳаёт марказига айланган. IV а. 70-йилларида М.О.да хионийлар ҳукмронлиги ўрнатилган. Бу давлат 120 йилдан ортиқроқ мавжуд бўлган. V а. 20-йилларида Шарқдан Сирдарё ва Орол бўйлари орқали Хоразм ва Амударё ҳавзасига яна бир кўчманчи чорвадор аҳоли — тоҳарлар кириб келганлар. Улар манбаларда кидарийлар номи б-н тилга олинади. V а. ўрталарида Эфталлийлар шоҳи Вахшунвар Чағониён, Тоҳаристон ва Бадахшонни эгаллаган, Сўғдда хионийлар ҳукмронлигига барҳам берилган. Византия тарих-

чиси Прокопийнинг ёзишича, эфталлийларнинг қонуний давлати подшоҳи мутлақ томонидан бошқарилган. Хионий ва кидарийларнинг М.О.га кириб келиши ҳамда Эфталлийлар давлатининг ташкил топиши маҳаллий аҳолининг маън-й ҳаётига ҳам маълум даражада таъсир этган. Асрий анъаналари кучли бўлган Тоҳаристон ва Сўғдиёнада кўчманчилар тез орада ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли б-н қоришган ва унинг ижт-й-иқт-й, маън-й ҳаётида фаол иштирок этган. Илк ўрта а.ларнинг ўзига хос мад-ти шакллана бошлаган. Бу, айниқса, бинокорлик, мейморлик ва тасвирий санъатнинг айрим жабҳаларида кўпроқ намоён бўлган. VI—VIII а.ларда мам-тнинг сиёсий жиҳатдан заифлашуви унинг бир неча майда давлатларга бўлиниб кетишига сабаб бўлган. Сўғд ва Фарғонада ишхидлар, Тоҳаристонда маликшоҳлар, Хоразмда хоразмшоҳлар, Чоч ва Илоқда тудун ва деҳқонлар ҳукмронлик қилган. Илк ўрта а.ларда Сўғдда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси «наф» деб аталган. Зодагонлар «озод», шаҳар ҳунармандлари «озодкор», савдогарлар «ғувокор», зироаткорлар «кашоварз», қул ва чўрилар «бантак» ва «доя» деб юритилган. Бу даврда Турон аҳолиси зардуштий, будда, христианлик, моний ва қам (шомон) каби динларга эътиқод қилган. VIII а. бошларида Мовароуннаҳр Араб халифалиги томонидан истило этилган. Бу даврда содир бўлган мураккаб сиёсий вазиятнинг тадрижий ривожини ва у б-н чамбарчас боғлиқ ижт-й-иқт-й ўзгаришлар мам-т маън-й ҳаётига ҳам кучли таъсир этган. Дастлабки маълумотни Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразм мадрасаларида олган М.О. олимлари Боғдод, Дамашқ, Қоҳира, Куфа ва Басрада билимларини оширган. Улар ўз асарларини ўша даврда илм тилига айлантирилган араб тилида ёзишга мажбур бўлганлар. Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг тез-тез кўзғолон кўтариши, мам-т ичида узлуксиз давом этган урушлар Араб халифалиги ҳокимиятини заифлаштириб, мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ўз-н ҳудудида Қарлуқлар, Ўғузлар давлатлари ҳукм сурган. 873 йилда Хуро-

сонда Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, янги Саффорийлар давлати ташкил топган. Бундай сиёсий ўзгаришдан сўнг Мовароуннаҳр ўз мустақиллигини тўлатиклаб олган. Бу даврда Самарқанд, Фарғона, Шош ва Уструшона вилоятларида Сомонийлар хонадони вакиллари ноиб эдилар. Исмоил даврида Хуросон ҳам Сомонийлар қўл остига ўтган. Мам-т маън-й ҳаётининг таянчи бўлган ислом мафкурасига Сомонийлар даврида «устод» — дин ва илм пешволари раҳнамолик қилган. Сомонийлар давридаги сиёсий барқарорлик ва иқт-й кўтарилиш маън-й ҳаёт равнақига имкон берган. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Гурганж, Марв сингари шаҳарлар илмий ва мад-й марказ сифатида тараққий этган. Бу даврда Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Наршахий, Беруний каби жаҳон фани тар-ётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар ижод қилганлар. X а. ўрталарида ташкил топган Қорахонийлар давлати подшолари буюк ҳукмдор маъносини англатувчи “арслонхон” ва “буғрохон” унвонлари б-н юритилган. Буюклик, улуғлик эса қадимда туркий халқларда «қора» сўзи б-н сифатланган. 999 йилда Қорахонийлар Бухорони босиб олиб, Сомонийлар ҳокимиятига барҳам берган. X а. охирида Сомонийлар мулки ўрнида Қашқардан Амударёгача чўзилган Қорахонийлар ва Ҳиндистон шимолидан Каспий денгизи жанубига қадар вилоятларни эгаллаган Ҳазнавийлар давлати ташкил топган. Сирдарё этакларида яшовчи ўғузлардан ажралиб, Салжуқий номи б-н Хуросонга бориб ўрнашган кучлар Ҳазнавийларга қарши жиддий кураш бошлаган. 1040 йилдаги Данданакон жангида Салжуқийлардан мағлуб бўлган Ҳазнавийлар тасарруфиди Ҳазна, Кобул, Қандаҳор ва Панжоб вилоятларигина бўлиб, у кичик давлатга айланиб қолган. Салжуқийлар Тўғрулбек замонида 1055 йилда Боғдодда ўз сиёсий ҳукмронлигини ўрнатган. Салжуқийлар 1043 йилда Хоразмни ҳам бўйсундирган. 1127 йилда Хоразм Қорахитойлар томонидан эгалланган. Улар Хоразмнинг ички ишларига аралашмай, фақат бож ва ўлпон йиғиш б-н кифоя-

ланган. XIII а. бошида Хоразм жуда катта ҳудудни эгаллаган буюк давлатга айланиб, унинг чегараси Орол ва Каспий денгизи соҳилидан Ироққа қадар борар, жануби-шарқий сарҳади Ҳазна вилоятидан, Еттисув ва Дашти Қипчоқдан ўтар эди. Пойтахти Гурганж шаҳри бўлган. Мовароуннаҳр аҳолисининг Қорахитойлар асоратидан озод бўлиб, Хоразм давлатига бирлашиши ижобий тарихий воқеа эди. Лекин, сиртдан қараганда жуда кучли, нуфузи буюк кўринган Хоразмшоҳлар давлати сиёсий жиҳатдан унчалик мустақам бўлмаган. Шу сабабга кўра, Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчилари Хўжанд ҳокими Темур Малик, 1221 йил бошида Хоразм давлати султони деб эълон қилинган Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонликларига қарамай, Мовароуннаҳрни нисбатан осон истило этишга муваффақ бўлган. Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннаҳр ва Хоразм иқт-й ва маън-й ҳаётига жуда катта зарар етиб, гавжум ва кўркам шаҳарлар, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Гурганж, Марв, Банокат, Хўжанд кабилар харобазорга айлантирилган. Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннаҳр Чингизхоннинг 2-ўғли Чигатойга берилган. Кўчманчи мўғуллар ўтроқ аҳолидан иборат катта ва мад-й вилоятларни бошқаришда бўйсундирилган халқларнинг зодагон табақа вакиллари хизматидан фойдаланганлар. XIV а. 40-йилларида Чигатой улуси Шарқий Туркистон ва Еттисувдан иборат Мўғулистон ва Мовароуннаҳр қисмларига бўлиниб кетади. Мовароуннаҳрда мўғуллар истилоси оқибатида инқирозга юз тутган фан, адабиёт, маърифат ва мад-тнинг айрим тармоқлари тиклана бошлайди ва бу даврда, биринчи навбатда, шаҳарсозлик б-н боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилади. Ўша а.ларда тикланган кўпгина мад-т обидаларидан айримлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. XIV а.нинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик кучайиб, ўзаро кураш кескинлашган. Шундай пайтда тарих саҳнасига чиқиб келган Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда тарқоқлик, ўзаро низоларга чек қўйиб,

Сирдарё бўйларидан Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона марказлашган давлат тасаруфиди бирлаштирган. Амир Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс қўлтиғигача ғоят катта ҳудудни ўз ичига олган улкан салтанатни вужудга келтирган. Салтанат пойтахти Самарқандда Исфакон, Шероз, Халаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарлари меъмору бинокорлари иштирокида саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилган. Бунёдкорлик фаолияти ҳоз. Ўз-н ҳудудидан ташқарида ҳам амалга оширилган. Табризда масжид, Шерозда сарой, Боғдодда мадраса, Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара бино қурдирилган. Бунёдкорлик фаолияти теурийлар даврида ҳам давом эттирилган. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида ҳам пойтахт шаҳарларда олиму фузалолар, шоиру бастакорлар, меъмору бинокорлар ва наққошу хунармандларнинг катта гуруҳи тўпланган. Самарқанд ва Бухоро илму маърифат даргоҳига айлантирилган. Улуғбек фармони б-н Бухоро (1417), Самарқанд (1417–1420) ва Ғиждувонда (1433) мадрасалар қурилган. Бухоро мадарасаси дарвозасига: «Илм олмоқ ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган калима ёзиб қўйилган. Самарқандда дунёга келган расадхона астрономия соҳасида жаҳоншумул аҳамият касб этган натижаларга эришган. Теурийлардан сўнг ҳокимиятга келган Шайбонийлар сулоласи 100 йил ҳукм сурган. Пойтахт дастлаб Самарқанд, Убайдуллахон даврида Бухорога (1533) кўчирилган. Шундан сўнг мазкур давлат Бухоро хонлиги деб атала бошлаган. Аштархонийлар сулоласи (1601–1753) даврида сиёсий низо, ички курашлар кучайиб, Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги урушлар катта талофатларни келтириб чиқарган. Аштархонийлардан сўнг Манғитлар сулоласи (1753–1920) тахтга чиққан даврда ҳам мадрасалар қурилган, лекин уларда асосан, форс ва араб тиллари, диний таълимотлар ўқитилган. Дунёвий фанларга деярли аҳамият бе-

рилмаган. 1709 йилда Фарғона водийсида вужудга келган Қўқон, 1511 йилдаёқ шаклланган Хива хонликларидаги ижт-й-сиёсий, маън-й ҳаёт Бухородагидан кескин фарқ қилмаган. Ҳукмрон табақа вакиллари ўртасида бирлик ва аҳилликнинг йўқлиги, моддиятнинг маъ-ятдан устун қўйилиши, бойлик талашиб ўзаро олиб борилган мантиқсиз урушлар оқибатида М.О. халқлари жаҳон ҳамжам-ти ривожидан орқада қолган. Жаҳон бозоридан ажралиб қолганлик хонликлар ва амирликни қолоқликка маҳкум этган. Бухоро ва Хива мун-ти яхши қўшничиликка асосланмаган эди, ш-дек, Бухоро ва Қўқон ўртасидаги мун-т ҳам душманлик руҳида кечган. XVI а.дан бошлаб М.О. халқлари мад-й ҳаётда XIV–XV а.лардаги мавқеини сақлаб қола олмаганлар. Аксинча, шу даврдан бошлаб мад-й ҳаётда орқага кетиш рўй берган ва узоқ турғунлик даври бошланган. Бунинг биринчи сабаби, марказлашган давлатнинг парчаланиб кетгани бўлса, иккинчиси, диний мутаассиблик, хурофот ва жаҳолат халқлар ҳаётидан аниқ ва табиий фанларни деярли сиқиб чиқаргани эди. XIX а. ўрталарида мустамлакачи икки империя яъни, Россия ва Буюк Британия стратегик манфаатлари Туркистонда тўқнашган. М.О. давлатлари ҳукмдорлари калтабинликлари, ўз шахсий манфаатларини эл-юрт манфаатларидан устун қўйганлари оқибатида бу икки мустамлакачи империялар ўртасидаги зиддиятлардан фойдалана олмаганлар. Россия ва Буюк Британия келишувига биноан, Афғонистон икки давлатнинг Осиёдаги мустамлакалари ўртасида уларни ажратиб турувчи ҳудуд вазифасини ўтайдиган бўлган. Шундай қилиб, Россия босқини хавфи ҳам ўзаро зиддияти кучли Бухоро, Хива, Қўқон хонликларини бирлаштира олмаган. Россия империяси Туркистонни босиб олгач, дунёнинг энг йирик мустамлакачи мам-тига айланган. Мустамлакачилик маҳаллий халқларга муғлақо ишонмаслик, туркий халқларни камситиш каби буюк давлатчилик ва шовинистик оғулар б-н заҳарланган эди. Лекин, Россия истилоси натижасида Тошкент ва Фарғона водийси-

да банклар, хорижий корхоналар очилган. Туркистонда ҳам бозор мун-глари шакллана бошлаган. М.О. хонликлари бўйсундирилгач, ўзаро урушлар барҳам топган. Бироқ, истиқлол учун кураш асло тўхтамаган. XIX а. охири – XX а. бошларида Туркистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижт-й-сиёсий, маъ-й жадидчилик ҳаракати юзага келган. Дастлабки жадид мактаблари, газеталари, журналлари нашр этилган. Ўзб. миллий театрига асос солинган. 1917 йил Октябрь тўнтарышидан кейин тузилган Туркистон Халқ Комиссарлари Советига маҳаллий миллат вакиллари бирорта ҳам киши киритилмаган. Минтақадаги миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси — Туркистон мухторияти большевиклари томонидан қулатилган. Шўро режими чоризм мустамлакачилик сиёсатидан ҳам ошиб тушган. Туркистон ўлкаси Россияга яна бир бор сиёсий ва иқт-й жиҳатдан қарам этилган. Оқибатда, Шўро режимига қарши, «босмачилик» тамғаси босилган қуроли ҳаракат бошланган. Большевиклар Туркистон минтақасини бўлиб ташлаб, идора қилиш мақсадида 1918 йил 30 апрелида унга «автономия» берганлар. Сўнгра Туркистонни парчалаб ташлаш учун жиддий тайёргарлик кўришга киришилган. 1925 йил 13–17 февралда ЎзССРнинг тузилиши «ўзб. халқининг миллий давлатчилиги ташкил қилинди» деган фикрни англамайди. СССР таркибидаги ЎзССР амалда ҳеч қандай суверенитет ва мустақилликка эга эмас эди. ЎзССРнинг XX а. 30-йилларидаги ижт-й-сиёсий ҳаёти мустабид Шўро тартиботи мустақкамланган ва тоталитар тузум қарор топган, большевиклар партияси якка ҳукмронлиги чўққига чиққан даврга тўғри келади. Партия ҳаётнинг бутун ижт-й-иқт-й, маън-й, мафкуравий ва мад-й соҳаларини бошқаришни ўз қўлида жамлаб олган эди. XX а. 70-йилларига келиб ЎзССРда ижт-й рив-ш муаммоларининг ҳал қилинишидан кўра тезроқ кўпайиб, кескинлаша борган. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва иқт-й ҳаётни қатъий режалаштириш тамоғилли вазиятни янада мураккаблашти-

риб юборган. 1985–1991 йиллар Ўз-н тарихида халқнинг миллий ўзлигини англаши ва миллий онгининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган босқич ҳисобланади. Марказда бошланган қайта қуриш жараёни Ўз-нда ҳам мустақиллик гоёларининг тикланиши ва шаклланиши учун замин яратган.

1989 йил 23 июнда ЎзКП МК Биринчи котиблигига И.А.Каримов сайлангач, мустақиллик учун дадил ҳаракат тезлашган. Шу йилнинг 21 октябрида ўзб. тилига давлат тили мақоми берилиши бунинг яққол далилидир. 1990 йил 24 мартда Ўз-нда президентлик бошқаруви жорий этилиши ҳам истиқлол сари ташланган янги қадам эди. 1991 йил 31 августда ўзб. халқининг муқаддас, тарихий орзуси рўёбга чиқди — Ўз-н тинч, парламент йўли б-н ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Президент Исом Каримов раҳбарлигида Ўз-н аҳолисининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ аънаналари ва б. хус-ятларидан келиб чиқиб тар-ётнинг ўзига хос ва мос модели ишлаб чиқилди. Ўз-н демократик, адолатли ижт-й тузум, жаҳон ҳамжам-тидан муносиб ўринни эгаллайдиган ва жаҳон мад-тига салмоқли ҳисса қўшадиган, иқт-й ва маън-й жиҳатдан бой давлат ва жам-т барпо этишни ўзининг стратегик вазифаси деб белгилади. Истиқлолга эришилгач, Ўз-ннинг иқт-й, ижт-й, сиёсий, маън-й-маъ-й тар-ётда улкан ишлар амалга оширилди, халқимизнинг ҳаққоний тарихини яратиш имкони очилди. Ўз эрки ва мустақиллигини қўлга киритган халқимизнинг юртимизда Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш борасидаги фаолияти жадаллик б-н давом этмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН – ЯГОНА ВАТАН» — республикада яшовчи барча миллат, элат, дин вакиллариининг Ўз-нни ўз Ватани сифатида тан олишини англатувчи гоё. Ўз-н мустақиллигининг энг катта ютуқларидан бири юртимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликнинг таъмин-

ланишидир. Унинг ҳуқуқий асослари Асосий қонунимизда мустақамланган. Зеро, Конституцияда таъкидланганидек, мамтимизда истиқомат қилаётган 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, ирқий, миллий мансублиги, диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидир. Бугун “ягона Ватан” — “ягона хонадон” т.си янгича мазмун касб этмоқда. Барча фуқароларнинг ягона оила, бутун мам-т тақдири учун жавобгарлик ҳисси ошмоқда. Албатта, бу борада миллий равнақ, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, тили ва мад-тини такомиллаштириш қонун б-н кафолатлангани муҳим аҳамиятга эга. Ш.у. ҳам умумий хонадон тинчлиги, осойишталиги учун масъулик бурчи фуқароларнинг юксак даражадаги виждон ва иймон ишига айланмоқда. Шахсининг, миллат, элат вакилининг жам-т олдидаги бурчи, масъулияти ошмоқда. Ўз-нда яшовчи ҳар бир миллат вакили республикамизда олиб борилаётган ижт-й-иқт-й ислохотларнинг пировард натижаси — фаровонликдан, осойишталик, тинчлик ва барқарорликдан манфаатдордир. Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги — ҳамма учун муқаддасдир. Кўпмиллатли мам-тимиз фуқаролари орасида ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш “Ўзбекистон — ягона Ватан” ғоясининг амалга ошишини таъминлайди.

ЎЗБЕКЧИЛИК — ўзб. миллатига хослик, унинг маъ-яти, мад-ти, анъана, урф-олари б-н узвий боғлиқликни англатувчи т. Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида Ў. т.сининг моҳиятини ифодалайдиган қарашлари шундай баён этилган: “... халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўраимиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олай-

лик. Қанчалик галати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо... Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онг-шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир”. Ў. кенг маъноли т., ўзб. миллатига мансуб кишиларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, сўзлаши, кийиниши, хатти-ҳаракати, одатларида ҳам унга хос кўплаб жиҳатларни кузатиш мумкин. Миллий маъ-ятимизнинг асосий устунларидан бўлган “ахлоқ”, “одоб”, “мад-т” ва “маърифат” сўзлари, аввало, Ў.га хосликни талаб қилади. Бу т.нинг Ў. анъаналари асосида шаклланиши юксак миллий маъ-ятга етишишнинг энг самарали йўлидир. Инсоннинг ўзи яшайдиган жам-тга оид расм-русумларни ҳурмат қилиши, Ў. анъаналари доирасида ҳаёт кечириши, шундан фахр-ифтихор туйиши, юрти, юртдошларига бўлган мунти унинг маъ-ятини белгиловчи омиллардандир. Шулардан келиб чиқиб, Ў.ни миллий қадрият деб айтиш мумкин. Ў. анъаналарининг (меҳмондўстлик, олижаноблик, атрофдагиларга ҳурмат-эътибор, яқинларни қадрлаш) бошқа халқ маъ-яти, мад-тига таъсири, инсоният манфаатларига хизмат қилиши унинг умуминсоний хус-яти ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ў. т.си б-н боғлиқ кўплаб миллий қадриятлар юзага чиқди. Чунки ўтган даврда “совет халқи” деган мавҳум т. остида Иттифоқдаги барча халқ ва элатларни (этник хус-иятлари, урф-о. ва анъаналарига ҳилоф равишда) бир ягона ижт-й бирликка мансуб деб билиш, бунда уларнинг а.лар давомида шаклланган барча ўзига хосликларини бир-бирига сингдириб, йўқотиб юбориш мақсади назарда тутилган эди. Истиқлол туфайли бошланган ва изчил давом эттирилган ислохотларнинг бош мақсади халқимизнинг ўз-ўзини англашига, ўз миллий қадрият ва анъаналарини тиклашига қаратилди. Ўз-ўзини англаш эса ўзб. халқининг ўзб.лигини англаш, “Ў.”нинг қандай ҳодиса эканини билиш, шу этник бирликка мансуб улуғ шахсларнинг буюк бунёдкорлик ишлари, яратган

ва авлодларга қолдирган моддий, мад-й-маъ-й меросга ворислик ҳиссини туйиш б-н белгиланади. Маълумки, Ў. т.си айни чоғда гурур, ифтихор туйғулари учун ҳам асос сифатида хизмат қилади. Шу б-н бирга, ўзб. миллатига мансуб одам ўзбекона андиша, соддалик ё бирор бошқа сабаб б-н ноҳўя иш қилиб қўйган пайтда “Ў.-да” деган ибора қўлланиб, жонли мулоқотда бу сўз баъзан салбий маънода ҳам қўлланади.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – инсоннинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борлиқдан ажрата билиши, баҳолаши ва қадрият сифатида англашини ифодаловчи т. Ў.а. шахснинг ўзини ҳақиқий инсон, муайян моддий ва маън-й бойликларнинг эгаси ва улар учун маъсул эканини, ягона тил, урф-о.лар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланади. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу т.нинг мазмун-моҳияти, ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ў.а. жам-т олдида турган вазифаларни тўғри англаш, ижт-й тажрибалардан фойдаланиш қонуниятларини билиш, Ватан, миллат олдидаги масъулият туйғуси ҳамдир. Ў.а. мудом тарихий ривожланиб борадиган шакл ва кўринишларда, турли даражаларда намоён бўлади. Унинг биринчи шаклида инсон ҳис этиш орқали ўзини табиатдан, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалардан ажрата билади. Ў.а.нинг иккинчи шакли янада юқори даражада намоён бўлиб, унда инсон ўзини бирор-бир жамоа, у ёки бу мад-тга тегишли эканлиги орқали англайди. Ва ниҳоят, учинчи, энг юқори даража – ўзини “мен” орқали бошқалар н.назаридан баҳолаши, эркинлигини ҳис этган ҳолда ҳар бир хатти-ҳаракатига бўлган масъулиятни ҳис этиши, ўзи қилаётган ишларининг тўғри-нотўғрилиги, ҳақ ёки ноҳақлигини назорат қила билишидир. Бунда инсоннинг дунёқараши, маъ-яти ва маърифатлиги, унинг индивидуал тарзда шакллангани б-н белгиланади. Ў.а.нинг шаклланиш жараё-

ни ва омиллари Шарқ ҳамда Ғарб алломалари томонидан ҳар тарафлама ўрганган. Шарқ алломаларидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Ибн Сино, Насафий, Навоий, Мирзо Бобур ва б. Ў.а.нинг руҳий, ботиний жиҳатларини, инсон маъ-ятининг таркибий қисми, олам ва одам мун-тини билиш асоси экани каби масалаларга эътибор қаратганлар. Ғарб алломаларидан Сукрот, Ф.Бекон, Т.Гоббс, Р.Декарт, Ф.Ницше, З.Фрейд, Э.Эриксон, В.Гегель, И.Кант, Н.Бердяев ва б. Ў.а.нинг зоҳирий жиҳатларини, уни ижт-й борлиқ, макон ва замоннинг фаол ижодкорлиги омили сифатида ўрганганлар. “Индивидуал онг – ўзини англашдир”, деб ёзади И.Кант. Тарихий зарурият остида “инсоннинг жам-т ва б. кишилар б-н мун-тлари жараёнида ўзини назорат этиш ва ўзини идора қилиш каби ҳаётий муҳим восита сифатида пайдо бўлган. Агар меҳнат ва жам-т пайдо бўлмаганида кишида Ў.а. ҳам шаклланмас эди. Шундай экан, Ў.а.сиз жам-т ва ҳақиқий инсоний меҳнат ҳам муваффақиятли ривожланмас эди”. Кишидаги индивидуал онг, Ў.а., ўзини назорат этиш, бошқариш тарихий рив-ш жараёнида, меҳнат ва ижт-й мун-тлар таъсирида шакллана борган. XVIII а. охири – XIX а. бошларида янги давр файласуфлари ва немис мумтоз файласуфлари томонидан ривожлантирилган Ў.а. тўғрисидаги қарашлар ҳам эътиборга моликдир. Жумладан, янги давр ижт-й-сиёсий таълимотларида хус-н, Декарт қарашларида Ў.а. «cogito ergo sum» т.си орқали ифодаланган. Декарт “Агар мен ҳар қандай нарса ва ҳодиса ҳақида фикр юритадиган бўлсам, мен ўзимни субъект сифатида мавжудлигимни ҳис қиламан”, деган. Ў.а. – бу фақат индивидуал ҳодиса ёки жараён бўлмай, балки жамоа ёки бирор-бир халқнинг мақсадли фаолиятдан ҳам иборат. Шу н.назардан ҳам миллий Ў.а.нинг этнопсихологик жиҳатларини тадқиқ қилиш шартдир. Мас., уни шахс (миллат вакили) ва гуруҳ (этнос), миллат ва б. миллат, анъанавий онг ва замонавий менталитет, этнос ва суперэтнос онги, миллий ўзликнинг меҳнат фао-

лиятида, миллатлараро мун-тларда, турмуш тарзида намоён бўлиши каби йўналишларда очиб бериш мумкин. Гегель биринчи бўлиб руҳ б-н Ў.а. масаласини уйғунликда қаради. “Билишнинг ҳақлиги Ў.а.дадир, Ў.а. эса билишнинг асосидир, чунки бошқа предметни ҳар қандай билишнинг мавжудлиги Ў.а.дадир. Мен билманки, предмет меники (у менинг тасаввурим), ш.у. уни билганимда ўзимни англайман”. Гегель ўзини англашни: 1) ўзи-ўзи учун мавжуд, “ёлғиз ўзини англаш” ёки ўз нафсига берилган ўзини англаш; 2) ёлғиз ўзини англашнинг бошқа ўзини англашга ўтиши ёки яққа ва умумийнинг бирлашиши; 3) бир-бирига яқинлашган ўзини англаш, яъни “умумий ўзини англаш” даражасига ўтишига ажратади. Кейин у ушбу босқичларнинг фал-й-психологик моҳияти ва механизмлари ҳақида фикр юратади. Ў.а., вазият-ни идрок этиш, юзага келган муаммога оқилона ёндашиш эмас, кимнингдир, гоҳо “доҳий”ларнинг даъвоси, шиори оммани ҳаракатга келтиради. Ш.у. омма иррационалга, ҳиссиётларга тўла бақирриққа, даъватга бўйсунди. Бугунги кунда Ў.а. ижт-й сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишни, бўлаётган воқеа-ҳодисаларни теран англаб етишни билдиради. Ўзлигини англаган шахс, айниқса, ёшларимиз ҳар қандай мафкуравий хуружларга берилмайди.

ЎЛАН — халқ ижоди жанри, қўшиқ тури. Деҳқонлар, айниқса, чорвадор халқлар орасида кенг тарқалган. Асосан аёллар, қисман эркеклар томонидан чилдирма (доира) жўрлигида ижро этилади. Ў.лар баъзан савол-жавобли қўшиқ тарзида, баъзан икки киши томонидан диалог шаклида ҳам айтилади. Ҳар бир тўй маросимига хос Ў.лар мавжуд. Ўзб.ларда “Никоҳ тўйи” маросимида қизлар бир томон, йигитлар бир томон бўлиб; “қиз оши” (лапар, қиз зиёфати) маросимида қизлар биргаликда жўр овоз бўлиб; “Чорлари”, “Чақирди”, “Бешик тўйи” маросимида аёллар яққа ва жўр овоз бўлиб Ў. айтишган. Ў.да халқнинг орзу-умидлари, қайғу ва шодлик кайфиятлари ўз ифода-

сини топади. Халқ орасида муҳаббат мавзусига бағишланган ва ҳажвий Ў.лар кенг тарқалган. Ў. «ёр-ёр» қўшиқларига яқин бўлиб, айрим Ў.ларда ҳар бир мисра «ёр-ёр» радифи б-н айтилади.

ЎТИШ ДАВРИ — инсоният, давлатлар, мам-тлар, халқлар ва миллатларнинг рив-ш тарихининг бир босқичдан иккинчи бир босқичга, муайян бир сифатий ҳолатдан янги бир сифатий ҳолатга ўтишини англатувчи т. Ў.д. деганда, бирор бир нарса ва ҳодисанинг, муайян тизим ёки тузумнинг бир сифатий ҳолат, белги, хус-ят, характер, мун-тдан иккинчи бир сифатий ҳолат, хус-ят, характер, мун-тга эга бўлиш жараёни, тар-ётнинг янги сифат босқичига кўтарилиши тушунилади. Бир тизимдан иккинчи тизимга Ў.д. тарихан муайян вақт қисмида содир бўлиб, у а.лар мобайнида шаклланиб қолган ижт-й (давлатлараро, гуруҳлараро, цивилизациялараро ва ҳ.к.) мун-тларнинг вақти келиб эскириши туфайли янги мун-тлар тизимига асос солинишини англайди. Бу жараёни тадрижийлик, мавжуд моддий, маън-й, мад-й ва интеллектуал ресурсларнинг мутлақ барҳам топиши эмас, балки уларнинг янги давр талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда комплекс янгиланиши натижаси деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, эскирган тизимларга нисбатан радикал мун-т билдириш, уни ва унинг моддий, илмий-техник ва маън-й асосларини буткул яқсон қилиш амалиётининг ўта салбий оқибатлари ҳам маълум. Тизимдан тизимга ўтиш иқтисодиёт, сиёсат, ижт-й соҳаларни қамраб олувчи жараёнлиги б-н бир пайтда яққол кўзга ташланувчи маъ-ят ҳодисаси ҳам ҳисобланади. Ҳатто бир маън-й маконда ҳам ўтиш ҳодисаси одатда, турли даврларда турлича кечади. Айни вақтда шу жабҳада қўлга киритилган янги марра умуман ижт-й тар-ётнинг истиқболини таъминлаши мумкин. Тамомила бошқа дунёқарашлар ва қадриятлар янги тафаккур тизимига ўтиш, унинг иқт-й, сиёсий ҳамда ижт-й мун-тларга ижобий таъсирининг нуфузи, кучини белгилайди. Турли сабабларга кўра, XXI а.да кур-

так ёзаётган янги ижт-й жараёнлар, ислохотчиликнинг келажаги айнан шу маън-й соҳада Ў.д.нинг маъно-мазмуни б-н чамбарчас боғланган. Инсоният, халқлар, миллатлар, мам-тлар ва давлатлар тарихи бу — доимий равишда ривожланиб, янгиланиб турадиган объектив қонуний Ў.д.дан иборат бўлиб, маън-й тар-ёт ҳам шу тарзда амалга ошади. Инсоният учун умумий ва қонуний бўлган ижт-й тар-ётнинг Ў.д.лари турли мам-тларда, халқларда турлича кечади. Кўпоб объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра, турли цивилизациялар, минтақалар, мам-тларда анъаналар, қадриятлар ва дунёқарашлар турличалиги боис тизимдан-тизимга Ў.д. ҳар хил суръат, услуб ва шакл касб этади. Президент Ислом Каримов ХХ а. охирига келиб “... совуқ уруш тамом бўлгани ва СССР тарқаб кетганидан кейин халқаро майдонда давлатларнинг янги тури — иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлар пайдо бўлганини эътироф этиш лозим” лигини таъкидлаган. Президент томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган “тар-ётнинг ўзб. модели” Ў.д. концепциясининг асосидир. Ушбу модел мазмунини Ў.д.нинг беш тамойили ташкил этади. Мам-тимиз халқаро даражада эътироф этилган ва ҳаётда ўзини оқлаётган ушбу модел асосида тобора ривожланиб бормоқда.

ЎҒИРЛИК — шахснинг маън-й бузилиши ҳодисаси, ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш,

ўзлаштириб олишни англатувчи т. Ўғри — Ў.ни содир этган шахс бўлиб, юксак маъ-ят талаблари ва тамойилларини бузган киши сифатида қаттиқ қораланади. Ў. инсоният тарихининг ҳамма даврларида ўта салбий ҳислат тарзида қаралади, жам-т ва инсон ҳаётида ниҳоятда нохуш ҳолат ва оқибатларга сабаб бўлади. Кўп ҳолларда, моддий ва маън-й шаклларда намоён бўлади. Мас., илм-фан, адабиёт ва санъатда учраб турадиган кўчирмачилик Ў.нинг муайян тури ҳисобланади. ЎЗР ЖКда Ў. ва унинг қандай содир этилгани (киссавурлик, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки такроран, ёки хавfli рецидивист томонидан, ё бўлма-са кўп миқдордаги мол-мулкнинг ўғирланиши, уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши ва б.) га қараб жазо белгиланган (ЖК, 169-модда). Эс-ҳуши жойида бўлган 14 ёшга тўлган шахс Ў. шаклидаги ўзгалар мулкани талон-тарож қилишнинг субъекти бўлиши мумкин. Ў. шахснинг маън-й бузилишини англатиши б-н бирга, бошқа инсонларга нафақат моддий, балки маън-й зарар ҳам келтиришини ифодалайди. Кишилиқ жам-тининг барча даврларида Ў. ҳам дунёвий, ҳам диний н.назардан қораланган. Тарихда кўпчилик давлатларда Ў. шафқатсизларча жазоланган. Исломда Ў. содир этган киши кўрилган зарарнинг миқдорига қараб ҳадд, таъзир, сазойи, қамоқ, бирор аъзосини кесиш каби жазоланишдан ташқари охирадда гуноҳкор сифатида азобланиши ҳам таъкидланади.



ҚАБОҲАТ — маъ-ят талабларига зид, юксак маън-йлик тамойилларига мос келмайдиган қабих иш, ярамас хатти-ҳаракат; қабихлик, разиллик, ифлосликни англатувчи т. Қ., қабих сўзи англатган маъно пасткаш, ярамас, фақат ўз манфаатини кўзлайдиган кишиларга нисбатан қўлланади. Қабих кимсалар жам-тга, атрофдаги

кишиларга ҳеч қачон яхшилиқни раво кўрмайди. Кўпинча Қ. бундай кишиларнинг шахсий хус-ятига айланади. Бу сўз барча халқларда салбий маънони англатади. “Қ.” ва “разолат” т.лари моҳиятан бир-бирига яқин маънони англатувчи сўзлар бўлиб, ҳар иккаласи ҳам кишидаги энг жирканч, ёмон иллатларни ифо-

далайди. Қ. домига тушган одам ҳар қандай жирканч ишларга қўл уради, ҳеч кимни аяб ўтирмайди, бинобарин, унинг учун муқаддас нарсанинг ўзи бўлмайди.

ҚАДР — муайян қадриятнинг, яъни бирон-бир нарса, воқеа, ҳодиса ёки бирор идеалнинг инсон ва жам-т учун қадри ва ижт-й аҳамиятини англатадиган т. Қадриятлар муаммосига бағишланган илмий-фал-й манбаларнинг кўпчилигида қадриятни “баҳо” т.си б-н қиёслаш, уларга бир хил даража ва қўламдаги т.лар сифатида қараш ҳоллари учрайди. Бу икки т. қиёсланаётганда Қ. т.си эътиборга олинмайди. Бунга собиқ иттифоқ давридаги қадриятга маъ-ят н.назаридан эмас, балки кўпроқ ижт-й т. сифатида “қиймат” тарзида ишлатилгани сабаб бўлиши ҳам мумкин. Рус тилида Қ. ибораси ишлатилмайди. Қ. т.си ўзб. тилида серқирра маъно ва мазмунга эга, у тилимиздаги баъзи ибора ва сўзларда ўзига хос шарқона фал-й мазмун борлигидан далолат беради. Ана шу сабабдан ҳам ўзб. тилида қадриятнинг мазмуни билиб олиш ва унинг аҳамиятини англаш, аввало, Қ. сўнгра “баҳо” т.ларининг маъносини билиш орқали боради. Инсоннинг инсонга ибрати, тарбиядаги таъсирини унинг ўзи баҳолай олмайдми, балки бошқа инсон баҳолайди. Демак, қадрият сифатидаги инсон таъсирида унинг Қ.и, аҳамияти намоён бўлади, бошқа киши эса ана шу бевосита таъсир натижасида унинг аҳамиятини баҳолайди, Қ.ига баҳо беради. Баҳода тескари мун-т, бошқа бир кишининг қадрият сифатида қаралаётган объект, нарса, ҳодиса, идеал ва б.га нисбатан мун-ти, уни англашнинг бирор бир даражаси ўз ифодасини топади. Бу жараёнда субъект қадриятга мун-тининг баҳо тарзида ифодаляди. Қадриятнинг мазмуни ва аҳамияти баҳода тўла-тўқис акс этмаслиги, турлича ифодаланиши ҳам мумкин. Қадриятнинг ҳақиқий Қ.ини, мазмуни ва аҳамиятини баҳосига қараб аниқлаш қийин бўладиган ҳоллар ҳам учрайди. Мас., баъзи нарсалар (санъат асарлари, обидалар, ёдгорликлар ва б.) Қ.ининг ниҳоятда баландлиги уларга “бебаҳо” де-

ган сифат берилишига сабаб бўлади. Аслида қадриятнинг Қ.ини билиш, унинг аҳамиятини англаб олиш ва баҳолаш бири-бири б-н узвий боғлиқ жиҳатларни ташкил қилади. Қадриятнинг аҳамияти англаб олинмаса, Қ.и тўғри тушунилмаса, унга тўғри баҳо бериб бўлмайди. Айнан шу маънода қадриятни баҳолаш унга бўлган инсоний мун-тнинг ҳам ифодалайди, бу эса, ўз навбатида, кишиларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсадлари б-н боғлиқдир. Инсон ниманидир баҳолаётганида ва Қ.ини англаётганида ўз маъ-яти, билими, эҳтиёжлари, талаблари, мақсадларидан келиб чиқади, ўз манфаатларини ҳам унутмайди. Бу эҳтиёж, талаб, мақсадлар ва бирор фойда олишни кўзлаш ҳам маън-й хус-ятга эга бўлганидан, муайян кишиларнинг у ёки бу қадрият, унинг Қ.и ва аҳамияти ҳақидаги фикри (баҳоси) муайян даражада нисбийдир. Кимнингдир ёки ниманингдир Қ.ини баҳолашда иштирок этаётган турли мақсад ва эҳтиёжга эга бўлган кишилар сони ортгани сари, унинг ҳақиқий баҳосини аниқлаш қийинлашиб бораверади. Хуллас, Қ. тилимизда хилма-хил маънони англатади ва маън-й қиёфамизни кўрсатадиган сермазмун т.лардан бири ҳисобланади.

ҚАДРИЯТ — инсон ва жам-т маъ-ятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган т.; “Қадриятшунослик (аксиология)” нинг энг асосий категорияси. Бу категория ўзида Қ. асосининг нафақат қимматини, балки ижт-й аҳамияти, фал-й-аксиологик мазмуни, жам-т ва инсон учун қадрини ҳам ифодаляди. Аксиологлар ундан ҳар қандай нарса, шу жумладан, инсоннинг ижт-й қадрини, аҳамиятини ифодалядиган умумий ва универсал категория сифатида фойдаланадилар. Қ. турли соҳаларда хилма-хил маънода қўлланади. Қ. сўзининг турфа хил маънода ишлатилиши унга берилган таърифларнинг турлича бўлишига олиб келган. Ижт-й фанларнинг қандай соҳасида Қ.га доир тадқиқот олиб борилган бўлса, бу т.га шу жиҳатдан таъ-

риф беришга интилиш одат тусига айланган. Ҳолбуки, Қ. категорияси аксиология (қадриятшунослик)дан бошқа фанларнинг бирортаси учун ҳам хусусий категория эмас. Кундалик мулоқот, ОАВ хабарларида Қ., миллий Қ.лар, умуминсоний Қ.лар каби сўзлар кўп қўлланади. Мад-й бойликлар, ёдгорликлар, маън-й мерос, анъана, урф-о.ларга нисбатан ҳам Қ.лар иборасини умумий атама сифатида ишлатиш ҳоллари учрамоқда. Қ. иборасининг кундалик ҳаётдаги маъноси кишилар ўртасидаги мулоқотда, ОАВ хабарларида ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Кишилар ҳаёт ва фаолияти жараёнида муқаррар суръатда ўзлари учун Қ. касб этган нарсаларга дуч келадилар, уларнинг аҳамияти, фойдаси ва қадрини англашга, баҳолашга интиладилар. Бундан ташқари, одамлар ўзлари ишониб, гоҳида интилиб, қизиқиб ёки орзу қилиб яшайдиган мақсад, орзу ёки идеалларга нисбатан ҳам Қ. т.си қўлланилади. Хуллас, кундалик ҳаётда кўпчилик томонидан қўлланидиган Қ. ибораси одамлар учун бирор зарур аҳамият касб этадиган объект, нарсаси, ҳодиса ва б.га нисбатан ҳам ишлатилади. Қ.ни аксиология н. назаридан талқин қилиш унинг категория сифатидаги моҳияти, мазмуни, объектив асоси, субъектив жиҳатлари, намоён бўлиш шакллари ва хус-ятларини ўрганиш имконини беради. Табиат ва мад-т буюмларининг инсон эҳтиёжини қондириши ва унинг мақсадларига хизмат қилиши таъкидланганда, асосан, уларнинг фойдаси, қиммати назарда тутилади. Ҳақиқатан ҳам, буюмларнинг иқт-й қиммати кишилар учун катта аҳамият касб этади. Аммо буюмнинг қадри ҳисобга олинмаса, масаланинг маън-й жиҳати очилмайди. Қ. буюм ёки нарсанинг иқт-й қийматини ифодалайдиган т.лардан фарқ қилади. Қадриятшуносликда Қ. т.си б-н боғланган объект ўртасида фарқ бор, деб қаралади. Дунёда қадрланадиган одамлар, нарсалар, ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар, жойлар ва сифатлар, идеал ва мақсадлар ниҳоятда кўп. Қ. т.си эса уларнинг бирортаси учун тўғридан-тўғри исм, атама ёки бевосита ном бўла олмайди, балки

уларнинг қадрини англатадиган т. сифатида намоён бўлади. Қ.ни маън-й-фал-й тушуниш унинг кундалик ҳаётидаги маъносидан фарқ қилади. Бу эса Қ. т.сини унинг ўзи боғлиқ бўлган объектдан фарқлаш (асло ажратиш эмас) б-н бирга, уни объектларнинг турли жиҳатлари (фойдалилик, кераклилик) б-н айнанлаштирмаслик имконини беради. Шундай қилиб, Қ. бирор тарзда ва шаклда зоҳир бўладиган, субъект учун муайян таъсирини намоён қиладиган воқеликнинг турли-туман шакллари, кўринишлари, нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, мун-тлар, турли сифатлар, хус-ят, ахлоқ ва маън-йлик мезонлари ҳамда б.нинг субъект учун ижт-й аҳамияти ва қадрини ифодалайдиган умумий аксиологик категориядир. Одамлар гарчанд битта жам-тда, бир даврда ва ўхшаш шароитларда яшаётганликларига қарамасдан, у ёки бу нарсанинг қадри турлича англаб олинади, тушунилади ва талқин қилинади. Ижт-й жараёнлар таъсирида кишиларнинг Қ.лар тўғрисидаги тасаввури, қарашлари ўзгаради, бу эса тар-ёт жараёнида одамларнинг турмуш шароитлари, ҳаёти ва маън-й қиёфасидаги ўзгаришлар б-н боғлиқдир. Турли хил жиҳатлар ҳар қандай Қ.нинг қарама-қарши томонларини ташкил қилади. Ижобийлиги ва салбийлиги, баҳолалиши ва аҳамиятига кўра бир-бирига мутлақо зид кўринадиган “яхшилик” ва “ёмонлик”, “ҳақиқат” ва “ҳақсизлик”, “бахт-саодат” ва “ғам-кулфат”, “тадрижийлик” ва “инқилобийлик”, “тар-ёт” ва “таназул”, “борлиқ” ва “йўқлик” каби т.лар ҳаётнинг бир-бири б-н қарама-қарши боғланган жиҳатларини ифодалайди. Қ.лар жам-т ривожига ва кишилар ҳаётининг турли даврларида турлича аҳамият касб этади, тарихий заруратга мос равишда гоҳ у, гоҳ бу Қ. ижт-й тар-ётнинг энг олдинги поғонасига чиқади, бошқалари хиралашгандек туюлади. Натижада ижт-й рив-ш ва тар-ёт қонуниятларига мос равишда, олдинга чиқиб олган Қ.ни барқарорлаштиришга нисбатан интилиш кучаяди. Мас., юртни ёв босганда — озодлик, империя ҳукмронлиги ниҳоясида — истиқлол, уруш даврида — тинчлик, тут-

қунликда — эркинлик, хасталик ва беморлик пайтларида — сиҳат-саломатликнинг қадри ортади, уларга интилиш кучаяди. Қ.ларнинг асосий шаклларини аниқлаш борасида олимлар орасида бир хил ва ҳамма эътироф этган ягона н. назар йўқ. Қ.ларни моддий ва маън-й, умум-башарий ва умуминсоний турларга бўлиш мумкин. Қ. шакллари ҳам уларга мос равишда табиат ва жам-тдаги нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар ўзаро уйғунликда, қонуний боғланишда, умумий алоқадорликда намоён бўлади. Бундай ҳоллардаги таҳлил жараёнида илмий билишнинг тизимлилик усули, алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик, бутун ва бўлак категорияларининг диалектикасига асосланиш қўл келади. Бунда Қ. шакллари боғланган объект, жараёнларнинг макон ҳамда замонда зоҳир бўлиши, улар ўртасидаги боғланишлар ва алоқаларни ўрганиш, объектив асоси, субъектив жиҳатдан англаниши, умумий, хусусий ва алоҳида жиҳатларини таҳлил қилиш имкони туғилади. Бу эса Қ.ларнинг намоён бўлиш шакллари ўртасидаги ўзаро алоқа, боғланиш ҳамда уларнинг инъикоси бўлган энг умумий Қ. тизимларига хос хус-ятларни ўрганиш имконини беради. Мустақилликкача Қ.лар мавзуси кенг ўрганилмас эди. Истиқлол даврида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, Қ.лар тўғрисидаги фан — қадриятшунослик республикамиздаги ижт-й фанлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, бу йўналишда тадқиқот ва изланишлар олиб борилмоқда, кўплаб асарлар нашр этилмоқда.

ҚАДРСИЗЛАНИШ — муайян қадрият ёки қадриятлар тизимининг ўз қадрини йўқотиши ёки пасайтириши жараёнини, инсоннинг ўз обрў-эътиборини, мавқеини йўқотиши, назардан қолиши маъносини англатувчи т. Жам-т тар-ётида содир бўладиган умумий Қ. бирданига, бир кунда ёки тўсатдан эмас, балки тадрижий рўй берадиган жараёндир. Инсоният тарихида қадриятлар тизими қадрсизланиб кетган давлатлар ва империяларнинг таназзулга юз тутгани, йўқ бўлиб

кетгани маълум. Мас., собиқ иттифоқ ҳаётининг охирида, 80-йилларнинг охирида илгари зўрлик б-н ушлаб турилган қадриятлар тизимининг бутунлай Қ.и яққол кўриниб қолган эди. Охир-оқибат, бу тузум таназзулга юз тутди ва ҳалокатга учради. Қ. жараёнига сабаб бўладиган кўплаб омиллар мавжуд. Муайян қадрият ёки бир неча қадрият шаклларининг ҳаддан ортиқ бўрттириб юборилиши, мутлақлаштирилиши ёки сийқалаштирилиши, уларга нотўғри мун-тнинг муттасил сиёсат усулига айланттилиши бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолда қадриятлар ўз мазмун-моҳиятини, одамларнинг ҳаёти ва фаолияти учун умумий мезон, уларнинг интиладиган идеал ёки уларни муайян мақсадлар сари бирлаштирувчи ва сафарбар қилувчи мезон сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Қ. муайян қадрият, миллий манфаатлар, давлат сиёсатига ишончсизлик, одамларнинг “нималар” дандир ҳафсаласи “пир” бўлиши, кўпчиликнинг кўнгли “қолиши” тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин. Ҳар бир шахс учун жам-тда ўз атрофидагилар ўртасида ўз қадрини йўқотиш одамииликни йўқотиш б-н баробар бўлади. Ш.у. ҳар бир шахс Қ. сўзи англатадиган маънодаги хус-ят ўзида шаклланиб қолмаслигига интилиши зарур бўлади. Қ. фақат шахслар ўртасидагина бўлиб қолмасдан, балки бошқа соҳаларда ҳам рўй бериши мумкин. Мас., қимматли қоғозлар, пуллар, ашёлар ўртасида ҳам Қ. бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни дунё давлатларида ишлатиладиган маблағлар ва қимматли қоғозлар мисолида кўриш мумкин. Баъзан Қ. оқибатида маълум бир мам-тларда пуллар ва қимматли қоғозларни ислоҳ қилишга зарурат сезилади. Қ. иқтисоднинг барча соҳаларини қамраб олиши, муайян давлат ёки бутун жаҳон инқирози тарзида рўй бериши мумкин. Бу иқт-й бўҳронга олиб келади ва бутун дунёда умумий муаммоларни келтириб чиқаради.

ҚАЙСАРЛИК — юксак маъ-ят талабларига жавоб бера олмайдиган, ўзбилармонлик, ўз билганидан қолмасликни анг-

латувчи т.: ўзгалар талабини, вазифасини амалга оширишни инкор этишда намоён бўлувчи хулқ шакли. Аввалига воқелидаги бирон ҳодисага нисбатан эътироз аста-секин шахслараро мун-тларга ўтиб боради ва инсоннинг ўз-ўзини тасдиқлаши сифатида намоён бўла бошлайди. Қ. ўта ҳиссиётли ёки асаб тизими мўрт одамларда кўпроқ намоён бўлади, ш-дек, аҳамиятли эҳтиёжлар тўсиққа дуч келганда кўринади. Ёш болалар ва ўсмирларда Қ. уларнинг хоҳиш-истакларига доимо пешвоз чиқавериш натижасида ёки мустақил ҳаракатларига имкон бермаслик асосида шаклланади. Катта ёшдаги Қ. эса инсон характери, ҳаётининг инқирозлар, ҳиссиётлар б-н боғлиқ. Тадқиқотлар кўрсатишича, аффектив ҳолатга мойил ва ақлзаковати тор бўлган одамларда Қ. кўпроқ учрайди. Қ. туфайли қатор маъ-ятсизлик кўринишлари вужудга келиши мумкин. Қ., бир томондан, моддий, маън-й жараёнлар б-н боғлиқ ишларни, вазифаларни амалга оширишдан бош тортишни ифодалайди. Иккинчи томондан, ақлий ва жисмоний жиҳатдан қила оладиган ишни атайин қилмасликни билдиради. Бу албатта, инсон маъ-ятининг торлигидан далолат беради. Ҳар қандай шахс, инсонда икки ҳолатни танлаш имконияти бор, яъни яхшилик ёки ёмонлик. Қ., кўпинча, инсондаги салбий кўринишлардан бири сифатида намоён бўлади. *(Яна қаранг: Ўзсарлик).*

ҚАЛБ (араб. *юрак*) — кўнгил, руҳият, кайфият, тафаккурга боғлаб ишлатиладиган ва инсон руҳий ҳолатини ифодалайдиган маън-й т. Қ. халқ тилида кўпроқ инсоннинг кўнглини билдиради. “Кўнглингга келганини қил”, “кўнглим шуни тусаяпти” деганда, Қ. б-н, Қ. амри б-н қилинадиган ишлар, хатти-ҳаракатлар ва фаолиятлар тушунилади. Ш.у. Қ.и пок, Қ.и тоза дейилганда, кишининг туриш-турмушидаги, кишилар б-н бўлган ижобий мун-тларининг мужассамлиги тушунилади. Қ., ш-дек, бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатдан ўртаси, исломда жавҳар макони, эътиқод ва ижодда эса иймон гавҳарининг жойи, кўнгил, дил, виж-

дон, юрак, ғайбий мушоҳада маскани, илоҳий ишқ жойи, илми ладуний ери, илоҳий нурлар зуҳурланган жойдир. Тасаввуфда Қ.нинг етти табақоти саналади: 1. Садр — кўкрак, ислом жавҳарининг ўчоғи. 2. Қ. — юрак, имон жавҳарининг жойи. 3. Шитоф — халқни севиш, халқ учун куйиниш жойи. 4. Фуод — кўнгил, ғайбий мушоҳада маскани. 5. Ҳиббат ул-Қ. — илоҳий ишқ жойи. 6. Сувайдо — ғайбий мукошафа, илми ладуний ери. 7. Муҳтажун Қ. — илоҳий нурлар зуҳурланган жой. Қ.ни пок, тоза асраш инсондаги маъ-ятнинг қай даражадалиги, ҳалол-ҳаромнинг фарқига борганлиги б-н белгиланади. Юксак маъ-ят ва маърифатга, холисликка, покликка интилган шахснинг Қ.и ҳам беғубор, пок бўлади ва шу аснода унинг фаолияти, кимлиги ҳам ўз ифодасини топади.

ҚАЛБАКИ(ЛИК) — юксак маън-й фазилатларга зид бўлган ва ҳақиқат меъёрларига риоя қилинмаган ҳолда амалга оширилган нарса ёки ҳодисани ифодаловчи т. Қ. моддий ва маън-й кўринишларда содир этилади. Бу иллат айниқса, маън-й Қ. катта ижт-й-маън-й зарар келтириши мумкин. Маън-й Қ. сохта обрў орттириш, сотқинлик, риёкорлик, ўғирлик каби иллатлар таъсирида вужудга келади. Моддий Қ. эса ҳужжатларни сохталаштириш (пул, қоғозлар, қарточкалар ва ҳ.к.) кабиларга қўлланади. Ҳар қандай ижт-й ҳодиса ва жараёнларда тарихий шахслар, воқеалар, манбаларни Қ.лаштириш шахснинг фикрлари, хоҳишлари, билим ва кўникмаларини сохталаштиришга олиб келади. Бундай ёндашувлар бугунги кунда ҳам айрим давлатларнинг сиёсатида, маълум мафкуравий қарашларнинг моҳиятида бошқа мам-т, халқларга нисбатан ишлатилмоқда. Халқимиз ҳаётида тарихимиз, мад-тимиз, маъ-ятимизга нисбатан холисона мун-тда бўлмаслик, уни бузиб кўрсатиш, мавжуд тарихий ҳақиқатни Қ.лаштириб, миллатимизга, унинг мад-ти ва маъ-ятига паст назар б-н қараш ҳоллари мустабид тузум даврида кенг қўламда олиб борилган эди.

Ҳоз. вақтда иқтисод, мад-т, мафкура ва маъ-ят соҳаларида глобаллашув жараён-ларининг таъсири тобора кучайиб бора-ётган шароитда айрим мам-тларнинг ҳукмрон доиралари ёки уларнинг ман-фаатини ифода этувчи сиёсатчилар то-монидан миллий истиқлол ғояси, хал-қимиз маъ-яти ва мад-ти, анъаналарини ўз андозалари б-н ўлчашга, таққослаш ва камситишга уринишлар давом этмоқда. “Маҳалла” тизимига қарши асоссиз қарашлар, турли диний экстремистик, бузғунчи мутаассиблар чиқишини “демок-ратияни бўғиш” дея баҳоланиши кўзга ташланмоқда. Айниқса, зўравонлик, фахш каби ғайриахлоқий қусурларни видео-тасмалар, турли адабиётлар орқали кенг тарғиб этиш, ш-дек, омма орасига мис-сионерлик, прозелитистик ақидаларни олиб кириш, этиқоди ва дунёқараши заиф кимсаларни ўз домига тортишга бўлган ҳаракатлар ғоят хатарлидир. Одат-да, Қ.лаштирувчи шахс, гуруҳ ва маълум сиёсий доиралар ноҳолис далилларининг фош этилишини хоҳламайди. Шу боис, улар Қ. ақида, қоидаларга мувофиқ ра-вишда ёмон тасаввур ҳосил қилмасликка ҳаракат қилади. Аслида Қ.лаштириш си-ёсати пухта ўйланган, турли ибора, сўз, мужмал ғояларни баён этиш, кўрсатма-лар бериш, муайян халқни ўз маъ-ятидан, ҳақиқий тарихи ва адабиётидан жудо қилиш, кишиларда турмуш тарзидан но-ризо бўлиш, ўткинчи ҳиссиёт ва нореал хаёлларга берилиш, ўз ҳаёти ва жам-тга тушкунлик назари б-н қараш кайфияти-ни кўзгаш учун амалга оширилади. Ш.у. Қ. замиридаги хатти-ҳаракатларни теран англаш, унинг мазмун-моҳияти, қандай мақсадларга қаратилганини тушуниш, турли маълумотларга нисбатан атрофли-ча, илмий-наз-й ва амалий жиҳатдан тан-қидий ёндашиш муҳим аҳамиятга эгадир.

ҚАНОАТ (араб. мамнунлик; бориға шуқр қилиш; камсуқумлик) – озига ёки бориға кўниш тамойилига асосланган маън-й туйғу, бори б-н кифояланиш, наф-си тийиқлик б-н кўп нарсага, ортиқчалик-ка интилмаслик, қониқиш ҳисси. Қ. бу –

еб-ичиш ва кийинишда имкон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмаслик-дир. Қ. борлик-йўқликка кўниш. фақир-ликни, камбағалликни ор деб билмаслик. оз нарса б-н тирикчилик ўтказишни ан-латади. Қ.ли бўлиш учун кишида, аввало, сабр туйғуси мустаҳкам бўлиши керак. Айни пайтда сабр учун Қ. лозим. Ш.у. ҳам бу икки т. тилимизда «сабр-Қ.» тарзида биргаликда ишлатилади. Ҳазрат Навоий Қ. хусусида шундай деган: «Кимки сабр-Қ.ни ўзига касб қилган бўлса, билки, бу уни бой қилади. Олтин, кумуш б-н, зебу зий-натларни бойлик деб билма, балки ҳақи-қий бойлик сабр-Қ. олтинларидир. Қ. ол-тини ҳеч қачон йўқолмайди. Ана шу ол-тинни қўлга киритиб, шу орқали бойишга ҳаракат қил. Кулбада Қ. қилиб ўтирган дарвеш таъмагир шоҳдан афзалдир. Қ. қил-ганнинг жойи иззат тахтададир». Демак, Қ. – осудалик, хотиржамлик туйғуси бўлиб, киши нафсини ҳар қандай таъма-дан эҳтиёт қилишга ҳаракат қилади. Қ.ли киши сабрли, чидамли бўлиши б-н бирга ҳасад, ҳирс, хорлик каби иллатлардан йироқ бўлади. Қ. – бу кишининг маън-й бойлиги бўлиб, инсонни покликка чор-лайди, муҳтожликдан узоқда бўлишини таъминлайди. Бундай кишиларни таъма тузоқларига тушириб бўлмайди. Қ.ли ки-шининг руҳи озод, эркин бўлади. Ҳар қандай муҳитда ҳам руҳи ҳурликда бўлиб, шикаст топмайди. Мутафаккирлар Қ.ни таъмага қарши қўядилар. Қ.ли одамнинг кўнгли, аввало, таъмадан покланган бўлади. Қ.да чинакам фароғат, таъмада эса кони машаққат бор. Қ.ли кишининг бойлиги шундаки, у эл орасида нафси орқасидан хорлик кўрмайди. Демак, нафсига Қ. буюр-гани учун бу дунёда у ҳеч кимга муте бўлмайди. Қ. йўли – иззат йўлидир. «Яримта нон – роҳати жон», «Оч қорним – тинч қулоғим», деган мақоллар ҳам бежиз тўқил-маган. Хуллас, иззат тилаган киши фақат Қ.дангина таъма қилиши керак. Пайғам-баримиз (С.А.В.)нинг бу ҳақдаги ҳадиси шарифларини Навоий ҳазратлари шундай зикр этган: “Иззат тиласанг, айла Қ. та-маъ, Маснади иззат узадур «манн қанатъ»”. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб»

асарида таърифланган инсоний фазилатлар қаторида Қ.нинг бадиий, фал-й ва б. талқинларига дуч келамиз. Қ. одамни маънан ва руҳан бойитади, уни элни хорликка маҳқум қиладиган эҳтиёжлардан қутқаради. Чунки: «Қ. — суви олинган б-н қуримас булоқ. Қ. — сочган б-н камаймайдиган хазина. Қ. бир экин майдоники, унда иззат ва шафқат деган мевалар унади. Қ. бир дарахтки, шохларида истиғно ва хурмат деган мевалар пишди. Қ. киши кўнглига равшанлик етказди, кўз ундан ёруғлик касб этади. Қ.ли дарвешнинг қаттиқ нони таъмагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан яхшироқдир. Қ.га одатланган фақирнинг ёвфон умочи олғир бойнинг новвоту ҳолвасидан тотлироғдир. Шоҳ удирки — олмайди-ю беради, гадо удирки — сочмайди-ю теради. Ҳар кимки Қ.га одатланган бўлса, шоҳлик-гадолик ташвишини билмайди... Қ. бир қўрғонки, унга кирсанг, нафснинг галвасидан қутуласан». Навоий талқинида Қ. барча инсоний фазилатларни муҳофаза этадиган, хорлик, муҳтожлик, қадрсизлик, ранжу азоблардан омон сақлайдиган чорадир: «Кимгаки иш бўлди Қ. фани, Билки они қилди Қ. гани». Яъни кишининг бойлиги Қ.ни ўзига касб, одат қилиб олганлигидадир. Маърифатпарвар ватандошимиз А.Авлонийнинг Қ. ҳақидаги қарашлари ҳам бунга ҳамоҳанг: «Қ. ҳасад, таъма, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг гиносидур... Қ. бир хазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини шавқ ва роҳатда кечирурлар. Бунинг ила баробар Қ.сизликдан пайдо бўладурган ҳасад деган жоннинг энг зўр душманидан қутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, маишатина ҳасад қилмас, Қ.дан айрилмас, умрини роҳатда ўтқарур». Хуллас, донишмандлар Қ.ни эҳтиёжсизлик негизи, иззат ва шарафнинг чинакам тантанаси, деб билганлар. Демак, Қ. фал.си хурлик, қалб ва руҳ озодлиги фал.си ҳамдир.

ҚАРИНДОШЛИК — одамлар орасидаги ижт-й-тарихий қондошлик мун-тлари ва ўзаро маън-й яқинликни ифодала-

ган т. Жам-тда қариндошлик ришталари тарихан таркиб топган анъана, бурч ва масъулият даражасида авайлаб-асраладиган, шахслараро боғлиқликдан ҳосил бўладиган ижт-й қадрият ҳисобланади. Қ. т.си бутун жаҳондаги халқларга хос, ҳар бир миллатга мансуб кишилар учун умумий тамойилдир. Шарқ, хус-н, М.О. халқларида унга катта аҳамият берилади. Оилавий маросимлар, расм-русумлар, тўй ва маъракаларда Қ. яққол намоён бўлади. Жам-тда муайян урф-о. ва анъаналар б-н боғлиқ жараёнларда ҳам Қ. ўз ўрнига эга. Аслида Қ. анъаналари инсоният тарихидаги энг қад. жиҳатлардан бири бўлиб, ҳоз. давргача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Шу б-н бирга, гоҳида Қ. айрим салбий ҳолатлар, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик каби иллатларга сабаб бўлиши мумкин. Фарб мам-тларида ҳам бу т.га алоҳида эътибор берилади, унга бағишланган тадқиқотлар учрайди. Мас., Мичиган университети профессори К.Ф.Коттакнинг “Мад-й антропология” дарслигида Қ. гуруҳлари ижт-й бирикма бўлиб, унга аъзолик ўзига хос қоидаларга таяниш ва ҳар бир гуруҳ аъзоси фаолиятининг назорат қилинишини талаб қиладди, деб таъкидланади. Унинг фикрича, Қ. атамалари тизими сони чекланган, ота-она авлоди учун ушбу тизимнинг тўрттаси ва ҳар бир авлод учун олти тизими мавжуд бўлиб, унга ака-ука, опасингил ва тоға-аммалар қиради. М.О., хус-н, Ўз-н худудида маҳаллий аҳолининг ўтроқ турмуш кечириб келган вакилларида Қ. ришталари муҳим аҳамият касб этиб, у “узоқ” ва “яқин” Қ. мезонлари б-н фарқланган. Маҳаллий аҳоли томонидан “ота авлод” ҳамда “она авлод” каби ибораларнинг ишлатилиши оддий кундалик турмуш тарзида Қ. ришталарини нафақат тизим, балки даража (категория)га фарқлашда ҳам муҳим омил саналади. Маҳаллий мун-тларда «етти авлод», «етти пушт» ифодаси Қ.ни белгилаб беришда асосий омил саналади. Булар: 1) ота-она, 2) фарзанд, 3) набира, 4) чевара, 5) эвара, 6) нобора, 7) дубора ва 8) “бегона”. Бу

каби ҳолатни К.Ф.Коттак “аждод гуруҳи” сифатида ифодалайди. Унинг фикрига кўра, аждод гуруҳи давомий бўлса-да, унга мансублик янги аъзоларнинг дунёга келиши ва тирикларининг вафот этиши ҳамда кўчиб келувчи ёки кўчиб кетувчилар ҳисобига ўзгариб туради. Одатда, аждод гуруҳига аъзолик янги аъзонинг туғилиши б-н белгилаб қўйилади ва абдий сақланиб қолади.

ҚАҲРАМОНЛИК — мардлик, ботирлик, довжурликка хос иш, ҳаракат, мардлик, жасорат намуналарини англатувчи т. Қ. ва кўрқоқлик бир-бирига қарама-қарши сўзлардир. Қ. фавқуллода ёки онгли равишда кўрсатилиши мумкин. Фавқуллода Қ. қалтис вазиятларда ёрқин намоён бўлади. Онгли Қ. эса аста-секин, йиллар мобайнида кўзга ташланиб боради. Мас., жанглarda фавқуллода Қ. кўрсатилса, меҳнатдаги Қ. узоқ йиллик ҳалол меҳнатнинг самараси ҳисобланади. Кўрқоқ кишилар учун Қ. нималигини тасаввур қилиш қийин бўлади. Ш.у. Қ. ҳар бир кишига хос хус-ят ҳисобланмайди. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг мазкур сўзнинг қадрини янада ошди. Энди кўрсатиладиган Қ. ўз юртимиз, ўз халқимиз учун бўлади. Бу ғояни барчанинг онги ва қалбига сингдириш орқали унинг қадрини янада юксалтириш мумкин. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алйоминиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган Қ. қўшиғидир. Зеро, бу Қ. эпосини қуйлаб, уни қалбига, шуурига эш қилган миллатни эса ҳеч қандай куч енга олмайди. Кишилиқ жам-тида ушбу фазилатнинг ўрни жуда муҳим. Лекин кундалиқ ҳаётда жонкуяр бўлиш, ҳар куни фидойилик кўрсатиш ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсоннинг қалби пок, иродаси метиндек мустаҳкам бўлиши керак. Шахснинг эзгу мақсад йўлида қилган иши, ҳаракати бошқа бир инсон тақдирида Қ. сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин. Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш ўзини томчилаб, заррама-зарра

ра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай, тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалиқ фазилат мезонига айлантириш — ҳақиқий Қ.дир.

ҚИЁМАТ (араб. ўликларнинг тирилиши, тик туриш, ўриндан туриш) — дунёнинг тугаши ва охираат кунининг бошланиши ҳақидаги т. Қуръонда охираат кунининг бошланиши б-н боғлиқ даҳшатли ҳодисалар, барча мавжудотларнинг ҳалок бўлиши ва қайта тирилиши, бирма-бир сўроқ қилиниб, савоб ва гуноҳлари ўлчаниши, жаннат ва дўзахга киритилиши, дўзах азоблари, жаннат роҳатлари батафсил баён этилган. Қ. тўғрисида ислом бағрида шакллланган алоҳида фан йўналишларининг барчасида фикрлар билдириб борилиши, бу тўғридаги маълумотларнинг кенг шарҳланиши ва а.лар давомидаги тарғиботлар одамларни ёвузлик, ёмонлик, ҳаром, динсизлик, бидъат, жоҳиллик ва б. жуда кўп иллатлардан тийиш мақсадига хизмат қилиши б-н маън-й ҳаётда катта аҳамият касб этган. Одамларда Қ. кунининг сўроқдан кўрқини ҳиссини шакллантириш воситасида маън-й тубанликдан тийилиш, турли-туман эзгу ишларга қўл уриш орқали сўроқ кунини шарафланганлар қаторидан ўрин олишга интилиш фикрини шакллантирган. Қ. ҳақида Авесто. Таврот, Инжил, Забур каби бошқа динларнинг ялоҳий китобларида ҳам қайдлар мавжуд бўлиб, бу матнларнинг моҳияти бир-бирини тўлдириши мумкин.

ҚИЁС (араб. таққослаш) — шариат манбаларидан бири (Қуръон, сунна, ижмо б-н бирга). Қ. энг аввало, яхши-ёмонни бир-бирдан фарқлай олиш, ажратиш, хулоса чиқариш демакдир. Қ.лаш асосида ҳар бир ишни муҳим ва муҳим бўлмаган қисмларга ажратади, тўғри хулосалар чиқарилади. Бунда инсоннинг билими, тафаккури, дунёқараши муҳим роль ўйнайди. Айниқса, унинг маъ-яти, маърифати муҳим аҳамият касб этади. Шахс қанча маъ-ятли, маърифатли бўлса, у шунча адолат, инсонийлик, эзгулик н.назаридан холисона таққослайди ва баҳолайди. Қ.да дастлабки 2 манба — Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга

ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли б-н шарҳ этилган. Мас., ароқнинг шайтон иши эканлиги, уруш-жанжал, адоват чиқариши сабабидан у Куръони каримда ман этилган. Ароқдан бошқа маст қилувчи ичимликлар ҳақида бирор нарса айтилмаган. Лекин мужтахид уламолар маст қилувчи ичимликларнинг ҳаммасида ҳам ароқ каби салбий натижалар бўлишини ҳисобга олиб, унга Қ. қилганлар ва ҳаром деб ҳукм чиқарганлар. Шу б-н бирга Қ. ислом динини замон ва тар-ёт ила ёнма-ён юришида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қ.нинг манба сифатида киритилиши шариатнинг ҳуқуқ тизими сифатида шаклланиши ва руҳонийлар, фақиҳларнинг мавжуд мун-тларни ҳимоя қилишдаги мавқеи ошишидан далолат берар эди. Ислом ҳуқуқшунослигида ҳозирда ҳам Қ.га амал қилинади.

ҚОБИЛИЯТ — инсоннинг маън-ий қиёфасига хос хислатлардан бири. унинг индивидуал салоҳияти, имкониятларини ифодаловчи т. Қ. билимдан муайян даражада фарқланади. Чунончи, билим бу мутлаа натижаси ҳисобланса, Қ. шахснинг психологик ва физиологик табиатига хос хус-яти саналади. Қ. т.сига ёндош ва турдош атамалар қаторига “кўникма” ҳамда “малака” ибораларини киритиш мумкин. Аксарият илмий манбаларда моҳирлик Қ. б-н айнанлаштирилади. Қ. инсон томонидан кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради. Ҳар қандай Қ. тури шахсга тегишли мураккаб психологик хус-ятларга асосланиб, муайян фаолият талабларига муганосиб хус-ятлар тизимини ўз ичига қамраб олади. Ш.у. Қ. деганда бирорта хус-ятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва бу жараёнда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга қурби етадиган хус-ятлар синтези тушунилади. Барча Қ. учун таянч хус-ят — бу кузатувчанлик, яъни инсоннинг фаҳмлаш, объектдан муайян жиҳатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Бу ҳолат инсон томонидан нарсаларнинг ўзига хослигини, ижодий фаолият маҳсули материалларини кўра билиш имконини намо-

ён қилади. Қ.нинг етакчи хус-ятларидан яна бири — нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. Қ. шахснинг шаклланиш ва рив-ш натижаси бўлиши б-н бирга, табиий манбага ҳам эга. Мазкур манба кўпинча “зеҳн” т.си б-н юритилади. Зеҳн муайян фаолиятга ёки кўплаб нарсаларга нисбатан ўта қизиқувчанлик, мойиллик ва интилишда намоён бўлади. Зеҳн нишонлари деганда Қ. ички имкониятларининг табиий асосини тушуниш керак. У иштиёқ, мойиллик, меҳнатсеварлик, ишчанлик, талабчанлик маҳсулидир. Қ.лар умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий Қ. деганда юксак ақлий имконият ва тар-ёт тушунилади. Қ.лар табиий равишда шаклланиши ва муайян режа асосида ривожлантирилиши мумкин. Қ.нинг режа асосида рив-шида оз куч сарфлаган ҳолда катта самара олиш имконияти мавжуд. Қ. шаклланиши ва рив-шининг қуйидаги йўллари ажратиш мумкин: 1) маълум фаолиятга мойиллик ёки интилиш ва фаолият натижалари сифатига биноан, табиий зеҳн нишонларини аниқлаш орқали; 2) мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этиш орқали шахснинг табиий хус-ятларини такомиллаштириш; 3) умуминтеллектуал вазифаларни бажариш; 4) ноёб Қ.ни такомиллаштиришнинг инновацион воситаларини қўллаш; 5) шахснинг фаоллик аломатларини имкон даражасида ривожлантириш; 6) инсон шахсига индивидуал мун-тни умумий талаблар б-н уйғунликда олиб бориш ва б. Талант ва даҳолик (генийлик) Қ. босқичлари ҳисобланади. Муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равишда бажарилишини таъминлайдиган Қ.лар (истеъдодлар) мажмуаси талант дейилади. Муайян жам-т ва миллат ҳаётида ижт-й-тарихий фаолиятда намоён бўлувчи юксак даражадаги истеъдод, ақл-заковат тар-ётининг чўққиси, нодир индивидуал хус-ят даҳолик деб аталади.

ҚОДИРИЙ, Абдулла (асосий таҳаллуслари: Қодирий, Жулқунбой) (1894. 04.10 — Тошкент — 1938.10.4) — XX а. янги ўзб. адабиётининг улкан намоёнчаси, ўзб. романчилигининг асосчиси; 20-йилларда-

ги муҳим ижт-й-мад-й жараёнларнинг фаол иштирокчиси. Боғбон оиласида туғилган. Отаси Қодирбобо (1820–1924) хон, беклар қўлида сарбозлик қилган, рус босқини пайтида (1865) Тошкент мудофаасида қатнашган. Отаси бошидан ўтган саргузаштлар Қ.нинг қатор асарлари, хус-н, тарихий романларининг юзага келишида муҳим роль ўйнаган. Қ. мусулмон мактаби (1904–06), рус-тузем мактаби (1908–12), Абулқосим шайх мадрасасида (1916–17) таълим олди; Москвадаги адабиёт курсида (1925–26) ўқиди. Ёшлигиданоқ қад. Шарқ мад-ти ва адабиёти руҳида тарбия топган; араб, форс ва рус тилларини ўрганган. Жаҳон адабиётини ихлос б-н мутолаа қилган. Оиласи камбағаллашганлиги сабабли болаликдан мустақил меҳнат қила бошлади, турли касбларни эгаллади, маҳаллий савдогарларга котиблик ва гумашталиқ қилди (1907–15). У 1917 йилнинг Октябрь тўнтаришидан сўнг Эски шаҳар озиқа кўмитасининг саркотиби (1918), «Озиқ ишлари» газетасининг муҳаррири (1919), Касабалар шўросининг саркотиби (1920), «Муштум» журнали ташкилотчиларидан ва таҳрир ҳайъати аъзоси (1923–26) бўлди. Қ. ижодий фаолиятининг бошланиши 1910 йилларнинг ўрталарига тўғри келади. «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 1 апрель сониди Қ. имзоси б-н босилган «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали хабар бўлажак адибнинг матбуотдаги дастлабки чиқиши эди. Орадан кўп ўтмай, унинг «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Фикр айлагил» каби шеърлари, «Бахтсиз куёв» драмаси, «Жувонбоз» ҳикояси чоп этилади (1914–15). Қ. ижодининг дастлабки намуналари бўлган бу асарлар миллатпарварлик, маърифатпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, жадидчилик ғоялари б-н суғорилган. Қ.нинг «Улоқда» ҳикояси (1916) 20-а. боши ўзб. реалистик адабиётининг энг яхши намунаси ҳисобланади. Қ.нинг 1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейинги фаолияти асосан матбуот б-н боғланган. Унинг 1919–25 йиллар ораллигида ёзган мақолалари сони 300га яқин. Қ.нинг публицистик чиқишлари аввало ўша даврнинг тарихий ҳужжати, замонасининг солномаси. 20-

йиллар ўрталарида ёзилган «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейдир» сатирик ҳикояларида ҳаётдаги, одамлар табиатидаги муайян салбий ҳодисаларни соф мафкуравий н. назардан туриб, фақат бирёқлама қоралаш, фош этиш йўлидан бормай, характер ва ҳодисаларни холис туриб, мураккаблиги, зиддиятлари б-н кўрсатишга жазм этади.

Қ. ўзб. адабиётидаги биринчи роман – «Ўткан кунлар»ни яратди (1919–20). «Ўткан кунлар» ёзилган давр ўзб. халқи учун миллатнинг озодлиги, мустақиллиги, жаҳондаги ўрни масаласи ҳаёт-мамот аҳамиятига молик эди. Қ. иккинчи йирик асари «Меҳробдан чаён»ни 1928 йил февралда ёзиб тугатди. Роман 1929 йил Самарқандда босилиб чиқди. Гарчи бу роман мавзуи ҳам 19-а. ҳодисалари – «хон замонлари» давридаги ўзбошимчиликларни кўрсатишга қаратилган бўлса-да, унда роман ёзилган давр руҳи кучли. Асарни «Меҳробдан чаён» деб аташ, зиёли уламоларни қаҳрамон қилиб танлашдан мурод муқаддас даргоҳ – саждагоҳдан чиққан чаёнсифат мунофиқ, қаллоб, тубан кимсаларга, ҳасадгўй, эътиқодсиз кишиларга ишорадир. У 1934 йил қишлоқ ҳаётдан «Обид кетмон» қиссасини ёзди. Асардаги Обид образини ўзб. халқининг меҳнат, деҳқончилик мад-ти бобидаги етуклиги тимсоли, дейиш мумкин. Қ. асарлари, айниқса, романлари, кўплаб тилларга таржима қилиниб келмоқда. Қ. зукко тилшунос, забардаст таржимон сифатида ҳам катта ишлар қилди. Н.В.Гоголнинг «Уйланиш» (1935), А.П.Чеховнинг «Олчазор» (1936) асарларини ўзб. чага таржима қилган. Қозонда босилган «Тўла русча-ўзбекча луғат»ни (1934) тузишда иштирок этган. Қ.нинг 44 йиллик умри 20 йиллик ижт-й ва ижодий фаолият даври кескин курашлар, таъқибу таҳдидлар ичида ўтди. Ростгўй адиб шўро даври ҳақидаги бадий асарлари, публицистикасида шўро воқелигига хос зиддиятларни, сиёсатдаги хато ва камчиликларни холис туриб кўрсатишга жазм этди. 1926 йил «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар» ҳажвиясидаги танқи-

дий мулоҳазалари учун «аксилинқилобий ҳаракат қилганлик»да айбланиб қамоққа олинади, турли бўҳтонлар б-н судланади. Судда у мардона туриб, ўз шаънини ҳимоя қилади ва оқланади. Аммо 30-йиллар ўрталарига келиб қатагон кампанияси авжга чиққач, Қ. 1937 йил 31 декабрь куни ҳибсга олинди. 9 ойлик қамоқдаги сўроқ-тергов, қийноқ, хўрликдан сўнг Чўлпон, Фитрат каби маслақдошлари б-н бирга қатл этилди. Қ. ҳибсга олингач, асарлари «зарарли» саналиб ўтда ёқилди, кутубхоналардан йўқотилди, уларни ўқиш тақиқланди. Фақат 1991 йилда юртимиз ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнггина Қ.га юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатила бошланди. Қ. Алишер Навоий номидаги Ўз-н Р-си Давлат мукофоти (1991), «Мустақиллик» ордени б-н тақдирланди (1994). Қ. номидаги Ўз-н Р-си Давлат мукофоти таъсис этилган. Тошкент мад-т инс.тига, Тошкентдаги мад-т ва истироҳат боғига, пойтахтимиздаги катта кўчалардан бирига, республикамиздаги кўплаб мад-т муассасаларига унинг номи берилган. «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари асосида кинофильмлар (1969, 1996, 1973) ва кўп серияли видеофильмлар яратилган.

КОМУСИЙЛИК — шахснинг жуда кўп фанлардан муайян билимга эгаллигини билдирувчи атама. Ўрта а.ларда Шарқда жуда кўп қомусий билимдон шахслар этишиб чиққан. Бу даврда фанларнинг ривш кўлами кенг эмас эди. Қ. “Ҳар соҳадан бир шингил” деган маънони билдирмайдди. Шахс 5–10 та фан соҳасини эгаллаши ва бу соҳаларга оид қатор асарлар ёзиб қолдириши ҳамда ўша асарларни соҳа мутахассислари эътироф этиши зарур. Қомусий билимдон шахслар сифатида Афлотун, Арасту, Улуғбек, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём каби алломаларни кўрсатиш мумкин. Фан жабҳаларини кенг кўламли ва кенг қамровли бўлиб кетгани, илмий-техникавий раванқ туфайли йиғилган йирик ахборот тизимини якка инсон ўзлаш-

тира олмайдиган даражадаги ҳолат юзага келгани Қ.нинг намоён бўлишини қийинлаштиради. Фан соҳаларининг ўта чуқурлашиб кетгани ва унинг муаммоларини фақатгина қомусий билимлар доирасида ҳал қилиш мураккаблиги ҳам бугунги кунда Қ.га таъсир кўрсатмоқда.

ҚОНУН — объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликнинг шакли, бирор бир нарсанинг зарурий равишда пайдо бўлишини ифодаловчи қоида, ш-дек, инсоннинг жам-тдаги хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи йўл-йўриқ, қоидалар йиғиндиси (ахлоқий ва ҳуқуқий Қ.лар). Наз-й билимлар тизимида Қ. масаласи марказий ўринни эгалтайди. Агар Беруний, Галилей, Ньютон Қ.лари классик механиканинг негизини яратган бўлса, Ибн Синонинг тиб Қ.лари тиббиёт илмининг асосини ташкил этади. Максвелл Қ.лари классик электродинамикада, генетикада Мендель Қ.лари ана шундай аҳамият касб этади. Қ. аввало, мун-тни ифодалайди. Гегель айтганидек, барча мавжуд нарсалар ўзаро мун-тда бўладилар, мана шу ўзаро мун-т ҳар қандай мавжудликнинг асосидир. Ҳар қандай Қ. дунёдаги барқарорлик, “сокинлик”нинг инъикосидир, сокинлик эса, мун-т орқали ифодаланади. Ҳар қандай Қ. маълум шароитларда заруриятни ифода этади. Мас., Архимед Қ.и газ ёки суюқликлар учун “оғирлик кучи” ва “итарувчи куч” катталиклари орасидаги зарурий боғланишни кўрсатади.

Табиат, жам-т ва тафаккур ривожини ифодаловчи Қ.ларни 3 турга ажратиш мумкин: 1) хусусий; 2) умумий; 3) энг умумий. Биринчи гуруҳдаги Қ.лар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги нисбатан тор доирадаги алоқаларни функционал тарзда ифодалайди. Иккинчи гуруҳга ҳодисаларнинг умумий хоссалари ўртасидаги мун-тни ифодаловчи Қ.лар кириди. Учунчи турдаги Қ.лар, табиат, жам-т, тафаккур ривожининг энг умумий алоқадорликлари, жиҳатлари, тар-ёти, тенденцияларини ифодалайди. Қ.лар 2 та функцияни бажаради: 1. Тушунтириш. Маълумки, фан бирор-бир ҳодисанинг шунчаки мавжудлигини, рўй беришини эътироф этмас-

дан, у қандай мавжуд бўлиши ва рўй бе-ришини тушунтиради, унинг моҳиятини ҳам очиб беради. Тушунтиришнинг асо-сий кўринишлари қуйидагилардан иборат: сабабли, функционал, тузилмавий. 2. Башорат қилиш (уларни кўпинча наз-й Қ.лар ҳам деб аталади). Бу функция эм-пирик Қ.ларнинг мавжудлигини келти-риб чиқаришда, башорат қилишда намо-ён бўлади. Мас., электр наз-яси асосида Максвелл электромагнит тўлқин наз-яси-ни яратишга муваффақ бўлди, сўнг ушбу фундаментал наз-я асосида бир қанча тажрибалар ўтказилди, эмпирик Қ.лар кашф этилди. Жам-т Қ.лари ҳам инсон ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади. Ана шу сабабдан ҳам Ўз-нда мустақил-лик йилларида Асосий Қ. — Конститу-ция (1992) ва Қ.лар мажмуи яратилди. Улар мам-тимизда демократик жам-т ва эркин ҳаёт барпо этиш воситасидир. Қ. категориясининг мазмунини чуқурроқ билиш объектив оламдаги ва жам-тдаги ўзаро алоқадорлик моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади.

ҚОНУНИЙЛИК — жам-тдаги барча фуқаролар, ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига тўла риоя қилиниши. Қ.нинг мам-т ҳудудида бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши; Конституция ва қонунлар-нинг устунлиги — барча норматив ва ин-дивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар Конститу-ция ва қонунлар асосида қабул қилиниши ва уларга зид келмаслиги; инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг, бурчларининг кафолатланганини ифодалайди. Қ.нинг мад-т б-н боғлиқлиги жам-т аъзоларининг юқори даражада мад-тли, жумладан ҳуқуқий мад-тли бўлганларидагина Қ.га эришиш мумкинлигида намоён бўлади. Қ. мақсадга мувофиқликни, қонун ва қонун ости ҳужжатлари давлат ҳамда жам-т манфаатларига мос келишини англатади. Ижт-й-иқт-й рив-ш, турли хил шаклдаги мулкчилик, жам-тдаги иқт-й эркинликлар; сиёсий ҳурфикрлилик, кўппартиявийлик, давлат тузумининг демократик тамойиллари қонун ва қонуности ҳужжатларини таъбиқ этиш ва назоратини уюштиришнинг

самарали механизми Қ. б-н таъминланади. Қ. шахсий ва ижт-й ҳаётда доимо риоя қилиш шахс маъ-ятининг юксаклигидан дарак беради. Шахс ва жам-т ҳаёти ўзаро уйғун, бир бутун ҳаёт эканини тушунадиган инсонлар маън-й жиҳатдан етук инсонлар бўлиб, улар ҳаётда қонуний талабларга асосланиб яшайдилар.

ҚУРЪОНИ КАРИМ — ислом динининг муқаддас Китоби, 30 пора (қисм), 114 сура, 6236 оят, 77439 калима, 325743 ҳарфдан иборат тўплам. Қ.к. маккавий ва мадинавий сураларга бўлинади. Қ.к.нинг 86 сура, 4613 оят Маккада 610—622 йилларда, 28 сура, 1623 ояти Мадинада 622—632 йилларда нозил қилинган. Қ.к.да аввалги замондаги пайғамбарлар ҳаётидан ибрат ва сабоқлар келтирилиб, одамларни тавҳидга (яккахудоликка) чақирилади. Қ.к. оятларини ўз вақтида ёзиб бориш учун Муҳаммад (с.а.в.) ўзларига тўртта котиб (Али ибн Абу Толиб, Муовия ибн Абу Суфён, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собитларни) тайин этганлар. Қ.к.ни мукамал ёд олган саҳобалар кам бўлган. Устига устак “Ямома” жангида 70 та ва “Мауна” жангида яна 70 та, жами 140 та ҳофизи қуръон даражасига етишган қорилар шахид бўладилар. Мана шундай табиий ҳодисалар сабабли Қ.к.ни китоб ҳолига келтириш эҳтиёжи туғилади. Машҳур муҳаддис Абу Убайд ал Ҳиравийнинг нақл қилишича, Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотига қадар ҳофизи қуръонларнинг сони 24 нафар саҳобаларни ташкил қилган. Қ.к. оятлари мукамал нозил қилиниб тугатилганлиги Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин маълум бўлди. Қ.к. оятлари нозил бўлиш тартиби б-н ёзиб борилмаган, балки Муҳаммад (с.а.в.) ҳар бир сура ва оятни қайси жойга, қайси оятдан олдин ёки кейин ёзишликни мунтазам кўрсатган. Саҳифаларни жам қилиш ва тўлиқ бир китоб шаклига келтириш ҳаракати Хулафои Рошидин даврининг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) замонида бошланган. Бу муҳим ва-зифани Собит ўғли Зайд бошчилигида тўпланган ҳайъат бажарди. Собит ўғли Зайд ғоят эҳтиёткорлик б-н иш кўрди. У

Қ.к. оятларини фақат қориларнинг хотирасидагиларни етарли деб билмади. Айни дамда, Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлигида тайин этилган ваҳий котиблар томонидан ёзилган ҳамма оятларни қўлга олди. Ҳар бир оят учун икки одил шоҳид (гувоҳ) эшитилди. Гувоҳлар Пайғамбар (с.а.в.) кўз ўнгида бу оятларнинг ҳақиқатан ёзилганига гувоҳлик беришган. Халифа Абу Бакр (р.а.) замонида тўпланган бу Қ.к. нусхаси иккинчи халифа Умар (р.а.)га ўтади. Кейин, Умар (р.а.)нинг қизи ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг завжаси (хотини) Ҳафсага қолади. Қ.к.ни китоб ҳолига келтириш учинчи халифа Усмон (р.а.) даврида якунига етади. 650 йил (ҳиж. 30 йил) Усмон (р.а.) халифалиги даврида Қ.к.нинг ўқилиши борасида баъзи ихтилофлар келиб чиққач, иккинчи ҳайъат яна тўланади. Ҳайъат расиси қилиб Собит ўғли Зайд сайланади. Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос, Ибн Аббос, Анас ибн Моликлар ҳайъат аъзолари этиб тайинланадилар. Ҳафсадан келтирилган Қ.к. нусхаси асос тутилиб кўпайтирилади. Бу иккинчи ҳайъатда саҳобалардан 12 киши бор эди. Қ.к. бир ривоятга кўра, 5 нусха, бошқа ривоятларга қараганда 6 ёки 7 нусха қилиб тайёрланади ва мусулмон мам-тларига юборилади. Шундан кейин, Усмон (р.а.) ўша даврга қадар кимда ўзича ҳар кимлардан эшитиб ёки кўчириб олган саҳифалар бўлса, уларни кўйдириб юборишга ва фақат сўнгги ҳайъат тасдиқлаган Қ.к. нусхаларига риоя этишга буйруқ чиқаради. Қ.к. нусхаларидан бирини Ҳазрати Усмон Мадинада ўзида олиб қолиб, (Ҳафсанинг Китоби ўзига қайтарилади) қолган нусхалари Макка, Шом, Яман, Баҳрайн, Басра, Куфа шаҳарларига бир донадан юборилади. Қ.к.нинг илк нусхалари ўша даврдаги арабларнинг асосий ёзуви саналмиш “куфий” хати б-н ёзила бошлаган. Кейинчалик, араб ёзуви тараққий этиб борган сари Қ.к. хати ҳам ривожланиб, ҳозирда “наسخ” ва “сулс” деб аталувчи нуқталар, ҳаракатлар б-н ишоратлаб кўчириш ишлари амалга оширилди. Бизнинг диёримизга ҳам мазкур мусхафи Усманий нусхаларидан бири тур-

ли сабаблар б-н етиб келган ва айни пайтда Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуаси музейида сақланиб келмоқда. Қ.к. шунча давр ўтганига қарамай, 23 йил мобайнида Муҳаммад (с.а.в.)га қандай нозил этилган бўлса, шундай таблиғ этилиб, сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф, асл ҳолича ҳозирга қадар етиб келди ва турли тилларга таржима қилинмоқда. Бироқ, бу таржима эмас, балки олимларнинг фикрига кўра, Қ.к. маънолари, яъни тафсирларидир.

ҚЎРҚОҚЛИК — инсон маъ-яти ва руҳиятида намоён бўлиб турадиган хус-ятлардан бирини ифодалайдиган салбий маънодаги атама. Қ. деганда ўз бурчини унутган, етарли даражада шижоатга эга бўлмаган, бирор ишни бажаришдан қўрқадиган ёки ҳайиқадиган кишилар тушунилади. Қ., айниқса, Ватан, халқ тақдири ҳал қилинаётган қалтис даврларда яққол намоён бўлади. Қ. хус-ятига эга бўлган кишиларга сотқинлик, юзсизлик каби иллатлар ҳам хос бўлиши мумкин. Қ. т.си комил инсонни тарбиялашда, яъни кишидаги “мардлик”, “қаҳрамонлик”, “ирода мустаҳкамлиги” каби т.ларни шакллантириш ва такомиллаштиришда қўрқув ҳиссини енгишга хизмат қилади. Қ. одамни юксакликка эмас, аксинча тубанликка етаклайди. Қ. “Янтоқдан атир чиқмас, қўрқоқдан ботир чиқмас”, “Қўрқоқда уят бўлмас”, “Қўрқоқ от ўз соясидан ҳурқар”, “Қўрқоқ ўлмасдан бурун ўлар, ўликдан нима кутиб бўлар” каби халқ мақолларида ўзига хос тарзда ифодаланган. Қ. хус-ятига эга бўлган кишиларга муҳим вазифаларни ишониб топшириб бўлмайди, чунки ундаги қўрқув ҳисси унинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Шу боис, болаликданоқ бундай иллатдан жирканадиган қилиб тарбиялашнинг аҳамияти беқиёсдир. Қ.нинг хатарли жиҳати шундаки, у бир кишининг кутқуси б-н бошқаларга ҳам юқиши мумкин.

ҚЎРҚУВ — қўрқоқ инсон ҳиссиётининг ажралмас қисмидир. Бу ҳиссиёт бирон кўнгилсиз воқеа кутилаётганда, вазият инсон ҳаёти учун хавфли деб топилганда кузатилади. Қ. юзага келишининг асосий

сабаби — одамнинг бўлажак хавфни бар-тараф эта олмаслигидан қайғуришидир. Қ. хавф ҳақидаги хабар бўлиб, бу ҳолат одамга хавф б-н боғлиқ тўсиқни енгиб ўтишга ички куч беради. Қ. ўз функциясига кўра одамни бирон хавф-хатардан огоҳ этиш, организмни зарарланишдан асраш вазифасини бажаради. Лекин, одамлар доимо Қ.дан ўзларини олиб қочадилар ва ушбу ҳолатни энг салбий ҳиссиёт деб баҳолайдилар. Қ.ларни ўрганиш асосида уларнинг асосий икки гуруҳи аниқланди — вазиятли, яъни айни шароитда юзага келган Қ. ва бўлажак вазият юзасидан уйғонадиган Қ. Бу туйғу инсоннинг табиат, жам-т, нарса ва ҳодисаларни англашида билимсизлиги ҳамда ожизлиги белгиларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзи бир Қ.лар инсонни фаоллаштиради, баъзилари эса аксинча, инсоннинг ҳаракатини чеклаб, уни карахт қилиб қўяди. Қ.нинг доимо такрорланиб туриши унинг сурункали ҳолатга ўтишига асос бўлади. Бундай сурункали ҳолатга ўтган Қ. одам танасида доимий зўриқиш ҳосил қилиши натижасида турли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Қ. инсоннинг ҳиссий кечинмалари, танадаги сиқувлар ҳамда кўрқинчли ҳолатни кўз олдига келтириш сифатида намоён бўлади. Қ. хавф-хатар ҳақидаги хабар сифатида инсонда

журъатсизликнинг уйғонишига, маъ-ятнинг етишмаслигига, натижага умидсизлик б-н қарашга, мағлубиятни кутишга асос яратади. Қ.нинг сурункали равишда такрорланиши ва асоссиз равишда юзага келиши фобия ҳолатини шакллантиради. Фобия (лот. *phobos* — кўрқинч) — маълум шароитларда асоссиз равишда кўрқиш ва ташвишланишдан иборат, енгиш мумкин бўлмаган мутасил кечадиган рухий патологик ҳолат бўлиб, беқарор вегетатив дисфункциялар (юракнинг тез уриши, ҳаддан ташқари кучли терлаш) б-н ҳамкорликда кечади. Одатда, Қ.да мақсадга қаратилган аниқ ҳаракатлар бажарилади. Мас., агрофобия — майдондан, катта кўчадан кўрқиш, каустрофобия — эшикни беркитиб, уйда ўтиришдан кўрқиш, монофобия — ёлғиз қолишдан кўрқиш, атропофобия — кўпчиликдан, халойикдан кўрқиш, назофобия — касал бўлиб қолишдан кўрқиш. Ш-дек, Қ.нинг канцерофобия, кардиофобия, эйротрофобия каби кўринишлари ҳам мавжуд. Рухиятга оид баъзи адабиётларда социофобия атамаси ҳам қўлланилади. Бу — кўпчилик олдида уялиб қолишдан, изза бўлишдан кўрқишидир. Умуман, Қ. маън-й номукамаллик кўринишларидан саналиб, инсоннинг рухий-маън-й жиҳатдан ожизлигини ошкор қилади. Зеро, юксак билимли, маъ-ятли шахс Қ.га берилмайди.



ФАЙРАТЛИЛИК — инсоннинг бирор фаолиятни амалга оширишдаги шижоати, ўз куч-имкониятини тўлиқ сафарбар этиш, меҳнатни самарали ташкил қила олиш қобилиятини англлатувчи т. Ф. инсонда фаоллик, қатъият, шижоат каби хислатлар мавжудлигини кўрсатади. Файратли одамлар: а) мақсадга эришмагунча тинмайдиган; б) эришилган натижа б-н чегараланмайдиган; в) ҳар қандай ишни аввалгидан ҳам кўра яхшироқ бажаришга ҳаракат қиладиган; г) юксак натижа-

ларга эришгач, қувонч ва мамнунлик ҳиссини бошдан кечира оладиган; д) стратегик ва қийин мақсадларни кўзлайдиган; е) енгил ва осон вазифалар б-н чекланмайдиган; ж) янги ва янада юксак натижаларга эришиб, ишини астойдил ва сидқидилдан олиб борадиган кишилардир. Ф. шахснинг қадриятлари ва маълум фаолият турида муваффақиятга эришиши эҳтимолига ҳам боғлиқ. Демак, инсондаги Ф. хус-яти юқорида келтирилган барча сифатлар б-н уйғун бўлиши шарт.

Ғ.да доимий шижоат, қатъият, шиддат-лилик, ўз фикри ва ишида собитқаламлик мужассам бўлгани сабабли бундай сифатлар етакчи ёки раҳбар шахс фаолиятида намоён бўлади. Етакчида Ғ. унинг интилиши ва шижоати, аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, ўз кучи ва имкониятига ишончи каби сифатларида намоён бўлади. Ғ. ундан ўз билими ва имкониятига ишончини, ўзидаги заиф ва кучли томонларини аниқ била олиш, ўзидаги бор салоҳиятни муваффақиятга йўналтира олишни талаб этади. Бу эса мазкур шахс фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайди. Қатъият ва шижоатнинг ҳиссиёт б-н уйғунлашуви кутилмаган тезкор натижаларга олиб келиши мумкин. Физиологик жиҳатдан Ғ. шахснинг узоқ муддат давомида мураккаб вазифаларни бажаришга бардошлилик қобилиятини ҳам билдиради. Шахсдаги Ғ.да унинг куйидаги сифатлари ифодаланади: а) ташкилотчилик қобилияти; б) бошқа одамлар меҳнати учун раҳбарлик масъулиятини ҳис этиш; в) ташкилотчилик фаолиятига ички эҳтиёжи; г) ишларни бажаришда эмоционал кўтаринкилик ҳолатини ҳис этиш. Ғ. ҳар қандай ишда шахснинг фаоллиги, шижоати, шиддати, ташкилотчилигига таянар экан, бу хислат нафақат бошқарувда, балки ўқув фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқув фаолиятидаги Ғ., биринчи навбатда, инсоннинг ўқув фаолиятига киришиб кетиши ҳамда унинг бу борадаги ютуқлари, қатъий тамойиллари, қадриятлари, дунёқараши ва эътиқодини билдиради.

ҒАЙРИАХЛОҚИЙЛИК — маън-й бузилиш оқибатида шаклланадиган, расман тан олинган ёки амалда мавжуд бўлган ахлоқ меъёрлари, талаблар, анъаналар, хулқ-атвор намуналари мос келмайдиган кишиларнинг хатти-ҳаракати, хулқини англаувчи т. Ғ.ни белгилаш мезонлари мутлақ ёки нисбий бўлиши мумкин. «Ёлгон сўзлама», «ота-онангни хўрлама», «зўравонлик қилма», «бировнинг жонига қасд қилма», «ўғрилиқ қилма», «бошқаларга ёмонликни раво кўрма» каби

оддий ахлоқий мезонлар инсоният томонидан алар мобайнида ишлаб чиқилган, вақт синовидан ўтган ва умумэйтироф этилган қадриятлардир. Ғ.ни белгилашнинг мутлақ мезони ана шу тамойилларга асосланади. Маън-й мезонларнинг нисбийлиги эса турли жам-тларда яхшилик ва ёмонликнинг ҳар хил тушунилиши б-н боғлиқ. Инсон хулқ-атворида Ғ. деб тан олинган хатти-ҳаракат бошқа мад-т ёки тарихий даврга тааллуқли меъёрлар, анъаналар, маън-й қоидаларга зид бўлмаслиги мумкин. Кишиларнинг ахлоқ меъёрларига зид. миллий онг орқали шаклланган хулқи ҳам Ғ. деб баҳоланиши мумкин. Ш-дек, ахлоқий меъёрлар сиёсий ва мафкуравий тавсифда бўлган жам-тда (яъни, сиёсий мақсадлар ва ғоявий идеалларга мослари ахлоқий ҳисобланадиган жам-тда) умуминсоний ахлоқий мезонларга асосланган хулқ Ғ. сифатида баҳоланиши мумкин. Ш.у. у танқидга ҳамда жам-т томонидан рад этилишга маҳкум деб ҳисобланади.

ҒАЙРИОДДИЙЛИК (араб. ғайр — бошқа, ўзга; оддий — ҳар вақтдагидек) — табиат ва жам-т ҳодисаларини инсон онгида акс этиши (гносеологик) жараёнларининг турли хус-ят ва босқичларини ифодаладиган фал-й категория. Ғ. табиат ва жам-т воқеа-ҳодисаларининг ҳали илмий таҳрибада ўрганилмаган томонларини ифодалайди. Мас., ҳали фанда тўлиқ ўрганилмаган электромагнит майдон хоссалари, ер шарининг айрим нуқталарида айрим вақтларда магнит майдони кучининг (одатдагига нисбатан кўпроқ) ошиб кетиши ҳоллари, қуёшда содир бўлаётган магнит бўронлари натижасида вужудга келадиган иқлим, радиация шароитларининг кутилмаганда ўзгариш ҳолатлари ғайриоддий воқеликлар жумласига киради. Ғ. жам-т тар-ётида ҳам (детерминизм ва эҳтимоллик қонуниятлари) учрайди. Мас., синергетика таълимотига биноан, табиат ва жам-т тар-ёти узлуксиз янгилашиб туриш жараёнидан иборатдир. Бу жараён доим олдиндан режалаштириш, кўра билиш мумкин бўлган натижалар б-н тугамай, балки кўзланган мақсадлардан узоқ, ку-

тилмаган, ғайриоддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Мас., техноген ва антропоген муаммолар воқеликнинг ғайриоддий ифодасидир. Ғ. инсон учун табиий бўлиб, яъни англаб олинган билимлар мантиқига мос келмайди. Ш.у. Ғ. бўлиб туюлган воқеа-ҳодиса табиат ва жам-тда содир бўлса-да, уларни баъзан «ғайритабиий воқелик», «ғайритабиий қобилият», «ғайритабиий куч» ва ҳ.к. сифатида ҳам талқин этилади. Мас., Нострадамус, Вольф Мессинг, Ванга ва б.нинг табиий қобилиятини инсонлар учун одат бўлиб қолган фақат бугунги билимлар тажрибаси ва хулосалари ёрдамида тушунтириб бўлмайди. Биз учун ҳозирча «ғайриоддий» ҳисобланадиган воқеа-ҳодисага тўлиқ баҳо бериш учун инсон физиологияси, психологияси, интуитив билиш имкониятлари соҳасидаги билимларимизни янада чуқурлаштириш талаб этилади.

ҒАЛАМИСЛИК (араб. ғаламис) — кишилараро мун-тлар ва уларнинг ҳолатига раҳна солувчи; ғийбат, фитна юритувчиликни англатувчи иллат. Ғ. маън-й тамоийилларга мос келмайдиган рухий ҳолат, мақсадга эришишга тўсқинлик қилувчи амалдаги ёки тасаввурдаги тўсқинликнинг юзага келиши б-н ҳам ифодаланади. Ғ.нинг субъектив ҳолати изтиробли безовталиқдан иборат ҳиссий-салбий кечинма, хавотирлик, иложисизлик, жаҳл, ғазаб ва б. ҳисобланади. Ғ. қўйидаги натижаларга олиб келиши мумкин: тажовуз — инсонга, кишилар гуруҳига ёки бошқа мақсадга эришишга халақит берувчи тўсиққа нисбатан куч қўллашни намойиш этиш; хус-ятнинг патологик ривож — удалай олмаслик ҳиссининг пайдо бўлиши, мунтазам равишда ўзига ишонмаслик, шубҳа б-н қараш; асабийлашиш, жазавали ҳолатлар, таназзул ҳолати. Муайян халқ ёки давлатни, бирон-бир шахсни, унинг ютуқларини кўролмаслик, тинч ва барқарор ҳаётга раҳна солиш йўлидаги хатти-ҳаракатлар ҳам Ғ. тарзида намоён бўлиши мумкин. Инсоният тарихида бундай ҳолатлар содир бўлиб туради. Мас., суғориш тизимининг атайлаб узоқ йиллар мобайнида нотўғри қўлланиши натижасида қад. Бобил давлатининг ерлари ниҳоятда шўрланиб кетган, аста-секин у жойда яшаш

мумкин бўлмай қолгани, давлатнинг та-назулга юз тутгани маълум. Орадан икки ярим минг йил ўтса-да, бу ерлар ҳамон яшаш учун яроқсизлигича қолмоқда. Ёки ваҳҳобийларнинг Ғ.и туфайли бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас ҳисобланган пайғамбаримиз қабрининг таҳқирланиши, салб юришлари. Европада ўрта аларда христианликнинг софлигини сақлаш шиори остида ҳурфикрли кишиларнинг қатагон қилиниши, собиқ иттифоқ давридаги қатагонлар ҳам бунга яққол мисол бўлади. Бугунги кунда халқаро терроризм инсониятга катта таҳдид солмоқда. Жам-тда доимий кўрқув, фитна — Ғ. муҳитини вужудга келтириш, зўравонлик йўли б-н унинг барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсадларда ўлдириш ва портлатишлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини кўрсатади.

ҒАРАЗҒҮЙ(ЛИК) — маън-й иллат, манфаатпарастлик, бузғунчи мақсад йўлидаги хатти-ҳаракат, пинҳона ва ошкор адоватни англатувчи т. Ғ. инсонга хос салбий хус-ятлардан бири бўлиб, аксарият ҳолларда пинҳона кечадиган рухий ҳодиса. Ғ. ўзб. тилига араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, этимологик жиҳатдан “манфаат” маъносини беради. Ғ. туфайли ижт-й турмушда соғлом муҳит бузилади, оқибатда кишилар орасидаги дўстлик, диёнат, меҳр-оқибат бузилади. Унинг замирида бошқа кишилар бахт-саодатини кўролмаслик, ёмон ният, ғайирлик, ёвуз мақсад яширинган. Ғ.нинг зидди — беғаразлик, холислик, самимиятдир. Ғ. киши атрофдагиларга фақат шахсий манфаатдорлик юзасидан мун-тда бўлади. Ғ.нинг объекти — ён-атрофдагилардан маълум бир киши ёки кишиларга қаратилган адоватли мақсад. Ғ. киши маълум бир ниятини амалга оширмагунча ундан Ғ. асоратларини топиш қийин. Чунки, у ўз ниятини ҳаммага ошкор қилмайди, Ғ. оқибатида пайдо бўлувчи мақсаднинг ёмонлигини ҳам яхши билади. Ғ. нафақат ўзаро шахсий мун-тларга, балки жам-т турмуш тарзига ҳам салбий таъсир кўрсатади ҳамда кишилар ўртасига адоват, гина-қудурат, беғоналик, охир-оқибат душманлик уруғи-

ни солади. Ғ.нинг жам-т олдидаги ижт-й моҳияти — шахсий манфаатпарастликдан иборат. Ғ. мавжуд жойда рив-ш бўлмайд-ди, у нафақат киши маъ-ятини ғорат қилади, балки жам-т турмушини орқага тортади. Ш-дек, Ғ. фақат ўзгаларга эмас, балки феъъл эгасининг ўзига ҳам зарар келтиради. Чунки, у Ғ. туфайли бирор мартаба ёки маън-й-моддий фаровонликка эриша олмайди. Ғ., шаклидан қатъи назар, улкан маън-й йўқотишдир. Ғ.ни бартараф қилиш асосан кишининг ўзига боғлиқ. Қолаверса, ҳамроҳида, ҳамкасбида, кўшнисиди, турмуш ўртоғида Ғ.ни сезган киши ўз вақтида оқиллик б-н уни бу иллатдан воз кечишга даъват этади. Соҳибқирон Амир Темури ўғитларида таъкидланганидек: “Ғ., бузуқи ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табақдаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки, олам аҳлининг барчаси дунё-талабдир. Агар вазирлар бундай одамларнинг кўнглига қарасалар, давлатга хиёнат қилган бўлурлар, қарамасалар, улар вазирларга душманлик қилурлар”. Халқимизнинг “Юрагида ғарази бор дўст душмандан баттар” деган мақолида ҳам ана шу иллатнинг моҳияти ифодаланган.

ФИЖДУВОНИЙ, Абдулхолиқ (1103–1179) — ислом фалсафаси ривожиди ўчмас из қолдирган мутафаккир. Ў.О. ва бутун мусулмон оламида кенг тарқалган “хожагон” тариқатининг асосчиларидан бири. У 1103 йилда Фиждун шаҳрида дунёга келган. Ғ. ўша даврнинг йирик мутасаввифи Хожа Юсуф ал-Ҳамадонийнинг шогирди, халифасидир. Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний Хожа Аҳмад Яссавий ва Ғ.нинг муршиди, пири бўлиб, уларни ҳамда Хожа Ҳасан Андоқий ва Абдуллоҳ Баррақий каби шогирдларини ислом оламида машҳур алломалар сифатида вояга етказди. Хожа Юсуф Ҳамадоний зикри хуфия, яъни овоз чиқармасдан дилида зикр қилиш тарафдори эди. А.Ғ. Юсуф Ҳамадоний б-н бирга Балх, Марв, Самарқанд, Исфаҳон, Бағдод шаҳарларига сафар қилади. 1179 йилда Фиждунда вафот этади.

Маълумки, Ҳамадоний солиқ (тариқат йўлига кирган)лар амал қилиши зарур бўлган тўртта хулқ-одоб қондасини ишлаб чиққан эди. Булар “хуш дар дам”, “назар дар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман”дир. Ғ. ўз устози ишлаб чиққан қоидалар тизимига яна 4 та қоида киритган эди. Булар “ёдқард”, “бозгашт”, “нигоҳдошт” ва “ёддошт”, деб аталган қоидалардан иборат эди. Ғ. Хожа Юсуф Ҳамадоний шакллантирган тариқат йўлини “хожагон тариқати” таълимоти сифатида элга танитди. Мазкур таълимот кейинчалик нақшбандийлик таълимотининг камол топишига катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида Баҳоуддин Нақшбанд Юсуф Ҳамадоний ва А.Ғ. илгари сурган 8 та қоидага яна 3 та қоида киритади. Бу қоидалар “вуқуфи замоний”, “вуқуфи ададий” ва “вуқуфи қалбий” номи б-н юритилади. А.Ғ. бир неча асарларнинг муаллифидир. Шулардан бири “Одоби тариқат” (“Тариқат одоби”) ёки “Рисолайи васоё” (“Насихатлар рисоласи”) дейилади. Ушбу рисола А.Ғ.нинг халифаси Хожа Авлиё Кабирга бағишланган. А.Ғ.нинг яна бир асари “Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний” (“Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тутган ўрни”) ёки “Рисолайи соҳибийа” (“Дўстлик ҳақида рисола”) деб аталади. Мутасаввифнинг яна бир асари “Аз гуфтори Абдулхолиқ Фиждунвий” (“Абдулхолиқ Фиждунвийнинг айтганлари”) номи б-н юритилган. Булардан ташқари, унинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар манокиб, мақомат ва тазкираларда ҳам кўп учрайди. Ғ. ўз асарларида билим эгаллаш, инсоний фазилат ва хулқ одоби қоидаларини касб қилиш, покланиш, сахий ва камтар бўлиш, нафсни жловлаш, ҳалоллик, одамийлик, меҳр-шафқат, ўзгаларга ёрдам бериш, одобли ва хушмуомалали бўлиш ҳақида сўз юритади. Бахиллик, бойликка ружу қўйиш, очкўзлик, ҳасад, ҳаром-хариш ишларга берилиш, кибр ва манманлик каби ярамас ва тубан иллатларни қоралайди. Аллома инсон маъ-ятининг оламни англаш б-н боғлиқ жиҳатлари ҳақида фикр юритар экан, “қоинот (борлиқ) ожиздир, чунки у сизнинг хизматингизга топширилган.

Сиз ҳам ожиз ва ҳожатмандсиз. Фойдаю манфаатга, яроқли нарсаларга муҳтож бўлганингиз учун дунё сизларга бўйсундирилди. Коинотнинг қадр-қиммати ва устунлиги очиқ-ойдин маълум. Зеро, у сиз учун фойдалидир. Сизнинг коинотдаги устунлигингиз ҳам очиқ-ойдин равшан. Чунки унинг фойдали ва завқли жиҳатларидан фойдаланишингиз мумкин. Шу боис коинот бир томондан ожиз бўлса, бир томондан саййид-хожадир. Сиз ҳам бир жиҳатдан борлиқни бошқарувчисиз, иккинчи жиҳатдан эса ожизу муҳтожсиз. Коинотнинг ожизлиги сизга муҳтож бўлгани сабабдир. Устунлиги эса коинот ва унинг хизмати туфайли ҳаёт кечирасиз, хуллас, ҳаётингизни давом эттирмақ учун барча аъзоларингиз б-н дунё ва коинотдан фойдаланинг”. деган фикрларни баён этади.

Мутафаккир фикрича, зийраклик, хушёрлик тоқати миқдорида уни тасаруф этса ва табиат, хилқат баҳраманд бўладиган даражада идора этса, улар одам яратилиши ва табиати тоқати етадиган меъёрда бўлса, фойдалари бениҳоядир. Бироқ, сабру тоқат чегарасидан тажовуз қилса (чиқса), инсонни тамоман ҳалок этади ва катта-ю кичик барча нарсаларни йўқ қилади. Ҳолбуки, инсон хизматидаги бу нарсаларни бошқарувчисидир. Бу ишнинг чораси ва йўли мувоозатни сақлаш, ўлчов доирасида ҳаракат қилиш, ҳаддан ошмасликдир. Бу ҳолатда яшаш, борлиқни давом эттириш ва барқарорлигини сақлаш, боқий ва давом этиш (яшаш) учун фойдалисини олиб, зарарлисини тарк этишга имкон беради. Натижада, инсон яшайди. Шунда тасаруфи остида бўлган нарсалар ундан парвардигорига шикоят қилмайди.

Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида А.Ф. нинг номи қайта тикланди. 2003 йилда таваллуди кенг нишонланди. Ғиждувонда улкан мажмуа барпо этилди.

ҒИЙБАТ — бирор кимсани камситиб, айбситиб, ёмонлаб гапириш, фисқу фасод тарқатиш каби маън-й иллатни англатувчи т. Маън-й меросимизда бирор

кимсада мавжуд сифат унинг ортидан айтилса ва бу Ғ. қилинаётган одамга ёқмаса Ғ. дейилади. Ш-дек, Ғ. хиёнат кўринишларидан бири ҳисобланади. Ғ. — Ғ.чининг маън-й тубанлигини кўрсатувчи, инсонлар ва жам-т учун зарарли бўлган, жам-тдаги тартиб-интизомни издан чиқарадиган ва инсонлар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб кетишига сабаб бўладиган иллатдир. А.Авлоний таъкидлашича: “Ғ. деб бир кишининг камчилик ва қусурини орқасидан сўйламакни айтилури. Ғ.ни сўйламак ҳаром ўлдиғи каби эшитмак ҳам ҳаромдур. Киши ўз нафсига лаззат умиди ила бировни Ғ. қилуб, этини чайнамак гуноҳ ҳам инсоният номина ярашмаган энг ёмон ахлоқи замималардандур”. Шарқ донишмандларидан Хаёлиддин Ҳасаний фикрича, Ғ. қабиҳ феъллардан биридир. Ғ. оз бўлса-да, келтирадиган зарари катта. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза гапларни гапиришнинг барчаси Ғ. ҳисобланади. Қуръони каримнинг “Ҳужурот” сураси 12-оятда “...(Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни Ғ. қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана, ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган Ғ.ни ҳам ёмон кўрингиз)...” дейилган. Ш-дек, ушбу сура изоҳи мазмунида ўзгалар ҳақида ёмон гумон қилиш, бировларнинг айбларини топиш учун орқаларидан жосуслик — айғоқчилик қилиб юриш каби ёмон иллатлардан мўминлар қайтарилганлиги, Пайғамбар алайҳис-саломнинг “Ғ. қилиш (бировни ноҳақ) ўлдиришдан-да ёмонроқдир” деганлари ҳақида баён қилинган. Амир Темурнинг “Темур тузуклари”да бундай таъкидланади: “Қайси вазир Ғ. гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотишнинг пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим”. Ҳадисда ёзилишича, кимки одамларни Ғ. қилишдан тилини тийса, Тангри ҳам унинг нуқсонларини фош қилмайди. Ғ. б-н шуғулланувчи

ҳар қандай шахс ўз қиёфаси, салбий хатти-ҳаракати б-н жам-тда, инсонлар ўртасидаги мун-тларда носоғлом муҳит пайдо қилади ва одамлар соғлиғига, улар ўртасидаги ўзаро мун-тларга салбий таъсир кўрсатади. Ғ. — қалбларга қилинадиган хиёнатдир. Зеро, инсон бошқа гуноҳларни нафсининг лаззати учун қилади. Аммо Ғ. соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бошқа бир кишининг бошига бало ҳозирлайди. Чунки сўз бориб Ғ. қилинмиш кишининг қулоғига етади. У ғазабланиб, Ғ.чидан ўч олиш фурсатини пойлайди. Шундай қилиб, Ғ. соясида икки инсон орасига душманлик тушади. Шу тариқа, Ғ.дан адоват туғилади ва у туфайли душманлик зўрайиб, ўз ораларида пайдо бўлган хусусий жанжаллар бутун аҳоли орасида нифоқ уруғининг сочилишига сабаб бўлади. Ш.у. Пайғамбар (С.А.В.) ҳадисларида «Ғ.дан сақланингиз, Ғ. зинодан ҳам ёмонроқдур», дейилган.

ҒОЯ (араб. ғоят сўзининг шакли) — луғавий маънода ниҳоя, интиҳо, охир, поён ҳамда орзу, мақсад, ният, мурод, режа маъноларини англатувчи т. Ҳоз. даврда Ғ. инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижт-йи характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жам-т ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган улугвор фикр маъносини англатади. Ғ. одамларни уюштириш, жам-т ҳаётига бево-сита таъсир ўтказа олиш хус-яти б-н фарқланади ва у икки: эзгуликка қаратилган — бунёдкор ва бузғунчиликка йўналтирилган — вайронкор Ғ.лардан иборат. Бу масаланинг муҳим наз-йи асослари, бунёдкор ва вайронкор Ғ.ларнинг мазмун-моҳияти Президент И.А.Каримов асарларида кўрсатиб берилган. Ғ. бу муайян рўёлик (хаёлий образ) ҳақидаги фикр ёки тасаввур бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода, у фал., психология ва б. фанларда қўлланади. Бундан ташқари, мазкур т.нинг махсус, баъзи йўналишларга оид маънолари ҳам бор. Санъат ва фанда Ғ. деб асарнинг бош фикри, наз-я ёки кашфиётнинг умумий тамойилига айти-

лади. Унда муайян тажриба натижалари умумлашади ва билим шаклига айланади. Бу ҳолда Ғ. фақат мавжуд ҳолатнигина ифодаламайди, балки рив-ш тамойилларини кўрсатади, келажакка ундайди. Ғ.нинг кучи ва таъсири унинг воқеликка қанчалик мос келиш-келмаслигига боғлиқ. Ғ.да ҳаёт, воқелик қай тарзда ўзгариши ҳақида кўрсатма, кўзланган мақсад мужассам ва шу туфайли у йўналтирувчи кучга эга. Ҳамонки, жам-т ўз ривожиди Ғ.га муҳтож экан, Ғ.сиз жам-т йўқ. Фақат икки жиҳатни эсдан чиқармаслик керак. Биринчиси шуки, жам-тда эзгу Ғ.лар устунлик қилмаса, ёвуз Ғ.лар бош кўтараверади. Иккинчи жиҳат шундан иборатки, агар жам-тда шу жам-т аъзоларининг манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш, йўналтириш, амалга оширишга қаратилган Ғ.лар ўртага ташланиб, жорий этилмаса, ўзгалар манфаатини кўзлайдиган ёт Ғ.лар кириб кела бошлайди. Инсон ҳаётида ҳам, жам-т тарётида ҳам Ғ.лар муҳим ўрин тутлади. Шу маънода, инсоният тарихи Ғ.лар тарихидир. Ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижт-йи тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади. Мафкура эса Ғ.лар асосида шаклланади. Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, Ғ.лар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, Ғ.лар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки н.назар Ғ. бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина Ғ. бўла олиши мумкин. Илмий адабиётларда “Ғ.”, “мафкура”, “идея” ва “идеология” т.лари ишлатилади. “Идея” ва “идеология” кўпроқ Ғ.лар давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. “Идеология” (idea — ғоя, т., logos — таълимот) атамаси Ғ.лар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади: Ғ.ларнинг мазмун-моҳияти, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифо-

далайди ва илмий соҳа ҳисобланади; муайян Ғ.ни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизими-ни англади. Ғ.ларнинг оддий фикрлардан фарқи шундаки, булар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жам-т) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғ. шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади. Ғ. моҳиятан ижт-й характерга эга. Муайян Ғ.лар одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жам-тнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жам-тда мавжуд Ғ.лар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва Ғ.ларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги Ғ.ларни яратади ва тарғиб этади.

Ғ.лар ўз ибтидоси ва интиҳосига эга. Улар ҳам маълум макон ва замонда пайдо бўлиши, жам-т ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишилар онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба, куч-қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши мумкин. Ғ.га таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хус-ятларни санаб ўтиш лозим. Ғ.нинг энг муҳим хус-яти – инсон ва жам-тни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидир. Ижт-й онгнинг барча шакллари – илм-фан, дин, фал., санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ – муайян Ғ.ларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз Ғ.лари мавжуд бўлади. Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, Ғ.ларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Мас., диний, илмий, фал-й, бадиий, ижт-й-сиёсий, миллий, умуминсоний Ғ.лар ва ҳ.к. Диний Ғ.лар – ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидалардир. Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисалар-

нинг илоҳий қувватга эгаллиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Мас., ҳиндларнинг диний тасаввурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин. Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган политеизм динлари вақти келиб монотеистик – яккахудолик Ғ.си асосидаги динларга ўз ўрнини бушатиб берган. Яккахудолик Ғ.си миллий динларда (мас., иудаизмда), айниқса, жаҳон динлари – христианлик ва исломда ўз ифодасини яққол топган. Хус-н, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги Ғ.си асосида унинг барча ақидалари, рукнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган. Илмий Ғ.лар – фан тар-ётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устувор қоидаларини ташкил қиладиган илмий фикрлардир. Ғ.ларнинг «ҳаёти», уларнинг пайдо бўлиши, рив-ши, бошқа Ғ.лар б-н ўзаро мун-ти, кураши ва ниҳоят, эскирган Ғ.ларнинг янгилари б-н алмашиниши, айниқса, илмий Ғ.лар мисолида яққол намоён бўлади. Қад. юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси деб «атом» т.сини киритган эдилар. Птолемей-Арастудан тортиб, ўрта а. Улугбек астрономиясигача дунёнинг маркази Ер деб ҳисоблаб келганлар; Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий Ғ.ларига асосланган эди. Илм-фан тар-ёти атомнинг бўлиниши, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар б-н исботлади; квант механикаси, ирсият наз-яси ва б. кўплаб кашфиётлар қилинди. Дунёга А. Эйнштейн, Н. Бор, Ф. Резерфорд, М.С. Кюри ва б.нинг номларини машҳур қилган ядро физикаси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий Ғ.лар асосига қурилган. XX а.да инсоният ниҳоятда кўп илмий Ғ.ларни амалиётга айлантирди. Космик ракеталар, компьютер ва уяли телефонлар, ТВ ва б. соҳалардаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўлади. Фан тар-ёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жаранда амалиётда тасдиқланмаган, эскир-

ган қарашлар янги илмий Ғ.лар б-н ўрин алмашаверади. Фал-й Ғ.лар — ҳар бир фал-й таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий т. ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилик жам-тининг тар-ёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар юзасидан мулоҳаза юритиш асосида шаклланади. Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва илоҳиётчилари турфа хил Ғ.лар яратганлар. Аммо фал-й Ғ.лар ҳақида гап кетганда, жаҳон фал-й фикри ривожига беқийс ҳисса қўшган ўзб. мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас. Имом Бухорийнинг ҳақиқий инсонлар ҳақидаги, ал-Хоразмийнинг илмий Ғ.лари, Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ мунтига оид, Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги, адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фал-й Ғ.ларнинг ёрқин намунасидир. **Бадий Ғ.лар** — адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, унда кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинадди, бадий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради. Бадий таъсир воситалари жуда катта кучга эга. Инсон ва жам-т онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракат ва жунбишга келтиришда бадий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти беқийсдир. Миллий Ғ.ни тарғиб этиш, халқ онги ва қалбига сингдиришда ҳам улар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ижт-й-сиёсий Ғ.лар — ҳар бир халқ ва умуман башариятнинг орзу-умидлари, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни ифодалайди. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик Ғ.лари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас Ғ.лар халқларга куч-қувват ва ил-

ҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган. Озодлик Ғ.си — мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган Ғ.дир.

ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚ — муайян шароитда жам-т, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолатини англатувчи т. Ушбу т.нинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хус-ятлари Президент Ислом Каримов асарлари, айниқса, “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида далил ва мисоллар асосида чуқур ёритиб берилган, унинг оқибатларини бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Муайян ақида, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижт-й-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жам-тда Ғ.б. вужудга келади. Ғ.б.нинг юзага келиши чуқур ижт-й-сиёсий, маън-й-психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Ғ.б. у вужудга келган вақтгача маълум миллат, халқ, жам-т ёки уларнинг таркибий табақаларидан бири онгида устувор аҳамиятга эга бўлган интилишлар, мақсадлар, орзу-умидлар, амалий ҳаракат асослари барҳам топган, инқироз маълум бир соҳада одамларнинг оммавий т.си ёки ҳаракатига чек қўйган ва улар шу соҳада барча учун маъқул келадиган бирор-бир ғояга эга бўлмаган шароитда вужудга келади. Бундай шарт-шароит кўпинча давлат тузумининг алмашинуви, ички низолар авж олган ёки жам-тда ғайриинсоний бошқарув тизими амал қилган вақтларда ҳосил бўлади. Шароитга боғлиқ равишда Ғ.б. давомли ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин. Ғ.б.ни бир неча турларга бўлиш мумкин. Мас., маън-й Ғ.б. ҳолати жам-т узоқ вақт ўз тарихий маън-й қадриятларидан ажратиб қўйилганда, жам-т маъятига хорижий маън-й анъаналар катта салбий таъсир ўтказиши оқибатида бутун бир жам-тга хос маън-й қадриятлар

парчаланиб кетганда юзага келади. Мад-й, сиёсий, ҳуқуқий, иқт-й, миллий Ғ.б.ларнинг ҳам ана шундай ўзига хос объектив сабаблари мавжуд. Ғ.б. жам-тдаги маълум бир соҳанинг яхши ривожланмагани ёки ривожлантирилмаётгани б-н ҳам изоҳланиши мумкин. Мас., маълум бир жам-т аъзоларида ташаббускорлик ёки тadbиркорлик хус-ятининг сустлиги ёхуд шу хус-ятларни намоён этишга йўл бермайдиган тўсиқларнинг ҳаддан ташқари кўплиги шу соҳада Ғ.б. ни келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, маълум бир жам-тга хос Ғ.б. яхлит бўлиши ёки алоҳида йўналишлар б-н боғлиқ бўлиши мумкин. Мас., техник жиҳатдан юксак тараққий этган жам-т маъ-ятида Ғ.б. бўлиши мумкин ва ҳ.к. Ғ.б. яхлит намоён бўлган жам-тлар қарамликка маҳкум бўлади, маълум соҳаларда Ғ.б. қа дуч келган жам-тлар эса ташқи таъсирга ён бериб яшашга мажбур бўлади. Шунга кўра, мавжуд давлатлар доимо ўз Ғ.б.ларини беркитиш, ҳимоялаш, унга ёт ғояларнинг кириб қолишига йўл қўймасликка уринади. Бошқалари эса тарафдорлари сафини ёки тобе ҳудудларни кенгайтириш мақсадида ўз ғояларини бошқа жам-тларга сингдиришга ҳаракат қилади. Одатда, янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўтириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади. Ғ.б. пайдо бўлишининг яна бир манбаи — жам-тда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганидир. Агар давлат ёки миллат, ижт-й гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатлари, мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, Ғ.б. пайдо бўлади, ишонч-эътиқод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлиб, ўз йўлини йўқотиб қўяди. Ғ.б., имонсизлик, манқуртлик жам-т учун жиддий хавф солади. Агар Ғ.б. пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатига бегона

турли хил мафкуравий ғоя ва қарашлар эгаллаб олиши ҳамда ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Ш.у. ўз келажагини ўйланган ҳар бир давлат ва жам-т Ғ.б. пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақида ва ёт қарашларни инкор этиш б-н бирга, илғор фикрлар, улғувор мақсад ва эзгу орзуларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади. Миллий истиқлол мафкураси Ғ.б.га йўл қўймайди, маън-й ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаронинг манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали ғоялар б-н бойитади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди. Президент И.Каримов Ғ.б. мазмун-моҳияти ва оқибатлари ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “... коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик аъна ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одами ташвишга солмай қўймайди”. (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 117-б.).

ҒОЯВИЙ ЗИДДИЯТ — турли манфаат, мақсад ва интилишларни ифодаловчи ғоялар ва уларга таянадиган кучлар ўртасидаги зиддият ҳолати ҳамда қарама-қарши мун-тларни ифодаловчи т. Бундай зиддият замирида талаб-эҳтиёжлар, мақсад-муддаолар, уларни қондириш усуллари, йўллари ва воситаларининг ҳар хиллиги ётади. Озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари б-н босқинчилик, тажовузкорлик ва мустабидлик ғоялари ўртасидаги кураш бунинг ёрқин мисолидир. Инсон ва жам-т бор экан, эзгу ғоялар-

нинг қарама-қаршиси бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзоднинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тар-ёт ва фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишини асло тўхтата олмайди. Ғ.з. ва курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-ҳийла ишлатиб келинди. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилди. Босқинчиларнинг динлари, қадриятлари зўрлаб татбиқ этилди. Эрк ва мустақиллик, адолат ва ҳаққоният ғоялари шафқатсиз равишда бўғиб кўйилди. Инсоният ўзлигини англай бошлаган ҳоз. замондагина Ғ.з.ларни демократия ва плюрализм тамойили асосида ҳал қилиш имкониятлари пайдо бўла бошлади. Мас., Президент Ислам Каримов томонидан юксак мафқуравий мад-тни мужассам этган ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат б-н курашиш ҳақидаги тамойилнинг илгари сурилиши ана шу мақсадга йўналтирилган. Ғ.з.лар шу қадар кенг тармоқланишга эгаки, оқибатда унинг юзага келиши, тузилишини ифодаловчи ҳар қандай тизим нисбий характер касб этади. Ғ.з. т.си алоҳида инсоннинг ички дунёси зиддиятларидан бошланиб, қитъалараро юз берувчи зиддиятли мун-тларни ҳам қамраб олади. Ш-дек, Ғ.з. “ғоявий кураш” т.сининг муқобили сифатида ҳам қўлланиб, ундан келиб чиқувчи қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши масаласи фал. фанида кенг ўрганилади. Худди шу каби, ғоявий бирлик Ғ.з.нинг зидди ҳисобланади. Инсон онгида маълум бир ғоя ва унинг атрофида бирлашган фикрлар, худди шу инсон онгидаги бошқа бир ғоя ва унинг атрофида бирлашган фикрларга қарама-қарши келганда инсон шу-урида, руҳиятида Ғ.з. пайдо бўлади ва бу зиддият улардан бири енгиб чиққандагина барҳам топади. Инсон мун-тларида Ғ.з.лар амалий фаолиятга туртки берувчи асос вазифасини бажаради. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда давлатлараро сиёсий, минтақалараро иқт-й, халқлараро

ҳуқуқий, миллатлараро мад-й, ҳудудлараро маън-й Ғ.з.лар глобал зиддиятлар даражасига кўтарилгани кўзга ташланади. Давлатлараро сиёсий Ғ.з.лар маълум бир давлат сиёсатида ишлаб чиқилган алоҳида ёки бир неча давлатларга мун-тни ифодаловчи ғояларнинг мазкур давлат ёки давлатлар ғоявий қарашларига қарама-қаршилиги, мос тушмаслигидан келиб чиқади. Ш-дек, маълум бир давлатнинг ўз худуди, ўз жам-ти учун ишлаб чиққан ғоялари, у б-н амалий мун-тдаги бошқа давлатлар ички ва ташқи ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда ҳам давлатлараро Ғ.з.лар пайдо бўлиши мумкин. Мас., маълум бир давлат худудида яшаб келаётган бошқа давлат фуқаролари, ўзга миллат, ўзга дин, ўзга тил вакиллари эркинликларини чекловчи ғоялар сиёсий амалиётга татбиқ этилганда шундай ҳол юз берганлигини кўплаб давлатларнинг тарихий-сиёсий мун-тларида кузатиш мумкин. Миллатлараро мад-й Ғ.з.лар маълум бир миллатга оид мад-й анъаналарнинг бошқа бир миллат мад-й анъаналарига таъсирининг ортиб бориши оқибатида юзага келадиган зиддият бўлиб, чуқурлашганда низоли жараёнларни вужудга келтириши мумкин. Тарихда бундай воқеалар ортида келиб чиққан фожиали оқибатлар кўплаб учрайди. Бугунги дунёда юксак техник мад-т ва кўпроқ тарихий анъанавийликка содиқлик икки қутб мам-тлари, халқлари орасидаги Ғ.з.ни ҳосил қилган ва унинг тинч йўл б-н бартараф қилинмаслиги инсониятни ҳалокатга олиб борувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Ҳудудлараро маън-й Ғ.з.лар маълум бир ҳудуд халқлари маън-й дунё-қараш, анъаналари, қадриятлари, меросининг бошқа ҳудудларга таъсири яққол кучайганда вужудга келади ва б. мун-тларга ҳам таъсир кўрсатади. Мас., биргина диний эътиқод ёки буюкмиллатчилик омили тарихда жуда катта ва узоқ йиллик урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Ёки маълум бир миллат маън-й қадриятлари, анъаналари, мероси динига қилинган тажовуз ёхуд тазйиқ жам-тда маън-й Ғ.з.ларни келтириб чиқаргани маълум.

ФОЯВИЙ МУТААССИБЛИК – тўғри деб ҳисобланган муайян фикр, ғоя, ақидадан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билиш, уларни кўр-кўрона инкор этишга асосланган қараш ва амалиётни англатувчи т. Ғ.м. турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлса-да, улардаги умумийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблаш, ўз қарашларини мутлақлаштириш, унга қўшилмаганларга қарши фаолият олиб бориш, уларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Ўрта а.лардаги инквизиция, баъзи Ғарб мам.-тларидаги неофашизм ғояларни тарафдорлари ҳаракатлари Ғ.м.ка мисол бўла олади. Собиқ иттифокдаги ҳукмрон мафкура ҳам ана шундай жиҳатларга эга эди. Унинг ғояларидан ўзгача фикрлаган кишилар, мас., диндорлар, маърифатпарвар зиёлилар, мад.-т, адабиёт, илм-фан намояндalари, давлат арбоблари қатағон қилинган, фаннинг эса ҳатто бутун бир соҳалари ривожлана олмаган эди. Генетика, кибернетика, социология, политология, идеология каби соҳаларга бу фанлар б-н боғлиқ мавзуларни тадқиқ этишга изн берилмагани фикримизга далил бўла олади. Ғ.м. мусулмонлар орасида ҳам бор. Баъзи мутаассиблар динни худди Пайғамбар алайҳиссалом даврларидаги каби ҳолатга келтириш керак деса, бошқалари ўрта а.лардаги халифаликни барпо қилиш керак, деган ғайриилмий қарашни илгари суради. Натижада, ўз ғояларини амалга оширишга қарши чиққанлар диндан қайтганлар, динни бузаётганлар сифатида эълон қилиниб, уларга қарши курашиб, жисмонан йўқ қилишга ҳаракат қилинади. Ғоялар, аслида ўз моҳиятига кўра, ривожланувчан бўлади. Яъни, илгари сурилган бир ғоя йўлида амалий натижаларга эришган инсонлар мантиқан шу ғояларнинг давоми бўлган, эришилган ютуқларни мустақкамловчи янги ғояларни ишлаб чиқади ва бу ҳолат узлуксиз давом этаверади. Бунинг акси ўлароқ, Ғ.м. тарихий ёки замонавий асосларга таянган маълум бир ғояга мустақкам ёпишиб олиш, унинг ривожини таъминламасдан,

фақат шу ғоя бўйича эришиладиган натижалар б-н чекланишни англатади. Шунга кўра, Ғ.м.нинг бир неча турлари фарқланади. Мае., алоҳида шахс ғоялари устуворлигида шаклланадиган Ғ.м. асосан давлат ва сиёсат арбоблари, дин, илм-фан намояндalари ғоялари негизида вужудга келади ва тарғибот учун шарт-шароит етарли бўлганда кенг тарқалиб, давлат, жам-т ёки халқларнинг катта-катта гуруҳлари учун фалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шахс ғоялари асосида вужудга келувчи Ғ.м., аввало, жам-тнинг қуйи табақаларини қамраб олади. Унга, асосан, давлат ва унинг сиёсатидан норози, ш-дек, давлат қонунларига биноан жиноятчи сифатида қайд этилган ва жазоланган фуқаролар эргашади. Мад-й ёки маън-й н.назардан эса Ғ.м. маълум бир халқ ичидаги мад-й, маън-й анъаналар, қадриятларни тушунмай, унинг ўрни ва аҳамиятини тасаввур қила олмайдиган инсонларни ўз атрофида бирлаштиради. Ғ.м.ни юзага келтирувчи бундай ғоялар маълум жам-тда пайдо бўлиб, унинг ўзида ёйилиши, бир ҳудудда пайдо бўлиб, ўзга ҳудудларда кенг тарқалиши ёки мустақкамланиши мумкин. Ғ.м.нинг гуруҳ ғояларига асосланган бошқа бир тури эса бундан ҳам хатарлироқ бўлиб, у бутун инсоният тар-ётига ҳалокатли таъсир кўрсатишга қодирдир. Мад-й, маън-й, иқт-й, сиёсий таъсир, айниқса, унинг четдан бўлиши Ғ.м. юзага келишида асосий омиллардан саналади. Ғ.м.га қарши курашнинг энг самарали йўли, аввало, унинг асосларини тўлиқ аниқлаб, улар қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини шу ғояларга эргаштиришга мойил инсонларнинг турли табақа ва тоифалар вакиллари яққол тарзда тасаввур эта оладиган, амалий, ҳаётий далиллар асосида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришдир. Жаҳон халқларининг тарихий тар-ётида Ғ.м.га кўп бор дуч келинган ҳамда бугунги кунда у глобал тус олмаган бўлса-да, ҳоз. даврда турли тамаддун ва жам-тлар ўртасидаги мун.-тларда кўзга ташланаётган муаммолар келажакда Ғ.м.нинг авж олишига шарт-ша-

роит яратиб бериши эҳтимолдан холи эмас. Ғ.м.нинг акси ғоявий тар-ёт, маърифат, ҳурфикрлилик бўлиб, унинг асосида кишиларнинг қалби ва онгига эзгулик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тотувлик т.ларини сингдириш ётади.

ҒОЯВИЙ ПАРОКАНДАЛИК — жам-т, халқ, ижт-й қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олмагани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифодаловчи мафкура яратилмагани сабаб ижт-й онг ва маън-й ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик, беқарорликни англатувчи т. Ғ.п., одатда, муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатиб, бир тузумдан бошқасига ўтилаётган, ижт-й сиёсий қутбланиш ва зиддиятлар кучайган, жам-т турли табақаларга бўлиниб, ҳар бир ижт-й-сиёсий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жам-тнинг янада тарқоқлашуви ҳамда бир-бирига душман тарафларга ажралиб кетишига олиб келади. Мам-тда ички зиддиятлар кучайган, қатлам, тоифа, миллий-этник бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради. Мас., собиқ иттифоқ бошқарув қобилятини йўқотган бир шароитда Ўзнда миллий мустақилликка интилиш ҳаракати оммавий тус олди, миллий давлатчилик ғоялари бутун мам-тни қамраб олди. Лекин шунга қарамай, мам-тдаги мустақил давлатчиликка оид ғоялар жам-тдаги қатламларда ҳар хил ифодаланмоқда эди. Бунинг сабаби, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш ғоят мураккаб ва бу бир кунда ҳал бўладиган иш эмас”** лигида эди. Чунки, бу даврда собиқ иттифоқдаги турли қатламларнинг вакиллари турли ғоявий йўналишларни ифодалар, бу ғояларга эргашувчилар барча ҳудудларда мавжуд бўлса-да, сийрак ва аралаш ҳолда эди. Мазкур ғоялар аксарият ҳудудлар аҳолиси манфаатлари ёки дунёқарашларига мос келмас, асосийси, халқ Ғ.п. кайфиятида эди. Чунки эртага нима бўлишини ҳеч ким тасаввур эта олмас, ш.у. ҳам аҳоли қан-

дай мақсад ёки ғояни ҳимоя қилишни аниқ англаб етмаган эди. Бунинг асосий сабабларидан яна бири — республикалар раҳбариятига нисбатан собиқ марказнинг турли таъйиқ ва хуружларининг рўй бериб туриши эди. Бутун бир иттифоқ тарихида партия раҳбарларининг фаолияти, фикр-мулоҳазалари ва кўрсатмаларини юксак баҳолаш анъанаси асосида яшаётган халқнинг баъзи тоифаларига ҳали ҳам марказнинг турли хуружларидан ҳадиксираш, иккиланиш кайфияти йўқ эмас эди. Хуллас, мустақиллик арафасида жам-тдаги турли ижт-й қатламлар дунёқарашида ижт-й тузум, тартиб, мафкура, давлат бошқарувини ташкил этишга доир турли ғоявий қарашлар пайдо бўлди ва бу Ғ.п.ни кучайтирди. XX а.нинг 80-йиллари охирида Ғ.п. кучайиб, бу ғоявий йўналишлар борган сари кўпроқ одамларни ўзига жалб эта бошлади. Собиқ иттифоқ тузуми таназзулга учраган бир пайтда халқ ўртасидаги ижт-й жонланишнинг оломончилик характери ва турли тартибсизликлар бошқарув тизими, унинг турли қўйи поғоналардаги раҳбарлари, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари фаолиятида Ғ.п. пайдо бўлишига олиб келди. Собиқ иттифоқ ҳукмронлигининг сўнгги даврларида, ш-дек, миллий мустақиллик ва миллий давлатчилик ғоялари халқнинг барча қатламлари орасида кенг ёйилмаган, ҳали миллий мустақиллик мафкураси шаклланимаган, иқт-й бўҳронлар авж олган бир даврда жам-тдаги Ғ.п.ни белгилаб беришга шарт-шароитлар туғдирган омиллар асосан қўйидагилардан иборат эди: коммунистик партия ғояларини бошқа барча ғоялардан устун қўйиш; бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулининг устуворлиги; миллий анъаналарга эскилик сарқити сифатида қараш; диний тарбиядан узоқлашиш, бирданига диний эркинлик берилиши; бошқарув ва ишлаб чиқаришдаги кўзбўямачилик, ижт-й боқимандалик ва раҳбарлар ўртасида коррупциянинг кучайиши; раҳбар кадрлар танлашнинг шахсий мун-тлар асосида амалга оширилиши; кадрлар ўртасидаги масъулиятсизлик, давлат мулки-

ни талон-тарож қилишга мойиллик ва бошқарувдаги лоқайдлик; раҳбар кадрлар ўртасидаги қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, миллий айирмачилик. Турли мафқуралар ўртасидаги тўқнашувларнинг авж олиши, собиқ марказнинг буюк давлатчилик руҳидаги тоталитар ғояларининг давом этиши, турли экстремистик гуруҳларнинг интилишлари оқибатида дунёвий давлатчилик тамойилларини сақлаб қолишга нисбатан таҳдиднинг пайдо бўлиши; фуқаролар ўртасида авж олган маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик; мам-т рив-шининг стратегик мақсад ва вазифаларини кенг миқёсда ёритиб, тушунтириб берувчи умуммиллий тар-ёт дастурининг тўла ишлаб чиқилмаганлиги, истиқболга доир аниқ тасаввурларнинг шаклланмаганлиги; эски тузумда шаклланган тузилмалар фаолиятининг давом этиши шулар жумласидандир. Умуман, XX а.нинг 80-йиллар охири – 90-йиллар бошида жам-т дунёқарashi, шу дунёқараш асосидаги фаолиятни ташкил этиш масаласи маълум бир тизимга солинмаган, жам-тдаги табақа ва тоифаларнинг ғоявий мақсадлари турлитуман бўлиб, айна вақтда турли манфаатлар асосида фаолият олиб борар эди. Тарихдан маълумки, Ғ.п. туфайли давлатлар ва халқлар қарамликка, иқт-й ва мафқуравий исканжага тушиб қолади, таназул ва тушқунликка йўлиқади.

Жам-тдаги барча қатлам ва гуруҳларни умумий мақсадлар ва туб манфаатлар йўлида бирлаштирадиган ягона, умумхалқ мафқурасигина Ғ.п.га барҳам беради. Президент И.А.Каримов раҳбарлигида мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган мам-тнинг тар-ёт модели, миллий истиқлол мафқураси таълимоти Ўз-ннинг барқарор тар-ёти, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жам-тини барпо этиш мақсадига хизмат қилиб келмоқда.

ГОЯВИЙ ТАЖОВУЗ — муайян бир жам-т, миллат, ижт-й қатлам ёки гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафқуравий хуруж, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган

ғоявий босқинчилик. Тарихда Ғ.т. ҳарбий истило, сиёсий тазийк ва иқт-й исканжа чоралари б-н боғлиқ ҳолда олиб борилган. Мас., Александр Македонский Ў.О. халқларини босиб олар экан, уларни итоатда тутиб туришни ўйлаб, катта Ғ.т.ни амалга оширган. Берунийнинг гувоҳлик беришича, у биринчи бўлиб ерли халқнинг мўтабар китоби “Авесто”ни тортиб олиш, унинг бир қисмини ўз юртига юбориш, қолганларини бутунлай йўқ қилиб ташлашга буйруқ берган эди. Негаки, эзгулик ва ёвузликнинг нимадан иборат эканлигини ажратиб берувчи, тушунтирувчи ва амалий ҳаётга жорий этувчи китобни қандайдир қонунлар мажмуасигина эмас, ҳар бир кишининг онгли фикрлаш тарзи, мафқурасига айлантирган халқ устидан узоқ вақт ҳукмронлик қилиш мумкин эмаслигини, бу халқни манқуртга айлантиришда унинг ана шу ғоявий-мафқуравий асосларини йўқотмасдан иложи йўқлигини у яхши билган. Аммо унинг ўйлагани кутилган натижага олиб келмаган. Ёвузликларни ёмон кўрган ва ундан озод бўлиш эътиқодига содиқ бўлган халқнинг қўлидан китобини йўқ қилишга ҳаракат қилинган бўлса ҳам, уларнинг дилидан келажакка ишонччи, онгидан миллий ғояни ўчириб бўлмаган. Бу эса эркинлик учун сўнмас кураш оловини ёқиб юборган. Ш.у. македонлар ўша даврда халқни фақат ҳарбий қудрат орқалигина ушлаб тура олганлар. Аммо бу кучнинг аста-секин сусайиши ва халқ ҳаракатининг борган сари фаолашиб бориши тез орада босқинчилар ҳукмронлигининг барҳам топишига олиб келган. Ғоявий-мафқуравий дунёқарашнинг кучлилиги маҳаллий халқни македонлар таъсирига эмас, македонларни маҳаллий халқ таъсирига тушира олган. Бунда якка шахслар ҳам роль ўйнаган бўлса-да, жам-т руҳияти – ғоясининг ягона нуқтада бирлашиши — озодлик учун кураш энг муҳим ҳамда асосий омил сифатида хизмат қилган. Мўғуллар истилоси ғоят даҳшатли тус олиши, ерли халқнинг кўпгина қисми қирилиб кетишига қарамасдан, уларга қарши курашнинг ғоявий-мафқуравий усулидан фойдаланиш яна Осиё

халқлари ғалабасини таъминлаган эди. Бир ғоя ёки тамойил атрофида бирлашиб, уни сидқидилдан ҳурмат қилиб, ҳаётда унга эргашаётганлар сафида туриш ва уни амалга ошириш учун ўз ҳаёти, фикри ва фаолияти б-н иштирок этиш — миллий мафкура, миллатни бирлаштирувчи байроқнинг мавжудлиги (бу даврда диний ва миллий қавмдошлик халқни бирлаштирган ғоянинг бош омили бўлди) халқнинг аста-секин ғалабасига замин ҳозирлаган. Бунда халқ ғоявий бирлигининг таянч кучларидан бири — ислом таълимоти, унинг бирлаштирувчи ғоялари ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Минг йилдан зиёд давр мобайнида халқимизнинг қалб мулкига айланган ислом дини ўз моҳиятига кўра, инсониятни эзгуликка чорлаш ғояларини ифода этса-да, биз яшаётган минтақага у, аввало, куч б-н олиб келинган. Араблар ҳам Ў.О.га бостириб кирганида ҳар жиҳатдан, жумладан, дунёқараш жиҳатидан ҳам озодликни жуда севувчи, ш-дек, ҳар қандай халққа ўз ғоявий таъсирини кўрсата олувчи, курашлардан қайтмас халққа дуч келган эди. Улар бу халқни қурол кучи б-н узоқ вақт тутиб тура олмаслигини англаб етгач, қандай бўлмасин, аввало, халқ мафкурасининг негизини ташкил этувчи асосий омил — диний эътиқодни ўзгартириш, миллий урф-о. ва маросимларни ўзлариники б-н алмаштиришга ҳаракат қилган. Халқимиз исломни ўзининг қадимий анъаналари, урф-о. ва маросимлари, тафаккур тарзи б-н бойитган ҳолда ўзлаштирди, уни ўз дунёқарашига мувофиқлаштириб қабул қилди. Икки мад-тнинг бирикуви натижасида минтақада катта Уйғониш даври вужудга келди. Тафаккур ҳулосаларини амалда жорий этишга иштиёқманд, табиатида бу нарса ёрқин акс этиб турувчи ерли халқ ислом ғоялари таъсирида ўз зеҳниятида (менталитетида) янги ўзгариш ясади ва фанда ҳам, мад-т ва маъ-яда ҳам араблар таъсиридан қутулиб, аксинча, уларни ва ҳатто, Европадаги бошқа халқларни ҳам ўз таъсир доирасига тортди. Мас., Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” Европа университетларида

асосий дарслик сифатида эътироф этилгани, ал-Хоразмийнинг алгебра фанига асос солгани, Улуғбекнинг астрономия фанига қўшган буюк ҳиссасини назарда тутсак, ўша даврда халқимиз тафаккури, дунёқараш ғоявий жиҳатдан қанчалик илгарилаб кетганининг гувоҳи бўламиз. Хуллас, Ғ.т.дан босқинчиликни оқлаш, мустамлака ва қарам халқларни мафкуравий асоратда сақлаш мақсадида фойдаланилган. Ғ.т.нинг муҳим хус-ятлари ҳақиқатни сохталаштириш, тарихни одамлар хотирасидан ўчириш, умуминсоний қадриятларга беписандликдан иборат. Ғ.т. алдаш ва макр б-н, айниқса, ёшларни ота-онасига, жам-тга қарши қўйиш, хиёнат ва сотқинликни фидойилик деб кўрсатиш тарзида ҳам намоён бўлади. Ҳоз. замонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари Ғ.т.нинг шакл ва йўналишларига ҳам ўзгаришлар киритмоқда. Ҳарбий қурол кучи б-н ўз ғаразли мақсадларига етишиш имкониятидан маҳрум бўлган экстремист ва террорчи гуруҳлар тобора Ғ.т. йўлига ўтмоқда, унинг янги, янада хавфли усул ва воситаларидан фойдаланмоқда. Бундай тажовузга фақат умуминсоний ғоялар ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафкура б-н қарши тура олиш мумкинлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

ҒОЯВИЙ ТУРҒУНЛИК — муайян мафкура тизимидаги такомиллашиш ва янгиланиш жараёнининг тўхтаб, мафкуравий ақидаларнинг реал ҳаёт, амалиётдан узилиб қолиши. Маълумки, ҳар қандай мафкура муайян ижт-й қатлам, миллат, давлат, жам-тнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган тизимдир. Жам-т тараққий этар экан, бу тизим ҳам такомиллашиб, янгиланиб бориши лозим. Шундагина у ҳаёт талаблари, ижт-й тар-ёт қонунларига жавоб бера олади. Акс ҳолда, у янги замон реалликларига мос келмай қолади ва тарих саҳнасидан тушиб кетади. Коммунистик мафкуранинг тақдири бунга мисол бўла олади. Демак, мафкуранинг ижт-й ҳаётдан узилиб қолиши

жам-т тар-ётига тўсиқ бўлади ҳамда Ғ.т. ҳолатини келтириб чиқаради.

ҒОЯВИЙ ҚАРАМЛИК — миллат, жам-тнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оқимларга боғлиқлиги, ёт ва беғона ғояларга бўйсунушини характерловчи ҳолат. Ғ.қ. ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик оқибатида келиб чиқади. Ш-дек, Ғ.қ. давлат бошқаруви ва ички сиёсат б-н боғлиқ равишда ички характерга ҳам эга бўлиши мумкин. Мас., бошқарув шакли авторитар бўлган ҳолларда бошқарув тизими умумий ғоявий мақсадларни бошқаришни ўз қўлига олади ва кўпчилик бошқарув тизими гуруҳи ғояларига эргашишга мажбур бўлади. Бунда мантиқан кўпчиликка хос ғоявий мақсадлар озчилик томонидан ишлаб чиқилган мақсадларга мажбуран сингдирилади ёки кўпчиликнинг ғоявий мақсадлари сунбий равишда бўғиб қўйилади. Натижада, жам-т, давлат фуқароларининг ғоявий жиҳатдан авторитар тузумга қарамлиги вужудга келади. Жам-т, давлат фуқароларининг ўз тузумларига қарамлиги кўп ҳолларда давлатнинг ичдан бузилишига замин ҳозирлайди. Монархия тузумида монархга, тиранияда тиранлар ва улар ҳукуматларига Ғ.қ. тарихий давлатларда кўп бор кузатилган. Ғ.қ.ни замонавий демократик давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Бутунги айрим ривожланган демократик давлатларда сиёсий элита ёки бошқа асосий таъсир кучига эга бўлган элитар табақалар давлат ёки жам-тнинг ғоявий мақсадларини бошқаришда муҳим ўрин тутаяди. Улар томонидан ишлаб чиқиладиган турли стратегик мақсадлар, аввало, ўз фуқароларини шу мақсадга қаратиб олишни кўзда тутаяди. Мас., ўтган а. ўрталарига қадар француз жам-тида айрим Африка мам-тлари албатта Франциянинг мустамлакаси бўлиши керак, деган қараш устувор бўлган эди. Ўтмишда Франция сиёсий элитаси томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган бу ғоявий мақсад кўп йиллар давомида бутун француз жам-тини ўз таъсирига тортиб, Ғ.қ.га туширган эди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ғ.қ.нинг минтақа, ҳудуд, давлат, жам-т, миллат, ирқ, табақага мансуб умумжам-тга хос кенг, сиёсий, иқт-й, ҳуқуқий, мад-й, маън-й каби жам-т ҳаётининг айрим соҳаларига мансуб ёки санъат, ижод ва б. касбий характердаги мун-тлар б-н боғлиқ кичик турлари кузатилади. Ғ.қ.нинг бундай турлари кўп ҳолларда кўпчилик томонидан эркин тарзда қабул қилинади, яъни жам-т буни Ғ.қ. деб ҳисобламайди ва шу б-н мазкур ғояни тарғиб қилувчи манфаатдор синф ёки гуруҳлар мақсадларини қўллаб-қувватлаш вазифасини бажаради. Америка тарихида қоратанли ва қизил танли аҳолига нисбатан олиб борилган сиёсатда оқ танлилар ёки европаликлар ана шундай тарзда Ғ.қ.га туширилган бўлишига қарамай, ўтган а.нинг ўрталарига қадар жам-т буни Ғ.қ. деб ҳисобламасди. Ғ.қ.нинг бундай тури собиқ иттифоқ ва унинг таркибидаги иттифоқдош республикаларда ҳам кузатилган. Айни шу мун-тларда ирқ, миллат б-н боғлиқ Ғ.қ.ни ҳам кузатиш мумкин. Шунга кўра, Ғ.қ. бир вақтнинг ўзиде бир неча турда мавжуд бўлиши, айни вақтда, жам-тнинг ҳам қўллаб-қувватловчи, ҳам қарши турувчи гуруҳларига хос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бутунги кунда кўзда тутилган маълум жам-т, давлат ёки минтақани Ғ.қ.га туширишга интилишларни баъзи ривожланган давлатларнинг стратегик режалари таркибидан ўрин олганини яққол кузатиш мумкин. Ғ.қ. юзага келишига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсирлар энг асосий сабабдир. Тарихда Ғ.қ. асоратига туширилган, мустамлакага айлантирилган халқлар ўз мад-ти, тили ва динидан узоқлашишга, уларни унутишга мажбур қилинган. Вақт ўтиши б-н шу халқнинг илғор вакиллари, фидойи фарзандлари, ҳатто ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, озодлик ва мустақиллик учун курашган, қарамликнинг ҳар қандай кўринишига қарши оммани кўзғатган. Ҳоз. глобаллашув шароитида Ғ.қ.ка солишнинг турли усуллари қўлланмоқда, хилма-хил “овоз”лар, ОАВ, ахборот технологиялари, ин-

вестициялар ёрдамида мафкуравий тажовузлар уоштирилмоқда. Бундай таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзлиқни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олади. Мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан хавфлироқ бўлиб бораётган вазиятда миллий ғояни ёшлар онги ва қалбига сингдириш ниҳоятда муҳим. Миллий ғоя фуқароларни тафаккур қуллигидан қутқаради, Ватан равнақи, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлигини таъминлашга ёрдам беради. мустақкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга хизмат қилади.

ҒОЯСИЗЛИК — муайян шахс ёки ижт-й гуруҳнинг онги ва қалбида муайян мақсад сари етакловчи фикрнинг йўқлиги. Ғ., одатда, ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий қадриятларини англаб етмаган кишилар ва тоифаларда учрайди. Ҳаётда юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган одам фақат табиий эҳтиёжлар доираси б-н чегараланиб қолади. Ғ. маъ-яти тубан, иймон-этиқоди суст, мафкураси бузуқ кимсаларни юзга келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унутиш ҳам Ғ.нинг бир кўринишидир. Бундай кимсалар ўз ота-онасига қўл кўтариши ҳам, ўз Ватанини сотиши ҳам мумкин. Ғ. ижт-й хатарли ҳодиса бўлиб, шу жам-т ва халққа ёт бўлган бегона кучлар бундай одамлардан мафкуравий таъсир ва руҳий тазйиқ орқали ўз ғаразли ниятларига этиш мақсадида фойдаланадилар. Миллий истиқлол мафкураси ўзининг ҳаётбахш ғоялари, буюк мақсадлари б-н Ғ.нинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. У ўз куч-ғайрати, ақл-заковати ва ҳаётини юксак ғоялар йўлида бахш этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилади.

ҒУРУР — инсонда, унинг атрофида, миллати, халқи ва давлатида қадр-қиммат, номус, иззат-нафс каби фазилатлар мавжуд бўлиши ёки амал қилиши натижасида унинг ўзини-ўзи ҳурмат қилиш ҳиссини англадиган маън-й т. Ғ.ли ин-

сон ўз шахсини камситишга йўл қўймайди, Ғ.ини йўқотмаслик йўлида у ҳар қандай қийинчиликлардан, жазоланишдан чўчимайди. Ғ. инсоннинг юксак маъ-ят эгаси эканидан далолат беради. Ғ. айна пайтда нафақат инсоннинг ўзи б-н, балки ўзи мансуб бўлган жинс ёки этник келиб чиқиши б-н фахрланиш ҳиссини ҳам англайди. Мас., йигитлик Ғ.и, қизлик Ғ.и, миллий Ғ. Лекин Ғ. меъёрида бўлиши, яъни кишининг асл қадр-қимматига мос келиши лозим. Ғ.даги меъёрнинг бузилиши кишининг кибрга берилишига олиб келади: у ўзи ва б.нинг қадр-қиммати тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлгани учун кибр-ҳаво, манманликка берилади. Кибрли киши ўзини бошқалардан устун деб билса-да, аслида у ўз қадр-қимматининг ўзгаларникидан паст экани туйғайли уни сунъий равишда кўтаришга ҳаракат қилади, маън-й бўшлиқни бошқаларга паст назар б-н қараш орқали тўлдиришга интилади, бу йўлда ёлғон ва мақтанчоқликдан тонмайди. Пировард натижада, у атрофдагилардан ажралиб қолади, ўзгаларнинг нафратига дучор бўлади, ўзлигидан маҳрум бўлган ахлоқсиз кимсага айланади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “... биз «халқ», «халқимиз» деб гапирганимизда, ҳар қандай халқнинг алоҳида-алоҳида одамлардан, оилалардан иборат эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Ҳар бир алоҳида одамга ҳурматсизлик, уни менсимаслик, унга адолатсизлик қилиш ўша одам мансуб бўлган халққа етказиладиган катта зарар деб биламан. Гурури бор одамнинг қадди рост, боши баланд бўлади”. Одатда давлатнинг қанчалик тез рив-ши, бу борада одамларга куч-қувват бахш этиш, мам-тнинг дунё ҳамжам-тида муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқнинг маън-й савияси, Ғ.и ва фаҳри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир. Ҳар бир фуқарода мана шундай туйғуларни шакллантириш миллий Ғ.нинг шаклланишига хизмат қилади. Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фал.си, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Ота-боболаримиз а.лар давоми-

да тилимиз, дилимиз ва динимизни, ўзб.нинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказганлар. Бундай фазилятлар моҳият-эътибори б-н бизнинг заҳматқаш халқимизга муносибдир ва бу б-н ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шу б-н бирга, улуғ аждодларимизнинг таваллуд саналари фақат ўзб. халқи учунгина эмас, балки бутун М.О. минтақасидаги халқлар учун ҳам мад-й ва тарихий аҳамиятга молик эканини назарда тутишимиз мақсадга мувофиқ. Бундай тadbирлар келажак авлодни тарбиялашда ҳам улкан аҳамият касб этади. Биз бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшларимизни

янги қадриятлар асосида тарбиялаймиз, уларнинг қалбига тарихий ўтмишга ҳурмат б-н ёндашиш, уларни авайлаб-асраш, шу халққа мансублиги б-н фахрланиш туйғуларини сингдирамиз. “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида таъкидлангани каби, **“Фарзандларимиз — бизнинг гуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим”.**



ҲАДИС (араб. гап, суҳбат) — Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтган гаплари, қилган ишлари ва б. қилинган ишларга мун-ти ҳақида саҳобалар, Пайгамбар алайҳиссаломни кўрган кишилар қилган ривоятларни англатадиган т. Ҳ.лар мазмун-моҳиятига кўра одамларни эзгулик, ўзаро ҳамжиҳатлик, биродарлик, адолатпарварлик каби юксак инсоний фазилят ва сифатларга эга бўлишга чорлайди. Ўн тўрт адан зиёд вақт доламида Ҳ.лар инсонларни жаҳолат ва залолат ботқоғидан ҳидоят ва нажот йўлига даъват этиб келмоқда. Ҳ.лар бир неча турга бўлинади. Пайгамбаримиз (с.а.в.) баъзи Ҳ.ларни айтган пайтларида олдиларида битта киши бўлган. Ўша киши Расулуллоҳ (с.а.в.) айтган гапларини бошқаларга етказган. Бундай Ҳ. “оҳод”, яъни, “бир киши эшитган Ҳ.” деб номланади. Баъзи Ҳ.ларни айтган пайтларида олдиларида кўп кишилар бўлган ва бундай Ҳ.лар “мутавотир”, яъни, “кўп кишилар эшитган Ҳ.” деб аталади ҳамда энг ишончли Ҳ. саналади. Ҳ.лар Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳаётлигида тартибга солинмаган ва китоб ҳолига келтирилмаган эди. Биринчи Ҳ.лар тўплами Молик ибн

Анаснинг “Муватто”, аш-Шофийнинг “Ар-рисола” ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Ал-Муснад” асарларидир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Муслим, Ибн Можжа каби бир қатор муҳаддис олимлар Ҳ.ларни текшириб, уларни саҳиҳ ва заифга ажратиб бердилар. Энг ишончли Ҳ. тўплами — “Олти ишончли тўплам”дир. Бу борада улуғ муҳаддис Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари энг мукамал тўплам ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Имом Бухорий, Имом Термизий каби муҳаддисларнинг Ҳ. тўплamlари ўзб. тилида нашр қилинди. Ҳ.ларда илгари сурилган тавҳид, диёнат, Ватан ва халққа садоқат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамкорликка чорловчи ғоялар ёш авлодни комил инсонлар қилиб вояга етказишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

ҲАЁ (араб. уят, шарм, ибo; ор-номус; камтарлик, адаб) — ноҳўя, номаъқул хатти-ҳаракатдан тийилиш ҳисси, уят, шармни англатувчи т. Ҳ. ҳисси аслида “ор”, “андиша” ва “ибo” каби маън-й фазилятлар б-н яқиндир. Бу т.нинг ахло-

қий моҳияти нафосат б-н уйғунлашиб кетади. Ҳ.дан одатда инсон қизаради, бу ҳол, айниқса, хотин-қизларда ботиний гўзалликни яққол намоён этади ва улардаги ўзига хос нафислик, майинликни ифодалайди. Инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширган ахлоқийликка зид хатти-ҳаракатларидан ноқулай вазиятга тушиши, ўнғайсизланиши, мулзам бўлиши уят ҳиссида ҳам намоён бўлади. Лекин бу ҳолатлар уятда ижт-йлик касб этгани сабабли, улар хатти-ҳаракат содир қилингандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобига айланади. Ҳ.да эса мазкур ҳолатлар соф маън-й табиатга эга ва вақт доирасида чекланган бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдагина юзага чиқади. Ҳ. — Шарқ халқларига хос бўлган ахлоқий гўзалликнинг ғоят кўркам ва ноёб кўриниши. Айни пайтда Ҳ. миллий руҳият б-н йўғрилган т.дир. Ҳ. эркакларга нисбатан аёллар табиатига кўпроқ мос бўлиб, қизлик Ҳ.си, келинлик Ҳ.си, аёллик Ҳ.си, оналик Ҳ.си каби туйғуларда ўз ифодасини топади. Ҳ. кишининг хулқ-атвори, юриш-туриши, атрофдагиларга мун-ти, кийинишда сиполиги, бировнинг юзига тик қарамаслиги, андишали, ор-номусли бўлиши, гапирганда ўйлаб гапириши, баланд овоз б-н гапирмаслиги, қаттиқ кулмаслигида яққол намоён бўлади. Шарқ донишмандлари, хус-н, Абу Лайс ас-Самарқандий, Ғаззолий, Навоий ҳамда Авлоний, Фитрат сингари маърифатпарварлар Ҳ.ни юксак ахлоқий қадрият сифатида баҳолаб, уни одамлар олдигаги Ҳ. ва Аллоҳ олдигаги Ҳ.га ажратганлар ҳамда Ҳ.ни комиллик белгиси, номус тимсоли, вафо б-н муштарак туйғу деб таърифлаганлар. Чунончи, ҳазрат Навоий наздида “Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва Ҳ. икки ҳамзод фарзанд. Ҳар кўнгилниким вафо маскан қилур, Ҳ. ҳам қилур... Вафосизда Ҳ. йўқ, Ҳ.сизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — имон йўқ... Комиллар — аҳли Ҳ. ва ноқислар беҲ.”. А.Авлонийнинг фикрича «Ҳ. — дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маън-й нурнинг зиё-

сига муҳтождир... Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби Ҳ.дир». Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Ҳ. имондандир, имон эса жаннатга элтади», «Ҳ. б-н имон бир-бирига боғлиқ, бири кетса, иккинчиси ҳам кетади», — дея марҳамат қилганлар. Ҳ. инсон қалби, туйғулари, ташқи қиёфасида намоён бўладиган, ифбат ва назокатини оширадиган ақл-фаросат гулшанининг тоза гулидир. Азалдан аёл — Ҳ. рамзи сифатида қадрланиб келинади. Ҳ.ли аёл оиланинг номуси, эрининг хузур-ҳаловати, фарзандларининг меҳрибони, хонадон равнақи, одамларнинг дуру гавҳаридир. Бундай аёлларни халқимиз Ҳ.ли ва вафоли деб билади. Ҳ. одамларга озор бермаслик, айбу нуқсонларни қидириб, юзига солмаслик ва ўзидаги ёқимсиз феъл ва гапларни изҳор қилмасликдир. Ҳаётдаги ҳар бир нарсани кўриш, билиш, унинг қадр-қимматини идрок этиш, ўйлаб иш юритиш Ҳ. туйғусининг юксаклигидан далолат беради. Ҳ. — бу поклик, сабр-бардош, қаноат, одоб, ихлосдир. Аёл кишидан Ҳ. кетса, оилада файз бўлмайди. Ҳ.сиз кишилар орномусини, дўстлик ва садоқатни ҳам оёқости қилишдан тап тортмайди. Ҳ. виждон б-н бевосита боғлиқдир. Виждонсиз одамларда Ҳ. бўлмайди. Шу б-н бирга, Ҳ.нинг виждондан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Виждон кўпроқ ташқи муҳит б-н боғлиқ бўлса, Ҳ. туйғуси инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар н.назаридан баҳолаши б-н боғлиқ. Ҳ. туйғуси болалик чоғлариданоқ шаклланади ва ривожлана бошлайди. У инсонларни нотўғри ва ахлоққа зид хатти-ҳаракатлардан, кишиларнинг манфаатлари, дунёқарашини, жамоа урф-о.лари ва расм-русумларига мос келмайдиган ишлардан тийиб туради. Шу маънода, Ҳ. ноҳўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳиссидир. Ҳадисларнинг бирида айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак. Ноҳўя қилмиши учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ноҳўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Халқимиз орасида “Ҳ.сиз” ёки “беҲ.” атамалари қўлланганда, уятсиз иш қилиб хижолат чекмайдиган, беадаб кимсалар тушунилади. Ўзида Ҳ. туйғуси бўлмаган одам ўзгандан Ҳ.ли бўлишни талаб қила олмай-

ди. Ҳ.лилик кишининг маъ-ятли, маърифатли, номусли, очиқ кўнгилли эканини англатади, унинг зидди Ҳ.сизлик эса, аксинча, маъ-ятсизлик, нопокликка мойиллик, бағритошлик каби иллатлар б-н характерланади. Ҳ.ли одамларда ростгўйлик, ширинсўзлик, яхшиликка яхшилик қайтариш, ўз ёрига вафодорлик, дўстликни қадрлаш каби юксак маън-й-ахлоқий фазилатлар мужассамлашган бўлади. Бугунги кунда ҳам Ҳ.лилик гоят муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув, турли тамаддулларнинг ўзаро алоқалари, яқинлашуви, урбанизация, модапарастлик, истеъмолчилик кайфиятларининг кучайиши қадриятларга салбий таъсир этиши, шу жумладан, Ҳ. ҳиссининг сусайишига олиб келиши мумкин. Ҳусайн Воиз Кошифий таъкидлаганидек, “Ҳ. ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳ. йўқолса, ҳеч кимда вижон ҳам қолмайди. У ҳолда дунёда тартиб бузилади. Кишилар бир-бирига бепарқ қарайдиган бўлади”. Шу боис, оила ва мактабдаги таълим-тарбия жараёнида Ҳ.лилик ҳулқий гўзаллик, назокат; Ҳ.сизлик эса ахлоқсизлик ва қўполлик эканини уқтириш, шахс эркинлиги ўзгаларга нисбатан мун-тда масъулият б-н боғлиқлигини изчил равишда тушунтириб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

ҲАЁТ — оламнинг мавжудлиги ва намоеън бўлишининг энг мураккаб шакллари билан бири. Ҳ.нинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутди. Ҳ.нинг энг мураккаб шакли инсон Ҳ.идир. У инсон руҳияти, онги, тафаккури б-н чамбарчас боғланган. Ҳар бир одамга бир мартагина Ҳ. кечириш имконияти берилган. Инсоннинг қадр-қиммати шу Ҳ.ни қандай ўтказгани б-н ўлчанади. Инсон табиати ва Ҳ.и у яшаётган жам-тдаги ижт-й муҳитга ҳам боғлиқ. Барқарор жам-тда инсонлар сермазмун Ҳ. кечиради, беқарорлик ҳукм сураётган даврларда эса умр кўпинча самарасиз ўтади. Демак, жам-т қанчалик барқарор ва фаро-

вон бўлса, унда яшайдиган инсонларнинг, келгуси авлодларнинг Ҳ.и шунчалик бахтли ва фаровон бўлади. Ҳ.нинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар бир тўхтамга келишмаган. Ҳар бир инсоннинг Ҳ.и такрорланмас ва ўзига хосдир. Инсонни, унинг Ҳ.ини қадрлаш — муҳим ижт-й вазифа. Инсоннинг яхши Ҳ. кечириши, бир томондан, у яшаётган жам-тга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, табиий муҳитга боғлиқ. Бутун тарихий тар-ёт давомида инсон б-н табиат ўртасидаги мун-т такомиллашиб борган. Инсон табиий муҳитсиз, сув, ҳаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Яшаш учун бундай қулай шароит фақат Ер шарида мавжуддир. Ернинг Ҳ. тарқалган қисми биосфера деб аталади. Биосфера тирик мавжудотларнинг Ҳ. кечириш муҳитидир. Агар Ер шари Қуёшга яқинроқ жойлашганида, унинг юзасидаги ҳарорат кўтарилиб, намлик, сув йўқолиб кетган бўлар эди. Агар Қуёшдан узоқда жойлашганида, ундаги ҳарорат пасайиб, ҳамма жой мангу музлик б-н қопланар эди. Хуллас, ҳар иккала ҳолатда ҳам Ер юзасида Ҳ.нинг пайдо бўлишига имконият туғилмас эди ва ҳ.к. Демак, инсон ўзи учун энг қулай бўлган жойда яшайди. Инсоннинг табиий муҳитга таъсири қад. даврларда кучсиз бўлган. Даврлар ўтиши б-н инсон қўлида қудратли куч-қувват манбалари тўпланган, унинг табиатга таъсири сезиларли даражада ошган. Инсон атроф-муҳитни ифлослантириб, биосферадаги табиий мувозанатни издан чиқара бошлади. Бу масаланинг ечилиши инсоннинг ақл-идрок кучига боғлиқ. Инсон ақл-идрокининг оламга таъсир кўрсатиш чегараси ноосфера деб аталади. Инсон ўзини англамас экан, унинг сайёрамизга ҳалокатли таъсири борган сари кучайиб, охир-оқибатда унинг ўзини ҳам ҳалокат ёқасига олиб бориши мумкин. Ҳоз. замондаги экологик муаммолардан бири ҳам инсон фаолияти томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва бу ҳалокатни тўхтатиб қолишдан иборат. Инсон жам-тда ва таби-

атда ўзининг тутган ўрнини тўғри англа-са, атроф-муҳитни асраб-авайлайди ва Ер юзини гуллашиб яшнатади, Ҳ.нинг бардавомлигини таъминлайди.

ҲАЁТ МАЗМУНИ — инсоннинг ўз ҳаётий мақсад-муддаолари маъно-моҳиятини англаб етиши, борлиқнинг объективлашган мазмунини ўзлаштиришини англаувчи фал-й т. Бу жараён муайян қадриятлар — ажодлар тажрибасини маън-й ва моддий-предметли субстратларида ўзлаштириш шароитида юз беради. Инсон ўзлашпирган борлиқ объективлашган мазмунининг натижалари унинг фаолиятида маън-й-мад-й, моддий қадриятлар, шахслараро мун-тлар, хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларда — мулоқот ва хулқ-атвор қадрияти сифатида намоён бўлади. “Мазмун” атамасининг маъноси илмий адабиётларда тушуниш, англаб етиш, ақлидрок, тўғри фикрлаш, хулосалар чиқариш қобилияти, деб таърифланади. Мазкур маънода у нафақат онг феномени сифатида кўзга ташланади, балки моҳиятнинг ўзгарувчан оламидаги тафаккур жараёнини акс эттиради. Ш-дек, “мазмун” атамаси муайян предметнинг инсон учун муҳимлиги, уни англаб етиш жараёнини ҳам назарда тутаяди. Бунда англанаётган предметга (объектга) инсон муайян “маъно” юклайди. “Мазмун” атамасининг 10 дан ортиқ маънолари қайд этилган. Мас., “Инсон ўз ҳаётини англаб етиши жараёни ва унинг маҳсули сифатидаги мазмун” таърифи “инсон ҳаётининг мазмуни” т.сининг маъносини тўлиқ акс эттиради. Бунда мазкур т. муайян инсоннинг маън-й тажрибасини мужассамлаштиради. Ўз-ўзидан равшанки, ҳар бир тарихий даврда Ҳ.м. тўғрисидаги масала ўз мезонларига мувофиқ, дастлабки тушунишнинг муайян тузилмасига кўра долзарбланиши мумкин: 1) Ҳ.м.га доир мўлжал субъекти, яъни ўз ҳаётини англаётган инсон; 2) мазмун объекти ёки предмети; 3) инсоннинг рефлексив билиш — баҳо бериш фаолиятидаги англаш

жараёни; 4) инсоннинг англаш жараёни сифатидаги мазмун натижалари; 5) мазкур натижаларнинг инсоният моддий ва маън-й мад-ти жараёнида объективлашуви. Инсоний қадриятлар ва Ҳ.м.га доир муаммо иррационалистик (Э.Гартман), феноменологик (Э.Гуссерль, М.Шеллер), релятивистик (В.Дильтей), неокантчилик (В.Виндельбанд, Г.Риккерт), социологик (Э.Дюркгейм, М.Вебер) ёндашувлар доирасида жиддий тадқиқ этилган. Тадқиқотчилар мазкур масала жам-т доирасидан ташқарида, яъни ўз ҳолича мавжуд эмаслиги; ижт-й субъектлар эҳтиёж ва манфаатлари б-н узвий боғлиқлиги; табиатан объектив, лекин субъектив ифода шаклига эга экани; тарихий жиҳатдан белгилангани; муайян иерархияга эга тизим ташкил этишини қайд этади. Ҳ.м. инсоннинг ички дунёси ва ўзини қуршаб турган борлиқни билиш, унга баҳо беришдан иборат субъектив-объектив диалектик жараёндир. Объектнинг мазмуни субъект “ички дунёси”нинг “ташқи дунё”даги оддий инъикоси ҳисобланмайди, балки фаолият жараёнида юзага келади. Чунки предмет фақат фаолиятда маъно-мазмун касб этади. Англаш жараёни объектнинг англаш предметига айланишига сабаб бўлган субъект фаолияти шаклининг хус-яти б-н сифат жиҳатидан ўзаро боғланади. Субъект фаолиятининг мазмуни унинг мотивацияси объектга мун-ти, субъект учун муҳим хус-ятларини аниқлаш негизи ҳисобланади: ҳодисани англаш — инсоннинг ижт-й-мад-й фаолияти таркибига қандай кириши, улардан нима мақсадда фойдаланилишини аниқлаш демакдир. Хус-н, илмий билиш жараёнида дунёни англаш борлиқнинг онгда аниқ акс этиши тамойилига таянади. Ҳ.м. — инсон ўз маън-й ва моддий-амалий фаолиятини амалга оширишнинг муҳим усулидир. Мазкур амалиёт жараёнида инсон камол топади. Инсоннинг моҳияти унинг ҳаётни англаб етиш ва натижаларини маън-й ҳамда моддий-амалий фаолиятда объективлаштириш қобилиятида ифодаланади. Хуллас, Ҳ.м. инсоннинг ўз ички дунёси ва ўзини қур-

шаган борлиқни англаб етиши сифатида рефлексив-мушоҳада юритишга асосланган билиш — баҳо бериш фаолиятининг маҳсулидир. Бунинг хус-яти шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам ўз ички дунёсини, ҳам ўзини қуршаган борлиқни билиш ва унга баҳо беришдир. Бунда ўз ҳаёт борлигини теран англовчи инсон: биринчидан, ўзини ўзи англаб етиши ва ўзига баҳо бериши; иккинчидан, ўзини қуршаган дунёни англаб етиши ва унга баҳо бериши; учинчидан, мазкур ҳаракат натижаларининг диалектик нисбатини аниқлаш имконига эга бўлади.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ — кенг маънода ҳаётнинг мазмуни, мақсади ва қадрқиммати оид муаммоларни тадқиқ ва талқин этувчи фал-й оқим. Ҳ.ф. XIX а.нинг 60–70-йилларида пайдо бўлиб, XX а. биринчи чорагида кенг тарқалган. Кейинчалик таъсири анча пасайган бўлса-да, унинг айрим ғоя ва тамойиллари экзистенциализм, персонализм, неогегельянчилик, прагматизм, феноменология каби фал-й оқимлар ривожига муҳим аҳамият касб этган. Ҳ.ф. ҳаётнинг моҳиятини унинг ўзидан англаб олишга интилади. Ҳ.ф. оқими вакиллариининг назарида, воқелик руҳ ҳам, материя ҳам эмас, у интуитив тарздагина англаниши мумкин. Ҳ.ф. ҳис-туйғу ва инстинктларни улуғлайди, ақлни танқид ва инкор қилади. Ҳ.ф.нинг асосий т.си “ҳаёт” ҳисобланади ва у турли вариантларда турлича талқин этилади. Фридрих Ницше томонидан асос солинган, кейинчалик Т.Лессинг томонидан ривожлантирилган табиий-биологик талқинда ҳаёт табиийлик б-н қиёсланади ва ҳар қандай сунъийликка қарши қўйилади. Ушбу йўналиш тарафдорлари куч-қудратни улуғлаб, ҳар қандай ғоянинг рўёбга чиқишини кишилар ёки ижт-й гуруҳларнинг манфаатлари б-н боғлайди. Тарихий талқин тарафдорлари бўлмиш Дильтей, Шпенглер, Зиммель, Ортега-и-Гассет ҳаётнинг моҳиятини ички руҳий кечинмалардан излайди. Ҳаёт ва ҳаётийликни борлиқнинг ўзгармас тамойили сифатида талқин этган файласуфлардан фарқли ўлароқ, бу

мутафаккирлар асосий эътиборни ҳаётнинг индивидуал шаклларида қаратади. Бергсон эса, Гётенинг романтизмдан руҳланиб, ҳаётнинг пантеистик талқинини тақлиф этади. Унинг фикрига кўра, ҳаётнинг моҳияти ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш ва янги шакллари яратишдан иборат. Бергсон ҳаётнинг биологик шаклини унинг турли кўринишларидан бири сифатида эътироф этади. Ҳ.ф.нинг турли талқинлари ўртасида жиддий фарқни кўриш мумкин бўлса-да, уларнинг бари XIX а. бошлари — XX а. кантианчилик ва позитивизм таъсири туфайли кенг тарқалган методологизм ва гносеологизмнинг ҳукмронлигига қарши курашда яхлит ғоявий оқим сифатида намоён бўлади. Кантианчилик ва позитивизмдан фарқли ўлароқ, Ҳ.ф. ҳаётий асосга таянган янги онтологик ва гносеологик концепцияни илгари суришга ҳаракат қилади. Унга кўра, ҳаётий асос воқеликни руҳ б-н изоҳлаган идеалистик фал. воситадун ҳам. воқеликни ўлик материя б-н тушунтиришга ҳаракат қилган табиатшунослик орқали ҳам англаниши мумкин эмас. Зеро, буларнинг ҳар бири ҳаётий яхлитликнинг биргина жиҳатини эътиборга олади, холос. Мас., Бергсоннинг фикрича, ҳаётий воқелик бевосита, унинг ботинига кириш имконини яратадиган интуиция орқалигина англаниши, идрок этилиши мумкин. Интуитив билим эса субъектни объектга қарши қўймайди, аксинча, аввалбошданоқ уларнинг ҳаётий асосга таянган ҳолда бир-бирига уйғун тарзда намоён бўлишини тақозо этади. Шу б-н бирга, ақл орқали билишдан фарқли ўлароқ, интуитив билишнинг умумий қонуниятларини аниқлаш, ўрганиш мумкин эмас, уни юксак бадий тафаккурга қиёслаш мумкин, холос. Ҳ.ф. ёндашуви н.назаридан “ижод” ибораси “ҳаёт” т.сининг синоними ҳисобланади. Ижодий фаолиятнинг қай бир жиҳати муҳим аҳамият касб этишига қараб, Ҳ.ф.нинг асосий интуицияси ва қарашларининг характери намоён бўлади. Мас., Бергсон ижодни янги нарсанинг вужудга келиши, шаклланаётган табиат бойлигининг ифодаси сифатида талқин этади. Зиммель

учун эса, аксинча, ижоднинг асосий жиҳати унинг икки томонлама характери б-н ифодаланади: унинг назарида, ижод маҳсули ҳамиша қотиб қолган ва охиروقибатда, ижодкорнинг ўзига зид келадиган нарсага айланади. Шу маънода, Зиммель фал.сига хос тушкунлик ҳолати Шпенглернинг фаталистик ва кескин қарашлари б-н туташиб кетади. Билишнинг илмий шаклига танқидий мун-тда бўлган Ҳ.ф. ўзгарувчан табиатни англашга хизмат қилмайдиган, соф прагматик мақсадларга — дунёни ўзгартириш ва кишилар манфаатларига бўйсундиришга йўналтирилган илмий билиш табиатининг янги концепциясини илгари суради. Ҳ.ф. фанининг жам-тнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айлангани ва унинг техника ҳамда индустриал иқтисодиёт б-н туташиб кетаётганини эътироф этиб, “нима?” “нима сабабдан?” деган саволларни “қандай?” деган масала б-н алмаштиради. Ҳ.ф. назарийчилари илмий т.лар амалий фаолиятнинг воситаси сифатида, “ҳақиқат нима?” деган масалага бевосита алоқадор эмаслиги, бошқача айтганда, ҳақиқатга даъво қилаётган фан аслида янглиш йўлдан бораётганини асослашга уринади. Шу маънода, XIX а. охири — XX а. бошларидаги жадал техник тар-ёт даврида олимлар, инженерлар ва бюрократ-амалдорлар аристократик индивидуал ижодга — адиб, шоир ва файласуфларга қарши қўйилади. Ҳ.ф. онтология ва гносеологик концепцияни яратиш б-н чекланмай, айниқса, Ницше асарларида яққол намоён бўлган янги ҳақиқат шакллари ни ёқлаб чиқишга интилади. Янги мажусийлик деб аташ мумкин бўлган бу дунёқараш негизида куч-қудратга асосланган ҳамда гайритабиий унсурларга таянган дунё ҳақидаги тасаввур ётади. Табиат кучларини инсон манфаатларига бўйсундиришга интилаётган позитивизм фал.сидан фарқли ўлароқ, Ҳ.ф. инсонни ана шу кучларга бўйсунтиришга, улар б-н уйғунлашиб кетишга, тақдирга қарши бормасдан, унга тан беришга ундайди. Маълум маънода, бундай тушкун гоёлар ўша даврдаги ижт-й-сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, эътиқодсизлик ва ак-

лоқсизликнинг авж олиши б-н изоҳланиши мумкин. Ницше фал.сида, кейинчалик Шпенглер, Ортега-и-Гассет, Зиммель, Селин, А.Камю, Ж.П.Сартр томонидан ривожлантирилган фожиавий талқин санъат, адабиёт ва кино соҳасида ҳам яққол намоён бўлди. Ҳоз. даврда Ҳ.ф.нинг айрим гоё ва тамойиллари экзистенциализм, персонализм, айниқса фал-й антропология томонидан ўзлаштирилиб, янги талқин этилмоқда.

ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАР — ҳар бир шахс, жамоа, жам-т ва мам-т ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этувчи манфаатлар мажмуасини ифодаловчи т. Маъ-ят ҳам Ҳ.м.нинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳ.м. инсон тафаккурининг босқичма-босқич ривожланиб боришини таъминлаш б-н бирга, унинг маън-й шаклланишига ҳам катта ҳисса қўшади. Одатда Ҳ.м.га мун-т орқали маъ-ят даражасини аниқлаш ёки аксинча, маъ-ятга қараб Ҳ.м. нималардан иборат эканлигини англаш мумкин. Ҳ.м.га мун-тда маън-й тарбиянинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки ҳар бир шахс маън-й тарбия мезонлари орқали ўз Ҳ.м.ини белгилайди. Шахс тафаккуридан мустақкам жой олган Ҳ.м. унинг умр мазмунини ҳам белгилаб беради. Шу жиҳатдан Ҳ.м.ни маъ-ятдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

ҲАЁТНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ — кишининг ўсиб-улғайиши, камолот сари бориши, ўзга инсонлар, ташқи муҳит, олам, вақт, давр таъсирида, ҳаёт қадрини англаш, фоний дунёнинг ўткинчилиги, ҳаётнинг мазмуни, яшаш мақсади, олам абадийлигининг қадрини англаб етиш жараёнини ифодаловчи т. Инсон ҳаётини туғилиш ва болалик; ўсмирлик ва балоғат; мустақил ҳаёт; кексалик даврларига бўлиш мумкин.

Туғилиш ва болалик даврида инсон дунё юзини кўради, оилага чексиз қувонч, орзу-умидлар олиб келади. Аввало, ота-онаси ва ўзгалар парвариши б-н улғаяди, оила муҳитида гапира бошлайди, юришни ўрганади, сўнгра боғча ва мак-

табга боради. Бу даврда ота-онанинг мавжуд сарф-ҳаракатлари фарзандларнинг яхши яшashi ва улғайишига сафарбар этилади. Ўзб. оиласида Шарқ мад-тига хос ижт-й ва этномад-й хус-ятлар ўз ифодасини топган. Бунда ота-она, фарзанд, эр-хотин ва қариндошлар ўртасидаги мун-тларда ахлоқий бурч ҳамда ахлоқ метёрларига алоҳида эътибор берилади. Президент И.А. Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «...бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди» (56–б.).

*Усмирлик ва балоғат даври*да фарзанд улғайиб борган сайин ота-она катта орзулар б-н яшай бошлайди. Фарзанди келажакда етулак мутахассис бўлиши ёки хунар эгаллаши, бир сўз б-н айтганда, комил инсон бўлиши учун ота-она астойдил ҳаракат қилади. Бу даврда болалар ўзларини эртақлар оламида яшаётгандек ҳис қилиб, нимани истаса, уни амалда ҳам бўлишини хоҳлайди.

Мустақил ҳаёт даври инсон ҳаётининг энг қийин, шу б-н бирга, буюк синовлар даври ҳисобланади. Бу давр ҳар бир инсоннинг ҳаётида турлича кечади. Инсон ҳаёти давомида шундай даврлар бўладики, ёшлиқда ўйламасдан, ҳаётни тушунмасдан қилинган хатти-ҳаракат умр армонига айланиб қолади. Шу боис бу давр инсон келажagini ҳал қилувчи давр, деб аталиши бежиз эмас. Ҳатто, ҳаётни оқар сувга қиёслашда ҳам теран маъно бор. Вақт ҳеч қачон кутиб турмаганидек, ҳаёт ҳам тўхтовсиз ўтиб кетаверади. Шу маънода, бу давр мобайнида ҳаётни беҳуда ўтказмаслик, ундан самарали фойдаланиш керак. Ҳар бир инсон ҳаёти ютуқ ва камчиликлар, омад ва муваффақиятсизликлардан иборат. Шундай жараёнлар мазкур давр асосини ташкил этади. Маълумки, «ҳаёт» маъносини ҳар ким ўз ҳаёт йўли, ютуқ ва камчиликлари, эришган муваффақият ва омадсизликлари б-н белгилайди. Ҳар кимнинг ҳаёт йўли ўзгача, инсон ёшлигида ноқ ҳаёт йўлини танлайди, ҳар ким ўз орзусига эришиш учун интилади.

*Кексалик даври*га етгач, ҳар бир инсон босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайди, яхши-ёмон кунларини эслайди, сарҳисоб қилади. Агар бахтли ҳаёт кечирган, жам-тга, оиласига наф келтирган бўлса, шукроналар айтади. Баъзиларда эса бунинг акси кузатилади. Ҳаёти давомида бирор марта ҳам ўзгаларга фойдаси тегмаган, кексаларга ширин сўз айтиб, ғамхўрлик қилмаган, ёшларга ибрат бўлмаган кишиларни дунёга келиб, изсиз кетган инсонлар дейиш мумкин... Қарияларни қадрлаш, уларнинг ҳаётий тажрибаларидан кенг фойдаланиш масаласи Қад. Юнонистон, Миср, Хитойда ҳам эътироф этилган. Юнон донишманди Пифагор "...одамлар қирқ ёшида ўз қобилияти ривожининг чўққисига эришади", деб ҳисобласа, Афлотун "...олий даражадаги давлатни бошқаришни ҳаёт тажрибасига эга, ақлли, қобилиятли қариялар олиб бориши керак", деган ғояни илгари суради. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, қарияларнинг ибратли ҳаёти, тарбиявий ишлари, панд-насихатлари катта аҳамиятга эга. Вақт, умр ўтиши жараёнини ёшлар ва кексалар турлича талқин қилади. Келажакдаги эзгу орзулари тезроқ рўёбга чиқишини истагани боис, ёшларга вақт секин ўтаётгандек туюлади, тезроқ улғайиб, ҳамма орзулари ушалишини истайди. Лекин, донишманд айтганидек, «Кексаликнинг ҳовлисига кўчиб ўтган», умр поёнига етиб бораётган кишилар учун эса вақт тез илгарилаб кетаётганга ўхшайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам яшаш завқи, орзу-умидлар чексизлиги ўз даражасида сақланиб қолади. Чунки ҳаёт ва умид инсоният ҳеч қачон тўймайдиган бойликлардир. Халқимизда «Умр ғанимат, дийдор ғанимат» деган ибора бор. Дийдорлашув ҳаёт мазмунини бойитади. Ота-онанинг фарзандлар б-н дийдорлашувини, унинг ҳис-ҳаяжонини таърифлаш қийин. Қариндош-уруғ, дўст-биродарларнинг дийдорлашувида ҳам алоҳида завқ-шавқ мужассам. Айниқса, илмга чанқоқ ёшлар устозлар дийдорига доимо интиқ бўлади. Буюк файласуф Умар Хайёмнинг қуйидаги мисралари умрнинг бебаҳо эканига ишорадир: "Кекса, ёш —

ҳар кимки ҳаётга етар, Ҳаммаси бирмабир, изма-из ўтар. Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий, Кетилар, кетамиз, келишар, кетар”. Ҳар бир инсон ҳаётининг мазмуни эзгу ишлар кўлами б-н ўлчанади, унинг энг қимматли бойликларидан бири — вақтдир. Вақтни бой бериш ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишдир. Вақт қадрига етадиган кишилар ўтаётган оний дақиқани ҳам гоят қадрлайди, фақат вақт масаласидагина ҳасислик қилади. Мумтоз шоир Данте «Вақтни бой бераётганида хуб бўладиган одам энг доно одамдир», деган эди. Умрининг ибтидоси ва интиҳоси мавжуд. Инсон умри поёнига етаётганини билгач, ўз меҳнати ва фаолияти, катта ижт-й кучнинг кичик аъзоси сифатида ўздан яхши ном қолдирганидан мамнун бўлади, ҳаётдан қониқиш ҳосил қилади. Машҳур «Авесто» китобида «Бу дунёдан кетар экансан, ортингда эзгу сўз, эзгу ният, эзгу амаллар қолсин» деб бежиз таъкидланмаган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ (903–976) — замондошлари «Ҳазрати Имом» деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, тарихий манбаларда у кишига алоҳида ҳурмат кўрсатилади ва номига «катта», «улуғ» маъносини ифодалайдиган «кабир» сўзини қўшиб ёзилади. Ҳ.И. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби ислом оламининг мовароуннаҳрлик буюк алломалари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳ.И. 903 (ҳижрий 291) йили Шошда туғилиб, болалиги ва ёшлиги шу ерда ўтган. Муфтий Зиёвуддинхон Бобохоновнинг таъкидлашича, дастлабки илмни замонасининг машҳур муҳаддиси ва фақиҳи Ҳайсам ибн Кулайбдан олган. Кейинроқ у илм талабида Мовароуннаҳрдаги маърифат ўчоқлари — Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларда бўлади. Имом Бухорий, Имом Термизий каби мутафаккирлар асарларини кунт б-н ўрганган. Аллома моҳир хунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонган. Шу боис «қаффол», яъни қул-

фчи, қулфсоз деган ном б-н танилган. Бу ҳақда машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (1113–1167) «Ал-Ансоб» («Насабнома») асарида бундай ёзади: «Қаффол қулфсозлик касбига нисбат берилган. Қаффол Шоший Шош аҳлидан бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонган... У фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қаффол Шошийнинг номи мағрибу машриққа ёйилган». Шайх Муҳйиддин Нававий (1233–1277) айтишича, агар «Қаффол Шоший» деб зикр қилинса, буюк имом Абу Бакр Қаффол Шоший, агар «Қаффол Марвазий» деб айтилса, кейинроқ яшаб ўтган «Кичик Қаффол» ҳақида сўз бораётган бўлади. «Шоший» («Катта Қаффол») номи тафсир, ҳадис, усул, калом илмларида тақрор-тақрор зикр этилади. Аммо «Марвазий» («Кичик Қаффол») исми эса фикҳга таллуқли асарлардагина учрайди. Ибн Халликон (1211–1282) «Вафоётул аъён» («Улуғ кишилар вафоти саналари») китобида: «Абу Бакр Қаффол Шоший ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлган. У фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик фанлари ва шеър санъати бўйича Мовароуннаҳрда олимлар орасида тенгсиз эди. У Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Суғур (Шимолий Сурия)га сафар қилган, унинг донғи бу ўлкаларда кенг тарқалган», — деб қайд этган. Мисрлик тарихчи Тожуддин Субкий (ваф. 1370) «Табақотуш шофеъийа ал-кубро» («Шофеъийанинги улуғ даражалари») асарида: «Абу Бакр Қаффол Шоший тафсир, ҳадис, калом, усул, фуруъ, луғат ва шеърят илмларида ҳамда зухд ва тақвода, очикқўлликда замонасининг пешқадамларидан бўлган. У кўп илмлар муҳофазасида жонкуяр, ўзи келтирган нарсаларни таҳқиқ этиб, уларни гўзал тасарруф қилувчи замон шахсларидан бири эди», — деб таърифлайди. Ас-Самъоний ўз китобида: «Сайхун дарёси ортидаги шаҳар «Шош» деб аталади. Бу ердан кўплаб имомлар етишиб чиққан», дея шошлик олимлар тўғрисида маълумотлар келтириб, жумладан, Ҳ.И. ҳақида бундай ёзади: “Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шо-

ший бўлиб, тафсир, ҳадис, фикҳ, тилшунослик илмлари бўйича замонасида унга тенг келадиган олим йўқ эди...». Унинг ҳуқуқшуносликка доир «Китоб фи усулил фикҳ» асари ўз даврида ислом дунёсида кенг қўлланган. Шайх Абу Исҳоқ Шерозий бундай ёзади: «Имом Абу Бакр Қаффол Шошийнинг кўплаб асарлари мавжуд, ҳеч бир киши ҳали шунча асар тасниф этмаган. У фақиҳлар ичида биринчи бўлиб «ал-Жадалул ҳасан» («Диалектика гўзаллиги») номли баҳс-мунозарага оид асар ёзди. Ш-дек, унинг «Китоб фи усулул фикҳ» («Фикҳ усуллари китоби»), «Шарҳур рисола» («Рисола шарҳи») асарлари бор». Тарихчи Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг таъкидлашича, Ҳ.И. «Далоилун нубувват» («Пайғамбарлик далиллари»), «Маҳосинуш шариа» («Шариат гўзалликлари») китобларини ҳам таълиф этган. Имом Нававий ҳам унинг «Далоилун нубувват» ва «Маҳосинуш шариа» китобларини кўрганни айтиди. Ҳ.И.нинг «Жавомийул калим» («Ҳикматли иборалар тўплами»), «Адабул қози» («Қозининг одоби») каби асарлари борлиги ҳақида ҳам манбаларда қайд этилган. Жумладан, насабшунос олим Ҳожи Халифа (Мулла Котиб Чалабий) «Кашфуз зунун ан усомоул кутуб вал фунун» асарида Ҳ.И. – Қаффол Шоший қаламига мансуб қуйидаги китобларни санайди: «Маҳосинуш шариа фи фуруъ ашшофеъийа». Ушбу асарнинг ҳажми жуда катта бўлиб, уч жилддан иборат. Бир нусхаси Қоҳирадаги «Фозилия» мадрасасига вақф қилинган; «Жавомийул калим». Унда Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) муборак ҳадиси шарифларидан намуналар жамланган; айрим тарихий манбаларда «Тақриб фил фуруъ» ва «Усулуш Шоший» номли асарлар ҳам Ҳ.И. қаламига мансуб деб кўрсатилади. Аммо Ҳожи Халифа кўрсатишича, биринчи китобни Ҳ.И.нинг ўғли Қосим ибн Муҳаммад Қаффол Шоший таълиф этган, иккинчиси, тошкентлик тадқиқотчи олим Нодирхон Маҳдум Алоуддин Маҳдум ўғлининг сўзига кўра, Низомиддин Шоший асаридир. Ҳ.И. асарларидан бирортаси мам-тимиз китоб хазиналарида мавжуд эмас. 1970 йили

муфтий Зиёвуддинхон Бобохонов томонидан Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланаётган «Жавомийул калим» асари қўлёзмасининг фотонусхасигина олиб келинган, холос. Ҳозир у Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасининг қўлёзмалар хазинасида сақланыпти. Ҳ.И. илмий меросида «Жавомийул калим» («Сўзлари қисқа, маъноси кенг ҳадислар») асари етакчи ўринни эгаллайди. Ҳожи Халифа: «Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шошийнинг «Жавомийул калим» китоби Имом Бухорий шарҳи мажмуаларидаги Расулulloҳ (с.а.в.) калималари асосида ёзилган», – дея таъкидлайди. Ҳ.И. ўзи «Жавомийул калим» асарининг аҳамияти тўғрисида қўлёзманинг муқаддима қисмида бундай ёзади: «Бу китобимда Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадислари ичида эшитганларимдан мингта сўз (калима) тўпладим. Уларнинг тузилиши мураккабликдан холи, маънолари чигалликдан йироқ, Пайғамбар ҳидояти б-н қўллаб-қувватланган ва тарбиялангани сабабли фасиҳларнинг фасоҳатидан ва балоғат аҳлининг балоғатидан устундир. Мен уларни ўзлаштириш ва эслаб қолишни осонлаштириш мақсадида бири иккинчисининг ортидан келадиган иснодларини олиб ташлаб, сўзларнинг яқинлигига кўра бобларга бўлинган ҳолда келтирдим». Ҳ.И.нинг бу асарида саҳиҳ ҳадислар жамланган. Калималар ва иборалар лўнда, тушунарли, теран шаклда берилган. Ш-дек, китобдан Ислом дини аҳкомларидан ташқари, одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир халқимиз орасида кенг тарқалган матал, мақоллар, нодир ва ҳикматли сўзлар ҳам ўрин олган. Бу ҳол китобнинг халқ оmmasига тушунарли бўлишини таъминлаган, кенг тарқалишида ўзига хос таъсир кўрсатган.

Мас., Ҳ.И. ҳақида сўз юритар экан, Ибн Халликон сарлавҳадаёқ унинг исмишарифи ва насаблари ёнига «имаму а.иҳи била мудофаа» – баҳсу мунозараларда «ўз а.ининг ҳимояга муҳтож бўлмаган энгилмас йўлбошчиси» иборасини қўшиб ёзади. Ҳ.И. 976 (ҳижрий 366) йили Тошкентда 75 ёшида вафот этади. Алломанинг мубо-

рак хоки Тошкентнинг Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) маҳалласидаги Қафғол Шоший мақбарасида дафн этилган. Бу ерда, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тилла Шайх ва Намозгоҳ масжидлари ҳам қад ростлаган. Мустақиллик йилларида Президент Исом Каримов ташаббуси ва раҳбарлиги билан “Ҳ.И.” маҳалласида жуда қисқа муддатда катта қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, муҳташам мажмуа бунёд этилди. Халқимиз маън-й меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳ.И. меъморий мажмуаси табаррук маскан ҳисобланади.

ҲАЛОЛЛИК (араб. руҳсат этилган, йўл қўйилган; қонуний, асосли; тўғрилиқ, виждонлилиқ) — шарият ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган; кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати б-н, пешона тери тўкиб топилган; хиёнат, фирромлик кабилардан холи, қинғир йўлга бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, соф, покиза бўлишни талаб қиладиган маън-й-ахлоқий меъёрни англагувчи т. Инсонни маън-й-ахлоқий жиҳатдан безайдиган ажойиб фазилатлардан бири — ҳалол, покиза яшаш, бировларнинг ҳақиқа заррача бўлса-да, хиёнат қилмасликдан иборатдир. Ҳалол б-н ҳаромни фарқлаш, фақат ўз меҳнати эвазига тирикчилик қилиш, ҳаром-ҳаришдан жирканиш, ҳаромхўрликни энг катта гуноҳ ва ахлоқсизлик деб билиш — Шарқ файласуфларининг энг муҳим ғояларидан ҳисобланади. Ҳ. виждон, адолат ва бурч каби ахлоқий т.лар б-н боғлиқ, инсоннинг ўзгага мун-ти ўзига мун-тидек соф, покиза бўлишни талаб қиладиган ахлоқий меъёрдир. Даставвал у диний т. сифатида вужудга келиб, ҳар бир мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқт-й хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи шаръий меъёр сифатида амал қилган. Кейинчалик Ҳ. нисбатан тор шаръий қобикдан чиқиб, аста-секин шахс ҳаётидаги кенг қамровли ахлоқий меъёрга айланди, теран маън-йлик касб этгани ҳолда, кундалиқ ҳаётдаги инсонийликни белгилайдиган умуминсоний фазилатга айланди. Мас., ҳоз. кунда ихтисослашган меҳнат

тақсимотининг такомиллашуви, илм-фан тар-ётининг юксалиши натижасида биз касбий Ҳ., илмий Ҳ., иқт-й Ҳ. ва б. ҳақида гапиришимиз мумкин. Ҳ.нинг мавжудлиги фидойилиқ, ростгўйлик б-н шартланади. Доимо Ҳ. қилиши ёки ҳалол яшаши учун киши албатта нималардандир кечиши, кимларгадир қарши бориши, фақат рост гапириши, сўз б-н иш бирлигига эришиши керак. Шу боис ҳалол инсон жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборга эга, ҳурматга сазовор бўлади. Қайси жам-тда ҳалол фуқаролар кўпайса, ўша ерда бахт ва фаровонлик ҳукм суради. Мустабид тузум даврида ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик сингари иллатлар халқимизга шу қадар усталиқ б-н сингдирилдики, унинг асоратлари ҳозиргача сезилиб туради. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу иллатларга қарши кураш бошланди. Ҳоз. кунда давлатимиз миллий-маън-й қадриятларни тиклаш, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга қақаришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмоқда. Ҳозирда ҳалол, ростгўй инсонлардан иборат бўлган фуқаролар жам-тини қуриш — фақат ахлоқий муаммо эмас, балки келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англагувчи ижт-й-сиёсий янгилашидир. Ҳ. инсоннинг ички ва ташқи дунёсининг бирлиги, сўзи б-н хатти-ҳаракати тўғри келишини, атрофдаги инсонларга очиққўнгил ва самимий мун-тини ифодаловчи маън-й-ахлоқий фазилатлардан ҳисобланади. Ҳ. жам-тнинг ахлоқий меъёрларига онгли равишда ва ихтиёрий амал қилишга ундайдиган ҳодисадир. Ҳ. инсон характерининг моҳиятидан келиб чиқиб, инсоннинг ўз вазифасини виждонан ва онгли равишда бажаришида намоён бўлади. Чин маънодаги Ҳ. ваъдага вафо қилиш, сўз б-н иш бирлиги демакдир. Сўзининг устидан чиқмаган одам бебурд, белафз одам ҳисобланади. Молу давлат пешона тери б-н, меҳнат б-н топилса ҳалолдир. Ҳ. ростгўйлик, тўғрилиқ, ахлоқий поклик, самимийлик каби инсоний фазилатлар мажмуасидан иборат. Ҳ. - ҳаромнинг зидди.

Ҳалол амалларга қуйидаги фазилатлар қиради: меҳнат б-н тирикчилик қилиш, ҳалол ризқ топиш, яхши ният қилиш, яхши сўзлаш, яхши амаллар қилиш, омонат ва қарзларни ўз вақтида қайтариш, етимларни кафилликка олиш, вафодорлик, гуноҳни савоб ишлар б-н ювиш, эҳсон ва садақа қилиш, муҳтожларга қарз бериш, ёрдам кўрсатиш, меҳр-мурувватли, оқибатли бўлиш ва ҳ.к. Ҳ. инсон маъятининг энг эзгу фазилатларидан бири бўлиб, жам-т тар-ётини белгилайди. Жам-тда ҳалол инсонлар қанча кўп бўлса, у шунча тараққий этади. Бинобарин, ҳалол одам вазифасига маъсулият б-н ёндашади, қинғир йўллар орқали бойлик орттиришни ўйламайди, иши, халқи, ватанига содиқ бўлади.

ҲАМДАРДЛИК — инсонпарварлик кўринишларидан бири бўлиб, шахснинг бошқаларга мун-ти, уларнинг фикр ва туйғуларини тушуниш ҳамда қўллаб-қувватлашни англатувчи т. Ҳ. юксак инсоний фазилат, маъ-ят, инсонпарварлик, олижаноблик белгисидир. Ҳ. ва яхши сўз кишига умид ва илҳом бахш этади. Ҳ. инсонлар ўртасидаги самимийлик, табасум ва бегубор мун-тларда, ўз яқинлари ва б.нинг дардига малҳам бўлиш, эътибор, бошқаларни ўйлаб яшаш, меҳмондўстлик, мулоқот, ширинсўзлик, яхшилик қилиш, мун-тлар мад-тида намоён бўлади. Ҳ. мам-тлараро ва инсонлараро мун-тларда ҳам тажассум топади. Ўзаро Ҳ. яхши қўшничиликнинг муҳим шартидир. Кишининг тўйига-ку ҳамма ҳам келади, лекин бошига кулфат тушганда биринчи бўлиб қўшнилари Ҳ. билдиради. Инсон бошига ўлим тушганда яхши қўшнилари ҳам, содиқ дўстлар ҳам, қариндош-уруғлар ҳам шундай укубатли, қайғули, ташвишли пайтларда аздорнинг ёнида таянч ва кўмакдош бўлиш, тўйларда ҳам эҳтиёжманд тарафнинг фикр ва туйғуларини тушунишга чин қалбдан ёндашиш, қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва кўмак бериш, виждон амри б-н ҳаққоний, адолатли фикрлар айтиб, ижобий хулосалар қилиш, яъни Ҳ. бўлиш — чин инсоний

фазилатлардан ҳисобланади. Ҳ.дан ташвиш ва ғам енгиллашади. Қандайдир фалокат рўй берганда ҳам, мас., қўшнининг уйига ўт кетганда, қўни-қўшниларининг бир жону бир тан бўлиб кўмаклашиши, уй ёниб-қуйиб хароб бўлгач, яшаш учун шароит қолмагач, маҳалла аҳли ҳашар йўли б-н қўшнининг уйини тиклаши, ҳар кимнинг қўлидан келганича ёрдам бериши ҳам яхши инсонларнинг ҳамдам ва Ҳ.идан далолатдир. Мас., Ҳ.нинг мам-тлараро кўринишида бирор табиий офатдан зарар кўрган, кулфат оқибатида талафот кўрган давлат аҳолисига қўшни мам-тлар яхши сўз, таъзия изҳор этиб, дардларига шерик бўлишади, моддий ва маън-й томондан кўмаклашади. Инсон ҳаётининг оғир, мусибатли кунларида атрофдаги одамларнинг Ҳ.ига, маън-й-руҳий кўмакка муҳтож бўлади. Илиқ ва самимий муомала, очиқ чеҳра б-н чин юракдан олиб борилган дўстона суҳбат, дардга шерик бўлиш б-н Ҳ. билдириш кишига нажот, руҳига тетиклик, қалбига умид бағишлайди. Ҳ. жамоадаги маън-й-руҳий иқлимни соғломлаштирувчи, бошига мусибат тушган инсоннинг келажак ҳаётга ишонч б-н қарашига сабаб бўлувчи муҳим омилдир. Маън-й тубан кишилар ҳақиқий Ҳ. билдира олмайди, Ҳ. билдирганда эса, уларнинг Ҳ.и сохта чиқади. Ҳақиқий Ҳ. юксак маън-й сифатлар, фазилатларга эга инсонлар томонидан қилинади. Ҳ. умуминсоний қадриятлардан бири бўлиб, турли халқларда турли кўринишларда учрайди. Ҳ.нинг икки кўриниши мавжуд. Биринчиси, халқ, миллат, яқин танишлар, қариндош-уруғлар бошига тушган мушкулликларга иқт-й ёрдам орқали билдириладиган Ҳ.дир. Иккинчиси, инсонга яқин кишилари вафоти мун-ти б-н таъзия изҳор қилиш, Куръон тиловати орқали Ҳ. билдириш одатидир. Бундай қадриятни нотўғри изоҳловчи ваҳҳобийлик, акромийлик каби тажовузкор оқимлар халқимиз томонидан қаттиқ қораланади. Халқлар ва мам-тлар орасидаги ўзаро Ҳ. башариятга хос мун-т бўлиб, халқаро мун-тларнинг мустақамланишига, одамлар орасидаги Ҳ. эса меҳр-оқибатнинг кучайишига хизмат қилади.

ҲАМИЯТ (араб. жаҳли тезлик, жиз-заклик; ғайрат, қунт; манманлик, такаб-бурлик, мағрурлик) — ўзининг ва ўзига қарашли кишиларнинг ор-номусини бош-қаларнинг тажовузидан ҳимоя қилишга бўлган интилиш, ор-номусни пок сақлаш туйғусини ифода этувчи т. Шундай интилиш ва туйғуга эга бўлган киши “Ҳ.ли одам” дейилади. Улар жам-тдаги эгрилик, нопокликка бефарқ қараб тура олмайди. Ўз халқи ва ўзга элларнинг урф-о.ларини ҳурмат қилиш, жам-т қонун-қоидаларига риоя этиш, юрти, оиласи, дўстларининг шарафини сақлаш, ҳимоя этиш ҳам Ҳ. саналади. Ҳ. сўзининг тилимиздаги ҳоз. маъноси “орият”, “номус”, “қадр-қиммат” т.ларига уйғун бўлиб, салбий маънода деярли қўлланилмайди.

ҲАМКОРЛИК — турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги маънан бирлашувини ифодалайди. Ҳ.нинг мустақам ўрин эгаллаши дунёда, мам-тимизда ташкилот ва ижт-й қатламлар, турли ин-тлар ўртасида ўзаро келишувга асосланган алоқаларни таъминлаш зарурати б-н изоҳланади. Жам-тда тотувлик ва барқарор тар-ёт турли шахслар ҳамда тоифалар ўртасидаги Ҳ. ва ҳамжиҳатликка боғлиқ. Шахс манфаатлари миллат ва жам-т манфаатларига уйғунлашган ҳолдагина қатламлар ўртасидаги мун-тлар ва ўзаро Ҳ.ни яхшилаш, жам-тдаги барқарорликни мустақамлашга замин яратиш мумкин. Аксинча, ана шу Ҳ.нинг издан чиқиши ёки мун-тларнинг ёмонлашуви барқарорликнинг бузилишига олиб келади, беқарорлик, сиёсий бошбошдоқлик ва миллий парокандаликни келтириб чиқаради. Ҳ.нинг вужудга келишида маъ-ят катта ўрин тутади. Ҳ.да амалга ошириладиган ишларнинг моҳиятини тўғри тушуниш томонларнинг бир-бирига ишончини мустақамлашга хизмат қилади. Ҳ. ҳамфикрлик, иттифоқлик, дўстона алоқалар, муаммоларни бартараф этишдаги баҳамжиҳатлик воситасида тар-ётни таъминлаш имкониятларини яратади. Шунга кўра, Ҳ. маъ-ят б-н яқин мун-тдир. Давлатнинг бош ислоҳотчилик роли, энг аввало,

жам-тдаги Ҳ.ни таъминлайдиган маън-й юксаклик, иқт-й асослар, сиёсий вазият, мад-й муҳит, ҳуқуқий-қонуний мун-тларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятида намоён бўлади.

ҲАМФИКРЛИК — турли давлатлар раҳбарлари, сиёсий оқимлар, партиялар, жамоат ташкилотлари, якка шахсларнинг ўзаро мулоқотида ягона хулоса ва ечимга келиш жараёнидир. Мулоқотлар бошланишида фикрлар хилма-хиллиги устувор бўлади. Бу жараёнда турлича қарашлар ва кўп фикрлик ўзгармай қолса, ягона ечимга келиш амримаҳол. Томонларни мурасага келтириш, уларни ягона ечимга олиб келиш консенсус наз-яси дейилади. Унинг асосий мақсади — томонларнинг манфаатларига путур етказмаслик ва барчани қониқтирадиган ечимни топишдан иборат. Мас., кўпчилик давлатлар сиёсатчилари давлат сиёсатини дин ва халқ манфаатларини ҳурмат қилиш асосига қуриш керак, деган фикрни илгари суради. Қонун устуворлиги, давлат ва жам-т манфаатлари устуворлигига эришишда ҳам Ҳ. зарур. Айрим давлатлар тарихида халқ манфаатига зид қонунлар қабул қилиш, сўнгра қонун устуворлигини талаб қилиш халқни ночор аҳволга тушириб қўйгани маълум. Шўролар даврида ана шу ҳолатни кузатиш мумкин эди. Баъзан Ҳ.нинг синоними сифатида одамларнинг ўзаро иттифоқлигини ифодалашга хизмат қиладиган ҳамжиҳатлик атамасидан ҳам фойдаланилади.

ҲАРОМ (араб. фойдаланиш, истетьмол этиш шаръан ман этилган нарса; муқаддас; ноқонуний) — шариат ҳукмига мувофиқ ейиш, ичиш, фойдаланишга ярамайдиган, ҳалол бўлмаган, анъана ёки тартиб-қоидаларга кўра ман этилган иш, хатти-ҳаракат; шу йўл б-н топилган нарса; ҳаётида шундай йўл тутувчи кимса каби маъноларни англатувчи т. Зулм, ўғирлик, рибоҳўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли б-н топилган ҳар бир нарса, ўзи қанча пок бўлса ҳам, топувчига Ҳ.дир. Ш.у. ҳам уламолар мутлақ Ҳ.ни — ўзида Ҳ.лик сифати бор ёки ман қилинган йўл б-н топилган нарсадир, деб таъ-

рифлайди. Мусулмон инсон учун Ҳ.дан ҳазар қилиш фарз ҳисобланади. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни Ҳ. — ботил йўл б-н бировнинг молини ейишдан қатъий равишда қайтарган. Бир луқма Ҳ. таом еган одамнинг неча кунлаб дуоסי қабул бўлмаслиги таъкидланган. Мусулмон инсон Ҳ. йўл б-н молу дунё касб қилишдан, худди чўчқанинг гўшттини ейишдан ҳазар қилгандек, ҳазар қилиш керак. Ҳ. йўл б-н молу дунё топган одам икки дунёда шарманда бўлади. Бу дунёда азоб-уқубат, турли бало-офатларга йўлиқиб, у дунёда жаҳаннам ичида қолади. Шариятда Ҳ. ҳисобланган нарсани ҳалол деб эътиқод қилган одам кофир бўлади. Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсалар инсон учун моддий ва маън-й фойдалидир. Ҳ. қилинган нарсалар зарарлидир. Ш.у. ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум. Ҳ. қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Ота-онага оқ бўлиш, зинокорлик, рибо (судхўрлик), сеҳргар ва фолбинларга ишониш, ўғирлик, қароқчилик, порахўрлик, жосуслик, чақимчилик, ёлгончилик, қотиллик, ноҳақ қон тўкиш, хиёнаткорлик, ўликка дод-вой солиб йиғлаш, савдо-сотиқда фирромлик, гийбат, туҳмат кабилар Ҳ. амаллардир. Ейиладиган нарсалардан тўнғиз, ваҳший ҳайвонлар, ҳаром ўлган ҳалол ҳайвонлар, сўйилганда оққан қон, «бисмиллоҳ» айтмай сўйилган ҳалол ҳайвон гўштлири, динсизлар (мажусий) сўйган ҳайвон гўштлири, маст қилувчи ичимлик ва гиёҳларнинг ҳаммаси ислом шариятида Ҳ. қилинган. Куръони каримнинг «Моид» сураси 3-оятда бу ҳақда қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Ўлимтик гўшти, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган, (бирор жойини) йиртқич ҳайвон еган ҳайвонлар гўшти сизларга ҳаром. (Шаръий йўл б-н сўйиб) Поклаб олишга улгурганингиз бундан мустасно. Ш-дек, бут-санамларга атаб сўйилганлар ҳам — Ҳ.» Булардан ташқари, эркакларнинг тилла нарса тақиши, ипак кийим кийиши, аёлларнинг эркакча кийиниши, тилла-қумуш идишда овқатланишлар ҳам Ҳ. амаллардан

саналади. Фойдаланиши Ҳ. этилган ва истифода қилган кишига фақат зарар берадиган ўсимликларни экиш ва парвариш қилиш ҳам исломда Ҳ. ҳисобланган (мас., наша, қорадори, афюн, тамаки). Бир нарсанинг Ҳ. экани шубҳасиз, очиқ далиллар б-н маълум бўлса, уни экиш ва етиштириш ҳам Ҳ.дир. Мусулмон киши ҳеч қачон Ҳ.га қўл урмаслиги, Ҳ.дан истифода этмаслиги, ундан узоқ туриши керак. Шунга кўра, мас., насронийларга сотиш учун чўчқа боқиш ҳам мусулмонга жоиз эмас. Шариятда Ҳ. ишларга одатланган одам гуноҳкор бўлиш б-н бирга, ҳаётда хорлик, шармандалик ва қашшоқликка гирифторм бўлиши таъкидланади. Кенг маънода Ҳ. ахлоқ т.си бўлиб, жам-т аъзолари зиммасига юклатилган ахлоқий-ҳуқуқий талабларнинг виждонан бажарилиши мобайнида шахсий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб ошкора ё пинҳона бузилишини англатади.

ҲАСАД — ўзга кишидаги ютуқ, омаднинг ўзида бўлишига ички ва ташқи хоҳиш, бошқанинг ҳаёти, фаолияти, атрофдагилар хулқ-атворини кўролмасликни ифодаловчи т. Абдулла Авлоний фикрича: “Ҳ. деб, бир одамга жаноби ҳақ тарафиндан берилган неъмат ва давлатнинг заволини тиламакни айтулур. Гийбат, бўҳтон, суъизан каби ёмон хулқлар Ҳ.дан туғилур”. Ҳ. барча динларда қораланади. Мас., христиан динида Ҳ. етгита гуноҳи кабиралардан бири ҳисобланади. Чунки бу динда айтилишича, Ҳ. қилиш худо томонидан ўрнатилган тартибдан норозиликни билдиради. Ҳ. ислом динида ҳам қаттиқ қораланади. Мас., Куръони каримнинг “Фалақ” сурасида таъкидланишича, “Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, яратган нарсалари ёвузлигидан, зулматга чўмган тун ёвузлигидан, тугунчаларга дам солувчи аёллар ёвузлигидан, ҳамда Ҳ.чининг Ҳ.и ёвузлигидан”. Ҳ. туйғуси одамлар орасида низо, келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Жамоаларда эса Ҳ. маън-й-ахлоқий иқлимни бузади, корпоратив мад-ятни емириб ташлайди. Президент И.А.Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида салбий хус-ятларнинг

энг хунук кўриниши бўлмиш Ҳ. тўғрисида тўхталиб шундай дейди: “Одамзод ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади. Жумладан, муборак ҳадисларда «Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади», деб айтилгани бежиз эмас.

Азал-азалдан очиқкўнгил, самимий ва меҳнаткаш, яхшилиқни юксак қадрлайдиган халқимиз бундай иллатлардан доимо ҳазар қилиб келади. Лекин, минг афсуски, умр йўлларида ҳасад балосига кўп дуч келамиз. Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, соғлиги, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини ачиқ мисолларда кўриш мумкин” (“Юксак маънавият – энгилмас куч”, 120–121-б.).

Шарқ донишмандлари Ҳ.нинг зарарли иллат экани тўғрисида шундай фикр юритади: “Дунёда Ҳ. ва гинадан оғирроқ гуноҳ йўқ. Чунки, Ҳ.чи кимса одамларнинг шодлигидан пайваста ғам остида юради. Ўзгалар роҳатидан доимо заҳмат тартади” (*Муҳаммад Ҳусайн*); “Ҳ. балоси улкан фасодлар пайдо қилур. Чунки Ҳ. бағоят жирканч хислатдир”, “Ҳ., бошқаларнинг роҳатини кўролмаслик – ҳамма сифатларнинг пастроғидир. Ҳ. ҳиммат пастлиги ва кўнгил хасталигидан ҳосил бўлади. (*Ҳусайн Воиз Кошифий*); “Ҳ. б-н ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва қудуратли қилиб юборади” (*Абу Райҳон Беруний*). Ҳ. ижт-й иллат сифатида ҳам инсоният бошига қатта қулфатлар келтирган. Турли халқлар, миллатлар бошқа миллат ва давлатларнинг ютуқ ва тўлавафқиятларини ижобий қабул қила олмаслик, уни ўзиники қилиб олишга интилиш зами-

рида айнан Ҳ. ҳисси ётади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниётларни ҳам уйғотиши сир эмас. Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, ягона уйимиз, кўрғонимиз, муқаддас оиламиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойилликка чорлайди”.

ҲАШАР — муайян юмушни ихтиёрлий, холисона кўпчилик, жамоа бўлиб бажариш. Ҳ. ўзб. халқининг азалий урф-о-ларидан бўлиб, жамоавийликни ўзида тўлиқ акс эттиради. Ҳ. ҳаётий муаммоларни биргаликда ҳал этиш усули, жамоа ҳаётига оид моддий-маиший ва маън-й мазмундаги умумий фаолиятдир. Ҳ.да ўзб. оилалари биргалашиб бир-бирига беғараз ёрдам кўрсатади. иншоот ва бинолар тиклайди, ночорларга ёрдам уюштиради. Маҳалла, қишлоқ, жамоа ҳудудларига оид муаммоларни ҳал қилишда ҳам, атрофмуҳит тозаллиги, ободонлаштиришга доир ишларда ҳам Ҳ.дан фойдаланилган. Халқимизга хос бу қадимий удум бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

ҲАЯЖОН — инсон ҳис-туйғулари намоён бўлишининг бир кўринишини ифодаловчи т. Ҳис-туйғулар кишининг ўз ҳаётида нималар юз бераётгани, нималарни билиб олаётгани ёки нима б-н машғул бўлаётганига нисбатан ички эҳтиросли мун-тидир. Ҳис-туйғуларни бошдан кечирининг турли — Ҳ., аффект, кайфият, стресс (кучли Ҳ.ланиш), эҳтирос кўринишлари мавжуд. Ҳис-туйғулар шахснинг ҳиссиёт оламини ташкил этади. Кишидаги ҳис-туйғулар унинг эҳтиёжлари қондирилиши жараёни қандай кечаётганидан далолат беради. Ҳ. инсоннинг руҳий ҳолати, фаолияти, ишчанлик даражасига турлича таъсир этиши мумкин. Баъзан Ҳ. ки-

шини ғайратлантурса, бошқа ҳолларда унинг фаолиятини сусайтириб юборади. Кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат б-н ўтиб кетадиган ҳис-туйғу психология фанида аффект (ҳиссий портлаш) деб юритилади. Бу пайтда кишининг ўз хулқ-атворини онгли назорат қилиш даражаси пасаяди, диққати, хотираси кескин сусайиб кетади, иродаси ўзига бўйсунмайди. Кайфиятлар унча кучли бўлмаган, лекин узоқ вақт давом этадиган барқарор ҳиссиётдир. Кайфият шоду-хуррамлик ёки ғам-қайғуга ботиш, тетиклик ёки ланжлик, Ҳ. ёки маъюслик, жиддийлик ёки енгилтаклик, жиззакилик ёки мулойимлик кабилар тарзида кечади. Стресс — кучли ҳиссий зўриқишдан иборат жараён бўлиб, у хавф-хатар туғилган, киши хафа бўлган, уялган, таҳлика остида қолган вазиятларда рўй беради. Эҳтирослар деб киши хатти-ҳаракатлари йўналишини белгилайдиган, барқарор, чуқур ва кучли ҳисларга айтилади. Мас., рассомликка, мусиқага эҳтирос, бедана уриштиришга эҳтирос ва ҳ.к. Ҳис-туйғулар мазмун жиҳатидан турлича бўлиши мумкин. Интеллектуал (ақлий) ҳис-туйғуларга билишга қизиқиш, ажабланиш, шубҳаланиш, таажжубланиш, ишонч каби ҳислар қиради. Буларнинг барчаси ижобий, маън-й характерга эга бўлиб, кишини билишга, ўрганишга, иштиёқ б-н ишлашга ундайди. Маън-й ҳис-туйғуларга дўстлик, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, ҳамдардлик, содиқлик, меҳнатни севиш кабилар қиради. Инсоннинг ахлоқий етуклиги, тарбиялангани ана шу ҳислар орқали белгиланади. Эстетик ҳис-туйғуларга гўзал, чиройли, ёқимли нарсалардан завқланиш, шодланиш, хузур қилиш, роҳатланиш кабилар қиради. Бу ҳисларнинг манбаи гўзал табиат, санъат, адабиёт, чиройли турмуш кабилар бўлиши мумкин. Шахс интеллектуал, маън-й, эстетик туйғуларни фаолият ва мулоқот жараёнида бошидан кечиради. Ижт-й воқеликка нисбатан бутун ҳиссий мун-тлар бойлигини ифодалагани учун улар юксак ҳис-туйғулар деб аталади.

ҲАҚ — Аллоҳ исмларидан бири,

Худо, Бақо; адл, адолат, лаёқат, ростгўй, тўғрисиўз. Воқелик ҳақида билдирилган фикрлар ёки фикр-мулоҳазаларнинг воқеликка мос келишини сидқ атамаси б-н номланган. Ҳ. дин ёки мазаҳбага ишонтириш учун ишлатилса, сидқ (тўғрилиқ) ҳукм, мулоҳазани, кизб (ёлғончилик) эса унинг зиддини ифодалаган.

ҲАҚИҚАТ (араб. чин, тўғри) — инсон онгида воқеликнинг тўғри, ҳаққоний акс этиши, олам, воқеа-ҳодиса, тафаккур маҳсули, мун-тлар ва б.ни аслида қандай бўлса шундай тушунишни ифодалайдиган т. Голландиялик файласуф Спиноза инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келишини Ҳ. деб атаган. Ҳ.нинг қуйидаги турлари бир-биридан фарқланади: 1) объектив Ҳ. (оламдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятининг инсон онги ва истакларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги); 2) нисбий Ҳ. (инсон билим доирасининг чеклангани); 3) конкрет Ҳ. (предмет ёки ҳодисанинг ҳамиша аниқ жой ва шароитда мавжудлигининг инсон онгида акс этиши); 4) мутлақ Ҳ. (предмет ёки ҳодиса моҳиятининг инсон онгида тўлиқ акс этиши). Мутлақ Ҳ. нисбий Ҳ.лар мажмуасидан ташкил топади. Ҳ. мезони ижт-й амалиётдир. Ҳ. маъ-ятда энг кўп эътибор қаратиладиган т.лардан бири бўлиб, инсон маъ-ятининг шаклланиши, рив-шида катта аҳамият касб этади. Ҳ.ни чуқур англаш инсон руҳиятига турлича таъсир кўрсатиб, маън-й хус-ятларнинг жонланишига туртки бериш б-н ўз натижаларини намоён этади. Ҳ.ни англаш орқали инсон томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ёки тафаккур маҳсули унинг маъ-яти даражасини ҳам белгилаб беради ва шунга кўра, инсон маъ-ятини юксалтириш омилларидан бири ҳисобланади.

ҲАҚОРАТ — кишининг иззат-нафси, иффати, ғурурига тегадиган сўзлар б-н шаъни ва қадр-қимматини тушириш, таҳқирлаш амалга оширилган ҳаракатни англатувчи т. Ҳ. оғзаки, ёзма равишда ёки хатти-ҳаракат, имо-ишоралар, ш-дек, бошқа шахслар олдида ёки жабрланувчи-

нинг эшитишига ишонч ҳосил қилган ҳолда унинг орқасидан амалга оширилиши мумкин. Ҳ. оқибатида маън-й зуғум туфайли шахснинг соғлиғига шикаст етказилиши мумкинлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Шахс шаъни ва қадр-қимматини беодоблик б-н қасддан таҳқирлаш турли хатти-ҳаракатларда (мас., беандишаллик б-н сўкиш, турли Ҳ.омуз ибора ва мулоҳазаларни ёзиш, юзига тупуриш, жабрланувчига нисбатан беҳаё хатти-ҳаракатлар ва имо-ишгоралар қилиш ва ҳ.к.) ифодаланади. Ҳ. қилиш жиноятнинг таркиби мавжуд бўлиши учун шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш беодоблик б-н, яъни жам-тда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига мутлақо зид кўринишда ифодаланиши зарур. Ҳ. қилиш одатда бевосита содир этилади, аммо жабрланувчи бу ҳақда хабар топади, деган тахмин б-н сиртдан, воситачи орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳ. қилганлик учун жавобгарлик масаласини ҳал этишда жабрланувчи шахснинг ҳиссиётидан келиб чиқиб, ҳулоса чиқариш мумкин эмас. Бу ҳиссиёт ўзига ҳаддан зиёд бино кўйиш хус-ятидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин. Хафа қилиш ҳар хил бўлиши мумкин, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам Ҳ. бўлавермайди. Шахс қадр-қимматини таҳқирлайдиган ва беодоблик б-н қилинган ҳаракатгина Ҳ. деб эътироф этилади. Шахсга берилган салбий баҳо ҳақиқатни акс эттиради, аммо у беодоблик б-н баён этилган ҳолларда Ҳ.нинг таркиби мавжуд бўлади. Аксинча, одоб доирасида баён этилган танқид Ҳ. ҳисобланмайди. Ҳ. ҳар доим маълум бир шахсга қаратилган бўлади.

ҲАҚСИЗЛИК — ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилган, ҳақ-ҳуқуқ топталган ҳолатни англатувчи т. Ҳ. сўзи адолатсизлик сўзи б-н маънодошдир. Маълумки, ҳар бир инсон адолат б-н иш тутаганина, ҳақиқатга эришади. Амир Темурнинг “Куч — адолатда” деган таъбирини унутмаслик лозим. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятининг замини, бош йўнали-

ши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик мун-глари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, ҳаётнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат заминига таяниш зарур. Бу жам-тнинг умумий мад-й-маън-й қиёфасини белгилаш б-н бирга мам-т фуқароларининг маън-й-ахлоқий ва руҳий кечинмаларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Ана шунинг ўзи давлат б-н фуқаро, жам-т б-н аҳоли ўртасидаги мун-тлар, уларнинг адолатга таянган ва уйғунлашиб кетган ягона жонли организмга айланиб боришига кенг имконият яратади. Агар жам-т адолатли бўлса, унга адолатпеша шахс раҳбарлик қилса, жам-т аъзолари учун ҳам бахтнинг кулиб боққанидир. Инсон яхши хулқли, олижаноб бўлса, адолатли жам-тда одамларга катта наф етказади. Адолатсиз жам-тда эса ахлоқли шахснинг ахлоқи жам-т ахлоқига мос келмайди. Доно инсон адолатсиз жам-тнинг ахлоқсиз талабларига бўйин эгмайди. Аксинча, унга тўғри йўл кўрсатишга интилади. “Шоҳ ишни адолат б-н юргизса, адолат унинг вайрона мам-тини ҳам обод қилиб юборади. Адолат истовчи зулм ўтидан фиғон қилса, адолатнинг соясидан унга паноҳ бер. Мазлумнинг сўзи тўғри бўлиб чиқдими, энди зolim ўзингга тегишли одам бўлса ҳам, юзига боқма. Жазолашда ҳам фаросат керак. Ёлғон гапиришга ўрганган одам рост гапира олмайди. Ростгўй одам ҳеч қачон ёлғон гапиришга интилмайди. Чунки тун б-н кун ўзаро му-таносибдир. Зеро, Ҳ. қилиб бировнинг айби учун бошқани гуноҳкор этма, ҳар кўйининг ўз оёғидан ос. Хаёлингга яхши бир буйруқ келса, уни маслаҳатсиз амалга оширишга ошиқма. Ишончли кишилар фикрдан фойдалан”. Ҳазрат Навоийнинг Ҳ., адолатсизлик ва ҳақиқат ҳақидаги ана шу ўғитларига доим амал қилинса, жам-тда Ҳ.нинг илдиизи кўпориб ташланади.

ҲИДОЯТ — тўғри йўл, Ҳақ таоло даъват этган, амр этган йўл, ҳақиқий эътиқод йўлидан юриш, залолатнинг

қарама-қаршиси. Ҳ. Аллоҳ ўз бандалари учун кўрсатган энг тўғри йўл ҳисобланади. Қуръони каримнинг кўплаб оятларида Ҳ. тўғрисида маълумотлар бор. Уларда таъкидланишича, Аллоҳ таоло Ҳ. йўлига ҳаммани ҳам бошламайди, балки ўзи хоҳлаган, танлаган кишиларнигина бу неъматга мушарраф этади. Ҳатто Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Сен хоҳлаган кишингни Ҳ.га эриштира олмайсан, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаганига Ҳ. ато қилур» деган мазмунда оят нозил қилинган. Ҳ. сари даъват қилиш яхши, лекин унга эришиш Аллоҳнинг изни б-н амалга ошар экан. Ҳ. имон-этиқодни мустаҳкамлайди, маъ-ятни шакллантириш асоси ҳамда омили ҳисобланади. Ҳ.нинг мазмун-моҳиятини маън-й фазилатлар ташкил қилади.

ҲИММАТ (араб. ғайрат, шижоат, жўшқинлик; ҳаракат, ҳафсала, қунт) — одамгарчилик, мурувват юзасидан қилинадиган яхшилик, яхши иш, ёрдам; инсонга хос туйғу, хислатни англатувчи т. Ҳ. мурувватлилиқ, олижаноблик, мардлик, тантилиқ, саҳийлиқ. қўли очиклик, саховатлилиқ, улуғворлик, бағрикентлиқ, буюклик ва ҳотамтойлиқ каби т.ларни ўз ичига қамраб олади. Халқ наздида Ҳ.ли киши доимо мард ва танги ҳисобланган. Бундай инсонларнинг обрў-этибори баланд, нуфузи эл орасида кучли бўлади. Халқимиз шарқона миллий урф-о.лардан бўлган Ҳ. кўрсатиш фазилатини ҳамиша ардоқлаб келган. Ўзб. халқи юрт бошига қандай ташвиш тушмасин, не балоларни бошидан кечирмасин, асл саховати б-н ажралиб турган. Ҳ. бу ахлоқнинг асосий қоидаларидан биридир. Унинг замирида саховат, покизалик етакчи ўрин тутади. Ҳ.ли кишилар ҳар қандай вазиятда ҳам эл фаровонлиги учун қайғуради. Ҳ.ли киши тўғрилиги, оғир-вазминлиги б-н ажралиб туради, одамларга доимо саховат кўрсатиб, ночор, хайру закотга муҳтож бўлганларга ёрдам беради. Ҳ.ли кишида тил ва дил юмшоқлиги, меҳрибонлик, сўз ва муомала мад-ти, ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қила олиш кучи,

бағрикентлиқ ва дил поклиги мужассамлашган бўлади. Ҳ.ли киши ҳар қандай ишга аччиғланмайди. Шерюрак бўлиш б-н бирга, бағрикент ва юмшоқ табиатли бўлади. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асаида саховат ва Ҳ.нинг ўзаро муштараклигини шундай таърифлайди: «Сахийлик инсоният боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир. Одамийлик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир. Саховатсиз киши — ёғинсиз баҳор булуту ва иси йўқ тотор мушкидир. Мевасиз дарахт ҳам биру, ўтин ҳам бир, ёғинсиз булут ҳам биру, тутун ҳам бир. Саховатсиз киши б-н гавҳарсиз садафни бирдай ҳисобласа бўлади... Сахий — булутдир. Иши хирмон, балки хазина бермоқ, бахил эса чумолидир, одади дон ва машоқ термоқ... Ҳ.лиларнинг ихтисоси сахийликдир. Бу икки шарафли сифат (саховатлилиқ ва Ҳ.лилиқ) покиза кишиларга хосдир, сахийлик инсоннинг баданидир. Ҳ. — унинг жони. Ҳ.сиз киши эр сонида эмас, чунки жонсиз баданни киши тирик демас». Ҳ.ли кишига хиёнат — эзгулик, одамийлик, инсонпарварликка хиёнат ҳисобланади. Ҳ. — бу адолат ва диёнатнинг посбони бўлиб, ҳамиша ҳақиқатга интилиб яшайди. Ҳ. атамаси “мурувват” ва “саховат” сўзларининг маънодошларидан бири. Бу сўз ғайрат қилиш, олижаноблик ва бахтиёрлик маъноларини ҳам билдиради. Ҳ.нинг негизида ҳам мардлик ётади. Бошқалардан ёрдамни аямайдиган, ўзини қўйиб, ўзгани ўйлайдиган, бағрикент, қўли очик, сахий инсонларни халқимиз азал-азалдан “Ҳ.и баланд” деб таърифлаб келган. Бировнинг оғирини енгил қилиш, бор бисотини бошқаларнинг бахти йўлида сарфлаш, молу жонини аямаслик қадимдан энг савоб ишлардан саналган. Ш.у. ҳам назари паст, Ҳ.сиз, саховатдан йироқ одамни халқимиз ҳеч қачон суйган эмас. Ҳ.ли зотлар бўлган аждодларимиз ўз авлодлари учун ахлоқ-одоб ҳақида кўплаб ўғитлар, насиҳатлар, ривоятлар, асарлар қолдиришган. Ўз-нинг мустақиллиги туфайли уларнинг Ҳ.и бугунги кунда

юксак салобат касб этмоқда. Меҳр-мурувват, хайрия, саховат ҳақида гапирганда, барчамиз Ҳ.лиликнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олмоғимиз керак. Бир оғиз ширин сўз айтиш ёки бир пиёла чойга таклиф этиш ўзб. халқига хос фазилатдир. Ширин сўз, юздаги табасум инсон учун энг олий Ҳ.дир. Ҳ.лилик ўзининг саховати, меҳр-муҳаббати б-н одамлар қалбига сингиб кетади, ҳамиша эзгуликка хизмат қилади.

ҲИКМАТ — донишмандлик, фал., махфий сир, ақл ва ҳақиқатга тўғри келадиган теран маъноли мухтасар сўз, ақл-идрок, заковат. Ҳ. маъ-ят ва маърифатнинг асоси ҳисобланади. Ҳ. орқали инсон дунёни билишга, англашга интилади. Ақл — Ҳ. орқали инсон қилаётган ишларининг мазмун-моҳиятини англайди, яхши б-н ёмоннинг фарқини тушуниб етади. Инсон вужудда икки унсур — яхшилик ва ёмонлик мавжуд. Яхшилик эзгуликка интилиш, инсон маън-й камолотининг негизини ташкил қилади. Ш.у. “Ҳ. излаганга Ҳ. бу дунё, иллат излаганга иллат бу дунё” деган нақлда Ҳ.нинг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

ҲОЖАТБАРОРЛИК — бир инсон томонидан бошқа кишига кўмак бериш, унинг ҳожатини чиқаришни ифодаловчи т. Ҳ. сўзи “сахийлик” атамасига маънодош бўлиб туюлиши мумкин. Аслида бу икки сўз ўртасида катта фарқ мавжуд. Ҳ. сўзида кимгадир яхшилик қилаётган инсоннинг ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда, яъни қилмоқчи бўлаётган яхшилигидан умидворлик туйғуси илинжида бўлиши мумкин. Сахийлик эса чин кўнгилдан, сидқидилдан, беминнат қилинади. Ш.у Ҳ. сўзи кўпгина ҳолларда салбий маънода қўлланади. Чунки кимгадир яхшилик қилиб, яъни ҳожатини чиқариб, бундан наф кутадиган инсонларни худбинлар қаторига киритиш ҳам мумкин.

ҲОМИЙ(ЛИК) — ҳимоя қилиш ишониб топширилган жисмоний ёки ҳуқуқий шахс, қарамоғидагининг қонуний вакили, унинг номидан муайян фаолиятни амалга оширувчи. Айрим ҳолларда

битимларни тузиш, мас., қарамоғидаги киши номидан Ҳ.ни ҳада қилиш мумкин эмас. Фақат 18 ёшга тўлган, ҳимоя функциясини ихтиёрий тарзда ўз зиммасига олган фуқарогина Ҳ. бўлиши мумкин. Ҳ. ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг Ҳ. мақсадларида бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини қайтармаслик шарти б-н ёки имтиёзли шартларда бериш, улар учун ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш ва б.ча тарзда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдамни, фаолиятни англатади.

ҲУРМАТ — маъ-ятнинг муҳим кўри-нишларидан бўлиб, шахс қадриятлари, иззат-нафси тан олиниб қилинадиган мун-т, инсоний фазилат, шахсни, моддий ёки маън-й қадриятларни эъзозлаш ҳис-туйғусини англатувчи т. Ҳ. — кўполлик, сўкиниш, сурбетлик, кишини камситиш, хафа ва ҳақорат қилиш каби жамоатчилик томонидан инкор этилган, маъ-ятга, мад-тга зид хатти-ҳаракатларни содир этишдан ўзини тия олишдир. Ҳ. катта ёшдагилар, ота-она, аёллар, устозлар, дўст, кўни-қўшнилари, ўз гуруҳи ва жамоаси, жамоатчилик мулкига нисбатан маън-й-ахлоқий мун-т, ижобий инсоний сифат ҳамдир. Меҳр-мурувват, саховат кўрсатувчи инсонлар ҳамиша эл олдида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Ҳ. соф ва ҳаққий бўлиши керак. Бирор кишини бойлигидан умид қилиб Ҳ. қилиш ножоиздир. Инсонга Ҳ. одобнинг ёрқин тимсоли саналади. Инсонни Ҳ. қилиш — уни қадрлашдир. Инсонга Ҳ.нинг биринчи белгиси бу — табассум б-н самимий салом бермоқдир. Меҳнат жамоасига нисбатан раҳбарнинг Ҳ.и жамоа аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш бериши, жамоа ўртасида ҳар хил мишмишлар тарқалиши, гийбатчилик, пора-хўрлик, чақимчилик, лаганбардорлик, адолатсизлик, ноҳақлик каби иллатларга йўл қўймаслиги ва буларга нисбатан муросасиз бўлиши, ҳақ б-н ноҳақнинг, ҳалол б-н ҳаромнинг фарқини ажрата билиши, катта ёшдагилар ва аёлларни

эъозлаши, тарбиялиги, хушмуомалалиги, кичикларга иззатли бўлиши, жамоанинг ҳар бир аъзосида фаол ҳаёт мун-тни шакллантиришга ҳаракат қилиши, адолатпарварлик, инсонпарварлик сингари ижобий маън-й сифатларга амал қилиши б-н белгиланади. Ота-онани Ҳ. қилиш инсонпарварликнинг таркибий қисми бўлиб, у ҳар бир фарзанднинг, мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Чунки одамлардаги виждон ва ор-номус ота-онанинг қадр-қимматини тушунишдан бошланади. Ота-онани Ҳ. қилиш уларни ранжитмаслик, жисми ва дилига озор бермаслик, меҳр-муҳаббат кўрсатиш, гамхўрлик қилиш, бетоблигида ёрдам кўрсатиш, кўпол муомала қилмаслик, аксинча, ширинсўз, хушмуомала, меҳрибон бўлиш, кексалигида уларга яхши қараш ва боқиш сингари ижобий мун-тлардан иборат. Исломи дини ота-онани хафа ва норози қилишни ҳаром этган ва улкан гуноҳлар қаторида санаган. Қуръони каримнинг ал-Исро сурасининг 23–24-оятларининг мазмуни қуйидагича: “Парвардигорингиз фақат Ўзига қулик этишингизни ва ота-онага яхшилик қилишингизни қатъий ҳукм этди. Агар ота-онанинг бирлари ё иккиси ҳузурингизда кексаликка етса, уларга “уф” деманг ва қичқирманг. Уларга юмшоқ сўзланг! Уларга тавозеъли бўлинг! “Парвардигор, улар мени ёшлигимда тарбия қилганлари сабабли уларга раҳм эт!” деб уларни дуо қилинг”. Абу Наср Форобийнинг ёзишича, “Афлотун инсон табиатидаги зарурий хислатларни ва уларнинг қарама-қарши жиҳатларини фарқлаш кераклигини тушунтиради. У ...агар инсон ўз мақсадига эришиб, ҳурматга сазовор бўлса-ю, аммо мақсадга эгрилик б-н эришса, бу ҳам зарарли ҳисобланади деб тушунтиради”. Демак, ҳар бир инсон мақсадга ҳалол йўл, меҳнат б-н эришиб, Ҳ.-эътибор қозонишга интилиши лозим. Қалби соф ва беғубор кишигина бошқалар ҳақ-ҳуқуқини Ҳ. қилади, ҳаммага тенг ва самимий Ҳ. кўрсатади. Одамлар бошқа мам-тга борганида маҳаллий аҳолининг тили, дини, урф-олари ва тартибини Ҳ. қилиши ҳамда унга риоя қилиши керак.

Бундай мун-т шу мам-т аҳолисига нисбатан кўрсатилган Ҳ. ҳисобланиб, бошқа миллат мад-ти, қадриятларининг қадрланишини англатади. Мас., мусулмон давлатида тор, калта кийиб олган қиз ва йигитдан маҳаллий аҳоли норози бўлиши табиийдир. чунки бу ҳол миллий урф-о. ва мад-тга тўғри келмайди. Атрофдаги одамларнинг Ҳ.ига сазовор бўлиш кишига маън-й-руҳий озиқ, қувонч, яхши кайфият, кўнгулга таскин бахш этади. Ҳ. инсониятга тинчлик, осойишталик, оилавий бахт, дўсту ёрлар садоқати, турмуш гўзаллигини таъминлайди, меҳнатга рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилади. Ҳ. ҳаётда инсонларнинг ўзаро ёрдам бериши жараёнида умумий мақсад ва қизиқишга эга жамоа аъзолари ўртасидаги мун-тда ривожланади ва улар ўртасида дўстлик, ишонч, севги, нафсоният, ўзлигини англаш, қадрлаш каби маън-й-ахлоқий сифатлар, туйғуларнинг камол топишига замин яратади.

ҲУРФИКРЛИЛИК – маън-й камолот белгиси, муайян ақидаларга эътиқод, эркин фикр юритиб, бирон-бир ғояни мутлақлаштиришга қарши бўлган, маън-й таъйиқларни инкор қилувчи ва ҳақиқатга эришиш йўлида ақлга асосланувчи ижт-й тафаккур йўналишини ифода этувчи т. Ҳ. тарихан турли шаклдаги ақида-парастликни танқид қилишда намоён бўлган. Мас., антик дунёда коинот ва осмон жисмларининг ўзгармаслиги, Куёш, Ер, Ой, юлдузларнинг ҳаракатланмаслиги тўғрисидаги ақидалар мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Кейинроқ уларга қарши Птоломейнинг Куёш ва Ойнинг Ер атрофида айланиши тўғрисидаги ғояси пайдо бўлди. Бу ҳол турли ихтиро ва кашфиётларга туртки бўлиб, астрономик кузатишлар олиб боришга имконият яратган эди. Улуғбек астрономияси ҳам ана шу ғоя асосига қурилган бўлиб, кўплаб кашфиётларга сабаб бўлган. Кейинроқ Ер коинот маркази экани тўғрисидаги ғоя ақидага айланди, черков томонидан ҳақиқат деб қабул қилинди ва мутлақлаштирилди. Бу эса кейинчалик Ҳ.нинг

аста-секин кучайишига, кўплаб кашфиётлар, янги-янги сайёралар, коинот сирларининг кашф этилишига олиб келди. Ўрта а.ларда ошқора рухдаги атеизм ёки атеистик кўринишдаги ақидалар камроқ кузатилган бўлса-да, айрим Ҳ. ҳаракатлари мавжуд бўлган. Буни поп ва монахлар, черков авторитаризми. диний догмалар ва аскетизм танқидида кўриш мумкин. Жам-т ривожланган сари атеизм аниқ мафкуравий йўналиш негизига эга бўлиб борган. У айрим кишиларнинг виждон эркинлиги, эътиқоди доирасидан чиқиб, кўпроқ муайян мафкуравий мақсадларни назарда тутган бошлаган. Материалистик фал. ва илмий атеизм зўр бериб тарғиб этган тарихни материалистик тушуниш ғояси орқали диний эътиқод, диннинг инсон ва жам-т ҳаётидаги ўрни, диний қадриятлар ҳам мутлақо инкор этилган. Динга қандайдир “афюн” сифатида қаралган. Унга қарши атеистик кураш, тарғибот ва ташвиқот олиб борилган. Охир-оқибатда динга, соғлом эътиқодга қарши қаратилган ана шундай мақсадлар асосида атеистик мафкура коммунистик мафкура б-н топилсади, бир-бирини тўлдирди. Инсоният ижт-й-сиёсий тар-ёти давомида ишонч, сабр-тоқат, қаноат, нафсни тийиш каби фазилатлар орқали иродасини мустаҳкамлаб борган. Бундай ирода кўринишлари мусулмон цивилизациясида ҳам, христиан цивилизациясида ҳам, бошқа диний мад-тлар тарихида ҳам мавжуд бўлиб, фанда бу ҳодиса аскетизм сифатида эътироф этилади. Аскетизм бориб-бориб айрим шахсларни илоҳий қобилятга эга бўлган каромат соҳиблари сифатида илоҳийлаштириш, исломда эса мол-дунёга, моддий неъматларга иккинчи даражали деб қараш ҳолатларига олиб келди. Аскетизм — бирор нарса б-н машғул бўлиш эвазига зоҳидлик йўлини тутиш, яъни моддий бойликлардан имкон қадар камроқ фойдаланиб, қаноат қилиб яшаш демақдир. Аскетизм инсонни сабр-тоқатли бўлишга чорласа-да, шахснинг эркин ижодий фаолиятига монелик қилади. Нақшбандия таълимоти вакиллари бунга йўл қўймас-

лик, шахснинг бунёдкорлик фаолиятини ривожлантириш учун «Дил ба ёру, даст ба қор» (Кўнглинг — Аллоҳда, қўлинг — ишда бўлсин) деган ғояни тарғиб этган. Бу эса инсонни таркидунёчиликдан тийиб, ҳар икки олам саодатига эришишни ўйлаб, тўлақонли фаолият юртишини назарда тутди. Демак, аждодларимиз жам-т мафсаатларини ифода этадиган ҳукмрон ғоя ва қарашлардан келиб чиққан ҳолда, барча даврларда ҳам халққа тўғри йўл кўрсатишга интилиб келганлар. Ҳ. нафақат илмий ва диний, балки ижт-й ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида хилма-хил тарзда намоён бўлади. Унинг ақидапарастликдан энг асосий фарқи — янгилик ва тар-ётга интилишидир.

ҲУШЁРЛИК — инсон, ижт-й гуруҳ ва табақаларнинг жам-т, миллат, давлатнинг тинчлиги, барқарорлиги, фаровон ҳаёти ва мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолишга қаратилган ижт-й-маън-й туйғусини ифода этувчи атама. У оқ-қорани, дўст-душманни, ҳақ-ноҳақни, пок ниятли инсонни мунофиқдан фарқлаш имконини беришга ундайдиган т. Ҳ. жам-т зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Кишиларда Ҳ. ҳиссини шакллантириш, камол топтиришда ижт-й-иқт-й, мад-й, мафкуравий ва тарбиявий омиллар муҳим ўрин тутди. Ҳоз. кунда ўзларининг гаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида юртимизга ҳар хил йўллар б-н кириб келаётган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимиз қалби ва онгини зарарли ва бузғунчи ғоялар б-н эгаллашга ҳарқат қилаётган ёвуз кучларга қарши курашадиган ва ўз юртини ҳимоя қилишга чорлайдиган даъват бу Ҳ.дир. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “...агар биз бутунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай, сезмай

қолишимиз мумкин” (И.А. Каримов. «Ҳушёрликка даъват». Т., 1999. 8-бет). Ҳ. шахсни ҳар қандай фавқулодда вазиятларга тайёр туриши ва хавф-хатар келмасданоқ уни олдиндан кўра билиши б-н характерланади. Бу психологик ҳолат, айниқса, давлат ва жам-т бошқарувида раҳбар ва ходим фаолиятида яққол кўзга ташланади. Раҳбарнинг масъулияти ва маҳорати қўл остидаги жамоани, халқ ва миллатни турли кўринишлардаги хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асрай билишдан иборат. Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг “Агар шоҳсен огоҳ сен. Агар огоҳ сен, шоҳсен” ғояси Ҳ. учун ҳаётий тамойил ҳисобланади. Бугунги глобаллашув ва модернизациялаш жараёнида турфа ахборотлар дунё бўйлаб шиддат б-н тарқалаётган бир пайтда Ҳ.га бўлган талаб ва эҳтиёж беқиёс даражада ортиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда „Ўз уйингни ўзинг асра“ даъвати асосида Ҳ.ни таъминлаш борасида қатор амалий ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Табиийки, халқ ва миллатни демократик қадриятлар асосида ижт-й-сиёсий ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлардан хабардорлиги Ҳ.нинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис халқимизнинг, шу жумладан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий мад-ти, маъ-ятини юксалтириш, мустақил тафакқурини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Халқимиз шуурида, онгу тафакқурида “Шу азиз Ватан барчамизники” ҳаётий шиори орқали Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш лозимки, токи ҳар бир юртдошимиз истиқлол неъматини имкониятини теран англаб, бор куч-салоҳиятини Ватанни, истиқлолни ҳимоя қилишга сафарбар этсин. Мам-тимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси сарҳадларимизнинг дахлсизлиги, Ватанимизнинг тинч ва осойишталиги б-н белгиланади. Шундай экан, ҳар бир ватандошимиз огоҳ ва хушёр бўлиши лозим. “Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри

баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда”. (“Юксак маънавият — енгилмас куч”, 118–119-б.).

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли мун-т, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишни ифодаловчи атама. Ҳ.м.нинг жам-т ривожидида тутган ўрни ва аҳамияти Президентимиз томонидан белгилаб берилган “тараққиётнинг ўзбек модели”да аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Ҳ.м. мам-тимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш сатъ-ҳаракатлари б-н узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир фуқаронинг қонунларга қатъий риоя этиши, қонун бўйича яшаш ва меҳнат қилишини тақозо этади. Ҳ.м.ни такомиллаштириш учун барча фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, маъ-ятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳ.м. макон ва замонда фарқланиб, ҳозирда ва истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган манфатлар кўлами б-н ўлчанади. Ҳ.м. инсоннинг билим ва тажрибалари орқали нарса ва ҳодисаларни, ижт-й-сиёсий жараёнларни, уларнинг мазмун-моҳиятини англаш, тўғри ёки нотўғрилигини фарқлаш ва шу асосида хулоса чиқариш имконини беради.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ — ҳуқуқшунослик, фал. соҳаларига оид категория; ҳуқуқий ҳодисаларни акс эттирувчи, ҳуқуқий қадриятларни англаш, зарур ҳуқуқий тартибни сақлаш б-н боғлиқ ижт-й гуруҳ ва индивидуал онгга мансуб т. Ҳ.о. жам-т ҳаётининг ижт-й-иқт-й, унинг мад-й-ҳуқуқий, сиёсий шарт-шароитлари б-н тавсифланади. Ҳ.о. — ижт-й ва индивидуал онгга тегишли бўлган, ҳуқуқий билимларни ўз ичига олган ғоялар мажмуи. Ҳ.о. билиш, баҳолаш ва тартибга солиш вазифаларини бажаради. Ҳ.о. жам-т ҳаётида содир бўладиган воқеа-ҳодиса, шахс онгида ҳуқуқий нормаларнинг шаклланиши ва такомиллашувини ифода этади. Ўз навбатида, ҳуқуқ ва унинг амалиётда

қўлланиши ижт-й ва индивидуал онг мазмунига таъсир кўрсатади. Ҳ.о.нинг билиш, баҳолаш ва тартибга солиш вазифаларининг мазмун-моҳиятида, бир томондан, билим ва маърифат намоён бўлса, иккинчи томондан, юксак маъ-ят ва муайян ирода-эътиқод ўз ифодасини топади. Бугун жам-тимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, мам-тимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг пировард самараси, олдимизда турган улкан мақсад-муддаоларга эришиш кўп жиҳатдан ўз ҳақ-ҳуқуқини теран англаб етган, ҳуқуқий меъёрларни чуқур ўзлаштирган ва уларга қатъий амал қиладиган, Ҳ.о.и, билими ва дунёқарashi кенг бўлган инсонларнинг фаол иштирокига боғлиқ.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — жам-т аъзолари мад-ти ва онгига ҳуқуқий билимларни турли таъсир воситалари орқали узлуксиз сингдириб бориш жараёнини ифодаловчи т. Ҳ.т. воситаларига ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим ва амалиёт. ўзини ўзи тарбиялаш киради. Ҳ.т. кенг маънода, жам-т аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий мад-тини шакллантириш, шахс онгига унинг ҳуқуқ ва бурчларини сингдириш жараёнини анг-

латади. Ҳ.т. тор маънода фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва мад-й савияси даражасини оширишга хизмат қиладиган усул ва воситаларни ифода этади. Ҳ.т.нинг давлат ва жам-т тар-ётида ҳамда фуқаролик жам-ти асосларини қуришдаги ўрни шахснинг, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва кўникмалари даражаси б-н белгиланади. Ҳ.т. мавжуд тузум, давлат ва ҳокимият органлари, маҳалла, оила, ташкилотлар ва уларнинг фаолияти орқали амалга ошади. Ҳ.т. кўп қиррали ва мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг муаммолари ҳуқуқшунослик, педагогика ва психология, миллий ғоя, маъ-ят асослари, этика ва эстетика каби фанлар доирасида тадқиқ этилади. Ҳ.т. самарадорлиги оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасаларининг маън-й-маър-й соҳадаги фаолиятининг ўзаро уйғун ҳолда амалга оширилиши б-н белгиланади. Ҳ.т.ни шакллантиришда ОАВ, радио, ТВ, ҳуқуқий мавзулардаги кечалар, давра суҳбатлари ҳам муҳим ўрин тутаети. Буларнинг барчаси фуқароларнинг биринчи галда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини ўстириш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиладети.

МАҚОЛАЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА МУАЛЛИФЛАРИ ХУСУСИДА

Муҳтарам ўқувчи! Мазкур китоб маънавият йўналиши бўйича луғат яратишда илк тажрибадир. Атамаларни йиғиш давомида маънавият билан боғлиқ 5 мингга яқин сўзлар аниқланган бўлса-да, луғатга мингдан зиёд асосий тушунчалар киритилди. Унинг мазмун-моҳиятига Президент И.А.Каримовнинг асарларида баён қилинган ғоя ва хулосалари, айниқса, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан ўрин олган фикр-мулоҳазалари тўлиқ сингдирилди.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», «Фалсафа» қомусий луғати, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Мустақиллик» илмий изоҳли луғати, «Миллий истиқлол ғояси» ва «Ижтимоий ҳимоя» луғатларининг маънавиятга оид тушунча ва атамаларидан ижодий фойдаланилди. Китобни тайёрлаш учун махсус гуруҳ тузилиб, ушбу жамоа аъзолари луғат сўзлари, атама ва тушунчаларини тайёрлашда фаол иштирок этди. Чунончи, Қ.Назаров (76), М.Қаршибоев (34), Б.Умаров (44), А.Холбеков (28), И.Эргашев (41), У.Хаитов (30), В.Қўчқоров (42), Ф.Равшанов (38), Н.Комилов (36), Т.Тоғаев (38), А.Бегматов (20), Б.Абдушукуров (27), Б.Исоқов (32), А.Шеров (30), Ш.Ризаев (24), У.Саидов (28), И.Махмудов (26), Н.Назаров (20), М.У. Усмонов (20), Н.Абдуазизова (22), Ш.Жабборов (21), А.Ташанов (25) луғатнинг асосий муаллифларидир*.

Шу билан бирга мазкур китобни тайёрлашда қўйидаги мутахассислар ҳам иштирок этдилар: М.Абдужамилова (14), М.Абдуллаева (4), А.Абдуллаев (1), Ғ.Абдумажидов (8), М.Абдурахмонов (3), Ф.Абдурахмонов (2), А.Абдусамедов (9), Ф.Абиджанова (4), Ў.Абилов (2), Ҳ.Абулқосимов (6), Н.Агзамова (1), Ф.Акрамова (1), Б.Алиев (10), К.Алиева (8), Ҳ.Алиқулов (4), В.Алимасов (2), Х.Алимов (8), Д.Алимова (4), Ҳ.Аҳадов (4), М.Аҳмедов (10), Ф.Аҳмедов (1), Ҳ.Аҳмедов (4), М.Бекмуродов (4), Ҳ.Бобоев (2), А.Бобоев (3), Д.Бозоров (14), С.Бозоров (5), Б.Валиев (12), Б.Дўсқораев (1), Э.Дўсқораев (1), М.Ёқубова (5), М.Жакбаров (4), С.Жалилова (1), А.Жалолов (1), Ў.Жалолова (2), Р.Жумаев (10), Б.Жуманиёзов (1), Н.Жумахўжа (2), Ж.Жўраев (4), Т.Жўраев (16), Н.Жўраев (2), С.Жўраев (2), Ҳ.Жўрақобилова (5), А.Иброҳимов (2), Н.Иброҳимова (1), Р.Имомалиева (1), Н.Имомназаров (4), Э.Искандеров (5), З.Исломов (2), Ҳ.Исмоилов (3), [С.Йўлдошев] (6), Б.Каримов (2), Н.Каримов (4), Т.Каримов (4), В.Каримова (4), М.Комилов (3), А.Мадвалиев (2), С.Мамашокиров (2), А.Мансуров (1), Т.Матибоев (2), Т.Махмудов (2), Ҳ.Маҳмудова (5), З.Минавваров (2), С.Минавваров (4), Л.Муҳаммадҷонова (12), А.Мўминов (4), И.Насриев (12), Х.Назиров (5), Т.Нишонбоев (3), Қ.Нишонбоева (2), А.Норбеков (5), Д.Норқулов (2), Э.Норматов (2), Р.Носиров

* Қавс ичида муаллифлар томонидан изоҳланган тушунча ва атамаларнинг сони кўрсатилган.

(2), М.Нурматова (9), С.Олимов (3), Б.Омонов (2), Т.Ортиқов (4), М.Ортиқов (2), У.Отажонов (10), М.Отақулов (1), С.Отамуродов (11), А.Очилдиев (11), М.Очиллов (2), Ш.Пахрутдинов (5), М.Ражабова (3), Ж.Раматов (3), А.Расулов (2), Д.Рахимова (7), М.Рахимова (12), А.Рахманов (9), Ҳ.Рахмонқулов (2), Д.Рустамова (1), Р.Рустамова (24), А.Сагдуллаев (2), М.Сафарбоев (8), А.Сафаров (2), Ш.Содиқова (15), И.Соифназаров (2), Ф.Соифназарова (2), И.Сувонқулов (12), Х.Султонов (4), Н.Темирова (1), [Ё.Тоиров] (4), Г.Туленова (2), К.Туленова (2), Ш.Турдимов (1), Б.Тўйчиев (6), Г.Тўлаганова (2) Б.Тўраев (4), Ҳ.Тўхтаев (3), И.Тўхтаров (6), Х.Тўхтаров (4), Б.Узоқов (2), У.Уватов (2), А.Умаров (2), Э.Умаров (1), М.Умирова (4), М.Усмонов (5), Д.Файзиҳўжаева (6), [О.Файзуллаев] (3), [М.Холматова] (4), Қ.Хоназаров (4), У.Худойбергана (6), И.Хўжамуродов (2), [А.Чориев] (4), С.Чориев (6), Х.Шайхова (4), А.Шарипов (3), М.Шарипов (4), Б.Шералиев (7), Н.Шермухамедова (18), Ф.Эргашев (4), Д.Эргашева (3), Д.Эркаев (4), Ж.Эшонқулов (2), Д.Юсупов (2), К.Юсупов (2), О.Юсупов (1), К.Юнусов (8), А.Яхшиев (12), А.Ўтамуродов (6), М.Қирғизбоев (2), М.Қаҳҳорова (7), А.Қодиров (4), Б.Қодиров (2), Д.Қодирова (4), У.Қорабоев (18), [Б.Қосимов] (4), М.Қосимов (2), Н.Қувватов (2), У.Қулмуродов (9), М.Қуронон (2), А.Ғаниев (10), М.Ғаниев (3), М.Ғаффорова (6), Х.Ҳайдаров (2), [А.Ҳайитметов] (2), Ш.Ҳайитов (1), Ж.Ҳасанбоев (2), А.Ҳасанов (5), Р.Ҳасанов (4), М.Ҳожиева (1), [А.Ҳожиахмедов] (1), М.Ҳошимова (1), Э.Ҳошимова (1), Б.Ҳусанов (14), С.Ҳусанов (1).

Таҳрир ҳайъати:

Х.Султонов, А.Расулов, А.Аҳмедов, Б.Алимов, Х.Шайхова,
М.Қуронов, А.Умаров, Л.Тангриев

Нашрга тайёрлаганлар:

Қ.Назаров (тузувчи ва масъул муҳаррир), М.Қаршибоев, Б.Умаров, А.Холбеков.

Ижодий жамоа:

М.Абдужамилова, Б.Абдушукуров, Ҳ.Абулқосимов, Б.Валиев, М.Аҳмедов,
Ш.Жабборов, Ф.Иргашев, Б.Исоқов, Н.Комилов, И.Маҳмудов, Ш.Паҳрутдинов,
Ф.Равшанов, Ш.Ризаев, У.Сайдов, Ш.Содиқова, А.Ташанов, Т.Тоғаев,
М.Умирова, А.Ўтамуродов, И.Эргашев, А.Яхшиев, В.Қўчқоров, А.Ғаниев.

Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х.Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 760 б.

И. Назаров Қ. (тузувчи).

ББК 71.04я2

МАЪНАВИЯТ
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Қайта нашри

Нашриёт муҳаррирлари: *И.Зойиров, М.Омонов*
Мусаввир Б.Разаков

Техник муҳаррир *Т.Смирнова*

Мусахҳиҳлар: *Г.Абдуллаева, М.Абдуллаева, Т.Соатова, Д.Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *З.Маннопова*

ИБ № 4974

Босишга 12.10.10 й.да рухсат этилди. Бичими 70x100 ¹/₁₆. Таймс гарнитураси.

Офсет босма. 61,6 шартли босма тобоқ. 63,0 нашр тобоғи.

Адади 2500 нусха. 353 рақамли буюртма. 108–2010 рақамли шартнома.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзилимиз: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz